

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ: ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, ҳуқуқий, демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган сиёсати, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт билан боғлиқ бозор иқтисодиётига ўтиши, халқаро ҳамжамият томонидан умум эътироф этилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги тан олинганлиги муносабати билан, кун тартибида пайдо бўлган жиноят қонунини ислоҳ қилиш муаммоси янги қонун яратиш ёки амалдагисини такомиллаштириш каби масалани ечишни талаб қиларди. Бу муаммо долзарб бўлиб, ўтиш даври шароитида замонавий ҳуқуқий тизимни яратиш (энг муҳими, одамлар онгидан тоталитар тизим стереотипларини чиқариб ташлаш) орқали янги давлатчиликни барпо этишга бўлган сиёсий иродани амалга ошириш зарурати мавжуд бўлган вақтда қонунни такомиллаштириш қулайроқ бўлиб, янги шароитда ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва уларни жиноятҳуқуқий муҳофаза қилишда юзага келиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш имконини берарди. Шу билан бирга бундай ёндашув социалистик тузум даврида ўз обрўсини йўқотган эди, чунки қонунларга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар, одатда, конъюнктур хусусиятга эга эди. Жиноят кодексига ҳукмрон партия тузилмалари ва муассасалари томонидан утилитар, жиноятчиликка қарши, ўша даврда юзаки бўлиб қолган курашни намойиш қилиш мақсадида, сиёсий етакчилар томонидан билдирилган ҳар қандай фикрларни зудлик билан ўзида акс эттиришга мажбур бўлган тизим сифатида қараларди. Бундан ташқари, мазкур ўзгартишлар, уларни қабул қилиш вақтида мавжуд бўлган турли хил назарий концепцияларни ифодалаб, қонуннинг айрим моддалари бир неча маротаба, аксарият ҳолларда бирбирига зид бўлган ҳолда ўзгартирилди. Шу каби ва бошқа ҳолатлар бундай ёндашувдан воз кечиш учун асос бўлди.

Жиноят ҳуқуқи соҳасидаги ислоҳот, Ўзбекистоннинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясига мос келадиган, жиноятчиликка қарши курашда жиноятҳуқуқий чоралар самардорлигини ошириш имконини берувчи, бевосита мақсад — ҳар бир жиноят учун ва жиноятҳуқуқий тақиб ҳамда йўриқларини бузган ҳар қандай шахсга нисбатан қонунни қўллаш муқаррарлигини таъминлайдиган ва жиноят ҳуқуқи соҳасидаги сиёсатнинг истиқболдаги мақсади — жиноятчиликни камайтиришни ҳал қилиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган жиноятлар ва жазолар тўғрисидаги қонунни яратишни назарда тутган эди. Жиноятҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида ўз ечимини талаб қиладиган устувор вазифалар қаторида: Конституция ва халқаро ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган кадрятлар тизимини акс эттириш; давлатда ва Марказий Осиё худудида вужудга келган сиёсий, ижтимоийиқтисодий, этномаданий, конфессионал ва маънавиймаърифий вазиятни мувофиқравишда ифодалаш; давлатчилик ва ижтимоий муносабатлар ривожланишининг истиқболларини инобатга олиш, уларнинг ижтимоий ва криминологик жиҳатдан жиноятҳуқуқий муҳофазасининг зарурати; юридик шахслар фаолияти ва фуқаролар ҳаётига жиноятҳуқуқий «аралашувнинг» оқилона чегаралари; ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича тўпланган тажрибани ҳисобга олиш ва аввалги қонун ҳамда уни қўллаш амалиёти ютуқларининг узвийлигини таъминлаш; жиноятчилик динамикаси ва тузилишидаги асосий тенденцияларни ва демократик ҳамда иқтисодий янгиланишларнинг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган замонавий жиноятҳуқуқий сиёсат муҳим асосларининг ижобий ўзгаришларими акс эттириш; жамоатчилик фикри, ҳуқуқий онг даражаси ва қонунга итоаткорликни, ҳуқуқий маданият аҳволини ҳисобга олиш; илмийназарий ютуқ ва тавсияларни, қонун ижодкорлиги соҳасидаги халқаро тажриба ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган жиноятҳуқуқий нормаларини имкон қадар тўлиқ ҳисобга олиш; жиноятҳуқуқий репрессиянинг ҳақиқий ижтимоийрегулятив имкониятларини ҳисобга олиш; жиноят қонунининг ҳақиқатан амалга ошириш мумкин бўлган вазифаларини белгилаш; максимал даражада формаллаштириш; жиноят ҳуқуқи принципларини аниқ ифодалаш белгиланди.

Жиноят ҳукукий ислохотларнинг мазкур мақсад ва вазифаларини барча институт ва нормаларни жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари вазифаларини ҳал этишга аниқ йўналтирилган ҳолда тузиш орқали; қонун нормаларига жиноят ҳукуқи принципларини максимал даражада татбиққилиш ва муайянлаштириш; криминализациялаш ва декриминализациялаш асосларини ҳисобга олиш; криминализация принципларини комплекс равишда ва тизимли қўлланл; ҳам қилмиш, ҳам шахснинг ижтимоий хавфлилигини инobatга олган ҳолда дифференциаллаштирилган, ижтимоий ва криминологик жиҳатдан асослантирилган жавобгарликни ўрнатиш; давлат ва >камият учун энг муҳим ва кадрли бўлган ижтимоий муносабатларга < тажовуз қилувчи ва жиноий рецидивга йўл қўювчи шахсларга нисбатан жиноятҳукукий таъсирнинг жиддий чораларини саклаб қолиш; қонунда фойдаланиладиган институтлар ва жиноят таркиблари тушунчаларининг жиноят ҳуқуқининг сиёсий ва ижтимоий моҳияти ўртасидаги ўзаро мувофиқ муносабатини таъминлаш; мамлакаткинг давлат ва ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунларида мавжуд бўлган тақиқ ва йўриқларни ҳисобга олиш; қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилиш; судтергов ихтиёрининг оқилона доирада қисқартирилиши орқали амалга ошириш мумкин эди.

Мақсад ва вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилиши ва татбиқ қилиниши икки хил ёндашув мавжудлиги туфайли, кўп жиҳатдан, жиноят тўғрисидаги замонавий қонун ҳужжатларининг умумий хусусияти тўғрисидаги масаланинг тўғри ҳал қилинишига боғлиқэди. Муқобил йўллардан бирини танлаш лозим эди: тор доирадаги нисбатан қаттиқтаъсир чораларини назарда тутишни англатадиган, ижтимоий хавфлилиги етарли даражада юқори бўлган ижтимоий хавфли хулқатвор учун жиноий жавобгарликни ўрнатиш билан чекланиб, «ихчам» қонун лойиҳасини тузиш ёки «камрок» кадриятларга ҳам тажовуз қиладиган хулқатвор устидан жиноятҳукукий назоратни амалга ошириш имконини берувчи кодексни яратиш. Мазкур масалани ҳал қилишда, биринчи ёндашувнинг муайян даражада маъқуллигига қарамасдан, унинг афзалликларини «қоплаб» кетадиган айрим салбий жиҳатлари ҳам мавжудлиги ҳисобга олинган. Радикализм унинг асосий камчиликларидан бири эди, чунки «кичик», аммо анча қаттиқ кодексни тузиш жиноят ҳуқуқининг кўплаб йиллар давомида шаклланган қатор қоидаларини қайта кўриб чиқишни талаб қиларди. Ўз навбатида, бу ҳол, қонуичиликдаги изчилликни бузибгина қолмасдан, ҳуқуқни муҳрфаза қилувчи органлар томонидан жиноятчиликка қарши курашнинг ўрнашиб қолган ва синовдан ўтган шакл ва усулларини қайта кўриб чиқишни талаб қиларди, чунки жиноятпроцессуал, маъмурий, тезкорқидирув, жиноятжроия каби ҳуқуқ бошқа соҳаларининг ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқиш зарурати вужудга келарди. Бундан ташқари, криминализация қилинадиган хулқатвор тўғрисидаги масалани ҳал қилишда криминализация қилишнинг ҳуқуқий принципларининг барча мажмуасини, айниқса, тизимли ҳуқуқий гуруҳни инobatга олишнинг имкони бўлмас эди ва бу самарадорлиги кам бўлган ёки ижтимоий жиҳатдан асосламтирилмаган қонун қабул қилиниши хавфини оширар эди. Шуингдек, бу анъанавий тарзда унча оғир бўлмаган жиноятлар қаторига киритиладиган кўплаб қилмишлар ҳамда эҳтиёсизлик орқасида содир этиладиган барча ҳуқуқбузарликларга қарши кураш самарадорлигининг сусайиб кетишига олиб келиши мумкин эди. Уларнинг барчаси ёки аксарият қисми муқаррар равишда ҳуқуқий таъсир самарадорлиги жиноийҳуқуқий таъсир чоралариникидаг! паст бўлган маъмурий ҳуқуқ таъсири остига тушиши лозим эди. Бундан ташқари, ҳар қандай радикализм, жумладан, қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам, революция демақцир. Аммо, жаҳон тарихий тажрибаси кўрсатганидек, революция жуда кам ҳолларда ижобий ижтимоий натижалар келтириб чиқариб, ак сариятҳоллардажамяттривожланишига тўсқинлик қилади ва шуидай муаммоларни келтириб чиқарадики, уларни ҳал қилиш учуи кўплаб йиллар талаб қилинади. Шу каби сабаблар етарлича тўла равишда демократик жиноят ҳуқуқи принципи татбиқ этилган ип давлатимиз жиноятҳуқуқий сиёсатининг энг муҳим гоёлари акс эттирилган қонунни яратиш йўлидан боришга ундади.

Шу аснода 1994 йил 22 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши охириги чақирикўн олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси¹ қабул қилиниб, 1995 йил I ап рель куни кучга кирди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида биринчи Жиноят кодекси нафақат тузилиши, балки мазмуни бўйича ҳам ажралиб туради. Унинг бирорбир моддаси 1959 йилда қабул қилинган ЖКнинг таърифини такрорламаслигини кўрсатиш старлидир.

Бугунги кунда жазолаш элементини кетмакетлик билан қисқартириш ва уларни тарбиявий элементлар билан бойитиш, қонунийлик, муқаррарлик ва одиллик асосида жиноий қилмишлар доирасини қисқартириш ва жиноий жазоларни юмшатишда намоён бўлиши лозим бўлган репрессияни тежаш принципини кенгроқ амалга ошириш мамлакатимиз жиноят ҳуқуқий сиёсатининг асосий йўналиши бўлиб ҳисобланади. Жавобгарликнинг муқаррарлиги, хавфсизлик ва ҳуқуқтартиботга ички ва ташқи таҳдидни ташкил қилувчи қилмишлар учун жиддий чоралар қўллаш билан уйғунлаштирган ҳолда жиноят қонунини инсонпарварлаштириш объектив ижтимоийсиёсий ва иқтисодий шартшароитлар билан белгиланган вадавлатчилигимиз ривожланишининг асосини ташкил қилувчи принциплардан келиб чиқади.

Таъкидлаш жоизки, инсонпарварлаштириш ва либерализациялаштириш жараёнлари нафақат жиноят ҳуқуқи соҳасини, балки мамлакатнинг бутун судҳуқуқтизимини қамраб олди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан олиб борилаётган судҳуқуқ ислохотларининг мақсади: бир томондан — фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали муҳофаза қилишнинг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг мавқеини кучайтириш; бошқа томондан эса, судьяларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, уларнинг инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ролини оширишдан иборат.

Мамлакат ижтимоий давлат ҳаётининг бошқа соҳаларидаги каби судҳуқуқ ислохотлари ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши даражасини инобатга олган ҳолда, босқичмабосқич амалга оширилмоқда. Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисида сўзга чиқиб, Юртбошимиз «Республикамизнинг босиб ўтган ... йўлни алоҳида икки даврга ажратиш тўғри бўлади. Ҳеч шубҳасиз, бу даврларнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида ўзига хос ва ўзига мос муҳим ўрин эгаллайди.

... ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган **дастлабки босқич — 1991—2000 йиллар...**

2001 йилдан 2007 йилгача ... иккинчи босқич — фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври...», деб таъкидлаб ўтди¹.

Ўзбекистонда судҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни амалга оширишни қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин.

Судҳуқуқ ислохотларининг биринчи босқичида (1991—2000 йй.) судҳуқуқ тизимини тубдан ислох қилишнинг миллий стратегияси белгиланди ва унинг конституциявий ҳуқуқий асослари яратилди. «... судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва муваффақиятли ҳал этилди». Жаҳон тажрибаси инобатга олинган ҳолда, мамлакатда илк бор Конституциявий суд таъсис қилинди. Суд ҳокимиятининг таркибий қисми сифатида хўжалик судлари ташкил қилинди. «Жиноят, жиноятпроцессуал, судҳуқуқ ва бошқа йўналишларнинг қонунчилик асосини ташкил этувчи база яратилди».

Тўпланган тажриба ва амалдаги жинойт тўғрисидаги қопуп \уж жатларининг таҳлили асосида судҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, одил судлов тизимини демократлаштириш, суд процессида айблов ва ҳимоянинг тенглигини таъминлаш

мақсадида адвокатура мавқеини оширишга қаратилган чоратадбирлар курилди. Давлат раҳбари томонидан, судни жазоловчи оргаидап оддий инсонларнинг ҳуқуқва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга қайта ўзгартириш мақсадида, уни ислоҳ қилиш вазифаси қўйилди,

19961998 йилларда қабул қилинган бир қатор қонуилар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва бошқа қатор қонуности ҳужжатлари кўрсатилган мақсадга эришишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони¹ биноан суд тизимини ислоҳ қилиш ва унинг демократик асосларини чуқурлаштириш мақсадида, ишларни судда ўз вақтида ва одилона кўриб чиқишни таъминлаш мақсадида 2001 йил 1 январь кунидан жинойт ишлари бўйича алоҳида судлар ва фуқаролик ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил қилиниб, суддаги иш юритиш сифатини жиддий даражада кўтариш имконини берди. Масалан, 2000 йилда ҳукмларнинг бекор қилиниши ва ўзгартирилиши ҳукм қилинганларнинг умумий сонига нисбатан 10,5 % ни ташкил қилган бўлса, бу рақамлар 2006 йилга келиб 3 % ни ташкил қилди.

2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикасининг қонун даражасида суд ҳокимияти мустақиллигининг бошқалардан фарқ қиладиган ва фундаментал қафолатлари,² унинг самарадорлигини акс эттирувчи янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг² қабул қилиниши ислоҳотлар биринчи босқичининг якунига мос келди. Мазкур Қонун билан суд кадрларини танлаш ва жойлаштиришнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди, судларнинг жинойт ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослашуви мустаҳкамланди. «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакат суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим қадам бўлди. Қонун мустақиллик даврида судҳуқуқ соҳасида йиғилган тажриба маҳсули бўлиб, суд фаолиятини янада такомиллаштириш ва демократлаштириш учун шароит яратди.

Судҳуқуқ ислоҳотларининг иккинчи босқичини (20012007 йй.) шартли равишда қуйидаги даврларга ажратиш мумкин: 1) 2001 — 2005 йй.; 2) 20052007 йй.

2001—2005 йиллар даврида жинойт жазоларни либераллаштиришга, судда ишларни кўриб чиқиш сифатини оширишга, суд муҳокамаси муддатларини қисқартиришга, жинойт ва фуқаролик ишларини кўриб чиқишнинг апелляция тартибини жорий қилиш ва кассация тартибини ўзгартиришга, суд қарорларини ижро этишни такомиллаштиришга эришилди.

Мазкур босқичда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»^{ТМ}¹ (2001 й.), «Жинойт жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жинойт, Жинойтпроцессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»²ги (2001 й.), «Прокуратура тўғрисида»ги (Янги таҳрири)³ (2001 й.) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги (2000 й.), «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги⁴ (2001 й.) Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг«Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судларининг моддийтехника таъминотини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши суд ижрочиларини суд тизимидан чиқаришга ва ижро ҳокимияти тизимига ўтказишга имкон берди, бу ҳокимиятнинг бўлиниши принципига тўлиқ мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Жинойт ва Жинойтпроцессуал кодексларига киритилган ўзгартишлар натижасида:

1) 73% жиноят таркиблари ижтимоий хавфи катта бўлмаши ва унча оғир бўлмаган жиноятлар қаторига, 25% оғир ва ўта оғир жиноятлар қаторига киритилди. Жиноятлариингтаспифлапиши ўнар ганлиги ва жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши судларда а очод ликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ксигроқ қўллаш имконини яратди. Агар, 2001 йилда маҳкумларнинг 7,2% га жарима жазоси қўлланган бўлса, 2006 йилга келиб бу рақам 17,8% ни ташкил қилди. Шудавр ичида ахлоқтузатиш ишларини тайинлаш ҳам судланганларнинг умумий сонига нисбатан 21,5% дан 33,9% га, шартли ҳукм 7,9% дан 11,5% га ошди;

2) озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига жарима жазосини қўллашни кенгайтириш учун ҳуқуқий асос яратилиши натижасида суд амалиётида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳоллари жиддий қискарди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори сўзларига кўра, 2000 йилда судланганларнинг 47 фоизи озодликдан маҳрум қилинган бўлса, 2006 ва 2007 йилларда суд ҳукми эълон қилинган шахсларнинг деярли 70 фоизига нисбатан жамият ва оиладан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар қўлланилган¹.

Қамоқ каби жазони тайинлаш ҳоллари маҳкумларнинг умумий сонига нисбатан 1,3% дан 0,8% га қискарди.

«Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳасидаги 8 турдаги жиноятлар бўйича етказилган зарар қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги тўғрисида қонунчиликка киритилган ўзгартишлар жуда катта самара берди»². Бунинг натижасида фақат 2006 ва 2007 йилларда жиноятлар натижасида етказилган зарарнинг 82% айбдорлар томонидан ихтиёрий равишда қопланиши таъминланди, бу эса 329 млрд. сўмни ташкил қилади;

3) жазо сифатида молмулкни мусодара қилиш жазо тизимидан чиқариб ташланди;

4) вояга етмаганлар, аёллар ва қарияларга нисбатан жазо тизими қайта кўриб чиқилди;

5) жиноят ҳуқуқининг янги — ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институти жорий қилиниб амалиётда кенг қўлланилди. Мазкур институтнинг жорий қилиниши туфайли 65 мингдан ортиқ шахс жавобгарликдан озод қилинди ва шунга мос равишда тенг шахсларнинг ҳуқуқлари тикланди;

6) жиноятпроцессуал қонунида дастлабки тергов ва судда ишни кўриш муддатлари қисқартирилди. Судларда ишларни кўриб чиқиш муддатлари илк бор ўрнатилиши судларда муқаддам мавжуд бўлган сансалорликни бартараф қилиб, қисқа ва тезкор судга бўлган ҳуқуқни таъминлашга имкон берди. Агар, 2000 йилда жиноят ишларининг 1% судлар томонидан муддатлар бузилиши билан кўриб чиқилган бўлса, кейинчалик бу каби ҳоллар яқка ҳолатни ташкил қилди.

2006 йилда жами 0,02% жиноят ишлари судлар томонидан ўрнатилган икки ойлик муддатнинг бузилиши билан кўриб чиқилган;

7) суд қарорларининг қонунийлиги, асосланганлиги ва одиллигини текширишнинг апелляция тартиби суд иш юритувига жорий қилинди, шунингдек, кассация институти ислоҳ қилинди. Мазкур янгиликлар суд хатоларини тезкор тузатишга кўмаклашади. Шу аснода апелляция институти жорий қилгунга қадар суд хатоларининг 50% суд ва прокуратуранинг тегишли мансабдор шахслари протестига мувофиқ назорат тартибида бартараф қилинган бўлса, бугунги кунга келиб мазкур кўрсаткич 18%дан камроқни ташкил қилади. Суд хатоларининг 82%дан ортиқроғи тарафлар тортишувлиги ва тенг ҳуқуқлиги таъминланган апелляция ва кассация инстанцияларида тузатилади;

8) айбланувчиларни қамоққа сақлаш муддати 1,5 йилдан 9 ойга қисқартирилди. Бошқа, озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларини қўллаш имкони кенгайтирилди. Бунинг натижасида сўнгги 4 йил давомида қамоққа олиш каби эҳтиёт чорасини қўллаш 2 баробардан ортиқроқ қискарди. «Жиноий жазолар либераллаштирилишига қадар, яъни 2000 йилда жиноят содир қилган 31 минг нафардан ортиқ шахс ёки ҳар икки айбланувчидан биттаси дастлабки тергов даврида қамоққа олинган

бўлса, 2007 йилда бундай чора ҳар беш нафар айбланувчидан биттасига ёки 12 минг нафар шахсга нисбатан қўллашган, холос»¹.

Кўрсатилган янгиликлар ва давлатимиз раҳбарининг жиноий жазолар тизимини тубдан ислоҳ қилиш тўғрисидаги ғоясининг изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилиниши туфайли «мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш самарадорлиги ошди ва ўта хавфли жиноятларнинг йилданйилга камайишига эришилди». Шу аснода,

2007 йилда мамлакатда рўйхатга олинган оғир ва ўта оғир жиноятлар миқдори 2000 йилга нисбатан 56% га, одам ўлдириш қарийб 24% га, ўғрилик — 42% га, номусга тегиш — 7,4% га ва безорилик 6% га қисқарди.

«Қонунчиликда амалга оширилган либераллаштиришдан кейин жиноятларнинг бу тарздаги камайиши мамлакат раҳбарининг «Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ёки шафқатсизлигига эмас, балки, биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлиги ийи пс чоғли англашига боғлиқ» деган фикрлари мақадар эканлигини яққол тасдиқлаб турибди»¹.

2001 йил 29 августда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги (Янги таҳрирда) Қонунга мувофиқ, прокуратура нақолатла рининг ҳажми, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланди, прокурорлар ваколатларига қатор чвклашлар киритилди. Шу аснода, прокурор назоратининг қонун билан белгиланган объектлари қаторидан фуқаролар чиқарилди. Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қопуний ҳуқуқ ва манфаатларига қай даражада риоя этилаётганлиги прокурор назоратининг объекти бўлиб ҳдообланади. Фуқаролар ҳуқуқлари чекланиш ҳолларининг ўз вақтида олдини олиш мақсадида прокуратура органлари бошқарув ва назорат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг қонунийлигини кузатиб боришлари лозим. Прокурорларнинг бош вазифаси ва мажбурияти ҳам шунда, Бундан ташқари, мазкур Қонунга мувофиқ, прокурорлар суд қарорлари ижросини тўхтатиб қўйишга ҳақди эмаслар. Қонун ҳужжатларига киритилган бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар билан бир қаторда бу судларнинг мустақиллигини таъминлади ва суд ҳамда прокуратуранинг ваколатлари зарурий мувозанатини таъминлашга кўмаклашди.

2005 йилдан 2007 йилгача бўлган даврларни қамраб олган иккинчи босқичнинг асосий вазифалари бўлиб: 1) мустақиллик йилларидаги судҳуқуқ амалиётини таҳлил қилиш ва умумлаштириш; 2) халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принциплари асосида судҳуқуқ тизимини ислоҳ этишни давом эттириш йўли билан инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ва суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш; 3) ўлим жазосини бекор қилиш; 4) судгача бўлган иш юритиш устидан суд назоратини кучайтириш; 5) суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кадрларининг масъулиятини ошириш қисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги² ва 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкцияни бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги³ Фармонларига биноан мамлакатимиз парламенти томонидан «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг аiipitM қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»⁴ ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилиниб, бу ҳол бутун дунёда катта акссодо берди. Зикр этилган қонунларнинг қабул қилиниши муносабати билан мамлакатдаги судҳуқуқ ислоҳотлари сифат жиҳатидан янги — амалга оширилаётган жиноятҳуқуқий сиёсатни фундаментал равишда демократлаштириш даражасида амалга оширила бошлади.

Ўлим жазоси бундан буён умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилиб, бу жазо буйруғи икки турдаги жиноят: оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланадиган бўлди. Қиёслаш учун Германия ва Польша каби давлатларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси 5 та жиноят учун,

Бельгия ва Россия Федерациясида — 6 та, Данияда — 9 та, Грузияда 11 та, Швецияда 13 та, Белорусда — 14 та, Япония ва Озарбайжонда 16 та, Қозоғистон ва Кореяда — 17 та, Францияда — 18 та, Голландияда — 19 та, Молдовада — 24 та ва ҳ.к. жинойт учун тайинланиши мумкин. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари томонидан: «Ўзбекистонда юқорида қайд этилган жинойт жазо чораларининг жорий этилиши билан дунёда жинойт жазоланишнинг энг инсонпарвар, ҳуқуқий тизимларидан бири ташкил этилди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмади», — деб таъкидланган.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, уни амалга оширишнинг аниқ процессуал ҳуқуқий механизмини яратиш жинойт процессининг судгача бўлган босқичида жинойт таъқиб қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим қафолатига айланади.

Қабул қилинган қонунлар жинойт ҳуқуқий сиёсат ва жинойт ишлари бўйича суд иши юритишни янада либераллаштиришга йўналтирилган бўлиб, инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишнинг қафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Шуаснода, «Ўлимжазосинингбскор қилипиши муносабати Г>и ланЎзбекистон Республикаси айрим қоиун ҳужжачиариш ўиармпи ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан қуйидагилар қафолатланади:

1. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг, шу жумладап муқалдам ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган ўта оғир жинойт содир этган шахсларнинг ҳам узвий ҳуқуқи эканлиги тўғрисидаги конституциявий норманинг таъминланиши.

2. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо бўлиб, бошқа, енгилроқ жазони қўллаш имкони бўлмаган ҳолларда тайинланиши мумкин.

3. Умрбод ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлларга, 18 ёшга тўлмасдан жинойт содир этган шахсларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга тайинланиши мумкин эмас. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тамом бўлмаган жинойтлар учун тайинланиши мумкин эмас.

4. Қонунда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жинойтлар тўғрисидаги ишлар бўйича ҳимоячининг иштироки шартлиги назарда тутилган.

5. Қонун умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилинган маҳкумга, қонун билан белгиланган муайян муддатлар ўтганидан сўнг ва назарда тутилган шартлар мавжуд бўлган ҳолларда, афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини тақдим қилган ҳолда унга умид бағишлайди.

6. Қонун рағбатлантирувчи нормаларни ҳам назарда тутди: башарти умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган маҳкум қонун билан ўрнатилган муддатларни ўташ бўйича белгиланган режимни бузганлик учун интизомий жазо олмаган бўлса, сакдашнинг қаттиқ шароитларидан оддий шароитига, оддий шароитидан енгиллаштирилган шароитига ўтказилиши мумкин.

7. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсга халқаро стандартларга мос келадиган шароитлар яратиб берилади.

Қонуннинг, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этишгатааллуқли бўлган, юқорида зикр этилган қоидалари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конгресси томонидан жинойтчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш бўйича 1995 йил Женевада қабул қилинган ва Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш резолюцияси билан 1957 йил 31 июлда маъқулланган, маҳкумлар билан муомалада бўлишнинг Минимал стандарт қоидаларига мос келибгина қолмасдан, қатор ҳолатлар бўйича уни жиддий равиғхвда ривожлантиради ҳам.

Ўз навбатида, «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан, қамоққа олиш шаклидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳуқуқини прокуратура органларидан судга ўтказиш йўли билан судгача бўлган иш юритуви босқичида фуқароларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни амалга ошириш бўйича суд ваколатлари жиддий равишда кенгайди.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг қўшимча қафолатлари ўрнатилиб, улар қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Қонунда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг тартиби ва шартлари белгиланган.

2. Мазкур эҳтиёт чораси фақат фавқулодда ҳолатларда, бошқа, енгилроқ эҳтиёт чорасини қўллаш имкони бўлмаган ҳолларда қўлланилиши мумкин.

3. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси прокурор ёки прокурор билан келишилган ҳолда терговчи томонидан берилган илтимоснома бўйича қўлланилиши мумкин.

4. Прокурор, ҳимоячи, ушланган, гумонланувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказиладиган ёпиқ суд муҳокамаси суд процессининг тортишувлигини, шунингдек, фуқаронинг шаъни ва қадрқиммати, унинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни ҳимоя қилишни таъминлайди.

5. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг асосланганлиги ёки асосланмаганлигига доир қўшимча далилларни тақдим этишлари учун фақат тарафларнинг илтимосномаларига асосан ушлаб туриш муддати суд томонидан 48 соатдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Ушлаб туриш муддатини янада узайтиришга йўл қўйилмайди.

6. Судьянинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни қўллашни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан апелляция тартибида шикоят бериш мумкинлиги.

7. Айбланувчи ва гумонланувчини қамоқда сақлаш муддатлари ва уларни узайтириш тартибининг қонунда кўрсатилиши шахснинг қонуний манфаатларининг муҳим қафолатлари бўлиб ҳисобланади.

8. Прокурор илтимосномасига кўра қамоқда сақлаш муддатини узайтиришнинг судга оид тартиби дастлабки тергов муддатларига риоя этиш бўйича терговчи ва прокурорнинг масъулиятларини кучайтиради.

9. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг ўрнатилган тартиби қамоқда сақланаётган шахсни ортиқча расмийликсиз озод қилиш имконини беради.

Кўриниб турибдики, ўлим жазосининг бскор **ҚИЛИПИШИ III** қамоққа олиш тўғрисидаги санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш муносабати билан қабул қилинган қонунлар, иисон ҳуқуқ мп эркинликларини муҳофаза қилиш бўйича миллий ҳуқуқий ТИЗИМНИ такомиллаштиради ва «Ҳамма нарса инсон учун, унинг кслажаги учун»¹ тамойилини тўла равишда амалга ошириш мақсадида жинойтҳуқуқий сиёсат ва жинойт ишлари бўйича суд иши юритишни янада либераллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида Ўзбекистонда судҳуқуқ ислохотларининг кейинги босқич вазифалари аниқбелгилаб берилди. Жумладан, Жинойт, Жинойтпроцессуал кодексларини янада либераллаштирилиб, айрим қонунбузарлик ҳолатларини жинойт юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги тахрирда қабул қилиш вазифаси белгиланди. Шунингдек, айрим иқтисодий жинойтларга қўлланиладиган етказилган зарарни қоплаганлик учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини бошқа жазолар билан алмаштириш қонунини кенгайтириш вазифаси қўйилди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексда ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш ва бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш вазифалари белгилаб берилди. Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш мақсадида «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш белгиланди².

Ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланмиш судҳуқуқтизимини ислоҳ қилиш, либераллаштириш бўйича кенг қамровли фаолият давсш этмоқца. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида келтирилган нормалар бугунги кунга қадар судҳуқуқ ислоҳотларининг асосий манбаси бўлиб қолмоқда ва ҳуқуқий фуқаролик жамиятини қуриш бўйича фаолиятни янада оптималлаштиришга, шунингдек, «ўз олдимизга қўйган узоқмуддатли мақсадмуддаоларимиз — Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишига эришиш»га қаратилган.

Меърий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган). — Т.: «Ўзбекистон», 2003.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий муҳофа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39сонли қарори (Олий суд Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами, 1991—2006. 1жилд. — Т.: «O'qituvchi» НМИУ, 2007. 76806.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»TM 21 сонли қарори (Олий суд Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами, 19912006. 2жилд. Т.: «O'qituvchi» НМИУ, 2007. 23286. (кейинги ўринларда — Тўплам, 2жилд).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 2 ноябрдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноятпроцессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини суд амалиётида қўллаш ҳақида»ги 25сонли қарори (Олий суд Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10сонли, 2004 йил 21 майдаги 6сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // Тўплам, 2жилд. — 107—1096.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 27сонли қарори (Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги 6сонли ва 2004 йил 24 сентябрдаги 15сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // Тўплам, 2жилд. 1261296.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1сонли қарори // Тўплам, 2жилд. — 2252426.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 16сонли қарори // «NORMA» ИҚТ.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 3 апрелдаги «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2сонли қарори // «NORMA» ИҚТ.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 15сонли қарори // «NORMA* ИҚТ.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 17сонли қарори // «NORMA» ИҚТ.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13сонли қарори // «NORMA» ИҚТ.

I БОБ. ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

1§. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси

Маълумки, жиноят ҳуқуқи тушунчаси бир неча маъноларда қўлланилади, булар: 1) қонун соҳаси; 2) ҳуқуқ тармоғи; 3) фан тармоғи; 4) ўқув предмети.

Жиноят ҳуқуқи қонун ҳужжатлари тармоғи сифатида Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ҳокимияти олий органи — Олий Мажлис томонидан қўбул қилинадиган, жиноий жавобгарликнинг умумий асослари ва принципларини, жиноят деб ҳисобланадиган қилмишлар доираси, уларни содир этганлик учун жавобгарлик, жазо тайинлаш, жазо турлари ва ҳажми, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш асослари, жазо ҳисобланмайдиган бошқа жиноий ҳуқуқий таъсир чораларини белгиловчи ҳуқуқ нормалари тизимини ўзида ифода этади.

Жиноят тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатлари **ЖКнинг 1моддасига** кўра Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига асосланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидан иборатдир. Бу модданинг аҳамияти шундаки, унда фақатгина Жиноят кодекси билан белгиланадиган, Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига зид келмайдиган жиноят қонунчилигининг манбалари аниқ кўрсатилган. Қонун чиқарувчи орган, яъни Олий Мажлисининг расмий ҳужжати ҳисобланувчи Жиноят кодексига ҳуқуқнинг мазкур соҳасидаги ягона манба мақомини бериш, барча ҳуқуқий нормаларни бир қонунда жамлаш, уларни тизимлилик принциpidан келиб чиққан ҳолда муайян кетмакетликда жойлаштириш, барча қонунлар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, ҳуқуқни қўлловчиларнинг қонунлардан фойдаланишлари учун барча қулайликларни яратиш имконини беради.

Аксарият ҳолларда жиноят ҳуқуқи, ўзининг предмети, методи ва вазифалари билан фарқданувчи ҳуқуқ соҳаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқтизимининг таркибий қисми сифатида қаралади.

Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқ тизими тармоғи, соҳаси сифатида жиноят қонунига нисбатан анча кенг тушунча ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқ соҳаси сифатида қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ бўлган жиноят қонунчилиги ва жиноят ҳуқуқий муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Жиноят ҳуқуқий муносабатларни тор ва кенг маъноларда тушуниш мумкин. Жиноят ҳуқуқий муносабат кенг маънода жиноят қонунининг расмий равишда кучга кириши билан юзага келадиган муносабат ҳисобланади. Худди шу вақддан бошлаб янги жиноятларни содир қилишдан огоҳлантирувчи, яъни уларни содир қилишни тақиқдовчи қонуннинг амал қилиши бошланади. Ўшандагина жиноят қоиуни барча фуқароларга нисбатан ўзининг тарбиявий функциясини амалга оширишни бошлайди.

Жиноятҳуқуқий муносабатларни кенг маънода кўриб чиқиш, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш учун муҳим бўлган жиноят қонунининг кучга кирган пайтидан бошлаб унинг аҳоли орасидаги таъсири механизмини аниқдаш, жиноят қонунининг самарадорлигини ўрганишга ёрдам беради¹.

Жиноятҳуқуқий муносабатлар тор маънода давлат ва жиноятчи шахс ўртасидаги муносабатдир. Бу муносабатлар жиноят содир этилиши билан бошланади ва судланганликнинг олиб ташланиши ёки жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш билан тугайди.

Жиноят ҳуқуқи юридик фан тармоғи сифатида жиноят ҳуқуқининг ривожланиш тарихини ўрганиш; жиноят қонунини шарҳлаш; миллий ва халқаро ҳуқуқни қиёслаш, халқаро жиноят ҳуқуқини тадқиқ қилиш; жиноятҳуқуқий нормаларни қўллаш самарадорлигини, жиноят қонунчилигини қўллашнинг назарий муаммоларини тадқиқ қилиш; ҳуқуқбузарликнинг бошқа шакллари билан боғлиқ бўлган жиноят ҳуқуқининг ижтимоийлашувини ишлаб чиқишга асосланган қарашлар, ғоялар тизимини ифодалайди.

Жиноят ҳуқуқи фанининг асосий вазифаси жиноят қонунини қўллашнинг, кейинчалик уни такомиллаштиришнинг амалий ва назарий муаммоларини ишлаб чиқиш, унинг самарадорлигини ошириш, жиноятҳуқуқий сиёсатни самарали амалга оширишни таъминлаш учун жиноят қонунчилигини келажакда ривожланишини башорат қилишдир².

Жиноят ҳуқуқи тушунчаси ҳозирги кунда юридик ихтисосликка асосланган ўрта ва олий ўқув юртларида ўқитиладиган ва ушбу ўқув масканларида ўқийдиган студентлар томонидан ўрганиладиган **ўқув курсини** англатади.

Жиноят ҳуқуқи тушунчаси ҳуқуқ соҳаси, юридик фан ва ўқув курси сифатида қўлланилиши ягона норматив ҳуқуқий база — жиноятҳуқуқий нормалар тизимидан иборат бўлган амалдаги жиноят қонунига асосланади.

2§. Жиноят ҳуқуқи предмети ва методи

Ҳуқуқ тармоғи сифатидаги жиноят ҳуқуқининг предметини давлатнинг махсус ваколатли органлари ва жиноят содир қилган шахс ўртасида вужудга келадиган муайян ижтимоий муносабатлар ташкил қилади.

Жиноят ҳуқуқи муҳофаза қиладиган предметларга шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатлари, мулкчилик, табиий муҳит, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги киради (ЖК 2моддаси 1қисми). Бу ижтимоий муносабатлар доираси жиноят ҳуқуқининг ҳуқуқ соҳаси сифатидаги ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Жиноятҳуқуқий нормалар воситасида тартибга солиниши натижасида бу ижтимоий муносабатлар жиноятҳуқуқий муносабатларга айланади. Бу муносабатлар, одатда, жиноят содир этилиши оқибатида юзага келади. Ушбу муносабатларнинг юзага келишига ЖКда назарда тутилган бошқа ҳолатлар ҳам юридик факт сифатида асос бўлиши мумкин. Жиноятҳуқуқий муносабатлар айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетиши, айблов ҳукмининг ижро этилиши, судланганлик муддатининг тугаши(олиб ташланиши) ёки жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш муносабати билан тугайди. Жиноятҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлиб махсус ваколат берилган органлар орқали давлат ҳамда аниқжиноят таркиби аломатлари мавжуд бўлган, жиноий жазо қўллаш таҳдиди билан қонун томонидан тақиқланган қилмишни содир қилган шахс ҳисобланади. Шунга кўра, давлатда жиноят содир қилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мажбурияти ётади, жиноятчи эса жиноят, жиноятпроцессуал, жиноятижроия қонунда белгиланган тартибда содир қилган қилмиши учун жавоб бериш мажбуриятига ва ЖКда ўрнатилган содир қилган қилмиши учун адолатли жазо ва бошқа жиноийҳуқуқий таъсир чораларини тайинлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Жиноят содир этган шахс ва давлат ўртасида жиноят ҳуқуқий муносабатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, шунингдек, бу муносабатларнинг тугатилиши суриштирув ва дастлабки тергов органлари, прокурор, судья ва суд томонидан содир этилган жиноят бўйича процессуал қонунда назарда тутилган тартибда жиноят судлов иши юритиш жараёнида аникланади, бу қонун шундай тузилганки, у айбисизларни ноқонуний ва асоссиз жиноий жавобгарликка тортишнинг олдини олади.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқ тармоғи сифатидаги жиноят ҳуқуқининг предмети қаторида, ундан кенгроқ тушунча бўлиб ҳисобланадиган ҳуқуқий фан тармоғи сифатидаги жиноят ҳуқуқи предмети ҳам ажратадилар.

Жиноят ҳуқуқи фанининг предметини амалдаги қонунни, уни амалиётда қўллаш муаммоларини, жиноят ҳуқуқининг ривожланиш тарихини, хорижий мамлакатлардаги жиноят қонунчилиги ва жиноят ҳуқуқини, халқаро жиноят ҳуқуқини, жиноятларнинг олдини олиш ва фуқароларни қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялашнинг жиноятҳуқуқий муаммоларини ва бошқаларни ўрганиш; жиноят қонунини шарҳлаш; қонунчиликни ва уни амалиётда қўллашни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш; жиноят ҳуқуқининг социологиясини ишлаб чиқиш, яъни жиноятчиликнинг динамикаси, тузилиши ва даражасини аниқлаш орқали жиноят қонунининг амалдаги реал ҳолатини, қонуннинг самарадорлигини, жиноятҳуқуқий тартибга солиш механизмини, жиноят қонунининг шартлилиги ва асосланганлигини ўрганиш, қилмишни криминализация ва декриминализация қилиш ташкил қилади¹.

Бизга маълумки, жиноят ҳуқуқининг предмети ушбу фан соҳасини ўрганишнинг методикаси ва илмий изланишнинг методологиясини белгилаб беради. Ўз навбатида, ўрганиш учун фойдаланиладиган умумий ва махсус методлар фанининг мазмунини аниқлаб беради.

«**Метод**» тушунчаси реал ҳақиқатни билиш ва у ҳақида объектив билимларни олиш учун йўл, усул ва воситаларни камраб олади². Жиноят ҳуқуқининг методологияси ҳақидаги масала (бошқа ҳар қандай юридик фан соҳаси каби) ҳозирги кунгача бахсли ҳисобланади. Фан соҳасини ўрганишга хизмат қиладиган методология асослари баъзи ҳолларда илмий, фалсафий ёки диалектик методларни, бошқа ҳолларда билишнинг махсус усул ва воситаларини тан олади. Бир қанча муаллифларнинг фикрига кўра, бошқа фан соҳаларига асос бўлиши лозим бўлган умумий ҳуқуқ назариясигина методологик функцияга эга.

«Методология» ва «методика» тушунчаларини фарқлар эканмиз, мамлакатимизда содир бўлган ижтимоийиқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга қарамасдан жиноятчиликка қарши курашнинг мазмунмоҳиятини, қонунчиликни тадқиқ қилиш ва уни амалиётда қўллашга имкон берадиган диалектик методни энг асосий метод сифатида тан олишимиз мумкин. Масалан, сабабий боғланиш ҳақидаги диалектик билимлар иштирокчилик фактини аниқлашда, жиноий ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва зарарли оқибат ўртасидаги боғланишни тадқиқ қилишда қўлланилади. Жиноятга суиқасд қилиш ва тайёргарлик кўриш жиноят босқичлари ҳақидаги қонунчилик ва нормаларни амалиётда қўллаш эҳтимолликдан ҳақиқийликка ўгиш ҳақидаги диалектик методга асосланади.

Жиноят ҳуқуқи методикаси жиноятҳуқуқий тушунча ва ҳрдисаларни ўрганишда қўлланиладиган усул ва воситалар йиғиндисини, тизимини ифодалайди. Фалсафий метод ҳисобланган диалектик метод билан биргаликда яна бошқа методлардан ҳам фойдаланиш лозим. Бундай методларга қуйидагилар киради: ЖК нормаларининг санкция ва диспозициясини ишлаб чиқишда қўлланиладиган **юридик метод**; сон кўрсаткичлари орқали жиноятҳуқуқий тушунчалар ва ҳодисаларни сифатий хилмахиллигини кўрсатишга имкон берувчи **статистик метод**; аҳоли орасида сўровлар ўтказиш орқали жиноят ҳуқуқининг турли жиҳатларини ўрганишда қўлланиладиган **социологик метод**; жиноят ҳуқуқининг жиноят қонуни, принциплари, жиноят, бир қанча жиноятлар содир этиш, иштирокчилик, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш каби институтларни система, яъни бир неча элементлардан иборат бўлган яхлит бир бутунлик сифатида ўрганишга имкон берадиган **тизимли метод**; қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва илмий тадқиқот мақсадларида турли давлатларнинг ҳуқуқ тизими ва қонунчилигини солиштиришга имкон

берадиган **қиёсийҳуқуқий метод**; қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ўтмиш тажрибасидан фойдаланишга ёрдам берадиган **тарихий метод** ва бошқалар.

Ушбу методларнинг барчаси бирбири билан боғлиқ ҳамда бир бутун ҳолда қўлланилиши лозим.

3§. Жиноят ҳуқуқи вазифалари

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилиги ўз олдига **учта вазифани** қўяди: муҳофаза қилиш, олдини олиш ва тарбиялаш. **ЖКнинг 2моддасида** жамият ва давлатнинг жиноятҳуқуқий тақиб ўрнатиш йўли билан эришадиган мақсадлари белгиланган. Шу йўл орқали Жиноят кодексининг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти мустаҳкамланади, бу, ўз навбатида, айрим қилмишларнинг жиноийлиги ва жиноят эмаслигини аниқлаш жараёнига, кодекс меъёрларининг жиноят содир этган шахсларга нисбатан амалда қўлланилишига, судҳуқуқ ислохотининг кейинги ривожланишига ва ҳоказоларга жиддий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, қонуннинг вазифаси жиноий қилмишни акс эттириш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш техникасини такомиллаштириш, бузилиши жиноят ҳисобланадиган қоида ва бланкет меъёрларни қатъий аниқлаш ва ҳоказолар мақсадида қонун чиқарувчига таъсир ўтказишга қаратилган.

Демак, Жиноят кодекси бажарилиши инсон ҳуқуқлари бўйича демократик институтларни ривожлантиришнинг кафолати бўлиб хизмат қилишини акс эттирувчи уч вазифани аниқлайди.

Ушбу вазифалар қонунда ниҳоятда аниқ ва тизимли ифодаланган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

— биринчидан, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният ҳавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш;

— иккинчидан, жиноятларнинг олдини олиш;

— учинчидан, фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш.

Биринчи, яъни **муҳофаза қилиш вазифаси** умуман жиноятҳуқуқий меъёрлар учун, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси учун асосий мезон бўлиб, муайян ижтимоий муносабатларни (ҳавфсизлиги ва ижросини таъминлаш орқали) уларга жиддий зарар етказилиши ёки етказиш имкониятидан, яъни объектив равишда мавжуд бўлган ҳуқуқ ёки эркинликни шахс, жамият ва давлат учун амалда ҳавф туғдирувчи чеклов ёки йўқ қилиб юборишлардан ҳимоя қилишдан иборат.

Жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш вазифаси ижтимоий ҳавфли қилмишни содир этиш ҳолатидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасининг таркибий тегишлилигидан (суд, прокуратура, милиция, МХХ ва шу кабилар), ЖК амал қилган ҳудуднинг маъмурийҳудудий тегишлилигидан ва бошқалардан қатъи назар, доимий равишда амалга оширилади. Ушбу юқорида кўрсатилган ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ЖКнинг амал қилиш доирасида ҳаммаша ва ҳамма ерда амалга оширилиши лозим.

Жиноят кодексининг вазифаси сифатида юқтимоий муносабатларнинг жиддий зарар етказилишидан ҳимоя қилиниши иккиёклама амалга оширилади:

а) жиноят содир этилишидан аввал маълум қилмишларни тақиблаш ёки тегишли хулқатворга риоя этиш, яъни ҳуқуқий жиҳатдан йўл қўйиладиган фаолият чегараларини белгилаш орқали;

б) ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этилгандан кейин бузилган ҳуқуқнинг айбдор шахсга нисбатан жиноий жазо чораларини қўллаш орқали тикланишини таъминлаш йўли билан.

. **Бузилган ҳуқуқнинг тикланиши** деб, етказилган зарарнинг маънавий ёки моддий шаклда қопланиши эҳтимолини тушуниш лозим (масалан, солиқлар ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ЖКнинг 184моддаси 4қисми, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талонторож қилиш — ЖКнинг 167моддаси 4қисми. каби жиноятларни содир этганда етказилган зарарни қоплаш).

Шуни назарда тутиш керакки, жиноий тажовузлардан ҳимоя с этиладиган ижтимоий муносабатлар ЖКнинг айнан 2моддасида мустаҳкамланиши тасодифий эмас, балки жаҳон ҳамжамиятида умумэтироф этилган демократик ҳуқуқий давлатнинг замонавий кадриятлар тизимига бўйсундирилган кўринишидир, яъни шахс— жамият— давлат. ЖКнинг таркибий тузилиши ҳам айнан ана шу тизим асосида ишлаб чиқилган, чунончи унинг «Махсус» қисми шахсга қарши жиноятлар бўлимидан бошланади.

Марказий ва энг муҳим муҳофаза объекти сифатида ЖК шахсни, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кўзда тутадиги, бу Конституциянинг 14моддаси қоидаларидан келиб чиқади. Конституцияга мувофиқ энг олий кадрият инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадрқиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқида шахс сифатида жамият ва давлат билан алоқаларидан алоҳида олиб қаралувчи ҳар бир инсон тушунилади.

Инсоннинг ЖК томонидан муҳофаза объекти сифатидаги шахс деб тан олинishi учун унинг ёши, ижтимоий келиб чиқиши, саломатлиги ва бошқа ҳолатлар аҳамиятга эга эмас. Жумладан, янги туғилган чақалоқ ҳам (масалан, ЖКнинг 99моддаси), муомалага лаёқатсиз киши ҳам (масалан, ЖКнинг 97моддаси 2қисми «в» банди), вояга етмаган бола ҳам (масалан, ЖКнинг 128моддаси), давлат ёки жамоат арбоби ҳам (масалан, ЖКнинг 155моддаси 2қисми), Ўзбекистон Республикаси Президенти (ЖКнинг 158моддаси) ва бошқалар ҳам шахс деб тан олинади ҳамда муҳофаза қилинади.

Шахс ҳуқуқлари — бу давлат ва жамият томонидан кондирилиш мажбурияти билан тавсифланадиган, инсоннинг давлат ва бошқа кишиларга нисбатан иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларидаги имкониятлари ва даъволаридир.

Масалан, шахснинг яшаш ҳуқуқи, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, меҳнат қилиш ҳуқуқлари, мулкка бўлган ҳуқуқлари ва ҳоказолар шахс ҳуқуқлари ҳисобланади. ЖКда қайси ҳуқуқва эркинликлар унинг муҳофаза қилиш объекти эканлиги кўрсатиб ўтилмаган, лекин ЖКнинг Махсус қисми моддалари таҳлили шуни кўрсатадики. муайян шахс эга бўлган барча ҳуқуқдар — улар ўзига хос тавсифдалиги (масалан, номуси ва кадрқимматини ҳимоя этиш ҳуқуқи) ёки жамият, давлат томонидан тақдим этилганлиги (масалан, Қуролли Кучларда буйруқ бериш ҳуқуқи) ҳимоя этилиши лозим.

Шахс эркинлиги — бу инсоннинг Конституцияда ёки бошқа қонун ҳужжатларида (қонунлар ва қонуности ҳужжатлари) акс этирилган муайян хулқатвори имконияти.

Шахснинг ҳар қандай шахсий эркинликлари, упимг тансифи дан қатъи назар, ЖКнинг муҳрфаза объекти ҳисобланади. Жумла дан, сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, илмий ва теҳиик ижодист эркинлиги ва бошқалар.

Шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари ҳам Кодексниш муҳофаза объекти ҳисобланади.

Жамият ва давлат манфаатлари шахс, унинг ҳуқуқ, ва эркинликлари ҳосиласи бўлиб, мазкур манфаатларга (шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига) зид бўлиши мумкин эмас. Айни пайтда ушбу мапфаатлар бир инсоннинг эмас, балки умуман аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини акс этиради. Шу боис, улар бутун жамият ёки давлат учун ҳам,

алоҳида бир субъект учун ҳам муҳим бўлган ҳ.укуқдардир. Шундан келиб чиқиб, Кодекс ушбу муносабатларни жинойтҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти сифатида мустаҳкамлавди.

Жамият манфаатлари жамиятнинг борлигини белгиловчи унинг энг муҳим элементлари.

Жамият деганда, ўзининг маълум бир умумий манфаатлари, ўзаро муносабат ва маданияти билан ўзгалардан фарқланувчи кишилар гуруҳи тушунилади.

ЖКнинг 2моддаси мазмунига кўра, жамият деганда, бирон давлатнинг фуқаролигига мансублиги ёки бошқа шартлар билан (жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий аҳволи ва бошқ.) боғлиқлигидан қатъи назар, республиканинг бутун аҳолиси тушунилади.

Жамият манфаатлари сифатида ахлоқ, маънавият, иқтисодийижтимоий асослар, жамиятда ҳуқуқтартиб қоидалари ва бошқалар қаралиши мумкин.

Давлат манфаатлари бутун жамиятнинг эмас, балки унинг маълум тарзда сиёсий уюшган қисмини ифодаловчи манфаатдир.

Давлат — бутун жамиятга татбиқ этиладиган, унинг расмий вакили сифатида чиқадиган ва мажбур қилиш воситалари ва тадбирларига таянадиган оммавий ҳокимият ташкилоти¹.

ЖКнинг 2моддаси мазмунига мувофиқ, давлат деганда, уни ташкил этувчи органларини эмас, балки Ўзбекистон Республикасини яхлит тушуниш керак.

Давлат манфаатлари деганда, унга жамият томонидан юклатилган вазифа ва функцияларни ижро этиш учун мавжуд бўлиши зарур ҳаётий фаолиятнинг ўта муҳим элементлари, жумладан, ҳуқуқтартибот, бошқарув тартиби, сиёсий барқарорлик, ҳокимият органларининг фаолият юритиши, суверенитет ва бошқалар тан олинади.

Мулк ЖК муҳофаза объекти сифатида моддий дунёнинг, шунингдек, муаллифлик ҳуқуқи объектлари сифатида мулкий ашёларига эга бўлиш юзасидан ва шунга боғлиқ равишда ижтимоий муносабатларнинг маълум бир гуруҳи сифатида намоён бўлади.

Мулкчиликнинг шакли аҳамиятга эга эмас, чунки конституциявий қоидаларга мувофиқ, мулк қандай ҳуқуқий шаклда эканлигидан қатъи назар, бир хилда ҳимоя қилинади.

Табиий муҳитни жинойтҳуқуқий муҳофазанинг мустақил объекти сифатида қараш барча фуқаролар давлат ҳимояси остида бўлган ва умуммиллий бойлик ҳисобланган табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари (Конституциянинг 50моддаси) лозимлиги ҳақидаги қоидага асосланади.

Бугунги кунда «табиий муҳитни асраш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш умуммиллий вазифа ҳисобланади ва бу экология тизимини, табиат комплекслари ва айрим объектларнинг муҳофазасини таъминлашга, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган»

Атроф табиий муҳит жинойтҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида ҳам алоҳида, ҳам бутунлигича экотизимни ташкил этувчи биологик (ўсимлик ва ҳайвонот олами) ва

нобиологик (ер, ер ости, сув ва атмосфера) элементларга авайлаб, оқилона муносабатда бўлиш ва уларнинг сақлаб қолинишини таъминлаш юзасидан ва шунга боғлиқ ижтимоий муносабатлар гурухидан иборатдир. Шунингдек, Жиноят кодекси томонидан муҳофаза қилинадиган объектлар сирасига **инсоният тинчлиги ва хавфсизлиги** ҳам киради, бу эса Ўзбекистоннинг БМТ Низоми¹, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва бошқа ҳужжатларда акс этган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлар гарафдори эканлиги билан боғлиқ. **Тинчлик ва инсоният хавфсизлиги** — давлатлар, миллатлар ва халқларнинг биргаликда тинчтотув ҳаёт кечириши, халқаро келишмовчиликларнинг олдини олиш, низоли вазиятларни бартараф этишнинг ягона мавжуд усули сифатида бахсларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш, башариятнинг барқарор ва прогрессив ривожланишини таъминлаш ва жами ер юзи аҳолисининг манфаатларини ҳимоялашга қаратилган ижтимоий муносабатлардир. ЖКнинг тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари унинг Махсус қисмидаги мустақил бобда жамланган. **Жиноятларнинг олдини олиш**, яъни алоҳида меъёр сифатида ҳуқуқий ҳулқатворни белгиловчи ҳуқуқий онг даражасини шакллантириш орқали ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этилмаслигини таъминлаш ЖКнинг муҳим вазифасидир. Жиноятларнинг олдини олиш умумий ва махсус превенция йўли билан амалга оширилади.

Умумий превенция — умуман аҳоли томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш, бу эса, у ёки бу хаттиҳаракатнинг содир этилишига ҳуқуқий тақиқни белгилаш билан ҳам, жиноят содир этган шахсларни жазолаш билан ҳам таъминланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги ҳолатда умумий превенция, жинорий жазоланадиган хаттиҳаракатларни содир этганлик учун жинорий жавобгарликка тортилишнинг муқаррарлигини намойиш этиш орқали аҳолига таъсир этади.

Умумий превенциядан фарқли равишда махсус превенция фақат айбдор шахсга тааллуқли бўлиши билан биргаликда, мазкур шахснинг жинорий жавобгарликка тортилиши умумогоҳлантириш аҳамиятига эга бўлади.

Махсус превенция — жинорий жавобгарликка тортилган муайян шахс томонидан келажақда ижтимоий хавфли хаттиҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш.

Фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш Кодексида алоҳида вазифа сифатида белгиланган бўлиб, у ҳуқуқий жавобгарликнинг энг оғир тури ҳисобланган жинорий жавобгарликка тортиш таҳдиди остида у ёки бу фаолиятни амалга оширишда ҳуқуқий механизмларга риоя этишни назарда тутди. Аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш тарбиянинг моҳиятини ташкил этади.

Фуқароларни Конституция ва қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш умумий превенциядан фарқли равишда муайян хаттиҳаракат учун жинорий жавобгарлик мавжудлигини фуқаролар билишини

талаб этмайди, балки уларда қонунпи бузишга тўсқинлик қилунчм фаол ҳаётий позицияни шакллантиради. Шундай қилиб, фуқароларни тарбиялаш ҳуқуқий бўйсунмиш, яъни ҳуқуқий қоидалар! а ош.ш равишда риоя этилишини таъминлашдан иборат.

ЖК 2моддаси 2қисми Кодекс томонидан кўйилган вазифаларни, хусусан, қуйидагиларни аниқлаш орқали амалга оширишиш усул ва услубларини кўрсатиб беради:

—жиноий жавобгарликнинг асослари ва принциплари;
—жиноят ҳисобланадиган ижтимоий хавфли хаттиҳаракатлар;
— ижтимоий хавфли хаттиҳаракатларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари.

Кодекснинг вазифаларини амалга оширишнинг белгиланган усуллари умумий бўлиб, улар унинг таркибий элементлари — Умумий ва Махсус қисмнинг бўлим, боб ва моддаларида аниқлаштирилади.

4§. Жиноят ҳуқуқи принциплари

1994 йилги ЖКда биринчи марта ўрнатилган **жиноят ҳуқуқининг принциплари** жиноят қонунида мустаҳкамланган давлатнинг жиноятҳуқуқий сиёсати моҳиятини ва ҳозирги йўналишларини ифодаладиган, содир этилган жиноят учун жавобгарлик негизлари, чегаралари ва шакллари ҳақида ижтимоийсиёсий, иқтисодий, ахлоқий, этник, диний ва ҳуқуқий тасаввурларни акс эттирадиган етакчи ғоялар ва асосий қоидалардир.

Жиноят ҳуқуқининг принциплар тизими **ЖКнинг 3моддасида** берилган. Бу принциплар тизими жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг демократик моҳиятини акс эттиради ва шу билан бирга ҳуқуқни қўллаш амалиётининг барқарорлиги ва яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади, бу билан қонун чиқарувчи томонидан айрим жиноят ҳуқуқий меъёрларни ўзгартиш, қўшимчалар киритиш, бекор қилишнинг ҳамда ваколатли давлат органлари томонидан уларни қўллашнинг раҳбарий асосларини белгилаб беради.

ЖКнинг 3моддаси қонуннинг ҳар бир меъёрида мавжуд бўлиши шарт бўлган кадрятлар структурасини акс эттирадиган ўзига хос андоза вазифасини ўтайди, яъни ҳар қандай жиноятҳуқуқий норма ушбу моддада кўрсатилган етакчи қоидалар мажмуига мос бўлиши лозим, акс холда, у Жиноят кодексининг нормаси сифатида тан олинмайди ва амалда қўлланилмайди.

Жиноят кодекси нормалари тизими ва жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўзаро боғлиқ ҳамда бирбирини белгиловчи ҳуқуқий принциплардан таркиб топади.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий принциплари жиноятҳуқуқий нормаларда мустаҳкамланган ва Жиноят кодекси вазифаларидан келиб чиққан холда жиноий жавобгарликнинг умумий асосларини, йўналишини ва ҳажмини белгиловчи таянч ғоялардир.

Кодекс вазифаларидан фарқи ўлароқ, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принциплари жиноятҳуқуқий сиёсатнинг йўналишини акс эттирмасдан, балки уни амалга оширишнинг айрим таянч усуллари белгилаб беради. Айнан Кодекснинг вазифалари жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг хусусиятлари ва принциплар тизимини белгилаб беради. Принципларнинг кодекс вазифалари билан аввалдан белгилаб қўйилганлиги мазкур ғояларнинг раҳбарий асослар сифатидаги хусусиятига таъсир этмаслигини қайд этиб ўтиш лозим. Принципларнинг бўлмаслиги кодекс вазифаларини фақат декларатив хусусиятгагина эга қилиб қўяди. Амалиётда белгиланган принциплардан чекиниш уларни бажармасликни ва жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифаларини амалга оширмаганликни билдиради. Демак, вазифалар ва принциплар биргаликда жиноят ҳуқуқий тартаботнинг ва ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилишнинг асосини ташкил этади ва айнан шунинг учун Кодекс «Жиноят кодексининг вазифалари ва приғшиплари» боби билан бошланади.

Жиноят кодексининг принциплари янги ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқиш ва қонунни қўллаш амалиётида раҳбарий аҳамиятга эга умумий ғоялардан иборатдир. Мазкур ғояларнинг ҳуқуқий меъёрлар шаклига келтирилиши уларга ўзгача ижтимоий моҳият бахш этади, уларни тартибга солувчи таъсирчан омилларга айлантиради. Қонунда акс этганидан сўнг улар инсонларнинг ҳуқуқий онгига таъсир этувчи қонун яратиш ва унинг ҳуқуқий

қўллаш жараёнида рия этилиши лозим бўлган мажбурий меъёрлар хусусиятини касб этади. Принципларнинг ҳуқуқий моҳияти Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида уларни тушуниш ва қўллашда ягона ёндашувни таъминлайди.

Принципнормаларнинг фуқароларга таъсири уларнинг фуқароларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришига қўмаклашувчи ва шу орқали жиноятчиликнинг олдини олиш, ижтимоий муносабатларни сезиларли зарар етказилишидан ҳимоя қилишдан иборатдир. Меъёрийҳуқуқий принципларнинг фуқароларга таъсири кодексда белгиланган қоидаларни бузмасликка даъват қилиш даражасидаги уларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш ва бу қоидаларга фақат давлат ва жамият манфаатлари назаридан эмас, балки ўзининг шахсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёки бўлмасадавлаттомониданўрнатилган ипсоп ва фуқароларшпи \VI.VK ва эркинликларини таъминлашнинг реаллигида, бошқа шахслар нинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда рия этириш мақсадини кўзлайди,

Кодексда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги сгакчи ғояларини мустаҳкамловчи махсус моддалар мавжудлиги олиб борп лаётган жиноятҳуқуқий сиёсатнинг вазифаларини самаралироқ хал этиш ва унинг моҳиятини чуқурроқ англаб етишга қўмаклашади.

Ҳуқуқий принципларнинг дастлабки тергов, прокуратура ва суд идораларининг мансабдор шахсларга таъсири, ўз навбатида, ЖИНОЯТ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тўғри қўлланилиши, инсом ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилинишига ва бу борадаги Ўзбекистон Республикаси жиноятга оид сиёсатини юргизишниш барқарорлиги ва бирлиги, шунингдек, хизмат вазифаларини бажаришда талабчанлик ва шахсий масъулиятни оширишдан иборатдир.

Қонун ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқий принципларнинг таъсири алоҳида аҳамият касб этади. Приғвдипнормалар қонун чиқарувчи органнинг қонун чиқариш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш билан боғлиқ бўлган фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. Жиноийҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида қонун чиқарувчи жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган раҳбарий ғоялар тизимига таянади.

Ҳуқуқ соҳасининг ҳар бири учун тааллуқли бўлган умумий ғоялар **3моддада** келтирилган ҳуқуқ соҳасининг ҳар бир тармоғида инобатга олинган. Жиноят кодекси мавҳум умумижтимоий қадриятларни назарда тутмайди, балки аниқ ҳуқуқий ҳрдисаларни ифодалайди. Мисол учун, умумижтимоий принцип сифатида тан олинган қонунийлик принципининг мазмунмоҳияти Конституция ва қонуннинг устунлигида акс этади. Жиноят кодексининг **4моддасида** келтириб ўтилган «содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади», деб мустаҳкамланган нормативҳуқуқий нормада жиноятҳуқуқий принципларнинг аниқлиги алоҳида тавсифга эга эканлигини кўриш мумкин.

Қонунийлик принципи Жиноят кодексда мустаҳкамланган принципларнингтартибини бошлаб беради. Бирок, буни бир принципнинг бошқа бир принципдан устунлиги сифатида тушунмаслик керак. Жиноят кодексининг **3моддасида** акс этирилган қонунийлик принципи ҳар бир принципни бирбири билан боғлаб, тўлдириб туради. Қонунда принциплар тизимини қўллаш жиноятҳуқуқий нормада ифодаланган аниқ ижтимоий хавфли қилмишга нисбатан алоҳида олинган принцип элементларини қўллаш ҳолатига таъсир кўрсатмайди. Қанчалик муҳим бўлмасин, Жиноят кодекси фақат биргина принципга таяниб қолиши мумкин эмас, зеро, у олдига қўйилган ҳар бир масалани ечиб бера олмайди. Тизимнинг таъсир доираси Жиноят кодексда келтирилган барча принципларнинг ҳаракатида акс этади.

5§. Қонунийлик принципи

Қонунийликка рия этиш мажбурийлиги Ўзбекистон Республикасининг асосий қонунда қайд этилганидек, «Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади»

(Конституциянинг 15моддаси 1қисми)'. Конституциянинг 14моддасига асосан², қонунийлик принципи давлат фаолиятининг энг асосий принципи ҳисобланиб, ушбу конституциявий қоидалар Жиноят кодексининг бошланғич асоси сифатида қонунийлик принципида ўрнатилган ҳамда у Конституциянинг 16моддасига асосан³, Ўзбекистон Республикаси қонунлари нормалари ва принципларига зид келмаслиги лозим.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида **қонунийлик принципи** тор йўналишда ифодаланган бўлиб, асосан ЖК вазифаларига нисбатан қўллашга мос ҳолда талқин қилинади. **ЖКнинг 4моддасида** ушбу принцип қуйидагича белгиланган: «Содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмади туриб, жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради».

Умумҳуқуқий соҳанинг асоси бўлган қонунийлик принциpidан фарқли равишда кодексдаги ушбу принцип, авваламбор, жиноят, жазо ва бошқа ҳуқуқий чораларнинг қўлланилиши фақат Жиноят кодекси асосидагина тартибга солинишини англатади. Қонунийлик принципига жиноятҳуқуқий ёндашувнинг кўриниши сифатида айбсизлик презумпцияси ва айбдор шахснинг ҳуқуқий мақомини кўрсатиш мумкин.

Қонунийлик принципи жиноятҳуқуқий маънода қуйидагиларни англатади:

—фақат Жиноят кодексигина қандай қилмиш ЖИНОЯТ ОИФҲИД! тан олинишини, айбдорга қандай жазо қўллаш (унипгтури, ҳсгараси ва тайинлаш тартиби) ва жиноят содир қилиш, жа юдаи татқа ри, яна қандай бошқа ҳуқуқий оқибатлар туғдириши мумкпиш м ни белгилайди (*nullum crimen sine lege*);

—фақат суднинг ҳукмига ва мутлақо қонунга асосан шахс жмноят содир этган деб топилиши ва жазоланиши мумкин;

—айбланувчининг ҳуқуқий ҳолати фақатгина қонун билан тартибга солинади.

«*Nullum crimen sine lege*» принципи қонунийликнинг жипоятҳуқуқий принципи учун асосий ва анъанавий принцип ҳисобланиб, у айнан қонун билан тақиқланган хаттиҳаракатгина жиноят эканлигини англатади. Бироқ«*pi 1 it crimen sine lege*» принципи ўз мазмунмоҳиятига кўра янада кенгроқ ва бой бўлиб, қуйидаги бир неча жиҳатларни камраб олади:

—шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асос бўладитан ва унинг ҳуқуқий оқибатларини белгалаб берадиган қонунчилик манбалари;

—шахсни жиноий жавобгарликка тортиш шартлари ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар.

Қонунийлик принципи шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва унинг ҳуқуқий оқибатларини аниқлашда қонунчилик ҳужжатлари турларининг тартибга солинишини назарда тутати. Демак, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, унга жазо тайинлаш ва ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш фақат Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билангина белгиланади. Бу ҳар қандай бошқа қонун ҳужжати қўлланиши истисно этилади, демакдир. Бу талабда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фақат Жиноят кодексидан иборатдир деб кўрсатилган. Бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 1моддаси талабларига тўла мос келади.

Шундай қилиб, қонунийлик принципи шахсни жиноий жавобгарликка тортишда жиноят қонунининг аниқ ва ягона шаклини ўрнатиб, унинг юридик ва бошқа ҳуқуқий оқибатларини тартибга солади. Жиноят қонунида кўрсатилмаган ҳар қандай бошқа қилмиш учун жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмайди.

Жиноят ҳуқуқида аналогия институтининг йўқлиги сабабли амалиётда пайдо бўлган ҳар қандай янги ижтимоий хавфли қилмиш Жиноят кодексига киритилмагунга қадар жиноят деб топилмайди.

Қонунийлик принципи шахсни жиноий жавобгарликка тортиш асосларини белгалашда намоён бўлади. Амалдаги қонунчиликка кўра, шахс жиноий жавобгарликка содир этган муайян қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) учунгина тортилиб, унинг фикри ва қарашлари жиноий жавобгарликка тортишга асос бўла олмайди. **Жиноят кодекси 4-моддаси 1-қисмида** қонунийлик принципи ҳақида тўхталиб, жиноят ва жазо фақат ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир этилиши назарда тутилган. Қонунийлик принципнинг ушбу қонидаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (29-модда)¹, Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф² этилган нормалари ва принциплари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси², Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда (15-модда) кўрсатиб ўтилган қондаларга тўла мос келади.

Шунингдек, қонунийлик принципи у ёки бу хаттиҳаракатни жиноят сифатида қабул қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш таҳдиди билан жиноят қонунида мустаҳкамлайди. Жиноий қилмиш шахснинг ҳаракати ва ҳаракатсизлиги билан тавсифланади.

Қилмишнинг жиноийлиги уни ижтимоий хавфли деб баҳолаш учун асос бўладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг таркиби билан ифодаланади. Жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги оқибатида Жиноят кодекси билан ҳимояланадиган ижтимоий муносабатларга етган ёки етиши мумкин бўлган зарар даражасида ифодаланади.

Қилмишда жиноийлик хусусиятининг мавжуд эмаслиги шахсни жиноий жавобгарликка тортмаслигига асос бўлади. Масалан: шахснинг қандайдир шартнома шarti мажбуриятини бажармаганлигини асос қилиб озодликдан маҳрум этилишига йўл қўйилмайди³. Шунга ўхшаш қоида МДХнинг Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги Конвенциясида ҳам ўз ифодасини топган⁴.

Қилмишни жиноий деб топиш учун бошланғич нуқта сифатида, уни ижтимоий муносабатлар учун хавфлилигини аниқдаш ҳисобланади, яъни жиноят қонуни ижтимоий жиҳатдан зарур бўлиши лозим: агар ҳаракат, ижтимоий ҳаёт талабидан келиб чиқиб, етарли даражадаги ва хусусиятдаги хавфлиликини ташкил қилмаса, у жиноийлик хусусиятини йўқотади ва Жиноят кодексидан чиқарилиши шарт.

Қилмишнинг жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар ҳам жиноят қонунини белгиланиши қонунийлик принципнинг ўзига хос кўринишини ташкил қилади.

Қилмишнинг жазога сазоворлиги ҳам қонунийлик принципи учун унинг жиноийлигини белгилашдан кам бўлмаган равишда аҳамиятга эга. АММО ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙИЛИГИ ШАХС \арак;п бки \арака1 сизлигининг хусусияти бўлса, қилмишнинг жазога са юнорлш п упи содир этганликнинг оқибати бўлиб, жиноий қилмиш СОДИР ЭТГВН шахсни ЖКда белгиланган муайян ҳуқуқ ва **эркинликлардам** ма\ . рум қилиш ёки уларни чеклашда ифодаланади. ЖКга мувофиқ жазога сазоворлик жиноят содир этган шамча нисбатан қаттиқроқ таъсир чораларини — жиноий жазо чораларини қўллашни назарда тутлади. Ушбу чоралар шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда чеклайди, шунинг учун уларни қўллаш фақат жиноят қонуни билан тартибга солиниши лозим. Қонунийлик принципнинг жиноят қонунида намоён бўлиши айнан шунда ифодаланади. Бунда қилмишнинг жазога сазоворлиги, жиноий жазо чоралари жиноят қонунида умуман (жазо тизими сифатида) ва хусусан аниқ жиноят учун назарда тутилган бўлиши ки англатади. Ушбу белгилардан бирортасининг мавжуд эмаслиги қўлланилган жазони қонуний деб топишни истисно қилади.

Бошқа ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши жиноят содир этилиши билан боғлиқ бўлиб, аммо жиноий жазолар сирасига кирмайди. Жумладан, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг барча кўриниши, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, судланганлик ва ҳоказолар бошқа ҳуқуқий оқибатлар жумласига киради. Қонунийлик принцигига кўра, барча ҳуқуқий оқибатлар фақат жиноят қонунига асосланмоғи керак. Шунинг учун жиноят қонуни қамраб олинмаган жиноий қилмишнинг ҳуқуқий оқибатлари қонунга асосланган деб тан олинмайди (масалан, судланганлиги олиб ташланган шахсни ишга қабул қилишдан бош тортиш ноқонуний ҳисобланади).

Қонунийлик принципи жиноят қонунини қўллаш жараёнида унинг мазмунини қонун матнига тўла мос равишда тушунилишини назарда тутати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Жиноят кодекси нормаларини ўз хоҳишларига кўра талкин қилмасдан, биринчи навбатда, қонун мазмунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларига асосланишлари лозим. Бироқ шунинг ҳам таъкидлаш керакки, пленум қарорлари амалдаги Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар кирита олмайди. Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан таклиф киритилганидан кейин қонун чиқарувчи орган томонидан тегишли тартибда ҳал қилинади.

Қонун тўлиқ қўлланилиши лозим. Жиноят қонунини қисман, тўлиқ бўлмаган ҳолда қўллаш, яъни унинг маълум бир қисмини фақат диспозиция ёки фақат санкциясини қўллаш қонунийлик принципини кўпол бузиш ҳодобланади. Қонунийлик принципи бузилиши оқибатида айбдор шахс жазосиз қолиши (жиноий жавобгарлик

асослари бўла туриб, шахс қонунга хилоф равишда жазодан озод қилиб юборилганда) ёки айбсиз шахс жиноий жавобгарликка тортилиб кетиши мумкин (асоссиз равишда қилмишни жиноят деб квалификация қилиш оқибатида шахснинг судланиши). Қонунийлик нафақат жиноятҳуқуқий нормани уни ташкил этувчи барча қисмлари ҳажмида қўллашни, балки қилмишни муайян нормага мувофиқ, унда назарда тутилган жиноятнинг барча белгилари бўлгандагина квалификация қилинишини назарда тутати.

Қонунийлик принципнинг мазмуни қонунга асосланган ҳолда суд ҳукми билан шахсни айбдор деб топишда ва жазо тайинлашда намоён бўлади. Ушбу қоида Конституциянинг 26-моддасида' ўрнатилган айбсизлик презумпциясидан келиб чиққан бўлиб, айти пайтда у жиноят ҳуқуқидаги қонунийлик принципнинг таркибий элементи сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

—шахснинг муайян қилмишининг жиноят эканлиги фақат суд ҳукми билан аниқланади;

—содир этилган муайян жиноят учун жазо ҳам фақат суднинг ҳукми билан тайинланади;

—шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб топиш ва суд ҳукмини чиқариш тартиби фақат қонунда белгиланади.

Айбсизлик презумпцияси жиноят қонуни нуқтаи назаридан *nullum crimen sine lege* принципини қўллашнинг хусусий ҳолати, яъни ушбу принципни инсон томонидан содир этилган муайян қилмишта қўллашдир. Тўғрироғи, ЖК қилмишлар таркибининг умумий шаклини инсон фаолиятининг муайян ифодасига боғламаган ҳолда белгилайди. Шу билан бир вақтда, қонунийлик принцип сифатида содир этилган қилмишнинг барча ҳолатларига нисбатан қонунни тўлиқ қўллашда индивидуал ёндашувни талаб қилади. Индивидуал ёндашув жиноят содир этган муайян шахсга нисбатан, муайян иш бўйича чиқарилган суд ҳукмида ўз ифодасини топади.

Суд ҳукми — суд ҳокимиятининг жиноят иши юзасидан чиқарилган ҳамда судлағувчининг айбдор ёки айбсизлигини, жазо чорасини белгилайдиган, шунингдек, судланувчини айбдор ёки айбсиз деб топиш натижасида бошқа ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарадиган ҳуқуқий акт.

Бир неча судланувчига нисбатан чиқарилган суд ҳукми жиноят қонунини индивидуаллаштирган ҳолда қўлланилиши билан фарқланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг

457-моддасига асосан, суд ҳукми чиқаришда судланувчиларнинг ҳар бирига нисбатан қуйидаги масалаларни ҳал этиши лозим:

—судланувчи айбли деб топилаётган қилмиш ҳақиқатдан ҳам содир этилганми;

—бу қилмиш жиноят ҳисобланадими ва у Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилган;

—бу қилмишни судланувчи содир этганми;

—судланувчи жиноят содир этилишида айблими, башарти айбли бўлса, унинг айби қандай шаклда;

—судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар мавжудми;

—судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши керакми;

—судланувчига нисбатан қандай жазо тайинланиши лозим ва шу жазони ўташи керакми;

—судланувчини Жиноят кодексининг 34-моддасига мувофиқ ўта хавфли рецидивист деб топиш лозимми;

—озодликдан маҳрум қилинган маҳкум жазони қандай тартибда колонияда ўташи лозим ва у жазо муддатининг бир қисмини турмада ўташи керакми;

—фуқаровий даъвони қаноатлантириш керакми, бу даъво кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим, шунингдек, фуқаровий даъво қўзғатилмаган бўлса, жиноят туфайли келтирилган мулкий зарар ундирилиши керакми, судланувчилар солидар ёки хиссали жавобгарликка тортилишлари керакми;

—фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланган молмулкни нима қилиш керак;

—ашёвий далилларни нима қилиш керак;

—процессуал чиқимларни кимнинг зиммасига ва қанча миқдорда юклаш керак;

—судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш керакми;

—судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд унинг устидан ҳомийлик белгилаш зарурми.

Суд ҳукми — бу суд ҳокимиятининг Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарадиган ягона ҳужжати бўлиб, у шахс томонидан содир этилган қилмишга нисбатан ҳуқуқий баҳо беради.

Шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб топиш ва ҳукм чиқариш тартиби фақат қонунда белгиланиши керак бўлиб, у қонунийлик принципининг ажралмас қисмидир. Агар шахснинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлигидан иборат қилмишларнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигининг умумий қоидалари қонун томонидан ўрнатилган бўлса, унда муайян ҳолатларга нисбатан ушбу қоидаларни қўллаш тартиби ҳам қонунда белгиланган бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасида шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ва унга нисбатан ҳукм чиқариш тартибини белгиловчи қонун Жиноятпроцессуал кодексидир.

Қонунийлик принципининг таркибий қисмларидан бири бўлмиш айбсизлик презумпциясига кўра, айбдорлиги исботланган жиноятчига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш чоралари ҳали жиноят содир этганликда айбланаётган шахсга нисбатан қўлланилишига йўл қўйилмайди. Айбланувчи, ҳаттоки, қамоққа сақланаётганда ҳам маҳкумнинг ҳуқуқий мақомидан фарқ қилувчи ҳуқуқий мақомга эга бўлади, хусусан, у сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга, ишдан бўшатилиши мумкин эмас, у шаъни ва қадрқимматини ҳимоя қилиш ва бошқа ҳуқуқларидан фойдаланади. Айбланувчининг конституциявий ҳуқуқларини барча чеклашлар фақат зарур ҳоллардагина қонун асосида қўлланилиши мумкин.

Жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фақат қонун билан тартибга солиниб, бу жиноят ҳуқуқидаги қонунийлик принципининг яқунловчи босқичидир.

Шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топиш унинг ҳуқуқий мақомининг ўзгаришига олиб келадиган оқибатларни келтириб чиқаради.

Хусусан, айбдор деб топилган шахснинг баъзи бир ҳуқуқлари чекланиши билан бирга унга айрим қўшимча мажбуриятлар ҳам юклатилади. Ҳуқуқий ҳолатдаги бу ўзгаришлар маҳкумга жазо тайинлашда ёки айбланувчига бошқа таъсир чораларини қўллашда (тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, шартли ҳукм қилиш ва бошқалар) намоён бўлади. Шундай қилиб, айбланувчининг ҳуқуқий мақомини чекловчи у ёки бу чоралар фақат қонунга (ЖК, ЖПК) асосланади, бошқа қонуности актлар инобатга олинмайди.

Ушбу талаблар **ЖКнинг 4моддасида** ўрнатилган «*nullum crimen sine lege*» қонундан келиб чиқиб, унга мувофиқ жазога сазоворлик ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар фақат қонунда белгиланади. Унга қўра айбдор деб топилган шахсга нисбатан тайинланадиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг моҳияти қонун билан белгиланган бўлиши керак.

Қонунийлик принципи, нафақат, қонунни қўллаш амалиётида, балки қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, жиноят қонуни жиноий қилмиш ва уни содир этишнинг ҳуқуқий оқибатларига хос бўлган аломатларни аниқдаса, қонунийлик принципи қонун чиқарувчини муайян жиноятнинг аломатларини аниқ ва тўлиқ кўрсатиш ҳамда жиноят қонунининг ўзида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни ечишга ундайди.

Қонунчиликда ушбу принципнинг роли хаттиҳаракатларнинг жиноят ёки жиноят эмаслигини аниқ кўрсатган ҳолда қонуннинг аниқ ва бир хилда амал қилишини таъминлашда кўринади.

Бу принципга риоя қилиш жиноят қонунчилигида **жазо** тайинлаш лаш амалиётида бир хилликни таъминлашга ёрдам беради. Ўз **навбатида**, ушбу қонунлар жазо санкциялари миқдорининг миқдори на максимумини ва бошқа ҳолатларни белгилаши билан қам **узвий** боғлиқдир.

6§. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи

ЖКнинг 5моддасида барча демократик давлатларнинг умумҳуқуқий принципи **фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи**

изчил равишда акс эттирилган. Конституциянинг 18моддасида¹ мустаҳкамланган ушбу принципнинг **Жиноят кодекси** вазифаси сифатида ўрнатилиши унинг конституциявий қоида бўлиши қонун олдида тенглик принципини амалда бўлишини таъминлайди. Бунга қўра, ЖК умумий тенглик принципини эмас, балки жиноий қилмишни содир этиш билан боғлиқ бўлган шахсларнинг тенглигини назарда тутди. **ЖКнинг 5моддасига** мувофиқ, «Жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар».

Қонун олдида тенглик принципи жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми асосларини мустаҳкамлайди, улар шахс, жамият ва давлат олдида бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ва қонун томонидан уларга бирбирига нисбатан биронбир имтиёзга эга эмас. Шунинг айтиб ўтиш керакки, ЖК 5моддасидаги бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятлар — бу жиноят содир қилган ҳар бир шахс учун бир хилда бўлган ҳуқуқий мақомдан дарак берувчи тавсифдир. Бу шахсларнинг бирортаси ҳам бошқаларига нисбатан имтиёзларга эга бўлмайди, бошқача айтганда, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун олдида бир хил бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, камситилишига йўл қўйилмайди.

Жиноят қонуни олдидаги тенглик тўғрисидаги қоида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тенглига тўғрисидаги қонуннинг ҳосиласи ҳисобланади. Қонун олдида тенглик жиноят содир қилган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЖК билан тартибга солинишини ва бунда ҳеч ким имтиёзлардан фойдаланмаслигини ҳамда ҳеч кимнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланмаслигини аниқлатади.

Жиноят кодексида мустаҳкамланган қонун олдида тенглик принципи фақат жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Яъни, жиноятҳуқуқий жиҳатдан тенглик принципи чекланган хусусиятга эга ва жиноят содир қилган муайян шахслар доирасида амалда бўлади.

Қонун олдида тенглик принципи умумий жиноий ва хусусий жиноий кўринишларга эга.

Жиноят ҳуқуқи учун умумий кўриниш сифатида ушбу принцип жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқий мақомининг фундаментал асосларини Кодекса мустаҳкамлашда намоён бўлади. Бу кўриниш содир этилган жиноят учун жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги билан ифодаланади. Шундай қилиб, тенглик принципнинг умумжиной кўриниши жиноят таркибига алоқадор бўлмаган асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг қонун олдида тенглигини ўзида намоён этади.

Жиноят ҳуқуқи учун хусусий кўриниш тенглик принципада бир хил жиноят содир этган шахслар бирбиридан устун қўйилишига йўл қўймайди. Тенглик принципининг ушбу кўриниши содир этилган жиноят таркибидаги бир хиллик ҳамда жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқий мақомидаги тенгликда намоён бўлади. Хусусан, безориликда айбланган бир неча шахсни бирбиридан фарқли қараш бекор бўлмайди, бироқ айтилган одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс билан ўғирлик содир этган шахснинг ҳуқуқий ҳолати ёки бошқа ҳолатидаги фарқ, масалан, уларнинг вояга етганлиги, тайинланганидан жазо, жазони ўташ ва бошқа ҳолатларида бўлиши мумкин.

Жиноят кодексида, фақат махсус субъектлар (мансабдор шахслар, ҳарбийлар) жавобгарлиги билан чекланган моддаларнинг мавжудлиги шарҳланаётган моддага зид келмайди. Ушбу субъектларга нисбатан жавобгарлик уларнинг мажбурият ва ваколатларидан келиб чиқиб содир этилган қилмишлари учун назарда тутилади. Айтилган пайтда, бундай таркибдаги жиноят содир қилган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми доирасида ҳам тенглик принципи қатъий амалда бўлади.

Тенглик принципага зид келмаган ҳолда айрим фуқаролар (депутатлар, судьялар ва бошқ.) жиноий жавобгарликка тортилмай ёки жазодан озод қилинмай содир этган жинояти учун алоҳида тартибда жавобгарликка тортилади. Кўрсатиб ўтилган тоифадаги мансабдор шахсларга нисбатан алоҳида қоидаларнинг мавжудлиги, уларнинг алоҳида турдаги давлат хизматини бажаришини ҳисобга олганда, тўла асослидир. Шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтилган шахслар аҳолининг нормал ва мустақил ҳаёт кечиришини таъминлаш йўлида ўз функцияларини амалга оширади, лекин уларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланганда имтиёз ва устунликлар назарда тутилмайди.

Содир этилган қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги (ЖКнинг 16-моддаси) — жиноят тўғрисидаги қоиуи ҳужжатларга кўра, жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб, улар қандай шахслар учун бир хил амал қилиб, тенглик принципага риоя қилади. Қилмишда жиноят таркибидаги барча элементларнинг мавжудлиги жиноят содир қилган шахсда махсус ҳуқуқий мақомнинг вужудга келишига асос ҳисобланади. Бошқа ҳеч қандай шахсий хусусиятлар бу мақомга таъсир қилмайд.

Жиноий жавобгарликка тортишда жиноят таркиби ягона асос сифатида қаралиши фуқароларнинг қонун олдида тенглигида намоён бўлади ва қонун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида жиноятнинг барча белгиларини аниқ кўрсатиб, кейин уни ЖКнинг тегишли моддасига асосан исботлаш мажбуриятини қўяди.

7§. Демократизм принципи

Ўзбекистон Республикаси суверен демократик давлат бўлиб, ўз истиқболини ижтимоий адолат ва қонунийлик асосида кўриб, у ҳозирги ва келажак авлод манфаатларига хизмат қилади. Давлат ҳокимияти халқ иродасига асосланиб, бу давлат ҳокимиятига халқ вакилларини сайлашда намоён бўлади ва демократиянинг бир элементи сифатида кўринади. Демократизм ҳар бир жабҳада мавжуд бўлгани каби Ўзбекистон Республикаси жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳам бундан холи эмас.

Демократизм принципнинг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида намоён бўлиши жиноят ҳуқуқи нормаларида халқимиз иродасини ифода этиб, пировардида бу нормалар Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. **ЖК бмоддасига** биноан, «Жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари ёки жамоалар жиноят содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилиниши мумкин».

Демократизм принципи жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини амалга оширишда, хусусан, жиноят содир этган шахсларни тарбиялашда жамоатчилик вакилларини жалб қилишни назарда тутди. Худди шу йўл билан ўтказилаётган ислохотлар давлатнинг жиноят ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишнинг самарадорлигини таъминлайди.

Демократизм принципи жинойи жавобгарливан озод қилинган ҳолда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиладиган шахсларни тарбиялашда жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоалар иштирокиниш кўпгина жиҳатларини белгилаб берган жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўзининг ифодасини топган, Қонун асосий эътиборни озодликдан маҳрум этиш муассасасидан озод қилинган шахслар ахлоқини тузатиш, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган вояга етмаганларни тарбиялашга жамоатчилик вакилларини жалб қилишга қаратади.

8§. Инсонпарварлик принципи

Инсонпарварлик принципи **ЖК 7моддасига** кўра куйидагиларни англатади:

«Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадрқимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин».

ЖКнинг 7моддаси — инсонпарварлик принципи инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадрқиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланиши мустаҳкамланган Конституциянинг 13моддаси¹ мазмунини акс эттиради. Айни пайтда ушбу модда конституциявий норманинг Жиноят кодексидаги такрори ҳисобланмайди, балки жиноятҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беради.

Жиноят кодексида мазкур принципнинг моҳияти муайян шахсларга нисбатан (жиноят содир этган) жазо тайинлаш ёки бошқа таъсир чораларини қўллашда намоён бўлиб, кодекснинг ушбу қондаси бошқа қондалар каби реал, ижтимоий ҳаётда асосланган ва амалий ижроси мавжуд бўлиши керак. Жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо тайинлаш институти ушбу тавсифга мос келади. Жиноят ҳуқуқидаги инсонпарварлик принципи жиноят содир этган шахс билан муносабатга киришилганда ўз моҳиятини намоён этиши жаҳон амалиётида тан олинган.

ЖКнинг 7моддаси таркибий тузилиши мазмуни инсонпарварлик принципини жиноят содир этган шахсга нисбатан изчил мустаҳкамлашга бўйсундирилган бўлиб, жамият ва давлатнинг ушбу шахсга нисбатан жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашида намоён бўлади. Модданинг бундай конструкцияси ҳуқуқни қўллаш

фаолиятидаги бирликни таъминлаш ва жиноят ҳуқуқи соҳасида ижодкорлигининг истиқболини белгилашда катта аҳаңияпа л а.

ЖКнинг 7моддаси 1 ва 2қисмлари жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашнинг умумий асосларини ўрнатган ҳолда уларнинг моҳиятини аниқлайди. Бунда жазо ва бошқа таъсир чораларининг шахсга нисбатан қўлланилиши негатив ва позитив услубларда кўринади:

—жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадрқимматини камситиш мақсадини кўзламайди;

—жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланилган чора унинг яна қайта жиноят содир этишининг олдини олиши зарур.

Жиноят кодексидаги ушбу принцип Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (26модда, 2қисм) ҳамда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, шахсга нисбатан жазо ва бошқа таъсир чораларини қўллаш билан унга жисмоний азоб бериш ёки руҳий таъсир ўтказишни мақсад қилмайди.

ЖК 7моддасидаги жисмоний азоб бериш ва инсон қадрқимматини камситиш деганда, жисмоний ва руҳий хусусиятдаги ҳар қандай азоб эмас, балки фақат жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш моҳиятидан келиб чиқмайдиган ёки тасодифан келиб чиқадиганларини англаш лозим. Келтирилган модда қоидаларига мувофиқ, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари ортиқча азоб ва камситишларни келтириб чиқармаслиги керак, чунки бундай қаракатлар шахснинг ўз ҳаёт фаолиятини давом эттириш қобилиятига путур етказди. Ўзбекистон Республикаси жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан жазо жиноят содир этган шахсдан ўч олиш мақсадида эмас, балки кодекснинг инсонпарварлик ғояларига таяниб, уни тарбиялаш ва жамиятта қайтаришни кўзда тутди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо тайинлаш унга жисмоний азоб бериш ёки қадрқимматини камситишни назарда тутмасдан унинг қайта тарбияланиши ва янги жиноят содир этмаслиги учун зарур ва етарли таъсир чоралари инсонпарварлик принципининг моҳиятини белгилайди.

Зарурлик ва етарлилик — бу жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси тайинлашнинг муҳим икки белгиси қисобланиб, бири энг кам миқдорни, бошқаси энг кўп миқдорни кўрсатади.

Жазо тайинлашнинг зарурлиги содир этилган жиноятга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо тури ва миқдорини белгилашда намоён бўлиб, у содир қилинган жиноятга нисбатан умумий хусусиятга эга.

Жазонинг етарлилиги жиноят содир этган шахсни тарбиялаш учун зарур бўлган жазо тури ва миқдорининг энг камини танлашда намоён бўлади. Жазо тайинлашнинг етарлилиги аниқроқ хусусиятга эга бўлиб, шахс ва у содир қилган муайян жиноятнинг хусусиятларини ҳисобга олади.

Жазо тайинлашнинг зарурлилиги ва етарлилиги қоидасига ҳар бир ҳолатда қатъий риоя қилиниши лозим. Хусусан, ҳукм чиқаришда суд инсонпарварлик принципини назарда тутган ҳолда қонун талаб қилган жазо тайинлашнинг умумий асосларига қатъий риоя қилиши лозим.

Жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонунчиликни қўллашда судлар у ёки бу жазони тайинлашнинг сабабларини ҳукмнинг тавсиф қисмида баён қилиниши лозимлигини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорига риоя қилишлари лозим.

ЖКнинг 56моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирадиган ҳолатлар рўйхати тугалланган бўлиб, у кенгайтирилган ҳолда шарҳланиши мумкин эмас. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар рўйхати эса суд томонидан муайян ишнинг ҳолатларидан келиб чиқиб ҳукмнинг тавсиф қисмида асослантирган ҳолда кенгайтирилиши мумкин. Яъни жазо тайинланганда суд қонунда тўғридантўғри назарда тутилмаган ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топитли мумкин. Жиноятни квалификацияловчи белгилар қонунда назарда тутилган тартибда муддати тугалланган ва олиб ташланган айбни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида талқин қилиниши мумкин эмас. Ҳукмда жазо айбдорнинг шахси ҳисобга олинган ҳолда тайинланганлиги кўрсатиб ўтилиши етарли эмас.

Шахснинг хавфли рецидивист деб топилиши бир қатор жиноятларнинг квалификацияловчи белгиси бўлиб, у оғирроқ жазо чораларини қўллашга асос бўлади. Аммо шахсни хавфли рецидивист деб топишда дастлабки тергов органлари айбловига асосланади ва ҳукмнинг тавсиф қисмида ушбу мотив баён қилинади¹.

ЖК 7моддаси 3қисми суд органларининг содир этилган жиноятга нисбатан муайян жазо чорасини танлаш тизимини мустаҳкамлайди. Инсонпарварлик принципининг асл моҳиятини, хусусан, ҳуқуқни қўллаш жараёнида жазонинг муқаррарлиги ва етарлилигини кўзда тутди.

ЖК 7моддаси 3қисмига кўра, оғир жазо чоралари енгил жазо чоралари билан қўзланган мақсадта эришиб бўлмайдиган тақдирдагина қўлланилади. Судлар жазо тайинлаш пайтида ушбу қоидага эътибор берган ҳолда, Жиноят кодексининг Махсус қисмига мурожаат этишлари лозим. Жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашда қонунда белгиланган барча имкониятдан фойдаланишлари лозим.

Инсонпарварлик принципи Жиноят кодексининг барча нормаларига сингдирилган. Бу ҳолат озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган таъсир чораларида, жазо тизимида намоён бўлади. Айниқса, бунда шахсларни жазодан озод қилиш институти, яъни муомалага лаёқатсиз ва бошқача қилиб айтганда, ўзи содир қилган ижтимоий хавфли қилмишнинг моҳиятини англаб етмайдиган шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳам назарда тутилган. Умумлаштириб айтадиган бўлсак, амнистия ва афв этиш институтлари ҳам инсонпарварлик принципининг тўғридантўғри ифодасидир.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мазкур принцип оғишмай амалга оширилаётганлиги ҳақида сўнгги пайтларда амалдаги Жиноят кодексига киритилган қуйидаги ўзгартишлар ҳам далолат беради:

—жазони енгилроғи билан алмаштириш ва жазони ўташдан шартли равишда озод қилиш қоидалари соддалаштирилди¹;

—жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайла тарбиялаш имконияти сифатида икгисодий жазо чораларини қўллаш кўлами кенгайтирилди;

—жиноий жазо тизимида² ўлим жазоси олиб ташланди ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилди² (шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ўлим жазоси бекор қилинганга қадар ушбу жазо фақат икки ҳолатдагина тайинланиши мумкин эди: оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари, шунингдек, қонунда ўлим жазоси аёлларга, вояга етмаганларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиши тақиқлаб қўйилган эди).

9§. Одиллик принципи

Одиллик принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14, 18моддаларида мустаҳкамланган бўлиб¹, халқаро ҳуқуқ тамойилларидан бири сифатида эътироф этилган. Мазкур асосий қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мустаҳкамланиши жиноят ҳуқуқига доир қўлланиладиган конституциявий меъёрларнинг мантиқий амалга оширилиши ҳисобланади.

Адолат умумий категория сифатида ўзида ҳаётий воқеликнинг айрим қимматлик ва қадриятларини, хусусан, воқеликнинг тўғри ва ҳаққоний баҳоланишини акс эттиради. Одилликнинг бундай тушунилиши жиноят ҳуқуқига ҳам хос бўлиб, унинг хусусияти ўзида адолат мезонининг бир оз бошқа жиҳатини назарда тутди.

ЖКнинг 8моддасига биноан адолат қуйидагилардан иборатдир:

«Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши, яъни жиноятнинг оғиренгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас».

Адолат жиноят ҳуқуқи принципи сифатида жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг содир қилинган жиноий қилмишга яраша юқоридаги учта категория асосида жазо тайинланишини тақозо этади.

ЖК 8моддаси 1қисмида одиллик, жиноят ҳуқуқининг принципи сифатида, ўзида жазонинг содир қилинган жиноятга мувофиқ бўлиши ёки ушбу ҳолатда муҳим йўналиш сифатида намоён бўлувчи содир қилинган қилмишнинг оғирлиги, айб даражаси, айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилигини ифода этади, дейилган.

Жиноятнинг оғирлиги деганда, айбдор томонидан содир қилинган жиноий қилмишнинг хавфлилиқ даражаси ва хусусиятининг унга нисбатан тайинланадиган жазо ва бошқа таъсир чорасига мувофиқ бўлиши тушунилади.

Муайян жиноятнинг оғирлик даражаси унинг учун жазо назарда тутилган модда санкциясида ўз аксини топади. Шу нуқтаи назардан қонунни қўллашда ушбу модданинг санкциясидаги жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жиноятнинг оғирлигига мувофиқ равишда тайинланади.

(Жиноятнинг оғирлик даражаси ҳақида ушбу том III бобининг «Жиноятларни таснифлаш» деб номланган 3§ га қаранг.)

Муайян жиноий қилмишнинг объектив томонини ифодаловчи жиноятнинг оғирлик даражасидан фарқли равишда, **айбнинг даражаси** бу шахснинг руҳий ҳолати, айб шакли, хулқатворининг мотиви, мақсади, айбдорнинг кайфияти, ҳисҳаяжони ва турли кечинмаларини умумий тавсифловчи категориядир. Мазкур элементлар жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан турлича хусусиятга эга бўлиб, уларнинг баъзилари жиноят таркибига киритилган, баъзилари киритилмаган. Бироқ танланган жазо ёхуд бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини баҳолаш учун айбнинг даражасини аниқлашда шахснинг ўзи содир қилган жиноий қилмишига руҳий муносабатини ифодаловчи юқорида келтирилганларнинг барчаси инobatга олиниши заРУР

(Субъектив томон айбининг даражаси ҳақида «Жиноятнинг субъектив томони» деб номланувчи VII бобда батафсил берилган.)

Тайинланаётган жазо ёки бошқатаъсир чоралари ва содир этилган қилмиш, жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мутаносиблиги қўлланилаётган чораларнинг адолатлилигини аниқлашда эътиборга олинади.

Жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилиги унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, хулқатворининг ҳуқуққа хилоф қатъий йўналишга эга эканлиги ёки унинг ғайриижтимоий хулқатворидан далолат беради (мисол учун, рецидивист, алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилувчилар ва бошқ.).

Шахснинг ижтимоий хавфлилигини аниқлашда унинг содир қилган жинояти, шунингдек, унинг жиноят содир қилгунга қадар ва муайян ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир қилгандан кейинги хулқатвори ҳисобга олиниши керак.

ЖК 8моддасининг 2қисми бир жиноят учун икки марта жавобгарликка тортиш мумкин эмаслигини белгилайди. Ушбу қонуннинг қонунда мустаҳкамланганлиги одиллик принципининг иккинчи бир жиҳатини очиқ беради. Хусусан, агар **ЖК 8моддаси 1қисмида** жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши белгиланган бўлса, унинг 2қисмида, умуман, жиноий жавобгарликнинг одиллона бўлиши таъкидланган. Бу ўринда бир жиноят учун бир марта жавобгарликка тортиш мезон бўлиб хизмат қилади. Бунда жиноят содир этган шахснинг ҳолати, илгари жиноий жавобгарликка тортилганлиги, унинг судланганлиги ёки оқланганлиги аҳамиятга эга эмас. Ушбу ва бошқа ҳолатларда унинг мазкур қилмиши учун қайта жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида одиллик принципи жиноят субъектларининг тенглигини белгиловчи фуқароларнинг қоғун оддида тенглиги приғгципини амалга оширишда мавжуд бўлган бир қатор расмиятчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Одиллик принципи жиноят ишларини кўришда одил судловни амалга оширишда фуқароларнинг қонун олдида қақиқий тенглигига эришишнинг объектив имкониятини ифода этади. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва одиллик принципининг биргалиқда татбиқ қилиниши кенг маънода қонунни амалда тўғри қўллаш имконияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш фаолиятида жиноят ҳуқуқи субъектлари тенглигининг реал асосларини белгилайди.

10§. Айб учун жавобгарлик принципи

Жиноий жавобгарлик — бу юридик жавобгарликнинг муайян тури бўлиб, жиноят содир этган шахс учун жиноят қонунида белгиланган айрим салбий оқибатлар юзага келишини тавсифлайди. Жавобгарлик бир бутун алоҳида институт сифатида бир қатор умумий ва хусусий, жумладан, жиноят содир қилган шахсни тузатишга йўналтирилган белгиларга эга.

Жиноят содир этган шахснинг тузалиши деб, энг аввало, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тақиқланган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни содир этмасликка увдовчи қонунга итоаткорликни шакллантириш тушунилади. Тузалиш жараёни, жиноий жавобгарликка тортишдан кўзланган мақсадга эришишда айб учун жавобгарлик принципи асосий роль ўйнайди.

ЖК 9моддасига мувофиқ, «Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади».

Ушбу принципнинг аҳамияти шундаки, айб — жиноий қилмишнинг хусусияти сифатида, жиноят содир этган шахснинг жамият ҳуқуқтартиботига салбий муносабатида ифодаланади. Демак, шахсни тузатиш учун, аввало, ушбу салбий муносабатларнинг ўзини аниқлаб олиш зарур. Шахсдаги бундай салбий муносабатлар жамият манфаатларига зид бўлиб, жиноий жавобгарликка тортишнинг аҳамиятини йўқотади.

Айб учун жавобгарлик принципи шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун мажбурий бўлган қуйидаги белгиларни аниқлайди:

— шахснинг ўз қилмишига нисбатан руҳий муносабати;

— мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш жараёнида жиноий

ҳуқуқий нормаларни кўрсатилган принципга мувофиқравишда шакллантириш ва ушбу нормаларни амалий татбиқ қилиш, қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун мажбурийдир. Таъкидлаш жоизки, жиноий жавобгарлик тушунчаси ва асосини аниқдовчи Жиноят кодексининг 16моддасидан фарқи, ушбу принципнинг мустақамланиши субъектга нисбатан умумий жиноий жавобгарлик қонидасини ўрнатишни кўзда тутаяди. Жиноят кодексининг 16моддасида таърифланган қонидалар эса, айб учун жавобгарлик принципнинг айрим кўринишларини акс эттиради.

Содир қилган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан шахснинг руҳий муносабати қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишида намоён бўлади. Ушбу принципга мувофиқ, ҳар бир муайян ҳолатда айнан жиноят қонуни билан талаб қилинган айб белгиланиши лозим. Масалан, қонунда болани фақат қасдан алмаштирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса (Жиноят кодексининг 124моддасига асосан), мазкур моддада айб учун эҳтиётсизлик оқибатида содир этганлик сифатида жиноий жавобгарлик қўллаш мумкин амас.

Айб учун жавобгарлик принципи муайян жиноий қилмишнинг тавсифланаётган белгиларига нисбатан жиноят субъектининг айбини мажбурий белгилашда қўлланилади. Шахс ўз қилмишининг хавфлилик даражасини кўрсатувчи объектив ҳолатларни англамаган, англаши шарт бўлмаган ёхуд англай олмайдиган ҳолларда, бу ҳолатлар унинг жавобгарлигини оғирлаштиришга хизмат қилиши мумкин эмас. Бундай ҳулосага фақат жиноий жавобгарликнинг объектив ва субъектив асослари мавжудлигига асосланиб келиш мумкин.

Айб учун жавобгарлик принципи нафақат ижтимоий хавфли қилмишни содир этган субъектнинг айбини аниқлашни, балки қонунга мувофиқ, айбини исботлашни ҳам назарда тутаяди. «Судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона тасдиқдангандагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олади. Бу талаб айблов ҳукми таҳминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва судланувчининг айбдорлиги суд муҳокамаси жараёнида исботланган тақдирдагина чиқарилиши лозимлиги ҳақидаги ЖПК 463моддаси мазмунидан келиб чиқаяди»¹.

Бу ўринда исботлаш қонунга тўлиқ бўйсунган ҳолда амалга оширилиши лозим. Мазкур талабга риоя қилмаслик айбнинг исботланмаганлигини ва оқибатда жиноят содир этмаган шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслигини кўрсатади.

Айбни исботлаш ҳақидаги қонун талабларининг бузилиши ҳолларида, яъни «Қонунга зид равишда олинган барча далиллар юридик кучга эга бўлмасдан ҳукмга асос қилиб олиниши мумкин эмас. Қонунга зид равишда олинган далилларга тергов олиб боришнинг ноқонуний: руҳий ва жисмоний куч ишлатиш усуллари қўллаб олинган далиллар, шунингдек, жиноятпроцессуал қонун бошқа нормаларининг бузилиши (масалан, ҳимоя ҳуқуқининг бузилиши) натижасида олинган далиллар киради». Далил қонунга зид равишда олинган деб топиллиши жиноят субъектини айбсиз деб тан олишга олиб келади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу принцип аниқ жиноятлар таркибини шакллантириш ва жиноят таркибини жиноий жавобгарликнинг асоси деб тан олиш билан мамлакатимизда мавжуд бўлган қонун ҳужжатларида ижтимоий хавfli ва қонунга хилоф ҳаракат кўринишида акс этмаган қилмиш учун жазоланиш ҳолатларини инкор этади.

Ушбу принцип яна объектив айбловни, яъни айбсиз ҳолда зарар етказганлик учун жиноий жавобгарликка тортишни ҳам инкор этади. Айбсиз ҳолда етказилган ҳар қандай қилмиш, ижтимоий муносабатларга етказган моддий зараридан қатъи назар, жиноят деб топилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида айб учун жавобгарлик принципининг мавжудлиги жиноят учун жавобгарликнинг қатъий белгиланганлигини кўрсатади. Жиноят содир этганлик учун фақатгина айбдор шахс жавобгарликка тортилади. Ушбу қоида жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бажарувчининг экцесс институтини, яъни жиноий гуруҳ аъзоларининг қасди билан қамраб олинмаган ҳаракати учун фақат ижрочининг ўзи жавобгар эканлигини тан олишда аксини топади.

(Бу ҳақда ушбу том X бобининг «Иштирокчиликда содир қилинган жиноят учун жавобгарлик асослари ва чегаралари» деб номланган 4§ да батафсил тўхталиб ўтилган.)

11§. Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи

ЖКнинг 10моддаси жиноят содир этган шахс жавобгарликдан қутулиб қолмаслиги ҳақидаги умумий талабларни мустаҳкамлайди: «Қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт».

Жиноят кодексидаги мазкур қоиданинг мавжудлиги, жиноят ҳуқуқи нормаларининг барқарорлиги ва бир хиллиги жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мавқеининг ошишига ёрдам беради. Шу билан бирга жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи барча фуқароларнинг ҳаракатига нисбатан оғохдантирувчи таъсир кучига эга бўлиб, шу орқали Жиноят кодексининг оддига кўйилган вазифаларнинг амалга ошишига кўмаклашади.

Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи биринчи навбатда жиноят содир қилган шахсларга қаратилган ва мазкур шахслар томонидан содир қилинган ҳаракатлар учун жавобгарлик тўғрисидаги кўп қиррали қоидаларни ўрнатади. **ЖКнинг 10моддасидаги** принцип қонунийлик принципи ва фуқароларнинг қонун олдида тентлиги принципларининг давоми ҳисобланиб, уларни аниқлаштиради ва бир пайтнинг ўзида уларнинг чегарасидаи бир оз чиқади ҳам. Хусусан, ушбу модда муайян шахслар доирасига, яъни қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлган ҳар бир шахсга қаратилган.

Шахснинг хаттиҳаракатида жиноят таркиби мавжудлигини аниқлаш жавобгарликка тортишнинг муҳим белгиси ҳисобланади, яъни, бу жиноят қонуни билан жазоловчи ва ҳаракатни ижтимоий хавfli деб ўрнатувчи объектив ва субъектив белгилар мажмуидир. Шахснинг қилмишида жиноят таркибининг аниқланмаганлиги шахснинг жиноий жавобгарликка тортилмаслигига сабаб бўлади.

Қонун талабига кўра, қилмишда жиноят таркиби мавжуд бўлса, шахс жиноий жавобгарликка тортилади. Бундай талаб шуни билдирадики, ҳар бир ижтимоий хавfli қилмишда шахс муайян қонун нормаси билан чекланган салбий оқибатларни бошдан кечириши керак.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, салбий оқибатлар қуйидагиларда ифодаланади:

—Жиноят кодекси нормалари татбиқетиладиган шахсларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нормаларига мувофиқ жи~ ноий жавобгарликка тортишда;

—амалдаги қонунлар, халқаро шартномалар ёки битимларга мувофиқ чет эл фуқароларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси судларига тегишли бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган ҳолда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳал қилинади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Жиноят кодексига мувофиқ, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш жазо қўлланилиши шартлигини англамайди. Содир қилинган қилмиш учун жавобгарлик фақат жазо воситасидагина эмас, балки жиноят қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини амалга ошириш орқали ҳам қўлланилиши мумкин¹. Амалдаги қонунчиликца жазодан озод қилишнинг турлари ҳам мавжуд. Жумладан, шартли ҳукм қилиш, жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва ҳоказо.

«Жиноят ҳукуки тушунчаси, предмети, методи, вазифаси ва принциплари» мавзуси юзасидан яқуний саволлар

1. Жиноят ҳукуки тушунчаси қандай маъноларда ишлатилади?
2. Ҳуқуқ тизимида жиноят ҳуқуқининг ўрни ва роли қандай?
3. Жиноят ҳукуки предмети.
4. Жиноят ҳуқуқини ўрганиш методикаси қандай?
5. Жиноят ҳуқуқининг муҳофаза қилувчи, огоҳлантирувчи ва тарбияловчи вазифалари нималардан иборат?
6. Жиноят ҳуқуқининг принциплар тизимини тавсифлаб беринг.
7. Қонунийлик принципига кўра шахсни жиноий жавобгарликка тортиш асоси нима?
8. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийлик принципнинг таъсири қандай?
9. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида ҳуқуқаналогиясини қўллаш мумкинми?
10. Фуқароларнинг қонун олдида тенглити принципнинг мо хияти нимадан иборат?
11. Демократизм принципи нималардан иборат?
12. Одиллик ва фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципнинг боғлиқлик жойи нималардан иборат?
13. Одиллик ва инсонпарварлик принципларининг боғлиқлиги нималарда кўринади?
14. Айб учун жавобгарлик принципнинг жиноятҳуқуқий моҳияти нимада?
15. Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи мажбурий жазо тайинлашғи англатадими?

II БОБ. ЖИНОЯТ ҚОНУНИ

1§. Жиноят қонуни тушунчаси ва аҳамияти

ЖКнинг 1 моддаси қонун даражасида Ўзбекистоннинг жиноят қонунчилигини ташкил этувчи нор.мативҳуқуқий ҳужжатларнинг доирасини, шунингдек, ушбу ҳужжатларнинг ҳуқуқий асосини муайян ва аниқ белгилаб беради. Унга мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига асосланган бўлиб, ушбу Кодексдан иборат». Бунда шунини қайд этиш лозимки, шарҳланаётган модданинг қоидалари жиноят ҳуқуқи соҳасида ватанимиз анъаналарини, жумладан, жиноятҳуқуқий нормаларни кодификация қилиш ҳамда уларнинг алоҳида қонун — **Жиноят кодекси** шаклида мавжуд бўлишининг лозимлигини ақс эттиради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси республикамизнинг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ташкил этувчи барча жиноятҳуқуқий нормаларнинг асосий ва ягона шаклидир. Таркибида жиноятҳуқуқий нормалар бўлган янги қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган тақдирда улар мажбурий тартибда Жиноят кодексига киритилиши лозим ва мустақил равишда қўлланилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ички узвий бирлиги ва ўзаро боғлиқ жиноятҳуқуқий нормаларнинг тизимли мустаҳкамланиши билан ажралиб турган, жиноий жавобгарликнинг тамойиллари, асослари ва шартларини, содир этилиши жиноят деб эътироф этиладиган ижтимоий хавфли қилмишларни белгилаб берувчи, бундай қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилишининг турини ва чегарасини белгиловчи қонунлаштирилган қонун ҳужжатидир.

Жиноят кодексига жиноятҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашнинг асосий ва ягона шакли мақомини бериш қонунчиликнинг кучайтирилиши жиноий қонунчиликни ягоналаштиришга кўмаклашади, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари учун норматив материаллардан фойдаланишни осонлаштиради ва аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини оширади. Шу билан бирга, бу ҳолат қонунчилик техникасининг

ривожланишига таъсир кўрсатади, қонун чиқарувчини Жиноят кодекси тизимига тезда киришиб кета оладиган ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тартибини мустаҳкамлайди.

Жиноят қонунининг Жиноят кодексида мустаҳкамланиши, биринчи навбатда, ўз ифодасини шунда топадики, у муҳим бўлган ижтимоий муносабатларнинг ҳимоя қилиш воситаси, жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳуқуқий базаси бўлиб ҳисобланади. Жиноят ҳисобланадиган қилмишларнинг объектив ва субъектив белгиларини ифодалаган ҳолда уларни содир этганлик учун аниқ жазо турларини белгилайди. Бундан ташқари, у фуқароларга нисбатан огоҳлантирувчи ва тарбияловчи жиҳатларга эга. Жиноятҳуқуқий аҳамиятдаги тақиқ ва мажбуриятларни ўрната туриб, жиноят қонуни одамлар ўзларининг хулқатворини ҳуқуқ нормаларига солиштирган ҳолда идрок қилиши учун уларнинг онги ва иродасига таъсир кўрсатади.

Жиноят кодексининг жиноятҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашнинг ягона ва мутлақ шакли сифатида таърифланиши билан бирга ЖКнинг 1-моддасида ушбу нормаларнинг ҳуқуқий негизи тўғрисида қоидалар мавжуд, булар Ўзбекистон Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларидир. Шу билан барча ҳуқуқ соҳалари, жумладан, жиний ҳуқуқнинг бош манбаи бўлган Конституциянинг устуворлиги ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларининг Кодекс нормаларидан устуворлиги белгиланади.

Ўзбекистон Конституциясининг жиний қонунчилик асоси сифатида тан олинаши Асосий қонун қоидаларининг Жиноят кодекси нормаларини талқин этишда қўллаш заруриятига олиб келади. «Судлар шунинг назарда тутишлари лозимки, Конституциянинг 1-моддасига мувофиқ, бирорта ҳам қонун ёки бошқа нормативҳуқуқий ҳужжат унинг нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас»¹. Шу муносабат билан, агар Жиноят кодексини қўллаш пайтда суд унинг айрим қоидаларининг Конституцияга мос эмаслиги ҳақидаги хулосага келса, у ишни тўхтатиб қўйиш тўғрисида ажрим чиқариши ва барча материалларни Олий суд Раисига юбориши лозим, у эса «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунга² асосан тегишли масалани Конституциявий судга кўриб чиқиш учун киритишга ҳақлидир.

Жиноят кодексининг ҳуқуқий негизи, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ҳам бўлади, бу 1-моддада мустаҳкамланган. Бунда шундай нормалар сифатида халқаро ҳуқуқнинг императивбуйруқ тусида бўлган ҳамда барча халқаро ҳуқуқ субъектлари, жумладан, давлатлар томонидан этироф этилган қоидалари тан олинаши лозим.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари унинг тамойиллари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг қоидалари, шунингдек, Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда мустаҳкамланган қоидалардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг преамбуласида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларининг устуворлиги тан олинади, бу эса қонун қўлланганда унинг шундай қоидаларга мос эмаслиги аниқданган тақдирда суд томонидан ишни тўхтатиб қўйиш тўғрисида ажрим чиқарилиши ва тегишли масалани Конституциявий судга кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисидаги илтимоснома билан биргаликда барча материалларни Олий суд Раисига юборилишини белгилаб беради.

Айни пайтда Ўзбекистонда қўлланиши учун умумэтироф этилмаган халқаро шартномаларнинг нормалари ватанимиз қонунчилигига, жумладан, Кодексга тегишли кўшимчалар ва ўзгартишлар шаклида киритилишта муҳтож. Бу шундан келиб чиқадики, биринчидан, кўпгина халқаро шартномалар (конвенциялар) фақат иштирокчи давлатларнинг у ёки бу жиноятлар билан курашиш ниятинигина билдиради; иккинчидан, агар халқаро шартнома у ёки бу ижтимоий ҳавфли қилмишнинг белгиларини аниқлаган ҳолда ҳам, одатда, у тегишлижазони белгилаб бермайди; учинчидан, жазони кўрсатган ҳолда шартнома унинг қўлланиш чегаралари ва шартларини кўрсатмайди. Натижада, ҳатто, Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг қоидалари амалдаги жиний қонунчиликка тегишли ўзгартишларни киритмаган ҳолда амалда қўлланилмайди.

ЖКнинг 1-моддаси Жиноят кодексини жиноятҳуқуқий нормалар мавжудлигининг ягона ва мутлақ шакли сифатида белгилайди ҳамда жиний қонунчиликнинг асоси сифатида фақат Конституцияни ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларини белгилайди, бу кенгайтирилган равишда талқин этилмайди. Шу муносабатда

жиноятҳуқуқий тусдаги қоидаларни мустаҳкамлашнинг бошқа шакллари (масалан, Олий суднинг қарорлари, суд прецедентлари, доктринал талқин этиш ва ҳоказо) Ўзбекистон жинойий қоғунчилигининг манбалари сифатида тан олиними ёки унинг асоси бўлиши мумкин эмас. Ушбу ҳол шундан келиб чиқадики, бу ҳужжатларда янги ҳуқуқий нормалар яратилмайди ва мустаҳкамланмайди, балки Жиноят кодексида мавжуд бўлган нормаларнинг асл мазмуни тер

гов ва суд амалиетида уларга аниқ ва ягона шаклда риоя этилиши мақсадида очиқ берилади.

Бузилиши жиноят деб тан олинмаган, ҳуқуқвор ва ҳаракатларнинг маълум қоидалари ва меъёрлари бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар . (масалан, махфий ҳужжатлар билан иш юритиш қоидалари, ветеринария ёки зоология қоидалари, ҳаракат хавфсизлиги ва транспортдан фойдаланиш қоидалари ва бошқалар) жинойий қонучилиқ сифатида тан олиними мумкин эмас. Бу ҳужжатларда бланкет тусда бўлган муайян жинойтҳуқуқий норманинг (масалан, ЖК нинг 285моддаси) тутган ўрни ва мазмуни батафсилроқ акс этади, лекин унга хос бўлган диспозицияси ва санкцияси бўлган норманинг ўзи фақат Жиноят кодексида мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибига кириши ва Ўзбекистоннинг қонунлари Қорақалпоғистоннинг ҳудудида ҳам мажбурий эъқонлиги тўғрисидаги қоидаларига мувофиқ (Конституциянинг 71 ва 72моддалари)¹ Жиноят кодекси, шунингдек, жинойтҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашнинг ягона шакли бўлади ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам амал қилади.

Жиноят кодекси ҳам Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистон учун ягоналаштирилган (ягона) бўлиб, бошқа қонунчилик ҳужжатлари (масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари, Жўқорғи Кенгеснинг қарорлари ва ҳоказолар) Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудида жиноят қоғунининг манбаи сифатида тан оли» ниши мумкин эмас.

2§. Жиноят қонунининг тузилиши

Бирбирига боғлиқ юридик нормалар тизими сифатида жиноят қонунчилиги бир қанча ҳуқуқий институтларга асосланади.

Жиноят ҳуқуқи институти — бу ўхшаш ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи муайян техник қоидаларга биноан тартибга солинган турдош юридик нормалар мажмуидир.

Масалан, жиноят қонуни; жиноят; жазо; қилмишнинг жинойилигини истисно қилувчи ҳолатлар; тамом бўлмаган жиноятлар, иштирокчилик; бир қанча жиноятлар содир этиш институтлари ва бошқ.

Бу институтлар мазмуни ва ҳажми жиҳатидан бирбиридан фарқ қилади, лекин бир бутун ҳолда улар жиноят ҳуқуқининг ягона манбаси — Жиноят кодексини ташкил қилади.

Ҳар бир жинойтҳуқуқий норма бир бутунни ташкил қиладитан ва характери жиҳатидан фарқланадиган ЖКнинг Умумий ва Махсус нормалари таркибига киради.

Жиноят кодекси жинойтҳуқуқий нормаларнинг ифода қилиниш шакли ҳисобланиб муайян тузилишга эга.

Жиноят қонуни тузилиши қонун чиқарувчи иродасининг ЖКда муайян тарзда тартибга солинган шаклидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, ўз навбатида, бўлим ва бобларга бўлинадитан Умумий ва Махсус қисмлардан иборат. Боблар қисм ва бандларга бўлинадиган моддалардан иборат. Қисмлар сатр боши билан, бандлар ҳарфлар билан ажратилган.

Махсус қисм нормаларини қўллаш Умумий қисм нормаларига асосланади. Ўз навбатида Умумий қисм нормалари Махсус қисм нормаларисиз маъносиз ва предметсиз бўлиб қолади.

Умумий қисм, ўз навбатида, 17 бобга бўлинадиган 7 бўлимдан иборат. ЖК Умумий қисми нормаларида жиноят қонуни учун умумий аҳамиятга эга бўлган қоидалар белгиланади ёки тартибга солинади: жиноий жавобгарлик принциплари ва асослари; жиноят қонунининг ҳудуд бўйича, вақт бўйича ва шахслар доираси бўйича амал қилиш доираси; жиноятлар тушунчаси ва таснифи, жиноий жавобгарлик келиб чиқиши мумкин бўлган ёш, ақли норасолик белгилари ва ҳуқуқий оқибатлари, айб шакллари; тамом бўлмаган жиноят белгилари ва ҳуқуқий оқибатлари; жиноятда иштирокчилик ва иштирокчилар турлари; бир қанча жиноят содир этиш; қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар; жазо турлари ва уларнинг тизими, жазо тайинлашнинг умумий асослари; тамом бўлмаган, иштирокчиликда содир этилган жиноятлар, бир қанча жиноят содир этганлик учун ва бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари; жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш шартлари, судланганликнинг тугалланиши ва олиб ташланиши қоидалари; вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари; жиноятҳуқуқий хусусиятдаги бошқа таъсир (вояга етмаганларга нисбатан тарбиявий йўсиндаги мажбурлов чоралари ва руҳий касалликка, алкоголизм ва наркомаанияга чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари) чораларини қўллаш асослари ва қоидалари.

ЖК Умумий қисми моддаларининг аксарияти тартибга солувчидир, чунки уларнинг қўлланиши аниқ жиноий қилмишлар билан боғлиқ эмас ва у ёки бу кўрсатманинг аниқ баёни кўринишидаги тасвирлов хусусиятига эга. Бироқ мажбурловни қамраб олувчи қонунни қўллаш хусусиятидаги нормалар ҳам учраб туради. Булар жазопи ўташдан бўйин товлаш ҳолатларида бир жазони бошқаси билан алмаштириш тартибини ўрнатувчи нормалардир. Масалан, ЖК 44моддаси 3қисми (Жарима) жаримани (аниқроғи, унинг тўланмаган қисмини) ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, хизмат бўйича чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш тартибини белгилаб беради. 72 ва 73моддалар шартли ҳукм ва муддатидан илгари шартли равишда озод қилишда, мувофиқравишда тайинланган шартли жазони ёки унинг ўталмай қолган қисмини, синов муддати давомида қонунда белгиланган талабларга риоя қилинмаганда, амалда ўташнинг турли вариантларини ўрнатади.

Жиноят қонуни **Махсус қисми** нормаларида алоҳида жиноятлар учун жавобгарлик ва уларни содир этишда айбдор бўлган шахсларга қўлланиладиган муайян жазолар ўрнатилади.

ЖК Махсус қисми 8 бўлим ва 25 бобдан иборат.

БИРИНЧИ БЎЛИМ.

Шахсга қарши жиноятлар.

I боб. Ҳаётга қарши жиноятлар.

II боб. Соғлиққа қарши жиноятлар.

III боб. Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар.

IV боб. Жинсий эркинликка қарши жиноятлар.

V боб. Оилага, ёшларга, ахлоққа қарши жиноятлар.

VI боб. Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадрқимматиға қарши жиноятлар.

VII боб. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар.

ИККИНЧИ БЎЛИМ.

Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар.

VIII боб. Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар.

IX боб. Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар.

УЧИНЧИ БЎЛИМ.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар.

X боб. Ўзгалар мулкани талонторож қилиш.

XI боб. Ўзгалар мулкани талонторож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар.

XII боб. Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар.

XIII боб. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар.

ТўРТИНЧИ БЎЛИМ. *Экология соҳасидаги жиноятлар.*

XIV боб. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ.

Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар.

XV боб. Бошқарув тартибига қарши жиноятлар.

XVI боб. Одил судловга қарши жиноятлар.

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ.

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар.

XVII боб. Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар.

XVIII боб. Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар.

XIX боб. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар.

XX боб. Жамоат тартибига қарши жиноятлар.

XX¹ боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар.

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ.

Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.

XXI боб. Бўйсунуш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар.

XXII боб. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.

XXIII боб. Ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар.

XXIV боб. Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари. Саккизинчи бўлим — «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси»да ки

ритилган айрим атамаларнинг ҳуқуқий маъноси очиб берилган. Бундай шарҳ расмий ва умуммажбурий аҳамиятга эга. ЖК саккизинчи бўлимининг ўзига хослиги, ундаги қоидалар, ЖК Умумий ва Махсус қисмининг бошқа қоидаларидан фарқи равишда, алоҳида рақамлар билан белгиланган моддаларга расмийлаштирилмаган, бироқ ўз моҳиятига кўра шундай ҳисобланади.

Махсус қисм моддалари «хусусий моддалар» деб ҳам номланади. Чунки уларда кўзда тутилган жиноят турларининг белгилари ва унга мувофиқ жиноятни содир этган шахсга нисбатан қўлланадиган жазо чоралари ҳам ўз аксини топган. Махсус қисм нормалари — ижтимоий хавфли қилмиш белгиларини ифодаловчи диспозиция, жазонинг тури ва меъёрини белгилловчи санкциядан иборат. Диспозицияда алоҳида жиноятлар ва шу жиноятларнинг таърифи берилади. Жиноятҳуқуқий нормаларда диспозициянинг қуйидаги тўрт тури: оддий, тасвирлов, бланкет ва ҳаволаки диспозиция назарда тутилади.

Диспозиция — модда қисмининг ўз мазмунига кўра тақиқловчи ёки фармойиш берувчи элементи бўлиб, унда муайян жинойи қилмиш, унинг белгилари кўрсатилади.

Оддий диспозицияда жиноят таркибининг белгиларини ифодаламасдан, жиноятнинг умумэтироф этилган, танийш номи кўрсатилади. Масалан, ЖК97моддаси 1қисми (Қасддан одам ўлдириш) ёки 215моддаси (Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш). Бундай диспозицияда жиноятнинг белгилари очиб кўрсатилмайди. Кўриниб турибдики, биринчи ҳолатда қонун чиқарувчи томонидан «ўлдириш», иккинчи ҳолатда «ҳурматсизлик қилиш» иборалари ишлатилган.

Тасвирловчи диспозиция қилмишни ижтимоий хавфли ва жинойи деб тавсифловчи белгилар мажмуини кўрсатади. Масалан, ЖК 209моддаси 1қисми жиноятни кўрсатибгина қолмасдан, мансаб сохтакорлиги деганда, мансабдор шахснинг ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузиш ва тақдим этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамият манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса. Ёки, масалан, ЖК 169моддаси 1қисмида ўғрилик ўзгалар мулкани яширин равишда талонторож қилиш сифатида берилган.

Бланкет диспозиция муайян жиноятнинг белгиларини Жиноят кодексига ёритмасдан, бошқа ҳуқуқ соҳасига оид қонунлар ёки норматив ҳужжатлар асосида аниқдайди. Масалан, ЖК 266моддаси 1қисмида транспорт воситасини бошқарувчи шахс

томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, деб кўрсатилган. Йўл ҳаракати хавфсизлигининг айнан қайси қоидалари бузилганлигини аниқлаш учун, улар назарда тутилган нормативҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилиш керак. Таъкидлаш жоизки, транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларнинг деярли барчаси бланкет диспозиция сифатида шакллантирилган. Шу каби моддалар ЖК XII бобида «Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар», XVI бобида «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар», XVII бобида «Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар» ва бошқаларда устунлик қилади.

Ҳаволаки диспозицияда ортиқча такрорлашларни бартараф қилиш мақсадида норманинг мазмунини аниқлаш учун кодекснинг бошқа бир нормасига мурожаат этилади. Масалан, ЖКнинг ўртача оғир шикаст етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи 105моддаси 1қисмида етказилган шикаст ҳаёт учун хавфли бўлмаслиги ва ЖК 104моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармаслиги керак дейилган.

Таъкидлаш жоизки, ЖКнинг аксарият моддаларида оғирлаштирувчи ва ўта оғирлаштирувчи таркибларда ўша модданинг асосий таркибига ҳавола қилиш ҳоллари учрайди. Бунда «Ўша қилмиш ... сабаб бўлса», «ўша қилмиш ... содир этилган бўлса», «мазкур модданинг биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган қилмиш ... сабаб бўлса» каби таъриф ишлатилади.

Аралаш (комбинациялашган) диспозиция бланкет ёки ҳаволаки, шунингдек, оддий ёки тасвирлов диспозицияларнинг белгиларини ўзида акс эттиради. Масалан, Жиноят кодексининг 137моддаси 1қисмига кўра, ушбу кодекснинг 245моддасида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлмаган ҳолда одам ўғирлаш жиноят деб қисобланади. Ушбу моддада диспозициянинг қам оддий (одам ўғирлаш), ҳам ҳаволаки (Жиноят кодекси 245моддасида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлмаса) турлари мавжуд бўлганлиги сабабли «аралаш» деб юритилади¹.

Санкция — модда қисмининг элементи бўлиб, диспозицияда кўрсатилган муайян жиноят учун жазо тури ва доирасини белгилайди.

Маълумки, қонун чиқарувчи ЖК 15моддасидаги жиноятлар таснифини жазонинг меъёри билан боғлайди, чунки қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ хусусияти ва даражаси айнан санкцияда намоён бўлади.

Нисбий муайян санкция — муайян бир жазо турини назарда тутиб, унинг миқдори чегарасини (чегарасини ёки энг қуйи ва энг юқори чегарасини) белгиловчи санкция. Масалан, Жиноят кодексининг 99моддасида онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдиргани учун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси, қасддан одам ўлдирганлик учун 97моддаси 1қисмида ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган. Биринчи мисолда кўриниб турибдики, санкцияда фақат юқори чегара кўрсатилган. Бундай ҳолларда қуйи чегара, жазонинг мазкур тури учун ЖК Умумий қисмида кўрсатилган қуйи чегара билан белгиланади.

Альтернатив (муқобил) санкцияда икки ёки ундан ортиқ жазо турлари назарда тутилиб, судга қилмиш ва уни содир этган шахспинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда жазони индивидуаллаштириш имконини беради. Масалан, Жиноят кодекси 110моддаси 1қисмида (Қийнаш) уч турдаги жазодан бирини қўллаш мумкинлиги назарда тутилган: ахлоқтузатиш ишлари, қамқоғихуд озодликдан маҳрум қилиш жазо турлари белгиланган. Альтернатив санкциянинг белгиланиши судьяларга шахснинг ижтимоий хавфлилигига, қилмишнинг хусусиятига қараб жазолардан бирини тайинлаш имконини беради.

Жиноят ҳуқуқи назариясида, юқорида зикр этилган санкциялардан ташқари, **мутлакмуайян** ва **ҳаволаки** санкциялар ҳам кўрсатилади. Бироқ инсонпарварлик ва одиллик принципларига мувофиқ бўлмаганлиги учун, улар амалдаги ЖКда назарда тутилмаган.

Таъкидлаш жоизки, жиноят ҳуқуқи доктринасида «жиноят қонуни моддаси тузилиши» ва «жиноятҳуқуқий норма тузилиши» тушунчаларини фарқдаш қабул қилинган, чунки битта жиноятҳуқуқий норма ЖКнинг бир неча моддаларида мавжуд. Бунинг сабаби жиноятҳуқуқий норма тузилиши, ЖК моддасидан фарқли равишда, икки ўзаро боғлиқ

элементларни эмас (диспозиция ва санкция), балки учта: аксарият муаллифлар фикрига кўра, жиний жавобгарликнинг асослари ҳамда қилмишни жиний ва жиний жавобгарликка сазовор сифатида белгилашга оид қоидаларни ўз ичига олган **гипотезани**¹, жинийнинг объектив ва субъектив таърифини акс эттирадиган ва шу муносабат билан жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларнинг белгиларини, айбнинг шаклларини, тамом бўлмаган жиний таркибини ва бошқаларни белгилайдиган **диспозицияни** ҳамда ЖК Умумий қисмининг айрим қоидаларига асосланган ҳолда жинийҳуқуқий таъсир чораларини назарда тутган **санкцияни** камраб олади.

3§. Жиний қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиши

ЖКнинг 11моддаси Ўзбекистон Республикаси жиний қонунчилигининг қўлланиш ҳудудий доирасини белгилайди, Унда баён этилган қоидалар **ҳудудий тамойилни** ифода этади, яъни қайси давлат ҳудудида жиний содир этилган бўлса, ўша давлатнинг жиний кодекси қўлланиши тамойили кўрсатилади. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида жиний содир этган барча шахслар, улар қайси давлат фуқароси бўлишидан қатъи назар ёки фуқаролиги бўлмаслигига қарамай, фақат Ўзбекистон Республикаси Жиний кодекси бўйича жавобгарликка тортилади.

Ҳудудийлик тамойили давлат ҳокимиятининг суверенлик тамойилига асосланган бўлиб, унинг ҳуқуқ соҳасида умуман ва жиний соҳасида қисман ифода топишидир. Давлат суверенитети ва қонуннинг ҳудудийлик тамойили ўзаро узвий боғлангандир: давлат ҳокимияти унинг ҳудудий масофалари билан чегараланган ва унинг қонунлари ҳам шу чегаралари доирасида амал қилади.

ЖК 11моддаси 1қисми ҳудудийлик тамойилининг умумий қоидасини ифода этади: «Ўзбекистон ҳудудида жиний содир этган шахс мазкур Кодексга мувофиқжавобгарликка тортилади».

«**Ҳудуд**» дейилганда, маконнинг шундай қисми, яъни Ўзбекистон Республикаси суверенитетига қарашли қуйидаги жойлар тушунилади:

- а) куруклик ҳудуди;
- б) сув ҳудуди, шу жумладан, ички сувлар;
- в) ҳаво ҳудуди;
- г) ер ости.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68—70моддаларига мувофиқ, мазкур Кодекснинг амал қилиш ҳудудига республиканинг барча ҳудуди, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди ҳам қиради².

Куруклик ҳудуди — бу Ўзбекистон Республикаси чегараси ичидаги сув билан қопланмаган курук ер майдони, Бу ҳудуд таркибига сув билан ўралмаган ва сув билан ўралган (орол) барча куруклик майдони қиради.

Куруклик ҳудуди таркибига давлат чегаралари ичидаги сунъий ҳосил қилинган ер майдонлари (масалан, сунъий орол, сув устига қурилган бинолар ва ҳоказо), сув йўлидаги техник иншоотлар плотина, дамба, кўприк ва бошқалар ҳам қиради. Давлат чегараси чизигидан қатъи назар, Ўзбекистон ҳудудига қарашли деб, бундай техник иншоотларнинг ўртасидан ёки ўқ чизигидан республикага қараб ўлчанган қисми ҳисобланади.

Куруклик ҳудуди таркибига яна Ўзбекистон анклавлари қиради (ҳар томонлама ўзга давлатлар ҳудуди билан ўралган ер майдонлари, агар улар денгизга чиқадиган йўлга эга бўлмаса). Куруклик ҳудуди таркибига Ўзбекистон ҳудудидаги қаттиқ шаклдаги сув ресурслари музликлар ҳам қиради.

Анклав давлат ҳудудининг бошқа давлат чегаралари билан ўраб олинган ва денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган қисми.

Сув ҳудуди — бу давлат чегаралари ичидаги суяқ ҳолатдаги сув ресурсларидир.

Сув ҳудуди таркибига ички сувлар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудий сувлари ҳамда чегаравий сувларнинг тегишли қисми қиради. Сув ҳудудига ер ости сувлари, термал ва минерал сувлар қирмайди. Бундай сувлар ер ости бойликлари деб ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ички сувларига қуйидагилар қиради:

—Ўзбекистон ҳудудида тўлиқ жойлашган сув ҳавзалари, унинг қирғоқлари ҳам, масалан, Чорвоқ сув омбори;

—Орол денгизининг Ўзбекистон ҳудудига қарашли сувлари, яъни сувнинг чегара ҳисобланган кентлигидан яқин қирғоққача қисми;

—Орол денгизи томонидан чегара чизиғи билан ажратилган порт сувлари, денгизнинг чегара чизиғига бўлган гидротехник ва бошқа порт иншоотлари;

—Орол денгизининг Ўзбекистон ҳудудига тарихий қарашли бўғоз, бухта, гут ва лиманлар;

—Орол денгизининг Ўзбекистон ҳудудига тўлиқ қарашли бўғоз, бухта, гут ва лиманлар қирғоқлари, қирғоқдан қирғоққача бўлса, кенгликнинг денгиз томонидан биринчи марта ташкил бўлган бир неча ўтиш жойлари, агар унинг эни 24 денти́з милясидан ошмайдиган бўлса (44 км 448 м).

Ўзбекистоннинг ҳудудий сувлари — бу Орол денгизининг қирғоқолди сувлари бўлиб, 12 денгиз миляси (22 км 224 м) энлигида бўлиб, Ўзбекистон Республикасига тегишли бўлган материк қисми ҳамда ороллар атрофидан ёки Ўзбекистоннинг ички денгиз сувларининг ташқи чегарасидан ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг чегара сувлари — чегара ҳисобланган дарёлар, сойлар, кўллар ва ҳавзаларнинг давлат чегараси чизиғидан яқин қирғоққача бўлган қисмидир.

Бу ерларда давлат чегараси қуйидаги тарзда белгиланишини таъкидлаб ўтишимиз лозим:

«... кема қатнайдиған дарёларда — дарёнинг асосий фарватери ёки тальвеги ўртаси бўйлаб; кема қатнамайдиған дарёларда, жилғаларда — уларнинг ўртаси ёки дарёнинг асосий ўзинининг ўртаси бўйлаб; кўллар ёки бошқа сув ҳавзаларида Давлат чегараси кўл ёки бошқа сув ҳавзаси қирғоқларига чиққан жойларни туташтирувчи тўғри ёки бошқача чизик бўйича. Дарё, жилға, кўл ёки бошқа сув ҳавзаси орқали ўтадиған Давлат чегараси улар қирғоқларининг кўриниши ёки сув сатҳи ўзгарганда ҳам, дарё, жилға оқими у ёки бу томонга бурилганда ҳам ўзгармай қолаверади;

сув омборларида ва бошқа сунъий сув ҳавзаларида — улар сув билан тўлдирилгунга қадар Давлат чегарасининг мазкур жойдан ўтган чизиғига мувофиқ равишда;

дарёлар, жилғалар, кўллар ва бошқа сув ҳавзалари орқали ўтувчи кўприкларда, тўғонлар ва бошқа иншоотларда — Давлат чегараси сувдан ўтишўтмаслигидан қатъи назар, шу иншоотларнинг ўртаси ёки уларнинг технологик ўқи бўйлаб».

Ўзбекистоннинг самовий ҳудуди бу Республиканинг қуруқликдаги ерлари ва сув ҳавзалари устидаги ер атмосферасининг қисмидир.

Самовий ҳудуди қуруқлик ва сувдаги Ўзбекистон давлат чегараларидан вертикал чизик билан белгиланади.

Ер ости бойликлари — бу ер қобиғининг тупроқ қатламидан қуйида жойлашган, тупроқ қатлами бўлмаганда эса, ер юзасидан ёки сув объектлари тубидан қуйида жойлашган, геологик жиҳатдан ўрганиш ва ўзлаштириш мумкин бўлган чуқурлик' қача ястанган қисми ҳамда фойдали қазилмаларнинг ер қаъри дан юзага чиқиши.

Ер ости чегараларига табиий қаттиқжисмлар, суюқ ва газ ҳолатидаги жинслар ва бу жинслар орасидаги бўшлиқлар қиради.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг амал қилиш доирасига фақат республиканинг қуруқлик ва сув ҳудуди остига жойлашган ер ости чегаралари қиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди сифатида республиканинг чет давлатлардаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари жойлашган ҳудуд ҳам қабул қилинади.

Халқаро ҳуқуқнинг умумий қоидаларига мувофиқ, бундай муассасалар экстерриториал мақомга эга бўлади, яъни улар маҳаллий қонунчилик таъсиридан ажратилган ҳолда қайси мамлакатга қарашли бўлса, ўша давлат қонунчилиги таъсирига ўтади².

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари ҳудудида содир этилган жиноятлар ҳар доим Ўзбекистон ҳудудида содир этилди, деб ҳисобланади. Худди шундай тарзда Ўзбекистондаги чет давлатлар элчихоналарида содир этилган жиноятлар ҳам ўша давлатлар қонунчилигига мувофиқ кўрилади, Ваколатхонанинг ҳудуди сифатида ундаги бино ва хоналаргина эмас, балки шу бинога қарашли ер, ҳовли, ваколатхона бошлиғининг резиденцияси, ваколатхона ходимлари, давлат юрисдикцияси иммунитетига эга бўлган шахслар яшайдиган турар жой бинолари ҳамда транспорт воситалари тан олинади.

Шуни кўрсатиш лозимки, ваколатхона ҳудудига ёки унинг ходимларига қарши қаратилган жиноят, жиноят субъекти Ўзбекистон Республикасида жисмонан турганлиги шarti билангина, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган деб топилади, акс ҳолда бундай ҳаракатларни бошқа давлат ҳудудида содир этилган, деб қараш керак.

ЖК 11 моддаси 2 қисми Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб ҳисоблаш мезонларини белгилайди. Модданинг мазкур қисмини киритиш зарурияти шундан иборатки, содир этилган ҳаракатни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жиноят сифатида белгилаш чегараларини қонуний белгилаш ва шу асосда қонунни қўллаш фаолиятини бир хил тарзда олиб бориш имкониятини таъминлашдир.

ЖК 11 моддаси 2 қисми жиноий ҳаракат содир этилишининг барча босқичлари ва кўринишларини, айбдор жиноий ҳуқуқворининг деярли барча кўринишларини қамраб олади. Хусусан, мазкур моддага мувофиқ «Қилмиш:

а) Ўзбекистон ҳудудида бошланган, тамомланган ёки тўхтатилган бўлса;

б) Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса;

в) Ўзбекистон ҳудудида содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида юз берган бўлса;

г) бир неча қилмишлардан иборат ёки бошқа қилмишлар билан биргаликда содир этилган бўлиб, унинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса, Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб топилади».

Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган жиноий ҳаракат белгилари мазмунмоҳиятига кўра объектив ҳисобланади ва қонун чиқарувчи жиноят таркибининг барча белгиларини объектив равишда кўрсатиб беради. Бу белгилар жиноий ҳаракатнинг фақат тегишли белгиларига хос бўлиб, жиноят таркибининг бошқа қисмларига тегишли бўлмайди. Айни вақтда жиноягнинг муҳим белгилари (субъект, объект, субъектив томонлари) қонун чиқарувчи томонидан муҳим априори деб ҳисобланади, яъни қонун моддаларидан қатъи назар ҳар бир жиноят кўриб чиқилганда, бу белгилар аниқланади. Бу белгилар жиноий иш содир этилган ҳудудни аниқлашга таъсир этмайди, лекин суд ва тергов органлари томонидан ҳар бир ҳаракатнинг жиноятга алоқадорлигини аниқлаш мақсадида кўриб чиқилади (масалан, ҳаракат жиноят содир этишга лаёқатсиз киши томонидан қилинган бўлса, бундай жиноят жамият учун хавfli ҳисобланмайди, гарчавд жиноий ҳаракатнинг объектив белгилари мавжуд бўлган ҳолда ҳам). Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган белгилар рўйхати Жиноят кодексининг тамойилларини ифода этади, яъни қонунийлик, адолатлилик, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглик тамойилларини кўрсатади.

ЖК 11 моддаси 2 қисми «а» бандида жиноят содир этишнинг бошланиши деганда, айбдор содир этиш шарт деб ҳисоблаган ва содир этган, улар жиноий оқибатга олиб келмаган бўлса ҳам ҳар қандай жиноий қилмишни (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушуниш керак. Шундай қилиб, жиноят содир этишни бошлаш тамом бўлган суиқасдни қамраб олади.

(Тамом бўлган суиқасд ҳақида мазкур том IX бобининг «Жиноят содир этишга суиқасд қилиш» деб номланган 3 § да батафсил берилган.)

Жиноятсодир этишнинг бошлапити сифатида яма шундай дастлабки жиноий ҳаракат танолинадик, бундай ҳаракат кейинги узок давом этувчи

қонунбузарлик ҳаракатлари билан боғлиқ бўлади, яъни узокдавом этувчи жиноятнинг бошланишидир.

Узокқа чўзилган жиноят, масалан, солиқёки бошқа мажбурий гўловларни тўлашдан бўйин товлаш, ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш кабилардан иборат бўлиши мумкин.

(Давом этувчи жиноят ҳақида мазкур том XI бобининг «Такроран жиноят содир этиш» деб номланган 2§ да батафсил берилган.)

Ўзбекистон Республикаси ЖКда жавобгарлик назарда тутилган жиноятнинг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмиш Ўзбекистон ҳудудида тамом бўлган деб тоғшлади. Шунинг учун, муайян қилмиш тамом бўлганлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда ЖК Махсус қисмидаги модда тушунчасидан келиб чиқиш лозим.

Амалдаги Кодексга мувофиқ, жиноят тамом бўлган деб қуйидаги ҳолатларда тан олинади:

— маълум оқибатларни келтириб чиқарган қилмиш, яъни моддий таркибли жиноят (масалан, қасдан одам ўлдириш, ўғрилиқ ва ҳ.к.);

— квалификацияга жиддий таъсир қилмайдиган оқибатларни келтириб чиқарган қилмиш — **формал таркибли жиноят** (масалан, тухмат, ҳақорат, давлатга хоинлик қилиш ва бошқ.);

— ижтимоий хавfli зарар етказишнинг реал хавфини туғдирувчи қилмиш — **кесик таркибли жиноят** (босқинчилик, зўрлаш ва бошқ.).

Тўхтатилган жиноят ҳам жиноят Ўзбекистон ҳудудида содир этилган деб ҳисобланади. Мазкур моддага мувофиқ, жиноий ҳаракат ўзининг моддий ифодасига кўра ва субъектив қабул қилиниши жиҳатидан тугалланмаган бўлса, тўхтатилган жиноят деб баҳоланади.

Амалдаги қонун тўхтатилган жиноятнинг икки шаклини кўрсатади:

— қилмиш шахс томонидан ихтиёрий равишда тўхтатилади. Бу шахснинг жиноятни тўхтатиш имконияти борлигини тушуниши оқибатида рўй бериши мумкин ҳамда шахс қилмишининг ёмон оқибатлари келиб чиқишининг олдини олиш имконияти мавжудлигини тушуниб, жиноят содир этишдан ихтиёрий равишда қайтиши мумкин — **жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш**;

— шахс иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра қилмишнинг охирига етказилмаслиги — **тамом бўлмаган суиқасд**.

Тамом бўлмаган суиқасд деганда, айбдор ўзининг жиноий ҳаракатларини охиригача етказа олмагани, кўзлаган мақсадига эриша олмагани тушунилади. **Тамом бўлган суиқасд** билан тамом бўлмаган суиқасд орасидаги фарқ шундаки, биринчисида айбдор мўлжаллаган барча ҳаракатларини амалга оширдим, деб ҳисоблайди.

(Тамом бўлган ва тамом бўлмаган суиқасд ҳақида мазкур том IX бобининг «Жиноят содир этишга суиқасд қилиш» деб номланган 3§ га қаранг.)

Таъкидлаш лозимки, айбдор ташаббуси билан узокқа чўзилган ёки давомли жиноятлар тўхтатилмайдиган (масалан, ўз хоҳиши билан айбини бўйнига олиб келиш) ёки жиноят содир этилишига тўсқинлик қиладиган вазият юзага келиши (масалан, органларнинг аралашуви) тўхтатилган жиноят сифатида баҳоланади. Бундай ҳолларда узокқа чўзилган ва давомли жиноятлар тамом бўлмасдан айнан тўхтатилади, чунки вақт бўйича жиноий ҳаракат давом этувчи акт бўлиб, у тамом бўлмайди, лекин давом эттирилиши тўхтатилиши мумкин.

ЖК 11 моддаси 2 қисмининг навбатдаги икки банди — «б» ва «в» бандлари қилмишнинг тамом бўлган жиноятнинг айрим ҳолатларига нисбатан — моддий таркибли жиноятларга Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят сифатида баҳоланишнинг шартларини белгилайди.

Бундай шартларнинг алоҳида кўрсатилишига сабаб умумий қоида бўйича қилмишнинг ижтимоий хавfliлиги унинг содир этилишигагина эмас, балки унинг қонунда кўрсатилган оқибатларига қараб аниқланади ва бу оқибатлар келиб чиққандан сўнг жиноят содир этилган ҳисобланади. Лекин бу қоида жиноий ҳаракат бир давлат ҳудудида содир этилгандагина қўлланади. Агар жиноят икки ёки бир неча давлат ҳудудида содир этилган бўлса, бундай қоидани қўллаш жиноятчининг жазодан қутулиб қолишига имконият туғдиради. Шунга кўра қонун белгилайдики, агар содир этилган жиноят моддий таркибга эга бўлса, оқибатлари мавжудлигига қарамай, у Ўзбекистон ҳудудида содир этилган деб баҳоланади. Бундай шартнинг белгилаб қўйилиши Кодекснинг жавобгарликнинг муқаррарлик принципига мос келади.

Таъкидлаш лозимки, қилмишнинг Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят сифатида баҳоланиши зарурий объективлик белгиларидан бирортасининг формал мавжудлигини талаб қилмаса ҳам, бу белгининг фактик аниқланиши ҳақидаги талабга риоя қилиш зарурлигини инкор этмайди. Бошқача қилиб айтганда, суд ва тергов органлари шахсни шундай жиноят учун жавобгарликка тортишда ҳар доим жиноятнинг мазкур белгилари йиғиндисининг амалда мавжудлигини аниқлашлари шарт. Бу жиноятнинг моддий таркиби талабидан келиб чиқади. Бу белгилардан бирортасининг амалда мавжуд бўлмаслиги айбланувчи ҳаракатларининг тамом бўлган жиноят сифатида баҳоланишига йўл қўймайди.

ЖК 11моддаси 2қисми «г» бандида бир неча қилмишлардан иборат ёки бошқа қилмишлар билан содир этилиб, унинг бир қис

ми Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса, бундай жимоит ЎчОекие тон Республикаси ҳудудида содир этилган деб бахрлаиади.

Бу ҳолда биргалиқда ягона жиноий йўналишга эга бўшап жиноий хулқатвор актларининг бирлашиши бир неча қилмишдардап иборат қилмишни англатади. Хусусан, бир неча қилмишга жшюипа тайёргарлик кўриш, содир этиш, унда иштирок этиш, ташкилот чилик қилиш, ёрдамлашиш каби ҳаракатлар киритилади. ЖК I I моддаси 2қисми «а» бандига киритилмайдиган белгилар: жиноятга тайёргарлик кўриш, иштирок этиш кабилар бир қилмишни ташкил этади, унда айбдор бўлганлар жавобгарликка тортилиши лозим.

Бошқа қилмишлар билан биргалиқда деган тушунча ягона мақсадга йўналтирилган ва натюкада бир жиноятни ташкил этадигаи ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг бир хил актларини қамраб олади. Натижада, мазкур бандга мувофиқ, давом этувчи жиноятларни тушуниш лозим.

(Давом этувчи жиноят ҳақида мазкур том XI бобининг «Такроран жиноят содир этиш» деб номланган 2§ да батафсил берилган.)

Шундай қилиб, **ЖК 11моддаси 2қисми «г» банди** мазмунита мувофиқ, бир неча қилмиш шахс ҳаракатининг хусусияти бўлса, бошқа ҳаракатлар билан биргалиқда деган тушунча, муайян жиноят таркибини ташкил этувчи қилмишнинг хусусиятини қамраб олади. Бу ерда бир неча хил қилмишлар мавжудлиги талаб этилади. Агар ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бир мартагина содир этилган бўлса, айбдор шахс мазкур бандга мувофиқ жавобгарликка тортилмайди, бироқ «а», «б» бандлар ёки ЖКнинг 11моддаси 2қисмига мувофиқ тегишли белгилар мавжудлигида жавобгарликка тортилиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, мазкур бандга мувофиқ қонунда баён этилган қоидадан келиб чиқиб, шахсни жавобгарликка тортиш учун жиноят бошқа давлат ҳудудида бошланган, тугалланган ёки тўхтатилган, лекин жиноий ҳаракатнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилганини аниқлаш лозим (масалан, Ўзбекистоннинг кўшни давлат билан чегарасида бошланиб, ўша ерда геноцид (қирғин) юз берган ва чегарадош Ўзбекистоннинг аҳолисига ҳам тегиб ўтган). Акс ҳолда, жиноят содир этган шахс мазкур модданинг «а» бандига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

ЖК 11моддаси 3қисми ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларини ифода этади. Унга мувофиқ, денгиз, дарё ёки ҳаво кемаси устидаги байроқ ёки рўйхатга кўйилган порт қайси давлатга мансуб бўлса, ўша давлат ҳудудидан ташқарида, лекин бошқа чет давлат ҳудудига кирмаган бўлса, у ўз давлати ҳудудида деб ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқ, давлатлар чегара чизиғидан ташқарида бўлган ёки алоҳида икгисодий ҳудуд чизиғидан ташқарида жойлашган сув ёки ҳаво ҳудуди очик денгиз ёки очик ҳаво ҳудуди деб ҳисобланади.

Очик денгиз ва очик ҳаво ҳудудида жиноят содир бўлган денгиз ёки ҳаво кемасида Ўзбекистон Республикаси байроғи турган бўлса ёки Ўзбекистон портида рўйхатда бўлса, жиноятчи шахс Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ жавобгарликка тортилади. Агар денгиз ёки ҳаво кемаси хорижий давлат портида турган пайтда, ўша давлат ҳудудида юрган пайтда содир этилган бўлса, жиноят ўша давлат ҳудудида содир этилди деб ҳисобланади.

Айбдор шахснинг фуқаролиги ҳамда кема кимнинг мулкига мансублиги (давлат, шахсий) жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги масалани кўришда аҳамиятга эга бўлмайди. Денгиз, дарё, ҳаво кемасида Ўзбекистон байроғи ўрнатилган бўлса ёки

Ўзбекистон портида рўйхатга олинган ҳолларда, Ўзбекистоннинг жиноят қонунчилиги қўлланиши мумкин.

Кеманинг **Ўзбекистон Республикаси байроғи остида бўлиши** унинг миллий мансублигини белгилайди ва бу мансублик кема Республика Давлат байроғи остида бўлиш ҳуқуқига эга ва мажбурлигида кўринади.

Ҳар бир давлат кемага унинг байроғи остида юриш ҳуқуқини ва ҳужжатларини ўзи белгилайди ва беради.

Портда рўйхатдан ўтказилиши — бу кеманинг кемачиликни тартибга солувчи органлар қирғоқ кемачилик инспекцияларининг кемачилик реестрига киритилиши³.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини яна айрим ҳолларда жиноят хорижий давлатнинг сув ёки ҳаво ҳудудида содир этилганда ҳам қўллаш мумкин. Лекин бундай ҳолатларда хорижий давлат манфаатларини сақлаш шартлари билан чегаралашга тўғри келади, яъни ўша давлат манфаатларига зарар келадиган бўлса, унда ўша давлат қонуни қўлланилади.

Нотижорат давлат кемалари (ҳарбий, божхона, полиция кшалари ва бошқалар) ҳар доим қаерда бўлишидан қатъи назар, фақат Ўзбекистон Республикаси жиноий юрисдикциясига эга бўлади. Бу очиқ сув ёки ҳаво ҳудуди, бошқа давлат ҳудудидаги денгиз сқи ҳаво ҳудуди, денгиз порти ёки аэропорт бўлиши мумкин. Шундай жойларда ҳам Ўзбекистон денгиз, дарё ёки ҳаво кемасида жипоят содир этган шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

ЖК 11 моддаси 4 қисми Ўзбекистон Республикаси жиноий қонунчилигининг амалдаги ҳудудийлик принциpidан қонуний ио тисно қилиш ҳолатларини белгилайди. Бу, давлат вазифаларини бажарувчи айрим шахсларни жиноий жавобгарликка тортишда ҳуқуқий иммунитет берилиши ҳақида ҳозирги замон жаҳон концепциясини ифода қилади.

Ҳуқуқий иммунитетдан фойдаланиш ҳуқуқи берилган шахс унинг жинояти характери ва ижтимоий хавфлилиги даражасидан қатъи назар, қайси мамлакат манфаатларига хизмат қилган бўлса, ўша давлат розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқий иммунитетдан куйидаги чет эл фуқаролари фойдаланиши мумкин:

- хорижий давлат дипломатик ходимлари;
- хорижий давлат ваколатхоналари ходимлари;
- ҳалқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ходимлари;
- хорижий давлатларнинг бошқа вакиллари.

Дипломатик ваколатхона ходимлари — бу ваколатхона бошлиғи ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг шундай мақомга эга бўлишини тасдиқловчи ҳужжат берилган шахсий таркиб аъзолари, ходимлар².

Ваколатхона шахсий таркиби аъзолари — бу, аввало, ваколатхона шахсий таркиби аъзолари — дипломатик ходимлар, ваколатхонанинг маъмурийтехник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари. Дипломатик ходимлар қаторига, биринчи навбатда, дипломатик рангга

эга бўлган ваколатхона ходимлари киради. Маъмурийтехник ходимлар таркибига ваколатхона шахсий таркиби аъзолари киритилади. Уларнинг вазифаси ваколатхонага маъмурийтехник томондан хизмат кўрсатишдан иборат. Бундан ташқари, ваколатхонага маиший хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳам бор¹. Маъмурийтехник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар фақат хизмат вазифаларини бажараётган вақтда иммунитетга эга бўладилар.

Дипломатик ваколатхона ходимлари билан бир қаторда жиноий юрисдикцияга нисбатан иммунитет, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигида турмаган бўлсалар, ваколатхона ходимларининг оила аъзоларига ҳам берилади, лекин бундай иммунитет ваколатхонанинг хизмат кўрсатувчи персонали ходимлари оила аъзоларига берилмайди³.

Иммунитетга эга бўладиган ваколатхона ходими статусига курсер эга бўлади, яъни дипломатик почтани ташиш учун тайинланган расмий шахс. Дипломатик курсер доимий ёки бир мартага, яъни муайян почта маълумотини етказиш билангина мазкур ҳуқуқий ҳолатга эга бўлиши мумкин.

Консуллик муассасаси ходими — бу, аввало, консуллик вазифасини адо этувчи ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан берилган махсус ҳужжатларга эга бўлган ҳар қандай

шахс, жумладан, консуллик муассасаси раҳбари ҳам⁴. Шундай қилиб, мазкур бандга мувофиқ элчихона ходими сифатида фақат консулликнинг мансабдор шахслари тушунилади. Бундай шахслар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлардан озод этувчи иммунитетга эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси консуллик курьерига ҳам дипломатик курьерга берилган ҳуқуқий мақомни беради.

Халқаро ҳуқуматлараро ташкилотларнинг ходимлари сифатида Ўзбекистонда аккредитациядан ўтказилган ташкилотларнинг вакиллари тан олинади. Бундай масабдор шахслар ва уларга тақдим этиладиган иммунитетлар рўйхати халқаро шартномалар ва битимларга мувофиқ белгиланади, масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва турли ихтисослашган муассасалар фойдаланадиган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари тўғрисидаги Копвемция, Халқаро жинойт судининг Рим статуту ва ҳ.к.

Ўзбекистон жинойий юрисдикциясидаи сақловчи иммунитетга эга бўлган бошқа шахсларга Ўзбекистон Республикаси \удуди орқали транзит равишда ўтувчи учинчи давлатдаги элчихона бошлиқлари, дипломатик таркиб аъзолари, уларнинг оила аъзолари киради.

Шундай иммунитет давлатлараро музокараларда, халқаро конференцияларда ва йиғилишларда қатнашиш учун ёки бошқа расмий топшириқлар билан Ўзбекистон Республикасига келадиган хорижий давлатларнинг вакиллари, хорижий давлатларнинг парламенти ва ҳуқумат делегациялари аъзоларига, шунингдек, уларни кузатиб борувчи ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган оила аъзоларига ҳам берилади.

ЖКнинг ҳудудийлик принциpidан мустасно қилиш иммунитетидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш мумкин эмас деган маъно келиб чиқмаслиги керак. **ЖК 11 моддаси 4 қисмида** белгилаб қўйилган: жавобгарликка тортиш ҳақидаги масала халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ амал қилинади, яъни умуман жавобгарликдан озод этилмайди,

Дипломатик иммунитетлар ҳақидаги Вена конвенциясига мувофиқ, аккредитация қилган давлат ваколатхона бошлиғи ва унинг оила аъзолари ёки ваколатхона шахсий таркибининг бошқа аъзосини *personae non gratae* деб эълон қилиш мумкин, бунда бу қарорни қабул қилган давлат ўз ҳаракатларини изоҳлаб беришга мажбур эмас.

Бундай ҳолларда аккредитация қилувчи давлат бу шахсни чақириб олиши ёки ваколатхонада унинг фаолиятини тўхтатиши лозим. Агар аккредитация қилувчи давлат уни чақириб олишдан бош тортса ёки фаолиятини маълум муддатга тўхтатмаса, ваколатхона турган давлат бундай шахсни ваколатхона ходими сифатида тан олмаслик ҳуқуқига эга⁴.

Аслида содир этилган қилмиш учун жавобгарликдан озод этилмайди, фақат уни шу мамлакат судида кўриш имконияти олиб ташланади. Бу қоида Жиноят кодекси 10 моддасида зикр этилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига мос.

ЖК 12 моддаси Жиноят кодексининг амал қилиш ҳудудий чегараларини белгилайди. 11 моддадан фарқли ўлароқ, бу ўринда фуқаролик принципи асос қилиб олинади. Бу принцип Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ҳудудийлик принципини тўлдиришга қаратилган.

Фуқаролик принципига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда фуқароликка эга бўлмаган, лекин республика ҳудудида доимий яшаётганлар, улар қаерда бўлишларидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амал қилишлари шарт. Шунинг учун, бу шахслар маълум шартшароитларга мос келган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ, жавобгарликка тортиладилар, гарчи улар жинойий ҳаракатни бошқа давлат ҳудудида содир этган бўлсалар ҳам. Шундай қилиб, фуқаролик принципи Кодекс вазифаларини бажаришга ёрдам беради, хусусан, фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялайди.

ЖК 12 моддаси 1 қисми умумий шартларни белгилайди, шу йўл билан фуқаролик принципи давлатимиз қонунчилиги ҳудудий амал қютиш мезонларини белгилайди.

Бу шартлар фуқаролик принципнинг қуйидаги таркибий элементларини ифодалайди:

- аниқмуайян субъектлик таркиби;
- принципни қўллашнинг ҳудудий соҳалари;

—жиноий жавобгарликха тортиш асослари;
— Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортишни истисно этувчи ҳолатлар.

Фуқаролик принципнинг аниқмуайян субъектли таркиби шуни билдирадики, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси амал қилиш доираси қонунда кўрсатилган маълум тоифадаги аҳоли, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва республикада доимий истиқомат қилувчи фуқароликка эга бўлмаган шахслар билан чегараланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бу қонун бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқароси мақомига эга бўлган шахс.

Амалдаги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларига кўра сиёсийҳуқуқий алоқада бўлган

шахс фуқаро ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, паспорт олингуига қадар эса штамплик тўғрисидаги гувоҳнома ёки шахснинг фуқаролигига доир маълумқиллр бўлган ўзга ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиш ини тасдиқловчи ҳужжатлар деб ҳисобланади¹. Шахснинг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар — бу фақат расмий мезоп, суд тергов ходимлари ҳар бир ҳолатда шахснинг республика билан сиёсийҳуқуқий Гнн ланганлигини аниқлаши лозим, яъни Ўзбекистон Республикаш қонунига мувофиқ, шахснинг фуқаролик мансублигини, унипг қачон олганолмагани, чиқарилгани ҳақидаги фактни аниқяаши лозим.

Фуқаролиги бўлмаган шахс — бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахс.

ЖК 12моддаси доирасида, чет элда жиноят содир этган, фуқаролиги бўлмаган барча шахслар ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси асосида жиноий жавобгарликка тортилмайди, улардан фақат Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларгинатортилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи, фуқаролиги бўлмаган шахслар деб, доимий яшаш учун рухсатнома ва яшаш гувоҳномаси мавжудлигидан иборат бўлган доимий яшашнинг формал мезони билан таърифланаётган мазкур шахсларнинг гуруҳи тушунилади³.

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги ПФ2240сон Фармони⁴ билан тасдиқданган Хорижий шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ берилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш учун рухсатнома қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан берилади.

Фуқаролик принципининг навбатдаги элементи ЖК 12моддасида ифода этилганидек, унинг қўлланиши мумкин бўлган ҳудуд доирасидир. Бу ўринда Жиноят кодексининг ҳудудийлик принципи фуқаролик принципига ўз навбатини топширади. Қонун талабига биноан, фуқаролик принципи фақат жиноят хорижий давлат ҳудудида содир этилган ҳолда қўлланилади, лекин умуман Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида эмас.

Фуқаролик принципининг таркибий элементи сифатида қонун жиноий жавобгарликка тортиш учун асосни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқравишда белгилайди. Жиноий жавобгарликка тортишта асос сифатида Кодекс фақат бошқа давлат ҳудудида содир этилган жиноят фактини кўрсатади.

Шуни назарда тутиш лозимки, бу ўринда конкрет қилмишнинг жиноят сифатида баҳоланиши учун икки шарт мавжудлиги талаб этилади:

биринчидан, мазкур қилмиш содир этилган давлат ҳудудида бу қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги;

иккинчидан, бу қилмишнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноят деб баҳоланиши.

Юқорида келтирилган шартлар мажмуининг мавжуд бўлиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси бўйича шахсни жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бу қонунчилигимизнинг инсон эркинлиги ва ҳуқуқларини унинг энг олий бойлиги сифатида тан олиш ғоясини билдиради. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчилар чет давлат ҳудудида жиноят содир этганда ўша мамлакатда бу қилмишлар жиноят ҳисобланмаса, бундан аниқлаш мумкин бўлмайди (масалан, баччавозлик, валюталарни ноқонуний сотиб олиш, сотиш ва ҳоказо). Шунингдек, Ўзбекистонда қилмиш жиноят ҳисобланмайдиган бўлса, чет давлатда ҳисобланадиган бўлса ҳам, жавобгарликка тортилмайди.

Таъкидлаш лозимки, чет давлат қонунчилигида қилмиш жиноят қонунда тақиқланган бўлса ҳам, суд ва тергов органлари ишни кўришда конкрет қилмиш учун айбдорни жазолаш имконияти бор ёки йўқлигидан келиб чиқмай, бундай жиноят шу давлатда жиноий жазоланадиган ҳаракат деб баҳоланадими ёки йўқми, деган саволдан келиб чиқиши керак. Акс ҳолда, жиноят содир этган шахснинг жавобгарликка тортилмаслиги Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамиятга, амалдаги бошқарув тартибига, хавфсизликка, давлат ҳокимияти тизимига қарши йўналтирилган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган республика ҳудудида доимий яшовчи шахс бошқа давлат ҳудудида содир атган жинояти учун агар ўша давлат қонуни бўйича жазоламаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин.

Фуқаролик принципнинг ушбу қонунчилигида мувофиқ, чет давлатда жиноят содир этган шахс, фақатгина ўша давлат қонунчи бўйича жавобгарликка тортилмаган бўлса жазоланиши мумкин. ЖК 12-моддаси мазмунида жазо деганда, фақатгина давлат мажбурлов чоралари эмас, балки содир этилган жиноий қилмиш учун хорижий давлатларнинг қонунларида кўзда тутилган барча ҳуқуқий оқибатларни тушуниш зарур. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида кўра, суд ҳукмига мувофиқ шахс жавобгарликдан озод қилинган бўлса ёки ўз жиноий хулқи учун бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилган бўлса (масалан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, жамоатчилик танбеқи, руҳий таъсир чоралари ва бошқалар), жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Бу ўринда, давлатимиз қонунларида бу масалага оид жазо тури ва меъёри, конкрет таъсир этиш чоратадбирлари кўзда тутилгани ёки тутилмагани аҳамиятсиздир. Бу шартшароитга ва умуман фуқаролик тамойилини қўллашга таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- жиноят содир этган шахсга давлат номидан суд ҳукми чиқариш;
- айбдорга нисбатан ҳукми ижро этиш.

Мазкур шартлардан бири бажарилмаса, тергов ва суд органлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида кўра, жиноят содир этган шахс жавобгарликка тортилади (масалан, агар айбдор ҳукм қилинмаган, қочиб кетган ёки ҳукм ижро этилишидан қочган ҳолатларда).

Шуни алоҳида айтиш керакки, хорижий давлатда суд ҳокимиятини амалга оширувчи органлар юқорида кўрсатиб ўтилган фуқаролик принципнинг рад этувчи шартини қўллашга таъсир этмайди.

ЖК 12-моддаси 2-қисмида фуқаролик тамойилларининг махсус қоидалари, яъни содир этган жинояти учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижий мамлакат олдидаги жавобгарлиги баён қилинган.

Бу қоида қуйидаги ҳолларда, айбдор, яъни Ўзбекистон фуқароси, бошқа давлат ҳудудида жиноят содир этса, лекин турли сабаблар таъсири остида ўз вақтида ушбу давлат томонидан жавобгарликка тортилмаган бўлса қўлланилади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида ЖК 12-моддаси 2-қисмида баён қилинган қоида **жиноятчини ушлаб бериш институти билан (экстрадиция)** қамраб олинган.

Экстрадиция — жиноят содир этган ёки жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки унга нисбатан охириги айблов ҳукмини ижро этиш учун бир давлат томонидан бошқа давлатга бериш.

Шу билан бирга, мазкур институт кўп жиҳатдан жиноятпроцессуал фаолиятга ҳам тааллуқди бўлиб, шунга кўра, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Жиноятпроцессуал кодексига тўлиқ ҳолда баён этилган.

ЖК 12моддаси 2қисмига мувофиқ, Ўзбекистон фуқароси чет давлат ҳудудидаги жиноят учун, халқаро келишув ёки халқаро шартномаларда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари жазога тортилмайди. Шундай қилиб, ушбу нормалар фақатгина Ўзбекистон фуқароси бўлган шахсларнигина ўз ичига олади, бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22моддасида ўз ифодасини топган, яъни Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлашни ва ҳрмийлик қилиш мажбуриятини олади¹.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросини у жиноят содир этган давлат ихтиёрига бериш ёки беришни ман этиш, бу давлатнинг мазкур масалада бошқа давлатга талаблар қўйиши, шунингдек, чет мамлакатнинг бошқа талабларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормаларидан² келиб чиқиб ҳал этилади. Бундай ҳолларда, Ўзбекистон Республикасининг нуфузли органлари учинчи давлатга нисбатан ўзининг талабларини қўйиши керак — шахснинг ушланган жойи — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг фуқаролик тамойилларига мувофиқжавобгарликка тортиш илтимоси билан иш кўриши керак (**ЖК 12моддаси 1қисми**).

Шахсни бошқа давлатга ушлаб беришни ман этувчи қоида фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаросига нисбатан қўлланилади ва қонуннинг бу талаби айнан тушунилиши керак. Бу қоида Ўзбекистон ҳудудида бир қанча муддат истиқомат қилганлигидан қатъи назар, доимий яшашга расмий рухсатномаси бўлган, бироқ чет элда жиноят содир этган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси, агар халқаро шартнома ва келишувларда қайд этилган бўлсагина ўзга мамлакатга берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси ёки келишу

ви — республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тспг ҳуқуқди ва ихтиёрий келишувидир.

ЖК 12моддаси таркибидаги халқаро шартноманинг иомланиши аҳамиятга эга эмас, бу шартнома, келишув, декларация, конвенция, пакт, коммония, қарор ва бошқалар барчаси тенг юридик кучга эга. Шунинг учун, бу актларнинг вақт бўйича таъсир этишига диққат қаратилади.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон бир қатор шартномаларга қўшилган ёки уларни тан олган, масалан, Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси; Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисидаги Шартнома³; Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция⁴; Ҳибсга олиш, ҳарбий соҳада ва инсониятга қарши жиноят содир этишда айбланувчи шахсни аниқлаш ва жазолаш муносабатлари бўйича халқаро ҳамкорлик Принциплари⁵ ва бошқалар.

Шуни таъкидлаш керакки, халқаро шартнома ёки келишувнинг бўлмаслиги Ўзбекистон фуқаросини, масалан, дипломатик музокаралар чоғида бошқа давлатга беришга монелик қилади. Бу шахс мазкур ҳолатда муқаррар равишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортилиб, жазоланади.

ЖК 12моддаси 3қисмида жиноят қонунининг маконда амал қилишига оид универсал тамойил кўрсатилган, Бу тамойил бошқа халқаро ҳамжамиятларда эътироф этилган халқаро жиноятлар ва халқаро характердаги жиноятларга қарши кураш бўйича республикада олиб борилаётган жиноятҳуқуқий сиёсат йўналишини акс эттиради.

Халқаро характердаги жиноят — бу халқаро жиноятлар доирасига кирмайдиган, лекин халқаро шартномаларда назарда тутилган ижтимоий хавфли хаттиҳаракатлардир.

Халқаро жиноятлардан фарқли ўлароқ, халқаро характердаги жиноят учун жавобгарлик давлатнинг эмас, балки шахснинг зиммасига юкланади¹.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида халқаро характердаги бир қатор жиноятлар таркиби кўрсатилган: терроризм, қалбаки пуллар, акциз маркалари, қимматбаҳо қоғоз ёки маркалар (қалбаки тангафурушлик) тайёрлаш ва тарқатиш; мародёрлик ва бошқалар.

Жиноят кодекси амал қилишининг универсал принципи жиноят содир этилган жойга боғлиқ эмас, у Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида, яъни чет давлатлар ҳудудида ёки ҳеч қайси давлатга тегишли бўлмаган дахлсиз жойлар (масалан, очикденгиз, ҳавода, Антарктида)да содир бўлиши мумкин. Мазкур тамойилга амал қилишнинг ягона шarti конкрет хаттихаракатнинг халқаро характердаги жиноят сифатида халқаро шартномаларда ёки Ўзбекистон Республикаси битимларида назарда тутилганлиги ҳисобланади. Хусусан, бундай шартномаларга Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги Халқаро Конвенция², Ёлланма жиноятчиларни ёллаш, улардан фойдаланиш, молиявий таъминлаш ва ўқитишга қарши кураш тўғрисидаги Халқаро Конвенция³, Одамларни гаровга олишга қарши кураш тўғрисидаги Халқаро Конвенция⁴ каби ҳужжатлар мисол бўла олади.

Бу тамойил амал қилишининг ягона шarti Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ва келишувларида халқаро характердаги муайян қилмиш тўғрисида аниқ чоратадбирларнинг борлигидир. Шундай қилиб, чет эллик шахс (мухожир) ски фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон ҳудудида доимий яшамай туриб, илгари хорижий давлат жинoий қонунчилигига мувофиқ тегишли жавобгарликка тортилган бўлса, уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айнан ўша қилмишлари учун қайта жавобгарликка тортиб бўлмайди. Бунда Кодекснинг одиллик принципига асослаиғанлиги намоён бўлади.

4§. Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши

ЖК 13моддаси Жиноят кодексини қўллашда вақт бўйича амал қилиш тартибини ўрнатишга бағишланган бўлиб, жиноятни квалификация қилишда қайси қонун асосида иш олиб бориш ёки қайси қонунни етакчи қилиб олиш кераклигини назарда тутати. Бунда мамлакатимиз жиноят қонуни қоидаларига хос бўлган изчиллик, тартиб билан иш кўриш ва ниҳоят Жиноят кодексининг вақт бўйича таъсир чегаралари ўз ифодасини топди. Кўрсатиб ўтилган қоидалар шундан келиб чиқадики, жиноят қонунини тўғри қўллаш қуйидаги шартшароитлар йиғиндисига албатта мос келиши керак:

- қонун таъсир қилиш даврини аниқбелгилаш зарурлиги;
- жиноят содир этилган вақтни аниқдаш зарурлиги.

Янги қонун кучга кирмасдан туриб жиноят тугаган ҳолларда эски қонунни қўллаш керак. Агар жиноят янги қонун амал қилиш вақтида содир этилган бўлса, жиноят давомлими, бир марталими, қанча давом этишидан қатъи назар, янги қонунни қўллаш билан иш олиб бoрилади.

ЖК 13моддаси 1қисмига кўра, «қилмишнинг жинoийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади» ва шу орқали қонун амал қилишининг вақт чегараси формуласини мустаҳкамлайди. Қонунни қўллашнинг ягона шarti, жиноят содир этилган вақтда ушбу қонун амалда бўлиши, яъни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қоидалари ва Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Нормативҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 160Псон Қонуни¹ ҳамда жиноят содир этилган вақтда Ўзбекистон ҳудудида бу қонунларнинг албатта ижро этилиши шарт бўлган ҳолатлар назарда тутилади.

ЖК 13моддаси мазмуни энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинган ва бир қанча муҳим ва қатъий ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатларнигина¹ эмас, балки жиноятчилик ва жазолаш ишларини аниқлашга таъсир этувчи нормативҳуқуқий ҳужжатларни ҳам тўлалигича қамраб олади. Хусусан, бузилиши жиноят деб топиладиган ҳулқатвор қоидаларини ўрнатувчи нормативҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қонун ҳисобланади, масалан, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизомий низоми ва

бошқалар. Бошқача қилиб айтганда, қонун шундай бир нормативҳуқуқий ҳужжатки, у албатта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ёки референдумда қабул қилинган, қонун сифатида тан олинган, шунингдек, мохияти адолат ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқ келувчи ҳужжатдир.

Ҳақиқатан ҳам кўпчилик ҳолларда содир этилган қилмишларнинг хавфлилик даражаси ва шу билан бирга жиноий жазонинг оғирлиги, уни келтириб чиқарган оқибатлар кўрсатиб ўтилган қоидаларнинг бузилиши натижасида ёки йўқми (масалан, Жиноят кодекси 266-моддаси 2-қисми), бу қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб аниқланади.

Шундай қилиб, қонун тушунчаси Кодекснинг вақт бўйича таъсир қилиш нуқтаи назаридан қуйидаги актлар гуруҳини ўз ичига олади:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Бу нормативҳуқуқий ҳужжатларнинг барчаси, улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган қилмишларнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигига таъсир кўрсатган ҳолдагина жиноят қонуни сирасига киради.

Шуни назарда тутиш керакки, санаб ўтилган актлар гуруҳи жиноятни ва бу қилмишнинг жазоланиши кераклигини аниқламайди — бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг фақатгина ўзига хос алоҳида ҳуқуқидир, бироқ бу актлар у ёки бу ҳаракатни жиноят деб тан олишга ёки жиноятдаги ҳаракатсизлик ва жамият учун хавфлилик даражасини аниқлашга таъсир этади. Масалан, Чет элда қисоварақлар очиш учун рухсатномалар бериш I аргибига мувофиқ, «юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл банкларида очилган ҳисовварақларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсатсиз маблағларнинг ҳисовлаб ёзилиши уларни яшириш деб ҳисовланади»¹, лекин унинг жамиятга хавфлилиги ва чет ул валютасини яширишнинг жазоланиши эса, фақат Жиноят кодекси билан аниқланади.

ЖК 275-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш учун гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисовга олиш, ўтказиш, жўнатиш ёки ташиш тартибини ўрнатувчи қоидалари амалдами, янғиси билан алмаштирилганми, деган масалага аниқлик киритиш керак, яъни ушбу муносабатларни тартибга соладиган норматив акт мавжудлигини аниқлаш керак.

Шахсни жиноий жавобгарликка тортишга доир қоидаларни қўллашда уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқдиги талаб этилади. Масалан, Конституциянинг 16-моддаси 1-қисмига биноан, қонун Асосий Қонуннинг принциплари ва моддаларига зид бўлмаслик ва уларни бузмаслик талабларига жавоб бериши лозим². Бунда, қонунни қабул қилувчи орган компетентлиги, қабул қилинаётган қонун статусига мос қелиши муҳим талаб ҳисовланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Қонуни фақатгина Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президент фармони эса, фақат Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинади.

Агар нормативҳуқуқий ҳужжатлар кўрсатилган талабларга мос келмаса, у ҳуқуқ манбаси сифатида тан олинмайди ва ўзўзидан жиноятни баҳолаш ишларида унга асосланиш мумкин эмас. Агар суд ишни кўришда тўғри қарор қабул қилиши учун аҳамиятга эга бўлган бирорта норматив ҳужжатнинг Конституцияга мос келмаётганлигини аниқдаса, ишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради ва барча материалларни Олий суд ёки Олий хўжалик судлари раисларига юборади, улар «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, масалани Конституциявий судда кўриб чиқиш учун киритиш ҳуқуқига эга.

Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тамойил ва қонунларига мос келиши билан бир вақтда ўз мазмуни, шакли, реквизити билан Ўзбекистон Республикасининг «Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни тамойилларига жавоб бериши керак. Хусусан, ушбу Қонунда унинг мазмунидаги муайян талаблар, нормативҳуқуқий ҳужжатлар реквизити, расмий мавзусининг тасдиқланганлиги ва бошқалар кўзда тутилади. Шу билан бир қаторда, ушбу Қонун норматив қондалар шаклини мустаҳкамлаш тартибини кўрсатади: қонун ва қарорларни — Олий Мажлис; Президент фармонини — Президент; қарорларни — Вазирлар Маҳкамаси; буйруқ ва қарорларни — вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар; қарорларни — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қабул қилади. Ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашнинг бошқа шакли мазкур талабларга риоя этмаслик сифатида эътироф этилиши, шунга ўхшаш ҳужжатларнинг ўзи эса нормативҳуқуқий деб тан олинмаслиги лозим. Шу аснода хатлар, мактублар, кўрсатмалар нормативҳуқуқий ҳужжат деб тан олинмайди ва бу ҳақда С.Муротхўжаев мурожаати натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорида кўрсатилган эди.

Қонунни татбиқ этишнинг зарур элементи унинг Ўзбекистон ҳудудида қўлланилиши шартлиги ҳисобланади. Назарда тутиш керакки, меъёрий ҳужжат мажбурий равишда ижро этилиши шарт бўлган ҳудуд тушунчаси, бутун Ўзбекистон ҳудудинигина эмас, балки маълум бир чегараланган жойни ҳам англатиб, локал хусусият касб этади ва норматив ҳужжат бажарилиши шарт бўлган ҳудудни англатади. Локал характердаги актлар куйидагилар, масалан, жойлардаги ҳокимият органлари, нормативҳуқуқий ҳужжатлар, ўз таъсирини маълум бир ҳудудда қўядиган, хусусан, Угом Чотқол Давлат миллий табиат боғи тўғрисидаги Низом, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара зонаси белгиланган туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар ва овулларнинг қўшимча рўйхатини эълон қилинг тўғрисида»ги буйруқ, ва бошқалар.

Қонунни эълон қилиш — бу қонунни муайян бир нашр воситасида эълон қилиш орқали уни оммага етказишдир,

Ўзбекистон Республикаси «Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 24-моддаси 1-қисмида кўрсатилганидек, «ҳамманинг эътибори учун расман эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким ... жазога тортилиши ... мумкин эмас». Айни бир пайтда фақатгина расмий эълон қилинган нашр муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қонунчилик жараёнида мустақил бошқични ташкил этади ва у нормативҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матни асосида унинг дубликатини яратиш ҳамда унинг кучга киришини ёки вақт бўйича амал қилишини аниқлаш имкониятини беради. Расмий эълон қилиш ҳуқуқтартибот органлари номидан қонунчиликда назарда тутилган манбада мазкур масалага оид тўлиқ ва аниқ меъёрий актларни тўғри йўлга қўйишни тартибга солишдан иборат.

Кўрсатилган Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, Ўзбекистонда нормативҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий манбалари куйидагилардир:

—«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари эълон қилинадиган расмий манбалардир;

—«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Халқсўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир;

—«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг нормативҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбалардир;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг нормативҳуқуқий ҳужжатлари мазкур органларнинг расмий нашрларида эълон қилинади.

Норматив ҳуқуқий ҳужжат мазмунини оммавий тарзда тарқатиш учун чоп этишга доир талабларнинг махфий маълумотларга алоқаси йўқ. Бундай ҳолларда тергов ва суд органлари нормативҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матнида махфий маълумот мавжудлиги ва бу маълумотлар жиноят содир этган шахсга маълум бўлганлигини аниқдаши лозим.

Қонун ижросининг мажбурийлигини белгилайдиган муҳим ҳолат бўлиб, нормативҳуқуқий ҳужжатнинг кучга кириши ёки унинг амал қилиши тугатилиши вақтини аниқлаш ҳисобланади.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга киришини аниқлаш қонун ва норматив ҳужжатларнинг қўлланилишида муҳим элемент ҳисобланади, чунки айтилган пайтга қадар у мажбурий ҳисобланмайди, яъни қонун кучга киргунга қадар эскиси амалда бўлади, кучга кирмаган қонуннинг ҳаракат қилиши амалдаги нормаларни бузиш ҳисобланади.

Қонуннинг кучга кириши деганда, шу пайдан бошлаб нормативҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари, уларнинг ҳудудда кучга кириши, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, мансабдор шахслар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотлар, шунингдек, давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилиши, риоя этилиши, амал қилишлари тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ, нормативҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириш тартиби уларнинг қайси турга мансублигига қараб жорий қилинган:

— Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга қиради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қабул қилингандан 2004 йил 22 сентябрь) кейин 1995 йил 1 апрелда кучга кирган, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазоларнинг либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 1 августдаги Жиноят, Жиноятпроцессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни (29 август 2001 йил) эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирган. Бироқ, шуни назарда тутиш керакки, одатда, қонуннинг кучга кириш муддати кеч муддатларда кўрсатилади, чунки бу қонунлар мазмуни билан аҳолининг танишуви, шунингдек, ҳуқуқ тартибот органлари томонидан уларнинг фикрларини аниқлаш муҳим эканлиги назарда тутилади;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда кучга қиради;

— вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг нормативҳуқуқий ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга қиради.

Агар қонун ҳужжати бир неча манбаларда эълон қилинган бўлса, унинг кучга кириш муддатини ҳисоблаб чиқиш учун дастлабки рао мий эълон қилинган муддатдан фойдаланилади.

Шуни назарда тутиш лозимки, нормативҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириш вақти унинг расмий чоп этилган муддати билан қатъий боғлиқ бўлмасада, бундай нашрсиз уларнинг амалдалиги тан олинishi мумкин деган хулоса чиқариш учун асос бўлмайди. Нормативҳуқуқий ҳужжатларнинг нашр этилиши ва уларнинг кучга кириши Ўзбекистон Республикасида амал қилишининг иккита асосий талабидир. Агар нормативҳуқуқий ҳужжат чоп этилмаган бўлса, маълум вақт ичида унинг ҳақиқатан қўлланилган бўлишига қарамай, бу ҳужжат амалда бўлган деб тан олинмайди.

Суд ва тергов органлари томонидан расмий нашр тўғрисидаги масалани ҳал қилишда нормативҳуқуқий ҳужжат кучга киришидан олдин ёки кейин расмий манбаларда

чоп этилганлиги аҳамиятга эга эмас. Айни пайтда, агар ҳақиқатан ҳам ҳужжат кучга киргандан кейин чоп этилган бўлса, дастлабки расмий манбанинг вақти муҳим аҳамиятга эга, шунга ўхшаш бошқа актларнинг ҳам ҳақиқийлиги унинг расмий нашри билан боғлиқ бўлиб, унинг нашр қилинган вақтдан бошлаб амалда эканлигини аниқлаш зарур.

Қонун амал қилишининг тугатилиши қонуннинг ушбу вақтдан бошлаб қўлланилиши мумкин эмаслигини назарда тутади.

«Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ нормативҳуқуқий ҳужжат фақат белгиланган ҳоллардагина ўз кучини йўқотиши мумкин:

—норматив ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) мўлжалланган муддат тугаганда ёки ҳодиса бошланганда;

—норматив ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) қонунда белгиланган тартибда конституциявий эмас деб топилганда;

—норматив ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) ўз кучини йўқотган деб топилганда;

—норматив ҳуқуқий ҳужжат қонунда назарда тутилган ҳолларда бекор қилинганда.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш муддати ўтганлиги ёки бирор ҳодиса сабабли унинг таъсирини бекор қилиш — унинг муддати ўтганлиги ёки бирор воқелик муносабати билан шу вақтдан бошлаб ҳақиқий эмаслигини билдиради. Муддатини аниқлаш учун бирорбир ўзгаришнинг содир бўлиши (масалан, тақвим бўйича ҳаммага маълум бўлган даврий воқеалар) қийинчилик туғдирмайди. Айни бир пайтда, айрим ҳоллардагина қийинчилик юзага келиши мумкин, масалан, ҳарбий ҳолатнинг тугаши, табиий офатлар содир бўлганда ва ҳоказо. Бундай ҳолатларда суд ва тергов органлари нуфузли давлат органларининг шунга ўхшаш нормативҳуқуқий ҳужжатларини кўрсатилган муддатдан бошлаб тўхтатиш ҳақидаги махсус кўрсатмаларини талаб қилишлари керак.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатни конституциявий эмас, деб топиш унинг амалда бўлишини тугатишнинг алоҳида асоси бўлиб, махсус тартиб билан тавсифланади ва моҳиятан қоидадан истисно ҳисобланади. Нормативҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявий эмаслигини ҳал этиш фақатгина Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан қонунда кўрсатилган шахслар аризасига асосан қўлланилади. Бунда норматив ҳужжатларнинг Конституцияга мослиги ёки номувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси суд қарори шаклида қабул қилинади.

Масалани кўриб чиқиш вақтида қопун чиқарувчи ёки қонун остидаги акт Конституциявий суд қарорининг ишр қилинган вақти кўрсатилган ҳолда конституциявий эмас деб таи олипади, чунки айнан шу вақтдан бошлаб, суд қарори кучга киради ва шуш мувофиқравишда, қонун чиқарувчи акт (унинг қисмлари) коисги гупия вий ёки ноконституциявий деб тан олинади. Шубилап бирга, **норматив ҳужжатларнинг** конституциявий эмаслигини тан олиш бошқа усуллар билан унинг таъсирини тўхтатишдан шу билан фарқ қилади, ҳужжат Конституциявий суд қарори чиқарилган вақтдан эмас, балки давлат рўйхатидан ўтказилиб, қабул қилинган кундан бошлаб конституциявий эмас деб топилади. Бу шуни билдирадики, нормативҳуқуқий ҳужжат қарор чиққунча ва қарор чиққандан кейинги ҳолатларда қўллашга лойиқ эмаслигини кўрсатади. Чунки, суд ва тергов органларининг барча дастлабки ечимлари қонунчилик асосида сўзсиз қайта кўриб чиқилиши зарур. Нормативҳуқуқий ҳужжатнинг яроқсизлиги шуни ҳам билдирадики, ЖК 13-моддаси 2 ва 3-қисмларида назарда тутилган қонуннинг орқага қайтиш кучи ҳақидаги қоида судланаётган, айбланаётган, гумон қилинаётган шахсга қулай вазият яратгандаги ҳолларда ҳам қўлланилмайди.

Шуни назарда тутиш керакки, Конституциявий суд қарори эълон қилинадиган расмий манба белгилаб қўйилмаган, Конституциявий суд қарори у Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги оммавий ахборот воситалари орқали дастлабки эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради.

Қонун ўз кучини йўқотиши — бу унинг амалда бўлишини тўхтатишнинг икки шарт мавжудлиги билан тавсифланган усули: (формалюрдик эмас) илгариги қонун ҳужжатини амалда бекор қилиш ва бир вақтнинг ўзида ўхшаш ижтимоий муносабатларини тартибга солидиган янги актни қабул қилиш.

Илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги норматив кўрсатмаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб эътироф этил маган ҳолларда¹ (масалан, қонун ҳужжати тартибга солиши лозим бўлган ижтимоий муносабатларнинг йўқолиши) ҳужжат ўз кучини йўқотади.

Қонун ҳужжатини бекор қилиш унинг кучини йўқотишдан шуниси билан фарқ қиладики, кейинги шунга ўхшаш муносабатларни бошқарадиган иккинчи ҳужжатни қабул қилишдан иборат. Бундай ҳолларда нормативҳуқуқий ҳужжат сўзсиз махсус фармойиш билан нуфузли давлат органлари томонидан (юридик расман бекор қилиш деб аталади) нормативҳуқуқий ҳужжат шаклида бекор қилинади.

Нормативҳуқуқий ҳужжатнинг бекор қилиниши ёки кучини йўқотиш вақти янги норматив кўрсатмаларнинг ёки ваколатли давлат органларининг махсус фармойиши кучга кирган вақтдан бошлаб тан олинади.

Жиноят содир этилган вақтни аниқлаш қонуннинг вақт бўйича амал қилишининг зарурий белгиси ҳисобланиб, уни аниқлаш қоидалари ЖК 13моддаси 1қисмида кўрсатилган. Мазкур норма қоидаларига мувофиқ, жиноят содир этиш вақти жиноят таркиби турига қараб аниқланади:

—**моддий таркибли жиноятларда** жиноят содир этиш вақти ижтимоий хавфли оқибат юзага келган вақт ҳисобланади (масалан, ўлим келиб чиқиши);

—**формал таркибли жиноятларда** жиноят содир этиш вақти келиб чиқадиган оқибатдан қатъи назар қилмиш содир этилган вақт билан белгиланади (жумладан, қалбаки пул тайёрлаш).

Шу тахлитда, жиноят содир этиш вақти қилмишнинг объектив мезонидан келиб чиқиб, хусусан, жиноий жавобгарликка тортиш асослари, яъни ЖК 16моддасида таъкидланганидек, жиноят таркиби мавжудлигидан келиб чиқиб аниқланади. Қонуннинг вақт бўйича амал қилишини аниқлаш учун жиноят содир этишнинг бутун жараёни (бошидан охиригача) эмас, балки фақатгина жиноятнинг тугаган вақти, яъни қонун бўйича жиноий деб ҳисобланган барча хаттиҳаракатлар яқунланганлиги аҳамиятга эга.

Жиноят содир этилган вақтни аниқлашда тергов ва суд органлари асосий диққатэътиборни узоққа чўзилган ва давомли жиноятларни, иккита ҳаракатдан иборат бўлган жиноятларни, такроран содир этилган жиноятларни, шунингдек, иштирокчиликдаги жиноятларни тергов қилишга қаратишлари керак.

Содир этилган жиноятлар вақти, одатда, **ЖК 13моддаси 1қисми** асосида аниқланиб, унга мувофиқ, қилмиш жиноят таркибининг барча белгиларига эга бўлган пайт жиноят тамом бўлган вақт деб ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб, жиноятни содир этиш вақти Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги жиноят таркиби тузилишига боғлиқ, жумладан, давомли жиноятларни квалификация қилиш уни ташкил қилувчи охириги қилмиш содир этилганда амалда бўлган қонунга асосланиши керак.

Давомли жиноятлар — бу ягона қасд билан қамраб олипгап ва умумий мақсадга қаратилган бир қанча ўхшаш ҳаракатларни содир этиш билан тавсифланадиган ҳуқуққа хилоф ижтимоий хавфли қилмишлардир.

Бундай қарорнинг тўғрилиги юқори турувчи суд инстанциясининг «... жиноят қонунига ... жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган ўзгартиришлар киритилганда, агар жиноят эпизодларидан ҳеч бўлмаганда биттаси қонун янги тахрирда амал қила бошлаган даврда содир этилган бўлса, давомли жиноятнинг барча эпизодлари янги қонун бўйича квалификация қилиниши керак» деган фикрида ҳам ўз исботини топади.

Икки ҳаракатли жиноят — ўхшаш жиноятлар таркиби қонунда шундай кўрсатилмадики, бунда фақат икки ҳаракатни амалга оширган шахс жиноятчи деб ҳисобланади. Ўхшаш қилмиш содир эташ вақти деб эса, охириги ҳаракатлар яқунлангандан кейин жиноят таркибини аниқлангандаги вақт тан олинади.

Берилган муайян жиноят таркибини аниқлаш учун муҳим бўлган охириги ҳаракатни содир этиш пайти икки ҳаракатли жиноят содир этиш вақти деб топилиши керак.

Узоққа чўзилган жиноятлар жиноятҳуқуқий таҳқидни ифодалайдиган мажбуриятларни узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликда намоён бўлади.

Биринчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилган пайт узоққа чўзилган жиноят содир этилган вақт деб топилади.

Айни пайтда, узоққа чўзилган жиноятлар содир этилган вақтини аниқдашда унинг айрим ўзига хос томонларига эътибор берилади: агар унинг ижтимоий хавфлилиги узоқ давом этувчи жиноятларда, масалан, ҳарбий хизмат ёки қисмни ташлаб кетиш (ЖК 287моддаси) ёки келтирилган зарарнинг умумий миқдори, масалан, солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳоллари. Кўпинча, агар келтирилган зарар муддати ёки суммаси кўпайса, жиноят содир этиш вақти янги муддатнинг ўтиши ёки янги қонун эндитина кучга киргандан сўнг ҳали илгариги етказилган катта зарар муддати тугамай туриб яна янгидан катта зарар етказиш билан ўтган вақтдан тан олинади. Агар муддат янги қонун билан қисқартирилса, жиноятни тан олиш учун эски муддатнинг ўтиши ёки илгариги келтирилган зарар миқдори янги муддатни ёки тўлиқўташи керак ёхуд етказилган янги зарар миқдори янги қонун кучга киргандан бошлаб ҳисобга олинади.

Такрорийликни ташкил қилувчи охириги ёки оғирлаштирувчи белги ҳисобланган қилмиш содир этилиши такроран жиноят содир этиш, шунингдек, оғирлаштирувчи таркибли жиноятлар содир бўлган вақт деб топилади.

Агар гоктимоий хавfli қилмиш иштирокчиликда содир этилган бўлса, у ҳолда ҳар бир иштирокчининг бу қилмишта қўшилган вақти ҳисобга олинади. Бундай ҳолларда жиноятни содир этиш фақатгина шу гуруҳнинг содир этган жиноятинигина эмас, балки бу гуруҳдаги ҳар бир иштирокчининг амалга оширган хаттиҳаракатлардаги иштирокларидан бошлаб ҳисобланади. Шунинг учун, иштирокчиликда содир этилган жиноятлар вақтини аниқлашда бажарувчидан ташқари, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчиларнинг ҳам ҳар бир ҳаракати назардан четда қолмайди.

Шундай қилиб, агар иштирокчиликда янги қонун кучга киргунга қадар жиноят содир этилса, айбдор илгариги жиноят қонунчилиги билан айбланади. Бунда жиноий таркиб ишни ҳақиқатан ҳам бутунлай амалга оширганлиги ёки янги қонун кучга киргандан кейин амалга оширганлиги муҳим аҳамиятга эга. Масалан, айбдор янги қонун кучга киргунга қадар ўғрилиқ қилиш учун гуруҳ ташкил қилган, ҳақиқий ўғрилиқ эса қонун кучга киргандан сўнг бажарилган. Бунда, жиноят содир этиш пайтини ЖК 13моддаси 1қисмида кўрсатилган қоидага мувофиқ аниқданиб, ташкилотчи эски қонун бўйича жавобгар бўлиб, бажарувчилар эса янги қонун бўйича жавобгарликка тортилади.

Бу масаланинг иштирокчиликда содир этилган жиноятнинг барча иштирокчилар учун тамом бўлиш вақти бажарувчи томонидан жиноятни содир этиш вақтининг ҳисобланишига асосланган бошқача ечими одиллик принципига мос келмайди.

Жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қишиш шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган тамом бўлмаган жиноий фаолиятни келтириб чиқаради. Шу сабабли қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш деб квалификация қилинади ва жиноий фаолият тўхтатилган вақтда амалда бўлган қонун қўлланилади.

Жиноят кодекси амал қилиш доирасини кстмакет ва тизимли тарзда чегараланиши қонуннинг орқага қайтиш кучи шартларини аниқдашда ҳам ўз ифодасини топади. Қонуннинг тескари кучи шарт шундан иборатки, бунда вақт бўйича жиноят қонунларини умумий қоидалардан чиқариб ташлаш ва жиноят қонунларини у кучга киргунга қадар барча қилмишларга тенг тақсимлашдан иборат. Қонуннинг орқага қайтиш кучи ҳақидаги талаб умумий ҳрлда 1966 йил 16 декабрдаги Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқдар тўғрисидаги халқаро пактнинг 15моддасида шакллантирилган бўлиб, ҳамма таи олган халқаро ҳуқуқ меъёрларидан бири ҳисобланади.

Адолат ва инсонпарварлик принципларига асосланган ватанимиз жиноят қонунчилигининг қонуннинг орқага қайтиш кучи ҳақидаги ҳолатлари ЖК 13моддасининг 2 ва 3қисмларида мустаҳкамланган бўлиб, уларга мувофиқ қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳолини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар татбиқ этилади.

Қилмишни жиноятдеб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳқратини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.

Шуни назарда тутиш керакки, қонунга акс таъсир тушунчасини бериш нуқтаи назаридан қараганда, қонун тушунчаси нормативҳуқуқий ҳужжатлардан фарқ қилади, яъни қонун тушунчаси **ЖК 13моддаси 1қисмида** берилган. Қонуннинг акс таъсир кучи вазиятида қонун ҳуқуқий меъёрлар мустаҳкамланадиган шакл эмас, балки меъёрийҳуқуқий актлар мазмунидан иборат. Бошқача қилиб айтганда, бундай ҳолатларда қонунни жиноятҳуқуқий нормаларининг ўзи деб эътироф этилади ва бу нормативҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган ва мустаҳкамланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси 2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноятпроцессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик ' тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунининг 1, 2бандлари ва бошқа қоидалари қонун деб эътироф этилиши лозим, бироқ ушбу нормативҳуқуқий ҳужжат ўзи ҳуқуқий меъёрлар тизими сифатида қонун томонидан орқага қайтиш кучи нуқтаи назаридан эътироф этилмаслиги керак.

«Қонун» тушунчасига бундай ёндашиш нормативҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат эканлигидан, айримлари эса, илгариги амал қилган нормаларга қараганда талабчанлигидан келиб чиқади. Шунга мувофиқ, қонуннинг акс таъсир кучи ўз ичига жиддийроқ ҳолатларни олиб, инсонпарварлик ва адолат принципларига қарамақарши бориб айбдор аҳолининг бутунлай ёмонлашувига сабаб бўлиши мумкин.

Янги қонунни қўллаш судланувчи учун қулай бўлиши лозим. Айнан шунда қонуннинг акс таъсир кучи ўз ифодасини топади. Шуни назарда тутиш керакки, ҳуқуқий нормаларга тесқари куч бериш улар Жиноят кодексининг Умумий ва Махсус қисмларига киришқирмаслигига боғлиқ эмас.

Кодекснинг Умумий қисми нормаларининг қўлланилиши жиноят қонуни қўлланилишининг умумий қоидаларига бўйсунди. Шу сабабли ҳар бир ҳолатда норма жиноят содир этган шахснинг умумий ҳолатини юмшатишни таъминлашдан келиб чиқади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 21 августдаги Қонуни билан ЖКга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, жиноятлар классификацияси ўзгартирилган, жумладан, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар доираси кенгайтирилган. Шунга кўра бу норма орқага қайтиш кучига эга, чунки у илгари мавжуд бўлган нормаларга қараганда анча енгил.

Қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳолини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга.

Қилмишнинг жиноийлигини бекор қилиш деганда, уни декриминализациялаш, яъни жиноий жазоланувчи қилмишларни маъмурий, интизомий ёки бошқа ҳуқуқбузарлик турларига ўтказиш тушунилади. Масалан, декриминализация, Жиноят кодексининг 187моддасини Жиноят кодексидан чиқариб ташлаш, яъни харидор ёки буюртмачиларни алдаш учун жавобгарликдаги каби.

Илгари амалда бўлган жиноятҳуқуқий нормада жиноят таркиби белгиси сифатида назарда тутилмаган янги белгининг назарда тутилиши қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган ҳолат сифатида кўрилади. Бундай янги белгиларнинг қўшилиши, жиноий жавобгарликнинг торайишини англатади, чунки мазкур белгининг бўлмаслиги эски қонун амалда бўлган вақтда содир этилган қилмишнинг жиноийлиги ваззога сазоворлигини бекор қилади. Бундай декриминализация, кўпинча, айбдор маъмурий жавобгарликка

тортилгандан кейин қайтадан жиноий қилмиш содир этиш ҳолларида мавжуд бўлиши мумкин.

Айнан ўхшаш қилмишлари учун айбдорга енгилроқ жазо тайинлаш имконини берадиган нормалар жазони енгиллаштируичи қопунларга киради.

Уларга қуйидаги нормаларни киритиш мумкнч:

- илгариги жазо турини енгилроқ жазога алмаштириш;
- санкциядан бир ёки бир неча асосий ёки қўшимча жазоларни чиқариб ташлаш;
- асосий ёки қўшимча жазонинг энг кўп ёки энг кам миқдорини пасайтириш;
- асосий жазони ўзгартирмасдан зарурий қўшимча жазога факультативликхусусиятини бериш;
- модда санкциясига енгилроқ муқобил жазо киритиш;
- моддий зарар қопланган ҳолларда маҳкумга озодликдан маҳрум қилиш, камоқ жазолари қўлламастик, яъни уни жамиятдан ажратмасдан жазо тайинлашни назарда тутати.

Жиноий хаттиҳаракатларни амалга ошириш фақат жазолашнинггина эмас, балки бошқа ҳуқуқий оқибат, асоратларни ҳам ўз ичига олади ва бу билан боғлиқ бўлган Кодекс ёрдамида аниқланадиган орқага қайтиш кучи ҳам шундай қоидаларга эга бўладики, жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқий аҳволини бирорбир тарзда яхшилаши мумкин бўлади. Жиноят содир этган шахс ҳуқуқий аҳволининг яхшиланиши унинг даражаси (мақоми)га турли томонлардан дахлдордир, хусусан, унинг аҳволи яхшиланишини жиноятлар классификациясининг ўзгариши деб эътироф этиш, жазони ўташнинг аниқ муддатларини камайтириш, шахсга енгилроқжазо қўллаб, уни муддатидан илгари шартли равишда озод қилишгача етиб боради. Айбдорнинг ҳуқуқий аҳволини яхшилашда меъёр сифатида Жиноят кодексининг бб'моддасида кўрсатилган жабрланувчи ва бошқа томонларнинг ярашуви билан жавобгарликдан озод қилиш имкониятини бериш кўзда тутилади.

Шахснинг ҳуқуқий аҳволини яхшилашда норманинг барча вариантларини кўриб чиқишнинг имкони йўқ, чунки бу Кодексда барча умумий қоидаларда баён этилган. Ҳуқуқни қўлловчи органлар ҳар бир аниқ ҳолатларда жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқий аҳволи қонун нормалари туфайли яхшиланишга ёки йўқми кузатиб боради.

Жиноят қонунни жиноят содир этган шахснинг аҳволини бошқача тарзда ёмонлаштира ёки жиноий хаттиҳаракатларини аниқлаб жазони кучайтира, мазкур қонун орқага қайтиш кучига эга бўлмайди. Шундай қшгаб, агар қонун ўз характериға кўра, юқорида кўрсатилган ҳолатларға зид бўлса, уни кучға киргунға қадар амалиётда қўллаш мумкин эмас.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида муайян бир қийинчиликлар содир бўлиши ҳам мумкин, бунда қонун нормаси жазонинг энг кўп миқдорини пасайтира ва шу билан бирға, унинг энг камини оширс, бунға баъзан янги қонунда жиноятнинг янги махсус таркибининг ишлаб чиқилгани сабаб бўлади. Бундай пайтда юқорида эслатилган жиноий хаттиҳаракат қолати жавобгарликнинг умумий меъёри сифатида қабул қилинади.

Агар янги қонун таъсирида жазонинг энг кўпи пасайса ва айнаи бир пайтда унинг камининг кўтарилиш қолати содир бўлса, ҳуқуқни қўлловчи органлар ишни ойдинлаштирувчи аниқ белгихусусиятларни ҳисобға олиб, санкцияға қиёсан олган ҳолда, шундай қонунни танлаб олмоқдари зарурки, унда айбдорға нисбатан имкон қадар енгил жазо белгиланган бўлсин. Хусусан, агар айбдорға қаттиқжазо тайинланган бўлса, у ҳолда янги қонунни қўллаш зарур. Бироқ, ҳуқуқни қўлловчи органлар муайян ҳолатдан келиб чиқиб жазони енгиллаштириш зарур деган хулосаға келса, унда илгариги қонун бўйича иш тутишға тўғри келади.

Бундай вазият шу билан изоҳданадики, бир томондан, суд ҳеч қандай ҳолатда қонунда кўрсатилганидан қаттиқроқ жазо тайин этолмайди, айнаи бир пайтда қонунда белгиланган энг енгил жазони тайинлаш ёки бошқа енгилроқ жазо билан алмаштириш суд томонидан Жиноят кодексининг 57моддасига мувофиқ, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи қуйидаги ҳолатларда амалға оширилади: маънавий зарарнинг йўқ бўлганлиги ёки моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки отаонасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатға лаёқатсизлиги, айбдор отаонасининг ёки

боласининг бошқа боқувчиси йўқдиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф ҳуқуққовори ва ҳ.к.

Агар қабул қилинган қонун жиноятнинг янги, махсус таркибини шакллантирган бўлиб, дастлабки ўхшаш жиноий хаттиҳаракатлар кўпроқ умумий нормалар таъсири остида қолиб, жиноий жавобгарликни кучайтирса, бу ҳолда санкция билан умумий ва махсус нормаларни ўзаро қиёслаш керак. Агар хаттиҳаракатларнинг умумий нормадан ажратиб олинган жиноий хаттиҳаракат учун берилган санкция янги қонун санкциясидан енгилроқ бўлса, бундай қонун орқага қайтиш кучига эга бўлмайди.

ЖК 13моддаси 2қисмининг қонунсизлиги мувофиқ, қопупнинг орқага қайтиш кучи жиноят содир этган барча шахсларга нисбатан қўлланади. Бу ўринда уларнинг судлангансудланмагани, уларга белгиланган жазо тайинлангани ёки тайинланмаганининг аҳамияти йўқ. Бироқ, шуни ҳисобга олиш керакки, янги қонунга мувофиқ содир этилган жиноий ҳаракат енгилроқжазоланиб, аслида айбдорга янги қонун бўйича ўрнатилган жазо доирасидан ташқари чиққан ҳолда иш тутилган бўлса, у ҳолда белгиланган жазонинг юқори чегараси янги қонунда кўзда тутилган максимумга қадар камайтирилган бўлиши зарур¹.

Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, қонуннинг орқага қайтиш кучи фақат жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан қўлланилади. Шунга кўра, жиноят содир этган шахсларга, айтайлик, «қонунлар оралиғи» деб аташ мумкин бўлган ҳаддан ортиқюмшоқ қонун қўлланилмайди. Айни вақтда шуни таъкидлаш керакки, қонуннинг орқага қайтиш кучи жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан, яъни суд ва тергов ишларига жалб қилинган ёки тайинланган жазони ўтаётган шахсларга нисбатан амал қилади. Шу сабабли жиноят содир қилгандан кейин қабул қилинган, лекин жиноий жавобгарликка тортувчи қадар ўз кучини йўқотган қонун бундай жиноятни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

5§. Жиноят қонунини шарҳлаш

Жиноят қонунини амалиётга татбиқ этишда уни махсус шарҳлашга бўлган эҳтиёж пайдо бўлади.

Шарҳлаш жиноят таркибларининг баҳоловчи белгиларини, бир қатор атамаларни, ЖКнинг Умумий ва Махсус қисм нормаларининг маъносини тушуниш учун керак. Шарҳлашга фақатгина истисно ҳолатларида, яъни элементар ҳуқуқий амалиётдагина эҳтиёж йўқ.

Жиноят қонунини шарҳлаш — ЖК моддаларини, моддаларининг қисмларини улардаги атама ва тушунчаларнинг мазмун моҳиятини очиш орқали тегишли модда мазмунини тушуниш ёки тушунтиришдан иборат бўлган фикрлаш жараёнидир.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқида жиноятни аналогия асосида аниқлашга ва жазолашга йўл қўйилмайди.

Аналогия деганда, жиноят ҳуқуқида, жиноят қонунида тўғридантўғри кўрсатилмаган ҳолатларга, у ёки бу белгиларига кўра ўхшаш қонунни қўллаш тушунилади.

Аналогия бўйича қонунни қўллаш қонунийликни бузиш, жиноят содир қилмаган шахсларни асосиз репрессия қилишга олиб келган бўларди. Миллий жиноят қонунчилигида аналогияни қўлашдан воз кечиш унинг ривожланишидаги муҳим этаплардан бири бўлиб ҳисобланади.

Фанда турли хил шарҳлаш усуллари ажратилиб кўрсатилади. Мажбурий ёки мажбурий эмаслигига кўра шарҳлаш расмий ва норасмий шарҳга бўлинади.

Расмий шарҳ аутентик, легал ва суд шарҳига бўлинади.

Қонунларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан шарҳдашга **аутентик шарҳлаш** дейилади. Юридик адабиётларда шарҳлашнинг бу тури кўпинча легал шарҳнинг бир тури сифатида кўрилади¹.

Легал шарҳлаш қонун томонидан шундай ваколат берилган орган — Конституциявий суд томонидан амалга оширилади. Конституциянинг 109-моддаси 1-қисмига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ бериш қамда Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Ҳукуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мослитини аниқлаш каби ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдим этилган².

Суд шарҳи жиноят ишини кўриб чиқишда турли ипстапция судлари томонидан амалга оширилади.

Казуал суд шарҳи — муайян жиноят ишини кўриб чиқиш даво мида юзага келган ва фақат ўша иш учун мажбурий бўлган ШАРҲ. Қонуний кучга кирган суд ҳукми ушбу ҳукм билан боғлиқ барча фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона, муассаса ва ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади. Баъзи ҳолларда шарҳлашнинг бу тури суд прецеденти хусусиятига эга бўлади. Адвокатура, прокуратура ва суд фаолиятини ахборот билан таъминлаш учун алоҳида жиноят ишлари бўйича юқори инстанция судларининг қарорларини ўз ичига олган Олий суд ахборотномаси чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида ўз ифодасини топган шарҳлаш норматив шарҳлашдир. Олий суд Пленуми суд амалиётини ўрганади, суд статистикасини умумлаштиради ва жиноят ишларини кўришда судларга тушунтиришлар беради. Бу тушунтиришлар судлар, мансабдор шахслар ва бошқа органлар учун ишларни кўриб чиқишда ориентирвазифасини бажариши керак. Бу ҳолатда шуни таъкидлаш керакки, Пленум қарорлари Жиноят ҳуқуқининг манбаси бўлиб ҳисобланмайди. Пленум қарорларига Жиноят ҳуқуқининг манбаси сифатида ёндашиш Конституциянинг 112-моддаси 1-қисмида ифодаланган «судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар» деган қоидага ва Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги Жиноят кодексидан иборатдир деб ифодаланган ЖК 1-моддасига зиддир. Бироқ ўз навбатида Олий суд Пленуми томонидан қабул қилинган ҳужжатлар Конституциянинг 110-моддаси 2-қисмига кўра қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир. Олий суд Пленумининг раҳбарий қарорлари тавсия қилувчи характерга эга ва ўрганилган суд амалиётидан келиб чиқиб қонунни тўғри ва аниқ қўллашга имкон беради.

Баъзида, юридик адабиётларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки адвокатлар томонидан амалга ошириладиган профессионал шарҳ ҳақида айтилиб, у ҳам суд томонидан шарҳлашнинг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Норасмий шарҳ ўз ичига илмий доктринал ва оддий шарҳни қамраб олади.

Доктринал (илмий) шарҳлаш жиноят ҳуқуқи соҳасидаги ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар томонидан берилади. Мажбурий аҳамиятга эга бўлмаган доктринал шарҳлаш ҳуқуқни қўллаш органлари ходимларига уларнинг профессионал ҳуқуқий онгини шакллантирган ҳолда ЖК нормаларининг моҳиятини тўғри тушунишга ёрдам беради.

Одатдаги шарҳлаш ҳам ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас ва оддий фуқаролар томонидан берилиши мумкин (масалан, журналистлар томонидан оммавий ахборот воситаларида). Унинг аҳамияти шундаки, бу шарҳлаш умумий превенция масалаларини ечишда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишда таъсир кучига эга.

Ҳажмига кўра шарҳлашнинг учта турини кўрсатилади: сўзмасўз, чекланган ва кенгайтирилган шарҳ.

Сўзмасўз шарҳлашда берилган шарҳ жиноят қонунининг матнига, унда ишлатилган атамаларга ва ифодаларга сўзмасўз мос бўлиши керак. Норманинг мазмунини унинг қонундаги вербал ифодасига тўлиқ мос бўлиши шарт. Бошқача айтганда, қонуннинг формал томони унинг мазмунини белгилайди.

Чекланган шарҳлашда берилган шарҳ асосий матн ҳажмига нисбатан кичикроқ бўлади. Масалан, ЖК 124-моддасида тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда қасдан болани

алмаштириб қўйиш учун жавобгарлик назарда тутилган. Кўрсатилган модданинг таҳриридан келиб чиқиб, бола деганда, янги туғилган чақалоқ назарда тутилганми ёки вояга етмаган болами деган саволга жавоб бериш керак бўлади¹. Бунда 124модданинг умумий мазмунидан келиб чиқиб (бунда отаоналар болани таниб олишлари қийин бўлганлиги учун) бу ҳолатда янги туғилган чақалоқ назарда тутилганлигини таъкидлаш мумкин.

Кенгайтирилган шарҳда шарҳ қонуннинг асосий матнидан катта бўлади. Масалан, ЖК 180моддаси сохта банкротлик учун жавобгарликни назарда тутган, яъни амалдаги объектив ҳақиқатга зид равишда хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кредиторлари олдида иқтисодий жиҳатдан ночорлигини эълон қилиш ва уларга кўп миқдорда зарар етказиш. Бунда кўп миқдордаги зарар тушунчасининг моҳиятини очиб беришга тўғри келади. Бундан келиб чиққан ҳолда 180модда фақатгина энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан 300 баравари миқдорда зарар етказилганда эмас, балки 300 баравар ва ундан кўп миқдорда зарар етказилганда қўлланилиши мумкинлигини айтишимиз мумкин.

Шарҳлаш усулига кўра мантиқий, грамматик, тарихий ва тизимли шарҳлаш ажратиб кўрсатилади.

Мантиқий шарҳлашда қонун нормаси мантиқ қоидалари асосида шарҳланади.

Шуни айтиш лозимки, баъзи олимлар маиқий шарҳлашни мустақил шарҳлаш деб ҳисоблашмайди ва барча шарҳлаш турлари мантиқ қоидалари асосида амалга оширилишини таъкидлашади.

Грамматик шарҳлаш грамматика, морфология, синтаксис қоидаларига мувофиқ қонуннинг мазмунини аниқлашга срдм беради.

Тарихий шарҳлаш ёрдамида ҳозирда амал қилиб турган ЖК нормаларини илгари мавжуд бўлган жиноятҳуқуқий нормаларга солиштирган ҳолда уларнинг моҳияти очиб берилади.

Тизимли шарҳлаш турли хил нормаларни ва уларнинг қисмларини ўзаро ва бошқа жиноятҳуқуқий нормалар ҳамда институтлар билан солиштириш ва муайян бир норманинг жиноят қонунчилигида тутган ўрнини аниқдашта имкон беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, қонунни шарҳлаш доимо уни амалга оширишнинг усул ва йўллари мажмуаси билан биргаликда олиб борилади. Масалан, суд томонидан шарҳдаш шарҳлашнинг грамматик, кенгайтирилган ва тизимли турлари билан бирга мослаштирилган қолда амалга оширилади.

«Жиноят қонуни» мавзуси юзасидан яқуний саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи манбаси нима? Суд прешеденти нима?
2. Халқаро ҳуқуқ нормалари Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи нормаларидан устуворми?
3. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг конституциявий асосларини тавсифлаб беринг.
4. Жиноят қонунининг юридик асоси нимада?
5. Жиноят қонунининг тузилиши қандай? ЖК Умумий ва Мах сус қисми моддалари турлари ва структурасини тавсифлаб беринг.
6. Санкциянинг қандай турлари ЖКда қўлланилмайди?
7. Жиноят қонуни амал қилишининг ҳудудийлик принципи мазмунини ёритиб беринг. Ўзбекистон ҳудуди деганда нимани тушунаси?
8. ЖК амал қилишининг экстерриториаллик принципи нимани ташкил қилади?
9. Фуқаровийлик принципи мазмунини ёритиб беринг,
10. Жиноят қонуни амал қилишининг универсал принципини ёритиб беринг.

11. Экстрадиция деганда нима тушунилади?
12. Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши деганда нима тушунилади? Моддий таркибли, формал таркибли ва кескин таркибли жиноятларни таърифлаб беринг.
13. Қайси жиноятларга тааллуқли равишда уларни содир этиш вақтини тушуниш билан боғлиқ муаммолар юзага келади?
14. «Жиноят қонунининг орқага қайтиш кучи» тушунчасини ёритиб беринг. Қонуннинг орқага қайтиш кучининг маъноси нимадан иборат?
15. Жиноят қонунини шархлаш деганда нимани тушуниш лозим?
16. Жиноят қонунини расмий шархлаш қандай турларини ўз ичига қамраб олади? Шархлашнинг қандай турлари норасмий ҳисобланади?
17. Жиноят ҳуқуқида аналогия нима?

III БОБ. ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ

1§. Жиноят ҳуқуқи назарияси ва қонунда жиноят тушунчасининг белгиланиши

Жиноят — жиноят ҳуқуқи фанининг асосий категорияси. Ушбу тушунчанинг моҳиятини аниқлаш принципиал аҳамиятга эга.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва қонунчилигида келтирилган жиноят тушунчасида иккита методологик ёндашув бўлиб, уларни шартли равишда формал ва моддий ёндашувлар деб аташимиз мумкин.

Формал ёндашув — тарихан биринчи. Бунда жинойий қилмиш жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланади, лекин бу тақиқнинг сабаблари кўрсатилмайди.

Моддий ёндашув жиноятни шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган ижтимоий хавфли қилмиш сифатида тавсифлайди. Формал ёндашувдан фарқли ўлароқ ушбу ёндашув жиноятни жамиятга зарарлиги нуқтаи назаридан баҳолайди ва у ёки бу қилмишни жиноятлар қаторига киритган қонун чиқарувчи органнинг мақсадини аниқлашга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонуни асосли равишда иккала ёндашувни ҳам ўз ичига олади.

Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан **жиноят** деб топилади (**ЖК 14 моддаси**).

ЖК 14 моддаси 1 қисмида белгиланган жиноят тушунчаси қуйидаги ҳолатларни ўзида ифодаловчи моддий формал белгиларни қамраб олади.

Формал белги, бу маълум бир хаттиҳаракатларни содир қилиш ёки баъзи бир ҳаракатларни бажариш шарт бўлган ҳолларда уларни содир қилмасликни ман қилишда ифодаланади.

Жиноят қонуни билан тақиқланган ҳаракат ёки бажарилиши шарт бўлган ҳаракатни бажармасликда ифодаланадиган ҳаракатсизлик, яъни ҳуқуққа хилоф қилмиш жиноят деб ҳисобланади. Ушбу шартнинг формаллиги қонунда жиноятҳуқуқий тақиқнинг ўрнатилиши ва **nullum crimen nulla poena sine lege** принципини қамраб олади. Шундан келиб чиққан ҳолда бирорбир ҳуқуқкорни ҳуқуққа хилоф деб баҳолашда ҳуқуқ ёки қонун аналогиясининг қўлланилишига йўл қўйилмайди. Фақатгина Жиноят кодексида белгиланган ижтимоий қадриятларгина жиноятҳуқуқий муҳофаза объекти ҳисобланади.

Ушбу ижтимоий қадриятларга қаратилган тажовузлар жинойтхукуқий нормаларга қарши қаратилгап бўлади ва қонун томонидан тақиқланади.

Бундан келиб чиққан ҳолда, ЖКда кўрсатилмагап қилмишпи содир қилиш жинойт деб топилмайди.

Моддий белги — бу ҳар қандай жинойтнинг туб моҳиятшш, ижтимоий хавфлилигини ифодалаб бериш. Шунга кўра ЖК 14моддаси 2қисмидаги моддий белги жинойт хукуқий муҳрфаза объектларига ҳавола қилинган ҳолда ифодаланган. Моддий белгини, шунингдек, қонун билан кўриқланадиган жинойт тажовуз объектини аниқлаш учун ЖК 2моддасида мустаҳкамланган қоидадан келиб чиқиш зарур.

2§. Жинойт белгилари

ЖК 14моддаси 1қисми Ўзбекистон Республикасининг жинойт тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жинойт тушунчасининг умумий тавсифларини ўз ичига олади. Энг аввало, ушбу моддада жинойт тушунчасининг асосий белги ва аломатлари белгиланганки, уларга қараб у ёки бу қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ёки ижтимоий фойдалилигини аниқлаб олиш мумкин,

Ушбу тавсифдан келиб чиққан ҳолда жинойтнинг куйидаги белгиларини кўрсатиш мумкин:

- ижтимоий хавфлилик;
- хукуққа хилофлик;
- айбнинг мавжудлиги;
- жазога сазоворлик.

Биринчи навбатда шуни айтиш керакки, **ЖК 14моддаси** жинойтни қилмиш сифатида ифодалаган.

Жинойт ташқи томонидан инсон хулқатворининг ифодаси бўлмиш маълум бир қилмишни намоён қилади. Жинойт тўғрисидаги қонун ҳужжатлари шахснинг конкрет актив ёки пассив хулқатворига нисбатан жинойт жавобгарликни кўллашга йўл кўяди. Муайян ҳаракат ва ҳаракатсизликни қамраб олмаган қилмишни содир қилиш жинойт деб топилмайди.

Ктлмиш актив хулқатворни ифодалайдиган ҳаракат ва бажарилиши шарт бўлган мажбуриятни бажармасликда ифодаланадиган пассив ҳаракатсизликдан таркиб топган бўлади. ЖК Махсус қисмида назарда тутилган кўпчилик жинойтлар ҳаракат орқали содир қилиниши мумкин.

(«Ҳаракат», «ҳаракатсизлик» тушунчалари тўғрисида мазкур том VI бобининг «Жинойт қилмиш ва унинг турлари» деб номланувчи 2§ га қаранг.)

Инсоннинг ҳар қандай хаттиҳаракати, хулқатвори жамиятнинг аъзолари манфаатлари нуқтаи назаридан ё ижобий, ё салбий баҳоланиши мумкин.

Ижтимоий хавфлилик жинойтларни жинойт бўлмаган хукуқбузарликлардан ва кам аҳамиятли қилмишлардан фарқлай олиш имконини берувчи жинойтнинг муҳим таркиби ҳисобланади. Қонун чиқарувчи хукуқбузарликларни жинойт, маъмурий, интизомий ёки фуқаровийхукуқий даъволи ишларга ажратади.

Ижтимоий хавфлилик умумжамият манфаатлари нуқтаи назаридан шахснинг хулқатворини баҳолашга имкон берувчи жинойтхукуқий муҳофаза объектларига зарар келтирувчи объектив хусусиятни ифодалайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий хавфлилик мезони, бу — нафақат жинойт қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиш қобилияти, балки қилмишнинг хусусияти ва унинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамдир. Ижтимоий хавфлилик ҳаракдери жинойт қонуни тизимида ўз ифодасини топган бўлиб, у асосий қадрият ҳисобланувчи шахснинг ҳаёти ва соғлиги, хукуқ ва эркинликларини белгилаб берувчи қоидалардан келиб чиқади.

Ижтимоий хавфлилик хусусияти — алоҳида олинган жиноятнинг ижтимоий ҳолати бўлиб, муайян ижтимоий муносабатларни қамраб олади ва ушбу ижтимоий муносабатларга қарши қаратилган тажовузлар, зарарнинг таркиби, жойи, қадриятлар тизимида тутган ўрни, айб шакллари билан боғлиқ бўлади.

Ижтимоий хавфлилик даражаси жиноятнинг миқдор кўрсаткичини акс эттириб, зарарнинг ҳажми, қасд ва эҳтиётсизлик шакллари, жиноятнинг мотиви ва мақсади, шунингдек, жиноят содир этилган жой, вақт, вазият, усул ва бошқа ҳолатлар билан белгиланади.

Ижтимоий хавфлилик даражаси — бу ижтимоий хавфлилик даражаси бир хил бўлган жиноятларнинг қиёсий хавфлилик даражаси ифодасидир.

Судтергов ходимлари жиноятни аниқлашда ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасидан келиб чиққан ҳолда айбдорнинг шахси ва иш ҳолатларини, жавобгарликни оғирлаштирувчи ва сш иллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш ҳақидаги индивидуал ёндашувни ўз ичига олган қонун талабларига сўзсиз риоя қилишлари керак. Олий суд Пленуми кўрсатмаларига мувофиқ, «жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15 моддаси) киритилганлиги билан белгиланади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва бошқичлари, жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади».

ЖК 14 моддаси 2 қисми ижтимоий муносабатларни бузиш, улардаги салбий ўзгаришларни келтириб чиқариш, умуман, ижтимоий муносабатларга зарар етказиш қобилиятига эга бўлган қилмишда намоён бўладиган ижтимоий хавфлиликнинг юридик тузилишини ифодалайди.

Инсонлар томонидан содир қилинадиган турлитуман қилмишларнинг хавфлилик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қонун чиқарувчи улар орасидан бошқаларига нисбатан ижтимоий хавфлироқ бўлганларини жиноят қонуни нормаларида ифодалаб, уларни жиноят деб эълон қилади.

ЖК 14 моддаси 2 қисмига кўра, кам аҳамиятли қилмишлар жиноят деб топилмайди. Қилмишнинг кам аҳамиятлилиги (ЖК 36 моддаси) Жиноят кодексида назарда тутилган қилмишнинг белгилари расмий мавжуд бўлсада, аслида ҳеч қандай ижтимоий хавфли хусусиятни акс эттирмайди.

Қилмишни кам аҳамиятли деб топиш ва уни жиноятни истисно қилувчи ҳолат деб топиш масаласи иш ҳолатларига боғлиқдир. Судтергов амалиётида қилмишнинг кам аҳамиятлилиги масаласи кўрилатганда зарарли оқибат ҳақиқатан келиб чиққанлиги, қилмишни содир этиш усули, айб шакли, мотив ва мақсадига эътибор қаратиш лозим. Агар содир этилган қилмиш кам аҳамиятлик белгисига эга бўлса, жиноят иши кўзгатилиши мумкин эмас, кўзгатилган жиноят иши эса жиноят таркиби мавжуд эмаслиги туфайли тугатилиши керак.

Агар конкрет қилмиш жиноят деб топиладиган бўлса, унинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси иш ҳолатларини (айб шакли, жиноят содир қилиш усули, мотив,

жиноят содир этиш вақти ва ҳолати, келиб чиққан оқибатнинг оғирлиги, иштирокчиларнинг жиноятни содир қилишдаги қатнашганлик даражаси, хусусияти ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозим.

Ижтимоий хавфли бўлган қилмишни содир қилиш ўзўзидан давлат томонидан жиноятхуқуқий таъқиб ва жиноятхуқуқий муҳофазани вужудга келтирмайди, жавобгарликнинг мажбурийлиги жиноий жавобгарликнинг асоси ҳисобланмайди. Жиноят ва жазо масалалари ҳуқуққа хилоф, жиноят қонунида белгиланган ижтимоий

муносабатларга тажовуз қилувчи, жиноят ҳуқуқи нормаларидаги аниқ бир жиноят аломатларига эга бўлган қилмиш содир этилгандагина юзага келади.

Жиноий жавобгарлик жиноятҳуқуқий нормаларга қарши қаратилган, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тақиқларни бузадиган ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун қўлланилади.

Ҳуқуққа хилофлик деганда, қилмишни Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари орқали тақиқдаш тушунилади, яъни шахс жиноят қонуни тақиқдаган ҳаракатни содир қилади ёки қонунда бажарилиши шарт деб кўрсатилган ҳаракатни бажармайди (ҳаракатсизлик).

Ҳуқуққа хилофлик белгисини фақат жиноят қонуни Махсус қисми нормалари диспозициялари билан чегаралаб қўйиш нотўғри бўлади. Махсус қисм нормаларини Умумий қисм нормалари билан бирга қўллаш керак, чунки Махсус қисмда кўрсатилган қилмишни тўғри квалификация қилиш ва жиноий жавобгарликни қўллаш масалалари уларнинг биргаликдаги кучда бўлиши билан аниқланади. Фақат шундагина бош ва асосий масала — ўз ичига ижтимоий хавфлилик даражаси ва табиатини олган ҳамда жиноятҳуқуқий тақиқ ўрнатувчи жиноят ҳуқуқи нормаларида ифодаланувчи жиноятнинг моддий моҳиятини тўғри аниқлаш мумкин.

Жиноий ҳуқуққа хилофлик ва жиноятҳуқуқий тақиқ тушунчалари айнан бир хил бўлиб, Махсус қисмнинг аксарият нормалари тузилиши жиҳатдан тақиқловчи нормалардир. Маълум ҳолатларда қилмишларга ёки усул, йўсин ва ҳоказоларга тақиқ қўйилган (масалан, ЖК 148—149 моддалари). ЖК Махсус қисмидаги нормалар мажбурият юкловчи хусусиятга эга. Баъзи бир ҳолларда Махсус қисм нормалари муайян бир қилмиш содир этишни мажбур қилиб қўяди.

Шу билан бирга, тақиқлар бошқа нормативҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган бўлиши ҳам мумкин. Махсус қисмда ўша нормативҳуқуқий ҳужжатлар талаби бузилганлиги учун жазо чораси — санкция белгиланади. Буни ЖК бланкет иормалари дейилади.

Ҳуқуққа хилофлик жиноий қилмиш орқали ҳуқуқ нормаларининг бузилишини ифодалайди. Ҳуқуққа хилофлик, умумий маъиода, ҳуқуқ нормаларига қарши боришдир.

Ҳуқуққа хилофлик мавҳум тушунча, зеро, унипг таркиби ҳуқуқнинг турли соҳаларидаги, жумладан, жиноий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги нормаларнинг аниқ хусусиятларша боғлиқ эмас.

Жиноят ҳуқуқида ҳуқуққа хилофликтушунчаси жиноятни бошқд ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш учун жиноят ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳалари билан боғлиқдикда бўлишини ифодалайди. Шундан, ҳуқуққа хилофлик жиноятнинг жазога сазоворлиги билан, жиноятнинг ўзи эса, жиноятни содир қилган шахс айби билан узвий боғлиқ. Бу белгилар жиғюий ҳуқуққа хилофлик ва жиноят тушунчаларини умумий тарзда ифодалайди.

Ҳуқуққа хилофлик объектив ва нисбатан мустақил табиатга эга. Қилмишнинг даражаси ва зарарини тавсифловчи моддий белги ҳисобланган ижтимоий хавфлиликдан фарқди равишда ҳуқуққа хилофликни жиноий жавобгарликнинг формаллигини ифодаловчи жиноят қонунининг бузилиши сифатида баҳолаш керак.

Ижтимоий хавфлилик ва ҳуқуққа хилофлик белгилари биргаликда қилмишнинг жиноийлигини ва у учун жавобгарлик асосини белгиловчи омил ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий хавфли бўлатуриб жиноят қонунини бузмаган ёки жиноят қонуни нормаларини бузгани ҳолда ижтимоий хавфлилик аломатлари мавжуд бўлмаган қилмишга нисбатан жиноий жавобгарликни қўллаб бўлмайди,

Жиноят тушунчасини изоҳдашда ижтимоий хавфлилик ва ҳуқуққа хилофлик жиноятнинг асосий ва бирбирига алоқадор белгилари эканлигини кўриш мумкин. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик белгисининг мавжуд эмаслиги, ўз навбатида, ҳуқуққа хилофликнинг мавжуд эмаслигини билдиради, яъни фақат жиноят қонуни билан ижтимоий хавфли деб топилган қилмишларгина ҳуқуққа хилоф ҳисобланади. Қилмишнинг жиноят ҳуқуқига хилоф деб топиш асослари бўлиб, бундай қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, у ёки бу қилмишга айнан жиноятҳуқуқий воситалар билан таъсир этишнинг умумийлиги ҳисобланади. Жиноий ҳуқуққа хилофлик қилмишга ижтимоий хавфлилик даражасини

бериб, айнан шу даража орқали қилмиш жиноят тавсифини олади. Жиноятнинг моддий белгиси ижтимоий хавфлилик бўлса, жиноятнинг формал белгиси ҳуқуққа хилофлик ҳисобланади.

Айб — қонунда тўғридантўғри кўрсатилган у ёки бу ҳуқуққа хилоф қилмишни ижтимоий хавфли деб белгиловчи белги.

Айб жиноятнинг белгиси сифатида шуни англатадики, биринчидан, шахс ўзи содир қилган ижтимоий хавфли қилмиши ва унинг натижасида келиб чиққан ижтимоий хавфли оқибат учун айби мавжуд бўлган тақдирдагина жиний жавобгарликка тортилади, иккинчидан, айбсиз ҳолда зарар етказганлик учун шахс жиний жавобгарликка тортилмайди.

Ижтимоий хавфли қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги уни содир қилган шахснинг ана шу қилмишта нисбатан руҳий муносабати мавжуд бўлишини талаб қилади, яъни жиноятни қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир қилиш. Айблилик белгисининг мавжуд эмаслиги жиноят ижтимоий хавфлилигининг формал белгилари мавжуд бўлганда ҳам қилмишда жиноят таркиби мавжуд эмас деб баҳоланиши мумкин. Бунинг сабаби жиний жавобгарликка тортиш асоси ҳисобланган жиноят таркибининг муҳим элементи — субъектив томоннинг мавжуд эмаслигида ифодаланади.

(«Айб» тушунчаси ҳақида мазкур том VII бобининг «Айб тушунчаси ва шакллари» деб номланувчи 3§ да батафсил тушунтирилган.)

Жавобгарлик муқаррар бўлган ҳолатларда айблилик ЖК моддаларида жавобгарлик асоси сифатида келтирилган. Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари айбсиз жавобгарликка йўл қўймайди (ЖК 9моддаси).

Ҳар қандай ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф қилмиш жиний жазога сазоворликни назарда тутлади. Жазога сазоворлик содир этилган қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини ифодалайди. Шу билан боғлиқ равишда жазога сазоворликни қилмишни жиноят сифатида тавсифлайдиган белгилар қаторига киритиш фақатгина жиноят ҳуқуқи табиати ва характери туфайли эмас, балки қонунда тўғридантўғри кўрсатилганлиги учунгина амалга оширилган. ЖК 14моддаси 1қисмида назарда тутилган «жазо қўллаш таҳдиди билан» жумласи жазога сазоворликни жиноятнинг асосий белгиларидан эканлигидан далолат беради.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш керакки, қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги жазога сазоворлик билан бевосита боғлиқ. Жиноятҳуқуқий тақикни ўрнатувчи ҳуқуқ нормаси қонун билан ўрнатилган қоидаларга риоя қилишни, бу қоидалар бузилган тақдирда айбдорни жазолашни таъминловчи жиний санкциялар мавжуд бўлишини назарда тутлади. Ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг тақикланганлиги жинийҳуқуқий норма билан боғлиқ бўлмаса, жиноят ҳам, жазо ҳам мавжуд бўлмайди¹.

Жазога сазоворликни жиноятнинг мустақил белгиси сифатида қуйидаги иккита жиҳат билан характерлашимиз мумкин: 1) ижтимоий хавфли қилмиш жазо қўллаш таҳдиди билан қонун чиқарувчи томонидан тақикланади; 2) ушбу тақикни бузган шахс қоидага кўра жазога тортилади.

Шуни таъкидлашимиз лозимки, жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳар доим ҳам жазо қўллаш шартлигини назарда тутмайди. Жиноятни аниқлаш «жазо қўллаш таҳдиди» билан бевосита боғлиқдир. Жиний жазо бу жиноят содир қилишнинг оқибатидир. Ўз навбатида, бу оқибат баъзи бир ҳолатларда қўлланилмаслиги ҳам мумкин. Шу йўл билан қонун чиқарувчи жазо қўлланилишини огоҳлантириш орқали жавобгарликнинг муқаррарлиги принципининг бузилмаслигини таъминлайди. Масалан, айбдорнинг қилмишида уни жиний жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган барча аломатлар мавжуд бўлиши мумкин, лекин шунга қарамадан амнистия акти туфайли у жиний жазодан озод қилиниши мумкин (лекин жиний жавобгарликдан эмас). Шунинг учун жиний жазо ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари ҳар доим ҳам жинийҳуқуқий мажбуриятнинг айнан битта механизми бўла олмайди.

3§. Жиноятларни таснифлаш

ЖК 15моддаси ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига асосланган моддий белгига кўра жиноятларни турларга ажратади.

Жиноятларни таснифлаш айбдор томонидан содир қилинган қилмишни Махсус қисм моддаларидаги юридик ва фактик аломатлар билан солиштирган ҳолда, ижтимоий хавфлилик нуқгаи назаридан жиноятларни харакгерлаш имкониятини беради.

ЖК 15моддаси кўрсатилган жиноятларни аниқ таснифлашга, яъни ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига кўра уларни тўрт турга ажратишга ёрдам беради.

Яна бир бор шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти унинг сифат белгисини ифодалайди. Уни аниқлашнинг асоси сифатида тажовуз объектининг аҳамияти, ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш натижасида юзага келадиган оқибатлар (моддий, жисмоний, маънавий ва бошқалар) хизмат қилади.

Масалан, бир турдаги жиноят объектита тажовуз қилувчи жиноий қилмишнинг хусусияти ҳам бир хилдир (масалан, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадрқимматита ёки давлат хавфсизлиги ва конституциявий тузумга қарши жиноятлар).

Ижтимоий хавфлилик даражаси — бир хусусиятдаги жиноятлар ижтимоий хавфлилигининг миқдор кўрсаткичидир. Уни аниқлашда етказилган зарар миқдори, жиноят содир этиш усули, айб шакли, мотив ва мақсад ҳамда бошқа ҳолатлар ҳисобга олиниши мумкин.

Ушбу икки аспектнинг битта жиноятхуқуқий мезонга бирлашиши ЖК Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларни таснифлашга ёрдам беради. Булар: ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар (**ЖК 15моддаси 1қисми**).

Ижтимоий хавфлиликнинг даражаси ва хусусияти фақатгина жиноятларни таснифлаш асоси бўлибгина қолмасдан, балки улар қилмишни жиноят сифатида баҳоловчи белги ҳам ҳисобланади, шунингдек, улар судлар томонидан жазо тайинлаш вақтида ҳисобга олиниши керак.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатига асосланган ижтимоий хавфлилик даражаси, шунингдек, айб шаклига қараб барча жиноятлар тўртга турга бўлинади. Бошқача сўз билан айтганда, жиноятларни таснифлашга содир қилинган жиноятнинг тури ва миқдори, унинг хуқуққа хилофлиги асос қилиб олинган.

Дастлабки икки категорияга қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларни киритиш мумкин. Оғир ва ўта оғир жиноятлар эса, фақат қасддан содир этилади.

ЖК 15моддаси 2қисмига мувофиқ, **ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга** қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Жиноятларнинг бошқа турларига қараганда ушбу туркум жиноятлар қолган уч туркум жиноятларига нисбатан камроқ аҳамият касб этади. Шуниси характерлики, жамият учуп умчашн. Туғдирмайдиган қилмишларга маъмурий прсюдиции манжуд (айнан ҳолларда жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар киради, маъмурнй жавобгар ликка тортилган шахс бир йил давомида яна шунга ўхшаш хуқуқбузарликни содир этса, жиноий жавобгарликка тортилади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноятлар назарда і у тилган моддалар санкция қисмида озодликдан маҳрум қилиш жазоси бўлмаслиги мумкин (масалан, ЖК 140 ёки 192моддалари). Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар акс этган моддаларнинг аксарида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган (фақатгина айрим ихтисослашган ёки ўта ихтисослашган жиноятларда бу жазо қўлланилади). Бу турдаги жиноятларга қуйидаги қасддан содир қилинадиган ЖК 139, 140, 145, 149моддалари ва бошқалар, шунингдек, 280моддаси 1қисмида назарда тутилган эҳтиётсизликдан содир қилинадиган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради (**ЖК 155моддаси 3қисми**).

Жиноят қонунида белгиланган қоидага кўра, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига санкция қисмида қасддан содир этиладиган, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар тааллуқдидир. Шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, назарда тутилган жазо, ўз навбатида, бошқа енгил турдаги жазолар билан муқобил равишда мос келиши керак.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради (**ЖК 155моддаси 4қисми**).

Ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси энг юқори жиноятлар — ўта оғир жиноятлардир.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради (**ЖК 155моддаси 5қисми**).

Бу туркумдаги жиноятларга қонун чиқарувчи, энг аввало, шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган қасддан содир қилинадиган жиноятлар, шунингдек, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятларни киритган.

Жиноятни тегишли туркумга киритиш ЖКда белгиланган ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Рецидив жиноятни хавфли ёки ўта хавфли деб топиш масаласи шахсини илгари содир қилган унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жинояти учун неча маротаба судланганлигига қараб, ҳал қилинади (**ЖК 34моддаси**); умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат ўта оғир жиноятлар учун тайинланиши мумкин (**ЖК 51моддаси**); шахс жазони ўтайдиган колониянинг тури содир этилган жиноят қайси туркумга кириши билан боғлиқ ҳолатда белгиланади.

Жиноятларни таснифлашда жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш (**ЖК 33моддаси**), жиний жавобгарликдан озод қилиш (**ЖК бешинчи бўлими**), шу жумладан жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги (**ЖК 64моддаси**), судланганлик ҳолатининг тугалланиши (**ЖК 78моддаси**) муносабати билан, шунингдек, вояга етмаган шахсларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш (**ЖК 88моддаси**) ва бошқа қолатлар бевосита боғлиқдир.

«Жиноят тушунчаси» мавзуси юзасидан яқуний саволлар

1. Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноят деганда нима тушунилади?

2. Жиноят тушуғчасида формал (норматив) ва моддий ёндашувнинг мазмуни нимадан иборат?

3. Жиноятнинг қонун ҳужжатларғва назарда тутилган тушунчаси қайси белгилар билан таърифланади? Ушбу белгиларнинг ҳар бирини ёритиб беринг.

4. Жиний қилмиш ижтимоий хавфлигининг мазмунмоҳияти нимадан иборат?

5. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ва ҳуқуққа хилофлиги каби белгиларининг ўзаро нисбати қандай?

6. «Жиний жазо» ва «жавобгарликнинг муқаррарлиги» каби тушуғчаларнинг ўзаро нисбати қандай?

7. Жиноятларни таснифлаш асосига қандай мезонлар қўйилган?

8. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қандай жиноятлар қиради?

9. Унча оғир бўлмаган жиноятлар нима билан таърифланади?

10. Оғир ва ўта оғир жиноятларга қандай жиноятлар киради?

IV БОБ. ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ АСОСЛАРИ

1§. Жиноий жавобгарлик тушунчаси

ЖК 16моддаси жиноий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг бир кўриниши сифатида атрофлича ёритиб беради. Ушбу моддага кўра, «Жиноят учун жавобгарлик — жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Ушбу кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмиш содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади».

ЖК 16моддаси 1қисмида бир қатор аломатларга эга бўлган жиноий жавобгарлик тушунчаси ўз ифодасини топган.

Биринчидан, жиноий жавобгарлик ўзининг юридик маъносига кўра жиноят содир этишнинг оқибати ҳисобланади. Иккинчидан, у ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишидан кейин вужудга келади. Учинчидан, жиноий жавобгарлик суд ҳукми билан жазо ва бошқа таъсир чораларини қўллашда ифодаланадиган давлат мажбурлов чорасидир. Тўртинчидан, у жиноятҳуқуқий муносабатлар доирасида вужудга келади, амалга оширилади ва тўхтатилади.

Қонун субъектларга ижтимоий хавфли қилмиш содир этмаслик мажбуриятини юклайди, яъни муайян ҳаракатларни содир қилмаслик ёки бажарилиши шарт бўлган ҳаракатларни амалга ошириш. Бу мажбурият барча учун мажбурий ва муайян бир шахс учун алоҳида ҳисобланади. Ушбу мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш давлат органларининг ҳуқуқи ҳисобланади. Юридик нормалар бузилганда давлат айбдор шахсларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллайди.

Шу билан бирга, ўзўзидан қонунда бирорбир норманинг ёзма ифодаланганлиги жиноий жавобгарликка тортиш кераклигини аниқламайди. Бошқача сўзлар билан айтганда, жиноий жавобгарлик фақатгина ҳақиқатдан содир этилган айбли қилмиш учун қўлланилиши лозим. Қонун нормалари жамият ҳаётининг реал соҳаларини қамраб олиши учун жисмоний шахслар жиноятҳуқуқий тақиқларга риоя қилишлари керак. Бу талаблар шахс, жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиқади, жавобгарликнинг ҳажми ва чегарасини аниқлайди. Бу талабларсиз субъектлар ўз ҳуқуқдорини ҳеч нарса билан солиштира олмайди.

Жиноий жавобгарлик жиноятҳуқуқий нормалар воситасида ижтимоий жиҳатдан зарур бўлган муносабатларнинг фаолиятини таъминлайди.

Ушбу жавобгарлик ЖК 2моддасида кўрсатилган кадрларни жиноятҳуқуқий нормалар билан муҳофаза қилишни асоси ҳисобланади.

Жиноий жавобгарлик кенг маънода жиноятҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ифодаланган қонун нормаларини ижро этиш процесси, у ёки бу низонинг адолатли ҳал қилиниши натижаси бўлган жиноятҳуқуқий нормаларнинг бажарилиши, айбдор шахсларга нисбатан жазо тайинладиган махсус орган — суднинг шахслар томонидан содир қилинадиган ижтимоий хавфли қилмишларга нисбатан салбий муносабатини ифодалайди.

ЖК 16моддасидаги жиноий жавобгарликнинг конструкциясини кўриб чиқа туриб, уни аниқдашнинг энг муҳим жиҳати бу ҳуқуқий оқибатдир, деб айтиш мумкин. Ана шу оқибатгина жиноий жавобгарликнинг моҳияти ва характерини ифодалайди. Жиноятҳуқуқий муносабатларнинг муҳим белгиси ҳисобланган жиноий жавобгарлик жиноятҳуқуқий тақиқлар ва нормаларнинг бузилиши оқибатидир.

Жиноий жавобгарлик — бу жиноят содир этган шахснинг белгиланган тартибга кўра, ҳуқуқлари чекланиши, давлат номидан судланган бўлиши ва жазо ҳамда бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини ўташга бўлган мажбуриятдир. Жавобгарликнинг асоси ЖК Махсус қисми моддаларида назарда тутилган жиноят таркиби аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш ҳисобланади.

Жиноий жавобгарлик натижасида кслиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг элементлари куйидагилардан иборат:

1) ижтимоий хавфли қилмишни содир этганликда судланганликнинг вужудга келиши;

2) айбдор шахсга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси қўлланилиши;

3) содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни суд ҳукми билан баҳолаш натижасида маълум бир ҳуқуқий оқибатлар келиб чи

¹ киши. Бошқача сўзлар билан айтганда, фақатгина суд айрим бир шахсни жиноий жавобгарликка тортиши мумкин, жавобгарликнинг бошқа турлари эса (маъмурий, интизомий) давлат ҳокимиятининг носудлов органлари томонидан қўлланилиши ва ушбу органларнинг фаолияти натижаси бўлиши мумкин.

Жиноий жавобгарлик айбдор шахсга суд томонидан белгиланган маълум жазо чоралари билан чегараланмайди. Жиноий жавобгарлик шахс судланишида, яъни ижтимоий хавфли қилмиш содир этишда айбдор деб топиш, унга жазо чораси белгилаш ва шу жазо чорасини ижро этиш жараёнларининг бирлигида ифодаланади.

Ҳукм қилиш жиноий жавобгарликни амалга ошириш шакли бўлиб, қилмишга ва шахсга бўлган муносабат ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга суд томонидан тегишли ҳукм чиқариш орқали тегишли миқдорда ва шаклда жазо тайинлашда ифодаланади.

Модда санкцияларидаги жазоларнинг муқобиллиги ва оғирлик даражасини ҳисобга олиб, ҳукмда ифодаланган қилмишга нисбатан баҳо беришда жазо тури ва миқдори катта роль ўйнайди. Суд томонидан тайинланган жазо тури ва миқдорига қараб, шахснинг айблилик даражаси тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Ҳукм қилиш шахсни суд томонидан жиноят содир этишда айбдор деб топиб, ҳукмда жазо чоралари билан боғлиқ бўлмаган тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашни ҳам назарда тутаяди (ЖК 91 моддаси).

Жиноий жавобгарлик — ҳукм қилиш — ҳукмда назарда тутилган жазо чораларини ўташда ифодаланади.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этганлик учун ҳукм қилиш ва жиноий жавобгарликка тортишнинг оқибати бўлиб жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳисобланади.

Жазо — жавобгарликнинг муҳим хусусиятидир.

Жазо — жиноятчига нисбатан суд томонидан қўлланиладиган, жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатини ифодалайдиган, жиноий жавобгарликнинг амалга оширилиш шакли бўлган мақсадли давлат мажбурлов чораси.

Жиноий жавобгарликнинг реал ифодаси, асосан, жазода ўз аксини топади. Бироқ жиноий жавобгарлик ва жазони айнан бир тушунча дея олмаймиз. Жиноий жавобгарлик ва жазо бирбири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Бу фикрлар айрим хулосалар чиқаришимизга имкон беради.

Биринчидан, жиноий жавобгарлик давлат мажбурлов чорасининг бир тури ва моҳиятан жиноятҳуқуқий муносабат билан бир бўлганлиги учун жиноий жазо тушунчасига нисбатан кенг. Иккинчидан, жиноий жазо, жиноийҳуқуқий мажбурлов чораси сифатида жиноий жавобгарликнинг барча босқичларида намоён бўлади.

Биринчи босқичда (жиноят содир этилган пайтдан то айбланувчи сифатида ишга жалб қилингунга қадар бўлган оралиқ давр) жиноятчига ижтимоий хавфли қилмиш содир қилингани учун жазо хавфи юзага келади. Иккинчи босқичда (шахсни айбланувчи сифатида ишга жалб қилинганидан то ишни судга топширилгунга қадар) жиноятчини жазога тортишга ҳозирланади. Учинчи босқичда (суд процессидан то ҳукм ижрога топширилгунга қадар) маҳкум суд томонидан белгиланган муайян тур ва миқдордаги жазо билан жазоланади. Тўртинчи босқич (суд айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан то жазо муддати тугагунгача ёки муддатидан аввал жазодан озод қилингунга қадар) жиноятчи

томонидан жазо ўташ жараёни бўлади. Ниҳоят, жиноий жавобгарликнинг бешинчи босқичида (жазони ўтаб бўлган ёки жазодан муддатидан аввал озод қилинганидан то судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки олиб ташлангунига қадар) жазони ижро этиш ва судланишнинг оқибатлари намоён бўлади.

Жазо мақсадли давлат мажбурлов чораси сифатида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан бирга уни қайта тарбиялайди ҳам, шунингдек, умумий ва махсус тарзда огоҳлантиради.

Шундай қюғиб, жиноий жавобгарликнинг жазолаш томони ҳукм қилишдан келиб чиққан, аммо унга нисбатан иккинчи даражали, яъни жазо жиноий жавобгарликнинг ҳуқуқий оқибати бўлиши билан бирга судланиш жазо қўллашсиз ҳам амалга оширилиши мумкин.

Жиноий жавобгарликнинг барча босқичларида у ёки бу турдаги жазо тўғрисида сўз борар экан, у аксарият ҳолларда давлат мажбурлов чорасининг асосий кўриниши, жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг асосий шакли ҳисобланади.

Бошқа жиноий ҳуқуқий таъсир чораларига тиббий йўсиндаги ҳамда вояга етмаганларга нисбатан тарбиявий характерда бўлган мажбурлов чораларини киритишимиз мумкин.

Ушбу мажбурлов чораларининг асослари, мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталмасдан, улар қайси ҳолларда жиноий жавобгарликни юзага келтириши ва бунинг ҳуқуқий оқибати ҳақида тўхталсак, уларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1) бу чораларни қўллаш ёки жиноий жазони истисно қилади (муомалага лаёқатсизлар ва вояга етмаганлар учун) ёюи жазони вақтинча тўхтатади (айблов ҳукми кучга кирганидан сўнг сурункали рухий касалликка дучор бўлган шахслар учун) ёхуд жиноий жазони ижро этиш билан бир вақтда амалга оширилади (алкоголизм ёки гиёҳвандликка чалинганлик ташхиси бор шахслар учун);

2) қайси шахслар давлат мажбурловининг ушбу чораларига тортилиши лозим бўлса, уларнинг хоҳишидан қатъи назар тортилади, бош тортган тақдирда давлат томонидан ҳуқуқий таъсир чораси кўрилади;

3) бу чораларни қўллаш суд органлари томонидан амалга оширилади;

4) мазкур чораларни қўллаш жазо сифатида кўринмайди ва судланганликни келтириб чиқармайди, лекин жиноий жавобгарликни истисно қилмайди.

Ушбу ҳуқуқий таъсир чораларининг бир қатор жиноий жазога ўхшаш томонлари мавжуд, аммо улар умумий жиҳатдан бирбиридан фарқ қилади. Ҳуқуқий таъсир чораларининг жиноий жазо билан ўхшашликлари қуйидагиларда кўринади:

— мазкур ҳуқуқий таъсир чоралари жазо сингари жиноий жавобгарликни амалга ошириш шакллари билан ҳисобланади;

— жиноят ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашнинг асоси — ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши саналади;

— бу чораларни ҳуқуқий тартибга солиш ва қўллаш жиноят қонуни билан амалга оширилади;

— бу таъсир чораларини қўллашнинг бевосита ҳуқуқий асоси — суд органларининг қонуний ҳужжатиدير;

— ушбу ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш жиноят содир этган шахслар муайян ҳуқуқларининг чекланишини назарда туттади.

Мазкур ҳуқуқий таъсир чораларининг жиноий жазодан асосий фарқи шуки, гарчи улар жиноий жавобгарликни амалга ошириш шакли саналса ҳам, бу чоралар судланганликни келтириб чиқармайди.

Ҳуқуқий таъсир чоралари ижтимоий хавфли қилмиш содир этишнинг ҳуқуқий оқибатиدير. Ушбу чоралар аксарият ҳолларда, умумий ва хусусий огоҳлантирув мазмунида бўлади. Айбдор шахс суд томонидан ақли норасо деб топилган тақдирда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари кўринишида ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши тўғрисидаги масала қўйилади. Ҳолбуки, мазкур чораларнинг асосий мақсади келажакда жиноят содир қилинишининг олдини олишдан иборат бўлади. Шу сабабли ҳуқуқий таъсир чорасини жазо деб баҳолаш нотўғриدير. Шу билан бирга бу ҳуқуқий таъсир чоралари шахснинг

хуқуқларини чегаралаб қўяди ва ҳеч қандай сўзсиз ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг келажакдаги жиноятининг олдини олади. Жиноий жавобгарлик ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишининг хуқуқий оқибати экан, хуқуқий таъсир чоралари ҳам содир этилган жиноят оқибатидир.

ЖК 16моддаси 1қисмига кўра, жазо ва бошқа хуқуқий таъсир чоралари айбдорга нисбатан фақат суд томонидан қўлланади. Жиноий жавобгарликнинг мазмуни суд жавобгарлигини ҳам ўз ичига олади.

«Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, ушимг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади» (Конституциянинг 26моддаси). Бундан ташқари, Конституция қоидаларига асосланган ЖПК 12моддасига мувофиқ, жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади. Шу сабабли бу форма жиноятхуқуқий аҳамиятга эга бўлмай, фақат жиноийпроцессуал аҳамиятга эга дейиш нотўғри бўлади.

Конституция ҳам ЖПК сингари жиноий жавобгарликнинг муҳим белгиси бўлган жазонинг суд томонидан қўлланилишини қайд этган. Шу жумладан, ЖК 16моддаси 1қисмида ушбу қоида жиноий жавобгарликнинг энг муҳим белгиси қилиб белгиланган.

Суд томонидан айблов ҳукмининг чиқарилиши (унинг қонуний кучга кириши) жиноий жавобгарликни юзага келтирувчи формал таркибнинг охириги белгиси ҳисобланади. Бу ҳолат формал ва моддий аҳамиятга эга.

Формал аҳамиятга эгалиги жиноят қонуни жиноий жавобгарликни жиноят содир этган шахсни айбдор деб топилиши билан боғлайди.

Моддий аҳамиятга эгалиги шундаки, айнан шу ҳолатда, шу дақиқада жиноятхуқуқий муносабат юқори даражада аниқланиб, жиноий жавобгарлик таркибига айланади. Суд айблов ҳукми чиқариш орқали давлат билан судланган шахснинг ўзаро хуқуқ ва мажбуриятларида бевосита давлатнинг жазо чораларини қўллаш функциясини амалга оширади. Жиноий жавобгарликнинг мазмунмоҳияти жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахсни тайинланган жазо муддатини ўташ мажбуриятида ифодаланади. Бу мажбурият шахс суд ҳукми қонуний кучга кирганидан бошлаб, то судланганлик муддати тугаганда ёки тегишли равишда олиб ташланганда намоён бўлади. Жавобгарликнинг амалга оширилиш усулларида бири айблов ҳукмида кўрсатилган жазо тури ва миқдорини ўтаб чиқиш мажбуриятини юклаш ҳисобланади.

Жиноий жавобгарлик шакли — жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахсни давлат номидан суд қилиш, оммавий танбех бериш.

Жиноий жавобгарликнинг мазмуни жавобгарликка тортилган шахс билан давлат ўртасида вужудга келадиган ўзаро хуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидан ифодаланади.

Жиноий жавобгарлик фақатгина суд ҳукмида кўрсатилган жиноятхуқуқий муносабатлар доирасидаги хуқуқ ва мажбуриятларни ифодалайди. Жиноий жавобгарлик суд ҳукми билан шахс айбдор деб топилган вақтдан бошлаб (ҳукмнинг қонуний кучга кириши билан) вужудга келади.

2§. Жиноий жавобгарлик асоси сифатида жиноят таркиби: тушунчаси ва аҳамияти

Жиноятхуқуқий муносабатларнинг энг муҳим хусусияти бу жиноятни квалификация қилиш ҳисобланади. **ЖК 16моддаси 2қисмига** мувофиқ, жиноий жавобгарликка тортишнинг ягона асоси ЖКда назарда тутилган жиноят таркибининг барча

аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этишдир. Бу ҳолатда қонун чиқарувчи жинойй жавобгарликнинг ҳам фактик асоси (шахс томонидан содир қилинган қилмиш), ҳам норматив асосини (Махсус қисмнинг тегишли моддасида назарда тутилган жинойт таркиби) кўрсатган. Содир этилган қилмиш билан Махсус қисм тегишли моддасида назарда тутилган жинойт таркибининг мувофиқлиги махсус ваколатли давлат органларига айбдорни жинойй жавобгарликка тортиш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш учун имкон беради. Айнан жинойт таркиби жинойй жавобгарликнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Жинойт таркиби деганда, аниқ ижтимоий хавфли қилмишни жинойт деб баҳолаш учун зарур бўлган объектив ва субъектив элементлар йиғиндиси тушунилади. Бу элементлар жинойт қонунида мустақамланганлиги боис, у ёки бу ижтимоий хавфли қилмишнинг жинойт деб баҳоланмоғи учун зарур ҳисобланади.

Албатта, қонун чиқарувчи жинойт таркибини шакллантиришда жинойтнинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқади.

Жинойт таркиби — жинойй жавобгарликнинг асоси бўлатуриб, исталган жинойтни квалификация қилишнинг муҳим шarti — юридик асоси бўлиб хизмат қилади. Жинойт таркибининг таркиб деб номланишининг асосий сабаби шундаки, унда жипояни, объектив томони, субъекти ва субъектив томони (элементлар) бир бутунҳолда мужассамлашгаи. Буларни барчаси ижтимоий ҳаётнинг айрим (ижтимоий хавфли) ҳолати бўлшн жинойтни ташкил қилади.

Жинойтнинг аниқ таркибида шу жинойтнинг ўзигагина хос бўлган умумий белгилар мавжуд бўлиб, бу белгилар ҳақиқатда содир этилаётган ҳар бир қилмишда ўз аксини топади, Жинойт қомунида жинойт таркибини ташкил этадиган бу белгилар, биринчидан, ушбу турдаги ҳар бир ижтимоий хавфли қилмишда такрорланади, иккинчидан, аҳамиятли ҳисобланади, учинчидан, ижтимоий хавфлиликни ифодалайди.

Ҳар бир аниқ жинойтнинг таркиби ва белгилари жинойт қонуни — ЖК Умумий ва Махсус қисми моддаларида назарда тутилган. Махсус қисм моддаларида ҳар бир жинойтнинг таркиби индивидуал равишда ифодаланиб, бу таркибнинг бошқа жинойт таркибларидан фарқини намоён қилса, Умумий қисм моддалари барча ёки бир гуруҳжинойттаркибларининг белгисини ифодалайди.

Жинойт таркиби умумижтимоий ва жинойтҳуқуқий аҳамиятга эга.

Жинойт таркибининг умумижтимоий аҳамияти жинойт таркибини ташкил этувчи белгилар бирлигида ифодаланувчи хулқатворга нисбатан жамият, давлат ва тегишли ҳуқуқ нормасининг салбий муносабатида намоён бўлади, яъни жинойт таркиби бу тақиқловчи норма ёки жамият аъзосининг хулқатвор меъёридир.

Жинойт таркибининг жинойт ҳуқуқий аҳамияти бир қатор ҳолатларда ифодаланади:

—биринчидан, у содир қилинган қилмишни баҳолаш, аниқроғи жинойтни квалификация қилишнинг қонуний асосидир. Жинойт таркиби содир бўлган ҳрдиса (ҳолат)ни солиштириш учун эталон (ўлчов бирлиги) ҳисобланади;

—иккинчидан, жинойтни квалификация қилишда жинойт таркиби муҳим роль ўйнайди. Бу жараёни рўёбга чиқарувчи судтергов ходимлари содир бўлган ҳолат белгиларини ЖК тегишли моддаларида белгиланган жинойт таркиби билан солиштирган ҳолда квалификация қиладилар;

—учинчидан, жинойт таркибининг тўғри аниқланиши жинойтни тўғри квалификация қилиш учун асос бўлади, Клзалификация қилиш ҳақиқатда содир этилган қилмишни қонунда кўрсатилган белгилар билан солиштириб, бошқалар учун шунга ўхшаш қилмишларни содир қилишни тақиқлашга имкон беради;

—тўртинчидан, бир томондан муайян жинойт таркиби белгиларини, иккинчи томондан содир бўлган жинойт таркиби белгиларининг бирбирига мослигини қайд этиш

жиноят содир қилган шахс ҳуқуқлари кафолатларидан биридир, яъни унинг ўз қилмишини қонунга мувофиқ квалификация қилишни талаб қилиш ҳуқуқини ифодалаб беради;

— бешинчидан, жиноят таркиби ва унинг белгиларининг аниқланиши судтергов амалиётида жиноятҳуқуқий нормани кўллашда қонунийлик принципининг кафолатидир.

3§. Жиноят таркибининг тузилиши. Жиноят таркибининг зарурий ва факультатив белгилари

Қилмиш ўзўзидан жиноят деб топилмай, қонун чиқарувчи томонидан чиқарилган жиноятҳуқуқий нормаларда, аниқроғи, ЖК Махсус қисми аниқ моддаларида белгиланган жиноят белгилари билан солиштирилгандан кейингина шундай тўхтамга келиш мумкин.

Жиноят таркибининг барча белгиларини ташкил этувчи ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этиш жинойий жавобгарликка тортиш учун етарли асосдир, яъни жиноятҳуқуқий таъқибни амалга оширувчи орган гумонланувчи (айбланувчи)ни жинойий жавобгарликка тортиш учун унинг қилмишида жиноят таркиби мавжудлигини аниқлаши лозим.

ЖК Махсус қисми моддалари жиноятнинг конструкциясини, яъни объектив ва субъектив элементларини ажратиб кўрсатади. **Жиноят таркиби элементлари** қуйидагилар ҳисобланади:

- жиноят объекти;
- жиноятнинг объектив томони;
- жиноятнинг субъектив томони;
- жиноят субъекти.

Объектив элементларга жиноят таркибининг объекти ва объектив томони киради.

Субъектив элементларга субъект ва субъектив томон киради.

Жиноят таркиби элементлари бирбири билан узвий боғлиқдир. Агар содир этилган қилмишда юқорида кўрсатилган элементлардан бирортаси мавжуд бўлмаса, жинойий жавобгарликка тортишга асос ҳам бўлмайди.

Бошқа барча ҳолатлар (айбдорнинг шахсини ифодаловчи ва бошқа ҳолатлар) жинойий жавобгарликка тортишда аҳамиятга эга эмас. Аммо бу ҳолатлар суд томонидан жазо тайинлашда эътиборга олинishi мумкин. Қилмишда жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги жиноят қидирув ишлари олиб борилишини тақозо этмайди. Агар жиноят иши кўзғатилган бўлса, жиноят таркиби йўқлиги сабабли тугатилиши лозим.

Ҳар бир жиноят таркибида унинг элементларини умумий таркибни ташкил этадиган ва муайян жиноят таркибини хос булган белгилар мавжуд.

Объектив ва субъектив элементлар зарурий ва факультатив белгиларга эга.

Зарурий белгилар жиноят таркиби мавжуд бўлиши учун зарур бўлган белгилар бўлиб, уларнинг йиғиндиси қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун минимал ва етарли бўлган ижтимоий ҳавфлилигини ташкил қилади.

Ушбу белгиларнинг ҳатто биттаси мавжуд бўлмаса ҳам жинойий жавобгарликка тортиш учун асос ҳам бўлмайди. Буларга қуйидагилар киради: жиноят объекти; формал жиноят таркибининг объектив томонида — қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик); моддий жиноят таркибининг объектив томонида эса, қилмиш, оқибат ва улар ўртасидаги сабабий боғланиш; таркибнинг субъектив томонида қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги айб; субъектда — «умумий» субъектнинг аломатлари, яъни қонунда назарда тутилган ёшга тўлган акди раео жисмоний шахс.

Факультатив белгилар жиноят таркибининг мавжудлигини англамайдиган, квалификацияга таъсир этмайдиган, лекин жазони индивидуаллаштиришда ҳисобга олинадиган белгилар.

Факультатив белгиларга қуйидагилар киради: жиноят иредмети; формал жиноят таркибининг объектив томонида жинойий оқибатлар, сабабий боғланиш, жиноят содир этиш вақги, жойи, усули, воситаси, қуроли, шароити, моддий жиноят таркибининг объектив

томонида эса фақатгина жиноят содир этиш вақди, жойи, усули ва бошқа ташқи ҳолатлар; субъектив томонда — мотив ва эмоционал , ҳолат; субъектда — махсус субъектнинг белгилари.

Жиноятхуқуқий нормалар диспозициясида факультатив белгилар кўрсатилиши ҳам, кўрсатилмаслиги ҳам мумкин. Агар Махсус қисм моддалари диспозициясида ушбу белгалар кўрсатилган бўлса, қилмишни ўша белгисиз квалификация қилиб бўлмайди. Масалан, ЖК 97моддаси 2қисми «и» банди тамагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш учун жавобгарликни назарда тутди. Қилмишни ушбу модда билан квалификация қилиш учун тамагирлик ниятини ўзида ифодалаган мотивни аниқлаш зарур. Мазкур белги умумий қоидага кўра факультатив, бироқ диспозицияда тўғридан тўғри кўрсатилганлиги учун зарурий белги бўлиб келяпти. Янада аниқроқ қилиб айтганда, тамагирлик ниятидаги мотив бўлмаса, ЖК 97моддаси 2қисми «и» бандидаги жиноят таркиби ҳам мавжуд бўлмайди. Ёки бўлмаса, масалан, ўқотар қурол, ўқдорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш ёки уларга қонунга хилоф равишда эгаллик қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятларда (ЖК 247—248моддалари) жиноят предмети зарурий белги ҳисобланади.

4§. Жиноят таркибининг турлари

Жиноят қонуни — ЖК Махсус қисми моддаларида ифодаланишига кўра жиноят таркиби учта асос бўйича таснифланади:

- ижтимоий хавфлилик даражасига кўра;
- тавсифланиш усулига кўра;
- тузилишининг хусусиятига кўра.

Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра жиноят таркиби уч турга бўлинади: асосий; енгиллаштирувчи; оғирлаштирувчи (алоҳида оғирлаштирувчи). Бу таснифлаш характери жиҳатдан ўхшаш бўлган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини чекланган доирада индивидуаллаштиришга, айбдорни жазолаш ва квалификациянинг аниқдигини таъминлашга имкон беради.

Асосий таркиб — бу шундай жиноят таркибики, унинг белгилари шундай жиноят ёки жиноятлар гуруҳидаги барча жиноятлар учун ҳосдир. Масалан, ЖК 97моддаси 1қисмида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш ЖК 97моддаси 2қисми, шунингдек, ЖК 98— 101моддаларидаги жиноятларга нисбатан асосий таркибли жиноят ҳисобланади.

Енгиллаштирувчи таркиб енгиллаштирувчи белгиларга эга бўлади. Масалан, ЖК98—101моддаларида назарда тутилган жинояттаркиблари — кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш, онанинг ўз қақалоғини қасддан ўлдириши.

Оғирлаштирувчи (алоҳида оғирлаштирувчи) таркиб — оғирлаштирувчи белгиларга эга бўлган жиноят таркиби. Масалан, ЖК 97моддаси 2қисмида назарда тутилган жиноятлар таркиблари икки ёки ундан ортиқ шахсни бир гуруҳ шахслар томонидан тамагирлик ниятида ўлдириш.

Енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи таркиблар жиноятнинг асосий таркибига боғлиқ равишда таърифланади.

Тавсифланиш усулига кўра жиноят таркиби иккига бўлинади: оддий ва мураккаб.

Оддий таркиб — бир объект, бир қилмиш, бир оқибат ва бир айб шаклига эга жиноят таркибидир. Масалан, ўтрилик (ЖК. 169моддаси 1қисми).

Мураккаб таркибларда элементлар сонининг ортиши (масалан, иккита объект, иккита қилмиш, иккита оқибат, иккита айб шакли); жиноятсодир қилиш процессинингузайиши (давомли на узоққа чўзилган жиноятлар); элементларнинг муқобиллиги; бипа таркиб доирасида бир неча оддий таркибларнинг мавжудлиги (таркибли жиноятлар) билан боғлиқ равишда кўп элементлилик юзага кслади.

Кўп объектли жиноят таркибларида тажовуз икки ёки ундан ортиқ жиноятхуқуқий нормалар билан кўриқданадиган объектга қаратилади. Мулк ва ижтимоий хавфсизликка таҳдид солувчи ЖК 247моддасида кўрсатилган жиноят таркиби (ўқотар қурол, ўқдорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш) кўп объектли жиноятга мисол бўлади.

Икки ёки ундан ортиқ ҳаракатни назарда тутувчи мураккаб жиноят таркиблари аниқ бир жиноятни икки ёки ундан ортиқ ҳаракат билан содир этишни назарда тутлади. Масалан, номусга тегишда (ЖК 118моддаси) жинсий алоқа зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб қилинади.

Икки ёки ундан ортиқ оқибатни назарда тутувчи жиноят таркибига жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш учун жавобгарликни белгилайдиган ЖК 104моддаси 3қисми «д» бандидаги жиноят таркибини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Иккита айб шаклига эга бўлган жиноят таркибида объектив томон мураккаблашган бўлади. Бунда қасддан содир этилган жиноят оқибатида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиққанлиги учун қонун жавобгарликни оғирлаштиради (ЖК 23моддаси). Масалан, жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104моддаси 3қисми «д» банди).

Муқобил таркибларда бир қатор қилмишлар назарда тутиладики, улардан бирини содир қилиш, жиноятни тугалланган деб топиш ва жиноий жавобгарликка тортиш учун етарлидир. Масалан, монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖК 183моддасига мувофиқ, ушбу жиноят монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органга ахборотлар бермаслик ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни била туриб тақдим қилиш орқали, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин, содир қилиниши мумкин. ЖК 256моддасига кўра, илмий тадқиқот ёки синов тажриба фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларини бузишдан иборат бўлган жиноят таркиби таркиби мазкур модданинг 1қисми диспозициясида назарда тутилган оқибатлар юз берган, шу жумладан баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказилган ҳолдагина мавжуд бўлади.

Таркибли жиноятлар икки ёки ундан ортиқ оддий мустақил жиноятлардан иборат бўлган жиноятлардир, улар алоҳида олинганида ҳар бири мустақил жиноят таркибини ташкил этади. Бундай белгиларга зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлган талончилик жиноятининг таркиби (ЖК 166моддаси 2қисми) эга, унда ўзганинг мулкани очикданочиқ талонторож қилишдан иборат жиноий мақсадга ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш орқали эришилади. Ёки масалан, безорилик жинояти (ЖК 277моддаси) баданга тан жароҳати етказиш ва ўзганинг мулкани нобуд қилишни қамраб олади.

Тузилишининг хусусиятига қараб жиноят таркиблари учта турга бўлинади: формал, моддий ва кесик.

Оқибатни қамраб олмаган ва фақат қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дан иборат бўлган жиноят таркиби **формал таркиб** ҳисобланади. Масалан, урушни тарғиб қилиш (ЖК 150моддаси), агрессия (ЖК 151моддаси) ва бошқалар. Формал таркибли жиноятларда фактик оқибатлар келиб чиққанлигига қарамай қилмиш содир этилган вақт жиноят тамом бўлган вақт деб ҳисобланади.

Моддий таркиб ЖК Махсус қисми моддаларида назарда тутилган қилмиш натижасида юзага келадиган оқибат ҳамда қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни қамраб олади. Масалан, қасддан баданга ўртacha оғир шикаст етказиш (ЖК 105моддаси) ёки экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш (ЖК 193моддаси) ва бошқалар. Моддий таркибли жиноятларда диспозицияда кўрсатилган оқибат юзага келиши билан жиноят тамом бўлган ҳисобланади.

Кесик таркибда жиноятнинг охирига етган вақтини қонун олдинги босқичга кўчиради. Масалан, босқинчилик (ЖК 164моддаси) ёки жиноий уюшма ташкил этиш (ЖК 242моддаси) ва бошқалар.

Жиноят таркибини бундай таснифлаш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга, зеро шу йўл билан жиноят қонунининг одиллик (ЖК 8моддаси), инсонпарварлик (ЖК 7моддаси) каби муҳим принциплари рўёбга чиқади ва жиноятларни тўғри квалификация қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, жиноят ҳуқуқи назариясига мувофиқ, элементларнинг аниқ ва баҳоловчи белгиларини кўрсатувчи жиноят таркиблари ажратилади.

Элементларнинг аниқ белгиларини кўрсатувчи жиноят таркибларида барча белгилар Махсус қисм моддалари диспозициясида ижтимоий хавфлилик нукгаи назаридан аниқ кўрсатилади. Бу қонунда

«кўп миқдор» ёки «жуда кўп миқдор» каби қолигати сўзларни қўллашда ифодаланади. Улар энг кам ойлик иш хақи миқдоридан келиб чиқади.

Элементларнинг баҳоловчи белгиларини кўрсатувчи жипояттаркибларида хавфлилик даражасиғги қонунда аниқ кўрсатишнинг иложи йўқ. Бунда ижтимоий хавфлилик даражаси суд ёки доктор орқали амалга оширилади. Масалан, «фуқаролар, жамият ва даилатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар», «ўта шафқатсизлик», «шахсий манфаатлар» каби атамалар суд томонидан шарҳланишга муҳтож.

«Жиноий жавобгарлик ва унинг асослари» мавзуси юзасидан яқуний саволлар

1. Жиноий жавобгарлик нима?
2. Жиноий жавобгарлик ва жиноятҳуқуқий муносабатнинг ўзаро нисбати нимадан иборат?
3. Жиноий жавобгарликнинг ҳуқуқий оқибатлари нимадан иборат? Уни амалга оширишнинг охири босқичи қандай?
4. Жиноий жавобгарликнинг асоси нима?
5. Жиноят таркиби деганда нима тушунилади? Унинг умумижтимоий ва жиноятҳуқуқий аҳамияти нимада?
6. Жиноят таркибининг қавдай элементлари мавжуд? Жиноят таркиби элементи ва белгисининг ўзаро нисбати нимадан иборат?
7. Жиноят таркибининг зарурий ва факультатив белгилари сонига нималар киради?
8. Жиноят таркиби факультатив белгиларининг аҳамияти нимадан иборат?
9. Жиноят таркибларини таснифлашнинг қандай асослари мавжуд?
10. ЖКда асосий, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи жиноят таркибларининг мавжуд бўлишини аниқ мисоллар билан исботланг.
11. Ўта оғирлаштирувчи жиноят таркиби нима?
12. Оддий ва мураккаб жиноят таркибларининг ўзаро нисбати нимадан иборат?
13. ЖК Махсус қисмида кўп объектли жиноят таркибларини, | икки ёки ундан ортиқ ҳаракат билан, икки ёки ундан ортиқ оқибат билан, иккита айб шаклига эга бўлган, муқобил жиноят таркибларини ҳамда таркибли жиноятларни топинг.
14. ЖК Махсус қисмида формал, моддий ва кесик таркибли жиноятларни топинг. Формал ва кесик таркибли Жиноятлар ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
15. ЖК Махсус қисмида элементларнинг баҳоловчи белгиларини кўрсатувчи жиноят таркибларини топинг.

V БОБ. ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИ

1§. Жиноят объекти тушунчаси ва аҳамишти

ЖК Махсус қисмида назарда тутилган ҳар қандай жиноят ким гадир ёки нимагадир қаратилган тажовуз ҳисобланади.

Жиноят объекти — жиноий тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз орқали унга зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатдир.

Жиноят объекти жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатдир. Ушбу ижтимоий муносабатлар ЖК 2моддасида маълум кадриятлар тариқасида ҳамда ЖК Махсус қисми бўлим (8бўлимдан ташқари) ва боблари номланишида ифодаланган.

Ижтимоий муносабатлар инсонлар ўртасида уларнинг ҳаёти фаолияти жараёнида вужудга келадиган алоқалардир. Ижтимоий муносабатлар жамиятнинг мавжудлиги жараёнида шаклланиб боради. Улар қонун туфайли, жумладан, жиноят қонуни туфайли юзага келмайди, аммо қонун уларнинг ривожланиши, шаклланиши ва шахс, жамият ва давлат манфаатлари билан мослигини мустаҳкамлашга замин яратиши мумкин.

Ижтимоий муносабатларни жиноят қонуни ўз ҳимоясига олганида, улар жиноятҳуқуқий муҳофаза объекти деб эълон қилинади ва маълум шартларда потенциал жиноят объекти бўлиши мумкин, шунингдек, бир ижтимоий муносабат бир ёки бир неча жиноят объекти бўлиши мумкин.

Жиноят содир этилаётганда жиноятҳуқуқий норма бузилади, Аммо у иккиламчи, чунки доимо ижтимоий муносабат бирламчидир. Зеро, жиноятҳуқуқий норма ижтимоий муносабатни муҳофаза қилиш учунгина мавжуддир. Жиноят жиноятҳуқуқий нормани бузишга эмас, балки ижтимоий муносабатга зарар етказишга қаратилади. Жиноят объекти эса, жиноят зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган нарсадир.

, Бу ҳолатда объектни моддий деб ўйламаслик лозим. Жиноят объекти — ижтимоий категория ва у ҳеч қандай моддий аломатларга эга эмас, ижтимоий муносабатлар эса, худди шундай категориядир.

Бир қатор ҳолларда, масалан, хусусий мулк ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуқ соҳаларида ижтимоий муносабатлар ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари нормаларида белгилаб қўйилади.

Ижтимоий муносабат жиноят объекти сифатида бир неча таркибий элементларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий муносабат мавжудлигининг сабаби бўлган предмет;
- ижтимоий муносабат субъекти;

—ижтимоий муносабат таркиби сифатида ижтимоий алоқа. Жиноят объекти сифатида ижтимоий муносабатларга бир қатор

белгилар хос бўлиб, улар ёрдамида жиноят объекти деб эълон қилинган ижтимоий муносабатларни ажратиш, уларнинг моҳиятини очиш, уларнинг бошқа жиноятҳуқуқий категориялар билан чегарасини белгилаш ва ниҳоят, жиноят объектига етказиладиган зарар хусусиятини аниқлаш мумкин.

Биринчидан, жиноят объекти деб эълон қилинган ижтимоий муносабатлар ўзида жамиятда юзага келган қимматли мезон асосларини тасвирлайди. Жиноят қонунида белгиланган муҳофаза объектларининг қанчалик каттиқ қўриқланишига қараб, жамиятдаги энг муҳим, биринчи даражали ижтимоий муносабатларни билиб олиш мумкин. Бу кўп жиҳатдан ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилувчи нормалар кетмакетлигига ҳам боғлиқ. Хусусан, қонунчилик бу кетмакетликни ЖК 2моддасидаги принципга асосан амалга оширади.

Иккинчидан, қонун чиқарувчи томонидан жиноят объекти сифатида фақат энг муҳим, қиймати юқори ва давлат муҳофазасига муҳтож ижтимоий муносабатлар тан олинади. Шунга эътиборни қаратиш лозимки, жиноят объекти деб эълон қилинадиган ижтимоий муносабатларнинг аксарияти умуминсоний кадриятлардир, масалан, шахснинг жисмоний ва маънавий дахлсизлигига оид муносабат ва бошқалар.

Учинчидан, жиноят объекти ижтимоий категория бўлиб, ҳеч қандай моддий аҳамиятга эга эмас, яъни жиноят объектини жиноят предметидан фарқлаш мезонидир.

Тўртинчидан, жиноятнинг объектига нисбатан таъсир этиш механизми шундан иборатки, жиноят содир этилаётганда жиноят объекти сифатида ижтимоий муносабат парчаланиб, йўқолиб кетмай, фақатгина бузилади. Масалан, одам ўлдириш жиноятида шахс ўлдирилади, аммо у жиноят объекти сифатида йўқ қилиб юборилмайди (инсон ҳаётини таъминловчи ижтимоий муносабатлар). Бундан келиб чиқадики, жиноят объектининг субъекти (ижтимоий муносабатнинг таркибий қисми сифатида) жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳисобланади.

Жиноят объекти жиноят қонуни билан қўриқланадиган энг устувор ва ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган умумлашган ҳолда соф ижтимоий категория бўлган **ижтимоий муносабат** бўлиб, жиноят содир этилиши натижасида уларга зарар етказилади ёки зарар етказилиши хавфи остида қолади.

Жиноят объектининг аҳамияти шуидаки, у ҳар бир жиноятнинг зарурий элементи бўлиб, биринчи навбатда аниқланиши лозим. Тажовуз объектисиз ҳеч қандай аниқ жиноят таркиби мавжуд бўлмайди. Жиноят объектини тўғри аниқлаш қилмиши тўғри квалификация қилиш ва жиноят таркибини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади, шунингдек, жиноий қилмишларми маъмурий кукукбузарликлардан фарқлаш имкониятини беради.

Жиноят объекти ҳақиқатдан зарар етказиладиган ски тараф етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатни аниқлашга, яъни жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусиятини аниқлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, жиноят объекти аломатларш а қараб ЖКнинг Махсус қисми ишлаб чиқилган. Шунга биноан, жиноят қонунчилигини кодификация қилишда жиноят объектиинг ўрнини баҳоламаслик мумкин эмас.

2§. Жиноят объектининг турлари

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят объектини икки хил таснифлаш мумкин: ҳажмига кўра, таркибидаги элементларнинг ўхшашлигига кўра ва функционал хусусиятларига кўра. Шартли равишда уларни вертикалликка кўра ва горизонталликка кўра таснифлаш деб аташ мумкин.

Вертикалликка кўра жиноят объекти умумий, махсус, турдош ва бевосита объектларга бўлинади.

Умумий объект деганда, жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар мажмуи тушунилади.

Махсус объект — ЖК Махсус қисмининг бир бўлимига киритилган моддаларда назарда тутилган, жиноят тажовуз қиладиган, ўз табиатита кўра бир турдаги ижтимоий муносабатлардир.

Махсус объект ЖК Махсус қисми тузилишини шакллантириш ва бўлимларга ажратишнинг асосий мезони ҳисобланади. ЖК муайян бўлимлари жиноий қилмиш қаратилган махсус объектларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларига кўра тузиб чиқилган. Махсус объект ЖК Махсус қисми тузилишига қараб, улардаги ижтимоий кадриятларнинг бошқа ижтимоий муносабатларга нисбатан устуңлигини кўрсатишга хизмат қилади. Махсус объектларнинг кетмакетлиги у ёки бу ижтимоий муносабатларнинг кадрлилиги ва муҳимлилигидан далолат беради. Бир турдаги ижтимоий муносабатларга қаратилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ЖК Махсус қисми бўлимлари доирасида бобларнинг жойлашувига қараб аниқланади.

Турдош объект ижтимоий муносабатларнинг гоктимоий кадриятлар, кимматлилик махсус белгиларита қараб гуруҳланиши бўлиб, айна пайтда махсус объектнинг бир элементи ҳисобланади.

Турдош объект — жиноятларнинг хусусияти бўйича бирбирига яқин бўлган объект тури. Амалий ва назарий жиҳатдан бундай таснифлаш тажовузнинг даражаси ва хусусиятини акс эттиради. Масалан, шахсга қарши жиноятлар (махсус объект) ўз ичига шахснинг ҳаётига қарши қаратилган жиноятлар (I боб), соғлиққа қарши жиноятлар (II боб), жинсий эркинликка қарши қаратилган жиноятлар (IV боб) каби тартибда жойлашиб, булар жиноятнинг турдош объектини ташкил этади. Баъзи ҳолларда, Махсус қисм бўлими битта бобдан иборат бўлган тақдирда (масалан, 4бўлим ва XIV боб — экология соҳасидаги жиноятлар) турдош объект мавжуд бўлмайди, яъни у махсус объект билан бириккан бўлади.

Жиноятнинг бевосита объекти дейилганда, ижтимоий хавфли тажовуз содир этилаётганда бевосита тажовуз қаратилган ижтимоий муносабат тушунилади.

Айнан бевосита объект судтергов амалиётида жипоят таркибининг аниқланиши лозим бўлган қисмидир. Ёоиппа оъбект ЖК Махсус қисмининг моддаларида акс эттириладп.

Горизонтал бўйича объектларни таснифлаш жиноятни объектив билан боғлиқдир, яъни умумийдан хусусийлик **прқани** алоҳидаликка ёки аксинча. Ушбу таснифлашга кўра асосий, кўпшм ча ва факультатив объектлар фарқданади. Бундай таснифлаш назарий ва амалий аҳамияти шундаки, жиноий тажовуз бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча объектга қаратилган бўпиши мумкип (масалан, босқинчилик жиноятида тажовуз бир вақтнинг ўзида ҳам мулкка, ҳам шахсга қарши қаратилади). Бундай ҳолатларда, ижтимоий хавфли қилмиш одатда иккита объектга тажовуз қилиб, улардан бири албатта асосий, иккинчиси эса кўшимча объект бўлади.

Асосий объект — ЖК моддасини тузишда ушбу норма билан махсус ҳимояланган ижтимоий муносабат тури.

Кўшимча объект — ЖК Махсус қисми тегишли моддалари билан кўриқладиган асосий объектга тажовуз қилиш натижасида хавф остида қоладиган ижтимоий муносабат тури.

Жиноятнинг **факультатив объекти** — алоҳида олинган жиноятнинг асосий объектига (баъзан кўшимча) тажовуз қилишда зарар етказилиши мумкин ёки мумкин бўлмаган ижтимоий муносабат тури.

Факультатив объект жиноят таркибининг зарурий элементи эмас ва жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга бўлмайди. Баъзи ҳолларда жиноят содир қилинганида унга зарар етказилади, бошқа ҳолларда эса йўк, яъни бирорбир жиноят содир қилинганида объектнинг бу тури мавжуд бўлиши ё бўлмаслиги ҳам мумкин.

Факультатив объектга зарар етказиш айбдорга жазо тайинлашда ва етказилган зарарни қоплашда ҳисобга олинади.

3§. Жиноят предмети

Жиноят объекти ижтимоий муносабат сифатида жиноят предметини назарда тутлади. Жиноятҳуқуқий муҳофаза объектига қаратилган тажовуз бевосита жиноят предметита кўчади.

Жиноят предмети — жиноят объектига нисбатан тажовуз қилишда айбдор шахс тўғридантўғри таъсир этадиган, у туфайли ёки унинг учун жиноят содир қилинган объектив оламдаги жонли ёки жонсиз моддий нарсалар.

Ҳар қандай жиноят таркибининг зарурий элементи бўлган жиноят объектидан фарқли равишда жиноят предмети факультатив белги ҳисобланади. Масалан, тухмат (ЖК 139моддаси), ҳақорат қилиш (ЖК 140моддаси), дезертирлик (ЖК 288моддаси) каби жиноятларда жиноят предмети мавжуд эмас. Агар жиноят предмети ЖК Махсус қисми тегишли моддаларида тўғридантўғри кўрсатилган бўлса жиноят таркибининг зарурий элементи вазифасини бажаради ва квалификацияга таъсир кўрсатади.

Масалан, контрабанда (ЖК 246моддаси), транспорт воситасини олиб қочиш (ЖК 267моддаси) каби жиноят таркибларида жиноят предмети жиноий жавобгарликка тортиш билан бевосита боғлиқ.

Бундай ҳолатларда жиноят таркибининг зарурий элементи сифатида жиноят предмети ижтимоий хавfli қилмишни квалификация қилишда аҳамиятли роль ўйнайди.

Жиноят предмети ва жиноят объекти ўртасидаги фарқ шундаки, жиноят предмети ҳар доим объектив оламдаги моддий нарсадир, масалан, транспорт воситаси, ҳужжатлар, ҳдйвонлар, ўсимликлар, жиноят объекти эса ижтимоий катогирпи ҳисобланади. Агар жиноят содир этилиши натижасида жиноят объектга ярашар стқазилса ёки зарар етказиш хавфи туғилса, жиноят предмети эса жиноят оқибатида бутунлай йўқ қилиб юборилиши (масалан, одам ўлдириш, ЖК 173моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда ўт қўйиш) ёки ўзгаришсиз қолиши (масалан, транспорт воситасини олиб қочиш ёки ашёни ўғирлаш) ва ҳатто ўзининг сифатини яхшилаши мумкин.

Жиноят предметини жиноят объектив томонининг белгилари бўлмиш жиноят содир этиш қуроли ва воситаларидан фарқдаш Лозим. Жиноят предмети жиноят объектига тажовуз қилишда айбдор тўғридантўғри таъсир кўрсатадиган нарсадир. Масалан, ўқотар қурол, ўқдорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш (ЖК 247моддаси) жиноятида қуроллар жиноят предмети ҳисобланади, уюшган қуролли гуруҳ тузиш (ЖК 242моддаси 2қисми) жиноятида эса жиноят содир этиш қуроли ҳисобланади. Ёки масалан, транспорт воситасини олиб қочиш (ЖК 267моддаси) жиноятида автомобиль предмет бўлиб ҳисобланади, ўғирланган ашёни ташишда эса жиноят содир этиш воситаси ҳисобланади.

Жиноят предметининг аҳамияти катта. Бундан ташқари, жиноят предмети квалификация қилишга таъсир кўрсатиши мумкин, у яқин бўлган жиноят таркибларини (масалан, контрабанда ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) бирбиридан ажратиш асоси сифатида хизмат қилади ва жиноят оқибатида етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини аниқлашга ёрдам беради.

ЖК Махсус қисми айрим моддаларида жисмоний шахс сифатида инсон жиноят предмети сифатида назарда тутилади. Бундай ҳолларда жиноятнинг жабрланувчиси ҳақида сўз юритиш мумкин. Бунда субъект тажовуз қаратилган ижтимоий муносабатга айланади.

Жабрланувчи — жиноят бевосита қаратилган, жиноят натижасида зарар етган ва зарар (жисмоний, мулкый, маънавий) етказилиш хавфи остида қолган шахс.

Жабрланувчи кўп ҳолларда шахсга қарши жиноятларда намоён бўлади (одам ўлдиришда, тан жароҳати етказишда, номусга тегишда ва бошқаларда). Жонсиз предметлар сингари жабрланувчи, аниқроғи унинг шахсий хусусиятлари, ҳулқи зарурий ва оғирлаштирувчи белги ролини бажарган ҳолда қилмишни квалификация қилишга, пгунингдек, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолат сифатида жазо миқдорини белгилашга таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдириши жиноятида жабрланувчи фақатгина янги туғилган чақалоқ бўлиши мумкин. Шунингдек, ожиз аҳволдаги шахсни ўлдиришда жабрланувчи фақатгина жиноятчига қаршилиқ кўрсата олмайдиган ёки унга нисбатан содир қилинаётган қилмишнинг хусусиятини тушунишга лаёқатсиз бўлган шахс бўлиши мумкин. Ёки масалан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан одам ўлдириш жиноятида ўлим жабрланувчининг ғайриқонуний зўрлиги ёки оғир қарорати, шунингдек, бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юз берган бўлиши лозим.

«Жиноят объекти» мавзуси юзасидан яқуний саволлар

1. Жиноят объекти нима? Уминг аҳамияти нимадан иборат?
2. Жиноят объектларини таснифлаш асосига қандай мезонлар қўйилган?
3. Жиноят объектларини вертикалликка кўра ва горизонталликка кўра таснифлаш қандай объектларни ўз ичига қамраб олади?
4. ЖК Махсус қисми бўлимлари ва бобларининг тузилиши асосига жиноят объектларининг қандай турлари қўйилган?
5. ЖК Махсус қисмининг муайян моддаси мисолида асосий ва қўшимча объектларни аниқланг.
6. Факультатив объект деганда нима тушунилади? Факультатив объектнинг мавжудлигини назарда тутувчи жиноят таркибларининг мисолларини келтиринг.
7. Жиноят предмети деганда нима тушунилади?
8. Жиноят объекти ва предметининг ўзаро нисбати нимадан иборат?
9. Жиноят предмети ва жиноятни содир этишнинг қуроллари ва воситалари ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
10. «Жабрланувчи» тушунчаси нимани англайди? Шахснинг ёки жабрланувчи хулқининг хусусиятлари содир этилган қилмишнинг квалификациясига қандай таъсир кўрсатиши мумкин?

VI БОБ. ЖИНОЯТНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ

1§. Жиноятнинг объектив томони тушунчаси ва аҳамияти

Ҳар қандай жиноят — инсон хулқатворининг ташқи кўриниши, яъни онг ва ирода назорати остида содир қилинадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишидаги қилмишдир.

ЖК Махсус қисми норма ва қоидалари ўрганилганда, жиноят таркибининг кўриб чиқилаётган элементига хос томонларни кўриш мумкин:

— биринчидан, объектив томон жиноятпроцессуал тартибда исбот қилинадиган ва ўрнатиладиган, жиноят объектига қарши қаратилган тажовузни таърифлайдиган жиноятнинг белгилари мажмуини ифодаловчи шахс қилмишининг ташқи кўриниши;

— иккинчидан, объектив томонни ифодаладиган белгилар (ҳолатлар) ижтимоий аҳамиятли ҳисобланади ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ҳамда даражасини билдириб туради;

— учинчидан, бу белгилар умумий ифодага эга, яъни реал воқеликда содир қилинадиган жиноятлардан келиб чиқади;

— тўртинчидан, жиноят таркибининг объектив томони юридик аҳамиятга эга, чунки у жиноят қонунида ва бошқа нормативҳуқуқий ҳужжатларда бланкет диспозиция сифатида назарда тутилади.

Жиноят таркибининг **объектив томони** — тажовузнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ифодаладиган, жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга қарши қаратилган ижтимоий хавфли тажовузнинг ташқи ҳолатини характерловчи объектив, ижтимоий ва юридик аҳамиятга эга бўлган белгилар йиғиндиси.

Жиноят объектив томонининг биринчи навбатдаги аҳамияти шундан иборатки, уни тўғри аниқлаш ижтимоий хавфли қилмишни тўғри квалификация қилишнинг гаровидир. Таъкидлаш жоизки, ЖК Махсус қисми моддалари диспозицияларида жиноят таркибида бошқа элементларга нисбатан объектив томоннинг белгилари кўпроқ ифодаланган бўлади. Бу белгилар жиноятларни бирбиридан фарқлаш, бунинг натижаси сифатида жиноятларни квалификация қилиш мезони ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида битта объектга қаратилган бир хил айб шаклларида эга бўлган қилмишларни чегаралашда объектив томон муҳим роль ўйнайди. Масалан, бир вақтнинг ўзида битта объектга қаратилган, қасддан содир этиладиган, ғаразли ниётларда амалга ошириладиган ва умумий субъектга ла бўлган мулкмп м лонторож қилиш жиноятларини фарқлаш ЖК Махсус қисмларида турли хил тарзда ифодаланган объектив томонини орқали амалга оширилади.

Объектив томонни таҳлил қилиш бир қатор ҳолларда ифтиимча объектни аниқлашга имкон беради (масалан, ЖК 164 моддасида диспозицияси фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиғини кп, минловчи ижтимоий муносабат шакли сифатида қўшимча обввКГНИ

аниқдаш имконини беради). Шунингдек, объективтомопниш ало ҳида белгилари қонун чиқарувчи томонидан квалификацияловчи белги сифатида ифодаланади (масалан, жиноят содир этиш усули ва воситаси).

Тузилиши жиҳатидан объектив томоннинг зарурий ва факультатив белгилари мавжуд. Бунда зарурий ва факультатив белгилар моддий ва формал таркибли жиноятлар билан бевосита боғлиқбўлади.

(Бу тўғрисида мазкур том IV бобининг «Жиноят таркибининг тузилиши. Жиноят таркибининг зарурий ва факультатив белгилари» деб номланувчи 3§ га қаранг.)

2§. Жиноий қилмиш ва унинг турлари

Объектив томоннинг зарурий белгиси — қилмиш ЖК Махсус қисми барча моддаларида назарда тутилган. Шунинг учун қонун чиқарувчи қилмиш деганда, асосан, жиноятни назарда тутади.

Жиноий жавобгарликка фақат жиноий ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир қилган шахслар тортилиши мумкин. Қилмишсиз, яъни инсоннинг ташқи дунёдаги муайян хулқатворисиз жиноят ҳам, жиноий жавобгарлик учун асос ҳам йўқ. Инсоннинг маълум жиноий хулқатворида намоён бўлмаган жиноят содир қилиш ҳақида фикр билдиришнинг ўзи жиноятни ташкил қилмайди,

Айни пайтда, жиноятхуқуқий маънода қилмишни ҳаракатлар тизими, шахснинг фаолияти, хулқатвори билан тенглаштириш керак эмас. Аксарият ҳолларда жиноят таркиби сифатидаги қилмиш! «хулқатвор», «фаолият»ни эмас, балки алоҳида бўғинлардан ташкил топган аниқ ҳаракатни қамраб олади (номусга тегиш, шикаст етказиш, қасддан одам ўлдириш). Буғвдан, жиноятхуқуқий маънодаги ҳар қандай ҳаракат ёки хулқатвор қам жиноят таркибидаги қилмиш бўла олмайди, деган хулоса қилишимиз мумкин.

Жиноий қилмиш — айбдорнинг онгли, ихтиёрий фаол ёки пассив хулқатворидир.

Фақатгина жиноят таркиби объектив томонининг белгиларини кўрсатувчи ва тўртта қуйидаги қисмдан иборат қилмиш жиноятхуқуқий аҳамиятга эга:

- хуқуққа хилофлик;
- ижтимоий хавфлилик;
- онглилик;
- ихтиёрийлик.

Ижтимоий хавфлилик ва ундан келиб чиқадиган хуқуққа хилоф

лик жиноятнинг асосий белгиларидир. Аммо улардан қилмишнинг жиноятхуқуқий тушунчаси келиб чиқмайди, балки улар фақат жиноятхуқуқий аҳамиятга (ёки тақиққа) эга бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар рўйхатини белгилаш билан чегараланишади. (Ушбу тушунчалар тўғрисида мазкур том III бобининг «Жиноят белгилари» деб номланган 2§ га қаранг.)

Онглилик — қилмишни объектив томондан тавсифловчи белгиси сифатида шахснинг қилмишни содир қилишни онгли назорат қилишини, яъни шахсда физиологик ва жисмоний жиҳатдан бундай назоратни амалга ошириш имкониятининг мавжудлигини англатади.

Қилмишни онгсиз равишда содир қилиш, масалан, уйкуда ёки рефлекс тана ҳаракатлари орқали содир қилиш қилмишнинг жиноятхуқуқий аҳамиятини, жиноийлигини истисно қилади.

Шу билан бирга, қилмишни онгсиз равишда — мастлик ҳолатида содир этиш — онгли равишда қилмиш содир этиш деб баҳоланади, чунки у ўз ихтиёри ва онги билан мастлик ҳолатига тушган. Бу ҳолат ЖК 56моддасига мувофиқ, оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳоланади ва шахс умумий асосларда жиноий жавобгарликка тортилади.

Ихтиёрийлик — (қилмишни объектив томонидан тавсифловчи белги) қилмишнинг онг назорати остида содир қилинишида шахснинг қилмишни содир қилмасдан бошқа хулқни танлай олиши реал имкониятининг мавжудлигидир. Ихтиёрийлик объектив белги бўлиб, у шахснинг у ёки бу хулқни танлашида ташқи таъсирлар остида юзага келган енгилмас кучларнинг тўсиқ бўлмаглигида ифодаланади. Бу ҳолатда ихтиёрийлик субъектив белгилардан фарқ қилади, зеро улар ижтимоий хавфли қилмиш содир қилишга қаратилган онгнинг айб шаклини ифодаляйдилар. Ноихтиёрийлик ҳам жиноят содир қилинишининг салбий белгиси, яъни у қилмишнинг ўзини ва унинг жиноятхуқуқий аҳамиятини инкор қилади.

Эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган жиноятларга ҳам иродалилик хос. Эҳтиётсизлик ортида содир қилинадиган жиноий ҳаракатсизликда керакли онгли

ҳаракатнинг содир қилинмаслиги тўғрисида сўз боради. Бу ҳолатда бирор объектга нисбатан шахснинг руҳий хусусиятлари (эътибори ёки онги) қаратилиши имконияти ва зарурати бор эди. Шу сабабли, бу белги ҳаракатсизликка ҳам хос.

Бу белгининг муҳимлигини таъкидлар эканмиз, қонун чиқарувчи жисмоний ёки руҳий зарурат (ёки мажбурият) ортида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказиш охириги зарурат эканлиги тўғрисидаги қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилади. Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этишда ихтисрийлик белгиси ҳақидаги масала ҳам худди шундай ҳал этилади.

Бу тўрт белгининг бирлиги объектив томоннинг элмменти — қилмишнинг ҳар икки шаклига — ҳаракат ва ҳаракатсизликка ҳам хос.

Ҳаракат инсон ҳулқатворининг фаол шаклини ифодалайди. Умумий тушунишга кўра, бу объектив оламдаги ўзгаришларни келтириб чиқарадиган тана аъзоларининг ҳаракати, ташқи кўринишидир. Жиноят содир қилинаётганда субъект воқеалар ривожини кутиб ўтирмайди, балки кутилган натижага эришиш учун бевосита воқеалар ривожига таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, қилмиш ҳулқнинг айрим кўринишларидан бири бўлиб, маълум мотивлардан келиб чиқади ва маълум мақсадларга қаратилган бўлади.

Жиноий ҳаракатни таҳлил қилиш учун унинг ташқи ифодаси, шаклларига эътибор қаратиш лозим.

Ҳар қандай қилмиш — ҳаракатланиш кўринишида намоён бўлади. Яъни, бу ҳаракатлар инсоннинг ички йўналишларини, фикрининг ҳаракатини ифодалайди (имоишора, сўзлар). Аммо ташқаридан айрим тана ҳаракатларида ифодаланадиган жиноий ҳаракат улар билан чекланиб қолмайди. Жиноий ҳаракат ҳаракатлар жамини қамраб олади, шу билан бирга аҳамиятига кўра, бир хил ҳаракат ҳар хил ҳаракатланишлар билан содир қилиниши мумкин. Масалан, ҳужжатларни қалбакилаштиришни айбдор уни ўчириш, тузатиш киритиш, бошқа матн ёзиш ва ш.к. усулларда содир қилиши мумкин, бунда жиноят содир қилиш айбдорнинг индивидуал имкониятлари, ишлатилиши мумкин бўлган қурол ва усулга боғлиқ.

Жиноий ҳаракат ташқи жиҳатдан имоишора шаклида (масалан, ҳақорат қилишда), бирон сўз айтиш орқали (масалан, кўрқитишда) ёки кўплаб ҳолларда бошқа шахс ёки атрофдаги турли предметларга жисмоний таъсир қилишда (масалан, давлат мулкани ўзлаштиришда ёки одам ўлдиришда милтиқ тепкисини босишда) ифодаланadi.

Имоишора ва сўз шаклидаги ҳаракат — жабрланувчи онгига таъсир қилса, ташқи муҳит предметларига таъсир қилиш шаклидаги ҳаракат уларнинг сифат ва хусусиятларига, уларнинг жойлашувига ҳамда бошқа предмет ва ташқи борлиқ билан ўзаро алоқасига таъсир қилади ва шундай йўсинда бошқа одамларга ҳам, уларнинг ҳулқига ҳам таъсир қилади.

Ижтимоий ҳавфли ҳаракат мураккаб хусусиятга эга ва ЖКда жиноий фаолият, сохта тадбиркорлик ва сохта банкротлик кўринишида ифодаланadi.

Қасддан содир қилинадиган жиноятларда ижтимоий ҳавфли қилмишнинг бошланғич ҳолати жиноят содир этишга шартшароит яратишга қаратилган тана ҳаракатларининг ташқи кўринишида ифодаланadi. Эҳтиётсизликдан содир қилинадиган жиноятларнинг бошланғич вақти объектга нисбатан зарар етказилганда ёки шундай зарар етказиш ҳавфи вужудга келганида намоён бўлади. Бу шунда ифодаланadики, ЖКда белгиланишича эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятлар зарар етказиш билан боғлиқ.

Шундай қилиб, алоҳида олинган тана ҳаракатларининг бирлиги жиноят таркибини ташкил қилиши мумкин, лекин бу алоҳида олинган тана ҳаракатининг жиноятҳуқуқий аҳамиятини истисно этмайди.

Ҳар қандай қилмишнинг жисмоний белгилари шулардан иборатдир. (Ижтимоий белгилар мазкур том III бобининг «Жиноят белгилари» деб номланган 2§ да кўриб чиқилган.)

Жиноят ҳуқуқида қилмиш деганда, фақатгина тана ҳаракатлари тушунилмасдан, балки жиноят воситаси сифатида бошқа шахслардан фойдаланиш ҳам тушунилади. Шу билан бирга тана ҳаракатлари орқали ташқи дунё предметларидан, табиат кучлари ва неъматларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Жиноий ҳаракат — тана ҳаракатлари, шу билан бирга тана ҳаракатлари орқали ташқи дунё предметларидан, табиат кучлари ва неъматлари, шунингдек, бошқа шахслар воситасида жиноят содир қилиниши, жиноят объектига фаол таъсирнинг йўналтирилганлиги, яъни жиноят қонуни муҳофазасидаги ижтимоий муносабатларга зарар етказишнинг фаол кўринишидир.

Ҳаракатсизлик — бирорбир ҳаракатдан сақланишда ифодаланадиган шахснинг пассив хулқатворидир.

Ҳаракатсизлик ҳаракатдан жисмоний жиҳатдан, яъни тана ҳаракатлари ва у билан боғлиқ ташқи дунё предметларини ишлатиш, табиат кучлари ва неъматларидан фойдаланилмаслиги билан фарқ қилади.

Жиноий ҳаракатсизлик — шахснинг бажариши шарт ва мумкин бўлган қаракатни бажармасликда ифодаланадиган пассив хулқатворидир.

Аниқ ҳаракат ижтимоий жараённинг нормал фақшмп юрити шини таъминловчи бўғинлар занжиради и зарурий мазкур бўғиннинг тушиб қолиши, яъни ҳаракатнинг содир пилмш ии ги мазкур занжирнинг узилишини ва мувофиқ равишда шкр н ид ган жараённинг бузилишини англатади.

Жиноий ҳаракатсизлик муайян ҳаракатларни содир этилишдаги ягона ҳаракатда ёки юридик жиҳатдан зарур ва объектив жиҳатдан муҳим бўлган ҳаракатни бажармасликда ифодаланадиган пассив хулқатвор тизимида намоён бўлади. Жиноий ҳаракатсизлик бўлиши учун шахс, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижч имоий муносабатларни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун талаб қилинадиган ҳаракатни бажариши лозим ва шундай имкониятга эга бўлиши керак.

Бундан келиб чиқиб, ҳаракатсизликка хос бўлган икки объектив ва субъектив мезонни белгилаб оламиз.

Объектив мезон — аниқ ижтимоий зарур ҳаракатнинг уни бажариши шарт бўлган шахс томонидан бажарилмаслиги. Ижтимоий зарур ҳаракатларни содир қилиш мажбурияти нафақат жиноят ҳуқуқий нормаларда, балки бошқа нормаларда ҳам, шу жумладан, ижтимоий нормаларда ҳам белгиланган бўлиши мумкин. Улар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

— жиноят қонуни, масалан ЖК 117 моддасида хавф остида қолдириш учун жавобгарлик назарда тутилган;

— бошқа қонун ёки норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган бўлиб, ЖК Махсус қисми бланкет диспозицияли моддаларида назарда тутилган, масалан, ЖК 262 моддасида транспортни таъмирлаш ёки уни фойдаланишга чиқариш қоидаларини бузиш учун жавобгарлик белгиланган;

— шахснинг ўз зиммасига олган иш ёки хизмат фаолиятига оид мажбурият, хусусан, унинг касб мажбуриятлари, масалан, врач касалга тиббий ёрдам кўрсатиши шарт, агар у биринчи ёрдам кўрсатмаса, у ЖК 116 моддасида мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилади;

— шахснинг ўзи шахсни бирон ноҳўя ҳолатга солувчи ва унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказмаслиги учун ҳаракат қилиши мажбурияти, бунда шахс бу ҳолатда ўз ишини охирига етказиши шарт, масалан, жарроҳ операцияни бошладими, охирига етказиши шарт, агар у операцияни охирига етказмаса, у шахсга қарши қаратилган жинояти учун жавобгарликка тортилади;

— ижтимоий муносабатлар тизимида шахс хулқини мувофиқлаштириб турувчи умумижтимоий нормалар, масалан, она ўз эмизикли боласини парваришлаши ва боқиши шарт ва агар бу ҳаракатсизлиги бола ўлимига сабаб бўлса ёки соғлигига зарар етказса, она жиноий жавобгарликка тортилади. Бу ҳолатда конкрет ҳаракат содир қилиш мажбуриятининг йўқлиги жиноий ҳаракатсизлик учун жиноий жавобгарликка тортишга асоснинг йўқлигидир.

Муайян ҳаракатларни бажариш мажбурияти шахснинг зиммасида бўлмаса, шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Ҳаракатсизликнинг субъектив мезони шахснинг маълум ҳолатларда конкрет ҳаракатни содир қилиш учун реал имконият мавжудлигидир.

Бирор шахснинг конкрет ҳаракат содир қилиш учун реал имкониятининг йўқлиги ҳаракатсизликнинг субъектив мезонини ҳамда ҳаракатсизликнинг ўзини истисно қилади. Бу имкониятнинг йўқлиги шахснинг шахсий хусусиятлари билан, хусусан, унинг тажрибаси, маълумоти ва шу қабиларнинг йўқлиги билан ёки объектив шартлар туфайли, масалан, табиий офат туфайли изоҳланиши мумкин.

Агар бундай ҳаракатни бажариш мажбурияти бошқа бир ҳаракатни бажариш мажбурияти билан чегараланса, бундай қарамақаршилик охириги заруратга оид (ЖК 38 моддаси) қоидалар билан тартибга солинади.

Бирорбир мажбуриятни бажаришда имконият бўлгани ҳолда шахсда ушбу мажбуриятнинг вужудга келиши ҳаракатсизликнинг бошланиши ҳисобланади. Ҳаракатсизликнинг тугаши жиноий оқибатларнинг келиб чиқиши билан баҳоланади.

3§. Жиноий оқибат

Инсоннинг ҳар бир ҳаракати атрофдаги реалликда маълум ўзгаришларни юзага келтиради. Жиноий ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг ижтимоий хавфли оқибати шундаки, у ўзи туфайли ижтимоий хавфли оқибатни юзага келтиради.

Умумий ҳолда айтсак, жиноий оқибат жиноятнинг ижтимоий муносабатларга етказадиган реал зарари бўлиб, у жиноий хулқ билан сабабий боғланган тўғри, эгри, бевосита ва билвосита салбий ўзгаришлар (зарар, зиён, йўқотиш ва ш.к.)да ифодаланади, охирги ҳисобда эса, ижтимоий (иктисодий, ахлокий, ҳуқуқий ва бошқа) қимматликлар салбий ўзгаришларга дучор бўлади. Моддий таркибли жиноятларда жиноий оқибат зарурий элемент, формал таркибли жиноятларда эса улар талаб қилинмайди, аммо оқибат келиб чиқиши мумкин.

Жиноий оқибат жиноий қилмиш туфайли жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга моддий ёки номоддий кўринишда ифодаланадиган зарар, зиён ёхуд бошқача салбий ўзгаришда ифодаланади.

Жиноий оқибат — қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгилаб беради. Шунингдек, жиноий оқибат қилмишнинг жиноийлиги ёки жиноий эмаслигини аниқдаб беради. Жазо тайинлашда суд томонидан жазони оғирлаштирувчи ҳрлатларни кўллашда асос бўлиб ҳисобланади.

Жиноий ҳуқуқий оқибатларни қуйидаги мезонларга қараб гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

— зарар табиатига қараб;

— етказилган зарарнинг хавфлилик даражасига қараб;

— қонунда белгиланишига қараб;

— жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятига қараб. Зарар хусусиятига кўра, оқибат икки гуруҳга: моддий ва номоддий оқибатга ажратилади.

Моддий оқибат — жисмоний ва мулкӣ зарар кўринишидаги оқибат бўлиб, аниқ исботлаш ва белгилашга мойил. Жисмоний зарар — шахсга қарши жиноятларда ифодаланиб, у шахс ўлимида ёки турли даражадаги соғлиққа зарар етказишда ифодаланса, мулкӣ зарар эса, масалан, ўзгалар мулкӣни талонторож қилишга қаратилган жиноятлар, жабрланувчи мулкӣни камайтиришга қаратилади.

Номоддий оқибат маънавий, сиёсий, ижтимоий психологик ва бошқа шунга ўхшаш мазмунларда ифодаланади. Масалан, тухмат ва ҳақорат қилишда жабрланувчи онгида ижтимоий психологик таъсирнинг мазмуни, урушни тарғиб қилишда мафқуравий ва сиёсий мазмун муҳим аҳамият касб этади.

Номоддий оқибат эса икки турда ифодаланади:

— реал зиён кўринишидаги номоддий зарар, масалан, ЖК 144 моддаси 1 қисмида назарда тутилган зарар: «фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатлари»га зарар етказиш;

— зарар етказиш хавфи кўринишидаги оқибат. Масалан, ЖК 113 моддасида назарда тутилган таносил касаллигини юқгириш хавфи остида қолдириш жиноятида шахс соғлиғига нисбатан хавф вужудга келади.

Етказилган зарарнинг хавфлилик даражасига кўра оқибат 2 гуруҳга бўлинади:

— асосий жиноят таркиби белгиси сифатида назарда тутилган, масалан, 266 моддадаги баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш;

— оғирлаштирувчи жиноят таркиби белгиси сифатида назарда тутилган, масалан, ЖК 266 моддаси 2 ва 3 қисмида жавобгарлик одамлар ўлими, ҳалокат ва бошқа оғир оқибатлар келиб чиққанда юзага келади.

Қонунда белгиланишига қараб:

— ЖК Махсус қисми моддаси диспозициясида аниқ белгиланган оқибат, масалан, ЖК 102 моддаси 1 қисми — эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш ёки ЖК 173 моддаси 1 қисми — мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш;

— **баҳоланувчи** оқибат, яъни қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда бундай зарарнинг аниқ сони кўрсатилмаган бўлиб, улар ҳуқуқни татбиқ қилувчи органлар томонидан қилмиш содир бўлган фактик ҳолатлардан келиб чиқиб белгиланади, бунга мисол қилиб, жиноят ҳуқуқий нормаларда белгиланган «анча миқдордаги зарар» ёки «бошқача оғир оқибатлар» деган ибораларни кўрсатишимиз мумкин.

Квалификация учун аҳамиятлилигига қараб:

—**мажбурий**, яъни бундай оқибатларнинг бўлиши шарт, масалан, аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш (ЖК 115моддаси);

—**қўшимча** оқибатлар, масалан, ЖК 104моддасида назарда тутилган қасдан баданга оғир шикаст етказишнинг оқибатлари ЖК 164моддаси 3қисми «г» банди билан қамраб олинади ва бу ҳолатда 104модда билан қўшимча квалификация талаб қилинмайди.

Моддий таркибли жиноят ЖК Махсус қисми моддаси диспозициясида назарда тутилган оқибат келиб чиқиши билан тугаган ҳисобланади. Бунгача жиноят жиноятга тайёргарлик ёки жиноятга суиқасд қилиш босқичида деб квалификация қилинади.

Моддий таркибли жиноятлардан фарқли равишда, формал таркибли жиноятлар қилмиш содир қилинган дақиқадан тугаган ҳисобланади, чунки ЖК Махсус қисми формал таркибли жиноят диспозицияларида оқибат кўрсатилмаган, шу сабабли бу жиноятлар учун оқибат келиб чиқиши талаб этилмайди.

4§. Қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш

Моддий таркибли жиноятнинг яна бир зарурий шарти қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишдир.

Таъкидлаш жоизки, жиноят қонуни билан сабабий боғланиш аниқданмаган. ЖКда сабабий боғланишни ифодаловчи оддий атама «етказиш» ҳисобланади (масалан, ЖК 104моддасида). Лекин ЖК моддаларининг айрим диспозицияларида «юқгириш» (ЖК 113моддаси 2, 3 ва 4қисмлари), «нобуд қилиш ёки зарар етказиш» (ЖК 173моддаси) каби атамалар ҳам учраб туради.

Моддий таркибли жиноят объектив томониинг зарурий белгиларидан яна бири — сабабий боғланиш сабаби ифодалои чийжтимоий хавфли қилмиш ҳамдан натижани ифодаловчи иж тимоий хавфли оқибат ўртасидаги алоқадир.

Ҳозирги замон миллий жиноят қонунчилиги ва суд амалиёти содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш билан ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги сабабий боғланишнинг объективлигидан келиб чиқади. Бошқача айтганда, қилмиш билан оқибат ўртасида ҳар доим объектив кетмакетлик мавжуд бўлади. Бундай ёндашиш моддий таркибли жиноятларнинг зарурий белгиси бўлмиш сабабий боғланишнинг моҳиятини очиб беришга ёрдам беради.

Сабабий боғланиш учун бир қатор белгилар хосдир.

Биринчидан, сабабийлик — **объектив** категория ва шахсинт қилмишга ва оқибатга бўлган субъектив муносабатидан ҳоли ра~ вишда ўрганилиши керак.

Иккинчидан, жиноят ҳуқуқидаги сабабий боғланиш **ҳодисалар ўртасидаги умумий универсал сабабий алоқанинг қисмидир** ва бунда ижтимоий хавфли оқибат ҳақиқатда қилмиш натижасида юзага келганлигини аниқлаш керак ҳамда бу қилмишни оқибат келтириб чиқариши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай ҳолатлардан ажратиб олиш керак.

Учинчидан, **сабаб доим оқибатдан олдин келиши керак**. Оқибатдан кейин содир этилган қилмиш ушбу оқибатнинг сабаби бўла олмайди. Бунда сабаб ва оқибат ўртасидаги вақт муддатининг қанчалиги ҳисобга олинмайди. Бу масала қасднинг мазмуни ва йўналиши билан белгиланади.

Тўртинчидан, **зарурий** сабабий боғланишгина жиноят ҳуқуқий аҳамиятга эга («зарурий етказиш» назарияси)¹. Бу шуни англатадики, қилмиш оқибат келиб чиқишининг зарурий шарти бўлган тақдирдагина сабабий боғланиш мавжуд бўлади, яъни бу қилмишсиз оқибат вужудга келиши мумкин эмас. Бошқа томондан оқибат келиб чиқишига бошқа бирор сабаб эмас, айнан гду қилмиш ҳал қилувчи шарт бўлган бўлиши керак².

Моддий таркибли жиноятларда қишгаиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни тушуниш учун қуйидаги ҳолатларни аниқдаш талаб этилади:

—қилмиш ва оқибатнинг ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф бўлганлиги;

—содир қилинган қилмиш туфайли ўша оқибат келиб чиққанлиги;

—тугалланмаган жиноятда қилмиш тугалланган жиноят таркибининг объектив томони зарурий белгиси — номоддий оқибат ёки бошқача тарздаги оқибат келтириб чиқариши хавфини юзага келтирганлиги;

—бир неча оқибат юзага келганида ушбу қилмиш ҳар бир оқибатнинг сабаби бўлганлиги ёки бошқа оқибатларни келтириб чиқарган бир оқибатнинг сабаби бўлганлиги ва бошқалар.

Бундан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, сабабий боғланиш — иккита қолат ўртасидаги алоқа бўлиб, бу ҳолатлардан бири (сабаб) иккинчи ҳолатни юзага келтиради.

Сабабий боғланиш жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси бўлиши учун қуйидаги ҳолларда шаклланган бўлиши лозим: зарар келиб чиқиши реал имконияти юзага келганидан, то уни қақиқатга айлантирилгунга қадар бўлган даврда мавжуд бўлганда. Ижтимоий зарарли оқибат келтириб чиқарувчи реал имкониятни юзага келтирмайдиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижани келтириб чиқармайди ва жинойий жавобгарликни ҳам келтириб чиқармайди. Аммо объектив тасодиф (ҳам ички, ҳам ташқи) туфайли бундай реал имкониятлар ҳақиқатга кириб кетиши мумкин. Шунинг учун айбдорнинг қилмиши ва шу қилмиш натижаси — оқибатнинг боғлиқлиги — сабабий боғланиш исботлаш жараёнининг зарурий босқичидир.

5§. Жиноятнинг объектив томони факультатив белгилари ва уларнинг аҳамияти

Жиноят таркиби объектив томонининг **факультатив белгилари** қуйидагилар: жиноят содир қилиш жойи, вақти, ҳолати, усули, қуроли ва воситаси кабилардир. Улар назарий жиҳатдан факультативдир. Аммо амалиётда улар жиноятни очиш, квалификация қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу белгилар қонунда бевосита кўрсатилган бўлса, улар зарурий белги бўлиб ҳисобланади.

Жиноят содир қилиш жойи — бу жиноят содир қилинган чегараланган ҳудуд, жой, географик нукта бўлиб, унга масалан, уйжой, ўрмон, омбор ва шу кабилар кириши мумкин.

Жинояи содир қилиш жойи жиноятни, Жиноят кодекси 11 —12моддаларидаги принципа ҳудудда жинойий жавобгарликни юзага келтиради. Жиноят содир қилиш жойи ҳудуд ва фуқаролик принцип а белгиланади. Бу принциплар асосида Ўзбекистон Республикари **ХУДУ**дида ва ундан ташқарида содир қилинган жиноятлар учуи жипопй жавобгарлик масаласи ҳал қилинади. Жиноят кодекси Махсус Қисми моддаси диспозициясида назарда тугилган ҳолларда жмпоят содир қилиш жойи жиноятнинг зарурий белгиси бўлади, масалаи, Жиноят кодекси 202, 220, 222моддалари.

Агар модданинг диспозициясида жиноят содир қилиш жойи зарурий белги бўлса, ҳуқуқни мухофаза қилувчи орган ходимлари жиноятнинг айнан ўша жойда содир бўлганлигини аниқлашлари лозим.

Жиноят содир этиш нақти секунд, минут, соат, сутка, ой каби вақт бирликлари билан ўлчанадиган маълум давр бўлиб, айнан шу даврда жиноят содир қилинади.

Жиноят содир қилиш вақти жиноят содир қилиш жойи каби жинойий жавобгарликнинг умумий шартлари ва факультатив белгиси сифатида чиқади. Умумий шарт сифатида жиноят содир қилиш вақти Жиноят кодекси 13моддасида белгиланган ва умуман Жиноят кодексини қўллашда муҳкм аҳамиятга эга. Жиноят содир қилиш вақти Жиноят кодекси Махсус қисми диспозициясида махсус тарзда белгиланган ҳолларда аҳамиятга эга, масалан, Жиноят кодекси 99моддаси онанинг ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон қасддан ўлдиришини назарда тутати. Ёки бўлмаса, қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузиш жинояти (ЖК 291моддаси) фақатгина мана шу хизматни ўтаётган вақгда содир этилиши мумкин.

Камданкам ҳолларда жиноят содир қилиш вақти Жиноят кодекси моддалари диспозицияларида назарда тугилади. Аммо назарда тугилган ҳолларда уни аниқ белгилаб олиш зарур. Вақт аниқ кўрсатилмаган бўлиши мумкин, лекин у айнан назарда тугилади. Масалан, сайлов натижаларида овозларни нотўғри ҳисоблаш жинояти учун жавобгарлик фақат сайлов вақтида юзага келади (ЖК 146моддаси).

Жиноят кодексида жиноят содир қилиш усули тўғрисида кўп гап боради, чунки айнан жиноят содир қилиш усули бирбирига яқин жиноятларни бирбиридан фарқдаш мезонидир. Шу билан бирга, жиноят содир қилиш усули якка ҳолда ҳам, бир гуруҳ ҳрлатида ҳам ифодаланиши мумнош.

Жиноят содир қилиш усули — бу жиноят содир қилинаётганда айбдор томонидан жиноятни содир қилишда ишлатиладиган аниқ услуб ва усуллар ёки уларнинг бирлигидир.

Жиноят таркибининг умумий таърифи нуктаи назаридан жиноят содир қилиш усули икки маънода келади:

— жиноят таркиби объектив томонининг зарурий ва альтернатив белгиси сифатида;

— объектив томонининг факультатив белгиси сифатида. Биринчи гуруҳцаги маъно Жиноят кодекси Махсус қисми модда

ларида аниқ жиноят турини тушунарли ва аниқ ҳолда таърифлайди ҳамда уни бошқа жиноятлардан ажратиб, уни индивидуаллаштиради.

Иккинчи — факультатив маънода эса, жиноят содир қилиш усули қўшимча равишда Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари диспозициясида квалификацияловчи белги сифатида назарда тутилади, хусусан, ЖК 97моддаси 2қисми «д» бандида бошқалар ҳаётига хавфли усулда одам ўлдириш жинояти ёки 244модданинг биринчи қисмидаги жиноят.

Жиноят содир қилиш қуроли ва воситаси — моддий дунё неъматлари бўлиб, улар ёрдамида шахс жиноят содир қилади, яъни жиноятнинг нима ёрдамида содир қилиниши. Уларнинг жиноят таркиби белгиларига қўшилишига сабаб, улар жиноят содир қилинишини енгиллаштиради, бу эса жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини оширади. Уларнинг биргаликда ўрганилишига сабаб эса, уларнинг бир бутунни ташкил этишидадир. Жиноят содир қилиш қуроли жиноят содир қилиш воситаларининг бир қисми дейилади. Қонунчиликдаги кўп жойларда улар бир категориядек баҳоланган, масалан, жиноят содир қилиш қуроли ва воситаси (ЖК 31моддаси 2қисми).

Аммо улар ўртасида фарқ ҳам бор. Жиноят содир қилишда жиноят қуроли ва воситасини аниқлаш ва бирбиридан фарқлашда қилмишнинг жиноятхуқуқий маъносидан келиб чиқиш, жиноят содир қилиш учун айнан қандай предметнинг ишлатилиши, яъни бу қилмиш жиноятхуқуқий норма билан тақиқланган ёки йўқлигини аниқдаш лозим.

Жиноят содир этиш қуроли — жиноят содир этишга ихтисослаштирилган ва жиноят содир этишда бевосита ишлатиладиган моддий дунё предмети.

Жиноят содир этиш қуроллари ўқотар на совуқ қуролар, инсоннинг турли эҳтиёжлари учун ишлатиладиган турли хил қуроллар бўлиши мумкин (лом, белкурак, кетмон ва х.к.), айтганда, булар ҳаммаси шахснинг соғлиғига, шунишдск, ЖК (>и лан қўриқланадиган бошқа объектларга зарар етказишга қаратил ган, шунга ихтисослаштирилган предметлар.

Жиноят содир қилиш воситаси — жиноят содир этишни ен~ гиллаштириш учун ишлатиладиган воситапредмет.

Масалан, ерда, сувда ва ҳавода ҳаракатлана оладиган механизациялаштирилган транспорт воситалари ҳайвонот олами вакиллари ови қилиш имкониятини енгиллаштиргани боис, қонун чиқарувчи буни ҳам назарда тутган ҳолда бунинг учун ҳам жиноий жавобгарликни назарда тутган (ЖК 202моддаси 3қисми «в» банди), бу ҳолатда механизациялаштирилган транспорт воситалари жиноят содир қилиш воситаси сифатида ишлатилган,

Жиноят содир этиш қуролларидан фарқли ўлароқ жиноят содир этиш воситалари ўз мазмунига кўра жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектларга зарар етказишга ихтисослашмаган. Лекин улар ёрдамида жиноят содир этишни енгиллаштириш мумкин.

Жиноят содир қилиш ҳолати — бу бир қатор объектив шартшароитлар (вақт, жой ва бошқ.) ёки уларнинг бирлиги бўлиб, уларнинг борлиги шароитида ижтимоий хавфли қилмиш содир қилинади.

Жиноят содир этиш ҳолати қилмишни квалификация қилишда таъсир кўрсатиши ҳамда жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолат сифатида хизмат қилиши мумкин. Хусусан, агар ҳарбий жиноят жанговар шароитда содир қилинса, жиноий жавобгарлик ва жазо оғирроқ бўлади. Масалан, жанговар шароитда ҳарбий қуроласлаҳаларни, ҳарбий техникани ёки ҳарбий мулкни қасдан бузиш ёки шикаст етказиш оғирроқжиноий жавобгарликка тортилади (ЖК 295моддаси 3қисми). Ёки оммавий тартибсизликлар жараёнида жиноят содир қилиш (ЖК 97моддаси 2қисми «е» банди). Шу билан бирга, масалан, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашда зарур

чоратадбирлар чегарасидан четга чиқиб ўлдириб қўйиш жиноят ижтимоий хавфлилик даражасини камайтиради (ЖК 101моддаси).

Жиноят таркиби объектив томони белгиларини ўрганишда асосан жиноят ижтимоий хавфлигини ҳар томонлама ва объектив ҳал қилиш, жиноятнинг шартлари ҳамда бошқа ҳолатларини ўрганиш, жиноий жавобгарликка тортилиши лозимми ёки ижтимоий таъсир чораларининг ўзи етарли ё етарли эмаслиги каби масалалар ҳал қилинади. Масалан, жиноят содир этишнинг аниқ ҳолати фақатгина сабабий боғланишни аниқлашга таъсир қилиб қолмасдан, балки айбдорни жавобгарликка тортиш ва қилмишни квалификация қилишда муҳим роль ўйнайди. Жиноят содир этиш вақтини аниқдашнинг жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишда ҳам ўрни бор. Жиноят содир этиш вақти жиноят қонунини қўллашда ҳам ўз ифодасини топади. Жиноят содир қилиш жойи қилмишни тўғри квалификация қилишда ҳам аҳамиятга эга, яъни жиноят содир этилган жой бўйича жиноят қонуни амалда қўлланилади.

«Жиноятнинг объектив томони» мавзуси юзасидан яқуний саволлар

1. Жиноятнинг объектив томони нима? Унинг мазмунмоҳияти нималардан иборат?
2. Жиноятнинг объектив томонини қандай белгилар ташкил этади? Жиноят объектив томони зарурий ва факультатив белгиларининг роли ва мазмунмоҳияти қандай?
3. Жиноий хулқнинг акти сифатида ҳаракатнинг мазмуни нимадан иборат?
4. Ҳаракатсизликда жиноий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг. Ҳаракатсизликнинг объектив ва субъектив мезонлари нимадан иборат?
5. Жисмоний ва руҳий мажбурлаш деганда нима тушунилади?
6. Жиноий оқибатлар нима? Уларнинг жиноийҳуқуқий моҳияти қандай?
7. Жиноий оқибатларнинг турларини айтинг. «Оғир оқибатлар» тушунчаси билан қамраб олинмаган оқибатларнинг турларини аниқланг.
8. Жиноий қилмиш ва жиноий оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш нималардан иборат?
9. Жиноий моҳиятга эга бўлган сабабий боғланиш қандай мезонларга (белгиларга) жавоб бериши керак?
10. Жиноят таркиби объектив томонининг факультатив белгиларини таърифлаб беринг.
11. Жиноят содир қилиш жойи ва ҳолати ўртасидаги фарқ нимадан иборат.
12. Жиноят содир этиш курули жиноят содир қилиш воситасидан нима билан фарқланади?

VII БОБ. ЖИНОЯТНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ

1§. Жиноятнинг субъектив томони тушунчаси ва аҳамияти

Субъектив томон жиноятнинг руҳий мазмунини таърифлаб, у жиноят ташқи кўриниши, яъни объектив томони билан чамбарчас боғланган. Агар жиноятнинг объектив томони — бу ташқи кўриниши бўлса, субъектив томони эса, тескарсиси — ички мазмуни бўлади. Субъектив томон ўзида жиноят таркибининг муҳим элементини ифодалайди. Унинг йўқдиги эса, жиноят таркиби мавжудлигини рад этади, субъектив томонни тўғри белгилаш эса, айбдорнинг хаттиҳаракатларини тўғри, асосли ва адолатли квалификация қилинишини таъминлайди.

Жиноят таркибининг субъектив томони айбдорнинг жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган, айбдор ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан бўлган рухий муносабати бўлиб, унинг айби, мотиви, мақсади ва хистуйғусини ифодалайди.

Жиноятнинг субъектив томонини ва унинг айрим белгиларини тўғри аниқлаш тергов ва суд амалиётида анча қийинчиликларни келтириб чиқариб, бу кўп ҳолларда содир қилинган қилмишни квалификация қилишда хатоларга олиб келади.

Жиноят таркибининг элементи сифатида субъектив томон интеллектуал, иродавий, хистуйғу ҳолати каби турли вақтларда қилмишнинг ўзига боғлиқ ҳолатлар ва бир вақтнинг ўзида ёки келажакда юз берадиган ҳолатларда ифодаланади.

Шу билан бирга жиноят қонунчилиги, энг муҳим воқеаҳодиса сифатида субъектив томонни ифодаловчи ва жиноятни квалификация қилишда ва жазо тайинлашда жиноятҳуқуқий аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Жиноят қонунчилигида айбдорнинг ўз қилмишига бўлган рухий муносабати характерига кўра, жиноят таркибининг субъектив томони ўз ичига айб, мотив, мақсад ва хистуйғу каби белгиларни олади.

Айб — бу барча турдаги жиноят таркиби субъектив томонининг мажбурий белгиси ҳисобланади. Айб, шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги)га нисбатан рухий муносабатида ва ушбу ижтимоий хавфли қилмиш натижасида келиб чиққан оқибатида кўринади. Айб қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида бўлиши мумкин.

Мотив шахснинг жиноят содир этишида бўлиш ички майли на хоҳишида кўринади.

Мақсад — бу айбдорнинг шундай тасаввурини, унда у истаган натижага жиноят содир этиш билан эришиши учун интилиши тушунилади.

Мотив ва мақсад факультатив белгилар бўлиб, яъни уларнинг қандай таркибни ҳам ифодаламайди. Қачонки улар ЖКнинг махсус қисми диспозициясида кўрсатиб ўтилганида ёхуд уларнинг мавжудлиги юридик табиатнинг аниқ бир жиноят таркибидан келиб чиққанида, мотив ва мақсад мана шу жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Хистуйғу шахс жиноят содир этишида ўзида ҳис қиладиган ички кечинмаларда кўринади.

Айтиш керакки, айрим олимлар хистуйғуни, жиноят ҳуқуқида унча муҳим аҳамиятга эга бўлмаганлиги учун субъектив томон таркибига киргизишмайди. Қонун чиқарувчилар томонидан ҳам қоида бўйича хистуйғу тушунчаси ишлатилмайди. Бироқ қуйидаги: кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (ЖК 98-моддаси); онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (ЖК 99-моддаси); кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 106-моддаси) каби жиноят таркиблари истиснони ташкил этади. Бундай ҳолатларда, одам ўлдирганлик ва қасддан баданга шикаст етказганлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида, субъектнинг жиноят содир этиш вақтидаги муайян эмоционал ҳолати, яъни унинг чуқур хистуйғуга бой кечинмалари, жабрлағувчи томонидан ғаламислик (хуқуққа ёки ахлоқ қоидаларига зид) ҳаракатларини ёки узок вақт рухий азобланишни келтириб чиқарганлиги ҳолатлари яққол кўриниб туради.

Жиноят субъектив томонининг белгилари бўлмиш; айб, мотив, мақсад ва хистуйғу кабилар тўғрисида қуйида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Таъкидлаш жоизки, жиноятни тўғри квалификация қилишда жиноят **субъектив томонининг мазмуни** қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

— биринчидан, субъектив томон ҳар қандай жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Унинг мавжуд эмаслиги эса, қилмишнинг жиноийлигини истисно этади;

— иккинчидан, жиноят таркибидаги барча белгиларни ўз ичига олган жиноятнинг субъектив томонини белгилаш содир этилган қилмишнинг тўғри ва асосли квалификация қилинишининг мажбурий ва зарурий шартидир;

— учинчидан, субъектив томоннинг тўғри белгиланиши, объектив белгилари бўйича ўзаро бирбирига боғланган жиноят таркибини бирбиридан ажратишда ёрдам беради;

— тўртинчидан, субъектив томоннинг таркиби (мазмуни) шахснинг содир этган жиноий қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ даражасини аниқлаш имконини беради. Масалан, жиноятга пухта тайёргарлик кўриш, уни содир этишнинг тафсилотларини ўйлаб

чиқиш, субъектнинг юқори даражадаги хавфли шахслигидан далолат беради. Шунингдек, аксинча, тўсатдан юзага келган ҳолатлар натижасида содир этилган жиноятлар ёки рухий кечинмалар таъсири остида содир этилган жиноятлар субъектнинг ижтимоий хавфлилиги паст даражадаги шахс эканлигини ифодалайди;

—бешинчидан, жиноят субъектив томонининг тўғри белгиланиши, жиноий жавобгарликни ва озодликдан маҳрум этиш каби жазоларни индивидуаллаштириш учун шартшароит ҳисобланади;

—олтинчидан, содир этилган қилмишнинг субъектив томонини аниқ таҳдил қилиш, жиноий жавобгарликка олиб келадиган ижтимоий хавфли қилмишни, жиноят қонунини билан кўриқданадиган объектларга зарар етказган бўлса ҳам, жиноий бўлмаган қилмишдан ажратиб олиш имконини беради;

—еттинчидан, субъектив томонни тўғри аниқлаш — жиноят ҳуқуқининг қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик каби тамойилларини таъминлаш ва мустаҳкамлашнинг зарурий шартидир.

2§. Айб тушунчаси ва шакллари

Айб учун жавобгарлик принципи ЖК 9моддасида келтирилганидек, шахснинг қонунда белиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлишида ифодаланади. Айбсиз зарар етказганлик учун жиноий жавобгарликка тортишга йўл қўйилмайди.

«Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди»'. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми айбни содир этилган жиноятнинг асосий элементларидан бири сифатида кўрсатиб, унинг тушунтиришига кўра, ҳукм шахснинг айбдорлигини (айбсизлигини) белгилайди, ҳуқуқий жиҳатдан унинг ҳаракатини (ҳаракатсизлигини), жазо тури ва миқдорини аниқдайди².

Айб жиноий жавобгарлик ва жазониинг субъектив зарурий дастлабки шарти ҳисобланади.

Айб — шахснинг ўзи томонидан содир этилган, ЖКда пазар да тутилган ижтимоий хавфли қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)га ва унинг ижтимоий хавфли оқибатларига нисбатлп бўлган рухий муносабатининг қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги кўринишидир.

Айб, шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишига ва шунинг натижасидаги ижтимоий хавфли оқибатларига нисбатан бўлган рухий муносабати сифатида жиноят субъектив томони таркибини бағамом тугатмасида, унинг ядросини ташкил этади. Шу билан бирга, айб ўзида субъектив томоннинг зарурий белгисини ифодалайди, бўлмаганида эса, жиноят таркиби бутунлай бўлмайди, шундай экан, жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳам асос бўлмайди,

Айбли ишларни қилишга фақат ўз хаттиҳаракатини англаб етиш ва уларни бошқара олиш қобилиятига эга одам қодир, шундай экан, ақли расолик айбнинг дастлабки шарти бўлиб чиқади.

Рухий муносабат билан ҳар қандай муносабат ўртасида боғлиқлик мавжуд. Бу боғлиқдик субъект (шахс) ва объект ўртасида, субъект атрофида табиат, бошқа одамлар, ижтимоий шароит, жамият манфаати каби воқелик ёки унинг алоҳида томонларининг кўринишидадир. Одам ўз онгли мақсадини кўя билишида ва унга эришишида ифодаланадиган муносабатини англаш қобилиятига эга бўлади. Бу одамнинг рухий муносабатининг фаоллиги муносабат предметининг таркибига ва аниқ бир шахсга боғлиқ бўлган унинг танлаш характеридан келиб чиқади. Шунинг учун ҳар бир ҳаракат рухий лаҳзаларни ифодалаб, бир неча аниқаспектларни ўзи ичита олади. Айб (ёки рухий муносабат) нинг бу аспекти бўлиб онг ва ирода ҳисобланади.

Шундай қилиб, айб икки (компонент): интеллектуал ва иродавий элементдан ташкил топган.

Улар рухий соғлом (ақли расо) одамнинг объектив борлиқни, хусусан, ўз ҳаракатини ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий аҳамиятини англашида ва баҳолашида; ижтимоий хавфлилигини эътиборга олган ҳолда қилмишнинг оқибатларини олдиндан кўра билиш (содир эталаётган ҳаракатлар билан унинг келтириб чиқарадиган оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланишнинг ривожланишини тушуниш); узокни кўра билишга эга

бўлиши, яъни анча узоқдаги оқибатларни кўра билиши ҳамда орттирилган тажриба, билим, маҳорат билан боғлиқ юқори диққатни ва руҳий кучни талаб этади; мақсадга эришиш учун интилиш, натюкага эришишни хоҳлаш ёки бунга лоқайдлик билан қараш, яъни у ёки бу оқибатнинг келиб чиқишини хоҳламаслик (иродавий жиҳат); ўзининг хистуйғуларини билдириш, эмоционал реакцияларини ёки ҳолатини кўрсатишда аниқ кўринишда ифодаланади.

Айбнинг **интеллектуал элементи** барча юридик аҳамиятга эга бўлган содир қилинаётган қилмишнинг объектив хусусиятини: тажовуз қилинаётган объект ёки предметнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг характерини, хавфли оқибатларнинг ва бошқаларнинг оғирлик даражаси ва характерини англаш ёки англаш имкониятини ўз ичига олади.

Айбнинг **иродавий элементи** ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш натижасида реал борлиқдаги ўзгаришларга бўлган жиноят субъекти иродасининг муносабатини ифодалайди.

Жиноят субъекти руҳиятида кечадиган интеллектуал ва иродавий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги (бирикма)дан келиб чиққан ҳолда, кўринишидан бир хил бўлган шакл доирасида айб шаклларга бўлинади.

Айбнинг шакли — бу жиноят содир этувчи шахснинг, ўз қилмишига нисбатан бўлган муносабатини ифодаловчи онг ва ирода элементларининг жиноят қонуни билан ўрнатилган ўзаро боғлиқлиги (бирикмаси)дир.

Қонунчилик тузилиш шаклига мувофиқ, айбнинг тузилиши **қасд** ва **эхтиётсизлик** шаклида бўлади. **ЖК 20 моддасига** мувофиқ, «Ушбу Кодексда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни қасддан ёки эхтиётсизлик орқасида содир этган шахс жиноят содир этилишида айбдор деб топилиши мумкин».

Айбнинг ҳар бир шакли бир неча турларга бўлинади. Қасд тўғри ва эгри қасдга бўлинади (**ЖК 21 моддаси**), эхтиётсизлик эса, ўз ўзига ишониш ва бепарволикка бўлинади (**ЖК 22 моддаси**).

Жиноий тажовузнинг хусусияти ва шахснинг ўзи содир этган қилмишига бўлган муносабатининг баъзи даражаларида намоён бўлганидек, ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмиш қасддан ёки эхтиётсизлик орқасида содир этилади.

Тўғри ёки эгри қасдда интеллектуал элемент ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг ижтимоий хавфини англашни ва ижтимоий хавфли оқибатларининг келиб чиқиши мумкинлигини ёки муқаррарлигини ёки фақат уларнинг келиб чиқиш имкониятини олдиндан кўра билишни (эгри қасдда) ифодалайди, иродавий элемент эса, хоҳиш

(тўғри қасдда) ёки онгли равишда йўл қўйишда ёки унга бепарво муносабатда бўлишда (эгри қасдда) ифодалади.

Жиноий ўз ўзига ишонишда, интеллектуал ишонишнинг ижтимоий хавфли оқибатларининг **келиб чиқиш** эҳтимолини олдиндан кўра билишда ва уларнинг олдини **олишда** асослар бўлмаганида, иродавий элемент эса, уларнинг келнО чм қишини истамасликда, уларнинг олдини олишга интилийшда ИФО» далади.

Жиноий бепарволик учун интеллектуал ва иродавийликпи инкор этувчи элементлар ҳосдир, ижтимоий хавфли оқибатларга мумкин ва зарур бўлган муайян интеллектуал муносабатнинг, яъни шахснинг бу оқибатларни кўришининг ва олдиндан кўра билишлигининг мавжуд эмаслиги ҳосдир.

Иродавий жараённинг моҳияти, айбнинг қасдли шаклида шахснинг ўз хаттиҳаракатларини онгли равишда олдиндан белгиланган ёки олдиндан кўра олиши мумкин бўлган мақсадига йўналтиришида, эхтиётсизликда эса, ўз хатти ҳаракатларининг оқибатларини ўйламаслигида ва эътиборсизлиги натижасида ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишида кўринади. Эхтиётсизликнинг иродавий элементининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда шахс керакли руҳий зўр беришни, руҳий кучни ишлатмайди, ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқариш имкониятига эга бўлса ҳам, ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқаришдан қочади.

Суд томонидан шахснинг хусусиятини ва унинг содир этган қилмишига муносабатини қисобга олган ҳолда, унга жазо тайинланаётган вақтда руҳий кўринишлари ҳам ҳисобга олинади.

Айб фақат юридик жиҳатдан қонунчиликтомонидан белгиланган форма ва шаклларда мавжуд. Шу билан бирга қонунчилик айбнинг бошқа шаклини, яъни жиноят содир этишда қасд ва эҳтиётсизликни ажратиб кўрсатади (**ЖК 23моддаси** — қилмишта нисбатан қасд ва келиб чиққан оқибатларга нисбатан эҳтиётсизлик).

Айб шаклининг мазмуни айбнинг шакли ва унинг қонуний белгиланиши айбдорнинг ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш чегараларини ЫЎрсатиб беришга олиб боради. Субъектнинг содир этган қилмишига бўлган турли хил руҳий муносабати фақат шу ажратиб кўрсатилган чегаралар ичида бўлганида айбли деб топилиши мумкин.

Агар қонун фақат қасддан ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга жиноий жавобгарликни белгиласа, айбнинг шакли жиноий ҳаракатни жиноий бўлмаган ҳаракатдан ажратиб беради, Масалан, болани алмаштириб кўйиш, агар эҳтиётсизлик орқасида содир этилса, жиноий жавобгарликка олиб келмайди.

ПТу каби ҳодисалар қаторида айбнинг шакли жиноий жавобгарликни қонуний табақалаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир ёки ўртача оғирликда шикаст етказиш, мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш каби қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида содир этилганларига қараганда, улар учун жавобгарлик анча каттиқроқ.

Қасд ва эҳтиётсизликнинг кўриниши жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмасдан, жиноий жавобгарлик ва жазони индивидуаллаштиришда муҳим мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бошқача сўз билан айтганда, агар жиноят тўғри қасд билан содир этилган бўлса, эгри қасд билан содир этилганга нисбатан у ўзида анча кўпроқ даражада хавфлиликни кўрсатади, жиноий ўзўзига ишониш эса, бепарволикка нисбатан анча хавфлироқ эканлигини кўрсатади.

Фақат айбнинг қасд шакли билан жиноят содир этишнинг бир неча ҳукукий оқибатлари боғланган. Чунончи, рецидив жиноятларни белгилаш фақат илгари қасддан содир этилган жиноятлар учун ҳукм қилиниши билан боғлиқ (ЖК 34моддаси). Жиноий фаолиятнинг бошланиши ва жиноят содир этишда иштирокчилик каби тушунчалар айбнинг фақат қасд шаклини тақозо этади; айбнинг шакли (ижтимоий хавфлилик даражасига боғлиқ ҳолда) жиноятларни категориялар бўйича квалификация қилишнинг асосида ётади.

Ва ниҳоят, айбнинг шакли жазони, шунингдек, унинг ўталиш шартшароитларини олдиндан белгилаб беради.

Қонунчиликни лойиҳалаштиришда ЖКнинг Махсус қисми моддаларида кўрсатилганидек, айбнинг шакли нормаларнинг диспозициясида тўғридантўғри кўрсатилади ёки назарда тутилади (масалан, ЖК 97моддаси — қасддан одам ўлдириш). Охирги вазиятда айбнинг қасд шаклига қонунчиликда кўрсатилган хусусият (ўғрилиқ, талончилик, номусга тегиш, тухмат, пора олиш ёки бериш ва ҳ.к.) ёки қонунчиликда кўрсатилган қилмишнинг айни бир мақсади ёки содир қилинаётган қилмишнинг ўзбошимчалиги ва ноқонунийлиги ё бўлмаса, жиноят таркибига қилмишнинг махсус мотивини киритиш кўрсатилади.

Эҳтиётсизлик, асосан, диспозицияда кўрсатилган, ўз вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, ҳаракатсизлик (агар бундай ҳаракат қандайдир мақсад ёки мотивни туғдирган бўлмаса) қабиларда аниқ ифодасини топади.

Шундай қилиб, айбнинг ички тузилиши билан боғланган айбнинг шакли ва бошқа элементлари (иродавий ва интеллектуал элементлари), шахснинг ўзини ўраб турган реал воқеликка бўлган руҳий муносабатини белгилловчи айбнинг моҳиятини ташкил этади. Бошқача айтганда, айбнинг ижтимоийҳукукий моҳияти, жиноят қонунчилиги билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмишни жазо қўллаш таҳиди билан жиноят сифатида аниқдашига таянади. Бундай моҳият, айб ўзида шахс ўзи қилган ҳар қандай қилмишлариваунигоқибатлари учунгипа руқий муносабатини иамоён этмайди, балки у фақат жазо қўллаш таҳиди қўриклашадиган ижтимоий хавфли, яъни Жиноят кодекси билан куриқланадиган ижтимоий муносабатлар учун хавфли қилмишлари **намоён** этади. Айбдор шахс жиноят содир эта туриб, қасддап ёки эҳтиётсизлик орқасида давлат томонидан ўрнатилган қадриятларга нисби тан ўзининг салбий ички муносабатини намоён этади.

Айбнинг ижтимоий моҳияти, салбий (қасддан содир этиладипш тажовузлар учун характерли) ёки эътиборсизлик ёки кам эътиборли (эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларга характерли бўлган) қасд ёки эҳтиётсизлик орқасида ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда асосий қадриятларга нисбатан руҳий муносабатнинг намоён бўлишида кўринади.

Судтергов амалиёти нуқтаи назаридан айб тасдиқланиши қийин бўлган конкрет ва аниқ бўлмаган категория ҳисобланади. Шу билан бирга айб жиноий тажовузларни,

уларнинг ижтимоий хавфлилиги, зарарлилиги ва ҳуқуққа хилофлилигини ифодаловчи ўзига хос миқдорий ўлчовларига эга. Шундай айбни ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири даражадир. Айбнинг моҳияти тушунчаси каби айб даражаси тушунчаси ҳам жиноят қонунчилигида назарий характерга эга. Бундан ташқари, суд ва дастлабки тергов учун айб даражасини аниқлаш амалий аҳамият касб этади.

Айбнинг даражаси жиноят субъектининг жиноят ҳолатларига бўлган муносабатининг шакли ва таркиби мажмуи билан аниқланади ҳамда ижтимоий қилмиш даражаси билан белгиланади. Булар қуйидагилардан иборат: руҳий муносабат хусусиятлари, жиноятнинг мотив ва мақсади, шахсни характерлайдиган ҳолатларига оид жиной қасд ва эҳтиётсизликнинг келиб чиқишига туртки бўлган сабаб ва шартшароитлар.

Масалан, қасддан содир этилаётган жиноятда, айбдор объектга тажовуз қилишида ўзининг муносабатини онгли равишда аниқ кўринишларда намоён қилади, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятда эса бундай кўриниш бўлмайди. Бинобарин, айбнинг даражаси қасддан содир этиладиган жиноятларда эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятларга қараганда анча юқори бўлади.

Қасднинг ва эҳтиётсизликнинг кўринишларини қиёслаш бирмунча қийинроқ. Агар тўғри қасд билан эгри қасдни бир хил шароитларда баҳолайдиган бўлсак, ҳар доим тўғри қасднинг эгри қасдга нисбатан хавфлироқлигини кўраемиз. Шунингдек, бир кишининг ўлишини истаган одамга қараганда, бир неча кишининг ўлишини истаган одам хавфлироқ, ёнғин бўлаётган уйда касал одамни онгли равишда қолдириш, касал одамни ёқиб юбориш йўли билан ўлдиришга қараганда хавфлилиги камроқ.

Қасднинг кўриниши жиноят хавфлилигига таъсир этувчи фактор сифатида қасддан одам ўлдириш жинойтининг субъектив белгилари қаторига қўйилиши тасодиф эмас. Бу, умуман олганда, ҳамма қасддан содир этиладиган жиноятларга тегишли. Шунингдек, бепарволик орқасида содир этилган жиноятга қараганда, ўзўзига ишониш орқасида содир этилган жиноят қар доим хавфлироқбўлгани каби жиноятларнинг эҳтиётсизлик орқасида содир этилишининг кўринишларини ҳам белгилаш жоиз бўлади.

Ўзўзига ишонишда айбдор ўзининг ўйламасдан қилинадиган ҳаракатидан тўхтатиб қолувчи контрмотивни енгиб чиқиши талаб этилади, айбдор нафақат қилмишининг ёмон оқибатларидан ўзини тийишни, балки юз берган ҳолатни ва унинг оқибатларининг ҳамма деталларини диққат билан баҳолашни ҳам ўз зиммасига олмайди. Айбдорнинг қилмишига нисбатан бундай муносабати, яъни унинг келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатларни кўра олмаслиги бепарволикка қараганда анча хавфлироқлиги турган гап.

Шакли ва кўринишига қарамай айбнинг даражасига айбдорнинг психикасидаги интеллектуал ва руҳий жараёнларнинг таркибий хусусиятлари таъсир этади. Онгнинг ҳажми ва аниқлиги, олинган кўра билиш хусусияти, олдиндан ўйлаб қўйишлик, мақсадга эришишда қатъийлик қасддан содир этилган айбнинг даражасига жиддий таъсир қилиши мумкин. Ҳолатни баҳолашдаги ўзўзига ишонишнинг даражаси, оқибатларни олдиндан кўра билишнинг ва кўра олмасликнинг хусусияти ҳамда сабаби эҳтиётсизлик натижасидаги айбнинг даражаси ошишига ёки пасайишига таъсир этиши мумкин.

Муайян шахс томонидан жиноят содир этилишида айбнинг даражаси унинг айбдорнинг мўлжали чегарасини хато кўришидаги бевосита кўриниши ҳисобланади. Шунинг учун ундан айбдорга тайинланаётган жазонинг хусусияти ва миқдори, ҳуқуқбузарнинг мўлжалидаги ижтимоий дефектларни бартараф этиш учун зарур бўлган, жинойтхуқуқий мажбурлашнинг ўлчови тўғри боғланган ҳолда бўлади.

Судтергов амалиётида айб ва жинойт жавобгарлик масаласининг ҳал этилишида шахснинг ҳолати ва руҳий хусусияти, унинг ўзига ҳослиги ва жихатлари, унда кечаётган психологик жараёнлар шахснинг онгида қилмиш моҳиятининг тўғри кўринишига таъсир этиши мумкин. Хусусан, зарурий мудофаанинг чегарасидан четга чиқиш масаласини ҳал этишда жавобгарлик фақат тажовузнинг хавфлилиги ва мудофаанинг хусусиятига мутлақо мос келмаслигидан бошланади. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, зарурий мудофаада, қоида бўйича, шахс тўсатдан жинойт тажовуз билан тўқнашади, унинг

нерв системасида бирдан кескин кузғалиши, эмоционал пайдо бўлади. Бундай ҳолатда шахс ҳар доим ҳам мудофаа қилишда тажовузнинг хусусияти ва хавфлилик даражасини зарурий мудофаа қилиш учун ҳаракатлари (уларнинг) Кучлари, интенсивлиги, фойдаланилган воситалар) билан ҳамда унга тўғри баҳо бера олмайди'.

3§. Қасд ва унинг турлари

Айбнинг қасд кўриниши айбнинг эҳтиётсизлик шаклига қараганда анча кўпроқ тарқалган тури бўлгани учун қонун чиқарувчилар томонидан кўпроқ кўриб чиқилади. Қасд эҳтиётсизликка қараганда анча хавфлироқ, хусусан, қонун чиқарувчилар томонидан оғир ва ўта оғир жиноятларга фақат қасддан содир этилган жиноятлар киритилганлиги шу билан тасдиқланади (ЖК 15моддаси 5 ва 4қисмлари).

Қонунчилик **ЖК 21моддасида** қасднинг ҳолатини моддий ва формал таркибли жиноятларда кўради. Хусусан, формал таркибли жиноятни квалификация қилишда айбдорнинг қасди ижтимоий хавфли қилмишни қамраб олади. Моддий таркибли жиноятларда эса, айбдор муайян жиной оқибатнинг келиб чиқишини тушуниб етиши ва унга йўл қўйиб бериши зарур.

Қасднинг таркиби аниқлиги ва мақсадга қаратилганлиги жиноятни тўғри квалификация қилишнинг дастлабки зарурий шарти ҳисобланади.

Қасднинг таркибини интеллектуал томон, мақсадга қаратилганликни эса, иродавий томон ифодалайди. Агар таркиб шахснинг ўз ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ижтимоий хавфлилик даражасини англаб етиши қобилиятида ифодаланса, моддий таркибли ва оқибатларни олдиндан кўра билганида эса, айбдорни мақсадга йўналтирилганлик, муайян объектга таҳдид солувчи ва маълум зарар етказувчи (моддий таркибли), енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни борлигини ифодаловчи қилмишни содир этишга йўналтиради (формал таркибда). Масалан, мушталашув жараёнида пичоқ билан тан жароҳати етказишда кўп ҳолларда қилмиш қасддан содир этилади. Бироқбу қилмишни квалификация қилишда биргина фактнинг ўзи етарли эмас: жиноятнинг таркиби ва мақсадга йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда буни безорилик ёки тан жароҳати етказиш ёки одам ўлдиришга суиқасд қилиш ё бўлмаса зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб баҳолаш мумкин.

ЖК 21моддаси 1қисмида қонун чиқарувчи формал таркибли жиноятнинг тугалланган вақтидан, яъни ижтимоий хавфли қилмишнинг объектив содир этилишига қараб қасднинг таркибини очиб беради. Келтириб ўтилган нормага асосан: «Ушбу Кодекс моддасида жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган вақт деб ҳисобланган бўлиб, уни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади». Қонунчилик оқибат келиб чиқадими ёки йўқми, ундан қатъи назар, шахс айбдор деб топилади ва жавобгарликка тортилади.

Формал таркибли жиноятларда қасд турларга бўлинмайди, бошқача айтганда айб фақат тўғри қасдли бўлади.

Формал таркибли жиноятларни квалификация қилишда шахснинг ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаб етиши (интеллектуал ҳолат) ҳамда шундай ҳаракатларни содир этишни ёки ҳаракатсизлик (иродавий ҳолат)ни исташи каби фактлар муҳим ҳисобланади.

Бу ерда қонун чиқарувчи томонидан тажовузнинг ижтимоий хавфли оқибатлари ҳуқуқий хусусият доирасидан ташқарида қолдирилади ва суд томонидан тайинланадиган жазонинг тури ва миқдорига таъсир этса ҳам субъектнинг айбдорлигини белгилаш вақтида аҳамият қасб этмайди.

Интеллектуал ҳолат шахс томонидан ўзи содир этган у ёки бу қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаши билан боғлиқ жараёнларни ўзи ичига олади.

Шахс томонидан қўйишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаш, биринчидан, қилмишнинг ҳақиқий моҳиятини, иккинчидан, унинг ижтимоий аҳамиятини билишни билдиради. Англаш, тажовуз қаратилган манфаат, қадриятларнинг хусусияти тўғрисида тасаввур мавжудлиги, яъни жиноятнинг объекти, қилмишнинг моҳияти, унинг воситасида тажовуз амалга ошириладиган ҳамда бошқа жиноят содир этишдаги фактик ҳолатлар (вақт, усул, ҳолат)ни намоён этади. Бу жараёнлар ҳаммасининг акс этиши айбдорнинг онгида унга жиноят қонунчилиги билан қўрикландитан ижтимоий манфаатларга қилмишнинг объектив йўналтирилганлигини, яъни ижтимоий хавфни англаш имконини беради. Ижтимоий хавф остида қилмишнинг ҳақиқий белгиларидан ташқарида ётувчи қандайдир мустақил элементи эмас, балки барча объектив белгиларини юзага келтирувчи қилмишнинг яхлит таркиби назарда тутилади. Шунинг учун ижтимоий хавфни англаш, қилмиш фактик белгиларининг ижтимоий таркибини англашга олиб боради.

Жиноят субъектининг ўзини ифодаловчи белгиларини англаш қасднинг таркибига кирмайди. Масалан, агар 13 ёшли шахс одам ўлдирганлик учун оғирлаштирувчи ҳолатларда жавобгарликка тортилади, ҳаттоки у худди шу жиноят учун жавобгарлик 14 сздан келиб чиқади деб ўйлаган бўлса ҳам. Бундан ташқари, қасд махсус субъектнинг белгиларини англашни ўз ичига олиб, улар айбдорга юклатилган махсус мажбуриятларни бузганлик билан боғланган бўлиб, жиноятнинг махсус белгилари ҳисобланади (масалан, мансабдорлик жинояти).

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини унинг ҳуқуққа хилофлилити билан тенглаштириб бўлмайди, яъни шахс ўзи содир этган қилмиши жазо қўллаш таҳдиди билан қонун томонидан тақиқданганлигидан ва бу учун жавобгарликдан умумий тарзда бўлса ҳам хабардор бўлиши керак. Кўп ҳолларда жиноятлар ҳуқуққа хилофлилиги англаган ҳолда содир этилади. Бироқ қонунчилик содир этилаётган қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилигини англашни айб шаклининг таркибига киритмайди, шунинг учун содир этилган қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилигини айбдор англаб етмаган ҳолларида, ҳаттоки қонунчилик *ignorantia legis neminem excusat*¹ тамойилини назарда тутса ҳам, жиноят қасддан содир этилган деб топилади.

Формал таркибли жиноятларда қасднинг интеллектуал томонини қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ва унинг ижтимоий аҳамияти ташкил этади. Юқорида келтириб ўтилган жиноятлар таркибини квалификация қилишда, судтергов ходимларининг биринчи галдаги вазифаси айбдорнинг руҳий кўринишини, яъни содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавfli хусусиятини белгилашдир, чунки формал таркибли жиноятларда айбдорнинг қасди муайян ижтимоий хавfli оқибатни келтиришни исташ ёки унинг келиб чиқишини олдиндан кўра билишни қамраб олишининг зарурати бўлмайди. Формал таркибли жиноятларни содир этишда қасднинг иродавий ҳолати бирмунча моддий таркибли жиноятлар билан таққослашда чегараланган ва фақат у ижтимоий хавfli қилмишнинг ўзига, яъни унинг содир этилишига бўлган иродавий муносабат билан тугалланади.

ЖК 21моддаси 2қисмида моддий таркибли жиноятларда қасднинг таркиби назарда тутилади: «ушбу кодекс моддасида жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавfli оқибат юз берган вақт деб топилган қилмишлар тўғри ёки эгри қасддан содир этилган бўлиши мумкин». Бундай ажратиш қонунчилик томонидан қасддан содир этилган жиноятларнинг иродавий ҳолати асосида қурилади. Қасднинг айнан шу элементида қасдни турларга бўлувчи муҳим белгилари кўринади. Айбдорнинг турли хил руҳий муносабати, истаги ёки онгли равишда жиноят содир этишда ижтимоий хавfli оқибатларнинг келиб чиқишига йўл қўйиб бериши қасднинг тўғри ва эгри қасдга бўлинишига сабаб бўлади. Шунинг учун истак ва онгли равишда йўл қўйиб бериш тўғрисидаги масала, жиноят таркибининг элементи ҳисобланувчи оқибатларгина айбнинг шаклини ажратиш учун аҳамиятга эга. Қасднинг бундай тўғри ва эгри қасдга бўлиниши фақат моддий таркибли жиноятларга тегишли, уларнинг ижтимоий хавfliлиги ва ҳуқуққа хилофлилигини жиноят қонуни зарар етказиш, ижтимоий муносабатларнинг деструктив ўзгариши билан боғлайди.

Қасднинг турини тўғри аниқлаш муҳим аҳамият касб этгани учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми бир неча маротаба судларга жазо тайинлашда қасднинг турини, унинг йўналишини, жиноят мотив ва мақсадининг зарурийлигини ҳисобга олишликни кўрсатиб ўтди.

ЖК 21моддаси 3қисми моддий таркибли жиноятларда тўғри қасднинг моҳияти ва характерли чизиқларини ифодалайди: «агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган деб топилади».

Тўғри қасднинг ушбу таркибида тўғри қасд билан содир этилган моддий таркибли жиноятларнинг моҳюптши очиб берувчи ва уни ифодаловчи интеллектуал ва иродавий ҳолатлар ажратиб кўрсатилади.

Тўғри қасд интеллектуал ҳолатининг иккита аспекти мавжуд: содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавfliлигини англаш ва ижтимоий хавfli оқибатларнинг келиб чиқишини олдиндан кўра билиш. Мазкур ҳолатда айбдор шахснинг онгида, унинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)да ижтимоий хавfli хусусият мавжуд ва бу ҳаракат (ҳаракатсизлик)ларни содир этишлик билан муайян ижтимоий хавfli оқибатлар келиб чиқиши намоён бўлади.

Барча айтилганлар одамнинг онгидан ўтади, шунинг учун тўғри қасднинг интеллектуал томонини ташкил этади.

Ўз қилмишининг (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) **ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра билиш**, уларнинг келиб чиқиши ва ҳуқуққа хилоф хусусиятини олдиндан билиш шахснинг жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга ўзи етказган зарарни қамраб олади.

Тўғри қасдда олдиндан кўра билишлик, ижтимоий муносабатларда келгусида бўладиган ўзгаришларнинг фактик таркиби тўғрисида тасаввурни қамраб олади. Шунингдек, у бу ўзгаришларнинг ижтимоий зарарлилигини тушуниш билан ҳам боғлиқ. Ва ниҳоят, олдиндан кўра билиш содир этилган қилмиш ва ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишдан иборат бўлади.

Шубилан бирга, ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан кўра билиш икки турда намоён бўлади: тўғри ва эгри қасдларда. Гарчи қонунчиликнинг таърифича, тўғри ва эгри қасдларда кўрсатилган оқибатлар ўзгаришларсиз қолади. Олдидам кўра билншиши икки тури тўғри ва эгри қасднинг иродавий ҳолатиға сезиларли даражада таъсир этади.

Кўп ҳолларда тўғри қасдда шахс ижтимоий хавфни **етказилиши** ўз мақсадларининг ҳақиқатда амалга ошишига ишониб ва **келиб** чиқадиган оқибатларни идеал шаклда тасаввур этар экан, **ИЖТИМОЙ** хавфни ўз қилмишининг муқаррар натижаси сифатида олдидам кўра олади. Шунингдек, шахс тўғри қасдда жиний қилмиш содир этилиши натижасида ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишининг реал имкониятини кўра олиши мумкин.

Тўғри қасд учун аҳамиятли томони муайян натижага эришишдаги ният унинг амалга ошишидаги зарурий шарт билан боғланган. Қачонки айбдор шахс оқибат келиб чиқиши муқаррарлигини олдиндан кўрса, ҳаракат билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш бўлса, шу билан бирга айбдор бунинг ривожланишини англайди, яъни унинг ҳаракатлари муайян оқибатларни келтириб чиқариши муқаррарлигини англайди. Шунинг учун оқибат келиб чиқишининг муқаррарлиги унинг ҳақиқатдан ҳам (фактик) келиб чиқиши билан қузатилмаслиги мумкин. Оқибатнинг келиб чиқиши муқаррарлигини англаш тўғрисида, айбдорнинг фикрича, қачонки у оқибатнинг келиб чиқиши учун ҳамма зарурий ишларни қилса ҳам, унга олдиндан кўринмаган ҳолатлар тўсқинлиги сабабли натижа келиб чиқмаган тақдирда гапириш мумкин.

Тўғри қасднинг иродавий ҳолати унинг йўналтирилганлигини ифодалайди ва қонунчиликда ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишини исташда аниқланади.

Хоҳиш — бу мақсадга эришишга жалб этувчи ирода, белгиланган мақсадга қараб интилишдир. «Истак — бу белгилаб қўйилган интилишдир, у аниқ бир предметга қаратилган бўлади. Истакнинг туғилиши, шунинг учун ҳар доим мақсаднинг вужудга келишини ва қўйилишини билдиради. Истак аниқ бир мақсадга йўналтирилган интилишдир»¹.

Хоҳиш турлича бўлиши мумкин. Тўғри қасднинг белгиси сифатида хоҳиш муайян мақсадларга интилишда айбдор учун қуйидагиларни билдириши мумкин:

—охирги тугал мақсад (рашк туфайли қасддан одам ўлдириш, қасос);

—охирги мақсадга эришишнинг орасидаги (бошқа бир жиноятни яшириш мақсадида қасддан одам ўлдириш);

—охирги мақсадга эришиш воситаси (жабрланувчининг молмулкини эгаллаш мақсадида қасддан одам ўлдириш);

—қилмишнинг муқаррар бирга келадиган элементи (заҳарланган овқат орқали қасддан ўлдириш йўли билан мўлжалланган одамнигина эмас, балки унинг оила аъзоларини ҳам ўлдириш).

Айбдор ҳаракатининг мақсади тўғри қасдда истакнинг предмети бўлиб, мазкур жиноят таркибининг элементини ўзида ифодаловчи ижтимоий хавфли оқибат ҳисобланади. Масалан, қасддан одам ўлдиришда — бу жабрланувчининг ўлими, ўғирликда — ўзгалар мулкини қўлга киритиш, безориликда — жамоат тартибини бузишдир. Инсон ўз олдида қўйган фаолиятининг мақсадлари мотив билан аниқланади. Шунинг учун тўғри қасд натижасидаги жиний оқибат, айбдор ҳаракатининг асосий мақсади ҳисобланиб, шахс фаолиятининг мотивидан келиб чиқади ва шу мотив билан аниқдаштирилади.

Тўғри қасднинг мақсадга қаратилганлиги (иродавий ҳолатнинг белгиси сифатида) жиноят таркибининг фақат келтирилган зарар билан чегараланиб қолганини билдирмайди. Алоҳида мақсадга қаратилган жиноятларда, жиноят таркиби чегарасида бўлган, шунингдек, бошқа бир ҳолатларда ҳам йўналиш махсус натижага қаратилган бўлади. Аммо бу

натижалар жиноят таркибида кўзда тутиб ўтилган умумий қасднинг йўналтирилган бир босқичи сифатида қаралади.

Тўғри қасд — қасднинг шундай кўринишики, унда шахс ўз харакати (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфлилигини англайди, ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишининг реал имкониятини ва муқаррарлигини олдиндан кўра олади ва уларнинг келиб чиқишини истайди.

ЖК 21-моддаси 4-қисмига кўра, «агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасддан содир этилган деб топилади».

Эгри қасдда ҳам тўғри қасдда бўлганидек интеллектуал ва иродавий ҳолатлар киритилган.

Эгри қасдда интеллектуал ҳолат қуйидагилар билан изоҳланади:

— содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш;

— ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишини олдиндан кўра билиш имкониятига эга бўлиш.

Эгри қасдда қилмишнинг **ижтимоий кафиллик** хусусиятини англаш тўғри қасднинг белгиларига мунофиқ,

дан фарққилмайди. Лекин эгриқасддаги ижтимоий

олдиндан кўра билишда фарқлар мавжуд бўлмайди, ажратиб туради: тўғри қасдда субъект оқибат келиб чиқиб олдиндан кўра билади, эгри қасдда эса, жиноий оқибатнинг келиб чиқиши реал имкониятларга эга бўлади. Бундай шикм ри, тўғри ва эгри қасд ўртасидаги фарқ уларнинг ижтимоий **хавфли** оқибатни олдиндан кўра билишдаги иродавий ҳолатига **қура**ланади. Тўғри қасддан фарқли равишда эгри қасдда шахс ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини хоҳламайди, лекин уларниш **келиб** чиқишига онгли равишда йўл қўяди.

Эгри қасдда фақат ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини олдиндан кўра билиш имкониятига эга бўлиш унинг моҳиятини чегаралайди. Шахс ўзи содир қилаётган ҳаракатлари объектив борлиққа қандай таъсир ўтказиб, ижтимоий хавфли оқибат олиб келишини англайди, лекин баъзан оқибат юзага келмаслиги ҳам мумкин, чунки оқибат юзага келиши учун субъект томонидан ғазорат қилинмайдиган бошқа шартлар ҳам зарур бўлади. Бу ерда оқибат биргина оқибат билан боғлиқ бўлмай, айбдорга боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар натижаси ҳисобланади. Гап аниқ шароитда шартлардаги реал имкониятлар ҳақида бормоқда, индивидуал ҳолатдаги мавхумлик ҳақида эмас.

«Реал имконият» атамаси **ЖК 21-моддаси 4-қисмида** ишлатилмаган бўлсада, бу эгри қасддаги олдиндан кўра билиш тушунчасини аниқ ифодалайди.

Эгри қасднинг иродавий ҳолати ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйиб беришда ва хоҳишнинг мавжуд эмаслигида ифодланади.

Онгли йўл қўйишда олдиндан кўра билиш юзага келиши мумкин бўлган жиноий оқибатга нисбатан мавхум бўлмай, реал бўлиши мувофиқдир. Эгри қасднинг моҳияти ягуғвадики, шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини тушуниб, унинг натижасида вужудга келиши мумкин бўлган оқибатни олдиндан кўра билиш реал имкониятларига эга бўлади ва бундай оқибатлар юзага келишига онгли равишда йўл қўяди. Ўз навбатида эгри ва тўғри қасд ўртасида нафақат иродавий ҳолатлардаги руҳий моҳиятда, балки англашда ҳам фарқлар мавжуд.

Эгри қасддан содир этилган жиноятларда айбдор ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқидини хоҳламайди. Бироқ шахснинг жиноий оқибатларни келтириб чиқаришни истамаслигини фаол хоҳламаслик сифатида, уларнинг келиб чиқишидан қочишга интилиш сифатида тушуниш керак эмас. Аксинча, онгли равишда йўл қўйиш айбдорнинг ўз қилмиши билан келтириб чиқарадиган муайян воқеалар занжирини, онгли равишда ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқаришга олиб келувчи сабабий ривожланишини англатади. Ижтимоий хавфли оқибатларга нисбатан салбий муносабатларни билдирувчи фаол иродавий жараён — хоҳламасликдан фарқли равишда, онгли равишда йўл қўйиб беришда оқибатларга нисбатан ижобий иродавий муносабатларни англатувчи фаол кечинма мавжуд.

Эгри қасдга хос бўлган оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйиб беришда жиноий оқибат айбдор қилмишининг мақсади ҳам, унга эришишдаги восита ҳам,

мақсад йўлидаги босқич ҳам эмас. Бошқача айтганда, айбдорга жиноий оқибат керак эмас, у оқибатнинг келиб чиқишини хохламайди ҳам.

Шундай қилиб, **ЖК 21моддаси 4қисмида** келтириб ўтилганларга асосан, эгри қасднинг илмийназарий тушунчасини аниқдаш мумкин.

Эгри қасд қасднинг шундай кўринишики, унда шахс ўз харакати (харакатсизлиги)нинг ижтимоий хавфлилигини англайди, ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишининг реал имкониятига кўзи етади, уларнинг келиб чиқишини хохламайди, бироқ бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйиб беради ёки уларга бефарқ бўлади.

Қасднинг тўғри ва эгри қасд турларига бўлиниши жавобгарликни ва жазони индивидуаллаштиришда, айбдорнинг шахсини ва у содир этган ижтимоий хавфли қилмишнинг даражасини, шунингдек, унинг айби даражасини аниқдаш имкониятини бериши сабабли ҳисобга олинishi лозим. Жумладан, тўғри қасдда субъектнинг иродаси оқибатларга нисбатан фаол позицияни эгаллагани учун, бошқа тенг шароитларда жиноят содир этилишида тўғри қасднинг мавжудлиги ижтимоий хавфнинг анча юқори даражасини ифодалайди.

Амалдаги Жиноят кодексида қасднинг фақатгина икки тури мавжудлигига қарамадан, жиноятхукукий доктринада тўғри ва эгри қасднинг шундай номланувчи турлари ажратиб кўрсатилади.

Жиноий ниятнинг вужудга келиш ҳолатига боғлиқ ҳолда олдиндан ўйланган, тўсатдан пайдо бўлган ва аффектли қасдлар фарқланади.

Олдиндан ўйланган қасдда жиноят содир этиш ниятининг вужудга келиши жиноят содир этишнинг ўзидан бир қанча вақт ораликдари билан ажратилган бўлиб, унда шахс жиноятнинг тафсилотларини ўйлаб кўяди, режасини тузади, усулларини белгилаб олади, жиноят содир этиш учун қурол, восита, шерик ва ш.к.ларни танлаб олади. Одатда, қасднинг бундай тури шахснинг) барқарор жамиятга қарши бўлган мойиллигини намоён этиб, жипоятчи айбипинг анча юқори даражада эканлигидан далолат беради. Шундай ҳолларда шундай ҳам бўладики, сезиларли даражадаги вақт оралиги ҳам жиноят содир этиш нияти вужудга келиши билан уни содир этиш ўртасида ги, аслини олганда, субъектнинг мотивлари ички кураши ва Ш.К. лар билантушунтирилади, шундагина олдиндан ўйланган қасднинг' мавжудлиги айбдорнинг юқори даражадаги ижтимоий хавфлилиш и дан далолат бермаслиги мумкин.

«Олдиндан ўйланган қасднинг мавжудлиги квалификацияга таъсир этмайди. У кўпроқ гуруҳ ташкил этиш ва тайёргарлик кўриш институтлари аломатлари сифатида намоён бўлади»¹.

Тўсатдан пайдо бўлган қасдда қасднинг пайдо бўлиши ва унинг амалга оширилиши ўртасидаги вақт оралиги унча аҳамиятли эмас. Жиноятни содир этиш нияти қасднинг пайдо бўлиши биланоқ амалга оширилади. Қоида бўйича тўсатдан пайдо бўлувчи қасд жиноят содир этишда айбдорнинг кам даражали ижтимоий хавфлилигини ифодаловчи ҳолатларда кўринади. Шу аснода қасднинг мазкур тури содир этилган қилмишнинг ва шахс хавфлилигининг юқори эканини намоён этади. Масалан, кўчада тасодифан ўтиб кетаётган одамни сабабсиз (чекишга бермаганлик учун ва ш.к.лар) безорилик орқасида ўлдириш олдиндан ва пухта ўйланган расм туфайли одам ўлдиришдан анча оғирроқ жиноят ҳисоблағғади.

Аффект ҳолатидаги қасднинг характерли томони шуки, шахсда жигъоят содир этиш нияти кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлган пайтида (физиологик аффект ҳолати) пайдо бўлиб, шахс ўзи содир этаётган қилмишининг Х5'сусиятини англаши қийинлашади. Аффект ҳолатидаги қасд тўсатдан пайдо бўлган қасддан фарқли ҳисобланиб, унинг жиноятхукукий мазмунга эга бўлишига аффект ҳолатини келтириб чиқарган жабрланувчининг ахлоқва хукукқа хилоф ҳаракатлари сабаб бўлади. Мазкур факт қонунчиликда кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (ЖК 98моддаси) ва кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ва ўртача оғирликда шикаст етказиш (ЖК 106моддаси) каби жиноятлар таркибини енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинган.

Субъектнинг ўзи содир этган қилмиш тўғрисидаги тасавури ва келтирувчи жиноий оқибатларига кўра қасд ағтиқланган (конкретлаштирилган), аниқланмаган (конкретлаштирилмаган) ва альтернатив турларга бўлинади.

Аниқланган (конкретлаштирилган) қасдда субъект келиб чиқиши мумкин бўлган зарарнинг ҳажми ва хусусияти тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиб, муайян ижтимоий хавfli оқибатларнинг келиб чиқишини олдиндан кўра олади, қандайдир бир жиноий натижага эришишни истайди. Масалан олайлик, кўкрак ёки бош қисмига ўқ отиш орқали айбдор бутунлай конкрет бўлган индивидуал аниқланган жиноий натижа — жабрланувчининг ўлими келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра олади.

Аниқланган қасдда айбдорнинг қилмиши қасднинг йўналтирилганлиги бўйича квалификация қилинади.

Аниқланмаган (конкретлаштирилмаган) қасд айбдорнинг ўзи содир этаётган қилмиши оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиши, яъни уларнинг индивидуал аниқланган бўлмаганлиги, етказиладиган зарарнинг ҳажми ва хусусияти конкрет бўлмаслиги билан ифодаланади. Масалан, жабрланувчининг бошига ва гавда қисмига уриш орқали, айбдор унга тан жароҳатлари етказаетганлигини англайди, бироқ унинг тасаввури етказилаётган зарарнинг оғирлик даражасини, яъни оғирми, ўртача оғирми ёки енгил тан жароҳати бўладими буни қамраб ололмайди.

Аниқланмаган қасддан содир этилган жиноятларни фактик келиб чиққан оқибатларга боғлиқ ҳолда квалификация қилиш керак бўлади.

Альтернатив қасд аниқланган (конкретлаштирилган) қасднинг бир тури бўлиб, айбдор ўзининг содир этган ҳуқуққа хилоф қилмиши натижасидаги икки ёки анча индивидуал аниқданган ижтимоий хавfli оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра олади ва англаб етади, шунинг билан субъектнинг иродаси тенг даражаларда оқибатлардан хоҳлаган бирига эришишга қаратилади. Масалан, жабрланувчининг бош қисмига уриш орқали айбдор, жабрланувчининг ўлими ёки унга оғир тан жароҳатлари етказиш каби оқибатни бир хил даражада олдиндан кўра билиши ва уларнинг келиб чиқишини исташи мумкин. Бундай ҳолатларда содир этилган қилмишни келиб чиққан фактик оқибатлар билан боғланган ҳолда квалификация қилиш лозим. Агар субъектнинг бундай ҳаракатлари натижасида жабрланувчига ўртача оғирликдаги шикаст етказилган бўлса, жавобгарлик айбдорнинг қасди анча оғирроқ зарар етказишга қаратилган бўлганлиги сабабли оғир тан жароҳати етказишга суиқасд деб белгиланиши лозим.

4§. Эҳтиётсизлик ва унинг турлари

Айбнинг эҳтиётсизлик шакли айбдорликнинг уғча ижтимоий хавfli бўлмаган кўрғшииш ҳисобланади. Эҳтиётсизлик қасддан фарқли равишда айбдорнинг жиноий оқибатларга салбий муносабати билан боғланган бўлиб, унга кўра айбдор жиноий оқибатларнинг келиб чиқишини истамайди ва бундай оқибатлар келиб чиқишига кўзи етмайди.

Агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқатвори қонунда назарда тутилган юқтимоий хавfli оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтишкорлик чоратадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда буидай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса (ўзўзига ишониш) ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигига кўзи етмасада, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса (бепарволик), бундай жиноят эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб ҳисобланади.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланганидек, эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган жиноятлар учун жавобгарлик масаласи ижтимоий хавfli оқибат етказилиши билан юзага келади. Қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг мавжуд бўлмаслиги, ўз навбатида, жавобгарликни юзага келтирмайди. Бироқ жиноят кодексида истиснолар ҳам бор. Жумладан, ҳужжатларни, предметларни ва нарсаларни, давлат сирини ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни эҳтиётсизлик орқасида йўқотиш жиноят деб топилади (ЖК 163 моддаси).

Қонунчилик эҳтиётсизликнинг ўзўзига ишониш ва бепарволик шакллари билгиласада, ҳар икки ҳолатда ҳам уларни келиб чиқадиган оқибат билан боғлайди. Улар инсоннинг салбий жиҳатлари — эътиборсизлик, бефарқлик ва эҳтиётсизлик каби ҳислатлари билан боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, у ёки бу ҳолатда шахс зарур даражада эҳтишкорлик қилмайди, шунинг учун ўзўзига ишониш ва бепарволикни эҳтиётсизлик тушунчаси бирлаштириб туради.

Эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган жиноятларни бирлаштириб турувчи хусусиятлардан бири, бу — айбдорнинг қилмишга нисбатан руҳий муносабати бўлиб, шахс ўзининг қилмишида (ҳаракат ёки ҳаракатсизликда) ижтимоий хавfli хусусиятларни англамайди. Бепарволикда бундай хусусият ижтимоий хавfli оқибатни олдиндан кўра билмаганлик билан, ўзўзига ишонишда оқибат келиб чиқишига асоссиз умид қилиш, жамиятга зарар етказмаслигига ишончда ифодаланади. Айни вақтда, ўзўзига ишониш ва бепарволикда ҳам шахс содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавfliлик хусусиятини англаши лозим ва англаши мумкин бўлиш мажбурияти мавжуд бўлади.

Одатда, эҳтиётсизлик билан содир этилган жиноятлар етказилган оқибатга қараб, айрим ҳолда эса, бу оқибатларни вужудга келтирган усул ва воситасига қараб таснифланади.

Қонун эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган жиноятни қилмишни содир этган шахснинг ўз қилмиши оқибатига бўлган муносабати сифатида баҳолайди. Шунга мувофиқ, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар ва эҳтиётсизлик айб шаклини акс эттирувчи жиноятлар кўп ҳолларда моддий таркибга асосланган бўлади. Бу ҳолатни рад этиш асоссиз жавобгарликнинг вужудга келишига, айб учун жавобгарлик принципининг бузилишига олиб келади.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларда жиноятнинг тайёргарлик, суиқасд босқичлари ва иштирокчилик белгилари бўлмайди.

ЖК 22моддаси 2қисмига кўра, агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқатвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавfli оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чоратадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноятлар ўзўзига ишониш оқибатида содир этилган деб топилади.

Ўзўзига ишониш қасд сингари айбдор онгида акс этувчи объектив фаолият фактлари (қилмишнинг фактик белгилари, унинг келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлари, субъект ҳисобга олган ҳолатлар)ни ташкил этувчи ўзининг предметли моҳиятига эга.

Эҳтиётсизликнинг мазкур кўринишига қонунчиликнинг берган таърифига кўра, **ўз ўзига ишонишнинг интеллектуал (тафаккурий) ҳолати** шундан иборатки, айбдор ўз хулқатвори натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавfli оқибатни олдиндан кўра билади. Шу сабабли, баъзи криминалистларнинг фикрича, ўзўзига ишонишда ижтимоий хавfli оқибатларнинг келиб чиқишини олдиндан кўра билиш бу оқибатларнинг келиб чиқмаслигига ишонччи нейтраллаштиргани учун содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавfliлигини англаш билан бир хил қийматга эга эмас. Келажакда хавfli оқибатларнинг олдини олишга ишонсада (асоссиз бўлсада), субъект содир этган қилмишининг жамиятга зарар етказмаслигига ишонади, яъни унинг ижтимоий хавfli хусусиятга эга эканлигини англамайди. Шахс, ҳатто, ўз ҳаракатларини ижтимоий фойдали деб ўйлаши ҳам мумкин. Мисол учун ижтимоий хавfli оқибатни олдиндан кўра билиш ҳуқуқий фаолиятларда ҳам бўлиши мумкин (жарроҳлик операциялари ва бошқа таваккалчиликка асосланган соҳалар). Мазкур ҳолларда шу тарзда оқибатни олдиндан кўра билиш, салбий оқибатлар келиб чиқиши олдини олишнинг зарур шarti ҳисобланади. Шунинг учун, ўзўзига ишонишда айб ҳолати ижтимоий хавfli оқибатларни олдиндан кўра билишда эмас, балки уларнинг олдини олишга қаратилти neon in v.\in/i.ia писблтап олинади.

Бошқа бир ҳуқуқшунос олимларининг **фикрича** оқибатида жиноят содир этишда, субъект қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга етказиши мумкин бўлган, ўзи содир этаётган ҳаракат ёки сизликнинг ижтимоий хавfliлигини англайди ва шахснинг бундай ҳолатни англаши ўзўзига ишонишнинг қонун томонидап блш ланган зарурий белгиси бўлиб, ҳар бир ишда судлар томонидан аниқдаштирилиши керак.

Бу масалани ҳал этиш жиноятҳуқуқий ақамият қасб этмагани учун қонунчилик ўзўзига ишонишни белгилаб берган ҳолда, субъектнингўзи содир этган қилмишига интеллектуал муносабатини киритмаган.

Ўзўзига ишониш орқасида жиноят содир этган субъект ижтимоий хавfli оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини кўра оладиган даражада ўзи содир этган қилмишнинг фактик белгиларини англаши лозим. Таъкидлаб ўтилганидек, эҳтиётсизлик учун жавобгарлик аксарият кўп ҳолларда ижтимоий хавfli оқибатлар (қоида бўйича оғир ҳолатлар) мавжуд бўлиб, уларнинг келиб чиқишида ва шахс қилмишининг ижтимоий хавfli хусусияти аниқланган ҳолларда келиб чиқади.

Шахснинг муайян эҳтиёткорлик қоидалари бузилганида, ўзи содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавfliлик хусусиятини англаши ёки англамаслиги тўтрисидаги масалани ҳал этиш, жазони индивидуаллаштиришдагина аҳамият қасб этади.

Шундай қилиб, жиноятда ўзўзига ишонишнинг интеллектуал ҳолати **шахснинг ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билишига** киради. Шунинг учун белгиларита кўра, ўзўзига ишониш эгри қасддагидек ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан англаш билан бирбирига ўхшаб кетади. Бирок, эгри қасдда айбдор аниқ ҳолат бўйича юзага келиши мумкин бўлган оқибатни аниқ англаса, ўзўзига ишонишда бундай оқибатни олдиндан англаш мавхум характерга эга бўлади. Бунда шахс юзага келиши мумкин бўлган аниқ шаклда бўлмаган қилмиш натижасидаги ижтимоий хавфли оқибатни англайди.

Шу билан бирга мавхум олдиндан англаш имкониятини унификация (бир хиллаштириш) қилиш мумкин эмас. Бундай имконият фақат аниқҳолат ва вақтларда кўриб чиқилиши мумкин. Ҳар доим ҳам автомашинанинг тормоз шланги ёрилиб, аварияга учраши; ўрмонда дарахт кесаётганда ёки ҳайвонга қаратиб овчи ўқ узганда одам ўлдириши; беморнинг организмида номаълум аномалияларнинг мавжудлигидан шифокорнинг аралашуви натижасида унинг соғлиғига зарар етказилишидаги ҳолатларда мавхумлик мавжуд.

Ўзўзига ишонишда олдиндан кўра билиш шу билан изоҳланадики, шахс иродавий жиҳатлар, рухий босим ва таъсир билан мазкур ҳолатларнинг ҳақиқий сабабий боғланиш ривожланишини англаши мумкин бўлсада, уларни англамайди. Айбдор ҳолатга жиддий ёндашмай, лекин амалда оқибат келиб чиқишининг олдини олишга умид қилади, лекин амалда оқибат келиб чиқишига монелик қила олмайди.

Таъкидлаш жоизки, ўзўзига ишонишда жинойий оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билиши онгли равишда эҳтиёткорлик чоратадбирларига риоя қилмаслик билан ифодаланади.

Эҳтиёткорлик чораларига амал қилмасликда шахс келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан англаш имкониятига эга бўлиб, унинг келиб чиқишининг олдини олишда етарли ва зарур чораларни кўрмайди. Мазкур ҳолатларда шахс бундай оқибат маълум бир ҳолат ва шароитлар ўтиши билан келиб чиқмайди, деб ҳисоблайди, бироқ оқибатнинг олдини олишга қаратилган ҳеч қандай мустақил ҳаракатни амалга оширмайди.

Шунинг учун айбдор шахс сабабий боғланишнинг бирбирига тўғри келиб қолишини кузатиш ҳолатида бўлмайди ёки оддийгина жинойий натижанинг келиб чиқиши учун қаршилиқ қилувчи ҳолатни нотўғри баҳолаганлиги сабабли ўзи тахмин қилган сабабий боғланишининг ривожланишида адашиши мумкин. Ўзўзига ишониш билан қасднинг сабабий боғланишдаги хато ўртасидаги асосий фарқ, бу келиб чиққан оқибатга нисбатан қасддан айбни рад этади.

Эҳтиёткорлик чоралари зарурий ва мажбурий хусусиятга эга бўлган иш, касб ва мансабдаги шахс мажбуриятларига тўлалигича киради. Бундан ташқари, эҳтиёткорлик чоралари муайян ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ҳам белгиланиши мумкин. Шунинг учун амал қилиниши лозим бўлган чоратадбирларни кўрсатиб бўлмайди.

Эҳтиёт чораларининг мавжудлиги ўзўзига ишониш ижтимоий хавфли оқибатининг олдини олишга қаратилган асосиз таваккалчиликни ифодаловчи **иродавий ҳолатнинг** хусусияти билан ҳам боғлиқ. Бунда айбдор эҳтиёт чораларига риоя қилмаётганини англаганлиги муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳолат шундан далолат берадики, айбдор қандайдир объектив ва субъектив ҳолатларни англайди ва уларга мувофиқравишда ўз хулқатворини шакллантиради.

Ўзўзига ишонишнинг иродавий ҳолати ижтимоий хавфли оқибатларнинг олдини олишга қаратилган асосиз (етарли асослар мавжуд бўлмаган, енгилтаклик билан) таваккалчиликдан иборат. Бу билан ўзўзига ишонишлик тўғрисидаги ҳисобкитобдан шундай факт далолат берадики, унда жинойий оқибат барибир келиб чиқади. Айнан бу белги ўзўзига ишонишни эгри қасддан ажратувчи муҳим белги ҳисобланади.

Агар шахс эгри қасдда ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйса ёки уларнинг келиб чиқишга бс фарқ бўлса, яъни келиб чиққан оқибатни ёқласа ски ујарі а ижобнй ёндашса, ўзўзига ишониш эса, шахс нафақат **ХОҲИШИНИНГ** маижуд эмаслиги, оқибатларга онгли равишда йўл қўйишни истамаслш и, уларни келтириб чиқармасликка ҳаракат қилиши ва уларга ИИСба тан нисбий муносабатда бўлиши билан фарқданади. Қопун ўзўзига ишонишнинг иродавий ҳолатини (мазмунмоҳиятини) умид сифа тида эмас, балки ижтимоий хавфли оқибатнинг олдини олишга қаратилган тўла воқелик сифатида қарайди. Субъект таваккалчиликка, ҳолатларнинг бирбирига тўғри келиб қолишига асосланмайди, балки унинг фикри бўйича жинойий оқибатларни келтириб чиқарадиган конкрет шартшароитлар ва ҳолатларга тахмин қилади. Бундай шартшароит ва

ҳолатлар (куч, уддабуронлик, тажриба, кўникма, билим ва ш.к.лар) қоида бўйича айбдорнинг шахси ва қилмишига нисбатан (тегишли) бўлади, шунингдек, жиноят содир этиладиган вазиятлар (тунги вақтда, одам йўқлигида ва ш.к.лар), бошқа шахсларнинг ҳаракатлари (пиданинг йўлдан кесиб ўтишга улгуришига ишониш, ўрмонда гулханни кимдир ўчиришига ишониш ва ҳ.к.), механизмларнинг ҳаракати ва бошқа табиат кучлари ҳам.

Бунда тахмин ўзўзига ишонишда енгилтаклик ва ижтимоий хавфли оқибатларнинг олдини олишга қаратилган ҳолатларга, эҳтиёткорлик чоратадбирларига риоя қилмасликда кўринувчи нотўғри баҳо бериш натижасида юзага келади.

Қонунчиликда ўзўзига ишонишни асоссиз равишда умид қилиш конструкцияси икки хил ифодаланadi. Унинг икки хиллиги шундаки, асоссиз равишда умид қилиш белгиси биринчи навбатда ўзўзига ишонишнинг иродавий ҳолати ва ўз навбатида унинг интеллектуал ҳолати ҳам ҳисобланади. Шахс ўзи тахмин қилаётган ҳолатларни (тўғрими нотўғрими) англайди ва унинг қилмиши билан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибат ўртасида сабабий боғлиқликдаги ривожланишнинг тўхтатилиши ёки издан чиқишига тахмин қилади. Шахс келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан англаши билан бирга уни ўзининг ишонган ҳаракатлари таъсирида олдиндан англамаслиги ҳам мумкин. Ўз навбатида ўзўзига ишонган ҳолда ҳаракат қилиб, шахс натижанинг олдини олиш имкониятларини олдиндан англамайди (акс ҳолда, бу зарарларнинг олдини олишга бўлган ҳаракатларга умид қилмасди), бироқ шахс бу оқибатларни олдиндан кўра билиши лозим ва мумкинэди.

Шу билан бирга шуни эътиборга олиш керакки, агар шахс жиноятнинг олдини олишга қаратилган барча чораларни кўрган бўлса ҳамда унда турли хил сабаблар бўлиб, натижанинг олдини олиш учун етарли бўлмаган ва шахс билиши мумкин бўлмаган бўлса, у ҳолда тасодиф — айбсиз ҳолда зарар етказиш деб топилади. Бошқача айтганда, шахс агар ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини олдиндан кўра билганда ва унинг олдини олиш учун зарур чоратадбирларни кўрганда ҳам барибир оқибат келиб чиқса, жиноий жавобгарлик бўлмайди. Бундай ҳолат қуйидаги ҳолларда юзага келади:

— айнан ҳисобга олинган қоидаларнинг юзага келган вазияти ва эҳтиёт чораларининг тўлиқсизлиги (илмий ва техник илмларнинг етарли эмаслиги);

— бу қоидалар мўлжалланган (тахмин қилинган) вазиятларга тўғри келмаслиги;

— оқибатлар келиб чиқишининг олдини олишга енгиб бўлмас ва олдиндан кўринмаган куч таъсири;

— маълум бир ҳаракатларни амалга ошириши лозим бўлган шахснинг ҳаракатларига умид қилиб, келтириб чиқариш эҳтимоли бўлган хавфли оқибат ҳақида уни огохлантириш мумкин бўлган ҳолатлар бўлиши мумкин. Мана шу ҳаракатларни содир этмаслик ва фактик оқибатларнинг юзага келиши таваккалчиликни онгсиз равишдаги таваккалчиликка, шу билан бирга ўзўзига ишониш даражасига ўсиб чиқишига олиб келмайди.

Ўзўзига ишонишда шахс жиноят содир этилиш вақтида асоссиз ўзига ишонувчанлик хусусиятига эга бўлгани учун айнан мана шу оқибат вужудга келади.

Шундай қилиб, ўзўзига ишониш, субъектнинг жиноят содир этиш пайтида ўзўзига ишониб, оқибат келиб чиқмаслигига асоссиз умид қилиши худди шу ижтимоий хавфли оқибатларнинг ҳақиқатдан келиб чиқишига олиб келади. Жиноят субъекти тахминининг интеллектуал ҳолати шундан иборат бўлади.

Ўз ўзига ишониш эҳтиётсизликнинг шундай турики, унда шахс ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли оқибатларини англамайди, ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатлари келтириб чиқариши мумкин бўлган мавҳумликни олдиндан кўради, эҳтиёткорлик чоратадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилади.

ЖК 22 моддаси 3 қисми бепарволикнинг моҳиятини очиб беради. «Агар жиноят содир этган шахс ўз ҳулқатвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмасида, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят бепарволик орқасида содир этилган деб топилади».

Қонунчилик жиноий бепарволикни шахснинг **қилмишни натижасида** келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий олдиндан англаш реал имкониятига эга бўлади, **лекин** бу оқибатини келиб чиқишини англаш учун қилиниши керак бўлган зарур ҳаракатларни

амалга оширмайди, диққатэътиборини ва эҳтиёткорликни намоён қилмайди, деб ҳисоблайди.

Бепарволикда **ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билмаслик** оқибатга нисбатан ҳар қандай муносабат мавжуд бўлмайди деган тасаввурга олиб келмайди, балки бундай муносабат махсус шахснинг қонун талабларига, ижтимоий ҳуқуқатвор қоидаларига, бошқа шахс манфаатларига бепарво муносабатда бўлишида ифодаланади. Шунинг учун **бепарволикда интеллектуал ҳолат** ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билмасликдан ташқари, шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатини англамаслиги билан ифодаланади.

Жиноий бепарволикнинг интеллектуал ҳолати ижобий ва нисбий мезонларга бўлинади.

Жиноий бепарволикнинг **нисбий мезони** шахснинг келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан англамаслигида намоён бўлади, Бепарволик шаклидаги айб формасида шахс оқибат келиб чиқиши мумкинлигини ҳам, реаллигини ҳам ёки мавҳумлигини ҳам олдиндан англаб етмайди.

Оқибатни олдиндан кўра билиш мумкинлиги қилмиш содир этилаётган вазиятнинг ўзига хослиги ва айбдорнинг индивидуал хусусиятлари билан изоҳланади. Айбдорнинг индивидуал хусусиятларига унинг (жисмоний ҳолати, ривожланганлик даражаси, маълумоти, касбий маҳорати, соғлиги ҳолати, қабул қилиш даражаси) қилмиш содир этилаётган вазиятдан келиб чиқиб, асосли ҳулосалар қилиши ва атроф муҳитни тўғри қабул қилиши ҳамда уларга баҳр беришга имкон яратиши киради. Бу икки таянчнинг мавжудлиги айбдор содир этаётган қилмишнинг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра билишга реал имконият яратади.

Жиноий бепарволикнинг **ижобий мезони** норматив аҳамият касб этиб, у айбдорнинг келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан билиши лозим ва мумкин бўлганлигини англатади. Айнан мана шу белги бепарволикни мустақил айб чури сифатида жиноятҳуқуқий аҳамиятини оширади. Бу инсоннинг англаши ва иродавий хусусиятлари билан белгиланади: билиш лозимлиги норматив аҳамиятга эга бўлган объектив белги ҳисобланса, олдиндан кўра олиши мумкинлиги катта даражада ижтимоий аҳамият касб этадиган субъектив белги. Объектив белгининг ўзи билангина шахсда ижтимоий хавфли оқибатларни келиб чиқишининг олдини олиш учун имкониятлар мавжуд деган ҳулосага келиб бўлмайди. Ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билиш лозимлиги ва мумкинлиги шахснинг мажбуриятидан келиб чиқиб белгиланади. Бу қоида айбдорнинг мансаб макомини белгиловчи, унинг касбий вазифалари ва умуммажбурий ижтимоий ҳуқуқатвор қоидаларида, қонун, шартнома ва бошқаларда акс эттирилган бўлиши мумкин. Бироқ бу тарздаги норматив ва ижтимоий мажбуриятларнинг мавжудлиги шахснинг у етказиши мумкин бўлган ижтимоий зарарли ва хавфли оқибатни тўла англаши учун етарли ҳисобланмайди. Бунинг учун нисбий мезонлар мавжудлигини аниқдаш лозим.

Эътиборлилик ва эҳтиёткорлик жиноят ҳуқуқида ҳуқуқатворнинг лозимлиги ва мумкинлигини ёритувчи атамалар ҳисобланади. Улар ижтимоий нормалар, тўғридантўғри қонундан келиб чиқувчи нормалар, бошқа ҳужжатлардаги қоидалардан келиб чиққан ҳолда моҳиятни очиб беради.

Ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра билиш ёки кўра билмаслик тасодиф ҳисобланмай, бу шахснинг мазкур ҳаракатлари билан бузилиши мумкин бўлган бошқа шахс, жамият ва давлат манфаатларига бўлган муносабатдан келиб чиқади.

Ўзўзига ишониш ва бепарволик иродавий ҳолатларининг фарқи шундаки, ўзўзига ишонишда шахс келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатнинг келиб чиқишини мавҳум тарзда олдиндан кўра олади, бепарволикда эса, шахс келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатнинг ҳеч қандай шаклини олдиндан кўра олмайди.

Жиноий бепарволикнинг иродавий ҳолати айбдорнинг руҳий имкониятлари ва қуввати ижтимоий хавфли оқибатнинг олдини олишга қаратилган зарур фаолиятни амалга оширишда фаоллашмайди.

Ўзўзига ишониш ва бепарволикда иродавий ҳолатлар бирбирига ўхшаш. У ва бу қолатда ҳам келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатга нисбатан ижобий оқибат мавжуд бўлмайди, яъни айбдор зарарли оқибатлар келиб чиқишига онгли равишда йўл қўймайди ва хохламайди. Улар ўртасидаги фарқ шунда кўринадики, ўзўзига ишонишда шахс келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатнинг келиб чиқишини мавҳум тарзда олдиндан англаб, онгли равишда хавфли иродавий ҳаракатларни содир қилади, бироқ бунда шахс ўз ҳисобидаги айрим омилларни хавфли оқибат келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида ишлатади,

бепарволикда иродавий хохиш айбдорга ижтимоий фойдали ёки ижтимоий нейтрал тасаввур қилиниб, унинг ҳеч қандай чора кўрмаслигига сабаб бўлади.

Бепарволик эҳтиётсизликнинг шундай турики, унда шахс ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли оқибатларини англамайди, ўз хулқатвори ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмайди, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлади.

5§. Мураккаб айбли жиноят

ЖК 23моддаси мураккаб айб шаклида содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгилаб беради. Ушбу қонунга кўра, «агар шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни қонун қаттиқроқ жавобгарлик билан боғлаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади».

Бир жиноят таркибида икки айб шаклининг мавжудлиги айрим жиноят таркибларига киритилган: жиноят қонуни бир таркибга юридик жиҳатдан мустақил бўлган икки жиноятни: биринчиси, қасддан содир этилган жиноятлар; иккинчиси, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган икки мустақил жиноятни бирлаштиради. Уларнинг ҳар бири мустақил таркиб ҳосил қилиши мумкин, лекин улар субъектив хусусияти билан бирбирига мослиги жиҳатдан янги жиноят таркибини ҳосил қилади.

Икки айб шаклининг бир жиноят таркибида мавжуд бўлиши фақат квалификация қилиш белгиси сифатида намоён бўлади: қасд қасддан содир этилган жиноят таркибининг асосий ташкил этувчи элементи сифатида қаралса, эҳтиётсизлик квалификация қилинаётган белгига нисбатан олинади. Бундай ҳолларда қасд (тўғри ёки эгри) асосий жиноят таркибининг субъектив белгиларига киритилиб, эҳтиётсизлик (ўз ўзига ишониш) эса, квалификация қилишдаги белги сифатида олиб қараладиган асосий жиноят таркибига кирмайдиган оқибатга нисбатан руҳий муносабатни ифодалайди.

Бир вақтнинг ўзида айбнинг икки шаклини ўзида мужассам этган жиноятларнинг сони Жиноят кодексида унчалик кўп эмас. **ЖКнинг 23моддаси** тахлили ҳамда ЖКнинг Махсус қисми қоидалари шундан далолат берадики, қонун чиқарувчи бундай жиноят таркибларини тузишда:

— икки ҳар хил оқибатларга;

— биринчи томондан, қилмишга нисбатан ва иккинчи томондан, ЖК Махсус қисми моддаларидаги квалификацияловчи белги сифатида қонунда назарда тутилган оқибатга нисбатан айбдорнинг бир хил бўлмаган (қасд ва эҳтиётсизлик) руҳий муносабатида ўз аксини топган айб шаклининг икки хиллигидан келиб чиққан.

Мураккаб айбли жиноятларнинг **биринчи тури** шахснинг Махсус қисм моддаларида назарда тутилган содир этаётган жиноятининг келиб чиқиши мумкин бўлган яқин ва оғирроқ оқибатга нисбатан бўлган руҳий муносабати қасд шаклида деб қаралса, келиб чиқиши назарда тутилмаган оғир оқибатлар эҳтиётсизлик шаклида деб олиниши билан таърифланади. Бу ерда икки бирбирига ўхшамаган оқибатнинг мавжудлигини кўришимиз мумкин. Ўз навбатида бундай икки мустақил айб шакли келиб чиқиши вақти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси ҳар хил бўлган жиноят таркибининг асосий белгиси сифатида оқибат қараладиган моддий таркибли жиноятга нисбатан олиб қаралади. Бошқа сўз билан айтганда, буни асосий жиноят таркиби белгиларидан ҳисобланган келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатдан кўра оғирроқ оқибатнинг юзага келиши билан изоҳлаш мумкин. Масалан, баданга оғир тан жароҳати етказиш жинояти шахс ўлимига сабаб бўлса (ЖК 104моддаси 3қисми «д» банди), баданга оғир тан жароҳати етказиш жинояти кабиларни ўзида қамраб олувчи шахс соғлиғи унинг мустақил объекти сифатида намоён бўлса (ЖК 104моддаси 1қисми), бироқу эҳтиётсизлик орқасида шахс ўлимига сабаб бўлганда, шахснинг ҳаёти тажовуз (ЖК 102моддаси) объекти ҳисобланади. Мазкур ҳолатда қасддан айнан шахсга оғир тан жароҳати (нутқи, кўриш, эшитиш қобилиятининг йўқолишига ва қандайдир органидан ажралишига олиб келувчи) етказишга, анча оғир оқибатларга нисбатан (жабрланувчининг ўлими, айбдорнинг ички руҳий ҳолати) эҳтиётсизлик билан ифодаланади.

Иш ҳолатлари (етказиладиган тан жароҳатининг хусусияти, зарар етказишда ишлатиладиган жиноятни содир этиш қуроллари, воситалари ва бошқа ҳолатлар) ўлим келиб чиқиши хавфини кўрсатсада (эҳтиётсизликнинг интеллектуал ҳолати), бунда иродавий ҳолат оғир тан жароҳати етказишни хоҳлашида ва бунга онгли равишда йўл

кўйишида ифодаланади. Айбдор ўз навбатида ўлимнинг келиб чиқишини олдиндан кўра билиши мумкин ва лозим бўлган ҳолда эҳтиётсизлик (иродавий ҳолат)ка йўл қўяди, лекин бундай оқибат келиб чиқмаслигини англамаган ҳолдатахмин қилади ёки олдиндан кўра билмайди.

Бу ҳолатларни аниқдаш жиноятни квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этади. Юқори турувчи суд инстанцияси кўрсатмасига кўра, судлар қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятидан фарқлаши лозим. «Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш ниятида ҳаракат қилади, баданга оғир шикаст етказиш шахснинг ўлимига сабаб бўлган ҳолларда эса, ўлимга нисбатан унинг айби эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади».

Бу квалификацияга таъсир қиладигани оқибат жиноят ҳуқуқий Нориwa билан кўриқданадиган асосий жиноят таркибидаги объектдан ташқари кўшимча объектга зарар етказишда ифодаланади. Бу туркумдаги жиноятларга асосий таркибли формал, квалификацияга таъсир қилувчи белгилари маълум бир оғир оқибатни юзага келтирувчи жиноятларни мисол келтириш мумкин. Масалан, жабрланувчкнинг ўлими аборт ўтказишда келиб чиқиши (ЖК 114моддаси 3қисми «а» банди). Бундай шаклдаги қасддан содир этилган жиноятлар квалификация қилинадиган оқибатга нисбатан эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб баҳоланади.

Айбнинг мураккаб шакли фақатгина моддий таркибли жиноятлардан ўрин эгаллайди ва шахснинг турли хил руҳий муносабатлари билан ифодаланади, чунончи, биринчидан бу қилмишни квалификация қилувчи қилмишга ва оқибатларга нисбатан, иккинчидан, унча оғир бўлмаган ва ўта оғир бўлган икки хил оқибатларга нисбатан қасд ва эҳтиётсизликни кўшиш орқали ифодаланади.

Мураккаб айбли жиноятларни тўғри квалификация қилишнинг муҳимлиги объектив белгиларига кўра, ўхшаш бўлган қасддан содир этилган жиноятлардан ажратишда кўринади. Агар қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида шахснинг ўлими юзага келса, шунингдек, ҳаракат умумий қасд (эгри қасд бўлса ҳам) билан камраб олинган бўлса, содир этилган жиноят қасддан одам ўлдириш деб квалификация қилинмоғи лозим.

Мураккаб айбли жиноятлар умуман қасддан қилинган жиноят ҳисобланади ва бу категория жазони ўташ тартибига ва бошқа жинойиҳуқуқий оқибатларга таъсир қилади.

6§. Айбсиз ҳолда зарар етказиш

Айб учун жавобгарлик принципи ЖК 9моддасида кўрсатиб ўтилган бўлиб, ЖКнинг Умумий ва Махсус қисмидаги жиноят таркибининг субъектив томонидаги масалаларни кўриб чиқиш ва квалификация қилишда аҳамиятли бўлган асосий принциплардан саналади. Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

ЖК 24моддасига кўра, «агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англамаган, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган ёки унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмаган ва ишнинг ҳолатларига кўра кўзи етиши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган бўлса, бундай қилмиш айбсиз ҳолда содир этилган деб топилади».

Субъектив **казус** билан боғлиқ бўлган айбсиз ҳолда зарар етказиш ҳақидаги ЖК 24моддаси мавжуд ҳолатнинг икки турини кўрсатиб ўтади:

—ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс, ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англамаганлиги ва иш ҳолати бўйича англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаганлиги;

—шахснинг ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини мажбурият ва имкониятнинг йўқлиги сабабли олдиндан кўра олмаслиги.

Биринчи кўринишдаги субъектив ҳолат (казус) қоида тарикасида формал таркибли жиноятларга хосдир, жумладан, айбсиз ҳолда зарар етказишни эҳтиётсизлик орқасида содир этилган формал таркибли жиноятлардан ажратиш имконини беради. Казуснинг иккинчи кўриниши моддий таркибли эҳтиётсизликда содир этилган жиноятлардан иш ҳолати бўйича ходисаларни ажратиш олишга мўлжалланган.

Шахс томонидан юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан англаш имконияти ва мажбуриятининг йўқдиги айбни инкор этади. Шунинг учун шахснинг ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан англаши имконияти ва мажбуриятининг йўқлиги жиноий қилмиш содир этилган муайян ҳолат ёки субъектнинг шахсий сифатлари (тажрибаси йўқлиги, касбий маҳорат, интеллектуал ривожланишнинг пастлиги ва ҳ.к.) бўлиши мумкин.

Айбсиз ҳолда зарар етказиш (казус), қачонки шахс ўз қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфлилигини англамаганда ёки ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигига кўзи етмаган ва иш ҳолати бўйича англаши ва олдиндан кўра билиши мумкин ва лозим бўлмаганда юз беради.

Казус қасддан интеллектуал ва иродавий ҳолатларга кўра фарқ қилади. Қасдда (тўғри ёки эгри) шахс ўз қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди. Казусда эса, ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфли хусусиятини англамаган, англаши лозим ва мумкин бўлмаган бўлади. Бунда (қасд учун хос бўлган) келиб чиқиши лозим ва мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билиш мавжуд эмас. Казусдаги қасдда бўлганидек, ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишини хошлаш ва унинг келиб чиқишига йўл қўйиш каби ироданий ҳолатларнинг йўқлиги билан фарқланади.

Эҳтиётсизликдан казус иродавий ҳолатига кўра фарқдападн. Казусда шахс юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билмайди, олдиндан англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмайди, эҳтиётсизликда эса, аксинча, бу оқибатларни олдиндан кўра билиши мумкин ва лозим бўлади,

Субъектив ҳолатда айбдан фарқли равишда руҳий муносабат эмас (у мавжуд бўлмайди), балки алоҳида у ёки бу ижтимоий хавфлилик, шу билан бирга, жиноят ва жазони инкор этадиган вазиятда ҳаракат қиладиган (ёки қилмайдиган) шахс руҳий ҳолатини тушуниш керак. Бу шахснинг ижтимоий хавфли оқибат етказган қилмиши таркибида айб мавжуд бўлмаганлиги учун жиноий жавобгарлик юзага келмайди.

7§. Жиноятнинг мотиви ва мақсади, эмоционал ҳолат

Жиноят таркиби субъектив томонининг қасд каби зарурий белгиларидан ташқари, баъзи жиноят таркиби тузилишининг ўзига хос хусусиятлари туфайли бошқа элементлари ҳам ажралиб чиқади. Улар жиноят содир этишдаги мотив ва мақсадлар ҳисобланади. Улар айб қатори шахснинг содир этган қилмишига ва унинг оқибатларига нисбатан бўлган руҳий муносабатнинг билдириш шаклини, моҳияти, даражасини ифодалайди. Мотив ва мақсад реал ҳаракатларнинг аниқ вазифаларини, воситалар танлаш ва уларни ҳал этиш усулларини қўйишни белгилайди. Уларнинг асосида жиноий қилмишнинг идеал ҳаёлий модели вужудга келади ҳамда шунинг билан, шахснинг ижтимоий хавфли қилмишига, яъни айбига нисбатан реал руҳий муносабатини туғдирувчи фундаментни кўрсатади.

Ҳар қандай қасддан содир этилган жиноят қандайдир мотив ва у ёки бу мақсадда содир этилади. Мотив ва мақсаднинг ижтимоий ва криминологик аҳамияти шундан иборат бўлади. Шундай бўлсада, баъзи тадқиқотчилар эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларнинг мотив ва мақсадлари мавжудлигини турли хил шартлар билан иеботлашга уринмоқдалар¹. Бу эса нотўғри, бундай йўсинда жиноятҳуқуқий ва криминологик ёндашишларнинг бу кўриниш билан аралашиб кетишига йўл қўйилади. «Одам ҳуқуқворининг мотиви шундагина жиноят мотиви бўладики, қачонки мотив жиноий қилмишнинг барча муҳим хусусиятларини қамраб олганида, бу эса фақат қасддан содир этиладиган жиноятларда бўлиши мумкин».

Бундан ташқари, қонунчилик мотив ва мақсадни айбнинг эҳтиётсизлик шаклидаги жиноят таркибининг зарурий ва квалификацияланган белгилари қаторига киритмайди. Шунингдек, мақсад қўзланган натижа тўғрисидаги тасаввур бўлгани учун ҳеч ҳам эҳтиётсизликнинг ичига киритиш мумкин, деб ҳисоблаш керак эмас. Шунинг учун эҳтиётсизлик орқасидаги жиноятларга мувофиқ фақат мотив ва мақсад тўғрисида гапириш мумкин, бироқ жиноят тўғрисида эмас.

Ҳар қандай жиноят таркиби ҳам мотив ва мақсадни ифодамайвермайди. Бу кўриниш мотив ва мақсаднинг квалификациясига таъсир этувчи жиноят субъектив томони факультатив белгиларининг жиноятҳуқуқий аҳамиятини акс эттиради.

Мотив муайян ҳаракатларни содир этишга бўлган ният бўлиб, хусусан, жиноят мотиви ўзида, одам руҳиятида рўй берадиган жуда қийин эмоционал (ҳиссий) ва иродавий жараёни намоён этади. Чунончи, мотив жиноий фаолиятга шахснинг фаол қизиқтирувчи омили (стимул) ҳисобланувчи куч ва шиддат билан интилишни беради.

Хулқатворнинг бошқа шаклларида хуқуқий баҳоси ва ўзининг йўналтирилганлиги билан ажралиб турувчи жиноят индивид ижтимоий фаоллиги бир кўриниши бўлгани учун, жиноят мотивининг жиноятхуқуқий ва криминологик тушунчаси фақат руҳий пойдевор асосида қурилади ва шунта мувофик, хулқатворнинг ҳамма асосий ижтимоий ва руҳий қонуниятлари, унинг меъёрий бўлмаган характери билан боғланган хусусиятини ҳисобга олган жиноятга ҳам хосдир.

Психологияда мотив остида шахс фаоллиги омили, яъни шахс хулқатвори негизда ётувчи ҳаракатдаги куч тушунилади. Бундай кучнинг манбаи бўлиб, эҳтиёжлар, яъни ҳаётий фаолиятнинг муайян шароитларидаги анланган ва анланмаган талабларнинг акс этиши кабилар кўринади². Англаш жараёнида ва эҳтиёжларни моддийлаштиришда шахс онгининг манфаатлар, қизиқишлар, интилишлар, истаклар ва бошқа «элементлари» пайдо бўлади. Бу барча маҳсулотлар эҳтиёжлар билан чамбарчас Схилапт бўлиб, улар асосида шаклланади, генетик планда «иккиламчи» кисоблапали, бироқ айнан улар шахснинг бевосита ҳаракатдаги кучи МОТИВНИ Uipari қилиб қўяди.

Кўп ҳолларда манфаат шахс фаоллигининг кўзгатуиши ҳисобланади. Манфаат эҳтиёжлардан ҳосил бўлади. Манфаатнинг англаб етилганлиги унп майл (қизиқиш)дан — эҳтиёжнинг англаб етилмаган кечинмасидан фарқдайди. Вужудга келган манфаат ва қизиқиш, ўз эҳтиёжларини қондириш йўлларида эга. Шунинг учун улар эҳтиёжни қондириши мумкин бўлган предметни учратганларида ҳаракатнинг мотиви бўлади. Эҳтиёжнинг унинг предметида конкретлашганлиги ва бу муҳим эҳтиёж билан уни қондиришнинг шароитлари ўртасидаги қарамақаршилиқ мотивнинг — қилмишга ундовчи психика фаол ҳолатининг вужудга келишига олиб боради².

Шахснинг манфаатлари унинг онгида акс этган ҳолда, тасаввур, фикрмулоҳаза, ғоя, идеал кўринишидаги мотивацион аҳамкят касб эта бошлайди. Бу мотивнинг моҳиятини кўрсатувчи томон бўлиб, унинг асосида муайян қилмишнинг олдиндан келиб чиқадиган оқибатларини ҳисобга олган ҳолда мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани ҳосил қилади. Бироқ бундай хулоса ўзиданўзи қарақатга олиб келадиган ният бўлавермайди (жумладан жиноятга олиб келадиган). Шахснинг фаоллиги интилиш, истак, қизиқиш, эҳтирос каби эмоционал (ҳиссий) кечинмалар таъсири остида амалга ошади. Ҳиссиёт ўзида эҳтиёжнинг функциясини ва субъект томонидан унинг муҳим эҳтиёжларини қондириш имкониятларини баҳолашни намоён этиб, улар мотивнинг динамик (энергетик) томонини белгилайди³. Натижада, мотивнинг таъсирчанлиги куч ва ҳиссий кечинмаларнинг кескинлиги, яъни кучайганлиги ва ниҳоят эҳтиёжнинг муҳимлиги ҳамда уни қондиришнинг ўша пайтдаги имкониятлари билан аниқланади. Ҳиссий (эмоционал) кечинмаларининг ўтиши шахснинг асаб (нерв) системаси ва руҳий (темперамент) ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади.

Қасднинг вужудга келишидан олдин баъзан мураккаб жараён — турли имкониятларни ўйлаб кўриш: ҳаракат қилиш ёки ҳаракат қилишдан тийилиш, қайси йўл билан ва қандай усулда ҳаракат қилишда кўринадиган мотивлар қураши бўлиб ўтади¹. Қарор қабул қилишда, охириги натижада субъектнинг кейинги иродавий йўналишини белгилайдиган энг кучли бўлган мотив ютиб чиқади.

Кўпинча, аффект ҳолатидаги ва «аклсиз» содир этилган жиноятларда субъект томонидан уларнинг асл моҳияти аниқланади. Баъзан булар субъектнинг эҳтиёжларни нотўғри акс эттиришидан келиб чиқади. Турли одамларда бир хил объектив шарт бўлган эҳтиёжлар бир хил шахсий маъно касб этади ва онгда акс этган ҳолда ҳам доим жиноятчининг ғайриижтимоийлигини аниқлашни белгилаш орқали сингдирилади.

Юридик адабиётларда муқаррар англаб етилган ниятлар каби мотивлар тўғрисидаги тушунчалар устунлик қилади. Бироқ шахснинг муаммоларини ўрганувчи кўпгина файласуф ва психологлар ҳар қандай ҳаракатнинг ҳақиқий мотиви ҳар доим ҳам узоқ тўлиқ англаб етилмайди деб ҳисоблайдилар.

Мотивнинг мазмундор томони, яъни қилмишни (ҳаракат ёки ҳаракатсизликни) англаш — уни содир этишнинг ҳаёлий тасаввури — ҳар доим ҳам бир хил онгда намоён бўлмайди, баъзида эса, унда мутлақо белгиланмайди. Охириги ҳолатда мотивлашмаган хулқатвор тўғрисида гапирилади, гарчи бундай мотивлашмаган хулқатвор бўлмаса ҳам.

Бундай номлагувчи мотивлашмаган хулқатворда (хаттихаракат) фақатгина мотивнинг битта категорияси — ният мавжуд. Яна мотивнинг динамик томони сифатида келувчи қиссиёт камданкам ҳолларда тўғри англаб етилади. Жуда кўп ҳолларда улар онг ости даражасида ёки фақат ички руҳий даражада бошдан кечи рилади ва улар субъектнинг кечинмаларидан ташқарига чиқиб кетмайди. Шунинг учун агар хаттихаракатнинг ўзини англамасалар, яъни хоҳиш ва уларнинг натижаларини англамасалар, мотивнинг англаб етилганлиги тўғрисида ва шахс қилмимшни англаганда бундай дейиш лғумкин эмас.

Жинойят мотиви — бу шарт бўлган муайян эҳтисжлар нп мап фаатларнинг анланган ёки анланмагани **ички** хохишиятини бўлиб, шахс унга жиноят содир этишда таянади.

Баъзида мотив тушунчаси билан мотивация тушунчаси **тенглаштирилади**. Бирок, улар гарчи ўзаро чамбарчас боғланган бўлса ҳам таърифи моҳияти жиҳатидан фарқланади.

Агар мотив деб, индивидни жинойий фаолиятга ундовчи дастлабки сабабни олсак, мотивация — бу мотивларнинг мажмуи бўлибгина қолмай, балки мотивни амалга ошириш жараёни, хаттихаракатнинг сабабкй боғланишдаги ички руҳий жараёнидир, Мотивацияни ўрганишда мотивнинг ўзини эмас, балки шахснинг барча мотивацион сферасини — уни ўрнатиш, иродавий ва ҳиссий сифатлари, яъни шахс хаттихаракатларини аниқлаб берувчи руҳий ҳолатларнинг мажмуи эътиборга олинади.

Мотив ва мақсад тушунчалари ўртасидаги ўзаро муносабат бир хилликка олиб бормайди. Агар мотив жинойий фаолиятнинг зарурий элементи бўлса, мақсад жиноят содир эта туриб субъект эришишга интилаётган хаёлий натижадир. Жиноятнинг мақсади жинойий фаолиятнинг йўналишини белгилайди. Унга фаолият тури, унинг усуллари ва воситалари боғлиқ бўлади.

Кўпгина психологларнинг фикрича, мақсад ҳар доим биринчи навбатда онгнинг харакати бўлгани ҳолда, ундовчи, мотивлашган куч орқали эмоционал (ҳиссий) кечинмаларни мақсадни амалга ошириш истагини олади. Моҳиятан, мақсад — бу исталган натижани тасаввур қилинган кўринишдаги анланган мотивдир¹.

Жиноят мақсади — бу айбдорнинг жиноят содир этиш орқали ўзи хоҳлаган натижага эришиш ҳақидаги тасаввурдир.

Жиноят мотиви ва у белгилайдиган мақсад кўпроқ бирбирига тўғри келади. Талонторож қилишда ғаразли мотив ва ғаразли мақсад мавжуд бўлади. Бирок мотивга тўғри келмайдиган бошқа мақсадларни ҳам қўйиш мумкин. Масалан, қасддан одам ўлдиришда босқинчиликни яшириш мақсадида айбдор томонидан ғаразли мотив қўлланади.

Мотив ва мақсад доим конкрет бўлади ва қоида тариқасида ЖКнинг Махсус қисмидаги моддалар диспозициясида асосий, квалификация қилинган ёки имтиёзга эга бўлган жиноят таркиби белгиси сифатидатаърифланади. Масалан, шахснинг диний таассублар натижасида қасддан одам ўлдириши (ЖК 97моддаси 2қисми «м» банди) ёки киши аъзоларини кесиб олиб бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида қасддан одам ўлдириш (ЖК 97моддаси 2қисми «н» банди) жиноятларини содир этиши. БирокЖК Махсус қисмининг айрим моддаларида берилган мотив ғаразли ёки паст ният сингари умумлашган хусусиятга эга (ЖКнинг 124, 125, 131, 133моддалари ва бошқалар) ёки бошқа шахсий манфаатдорликни (ЖКнинг 209, 212, 228' моддалари ва бошқалар) билдиради.

Жиноят мотиви ва мақсадига кўрсатмалар ЖКнинг Умумий қисмида ҳам мавжуд. Масалан, қилмишнинг жинойийлигини истисно қиладиган ҳолат сифатида, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчиликни қонунчилик ижтимоий фойдали мақсадга эришиш белгилари — муайян мақсад деб атайди (ЖК 41моддаси). Бундай ҳолларда мотив ва мақсадни кўрсатиш алоҳида жиноятхукукий аҳамият касб этади.

Юридик адабиётларда мотив ва мақсадларни квалификация қилишнинг бир неча йўллари келтириб ўтилган. Жумладан, мотив ва мақсадни маънавий ва хукукий баҳолаш

асосидаги квалификацияга мувофиқ, барча мотивлар ва мақсадлар пастлик (ғаразлилик, шуҳратпарастлик, безорилик мотиви, миллатлараро ёки ирқий адоват, диний таассублар, бошқа жиноятни яшириш ёки содир этишни осонлаштириш ва ҳ.к.) ва пастлик (тубанлик, разиллик) ҳолатидан холи бўлган (кўрқоклик, бурч тушунчасини нотўғри тушуниш ва ҳ.к.) турларга бўлинади¹.

Пастликка қонун чиқарувчи жиноий жавобгарликнинг белгиланиши ва кучайишини боғлайдиган мотив ва мақсад киради. Масалан, болани алмаштириб қўйиш учун жавобгарлик фақатгина тамағирлик ва бошқа паст ниятларда содир этилганида келиб чиқади (ЖК 124-моддаси).

Паст ниятдан холи мотив ва мақсад, аксинча, жиноий жавобгарликнинг оғирлашиши билан боғланмаган.

Бошқа ҳуқуқшунослар мотивни жиноятнинг оғирлиги бўйича қуйидагича классификация қилишади: ғайриижтимоий (сиёсий, агрессивўравонлик, ғаразли, ғаразлимажбурлаш ва ш.к.); асоциал (эгоистик, анархияиндивидуалистик ва ҳ.к.); сохта ижтимоий (алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари билан боғланган мотивлар, жиноят қонунини нормаларига зид келувчи, алоҳида шахсларнинг ва бутун жамиятнинг манфаатларига зид келувчи мотивлар); ижтимоий зид (жиноят ижтимоий негатив мотивидаги ижтимоий маъқулланган хаттиҳаракатлар мотивларининг ўсиши натижасида юзага келган, жумладан, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш ва кучли руҳий ҳаяжонланиш натижасида жиноят содир этиш)¹.

Шунингдек, мотив ва мақсаднинг уч ҳадди бўлиниши ҳам мавжуд: 1) инсонга қарши қаратилган (инсоният хавфсизлигига ва тинчлигига қарши содир этиладиган жиноятлар мотивлари); 2) ғаразли ёки паст ниятли ва 3) шахсий (рашк, кўраолмаслик, шуҳратпарастлик ва ш.к.).

Мотив ва мақсад қаторига жиноят содир этган шахснинг эмоционал (ҳиссий) ҳолатини ҳам киритиш лозим. Шу сабабли жиноий қилмиш содир этиш ва унга тайёргарлик кўриш жараёнини кузатиб борувчи шахснинг эмоционал (ҳиссий) ҳолатига жиноятҳуқуқий аҳамият касб этади.

Субъектнинг жиноят содир этиш пайтидаги **эмоционал (ҳиссий) ҳолати** ўзида жабрланувчининг иғво, ғаламислик (ҳуқуққа хилоф ёки ахлоқсиз) хаттиҳаракатлари ёки узоқ вақт руҳий азоб бериши ҳолатларини келтириб чиқарган чуқур кучли руҳий кечинмаларни намоён этади.

Кўпинча баъзи бир жиноятлар таркиблари субъектив томонининг таркибий қисми сифатида аффект — кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати намоён бўлади.

Жиноят ҳуқуқида аффект — бу қисқа муддатли, тўсатдан пайдо бўлувчи, жабрланувчининг ҳуқуққа хилоф, ахлоқсиз хаттиҳаракатлари натижасида келиб чиқувчи кучли руҳий ҳаяжонланишдир.

Аффект физиологик (жисмоний) ва патологик (ғайритабиий ҳолат) бўлиши мумкин.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида юзага келган **физиологик аффект** ўзида шахс онгида устунлик қилувчи, ўз хаттиҳаракатлари устидан унинг назорат қилишини сусайтирувчи, интеллектуал фаолиятни маълум даражада тормозлантирувчи, онгнинг торайишини ифодаловчи интенсив (бирдан кескин кучланган) ҳиссиётни намоён этади. Бироқ бу билан онгнинг чуқур хиралашиши келиб чиқмайди, ўзини тута билиш сакданиб қолади ва шунинг учун физиологик аффект жавобгарликни истисно қилмайди¹. **Патологик аффектда** шахс жиноят субъекти бўла олмайди, чунки ўзи содир этаётган қилмишининг хусусиятини англамайди ва уларни бошқара олмайди, яъни ўз қилмишига жавоб бера олмайдиган бўлиб қолади.

Қонунчилик томонидан кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати (физиологик аффект) жазо чораларини камайтириш учун асос сифатида кўриб чиқилади. Шу муносабат билан кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (ЖК 98-моддаси), онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (ЖК 99-моддаси), кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида

қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 106моддаси) каби бундай жиноятлар таркиби энгил ҳолатлар қаторига киради.

8§. Юридик ва фактик хато, уларнинг жиноятҳуқуқий аҳамияти

Хато — бу шахс томонидан ижтимоий хавфли қилмишни жиноят сифатида кўрсатувчи объектив хусусиятларига нисбатан янглишиш ёки нотўғри тасаввур қилиш, нотўғри баҳолаш ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, хато бу шахснинг содир қилган жинояти ҳолатларига бўлган нотўғри муносабатидир. Шунинг учун ҳуқуқни қўллаш амалиётида аниқланиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири, бу — субъектив хато бўлиб, содир этилаётган ижтимоий хавфли қилмишнинг характер ва даражасини аниқлашини юридик тавсифини ўзида намоён қилади.

Юридик хато (*error juris*) — шахснинг ўзи содир этадиган қилмишнинг юридик моҳиятини (жиноийлигини ёки жиноий эмаслигини) ва уни содир этишнинг юридик оқибатларини (квалификацияси, шакли, жазо миқдори) нотўғри баҳолашидир.

Юридик хатонинг қуйидаги турлари ажралиб туради:

— жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳолатларига кўра хато қилиш, яъни шахс ўзи содир этган қилмишини жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилмаган деб ўйлайди, аслида эса, унинг ҳаракатлари қонун бўйича жиноят деб топилади. «Қонунни билмаслик жиноий жавобгарликдан озод қилмайди» деган қоидадан келиб чиқилиб, мазкур тарздаги хато айбнинг қасд шаклини ҳам, жиноий жавобгарлик масаласини ҳам рад этмайди;

— шахснинг содир этган қилмиши қонун бўйича жиноят ҳисобланмасда, у ўзи содир этган қилмишини жиноят сифатида (хаёлий жиноят) хато баҳолайди. Бундай қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусияти ва ҳуқуққа хилофлик белгилари мавжуд бўлмаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмайди, шунинг учун ҳуқуқий аҳамиятига кўра, айб инкор этилади.

— субъектнинг содир этган жинояти оқибатига нисбатан хато унинг квалификациясига, мазкур қилмиш учун белгиланадиган жазо миқдорига ва турига нисбатан бўлади. Ҳолатларнинг номланиши айбнинг моҳиятига таъсир қилмайди ва у айбдор онгини тўлиқ қамраб олмаган бўлади, шунинг учун хато баҳо бериш қасдни ҳам, жиноий жавобгарликни ҳам инкор этмайди.

Шундай қилиб, содир этилаётган қилмишнинг юридик моҳияти ва юридик оқибатларига нисбатан янглишаётган шахснинг жиноий жавобгарлиги субъектнинг бу қилмишни баҳолашига эмас, балки қонун ҳужжатларига мувофиқ келиб чиқади. Бундай юридик хато на айбга, на жиноят квалификациясига ва на жазо тайинлашга таъсир қилади.

Қилмишнинг хавфлилиги кўплаб ҳолатлар билан аниқданар экан, ўз навбатида шахс фактик хатоси ҳам ижтимоий хавфлилиги ва содир этилганлик даражаси ҳамда

Фактик хато (*error facti*) деганда, жиноят таркибининг объектив белгилари, ҳуқуққа хилоф ижтимоий хавфли қилмиш даражаси ва характерини ифодаловчи фактик ҳолатлар ҳақида шахснинг нотўғри оқибатларга нисбатан ҳам турли хил бўлиши мумкин. Фактик хатонинг жиноятҳуқуқий мазмуни, жиноятнинг қандай элементига ва унинг ижтимоий хавфлилик хусусиятига ва оқибатига нисбатан таъсири шахсда нотўғри бўлиши, хато тасаввур қилиши ёки баҳолаши билан аниқланади.

Предметдан нотўғри тушуниш ва баҳолаш орқали пайдо бўлган тасаввурлардан келиб чиқиб, фактик хатоларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига нисбатан;
- тажовуз объектга нисбатан;
- етказилган оқибатга нисбатан;
- сабабий боғланишга нисбатан;
- жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар.

Содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига нисбатан хатода, биринчидан, шахс қилмишини нотўғри ижтимоий хавфлилигини йўқотувчи фактик ҳолатлар кучда бўлади. Масалан, шахс омбор ҳудудига кириб, ҳисобдан чиқарилган ва йўққилишга мўлжалланган, қимматга эга бўлмаган мулкни «ўғирлайди». Мазкур хато айбнинг шаклига таъсир қилмайди ва ўз ўзидан қасддан содир этилган деб топилади, аммо

бу ҳолат бўйича жиноий жавобгарлик масаласи тугалланган жиноятга нисбатан вужудга келмайди, чунки жиноий мақсад амалга ошмаган ва фактик жиҳатдан танланган (ўғирланмоқчи бўлган) тажовуз объектига ҳеч қандай зарар етказилмаганлиги учун жиноятга суиқасд сифатида бахрланади, яъни жиноят содир қилган шахснинг ҳаракати айбдор фикрининг йўналиши бўйича квалификация қилиниши керак. Иккинчидан, шахс ўз хаттиҳаракатларини ҳуқуқий ҳисоблаб, уларнинг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини англамайди. Одатда, бундай ҳолатлар жиноятнинг объектив томони ва қилмишга ижтимоий хавfli характер касб этувчи қандайдир муҳим фактик ҳолатни билмаслик билан изоҳланади. Бундай хато айбнинг қасд шаклини инкор этади, шунинг учун фақат қасддан содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарлик мавжуд нормаларда улар жиноий жавобгарликни истисно этади. Масалан, шахс томонидан қалбаки пулларни ҳақиқий деб ўйлаган ҳолда ўтказиши қасд бўлмаганлиги учун жиноят деб ҳисобланмайди. Агар қонунчилик жиноий қилмишни айбнинг ҳар қандай формасида жазога сазовор деб ҳисобласа, шахс ижтимоий хавfli оқибатни англаши мумкин ёки англаши керак бўлган ҳолларда унинг ҳаракатлари эҳтиётсизлик орқасида содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарликни юзага келтиради. Бундай турдаги хатога жуда кўп ҳолларда йўл қўйиладиган ҳолат сифатида зарурий мудофаа мисол бўлади.

«Агар ҳодиса ҳолатларига кўра, мудофаа чораларипи қўллаган шахс ўзининг янглишганини билмаган ва билиши хдм мумкии бўлмаган бўлса»¹, яъни қилмишнинг ижтимоий хавfli хусусиятига писбатан узрли хато бўлганида зарурий мудофаа ҳолатида зарар стказиш учун жавобгарлик келиб чиқмайди. Бироқ эҳтиётсизлик орқасида ўлим ёки соғлиққа жиддий зарар етказилганда жиноий жавобгарлик келиб чиқса, айбли хато қилмишнинг ижтимоий хавfliлигига нисбатан жиноий жавобгарлик келиб чиқиши мумкин, аммо қасддан содир этилган қилмиш учун эмас, балки зарурий мудофаа ҳрлатида бўлган, иш ҳрлатига кўра тажовузнинг ҳаёлийлигини ва ўзининг «мудофааланувчи» ҳаракатларининг ижтимоий хавфини англаши мумкин ва лозим бўлган шахснинг эҳтиётсизлик орқасида зарар етказиши учун жавобгарлик келиб чиқиши мумкин².

Шахснинг жиноят объектига нисбатан хато қилиши судтергов амалиётида кўп кузатиладиган ҳолат ҳисобланади. Бу хатонинг ўзига хос хусусияти шундаки, у қасд доирасида намоён бўлади. Қоида тариқасида бундай хатога йўл қўйиш айб шаклини ўзгартирмайди фақат мазмунмоҳиятини, унинг томонларини аниқлаштиради.

Тажовуз объектига нисбатан хато бу шахснинг жиноят объекти ижтимоий ва юридик моҳияти ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлишидир. Унинг моҳияти: жиноят субъекти бир вақтда маълум бир объектга тажовуз қияпман деб ҳисоблайди, аслида эса, у бошқа кўзда тутилмаган объектга ниебатан тажовузни амалга ошираётган бўлади. Мазкур хато гуруҳига жиноят предметига ва жабрланувчига нисбатан йўл қўйиладиган хатоларни ҳам киритиш мумкин, ўз навбатида, улар бир хил турга кирмайди. Бу кўринишда хатоларни бир гуруҳга бирлаштириш зарурати шундаки, бу туркум хатоларнинг барчаси, асосан, объект белгиларига нисбатан йўл қўйилади. Бундай хатоларнинг барчаси айбдор ўйлаган ва ҳисоблаган объектга (ўз навбатида хато қилинган «яроқсиз» предмет ва жабрланувчи ҳам киритилади) нисбатан суиқасд сифатида баҳоланади. Бундай квалификация бир томондан, жиноят содир этган, унинг онги ва олдиндан кўра олиши билағт қамраб олмаган объектив ҳрлатларда шахсни айблашни инкор этиши билан, бошқа томондан эса, зарар аслида бошқа бир объектга етказилгани учун, айбдорнинг онгида индивидуаллашган объекта нисбатан тугалланган тажовузнинг мавжуд эмаслиги билан боғланган. Масалан, дорихонадан шахс таркибида наркотик модда сакловчи дорини ўғирлашга ҳаракат қилади, лекин у бошқа бир дорини ўғирлайди. Бундай хато жиноятни квалификация қилишда қасднинг йўналтирилганлигидан келиб чиқади. Бу ҳолатда шунга эътибор бериш керакки, фактик ҳолатдан олиб қараганда, айбдорнинг қасди қаратилган объект зарар кўрмайди, шунинг учун қилмиш тугалланмаган жиноят сифатида кўрилиб, жиноятга суиқасд сифатида қаралади (юкоридаги мисол ЖК 25моддаси ва 271моддаси 1қисми).

Ўз навбатида объектга нисбатан бўлган хатодан предмет ва жабрланувчи шахсига нисбатан бўлган хатоларни ҳам фарқлаш лозим. Бундай хато (бир уйдаги молмулк ўрнига иккинчи уйдаги молмулкни ўғирлаш, бир одамнинг ўрнига бошқасини ўлдириш) айб шаклига ҳам, жиноятни квалификация қилишга ҳам, жиноий жавобгарлик белгилашга ҳам таъсир этмайди.

Етказилган оқибатларга нисбатан хато. Қонунга мувофиқ айбдор шахснинг ўз қилмишига турли хил руҳий муносабатлари у ёки бу айб шаклини ҳосил қилади. Бу оқибатлар ҳақиқатда келиб чиқмасдан олдин улар шахс тасаввурида намоён бўлади. Иш ҳолати бўйича биз, олдиндан кўра билиш каби интеллектнинг бундай кўриниши билан

тўқнашамиз. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этишда шахснинг олдиндан кўра олиши натижага — келиб чиққан оқибатларга мос келмаслиги ҳам мумкин.

Оқибатга нисбатан хатолар турли хил бўлиши мумкин. Масалан, шахс қандайдир оқибат пайдо бўлиши ёки юзага келмаслигига нисбатан янглишиши мумкин. Ўз навбатида, ҳар қайси хатолардаги бундай янглишишлар оқибатнинг сифат ёхуд ҳажм тавсифига нисбатан бўлиши мумкин. Шу сабабга кўра, етказилган зарарга нисбатан хато унинг ҳажми ёхуд сифат тавсифига нисбатан бўлиши мумкин.

Етказилган оқибатнинг сифатига нисбатан бўлган хато, яъни айбдор олдиндан келиб чиқишини кўра билган ижтимоий хавфи катга оқибат фактик жиҳатдан юзага келмаслиги ёки олдиндан кўра билмаган оқибат юзага келишида ифодаланади. Бундай хато олдиндан кўра билмаган фактик оқибат учун қасддан зарар етказганлик учун жиноий жавобгарликни истисно этсада, эҳтиётсизлик орқасида зарар етказганлик учун жиноий жавобгарликни юзага келтириши мумкин. Қасд қаратилган қилмиш кутилган оқибатни юзага келтирмаса, у оқибатга нисбатан суиқасд сифатида бахрланиши керак, бундан ташқари, фактик юзага келган зарар эҳтиётсизлик орқасида етказилган зарар деб баҳоланади. Масалан, ўзганинг уйжойини ўт қўйиш орқали йўқ қилишга қаратилган жиноят субъектининг уриниши амалга ошмаса ва бунинг натижасида ҳодиса жойида тасодифан мавжуд бўлган шахс соғлигига ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказилса, айбдорнинг қилмиши оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан молмулкка зарар етказишга суиқасд қилиш (ЖК 173моддаси

2қисми «б» банди) ва эҳтиётсизлик оқибатида баданга ўртача оғирликдаги шикаст етказиш сифатида (ЖК 111моддаси 1қисми) квалификация қилиниши лозим. Агар айбдорнинг қасди билан қамраб олинмаган оқибат юзага келса ва бу оқибат қонунчиликка кўра, квалификация қилинувчи белги сифатида белгиланган бўлса, бу ҳолатда жиноятлар жами юзага келмайди ва қилмиш асосий жиноят билан бирга келиб чиққан оқибатга квалификация қилинади. Агар шахснинг қасддан оғир тан жароҳати етказиши жабрланувчиини ўлимига олиб келса, бундай қилмиш ЖК 104моддаси 3қисми «д» банди билан квалификация қилинади.

Айбдорнинг ижтимоий хавфли қилмиши миқдорида нисбатан хатога йўл қўйиши — бу унинг жиноят оғирлик даражасида янглишишини аңлатади. Бу ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш натижасида етказилган зарар даражаси олдиндан кутилган зарар даражасидан ортиқ ёки кам бўлиши мумкин. Бу турдаги хатолар жиноий йўл билан етказилган зарар миқдорида кўра жавобгарликни вужудга келтирувчи жиноятлардан бошқа (масалан, ЖК 161моддаси — қўпоровчилик натижасида етказилган мулкий зарарнинг миқдори) барча жиноятларда айб шаклита ҳам, жиноятни квалификация қилишга ҳам умуман таъсир қилмайди. Бу тартибда айб шакли, жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмаслиги қонунчилик томонидан ўрнатилган чегарадан четга чиқмаган ҳолда бўлиши мумкин.

Демак, қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида меҳнат қобилиятини 33% йўқотишда ҳам, 70 ва 80% да ҳам айнан квалификация қилинади. Қонун билан иш кўрувчи томонидан келиб чиққан оқибатнинг оғирлик даражасига қараб жиноятни квалификация қилиш лозим бўлса, бу ҳолатда айбдор қасди йўналтирилганлиги асосида квалификация қилинади. Агар юзага келган оқибат субъект ўйлаган оқибатдан юқори бўлиб кетса (масалан, шахс тан жароҳати етказмоқчи бўлиб ҳаракат қилиши натижасида ўлимнинг юзага келиши), бу ҳолда мазкур оқибат учун қасддан етказганлик хусусияти жавобгарликни инкор этади. Оғирроқзарар учун эҳтиётсизлик орқасида зарар етказилганликда жиноий жавобгарлик белгиланади.

Сабабий боғланишга нисбатан хато содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишнинг воқеалар ривожланиши туфайли нотўғри тасаввур қилиниши ҳисобланади. Бу турдаги хатонинг жиноий жавобгарлик масаласига таъсир қилиши оқибат айбдор қасди билан қамраб олиниб, келиб чиққан оқибат унинг содир этмоқчи бўлган ҳаракатлар па тижасида эмас, балки бошқа бир ҳаракат натижасида юзага келади. Бошқача сўз билан айтганда, қасд ҳамма деталарни чмас, балки умумий ривожланиш қоидалари асосидаги деталарни аңглай олади.

Сабабий боғланишнинг умумий ривожланишига нисбатан хато назарда тутилган жиноий оқибат келиб чиқса, айб шакли ва жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди. Айрим ҳолларда сабабий боғлиқдик ривожланишининг қоидаларига нисбатан хато қасдни инкор қилади, аммо субъект келиб чиққан оқибатни олдиндан кўра билиши шарт ёки мумкин бўлган ҳолларда эҳтиётсизлик орқасида жиноий жавобгарликка сабаб бўлишига

асос бўлади. Масалан, автомобилни бошқараётган тажрибасиз ҳайдовчи бурилишда тўсатдан қаттиқтормоз бериб, йўл четидаги шағалга сирғанган машина бирдан бурилиши натижасида автомашина ичидаги йўловчилар турли даражада тан жароҳатлари олишиди. Мазкур ҳолатда ҳайдовчининг зарур малакага эга эмаслиги, сабабий боғланиш ривожланиши билан тўлиқ қамраб олинмаганлиги учун шахс юз бериши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билмаган, ўз навбатида, ҳайдовчи мазкур ҳолатни олдиндан кўра билиши мумкин ёки лозим эди. Бошқа ҳолларда сабабий боғланишнинг ривожланиши жиноятни квалификация қилишда таъсир этиши мумкин. Бу ижтимоий хавфли оқибат қасд билан қамраб олинади, лекин у содир этмоқчи бўлган ҳаракат билан эмас, балки бошқа бир ҳаракат натижасида юзага келиши мумкин.

Жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларга нисбатан хато бор ҳолатларни йўқдеб, йўқҳолатларни бор деб тасаввур қилиш натижасида юзага келади. Шунинг учун мазкур хато тасаввур икки турда бўлиши мумкин. Биринчидан, жиноят субъекти жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд бўлмаганда, шундай ҳолат мавжудлиги ҳақида хато тасаввурга эга бўлади; иккинчидан, шахс содир этаётган қилмишининг квалификация қилинувчи белгиларини содир этаётган, деб ҳисоблайди, фактик жиҳатдан эса, шахс онги билан англамаган ҳолда жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлади.

Биринчи ҳолатда хатони белгилашда шахс онгида оғирлаштирувчи ҳолат содир этаётганини тасаввур қилиши аҳамиятга эга. Шунинг учун қилмиш қасд йўналтирилган ва қамраб олган доирасида квалификация қилиниши лозим. Бироқ бу тугалланган жиноят сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас, чунки қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини оширувчи квалификацияга таъсир қилувчи жиноят белгилари фактик жиҳатдан содир этилмаган. Жиноятни квалификация қилишда квалификацияга таъсир қилувчи белгиларга нисбатан шахс хато тасаввур қилса, фактик жиҳатдан тамом бўлган жиноят суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак, чунки ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқди, лекин айбдорнинг онги ва қасди билан қамраб олинган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар амалда тўлиқ юз бермади.

Келтирилган иккинчи ҳолатга кўра, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга нисбатан хатонинг турида шахс содир этаётган қилмишини ижтимоий хавфлилигини оширувчи квалификацияга таъсир қилувчи белгиларсиз амалга ошираётгандай тасаввур этиб, унинг онги билан юридик жиҳатдан мавжуд оғирлаштирувчи ҳолат тўлиқ қамраб олинмайди. Ўз навбатида содир этилаётган қилмиш субъектив белгилари мавжуд бўлмаганлиги учун жиноят оғирлаштирувчи ҳолатларсиз квалификация қилиниши лозим.

Кўриб чиқилаётган фактик хато тури, нафақат, қилмишмиг квалификацияга таъсир қилувчи оғирлаштирувчи ҳолатларини кўзда тутаяди, балки жиноят таркибининг мустақил белгилари сифатида ҳам қаралиши мумкин. Масалан, ўғирлик билан босқинчилик содир қилиниш усули (яширинча ёки очик) бўйича фарқланади. Ўғирлик жиноятининг квалификация қилувчи асосий мезони, бу — айбдорнинг содир этаётган қилмиш ҳақидаги субъектив тасаввури бўлса, бу айбдор қасдининг йўналтирилганлигига асосан квалификация қилиниши лозим.

Жиноят таркибининг объектив томони белгиларига юз берган оқибатга, сабабий боғланишнинг ривожланишига, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга нисбатан хатодан ташқари жиноятни содир этиш воситасига нисбатан хато турини ҳам киритиш мумкин. Буни тўрт турга бўлиш мумкин.

Биринчи турдаги воситага нисбатан хатога айбдор томонидан ўзи мўлжаллаган воситадан бошқа, лекин унинг ўрнини босадиган воситадан фойдаланиш тушунилади. Мазкур турдаги воситага нисбатан хато қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди. Содир қилинган қилмишнинг объектив томони охирига етган бўлса, шахс қасдининг йўналтирилганлигига мувофиқ, жиноят тугалланган деб квалификация қилинади.

Иккинчи турдаги воситага нисбатан хатода ишлатиладиган воситани айбдор паст даражали деб ҳисоблайди ёки ўйлайди. Агар жиноят содир этилиши натижасида келиб чиққан оқибат айбдор кутгандан кўра оғирроқ бўлиб чиқса, бунда мазкур ҳаракатлар эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб квалификация қилиниши лозим, зеро, шахс келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни олдиндан кўра билмаган бўлсада, мазкур ҳолатни олдиндан кўра билиши мумкин ва лозим эди.

Учинчи турдаги хатонинг моҳиятини айбдор ўзи яроқли деб ишлатаётган восита аслида яроқсиз бўлиб чиқишига нисбатан бўлган хато ташкил қилади. Бундай ҳолатда

содир этилган қилмиш қасднинг йўналтирилганлигига мувофиқ, жиноятга суиқасд қилиш деб квалификация қилинади.

Тўртинчи турдаги воситага нисбатан хато ишлатиладиган восита ҳар қандай ҳолатда ҳам яроксиз бўлиб, буни субъект ўзига далда беришда, ўзининг устунлигини кўполликда ва ўзўзига пшонишда ишлатишда ифодаланади (фитнада, бузишда). Бунда жиноий жавобгарлик истисно этилади.

Судтергов амалиётида ҳозирга қадар ҳақиқатдан ҳам шахс ўзи содир этган қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини тушунганми, уни жиноий жавобгарликка тортмаслик асосли бўладими, деган масала баҳсли бўлиб қолмоқя. Агар мазкур турдаги хатоларнинг мавжуд бўдганлиги аниқланса, суд ишни ўрганиб чиқиш учун қўшимча терговга қайтариши лозим.

«Жиноятнинг субъектив томони» иавзуси юзасидан якуний саволлар

1. Жиноят субъектив томони ўзида нимани ифода этади? Уларнинг аҳамияти нимада?

2. Жиноят субъектив томонини қандай белгилар ҳосил қилади? Жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий ва факультатив белгиларининг аҳамияти ва уларнинг роли қандай?

3. Айб жиноят субъектив томонида қандай ўрин тутади ва унинг қандай турлари мавжуд? Айбнинг қандай тури ўзида катта ижтимоий хавфни намоён этади ва нима учун?

4. Қасднинг қандай турлари мавжуд? Тўғри қасднинг эгри қасддан қандай фарқлари мавжуд?

5. Формал таркибли жиноятлар қандай қасд билан содир этилиши мумкин?

6. Қасднинг қайси бир тури катта ижтимоий хавфни намоён этадию, қайси бири кичик ижтимоий хавфни?

7. Қасд ноаниқ бўлганида (конкрет бўлмаганида) квалификация қилиш тартиби қандай?

8. Эҳтиётсизлик ўзида нимани ифодалайди ва унинг турлари қандай?

9. Эгри қасддан ўзўзига ишонишнинг қандай фарқли томонлари мавжуд?

10. Бепарволик объектив ва субъектив белгиларининг моҳияти нимада?

11. Мураккаб айбли жиноятлар тўғриеида қандай қолатлардя га пириш мумкин?

VIII БОБ. ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ

1§. Жиноят субъекти тушуичаси

Жиноят субъекти ва унинг белгилари ЖК Умумий қисмини IV бобида белгилаб берилган бўлиб, бу боб «Жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар» деб номланади. Бу белгиларни умумий жиноят субъектига тегишли деб номлаш белгилаб қўйилган.

Жиноят кодекси Умумий қисмининг кўпгина модцаларида жиноят таркибининг умумий тушунчаси доирасида бошқа қўшимча белгилари ҳам намоён бўлади, жумладан, бошқариш тартибига қарши жиноятлар ва бошқа объектнинг муайян кўринишига нисбатан тажовузлар — мансабдорлик жиноятлари кўриб чиқилишида — жиноятларнинг мазкур факультатив белгилари зарурий хусусиятга эга бўлиб, улар жиноятнинг махсус субъекти белгиларига хос бўлади.

Жиноят субъекти — жиноят қонунчилигида назарда тутилган жиноятни содир этган ва ушбу қонунда белгиланган ёшга етган ақли расо жисмоний шахсдир.

ЖК 17моддасида жиноят субъектининг умумий белгиларига таъриф берилган ҳамда улар қуйидаги учта зарурий элементлар мажмуи орқали ифодаланади:

—жисмоний шахслиги;
—ақли расолиги;
— ЖКга мувофиқ жиной жавобгарликни келтириб чиқарувчи субъектнинг ёши.

Ушбу элемент (белги)лар биронтасининг мавжуд бўлмаслиги жинойт субъектининг, демак жинойт таркибининг мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Жинойт кодекси қоидаларига кўра, фақат жисмоний шахс, яъни инсон жинойт жавобгар бўлиши мумкин. Айтиш керакки, жинойт қонунчилигида жисмоний шахс тушунчаси тўғридантўғри берилмаган. Бироқ, Жинойт Кодекси ва бошқа ҳуқуқий актларнинг моҳиятидан кўринадики, жинойт ҳуқуқидаги жисмоний шахс тушунчаси Фуқаролик Кодексининг 16моддасидаги тушунчага ўхшаш бўлиб, унга кўра «фуқаро замирида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатлар фуқаролари ва шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади».

Жинойт субъекти фақат жисмоний шахс бўлиши мумкин, бу эса Ўзбекистон Республикасининг жинойт қонунчилиги бўйича юридик шахснинг жинойт жавобгарлиги бундан мустасно эканлигини билдиради. Юридик шахслар фуқаролик қонунчилиги бўйича фақат мулкий жавобгар бўладилар. Улар қачонки жинойт натижасида мулкий ёки бошқа зарар етказилган бўлса, бунда мазкур юридик шахснинг раҳбари жинойт жавобгарликка тортилиши мумкин, масалан, ЖК 196моддаси бўйича атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун. Демак, агар биронбир ташкилот, масалан, шахтада меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилиши натижасида одамларга шикаст етса, бунинг учун юридик шахс сифатида шахта эмас, балки мазкур қоидаларнинг бузилишида айбдор бўлган муайян шахс жавобгарликка тортилади.

Ҳайвонлар жинойт субъекти бўлиши мумкин эмас, масалан, ит бирорбир одамни тишлаб олса ёки унинг соғлиғига зарар етказса, уни жинойт субъекти дея олмаймиз. Судтергов амалиётида аниқланиши керак бўлган ягона ҳолат бу, ит жинойт содир этиш курали сифатида фойдаланилганлиги ёки фойдаланилмаганлигидир. Масалан, инсон томонидан ўргатилган ит буйруқ берилиши натижасида инсон соғлиғига зарар етказса, бунда ҳайвон томонидан етказилган зарар учун унинг эгаси жавобгарликка тортилади.

Айтиш керакки, жинойт жавобгарлик шахс билан чамбарчас боғланган бўлиб, шахс ўзининг ижтимоий хавфли, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган қилмиши учун жавобгардир. Бу билан мазкур ҳолат жинойт ҳуқуқининг асослантилган тамойиллари асосида шахснинг айбини белгилашда онгли ва мақсадли жинойт қилмиши учун шахсий жавобгарлик ўрнатишга руҳсат беради.

Шундай қилиб, юридик шахсларни ёки ҳайвонларни эмас, балки фақат инсонларни, яъни ўз қилмишининг хусусиятини ва ижтимоий хавфлилик даражасини англаб етиш қобилиятига эга бўлган, ўз қилмишига ҳисоб бера оладиган ва уларни бошқара оладиган ақли расо жисмоний шахсларни жинойт жавобгарликка тортиш мумкин. Агар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс бундай қобилиятга эга бўлмаса (ақли норасо бўлса), жинойт субъекти бўлмаслига мумкин.

Шахс ўз қилмишларига жавоб бера олиши ва жинойт жавобгарликка тортилиши учун у етарли ёшга етганлик билан боғлиқ ҳолда қилмишини аниқ англай олиш даражасига эга бўлмоғи ҳам лозим. Ағдақ англай олиш ва ижтимоий ривожланиш даражаси маълум ёшга етиш билан пайдо бўлади, қачонки оила, мактаб, ижтимоий муҳит таъсирида нима яхшию нима ёмон, қандай ҳолларда унинг ҳаракатлари жамият ва бошқа инсонларга зарар етказишини тушунади.

Ёш нафақат жинойт субъектининг инсонга хос бўлган умумий аломати, шунингдек, жинойт жавобгарликнинг пайдо бўлиши сш билан боғлиқ. Ёш чегарасини ўрнатишда қонун чиқарувчи томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этганда жинойт жавобгарликка тортилиш масаласини ҳал этишга имкон яратувчи, шахснинг керакли ривожланиш даражаси, ҳаётий тажрибаси баркамоллигини аниқлаш мумкин бўлган талаблар эътиборга олинади. Бундан ташқари, жинойт ёшини ўрганиш жараёнида қонун чиқарувчи тиббиёт, психология, педагогика ва бошқа фанлар ҳулосаларини қисобга олади, шунингдек, кўпчилик ўсмирлар учун одатий бўлган ҳаёт йўлининг турли босқичларидаги шаклланиш ва ривожланиш шароитларидан келиб чиқади.

Жиноят қонуни ёш тушунчасини акс этгирувчи махсус нормага эга эмас, у фақат, агар шахс қандайдир жиноят содир этганда, жиний жавобгарликни вужудга келтирувчи ёш чегараларини кўрсатади.

2§. Жиний жавобгарлик келиб чиқадиган ёш

ЖК 17моддаси 1қисми ҳолатига кўра, шахс қонунда белгиланган ёшга етмай туриб жиний қилмиш содир этган бўлса, бу ҳолда шахс жиний жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, шунингдек, жиноят субъекти бўлиб ҳам ҳисобланмайди.

Ёш деганда, у ёки бу шахснинг алоҳида психофизиологик ҳолатини тавсифловчи, тиббийбиологик, ижтимоий психологик ва ҳуқуқий ўзгаришлар билан алоқадор бўлган даврнинг ўтиши тушунилади.

Жиноят қонунчилиги ёш тўғрисида ҳеч қандай махсус нормаларни акс эттирмайди, у фақат агар шахс қандайдир жиноят содир этган бўлса, жиний жавобгарлик неча ёшдан келиб чиқишини кўрсатади ҳолос. Ёш тушунчасини жиноят ҳуқуқи белгилайди.

Ёш деганда, у ёки бу шахснинг алоҳида психофизиологик ҳолатини тавсифловчи, тиббийбиологик, ижтимоий психологик ва ҳуқуқий ўзгаришлар билан алоқадор бўлган, туғилишдан то инсон ҳаётининг қандайдир хронологик муддатигача ўтган вақтнинг календарь даври тушунилади.

Бошқача сўз билан айтганда, юридик адабиётларда ёш субъектнинг юридик белгиси сифатида инсоннинг туғилишидан то жиноят содир этишигача бўлган вақтнинг миқдори билан аниқланади¹.

Умумий қоидаларга кўра, содир этилган жиноят учун жавобгарлик шахс 16 ёшга тўлганда вужудга келади. Вояга етмаган шахс ижтимоий онгининг етарли даражаси ўз хулқини жамиятда ўрнатилган қоидаларга мослаштиришни талаб қилиш имконини беради, шунинг учун вояга етмаганлар содир этган жиноятлари учун жавобгарликка тортилишлари мумкин. Фақат ЖК 17моддаси 2, 3 ва 4қисмларида кўрсатилган махсус жиноят таркиблари учунгина жавобгарлик 13, 14 ёки 18 ёшдан вужудга келади.

Ёш чегарасини белгилашга бундай хусусий ёндашув шу билан изоҳланадики, умумий жиноят ёшидан фарқли равишда баъзи оғир ва ўта оғир жиноятлар учун жиний жавобгарлик вақтликроқ вужудга келади.

Хусусан, **ЖК 17моддаси 2қисмига** кўра, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (ЖК 97моддаси 2қисми) жинийти учун жавобгарлик 13 ёшдан вужудга келиши мумкин. **ЖК 17моддаси 3қисми** ижтимоий хавфли қилмиш содир этгунга қадар 14 ёшга тўлган шахсни жиний жавобгарликка тортиш мумкин бўлган жиноятларнинг аниқ чегарасини ўрнатган.

Шахс жиний жавобгарликка тортиладиган ёш ҳақидаги умумий қоидалардан истисно, яъни 13 ёшдан 16 ёшгача шахслар жинийти субъекти бўлиши мумкин бўлган жиноят таркиби шундай заруратдан келиб чиққанки, берилган жиноят таркиблари ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноятларни тавсифлайди. Улар оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутадиган, квалификация қилинадиган ёки алоҳида квалификация қилинадиган жиноят таркибларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, **ЖК 17моддаси 2 ва 3қисмида** санаб ўтилган жиноятлар икки объектга тажовуз қилувчи мураккаб таркибли жиноятлар ҳисобланади ёки тажовузни амалга ошириш айбнинг мураккаб шаклини ташкил этувчи қандайдир ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқаради ёки бу объектларга тажовуз бошқа мустақил жиноятни содир этиш орқали амалга оширилади. Масалан, ўсмир 15 ёшида оммавий тартибсизликларда (ЖК 244

моддаси) иштирок этса, уни бу норма орқали жанобгарликка тортиш мумкин эмас, чунки бу жиноят учун жавобгарлик Id ciniiai вужудга келади. Шу билан биргаликда, оммавий тартибсизликлар Жиноят кодексининг бошқа моддаларида курсатилган **шахс ва қарши зўравонлик ҳаракатлари**, босқинчилик, ўт қуйиш, мулкка **зарар** етказиш ёки йўқ қилиш ҳамда бошқа ҳаракатлар билан **кузатилади** ҳамда улар учун жавобгарлик 14 ёшдан белгиланган. Бундай келпб чиқадиги, ўсмир қандай фактик ҳаракатлар содир этганидап **қатъи** назар, унинг ҳаракатлари шу нормалар орқали квалификация қилиниши керак.

Кўрсатиб ўтилган ёшнинг минимал чегараси (13 ва 14 ёш) қопуп чиқарувчи томонидан, жиноят қонунида белгиланган ёшга етгунига қадар, шахс ЖК билан тақиқланган у ёки бу қилмишининг ижтимоий хавфли эканлигини англаши, ўз иродасини, ўз жинойий хаттиҳаракатларини содир этишнинг биринчи дамларидаёқ назорат қилиш қобилиятига эга бўлишидан далолат берувчи шахснинг психологик ва ижтимоий ривожланиш хусусиятларини, шунингдек, криминологик мезонларини¹ ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади.

Баъзи ҳолларда эса шахс жинойий жавобгарликка фақат вояга етганидагина тортилади². Жумладан, **ЖК 17моддаси 4қисми** жавобгарликни **18 ёшдан белгилаган**.

Бир қанча жиноятлар муайян бир соҳадаги ижтимоий муносабатларга таъвоуз қилиб, уларнинг субъектлари фақатгина 18 ёшга тўлган шахслар бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда гап жиноят субъекти фақат вояга етган шахслар бўлиши мумкин бўлган жамоат тартибига қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар ва бошқа жиноятлар ҳақида кетяпти. **ЖК 17моддаси 4қисмида** кўрсатилган кўпгина жиноят таркиблари айбдор шахснинг касбий ёки хизмат фаолияти билан ёки нормативҳуқуқий актлардан тўғридантўғри келиб чиқадиган мажбуриятлар билан у ёки бу тарзда боғлиқ. Хусусан, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсизларни таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 122моддаси) ёки аксинча, отаонасини моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 123моддаси) жиноят турлари учун жинойий жавобгарлик айбдор шахснинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 64 ва 66моддалари³ кўрсатмаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлари ёки ҳарбий хизмат фуқароларнинг вояга етиши билан ўташи керак бўлган мажбурияти¹ ҳисобланади. Бундай ҳолатлар бузилишининг зарурий шарти шахс 18 ёшта тўлганидагина бўлиши мумкин.

ЖК 17моддаси 5қисми кўрилатган модданинг 2, 3, 4қисмларида келтирилган жиноят таркиблари аниқбўлган қойдани ўрнатади, берилган қисмларда санаб ўтилмаган бошқа жиноят таркибларининг субъектлари жинойий жавобгарлик вужудга келишининг умумий ёши 16 ёшга тўлган шахслар ҳисобланган жиноятлар тааллуқли.

Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги вояга етмаганларга нисбатан жинойий жавобгарликни қўллашнинг инсонпарварлик тамойилини акс эттирувчи бир қанча хусусиятларини белгилаб беради. Бу ўз хаттиҳаракатлари ва уларнинг оқибатларини англаб етмаган вояга етмаган шахслар билан боғлиқ. Хусусан, бундай ҳолатларда вояга етмаганлар жавобгарлиги ўзига хосликларини тартибга солувчи нормалар ўрнатилган Жиноят кодексининг Умумий қисми 6бўлими талаблари ҳисобга олинади. Вояга етмаган шахсларга нисбатан жинойий жазо тайинлашнинг ўзига хосликларига эга махсус нормалар 18 ёшга тўлган, яъни вояга етган шахсларга нисбатан жинойий жавобгарликни назарда тутувчи умумий нормалардан фарқли равишда жинойий жавобгарликнинг энгиллиги билан ажралиб туради.

Қонун томонидан жинойий жавобгарликнинг келиб чиқиши юқори чегараларининг белгиланиб қўйилиши ўзининг аксини топмади. Бу эса, қонунда кўрсатилган ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс ҳатто катта ёшда (70—80 ёш ва ҳ.к.) бўлса ҳам, жинойий жавобгарликдан озод қилинмайди. Бироқ суд ҳар бир алоҳида ҳолатда Жиноят кодексининг 54моддаси (Жазо тайинлашнинг умумий асослари) талаблари асосида жинойий жазони индивидуаллаштириш ва уни тайинлашда жиноят содир этган шахснинг ёшини эътиборга олиши лозим.

Ҳар бир иш бўйича мажбурий тартибда ижтимоий хавфли қил~ миш содир этган шахснинг аниқ ёши ўрнатилиши лозим. Жиноят кодексига кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмиш содир этган вояга етмаган шахснинг ёши жиноятпроцессуал қонуни ҳужжатлари асосида ўрнатилади (ЖПК 548моддаси). Суд ва тергов органлари жинойий жавобгарликка тортилатган вояга етмаган шахснинг туғилган йилини, ойини ва кунини аниқлаши лозим. «Айпи вақтда, шу нарсани эътибордатутиш керакки, шахстуғилгап купидап бошлаб эмас, балки туғилган кунини ўтганидан сўнг, яъни **эртаси** куннинг ноль соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошлапдш лп ёшга тўлган деб ҳисобланади». Бу вояга етган, лекин ёшини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлмаган шахсларга ҳам тегишли ҳисоблападп.

«Судлар ишда албатта вояга етмаганларнинг туғилиш гувоҳномаси ёки паспортдан фотонусха мавжудлигига аҳамият беришларн керак. Ишда бундай ҳужжатлар йўқлиги аниқданган тақдирда суднинг ўзи бундай камчилиқни бартараф қилиши зарур». Иш материалларида вояга етмаган ва вояга етган шахсларнинг ёши тўғрисидаги ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, уларнинг ёши судтиббиёт экспертизаси томонидан

аникланади. «Судланувчининг ёши судтиббийёт экспертизаси томонидан аниқланаётганда, унинг туғилган куни деб, экспертлар аниқдаган йилнинг охири куни ҳисобланади. Ёш энг кам ва энг кўп йиллар миқдори билан аниқланганда, суд экспертлар томонидан белгиланган энг кам ёшдан келиб чиқиши лозим»².

3§. Ақли расолик ва ақли норасолик: тушунча ва мезонлар

Жиноят субъекти фақатгина онг ва иродаси бор, яъни ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Қонунчилик билан ўрнатилган жиноят субъектининг белгиси сифатида ақли расолик ва шахснинг ёши ўзаро бир бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, жиноят таркибида ўзаро бирбирини тўлдириб туради, жиноят субъектинигина эмас, балки жиноят таркибини аниқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу белгиларнинг мавжуд бўлмаслиги ёки улардан бирининг мавжуд бўлмаслиги ҳам жиноят таркибининг йўқлигини билдиради. Шунингдек, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг айбдорлик ва жиноий жавобгарлик масаласи бекор бўлади.

Ўз хатгихаракатларининг фактик томонини ва аҳамиятини тўғри тушуниб етиш ва баҳолаш қобилияти ҳамда шу билан бирга ўзининг ҳаракатларини ва иродасини онгли бошқариш ақли расо шахсни ақли норасо шахсдан ажратиб туради.

Жиноят субъекти белгиси сифатида **ақли расолик** шахснинг муайян ривожланиш босқичидаги қобилияти, ижтимоийлашувидан келиб чиқувчи ёшдаги ва жиноят содир этиш вақтидаги руҳий жиҳатдан соғлиғи ҳамда ҳаракатлари учун ўзўзига ҳисоб бериши ва уларни бошқариши, кейинчалик жиноий жавобгарлик ва жазони ўташдаги руҳий ҳолати сифатида белгиланади.

Ақли расолик жиноий жавобгарликнинг ва айбнинг дастлабки шартли бўлиб, у шахснинг ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаши ва бошқара олиши билан белгиланади (**ЖК 18моддаси 1қисми**).

ЖК 18моддаси 1 ва 2қисмларини таққословчи таҳлилдан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, ақли расолик инсоннинг муҳим ва ажралмас хусусиятларидан бири бўлиб, ақли норасоликка нисбатан бир қадар кенг ва айни пайтда ихчам тушунча ҳисобланади. Ақли расо деб, нафақат руҳий жиҳатдан соғлом шахс, қандайдир руҳий бузилиши бўлган, аммо жиноят содир этиш вақтида ўз ҳаракатларини у ёки бу шароит ёки ҳолатда онгли ва тўғри баҳолай олиш имкониятига эга шахс ҳам топилиши мумкин. Бу ҳолатда сўз судпсихиатрия ва судтергов амалиётида бўлган шахснинг ўз жиноий ҳаракатларини англаш ва уларни бошқариш қобилиятини йўқотмайдиган руҳий касалликлар ва бузилишлар тўғрисида боради. Ҳатто тиббий мазмунда ҳам «руҳий носоғлом»лиги тасдиқланган жиноят субъекти ақли расо бўлиши мумкин. Бунда сўз, нафақат, руҳиятнинг «чегара» ҳолатлари ҳақида, балки сурункали касалликлар ҳақида боради, айнан: шизофрения (ремиссия ҳолатларида), эпилепсия (тутқаноқдан олдин) ва бошқа ҳолатларда.

Шу билан биргаликда, амалиётда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг ақли расолигига нисбатан ҳар қандай шубҳалар, қачонки, унинг ўзини тутиши ўзўзини бошқаришига тўғри келмаса, ташқи омилларга нотўғри реакция ва бошқалар, айбсизлик презумпцияси мазмунидан келиб чиқиб, шу шахснинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Бу ҳолатларда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан дастлабки терговда унинг руҳий ҳолатини аниқлаш учун ЖПК 173моддаси 1қисмига кўра, мажбурий тартибда судпсихиатрия экспертизаси ўтказилади. Кейинчалик жиноят содир этган шахснинг ақли расолиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш судпсихиатрия хулосаси асосида суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 446моддасига кўра амалга оширилади.

Ақли расолик ва ақли норасоликни тартибга солувчи қонунчиликка кўра, бу икки тушунчаларни ажратиб турувчи формула икки мезоннинг мажмуидан ташкил топиб, улардан бири юридик мезон, иккинчиси эса тиббий мезондир.

Юридик мезон икки белгини характерлайди: иитсллоқтуал ва иродавий.

Ақли расоликнинг интеллектуал белгиси жиноят содир этиш вақтида шахснинг содир этаётган қилмиши фактик хусусияти ва ижтимоий хавфини англаш қобилияти сифатида кўрилади.

Ақли расоликнинг иродавий белгиси шахснинг жиноий қилмиш содир этиш вақтидаги ўз ҳаракатларини бошқара олиш қобилиятини, яъни ўзининг ички хоҳишини ва ишончи орқали ўз иродасини бошқариш қобилиятини англатади.

Шахснинг ўзи томонидан содир этган жиноий қилмишини тушуниш қобилияти ва буни содир этиш жараёнида онгли қарор қабул қилиши жиноят субъектини қасддан ёки эҳтиётсизликдан ижтимоий хавфли қилмиш содир этганликда айблаш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади. Бу ўз навбатида, айб учун жавобгарлик принципида (ЖК 9моддаси) бевосита ўз аксини топган.

Интеллектуал ва иродавий белгилар, албатта, биргаликда олиб қаралиши керак.

Ақли расоликнинг тиббий мезони судпсихиатрия экспертизасидан келиб чиқиб аниқланади, зеро бу жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг тиббиёт нуқтаи назаридан биологик ва психологик бутунлиги, фикрлаш жараёнининг меъёрда эканлиги ва бошқа фикрлаш фаолиятининг ўзига хосликларини ўрнатади.

Ақли расоликнинг тиббий мезони соғлом инсоннинг психик ва тиббий нуқтаи назардан рухий ҳолатини акс эттиради.

Ақли норасолик ақди расолик тушунчасига қарамақарши тушунча бўлиб, у жиноят қонунчилигида очиб берилади (**ЖК 18моддаси 2қисми**).

Қандайдир ижтимоий хавфли қилмишни содир этган ақли норасо шахс жиноят субъекти бўла олмайди. У жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва унга нисбатан жиноий жазо тайинлаш мумкин бўлмаганлиги туфайли, унга фақатгина тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши мумкин. Онгли ва мақсадли ҳаракатларнинг бўлмаслиги ақли норасо қилмишни квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятини шартлайди.

Ақли норасолик — бу шундай ҳолатки, бунда шахс жиноят содир этиш вақтида содир этаётган ҳаракатлар (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфли хусусиятини англай ва бошқара олмайди. Бу ўз навбатида жиноий жавобгарликни истисно қилади.

Ақли норасоликда руҳиятнинг касаллик жараёнлари туфайли, қоидага кўра, миянинг қабул қилиш функцияси бузилади, бунинг натижасида, одатда, онгнинг муҳим сифати — антлаш йўқолади.

Ақли норасолик ҳам ақди расолик каби икки: юридик (психологик) ва тиббий (биологик ёки психиатрик) мезонлар орқали белгиланувчи, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг жиноят субъекти ҳисобламасдан олдин, унинг рухий ҳолати тўғрисида ҳар томонлама баҳо бериш имконини беради.

Ақли норасоликнинг юридик мезони жиноят содир этиш вақтида шахсда ўз ҳаракатларининг фактик хусусиятини ва қилмишининг ижтимоий хавфини англаш (интеллектуал) ва бошқариш (иродавий) имкони йўқлигида акс этади. Бу мезон рухий бузилишлар оғирлигини психологик тушунчалар орқали аниқлайди ва бу билан судга эксперт баҳоси натижасини тушунтириб, шахснинг ақли расолигини истисно қилади.

Юридик мезонни ўрнатиш учун унинг элементларидан бирининг бўлиши етарли: ёки интеллектуал ёки иродавий пайт орасида «ёки» боғловчисидан фойдаланиш орқали **ЖК 18моддаси 2қисми** диспозициясини ифодалашда тасдиқланган.

Ақди норасолик юридик мезонининг **интеллектуал белгиси** жиноят содир этиш вақтида ҳаракатларни англай олмаслигини билдиради, яъни бу қандайдир рухий бузилиши бўлган шахснинг у ёки бу муайян шароит ёки ҳолатда ўз жиноий қилмишининг ижтимоий хавфлилиги ва фактик хусусиятини тўла англай олмаслигидир. Рухий касал шахснинг нормал фикрлаш фаолиятининг бузилганлиги унга объектив борлиққа ўзини тўғри тутиш ва атрофташқи олам ҳодисаларини қабул қилиш имкониятини бермайди. Руҳияти бузилган шахс ҳар бир муайян ҳолатда нафақат ўз ҳаракатларини англамайди, балки улар охиरोқибат нималарга олиб келишини ҳам тушунмайди. Юридик мезоннинг интеллектуал белгиси жиноят қонунида (**ЖК 18моддаси 2қисми**) қандайдир рухий касаллик сабабли «ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган» деб бежиз кўрсатилмаган.

Таъкидлаш жоизки, амалиётда шундай ҳолатлар борки, шахс ўз қилмишини англайди, аммо уларни бошқариш имкони бўлмайди, яъни унинг иродавий ҳолати шикастланган. Бу ҳолатда сўз юридик мезоннинг иродавий белгиси тўғрисида боради.

Юридик мезоннинг **иродавий белгиси**, ўзўзидан, рухий бузилишлар таъсири остида, яъни касаллик ҳолатида шахснинг ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятига эга бўлмаслигида кўринади. Яъни, эътибор шахснинг жиноят содир этиш вақтидаги касаллик ҳолатига эмас, балки унинг рухий ҳолатига қаратилиши керак. Рухий касаллик инсон онгини бузиб, бошқа психик функциялари бу шлишига ҳам олиб келади ҳамда бунинг

натижасида шахсниш нафақат ўз ҳаракатларини англаши ватушуниши, балки бошқариш қобилияти ҳам йўқолади, масалан, руҳий касалларда ўғрилиққа мойиллиги кучли (клептомания), ўт қўйишга ҳирс (пиромания), хаёлларгаинтилиш, дайдилиқ(драдомания), одам ўлдириш ёки ушани ўзи ўлдиришга интилиш (гомицидомания, суицидомания) каби ҳолатлар пайдо бўлади. Бу касалликлар ўз ҳаракатларини тушупиш ва руҳий бузилишлар (руҳий касалликлар)дан бири бўлганда бундай интилиш ва қизиқишларга қаршилиқ қила олмайди, уларни доим кузатиб юради ва тинчлик бермайди.

Шундай қилиб, ақли норасолик ҳолати, тиббий ва юридик мезонлар мажмуини ташкил қилиб, жинойт содир этиш вақтида шахс ё ўз ҳаракатларининг фактик хусусиятини ва ижтимоий хавфини англай олмаслик қобилияти бўлмаслигига (интеллектуал белги) ёки уларни бошқара олиш қобилиятининг бўлмаслигига (иродавий белги) йўл қўяди. Амалиётда шундай ҳолатлар учрайдики, ижтимоий хавфли қилмиш содир этишда юридик мезоннинг интеллектуал ва тиббий белгиси биргалиқда шахс ақли норасолигини ифодалайди. Бу ҳолатда сўз «идеал» ақли норасолик ҳолати ҳақида боради, қачонки, руҳий бузилиш бўлганда шахс ҳуқуқбузарлик содир этган вақтда нафақат ўз ҳаракатларининг фактик хусусиятини ва ижтимоий хавфини англай олмайди, балки уларни бошқара олмақди ҳам. Одатда, бу патологик мастлик ёки сурункали руҳий бузилишлар ва бошқа касаллик ҳолатларида бўлади. Шахсни ақли норасо деб топиш учун юридик мезон тиббий мезоннинг натижаси бўлиши лозим.

ЖК 18моддаси 2қисмига кўра, ақш норасоликнинг тиббий мезони қуйидаги тўртта гуруҳ руҳий касалликнинг мавжудлигида кўринади:

- сурункали руҳий касаллик;
- вақтинчалик руҳий касаллик;
- ақлнинг пастлиги;
- касалликнинг бошқа ҳолатлари.

Тиббий мезонни ўрнатиш учун қонунда кўрсатилган биронбир руҳий касалликнинг ҳоҳдаган гуруҳидан ақалли биттаси мавжуд бўлиши лозим.

Суд психиатрияси ва жинойт ҳуқуқида **сурункали руҳий касалликларга** амалда даволаб бўлмайдиган ёки қийин даволанадиган руҳий касалликлар тааллуқдидир. Мазкур касалликлар ривожланиш ёки ўтиб кетиш хусусиятига эга. Улар касал руҳиятини чуқур ва турғун ўзгаришларга олиб келади.

Суд психиатриясида бундай руҳий касалликлар деб, қуйидагилар қабул қилинган: шизофрения, эпилепсия, маниакалдепрессив психоз, мия сифилиси, прогрессив фалажлик, қарилик ақди заифлиги, эпидемик энцефалит ва бошқа қийин даволанадиган ёки умуман даволаб бўлмайдиган руҳий касалликлар.

Шизофрения — бу сурункали ўсиб боровчи руҳий касалликцир. Бироқ, бу касалликнинг мавжуд бўлиши шахсинг жинойт содир этишда ақли расолиги тўғрисидаги масала юридик мезондан келиб чиқиб аниқланади, агар у муайян ҳолат ва зарур вазиятга хос бўлса, шахсинг айни пайтдаги руҳий ҳолатига таъсир ўтказувчи ҳолатлар ҳисобга олиниб ҳал қилинади¹.

Эпилепсия («йиқилувчи касаллик») — бу мушакларнинг тортишуви ва тортишувисиз борадиган пароксизмлардан, психозлар, чуқур даражадаги ақли заифликка олиб келадиган, ўзига хос шахс ўзгаришидан ва клиник кўринишидан иборат бўлган касаллик. Берилган гуруҳдаги руҳий касалликлар орасида судпсихиатрия амалиётида кенг тарқалганлик бўйича эпилепсия шизофрениядан кейинги иккинчи касаллик ҳисобланади. Касалликдаги тутқаноқлар сони ҳар хил, тўсатдан турли пайтда ва турли жойда бўлиши мумкин, яъни ҳаёти давомида бир мартадан то суткасига бир неча мартагача. Қоидага кўра, касаллар тутқаноқ пайтида хушидан кетади, ўзига келганда эса, ҳеч нарсани эслай олмайди. Шу билан бирга, эпилепсияда шизофрениядаги каби, жинойт содир этиш вақтда шахсинг ақли расолиги истисно этилмайди².

Маниакалдепрессив психоз — депрессив ва маниакал шаклдаги фазаларда ўтадиган касаллик. Биринчи ҳолатда, маниакал фаза юқори кайфият ва ҳддан ташқари ҳаяжонланиш билан, иккинчи депрессив фазада — кайфиятнинг тушиши, меҳнат қобилиятининг пасайиши, ўзўзига ишончсизлик, соматик ва вегетатив ўзгаришлар билан характерланади.

Прогрессив фалажликка келсак, бу одатда, сифилис билан касалланганларнинг 1—5 % да 1012 йил ўтгандан сўнг кузатилади ва қоидага кўра, тез ўсувчи ақли заифлик ҳамда неврологик бузилишлар билан характерланади. Прогрессив фалажликда миянинг

оғир хасталаниши кузатилади, қайсики, мия сифилиси руҳий касаллигидек бирмунча енгил шаклга эга⁴.

Тиббий мезоннинг иккинчи гуруҳини биринчи гуруҳдаги руҳий касалликларга таққослаганда, қисқа муддат кечадиган ва даволаб бўладиган **руҳиятнинг вақтинчалик бузилиши** ташкил қилади. Кўпгина ҳолларда бу касалликлар тўсатдан пайдо бўлиши ва касалнинг тўлиқ соғайиши билан тугайди.

Бундай бузилишларга психиатрияда истисно ҳола глар деб номланадиган, ташқи муҳит билан боғлиқ, тўсатдан пайдо бўладиган руҳиятнинг қисқа муддатли бузилишлари тааллуқли.

Касалликнинг истисно ҳолатларига қуйидагилар киради:

—оддий алкоғолли маст бўлишдан фарқлаш лозим бўлгам патологик алкоғолли мастлик;

—патологик аффеќт;

—онгнинг ғирашира ҳолати;

—«қисқа уланиш» реакцияси;

—патологик уйку ҳолати, шунингдек, алкоғолли психозлар ва ҳ.к.¹

Руҳий бузилишларнинг ушбу гуруҳи касал руҳий фаолиятининг айнан қисқа муддат бузилиши билан характерланади, қайсики, ҳар бир жиноят содир этган муайян шахснинг ақли расолиги ёки юридик мезон мавжуд бўлганда, ақли норасолиги истисно этилмайди.

Патологик мастлик — ўткир қисқа муддатли ўтадиган руҳий бузилишлар гуруҳига тааллуқли бўлиб, онгнинг ғирашира бузилишлари, алаҳсираш ва ўраб турган оламни бузиб қабул қилиш билан тавсифланади. Бу ҳолат бир неча минутдан бир неча соатгача давом этиши тўғрисида ва оддий алкоғолли мастликдан фарқ қилади. Одатда, бу алкоғолли интоксикация (хумор) пайтида келиб чиқади.

Ўз навбатида, **патологик аффеќт** руҳан жароҳатлантирувчи омиллар (яқин қариндошининг ўлими, оғир ҳақоратланиш, мулкый шикаст етказилиши ва бошқалар), яъни оғир руҳий таъсирланиш ёки ҳаяжонланиш билан боғлиқ руҳиятнинг қисқа муддат бузилиши билан характерланади.

Онгнинг ғирашира ҳолати истисно ҳолатлар тури сифатида бир шахсда такроран келиб чиқиши мумкин. Бу руҳий ҳолат касалнинг ўзини ижтимоий хавфли тутишини белгилувчи алаҳсираш, галлюцинация, жаҳл, ғазаб билан давом этади.

«Қисқа туташув» реакцияси, шунингдек, руҳий ҳаяжонлантирувчи зўриқиш ҳолати билан боғлиқ. Бу руҳий касаллик онгниш бузилишида ёки тўсатдан бўладиган импульсив ҳаракатларда намоён бўлади, бу эса, атрофдагилар учун хавф туғдириши мумкин.

Алкоғолли психозлар орасида оқ сўзак касаллиги тезтез учрайди, одатда, у алкоғолизм билан касалланган шахсда спиртли ичимликларнинг узок интоксикацияси тўхтагач икки-уч кундаи сўнг иайдо бўлади. Оқ сўзак кўпинча кўриш ва эшитишдаги галлюципация, агрессив ҳаракат ва қаттиқ ҳаяжонланишлар билан кузатилади. Бу пайтда касал хужум қилиши ёки «ғаразли» душманлардап ва «кузатувчилардан», ҳар хил зараркунандалардан, ҳашаротлардан, ҳайвонлардан ҳимояланиши мумкин, шунингдек, ижтимоий хавфли қилмиш содир қилиши мумкин.

Алкоғолли галлюциноз қоидага кўра, касал онгининг сақланиши орқали уни доим кузатиб юрувчи кўриш ва эшитиш галлюцинацияси мавжудлиги билан фарқланади. Ўз навбатида, **алкоғолли параноид** алкоғолли психознинг тури сифатида нафаќат галлюцинациялар билан, балки касалнинг онги сақлансада, кузатиш, захарлаш, рашк, ўч олиш, алаҳсирашлар кузатилиши билан характерланади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу гуруҳдаги вақтинчалик руҳий бузилишлар мавжуд бўлганда ақди норасолик тўғрисидаги масала, тиббий мезон биринчи гуруҳдаги руҳий касалликлардаги каби касаллик ўтишининг ҳамма кўрсаткичлари ва касалнинг ўраб турган шароитда тўғри ҳаракатланиши ҳамда ўзини бошқара олиш қобилияти ҳисобга олинган ҳолда ҳал қилинади.

Тиббий мезоннинг учинчи гуруҳини **ақли заифлик (олигофрения)** ташкил этади.

Психиатрияда олигофрения ёки туғма ақли заифлик деганда, туғилиш ваќтида миянинг жароҳатланиши билан шартланадиган ёки бола руҳиятининг касаллик ҳолатлари натижасида гўдакликда орттирилган патологик ҳолат тушунилади. Ақли заифлик кўпинча, нафаќат, миянинг органик ўзгариши натижасида, балки ҳар хил жароҳат, инфекция ва

касалликлар оқибатида фикрлаш, ақлий қобилият, эслаш, диққатни тўплаш каби инсон рухий функцияларининг ривожланмай қолиши билан тавсифланади.

Ақди заифликнинг энг асосий белгиси умумий рухий номукамаллик ҳисобланади¹.

Туғма ёки орттирилган ақли заифлик оғирлик даражасига кўра, уч турга бўлинади:

- дебиллик (енгил шакли);
- имбециллик (ўрта шакли);
- идиотия (оғир шакли).

Дебиллик — ақли заифликнинг энг енгил ва кенг тарқалган шакли. У кўпгина ҳолларда шахсни ҳар хил жинойий қилмишлар содир этишда ақли расолигини истисно этмайди, чунки улар муайян шароитда ўз қилмишининг хусусиятини англай оладилар ва бошқара оладилар. Ақли заифликнинг бу шаклида шахсда тафаккурнинг етишмаслиги ёки фикрлай олиш қобилиятининг бўлмаслиги ёки фикрлашнинг соддалиги кузатилади.

Имбециллик туғма ёки орттирилган ақди заифликнинг енгилроқ даражасини акс эттиради. Бу касалликка чалинганлар атрофидагилар учун муайям хавф туғдиради ва касаллик **утқирлашган** даврда ҳар хил жиноятларни содир этишга мойил бўладилар. Кўппича, бу ижтимоий хавфли ҳаракатлар уларнинг англамаслиги Билап тавсифланади.

Идиотия — ақли заифликнинг энг оғир шакл. Бу касалликда шахснинг нутқи ва бошқа рухий функциялари дсярли умуман бўлмайди. Қоидага кўра, бундай касаллар стационар даволашпша, доимий қарабтуришга муҳтож бўлишади. Ташқи омилларпиш кўзғалиши ва таъсир этиши натижасида касаллар атрофидагилар ва ўзига нисбатан ёввойилашиб кетиши мумкин, шуғантдек, жиноят содир этишга мойил бўлишади. Кўпинча, бу гуруҳ касаллар жиноят содир этишда, судпсихиатрия экспертизаси ҳулосаси асосида ақга норасо деб топилади.

Тиббий мезон рухий касалликларининг тўртинчи гуруҳини **бошқа тарздаги рухий бузилишлар** ташкил этиб, улар қомда бўйича, руҳиятнинг вақтинчалик турли бузилишлари билан кузатилади, аммо сурункали ёки вақтинчалик рухий касаллик ҳисобланмайди, фақат ўзининг психопатологик белгилари ва хусусиятларига, касалликўтишига боғлиқ ҳолда уларга тенглаштирилиши мумкин. Бундай касалликларга туғма ёки орттирилган кўринишдаги х.иссийродавий томоннинг бузилиши билан тавсифланадиган психопатиянинг шакли тааллуқди; оғир инфекцион касалликлардан кейин бўладиган турли рухий бузилишлар; гиёҳвандлик ҳумор қилган даврда гиёҳвандларда бўладиган асабрухий бузилишлар, тўлиқ кўзи ожизлик ва карлик билан боғлиқ шахснинг рухий ўзгариши. Санаб ўтилган рухий бузилишлар ёки рухий касалликлардан исталгани алоҳида олинганда ҳам ақли норасолик тиббий мезонини тан олиш учун етарли ҳисобланади.

Шуни эътиборга олиш керакки, ҳар доим ҳам рухий бузилишларнинг мавжудлиги (тиббий мезон) ақли норасолик ҳолати тўғрисида гапириш учун асос бўлмайди. Руқий касаллик шундай даражага етиши керакки, унда шахс жиноят содир этаётган пайтида ўз қилмишини англаб етмаслиги ёки уларни бошқара олмаслиги лозим. Бошқача айтганда, ақли норасоликнинг юридик (руқий) мезони тиббий мезон рухий касалликларининг моҳиятини ва чуқурлигини белгилайди.

Ақди норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаши мумкин. Бундай мажбурлов чорасини қўллаш учун суд, шахс томонидан жиноят қонунида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилганлик фактини, шунингдек, қилмишнинг айнан ақди норасо шахс томонидан содир этилганлиги ва касаллик ҳолати шахснинг жамият учун хавфлилигини исботлаши лозим.

Ақли норасолик фақат жиноят содир этилган вақтга нисбатан белгиланади. Агар шахс сурункали рухий касаллик, масалан, шизофрения билан касалланган бўлиб, бироқ ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш вақтида ремиссия ҳолатида, яъни касаллик анчагина тузалиш пайтида бўлган бўлса, юридик мезон йўқлиги сабабли у ақли расо ва ўз қилмиши учун жавобгар деб топилади. Жиноят содир этгандан кейин шахсда рухий бузилишлар келиб чиқса, унга нисбатан ҳам тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари кўрилади.

Агар ақли норасолик вақтинчалик рухий бузилишлардан келиб чиққан бўлса, жиноятпроцессуал қонунчилигига кўра, иш юритиш айбланувчи тўлиқ соғайишигача тўхтатиб турилади. Бу шахс соғайганда жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин ва унга нисбатан жазо қўллаш мумкин (албатта, жинойий жавобгарликка тортиш муддатлари чегараси ҳисобга олиниб).

Агар рухий касаллик жиноят содир этгандан кейин дастлабки терговда пайдо бўлса ва оғирлашса, бундай шахсга нисбатан суд ЖК 67моддаси асосида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллайди, соғайгандан кейин ишни кўриш давом этгирилиши мумкин.

4§. Мастлик ҳолатида жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарлиги

ЖК 19моддасига кўра, мастлик ҳолатида ёки гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки одамнинг актиродасига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди. Бундай ҳолат шахсни ақли норасо деб топиш учун асос бўлмайди.

Кўпгина ижтимоий хавфли қилмишлар, айниқса, шахсга қарши жиноятлар айнан мастлик ҳолатида содир этилади. Нафақат жиноят субъектини жинойий жавобгарликка тортиш учун, шунингдек, патологик мастликда (патологик мастликни физиологик (оддий) мастликдан фарқлаш керак) содир этилган жиноятда жавобгарлик мавжуд бўлмаган ҳоллар учун ҳам қонун чиқарувчи киритган «алкоголли мастлик» тушунчасини очиб бериш мақсадга мувофиқ.

ЖК 19моддасида интеллектуалиродавий фаолиятга таъсир қилувчи алкоголли мастлик ёки наркотик моддалар, психотроп ва бошқа моддалар қабул қилганликтаъсири остида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс ақли норасо деб топилмаслиги назарда тутилган.

Одатда, **физиологик мастлик** астасекинлик билан бошланади. Алкогол ичимликлар ичаётган шахс эса ўзини шундай ҳолатга зўрликсиз солаётганлигини англайди ва тушунади. Шунинг учун, шахс мастлик ҳолатида жиноят содир этса, унинг ақли **расолиги** жинойий жавобгарликнинг объектив ва субъектив томони аСОСИДв ИСТИСНО этилмайди, қайсики оддий мастликда ҳеч қандай шарт **билан олиб** ташланмайди.

Физиологик мастлик ҳолатида объектив борлиқва атрофни бузиб қабул қилиш ҳолати бўлмайди, фақат патологик мастликка тўғридантўғри зид бўлган рухий фаолиятнинг вақтинча бузилиши содир бўлади. Ўзўзидан физиологик мастликда организмда бўладиган тормозланиш жараёнларининг функцияси сусайса ва шахс ҳаракатларини бошқариш йўқолса ҳам, бироқ унинг ҳаракатлари ва қилмишлари нормал инсон ҳаракатлари каби мотивлашган хусусиятга эга бўлади.

Шу билан бирга, жинойий жавобгарлик тўғрисидаги масалани ҳал қилишда интеллектуал иродавий фаолиятга таъсир қилувчи ал-коголли мастлик, шунингдек, наркотик моддалар, психотроп ва бошқа моддаларнинг таъсири шахс иродасига қарши зўрлик, яъни жисмоний мажбурлаш натижасида бўлса, унда баъзи ҳолларда ўша шахс ҳаракатида айб бўлмаса, жинойий жавобгарликдан озод қилинади.

Физиологик мастлик, одатда, учта даражага бўлинади: енгил, ўрта, оғир.

Мастликнинг енгил даражасига атрофни қабул қилишнинг пасайиши, интеллектуал фаолият соҳасининг бузилиши, диққатнинг бузилиши, реакция ва фикрлаш жараёнининг секинлашуви, шунингдек, кайфиятдаги мувозанатнинг йўқолиши ва бузилишлар хос.

Мастликнинг ўрта даражасида қоидага кўра, диққат тез бузилади, қабул қилишнинг аниқдиги йўқолади ва фикрлаш жараёни сустлашади. Бу даражадаги маст ҳолатда бўлган шахслар кўпинча жаҳлдор ва агрессив бўладиларки, бу ҳол урушишга, жанжал ва жиноят содир этишга олиб келади. Мастликнинг оғир даражасида бош мия функциясининг жиддийроқ бузилиши кузатилади. Бундай ҳолатда шахснинг онгли ҳаракат қилиши ва фикрлаш қобилияти йўқолади, агрессив бузғунчи қилмишларга мойиллик пайдо бўлади.

Мастликнинг оғир даражаси мастнинг ҳар хил жойларда чуқур уйкуга кетиши билан боғлиқ клиник суратда кузатилади. Мастлик ҳақида эслаш қоидага кўра, қисм хусусиятига эга бўлади.

Бундан, физиологик мастликнинг исталган даражасида бўлган шахс жиноят субъекти бўлади ва жинойий жавобгарликдан озод этилмайди, чунки унинг ҳаракатларида ақли норасоликнинг қам тиббий, ҳам юридик мезонлари бўлмайди, лекин шахснинг патологик мастлик ҳолатидаги каби касаллик ҳолати ҳисобланмаган рухий жараёнлари бузилади.

Била туриб кўп миқдорда алкогол ичиш натижасида юзага келадиган қисқа муддатли рухий бузилишларни ифодаладиган физиологик мастлик ҳолатини патологик

мастлик ҳолатидан ажрата билиш лозим. Психиатрияда патологик мастлик ҳолати ўткир қисқа муддатли ўтадиган руҳий бузилишлар турухига киради. У алкоғолни нафақат кўп, балки кам истеъмол қилганда ҳам келиб чиқади. Бу ҳолат учун онгнинг тўсатдан ўзгариши хос ҳисобланади. Патологик мастликнинг клиник суратида, қоидага кўра, онгнинг ғираширалик белгилари ва галлюцинаторлик алаҳсираш ҳаяжонлари бирлашади, натижада, атрофни бузиб қабул қилиш келиб чиқади.

Патологик мастлик ҳолатида содир этиладиган жинойий ҳаракатлар эътиборга молик қандайдир ҳодисага нисбатан реакция ҳисобланмайди. Патологик мастлик қандай тўсатдан бошланса, шундай тугайди. Баъзида, у кўпинча уйқуга кўчади, қайсики, ундан сўнг тўлиқ амнезия бошлади, аммо бўлиб ўтган воқеалар ҳақида баъзи нарсалар эсда қолади.

Патологик мастлик ҳолатида бўлган шахснинг бундай ўзини тутиши, аввало, шу шахс мавжуд бўлган атрофни бузиб қабул қилиши, мақсадсиз ва агрессив ҳаракатлари билан тушунтирилади. Судпсихиатрия амалиётида шунга эътибор қилинадики, патологик мастлик қисқа муддатли психоз сифатида кўрилади, агарда, тиббий ва юридик мезонларнинг мажмуи мавжуд бўлса, бу ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс ақли норасо деб топилади. Ўзўзидан, физиологик мастлик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс ақли расо деб топилгани туфайли, жиноят субъекти бўлса ва жинойий жавобгарликка тортилса, патологик мастлик ҳолатида эса суд ақди норасоликни ўрнатса, ушбу шахсга нисбатан жинойий жавобгарлик истисно этилади.

Шу билан бирга, қисқа муддатли руҳий бузилишдан умуман фарқ қиладиган оғир даражали физиологик мастликни патологик мастликдан ажрата билиш лозим. Бу ҳолат мастлик ҳолатида турли хил жиноятларни содир этган шахсларни жинойий жавобгарликка тортиш ёки патологик мастликдаги ақли норасолик тўғрисида сўз борганда эса ундан озод қилиш масаласини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

ЖК 19моддаси мазмунидан мастликдеганда, нафақат, алкоғол истеъмол қилишдан, балки интеллектуалиродавий фаолиятга таъсир қилувчи, гиёҳванд, психотроп ва бошқа моддалар қабул қилишдан келиб чиққан ҳолат тушунилади. Мастликнинг кейинги турлари жиноят қонунчилиги учун янгилик ҳисобланади ва тиббий нуқтаи назардан, алкоғолли мастликдан сезиларли фарққа эга. ЖК 19моддасига биноан, гиёҳванд мастлик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс, агар у жиноят субъекти ҳисобланса, жинойий жавобгарликдан озод этилмайди.

Гиёҳванд мастлик ҳолати дори шаклидаги ёки ДОри шаклида бўлмаган гиёҳванд моддаларни қабул қилиш ёки уларнинг организмга таъсири натижасида келиб чиқади. Бундай мастлик таблесткалар, кунни қабул қилиш, инъекция, кукуни бурни орқали тортиш, иёҳванд моддаларни чекиш билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонунига кўра, гиёҳванд воситалар деганда, гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препарат ва ўсимликлар тушунилади¹. Берилган рўйхатлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланади ва нашр этилади.

Ўз навбатида, гиёҳванд дори воситаларидан даволаш мақсадларида фойдаланилади ва касал фуқароларга шифокор кўрсатмаси асосида индивидуал тартибда берилади. Даволаш мақсадларида фойдаланиладиган бу гиёҳванд моддалар Ўзбекистон Республикасида обороти чекланган гиёҳванд моддаларнинг иккинчи рўйхатига киритилган.

Гиёҳванд мастлик алкоғолли мастликдан фарқли равишда ўзига хосликларга эга ва ташқи кўринишига кўра эйфорик сифатида аниқланиши мумкин. У, шунингдек, ҳолсизлик ва уйқусизлик, кўпинча юз ифодасининг маъносизлиги, палапартиш ва ноаниқ нутқ билан тавсифланади. Ўзини тутиш сурати алкоғолли мастлик ҳолатида бўлган шахснинг ўзини тутишини эслатади ва ўхшайди, фақат алкоғолнинг ҳиди бўлмайди. Субъектнинг ўзи ҳолсиз, камҳаракат ва қатъиятсиз бўлиб қолади. Кўпинча гиёҳванд мастлик галлюцинаторлик ҳаяжонлари билан кузатилади.

Таъкидлаш жоизки, бу ҳолатда алкоғолли мастлик каби ўз ҳаракатларини англаш ва бошқариш сақлаб қолинади. Шунга қарамай, бундай ҳолатда шахс атрофдагилар учун хавфли бўлади ва биронбир жиноят содир этиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, гиёҳванд моддани нотиббий усулда ва кўп қабул қилиш гиёҳвандлик деб номланган касаллик хусусиятини олади. Касаллик сифатида гиёҳвандликнинг ўзига хослиги, гиёҳванд моддаларни қабул қилишга доимий мойиллик, шунингдек, алкоғолизм каби уларга руҳий ва жисмоний боғлиқлик, шахс руҳиятида чуқур

Ўзгаришлар ва организм функцияларининг ишдан чиқишига олиб келади. Бунда гиёҳвандликнинг ўзига хослиги уни нафақат касаллик сифатида, балки шахс ва жамиятга катта зарар етказадиган муаммо сифатида кўриб чиқишга имкон беради.

Гиёҳвандлик тиббий аралашувни талаб этадиган касалликни акс эттиради, гиёҳванд моддаларни кўп истеъмол қиладиган ва жиноят содир этган шахсга нисбатан эса жиноий жазо билан биргаликда суд ЖК 91-моддаси 2-қисми асосида гиёҳвандликдан мажбурий даволаш кўринишидаги тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаши мумкин.

Шу билан бирга, **ЖК 19-моддаси** нафақат алкоғолли ва гиёҳванд мастлик ҳолатида жиноят содир этганлик учун, балки психотроп ва бошқа моддаларнинг инсон организмга, тўғрироғи акциродасига таъсири ва келиб чиққан ҳолатга нисбатан ҳам жиноий жавобгарликни назарда тутилади.

Психотроп моддалар — психотроп моддалар рўйхатида киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ва табиий моддалар.

Акциродага таъсир қилувчи бошқа воситаларга гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари тааллуқли.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари ~ кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ва табиий моддалар¹.

Тиббий воситалар (дорилар)га кирмайдиган акциродага таъсир қилувчи моддаларнинг катта гуруҳини, хусусан, акциродага таъсир қилувчи хўжалик, уйрўзгор учун мўлжалланган воситалар, заҳарли модда ва турли хил локлар, бўёқлар, елимлар ва шунга ўхшаш моддалар ташкил этади.

Санаб ўтилган моддалар нафас олинганда акциродага таъсир этади ва ўзидан кетиш ҳолатини келтириб чиқаради. Бунда бу ҳолатга нафақат турли бирикмаларни, ацетонни, бензинни, двигатели ишлаётган автомобиль газини, «Момент» елимини, саноатда ишлатилмаган турли суюқликларни ва бошқа кимёвий бирикмаларни нафас олиш, балки дори воситаларини спиртли ичимликлар билан қабул қилиш ҳам келтириб чиқаради. Охири ҳолатда сўз мастлик ҳолатини кучайтириш учун қабул қилинмаган аралашмалар тўғрисида боради, масалан, алкоғол билан димедрол, барбитураталкоғолли аралашма, клофелин.

Таъкидлаш жоизки, спиртли ичимликларни кум И 1 ЛХОҒО

лизмга олиб келиши сингари гиёҳванд моддалар **гиёҳвандлик** маст қиладиган моддаларни тезтез ишлатиш токсикоманшл ОЛИБ келади. Ўзидан, **токсикомания** ўрганишни келтириб чиқарадиган наркотик модда бўлмаган воситаларни кўп истеъмол қилиш орқасидан келиб чиқадиган касалликни акс эттиради.

Айбдор шахс томонидан ўзида бўлмастик ҳолатида содир этилган жиноят физиологик ва гиёҳвандлик таъсирида бўлган шахсдек жавобгарликдан озод этмайди. Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 56-моддаси 1-қисми «о» бандига асосан, акциродага таъсир қилувчи алкоғолли мастлик ёки гиёҳванд модда, психотроп моддалар таъсирида жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Шу билан бирга, суд амалиётида суднинг жиноят ҳусусиятидан келиб чиқиб, оғирлаштирувчи ҳолатларни тан олмаслик ҳукуқи кўпинча эътиборга олинмайди.

5§. Жиноятнинг махсус субъекти

Жиноят махсус субъекти белгиларини ўрнатиш ҳукуқни қўллаш амалиётида жиноятни квалификация қилишнинг шартларидан бири ҳисобланади.

Жиноят субъектининг умумий белгилари ЖК Махсус қисми моддаларингт диспозицияларида назарда тутилмаган. Махсус субъект белгилари модда диспозицияларда тўғридантўғри кўрсатилади ёки уни шарҳлаш йўли билан аниқланади, алоҳида ҳолларда у махсус нормаларда кўрсатилади. Масалан, ЖКнинг саккизинчи бўлимида мансабдор шахс ёки масъул шахс тушунчалари берилган. Баъзи ҳолларда ушбу белгилар асосий таркибли жиноятларда (мансабдорлик жиноятларида мансабдор шахснинг белгилари), квалификация жиноятларида (ўта хавфли рецидивистнинг белгилари) кўрсатилади, бошқа ҳолларда жазони енгиллаштирувчи ҳолат бўлиб келади (масалан, янги туғилган чақалоқнинг она томонидан ўлдирилиши).

Жиноятнинг махсус субъекти — жиноят субъекти зарурий белгиларидан ташқари яна Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида белгиланган ва шу жиноятлар учун зарурий белги бўлган қўшимча белгилари ҳам мавжуд бўлган субъектдир.

Махсус субъект белгиларининг мавжуд эмаслиги ушбу белгилар ифодаланган жиноят учун гарчи жиноят субъекти умумий белгилари мавжуд бўлса ҳам, жавобгарликни истисно этади. Бу баъзи ҳолларда умуман жиноятни истисно этади, бошқа ҳолларда жавобгарлик бошқа модда билан белгиланади. Масалан, ҳарбий ёки давлат сири билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни йўқотиш ушбу ҳужжатларни сақлаш мажбурияти юкланмаган бошқа шахс томонидан содир этилса, ЖК 163моддасидаги жиноят таркиби мавжуд бўлмайди. Шунингдек, бошқа давлат фойдасига жосуслик қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан амалга оширилганда ЖК 160моддаси билан эмас, балки давлатга хоинлик сифатида ЖК 157моддаси билан квалификация қилинади.

Ўзининг таркибига кўра махсус субъект белгилари хилмахилдир. Улар шахснинг турли хил хусусиятларига тааллуқли бўлиши мумкин.

Махсус субъектларни қуйидаги мезонларга қараб гуруҳларга ажратишимиз мумкин.

Ҳуқуқий мақомига кўра:

— фуқаровий ҳолатига қараб: Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс ва хорижий давлат фуқароси (ЖК 157, 160 ва 224моддалари);

— жиноят процесси иштирокчилари: айбланувчи, гумонланувчи, гувоҳ, таржимон, эксперт ва бошқалар (ЖК 237, 238, 240моддалари);

— ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматга мажбурлар (ЖК 279302моддалари).

Демографик белгиларига қараб:

— жинсига қараб: эркак (ЖК 120моддаси);

— ёшига қараб — вояга етмаган (ЖК 127моддаси ёки 131моддаси 2қисми);

— оилавий, қариндошлик алоқаларига қараб — отаона, уларнинг ўрнини босувчилар ёки фарзандлар (ЖК 122 ва 123моддалари).

Мансабдорлик ҳолатига қараб:

— мансабдор ёки масъул мансабдор шахс (ЖК 144, 146, 205— 212моддалари);

— ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари: суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья (ЖК 230, 231, 234, 235моддалари);

— офицерлар, ҳаво кемаси командирлари ва бошқалар (ЖК 287, 288, 289моддалари).

Касбий мажбуриятига қараб: врач ёки бошқа тиббиёт ёки фармацевтика соҳаси ходимлари (ЖК 114моддаси ва бошқалар).

Жабрланувчига нисбатан юқориқ ҳолатда бўлган шахс: жабрланувчининг бошлиғи (ЖК 121моддаси).

Жиноят содир қилаётган шахснинг жиноят билан махсус ҳолатдалиги: жазони ўташ жойларидаги маҳкум, олдин судланган шахс, оғир ва ўта оғир жинояти учун судланганлар (ЖК 220—222моддалари);

Жиноятни тўғри квалификация қилиш учун бошқа зарур мезонларга қараб, соғлигига қараб — шахсда ОИТСинфекциясининг мавжудлиги (ЖК 113моддаси).

6§. Жиноят субъекти ва жиноятчининг шахси

Жиноятнинг умумий ва махсус субъектининг ажралмас қисми ҳисобланган умумий ва махсус белгиларидан ташқари яна судтергов амалиётида белгиланиши шарт бўлган белгилар ҳам мавжуд. Уларга айбланувчи шахси, ҳуқуқий мақоми (судланганлик ва унинг ҳуқуқий оқибати сифатида рецидивликнинг маълум тури), содир қилинган жиноятда ҳар бир айбланувчи хулқининг объектив хусусияти (ташқилотчи, далолатчи, бажарувчи ва ш.к.) кабилар қиради.

Шуни таъкидлаш керакки, жиноят ҳуқуқи ва криминологияда бир қарашда ўхшаш бўлган, лекин мазмун ва моҳиятига кўра ҳар хил бўлган жиноят субъекли ва жиноятчи шахси тушунчалари ўртасидаги муносабатлар шубҳасиз муҳокама қилинади¹.

Жиноят субъекти тушунчасини айбдорнинг шахси тушунчаларидан ажрата билиш лозим. Уларнинг ҳар иккиси ҳам бир одамни ифодалайди. Аммо уларнинг ҳуқуқий аҳамияти ҳар хил.

Жиноят субъекти тушунчаси жиноятҳуқуқий категория бўлиб, жиноятчи шахс тушунчасига нисбатан конкретроқва шу билан бирга жинойий жавобгарликка тортиш шарти

сифатида бир қатор қонунчилик белгиларига эга. Айбдор шахси ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг барча ижтимоий аҳамиятли хусусиятларидир. Бу жиноят ҳуқуқида жиноий жавобгарликнинг индивидуаллаштириш функциясини бажарувчи ижтимоий аҳамиятли тушунчадир. Криминология предметининг муҳим таркибий қисми бўлган жиноятчи шахс муаммоси жиноятҳуқуқий аҳамиятга ҳам эга. Жиноят субъекти белгиларининг мавжудлиги жиноятчини айбдор деб топиш учун етарли ва жиноий жавобгарлик асоси ҳисобланади. Бироқ жазони индивидуаллаштириш учун ҳамда жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишда жиноятчининг шахси эътиборга олиниши зарур. Жазо тайинлашнинг умумий асоси сифатида жиноятчининг шахсини ҳам ҳисобга олиш мумкин. Жиноятчи шахсининг бир қатор хусусиятлари жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларда ҳам ўз ифодасини топган. Жиноятчи шахсини ҳисобга олиш енгилроқ жазо тайинлаш ва шартли ҳукм қилишда ҳам ўз аксини топган. Бундан ташқари, жиноятчи шахс тўғрисидаги маълумотлар ижтимоий хавфлилиги йўқолганлиги муносабати билан ёки чин кўнгилдан пушаймонлиги муносабати билан жавобгарлик ва жазодан озод қилишда, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштиришда ҳал қилувчи муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатини белгилашда жиноятчи шахснинг жинси ва ёшини ҳисобга олиш жиноятҳуқуқий аҳамиятга эга.

Яъни, жиноят таркиби доирасидан ташқарида бўлган жиноятчи шахс хусусиятлари жазони индивидуаллаштиришда ва жавобгарлик ҳамда жазодан озод қилишда юридик аҳамиятга эга.

Жиноят ҳуқуқида **жиноятчининг шахси** — жиноят содир қилган шахснинг уни жиноятҳуқуқий воситалар ёрдамида тузатиш имкониятларида ифодаланувчи ижтимоий аҳамиятли хусусиятлар йиғиндиси.

Жиноятчининг шахси қонунда белгиланган тартибда суд томонидан чиқарилган айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан бошлаб, то жазони ўтаб бўлганидан кейинги судланганлик ҳолатининг тугаши ва олиб ташлангунига қадар ҳисобга олинади.

«Жиноят субъекти» мавзуси юзасидан яқуний саволлар

1. Жиноят субъекти нима?
2. Жиноят таркибининг элементи сифатида жиноят субъекти нинг аҳамияти нимадан иборат? Субъектнинг қайси белгилари за рурий бўлади?
3. Юридик шахс жиноят субъекти бўлиши мумкинми?
4. Умумий қоида бўйича жиноий жавобгарлик қайси ёшдан юзага келади? Бир қатор жиноятлар учун 13 ва 14 ёшдан жавобгарлик ўрнатиш ҳақидаги қонун чиқарувчининг қарори нимадан келиб чиқади?
5. Қайси пайтдан бошлаб шахс жиноий жавобгарлик келиб чиқувчи ёшга тўлган деб ҳисобланади?
6. Жиноят содир этган вояга етмаган шахснинг ёшини тасдиқловчи ҳужжатлар йўқдиги туфайли унинг ёши номаълум бўлган ҳолларда мазкур шахсни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи қандай ҳал қилинади?
7. Жиноий жавобгарлик келиб чиқувчи ёшнинг энг юқори чегараси мавжудми?
8. Жиноят содир этган шахснинг ақли расолиги мезонларини айтиб ўтинг. Ақли расоликнинг юридик мезони мавжудлигини тасдиқлаш учун унинг иккала белгисининг (интеллектуал ва иродавий) мавжудлиги шартми?
9. Ақли норасоликнинг юридик (психологик) меюпи пимадаи иборат? Уни нима таърифлайди?
10. Ақли норасолик тиббий мезонининг мазмуни пимада? Юридик мезон билан у қандай муносабатда бўлади?
11. Шахс ижтимоий хавфли қилмишни содир эттадиган қийин рухий касалликка дуч келиб, ақли норасо бўлган ҳолларда жазони таркиби мавжудми?

12. Нимага алкоғолли мастликнинг ҳар қандай даражаси содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарликни истисно этмайди?

13. Мастликнинг қандай тури акди расоликни истисно этади ва жиноий жавобгарликка олиб келмайди?

14. Махсус субъектнинг белгиларини айтиб беринг. Уларнинг аҳамияти нимадан иборат?

15. «Жиноят субъекти» ва «жиноятчининг шахси» тушунчалари бирбири билан қандай муносабатда бўлади? Жиноят ҳуқуқида жиноятчининг шахси деганда нима тушунилади?

IX БОБ. ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР

1§. Жиноят содир этиш босқичлари тушунчаси, турлари ва аҳамияти

Жиноят ижтимоий хавфли қилмиш сифатида жиноятчининг у ёки бу қасди муайян вақт (жиноий ниятнинг пайдо бўлишидап бошлаб токи уни тўлиқамалга ошириш ва жиноий мақсадга эришгунга қадар бўлган давр) оралиғида амалга ошириладиган жарасп сифатида тушунилиб, қисқа вақт давомида рўй бериши ҳам, узоқ вақтга чўзилиши ҳам мумкин. Шу боис, қонун чиқарувчи қасддан содир этиладиган жиноятларни амалга ошириш жараёнини шартли равишда муайян босқичларга ажратади, улар ўз навбатида тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноятлардан иборат.

Жиноят содир этиш босқичлари жиноят ҳуқуқи томонидан қасддан жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш ва бевосита бажариш босқичлари (жиноий фаолиятнинг ривожланиш босқичлари) сифатида тушунилиб, жиноятга тайёргарлик кўришдан бошланиб, жиноий оқибатлар келиб чиқишида тамомланади.

Бу босқичлар учта: 1) жиноят содир этишта тайёргарлик кўриш босқичи; 2) жиноят таркиби объектив томонини бажариш; 3) жиноятнинг тамом бўлиши ва ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши. Улар бирбиридан айбли ҳаракатларнинг хусусияти ва мазмунига кўра, шунингдек, жиноий қилмишнинг тамомланганлик даражасига кўра фарқ қилади.

Жиноят қонуни жиноят содир этиш босқичи сифатида қасднинг шаклланиши ва аниқланишини босқич сифатида тан олмайди. Қасднинг аён бўлиши жиноят қоғуни мақсадларига ижтимоий хавф солмайди, чунки бунда қонун муҳофазаси остидаги объектларга ижтимоий хавф солинмайди, шахс ҳам биронбир муайян ҳаракат содир этмайди. Жиноий қасднинг шаклланиши жараёни, жиноятни амалга оширишнинг усуллари, унинг энг самарали бажариш услубларининг танланиши фақат шахснинг нияти ва фикрларини тавсифлаб, улар ҳаттоки жиноий бўлган тақдирда ҳам, жавобгарлик келиб чиқ^айди.

Қасд шаклланиши жазога лойиқ эмаслиги, халқаро ва конституциявий фикр ва тафаккур эркинлиги тамойилига асосланади. Халқаро жиноят ҳуқуқининг умумбашарий тамойили куйидагича янграйди: «Cogitatiois poenam nemo patitur» («Фикр жазога сазовор эмас»).

Айни вақтда, ўзўзидан ижтимоий хавфли бўлган ҳамда жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларига реал тарзда хавф тутдираётган қасднинг аён бўлиши, қонун чиқарувчи томонидан алоҳида жиноят деб топилиши мумкин. Масалан, қасднинг ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш билан кўрқитиш (ҳатто сўз орқали ҳам) каби кўриниши: ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш (ЖК 112 моддаси) ёхуд товламачиликдаги кўрқитиш (ЖК 165 моддаси) ва ҳоказолар жиноят қонунида тамом бўлган мустақил жиноят ҳисобланади. Қоида тариқасида, бу таҳдиднинг мақсади — жабрланувчига руҳий зўравонлик қилиб, ўз манфаатлари йўлида тегишли хаттиҳаракатларни амалга оширишга зўрлаш бўлиб, айнан шунда унинг ижтимоий хавфи намоён бўлади.

Худди шундай қасднинг шаклланишини жиноятни содир этишда далолатчилик қилиш, шунингдек, тухмат (ЖК 139 моддаси), ҳақорат (ЖК 140 моддаси), тарғиб қилиш (ЖК 150 моддаси), даъват қилиш (ЖК 159 моддаси 1 қисми) ва бошқа шу кўринишдаги «оғзаки» деб номланадиган жиноятлардан фарқлаш лозим, зеро, уларнинг ҳар бири ўз объектига — шахснинг шаъни, қадрқимматининг дахлсизлигини, инсониятнинг тинчлиги ва хавфсизлигини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузуми хавфсизлигини ва нормал фаолиятини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатларга нисбатан тажовуз қилади.

Тайёргарлик кўриш ва суиқасд каби жиноий ҳуқуқтар босқичлари тамом бўлмаган жиноятлар туркумига киради, бироқ жиноятларнинг барча таркибларида ҳам бўлавермайди.

Тамом бўлмаган жиноят (тайёргарлик кўриш ва суиқасд) конкрет жиноят таркиби белгиларида назарда тутилган хаттиҳаракатларни тўлиқбажармаслик ёки жиноий оқибатларни келтириб чиқармаслик билан тавсифланади.

Тамом бўлган жиноят содир этилган қилмишда конкрет жиноят таркибининг қонунда назарда тутилган барча белгилари мавжудлиги билан тавсифланади.

Жумладан, жиноят эҳтиётсизлик орақасида содир этилганида, жиноятга тайёргарлик ва суиқасд босқичлари мавжуд бўлмайди, чунки шахснинг иродаси жиноий оқибатни келтириб чиқаришга йўналтирилмаган. Ижтимоий хавфли қилмиш ҳаракатсизлик билан содир этилганда жиноятга тайёргарлик кўриш умуман мумкин эмас.

Тамом бўлмаган жиноятларнинг суиқасд қилиш босқичи кесик таркибли жиноят таркибларида мавжуд бўлиши мумкин эмас, зеро, уларнинг ўта юқори ижтимоий хавфини инобатга олган ҳолда, қонун чиқарувчи қилмишнинг юридик тамомлаиш вақтипи бир оз ол~ динга (олдинги босқичга) суради. Масалаи, босқиччилик жиноятида суиқасд қилиш имкони йўқ, боиси ҳужум қилиШНИНГ ўчн тамом бўлган жиноят таркибини ифода этади (ЖК 164моддаси).

Таъкидлаб ўтиш керакки, жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш учун жавобгарликка тортишга жиноий қасднинг тури бевосита таъсир қилади. Эгри қасд жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш учун жавобгарликни инкор этади, чунки жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилишда шахснинг жиноят содир этиш истаги натижага эришишга қаратилган онгли ва мақсадли ҳаракатларидан иборат. Шунинг учун, жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш фақатгина тўғри қасддан содир этилган жиноятлардагина бўлади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми одам ўлдиришга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилади, қачонки, шахс ўлим юз беришини англаган ва истаган бўлади¹ деб тушунтириш берган.

Ниҳоят, жиноятга тайёргарлик кўриш ҳам, жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам жиноятчи эришишни кўзлаган жиноий натижанинг мавжуд эмаслигини назарда тутати. Субъектга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, жиноий натижанинг мавжуд эмаслиги тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноят ўртасидаги чегара ҳисобланади. Бироқ, агар жиноий натижанинг мавжуд эмаслиги субъектнинг ҳаракати оқибати бўлса (жиноий ниятни бажаришдан ихтиёрий қайтиш), у ҳолда шахс жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлмайди.

Хуллас, фақат қасддан содир этиладиган жиноят босқичлари жиноятҳуқуқий аҳамият касб этади. Эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятлар босқичлари жиноий деб тан олинмайди, зеро, эҳтиётсиз жиноятлар ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқмасдан олдин жиноятҳуқуқий жиҳатдан нейтралдир.

Жиноятга тайёргарлик кўриш учун ҳам, жиноят содир этишга суиқасд қилиш учун ҳам жиноий қилмишни содир этишга қасднинг ва қилмишнинг мавжудлиги ҳамда жиноий натижанинг мавжуд эмаслиги бир хилда зарур.

Жиноят босқичлари қасддан содир этилган жиноятни квалификация қилишда, чунончи жиноят тамом бўлганми ёки йўқми, тамом бўлмаган бўлса, қайси босқичда тўхтатиб қўйилган — тайёргарлик кўриш босқичида (тайёргарлик кўриш босқичи) ёхуд жиноят таркибининг объектив томонини бажариш босқичида тўхтатилганлиги (жиноятга суиқасд қилиш) нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади. Бунда тамом бўлмаган жиноятни квалификация қилишда шугага эътибор бериш лозимки, жиноятни содир этишнинг ҳар кейинги босқичи олдинги босқичини ўз ичига қамраб олади. Масалан, ўғрилиқ жиноятини содир этиш ниятидаги шахс, аввал баъзи тайёргарлик ҳаракатларини содир этиб (қурол топади, турли мосламалар тайёрлайди ва ҳ.к.), кейин ўзганинг мулкига тажовуз қилиш давомида, ҳаракатлари унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра тўхтатилса, шахс ўғрилиқ жиноятини содир этишга суиқасд қилганлиги учун жавобгарликка тортилади. Шу билан бирга, шахс ўзганинг молмулкни яширин равишда талонторож қилса ҳамда ушбу мулкдан ўз манфаатларига кўра фойдаланиш имкониятига эга бўлса, унинг ҳаракатлари тамом бўлган ўғрилиқ деб квалификация қилинади.

2§. Жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш

Жинойт содир этишнинг биринчи босқичи — бу **жинойтга тайёргарлик кўришдир.**

ЖК 25моддаси 1қисмида «Шахснинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шартшароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш деб топилади» дейилади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш, айтиб ўтилганидек, фақат тўғри қасддан содир этиладиган жиноятлардагина бўлади. Жиноятга тайёргарлик кўриш орқали шахс ўз ҳаракатининг ижтимоий хавфлилигини бу ҳаракатлари орқали ўзига жиноят содир этиш учун шароит яратаётганлигини англайди. Жиноятга тайёргарлик кўриш жинойий фаолиятнинг дастлабки босқичи ҳисобланганлиги боис, бошқа босқичларга қараганда ижтимоий хавфлилик даражасининг юқори эмаслиги билан тавсифланади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш деб, жиноят содир этиш учун шартшароит яратишга, шунингдек, бундан кейин жиноятни яширишга қаратилган исталган фаолиятни тушуниш лозим. Жиноятни содир этишга қасд шаклланишидан фарқли равишда, тайёргарлик кўриш босқичи нафақат жиноят содир этишни ният қилиш, балки уни содир этиш учун шароит яратувчи ва зарур бўлган конкрет ишларни бажариш билан тавсифланади. Бунда мазкур ҳаракатларнинг қай даражада чуқур ўйланганлиги ва қанча вақт давомида амалга оширилиши бевосита тайёрланаётган жиноят турига боғлиқ. Жиноят қанчалик хавфли ва мураккаб бўлса (масалан, «бунюртма» қотиллик, террористик акт, жосуслик, гаровга олиш ва ҳ.к.), унга тайёргарлик кўриш ҳам шунга яраша талаб этилади. Ушбу жиноятни содир этиш босқичига олдиндан ўйланган қасд мавжудлиги хосдир. Ситуатив характерга эга, тўсатдан пайдо бўладиган қасдда содир этадиган жиноятларда эса, тайёргарлик босқичи деярЛИ Йўқ (масалад, безорилик ҳаракатларини содир этишга бўлган НИЯТ шу ЭЙХОТИ амалш оширилади).

Жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатлари суиқасд қилншдап шуниси билан фарқданадики, уларнинг' содир этилиши жараопада жиноят қонуни томонидан муҳофаза қилинган объектларга бсвосн та тажовуз қилинмайди, яъни ЖК Махсус қисми конкрет моддалари диспозициясида кўзда тутилган қилмиш ҳали содир қилинмайди. Бошқача айтганда, жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд босқичлари орасидаги тафовут, жиноят содир этиш ҳаракатларига асосланади. Бу ҳаракатлар икки хил турда бўлади: бири жиноят таркибининг элементи бўлса, иккинчиси жиноят содир этилишини таъминловчи актдир. Бу ҳаракатларнинг биринчи тури суиқасд босқичита хос бўлса, иккинчиси жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида намоён бўлади.

Жумладан, ҳаракат жиноят таркибининг унсури сифатида, қонунда кўрсатилган муайян аломатлар (талонторож қилиш, ёлгон маълумот тарқатиш, тарғиб қилиш ва ҳ.к.)га эга. Шу сабабли, ҳар қандай ҳаракат, ҳатто у жинойий суиқасд билан содир этилган бўлса ҳам, тегишли жиноят таркибининг объектив томони сифатида ҳаракатни ҳосил қилавермайди. Мисол учун, ўт қўйиш мақсадида бензин сотиб олиш, шубҳасиз, ҳаракат бўлгани ҳолда, ўт қўйиш (мулкни қасддан нобуд қилиш, ЖК 173моддаси) таркибининг унсури ҳисобланмайди, худди шунингдек, бировни уриш учун таёкнинг эгаллиниши ҳам баданга шикаст етказиш таркибининг унсурини ҳосил қилмайди ва ҳ.к. Бундан ташқари, шуни унутмаслик керакки, **ЖК 25моддаси 1қисмининг** мазмунига кўра, жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида айбдор томонидан амалга оширилган ҳаракатлар, қасддан жиноят содир этиш учун шартшароит яратишга, шунингдек, бундан кейин жиноятни яширишга қаратилган бўлиши мумкин..

Жиноят содир этиш учун шартшароит яратиш ҳаракатлари де ганда, жиноят содир этиш қуроли ёки воситаларини излаш, тайёрлаш, мослаштириш, жинойий шерикларни топиш, тил бириктириш ёки келишув ва жиноят содир этишга шароит яратувчи бошқа ҳаракатлар тушунилади.

Жиноят содир этиш қуроллари ёки воситаларини қидириш қонуний йўл билан (масалан, бензин сотиб олиш) ёки қонунга хилоф равишда (масалан, келгусида жиноят содир этиш учун қурол, ўқдориларни талонторож йўли билан қўлга киритиш) эгаллашдан иборат.

Жинойий шерикларни топиш ўзга шахсларни жиноятда иштирок этиш учун қидириб топишда ҳамда ёллаш ёхуд бошқа тарзда жалб қилишда ифодаланади.

Жиноят содир этиш қуроллари ёки воситаларини тайёрлаш уларни яратишдан, масалан, лом, очқич, қалбаки ҳужжатлар ясашдан иборат.

Жиноят содир этиш қуроллари ёки воситаларини мослаштириш

шахс ўз жиноий ниятини амалга оширишда фойдаланишни мўлжаллаган маълум предметларга муайян шакл бериш, қайта ишлаш каби ҳаракатлардан иборатдир, масалан, одам ўлдириш учун отвёрткадан фойдаланиш ва ҳ.к.

Тил бириктириш ёки келишув — бу камида икки шахснинг муайян жиноят содир этиши ва (ёки) улардан бирининг жиноят содир этиши, иккинчиси эса ўғирлик молдан, мурдадан ва ҳ.к.дан қутулишга ёрдам бериши ҳақида зарур келишувга эришиши.

Тил бириктириш иккиёқлама хусусиятга, яъни жиноят содир этишга ёки уни яширишга қаратилган бўлиши мумкин. У жиноят содир этиш учун шартшароит яратишга ҳам, содир этилган жиноят изларини яширишга ҳам қаратилиши мумкин. Тил бириктириш усуллари ҳар хил бўлади — шахслар ихтиёрий тарзда келишишлари мумкин, келишувга товламачилик, мажбурлаш, алдаш, ваъда бериш натижасида эришилиши ҳам мумкин.

Жиноят содир этишга шароит яратувчи бошқа ҳаракатлар деганда, бошқа, юқорида тилга олингандан ташқари жиноят содир этишга қулайлик, енгиллик туғдирувчи барча ҳаракатларни тушуниш мумкин. Масалан, жиноят содир этиш вақти ва шароитини аниқлаш, жиноят содир этишга ҳалақит бериши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этиш каби ҳаракатлар бўлиши мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, қуроолларни топиш, мослаштириш, ўзаро тил бириктириш ва ҳоказолардан фарқли, жиноят содир этишга шароит яратувчи бошқа ҳаракатлар ҳаракатсизлик орқали ҳам бажарилиши мумкин. Масалан, пост қўриқчиси атайлаб бино эшигини очик қолдириши оқибатида, унинг жиноий шериқлари молмулкни ўғирлаб кетишади.

Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, турли воситалар ва қуроолларнинг эгалланиши, ўғирланиши, ўзлаштирилиши, рўзгор буюмларининг тайёрланиши жиноятга тайёргарлик кўриш деб баҳоланиши мумкин эмас, башарти улардан муайян жиноий мақсадларда фойдаланиш нияти улар жиноят содир этишга тайёргарлик кўришидан олдин пайдо бўлганлиги исботланган бўлмаса.

Тайёргарликни жиноят содир этиш босқичи сифатида фақат аниқ бир жиноят содир этиш учун тайёргарлик кўрилгандагина баҳолаш мумкин. Бунда шахс ўз жиноий ниятини охиригача амалга оширишга тайёр. Шахс кейинчалик муайян жиноий қилмиш воситалари ёки қурооллари тарзида қўлланилиши мумкин бўлган турли предметларни «ҳар эҳтимолга қарши» эгаллаган, ясаган ёки мослаштирган ҳолларга жиноятга тайёргарлик кўриш деб қаралиши мумкин эмас, чунки бундай ҳаракатлар ягона жшқш еодир ншп босқичини ҳосил қилмайди. Тўғри, айрим ҳолларда улар мустақил жиноятлар бўлиши мумкин, мисол учун, ўқотар қуроол, шупишдек, ўқдорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қоиуига ҳилоф равишда тайёрлаш ёки қўлга киритиш ЖК 248моддасида кўзда тутилган жиноят таркибини ташкил қилади. Шу билан бирга, агар қуроляроғ, мисол учун, босқинчилик содир этиш учун ОЛИНганлиги аниқланса, ишнинг конкрет ҳолатларига кўра айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 248моддаси, 25моддаси 1қисми ва 164моддаси 2қисми «а» бандига биноан квалификация қилиниши лозим.

Айбдорда қонунга ҳилоф равишда тайёрланган, эгалланган, сақланаётган гиёҳванлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш (ЖК 273моддаси) жиноий ниятининг мавжудлиги масаласини ҳал қилишда, судлар, мазкур воситалар ёки моддалар ўтказишга амалда тайёргарлик кўрилганлиги тўғрисидаги далиллар мажмуидан келиб чиқишлари керак. Тергов органлари ва судлар гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллашдан мақсад нима эканлигини аниқлашлари зарур. Эгаллаш келгусида ўтказиш ёки сотиш учун амалга оширилганлиги аниқланган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш деб ҳам квалификация қилиниши керак¹. Акс ҳолда, ўтказиш, сотиш мақсади аниқданмаган бўлса, айбдор шахснинг ҳаракатлари ЖК 276моддаси тегишли қисмига биноан квалификация қилиниши шарт (Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар).

Жиноятга тайёргарлик кўриш фақат тайёргарлик ҳаракатлари шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра тўхтатилган ҳолдагина мавжуд бўлади. Қонун чиқарувчи махсус равишда белгилайдики, ижтимоий хавфли қилмиш объектив сабабларга кўра узилиб қолган бўлиб, яқуний натижасиз, тамом бўлмаган жиноятдир. Жиноятни содир этишнинг айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолда тугатилганлиги дастлабки терговда ва судда исбот қилиниши зарур.

Жиноят таркибининг объектив томони амалда бажарилишидан олдин жиноий фаолиятнинг тўхтатилгани жиноятга тайёргарлик кўришни уни содир этиш босқичи деб таърифлаш имконини беради.

Шупдай қилиб, юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, биз жиноятга тайёргарлик кўришнинг, тамом бўлмаган жиноятнинг бир тури сифатида қуйидаги таърифни келтиришимиз мумкин:

Тайёргарлик кўриш тамом бўлмаган жиноят босқичи сифатида, шахснинг, жиноят содир этиш қуроли ёки воситаларини излаш, тайёрлаш, мослаштириш, жиноий шерикларни топиш, тил бириктириш ёки келишув ва жиноят содир этишга ёхуд уни яширишга шароит яратувчи бошқа қасддан содир этилган ҳаракатлари бўлиб, бунда жиноят шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охиригача етказилмай қолади.

3§. Жиноят содир этишга суиқасд қилиш

Суиқасд жиноят фаолиятининг иккинчи босқичи ҳисобланади. **ЖК 25моддаси 2қисмига** кўра, «Қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади».

Жиноий фаолиятнинг мазкур босқичи жиноятга тайёргарлик кўриш босқичига нисбатан ижтимоий хавфи юқорирок, бунда тайёргарлик босқичидан фарқли равишда конкрет жиноят содир этиш учун шароит яратилмасдан, балки уни содир этишнинг бевосита бошланиши, унинг объектив томонининг қисман бажарилиши туфайли, жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектга тажовуз қилинади ва зарар етказиш хавфи вужудга келади. Қонунга хилоф бўлган ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш хавфи ёки ижтимоий хавфли оқибатнинг юз бериши реал бўлиб қолади. Аммо жиноят шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмайди.

Бошқача қилиб айтганда, суиқасд бу қасддан содир этилган жиноятнинг тугалланмай қолиши ёки айбдор истаган оқибатнинг рўй бермаслигидир.

Жиноятга суиқасд қилишнинг қонунда белгиланган таърифидан жиноий фаолиятнинг ушбу босқичини тавсифловчи объектив ва субъектив белгиларини аниқлаб олиш мумкин.

Суиқасднинг **объектив белгиларига** қуйидагилар киради:

— жиноятни бажаришнинг бошланиши, яъни конкрет жиноят таркиби объектив белгиларида кўзда тутилган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни содир этиш;

— жиноят тамом бўлмаганлиги;

— жиноятнинг шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра тугалланиши. Суиқасд — бу биринчи навбатда, конкрет жиноят таркиби объектив белгиларида кўзда тутилган, бевосита жиноят содир этишга қаратилган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни бажаришнинг бошланишидир.

Айни шу ҳаракат (ҳаракатсизлик) жиноятни амалга оширишга қаратилган бўлади. Тажовуз бошланган бўлиб, тўғридайтўғри қонун билан кўриқланадиган объект (мулк муносабатлари, ҳаёт ёки соғлиқ хавфсизлиги, жинсий эркинлик ва бошқ.)га қарши қаратилади, уни жиддий зарар етиши хавфи остига қўяди.

Аксарият ҳолларда, жиноят содир этишга суиқасд қилиш фаол ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан содир этилади, ушбу ҳаракатлар турли хил бўлиб, муайян жиноятнинг объектив томони билан боғлиқ бўлади. Мисол учун, уйжойга ғайриқонуний равишда кириб ўғрилик содир этишга қасд қилишни аниқлаш учун шахс уйжойга ғайриқонуний равишда кирган ёки ҳеч бўлмаса бунга ҳаракат қилган, масалан, уй эшигининг кулфини бузган бўлиши керак. Онанинг ўз чақалоғини ўлдиришга суиқасд қилганлигини билиш учун чақалоқнинг овқатлантирилганлиги ёки аксини аниқлаш керак бўлади.

Жиноий тажовуз тугалланмаганлиги (жиноят охирига етказилмаганлиги) — жиноят содир этишга суиқасд қилишнинг яна бир муҳим объектив аломати. Жиноят содир этишга қасд қилиш, жиноий фаолият (тамом бўлмаган жиноят доирасида) ривожланишининг мустақил босқичи сифатида, тамом бўлган жиноятдан айнан ўзининг тугалланмагани билан фарқ қилади. Суиқасдда жиноят объектив томони тўлиқ амалга оширилмайди. Субъект ўзи ният қилган барча жиноий ҳаракатларни амалга оширолмайди (ҳаракатсизлик) ёхуд у кўзлаган жиноий натижа юзага келмайди.

Хусусан, моддий таркибли жиноятларга суиқасд қилишда ушбу аломат, асосан, жиноят объектив томонининг муҳим таркибий қисми — оқибатнинг йўқлигини тавсифлайди. Масалан, шахс ўқ отиш қуроли ёрдамида одам ўлдириш жиноятини содир этмоқчи бўлади, аммо нишон хато олинганлиги сабабли шахс ўлмай қолади. Айни ҳолда айбдор ҳаракатлари субъектив тугаллаётганини жиноий қилмиш амалда тугалланмаганидан фарқ қилиш керак (жиноят қонунида назарда тутилган жиноий натижа мавжуд эмас). Аммо

моддгй таркибли жиноятлардаги суиқасд жиноятчининг барча ҳаракатларини бажара олмагани билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Мисол учун, субъект пичоқ санчиш учун қўлини кўтарган, аммо жабрланувчи унинг қўлини ушлаб қолган ҳолат киради. Мазкур ҳолатда ҳаётга тажовуз қилиш билан боғлиқ барча ҳаракатлар охирига етказилмаганлигини ва ўз ўзидан оқибатнинг келиб чиқмаганлигини пайқаш мумкин.

Жиноят содир этишга суиқасд қилишда кўпича айбдор мўлжалламаган, кўзда тутмаган ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқади (масалан, одам ўлдиришга қасд қилишда жабрланувчининг соғлиғига оғир шикаст етказилади). Бу қилмишни тамом бўлган жиноятга айлантормади, чунки жиноий қилмиш тамом бўлган деб топилиши учун ҳар қандай ижтимоий хавфли оқибат эмас, балки қонунда бевосита кўрсатилган ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқиши талаб этилади. Бу ҳолатда суиқасдни тамом бўлган жиноятдан фарқлаш учун айбдор шахснинг қасдини аниқдаш зарур. Хусусан, одам ўлдиришга қасд қилишда жабрланувчининг соғлиғига оғир шикаст етказилиши одам ўлдиришга суиқасд сифатида квалификация қилинади. Хуллас, жиноятга суиқасд қилувчининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) маълум зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин, аммо улар ҳеч қачон айбдор мўлжаллаган оқибатлар бўлмайди.

Қонунда назарда тутилган жиноий оқибатлар ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган пайтда эмас, балки орадан маълум вақт ўтганидан кейин келиб чиққан (масалан, жабрланувчи унга ҳаётдан махрум этиш мақсадида шикаст етказилганидан кейин орадан бир неча кун ўтгач вафот этган) ҳолларда жиноят тамом бўлган деб топилади. Қонун нуқлаи назаридан, агар айбдорнинг қасддан содир этилган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида, орадан қанча вақт ўтганидан қатъи назар, жиноий оқибат келиб чиққан бўлса, жиноий қилмиш тугалланган деб топилади.

Формал таркибли жиноятларда суиқасд жиноят таркибини ташкил қилувчи барча ҳаракатларнинг тўлиқ бажарилмаслигида ифодаланади. Масалан, шахс қалбаки пулларни ўтказишга уринганида қўлга олинади.

Объектив томонни характерловчи учигчи белги жиноятнинг шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра, тугалланмай қолишидир. Жиноятнинг тамом бўлишига тўсқинлик қилган турли хил ҳолатларни бир нарса бирлаштиради, уларнинг ҳар бири жиноятчининг хохишига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра юзага келади. Бу ҳолатлар турлича бўлиши мумкин, масалан, фавқулодда тўсиқлар, номақбул гувоҳларнинг пайдо бўлиб қолиши, жабрланувчининг фаол қаршилиқ кўрсатиши, жиноят қуроллари ва воситаларининг яроқсизлиги, ишнинг ҳақиқий ҳолатларида (жиноят объекти, воситалари, ҳаракат усулларида) хатога йўл қўйилиши ва ҳ.к.

Мазкур белги суиқасднинг юқорида кўрсатилган объектив белгиларини бирлаштириб, уни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишдан фарқлаш имконини беради. Масалан, айбдор ўзининг ички ҳиссиётлари таъсирида (жабрланувчига раҳмшафқат ҳисси ва ҳ.к.) жиноий фаолиятини охиригача олиб бормаса, суиқасд мавжуд бўлмайди. Бу ҳолда қилмиш жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади.

Жиноят содир этишга суиқасд қилишнинг **субъектив белгилари** фақат **тўғри қасдда** ифодаланади. Айбдор жиноят содир этишга суиқасд қилишда муайян ижтимоий хавфли қилмиш содир этаётганини англайди ва жиноятни мантиқий якунига етказиш, зарур жиноий натижага эришишни хоҳлайди. Жиноят объектив томонининг яқунламаганини, у ҳали мўлжаллаган ҳаракатларининг барчасини бажармаганини, кўзлаган мақсадига ҳали эришмаганини шахс англайди.

Субъектнинг ўз ҳаракати (ҳаракатсизлиги)нинг тугалланганлик даражаси ҳақидаги тасавури субъектив мезонга асосланади.

Суиқасд бу жиноят содир этишга бевосита йўналтирилган ҳамда шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган қасддан содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик)дир.

Айбдор томонидан амалга оширилган ҳаракатларнинг якунига етказилганлик даражасига қараб, суиқасд тамом бўлган ва тамом бўлмаган турларга бўлинади.

Тамом бўлган суиқасдда субъект, зарур бўлган барча ҳаракатларни қилганига амин, аммо баъзи объектив сабабларга кўра жиноий оқибат келиб чиқмайди. Бу ҳолатда шахс амалга оширишни мўлжаллаган барча ҳаракатларни содир этади, аммо жиноий натижанинг интиҳоси изчил ҳаракатлар доирасидан четда қолади. Айбдор эришишга интилган ҳақиқий оқибат мавжуд бўлмайди. Мисол учун, субъект ўлдириш мақсадида жабрланувчига захар берди, лекин шифокорларнинг саъйҳаракати билан жабрдийданинг ҳаёти сақлаб қолинади.

Тамом бўлмаган суиқасда субъект жиноятнинг тамом бўлиши учун зарур бўлган ҳаракатларни уларни амалга оширишга ҳалақит берган сабаблар туфайли тўлиқ бажара олмайди. Суиқасднинг бу турида объектив томон ривожланмайди. Бу ҳолатда жиноят содир этишга қасд мавжуд бўлади, аммо жиноят таркиби объектив белгиларида назарда тутилган ҳамда жиноий натижага эришиш учун зарур бўлган ҳаракатлар тўла ҳажмда бажарилмайди. Мисол учун, ўғри омборхонага ғайриқонуний равишда кириб, зарур бойликларни олиб чиқиб кетишга тайёрлайди, лекин шу ерда ушланади ва уларни ўғирлай олмайди.

Тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноят содир этишга суиқасд қилишнинг жиноятни квалификация қилишда ҳеч қандай аҳамияти бўлмаса ҳам, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини аниқлаш, жазо тайинлаш ва жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш масаласини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Жиноят назариясида, шунингдек, яроқсиз объектга суиқасд қилиш ҳам ажратилиб, у жиноят субъектининг фактик хатога йўл қўйишида асосланади. Бунда жиноят содир этишга «яроқсиз» суиқасд қилишнинг икки тури фаркланади: 1) «яроқсиз» объектга (предметга) суиқасд қилиш; 2) «яроқсиз» воситалар билан суиқасд қилиш.

Яроқсиз объектга суиқасд қилишда, шахс ишнинг ҳақиқий ҳолатларига нисбатан хатоси туфайли, унинг жиноий тажовузи жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектга зарар етказа олишга қодир эмаслиги тушунилиши керак. Айбдор ҳаракатлари амалда реал зарар етказмайди ҳам. Бу ҳолда шахс жиноятни содир этишни хоҳлайди, бунинг учун барча зарур ҳаракатларни амалга оширади, бироқ хоҳлаган натижасини кўлга киритмайди, чунки жиноят предмети хусусиятлари ёки жабрланувчига нисбатан хатога йўл қўйган бўлади. Мисол учун, айбдор пул ўғирлаш мақсадида сейфни очади, аммо у ердан пулни тополмайди ёхуд ўлиб бўлган одамга ўқ узади.

Мазкур турдаги суиқасдни квалификация қилишда қасднинг йўналтирилганлигига алоҳида эътибор бериш муҳим. Масалан, «агар айбдор ишлатишга яроқсиз бўлган ўқотар қурол, ўқдорилар, портловчи моддалар ёки портловчи қурилмаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаган ва бунда уларнинг сифатига нисбатан янглишиб яроқли деб ҳисоблаган бўлса, содир этилган қилмиш жиноятга суиқасд тариқасида квалификация қилинмоғи лозим»¹.

Яроқсиз воситалар билан суиқасд қилишда, шахс, ўз хатоси оқибатида, жиноятни охирига етказиш учун ўз хусусиятларига кўра яроқсиз бўлган воситаларни қўллайди. Мисол учун, айбдор ўлдириш мақсадида жабрланувчига захар беради, аммо бу захар эмас, зарарсиз кукун бўлиб чиқади ва бунинг натижасида жабрланувчи ўлмай қолади, ҳеч қачон ўлмасди ҳам. Яроқсиз деб, нафақат фойдаланилаётган восита, балки жиноий ниятни амалга ошириш усуллари ҳам тан олинishi мумкин. Масалан, одам ўлдиришга суиқасд қилишда айбдор захарли моддадан фойдаланади, аммо уни жабрланувчи танасига кичик, зарар етказмайдиган дозалар билан киритади².

Яроқсиз воситалар билан суиқасд қилиш ҳам қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини инкор этмайди, шунинг учун унинг квалификацияси айбдорнинг қасди инобатга олинган ҳолда амалга оширилади. Бунда шахснинг жиноят воситалари зарарлилиқ даражаси, улардан самаралироқфойдаланиш усулларига нисбатан хатоси суд томонидан жазони тайинлашда ҳисобга олинishi лозим.

ЖК 25моддаси 3қисмига кўра, «Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг тамом бўлган жиноят учун жавобгарликни белгиловчи моддасига мувофиқ ҳал қилинади».

Тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда жиноятнинг охирига етказилмаганлик сабаблари, шунингдек, жиноий қасднинг амалга оширилганлик даражаси муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноятга суиқасд қилишдап энгилроқ жазони келтириб чиқарса, тамом бўлмаган суиқасд тамом бўлган суиқасдга нисбатан энгилроқжазоланади.

4§. Жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш

Муайян ҳолларда жиноят содир этишни бошлаган ва уни тамомлаш учун барча зарур имкониятларга эга бўлган шахс уни содир этишдан қайтадиган бўлса, бу жиноят ҳуқуқида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади.

ЖК 26моддаси 1қисмига мувофиқ, «Шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки бевосита жиноят содир этишга қаратилган ҳаракатларини охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатса, шунингдек, жиноий оқибат келиб чиқишини англаган ҳолда, шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олса, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб баҳоланади»,

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш — ижтимоий хавфли, қонунга ҳилоф ва айбли қилмишни содир этишдан ўзини тийган ва (ёки) муайян жиноий оқибатлар келиб чиқишининг олдини олган шахс ҳуқуқворининг қонуний ҳаракатидир. Шахс бошлаган жиноий фаолиятини (жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга қасд қилишни) охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда ихтиёрий ва узилкесил тўхтатиши жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб тонилади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг асосий ҳуқуқий оқибати — унинг жиноий жавобгарликни истисно қилиши (**ЖК 26моддаси 2қисми**). Амалда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган шахс тайёргарлик ҳаракатларини ёки муайян жиноятни содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни тўхтатади, зеро унинг иродаси бундан буён ҳуқуқбилан кўриқланадиган манфаатларга зарар етказишга қаратилмаган. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш доимо жиноят таркибини истисно этади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг асосий вазифаси ҳам айнан шу — жиноятларнинг олдини олиш ва тўхтатиб қўйиш. Бошланган жиноий фаолиятни тўхтатиб, жиноий жавобгарликдан қутулиш имкониятининг қонунда мустаҳкамланиши шахсни ўз жиноий ниятини яқунлашдан бош тортишга рағбатлаширади.

ЖК 26моддаси қисмига кўра, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини тўхтатиш, яъни жиноятга тайёргарлик кўриш ва унга суиқасд босқичида мавжуд бўлиши мумкин. У жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини тўхтатишда ифодаланиб, бунда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жиноятдан қайтишни келтириб чиқаради ва жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни тўхтатиш ёхуд жиноий оқибатни келтириб чиқаришнинг олдини олишда ифодаланиб, бу жиноят содир этишга қасд қилиш босқичида жиноят содир этишдан қайтишни тавсифлайди.

Қонундан жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг икки асосий аломати келиб чиқади: ихтиёрийлик ва узилкесиллик (қатъийлик).

Ихтиёрийлик деганда, шахснинг бошлаган жиноий хаттиҳаракатини ўз хоҳиши билан ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз охирига етказиш имкони борлигини англаган ҳолда тўхтатиши тушунилади. Бундай қайтишнинг мотиви турлича (уялиш, фарзандлари тақдири ҳақида ўйлаш, жабрланувчига раҳми келиши), шунингдек, қариндош ва дўстларининг маслаҳатлари натижасида бўлиши мумкин. Мотив қандай бўлмасин шахс ўз хоҳиши билан жиноятдан қайтган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилмайди. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳар доим субъектнинг эркин хоҳиширодаси натижасида келиб чиққан бўлиши керак.

Ихтиёрий қайтишнинг муҳим шартларидан бири — бу шахснинг жиноятни давом эттириши ва якунига етказишга имкони борлигини англашидир. Шу шартларсиз шахс агар ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, жиноятни якунига етказа олмаса ёки уни содир этишга қодир бўлмаса, уни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш сифатида баҳолашга асос бўлмайди. Масалан, агар шахс қасддан одам ўлдириш жиноятида ҳаракат қилса, лекин атрофда одамларнинг борлиги, қуролнинг яроқсизлиги ёки кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетганлиги туфайли қилмишни содир этмаса, бу ихтиёрий қайтиш ҳисобланмайди.

Шахс ўзи бошлаган жиноятни охирига етказиш имкониятини истисно қилувчи ўтиб бўлмас тўсиқлар мавжуд деб (ҳаттоки янглиш) қараш жиноят содир этишдан қайтишнинг ихтиёрий эмас, балки мажбурий бўлганлигидан далолат беради. Мисол учун, шахс ўзганинг мулкани талонторож қилиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда кирган уйда ўрнатилган ўзига нотаниш мосламани сигнализация воситаси деб ўйлаб, уйни тарк этади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишда қатъийлик деганда, шахснинг жиноий фаолиятни вақтинча тўхтатганлиги эмас, балки охирига етказиш учун тўла имкониятлар борлигини англагани ҳолда жиноий фаолиятни давом эттиришдан бутуилай ва тўлиқ воз кечганлиги тушунилади.

Ўзўзидан равшанки, ихтиёрий қайтишда вақт жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган ҳолларда аҳамиятга эга бўлмайди. Мазкур ҳолатда жиноят содир этаётган шахс ўзининг жиноий фаолиятини орадан маълум вақт ўтгандан сўнг давом эттиришини кўзлаб, жиноят қуролини алмаштириш ниятида ёки шунга ўхшаган бошқа ниятларда тўхтатади.

Мисол учун, агар шахс бир ўзи уддалай олмаслигини тушуниб, омборга ўғрилиikka тушишдан қайтган ва омборга тушиш, ўғирлик молни у ердан олиб чиқиш ва ташиб кетиш учун жиноятга бошқа шахсларни ҳам жалб этишга қарор қилган бўлса, бу жиноят содир этишдан узилкесил қайтиш бўлмайди.

Шахс жиноий фаолиятни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳрлатда тўхтатишга мажбур бўлган тақирда ҳам ихтиёрий қайтиш ҳисобланмайди. Мисол учун, айбдор ўлдириш мақсадида жабрланувчига ўқузди, аммо ўқ тегмай қолди — айбдор қайта ўқ узишдан ихтиёрий қайтганига ишора қилиши жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишга далил бўла олмайди. Айни ҳолда, шахс жиноят содир этишга биринчи уриниши учун жавобгарликка тортилиши керак, унинг жиноят содир этишдан қайтиши ихтиёрий деб топилиши мумкин эмас.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни ҳосил қилувчи ушбу аломатларни қайд этиш учун жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг баъзи бир шартларини аниқлаш лозим. Булар:

- жиноятни охирига етказиш мумкинлигини англаш;
- жиноий оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган ҳолда, шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олиш.

Шахс жиноятни охирига етказиш имкони борлигини англаши шуни ифодалайдики, у жиноятни охирига етказиш учун барча имкониятларга, жиноятни амалга ошириш учун барча қурол ва воситаларга эга бўлади ва буни билади. Аммо, жиноий тажовузни ҳеч қандай ташқи таъсирлар тўхтата олмаслигига қарамай, у ўз жиноий ниятини амалга оширишдан қайтади.

Ушбу шарт тамом бўлмаган жиноят таркибининг объектив томони, яъни ижтимоий хавфли қилмиш билан бевосита боғлиқ. Бу ерда нафақат жиноят содир этишга суиқасд қилиш доирасида жиноят таркибини ташкил этадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик), балки жиноят содир этишга шартшароит ва имконият яратадиган ҳаракатлар (ЖК Махсус қисми тегишли модда диспозициясига бевосита киритилмаган ҳаракатлар) тўғрисида ҳам сўз юритилмоқца. Шу сабабли жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни таснифлашда жиноий тажовузни охирига етказиш мумкинлигини англаш фақат жиноят содир этишга суиқасд қилишда мавжуд бўлиши мумкин деган фикрга келмаслик керак, зеро жиноий ниятни охирига етказиш мумкинлигини англаш жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида ҳам бўлиши мумкин.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ихтиёрийлиги ва узилкесиллигининг иккинчи зарур шarti шахс жиноий оқибат келиб чиқишини англаган ҳолда, шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олишидир. Мазкур шарт жиноий оқибатларнинг келиб чиқиши жиноятҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган моддий таркибли жиноятларда бўлиши мумкин. Бу ерда тафаккурлик белгиси — шахс ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаши ҳам мавжуд.

Мазкур шарт фақат жиноят содир этишга суиқасд қилиш босқичида, шахс жиноятни бошлаб, уни охирига етказишдан қайтишга қарор қилган ҳолда бўлиши мумкин. Айни ҳолда айбдор жиноят содир этишдан қайтибгина қолмасдан, унинг жиноий оқибатининг олдини олишга фаол имконият яратиши ҳам керак.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш фақат ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаш ва унинг келиб чиқиши олдини фаол олиш билан жамулжам ҳолда унинг ихтиёрий ва узилкесил бўлганидан далолат бериши мумкин.

Шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки бевосита жиноят содир этишга қаратилган ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошланган жиноий фаолиятини давом эттириш ва охирига етказиш объектив имконияти мавжудлигини англаган ҳолда ихтиёрий равишда ва узилкесил тўхтатса, **жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш** деб баҳоланади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жиноятнинг юридик тугалланишига қадар ҳам **актив**, ҳам **пассив** кўринишда ифодаланиши мумкин. Жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш босқичида ихтиёрий қайтиш, одатда, пассив ҳаракат орқали амалга оширилади, зотан шахснинг кейинги жиноий фаолиятдан ўзини тийиши унинг қонуний ҳаракатларига ишора қилиши мумкин, бироқ ихтиёрий қайтиш актив ҳаракат билан ҳам амалга оширилиши мумкин (масалан, жиноят қуролини йўқотиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тайёрланаётган жиноят ҳақида ўз вақтида хабар бериш ва ҳ.к.).

Шуни айтиш жоизки, жиноятга суиқасд қилишда жиноятдан ихтиёрий қайтишга ҳар доим ҳам имконият бўлавермайди. Жиноят содир этишга суиқасд қилишда жиноят субъекти томонидан жиноятнинг объектив томони амалда бажарилиши ҳисобга олинса, ушбу босқичда маълум жиноий оқибатлар келиб чиқиши мумкинлиги масаласи юзага келади. Аини ҳолда нафақат жиноий ҳаракатларни тўхтатиш (чунки бундай ҳаракатлар қисман амалга ошрилган бўлиши ҳам мумкин), балки жиноий оқибатлар келиб чиқишининг олдини фаол олиш ҳам жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишдан далолат беради. Бунда жиноят содир этишга суиқасд қилиш турлари муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг пассив шакли кўпинча субъект жиноий қилмишни охирига етказмаган ва ижтимоий хавfli оқибат келиб чиқиши учун барча зарур ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) амалга оширилмаган тарзда, яъни тамом бўлмаган жиноятларда бўлиши мумкин. Бунда қилмишнинг тугалланмаганлиги, тугалланмаган суиқасдни тавсифловчи ташқи ҳолат билан эмас, балки ички мотивлар билан белгиланиши керак. Мисол учун, субъект аввал жабрланувчини ўлдириш ниятида унинг оёққўлини боғлайди, калтаклайди, лекин кейин ўлдириш ниятидан қайтади. Бундай ҳолларда шахс бевосита одам ўлдиришга қаратилган ҳаракатларни тўхтатади, яъни уларни содир этишдан қайтади (ҳаракатсизлик). Бу ҳолда шахс муайян жиноят таркиби билан қамраб олинмаган, унинг объектив томонини ташкил этадиган ёки зарарли оқибатлар келиб чиқишини таъминлайдиган ҳаракатларни содир этишдан қайтиши кифоя. Масалан, шахс жабрланувчига ўқ узиш учун уни ўқотар қуролдан нишонга олади, лекин ўқ узмайди.

Тамом бўлган суиқасдда ихтиёрий қайтиш бўлиши мумкин эмас, чунки субъект жиноий ҳаракатларни тўхтатиш йўли билан жиноят содир этилишини тўхтата олмайди (у жабрланувчига ўқ узган, уни ўлдириш мақсадида пичоқ урган бўлади ва ш.к.). Шу сабабли, жиноятдан кўзланган мақсадга эришиш имконини берадиган кейинги ҳаракатлардан қайтишга бундай ҳолларда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб эмас, балки жиноят содир этишга қайта уринишдан қайтиш деб қаралиши керак.

Тамом бўлган жиноят содир этишга суиқасд қилишда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш имконияти фақат содир этилган ҳаракатлар билан жиноий оқибатнинг келиб чиқиши ўртасидаги вақтда узилиш мавжуд бўлган ва мазкур шахс ўзининг фаол ҳаракатлари билан зарар етказилишининг олдини олиши мумкин бўлган камданкам ҳолларда сакданади. Бошқача қилиб айтганда, шахс мазкур вақт давомида ўз ҳаракатларини назорат қилиши ва ўзининг ҳаракатлари билан келиб чиқиши мумкин бўлган жиноий оқибатлар орасидаги боғлиқлик ривожини бошқариш имкониятига эга бўлади. Масалан, мулкни нобуд қилиш мақсадида унга ўт қўйган шахсда оловни дарҳол ўчириш имконияти бор, соат механизми мавжуд бўлган портловчи қурилмани ўрнатиб қўйган шахс, уни ўчириб, терроризм актининг олдини олишга улгуради.

ЖК 26-моддаси 3-қисми мазмунига кўра, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жавобгарликни бутун жиноий хулқатворга нисбатан истисно қилмайди. «Жиноятни охирига етказишдан ихтиёрий қайтган шахс, агар амалда содир этган қилмишида бошқа жиноят таркибининг барча аломатлари бўлса, ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортилади».

Бундай ҳолларда жиноий жавобгарлик субъект амалда (жиноят содир этишдан қайтган пайтгача) содир этган қилмиши учун келиб чиқади. Шу сабабли, одам ўлдириш учун заҳарли моддани ўғирлаган шахс уни содир этишдан ихтиёрий қайтган бўлса, қасддан одам ўлдириш учун жавобгарликдан озод қилинади, чунки у ҳеч қандай ҳаракат содир этмаган ва уларни содир этишдан қайтган, бироқ у заҳарли моддани қонунга ҳилоф равишда эгаллагани учун ЖК 251-моддасига биноан жавобгарликка тортилиши лозим.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, яъни шахсни ўз айбига иқрор бўлиб, келтирилган зарарни бартараф қилиш, тугатиш, қоплаш, жиноятнинг очилишига, унинг бошқа иштирокчилари фош қилинишига, жиноят натижасида эгалланган молмулкни излаб топишга ёрдам бериш билан боғлиқ фаол ихтиёрий ҳаракатлардан фарқлай олиш лозим. Ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлишга айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш киради. Ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиш жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолат ҳисобланади, баъзи бир ҳолларда эса, у жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиши ҳам мумкин.

«Тамом бўлмаган жиноятлар» мавзуси юзасидан яқуний саволлар

1. Жиноятни содир қилиш босқичлари нима? Жиноят содир қилиш ҳақидаги қасднинг пайдо бўлиши жиноятни содир қилиш босқичларига кирадими?
2. Тамом бўлмаган жиноятнинг қандай турлари мавжуд? Уларнинг жиноятҳуқуқий моҳияти нимада?
3. Жиноятга тайёргарлик кўриш деганда нима тушунилади? Жиноятга тайёргарлик кўриш жиноят содир қилишга қасднинг пайдо бўлишидан нима билан фарқланади?
4. Жиноятга суиқасд қилиш нимада ифодаланади? Унинг объектив ва субъектив белгиларини айтинг.
5. Жиноятга суиқасд жиноятга тайёргарлик кўриш босқичи ҳамда тамом бўлган жиноятдан нимаси билан фарқ қилади?
6. Тамом бўлган жиноятни тавсифланг.
7. Суиқасднинг қандай турлари мавжуд? Тамом бўлган суиқасд тамом бўлмаган суиқасддан қандай фарқланади?
8. Шахс жиноятни охирига қадар етказмаганлиги сабаблари жиноятҳуқуқий аҳамиятга эгами?
9. Яроқсиз суиқасд деганда нима тушунилади?
10. Жиноятни содир этишдан ихтисрий қайтиш деганда нима тушунилади? Унинг ҳуқуқий оқибатлари қандай?
11. Ихтиёрий қайтишнинг қандай шакллари мавжуд? Тамом бўлган жиноятдан ҳам ихтиёрий қайтиш мумкинми?
12. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни чии кўпгилдаи пушаймон бўлишдан қандай фарқлаш мумкин?

Х БОБ. ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК

1§. Жиноятда иштирокчилик тушунчаси

Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар ўз ҳуқуқий хусусиятларига эга бўлиб, бу уларни мустақил жиноятҳуқуқий институтга ажратиш имконини беради.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши жиноятда иштирокчилик деб топилади (ЖК 27 моддаси).

Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларнинг юқори ижтимоий хавфи шу билан шартланадики, бундай ҳолатларда жиноийҳуқуқий муҳофаза объектларига сезиларли катта зарар етказилади, жиноий фаолият янада мустаҳкамроқ беркитилади, бу эса ҳуқуқ муҳофазаси идораларининг уни ўз вақтида фош этиш ва олдини олиш бўйича ишини қийинлаштиради.

Мазкур шартшароит алоҳида таснифланган жиноятлар таркибларини конструкциялашда кўтгинча ҳисобга олинади. Масалан, шахслар гуруҳи томонидан ёки уюшган гуруҳ томонидан ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан унинг манфаатларида содир этилган қасддан қотиллик (ЖК 97 моддаси 2 қисми «п» банди).

Жиноятнинг у ёки бошқа таркибини квалификация қилишда нафақат унинг содир этилишида шахснинг биргаликдаги иштирокига, балки иштирокчиликнинг муайян аломатлари ва турларига ҳам эътибор қаратиш зарур, бу эса адолат, қонунийлик принциплари амалга оширилишининг кафолатидир. Агар иштирокчилар ҳаракатларида ЖК Махсус қисми моддасида тасвирланган у ёки бу жиноятнинг квалификацияловчи аломатлари бўлса (масалан, шахслар гуруҳи, уюшган гуруҳ ва ҳоказолар томонидан жиноят содир этилиши), у ҳолда содир этилган қилмишни иштирокчиликнинг у ёки бу турини тавсифловчи муайян аломатларидан келиб чиққан ҳолда Махсус қисмининг тегишли моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

Иштирокчилик тушунчасининг ЖК Умумий қисми институти сифатидаги таъбири етарлича кенгдир. Иштирокчилик жиноий фаолиятнинг махсус шакли сифатида қатор объектив ва субъектив аломатлари билан тавсифланади.

Иштирокчилар жиноий фаолиятининг биргаликда амалга оширилиши шунда ифодаланадики, жиноят ўзаро боғлиқва ўзаро шартланилган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) билан амалга оширилади, бир неча шахсларнинг қилмишлари барча учун умумий жиноий натижага эришишга йўналтирилган.

Жиноят содир этишда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг биргаликдаги иштироки битта иштирокчи фаолиятини бошқасининг фаолияти тўлдирган пайтда ҳам мавжуд, зеро бу улар учун умумий ижтимоий хавфли оқибатга эришиш имконини беради. Агар шундай биргаликдаги фаолият фақат ташқи характерга эга бўлиб, ички, англанган боғлиқлик бўлмаса, у ҳолда ягона жиноятдаги иштирокчилик ҳақида сўз юритиш мумкин эмас. Мазкур ҳолларда айбдорлар, уларнинг жинойий фаолияти объектив равишда умумий, ягона натижага сабаб бўлганлигига қарамай, мустақил жинойий жавобгарликка тортилиши лозим.

Иштирокчиликнинг ҳар бири жиноят содир этилишига ўзининг маълум ҳиссасини қўшади. Улардан бирлари барча иштирокчиларни ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш бўйича ҳаракатларни бажаради, бошқалари фақат жиноят содир этилиши шароитларини яратади, учинчилари уни амалга оширади, тўртинчилари эса жиноят излари беркитилишини таъминлашади, унинг очилишига тўсқинлик қилишади. Шу тариқа айбдорларнинг биргаликдаги фаолияти, бир томондан ҳар бир иштирокчи ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ўртасидаги мақсад бирлиги ва сабабий боғлиқликда, бошқа томондан — умумий жинойий натижада, шунингдек, бошқа иштирокчилар томонидан ҳаракатлар амалга оширилиши учун шароитлар яратишда ифодаланadi. Қилмиш, жинойий натижа ва ҳар бир иштирокчи қилмишининг сабабий боғлиқлиги биргаликнинг объектив тавсифини ташкил этади.

Ҳар бир иштирокчи ҳаракатлари билан бажарувчи содир этган жиноят ўртасидаги сабабий боғлиқлик шундай шартшароитни қарор топтиришда намоён бўладики, бунда объектив воқеликда вужудга келган зарарли оқибатлар барча иштирокчиларнинг биргаликдаги жинойий фаолияти туфайли юзага келади. Масалан, қотиллик бир неча бажарувчиларининг ҳаракатлари уйғунликда жинойий натижа — жабрланувчи ўлими сабабини ташкил этади.

Айбдорлар ўртасида роллар тақсимоти белгиланган «мураккаб» иштирокчиликда сабабий боғлиқлик кўшимча хусусиятлар билан тавсифланади. Бу ўринда жинойий натижа бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчи фаолиятининг оқибати бўлади. Бунда жиноятнинг муайян турини ташкил этувчи ҳаракатлар бевосита фақат бажарувчи томонидан амалга оширилса ҳам, бошқа иштирокчилар жиноятни содир этиш учун шароитлар яратган ҳолда ўз фаолияти билан умумий жинойий натижага ёрдам беришади.

Хусусан, бажарувчининг жиноятни амалга ошириш ҳаракатлари бошлангунга қадар ёки унинг жиноятни амалга ошириши мобайнида далолатчилик ва ёрдам бериш шаклидаги иштирокчилик бўлиши мумкин. Жиноятни ташкиллаштириш унинг амалга оширилиши мобайнида кўпроқ бажарувчи фаолиятини бошлагунга қадар, камроқ эса жиноят содир этилишига раҳбарлик сифатида намоён бўлади. Жинойий натижа юзага келгандан кейин ҳар қандай фаолият, агар у махсус тилга олинмаган бўлса, иштирокчилик деб тан олинishi мумкин эмас. Хусусан, олдиндан ваъда қилинмаган яшириш, жиноят ҳақида маълум қилмаслик, унга йўл қўйиш (булар жиноятга дахлдорлик турларини ташкил этади) иштирокчилик сифатида кўрилиши мумкин эмас, зеро улар зарарли оқибатлар юзага келиши сабаби жиҳатдан шартшароит яратмайди.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, реал воқеликда жиноят бир неча шахслар интилишларини қўшиш йўли билан ёки уларнинг ҳар бир мустақил интилган натижа юзага келганда ёхуд бир шахс қилмишк бошқасининг қилмишига имкон берганда ёки улардан ҳар бирининг қилмиши натижа билан сабабий боғлиқликда турганда содир этилиши мумкин, шу билан бирга, бу ҳолатларни иштирокчилик деб бўлмайди.

Бундай вазиятларда иштирокчилик мавжуд эмаслиги шу билан изоҳланадики, бир неча шахсларнинг ҳаракатлари пароканда, чунки уларнинг ҳар бири бошқасидан ажралган ҳолда ҳаракат қилади. Бунда, гарчи жинойий оқибат уларнинг қўшилган ҳаракатлари натижаси бўлиб, бинобарин уларнинг ҳаракатлари улар учун умумий жинойий оқибат сабаби бўлганда ҳам, иштирокчилик мавжуд бўлмайди. Мисол учун, фуқаро А. томонидан фуқаро Б.ни ўқотар қуролдан отиб ярадор қилиши, фуқаро В.ни ўқотар ярани боғлашда инфекция туширгани боис фуқаро Б.нинг ўлими юз берганида, бу вазиятни бунга шароит яратган фуқаро А. билан биргаликдаги жинойий фаолият сифатида кўриш мумкин эмас.

Ҳар қандай иштирокчининг ижтимоий хавфли қилмишлари амалга оширилган жиноят доирасида жинойий оқибат вужудга келишининг зарурий шarti бўлиши керак.

Иштирокчиларнинг ҳаракатлари биргаликда бўлганлиги ҳақидаги масала нафақат объектив ҳолатлар асосида, балки кўп жиҳатдаи субъектив аломатларга ҳам боғлиқ.

Иштирокчиликнинг субъектив белгилари қаторига қуйида! илар қиради:

—ҳар бир иштирокчининг ҳамма учун умумий натижага эришишга интилиши;
—жиноятни биргаликда амалга ошириш ҳақидаги ўзаро хабардорлик ва иштирокчилар ҳаракатларининг мувофиқлашганлиги.

Жиноят содир этишда бир неча шахсларнинг биргаликдаги ҳаракати соф объектив ҳолат, яъни уларнинг умумий ҳаракати билан натижага эришишдан ташқари, субъектив ҳолатини — бошқа шахсларнинг фаолияти қўшилганлиги ҳақида билиш ва уларнинг ҳаракатини бирлаштириш йўли билан муайян натижага эришишга интилишни ҳам назарда тутади.

Иштирокчилар ўртасида жиноятни содир этишга олдиндан келишув мавжуд бўлганда, биргаликни белгилаш қийинчилик туғдирмайди. Биргаликнинг субъектив ҳолатларини аниқлаш жиноятга иштирокчилар ўртасида олдиндан келишув мавжуд бўлмаганда мураккаблашади.

Шахс хаттиҳаракатида икки ҳолат: умумий ҳаракатлар билан муайян натижага эришишга интилиш ҳамда ўзлари учун умумий натижага интилаётган бошқа шахсларнинг фаолиятини ҳдсобга олиш, бошқача айтганда, ҳар бир иштирокчи томонидан бошқа иштирокчилар жинойий фаолиятини англаш мавжудлиги биргаликни аниқлаш мезонидир.

Барча иштирокчилар учун муайян умумий натижага эришишга интилиш — иштирокчиликнинг зарурий қисмидир, айнан шу ҳолат биргаликда содир этилаётган жиноятга нисбатан ҳар бир иштирокчи ниятининг йўналтирилганлигини тавсифлайди. Бир неча шахслар ҳаракатини бирлаштириш ягона жинойий натижага эришишни енгиллаштириш зарурияти боис юзага келган бўлади.

Биргаликда жиноят содир этиш ҳақида ўзаро хабардорлик иштирокчилардан ҳар бири бошқалар билан биргаликда битта жиноят содир этишда қатнашаётганини англашини назарда тутади.

Иштирокчиларнинг ўзаро хабардорлиги мувофиқлашганлиги шу билан тавсифланадики, жиноятга иштирокчиларнинг ҳар бири, биринчидан, жиноятни биргаликда содир этилиши фактини, иккинчидан, ҳар қандай эмас, муайян жиноят содир этилишини, учинчидан, нафақат ўз қилмишининг, балки бошқа иштирокчилар (камида биттасини) қилмишларининг ижтимоий хавfli мазмунини англайди. Масалан, рақобатчини дискредитация қилишда (ЖК 192моддаси) олдиндан ёлғон, ноаниқ ёки қинғир ахборот бир шахс томонидан тайёрланган, амалда эса бошқа шахс томонидан ошқор этишга (телевидение орқали, газетада чоп этиш ва ҳоказо) берилган бўлиши мумкин, бунда, агар бажарувчи ўзи бераётган информация ёлғонлигини англаган бўлса, мазкур жиноятни содир этишда иштирокчилик сифатида квалификация қилиш мумкин.

Жиноятни биргаликда содир этилишини англаш иштирокчи ўзининг маълум жиноят содир этишга йўналтирилган ҳаракатига камида битта бошқа иштирокчининг ҳаракати ҳам қўшилгани ҳақида хабардорлигини билдиради. Бажарувчи бошқа шахслар билан биргаликда жиноят содир этаётганлигини англамаган ҳамда мазкур шахслар унинг жинойий ниятларини билмаган ҳолларда, иштирокчилик истисно қилинади.

Ҳар бир иштирокчи томонидан ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавfliлигини ва жиноят таркиби аломатлари билан қамраб олинган бошқа иштирокчилар ҳаракатларининг ижтимоий хавfliлигини англаш, биргаликдаги жинойий фаолиятнинг ижтимоий хавfli оқибатлари юзага келишини олдиндан кўра билишни ҳам назарда тутади.

Жиноят иштирокчилари ҳаракатларининг ўзаро мувофиқлиги шахсларнинг жиноят содир этишда ниятлар ва хоҳишистаклари ўзаро ифодаланганлигида намоён бўлади. Мувофиқлик жиноятни биргаликда содир этишнинг субъектив ифодасини, иштирокчилар ўртасидаги бирдамликни субъектив томондан тавсифлайдиган зарурий рухийпсихологик алоқани акс эттиради.

ЖК 27моддасида белгиланувчи иштирокчилик тушунгчасида жиноятда барча иштирокчилар ҳаракатлари қасддан қилинганлик мазмунита кўрсатма мавжуд бўлиб, бу эҳтиётсизлик туфайли содир қилинган жиноятда иштирокчилик мумкинлигини истисно этади.

Иштирокчилар қасдиниинг интеллектуал ҳолати ўз қилмишлари ижтимоий хавfliлиги ва бажарувчи қилмишининг ижтимоий хавfliлигини олдиндан англашни қамраб олади. Жиноят иштирокчиларининг онгида бажарувчи қилмишларининг тахминий ижтимоий хавfli оқибатлари, бажарувчи қилмиши билан жинойий оқибати ўртасидаги сабабий боғлиқлик ривожини ҳам умумий чизгилар орқали қамраб олинади.

Иштирокчилар қасдиниинг интеллектуал ҳолати нафақат бажарувчи қилмишининг объектив томонига тааллуқли, балки жиноят объекти ва субъекти — жиноят бажарувчисига мансуб ҳолатларни ҳам англаш билан тавсифланади.

Икки ва ундан кўпроқ шахснинг битта жиноят содир этишдаги фаолияти биргаликдаги жиноятга барча иштирокчиларнинг ягона, умумий, ҳар бир иштирокчи онги билан қамраб олинган жиноят объектига тажовузи билан шартланади.

Жиноят иштирокчилари ЖК Махсус қисмида баён этилган, жиноят субъектини (бажарувчини) тавсифловчи зарурий аломат

ларни англашлари лозим (масалан, мансабдор шахс, ҳарбий хизмат чи ва хоказо). Зеро, жиноий қасд билан ҳаракат қилаётган шахс, жиноятни содир этишда, ЖК да мавжуд қоидаларга кўра, жиноий жавобгарликка тортилмайдиган бошқа шахслардан (рухий касаллардан ёки жиноий жавобгарлик ёшига етмаган шахслардан) жиноятни бевосита бажарувчилари сифатида фойдаланиб, билвосита зарар етказган ҳолат, иштирокчиликни ташкил этмайди.

Иштирокчиликда қасднинг иродавий ҳолати мазмуни ягона жиноий натижа юзага келишини иташ ёки шунта онтли равишда йўл қўйиш билан тавсифланади.

Иштирокчиларнинг мотивлари ва мақсадлари ўзаро тўғри келиши мумкин, бироқ улар одатда жиноят квалификациясита таъсир кўрсатмайди. Судтергов амалиёти бунда фақат мукофот эвазига содир этилган ғаразли қотиллик иштирокчилари учун истисно қилади. Қотилликнинг мукофот таклиф этган ташкилотчиси (далолатчиси) ҳаракатлари, у иш юритган мотивлардан келиб чиққан ҳолда ЖК 28моддаси ва 97моддасининг тегишли қисми билан квалификацияланиши лозим.

Жиноят иштирокчилари ўртасида ғаразли мақсадларда қасддан одам ўлдириш ҳақида олдиндан келишув мавжуд бўлмаган такцирда бажарувчининг ҳаракатлари ЖК 97моддаси 2қисмининг «и» банди бўйича квалификацияланади, жиноятнинг бошқа иштирокчилари ҳаракатлари эса ЖК 97моддасининг тегишли қисми бўйича, мазкур модданинг иккинчи қисми «и» бандини истисно этган ҳолда квалификация қилинади¹.

2§. Жиноят иштирокчиларининг турлари

ЖК 28моддаси 1қисмига мувофиқ, бажарувчилар билап бир қаторда ташкилотчилар, далолатчилар ва ёрдамчилар ҳам жиноят иштирокчилари деб тан олинади.

Жиноят иштирокчиларини алоҳида турларга бўлиш асосига, улардан ҳар бирининг биргаликда амалга оширилган қилмишдаги функционал роли қўйилган. ЖК 28моддаеи антиб ўтилган иштирокчилар турлари ўртасидаги фарқни ҳар бнр иштирокчининг жиноят таркиби объектив томонини бажаришдаги ҳаракатларини тавсифлаш бўйича белгилайди. Бинобарин, иштирокчиликтурини белгиловчи асосий мезоклардан бири, ҳар бир иштирокчининг жиноят содир этишдаги иштироки характери ва даражасғвдир.

Жиноят содир этишда шахс иштирокининг характери ҳар бир иштирокчининг функционал ролини белгилайди.

Унинг жиноятдаги иштироки даражаси эса, шахснинг ўз ролини бажариш бўйича ҳаракатлари жадаллиги ҳақида, унинг ҳамжихатликда содир этилувчи жиноятга ҳиссаси ҳақида тасаввур беради. Масалан, одам ўлдиришда ёрдамчилик шахс жиноят қурбонини қачон ва қаерда пойлаш қулайроқлиги хусусида маслаҳат берганда ёхуд бажарувчининг илтимосига кўра унга қотиллик қуролини топиб беришда, бажарувчига жиноят жойидан тезда ғойиб бўлиши учун транспорт воситасини топиб беришда ва хоказоларда ифодаланиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам ёрдамчининг функционал роли (яъни, иштироки характери) бир хил, аммо иштирок даражаси турличадир. Бундан ташқари, айнан ҳаракатлар тавсифи иштирокчиларни турларга ажратиш имконини берувчи аломатлардир. Иштирокчилар ҳаракатларининг характери қонун чиқарувчи томонидан «ташкил этди», «рахбарлик қилди», «оғдирди», «ёрдамлашди» каби ифодаларда тавсифланади. Шу тариқа фақат жиноятдаги иштирокида, яъни ягона жиноятнинг ташқи томонини бажаришда ҳар

бир иштирокчи, бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ўртасидаги тафовутни топиш, демак улар айбланаётган муайян жиноятлар таркибларини топиш ҳам мумкин.

Иштирокчиликда содир этилувчи жиноятда бажарувчи марказий сиймо ҳисобланади. Бажарувчи ўзининг қаторида бошқа функционал ролни бажарувчи шахслар — ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи ҳаракат қилган ҳоллардагина мавжуддир.

Жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд қоғунга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб жиноят содир этган шахс бажарувчи ҳисобланади (**ЖК 28моддаси 2қисми**).

Бажарувчи йўқлиги жиноятда иштирокчиликни истисно этади. Унинг хатғиҳаракати жиноятнинг бошқа иштирокчилари қилмишини юридик баҳолашга ҳам таъсир кўрсатади. Муайян жиноят субъектини тавсифловчи аломатларга эга шахсина бажарувчи деб тан олинishi мумкин, акс ҳолда унинг қилмишда жинoий жавобгарликка жалб этишнинг зарурий шарти мавжуд бўлмаганлиги боис, жиноят таркиби бўлмайди. Бу нафақат барча субъектларга хос умумий белгиларга (муайян ёшга этиш, акди расолик), балки махсус субъектни тавсифловчи аломатларга ҳам дахлдордир. Агар ЖКнинг Махсус қисми моддаси, махсус субъект мавжудлигини талаб этиб, жинoий жавобгарликка тортилаётган шахс ушбу махсус субъект аломатларига эга бўлмаса (масалан, мансабдор шахс, ҳарбий хизматчи, терговчи, судья ва ҳоказо бўлмаса), у ҳолда шахс мазкур ЖИНОЯТ таркибининг объектив томонига кирувчи муайяи ҳаракатлари амалга оширганда ҳам, жиноятнинг бажарувчиси деб тан олинishi мумкии эмас.

ЖК 28моддаси 2қисми ҳолатларида келиб чиқиб, бажарувчиликнинг бир неча муҳим белгиларини ажратиш мумкин

— жинoий қасдни, яъни жиноятни тўлиқски қисмап бажариш;

— жиноятни бевосита содир этиш;

— жиноятни қонун кучита кўра жавобгарликка тортилмайдиган бошқа шахслардан ёки ўзга воситалардан фойдаланиш орқали **СОДИР** этиш (жинoятни билвосита содир этиш).

Жиноятни тўлиқ содир этиш — бу ЖК Махсус қисми моддаси диспозициясидаги таърифига мувофиқ қилмишни тўлиқ \ажмда бажаришдир. Мазкур ҳолатда жиноятда жиноят таркибининг объектив томони тўлиқ бажарилади.

Жинoий қасдни қисман бажариш жиноятнинг объектив томонини ташкил этиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолда тугалланмай қолган еки модда диспозициясида (жинoятларнинг моддий таркибларида) кўзда тутилган жинoий оқибатни юзага келтирмаган қилмишни содир этишда ифодаланади.

Жиноятни бевосита содир этиш шуни билдирадики, шахс муайян жиноят таркибининг объектив белгиларини қамраб оладиган қилмишни амалда содир этади. Бунда бажарувчи якка тартибда ҳамда бошқа шахслар (биргаликда бажарувчилар) билан бирга ҳаракат қилиши мумкин. Кейинги ҳолатда биргаликда бажарувчилар ўртасида роллар тақсимланган бўлиб, уларнинг ҳар бири жинoий қилмишнинг объектив томонини қисман бажаради. Масалан, боқинчилик хужумини содир этишда бир бажарувчи жабрланувчи ҳаёт ёки соғлиғи учун хавфли зўрликни қўллайди ёки шундай зўрликни қўллаш билан таҳдид қилади, бошқаси эса жабрланувчининг молмулкини эгаллайди, бунда икки субъект ҳам жабрланувчи молмулкини талонторож қилиш мақсадида ҳаракат қилишади.

Биргаликда бажарувчилик тушунчаси жинoий қонунчиликда мавжуд эмас. Бироқ жиноятда шундай иштирокчилик мавжудлиги Олий суд Пленуми тушунтиришларида иштирокчилик шакли ҳамда иштирокчилик тури² сифатида назарда тутилади.

Жиноятни билвосита содир этиш шундан иборатки, бажарувчи жиноятни содир этиш учун бошқа шахснинг жисмоний ҳаракатларидан фойдаланади.

Тергов ва суд жиноятнинг объектив томони ақли норасолиги ёки тегишли ёшга етмаганлиги сабаби бўйича жинoий жавобгар бўлмайдиган шахслар томонидан бевосита амалга ошириладиган ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Масалан, агар жиноят муайян қилмиши учун жинoий жавобгарлик ёшига етмаган шахс томонидан содир этилса,

уни жиноят содир этишга оғдирган шахс мазкур жиноят бажарувчиси ҳисобланади, унинг вояга етмаганга нисбатан ҳаракатлари эса қўшимча тарзда ЖК 127моддаси 3қисми бўйича вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш сифатида квалификация қилиниши шарт.

«Вояга етмаганларнинг катта ёшдагилар иштирокида содир этган жиноятлари ҳақидаги иш кўриб чиқиладиганда катта ёшдаги шахс ва ўсмир ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятини синчиклаб аниқлаш лозим, чунки ана шу маълумотлар катта кишининг вояга етмаган шахсни жиноят ёки ғайриижтимоий ҳаракат содир этишга жалб қилишдаги ролини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Судларга 18 ёшга тўлган ва жиноятни қасддан содир этган шахсларгина вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хаттиҳаракатларга жалб қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эканлиги тушунтирилсин. Шунингдек, катта ёшдаги киши ўз ҳаракатлари билан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хаттиҳаракатларга жалб қилаётганини билгани ҳолда ёки шундай фикрга йўл қўйганини ҳам аниқлаш лозим. Агарда катта ёшдаги киши шахсни ғайриижтимоий хаттиҳаракатларга жалб қилсаю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда ЖКнинг 127моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас».

Мазкур ҳолатда, ақли норасо шахс томонидан бошқа шахс кўрсатмалари асосида жиноят содир этилгани каби, кўрсатма берган шахс ҳаракатлари бажарувчилик сифатида, амалда жиноятни содир этган шахс ҳаракатлари эса, жиноят қуроли сифатида тавсифланиши шарт.

Охири зарурат ҳолатида турган бошқа шахсларни мажбур қилган ҳолда ўз жиноий мақсадига эришган шахсларни ҳам жиноятнинг билвосита бажарувчилари сифатида тан олиш лозим. Бошқача сўзлар билан айтганда, баён этилган вазиятда бевосита «бажарувчи»га нисбатан уни ўз иродасига қарши ҳаракат қилишга мажбурлаш мақсадида руҳий ёки жисмоний мажбур қилишдан фойдаланилади. Масалан, дўкон кассири тўппонча қаратилгани боис иулларни кассадан олади ва уларни жиноятчига беради.

Ниҳоят, билвосита жиноят содир этилиши айбсиз ҳолда ҳаракат қиладиган бевосита «бажарувчи»да жиноят таркибининг асосий объектив аломатларига нисбатан хато мавжуд бўлган ҳамда билвосита бажарувчи шундай хатони юзага келтирган ёки атайин фойдаланган ҳолларда ҳам учрайди. Мисол учун, контрабанда жиноятчи самолётда ҳеч нимадан шубҳаланмаётган йўловчидан бошқа шахардаги танишига «жўнатма»ни етказишни илтимос қилади. Ёки, фирибгар машина ўғриси ўз автомобили калитини йўқотганлиги баҳонасида тасодифий ўткинчидан транспорт воситасини ҳаракатлантиришга ёрдам беришини сўрайди.

ЖК 28моддаси 2қисмида жиноятни содир этишда бажарувчи томонидан «ўзга воситалар»дан фойдаланиш ҳақида ҳам сўз юритилади. Мазкур ҳолатда гап, жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлган, юқори хавфлилик манбаи ҳақида боради. Фуқаролик ҳуқуқида юқори хавфлилик манбаи томонидан етказилган зарар учун унинг эгаси жавобгар ҳисобланади. Жиноят қонунчилигида мазкур принципдан фойдаланиш мумкин эмас, чунки жавобгарлик жиноятни содир этган шахс зиммасида ҳисобланади. Шу муносабат билан автомобиль эгаси эмас, автомобилни бевосита бошқариб, бевосита ўзга шахсни уриб юборган шахс жавобгар бўлади. Юқори хавфлилик манбаларидан жиноят содир этиш воситалари (ёки қуроллари) сифатида фойдаланиш ҳолатлари ҳам айнан шундай квалификацияланиши шарт.

Бажарувчи содир этган жиноятнинг субъектив томони **тўғри ёки эгри қасд** билан характерланади. Бажарувчи бошқа иштирокчилар билан биргаликда ўзи содир этаётган ҳаракатларининг ижтимоий хавфли характерини англайди, улар учун умумий, ягона оқибат юзага келиши мумкинлиги ёки муқаррарлигини олдиндан кўра билади ва шу оқибатининг юзага келишини истайди ёки онгли равишда шунга йўл қўяди.

Жиноят ташкилотчиси — жиноят иштирокчилари ичида энг хавфли кишидир. У, одатда, жиноят ташаббускори бўлади, муайян жиноятни содир этиш «ғоя»си унга тегишли бўлади, шундан сўнг у амалга оширган барча нарса (иштирокчиларни излаб топиш ва бирлаштириш, жиноят содир этиш режасини ишлаб чиқиш ва иштирокчилар ҳаракатини

унинг ижросига йўналтириш, заруриятга кўра иштирокчилар ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда тўғрилаш ва х.к.) жиноий қасдни бажаришга йўналтирилган бўлади.

Шу ўринда ёдда тутиш лозимки, жиноятни содир этишда ташаббус фақат ташкилотчига тегишли бўлмаслиги ҳам мумкин. Ғайриижтимоий кайфиятдаги шахслар гуруҳи мавжуд муайян шароитларда, жиноят бажарувчиларидан бири ҳам ташаббускор бўлиб, унинг роли жиноятни содир этиш ҳақида фикр билдиришда ифодаланади. Суд амалиётида шундай «ташаббус» намоён бўлишига, масалан, бир гуруҳ шахслар томонидан безорилик, номусга тегиш ва ҳоказо жиноятларда дуч келиш мумкин.

Жиноят ташаббускори далолатчи бўлиши ҳам мумкин. Унинг роли жиноят бажарувчисида ёки бошқа иштирокчиларда жиноят содир этишга қасд туғдиришда мужассамлашади. Далолатчи ундан нарига бормайди. Агар у иштирокчиларни бирлаштириш, уларга жиноят содир этиш режасини тайёрлаш учун ҳаракатлар қилса, иштирокчилар фаолиятига раҳбарлик қилса, у ташкилотчига айланади.

Жиноятнинг тайёрланишига ёки содир этилишига раҳбарлик қилган шахс **ташкилотчи** деб тан олинади (**ЖК 28моддаси 3қисми**).

ЖК 28моддаси 3қисмидаги қоидалардан келиб чиққан ҳолда ташкилотчилик фаолиятининг икки турини ажратиш мумкин:

- жиноятга тайёргарлик кўришга раҳбарлик қилиш;
- жиноятни содир этишга раҳбарлик қилиш.

Уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшмани ташкил қилиш ёхуд унга раҳбарлик қилишни ҳам ташкилотчилик фаолиятининг тури деб тан олиш лозим. Мазкур ҳолатда ташкилотчи жавобгарлиги ЖК Махсус қисми (242модда) нормалари билан белгиланади ва бинобарин, алоҳида турдаги жиноятни ташкил этади. Ташкилотчи роллар тақсимооти билан иштирокчилик доирасида ҳаракат қилган бўлса, унинг жавобгарлиги ЖК Умумий қисмида кўзда тутилган асослар бўйича юзага келади.

Жиноятга тайёргарлик кўришга раҳбарлик қилиш жиноий фаолиятга тайёргарликда, айнан: жиноятни ташкиллаштиришда, иштирокчиларни ёллашда, уларни жиноят содир этиш қуроллари ва воситалари билан таъминлашда, жиноий режаларини ишлаб чиқишда, иштирокчилар ўртасида ролларни тақсимлашда ва ҳоказоларда ифодаланади.

Мазкур босқич олдиндан келишув билан қамраб олинади, чунки бунингсиз жиноят содир этишнинг тайёргарлик босқичига раҳбарлик қилиш мумкин эмас.

Мазкур ҳолатда олдиндан келишилган бир гуруҳ шахслар томонидан жиноятсодир этиш кўринишидш и иппирш чи лик шакли мавжуд (Масалан, ЖК 135моддаси 2қисми . 137моддаси 1қисми «в» банди, 164моддаси 2қисми «б» банди)

Жиноятни ташкил қилишнинг иккинчи шакли шундан иборат ки, ташкилотчи жиноят ташаббускори бўлмагани ҳолда жиноий қасд амалта оширилишини таъминлаб, иштирокчилар жиноий фаолиятига раҳбарликни амалга оширади.

Жиноятни содир этишга раҳбарлик қилиш бевосита жиноят содир этилиш вақтида иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштириб, тартибга солишни ўзида ифода этади. Одатда, раҳбарлик жиноят содир этиш жойида амалга оширилади ва бажарувчи (бажарувчилар) ҳаракатини бошқаришдан иборат бўлади. Бироқтажовуз жойида турмасдан, зарур кўрсатмаларни бажарувчига коммуникация воситалари ёрдамида (телефон, рация ва бошқ.) берган шахс ҳам жиноят содир этилишига раҳбарлик қилиши мумкин.

Иштирокчиликца муайян жиноятни содир этишда ташкилотчи жиноят таркибининг амалда бажарилишида қатнашгани ёки қатнашмаганлигидан ёхуд фақат жиноятни бевосита бажарувчилари жиноий фаолиятининг муваффақиятига сабаб бўлган ҳаракатларни содир этишидан қатъи назар, жиноий фаолият раҳнамоси, раҳбари сифатида жиноятни бевосита содир этишга раҳбарлик қилади.

Жиноят ташкилотчиси доимо тўғри қасд билан ҳаракат қилади. У иштирокчилар бажариши шарт бўлган ҳаракатлар мазмунини англайди, ўз фаолияти натижасида жиноят содир этилиши мумкинлигини олдиндан кўра билади ва шуни истайди ҳам. Жиноят

ташкilotчиси ўз қилмиши ва бошқа иштирокчилар қилмишлари ижтимоий хавфли характерини англайди, баъзи ҳолатларда гуруҳтаркиби ҳақида маълумотга эга (жиноят содир этишта тайёргарлик кушишга раҳбарлик ҳолатида), бутун гуруҳ фаолиятининг натижасида ижтимоий хавфли оқибатлар юзага келиши мумкинлиги ёки муқаррарлигини олдиндан кўра билади ҳамда ушбу оқибатлар юзага келишини истайди ҳам.

Агар ташкilotчи жиноятнинг тайёрланишига ёки содир этилишига раҳбарлик қилган бўлсада, бироқ жиноят таркибининг объектив томони бажарилишида бевосита иштирок этмаса, унинг ҳаракатлари **ЖК 28 моддаси 3 қисми** ва ЖК Махсус қисмининг жиноят бажарувчиси учун жавобгарликни кўзда тутадиган тегишли модда бўйича таснифланади.

Жиноят содир этишга қизиқтирган, яъни қасддан бошқа шахсда қонун билан тақиқланган муайян ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга қатъият уйғотган шахс далолатчи деб топилади (ЖК 28 моддаси 4 қисми).

Далолатчилик — бу муайян шахс ёки бир гуруҳ шахсларни муайян аниқ бир жиноят содир этишга қизиқтиришдир. Умуман, жиноий фаолиятга ёки ноаниқ шахслар доирасида қарата қилинган даъват далолатчилик ҳисобланмайди. Далолатчилик объект бўйича ҳам, субъект бўйича ҳам аниқдаштирилган бўлиши шарт.

Жиноят содир этишга даъват этсада, жиноят айнан қайси объектга қарши қаратилишини кўрсатмайдиган шахс далолатчи деб топилиши мумкин эмас.

Умуман олганда жиноят содир этишга умумий ёки ноаниқ шахслар гуруҳини далолат қилиш далолатчилик ҳисобланмайди. Бундай ҳаракатлар муайян ҳолларда алоҳида жиноят таркибини ташкил қилиши мумкин. Масалан, давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш жинояти (ЖК 159 моддаси), қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этиш (ЖК 244 моддаси).

Далолатчининг қонуний таърифида унда амалга ошириладиган восита ва шакллар акс этмаган. Далолатчилик восита ва шаклларининг тўла рўйхатини мустаҳкамлаб қўйиш мумкин эмас, шунинг учун у турли хил ҳаракатларда ифодаланиши мумкин. Бу ерда далолатчи қандай восита ва шаклларни ишга солгани эмас, балки бу воситалар қанчалик самара бергани муҳимдир. Шунинг учун алоҳида ҳоллардагина далолатчи томонидан ишлатилган у ёки бу восита ва шаклларнинг самарадорлиги ҳақида сўз юритиш мумкин.

Далолатчилик оғдириб олиш, илтимос қилиш, ишонтириш, ундириш, буйруқ бериш, зўрлик ишлатиш, алдаш ва бошқа йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Далолатчиликнинг бу ташки ифодаланиш шакллари ёзма ёки оғзаки фаолиятда, конклюдент ёки бошқа ҳаракатларда (имоишора ва бошқ.) юзага чиқиши мумкин.

Мажбурлаш жисмоний ёки руҳий бўлиши мумкин. Руҳий мажбурлаш кўпинча далолатчи томонидан кўрkitиш орқали содир этилади. Далолатчи, масалан шахсни дўппослаш воситасида уни жиноят содир этишга мажбурлаши, айнан шу мақсадга далолатчи калтаклаш ёки унга бошқа зарар етказиш таҳдиди воситасида эришиши ҳам мумкин. Ушбу маънода таҳдид руҳий мажбурлаш воситаси сифатида намоён бўлади.

Буйруқ бериш далолатчилик воситаси сифатида фақатгина далолатчига хизмат бўйича бўйсунадиган шахсларга нисбатан ишлатилиши мумкин.

Жиноий буйруқни қонуний ижро этиш натижасида бевосита содир этган хизмат бўйича бўйсунувдаги шахс ўзининг содир этган қилмиши учун жавобгарликка тортилмайди. Бу ҳолларда ноқонуний буйруқ берган ёки мажбурлаган шахс, агар (ҳарбий хизматчилар, мансабдор шахслар учун) мажбурий бўлса, бевосита зарар етказувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилади.

Ишонтириш далолатчи томонидан жиноят содир этиш мотиви бўлиб келадиган ҳолатларни бажарувчи ёки ёрдамчига хабар қилишдан иборат. Далолатчилик воситаси сифатида ишонтиришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ташки томондан далолатчининг жиноятда ўз манфаатлари бўлмайди. Бажарувчининг иродасига таъсир этиб, далолатчи у

ёки бу қилмишни содир этишнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигига, жиноят содир этилиши бажарувчи манфаатларида эканлигига ишонтиришга ҳаракат қилади.

Ишонтириш объектив томондан далолатчи ва у қизиқтираётган шахс орасида алоқаларни талаб этувчи давомли жараёндир. Алоқа вақтида далолатчи бажарувчи томонидан қарор қилинишга туртки берувчи мотивларни туғдиришгагина эмас, балки далолатчи истаган қарорнинг қабул қилинишига тўсқинлик қилувчи мотивларни кучсизлантиришга, йўқ қилишга ҳаракат қилади.

Ишонтиришга яқин бўлган бошқа бир восита — шахсда жиноят содир этишга бўлган қатъиятни уйғотувчи бир вақтнинг ўзидаги акт сифатидаги маслаҳатдир. Бу борада далолатчиликнинг маслаҳатини жиноятдаги акдий ёрдамчиликни ташкил этувчи ёрдамчилик маслаҳатидан ажрата билиш лозим. Далолатчининг акдий ёрдамчидан фарқини қўлланилган воситалар эмас, балки бажарувчида уйғотиладиган мотивлар билан боғлиқ ҳолда қараш керак. Ишонтиришда далолатчи ташқи томоғадан жиноятга ҳеч қандай алоқаси бўлмагандек кўринсада, унинг манфаатлари жиноятни содир этган бажарувчининг манфаатларига маълум даражада мос келади. Далолатчи қизиқтирилаётган шахсда жиноят содир этиш истагини уйғотади, аклий ёрдамчи эса фақатгина мавжуд истакни мустаҳкамлайди, янгиларни келтиради, жиноят содир этишга қўшимча мотивлар уйғотади. Шу сабабли муайян ҳолда далолатчиликми ёки аклий ёрдамчилик бўлганлигини аниқдаш мақсадида маслаҳатнинг шахсда мавжуд жиноий истакни мустаҳкамлаш ва йўналтиришга ёки бу истакни уйғотишга олиб келганлигини билиш лозим.

Илтимос ишонтириш ва маслаҳатдан фарқли равишда далолатчининг манфаатларига асосланади. Илтимос ёрдамида далолатчи бажарувчини бевосита ўзининг ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари учун хизмат қилувчи ҳаракатларни содир этишга ундайди. Шубҳасиз, илтимос далолатчи томонидан фақат ўзининг танишлари, дўстлари ва хизматдошларига қилиниши мумкин. Далолатчилик воситасининг рухий таъсири, асосан, далолатчилик ва қизиқтирилаётган шахс ўртасидаги муносабатларнинг табиатида боғлиқ.

Кўқдириш илтимосдан шуниси билан фарқ қиладики, далолатчи шахсни жиноят содир этишга рози қилиш учун ўзининг бор имкониятини ишга солади. Кўндириш бир неча марта илтимос қилиш шаклида бўлиши мумкин.

Амалиётда далолат қилишнинг бошқа турлари ҳам учрайди. Жиноят қилиш учун мукофот ваъда қилиш, тўғридантўғри шахсни сотиб олиш ёки алдаш бунга мисол бўлади. Бу кабилар амалиётда «бунортма» жиноятлар деб номланади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, агар шахс рағбатлантириш орқали жиноий ниятни юзага келтирса, бунда далолатчилик сифатида, агар унга алоҳида шартлар қўйса, жиноятни режалаштириб, унинг тартибини ўрнатса, бу фаолият ташкилотчилик сифатида баҳоланиши, шахснинг ўзи эса ташкилотчи деб топилиши шарт.

Юқорида санаб ўтилган далолатчиликнинг барча воситалари амалиётда кўп учрайди. Бироқ, улар далолатчилик воситаси сифатида муайян шароитда, аниқ ҳолатларда тан олиниши керак. Уз навбатида, субъектнинг ҳар қандай бошқа ҳаракатлари, агар унинг ёрдамида жиноят бажарувчисида кўзда тутилган жиноий ниятнинг амалга оширилишига қатъийлик ва ишонч юзага келган ҳамда шаклланган бўлса, далолатчилик деб тан олиниши зарур. Кўзда тутилаётган бажарувчининг субъектив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда далолатчи дўқпўписа, хушомад, баъзан эса ишора, йўлйўлакай ташланган сўз кабиларга мурожаат қилиши мумкин.

Объектив томондан далолатчилик фақатгина муайян бажарувчини жиноят содир этишга қизиқтиришга йўналтирилган фаол ҳаракатлар билан ифодаланади. Ҳаракатсизлик натижасида шахсни жиноят содир этишга жалб этиш мумкин эмас, ҳаракатсизлик фақатгина жиноят содир этишга ёрдам бериши мумкин, бу эса далолатчилик чегарасидан чиқади ва муайян ҳолатларда ёрдамчилик бўлади. Конклюдент розилик ёки муайян жиноятга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бажарувчининг ҳаракатларини сўзсиз қабул қилиш далолатчилик сифатида кўрилиши мумкин эмас.

Далолатчиликнинг субъектив томони далолатчи қандай ҳаракат содир этишидан қатъи назар, бажарувчида жиноят содир этиш истагини уйғотишга ва бу истакни сўндирмасликка ҳаракат қилишда ифодаланади. Далолатчи қилмишини квалификация қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш учун унинг қандай мотивлар ҳамда мақсадларда

иш юритганлигининг аҳамияти йўқ. Шунинг учун у бошқа шахсни кейинчалик уни фош этиш мақсадида жиноят содир

этишта қизиқтирган, яъни «жиноят провокацияси» ҳолида ҳам жавобгарликка тортилади.

Далолатчи, одатда, иштирокчибажарувчи томонидан содир этилган муайян жиноят объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатларни амалга оширишда бевосита иштирок этмайди, далолатчининг ҳаракатлари Жиноят кодекси Маҳсус қисмининг бажарувчи томонидан содир этилган жиноят учун жавобгарликни назарда туғувчи моддаси бўйича, **ЖК 28моддаси 4қисмига** таянган ҳолда квалификация қилинади.

Далолатчи бажарувчилардан бири сифатида жиноят содир этишда бевосита иштирок этган ва бир вақтнинг ўзида тажовуз ташаббускори бўлганида биргаликдаги бажарувчилик ҳолати суд томонидан жазони индивидуаллаштиришда инобатга олиниши лозим.

Жиноятнинг содир этилишидаги ўзининг объектив роли бўйича ёрдамчи, (баъзи истиснолар билан) бошқа иштирокчиларга қараганда камроқ хавф туғдирувчи шахсдир: жиноятни содир этиш ташаббуси унга тегишли бўлмайди, у бошқа шахсларнинг жиноий фаолиятига раҳбарлик қилмайди. У бажарувчига фақатгина унинг жиноий ниятининг амалга оширилишида жиноят таркибининг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатларни бажармасдан кўмаклашади. Бироқ мазкур чегараларда ҳам ёрдамчиларнинг ҳаракат доираси жуда кенг бўлиши мумкин: қасддан одам ўлдириш, ўғрилиқ ва бошқа шу кабиларнинг кўзда тутилаётган жарбланувчилар оила аъзолари таркиби ҳақидаги маълумотларни бажарувчига етказишидан тортиб унга жиноят содир этиш қуроллари тақдим этишигача.

Жиноят содир этилишига маслаҳат, кўрсатма бериш, жиноят қуроллари тақдим қилиш, тўсиқларни бартараф этиш, пунингдек, жиноят изларини ва воситаларини ёки жиноий йўл билан топилган буюмларни олиш ёки сотиб беришга олдиндан ваъда берадиган шахс ёрдамчи деб топилади (**ЖК 28моддаси 5қисми**).

Қонунда берилган таърифда нафақат ёрдамчи фаолиятининг йўналиши (жиноят содир этишга кўмаклашиш) белгилаб берилган, балки ёрдамчиларнинг услуб ва воситалари рўйхати берилган. **ЖК 28моддаси 5қисмида** санаб ўтилганидан бошқа ҳеч бир ҳаракат ёрдамчилик сифатида тан олиниши мумкин эмас.

Қўлланиладиган восита ва усуллардан келиб чиқиб ёрдамчиликнинг икки турини — интеллектуал (ақлий) ва жисмоний турларини ажратиш мумкин.

Интеллектуал ёрдамчилик — бажарувчи онги ва иродасига руҳий таъсир этишдир. Бу маънода ақлий таъсир белгиларига эга ва улар билан тавсифланадиган ҳаракатлар бажарувчининг онгли ва иродавий фаолиятига таъсир этади. Бу ҳаракатлар бажарувчи жиноий ниятининг қатъийлашувини мустаҳкамлаш ва ёрдамчининг муайян ишонтиришлари ёрдамида қасднинг янада аниқлашувига кўмаклашади.

Интеллектуал ёрдамчилик қуйидагилардан иборат:

- жиноят содир этилишига маслаҳатлар ва кўрсатмалар бериш билан кўмаклашиш;
- жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга олдиндан ваъда бериш;
- жиноий йўл билан топилган буюмларни олиш ёки сотиб беришга олдиндан ваъда бериш.

Агар, жиноят содир этиш хоҳишистаги олдиндан мавжуд бўлиб, маслаҳат ва кўрсатмалар ушбу истакни мустаҳкамлашга йўналтирилган тақдирда, юқорида таъкидланганидек, далолатчилик эмас, ёрдамчилик воситаси сифатида тан олинади.

Руҳий (ақлий) ёрдамчиликка жиноят содир этган шахсни ёки жиноят ходисаси билан фактик яхлитликни ташкил этувчи бошқа элемент ва белгаларни яширишга ваъда бериш ҳоллари киради. Уларга, хусусан, жиноят қурол ва воситалари, жиноят излари ва нарсалари киради.

Жиноят излари — жиноят ҳодисаси ҳақида гувоҳдик берувчи мавжуд воқеликда акс этган фактик, кўпинча, салбий характердаги маълумотлардир. Уларга, жумладан, пойафзал излари, олишув излари, бармоқ ва қўл излари ва шу кабилар, биологик чиқинди ва қолдиқлар (қон, суюқлик, соч ва ҳоказо), мурда кабилар киради.

Бажарувчига юқорида санаб ўтилган жиноят элементларини жиноятчи билан бир қаторда яшириш ваъдасини бераётиб, ёрдамчи шу орқали бажарувчида қилмишта нисбатан қатъиятни мустаҳкамлайди, унинг қасди шаклланишига кўмаклашади. Ёрдамчининг ишонтиришлари бажарувчида уни яшириш, у ҳақда хабар бермасликлари, унга тўсқинлик қилмасликлари умидига асосланган жиноят содир этиш ниятини кучайтиради. Бунда ёрдамчининг ўз ваъдасининг устидан чиқиши ёки чиқмаслигининг аҳамияти йўқ, чунки у содир этилаётган жиноятда ўзининг вазифасини адо этди — қилмишга нисбатан бажарувчининг қатъиятини мустаҳкамлади.

Агар мазкур шахсни ва жиноятга оид бошқа элементларни яшириш ҳақида бажарувчига олдиндан ваъда берилмаган бўлса, улар жиноятда иштирокчилик сифатида эмас, балки жиноятга дахлдорлик каби баҳоланиши шарт.

Жиноят содир этган шахсни, жиноят қуроли, воситалари ва излари, шунингдек, жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яшириш вазиятидаги каби жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олиш ёки ўтказиш тўғрисида ваъда бериш жиноят содир этишдан олдин ёки жиноят содир этиш вақтида амалга оширилиши лозим. Зеро, бу ерда сўз нарсаларни олиш ёки ўтказиш ҳақида эмас, балки айнан ваъда бериш ҳақида бормоқца. Бироқ, агар шахс жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олиши ёки ўтказиши факти бажарувчи билан келишиб олинмаган бўлса, нарсаларни олувчи ёки ўтказувчининг ҳаракатлари ёрдамчилик туридаги иштирокчилик белгиларини ташкил этмайди. Бундай ҳолатлар субъект молмулкнинг ноқонуний топилганлиги факти ҳақида олдиндан билганлиги шарти билан ЖК 171-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

Жисмоний ёрдамчиликка бажарувчига жиноятнинг объектив томонини бажаришга имкон берувчи ҳаракатлар мансубдир. Агар руҳий ёрдамчилик муайян турдаги ишонтиришлар орқали мавжуд жиноий ниятни мустаҳкамлашга қаратилган бўлса, жисмоний ёрдамчиликда шахс жиноят воситаларини етказиб бериш ёки шартшароит яратиб бериш орқали жиноят содир этиш имконини вужудга келтиради.

Жисмоний ёрдамчилик қуйидагиларда ифодаланади:

— жиноят содир этиш учун бажарувчига зарур воситаларни етказиб бериш (масалан, катта микродордаги молмулкни ўғирлаш жиноятини амалга ошириш учун машина тақдим этиш);

— бажарувчи содир этадиган жиноятга қўйилган тўсиқларни олиб ташлаш (масалан, моддий қимматликлар омборини талонторож қилиш учун очик қолдириш).

Жиноят содир этиш воситаларини етказиб бериш ёрдамчи томонидан бажарувчига атрофдаги моддий дунёга тегишли, жиноий қилмишни амалга ошириш учун ишлатиладиган зарур бўлган турли буюмларни топширишда ифодаланади. Буларга лом, қурол, транспорт воситалари, ёқилғи материаллари ва бошқа шу кабилар кириб, улар ўз хоссалари бўйича бажарувчига муайян жиноят объектив томонини амалга оширишга кўмаклашиш имкониятига эга бўлган моддий дунёнинг турли хил нарсалари хизмат қилиши мумкин.

Бажарувчи томонидан жиноят содир этишда тўсиқларни олиб ташлаш икки хил мазмунга эга. Биринчи ҳолатда у тевақатрофда бажарувчи жиноий ниятини амалга оширишига тўсқинлик қилувчи у ёки бу элементларни олиб қўйишдан иборат ўзгаришларда акс этади. Иккинчи ҳолатда эса, аксинча, тевақатрофни бажарувчига жиноят объектив томонини амалга оширишда ёрдам беришга мўлжалланган бирорбир нарсалар билан тўлдириш кўзда тутилади.

Тўсиқларни бартараф қилиш, масалан қўриқчилар ёки жиноят гувоҳларининг диққатини чалғитиш, сигнализацияни узиб қўйиш ва ҳоказо каби ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин.

Ёрдамчининг ҳаракатлари, жиноят бошқа иштирокчиларининг ҳаракатлари сингари, иштирокчилик ҳақида биргаликдаги жиноий фаолият сифатида гувоҳлик бериши

учун бажарувчининг ҳаракатлари билан сабабий боғлиқликда бўлиши лозим. Бу ҳолат ёрдамчининг хаттиҳаракатлари бажарувчиникдан олдин ёки унинг қилмиши билан бир вақтда амалга оширилгандагина юзага чиқиши мумкин. Агар ёрдамчининг фаолияти бажарувчи тажовузи ниҳоясига етган лаҳзадан кейин амалга оширилган бўлса, бу фаолият бажарувчи қилмиши билан сабабий боғлиқликда бўлмаганлиги учун ёрдамчилик сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас.

Объектив томондан ёрдамчилик фаол ҳаракат, шунингдек, ҳаракатсизлик орқали амалга оширилиши мумкин. Бирок, ёрдамчи ҳаракатсизликда, фақатгина қонун билан унга ҳаракат қилиш мажбурияти юкланган бўлгандагина айбланиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ёрдамчининг хаттиҳаракатлари улар қандай шаклда амалга оширилишидан қатъи назар, қай бир тарзда ёрдам беришдан ташқари, ЖК Махсус қисми моддасида кўрсатиб ўтилган жиноятнинг объектив томонини ифодаламаслиги шарт. Акс ҳолда ёрдамчи бажарувчига қилмишнинг объектив томонини бажаришда ёрдам берса, унинг иштирокидан қатъи назар, у жиноят ёрдамчисидан унинг бажарувчисига айланиб қолади.

Ёрдамчилик жиноят содир этаётган аниқ бир шахс ёки гуруҳга кўмаклашишдан иборат бўлган ҳаракатдир.

Субъектив томонидан ёрдамчилик **тўғри** ёки **эгри қасд** билан характерланади. Айбдор биргаликда содир этилаётган жиноятнинг фактик ҳолатларини, ўз ҳаракатлари билан муайян шахс ёки гуруҳга қилмишни содир этишда кўмаклашаётганини, ўзининг ҳаракатлари бажарувчи томонидан содир этилган жиноят билан сабабий боғланишда эканлигини ва бунинг натижасида у жиноятни амалга оширишда бажарувчи билан бирга иштирок этаётганини англайди. Ёрдамчи келиб чиқадиган жиноий оқибатни олдиндан кўра билгани ҳолда, унинг юз беришини истайди ва бунга онгли равишда йўл қўяди. Ёрдамчиликнинг субъектив томони, иштирокчилтжнинг бошқа турлари сингари, жиноят таркиби барча объектив белгилари ва бошқа баҳоловчи ҳолатларнинг айбдор томонидан англанишини ҳам ўз ичига олади.

3§. Иштирокчилик шакллари

Иштирокчилик шакли деганда, бир неча шахсларнинг жиноят содир этилиши жараёнида биргаликдаги фаолияти характери тушунилади. Иштирокчилик шаюшари жиноят содир этишдаги ўзаро алоқадорлик, иштирокчилар ҳаракатининг олдиндан тил бириктирган ҳолда амалга оширилиш даражаси, субъектив алоқадорлиги ва хусусиятига кўра фарқ қилади. Қайд этилган белгиларнинг ҳар бири биргаликдаги жиноий фаолият тавсифи учун катта аҳамиятга эга, чунки улар иштирокчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, тил бириктирганлик ва умумий мақсадга эришиш учун мувофиқлаштирилганлик даражасини очиқ беради. Шубҳасиз, иштирокчилар хаттиҳаракатларининг ҳамжиҳатлиги ва уюшганлиги даражаси қанчалик юқори бўлса, исталган натижага эришиш шунчалик осон бўлади. Биргаликдаги жиноий фаолиятни таҳлил этиш жараёнида шу нарса аён бўладики, тергов ва суд органлари ходимлари томонидан мазкур белгиларнинг тўғри аниқланиши иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларнинг тўғри квалификация қилинишининг муҳим шартидир.

Таъкидлаш зарурки, жиноийҳуқуқий доктрина иштирокчилик шаклларида ташқари **иштирокчилик турларини** ҳам ажратади. Иштирокчиликнинг шаклларга ва турларга бўлиниши асосида, турли хил мезонларга таянадиган икки мустақил тасниф мавжуд. Агар иштирокчиликни шаклларга бўлиш умуман биргаликдаги жиноий фаолиятнинг ижтимоий хавфлилиги характери ва даражасини белгилаш билан боғлиқ бўлса, иштирокчиликнинг турини белгилаш иштирокчилар жавобгарлигини асослаш ва индивидуаллаштириш имконини беради.

Афсуски, замонавий жиноятҳуқуқий адабиётлар таҳлили иштирокчиликни турларга (шаклларга) бўлишга ягона ёндашув йўқлигини намоиш этади. Бу, энг аввало, иштирокчиликни турларга (шаклларга) ажратиш мезоғшарини белгилашдаги тафовутлар билан изоҳланади. Мазкур ишда таклиф этилаётган иштирокчиликни турларга таснифлаш

эса объектив ва субъектив мезонларнинг ўзаро шартланганлиги ва боғлиқлигига асосланади.

Иштирокчиликнинг объектив мезони содир этилаётган жиноят юзасидан иштирокчилар ўртасида жиноят объектив томонини содир этишдаги алоқадорликни ифодалайди, яъни ролларнинг тақсимланиши, ким қайси вазифани бажаришининг белгилаб қўйилиши ва бошқаларни белгилайди. Мазкур мезон иштирокчилар объектив ўзаро ҳаракатининг ифодаси бўлгани ҳолда иштирокчиликни оддий ва мураккаб турларга ажратиш асосида қўйилади.

Жумладан, **иштирокчиликнинг оддий турига** доир объектив аломатлар шунда намоён бўладики, жиноят икки ёки кўпроқ шахслар томонидан биргаликда содир этилади ҳамда ижтимоий хавfli қилмишнинг объектив томони барча иштирокчилар томонидан роллар тақсимотсиз қисман ёки тўлиқ бажарилади, бу эса биргаликдаги бажарувчиликдан гувоҳлик беради. Оддий иштирокчиликда иштирокчилардан бири жиноят содир этишга қизиқгириши, ташкилотчи ёки далолатчига айланиши, шу билан бирга ижтимоий хавfli қилмиш содир этилишида бевосита қатнашиши мумкин бўлган вазиятлар ҳам мавжуд. Бундай вазиятларда унга бошқа иштирокчилар (бошқаларнинг сўзсиз, конклюдент розилигидан далолат берувчи) қўшилиши мумкин. Бошқаларнинг жиноий тажовузга қўшилишида ифодаланадиган ва амалиётда, айниқса, вояга етмаганлар, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган номусга тегиш, безорилик ва бошқа шу каби жиноятларда кўп учрайдиган биргаликдаги бажарувчиликнинг аниқнамоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Мураккаб иштирокчиликда ҳам жиноят бир неча шахслар томонидан содир этилади, бироқ уларнинг фаолияти белгиланган роллар тақсимоти, яъни жиноятнинг бевосита бажарувчиси қаторида ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ёки ақалли улардан бири мавжудлиги билан характерланади.

Мураккаб иштирокчилик иштирокчиликнинг тури сифатида шу билан характерланадики, жиноят объектив томонини ташкил этувчи, ЖК Махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган қилмиш бевосита барча иштирокчилар томонидан эмас, фақат улардан бири ёки бир нечаси томонидан содир этилади. Бошқалар эса, жиноят объектив томонини бажаришда умуман иштирок этишмайди, ҳатто қисман бажаришмайди ва унинг содир этилиши жараёнида бевосита иштирок қилишмайди. Масалан, ўғирликнинг бир иштирокчиси (ташкилотчиси) жиноят содир этилишини ташкиллаштиради, режа тузди, иштирокчиларни йиғди ва ҳоказо, бошқа иштирокчи (бажарувчи) эса ўзганинг мулки яширинча ўғирланишини бевосита содир этди, учинчиси (ёрдамчи) ўғирланган мулкни олиб кетиш учун транспорт воситасини тақдим этди ва кейинчалик молмулкни ўтказди, шундан сўнг **олинган**.

Олдиндан тил бириктириш деганда, жиноят иштирокчилари ўртасида жиноят содир этиш ёки жиноий фаолият билан шуғулланиш тўғрисида бундай қаракатларни амалга оширишдан аввал келишиб олиш тушунилади (ЖК Махсус қисми саккизинчи бўлими).

Олдиндан тил бириктирилмаган иштирокчилик бевосита жиноят содир этиш жараёнида ёки муайян вақд оралиғида иштирокчилик жиноятини амалга ошириш жараёнида бир вақтнинг ўзида (масалан, икки шахс жабрланувчига тажовуз қилиб, уни ўлгуничадўппослайдилар), шунингдек, муайян вақтдан сўнг (масалан, бир шахс дўппослашга тушади, иккинчиси бир оздан сўнг унга қўшилади ва улар биргаликда жабрланувчини ўлдиришади) вужудга келиши мумкин бўлган олдиндан (жиноят содир этилишидан олдин) тил бириктиришнинг бўлмаслиги билан тавсифланади. Бундай иштирокчиликда тил бириктирилганлик даражаси минимал бўлиб, жиноят объектив томонини ташкил қилувчи ҳаракатлар тўлиқ ёки қисман амалга оширилади, иштирокчилар ўз ҳаракати орқали бошқасининг ҳаракатини тўлдиради.

Олдиндан келишилган иштирокчиликда биргаликда жиноят содир этиш ҳақида олдиндан тил бириктириб, шунингдек, жиноят содир этилишидан олдинроқ тил бириктирган ҳолда жиноят содир этилади. Иштирокчиликни квалификация қилиш учун бу келишувга эришилганидан сўнг қанча вақт ўтганлиги аҳамиятга эга эмас. Вақт катта ҳамда кичик оралиқларда ҳисобланиши мумкин: дақиқалар, соатлар, суткалар, ойлار, йиллар ва

хоказо. Иштирокчилар ўртасида у ёки бу жиноятни содир этиш юзасидан келишув оғзаки ёки ёзма, тил бириктирув, шартли белги, бошни чайқатиш, имошора ва бошқа шу каби шаклларда ифодаланиши мумкин, Олдиндан тил бириктириш томонларнинг кўзда тутилаётган жиноятнинг биргаликда содир этилишидан хабардорлигидан, уни содир этишда ҳар бир иштирокчининг ўз вазифаларини билиши, ҳамжихатликнинг нисбатан юқори даражаси билан тавсифланади.

Иштирокчилик турлари унинг шакллари билан чамбарчас боғлиқ. Биргаликдаги жиноий фаолиятнинг муайян ҳолатларида иштирокчиликнинг ҳар хил турлари ва шакллари бўлиши мумкин. Олдиндан тил бириктириш иштирокчилиги бир гуруҳ шахслар, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма томонидан олдиндан тил бириктириб содир этиладиган жиноятларда бўлади. Ўз навбатида, иштирокчиликнинг кейинги икки шакли кўпинча ҳаракатдаги шахслар ўртасида роллар тақсимоли билан (иштирокчиликнинг мураккаб тури), камроқ ҳолатларда эса биргаликда бажарувчилик тури (иштирокчиликнинг оддий тури) сифатида ифодаланиши мумкин.

Иштирокчиликни турларга ажратиш муҳим юридик аҳамиятга эга, бу иштирокчилар ҳаракатлари таснифини тўғри аниқлашга имкон яратади. Хусусан, оддий иштирокчиликда бажарувчилар ҳаракатлари фақат ЖК Махсус қисми моддаси бўйича ЖК 28моддасига (иштирокчилар турлари) изоҳ қилмасдан квалификация қилинади, чунки уларнинг ўзлари муайян жиноий қилмишнинг объектив томонини тўлиқ ёки қисман бажаришади. Мураккаб иштирокчиликда эса, аксинча. Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчи каби иштирокчиларнинг ҳаракатлари жиноят объектив томонини бевосита бажарувчисининг ҳаракатлари каби ЖК Махсус қисмининг ўша моддаси бўйича, бироқ ЖК 28моддаси тегишли қисмига изоҳ қилган ҳолда таснифланади (улар бир вақтнинг ўзида жиноятнинг биргаликда бажарувчилари бўлган ҳолатлардан ташқари).

Демак, иштирокчилик шакллари ҳақидаги масалага қайтган ҳолда шуни таъкидлаб ўтамизки, **ЖК 29моддаси 1** қисмига асосан жиноятдаги иштирокчилик шакллари сифатида оддий иштирокчилик; мураккаб иштирокчилик; уюшган гуруҳ; жиноий уюшма тан олинади.

ЖК 29моддаси 2 қисмида иштирокчиликнинг энг кам хавфли шакли — **оддий иштирокчилик** тушунчаси белгиланган.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий **иштирокчилик** деб топилади (**ЖК 29моддаси 2** қисми).

Олдиндан келишув мавжуд эмаслиги иштирокчилик мазкур шаклининг асосий хусусиятидир. Оддий иштирокчилик, гарчи иштирокчилар ўртасида роллар тақсимоли бўлсада, доимо биргаликда бажарувчиликни тақозо этади (биргаликда айбдорлик).

Роллар тақсимоли иштирокчиликнинг мураккаб шаклларида, айниқса, уюшган гуруҳга ва жиноий уюшмага кўпроқ хос эканлигига қарамай, суд амалиёти тахлили нуғуни кўрсатадики, жиноят содир этиш ташаббуси ўз ҳаракатлари билан гўёки бошқа бирга бажарувчининг ҳаракатларига намуна кўрсатаётган бир бажарувчидан чиқиши мумкин. Бироқ бу ҳолат жиноят ташаббускори аҳамиятини ҳеч ҳам ўзгартирмайди ва унинг ҳаракатлари бажарувчи қилмиши белгилари бўйича квалификация қилинади, роллар тақсимоли эса ташаббускорбажарувчи қилмиши билан қамраб олинади.

Иштирокчиликнинг мазкур шакли минимал даражада мувофиқлашган бўлиб, бу жиноят бошланиши пайтига қадар келишиб олиш имкони йўқлиги билан изоҳланади. Иштирокчиликнинг ушбу шакли айрим шахсларнинг бошқалар аллақачон бошлаб қўйган жиноий тажовузига кўшилиш имкониятини назарда тутади.

Жиноятда иштирокчиликнинг энг кенг тарқалган ва энг хавфли шакли — бу мураккаб иштирокчиликдир.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши **мураккаб иштирокчилик** деб топилади (**ЖК 29моддаси 3** қисми).

Иштирокчиликнинг бу шакли учун асосий элемент бўлиб, икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноят содир этиш бошлангунга қадар, шунингдек, ЖК Махсус қисмида кўрсатилган жиноий қилмишнинг (жиноий фаолиятнинг эмас) ҳеч бўлмаганда бир киши томонидан содир этиш бошлангунча тил бириктирилганлиги ҳисобланади.

Келишув натижасида иштирокчиларга тайёрланаётган жиноят ҳақида умумий маълумотлар маълум бўлади. Келишув оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши мумкин. Одатда, камроқ иштирокчилар конклюдент ҳаракатлар (жимгина розилик) натижасида ахцлашувга эришишади.

Олдиндан мувофиқдаштирилган жиноят биргаликда бажарилиши ҳам, роллар тақсимланган ҳолда содир этилиши ҳам мумкин (тор маънодаги иштирокчилик). Ташкилотчи, шунингдек, ўзи ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи вазифаларини бажариши ҳам мумкин. Ушбу ҳолатларда жиноятни квалификация қилишда, муайян жиноятни кўрсатиш билан бирга ЖК Умумий қисмининг жиноятнинг ташкилотчисига доир тушунчалар кўрсатилган, яъни ЖК 28-моддаси 3-қисмига ишора қилиш лозим, зотан унда ташкилотчилик учун далолатчи ва ёрдамчига нисбатан оғирроқ жавобгарлик кўзда тутилади. Ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ҳам бир неча бора таъкидлаб ўтган, унга кўра, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган жиноят тўғрисидаги айблов ҳукмининг тасвирлов қисмида ҳар бир иштирокчи томонидан қандай жиноий ҳаракатлар амалга оширилганлиги аниқ кўрсатиб ўтилиши шарт¹.

Шуни таъкидлаш керакки, жиноятда иштирокчилик олдиндан тил бириктириб биргаликда бажариш шаклида (мураккаб иштирокчилик) ва ушбу ҳолатсиз (оддий иштирокчилик) шаклида, қонун чиқарувчи томонидан айрим жиноятлар таркибида квалификацияловчи белги сифатида кўздатутилади. ЖК Махсус қисми моддалари диспозициясида мазкур квалификацияловчи белгилар «бир гуруҳ шахслар томонидан» (ЖК 97-моддаси 2-қисми «п» банди, 235-моддаси 2-қисми «в» банди), «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб» (ЖК 189-моддаси 2-қисми «б» банди, 190-моддаси 2-қисми «б» банди), «олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан» (ЖК 244-моддаси 3-қисми «а» банди) каби тушунчалар орқали намоён бўлади.

Шуни назарда тутиш лозимки, қонунда «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб» жумласи жуда кам, асосан, шахсга қарши жиноятларда учрайди (масалан, ЖК 97-моддаси 2-қисми «п» банди, 104-моддаси 2-қисми «к» банди, 118-моддаси 2-қисми «в» банди). Шуни айтиб ўтиш жоизки, жиноий жавобгарлик учун биргаликдаги иштирокчилар учун олдиндан тил бириктирилганлик белгиси аҳамиятга эга бўлмайди. Қонун ушбу жиноятнинг юқорироқ ижтимоий хавфини фақат жиноят икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан амалга оширилганлиги билан боғлайди. Аниқланиши зарур бўлган биргина ҳолат — барча биргаликдаги иштирокчиларда ушбу жиноий қилмишни содир этишга бўлган қасд мавжудлигидир. Агар ушбу ҳолат қолган иштирокчилар онгини қамраб олмаса, унда ушбу банд бўйича квалификация қилишнинг иложи йўқ.

Шуни назарда тутиш лозимки, алоҳида жиноят таркиби конструкциясида уюшган гуруҳ квалификацияловчи белгиси мавжуд бўлмаганда, бироқ жиноят амалда уюшган гуруҳ томонидан амалга оширилса, мазкур ҳолат ЖК 56-моддаси «м» бандига мувофиқ, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинishi лозим. Ушбу қоида худди шундай ҳолатда жиноят уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма томонидан содир этилганда ҳам қўлланилади.

«Бир гуруҳ шахслар томонидан» ибораси қўлланганда фақат жиноятни биргаликда бир жойда ва бир вақтда бажарувчи иштирокчилар ҳаракатлари тушунилиши судтергов амалиёти томонидан тасдиқланади. Масалан, Олий суд Пленуми тушунтиришларига кўра,

«Жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб, уни ҳаётдан маҳрум қилиш жараёнида бевосита иштирок этган икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳаракатлари ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «п» банди билан квалификация қилинади. Бунда ўлимга сабаб бўлган шикаст иштирокчиларнинг ҳар бири томонидан етказилган бўлиши шарт эмас (масалан, иштирокчилардан бирижабрланувчининг қаршилигини бартараф этиб, уни ўзини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум этган, бошқаси эса, унга қалок этувчи шикаст етказган).

«Жиноий гуруҳни уюшган деб квалификация қилиш учун асосий мезон тариқасида, масалан, гуруҳнинг барқарорлигини, унда ташкилотчининг бўлишини, одатда, бир неча жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлигини, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўлйўриғи ишланганлигини, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлигини, техника билан таъминланганлигини, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлигини, умумий интизомга ва жиноий гуруҳташкilotчисининг кўрсатмаларига итоат қилинишини ва шу кабиларни ҳисобга олиш лозим».

Жиноий фаолият уюшган гуруҳнинг (жиноий уюшманинг ҳам) асосий тавсифларидан биридир. Уюшган гуруҳ фаолияти маълум даражада бир неча маротаба жиноят содир этишга, ўз фаолиятини муайян вақт оралиғидаги давомийликка қаратади.

Уюшган гуруҳнинг жиноий фаолияти тизимли характерга эга. У жиноят содир этиш ҳисобига мавжуд бўлади ва бу уюшган гуруҳ алоҳида аъзоларининг ва бутун гуруҳнинг малакасида гувоҳлик беради. Қонуннинг уюшган гуруҳ ва унинг аъзоларига нисбатан қаттиқдиги ҳам шу билан изоҳланади, чунки ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф қилмишлар гуруҳ аъзолари томонидан жиноий фаолиятга айлантирилади.

Барқарорлик ва жиноий фаолият каби белгилар, уюшган гуруҳнинг олдиндан тил бириктириб биргаликда жиноят содир қилиши мураккаб иштирокчилик, яъни олдиндан тил бириктирган бир гуруҳ шахслардан фарқловчи асосий тафовутидир.

Уюшган гуруҳни хусусиятловчи белгилардан бири — бу унинг барқарор эканлигидир. Бунда ташкилотчи жиноий режани тузади, иштирокчилар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, улар фаолиятини йўналтиради ва гуруҳдаги тартибни мустаҳкамлайди, шунингдек, гуруҳ интизомини назорат қилади ва ҳоказо. Бундан ташқари, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этиладиган жиноятлар бир марталик тажовузга қаратилган бўлади, уюшган гуруҳ, қоида тариқасида, мазкур гуруҳнинг жиноий фаолиятдан дарак берувчи бир неча марта жиноят содир этишга йўналтирилади (қаратилади).

Уюшган жиноий гуруҳ иштирокчилари харакатини квалификация қилиш олдиндан тил бириктириб, жиноят содир этишдан фарқ қилади. Агар жиноят олдиндан тил бириктирган ҳолда бир неча бажарувчилар томонидан содир этилган бўлса, у фақат Махсус қисмдаги тегишли модданинг ўзи билан 28моддани қўлламаган ҳолда квалификация қилинади. Уюшган гуруҳ томонидан жиноят содир этилганда иштирокчиларнинг жиноят содир этишдаги вазифаси қандай бўлганлигидан қатъи назар (ташкilotчи, бажарувчи, далолатчи, ёрдамчи, иштирокчи), Жиноят кодексининг 28моддасини қўллаган ҳолда жавобгарлик белгиланади. «Уюшган гуруҳтаркибида транспорт воситасини олиб қочишда қатнашган шахсларнинг харакатларини, уларнинг ҳар бирининг ролидан қатъи назар, иштирокчилик деб топишлик лозим».

Масаланинг бу каби ҳал этилиши ЖК 30моддаси 3қисмида мустаҳкамланган қоида билан боғлиқ бўлиб, унга мувофиқ, «уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкил этган ёки унга раҳбарлик қилган шахслар шу гуруҳ ёки уюшма содир этган жиноятлар учун, башарти, бу жиноятлар уларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган бўлса, жавобгарликка тортиладилар».

(Иштирокчиларнинг жавобгарлиги доираси ҳақида батафсилроқ шу бобнинг 4§ га қаранг.)

Судтергов амалиётида уюшган гуруҳ аъзоларидан бири бир жиноятни содир этишда иштирок этиб, кейин ўзининг жиноий фаолиятини тўхтатган ҳоллар ҳам учраб туради.

Шуни назарда тутиш лозимки, алоҳида жиноят таркиби коиструкциясида уюшган гуруҳ белгиси мавжуд бўлмаганда (масалан, ЖК 114моддаси), бироқ жиноят амалда уюшган гуруҳ томонидан амалга оширилса, мазкур белги ЖК 56моддаси «м» бандига мувофиқ, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинади лозим.

Ташкил этиладиган жиноий уюшма содир этмоқчи бўлган жиноятларнинг хавфлилигини инобатга олиб, қонун чиқарувчи жиноий уюшманинг ўзини ва ундаги

иштирокчиларни ЖК 242моддаси белгилари бўйича мустақил жиноятларга киритади ва шу билан жиноий уюшманинг амалда жиноят содир этганлиги ёки этмаганлигидан қатъи назар, ташкил этилишининг дастлабки босқичиданоқ жиноий жазога тортилишини мустаҳкамлайди, Бунда жиноий уюшган гуруҳни қуролланган деб топиш учун, унинг ҳатто бир аъзосида қурол (ўқотар, совук) мавжудлиги кифоя қилади. Жиноий жазога сазовор бўлиш учун, шундай қуролли уюшган гуруҳни тузишнинг ўзи етарли, яъни уюшган қуролли гуруҳ тузилган, унга раҳбарлик қилиш ёхуд аъзо бўлишга розилик берилган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади. Уюшган қуролли гуруҳ томонидан амалга оширилган конкрет жиноятларни ЖК 242моддаси 2қисми бўйича ЖК Махсус қисмининг тегишли моддалари жами билан квалификация қилиш лозим.

Жиноий уюшма иштирокчилик барча шакллари ичида энг хавфлисидир. Жиноий уюшманинг хавфлилиги у томонидан содир этиладиган жиноятнинг хусусияти ва оғирлик даражаси билан белгиланади.

Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади (ЖК 29моддаси 5қисми).

маълум билимлардан фойдаланишга оид вазифалар тақсимланиши мумкин.

Жиноий уюшма ёки уюшган гуруҳ бирлашмаси икки шахсдан иборат бўлиши мумкин эмас, у иштирокчиларнинг кўпроқ сонини талаб этади. Жиноий уюшма аъзолари кўпчилиқни ташкил қилиб, улар ўртасида, қоида тариқасида,

Жиноий уюшма асосий белгиларидан бири унинг таркибий бўғинининг икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳлардан иборат бўлишидир.

Жиноий уюшманинг таркибий бўғини деганда, раҳбар билан биргаликда икки ёки ундан ортиқ шахсдан иборат, жиноий уюшманинг мақсадларидан келиб чиқиб муайян йўналишда фаолият юритадиган гуруҳ тушунилади. Бу каби фаолият, масалан, жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноий йўл билан топилган молмулк ёки гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ўтказиш жойларини излаб топиш; жиноий уюшмани транспорт воситалари ёки бошқа техник воситалар билан таъминлаш; давлат органлари мансабдор шахслари, тижорат ва шу каби бошқа ташкилотларнинг вакиллари билан жиноий уюшмани ва содир этиладиган жиноятларни жазодан озод қилиш мақсадида алоқалар ўрнатиш; жиноий йўл билан топилган пуллар ва бошқа молмулкни яшириш; жиноий уюшма аъзолари, жиноят содир этиш восита ва қуроллари, жиноят излари ва жиноий йўл билан топилган нарсаларни яширишга шароит яратиш кабилар бўлиши мумкин.

Бошқа гуруҳлардан алоҳида ҳолда мустақил жиноят содир этувчи бу каби гуруҳларни жиноий уюшма деб топиш учун ҳар бир гуруҳ жиноий уюшма мақсадини амалга ошириш учун алоҳидаалоҳида ҳаракат қилиши керак. Буни аниқлаш учун барча гуруҳлар фаолияти ягона ташкилий бошқарув асосида бошқарилганлигига эътибор бериш лозим. Ягона ташкилий бошқарув, битта ташкилотчидан, шунингдек, бир гуруҳташкилотчилар, «жиноий обрўли одамлар»дан иборат бўлиши мумкин.

Шунга кўра, квалификация қилишда шунга эътибор қаратиш лозимки, жиноий уюшманинг алоҳида аъзолари мазкур жиноий ташкилотнинг ичида ҳаракат қилаётганлигини антламасликлари мумкин. Бу ҳолатлар жиноий уюшманинг мазмун ва моҳиятига ҳеч бир тарзда таъсир этмайди ва мазкур шахс жиноий уюшма таркибида содир этган жиноятлари учун жавобгарликка тортилади.

Жиноий уюшманинг барқарорлиги ва уюштанлиги нисбатан давомли жиноий фаолиятни ва уюшма қатнашчилари содир этишга интиладиган жиноятларнинг оғирлигини келтириб чиқаради. Жиноий уюшма иштирокчилиқнинг бошқа шаклларида юқори даражада уюштанлити, барқарорлиги, техник воситалари билан таъминланганлик даражасига кўра, аъзоларнинг биргалиқдаги кескин ҳаракати кабилар билан фарқ қилади.

Иштирокчилик шакллари аниқдаш ҳамда мос рлнишдм ҳар бир иштирокчининг ролини, унинг мақомини белгилаш, иштирокчиликда содир қилинган жиноятлар учун жавобгарлик масаласини ҳал қилишда иштирокчилар ўртасидаги субъектив муносибатлар, характери ва барқарорлигини, ўзаро мувофиқлик даражаси,

иштирокчиларнинг ташкилий тузилиши ҳамда бошқа зарур белгиларни батафсил аниқлаш муҳим.

4§. Жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик асослари ва доираси

ЖК 16моддаси 2қисмига мувофиқ, жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жинойий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Мазкур қоида бир шахс томонидан содир этиладиган жиноятга ҳам, иштирокчиликқа содир этиладиган жиноятларга ҳам бирдек тааллуқлидир. Шу сабабли, иштирокчилик жинойий жавобгарликнинг кўшимча асосларини вужудга келтирмайди. Барча иштирокчилар жинойий жавобгарликка ягона асос бўйича тортилади, яъни уларнинг қилмиши, қоида тариқасида, ЖК Махсус қисмининг бир моддаси бўйича квалификация қилинади. Бунда ҳар бир иштирокчи ўзи содир этган қилмиши учун мустақил жавоб беради ва индивидуал равишда жавобгарликка тортилади. Жиноят ҳуқуқининг энг устувор тамойилларидан бири, айбли жавобгарлик принципига асосан, жиноят иштирокчилари фақат жинойий қасди доирасида жавобгар бўлиши мумкин. Зотан, **ЖК 30моддаси 3қисмига** мувофиқ, «Бошқа иштирокчиларнинг жмнойий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгар бўлади». Қонун, конкрет иштирокчининг жинойий нияти билан қамраб олинмаган қилмишлар учун жамоавий жавобгарликни истисно этади. Бунда ҳар бир иштирокчи ўзи содир этган қилмиши учун мустақил жавоб беради ва индивидуал равишда жавобгарликка тортилади.

Иштирокчиларнинг жавобгарлик асослари ҳақида сўз юрита туриб, биринчи навбатда шуни инобатга олиш лозимки, биргаликда жиноят содир қилиш (биргаликда жинойий фаолият олиб бориш) учун жавобгарлик бажарувчининг (биргаликда бажарувчининг) жинойий ҳаракатларини аниқ кўрсатиб ўтган ЖК Махсус қисми нормалари ҳамда жиноятни иштирокчиликқа амалга оширган шахслар фаолиятини тавсифловчи ЖК Умумий қисмининг тегишли нормалари (2730моддалар)ни қўллаган ҳолда белгиланади.

Бинобарин, ЖК 30моддаси 1қисмига мувофиқ, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар. Бу ўринда биргаликда жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарлиги қилмишни содир қилишдаги иштирокининг характери ва даражаси билан белгиланади. Жиноят содир этилишида шахс иштирокининг даражаси ва характери эса, ўз навбатида тегишли шахс ижтимоий хавфлилиги даражасини белгилайди.

Жиноятдаги иштирок хусусияти айбдорнинг иштирокчиликда содир қилинган жиноятдаги функционал ролини аниқлайди. Хусусан, агар иштирокчи жинойий қилмишнинг объектив томонини тўлиқ ёки қисман бажарса, у бажарувчи ёки мувофиқ равишда биргаликда бажарувчи деб тан олиниб, унинг ҳаракатлари, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фақат ЖК Махсус қисми тегишли моддаси бўйича квалификация қилинади. Агар иштирокчи бажарувчига (бажарувчиларга) кўмак берган ҳолда ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи ролини бажарган бўлса, унинг ҳаракатлари, бажарувчи (бажарувчилар) қилмишини қамраб олувчи модда билан квалификация қилиниб, ЖК 28моддасининг тегишли қисмига ҳам ҳавола қилинади². Бунда иштирокчи томонидан танланган роль унинг хаттиҳаракатларининг ижтимоий хавфлилиги даражасини белгилайди. Шу билан бирга, функционал вазифанинг бир хиллигида ҳар бир иштирокчи ҳаракатларининг такрорийлиги даражаси, ироданинг жиноятни ташкиллаштиришга йўналтирилганлиги (қаратилганлиги), бажарувчини ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга қизиқтириш ёки унга бунда ёрдам бериш турлича бўлиши мумкин. Шундай қилиб, иштирокчилар ҳаракатларини квалификация қилишда ҳамда уларга жазо тайинлашда биргаликдаги жинойий фаолиятга амалда ёсиритган улуши инобатга олиниши зарур.

Умумий қоидага кўра, жиноятнинг барча иштирокчилари ЖК Махсус қисмининг битта моддаси, битта қисми (банди) бўйича жавобгар бўлишади. Шу билан бирга, иштирокчилар айблпстгап жиноятлар ЖК моддасининг турли қисмларида (турли бапдларида), турли моддаларида, ҳаттоки, турли боблари ва бўлимларидл мазарда тутилиши мумкин. Бу иштирокчиликда содир этилгап ЖИНОЯТНИ ҳамда иштирокчининг ўзини тавсифловчи турли хил объектив, субъектив белгиларни ҳисобга олиш билан боғлиқдир.

Жумладан, ижтимоий хавfli қилмишни, унинг ижтимоий хаифли оқибатларини тавсифловчи объектив белгилар бошқа иштирокчиларнинг қасди билан қамраб олинган бўлса, жавобгарлик уларнинг зиммасига юклатилиши мумкин. Масалан, ўзга шахснинг мулкани уйжойига кириб ўғирлашга қизиқтиришда далолатчи ҳамда бажарувчига ўғрилиқнинг айнан шу йўл билан содир этилиши маълум бўлса, мазкур бахрловчи белги ҳар иккала иштирокчини айблашга асос бўлади. Объектив белгилар жиноят қонуни билан кўрикланадиган объектнинг маълум бир индивидуал белгиларига тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, агар кичик ёшдаги вояга етмаган шахснинг номусига тегишда жиноят бажарувчиси жабрлағувчи ўн тўрт ёшга етмаганлигини билмаганида, бироқ бу ҳақда жабрланувчи ўн олти ёшда деб бажарувчига хабар қилган жиноят ташкилотчисига маълум бўлганида, бажарувчи ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш жинояти учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Ёки, масалан, Ўзбекистон Республкаси Президенти ҳаётига тажовуз қилиш жинояти (ЖК 158моддаси 1қисми) фақат, жабрланувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти эканлиги маълум бўлган шароитда содир қилиниши мумкин. Агар иштирокчилардан бири, бошқа шахслар билан биргаликда ҳаракат қилган ҳолда, кўрсатилган вазиятни англамаса, унинг ҳаракатлари бошқа иштирокчилардан фарқи, ЖК 158моддаси 1қисми бўйича эмас, ЖК 97моддаси бўйича қасддан одам ўлдириш деб квалификация қилиниши шарт.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар таркиби субъектив томонининг ақлий (интеллектуал) элементи жиноят иштирокчилари ўз қилмишларининг, биргаликдаги ҳаракатларининг!г ижтимоий хавfliлигини англаши, иродавий элементи эса, жиноий натижага эришиш нияти ёки биргаликдаги хаттиҳаракатларини бирлаштириш орқали бу натижага эришилишига онгли йўл қўйишда ифодаланадиган қасд билан белгиланади. Бироқ, шуни яна бир бор таъқвдлаб ўтамизки, судтергов амалиётида моддий мукофот эвазига (ёлланма тарзда) одам ўлдириш ҳолатидаги иштирокчиларнинг ҳаракатларини юридик баҳолашда алоҳида ёндашув ишлаб чиқилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тушунтиришларига мувофиқ, «Қотиллик учун ҳақ ваъда қилган ташкилотчи (буюртмачи)нинг ҳаракатлари у қайси сабабларга кўра шундай қилганлигидан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 28, 97моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинмоғи керак!». Масалан, агар қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилганда ёрдамчи бажарувчининг жабрланувчи билан ёмон муносабатда бўлганлиги сабабли «оддий» қасддан одам ўлдириш (ЖК 97моддаси 1қисми) содир этилган бўлсаю, кейинчалик жабрланувчига нисбатан ҳеч қандай нафрат бўлмаганлиги ва бажарувчи тамағирлик ниятида қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлиги аниқланса, ёрдамчи бажарувчи томонидан содир этилган жиноят квалификация белгилари эмас, балки оддий қасддан одам ўлдириш жинояти учун жавобгарликка тортилади.

Агар объектив ёхуд субъектив белгилар қайсидир иштирокчи шахси билан боғлиқ бўлса, бу белги ҳақида бошқа иштирокчилар билишбилмаслигидан қатъи назар, шу шахсни айблашга асос бўлади. Масалан, ўғрилиқни такроран содир этишда такрорийлик белгиси жиноятни такроран содир этган шахсга тегишли бўлади, иштирокчиларнинг бирида рецидив бўлиши эса айнан мана шу иштирокчига нисбатан решвдивнинг тан олинишини англатади.

Иштирокчиларнинг жазосини индивидуаллаштиришда ҳам худди шу қоида амал қилади. Иштирокчилардан бирининг шахсига мансуб енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар фақат шу иштирокчига жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

Бажарувчининг қилмиши жиноят барча иштирокчиларининг ҳаракатлари натижаси бўлганлиги сабабли бу иштирокчилар муайян тарзда бажарувчининг қилмишлари билан боғлангандир. Бу боғланиш ташкилотчи ёки далолатчи томонидан кўзда тутилган жиноят таркиби объектив томони улар жиноий қасдга ундаган шахс томонидан амалга оширилиши билан тўлдирилади. Шу билан бирга ташкилотчиси, далолатчиси билан улар томонидан ташкил этилган бажарувчи фаолияти сабабий боғланиш жиноийҳуқуқий маънодаги оқибат бўлиб келувчи бу фаолиятнинг натижаси юзага келишигача давом этади. Шу сабабли, иштирокчи ҳаракатларидаги тугалланган жиноят таркиби бажарувчи томонидан муайян жиноят таркибининг объектив томони барча мажбурий белгиларининг амалга оширилишида бўлади.

Моддий таркибли жиноятларда бажарувчининг хаттиҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида қоғунда назарда тутилган оқибатларнинг юзага келиши етарли ҳисобланади. Формал таркибли жиноятларда бажарувчи қонун билан тақиқланган қилмишни содир этиши лозим. Фақат шу ҳолдагина ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчиларнинг ҳаракатлари тугалланган деб баҳоланиши керак.

Иштирокчилар бошлаб берган сабабий қаторни давом эттирувчи бажарувчи фаолияти уларнинг қасди билан қамраб олинган натижада айблаш ҳажмини белгилаб беради. Бажарувчи жиноят ривожланишининг муайян босқичида жиноятга суиқасд қилиш ёки тайёргарлик кўриш босқичида тўхтаган ҳолларда юзага келмаган натижада иштирокчиларни айблаш мумкин эмас. Улар бажарувчи содир этган қилмиш учунгина жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Жиноят иштирокчилари ҳаракатларининг квалификацияси, шунингдек, иштирокчилик шаклига боғлиқ бўлади ва махсус белгилар билан рғфодаланади. Жумладан, ЖКда қайд этиладики, олдиндан тил бириктирган гуруҳ, жиноий гуруҳ ва жиноий уюшманинг ташкилотчилари ҳамда аъзолари тайёргарлик кўрилиши ёки содир этилишида ўзлари қатнашган барча жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар (**ЖК 30моддаси 2қисми**); уюштан гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкил этган ёки уларга раҳбарлик қилган шахслар шу гуруҳ ёки уюшма содир этган барча жиноятлар учун, башарти, **бу** жиноятлар уларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган бўлса, жавобгарликка тортиладилар (**ЖК 30моддаси 3қисми**).

Биринчи ҳолатда олдиндан тил бириктирган гуруҳ таркибида жиноят содир этган иштирокчилар ҳаракатлари ЖК 28моддасини қўллагандан квалификация қилинади, чунки уларнинг барчаси биргаликдаги бажарувчилар деб тан олинадилар.

Охирги ҳолатда қонун чиқарувчи уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкилотчиси ва раҳбарларига мазкур жиноий тузилмалар аъзолари ёки уларнинг манфаатларида ҳаракат қилган бошқа шахслар содир этган барча жиноятлар учун жавобгар эканлигини белгилайди. **Шу** билан бирга, содир қилинган жиноятлар уюшган гуруҳ, жиноий уюшма ёки унинг структуравий бўғинлари ташкилотчилари ва раҳбарлари қасди билан қамраб олинган бўлиши, гуруҳиштирокчилари эса мазкур жиноятларга тайёргарлик кўришда бевосита иштирок этишган бўлиши шарт, ушбу жиноятлар содир этилишида кейинги иштироки ёхуд иштирок этмаганлиги аҳамияти йўқ. Агар уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшманинг биронта аъзоси томонидан содир қилинган қилмиш кўрсатилган жиноий тузилмалар ташкилотчиси (раҳбари) қасди билан қамраб олинмаган ва сабабий жиҳатдан боғланмаган бўлса, бажарувчи эксцесси ҳолати юзага келади.

5§. Жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарликнинг махсус масалалари

Жиноятда иштирокчилик учун жавобгарликнинг махсус масалалари иштирокчилар ҳаракатларини квалификация қилиш учун муҳим аҳамиятга эга ҳолатлар, хусусан, бажарувчининг эксцесси, иштирокчиларнинг жиноятдан ихтиёрий қайтиши, махсус субъект ва шунга ўхшаш ҳолатлар билан боғлиқ.

Бажарувчи эксцесси тушунчасининг (лотинча excessus — чекиниш, оғиш, бўйин товлаш) қонуний мустаҳкамланиши **ЖК 30моддаси 4қисмида** ифодаланган бўлиб, унда

бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгар бўлиши белгиланади.

Бажарувчи эксцесси ЖКда назарда тутилган ҳар қандай иштирокчилик шаклида бўлиши мумкин, бунда бажарувчининг бошқа иштирокчилар билан олдиндан келишилмаган мустақил ҳаракатлари юридик аҳамият касб этиши шарт. Масалан, одам ўлдириш жинояти олдиндан келишиб олинганидек кеч оқшомда эмас, кундузи содир этилган ёхуд ўқотар эмас, совуққурол ёрдамида содир этилган бўлса, эксцесс ҳолати мавжуд бўлмайди, зеро, мазкур шартшароитларнинг амалга оширилган иш квалификациясига ҳеч қандай таъсири йўқ. Эксцессда иштирокчиларнинг биргаликдаги жиноий фаолияти юзасидан объектив асослар (иштирокчилар ҳаракатлари билан содир қилинган жиноят ўртасидаги сабабий боғланиш), субъектив асослар (бажарувчилар ўртасидаги субъектив алоқалар) мавжуд бўлмайди, бу эса қолган иштирокчиларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш имконини беради.

Эксцесс бажарувчи сифат ва миқдор белгиларига кўра, бажарувчи ҳаракатлари умумий жиноий ниятдан қанчалик четга чиқиши характерига боғлиқдир.

Сифат кўрсаткичли эксцессда бажарувчининг ҳаракатлари бошқа иштирокчилар билан келишиб олинган жиноятлар билан бир қаторда яна бир ёки бир неча жиноят содир этишни зиммасига олади. Масалан, талончилик содир этиш учун тил бириктиришда иштирокчилардан бири ўзганинг мулкани талонторож қилгандан сўнг қасддан жабрланувчини ўлдиради ёки қонунга хилоф равишда гиёҳванд ва психотроп моддаларни эгаллаб олади. Бу ҳолда, бажарувчи содир қилинган жиноятлар жами бўйича ёхуд амалда содир қилинган жинояти ва биргаликда қасд қилган жиноятга тайёргарлик учун жавобгарликка тортилиши ҳам мумкин. Бунда, бошқа иштирокчилар фақат биргаликда қасд қилган жиноят ёки унга тайёргарлик кўриш учун жавобгарликка тортиладилар.

Миқдор кўрсаткичли эксцессда бажарувчи бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган жиноятни содир қилад

ди, лекин унинг оқибати бошқа иштирокчилар олдиндан кўра оғирроқ бўлади (масалан, ўртача оғир тан жароҳатлари ўрига оғир тан жароҳатлари, талончилик ўрнига — босқинчилик) ёки олдиндан тил бириктирилган жиноятнинг квалификацияни ўрнини содир этади (оддий одам ўлдириш ўрнига ўта шафқатсизлик билан). Бажарувчи эксцессининг мазкур турида бошқа иштирокчилар ўзларининг нияти билан қамраб олинган тугалламгап жиноят учуи ёки тугалланмаган жиноят (тайёргарлик кўриш ёхуд суиқасд) учуп жавобгарликка тортилишади.

Жиноят ҳукуки назариясида «муваффақиятсиз иштирокчилик» тушунчасига доимо алоҳида урғу берилиб, кенг маънода у натижасиз (самарасиз) жиноий ташкилотчилик, далолатчилик ёки ёрдамчилик фаолияти сифатида тушунилган, зеро, бу ҳолатда бажарувчи жиноят содир қилишга умуман ният қилмаган ёки жиноят содир қилишдан ихтиёрий қайтган бўлади¹.

Мазкур ҳолатларда бажарувчи умуман жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, жиноятнинг бошқа иштирокчилари эса ияггарокчиликда жиноят содир этишта тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш учун (бажарувчи жиноятдан қайси босқичда бош тортганига боғлиқ) жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, иштирокчилар жиноий қасдини охиригача етказмаган бўлса (масалан, жинойий фаолиятга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки бошқа шахслар томонидан чек қўйилган), унинг ҳаракатлари тугалланмаган жиноят тўғрисидаги нормалар асосида (25моддага ҳавола қилиб) кззалификация қилинади, бошқа барча иштирокчиларнинг ҳаракатлари эса ЖК 25—28моддалари ва ЖК Махсус қисми тегишли моддаси бўйича квалификация қилинади.

Умуман, иштирокчиликда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳуқуқита нафақат бажарувчи, балки бошқа ҳаракатдаги шахслар ҳам эга. Ихтиёрий қайтиш исталган иштирокчида, иштирокчиликнинг ҳар қандай шаклида, жиноятни бажаришнинг ҳар қавдай босқичида, бироқ жиноий оқибат юзага келган пайтга қадар амалга оширилиши мумкин. Бунда ташкilotчи, далолатчи ва ёрдамчининг ихтиёрий қайтишига нисбатан қоғун қатгикроқ талаблар белтилади. Жумладан, ЖК 30моддаси 5қисмига мувофиқ, «Ташкilotчи, далолатчи ёки ёрдамчи жиноятдан ихтиёрий равишда қайтиб, жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни ўз вақтида кўрганлиги жиноятда

иштирокчилик учун жавобгарликни истисно қилади». Мазкур қоидадан аниқравадан маълум бўладики, ташкилотчининг, далолатчининг ёки ёрдамчининг ихтиёрий рад этиши фақат фаол бўлиши, яъни тайёрланаётган жиноятнинг баргараф этилишини таъминловчи ҳаракатларда ифодаланиши даркор. Ҳокимият органларига вақтида хабар беришдан ташқари яна ташкилотчи ёки далолатчи бажарувчига жиноят содир этмасликка, ёрдамчини бажарувчига кўмаклашмасликка кўндиришда, тажовуз қаратилган шахсни ўз вақтида огоҳдантиришда ифодаланадиган бошқа чоралар ҳам кўрилиши лозим. Бунда жиноят ташкилотчиси ёки далолатчининг бажарувчини кўндириш туридаги ихтиёрий қайтиши моддий таркибли жиноятда жинойий натижанинг олдини олиш, формал таркибли жиноятларда эса, бутун объектив томоннинг амалга оширилишининг олдини олиши лозимлиги шарт билангина бўлиши мумкин. Акс ҳолда, ташкилотчи ва далолатчи содир этилган қилмиш учун жавобгарликка тортилади, уларнинг жиноятнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлари эса суд томонидан жазо тайинлаш вақтида енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин.

Ёрдамчи ўзининг ҳаракатсизлиги билан жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни ифодалаши мумкин. Бироқ ёрдамчи бундай ҳуқуқворини баҳолашда муайян вазиятдан келиб чиқиши лозим, яъни ёрдамчининг ҳаракатсизлиги жиноятда иштирокчиликдан ихтиёрий қайтиш сифатида, агар бу ҳаракатсизлик у бажариши лозим бўлган ҳаракатларни амалга оширмаслигида ифодаланган бўлса, масалан, бажарувчига сейф калитини тақдим этишга ваъда бериб, сўзининг устидан чиқмаган бўлса, тан олиниши мумкин. Бу вазиятда, агар бажарувчи жиноят содир этишга қарор қилса, унинг ҳаракатлари ёрдамчининг ҳаракатлари билан сабабий боғлиқликда бўлмайди.

Шу билан бирга, ёрдамчининг ихтиёрий қайтишини ёрдамчиликнинг туридан келиб чиқиб алоҳида ажратилган ҳолда кўриб чиқиш лозим. (Рухий) ақдий ёрдамчининг ихтиёрий қайтиши бажарувчига ёрдам беришга, кўмаклашишга қаратилган ўзининг барча ҳаракатларини тўлиқ нейтраллаштиришида ифодаланиши лозим. Гап шундаки, ёрдамчининг маслаҳат ва кўрсатмалари уларнинг бажарувчига маълум қилинганидан сўнг охиригиси томонидан ёрдамчининг иродасидан қатъи назар, ишлатилиши мумкин, бу эса ёрдамчи ҳаракатлари ва бажарувчи содир этган жиноят ўртасидаги сабабий боғланишни келтириб чиқаради. Ихтиёрий қайтиш мажбурий элемент сифатида жинойий натижанинг юз бермаслигини тақозо этганлиги сабабли, ёрдамчининг ихтиёрий қайтиши ҳақида, фақат у ўз ҳаракатлари оқибатларини тўлиқ баргараф этганидан сўнггина намоён бўлиши мумкин. Агар ёрдамчининг мазкур интилишлари натижасиз яқунланса, жиноят содир этилса, унинг ҳаракатлари ихтиёрий қайтиш сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас.

Агар биргаликдаги бажарувчи бошқа бажарувчилар томонидан жиноят содир этилишига кўмаклашувчи ёки уни осонлаштирувчи ҳаракатларни содир этишни бошламаган бўлса, ихтиёрий қайтиш унинг пассив ҳуқуқида, яъни биргаликдаги бажарувчиликни ташкил этувчи ҳаракатлардан ўзини сақлашда ифодаланиши зарур. Бундай ҳолларда шахснинг жинойий жавобгарлиги истисно этилади, бироқ у ЖК 241-моддаси 2-қисмида кўрсатилган шартларнинг мавжудлигида жиноят ҳақида хабар бермаганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Агар бажарувчи жиноятни охиригача етказишдан бош тортса ёки ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда бажара олмаса ва ҳаракатни содир этса, иштирокчиларнинг ҳаракатини квалификация қилиш қийинлашади. Бундай ҳолда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ташкилотчилик, далолатчилик, ёрдамчиликка суиқасд қилганлик учун жавобгар бўладилар.

Махсус субъектли жиноятларда иштирокчиликни квалификация қилиш масаласи ҳам алоҳида кўриб чиқишни талаб этади. Афсуски, ушбу масала ҳали тўлиқ ҳал қилинмаган. Шунинг учун мазкур вазиятда Ўзбекистон Республикасининг жиноятҳуқуқий доктринаси ва судтергов амалиётига таяниш даркор. Уларни таҳлил қилишдан шу нарса келиб чиқадики, махсус субъект белгиларига мос келмайдиган шахслар тегишли жиноятни бевосита бажарувчилар ҳам, биргаликда бажарувчилар ҳам бўлишлари мумкин эмас, уларнинг махсус субъектли жиноятни содир этишдаги иштироки фақат ташкилотчилик фаолиятида, далолатчилик ёки ёрдамчиликда намоён бўлиши мумкин. Хусусан, агар ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида махсус кўрсатилган жиноят субъекти бўлмаган шахс бевосита ушбу жиноятни содир этган бўлса, яъни амалда тўлиқ ёки қисман унинг объектив томонини бажарган бўлса, бу шахс мазкур жиноят учун ЖК 28-моддасининг тегишли қисмига ҳавола қилинган ҳолда жинойий жавобгарликка тортилиши шарт.

Шуни назарда тутиш керакки, махсус субъектлив жиноятда иштирокчилик вазиятини шахс жиний жавобгарлик ёшига етмаган ёки ақли норасо бўлган ҳолатлардан ажрата билиш зарур. Кўрсатилган икки ҳолатда иштирокчилик ҳақида эмас, балки билвосита (воситачи) бажарувчилик ҳақида гап кетади.

6§. Жиноятга дахлдорлик

Жиноятга дахлдорлик — бу жиний дахлдорликнинг жиноят ҳақида олдиндан ваъда бермаган ҳолда хабар қилмаслик, олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноятчини яширганлик ва олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноятга йўл қўйганликда ифодаланувчи бажарувчининг қилмиши билан сабабий боғланишда бўлмаган шаклидир.

Дахлдорлик иштирокчиликдан шу билан фаркланадики, бунда жиноятга дахлдор шахслар содир этилган жиноятга муайян муносабатда дахлдор бўлсаларда, у билан сабабий боғланишда бўлмайдилар, жиний натижанинг келиб чиқишига кўмаклашмайдилар.

Жиноятга дахлдорлик жиний жавобгарликни келтириб чиқарадиган ва жиний жавобгарликни келтириб чиқармайдиган бўлиши мумкин. Жиний жавобгарликни келтириб чиқарадиганларга олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят содир этилаётганлиги ёки жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда ҳокимият органларига хабар қилмаслик ёхуд жиноят содир қилишга йўл қўйиб бериш (ЖК 205, 208моддалари ва бошқалар), олдиндан ваъда бермаган ҳолда хабар қилмаслик ва олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлик, агар мазкур ҳолатлар ўта оғир ва оғир жиноятлар билан боғлиқ бўлса (ЖК 241моддаси), кабиларни айтиш мумкин.

Жиноятга дахлдорликнинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, у ҳуқуқни муҳофаза этиш органларига ўз фаолиятини, хусусан, жиноят содир этишнинг олдини олиш фаолиятини самарали амалга оширишга тўсқинлик қилади. Жиноят ҳақида хабар қилмаслик, жиноятни яшириш сингари, жиноятчиларда ёки жиноят содир этиш ниятида бўлган шахсларда жазосиз қолиш хиссини вужудга келтиради, онгда салбий тасаввурни шакллантиради, муайян ҳолларда оғир ва ўта оғир жиноят содир этган айбдор шахсларнинг жавобгарликдан ва жазодан қутулиб қолишига ёрдам беради.

ЖК 31моддаси 1қисми тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида олдиндан ваъда бермаган ҳолда хабар қилмаслик шаклини кўриб чиқади.

Олдиндан ваъда қилинмаган хабар бермасликнинг объектив томони ҳаракатсизликдан, яъни оғир ёки ўта оғир жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги, жиноят содир этилаётганлиги ёки жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқбила туриб хабар бермасликдан иборат пассив ҳуқуқворда ифодаланади.

Кўп ҳолларда, жиноят ҳақида хабар бериш, аниаламбор, фуқаровий бурч бўлганлиги сабабли хабар қилмаслик ахлоқий иуқтаи назардан кўриб чиқилиши лозим. Бироқбаъзи ҳолларда, лйпикса, қонун чиқарувчи томонидан энг хавfli деб белгиланган ҳолларда (улар тажовузнинг ижтимоий хавfliлик даражасида ифодаланади) Жиноят кодексининг 241моддаси мазмунида жиний жазога сазовор қилмиш сифатида кўриб чиқилиши лозим.

Тайёрланаётган жиноят — жиноятга тайёргарлик кўришда ифодаланадиган тугалланмаган жиноят босқичидир. У жиноят содир этиш шароитларини яратиш, жиноят содир этиш режаларининг ишлаб чиқилиши, иштирокчиларнинг қидириб топилишига қаратилган ҳаракатларда ва ижтимоий хавfli қилмиш содир этишга бўлган бошқа шу каби тайёргарлик ҳаракатларида ифодаланади. Бундан ташқари, жиноятга тайёргарлик зарур қуролга эга бўлиш, атрофни ўрганиш, иштирокчиларни қидириш ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин.

(Жиноят содир этишта тайёргарлик кўриш ҳақида батафсилроқ мазкур том IX бобининг «Жиноят содир этишга тайёргарлик» деб номланувчи 2§ га қаранг.)

Содир этилаётган жиноят — суиқасдда ифодаланадиган тугалланмаган жиноят босқичидир. Амалиётда ҳар хил махсус акт жиний жазога сазовор қилмишни ташкил этадиган, аммо умуман олганда тугалланган жиноят таркибини ташкил этмайдиган давомли жиноятлар ҳам учрайди. Бу кабилар ҳам содир этилаётган жиноят деб топилиши лозим.

(Жиноят содир этишга суиқасд ҳақида батафсилроқ мазкур том IX бобининг «Жиноят содир этишга суиқасд» деб номланувчи 3§ га қаранг.)

Содир этилган жиноят жиноят таркиблари формал ва моддий конструкцияларидан келиб чиқиб, тугалланган жиноятдир. У ЖК Махсус қисми аниқ моддалари конструкциялари бўйича тугалланган жиноят таркибини ташкил қиладиган ҳаракатларда ўз ифодасини топади.

Хабар бермасликни тайёргарлик кўриладиётган, содир этиладиётган ёки содир этилган жиноят ҳақида аниқ билад туриб айбдорнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва судларга маълум қилмаганлигида қайд этиш мумкин. Мазкур органларни хабардор қилишлик оғзаки ёки ёзма; шахсан ёки бошқа шахслар ёрдамида; маълумот ким томонидан берилаётганлигини кўрсатиб ёки аноним тарзда ва ҳоказо кўринишида амалга оширилиши мумкин, бунда маълумот бериш шакли ва тури аҳамиятга эга эмас. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга берилаётган маълум бўлган тайёрланаётган жиноят, содир этиладиётган жиноят ёки содир этилган жиноятлар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ ва ўз вақтида етказилиши даркор. Яъни, шахс жиноят билан боғлиқ унга маълум бўлган барча маълумотларни жуда тез вақт ичида хабар бериши шарт.

Тугалланмаган ёки тугалланган жиноят ҳақида хабар бермаслик жиноят фактининг мавжудлиги учун асосий шартлардан бири — айбдор шахс хабардорлигининг ҳақиқийлигидир.

Жиноятчи хабардорлигининг ҳақиқийлиги шуни англатадики, унга аён бўлган фактлар, бошқа шахс ёки шахслар томонидан содир этиладиётган қилмишнинг жиноятлиги унда ҳеч қандай шубҳагумон уйғотмайди. Бунда, айбдор шахс шуни тушуниб етиши керакки, тайёрланаётган жиноят, содир этиладиётган жиноят ёки содир этилган жиноятлар ўзининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра оғир ва ўта оғир жиноятлар категориясига киради.

Субъектив томондан айбдор тайёргарлик кўриладиётган, содир этиладиётган ёки содир этилган жиноятни аниқ билад туриб хабар бермаётганлигини билади, ўз ҳаракатлари характерини англайди, бу ҳаракатлар оқибатини олдиндан кўра билади ҳамда истайди ёхуд шунга онгли равишда йўл кўяди. Бунда мотив ва мақсад жинойхуқуқий аҳамиятга эга эмас.

ЖК 31моддаси 2қисми дахлдорликнинг олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлик шаклини белгилайди. Унинг ижтимоий хавфлилиги жиноятни фош этишда кийинчиликлар туғдиришидадир.

Олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноятни яширганлик — жиноят туғалланишигача бажарувчига ваъда берилмаган яширишдир. У жиноят билан сабабий боғланишда бўлмайди, шу ҳолат билан олдиндан ваъда берган ҳолда яшириш шаклидаги ёрдамчиликдан фарқ қиладди.

Олдиндан ваъда бермасдан жиноятни яшириш **объектив томондан** айнан ҳаракатларда, яъни жиноятчига жисмоний кўмак бериш, у яшириниши мумкин бўлган турар жойни такдим этиш орқали уни одил судлов органларидан яшириш, уни қалбаки ёки ўзга шахсларга тегишли ҳужжатлар билан таъминлашда ифодаланади.

(Жиноятчини, жиноят воситалари ва қуроллари, жиноят излари, жинойий йўл билан топилган нарсаларни яшириш тушунчаси ҳақида батафсилроқ мазкур бобнинг «Жиноят иштирокчиларининг турлари» деб номланувчи 2§ га қаранг.)

Жиноятда ёрдамчиликдан фарқлироқ, уни яширганлик жиноятга дахлдорликнинг шакли сифатида шундан келиб чиқадики, яширишга розилик жиноят тугалланганидан кейин берилади ва шунинг учун у жиноят билан сабабийоқибат боғлиқликда бўлмайди. Олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширишни унинг объектив томонига кирадиган ҳаракатлардан бири бажарилган пайтдан бошлаб тугалланган деб ҳисоблаш лозим.

Олдиндан ваъда қилмаган ҳолда жимомй мўл билан топилганлиги аниқ аён бўлган мулкни олиш олдидап ваъда бермаган ҳолда яшириш деб қаралиши мумкин эмас, чунки бу қилмиш ЖК 171моддасида жавобгарлик белгиланган жиноятнинг мустақил таркибини ташкил қиладди.

Яшириш **субъектив томондан** фақат **тўғри қасд** билан амалга оширилади. Яширувчи, биринчидан, ўта оғир ёки оғир жиноятни яшираётганлигини, иккинчидан, ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англайди. Шахс жиноятни яширганлик учун фақат ўзи билган жиноят учунгина жавобгарликка тортилиши мумкин. Жиноятни яшириш

жиноятининг таркиби формал бўлганлиги сабабли айбдор ўзи амалга ошираётган ҳаракатларнинг содир этилишини хоҳлайди.

Фақат 16 ёшга етган шахслар олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун жавобгарликка тортиладилар. Бунда **ЖК 31моддаси 3қисмига** кўра, олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилигувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди. ЖК Махсус қисмининг саккизинчи бўлимида изоҳданишича, яқин қариндошларга қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни отаона, акаука ва опасингиллар, эрхотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек, эрхотиннинг отаонаси, акаука ва опасингиллари киради.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят ҳақида хабар бермаганлик ва уни яширганлик билан бирга, жиноятга дахлдорликнинг ЖК Умумий қисмида назарда тутилмаган учинчи шакли — жиноятга йўл қўйиб бериш ҳам ажратиб кўрсатилади.

Олдиндан ваъда бермаган ҳолда йўл қўйиб бериш жиноятга тўсқинлик қилиши шарт бўлган ва бунга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган шахснинг жиноят содир этилишга тўсқинлик қилмаганлигидан иборатдир. Олдиндан ваъда қилинган ҳолда жиноятга йўл қўйиб бериш ёрдамчилик кўринишида жиноятда иштирокчиликни ташкил қилади.

Жиноятга йўл қўйиб бериш **объектив томондан** бирор шахс зиммасида хизмат ёки мансаб ҳолатига кўра, қонун тўғридантўғри кўрсатган бўлишига қарамай, ҳаракатсизлик, тайёрланаётган жиноятни бартараф этиш, содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш ёки жиноят содир этган шахснинг келгуси жиноий фаолиятига тўсқинлик қилиш чораларини кўрмасликда намоён бўлади.

Йўл қўйиб бериш **субъектив томондан тўғри қасд** билан тавсифланади. Айбдор ўз пассив ҳуқуқворининг (ҳаракат қилишнинг реал имкони бўлгани қолда) ижтимоий хавфини тушунади ва шуни хоҳлайди.

Айтиш лозимки, олдиндан ваъда бермай жиноятга йўл қўйиб бериш хавф остида қолдириш (ЖК 117моддаси), мулкни кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш (ЖК 172моддаси), ҳокимият ёки мансаб ваколатани суиистеъмол қилиш (ЖК 205моддаси), ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 208моддаси) каби жиноятларнинг алоҳида таркиби сифатида назарда тутилган.

«Жиноятда иштирокчилик» мавзуси юзасидан яқуний саволлар

1. Иштирокчиликда содир этилган жиноятнинг юқорирок ижтимоий хавфлилиги нимада?

2. Иштирокчиликнинг объектив белгилари нималардан иборат?

3. Иштирокчиликнинг субъектив белгилари нималардан иборат?

4. Жавобгарлик келиб чиқадиган ёшга тўлмаган, ақди норасо ёки айбсиз ҳолда ҳаракат қилган шахс билан иштирокчилик вужудга келиши мумкинми?

5. Жиноят иштирокчиларининг қандай турлари мавжуд? Жиноят иштирокчиларининг қандай тури энг хавfli кўринади ва нима учун?

6. Жиноятни билвосита содир этиш нима?

7. Бошқа шахснинг жиноятни содир этиш мақсадини қўллабқувватлаган шахс далолатчи деб топиладими?

8. Далолатчилик интеллектуал ёрдамчиликдан нима билан фарқланади?

9. Жиноят содир этилишини кузатган ва унинг олдини олиш бўйича ҳеч қандай чораларни кўрмаган шахс ёрдамчи деб топилиши мумкинми?

10. Иштирокчиликнинг қандай турлари ва шакллари ажратилади? Амалдаги қонунчиликка мувофиқ иштирокчиликни шакллarga таснифлашнинг қандай мезонлари бор?

11. Биргаликдаги бажарувчилик нима? Роллар тақсимоти билан иштирокчилик нима?

12. Биргаликдаги бажарувчилик (оддий иштирокчилик) ва роллар тақсимооти билан иштирокчилик (мураккаб иштирокчилик) мавжудлигида иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларини квалификация қилиш қоидалари қандай?

13. Жиноят содир этишда оддий иштирокчилик деганда нима тушунилади? Бунда квалификация қилишнинг қоидалари қандай?

14. Мураккаб иштирокчилик нима? Унинг жиноятҳуқуқий аҳамияти нимада?

15. Уюшган гуруҳдеганда нима тушунилади?

16. Жиноий уюшма деганда нима тушунилади?

17. Бир гуруҳ шахслар деганда нима тушунилади? Агар иккинчи жиноят иштирокчиси ақли норасо шахс бўлган бўлса, гуруҳ мавжуд бўладими?

18. Уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма ўртасидаги қамда уюшган гуруҳ ва олдиндан тил бириктирган бир гуруҳ шахслар ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

19. Жиноят иштирокчиларининг жавобгарлиги асослари ва доирасини таърифлаб беринг.

20. Бажарувчи эксцесси нима, унинг қандай турлари мавжуд?

21. Муваффақиятсиз иштирокчилик деганда нима тушунилади? Муваффақиятсиз иштирокчиликда ташкилотчи, далолатчи ва срдამчининг хатти-ҳаракатларини квалификация қилиш қоидалари қандай?

22. Жиноят иштирокчилари жиноятдан ихтиёрий равишда қайтишининг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.

23. Махсус субъектли жиноятларда иштирокчилик учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

24. Жиноятга дахлдорлик нима? Жиноятга дахлдорлик ва иштирокчилик ўртасидаги фарқ нимада?

25. Жиноятга дахлдорликнинг қандай турлари мавжуд, уларнинг жиноятҳуқуқий аҳамияти нимадан иборат?

XI БОБ. БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ

1§. Бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси ва турлари

Бир шахс томонидан бир вақтнинг ўзида ёки турли вақтда бир қанча жиноятларни содир этилиши терговсуд амалиётида кўп учрайдиган ҳодисадир. Жиноят ҳуқуқида бу ҳодиса бир қанча жиноят содир этиш деб номланади.

Бир **қанча жиноят содир этиш** ҳуқуқий нуқтаи назардан тегишли ҳуқуқий оқибатларга олиб келувчи жиноятнинг муайян шакллари акс эттирувчи жиноий ҳуқуқий атама сифатида тавсифланиши лозим.

Бир **қанча жиноят содир этиш** — бир шахс томонидан бир вақтнинг ўзида ёки кетма-кет тамомланган ёки тамомланмаган бўлишидан, шахсан ўзи ёки иштирокчиликда содир этилган ёки этилмаган бўлишидан қатъи назар, ушбу жиноятларни содир этганлик учун жиноий ҳуқуқий оқибатлар мавжудлик шarti бўлганда, икки ёки ундан ортиқ ҳар бири жиноятларнинг мустақил таркибини ташкил этувчи жиноий қилмиш содир этишдан иборатдир.

Қуйидаги белгилар бир қанча жиноят содир этишга хосдир:

— ЖК Махсус қисмининг айнан бир моддасида, турли моддаларида ёки модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг шахс томонидан содир этилиши;

— бир қанча жиноятни ташкил этувчи қилмишларнинг ҳар бири алоҳида жиноят бўлиши;

— шундай жиноий қилмишларни содир этиш фактидан келиб чиқадиган жиноий ҳуқуқий оқибатларнинг мавжудлиги (жиноятлар бўйича судланганлик тугалланган ёки олиб ташланган бўлса ёхуд улар учун жиноий жавобгарлик келиб чиқиши истисно қилинадиган бўлса, бу бир қанча жиноят содир этишни ташкил қилмайди).

Айбдорнинг бири ЖК 14 моддасига мувофиқ, жиноят деб ҳисобланмайдиган ва маъмурий ёки интизомий ҳуқуқбузарлик сифатида ёхуд ахлоққа хилоф ҳаракат сифатида квалификация қилинадиган, иккинчиси эса жиноят бўлиб ҳисобланадиган қилмишлари

такроран жиноят содир этишни ташкил этмайди. Масалан, мавда безорилик (МЖТК 153моддасида кўзда тутилган) ва безорилик (ЖК 277моддаси) такрорап жиноят содир этиш (шу жумладан, бир қанча жиноят содир этиш)ни ташкил этмайди.

Бир қанча жиноят содир этиш айбдор шахсининг ҳам (шахсининг жиноятлар содир этишга, кўпинча профессионал жиноий фаолият билан шуғулланишта кўпроқ мойиллигини намоён қилади), умуман содир этилган қилмишнинг ҳам (натижада жиноят ҳуқуқи томонидан қўриқланадиган муғгосабатларнинг кенгроқ доираси зарар кўради, жамиягаинг бошқа беқарор аъзоларвда жазоланмай қолиш мумкин деган хомхаёл уйтотади, жиноятлар бузилиши ва динамикасида кенг тарқалган ҳодисага айланади) ижтимоий хавфлилиги каттароқ эканлигидан далолат беради. Бу ЖК Махсус қисмининг кўп нормаларида акс этган бўлиб, бу моддалар санкцияларида бир қанча жиноят содир этишнинг турли кўринишлари (шакллари) учун кўпроқ жавобгарлик назарда тутилган.

Бир қанча жиноят содир этишнинг юридик мазмуни шундан иборатки, у жиноятларни квалификация қилишга тўғридантўғри таъсир ўтказади, жазо тайинлашнинг махсус қоидаларини (бир неча марта содир этилганда жазо тайинлаш ва бир неча ҳукм бўйича жазо тайинлаш) келтириб чиқаради, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш масалаларини ҳал қилишга. хусусан, ярашувга (ЖК 66¹моддаси), шартли ҳукм қилиш (ЖК 72моддаси), жазони ўташдан муддатидан олдин шартли равишда озод қилиш (ЖК 73моддаси)га таъсир кўрсатади.

ЖКнинг Умумий қисмида бир қанча жиноят содир этишнинг учта кўриниши (шакли) ажратиб кўрсатилади: такроран жиноят содир этиш, жиноятлар мажмуи, рецидив жиноят. Бунда мазкур кўринишларнинг таснифи ва нисбати тўғрисида юридик адабиётларда турли нуқтаи назарлар мавжуд. Бироқ уларни тадқиқ этиш мазкур ишимиз доирасидан четга чиқиб кетган бўлар эди. Таъкидлаб ўтамизки, биз қонун чиқарувчи томонидан ЖКнинг VIII бобидан таклиф этилган таснифлашга қўшилаемиз. Бундай таснифлаш қоидаларига биноан, бир қанча жиноят содир этиш шакллари такроран жиноят содир этиш, жиноятлар мажмуи, рецидив жиноят ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқи тегишли ҳуқуқий оқибатларни, яъни жиноятларни квалификация қилиш, жазо тайинлаш хусусиятлари, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш хусусиятларини айнан шу ҳуқуқий тушунчалар билан боғлайди.

Бир қанча жиноят содир этиш турларининг шаклланишига жиноятларнинг бир хил, турдош ва ҳар хил турлари бирлашиб кетиши таъсир ўтказади.

Асосий ёки квалификация қилинувчи муҳим юридик белгилари бўйича тўла мос тушадиган жиноятлар бир хил жиноятлар деб тан олинади. Масалан, қасддан одам ўлдириш ва ўта шафқатсизлик билан содир этилган худди шундай одам ўлдиришни бир хил жиноят деб топиш лозим. Қилмишнинг квалификация қилинишга таъсир этадиган иккинчи йўл билан алоҳида усулда одам ўлдириш бу жиноятларнинг бир хил эканлигини ўзгартирмайди, чунки ҳар иккала ҳолатда ҳам жиноят содир этиш усули (бошқа одамни ҳаётдан маҳрум қилиш), шунингдек, қилмишнинг бошқа муҳим юридик белгилари (тажовуз объекти, айб шакли, субъектнинг белгилари) бир хилдир.

Тажовуз объекти, айб шакллари бўйича ўхшаш, лекин қилмишнинг объектив томони белгилари, унинг мотивлари ва мақсадларига кўра фарқланадиган жиноятлар турдош жиноятлар ҳисобланади. Масалан, номусга тегиш (ЖК 118моддаси) билан жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондириш (ЖК 119моддаси), талончилик (ЖК 166моддаси) билан ўғрилиқ (ЖК 169моддаси) турдош жиноятлардир.

Муҳим юридик белгилари бўйича тўла фарқ қиладиган жиноятлар ҳар хил жиноятлар ҳисобланади. Масалан, номусга тегиш (ЖК 118моддаси) ва давлатга хиёнат қилиш (ЖК 157моддаси), фирибгарлик (ЖК 168моддаси) ва безорилик (ЖК 277моддаси) ҳар хил жиноятлардандир.

Бир қанча жиноят содир этишни битта мураккаб жиноятлардан: давомли, узоққа чўзилган ва таркибли жиноятлардан ажрата билиш керак.

Бир қанча жиноят содир этишга хос бўлган хусусият бир неча алоҳида жиноятлардир. Тегишлича алоҳида бир жиноят бир қанча жиноят содир этишнинг таркибий элементидир. Ўзининг объектив белгиларига кўра алоҳида жиноятлар бирбиридан анча фарқ қилади. Юридик адабиётларда уларни оддий ва мураккаб жиноятларга бўлиш қабул қилинган.

Оддий алоҳида жиноятлар уч турга бўлинади: бир оқибатни келтириб чиқарувчи бир ҳаракатли (ҳаракатсизликка эга) жиноятлар; бир қилмишли ва бир неча оқибатли жиноятлар; икки ёки ундан ортиқ қилмишли жиноятлар; муқобил қилмишли жиноятлар.

Масалан, одам ўлдириш оддий алоҳида жиноятга мисол бўла олади. Бунда бир қилмиш бир оқибатни — жабрланувчининг ўлимини келтириб чиқаради. Ўғрилиқ ҳам шундай жиноят ҳисобланади. Бунда бир қилмиш — ўзганинг мулкини яширинча талонторож қилиш, бир оқибат — мулк эгасига мулкий зиён етказиш мавжуд.

Оддий алоҳида жиноят оқибатлари тегишли таркиб доирасидан ташқарида бўлган (формал таркибли жиноятлар) бир қилмишдан иборат бўлиши мумкин. Ўлдириш билан кўрқитиш ёки зўрлик ишлатиш (ЖК 112моддаси), ёлғон гувоҳдик бериш (ЖК 238моддаси) шунга мисол бўла олади.

Қонунда кўрсатилган бир неча оқибатни келтириб чиқарган бир қилмишли жиноятларга мисол ЖК 204моддасининг 1қисми бўлиши мумкин, бунда бир ҳаракат — алоҳида кўрикданадиган табиий ҳудудлар тартибини бузиш ва икки оқибат катта зарар ёки бошқа оғир оқибатлар кўрсатилган.

Икки ҳаракатли оддий алоҳида жиноятларга мансаб сохтакорлиги (ЖК 209моддаси 1қисми) мисол бўла олади. Бу ерда ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиш ва уларни тақдим этиш ушбу қилмишни содир этишнинг вариантларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Муқобил қилмишли оддий алоҳида жиноятларга, қисман, мансабдор шахснинг суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини қасддан бажармаслиги ёхуд уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиши киради. Ушбу ҳолатда жинойий жавобгарликка тортиш учун кўрсатилган ҳаракатлардан ҳеч бўлмаганда биттасининг содир этилиши етарлидир (масалан, фақат мазкур суд ҳужжатларининг бажарилишига тўсқинлик қилиш).

Мураккаб алоҳида жиноятларнинг турлари, юқорида қайд этилганидек, давомли, узоққа чўзилган ва таркибли жиноятлардир.

Давомли, узоққа чўзилган ва таркибли жиноятлар қонун чиқарувчига белгиларнинг ҳар бирини ЖКнинг муайян моддаси ёки модда қисмида тасвирланган таркибга бирлаштиришга имкон берадиган объектив ва субъектив белгиларнинг мустаҳкам юридик умумийлиги билан тавсифланади.

Давомли жиноят деганда, ягона мақсад йўлида амалга ошириладиган умумий қасд доирасида бирлашган икки ва ундан ортиқ ижтимоий хавfli ҳаракатлар тушунилади.

Давомли жиноятларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, барча жиноятларнинг ўзаро боғлиқлиги бир бутунни ташкил қилишда намоён бўладиган барча эпизодларнинг ягоналигидадир. Давомли жиноятнинг алоҳида актлари, улар мустақил жиноят характериға эга бўлмаса, мустақил квалификация қилинмайди; ўзининг йиғиндисида бир маргалик жиноят сифатида қаралади. Масалан, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (ЖК ЮЗмоддаси), кийнаш (ЖК 110моддаси), бирбириға тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларға оид устав қоидаларини бузиш (ЖК 285моддаси) ва ҳоказо.

Шундай қилиб, давомли жиноят «бир қатор айнан ўхшаш хаттиҳаракатлар билан турли вақтларда содир этилган бўлсада, бироқ ягона қасд билан қамраб олинган, объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хиллиги жиҳатидан ўзаро ўхшаш» бўлади¹.

«Давомли жиноят содир этилиши даврида шахс томонидан бошқа жиноят содир этилган бўлиб, унинг белгилари Жиноят кодексининг давомли жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси диспозитивига билан қамраб олинмаса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг давомли жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи ҳамда бошқа жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари мажмуи бўйича квалификация қилинади».

Алоҳида эътиборға талонторож ва мансабдорлик жиноятларидаги давомли жиноятларни такроран содир этиладиган жиноятлардан фарқлаш ҳоллари моликдир.

Давомли талонторож — бир қатор ўхшаш ҳаракатлардан иборат, айбдорнинг ягона қасди билан қамраб олинган ва йиғиндиси битта қилмишни ташкил этадиган ўзганинг мулкани ноқонуний ўзлаштириш умумий мақсадига эга.

Масалан, айбдор телевизор ўғирлаш мақсадида ҳар гал заводнинг кириш дарвозасидан биттадан деталь олиб чиқиб кетади. Навбатдаги шундай ҳолда у ушлаб олинганда қилмиш талонторожнинг такрорийлигини билдирмайди, чунки эллик марта бўлсада, биттадан деталь олиб чиқиб кетиш айбдорнинг ягона мақсади — телевизор ўғирлаш билан қамраб олинган. «Давомли талонторож содир этилган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари талонторож қилинган умумий суммани ҳисобга олган ҳолда тавсифланиши зарур.

Агар шахснинг ҳаракатлари давомли жиноят хусусиятита эга бўлмасдан бир неча мустақил эпизодлардан, мисол учун, ўғрилик, талончилик, фирибгарлик ва бошқалардан иборат бўлса, бу ҳаракатлар талонторож қилинган умумий суммадан келиб чиққан ҳолда тавсифланиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда жиноятни ўзганинг мулкани талонторож қилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи Жиноят кодекси моддасининг диспозициясига мувофиқ, жумладан, такрорийлик белгиси билан тавсифлаш лозим»¹.

«Пора олиш, пора бериш ёки пора олишберишда воситачилик қилишни такрорийлик белгисига кўра тавсифлаш ушбу жиноятнинг ўзини икки маротабадан кам бўлмаган миқдорда содир этилишини ва улардан ҳеч бири учун шахснинг судланмаганлигини ҳамда жинойий жавобгарликка тортишнинг муддати ўтиб кетмаганлигини тақозо этади.

Мансабдор шахснинг бир вақтнинг ўзида бир неча шахсдан пораларни олиши, башарти пора берувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида қилмиш содир этилса, такрорий пора олиш деб тавсифланиши лозим»².

Узоққа чўзилган жиноят деганда, қонун билан жинойий жазо қўллаш таҳдиди билан айбдорга юклатилган вазифаларнинг узоқ вақт мобайнида бажарилмаслигидан иборат қилмиш тушунилади ва бир жиноятнинг узоққа чўзилган узлуксиз таркибини ташкил қилади (ЖК 32моддаси 4қисми).

Узоққа чўзилган жиноятнинг ўзига хос белгисى унинг вақтдаги танаффуслар билан содир этиладиган давомли жиноятлардан фарқли равишда мунтазам давом этишидир. Узоққа чўзилган жиноят таркибини бошқа барча жиноят таркиблари турларидан ажратувчи иккинчи хусусият — бу муайян ҳаракатни амалга ошириш мажбуриятининг мавжудлигидир. Ушбу мураккаб бир марталик жиноятнинг бу тури вазифаларни бажармасликнинг ниҳоясига етиши пайтидан тугалланган деб ҳисобланади, чунки узоққа чўзилган таркибли жиноятларнинг объектив томони қасднинг ягоналиги ва жинойий

қилмишнинг бошланғич босқичи ва айбдорнинг кейинги ҳаракатлари ўртасидаги ички боғлиқлик билан қамраб олинган бутун давр мобайнида амалга оширилади. Муайян вақтда давом этувчи ягона жиноятни ташкил қиладиган вазифаларни узоқ вақт бажармаслик ҳам битта умумий қасдга йўналтирилган бўлади. Қанча вақт мобайнида амалга оширилишидан қатъи назар, битта жиноят сифатида, такроран содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик актларини эса узоққа чўзилган жиноятни содир этиш бўйича битта қилмишнинг қатори сифатида кўрилиши керак. Узоққа чўзилган жиноятларга қурол, ўқдорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга ҳилоф равишда эгаллик қилиш (ЖК 248моддаси), ўзининг биронбир аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш (ЖК 290моддаси), зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 138моддаси) ва бошқалар мисол бўлади.

Муайян ҳаракатни бажариш ва иш орқали жинойий хулқни тузатиш мажбурияти турли хил нормативҳуқуқий актлардан келиб чиқиши мумкин. Масалан, ЖК 122моддаси — Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, ЖК

123моддаси — Отаонани моддий таъминлашдан бўйин товлаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64, 66моддалари қоидаларидан тўғридантўғри келиб чиқади¹.

Таркибли жиноятлар ўз ичига икки ёки ундан ортиқ битта алоҳида жиноятни ташкил этувчи жиноятларни олади. Мураккаб алоҳида жиноятларнинг ушбу тури ажратиб олиб ва субъектив йўналганлигини ҳисобга олмай ҳуқуқий баҳо берганда, ЖКнинг турли моддаларида назарда тутилган мустақил қилмишлар сифатида кўриб чиқиш мумкин бўлган ғайриҳуқуқий ҳаракатларни таркибий элементлар сифатида ўз ичига олади. Бироқ, тегишли жиной қилмиш тузилишида бу ҳаракатлар мустақил аҳамиятга эга эмас, алоҳида квалификация қилинмайди, балки ушбу жиноятнинг таркиби доирасига кириб кетади. Бошқача қилиб айтганда, улар бир қанча жиноят содир этиш эмас, битта алоҳида жиноят таркиби доирасига кириб кетади. Масалан, безорилик қўпинча жабрланувчини ҳақорат қилиш, уришдўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш, ўзганинг мулкига қасддан шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш ва ш.к. лар билан бирга рўй беради, бироқ кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар мустақил жинойиҳуқуқий баҳоланмайди. Шахсга, фуқароларнинг мулкига нисбатан кўрсатилган тажовузлар билан боғлиқ безорилик ҳаракатлари безориликнинг таркиби билан тўла қамраб олинади ва ЖКнинг бошқа моддалари билан қўшимча квалификация қилинмайди¹. Бу тажовузлар (икки ёки ундан ортиқ) уларнинг ички бирлиги ва органик алоқаси туфайли жиноятнинг бир таркибига бирлашади.

Таркибли жиноят — ҳар бири алоҳида ажратилган ҳолда мустақил жиноят бўлган, бироқ уларнинг органик бирлиги туфайли ЖК Махсус қисмининг моддалари билан қамраб олинган ягона жиноятни ташкил этувчи ўзаро боғланган қилмишлардан иборат жиноятдир.

Алоҳида таркибли жиноятга амалда иккита ижтимоий хавfli қилмиш, яъни талончилик (ЖК 166моддаси) сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ўзганинг мулкани очикцақочик талонторож қилишни ва ЖК 104, 105, 112моддаларида назарда тутилган жиноят белгиларига мос тушиши мумкин бўлган соғлиқ ёки ҳаёт учун хавfli бўлган жисмоний зўрлик ишлатиш ёки бундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитишни бирлаштирган босқинчилик (ЖК 164моддаси) мисол бўла олади. Алоҳида таркибли жиноятлар сирасига ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206моддаси), безорилик (ЖК 277моддаси)ни ҳам киритиш мумкин.

2§. Такроран жиноят содир этиш

Жиноятни такроран содир этиш — бир хил, баъзан эса бир турдаги жиноятлардан иборат ўзига хос тузилишга эга барқарор алоқалар тизимидир.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади (**ЖК 32моддаси 1қисми**).

Такроран жиноят содир этишнинг бир қапча белгилари куйидагилардир:

- шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилиши;
- жиноятнинг турли вақтларда содир этилиши;
- айнан бир моддада, қисмда, баъзи ҳолларда эса, турли моддаларда назарда тутилган янги жиноятнинг содир этилиши;
- шахснинг содир этилган жиной қилмишларидан бирортаси учун ҳам судланмаганлиги.

Жиноят қонуни маъносида такроран жиноят содир этиш (умуман, бир қанча жиноят содир этиш сингари) бир шахс томонидан ҳар бири жинойи жазога сазовор, жиноят бўлмиш ижтимоий хавfli ҳаракатларни камида икки марта содир этишни назарда тутди. Жиноят кодекси қатор диспозицияларида маъмурий преюдиция назарда тутилган ҳолларига қарамай, ҳаракатлардан бири ўзида маъмурий ҳуқуқбузарлик, бошқаси жинойи қилмиш белгиларини акс эттирувчи шахс қилмиши такроран жиноят содир этиш белгилари бўйича квалификация қилиниши йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатдир. Масалан, «Жиноят кодексининг

183моддаси бўйича жиноий жавобгарликка маъмурий тартибда жавобгарликка тортилганидан кейин бир йил мобайнида монополияга қарши қонунларни такроран бузган шахслар тортилиши лозим». Бироқ, маъмурий преюдициянинг мавжудлиги жиноий жазога сазовор жиноятларнинг ҳам маъмурий преюдициясида такроран содир этишни тан олиш имкони ва зарурати сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. **ЖК 32моддаси 1қисмининг** мазмунида қонун чиқарувчи такроран жиноят содир этиш деганда, айбдор томонидан ҳам биринчи, ҳам кейинги ҳолларда жиноят қонуни нуқтаи назаридан жиноят деб топиладитан ҳаракатларни содир этишини назарда тутгани шубҳасиздир.

«Тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек, иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади» (**ЖК 32моддаси 1қисми**). Бунда шуни ҳам унутмаслик керакки, «умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бирбирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди» (**ЖК 32моддаси 3қисми**). Худди шундай «вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган (узоққа чўзилган) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди» (**ЖК 32моддаси 4қисми**).

Жиноятларнинг турли вақтларда содир этилиши (кетмакет содир этилиши) уларнинг бирбиридан вақт бўйича ажратилиши, яъни уларнинг ҳар бири кейингисидан кичик бўлсада, муайян вақт оралиғи билан ажратилишини тақозо этади. Вақтдаги узилиш давомли бўлмаслиги мумкин, бироқ у ҳар доим бир жиноятни бошқасидан ажратиш имконини бериши лозим. Бироқ, бундай вақт оралиғи содир этилган жиноятлар ўртасида айбдорнинг ҳуқуққа хилоф ҳулки жиноятга қарши йўналтирилганлигининг барқарорлик даражаси ва хавфлилигини акс эттирувчи ўзаро ички алоқаси ва боғлиқлиги йўқотилишига олиб келган ҳолатда давомли бўлиши мумкин эмас.

Шахс томонидан содир этилган биринчи (илгариги) ва янги (кейинги) жиноят ўртасида ўзаро алоқа ва боғлиқлик мазкур шахс жамиятга қарши (жиноий) ҳулкининг давом этиши сифатида қараш имконини берувчи такроран жиноят содир этишда мавжуд бўлади. Мазкур алоқа қайд этилишининг жиноийҳуқуқий усули бўлиб, илгари содир этилган жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари ҳисобланади. Оқибатда, илгариги ва кейинги содир этилган жиноят ўртасида олдинги жиноятнинг жиноийҳуқуқий оқибатларини бекор қилмайциган муддатларгина ўтиши мумкин. Илгариги ва кейинги жиноят ўртасида биринчи қилмишнинг жиноийҳуқуқий аҳамиятини бекор қилувчи катта вақт даври ўтган бўлса, жиноятларнинг бундай бирикуви, такроран жиноят содир этиш ҳақида сўз юритиш имконини бермайди. Шуни таъкидлаш лозимки, «агар шахс илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмайди» (**ЖК 32моддаси 2қисми**).

«Қасддан такроран ёки илгари содир этилган жиноят учун судлангандан сўнг қасддан янги жиноят содир этилиши, агар биринчи жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган, судланганлик белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган ёхуд шахс муқаддам содир этган жиноий хаттиҳаракат учун қоғунда жавобгарлик бекор қилинган бўлса, шунингдек, ЖК 65, 66, 661, 68, 69, 70, 71, 76моддаларига биноан шахс илгари содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилган бўлса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилиши мумкин эмас».

Моҳиятан, жиноятларни турли вақтларда содир этиш субъектда жамиятга қарши қарашлар ва мотивлар барқарорлигининг гувоҳлиги, айбдор шахсининг юқори ижтимоий хавфлилиги кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Жиноятларни турли вақтда содир этиш субъектнинг турли хил ҳаётий вазиятларда бўлиши ва ижтимоий нормалар ҳамда жиноят қонунига мувофиқ, ҳуққатвор вариантини танлаш реал имкониятига эга бўла туриб, қонун билан тақиқланган ҳуққатворни танлашини кўрсатади. Ҳар бир муайян вазиятда тегишли ҳуққатворни танлашда шахс ҳуқуққа хилоф вариантларни танлар экан, бу жамиятга қарши ҳаракатлари қарашларининг барқарорлиги, муайян ҳаётий позицияси унинг юқори ижтимоий хавфлилигидан далолат беради.

Такрорийликда фақат жиноятчи шахси эмас, балки содир этилган қилмишнинг ўзи ҳам катта ижтимоий хавф туғдиради. Такрорийликни ташкил этувчи иккинчи ва кейинги жиноятлар катта хавф туғдиради, чунки жиноят ҳуқуқи томонидан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга, кўп жабрланувчиларга катта зиён етказди, Бу ҳолатни инобатга олган ҳодда, қонун чиқарувчи такроранликни кўп жиноятларнинг квалификация қилинувчи

белгиларига киритган (масалан, ЖК 97моддаси 2қисми «р» банди, 118моддаси 2қисми «б» банди, 135моддаси 2қисми «а» банди ва ш.к.).

Қоида тариқасида, такроран жиноят содир этиш бир хил жиноятларни содир этишни ташкил этади; масалан, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш (ЖК 177моддаси) мазкур жиноятни яна бир бор содир этилган ҳолдагина такроран содир этилган деб топилади ёки Жиноят кодекси Махсус қисми моддасининг бир қисми бўйича, агарда мазкур моддада мазкур жиноятларга жиной жавобгарлик белгиланган бўлса (масалан, ЖК 228, 248, 273моддалари).

Жиноят кодексида назарда тутилган алоҳида ҳолларда, жиноятни такроран содир этиш нафақат бир хил, балки бир турдаги ёки турли турдаги жиноятларнинг бирикувидан ташкил топади. Масалан, номусга тегишдан (ЖК 118моддаси) сўнг содир этилган жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (ЖК 119моддаси) каби бир турдаги жиноятларни айбдорнинг бу жиноятларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган тақдирда такроран жиноят содир этиш деб квалификация қилиш лозим.

Бунга мисол сифатида бир турдаги жиноят таркибларидан дарак берувчи таркиблар махсус кўзда тутилган мансабдорлик жиноятларини содир этишни келтириш мумкин. Масалан, ЖК 210моддаси 2қисми «а» банди, 211моддаси 2қисми «а» банди, 212моддаси 2қисми «а» банди, 213моддаси 3қисми «а» банди.

Жавобгарлик Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида алоҳида назарда тутилган ва мазкур тажовуз Махсус қисм турли бобларига тегишли жиноятларни содир этиш ҳар хил турдаги жиноятларни такроран содир этиш деб топилади. Бошқача қилиб айтганда, кейинги ижтимоий хавфли қилмиш турли хил турдош объектларга тажовуз қилади. Жиноят кодексида мазкур таркиблар жуда кўп, уларга қуйидагилар киради: ЖК 104моддаси 3қисми «б» банди, 105моддаси 2қисми «к» банди ЖК 97моддаси билан биргаликда; ЖК 128моддаси 2қисми «б» банди ЖК 118 ва 119моддалари билан биргаликда; ЖК 131моддаси 2қисми «б» банди ЖК 135 ва 137моддалари билан биргаликда ва бошқалар.

Шахснинг содир этган жиноятлардан бирортаси учун ҳам судланганлик фактининг йўқлиги — такроран жиноят содир этишни жиноятлар рецидивидан фарқдашга имкон берувчи асосий белгилардан биридир. Мазкур белгининг мазмуни шундан иборатки, такроран жиноят содир этишни ташкил қилувчи ҳар бир жиноят жинойиҳуқуқий оқибатга эга бўлади. Бу шуни англатадики, жиноятни такроран содир этиш фақатгина айбдор шахс жинойи жавобгарликка тортилмаган ёки Жиноят кодекси Умумий қисми XII боби қоидалари асосида жинойи жавобгарликдан озод этилган ёхуд Жиноят кодекси Умумий қисми XIII бобида назарда тутилган ҳолатлар асосида жазодан озод этилган ҳоллардагина мавжуд бўлади.

Судланганлик каби жинойиҳуқуқий оқибат (унинг айбдор шахсдан олиб ташланмаган ёки ўчмаганлиги ҳолларида) фақат рецидивга, табиийки, бир қанча жиноят содир этишнинг мазкур шаклига тегишли шартлар мавжуд бўлса, тегишли бўлади.

Жиноятни такроран содир этиш белгиси кўпгина моддаларда ижтимоий хавфли қилмишнинг квалификация белгиси бўлганлиги сабабли шахс томонидан содир этилган жиноятлар мазкур ҳолда Жиноят кодекси моддасининг такроран жиноятни содир этиш учун жазони назарда тутувчи тегишли қисми бўйича квалификация қилинади. Муайян жиноят таркиби конструкциясида мазкур баҳоловчи белги назарда тутилмаган бўлса, қилмиш суд томонидан ЖК 56моддаси 1қисми «н» банди асосида жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинади.

Такроран жиноятни содир этиш белгилари тугалланган ва тугалланмаган жиноятларга ҳам, шунингдек, иштирокчиликда содир этилган жиноятларга ҳам тегишлидир. Қонуннинг мазкур қоидаларидан, тугалланмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар жинойи жазога сазовор ҳуқуқвор деб топилар экан, тегишли равишда такроран жиноятни содир этиш белгалари мавжудлигида шахс,

Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддалари бўйича Умумий қисм 25моддаси (Гайёргарлик ёки суиқасд) тегишли қисмига ва такроран жиноят содир этиш квалификациясини назарда тутувчи Махсус қисм моддаси муайян банди ва қисмига ҳавола қилиниб жавобгарликка тортилади. Иштирокчиликда содир этилган жиноятларга ҳам квалификация қоидалари айбдорнинг роли ва иштирокчилик шакли кўрсатилган ҳолда қўлланилади.

Юридик адабиётда такроран жиноятни содир этишнинг икки тури белгиланган: умумий ва махсус.

Умумий такрорийлик, коида тарикасида, бир турдаги ёки ҳар хил турдаги жиноятларни такроран содир этишдан иборат. Бу ЖК 56моддаси 1 қисми «н» банди тартибида оғирлаштирувчи ҳолат деб топилади ва тегишлича содир этилган қилмишни квалификация қилишга таъсир ўтказмайди.

Махсус такрорийлик — юқорида сўз юритилган, жиноятни квалификация қилишга ва жазонинг оғирлигига таъсир этадиган ҳамда қасддан бир хил янги жиноят содир этиш ёки алоҳида назарда тутилган ҳолларда қасддан бир хил ёхуд ҳар хил жиноятлар содир этишдаги такроранликдир.

3§. Жиноятлар мажмуи

Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жинойи қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади (**ЖК 33моддаси 1қисми**).

Жиноятлар мажмуи учун қуйидаги белгилар ҳосдир:

- шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этилиши;
- ЖК Махсус қисмининг мустақил моддалари бўйича квалификация қилинадиган, яъни бир хилдаги ёки ҳар хил жиноятлар содир этилиши;
- агарда бирортаси учун ҳам шахс судланмаган бўлса, яъни улар ҳеч бўлмаганда биттаси учун суд ҳукми чиққунига қадар содир этилган бўлиши.

Шахсининг икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этиши, жиноятлар мажмуининг зарур белгиси сифатида, жиноятларнинг ҳар бири алоҳида, мустақил, ягона жиноят хусусиятига эга эканлигини англатади. Бунда уларнинг уйғунлашиб кетиши турлича бўлиши мумкин. Масалан, айбдор икки ёки ундан ортиқ оддий алоҳида жиноят содир этиши ёки битта оддий ва шу билан бирга давомли ёхуд узоққа чўзилган жиноят содир этиши ё бўлмаса иккита давомли ёки узоққа чўзилган жиноят содир этиши мумкин.

Жиноят мажмуи учун, шунингдек, жиноятлар кетмакетлиги турли вақтларда содир этилиши ҳосдир. Кейинги жинойи қилмиш маъмурий ёки бошқа ҳуқуқбузарликни эмас, балки айпан жинойи ташкил этади. Фақат шуни таъкидлаш лозимки, жиноят мажмуи бир қилмиш билан иккита жиноятни содир этиш ҳолларида ҳам вужудга келиши мумкин. Бу ҳодиса жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларнинг идеал мажмуи (жами) деб номланади.

Жиноят кодексининг турли моддаларига тушадиган қилмишларни содир этиш қонунда «...Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган» қилмишларни содир этиш каби ифодал анадиган турли хилдаги ва бир турдаги жиноятларни содир этиш мажмуи деб тан олишдан бошқа нарса эмас.

ЖК 33моддаси 2қисмига асосан, «агар шахс содир этган қилмишга ушбу Кодекс Махсус айнаи бир моддасишг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқжазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади». Шунинг назарда тутиш зарурки, ушбу норма ижтимоий хавfli қилмишнинг мазмунда ЖК Махсус қисми айнан бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган квалификацияловчи белгилар мавжуд ҳолларни назарда тутати. Айпан шундай ҳолларда қонун чиқарувчи оғирроқжавобгарлик назарда тутилган модда қисми бўйича жавобгарлик келиб чиқишини белгилаб қўйган. Бундай ҳолларда, ижтимоий хавfli қилмиш содир этишда жиноятлар мажмуи мавжуд эмас. Бироқ бир қатор ҳолларда ҳар хил жиноятлар учун жавобгарлик ЖК Махсус қисмининг айнан турли моддаларида назарда тутилади. Бу, асосан, модда қисми тегишли алоҳида жиноятни тўла тасвирлаб мустақил санкцияга эга бўлган моддаларда мавжуд. Масалан, ЖК 148моддасининг 1қисмида билатуриб, ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган, ушбу модданинг 2қисмида эса аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш учун; ЖК 234моддаси 1қисмида била туриб қонунга хилоф равишда ушлаб туриш учун, шу молданинг 2қисмида эса, била туриб қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш учун жавобгарлик белгиланган. Шунинг учун агар айбдор аввалига шахсни ишга тиклаш ҳақидаги суд

қарорини бажармаган бўлса, кейин аёлни ҳомиладорлиги мотивига асосланиб ишга қабул қилмаган бўлса унинг ҳаракатлари меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш сифатида ЖК 148моддаси 1 ва 2қисмлари бўйича квалификация қилиниши лозим,

Жиноятлар мажмуи фақат ҳар хил ёки турдош жиноятлар бўйича ҳосил бўлади, лекин айнан бир хил жиноятлар бўйича ҳосил бўлмайди. Жиноятлар мажмуининг жиноятлар такроранлигидан фарқи ҳам мана шунда. Жиноятлар мажмуида содир этилган қилмиш ҳар доим шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ турдош ёхуд мустақил квалификация қилинадиган ҳар хил жиноятлар содир этилишини назарда тутаяди, жиноятлар такроранлигида эса содир этилаётган ижтимоий хавфли қилмиш бир хил бўлади ва фақат алоҳида ҳолларда турдош ёки ҳар хил бўлиши мумкин.

Масалан, ўғрилик (ЖК 169моддаси) ва одам ўлдириш (ЖК 97моддаси) да жиноятлар мажмуи мавжуд. Бу қонунта зид қилмишлар жинойиҳуқуқий ҳимоянинг турли объектларига қаратилган: биринчиси — ўзганинг мулкни яширинча талонторож қилиш, иккинчиси — бошқа одамни зўрлик ишлатиб ҳаётдан маҳрум қилиш. Бу ҳолатда ҳар хил жинойиҳ тажовузлар яққол мавжуд. Масалан, ўғрилик (ЖК 169моддаси) ва фирибгарлик (ЖК 168моддаси) содир этишда жиноятлар мажмуида тажовузларнинг турдошлиги ҳақида гапириш мумкин бўлиб, буларда айнан бир объектга тажовуз ҳақида гап бормоқда ва улар ЖК Маҳсус қисмининг бир бобига бириктирилган.

Жиноятлар мажмуининг муҳим белгисига кўра, жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи ёки бир неча жиноятларнинг биронтаси учун ҳам шахс судланган бўлмайди, яъни жиноятлар жамига кирувчи қилмишларнинг ҳар бири судлангунга қадар содир этилади, ҳали суд томонидан муҳокама қилинмаган ва унинг юзасидан айблов ҳукми чиқарилмаган бўлади. Мазкур белги жиноят қонунда «уларнинг бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса» ибораси билан ифодаланган.

Жиноятлар мажмуи унинг таркибига кирувчи барча қилмишларнинг шахс томонидан судлангунгача содир этилишини англатади. Бундан ташқари, шуни унутмаслик керакки, айбдор шахс илгари содир этган жиноят учун Жиноят кодекси Умумий қисми XII боби моддалари асосида жинойиҳ жавобгарликдан озод этилмаган бўлса, жиноятлар мажмуи бўйича жинойиҳ жавобгарликка тортилади. Шахс жазодан озод этилсада, бироқ жавобгарликдан озод этилмаса ва судланганлик каби жинойиҳуқуқий оқибат олиб ташланмаган ёки ўчмаган бўлса, бу ҳолат жиноятлар мажмуи эмас, балки рецидив жиноят деб топилиши керак.

Жиноятлар мажмуи жиноят ҳуқуқи назариясида турларга бўлинади: жиноятлар идеал мажмуи ва жиноятлар реал мажмуи.

Жиноятларнинг реал мажмуи турли вақтларда содир этиладиган икки ёки ундан ортиқ ҳар хил жиноятларни содир этиш учун жавобгарликни кўзда тутувчи бир қанча жиноят содир этиш шаклидир.

Бошқача қилиб айтганда, айбдор ҳар хил мустақил ҳаракатлар билан икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этади. Судтергов амалиётида жиноятлар мажмуининг мазкур тури жиноят идеал мажмуига қараганда кўпроқ учрайди.

Вақт бўйича жиноятлар реал мажмуига кирувчи узилиш туфайли бу ҳолатни квалификация қилиш қийинчилик туғдирмайди: қанча жиноят бўлса, улар назарда тут.илган ЖКнинг шунча моддаси бор. Масалан, аввал босқинчилик (ЖК 164моддаси), кейин безорилик (ЖК 277моддаси) содир этилган.

Жиноятлар реал мажмуининг хусусияти қилмишларнинг вақтда бирбирига мос тушмаслигидир. Бунда жинойиҳ қилмишлар бир вақтда содир этилгандек бўлиб кўриниши ҳам мумкин. Бундай комбинацияга фақат бир субъект содир этган қилмишлар умумий белгиларга эга бўлган вазиятлардагина йўл қўйилиши мумкин. Масалан, қисман, безорилик оқибатида одам ўлдириш (ЖК 97моддаси 2қисми «л» банди) ЖК 277моддаси бўйича кўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Айни пайтда «агар жамоат тартибини кўпол равишда бузиш ва жамиятга нисбатан очикданочик хурматсизлик билдириш, шунингдек, ўзганинг молмулкни йўққилиш ёки унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар айбдор томонидан безорилик оқибатида одам ўлдириш жиноятидан сўнг қасддан содир этилган бўлса, қилмиш ЖК 97моддаси иккинчи қисмининг «л» банди ҳамда Жиноят кодекси 277моддасининг тегишли қисмлари бўйича квалификация қилиниши керак»¹.

Жиноятларнинг идеал мажмуи — бир неча жиноятларнинг конструктив таркибий қисми бўлиб, бунда бир қилмиш билан бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ

жиноятлар содир этилади, аниқроқ қилиб айтганда, икки ёки ундан ортиқ жиноий оқибатлар юзага келади. Бунда шахс бир ҳаракат билан иккита жиноят содир этаётганлиги ҳақида гапириш ўринлидир. Масалан, шахс ўч олиш мақсадида қўшнисининг уйига унинг мулкани нобуд қилиш ва қариндошларини ҳаётдан маҳрум этиш ёки уларга оғир тан жароҳати етказиш ниятида ўт қўяди. Бундай ҳолда шахс икки жиноят содир этмоқда: ўзганинг мулкани йўқ қиляпти (ЖК 173моддаси) ва одам ўлдирмоқца (ЖК 97моддаси) ёки оғир тан жароҳати етказаётир (ЖК 104моддаси).

Судтергов амалиётида жиноятлар мажмуипиғ мазкур тури жиноят идеал мажмуига караганда кўпроқучрайди.

Жиноятлар идеал мажмуида содир этилган жиноятларни квалификация қилиш жиноятлар реал мажмуидагига караганда мураккаброкцир.

Жиноятлар идеал мажмуи қонун чиқарувчи томонидан махсус нормаларда инобатга олинмаган ҳолларда содир этилган қилмиш ЖК Махсус қисмининг бир неча моддалари бўйича квалификация қилинади. Юқорида келтирилган мисол айнан қонун чиқарувчи томонидан инобатга олинмаган жиноятлар идеал мажмуи ҳисобланади. Қонун чиқарувчи томонидан жиноятлар идеал мажмуи Махсус нормада инобатга олинган ҳолларда содир этилган қилмиш ЖК Махсус қисмининг фақат шу нормаси бўйича квалификация қилинади.

Қонун чиқарувчи томонидан махсус нормада инобатга олинган жиноят идеал мажмуига ЖК 102моддаси бўйича эҳтиётсизлик натижасида одам ўлдириш белгилари бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этувчи ўлимга олиб келганлик факти мавжуд бўлишига қарамай, ЖК 104моддаси 3қисмининг «д» банди билан қамраб олинган жабрланувчининг ўлимига олиб келган қасддан танага оғир шикаст етказиш мисол бўла олади. Жабрланувчига таносил касаллигини юқтириш билан бирга рўй берган ва ЖК 118моддаси 3қисмининг «д» банди билан қамраб олинган ҳолда номусга тегишни (оғир оқибатларга олиб келган номусга тегиш) ҳам шунга ўхшаш мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин.

Худди шундай, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий тушунтиришларита кўра, «агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгилари Жиноят кодекси тегишли моддаси диспозициясида 1сўрсатилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгарлик белгилувчи битта моддаси билан квалификация қилиниши керак. Бунда қилмишни енгилроқ жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди (масалан, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш фақат ЖК 182моддаси иккигчи қисми «г» банди бўйича квалификация қилиниши лозим)».

«Агар қонуннинг битта нормасида жиноят натижасида келиб чиқадиган турли ижтимоий хавфли оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, қилмиш жиноятлар мажмуи сифатида Жиноят кодексининг бевосита ҳар бир объектга зиён етказилиши учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари билан квалификация қилиниши керак».

«Амалдаги қонунларга мувофиқсавдо фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинади. Бундай рухсатноманинг йўқдиги, айбдор муқаддам шундай ҳаракатлар учун бир йил мобайнида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, Жиноят кодексининг 190моддаси бўйича жавобгарликни юзага келтиради.

Агар бунда айбдорнинг савдо фаолиятини фақат рухсатнома (лицензия)сиз амалга оширибгина қолмай, балки рўйхатдан ўтишдан ҳам бўйин товлаганлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 188 ва 190моддалари мажмуи билан квалификация қилинмоғи лозим».

Жиноятларнинг идеал мажмуини жиноятҳуқуқий нормалар рақобатидан ажратиш лозим. Жиноятҳуқуқий нормалар рақобати айбдор шахс қилмишининг Жиноят кодекси Махсус қисми икки ёки ундан ортиқ моддалари бўйича квалификация қилиш мумкинлиги аниқданган жиноятларнинг идеал мажмуи билан ташқи ўхшашликка эга бўлади. Битта

қилмиш билан содир этиладиган икки ёки ундан ортиқ жиноятлар бўлганда ва уларнинг ҳар бири Махсус қисм турли моддалари билан кўзда тутилган жавобгарлик бўлгандаги жиноятлар идеал мажмуидан фарқли ўлароқ жиноятхукукий нормалар рақобатида икки ёки ундан ортиқ жиноятхукукий нормалар белгилари, яъни Махсус қисм моддалари билан қамраб олинмаган битта қилмиш бўлади. Амалдаги жиноят қонуни мазкур вазиятда қайси норма қўлланиши лозимлигини кўрсатмавди. Бошқа томондан, рақобатдаги нормалар йиғиндиси бўйича қилмишни квалификация қилиш нотўғридир, чунки, биригчидан, бу битта жиноий қилмиш содир этилган бўла туриб, сунъий равишда бир қанча жиноят содир этишни юзага келтиради; иккинчидан, қатор ҳолларда рақобатдаги нормаларни жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш асоссиз тарзда жиноий жавобгарликни оширади. Бу борада нормалар рақобатлашувида квалификация қилиш қоидалари мавжуд.

Хусусан, энг кенг тарқалган рақобатдаги нормалар тури — бу умумий ва махсус норма рақобатидир. Мазкур ҳолатда рақобатлашувчи иккита жиноятхукукий нормалардан бири умумий, иккинчиси эса, махсус, яъни умумий нормада баён этилган турли хил қилмишларни назарда тутувчи норма бўлади. Бу ерда нормалар мажмуи бўйича квалификация қилиш мумкин эмас, шахсни махсус нормани қўллаб айбдор деб топиш тўғрироқ бўлади. Масалан, ўзбошимчалик, яъни ҳақиқий ва фараз қилинган ҳуқуқдарни амалга ошириш (ЖК 229моддаси) ва ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш (ЖК229'моддаси). Қуйидагилар умумий нормага нисбатан махсус нормани қўллашга асос бўлиб ҳисобланади. Ҳар икки модда содир этилган қилмишни у ёки бу даражада қамраб олади. Бироқ махсус норма нисбатан аниқроқ диспозицияни ва шундан келиб чиқиб, содир этилган ҳуқуққа хилоф ижтимоий хавфли қилмишнинг ўзига хос хусусиятлари ва специфик томонларининг аниқланишини назарда тутгани учун махсус норманинг қўлланилиши қилмиш квалификацияси нуқтаиназаридан қам, айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш нуқтаиназаридан ҳам асосли бўлади. Шундай қилиб, ЖК 229'моддаси ЖК 229моддасида мустақамланган белгилар билан бир қаторда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик характери ва даражасини ифодаловчи махсус белгиларга ҳам эга.

Квалификацияловчи белгиларга эга қилмиш содир этилган бир пайтда, ушбу қилмишда айбни енгиллаштирувчи квалификация қилишга сабаб бўладиган бошқа белгилар ҳам мавжуд бўлганда, жиноятлар мажмуи бўлмайди. Қилмиш мазкур ҳолатда жиноятни содир этганлик учун енгилроқ жазони кўзда тутган ЖК моддаси бўйича квалификация қилинади (масалан, аффе́кт ҳолатида ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш, ЖКнинг 98моддаси билан квалификация қилиниши зарур).

«Агар айнан бир жиноятни содир этганлик учун жиноий жавобгарликни енгиллаштирувчи квалификация белгилари Жиноят кодексининг бир неча моддасида назарда тутилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг жавобгарликни кўпроқ енгиллаштирувчи моддаси билан квалификация қилиниши керак (масалан, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб ва кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдириш фақат ЖК 100моддаси билан квалификация қилиниши лозим)»¹.

Рақобатдаги нормаларни нормалар коллизиясидан фарқлаш талаб этилади. Зеро, охириги ҳолат нормалар ўртасида муайян зиддият, қарамақаршилиқ мавжуд бўлишини тақозо этади, рақобатдаги нормаларда эсабу ҳолат йўқ. Нормалар коллизияси, мазкур нормаларга алоқадор конкрет жиноятлар мавжудми ёки йўқми, бундан қатъи назар, вужудга келиши мумкин.

4§. Рецидив жиноят

Рецидив жиноят бир қанча жиноятлар тизимида энг хавфли шаклидир.

Шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади (**ЖК 34моддаси 1қисми**).

Рецидив жиноят бир қанча жиноятлар шакли сифатида, илгариги қасддан қилган жинояти учун шахс муайян турдаги жазога ҳукм қилинганидан кейин қасддан янги жиноят содир қилганликдан иборатдир. Бу қуйидаги иккита белгига асосланган умумий ёки оддий рецидив жиноятдир:

— қасддан янги жиноят содир этилиши;

— илгари қасддан содир этилган жиноят учун шахснинг ҳукм қилинганлиги.

Таъкидлаш жоизки, мазкур белгилар ЖК 34моддасида кўрсатиб ўтилган, барча турдаги рецидив жиноятлар учун оддий, хавфли ва ўта хавфли рецидив жиноятлар учун умумий бўлиб ҳисобланади.

Рецидив жиноят шахс илгари содир қилган жинояти учун судланганидан кейин Махсус қисмнинг бошқа бир моддасида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этишидир. Шу сабабли айбнинг эҳтиётсизлик шаклидаги икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиш ҳоллари, гарчи шахс эҳтиётсизлик орқасида содир этган жинояти учун илгари жавобгарликка тортилган бўлсада, рецидив жиноят деб топилиши мумкин эмас. Мазкур қоида тўла равишда эҳтиётсизлик орқасида ва қасддан жиноят содир этиш ҳолларига ҳам тегишлидир.

Судлангандан сўнг такроран қасддан жиноят содир этилиши шахснинг унга огоҳлантирувтарбиявий таъсир этилганлигига қарамай, тўғри йўлга кирмаганлигидан гувоҳлик беради. Шунинг учун, бундай жиноят жамият ва давлат томонидан янада қаттиқроқ қайта жавобни (реакцияни), рецидивистга нисбатан кўшимча жиноий жавобгарлик ва жазо чораларини қўллаш заруратини тақозо этади.

Рецидив жиноятларга турли вақтда, кетмакет содир этилиш хос бўлиб, бунда қасддан содир этиладиган янги жиноятлар ўхшаш, бир турдаги ва ҳар хил турдаги жиноятлар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, «Жиноят кодекси 34моддаси мазмунига кўра, рецидив жиноят мавжудлиги ҳақидаги масалами ҳал этишда шахс судланаётган ёки муқаддам судланган қасддан содир этилган жинояттамом бўлган ёки тамом бўлмаган жиноят эканлиги, ШУнингдек, ушбу жиноятлардан қай бирида бўлсин шахс бажарувчи ёки иштирокчи бўлганлиги аҳамиятга эга эмас».

Рецидив жиноятнинг аниқдовчи белгиси шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун ҳукм қилинганлигидир. Ҳукм қилилганлик рецидив жиноятни такроран жиноят содир этишдан фарқлаш имконини берувчи асосий белги бўлиб ҳисобланадиган жиноийҳуқуқий оқибатдир.

«Такроран ва рецидив жиноят содир этилиши қонунда белгиланган асослар ва доирада оғирроқ жазо тайинланишига олиб келишини инобатга олиб, ҳар бир иш бўйича ЖК 77—80моддаларига мувофиқ тугалланган ёки олиб ташланган судланганлик ҳолати мавжудлиги ҳақидаги материаллар текшириб чиқилиши ва шунга асосланиб, рецидив жиноят борйўклиги тўғрисидаги масала ҳал этилиши керак». Шу билан бирга, маҳкумнинг ҳолатини оғирлаштиришнинг олдини олиш мақсадида, шунинг эса тутиш лозимки, ЖКнинг 65, 66, 66', 68, 69, 70, 71, 76моддаларига биноан шахс илгари содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилган бўлса, судланганлиги белгиланган тартибда олиб ташланган ёки ўчган бўлса, шунингдек, қонунда шахс илгари содир қилган қилмиш жиноийлиги бекор қилинган тақдирда, судланмаган ҳисобланади.

Судланганликнинг мавжудлиги у ёки бу даражада жазонинг тури ва ҳажмига таъсир этади ҳамда турли хил жиноийҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Илгари жиноий жавобгарликка тортилиб, кейинчалик яна қасддан жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазо тайинлаш масаласини ҳал қилишда, судлар жазо тайинлашнинг индивидуаллаштириш принципига асосланиб, ашаддий тарзда тузалиш йўлига тушишни истамаётган рецидивист шахсларга асоссиз равишда енгилроқ жазо бериш ЖК мақсадлари рўёбга ошишига халақит беришини инобатга олишлари шарт.

Жиноят қонунда рецидив жиноят ҳақида Жиноят кодекси Умумий қисми нормаларида ҳам, Махсус қисми нормаларида ҳам сўз боради.

Умумий қисм нормаларида рецидив жиноят:

—жазо тайинлашда ЖК 56моддаси 2қисми «н» бандига мувофиқ оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин;

—ЖК 60моддасида назарда тутилган қоида бўйича жазо тайинлашнинг алоҳида тартиби қўлланишини келтириб чиқаради;

—жазони ижро этиш муддатлари ўтишининг узилишига асос бўлиб ҳисобланади (ЖК 69моддаси 2қисми);

—ЖК 72моддаси 7қисмида мустаҳкамланган шартлар мавжуд бўлганда шартли ҳукм қилиш қоидаларининг қўлланилишига тўсқинлик қилади;

—айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилинишига (ЖК 71моддаси 1қисми) тўсқинлик қилади;

—жазо ўташ муддатидан илгари шартли озод қилишда ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришда жазонинг ҳақиқий ўталган муддатини кўпайтиришга асос бўлади;

—жазони ижро этиш колонияси турини белгилашга асос бўлади;

—амнистия актини қўллаш масаласини ҳал қилишда ҳисобга олинадиган шартлардан бири бўлиши мумкин.

Жиноят кодекси Махсус қисми нормаларида рецидив жиноят хавфли ва ўта хавфли рецидив жиноят билан боғлиқ ва жиноят таркибининг баҳоланадиган белгиси сифатида тан олинади.

ЖК 34моддаси 2қисмига кўра, «Илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли реидив жиноят деб топилади».

Оддий рецидивдан фарқли равишда хавфли рецидив қонун чиқарувчи томонидан баъзи жиноят таркиблари учун баҳоланадиган белги каби таърифланади. Хавфли рецидив жиноят Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўпгина моддаларида жиноятларнинг баҳоланадиган белгилари сифатида назарда тутилади. Масалан, ЖК 97моддаси 2қисми «р» банди, 104моддаси 3қисми «б» банди, 164моддаси 3қисми «а» банди ва бошқалар. Хавфли рецидив жиноят модда конструкциясида баҳоланадиган белги сифатида назарда тутилмаган бўлса ва шахс томонидан мазкур жиноят такроран содир этилган бўлса, шахс бу жинояти учун судланган бўлиб, молмулкни қасддан нобуд қилиш (ЖК 173моддаси) жиноятини содир этган ҳолларда унинг қилмиши ЖК 56моддаси 1қисми «н» бандига ҳавола қилиниб жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида квштификация қилиниши лозим.

Хавфли рецидив ҳолати дастлабки тергов органи томонидан жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинаётганда кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим ва кейинчалик бу суд

ҳукмининг тавсиф қисмида ҳам ўз аксини топишга керак. Хавфли рецидив жиноятга нисбатан ҳам судланганлик олиб ташланиши ва ўчганлиги ҳамда шахс илгари қасдда содир этган жипояти учун жавобгарлик ёки жазодан озод қилиниши каби бошқа ҳолларда ҳам хавфли рецидив жиноят деб топиш асосларининг олиб ташланиши қоидалари қўлланилади. Мисол учун, «агар муқаддам содир этилган қасддан одам ўлдириш жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланган ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган бўлса, шунингдек, агар қотиллик жинояти содир этилган пайтга келиб илгариги жиноят учун жиний жавобгарликка тортиш муддатлари ўтган бўлса, қилмиш ЖК 97моддаси иккинчи қисмининг «р» банди билан квалификация қилиниши мумкин эмас».

Ўта хавфли рецидив жиноят бир қанча жиноят содир этишнинг нисбатан энг оғир шакллари билан бири бўлиб ҳисобланади.

ЖК 34моддаси 3қисми шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишни қуйидаги асосларини келтиради: «беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдинкейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади».

Мазкур вариантларни баён қилиш баробарида, қонун чиқарувчи жиноятларни содир қилишда айб шаклига тўхталмайди. Бироқ, ЖК 15моддаси мазмунидан келиб чиқадики, оғир ва ўта оғир жиноятлар фақат қасддан содир қилиниши мумкин. Бинобарин, жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини белгилашда энг қуйи чегара сифатида камида беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси намоён бўлади. Бу ҳол жиноятларнинг қонундаги таснифига тўлиқ мувофиқдир.

«Жиноят кодекси 34моддаси учинчи қисмини қўллашда озодликдан маҳрум қилиш жазосита судланган шахс деганда, муқаддам суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига кўра, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган шахс тушунилиб, бунда ҳукм ижрога қаратилганлигининг, шу жумладан, шахс мазкур жазони ўтамаганлиги (масалан,

шахснинг жазони ўташдан бўйин товлаганлиги, жазо ижроси ЖПК 533моддасига мувофиқ кечиктирилганлиги)нинг ёки қисман ўтаганлигининг (масалан, кейинчалик жазодан муддатидан илгари шартли, амнистия актига асосан, касаллиги оқибатида озод қилинганлигининг, жазо енгилроғи билан алмаштирилганлигининг) аҳамияти йўқ, ҳукм жазони ижро этиш муддатлари ўтиб кетганлиги учун ижрога қаратилмаган ҳоллар (ЖК 69моддаси) бундан мустасно.

Шу муносабат билан ЖК 34моддаси 3қисмида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлганда, суд илгари шартли ҳукм қилинган ёхуд ҳукм ижроси кечиктирилган шахсни ҳам, агар бу шахс тегишлича синов муддати ёки ҳукм ижроси кечиктирилган давр ичида янги жиноят содир этса, ўта хавфли рецидивист деб топишга ҳақли».

Ўта хавфли рецидив жиноятнинг асосий ўзига хос белгиси унинг ўта хавфли рецидив деб, фақат суд томонидан топилишининг мустаҳкамланганлигидир (**ЖК 34моддаси 4қисми**). Бу қоида шундан далолат берадики, судлар ижтимоий хавфлилик ҳақиқий табиати ва даражасини аниқлашда устунликка эга бўлади ва судьялар ҳар бир муайян вазиятда иш ҳолатлари ва ўта хавфли рецидивист мақомики аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўладиган айбдор шахси ҳақидаги аниқ маълумотлардан келиб чиқишлари лозим.

ЖК 34моддаси 4қисми шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олинishi мумкинлигини ҳам қайд этади. Бу шундан далолат берадики, шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишда айбдор шахсининг табиати ҳақидаги маълумотлар катта аҳамиятга эгадир, чунки бошқа давлат судининг айблов ҳукми ҳам айбдор хулқининг муайян ижтимоий қораланиши, ҳукм қилинишини ифодалайди. Лекин, бошқа давлатда содир этилган жиноят оғир ёки ўта оғир бўлиши билан бирга, айбдор беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлиши керак. Бундан ташқари, судлар шахснинг бошқа давлат ҳудудида содир этган жиноий жазога сазовор қилмиши ва шу билан боғлиқ уни айбдор деб топиш миллий жиноят қонунчилигига мувофиқ келиши лозимлигини ҳам назарда тутишлари керак.

Қонун илгари қасддан жиноят содир этган муайян шахсларга нисбатан чеклашларни мустаҳкамлайди. Масалан, «шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги масалани ҳал этишда шуни назарда тутиш лозимки, ЖК 34моддасининг олтинчи қисмига кўра, ўн саккиз ёшгача содир қилинган жиноят учун судланганлик шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишда ҳисобга олинмайди. Шундан келиб чиқиб, агар шахс муқаддам бир неча жиноят учун судланган бўлиб, улардан айримларини вояга етмаган ёшда содир этган бўлса, фақат вояга етган даврда содир этилган жиноятлар учун судланганлик эътиборга олинishi лозим».

Бунда шуни инобатга олиш зарурки, «янгидан бир неча жиноят содир этган шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги масалани ҳал қилишда суд, жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича тайинланган узилкесил жазо муддатидан эмас, балки содир этилиши шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш учун асос бўлиши мумкин бўлган жиноят учун тайинланган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо муддатидан келиб чиқиши лозим».

ЖПК 466моддаси 3бандига мувофиқ, шахс ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги ҳақида ҳукмнинг кириш қисмида кўрсатиб ўтилиши шарт. Шу ерда қонунда белгиланган тартибда ўчмаган ёки олиб ташланмаган аввалги судланганликлар ҳам қайд этилиши лозим. «ЖКнинг 77моддасига мувофиқ, судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади. Шунинг учун у ҳукмнинг кириш ва тавсиф қисмларида кўрсатилмайди». Шу аснода, Олий суд Пленуми тушунтирадики, олиб ташланган ёки ўчган судланганлик ҳукмнинг тавсиф қисмида фақатгина у озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсга колония турини тайинлаш учун аҳамиятга эга бўлгандагина кўрсатилиши мумкин. Ҳукмнинг тавсиф қисмида айбдорни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисида асосланган хулосалар бўлиши керак. Айблов ҳукмининг қарор қисмида бошқа масалалардан ташқари яна судланувчининг ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги (башарти суд шундай қарор қабул қилган бўлса) тўғрисидаги қарор ёритилиши лозим.

Юқорида, вояга етмаган ёшда олинган, ўчган ёки олиб ташланган судланганлик юзасидан чекловлар, рецидив жиноятнинг энг хавфли турида тан олинганлиги боис, улар нафақат ўта хавфли рецидив жиноят, балки рецидив жиноятларнинг бошқа турларига ҳам тегишли бўлиши даркор.

Суднинг шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш ваколатини кўзда тутиб, **ЖК 34моддаси 7қисмида** жиноят қонуни шуни тушунтирадики, ўта хавфли рецидивист билан боғлиқжиноийҳуқуқий оқибатлар фақатгина кейинчалик жиноят содир этиш билан тан олинади. «Ушбу Кодекс Махсус қисминингўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддалари шахс ушбу жиноятни содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлсагина қўлланилади» (**ЖК 34моддаси 7қисми**). Бошқача айтганда, жиноятни ўта хавфли рецидив сифатида квалификация қилиш учун, ушбу рецидив аниқ қайд қилиниши шарт, бу ҳолат эса фақат шахс суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилганидан сўнг вужудга келади.

Суд томонидан шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш бир қатор ҳуқуқий оқибатларга олиб келади:

—ўта хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этганлик Махсус қисмининг кўп моддаларида қонун чиқарувчи томонидан таснифловчи ёки алоҳида квалификация белгиси сифатида баҳоланади;

—ўта хавфли рецидивист эркаклар озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони махсус тартибли колонияларда, аёллар эса қаттиқ тартибли колонияларда ўташади;

—ўта хавфли рецидивистларга озодликдан маҳрум этиш жазоси муддатининг бир қисмини турма қамоғида сақлаш тарзида ўташ тайинланиши мумкин;

—уларга нисбатан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этишни қўллашнинг бир қанча чеклашлари белгиланиши мумкин;

—уларга нисбатан шартли равишда жазо тайинлаш, жазо муддатидан илгари шартли озод этиш ва жазони ентироғи билан алмаштириш мумкин эмас;

—ўта хавфли рецидивистларга нисбатан судланганликни олиб ташлашнинг алоҳида тартиби белгиланади. Мазкур турдаги рецидив **ЖК 79моддаси 2қисмига** асосан, судланганликни олиб ташланиши йўли билан бекор қилиниши мумкин.

Қонунда белгиланган тартибда оддий, хавфли ва ўта хавфли турларга бўлинишдан ташқари, жиноятҳуқуқий доктринада судланганлик миқдори, содир қилинган жиноятлар характери, уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, оддий ва мураккаб, умумий ва махсус, пенитенциар ва ўта хавфли рецидив жиноятлар турлари ажратилади.

Оддий рецидив шахс икки бор судланган бўлади. **Мураккаб рецидив** — бу ўзига хос, бир қанчалик рецидив, бунда айбдор шахс уч мартаба ва ундан кўпроқ судланган.

Умумий рецидив шунда намоён бўладики, айбдорнинг «архиви» турли хил жиноятлардан таркиб топган (бевосита ва турдош объекти бўйича тафовутга эга ҳамда айб шакли турлича бўлган жиноятлар). Мисол учун, божхона қонунчилигини бузганлик учун судланганлиги бўла туриб, шахс ўғрилиқ ёки безорилиқ ва ҳоказо жиноятни содир қилади.

Махсус рецидив бирбирига яқин ёки турдош жиноятларни ўз ичига олади (бир хил бевосита ватурдош объектига эга ҳамда айб шакли бир бўлган жиноятлар). Масалан, шахс босқинчилик жмноти учун судланган бўлиб, худди шу жиноят ёхуд ўғрилиқ, фирибгарлик жиноятини содир этади. Умумий рецидивга нисбатан мураккаб рецидив хавфлироқтусга эгадир.

Пенитенциар рецидивда илгари озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахс, аввалги жиноят учун судланганлик муддати давомида янги жиноят содир қилиб, яна озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинади. Мазкур рецидив турининг номи ҳам жазони озодликдан маҳрум қилиш жойларида ўташ билан боғлиқ.

Ўта хавфли рецидив тушунчаси жиноят ҳуқуқида унинг қонундаги таърифига тўла мос, яъни у, суд ҳукмига асосан, ўта хавфли рецидивист деб топилган шахс томонидан жиноят содир этилган пайтда кузатилади.

«Бир қанча жиноят содир этиш» мавзуси юзасидан яқуний саволлар

1. Бир қанча жиноят содир этиш деганда нима тушунилади? Унинг аҳамияти нимада?

2. Бир қанча жиноятлар содир этишнинг қандай зарурий белгилари мавжуд?

3. Қандай турдаги жиноий қилмишлар бир қанча жиноятларни ташкил қилади?

4. Бир қанча жиноятларнинг ягона жиноятдан фарқи нимада? Давомли, узоққа чўзилган ва таркибли жиноятлар остида нима тушунилади?

5. Амалдаги қонунчиликқа бир қанча жиноят содир этишнинг қандай турлари мавжуд?

6. Такроран жиноят содир этиш деганда нима тушунилади? Бир қанча жиноят содир этишнинг мазкур тури бўйича квалификация қилишнинг қандай ўзига хос хусусиятлари бор?

7. Жиноятлар мажмуи остида нима тушунилади? Унинг қандай зарурий белгилари мавжуд? Жиноятлар мажмуининг қандай турларини биласиз?

8. Жиноятлар мажмуини такрорийликдан фарқлаб беринт.

9. Жиноятлар реал мажмуининг жиноятлар идеал мажмуидан тафовути нимада? Қилмишни жиноятлар идеал мажмуи бўйича квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари нимада? Қонун томонидан инobatга олинган жиноятлар идеал мажмуи ва қонунда инobatга олинмаган жиноятлар идеал мажмуи нимада ифодаланади?

10. Рақобатдаги нормалар деганда нима тушунилади? Унинг бир қанча жиноятларни содир этишдан қандай фарқлари мавжуд? У ёки бу турдаги рақобатдаги нормалар мавжудлигида квалификация қилиш қоидалари нимадан иборат?

11. Рецидив жиноят остида нима тушунилади, унинг асосий белгилари нимада? Қилмишда жиноятлар мажмуи ва рецидив бирикиши мумкинми?

12. Амалдаги ЖКда рецидивнинг қандай турлари ажратилади? Жиноятҳуқуқий доктринада рецидивнинг қайси турлари мавжуд?

13. Рецидив жиноятни топишда қандай судланганлик турлари инobatга олинмайди?

14. Рецидивнинг такрорий жиноят содир этишдан фарқи нимада?

15. Хавфли рецидив оддий рецидивдан қандай фарқланади? Қай ҳолатда шахс ўта хавфли рецидивист деб тан олинади?

16. Рецидив жиноят қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

1§. Қилмишнинг жиноийлигани истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги у ёки бу қилмишнинг жиноийлиги масаласини ҳал этганда унда жиноят таркибининг барча белгилари албатта ҳақиқатда мавжудлиги талабидан келиб чиқади. Бошқача айтганда, қилмишлар ташқи жиҳатдан (яъни, расман) содир этилиши учун жавобгарлик ЖК да кўзда тутилган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликка ўхшаган бўлсада, ҳақиқатда жиноят таркибининг барча элементларига эга бўлмаса, жиноят деб тан олинishi мумкин эмас ва керак эмас. Бундай ҳолатларда жиноий жавобгарлик истисно этилади.

ЖК 35моддасида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар сифатида у ёки бу ҳолатларни тан олишнинг йўналтирувчи асослари белгилаб берилади, нафақат ҳуқуқни кўллайдиган органлар учун, балки қонун чиқарувчилар учун ҳам ЖК III бўлимининг бирорбир қоидаларини ўзгартириш, тўлдириш ёки бекор қилишда уларга амал қилиш мажбурий бўлади. Бундан ташқари, ушбу қоидалар ЖК 3—10моддаларида мустаҳкамланган тамойилларга, чунончи, адолат ва гуманизм тамойилларига унинг мунтазам мувофиқ амал қилишидан далолат беради.

ЖК 35моддаси Iқисмига мувофиқ, «қилмишда ушбу Кодексида назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлсада, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади».

Қонунда ушбу белгиларнинг йўқлигига ишора қилиш тасодифий эмас, балки ЖК 14моддасининг қоидалари билан белгилаб берилган: «Жиноят кодекси билан жазо кўллаш таҳдиди билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жиноят деб топилади». Шу туфайли ҳеч бўлмаса битта белгисининг йўқлиги содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни жиноят сонига киритишга имкон бермайди, яъни шундай ҳаракатнинг жиноийлигини истисно қилади. Масалан, «жиноятга истисно қилувчи ҳолатлар (масалан, кам аҳамиятли қилмишлар бўлгани учун) ижтимоий хавфли бўлмаслиги мумкин ёки ҳуқуққа қарши йўналган бўлмаслиги мумкин (масалан, зарурий мудоффа; охириги зарурат; ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш) ёки айбли ҳаракат бўлмаслиги мумкин (буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти

билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик), охириги иккита ҳолатда айбнинг мавжудлиги ЖК 40 ва 41моддаларига мувофиқ, жиноийлиги олдиндан аён бўлган буйруқеки бошқа фармойишни бажариб, жиноят содир этган шахс учун ёки уларнинг

таваккалчилиги одамларнинг ҳалок бўлиш хавфи, экология ҳалокати ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини била туриб қилинган бўлса, улар жиноий жавобгарликка тортилади».

Шуни ҳисобга олиш лозимки, **ЖК 35моддаси 1қисми** ҳеч бўлмаса биттасининг йўқлиги содир этилган қилмишнинг жиноий эмаслигидан далолат берадиган белгиларнинг барчасини тўлиқбелгилаб беради. Шу туфайли ушбу нормада кўрсатилмаган бошқа элементлар бирорбир ҳолатни қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат сифатида тан олиш учун асос яратиб бериши мумкин эмас.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар масаласи умуман бирорбир қилмиш учун жавобгарлик белгиланганда эмас, фақат уни амалга оширишнинг муайян вазияти туфайли бошқача мазмун касб этган муайян жиноят содир этилган ҳолатда юзага келади. Шундай қилиб, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар маълум бир қилмишнинг хусусиятини акс эттириб, унинг ижтимоий фойдали эканлиги, унинг маънавий жиҳатдан ва қонун томонидан маъқулланиши ёки унинг мумкин эканлигидан далолат беради (қилмишнинг кам аҳамиятли бўлган ҳолатида). Бундай ҳолларда қилмиш ўз юридик моҳиятига кўра фақат ташқи жиҳатидан ЖК да кўзда тутилган жиноят таркибининг белгиларига ўхшаш бўлади.

ЖК 35моддасининг 2қисмида муайян қилмишда мавжуд бўлган ҳолда унинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг рўйхати келтирилган: «кам аҳамиятли қилмишлар; зарурий мудофаа; охириги зарурат; ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш; буйрукни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик».

Ушбу рўйхат тўлиқ камраб олувчи бўлиб, шу туфайли унда кўрсатилмаган бошқа ҳолатлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб тан олиниши мумкин эмас. Шу сабабли, масалан, мавжудлиги билан қилмишнинг жиноийлиги белгиланадиган воқеалар ёки ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик ёки унинг бошқа манбаларда истисно этилиши асосланадиган ҳолатлар шундай қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат деб тан олинмайди.

Шуни қайд этиш лозимки, қонун нафақат қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларни мустаҳкамлаб қолмасдан, балки уларнинг қонунийлиги шартларини ҳам белгалаб беради, уларга ЖКП бўлимининг 36, 37, 38, 39, 40моддалари бағишланган. Ушбу шартларга мос келмаслик муайян ҳаракатларни кўриб чиқиладиган ҳолатларнинг бирортасига киритилишига имкон бермайди.

ЖКда қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг мустаҳкамланиши, бир томондан, жиноийрепрессив чоралар қўлланишининг камайишига, бошқа томондан, фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллиги ошишига олиб келади. Ушбу ҳолатлар фуқароларнинг жиноятчиликка қарши курашда иштирок этишининг энг муҳим шакли бўлиб, у инсонларнинг онгли иродавий фаол ҳаракатларида амалга оширилади. Шундай қилиб, ушбу институтнинг меъёрлари пировардида ЖК вазифаларининг ҳал этилишига қаратилган.

2§. Қилмишнинг кам аҳамиятли эканлиги

Ватанимиздаги жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари учун анъанавий бўлган шахснинг кам аҳамиятли қилмиш содир этган ҳолда уни жиноий жавобгарликка тортилишини истисно қиладиган қоидалар **ЖК 36моддасида** акс эттирилган, унинг қоидаларига кўра, «Гарчи ушбу Кодексда жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлсада, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб топилмайди».

Қилмишнинг кам аҳамиятли бўлиши қилмиш бирорбир жиноятнинг барча аломатларига эга эканлиги, биринчи навбатда шахснинг айбдорлиги ва жиноий ҳуқуққа қарши эканлигини билдиради, лекин бундай қилмишнинг моҳият томони жиноят деб тан олиш учун унга қўйиладиган талабларга жавоб бермаслиги, яъни бузилиши ижтимоий хавфли қилмиш деб қараладиган чегаралардан ташқари ётади, бу эса унинг жазоланишини истисно этади.

Моддасига таянган ҳолда ЖПК 83моддасининг 2қисмига мувофиқтуғатилиши лозим.

Кам аҳамиятли қилмишнинг хусусияти шуки, у қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган бошқа ҳолатлардан фарқи равишда ижтимоий фойдали ва маънавий жиҳатдан ҳамда қонун томонидан маъқулланиши мумкин эмас.

Қилмишнинг кам аҳамиятли эканлиги масаласи у тергов ва суд органлари томонидан ҳар бир муайян қолат юзасидан ҳал этилишида ифодаланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари содир этилган қилмиш кам аҳамиятли эканлиги белгисига эга эканлиги ёки эга эмаслигини унинг характери ва ижтимоий хавфлилигининг даражасини ҳисобга олиш асосида аниқлайдилар. Қилмишни кам аҳамиятли деб тан олиш муайян жиноий қилмиш содир этилган барча ҳолатларнинг жамулжамлигини таҳлил қилишга асосланиши лозим (айбнинг шакли, жиноятни содир этиш усули, мотив, шароитлари ва босқичи, юзага келган оқибатларнинг оғирлиги, жиноятдаги шериклардан ҳар бири иштирок этишининг даражаси, характери ва ҳоказо). Хусусан, агар айбдор шахс жабрланувчини ўлдиришга қаратилган ҳаракатларни содир этган бўлса, лекин амалда унга ҳеч қандай зарар етказилмаган бўлса, содир этилган қилмиш одам ўлдиришга қасд қилиш деб малакаланиши лозим ва кам аҳамиятли деб қаралиши мумкин эмас. Худди шу ҳолатда, агар жабрланувчини қўрқитмоқчи бўлиб, айбдор шахс шундай бир қилмишни содир этган бўлса ва унинг оқибатида жабрланувчига оғир тан жароҳатлари (руҳий шикастланиш) етказилган бўлса, бу қилмиш ҳам кам аҳамиятли деб тан олиниши мумкин эмас, чунки кам аҳамиятли бўлишининг тегишлича объектив элементи мавжуд эмас, субъектив белгиси мавжуд бўлса ҳам.

Қилмишнинг кам аҳамиятли эканлиги масаласини ҳал этишга айбдор шахсини тавсифловчи хусусиятлар таъсир этмайди. Фақат қилмишнинг ўз хусусиятларигина бундай қарор қабул қилишда ҳисобга олиниши керак, айбдор шахси тўғрисидаги маълумотлар фақат жазонинг тури ва миқдорини белгилаш учунгина, яъни шахснинг қилмишида жиноят таркибининг моддий ва расмий белгилари аниқланганидан кейингина муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бир қатор ҳолларда жиноий қонунчилик маълум миқдорда (анча, кўп миқдорда ва жуда кўп миқдорда) зарар етказилишини жиноятнинг мажбурий белгиси деб тан олишини қайд этиш лозим. Бундай ҳолларда кам аҳамиятли зарар етказилиши содир этилган қилмиш ҳатто расман жиноят белгиларига мос келмаслигини кўрсатади. Жиноий иш бундай ҳолларда ЖК 36моддаси бўйича кам аҳамиятли эканлиги юзасидан эмас, балки ЖК 36моддасига ҳавола этмаган ҳолда ЖПКнинг 83моддаси 2банди бўйича жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги туфайли тугатилиши лозим бўлади. Масалан,

ЖКнинг 173моддаси фақат анча миқдорда содир этилган ўзганинг мулкани қасддан нобуд қилиш ёки бузиш учун жиноий жавобгарликни кўзда тутади. Шунинг учун бу жиноятни содир этиш оқибатида анча миқдордаги зарардан камроқ зарар етказилган бўлса, қилмиш ҳатто расман ЖКнинг 173моддасида кўзда тутилган жиноят белгиларига мос келмайди. Бундай қилмиш юзасидан жиноий иш қўзғатилмайди, қўзғатилган иш эса қилмишнинг кам аҳамиятли эканлиги туфайли эмас, жиноят таркибининг йўқдиги сабабли тугатилиши лозим, чунки унинг мажбурий белгиси — анча миқдордаги зарар мавжуд бўлмайди.

3§. Зарурий мудофаа

Зарурий мудофаа ҳар бир кишига туғилишидан хос бўлган, умумий кўринишида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27моддасида мустаҳкамланган унинг шаъни, қадрқиммати, ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилишдан ҳимояланиш ҳуқуқидан келиб чиқади. Кўриб чиқилаётган жиноий ҳуқуқий институтнинг ижтимоий фойдали мақсади — ҳуқуқ билан муҳрфаза қилинадиган манфаатларни ҳимоя қилиш айнан шунда намоён бўлади.

Зарурий мудофаа ижтимоий хавfli ва ҳуқуққа қарши бўлган тажовузлардан — жиноятлардан ҳимоя қилишнинг усулларида бири бўлиб, унинг оқибатида тажовузчи шахсга зарар етказилади, бу эса унинг жиноий қилмиш билан ташқи жиҳатдан ўхшашлигини белгилаб беради. Айни пайтда, зарурий мудофаа фуқароларнинг ижтимоий

фойдали фаолияти бўлади, чунки у мажбуран тусга эга бўлиб, жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш ва унга чек қўйишга қаратилган. Айнан ушбу кўрсатилган сабаблар туфайли қонун «зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқдарини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга ҳилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди» деб белгилайди (**ЖК 37моддаси 1қисми**).

Зарурий мудофаа — бу ижтимоий хавфли бўлган тажовуздан қонуний ҳимоя қилиш бўлиб, тажовузчига ноиложликдан зарар етказиш орқали амалга оширилади ҳамда тажовузнинг характери ва ижтимоий хавфлилиги даражасига мос келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ЖК ҳимоя қилши объектлари сифатида шахсни, унинг ҳуқуқларини, жамият ва давлат манфаатларини кўрсатади. Бунда ЖК 2моддасининг қоидаларида фарқди равишда, ушбу объектлар умумий аҳамиятга эга бўлади ҳамда Кодекс томонидан жазо таҳқиди остида ҳимоя қилинадигани барча ижтимоий муносабатларни қамраб олади. Хусусан, атроф табиий муҳитнинг, мулкнинг сакланишини таъминлаш, инсоният тиричилиши ва хавфсизлиги манфаатларини таъминлашга қаратилган Муі юсабатларни шундай муносабатлар деб тан олиш керак. ЖК 37моддаси 1қисмида санаб ўтилган зарурий мудофаада ҳимоя қилинадигани объектлар умуман олганда ЖКнинг ҳимояси остида бўлган муносабатларнинг ягона формуласини таърифлаши лозим: шахс — жамият — давлат, бу юридик техниканинг хусусиятлари туфайли юзага келган бўлиб, расмий жиҳатдан бошқача бўлган муносабатларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатларни зарурий мудофаа деб тан олишга таъсир этмайди. «Зарурий мудофаа тўғрисидаги қонунни қўллаш давлат мулки, жамоат тартиби, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, шаъни, қадрқиммати, манфаатларини тажовуздан кўриқлашга ҳам оиддир».

Зарурий мудофаада ҳимоя қилиш шахснинг тажовузчига маълум зарар етказувчи фаол ҳаракатларида ифодаланганлиги туфайли, қонун ушбу мудофаа мос келиши лозим бўлган маълум шартларни кўрсатади. Мудофаанинг ушбу қонун шартларига мос келмаслиги ундан четга чиқиш бўлиб, у ижтимоий хавфли бўлганлиги туфайли жиноят деб тан олинади.

Ватанимиздаги жиноий ҳуқуқ назарияси ва суд амалиётида ишлаб чиқилган зарурий мудофаа қонуний бўлишининг шартлари жамланган ҳолда, **ЖК 37моддасида** мустақамланган ушбу шартлар мавжудлиги зарурий мудофаа ҳолатидан далолат берувчи иккита элементга: тажовузга ва ундан ҳимояланишга дахлдор бўлади. Бунда фақат ушбу шартларга тўла мувофиқ келиши шахснинг ҳаракатларини зарурий мудофаа сифатида малакалашга имкон бериши кўзда тутилади.

Тажовузга оид бўлган зарурий мудофаа шартлари, умуман олганда, мавжудлиги шахсга зарурий мудофаа қоидалари бўйича ўзини ҳимоя қилишга имкон берадиган ҳолатларни аниқлашга қаратилган. Ушбу шартлар тажовузни зарурий мудофаанинг мустақил элементи сифатида бир неча жиҳатидан тавсифлайди, яъни: тажовузнинг тури, унинг характери, мавжудлиги ва ҳақиқийлиги. Фақат унга қарши ҳимояланиш амалга оширилган тажовуз барча талаб этиладиган шартларга жавоб берган ҳолдагина у зарурий мудофаа учун асос деб тан олиниши мумкин, акс ҳолда жиноий қонунчиликнинг қаралаётган институти қўлланилиши мумкин эмас.

Зарурий мудофаанинг қонуний бўлишининг тажовузга оид биринчи шарт сифатида тажовузнинг ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа қарши бўлиши тан олинади.

«Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уни содир этган шахснинг жавобгарликка тортилганлиги ёки руҳий касаллик туфайли, жиноий жавобгарлик ёшита тўлмаганлиги сабабли ва бошқа асосларга кўра, жавобгарликдан озод қилинганлигидан қатъи назар, Жиноят кодексининг 37моддаси доирасида ҳимояланишига асос берувчи ижтимоий хавфли тажовуз деб ҳисобланади». Бунда ҳуқуққа қарши бўлишининг аломати фақат тажовузнинг объектив томонига тегишли бўлади, яъни ЖК тегишли моддасининг диспозициясида таърифланган қилмишнинг ўзи ҳуқуққа қарши деб тан олинади, жиноят субъектининг тавсифи эса, ЖК 37моддаси жиҳатидан у ёки бу қилмишнинг ҳуқуққа қарши деб тан олинишга таъсир этмайди. Шундай қилиб, зарурий мудофаа ақли норасо бўлган, кичик ёшли шахсларнинг қилмишларига қарши, шунингдек, амалда хато мавжуд бўлган ҳолда ҳаракат қилувчи шахсларнинг қилмишларига қарши

амалга оширилиши мумкин бўлади, яъни уларга хос бўлган хусусиятлари туфайли ўзлари содир этган ижтимоий хавфли қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортилмайдиган, лекин улар содир этган ҳаракатлар ҳуқуққа қарши хусусиятларга эга бўлган ҳолда мумкин бўлади.

Аслида ҳар қандай ижтимоий хавфли тажовуздан — жиноятдан зарурий мудофаа мумкин бўлади. Лекин, шунга қарамай, ҳар қандай жиноят ҳам зарурий мудофаа ҳаракати учун қонуний шарт бўлавермайди.

Тергов ва суд органлари ҳар бир муайян ҳолатда содир этилган қилмиш зарурий мудофаа ҳолатини белгилаб беришбермаслиги масаласини ҳал этишга индивидуал ёндашиши керак.

Энг аввало, тажовузчига зарар етказиш орқали ҳимоя қилинадиган қилмиш ҳимоя қилинадиган муносабатларга шу ондаги ва бошқача олдини олиб бўлмайдиган зарар етказилиши билан тажовуз қилиши лозим ва фақат тажовузчига жисмоний таъсир этиш билангина унинг олдини олиш мумкин бўлиши лозим. Суд амалиёти кўрсатишича, бундай ҳаракатларга, асосан, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий эркинлигига қарши жиноятлар, безорилик, ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш ва бошқа жиноятлар, яъни зўрлик ишлатиш билан кечадиган, агрессив ва бузғунчилик характериға эга бўлган жиноятлар киради.

Айни пайтда, бир қатор ҳуқуққа қарши тажовузлар мавжудки, улар шу ондаги ва бошқача олдини олиб бўлмайдиган зарар етказилиши билан тажовуз қилмайди ёки уларнинг содир этилишидан зарар зўрлик ҳаракатлари билан олди олиниши лозим бўлмайди. Бундай жиноятлар сифатида, масалан, меҳнат ҳуқуқини бузиш, тухмат, пора бериш ва бошқалар тан олинади. Шу сабабли бундай қилмиш содир этилишиға чек қўйиш мақсадида тажовузчига зарар етказиш зарурий мудофаа деб қаралиши мумкин эмас, зарар етказган шахс эса умумий асосларда жавобгарликка тортилиши лозим бўлади.

Бундан ташқари, зарурий мудофаа доирасида унга жавобан зарар етказишға ҳуқуқ берадиган ижтимоий хавфли тажовуз фақат ҳужум қилувчининг қасддан фаол ҳулқида (ҳаракатида) ифодаланиши мумкин. Яъни, эҳтиётсизлик орқали жиноят содир этилишида, шунингдек, ҳаракатсизлик (бирорбир вазифани бажармаслик) йўли билан жиноят содир этилишида зарурий мудофаа ҳуқуқи мавжуд эмас.

Шуни таъкидлаш лозимки, қонун фақат ЖК билан тақиқданган тажовузлардан зарурий мудофаа қилиш ҳуқуқини тан олади. Шу сабабли, ҳатто ижтимоий хавфли бўлганда ҳам шахс қонун билан тақиқланмаган ноқонуний ҳаракатлар содир этган ҳолда унга зарар етказиш мумкин эмас. Бу мазкур институтнинг қўлланишида яхлитликка ёрдам беради, шунингдек, жиноий қонунчиликнинг адолат ва инсонпарварлик тамойилларининг амалга оширилгани бўлади. Ушбу масалани бошқача қал этиш зарурий мудофаа ҳолатларининг асосиз кенгайтирилишиға олиб келган бўлар эди.

Худди шунингдек, расман таркибида содир этилиши учун ЖК да жавобгарлик кўзда тутилган жиноят таркибининг аломатлари бўлган, лекин аслида жиноий бўлмаган қилмишлар ҳуқуққа қарши қилмиш сифатида қаралиши мумкин эмас. Хусусан, кам аҳамиятли эканлиги, охири зарурат ва ҳоказолар туфайли қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар бўлганда бу қилмишлар жиноий бўлмайди. Бундай қилмишларға қарши мудофаа қилган шахсларнинг ҳаракатлари умумий асосларда уларға ушбу ҳаракатларнинг характери аввалдан маълум бўлиши шarti билан ижтимоий хавфли бўлган жиноий ҳаракатлар, яъни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракатлар деб қаралиши лозим.

Зарурий мудофаа юзасидан ишларни тергов қилишда ва ҳал этишда, шунингдек, баъзи ҳолатларда мансабдор шахслар ташқи жиҳатдан ҳуқуққа қарши ҳолатларға ўхшаш бўлган, лекин аслида шундай бўлмаган ҳаракатларни амалга оширишға ваколатли бўлади. Бундай ҳаракатлар, масалан, махсус воситани қўллаш, қуролни ишлатиш

ҳолатлари ва ҳоказолар бўлади. Бундай ҳолатларда мансабдор шахснинг ҳаракатлари қонунчилик талабларига мослиги ёки, аксинча, ҳуқуққа қарши эканлигидан расмий мезон дейиладиган мезон далолат беради. Ушбу мезон шундан иборатки, барча мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари нафақат моҳияти юзасидан, балки расмий жиҳатидан ҳам қонуний бўлиши лозим, яъни фақат қонун билан белгиланган шаклиға амал қилинган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Шу муносабатда мансабдор шахсларнинг расмий

равишда ноқонуний бўлган ва аслида ҳуқуққа қарши бўлган ҳаракатларига қаршигина зарурий мудофаага йўл қўйилиши мумкин.

Зарурий мудофаа қонунийлигининг иккинчи шarti — тажовуз мавжуд бўлишидир.

Тажовуз мавжудлиги деб, объектив равишда шу ондаги ва бошқача олдини олиб бўлмайдиган ҳолда ижтимоий хавф етказиши мумкин бўлган қилмиш сифатида тавсифлайдиган белгиларнинг жамулжамлиги тушунилади.

Ҳуқуққа қарши қилмиш мавжудлиги куйидаги ҳолларда аниқланади:

— шу ондаги зарар етказишнинг ҳақиқий хавфи мавжуд бўлганда;

— зарар етказилаётган пайтда.

Ҳуқуққа қарши тажовузнинг мавжудлиги ва уни амалга оширишнинг ҳақиқий хавфи бўлганда шахснинг мудофаа қилинадиган манфаатга шу ондаги ва бошқача олдини олиб бўлмайдиган зарар етказилишининг ҳақиқий хавфи юзага келган ҳолдаёқ тажовузчи шахсга зарар етказиш ҳуқуқини кўзда тутади. Бу қолда шахс тажовузнинг ўзи юзага келишининг олдини олишга қаратилган зарурий мудофаанинг превентив (олдини олувчи) чораларини амалга оширади. Шундай қилиб, мудофааланувчи ҳуқуққа қарши ҳаракатнинг ёки ҳаракатсизликнинг амалда оширила бошланишини албатта кутиб ўтириши шарт эмас, чунки бу баъзи ҳолатларда қонун билан химоя қилинадиган объектга зарар етказилиши хавфи остига қўйиши мумкин, фуқаролар томонидан ушбу талабнинг бажарилиши эса оғир ва қайтариб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлар эди.

Ҳуқуққа қарши тажовузнинг ва уни амалга оширишнинг ҳақиқий хавфи мавжудлиги масаласи тергов ва суд органлари томонидан ҳақиқий маълумотларга асосланган ҳолда мудофааланувчининг субъектив тасаввурларидан келиб чиқиб ҳал этилиши лозим. Бошқача айтганда, зарурий мудофаани амалга оширувчи шахснинг ҳуқуққа қарши тажовузнинг ва уни амалга оширишининг ҳақиқий хавфи мавжудлиги тўғрисидаги субъектив тасавури амалий вазиятга, тажовуз қилувчининг ҳақиқий ҳаракатларига асосланган бўлиши лозим. Хусусан, улар сўзлар, имоишоралар билан муайян таҳдид қилиш, қуролни намойиш этиш ва бошқа кўрқитиш усуллари бўлиши мумкин.

Зарар етказишнинг ҳақиқий хавфи туғилмаган, яъни тажовуз мавжуд бўлмаган ҳолларда, шунингдек, зарурий мудофаа ҳолати ҳам йўқлигини кўзда тутиш лозим. Шу сабабли бундай ҳолда тахмин этилган тажовузчига зарар етказиш умумий асосларда жинойий жавобгарликка тортилиши лозим.

Ҳуқуққа қарши тажовузнинг уни амалга ошириш даврида (яъни, зарар етказилаётган вақтда) мавжудлиги сўзсиз бўлади, бу давр тажовузнинг амалда давом этиш давридир. Шу муносабатда жинойий қилмишнинг аслида бошланиши ва тугаши масалалари алоҳида эътиборга молик бўлади.

Жинойий тажовузнинг амалда бошланиши деб, ЖК да жавобгарлик кўзда тутилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг хронологик жиҳатдан биринчи элементининг содир этилиши, яъни жиноят таркибини амалга ошириш бошланиши тан олиниши керак. Бунда ушбу таркибнинг тугалланган бўлиши, тажовузчининг қилмишида унинг барча аломатлари мавжуд бўлиши аҳамиятга эга эмас. Масалан, ўғрилик қилиш, воқеаларнинг кейинги ривожидан қатъи назар, шахснинг ўзга мулкни эгаллаган пайтидан бошланади.

Тажовузнинг амалда тугалланиши эса зарар етказилишининг хавфи тугаган ёки жинойий оқибат юзага келган вазиятни билдиради.

Тажовузнинг амалда тугалланиши куйидаги ҳолларда аниқланиши лозим:

— жиноят тажовузчининг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли (жиноятга суиқасд) ёки унинг иродасига кўра (жиноятни содир этишдан ихтиёрий воз кечиш) тўхтатилган бўлса;

— тажовузчи ўз мақсадига етган бўлса.

Тажовузнинг амалда тугалланишининг вақти муайян қилмишнинг элементлари жамулжамлигидан келиб чиқиб аниқланиши лозим, бунда тажовузчининг ижтимоий хавфли мақсадига объектив етганлиги масаласи устувор бўлиши керак. Шундай қилиб, тажовузчи ўз жинойий мақсадига етмаган бўлса ва у тажовузнинг муайян вақтида унга эришишдан воз кечмаган бўлса, у тугалланган деб эътироф этилиши мумкин эмас.

«Зарурий мудофаа ҳолати тажовуз тугагандан сўнг ҳам бўлиши мумкин, а гар химояланувчи иш ҳолатларига кўра тажовуз тугаган вақтни аниқанглай олмаган бўлса. Ҳужум вақтида ишлатилган қурол ва бошқа ашёларнинг тажовузчидан химояланувчининг кўлига ўтиб қолишининг ўзи тажовуз тугаганлигидан далолат бермайди»

Тажовузчига мудофааланувчи тажовуз амалда тугаганидан кейин етказилган ва химоя қилиш воситаларини қўллашнинг зарурати очикданочик қолмаган ҳолда етказилган

бўлса, мудофааланувчи умумий асосларда жиноий жавобгарликка тортилиши лозим. Бошқача айтганда, бундай вазиятда зарурий мудофаа мавжуд бўлмайди, чунки тугаган тажовузга қарши мудофаа умуман ортиқча бўлиб, мантиқан мумкин бўлмайди. «Судланувчининг бундай ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида судлар юз берган воқеанинг барча ҳолатларини ҳисобга олиб, бу ҳаракатлар улар томонидан ижтимоий хавфли тажовуз сабабли кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган этилмаганлигини аниқлашлари зарур».

Тажовузни тавсифлайдиган зарурий мудофаанинг якуний шарти тажовузнинг ҳақиқийлиги бўлади.

Тажовузнинг ҳақиқийлиги ҳуқуқ билан ҳимоя қилинадиган манфаатларга зарар етказиш хавфи мудофааланувчи шахснинг ҳаёлидагина туғилганлиги эмас, балки объектив мавжудлигини билдиради. Тажовуз ҳақиқийлигининг белгиси зарурий мудофаани ҳаёлий мудофаадан фарқдаш имконини беради.

Ҳаёлий мудофаа деб, тахмин этилган тажовузчига ҳақиқий ижтимоий хавфли тажовуз бўлмаган ҳолда, шахс уни мавжуд деб хато тахмин этган ҳолда зарар етказилиши ҳолатлари тан олиниши лозим. Бошқача айтганда, ҳаёлий мудофаа ҳолати фақат иш ҳолатлари тажовузнинг ҳаёлийлигидан далолат берганда мумкин бўлади, тажовузнинг ҳаёлийлиги деганда, ҳуқуққа қарши ҳаракатнинг содир этилиши эҳтимолидан у ёки бу даражада далолат берувчи баъзи ҳолатлар мавжудлиги тушунилиши лозим.

Ҳаёлий мудофаада зарар етказиш объектив ҳолда ижтимоий хавфли бўлади, шунинг учун бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик масаласи амалдаги хато тўғрисидаги умумий қоидалардан келиб чиққан ҳолда ҳал этилиши лозим.

«Агар ҳодиса ҳолатларига кўра, мудофаа чораларини қўллаган шахс ўзининг янглишганини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган бўлса, унинг ҳаракатлари зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб ҳисобланиши керак».

Бундай ҳаёлий мудофаанинг хусусий кўриниши деб ҳуқуққа қарши тажовуздан ҳимоя қилиш шахс томонидан бевосита жиноий қилмиш тугаганидан кейин амалга оширилган ҳолда, мудофааланувчи учун иш ҳолатларига кўра унинг тугалланиш пайти аниқ бўлмаганлиги шарти билан, тан олинади.

Мудофааланувчининг ҳаракатлари бу вазиятда зарурий мудофаа деб тан олиниши туфайли уларга ушбу ҳуқуқий институтнинг барча шартлари қўлланишини таъкидлаш лозим. Хусусан, ҳаёлий мудофаада шахснинг ҳаракатлари билан тегишли ҳақиқий тажовуз шароитида йўл қўйиладиган зарарнинг доирасида очикдан очик чиқиб кетадиган зарар етказилган бўлса, улар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб қаралиши, ушбу шахснинг ўзи эса қонунчилик билан белгиланган жавобгарликка тортилиши лозим.

«Агар шахс тажовузнинг аслида йўқ ва ҳаёлийлигини била туриб, иш ҳолатларига кўра ҳам уни албатта билиши мумкин бўлгани ҳолда зарар етказса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг эҳтиётсизлик орқасида зарар етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан тавсифланиши лозим».

Тажовузнинг ҳаёлийлиги бўлмаган, шахс томонидан гўёки ҳаёлий мудофаа ҳолатида зарар етказилган ҳолатда эса унинг ҳаракатлари эҳтиётсизлик орқасидан ҳаракатлар каби эмас, балки қасддан жиноят сифатида малакаланиши лозим. Бундай вазиятда ҳаёлий тажовуз ҳам мавжуд бўлмагани учун, шахснинг ҳаракатлари ҳаёлий мудофаа билан эмас, балки айбдор шахснинг ҳеч нарсага асосланмаган гумонсираши туфайли амалга оширилган бўлади.

Шахснинг ҳаракатларида зарурий мудофаа ҳолати тажовуз ва ҳимоя қилиш мавжуд бўлганда аниқланиши лозим. Айни пайтда ушбу элементларнинг фақат юзаки жамулжамлигининг мавжудлиги шахснинг қилмишини зарурий мудофаа сифатида малакаланишга имкон бермайди, лекин уларнинг қонунийлик шартлари билан таъминладиган қатъий ўзаро мувофиқлиги ва ўзаро келишилганлигини талаб этади, ушбу элементлар уларга жавоб бериши лозим.

Зарурий мудофаада ҳимоя қилишнинг қонунийлиги шартлари, тажовуз қонунийлиги шартларидан фарқи равишда, ҳимоя қилиш унинг кўриниши, ижтимоий фойдали манфаатга қаратилганлиги жиҳатидан, шунингдек, қатъий белгиланган шахсларга мудофаа пайтида зарар етказилиши жиҳатидан, етказилган зарарнинг тажовуз характери ва хавфига мувофиқлиги, мос келиши жиҳатидан таърифланади.

Зарурий мудофаада ҳимоя қилиш доимо ижтимоий хавfli тажовузга жавоб беришга қаратилган ҳаракатларда намоён бўлади, бу қонуннинг ўзида ҳам кўрсатилган. Бунда ушбу ҳаракатлар доимо мудофааланувчининг ташаббусига кўра амалга оширилиши ҳамда фаол бўлишига эътибор бериш лозим. Ҳимоя қилишда тажовузчи ва мудофааланувчининг ҳаракатлари айнан бир хил бўлиши, шунингдек, тажовуз қилиш ва ҳимояланиш воситаларининг бир хил бўлиши талаб этилмайди. Бундан ташқари, мудофааланувчи ҳаракатларининг фаол эканлиги яна улар бевосита тажовузчига қарши қаратилганлигида намоён бўлади.

Зарурий мудофаа жараёнида ҳимоя қилишда ҳаракатларнинг фаол эканлиги, у нафақат тажовузга жавоб бериш, балки акс ҳужумга ўтиши мумкинлиги, тажовуз қилувчи шахсни унга зўрлик ишлатиш орқали мажбурлашга ўтиши мумкинлигида ифодаланади.

Ижтимоий хавfli тажовузга жавоб бериш фаол ҳимоя ҳаракатлари қўлланмаган ҳолда, пассив ҳимоя қилиш орқали (масалан, ҳужумдан қочиш, қочиб кетиш ва ҳоказолар) амалга оширилган ҳолатлар зарурий мудофаа сифатида тан олинмайди, ҳатто унинг оқибатида тажовуз қилувчига маълум зарар етказилган бўлса ҳам (масалан, қувлаш давомида тажовузчи йиқилиб тушиб, тан жароҳатини олган бўлса ва ҳоказо). Бундай ҳаракатлар, умуман, ҳатто жинойтнинг расман белгиларига ҳам эга бўлмайди, шунинг учун бундай шаклида зарурий мудофаа сифатида малакаланиши мумкин эмас.

Зарурий мудофаада ҳимоя қилиш қонунийлигининг мажбурий шарти унинг мақсадга қаратилганлиги бўлиши лозим, яъни бунда мудофааланувчининг ҳулки ижтимоий фойдали манфаатга эришувига йўналтирилганлигидан далолат берувчи объектив ва субъектив аломатларнинг тизими тушунилиши лозим. Бу эса, тажовуз қаратилган маълум ижтимоий муносабатларнинг ҳимоя қилиш талаби сифатида тушунилади. Бунда ҳимоя қилиш ҳаракатлари ҳам мудофааланувчининг ҳуқуқлари ва манфаатларига тажовузчи шахсларга қарши, ҳам бошқа шахсларнинг, шунингдек, муассасалар, ташкилотлар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига тажовузчи шахсларга қарши қаратилиши мумкинлигини унутмаслик лозим, тажовузнинг муайян қаратилиши бунда аҳамиятга эга бўлмайди. Мудофаа қилиш ҳаракатларини ижтимоий фойдали манфаатга эришувга қаратилган деб тан олишда жабрланувчининг расман ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, унинг ёрдам кўрсатишга розилик берганлиги ёки ёрдам кўрсатмаслик талаби ҳам аҳамиятга эга бўлмайди.

Зарурий мудофаани амалга ошириш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг субъектив ҳуқуқидир ва шунинг учун ҳам ҳимоя қилишни, шу жумладан бошқа шахсларга қарши қаратилган тажовузларда ҳимоя қилишни амалга ошириш қарори мудофааланувчининг мутлақ прерогатив ҳуқуқи бўлади.

Зарурий мудофаанинг ижтимоий фойдали манфаатга эришувига қаратилмаганлиги шахснинг ҳимоя қилиш ҳаракатларини маъносидан маҳрум этади, бир қатор ҳолатларда эса жинойтга айлантиради.

Хусусан, **зарурий мудофаани кўзғатиш** жинойт бўлади, бунда кейинчалик зарурий мудофаа никоби остида унга зарар етказиш учун бирорбир шахс бошқа шахс томонидан агрессив ҳаракатларни юзага келтириши мумкин бўлган шароитларни онгли равишда ҳосил қилиши ҳолатлари тушунилади. Бу ҳолда мудофааланувчи ижтимоий фойдали манфаатга эришиш учун эмас, балки **фақат** унинг ғаразли мотивларидан келиб чиқиб ҳаракат қилгани учун бундай ҳаракатларни зарурий мудофаа сифатида малакаланиш мумкин эмас, бу **ЖК 37 моддаси 4 қисмида** бевосита кўрсатилган. Бундай ҳолда «мудофааланувчининг» ҳаракатлари қасддан қилинган жинойтдеб малакаланишилозим. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларига кўра, «агар шахс зиён етказиш (уришиш, азоб бериш, ўч олиш ва бошқалар) ниятида ҳужумнинг келиб чиқишига сабабчи бўлса, бундай ҳаракатларни зарурий мудофаа йўсинида қилинган деб топиш мумкин эмас. Бу ҳолатларда содир этилган хаттиҳаракатлар умумий асосларда тавсифланиши лозим»

Зарурий мудофаанинг мақсадга қаратилган бўлиши қонунийликнинг мажбурий шарти сифатида субъектив томонидан ҳам мудофааланувчи шахснинг ҳаракатлари ижтимоий фойдали манфаатга эришувига қаратилган бўлиши лозимлигини билдиради. Хусусан, мудофааланувчи ўзи амалга оширадиган ҳаракатларнинг ижтимоий фойдали характерини англаб етиши лозим, Шу билан ҳуқуққа қарши тажовузнинг олдини олаётганлигини билмай туриб тажовуз қилаётган шахснинг ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ

билан манфаатларини бузган шахс зарурий мудофаа ҳолатида ҳимоя қилишни амалга оширган шахс деб қаралиши умуман мумкин эмас. Иродавий жиҳати ҳам буида катта аҳамиятга эга бўлади, яъни мудофааланувчи тажовузга чек қўйиш орқали ижтимоий фойдали манфаатга эришишни исташи лозим. Шундай қилиб, зарурий мудофаанинг мақсадга қаратилганлиги нафақат шахснинг ҳимоя қилиш ҳаракатларининг ижти МОНЕ фойдали бўлишини кўзда тутуди, балки ушбу шахс шу мақсадга эришувини англаши ва унга интилишини талаб этади.

Зарурий мудофаада ҳимоя қилиш қонунийлигининг кейинги шарти **зарурий мудофаа** учинчи шахсларга, уларнинг ҳуқуқдари ва манфаатларига ёки жамият ёки давлатга зарар етказиш эмас, балки **мутлақо фақат тажовузчи шахсга зарар етказилиши орқали амалга оширилиши лозимлиги бўлиб, бу ЖК 37моддаси 1қисмида** очикойдин кўрсатилади.

Қонуннинг ушбу талаби зарурий мудофаа ҳуқуқи тажовузчининг ҳуқуққа қарши ҳаракатлари натижасида пайдо бўлиши билан белгилаб берилади, уларга чек қўйиш мақсадида унга зарар етказиш зарурати туғилади.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, тажовузчига зарурий мудофаа пайтида зарар етказиш ҳуқуққа қарши ҳаракатни ким содир этиши, қимоя қилиш кимга қарши қаратилганлиги, шунингдек, тажовузчи мудофааланувчи билан қандай муносабатларда бўлишига боғлиқ бўлмайди. Шу сабабли мудофаа ҳам мудофааланувчи яқин шахсларга қарши (турмуш ўртоғи, қариндоши, дўсти ва бошқалар), ҳам мутлақо нотаниш шахсларга қарши, оддий фуқарога ёки ҳокимият вакилига қарши қаратилган бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Мудофааланувчи томонидан тажовузга жавоб бериш оқибатида бегона шахсларга, яъни учинчи шахсларга зарар етказилган бўлса, унинг ҳаракатлари муайян ҳолатларига қараб қуйидагича квалификацияланиши лозим:

— ушбу жиноий ҳуқуқий институтнинг қонун талаб этган барча белгилари мавжуд бўлган ҳолда, охири зарурат сифатида;

— хаёлий мудофаа тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ, содир этилган қилмишда барча зарурий шартлар мавжуд бўлган ҳолда зарурий мудофаа ёки эҳтиётсизлик орқасидан жиноят сифатида;

— умумий асосларда одатдаги қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноят сифатида. Эҳтиётсизлик орқасидан жиноятдан фарқли равишда, хаёлий мудофаада айбдор шахс эҳтиётсизлик орқасидан зарар етказган учинчи шахсларнинг ҳаракатлари унинг онгида амалга оширилаётган тажовуз билан боғлиқ бўлмайди. Масалан, мудофааланувчи қуролланган талончиларнинг тажовузига чек қўйиш мақсадида улардан бирига жамоат жойида ўт очса ва бунда ўткинчи йўловчилардан бирига ўқ тегса;

— айбсиз зарар етказиш сифатида. Бундай ҳолатларда шахснинг ҳаракатлари ЖК 24моддасита кўра жиноий жазоланмайдиган бўлади.

Зарурий мудофаада ҳимояланиш жавоб берилаётган тажовузга мувофиқ келиши лозим, бу етказилган ва олди олинган зарарнинг мувофиқлигида ифодаланади. Мудофааланувчи шахснинг ҳаракатларида ҳимояланиш қонунийлигининг ушбу шартини аниқдаш жараёнида тергов ва суд органлари тажовузнинг характери ва хавfli эканлитита ҳамда мудофааланувчининг ҳуқуққа қарши ҳаракатга жавоб бериш юзасидан кучи ва имкониятларига, шунингдек, ҳимояланишнинг мувофиқлигини аниқлашда ҳисобга олиниши лозим бўлган бошқа ҳолатларга эътибор бериши лозим.

Тажовуз характери деб, бу ҳодда жиноий қасднинг ташқи намоён бўлиши, яъни қилмишнинг объектив томонининг сифат хусусиятлари тушунилади. Тажовуз характерини баҳолаш амалга ошириладиган таркибий элементлари унинг интенсивлиги, тезлиги ва тўсатданлиги жиноий натижага эришишдаги қатъийлиги бўлади. Бундан ташқари, тажовуз характерини аниқлашда, шунингдек, жиноий қасдига эришиш усули (зўрлик ишлатиш билан ёки зўрликсиз) ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Ҳимояланишнинг тажовуз хавфига мувофиқ бўлишининг талаби ҳимояланишнинг албагга жиноий қилмишнинг ички томонита мувофиқ бўлишини кўзда тутуди, жиноятнинг ички томони деган

да, маълум ижтимоий муносабатларга (жиноят i уна) i рпрои казишга қаратилганлиги тушунилади, уларнинг кадрқпммш p i , ш чалик кўп бўлса, уларга тажовуз бўлганда жиноят шунчалик хайfli бўлади. Бундан келиб чиқиб, тажовузнинг хавfli бўлиши униш жиноят зарарлиги жиҳатидан таърифлайдиган хусусияти бўлиб, жиноят

жамият учун қанчалик зарарли бўлса, қилмиш шунчалик хавфли бўлади. Бунда тажовуз хавфлилигини баҳолаш ҳам амалга етказилган, ҳам тахминий юзага келиши мумкин бўлган зарарига кўра ўтказилади.

Химоялашшнинг мувофиқлигини аниқлашда ҳисобга олинмиши лозим бўлган бошқа ҳолатлар муайян қилмишнинг тажовузчилар сони ва мудофааланувчиларнинг сони, уларнинг ёши, жисмоний ривожланиши, куралининг мавжудлиги, тажовузнинг вақти ва жойи каби элементларини қамраб олади. Бундан ташқари, мудофааланувчига тажовузчининг шахси тўғрисида маълум бўлган криминологик маълумотлар; тажовузчининг мудофааланувчи шахсга нисбатан тажовуздан аввал маълум вақт давомида бўлган агрессивлиги; жиноятнинг шароитлари; мудофааланувчи шахснинг жинси; химоя воситаларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш тури; мудофааланувчининг руҳий ҳолати ва бошқалар ҳисобга олинмиши лозим.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, химоянинг жавоб бериладиган тажовузга мувофиқлиги ҳам битта тажовузчига қарши амалга ошириладиган, ҳам бир гуруҳтажовуз қилаётган шахсларга қарши амалга ошириладиган зарурий мудофаада мавжуд бўлиши лозим. Айни пайтда, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган тажовузнинг характери ва хавфли эканлиги гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг алоҳида ҳаракатларидан келиб чиқиб эмас, бутун гуруҳнинг ҳаракатларидан келиб чиқиб аниқланади. Шу сабабли «агар тажовуз бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, мудофааланувчи ҳужум қилувчиларнинг ҳар бирига нисбатан гуруҳдаги барча тажовузчилар ҳаракатининг характери ва хавфлилики даражасига қараб тегишли химоя чораларини кўришга ҳақли»². Бунда шу гуруҳ аъзолари ҳаракатларининг аввалдан келишилганлиги аҳамиятга эга бўлмайди.

Мудофаанинг мувофиқ бўлиши химояланишнинг яхлит бир бутунлик деб қараладиган тажовузнинг алоҳида элементларига эмас, балки унинг барча элементларига мувофиқлигини кўзда тутишни қайд этиш керак. Шунинг учун мудофааланувчининг ҳаракатларини баҳолашда, масалан, фақат етказилган зарарнинг оғирлигидан ёки химояланиш ва тажовуз қилишнинг воситалари мувофиқлигидан келиб чиқиш мумкин эмас, чунки тажовуз туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланишҳолатида химояланувчи ҳамма вақт ҳам юз берган хавфнинг характерини аниқ англаб олмайди ва химоянинг тажовузга нисбатан мувофиқсулини танлай олмайди¹. Шунингдек, мудофаа ва тажовузнинг интенсивлитаца мутаносиблик ҳам талаб этилмайди.

Химояланишнинг тажовуз характери ва хавфига мувофиқ бўлишининг шартини мудофаанинг етарли бўлиши талаби деб тушунмаслик лозим, чунки тажовузга жавоб берувчи шахс, одатда, ҳар доим ҳам тажовузнинг характери ва хавфини аниқ баҳолай олиши ва жиноятнинг олдини олиш учун керакли ва етарли зарарни етказа олиши мумкин бўлавермайди. Зарурий мудофаа ҳолатидаги шахс томонидан етказиладиган зарар жавоб бериладиган тажовуз етказиши мумкин бўлган ва таҳдид солган зарардан камроқ, унга тенг ёки ундан кўпроқ бўлиши мумкин. Лекин бу ҳолат содир этилган қилмишни зарурий мудофаа деб баҳолашига таъсир этмайди, чунки зарурий мудофаанинг мақсади тажовуздан етказиладиган эҳтимолий зарарни камайтириш эмас (охирги заруратдаги каби), балки унинг олдини олиш, химоя қилинадиган манфаатларни химоялаш бўлади.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш бўлмаслиги тўғрисидаги қонун талаби зарурий мудофаада химояланиш қонунийлигининг мустақил шarti бўлади, «тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа» шундай деб тан олинади (ЖК 37моддаси 2қисми). Лекин аввал қараб чиқилган мудофаа қонунийлиги шартларидан фарқли равишда шахс ҳаракатларининг мазкур белгисита мувофиқ эмаслиги (яъни, мудофаа чегарасидан четга чиқиш) бундай мудофаа ҳолатининг йўқлиги ва содир этилган қилмишларни умумий асосларда малакалаш талабини келтириб чиқармайди, балки қилмишни зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб содир этилган қилмиш сифатида махсус малакалашга олиб келади, бу эса қонун томонидан жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб қаралади (ЖК 55моддаси 1қисми «е» банди). Бунда шуни қайд этиш лозимки, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш фақат у тажовузчининг қонун билан химояланмайдиган ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига зарар етказиш билан амалга оширилган ҳолда жиноийҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Жиноий қонунчилик билан химояланмайдиган объектларга зарар етказиш эса зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш сифатида қаралиши мумкин эмас ва ЖК бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, лекин тегишли шароитлар бўлганда маъмурий ёки интизомий айбли қилмиш ёки фуқаролик деликти деб малакаланиши мумкин.

Объектив жиҳатидан мудофаа чегарасидан четга чиқиш ҳимояланишнинг тажовуз характериға ва хавфиға очикойдин бутунлай мувофиқ келмаслигидан иборат. Бунда тажовузчиға жуда катта зарар, жиноий ҳаракатни амалға оширишдан юзаға келиши мумкин бўлган зарарға нисбатан анча оғирроқ зарар етказилади. Бундай қолларда, ҳимоя қилиш зарурий бўлмайди ва мувофиқбўлмайди, Бундай ҳимоя қилиш сўзсиз ҳолда тажовузнинг характери билан ҳам, хавфи билан ҳам, у содир бўлган ҳақиқий вазият билан қам келтириб чиқарилмаган мудофаа воситалари ва усулларини қўллаш оқибати бўлиши мумкин.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш фақат қатъий белгиланган ҳолатда зарурий мудофаа ҳолатида бўлиши мумкин, бу эса муайян қилмишда зарурий мудофаа қонунийлигининг барча шартлари мавжуд бўлишини талаб этади. Айни пайтда, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш шахс ҳаёлий тажовуздан ҳимоя қилишни амалға оширган ҳолларда — ҳаёлий мудофаа ҳолатларида ҳам юзаға келиши мумкин. Жумладан, ҳаёлий мудофаада шахснинг ҳаракатлари билан тегишли ҳақиқий тажовуз шароитида йўл қўйиладиган зарарнинг чегарасидан очикойдин четга чиқадиган зарар етказилган бўлса, улар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб малакаланиши лозим.

Субъектив жиҳатидан зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш айбнинг қасддан бўлган туриға киради. «Тажовузчиға унинг ҳужумини қайтариш вақтида эҳтиётсизлик билан етказилган зарар жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди».

Айни пайтда юзаға келган жиноий оқибатлар юзасидан мудофааланувчида фақат ўзига ишониш ёки эҳтиётсизлик тариқасидаги айбнинг эҳтиётсиз тури бўлиши мумкин, қасд эса зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишдан иборат бўлган қилмишнинг ўзида мавжуд бўлади. Масалан, «зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданға оғир тан жароҳати етказилганлик тажовузчининг ўлимиға олиб келса, ҳимояланувчининг айби тажовузчининг ўлимиға нисбатан эҳтиётсизлик оқибатида юз берган бўлса, Жиноят кодексининг 107моддаси билан тавсифланиши керак». Юзаға келган оқибатларға нисбатан фақат айбнинг қасддан бўлган шакли мавжуд бўлишиға асосланган ушбу масалани бошқача ҳал этиш жино ий жавобгарлик чегарасини асоссиз торайтириб, ЖК вазифалари ҳал этилишиға ёрдам бермайди. Агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишда мудофааланувчи жиноий оқибатлар юзаға келиши мумкинлигини англаб етган ва уларнинг юзаға келишини истаган ёки онгли равишда йўл қўйган бўлса, унинг ҳаракатлари тегишлича қасддан содир этилган мустақил жиноят деб малакаланиши лозим. Бунда зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш аломатиға кўра малакаланиш талаб этилмайди, лекин бу ҳолат суд томонидан албатта енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобға олиниши лозим.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишда субъектив томоннинг мажбурий элементи мудофааланувчи ўз олдига қўйган ўзига хос мақсад, яъни ҳуқуқ билан ҳимояланадиган манфаатға тажовуздан ҳимоя қилиш, бундай тажовузға жавоб бериш бўлади. Бу мақсаднинг йўқлиги мудофааланувчининг ҳаракатларини зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш билан содир этилган деб малакаланишға имкон бермайди.

Агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишнинг оқибатида тажовузчининг ўлими юз берса ёки унга оғир тан жароҳати етказилса, у ҳолда мудофааланувчи мос ҳолда ЖК 100 ва 107моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши лозим. ЖК нинг ушбу моддалари бўйича зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишда малакаланиш, шунингдек, у ёки бу жиноятнинг малакаловчи аломатлари мавжуд бўлганда ҳам ўтказилиши лозимлигини унутмаслик лозим. Жумладан, «зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб одам ўлдириш Жиноят кодекси 97моддаси 2қисмининг «а, б, д, ж, р, с» бандларида кўрсатилган ҳолатларда содир этилган ҳолларда ҳам Жиноят кодексининг 100моддаси билан тавсифланиши лозим» ва ЖК 107моддаси бўйича ҳам шундай малакаланиш ўтказилиши керак.

Тергов ва суд органлари, шунингдек, «зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб, содир этилган қасддан одам ўлдириш, қасддан оғир ёки ўртача оғир тан жароҳати етказиш жиноятларини кучли ҳаяжонланиш ҳолатида юз берган одам ўлдириш, оғир ёки ўртача оғир тан жароҳатлари етказиш жиноятларидан фарқ қила билишлари керак. Бу ерда шуни назарда тутиш керакки, кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида содир этилган жиноятларда жабрланувчиға зарар етказиш ҳимояланиш мақсадида бўлмайди, демак, зарурий мудофаа ҳолатида ҳам юз бермайди. Бундан ташқари, жабрланувчининг хаттиҳаракатлари туфайли тўсатдан юз берган руҳий ҳаяжонланиш жиноятлари (Жиноят кодексининг 98, 106моддалари) худди шунлай ҳаяжонланиш таъсири остида вужудға келади, зарурий

мудофаа чегарасидан чиқиб содир этилган жиноятлар учун эса бутддай бўлиши шарт эмас.

Агар ҳимояланувчи тўсатдан юз берган кучли руҳий хаяжонланиш оқибатида зарурий мудофаа чегарасидан чиқса, айбланувчининг ҳаракати Жиноят кодексининг 100 ёки 107моддалари билан тавсифланиши керак».

Шахснинг ҳаракатларида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш малакаланганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фақат

умумий ифодалаш билан чекланмаслиги лозим. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш мавжудлиги тўғрисидаги хулоса ишнинг муайян ҳолатларига асосланиши лозим, бунда «ҳимоянинг ҳужум характери ва хавфлилик даражасига бутунлай номувофик экаплигини аниқлаш» хулоса албатта кўрсатилиши лозим.

Зарурий мудофаа ҳуқуқининг субъекти унга қарши тажовуз қилинган ёки бошқа шахсларга, жамият ёки давлатга қарши қаратилган тажовузга мустақил жавоб берувчи исталган жисмоний шахс бўлиши мумкин. Бунда ушбу субъектнинг лаёқати аҳамиятга эга эмас. Шунингдек, шахснинг лавозим ва жамоат мақоми ҳам аҳамиятга эга бўлмайди; зарурий мудофаа ҳуқуқи ҳар бир инсонга тутилганидан бошлаб тегишли бўлади ва у ҳам оддий фуқаро томонидан, ҳам чет эл фуқароси, мансабдор шахс, жамоат арбоби ва бошқалар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишнинг субъектлари фақат тегишли жиноятнинг субъектлари бўлган шахслар бўлиши мумкин. Жумладан, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишда ўлим ёки оғир тан жароҳати етказилиши учун фақат 16 ёшга етган ақли расо шахсларгина жавобгарликка тортилиши мумкин.

Зарурий мудофаа ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг мутлақо шахсий, маънавий ҳуқуқи бўлиб, шахс, жамият ёки давлатнинг манфаатларига ижтимоий хавфли тажовуз содир этилиши оқибатида юзага келади. Шунинг учун ҳар бир инсон ўзининг зарурий мудофаа ҳуқуқидан фойдаланишфойдаланмаслигини ўзи мустақил ҳал этади. Бунда ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш бирорбир ташқи ҳолатларга, хусусан, «бошқа шахсларга ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёхуд тажовуздан ўзга йўсинда қутулиш имконияти борйўқдигидан қатъи назар» боғлиқбўлмайди (ЖК 37моддаси 3қисми). «Тажовузга учраган шахс, ундан қочиб қутулиш, бошқа фуқароларга ва ҳокимият вакилларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёки бошқа усуллар билан тажовуздан сақланиш имкониятига эга бўлса, бундай ҳолда тажовузга қарши актив равишда мудофааланиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар» деган фикр мутлақо нотўғри.

Шахсларнинг маълум бир тоифаси учун зарурий мудофаани амалга ошириш ҳуқуқи маънавий категориялар соҳасидан ҳуқуқий белгиланиш соҳасига ўтиши, яъни ҳуқуқий бурчи бўлишини таъкидлаш лозим. Бундай шахслар сирасига милиция ходимлари, ички ишлар органлари бошқа бўлинмаларининг ходимлари, ҳарбий хизматчилар, Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, инкассаторлар ва бошқалар киради. Ушбу шахслар томонидан зарурий мудофаани амалга ошириш уларнинг хизмат бурчи бўлади.

4§. Охирги зарурат

Охирги зарурат зарурий мудофаа билан бир қаторда қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган энг кўп тарқалган ҳолатларга киради. Лекин зарурий мудофаадан фарқли равишда охирги зарурат ҳуқуққа қарши тажовузнинг олдини олиш бўлмайди, балки ҳуқуқ билан муҳофаза қилинадиган манфаатлар тўқнашувида зиддиятларни ҳал этишнинг ҳуқуқий механизми бўлади, Охирги зарурат ҳолатида бўлган шахс танлаши лозим: ёки таҳдид солаётган хавфга йўл қўйиш ёки бошқа қонуний манфаатларга зарар етказиш билан уларни бузиш орқали бу хавфни бартараф этиш. Охирги ҳолда шахснинг қилмиши расман жиноятдан фарқ қилмаслиги мумкин, лекин унинг маълум шартларга мувофик бўлган ҳолатида у ижтимоий фойдали ва қонуний деб тан олинади.

Охирги зарурат — бу қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат бўлиб, унда ушбу шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг ҳаёти ёки ҳуқуқларига, жамият ва давлатнинг қонуни билан ҳимояланадиган манфаатларига таҳдид солувчи хавфни бартараф этиш учун бошқа ҳуқуқларга ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар

етказилади, тахдид солаётган хавф бошқа воситалар билан бартараф этилмайдиган бўлганлиги ва етказилган зарар олди олинган зарардан камроқ бўлиши шarti билан.

Охирги зарурат қонуний бўлишининг **ЖК 38моддаси 1қисмида** кўрсатилган шартлари иккита гуруҳга бўлинади, улардан бири тахдид солувчи хавфга оид талабларни белгилайди, иккинчиси эса хавфни бартараф этиш қилмишининг қонунийлигига оид талабларни белгилайди.

Тахдид солувчи хавфга оид талаблар, биринчи навбатда, бошқа ҳуқуқлар ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларга зарар етказилишининг қонуний асоси сифатида ҳуқуқ билан кўриқланадиган манфаатларга зарар етказилиши тахдидининг юзага келишини белгилаб берувчи ҳолатларга яхлит таъриф бериши лозим. Фақат ушбу ҳолатлар барча керакли шартларга жавоб берган ҳолдагина шахс охирги зарурат ҳуқуқини амалга ошириши мумкин, акс ҳолда унинг ҳаракатлари умумий асосларда мустақил жиноят сифатида малакаланиши лозим. Ушбу шартлар айтиб ўтилган ҳолатларни уларнинг ижтимоий хавфли эканлиги, мавжудлиги ва ҳақиқийлиги жиҳатидан таърифлайди.

Ижтимоий хавфлилик уларга хос бўлган хусусиятлар туфайли, ҳолатлар ёки хавф манбалари айнан жиноий қонунчилик қимояси остида бўлган, ижтимоий аҳамиятли бўлган объектларга тахдид юзага келишини белгилаб беради. Шундай объектлар сифатида ЖК охирги зарурат ҳолатида қилмишни амалга оширган шахс, бошқа шахсларнинг шахси ёки ҳуқуқдари, жамият ва давлат манфаатларини кўрсатади. Атроф муҳитга, мулкка, бошқарув тартибига зарар етказиш билан тахдид солувчи ҳолатлар ижтимоий хавфли ва охирги зарурат ҳолатига олиб келадиган деб тан олинади.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, охирги зарурат ҳолатида тахдид солувчи хавфни белгилаб берувчи ҳолатлар фақат ижтимоий хавфли бўлиши лозим, зарурий муҳофаадан фарқи равишда бу ерда жиноятнинг ҳуқуққа қарши бўлишининг белгиси талаб этилмайди. Бу шарт нафақат бошқа кишиларнинг тажовуз қилиши, балки: табиат кучларининг таъсири (табиий офатлар, обҳаво шароитлари ва ҳоказолар), инсон организмнинг физиологик ва патологик жараёнлари (ориклашув, сувсизлашув, касаллик ва бошқалар); юқори хавф манбалари; ҳайвонларнинг ҳаракати; машиналар ва механизмларнинг носозлиги ва бошқалар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, айбсиз қилмишлар ҳам хавф манбаи деб тан олинади.

Кейинчалик охирги заруратни амалга оширувчи шахснинг ҳаракатлари ҳам хавф манбаи бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда тергов ва суд органлари объектив равишда ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келган қилмишни амалга оширишнинг субъектив томонига эътибор бериши лозим. Жумладан, ушбу қилмиш шахс томонидан қасдан, ўзи учун ёки бошқа шахс учун ёки бошқа ижтимоий манфаат учун хавфли ҳолатни юзага келтириб, кейин бирорбир жиноий қилмишни содир этган ҳолда охирги заруратга ҳавола этиш мақсадида содир этилган бўлса, унинг ҳаракатлари умумий асосларда оддий жиноят сифатида малакаланиши лозим. Бундай ҳаракатлар охирги зарурат провокацияси дейилади. Бундай ҳолда жиноят қасди нафақат бирламчи қилмишни, балки шахс ўзининг ғаразли мақсадида фойдаланмоқчи бўлган кейинги охирги заруратни қамраб олиши лозим. Бу сабабдан, агар шахс аввал қасдан жиноятни содир этса, кейин эса жиноят ижтимоий хавфли оқибатларининг олдини олиш учун унинг онгида қамраб олинмаган яна бир ижтимоий хавфли қилмишни содир этса, иккинчи қилмиши охирги зарурат ҳолатида содир этилган деб қаралиши лозим. Масалан, агар шахс бошқа кишига қасдан оғир тан жароҳатини етказган бўлса, кейин эса унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун автомобилни олиб қочиб кетса, кейинги қилмиши охирги зарурат ҳолатида содир этилган деб малакаланиши ва жавобгарликка тортилмаслиги лозим.

Бирламчи қилмишни шахс эҳтиётсизлик орқасидан ёки умуман айбсиз содир этган ҳолда, унда бирламчи қилмиш туфайли юзага келтирилган каттароқ зарарнинг олдини олиш учун кейинчалик камроқ зарарни етказиш доимо охирги зарурат қоидаларига кўра малакаланиши лозим. Бирламчи қилмиш эса мустақил ҳуқуқий баҳоланиши керак.

Охирги заруратда хавф манбаи деб, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг маълум қонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳам тан олинади мумкин. Жумладан, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар сифатида: зарурий муҳофаа, охирги зарурат, жиноятчини ушлаш ва бошқалар мавжуд бўлганда содир этилган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) тан олиш лозим. Сўзсиз равишда, зарурий муҳофаа чегарасидан четга

чиқишда, буйрукни бажаришда содир этилган қилмишлар ва ҳоказолар хавф манбаи деб тан олинishi лозим. Бундай ҳаракатларга қарши охирги зарурат доимо мумкин ва қонуний бўлади.

Хавфнинг мавжудлиги қонун билан кўриқданадиган объектларга шу ондаги ва олдини олиб бўлмайдиган зарар етказилишининг ҳақиқий тахдиди мавжудлигини ёки шундай зарар етказилиб, ҳали юзага келмаганлигини билдиради. Маълум шароитларда мумкин бўлган ёки ўтиб кетган ёки бартараф этилган хавф мавжуд деб тан олинмайди ва охирги зарурат ҳолатини юзага келтирмайди. Бундай ҳодца зарар етказиш охирги зарурат қолатида содир этилган деб қаралиши мумкин эмас, балки умумий асосларда мустақил ҳуқуқий баҳоланиши лозим.

Хавф узоқдавом этадиган бўлиши мумкин, масалан, сел оқинининг тахдиди, аварияли ҳолатдаги иншоот кулаб тушиши хавфи ва ҳоказо, шунинг учун охирги заруратни қўллаш асоси қонун билан кўриқданадиган манфаатларга қақиқатда хавф солинган бутун давр мобайнида мавжуд бўлади. Хавф ҳолатининг тугаши охирги заруратни қўллаш учун асос йўқолишини билдиради.

Охирги заруратдаги хавф мос келадиган зарурий шарти унинг **ҳақиқийлиги** бўлиши лозим, яъни у объектив равишда, амалда мавжуд бўлиши керак. Хавф ҳақиқий бўлмаган, лекин фақат субъектнинг унинг мавжудлиги ҳақидаги хато тасаввуридан иборат бўлган ҳолда эса уни бартараф этишга қаратилган шахснинг қилмиши ҳаёлий охирги зарурат ҳолатида содир этилган деб қаралиши лозим, бундай ҳолатларда жавобгарлик масаласи амалдаги хато тўғрисидаги қоидаларга кўра ҳал этилади.

Жумладан, шахснинг ҳаракати шахс ўз тахминининг хатолигини англаб етмаган ва содир бўлган воқеанинг бутуи вазиятидап келиб чиқиб, англаб етиши керак бўлмаслиги шарти билан **охирги зарурат ҳолатида содир** этилган деб қаралиши лозим. Ва агар шахс ўз тахмини хато эканлигини иш ҳолатларига кўра англаб етиши лозим ва мумкин бўлсада, англаб етмаган бўлса, **эҳтиётсизлик орқасидан жиноят** сифатида малакаланади. Умуман олганда, охирги заруратда хавфнинг ҳаёлий бўлишининг содир этилган қилмиш малакаланишига таъсир этиши зарурий мудофаадаги каби таъсирига ўхшаш бўлади.

(«Ҳаёлий мудофаа» тушунчаси ҳақида мазкур бобнинг «Зарурий мудофаа» деб номланувчи 3§ да батафсил тушунтирилган.)

Тахдид солаётган хавфни бартараф этишга қаратилган қилмишнинг қонунийлиги унинг назария ва амалиётда ишлаб чиқилган ҳамда **Ж.К 38моддаси 1қисмида** мустаҳкамланган маъдум мезонларга мувофиқ бўлишини талаб этади. Ушбу мезонлар қилмишни унинг ижтимоий фойдали мақсади, айнан шундай қилмишни амалга ошириш мажбурийлиги (хавфни бошқа воситалар билан бартараф этиш мумкин эмаслиги), унинг учинчи шахслар ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказишга қаратилганлиги, етказилган зарар ҳамда олди олинган зарарнинг мувофиқ бўлиши жиҳатидан таърифлайди, Бундан ташқари, бундай қилмишга алоҳида ўзига хос талаб сифатида қокун охирги зарурат чегарасидан четга чиқмасликни ажратиб кўрсатади. Фақат қилмишнинг барча белгиланган шартларга мувофиққелиши уни охирги зарурат ҳолатида содир этилган, яъни жиноий бўлмаган ва жиноий жавобгарликка тортилмайдиган деб тан олишга имкон беради.

Охирги заруратда қилмиш қонун билан кўриқданадиган объектларга зарар етказиш хавфини бартараф этишга қаратилади, яъни у ижтимоий фойдали бўлиб, **ижтимоий фойдали** манфаатга эришиш мақсадига хизмат қилади. Бунда жиноий қонун ҳуқуқ билан кўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган барча қилмишларни эмас, балки қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқлар ва манфаатларга тахдид солувчи хавфни бартараф этишга қаратилган қилмишларни ижтимоий фойдали деб тан олади, Бошқа манфаатларни ҳимоя қилиш ижтимоий фойдали деб тан олинмайди ва шунинг учун охирги зарурат деб қаралиши мумкин эйас.

Қилмишнинг мажбурийлиги (хавфни бошқа воситалар билан бартараф этиб бўлмаслиги) юзага келган шароитда ҳуқуқбилан кўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш хавфни бартараф этишниш ягона мумкин бўлган, охирги усули эканлигини билдиради (жино

ий ҳуқуқ кўриб чиқилган институтининг номланиши ҳам шундан келиб чиқади). Бошқача айтганда, жиноят қонуни ҳимояси остида бўлган ҳуқуқлар ва манфаатларга зарар етказилиши хавфи юзага келганда шахс қонуний ҳаракатлар билан зарарнинг олдини олишга интилиши ва фақат тахдид солувчи хавфни бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолдагина бир манфаатни бошқаси учун мажбуран қурбон қилиши керак, чунки хавфни

бартараф этишнинг бошқа воситалари йўқ ёки етарли бўлмайди. Шундай қилиб, шахс, энг аввало, ҳуқуқ билан қўриқланадиган манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга ва фақат бу мумкин бўлмаганда уларнинг камроқ аҳамиятли бўлганига зарар етказилишига интилиши лозим. Ушбу масалани шундай ҳал этиш охириги заруратда жиноят қонуни билан тент равишда химоя қилинадиган объектлар тўқнашуви туфайли келиб чиқади.

Хавфни бошқа ҳуқуқ билан қўриқланадиган манфаатга зарар етказмай бартараф этиш имконияти ҳаракатларнинг қонунийлигини истисно этади; ушбу институтнинг зарурий мудофаадан фарқи ҳам шундан иборат, у бошқа имконият бўлганда ҳам зарар етказилишига йўл қўяди. Бундай ҳолатларда содир этилган қилмиш умумий асосларда малакаланиши лозим. Бунда тергов ва суд органлари қилмишнинг субъектив томонига эътибор бериши лозим, яъни агар шахс ҳуқуқ билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказмаган ҳолда хавфни бартараф этишнинг бошқа имкони мавжудлигини англаб етган ёки иш ҳолатларига кўра англаб етиши лозим бўлган ҳолда унинг ҳаракатлари тегишли қасддан ёки эҳтиётсиз жиноят сифатида малакаланиши лозим. Агар шахс унда зарар етказилиши билан боғлиқ бўлмаган бошқа қилмишларни амалга ошириш имкони мавжудлигини англаб етмаган ва иш ҳолатларига кўра англаб етиши мумкин бўлмаган ҳолда бу қилмишни охириги зарурат қоидаларига кўра малакаланиши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, қилмишни охириги заруратда амалга ошириш мажбурийлиги унинг шу вазиятда ягоналигини билдирмайди, яъни айнан шу қилмиш ягона бўлиши лозимлиги талаб этилмайди. Қилмишнинг мажбурийлиги фақат зарар етказиш мажбурийлиги бўлиб, лекин уни етказиш усуллари мажбурий бўлмайди.

Охириги зарурат ҳолатида содир этилган ҳаракат аломатларига мос келувчи қилмишни содир этиш **фақат учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказиши лозим.**

Учинчи шахслар деб, охириги заруратда бартараф этиладиган хавфни юзага келтириш билан боғлиқ бўлмаган жисмоний ва юридик шахслар, умуман давлат ва жамият тушунилади.

У ёки бу шахсни, жамият ёки давлатни **ЖК 38 моддаси** маъносида учинчи шахс деб тан олиш учун юзага келган хавфга дахлсизлигини ҳам субъектив, ҳам объектив аломати сифатида аниқлаш лозим бўлади. Жумладан, объектив элсменти тегишли шахс, жамият ёки давлат фаолияти амалда охириги заруратда бартараф этиладиган хавфга олиб келмаганлигини қўзда тутлади. Субъектив томонида эса, учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига етказилган зарар деб тан олиш учун охириги зарурат ҳолатида ҳаракат қилган шахс ушбу шахсларнинг бартараф этилаётган хавфга дахли йўқлигини англаб етиши ва уларга зарар етказишни истаганлиги ҳолатини аниқлаш керак бўлади.

Охириги зарурат ҳолати қонунийлигининг мажбурий шарти **етказилган зарар олди олинган зарардан камроқ бўлиши** талабидир. Етказиладиган зарар ва бартараф этилган хавф мувофиқлигининг ушбу талаби охириги заруратда зарар тажовузчининг ўзига эмас, учинчи шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари ва манфаатларига етказилиши туфайли келиб чиқади.

Тенг зарар, шунингдек, каттароқ зарар етказилиши мувофиқлик шартининг бузилиши бўлади. Айни пайтда ушбу шарт субъектнинг мумкин бўлганларидан энг кам зарар етказиш мажбуриятини билдирмайди. Шунинг учун, агар хавфни бартараф этиш учун шахснинг бартараф этиладиган хавфга қараганда камроқ зарар етказадиган бир неча усуллари мавжуд бўлса, у ҳолда шахс улардан исталган усулни қўллашга ҳақли бўлади ва унинг ҳаракатлари охириги зарурат ҳолатида содир этилган деб қаралиши лозим. Бунда содир этилган қилмишни малакаланишга ушбу усуллардан бирортаси бошқаларига қараганда камроқ зарарга олиб келиши таъсир этмайди. Бу ҳолда фақат етказилган зарар олди олинган зарардан камроқлиги аҳамиятли бўлади.

Етказилган ва олди олинган зарарнинг мувофиқлиги зарар етказилган ва етказилмаган неъматлар ва манфаатларнинг мувофиқлигини билдиради. Ушбу зарар турларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини қиёслашда асос қилиб олиш мумкин бўлган усул мавжуд эмас. Қайси неъмат қимматли эканлиги, қайси зарар камроқ бўлиши масаласи ҳар бир муайян ҳолда ишнинг аниқ ҳолатларига боғлиқ ҳолда ҳал этилади. Бунда зарар етказилиши олди олинган бузилган неъматнинг муҳимлиги, таҳдид солган хавф тури, хавф бартараф этилмаган ҳолда юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Тергов ва суд органлари етказилган ва бартараф этилган зарарнинг сифатмикдор мувофикдиги тамойилига таяниши керак, жумладан:

— **етказилган зарар бартараф этилган хавфдан бошқача бўлган ҳолда.** Бу вазиятда тергов ва суд органлари етказилган зарар хусусиятига кўра бартараф этиладиган хавфга қараганда камроқ бўлишига эътибор бериши керак (масалан, ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадида мулкӣ зарар етказилиши, инсониятга қарши жиноятнинг олдини олиш мақсадида ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш ва ҳоказо);

— **сифат жиҳатидан бир хил,** яъни айнаи бир хил ижтимоий муносабатларга қарши йўналган **зарар етказилган ҳолда.** Бундай ҳолат юз берганда олди олинган зарар фақат миқдор жиҳатидан у олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлиши шарти билан камроқдеб тан олинши лозим (масалан, икки ва ундан ортиқ шахсларга оғирлиги шу каби тан жароҳати етказилишининг олдини олиш мақсадида оғир тан жароҳатини етказиш ва ҳоказо);

— **бартараф этилган хавфдан сифати ва даражаси фарқланадиган зарар етказилган** ҳолда, айниқса бошқа объектларнинг кўпроқ сонини қутқариш мақсадида ЖК ҳимоя қиладиган имтиёзли объектларнинг камроқ сонига зарар етказилиши (масалан, бир нечта кишиларга оғир тан жароҳатлари етказилишининг олдини олиш учун бир кишини ўлдириш) бундай ҳолда охири зарурат зарар етказиладиган ва бартараф этиладиган ЖК ҳимоя қиладиган объектларнинг характери ўртасида кескин номувофиклик бўлмаган ҳолда қонуний деб тан олинши керак. Бу ҳолда етказилган зарар ва олди олинган зарарга нисбатан аҳамияти масаласини ҳал этиш кўпроқ ишнинг муайян ҳолатларига боғлиқ бўлади: хавф бўлган ва зарар етказилган объектларнинг индивидуал хусусиятлари, таҳдид солган ва етказилган зарарнинг ҳақиқӣ миқдори ва бошқалар. Худди шундай тарзда бир ёки бир неча катта аҳамиятли неъматларни кам аҳамиятли кўпроқ неъматларга зарар етказилиши ҳолатида ҳимоя қилиш масаласи ҳал этилиши керак (масалан, ўз мулкини ўзганинг мулкига, жамоат тартибига, бошқарув тартибига зарар етказиш орқали ҳимоя қилиш ва ҳоказо).

Охири зарурат қонунийлигининг мустақил шарти сифатида **қонун шахснинг охири зарурат чегарасидан четга чиқмаслиги** шартини кўрсатади (**ЖК 38 моддаси 2 қисми**).

«Агар бошқа воситалар орқали хавфнинг олдини олиш мумкин бўлса ёки келтирилган зарар олди олинган зарардан ошиб кетса, қонун билан кўриқланидиган ҳуқуқ ва манфаатларга бундай зарар етказиш охири зарурат чегарасидан четга чиқиш деб топилади» (**ЖК 38 моддаси 3 қисми**).

Шуни қайд этиш лозимки, бу шартлардан ҳеч бўлмаса биттаси бўлмаганда охири зарурат чегарасидан четга чиқиш деб қисобланади: қилмиш мажбурийлиги ёки етказилган зарар мувофиклиги ва уларнинг жамулжамлиги бу ҳолда талаб этилмайди. Айнаи пайтда охири зарурат чегарасидан четга чиқиш фақат шундай зарурат бўлганда мумкин бўлади, шунинг учун қилмишни охири зарурат чегарасидан четга чиқишда содир этилган деб тан олиш учун тергов ва суд органлари охири зарурат ҳолати мавжудлигини, яъни мажбурийлиги ёки мувофиклигидан ташқари барча аввал шарҳланган шартлар мавжудлигини аниқлаши лозим.

Шахс қилмишини охири зарурат чегарасидан четга чиқишда содир этилган деб малакалаш учун тергов ва суд органлари субъектив тоқюнининг шаклига алоҳида эътибор бериши керак, у қилмишни баҳолашга ҳал этувчи таъсир кўрсатади. Бунда таҳдид солган хавф келтириб чиқарган кучли руҳӣ ҳаяжон ҳолатида шахс ҳар доим ҳам охири зарурат чегарасини тўғри аниқлаб ва белгилаб ололмайди. Шу сабабли, охири зарурат чегарасидан четга чиқишни аниқлаганда тергов ва суд органлари ҳар бир муайян ҳолатга индивидуал ёндашиши керак.

Қилмиш мажбурийлиги мавжуд эмаслиги аломатига кўра охири зарурат чегарасидан четга чиқишга қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги айб хос бўлади, яъни шахс хавфни зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаган усулда бартараф этиш имконини англаб етган ёки иш ҳолатларига кўра англаб етиши лозим бўлган ҳолат бўлади. Бу ҳолда содир этилган қилмиш ЖК 55 моддасининг 1 қисми «е» бандига ҳавола этган ҳолда тегишли қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан жиноят деб, яъни охири зарурат чегарасидан четга чиқиш билан содир этилган жиноят деб малакаланиши керак.

Агар охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш олди олинган зарардан каттароқ зарар етказилишида ифодаланса, охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш учун жавобгарлик фақат қилмиш жиноий эҳтиётсизлик шаклида содир этилган ҳолда юзага келади. Бошқача айтганда, айбдор шахс у олди олинаётган зарарга қараганда каттароқ ёки тенг зарар етказилаётганлигини иш ҳолатларига кўра англаши лозим бўлсада, англаб етмайди. Шу ҳолда каттароқ зарарни етказиш қасди аниқланса (масалан, жабрланувчига оғир тан жароҳатини етказишга йўл қўймаслик учун уни ўлдириш), содир этилган қилмиш тегишли қасддан жиноят деб малакаланиши лозим, бунда охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш бўлмайди.

Охирги зарурат чегарасидан четга чиқишда субъектив томоннинг мажбурий элементи ижтимоий фойдали мақсади бўлади: каттароқ зарар етказишни камроқ зарар етказиш орқали бартараф этиш. Охирги зарурат қонунийлигининг умумий шарти бўлган қолда ушбу шарт охирги зарурат чегарасидан четга чиқишда содир этилган қилмиш сифатида баҳолашда алоҳида аҳамият касб этади.

ЖК да охирги зарурат чегарасидан четга чиқишда содир этилган махсус жиноят таркиблари йўқдигини қайд этиш лозим. Шунинг учун бундай қилмишларни тегишли қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан жиноят учун жавобгарликни кўзда тутган моддалар бўйича малакалаб, у охирги зарурат чегарасидан четга чиқишда содир этилганлигини кўрсатиш керак, бу эса қонун томонидан энгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинади (ЖК 55 моддаси 1 қисми «е» банди).

Охирги зарурат ҳуқуқи ҳар бир инсонга унинг ёши, лаёқати, ижтимоий мақоми ва бошқа омилларидан қатъи назар тегашли бўлади — қонунда бу жиҳатдан бирорбир чеклаш мавжуд эмас. Ҳар ким ушбу субъектив ҳуқуқидан ушбу неъматларни ўз кучи билан ҳимоя қилиш учун фойдаланиши мумкин, лекин уни амалга оширмаслиги ҳам мумкин. Айни пайтда баъзи шахслар учун хавфни бартараф қилиш касбий ва хизмат бурчи бўлади, масалан, милиция, МХХ, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ва ҳоказо. Бу шахсларга уларнинг хизмат ёки касбий вазифаларини бажарганида охирги зарурат қоидалари тааллуқли бўлмайди, яъни улар охирги зарурат туфайли, яъни бу ҳолда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказилиши мумкинлиги туфайли хавфни бартараф қилишдан бош торта олмайди, лекин хавфни бартараф қилишда милиция, МХХ, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ва бошқалар учинчи шахслар ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказиш керак бўлган вазиятга дуч келиши мумкин (масалан, ёнгин ичагини тортиб ўтказиш учун автомашина ойнасини синдириш), бу ҳолда уларнинг ҳаракатлари қаралаётган модданинг қоидаларига мувофиқ баҳоланиши лозим.

Айни пайтда охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш субъектлари деб, тегишли жиноят учун жиноий жавобгарлик ёшига етган ва бундай жиноят субъектининг барча керакли аломатларига эга бўлган лаёқатли жисмоний шахслар тан олиними мумкин.

ЖК 38 моддаси 5 қисмининг қоидаларита мувофиқ, жисмоний ёки руҳий мажбурлаш оқибатида жиноий қилмишнинг содир этилиши охирги зарурат қоидалари бўйича малакаланиши лозим.

Жисмоний мажбурлаш — бошқа шахсга унга зўрлик ишлатиш туридаги, яъни унинг иродасига қарши, шахснинг иродасини босиш ёки бўйсундириш ёхуд ҳаракати эркинлигини чеклаш мақсадида амалга оширилаётган жисмоний чораларни қўллаш орқали таъсир этишдир. Жисмоний мажбурлашда зўрлик ишлатиш туридаги чоралар турли оғирлик даражасидаги тан жароҳатларини етказиш, турли кучли таъсир этувчи ва гиёҳвандлик моддаларини қўллаш, изоляция қилиш ва бошқаларда ифодаланиши мумкин, бу чораларнинг муайян тури малакалаш учун аҳамиятга эга эмас.

Руҳий мажбурлаш бошқа шахсга руҳий зўрлик ишлатиш чораларини қўллаш орқали таъсир этиш бўлиб, улар мажбурланаётган шахс ёки унинг яқинларининг ҳаёти ва соғлиғи, мулки ёки бошқа ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказиш таҳдидлари, шунингдек, руҳиятига бевосита таъсир этиш (турли психотроп моддаларни қўллаш, гипноз ва ҳоказолар) бўлиши мумкин. Шахснинг иродасини босиш ёки бўйсундириш ёхуд ҳаракати эркинлигини чеклаш учун қўлланган муайян усуллар жиноятни малакалаш учун аҳамиятли эмас.

Ҳам жисмоний, ҳам руҳий мажбурлашнинг зарурий аломати у мажбурланаётган шахснинг иродасига қарши ва ундап ташқарп с<> дир этилиши бўлади. Акс ҳолда мажбурлаш мавжуд бўлмайди (масалан, дўкон қоровули талончиларнинг жиноий шерипи бўлган қолди у шериклик қилишда гумон қилинмаслиги учун улардап уип лашларини сўрайди).

Айни пайтда шахснинг иродасига қарши фақат **ноқонуний 40**ралар кўрилиши мажбурлаш сифатида тан олинishi лозим, йўл кўйиладиган бир қатор ҳолларда эса, қонун талаб қилган ҳораларци кўллаш мажбурлаш сифатида қаралмайди (масалан, қамоққа олиш, ноқонуний ҳаракатлар устидан шикоят қилиш таҳдиди ва ҳ.к.), бундай ҳолларда гўёки мажбур этилган шахснинг қилмиши учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказган ҳолда тегишли қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноят деб малакаланиши лозим.

Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказган мажбурланган шахснинг иродавий ҳаракатига турлича таъсир этиши мумкин. Жумладан, шахс ўз ҳаракатларини танлаш эркинлигида тўлиқ чекланиши ёки қисман чекланиши мумкин.

Шахс фаолияти эркинлигининг турлича характери турли ҳуқуқий баҳоланади, агар:

—**шахс ўз ҳаракатларини идора эта олмаса** (масалан, тўлиқ изоляция қилиш ёки гипнотик уйқу ҳолати ва ҳ.к.), бу ҳолда мажбурланувчи мажбурловчининг қўлида воситагина бўлиб, танловли ҳаракат қилиш имкониятидан тўлиқ маҳрум бўлади, бундай шахс жавобгарлиги амалга ошириладиган жиноийҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликда иродасини намоён этиш бўлмагани учун истисно этилади;

—**шахс ўз ҳаракатини бошқариш имконини сақлаб қолади** (масалан, зарар етказиш таҳдиди, қийнаш ҳолатида ва ҳоказо). Бундай вазиятда мажбурланаётган шахснинг қилмиши **ЖК 38**моддасига мувофиқ, охири зарурат қоидалари бўйича баҳоланиши керак. Лекин қилмиш охири зарурат қонунийлиги шартларига жавоб бермаса, мажбурланган шахснинг ҳаракатлари мустақил жиноят сифатида малакаланиши керак. Бунда уни мажбурлаш остида содир этилганлиги **ЖК 55**моддаси 1қисми «г» банди бўйича енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қаралиши керак.

Судтергов амалиётида, кўпинча, у ёки бу қилмишни зарурий мудофаа ҳолатғда содир этилган деб малакалашда маълум қийинчиликлар келиб чиқади. Айни пайтда тўғри малакалаш етказилган зарарнинг чегарасини аниқлашда катта аҳамиятга эга бўлиб, жиноий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқий мақомига бевосита таъсир этади. Бундан ташқари, содир этилган қилмишнинг тўғри малакаланиши **ЖК** вазифаларига эришиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг обрўси ва мавқеи ортишига хизмат қилади.

Шу сабабли тергов ва суд органлари зарурий мудофаа ва охири зарурат фарқдарита эътибор бериши лозим:

—зарурий мудофаада шахс қонун билан кўриқданадиган ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳуқуққа қарши тажовуздан ҳимоя қилади. Охири заруратда эса, шахснинг ҳаракатлари фақат ҳуқуққа қарши тажовузгина эмас, хавф юзага келишининг вазияти, турли манбалари билан белгилаб берилади (масалан, табиат кучлари, физиологик ва патологик жараёнлар, механизмлар носозлиги ва ҳоказо);

—охири зарурат ҳолатида қонун билан кўриқданадиган ҳуқуқлар ва манфаатларга зарар етказиш таҳдид солган хавфни бартараф этишнинг ягона, охири воситаси бўлади. Зарурий мудофаада ҳимоя воситалари мудофааланувчи томонидан танланади ва тажовузнинг характери ва хавфи даражасига мос келиши керак, бу зарар етказишни истисно этмайди. Зарурий мудофаада ҳимоя қилиш тажовуздан қочиш мумкин бўлганда ҳам қонуний бўлади;

—зарар етказилиши мумкин бўлган шахслар доираси турлича. Жумладан, зарурий мудофаада зарар фақат (ҳақиқий ёки хаёлий) тажовузчига етказилади, охири заруратда эса фақат учинчи шахслар манфаатларига, яъни хавфни бартараф этувчи шахс томонидан шу хавфга даҳлсиз деб идрок этилганларнинг манфаатларига етказилади;

—зарурий мудофаа ҳолатида зарарнинг мувофиқдиги етказилган зарар олди олинган зарардан камроқ бўлишини талаб этмайди — у камроқ, тенг ёки кўпроқ бўлиши мумкин. Охири заруратда зарар етказилган ҳолда у, албатта, олди олинган зарардан камроқбўлиши керак;

—зарурий мудофаада ҳимоя қилиш фақат фаол ҳаракатда ифодаланади, охири заруратда хавфни бартараф этиш ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизлик орқали амалга оширилиши мумкин.

5§. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш одил судлов манфаатларини таъминлашнинг энг муҳим элементларидан биридир, чунки у кейинги жиноий фаолиятга чек қўйиш, қочиш ёхуд далилисботларни яшириш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилади (ЖПК 220моддасининг 1қисми). Бундан ташқари, шахсни ушлаш ЖК вазифаларини, унинг тамойилларини амалга ошириш учун катта аҳамиятга эга бўлади. Айнан шунинг учун жиноий қонунчилик ва судтергов амалиёти бу институтни ҳатто уни амалга ошириш натижасида ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг ҳуқуқлари ва манфаатларига маълум зарар етказилган ҳолда ҳам ижтимоий фойдали деб қарайди. Бу ҳолларда ушлаш ташқи жиҳатдан жиноятдан фарқ қилмаслиги мумкин, лекин аслида у бундай эмас. Шу муносабатда ушловчи шахснинг ҳдрокатларини тўғри малакалаш учун унинг ҳаракатлари **ЖК 39моддасида** мустаҳкамланган ушлашда зарар етказиш қонунийлиги шартларига мувофиқ келиши талаб этилади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳркимият идораларига топшириш мақсадида **ушлаш пайтида зарар етказиш**, бунда ушлаш воситалари ва усулларига, қилмишнинг қамда уни содир этган шахснинг хавфлилиқ даражасига, шунингдек, ушлаш шароитига мос келишига амал қилинган бўлса, жиноят бўлмайди.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш пайтида зарар етказиш қонунийлиги шартлари, бир томондан, ушлаш ҳуқуқини амалга ошириш, иккинчи томондан, ноқонуний ҳаракатлар ва судсиз жазолаш имконини истисно қилишга имкон беради. Ушбу шартлар шарҳланаётган институт иккита элементиға: ушлашга ва ушлашда етказиладиган зарарга тааллуқли бўлади, уларнинг ҳар бирининг алоҳида ва биргалиқда қонунийлигини аниқдайди ва ушлаш жараёнида зарар етказиш қонунийлигини кўрсатади.

Ушлаш қонунийлиги шартлари мавжудлиги қонунчилик томонидан қисқа муддатли эркинликдан маҳрум этиш ҳуқуқи учун етарли ва керакли асос деб тан олинадиган ҳолатларнинг яхлит таърифини беради. Бу ҳолатлар ушбу институтнинг амалда барча муҳим жиҳатларини, яъни ушлаш асоси ва субъекти, уни амалга оширишнинг усуллари ва воситалари; ушлаш мақсади ва унинг бажарилиши мумкин бўлган вақти. Фақат бажариладиган қисқа муддатли озодлиқдан маҳрум этиш ҳаракатининг барча белгиланган шартларга мувофиқлиги уни қонуний ҳаракат сифатида малакалашга имкон беради.

Ушланган шахс томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши ушлаш ҳуқуқини амалга ошириш учун асос бўлади, қонунда бу бевосита кўрсатилган (**ЖК 39моддаси 1қисми**). Ушлаш ҳуқуқи исталган (одатда зўрлик ишлатиб содир этилган) жиноятни содир этиш пайтидан бошлаб юзага келади. Ижтимоий хавфли қилмиш сифатида, шунингдек, тугалланмаган жиноят ҳрлатлари (жиноятга суиқасд ва жиноятга тайёргарлик) тан олиними лозим. Бундан ташқари, ижрочилиқ, ёрдамчилик, далолатчилик, ундан ҳам ташкилотчилик шаклидаги жиноятда иштирок. этиш шаклида амалга ошириладиган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) ижтимоий хавфи очик кўринади.

Ушлаш ҳуқуқини амалга ошириш асоси деб тан олиш учун содир этиладиган қилмишнинг ижтимоий хавфининг даражаси аҳамиятли эмас. Айни пайтда, содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги даражаси шахсни ҳоқимият органларига етказиш заруратиға, ушбу шахсға зарар етказишга, ушлашнинг тегишли усуллари ва воситаларини қўллашга таъсир кўрсатади.

Шахсни жиноят бўлмаган маъмурий ҳуқуқбузарлик, интизомий қилмишни содир этгани учун ушлаш мумкин эмаслигини қайд этиш лозим. Худди шундай, жиноий қасдини аниқлаган ҳолда ҳам ушлаш мумкин эмас, чунки шахс ҳали ҳеч қандай ижтимоий хавфли қилмишларни содир этмаган. «Соф қасдини» аниқлаш жиноий жавобгарликни, демакки, ушлаш ҳуқуқини истисно этади.

ЖК 39моддаси маъносидаги ушлаш фақат унинг жиноий процессуал маъносида, яъни ЖПК 221моддаси қоидаларига кўра, шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган деб ўйлашга асос бўлган ҳолда намоён бўлади, бу эса қуйидагилар билан тасдиқланиши лозим:

—шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;

—жиноят шоҳидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридантўғри кўрсатсалар;

—унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

—шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Ушланиши мумкин бўлган шахс фақат жиноят содир этган ҳамда ушладан иммунитетни бўлмаган шахсларгина бўлиши мумкинлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, депутатлар, судьялар ва прокурорлар, шунингдек, дипломатик ёки бошқа дахлсизликка эга бўлган шахслар ушланиши мумкин эмас, улар жиноятни содир этиш пайтида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол ушланган ҳолатлар бундан истисно (ЖПК 4моддаси 2қисми, 221моддаси). Лекин бундай ушлаш фақат уларнинг шахсини аниқлаш: уларни тақдим этувчилар у ёки бу турдаги дахлсизликка эга эканлигини кўрсатувчи дипломатик ёки консуллик карточкасини, хизмат гувоҳномаси ёки бошқа ҳужжатларни тақдим этишгача давом этади.

Шахсни ушлаш субъекти этиб тан олишга фақат унинг жиной қилмишни содир этиши ҳолати таъсир этади, бунда унинг ёши, ақли расолиги, ижтимоий мақоми ва қилмишга боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлари эътиборга олинмайди.

ЖПК 83моддаси ва 84моддасининг 1қисмига мувофиқ, ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқи жиной иш бўйича иш юритувга тўсқинлик қилувчи қуйидаги ҳолатлар бўлганда йўқолади:

—жиной иш қўзғатилган ва унинг юзасидан тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилиб жиноят воқеаси мавжуд эмаслиги аниқданган;

—жиноят таркиби мавжуд эмас;

—шахснинг жиноятни содир этишга дахли йўқ;

—содир этилган жиноят ёки шахс амнистия акти таъсир доирасига тушади;

—шахсга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган қарори (ажрими) ёки ваколатли мансабдор шахснинг ишни қўзғатишни рад этиш ёки ушбу айблов юзасидан уни тугатиш тўғрисидаги бекор қилинмаган қарори мавжуд;

—ЖПК 325моддасида кўзда тутилмаган ҳолатлардан ташқари, иш фақат жабрланувчининг шикоят бўйича қўзғатилиши мумкин бўлса, жабрланувчининг шикояти бўлмаган ҳолда;

—шахс ижтимоий хавfli қилмишни содир этиш вақтига келиб жиной жавобгарликка тортиладиган ёшга етмаганлиги.

Ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсни қисқа муддатли озодликдан маҳрум этиш ҳаракатлари фақат улар қонунда **ушбу шахсни ҳокимият вакилларига топшириш** деб кўрсатилган қонуний мақсадга қаратилганлигида ушлаш деб тан олиниши мумкин. Худди шу ҳолатда, агар ушладан бошқача мақсад кўзланган бўлса, у қонуний деб қаралиши мумкин эмас. Масалан, судсиз ўзбошимча жазолаш мақсадида амалга оширилган қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш ҳам ноқонуний деб тан олинади.

Тергов ва суд органлари субъектнинг жиной қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳаракатларининг мақсадини аниқдашга алоҳида эътибор бериши лозим, у ушлашнинг қисқа муддатли бўлиши ҳамда ушлаётган шахснинг ушланган шахсни дарҳол ҳокимият органларига етказиш зарурлигини англаб етиши каби жиҳатлардан келиб чиқиб, аниқланишини кўзда тутати. Бунда ушлашнинг қисқа муддатли бўлиши ва унинг зарурлиги ҳар бир муайян ҳолатда ишнинг барча ҳолатларини биргаликда ҳисобга олган ҳолда аниқланади (ушлаш вазияти, ҳокимият органининг яқинлиги, ушловчи шахснинг ушланган шахсни ушбу органларга етказиш имконияти, содир этилган қилмишнинг хавfli эканлиги ва ҳоказо), Муайян ишнинг ҳолатлари ушловчи шахс томонидан бирорбир мезон бузилганлигидан далолат берса (масалан, озодликдан маҳрум қилиш асосиз узоқ давом этган ёки аввал ушланган шахс озодликда қонуний бўлганлиги шахсга маълум бўлган — тегишли эҳтиёт чораси танланганда ёки жиной жавобгарликка тортиш муддати тугаганда ёки озодикдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланганда) тергов ва суд органлари ушбу шахснинг қасди йўналтирилганлиги масаласини муҳокама қилиб, керакли белгилари мавжуд бўлганда уни тегишли жиноят содир этганлиги учун жавобгарликка тортиши лозим.

Ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсни ушлашда ушловчи фақат уни ҳокимият органларига бериш мақсадини кўзлаши лозим. Бундай қонун айнан қайси

ҳокимият органлари ҳақида гап кетаётганлигини аниқламайди. Шунинг учун ҳам жиноий қилмишни содир этган шахсни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, ижроия, қонун чиқарувчи ёки суд ҳокимияти органлари, тегишли муассаса, корхона маъмуриятига топшириш мақсадлари қонуний деб тан олиниши лозим (масалан, ташкилот директорита, корхона раҳбарита топшириш ва ҳоказо). Ушланган шахсни ушбу тузилмаларга ёки мансабдор шахсларга етказиш мақсадини қўйган ҳолда ушловчи шахс ушланган шахснинг тегишли ҳокимият органларига етказилишини англаб етади.

Ушланган шахсни тегишли ҳокимият вакилларигатопшириш ҳам (масалан, милиция ходимларига, МХХ вакилларига ва ҳоказо) уни ҳокимият органларига топшириш сифатида тан олиниши кераклигини қайд этиш лозим. Айни пайтда, ушланган шахсни ноқонституциявий органларга топшириш мақсади қонуний деб қаралиши мумкин эмас.

Мақсади белгисига кўра, ушлаш қонунийлигини тан олиш учун тергов ва суд органлари фақат ушловчи шахснинг ҳаракатлари тегишли йўналтирилганлигини аниқлаши лозим. Бунда жиноий қилмишни содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш сифатида амалий натижасита эришиш талаб этилмайди (масалан, кўрилган чораларга қарамай, ушланган шахс қочиб кетган, яширинган ҳолларда ва ҳоказо). Фуқарода ушбу кўрсатилган мақсаднинг бўлиши ҳам кўриб чиқилган ҳаракатларга қонунийлик беради, натижаси эмас.

Ушлашнинг барча ҳолатларини пухта баҳолаш ушланаётган шахсга қонуний тарзда зарар етказишдан уни ўзбошимча жазолашни тўғри ажратиш учун хизмат қилади. Ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсга зарар етказишнинг ҳақиқий мақсадларини муайян ишнинг барча ҳолатларини, жумладан, ушловчи шахснинг фаолияти мотивлари, ушлашнинг танланган усуллари ва воситалари, вазияти, етказилган зарарнинг характери ва оғирлиги, шунингдек, қасдининг қаратилганлигидан далолат берувчи бошқа барча ҳолатларни таҳлил қилиш асосида аниқдаш лозим.

Ушлаш қонунийлигининг мустақил шарғи фақат ушлашнинг муайян усуллари ва воситаларидан фойдаланиш бўлади.

Усуллар деганда, ушлашни амалга оширишнинг, жиноий қилмишни содир этган шахсга таъсир этишнинг турли тактик усуллари (масалан, жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш, алдов, ишонтириш орқали таъсир этиш ва ҳоказо), воситалар деганда эса, ушлаш давомида ишлатиладиган жами қуроллар, техник мосламалар ва бошқа буюмлар тушунилади (масалан, қўл кишанлари, ўқотар қурол, арқон ва бошқалар).

У ёки бу усул ёки воситадан фойдаланишнинг тури ва интенсивлиги ҳар бир муайян ҳолатда содир этилган жиноятнинг оғирлиги, жиноятни содир этган шахснинг хавfliлиги ва ушлаш вазияти билан белгилаб берилади. Жумладан, оғир ёки ўта оғир жиноятни (масалан, одам ўлдириш, талончилик ва бошқалар) содир этган шахсни қисқа муддатли озодликдан маҳрум этиш давомида қўл кишанини ишлатиш қонуний бўлади. Камроқ оғирликдаги қилмишни (масалан, тухмат, ҳақорат ва бошқалар) содир этган шахсни ушлашда худди шу воситадан фойдаланиш қоғунга мувофиқ келмайдиган деб ҳисобланиши керак. Белгиланган мезонларга очиқданочик мос келмайдиган усуллар ва воситаларни кўллаш ноқонуний ушлаш сифатида малакаланиши лозим, ушланаётган шахс унга қаршилик кўрсатиши мумкин, бу унга зарар етказиш учун асос бўлмадлиги лозим. Масалан, агар ушбу шахс жабрланувчини ҳақорат қилган бўлса, у эса уни ушлаш мақсадида ушланаётган шахснинг шахси билан ҳам, у содир этган қилмишнинг оғирлиги билан ҳам, ушлаш вазияти билан ҳам белгиланмаган маҳсус воситаларни кўллайдиган бўлса (тўқмоқ, кўзни шикастловчи газ ва ҳоказолар), у ҳолда ушланган шахс қонуний қаршилик кўрсатишга ҳақли бўлади.

Ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсни ушлашда зарар етказиш фақат у жиноий қонунчилик назариясида ишлаб чиқилган ва **ЖК 39моддасида** мустаҳкамланган қонунийликнинг тегишли шартларига мувофиқ бўлган ҳолдагина қонуний деб тан олиниши лозим.

Ушлашда зарар етказилиши қонуни бўлишининг мажбурий шарти **унинг фақат қатъий чекланган шахслар доирасига зарар етказишга қаратилганлиги бўлади, бундай шахсларга қонун ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсларни киритади.** Ушловчи томонидан айбдор шахсни қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш мақсадида бошқа шахсларнинг ушбу қилмишга дахлсиз эканлигини била туриб уларга зарар етказилиши охири зарурат қоидаларй бўйича малакаланиши керак. Ушловчи шахс томоядан ушбу ҳолат англамаган бўлса, унинг ҳаракатлари амалий хато тўғрисидаги қоидалар бўйича малакаланади.

Ушлашда етказиладиган зарар ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг ҳар қандай ҳуқуқлари ва манфаатларига тааллуқли бўлиши мумкин. Жумладан, ушланаётган шахснинг соғлиғи, мулки, кадрқиймати ва шаънига зарар етказилиши мумкин ва ҳоказо. Шунингдек, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг ҳаётига ҳам зарар етказилиши мумкин. Лекин ўлдириш фавқулодда ҳолат сифатида қаралиши лозим, яъни у фақат айбдор шахснинг жиноий жавобгарликдан бош тортишининг зарарига мувофиқ келган ҳолатлардагина оқланиши мумкин. Масалан, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирган, террорчи бўлган ёки инсониятга қарши жиноятлар содир этган шахсни ўлдириш оқланган бўлади. Лекин ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш жараёнида уни ўлдириш ҳолатида тергов ва суд органлари етказилган зарарнинг мувофиқлиги масаласини муҳокама қилиши керак, бунда улар ҳаётидан маҳрум қилиш одил судлов манфаатларини амалга оширишни истисно этишини кўзда тутиши лозим.

Ушланаётган шахсга зарар етказиш, уни амалга оширмаган ҳолда ушловчи шахснинг ҳуқуқлари ва манфаатларига хавф солмаган ҳолда ушлашни амалга ошириш мумкин бўлмаган, мажбуран чора бўлиши лозим. Бунда мажбуран ҳолда зарар етказилиши доимо ҳолат масаласи бўлиши, яъни ушлашнинг вазияти, ушланаётган шахсга ва ишнинг бошқа муайян ҳолатларига боғлиқ бўлишини ҳисобга олиш лозим.

Зарар ноиложликдан етказилганлигини аниқлаш учун тергов ва суд органлари қуйидагиларни таҳлил қилиши лозим:

—ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг жиноий жавобгарликдан қочиш имконияти. Бунда судтергов органлари ушбу шахсни ушлашга қаршилик кўрсатиш чораларининг фаоллиги ва самарали бўлишига эътибор қаратиши лозим, у ижтимоий хавфли қилмишни тўхтатиш, ҳокимият органларига бориш талабларини бажаришни рад этиш; қилмиш содир этилган жойидан ёки ҳокимият органларига етказиш йўлидан қочиш ва ҳоказо;

—ушлашни амалга оширувчи шахснинг уни зарар етказмаган ҳолда амалга ошириш имкониятлари. Бу имкониятни аниқлаш учун ушланаётган ва ушловчи шахсларнинг сони, уларнинг жинси, ёши, қуролланиши, жисмоний кучига ва ҳоказоларга эътибор бериш лозим.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда зарар етказишнинг қонунийлиги фақат **етказилаётган зарар мувофиқ бўлган** ҳолдагина мавжуд бўлади. Бунда зарарнинг мувофиқ бўлиши унинг қилмиш хавфлилигига ва уни содир этган шахсга, шунингдек, ушлаш вазиятига мувофиқ келишини билдиради.

Етказилган зарарнинг мувофиқлигини аниқлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим: ушлаш амалга оширилган вазият, яъни ушлашни амалга ошириш вақти ва жойининг хусусиятларини кўрсатувчи турли ҳолатлар мажмуаси; ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг ҳаракатлари, унинг ушловчи шахснинг қонуний фаолиятига кўрсатган қаршилигининг интенсивлиги; ушбу шахс, шунингдек, уни ушловчи шахс эга бўлган куч ва имкониятлар, воситалар, уларнинг руҳий ҳолати ва бошқа ҳолатлар, уларнинг барчасини қамраб олувчи рўйхат бу ерда келтирилиши мумкин эмас.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, етказилган зарарнинг мувофиқлиги бўлиши унинг қонунда белгиланган барча шартларга, яъни қилмишнинг, шахснинг хавфлилиги ва ушлаш вазиятига мувофиқлигини талаб этади. Лекин бу шартларнинг зарар етказилиши мувофиқ бўлишига таъсири турлича бўлади, жумладан, қилмишнинг ва уни содир этган шахснинг хавфлилиги етказилган зарарнинг юқори чегарасини, бошқача айтганда микдорини аниқлашга имкон беради. Масалан, қилмиш қанчалик хавфли бўлса, уни содир этган шахсга шунчалик жиддий зарар етказилиши мумкин ва аксинча, қилмишнинг ижтимоий хавфи қанчалик кам бўлса, ушлаш жараёнида шунчалик кам зарарни етказиш мумкин бўлади. Етказилган зарарнинг ушлаш вазиятига мувофиқлиги мезони бошқача аҳамиятга эга, чунки у фақат ушлаш учун керакли ва етарли бўлган зарар етказилиши мумкинлигини кўрсатади. Бунда ушлашни амалга оширувчи шахс учун вазият қанчалик ноқулай бўлса, етарли зарарнинг даражаси шунча юқори бўлишини таъкидлаш лозим, у баъзи ҳолларда ҳатто йўл қўйиладиган зарарга тенг бўлиши мумкин. Айни пайтда, ушлаш вазияти ушлашни амалга оширувчи шахс фойдасига ўзгарса, етказиладиган зарарнинг етарлилик чегараси шунчалик камаяди.

Вазиятнинг қулайлиги ёки ноқулайлиги ҳар бир муайян ҳолатда баҳоланиши керак бўлган ҳолат масаласи эканлигини таъкидлаш лозим. Бундай баҳолаш давомида тергов ва суд органлари ушловчи шахс ва ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг кучлари, имкониятлари ва воситаларининг ўзаро нисбати тахминан тенг бўлган,

шунингдек, бундай мувозанат ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахс фойдасига бузилган ҳолатдаги вазият ноқулай вазият деб қаралиши лозимлигини ҳисобга олиши керак.

Етказиладиган зарарнинг мувофиқ бўлиши унинг белгиланган чегараларга мувофиқ бўлишини, жумладан, чегарасидан четга чиқмаслигини талаб этади. Бунда зарарнинг юқоридаги иккита чегарасидан бирини бузиш, уларнинг қайси бири камроқ бўлишига қараб, чегарадан четга чиқиш бўлади. Айти пайтда, худди шундай ҳолатда шахс қаттиқ қаршилиқ кўрсатса ва қонун томонидан ҳимояланадиган ҳуқуқ ва эркинликларга зарар етказиш хавфини туғдирса, бу ҳолда етказиладиган зарар руҳсат этилган чегарадан четга чиқмаслиги лозимдир. Бирок, ушланишдан қочиш мақсадида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс ушловчига ҳужум қилса, бу ҳолда у руҳсат берилган чегарадан четга чиқувчи зарарни етказишга ҳақдидир. Лекин бу ҳолат шарҳланаётган модда қоидалари эмас, балки зарурий ўзўзини ҳимоя қилиш қоидалари асосида таҳлил этилади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни утялашда етказиладиган зарарнинг мутаносиблиги ушбу зарар жиноятчи етказган зарардан ошиб кетмаслигини талаб этмайди. Ушлаш вақтида етказиладиган зарар шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш натижасида етказган зарардан кам, унга тенг ёки ундан ошган бўлиши мумкин. Фақат шуни белгилаш лозимки, етказиладиган зарар ижтимоий хавфли қилмиш етказиши мумкин бўлган ва конкрет етказилган зарарларга номутаносиб бўлмаслиги лозим, яъни шахсни ушлаш учун зарур бўлган чоралар белгиланган чегаралардан четга чиқмаган бўлиши зарур. Ушбу масалага бошқача ёндашув фуқаронинг ушлашни амалга ошириш ҳуқуқини асоссиз тарзда чекланишига олиб келиши мумкин. Шуни аниқбелгилаш зарурки, етказилаётган зарар ижтимоий хавфли қилмиш оқибатида етказилган амалдаги ва потенциал зарарга номутаносиб эмас, яъни шахсни ушлаш учун зарур бўлган чоратадбирлар чегарасидан четга чиқилмаган.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида етказилган зарарнинг қонунийлигини белгиловчи алоҳида шарт сифатида **ушлаш чораларини қўллашда чегарадан чиқиб кетмаслик** хизмат қилади.

«Ушлаш воситалари ва усулларига, қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилиқ даражасига, шунингдек, ушлаш шароитига бутунлай мос келмайдиган, ушлаш зарурати тақозо этмаган ҳолда ушланаётган шахсга қасдан зарар етказиш **ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш** деб топилади» (**ЖК 39моддаси 2қисми**). Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш чораларидан четга чиқиш, мажбуран ҳолда зарар етказилиши ва нисбатан тенглик белгиларидан ташқари юқорида санаб ўтилган бошқа шартлар мавжуд бўлгандагина ҳуқуқий ҳисобланади.

Жиноят кодексига биноан, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш учун зарур бўлган чораларни ошириб юбориш деб, қўлланган чораларни ушлаш ҳолатига ҳамда шахс ва у содир этган жиноятнинг хавфлилигига очиқ номутаносиблигига айтилади. Бунда, «очик номутаносиблик» тушунчаси тавсифий маънога эга бўлиб, ҳар қайси ҳолатда у алоҳида аниқланади. Айти ушлаш чоралари баъзи ҳолларда қонуний бўлса, бошқа ҳолларда чораларни ошириб юбориш сифатида баҳоланади. «Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида унга етказилган зарарнинг қонунийлигини баҳолашда, қилмишни содир этган шахснинг ушланишдан қочиш мақсадида қилган ҳаракатлари, ушловчининг кучи ва имкониятлари, руҳий ҳолати ва ушлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади» (**ЖК 39моддаси 3қисми**).

Суд ва тергов органлари ушлаш чораларидан четга чиқиш билан боғлиқ бўлган қилмишни квалификация қилишда унинг **субъектив томони**га эътибор қаратишлари шарт. Қонундаги кўрсатмага мувофиқ, ушлаш воситалари ва усулларининг номутаносиблиги, мазкур номутаносиблик, шунингдек, шахсга етказилаётган зарар характери ва даражаси, айбдорнинг жинсий қасди билан қамраб олинган бўлса, жинсий қилмиш сифатида тан олинади. Ушлаш чораларидан четга чиқишда эҳтиётсизлик билан ҳар қандай даражадаги шикаст етказилганда, шунингдек, шахс онги билан қамраб олинмаган шикаст етказиш учун шахс жиний жавобгарликка тортилмайди.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига ёши, ижтимоий келиб чиқиши, жинси ва мансабидан қатъи назар, ҳар қандай жисмоний шахс эгадир. «Махсус ваколатли шахслар билан бир қаторда жабрланувчи ва бошқа фуқаролар ҳам ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига эгадирлар» (**ЖК 39моддаси 4қисми**). Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ижтимоий хавфли қилмишни содир қилган шахсни ушлаш ҳуқуқи, ҳар бир инсоннинг зарурий мудофаа, охириги зарурат ҳуқуқи

сингари, субъектив ҳуқуқи бўлиб, жиноий қилмиш содир этган шахсни ушлаш ёки бундан ўзини тийиш тўғрисидаги масалани хал қилиш фақат унинг ваколатига тегишлидир. Айти пайтда, алоҳида бир гуруҳ шахсларга, яъни конун томонидан махсус вакил этиб тайинланган шахсларга ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш уларнинг касб ёки хизмат бурчлари ҳисобланиб, улар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашдан чекинишлари мумкин эмас. Бу гуруҳцаги шахсларга милиция, МХХ, прокуратура ва бошқа орган хизматчилари, яъни хавфсизлик ва жамоат тартибини саклашга масъул шахслар киради.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг қонунийлигини кўрсатувчи у ёки бу белгиларни ушловчи ҳаракатларида объектив томоннинг йўқлиги алоҳида эътиборга лойиқ масаладир. Хусусан, ушбу белгининг мавжуд эмаслиги ушлашнинг қонунийлигини (ушлаш субъекти, вақт чегаралари ва бошқалар), демакки, зарар етказишнинг қонунийлигини (зарар етказишга мажбур бўлиш ва уни ушлаш ҳолатига мувофиқлиги ва бошқалар) белгилашга тааллуқлидир. Бундай ҳолларда суд ва тергов ходимлари ушловчи шахснинг мавжуд фактик ҳатосини аниқлашлари ва шунга боғлиқ тарзда, уни қуйидагича баҳолашлари лозимдир:

—ЖК 39моддаси қодалари бўйича, вужудга келган шартшароитларда айбдор ўз тахминларининг хато эканлигини англамаган ва англаши мумкин бўлмаган ҳолатларда;

—эҳтиётсизлик орқасида содир этилган тегишли жиноят сифатида башарти ушбу ҳолатда шахс ўз тахмини нотўғри эканлигини англаши лозим бўлган, лекин англамаганлиги аниқданса;

—тегишли қасддан содир этилган жиноят сифатида, айбдор ўз ҳаракатининг ижтимоий хавфини англаган тарзда уларни амалга оширишни истаган бўлса.

Тергов ва суд амалиётида у ёки бу қилмишни зарурий муодофаа, охирги зарурат ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш деб топишда, уларни содир этилиш белгиларига кўра фарқлаш масаласида айрим қийинчиликлар мавжуд. Шу билан бирга, қилмишни тўғри квалификация қила олиш жиноий жавобгарликка тортилувчи шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, қилмишни тўғри ва аниқ квалификация қилиш, Жиноят кодекси олдида турган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг обрўэътибори ва нуфузини кўтариш учун муҳимдир.

Шу сабабли тергов ва суд органлари ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш институтини зарурий муодофаа ва охирги заруратдан фарқлашда қуйидагиларга эътибор беришлари лозим:

—ушлашга бўлган ҳуқуқ ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши билан вужудга келса, зарурий муодофаа муодофааланувчи шахсга қарши йўналтирилган тажовуз содир этилиши билан, охирги заруратга бўлган ҳуқуқ эса нафақат шахсдан, балки хоҳдаган манбадан келиб чиқувчи хавфнинг ггайдо бўлиши натижасида юзага келади;

—ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш бўйича ташаббус барча ҳолларда бундай ҳуқуққа эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади, зарурий муодофаа ва охирги заруратда эса шахс бундай шароитга кириб қолиши туфайли мажбур бўлади;

—ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқи бундай қилмиш содир этилиши билан вужудга келади ва амалга оширилади, зарурий муодофаа ва охирги зарурат эса тажовуз ёки хавфнинг амалга оширилиши факти билан шартланган бўлади;

—ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашдан асосий мақсад бундай шахсни ҳокимият органларига топшириш бўлса, зарурий муодофаа ва охирги заруратда эса, тажовузчини енгиш ва хавфни баратараф этиш ҳисобланади.

6§. Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш

ЖК 40моддасида Ўзбекистон жиноийҳуқуқий амалиётида биринчи маротаба, буйруқёки бошқа фармойишни, шунингдек, мансаб вазифаларини қонуний бажариш туфайли зарар етказилиши жиноийликни истисно этадитан ҳолат сифатида қонуний шаклда кайд этилди. Бугунги кунда мазкур шартлар асосида амалга ошириладитан хаттиҳаракатларни (ҳаракатсизликни) баҳолаш қонунчилик даражасида хал этилган.

Мазкур шартларга асосланиб амалга ошириладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликтегишли ҳуқуқий шартлар мавжуд бўлгандагана қонуний деб тавсифланиши мумкин. «Шахснинг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек, мансаб вазифаларини

қонунан бажариши туфайли зарар етказилган бўлса, жиноят деб топилмайди» (**ЖК 40**моддаси 1қисми).

Қонуний буйруқ ёки бошқа фармойиш ёхуд мансаб вазифаларини ижро этиш учун ҳаракат қилаётган шахс томонидан жиноят қонуни томонидан кўриқданаётган манфаатларга зиён етказилган тақдирда, **буйруқ ёки бошқа фармойишнинг бажарилиши** қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат деб топилади.

Ушбу шартлар тегишли хаттиҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга ошириш қонунийлигига, яъни буйруқ, фармойиш ва мансаб вазифаси қонунийлигига ҳамда мазкур буйруқ (фармойиш, мансаб вазифаси) ижросининг қонунийлигига доир ҳисобланади. Айнан, қилмиш кўрсатиб ўтилган барча белгиларга мос бўлса, жиноий жавобгарлик истисно қилинади.

Буйруқ, фармойиш ёки хизмат мажбуриятларининг қонунийлигини акс эттирувчи биринчи белгилардан бири — бу **расман мувофиқ** келишидир.

Буйруқ деганда, ваколатли шахснинг ижро этиш мажбурияти юкланган шахсга берган маълум бир ҳаракат (ҳаракатсизлик) ни бажариш ҳақидаги қонун ва қонуности актларга асосланган талаби тушунилади.

Айнан шу таъриф буйруқни бошқа таъсир чоралари — илтимос, ишонтириш, мажбурловдан ажратиб туради. Буйруқлар билан бирга «**тавсиялар**», «**фармойишлар**» ва «**фармонлар**» ҳам берилиши мумкин. Булар масалаларни ҳал қилиш, уларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган шахснинг ҳуқуқий мақоми бўйича ўзаро фарқланади. Бу актларнинг асосий умумий жиҳати — уларнинг ижро этиш мажбурияти юкланган шахс томонидан бажарилишидир.

Қонун томонидан буйруқёки бошқа фармойишларнинг шакли аниқ белгиланмаган. Ташкилотларни бошқариш амалиётида улар ёзма, оғзаки ёки намоёйишкорона (белги, байроқча ва ҳ.к.) шаклда бўлиши, шунингдек, техник алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин. Лекин айрим ҳолларда буйруқнинг фақат ёзма шаклда бўлиши талаб қилинади. Бундай талабларга риоя этилмаслиги унинг ҳақиқий эмас, деб топилишига сабаб бўлади.

Буйруқ ёки бошқа фармойишлардан фарқли равишда мансаб мажбуриятлари ваколатига қараб, ходимлардан бажарилиши талаб қилинадиган функционал мажбуриятлар доирасини ўзида акс эттиради. Демак, мансаб мажбуриятлари субъект қандай лавозимга эгаллигига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, хизмат мажбуриятлари иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат шартномасида белгиланган ёзма шартномасида бўлиши керак (МК 73моддаси 1қисми). Акс ҳолда, улар ғайриқонуний деб ҳисобланиши мумкин.

Буйруқ, фармойиш ва бошқа бошқарув актлари қонунийлигининг муҳим шarti — унинг қонун талабларига мос келиши, яъни мазмунидир. Буйруқ, фармойиш ёки бошқа хизмат мажбуриятлари ички ҳуқуқий талабларга зид бўлмаслиги шарт. Бундан ташқари, нафақат Жиноят кодекси талабларига, балки бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатларига ҳам қарамақаршилиқ мавжуд бўлмаслиги лозим.

Қабул қилинган бошқарув акти, шунингдек, мансаб вазифаларини белгилаш, тегишли хаттиҳаракатни ижро этаётган мансабдор шахснинг ўз функционал ваколатлари доирасида қабул қилинган бўлиши керак. Буйруқ ёки бошқа фармойишлар, агар улар бошлиқнинг ваколати доирасидан четга чиқилган бўлса, ўз моҳиятига кўра ноқонуний ҳисобланади, зеро уларни белгилашда тегишли ҳуқуққа эга шахснинг иродаси кузатилмайди, мазкур вазиятда эса бу зарурий талабдир.

Буйруқ, фармойиш ёки бошқа бошқарув актларини ижро этиш ҳуқуқийлик шартларига мос келган тақдирда қилмишни жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат деб топилиши мумкин. Бошқача айтганда, буйруқ, фармойиш ва бошқа хизмат мажбуриятлари жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида келтирилиб ўтилган талабларга зид бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали бажарилиши керак. Акс ҳолда бундай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мустақил жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим. Масалан, ташкилот ходимларининг унга кўйиладиган солиқларни энг кўп суратда қисқартиришга бўлган интилишлари ҳақидаги фармойиш ваколатли шахс томонидан берилса, бу солиқларни тўлашдан қочаётган қайси бир ходим ушбу шарҳланаётган модда қоидаларига

мувофиқ берилган фармойишнинг таъсир кучи билан ўзи содир этган қилмиши учун жиноий жавобгарликни истисно қилади деган маънони бермайди.

Субъектив томондан, буйруқ ва бошқа фармойишларни ижро этишда Жиноят кодекси билан қўриқладиган ижтимоий муносабатларга маълум даражада зарар етказилиши субъектнинг истаги билан камраб олинмаган бўлиши керак. Агар бажарувчи етказилган зарарнинг ғайриҳуқуқий эканлигини англаса, бундай ҳолларда содир этилган ғайриҳуқуқий қилмиш хизмат юзасидан қарам бўлган вазиятда содир этилган деб топилади. Бошқача айтсак, буйруқ ёки фармойишни бажариш оқибатида маълум зарар етказган шахс, буйруқ ёки фармойишни объектив белгиларига исура қонунчиликка мувофиқ деб англаган бўлишда ифодаланади. Акс ҳолда, агар бажарувчи етказилган зарарни ғайриҳуқуқий эканлигини англаса, бундай ҳолларда содир этилган жиноий қилмиш хизмат юзасидан қарам бўлган вазиятда содир этилган деб топилади. Хусусан, ЖК 40моддаси 2қисмига мувофиқ, «жиноийлиги олдиндан аён бўлган буйруқ ёки бошқа фармойишни бажариб, жиноят содир этган шахс, умумий асосларда жавобгарликка тортилади».

Буйруқ ёки фармойишнинг жиноийлигини олдиндан билиши, бажарувчи фармойишларнинг ғайриқонуний эканлигини объектив томондан англаган ёки англамаган бўлиши мумкин бўлмаган ҳолатларда намоён бўлишида ифодаланади. Бу каби буйруқ ва фармойиш сифатида у ёки бу жиноятни содир қилиш тўғрисидаги кўрсатмаларни тушуниш мумкин. Ижрочи буйруқнинг жиноийлигини олдиндан била туриб уни бажарса, бундай ҳолат иштирокчилик сифатида баҳоланиб, буйруқ берувчи ташкилотчи, уни ижро этувчи эса бажарувчи шахс деб топилади.

Шуни назарда тутиш лозимки, олдиндан жиноийлиги аён бўлган маълум буйруқ ёки фармойишни ижро этиш умумий асосда баҳоланиши лозимлиги ҳақидаги қонун олдиндан жиноийлиги маълум мансаб вазифаларини ижро этишда жиноят содир этган шахсларни жавобгарликдан озод қилмайди. Қонуннинг бундай талқин этилиши юридик тил хусусиятларига боғлиқ бўлиб, содир этилган қилмишнинг баҳоланишига таъсир қилмайди, шу сабабдан олдиндан жиноийлиги маълум мансаб вазифаларини ижро этишда жиноят содир этган шахслар умумий асосларда жавобгарликка тортилиши лозим бўлади. Бу масаланинг ўзгача ечими алоҳида категориядаги шахсларга асоссиз равишда жавобгарликдан қутулиб қолиш имконини беради, бу эса ўз навбатида Жиноят кодексининг одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига зид келади.

ЖК 40моддасига мувофиқ, шахснинг у ёки бу қилмишини амалга оширишини баҳолашда, унинг томонидан қилмишни субъектив баҳолаши алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, шахс ғайриҳуқуқий ёки жиноийлиги маълум бўлган буйруқ, фармойиш ёки бошқа хизмат мажбуриятларини бажармаслик ёки бузиш, агар бундай қилмиш қонунда жиноят деб белгиланган бўлса ҳам, жиноий жавобгарликни истисно қилади.

Хуллас, бажарувчи томонидан Жиноят кодекси билан қўриқладиган ижтимоий муносабатларга етказилган зарар учун ўша буйруқ ёки бошқа фармойишни берган шахс жавобгарликка тортилади, бундай ҳолларда бажарувчи жиноятни содир этишнинг қуроли сифатида хизмат қилиб ёки бошқа фармойишларни ижро этган қилмиши учун жавобгарликка тортилмайди, лекин ушбу буйруқ ёки фармойишнинг қонунга зид бўлганлигининг олдиндан маълум бўлиши бундан мустасно.

ЖК 40моддаси 3қисмига мувофиқ, «Ғайриқонуний равишда берилган буйруқ ёки фармойишни ёхуд мансаб вазифасини бажармаган ёки бузган шахс жавобгарликка тортилмайди. Шахснинг амалда содир этган қилмишида бошқа бир жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлсагина, у жавобгарликка тортилади». Мазкур қоидалар ушбу модда ва ЖКнинг, ноқонуний буйруқ, фармойиш ва мансаб вазифаларини бузиш ҳолатларини кўзда тутган бошқа моддалари ўртасидаги коллизияларни ҳал этади. Мазкур қоидалар ноқонуний буйруқ, фармойиш ва мансаб вазифасини бажармаганлик ёки бузиш ҳолатларида, буйруқни бажармаганлик ёки бузиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши лозим пайтда, жиноийликни истисно қилади (масалан, ЖК 279, 280моддалари). Шуни кўзда тутиш лозимки, ҳар қандай ғайриҳуқуқий ёки жиноийлиги маълум бўлган буйруқ, фармойиш ёки бошқа хизмат мажбуриятларини бажармаслик ёки бузиш, жиноий жавобгарликни истисно қилади. Айтиш пайтда, суд ва тергов органлари содир этилган ҳаракатда бошқа жиноят таркиби мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлашлари лозим, чунки агар у аниқланса, шахс жиноят учун жавобгарликка тортилади.

ЖК 40моддаси қоидалари, фақат ички ишлар, Қуролли Кучлар, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура органлари ёки бошқа давлат муассасаларида хизмат қилувчи шахсларга тегишли эмас. Ҳуқуқийташкилий шаклидан қатъи назар, исталган

корхона, ташкилотнинг ишчихизматчиси буйруқ ёки фармойиш, шунингдек, мансаб вазифасини ижро этиш йўлида жиноят содир этган шахс ҳам жиноий жавобгарликка тортилмайди.

7§. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик

Ўзбекистон жиноят қонунида касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик каби қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат сифатида алоҳида институт мавжудлигининг аҳамияти катта, зеро, бу жамиятнинг тараққий этишига кўмак бериб, маълум ҳолатларда турли экспериментларни амалга оширган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, қарор қабул қилишда янада ташаббускорроқ бўлиш имкониятини яратади. Айти пайтда, қонун асоссиз, масъулиятсиз ҳаракатларни содир этишнинг олдини олади ва хавфли ҳаракатларни содир этиш ёки этмасликнинг қонунийлигини белгилаб берувчи шартларни кўрсатади. Ушбу шартлар бузилган ҳолатда шахсни жиноий жавобгарликка тортишга асос пайдо бўлади.

ЖК 41моддасида ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан кўриқданадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмаслитининг шартлари ихчамлашган шаклда кўрсатилиб ўтилган. Мазкур шартлар, биринчидан, қилмишдаги таваккалчиликни ижтимоий фойдаси тарафидан, иккинчидан, уни амалга оширишдаги хаттиҳаракатларни маълум даражадаги хавфсизлигига риоя қилинганлиги тарафидан тавсифланади. Айтганда, қилмиш мазкур барча талабларга риоя этилганда, у касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик сифатида тан олинми, мос равишда, жиноятни истисно қилиши мумкин.

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик,

жиноийликни истисно қилувчи ҳолат сифатида, ижтимоий фойдали натижага эришиш мақсадида, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик оқибатида ҳуқуқлар ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш ҳамда ушбу натижага таваккалчиликка боғлиқ ҳаракатлар билан эришиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда ҳамда таваккалчиликка йўл қўйган шахс, зарар етказилишининг олдини олиш учун барча чоратадбирлар кўришидан иборат.

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчиликнинг шартларидан биринчиси — бу **ижтимоий фойдали мақсадга йўналтирилганлигидир. Хусусан, ЖК 41моддаси 1қисмига** асосан, «Ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан кўриқданадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмайди». Бу шуни англатадики, таваккалчилик жамият ва давлат учун манфаат келтирувчи натижаларга эришишга қаратилган бўлади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, таваккал қилиб содир этилган ҳаракатлардан ҳосил бўлган ижобий натижа сезиларли суратда ушбу ҳаракатлар туфайли юзага келган салбий оқибатлардан устун бўлиши керак. Хусусан, таваккал қилиб содир этилган ҳаракатнинг ижтимоий фойдали мақсади, инсонлар ҳаёти ва соғлиғини асраб қолиши, иш маҳсулдорлигини сезиларли суратда оширувчи янги техника ёки технологияни кашф этиш, ривожланиш суратларини кескин тарзда оширувчи янги физик қонунларни ва кимёвий элементларни топиш ва ҳоказоларни қамраб олади.

Шахсий мақсадларга йўналтирилган таваккалчилик асосли деб ҳисобланмайди. Айти пайтда, шахсий мақсадларни шахсий мотив (сабаб)лардан фарқлаш даркор. Ушбу талаб қўйилишига сабаб — шахсий мотивларнинг шахсий мақсадларга мос келмаслигидир. Чунки, мотив у ёки бу қилмиш содир этиш истагини туғдирувчи сабабдир. Шу сабабли шахсий мотив ижтимоий фойдали мақсадга қаратилган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, олқишларга сазовор бўлиш учун шахсни ўлимдан қутқариш.

Шуни назарда тутиш лозимки, ижтимоий фойдали мақсад қилмишни касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ таваккалчилик сифатида квалификация қилиш, унга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун муҳимдир (башарти субъект жиноий жавобгарликка тортилган бўлса).

«Агар содир этилган қаракат замонавий илмийтехника билимлари ва тажрибаларига мувофиқ келган, қўйилган мақсадга эса, таваккал қилмай эришишнинг иложи бўлмаган ҳамда шахс ҳуқуқлар ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларга зарар етказилишининг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрган бўлса, бундай таваккалчилик асосли деб топилмайди» (**ЖК 41моддаси 2қисми**).

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қонунийлигининг иккинчи шarti **таваккалчилик қилмай туриб ижтимоий фойдали мақсадларга эришиб бўлмаслигидир**. Ушбу мақсадни оддий усуллар билан амалга ошириш имкони борлиги аён бўлган ҳолатларда хавфли ҳаракатларнинг қонунийлиги ўз кучини йўқотади ва етказилган зарар учун жавобгарлик умумий асосда кучга киради. Айни пайтда, суд ва тергов органлари ушбу масалани ҳал этишга алоҳида ёндашмоқлари лозимдир, чунки жамиятга манфаатли мақсадларни оддий усуллар билан амалга ошириш имкони ҳар қайси ишнинг алоҳида ҳолатлари ва фактларга боғлиқдир. Шу сабаб, у мавҳум шаклда эмас, балки аниқ шаклда, яъни ишнинг конкрет ҳолатларига нисбатан татбиқ этилиш имконига эга бўлиши лозимдир.

Шуни назарда тутиш лозимки, ижтимоий фойдали мақсадни ҳеч қандай зарарсиз амалга ошириш имкони йўқлиги, ўша зарарни етказмаслик иложи йўқлигини англамайди, яъни бунда ҳуқуқ ва эркинликларга зарар етиши эҳтимоли бор деб айтилади, лекин ушбу зарарни етказмасликнинг иложи йўқ деб кўрсатилмайди. Акс ҳолда, яъни субъект олдиндан қайтариб бўлмайдиган зарарли оқибатларни юзага келишини билган ҳолда, хавфли ҳаракатларни содир этса, улар кўрилатган модда қоидалари асосида баҳоланиши мумкин бўлмайди, чунки ушбу ҳолатда лозим бўлган таваккал этиб ҳаракат қилиш элементи мавжуд бўлмайди.

Хавфли ҳаракатлар улар зарарли оқибатларни юзага келиши олдини олиш имкониятларини объектив тарзда кўрсатувчи **замонавий илмий техника билимларига ва тажрибаларига мувофиқ келган** ҳолатда оқданади. Шахс ўз таваккалчилик тарзидаги ҳаракатларини амалга оширишда тиббиёт, техника соҳаларида қўлга киритилган ютуқлардан келиб чиқиши лозим. Шу билан бирга, шуни инобатга олиш лозимки, қонун таваккалчилик техникавий меъёрлар ва қоидаларга эмас, балки замонавий илмий техника билимлари ва тажрибаларига мувофиқ келишини талаб этади.

Таваккалчилик билан боғлиқ қилмишларнинг замонавий билим ва тажрибаларга мослиги ҳақдаги қонун талаблари, аввало, бундай қилмишларнинг субъектив билимлар ва субъектив тажрибаларга мувофиқ бўлишини билдиради.

Таваккалчилик ҳаракатларини амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири — **шахс бошқаларнинг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларига зарар етказилишининг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрган бўлиш**лигидир. Кўрилган чоратадбирларнинг зарурлиги объектив ва субъектив мезонлар асосида белгиланади.

Объектив томондан хавфсизлик чораларини кўриш зарурлиги шундан иборатки, таваккалчилик билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш шароити айнан шу чораларнинг кўрилишини талаб қилади (масалан, ёнғин билан боғлиқ тажрибаларни ўтказишда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш зарур).

Субъектив томондан хавфсизлик чораларини кўриш зарурлиги шуни билдирадики, шахс келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибат ва унинг ҳажмини англай олади, шу сабабли зарар келиб чиқмаслиги ёки аҳамиятсиз бўлиши учун ҳам у шундай чораларни кўриши лозим бўлади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, зарур чораларни кўриш ҳар қайси ҳолатда ишнинг барча ҳолатларини ўрганиб чиқиш асосида ҳал этилиши лозим бўлган фактларга ҳам боғлиқдир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча шартлар мавжуд бўлган тақдирдагина таваккалчилик асосли ва ҳуқуқий ҳисобланади, етказилган зарар эса жиноий эмас деб топилади. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккал қилишдан кўзланган ижтимоий фойдали натижага эришилмаган ва етказилган зарар ижтимоий фойдали мақсадга эришиш натижасида олинishi мумкин бўлган натижадан кўпроқ бўлган тақдирда ҳам таваккалчи шахсни жавобгарликка тортишга сабаб бўлмайди. «Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилишда кўзланган ижтимоий фойдали натижага эришилмаган ва келтирилган зарар ижтимоий фойдали мақсадга эришиш натижасида олинishi мумкин бўлган фойдали натижадан кўпроқ бўлган тақдирда ҳам етказилган зарар жавобгарликка сабаб бўлмайди» (**ЖК 41 моддаси 3 қисми**).

Айни пайтда, агар шахснинг ҳаракати қонунийлик шартларидан бирига мувофиқ келмаса, у умумий асосда баҳоланади ва хавф мавжуд бўлган ҳолат жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ЖК 55 моддаси 1 қисми «е» бандига мувофиқ, яъни шахснинг ижтимоий фойдали

мақсади бўлганлиги туфайли жазони енгиллаштирувчи ҳолат қаторига киритилади.

Аммо, шахс ишнинг ҳақиқий ҳолатлари бўйича хатога йўл қўйган бўлса (масалан, ижтимоий фойдали мақсадини амалга ошириш учун хато ҳаракат қилса; маълум хавфсизлик чораларини кўриш борасида хатоликка йўл қўйган бўлса), ушбу ҳолатда айбдор шахснинг ҳаракатларини фактик хато билан боғлиқ қонунқоидалар асосида квалификация қилиниши лозимдир, яъни таваккалчилик қонуний шартлар асосида амалга оширилганлиги туфайли эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят сифатида квалификация қилинади. Субъект таваккалчилик ҳаракатларини амалга оширишда қонуний шартларга риоя қилмаган ҳолатларда унинг ҳаракатлари қасддан ёки эҳтиётсизлик сифатида умумий асосларда жавобгарликка тортилади.

Одамларнинг ҳалок бўлиши, экологик фалокат ва бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлиши олдиндан маълум бўлган хавфли ҳаракатларни оқланган деб тан олмаслик хавфли ҳаракатларнинг қонунийлигини белгиловчи алоҳида бир шартдир. «Таваккалчилик одамларнинг ҳалок бўлиш хавфи, экология ҳалокати ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини била туриб қилинган бўлса, асосли деб топилмайди» (ЖК 41-моддаси 4-қисми).

Одамларнинг ҳалок бўлиш хавфи деганда, таваккалчиликни амалга ошириш оқибатида икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ҳаёти хавф остида қолиши тушунилади.

Экологик ҳалокат — инсонлар фаолияти натижасида табиатга зарар етказилиши ва бу зарар инсониятнинг кейинги ҳаёти учун жиддий хавфни келтириб чиқаришини билдиради (газ, нефть авариялари, кенг қамровли ўрмон ёнғинлари).

Бошқа оғир оқибатлар сифатида бир неча шахслар соғлиғига оғир шикаст етказилиши, транспорт тизимининг узоқ муддатга издан чиқиши, портлаш ёки ёнғин натижасида уйлар ва бошқа иншоотларнинг вайрон бўлиши ва шу каби ҳолатлар тушунилади. Агар уларнинг натижасида тенг бўлмаган манфаат кўзланган бўлса, ушбу ҳаракатлар оқданмаган деб тан олинади (масалан, ҳосилдорликни ошириш). Айни пайтда, агар шу каби таҳдидлар муҳим манфаатларни амалга оширишда юзага келса (масалан, одамларни кўмилиб қолган жойдан қутқариш, янги технологияларни, яъни аввалгисидан анча самарали технологияларни кашф этиш) хавфли ҳаракатлар асосли деб тан олинади. Айни дамда бу ҳолатларда етадиган манфаат ва тегишли ҳаракатлар таҳдид солаётган манфаатга қийосий баҳоланиши лозим бўлади. Улар очик мувофиқ бўлмаган ёки тенг бўлган ҳолатда бундай мақсадларга эришиш асосиз хавфли ҳаракат деб тан олинмиши лозим.

Суд ва тергов органлари касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли таваккалчилик ҳолатида зарар етказишнинг охириги зарурат ҳолатида зарар етказишга жуда ўхшашлиги боис, айбдорнинг ҳаракатларини квалификация қилишда маълум қийинчиликлар вужудга келиши мумкин.

Шунинг учун касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли таваккалчилик ҳолатида зарар етказишни

охирги зарурат ҳолатидан фарқлаш имконини берадиган куйидаги белгиларга эътибор қаратишлари лозим:

—охирги заруратда хавф манбаи мавжуд бўлиб, қилмишнинг ўзи зарарни бартараф этишга қаратилган бўлади, асосли таваккалчиликда эса, қилмиш таҳдид солувчи хавф билан шартланмайди, у ижтимоий фойдали мақсадга эришишга йўналтирилган бўлади;

—охирги заруратда етказилган зарар бартараф этилган зарардан камроқ бўлиши керак, асосли таваккалчиликда эса зарарнинг ҳажми таваккал қилувчи шахс қилмишини баҳолашда унчалик аҳамиятга эга эмас;

—таваккалчилик билан боғлиқ қилмишлар асосида зарар етказиш эҳтимолий бўлиб, оқибатнинг келиб чиқиши зарур ҳисобланмайди, охирги заруратда эса зарар етказиш — кўпроқ зарар етказилишини олдини олишнинг ягона воситасидир.

«Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар» мавзуси юзасидан яқуний саволлар

1. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар деганда нима тушунилади? Ушбу ҳолатларни қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат сифатида баҳолаш мезонлари қандай?

2. Қилмишнинг кам аҳамиятли нимадан иборат? Қилмишни кам аҳамиятли деб топиш учун қайси ҳолатлар инобатга олиниши зарур?

3. Зарурий мудофаа остида нима тушунилади?

4. Ким зарурий мудофаани қўллашга ҳақли?

5. Қайси ҳолатларда зарурий мудофаа вужудга келади?

6. Зарурий мудофаа ҳолатидаги ғайриқонуний тажовуз қандай талабларга жавоб бериши шарт?

7. Зарурий мудофаанинг ҳимояга тааллуқли ҳуқуққа мувофиқлиги шартлари нимадан иборат?

8. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш остида нима тушунилади? У нимада ифодаланиши мумкин?

9. Ғайриқонуний тажовуздан ҳимояланаётган шахснинг кучли руҳий ҳаяжонланиши ҳолатининг жиноятҳуқуқий моҳияти нимадан иборат?

10. Хаёлий мудофаа нима? Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларида хаёлий мудофаа ҳолатида содир қилинган қилмишнинг квалификациясига доир қандай ёндашув мавжуд?

11. Охирги зарурат остида нима тушунилади? Охирги зарурат ҳолати мавжудлигини қандай шартлар белгилайди?

12. Таҳдид қилаётган хавф ва уни бартараф этишга қаратилган ҳаракатларга оид охирги заруратнинг ҳуқуққа мувофиқлиги шартлари қандай?

13. Охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш мумкинми?

14. Охирги зарурат ҳолати зарурий мудофаа ҳолатидан қандай фарқланади?

15. Жисмоний ва рухий зўрлаш остида нима тушунилади? Ушбу хаттиҳаракат жиноийликни истисно қилиши мумкинми?

16. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш остида нима тушунилади?

17. Қандай шартларда ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ҳуқуққа мувофиқ топилади? Улар маъмурий ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланиши мумкинми?

18. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида, ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқиш нимадан иборат? Ушлаш вақтида инсон ўлимига йўл қўйиш мумкинми?

19. Қайси шартларда буйруқ ёки бошқа фармойишни бажариш жиноийликни истисно қилувчи ҳолат деб тан олинади?

20. Олдиндан жиноий буйруқни (фармойиш ёки мансаб вазифасини) бажариш деганда нима тушунилади? Қилмишни бундай ҳолатда квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

21. Қандай ҳолатларда касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ таваккалчилик асосли деб топилади?

22. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик ҳолатида қонун билан кўриқпанадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказиш чегарасидан чиқиш мумкинми?

23. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик ҳолатининг охириги зарурат ҳолатидан қандай фарқлари мавжуд?

I БОБ. ЖАЗО ТУШУНЧАСИ ВА УНИ ҚЎЛЛАШ МАҚСАДЛАРИ

1§. Жазо тушунчаси ва унинг белгилари

Жазо — жиноят ҳуқуқининг марказий институтларидан биридир, чунки у жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг етакчи шаклидир. Жиноий жавобгарликни амалга ошириш воситаси сифатида нафақат жазо чоралари, балки бошқа хил жиноятҳуқуқий (тиббий, тарбиявий йўсиндаги мажбурий чоралар, шартли ҳукм ва ш.к.) таъсир чоралари қўлланиши боис, жиноий жавобгарлик жазодан фарқли ўлароқ, янада кенгроқ ва ихчамроқ юридик категория эканлигини таъкидлаш лозим. Бир тарафдан жазо — шахс томонидан жиноят содир этилишининг мантиқий оқибатидир, бошқа тарафдан эса, ЖК томонидан ҳимоя қилинаётган ижтимоий муносабатларни тиклашнинг бир воситасидир ҳам. Айнан жиноятлар учун жазо тайинланшипи жиноят қонунини ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш воситасига, ҳуқуқий нормаларни шахс, жамият ва давлатни ҳуқуққа хилоф тажовузлардан ҳимоя қилишнинг амалий воситасига айлантиради.

Жиноий жавобгарликнинг самарадорлиги ҳақидаги масала жазонинг самарадорлиги масаласига жиддий таъсир қилади. «Жазонинг самарадорлигини ижтимоий онга ва судланган шахсга таъсир этиш оқибатида жазо мақсадларини амалий жиҳатдан юзага чиқариш

(эришиш даражаси) деб таърифлаш мумкин. Жиноят, жиноятжироия, жиноятпроцессуал қонунчилик ҳамда мазкур қонунларнинг жиноятчиликка қарши курашда қўлланиш амалиёти жамият ривожланишининг объектив қонуниятларига ва ижтимоий муносабатларнинг барча йиғиндиларига энг юқори даражада мувофиқ келган тақдирда жазони энг юқори самарадорликка эришилган деб ҳисоблаш мумкин».

Ўз навбатида, жазо самарадорлиги уни белгилаш хусусиятларига тўғри пропорционал нисбатдадир, чунки жазо моҳияти ва унинг ўрни қанчалик даражада аниқроқ аниқланган, жиноятни содир этган шахсларга нисбатан мувофиқ таъсир кўрсатиш усулларини ва услубларини танлаш шунчалик мувофиқ даражада юқори самарали бўлади ва, демак, жиноят қонунчилигининг ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштириш жараёнига таъсир кўрсатиши ҳам ортиб боради.

ЖК 42моддаси жиноий жазонинг бутун тизими учун жиддий асословчи аҳамиятга эгадир, чунки мазкур модда давлат томонидан ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсати танланадиган ва жазо сифатида тан олинадиган усулни қонуний тарзда таъминлайди. Жазолаш тушунчаси ва мақсадларининг қону юрмасида таърифланиши нафақат жиноят қонунининг қўлланишидаги бир хилликка, балки юридик маҳоратнинг мукамаллашувига ва шу орқали жиноят қонуни ривожланишининг тадрижийлигига, тизимлилигига ва илгарилаб боришига ҳам сабабчи бўлади.

Таркиб нуқтаи назаридан, ЖК 42моддаси икки қисмдан ташкил топган бўлиб, улардан биринчисида жазо тушунчаси келтирилган, иккинчиси эса унинг мақсадларини белгилайди. Кўриб чиқилаётган нормани мана шундай йўсинда талқин этиш кўрсатилган унсурларни аниқ чегаралаш учун ва шу орқали жазонинг моҳияти ва ўрнини аниқлашда қийинчиликларга дучор бўлмаслик учун имкон беради.

Жазо — жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир (**ЖК 42моддаси 1қисми**).

Яъни, жазо қонун томонидан унинг жиддий белгиларига ишора қилиш йўли билан белгиланади; мазкур белгилар йиғиндисининг мавжудлиги у ёки бу таъсир кўрсатиш усулини жиноий жазо сифатида кўриб чиқиш учун имкон беради. Бунда у ёки бу таъсир кўрсатиш усулининг жазо сифатида тан олиниши учун унинг истисносиз барча белгиларга мувофиқ келиши талаб қилинади, яъни улардан ҳеч бўлмаса биттасининг мавжуд эмаслиги бунинг учун тўсқинлик қилади.

Шундай қилиб, жазо:

— давлат томонидан жорий этилган мажбурлов чораси бўлиши керак;

— у фақат суд томонидан тайинланиши шарт. Бунда жазони тайинлаш суд томонидан, албатта, ҳукм чиқариш йўли билан амалга оширилиши керак;

— жиноий жазонинг қўлланиши учун хулқнинг бошқа кўриниши эмас, балки жиноятни содир этиш асос сифатида хизмат қилиши керак;

— жазо фақат жиноятни содир этганлиги исботланган шахсга нисбатан тайинланиши (яъни, шахсий хусусиятдаги чора бўлиши) керак;

— жазо маҳкум шахснинг муайян ҳуқуқларидан маҳрум этилиши ёки чекланиши билан ифодаланиши керак;

— муайян ҳуқуқлардан маҳрум этиш ёки чеклаш ҳоллари фақат жиноят қонуни томонидан назарда тутилиши шарт.

Жиноий жазо биринчи навбатда чора сифатида, яъни муайян миқдор ва сифат белгиларига эга бўлган таъсир этиш воситаси деб эътироф этилади.

Жазонинг чора сифатидаги сифат белгилари таърифида таъсир кўрсатиш усулининг мазмундорлик томони, яъни унинг тури англанади (масалан, жарима кўринишидаги жазонинг сифат таърифи пулни ундиришда ифодаланади). Миқдор жиҳатидан таърифлаш у ёки бу усулни қўллаш чегараларини (масалан, жариманинг миқдорий таърифи сифатида унинг миқдори, озодликдан маҳрум этиш ҳолида жазони ўташ муддати ва ш.к. белгиларни) камраб олади. Қонун томонқан белгиланган жазонинг мазкур таъриф белгиларидан четга чиқишга ҳеч ким ҳақли эмас. Фақат жазо доирасида чора сифатида суд жиноят қонуни асосида, жазо муддатлари ва тартибини белгиланган ҳолда, миқдорий, баъзан эса сифат чегараларда муайян аниқбир шахсга нисбатан жазо чораси қўлланилишини белгилашга ҳақлидир.

Жазо сифатида фақат мажбурлов хусусиятдаги чоралар, яъни ҳар кимнинг ихтиёридан қатъи назар, хусусан ушбу чоралар қўлланилаётган шахснинг ҳам, бошқа шахсларнинг (масалан, жазони ижро этиш органларининг хизматчилари бўлган ва шунингдек, корхона, муассаса, ташкилотларнинг ва бошқа мансабдор шахсларнинг) ихтиёридан қатъи назар ижро этиш учун мажбурий бўлган чоралар тан олинishi мумкин. Бунда жазоланувчи шахснинг унга нисбатан қўлланилаётган жазо чораларига субъектив муносабатда бўлиши мазкур чораларнинг мажбурлов хусусиятда бўлишига таъсир кўрсатмаслигини инобатга олиш лозим. Хусусан, маҳкум этилган шахс жазони ўзи ихтиёрий тарзда (масалан, жаримани ихтиёрий тўлаш) ўташи ҳам, жазо унинг ихтиёрига қарши (масалан, уни озодликдан маҳрум этиш ва ш.к.) йўсинда ижро этилиши ҳам мумкин ва бу жазонинг албатта ижро этилишини, яъни унинг мажбурлов хусусиятини бекор қилмайди.

Жиноий жазонинг мажбурлов хусусияти унинг нафақат маҳкум томонидан, балки ҳар қайси бошқа субъектлар, хусусан, жазони ижро этиш органларининг ходимлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг маъмуриятлари томонидан албатта ижро этилишини талаб қилади. Шу билан бир вақтда, шундай хусусийлик белгиси асосида ижро этилиши сўзсиз мажбурий бўлмайдиган, балки қандайдир субъектив омилларга боғлиқ бўлган (ўз айбига иқдор бўлишни) бошқа хил таъсир кўрсатиш чоралари қаторига қўшиб бўлмайди; жумладан, ишонтириш, тарбиявий чоралар ва шу каби усулларни жазо сифатида кўриб чиқиш мумкин эмас.

Ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш усулими жазо сифатида тан олиш учун албатта қуйидаги шартга, яъни мажбурлов давлат томонидан қўлланилишига амал қилиш лозим.

Жазони қўллаш бу хусусий шахсларнинг ски жамоатташкилотларининг ёхуд уларга тенг тарзда турли хил корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқи эмас, балки давлатнинг алоҳида ваколатидир. Фақат Ўзбекистон Республнкаси номидан, унингтомонидан ваколат берилган органлар жиноий жазони ижро этиш ҳуқуқига эгадирлар; бунга мувофиқ органлар ўз номидан эмас, балки ЖК 42моддаси 1қисмида баён этилган ҳолатлардан тўғридантўғри келиб чиққан ҳолда давлат номидан ҳаракат қиладилар. Мажбурлов чоралари бошқа хизмат таркиблари, шу жумладан (жиноий жазони ижро этиш ҳуқуқига эга бўлмаган) давлат органлари ҳамда бошқа хил тузилмалар томонидан амалга оширилган тақдирда, бундай чоралар жиноий жазо сифатида тан олинishi мумкин эмас. Шу билан бир вақтда, буларга ўхшаш тузилмалар раҳбарлари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка, шу жумладан жиноий жавобгарликка тортилиши керак.

Жазони тайинлаш, яъни Жиноят кодексининг Махсус қисми моддасига мувофиқ санкция доирасида жазонинг аниқ турини ва меъёрини танлаш фақат суднинг алоҳида ҳуқуқини ташкил этади. Фақат

суд давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи сифатида жиноятни содир этганлик учун жазони тайинлаш ҳуқуқига эгадир. Давлат ҳокимиятининг ҳар қандай бошқа органлари, шу жумладан, ижро этувчи ёки қонун чиқарувчи органлар бундай ваколатларга эга эмас (ЖПК 12моддаси).

Шу билан бир вақтда жазони тайинлаш ҳуқуқига ҳар қандай суд органи эмас, балки ваколатли судлар, яъни жиноят ишлари бўйича судлар эга эканлигини таъкидлаш лозим (ЖПК 28моддаси)¹.

Жазони тайинлаш суд томонидан махсус ҳужжатни — **ҳукмни**, яъни жиноят ишини фақат суд томонидан кўриб чиқиш оқибатида қабул қилинадиган алоҳида қарор турини чиқариш йўли билан амалга оширилади. Ҳукм жиноят ишини асл мазмуни бўйича ҳал қилади, чунки унда судланувчи шахснинг айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги масаласи ҳал этилади, жазонинг аниқтури ва миқдори тайинланади, шахсни айбдор ёки айбдор эмас деб тан олинишидан келиб чиқадиган бошқа хил ҳуқуқий оқибатлар белгиланади. Шу тарзда ҳукм жиноят ишлари бўйича судловнинг алоҳида кўриниши сифатида чиқади ва мазкур тартиб қонунда кўрсатилган муайян талабларга жавоб бериши шарт. Мазкур тартибга амал қилмаслик жиноят ишининг умуман олганда, оқибатда ҳуқуққа хилоф тарзда ҳал қилинишига ва хусусан, тайинланган жазонинг ҳуқуққа хилофлигига олиб келади. Бундай тақдирда, таҳлил қилинаётган модда ҳолатларидан келиб чиқиш асосида, тайинланган жазо умуман жазо сифатида эътироф этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси суди ҳукмни эълон қилиш билан давлат номидан ҳаракат қилади (ЖПК 454моддаси). Жазо давлат номидан тайинланади — шу восита орқали суд жиноятчига ва унинг қилмишига давлат томонидан берилган салбий баҳони ифодалайди. Шундан келиб чиққан ҳолда жазо ошкоралик хусусиятига эга эканлигини таъкидлаш керак.

Жазонинг қўлланиши учун фақат жиноятнинг содир этилиши асос бўлади. Жиноят белгиларига мувофиқ келмайдиган бошқа хил ҳаракатнинг амалга оширилиши кўринишида жиноий жазога тортиш мумкин эмас. Шу сабабдан жазо сифатида бирбирига ўхшаш маъмурий жазо чоралари (масалан, жарима, маъмурий қамок, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва бошқ.) ва уларга тенг тарзда интизомий жавобгарликка тортиш чоралари ҳам жазо сифатида тан олинмайди. Шундай қилиб, жиноий жазо жиноий ҳаракатнинг ҳуқуқий оқибатидар.

Жиноий жазо алоҳида **шахсийлик хусусиятига** эгадир ва фақат жиноятни содир этганликда айбдор деб топилган шахсга нисбатан қўлланади. Шахс жиноятни содир этганлиги фақат фош қилинган ва унинг айби исботланган тақдирдагина уни жиноят қонунда тегишли жиноят учун назарда тутилган муайян жазога маҳкум этиш мумкин бўлади. Мана шунда ЖК 9 моддасида белгиланган айб учун жавобгарлик тамойили ўз ифодасини топади. Айбсиз шахсга жазони тайинлаш мумкин эмас ва агарда суд муайян бир шахснинг айбини аниқлай олмаса, бундай шахсни жазолаш мумкин бўлмайди.

Қонуннинг фақат суд ҳукмида жиноят содир этишда айбдор эканлиги аниқланган шахсга нисбатан жазо қўлланиши мумкинлиги тўғрисидаги қонунда жазонинг шахсийлиги хусусиятидан дарак беради. Бошқача қилиб айтганда, содир этилган жиноят учун мажбурлов чоралари давлат томонидан фақат жиноятчининг ўзига нисбатан қўлланади. Жазога хос бўлган маҳрум этишларни ва чеклашларни, хаттоки айбдор қандайдир йўл билан муносиб жазони олишдан қочиб кетган тақдирда ҳам, унинг жамоаси, оиласи ёки унга яқин кишилари зиммасига юклатиш мумкин эмас.

Жазо учун зарур бўлган шахсийлик хусусиятининг мавжуд эмаслиги, жумладан, мулкни мусодара қилишни жазо турларидан чиқариб ташлашни талаб қилди.

Жазонинг мазмуни жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахснинг **хуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилиш ёки уларни чеклаш** билан ифодаланади. Бунда кўрсатилган мажбурлов чораларининг услублари ўртасидаги фарқлар уларнинг ҳажмида намоён бўлади. Хусусан, ҳуқуқлардан ва эркинликлардан маҳрум қилган тақдирда давлат маҳкумларнинг муайян бир ҳуқуқдан ёки эркинликдан фойдаланишларини (масалан, муайян лавозимни эгаллаш ҳуқуқини, ҳаракатланиб юриш эркинлигини ва бошқ.) тўлиқ ҳажмда тўхтатиб қўяди. Ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш ҳолида улардан фақат қисман фойдаланиш рўй беради (масалан, ахлоқ тузатиш ишларида иш ҳақидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш ҳуқуқи).

Муайян бир таъсир кўрсатиш усулининг жиноят қонуни мазмунида жазо сифатида тан олинishi учун давлат томонидан қўлланадиган айти мажбурлов чораси ЖКда жазо сифатида тўғридан тўғри кўрсатилган бўлиши талаб этилади. Қонунга мувофиқ, кўрсатмаси келтирилмаган жазо тури йўқ. Шу сабабдан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, тарбиявий йўсиндаги мажбурлов чоралар ва бошқа хил таъсир кўрсатиш усуллари, гарчи улар жазо чораларига (масалан, маъмурий жазо чоралари, жинойи процессуал мажбурлов чоралари) ўхшаган бўлсада, жазо турлари сифатида тан олинishi мумкин эмас.

Аниқ таъсир кўрсатиш чорасининг жазо сифатида назарда тутилганлигининг белгиси, биринчидан, мазкур жазо чораси ЖКда умуман назарда тутилган бўлишини талаб қилади. Иккинчидан, шу жазо чораси содир этилган жинойи ҳаракат учун жавобгарликни белгилайдиган Кодекс моддасининг санкциясида назарда тутилган бўлишини талаб қилади.

Бунда аниқ жиноят тури учун жазо тайинлашда, суд қонунда назарда тутилганидан оғирроқ жазо турини тайинлай олмаслигини ва шу билан бир вақтда ЖК тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа энгилроқ жазо турини тайинлаши мумкин эканлигини назарда тутиш лозим.

Жазода ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилишнинг ёки уларни чеклашнинг ҳажми ва хусусияти нафақат Жиноят кодекси нормалари томонидан, шунингдек, Жиноятижроия кодекси томонидан ҳам мувофиқлаштирилаётганлигини айтиш керак. Бироқ, жазо мазмуни чегараларини ва асосий белгиларини ҳамда унинг турларини ўрнатадиган ЖКдан фарқди ўлароқ, ЖИК жазо мазмунини фақат тўлдиради ва жазо чораларини ҳамда уни ижро этиш қоидаларини аниқлайди.

Жазо мазмунини унинг моҳиятидан фарқлай олиш лозим.

Жинойи жазонинг мазмунини ташкил этадиган муайян даражадаги ҳуқуқий чеклов (жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахсни ҳуқуқлардан ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки чеклаш) жазонинг жазо элементи деб номланувчи қисмининг мазмунини акс эттиради. Жазо ўз моҳияти бўйича, гарчи айнан шунинг ўзи унинг туб мақсади бўлмаса ҳам, аслида жазодир, чунки у моҳиятига кўра, айбдорга азобуқубатларни келтириш хусусиятига эга. Шунинг ўзи билан давлат мажбурлови чораларида содир этилган ҳаракат учун жазо элементи мужассамланади. Шу билан бир вақтда жазо жазо қўллашнинг мақсади эмас, балки фақат унга хос бўлган ажралмас қисмидир, бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқлардан ва эркинликлардан маҳрум қилишлар ва

чеклашларнинг қўлланиши, уларнинг мақсадларидан қатъи назар, қонунга хилоф равишда содир этилган қилмишнинг оқибати ўлароқ жазо сифатида намоён

бўлади.

2§. Жазо мақсадлари

Жиноятҳуқуқий назария ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти томонидан ишлаб чиқилган жазо мақсадлари ЖК 42моддаси 2қисмида куйидаги мазмунан бойитилган кўринишда белгиланган, яъни: «Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадларида қўлланади».

Жазо мақсади — бу давлат томонидан жазони қўллаш воситасида эришишга интилаётган якуний натижадир.

Жазони танлаш ва унинг қўлланишидан кўзланаётган мақсад нормативҳуқуқий натижаларнинг акс эттирилиши амалиётнинг бир хил йўсинда кечишига ва шунингдек, жиноят қонунининг тизимли ва тадрижий ривожланишига сабабчи бўлади. Ҳар бир жазо, жиноятчигатайинланганга шохда жазо кўриниши ҳамда туша тенг тарздадавлат мажбурлови чораси сифатида намоён бўлиб, белгиланган мақсадларгаалбатта бўйсунуши ксрак. Бунда жазоимг белгиланган мақсадларга мувофиқ келиши шартига уларга ҳар бир аниқ ҳолатда амал қилиш учун имконият йўқдиги таъсир қилмай ди, чунки жазо мақсадлари — бу кутиладиган, лекин ҳар доим ҳам эришиш имконияти кафолатланмайдиган нагижадир.

Шундай қилиб, жазонинг амалий жиҳатдан қўлланиши куйидагиларга, чунончи:

—маҳкумнинг тузалишига;

—жинойий фаолиятни давом эттириш учун тўсқинлик қилишга;

— маҳкумлар ҳамда бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга йўналтирилиши керак.

Маҳкумни ахлоқан тузатиш жазонинг мустақил мақсади бўлиб, жиноятни содир этган шахсга нисбатан жазони қўллаш воситаси орқали маҳкумда қонунга итоаткор хулқатворни, инсонга, жамият, меҳнат, жамият турмуши қодалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантиришга интилишдан иборатдир (ЖИК 7моддаси). Шундай йўсинда, давлат мажбурлови чораларининг қўлланишидаги ахлоқни тузатиш жиноятчига нисбатан жазонинг тарбиявий таъсиридир; мазкур таъсир шахсга ғайриҳуқуқий ҳаракатни содир этиш учун имкон берган ёки унга сабабчи бўлган шахсдаги баъзи шундай хусусиятларнинг ўзгаришида намоён бўлади (масалан, жазоланмасдан қолиш ҳисси, зарурий диққатэтиборни кўрсатмаслик ва ш.к.)

Жинойий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш жазонинг маҳсус мақсади сифатида шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, хусусий мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлигини ҳимоя қилиш йўлидаги Кодекс вазибаларининг хусусий тарзда намоён бўлишини ташкил этади. Жазони белгилаш ёки қўллаш орқали давлат келажакда жинойий фаолиятни содир этиш мумкинлигига йўл қўймасликка ҳаракат қилади.

Жазони қўллашда жинойий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш нафақат маҳкум этилган шахс учун, балки маҳкум билан

биргаликда жиноий фаолиятни амалга оширган бошқа шахслар учун ҳам кейинчалик шунга ўхшаш фаолиятни амалга ошириш имконига йўл қўймасликда (масалан, уюшган жиноий гуруҳ аъзосига мажбурлов чораларининг қўлланиши орқали мазкур гуруҳни кейинчалик ҳам ғайрихуқуқий қилмишларни амалга ошириш имконидан махрум қилиш) намоён бўлиши мумкин.

Янги жазо чорасини ўрнатиш ва мавжуд жазо чораларини қўллаш орқали ваколатли давлат органлари уни **янги жиноятларнинг олдини олиш** талабларига бўйсундирадilar, яъни жазонинг қўлланиши превентив (олдини олиш) аҳамиятига эга бўлиши керак. Бунда жазонинг қўлланиши махсус ва умумий превенция мақсадларини кўзлаётганлиги конун даражасида кўрсатилади.

Махсус превенция судланган шахс томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишдан иборат. Махсус олдини олиш мақсадини амалга оширишни таъминлаш орқали суд конун асосида ва ЖК тегишли моддаси санкцияси доирасида маҳкум учун жазо турини ва миқдорини қатъий даражада белгилайди. Айни шу мақсадга эришиш учун шахс томонидан содир этилган жиноятга давлатнинг муносабат билдириш тезкорлиги ҳам аҳамиятлидир. Жазоланиш муқаррарлиги ва қўлланиш тезкорлиги унинг шафқатсизлигидан кўра махсус превенция мақсади учун самаралироқдир.

Жазони қўллашдаги **умумий превенция** мақсади муайян судланган шахс учун муайян жазо турини ва миқдорини белгилашда, давлат шу йўл орқали жамиятнинг бошқа аъзоларини ғайриқонуний қилмишларни содир этишдан огоҳлантиришга интилишидан иборатдир. Умумий огоҳлантиришдаги жиноий қилмишларни содир этишдан тийиб турувчи асос бундай шахсларнинг жиноятнинг кўнгилсиз оқибатлари ҳақидаги тасаввури билан, яъни ҳар бир жиноий қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги, жазонинг қаттиққўллиги даражаси жиноятнинг оғирлиги даражаси билан белгиланиши, жиноят содир этилган тақдирда жавобгарликнинг амалийлиги ва муқаррарлиги билан шартланади. Бунда ЖКда мужассамланган жазо таҳдидининг амалийлиги фақат унинг қўлланиши ҳолатида намоён бўлишини назарда тутмоқлозим. Бундай ҳолларда, беқарор унсурлар жазони ўзлари учун салбий оқибатлари билан зарарли бўлган жиноятнинг муқаррар оқибати сифатида қабул қиладилар.

3§. Ҳозирги замон қонунчилигида жиноий жазоларнинг либераллашуви

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида судхуқуқ ислохотлари собитқадамлик билан ва босқичмабосқич ўтказилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VI сессиясида давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифалар асосида бошланган ислохотларнинг навбатдаги босқичи тадрижий тарзда амалга оширилмоқда. Ушбу сессияда 2001 йил 29 августда Республика парламенти томонидан қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноятпроцессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни¹ тарихий деб ҳисоблаш мумкин, чунки

жиноятгаоид сиёсатни демократлаштириш айпаи шу қопуидап бошланди.

Мазкур қонун томонидан амалдаги қонунчиликка кнрппнап шундай сифатга бой, аҳамиятли ўзгаришлар ва тўлдиришлар мамла

катнинг жиноят ҳамда жиноятпроцессуал қонунларини томонига қараб чуқур ислоҳ этилаётганлигини намойиш қилди ва бундай туб ўзгаришлар аввал на Ўзбекистонда, на МДХ мамла катларида амалга оширилмаган эди. Шунини ҳам айтиш керакки, Ўзбекистоннинг мустақиллиги, иқтисодиёти ва бутун турмуш тарзи бугун биз эришмоқчи бўлган мақсадларга батамом тескари бўлган тоталитар тузум вайронлари устига қурилиб, истикдолга эришиш мураккаб тарихий шароитда кечарди. Ўзбекистонга нафақат хонавайрон ҳолатга келган иқтисодиёт ва хўжаликни юритишнинг мақбул бўлмаган услублари, балки шуларга мувофиқ ҳуқуқий тизим ҳам мерос бўлиб қолди. Ва шунга қарамай, 1994 йили қабул қилинган мустақил Ўзбекистоннинг янги Жиноят кодекси халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормаларини миллий қонунчиликка интеграциялаштириш асосида ҳамда қабул қилиш пайтидан бошлаб, келажак замонларга қадар ҳам халқаро андозаларнинг талабларига мувофиқ келишига йўналтирилган тарзда яратилди.

Шундай қилиб, юқорида тилга олинган қонунга мувофиқ, жиноят қонунчилиги соҳасида ислоҳ қилинган жиддий ўзгаришлар жазо тизимига, жазо тайинлаш масалаларига, жиний жавобгарликдан ва жазодан озод қилишга, вояга етмаганлар жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятларига ва шуларга ўхшаш бошқа масалаларга тааллуқли бўлди.

Хусусан, **жиноятларни таснифлаш** ўзгартирилди, шу жумладан, ижтимоий хавфлилик даражаси унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифаси кенгайтирилди. Масалан, агар илгари шу тоифа жиноятларга фақат озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланиши назарда тутилган жиноятлар кирган бўлса, энди мазкур жиноятлар тоифасига қонун томонидан жазо нормаси сифатида уч йилгача озодликдан маҳрум этиш қўлланидиган қасддан содир этилган жиноятлар ҳамда эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб қонунга кўра беш йилгача озодликдан маҳрум этиладиган жиноятлар киритилди. Шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига кирадиган ижтимоий хавфли қилмишлар таркиби кенгайтирилди. Қонунга мувофиқ, ушбу тоифага жазо чораси сифатида уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш чораси қўлланиши назарда тутилган, қасддан содир этилган жиноятлар ва шунингдек, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган, эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятлар киритилди.

Жиноятларнинг таснифланишини шу тарзда ўзгартириш натижасида тергов ва суд органлари томонидан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларидан фойдаланиш имкониятлари жиддий даражада кенгайтирилди.

Иккинчидан, иқтисодиёт соҳасида жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир кўрсатиш миқдори анча кенгайтирилди. Юқорида кўрсатилган, 2001 йил 29 август куни қабул қилинган қонунга мувофиқ, ЖК моддаларидаги муқобил санкциялар кенгайтирилди, жазо чораси сифатида жарима миқдори кўпайтирилди, бу эса, айбдорни озодликдан маҳрум қилмай жазонинг мутаносиблигини ва маҳкумга нисбатан унинг ахлоқан тузатиш таъсирини сақлаб қолиш имконини берди ва шунингдек, судьянинг жарима жазосини тайинлаш имкониятини кенгайтирди.

ЖКда, шунингдек, жиноятни содир этган шахс етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда тўлаган тақдирда, унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазони тайинлаш имконини бермайдиган моддалар сони кенгайтирилди. Бунда айбдор учун ҳукм чиқарилишигача ҳам, ҳукм чиқарилганидан кейин ҳам етказган зарарни қоплаш учун имконият яратилди (яъни, етказилган зарар маҳкум томонидан озодликдан маҳрум

этишга қадар қопланадиган бўлса, бу ҳолда суд унга нисбатан бошқа турдаги жазо чорасини тайинлаши керак).

Учинчидан, ЖКдан қўшимча жазо чораси сифатида молмулкни мусодара қилиш жазоси бекор қилинди. Шунинг билан, дастлаб кўп ўн йилликлар мобайнида кузатилган нафақат жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг, балки уларнинг оила аъзолари бўлган фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини поймол қилиш йўлида ҳуқуқий ғов барпо қилинди. Бунинг натижасида нафақат жиноят қонунчилиги либераллаштирилди, балки Конституциянинг 53-моддасида белгиланган хусусий мулкчиликнинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган дадил қадам босилди¹.

Тўртинчидан, қонунчиликни либераллаштириш жараёни **вояга етмаганларга, ёши олтмишдан катта бўлган аёлларга ва эркакларга** дахлдор бўлди. Янги қонун бўйича, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғланган жазо чораси қўлланилмайди. Бу эс[^], балоғат ёшига етмаган ҳуқуқбузар шахсни жамиятдан айирмаган ҳолда қайта тарбиялаш учун имкониятлар яратди, чунки «ах

лоқузатиш колониясидаги ишлар қамчалик юқори даражада >шпи ташкилланган бўлса ҳам, колония ёшлари тарбиялаш учун яхши жой эмаслигини барчамиз яхши англашимиз керак. Лқсшиш, кўпинча аҳамиятсиз жиноятлар учун маҳкум этилган йигитча, ай нан ўша ерда жиноий оламнинг турмуш тарзига қўшилади ва муио фик кўникмаларни қўлга киритади».

Бешинчидан, аёлларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга, қонун томонидан аниқ жиноятлар учун назарда тутилган озодликдан маҳрум этишнинг энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқроқ муддатга озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазо чорасини тайинлаш имконияти бутунлай йўқ қилинди.

Ўзбекистон жиноятпроцессуал қонунчилиги соҳасида жорий қилинган жуда жиддий ўзгаришлар энг аввал тергов ҳамда суддан олдин қамоққа сақлаш муддатларини қисқартиришга қаратилганлигини таъкидлаш мумкин эмас. Илгари тергов муддатлари икки йилгача, қамоққа сақлаш муддатлари эса бир ярим йилгача чўзилиши мумкин эди. Бирок ўзига тегишли ҳукми кутиб қамоқхонада ётган кишининг, ҳар бир кунни ўтказиши жазо муддатининг ўзини ўташдан ҳам анча оғирроқ кечади². Шу муносабат билан, дастлабки тергов муддати ҳам, қамоққа сақлаш муддати ҳам энди тўққиз ойгача чўзилиши мумкинлиги ва фақат алоҳида ҳолларда, тергов қилинаётган ишнинг ғоят даражада мураккаб эканлигини инобатга олган ҳолда тергов муддатини бир йилгача чўзиш мумкин эканлиги катта аҳамиятга эгадир. Шу билан бир вақтда, кўрсатилган муддатларнинг камайириш томонига ўзгартирилиши фуқаролар ҳуқуқларини сансоларликдан, терговни ва судни асоссиз чўзишдан ҳимоя қилиш йўлидаги муҳим қафолатни ташкил этади.

Олтинчидан, ярашув институтининг жорий қилиниши жиноят қонунчилигининг янгилиги бўлди. Энди ЖК 66-моддасида келтирилган ҳолатларга мувофиқ, айбдор жабр кўрган шахс билан ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Ярашиш имконияти мавжуд бўлган жиноятлар рўйхати қонун томонидан батафсил белгиланган ва унга ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига кирувчи 26 та жиноят таркиблари киритилди. Хусусан, қасддан баданга энгил шикаст етказиш, тухмат, ҳақорат, йўл ҳаракати хавфсизлиги ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш каби ишлар бўйича томонларнинг ярашишига йўл қўйилади. Ярашилганлиги муносабати билан

жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган жиноятлар доираси Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги, 2005 йил 31 декабрдаги ва 2009 йил 3 апрелдаги қонунлари билан янада кенгайтирилди.

Судхуқуқ ислоҳоти навбатдаги босқичининг бошланишидан далолат берувчи қонуннинг қабул қилиниши натижасида мамлакат жиноят қонунчилигининг йўналиши умуман ўзгартирилди ва мазкур қонунлар демократикхуқуқий давлатнинг тамойилларига ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш шартларига янада юқорироқ даражада мувофиқ келди. Шу билан бир вақтда, бугунги кунда шу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотнинг тубдан бошқача ёндашувини таъкидлаш лозим. Масалан, агар илгари ҳар қандай ўзгаришларнинг асосида энг аввал судхуқуқий тизимнинг демократик асосларини яратиш ва фуқаролар менталитетини умуман ва судьяларнинг ҳамда ҳуқуқни ҳимояловчи органлар ходимларининг онгини хусусан ўзгартириш мақсади қўйилган бўлса, бугунги бош вазифа — бу эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, уларнинг янада юқорироқ самарадорлигини ва амалийлигини таъминлаш, «фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг зарурий кафолатларини таъминловчи демократик тамойилларни қоғозда эмас, балки амалий турмушда амалга ошириш»¹, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш каби мақсадларга қаратилиши лозим. Буларнинг барчаси, биргаликда олинганида, судхуқуқий ислоҳотининг янги истиқболларини белгилайди ва энг аввал уларнинг назарий жиҳатдан англанишини, ҳар томонлама ёндашувни ҳамда изчил, амалий татбиқ этилишини талаб қилади.

Амалдаги ЖКда белгиланган туб ўзгаришлар куйида батафсилроқ очиб берилади, ҳозирча эса биз, мамлакатимиздаги жиноятхуқуқий соҳанинг ислоҳотлари учун бугунги куннинг энг долзарб муаммоси сифатида, Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинишининг эволюцион жараёнини батафсилроқ кўриб чиқишни лозим топдик.

ЎзССР Жиноят кодекси бекор қилиниши пайтига қатл этиш кўринишидаги жазо чораси қўлланиши назарда тутилган ўттиз хилдан зиёд жиноятларни ўз таркибида камраб олган эди. Янги жиноят қонунчилигида (1994 йил) эса қатл этиш кўринишидаги жазо чорасини энди фақат куйидаги 13 хил жиноятлардан бирини, яъни:

Бирок 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ЖК рўйхатида белгиланган мазкур жиноятлар сонини 8 тагача¹ (яъни, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97модда 2қисм), номусга тегиш (118модда 4қисм), агрессия (151модда 2қисм), геноцид (153модда), терроризм (155модда 3қисм), давлатга хонлик қилиш (157модда 1қисм), жиноий уюшма ташкил қилиш (242модда 1қисм), контрабанда (246модда 1қисм), гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (272модда 2қисм)) қисқартирди.

2001 йилда эса мазкур рўйхатда фақат 4 та жиноят, чунончи: жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97модда 2қисм), агрессия (151модда 2қисм), геноцид (153модда), терроризм (155модда 3қисм) қолдирилди ва бу «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноятпроцессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни қабул қилиш йўли билан амалга оширилди.

Мазкур қонун ҳужжати, ўлим жазоси қўлланадиган жиноий қилмишлар сонини шунчаки меъёрий жиҳатдан қисқартириш билан

чекланмасдан, балки юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг ижтимоий-ҳуқуқий тараққиётидаги янги, ғоят муҳим ҳолатларни ҳам белгилаб берди. Бу қонун аҳоли ҳамда судьялар жамоаси томонидан ўлим жазосини жиноий жазонинг кўриниши сифатида қайта англанишини ғоявий (концептуал) тарзда расмийлаштирди ва буни ўша пайтга келиб белгиланган ўлим жазосини тайинлаш ҳукмлари сонининг қисқариши тенденцияси исботлайди.

Шунингдек, ўлим жазосига маҳкум этилганлар сонининг қисқарганлиги жиноятчилик миқёсининг кенгайиб боришига таъсир кўрсатмаганлигига ҳам эътиборни қаратайлик. Аксинча, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори Р.Қодировнинг таъкидлаши бўйича, «2001 йилда ўлим жазосининг қўлланиши кўрсатилган санкция таркибидан асос бўладиган мувофиқ моддаларнинг чиқариб ташланиши билан, кейинги йилларда номусга тегиш сони тахминан 11 фоизга қисқарди, жиноий уюшмаларни ташкил этиш ҳолатлари эса икки баробар камайди».

2003 йил декабрь ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ўлим жазоси жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм, яъни атиги икки турдаги ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун қўлланадиган жазо чораси сифатида қолдирилди.

2005 йил 1 август куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги, назаримизда, тарихий Фармоннинг қабул қилиниши судхуқуқ ислохотининг ривожини учун янги туртки бўлди, одил судловни, ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этиш соҳасида амалга оширилган ўзгаришларнинг тубдан эканлигини намойиш қилди. Фармонда баён этилган қоидалар жамиятни демократлаштиришнинг жиддий масалаларидан бирини — ўлим жазосини бекор қилиш масаласини ҳал қилди.

Президент берган адолатли баҳога кўра, жамият ва давлат турмушининг демократик жиҳатдан янгилиниши, мамлакатни янгилаш бўйича ўша пайтда Ўзбекистонда ўтказилган ислохотларнинг моҳияти ва мазмуни, судхуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича қилинган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазосининг бекор қилинишини ва уни умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш заруратини тақозо қилган эди². Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистоннинг атиги 15 йиллик тарихи мобайнида ўлим жазоси кўринишидаги жазо чорасини тайинлаш имконияти 15 марттадан зиёд микдорда қисқартирилган эди. 2008 йилнинг 1 январь

Республика Президенти ўз чиқишларида «биз, одамлар онгида ижтимоий муносабатларнинг ва турмуш тарзининг янги ҳолатларга ўтишини, демократик кадрларнинг одамлар онгида чамбарчас боғланиши зарур бўлган ислохотларнинг ва ўзгаришларнинг эволюцион, изчил йўсинли кечишининг тарафдорлари»¹ эканлигини бир неча бор таъкидлаган эди. Мамлакатда ўлим жазосининг бекор қилиниши учун зарурий шароитлар дастлаб шаклланган бўлиши керак эди. Айнан шу сабабга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилиниши тўғрисида»ги Фармонида нафақат аҳоли ўртасида тегишли тушунтириш ишларини олиб боришга, балки ўлим жазосининг бекор қилинишини моддий-техник ва қонуний жиҳатлардан таъминлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор ташкилий-тайёргарлик тадбирларини амалга оширишга ҳам катта эътибор

берилди. Худди шу сабабларга кўра, ўлим жазосининг бекор қилиниши дарҳол эмас, балки 2008 йилнинг 1 январь кунидан амалга оширилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги «Жиноий жазо ва судхуқуқ тизимини либераллаштириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чоралар тўғрисида»ги Фармойиши билан ўлим жазосининг бекор қилиниши ва унинг умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси билан алмаштирилиши муносабати билан қабул қилиниши, ўзгартирилиши, тўлдирилиши керак бўлган нормативхуқуқий ҳужжатлар рўйхати тасдиқданган эди. Шу билан бир қаторда, ўлим жазоси ўрнига қабул қилинган ва янгидан жорий қилинаётган янги турдаги жиноий жазолар ижросини таъминлаш механизмлари ишлаб чиқилди; янги жиноят ва жиноятпроцессуал қонунларига мувофиқ тарзда судьяларнинг ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг тайёрлови ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича чоралар ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Тегишли нормативхуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ишларини фаоллаштириш мақсадларида 2006 йил 29 июнида Республка Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, нормативхуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинди. Мазкур фармойиш асосида ишчи гуруҳ тузилди ва айна ишчи гуруҳнинг муҳим вазифаси сифатида кенг жамоатчилик ва чет эллик мутахассислар томонидан эълон қилинган, илмийамалий ва таҳлилий материалларда баён этилган ўлим жазосига тааллуқли кўпгина фикр ва мулоҳазаларни ўрганиш, шунингдек, 2006 йилнинг охиригача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тегишли қонунларнинг ва бошқа хил нормативхуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини киритиш вазифалари юклатилган эди.

Мамлакат ҳукумати, Адлия Вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси ҳамда бошқа вазирликлари ва давлат идоралари, тадқиқот ва таҳлил марказлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги ПФ3641сонли «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиниши тўғрисида»ги Фармонининг қоидаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича ғоят муҳим ишлар амалга оширилди².

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўсинида олимлар ва амалиётчилар ҳамкорлигида юқорида баён этилган муаммоларни муҳокама қилишга бағишланган конференциялар, «давралар» ўтказилди. Бу ишларга «нафақат юристлар, балки иқтисодчилар, журналистлар, ҳар хил давлат идоралари ва давлат ҳокимлиги ҳамда бошқарув органларининг эксперт мутахассислари, олимлар ва маҳаллалар даражасигача қамраб олинган кенг жамоатчилик вакилларидаан иборат бўлган юзлаб мутахассислар жалб қилинди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши тўғрисидаги Фармоннинг қоидаларини муҳокама қилишга бағишлаб 238 та телекўрсатув, 463 та радиоэшитириш, 270 дан зиёд рўзнома ва журналларда чоп этилган мақолалар; 23 та илмийамалий анжуманлар, 148 та семинарлар, 265 та «давралар» уюштирилди».

Президентнинг Фармойиши билан тузилган мазкур ишчи гуруҳ томонидан олиб борилган мана шу катта фаолиятнинг якуни сифатида, ҳуқуқшунос олимлар ҳамкорлигида «ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ўзгартишларни ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида»ги қонун ишлаб чиқилди¹ ва мазкур қонуннинг ҳолатлари ҳаракатдаги ЖКда ўз аксини топди ва бунинг натижасида 2008 йил 1 январь кунидан бошлаб ўлим жазоси қўрилишидаги жипоний жазо қўлланилмайди. Судхуқуқий

тизимини кейинги демократлаштиришга йўналтирилган мазкур қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқдарининг ҳимоя қилиниши йўлйўриқларини мукамаллаштиришнинг муҳим омили бўлди.

«Жазо тушунчаси ва уни қўллаш мақсадлари» мавзуси бўйича яқуний саволлар

1. Жиноий жазо деганда нимани тушуниш керак? Мазкур жиноятҳуқуқий тоифа жиноий жавобгарликдан нима билан фарқ қилади?

2. Жазонинг хусусиятлари қандай? Уларнинг йиғиндисини аниқлаш шартми?

3. Жазолашнинг мазмуни ва моҳияти нималардан иборат?

4. Жиноий жазонинг ошкоралик хусусиятлари нима билан ифодаланади? Жиноий жазонинг оқибатлари қандай бўлади?

5. Жазолаш ва тиббий ҳамда тарбиявий чораларни қўллаш тушунчалари бирбирларига мувофиқдаражада ўхшайдими?

6. Жиноий жазонинг мақсадлари қандай? Жазолашни ва қайта тарбиялашни бирбирига тенглаштириш мумкинми?

7. Маҳқум шахс ахлоқининг тузалиши деганда нимани тушуниш керак?

8. Жазони қўллашда жиноий фаолиятга тўсқинлик қилиш нималарда ифодаланади?

9. Махсус прервснция нималардан иборат?

10. Умумий превенция нималардан иборат?

11. Жиноят қонунини либераллаштириш деганда нималарни тушуниш керак? 1994 йил ЖК да қандай туб ўзгаришлар содир бўлди?

12. Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилиниши билан боғлиқ қонуний ўзгаришларни қабул қилиниш вақти кетмакет кўрсатилган тартибда намойиш қилинг.

:

II БОБ. ЖАЗО ТИЗИМИ ВЛ УНИИГ ТУРЛЛРИ

1§. Жазо тизими, турлари ва уларнинг тасанфланиши

ЖК 43моддасида мужассамланган жазолар тизимиинг нормативҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши бутун жиноий жазолар институти учун стратегик аҳамиятга эгадир. Тизимнинг бундай маикега эга эканлиги унинг қонун ижодкорлиги ва қонунни қўллаш фаолиятига таъсир кўрсатиши билан, жазонинг тайинланиши, қўлланиши ва ижро этилиши масалаларига муайян даражада дахлдор бўлган жиноят қонунига мурожаат қилинганида мазкур модданинг ҳолатларини мажбурий тартибда инобатга олиш шарти билан боғлиқдир. Шундай қилиб, жазолар тизимини Жиноят кодексининг алоҳида моддасида мустаҳкамлашнинг мақсади қонун чиқарувчини жиноят қонунини изчил ва тизимли йўсинда ривожлантириш йўлига қаратишга, қонунни қўлловчи органларни эса қонунни бир хилда амалга ошириш йўлини танлашга қаратилгандир.

ЖК 43моддасида келтирилган жазо тизимининг ўзи қонунийлик, айб учун жавобгарлик, одиллик ва инсонпарварлик принципларига асосланганлигини, уларнинг предметли ифодасининг тасвири эканлигини назарда тутиш лозим.

Жазо тизимининг таркибий элементлари сифатида давлат мажбурловининг фақат алоҳида элементлари чиқади ва давлат уларнинг қўлланишига маҳкум ахлоқининг тузалишига эришиш, жиноий фаолиятнинг давом эттирилишининг олдини олиш ва шунингдек, умумий ҳамда махсус превенция мақсадларини боғлайди.

Жазо тизимининг элементлари ўзаро боғлиқ, ўзаро алоқадор ва бирбирларини тўлдириб туради. Тизимнинг мазкур белгиси жазолар самарадорлигига эришиш масаласининг ечимига кўп жиҳатли ёндашувни исботлайди, яъни қўйилган мақсадларга эришиш қандайдир бирор хил мажбурлов чорасини танлаш билан боғланмай, балки махкумларга чоралар мажмуаси билан таъсир кўрсатиш имконияти воситасида амалга оширилади. Амалда бу ЖК Махсус қисми моддаларидаги муайян муқобил санкцияларида ва шунингдек, қўшимча жазо чораларини белгилашда ва қўлланишида ўз ифодасини топади.

Тизимга кирувчи давлат мажбурлови чораларининг рўйхати ғоят даражада тўлиқ бўлиб, кенгайтирилган йўсинда талқин қилинмайди. Шундай қилиб, ЖК 43моддасида кўрсатилмаган жазо турлари ЖК Махсус қисмининг алоҳида моддаларидаги санкциялар таркибига киритилмайди, киритилганлари эса қўлланмайди. Бундан ташқари, тизим рўйхатида жазо турларининг батафсил келтирилганлиги, қонунни қўлловчи органларга, шу жумладан, судга, жазо чоралари сифатида кўриб чиқиладиган модда таркибида назарда тутилмаган давлат мажбурлови чораларини қўллашга йўл қўймайди.

Тизим таркибида жазо турларининг жойлашиши уларнинг нисбатан оғирлигига боғлиқ, бунда улар энг энгил жазодан энг оғир жазога йўналиш тартибида жойлаштирилади. Шунинг билан жазолардан қайси бири нисбатан энгил ва қайси бири оғирроқдеб ҳисобланишини қонуннинг ўзи белгилайди, бу эса моддалардаги санкцияларни тузишнинг юридик моҳиятига ўз таъсирини кўрсатади ва бундан ташқари, жиноий жазонинг мақсадларига эришиш учун муайян даражада судларни давлат томонидан мажбур этишнинг энгилроқ чораларини қўллашга йўналтиради. Хусусан, «Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд бўлган барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак.

Қонун нормаси санкциясида альтернатив жазолар мавжуд бўлганда ҳукмда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони қўллаш зарурлиги тўғрисидаги масала муҳокама этилиши шарт».

Жазо тизими уларнинг нисбий оғирлигини инобатга олган ҳолда, энгилдан оғирга қараб қатъий белгиланган тартибда жойлаштирилган, ягоналиги, ўзаро боғланганлиги ҳамда бирбирини тўлдирганлиги билан ажралиб турадиган давлат мажбурлов чоралари (тизим элементлари)нинг тадрижий ва тўлатўқис рўйхатини ташкил этади.

Ҳар қандай тизим каби жазолар тизими кичик тизимларни, яъни турли хил асослар бўйича тоифалаштириладиган ва муайян даражамадаража бевосита бўйсунуш тартибида бўлган жазо турларини қамраб олади.

Жазо тури — бу ўз мазмуни ва номланиши билан ажралиб турадиган, қонунда назарда тутилган жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг аниқ кўринишдаги шаклидир.

Жазо тизими таркибша қуйид;мм ж л ю турллри, чупоичи:
— жарима;

- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш;
- ахлоқтузатиш ишлари;
- хизмат бўйича чеклаш;
- камоқ;
- интизомий қисмга жўнатиш;
- озодликдан маҳрум қилиш;
- умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазо турлари киради. «Жазо турини жазо меъёри билан алмаштириш керак эмас. Жазо

меъёри суд томонидан маҳкум этилган шахсга ҳукмда тайинланган жазо турини билдиради, шундай қилиб, гап жиноятнинг аниқлиги ва аниқ белгиланган меъёрларда (муддатда)ги жазо тўғрисида боради. Бу суд жазони шахсга лойиқ тарзда белгилаганлигини, содир этилган жиноят ишининг оғирлик даражаси ва шахснинг жиноий хусусиятлари нисбатлаштирилганлигини; суд томонидан жиноий ҳаракатнинг нафақат сифат, балки миқдорий белгилари ҳам таърифланганлигини ва шунингдек, жиноятни содир этган айбдор шахсга нисбатан қайси жазо тури тайинланганлиги ва қай меъёрда «ўлчаб берилганлиги» ҳукмда акс эттирилишини билдиради»¹.

Кўрсатилган жазо турларини бирлаштириб турган кичик тизимлар турли хил асослар бўйича таснифланиши мумкин.

Масалан, қўланиш ва ижро этиш мустақиллиги даражаси бўйича, яъни бошқача қилиб айтганда юридик мавқе нуқтаи назаридан, жазо турлари уч хил кичик тизимларга, чунончи: **асосий, қўшимча ва аралаш** кичик тизимларга бўлинади, булар эса ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо тизимлари сифатида эътироф этилиши мумкин. Мазкур бўлиниш давлат мажбурловининг аниқ чорасини у ёки бу ғайриқонуний қилмишни содир этишда айбдор шахсга нисбатан жазо қўлланишидаги жазо мақсадлари самарадорлигига турли даражада таъсир кўрсатишидан келиб чиқади. Хусусан, конун чиқарувчи ва судлар жазони ўзининг мақсадларига эришишни кўпроқ даражада асосий жазо турларининг қўлланиши билан боғлайдилар. Қўшимча жазолар эса ёрдамчи хусусиятларга эга бўлиб, қўлланаётган давлат мажбурлови чораларининг шахсийланишига сабабчи бўлади. Шу билан бир вақтда, аралаш тоифадаги жазолар, аниқ вазиятларга боғлиқ ҳолда, ҳам асосий, ҳам ёрдамчи аҳамиятга эга бўлишлари мумкин ва шу муносабат билан, муайян ҳолларда улар ё асосий ёки қўшимча жазо деб тан олинishi мумкин.

Жазоларнинг юқорида кўрсатилган кичик тизимларга бўлиниши катта амалий аҳамиятга эгадир. Масалан, **асосий турдаги жазолар**, яъни жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, камоқ, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш — буларнинг барчаси фақат мустақил жазо турлари сифатида тайинланиши мумкин ва уларни давлат мажбурловининг бошқа чораларига қўшиб тайинлаш мумкин эмас. Уларнинг ўзига хослигига қуйидаги хусусиятлар киради, чунончи: ЖК Махсус қисмидаги тегишли моддалари санкцияларида улар ҳар доим кўрсатилади; модда санкциясида кўрсатилмаган бошқа хил асосий жазонинг тайинланиши, ЖК 57моддасининг ҳолатларига мувофиқ, фақат енгилроқ жазо турларининг қўлланиши ва ЖК 74моддаси тартибда жазонинг ижро этилмаган қисмини енгилроқ жазо тури билан алмаштириш ҳолларида рухсат этилади.

Бундан ташқари, алоҳида ҳолларда уч йилдан ортиқроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш, камоқ ёки ахлоқ тузатиш ишлари ўрнига, суд ЖК 47моддасининг 2қисмига мувофиқ, худди шу муддатга хизмат бўйича чеклаш жазо турини қўллаши мумкин.

Қўшимча жазолар, яъни ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш каби жазо чоралари давлат мажбурловининг асосий чораларига қўшилади ва мустақил тарзда қўлланиши мумкин эмас. Бунда, уларни тайинлаш ЖК Махсус қисмининг муайян моддасидаги санкцияда шундай жазо турининг мустаҳкамланиши билан боғлиқ эмас, яъни Олий суд инстанциясининг тавсиясидан келиб чиққан ҳолда, уни ҳар қандай ҳолатда тайинлаш мумкин.

Аралаш тоифадаги жазо тури, яъни ЖК Махсус қисмининг муайян моддаларида келтирилган санкциялар тузилишига боғлиқ ҳолда муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш жазолари ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо турларини ташкил этиши мумкин ва улар тегишли тоифа жазони тайинлаш қоидалари бўйича қўлланиши мумкин. Шу билан бир вақтда, жазонинг аралаш хусусиятга эга бўлиши, уни қўллаш қоидаларининг аралаш хусусиятига эга бўлишини англамайди. Хусусан, муайян ҳуқукдан маҳрум қилишни, агарда у қонунда асосий турдаги жазо деб кўрсатилган бўлса, уни қўшимча жазо сифатида қўллашга йўл қўйилмайди². Масалан, хатёзишмалар, телефонда сўзлашувлар, телефаф хабарлари ва бошқа хабарларнинг сир

сақдлшпм тартибини бузишда (ЖК 143моддаси) айбдор нисбатан, унгл мазкур модда сапкциясида пазарда тутилган бошқа турдаш жазо тайинланганлиги ҳолларида ҳам, уни муайяи ҳуқукдлн маҳрум қилиш кўринишида асосий тоифа жазо тайинланганлиги ҳолларида ҳам, унга нисбатан муайян ҳуқукдаи маҳрум қилиш кўри 11 ишидаги жазо чорасини қўшимча жазо сифатида тайинлаш йўл қўймаслик керак. Айни масаланинг бошқача йўл билан ҳал қилиниши ЖК тамойилларига, хусусан адолат ва қонунийлик тамойилларига мувофиқ келмайди, чунки қонунга хилоф равишда жи жавобгарлик меъёрининг ортиб кетишини келтириб чиқаради.

Қўшимча турдаги жазолардан бирининг қўлланиши бошқа тоифа жазо турининг қўлланишига тўсқинлик қилолмаслигини инобатга олиш лозим. Масалан, агар айбдорга нисбатан қўшимча жазо сифатида уни ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазо тури қўлланган бўлса, бу ҳолда, уни шунингдек, муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш ҳам қўлланиши мумкин. Бироқ бу ҳолда, юқорида таърифланган муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазо турининг қўлланишига тўсқинлик қилувчи шароитларнинг мавжуд эмаслигини аниқдаш зарур бўлади.

Ўзларининг ҳар томонламалик даражасига боғлиқ ҳолда жазолар икки кичик тизимга бўлинади, булар: амалда ҳар қайси маҳқумга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган **умумий** жазолар ва фақат муайян шахсларга (махсус тоифадаги субъектларга; унвонларга, мукофотларга эга бўлган шахсларга ва ш.к.) нисбатан қўлланиши мумкин бўлган **махсус** жазолар кичик тизимларидан иборат. Хусусан, қонуннинг (**ЖК 43моддаси 3қисми**) тўғридантўғри кўрсатмасига мувофиқ, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш жазо турлари фақат махсус субъектларга, яъни ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиши мумкин ва буни давлат мажбурлови мазкур чораларининг ижро этилиши хусусияти шартлайди.

Жазонинг оғирлигига кўра **озодлиқдан маҳрум қилиш (чеклаш) билан боғлиқ бўлган** жазолар (қамок, интизомий қисмга жўнатиш, озодлиқдан маҳрум қилиш, умрбод озодлиқдан маҳрум қилиш) ва **озодлиқдан маҳрум қилиш (чеклаш) билан боғлиқ бўлмаган** (жарима, муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш) жазо турларига бўлинади.

Маҳқум шахсга таъсир кўрсатиш хусусиятларига қараб, **ахлоқ тузатиш** — **меҳнат таъсири** билан боғлиқ (ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодлиқдан маҳрум қилиш, умрбод озодлиқдан маҳрум қилиш) ва **шундай таъсир билан боғлиқ бўлмаган** (жарима, муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш, қамок) жазо турлари фарқланади.

Ва ниҳоят, жазо давомийлиги бўйича, жазолар **бир пайтли**, яъни ижро этиш муддати кўрсатилмайдиган (жарима, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш) ва **муддатли**, яъни ижроси муайян муддатга тайинланадиган (муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамокқа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодлиқдан маҳрум қилиш, умрбод озодлиқдан маҳрум қилиш) жазоларга бўлинади.

Бир пайтли жазолар кичик тизимини ажратиб чиқариш унга киритилган барча жазо турлари муайян вақт доираси чегараларида давомийликка эга эмаслигини мутлақо билдирмайди деб айтиш мумкин эмас. Хусусан, «қонунга мувофиқ жазо тариқасида тайинланган жаримани маҳкум ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч ой, вояга етмаган маҳкум эса олти ой мобайнида ихтиёрий равишда тўлаши лозим. Бироқ суд, маҳкумнинг моддий аҳволини инобатга олиб, ЖПК 533моддасининг иккинчи қисмига асосан ҳукмнинг ушбу қисми ижросини олти ойгача кечиктириши ёки бўлиббўлиб тўлаш масаласини ҳал қилиши мумкин».

2§. Жарима

Давлат томонидан мажбурлов чораси сифатида **жарима тўлови** маҳкумларнинг мулкий ҳуқуқларини чеклашдан иборат бўлиб, жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларга иқтисодий жиҳатдан таъсир кўрсатиш учун мўлжалланган. Айнан шу сабабга кўра жазонинг мазкур тури ЖКда назарда тутилган жазолар ичида энг энгили деб тан олинади.

Жарима — суд томонидан ЖКда белгиланган чегаралар доирасида ва жиноятни содир этиш пайтига қадар қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг муайян миқдорига мувофиқ келадиган меъёردа давлат фойдасига мажбурий ундириладиган пул тўловидир.

Қонун чиқарувчи ва суд амалиёти жариманинг қўлланишини жазо мақсадларига эришишнинг самарали чораларидан бири деб ҳисоблайдилар. Шу муносабат билан Олий суд инстанцияси судларга «жарима жазосини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, балки оғир жиноятлар содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ҳам, агар бу жазо қонун саиқциясида назарда тутилган бўлса, кенгроқ қўллаш»¹ тавсия этади.

ЖК 44моддаси 1қисми ҳолатларидаи келиб чиққан ҳолда, фақат **пулни ундириш** жарима деб ҳисобланади. Шундай қилиб, давлат томонидан мажбур қилишнинг шу чорасини қўллашда, суд ўз ҳукмида маҳкум шахсга нисбатан тайинланган нафақат энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари умумий сонини, балки уи ширилаётган пул тўловининг мутлақ ифодаси меъёрини ҳам аниқ кўрсатиши шарт. Бунда жариманинг гул билан ифодаланишини ҳисоблаб чиқиш, шахс томонидан жиноятни содир этиш пайтида мавжуд бўлган энг кам иш ҳақи миқдори асосида амалга оширилишини назарда тутиш лозим².

ЖК 44моддаси 2қисмида жариманинг пастки ва юқори чегаралари энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача бўлган миқдорлари белгиланган. Мазкур чегаралар, ЖК Махсус қисми тегишли моддасининг санкцияси доирасида суд томонидан айбдор учун тайинланиши мумкин бўлган жазо чегараларини ташкил этади. Хусусан, модда санкцияларида жариманинг энг кам миқдори кўрсатилмаган ҳолларда (масалан, муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваригача бўлган миқдордаги жарима билан жазоланади — ЖК 149моддаси), унинг қуйи чегарасига амал қилишга алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Бундай ҳолларда жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак, чунки ЖК 44моддаси 2қисмида кўрсатилган жариманинг чегаралари умуммажбурий хусусиятларга эга ва гарчи суд, ЖК 57 моддасига мувофиқтарзда энгилпроқжазони тайинлайдиган бўлса

хам, қонунда белгиланган чегаралардан чиқадиган жазони маҳкумга тайинлашга ҳаққи йўқ.

ЖК Махсус қисми муайян моддасининг санкциясига мувофиқ, жиноятни содир этган айбдор шахс учун суд томонидан жариманинг тайинланишида, содир этилган жиноят оғирлигининг даражасидан ва маҳкумнинг моддий аҳволидан келиб чиққан ҳолда жарима миқдори белгиланиши керак. Олий суд инстанциясининг кўрсатмасига биноан, «жарима тариқасқаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда тўлана олинishi имкониятидан келиб чиқиши лозим. Бунда, чунончи, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари, кекса отаонаси борлиги ва ҳ.к.лар инобатга олинishi лозим».

Маҳкумнинг моддий аҳволини баҳолашда куйидаги. 1-тар. чунончи:

—маҳкумнинг қонун томонидан тақиқланмаган ҳар қандай манбалардан олинадиган даромадларининг миқдори; хусусан, шулар жумласига қирадиган меҳнатучун тўловлар, мулкчилик даромадлари ва шуларга тенг тарздаги тадбиркорликдан олинадиган фойда кўринишидаги даромадлар;

—мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжалик юритиш ҳуқуқи ва шуларга тенг тарзда ижара ҳуқуқи асосда айбдорга қарашли мулкнинг мавжудлиги;

—муайян шахсларнинг, масалан вояга етмаган болаларнинг маҳкумнинг қарамоғида бўлиши;

—маҳкумнинг ўз мулкни учинчи шахслар ихтиёрига топшириш мажбуриятлари мавжудлиги; масалан, маҳкум зиммасидаги алиментларни тўлаш, ҳаётга ва саломатликка келтирилган зарарни қоплаш; солиқдар, бюджет ҳамда бошқа хил мажбурий тўловларни амалга ошириш мажбуриятларининг мавжудлиги каби омиллар инобатга олинishi лозим. Шу билан бир вақтда юқорида келтирилган рўйхат тўлиқ эмас ва суд жариманинг аниқ миқдорини тайинлашда жари ма миқдорига таъеир этувчи бошқа жиҳатларни инобатга олишга ҳақдидир.

ЖК Махсус қисми тегишли моддаси таркибидаги санкция доирасида тайинланадиган жариманинг аниқ миқдорини белгилаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда жарима меъёри жазони шахсийлаштириш учун имконият берувчи мезон эканлиги жиҳатига суд алоҳида эътибор қаратиши керак. Шу муносабат билан жариманинг аниқ миқдорини танлаш, бир вақтнинг ўзида, маҳкумни қашшоқ қилмай, мазкур жазонинг ижро этилишини ва шу билан бир вақтда жаримани пул тўлаш орқали жамоатчиликнинг норозилигидан қутулиш воситасига айлантормасликни таъминлаши керак.

Жарима ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ой мобайнида тўланиши керак. Акс ҳолда, мазкур жазо турини ижро этишдан маҳкумнинг бош тортиши тўғрисидаги масала суд томонидан ҳал қилиниши лозим. Жарима тўловининг ижро этишдан бош тортилиши далили суд томонидан куйидаги шартларга биноан, яъни:

—жаримани ихтиёрий равишда, суд томонидан узрли деб тан олинмаган сабабларга кўра тўланмаганлиги;

—маҳкумнинг ўз даромадларини ва бошқа хил мулкни яширганлиги муносабати билан, Ўзбекистон Республикасининг «Суд қарорларини ва бошқа органларнинг қарорларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунига¹ мувофиқ, мазкур жазони мажбуран ижро этиш мумкин бўлмаганлиги қайд қилиниши лозим. Узрли сабабларга (жаримаи тўлаш учун пул воситаларнинг мавжуд эмаслиги, хасталик, узоқ муддатли хизмат сафари ва бошқ.) кўра ва шунингдек, агар ЖПК 533-моддаси тартибида суд

томонидан жарима тўловини амалга ошириш муайян муддатгача чўзилган ёки уни қисмларга бўлиб тўлаш қарори чиқарилган ҳолларда мазкур тўловнинг амалга оширилмаганлиги жазони ижро этишдан бош тортиш деб таи олимайди.

Даромадларни яшириш деб, маҳкум томонидан, ўзи оладиган даромадлар миқдори ва таркиби масаласида жазони ижро этиш органларини алдашга қаратилган ҳаракатлар тан. олиниши керак. Хусусан, бундай яшириш даромадларнинг муайян қисми ёки айрим даромадларнинг бошқа шахслар номига расмийлаштирилиши, иш ҳақи тўғрисидаги ҳужжатларнинг қалбакилаштирилиши ёхуд йўқ қилиниши ва бошқалар билан ифодаланиши мумкин. хМажбурий ундириш чораси қўлланиши мумкин бўлган мулкми яшириш, мазкур мулкни ижро органига номаълум бўлган ерга кўчиришни, уни ноқонуний тарзда сарфлашни, мулкни ёки унга бўлган мавжуд ҳуқуқларни бегоналаштириш ва бошқа хил ноқонуний ҳаракатларни билдиради.

Маҳкум томонидан жаримани тўлашдан бош тортиш далилининг аниқланиши ски мажбурий ижро учун белгиланган муддат давомида қарздор мулкига нисбатан ундқриш чораси қаратилиши мумкин бўлганида ушбу мулкни ундириш имкониятининг мавжуд эмаслиги ҳолатида ва шунга тенг тарзда тўлов муддатининг тугашигача жариманинг тўланмаганлигида ёки жарима тўловини қисмларга бўлиб тўлаш шартларини бузиш ҳолатида мазкур маҳкумга нисбатан ҳукми чиқарган суд ЖК 44моддаси 3қисмида баён этилган қоидаларга мувофиқ тарзда, тўланмаган жарима миқдорини ахлоқ ётузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш чоралари билан алмаштириши мумкин. «Бу ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум этиш чораларининг ҳар бир оий энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти бараваридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга; қамоқнинг ҳар бир оий эса энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миққоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади» (ЖК 44моддаси 3қисми). Бунда тўланмаган жарима миққорини юқорида кўрсатилган жазоларнинг фақат битта турига алмаштириш учун йўл қўйилади, яъни уни юқорида санаб ўтилган жазоларнинг бир нечаси билан алмаштириш мумкин эмас. Шу билан бир вақтда, тўланмаган жариманинг бошқа қисмига нисбатан маҳкумнинг янғидан ижро этиши шарт бўлган ҳолда, мазкур жариманинг фақат бир қисмини бошқа жазо тури билан алмаштириб бўлмайди.

38. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазо чораси сифатида яққол ифодаланган превентив хусусиятга эгадир. Мазкур жазонинг қўлланиши асосий жиҳатдан, эгаллаган лавозими ёки амалга ошириладиган фаолияти билан боғлиқ ҳолда мавжуд имкониятларни суиистеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир этадиган шахслар томонидан мазкур жиноятларни қайта содир этилишининг олдқнк олиш зарурияти билан шартланади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд томонидан тайинланган муддат давомида айбдорнинг содир этган жинояти билан бевосита боғлиқ бўлган корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашни ёхуд у ёки бу фаолият билан шурулланишини тақикдашдан иборатдир.

ЖК 45моддаси 1қисми мазмуни бўйича, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазо чорасини тайинлашда тақиклаш фақат муайян

лавозимни эгаллашга ёки муайян фаолиятни амалга оширишга тааллуқди бўлади.

Муайян лавозимни эгаллашнинг тақиқланиши маҳкумнинг мазкур лавозимдан (яъни, ҳукми чиқариш пайтига қадар маҳкумнинг айна лавозимни эгаллашни давом эттириши шартида) озод қилинишини ва шунга тенг тарзда бошқа корхона, муассаса ва ташкилотларда маҳкум томонидан мазкур лавозимни эгаллаш ҳуқуқининг чеклаиши биланбоғлиқдир. Қонуннингмазмунига мувофиқ, ИСХ кум муайян лавозимни (масалан, ҳисобчи, омбор мудирини) ски қандайдир вазифани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳур қатор лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши (масалан, моддий жавобгар лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш) мумкин. Лекин, у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам маҳкум эгаллаш ҳуқуқида! і маҳрум бўлаётган лавозимлар суд ҳукмида аниқ белгиланган бўлиши керак.

Шу билан бир вақтда, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазо тури маҳкумни халқ хўжалигининг у ёки бу тармоғида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслигини таъкидлаш лозим.

Хусусан, суд маҳкумнинг савдо соҳасида моддий жавобгар лавозимларни эгаллашини тақиқлаши мумкин, бироқ унинг мазкур соҳадаги бошқа лавозимларда ишлашини ман қилишга ҳақди эмас.

Муайян фаолиятни амалга оширишнинг тақиқланиши маҳкумни қандайдир нисбатан доимий иш, масалан, касбий фаолият билан ва шунингдек, ҳордиқ чиқариш, тадбиркорлик фаолияти ҳдмда ш.к. соҳалардаги ишлар билан банд бўлиши ҳуқуқидан маҳрум этишдан иборат. Бунда, қонун мазмунига мувофиқ тарзда, маҳкумнинг суд ҳукмида, шунингдек, аниқ белгиланган муайян фаолият туридан маҳрум қилиниши мумкинлигини таъкидлаш зарур. Шу билан бир вақтда мазкур тақиқлаш фақат қонуний фаолият турларига нисбатан амалга оширилиши мумкин; суд ўз ҳукмида маҳкумни жиноий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди, чунки мазкур шахс айна фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига умуман ҳақди эмас ва мана шундай жазо чораси мазмунсиз ва бемаъни чора бўлиб қолади (масалан, маҳкумга гиёҳванд моддаларни сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишни ман этишга йўл қўйиш мумкин эмас).

Жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахс у ёки бу лавозимни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилиши ёки муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Шахс учун шу иккала ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятини тақиқлашга йўл қўйиб бўлмайди.

ЖК 45моддаси 2қисмидаги ҳолатларга мувофиқ, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни фақат айбдор деб топилган шахс томонидан содир этилган жиноят мазкур шахснинг эгаллаб турган лавозими билан ёки унинг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ҳолларда жазо чораси сифатида қўллаш мумкин. Шу муносабат билан Олий суд Пленумининг тушунтириши бўйича, «айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шарт. Бундай жазони тайинлаш пайтида ҳукм

нинг қарор қисмида судланувчи шуғулланиши мумкин бўлмаган мансаб характери ёки фаолият тури аниқ кўрсатилиши керак.

Ҳукм чиқарилаётган пайтда маҳкум жиноят содир этилиши билан боғлиқ бўлган мансабни эгалламаслиги ёки фаолият тури билан шуғулланмаслиги ҳолати кўшимча жазо қўллаш учун тўсиқ бўлмайди»'.

Агарда содир этилган жиноят ўзининг хусусиятлари бўйича шахснинг эгаллаб турган лавозими ёки унинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаса, бу

ҳолда мазкур шахс айна шу лавозимни эгаллаш ҳуқуқидан ёки мазкур фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Жазо чорасини муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш кўринишида тайинлаш ҳолатида судлар маҳкумнинг ҳаёт кечиришини таъминловчи тизимда унинг амалга ошираётган фаолиятининг ўрнига, шунингдек, даражасига эътиборни қаратишлари лозим. Хусусан, агар амалга оширилаётган фаолият маҳкумнинг/асосий даромад манбаи (масалан, ов қилиш) бўлса, мазкур жазо турини тайинлашга йўл қўйилмаслиги керак. Худди шундай тарзда суд кўриб чиқаётган давлат мажбурлови чорасини маълум бир шахсларнинг ягона касбий фаолияти (масалан, тадбиркорлик фаолияти, транспорт воситалариники бошқариш ва ш.к.) бўлган фаолият турларининг соҳиблари бўлган шахсларга нисбатан тайинланишининг мақсадга мувофиқдиги тўғрисидаги масаласини муҳокама қилиши зарур бўлади².

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш — бу муддатли жазо чораси бўлиб, унинг моҳияти нафақат маҳкумни муайян вазифаларни бажаришдан четлатишдан, балки уни ҳукмда белгиланган муддат давомида у ёки бу лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишдан иборат.

Шунингдек, уни ҳукм билан белгиланган муддат давомида у ёки бу лавозимларни эгаллаш ёхуд у ёки бу фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этишдан ҳам иборат бўлади, бунинг мақсади уни тегишли лавозим ёки фаолият билан шуғулланиш билан боғлиқ бўлган янги шунга ўхшаш жиноятни содир этиш имкониятидан амалда маҳрум этишдир.

ЖК 45моддаси 2қисмидан келиб чиқиб, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш бир йилдан беш йилгача бўлган муддатга асосий жазо сифатида ва бир йилдан уч йилгача бўлган муддатга қўшимча жазо сифатида белгиланади.

Аввал қайд этилганидек, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш жа зонинг аралаш тури бўлади, яъни у ҳам асосий жазо шаклида, ҳам қўшимча жазо шаклида бўлиши мумкин. Шунинг назарда тутиш лозимки, ушбу жазони асосий жазо сифатида қўллаш фақат у ЖК Махсус қисмининг тегашли моддаси санкциясида кўрсатилган ҳолатларида мумкин бўлади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум этишнинг қўшимча жазо сифатида белгиланиши эса ЖК 45моддаси 3қисмига мувофиқ, ҳар қандай ҳолатда, ҳатто унинг қўлланиши ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси санкциясида кўрсатилмаган ҳолатларида ҳам мумкин бўлади. Бунда шу турдаги жазонинг қўлланиши албатта ҳукмнинг асословчи қисмида ЖК 45моддаси 3қисмига ҳавола қилинган ҳолда тавсифланиши лозим. Айна пайтда муайян ҳуқуқдан маҳрум этишнинг модданинг санкциясида у асосий жазо сифатида назарда тутилган ҳолатларда қўшимча жазо сифатида белгиланишига йўл қўйилмайди.

Жазонинг ушбу тури, биринчи навбатда жиноий фаолиятнинг давом эттирилишга тўсқинлик қилиш, уни махсус олдини олиш мақсадларига эришишга қаратилган. Айнан шунинг учун уни ижро этиш муддатларини ҳисоблаш жиноят қонунига мувофиқ судланган шахснинг озодликда бўлиши пайтида, яъни у жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган асосий жазога ҳукм қилинганда ҳисобланади. Шу туфайли ЖК 45моддаси 4қисми «Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш ёки қамоқ жазосига қўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, асосий жазонинг бутун муддатига, бундан ташқари суд ҳукми билан тайинланган муддатга жорий этилади.

Бу жазо бошқа асосий жазоларга қўшимча жазо тариқасида тайинланганда ва маҳкум шартли ҳукм қилинганда унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади», деб белгилайди.

Жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган асосий жазони ўташдан бўйин товлаб, улар озошлиқдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган давлат мажбурият чоралари билан алмаштирилган ҳолатларда муайян ҳуқуқдан маҳрум этишнинг ижро этилмаган муддати жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазони ўташ муддати тугаган пайтидан бошлаб ҳисобланиши лозим.

4§. Ахлоқ тузатиш ишлари

Ахлоқ тузатиш ишлари жиноий жазонинг энг кўп тарқалган турларидан биридир, бу уларнинг жиноий жазо мақсадига эришиш жараёнига таъсирчан бўлиши билан боғлиқдир. Уларнинг моҳияти шундан иборатки, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга жамиятдан ажратмаган ҳолда, асосан, аввалги иш жойида ва доимий яшаш жойида ахлоқ тузатиш, меҳнат ва тарбиявий таъсир кўрсатилади. Натижада маҳкум ижтимоий фойдали алоқаларини йўқотмайди ва шу билан бирга жиноий жазонинг муайян таъсирини бошидан кечирилади. Буларнинг ҳаммаси биргаликда жазонинг ушбу турини судданган шахсларни самарали тузатиш шаклига айлантиради.

Ахлоқ тузатиш ишлари меҳнатга лаёқатли судланган шахс иш ҳақининг муайян фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ, маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Давлат мажбуриятининг мазкур чораси фақат асосий жазо сифатида намоён бўлади, яъни у фақат ахлоқ тузатиш ишлари шаклидаги жазо ЖК Махсус қисми тегишли моддасининг санкциясида бевосита назарда тутилган ҳолларда қўлланиши мумкин. Айни пайтда ахлоқтузатиш ишлари шундай кўрсатма бўлмаган ҳолда ҳам тайинланиши мумкин, башарти:

судланган шахс жаримани ижро этишдан бўйин товласа, унинг ижро этилмаган қисми ЖК 44моддаси 3қисми ҳамда 82моддаси 2қисмига мувофиқ ахлоқтузатиш ишларига алмаштирилиши мумкин;

ахлоқ тузатиш ишлари ЖК 57моддасининг қоидаларига мувофиқ енгилроқ жазо тайинлаш тартибида тайинланган бўлса;

ушбу жазо чораси ЖК 74моддасининг қоидаларига мувофиқ жазони енгилроғи билан алмаштириш тартибида озошлиқдан маҳрум этишнинг ўталмаган қисми ўрнига қўлланган бўлса.

ЖК 46моддаси 1қисмининг қоидаларидан, шунингдек, ахлоқ тузатиш ишлари суднинг ҳукмига мувофиқ, маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўташи мумкинлиги келиб чиқади. Олий суд Пленумининг қарорига мувофиқ, «Ахлоқ тузатиш ишлари, одатда, иш жойида ўташ шартли билан тайинланиши лозим. Шу билан бирга, шахс ўз касб ёки хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жиноят содир этиб, унинг олдинги иш жойида қолдирилиши жазонинг тарбиявий аҳамияти пасайишига олиб келиши мумкин бўлса, ахлоқ тузатиш ишларини ушбу жазо ижросини амалга оширувчи орган томонидан белгиланган жойда ўташ тайинланиши мумкин».

Бунда шуни ҳам назарда тутиш лозимки, ЖК 46моддаси маъносида «иш» тушунчаси билан фақат меҳнат шартномаси бўйича меҳнат фаолияти камраб олинмайди, у шунингдек, мустақил ташаббускорлик фаолиятини (хусусий тадбиркорликни) ва фуқароларнинг бошқа ҳар қандай бандлигини камраб олади.

Шу муносабатда ахлоқ тузатиш ишларини ўташ жойлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси амал қиладиган турли мулкчилик шаклидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек, фаолияти бошқа нормативҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган бошқа муассасалар ва ташкилотлар бўлиши мумкин, масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги 7631сонли «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги¹ Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги 69Псонли «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ги² Қонуни ва бошқалар.

Аввалги иш жойида ўталадиган ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазони тайинлаш мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига қараганда енгилроқ жазо бўлади. Бундан ташқари, жазонинг ушбу тури қўпгина ҳолатларда судланган шахсларни тузатиш учун самаралироқ бўлади, чунки аввалги ижтимоий алоқаларнинг тузалиш жараёнига фаол таъсир этишининг имкониятини беради. Шу туфайли, судлар жазо сифатида аввалги иш жойида ўталадиган ахлоқтузатиш ишларини анча кенгроқ тайинлашлари лозим. Айтиш пайтда, аввал қайд этилганидек, судлар хизмат ёки касбий вазифаларини бажариши муносабати билан жиноят содир этган шахсларга, уларни аввалги иш жойида қолдириш жазонинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи аҳамиятини камайтиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳолларда, ушбу қаралаётган жазони иш жойида ўталадиган ҳолда тайинлашга йўл қўймаслиги лозим.

Қонуннинг мазмунига кўра, мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазо, шунингдек, ҳукм чиқарилган пайтига келиб доимий иш жойига эга бўлмаган шахсларга ҳам албатта тайинланиши лозим. Бунда ушбу шахслар ушбу иш жойига кўра меҳнат фаолиятдан воз кечиши мумкин эмас. Бу ҳолда судланган шахс ўз ташаббусига кўра ахлоқ тузатиш ишлари ижро этилишини назорат қилувчи ички ишлар идораларининг жазони ижро этиш инспекциясининг даставвал ёзма рухсатисиз меҳнат муносабатларини тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Шуни қайд этиш лозимки, қаралаётган жазони тайинлаш айтиш пайтда эгаллаган лавозимидан четлаштириш ёки бўшатиш билан боғлиқ бўлмайди. Судланиш ҳолатининг ўзи шахсни ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш учун сабаб бўла олмайди. Лавозимидан четлаштириш фақат суд ҳукмига кўра ёки муайян ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жазо тайинланиши туфайли ёки содир эт

ган жиноятчи лавозимидан четлаштириш ёки бўшатиш билан боғлиқ бўлган ҳолда, амалга оширилиши мумкин. Айтиш пайтда, судланган ишнинг миқдори қонунчилигининг қоидалари тўлиқравида тааллуқли бўлади, тушунчунунинг эгаллаган лавозимидан бўшатиш ва бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг ташаббусига кўра амалга оширилиши ҳам мумкин.

Шунингдек, ахлоқ тузатиш ишларининг ижро этилиши яшаш жойининг ўзгариши билан боғлиқ бўлмайди. Маҳкум шахслар ўзининг яшаш жойи минтақасида жазо ўтайдилар, бунда маъмурий ҳудудий бирлик

эмас, ишларни ўташ манзилининг маҳкум шахсга аввалги жойида, оиласи билан алоқасини узмаган ҳолда яшашга имкон берувчи жойлашуви тушунилади.

Ахлоқтузатиш ишлари тарзидаги жазонинг мажбурий шартлари шу вақт давомида маҳкум шахс иш ҳақининг муайян бир қисмини давлат фойдасига ушлаб қолиш бўлади. Ушбу турдаги жазо тайинланганда ўз ҳукмида суд албатта ушлаб қолиш миқдорини белгилаши лозим, бусиз у қонунга мос келмайдиган деб тан олинади ва бекор қилиниши лозим бўлади.

Иш ҳақидан ушлаб қолиш миқдори ЖК 46-моддаси 1-қисмига мувофиқ, олинган иш ҳақи миқдоридан фоиз нисбатида, ўн фоиздан ўттиз фоизгача миқдорда белгиланади. Шуни қайд этиш лозимки, давлат фойдасига ҳисоблаб ўтказилиши лозим бўлган иш ҳақининг аниқ қисмини белгилашда суд қонуннинг жазони индивидуаллаштириш юзасидан талабларига таяниши керак. Иш ҳақидан ушлаб қолишнинг муайян фоизини белгилай туриб, унинг миқдори, жаримани тайинлаш вақтидагидек, ҳам жазодан қочиш воситасига, ҳам маҳкум шахсни хонавайрон этиш воситасига айланмаслигини инobatта олиш лозим ҳамда ушбу иш ҳақи фоизининг миқдори маҳкум оиласининг моддий яшаш шароитларида қандай ақс этишини тўғри баҳолаши лозим. Шу мақсадларда судлар, чунончи, судланувчиларнинг, айниқса вояга етмаганларнинг моддий шароитларини аниқлаши лозим.

Жиноят кодексининг бир неча моддаси бўйича ахлоқ тузатиш ишлари тайинланаётганда, жазо муддати ва иш ҳақидан чегирма миқдори ҳар бир модда бўйича алоҳида, сўнгра эса, уларнинг мажмуи бўйича белгиланади. Бунда жазонинг узилкесил муддати ва чегирма миқдори ЖК 46-моддасида белгиланган чегарадан ошиши мумкин эмас¹.

Судланган шахснинг иш ҳақидан суд томонидан белгиланган миқдорда фоиз ушлаб қолиш ахлоқтузатиш ишларининг бутун муддати мобайнида асосий иш жойида ҳар ойда амалга оширилади. Уларни бир вақтнинг ўзида амалга ошириш мумкин эмас. Бунда ушлаб қолиш иш ҳақининг бутун миқдоридан, ушбу миқдордан солиқлар ва бошқа тўловлар чегирилмаган ҳолда, судланган шахсга ижро ҳужжатлари бўйича талаблар мавжудлигидан қатъи назар, амалга оширилади. Судланган шахс иш ҳақидан ушлаб қолиш амалга оширилганда унинг пул ва «табiiй» қисмлари ҳисобга олинади.

Айни пайтда нафақалардан, ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурталаш тартибида олинмайдиган ҳамда иш ҳақи тизимида назарда тутилмаган нафақалардан, шунингдек, судланган шахснинг мулкii даромадидан ушлаб қолиш амалга оширилмайди.

Ушбу жазони бажариш даврида судланган шахснинг моддий таъминланганлиги жиддий ёмонлашган ҳолда, жазони ижро этиш инспекцияси, маҳкум шахснинг ўзи, шунингдек, шахс ўз жазосини ўтаётган қорхона, муассаса ёки ташкилотнинг маъмурияти судга ушлаб қолиш фоизини камайтириш юзасидан илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин. Бу масала бўйича қарор судланган шахснинг барча даромадларини ҳисобга олган ҳолда чиқарилади.

Ахлоқ тузатиш ишларининг муддати уларнинг мажбурий элементларидан бири бўлиб, суд ҳукмида уларнинг муддати тўғрисида кўрсатманинг йўқлиги жиноят қонунчилигининг ҳукмини бекор қилишга олиб келувчи бузилиши бўлади. Шу муносабатда судлар ахлоқ тузатиш ишларининг муддатини албатта кўрсатиши лозим ва шу муддатнинг ЖК 46-моддаси 2-қисмида белгиланганлиги ҳамда олти ойдан уч йилгача муддатга ташкил этишини назарда тутиши керак. Шунинг учун тегишли модданинг санкциясида жазонинг энг кам муддати кўрсатилмаган ёки энг паст чегарасидан пастроқ жазони қўллаганда судлар ахлоқ тузатиш ишларини олти ойдан камроқ муддатга тайинлаши мумкин эмас.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори // Тўплам, 2-жилд. — 231-6.

Айни пайтда, аввал айтилгани каби судлар ахлоқ тузатиш ишларининг муддати жазони индивидуаллаштиришнинг муҳим воситаси эканлигини ҳамда уни тайинлашда қилмишни, шунингдек, айбдор шахсини тавсифловчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозим.

Ахлоқ тузатиш ишларининг муддати судланган шахс ишлаган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолиш амалга оширилган йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланади. Судланган шахснинг ишлаган кунлари сони суд томонидан белгиланган жазони ўташ муддатининг ҳар бир ойига тўғри келадиган иш кунлари сонидан кам бўлмаслиги лозим. Агар судланган шахс белгиланган кунлар сонини ишламаган бўлса ва жиноий жазо ўташ Кодекс билан ишламаган кунларини жазо ўташ муддатига қиришиб ҳисоблаш учун белгиланган асослар бўлмаса, ахлоқ тузатиш ишларининг ўталиши то судланган шахс томонидан белгиланган иш кунларини ишлаб бўлгунча давом эттирилади. Жамланган иш вақтини ҳисоблаш қўлланадиган корхона

лар, муассасалар ва ташкилотларда ишлайдиган судланган шахсларнинг жазони ўташ муддати ҳисоб даври учун иш вақтипиш иш соатларининг нормал сонидан ошмаган давомийлигида келиб чиқиб ҳисобланади.

Ахлоқ тузатиш ишларини ўташ муддатига, шунингдек, судланган шахс ишламаган, лекин қонунга мувофиқ унда иш ҳақи сақла ниб қолган вақт, шунингдек, у ишсиз деб тан олинган вақт кири тилади (ЖИК 30моддаси 1, 2, 4моддалари).

Ахлоқтузатиш ишларининг муддатини тўғри ҳисоблаш судланган шахснинг жазони ижро этишдан бош торганида ёки ҳукмлар жами бўйича жазони тайинлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

ЖК 46моддаси 4қисми судланган шахснинг уларни ижро этишдан бўйин товлаган ҳолда ахлоқ тузатиш ишларини алмаштиришни назарда тутди. Хусусан, «агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товлаган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди»¹. Яъни, ахлоқ тузатиш ишларини фақат битта жазо тури — озодликдан маҳрум этиш билан алмаштиришга йўл қўйилади. Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, алмаштириш тўлиқамалга оширилиши лозим, яъни ижро этилмаган жазонинг фақат бир қисмини алмаштириш ва айни пайтда бошқа қисмининг ижро этилишига йўл қўйилмайди.

Жарима жазосини ижро этганлик учун жазони алмаштириш тартибда тайинланган ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаган ҳолатда жазони озодликдан маҳрум этишга алмаштиришга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ЖК 44моддасининг қоидалари бўйича қамоқ жазосига алмаштирилиши лозим.

Қонуннинг ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товланганда жазони алмаштиришга йўл қўйилиши юзасидан кўрсатмаси шуни билдирадики, судланган шахс жазони ижро этишдан бўйин товлаган даврни белгилашда суд ва жазони ижро этиш органлари узлуксизлик мезони билан боғланган бўлмайди. Яъни, ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товлаш мазкур жазони ўташнинг бугун даври мобайнида вақт вақти билан амалга оширилиши мумкин, бу унинг озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилишига таъсир этмайди.

Судланган шахс ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаши масаласини ҳал этишда у қасддан бўлиши, айнан жазони ўташдан бўйин товлашга қаратилган бўлиши лозимлигини ҳисобга олиш керак. Айни пайтда унинг узрли бўлмаган сабаблар туфайли юзага келиши ҳам бўйин товланишнинг мажбурий шarti бўлади. Ташқи томондан шахснинг ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаши қуйидагилар шаклида намоён

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори // Тўплам, 2-жилд. — 231-6.

бўлиши мумкин: ҳисобга олинган пайтидан бошлаб ёки аввалги ишидан кетган пайтидан бошлаб белгиланган муддат ичида узрли сабабсиз ишга кирмаслик; янги яшаш жойига кўчиб келганидан кейин белгиланган муддат ичида узрли сабабсиз ахлоқ тузатиш ишларининг қўлланишини назорат қилувчи идорага келмаслик; белгиланган жазо муддати мобайнида мунтазам ишга келмаслик ёки ишга маст ҳолда келиш ва хоказолар.

Ахлоқ тузатиш ишларини озодликдан маҳрум этишга алмаштириш ЖПК 539моддаси тартибида судья томонидан ички ишлар органларининг тақдимномаси бўйича ёки жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг илтимосномасига биноан амалга оширилади.

Шуни қайд этиш лозимки, судланган шахсни озодликдан маҳрум этиш жойларига жазони кейинги ўташи учун юбориш масаласини ҳал этишда суд ахлоқ тузатиш ишларининг қўлланишини назорат қилувчи идора томонидан ушбу жазонинг ижро этилишини таъминлаш юзасидан амалга оширилган чоралари тўғрисида, судланган шахснинг қонунчилик талабларига мувофиқ жазони ўташдан бўйин товлаш учун жавобгарлик тўғрисида огоҳдантирилганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлиши лозим.

«ЖПК 541—542моддаларига мувофиқ, ахлоқтузатиш ишларининг ўталмаган муддатини озодликдан маҳрум этиш билан алмаштириш тўғрисидаги ишлар суд мажлисида, одатда, судланган шахснинг иштирокида кўрилиши лозим. Бу масала маҳкум яшириниб юрганлиги ёки судга келишдан бўйин товланганлиги тўғрисида ишончли маълумотлар ишда мавжуд бўлган ҳолдагина унинг иштирокисиз ҳал этилиши мумкин».

Ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини озодликдан маҳрум этиш билан алмаштириш суд ҳукмини ижро этиш тартибида амалга оширилишини инобатга олган ҳолда, судланган шахс жазони алмаштиришда айнан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида жазо тайинланган шахс сифатида қаралиши лозим. Бу унинг озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган жаюпм ўталиши **ушбу** шам содир этган жиноятининг оғирлигидан, шупингдск, жиноятда рецидив мавжудлигидан қатъи назар, манзилколомиясида амалга оширилиши лозимлигини англатади.

5§. Хизмат бўйича чеклаш

Хизмат бўйича чеклаш махсус жазо тури бўлиб, **ЖК 47моддаси 1қисмига** мувофиқ, фақат субъектларнинг чекланган доирасига — офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчи ва ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланади. Бошқа шахслар, шу жумладан ҳарбий чақирув бўйича хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар ушбу жазо турининг қўлланадиган субъектлари сифатида қаралиши мумкин эмас.

Хизмат бўйича чеклаш офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчи ва ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг муайян фоизи бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборатдир.

Мазкур қонунга мувофиқ, **ҳарбий хизматчилар** — бу ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлган шахслардир¹.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги Қонуни 4-моддасига мувофиқ:

«Ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари белгиланади:

—муддатли ҳарбий хизмат;

—сафарбарлик чакирув резервида ҳарбий хизмат ўташ;

—контракт бўйича ҳарбий хизмат ўташ;

— Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматни ўтаган резервистларнинг хизмати.

Тинч даврда оддий аскар ва сержантлик таркибининг лавозимларида муддатли ҳарбий хизмат ўташга, шунингдек, сафарбарлик чакирув резервида ҳарбий хизмат ўташга эркак жинсидаги ўн сак

киз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, соғлиқ даражасига кўра Қуролли Кучларда хизмат ўташга яроқли бўлган фуқаролар чакирилади¹. Ҳарбий хизмат бошланиши деб фуқаронинг ҳарбий қисм шахсий таркибининг рўйхатларига киритилган куни, ҳарбий хизматнинг тугаши деб ҳарбий хизмат муддатининг тугаган куни тан олинади.

Қуролли Кучларнинг оддий аскар ва бошлиқ таркибига кирувчи шахсларидан ташқари, қуйидаги шахслар ҳарбий хизматчи ҳисобланади:

—Фавқулодда Вазиятлар Вазирлигининг Марказий аппаратида ва унга бўйсунувчи ташкилотларда хизмат ўтаётган шахслар²;

—Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Махсус авария тиклаш бошқармасида хизмат ўтаётган шахслар³;

—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг ҳарбий муҳандисликкурилиш бўлинмаларида хизмат ўтаётган шахслар⁴.

Хизмат бўйича чеклаш таркиби **ЖК 47** моддасининг 3-қисмида, шунингдек, ЖКда очиб берилган муайян ҳуқуқлар ва имтиёزلардан маҳрум этишда ифодаланади. Хусусан, ушбу жазо тури қўлланилган ҳолда судланган шахс лавозимида, ҳарбий ёки*махсус унвонида кўтарилиши мумкин эмас.

ЖК 47 моддасининг 3-қисми маъносидаги лавозим деганда, фақат ҳарбий лавозимлар, яъни ҳарбий хизматчилар томонидан эгалланиши лозим бўлган штат лавозимлари тушунилади (масалан, омбор мудир, моддийтехник таъминот бошлиғи, ҳарбий тайёргарлик бўйича раҳбар лавозимлари ва ҳоказолар).

Ҳарбийунвон — Бу **Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг** ҳар бир ҳарбий хизматчисига ва захирадаги ҳарбий хизматга мажбур шахсга унинг хизмат мавқеи, иш тажрибаси, ҳарбий на умумий маълумоти, Қуролли Кучларнингтури, қўшинлар ёки хизмат турига мансублиги ва шахсий кўрсатган хизматларига мувофиқ ҳолда шахсан бериладиган унвондир. Ўзбекистон Республикасида ҳарбий унвонлар қўшин унвонлари ва кема унвонларига бўлинади¹.

Махсус унвон — бу Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий Хавфсизлик Хизматининг ҳарбийўқув юртлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат Божхона қўмитаси ва Давлат Солиқ қўмитасининг ўрта махсус, касбий таълимнинг ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари) сифатида хизмат ўташда; зобитлик лавозимларида ҳарбий хизмат ўташда бериладиган унвондир. Бундан ташқари, махсус унвонлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Махсус авариятиклаш бошқармасида, шунингдек, Мудофаа вазирлигининг

ҳарбий муҳандисликқурилиш бўлинмаларида хизмат ўтаётган шахсларга берилади.

Хизмат бўйича чеклаш судланган шахснинг фақат лавозими ёки унвонида кўтарилмаслигини талаб этади, лекин уларнинг пасайтирилишини англатмайди. Айти пайтда, ҳарбий қисм ичида бошқа шунга тенг бўлган лавозимга ёки бошқа ҳарбий қисмга ўтказилишига йўл қўйилади, лекин бу охириги ҳолатда суд бу ҳақда хабардор этилиши лозим.

Хизмат бўйича чеклаш шаклидаги жазони ўташ муддати судланган шахсга навбатдаги ҳарбий ёки махсус унвонни бериш юзасидан, шунингдек, нафақанинг тайинланиши юзасидан хизмат ўташ муддатига киритилмайди.

Шуни қайд этиш лозимки, қонунда кўрсатилган судланган шахснинг ҳуқуқлари ва имтиёзларидан маҳрум этиш турлари тугалланган бўлиб, кенгайтириб талқин этилиши мумкин эмас. Шу сабабдан жазо ўташ муддати умумий хизмат ўташ муддатини тўхтатмайди. Шунингдек, хизмат бўйича чеклаш асосий ва қўшимча таътил берилишига тўсқинлик қилмайди, уларнинг муддатлари хизмат ўташ ва жазо ўташ муддатига киритилади, шунингдек, ҳарбий хизматчига моддий ёрдам берилиши ҳамда ҳарбий хизматчига ва унинг оила аъзоларига санаториякурортда даволаниши учун ва асосий таътилни ўтказиш жойига сафар харажатлари юзасидан моддий ёрдам ва компенсация берилишига тўсқинлик қилмайди.

Хизмат бўйича чеклашда ҳуқуқдар ва имтиёзлардан маҳрум қилишда судланган шахснинг пул таъминотидан давлат даромадига ушлаб қолиш марказий ўрин тутаяди. Суд ҳукми билан белгиланган ушлаб қолиш миқдори судланган шахснинг лавозими ва унвонига кўра пул таъминотидан ҳисобланади (ЖИК 143моддаси). Бунда пул таъминотидан ушлаб қолиш бошқа тўловлардан, шу жумладан алимент сифатида, фуқаролик даъвосини қоплаш ҳисобига ва бошқа мажбуриятлар ҳисобига ундириладиган тўловлардан қатъи назар амалга оширилади.

Жазонинг ушбу турини тайинлашда судлар пул таъминотидан ушлаб қолиш миқдорига алоҳида эътибор беришлари лозим, бунда улар унинг жазони индивидуаллаштиришнинг самарали воситаси эканлигини назарда тутиши лозим. ЖК 47моддаси 1қисмига мувофиқ, пул таъминотидан ушлаб қолишнинг миқдори судланган шахснинг пул таъминотининг фоизи нисбатида, ўн фоиздан ўтгаз фоизгача бўлган миққоридан белгиланади.

Хизмат бўйича чеклаш тарзидаги жазони тайинлашда пул таъминотидан ушлаб қолишнинг муайян миққорини белгилашда судлар ахлоқ тузатиш ишлари шаклидаги жазони тайинлаш пайтида иш ҳақидан ушлаб қолиш миққорини тайинлашга оид бўлган қоидаларига таяниши лозим. Жумладан, судлар шахснинг моддий ҳолатини, унда бошқа даромадлар манбалари мавжудлигини, содир этилган қилмишни ва айбдор шахсига оид бошқа ҳолатларни инобатга олиши лозим. Пул таъминотидан ушлаб қолишнинг муайян фоизини шундай белгилаш лозимки, у жазодан қочиш воситасига ҳам, маҳқум шахсни хонавайрон этиш воситасига ҳам айланмаслиги керак.

Хизмат бўйича чеклаш тарзидаги жазони тайинлашнинг мажбурий шартларидан бири унинг муддати бўлиб, у ЖК 47моддаси 2қисмида икки ойдан уч йилгача муддатга белгиланган. Суд ҳукмида хизмат бўйича

чеклашнинг муддати тўғрисида кўрсатманинг йўқлиги жиноят қонунчилигининг ҳукми бекор қилишга олиб келувчи бузилиши бўлади. Ҳарбий хизмат бўйича чеклашнинг муддати — икки ойдан уч йилгача — умумий тартибда, ойлар ва йиллар сонига қараб ҳисобланади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, хизмат бўйича чеклаш тарзидаги жазони ўташ муддати суд ҳукмини ижро этиш амалга ошириладиган ҳарбий қисмининг бошлиғи томонидан суд ҳукмини ижро этиш тўғрисидаги буйруқ чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Шу билан бирга, жазони ўташ муддатига судланган ҳарбий хизматчининг бошқа жиноятни содир этиши муносабати билан қамоққа сақданиши муддати киритилмайди (ЖИК 142моддаси).

Хизмат бўйича чеклаш фақат асосий жазо тури сифатида юзага чиқади, яъни у фақат мазкур давлат мажбурлов чораси ЖК Махсус қисми тегишли моддасининг санкциясида бевосита назарда тутилган ҳолларда қўлланиши мумкин (масалан, бўйсунувчи шахс томо

нидап бошлигининг ёки бошлиғи томонидан бўйсунувчи шахснинг ҳақорат қилиниши, ЖК 284моддасига мувофиқ, икки йилгача муддатга хизмат бўйича чеклаш ёки уч ойгача бўлган муддатга қамоқ билан жазоланади). Айни пайтда, ЖК 47моддаси 2қисми қондала рига мувофиқ, суд шахс ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятни содир этишда ёки эҳтиётсизлик оқибатидан оғир оқибатларга олиб келмаган жиноятни содир этишда айбдор деб тан олинган ҳолатларда, иш ҳолатларини ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олиб, уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш ўрнига, қамоқ ёки ахлоқ тузатиш ишлари ўрнига худди шундай муддатга хизмат бўйича чеклашни қўллаши мумкин. Бундай ҳолатда суд ҳукмининг таърифловчи қисмида суд жазонинг ушбу турини тайинлаш асосларини мотивлаши ҳамда суд ҳукмининг якуний қисмида ЖК 47моддасига ҳавола этиши лозим. Бунда суд тегишли модданинг санкциясида хизмат бўйича чеклаш тарзидаги жазо кўрсатилмаганлиги ҳолати билан боғланган бўлиб қолмайди.

Хизмат бўйича чеклаш фақат ҳарбий хизматчиларга тайинланишини унутмаслик керак, шунинг учун судланган шахс ҳарбий хизматдан кетган ҳолатида суд хизмат бўйича чеклашнинг ўталмаган қисмини бошқа давлат мажбурлов чораси билан алмаштириш ёки шахсни жазодан озод қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши лозим бўлади (ЖИК 147моддаси).

68. Қамоқ

Қамоқ мамлакатимиз жиноят қонунида жазонинг янги тури бўлиб, уни қўллаш суд амалиётида жарима ва ахлоқтузатиш ишлари каби судланган шахсларни самарали тузатиш шакли сифатида қаралади. Қамоқнинг самарадорлиги унинг анча оғир сақдаш шароитларида қисқа муддатли озодликдан маҳрум этиш тарзида ифодаланадиган «шокка туширувчи» хусусияти билан белгиланади. Мазкур жазонинг тайинланиши натижасида судланган шахсга ниҳоятда қаттиқ таъсир ўтказилиб, ушбу таъсир маҳкумни жиноий жавобгарликнинг қатъийлиги ҳақида огоҳлантиради, бу эса жиноий жавобгарлик мақсадларига муваффақиятли эришишга имкон беради. Шу муносабатда судлар озодликдан маҳрум этишга муқобил жазо сифатида қамоқдан кенгрок фойдаланиши лозим.

Қамоқ шахсни батамом ажратган шароит остида қисқа муддатли сақаддан иборат бўлиб, уни ижро этишнинг алоҳида тартиби ва шароитлари қисобга олинади.

Қамоқ жазонинг асосий тури ҳисобланади. Айни пайтда қамоқ модданинг санкциясида назарда тутилмаган ҳолатда ҳам тайинланиши мумкин бўлади, масалан: ЖК 57моддасини қўллаш тартибда енгилрок

жазони тайинлаш; судланган шахс томонидан жаримани ижро этишдан бўйин товланганда ЖК 44моддаси 3қисми қоидаларига мувофиқ жаримани алмаштириш амалга оширилган ҳолатда. Бошқа ҳолатларда қамоқ тайинланиши қонунда назарда тутилмаган.

Кўриб чиқиладиган жазо турининг моҳияти судланган шахснинг қатъий равишда **жамиятдан батамом ажратиб олинган ҳолда сақланиши бўлиб**, унинг моҳияти ЖИК да очиқ берилади. Шу жумладан, ЖИК 148моддаси 1қисми қоидаларига мувофиқ, қамоққа ҳукм этилганлар махсус қамоқ уйларида (қамоққа ҳукм этилган ҳарбий хизматчилар гарнизон гауптвахтасида жазони ўтайдилар) озодликдан маҳрум этиш тарзида жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни сақдаш шароитларига ўхшаш бўлган шароитларда сақланади. Бундан ташқари, қамоққа олинганларга, ЖИК да назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, учрашувлар, телефон сўзлашувлари, посылкаларни олиш, озиковқат маҳсулотларини сотиб олиш руҳсат этилмайди.

Қамоққа олишнинг муддати унинг мажбурий шarti бўлиб, унинг энг кам ва энг кўп муддати қонунда тегишинча **бир ойдан олти ойгача** этиб белгиланган. Бошқа жазолар турларига ўхшаш ҳолда, ЖК 48моддасида кўрсатилган қамоқ муддатлари суд томонидан ҳеч қайси ҳолатда, ҳатто энг кам чегарасидан пастроқ жазо тайинланган ҳолда ҳам бузилиши мумкин эмас. Қамоқ жазосини тайинлаганда, суд ўз ҳукмида мажбурий тартибда унинг муддатини кўрсатиши лозим, бунда у **суд** ҳукмида мазкур жазонинг муддати тўғрисида кўрсатманинг йўқлиги жиноят қонунчилигининг ҳукми бекор қилишга олиб келувчи бузилиши эканлигини инобатга олиши лозим.

Қамоқжазосини тайинлашда суд уни қатъий белгиланган шахслар доирасига нисбатан қўллаш лозимлиги билан боғланмайди. ЖК 48моддасининг таҳриридан келиб чиқиб, қамоқ жазоси эркаклар ва аёлларга, меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсизларга, шунингдек, улар муқаддам судланганлигидан қатъи назар, қўлланилиши мумкин. Худди шундай тарзда, қамоқ жазосини жазо чораси сифатида қўллаш содир этилган жиноятнинг оғирлиги ва ҳарбий хизмат ҳолатида эканлигига боғлиқбўлмайди. Айни пайтда қамоқжазоси фақат «судланган шахснинг тузалиши жамиятдан ажратмаган ҳолда мумкин бўлмаган ҳолларда» тайинланади. Шу муносабатда мазкур давлат мажбурият чорасини танлаганда судлар даставвал жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазони тайинлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиши лозим. Бундан ташқари, «судлар эҳтиёт чораси сифатида шахсни қамоққа ушлаб туришнинг ўзи қамоқтарзидаги жазо чорасини тайинлаш учун асос бўла олмаслигини назарда тутиши лозим».

7§. Интизомий қисмга жупатиш

Интизомий қисмга жўнатиш жиноий жазонинг махсус тури бўлади, чунки у фақат **ЖК 49моддаси 1қисмида** кўрсатилган субјектларнинг муайян доирасига, яъни муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматчиларига қўлланади. Ушбу жазонинг бошқа шахсларга қўлланилиши мумкин эмас.

Интизомий қисмга жўнатиш муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларини суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали муайян ҳуқуқ ва имтиёزلардан маҳрум этишдир (ЖК 49моддаси 1қисми).

Муддатли ҳарбий хизмат Қуролли Кучларда чакирув ёшидаги фуқароларнинг оддий аскарлик ва сержантлик таркиби лавозимларида хизмат ўташи, шунингдек, аввал ҳарбий хизмат ўтамаган офицерларнинг

қонунчилик билан белгиланган муддат давомида мажбурий хизмат ўташидир¹.

Муддатли ҳарбий хизматчилар деб, ҳарбий хизматнинг бошқа турларини ўтаётган шахслар (контракт бўйича, Фавкулотда вазиятлар вазирлигида хизмат ўтаётганлар, офицерлик таркибининг шахслари ва бошқалар) тан олинishi мумкин эмас. Жиноят содир этишда айбдор деб тан олинган шахс муддатли ҳарбий хизматчиларга киришқирмаслигини аниқлашда судлар ушбу хизматнинг бошланиши ва тугаши муддатларига эътибор бериши керак, муддатли ҳарбий хизматни ўтамаётган шахс томонидан жиноят содир этилиши ушбу жазони қўллаш учун тўсқинлик қилишини назарда тутиши керак. Муддатли ҳарбий хизмат ўташ муддатлари қонунчилик билан белгиланади ҳамда ҳарбий қисмга жўнатиш учун муодофаа ишлари бўлимига келган кунидан то хизматдан бўшатиш муносабати билан ҳарбий хизматчининг ҳарбий қисм шахсий таркиби рўйхатидан чиқарилиши тўғрисидаги ҳарбий қисм бошлигининг буйруғи чиққан кунигача ҳисобланади.

Интизомий қисмга жўнатиш жазонинг асосий тури ҳисобланади. Унинг ижро этилиши бунинг учун махсус мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Муодофаа вазирлигининг интизомий қисмларига юклатилган ва у нафақат ҳарбий жиноятлар содир этилганда, балки ҳарбий хизматчилар содир этган бошқа ҳуқуққа хилоф қилмишлар содир этилганда ҳам қўлланиши мумкин. Давлат мажбурлов чорасининг мазкур турини тайинлаш айбдор шахс озодликдан маҳрум қилиш татбиқ этилмаган ҳолда алоҳида ҳарбий қисм шароитида тузатилиши мумкин бўлган ҳолларда амалга оширилиши лозим.

Судланган шахсни **қатъий ички тартибли** махсус ҳарбий бўлинмага жойлаштириш фақат қаралаётган жазо турининг қўллаш воситаси бўлади, унинг моҳияти эса муайян ҳуқуқлар ва имтиёзлардан маҳрум этиш бўлади. Ушбу маҳрум этиш тури ЖИКда очиб берилади. Шу жумладан, интизомий ҳарбий қисмда жазо ўташ даврида барча судланган шахслар ҳарбий унвони ва аввалги хизматлари хусусиятидан қатъи назар оддий аскар (матрос) мавқеида бўладилар ҳамда белгиланган кўринишдаги кийимда юрадилар ва тафовут белгиларини такадилар. Судланган шахслар белгиланган муддатларда қисқа муддатли ва узок муддатли учрашувлар, посылка ва бандеролларни олиш ҳуқуқига эга бўлади. Судланган шахслар номига келиб тушган пуллар уларнинг шахсий ҳисоб рақамига киритилади, судланган шахслар исталган миқдорда хатлар ва телеграммаларни олиши ва юбориши мумкин. Фавкулотда ҳолатлар муносабати билан (яқинларининг вафоти, табиий офат) судланган шахсга давомийлиги 7 суткагача бўлган ҳарбий қисмдан ташқарига қисқа муддатли чиқишга рухсат этилади. Муддатли ҳарбий хизматчилар учун назарда тутилган таътиллар судланган шахсларга берилмайди. Интизомий қисмда маҳкумларнинг жазони ўташ вақти ҳарбий хизмат муддатигақўшилмайди (ЖИК 160моддаси 1қисми). Шунинг учун жазони ўтаганидан кейин улар ўз ҳарбий қисмларига чақирув бўйича хизматнинг қолган қисмини ўташ учун қайтади. Шунингдек, ушбу сабабга кўра интизомий қисмга жўнатиш хизмат муддати тугаганда бошқа жазо турига алмаштирилиши мумкин эмас, чунки шу давр мобайнида ушбу муддат тўхтатиб турилади. Лекин мазкур жазони ўташ даврида судланган шахс ҳарбий хизматга яроқсиз деб тан олинган ҳолда мазкур давлат мажбурлов чорасини унга нисбатан амалга ошириш тўхтатилиши лозим. Бу ҳолда суд жазонинг ўталмаган қисмини бошқа жазо билан алмаштириш ёки жазодан озод қилиш масаласини кўриб чиқиши лозим.

Интизомий ҳарбий қисмга жўнатишнинг мажбурий шарти унинг муддати бўлиб, шундай муддат ЖК 49моддасининг 2қисми билан уч

ойдан бир йилгача муддат доирасида белгиланади. Интизомий қисмга жўнатиш муддатини белгилаганда судлар унинг жазони индивидуаллаштиришнинг муҳим воситаси эканлигини назарда тутиши лозим. Бунда суд ҳукмида мазкур жазонинг қўлланиши керак бўлган муддати тўғрисида кўрсатманинг йўқдиги жиноят қонунчилигининг ҳукми бекор қилишга олиб келувчи жиддий бузилиши эканлигини инобатга олиши лозим.

ЖК 49моддаси 2қисмида интизомий қисмга жўлтиши иноц ликдан маҳрум этиш ўрнига тайинланиши мумкип бўлган ишлар белгилаб берилади: «Суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жл зосини қўллаши мумкин».

Иш ҳолатлари тушунчаси билан мазкур модданинг маъносида содир этилган жиноятнинг оғирлиги, оқибатларнинг мавжудлиги, уларнинг тури, шунингдек, иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар камраб олинади. Суд жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлигига алоҳида эътиборини каратиши лозим.

Судланган шахсни тавсифловчи ҳолатларга қуйидагилар киритилиши мумкин: давлат мукофотлари, фахрий унвонлари борлиги, саломатлиги тўғрисидаги маълумотлар, муддати ўтиб кетмаган ёки олиб ташланмаган судланганлиги, жазони озодликдан маҳрум этиш жойларида ўтаганлиги тўғрисида ва бошқа маълумотлар киритилиши мумкин¹. Озодликдан маҳрум этиш интизомий қисмга жўнатишга алмаштирилганда ҳукмнинг тавсифлаш қисмида суд жазонинг ушбу турини тайинлаш асосларини кўрсатиши ҳамда суд ҳукмининг якуний қисмида ЖК 49моддаси 2қисмига ҳавола этиши лозим.

Озодликдан маҳрум этиш ўрнига интизомий қисмга жўнатиш тайинланган ҳолда интизомий қисмга жўнатиш муддати озодликдан маҳрум этишнинг бир куни интизомий қисмда бўлишнинг бир куни ҳисобидан белгиланади. Бунда суд шундай вазиятда ушбу жазонинг умумий юқори чегараси билан боғланган бўлиб қолмайди ва уни уч ойдан то уч йилгача бўлган чегарада қўллаши мумкин.

Озодликдан маҳрум этиш ўрнига интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазонинг қўлланиши фақат судланган шахсга уч йилгача озодликдан маҳрум этиш тайинланиши мумкин бўлган ҳолларда мумкин бўлади. ЖК Махсус қисми тегишли моддасининг санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум этиш чегаралари аҳамиятга эга бўлмайди. Бундан ташқари, озодликдан маҳрум этиш ўрнига интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазони тайинлаш тегишли модданинг санкциясида мазкур мажбурлов чораси назарда тутилгантутилмаганлигига боғлиқ бўлмайди.

Шунингдек, озодликдан маҳрум этишни интизомий қисмга жўнатиш билан алмаштириш озодликдан маҳрум этиш бир неча жиноятларни содир этиш учун жазо тарзида тайинланганда амалга оширилиши мумкинлигини қайд этиб ўтиш лозим. Бу ҳолда судлар фақат тайинланган жазонинг умумий миққори уч йилдан ошмаслигига аҳамият бериши лозим.

8§. Озодликдан маҳрум этиш

Озодликдан маҳрум этиш судланган шахсларга нисбатан қўлланадиган энг оғир ва оммавий жазо туридир. ЖКда у бир неча тури билан ифодаланган: умрбод озодликдан маҳрум этиш ва муайян муддатга

озодликдан маҳрум этиш, унинг ичида жазони узоқ муддат давомида ўташ билан боғлиқ бўлмаган озодликдан маҳрум этиш ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш. Ўз моҳиятига кўра бу турларнинг барчаси еудланган шахсни жамиятдан махсус муассасаларга жойлаштириб ажратиш, унинг ҳуқуқий ҳолатини чеклашдан иборат.

Судланган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини чеклаш озодликдан маҳрум этишда мажмуий тарзда бўлиб, жисмоний ва руҳий ажратиш элементларини, шунингдек, белгиланган ажратишга риоя қилиш мақсадида судланган шахсга нисбатан амалга ошириладиган бошқа ҳуқуқлар ва эркинликлар чекланишини қамраб олади. Хусусан, ушбу маҳрум этиш меҳнат фаолиятини танлашни қисқартириш, дам олиш ва меҳнат қилиш вақтини белгилаб бериш, ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш, учрашувлар, посылкалар, жўнатмалар олиш имкониятини чеклашда ифодаланади. Бундан ташқари, озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилганларга бошқа тузатиш ва профилактик таъсир кўрсатиш чоралари ҳам қўлланади.

Озодликдан маҳрум этишнинг мазкур турлари ўртасидаги фарқлар уларнинг муддатлари, жазони ўташ режими, шунингдек, судланган шахсга маънавий таъсир этиш даражасидан иборат бўлади.

Суд амалиётида кенг тарқалган жазо тури **ЖК 50моддасида** назарда тутилган муайян муддатга озодликдан маҳрум қилишдир (Озодликдан маҳрум қилиш).

Озодликдан маҳрум қилиш суд томонидан белгиланган муддатга маҳкумни жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштириш орқали жамиятдан ажратишдан иборат.

ЖК 50моддаси 1қисмига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш, авваламбор, маҳкумни жамиятдан ажратишдир. Бунда, қамокдан фарқли равишда, озодликдан маҳрум қилишдаги жамиятдан ажратиш узоқроқ муддатни ташкил қилиб, маҳкумнинг илгариги ижтимоий алоқаларининг узилишига сабаб бўлади, унинг одатдаги ҳаёт тарзига жиддий таъсир қилади. Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этган шахсларга таъсир қилишнинг катта имкониятларига эга булиб, уни тўғри қўллаш қанчалик ижобий натижа берса, нотўғри қўлланганда шунчалик салбий натижа беради. Буларнинг барчаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса, судларга, озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашда катта масъулият юклайди.

«Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, алоҳида ҳолларда эса, судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади. Ушбу жазо турини қўллаш сабаблари ҳукмда асосланган шарт»¹.

Озодликдан маҳрум этиш у тегишли модданинг санкциясида назарда тутилмаган ҳолда тайинланиши мумкин эмас. Айни пайтда озодликдан маҳрум этиш жазоси ахлоқ тузатиш ишларининг ижро этилишидан бўйин товлаган ҳолда уларни алмаштириш тартибида қўлланиши мумкин.

Маҳкумнинг мақоми чекланадиган **муддат** озодликдан маҳрум этишнинг марказий элементларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Озодликдан маҳрум этиш муддати ойлар ва йиллар билан ҳисобланади. ЖК 50моддаси 2қисми асосида озодликдан маҳрум этиш (узоқ муддатли жазони ўташ билан боғлиқ бўлмаган) **олти ойдан йигирма йилгача** муддатга белгиланади. **ЖК 50моддаси 3қисмида**

назарда тутилган озодликдан маҳрум этишнинг узок муддати «озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазонинг бир тури бўлиб», **йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган** муддатга тайинланиши мумкин². Шундай қилиб, муайян муддатга озодликдан маҳрум этишнинг энг кам ва энг кўп муддатлари тегишинча олти ой ва йигирма беш йилни ташкил этади. Бунда озодликдан маҳрум этишни қўллашнинг энг кам муддати суд томонидан ҳеч қандай вазиятда бузилиши мумкин эмас (жумладан, ЖК 57моддаси қоидаларига мувофиқ, жазонинг энг камидан ҳам камроқ жазо тайинлагича), ЖК 44моддаси 4қисмида айтиб ўтилган вазият, маҳрум ахлоқ тузатиш ишлари тарикасидаги жазони ўташдан бўйин товлаганда суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шундай муддатдаги озодликдан маҳрум этиш билан алмаштиришга мажбур бўлган вазият бундан мустасно¹. Озодликдан маҳрум этишнинг кўрсатилган энг кўп чегараси юзасидан (25 йил), биринчидан, ЖК 50моддаси 3қисми асосида ушбу муддат узок муддатли бўлиб, алоҳида бир жиноятни содир этиш учун жазони тайинлашда фақат оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (ЖК 97моддаси 2қисми) ва терроризмнинг оғирлаштирувчи таркиби (ЖК 155моддаси 3қисми) учун тайинланиши мумкинлигини; иккинчидан, ЖК 50моддаси 5қисмига мувофиқ, йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум этиш ЖК 60моддасида назарда тутилган бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш қоқчалари бўйича жазоларни қўшиб ҳисоблаган ҳолда тайинланиши мумкинлигини; ва, учинчидан, мазкур жазонинг энг кўп чегараси ЖК 76моддаси 3қисми асосида умрбод озодликдан маҳрум этишнинг афв этиш тарикасида озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган ҳолда йигирма беш йилга етиши мумкинлигини судлар назарда тутишлари лозим. Қолган барча ҳолларда озодликдан маҳрум этишнинг энг кўп чегараси йигирма йилдан ошмаслиги лозим.

Озодликдан маҳрум этиш тарикасидаги жазони тайинлаганда судлар мазкур давлат мажбуриятлар чораси маҳкумга нисбатан қўлланиши лозим бўлган муддатни аниқ белгилаши лозим. Бунда суд томонидан муддатни тайинлаш айбдор содир этган жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖК Махсус қисмининг тегишли модда санкцияси доирасида амалга оширилиши лозим.

Суд ҳукмида маҳкум озодликдан маҳрум этилаётган муддатнинг кўрсатилмаганлиги жиноят қонунининг жиддий бузилиши бўлиб, ҳукми бекор қилишга олиб келувчи асос эканлигини инобатга олиш лозим. Айни пайтда бир неча жиноятни содир этганлик учун жазо тайинлашда (ЖК 59моддаси) суд ҳар бир модда бўйича тайинланадиган жазони алоҳида кўрсатиши ва тайинланган жазоларни қўшиш орқали жамланган жазонинг умумий муддатини кўрсатиши лозим².

Озодликдан маҳрум этишнинг муддати жазони индивидуallasштиришнинг ва шу билан ушбу чора самарали бўлишининг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу муносабатда озодликдан маҳрум этишнинг қисқа муддатларини тайинлаш (олти ойдан бир йилгача) етарли даражадасамарабермайди, чунки ушбу чоранинг судланган пайхосия таъсири ўта чекланган бўлади. Шу сабабли судлар қисқа муддатли жамиятдан ажратишни қўллаш масаласига пухта ёндашиб, уми суд ҳукмида албатта асослаб бериши лозим¹. Бундай ҳолларда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни, масалан, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ каби чораларни қўллаш лозим, чунки улар

судланган шахсга ижобий таъсир этишнинг кўпроқ даражасига эга бўлишини назарда тутиш лозим.

Озодликдан маҳрум этишнинг қисқа муддатларини аёллар, ногиронлар ва қарияларга нисбатан қўллаш кўпроқ мақсадга мувофик бўлади, албатта, маҳкумларнинг ушбу тоифасини жамиятдан ажратмаган ҳолда тузатишнинг имкони бўлмаса.

Озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони қўллаш қуйидаги ҳолатларда керакли ижобий таъсирга эга бўлади:

— **оғир ва ўта оғир** жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан уюбу чора танланганда. Бунда озодликдан маҳрум этиш тарзида жазони тайинлаш масаласи суд ҳукмида барча оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобха олган ҳолда ҳар томонлама асослантирилган бўлиши керак. Суд ҳукмида, агар жиноят қонуни санкцияси бошқа жазо чораларини назарда тутган ҳолларда, шунингдек, албатта озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо қайси ҳолатлар асосида тайинланиши ҳам асослантирилиши лозим. Бунда судлар аёлларга жазо тайинлашда алоҳида эътибор бериши лозим;

—мазкур чора жиноий гуруҳ ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига, республикада вазиятни беқарорлаштиришда айбдор деб топилган экстремистларга, рецидивистларга қўлланган ҳолда. Шу билан бирга, адашган ҳолда экстремистик гуруҳларга илк бор тушиб қолган, шуни англаб етган ва чин кўнгилдан пушаймон бўлган шахсларга жазони тайинлашда судлар енгилроқ жазоларни, шу жумладан 5 йилгача озодликдан маҳрум этишни тайинлашлари лозим;

—иқтисодиёт соҳасидаги айрим жиноятларни содир этишда айбдор бўлган шахсларга, яъни «товламачилар, ўзга мулкни талонторож қилганлар, солиқдарни муттасил тўламаган шахсларга, ўз ҳаракатлари билан давлат, жамият манфаатларига ёки фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига жиддий зиён етказган мансабдор шахсларга, жиноий гуруҳларнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига» озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш¹. Айни пайтда иқтисодиёт соҳасида жиноятларни содир этган шахсларга озодликдан маҳрум этиш тарзида жазони фавқулодда ҳолатларда тайинлаш лозимлигини инобатга олиш керак, бу суд ҳукмида асослантирилиши лозим. Бу шахсларга жарима, муайян ҳуқуқлардан маҳрум этиш шаклида жазоларни қўллаш самаралироқ бўлиши мумкин;

—шу турдаги жазонинг гиёҳванд моддалари ёки психотроп моддаларни сотувчилар, бу билан мунтазам ва йирик миқорда шуғулланувчи сотувчиларига, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчилари, Ўзбекистон Республикасига гиёҳванд моддаларини олиб кириш ёки унинг ҳудуди орқали транзит қилинишини таъминлайдиган шахсларга ёки уларни бошқа усуллар билан таркатувчи шахсларга, шунга ўхшаш жиноятлар учун муқаддам судланган, бу жиноятларга вояга етмаганларни жалб этувчи шахсларга нисбатан қўлланиши ва ҳоказолар²;

—шу турдаги жазонинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қуролнинг ноқонуний олиб кирилишида айбдор бўлган, жанговар қуроляроғларни ёки қуролни сотиш мақсадида сотиб оладиган ёки тайёрлайдиган, шунингдек, уларни сотадиган, уларни сақдаш жойларидан, ҳокимият вакилларида, ҳарбий хизматчилардан ўғирлайдиган, қуролдан оғир жиноятларни содир этиш учун фойдаланадиган шахсларга» нисбатан қўлланиши;

—ишлаш ва яшаш жойига кўра, турмушида ниҳоятда салбий тавсифланадиган шахсларга; алкоголизм ёки гиёҳвандликка дучор бўлган, маънавиятга зид турмуш тарзини кечираётган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазосининг қўлланиши.

Узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазони қўмллишиш нинг самарадорлиги юзасидан Олий суд Пленуми куйдагича тушунтиради: ушбу муддат суд томонидан жиноятларнинг айримлари учун (оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, одамўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган терроризм), «куйдаги мувофиқ (масалан, тамом бўлмаган жиноят учун) умрбод озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони тайинлаш истисфга этилган ҳолатларда, шунингдек, иш ҳолатларига кўра суд айбдор шахсга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум этиш ёки ўн беш йилдан йигирма йилгача муддатдаги озодликдан маҳрум этиш тарзидаги озодликдан маҳрум этишни тайинлаш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулосага келган ҳолларда» тайинланиши мумкин.

Судлар қарияларга, ногиронларга, аёлларга, 18 ёшгача бўлган ёшда жиноят содир этган шахсларга, шунингдек, жавобгарлигини жиддий енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларда жиноят содир этган айбдор шахсларнинг бошқа тоифаларига озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони тайинлаш масаласига алоҳида эътибор билан ёндашиши керак. Судлар унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этиш учун жазони тайинлашда ҳам худди шундай эътибор бериши лозим, айтиб ўтилган ҳолатларнинг ҳар бирида суд даставвал енгилроқ, жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазони тайинлаш масаласини муҳокама қилиши лозим. Бунга қўшимча равишда, муқобил санкциялар мавжуд бўлган ҳолда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони тайинлаш масаласини муҳокама қилиш судлар учун мажбурийдир.

ЖК 50моддаси 4қисмига мувофиқ, аёлларга, 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга, шунингдек, 60 ёшдан ошган эркакларга узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш (20 йилдан ортиқ, лекин 25 йилдан кўп бўлмаган) тайинланиши мумкин эмас. Бундан ташқари, ЖК 50моддаси 6қисмига мувофиқ, 60 ёшдан ошган эркаклар ва аёллар учун жазо муддати ЖК Маҳсус қисмининг моддаси санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Қонуннинг ушбу талаблари императив хусусиятда бўлиб, ҳатто оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда ҳам бажарилиши лозим. Мазкур меъёрлар қўлланганда эркакнинг ёши жиноятни содир этиш кунига эмас, «суд ҳукми чиқариладиган кунга, апелляция шикоят (протест) бериладиган ҳолларда эса — ишнинг апелляция инстанциясида кўриладиган кунига белгиланиши лозим». Аёлнинг ёши мазкур қоидаларни қўллаш мақсади учун, албатта, аҳамиятли бўлмайди.

ЖК 50моддаси 4 ва 6қисмининг талаблари шахс битта ва бир неча жиноятни содир этишда айбдор деб топилган ҳолатларга ҳам бирдектааллукди бўлади. Бу охириги ҳолатда жазонинг умумий муддати шахс жиний жавобгарликка тортилган тегишли моддалар, модда қисмларининг санкцияларида назарда тутилган энг кўп жазо муддатларини қўшишда ҳосил қилинадиган энг кўп озодликдан маҳрум этиш муддатидан ортиши мумкин эмас. Ҳар қандай ҳолатда ушбу шахсларга тайинланадиган озодликдан маҳрум этиш муддати 15 йил — 20 йилнинг тўртдан уч қисмидан (агар улар битта жиноятни содир этишда ёки ЖК 59моддаси қоидаларига мувофиқ жами жазони тайинлашда бир неча жиноятни содир этишда айбдор деб топилган

бўлсалар) ва 18 йил 9 ой — 25 йилнинг тўртдан уч қисмидан (агар улар ЖК 60моддаси қоидаларига мувофиқ бир неча ҳукмлар юзасидан жазони тайинлашда бир неча жиноятни содир этишда айбланган бўлсалар) ортиқ бўлиши мумкин эмас.

ЖК 50моддаси 7, 8 ва 9қисмининг қоидаларига бидоан, озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг асосий турлари: манзилколониялар; умумий тартибдаги колониялар; каттиқтартибли колониялар; махсус тартибли колониялар, турма бўлади. Тегишли режимни танлаш судланган шахснинг жинси, содир этилган жиноятнинг оғирлиги, айбнинг шакли, муқаддам озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаганлиги ҳолати, рецидив ва ўта хавфли рецидив, тайинланган жазонинг муддатига боғлиқ бўлади.

Чунончи, **ЖК 50моддаси 7қисмига** мувофиқ, «Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан:

- а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзилколонияларда;
- б) қасддан унча оғир бўлмаган ва оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибдаги колонияларда;
- в) ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинаётган ёхуд илгари қасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётган шахсларга нисбатан жазони қағиқ тартибли колонияларда;
- г) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади».

ЖК 50моддаси 8қисми асосида «Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга нисбатан:

- а) ўта оғир жиноят учун ва ўта хавфли рецидивист деб топилганларга жазони кдтгиқтартибли колонияларда;
- б) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳгаётсизлик оқиба тида унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан жазони манзилколонияларда;
- в) бошқа жиноятлар учун жазони умумий тартибли колонияларда ўташ тайинланади».

ЖК 50моддаси 9қисми қоидаларига мувофиқ, «Турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш, жазонинг муайян қисмига, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга:

- а) ўта хавфли рецидивистларга;
- б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тайин ланиши мумкин».

Суд ҳукмида жазони ижро этиш колониясининг турини белгилаш жазони ижро этишнинг мажбурий шарти бўлиб, ушбу белгилашнинг йўқлиги жиноят қонунчилигининг ҳукми бекор қилишга олиб келувчи жиддий бузилиши деб қаралиши керак. Тегишли жазони ижро этиш муассасасини тайинлаш ва танлаш ҳукми чиқараётган суднинг вазифаси ва ваколатидир. Бунда судлар ушбу масаланинг ҳал этилишига айниқса ҳар томонлама ёндашиб, бу ҳол умуман жазонинг самарли бўлишига ўта катта таъсир кўрсатишини инобатга олиши лозим.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, шахснинг муқаддам озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаганлиги ва яна қасддан содир этилган жиноят учун судланганлиги (ЖК 50моддаси 7қисми «в» банди), шунингдек, шахснинг ўта хавфли рецидивист деб тан олинishi каби жазони ижро

этиш колониясини танлаш мезонлари ҳақиқий бўлиши лозим. Бошқача айтганда, биринчи ҳолатида муқаддам қасддан содир этилган жиноят учун судланганлик муддати ўтмаган ёки бекор қилинмаган судланганлигининг мавжудлиги аниқланиши керак, шахснинг ўта хавфли рецидивист деб тан олинishi юзасидан эса шахсни шундай шахс деб тан олувчи суд ҳукми қонуний кучга кирган бўлиши лозим.

Шунга эътибор бериш лозимки, қуйидаги шахслар муқаддам содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаган судланган шахслар сифатида тан олинмайди:

— ЖК 46моддаси 4қисми қоидаларига мувофиқ ахлоқ тузатиш ишларининг алмаштирилиши тартибда озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаган;

суд ҳукми бўйича озодликдан маҳрум қилиш қаторида бўлган, агар кассация ёки назорат тартибида ҳукм бекор қилиниб иш тугатилган бўлса ёхуд ҳукм ўзгартирилган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ёки шартли жазо тайинланган бўлса;

—озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм этилган, лекин амалда афв этиш ёки амнистия туфайли, жиноий жавобгарликка тортишнинг муддати тугаганлиги туфайли ёки ушбу шахс илгари содир этган қилмишнинг жазога сазоворлиги йўқолганлиги муносабати билан суд ҳукмининг ижро этилмаганлиги сабабли амалда жазо ўтамаган;

—муқаддам эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш муддати ичида озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахслар, чунки улар ахлоқ тузатиш муассасаларида жазони ўтамаганлар;

— жазодан озод этилган шахслар¹.

Судланган шахс бир неча жиноятни содир этганда колониянинг турини белгилашда суд жиноятларнинг мажмуи бўйича жазоларни қўйиш йўли билан белгиланадиган якуний жазо муддатидан келиб чиқиши лозим. Бунда колониянинг муайян тури содир этилган жиноятларнинг турига боғлиқ равишда танланади.

ЖК 50моддаси 1қисмида «Суд томонидан жазони манзилколонияда ўташи тайинланган маҳкум сақдаш режимини ашаддий бузувчи деб топилган тақдирда, суд уни жазонинг ўталмаган қисми муддатига умумий тартибли колонияга ўтказди», деб белгиланган.

Жазони ўташ тартибини камида икки марта қўпол тарзда бузган ва бунинг учун интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тарикасидаги жазога тортилган маҳкум, агар ҳар бир интизомий жазо белгиланган тартибда олиб ташланмаган ёки бекор бўлмаган бўлса, сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб ҳисобланади (ЖИК 112моддаси 1қисми).

ЖК 50моддаси 9қисмига мувофиқ, маҳкумга турмада сақдаш тарзидаги озодликдан маҳрум этиш тайинланиши мумкин. **Турма** энг қаттиқ тартиби билан ажралиб туради ва шунинг учун маҳкум ҳуқуқий ҳолатининг қаттиқроқ чекланишлари мавжуд бўлади. Шу сабабли ушбу турдаги жазони ижро этиш муассасасининг жазо ўташ учун танланиши фақат айрим ҳолатларда маҳкумларнинг баъзи тоифаларига нисбатан (ўта хавфли рецидивистлар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбдор бўлган ва уларни содир этганлиги учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган шахслар), маҳкумларга бошқача таъсир этиш усуллари бўлмаганда қўлланиши лозим. Турмани озодликдан маҳрум этиш

1 лршдаги жазони ўташ жойи сифатида тайинлаш лозимлиги албатта еуд ҳукмида асослантирилиши лозим.

Турмага қамаш жазо муддатининг фақат бир қисмига тайинланади, шу сабабли суд ўз ҳукмида, шунингдек, маҳкум жазонинг қолғап муддатини ўташи керак бўлган колониянинг турини ҳам белгилаши

лозим, бунда колониянинг турини белгилаш ЖК 50моддаси 7 ёки 8қисмида кўрсатилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

Турмага камаш тарзидаги озодликдан маҳрум этиш тайинланиши мажбурий тартибда турмада жазо ўталиши керак бўлган муддат кўрсатилган ҳолда бўлиши лозим, бунда ушбу муддатни кўрсатмаслик жиноят қонунчилигининг ҳукми бекор қилишга олиб келувчи жиддий бузилиши эканлигини назарда тутиш лозим. Бу ҳолда суд қонунга мувофиқ турмада жазони ўташга фақат жазо муддатининг бир қисми мобайнида, лекин кўпи билан беш йил давомида йўл қўйилишига эътибор бериши лозим. Қонуннинг ушбу кўрсатмаси императив бўлиб, суд томонидан бузилиши мумкин эмас. Бунда шуни қайд этиш лозимки, турмада жазо ўташ узлуксиз турда бўлади, яъни суд томонидан белгиланадиган муддат бир даврдаги турмада қамокда сақлашдан келиб чиқиб ҳисобланиши лозим, биргаликдаги жами ҳисоблашга йўл қўйилмайди (масалан, умумий ўн беш йилга озодликдан маҳрум этиш тайинланганда ҳар уч йилда бир йил давомида турмада сақлаш шарти билан турмада беш йил қамокда сақлаш мумкин бўлмайди). Шунингдек, муддатнинг қолган қисмига турмага қамашни тайинлаш ҳам мумкин эмас — қамокқа сақлаш аввалдан, суд ҳукмининг ижро этилиши бошланишидан ўталиши лозим.

Оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун судланган шахсларга турмага камаш уларнинг умумий тайинланган жазо муддати беш йилдан ортиқ бўлиши шарти билан тайинланиши мумкин. Бунда турмага камаш муддати умумий озодликдан маҳрум этиш муддатининг тўртдан бир қисмидан ортиқ бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир.

ЖК 50моддаси 10қисмига кўра, «Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тарикасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди».

Мазкур норманинг маъносига кўра, озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони қўллаш ушбу ҳолатларда содир этилган қилмишларнинг миқдоридан қатъи назар тайинланмайди (яъни, ҳам битта жиноятни содир этган шахсларга, ҳам бир неча ҳуқуққа хилоф тажовузларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларга, ушбу

5 394

65

тажовузларнинг барчаси қонунда белгиланган мезонларга жавоб бериши шарти билан, озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллаш тенг равишда руҳсат этилмайди). Лекин тажовузларнинг тури ва сони суд томонидан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони тайинлашда ҳисобга олиниши, уни ҳар бир муайян ҳолатда индивидуаллаштириш лозимлиги назарда тутилиши лозим.

Айбдор аёл ҳомиладорлиги ҳолати аниқданганда ҳомиладорликнинг муддати, унинг биринчи бўлган бўлмаганлиги, ҳомиланинг ҳолати ва шу каби ҳолатлар аҳамиятга эга бўлмайди. Лекин ушбу ҳолатлар ЖК 55моддаси қоидаларига мувофиқ, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони тайинлашда ҳисобга олиниши керак.

Ҳомиладорликни аниқлаганда суд унинг жиноятни содир этиш вақтидаги мавжудлиги ёки йўқлиги ҳолати билан боғланиб қолмайди. Бундай ҳолатда озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони тайинламаслик учун ҳал қилувчи ҳолат ҳомиладорликни аниқлаш ва унинг суд ҳукмини эълон қилиш пайтига келиб мавжуд бўлиши бўлади.

Уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони тайинлашга йўл қўйилмайди. Болалар ёшини аниқлашда судтергов органлари жиноятни содир этган шахсларнинг ёшини аниқлаш учун қўлланадиган умумий қоидаларга таяниши лозим. Хусусан, вояга етмаган шахснинг ёши жиноятпроцессуал қонунчилигига мувофиқ белгиланади (ЖПК 548моддаси)¹. Тергов ва суд жиноий жавобгарликка тортилаётган вояга етмаган шахснинг туғилган йили, ойи ва санасини аниқлаши лозим.

Шахснинг қонунда белгиланган ёшга етиши туғилган кунидан кейинги кунда, яъни кейинги сутканинг ноль соатидан бошлаб юзага келади. Айбдор аёлнинг қарамоғида бўлган болаларнинг ёши тегишли хужжатларга: туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, судланувчининг паспортдаги белгилар ва ҳоказоларга мувофиқ аниқланиши лозим. Мазкур хужжатлар бўлмаганда ушбу камчилик ишни судда қўриш давомида бартараф этилиши лозим. Хужжатлар йўқдигининг ўрнини тўлдириш мумкин бўлмаганда, судтиббий экспертизаси ўтказилиши керак. Бу ҳолда айбдор аёл қарамоғида бўлган боланинг туғилган куни деб экспертиза айтган йилнинг охири куни ҳисобланиши керак, ёшининг энг кам ва энг кўп сони ўртасидаги ёшини аниқлашда суд пгуидай шахснинг экспертиза томонидан тахмин этилган энг кам ёшидан келиб чиқиши лозим².

Уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатап озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлаш фақат ушбу болаларпи аёл туққан, ўғил (қиз) қилиб олган ёки у болаларнинг васийси ёки ҳомийси бўлган шарт билангина мумкин бўлади. Аёл уч сшгача бўлган боланинг васийси ёки ҳомийси бўлмаган ҳолда. эса, у қара лаётган норманинг маъносида болаларга эга бўлган деб тан олиними мумкин эмас ва шунга мувофиқ ҳолда суд ЖК 50моддаси 10қисми қоидалари билан боғланиб қолмайди ҳамда озодликдан маҳрум этишни қўллай олиши мумкин. Аёл уч ёшга етмаган болалар юзасидан оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки бу ҳуқуқи чекланган ҳолатида ҳам шунга ўхшаш оқибатлар юзага келади, чунки отаоналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларни чеклаш уч ёшгача болаларига эга бўлган фуқаролар учун қонунчиликда белгиланган барча имтиёзларнинг йўқотилиши билан боғлиқдир (ЖК 80моддаси 1қисми).

Уч ёшгача болалари бўлган аёллар сифатида **ЖК 50моддаси 10қисмига** кўра, шунингдек, қарамоғида уч ёшгача бўлган болалар мавжуд бўлган аёллар ҳам тушунилади. Бунда болаларнинг айбдор аёл билан қариндош ёки яқинлиги ҳолати аҳамиятга эга бўлмайди. Болани аёл қарамоғида бўлган деб тан олиними учун судлар амалдаги қонунчиликка таяниши лозим, унга мувофиқ, қарамоғида бўлган шахслар деб, тўлиқ таъминотида бўлган ёки доимий ва асосий яшаш маблағларининг манбаи бўлган ёрдам олаётган шахслар тан олинади¹.

Мазкур шахс ёшига кўра нафақа олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳолатини аниқлашда судлар амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиши лозим, унда ёшига кўра нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлишнинг умумий ва имтиёзли мақоми белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат нафақа таъминоти тўғрисида»ги Қонуни 7моддасига мувофиқ, умумий тартибдаги ёшига кўра нафақага бўлган ҳуқуқ эркаклар учун — иш стажи камида 25 йил бўлган ҳолда 60 ёшга етганда, аёллар учун иш стажи камида 20 йил бўлиб, 55 ёшга етганда юзага келади.

Бундан ташқари, ёшига кўра нафақа олиш ҳуқуқи амалдаги қонунчиликка мувофиқ имтиёзли тартибда ҳам юзага келиши мумкин².

Мазкур шахснинг ёшига кўра нафақа олиш ҳуқуқига эга эканлигини аниқлаганда суд айбдор шахснинг нафақа гувоҳномаси ёки унинг ёшига кўра нафақа олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатнинг расман мавжудлиги билан боғланиб қолмайди.

Ҳар бир муайян ҳолатда суд маҳкумда ёшига кўра нафақа олиш ҳуқуқининг борлиги ёки йўқлигини аниқлаш чораларини алоҳида кўриши лозим. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, қонун фақат ёшига кўра нафақа олиш ҳуқуқи судланувчида суд ҳукмини эълон қилиш пайтига келиб мавжуд бўлиши шарти билан озодликдан маҳрум этиш тарзида жазо тайинлашга руҳсат этмайди. Шунинг учун, агар ушбу ҳуқуқ жиноят содир этилганидан кейин, лекин суд ҳукмининг эълон қилинишигача юзага келган бўлса, озодликдан маҳрум этиш жазоеини тайинлаш мумкин бўлмайди.

Озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлашнинг мумкин эмаслигини қонун фақат ёшига кўра нафақа олиш ҳуқуқи юзага келиши билан боғлайди, судланувчида нафақанинг бошқа турларига (боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан, ногиронлиги туфайли) ҳуқуқининг мавжудлиги судга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони тайинлашга тўсқинлик қила олмайди.

9§. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш

Амалдаги ЖКда умрбод озодликдан маҳрум қилиш мустақил жазо тури сифатида ажратилган (ЖК 51моддаси).

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш — энг қаттиқ ва фавқулодда давлат мажбурлов чорасидир. Лекин уни қўллаш ўринли бўлади, чунки амалдаги қонунчиликнинг жиноий жазоларни либераллаштириш борасида энг янги ўзгаришлари муносабати билан ушбу чора ўлим жазоси ўрнига жорий этилган бўлиб, муҳим превентив (огоҳлантирувчи) вазифани бажаришга мўлжаллангандир.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир (ЖК 51моддаси 1қисми).

Муайян муддатга озодликдан маҳрум этиш каби умрбод озодликдан маҳрум қилиш ҳам маҳкумни махсус муассасада, лекин муддатсиз ҳолда жамиятдан ажратишдан иборатдир. Жазонинг ушбу тури маҳкумни озод бўлиш имкониятидан тўлиқ маҳрум этади, чунки умрбод озодликдан маҳрум қилишга маҳкум этилган шахсни афв этиш фақат истисно тарикасида бўлиши мумкин, бу, ўз навбатида, муайян муддатга озодликдан маҳрум этиш учун хос бўлади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш мустақил асосий жазо тури бўлиб, суд томонидан фақат ЖК Махсус қисмида **санкциясида** яъни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш учун жа 10 ни назарда тутадиган ЖК 97моддаси 2қисмининг санкцияси ҳамда терроризм жинояти, яъни ЖК 155моддаси 3қисми санкцияларида назарда тутилган ҳолдагина тайинланиши мумкин (ЖК 51 моддаси 2қисми). Кўрилатган жазо тури бошқа жиноятлар учун қўллани шига йўл қўйилмайди.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш асосий жазо тури бўлиб, асосий жазонинг бошқа турлари билан бирга қўллани олмайди. Бундан ташқари, давлат мажбурлов чораси мазкур турининг фавқулодда хусусияти уни ҳеч қандай шароитларда маҳкумнинг бошқа жазо турларини ижро этишдан

бўйин товлаганда уларни алмаштириш сифатида қўллашга имкон бермайди.

Умрбод озодликдан маҳрум қилишнинг фавқулодда хусусияти у содир этилган жиноят учун ягона мумкин бўлган жазо сифатида қўлланишини билдирмайди.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган моддалар санкцияларида у билан бирга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо муқобил равишда назарда тутилганлиги туфайли судлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилишни қўллаш масаласини муҳокама қилиш мажбурий бўлади. Бунда «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўллаш масаласини ҳал этишда суд мазкур жазо, фақат иш бўйича айбдор томонидан ғайриинсоний хаттиҳаракатларга йўл қўйилганлигидан, шунингдек, жиноятни содир этган шахс жамият учун мутлақ хавфли эканлигидан далолат берувчи ва унга нисбатан бошқа жазо тайинланиши имкониятини истисно этувчи алоҳида ҳолатлар бўлганда, тайинланиши мумкинлигини инobatга олиши керак»¹.

Шу сабабли суд ҳукмининг таърифловчи қисмида умрбод озодликдан маҳрум қилишни тайинлаш албатта жиноятни содир этишнинг барча ҳолатлари, унинг сабаблари ва мотивлари, шунингдек, нафақат судланган шахсни, балки жабрланувчини ҳам мутлақо тўлиқ таърифлайдиган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда асослаши лозим.

Судлар, шунингдек, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тугалланмаган жиноят учун тайинланиши мумкин эмаслигини назарда тутиши керак².

ЖК 51моддаси 2қисми ҳеч қандай шароитларда давлат мажбурловининг мазкур чорасини қўллаш йўл қўйилмайдиган шахслар доирасини белгилайди. Бу шахсларга ёшидан қатъи назар барча аёллар, шунингдек, 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахслар ва 60 ёшдан ошган эркаклар киради.

Эркак жинсидаги шахсларга умрбод озодликдан маҳрум қилиш қўлланиши мумкинлиги масаласини аниқлашда суд куйидагиларни ҳисобга олиши лозим:

—куйи ёш чегараси юзасидан (18 ёш) фавқулодда жазо чорасининг қўлланиши жиноятни содир этиш пайтига келиб шахс ушбу ёшга етмаган ҳолда йўл қўйилмайди. Бунда вояга етган куни деб туғилган кунидан кейинги кун ҳисобланиши керак;

—суд ҳукмини эълон қилиш пайтига келиб судланувчи 60 ёшга етганда фавқулодда жазо чорасини тайинлаш мумкин эмас. Бу ҳолда олтимиш ёшга тўлган куни деб шахснинг туғилган куни тан олиниши керак. Шахснинг ёшини ҳисоблаш масаласининг ушбу ҳал этилиши ЖК инсонпарварлик ва адолат тамойилларига тўлиқ мос келади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлаш уни албатта ижро этилишини англатмайди. Масалан, ушбу фавқулодда жазо чорасини тайинлашда маҳкумга мажбурий тартибда афв этиш ҳуқуқи тушунтирилиши лозим.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахс ЖК 76моддаси 3қисмига мувофиқ, афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар

ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Шуни назарда тутиш керакки, жазонинг ушбу тури қўлланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда шахсни айбдор деб тан олиш тўғрисидаги ишлар туман (туманлараро) жиноят ишлари бўйича судлар томонидан қўрилиши мумкин эмас. ЖПК 389моддасига мувофиқ, умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазолар қўлланиши мумкин бўлган жиноятлар тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судларида қўриб чиқилиши мумкин.

10§. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш — қўшимча жазо бўлиб, яъни у мустақил тарзда қўлланмайди, балки фақат асосий жазо билан биргаликда тайинланиши мумкин.

Мазкур давлат мажбурлов чорасининг ўзига хос хусусияти шунда иборатки, у энг аввало маҳкум шахсга уни тегишли унвон ёки мукофотларга эга бўлган шахслар учун мўлжалланган муайян ҳуқуқдар ёки имтиёзлардан маҳрум қилиш орқали унга маънавийруҳий таъсир ўтказишга қаратилган.

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш фақат оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этилган ҳолда қўшимча жазо сифатида қўлланади, тегишли унвон ёки мукофотларга эга бўлган шахслар учун мўлжалланган муайян ҳуқуқ ёки имтиёзлардан маҳрум қилишга олиб келади ва асосан маҳкум шахсга маънавийруҳий таъсир ўтказишга қаратилган.

Мазкур жазо тури шахс **фақат оғир ёки ўта оғир жиноят** учун ҳукм қилинганида қўлланиши мумкин бўлади. **ЖК 52моддаси 1қисмига**

мувофиқ, «Ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкин». Бунда суд, жиноят содир этиш ёки ҳукм чиқариш пайтида маҳкумнинг хизмат фаолияти юзасидан унвонга эга бўлган хизматда бўлганлик факти билан боғланиб қолмайди. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш, шунингдек, ҳам хизмат ўтаётган шахслар, ҳам захирага чиқарилган, нафақага чиққан ва ҳоказо шахсларга нисбатан амалга оширилиши мумкин.

Ҳарбий унвонлар бу Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг офицерлик ва сержантлик таркибининг шахсларига бериладиган унвонлардир. **Махсус унвонлар** божхона ва солиқхизмати, прокуратура, ИИБ, Фавкулудда вазиятлар вазирлиги ва шундай унвонлар белгиланган бошқа хизматлар ходимларига бериладиган унвонлар бўлади.

ЖК 52моддаси 1қисмининг тахлилидан суд ўз ҳукми билан маҳкум шахсни **олий унвон бўлмаган** ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга эканлиги келиб чиқади. Бундай унвонлар, чунончи, то полковник унвонигача бўлган ҳарбий унвонлар ва полковник унвонига тенг келувчи унвонгача бўлган махсус унвонлар бўлади. Бунда суд ҳукмига биноан ҳарбий ёки махсус унвонидан маҳрум қилиш фақат суд ишининг барча ҳолатларини таҳлил қилиш натижасида маҳкум шахс ҳарбий ёки махсус унвонига эга бўлишга ҳақди эмас деган хулосага

келганда йўл қўйилади. Яъни, мазкур жазо қўлланган ҳар бир ҳолатда суд ҳукмида албатта уни қўллаш зарурлиги асослангирилган бўлиши керак. Бунда судлар одатда нафақат содир этилган жиноятнинг оғирлигидан, балки унинг мавжуд унвон билан боғлиқлиги, айбдор шахс тўғрисидаги маълумотлар, унвонни олиш хусусияти (қонуний ёки ноқонуний) каби ҳолатлардан келиб чиқиши лозим.

ЖК 52моддаси 2қисмига асосан, «Олий ҳарбий ёки махсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганида суднинг ҳукм асосида киритадиган тақдимномасига биноан мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин».

Мазкур моддани таҳлил қилшдан, **олий ҳарбий ёки махсус унвонлар, шунингдек, давлат мукофотлари** юзасидан суд фақат тегишли унвонни ёки мукофотни берган органга жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахсни ундан маҳрум қилиш тўғрисидаги тақдимнома киритишга ҳақли эканлиги келиб чиқади. Шундай қилиб, унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиш масаласини узилкесил ҳал қилиш фақат ушбу шахсга тегишли унвон ёки мукофот берган органга юклатилади.

Олий ҳарбий унвонлар — бу олий офицерлик таркибига бериладиган унвонлардир (генералмайор, генераллейтенант, генералполковник, армия генерали). **Олий махсус унвонлар** — белгиланган хизматларда бериладиган олий ҳарбий унвонларга айнан тенг бўлган унвонлардир. Бундан ташқари, олий махсус унвонларга, шахсларга алоҳида касбий фазилатлари, маҳорати ва кўп йиллик виждонан меҳнати учун бериладиган фахрий унвонлар ҳам киради (масалан, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, Хизмат кўрсатган меъмор, Хизмат кўрсатган юрист ва ҳоказо).

Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари — фуқароларни ватанни ҳимоя қилишда, иқтисодиёт, фан, маданият, санъат, маърифат, давлат қурилиши, соғлиқни сақлаш, тарбия соҳасида, хайрия фаолиятида кўрсатган хизматлари учун ва бошқа хизматлари учун тақдирлаш шаклидир. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, давлат мукофотлари қуйидагилардир: «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, орденлар, медаллар, Ўзбекистон Республикаси фахрий унвойлари ва Фахрий ёрлиғидир¹.

Давлат мукофотларидан маҳрум қилиш олий ҳарбий ёки махсус унвонлардан маҳрум қилишга қўлланадиган тартибда амалга оширилади.

Жумладан, суд илмий унвонлар ва даражалардан (масалан, фан номзоди ёки доктори даражаси, катта илмий ходим, доцент ва профессор илмий унвонлари), шунингдек, спорт, касбий малакавий разрядларидан маҳрум қилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, чет эл давлатлари томонидан берилган унвонлар ва мукофотлардан маҳрум қилишга йўл қўйилмайди.

«Жазо тизими ва унинг турлари» мавзуси бўйича яқуний саволлар

1. Жазолар тизими жазолар турларининг мажмуи сифатида ни мадан иборат? Унинг жиноятҳуқуқий аҳамияти нимада?

2. Жиноий жазонинг турларини айтинг.

3. Жазонинг қандай турлари асосий жазоларга, қайсилари қушимча жазоларга киради? Аралаш турдаги жазолар мавжудми?

4. Жиноятхуқуқий доктринада жазолар турларининг қандай таснифлари мавжуд?

5. Жарима тарзидаги жиноий жазо нимадан иборат? Шахс жазо сифатида тайинланган жаримани тўлашдан бўйин товлаганда нималар юз беради?

6. Жарима шаклидаги жазони ижро этмаслик уни озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштиришга имкон берадими?

7. Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тарзидаги жазо нимадан иборат? Уни қўллаш шароитлари қандай?

8. Ахлоқ тузатиш ишлари нимадан иборат? Маҳкум шахсларнинг қандай тоифаларига жазонинг ушбу тури қўлланмайди?

9. Маҳкум шахс ахлоқ тузатиш ишларининг жазосини ўташдан бўйин товлаганида нималар юз беради?

10. Хизмат бўйича чеклаш нимадан иборат? Жазонинг ушбу турини тайинлашнинг хусусиятлари қандай?

11. Хизмат бўйича чеклашнинг ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазодан фарқи нимада?

12. Қамокнима? Унинг озодликдан маҳрум этишдан фарқи нимада?

13. Интизомий қисмга жўнатиш шаклидаги жазо нимадан иборат? У маҳкум шахсларнинг қайси тоифасига нисбатан қўлланиши мумкин?

14. ЖК да озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазонинг қайси турлари келтирилган?

15. Озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасасини танлаш қайси омилларга боғлиқ бўлади?

16. Озодликдан маҳрум этишга маҳкум этилганларнинг қайси тоифалари турмада сақданиши мумкин?

17. Қайси ҳолатларда озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазоларга йўл қўйилмайди?

18. Қайси жиноятлар учун озодликдан маҳрум этишнинг узок муддатлари тайинланиши мумкин? Маҳкум шахсларнинг қайси тоифаларига ушбу жазо тури қўлланиши мумкин эмас?

19. Умрбод озодликдан маҳрум этиш нимадан иборат? Маҳкум шахсларнинг қайси тоифаларига ушбу жазо тури қўлланиши мумкин эмас?

20. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш нимадан иборат? Мазкур жазо тури муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишдан нима билан фарқ қилади?

III БОБ. ЖАЗО ТАЙИНЛАШ

1§. Жазо тайинлашнинг умумий асослари

Жазо тайинлаш ижтимоий муносабатларни жиноятхуқуқий муҳофаза қилиш жараёнидаги асосий бўғинлардан биридир. Жазо тайинлаш институтининг бундай аҳамияти шу билан изоҳланадики, жазонинг ўзи жиноийхуқуқий муҳофаза қилиш механизми тизимидаги асосий элемент бўлиб, давлат мажбурлов чорасини танлаш жараёни қанчалик тўғри ва самарали ташкил этилганлигига унинг таъсир этишининг самараси анча даражада боғлиқ бўлади.

Адолатли жазо тайинланиши ундан кўзланган мақсадларга — маҳкумни ахлоқан тузатиш, маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади¹. Бундан ташқари, асослантилган жазони тайинлаш қонунийлик, хавфсизлик ва фуқароларнинг конституциявий

хукукдарини судда химоя қилишнинг энг муҳим таркибий қисми бўлади, шу билан бирга инсон хуқуқлари соҳасида демократик институтларни ривожлантиришнинг ишончли кафолати бўлади.

«Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин»².

Жазо тайинлашнинг умумий асослари ЖК Умумий қисми нормаларининг предметли акс этиши бўлади. Айти пайтда улар жазо тайинлашда алоҳида мажмуалар бўлмай қолади, балки яхлит ва тизимли қодаларга — моҳияти қўлланадиган давлат мажбурлов чораларини индивидуаллаштириш бўлган асосларга айланади. Шунга айтиб ўтиш лозимки, жазони индивидуаллаштириш жазони тайинлаш жараёнида бошқа умумий меъёрларга: инсонпарварлик ва адолат тамойилларига амал қилишни истисно этмайди, балки талаб этади.

Жазони индивидуаллаштириш жазо тайинлаш институтининг мазмуни бўлиб, суд томонидан ЖК Махсус қисми моддасининг санкцияси доирасида жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахсга муайян давлат мажбурлов чорасини белгилашдир.

Шундай қилиб, жазони индивидуаллаштириш икки даражада бўлиб ўтади, яъни: содир этилган қилмиш учун жавобгарлик назарда тутилиши керак бўлган нормани белгилаш даражасида ҳамда ушбу норманинг санкциясида назарда тутилган зарур ва етарли жазо чорасини танлаш даражасида амалга ошади.

Жазони индивидуаллаштиришнинг муҳим таркибий қисми содир этилган қилмиш учун жавобгарлик назарда тутилиши керак бўлган нормани тўғри белгилаш — содир этилган қилмишни квалификация қилиш бўлади.

Квалификация муайян мантиқий жараён бўлиб, муайян шахс томонидан амалда содир этилган қилмишнинг ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган муайян жиноят таркибининг белгиларига мувофиқ келишини, айтиб бериш хиллигини аниқлаш юзасидан фаолиятдир.

Қилмишни тўғри квалификация қилиш асосланган ва адолатли жазо тайинлашнинг гаровидир. Содир этилган тажовуз учун жавобгарликни назарда тутаётган жиноят қонунининг нормасини аниқлашда хато қилиш эса содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфи тўғрисидаги нотўғри тасаввурга, демак, содир этилган қилмишга мос келмайдиган жазо чорасини тайинлашга олиб келиши мумкин. Шунинг учун нотўғри квалификация қилишга йўл қўймаслик ва бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят қонунчилигининг яхлит бир хил қўлланишини таъминлаш мақсадида судлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларни оғишмай бажариши лозим. Айтиб беришда қилмишни квалификация қилганда судлар фақат содир этилган қилмишнинг ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган белгиларига мувофиқ келиши ҳолатини тан олмай (масалан, судланувчининг ҳаракатлари суд томонидан ЖК 169-моддаси 2-қисми «а» банди бўйича), балки барча квалификация қилиш белгиларини очиқ бериб, уларни суд ҳукмида асослаб бериши лозим (масалан, қиссавурлик сифатида қилмишни квалификация қилганда суд қайси асосларга кўра шундай хулосага келганлигини кўрсатиши керак). Бунда айбдорнинг ҳаракатлари нима учун айнан шундай модда, қисм, банд билан тавсифланаётганлиги аниқ кўрсатилиши керак¹.

Содир этилган қилмишни квалификация қилганда суд қонунининг бевосита кўрсатмасига биноан ЖК Умумий қисмининг қоидаларига амал қилиши лозим. Айтиб беришда, хусусан, содир этилган қилмиш тугалланган жиноят эканлиги, у ёрдамчиликда содир этилганми, йўқми ва бу ҳолда ундаги судланувчининг роли қандай бўлган, қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлар мавжудлигини аниқлаш лозим. Бундан ташқари, баъзи ҳолатларда жиноят қонунининг амал қилиш вақти ва ҳудуд чегараларига риоя қилишни аниқлаш талаб этилади.

Содир этилган тажовузнинг тўғри квалификация қилиниши судга қонун билан у ёки бу жазо турини тайинлашда йўл қўйилмайдиган чегараларни аниқ белгилашга имкон беради. Бунда қонунга мувофиқ суд тегишли модданинг санкциясида назарда тутилмаган жазо турини

танлаши мумкин эмаслигини назарда тутиш керак. Худди шунингдек, тайинланадиган жазонинг миққори санкция билан белгиланган чегараларда бўлиши лозим. Масалан, ЖК 54моддаси 1қисмига мувофиқ, «Жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди». Айни пайтда, жазонинг энг кам чегарасидан камроқ жазо тайинланган ҳолатларда, шунингдек, бир неча жиноят содир этганлик учун ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинланганда ушбу чегаралар бузилиши мумкин. Лекин бундай бузилиш фақат ЖК Махсус қисми тегишли моддасининг санкцияси билан белгиланган чегараларга тааллуқли бўлади, ЖК Умумий қисми нормагарида назарда тутилган тури ва миққори юзасидан жазо чегараларидан чиқишга ҳеч қайси шароитларда йўл кўйилмайди.

Қонунда бевосита кўрсатилишига биноан, ЖК Махсус қисми моддасининг санкцияси доирасида жазо тайинлашда суд Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ иш тутиши керак. Энг аввало, бу фақат битта асосий жазони тайинлаш мажбурийлиги бўлиб, бир неча асосий турдаги жазоларни тайинлаш жиноят қонунининг кўгюл тарзда бузилиши бўлади. Шунингдек, жазо тури ва миққорини танлашда шахс жавобгарлик ва жазодан озод этилиши лозим бўлган асосларнинг йўқдигини аниқлаш, жазо мақсади тўғрисидаги қонун қоидаларини инобатга олиш, жазонинг ҳар хил турларини қўллаш тартибига қатъий амал қилиш лозим. Бундан ташқари, ЖК принципларига, айниқса, инсонпарварлик ва адолат принципіга амал қилиш мажбурий бўлади.

ЖК Махсус қисми тегишли моддаси санкцияси доирасида жазонинг муайян тури ва миққорини белгилай туриб, «суд содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миққорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади» (ЖК 54моддаси 2қисми). Кўрсатилган омилларнинг тўлиқ инобатга олиниши судга тайинланаётган жазони қатъий индивидуаллаштириш имкокини беради¹. Бунда, кўрсатилган омилларни инобатга олган ҳолда, юқорида таъкидланганидек, суд, уларнинг мавжудлиги ва хусусиятини тўғри белгилаш имконини берувчи ЖК Умумий қисм қоидалари билан чекланган.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз сифат белгиларининг тавсифи бўлиб, жинойят қонуни билан кўрикланадиган ижтимоий муносабатларга таъсир қилишини ифодалайди.

Жиноятнинг объекти, айбнинг шаклини таҳдил қилиш асосида, шунингдек, ЖК 15моддасига мувофиқ, у ёки бу қилмишни ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмагач, оғир ва ўта оғир жиноятлар² тоифасига киритиш имконини берувчи формал мезон асосида тажовузнинг хусусиятига баҳо бериш амалга оширилади. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти уни содир этиш босқичига, жиноят еодир этган шахсининг ёшига, шунингдек, тажовузда иштирок этиш шаюшга боғлиқ эмаслигини назарда тутиш лозим. Айни пайтда мазкур ҳолатлар қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқгюшда суд томонидан инобатга олиниши лозим.

Хуқуққа хилоф тажовузнинг ижтимоий хавфлилик даражаси

бу тажовузнинг жиноят қонуни билан қўриқланадиган *ижтимоий* муносабатларга қай даражада салбий таъсир қилишипп кўрсатувчи миқдорий тавсифидир.

Ижтимоий хавфлилик даражаси ҳар бир муайян тажовузда фарқ қилади ва содир этилган қилмиш ҳолатларига, хусусан, жиноий ниятни амалга ошириш даражаси ва босқичи, жиноят содир этиш усули, зарарнинг миқдори ёки келиб чиққан оқибатларнинг оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судлағувчининг роли ва ҳ.к.га боғлиқ бўлади¹.

Жиноий ниятни амалга ошириш босқичини инобатга олган ҳолда жиноятга тайёргарлик кўриш, суиқасд ва тамом бўлган жиноят учун бир хил жазо тайинлаш мумкин эмаслигини назарда тутиш керак. Ёки, масалан, жиноий гуруҳда судланувчининг ролини инобатга олишда, жиноят ташкилотчилари ва бажарувчилари жиноят далолатчилари ва ёрдамчиларига нисбатан оғирроқжазоланишларини назарда тутиш керак.

Тажовузнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашда, уни аниқлаш имконини берувчи ҳолатлар қонунда тўлиқ берилмаганлигини, шунингдек, қонунда узилкесил жазога уларнинг таъсири хусусияти ҳам кўрсатилмаганлигини назарда тутиш керак. Ушбу масалалар суд томонидан жазо тайинлашда ҳал қилиниши лозим.

Жиноятнинг мотивлари, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашда таҳлил қилиниши лозим бўлган муҳим таркибий белгилар ҳисобланади. Айни пайтда, жазо тайинлашда улар алоҳида аҳамиятга эга ва алоҳида инобатга олиниши зарур. Жиноят содир этиш мотиви, шунингдек, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорининг жазо тайинлашдаги мустақил аҳамияти, уларни инобатга олиш жазонинг адолатлилиги ва жиноятнинг оғирлигига мувофиқ келишини таъминлаши билан белгиланади.

Жиноят мотиви — бу шахс жиноят содир этишининг муайян эҳтиёж ва манфаатлар билан шартланган анланган ёки анланмаган етакчи ички эҳтиёждир.

Жиноятнинг мотиви турли хил бўлиши мумкин: рашк, безорилик, ғараз ва ҳ.к. Жиноят содир этишнинг муайян мотивлари судланувчининг онгида ижтимоий қадриятлар аҳамиятини белгилайди ва бу ҳол жазо тайинлашда унинг аҳамиятини қўллаш ёки унинг қадриятлар тизимини тузатиш имконини беради.

Жазо тайинлаш жараёнида фақат жиноят мотиви эмас, балки жиноят содир этиш сабаблари ҳам инобатга олиниши зарурлигини назарда тутиш керак.

Етказилган зарарнинг хусусияти — бу етказилган зарарнинг жисмоний, мулкӣ ёки маънавий бўлиши мумкин бўлган хоссасини намоён қилувчи тавсифидир.

Ўтказилган зарарнинг миқдори — бу унинг миқдорий тавсифи бўлиб, зарарнинг даражасини, яъни ўтказилган зарарнинг муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатга нисбатини акс эттиради.

Жазони муайян шахс учун индивидуаллаштириш жазони тайинлаш чоғида айбдор шахсини тавсифлаб берувчи маълумотларнинг барчасини мустақил равишда ўрганиб чиқилиши демакдир. Қонуннинг ушбу масалага бундай муносабати шуни кўрсатадики, жазонинг самараси судланувчига тайинланган жазони унинг қай тарзда қабул қилишига боғлиқ бўлади.

Айбдорнинг шахси жиноят содир этган шахснинг рухий ва биологик хусусиятларини, шунингдек, унинг ижтимоий моҳиятини камраб оладиган тушунча ҳисобланади.

Қонун тайинладиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ

қилиб қўйганлиги туфайли судларжиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт.

Объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга — судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги ҳуқуқатвори, машғулот, давлатёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к.лар киради¹.

Жазо тайинлашда айбдорнинг шахсини эътиборга олиш қуйидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида олиб борилади:

— **жисмоний** — судланувчининг ёши ва жинси, унинг меҳнатга лаёқатлилиги, ногиронлиги, соғлиғи (аёлларнинг ҳомиладорлиги);

— **ижтимоий демографик** судланувчининг мансаби, касби, меҳнатга муносабати, маълумоти, давлат мукофотларига эга эканлиги, кундалик турмуш тарзи, оила аъзоларига, қариндошларига бўлган муносабати, жамоат тартибига риоя қилиши, маънавий ахлоқи, қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз шахслар борлиги ва бошқалар. Бундан ташқари, судланувчининг яшаган ижтимоий муҳити, унинг моддий аҳволи, ғайриижтимоий ҳуқуқатвори шаклланишига сабаб бўлган шароитларни аниқлаш лозим;

— **жиноий ҳуқуқий** — илгари содир қилган жинояти учун судланганлиги оқибатида ўта хавфли рецидивист деб тан олинганлиги. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, айбдорнинг судланганлигини бекор қилиш, яъни айбланувчи илгари жавобгарликка тортилган қилмиш учун жазоланишнинг бекор қилинишига суд жазо тайинлаш пайтида эътибор қилмаслиги лозим бўлади. Айни пайтда, айбдорнинг илгари судланганлиги жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қаралмаслиги керак;

— **криминологик** — шахснинг жамиятга қарши ҳаракатларга мойиллиги, илгари озоликдан маҳрум қилинганлиги, илгари жиноят содир этганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги ёки жавобгарликдан озод этилганлиги, бунда шуни эсда тутиш лозимки, ушбу ҳолатлар айбдорнинг шахсини таҳлил этиш пайтида эътиборга олиниши мумкин, лекин улар содир этган ҳаракатнинг жиноий эканлигини йўққа чиқарувчи ҳолатлар сифатида қаралмаслиги шарт.

Жиноий ҳуқуқий ва криминологик маълумотларни инобапл олишда, шахс илгари содир этган жинояти учун судланганликнинг олиб ташланганлиги ёки тугатилганлиги ёхуд шахс муқаддам содир этган жиноий хаттиҳаракат учун қонунда жавобгарлик бекор қилинган

бўлса, суд томонидан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эмас, балки айбдорнинг шахсини таҳлил қилишда инобатга ОЛИНИ ши мумкинлигини эътиборга олиш лозим. Шуни назарда тутиш лозимки, судланувчи томонидан ўзининг суриштирув ва дастлабки терговда берган кўрсатмаларини ўзгартирган тақдирда суд унинг бу ва бошқа кўрсатувларини батафсил текшириши ва уларга иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан биргаликда баҳо бериши лозим. Судланувчининг кўрсатма беришдан бош тортиши унга нисбатан жазо турини ва миқдорини белгилашда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинishi мумкин эмас. Айни пайтда, судланувчи ҳаққоний кўрсатмалар бериш билан адолат қарор топишига кўмаклашса, бу суд томонидан енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ёки айбдорнинг кўмаги даражасига қараб, унинг шахсини ижобий тавсифловчи ҳолат сифатида эътиборга олинishi лозим бўлади. Айбдорнинг шахсини таҳлил қилганда суд жазо қўллаш жараёнида уларнинг мажмуини ўрганиб чиқиши шарт. Шу вақтнинг ичида нафақат айбдор ҳақида маълумотни, балки жабрланувчи ҳақида маълумотни ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки улар ўзаро муносабатларининг таҳлили ва объектив баҳоси адолатлик ҳукм чиқаришга ёрдам беради. Таъкидлаб ўтиш лозимки, суд томонидан жазо тайинлаш вақтида инобатга олинган шахснинг барча белгилари ҳукмда акс эттирилиши керак, бунда, жазо тайинлаш вақтида айбдорнинг шахси инобатга олинган деб кўрсатишнинг ўзи етарли бўлмайди. Хусусан, «судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, шунингдек, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54 моддасига биноан жазо тайинлашда суд томондан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиши лозим». Жазо тайинлашда, содир этилган тажовузнинг оғирлигидан қатъи назар, ҳар бир алоҳида ҳолатда суд, жазоини енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиши лозим. Ушбу ҳолатларнинг жазонинг қаттиқлигига таъсир қилиш даражаси суд томонидан белгиланади, аммо у яққол номувофиқ бўлмаслиги керак. Айни пайтда, жазо тайинлаш вақтида, нима учун у ёки бу енгиллаштирувчи ёхуд оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олмаганлигини суд асослаши талаб қилинмайди. Агар суд, ушбу ҳолатларни инобатга олиб жазо тайинласа, бу ҳол ҳукмда ўз ифодасини топиши лозим. Жазони индивидуаллаштириш жараёнида, суд Жиноят кодекси принципларидан, хусусан, инсонпарварлик тамойиллари талабларидан келиб чиққан ҳолда иш тутиши лозим. Бу тамойилга мувофиқ, қаттиқжазо чораларининг самараси нисбатан бирмунча енгил чоралар билан амалга ошмайдиган ҳолатда қўлланиш мумкин бўлади. Шу сабабли, иштирокчиликда содир этилган жиноятда, оғир ва ўта оғир жиноятни содир этишда қонунда жиноятни енгиллаштирувчи ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва шахс тўғрисидаги маълумотларни инобатга олган ҳолда суд шахсга нисбатан қаттиқроқ жазо тайинлашни назарда тутиши лозим. Шу билан бирга, иш бўйича аниқ ҳолатлар, шахс тўғрисидаги маълумотларни инобатга олган ҳолда, биринчи марта ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ски унча оғир бўлмаган жиноят содир этган ва жамиятдан ажратиш талаб қилинмайдиган шахсга енгилроқ жазо тайинлаш ҳақидаги масалани муҳокама қилиш керак. Шахс жавобгар деб топилган ЖК Махсус қисми моддаси санкциясида озодликдан маҳрум қилиш билан бир қаторда енгилроқ жазо тури (альтернатив санкция) назарда тутилган ҳолларда, ҳукм чиқариш чоғида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиш керак. Бундай ҳолларда озодликдан маҳрум қилиш жазоси суд ҳукмида асослантирилиши шарт.

2§. Жазони снгиллаш гирувчи ҳолатлар

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ЖК 55моддаси 1 қисмида санаб ўтилган, Буларнинг мавжудлиги қилмиш ижтимоий хавфлилик даражасининг кам эканлигидан далолат беради ва судга енгилроқ жазо тайинлашга асос бўлади. яъни ЖК Махсус қисмининг санкциялари доирасида енгилроқ жазо тури танлаш (альтернатив санкция) ёки унинг миқдорини камайтириш (энг камигача)га асос бўлади. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги ЖК 57моддаси ёки шартли ҳукм қилиш (ЖК 72моддаси) тартибида снгилроқ жазо тайинлашга асос бўла олади.

Аниқ давлат мажбурлови меъёрини танлаш енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан аниқ ҳар бир ҳолат бўйича ишнинг барча материаллари асосида белгиланади. Шунинг билан бирга ҳукмнинг тавсифий қисмида, суд ни.ма учун аниқ бир

турдаги хусусият ва миқдори мавжуд жазони белгилагани сабабларини кўрсатиб ўтиши керак.

Айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш (**ЖК 55моддаси 1 қисми «а» банди**) жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида таърифланади, жиноят тамом бўлгандан сўнг айбдор шахснинг фаол ва мақсадга мувофиқ ҳаракати билан ажралиб туради. Бундан ташқари, мазкур ҳолатларнинг мавжудлиги айбдор шахс жамиятга қарши ҳаракатининг ўзгарувчан эканлигини ҳамда жазо қаттиқлигининг пасайишига асос бўлиши мумкинлигидан далолат беради.

Айбини бўйнига олиб арз қилиш — бу ўзини одил судловга топшириш ва тегишли жазога тортилиш мақсадида шахснинг содир қилган жинояти ҳақида ўз ихтиёри билан хабар беришидир.

Ҳаракатни айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш деб эътироф этиш учун тергов ва суд органлари қуйидаги белгиларни аниқлашлари керак.

Айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш жиноят тугаллангандан сўнг амалга оширилган бўлиши лозим. Айбдорнинг ҳаракатларида жиноий жазога лойиқ белгилар мавжуд бўлганидагина айбига иқдор бўлиб келиш мумкин бўлади. Шунинг учун, жиноят режалаштирилаётганлиги, уни амалга ошириш мақсади мавжудлиги тўғрисидаги хабар айбига иқдор бўлиб келиш деб қаралиши мумкин эмас — бундай ҳоллар учун жиноий жазо берилмай, жиноятни амалга оширишдан ихтиёрий қайтиш деб қаралиши лозим. Шунингдек, ана шу каби огоҳдантириш ўз вақтида амалга оширилиб, тегишли идоралар зарарли оқибатларнинг келиб чиқишининг олдини олиш учун реал имкониятга эга бўлган шароитда тайёргарлик ҳаракатлари тўғрисидаги огоҳдантиришни ҳам жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб қаралиши керак. Бироқ айбига иқдор бўлиб келган шахс учун бундай имконият бўлмаган ҳолларда, жиноят тўғрисида хабар бериш ўз хоҳишига кўра жиноятдан воз кечиш эмас, балки ўз айбига иқдор бўлиб келиш деб баҳоланиши керак.

Айбига иқдор бўлиб келиш шахсан амалга оширилиши ёки жиноятга оид маълумот исталган шаклда (ёзма, оғзаки равишда ёки ҳаракат орқали) етказилиши мумкин. Бунда хабар (маълумот)ни етказиш усули ва узатилиш шакли аҳамиятга эга бўлмай, телефон, телеграмма, хат,

телефакс, Интернет каби имкониятлардан фойдаланиш мумкин. Ушбу ҳолда хабар бевосита унда йўлланган фактларни текшириш ва жиноий иш қўзғатиш ваколатига эга бўлган идо раларга йўлланган бўлиши зарур. Амалдаги Жиноятпроцессуал КО дексига мувофик, суриштирув ва дастлабки тергов идоралари, иро курор ва суд ана шундай идора деб эътироф этилади (ЖПК 28, 33, 35, 38моддалари).

Жиноят тўғрисидаги арз шахсан амалга оширилган бўлиб, айбига иқрор бўлиб келган шахснинг кимлигини қийинчиликсиз аниқлаш имконини берадиган маълумотларга эга бўлсагина айбига иқрор бўлиб келиш деб эътироф этилади. Шу сабабли, номи кўрсатилмаган (аноним) аризалар айбига иқрор бўлиб келиш деб эътироф этилиши мумкин эмас¹.

Айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш ихтиёрий бўлиши лозим.

Айбига иқрор бўлиб келишнинг ихтиёрийлиги қуйидаги ҳолларда аён бўлади:

—жиноятга оид хабар бериш ҳали тегишли идораларга содир этилган жиноят ҳақида маълум бўлиб улгурмасидан аввал амалга оширилганда (ЖПК 113моддаси 1қисми);

—хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ноқонуний тажовуз тўғрисида маълум бўлиб, бироқ уни содир этишда гумон қилинган ёки айбланган шахс (жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган ҳолларда — иштирокчилардан бири) ҳали аниқланмаган ҳолларда²;

—ушбу идораларга жиноят маълум бўлган бўлса, уни содир этишда гумон қилинганлар ёки айбдорлар ҳам аниқданган, бироқ айбига иқрор бўлиб келган шахс бундан беҳабар бўлса;

—жиноий жавобгарликка тортилган шахс тергов органларига маълум бўлмаган бошқа содир этган жинояти ҳақида хабар берган бўлса³;

—айбига иқрор бўлиб келишдан мақсад айбдор шахснинг тегишли идораларга содир этилган ҳодиса ҳақида ҳаққоний хабар бериш йўли билан ўзини одил суд қўлига топшириш ва лойиқ жазога тортилишдан иборатдир. Шу туфайли, янада оғирроқ жиноят учун жавобгарликдан қутулиш, шунингдек, жиноятнинг бошқа иштирокчиларини «яшириб» жиноят учун барча жавобгарликни ўз зиммасига олиш мақсадида шахснинг жиноят тўғрисида хабар етказиши айбга иқрор бўлиб келиш деб эътироф этилмайди. Шу билан биргил. шахс бир неча жиноятни содир этиб, бироқ улардан баъзилари хусусидагина бошқалари учун жавобгарликдан қутулиш мақсадида айбини бўйнига олиб келганида, иқрор бўлиш шахснинг аризасида қайд этилган жиноятларга нисбатан жазони енгиллатувчи жиҳат деб эътироф этилиб, бошқа ҳаракатларига жазо тайинлашда бу ҳисобга олинмайди (масалан, шахс ўғрилиқ ва қотилликни содир этди ва оғир жазодан қутулиш мақсадида фақат ўғрилиқ қилганига иқрор бўлиб келди. Бу каби ҳолатда айбига иқрор бўлиб келиш ўғрилиқ учун жавобгарлик бслгилашда жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб тан олинади, бироқ қасддан одам ўлдириш учун жазо тайинлашда суд томонидан эътиборга олинмайди)¹.

Шунингдек, айбига иқрор бўлиб келишнинг жазони енгиллаштиришга оид аҳамияти жиноят содир этилганидан иқрор бўлиб келгунга қадар ўтган вақтга жиноят иши қўзғатилиши, шахсни гумон қилинувчи ёки айбдор деб эътироф этилиши ҳақидаги қарор, шахсни қидириш каби омилларга боғлиқ эмас. Айбига иқрор бўлиб келиш барча ушбу ҳолларда тенг аҳамиятга эга (юқорида номи келтирилган барча шартларга риоя қилинган ҳолда), чунки у ана шу шахснинг ўзи содир этган ҳаракатга ички муносабатини англатади, унинг содир қилган ишидан афсусланганидан далолат бериб туради. Жазо мақсадига эришиш учун бундай ҳолатда енгилроқчора қўлланилиши ҳам мумкин.

Чин кўнгилдан пушаймон бўлиш — бу шахс томонидан содир этилган жиноятда ўз айбини тўлиқ ва очиқчаноқ тан олиниши, содир этган жинояти ва етказилган зарардан сидкидилдан афсусланиши, ўз хулқини қоралаш ҳамда жазони содир этилган қилмишнинг ўринли ва адолатли оқибати сифатида қабул қилишдан иборатдир.

Чин кўнгилдан гтушаймон бўлиш исталган вақтда юзага келиб, жиноий иш юритишнинг исталган босқичида, бироқ ҳукм чиқарилгунга қадар амалга оширилиши мумкин. Хусусан, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш айбига иқрор бўлиб келганда, суриштирув ишлари давомида, дастлабки тергов вақтидаги тергов ишлари ўтказишда, судланувчи сўнгги сўзини айтаётганида амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга, тергов ва суд **идоралари шахс** тўпланган далилисботлар қаршисида иложсиз айбини тан олмай, балки ҳақиқатан ҳам содир этган ишидан чин юракдан пушаймон бўлаётганлигини аниқдаши шарт.

Жиноятни очишга фаол ёрдам бериш айбдор шахс томонидан тергов идоралари ва судга кўнгилли ва ихтиёрий равишда содир этилган жиноятга оид унга маълум ахборотни хабар бе ришдан иборат.

Айбини бўйнига олиб келишдан фарқли равишда, мазкур жихат дастлабки тергов босқичида тергов ҳаракатлари вақтида ва суд тергови пайтида жиноятни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахс аниқданганида рўй беради.

Жиноят фош этилишига фаол ёрдам бериш фақат тергов ва суд идораларига маълум бўлмаган маълумотни етказишдан иборат бўлмай, балки мавжуд маълумотларга аниқлик киритиш, тергов ҳаракатларини ўтказишга кўмаклашиш, далилисбот йиғишга имкон қадар ёрдам беришдан иборат. Хусусан, фаол кўмаклашиш жиноятни содир этиш вақти, жойи ва усулини аниқлаштириш, жиноят қуролларининг яширилган жойини кўрсатиш, жиноятчининг шериклари тўғрисида маълумот бериш, молмулкни қидириб топиш кабиларда ифодаланиши мумкин.

Айтиб ўтиш жоизки, ЖК 55моддаси 1қисми «а» бандида қонунда кўрсатилган ҳолатларнинг бир хиллигига қарамасдан, улар яхлит бир нарсдан иборат бўлмай, балки ўзаро боғлиқ мажмуини ташкил этиши таъкидланган. Юқорида келтириб ўтилган ҳар бир шароит — айбини бўйнига олиб келиш, чин юракдан пушаймон бўлиш, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш мустақил равишда аниқпаниши керак ва бу мазкур бандда кўрсатилган бошқа шартлар мавжудлигига боғлиқ эмас. Шу билан бирга, Жиноят кодексининг 66моддасига мувофиқ, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар жиноят содир қилингандан кейин жиноят туфайли етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиб, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши масаласи судлар томонидан ҳал этилиши лозим.

Етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш (ЖК 55моддаси 1қисми «б» банди) ҳар қандай турдаги жисмоний, мулкый, маънавий¹ зарарга нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин. Етказилган зарар ўрнини қоплаш шахс ҳаракатларини жазони енгиллаштирадиган

шарт деб топилиши учун аҳамияти бўлмаса ҳам, бироқ ушбу ҳаракатлар амалга оширилган усулга таъсир кўрсата олади.

Зарарни қоплаш — бу айбдорнинг жиноий ҳаракатидан келиб чиққан зарарли оқибатларни камайтиришга қаратилган, ноқонуний тажовуз тўғрисидаги етказилган зарар ўрнини қоплаш ёки уни бартараф этишга қаратилган онгли ҳаракатларидир.

Зарар ўрнини қоплаш деб, зарар етказилган моддий неъматнинг қиймати такланшпига айтилади. **Етказилган зарар бартараф этилганда** эса, моддий неъмат, объектнинг ўзи ёки жиноят предмети тикланади.

Зарарни тиклашнинг муайян усули ва шакли ҳам зарарнинг турига, ҳам унинг оғирлик даражасига кўра фарқланади. Хусусан, жисмоний зарар етказилган ҳолларда, у жабрланувчини даволашга кўмаклашиш ёки тегишли даволаш ҳақини тўлаш, тана аъзоси ва тўқималарини тақдим этиш, зарур тиббий доридармон харид қилиш каби қопланиши мумкин.

Етказилган мулкнинг зарарни бартараф қилиш унинг асл ҳолатини тиклаш (шикаст етказилган мулкни таъмирлаш) — зарарни бартараф қилишдан ҳам, шунингдек, шикастланган мулкни алмаштириш ёки уларнинг пул ёхуд бошқача шаклда ўрнини тўлдириш (масалан, мулкига тенг қийматдаги мулкни топшириш) — зарарни қоплашдан ҳам иборат бўлиши мумкин. Жиноят объекти бўлган мулк қийматини аниқлашда, унинг эгаси томонидан харид қилиниши ҳолатларидан, жиноят содир этилган вақтдаги давлат улгуржи нархидан, бозор ёки комиссия нархлардан келиб чиқиш лозим. Мулк қийматини аниқлаш имконияти бўлмаганда, у тегишли мутахассислар жалб қилиниб, эксперт хулосасига кўра белгиланади.

Маънавий зарарни енгиллаштириш, шунингдек, ўрнини қоплаш (масалан, хизмат мавқеига етказилган зарар ўрнини пул билан қоплаш) ёки уни бартараф қилиш шаклида (масалан, узр сўраш) бўлиши мумкин.

Қонун мазмунмоҳиятидан келиб чиқиб айтганда, фақат етказилган, яъни жиноят содир этилиши оқибатида етказилган муайян зарар бартараф қилиниши зарур, чунончи зарар ўрнини қоплаш юзага келиб улгурган оқибатларни бартараф этишга қаратилган. Агар шахс юзага келиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олган ҳолларда унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 26-моддасига мувофиқ, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб таърифланиши керак.

Бунда ўрни қопланган зарар ҳажми ва тўлиқдиги айбни енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этилиши шартли эмас. Судлар етказилган зарарнинг тикланишига кетган сарфхаражат унинг миқдорига тўлиқ мос келишига эътибор қаратиши лозим. Тикланиш даражаси қанча кам бўлса, етказилган зарар ўрнини қоплаш ҳам шу қадар тўлиқ бўлмайди ва ихтиёрий равишда зарарни камайтиришнинг жазони енгиллаштиришга таъсири ҳам шунча кам бўлади. Бунда айбдорнинг шахси тўғрисидаги маълумотлар, унинг моддий аҳволи ҳам ҳисобга олиниши шарт.

Қонуннинг бевосита кўрсатмасига мувофиқ, етказилган зарарнинг қопланиши фақат у ихтиёрий равишда, яъни шахснинг онгли ички истаги ва ташаббуси билан, ташқаридан биронбир таъсир кўрсатмай амалга оширилган тақдирдагина жазони енгиллаштирувчи жиҳат деб эътироф этилади. Тергов ва суд идораларининг мажбурий чоралар ёрдамида етказилган зарарни қоплатиши жазони енгиллаштирувчи жиҳат сифатида

этироф этилмайди (масалан, ўғирланган молмулкни қўлга тушириш вақтида мусодара қилиш). Фақат муайян шароитга риоя қилган ҳолда етказилган зарарни қоплатиш ҳам жавобгарликни енгиллаштирадиган жиҳат сифатида тан олинishi мумкин эмас (ишни тўхтатиш, жабрланувчи томонидан ўз аризасини қайтиб олиши, гувоҳ ўз кўрсатмаларини ўзгартириши ва ҳоказо).

Етказилган зарар ўрнини қоплаш, одатда, ана шу зарарни етказган шахс томонидан амалга оширилиши керак. Бироқ объектив сабаблар туфайли мазкур шахс мустақил ва бевосита тарзда етказилган зарарни тиклаш имконига эга бўлмаса, зарар бошқа шахслар томонидан ҳам қопланиши мумкин. Фақат ушбу шахслар айбдорнинг илтимосига биноан ҳаракат қилишаётганини ва унинг ўзи зарар ўрнини қоплаш тўғрисида қарорга келганлигини аниқлаш керак бўлади. Шунингдек, бундай ҳолларда етказилган зарарни қоплаш уни етказган шахс маблағлари ҳисобига, фақат фавқулодда шароитда, унинг яқинлари (отаонаси, яқин қариндошлари) мулки ҳисобига амалга оширилади.

Етказилган зарар ўрнини қоплаш ҳукм чиқарилгунига қадар исталган вақтда амалга оширилиши мумкин. Хусусан, етказилган зарар ўрнини тиклаш бевосита жиноят содир этилганидан сўнг, шу билан бирга бир оз вақт ўтгач, жумладан, суриштирув ишлари, дастлабки тергов ва суд жараёнида амалга оширилаверади. Бу маънода қонунда биронбир истисно назарда тутилмаган.

Зарар ўрнини қоплаш қилмишнинг квалификациясига таъсир кўрсатмайди. Шундай қилиб, етказилган зарар ўрни қай даражада қопланганидан қатъи назар, зарар миқдори умумий, дастлабки ҳажмдан келиб чиққан ҳолда қопланади. Масалан, айбдор жуда кўп миқдорда ўзлаштириш содир этган бўлиб, зарар ўрнини қоплаш оқибатида етказилган зарар ҳажми жиддий камайганлиги ҳам уни баҳолашга таъсир кўрсатмайди — у ҳуқуқий жиҳатдан жуда кўп миқдорда ўзлаштириш сифатида баҳоланиши лозим.

Юзага келган оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳводда жиноят содир этиш (ЖК 55-моддаси «б» банди).

Қонун мазкур рўйхатни очиқ қолдириб, бу билан инсон фаолиятининг турлитуман жиҳатларини акс эттирган ва шу туфайли уларни қонунда санаб ўтишнинг иложи бўлмаган бошқа барча шартлар жиноятни енгиллаштирувчи шароит деб этироф этилиши кераклигини назарда тутади. Шу вақтнинг ўзида жиноят содир этишни у ёки бу шароит таъсирида жазони юмшатадиган шароитлар сирасига киритадиган бош мезон — мазкур шароитнинг ноқонуний тажовузга қўл урган шахс учун оғир бўлганлигидир. Жиноят содир этилишига сабаб бўлган шароит оғир бўлгандагина, улар жазо чорасининг енгиллаштирилишига олиб келиши мумкин.

Шароитлар уларнинг объектив мавжудлиги муайян шахснинг онгли ва иродавий фаолиятига путур етказган, жиноят содир этишдан тийиб турадиган омиллар таъсирини пасайтирган, ушбу шароитни бартараф этиш мақсадида жиноят содир этишга ундаган ёки айбдорнинг аҳолини енгиллаштирган ҳолларда оғир деб тан олинishi лозим. Бунда шунини ёдда тутиш керакки, у ёки бу шароитнинг оғирлиги мутлақ бўлмай, балки муайян шахсга боғлиқ, шу туфайли шароитларнинг оғирлиги ҳар бир ҳолда алоҳида белгиланиши шарт.

Хусусан, қуйидагилар оғир шароит сифатида этироф этилиши мумкин:

— шахсий турмушнинг изга тушмаганлиги (масалан, қарамақарши жинсга мансуб шахслар билан муносабатининг ёмонлиги);

- яшаш учун етарли маблағга эга бўлмаслик;
- айбдор яқинларидан бирининг оғир хасталиги;
 - жабрланувчи билан ўзаро ихтилоф ёки айбдорнинг ғамташвиш, омадсизлик туфайли келиб чиққан руҳий изтироблари;
 - турмуш шароитининг оғирлиги ва ҳ.к.

Юзага келган оғир шароитни жазони енгиллаштиришга хизмат қиладиган шароит деб эътироф этилиши учун улар қуйидаги муайян белгиларга эга бўлиши шарт:

—мазкур шароит реал, объектив равишда, жипоят содмр пас і ган шахснинг иродасига боғлиқ бўлмаган тарзда мавжуд бўш.....і шарт. Бунда оғир шароит, одатда, тўсатдан эмас, балки даиомли ривожланиш оқибатида юзага келиб, натижада айбдор шахсда туш кунлик туйғусини юзага келтиради;

—содир этилаётган ҳуқуққа хилоф тажовуз оғир шароит билан муайян сабаблар орқали боғланган бўлиб, ана шу шароит жиноят содир этилганлигининг асосий, етакчи сабаби бўлиши шарт. Мавжуд оғир шароит (етишмовчилик) содир этилган ҳаракатнинг асосий сабаби бўлиб келмас экан, у жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қаралиши мумкин эмас. Масалан, мавжуд шахсий оғир шароит юзага келиши оқибатида жуда кўп миқдорда ўғрилиққа қўл уриш, турмуш шароитининг оғирлиги сабаб безорилик қилиш жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланмаслиги лозим ва ҳ.к.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, айбдор ўзининг ноқонуний ҳаракатлари ёки ёмон ҳулқи сабабли келиб чиққан оғир шароитлар таъсирида жиноятга қўл урганда ҳам бу ҳол жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида хизмат қилиши мумкин эмас. Масалан, спиртли ичимликлар, наркотик моддалар ёки руҳиятга таъсир кўрсатувчи моддаларни ортикча истеъмол қилиш, шунингдек, қимор ўйинлари ўйнаганлиги туфайли оғир моддий ёки бошқа оғир шароитга тушиб қолиш ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланмайди.

Жиноят кодексининг 55моддаси 1қисми «г» бандига мувофиқ, мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлиги сабабли жиноят содир этиш жазони енгиллаштирадиган алоҳида шарти сифатида киритилишининг сабаби шуки, бу ушбу жиноятни содир этган шахснинг носоғлом иродаси маҳсулидир. Жиноят шу каби вазиятда танлаш имкони қолмаганлиги сабабли мажбуран қўл урилган, сўнгги ташланган қадамдир. Шундай қилиб, ноқонуний тажовуз бундай ҳолларда жиноят субъектининг жамиятга қарши фикрлашини ифодаламайди ва бу ўз навбатида унинг жамият учун хавфи у қадар катта эмаслигидан далолат бериб, жазони мувофиқ равишда енгиллатишни талаб этади.

Мажбурлаш кўриб чиқиладиган модда мазмунида жисмоний ёки руҳий бўлиши мумкин.

Жисмоний мажбурлаш бошқа шахсга зўрлик ишлатиш йўсинидаги жисмоний чораларни қўллаш орқали, яъни шахсни бўйсундириш ёки хаттиҳаракат эркинлигини чеклаш мақсадида унинг иродасига зид равишда содир этиладиган татзсир кўрсатишда ифодаланadi.

Жисмоний мажбурлашдаги зўрлик ишлатиш хусусиятидаги чоралар турли даражадаги тан жароҳати етказишда, турли хил кучли таъсир қилувчи ва гиёҳвандлик воситаларини қўллашда, озодлигини чеклаш ва ҳ.к.да ифодаланиши мумкин — мазкур чорачарнинг муайян хусусияти жинойий қилмишни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

Рухий мажбурлаш бошқа шахсларга, мажбур қилинаётган шахс ёхуд унинг яқинлари ҳаётига, соғлиғига, мулкига ёки уларнинг бошқа ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказиш таҳдида, шунингдек, унинг онгига бевосита таъсир қилишда (турли психотроп воситаларни қўллаш, гипноз ва ҳ.к.) намоён бўладиган рухий зўрлик чораларини қўллаб, таъсир кўрсатишда ифодаланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, жисмоний ва рухий мажбурлашнинг зарур белгиси, бу шу жиноятнинг мажбурланаётган шахс иродасига қарши қилинишидир. Бундай бўлмаса мажбурлаш бўлмайди (масалан, дўкон қоровули жиноят иштирокчиси бўла туриб, унга жиноятга дахлдорлиги ҳақида гумон тушмаслиги учун ўзини бойлашни сўрайди). Ушбу ҳолатда мажбурлов сифатида шахснинг иродасига қарши фақат ноқонуний чоралар қўлланилишини тан олиш шарт, Мумкин бўлган ва қатор вазиятларда қонун билан талаб қилинадиган чораларни қўллаш мажбурлов сифатида қаралиши мумкин эмас (масалан, қамоққа олиш, ноқонуний ҳаракатлар устидан шикоят қилиш билан қўрқитиш ва бошқалар). Бундай вазиятларда сохта мажбурланаётган шахс томонидан учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказган қилмиши зарур шартлар мавжудлигида, қасддан ёки эҳтиётсизлик билан содир этилган жиноят деб квалификация қилиниши шарт.

Шахснинг иродасини синдириш, бўйсундириш, унинг ҳаракат эркинлигини чеклаш учун қўлланган жисмоний ёки рухий мажбурловнинг муайян усуллари жазо белгилашда аҳамиятга эга бўлмайди. Хусусан, мажбурлов шахсан ёки учинчи шахслар орқали (масалан, атайин ёлланган одамлар орқали тан жароҳати етказиш) амалга оширилиши, рухий мажбурловда унинг ташқд!¹ ифодаланиши турли шакл олиши (оғзаки, ёзма, имоишора ёрдамида) ва ҳ.к.

Моддий қарамлик деганда, жабрланувчининг айбдордан қонун билан белгиланган моддий ёрдам (пул, озиковқатлар, кийимкечаклар ва ҳ.к.) олиб келганлигини ёки унинг бевосита қарамоғида бўлганлиги ҳолатлари тушунилиши лозим¹. Бу, одатда, ишсиз одамнинг ишли одамга, болаларнинг отаонасига, ишламайдиган отаонанинг моддий даромади бор болаларига қарамлигидир. Шу билан бирга моддий қарамликни айбдорнинг ноқонуний ёки ахлоқсиз фаолияти (масалан, спиртли ичимликларни, наркотик ёки психотроп моддаларни ортиқча истеъмол қилиш) билан боғлиқ бўлган ҳолларда жазони энгиллаштирувчи ҳолат деб тан олиниши мумкин эмас.

Хизмат жиҳатидан айбдорга қарамлик шахснинг хизматга кўра бўйсунуши билан боғлиқ бўлади, шунингдек, бевосита келиб чиқмайдиган, лекин унинг меҳнати ёки ўқуви устидан назорат қилиш вазифалари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Хусусан, хизмат бўйича қарамлик хизматчи ва бошлиқ, текширувчи ва текширилаётган шахс ўртасида мавжуд. Шу билан бирга жиноятга қўл ураётган шахс билан хизмат муносабатларида бўлмаган бошлиқнинг рафиқаси, яқин дўстлар ўртасидаги муносабатлар хизмат фаолиятига таъсир кўрсата олмайди (масалан, қўл остидагилар ёки хизматдошлар).

Бошқа турдаги қарамлик деганда, шахс ходисалар ривожини натижасида ўзини бошқа бировга қарздор деб ҳисоблайдиган моддий томондан ёки хизмат тақозоси бўйича боғлиқ вазиятлардан фарқди ҳар қандай вазиятга айтилади. Бу каби қарамлик қариндошлик, оғайничилик

ва ишқий муносабатлар ҳамда диний ёки бошқа туйғулар асосида пайдо бўлади.

Қонунда бир шахснинг иккинчи шахсга тобелиги деб эътироф этилиши мумкин бўлган асосларнинг тўлиқ рўйхати келтирилмаган. Ушбу ҳолатда масалани узилкесил ҳал қилиш судлар зиммасига юклатилган. Бунда жиноят қайси асосларга кўра қарамлик туфайли содир этилганлиги ҳукмда кўрсатиб ўтилиши керак.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, қарамликнинг жазони енгиллаштирувчи ҳолатдеб тан олинishi учун суд жиноят содир этишда айбдор бўлган тобе (масалан, тирикчилик учун маблағ бермаслик, лавозимини пасайтириш, дўстона алоқаларини узиш ва х.к.) шахс томонидан салбий оқибатлар етказиши ҳақида очиқ ёки яширин таҳдид билан боғлиқдигини аниқлаши керак. Акс ҳолда, бундай таҳдид мавжуд бўлмаган ёки у айбдор томондан ўйлаб топилган бўлса, тобелик жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этилмаслиги шарт.

Қарамликнинг бирор турига оид мажбурувни жазони енгиллаштирадиган ҳолат деб эътироф этиш учун, судлар уларнинг айбдор шахс хулқига таъсири даражаси ва имкониятига алоҳида эътибор қаратиб, бунда мавжуд бўлмаган мажбурув ёки боғлиқликни (тобеликни) ўзига хос хусусиятлари билан биргаликда қараб чиқиб, ҳар бир ҳолат аниқ белгиланиши керак. Масалан, жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида пул мукофотидан маҳрум бўлишдан кўриб жуда кўп миқдорда ўғрилиқ қилиш, енгил жароҳатлар олишдан кўриб ўлдириш ҳолатлари ҳисобланиши мумкин эмас. Айни пайтда шуни назарда тутиш керакки, айбдорнинг иродасига қарамлиги ёки мажбурувнинг таъсир даражаси шахснинг индивидуал хусусиятлари томонидан аниқланади ва шунинг учун судлар томонидан ҳар бир ҳолатда таъкидланиши шарт.

Шахснинг қилмишларига ЖК 55моддаси 1қисми «г» банди бўйича баҳо беришда суд мажбурувга жиддий эътибор бериши шарт. Шу билан бирга, шуни ҳам ёдда тутиш керакки, мажбурув шахс ҳаракатлари йўналишини танлаш имкони бўлган ҳолдагина жазони енгиллаштирувчи шароит деб эътироф этадиган қоида асосида иш кўрилиши зарур. Мажбурув туфайли шахс ўз ҳаракатларини бошқариш имконидан маҳрум этилган ўзга ҳолларда эса, ЖК 38моддаси 5қисмига асосан, жавобгарликка тортилмайди (бундай ҳолларда қилмиш ўта жиддий зарурат сифатида тан олинади).

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ушбу тоифа ишларни кўриб чиқа туриб, суд мажбурувга йўл қўйилган ёки тобеликдан бошқа шахсни жиноят содир этиш учун фойдаланган шахсларнинг жавобгарлик меъёрини аниқлашга алоҳида эътибор бериши шарт. Хусусан, мазкур шахслар муайян жиноятда ижтимоий хавфлилик даражаси бажарувчига нисбатан жиддийроқ ва муҳимроқ бўлиб чиқиши мумкин бўлиб, улар бу ҳолда жиноятга ундаган шахс сифатида эътароф этилиши мумкин. Шу сабабли, муайян жазо чорасини тайинлашда суд иштирокчилар фаолиятининг сабаблари, улар айбининг даражаси ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиши керак.

ЖК 55моддаси 1қисми «д» бандига кўра жабрланувчининг зўрлик ишлатиши, оғир ҳақорати ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиши алоҳида енгиллаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида одамнинг окги қисқаради, у вазиятга тўғри баҳо бериш, ўз қилмишларини назорат қилиш ва бошқариш имкониятларидан маҳрум бўлади. Бошқача қилиб айтганда,

содир этиладиган жиноятлар тўлалигича инсон онгли бошқарувида бўлмай, бу қилмиш ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланиши ЖКда ҳисобга олинади.

Аффект ҳолатининг икки — физиологик ва паталогик турлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири қонунда турлича талқин қилинади. Хусусан паталогик аффект ҳолатида онг хиралашиб, шахснинг ўз ҳаракатларини бошқариш имкоми йўқолади¹. Шахс бундай ҳолларда ақли норасо деб эътироф этилиб, жиноий жазога тортилиши истисно этилади.

Шахсни жиноий жавобгарликка тортишда кўриб чиқиладиган моддани қўллаш учун фақат физиологик аффект аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Физиологик аффект — бу қисқа муддатли, лекин жўшқин кечаётган эмоционал реакция ва шу вақтнинг ўзида бу жуда кучли, қизгин кечинма: қаҳрга айланаётган ғазаб, даҳшатлашиб бораётган кўркув, умидсизликка етадиган ғам чекиш оқибатида айбдор ўз ҳаракатларини назорат қилиш ва бошқариш имкониятини йўқотади.

Физиологик аффект руҳиятга катта таъсир кўрсатса ҳам, бироқ инсонни ўз хатгихаракатини англаш, унинг учун жавоб бериш имкониятидан маҳрум қилмайди². Шунинг назарда тутиш керакки, аффект ҳолатини ва унинг турини аниқдаш мақсадида, судпсихиатрия экспертизасини ўтказиш талаб этилади.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати ЖК 55моддаси 1қисми «д» бандида кўрсатиб ўтилган қуйидаги шартларга риоя қилингандагина жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қабул қилиниши мумкин:

—аффект ҳолати куч ишлатиш, оғир ҳақорат ёки бошқа ноқонуний ҳаракатлар туфайли келиб чиққан бўлиши керак;

—кучли руҳий ҳаяжон ҳолати, жисмоний қилмиш бундай ҳолатни келтириб чиқарган шахсга қарши содир этилган бўлсагина, жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этилади.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, қонун кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этилишини, жиноят фақат ҳаракатлари ана шу ҳолатни келтириб чиқарган шахсга қарши содир этилгандагина енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этиши мумкин. Шу сабабли, бундай ҳолга алоқаси бўлмаган шахсга нисбатан жиноят содир этилганлиги енгиллаштирувчи ҳолат деб кўрсатиб ўтилишига йўл қўйиш мумкин эмас.

Зарурий муҳофаазининг, охирига заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш (ЖК 55моддаси «е» банди).

Бундай вазиятларда шахснинг қилмиши кўпроқ ижтимоий фойдали мақсадларни қўзғайди ва бу қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилик даражасини кўп миқдорда йўқотади. Шунинг учун бундай вазиятлар жазони енгиллаштирувчи ҳолат дейилади. Бироқ ижтимоий хавфли қилмишнинг қисман хавф туғдириши туфайли уни содир этган шахсга енгил бўлса ҳам, жазо тайинланади.

ЖК 55моддаси 1қисми «е» бандида кўрсатиб ўтилган қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳар бир ҳолатга шахснинг ҳуқуқтасуви жиноий эмаслиги тўғрисида ҳулоса чиқариш мумкин бўлган шароитлар йиғиндиси тегишли. Хусусан, зарурий муҳофаа тажовуз шартларидан (тажовузнинг ҳуқуққа хилофлиги, мавжудлиги ва ҳақиқийлиги) ва ҳимоя шартларидан (зарарни айнан тажовузчига етказиш, ўз вақтидалиги ва

бошқалар) иборат бўлиб, улар йиғиндиси зарурий муодофаа вазиятини қилмишнинг жиноятлигини истисно қиладиган ҳолатлар қаторига кўшишга имконият беради. Бу шартларнинг бирбирига яққол мос келмаслиги эса, бошқача қилиб айтганда тажовузнинг хусусияти ҳимоянинг хусусиятига мос келмаслиги зарурий муодофаа чегарасидан четга чиқиш ва шахснинг хулқи жинойий эканлиги ҳақида далолат беради. Бироқ жазо тайинлашда суд, айбдор зарурий муодофаа ёки ЖК 55моддаси «е» бандида кўрсатиб ўтилган ҳолатларда бўлганлигини инобатга олиши шарт.

ЖК 55моддаси 1қисми «е» бандини қўллашда унда санаб ўтилган ҳолатлар рўйхати тугалланган ва кенгайтириб шарҳданиши мумкин эмаслигини эътиборга олиш лозим. Шу туфайли мазкур бандга мувофиқ, буйруқни ёки бошқа мажбуриятни бажарганлиги ёки қилмишнинг кам аҳамиятли эканлиги сабабли жазони енгиллаштиришга йўл кўйилиши мумкин эмас. Шу билан бир вақтнинг ўзида, тегишли шароитнинг мавжудлиги буйруқни ёки бошқа мажбуриятни амалга ошириш ЖК 55моддаси 1қисми «г» бандига мувофиқ, хизмат тақозоси билан ёки бошқача шароит таъсирида содир этилган деб тан олинishi жазони енгиллаштиришга олиб келиши мумкин. Қилмишнинг кам аҳамиятлилиги эса ЖК 55моддаси 2қисми қоидаларига биноан, жазони енгиллаштирадиган мустақил ҳолат сифатида (масалан, кичик ҳажмда ўғрилиқ содир этилган ҳолатда ва бошқалар) ҳисобга олинishi керак.

Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилиши жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сафига кўйилишини бир қатор сабаблар билан, жумладан, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг инсонпарварлик принципига асосланганлиги билан изоҳлаш мумкин (ЖК 55моддаси 1қисми «ж» банди).

Вояга етмаганларнинг шахси, уларнинг дунёқараши ҳали тўлиқ шаклланиб бўлмаганлиги билан ажралиб туради. У ўзи содир этган жиноятнинг моҳиятини кўп ҳолларда тўлиқ англаб етмайди. Бундан

ташқари, сшга боғлиқ бўлган қизиққонлик, ўзини тута олмаслик каби бошқа хусусиятлар туфайли ўспирин жиноятга катта ёшли инсонга нисбатан тезроқ қўл уриши мумкин. Шу билан бирга, вояга етмаганларга нисбатан жазо мақсадларига давлат томонидан қўлланадиган қаттиқ мажбурият чораларни қўлламай туриб ҳам эришиш мумкин. Шунинг учун тегишли шароитда вояга етмаган жиноятчига, худди ана шундай жиноятга қўл урган катта ёшли шахсга нисбатан енгилроқ жазо тайинланиши керак.

Жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахснинг вояга етмаганлиги туфайли жазони қай даражада енгиллаштириш унинг ёшига боғлиқ равишда ҳал этилиши шарт. Хусусан, вояга етмаган жиноятчининг ёши қанчалик кичик бўлса, унга нисбатан шунчалик енгилроқ жазо тайинланиши шарт. Бунда ҳукмда шахснинг вояга етмаганлиги фактининг ўзи эмас, балки унинг аниқ ёши (масалан, 14 ёш 2 ой, 16 ёш 2 ой ва ҳ.к.) кўрсатилиши муҳимдир.

Айни пайтда ушбу ҳолат суд томонидан ҳамма вақт қилмишнинг оғиренгиллигидан қатъи назар ҳисобга олиб борилиши шарт. Қонунда бунга нисбатан ҳеч қандай чекловлар белгиланмаган.

Ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши (ЖК 55моддаси 1қисми «з» банди). Бундай ҳолатда жиноятни содир этиш жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисобланишининг сабаблари — ҳомиладорлик даврида аёл организмда юз берадиган физиологик ўзгаришлар унинг руҳиятига жиддий таъсир кўрсатишидир. Ҳомиладорлик даврида аёлларда кўпинча жиззакилик, кайфиятининг кескин ўзгариб туриши, тез жаҳл чиқиши каби ҳолатлар кузатилиб,

уларнинг ҳаракатлари руҳияти нормал ҳолатдаги инсонлардан фарқланиши мумкин. Унча жиддий бўлмаган сабаб ҳам ҳомиладор аёлнинг руҳий мувозанатини бузиб, унинг ноқонуний қилмишига, шу жумладан, жигъоятга қўл уришига етаклаши мумкин.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб тан олинishi учун аёл жиноятни содир этиш вақтида ҳомиладор бўлиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Жиноят содир этилган вақтга қадар бўлган ҳомиладорлик мазкур бандда қайд этилган шароит сифатида ҳисобга олинishi мумкин эмас. Шу билан бирга, аёлнинг ҳомиладорлиги шахсга оид маълумотларни ҳисобга олишда суд томонидан қайд этилиши шарт.

Ҳомиладорликнинг жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этилиши учун аёлнинг ўша вақтдаги ва содир этилган жиноят ўртасидаги сабабий боғланиш аҳамиятга эга эмаслигини назарда тутиш керак. Бунда фақат аёл ҳомиладор ҳолида ноқонуний тажовузга йўл қўйилганлигини аниқлаш керак бўлади, холос.

Шу вақтнинг ўзида мазкур шароит муайян жазо чегарасини қай даражада енгиллаштириши лозимлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги маълумотлар ҳисобга олинishi шарт: ҳомиладорлик даври (яъни,

нечанчи ойи), ҳомиладорлик биринчисими ёки йўқми, айбдор аёлнинг турмуш тарзи, унинг болалари тўғрисида қайғуриши ва ҳ.к.

Жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқатвори таъсири остида жиноят содир этиши (ЖК 55моддаси 1қисми «и» банди).

ЖК 55моддасининг мазмунида ахлоққа зид ҳаракатлар сифатида қўполлиги ва юзсизлиги билан ажралиб турган одамларнинг жамиятда ўзини тутишнинг умумий қабул қилинган қоидаларини атайлаб бузишдан иборат бўлган хулқатвори тушунилади.

Ҳуқуққа хилоф хулқатвор тушунчаси нафақат жиноят ҳуқуқи, балки ҳуқуқнинг бошқа: фуқаролик, меҳнат, оила, маъмурий ва бошқа жабҳаларига ҳам оид бўлиши мумкин бўлган қонунчилик меъёрларининг бузилишларини ҳам қамраб олади. Жабрланувчи томондан бузилаётган қонунчилик меъёрларининг бирорбир жабҳага тегишлилиги, бу каби хулқни ноқонуний деб баҳо беришда аҳамиятга эга эмас. Шу билан бирга, шарҳланаётган шароитнинг жазони енгиллаштиришга таъсир даражасини аниқлашда, суд жабрланувчи томондан ҳуқуқнинг қайси соҳасига оид меъёрлари бузилганлигини ҳисобга олиб, бунда жинойий ва маъмурий ҳуқуқ талабларига риоя қилмаслиги, бу шахснинг жамият учун муайян хавф туғдиришидан, демак содир этилган жиноятнинг камроқ ижтимоий хавфга эгаллиги ва шунга мувофиқ равишда жазони енгиллаштириш заруратидан далолат беради. Жиноят ҳуқуқи меъёрларини бузган жабрланувчи таъсиридан жиноят содир этган айбдор билан жабрланувчининг фуқаролик ҳуқуқ меъёрларига риоя қилмаганлиги туфайли келиб чиққан ва қонуний тажовуз учун айбланаётган шахсга жазо бир хил бўлиши мумкин эмас.

Жабрланувчининг ҳуқуққа хилоф ёки ахлоққа зид хулқи жазони енгиллаштирадиган шароит деб фақат у атайин амалга оширган тақдирдагина эътироф этилиши мумкин. Жиноят жабрланувчи томондан ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрларини тасодифан ёки онгсиз равишда бузиши оқибатида содир этилган бўлса, у ҳолда мазкур шароит жазони енгиллаштира олмайди. Шу вақтнинг ўзида суд ЖК 55моддаси «д» бандида кўрсатилган шароит белгилари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги масаласини ҳал этиши лозим.

Эслатиш лозимки жабрланувчининг ноқонуний хулқи қонун моҳиятига қўра жиноят содир этишига асосий сабаб бўлиши лозим:

қонунда кўрсатилишича, у ана шундай хулқ таъсирида амалга оширилади. Шу билан бирга, жиноят содир этилиши мотивлари турли хил: ўч олиш, кўркув, нафрат ва х.к. бўлиб, таҳлил қилинаётган ҳолатни жазони енгиллаштирувчи сифатида тан олишга таъсир қилмайди, аммо суд томонидан муайян жазо чорасиғиш белгилашда ҳисобга олиниши лозим.

Кўриб чиқилган ҳолат жиноят бевосита жабрланувчининг ноқонуний ёки ахлоқсиз хулқатвори (қилмиши)дан сўт содир л ил ган булиши, шунингдек, бу қилмишга қаратилганлт ига эътибор берилмайди (у ҳам жиноятда айбланувчи шахсга, унинг **яқинлари** ёки у учун бегона шахсларга қаратилган бўлиши мумкип). **Бироқ** ушбу кўрсатилиб ўтилган ҳолатлар суд томонидан шарҳланасп ли шароит қай даражада жазони енгиллаштиришга таъсир кўрсатишини аниқдашда ҳисобга олиниши керак. Бунда суд, мазкур шароитни айбдор шахсга оид маълумотлар билан биргалиқца ҳар бир шахс бу каби хулқни эмоционал нуқтаи назардан ўзгача қабул қилишини ҳисобга олган ҳолда ҳал этади.

Қонун кўрсатмасига мувофиқ, ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқатвори таъсири остида жиноят содир этган шахснинг ҳаракаглари ҳуқуққа хилоф ёки ахлоққа зид хаттиҳаракатларни содир этган шахсга қаратилгандагина жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади.

Агар жиноят бошқа шахсларга нисбатан амалга оширилган бўлса, у ҳолда қонуннинг мазмунмоҳиятига кўра кўриб чиқилаётган шароитни жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қўлланишини ноўрин деб эътироф этиш лозим. Ўзбекистон Республикасининг Олий суди Пленуми қарорига кўра қонун (ЖК 55моддаси) жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар доирасини чекламайди. Шу сабабли жазо тайинлаш пайтқда ушбу моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолаитр ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин (масалан, ижтимоий хавфлиги катта бўлмаган жиноятнинг биринчи марта содир этилиши, судланувчининг ёш боласи борлиги, жиноятнинг бировга раҳмциллик кўрсатилиши сабабли содир этилиши, айбдор томонидан бевосита жиноят содир этилганидан сўнг жабрланувчига тиббий ёки бошқа тарзда ёрдам кўрсатилиши вах.к.)¹.

ЖК 55моддаси 3қисми жиноят таркибининг зарзфий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, ЖК 55моддасида кўрсатиб ўтилган бўлишига қарамай, жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олиниши мумкин эмас, деган қонидани қонун даражасида мустаҳкамлайди. Жиноят таркиби белгиларининг мавжудлиги билан улар қонун чиқарувчи томонидан жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниб, ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси санкциясининг у қадар қатъий кўриниш олмаганлигида намоён бўлган (масалан, ЖК 98, 101, 106моддалари шу билан бирга қонун чиқарувчи томонидан ЖК 55моддасининг 1қисмида жиноят таркиби белгиси сифатида кўрсатилган у ёки бу шароитларнинг эътироф этилиши судга муайян ишни кўриб чиқишда жазони енгиллаштирадиган бошқа ҳолатларни кўриб чиқишни ҳисобга олишга ҳалал бермайди).

3§. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар

ЖК 56моддаси 1қисмида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар содир этилган жиноят ва айбдорнинг ижтимоий хавфлиги юқорилигидан далолат беради. Бу ҳолатлар мавжуд бўлса, суд бу ҳолатлар бўлмаганл игига нисбатан оғирроқ жазони бериши шарт. Шу билан бирга қилмишда икки ёки ундан ортик оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, суд қилмиш квалификация қўшинган модда санкциясининг энг кўпига тенг ёки унга яқин бўлган жазони ва кўшимча жазони тайинлаши мумкин. Шу билан бирга бу ҳолатларнинг хусусиятига ҳамда бу ҳолатларнинг бириккитаси борлигига қарамасдан суд ЖК Махсус қисми моддасининг санкциясида назарда тутилган жазонинг чегарасидан чиқмаслиги керак.

Шундай қилиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар ЖК 55моддаси қоидалари билан биргаликда ҳисобга олиниши судга муайян ишни кўриб чиқишда қўлланаётган жазони индивидуаллаштиришни бирмунча кетмакетлик билан ва тизимли равишда амалга ошириш имконини беради.

Ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан жиноят содир этишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, қилмиш бевосита қаратилган шахснинг ҳуқуққа манфаатларигагина зарар етказиш хавфини туғдириш билан эмас, балки айни вақтда ҳомиланинг нормал ривожланишига, ҳаёти ва соғлиғига ҳам хавф туғдириши билан бслгиланади.

Шарҳланаётган оғирлаштирувчи ҳолат мавжудлигини аниқлаш учун суд томонидан айбдор аёлнинг ҳомиладорлигини аввалдан билган бўлиши лозимлиги аниқланиши керак. ЖК Махсус қисмининг 8бўлимига биноан аёнлик — бу қонунда кўрсатилган ҳолатлар ва хаттиҳаракатга, шахснинг билганлигидан далолат берувчи муносабати билан шартланади. Аёлнинг ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлганлиги ҳақида ташқи белгилар, шу билан бирга айбдор томонидан жиноятни содир этишдан аввал ёки уни амалга ошириш вақтида олинган бошқа маълумотлар гувоҳлик бериши мумкин. Жабрланувчининг ҳомиладорлиги ҳақидаги тахмин ҳам аёлнинг мазкур ҳолати айбдорга аён деб қаралиши лозим. Шу билан бирга, ушбу тахмин хато бўлиб чиққан ҳодца (жабрланувчи амалда ҳомиладор бўлиб чиқмаса), шарҳланаётган ҳолат мавжудлигини қайд этишга йўл кўйилмайди. Шунингдек, айбдор жабрланувчи ҳомиладорлик ҳолатида эмас, деб фарз қилган ҳолларда олдиндан аёнлик белгилари мавжуд бўлмайди¹.

Ҳомиладорлик муддати, шунингдек, ҳомиладор аёл ўлдирилиши натижасида унинг ҳомиласи нобуд бўлганбўлмаганлиги жиноятни квалификация кдлиш учун аҳамиятга эга эмас². Бироқ унинг мазкур ҳолат оғирроқ жазога олиб келадиган даражасини суд «аввалдан аён бўлганлик даражасидан» келиб чиқиб белгилаши лозим, яъни жабрланувчининг ҳомиладорлиги айбдор учун қанча аниқ ва яққол бўлса, белгиланадиган жазо шу қадар оғирроқ бўлиши шарт. Бу ҳолда мазкур шароит учун жиноят содир этилиши натижасида бирорбир оқибатлар келиб чиққан бўлиши муҳим эмас (масалан, муддатидан аввал туғиш, гўдакнинг нобуд бўлиши, жабрланувчининг заҳарланиши ва х.к.). Улар ундан ташқарида бўлиб, жазони оғирлаштирадиган мустақил жиҳат тегишли шароит мавжуд бўлганида оғир оқибатларнинг келиб чиқиши сифатида ҳисобга олиниши шарт.

Ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан жиноят содир этиш (ЖК 56моддаси «б» банди) жиноятни содир этишни осонлаштиради, айбдорнинг маънавий жиҳатдан тубанлиги, унинг жамият учун жиддий хавф туғдиришидан гувоҳдик беради. Буларнинг бари ушбу ҳолатни айбдорга жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиш заруратини тақозо этади.

Ёш болалар деб, 14 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларни ҳисоблаш лозим. Айни вақтда шуни эътиборга олиш лозимки, шахс туғилган кун ўтганидан сўнг, яъни эртаси куннинг ноль соатидан бошлаб 14 ёшга тўлган деб ҳисобланиши керак³.

Қариялар деганда, 55 ёшга тўлган аёл ёки 60 ёшга тўлган эркак тушунилади⁴.

Ожиз аҳволдаги шахслар деганда, ёши катталиги, касаллиги, жисмоний камчилиги ва бошқа омиллар туфайли жиноятчига қаршилик кўрсата олмайдиган кишиларни тушуниш керак.

Ожизлик жабрланувчининг жисмоний ёки руҳий носоғломлиги туфайли жиноятчига қаршилик кўрсата олмаслигида ўз ҳуқуқлари, манфаатлари ва қадрқимматини ҳимоя қила олмаслигида, шунингдек, кутилаётган хавфдан сақдана олмаслигида намоён бўлади.

Ожизлик турли объектив ва субъектив сабаблар, шу жумладан, сурункали касаллик, хушдан кетиш, уйку кабилар туфайли келиб чиқиши мумкин. «Жабрланувчининг алкоголь ичимлик, гиёҳванд ёки психотроп модда таъсирида атрофдаги вазиятни англай олмайдиган даражада мастлиги, унинг ожиз аҳволда бўлган деб тан олиншига асос бўлиши мумкин. Бунда жабрланувчини ким бу аҳволга солганлиги аҳамиятга эга эмас»¹.

Ушбу бандни қўллаш учун айбдор шахс жабрланувчининг ёш болалиги, қариялиги, ногиронлиги ёки ожиз аҳволда эканлигини англаб етган бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда кўриб чиқиладиган жихатнинг қайд этилишига йўл қўйилмайди.

Хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан жиноят содир этиш (ЖК 56моддаси 1қисми «в» банди) жиддий ижтимоий хавф туғдиради, чунки у давлат идоралари, корхоналар, мулкчиликнинг турли шаклидаги муассасалар ва ташкилотларнинг нормал иш фаолиятига тўсқинлик қилади. Айнан ана шу сабаблар туфайли мазкур шароит қонунда жазони оғирлаштирадиган ҳолат деб эътироф этилади.

«Хизмат бурчини бажариш деганда, шахснинг ўз хизмат (меҳнат) вазифалари доирасига қарадиган ҳаракатлари тушунилади»². Бунда жабрланувчи томонидан фақат меҳнат шартномасида ёки ички меҳнат тартиби қоидалари, ички йўриқномаларида белгиланган меҳнат вазифаларини бажариши шарт қилиб қўйилиб, бунда корхона, муассаса, ташкилотнинг мулкчилик шаклига ёки уларнинг ваколати доирасига боғлиқ бўлмайди. Хусусан, ички ишлар ходимлари ҳам, хусусий корхона ишчилари, ҳарбий хизматчилар ва корхоналарнинг ички кўриқлаш хизматчилари ёки оддий ишчи ходимлар, менежерлар ҳам тенг равишда хизмат вазифасини адо этаяпти деб ҳисоблаш керак.

Фуқаролик бурчини бажариш деганда, «фуқаро томонидан унинг зиммасига қонун билан маҳсус юклатилган мажбуриятларнинг амалга оширилиши, шунингдек, бошқа ижтимоий фойдали ҳаракатлар содир этилиши (ҳуқуқбузарликнинг олдини олганлиги, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят тўғрисида ёхуд қидириладиган шахс турган жой ҳақида ҳокимият органларига хабар берганлиги, гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида шахснинг жиноят содир *айтганлигини* фош этувчи кўрсатувлар берганлиги ва *ҳ.к.*) тушунилиши *лозим*».

Мазкур ҳолат фақат содир этилган тажовуз шахсни айтади *хизмат* вазифасини ёки фуқаролик бурчини адо этиши сабабли келиб чиққандагина жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф *этилади*. Бунда содир этилган тажовуз вақти аҳамиятга эга эмас: у *хизмат* ёки фуқаролик бурчини (қаршилиқ кўрсатиш) адо этишдан аввал ёки кейин, ё бўлмаса у бажариладиган вақтда, шунингдек, хизмат *ёки* фуқаролик бурчини адо этиб бўлганидан кейин бир *оз* вақт ўтгач (бу каби фаолият учун қасд олиш мақсадида) амалга оширилган бўлиши мумкин. Шундай қилиб, кўриб чиқиладиган ҳаттиҳаракатнинг айбдор қилмишида мавжудлигини аниқлашнинг зарур белгиси жиноят содир этган шахснинг бу иш жабрланувчининг айнан ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши билан боғлиқлиги сабабли амалга ошириладиганлигини аниқлашдан иборат.

Шу билан бирга, жиноят иштирокчиликда содир этилган ҳолларда мазкур жазони оғирлаштирадиган ҳолат фақат жиноий тажовуз сабабини онги орқали қамраб олган шахсларга нисбатан қилмиш ким томонидан амалга оширилганидан қатъи назар белгиланиши мумкин. Масалан, қилмишнинг сабаби жиноят ташкилотчиси ёки далолатчининг фаолияти билан қамраб олинган бўлсаю, бажарувчининг ҳаттиҳаракати билан қамраб олинмаган бўлса, унинг қилмишида жазони оғирлаштирувчи ҳолат

аломатлари бўлмайди. Шу вақтнинг ўзида суд жазони ташкилотчига ва далолатчига тайинлашда бу ҳолатни назарда тутиши шарт.

Бевосита қонунда кўрсатилгани бўйича жазони оғирлаштирувчи мазкур шароитлар кимга қарши қаратилганидан қатъи назар, суд томонидан ҳисобга олиниши шарт: у, ўз хизмат ва фуқаролик бурчини адо этаётган шахснинг ўзига, худди шундай тарзда унинг яқин қариндошларининг ҳуқуқ ва манфаатларига ҳам зарар етказиши мумкин. Бунда бу каби шахсларга нисбатан жиноят уларнинг қариндошининг хизмат ёки жамоатчилик фаолияти билан боғлиқравишда содир этилганини аниқлаш муҳим ўрин тутаяди.

Шахсларнинг яқин қариндошлари деганда, отаоналари, опасингиллари, эрхотинлар, болалари, жумладан, фарзандликка олимганлар қабилари, шунингдек, эрхотиннинг отаоналари, акаукалари, опасингилларини тушуниш лозим.

Айбдорга моддий томондан, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан жиноят содир этиш (ЖК 56моддаси 1қисми «г» банди) жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб қаралади. Чуи ки жабрланувчининг айбдорга қарамлиги унга ўз жиноий мақсадини амалга оширишни енгиллаштириб, жиноий жазодан қочиш имконини пайдо қилади. Бундан ташқари, тобе шахсга нисбатан жиноят содир этиш жиноятчининг маънавий тубанлиги, унинг қаҳри қаттиклиги, баъзи ҳолларда эса, унинг ғаразли ёки ўзгача қабих ниятларидан дарак беради. Буларнинг бари қилмиш ҳамда уни содир этган шахснинг ижтимоий хавфи юқорилигидан далолат бериб, бу номи келтирилган шартшароитнинг мустақил жазони оғирлаштирадиган ҳолат деб ҳисобланишини шарт қилиб қўяди.

(Моддий, хизмат ва бошқа турдаги қарамлик хусусида мазкур бобнинг 2§ да кўрсатиб ўтилган.)

Мазкур оғирлаштирувчи ҳолатни белгилашда суд, айниқса, жабрланувчининг айбдорга нисбатан қарамлиги қай тарзда айбдорнинг жиноий мақсадини амалга оширишга кўмаклашганига эътибор бериши шарт. Бунда суд кўриб чиқилаётган ҳолатни айбдор тобелик ҳолатидан бевосита ёки уни содир этишни енгиллаштириш учун фойдаланган ҳоллардагина жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этиши мумкин. Масалан, агар раҳбар муштлашув пайтида ўзига хизмат жиҳатидан қарам бўлган ходимга тан жароҳатини етказса, бунда бу хаттиҳаракат оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қаралиши керак эмас, агар у ходимни ҳақорат қилиб, ишдан бўшатиш билан қўрқитса, бундай қол пайдо бўлади.

Ўта шафқатсизлик билан жиноят содир этиш (ЖК 56моддаси 1қисми «д» банди) жиноятчи шахснинг ижтимоий хавфлилигидан ва унга нисбатан жазони оғирлаштириш зарурати борлигидан далолат беради. Одатда ўта шафқатсизлик жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш билан боғлиқ зўрлик ишлатилган жиноятларда мавжуд бўлади.

Шахс қилмишида ўта шафқатсизлик аломатларини белгилашда судлар шунга эътибор беришлари керакки, қонунда шафқатсизлик эмас, балки ўта шафқатсизлик билан содир этилган жиноятлар жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб қаралади. Масаланинг ўзгача ҳал этилиши ЖК 56моддаси мазкур бандини қўллашни асосиз равишда кенгайтириб юборишга олиб келади.

Жиноят содир этишдаги ўта шафқатсизлик шундай усул, воситалар ёрдамида амалга ошириладиги ёки шундай хусусиятларга эга бўладиги, улар муайян шароитдан келиб чиқмаган ортиқча азоб ва уқубатлар келтириб чиқариб, буларнинг барини айбдор англаб етади. Ўта шафқатсизлик белгиси фақат муайян объектив ва субъектив шароит мавжуд бўлган ҳоллардагина аниқланиши мумкин, яъни:

— **объектив шароит** жиноий тажовузнинг ташқи усул ва воситаларида ифодаланади. Ўта шафқатсизлик одам ўлдириш усулларига, жу уиадан, ҳаётдан маҳрум этишдан олдин ёки қотиллик содир этиш жараёнида жабрланувчини қийноққа солиш ёки унга қаттиқ азоб етказиш

билан боғлиқ(кучли оғрикбсрунчи захлрдап фойдаланиш, тириклайн ёкиб юбориш, узоқ муддат овқат, сун бсрмлслик) қолларни ҳам киритиш мумкин. Баданга кўплаб шикаст етклшш орқп ли одам ўлдириш, факат айбдор буни жабрланувчига қагик аюб ўқибат етказишга қаратилган тўғри қасд билан содир этган бқлсалар ўта шафқатсизлик кўриниши деб баҳоланиши мумкин;

— **субъектив шароитлар** айбдор ўзи қўллаётган жиноятни содир этиш усул ва воситалари, шунингдек, уни амалга оширишга оид бошқа шароитлар жабрланувчига ортиқча азоб бераётганлигини аниқлаш керак. Шу сабабли қотиллик содир этилганида кўплаб тан жароҳатлари етказилиши, айбдор жабрланувчини қийнаш, унга азобуқубат етказиш мақсадида ҳаракат қилгандагина бу алоҳида шафқатсизлик билан намоён этиш деб баҳоланади.

Ўта шафқатсизлик билан жиноят содир этиш нафақат жабрланувчининг ўзини ортиқча азоблаш ва қийнашдан иборат, балки унинг яқинларига азоб етказишда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, жабрланувчини яқин кишилари кўз ўнгида ўлдириш, агар айбдор ўз ҳаракатлари билан уларга кучли изтироб бераётганини англаган бўлса, айбдор томонидан ўта шафқатсизликда намоён этилганлигидан далолат берувчи ҳолат сифатида баҳоланиши лозим¹.

Кўпчилик учун хавфли бўлган усулда жиноят содир этиш (ЖК 56моддаси 1қисми «е» банди) номуайян ижтимоий муносабатлар доирасига реал хавф туғдиради ва бу қилмиш айбдор шахсда ижтимоий хавф кўпайишига кўмаклашади ва бу оғирроқдавлат мажбурлов чораларини қўллашни талаб этади.

Шахснинг қилмишида мазкур белгининг мавжудлиги, у томондан содир этиладиган усулнинг объектив хавфи билан боғлиқлигини ўрнатади. Масалан, кўпчилик учун хавфли бўлган усулда жиноят содир этишга ёнги, портлатиш, сув бостириш ва бошқалар кириши мумкин. Шу билан бирга бу белгининг бўлиши учун айбдор томонидан қўлланаётган ва бу ҳолда қонун билан ҳимояланадиган муносабатларга зарар етказишга қодир бўлган субъектив баҳо талаб этилади. Хавфнинг реаллиги ишнинг ҳамма вазиятларини, хусусан, айбдор қурол сифатида ишлатган зарар етказувчи моддаларни, жиноят содир этилган жойда жабрлағувчидан ташқари бошқа шахслар борлигини ва бошқаларни инобатга олган ҳолда аниқланиши шарт.

Шу билан боғлиқ ҳолда агар айбдор одам йўқ жойда ва одамлар яшайдиган жойдан узоқда портлаш қилиб одам ўлдирса, бундай ҳолат кўпчилик учун хавфли бўлган усулда жиноят содир этиш деб тан олинмайди.

Қилмишни кўпчилик учун хавфли усул билан содир этилиш белгисига кўра баҳолашда тергов ва суд идоралари оқибатларнинг реал таърифига эмас, балки айнан усулнинг хавфлилигини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратишлари зарур. Шу билан бирга келиб чиққан оқибатларининг хусусияти ва каттакичкилигидан келиб чиққан ҳолда қилмишни реал келиб чиққан оқибатлар билан таркибда шарҳланаётган белгига зарар етказмасдан квалификация қилиниш кераклигини назарда тутиш муҳим. Масалан, кўпчилик учун хавфли бўлган усулда одам ўлдириш ва бу билан бошқа одамларга тан шикастини етказилган бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖК 97моддаси 2қисми «д» банди бўйича (кўпчилик учун хавфли бўлган усулда одам ўлдириш) ҳамда ЖК қасддан тан жароҳатини етказганлик учун жавобгарликни назарда тутган моддалари билан квалификация қилиниши керак.

Ёш бола ёки руҳий касаллиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда жиноят содир этиш (ЖК 56моддаси 1қисми «ж» банди) қонун томонидан жазони оғирлаштирадиган мустақил ҳолат деб эътироф этилишининг сабаби шундаки, ҳуқуққа хилоф хаттиҳаракатни содир қилаётган шахс томонидан руҳий ҳасталиги оқибаотида қилмишини англаб етмайдиган шахсларнинг жалб этилишидир. Шу билан бирга,

мазкур шахслардан фойдаланиш айбдорга жиноий жазодан қочишга имкон бериб, унинг маънавий тубанлигидан далолат беради.

(Ёш бола тушунчаси ҳақида юкорида, ЖК 56моддаси 1қисми «б» банди тахдилида кўрсатиб ўтилган.)

Рухий касалликка чалинган шахс деб, уларга хос бўлган рухий хасталик туфайли атрофмухитни тўғри баҳолай олмайдиган, ўз ҳаракатлари аҳамиятини англай олмайдиган, бироқўзини бошқара оладиган шахслар эътироф этилиши керак. Шундай қилиб, рухий хасталик билан оғриган шахс деб, фақат акди норасо шахслар тан олинishi керак. Бунда ушбу шахсларнинг рухий хасталиги айбдорга аён бўлиши керак.

Ёш бола ёки рухий касаллиги айбдорга маълум бўлган шахсдан фойдаланиш уларни жиноят содир этишга кўндириш, ёрдамчи, шу билан бирга жиноят бажарувчиси сифатида жалб этишда ифодаланиши мумкин. Жиноятнинг муайян жиҳатлари жиноят мақсадида фойдаланилган шахсга оид маълумотларга боғлиқ ҳолда амалга оширилган вазиятда сўз воситачилик тўғрисида бориши мумкин. Бироқ, ҳар қандай ҳолда ҳам шахснинг кўриб чиқилган ҳолларда жиноят содир этишини жазони оғирлаштирадиган ҳолатлар қаторига киритиш керак бўлади.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, жиноят содир этишда ёш боладан фойдаланилганда айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 127моддаси 3қисми бўйича ҳам, алоҳида кўриб чиқилаётган шартларга зарар етказмаган ҳолда балоғатга етмаган шахсни ғайриижтимоий х.пш ҳаракатга жалб қилиш сифатида баҳоланиши мумкин. **МАСАЛАН**, ҚИЛ миш вояга етган шахснинг ёш боладан фойдаланган ҳолда **ЎТРИЛИК** ка жалб этишда ифодаланган бўлса, у ҳолда вояга етган **ШАХСНИНГ** ҳаракатлари ЖК 127моддаси 3қисми бўйича, шу билан бирга, **Ёш** боладан фойдаланиб содир этилган ўғрилиқ, яъни мазкур жиноят учун оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ЖК 169моддаси бўйича квалификация қилиниши керак.

Жиноят туфайли оғир оқибатларнинг келиб чиқиши қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий ошириб, нисбатан оғирроқжазо тайинланишини талаб этади (**ЖК 56моддаси 1қисми «з» бавди**).

Суд юзага келган оқибатларга содир этилган жиноятнинг таърифи ва ишнинг барча шароитларини ҳисобга олган ҳолда баҳо бериши лозим. Шуни ҳам қайд этиш керакки, оқибатларнинг оғирлилик даражасини аниқлаш зарарли ўзгаришларнинг тавсифи ва даражасига боғлиқ бўлиб, жиноят таркибининг бошқа белгилари билан (айбнинг шакли, жиноятни содир этиш усули, субъект белгилари) белгиланмайди.

Оғир оқибат сифатида фақат жиноят қонунлари ҳимоя қиладиган муносабатлардаги, жиноят таркибидан ташқарида жойлашган зарарли ўзгаришлар эътироф этилиши мумкин. Ушбу ўзгаришлар таркибнинг конструктив ёки баҳоловчи белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, букдай ҳолда улар суд томонидан оғирлаштирувчи ҳолат деб кўрилиши мумкин эмас. Бироқ, бу каби баҳоловчи белгининг чегарасидан чиқиб кетиши, жиноятнинг омма учун жиддий хавф туғдиришидан дарак бериб, бу ЖК **54моддаси 2қисми** қоидаларига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинishi керак. Юзага келган оғир оқибатларни жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиш учун улар содир этилган жиноят билан объектив ва субъектив жиҳатдан боғлиқдигини аниқлаш талаб этилади. Хусусан, мазкур оқибатлар агар уларга нисбатан қасддан ҳаракат қилинган бўлса ёки эҳтиётсизлик туфайли йўл қўйилганида, шахсга айб сифатида тақалиши мумкин. Бунда ушбу оқибатлар юзага келган даврнинг аҳамияти йўқ; бевосита жиноят содир этилган заҳоти, шунингдек, анча вақт ўтганидан сўнг келиб чиққан оқибатлар ҳам бирдай оғир деб эътироф этилиши мумкин. Шунингдек, оқибатларнинг оғир деб тан олинishiга уларнинг бевоситалиги ёки қилмишдан келиб чиққанлиги ҳам таъсир кўрсатмайди. Бунда уларнинг бари айбдор онги билан қамраб олинганлигини аниқлашнинг ўзи кифоя. Шуни назарда тутиш керакки, юзага келган оқибатларимиз оғир деб

этироф этилиши — будоимо фактгадоир, охир оқибатда суд томонидан ҳал этиладиган масала. Баҳолаш реал амалда юборган ўзгаришлардан келиб чиқиб амалга оширилиши шарт. Бу қолда ҳукмининг тавсиф қисмида суд ушбу қилмишда мазкур белгининг мавжудлигини этироф этишга асос бўлган батафсил шароитни келтириб ўтишга мажбур.

Умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида муайян мувозанатни бузмаслик ва аниқ тенгликка эришиш мақсадида оҳиста ва эътибор билан ёндашишни талаб этади. Буларнинг бари ушбу даврда жамият барча кучлари бир маромда ва келишган ҳолдаги ҳаракатини ўзаро тушунишни талаб қилади.

Бундай шароитда жиноятга қўл уриш жамият ёки табиатнинг кучларини уйғотиб, мувозанатни бузиши мумкин бўлиб, бу жиноятнинг ижтимоий жихатдан хавфлилиги даражасини намоён этади ва шунинг учун нисбатан оғирроқжазо тайинланишини талаб этади.

Бундан ташқари, офат вазиятда жиноят содир этиш айбдорнинг маънавий жихатдан тубанлиги, унинг ўта худбинлиги, жамоатчилик манфаатларини поймол этиши, қатор ҳолларда нияти қоралигидан далолат беради.

Шундай қилиб, шарҳланаётган шароитнинг жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида этироф этилиши нафақат содир этилаётган жиноятнинг, балки айбдор шахсининг ҳам ижтимоий хавфини ҳисобга олиш имконини беради.

Умумий офат — қўплаб одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, молмулкани хавф остига қўядиган ижтимоий ҳаётга оид ёки табиат ҳодисаси: уруш, табиий фалокат, ёнғин, эпидемия, йирик ҳалокат ва ҳ.к.

Фавқулодда ҳолат — давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, корхоналар, муассаса, ташкилотлар фаолиятининг фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини махсус қонунда белгиланган чеклашларга йўл қўядиган, шунингдек, улар зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклайдиган алоҳида тартиби.

Фавқулодда ҳолат йирик оммавий тартибсизликлар, ички қуролли можаролар, шунингдек, табиий офатлар ва технологик фалокатлар рўй берганида жорий этилади. Ўзбекистоннинг барча ҳудудида ёки унинг маълум бир қисмида фавқулодда ҳолат жорий этиш ҳуқуқи фақат Ўзбекистон Республикаси Президент ваколатига тегишли бунда фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги қарор **уч** кун ичида Республика Олий Мажлиси тасдиғидан ўтказишга тақдим этилиши шарт.

Оммавий тартибсизликлар — бу оммавий жойларда ўрнатилган қоидаларни бузишда ифодаланадиган кийин бошқариладиган кўпчилик одамларнинг тартибсиз ҳаракатлари.

Шуни назарда тутиш керакки, умумий офат, оммавий тартибсизлик ёки фавқулодда ҳолат шароитида жиноят содир этишни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида этироф этиш учун айбдор томонидан шу вазиятлар жиноят содир этишда фойдаланилган бўлиши керак.

ЖК 56-моддаси 1-қисми «и» банди мазмунида фойдаланиш деб, онгли равишда умумий офат, фавқулодда ҳолат ёки оммавий тартибсизликлар шароитидан жиноятни амалга ошириш ёки унинг изларини яшириш мақсадида фойдаланиш тушунилади. Шу билан бирга, қонуний ҳаракатларнинг (масалан, сув тошқини шароитида яшовчилар ҳаётини асраб қолиш мақсадида фуқаролар турар жой дахлсизлигини бузиш) бир қисми ёки оммавий тартибсизликларга хос бўлган жиноят таркибининг

объектив томонини ташкил қилувчи (масалан, оммавий тартибсизликлар пайтида молмулкни нобуд қилиш) ҳаракатлар офат шароитларидан фойдаланиб жиноят содир этиш деб қаралмайди.

Ғараз ёки бошқа паст ниятларда жиноят содир этиш (ЖК 56моддаси 1қисми «к» банди). Қонуннинг у ёки бу қилмишни амалга ошириш сабабларини жазони оғирлаштирадиган шароит деб кўрсатиши айбдор шахсининг маънавий тубанлиги, бунинг оқибатида жамият учун юқори хавфлилик даражаси билан тавсифланиб, бу нисбатан оғирроқжазо белгилашни талаб этади.

Ғаразгўйлик — бу шахсни жиноят содир этишига ундайдиган, ўзи ва бошқа шахслар учун турли хил моддий фойдани қўлга киритишга қаратилган қилмиш (пул, буюм, молмулк, уйжой ҳуқуқи) ёки моддий харажатлардан қутулиш мақсадида (қарз, алимент тўламаслик) содир этилган қилмиш демакдир¹.

Бошқа паст ниятларга ҳасад, ўч олиш, безорилик ҳаракатлари, кўрқоклик ва бошқа тубан ниятлар киради.

Айтиб ўтиш жоизки, ғаразгўй ёки бошқа паст ниятлар мотиви жиноят содир этилгунига қадар пайдо бўлган бўлса, жиноят ғаразгўй ёки бошқа паст ниятларда амалга оширилган деб қаралиши лозим. Ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятлар айбдорда жиноят тугалланганидан сўнг пайдо бўлса, у ҳолда улар оғирлаштирадиган ҳолат сифатида эътироф этилиши мумкин эмас¹.

Ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида жиноят софлар этишининг хавфлилик даражаси юқорироқ эканлиги маълум, чунки унинг натижасида жамиятда кескинлик, ирқий ва миллий камситиш вазияти юзага келиб, бу умуман ижтимоий муносабатларнинг беқарорлашувини келтириб чиқариб республиканинг ривожланишига, тараққий этишига тўсқинлик қилади.

Миллий ёки ирқий адоват, яъни бошқа миллатга, ирққа мансуб шахсга, унинг турмуш тарзига, маданиятига, урфодатларига, оила турмушига нисбатан ғайирлик ёки нафрат туйғулари билан ёхуд миллатлараро, ирқлараро адоват ёки нифоқ солиш мақсадида ҳаракат қилиш жисмоний ёки моддий оқибатлар келтириб чиқариш ёки бўлмаса миллатлараро, ирқлараро душманлик ёки низо келтириб чиқаришга интилишдир².

Шу сабабли шахс қилмишининг оғирлаштирувчи ҳолатларини аниқлаш учун суд айбдор ҳулқининг сабаблари тавсифини белгилаб олиши шарт. Бунда ҳукмнинг тавсиф қисмида суд шахснинг қилмишида шу каби важлар мавжудлигини батафсил асослаб бериши лозим.

Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлардан яна бири деб, қонун бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда уюшган гуруҳ ёки жинойий уюшма томонидан жиноят содир этишни ҳам эътироф этади (ЖК 56моддаси 1 қисми «м» банди).

Мазкур ҳолатнинг ЖК томонидан бундай баҳоланиши муҳим аҳамиятга эга. Биргаликда содир этилган жиноят ўта хавфли бўлиб, унда жиноят содир этиш, жиноят излари ёки жиноятчини яшириш энгилроқ амалга ошади. Ундан ташқари, жинойий тажовузнинг биргаликда амалга оширилиши оғирроқ оқибатларга олиб келиши билан бирга, кўпинча жиноятни фош этишни мураккаблаштиради. Қилмишни мазкур белгига кўра квалификация қилишда суд, қонун нуқтаи назаридан, фақат аввалдан келишган гуруҳ, уюшган гуруҳ ёки жинойий тўда таркибида жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб тан олади. Мазкур рўйхат қатъий бўлиб, кенгайтириб изоҳланиши мумкин эмас ва шу билан

Жиноятни **олдиндан тил бириктириб бир гуруҳ шахслар** билан содир этиш икки ёки ундан ортиқ шахслар олдиндан тил бириктириб жиноят содир этишда иштирок этишини назарда тутлади. Ўшун билан бирга, бажарувчилар сифатида жиноий натижаларнинг қилиб чиқишига эришишга ҳаракат қилиб биргаликда амалга оширган ва жиноят содир этишда бевосита қатнашган, бошқача қилиб айтганда айбдорларнинг ҳар бири, жиноятнинг объектив томонини тўлиқ ёки қисман бажарган шахсларни тан олиш муҳим.

Уюшган гуруҳ деб, икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашишига айтилади (ЖК 29-моддаси 5-қисми).

Бундай гуруҳ жиноий фаолият билан шуғулланиши учун олдиндан бирлашган шахсларнинг юқори уюшганлик даражаси фаолият олиб бориш вақтининг давомийлиги, иштирокчиларнинг ҳар бири унга юклатилган вазифага мувофиқ ҳаракатларининг юқори даражада ташкиллаштирилганлиги, жиноятга тайёргарлик ва уни содир этиш жараёнида улар ўртасидаги алоқанинг барқарорлиги, жиноят изларини яшириш, гуруҳдаги интизом ва ташкилотчининг бир неча бор жиноят содир этишга йўналтирилган кўрсатмаларига бўйсунуши ва шу қабилар билан тавсифланади.

Жиноий уюшма деб, икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳларнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашишига айтилади (ЖК 29-моддаси 5-қисми).

Жиноий уюшма икки шахсдан иборат бўлиши мумкин эмас, у иштирокчиларнинг кўпроқ сонини талаб этади. Жиноий уюшма аъёлари ўртасида қанда тартиқсиз жиноий мақсадга эришиш учун вазифалар тақсимланади.

Жиноятни юқорида айтиб ўтилган ҳолларда бажариш ҳар бир иштирокчилар учун жазони оғирлаштирувчи ҳолат бўлади айтилган пайтда жазони индивидуаллаштиришда судлар, бажарувчилар билан ташкилотчилар далолатчи ва ёрдамчига нисбатан оғирроқ жазо (миллатликка тортилишини назарда тутиб гуруҳнинг ташкилотчилиги даражасини ҳамда айбдор жиноят содир этишининг хусусияти ва даражасини назарда тутишлари шарт).

ЖК 56-моддаси 1-қисми «н» банди қонун томонидан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этилади.

Жиноий тажовузни такроран содир этиш, субъектнинг қатъий ғайриижтимоий қарашларидан, унинг жамият учун жиддий хавф туғдиришидан дарак бериб, нисбатан оғирроқ жазо тайинланишини талаб қилади.

Такроран жиноят содир этиш деб, ЖК Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланмаганлигига айтилади (32-моддаси 1-қисми).

Рецидив деб, шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан сўнг қасддан янги жиноят содир этишига айтилади (ЖК 34-моддаси 1-қисми).

Қасддан такроран ёки илгари содир этилган жиноят учун судлангандан сўнг қасддан янги жиноят содир этилиши, агар биринчи жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган,

судланганлик белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган ёхуд шахс муқаддам содир этган жиноий хаттиҳаракат учун қонунда жавобгарлик бекор қилинган бўлса, шунингдек, ЖК 65, 66, 66', 68, 69, 70, 71, 76моддаларига биноан шахс илгари содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилган бўлса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилиши мумкин эмас.

Ушбу ҳолатнинг жазони оғирлаштиришга кўрсатадиган таъсир даражасини аниқлашда судлар жиноят такроран содир этилгани ёки рецидив эканлигига алоҳида эътибор беришлари шарт, чунки улардан иккинчиси нисбатан қаттиқроқ жазо тайинланишини талаб этиб, унда шахснинг аввал жиноий жавобгарликка тортилганлиги назарда тутилади.

Мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп снн кишининг ақлидрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири ортида жиноят содир этиш қонунда жазони оғирлаштирувчи ҳолларда белгиланган (ЖК 56моддаси 1қисми «о» банди).

Мазкур ҳолатда шахс атрофдаги вазиятга тўғри баҳр бериш им конини йўқотиб астасекин ўзини бошқара олмай қолади, натижада мазкур шахс томонидан турли салбий ҳаракатларга йўл қўйилиши мумкин. Бу каби ҳолат айбдорнинг ихтиёрий ҳолати оқибати эканлигини ҳисобга олиб, қонун уни оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди. Мазкур жиҳатни жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этишда айбдор нима ёрдамида мастлик ҳолатига тушгани аҳамиятга эга эмас.

Жазо оғирлигини белгилаш учун мастлик даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга у нақадар юқори бўлса, жазо ҳам шунга яраша бўлади.

ЖК 56моддаси 2қисми судлар учун ЖК 56моддаси 1қисмида кўрсатилган ҳар қандай ҳолатни жазони оғирлаштирувчи сифатида тан олмаслик ҳуқуқини беради¹. Шу билан бирга, шуни назарда тутиш муҳимки, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида тан олмаслик фақат конкрет ишни кўриб чиқишда суд миқдорий параметрлари билан боғлиқ эмас, бошқача қилиб айтганда, у оғирлаштирувчи сифатида битта ёки бир қанча ҳолатларни, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, тан олмаслиги мумкин.

ЖК 56моддаси 3қисмида келтирилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар рўйхати тугалланган бўлиб, кенгайтирилган тарзда талқин этишга йўл қўйилмайди.

ЖК моддасида келтирилган рўйхатнинг тугалланганлигидан қуйидагилар келиб чиқади:

— ушбу рўйхат кенгайтириб шарҳланмаслиги лозим, яъни бу моддада келтирилган жиҳатлар, уларга хос айнан маъносига мувофиқ, уларни у ёки бу шахснинг субъектив қабул қилишидан қатъи назар, англаниши лозим;

жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида фақат ЖК 56моддаси 1қисмида кўрсатилган ҳолатлар ҳисобланади.

Бошқа ҳолатларнинг жазони оғирлаштирувчи сифатида эътироф этилиши қонунга зиддир.

ЖК 56моддаси 4қисми қоидаларига мувофиқ, биронбир жазони оғирлаштирувчи ҳолат ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаларида жиноят таркибининг аломати сифатида назарда тутилпш бўлса, жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинмайди.

Суд жазо тайинлашда фақат жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши керак эмас. Шунинг учун жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлари борлиги ҳақида далолат берадиган маълумотларни, уларнинг хусусиятини ва даражасини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, ҳукмда нима учун бундай қарорга келганлигининг сабабларини келтириши керак.

4§. Енгилроқ жазо тайинлаш

Жазо тайинлашнинг умумий асосларига кўра, судланганга қўлланиладиган давлат мажбурият чораси у томонидан содир этилган қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖК Махсус қисми тегишли моддаси санкцияси доирасида танланиши лозим. Қонуннинг кўрсатилган талаби судлар томонидан сўзсиз бажарилмоғи лозим, бундан ЖК 57моддасида назарда тутилган, тегишли модда санкциясида белгиланган энг кам жазодан ҳам кам жазо тайинлашга асос бўладиган ҳолатлар мустасно. Қонундаги бу мустасно ҳолат инсонпарварлик принципларидан келиб чиқади. Бунга кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан жиноий жазо мақсадларига эришиш учун зарур ва етарли бўлган давлат мажбурият чораларига қўлланилиши лозим. Жазо тайинлашнинг умумий асосларидан чекинишга тегишли модда санкциясида назарда тутилмаган, енгилроқ давлат мажбурият чоралари қўллашдагина йўл қўйилади. Санкцияда кўрсатилмаган оғирроқ жазо тайинлашга муглако йўл қўйилмайди.

Қонун кўрсатмасига кўра, енгилроқ турдаги жазо, ЖК 57моддаси 1 қисмида кўрсатилган ҳуқуқий асослар мавжудлигидагина тайинланади, яъни:

— содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларда;

— алоҳида ҳолатларда.

Мазкур асосларнинг мажмуи мавжудлиги ҳолларига, судларга енгилроқ жазо тайинлаш имконини беради. Кўрсатиб ўтилган асослардан бирининг мавжуд эмаслиги мазкур модда қўлланишига тўсқинлик қилади.

ЖК 57моддаси 3 қисмига мувофиқ, «содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни айбдорнинг шахси, айбининг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабаблари, шахснинг жиноятни содир қилгунча ва ундан кейинги хулқатвори» содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб тан олиниши мумкин.

Бундай ҳолатларга жиноят содир этиш мотиви ва мақсадини, етказилган зарарнинг хусусиятини ва миқдорини киритиш мумкин.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат деб, муайян қилмишнинг хавфлилиги билан шундай қилмишлар учун умумий тарзда хос бўлган хавфлилик ораоидаги ўта номуносивлик ҳолатларини ҳисоблаш лозим.

Белгилаб ўтиш жоизки, ишнинг бирорбир *ҳолати ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи деб топиши бу суд томонидан ҳар бири алоҳида ҳолатда ҳал қилинадиган факт масала содир. Суд қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги умумий хусусиятдан эмас, балки ҳар бир ҳолда алоҳида ёндашувдаги ҳуқуқий баҳо бериш предмети, кўрилатган ишга тегишли бўлган ҳолатларда келиб чиқади. Содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини анчагина камайтирувчи ҳолат сифатида, уларнинг миқдорий хусусиятларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қонунда кўрсатилган ва кўрсатилмаган ҳолатлар тан олиниши мумкин (бундай ҳолатлар бир маълум мажмуа сифатида ва улардан алоҳида бўлган ҳолатлар сифатида кўрсатилиши мумкин).*

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг кўрсатмаларига кўра, «Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин. (Масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки

отаонасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор отаонасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жмнойт содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф ҳуқуқатвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)».

Бундан ташқари, судлар иктисодиёт соҳасидаги жиноятга оид ишлар бўйича зарарни қисман қоплаган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда ЖК 57моддасини қўллаш масаласини муҳокама этиши мумкин.

Жумладан, жиноят натижасида етказилган зарар қийматининг камида ярми айбдор томонидан қопланганлиги жазони жиддий камайтирувчи ҳолат деб топилиши мумкин, суд томонидан солидар жавобгарлик белгиланган ҳолларда зарарни қисман қоплаган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда ҳам худци шу принципга амал қилиш керак.

Енгилроқ жазони тайинлашга фақатгина алоҳида ҳолларда йўл қўйилади. Лекин қонунда алоҳида тушунча бериб ўтилмаган.

ЖК нормалари ва суд амалиёти ЖК 57моддаси қўлланилиши хусусидаги тахлили шуни кўрсатадики, муайян иш бўйича Махсус қисм моддаси санкциясида кўрсатилган жазо тури ва миқдори талабларига керакли ва етарли даражада жавоб бермаслиги алоҳида ҳоллар ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, Махсус қисм моддаси санкциясида кўрсатилган айрим жазо тури ва миқдори муайян жиноят ва шахсга нисбатан оғирроқдир. Эътиборли жиҳати, енгилроқ турдаги жазо тайинлаш содир этилган қилмиш оғирлиги билан боғлиқэмас. Яъни, жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки енгилроқ турдаги жазо ҳар хил содир этилган қилмишлар учун тайинланиши мумкин. Бироқ содир этилган қилмишнинг оғирлик даражаси қанча юқори бўлса, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар ҳам, Махсус қисм моддаси санкциясида кўрсатилган жазони қўлламаслик ҳолати ҳам алоҳидалиги билан ажралиб туриши керак.

Суд биронбир ишда енгилроқ турдаги жазо тайинлаши учун юқорида кўрсатиб ўтилган иккита ҳуқуқий асос — содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар бўлиши керак.

ЖК 57моддаси 1қисмига мувофиқ, енгилроқ жазони тайинлаш деб, суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини анча камайтирадиган ҳолатларни эътиборга олиб, айрим ҳолларда шу жиноят учун ЖК Махсус қисмининг моддаси билан белгиланган жазонинг энг кам миқдоридан ҳам камроқ ёки бу модда билан белгиланмаган бошқа енгилроқ жазони тайинлаши мумкинлиги айтилади.

Бундан ташқари, ЖК 57моддаси 2қисмига мувофиқ, суд бу асослардан келиб чиқиб ЖК Махсус қисмида назарда тутилган қўлланилиши шарт бўлган кўшимча жазони тайинламаслиги ҳам мумкин.

Жазони энг кам миқдоридан ҳам кам тайинлаш, бу жазони енгиллаштириш, яъни ЖК Махсус қисми моддаси санкциясида кўрсатилган давлат мажбурлов чораси турини танлаш ва ушбу мажбурлов чорасининг энг кам миқдоридан ҳам камроқжазо тайинлашдир.

Масалан, ЖК 164моддаси биринчи қисмига кўра, босқинчилик жинояти беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жазони энг кам миқдоридан (5 йил) ҳам камроқ тайинлаш суд томонидан ҳал қилинади. Лекин ЖК Умумий қисмида ушбу жазо тури доирасида кўрсатилган энг кам миқдордан кам жазо тайинлашга йўл қўйилмайди. Яъни, озодликдан маҳрум қилиш жазо тури 6 ойдан кам муддатга қўлланилиши мумкин эмас.

Жазони энг кам миқдоридан ҳам кам тайинлаш бошқа **Ж 130** турлари учун қўлланиши мумкин. Масалан, ЖК 211 – моддасида, жарима, ахлоқтузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш жазо турларидан бирини танлаш имкониятини беради. Қонун ҳақида ҳеч қандай чегаралар қўймаган.

Санкцияда кўрсатилган жазодан ҳам энгилроқ турдаги жазо тайинлаш, суд учун ЖК Махсус қисми моддаси санкциясида кўрсатилган жазо турлари билан чекланиб қолмасдан, ЖК Умумий ҚИСМИдаги бошқа жазо турларига ҳам эътибор қаратиш имконияти бв ради. Лекин шарҳланаётган модда қодаларига кўра, суд ЖК моддаси санкциясида кўрсатилмаган бошқа энгилроқ турдаги асосий жазопи тайинлашда, ушбу жазо учун ЖК Умумий қисмида кўрсатилган доирадан чиқиб кетмаслиги лозим. Бундан ташқари, ЖК 57 моддасига кўра, асосий жазони қўшимча жазо билан алмаштиришга йўл қўйилмайди¹.

Энгилроқ турдаги жазо тайинлашда ЖК 43 моддасида кўрсатилган асосий жазо турлари энгилдан оғирига қараб жойлаштирилган, яъни танланган энгилроқ жазо тури модда санкциясида кўрсатилган жазо туридан юқори туриши мумкин. Давлат мажбурлов чорасини энгилроқ деб тан олиш учун жазонинг танланган тури, ЖК 43 моддаси 1 қисмининг рўйхатида, ЖК Махсус қисми тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган жазодан юқорида жойлашган бўлиши керак.

Энгилроқ турдаги давлат мажбурлов чорасини тайинлашда, суд модда санкциясида танланган жазодан энгилроқ ёки оғирроқ жазо тури мавжудлиги билан боғлиқ эмас (масалан, ЖК 138 моддасидаги қамоқ жазоси 57 моддага кўра жарима ва ахлоқ тузатиш ишларига нисбатан оғирроқ, озодликдан маҳрум қилиш жазосига нисбатан энгилроқцир). Бироқ танланаётган жазо тури санкцияда назарда тутилмаслиги талаб қилинади, акс ҳолда, тегишли шароитлар мавжуд бўлган ҳолларда, судлар жазонинг камроқ турини эмас, балки камидан ҳам камини қўллашлари талаб қилинади.

Энгилроқ турдаги давлат мажбурлов чорасини қўллаш, бу энгилроқ жазо турини белгилашни ва ушбу жазо миқдори ёки муддатини ўзгартириш мақсадини кўзламайди. Танланган жазо миқдори ва муддати алмаштирилган жазо турининг муддати ва миқдоридан ошиқроқ бўлиши мумкин. Лекин ушбу ҳолат янги танланган давлат мажбурлов чорасининг энгиллигига шубҳа уйғотмаслиги лозим. Суд 2 йилга озодликдан маҳрум қилишни 3 йилга ахлоқ тузатиш ишлари билан, энг кам ойлик иш ҳақининг 600 бараваригача жарима билан алмаштириши мумкин. Энгилроқ турдаги жазо тайинлашда суд айбдорнинг манфаатларидан ҳамда ЖК Умумий қисмидаги чекловлардан келиб чиқиши лозим.

Масалан, энгилроқ жазо тури сифатида ахлоқтузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланмайди (ЖК 46 моддаси 3 қисми).

Қонунда энгилроқ жазо тайинлашнинг ўзига хос тури сифатида, қўшимча жазони қўлламаслик белгиланган.

Айбдорнинг жиноий ҳаракати квалификация қилинаётган модда бўйича қўшимча жазо қўллаш шарт бўлса, суд бундай жазони ЖК 57 моддасида белгиланган ҳолатлар мавжуд бўлгандагина ва ҳукмда тегишли асослар келтириб, қўлламаслиги мумкин.

Масалан, атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (ЖК 194 моддаси 2 қисми), ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖК

205моддаси 2қисми) ва бошқаларда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни қўшимча жазо сифатида қўллаш шарт деб кўрсатилган.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, юқорида қайд этиб ўгилган энгилроқ жазони тайинлаш ўзаро мустақил ва тенг аҳамиятга эга.

Ушбу турлардан биронбири тайинланиши, бошқа турининг қўлланилишига ҳеч ҳам халакит бермайди. Лекин бундай қўлланиш танланадиган энгилроқжазо тури моҳиятига боғлиқ. Яъни, энг кам миқдоридан ҳам камроқ ёки энгилроқ турдаги жазони тайинлаш қўшимча жазони қўлламаслик билан уйғунлашиши мумкин. Лекин жазонинг энг кам миқдоридан ҳам камроқ тайинланиши энгилроқ турдаги жазо тайинлаш билан уйғунлаша олмайди.

Суд ЖК 57моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига бошқа, энгилроқ жазо тайинласа, бу ҳолат айбдорнинг ҳаракати квалификация қилинаётган модда назарда тутган қўшимча жазоларни қўллаш имкониятини чекламайди.

ЖК 57моддаси қоидалари энгилроқ турдаги жазо тайинлашда ҳар бир жиноят учун алоҳида қўлланилади. Яъни, айбдор жиноят қонунининг турли моддаларида назарда тутилган бир неча жиноят учун судланаётган бўлса, ЖК 57моддаси жиноятлар жамаи бўйича

тайинланадиган жазодан кейин эмас, балки алоҳида жиноятлар учун жазо тайинлаш пайтида қўлланилади.

Энгилроқ жазо тайинланишида, муайян ишнинг жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини жиддий камайтирунчи ҳар бир ҳолати алоҳида ҳукмнинг тавсиф қисмида асослантирилади. Бундан ташқари, қонунда кўрсатилганидан ҳам энгилроқ жазо тайинлаш пайтида ҳукмнинг қарор қисмида тегишли модда бўйича ЖК 57моддаси қўлланилиб, тайинланган қатъий жазо чорасини кўрсатиш кифоя бўлиб, уни қўллаш сабаблари ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатилиши керак.

5§. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш

ЖК 55моддаси 1қисмида санаб ўтилган жазони энгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги қилмиш ҳамда айбдор шахс ижтимоий хавфлилик даражасининг кам эканлигидан далолат беради ва шу билан бирга, судга энгилроқ жазо тайинлашга асос сифатида хизмат қилади.

Давлат мажбурловининг аниқ меъёри суд томонидан энгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ҳолатда ишнинг барча материаллари асосида белгиланади. Жазони энгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлигида суд айбдорга энгилроқ жазони тайинлашга, яъни ЖК Махсус қисмининг санкциялари доирасида энгилроқ жазо тури танлашга (альтернатив санкция) ёки унинг миқдорини камайтиришга (энг камигача) ҳақдидир.

Суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган энгиллаштирувчи ҳолатлар қаторида айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, амалда пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш (ЖК 55моддаси 1қисми «а» банди), етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш (ЖК 55моддаси 1қисми «б» банди) каби энгиллаштирувчи ҳолатлар қонун чиқарувчи томонидан алоҳида ажратилади.

(«Айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш», «амалда пушаймон бўлиш», «жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш», «етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш» тушунчалари ҳақида ЖК 55моддаси тахлилига қаранг.)

Судлар айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, амалда пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш (ЖК 55моддаси 1қисми «а» банди), етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш (ЖК 55моддаси 1қисми «б» банди) каби енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва ЖК 56моддасида қатъий рўйхати назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазо ҳеч қандай шароитда тегишли моддада назарда тутилган жазонинг энг кўп доирасидан юқори бўлмаслиги лозимлигини инобатга олишлари зарур.

Хусусан, юқорида қайд этилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазонинг энг кўп муддати ёки миқдори жиноят қонуни томонидан чекланиши ҳамда мазкур муддат ёки миқдор ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслигининг шартлиги белгиланиши инобатга олиниши керак.

ЖК 57¹моддасининг талаблари шахс битта ва бир неча жиноятни содир этишда айбдор деб топилган ҳолатларга ҳам бирдек тааллуқли бўлади. Бу охириги ҳолатда жазонинг умумий муддати шахс жиноий жавобгарликка тортилган тегишли моддалар, модда қисмларининг санкцияларида назарда тутилган энг кўп муддатларини қўшишида ҳосил қилинадиган энг кўп жазо муддатидан ошиши мумкин эмас.

Масалан, ЖК 57моддасида назарда тутилган қоидалардан келиб чиқиб, озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланганда айбдор шахсларга тайинладиган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддати 13 йил 4 ой — 20 йилнинг учдан икки қисмидан (агар улар битта жиноятни содир этишда ёки ЖК 59моддаси қоидаларига мувофиқ жами жазони тайинлашда бир неча жиноятни содир этишда айбдор деб топилган бўлсалар) ва 16 йил 4 ой — 25 йилнинг учдан икки қисмидан (агар улар ЖК 60моддаси қоидаларига мувофиқ бир неча ҳукмлар юзасвдан жазони тайинлашда бир неча жиноятни содир этишда айбланган бўлсалар) ортик бўлиши мумкин эмас.

Шу билан бирга, ЖК 57МожмасН 2қисмига кўра, мазкур қоида қуйидаги жиноятларни содир этган шахсларга татбиқ этилмайди:

а) жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖК 97моддаси 2қисми);

б) терроризм (ЖК 155моддаси 3қисми).

6§. Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш

Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда нафақат жазо тайинлашнинг умумий асосларига, балки ЖК 58моддаси махсус қоидаларига ҳам риоя қилиш лозим. Махсус қоидаларни ҳисобга олишнинг асосий сабаби, ушбу ноқонуний тажовузларга жазо тайинлашда алоҳида ёндашувнинг ўзига хослигидир. Шундай қилиб, ЖК 58моддаси адолат иа пине

варлик принципларини ўз ичига олиб, жиноий жазо мақсадларини тўлақонли амалга оширишга кўмаклашади.

Тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда, суд жазо тайинлашнинг умумий асосларидан ташқари, муайян жиноятнинг содирлиги, жиноий ният амалга оширилишининг даражаси ва жиноятни охирига етказмаганлик сабаблари каби ҳолатларни ҳам **ҳисоблаб** олиши лозим.

Тамом бўлмаган жиноят сифатида жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш тан олинади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш деб, шахснинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шароитлар яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилишига айтилади (ЖК 25моддаси 1қисми).

Жиноят содир этишга суиқасд қилиш жиноий фаолиятнинг иккинчи босқичидир.

ЖК 25моддаси 2қисмига мувофиқ, қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш тамом бўлмаган ноқонуний тажовузнинг турларидан бири бўлиб, жиноий жавобгарликни назарда тутмайди.

Тамом бўлмаган жиноят жазо тайинлашда, суд жазо тайинлашнинг умумий асосларидан ташқари, муайян жиноятнинг оғирлиги, жиноий ният амалга оширилишининг даражаси ва жиноятни охирига етказа олмаганлик сабаблари каби ҳолатларни ҳам ҳисобга олиши лозим.

Қонунда кўрсатилган ҳолатлар, судга жазо тайинлашда алоҳида ёндашувни таъминлаб, содир этилган қилмиш ижтимоий хавф даражасини ва айбдорнинг шахсини тўғри аниқдашга имконият беради. Ушбу ҳолатлар суд томонидан нафақат ўзаро, балки муайян иш ҳолатлари билан биргаликда ҳисобланиши лозим. Таъкидлаб ўтиш жоизки, жазонинг оғирлиги жиноятнинг содир этилиши босқичлари билан мутаносиб бўлиши керак. Шунинг учун жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноят содир этишга суиқасд қилиш учун бир меъёрда жазо чораси тайинланиши мумкин эмас.

Ҳеч қандай шароитда, тамом бўлмаган жиноят учун жазо тегишли модда санкциясидаги энг кўп доирасидан юқори бўлмаслиги лозим. Хусусан, судлар қонун энг кўп бўлган муддатни ёки жиноятга тайёргарлик кўриш учун ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш учун жазо миқдорининг чекланишини ва у (муддат, миқдор) ЖК Махсус қисмидаги тўғри келадиган моддасининг санкциясида назарда тутилган оғирроқ жазо тури миқдори ва муддатининг 3/4 қисмидан кўп бўлмаслиги кераклигининг белгиланишини эътиборга олишлари муҳим.

Шунда, ЖК 58моддаси 2қисмига мувофиқ мазкур қоида:

а) ўта хавfli рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюш маъзоларига нисбатан;

б) тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек, қуйидагилар билан:

— жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш билан;

— ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан;

— ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди.

Тамом бўлмаган жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш қонунда тақиқланган¹. Шундай қилиб, ЖК 58моддаси 3қисмида тамом бўлмаган жиноят учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш мумкин эмаслиги кўрсатилган. Лекин агар жиноятга суиқасд қилишдаги тажовуз орқали бошқа ижтимоий муносабатларга хавfli оқибатлар етказилган бўлса, ушбу тажовуз алоҳида жиноят сифатида квалификация қилиниб, ЖК 54моддасига асосан жазо тайинланиши лозим. Масалан, бошқа шахснинг ҳаётига тажовуз вақтида, шахсга оғир тан жароҳатлари етказилса, ушбу ҳолда содир этилган тугалланган жиноят сифатида ЖК 104моддаси билан 97модда кўрсатилган жиноятга суиқасд сифатида квалификация қилиниб, жазо тайинланиши лозим. У ерда жиноятлар таркиби бўйича жазо тайинланади (ЖК 59моддаси) ва тамом бўлган жиноятлар учун жазо ЖК 54моддасининг талаблари асосида ва жиноятни содир этишга суиқасд қилиш ЖК 58моддаси 1қисми асосида тайинланади.

ЖК 58моддаси 4қисмида суд томонидан жиноятнинг иштирокчилиқда содир этганликда айбдор деб топилганларга нисбатан давлат мажбурият чорасини танлашда жазо тайинлашнинг умумий тамойилларига қўшимча асослар ҳам келтирилган. Жиноят қонунига биноан, суд ушбу ҳолда ҳар бир айбдорнинг жиноят содир этишдаги иштироки хусусияти ва даражасини ҳисобга олиши лозим.

Жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар суд томонидан жазони тайинлашда эътиборга олинади (ЖК 58моддаси

4қисми). Жазонинг энг кўп ва энг кам доираси иштирокчилар со дир этган қилмишлари учун жавобгарлик кўрсатилган ЖК Махсус қисмининг моддаси санкцияси билан аниқланади.

Жиноят содир этишда шахснинг шу жиноятда қатнашиш даражаси ҳар бир дахлдорликнинг функционал ролни аниқлайди.

Жиноятда қатнашиш даражаси эса бу ролни бажаришда унинг фаоллигини, аввалдан келишиб олинган жиноятни бажаришда унинг кўшган ҳиссаси ҳақида тасаввурни беради.

Айтиб ўтиш керакки, фақат жиноятга дахлдорлик хусусиятида, бошқача қилиб айтганда, ҳар бир иштирокчининг битта жиноятда қилаётган ташқи фаолиятида, ташкилотчилар, бажарувчилар, далолатчилар ва ёрдамчилар ҳамда айбдор жавобгарликка тортилаётган аниқ жиноят таркиблари ўртасидаги фарқларни топиш мумкин.

Гуруҳ таркибида жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо чораси тайинланганда, улардан ҳар бирининг ижтимоий хавфли қилмишдаги иштироки даражаси аниқланиши, жиноятнинг ташкилотчилари ва ижро этувчиларнинг айбдорлик даражасидан ёрдамчилар ва жиноят бошқа иштирокчиларининг айбдорлик даражаси фарқланиши лозим.

Ташкилотчилар ва бажарувчилар ёрдамчилар ва далолатчиларга нисбатан оғирроқ жавобгарликка тортилишлари шарт.

Иштирокчининг шахсига тегишли енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар суд томонидан фақат шу иштирокчига жазо тайинлашда ҳисобга олинishi лозим. Бу ҳол шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасини белгилаб, содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига таъсир ўтказмайди. Енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни аниқлашда ЖК 55 ва 56моддалари талабларига риоя қилиш керак.

7§. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш

Шахснинг икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиши, унинг ижтимоий ахлоқи бузуқлиги барқарорлигини, яъни унинг шахси ижтимоий хавф даражаси юқорилигини билдиради. Ушбу ҳолатлар суд томонидан алоҳида ёндашувда жазо тайинлашда ҳисобга олинishi лозим. Лекин юқорида кўрсатилган жазо тайинлашнинг қоидалари жазо тайинлашда алоҳида ёндашув ва Жиноят кодексидagi принципларни, жумладан, жавобгарликнинг муқаррарлигини тўлиқ таъминлай олмайди. ЖК 59моддаси ушбу масалаларни ечишга хизмат қилади.

ЖК 59моддаси 1қисмига мувофиқ, шахс ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, суд ЖК 54моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳар қайси қилмиш учун алоҳида жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлайди. Шундай қилиб, ЖК 59моддаси фақат жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлашда қўлланилади. Бунинг орасида ЖК 33моддаси 1қисмига мувофиқ, ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта

моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади¹.

ЖК 59моддаси 1қисмининг қоидалари ЖК 33моддасининг қоидалари билан қарамақарши бўлиши керак эмас. Шунинг учун қонун чиқарувчи 59модданинг тахририни такомиллаштириши, аниқроқ айтганда, мазкур модда 1қисмидаги «турли моддаларида» деган сўзлардан кейин «ёки битга модданинг турли қисмларида» деган сўзлар билан тўлдирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларига мувофиқ, ЖК 59моддасида белгиланган жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш қоидалари қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

- қилмиш ЖК турли моддалари бўйича квалификация қилинганда;
- қилмиш ЖК муайян моддасининг бир неча қисмлари билан квалификация қилинганда, башарти ушбу қисмлар турли жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутса (масалан, ЖК 228, 248, 273моддалари);
- шахс бир неча айнан ўхшаш қилмишни содир этган бўлиб, улардан айримлари тугалланган жиноят, бошқалари эса жиноятга тайёргарлик, суиқасд тарикасида квалификация қилинганда ёки айримлари мустақил, бошқалари эса иштирокчиликда содир этилганда²;
- иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбдорлиги аниқланганда.

Шахс ЖК Махсус қисми айнан бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган ўхшаш қилмишни содир этганликда айбдор деб тоғалганда жазо шу модданинг оғирроқ жазо белгилапган қисми бўйича тайинланади (ЖК 33моддаси).

Масалан, ўта хавфли рецидивисттомонидан транспорт иоснтл сини ўғирлаш (ЖК 267моддаси 2қисми «а» банди) ва буни зўрлаш билан содир этиш (ЖК 267моддаси 3қисми «в» банди) ҳолларида жазо ЖК 267моддаси 3қисми бўйича тайинланиши керак, чунки у оғирроқ жазони назарда тутади.

Шунда судлар жиноятлар мажмуини тан олишга тўсқинлик қилаётган ҳолатларнинг йўқдигини аниқлаши лозим.

Хусусан, жавобгарликдан озод қилувчи ҳолатлар бўлмаслиги керак, масалан, жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиб кетганлиги, амнистия қўлланилиши, жабрланувчи билан ярашиш.

Айбдор томонидан давомли ёки узоққа чўзилган жиноят содир этилиши жиноятлар мажмуи сифатида тан олинмайди.

Жазо тайинлашнинг умумий асосларига кўра, жиноятлар мажмуи учун жазо белгилашда суд даставвал ҳар бир жиноятга алоҳида жазо тайинлайди.

Шу билан бирга, ҳар бир қилмишга ҳуқуқий баҳо бериш ва давлат мажбурлов чорасини танлаш нафақат муайян жиноятнинг ҳолатларидан, балки қилмишнинг жиноятлар мажмуида тутган ўрнидан келиб чиқиши керак. Жумладан, суд иккинчи ва ундан кейинги жиноятларнинг содир этилишини жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисоблаши лозим.

Агар қўшимча жазони қўллаш шарт бўлиб ва ЖК 57моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, ҳар бир алоҳида жиноят учун жазо тайинлашда суд нафақат асосий, балки қўшимча жазо тури ва миқдорини кўрсатиши лозим.

Бу қоида қонунда тайинланиши шарт деб кўрсатилмаган қўшимча жазо тайинлашга тегишли ҳамда улар жиноятлар мажмуида эмас, балки алоҳида аниқ жиноятга тегишли ҳолда қўлланилиши шарт.

Ҳар бир жиноят учун алоҳида жазо тайинламаслик жиноят қонунини бузиш ҳисобланади ва шу бузилиш ҳукм бекор қилинишининг сабабчиси бўлади. Ҳукмнинг бекор қилинишининг сабаби яна шуки, асосий жазони тайинлаб, ЖК 57 моддасидаги қоидалари йўқлиги ҳолда, тайинланиши шарт бўлган қўшимча жазони тайинламасликдир.

Суд ҳар бир жиноят учун алоҳида жазо тайинлаб, сўнгра жиноятлар мажмуига кирган қилмишларнинг оғирлик даражасига кўра, енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш (қоплаш принципи) ёки тайинлаган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш (қўшиш принципи) йўли билан қатъий жазо белгилайди.

«Агар жиноятлар мажмуини фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этса, унда тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узилкесил тайинланади. Бунда узилкесил тайинланган жазо содир этилган жиноятлардан энг оғири учун назарда тутилган энг кўп жазо муддатидан ёки меъёридан ортик бўлмаслиги лозим» (ЖК 59 моддаси 2 қисми).

«Агар жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлардан лоқал биттаси оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, ЖК Умумий қисмида шу жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узилкесил тайинланади» (ЖК 59 моддаси 3 қисми).

Суд ҳукмда жиноятлар жами учун қатъий жазони кўрсатиши шартдир, акс ҳолда жиноят қонуни бузилган ҳисобланиб, ҳукмнинг бекор қилинишига олиб келади.

Судлар шунга алоҳида эътибор беришлари лозимки, содир этилган жиноятлар мажмуи катта ижтимоий хавф туғдирмаса ёки унча оғир бўлмаган ҳолларда жазони оғирроғи билан қоплаш принципи қўлланилади. Жиноятнинг оғирлик даражасини аниқлашда, ЖК 15 моддасида кўрсатилган жиноятлар классификациясидан фойдаланиш лозим.

Масалан, енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш қуйидаги ҳолда бўлиши мумкин: жиний равишда ҳомила тушириш (ЖК 114 моддаси 2 қисми) ва касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик (ЖК 116 моддаси 1 қисми). Биринчи жинояти учун суд унга 2 ой қамок, иккинчи жинояти учун эса 1 йил ахлоқ тузатиш ишларини жазо сифатида тайинлади. Агар суд лозим деб топса, у енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш принципини қўллаб қатъий жазо турини 2 ой қамок сифатида тайинлаши мумкин. Шу вақтнинг ўзида, бу ҳолда қатъий жазони тайинлашда суд жазоларни тўла ёки қисман қўшиш принципини қўллаши мумкин.

Жазоларни тўла қўшиш деганда, жиноятлар мажмуидаги ҳар бир жиноят учун тайинланган алоҳида жазоларни тўлиқ қўшиш тушунилади.

Жазоларни қисман қўшиш деганда, икки ёки ундан ортик жиноятлар жами бўйича жазо белгилашда суд муайян жиноят учун тайинлаган жазоларни қисман қўшишга мажбурлиги тўғрисидаги қоида назарда тутилади. Бунда жазо турларининг енгилроғи даражаси ЖК 43 моддаси 1 қисмида кўрсатилган кесилма билан белгиланганлиги эътиборга олиниши лозим.

Юқорида айтиб ўтилган мисолда суд жазони **қисман** турини қўллаб қатъий жазони 3 ой қамок сифатида **тайинлаши** мумкин. Бунинг сабаби шуки, ЖК 61 моддаси 1 қисмига мувофиқ қамокнинг 1 куни ахлоқий тузатиш ишларининг 3 кунига **тенг** ахлоқ тузатиш ишларининг 1 йили = қамокнинг 4 ойи) ва **қамок** жазосининг муддатларини тўлиқ қўшишда (2+4=6) унинг қатъий миқдори қилган жиноятларнинг энг оғири учун назарда **тутилган** жазо муддатидан ортик бўлади. Бу ҳолда ЖК 114 моддаси 2 қисмида назарда тутилган жиний йўл билан ҳомилани

тушириш оғирроқ жиноят бўлади. Шу жиноят учун энг кўп жазо муддати — 3 ойгача қамоқ.

Бирок, агар жиноятлар мажмуини ташкил этадиган жиноятларнинг бирортаси оғир ёки ўта оғир бўлса, қатъий жазонинг энг кўп чегараси бу жазо турини тартибга соладиган Умумий қисм моддаларидаги қоидаларга мувофиқ аниқланади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, содир этилган жиноятларнинг биттаси умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳолларда жиноят қонуни қатъий жазони тайинлаш тўғрисидаги қўшимча кўрсатмаларни беради. Аниқроғи: «содир этилган жиноятлардан биттаси учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланганда энгилроқ турдаги жазони **УМРБОД** озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узилкесил тайинланади» (ЖК 59моддаси 4қисми).

«Содир этилган жиноятлардан биттаси учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда жазоларни тўла ёки қисман қўшиш ёхуд энгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш орқали жазо узилкесил тайинланади» (**ЖК 59моддаси 5қисми**).

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми агар жиноятлар мажмуига кирадиган ЖК 97моддаси 2қисми ёки ЖК 155моддаси 3қисми билан назарда тутилган жиноятларнинг биттаси учун ҳам узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаган бўлса, қатъий жазо жазоларни тўлиқ ёки қисман қўшишда қандай бўлса, энгилроқ жазони оғирроғи билан қоплашда ҳам 20 йилдан ортик бўлмаслиги шарт эканлигини аниқдаштиради¹.

Бу қоидалар жиноятлар тамом бўлмаган ҳамда бир иш бўйича ҳукм чиқаришдан олдин судланган бошқа жиноятда айбдорлиги топилган ҳолларга тегишли.

Олий суд инстанцияси яна шунини изоҳлайди, «агар шахс бир неча умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятларни содир этганида, лекин бу жиноятнинг бир қисми айбдор вояга етмаган ёшида, қолган қисми вояга етган ёшида содир этилган бўлса, вояга етмаган ёшида қилинган жиноятлар учун ЖК 82—86моддлари қоидалари бўйича, вояга етган ёшида қилган жиноятлари учун эса ЖК 59моддаси 4ва 5қисмлари бўйича жазо тайинланади»¹.

Жазоларни тўла ёки қисман қўшиш қоидаси ҳар хил жиноят учун ҳар хил жазо тайинланган ҳолларда ҳам қўлланилади. ЖК 59моддаси бқисмига мувофиқ, жиноятлар мажмуи бўйича ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда ЖК 61моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узилкесил тайинланади. Шу билан бирга, ЖК 61моддаси 2қисмига мувофиқ, жарима ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар бошқа турдаги жазолар билан ҳисобланмайди ва алоҳида ижро қилинади².

Ахлоқ тузатиш ишлари ҳамда жарима жазоси турларини қўшишда ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Ахлоқ тузатиш иши жазосини тайинлашда унинг муддати, ушлаб қолинаниган фоиз миқдори олдин ҳар бир модда бўйича, сўнгра уларнинг мажмуи бўйича кўрсатилади.

Ушбу ҳолда қатъий жазога ушлаб қолишнинг энг кўп фоизли бўлган муддати олиниб, унга фоизи кам бўлган муддат қўшилади (белгиланган доираларга риоя қилган ҳолда). Жарима қўлланилган ҳолда, бир хил жазолар қўшилиб, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, қамоқ, хизмат бўйича чеклаш ахлоқ тузатиш ишларидан алоҳида ижро қилинади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси асосий жазо тури сифатида тайинланганда ҳам шундай йўл тўтилади (ЖК 61моддаси).

ЖК 59моддаси 7қисмига мувофиқ, жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган асосий жазога суд айрим жиноятлар учун тайинланган

қўшимча жазоларни ҳам қўшиши мумкин. Олий суд Пленумининг тушунтиришларига қўра, қўшимча жазоларга, икки ёки ун

дан ортиқ жиноятлар мажмуи бўйича асосий жазони белгилашда қўлланиладиган қоплаш ва қўшиш принциплари ўз таъсирини курслтади¹. Бироқ айтиб ўтиш жоизки, қўшимча жазони жиноятлар мажмуи бўйича тайинлашда фақатгина қўшиш принципини қўллаш мумкин. Бу шу билан боғлиқки, муайян муддатга тайинланаётган ягона жазо бу муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишдир.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг ўзига хос хусусияти шуки, суд бундай жазони тайинлашда ЖК Умумий қисмининг қоидаларидан келиб чиқади (ЖК 45моддаси 2қисми), чунки мазкур жазо қўлланилиши шарт бўлган қўшимча жазо сифатида назарда тутилган Махсус қисм моддаларининг санкциялари, одатда, унинг муддатларини кўрсатмайди (масалан, ЖК 207моддаси 3қисми). Бундан ташқари, ЖК 59моддаси 7қисмига мувофиқ, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарикасқдаги қўшимча жазонинг узилкесил тайинланган муддати ЖК 45моддасида энг кўп муддатдан ортиқ бўлмаслиги лозим. ЖК Махсус қисми тегишли моддаларининг санкциялари эса асосий жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг муддатларини белгилайди (масалан, ЖК 114моддаси 1қисми, 116моддаси 1қисми, 205моддаси 1қисми, 206моддаси 1қисми).

Шу сабабли қоплаш принципи (қўшиш принципи билан бирга) биттаси бўлса ҳам асосий бўлган, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазо тури жиноятлар мажмуи бўйича тайинланиши керак бўлганида қўлланилиши мумкин, чунки бундай ҳолда қатъий жазони тайинлашга қўмақловчи сифатида Умумий қисм қоидалари эмас, балки содир этилган жиноятларнинг энг оғири учун жавобгарлик назарда тутилган ЖК Махсус қисми моддасининг санкциясида кўрсатилган энг кўп муддат олинади.

Айтиб ўтиш жоизки, қўшиш фақат бир турдаги қўшимча жазоларга қўлланилади. Судланувчи шунга ўхшаш ҳуқуқдан маҳрум этилади, бошқача қилиб айтганда унга бир хил мансабда ишлаш ёки бир хил фаолият олиб бориш тақиқланади. Бошқа ҳолатда асосий ва қўшимча жазоларни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш сифатида қўшиш мумкин эмас ва улар алоҳида ижро этилиши шарт². Шу билан бирга, бир турдаги қўшимча жазолар, қандай йўл билан асосий жазо тайинланганидан қатъи назар, тўла ёки қисман қўшилиши мумкин.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, судланувчига озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо тайинланганда жазони ижро этиш колонияси тури жиноятлар мажмуи бўйича узилкесил жазо белгиланганидан кейингина тайинланади. Шартли ҳукм қилиш масаласи ҳам шу тартибда ҳал қилинади.

Жиноятлар мажмуи бўйича жазо белгилашда, судлар ҳукмининг қарор қисмида ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасига ҳавола қилган ҳолда ҳар бир жиноят учун алоҳида тайинланган жазони кўрсатиши лозим. Аммо узилкесил жазо чорасини белгилашда фақат ЖК 59моддасига, шунингдек, тайинланадиган асосий ва қўшимча жазоларни тартибга солувчи моддаларга ҳавола қилинади.

ЖК 59моддаси 8қисмига мувофиқ, агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқданса ҳам жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшилади.

Шу билан бирга, бу норманин қоидалари биринчи иш бўйича ҳукм чиқарилмаганидан олдин жиноят содир этилган ҳолларда қўлланилади.

Шундай қилиб, ҳукмнинг қачон қучга киргани аҳамиятга эга эмас, агар жиноят ҳукмнинг эълон қилинишидан олдин содир этилган бўлса, жазо ЖК 59моддаси 8қисмининг қоидаларига риоя қилиб тайинланиши керак. Бироқ агар тажовуз ҳукм чиқарилиб бўлганидан кейин ва бу ҳукм қонуний қучга киргунига қадар содир этилган бўлса ЖК 60моддасининг қоидалари қўлланилади.

Шахс томонидан ҳукм эълон қилинишидан олдин содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда суд шу жиноятнинг мажмуига қирадиган ва суд томонидан кўрилиб бўлинган бошқа жиноятлар билан алоқасини аниқлаши муҳим. Агарда ушбу жиноят, қарор қилинган ҳукмдаги қилмишлар квалификациясига жиддий таъсир ўтказса, ушбу ҳукм янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилинади (ЖПК 522моддаси 4қисми) ва барча жиноятлар бўйича иш умумий тартибда ЖК 59моддасининг қоидалари қўлланилган ҳолда қайта кўрилади. Муҳим ҳолатлар сифатида айбдор томонидан содир этилган қилмишларда, суд томонидан ҳисобга олинмаган енгиллаштирувчи ёхуд оғирлаштирувчи ҳолатлар, жиноят таркибларининг муҳим ва конструктив хусусиятлари (масалан, қилмишнинг такрор содир этилганлиги) мавжудлиги тан олинмоғи лозим.

ЖК 59моддаси 8қисмига мувофиқ, жазо тайинлашда суд ушбу модданинг умумий қоидаларидан келиб чиқиши керак. Бироқ ҳукмда қатъий жазо тайинлаш, биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазони тўла ёки қисман иккинчи ҳужумдаги жазо билан қўшиш орқали аниқланади. ЖК 59моддаси 8қисмини қўллашда, жиноятлар жами учун белгиланган қатъий жазо биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазодан кам бўлиши мумкин эмас, чунки бундай ҳолда жазоларни қўшиш пайтида суд биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазонинг ўталмгглп қисмидан эмас, балки унинг тўлиқ миқдоридан келиб чиқиши 33 РУР

Агар биринчи ва кейинги ҳукм юзасидан турли хил жазо турлари тайинланган бўлса, бундай ҳолда жиноятларни бир вақтда кўрилганда қўлланиладиган ва юқорида таҳлил қилинган ҳар хил жазо турларини қўшиш қоидалари ишлатилади.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ЖК 59моддаси 4қисми белгиланган қатъий жазони ўташ муддати охириги ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади ҳамда тайинланган жазодан сўнгги иш бўйича судгача эҳтиёт чораси ёки ушлаб туриш тартибда қамокда ўтирган вақт инобатга олинган ҳолда чегириб ташланади. Ушбу ҳолда ҳукмда биринчи ҳукм бўйича қайси қисми ўталганлиги кўрсатилиши лозим. Масалан, биринчи ҳукм бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг 450 баравари миқдорида жарима тайинланган бўлиб, айбдор томонидан ушбу жариманинг энг кам ойлик иш ҳақининг 350 баравари миққоридаги қисми тўланган бўлса ва шахс бошқа жиноятда ҳам айбдор деб топилса ва унга энг кам ойлик иш ҳақининг 124 баравари миққорида жарима жазоси тайинланса, бунда уларни тўла қўшишда умумий жазо миққори энг кам ойлик иш ҳақининг 574 баравари миққорига тенг келади ($450 + 124 = 574$). Суд аввал тўланган жарима миққорини ҳисобга олиб тайинлаган жарима миққори энг кам ойлик иш ҳақининг 224 баравари миққорига тенг келган бўлиши керак ($574 - 350 = 224$).

Шартли ҳукм қилишда жазоларни қўшишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Шундай қилиб, агар биринчи ҳукм бўйича шартли ҳукм қилиниб, иккинчиси бўйича бошқа реал жазо тайинланган бўлса, ушбу ҳолат шартли ҳукмнинг алмаштирилишига таъсир ўтказмайди, чунки қонун талабларига кўра, шартли ҳукмнинг алмаштирилиши шахснинг синов муддатидаги хулқи билан аниқланади. Агар синов муддати даврида шартли ҳукмни бекор қилиб ҳукмда кўрсатилган жазо бажарилишини тақозо этадиган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, ушбу жазо қатъий жазо тайинлашда ўталган деб ҳисобланиши лозим. Масалан, биринчи ҳукм бўйича шахс 6 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосига

2 йил синов мудадти билан шартли ҳукм қилинган бўлса ва ушбу ҳукм чиқарилгандан кейин шахс яна бошқа бир ҳукм чиқарилгунга қадар содир этган жиноятда айбли деб топилиб,

5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ҳукмлар жами юзасидан узилкесил жазо муддати — 11 ($5 + 6 = 11$) йил. Лекин, агар синов муддати давомида шахс хулқи яхши бўлиб, белгилаиған шартли ҳукм тартибини бузмаган бўлса, биринчи жазо тўлиқ, яъни

6 йил ўталган деб тан олинади. Шунда, ўталадиган жазо муддати

$5(11 - 6 = 5)$ йилни ташкил этади. Агарда шахс томонидан белгиланган шартли ҳукм тартиби бузилган бўлса, жазонинг фақат амалда ўталган қисми ҳисобга олинади. Худди шундай равишда биринчи ҳукмдаги жазо ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш масаласи хал қилиниши керак.

Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг яна бошқа жиноятларда айбдорлиги аниқланиб, улардан айримлари биринчи ҳукм чиқарилгунга қадар, бошқалари эса ҳукм чиқарилганидан сўнг содир этилган бўлса, иккинчи ҳукм бўйича жазо ЖК 59ва 60моддаларида белгиланган тартибга риоя этилган ҳолда тайинланади. Бунда, аввало, биринчи ҳукм чиқарилгунга қадар содир этилган жиноятлар жами бўйича, ундан кейин ЖК 59моддаси 8қисми қондасига асосан, сўнгра биринчи ҳукм чиқарилгандан кейин содир этилган жиноятлар жами бўйича ва ниҳоят ҳукмлар жами бўйича жазолар белгиланади.

8§. Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш

Шахс томонидан жазо ўташ вақтида янги жиноят содир этилиши унинг ижтимоий хавф даражаси юқорилигини англатади. Бундан ташқари, бундай ҳолат қўлланилган давлат мажбурлов чораларининг жазо мақсадларига эришмаганлигини кўрсатади. Бунинг ҳаммаси бундай шахсга яхшироқ таъсир этадиган чораларни қўллаш заруриятини келтириб чиқаради.

Бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш қоидалари, шахс муайян давр ичида жиноят содир этган ҳолларида, яъни ҳукм чиқарилиб, жазо тўлиқўталмаган пайтда қўлланилади. Агар бир жинояти учун ҳукм чиқарилганидан кейин шахс жазони ўташ муддати давомида яна жиноят содир этса, маҳкумга бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланади. ЖК 60моддаси 1қисмига мувофиқ, агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади. Бунда ҳукм чиқарилган пайт деб, унинг қонуний кучга кирган пайтини эмас, балки уни эълон қилиш пайти тан олинади, чунки ҳукм чиқарилиши унинг оммавий эълон қилиниши билан яқунланади.

ЖК 60моддасининг қўлланилишига тўсиқ бўладиган ҳолат, бу аввал тайинланган асосий ва қўшимча жазони тўлиқ ўталганлигидир¹. Бундай ҳолда жазони ижро этишнинг тугалланиши тайинланган жазоларнинг энгузунидан келиб чиққап ҳолда апиқдапади, Масалан, судланганга нисбатан биронбир асосий жазо ил ҳарбий ски маҳсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча **жазо** тайинланган бўлса, бу ҳолда асосий жазонинг ўталган вақти жазо ўтал ганлигини англатади. Лекин агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазоси қўлланилган бўлса, бу ҳолда қўшимча **жазонинг** ўталиб бўлинган вақти жазо ўталганлигини англатади. Хусусан, жиноят қонунига мувофиқ, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазо турининг ижро этилиши жарима, ахлоқтузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш асосий жазо турлари ижро этилган пайтларда амалга оширилади, бунинг устига ҳукм билан ўрнатилган муддатда. Масалан, агар шахсга асосий жазо сифатида 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари ва қўшимча жазо сифатида 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган бўлса, у ҳолда жазони

ўтаб бўлиш муддати сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ижро этилган вақт тан олинади. Ва тескариси, агар шахсга нисбатан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари 2 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси билан бирга тайинланган бўлса, у ҳолда жазони ўтаб бўлиш вақти деб ҳукмнинг қонуний кучга кирганидан сўнг уч йил ўтиши ҳисобланади. Озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ ёки интизомий қисмга жўнатиш ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоларини тайинлашда ҳам жазони ижро этишнинг тугалланиши қўшимча жазони ўтаб бўлган муддати билан ҳисобланади.

ЖК 60моддаси қўлланилишига шахснинг судланганлик ҳолати ҳеч қандай таъсир ўтказмайди, чунки бу ерда асосийси жазо ўтаб бўлинган вақтдир. Судланганлик эса, жиноят содир этилишининг ҳуқуқий оқибати сифатида, ушбу ҳолда ҳисобга олинмайди.

Янги жиноят содир этиш деб, ҳукм чиқарилган вақтдан бошлаб тайинланган жазони ўтаб бўлгунгача бўлган даврда, субъектив томондан (қасдан ёки эҳтиётсизлик оқибатида) ҳамда объектив томондан (қачон бошланганидан) қатъи назар, содир этилган жиноят тушунилади. Бир жинояти учун судланиб ҳукм чиққан, лекин ҳукм бўйича жазони ўтамаган шахс, биринчи ҳукм чиққунга қадар бошланиб, ҳукм чиққандан сўнг ҳам давом этган узокқа чўзилган ва давомли жиноят содир этишда айбдор деб топилса, иккинчи ҳукм бўйича унга жазо тайинлашда суд ЖК 60моддаси қоидаларига риоя этиши лозим¹.

Ҳукм чиқарилган вақтдан бошлаб тайинланган жазони ўтаб бўлгунгача бўлган даврдаги содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда суд жазо тайинлашнинг умумий асослари, айбдорнинг шахси, айбидаги энгиллаштирувчи ва оғарлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозим. Шундай қилиб, ушбу жиноят учун тайинланадиган давлат мажбурлов чорасига алоҳида ёндашувни таъминлаш лозим бўлади. Бундан ташқари, жазо тайинлашда шахс томонидан жиноят аввал тайинланган жазо ўташ даврида содир этилганлигини ҳисобга олиш лозим.

Суд узилкесил жазо тури ва миқдорини, янги ҳукм бўйича илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатига тўлиқ ёки қисман қўшиш йўли билан тайинлайди. Эътиборли жиҳат шундаки, янги содир этилган жиноят учун тайинланган жазо тўлиқ ҳисобга олиниши лозим, акс ҳолда, ҳукмнинг бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Агар айбдор ҳукм эълон қилингандан кейин бир неча жиноятларни содир этган бўлса, суд аввал жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинлаб, унга олдинги ҳукм бўйича ўталмай қолган жазони тўла ёки қисман қўшади.

Ҳукмлар мажмуи бўйича узилкесил жазо тайинланиши янги жиноят учун жазога қўшиладиган ўталган жазонинг тўғри аниқланишига боғлиқ. «Ҳукмлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш ҳақидаги масала ҳал қилинаётганда олдинги ҳукм бўйича тайинланган асосий ва қўшимча жазонинг қанча қисми шахс томонидан реал ўталмаганлиги аниқланиши лозим»¹.

Жазо қуйидаги ҳолларда ўталмаган деб ҳисобланади:

—илгариги ҳукм бўйича тайинланган, янги жиноят бўйича ҳукмнинг эълон қилинишидан олдин ўтаб бўлинган жазодан ташқари жазоси, яъни янги ҳукм эълон қилингунга қадар ўталмаган жазо. Янги жиноят озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахс томонидан содир этилганда, жазонинг ўталмаган қисми деб янги жиноят учун қамоққа сақдаб туриш сифатида эҳтиёт чораси танланганидан сўнг қолган муддатни ҳисоблаш лозим. Агар бундай эҳтиёт чораси танланмаган бўлса, жазонинг ўталмаган қисми муддати охириги ҳукм чиқарилган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Шу вақтнинг ўзида тезкор хусусиятли жазонинг ўталмаган қисмини аниқлашда ахлоқтузатиш ишларига маъмурий қамоқ муддати ҳамда жазони ижро этилишидан

кочиб юрган вакти каби жазоларни ижро этилишидаги муддати ҳисобга олинмайди;

— жазони ўташ муддатидан илгари шартли равишда озод этилганда — жазонинг маҳкум томонидан ўталмай қолган қисми;

— ЖК 72 моддасида кўрсатилган тартибда шартли ҳукм қилинганда — ҳукмнинг бутун муддати;

— ЖПК 533 моддасида назарда тутилган тартибда ҳукмнинг ижроси кечиктирилганда жазонинг тўлиқ муддати (эҳтиёт чораси ёки ушлаб туриш тарзида қамокда сақланган вақт бундан мустасно);

— жазо ЖК 74 моддасига асосан ёки афв этиш ёки амнистия акти асосида енгилроғи билан алмаштирилганда, алмаштирилган енгилроқ жазонинг ўталмаган қисми.

Бир неча ҳукм юзасидан узилкесил жазо турини белгилаш, ЖК Махсус қисми моддаси санкциясидаги жазонинг энг кўп чегараси билан боғлиқ эмас. Лекин ЖК Умумий қисмида ушбу жазо тури учун белгиланган доирадан чиқиб бўлмайди.

Ҳукмлар мажмуи бўйича белгиланган жазо янги жиноят учун белгиланган жазо муддатидан ҳам, илгариги ҳукм бўйича белгиланган жазонинг ўталмаган қисмидан ҳам кўпроқ бўлиши керак.

Бунда озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги узилкесил жазо муддати йигирма беш йилдан, вояга етмаганлар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ва аёлларга нисбатан эса, ўн беш йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бир неча ҳукмлар юзасидан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашда ЖК 60 моддаси 3 ва 4 қисми қоидаларига риоя қилиш керак. «Агар ҳукмлардан бири билан умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда енгилроқ жазо турини умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узилкесил тайинланади» (ЖК 60 моддаси 3 қисми).

«Агар ҳукмлардан бири билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узилкесил тайинланади» (ЖК 60 моддаси 4 қисми).

Бири тугалланмаган жиноят бўйича чиқарилган бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашда ҳам мазкур қоидаларга риоя этилиши керак.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда колония тури узилкесил тайинланган жазо туридан келиб чиқиши керак. Судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, озодликдан маҳрум қилиш шахсга нисбатан аввалги ўташ жойи оғирлигидан қатъи назар, белгиланадиган колония тури аввалгисидан енгил бўлмаслиги лозим. Масалан, аввалги ҳукм бўйича жазо ўташ шахсга умумий тартибли колонияда белгиланган бўлса, ҳукмлар жами бўйича умумий тартибли ёки қаттиқроқ тартибли колония белгиланади (ЖК 50 моддасига риоя этмоқлозим). Ушбу масаланинг бошқача тарзда талқин қилиниши, жазонинг асоссиз енгиллашувига олиб келади.

Колония турини белгилашда, суд айбдорнинг шахсини ҳам ҳисобга олиши лозим, яъни агар аввалги ҳукм бўйича озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган бўлса, ушбу ҳолда, албатта, колония турини белгилашда эътибор берилиши керак.

ЖК 59 моддаси олтинчи қисми ва 60 моддаси қоидаларига мувофиқ, тайинланган узилкесил жазо муддати охириги иш бўйича судгача эҳтиёт чораси сифатида қамокда сақлаш ёки ушлаб туриш вақти ҳисобга олинган ҳолда охириги ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади¹.

Илгариги ҳукм ва янги содир этилган жиноят учун чиқарилган ҳукм бўйича ҳар хил турдаги жазо тайинланган ҳолатларда жазоларни қўшиб ҳисоблаш ЖК 60 моддаси 2 қисмида ва ЖК 61 моддасида белгиланган.

Маҳкумнинг жазо ўташдан бўйин товлаганлиги учун илгариги ҳукм юзасидан тайинланган жазонинг бир тури бошқа турга алмаштирилган вазиятларда (масалан, жарима қамоқ, ахлоқтузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган бўлса) жазо, ЖК 61 моддаси қоидаларига асосан, биринчи жазо ўрнига тайинланган жазодан келиб чиқиб, узилкесил тайинланиши керак. Хусусан, илгариги ҳукм юзасидан тайинланган ахлоқтузатиш жазосини ўташдан бўйин товлаганлиги билан боғлиқ ҳолда мазкур жазо озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган бўлса ва шу жазони ўташ даврида маҳкум томонидан янги жиноят содир этилган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан тайинланган узилкесил жазо биринчи ҳукм юзасидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари алмаштирилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва иккинчи ҳукм бўйича тайинланган тегишли жазони қўшиш йўли билан белгиланиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, бундай вазиятларда, алмаштирилган жазо тури қайта (ахлоқ тузатиш ишлари ёки жаримага) алмаштирилмайди. Бошқача вазиятда янги жиноят содир этиш жаримани тўлаш ёки ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товлаш учун жавобгарликдан озод қилишнинг ўзига хос асоси бўлиб қолади, бу эса ЖК 44 моддаси 3 қисми ва 46 моддаси 4 қисми талабларини бузиш ҳисобланади.

ЖК 60 моддаси 5 қисмида маҳкумнинг иш ҳақидан ёки пул таъминотидан ушлаб қолиш фоизлари ҳар хил бўлган тақдирда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазоларини қўшиш масаласи ҳал қилинган. Бундай вазиятда қонунда кўрсатилганига кўра, кўрсатилган жазо муддатлари қўшилиб, ушлаб қолиш эса алоқида ҳисобланиши керак.

Илгариги ҳукм ва содир этилган янги жинояти учун чиқарилган ҳукм бўйича ахлоқ тузатиш ишлари тайинланган, бироқ бу жазоларнинг тури фарқ қилган, яъни маҳкум ўзи ишлайдиган жойда ва жазони ижро этиши органи белгилаб берган жойда жазони ўзгатиш белгиланган вазиятда масалани бошқача ҳал қилиш лозим. ЖК (>()) моддаси 2 қисмига мувофиқ, жазоларни қўшишда оғирроғига БНГИЛРО! И қўшилишини инобатга олиб, судлар, узилкесил жазони жазони ижро этиш органи белгил аб берган жойда ўталадиган ахлоқ **тузатиш** ишларини тайинлашлари лозим, чунки бу маҳкум ўзи ишлайдиган жойда ўтайдиган ахлоқ тузатиш ишларидан оғирроқ ҳисобланади.

ЖК 60 моддаси 6 қисмига мувофиқ, «илгариги ҳукм юзасидан ижро этилмай қолган қўшимча жазолар ҳукмлар жами тариқасида тайинланган асосий жазога қўшиб тайинланади». Бошқача қилиб айтганда, илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган қўшимча жазолар узилкесил тайинланган асосий жазога қўшимча жазо сифатида тўла ёки қисман қўшилади ёхуд янги ҳукм бўйича тайинланган ўша турдаги қўшимча жазога, мазкур жазо тури учун белгиланган муддат доирасида тўла ёки қисман қўшиб ҳисобланади. Ҳар хил турдаги қўшимча жазолар алоҳида ижро этилади.

Битта ҳукм бўйича, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш шаклидаги асосий жазони тайинлашда, қўшимча сифатида эса — бошқаси бўйича, бу жазонинг энг кўп муддати, асосий жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш шаклидаги жазога тааллуқли ЖК Умумий қисмининг ҳолатларига мувофиқ белгиланиши керак (яъни, беш йилдан ортиқ). Бироқ ушбу қоида, ҳукм этилган шахс худди шундай ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳоллардагина қўлланилиши лозим, яъни унга бир хил лавозимларни эгаллаш ёки бир хил фаолият билан шугулланиши ман қилинса. Бошқа ҳолда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишга нисбатан асосий ва қўшимча жазоларни қўшишга йўл қўйилмайди ва улар мустақил ижро этилиши зарур. Бунда энг кўп муддат Умумий қисмининг ҳолатларига мувофиқ аниқланади, асосий жазо учун — 5 йил, қўшимча учун эса — 3 йил.

«Агар иш бўйича маҳкум бошиқа жиноятларда ҳам айбдор эканлиги аниқданиб, улардан айримлари биринчи ҳукм чиқарилгунга, бошиқалари эса, ҳукм чиқарилгандан сўнг содир этилган бўлса, иккинчи ҳукм бўйича жазо аввал биринчи ҳукм чиқарилгунга қадар содир этилган жиноятлар мажмуи бўйича, кейин ЖК 59моддаси олтинчи қисми қондасига кўра, сўнгра биринчи ҳукм чиқарилгандан кейин содир этилган жиноятлар мажмуи бўйича ва охириги бир неча ҳукм юзасидан (ЖК 60моддаси) узил кесил тайинланади».

98. Жазоларни қўшишнинг ҳисоблаш қоидалари

Жиноят қонуни қоидаларига мувофиқ, жиноятни содир этишнинг ҳуқуқий оқибати жазони тайинлайди. Бунда ҳар бир жиноят фақат битта асосий жазонинг қўлланилишини тақозо этиши шарт, бу масаланинг ўзгача ҳал этилиши инсонпарварлик ва адолат принципларига тўғри келмайди.

Шу билан бирга, бир неча жиноятларни содир этишда жазони тайинлаш, шунингдек, ҳукмларнинг йиғиндиси бўйича давлат мажбуриятининг турли хил чоралари қўлланилишини тақозо этади, уларнинг бир вақтнинг ўзида қўлланилиши адолатсиз ва жиноят жазоси мақсадларига эришиш учун нозарур ва етарли эмасдир. Шунинг учун ушбу ҳолатларда фақат битта асосий жазони тайинлаш шарт, жиноятлар (ЖК 59моддаси) ёки ҳукмлар (ЖК 60моддаси) йиғиндисига кирувчи жиноятлар учун давлат мажбуриятининг турли чораларини тайинлашда уни белгилаш учун **ЖК 61моддаси** хизмат қилади.

ЖК 59 ва 60моддалари қоидалари тахлилидан ҳамда **ЖК 61моддасида** назарда тутилган, жазоларни қўшиш тизимидан чиққан ҳолда, шу нарса келиб чиқадики, жазоларни қўшишда асос сифатида жазоларнинг янада жиддий тури олинади. Шу сабабли жазоларни қўшишда жазоларнинг қўшилиши унинг енгиллашишига олиб келмаслиги учун унча қаттиқ бўлмаган жазо турини янада қаттиқроқ жазога ўтказиш даркор.

Жазонинг қаттиқлигини аниқлашда **ЖК 43моддаси 1қисмида** кўрсатилган изчилликка амал қилиш керак.

ЖК 61моддаси асосий жазолар ҳар хил турларининг бири билан мутаносиб нисбатини мустаҳкамлаш ёрдамида жазоларни қўшиш қоидаларини белгилайди. Бунда мутаносиб бирлик сифатида жазонинг озодликдан маҳрум қилиш тури чиқади. Бироқ бундай вазият, ҳар хил жазоларни тайинлаш ҳолатларида уларни фақат озодликдан маҳрум қилишга олиб келишини талаб қилмайди, чунки охириги кўриб чиқилаётган модда маъносида, фақат жазоларнинг ҳар хил турлари орасида мутаносиб нисбатнинг мустаҳкамланиш зарурияти бўлиб хизмат қиладиган ёрдамчи элемент ҳисобланади. Масалан, **ЖК 61моддаси 1қисмига** мувофиқ, «ҳар хил турдаги асосий жазоларни қўшилганда озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни:

- а) қамоқ ёки интизомий қисмга жўнатишнинг бир кунига;
- б) ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига тўғри келади».

Баён этилган меъёр доирасида озодликдан маҳрум қилиш, давлат томонидан турли хил мажбурият чораларини тайинлаш ҳолатида, яқиний асосий жазонинг бир турини белгилашда судлар риязат қилкиши лозим бўлган «намуна» эмас, балки «мувофиқдик» бўлиб ҳисобланади. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига турли жазоларнинг нисбати орқали ушбу жазоларнинг бошқалари билан нисбати аниқланади, масалан, ахлоқтузатиш ишлари билан қамоқёки қамоқ билан хизмат бўйича чеклашлар. Намуна бўлиб эса, яъни давлат томонидан турли хил мажбурият чораларини тайинлашда, бошқаларга келтирилиши лозим бўлган жазо бу жазоларнинг энг қаттиқ тури

бўлиши зарур. Жумладан, агар айбдор томонидан иккита жиноят содир этилган бўлса ва улардан бири учун ахлоқ тузатиш ишлари туридаги жазо, бошқаси учун эса қамоқ тайинланган бўлса, унда жазонинг якуний тури давлат томонидан энг қаттиқ чораси сифатида — қамоқ бўлади.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, турли хил жазоларнинг нисбати нафақат ЖК 61 моддаси 1 қисмининг турли бандларида назарда тутилган жазолар орасидаги (масалан, интизомий қисмга жўнатиш билан хизмат бўйича чеклаш орасида), балки ушбу модданинг битта бандида назарда тутилган жазолар орасидаги (масалан, хизмат бўйича чеклашлар билан ахлоқ тузатиш ишлари орасида) нисбатни аниқлаш ҳолларида ҳам қўлланилади. Бундай вазиятда ушбу жазолар орасидаги нисбат озодликдан маҳрум қилиш билан белгиланади.

Бир неча жиноятларни содир этганлиги учун ёки жиноятлар йиғиндиси бўйича ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашларни, ҳукм этилганининг иш ҳақидан ёки пуллик таъминотидан турли миқдордаги чегирмалар билан бирга тайинлашда, фақат бу жиноят турларининг муддатлари йиғиндиси олинади, ҳар бир жазо учун чегирмаларнинг миқдори эса ўзгаришсиз қолдирилади.

ЖК 61 моддаси 2 қисми давлат мажбурлови чораларининг бошқа турлари жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан қўшилиши мумкин бўлмаган жазоларни назарда тутаяди. «Жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, қамоқ, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари жазолари билан қўшилганда ҳар қайсиси алоҳида ижро этилади». Бундай ҳолда асосий жазоларнинг бошқа турлари қўшилиши ва битта асосий турга келтирилиши лозим.

ЖК 61 моддасида назарда тутилган жазоларни қўшиш қоидаларини, жазони ўташдан бош тортган ҳолларда уни бошқа жазо турларига алмаштиришдан фарқлаш зарур. Жазо алмаштирилган ҳолларда, айтилган қоидалар ва нисбатларга риоя қилинмайди ва алмаштирилган жазонинг ҳар бир турига нисбатан мустақил белгиланади (ЖК 44 ва 46 моддалари). Бундан ташқари, жазолар йиғиндиси ҳукмни чиқаришда жазоларни тайинлаш тартибида амалга оширилади, жазоларнинг алмаштирилиши эса, ҳукмни ижро этиш жараёнида ўтказилади.

10§. Даствлабки қамоқ вақтини ҳисобга олиш қоидалари

Айбланувчи, судланувчининг суриштирув, даствлабки тергов ва суддан бўйин товлаши, кейинги жиноий фаолияти, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўскинлик қилиш ҳаракатларининг (ЖПК

236 моддаси 1 қисми) олдини олиш мақсадларида, айрим ҳолларда тергов идоралари томонидан даствлабки (суддан олдинги) қамоқчораси қўлланилиши мумкин. Бошқа олдини олиш чораларидан фарқли равишда, даствлабки (суддан олдинги) қамоқ чораси, ушбу чора қўлланилган шахснинг ҳуқуқларини чеклашнинг энг юқори даражаси билан тавсифланади ҳамда уни жамиятдан ажратиб қўйишдан иборат бўлади. Натижада шахсга, одатда, жиноий жазо мақсадларига янада самарали эришишга ёрдам берувчи аниқ таъсир кўрсатилади. Буларнинг ҳаммаси, жазони ҳисоблашда даствлабки (суддан олдинги) қамоқ чораси муддатини ҳисобга олиш зарурлигини тақозо этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, қонунчиликда «даствлабки (суддан олдинги) қамоққа олиш» тушунчасининг аниқ таърифи йўқ. Шу билан бирга жиноят ҳуқуқининг назарияси ва амалиёти, даствлабки қамашни аниқлашда, жумладан, унинг жазони тайинлашда ҳисобга олиниши керак бўлган муддати суддар томонидан албатта қуйидагилар эътиборга олинишини талаб қилади:

— жиноий процессуал эҳтиёт чораси сифатидаги қамоққа ушлашнинг муддати. Қамоқда ушлаш муддатини аниқлаш тартиби ва чегаралари

Ўзбекистон Республикасининг ЖПК да ўрнатилган (245, 246, 315моддалари);

—жиноятни содир этишда шубҳа қилинаётган шахсни ушлаб туриш вақти ЖПК 27бобига мувофиқ. Бундан ташқари, ушлаб туриш муддатини аниқлашда ҳам ЖПКнинг 315моддаси ҳолатларига амал қилиш лозим;

—судтиббий ёки судпсихиатрик экспертизани шифохона шароитида ўтказиш зарур бўлган ҳолларда шахс тиббий муассасага жойлаштирилган вақт. Шахснинг тиббий муассасада бўлишини аниқлаш тартиби ва энг кўп муддатлари ЖПК нинг 268, 315моддаларига қўра аниқланади;

—шахс маъмурий тартибда ушланган ёки қамоққа олинган (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ), кейинчалик жиноят деб тан олинган ва суд томонидан жазо тайинланган хаттиҳаракат учун қамалган муддат. Масалан, шахс томонидан паспорт қоидалари (МЖТК 225моддаси 1қисми) ёки диний эътиқодларни ўргатиш тартиби бузилганда (МЖТК 24моддаси);

—ҳарбий хизматчини кейинчалик жиноят деб тан олинган ва суд томонидан жазо тайинланган хаттиҳаракат учун гауптвахтада интизомий қамоққа ушлаш вақти (масалан, итоат этмаганлик ҳолатида).

Дастлабки қамаш муддати, юқорида кўрсатилган чоралардан бирининг ҳукмнинг қонуний кучга кирган пайтигача қўлланган пайтидан бошлаб фойдалилиги билан аниқланади.

Бу ҳолда дастлабки (суддан олдинги) қамоқ муддаш тўхташ қўйилган вақт ҳам, дастлабки қамашнинг амалда бажарилшим қарамасдан, ҳисобга олинмиши шарт. Агар ишни қайта кўриб чиқишда, олдин чиқарилган ҳукм юқори турувчи суд томонидап бекор қилинса, дастлабки қамоқ муддатининг барча вақти, биринчи ҳукм кучга кирган пайтигача бўлган вақт ҳам, иккинчи ҳукмнинг кучга кирган пайтигача бўлган вақт ҳам ҳисобга олинмиши даркор. Шу билан бирга, кўрсатилган муддатлар орасидаги давр ҳам, дастлабки қамоқ муддати сингари, ҳисобга олинмиши керак.

Дастлабки қамоқ муддатларини ҳисоблаш қоидалари ЖК 62моддасида кўрсатилган: «Суд жазо тайинлашда дастлабки қамоқнинг ҳар бир кунини:

- а) интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига;
- б) ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига тенглаштириб ҳисоблайди».

Жазо тайинлашда дастлабки қамоқ вақтини ҳисобга олиш бўйича қарор ҳукмнинг қарор қисмида акс эттирилган бўлиши лозим. Қонунда кўрсатилган ҳолатларда суд жазони тайинлашда дастлабки қамоқмуддатини ҳисобга олган бўлиши зарур. Масаланинг бошқача ҳал қилиниши, ҳукмнинг ўзгаришига олиб келувчи қонуннинг жиддий бузилиши ҳисобланади.

Дастлабки (суддан олдинги) қамоқ муддати суд томонидан тайинланган муддатга тенг ёки ундан ортиқ бўлса, ҳукм этилган жазони ўтаб бўлган деб тан олинмиши ва озод қилиниши шарт).

ЖК 62моддасида кўрсатилмаган (жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш) жазонинг бошқа турларини тайинлашда, суддан олдинги қамоқ ҳисобга олинмайди. Лекин суд мазкур вазиятни эътиборга олиши даркор ва шунга мувофиқ тайинланадиган жазони енгиллаштириши ёки айбдорни бутунлай жазони ўташдан озод қилиши мумкин. Бунда суд, албатта, ҳукмнинг асослайдиган қисмида жазони енгиллаштириш ёки айбдорни уни ўташдан бутунлай озод қилиш тўғрисидаги ўз қарорини асослаб бериши керак.

11§. Жазо муддатларини ҳисоблаш

Жиноий жазо муддатларининг тўғри ва бир хил ҳисобланиши жазонинг қонуний ва адолатли тайинланиши ва бажарилишининг гарови ҳисобланади, унинг мақсадларига самарали эришишга кўмаклашади. Бундан ташқари, жазо муддатларини ҳисоблаш қоидалари жиноят қонунчилигининг бошқа институтларини қўллашга, шу жумладан, уни алмаштиришга, жазони ҳисобга олишга, улар йиғиндисини чиқаришга ва бошқаларга ёрдам беради.

ЖК 64моддасида айтилганидек, «муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклашлар, қамоқ, интизомий қисмга йўналтириш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо муддатлари ойлар ва йиллар билан ҳисобланади». Моддани тахдил қилиш шуни кўрсатадики, ушбу қоида фақат содир этилган жиноят учун жазони тайинлашга тааллуқлидир ва ушбу жазоларнинг муддати ойнаинг бир қисмига ёки бир неча кунга тайинланиши мумкин эмаслигини англатади. Бундай ҳолларда ҳукм тегишли тартибда ўзгартирилиши зарур.

Жазо муддатини ойлар ва йилларда аниқлашда шуни назарда тутиш керакки, у йилнинг ёки ойнаинг охириги кунда тугалланади. Масалан, агар ҳукм бўйича бир йиллик муддат 2002 йил 3 мартдан ҳисобланса, унда у 2003 йил 2 мартда тугалланади. Бу ҳолда йилда кунлар сони ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас (яъни, у кабиса йил эканлиги). Худди шундай ҳолда, агар ҳукм бўйича жазо 3 ой этиб белгиланса ва унинг муддати 1997 йил 5 июндан бошланса, у худди шу йилнинг 4 августда тугалланади. Жазо муддатларини ойларда ҳисоблаганда ойдаги кунлар сони ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас (икки ойлик ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, агар у 1997 йил 1 январда бошланса, 1997 йил 28 февралда ўталган деб ҳисобланади, уй ойлик жазода эса — 1997 йил 31 мартда).

ЖК 63моддасида, шунингдек, «Жазоларни алмаштириш, ҳисоблаш, қўшиш вақтида уларнинг муддатлари кунлар билан ҳисобланиши мумкин» деб кўрсатилган. Бунда суд ҳукмида, ажримда (жазони алмаштиришда) тўлиқ йиллар, ойлар ва қолган кунлар кўрсатилиши шарт.

Жазони кунларда ҳисоблашда, ЖПК да ўрнатилган муддатларни ҳисоблаш қоидаларини қўллаш даркор. Жумладан, муддатларни кунларда ҳисоблаганда, муддат охириги куннинг соат 24:00 да тугайди (ЖПК 314моддаси 2қисми).

«Жазо тайинлаш» мавзуси бўйича яқуний саволлар

1. Жазони тайинлашнинг асослари нималардан иборат? Уларнинг мезонлари қандай?
2. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни нималар ифодалайди?
3. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни нималар ифодалайди? Уларнинг рўйхаги очикҳисобланадимми?
4. Қайси ҳолларда суд энг енгил жазо тайинлаши мумкин? Энг енгил жазонинг тайинланиши нималарда ифодаланиши мумкин?
5. Тугалланмаган жиноят ва жиноятни содир этишда жазо қандай тайинланади?
6. Шерикликца содир этилган жиноят учун жазо тайинлашнинг ўзига хослиги нимадан иборат?
7. Суд томонидан охириги жазони аниқлаш принципини танлаш нимага боғлиқ бўлади?

8. Жазоларни қамраб олиш ва йиғиндиси принциплари нимадап иборат?

9. Жиноятлар йиғиндиси бўйича жазони тайинлаш тартиби қандай?

10. Жиноятлар йиғиндиси ва ҳукмлар йиғиндиси бўйича жазолар тайинлашнинг қонунчилик чегаралари қандай?

11. Жиноятлар йиғиндиси бўйича жазолар тайинлашнинг ҳукмлар йиғиндиси бўйича жазолар тайинлашдан фарқи нимада?

12. Дастлабки қамашни ҳисобга олиш қоидалари қандай?

13. Жазо муддатлари қандай ҳисобланади?

IV БОБ. ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИШ

1§. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси ва турлари

Муайян вазиятларда жиноятчиликка қарши кураш мақсадлари га эришиш айбдорларни жиноий жавобгарликка тортмасдап ски ж;по бермасдан, лекин ҳақиқий жазо муддатини ўташдан озод қилиш билан амалга оширилиши мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон Ресубликасининг жиноят қонунчилигида жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтлари тартибга солинади (ЖК Умумий қисмининг бешинчи бўлими).

ЖК Умумий қисмининг XII боби жиноий жавобгарликдан озод қилиш асосларини белгилайди. Жиноят қонунчилиги вазифаларини амалга ошириш ва жазо мақсадларига эришиш учун, жиноят содир этган шахс ўзининг ноқонуний хаттиҳаракатларининг салбий оқибатларига дучор бўлиши ҳамма вақт ҳам талаб қилинавермайди. Қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганида шахс жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш имкониятини уни дифференциациялаш ва индивидуаллаштириш принциплари ҳамда инсонпарварлик ва адолат принципларининг ҳақиқий белгилари сифатида кўриш лозим.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш — жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи идораларнинг давлат номидан ЖКда кўрсатилган бир қатор ҳолатлар сабабли кейинчалик ўзининг олдинги ижтимоий хавфсизлигини йўқотган жиноятни содир этган шахсни айблашдан бош тортиши.

Шуни таъкидлаш лозимки, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш шахсга нисбатан айблов ҳукмини чиқаришдан воз кечиш бўлиб, лекин бу давлатнинг умуман жиноий хаттиҳаракатни маъқуллашини англатмайди. Шунинг учун шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиб ҳисобланган ҳолатларни, шахсни оқлашдан ёки жиноий хаттиҳаракатларни истисно қилувчи ҳолатлардан фарқлаш лозим.

Шахсни оқлаш шундан далолат берадики, жиноят таркиби мавжуд эмас ёки шахс содир этилган жиноятга ҳеч қандай алоқаси йўқ ва бу унга нисбатан оқпаш ҳақидаги ҳукмни чиқариш учун асос ҳисобланади.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар шундан иборатки, шахсининг хаттиҳаракатлари ташқи тарафдан жиноятга ўхшаш бўлса ҳам, ижтимоий хавфлилиги хусусияти жиҳатидан у жиноят эмас.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асослар, шахс муайян ижтимоий хавфли ва жиноий жазога сазовор қилмишни содир этишда

айбдор бўлганда вужудга келади. Бу — жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг объектив асосидир.

Ўзининг ҳуқуқий табиати бўйича жиноий жавобгарликдан озод қилиш реабилитация қилмайдиган (шахсни оқламайдиган) асослар бўйича асос деб ҳисобланади. Ушбу ҳолда, жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун қонуний асос мавжуд, лекин бунда ушбу шахсни муайян вазиятлар туфайли (жиноий жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиши, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, айбланувчининг касаллиги, қилмиш ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятларини йўқотиши ва бошқалар) жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асослар йўқ. ЖК Умумий қисмининг «Жавобгарликдан озод қилиш турлари» деб номланувчи XII боби жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг ҳар хил турларини назарда тутади, уларнинг кўпчилиги уларнинг қўлланилиши учун шарт сифатида, жиноятнинг биринчи марта содир этилишидан иборат (масалан, фаол афсусланиш, жабрланган билан ярашиш).

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг субъектив асоси шундан иборатки, жиноятни содир этишда айбдор шахс жамият учун хавфлилигини йўқотади ёки унинг жамоат учун хавфлилик даражаси шундай даражагача пасаядики, унда айбдорни жавобгарликдан озод қилиш имконияти пайдо бўлади. Бунда жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг субъектив асослари ҳам шахснинг иродасига боғлиқ бўлиши (масалан, фаол афсусланиш, жабрланган билан ярашиш), ҳам унинг иродасига боғлиқ бўлмаслиги (масалан, жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг тугаши, айбдорнинг касаллиги, амнистия ёки афв этиш) мумкин.

Жавобгарликдан озод қилишда шахс ҳуқуқий маънода жиноятни содир этган деб ҳисобланмайди, чунки айблов ҳукми йўқ ва шу билан бирга, давлат мажбурлови ски бошқа жиноятҳуқуқий таъсир қилиш чораларининг қўлланилиши ҳамда судланганлик сингари ҳукм қилишнинг ҳуқуқий асоратлари йўқ. Бироқ қилмишнинг ўзи жиноий бўлиб қолаверади, жиноят таркиби жиноий жавобгарликнинг асоси сифатида йўқолмайди.

2§. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш

Агар жиноят содир этилганидан кейин муайян вақт ўтган бўлса ва айбдор шахс жиноий жавобгарликка тортилмаган бўлса, содир этилган ҳаракат жиноят бўлиб қолаверса ҳам, олдингидай жамоат учун хавфли ҳисобланмайди. Шахснинг ўзи бир неча йил ўтиб ўзининг жамият учун хавфлилигини йўқотади.

Жиноий жавобгарликка тортиш муддати — жиноят содир этилган пайтдан бошлаб ва ҳукмнинг қонуний кучга кирган пайтигача қонунда ўрнатилган муддатларнинг тугаши, шундан сўнг жиноятни содир этган шахс, тсгишли шартлар мавжудлигида жиноий жавобгарликдан озод қилиниши лозим.

Айни шу муддатларнинг тугаши шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Уларнинг давом этиши, ҳам содир этилган жиноятнинг жамоат учун хавфлилик даражасига, ҳам қонунда назарда тутилган содир этилган жиноят учун жазонинг оғирлигига боғлиқ, чунки айни жазонинг оғирлиги жиноятларни тоифаларга бўлиш асосида стади. Шунини ҳам таъкидлаш зарурки, жазо муддати ўтганлиги учун жиноий жавобгарликдан озод қилишга, агар

конунда ўрнатилган муддат давомида жиноят содир этишда айбдор шахс тергов ва суддан яширинмаган тартибда йўл қўйилади.

ЖК 64моддасида шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари назарда тутилади.

ЖК 64моддаси 1қисмида тўртта жиноят муддати белгиланган, уларнинг тугаши билан у ёки бу жиноятни содир этган шахс (жиноятнинг оғирлик даражасига қараб) жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Жумладан: «Агар жиноят содир этилган кундан бошлаб куйидаги муддатлар:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб — уч йил;

б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб — беш йил;

в) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб — ўн йил;

г) ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб (ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно) — ўн беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади».

ЖК 64моддаси 2қисми шуни таъкидлайдики, жавобгарликка тортиш муддатларининг кечиши «жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача» ҳисобланади.

Қўрилаган норма маъносидан, **жиноят содир этилган кун** деб, жамоат учун хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилган пайт ҳисобланади.

Жиноий жавобгарлик охири ҳолатсиз бошланмайди, шу билан бирга у жиноий натижа йўқлигида ҳам бўлиши мумкин (масалан, жиноятга суиқасд уюштирилганда). Шунинг учун, ҳар қандай жиноятнинг асосий ажралмас хусусияти жиноий қилмиш бўлиб қолади; оқибати эса фақат бу хаттиҳаракатнинг жамоат учун хавфлилик даражасини, келтирилган зарар миқдорини ва ҳ.к.ни белгилайди.

Шундай қилиб, жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг бошланиши бўлиб, шахс томонидан жиноятнинг объектив томони мажбурий элементи — жиноий натижалар бошланган пайтига қарамадан содир этилган хаттиҳаракатлар ижро этилган кундан олиниши керак. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, **узоққа чўзилган жиноятларга** нисбатан муддат ўтиши уларнинг айбдорнинг ташаббуси бўйича тўхтатилган пайтидан ёки унинг иродасига қарши уларнинг тўхтатиб қўйилиши пайтидан бошлаб, **давомли жиноятларга** нисбатан эса, давомли жиноятни ташкил қилувчи қилмишлардан охири жиноий хаттиҳаракатни содир этган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Иккита ҳаракатдан ташкил топган жиноятларни содир этишда, жазо муддати ўтиши охири жиноий ҳаракат содир этилган кундан ҳисобланади.

Жиноят иштирокчиларини жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблаш алоҳида ўрин тутди. Жиноятда қатнашиш ҳолларида жавобгарликка тортиш муддати барча ёрдамчилар томонидан жиноятнинг объектив томони ижро этилган пайтдан бошлаб ҳисобланади, чунки ёрдамчиларнинг тил бириктириши биргаликда амалга оширилган ва уларнинг ҳар бири жиноятни содир этишда қатнашган.

Ролларни тақсимлашда жиноий жавобгарликка тортиш муддатларининг бошланишини аниқлаш қийинроқ. ЖК 28моддасига мувофиқ, жиноятни бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам жиноят иштирокчилари деб топилади. Бажарувчи жиноятнинг объектив томони бажарилган пайтдан бошлаб жавобгар бўлади ва демак, жавобгарлик муддатининг ўтиши худди шу пайтдан бошланади. Жиноят ташкилотчиси жиноят қонуни нуқтаи назаридан, жиноятда қатнашган одамларнинг барча содир этадиган ҳаракатлари учун жавобгар бўлади, бундан бажарувчи эксцесси

мустасно. Масалан, ташкилотчининг ҳаракатлари, ёрдамчиларнинг жиноий фаолиятини ишлаб чиқиш, ташкил қилиш ва бошқариш бўйича бир қатор босқичлардан таркиб топган бўлиши мумкин. Агар ташкилотчининг фаолияти жиноий гуруҳни ташкил қилиш билан чекланган бўлса ва бу гуруҳ аниқ жиноятларни содир этмаган бўлса, унда жиноий жавобгарликка тортиш муддати ташкилотчи томонидан ушбу мақсадда содир этилганлар қаторидан, жиноий гуруҳни ташкил қилишга қаратилган, охириги ҳаракат бажарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Бу занжирда охириги ҳаракат бажарилмагунича, жавобгарлик муддати ўтиши ҳисобланиши мумкин эмас. Ташкилотчига нисбатан жавобгарликка тортиш муддатларини, у томондан биринчи ҳаракат содир этилган кундан бошлаб ҳисоблаш ҳолларида, барча кейинги ҳаракатлар учун жавобгарлик асосланмаган ҳолда унинг муддати билан бекор қилинар эди. Жиноий гуруҳ томонидан фақат битта жиноят содир этилганда, ташкилотчига нисбатан жавобгарликка тортиш муддатлари ушбу жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланиши керак.

Бир неча жиноятлар содир этилганда ташкилотчига нисбатан жавобгарликка тортиш муддатлари содир этилган жиноятнинг хусусияти ва унинг юридик квалификациясини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланиши лозим.

ЖК 242-моддаси мазмунидаги жиноий уюшма ва уюшган қуролли гуруҳнинг ташкилотчиси ва иштирокчиларига нисбатан жиноий жавобгарликка тортиш муддатларининг кечиши мазкур жиноий уюшмани ташкил қилиш пайтидан бошланади.

Далолатчини жиноятдаги иштирокчи сифатида жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бажарувчи томонидан жиноятни содир этиш пайтидан вужудга келади. Бу ҳолда далолатчини жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари, далолатчи фаолиятининг тугалланиши пайтидан бошлаб ҳисобланиши зарур. Далолатчининг фаолияти мустақил жиноий хусусиятга эга. Ва худди шу ҳолат, далолатчилик фаолиятининг охириги пайтини аниқлаш ва жавобгарликка тортиш муддатининг бошланғич пайтини ҳисоблаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун муҳимдир. Далолатчининг жиноий нияти шахсни жиноятни содир этишга оғдирганда амалга ошади. Бу билан далолатчининг фаолияти тугалланади. Жиноятнинг бажарувчи томонидан содир этилиш пайти энди далолатчининг иродасига боғлиқ бўлмайди. Демак, далолатчига нисбатан жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблаш, бажарувчи томонидан жиноят содир этилган пайтига боғланмаслиги шарт. Далолатчининг жамоат учун хавфлилиги унинг бошқа шахсни жиноятни содир этишга оғдирган пайтда намоён бўлади. Ноқонуний ҳаракатни содир этган ҳар қандай шахснинг жамоат учун хавфлилиги вақт ўтиши билан камаяди ва охиригида умулан йўқолади, агар у қонунда ўрнатилган муддат давомида жиноий жавобгарликка тортиш муддатини тўхтатиб туришга сабаб бўлган янги жиноятни содир этмаган бўлса, шунга нисбатан далолатчи истиснони ташкил қилмайди.

Шундай қилиб, далолатчига нисбатан жиноий жавобгарликка тортиш муддати кечишининг бошланғич пайти унинг бошқа шахсни жиноятни содир этишга оғдирган кун бўлиб ҳисобланади.

Масаланинг бошқача ҳал қилиниши далолатчини жиноий жавобгарликка тортиш муддатларининг сунъий узайтирилишига олиб келар эди ва бу ҳолатда уни бажарувчига нисбатан ёмонроқ ҳолатга қўйган бўлар эди. Бошқача қилиб айтганда, далолатчига нисбатан жавобгарликка тортиш муддатлари бажарувчи томонидан жиноят қачон содир этилганига қарамадан далолатчилик фаолияти тугаган кундан бошлаб ҳисобланиши керак. Бу ҳолат, далолатчига шахсни жиноятни содир этиш учун оғдиришга эриша олмаган ҳолларда ҳам қўлланилади. Бундай жиноят ишига оғдиришни, жиноятда қатнашганлик сифатида

кўриш мумкин эмас, лекин у жиноятга тайёргарликни ифодалайди ва унга нисбатан бўлган муддатлар охири тайёргарлик ишлари содир этилган кундан бошлаб ҳисобланиши лозим.

Жисмоний ёрдамчиликда (маблағлар, қурооллар бериш ёки тўсиқларни бартараф қилиш) жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблаш бажарувчига жиноятни содир этиш учун ёрдам кўрсатилган охири ҳаракатни содир этиш кунидан бошлаб ҳисобланиши зарур.

Бажарувчига жиноятни содир этишда ёрдам кўрсатиш учун маслаҳатлар, кўрсатмалар, ваъдалар бериш билан ифодаланадиган онгли ёрдамчилик ҳам кўп марта содир этиладиган ҳар хил вақтдаги хаттиҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин. Шерикнинг ҳар бир бундай хаттиҳаракати, унинг жиний фаолияти ягона занжиридаги бўғимни ташкил қилади. Бундай ҳолатда муддатни ҳисоблаш охири маслаҳат, кўрсатма, ваъда берилган пайтдан бошланиши шарт.

Олдиндан ваъда берилган жиноятни яшириш ҳолати, бундай ёрдам ҳақиқатда берилган ёки берилмаганидан қатъи назар, ёрдамчиликнинг ўзи бўлиб ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, онгли ёрдамчилик, шу жумладан, жиноятчини ва (ёки) жиноят изларини яширишга олдиндан ваъда бериш шаклида, бундай онгли ёрдамчилик кўрсатилган кундан бошланади. Агар бундай ҳаракатлар бир неча марта бўлган бўлса, унда уларнинг муддати охири ҳаракат кўрсатилган (ваъда, маслаҳат, яшириш) кундан бошлаб ҳисобланади.

Шундай қилиб, ёрдамчиларга нисбатан жиний жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблаш турли асосларга кўра ўтказилади, уларнинг ҳаракатларини бажарувчининг жиний ҳаракатларини боғлаш нотўғридир, чуқур ёрдамчилар ва бажарувчилик ўзаро боғлиқ бўлса ҳам, лекин мустақил равишда, **кўпинча** ҳар хил вақтда содир этилади. Улар ҳар бирининг ижтимоий ҳавфлилиги муайян, фақат уларга хос бўлган ҳаракатларда аниқланади, худди шу ҳолатлар, бажарувчининг жиноятни содир этиш вақти дан қатъи назар, ёрдамчилар учун жиний жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблашга асос беради. Шериклар жиний жавобгар лигининг асослари ҳақидаги масала эса содир этилган ёки тугатилмаган жиноят (тайёрлаш ёки суиқасд) шаклидаги жиний фаолиятнинг бошқичлари билан боғлиқдир.

Бирга қўшилиб жиноятни содир этишда унинг муддати ҳар бир ёрдамчи учун, улар томонидан ҳар бирининг роли билан боғлиқ бўлган муайян ҳаракатлар содир этилган пайтдан бошлаб алоҳида ҳисобланади.

Кўп сонли жиноятларда муддатни ҳисоблаш масаласи ҳам ўз хусусиятларига эга.

Жиноятларнинг ҳақиқий йиғиндисидан, шахс бир неча алоҳида ҳаракатлар билан бир қатор турли жиноятларни содир этганда, жавобгарликка тортиш муддати ЖК 64-моддаси 4-қисмида кўрсатилган қоидалардан келиб чиққан ҳолда ҳар бири бўйича алоҳида ҳисобланиши керак. Бу ҳолда, ЖК 64-моддаси 4-қисмига мувофиқ, янги қасддан қилинган жиноят, олдин содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят бўйича жавобгарликка тортиш муддатининг узиллишига сабаб бўлишини эътиборга олиш керак. Бунда жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблаш янги жиноятни содир этган пайтдан бошланади.

Қонун томонидан ҳисобга олинмаган идеал йиғинди, қачонки шахс битта ҳаракат билан иккита ва ундан ортиқ турли жиноятларни содир этганда, уларнинг ҳар бири бўйича жавобгарликка тортиш муддати, жиний ҳаракат содир этилган кундан бошлаб, мустақил равишда ҳисобланади.

Такрор жиноят содир этилган ҳолларда жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблашда ҳар бир ҳаракатнинг содир этилган пайтини ҳисобга олиш зарур. Жиноятнинг такрорланиши, фақат олдинги содир этилган жиноятлар бўйича муддатлар тугамаган ҳолдагина бўлиши мумкин. Олдин содир этилган жиноятлар бўйича муддатларнинг тугаши

хаттиҳаракатларнинг такрорланиш белгилари бўйича малакаланишига йўл қўймайди. Шунинг учун квалификация қилиш белгиси сифатида такрорий жиноят бўлган жиноятлар таркиблари бўйича жавобгарликка тортиш муддатлари улардан охиригининг содир этилган пайтидан эмас, балки бу қилмишларнинг ҳар бирига нисбатан мустақил ҳисобланиши шарт. Бунда ЖК 64моддаси 4қисмига мувофиқ, жавобгарликка тортиш муддатларини тўхтатиш ва олдинги муддатни бекор қилиш қондасини ҳисобга олиш лозим.

Жиноят қонуни баъзи бир шахсларга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблашнинг бошқа қоидаларини ҳам эътиборга олади. Масалан, шахс руҳий касаллик туфайли озод қилингандан ва кейинчалик соғайганидан кейин жиноий жавобгарликка тортилган ҳолларда, жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблаш жиноят содир этилган пайтидан эмас, балки мажбурий тиббий чоралар тайинланган пайтдан бошланади.

Жавобгарликка тортиш муддатига ҳам жиноят аниқланган ва жиноят иши қўзғатилган пайтигача бўлган вақт, ҳам уни қўзғатгандан бошлаб ҳукмнинг қонуний кучга кирган пайтигача бўлган вақт киради.

Қонуннинг бундай таърифланиши Ўзбекистон Республикаси Жиноятпроцессуал кодексининг ҳолатларига асосланган, унда жумладан таъкидланадики, «Ҳукм унинг устидан апелляция шикоятни бериш ва протест билдириш муддати ўтиши билан қонуний кучга киради. Апелляция шикоятни берилган ёки протест билдирилган тақдирда ҳукм, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори суд кўриб чиққан қонуний кучга киради» (ЖПК 528моддаси). Биринчи инстанция судининг ҳукми устидан апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида берилиши мумкин.

Ҳукм устидан шикоят бериш учун белгиланган муддат ичида иш суддан талаб қилиб олинishi мумкин эмас. Тарафлар шу вақт мобайнида иш билан суд биносида танишишга ҳақлидир.

Белгиланган муддатдан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади, бу ҳақда уларни берган шахсларга хабар қилинади (ЖПК 497⁴моддаси).

«Ҳукмни эълон қилиш» процессуал ҳаракатининг ўзи ЖПК 473моддасида тушунтирилган. ЖПК 84моддасига мувофиқ, «қуйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим, башарти:

- 1) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;
- 2) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;
- 3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;
- 4) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;
- 5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатиши рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;
- 6) шахс ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган пайтда жипоий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса».

Жиноий жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиши билан боғлиқ бўлган вазиятлар айбдорлик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан жиноят ишини тугатиш учун асос ҳисобланади. Бунда, жипоий жавобгарликка тортиш муддатлари суд муҳокамаси давомида гуи а са, судланувчи суд залида жазо тайинламасдан озод қилинади ва бу ҳақда қарор қабул қилинади (ЖПК 474моддаси). Бошқача сўз билан айтганда, тугалланиш

пайти суд муҳокамасига эмас, балки ЖК 64моддаси 1қисмида белгиланган муддатларга боғлиқ бўлади.

Агар жавобгарликка тортиш муддатлари дастлабки тергов жараёнигача ёки тергов давомида тугаса, унда иш юқорқда кўрсатилган асосларга кўра, терговчи томонидан тугатилади, агар муддат суд тергови вақтида тугаса, унда шахснинг айбдорлиги ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан суд қарори чиқарилади. Агар жавобгарликка тортиш муддатларининг тугаш ҳолати апелляция, кассация ёки назорат тартибида шикоят келтириш ёки протест билдириш босқичида аниқланган бўлса, суд ишни тутатиш тўғрисида ажрим ёки қарор чиқаради. Шахсни жавобгарликка тортиш бўйича ҳеч қандай процессуал ёки тергов ҳаракатлари ва жиноят ҳодисасини текшириш жавобгарликка тортиш муддатларини тўхтата олмайди.

Жавобгарликка тортиш муддатлари календар йиллари билан ҳисобланадиган белгиланган муддатнинг охири куни соат 24:00 да тугалланади. Агар муддатларнинг давом этиши тўхтатилса, унда у ойлар ва кунлар билан ҳисобланиши мумкин.

Жиноий жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан узлуксиз равишда, қонунда кўрсатилган муддат тугаган кунгача давом этади. Бироқ ЖК 64моддаси 3қисмида «Агар жиноят содир этилган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахс тергов ёки суддан яширинса, муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Айбдор ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган кундан бошлаб муддатнинг ўтиши қайтадан тикланади», деб белгиланган.

Муддатнинг ўтишини тўхтатиб туриш шартлари қуйидагилардан иборат: биринчидан, жиноят факти бўйича жиноят ишини қўзғатиш ва маълум бир шахсни айбланувчи сифатида жалб қилиш ва иккинчидан, шахснинг тергов ва суддан бўйин товлаши.

Биринчи шарт, жиноят ишини қўзғатиш билан боғлиқ ва шу қонданинг асосларидан бири ҳисобланади, чунки, агар иш қўзғатилмаган ва шахс айбланувчи ёки гумонланувчи сифатида ишга жалб қилинмаса, уни одил судловдан бўйин товледи дейиш мумкин эмас.

Нафақат жиноятни содир қилишда айбланаётган ёки гумондор шахсни, балки терговга чақирилган, аммо жиноят содир этганлиги туфайли келмаган шахсни ҳам тергов ёки суддан бўйин товлаши деб ҳисобланади.

Бошқа шахсларнинг (жиноят процесси иштирокчилари) дастлабки тергов ва суддан бош тортиши вазиятларида муддатни тўхтатиб туриш шарти қўйилмайди, чунки улар жиноятни содир қилишда гумондор ёки айбланувчи ҳисобланишмайди.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳозирча маълум бўлмаган жиноятни содир этган ҳамда содир этилган жиноятга алоқадорлиги аниқламаган шахсни тергов ёки суддан бўйин товледи деб ҳисоблаб бўлмайди.

Иккинчи шарт бу тергов ёки суддан яшириниш. Қонунда «яшириниш» деган термин ишлатилади. «Яшириниш» сўзининг терминологик маъноси «бўйин товлаш» терминига тенглаштирилган, чунки «яшириниш» сўзининг тўғри маъноси жавобгарликдан бўйин товлашга йўналтирилган ҳаракатни англатади.

Тергов ва суддан бўйик товлаш деб, шахснинг қилмиши учун жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида қасдан содир қилган мақсадлари ҳамда дастлабки тергов органлари ва судни уни топишлик учун мамлакатнинг барча ҳудудларида ёки қандайдир айрим жойларида кидирув ишларини олиб бориш зарурияти олдида қўйиши тушунилади (яшаш жойини ўзгартириш, фамилиясини ўзгартириш, ўзгалар ёки сохта ҳужжатлар билан яшаш ва бошқалар).

Гумонланувчи ёки айбланувчи ҳамда жиноятни содир этишга алоқадор шахснинг қидирувига кетган вақт жавобгарликка тортиш муддатига кирмайди. Муддат тергов ва суддан яширинган шахсни ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган вақтдан бошлаб қайта тикланади. Шундай қилиб, муддатга, шахс жиноят содир этиб, тергов ёки суддан яширинганига қадар ўтган вақт ва ушланган ёки айбини бўйнига олиб келганидан кейин ўтган вақт киради. Агарда бу вақт умумий ҳисобланганда ЖК 64моддаси 1қисмида кўрсатилган муддатлардан ошса, шахс жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилинишишарт.

Жиноят кодекси 64моддаси 3қисмига мувофиқ, айбдор ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган муддатдан бошлаб муддатнинг қайта ўтиши тикланади.

(«Айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз» тушунчаси ушбу том 3бобининг «Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар» деб номланувчи 2§ да ёритиб берилган.)

Жазони жавобгарликка тортиш муддати институтининг ҳуқуқий табиати жиноят содир этилган кундан бошлаб маълум бир вақтнинг ўтиши билан жиноятни содир этишда айбланаётган шахснинг ижтимоий хавфлилиги йўқолишидан иборатдир. Шахснинг маълум бир вақт ўтиши билан ижтимоий хавф келтиришининг тўхтатилганини кўрсатаётган маълумотлар мавжудлиги уни жавобгарликка тортиш муддатини қўллаш асосларини беради. Аксинча, янги бир жиноятнинг содир этилиши, шахснинг ижтимоий хавфлилиги давом этаётганлигини кўрсатади. Кўпинча бу ҳолатлар қасддан жиноят содир этишда кўрилади, чунки у аввал содир этган жиноятини билган ҳолда яна жиноий хулқатворга йўл кўяди.

Шундан келиб чиқиб, ЖК 64моддаси 4қисмида «Агар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Қилган ҳолларда, агар шахс жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмасдан янги жиноят содир этса, бу муддатлар ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади».

Муддатнинг узилиши шуни англатадики, янги бир жиноят қасддан содир этилишидан олдин муддатнинг ўтиши нолга тенглаштирилади ва бу ҳолда муддатнинг ўтиши янги бир жиноят содир этилгандан сўнг ҳисобланиши бошланади. Муддат (ўтаб бўлинган деб ҳисобланиши) шахсни янги бир жиноят содир этмаслик шарти билан қўлланилиши қонуннинг ушбу ҳолатини принципиал маънога эга эканлигини кўрсатади. Шунинг учун муддатни қўллаш масаласини ҳал қилиш пайтида тергов ва суд органлари муддат ўтиш мобайнида шахс янги бир қасддан жиноят содир этмаганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлишлари керак. Акс ҳолда муддатни қўллаш тартиби тўғрисидаги қонун шартлари бузилган бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, муддатнинг узилиши ва нолга тенглаштирилиши, муддатнинг эса қасддан янги жиноятни содир этилган вақтдан бошланиши учун қуйидаги шартлар мавжудлиги муҳим:

- шахснинг олдин оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлиги;
- уни ЖК 64моддаси 1қисмида кўрсатилган муддатларни ўташидан олдин қасддан янги жиноят содир этиши.

Шахснинг қасддан янги жиноят содир этганлиги ҳақидаги маълумотларнинг йўқдиги, аввал жиноятни содир этишда жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги факти мавжудлиги шахснинг жиноят содир этмаганлиги ва уни жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутади.

Жавобгарликка тортиш муддати институти фуқаролик қонунчилигидаги баъзи бир даъволарга ўхшаб муддатсизлик принципига асосланмайди. ЖК 64-моддаси 5-қисмида «Агар жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас» деб кўрсатилган.

Жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар уни содир этган шахсларни шунча вақт ўтганидан сўнг жиноий жавобгарликка тортишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги жазонинг мақсадидан келиб чиқади. Жиноят содир этилгандан кейин қанчалик кўп вақт ўтса, жазо мақсадининг самараси шунчалик кам бўлади, чунки айбдор шахс шу вақт мобайнида ўзининг хулқатвори билан ўзининг ўзгарганини исботлайди, муайян жиноятхукуқий чораларни қўллаш эса ахлоқан тузатиш мақсадини эмас, балки илгари содир этган жинояти учун ўч олиш бўлиб қоларди.

ЖК 64-моддаси 6-қисми бу қоидадан истиснони мустаҳкамлайди. Бу қоида қонун бўйича умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларга тегишли.

Кўрсатилган нормага кўра, «Ушбу кодекс Маҳсус қисмининг моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига озодликдан маҳрум қилиш тайинланади».

Айнан суд жавобгарликдан озод қилиш муддатини қўллаш ёки қўлламаслик масаласини ҳал қилади¹. Амалдаги қонунга кўра, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилиши мумкин бўлган жиноятни содир этган шахс, муддати ўтган ўтмаганлигидан қатъи назар, исталган вақтда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Муддати ўтганлигини қўллаш ана шундай жиноят содир этганликда айбланган шахснинг 25 йил ўтгандан сўнг жиноий жавобгарликдан озод этилишини англатади. Агар суд муддати ўтганлигини қўллаш имкони йўқдەб топса, у ҳолда умрбод «ЮзликдйН МИ р I қилиш жазоси ўрнига озодликдан маҳрум ЭТИШ

3§. Қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш

Жиноят қонуни ҳам ижтимоий ҳаётда, ҳам ҳуқуқ соҳасида муҳит ўзгариши мумкинлигини назарда тутати ва бу жиноий жавобгарликка тортиш ва жазони қўллашга таъсир ўтказмай қолмайди.

ЖК 65-моддасига кўра жиноятни содир этган шахсни жавобгарликдан озод этишнинг умумий асоси деб муҳит ўзгариши туфайли қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги ҳисобланади. «Шароит ўзгариши» жиноий жавобгарликдан озод қилиш бундай турининг асосини ташкил этади.

ЖК 65-моддаси 1-қисми «ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин»лигини назарда тутати.

Содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти йўқолишига тегишли равишда шароитнинг ўзгариши деганда, бутун мамлакат ёки алоҳида регион миқёсида жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларидаги туб ўзгаришлар назарда тутилади.

Шароитнинг ўзгариши жиддий бўлиб, муайян битта қилмишни эмас, балки шу турдаги барча қилмишларнинг ижтимоий хавфлилиги йўқолишига олиб келиши керак. Масалан, мамлакатда ёки унинг айрим

худудларида фавқулодда вазият бекор қилинганидан кейин фавқулодда ҳолат вазиятида жиноий деб топилган барча қилмишлар ижтимоий хавфлилигини йўқотади.

Шароитнинг ўзгариши деганда, қилмишга жиноийлик хусусиятини берувчи жой ва вақтга тегишли бўлган махсус шартларнинг ўзгариши ҳам тушунилади. Масалан, тақикданган жойда (қўриқхона ва ҳоказо) қонунга хилоф равишда балиқ овлаш, ов қилиш ижтимоий хавфли ҳисобланиб, ЖК 202моддаси (Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш) бўйича жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Бирок балиқ миқдорининг кўпайиб кетиши ёки емиш танқислиги шароитида муайян жониворларнинг қирилиб кетиши хавфи пайдо бўлиши туфайли бундай жойларда балиқ тутиш ва ов қилиш расмий равишда рухсат этилган бўлса, ушбу рухсатдан сўнг бу қилмишлар ўз ижтимоий хавфлилиги хусусиятини йўқотади. Шу билан бирга, агар жиноят содир этилганидан сўнг жиноят қонунида жазо енгиллаштирилган ёки умуман бекор қилинган бўлса, у ҳолда айбдор ЖК 65моддасига биноан шароит ўзгариши оқибатида эмас, балки ЖК 13моддаси 2қисмига кўра, яъни қонуннинг орқага қайтиш кучи қондасига мувофиқ, жиноий жавобгарликдан озод этилишини ҳам унутмаслик керак.

ЖК 65моддаси 2қисмида шахс ижтимоий хавфлилиги хусусиятини йўқотганлиги туфайли жиноий жавобгарликдан озод қилиш: «Ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилиги хусусиятини йўқотган деб топилса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин»лиги назарда тутилган.

Жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилигипи йққитиши оид шароитнинг ўзгариши тор маънрда тушунилади: **ШАХСНИШ** ж м ноятни содир этган ва ундан кейинги вақтдаги қайти ВВ фаолияти шартшароитларга боғлиқ. Кўпинча амалиётда **ШУНГА** ўхшаш **ШАРОИТНИНГ** ўзгаришига жиноят содир этган шахснинг чақирuvi, унинг ишга ёки ўқишга кириши, жипоят содир этганлиги, оилавий муносабатларнинг яхшиланиши ёки айбдор) оғир касаллиги туфайли мансабдан кетиши сабаб бўлади. Жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги ҳақида нафақат унинг ҳаётининг объектив шароитлари, балки унинг содир этилган жиноятдан кейинги ҳулқи ҳамда унинг намунали ҳулқи, касбий ва ижтимоий мажбуриятларига муносабати ва ҳатто унинг ахлоқи гувоҳлик қилади. Агар айбдор ўн олтига кирмаган шахс билан жинсий алоқага кирган, лекин оқибатда у билан турмуш қуриш учун рўйхатдан ўтиб ва тўлиқ оила қурган бўлса, шахс ижтимоий хавфлилиги йўқотилишига сабаб бўлган шароитлар ўзгарганлиги туфайли уни жавобгарликдан озод қилиш масаласини кўриб чиқиш шарт.

Шахс ёки қилмиш ижтимоий хавфлилигини йўқотиши муносабати билан айбдорни жиноий жавобгарликдан озод қилишни жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган муайян ижтимоий муносабатларнинг декриминализацияси билан боғламаслик лозим.

Қилмишнинг декриминализацияси унинг асосларидан қатъи назар, жумладан, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини йўқотганлиги жиноий жавобгарликни истисно қилади. Масалан, ЖК 187моддаси Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, улардан баъзиларини кучини йўқотган, деб топиш тўғрисида»ги Қонуни¹ асосида бекор қилинган, аниқроғи декриминализация қилинган. Декриминализация жиноий жавобгарликка тортиш учун сабаб бўла олмайди, чунки жиноят мавжуд эмас.

Шароитнинг ўзгариши туфайли қилмишнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб баҳолаш ва уни квалификация қилиш дастлабки тергов ва суд идоралари томонидан амалга оширилади. Бунда

мазкур асосларга кўра баҳолаш қилмиш содир этилган вақтда эмас, балки фақат ишни тергов қилиш ёки судда кўриш пайтида амалга ошириш кераклигини унутмасликлари шарт. Бу ҳақда ЖК 65моддасидаги «ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида

шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин» деган кўрсатма гувоҳлик қилади.

«**Тергов вақтига келиб**» тушунчаси суриштирув ва дастлабки терговдан бошлаб, ишни прокурор орқали судга юборилиши билан тугайдиган даврни англатади.

«**Ишнинг судда кўрилиши вақтига келиб**» тушунчаси суд терговидаги тайёргарлик босқичидан бошлаб, судга иш келиб тушганда, уни судда кўрилишига тайинлаш масаласидан то хукми чиқариши билан тугайдиган даврни англатади.

Бундай ҳолларда терговчи, прокурор айбдорнинг розилиги билан жиноят ишини тутатиш тўғрисида, судья эса, айбдор розилиги билан, жиноят иши бўйича ишларни тугатиш тўғрисида қарор чиқаради. Қўзғатилган ишни қабул қилиб олган терговчи айбдорга иш шароити ўзгарганлиги туфайли тўхтатилиши мумкинлигини тушунтириб бериши шарт. Прокурор зиммасига ҳам худди шундай вазифа юкланган бўлиб, яъни у айбдор томонидан жиноят ишининг тугатилиши тўғрисидаги ариза тақдим этилганми ё йўқми ана шундай розилик тақдим этиш имкони борйўқлигини аниқдаши шарт.

Жиноятпроцессуал қонуни дастлабки тергов идораларининг ваколатларини белгилай туриб, жиноят ишини қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилиқ тавсифини йўқотганлиги сабабли тугатишни назарда тутмаган. ЖПК 333 ва 401 моддаларида жиноят иши қўзғатилишининг қайтарилиши ёки жиноят иши ЖПК 84моддаси 5қисми 1банди (Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар)да кўрсатилган асосларга биноан суд тўхтатилиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Шахснинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан туриб, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки уни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилишга асос бўлиб ЖК 65моддасида кўрсатилган жавобгарликдан озод қилиш асослари хизмат қилиши мумкин, фақат айбланувчининг бундай қарорга розилигини инобатга олган ҳолда (ЖПК 84моддаси 5қисми 1банди).

ЖПК 84моддаси 5қисми 1банди мазмунига асосан, айбланувчи суд жараёнида айбдорни шароит ўзгариши туфайли жавобгарликдан озод қилиш, яъни айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб жиноят ишини тугатиш асосли деб ҳисобга олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Бунга кўра кўрилатган жинойи жавобгарликдан озод қиладиган асос жазо тайинлашдан озод бўлиш асосидан фарқ қилади (ЖК 70моддаси). Аниқроғи, агар шахс унга нисбатан кўрилатган жиноят ишини айблилик масаласини ҳал қилмасдан тугатиш ҳақида розилик бермаса, унда шунга асосан суд

жараёни бўлиб, у тугаши билан ЖК 70моддаси тартибида жазо тайинламасдан оқлов ҳукм ё қоралов ҳукм чиқарилиши керак.

(Бу ҳақда мазкур том V бобининг «Қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш» деб номланган 3§ да тўлиқроқмаълумот берилган.)

4§. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш

Амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишнинг асоси сифатида жиноят содир этгандан кейин ўзининг

хулқи билан амалда пушаймонлигини тасдиқдаган ва шу билан ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг мақсадсизлиги илгари сурилади.

ЖК 66моддаси 1қисмига биноан, «Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан гтушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин».

Амалда пушаймон бўлиш деганда, айбини ўз бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноятнинг очилишида ва уни содир этган шахсларни топишда ёрдам берган ва етказилган зарарни қоплаган шахснинг фаол хаттиҳаракати тушунилади.

Амалда пушаймон бўлиш жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг асоси сифатида қабул қилиниши учун куйидаги белгилар бўлиши лозим:

- шахснинг биринчи марта жиноят содир этиши;
- содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаслиги ёки унча оғир бўлмаслиги;
- шахс айбини ўз бўйнига олиш тўғрисида арз қилганлиги;
- айбдорнинг чин кўнгилдан гтушаймон бўлганлиги;
- жиноятни очишда ёрдам бериш;
- келтирилган зарарни бартараф қилиш.

Ана шу кўрсатилган барча белгиларнинг мавжудлиги айбдор шахснинг ҳақиқатан пушаймонлиги ва у айбига иқрорлигидан далолат бериб, бу уни жиноий жавобгарликдан озод этиш учун етарли бўлиб кўринади. Юқорида кўрсатилиб ўтилган белгилардан бирортасининг бўлмаслиги, жиноий жавобгарликни бекор қилишга тўсқинлик қилиши мумкин ва бу ҳол жазони енгиллаштиради, ҳолос.

Кўрилатган жавобгарликдан озод қилишнинг асоси жиноятни биринчи марта содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади, тўғрироғи муқаддам судланмаган, тергов ёки суд тергови остида эмас, тергов ва суддан яширинмаган шахсларга нисбатан қўлланилади. Агарда шахс кам аҳамиятлилиги сабабли ижтимоий хавфлилиги йўқ қилмишни содир этган бўлса (ЖК 36моддаси), жиноят содир этилган кундан бошлаб жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтган бўлса (ЖК 64моддаси), қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан у жавобгарликдан озод қилинса (ЖК 65моддаси), амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан (ЖК 66моддаси), ярашилганлиги муносабати билан (ЖК 66'моддаси) ёки амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилинганда (ЖК 68моддаси) жиноят биринчи марта содир этилган деб ҳисобланиши керак.

Шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсагина амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатта озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради (ЖК 15моддаси 2қисми). Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан орқик, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик

оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради (ЖК 15-моддаси 3-қисми).

Оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этган ҳолларда шахснинг амалда пушаймон бўлишига ЖК 66-моддаси қўлланилмайди. Бундай ҳолларда ЖК 55-моддаси 1-қисми «а» бандига асосан, шахснинг жиноятни очишда фаол қатнашиши, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиши, чин кўнгилдан пушаймонлиги ёки жиноятни очишда, яъни жиноятнинг бошқа иштирокчиларини топишда, жиноят ортидан топилган мулкни ёздғаршгдаги фаол ҳаракатлари, жабрланувчига жиноят содир этилгандан кейин тиббий ёки бошқа ёрдам бериши ҳамда етказилган зарарни қоплашга йўналтирилган бошқа ҳаракатларини қонун жазони енгиллаштиришга қилинган ҳолатлар деб топади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш ва келтирилган зарарни бартараф қилиш буларнинг барчаси амалда пушаймон бўлишнинг ягона шаклини ҳосил қилади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш деганда, ушбу жиноятни содир этган, лекин ҳозирча гумондор ёки айбдор деб топилмаган арз қилувчи томонидан жиноят тўғрисида хабар бериши тушунилади.

Чин кўнгилдан пушаймон бўлиш содир этган **жиноятни бўй**..... **и** олиш, қилмиши ва жиной оқибатлари тўғрисида **афсусланиш** жазони ўзининг хатгирҳаракати учун адолатли ва холис жазо **сифатид!** қабул қилишдир.

Жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш ҳар хил **қўлланилади!** терговга маълум бўлмаган кўрсатмалар бериш, жиноятнинг **бошқа** иштирокчиларини топишда қўмаклашиш, содир этилган **жиноятнинг** гувоҳларини аниқлашда, жиноятни содир этишда қўлланилган жисмларни, воситаларни, буюмларни ҳамда турли хил далилларни топишда ёрдам бериш, ўғирланган мулкнинг яширилган жойи, қидирувдаги шахслар ҳақида маълумотларни хабар қилиш ва бошқа тергов ҳаракатларида фаол қатнашиб, юзлаштирилган бошқа айбдор ёки гумондорларнинг нотўғри маълумот бераётганини аниқлаш ва ҳоказо.

Келтирилган зарарни бартараф қилиш — ўз хоҳиши билан, иложи бўлганда тўлиқ қайтариш ёки содир этган қилмишнинг сабабий оқибатларини енгиллаштиришни назарда тутати.

Товон тўлаш келтирилган зарарни бартараф қилиш сифатида қўрилиши мумкин эмас, чунки у ҳамиша ҳам айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймонлиги, унинг обрўётибори тикланиши билан боғлиқ эмас. Кўрсатилган ҳолларда зарар ўрнига тоvon тўлаш иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўлланиши мумкин. Зарар ўрнини қоплаш эса шу билан бирга жабрланувчи ёки унинг яқин қариндошлари руҳий изтиробларини енгиллаштиришдан ҳам иборат бўлиши керак. Ҳаракатсизликдан иборат бўлган, яъни отаонасини боқишдан бош тортиш, ҳарбий ёки муқобил хизматдан бош тортиш қабиларда келтирилган зарарни бартараф қилиш ушбу жиноятлар учун асос бўлган мажбуриятларни адо этишда ҳам ифодаланиши мумкин. Ниҳоят, шахснинг шаъни ва қадрқимматига тажовуз қиладиган жиноятлар, масалан, тухмат ва ҳақорат қилиш, келтирилган зарарни бартараф қилиш, ошқора (матбуот воситаларида, судда) узр сўраш ёки тухматбўхтон материалларни рад этиш орқали амалга оширилиши ҳам мумкин.

(Келтирилган зарарни бартараф қилиш, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ҳамда жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш тўғрисида мазкур том III бобининг «Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар» деб номланувчи 3§ да тўлиқроқ маълумот берилган.)

Ҳаққатгина юқорида кўрсатилган шартларнинг бир вақтда мавжудлигида (ижтимоий ҳавфи унча катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятнинг биринчи марта содир этилиши ва бошқалар) ЖК

66моддасига асосан айбдор шахсни жавобгарликдан озод қилиш масаласи қўйилиши мумкин.

ЖК 66моддаси 2қисмига мувофиқ, «Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда жавобгарликдан озод қилиниши лозим». Таъкидлаш лозимки, ЖК 66моддаси 2қисмида кўзда тутилган ҳоллар Жиноят кодексининг давлатга хоинлик қилиш (157модда), Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш (159модда), жосуслик (160модда), пора бериш (211модда), пора олишбершица воситачилик қилиш (212модда), диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш (244²модда), қурол, ўқдорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш (248модда) учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаларида ўз ифодасини топган.

5§. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида жабрланувчи билан ярашиш, амалдаги Жиноят кодексига, биринчи марта, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254Псонли «Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноятпроцессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши билан пайдо бўлди.

Агар шахс оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун судланганлиги бўлмай туриб, ЖК 66моддаси 1қисмида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиб, айбини бўйнига олган, жабрланувчи билан ярашган ва етказилган зарарни қоплаган бўлсагина у ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос сифатида ярашувнинг келтирилиши — айбдор ва жабрланувчининг ўзаро келишиши масаласидир. Ярашув томонларнинг эркин хоҳишистаклари ва мажбурловсиз амалга оширилаётганлигини аниқлаш керак. Бу эса, жабрланувчи томонидан айбдорни кечириши ҳамда шахсни қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилишини истамасликда намоён бўлади. Ўз навбатида, айбдордан ҳам ўз айбини тан олиб етказилган зарарни қоплаш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорига биноан, «Ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиб, унда жиноят натижасида етказилган зарар бартараф этилганлиги (ёки жабрланувчининг зарардан воз кечганлиги) ва ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишипи Тутатиш **хақида** мос кўрсатилган бўлиши лозим.

Ярашув тўғрисида иш юритиш масаласини кўзгагиш ҳуқуқи қонунда белгиланган тартибда жабрланувчи (фуқароий даъво деб топилган шахс ёки унинг қонуний вакили эгадир.

Иш бўйича бир гумон қилинувчи, айбланувчи, судлапунчи мл бир неча жабрланувчи бўлган ҳоллар учун ҳам қонунда айнап шум дай талаблар белгиланган. Жабрланувчиларнинг ҳатто бирортасида! і тегишли ариза бўлмаган ҳолларда ярашув тўғрисида иш юритиш мумкин эмас. Бундай ҳолда жиноят иши бўйича иш юритиш умумий асосларда олиб борилади»¹.

Шу билан бир вақтда, агар иш бўйича битта жабрланувчи ва бир неча гумондор, айбдор ва судланувчи иштирок этса, қонун жабрланувчига улар билан алоҳида ярашиш имкониятини яратади. Бундай ҳолатларда, ярашилган гумондор, айбдор ва судланувчи юзасидан ишнинг бир қисми

ЖПК 584моддаси тартиби бўйича судга юборилади, қолганлар юзасидан иш умумий асосларда кўрилади.

Ярашув ўзининг тузилиши билан чин кўнгилдан пушаймон бўлиш билан ўхшаш ва бир хил белгиларга эга. Чин кўнгилдан пушаймон бўлишдан фарқли ўлароқ, ярашувда етказилган зарарни қоплаш ва зарар етказилган жабрланувчи томонидан кечирилишни талаб қилади, лекин чин кўнгилдан пушаймон бўлишда бу роль дастлабки тергов органлари ва судга тегишли. Формал нуктаи назардан чин кўнгилдан пушаймонлик аниқ кўрсатилган ва уларнинг ҳатто биттасининг йўқдиги ушбу асосни қўллашга йўл қўймайди. Ярашувда жабрланган шахс билан айбдор шахс ўртасида зарарни қоплаш ҳақида келишилмаган бўлса ва томонлар шунга рози бўлган вазиятлар жавобгарликдан озод қилишга халакит бермайди.

Шу билан бирга, жабрланувчининг аризаси йўқлиги учун жиноят ишини қўзғатмаслик билан ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчаларини фарқлаш лозим. Хусусийоммавий айблов ишлари бўйича жабрланувчининг шикоят бўлиши талаб этилади, у жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлади. Шахснинг жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги аризасининг йўқлиги, ярашилганлиги ёки жиноят ҳодисаси йўқлиги жиноят содир этилмаганлиги ҳақида далолат беради. Жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги туфайли, айбланувчига қарам бўлганлиги ёки бошқа сабабларга кўра ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини

шахсан ўзи ҳимоя қила олмайдиган фавқулодда ҳолларда прокурор жабрланувчининг аризасисиз ҳам жиноят ишини қўзғатиши шарт (ЖПК 325моддаси).

Айбдорнинг ва жабрланувчининг ярашувини қонуний ёки ихтиёрий актdeb ҳисоблаш учун маълум бир шартлар бўлиши керак:

- ЖК 66'моддасида кўрсатилган жиноятлардан бирини содир этиш;
- айбига иқрор бўлиш;
- жабрланувчи билан ярашиш;
- етказилган зарарни қоплаш;

— оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда судланганликнинг йўқдиги.

Ҳаракатдаги қонунни таҳлил қилиш ЖК 66'моддаси 1қисмида кўрсатилган жиноятлар таркибининг ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига кириши ҳақида ҳулоса қилиш имконини беради. Кўрсатилган нормадаги жиноятларнинг рўйхати «тугал ва кенгайтириб шарҳланиши мумкин эмас»¹.

«Агар шахс бир неча жиноят содир этган бўлиб, улардан бири Жиноят кодексининг 66'моддасида кўрсатилган бўлса, ишнинг шу қисми Жиноятпроцессуал кодексининг 62бобида белгиланган тартибда тугатилиши мумкин, лекин бу тартиб тақрорийлик белгисини берадиган жиноятларга татбиқ этилмайди».

Айбига иқрор бўлиш ва зарарни қоплаш ўзида жабрланувчи билан ярашиш мақсадини олган ҳаракатлардан иборатдир.

Ярашув — жабрланувчининг оддий кечиришини эмас, балки унинг ўз дастлабки талаб ва даъволаридан расмий равишда воз кечишини англатади. У жиноятни содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш илтимосидан воз кечиш (агар ярашув жиноят иши қўзғатилишидан аввал юз берган бўлса) ёки унинг аризасига кўра қўзғатилган жиноят ишини тугатишини сўраб берилган аризадан иборат бўлади. Ярашув акти жиноятпроцессуал қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, баённома билан расмийлаштирилади. Жабрланувчи билан ярашув айбига иқрор бўлмасдан рўй бериши мумкин эмас.

Етказилган зарарни қоплаш инсон ҳаёти ва соғлиғига тажовуз пайтида саломатлигига етказилган мулкий зарар ўрнини тўлдиришдан, шунингдек, маънавий зарарни қоплашдан иборат бўлади.

Жиноят содир этган шахснинг жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жиноят ишининг тугатилиши тўғрисидаги (ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этиш) қарорни суриштирув органлари ёки терговчи прокурорнинг розилиги билан ҳамда прокурор терговнинг барча босқичида ҳамда суд (судлар) ишнинг хоҳлаган вақтида суднинг (судларнинг) ҳукм эълон қилиш учун маслаҳат хонасига киришдан олдин қабул қилиши мумкин.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига қонун билан юклатилган мажбуриятлардан бири, бу — ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)га тушунтириш шартлигидир. Қонуннинг ушбу талабига риоя этмаслик ярашув тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорнинг бекор қилинишига асос бўлиши мумкин¹.

6§. Касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш

Жиноий жавобгарликнинг асосий хусусиятларидан бири шахснинг жамоатчилик томонидан қораланиши бўлиб, у жазо чоралари қўллашда ифодаланади. Шу нуқтаи назардан, жиноий жавобгарлик жамиятнинг барча аъзоларига нисбатан жиноятнинг олдини олиш чораси сифатидагина эмас, балки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан алоҳида таъсири жиҳатидан муҳим ҳисобланади. Шу сабабли, жавобгарликнинг аҳамиятини англаб етишга қобил бўлмаган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш жамият ва давлат томонидан айблаш ва жазони ўташ (ЖК 75моддаси) жиноий жавобгарлик ва жазонинг мақсадига тўғри келмайди.

Касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш ЖК 67моддасида кўрсатилган. Мазкур модданинг биринчи қисмидаги қоидаларга биноан, жиноят содир этган шахс ҳукм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка чалиниб қолган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. Қонун чиқарувчи руҳий касалланган шахсни жавобгарликдан озод қилиш асосини, ўзининг қилмишларини англамаслик ёки уларни бошқара олмаслик билан боғлайди.

Шахс жиноят содир этганлиги ва у бунинг учун сўзсиз тегишли жазога тортилишини англаши жавобгарликнинг муқаррарлигини ва одиллик тамойилини акс эттиради. Бунинг интеллектуал кўриниши айбдор шахснинг қилмиши учун жамият томонидан қораланиб, жазо берилиши муқаррарлигини аниқдашидир. Шу билан бирга, англаш мавжуд бўлмас экан шахс руҳий касаллик билан оғриб қолган ҳолларда ҳам жиноий жавобгарлик мақсадларига эришилмайди.

Хасталикка дучор бўлган шахснинг ўз ҳаракатларини бошқара олмаслиги шундан иборатки, у биринчидан, ўзи ва атрофидагилар учун хавф туғдирувчи манбадир; иккинчидан, у ночор аҳволда, яъни ўзининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондира олмайди; учинчидан, шахсга руҳий ёрдам берилмаса унинг ҳолати оғирлашиб, соғлиғи ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Мазкур шароит тенг равишда жавобгарликка тортиш аҳамиятини англаб етмаслик ҳолларига ҳам тегишлидир.

ЖК 67моддаси 1қисми жиноят содир этган шахс руҳий касалликка чалинганлигини ҳам жиноий жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида назарда тутаяди. Руҳий хасталик тўртта руҳий касалликдан бирининг мавжудлиги билан содир бўлиши мумкин, улар: хроник руҳий касаллик; руҳий фаолиятнинг вақтивакти билан бузилиши, кучсиз онг ёки шахснинг руҳий касал ҳолати. Ушбу руҳий касаллик судтиббий экспертизаси томонидан белгиланиб, у касалликнинг жиноятдан кейинги ҳуққи

вариантларидан бирини кўрсатиб ўтиши шарт: масъулиятни англамаслик ҳисси ёки ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик. Шунингдек, руҳий касаллик туфайли юзага келган ҳар икки омил мавжуд бўлиши мумкин.

ЖК 67моддаси 2қисми давлатнинг мазкур шахсларни тузатиш учун ва уларни жамиятга қайтариш, шу билан бирга, уларнинг кейинчалик жиноий хулқи ва соғлиғи ёмонлашувининг олдини олиш мақсадида тиббий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини белгилаб беради. Бундай ҳолларда жиноят қонуни руҳий касалликка чалинган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга рухсат беради.

(«Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари» тушунчаси ЖК VII бўлимида баён этилган.)

ЖК 67моддаси 3қисми мазкур асосни жавобгарликдан озод этиш мақсадида қўллаш учун қўшимча шарт сифатида белгилаб беради. Шарт шундан иборатки, касаллигига кўра жиноий жавобгарликдан озод этилган шахс соғайганидан сўнг **жавобгарли орт**илади. Жиноий жавобгарликка тортиш жараёнини тиклаш учун I йидаги шартшароитга эътибор бериш зарур:

— шахснинг соғайиб кетиши;

— тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ва ундан ксй **11111** и **IK1** вобгарликка тортиш муддати ўтиб кетмай, шудоирадабўлиши шар!

Шахснинг руҳий касалликка чалинганлиги жавобгарликдан ОЗОД этишнинг асоси ҳисобланадиган бўлса, мазкур асоснинг мавжуд эмаслиги шахсни жиноий жавобгарликка тортишни истисно қилмайди. Шахснинг соғайиб кетганлиги судпсихиатрия экспертизаси хулосаси билан тасдиқланиши шарт. Соғайиш даражаси тўлиқ бўлиб, у шахснинг ўз ҳаракатларини англаш ва уларни бошқара олмаслик билан боғлиқбўлган шартшароитларни бартараф этиши лозим. Касалликдан қисман соғайиб ёки у қучайган, аммо сурункали руҳий касаллик кўринишлари сақланиб қолган ҳолларда жиноий жавобгарликка тортиш жараёнини қайта бошлаш мумкин эмас. Бутздай ҳолларда, шахснинг руҳий ҳолати ёмонлашуви такрорланиши мумкин бўлиб, бу касаллик билан боғлиқ равишда жазодан озод этилишига олиб келади.

Берилган асосларга биноан жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахснинг соғайиши муносабати билан жиноий жавобгарликка тортиш муддати ҳисобланиши жиноят содир этиш кунидан эмас, балки унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашдан бошланади. Бу ҳолат муддатнинг ҳисобланиши қондасида махсус ҳисобланмайди.

Жиноий жавобгарликка тортишнинг умумий йигирма беш йиллик муддати ўтиб кетиши, шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг иложи йўқдигини ва жавобгарликка тортишнинг мақсадсиз эканлигини англатади. Бироқ руҳий касаллик жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг тўхтатилишига ёки узилишига сабабчи ҳолат ҳисобланмайди.

7§. Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш

ЖК 68моддасига биноан, «жиноят содир этган шахс амнистия акти асосида жавобгарликдан озод этилиши мумкин».

Амнистия жиноят содир этган, шунингдек, жазо ўтаётган шахсларга нисбатан инсонпарварлик қилиш акти бўлиб, амнистия тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига асосан қабул қилинади. Амнистия жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятҳуқуқий таъсир чораларини қўлламаган ҳолда уларга тузалиш имконини бериш ёхуд бу

чоралар қўлланилган шахсларнинг аҳолини енгиллаштириш мақсадида эълон қилинади.

Амнистия — давлатнинг ваколатли органи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қабул қилган нормативҳуқуқий ҳужжатда ифодаланган эрки бўлиб, ўз ижтимоий моҳиятига кўра муайян тоифадаги жиноятларни содир этган муайян тоифадаги шахсларни кечириш бўлиб, давлат ва жамият томонидан қўллабқувватланадиган ҳужжатидир ва у суд тартибида қўлланилади.

Амнистия акти жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш, жазони енгиллаштириш, судланганликнинг ҳуқуқий оқибатларидан озод қилиш масалаларини ҳал қилиб, жиноятҳуқуқий, жиноятпроцессуал, жиноятижроия муносабатлар доирасида тартибга солинади.

Амнистия акти муайян жиноятни назарда тутувчи жиноят қонунини ва суд ҳукмини инкор қилмайди. У фақат судланганлар ва жиноят содир этганлар қисматини енгиллаштиради, яъни жиноят ҳуқуқига тегишли бўлган инсонпарварлик принципини реаллаштиради. Асосан амнистия актлари республикамиз учун муҳим бўлган кунларда қабул қилинади, масалан: Мустақиллик куни, Конституция куни, Хотира ва қадрлаш куни (9 май) ва ҳоказо.

Амнистия — бу маълум бир турдаги ва хилдаги жиноят содир этган маълум бир турдаги шахслар ёки барча шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш ёки тайинланган жазони ўташдан озод қилиш ёки суд томонидан тайинланган жазони қисқартириш ёки енгилроқжазо билан алмаштириш акти ҳисобланади. Шундай қилиб, «ЖК 68, 76 ва 79-моддаларига асосан амнистия актини қўллашнинг ҳуқуқий оқибатлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- шахснинг жиноий жавобгарликдан озод этилиши;
- судланувчининг асосий ва ўталмаган қўшимча жазодан озод қилиниши;
- судланувчининг асосий ва ўталмаган қўшимча жазолари муддатининг қисқартирилиши;
- судланувчини жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш;
- жиноят содир этган шахсдан муддатидан **илгари** судланиши»¹.

Амнистия акти норматив ҳужжат бўлиб, юридик кучи муайям демографик, ижтимоий, жинсий, ҳуқуқий ва бошқа **хусусияти** шахсларга нисбатан (масалан, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчи лари ва уларга тенглаштирилган шахслар, аёллар, вояга етмаган **ёки** 60 ёшдан ошганлар ва ҳоказо) ёки муайян бир турдаги жиноят содир этган шахсларга (масалан, эҳтиётсизлик туфайли, иқтисодий ва ҳ.к.) нисбатан қўлланилади. Яъни, амнистия қўллаш учун шартлар актнинг ўзида бўлади ва фақат уларнинг мавжудлиги ёки аксинча йўл қўймайдиган вазиятларнинг йўқлигида амнистия у ёки бу шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги» қарорига биноан, амнистия аёлларга, жиноят содир этиш вақтида 18 ёшга тўлмаган шахсларга, 60 ёшга тўлган эркакларга ҳамда ўта оғир бўлмаган жинояти учун биринчи марта судланган чет эл фуқароларига, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахсларга ҳамда биринчи марта ижтимоий хавфи кагга бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган шахсларга, қарорнинг қонуний кучга киргунига қадар бир йилдан кўп

бўлмаган вақт давомида жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касаллик билан жабрланаётган шахсларга (қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахслардан ташқари) ёки биринчи ва иносиггчи гуруҳ ногиронларига ҳамда бошқа қарорда аниқ кўрсатилган бир қатор шахсларга нисбатан қўлланилади.

Амнистия қўллаш тўғрисидаги масала «ҳар бир шахс учун индивидуал равишда қўлланилади».

Амнистия актлари, одатда, жазо ўташ пайтидаги ўзини тутиши, давлат томонидан уларга нисбатан инсонпарварлик муносабатини тушуниб англаб етиши ва янги жиноятни содир этмаслиги ҳақида фикрлашга асос бераоладиган шахсларни озод қилиш масалаларини ҳал этади. Аввал қайд этилганидек, амнистия актлари содир этилган жиноятларнинг тоифаси, айбланувчининг шахс хусусиятлари, жиноятни биринчи маротаба содир этиши ва ҳоказолар билан боғлиқ маълум шартларни ўз ичига олиши мумкин. Шу нуқтаи назардан туриб, амнистия кўпроқ айнан ўта хавфли рецидивистларга, жазо ўташ режимини мунтазам бузувчи шахсларга, муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазо ўташдан озод этилган ва яна қасддан жиноятларни содир этган шахсларга, бошқа хавфли жиноятчиларга нисбатан қўлланмайди. Масалан, «агар амнистия акти ёки уни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, амнистия акти муқаддам амнистия акти асосида жиноий иш қўзғатиш рад этилган ёки амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан ёки жазо ўташдан озод этилган ҳамда амнистия акти қўллангандан кейин янги жиноятни қасддан содир этган шахсларга қўлланмайди». Айни пайтда Олий суд Пленуми ўз қароридан тушунтирадигани, «Жиноят кодекси Умумий қисмининг нормаларига мувофиқ, амнистия акти шахснинг муқаддам амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан ёки жазо ўташдан озод этилганлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда қўлланиши мумкин, агар:

— жиноят қонунчилигининг ўзгариши натижасида ушбу шахс аввал жиноий жавобгарликдан ёки жазо ўташдан озод этилган қилмиш энди жиноят деб тан олинмайдиган бўлса;

— амнистия акти қўлланган пайтидан ушбу шахс амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан ёки жазо ўташдан озод этилган жиноят учун қонунчилик билан белгиланган жиноий жавобгарликка тортиш муддатларига тенг бўлган вақт ўтган бўлса (агар амнистия актида бошқача назарда тутилган бўлмаса);

— ушбу шахс бошқа давлатнинг (шу жумладан, собиқ СССРнинг) амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан ёки жазо ўташдан озод этилган бўлса, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси ва амнистия актида бошқача назарда тутилган бўлмаса.

ЖПК 23-моддаси 3-қисмига мувофиқ, текширув натижасида шахсга илгари амнистия акти қўлланилганлиги ҳақида маълумотлар топилмаган тақдирда а қўлланиши лозим»¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди инстациянинг нормаларига мувофиқ, шунингдек, «амнистия актининг қўллаишини истисно этувчи маълум шартлар аниқданган ҳолатларда амнистия актини қўлламаслик ушбу шартлар (масалан, жазо ўташ режимини мунтазам бузиш, шахсни ўта хавфли рецидивист деб тан олиш) амнистия акти кучга киргунча мавжуд бўлган ҳолда мумкин бўлади, агар амнистия актида бошқача назарда тутилган бўлмаса»¹.

Умуман олганда, шуни қайд этиш лозимки, амнистия тааллуқли бўлмаган шахслар доираси амнистия акти билан белгиланади ва кенгайтирилган тарзда талқин этилиши мумкин эмас².

Уларнинг амал қилиш даврида содир этилган қилмишларга тааллуқли бўлган маъмурий ва жиноят қонуни нормаларидан фарқли равишда, амнистия акти фақат унинг қонуний кучга киришидан аввал жиноятларни содир этган шахсларга тааллуқли бўлади³. Амнистия тўғрисидаги қарор

унда мавжуд бўлган махсус кўрсатмага биноан, одатда унинг қабул қилинган ёки эълон қилинган кунидан бошлаб қонуний кучга киради. Бу ерда шуни изоҳлаш керакки, «давомли ва узокқа чўзилган жиноятларни содир этган шахсларга амнистия акти фақат ушбу жиноятлар амнистия акти ўз кучига киргунча тугалланган ҳолдагина қўлланади»⁴.

Агар шахснинг ҳаракатлари айтилган бир хил ҳуқуқий оқибатларни, яъни фақат шахсни жиноий жавобгарликдан ёки жазо ўташдан озод этишни назарда тутадиган бир неча амнистия актларининг таъсирига тааллуқли бўлса, суриштирув тергов органи, суд шахснинг охириги жиноятни содир этишидан кейин кучга кирган амнистия актини қўллаши лозим. Лекин, амнистия актлари билан фақат жазони қисқартиришлар назарда тутилган ҳолда, барча амнистия актлари хронологик кетмакетликда қўлланиши лозим.

Шахснинг ҳаракатлари турли хил ҳуқуқий оқибатларни, яъни улардан бири — шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш, бошқалари эса жазо ўташдан озод этиш ёки жазонинг муддатини қисқартиришни назарда тутадиган бир неча амнистия актларининг таъсирига тааллуқли бўлса, шахснинг ҳолатини энг кўп яхшилайдиган амнистия акти қўлланиши лозим⁵. Ушбу охириги ҳолат Ўзбекистон Республикаси ЖК инсонларварлик тамойилининг навбатдаги ифодасидир.

Амнистия актининг ижро этилиши унинг кучга кирган пайтидан бошлаб уч ой давомида амалга оширилади. Амнистия актини ижро этиш юклатилган органлар тизими ва уларнинг ваколатлари, шунингдек, амнистия акти билан ҳамда уни қўллаш юзасидан Низом билан белгиланади¹.

«Амнистия актининг қўлланиши тўғрисида суриштирув, тергов органи қарор, суд эса ажрим, айблов ҳукмини чиқаради»². Жиноятпроцессуал қонунига мувофиқ, амнистия акти содир этилган қилмиш учун жазони қўллашни бартараф этган ҳолда жиноят иши кўзгатилиши мумкин эмас, кўзгатиш иш эса тугатилиши лозим бўлади (ЖПК 84моддаси 2банди, 401, 402моддалари). Агар айбланувчи бунга қарши эътироз билдирса, шунингдек, жиноят иши суд тергови босқичида бўлса, амнистия акти асосида жиноят ишининг тугатилишига йўл қўйилмайди. Бу вазиятда суд ишни кўриб чиқишни охиригача етказди ва асослари мавжуд бўлганда айблов ҳукмини чиқариб, асосий жазо сифатидаги жазодан озод қилиш билан ёки жазони тайинламаган ҳолда оқлов ҳукмини чиқаради (ЖПК 463моддаси 2қисми ва 3қисми).

Жазодан озод қилиш, жазодан шартли — муддатидан илгари озод қилиш, жазони енгилроқ жазо билан алмаштириш ёки жазо муддатини қисқартиришни назарда тутадиган амнистия актини қўллаш учун ҳам судланувчининг (судланган, маҳкум шахснинг) розилиги талаб этилмайди. «Агар жиноят иши шахсни жиноий жавобгарликдан озод этувчи амнистия актига зид равишда кўзгатиш бўлса, хаттоки асосий жазо сифатидаги жазодан озод қилиш билан ёки жазони тайинламаган ҳолда чиқарилган айблов ҳукми ЖПК 84моддаси биринчи қисмининг иккинчи банди асосида бекор қилиниши ҳамда иш тугатилиши лозим»³.

«Жавобгарликдан озод қилиш» мавзуси бўйича яқуний саволлар

1. Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг ҳуқуқий табиати қандай? Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг қандай турлари мавжуд?

2. Жавобгарликдан озод қилишнинг қандай турлари шартсиз бўлади? Жавобгарликдан озод қилишнинг қайси турларини шартли турларига киритиш мумкин?

3. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи бўйича ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг муддати деганда нимани тушиниш лозим?

5. Қонун чиқарувчи жиноятлар учун ҳар хил жавобгарликка тортишнинг муддатларини белгилаганда нимадан келиб чиқади? *Уйдаги* жиноят тоифаларини содир этиш учун жавобгарликка тортиш муддатлари қўлланмайди?

6. Давомли ва давом этаётган жиноятлар юзасидан ишлар бўйича жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?

7. Жавобгарликка тортишни тўхтатиб туриш нима? Унинг жинойхуқуқий аҳамияти нимада?

8. Жавобгарликка тортиш муддатини тўхтатиш нимадан иборат? Унинг жинойхуқуқий аҳамияти нимада?

9. Қилмишни ижтимоий хавфини йўқотган деб тан олишнинг асослари қандай?

10. Шахсни ижтимоий хавфини йўқотган деб тан олишнинг асослари қандай?

11. Айбдор шахснинг чин қўнгилдан пушаймон бўлиши муносабати билан жавобгарликдан озод бўлишининг асослари ва шартлари қандай?

12. Етказилган зарарни қоплаш деганда нимани тупгуниш лозим? Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш нимада ифодаланади? Шахснинг жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериши нимада намоён бўлади?

13. Шахснинг чин қўнгилдан пушаймон бўлишининг жиноятдан ихтиёрий воз кечишидан фарқи нимада?

14. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари ва шартлари қандай? Шахсларнинг қандай тоифаси ушбу асосга кўра жавобгарликдан озод қилинмайди?

15. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида ярашилганликнинг чин қўнгилдан пушаймон бўлишдан фарқи нимада?

16. Шахсни касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилишнинг асослари ва шартлари қандай?

17. Амнистия нимадан иборат? Унинг шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг асоси сифатида жиноийхуқуқий аҳамияти нимадан иборат?

18. Шахснинг қайси тоифаларига нисбатан амнистия актлари одатда қўлланмайди?

Ҳ БОБ. ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ. (УДЛЛЛЛГЛЛЛЛЛК

1§. Жазодан озод қилиш тушунчаси на гурларп

Жиноят қонуни судланган шахсни суд **томонидан белгилари** жазони ўташдан тўлиқёки қисман озод этган ҳолда *жиной* **жавоб**гарликни амалга оширишни назарда тутди. Бундай жазодап оюд қилиш худци жиноий жавобгарликдан озод қилиш каби **инсонпар** варлик принципининг ифодаланиши бўлади. Жазодан озод **қилиш** уни ижро этишнинг мумкин бўлмаслиги (масалан, судланган шахснинг касаллиги, унинг меҳнатга лаёқатидан маҳрум бўлиши, жазони ижро этиш муддатининг ўтиб кетиши) ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги (масалан, судланган шахснинг чин қўнгилдан пушаймон бўлиши) билан белгилаб берилади.

Қонун судга, агар шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолган бўлса ёки унча катта бўлмаган ижтимоий хавфи бўлса, шахсга нисбатан жазони қўлламаслик ёки уни жазо ўташдан озод қилиш ва кейинчалик бошқа хуқуқий таъсир чораларини қўллашга имкон беради ва бундай ҳолда ушбу шахснинг жиноий жавобгарлиги қисман амалга оширилади, лекин бу жиноятчилик билан жиноийхуқуқий курашни таъминлаш учун етарли бўлади. Жумладан, ҳукм чиқариш пайтига келиб, яъни шахсни маҳкум этиш босқичида ёки маҳкумнинг тайинланган жазонинг бир қисмини ўтаб

бўлганида айбдор шахс ўзининг меҳнатга, ўқишга бўлган виждонан муносабати, ижобий томонга ўзгарган маънавий шахсий йўналишлари билан ўзининг тузалганлигини ва қонунга бўйсунувчан фуқаронинг ҳалол ҳаёти билан яшашга ичидан тайёрлигини исботлагани ва кўрсатгани туфайли жазонинг мақсадларига амалда эришилганлиги очикойдин бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолатлар бўлганда жазони тайинлаш ёки ўташ давлатнинг қонунни бузган шахсни жамиятга унинг фойдали аъзоси сифатида қайтариб беришга қаратилган уринишларини йўққа чиқариши мумкин. Натижада жазо мақсадига эришилмайди, шахс эса жазони ўтаганидан кейин унинг судланишидан илгари ҳолатига қараганда жамият учун янада кўпроқ хавф солиши мумкин. Ва ниҳоят, судланган шахс ҳатто тузалмаган ҳолда ҳам, оғир касаллиги туфайли жазони ўтай олмайдиган ҳолатлар ҳам учрайди. Бундай шахсга нисбатан жазо вазибаларини амалга ошириш ўз маъносини йўқотиши мумкинлиги тушунарли.

Жазодан озод қилиш — бу давлатнинг жиноят содир этганлиги учун судланган шахсга жиноят қонунчилигида назарда тутилган асослар ва шартлар мавжуд бўлган ҳолда жазони тайинлашдан ёки жазони ижро этишдан воз кечишидир.

Жазодан озод қилиш фақат суд томонидан амалга оширилади, чунки шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ва унга жазо тайинлаш суднинг мутлақ ваколатидир.

Жазодан озод қилишнинг ҳар хил турлари ЖК «Жазодан озод қилишнинг турлари» номли XIII бобда тартибга солинган. Уларга қуйидагилар киради: жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖК 69моддаси); шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш (ЖК 70моддаси); айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖК 71моддаси); шартли ҳукм қилиш (ЖК 72моддаси); жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (ЖК 73моддаси); жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖК 74моддаси); касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш (ЖК 75моддаси); амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш (ЖК 76моддаси).

Жазодан озод қилишнинг ушбу турлари шартли ёки шартсиз тарзда бўлиши мумкин.

Жазодан озод қилишнинг шартли турларига шартли ҳукм қилиш (ЖК 72моддаси); жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (ЖК 73моддаси) ва касаллик оқибатида жазодан озод қилиш (ЖК 75моддаси 1—3қисмлари) киради. Жазодан озод қилишнинг қолган турлари шартсиз, яъни якуний бўлади, чунки уларни қўллаш жазодан озод қилинувчига рияз қилинмаганлиги уларни бекор қилиш учун асос бўла оладиган бирорбир мажбуриятларни юкламайди.

Жазодан озод қилишни, шунингдек, тўлиқ, қисман ва аралаш деб аталмиш жазодан озод қилиш турларига бўлиш мумкин.

Жазодан тўлиқ озод қилишга жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖК 69моддаси); шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш (ЖК 70моддаси); айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖК 71моддаси); шартли ҳукм қилиш (ЖК 72моддаси) тарзида жазодан озод қилишлар киради. Жазодан тўлиқ озод қилишда тайинланган жазо суд қарорига кўра ижро этилмайди.

Жазодан қисман озод қилиш уни ўташ даврида жазодан озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштиришда ифодаланади. Жазодан озод қилишнинг ушбу турлари тоифасига жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (ЖК 73моддаси); жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖК 74моддаси) киради.

Ва ниҳоят, жазодан озод қилишнинг аралаш тури тўлиқ ва қисман жазодан озод қилишни ўзида мужассамлантирган бўлиб, уларга касаллик

ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш (ЖК 75моддаси); амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш (ЖК 76моддаси) киради.

2 §. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш

ЖК69моддаси маълум муддатларнинг тугаганлиги *жазодан озод қилиш* учун асос сифатида кўрсатади. Улар тайинланган жазонинг чорасига қараб фарқланади. Ушбу асос жазони ижро *этиш* муддати деб номланади ва фақат судланган шахсга нисбатан қўлла нади.

Жазони ижро этиш муддати қонунда белгиланган муддат бўлиб, у ўтиб кетганидан сўнг, қонунда кўрсатилган шартлар мавжуд бўлганда, суд томонидан тайинланган жазо ижро этилиши мумкин бўлмайди.

Жазони ижро этишнинг ўзи айбдорни ахлоқан тузатиш ва янги жинойтларнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг жазони амалга ошириш бўйича ваколатли фаолиятдан иборат.

Жазони ижро этиш муддати институти асосан судланган шахс ижтимоий хавфининг йўқолиши ёки анча камайиши туфайли айблов ҳукмини ижро этишнинг мақсадга мувофиқ бўлмай қолишига асосланган. Жазони қўллаш бу ҳолда ўз ўзи учун мақсадга айланган бўлиб, тегишли давлат мажбурлов чораларининг зарур тарбиявий ва огохдантирувчи таъсирини таъминлай олмаган бўлар эди.

Ушбу муддатнинг моҳияти, аввал қайд этилганидек, маълум вақтдан бошлаб муайян муддат тугашидан иборат. Агар жавобгарликдан озод қилиш институтини қўллаш учун бундай пайт жинойтни содир этиш пайти бўлса, жазодан озод қилиш учун ушбу муддатни ҳисоблаш бошланадиган айблов ҳукмининг қонуний кучга кириш вақтини аниқлаш лозим бўлади. Масалан, ҳукм унинг устидан апелляция шикоятни бериш ва протест билдириш муддати ўтиши билан қонуний кучга киради. Апелляция шикоятни берилган ёки протест билдирилган тақдирда ҳукм, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори суд кўриб чиққан қуни қонуний кучга киради (ЖПК 528моддаси).

«Агар суд ишни судца кўриш давомида ЖК 69моддасига мувофиқ жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан судланувчини жазодан озод қилиш лозимлиги ҳақидаги хулосага келса, у судланувчига нисбатан айблов ҳукмини чиқара туриб, унинг тавсиф қисмида қабул қилинган қарорни асослантириши, қарор қисмида эса судланувчини айбдор деб тан олиши ва унга ЖКнинг тегишли моддаси (моддалари) бўйича жазони тайинлаши, кейин эса қонунга ҳавола қилиб кўрсатган ҳодда судланувчини жазодан озод қилиш ҳақида билдириши лозим»¹.

Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш учун муддатлар турличадир. ЖК 69моддаси 1қисми қоидаларига мувофиқ:

«Агар ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб:

а) уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганда — уч йил;

б) беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда — беш йил;

в) ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда — ўн йил;

г) ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда — ўн беш йил ичида ижро этилмаган бўлса, маҳкум асосий ва қўшимча жазолардан озод қилинади».

Ушбу кўрсатилган муддатлар, кўриниб турганидек, жиноятнинг тоифаси (унинг ижтимоий хавфининг даражаси)га эмас, балки суд томонидан тайинланган жазонинг чорасига боғлиқ бўлади. Масалан, ЖК 97моддаси 1қисми бўйича қасддан одам ўлдирганлиги учун жазони ижро этиш муддатлари ўн йилдан ўн беш йилгача бўлиши мумкин. Лекин маълум ҳолатларда суд модцанинг санкциясида кўрсатилган энг кам чегарадан ҳам камроқ жазони тайинлаши мумкин, бу тегишли тарзда жазони ижро этиш муддатини ҳам камайтиради. Бундан ташқари, суд қонунда назарда тутилганидан бошқа, озодликдан маҳрум этишга қараганда енгилроқ жазо турини тайинлаши мумкин. Жазони бу тарзда алмаштириш, жазодан озод қилиш институтининг турларидан бирига кирадиган ЖК 74моддасидаги жазони енгилроғи билан алмаштиришга тааллуқли бўлмайди.

Бир неча жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган жазони ижро этиш муддатларини аниқлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Бундай вазиятларда суд, маълумки, содир этилган жиноятларнинг бутун мажмуини инобатга олади ва ягона жазони тайинлайди. Ва ЖК 69моддасининг маъносига кўра, ЖК 54, 59 ва 61моддалари қоидалари бўйича тайинланадиган жазонинг бутун муддати ҳисобга олинishi лозим, яъни бир неча жиноятлар бўйича жазолар қўшилганда якуний жазо жазони ижро этиш муддатини белгилайди, бу муддат ўтгач биронбир жазо ижро этилиши мумкин эмас.

Агар асосий жазо бўйича ижро этиш муддати тугамаган бўлса, у ҳолда қўшимча жазони ижро этиш муддати асосий жазони ўташ пайтидан бошлаб ҳисобланади.

Ижро этиш муддати узлуксиз равишда, суд ҳукмининг қонуний кучга кирганидан бошлаб то ЖК 69моддаси 1қисмида кўрсатилган муддатлар тугагунча ҳисобланади. Бунда ижро этиш муддатига суд ҳукми судланган шахснинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган (судланган шахснинг оғир касаллиги, суд ходимлари ёки жазони ижро этиш ваколати юклатилган органлар ходимларининг ўз хизмат вазифаларига виждонан ёндашмаганлиги) ва жазони ўташдан бўйин товлаш ёки янги жиноятни содир этишда ифодаланмаган бир қатор сабаблар туфайли бажарилмаган вақт киритилади.

ЖК 69моддаси 2қисмига мувофиқ, «Агар маҳкум ушбу моддада назарда тутилган жазони ўташдан бўйин товласа, жазони ижро этиш муддати икки барабар кўпаяди ва жазони ўташдан бўйин товлаган кундан бошлаб ҳисобланади, лекин йигирма беш йилдан ошмаслиги керак».

Маҳкум шахснинг жазодан бўйин товлаши деб, суд томонидан тайинланган жазони ижро этишдан қочишга қаратилган ҳар қандай қасддан содир этилган ҳаракатларини тушуниш лозим. Жазони ўташдан бўйин товлаш одатда жиноят таркибини ҳосил қилмаган ҳаракатларда ифодаланади. Аммо у жазони ўташ жойидан қочишда ҳам ифодаланиши мумкин. Лекин бундай ҳолда ижро этиш муддатлари икки барабар оширилмайди, балки тўхтатилади ва ЖК 69моддаси 3қисмининг қоидаларига мувофиқ, қочиш содир этилганидан бошлаб қайтадан ҳисобланади.

Жазони ижро этишдан бўйин товлаш ҳаракатлари деб, судланган шахснинг жазони ижро этишни мумкин бўлмайдиган қилиб қўядиган онгли ҳаракатларини тушуниш лозим. Уларга, чунончи, яшаш, ишлаш жойини ўзгартириш, бошқа минтақага кўчиб кетиш, ҳужжатларини ўзгартириш ва бошқалар киради. Судланган шахснинг у ёки бу ҳаракатлари жазони ижро этишдан бўйин товлашга қаратилганлиги масаласини ҳал этишда ҳар бир муайян ҳолатда судланган шахснинг ҳаракатларини алоҳида баҳолаш лозим бўлади.

ЖК 69моддаси 2қисми ЖК 69моддаси 1қисмида кўрсатилган ижро этиш муддатларининг икки барабар оширилишини назарда тутати. Бунда шу тарзда узайтирилган ижро этиш муддатларини ҳисоблаш суд

хукмининг қонуний кучга кирган пайтидан бошлаб эмас, шахснинг жазони ижро этишдан бўйин товлаш пайтидан бошлаб ҳисобланади.

ЖК 69моддаси 3қисмига мувофиқ, «Агар шахс ушбу моддада кўрсатилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жигғоят содир этса, муддатларнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда муддатларнинг ўтишини ҳисоблаш янги жиноят содир этилган пайтдан қайтадан бошланади».

Жазони ижро этиш муддатлари бекор қилиниб, қайтадан ҳисобланиши учун судланган шахс томонидан янги жиноятнинг қасддан содир этилиши ва аввалги жиноят учун ижро этиш муддатининг сақланиши (тугамаганлиги) каби шартлар белгиланиши лозим. Бу ҳолда қонун чиқарувчи жинорий жавобгарликка тортилиш муддатларидан фарқли равишда, айнан қандай (қасддан ёки эҳтиётсизлик оқасида; оғир, ўта оғир ёки бошқа турдаги) жиноятдан кейин ижро этиш муддатлари бекор қилинишини кўрсатмайди. Қаралаётган модданинг маъносига кўра, суд ҳукмларининг мажмуи бўйича жазони тайинлаш учун жазони ижро этиш муддатининг узилиши фақат биринчиси учун жазо тайинланган иккита жиноятни қасддан содир этишдан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Бундай ҳолатларда ижро этиш муддатларини ҳисоблаш амалиёти алоҳида диққатга сазовордир. Ижро этиш муддатларининг узилиши бениҳоя давом эта олмайди. Янги жиноятни қасддан содир этиш туфайли жазони юкро этиш муддати узилганда айбдор шахс жавобгарликка тортилади ва ушбу муддатни ҳисоблаш янги жиноят учун суд ҳукми қонуний кучга кирганидан бошлаб эмас, балки янги жиноятни қасддан содир этиш пайтидан бошлаб амалга оширилади. Бошқача айтганда, айбдор шахсни суд қилиш ва унга бир неча суд ҳукми бўйича жазо тайинлашда жазони ижро этиш муддатини ҳисоблаш қайтадан бошланади ва ЖК 69моддаси 1 қисмининг қоидаларига мувофиқ белгиланади. Бу ҳолда ижро этиш муддатини ҳисоблаш янги жиноятни қасддан содир этиш пайтидан бошлаб амалга оширилади.

ЖК 69моддаси 3қисми шундай белгилайди: «Агар жазо тайинланган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, жазони ижро этиш мумкин эмас». Ҳар бир маҳкум жазони ижро этишдан озод қилиш асосини қўллашга ҳақли бўлади, шу жумладан жазони ижро этишдан бўйин товлаш ёки янги жиноятни қасддан содир этиш муносабати билан жазони ижро этиш муддатлари узайтирилган ва узилган ҳолатларда. Бу ҳолда йигирма беш йилнинг ўтиб кетганлиги жазонинг мақсадга мувофиқ бўлмагани учун жазони қўллашни бекор қилади.

Хусусан, ЖК 69моддаси 5қисмига мувофиқ, «Умрбодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахаа нисбатан муддатлар ўтишини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Лгар суд муддатлар ўтишини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодлш дан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаш тирилади».

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахсга нисбатан муддатлар ўтишини қўллашга алоҳида ёндашув ушбу чоранинг мутлақ фавқулодда эканлиги билан изоҳланади. Ушбу масалани ҳал этиш содир этилган жиноятнинг хусусиятларига ҳамда юзага келган оқибатларнинг оғирлигига боғлиқ бўлиши лозим эмас ва фақат шахснинг суд ҳукми қонуний кучга кирган кунидан бошлаб анча вақт ўтиб кетганлиги сабабли ижтимоий хавfli бўлмай қолганлиги билангина белгиланади. Суд ҳукмининг қонуний кучга кирган пайтидан бошлаб ўтган вақт қанчалик давомли бўлса, маҳкум шахс ўз тузалганлигини янги жиноятларни содир этмаслик ва ижтимоий фойдали фаолият билан исботлаган бўлса, уни ижтимоий хавfli бўлмаган деб тан олиш учун асослар шунчалик кўп бўлади.

Жиноят қонунчилиги суднинг умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этишдан озод қилиш учун ижро этиш муддатларини қўллаш мумкин бўлмаганда уни озодликдан маҳрум этиш билан алмаштириш ҳуқуқини тан олади. Бунда умрбод озодликдан маҳрум

этиш ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан махрум этиш муддатига алмаштирилади. Ижро этиш муддати қўлланмаган ҳолда умрбод озодликдан махрум қилишни озодликдан махрум этиш билан алмаштириб, суд шу билан суд ҳукми бўйича тайинланган жазонинг тўғрилигини назорат қилмайди. Умрбод озодликдан махрум қилиш жазоси озодликдан махрум этиш жазосига алмаштирилиши мазкур суд ҳукмини чиқарган суд шу ҳукмида хатога йўл қўйганлиги учун эмас, балки ҳукмнинг қонуний кучга кирганлиги пайтидан анча вақт ўтганлиги туфайли умрбод озодликдан махрум қилиш жазосини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмай қолганлиги учун амалга оширилади. Агар фавқулодда жазо чораси суд томонидан унга етарли асослар бўлмаган ҳолда тайинланган бўлса, ушбу жазони бошқасига фақат назорат тартибида алмаштириш мумкин бўлади, чунки бу ҳолда суд ҳукмини моҳиятига кўра қайта кўриб чиқиш ҳақида гап кетади. Суд назорат инстанциясининг ваколатларини ўзига олишга ҳақди бўлмайди. У умрбод озодликдан махрум қилиш жазосини тегишли жиноий ҳуқуқий норманинг санкциясида йўлга қўйиладиган муддатга алмаштириши лозим.

ЖК 69 моддаси биксми жазони ижро этиш муддатлари қўлланилмайдиган ягона асосни белгилайди. Бу ҳолатлар тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлардир.

3§. Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш

ЖК 70 моддасида «жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин» деб белгиланади. Ушбу норма шахсни жазодан озод қилишнинг бирбиридан мустақил бўлган иккита асосини белгилайди: вазиятнинг ўзгариши ва шахснинг ўз ижтимоий хавфлилигини йўқотиши. Жазодан озод қилиш учун ушбу асослардан ҳеч бўлмаса биттасининг мавжуд бўлиши етарлидир.

Ишни судда кўриш вақти, шароитнинг ўзгариши ёки шахснинг намунали хулқатвори натижасида унинг ижтимоий хавфлилигини йўқотиши билан боғлиқ тушунча мазкур том IV бобининг «Қилмиш ёки шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш» деб номланган 3§ да белгиланган ишнинг судда кўрилиши вақтига айнан ўхшашдир.

Шароитнинг ўзгариши айбдор шахснинг иродасига боғлиқ бўлмаган объектив омил сифатида жиноят содир этилган шароитларнинг ўзгаришидан иборат бўлади. Булар бутун давлат миқёсидаги, алоҳида минтақа, айрим корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар миқёсидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ўжалик ва ҳоказо шароитлар бўлиши мумкин (масалан, тугатилиши, қайта ташкил этилиши ва ҳоказолар). Шунини айтиш керакки, вазиятни ўзгартириш ўз мазмунига кўра ЖК 65 моддасида назарда тутилган шунга ўхшаш тушунчага айнан мос тушади.

ЖК 70 моддаси маъносидаги шароитнинг ўзгариши то ишнинг суд томонидан кўрилиши пайтигача исталган вақтда юзага келиши мумкин. Агар шу вақтга келиб жиноий жавобгарликка тортиш муддати тугайдиган бўлса, у ҳолда айбдор шахс ЖК 64 моддасининг қоидаларига мувофиқ жиноий жавобгарликдан озод этилади.

ЖК 70 моддаси маъносидаги **ижтимоий хавфлиликнинг йўқолиши** деганда, ишнинг судда кўрилиши пайтига келиб жиноятни содир этиш ва ижтимоий хавфли бўлган оқибатларнинг юзага келишида таркибий қисм бўлган, шунингдек, ижтимоий хавфли қилмиш содир

этганлиги учун жиноий таъкиб этиш учун шартлар бўлиб хизмат қилган ҳолатлар, сабабларнинг баргараф этилиши тушунилади.

Шахснинг намунали хулқи субъектив омиллардан бирисида жиноят содир этган шахснинг ўзини тутиши ва хулқи ҳуқуқ, маънавият меъёрларига, инсонларнинг биргаяшаш қоидаларигв мос келиши, унинг томонидан жамоат тартиби меъёрларини бузиш, спиртли ичимликларни, гиёҳвандлик моддаларини ёки психотроп моддаларни суиистеъмом қилиш кабилар бўлмаслиги, унинг томонидан жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ихтиёрий қопланиши ва бошқаларни билдиради.

Шахснинг меҳнатга ҳалол муносабати айбдор шахснинг ўз меҳнат вазифаларини тегишли даражада бажаришини, меҳнат қонунчилиги нормаларини ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузмаслиги, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиши ва ижтимоий фойдали фаолиятни амалга оширишини билдиради.

Шахснинг ўқишга ҳалол муносабати ўқишда ўзлаштириш, қоидалар ва интизомга риоя қилиши, ўқув жараёнини бузмаслиги, намунали хулқи ва тиришқоқлиги ҳамда илмийамалий фаолиятни давом эттиришга ҳаракат қилишида ифодаланади.

Шахснинг намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати тўғрисидаги хулоса, у ўзининг тузалганлиги ҳолатини исботлаши мумкинлиги учун, фақат жиноятни содир этган шахснинг хулқини нисбатан узоқ вақт давомида кузатилган ҳолда қилиниши мумкин. Бу ҳолатда жазонинг жиноятларни махсус олдини олиш ва айбдор шахсни тузатиш каби мақсадларига эришилган бўлади, бу эса унга жазо тайинланишининг мақсадга мувофиқ эмаслигини ва суднинг айбдор шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлигига ишончини белгилаб беради.

Жиноятни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилишда жиноятнинг тури ва ижтимоий хавфлилигининг даражасига эмас, балки айбдор шахснинг шахсият хусусиятларига ва ишнинг судда кўрилиши пайтига келиб ўзгарган вазиятга ҳал қилувчи аҳамият берилади (лекин у ҳам, албатта, эътиборга олинади). Мазкур ҳолатда, шунингдек, шахснинг ушбу қаралаётган асослар бўйича жавобгарликдан озод қилишга розилиги мавжудлигини инobatга олиш керак (ЖПК 84моддаси 5қисми 1банди). Мазкур ҳолатларнинг мавжудлиги ва шахснинг жавобгарликдан озод қилишга рози эмаслиги ишни моҳияти бўйича кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади, бу уни айбдор деб тан олинган ҳолда жазодан озод қилиш учун тўсқинлик қилмайди.

Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилишни қўллаш суднинг мажбурияти эмас, ҳуқуққвир. Суд ҳукмини чиқаришда ЖК 70моддаси асосида ишнинг судда кўрилиши пайтига келиб, ушбу шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлигини тан олганда суд ўз ҳукмининг тавсиф қисмида қабул қилинган қарорни аниқ ҳолатларни келтирган ҳолда асослантириши, қарор қисмида эса судланувчини айбдор деб топиши ва қонун талабларига кўра унга жазо тайинламаслигини кўрсатиши лозим¹.

Жазодан озод қилишнинг кўриб чиқилган тури шартсизлик хусусиятига эга, яъни озод қилинганнинг хулқига махсус талаблар кўйилмайди.

4§. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш

Баъзи ҳолатларда жазони қўлламаслик янада самарали ва оқилона бўлади, чунки жиноий жавобгарлик қасос олишга йўл қўймайди ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир

этган шахсларга нисбатан маълум даражада инсонпарварликни намоён қилади.

ЖК 71моддаси 1қисми айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш қўлланишининг шартлари сифатида қуйидагиларни назарда тутади:

— жинойтни биринчи марта содир этиш;

— ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинойтни содир этиш;

~ ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш;

— жинойтнинг очилишига фаол ёрдам бериш;

— келтирилган зарарни бартараф қилиш.

Ушбу шартлардан ҳеч бўлмаса биттасининг бўлмаслиги кўриб чиқиладиган жазодан озод қилиш институтини қўллаш учун тўсқинлик килувчи ҳолат бўлади.

ЖК 71моддаси 1қисмида назарда тутилган айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилишнинг ушбу шартлари ЖК 66моддаси 1қисмида назарда тутилган шунга ўхшаш асосларга кўра жавобгарликдан озод этилишининг баъзи шартларига тўлиқ мос тушади.

(Ушбу шартлар тўғрисида, шунингдек, «айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги» тушунчаси тўғрисида батафсилроқ билиш учун мазкур том Ғ/бобининг «Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш» деб номланган **4§**, шунингдек, III бобининг «Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар» деб номланган **2§** га қаранг.)

ЖК 71моддаси 2қисми бошқа шахслар билан биргаликда жинойт содир этишда иштирок қилган ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма аъзоси бўлган шахсни жазодан озод қилиш учун зарур ва етарли бўлган шартларни белгилайди.

Бундай шартларга қонун чиқарувчи қуйидагиларни киритади:

— айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиши;

— чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;

— жинойтнинг олдини олиш, жинойтни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини аниқлаш ва фош қилишга ёрдам берган бўлиши;

— оғир ёки ўта оғир жинойт содир этишда бевосита иштирок этмаган бўлиши.

Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш учун, шунингдек, унинг шунга ўхшаш асослар бўйича жиноий жавобгарликдан озод қилинадиган ҳолатдан воз кечишини белгилаш лозим. Ақс ҳолда ЖК 84моддаси 5қисми 2банди асосида жинойт иши шахснинг айбдорлиги масаласи ҳал этилмаган ҳолда тугатилиши лозим.

(Бу ҳақда батафсилроқ билиш учун мазкур том IV бобининг «Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш» деб номланган **4§** га қаранг.)

ЖК 71 моддаси 2қисмида назарда тутилган жазодан озод қилиш асосларини қўллаш учун энг аввал айбдор шахс бошқа шахслар билан биргаликда жинойтни содир этишда иштирок қилганлигини (яъни, жиноий шерик бўлганлиги ёки ролларини тақсимлаган ҳолда шерикчилик мавжуд бўлганлигини), уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма аъзоси бўлганлигини аниқлаш лозим.

(«Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш» ва «чин кўнгилдан пушаймон бўлиш» тушунчалари тўғрисида мазкур том IV бобининг

«Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш» деб номланган 4§, шунингдек, III бобининг «Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар» деб номланган 2§ га қаранг.)

Шу билан бирга, қонуннинг бевосита кўрсатмасига биноан, айбдор шахс нафақат содир этган қилмишига пушаймон бўлиши, балки жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини аниқлаш ва фош қилишга ёрдам бериши лозим. ЖКнинг 71 моддаси 2 қисмини таҳлил қилишдан кўриниб турганидек, айбдор шахснинг хулқи муқобил ҳаракатларда ифодаланиши мумкин, улар одил судлов органларига қуйидагиларда ёрдам беришдан иборат бўлади:

— жиноятнинг олдини олишда;

— жиноятни очишда;

— жиноятнинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини аниқлаш ва фош қилишда.

Жиноятнинг **олдини олишда** ёрдам кўрсатиш шахс томонидан ахборот берилиши ёки унинг ҳам бевосита ижтимоий хавfli қилмишни содир этишининг олдини олишга, ҳам уни содир этишининг жинoий оқибатлар юзага келишининг олдини олишга қаратилган муайян ҳаракатларини содир этишидан иборат.

Жиноятни очишда ёрдам кўрсатиш шахснинг дастлабки тергов органларига ва судга иш бўйича далилисботларни йиғиш ва баҳолашда фаол ёрдам кўрсатишидан иборат (содир этилган жиноятнинг қуроллари ва воситалари, жиноят излари ва ҳоказолар).

Жиноятнинг **ташкoлoтчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини аниқлаш ва фoш қилишга** ёрдам бериш ушбу жиноятни ким ташкил этганлиги ҳақидаги ахборотни бериш, жиноятнинг бошқа иштирокчиларини фoш қилиш ва топишга ёрдам бериш ва ҳоказолардан иборат.

Шуни таъювдлаш лозимки, ёрдам кўрсатишнинг қонунчиликда бундай белгиланиши муайян шахс ўзини тутишининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Масалан, агар шахс фақат ҳали жиноят содир этмаган уюшган қуролли гуруҳда иштирок этишга розилик берган бўлса ва ушбу шахс мазкур гуруҳ ташкoлoтчиларининг жинoий режалари ҳақида хабардор бўлмаса, у гуруҳдаги бошқа шерикларини аниқлаш ва фoш этишда амалий ёрдам кўрсатиши ва шу билан ушбу гуруҳ томонидан жинoий фаолиятни амалга оширилишининг олдини олиши мумкин. Ушбу шахс бошқа шахслар билан биргалиқда жиноят содир этган бўлса, у жиноятни очиб беришда ёрдам кўрсатиши мумкин ва ҳоказо. Шу билан бирга, агар шахс жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкoлoтчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини фoш қилишга ёрдам берадиган ахборотга эга бўлса, у одил судлов органларига унга маълум бўлган барча ҳолатлар ва маълумотлар тўғрисида хабар бериши лозим, бу унинг амалда пушаймон бўлганлигининг исботи бўлади.

Қонун, шунингдек, чин қўнгилдан пушаймон бўлган шахснинг **оғир ёки ўта оғир** жиноят содир этишда бевосита иштирок этмаган бўлишини талаб этади. Ушбу шарт оғир ёки ўта оғир жиноят содир

этган шахснинг амадцапушаймон бўлиши уни жазодап оюд кинуичп ҳолат деб тан олинмаслигини билдиради, лекип у албатта (\л томонидан ЖК 55 моддаси 1 қисми «а» бандининг қоидалпрн асосида жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинishi лозим

Суд ҳукм чиқариш пайтида ЖК 71 моддасига асосан ишини судда кўрилиши пайтига келиб шахс амалда пушаймон бўлгам деб топса, суд ҳукмининг тавсиф қисмида қабул қилинган қарорни апиқ ҳолатларни келтирган ҳолда асослантириши, қарор қисмида эса судланувчини айбдор деб топиш ва қонун талабига кўра унга жазо тайинламаслигини кўрсатиши лозим¹.

ЖК 71 моддаси 3 қисмига биноан, «Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳдча кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда жазодан озод қилиниши лозим».

5§. Шартли ҳукм қилиш

Ўзида инсонпарварлик, жазони индивидуаллаштириш ва унинг муқаррарлиги тамойилларини ифода этган ҳолда **ЖК 72 моддасида** белгилаб берилган шартли ҳукм қилиш айбдорни жазодан озод қилишнинг алоҳдча шаклидан иборат бўлади.

Шартли ҳукм қилиш қонун билан белгиланган шартлар мавжуд бўлганда маълум синов муддати белгиланган ҳолда шахсни суд томонидан белгилаган жазони амалда ўташдан озод қилишдан иборат, ушбу муддат давомида маҳкум устидан суд томонидан қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини текшириш ва шахс унга кўрсатилган ишонччи оқдаганлигини текшириш мақсадида назорат амалга оширилади.

ЖК 72 моддаси 1 қисмига мувофиқ, «Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазопарини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради».

Шартли ҳукм қилишнинг моҳияти шундан иборатки, суд айблов ҳукмини чиқара туриб, маҳкумга муайян жазо турини тайинлайди ва унинг миқдорини белгилайди, лекин тайинланган жазони шартли деб ҳисоблашга қарор қилади, яъни маҳкумнинг муайян талабларни бажариши шартли билан жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор қилади. Демак, шартли ҳукм қилишнинг юридик моҳияти маҳкумни унга тайинланган жазони амалда ўташдан шартли озод қилишдан иборат.

Шартли ҳукм қилиш жиноят қонуни билан белгиланган жазо мақсадларига амалдаги жазони қўллаш орқали эмас, балки маҳкумга ижтимоий таъсир билан бирга кслувчи маълум мажбурий таъсир чораларини қўллаш воситасида эришилишини таъминлайди (синов муддати давомида маҳкум устидан назоратни амалга ошириш; унга суднинг ихтиёрига кўратурли мажбуриятларни юклаш).

Шартли ҳукм қилишда шартсиз ҳукм чиқарилади, у белгиланган тартибда қонуний кучга киради. Ушбу ҳукм устидан шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин. ЖПК 484, 492 ва 513 моддаларининг мазмунидан келиб чиқишича, ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб чиқиш натижасида суд ушбу шартли ҳукм қилиш юзасидан ҳукмни ўзгартиришсиз қолдириши, уни бекор қилиб, ишни қайтадан судда кўришга юбориши, суд ҳукмини бекор қилиш ва ишни тугатиши ёки шартли ҳукм қилиш ўрнига жазонинг ижро этилишини белгилашга ҳақдидир. Шундай қилиб бундай суд ҳукмини чиқаришда фақат жазо шартли бўлиб қолади.

«ЖК 72 моддаси биринчи қисмига мувофиқ, шартли ҳукм қилиш фақат ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазолар тайинлаган ҳолда қўлланилиши мумкин»¹. Шунга мувофиқ, шартли ҳукм бошқа жазо турларига қўлланилмайди. Бунинг айримлари (жарима, муайян

хуқукдардан маҳрум қилиш) енгил жазо турлари ҳисобланса, бошқаси (қамоқ) қисқа муддатлидир ва у реал ижро этилишида янада таъсирлироқ бўлади. Муайян хуқуқ ёки унвонлардан (ҳарбий ёки махсус) маҳрум этишга нисбатан шартли ҳукм қилишнинг мазмуни йўқолади, чунки бундай имтиёзлардан қонун шартли маҳрум қила олмайди. Суд синов муддатини белгилашда шу муддат ичида бажарилиши ёки риоя қилиниши керак бўлган шартларни белгилаб беради. Бу чора жазо тайинлаш билан боғлиқ эмас ва у шартли ҳукм қилишда синов муддати шартларидан бири сифатида қаралиши зарур.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўп ҳолатларда суд шартли ҳукм чиқарганда, унинг муддатини нисбатан катта бўлмаган муддатга белгилайди (5 йилгача). Ахлоқтузатиш ишларини белгилашда эса, хизматдан ажратиш, интизомий қисмга жўнатиш ёки озодликдан маҳрум қилишнинг муддатларини 5 йилдан кўп муддатга белгиланади. ЖК 72моддаси камданкам қўлланилади, чунки қўлланишнинг мазмуни ва асоси мавжуд.

Тайинланган жазонинг фақат тўла муддатига нисбатан шартли ҳукм қўлланилиши мумкин. Масалан, агар судланувчи биронбир содир этилган жиноят учун беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган бўлса, уни нисбатан 2 йил реал озодликдан маҳрум қилишга ва 3 йил шартли равишда озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилиб бўлмайди. Айбдорнинг ҳеч бўлмаганда жазонинг бир қисмини реал ўташи зарурияти сезилса, бу суднинг маҳкумга нисбатан ишончи йўқлигидан далолат беради, бу ўз навбатида унга нисбатан шартли ҳукмни қўллаш имкони йўқдигини кўрсатади.

Шартли ҳукм фақат ЖК 72моддаси 1қисмида кўрсатилган бир ёки бир неча жазо тури тайинланган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Агар тайинланган жазо туридан бири қонуннинг ушбу нормасида кўрсатилмаган бўлса, суд ЖК 72моддаси 1қисмида қайд этилган жиноятларга нисбатан шартли ҳукм қўллаб, бошқа турдаги жазони (масалан, муайян хуқуқдан маҳрум қилиш, жарима) реал ижро этиш тўғрисида қарор қилади.

Қонунга кўра, шартли ҳукм қилишда қўшимча жазолар ҳам қўлланилиши мумкинлигини ва улар реал тарзда ижрога қаратилишини назарда тутиб, бу ҳаққа ҳукмнинг қарор қисмида алоҳида кўрсатиш лозим.

Шартли ҳукм қилиш жиноятлар жамида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ҳолларда шартли ҳукм мажмуига кирувчи жиноятлардан бирига эмас, «балки айбдор шахси ва қилмишининг бутун мажмуини инобатга олиб қўлланилади». Суд бир неча жиноят содир этган шахсга нисбатан шартли ҳукм қўллашни лозим топган ҳолларда, ҳар бир жиноят учун алоҳида жазони аниқлаб жиноятлар жами бўйича жазони шартли тайинлаши зарур.

Шартли ҳукм қилишда суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, айбдорнинг шахсини, жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозим.

Шартли ҳукм қилишнинг асосий жиҳатларидан бири шундан иборатки, суд томонидан икки муддат тайинланади: жазо муддати (озодликдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва бошқалар) ва синов муддати. Жазо муддати — доимий ўлчов, чунки (озодликдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва бошқа турдаги) жазо амалда ижро қилинмайди ва тўла ҳажмда уни ижро этиш хавфи бутун синов муддати давомида доимо маҳбусга босим ўтказилади.

Синов муддати — бу вақт мобайнида шартли ҳукм қилинган шахс ўз хулки билан ўзгарганлигини исботлаши зарур бўлган муайян даврдир. Синов муддати, бегумон, маҳкумнинг тузалиши учун тазйиқ ўтказишни ташкил қилиш ва шартли ҳукм қилишни қўллаш асосли эканлигини текшириш учун назарда тутилган. Синов муддати давомийлигига шартли

ҳукми кузатиб борувчи мажбуриятлар ҳажми ҳам боғлиқ (муайян мажбуриятлар, судланганлик ҳолати, ҳуқуқбузарлик содир этилганда шартли ҳукм реал жазога алмаштирилиши мумкин ва шартли ҳукм муддати даврида содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 60-моддасига асосан шартли тайинланган жазо қисман ёки тўла қўшиш йўли билан суд томонидан амалга оширилади).

ЖК 72-моддаси 2-қисмига мувофиқ, «Синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади». Синов муддати энг кам миқдорини камайтириш ёки энг кўп миқдорини кўпайтириш мумкин эмас.

«Қонун синов муддати давомийлигини тайинланган жазо миқдори билан боғламайди. Бу масала суд томонидан ҳар сафар содир этилган жиноятнинг хусусияти ва судланувчининг шахсидан келиб чиқиб ҳал этилади»¹. Синов муддати у ёки бу модда санкциясига ҳам шартсиз боғлиқ эмас. Шу билан бирга суд шартли ҳукм қилиш ва синов муддатини белгилашда ҳисобга олиши лозим бўлган кўпгина ҳолатлар билан боғлиқ. Масалан, синов муддатининг давомийлиги шартли ҳукм қилинган шахсни кузатиш мажбуриятини ўзига олган ёки шартли ҳукм қилиш тўғрисида илтимоснома киритган жамоадаги муҳитга боғлиқ бўлиши мумкин. Агар суд жамоа иноқ, соғломлиги, у ерда тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилганлиги тўғрисида аниқ бир хулосага келса, табиийки, бу ҳолда синов муддатини узайтиришга зарурат қолмайди (ЖПК 459-моддаси). Бунда суд шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқатворини кузатиш учун уни жамоат бирлашмаси ёки жамоага топшириши мумкин.

Бу асосан шартли равишда ҳукм қилинган вояга етмаганларга, ёшларга, ташқи таъсирга тез бериладиган жамоанинг ва меҳнат жамоасининг тарбиясига ташқи таъсир этадиган шахсларга, айниқса, зарурдир. Шартли ҳукм қилинган шахсни жамоатташкило ш м БКИ меҳнат жамоасига топшириш фақатгина маҳкум ўзининг намуилни хулқи билан, шунингдек, сидқидилдан меҳнат қилиб тўғрм йўЛГВ тузалишига ваъда берган ҳолдагина йўл қўйилади.

Синов муддати давомийлигини белгилашда муддатни камай ёки кўпайтириш шартли ҳукм қилинган шахснинг тузалишига етарли даражада таъсир ўтказмаслиги мумкинлигини назарда тутиш керак. Бошқп тарафдан, иш ҳолатидан келиб чиқмаган синов муддатини узайтириш ҳам шартли ҳукм қилинган шахснинг ҳолатини сезиларли даражада оғирлаштиради. Иш кассация ва назорат инстанцияларида кўриб чиқиладиганда шартли ҳукми қўллаш асосли эканлигига баҳр бериш шартли равишда белгиланган жазо турини ва унинг миқдорини тўғри танлаганлиги билан боғлиқ масалалар таҳдил қилинибгина қолмай, балки синов муддати давомийлигининг тўғри белгиланганлигини ҳам текшириши лозим.

Шартли ҳукм қилиш айбдорга билдирилган ишонч эканлиги сабабли, синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади, яъни жиноятпроцессуал қонун ҳужжатларидан келиб чиқилса, ҳукм ўқиб эшиттирилган пайдан бошлаб (ЖПК 454, 473-моддалари) шахс қандайдир жазога шартли ҳукм қилинган ва белгиланган муддат мобайнида айбдор шахс муайян талабларни бажаришга мажбур. Шартли ҳукм қилишни ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб эмас, балки ҳукм ўқиб эшиттирилган вақтдан бошлаб қўллаш шахснинг муайян сифатлари ва хулқи туфайли жазони ўташдан озод этилганлиги тўғрисида далолат беради. Бу ҳолат билан бошқа ҳолат, яъни юқори турувчи суднинг квалификация нотўғри қилинган деб топиб ва судланувчига нисбатан шартли ҳукм чиқариши аниқданади.

Суд шартли жазо белгилаши билан бирга айбдорга бир қатор мажбуриятлар юклайди. Булар: «шартли ҳукм қилинганда, башарти, бунга асослар мавжуд бўлса, суд маҳкумга муайян вақт мобайнида етказилган

зарарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқишга кириш, яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш, вақтивакти билан келиб бу органлардарўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиши, алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташи каби мажбуриятларни юклаши мумкин» (ЖК 72моддаси 3қисми).

Мазкур шартларнинг ҳар бири содир этилган жиноятдан, шунингдек, тайинланган жазодан келиб чиққан ҳолда маҳкумга юклатилади. Бундай ҳолларда **зарарни қоплаш** ўғирланган, йўқ қилинган нарсанинг ўрнини қоплашда, даволанишга сарф қилинадиган моддий харажатларни қоплашда, маънавий зарарни қоплашда кечирим сўрашда намоён бўлиши мумкин.

Ишга ёки ўқишга кириш мажбурияти шахс ишламаган ёки маълумот олмаган ҳолларда юзага келади. Ишлаш ёки ўқиш мажбурият эмас, балки ҳар бир шахснинг шахсий ҳуқуқидир (умумий ўрта маълумот бундан мустасно) ва уни фойдали меҳнатга жалб қилиш айбдорнинг ижтимоийлашганлиги тўғрисида далолат беради, ўқишга кириши эса, маҳкумни муайян касбни эгалламоқчи эканлигини тасдиқлайди ва бу, шубҳасиз, уни турли хил ножўя хаттиҳаракатларни содир қилишдан тийиб туради. Шунингдек, ишга кириш лозимки, ушбу мажбуриятлар ҳар доим ҳам маҳкумнинг имкониятидан келиб чиқмайди, чунки ишга жойлашиш меҳнат бозоридаги талаб ва таклифга боғлиқдир. Шунинг учун давлат томонидан маҳкумларни ва жазони ўтаб чиққан шахсларни ишга жойлаштириш масаласига имкон борича устувор даража сифатида қаралади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 58моддаси). Маълумот олишга келсак, бу маънода ҳам маҳкум фойдаланган имкониятларга эътибор қаратиш лозим. Бундай ҳолларда ишга жойлашмаганлиги ва ўқишга кирмаганлиги синов муддати мобайнида белгиланган мажбуриятлар бажарилмаган деб баҳолашга, шунингдек, шартли ҳукми бекор қилишга асос бўлмайди.

Шартли ҳукм қилинганлар муайян вақт давомида шартли ҳукм қилинганлар устидан назорат қилувчи органларга (Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг махсулаштирилган органлари) келиши ва яшаш жойи, ўқиши ёки иши ўзгарганлиги тўғрисида маълумот етказишлари шарт. Бу мажбурият ЖК 72моддаси 1 қисмида кўрсатилган жазоларнинг ҳар бирига шартли ҳукм қилинганларга тенг равишда қўлланилади, чунки шартли ҳукм қилинганларнинг устидан назорат жазони ўташдан озод қилиш асосий турини қўллаш шarti ҳисобланади.

Муайян **жойларга бормаслик мажбурияти** қонун чиқарувчи ва суд фикрига кўра, маҳкумларнинг хулқини тузатишга тўсқинлик қиладиган ва унинг хулқига салбий таъсир кўрсатадиган ва суд томонидан белгиланган (масалан ресторан, бар, казино, ипподром ва бошқалар) жойларга бормаслик ҳисобланади. Мазкур мажбурият, асосан, вояга етмаганларга қўлланилади, чунки улар ташқи салбий таъсирларга тез бериладиган бўладилар.

Муайян вақтда яшаш жойида бўлиш мажбурияти қисман чекланиш ҳисобланиб ва шартли равишда ҳукм қилинган шахсдан турар жойида муайян вақтда бўлишини талаб қилади. Мазкур мажбурият ҳам асосан вояга етмаганларга қўлланилади, чунки улар безориликка ва бошқа ижтимоий хавфли ҳаракатларни содир қилишга мойил бўлишади.

Гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсларини ўташ **мажбурияти** тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини стационар тартибда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки бунга имконият бўлмаган шароитларда қўлланилади.

Қонун тўғридантўғри кўрсатилган **МАЖБУРИЯТЛАР ТАШҚАРИ** маҳкумнинг тузалишига ижобий таъсир қиладиган **БОШҚА БИР ҚАТОР** мажбуриятларни ҳам юклаши мумкин. Суд шартли ҳукм қилиш тўғрисида ҳукм чиқараётганида ЖК 72моддаси 5қисмида белгиланган тартибда маҳкумнинг оила аъзоларига моддий **ЕРДАМ КўРСАТИШ** ва бошқа мажбуриятларни тайинлаши мумкин. **КўРСАТИЛГАН** мажбуриятлар ялпи ҳолда ёки алоҳидаалоҳида юкланиши **МУМКИН** ЖК 72моддаси 4қисмига кўра, шартли ҳукм қилинганлар устидан назоратни ички ишлар органлари ва ҳарбий хизматчилар ус тидан ҳарбий қисм ёки муассаса кўмондонлиги амалга оширади. Ички ишлар органларининг махсус органи эса, жазони ижро этиш инспекцияси ҳисобланади. Шартли ҳукм қилинган вояга етмаганлар устидан эса, назоратни ҳокимиятлар ҳузурида ташкил этилган вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия амалга оширади. Маҳдусумлар ҳуққи устидан олиб бориладиган мазкур назоратнинг мақсади қонун томонидан ўрнатилган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш, улар томонидан ҳуққубузарликнинг олдини олиш, уларни амалга ошириш сабаб ва шартларини аниқлашдан иборатдир.

Шундай қилиб, синов муддати давомида маҳкумда судланганлик сақланиб қолади, у нга кўйилган барча талабларга риоя қилиши шарт, ҳуққатвори билан тузалганлигини исботлаши ёки аксинча, унга кўлланилган чоралар етарли даражада эмаслигини кўрсатиши ва шу билан у ўзига нисбатан суд томонидан назоратни кучайтириши, шартли ҳукмни бекор қилиб жазони реал ўташига олиб келиши мумкин. Агар бундай ҳолатда судланувчи ўзига қўйилган мажбуриятларни бажарса ва ҳуққатвори билан ўзгарганини тасдиқласа, синов муддати ўташ мобайнида жиноийҳуқуқий муносабат 'гўхтатилади ва ЖК 78моддаси 1қисми «а» бандига биноан у судланмаган ҳисобланади. Ва аксинча, шартли ҳукм қилинган ўзининг ҳуққи билан унга кўлланилаётган воситаларнинг камлигини кўрсатиши ва шу орқали судни назоратни кучайтиришга ва хатто шартли ҳукмни жазони реал ўташ йўли билан ўзгартиришга мажбур қилиши мумкин.

ЖК 72моддаси 5қисмига кўра, «ҳукм қилинган шахснинг ҳуққи устидан назорат олиб борувчи органнинг таққими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши мумкин». Бундай ҳолатда мазкур қарорларга суднинг синов муддати мобайнида маҳкум ўзини ижобий томондан кўрсатганлиги ҳақида тавсифланиши боис назорат юкланган ор/аннинг белгиланган мажбуриятни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномаси ёки аксинча мазмундаги ҳулосаси асос бўлиши мумкин. Бу ҳолатда судга судланган шахснинг ишончни оқлаётганлиги туфайли унинг устидан қаттиқ назорат шарт эмаслиги кўрсатилади. Шу сабаблар ва асослар бўйича суд шартли ҳукмда синов муддатини қискартириш масаласини ҳам кўриши мумкин. ЖПК 541 моддаси 3қисмига кўра бу масала туман (шаҳар) судлари томонидан кўрилади. ЖПК 541моддаси ҳолатларига кўра, «суд шартли судланганга синов муддатини қискартириш масаласини кўриш пайтида суд мажлисига унинг ҳуққатвори устидан назорат олиб борувчи органлар вакиллари ҳамда уни кузатувчи ва тарбиявий ишлар олиб борувчи жамоа вакиллари чақирилади».

Шу билан бирга шартли судланган инсофсизлик қилса, унга юклатилган мажбуриятларни бажаришда тартибқоидаларни бузса, назорат қилувчи орган унга юклатилган мажбуриятларни янгилаш билан тўлдиришни сўраши мумкин. Назорат қилувчи органнинг сўроғини суд ҳам амалга ошириши, ҳам оширмаслиги мумкин. Қонун чқарувчи томонидан ЖК 72моддаси 3қисмида кўрсатилган мажбуриятларни кўшиш суднинг ҳуқуқи ҳисобланади. Бундай ҳолда шартли судланган шахснинг қониқарсиз хаттиҳаракати синов муддати талабларини бузишда кўрилиши керак ва ҳар қандай ҳолда суд юклаган мажбуриятларни бир неча бор бузиш ёки уларни бажаришдан бош тортиш деган ҳулосага судни

келтирмаслик керак. Бошқа ҳолда, шартли судланганга мажбуриятлар қўшиш жазо мақсади нуқтаи назаридан ижобий таъсир келтирувчи бўлмаслиги мумкин.

Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисмида шартли ҳукми бекор қилишнинг муайян ҳолатлари кўрсатилиб ўтилган. Айнан шунда шартли ҳукм қилинган шахсларнинг юклатилган вазифаларни бажармаслик ёки уларнинг хулқатворининг ўзгарганлиги ҳолатлари намоён бўлади. Бундай ҳолларда суд шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқатвори устидан назорат олиб бораётган орган тақдимномасига асосан шартли ҳукми бекор қилиб, тайинланган жазони реал қўллаши мумкин. Шу билан бирга конкрет вазиятларга ва содир этилган жиноят тавсифи, судланган шахси ҳақида маълумотлар ва унинг синов муддати мобайнидаги хаттиҳаракатига асосланиб суд шартли судланганликни қоддириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Жиноят кодексининг 72моддаси шарҳланаётган қисми куйидаги асослар мавжуд бўлганда ҳукм билан белгиланган реал жазони бажариш билан шартли ҳукми бекор қилишни назарда тутаяди:

—шартли ҳукм қилинган шахснинг суд томонидан белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаши;

—жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланганлиги.

Мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаш деганда, суд томонидан шартли ҳукм қилинган шахснинг белгиланган мажбуриятларни узоқ вақт мобайнида бажармаслиги тушунилади. Бундай ҳолларда суд томонидан шартли ҳукм этилган шахснинг ҳақиқатан ҳам мажбуриятларни бажармаганлигини ва нима сабабдан бажармапш лигини аниқдаш лозим. Масалан, агар шахсга қонунда **кўрсатилмаган** мажбуриятлар юклатилгани аниқланса ёки бу мажбуриятлар (та лаблар) унга боғлиқ бўлмаган вазиятлар туфайли, яъни узрли **ОС** бабларга кўра бажарилмаганда, суд шартли ҳукми бекор қилиш ҳақиқий жазони ўташни қўллашдан воз кечади.

Шартлили кн и н г бекор қилиниши ва жазони амалда ўташинг белгиланишига жамоат тартиби ёки меҳнат интизомининг бузилиши иккинчи асос бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик жавобгарликни келтириб чиқаради. Жумладан, жамоат тартибини бузган шартли ҳукм қилинган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Маъмурий жавобгарлик давлатнинг ҳуқуқий мажбурлов чорасининг бир кўриниши бўлганлиги ва маълум даражада жиноий жавобгарлик учун преюдиция ролини ўйнаганлиги учун бундай жавобгарликка тортилиш ҳолати шартли ҳукм қилинган шахсни жиноийҳуқуқий таъсир этишнинг янада қатъий чораларини реал қўлламасдан туриб тузалишининг имкони йўқдигидан далолат беради.

Шу билан бирга, суд маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатини инобатга олиши лозим ва башарти бундай ҳолатлар ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилигидан далолат берса (масалан, МЖтК 192моддаси — «Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш») синов муддати талабларини қўшимча мажбурият билан тўлдириши мумкин. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36моддасига мувофиқ, маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тўхтатилган бўлсаю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Башарти, маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади. Шунга кўра, ижтимоий тартиб бузилган ҳолатда маъмурий жазо суд

томонидан ўрнатилган синов муддати мобайнида тортилиши ва ижро этилиши талаби амалга оширилиши керак. Бундай шартга амал қилиш шартли судланганликни бекор қилишда қонунийликни таъминлайди. Бошқа ҳолда, айбдор шахс маъмурий жазога тортилмаган ҳисобланади ва шунга кўра шартли ҳукми бекор қилиш асосларидан бири тушиб қолади (МЖТК 37моддаси).

Шартли ҳукмнинг бекор бўлишига асос бўлган бошқа ҳуқуқбузарлик сифатида меҳнат интизомини бузиш ҳам қаралиши мумкин. Меҳнат интизоми меҳнат қонунчилиги ҳамда ташкилот ва муассасаларнинг меҳнат тўғрисидаги ички норматив актлари билан белгиланади.

Рўйхатга олинган ёки аввалги иш жойини қолдирган кундан бошлаб 15 кун ичида узрсиз сабабларга кўра ишга кирмаслик; янги яшаш жойига кўчиб келгандан сўнг 15 кун ичида узрсиз сабабларга кўра ахлоқ тузатиш иши қўлланилишини таъминловчи органларга учрамаслик; тайинланган жазо муддати давомида муттасил тарзда узрсиз сабаб билан ишга чиқмаслик (прогул) ёки иш жойида маст ҳолда бўлиш — меҳнат интизомини бузиш ҳисобланади.

Атайлаб содир қилинган меҳнат интизоми бузилишлари шартли ҳукми бекор қилиш учун меҳнат интизомига риоя қилмаслик мотивларидан келиб чиқувчи асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, прогуллар, ишга маст ҳолда келиш, меҳнат шартномаси ёки меҳнат тартиби талаблари билан белгиланган мажбуриятларни сабабсиз мунтазам равишда бажармаслик.

Суд шартли ҳукми бекор қилиш тўғрисида тақдимномани кўриб чиқаётганда маҳкумнинг синов муддати мобайнида унга нисбатан жазо қўлланганқўлланмаганлиги, белгиланган биронбир шартларни бажармаганлигани аниқлаши лозим. Бундай ҳолатда, шартли ҳукм қилинган шахс унга билдирилган ишончни оқлаганлиги ва хулқи тузалганлигини аниқлаш мақсадида, суд маҳкумга нисбатан маъмурий жазо қўлланиш қонунчилигини ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорнинг асослилигини аниқлайди.

Маҳкум зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ски маъмурий ёхуд интизомий жавобгарликка тортилган ҳолларда маҳкум хулқатвори устидан назоратни амалга оширувчи орган жшюятҳуқуқий таъсир чорасини бекор қилиши ҳамда ҳукмда тайинлаиан жазо чорасини ижро этиш тўғрисида тақдимнома киритиши мумкин. Суд ушбу тақдимномага асосан, шартли жазони бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин. Агар суд назорат қилувчи органнинг киритган тақдимномасини кўраётганда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқида синов шартларини бузганлик аломатларини кўрмаса (топмаса), ҳукм ижро этилмайди.

Биронбир жиноятнинг содир этилиши шартли ҳукми бекор қилишига асос бўлади, ҳолбуки, ушбу ҳолат шархланаётган моддада кўрсатилмаган бўлса ҳам. Ушбу ҳулоса синов муддати мобайнида янги жиноятни содир этган шахсни шартли ҳукм қилишнинг имкони йўқлигага асосланади. Бундай ҳолат шартли судланган шахснинг ўзгараётганлигига далил бўла олмайди. Янги жиноятнинг содир этилиши шахснинг ғайриҳуқуқий хулқатворидан дарак бериб ва шартли судланишга нисбатан қаттиқроқжазо чораларини кўришини талаб қилади.

«Қонунга кўра (ЖК 72моддаси 8қисми), агар шартли , ҳукм қилинган шахс синов муддати ўтмай туриб, янги жиноят содир этса, айбдорга бир неча ҳукм юзасидан Жиноят **кодексининг** 60моддасига мувофиқжазо тайинланади. Шунга кўра суд я к у м и й жазони тайинлашда биринчи ҳукм бўйича шартли судланган шахс хулқини назорат қилувчи органларнинг фикрвдан қатъи назар шаргли ҳукми бекор қилади». Суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади. Якуний жазо чораси шартли белгиланганига қараганда ҳар ҳолда қаттароқ бўлиши керак (Жиноят кодексининг 60моддаси шарҳига батафсилроқ қаранг). Шу билан бирга синов муддатининг ўтиши мобайнида содир этилган жиноят

факти суд томонидан инобатга олиниб, битта ҳукмда кўрсатилади ва алоҳида ажрим чиқарилиши талаб қилинмайди. ЖК 72моддаси 7қисми шартли ҳукм қилишнинг қўлланиш чегараларини белгилайди. Аниқроғи, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тушунтиришларига кўра, «бундай ҳолда, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш пайтида суд, ЖК 72моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган шартларга риоя этган ҳолда яна шартли ҳукм қўллаши мумкин.

Айни пайтда, шуни назарда тутиш керакки, ЖК 72моддасида шартли ҳукмни бекор қилиш учун асос бўладиган ҳолатлар доираси қатъий белгиланган. Шу сабабли, агар шартли ҳукм қилинган шахснинг ўша иш бўйича ҳукм чиқарилгунга қадар содир этилган бошқа жиноятда ҳам айбдорлиги аниқданса, ушбу ҳолат жазонинг шартлилигини бекор қилиш учун асос бўла олмайди. Бундай ҳолда ЖК 59моддаси қоидалари қўлланилмайди (чунки шартли ҳукм юридик табиатига кўра жиний жазодан озод қилишнинг бир тури ҳисобланади) ва биринчи ҳамда иккинчи иш бўйича чиқарилган ҳар қайси ҳукм алоҳида ижро қилинади».

Ўта оғир жиноят содир этган шахсларга, қонун бўйича ўн йилдан ортиқ ёки умрбод озодликдан маҳрум қиладиган жазо тайинланадиган, қасдан содир этган жиноят учун судланганлар қиради (Жиноят кодексининг 15моддаси 5қисми).

Аввал қасдан жиноят содир этгани учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазога ҳукм қилинган деб, аввалги жинояти учун судланганлиги олиб ташланмаган ёки судланганлик ҳолати тугалланмаган шахс тушунилади. Судланганликнинг олиб ташланиши ёки тугалланиши илгари қасдан содир этилган жиноят учун судланганлик ва озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаганлигининг барча ҳуқуқий оқибатларини бартараф этади ва шартли ҳукм қилишни қўллашга монелик қилмайди.

ЖК 72моддаси 7қисмида белгиланган чегараланишлар қуйидаги ҳолатларга тегишли эмас:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан;
- биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига;
- аёлларга;
- 60 ёшдан ошган эркакларга.

Мазкур шахслар ўта оғир жиноят содир этган ҳолда ҳам уларга нисбатан шартли жазо белгилаш мумкинлиги ушбу моддада мустаҳкамланган.

Вояга етганлик ёшини аниқлаганда, жиноятни содир этиш вақти инобатга олинади. Жиноятни содир этган вақтда шахс вояга етмаган бўлиши лозим ва ушбу ҳолат шартли ҳукм қилишга асос бўлиши мумкин.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан шартли ҳукм қилишни қўллашда ногиронлик даражасини олганлик вақти аҳамиятга эга эмас.

6§. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг инсонпарварлик принципи жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишда ҳам намоён бўлади.

Бу ҳуқуқий институтнинг моҳияти маҳкумни келажакдаги жазони ўташдан шартли равишда озод қилишда ифодаланади. Унинг шартли хусусияти шундаки, у қонунда кўрсатилган шартлар асосида амалга оширилади, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг қоидаларига риоя қилмаслик белгиланган жазо муддатини тўлиқ ёки қисман ўташга олиб келади (Жиноят кодексининг 73моддаси). Бундай ҳолларда ҳукм қилинган маҳкумнинг тузалганлиги тўғрисидаги суд томонидан аниқланган ҳолатларнинг мавжудлиги ва маҳкум томонидан жазонинг маълум бир қисмини ўтаганлиги бу институтни қўллашнинг дастлабки шarti бўлиб ҳисобланади.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш — судланувчини жазонинг ўталмаган вақт давомида унга суд томонидан юкланган мажбуриятларни бажариши ҳамда ижтимоий тартибни сақлаш ва янги жиноятни содир этмаслик шартли билан жазони ўташни давом эттиришдан озод қилишдир.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, мақбул ҳуқуқий **хатти** харакатин рағбатлантиришнинг самарали воситаларидаи ҳисобланади. Муддатнинг ўталмаган қисми **бу** ерда шахс ўз хулқатвори билан ўзининг ўзгарганлигини исботлаши ва давлат томонида билдирпш ишончни оқлаши керак бўлган синов муддати ҳисобида кўрилди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «Озодликдан **махрум** қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ски ахлоқтузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин. Шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкинлигани» назарда тутати. **Бу** нормада жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш мумкин бўлган жазоларнинг барчаси кўрсатиб ўтилади.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми бундан истисно бўлиб, унда муддатидан илгари шартли озод қилиш институти қўлланилмайдиган шахслар ва жиноятлар рўйхати кўрсатилган. Ушбу жазо чораларидан муддатдан илгари шартли равишда озод қилиш, уларнинг муддатидан қатъи назар, қўлланилиши мумкин. Жиноятжуроия кодексининг 164-моддаси тўртинчи қисми мазмунига кўра, судга муайян ҳуқуққан махрум қилиш тариқасидаги жазодан муддатидан илгари озод қилиш масаласида жамоат бирлашмаси, жамоа, маҳкумнинг ўзи ёки унинг ҳимоячиси илтимоснома билан мурожаат этишга ҳақли.

Муддатли характерга эга бўлган маълум бир ҳуқуққан махрум қилиш жазоси мақсадларига суд томонидан қўлланилган муддатлардан кўра қисқа муддатда ҳам эришиш мумкин.

Қўшимча жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш тартиби асосий жазолардан муддатдан илгари шартли озод қилишдан айрим хусусиятларига кўра фарқ қилади.

Қўшимча жазо чораларининг хусусияти уларнинг моҳиятидан ва жазони амалга оширишдаги вазифа ва мақсадларидан келиб чиқади. Қўшимча жазо чораларини қўллашни тартибга солувчи амалдаги жиноят қонуни шуни кўрсатмоқцаки, одатда, судлар томонидан қўшимча жазо анча хавфли бўлган жиноятларни содир этганлик учун жазонинг қисми сифатида тайинланапти. Жиноятнинг олдини олиш ва маҳкумларни тузатишда асосий жазо чораларига қараганда қўшимча жазоларнинг аҳамияти камроқдир. Қўшимча жазолар ўзининг қаттиққўллиги билан судланганларнинг ўзгариши ва жиноийликнинг олдини олишда қўлланиладиган асосий жазога қараганда кам аҳамиятга эга.

Қўшимча жазонинг тайинлиниши жиноят содир этган шахснинг жавобгарлигини кучайтириш томонга ҳам, камайитириш томонга ҳам индивидуаллаштиришнинг асосий воситаларидан биридир. Жазонинг огоҳлантириш вазифасини, яъни уларни қўллаш орқали маҳкумнинг жиноий фаолиятини давом эттиришига срдан берувчи шароитларни бартараф этиш, шунингдек, янги жиноят содир этишга қарши зарур қафолатларни яратишни таъминлаш қўшимча жазонинг мақсади ҳисобланади. Қўшимча жазо чоралари жиноятнинг алоҳида ҳолатларига, уларни содир этишга ёрдамлашувчи сабаб ва шароитга, шунингдек, маҳкумнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Шунинг учун, ҳар бир алоҳида ҳолатда қўшимча жазонинг у ёки бу вазифаси биринчи ўринга чиқади.

Айнан жазо мақсадини амалга оширишдаги қўшимча жазонинг ёрдамчи роли, қонун чиқарувчига ундан озод қилиш масаласига руҳсат бериш йўлини шарт қилиб кўяди. Шарҳланаётган модда қўшимча жазодан озод қилишнинг қандайдир мустақил асос ва шартларини белгиламайди. Маҳкумнинг асосий жазонинг маълум бир қисмини ўтаганлиги ва шу

билан бир вақтда унинг ахлоқан тузалганлиги қўшимча жазодан озод қилишга асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун, жазони кучайтирувчи чора сифатида қўшимча жазо тайинланганда, айниқса, уни енгиллаштириш мақсадида асосий жазодан шахс муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганда, уни қўшимча жазолардан ҳам озод қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда, қўшимча жазо озодликдан маҳрум этиш билан бирга тайинланса, ундан озод қилиш уни ижро этишдан олдин ҳам амалга оширилиши мумкин. Бошқа ҳолатларда агар қўшимча жазони ижро этиш асосий жазонинг ижро этилиши билан бир пайтда бошланса, масалан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ахлоқ тузатиш ишларига қўшимча жазо сифатида тайинланганда, асосий жазодан озод қилинаётган пайтга қадар унинг қандай қисми ўталганлигидан қатъи назар, қўшимча жазодан ҳам озод қилинади.

Башарти жазони ўтаган шахс томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланиладиган қўшимча жазолардан озод қилиш масаласи кўрилиши керак.

Мақсадга эришиш доим қўшимча жазони ижро этиш зарурлигини истисно этмайди, хусусан, асосий жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш учун асосларнинг пайдо бўлиши бу ҳали ўз ўзидан қўшимча жазоларни қўллашдан озод қилиш керак, дегани эма. Шунинг учун, қонун чиқарувчи асосий жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш билан бир вақтда қўшимча жазодан озод қилиш мажбуриятини эмас, балки ҳуқуқини белгилаган. Асосий жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганда, қўшимча жазоларни, улар профилактик мақсадларда тайинлангандагина, сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ бўлади. Жазо келтирадиган мақсадларга эришиш учунгина жазони ўташни муддатидан олдин шаргли озод қилиш қўлланилади. Айнан шу ҳодца жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш асоси — мажмуининг ижтимоий хавфлилигини йўқопанлиги ва суд тайинлапш **жазони** ўтамасдан охиригача ўзгарганлигидир. Бу шароит ЖК 73 моддаси 2 қисмда кўрсатилган мезонлар орқали аниқланади, унга кўри зони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун *ўриш* тилган тартибқоидаларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилади».

Режим деганда, кўриладиган норма маъносига кўра жазони ўташ ва ижро этиш тартиби тушунилади. Режим маҳкумнинг ўзгарипшда асосий воситалардан бири ҳисобланади. Маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими), ижтимоий фойдали меҳнат, тарбиявий иш, умумий ва ҳунар таълими, касб тайёргарлиги ва жамоат таъсири киради (ЖИК 7 моддаси). ЖК 73 моддаси 1 қисмида кўрсатилган жазоларнинг ҳар бирини ижро этиш ва ўташ тартиби Жиноятижроия кодекси билан белгиланади. Жазони ўтаида интазом бузилишларининг мавжуд эмаслиги, жазони ижро этиш бўйича маъмуриятнинг қонуний талабларига риоя этиш, маҳкумлар учун рухсат этилган жамоат ташкилотларининг ишларида қатнашиш, ташаббускорлик кўрсатиш, тартибни сақдашда маъмуриятга ёрдам бериш, мактабларда ўқув машғулотларига доимий равишда қатнашиш унинг тузалиш йўлидан бораётганлигини ифодаловчи ҳолатлар йиғиндиси сифатида эътироф этилади.

Меҳнатга ҳалол муносабат деганда, маҳкумлар меҳнатга жалб қилиниб, ўзига юклатилган меҳнат вазифасини ва белгиланган нормани муттасил, сидқидилдан ҳалол бажариб келаётганлиги унинг ҳалол меҳнат йўлига ўтиб олганлигини кўрсатувчи мезон ҳисобланиб, уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш учун тақдим қилишга асос бўлади. Бу асосни маҳкумнинг жазони ижро этиш ва ўташ тартибига риоя этиш мажмуи еифатида қараш керак. Бир қанча ҳолатларда меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш (масалан, озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқтузатиш ишлари тарикасидаги жазо тайинланганда) алоҳида аҳамият касб этиши мумкин.

Ўзгариши мумкинлиги ҳақидаги суднинг хулосаси унинг хулқатвори тўғрисидаги маълумотлардан келиб чиқади, яъни фақат муддатдан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги масалани кўриш пайтидагина эмас, балки бутун жазони ўташ мобайнидаги режимга риоя қилиш, меҳнатга муносабати ҳисобга олинади.

Меҳнатга ҳалол муносабат биринчи навбатда маҳкумнинг жазони ўташ муассасаларида ташкил этилган меҳнат фаолиятида ўз хоҳиши билан фаол иштирок этиши билан белгиланади. Бундай муносабат маҳкумнинг ишлаб чиқаришда, кишлоқ хўжалигида, хўжалик ишида, колония ҳудудидаги ободончилик ишида ва бошқа турли ижтимоий фойдали ишларни ҳалол бажаришда ифодаланади. Меҳнатга ҳалол муносабати, шунингдек, маҳкумнинг муайян бир ҳунар ўрганиши, ўз малакасини ошириши, иш тажрибаларини бошқаларга ўргатиши билан тавсифланади.

Маҳкумнинг тузалганлик даражасини аниқлашда меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, жазони ижро этиш ва ўташ тартибқоидаларига риоя этиш каби ҳолатлардан ташқари, маҳкум шахсини характерловчи бошқа ҳолатларга ҳам, масалан, жиноят натижасида жабрланувчига етказилган зарарни тезроқ қоплаш учун ҳаракат қилиши, ўзининг айбини тан олганлиги, жазони ўтаб бўлганидан кейин тўғри ҳаёт бошлашга ва жиноий ўтмишдан қутулишга ҳаракат қилганлигига ҳам эътибор қаратиш лозим. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш масаласини ҳал этишда судга маҳкумнинг шахсини аниқлашга имкон берувчи, яшаш жойи, оиласи ёки бошқа қариндошларининг мавжудлиги, меҳнат жамоасининг розилиги билан аниқ бир корхонага ишга жойлаштириш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар, унинг озодликдаги хулқатворини олдиндан айтиб бериш, жазони ўташдан озод қилинган шахсга нисбатан тегишли ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш, меҳнат жамоалари ва жамоат бирлашмалари томонидан кузатувни ўрнатиш ва тарбиявий ишларни олиб бориш масалаларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Маҳкумнинг тузалганлиги тўғрисида исботловчи ҳолатлар бўлганда, уни асоссиз равишда жазони ўташдан озод қилиш масаласини ҳал қилишни рад этиш мумкин эмас.

Шу вақтда ўзининг ўзгарганлигини исботлаган маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни рад қилиш ҳоллари бўлмаслиги керак. Хусусан, судлар қонунда кўрсатилмаган сабабларга кўра (масалан, тайинланган жазонинг енгиллиги, жазони ижро этиш юзасидан муассасада кам вақт бўлганлиги ва бошқалар) жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилишни рад қилишга ҳақли эмас. ЖК 73-моддаси 3-қисмида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни қўллашнинг асослари кўриб чиқилади. Модомики, маҳкумнинг тузалиш жараёни секин давом этаётган бўлиб, маълум бир вақт — фурсат талаб қилар экан, қонун суд томонидан тайинланган жазонинг маълум бир қисмини ҳақиқатан ўталишини кўрилаётган институтни қўллашнинг мажбурий шартли деб ҳисоблайди. Муддатнинг катталиги (узюқдиги) турли хил белгиларга боғлиқ. Шунини айтиб ўтиш лозимки, жазодан озод қилишнинг объектив шартларидан яна бири маҳкумни белгиланган жазо муддатининг муайян қисмини ўтаганлиги ҳисобланади. Бу маҳкум томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига боғлиқ. Жазодан шартли озод қилиш маҳкум томонидан фактик жиҳатдан жазонинг:

- а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ски учун агар Бўлмиш жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг кам ида учдан **БИР** қисмини;
- б) оғир жинояти учун, шунингдек, қасддан содир этган жипо яти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини;
- в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаш тирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлга нидан кейин қўлланилиши мумкин.

Санаб ўтилган ҳақиқатда ўталган муддатлар амнистия ва афв этишга ҳам боғлиқ. Агар жазони ўташ даврида жазо муддатини камайтирувчи амнистия акти чиқарилса, унда маҳкумнинг ЖК 73-моддаси 3-қисмида кўрсатилган ҳақиқатда ўтаган муддатлари тўғрисидаги масалани ҳал

қилишда суд томонидан тайинланган муддатга қараб эмас, балки амнистия актига мувофиқ ҳолда қамайтирилган муддатларга риоя қилиш керак.

Жиноят кодексининг 15моддаси ва шарҳланаётган модданинг учинчи қисми ушбу бандининг таҳлили шундан далолат берадики, жазони учдан бирини ўтаган шахсларга нисбатан жазони ўташдан шартли озод қилиш қўлланилади, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган ҳар қандай жиноят учун судланган шахсларга, шунингдек, қасддан содир этилиб беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин. Ахлоқ тузатиш йшларй, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар тайинланган маҳкумлар, асослар мавжуд бўлганда, Жиноят кодекси 73моддаси 3қисми «а» бандига биноан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкин.

ЖК 73моддаси 3қисми «б» банди оғир жинояти учун, шунингдек, қасддан содир этган жиғнояти учун, агар илгари қасддан содир этган жинояти у^ггун қонун томонидан беш йилдан кўп, аммо ўн йилдан ошмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахсларга ёки аввал шахс қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилинган ҳолда судланганлик ҳолати тугалланмаган ски олиб ташланмаган ҳолларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Маҳкум ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлиги учун жавобгарликка тортилиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган ҳолларда ЖК 73моддаси 3қисми «а» бандида кўрсатилган шартлар қўлланилади. ЖК 73моддаси 3қисми «в» банди жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган ва қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан анча оғир шартларни белгилайди. Ўта оғир жиноят содир этиш, шунингдек, жазони ўташдан озод қилингандан кейин жиноят еодир этиш жиноий мақсадларнинг барқарорлигидан далолат беради. Бошқа ўхшаш ҳолатларда маҳкумнинг тузалганлиги тўғрисида далиллар йўқдиги сабабли озод қилиш учун асослар мавжуд бўлмайди.

Қонун чиқарувчи бу каби ҳолатларда маҳкумнинг тузалишини инкор қилмасдан, жазони ҳақиқатда ўтаганлик чегараларини ошириб, ушбу асосларни қўллаш бўйича бирмунча қаттиқроқ чоралар белгилайди.

Қонун чиқарувчи ЖК 73моддаси тўртинчи қисмида муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни қўллаш бўйича истисноларни белгилайди. Муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш айрим тоифадаги шахсларга ва айрим жиноятларга нисбатан қўлланилмайди.

ЖК 73моддаси дастлабки уч бандида жазони ўташдан &гуддатидан илгари шартли озод қилиш мумкин бўлмаган шахслар аниқланади:

- умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахслар;
- ўта хавфли рецидивистлар;
- уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкилотчилари ёки иштирокчилари.

Жиноят кодексининг 73моддаси 4қисми «г» бандида маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни қўллаш мумкин бўлмаган жиноятлар таркиби санаб ўтилган. Булар куйидагилардир:

- жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖК 97моддаси 2қисми);
- ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш (ЖК 118моддаси 4қисми);
- ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда кондириш (ЖК 119моддаси 4қисми);
- тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш (ЖК Махсус қисми VIII боби);
- Ўзбекистон Республикасига қарши жиноят содир этиш (ЖК Махсус қисми IX боби);

—ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда контрабанда қилиш (ЖК 246моддаси 2қисми).

Муддатидан илгари шартли озод қилиш жазони ижро этувчи органлар ва муассасалар тақдимномасига биноан амалга оширилади (ИИВ инспекцияси, озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ижро этиш муассасаси ёки интизомий қисмга жўнатиш тайинланганда ҳарбий қисм кўмондонлиги). Озодликдан маҳрум қилишга мувофиқ ҳолда муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш масаласига маҳкум томонидан Жиноят кодексининг 73моддаси 3қисмига риоя қилган ҳолда жазонинг камида олти ойини ўтагандан кейингина рухсат этилишини эътироф этиш зарур.

Суд жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни рад этган тақдирда, бу ҳақда ажрим чиққан кундан бошлаб камида олти ой ўтгандан кейин тақдимнома такроран киритилиши ёки илтимоснома такроран берилиши мумкин (ЖИК 164моддаси 5қисми).

Муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш жазони ўташ жойидаги суд томонидан жазони ижро этиш юклатилган ваколатли махсус органнинг тақдимномасига биноан қўлланилади. Жазони ўтовчи шахс, суд тайинлаган муддатнинг қонун талаб қилган қисмини ўтаса, судья унинг мажбуриятларини ижро этиш ва ҳуқуқтвorigа кўра, унинг тузалиши учун жазони тўла равишда ўташи зарур эмас, деб топса, суд тайинланган жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисида ажрим чиқаради. Бундай ҳолатда унинг ўталмай қолган қисми синов муддати вазифасини бажарганлиги сабабли, озод қилинган шахсга нисбатан синов муддати тайинланмайди. Ушбу таъриф орқали суд маҳкумни қўшимча жазоларни ўташдан тўлиқ ёки қисман озод қилиши мумкин.

ЖК 73моддаси 5қисмига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан ЖК 60моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланади. Шундай қилиб, «Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ушбу Кодекснинг 60моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқжазо тайинлайди» (ЖК 73моддаси 5 қисми). Бундай нормани қўллашда, биринчи навбатда, янги жиноят аввалгисини ўгалмаган муддати мобайнида содир этилганини аниқдаш зарур.

Муддатидан илгари шартли озод қилишнинг ўталмаган муддати деганда, суд томонидан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини тушуниш керак. Амалиётда янги жиноят асосий жазонинг ўталмай қолган қисми ўтиб бўлгандан кейин, лекин қўшимча жазони ижро этиш вақтида содир этиш ҳоллари ҳам учрайди. Қўшимча жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида жиноят содир этиш, муддатидан илгари шартли равишда озод қилишнинг ўталмай қолган қисми мобайнида жиноят содир этилганлиги тўғрисида далолат берувчи ҳолат ҳисобланмайди, демак, ҳукмлар мажмуи тўғрисидаги қоида қўллаш мумкин эмас.

7§. Жазони енгилроғи билан алмаштириш

Жиноят қонуни алоҳида ҳолларда жазони енгилроғи билан алмаштиришни назарда тутди. Бундай ҳолларда маҳкум жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилинмайди, лекин жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроғи билан алмаштирилади.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш — жазони ўташ даврида уни индивидуаллаштириш принципини амалга оширишнинг мустақил

шакли бўлиб, маҳкумга тайинланган жазонинг муайян турини энгилроғи билан алмаштиришда ифодаланади.

Бу билан мазкур жазони ўташдан озод қилиш институти муддатидан олдин шартли озод қилиш ва мазкур жиноят учун қонунда назарда тутилганидан энгилроқ жазо тайинлаш институтидан фарқ қилади (ЖК 57моддаси). Жазони энгилроғи билан алмаштириш уни бутунлай ўташдан озод қилмайди ҳамда фақат истисно ҳолатларга тегишли, яъни аввалги содир этган жинояти учун тайинланган жазони энгилроқ жазо билан алмаштириш, ўз навбатида, ҳукмнинг асослилигига ишончни йўқотмайди.

ЖК 74моддаси жазонинг ўталмаган қисмини жазонинг бошқа энгилроқ турига алмаштиришни кўрсатиб ўтган. Кўрсатилган модданинг биринчи қисмига биноан «Озодликдан маҳрум этилган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд жазонинг ўталмаган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштириши мумкин».

Озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари каби жазолар Жиноят кодексининг 43моддасида назарда тутилган бошқа энгилроқ жазоларга алмаштиришни назарда тутади. Жиноят кодексининг 43моддаси мазмунидан келиб чиқиб, озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишларига нисбатан алмаштириш мумкин бўлган энгилроқ жазолар деб, қонун чиқарувчи томонидан қуйироқда жойлаштирилган жазолар тан олинади.

Жазонинг ўталмай қолган қисмини муддатидан мшарм ишрТЛИ равишда озод қилишда қўлланиладиган асослар **мавжуд** ўшанда жазони энгилроғи билан алмаштириш қўлланилади. Бу **асослар** ЖК 74моддаси 2қисмида кўрсатилган:

— озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқтузатиш каби жазолар ни ўташ учун ўрнатилган тартибқоидалар талабларини бажариш;
— меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш.

(Бу тушунчалар тўғрисида тўлиқроқ шу бобнинг «Муддатида илгари шартли озод қилиш» деб номланган 6§ да кўринг.)

Шуни айтиб ўтиш керакки, бу ерда маҳкумнинг шахсидаги ижобий ўзгаришларнинг хусусияти ва ҳажми тўғрисидаги масала катта аҳмиятга эга бўлиб, ахлоқан тузалишнинг даражаси шуларда намоён бўлади. Агар муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш учун шахснинг тўлиқ тузалганлиги ва унинг келажақдаги жазони ўташи мақсадга мувофиқ эмаслиги белгиланса, жазони энгилроғи билан алмаштириш учун маҳкумнинг тузалиш йўлига ўтганлигига озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишларини ўташ шароитида эмас, балки бошқа энгилроқ жазо билан етарли таъсир этишни амалга ошириш мумкинлигини эътироф этиш керак.

Жазони энгилроғи билан алмаштириш институтини қўллашнинг асосий шарти бўлиб, маҳкум томонидан жазонинг маълум бир қисмини амалда ўталганлиги ҳисобланади.

ЖК 74моддаси 3қисмига кўра, «Жазони энгилроғи билан алмаштириш маҳкум:

— ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини;

— оғир жинояти учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун, агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

— ўта оғир жинояти учун, шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони энгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган янги жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин».

Мазкур ҳолатни таҳдил қилиш шуни кўрсатадики, қонун чиқарувчи муддатидан илгари шартли равишда озод қилишдан фарқли равишда жазони ҳақиқатда ўтаганликнинг энгилроқ муддатини на

зарда тутади. Суд томонидан тайинланган жазонинг ҳақиқатда ўтаганликнинг қуйи чегараси жазонинг тўртдан бир қисмини ташкил қилса, юқори чегараси суд томонидан тайинланган жазонинг камида ярмини ўташ етарлилигидан далолат беради. Тайинланган жазонинг ўталган муддатини аниқлашдаги бундай йўл, жазони енгилроғи билан алмаштириш камроқ жазо ҳисобланишини белгиловчи ёки муддатидан илгари озод қилишга қараганда маҳкумнинг ҳолатини яхшиловчи ҳолат сифатида қаралмаслиги керак.

Агар муддатидан илгари шартли равишда озод қилишда маҳкум жазони ўташдан бутунлай озод қилинса, шарҳланаётган институтни қўллашда жазо тури олдингисига қараганда енгилроқ жазога алмаштирилади.

Ўталган муддатларни тўғри ҳисоблаш ва озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмай қолган қисмини енгилроғи билан алмаштириш, олдинги ҳолати билан солиштирганда маҳкумнинг аҳволини ёмонлаштирмаслиги жинойт жазонинг одиллик ва қонунийлик қафолати бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам енгилроқ жазонинг муддати қонун билан ўрнатилган юқори чегарасидан ошиб кетмаслиги керак. Ҳатто, озодликдан маҳрум қилишнинг муддати бу муддатлардан ошса ҳам, ахлоқ тузатиш ишлари ва хизмат бўйича чеклашнинг давом этиш муддати уч йилдан, интизомий қисмга жўнатиш бир йилдан, қамок олти ойдан ошмаслиги керак. Ахлоқ тузатиш ишларига мувофиқ ҳолда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо сифатида беш йилгача тайинланиши мумкин. Жариманинг миқдорини эса, ўталмай қолган қисм доирасида ушлаб қолинган умумий миқдордан келиб чиқиб белгилаш зарур.

ЖК 74моддаси 4қисмига кўра, суд ҳукми асосида тайинланган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқтузатиш ишлари билан алмаштирилганда, ахлоқтузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади. Бу шунинг асосида, масалан, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган муддати ЖК 46моддаси 2қисмида кўрсатилган (олти ойдан уч йилгача) ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштирилганда, ахлоқ тузатиш ишларининг умумий муддати, олти ойдан кам бўлиши ва уч йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишларига алмаштиришда суд бу қоида билан боғлиқ эмас. Масалан, оғир жиноят содир этган шахсни олти йилга озодликдан маҳрум қилинганда, ЖК 74моддаси 3қисми «б» бандига кўра, тайинланган жазонинг икки йилини ўтагандан сўнг (олти йилнинг учдан бир қисми) ва бошқа керакли шартларга риоя қилган ҳолда ўталмаган муддат енгилроқжазога алмаштирилиши, яъни тўрт йилга ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиниши мумкин (62=4).

Кўриниб турибдики, берилган вазиятда амалиётда қўлланиладиган ва қонун чиқарувчи томонидан қўлланиладиган бундай йўналиш ЖК 54моддаси 1қисмида кўрсатилган жазо тайинлаш қоидаларига тўғри келмайди, унга кўра «Жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этгаплик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқжазо тайинлайди». Яъни, шу қоидага мувофиқ конкрет жазо турини тайинлаш мобайнида, суд ҳеч қанақа ҳолатда (жазо тайинлашда ҳам, жазодан озод қилишда ҳам) ЖК Умумий қисмида кўрсатилган энг кам ва энг кўп чегараларидан чиқмаслиги керак.

Кўрсатилган жиноятхуқуқий коллизия ЖК 74моддаси 4қисми диспозициясининг 2003 йил 12 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни таҳририда баён этилиши билан ЖК 46моддаси 2қисми ҳам тегишли равишда ўзгармаганлиги сабаб бўлган (Ахлоқ тузатиш ишлари), яъни ЖК 46моддасини «мазкур Кодекснинг 74моддаси 4қисми бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилиши керак бўлганлигидан келиб чиққан.

Яна бир варианты: ЖК 74моддаси 4қисмига «уч йилдан кўп бўлмаган» деган мазмундаги қўшимча киритиш билан янада такомиллаштириш орқали пайдо бўлган қарамақаршилиқ ечимига эришиш мумкин. Ахлоқ тузатиш ишларини маълум бир ҳуқуқдан чеклаш ёки жарима тайинлаш билан ўзгартириш мумкин. Ахлоқ тузатиш ишларини маълум бир ҳуқуқдан чеклашга ўзгартиришда қайси ҳуқуқни чеклаш уни қўллашда таъсирлироқ бўлиши мумкинлигани аниқлаш лозим. Шундай қилиб, мансабдорга нисбатан қўлланилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳуқуқни чекловчи жазога алмаштарилиши мумкин.

ЖК 74моддаси 5қисмига кўра, «Жазони алмаштириш институти тайинланган жазони энгилроқига алмаштиришда айрим шахсларга ва жиноят таркибларига чекловни назарда тутати». Жазонинг қолган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштириш қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

—ўлим жазоси афв этиш тариқасида озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилган шахсга;

—ўта хавфли рецидивистга;

—уюшган гуруҳ ёки жиний уюшманинг ташкилотчи ва катнашувчиларига;

—Жиноят кодексининг 73моддаси 4қисми «г» бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганларга (батафсил Жиноят кодексининг 73моддаси 4қисми шарҳига қаранг).

(Бу ҳақда шу бобнинг «Муддатидан илгари шартли озод қилиш» деб номланган 6§ да батафсилроқ кўринг.)

ЖК 74моддаси 6қисми жазоси ушбу модда асосида алмаштирилган маҳкумни муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш имкониятларини назарда тутати.

Муддатидан олдин шартли озод қилиш шартлари ва асослари аввалгидай қолади: «Жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилган шахслар энгилроқ жазонинг тегишли қисмини ўтаб бўлганларидан кейин ушбу Кодекснинг 73моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинишлари мумкин» (ЖК 74моддаси 6қисми). Суд томонидан кўриладиган маҳкумнинг ўзгарганлиги даражаси масаласи муҳим бўлиб қолади. Бундай ҳолатда суд маҳкумни тавсифловчи жазони алмаштиргунга қадар ва жазо алмаштирилгандан кейинги барча ҳолатларига диққатини қаратади. Агар суд маҳкумнинг ўзгариш йўлида эканлигига ва кейинчалик энгил жазо муддатини ўташ мобайнида тартибга риоя қилганлиги ва меҳнатга бўлган ўзгача муносабатига ишончи комил бўлса, суд алмаштирилган жазони ўташдан шартли озод қилиши мумкин. Шунга кўра, жазони муддати алмаштирилган энгилроқжазо эмас, янгисидан бошлаб ҳисобланади.

Озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш иши тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисмини энгилроқ жазога алмаштириш суднинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир. Озод қилиш сўзсиз ва яқунийдир, шу боис маҳкумнинг ногўри хаттиҳаракати унга халакит бермайди.

ЖК 74моддаси 7қисми, жазоси энгилроқжазо билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга ЖК 60моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқжазо тайинлайди.

Жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроғи билан алмаштириш тартиби муддатидан илгари шартли равишда озод қилишнинг тартибига ўхшашдир. Жиноят кодексининг 74-моддасини қўллаш масаласи, суд томонидан жазони ижро этиш муассасаси жойлашган муассаса маъмурияти (озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида) ёки жазони ижро этиш бўйича инспекцияси (ахлоқ тузатиш ишлари бўйича), шунингдек, вояга етмаган маҳкумларга нисбатан эса, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия тақдим и и и тақдимномага, шунингдек, маҳкумнинг, унинг ҲИМОЯЧИСИНИНГ III тимосномасига асосан кўриб чиқилади. Суд зарур бўлган асослар иа шартларни мавжудлигини белгиллаб, озодликдан маҳрум қилкиш ил ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмай қолган қисмини ЖИНОЯТ КО дексининг 43-моддасида белгиланган тегишли енгилроқжазоларга: қамоқ, ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки жарима, ҳарбий хизматчиларга нисбатан интизомий қисмга жў| іа тиш ёки хизмат бўйича чеклаш каби жазо турларига алмаштириши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқтузатиш ишларининг ўталмаган қисмини бошқа жазо тури билан алмаштираётганда суд маҳкумнинг тузалиш йўлига ўтаётганлик даражасини ҳисобга олиши лозим. Жиноят кодексининг 80-моддаси 2 ва 3-қисмлари моҳиятидан келиб чиқиб, озодликдан маҳрум қилишнинг ўталмай қолган қисмини енгилроқжазога алмаштирилган шахсга нисбатан судданганлик асосий ва қўшимча жазоларни ўташдан озод қилингандан кейин озодликдан маҳрум қилишнинг ҳақиқатда ўтаб бўлинган муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади. Ахлоқ тузатиш ишлари жаримага алмаштирилганда шахс судданганлигининг тугалланганлиги муддати жазонинг ўталганлиги ёки ижро этилганлигидан ҳисобланади.

8§. Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш

Жиноят содир этган шахсни жазодан озод қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар орасида шахсни касаллиги туфайли жазодан озод қилиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўз қилмиши маъносини тушуниш, яъни жиноятни содир этганини ва бу учун у жазоланишини билишлик ўзгаришнинг ҳар жараёнида бўлиши керак. Руҳий касаллик маҳкумнинг ўзгаришида ва қилмиши учун жавобгарликдан қочиб бўлмасликни тушунишида табиий тўсиқ ҳисобланади. Бироқ амалиётда, шахс ҳукм чиқарилгандан сўнг ўз қилмишининг аҳамиятини англай олмайдиган даражада руҳий касалликка чалиниб қолса, жазодан озод қилинади. Жисмоний, руҳий ҳолатларнинг бузилганлиги руҳий касалликка чалинган шахснинг ақлий фаолиятига таъсир этади. Руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган оғир касаллик жиноятхуқуқий ёндашишни маълум даражада оғирлаштиради.

Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши оқибатида жазодан озод қилиш асослари ЖК 75-моддасида кўрсатилган. Берилган модданинг I қисмига биноан, «Шахс ҳукм чиқарилганидан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка, шунингдек, жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқача оғир касалликка чалиниб қолса, жазони ўташдан озод қилиниши лозим».

Қонун бўйича жазо тайинлашни истисно қилувчи руҳий касаллик маҳкумнинг ақли норасолик ҳолатини келтириб чиқариши керак.

(«Шахсни ўзининг хаттиҳаракатларини тушуниш ва уларни бошқаришдан маҳрум қилувчи руҳий касаллик» тушунчаси ЖК 67-моддаси I қисмида ва ушбу том IV бобининг «Касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш» деб номланган 6§ да кўрсатилган тушунча билан ўхшаш.)

Шуни айтиб ўтиш керакки, ўз хаттиҳаракатларини тушуниш ва уларни бошқариш имкониятидан маҳрум қилувчи руҳий касалликларга, асосан, хроник руҳий касалликлар киради, улар ўзининг давомийлиги, ўсиши, прогрессивлашиши ва тузалиши қийинлиги билан ажралиб туради. Қисқа муддатли касалликлар, тез ўтиб кетадиган касалликлар жазодан озод қилиш масаласининг асоси бўла олмайди.

Афсуски, қонун чиқарувчи жазони ўташга тўсқинлик қилувчи бошқа оғир касаллик тушунчасини очиб бермаган. ЖК 75-моддаси 1-қисмида биринчи галда тузатиб бўлмайдиган ёки оғир касаллик шахс онгли фаолиятини бузиши билан боғлиқ бўлмаган, балки жисмоний кучсизликини келтирувчи, ривожланаётган характерли, маҳқум мажбуриятларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳамда судланувчининг ҳаётига таҳдид қилувчи касалликлар назарда тутилган. Масалан, сил касаллиги ва нафас органдлари системаси касалликларининг II—III даражаси, қандли диабет (инсулт миқдори кунига 60 бирликдан ортик), бош мия шиши, орттирилган ёқ тўғма юрак нуқсони (юрак ишемияси, кардиомипатия касаллиги), гипертония касаллигининг III босқичи, жазо охирги муддатини ўташ давридаги касалликлар ски жароҳатлар оқибатидаги анатомик нуқсонлар, қўлоёқларнинг юқори ёки пастки қисмини кесиб ташлаш, шунингдек, битта юқори ва битта қуйи қўлоёқларни кесиш ва ҳ.к.

Бу касалликлар (жароҳатлар) инсон соғлиғи бузилишининг шундай босқичи, бундай касалга организмнинг ҳаст фаолиятини нормал ушлаб туриш учун алоҳида парвариш ва даволаш зарур бўлади. Касалликнинг бошқача оғирлиги оқибатида жазодан озод қилиш масаласини ҳамма жазолар ҳолатидан эмас, балки ижро этиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган касалликлар ҳолатидан келиб чиқиб қўриш керак. Масалан, бошқа оғир касаллик билан оғирган маҳқумни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосидан озод қилиш жазонинг мақсадига доим ҳам мувофиқ келавермайди. Бундай шахсларни даволашни жазони ўташ (ижро этиш) шароитида ташкил қилиш зарур.

Оғир касаллик билан зарарланган шахсларни жазони ўташдан озод қилиш ҳақида гап кетганда қўшимча асос сифатида судланган шахснинг жимтой хавфлилиги йўқолганлиги ски пасайиши ҳисобга олиниши керак. Буларга асосланган ҳолда унга нисбатан жиноий ҳуқуқий чораларни қўллашга тўлиқтарзда имкон бўлмайди, чунки шахс ўзининг хавфлилик даражасини йўқотади. Бундай шахслар егадир этган жиноятининг оғирлиги, судланганлиги, жазо муддати, жазони ўталмаган қисмидан ва бошқа вазиятлардан қатъи назар озод қилинади.

ЖК 75-моддасига асосан жазодан озод қилиш суднинг мажбурияти, ҳуқуқи эмас ва содир этилган жиноятнинг оғирлиги, тайинланган жазонинг тури ва муддати, ўталмаган қисми миқдори, жазони ўташ мобайнидаги маҳқумнинг ҳулқи ва бошқа вазиятлардан қатъи назар бажарилади. У жазони ўташ мобайнида ҳам, ижро этиш жараёнида ҳам ўз ўрнига эга.

Суд жазони ижро этиш учун махсулаштирилган давлат органи, жазони ижро этиш бошқармаси томонидан берилган тақдимномага асосан оғир касаллик ёки руҳий касалликка чалинган, содир этган жинояти учун жазони ўтаётган шахсни кейинги ўташдан озод қилиш масаласини қўриб чиқади.

Судга тақдимнома билан бирга тиббий комиссия қарори ва маҳқумнинг шахсий ҳужжатлари юборилади. Қонун судга ЖК 75-моддаси 1-қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш ҳуқуқини беради. Бу чораларни қўллаш имкони бўлмаганда, хаста шахсни соғайтириш органлари қаровига топширади (масалан, ОИБ касаллиги/ОИТС ски таносил касалликлари).

(«Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари» тушунчаси, асослари ва қўллаш тартиби тўғрисида ушбу томнинг VII бобида кўринг.) Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ЖК 92моддасига асосан рухий хаста, алкоголизм, токсикомания ва (ёки) гиёҳвандлик билан касалланган шахсларга нисбатан қўлланилади ва шунга кўра бошқа оғир касаллик билан касалланган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. Касаллик туфайли жазони ўташдан озод қилиш шартли ҳисобланади. Жиноят кодексининг 75моддаси 3қисмига мувофиқ, бундай шахслар тузалгандан кейин Жиноят кодексининг 69моддасида назарда тутилган жазони ижро этиш муддатлари ўтиб кетмаган бўлса, жазо ижро этилади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинлаш билан касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида шахсни жазони ўташдан озод қилишда, жазони ижро этиш муддатини ҳисоблаш мажбурлов чоралари қўлланилган пайтдан бошланади.

ЖК 75моддаси 4қисмига кўра, «Интизомий қисмга жўнатиш ёхуд хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар, уларнинг соғлиғи ҳарбий хизмат учун яроқсиз деб топилган бўлса, жазони ўташдан озод қилинадилар. Хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчи аёллар уларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам жазони ўташдан озод қилинадилар».

Шархданаётган моддага мувофиқ, ҳарбий хизматчилар уларни ҳарбий хизматга яроқсиз деб топишга асос бўлувчи касалликка чалинган тақдирда жазодан озод қилиниши мумкин. Ҳарбий хизматчи аёллар ҳомиладорлик ва туғруқ пайтида хизматдаги чеклашлар билан жазони ўташдан озод қилинади. Бу ҳолат фақат хизмат бўйича чеклаш ва интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазони ўтовчи ҳарбий хизматчиларгагина тааллуқлидир. Интизомий қисмнинг ихтисослаштирилган шароитларида ҳарбий мажбуриятни бажариши ёки жамиятдан ажратилган ҳолатда қаттиқ жазони ижро этишнинг имкони бўлмаганлиги уларни жазони ўташдан озод қилишнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Уларни ижро этиш мумкин эмаслиги ҳарбий хизматчининг бутунлай ҳарбий хизматга яроқсиз деб тан олинисига сабаб бўлувчи жиддий касаллик билан характерланади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, тегишли ҳарбий тиббий комиссиянинг хулосаси ҳарбий хизматчини ҳарбий хизматга яроқсиз деб топиш учун асос бўлади.

Рухий касалликка ёки бошқа оғир касалликка чалинган шахсни жазони ўташдан озод қилишда ушбу ҳолатларни ҳисобга олиш лозим. Жазонинг ўталмай қолган қисмини ўташга тўсқинлик қилмайдиган энгилроқ жазо билан алмаштириш касалликнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда мумкин бўлса, унда жазонинг ўталмай қолган қисми энгилроғи билан алмаштирилиши мумкин.

Шархданаётган модданинг бешинчи қисмига мувофиқ, жазони ўташдан куйидаги шахслар озод этилади:

- меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар;
- пенсия ёшига етган шахслар;
- ҳомиладорлик ёки туғиш таътилий берилган аёллар.

Ушбу модданинг шархланаётган қисми санаб ўтилган шахсларни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан озод қилишни ҳам назарда тутлади. Ушбу асослар Жиноят кодексининг 46моддаси 3қисмининг ҳолатидан ҳам келиб чиқади.

9§. Амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш

Давлат инсонпарварлигининг кўриниши ҳисобланувчи амнистия ва афв этиш, суд ҳукмининг қонунийлиги ва асослигини шубҳа остига қўймасдан, жиноят содир этган шахслар аҳолини энгшаштиради.

«Амнистия» тушунчаси, шунингдек, уни қўллаш хусусияти мазкур том IV бобининг «Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш» деб номланувчи 7§ да берилган.)

Амнистия акти, одатда, жиноийжавобгарликдан **ва** Жазодап о юд қилишни ўзида мужассамлаштиради. Одатда, айбдорлар жиноий жа вобгарлик ёки жазодан озод қилиниши керак бўлган ЖИИОЯТЛйр айрим доираси ҳам мос келади. Бунда, мазкур ҳужжатни **қўллаш** нинг процессуал хусусиятларида фарқни кўриш мумкин, Ш у асно да, амнистия асосида жазодан (тўлиқ ёки унинг бир қисмидаи) озод қилиш айблов ҳукмини чиқариш пайтида ҳам, жазони ўташ даврида ҳам амалга оширилиши мумкин. Агарда шахс содир этган жинояти учун ҳукм чиқарилмаган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

ЖК 76моддаси 1қисми қондасига мувофиқ, «ҳукм этилган шахс амнистия акти ёки афв этиш асосида асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилиниши ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин». Шу тарзда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мазкур қарорда кўрсатилган алҳида тоифадаги шахслар жазодан тўла ёки қисман озод қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий тушунтиришига мувофиқ, «Жиноят кодексининг 76моддаси, ЖПК 463моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари биринчи бандларига асосан суд:

агар амнистия актида ушбу ҳукм бўйича тайинланган жазодан озод қилишни назарда тутса — шахсни жазодан озод қилиб;

агар амнистия акти жазо тайинланишини истисно этса — жазо тайинламасдан, айблов ҳукми чиқаради.

Агар амнистия актида ёки уни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомда шахс қайси жазо туридан (асосий ёки қўшимча) озод қилиниши аниқ кўрсатилмаган бўлса, суд уни ҳам асосий, ҳам қўшимча жазодан озод қилади».

Юқорида кўрсатилган амнистия ҳужжатида асосан жазодан озод қилиниши мумкин бўлмаган қуйидаги шахслар жазосининг ўталмаган қисми:

«а) қасдан содир этган жиноятлари учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахслар — учдан бир қисмига;

б) қасдан содир этган жиноятлари учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахслар — тўртдан бир қисмига» қисқартирилган.

«Биринчи, апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан амнистия актининг жазо муддатини қисқартиришни назарда тутувчи бандини қўллаш чоғида жазонинг амнистия акти чиққан кунга қадар амалда ўталган муддати чегириб ташлангандан сўнг қолган қисми қисқартирилади.

Амнистия акти кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан қўлланилганда жазонинг амнистия акти чиққан кунга қадар амалда ўталган вақт чегириб ташлангандан сўнг қолган муддати қисқартирилади.

Шартли ҳукм қилинганда амнистия актига асосан жазо муддати қисқартирилиб, сўнгра ЖК 72моддаси қўлланилади.

Бир неча амнистия акти қўлланилган ҳолларда илгариги амнистия акти қўлланилгандан кейин қолган ва кейинги амнистия акти чиққан кунга қадар ўталмаган жазо муддати қисқартирилади».

Амнистия муносабати билан жазодан ёки унинг бир қисмидан. озод қилиш ииртсиз ҳисобланади.

Амнистия актига мувофиқ судланганлик ҳам олиб ташланиши мумкин.

ЖК 76моддаси 1қисми диспозициясини тузишда, қонун чиқарувчи амнистия акти асосида жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш

ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш имкониятини ҳам назарда тутган. Бугўдай имконият сўнгги йилларда чиққан айрим амнистия актларида назарда тутилган. Бунда, ушбу актларда фақат, маҳкумга нисбатан амнистия акти чиққан кунга қадар қоғунга мувофиқ муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки тайинланган жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мумкин бўлган ҳоллардагина у озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилиниши мумкинлиги назарда тутилган.

Қолган амнистия актларида бундай қоида кўрсатилмаган ЭДИ, чунки муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони алмаштириш масалалари, амнистия актларида кўрсатилмаган ҳолда жиноят қонуни қоидаларига мувофиқ (ЖК 73, 74-моддалари) ҳал қилиниши лозим.

Амнистия акти асосида жазодан озод қилишни ижро этиш жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи, ички ишлар органлари, интизомий қисм командири ва алоҳида ҳолларда, жазодан озод қилиш тўғрисидаги материалларни прокурор иштирокида кўриб чиқувчи судга юклатилади.

Афв этиш ҳам, амнистия каби, ўзининг юридик табиатига кўра суд ҳужжати ҳисобланмайди. Конституциянинг 93-моддаси 1-қисми 23-бандига мувофиқ, уни амалга ошириш ваколати Ўзбекистон Республикаси Президентига тегишли.

Афв этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг аниқиндивидуал ҳужжати бўлиб, унинг асосида жиноят содир этган муайян шахс ёки шахсларнинг муайян гуруҳи суд томонидан тайинланган жазодан озод қилиниши ёки жазо енгиллаштирилиши ёхуд бошқа турига алмаштирилиши мумкин.

Афв этиш қўлланиладиган шахслар доирасига кўра, шунингдек, юридик табиатига кўра амнистиядан фарқланади. Агар амнистия кўпчилиқ шахслар гуруҳини жазодан озод қилишга йўналтирилса, афв этиш индивидуал характер касб этади ва Низомда назарда тутилган муддатда ва тартибда руҳсат этилади. Амнистия акти муайян жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган жиноят қонунини бекор қилмасдан, суд ҳукмининг қарорлари асосли ва қонунийлигини шўбҳа остига олмасдан айбдорни жазодан ёки жиноий жавобгарликдан озод қилади, жазони енгил жазо билан алмаштиради ёхуд белгиланган муддатларни қисқартиради, шунингдек, жазони ўтаганликнинг оқибати бўлган судланганликни бекор қилади, яъни амалда инсонпарварлик принципининг турли кўринишларини назарда тутаяди. Қоида тариқасида афв этиш, ўлим жазосини озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштиришда, асосий ва қўшимча жазоларни ўташдан тўлиқ ёки қисман озод қилишда, шунингдек, жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштиришда ва судланганликни олиб ташлашда қўлланилади.

Афв этиш амнистиядан фарқли равишда жавобгарликдан озод қилишга қаратилмаган. Агар амнистия гумон қилинувчи, айбланувчи ва маҳкумларга нисбатан умумий кечиришни қамраб олса, афв этиш эса муайян бир маҳкумни кечириш актидир. Афв этишда маҳкумнинг ўзи ёки бошқа шахс афв этиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома рад этилганда, шундай илтимоснома билан қайта мурожаат қилиш ҳам мумкин.

Афв этиш ҳар қандай шахсга нисбатан, шу жумладан, ўта оғир жиноят содир этган ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахсга ҳам қўлланилиши мумкин, амнистия акти эса, одатда, бундай шахсларга ва жиноятларга жорий қилинмайди. Ўта хавфли рецидивистлар, олдин амнистия акти ёки афв этиш қўлланилган ёхуд муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилинган ёки жазонинг қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахслар, агар

уларнинг судланганлик муддати тугамасдан қасддан содир этган жинояти учун ҳукм қилинган, жазони ўташ вақтида тузалиш йўлига ўтиб олмаган, ўта оғир жиноят содир қилган шахслар алоҳида ҳоллардагина афв этилиши мумкинлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 11 сентябрдаги Фармони билан «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тўғрисидаги Низом»да белгилаб ўтилган. Амнистия акти гумонланувчи, айбланувчи ва маҳкумларга нисбатан умумий кечириш акти бўлса, афв этиш муайян маҳкумни кечириш актидир. Амнистия давлат ташаббуси билан чиқарилса, афв этишда маҳкумнинг ўзи, унинг яқин қариндошлари ёки жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти афв этиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкин. Афв этиш тўғрисидаги материаллар дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича Комиссия томонидан кўриб чиқилади. Бунда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси, маҳкумнинг шахси, хулқатвори, меҳнатга муносабати, озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги ҳаваскорлик ташкилотларидаги иштироки, жазонинг ўталган муддати, зарарнинг қопланган миқдори ва бошқа ҳолатлар эътиборга олинади. Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларининг фикри ҳам инobatга олинади, моддий зарарни қоплашдан озод қилиш тўғрисидаги аризалар бўйича эса зарар етказилган ташкилот, туман (шаҳар) ҳокимиятининг фикри ва ҳарбий судлар томонидан ҳукм қилинган шахсларнинг аризалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг фикри ҳам инobatга олинади. Афв этиш масалалари бўйича Комиссия қандай қарор қабул қилганлигидан қатъи назар, қатъий қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади. Бошқача қилиб айтганда, Комиссия қарори тавсиявий хусусиятга эга.

«Ҳукм эълон қилингандан сўнг раислик этувчи умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳкумга ЖПК 473-моддаси тўртинчи қисмиданазарда тутилган афв тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ва муддатларини тушунтириши шарт бўлиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд этилади».

ЖК 76-моддаси 3 ва 4-қисмларига мувофиқ, «Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин». Бунда суд томонидан тайинланган жазонинг амалда ўталган қисмини ҳақиқатда ўталган жазо деб ҳисоблаш керак.

Суд, афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда, жазони ижро этиш муассасасининг маҳкумнинг шахси, жазони ўташ вақтидаги унинг хулқатвориға тегишли бўлган тақдимномасини инobatга олади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимосноманинг рад этилиши бундай илтимоснома билан яна мурожаат қилиш мумкинлигини истисно қилмайди.

Афв этиш акти — шахс жазодан озод қилиниши ёки жазо енгилроғи билан алмаштирилишининг шартсиз асоси ҳисобланади. Бундай ҳолатларда афв этиш акти асосида жазодан озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахснинг ҳуқуқбузарлиги ёки ёмон ҳулки мазкур асоснинг юридик кучини тугатмайди.

ЖК 76моддаси 2қисми янги жиноят содир этганда жазони ҳисоблаш қоидабини кўрсатади. Мазкур қоидага мувофиқ, «Агар амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёхуд жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган шахс жазонинг ўтаямай қолган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга ушбу Кодекснинг 60моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди». Яъни, содир этилган янги жиноят учун узилкесил жазо, янги жинояти учун тайинланган жазога муддатидан илгари шартли озод қилинган жазонинг ўталмаган қисмини ёки алмаштирилган енгилроқ жазонинг ўталмаган қисмини қўшиш орқали бир неча ҳукмлар бўйича тайинланади.

10§. Судланганлик тушунчаси ва унинг жиноятҳуқуқий аҳамияти

Қонун судланганликни фақат шахснинг содир этган жинояти учун **ҳукм қилиниш** факти билан боғлайди.

Шахс ЖК Махсус қисми моддасида назарда тутилган жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлган ижтимоий хавfli қилинишни содир этганликда айбдор деб топилиб, айблов ҳукми эълон қилингандан сўнг судланган деб ҳисобланади. Аммо ҳукм қилинишнинг ҳар қандай факти ҳам судланганликни келтириб чиқармайди. Ҳукм қилиш айбдорга жазо тайинлашда ҳам, қонунда мавжуд бўлган асосларга кўра жазодан озод қилишда ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Судланганликнинг келиб чиқиши эса жазонинг муайян тури ва миқдорини тайинлаган ҳолда айблов ҳукмини чиқариш билан боғлиқ. Мазкур қоида ЖК 77моддаси 2қисмида белгиланган: «Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади».

ЖПКга мувофиқ, ҳукм апелляция тартибида шикоят бериш ва протест келтириш муддати ўтганидан кейин кучга киради. Апелляция тартибида шикоят ёки протест келтирилган тақдирда ҳукм, башарти у бекор қилинмаган бўлса, юқори турувчи суд томонидан кўриб чиқилган кундан кучга киради (ЖПК 528 моддаси 1қисми). Маҳкумлар икки ва ундан ортиқ бўлган тақдирда, башарти, шулардан лоақал бирига нисбатан ҳукм устидан шикоят берилган ёки протест билдирилган бўлса, юқори суд ишни кўриб чиққунига қадар маҳкумларнинг ҳаммасига нисбатан ҳукм қонуний кучга кирмай туради (ЖПК 528моддаси 2қисми).

Шундай қилиб, шахс фақат жазони ўтаб бўлганидан кейингина эмас, балки уни ижро этиш давомида ҳам судланган ҳисобланади ва бу суд томоидан инobatга олиниши лозим. Бунда, шахсга нисбатан дастлабки тергов вақтида ҳам, ҳукм эълон қилинганидан кейин ҳам шахсга нисбатан танланган эҳтиёт чорасининг аҳамияти йўқ — ушбу вақт давомида шахс судланган деб топилиши мумкин эмас.

Шахсни жазодам озод қилиш, хатго ЖПК ўрнига унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурилов чораси схуд, агарда маққум нояга етмаган бўлса, тарбиявий йўсиндаги мажбурилов чораларни қўлланилган ҳолларда ҳам, унинг судланганлигини келтириб чиқармайди.

Судланганлик — бу шахс учун салбий, биринчи наивбагда, жиноятҳуқуқий хусусиятдаги оқибатларнинг келиб чиқар жазонинг муайян тури ва миқдорига ҳукм қилинишидан қилиб чиққан шахснинг алоҳида ҳуқуқий ҳолатидир.

ЖК 77 моддаси 3 қисмида судланганлик жиноят қонунида назарда тутилган ва фақат шахс томонидан янги жиноят содир этилган ҳоллардагина ҳуқуқий аҳамиятга эгаллиги кўрсатилган. Шахснинг судланганлиги ҳам умумҳуқуқий, ҳам жиноятҳуқуқий аҳамиятга эга.

Жиноят содир этганлик учун ҳукм қилинган шахс ҳуқуқий ҳолатининг **умумҳуқуқий аҳамияти** унинг Ўзбекистоннинг жиноят қонунини ташкил қилмайдиган нормативҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланишида ва жиноятҳуқуқий маънода аҳамиятга эга бўлмаслигидадир.

Судланганлик, шахс ҳуқуқий мақомининг тавсифи бўлиб, судланмаган шахс билан солиштирганда, судланган шахсга ҳуқуқларни чеклаш билан бирга унга мажбурият ҳам юклайди ва бошқа ҳуқуқий бўлмаган оқибатларни келтириб чиқармайди. Судланганлик шахс содир этган жиноят учун ҳукм қилинганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир. Қонун судланганликни фақат шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлиги билан боғлашни назарда тутади.

Шахсни ҳукм қилиш деганда, шахсни қилмишида жиноят таркибининг барча элементлари мавжуд бўлган аниқ жиноятни содир этишда айбдор деб топиш, шунингдек, бу шахсга нисбатан муайян турдаги ва миқдордаги жазонинг тайинланиши тушунилади. Жазонинг тури ва миқдори шахсни судланган деб топиш ва ҳисоблаш учун аҳамиятга эга эмас, лекин бу судланганликнинг тугалланиши ёки олиб ташланишига таъсир қилади.

Шахснинг судланганлиги умумҳуқуқий ва жиноятҳуқуқий аҳамиятга эгадир. Жиноят содир этганликда ҳукм қилинган шахс ҳуқуқий ҳолатининг умумҳуқуқий аҳамияти унинг Ўзбекистон Республикаси жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ташкил этмайдиган нормативҳуқуқий актларида мустаҳкамланганлиги ва улар жиноятҳуқуқий маънода аҳамиятга эга эмаслиги билан тавсифланади. Хусусан, судланганликнинг умумҳуқуқий аҳамияти шахснинг судланганлиги унинг расмий органларга тугатилмаган ёки олиб ташланмаган судланганлик мавжудлиги тўғрисида маълум қилиш мажбуриятида, маълум бир мансабни эгаллаш ёки айрим фаолият билан шуғулланишдаги чекловларда намоён бўлади (масалан, адвокатлик фаолиятини амалга оширишни чеклаш). Бундан ташқари, судланган шахсларга муайян бир ҳудудларга бориш ва жойларда бўлиш тақиқланиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми шахсни судланган деб топишнинг бошланғич вақтини ҳукм кучга киргандан кейинги вақт деб белгилайди. Жиноятпроцессуал қонунга мувофиқ, ҳукм унинг апелляция шикоятни бериш ёки протест билдириш муддати ўтиши билан қонуний кучга қиради. Апелляция шикояти берилган ёки протест билдирилган тақдирда ҳукм, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори суд кўриб чиққан куни қонуний кучга қиради. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби тўғрисида»ги 408сонли қарорнинг 19бандига мувофиқ, хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасига кириши, башарти, шахс Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини бузганлик учун илгари жиноий жавобгарликка тортилган ва ундан судланганлиги белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлса, рад этилади. Шундай қилиб, шахс фақат жазони ўтаб бўлгандан кейингина эмас, унинг ижро этилиши вақтида ҳам судланган ҳисобланади, бу нарса суд томонидан инобатга олинмиши керак. Бунда, дастлабки тергов жараёнида тайинланган жиноятнинг олдини олиш чоралари аҳамиятга эга эмас, шунингдек, ҳукм эълон қилингандан кейин бу вақт давомида шахс судланган деб тан олинмиши мумкин эмас.

Конун кўрсатмасига мувофиқ, жазодан озод қилинган шахс судланган деб эътироф этилмайди. Бундай пайтда жазо тайинланмасдан қабул қилинган айблов ҳукми. шунингдек, кучга кирган амнистия акти билан жазодан озод қилинган ёки жавобгарликка тортиш муддати ўтиши шароитида шахс судланмаган деб тан олинishi керак. Шахс, шартли ҳукм қилиниши муносабати билан жазодан озод қилинганда ёки жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинганда (ЖК 72, 73, 89моддалари) у синов муддати давомида судланган деб эътироф этилади. Ҳатто жазо билан бирга тарбиявий характердаги мажбурлов чоралари тайинланганда ҳам шахсни жазодан озод қилиш судланганликни келтириб чиқармайди (ЖК 87, 88моддалари). Албатга, шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинганда, шунингдек, унга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилганда, у судланган деб тан олинishi мумкин эмас.

Шарҳланаётган модцанинг учинчи қисми, судланганлик ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда шахс янги жиноят содир этган дааҳамиятқасбэтишинибелгилайди. Бунда еудлашашшиқиш фп қат жиноийҳуқуқий аҳамияти назарда тутилади. **Судланганликни** жиноийҳуқуқий аҳамияти шахсинголдинги **жиноят** учун судланганлик муддати ўтмасдан ёки конунда белгилангаи тартибда ОЛИБ ташланмасдан янги жиноят содир этганидагина вужудга қилади, судланганликнинг умумҳуқуқий оқибатлари каби жиноийҳуқуқий оқибатлари ҳам жиноий жазо самарадорлигини ошириш ва маҳкум ни тарбиялашга қаратилган чораларни мустаҳкамлаш, шунингдек, аввал судланган шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилгандир.

Судланганликнинг жиноийҳуқуқий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

—шахсда судланганлик ҳолатининг мавжудлиги хавфли ва ўта хавфли рецидивистдебтопилишигатаъсир этади (ЖК 34 чоддаси);

—шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишга тўсқинлик қилади;

—қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатади (ЖК 140моддаси);

—жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади;

—судланганлик озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашда жазони ижро этиш муассасаси турини аниқлашга таъсир қилади (ЖК 50моддаси);

— алоҳида тартибда жазо тайинланишига сабаб бўлади.

Судланганликнинг жиноийҳуқуқий аҳамияти шахс янги жиноят содир этганда вужудга келади. Бошқача айтганда, шахсинг судланганлиги суд томонидан, у судланган деб топилган даврда, яъни ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан унинг тугатилиши ёки олиб ташлангунгача бўлган даврдан кейин жиноят содир этган ҳолларда ҳисобга олинади.

Судланганлик бошлангунига қадар ёки у тугагандан кейин жиноят содир этиш ҳеч қандай жиноийҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди.

Шарҳланаётган модцанинг тўртинчи қисми судланганликнинг охириги муддати тугатилиши ёки олиб ташланишини умумий асосларда аниқлайди. Судланганлик ҳолати тугалланганда, шахс судланмаган деб ҳисобланади. Судланганлик ҳолатининг, шахсинг янги жиноят содир этиши билан узилади. Бундай ҳолда судланганликнинг биринчи жиноят бўйича тугалланиш муддати айбдорнинг охириги жиноят учун жазони ҳақиқий ўтаб бўлганидан сўйиг ҳисобга олинади. Судланганлик ҳолати тугалланиши билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади ва шахс янги жиноят содир этган тақдирда, унинг жиноий жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланмайди.

Жиноят кодексининг 77моддаси, бешинчи қисми жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмай қолган тақдирда, шунингдек, содир қилинган жиноят учун тайинланган

жазони ўтаб бўлиниши билан судланганлик ҳолатининг тугалланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланишини белгилайди.

11§. Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва унинг олиб ташланиши

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши деганда, муайян муддатларнинг ўтиши билан мазкур масалага оид суднинг махсус қарори қабул қилинмасдан барча ҳуқуқий оқибатлар ва чекланишларнинг тугалланиши тушунилади.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши автоматик тарзда рўй бериб, бунинг учун ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди. Шахс судланганлик муддати ўтмасидан янги жиноят содир қилса, бу муддатнинг ўтиши узилади. Илгари судланган шахс томонидан янги жиноят содир этилганда судлашқиликнинг тугатилганлиги масаласи шарҳланаётган модда ва Жиноят кодексининг 80-моддасида кўрсатилган қоидалар асосида судтергов органлари томонидан ҳал қилинади.

Ушбу модда қоидаларига мувофиқ, судланганликнинг тугатилиши, судланганлик ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган тегишли муддатларнинг ўтишига боғлиқ бўлади. Ушбу муддатларнинг давомийлиги тайинланган жазо, унинг тури, ҳажми ва шартли ёки шартли эмаслигига боғлиқ бўлади.

Шахс шартли ҳукм қилинганда, судланганлик муддати бир йилдан уч йилгача бўлган синов муддати ўтганидан сўнг тугалланган ҳисобланади. Агар шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан қўшимча жазо чораси қўлланилган бўлса, бу муддат судланганлик муддатидан кўп бўлса, судланганлик қўшимча жазо муддати тугагач, тамом бўлган ҳисобланади.

Шуни назарда тутиш керакки, судланганлик муддатининг тугашини ҳисоблашда, судланган шахснинг хоҳишироғасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, ижро этилмаган муддат ҳамда ижронинг тўхтаганлик муддати ҳам инобатга олинади. Бундай ҳолда суд айблов ҳукмининг ижро этиш муддатига ҳам эътибор бериши керак. Чунки шахснинг амалда жазони ўтамаганлиги ва муддатнинг ўтиши шахс судланган деб ҳисобланишининг олдини олади.

Судланганликнинг олиб ташланиши — бу қонунда кўрсатилган судланганликнинг тугалланиши муддати ўтмасдан бекор қилинишидир.

Судланганликнинг олиб ташланиши, суд томонидан унинг ажрими асосида ёхуд тегишли афв этиш ёки амнистия акти асосида амалга оширилади. Бунда шуни инобатга олиш керакки, фақат озодликдан маҳрум қилинган шахсларга нисбатан судланганлик олиб ташланиши мумкин. Жиноят кодексининг 13-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу модданинг биринчи қисми ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахсларга нисбатан судланганликнинг муддатидан илгари тугатилиши масаласини ҳал этади. Қонунга кўра, юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан муддатидан илгари судланганликнинг тугатилиши, фақат шахсга нисбатан жазони ўтаб бўлгач, маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилмаганлиги шартли билангина йўл қўйилади. Бунда кўрсатилган чораларни қўллаш асоси аҳамиятсиздир, улар мавжудлигининг ўзи судланганликни олиб ташлашга тўсқинлик қилади. Шу билан бирга, мазкур чораларни тайинлашда, суд, улар ўтгандан кейин шахсга маъмурий жазо ёки таъсир чоралари қўлланилган деб ҳисобланмайдиган муддатлардан келиб чиқиши керак. Шуни эътиборда тутиш керакки, судланганликнинг муддатидан илгари тугатилиши, фақат Жиноят кодексининг 78-моддасида кўрсатилган муддатнинг камида ярми ўталгандан сўнг қўлланилиши мумкин. Қонуннинг мазкур талаби императив характерга эга ва у сўзсиз бажарилиши керак.

Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги масала судья томонидан жазони ўтаб бўлган шахснинг, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакилининг

ёхуд жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг илтимосномасига асосан кўриб чиқилади.

Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқиладиганда илтимоснома ким ҳақида берилган бўлса, шу шахснинг суд мажлисида қатнашиши шарт бўлади. У ҳимояга олиш ҳуқуқи билан таъминланади. Судланганликни олиб ташлаш рад этилса, судьяга бу масалага доир қайта илтимоснома рад этилгани ҳақида ажрим чиққан кундан бошлаб камида бир йил ўтгандан кейин киритилиши мумкин.

Шарҳданаётган модданинг иккинчи қисмида ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққанлар ҳамда ўта хавфли рецидивистларнинг судланганлигини олиб ташлаш масаласи баён этилган. Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаган шахслар деганда, узлуксиз бир ёки бир неча жиноятлар (улардан лоақал биттаси оғир жиноят бўлса) содир этган шахслар тушунилади.

Ушбу тоифа шахсларга нисбатан судланганликни олиб ташлаш масаласини муҳокама қилиш учун икки асос бўлиши лозим. Булар:

- жазони ўтагандан сўнг ўн беш йиллик муддатнинг ўтиши;
- шу муддат ичида янги жиноят содир этмаслик.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, ўта хавфли рецидивист деб топилган шахснинг судланганлиги ушбу моддада кўрсатилган тартибда, ўталган жазо муддати, барча жазоларнинг муддатидан қатъи назар, олиб ташланиши керак.

ЖК 79 моддаси 3 қисми қоидаларида қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга бўлиб, ушбу қонун кучга киргунга қадар, тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан, жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларнинг, агар улар ҳали судланган ҳисобланишса, судланганлиги олиб ташланиши мумкинлиги ўрнатилган.

Судланганликнинг олиб ташланиши суд томонидан ажрим чиқариш йўли билан амалга оширилади. Шу билан бирга, ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, судланганлик амнистия акти ёки афв этиш асосида олиб ташланиши мумкин.

ЖК 80 моддаси 2 қисмига кўра, шахс тайинланган жазодан муддатидан илгари озод этилганда ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилганда, судланганлик муддати, муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади. Қонунда кўрсатилишига мувофиқ бундай ҳолатларда, судланганлик ҳолатининг тугалланиши, шахсни муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштиргунга қадар бўлган даврда амалда жазони ўташ муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Жазони амалда ўташ деб, муддатидан илгари озод этилганда, суд ҳукмига асосан белгиланган жазонинг ўталган қисми тан олиниши лозим. Масалан, агар шахс олти йилга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, аммо ЖК 73 моддасига биноан тўрт йилдан сўнг муддатидан илгари озод этилса, унда судланганлик муддати жазо ўталган вақтдан келиб чиқиб, яъни тўрт йил деб белгиланади. Агарда, шахсга жазодан озод қилиш тартибида ЖК 74 моддасига асосан бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирилганда, жазони амалда ўташ муддати, бирламчи ўталган жазо муддатини ва енгилроқ жазо муддатини қўшиш билан ҳисобланади. Бундай вазиятда турли **хилдаги** жазоларни қўшишда ЖК 61 моддасида назарда тутилган қоидалардан келиб чиқиш лозим.

ЖК 80 моддаси 3 қисми бирламчи белгиланган жазо уни бажа ришдан бош тортганлиги учун ўзгартирилган вазиятларда, жазо ўташ ёки судланганликни олиб ташлашни аниқлаш қоидаларини белгилайди. Бундай вазиятларда, бирламчи жазони ЖК 44 ва 46 моддаларида кўрсатилганидек енгилроғига алмаштиришни тақозо этади. Бундай вазиятда ўташ муддати ёки судланганликни олиб ташлаш амалдаги жазо ўташ ёки жазонинг бажарилишидан келиб чиқиб, бирбиридан мустақил

равишда судланганлик муддатини мос равишда ажратиш орқали муддатни ҳисоблаш лозим бўлади. Ўташ муддати ёки судланганликни олиб ташлаш алоҳида, бирламчи тайинланган жазодан ва бажарилмаган, бирламчиси ўрнига тайинланган жазодан келиб чиқиб аниқданган бўлиши лозим. Агар жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолатининг муддати тугамай яна жиноят содир этса, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолатининг тугаш муддати охири содир этилган жиноят учун (асосий ва қўшимча) жазони амалда ўтаб бўлганидан бошлаб ҳисобланади (ЖК 80моддаси 4қисми). Аниқроқ килиб айтсак, шахс янги жиноят учун жазони ўтаб келганидан сўнг, параллел равишда ҳам биринчи жиноят учун, ҳам янги жиноят учун судланганлик ҳолатини тугатиш муддати ўтади.

Шуни назарда тутиш керакки, шахс содир этган бир неча жиноят учун ҳукм қилинган вазиятда, судланганлик ҳолатининг тугаш муддати ҳар бир жиноят учун алоҳида эмас, балки ҳамма жиноятлар учун тайинланган жазодан келиб чиқиб ҳисобланади.

«Жазодан озод қилиш. Судланганлик» мавзуси бўйича яқуний саволлар

1. Жазодан озод қилиш институтининг юридик табиати қандай?
2. Жазодан озод қилишдан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг фарқи нимада?
3. Жазодан озод қилишнинг қандай турлари мавжуд? Уларнинг қайсилари шартли, қайсилари шартли эмас, қайсиниси ҳуқуқий, қайсиниси суд мажбурияти ҳисобланади?
4. Жазони ижро этиш муддати ўтганлиги деганда нима тушунилади? Қандай белгиларига қараб жазони ижро этиш муддати ўтганлиги аниқланади? Жиноятнинг қандай турларига бу муддатлар татбиқ этилмайди?
5. Қандай вазиятларда муддат ўтганлик даври узилади? Бир умрга озодлиқдан маҳрум этилган шахсларга ижро этиш муддатининг ўтганлигини қўллаш тўғрисидаги масала қандай тарзда ечилади?
6. Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги муносабати билан жазодан озод қилишнинг асослари қандай?
7. Чин кўнгилдан пушаймон бўлганлик билан ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганликнинг фарқи нимада? Биргалиқда жиноят содир қилган шахснинг чин кўнгилдан пушаймон бўлиши муносабати билан озод қилишнинг асослари қандай?
8. Шартли ҳукм қилишнинг мазмуни нимада? Уни қўллашнинг асослари қандай?
9. Қандай вазиятларда шартли ҳукм қилиш қўлланмайди?
10. Муддатидан илгари озод этиш ўзида нимани ифодалайди? Уни қўллашнинг асослари қандай? Шартли ҳукм қилишнинг муддатидан илгари озод қилишдан фарқи нимада?
11. Муддатидан илгари озод қилиш билан енгилроғи билан алмаштирилган жазони ўташнинг ўхшашлиги нимада?
12. Касаллик бўйича ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида жазодан озод қилишнинг жиноий ҳуқуқий аҳамияти нимада? ЖК 75моддаси мазмунида касаллик остида нимани тушуниш лозим (касаллик бўйича ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида жазодан озод қилиш)?
13. Афв этишнинг амнистиядан фарқи нимада?
14. Амнистия ва афв актларини қўллаш хусусиятлари.
15. Судланганлик нима?
16. Судланганликнинг умумҳуқуқий ва жиноий ҳуқуқий оқибатлари деганда нима тушунилади?
17. Қайси вақтдан бошлаб шахс судланган ҳисобланади? Судланганликни ўташ ва судланганликни тугатиш асослари қандай?

ҮБОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

1§. Вояга етмаганларни жиний жавобгарликка тортиш ва уларга жазо тайинлаш хусусиятлари

«Бола, у жисмоний ва акдий жиҳатдан камолатга етмаганлиги туфайли, махсус равишда муҳофаза ва ғамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражада ҳуқуқий ҳимояга муҳтож». Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда мустаҳкамланган, ушбу халқаро ҳуқуқий қоида ватанимиз қонун ижодкорлари томонидан мутаносиб равишда қабул қилиниб, айтиш мумкинки, 1994 йил Жиноят кодексига вояга етмаганларни жиний жавобгарликка тортиш ва жазони индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштириш халқаро ҳуқуқ асослари сифатида ёритилган.

Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ VI сессиясида сўзга чиқиб, таъкидлаганларидек, «бизнинг жиний қонунчилигимиз, инсонийлик тасаввурларини раҳбарликка олиб жиний қилган вояга етмаганларга қатор енгилликларни назарда тутди». Яна Президентимиз айтиб ўтдиларки, «ёшлар орасидаги жиний — кўпинча улар тарбиясидаги жиддий камчиликлар натижаси бўлиб, уларга биз, катта ёшдагилар жавобгармиз. Айнан шунинг учун, ҳам маънан, ҳам ахлоқан шахс сифатида шаклланмаган, жиний содир этган ёш инсонни қайта тарбиялаш, уни жамиятга қайтариш — ҳар биримизнинг ва давлатимизнинг олдида турган муҳим вазифадир».

Шу муносабат билан ишонч билан таъкидлаш мумкинки, 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини ишлаб чиқишда, вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятларини белгиловчи махсус нормаларни бир бўлимда — ЖК Умумий қисми олтинчи бўлимида жамлаш тўғрисида мутлақ асосланган қонунчилик қарори қабул қилинди. Мазкур бўлимга икки боб (XV ва XVI) киритилди. Бу ўз навбатида, энг аввало, вояга етмаганлар жиний жавобгарлиги ва жазо масалалари билан боғлиқ барча нормаларни тизимлаш,

шунингдек, вояга етмаганларнинг нисбатан фуқаровий, жисмоний ва маънавий камолга етмаганлигини ҳисобга олган ҳолда уларга **жавобгарликни юклаш** ва жазони қўллашнинг янада шартларини умумлаштириш имконини берди.

«**Жазо ва уни тайинлаш**» деб номланган XV боб вояга етмаганларга қўлланиладиган жазо тизими ва турларини (81—85-модда • лар), вояга етмаганларга жазо тайинлаш тартибларини (86-модда) тавсифловчи умумий қоидаларни ифодалайди, «**Жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш**» деб номланган XVI боб эса вояга етмаганларни жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш шартларини тарбиявий таъсирнинг мажбурий чораларини қўллаш ва бу чоралар тавсифи билан (87—88-моддалар), жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш асосларини (89-модда) ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо турларига алмаштиришни (90-модда) ифодалайди.

Жиний жавобгарлик ва жазонинг у ёки бу масаласи (масалан, жавобгарликка тортиш ва жазо ўташ, судланганликни ўташ ва судланганликни олиб ташлаш муддати ўтганлиги ва х.к.) кўрсатилган бобларда тартибга солинмаган бўлса, у ҳолда, жиний содир этган барча шахсларга тегишли бўлган жиний жавобгарлик ва жазонинг умумий шартларини назарда тутувчи ЖК Умумий қисмининг тегишли қоидаларига риоя қилиш лозим. Бунда, ЖК 17-моддаси 5-қисмига биноан: «ўн саккиз ёшга тулгунга қадар жиний содир этган шахслар умумий қовдаларга мувофиқ ва ушбу Кодекснинг Умумий қисми олтинчи бўлимида назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортиладилар».

Шундай қилиб, амалдаги ЖК Умумий қисми олтинчи бўлими одиллик, инсонпарварлик ва айб учун жавобгарлик принциплари ривожланишининг маълум жиҳатларини ўзида мужассам қилди. Бу, қисман, вояга етмаганларга қўлланиладиган айрим жазо турларини, алоҳида тизимини ва енгиллаштиришни ўрнатишда намоён бўлади (масалан, вояга етмаганнинг ёшига нисбатан ва содир этган қилмиши ижтимоий хавфлилик даражасига боғлиқ равишда дифференциациялаш йўли билан озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазо муддатлари камайтирилди — 85-модда); 1994 йилда қабул қилинган Жиноят кодексига биринчи бор вояга етмаганга жазо тайинлашда унинг ривожланиш даражаси, ҳаётининг тарбиявий шароитлари, соғлигининг ҳолати ҳамда катгаларнинг ва унинг шахсига таъсир этувчи бошқа ҳолатларни ҳисобга олиш тўғрисида кўрсатилди (ЖК 86-моддаси

1 қисми); ҳукмлар йиғиндиси бўйича вояга етмаганларни озодликдан маҳрум этиш муддатининг мумкин бўлган энг кўп чегараси пасайтирилди (86модда 2,3,4қисмлари); биринчи марта муқобиллик асосида вояга етмаган жиноятчиларга тарбиявий таъсир этишнинг мажбурлов чораларини қўллаш имконияти назарда тутилди (87модда 2, 3қисми ва 88модда) ҳамда вояга етмаганлар иши бўйича комиссиянинг кўриб чиқишига материалларни бериб, жавобгарликдан озод қилиш имкониятига йўл қўйилади (87модда 1 қисм); муддатидан илгари озод қилишнинг энгилроқ асослари регламент қилинди ва жазони энгилроқ жазога алмаштириш (89, 90моддалар) ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди.

Таъкидлаш жоизки, қонунда Умумий қисмнинг махсус назарда тутилган олтинчи бўлимидан ташқари, вояга етмаганларни жавобгарликка тортиш ва жазо ЖК Умумий қисмининг айрим бошқа ҳолатларида ҳам ёритилган. Масалан, ЖК 17моддаси 4қисми ўн саккиз ёшга етмаганлар содир этганлари учун жавобгарликка тортилмайдиган қатор жиноятларни аниқлаш имконини беради (қисман, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлиги учун — ЖК 122моддаси, отаонани моддий таъминлашдан бўйин товлаганлиги учун ЖК 123моддаси, вояга етмаган шахсни ғайририжтимоий хаттиҳаракатга жалб қилганлик учун ЖК 127моддаси, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ЖК 144моддаси ва бошқалар). Ўз навбатида, ЖК 17моддаси 2, 3қисмлари айрим жиноят турларига нисбатан ва маълум сшга етганлигига қараб (13, 14 ва 16) вояга етмаганлар жавобгарлиги чегараларини дифференциялайди.

Шундай қилиб, ЖК ҳолатларига мувофиқ, жиноий жавобгарликка тортиш учун вояга етмаган шахслар деб, фақат жиноят содир этилгунга қадар 13 ёшга тўлган, аммо 18 ёшга тўлмаган шахслар назарда тутилади. Ёшларнинг конкрет миқдори (13, 14, 15, 16, 17 дан 18 ёшгача), қайси ёшдалиги аҳамиятга эга эмас, аммо жазони индивидуаллаштириш жараёнида суд томонидан ҳисобга олинishi лозим, яъни ёшроқларига энгилроқ жазони, ёши каттароқларига оғирроқ жазони қўллаш лозим. Ҳар қандай вазиятда, жазо тайинлаш вақтида, суд вояга етмаган шахсларга қўлланиладиган жазо турлари тўғрисидаги модданинг талаблари билан боғланган.

Шуни ҳам белгилаб қўямизки, шахснинг ёшини аниқдашда судтергов идоралари, шахснинг маълум ёшга етганини аниқлашда «туғилган куни эмас, балки шу кун тўғри келган сутка ўтганидан кейин, яъни кейинги сутканинг «0» соатидан бошлаб» ҳисоблашлари лозим. Шахснинг ёши тегишли ҳужжатларга қараб эмас (паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқалар), балки судтиббий экспертиза ҳулосасига асосан аниқланган вазиятларда, унинг туғилган куни қилиб, экспертлар томонидан айтилган йилнинг охири куни ҳисобланади, энг кам ва энг кўп ёш миқдорлари билан ёшни аниқлашда, бундай шахсни суд экспертлари тахмин қилган энг кам ёшдан аниқлайди. **ЖК 34моддаси бқисмида** «шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳдатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инobatга олинмайди». Шу билан қонун чиқарувчи вояга етмаган ёшда содир этилган жиноятлар учун ўзига хос «имтиёзлар» ўрнатилганлигини белгилаган.

ЖК 51моддаси 3қисми кўрилаётган тои(1)адаги шахслар учун махсус жазо тизимини белгиловчи ЖК 81моддаси 1қисми ҳолатини тасдиқлаш учун таъқдцлайдики: ўн саккиз ёшга тўлмаганларга содир этган жинояти учун умрбод озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазо тайинланиши мумкин эмас. Шунга ўхшаш ҳолат **ЖК 50моддаси 4қисмида** узок муддатга озодликдан маҳрум этишни қўллашни тақиқлайди.

ЖК 55моддаси 1қисми «ж» бандига мувофиқ, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилиши жиноятни енгиллаштирувчи ҳолат деб топилади.

Ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган вояга етмаганларга **ЖК 72моддаси 7қисми** қоидалари бўйича шартли ҳукм қилиш чекловларсиз, яъни ҳатто ўта хавфли жиноят содир этилганда ҳам ёки аввал қасддан қилинган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазога ҳукм қилишда ҳам қўлланиши мумкин.

Таъкидлаб ўтиш зарурки, вояга етмаган жиноятчилар учун барча енгилликлар уларнинг ижтимоий, психофизиологик ва ақлий етук эмасликларини, жамиятда ўзини тутиш йўллари танилаш имконияти чекланганлигини ҳисобга олиб белгиланган.

2§. Жазо тизими ва турлари

Жиноий қонун (**ЖК 81моддаси**) фақат вояга етмаганларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган жазонинг махсус турларини ўрнатмайди, фақат ЖК 43моддасида вояга етмаганлар учун белгиланган жазо тизимида назарда тутилган алоҳида жазо турларини қўлланишини чеклайди, холос.

ЖК 81моддаси 1қисмига мувофиқ, вояга етмаганлар учун жазо тизими асосий жазоларнинг фақат тўртта турини назарда тутди:

- жарима;
- ахлоқтузатиш ишлари;
- қамок;
- озодликдан маҳрум қилиш.

ЖК 81моддаси 2қисмида тўғридантўғри кўрсатилганига мувофиқ, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас. Вояга етмаган судланганларга қўшимча жазо тарзидаги давлат мажбурлов чораларини тайинлаш ҳукми бекор қилинишига сабаб бўлувчи жиноят қонунини қўпол бузилиши сифатида тан олинади.

(«Асосий ва қўшимча жазо» тушунчалари тўғрисида кенгроқ ушбу том II бобининг «Жазо тизими, турлари ва уларнинг таснифи» деб номланган 1 § га қаранг.)

Вояга етмаган шахслар учун жазо тизими ЖК 43моддасида белгиланган барча хусусиятларга эга:

—давлат мажбурлов чораларининг алоҳида турларидан ташкил топган;

—жазо тизими элементлари ўзаро боғланган, ўзаро тобе ва ўзаро бирбирини тўлдирувчи;

—**ЖК 81моддасида** санаб ўтилган давлат мажбурлов чоралари тугалланган яқунга эга ва кенгайтирилган тарзда шарҳланиши мумкин эмас. Шунинг учун вояга етмаганларга жазонинг қандайдир бошқа турлари, ҳатто қонунда назарда тутилган бўлса ҳам (ЖК 43моддаси), аммо **ЖК 81моддасида** тўғридантўғри кўрсатилмаган бўлса қўлланиши мумкин эмас;

—ушбу жазолар тизимда енгилдан оғирига қараб жойлаштирилган.

(Жазо тизими хусусиятлари ҳақида кенгроқ ушбу том II бобининг «Жазо тизими, турлари ва уларнинг таснифи» деб номланган 1 § га қаранг.)

Жарима ЖК 81моддасида назарда тутилган жазо турларининг энг енгилдир.

(Ушбу жазо тури тушунчаси тўғрисида ушбу том II бобининг «Жарима» деб номланган 2§ га қаранг.)

Вояга етмаган шахсларга қўлланиладиган давлат мажбурлов чораси сифатидаги жариманинг ўзига хос хусусияти бўлиб, унинг ҳукм қилинганга таъсир этувчи етарли потенциал таъсирга эгаллиги, жазо

мақсадига эришиш билан бир вақтда, жиноят қонуни принципларига тўла мос келувчи инсонийлиги ҳисобланади.

Ўнсақкизёшгаётмаган шахслардахусусий маблағларшпп' иуқдмгм жарима тайинлаш учун тўсиқбўлади. Вояга етмаган жаримани бошқа шахслар мулки ҳисобига тўланиши ҳеч қандай вазиятда йўл қўйилмайди. Бунда хусусий маблағлариинг маи жудлиги ҳукм эълон қилинган вақтда аниқланиши лозим. **ШУНИНГ** учун, агар судланган ҳукм чиққан вақтда етарли даражада **ХУСУСИЙ** маблағлар ҳажмига эга бўлмаса, ҳукм қонуний кучга киргаидап сўнг уни олиш имконияти бўлса ҳам, жарима тайинланишига йўл қўйилмайди. **ШУ** билан бир вақтда, жарима давлат мажбурлов чораси сифатида судланганга, ҳатто шундай вазиятларда, жамият учун хавfli қилмиш содир этган вақтда хусусий маблағларига эга бўлмаган, аммо ҳукм эълон қилинган вақтгача уни олган бўлса (масалан, мерос, ҳадя, заём ва бошқалар) қўлланиши мумкин.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, жарима ЖК инсонпарварлик принципларини кетмакет татбиқ этиб, қисман, жарима миқдорининг анча пасайтирилишида намоён бўлади. **ЖК 82моддаси 1қисмига** мувофиқ, 18 ёшга етмаган шахслар учун, жарима **энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача** миқдорда тайинланади. Суд жарима тайинлаётганда, жариманинг конкрет миқдори жазони индивидуаллаштириш воситаси эканлигини назарда тутиб, унинг миқдорига алоҳида эътибор бериши лозим. Шу билан бир вақтда, жарима тайинлашда вояга етмаган судланган шахснинг қилмиши оғирлигини ва мулкый аҳволини ҳисобга олиши лозим.

ЖК 82моддаси 2қисмига мувофиқ, маҳкум жарима тўлашдан олти ой муддат мобайнида бўйин товласа, суд тўланмаган жарима миқдорини ахлоқтузатиш ишлари жазоси билан алмаштиради. Бундай норма ЖК 44моддасида ҳам ифодаланган. Аммо, ЖК 44моддаси 3қисми ҳолатидан фарқ қилиб, жаримани ахлоқтузатиш ишларига алмаштириш **ЖК 82моддаси** тартибларида қатор хусусиятларни назарда тутди. Маҳкумни жарима тўлашдан бўйин товлаши тўғрисидаги масала, фақат олти ой мобайнида тўламаган вазиятларда қўйилиши мумкин. Жаримани фақат шу каби жазо турига, ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилиши мумкин. Бу вазиятда ахлоқтузатиш ишларининг энг кам муддати тўланмаган жарима суммасига боғлиқ бўлиб, бир ойдан кам, аммо бир йилдан кўп бўлмаслиги лозим.

Вояга етмаган судланганда жаримани алмаштириш тартибида бошқа давлат мажбурлов чораларини, қисман, қамоқни қўллашга йўл қўйилмайди. **ЖК 82моддаси 2қисми** ҳолатларига мувофиқ, тайинланган ахлоқ тузатиш ишларини алмаштириш тартибида қамоқ қўлланиши мумкин эмас.

Қонун бўйича вояга етмаган судланган жазо сифатида тайинланган жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб олти ой ичида тўлашга мажбур. Бироқ суд ЖПК 533моддасига асосан судланган шахснинг моддий аҳволини ҳисобга олиб ҳукмнинг бу қисми ижросини кечиктириш масаласини ечади.

Вояга етмаган шахсга жарима кўринишидаги жазо тайинланиши, фақат бу жазо тури ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган бўлса ва ЖК 57моддасига мувофиқ анча енгилроқжазо тайинланганида қонунийдир. Агар, жарима кўринишидаги жазо ЖК Махсус қисми маълум моддаси санкциясида назарда тутилган бўлса, унда вояга етмаган шахсга кўрилатган давлат мажбурлов чораси миқдорини танлашда суд ҳам тегишли модда санкцияси ҳамда ЖК 82моддаси ҳолатлари билан боғлайди. Қисман, агар Махсус қисм моддасининг санкциясида жариманинг энг кам миқдори аниқланса, суд бу жазони тайинлашда, агар кейингиси ЖК 82моддаси 1қисмида ўрнатилган чегараларда турган бўлса, кўрсатилган чегарани бузиши мумкин эмас. Бунда, Махсус қисм моддаси санкциясида ўрнатилган энг кам чеклов, жариманинг **ЖК 82моддаси 1қисмида** кўрсатилган энг кўп чегарасидан катта бўлса, унда судланганга ЖК Умумий қисми махсус

нормаларида назарда тутилган энг кўп миқдорга тенг жаримани қўллаш лозим бўлади. Энг кам чеклов кўрсатилмаган бўлса, у ЖК 82моддаси ҳолатларига мувофиқ аниқланади. Жариманинг энг кўп чеклови ҳар қандай ҳолатда, ЖК Махсус қисми моддасига тегишли санкциядан мустақил равишда, кўрсатилган модда аниқлаган чегарадан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар, жарима кўринишидаги жазо судланганга ЖК 57моддаси тартибда тайинланса, унда жариманинг энг кам ва энг кўп чегаралари **ЖК 82моддасига** мувофиқ аниқланади.

ЖК 83моддаси вояга етмаган судланганларга **ахлоқ тузатиш ишлари** каби жазо тури тайинлашнинг хусусиятларини тартибга солмайди.

Кўрсатилган норманинг 1қисми асосида: «Ахлоқ тузатиш ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан ўз иш жойида ўташ, айбдор ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ўташ тарикасида бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади».

Қрнунда кўрсатилиши бўйича ахлоқтузатиш ишлари фақат **меҳнатга лаёқатли вояга етмаган шахсларга** қўлланилишига йўл қўйилади.

Меҳнатга лаёқат — бу меҳнат фаолиятига бўлган лаёқатдир. Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади (МКнинг 77моддаси

1қисми). Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўзининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорида, қонун бўйича 16 ёшга тўлмаганларга ахлоқтузатиш ишлари қўлланилмаслигини кўрсатган. Аммо, меҳнат қонунчилигига мувофиқ, вояга етмаган шахслар меҳнатга лаёқатли сифатида кўриб чиқилиши лозим ва умумий ўрнатилган ёшга (16 ёш) етмаган вазиятларда ва ушбу шарт билан:

—ўн беш ёшга тўлган шахслар отаонасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин (МК 77моддаси 1қисми);

—ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, хунартехника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин отаонасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан болаларнинг соғлиғига ва камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилишга йўл қўйилади (МК 77моддаси 2қисми).

Шу муносабат билан, меҳнат қонунчилиги шартларига риоя қилинганда ўн тўрт ёшга етган вояга етмаганларга ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилиши мумкин.

Ўн олти ёшга етмаган шахсларга ахлоқтузатиш ишларини тайинлашда, суд айбдорнинг меҳнат мажбуриятларини ижро этиш истаги борлигини аниқлаб олиши лозим, чунки шахснинг бу жазони бажаришни истамаслиги уни қўллаш самарадорлигини пасайтиради. Бундан ташқари, ахлоқ тузатиш ишларининг тури ва миқдори масаласини ечаётганда суд уларни судланган шахс соғлиғига ва ўқув жараёнига таъсирини ҳисобга олиши зарур.

Ахлоқ тузатиш ишлари вояга етмаганлар учун **бир ойдан бир** йилгача муддатга тайинланади. Бу муддатларга риоя қилмаслик жиноят қонунининг қўпол бузилиши бўлиб, ҳукмнинг ўзгаришига олиб келади.

Вояга етмаганлар учун **ЖК 83моддаси 1қисмида** назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари ЖК Махсус қисми тегишли моддаси санкциясининг таҳриридан қатъи назар судлар томонидан сўзсиз бажарилиши лозим. Бунда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур.

Агар ЖК Махсус қисми моддасининг санкцияси содир этилган тўғридантўғри жиноятга ахлоқ тузатиш ишлари тайинланиши мумкин бўлган энг кам муддатни назарда тутса, унда вояга етмаганга амалда тайинландиган бу турдаги жазо умумий қоидалар бўйича шу модда санкцияси кўрсатган энг кам чегарасидан кам бўлиши мумкин эмас.

Бироқ бу энг кам чегара ЖК 83моддасида назарда тутилган энг кўп чегарадан ортик бўлса, ахлоқ тузатиш ишлари ЖК 83моддаси 1қисми қоидалари бўйича тайинланиши лозим, яъни бир ойдан бир йилгача. Агарда, ЖК Махсус қисмининг тўғридантўғри модда санкцияси ахлоқ тузатиш ишларининг энг кам йўл қўйиладиган чегарасини назарда тутмаган бўлиб, фақат унинг энг кўп чегарасини назарда тутган бўлса, унда вояга етмаган судланган учун кўрилатган жазо турининг энг кам миқдори ЖК 83моддаси ҳолатларига мувофиқ аниқланади. Бундай вазиятларда энг кўп йўл қўйиладиган жазо миқдорини иккита вариантда аниқлаш мумкин:

—агар, ЖК Махсус қисмининг моддаси санкциясида кўрсатилган энг кўп чегара ЖК 83моддасида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишларининг энг кўп чегарасидан ортик бўлса, суд ЖК 83моддаси 1қисмига қилиши лозим;

—агар ахлоқ тузатиш ишларининг энг кўп муддати Махсус қисм моддаларининг санкцияси ЖК 83моддасида аниқланган чегараларда бўлса, айбдорга ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш ЖК Махсус қисми муайян моддаси санкциясига йўналтирилиши лозим.

ЖК 83моддаси 1қисмида кўрсатилгани каби, вояга етмаган шахсга икки турдаги ахлоқтузатиш ишлари тайинланиши мумкин:

—вояга етмаганнинг ўз иш жойи бўйича ижро этиладиган;

—ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ижро этиладиган.

Шу ҳолатга алоҳида эътибор бериш лозимки, вояга етмаганнинг яшаш жойида ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган бошқа жойларда ижро этиладиган ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш, фақат бир вазиятда, агар ҳукм чиққанда айбдор ҳеч қаерда ишламаётган бўлсагина йўл қўйилади. Бундай вазиятда вояга етмаганнинг меҳнат мажбуриятларини амалда амалга оширмаганлигининг аҳамияти йўқ, масалан, унга нисбатан аввалдан тергов жараёнида қамоққа олиш чораси кўрилган бўлса ёки у вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз аҳволда бўлса ва ҳ.к. Ҳукм чиққанида шахсни ишловчи деб топиш учун фақат вояга етмаган судланган шахснинг ҳақиқий меҳнат шартномаси аҳамиятга эга. Жазони бошқа жойларда ўташ шarti билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилаб берадиган корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади. Вояга етмаган маҳкумлар яшаш жойидаги корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади (ЖИК 26моддаси 5қисми).

Вояга етмаганга ахлоқтузатиш ишлари жазо турини тайинлашда, судлар унинг турига (судланган шахснинг иш жойида ёки ушбу жазо ижроси назоратини олиб борувчи идоралар томонидан яшаш жойида ўтадиган) ва жазо муддатига ҳамда судланган шахснинг иш ҳақидан чегирмалар миқдорига, бу кўрсаткичлар жазонинг индивидуаллаштириш воситаси эканлигини назарда тутиб, алоҳида эътибор беришлари лозим.

(Судланган шахснинг иш ҳақидан чегирмалар тўғрисида ушбу том II бобининг «Ахлоқ тузатиш ишлари» деб **номланган** қаранг.)

Вояга етмаган шахсга ахлоқ тузатиш ишлари кўринишида КИ 10 тайинлашда, судлар вояга етмаганга юкланган ёки юкланадиган меҳнат мажбуриятларига эътибор беришлари лозим. Қисман, ахлоқ тузатиш ишларини ўташда вояга етмаган шахсга меҳнат қонунчилиги ўз амалини тўла ёяди. Ўн саккиз ёшдан ёш бўлган шахслар меҳнат натижасидан ноқулай меҳнат шароитларида, ер ости ишларида ва соғлиққа, хавфсизликка ёки бу тоифа ишчиларнинг ахлоқига зарар етказувчи ишларда фойдаланиш тақиқланади¹. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортик оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди (МК 241моддаси 2қисми)². Вояга етмаганлар учун қисқартирилган иш куни ўрнатилади, бу ахлоқтузатиш ишларини ўташга таъсир этмайди: давомийлигидан қатъи назар вояга етмаганларнинг иш куни 18 ёшга тўлганларнинг иш куни билан бир хилдир.

ЖК 83моддаси 2қисми суднинг судланган шахсни ахлоқтузатиш ишларидан бўйин товлаган вазиятда, ахлоқ тузатиш ишлари кўринишидаги жазони қамок кўринишига алмаштириш ҳуқуқини тартибга солади. Жазони алмаштиришга, судланган ахлоқ тузатиш ишларидан, тайинланган муддатнинг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товлаган шароитдагина йўл қўйилади. Ахлоқ тузатиш ишлари қамокқа алмаштирилганда, қамокнинг бир куни ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тенг ҳисоблаб, йўл қўйилади. Қамок кўринишида тайинланган жазо уч ойдан ошмаслиги керак. Бунда, Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддаси санкциясида қамок кўринишидаги жазо назарда тутилганлиги ва муддати аҳамиятга эга эмас. Ахлоқ тузатиш ишларини алмаштирилганда, суд кўрсатилган ҳолатлар билан боғланмаган.

(Ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товлаш ва уларни қамокқа алмаштириш тўғрисида кенгроқушбу том II бобининг «Ахлоқтузатиш ишлари» деб номланган 4§ га қаранг.)

ЖК 84моддасига мувофиқ вояга етмаганларга қамок бир ойдан ошган муддатгача қўлланилади.

(«Қамок» тушунчаси тўғрисида ушбу том II бобининг «Қамок» деб номланган 6§ га қаранг.)

Вояга етмаган жиноятчига қамок жазосини қўллашни тартибга солувчи ЖК 48моддасига таққослаб, ЖК 84моддаси вояга етмаганларга қамок жазосини қўллашнинг аҳамиятли хусусиятларини назарда тутмайди. Бу, давлат мажбурлов чорасининг ягона спецификаси вояга етмаганларга нисбатан жазонинг энг кўп муддатини икки марта камайтирилганлигидан иборатдир.

Вояга етмаганга нисбатан содир этган жинояти учун қамок жазоси тайинланиши, фақат, тегишли модда санкцияси шу жазони назарда тутган вазиятдагина мумкин. Бундан ташқари, аввал белгилаб ўтилганидек, **ЖК 83моддаси 2қисмига** мувофиқ, вояга етмаган шахс тайинланган ахлоқ тузатиш ишларининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд бу жазонинг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар уч кунини қамокнинг бир кунига тенглаштирилган ҳолда ҳисоблаб, қамок жазоси билан алмаштиради, аммо бу муддат уч ойдан ошмаслиги керак.

Тўғридантўғри жазо муддатини аниқдашда суд **ЖК 84моддаси** ҳолатларига тенг равишда Махсус қисмнинг тегишли моддаси санкцияси таҳриридан келиб чиқиши лозим. Қисман, агар Махсус қисмнинг тегишли моддаси санкцияси **ЖК 84моддасида** белгиланган чегарада жойлашган қамокнинг энг кўп чегарасини аниқдаса, унда амалда тайинланадиган жазо миқдори бундай чегарадан ошиб кетиши мумкин эмас. Худди шу вазиятда, яъни **ЖК 84моддаси** назарда тутилганидан ортиқ бўлган, санкция қамок жазоси миқорининг юқори чегарасини назарда тутса, у ҳолда ЖК 84моддасининг ҳолатларига биноан вояга етмаганга тайинланган охириги жазо уч ойдан ошмаслиги лозим.

Кўрсатиб ўтиш зарурки, вояга етмаганларга нисбатан жазонинг қамоктури судланган шахснинг тузалиши, жинсий фаолиятининг давом этишига тўсқинлик қилувчи ҳамда умумий ва махсус превенцияси мақсадидаги самарали восита деб ҳисобланади. Аммо қамок, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш жазосини фақат, судланган шахсни жамиятдан ажратмасдан туриб қайта тарбиялаш имкони бўлмаган ҳоллардагина қўлланиши лозим. Шу муносабат билан қамок жазосини қўллаш ҳукмда албатта мотивлаштирилган бўлмоғи, жамиятдан ажратмасдан туриб жазодан кўзланган мақсадга эришиш мумкин эмаслиги асосланган бўлиши лозим.

ЖК 85моддаси вояга етмаганларга қўлланиладиган жазо тизимидаги энг оғир давлат мажбурлови — **озодликдан маҳрум этишни** тайинлашнинг хусусиятларини регламент қилади.

лониясига жойлаштириш орқали бажарилади. Шу вакгинтўзида, озодликдан маҳрум этишнинг аҳамияти вояга етмаганлар учун жиноий жазо мақсадларига этишишдаги самараси билан ифодаланади.

ЖК 85моддаси 1қисмига мувофиқ, «Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади, ушбу Кодекс 86моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно». Вояга етмаганлар учун озодликдан маҳрум этишнинг икки марта пасайтирилган энг кўп чегараси жиноят қонунида инсонийлик ва адолатлилик принципларини кетмакетликца татбиқ этилаётганидан гувоҳлик беради. Қонун чиқарувчининг бундай позицияси, вояга етмаган судланганларнинг тузалишлари мақсадида, жиноий фаолиятларини давом эттиришларига тўсқинлик қилиш ҳамда умумий ва махсус превенцияси, судланган шахсни жамиятдан анча камроқ муддатларга ажратишга мос келиши билан тушунтирилади, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишни қўллаш эса ўз самарадорлигини йўқотади.

Вояга етмаган шахсга содир қилган битта жинояти учун жазонинг озодликдан маҳрум қилиш турини ўн йилдан ортиқ муддатга тайинлашга йўл қўйилмайди. Шунинг учун, агар Махсус қисмнинг аниқ моддаси санкцияси **ЖК 85моддасида** кўрсатилган жазонинг энг кўп чегарасини назарда тутса, унда тайинладиган энг кўп жазо миқдори **ЖК 85моддаси** ҳолатларига мувофиқ чегараланиши лозим. Бироқ Махсус қисмнинг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган жазонинг энг кам миқдори **ЖК 85моддасида** кўрсатилган энг кўп миқдордан ошиб кетса, суд жазони умумий ҳолатларга йўналтириб тайинлаши лозим. Шу сингари, масалан, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш жинояти содир этилган бўлса, бу жиноятни содир этганлик учун ЖК 97моддаси 2қисми санкциясига мувофиқ, энг кам озодликдан маҳрум этиш муддати 15 йилни ташкил этишига қарамасдан, вояга етмаганга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазо тури ўн йилгача бўлган муддатга тайинланади (ЖК 85моддаси 3'қисми «в» банди). Бундай вазиятларда судларга ЖК 85моддаси тегишли қисмига асосланишга тўғри келади, ЖК 57моддасига асосланиш ЖК Махсус қисми аниқ моддаси санкциясида назарда тутилмаган анча енгил жазо турини тайинлаш ҳолатини мустасно қилганда талаб қилинмайди. Масаланинг бошқача ечими 18 ёшга етмаган шахслар учун оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлари учун жазонинг асосланмаган пасайтирилишига олиб келар эди.

Вояга етмаган шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этилган вазиятларда, озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ошади. Бундай ҳолатда жазонинг энг кўп муддати тўғрисидаги масала жиноят қилган шахснинг ёшидан ҳамда жиноятдан келиб чиқиб ечилади.

(Бу ҳаққа кенгроқ ушбу том мазкур бобининг «Вояга етмаганларга жазо тайинлаш» деб номланувчи 3§ га қаранг.)

Озодликдан маҳрум этиш энг каттиқ жазо бўлиб, вояга етмаганга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши билан кузатилади. Шунинг учун «вояга етмаганларга жазо тайинлаш масаласини ечишда, суд, энг аввало, содир қилинган жиноят тавсифини, жамиятга хавфлилик даражасини, шахс тўғрисидаги маълумотни ва жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони қўллаш имкониятларини муҳокама қилиши лозим. Суд вояга етмаганга озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазони белгилашда, фақат шундай ҳолатларда, қачонки жамиятдан ажралмаган ҳолда унинг тузалиши мумкин бўлмаса, ҳукмда, албатта, қабул қилинган қарорни асослаш билан қабул қилишга ҳақлидир».

Қисман, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир қилишда айбдор бўлган, аввал судланган, ички ишлар идораларида қонунбузарликлари учун ҳисобда турган вояга етмаган шахсларга нисбатан енгилликларга йўл қўйилиши мумкин эмас. **ЖК 85моддаси 2қисми** озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан қўлланилишини белгилайди. Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан қўлланилишини эса **ЖК 85моддаси 3қисми** тартибга солади. Озодликдан маҳрум қилишда бундай

чегаралашнинг зарурияти, вояга етмаганларга нисбатан, уларнинг психик ва жисмоний ривожланишларини ҳисобга олган ҳодда самарали ва инсоний қўлланилиши талаблари билан белгиланган.

ЖК 85моддаси 2қисмига мувофиқ, «Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- а) унча оғир бўлмаган жиноят учун — уч йилгача;
- б) оғир жиноят учун — олти йилгача;
- в) ўта оғир жиноят учун — ўн йилгача муддатга тайинланади».

Худди шу модданинг учинчи қисмига мувофиқ, «Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- а) унча оғир бўлмаган жиноят учун — тўрт йилгача;
- б) оғир жиноят учун — етти йилгача;

в) ўта оғир жиноят учун — ўн йилгача муддатга тайинланади».

Мазкур модданинг тўртинчи қисмида таъкидланганидек, вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо тайинланмайди.

Бунда, вояга етмаган шахс томонидан содир этилган бундай қилмишлар сони аҳамиятга эга эмас.

ЖК 85моддаси 5қисмига мувофиқ, ҳукм чиқариш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тарбия колонияларида ўташ тайинланади. Бу колониялар, озодликдан маҳрум қилинганлар учун мўлжалланган муассасалар тизимида алоҳида ўрин эгаллайди, бу биринчидан, вояга етган жиноятчилар шароитларига нисбатан имтиёзлироқ шароитларни ўрнатишда, иккинчидан, вояга етмаганларнинг беқарор психикасини ҳисобга олувчи, уларни ўқитиш жараёнида айбдорларга таъсир этувчи асосий восита бўлган, турли хил тарбиявийпсихологикпедагогик усулларни қўллашга йўналтиришда, спорт ва маданий тадбирларни ўтказишда ҳамда меҳнат фаолияти жараёнида ифодаланади.

Тарбия колонияларида судланганлар жазо муддатини ўтагунларигача ёки ЖК 87, 89, 90моддалари тартибда жиноий жазодан озод этгунларигача ёки вояга етгунларигача сакданадилар. 18 ёшга тўлганларидан кейин салбий тавсифли судланганлар жазони кейинчалик ўташ учун тарбия колониясидан умумий тартибли колонияга ўтказилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ, маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш тарбия колонияси маъмуриятининг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия билан келишилган тақдимномасига биноан судья томонидан амалга оширилади. Ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масаласини ҳал этишда судья унинг тузалиш даражасини ҳисобга олиши лозим. Маҳкум тарбия колониясида жазони ўташ муддатини давом эттириш учун узоғи билан йигирма ёшга тўлгунга қадар қолдирилиши мумкин (ЖПК 537моддаси 3 ва 4қисмлари).

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумлар, одатда, йигирма бир ёшга тўлгунга қадар тарбия колонияларида қолдирилади.

Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқданган қарори билан амалга оширилади (ЖИК 128моддаси).

Маҳкумлар йигирма бир ёшга тўлганидан, салбий тавсифга эга маҳкумлар эса ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин жазо ўташни давом эттириш учун тарбия колониясидан умумий тартибли колонияга ўтказилади.

Назарда тутиш лозимки, вояга етмаганларга нисбатан унинг содир қилган қилмиши оғирлигидан ҳамда айбдор шахсининг жамиятга хавфидан қатъи назар, турма қамоғи қўлланилиши мумкин эмас. Турмалар вояга етган махкумларни сақлаш учун мўлжалланган (ЖИК 45моддаси бқисми).

3§. Вояга етмаганларга жазо тайинлаш

Алоҳида нормаларда тартибга солиш — ЖК 86моддаси вояга етмаган жиноят содир этган шахсларга жазо тайинлаш хусусияти, жиноят қонунини бир тарзда қўллаш учун ҳуқуқни қўллаш фаолиятида вояга етмаганларга нисбатан инсонпарварлик ва адолатлилик принципларини кетмакет мужассамланишига шароит яратади ҳамда шу тоифа шахслар учун жазонинг индивидуаллашувини аниқ ўтказиш имконини беради.

ЖК 86моддаси 1қисми ҳолатлари вояга етмаган шахсларга жазо тайинлашда умумий талабларни бириктиради. Бу талабларнинг мазмуни жазони танлашда фақат жазо тайинлашнинг умумий асосларини эмас (ЖК 54моддаси), балки айбдор шахсига таъсир этувчи ҳолатларни ҳам ҳисобга олиш заруратидан иборатдир. Шундай экан, «суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлигини, содир этган жиноятининг сабабларини, қатта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади» (**ЖК 86моддаси 1қисми**).

(Жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисида ушбу том III бобининг «Жазо тайинлашнинг умумий асослари» деб номланувчи 1§ га қаранг.)

Вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси деганда, кўрсатилган меъёрлар мазмунида, ўн саккиз ёшга етмаган шахснинг унинг тенгдошига нисбатан аниқланган ақлий ривожланиш даражаси тушунилади. Шахснинг ривожланиш даражаси, шундай ёшдаги шахсларга қўйиладиган умумий талабларга мос бўлиши (меъёрий ривожланиш даражаси) ёки мос бўлмаслиги ҳам мумкин. Охирги ҳолатда шахснинг ривожланиши илгарилаб кетган (шу ёшдагиларга нисбатан ақдий ривожланиш даражаси умумий ривожланиш даражасидан анча ошиб кетади) ёки орқада қолган (ақлий ривожланиш даражаси меъёрдан анча паст).

Назарда тутиш лозимки, ЖК 87моддаси 3қисмига мувофиқ, вояга етмаган шахс ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чораси қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шарт.

(Бу ҳаққа ушбу бобнинг «Вояга етмаганларни мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод этиш» деб номланувчи 4§ га қаранг.)

Интеллектуал ривожланиш даражаси бўйича ўз тенгдошларидан илгарилаб кетган, аммо содир этган қилмишлари учун қонунда ўрнатилган жавобгарлик ёшига етмаган шахслар жиноий жавобгарликка тортилмайдилар.

Вояга етмаганларнинг турмуш шароити ва тарбияси ўзида 18 ёшга етмаган аниқ шахсга нисбатан ўрнатилган, унинг турмуш шароитини ва унга қўлланилган услублар, усуллар ва тарбиялаш воситаларини тавсифловчи ҳолатларни назарда тутади.

Вояга етмаган шахсни турмуш шароити ва тарбиясини аниқдаш тартибида суд унинг отаонаси ёки улар ўрнини босувчи шахс борлигини, уларнинг вояга етмаган шахсга муносабатини ҳамда оиладаги бошқа шахсларнинг борлигини ва уларнинг айбдор билан муносабатларини аниқдаб чиқиши лозим. Бундан ташқари, 18 ёшга етмаган шахсларнинг турмуш шароити ва тарбиясини аниқлашда суд, яна унинг моддий таъминланганлигини, унга қўлланилган услублар, усуллар ва тарбиялаш

воситалари тавсифини ёхуд уларнинг йўқлигини аниқлаши лозим. Бунда, шуни назарда тутиш лозимки, агар ишлаб чиқариш жараёнида тарбиялашда қўлланилган воситаларнинг етарли эмаслигидан гувоҳлик берувчи ҳолатлар ёхуд, аксинча, вояга етмаган шахснинг ривожланишига салбий таъсири аниқланса, суд ҳар бир вазиятда отаоналар ёки улар ўрнини босувчи шахслар жавобгарлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга киришмоғи лозим. Қисман, агар шу шахслар томонидан, вояга етмаганнинг ривожланишига объектив салбий таъсир этадиган бундай тарбия шароитлари қўлланилган бўлса, суд отаонасининг иш жойига ёки судланган шахснинг отаонасининг турар жойига тегишли хусусий ажрим йўллаши лозим.

Соғлиғининг ҳолати деганда, вояга етмаган шахснинг нафақат касаллик ёки жисмоний камчиликлари йўқяиги ёки мавжудлигини, шу билан бирга унинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий ҳолати даражасини ҳам тушуниш зарур. Соғлиғининг ҳолатини аниқлашда суд, энг аввало, унинг жисмоний ва психик ривожланиши даражасини ҳамда ижтимоий муносабатларни тавсифловчи иш ҳолатларини ўрганмоғи лозим.

Вояга етмаганга жазо тайинлашда суд қилмишнинг субъектив томонига жиддий эътибор қаратмоғи лозим бўлади. Лекин жазо тайинлашда **мотивлар**, яъни вояга етмаган шахснинг жиноят содир этишга нисбатан ички кечинмалари ҳисобга олинмоғи лозим. Паст ниятли мотивлар ва мақсадлар (қўролмаслик, ғараз, миллатлараро ёки ирқий душманлик, бошқа жиноятни яшириш мақсади ёки уни содир этишни енгиллаштириш ва ҳ.к.), одатда, судланган шахснинг аҳолини оғирлаштиради, ижтимоий қабул қилса бўладиган мотивлар (ёлғон ўртокдик туйғуси, айрим ҳолатларда рашк, ўч олиш) унинг иштирокини енгиллаштиради.

Катталарнинг вояга етмаганларга таъсири қонун билан, вояга етмаган айбдор шахсни тавсифловчи ва суд жазо тайинлаётганида ҳисобга олинishi лозим бўлган алоҳида ҳолат сифатида ажратилган. Бунда, вояга етмаган шахсларга жазо тайинлаш мақсадлари учун, 18 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан каттанинг қандай муносабатда бўлганлиги: у жиноят иштирокчисими ёки ундан жабрланганми аҳамиятга эга эмас. Шу билан бир вақтда, ҳар бир вазиятда ҳам суд «вояга етмаганларнинг катта ёшлилар иштирокида содир этган жиноятлари ҳақидаги иш кўриб чиқиладиганда, катта ёшдаги шахс ва ўсмир ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятини синчиклаб аниқлаши лозим, чунки ана шу маълумотлар катта ёшли кишининг вояга етмаганни жиноят ёки ғайриижтимоий ҳаракат содир этишга жалб қилишдаги ролини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин».

Судларга 18 ёшга тўлган ва жиноятни қасддан содир этган шахсларгина вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хаттиҳаракатларга жалб қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эканлиги тушунтирилсин. Шунингдек, катта ёшдаги киши ўз ҳаракатлари билан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хаттиҳаракатларга жалб қилаётганини билгани ҳолда ёки шундай фикрга йўл қўйганини ҳам аниқлаш лозим. Агарда катта ёшдаги киши шахсни ғайриижтимоий хаттиҳаракатларга жалб қилсаю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда ЖК 127-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Агар вояга етмаган шахснинг жиноят содир этишига катта ёшдагиларнинг, шу жумладан, иш юзасидан жабрланувчи деб эътироф этилган шахсларнинг ғайриқонуний ёки ёмон хулқатвори сабаб бўлган бўлса, суд бу ҳолатни жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этиши, шунингдек, зарур ҳолда хусусий ажрим чиқариб, қайд этилган шахсларнинг иш ёки яшаш жойларига муҳокама қилиш учун юбориши лозим.

Жиноят кодексининг 55моддаси «г» бандига кўра, жиноятнинг жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилиши натижасида содир этилиши ёхуд вояга етмаган шахснинг моддий томондан, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги сабабли содир этилиши жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳрлат эканлиги ҳам назарда тутиш керак Шу муносабат билан судлар вояга етмаган шахсга **нисбатаи**, лимш. қандай жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилганлигини **аниқлашда** шарт.

Жазо тайинлашда суд ҳисобга олиши лозим бўлган **вояга етмаган шахсга таъсир этувчи бошқа ҳолатларга**, вояга етмаганнинг ёши, биринчи марта жиноят содир этганлиги, чин кўнгилдан пушаймонлиги, айбини бўйнига олиб келиши, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериши, жиноятни оғир шахсий ва оилавий ҳолатлар туфайли содир этганлиги киради. Назарда тутиш лозимки, суд томонидан айбдор шахсга таъсир этувчи бошқа ҳолатлар аниқланса, улар суд ҳукмида кенг ифодаланган бўлиши лозим.

ЖК 86моддаси 2 ва 3қисмлари содир этилган бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидаларини назарда тутати. Бу ҳолатларнинг фарқдовчи хусусиятлари, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашда жавобгарликка тортилаётган вояга етмаганни маълум ёш даврига боғлиқ равишда ва содир этган жиноятнинг оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолда пасайтирилган энг кўп чегараларни белгилашдан иборатдир. **ЖК 86моддаси 2қисмига** мувофиқ, «ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тарикасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади». **ЖК 86моддаси 3қисмига** мувофиқ, «ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тарикасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси — ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин».

Бошқа ҳолатлар бўйича 18 ёшгача жиноят содир этган шахсларга бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидалари ЖК 59моддасида кўрсатилганидан ҳеч ҳам фарқ қилмайди.

(Бу ҳаққа кенгроқ ушбу том III бобининг «Содир этилган бир неча жиноятларда жазо тайинлаш» деб номланувчи 6§ га қаранг.)

ЖК 86моддаси 4қисми суд томонидан вояга етмаганларга қўлланиши мумкин бўлган бир неча ҳукмлар бўйича озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазонинг энг кўп чегарасини белгилайди. Ушбу меъёрга мувофиқ, «жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш йилдан ошмаслиги керак».

Умуман олганда, 18 ёшгача бўлган ёшда жиноят содир этган шахсларга жазо тайинлаш қоидалари ЖК 60моддасида назарда тутилган қоидалар билан бир хилдир.

ЖК 86моддаси 5қисми вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд ушбу Кодекснинг 72моддасида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми кўрсатмаларига мувофиқ, «вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари юзасидан ҳукм чиқаришда уларнинг жиноий қилмишларига ҳолисона баҳо берилиши, уларга нисбатан ЖК 72, 87моддаларини қўллаш масаласини судлар атрофлича, ҳар томонлама муҳокама қилишлари лозим.

Судлар вояга етмаганларга нисбатан ЖК 72моддасини қўллаганларида судланган шахсга синов муддати даврида қандай муайян мажбуриятлар юклатилишини (ўқишни яқунлаши, ишга жойлашиши ва ҳоказолар) ҳукмда аниқ кўрсатишлари шарт».

(«Шартли ҳукм» тушунчаси ва уни қўллаш тўғрисида кенгроқ ушбу том V бобининг «Шартли ҳукм» деб номланувчи 5§ га қаранг.)

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ЖПК 563моддасига мувофиқ, вояга етмаган судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда суд, ушбу Кодекснинг 457моддасида кўрсатилган масалалардан ташқари, башарти вояга етмаган шахс шартли ҳукм қилинса, унга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланса, вояга етмаган шахсга жамоат тарбиячиси тайинлаш зарурлигини муҳокама қилишга мажбур.

4§. Вояга етмаганларни мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ски жазодан озод қилиш

Вояга етмаганларга жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги умумий қоидалар ёки **ЖК 64—76моддаларида** назарда тутилган жазолар ва **ЖК 87моддасида** назарда тутилган жазо ва жавобгарликдан озод қилиш тартибини белгиловчи қоидалар тарбиявий таъсир чораларини қўллаш орқали татбиқ этилиши мумкин. Ҳар бир алоҳида вазият учун қўллашда мос ҳолатларни танлаш ваколатли идоралар томонидан жиноят содир этган шахснинг уни жавобгарликка тортган вақтдаги ёши, айбдор шахси, енгиллаштирувчи, оғирлаштирувчи ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

ЖК 87моддаси 1қисмига мувофиқ, «ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўллагандан туриб ҳам тузатиш мумкин деган ҳулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкин».

Кўриб чиқиладиган асос бўйича, фақат бу шартлар ҳар бирининг биргаликда мавжудлиги вояга етмаганни жиний жавобгарликдан озод этиш имкониятини беради.

ЖК 87моддаси ҳолатларини, фақат шундай вазиятларда, жиноят содир этилган вақтдагина эмас, балки тегишли қарор чиқарилганида ёки жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқарилаётганида 18 ёшга тўлмаган бўлса ҳам қўллаш мумкин. Худди шу вазиятда, **ЖК 87моддаси 1қисмида** кўрсатилган жавобгарликдан озод этиш асослари мавжуд бўлганда, бироқ қарор (ажрим) чиқарилганида айбдор 18 ёшга тўлса, бундай шахсни жавобгарликдан озод этиш масаласи **ЖК 64—68моддалари** тартибида умумий асосларда ҳал қилиниши лозим.

Материалларини вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга кўриб чиқиш учун ўтказиб, содир этган жинояти учун жавобгарликдан озод этиш фақат бир шарт билан, яъни қилмиш вояга етмаган томонидан биринчи марта содир этилган ва жамият учун катта хавф туғдирмасида йўл қўйилади.

Агар, шахс томонидан аввал умуман бошқа жиноят содир этилмаган бўлса ҳамда аввал содир этилган жиноятга нисбатан судланганлик ҳолати тугалланган ёки ўрнатилган тартибда олиб ташланган бўлса ёхуд ЖК 64, 65, 66, 66¹, 68, 69, 70, 71, 76, 87 моддаларига мувофиқ, шахс жиний жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган бўлса, жиноят **биринчи марта** содир этилган деб топилади.

ЖК 15моддаси 2қисмига мувофиқ, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган вояга етмаган шахсни жавобгарликдан озод қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала, ишнинг ҳолатларини ва айбдорнинг шахсини ҳар томонлама ўрганиш асосида ечилиши мумкин.

ЖК 87моддаси 1қисми мазмунида содир этилган қилмишнинг хусусиятлари дейилганда, жамиятга хавfli қилмишлар хусусиятларини, жиноят қонуни билан ҳимояланган у ёки бу жамоат муносабатларига зарар етказишга йўналтирилган ҳамда жиний истакка эришиш усулларини (куч ишлатиб ёки ишлатмай) тушуниш зарур.

(Жазо тайинлашда айбдорнинг шахсини ҳисобга олишнинг хусусиятлари тўғрисида ушбу том III бобининг «Жазо тайинлашнинг умумий асослари» деб номланувчи 1§ га қаранг.)

Вояга етмаганни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда ҳисобга олинadиган ишнинг бошқа ҳолатларига ўсмирнинг жиноят содир этгунича бўлган ижобий ахлоқи, етказилган зарарни ўз хоҳиши билан қоплаши, жиноятни очиш учун фаол ёрдам кўрсатиши, илгари қўлланилган тарбиявий тавсифдаги мажбурлов чоралари, касалликнинг мавжудлиги, ўсмирнинг оиладаги, ўқув юртидаги тарбиявий шароитлари, ёлгон ўртоқдик ҳиссиёти оқибатида, катталарнинг таъсири остида содир этган жинояти ва бошқаларни киритиш мумкин. Бунда, ЖК 87-моддаси 1-қисми тартибида, агар вояга етмаганнинг аввалги жинояти ва кейинги ахлоқи салбий тавсифланса, агар 18 ёшга етмаган шахс алкоғолизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликдан азият чекса ва жамият тартибини бузганлиги тўғрисида бир неча марта жавобгарликка тортилган бўлса, ички ишлар идоралари ҳисобида турса ва шунга ўхшаш вазиятларда, вояга етмаганни жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги масалага жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим. Қоида бўйича, бундай шахсларга нисбатан жавобгарликдан озод қилиш фақат истисно тарзида қўлланилиши мумкин.

Қонуннинг тўғридантўғри кўрсатишига мувофиқ, вояга етмаганни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тегишли материалларни вояга етмаганнинг турар жойи бўйича вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) комиссиясига тақдим қилиш йўли билан амалга оширилади. Шунга ўхшаш ҳолат, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия Низомнинг 22-бандида белгиланиб, туман (шаҳар) комиссияларига «терговчининг ёки прокурорнинг қарори асосида ёхуд суд ажрими асосида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганларида жавобгарликдан озод қилинган» вояга етмаганлар тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш юклатилади.

Бунда, туман (шаҳар) комиссиялари ушбу Низомнинг 22-бандида назарда тутилган ҳолларда вояга етмаган шахсларга нисбатан қуйидаги таъсир кўрсатиш чораларини қўллашлари, яъни:

— вояга етмаганга жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш тўғрисида туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиши;

— оғохлантириб қўйиши;

— 15 ёшга тўлган вояга етмаган шахс зиммасига, агар у мустақил иш ҳақиға эға бўлса ва зарар миққори белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки уни бартараф этиш мажбуриятини юклаши ёки белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган моддий зарарни ўз меҳнати билан қоплаш мажбуриятини юклаши;

— 16 ёшга тўлган ва мустақил иш ҳақиға эға бўлган вояга етмаган шахсға Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Қорақалпоғистон Республикасининг давлат ҳоқимияти ва бошқарувининг олий органлари чиқарган ҳужжатларда, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат бошқаруви органлари қарорларида кўзда тутилган ҳолларда ва миққорларда жарима солиши;

— вояга етмаган шахсни ўз отаонаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар ёхуд жамоат тарбиячилари назоратига, шунингдек, уларнинг розилиги билан меҳнат жамоаси ёки жамоат ташкилоти кузатувиға топшириши;

— вояга етмаган шахс жамият учун хавфли хаттиҳаракатлар қилган ёки ижтимоий ахлоқ қоидаларини қасддан ва мунтазам равишда бузиб келган тақдирда комиссия ички ишлар органлари билан биргалиқда вояга етмаганни маҳсус ўқувтарбия муассасасига юбориш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида судға илтимоснома киритади. 11 ёшдан 14 ёшгача бўлган вояга етмаган шахс маҳсус мактабинтернатға юборилиши, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахс эса маҳсус касбҳунар коллежига юборилиши мумкин. Ҳар бир аниқ ҳолат бўйича қабул қилинган таъсир чоралари тўғрисида комиссиялар вояга етмаганнинг яшаш, ўқиш ёки иш жойи бўйича ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўлинмалари томонидан вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигини олдини олиш

ишлари доимий таъминланиши учун ички ишлар органларининг тегишли хулудий органларини хабардор қилишга мажбурдир.

Ушбу Низомнинг 23бандида кўзда тутилган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилаётганида туман (шаҳар) комиссияси хуқуқбузарлик ҳолатининг хусусиятини ва сабабларини, вояга етмаган шахснинг ёшини ва унинг ҳаёт шароитларини, унинг хуқуқбузарлик қилишда қай даражада иштирок этганлигини, шунингдек, унинг турмушидаги, мактабдаги ва ишдаги хулқатворини, албатта, ҳисобга олиши лозим.

Комиссиянинг вояга етмаганлар иши бўйича огоҳлантириш бериш тўғрисидаги қарори бир йил мобайнида амал қилади. Башарти, таъсир кўрсатиш чораси қўлланилган вояга етмаган шахс ана шу муддат ичида янги хуқуқбузарлик содир этмаса, таъсир кўрсатиш чораси тугалланган деб ҳисобланади. Таъсир кўрсатиш чорасини қўллаган комиссия ўз қарорига биноан, башарти ана шундай таъсир кўрсатиш чораси қўлланилган вояга етмаган шахс намунали ахлоқи билан ўзининг тузалганлигини кўрсатган тақдирда, жазони бир йил ўтмасдан ҳам олиб ташлаши мумкин.

Агар вояга етмаганга нисбатан танланган тарбиявий таъсир чоралари муваффақиятсиз бўлса, комиссия бундай шахсга ўрнатилган тартибда кўрсатилган қаттиқроқ чоралар қўллаш хуқуқига эга.

18 ёшга тўлмаган шахсларни ЖК 87моддаси 1қисми ҳолатларига мувофиқ жинойи жавобгарликдан озод қилиш, аввал белгилаб ўтилганидек, фақат дастлабки тергов жараёнида терговчининг ёки прокурорнинг қарорларига асосан ёки суднинг ажрими бўйича — ишни тинглашга тайинлаш босқичида амапга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» ги қарорида белгилайди: «ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахсни суд, агар содир этилган қилмишининг хусусияти, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламадан туриб ҳам тузатиш мумкин, деган хулосага келса, ишни судда кўриш учун тайинлаш босқичида ишни тугатиш ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга юбориш ҳақида ажрим чиқаради». Бундай ҳолатда жиноят иши вояга етмаганнинг розилиги билан унинг айбдорлиги масаласини ҳал қилмасдан туриб тўхтатилиши лозим.

Вояга етмаганни жавобгарликдан озод қилиш суриштирувчи томонидан ёки бошқа идора томонидан, лавозимли шахс томонидан, юқорида кўрсатилганидан бошқалар томонидан амалга оширилиши мумкин эмас.

ЖК 87моддаси 2қисмига мувофиқ, «беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт». Ушбу ҳолатларнинг тахлилидан кўриниб турибдики, ЖК 87моддаси 2қисми тартибида вояга етмаганни жазодан озод қилиш хусусияти шу модданинг биринчи қисмига мувофиқ уни жавобгарликдан озод қилиш хусусиятига жуда ўхшайди.

Вояга етмаган суд томонидан мажбурлов чоралари қўлланиб қуйидаги ҳолатларда жазодан озод қилиниши мумкин:

— ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламадан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкин;

—беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан махрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт;

—вояга етмаган шахс ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чораси қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шарт.

Эса соламир, жавобгарликдан озод қилиш шахсни жиноят содир қилишда айбдор деб топиш билан боғлиқ, шунинг учун у фақат суд томонидан амалга оширилиши мумкинлиги қонунда бевосита кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларига мувофиқ, «Жиноят кодекси 87моддасининг 2қисмида кўрсатилган асослар билан вояга етмаганни жазодан озод этиш ва унга нисбатан шу Кодекснинг 88моддасида кўрсатилган мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан суд жазо тайинламасдан туриб жазодан озод этиш ҳақида ҳукм чиқаради».

Бунда назарда тутиш лозимки, суд томонидан фақат битта мажбурий чора қўлланилиши мумкин, бу ҳақда **ЖК 87моддаси 2қисми** диспозицияларининг таҳлили гувоҳдик беради: «...ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш».

Жиноятни содир қилишда айбдор деб топилган вояга етмаганга тарбиявий тавсифдаги мажбурлов чорасининг аниқ турини танлашда, суд, фақат ЖК 88моддасида мустаҳкамланган рўйхатни асос қилиб олади. Суд томонидан бу моддада кўрсатилмаган бошқа чораларни тайинлаш ноқонуний ҳисобланади.

ЖК 87моддаси 3қисмига мувофиқ, 18 ёшга етмаган шахсга жазо ўрнига мажбурлов чоралари қўлланади. Вояга етмаган шахс ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чораси қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шарт (**ЖК 87моддаси 3қисми**).

Ёш бўйича ривожланишдан орқада қолиш деб, календарь ёши билан шахс ақлий ривожланиш даражасининг мос эмаслиги, ақлий ривожланиш даражаси шу ёшдаги интеллектнинг умумий даражасидан паст бўлган ҳолатига айтилади. Ақлий ривожланиш даражасини аниқлашда шахснинг тарбияланиш шароитлари, маълум ижтимоий гуруҳга тааллуқлилиги, моддий таъминланганлиги ва бошқаларни эътиборга олиш зарур бўлади.

«Вояга етмаган судланувчининг ақди норасолигидан далолат берувчи маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, вояга етмаганнинг ақлий ривожланишида ортада қолгани ёки ортада қолмагани ҳақидаги масалага аниқдик киритиш учун комплекс судруҳиятшунослик экспертизаси тайинланиши лозим».

Вояга етмаганнинг руҳий ривожланишдаги қоқоқдиги уни ақли расоликдан махрум этмайди. Шахснинг қоқоқдиги қандайдир руҳий бузилиш билан шартлашилмайди, балки индивидуал ёш хусусиятлари инобатга олинади. Шу муносабат билан, вояга етмаганнинг жиноий жавобгарлиги ва жазо мустасно қилинмайди, бироқ ҳар бир ҳолатда суд жазо ўрнига мажбурлов чорасини қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани ечиши лозим.

Бу масалани ечишда шахснинг ақлий қоқоқлик даражаси катта аҳамиятга эга. Шу сабабли, комплекс психологик экспертизага вояга етмаганнинг ақлий қоқоқлик даражаси, ёшига мос бўлмаган интеллектуал ривожланиши тўғрисидаги саволлар қўйилиши лозим.

Жазо ўрнига мажбурлов чоралари фақат, содир қилган қилмиши аҳамиятини тўла ҳажмда англаш хусусиятидан махрум этадиган даражада, ёшдаги ривожланиши орқада қолган шароитлардагина қўлланилади. Белгилаб қўйиш керакки, айрим тоифадаги жиноятлар учун пасайтирилган ёш бўсағаси ўрнатилган (13 ва 14 ёш), чунки уларнинг жамиятга хавфли тавсифи яққол кўринади.

Ёши бўйича ривожланишдан анча орқада қолаётган вояга етмаган шахсга нисбатан жазо ўрнига тарбиявий тавсифдаги мажбурлов чораларини қўллаб, суд ҳукм чиқаради, унда шахснинг айбдор деб топилганини, тайинланган жазонинг тури ва миқдорини ҳамда жазо ўрнига мажбурлов чораларини қўллаш кўрсатилади. Ҳукмнинг тавсиф қисмида, албатта, қабул қилинган қарор кенг асослаб берилиши лозим.

Белгилаб қўйиш лозимки, суд ёш бўйича ривожланишдан орқада қолаётган вояга етмаганга мажбурлов чораларини тайинлашда, қилмишининг оғирлиги аҳамиятга эга эмас. Бироқ қилмишининг жамиятга хавфлилик даражаси ва тавсифи мажбурлов чораларини гаї шашда ҳисобга олиниши лозим. Бунда суд ЖК 88моддасида кўрсатилган тарбиявий тавсифдаги тарбиявий чоралар рўйхати билан боғланган, бироқ фақат бир турдаги чорани тайинлаш талаби билан боғланмаган. Лозим бўлиб қолганда, вояга етмаганга бир вақтнинг ўзида, бирбирини такрорламайдиган ва истисно қилмайдиган бир неча таъсир чоралари қўлланиши мумкин.

ЖК 88моддаси 1 қисмига мувофиқ, қуйидагилар вояга етмаганларга қўлланиладиган мажбурлов чоралари бўлиб ҳисобланади:

а) суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш;

б) ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Ушбу чора агар етказилган зарар белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса қўлланилади. Бошқа ҳолларда етказилган зарар фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ундирилади;

в) вояга етмаганни махсус ўқувтарбия муассасасига жойлаш тириш.

Айтиш лозим, келтирилган рўйхат тизимли хусусиятларга эга. Қисман, у тугалланган ва кенгайтирилган муҳокамага қўйилмайди, унда кўрсатилган чоралар энгилдан оғирига қараб кетмакетликда жойлаштирилган. Шу муносабат билан вояга етмаганга қаттиқ мажбурлов тавсифидаги чораларни фақат бир шароитда, 18 ёшга етмаган шахсга қонунда назарда тутилган энгилроқ таъсир чоралари самарасиз бўлгандагина тайинлаш мумкин. Бу каби ҳар бир ҳолатда у ёки бу чорани қўллаш тўғрисидаги суд қарори, албатта, асосланган бўлмоғи лозим. Мажбурлов чораси сифатида вояга етмаганга қўлланиладиган ЖК 88моддаси 1 қисмн «а» бандида суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини шклш кўрсатилган. Бу чора кўриб чиқиладиган моддалар ичидаги энгилроқ чорадир ва вояга етмаганнинг ўз қилмишида айбдорлигини тан олиши, жабрланганга етказган зарари учун пушаймонлиги ва унга кечирим сўраб мурожаат қилишидан иборат.

Жабрланганга узрни вояга етмаган оғзаки ёки ёзма, омма орасида ёки индивидуал равишда келтиради. Узр сўраш жойи, вақти ва тартиби ва унинг шакли суд томонидан аниқланади. Узр сўраш мажбуриятини юклаш кўринишидаги мажбурлов чорасининг ижроси тўғрисида тегишли ҳужжат тузилади (ЖИКнинг 195моддаси). Қоида бўйича, вояга етмаганга ушбу мажбурлов чоралари, унинг қил

миши асосан маънавий зарар етказиш, жамият тартибларини бузиш билан содир этилса, жабрланганнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мулкига зарар етказилмаган вазиятлардагина тайинланади.

ЖК 88моддаси 1қисми «б» банди ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш каби мажбурлов чораларини назарда тутати. Бу чора, фақат вояга етмаган шахс 16 ёшга тўлгандагина қўлланиши тўғрисида қонунда бевосита кўрсатилган. Тарбиявий таъсирнинг бу чораси етказилган зарарни қоплаш йўли билан ёки уни тузатиш йўли билан ижро этилади.

Бунда, **зарарни қоплаш** деганда, жиноят содир этилганда зарарланган ёки йўқолган мулкка айнан ўхшаш бўлган янги мулк, пул маблағи, валюта ва бошқаларни тақдим этиш тушунилади. Зарарни қоплаш доимо хусусий маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Зарарни бартараф этиш зарарланган мулкни тузатиш, таъмирлаш, тиклаш, уни бирламчи ҳолатига келтиришга ёрдам беришдан иборат. Зарарни бартараф этиш фақат вояга етмаганнинг меҳнат фаолияти натижасида амалга оширилиши мумкин. Зарарни бартараф этиш зарарланган мулкни таъмирлашда, жабрланган шахсга хизмат қилиш ва бошқаларда кўринади.

Вояга етмаганга кўрилатилган чораларни тайинлашда, суд уни индивидуаллаштириши, фақат мазкур чораларни айбдор бўлган шахсга қўлланиши заруриятдан келиб чиқиши лозим бўлади. Шу муносабат билан етказилган зарарни қоплаш ёки бартараф этиш мажбуриятларини юклатилганда, суд судланувчининг мулкий аҳволи, ундаги меҳнат малакаси, етказилган зарарни қоплаш ёки бартараф этиш истаги борлигини чуқур таҳлил этиши лозим бўлади. Бунда, мулкий аҳволини баҳолашда шахснинг мустақил даромади (жумладан, солиқдан озод этилгани ҳам), мулк ёки унга бўлган ҳуқуқи, хусусий маблағларини бошқа шахсларга тақдим этиш мажбуриятларининг мавжудлигига эътибор бериш лозим. Етказилган зарарни ўз меҳнати билан қоплаш ҳеч қачон меҳнатга лаёқатсиз шахсга юклатилмайди. Бундай вазиятларда, қоидага кўра, ё етказилган зарарни қоплаш юклатилади ёки бошқа мажбурлов чоралари тайинланади.

Етказилган зарарни қоплаш фақат вояга етмаганнинг хусусий маблағлари ёки хусусий меҳнати ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Зарарни қоплашга бошқа шахсларнинг маблағи ёки ёрдамига йўл кўйилмайди.

Назарда тутиш лозимки, етказилган зарарни қоплаш ёки уни бартараф қилиш мажбурияти, фақат етказилган зарар энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ошмаган вазиятлардагина қўланади. Бошқа вазиятларда зарарни қоплаш фуқаровийҳуқуқий тартибда ечилади, бу вояга етмаганга **ЖК 88моддасида** назарда тутилган мажбурлов чораларини қўллашга тўсқинлик қилмайди.

ЖК 88моддаси 1қисми «б» бандида назарда тутилган мажбурлов чораларининг тартиби ва ижро этиш муддатлари суд томонидан аниқланади. Унинг ижроси тўғрисида ҳам тегишли ҳужжат тайёрланади (ЖИК 196моддаси).

ЖК 88моддаси 1қисми «в» банди энг қаттиқ мажбурлов чорасини назарда тутати — **вояга етмаганни махсус ўқувтарбия муассасасига жойлаштириш** вояга етмаганнинг мулоқот эркинлигини анча даражада чекловчи, кун тартибига, ўқишига, меҳнатни ташкил этиш ва даволашга махсус талаблар ўрнатилиши билан амалга оширилади.

Бу чора фақат 18 ёшга етмаган шахсни бошқа чоралар билан тарбиялаш имконияти бўлмаган вазиятларда қўланади ва албатта, ҳукмда аниқ иш ҳолати сабаблари кўрсатилган бўлиши лозим. Уни отаонаси ёки уларнинг ўрнидаги шахснинг назоратидан чиқиб кетган айбдорга

нисбатан тайинлаш, у доимо яшаётган муҳитнинг салбий таъсиридан уни ажратиш мақсадга мувофиқ бўлган таққирдагина ўзини оқлайди.

ЖК 88моддаси 2қисмига мувофиқ, «вояга етмаган шахсларни махсус ўқувтарбия муассасаларида бўлиш муддати ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади».

11 ёшдан 14 ёшгача бўлган вояга етмаган шахс махсус мактабинтернатга юборилиши, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахс эса махсус касбхунар коллежига юборилиши мумкин. Вояга етмаган шахслар махсус мактабинтернатларда 15 ёшга етгунча сақланадилар, махсус касбхунар коллежларида эса, 18 ёшга етгунга қадар сақланадилар.

Фавқулудда ҳолларда бундай ўқувчиларни махсус мактабинтернатларда сақлаш муддати улар 16 ёшга етгунларига қадар узайтирилиши мумкин.

Вояга етмаган шахслар махсус ўқувтарбия муассасаларида то ахлоқан тузалгунларига қадар сақланадилар, лекин бу муддат йилдан ортиб кетмаслиги керак.

Махсус ўқувтарбия муассасалари жойлашган ердаги туман (шаҳар) комиссияси ўқувчига кўрсатиб ўтилган муассасаларда жорий ўқиш йилида ўрта умумий таълим мактаби ёки касбхунар коллежинингтегишли синфини тугаллагунча уч йилдан кўпроқмуддатга қолишга ҳам рухсат бериши мумкин.

Махсус мактабларнинг 15 ёшга тўлган, аммо ахлоқан тузалмаган ўқувчилари шу мактаблар жойлашган ердаги туман (шаҳар) комиссияси томонидан махсус касбхунар коллежларига юборилиши мумкин.

Вояга етмаган шахслар учун белгиланган махсус ўқувтарбия муассасаларига карсоқовлар, кўрлар, рухий касаллар, ақяи заиф бўлган вояга етмаганлар, шунингдек, махсус ўқувтарбия муассасаларигэ,

қабуд қилиш учун тиббиёт нуқтаи назаридан тўғри келмайдиган белгилаб қўйилган рўйхатда кўрсатилган жисмоний камчилиги ва касалликлари бўлган болалар ҳамда ўсмирлар юборилиши мумкин эмас.

Белгилаб қўйиш лозимки, ЖК 88моддасида назарда тутилган мажбурлов чоралари тарбиявий тавсифга эга. Бошқача қилиб айтганда, улар жиний жазо хусусиятига эга эмас, ўзида қилмишга нисбатан жазони назарда тутмайди, балки вояга етмаганнинг онгига ўз ахлоқига нисбатан салбий баҳони етказиш учун қўлланилади. Бундан ташқари, мажбурлов чораларини қўллаш шаклланган шахснинг тўғриланишига эмас, унинг ривожланишига, яъни унинг тарбиясига таъсир қилади. Шу муносабат билан, мажбурлов чораларини қўллаш, улар қўлланган шахснинг судланганлигига олиб келмайди, уларни тайинлашда энг аввало, айбдорнинг шахси ва турмуш шароитлари ҳисобга олиниши лозим.

ЖК 87моддасига мувофиқ, суд ҳукми билан жиний жавобгарликдан озод қилиш тартибида вояга етмаганга тайинланган мажбурлов чораларидан бўйин товлаганда, шахсга анча оғирроқ мажбурлов чоралари ёки тегишли жиний жазо қўлланиши мумкин. Бунда, суднинг жазо тайинлаш тўғрисидаги ажримда қонунда кўрсатилган мажбурлов чораларини қўллаш имкониятининг йўқлиги сабаблари кўрсатилиши лозим.

5§. Жазони ўташдан муддатидан илғари шартли равишда озод қилиш ва жазони снгилроғи билан алмаштириш

ЖК 89моддасида ўн саккиз ёшга тўлмасдан содир этган жиний учун судланган шахснинг жазони ўташдан муддатидан илғари шартли равишда

озод қилишни қўллаш масаласи тартибга солинган. Бу нормани, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишнинг умумий масалалари тартибга солинган ЖК 73моддасига нисбатан махсус норма сифатида қўрилиши лозим. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, ЖК 89моддасида бевосита кўрсатилмаган ҳолатлар ЖК 73моддасига мувофиқ ҳал қилиниши лозим.

ЖК 89моддасида назарда тутилган ҳолатлар, фақат 18 ёшгача бўлган ёшда содир этган жинояти учун жазо ўтаётган шахсларга қўлланилади. «Ўн саккиз ёшга тўлмасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тартиби қўлланилиши мумкин» (ЖК 89моддаси 1қисми).

ЖК 89моддаси 2қисмига мувофиқ, «жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун белгиланган тартибқоида талабларини бажарган меҳнат ва ўқишга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин».

Меҳнатга ёки ўқишга виждонан муносабатда бўлиш ишлаб чиқариш ва ўқиш тартибларига риоя қилишни, иш вақтининг давомийлигига, ўқув машғулотлари жадвалига ва ўқув топшириқларига ўз имкониятлари даражасида, ўз меҳнат кўрсаткичларини ва ўқишдаги баҳолари кўрсаткичларини кўтаришга интилиш ва ҳ.к.ларни тақозо этади. Бунда, назарда тутиш лозимки, судланган шахснинг меҳнатга ва ўқишга виждонан муносабати унинг тузалганлигидан гувоҳ беради, шунинг учун бу, нафақат жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш масаласини кўриб чиқиш олдидан, балки унинг ахлоқида жазо ўташ муддати давомида мавжуд бўлиши лозим.

ЖК 89моддаси 3қисмида вояга етмаган ёшда жиноят содир қилган шахсга жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш учун жазо ўташнинг энг кам зарур муддати белгиланган. Бу муддатлар катгалар учун ўрнатилган муддатларга нисбатан анча қисқартирилган ҳамда ЖК 73моддасида қилмишнинг оғирлигидан ва қилмишда рецидив хусусият мавжудлигидан келиб чиқиб дифференцияланган. ЖК 89моддаси 3қисмига мувофиқ, «жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилади».

Шундай қилиб, маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш кўриб чиқилаётган модда қоидалари бўйича, фақат қуйидаги шартларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши мумкин:

—вояга етмаган ёшда содир қилган жинояти учун жазо ўтаётган бўлса;

—ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган бўлса;

—маҳкум унга тайинланган тартибга риоя қилса, унинг тузалаётгани тўғрисида гувоҳлик берувчи меҳнатга ёки ўқишга виждонан муносабатда бўлса;

—маҳкум **ЖК 89моддаси 3қисмида** белгиланган содир этган қилмишининг оғирлигига қараб тайинланган жазонинг энг кам зарур муддатини ўтаган бўлса.

Суд томонидан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш маҳкумини жазони ўтаётган жойида жазо ижроси бўйича маъмуриятнинг вояга етмаганлар иши бўйича комиссия билан биргалиқдаги сўровига ёки маҳкумини ўзининг ёки унинг ҳимоячисининг сўровига мувофиқ қўлланилади (ЖПК 541моддаси 2қисми, 536моддаси 3қисми).

ЖК 89моддаси 4қисмига мувофиқ, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланган шахс, жазонинг ўталмаган қисми даврида қасддан янги жиноят содир қилса, суд унга ЖК 60 ва 86моддаларида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди. Бу давр ичида эҳтиётсизликдан жиноят содир этса, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинганлигига таъсир этмайди.

ЖК 89моддасида тартибга солинмаган масалалар ЖК 73моддасига мувофиқ ҳал қилиниши лозим. Масалан, 18 гача бўлган ёшда содир этган жинояти учун, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, Ўзбекистон Республикасига, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш, ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуролиларини, шундай қуролиларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аёи бўлган материал ва ускуналарни контрабанда қилиш учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин эмас (ЖК 73моддаси 4қисми).

(Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисида ушбу том V бобининг «Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш» деб номланган 6§ га қаранг.)

ЖК 90моддасида ўн саккиз ёшга тўлгунча жиноят содир этиб судланган шахсларга жазони енгилроғи билан алмаштириш масалалари тартибга солинган. Бу модданинг **1қисмига кўра**, «ўн саккиз ёшга тўлгунча содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқтузатиш ишига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми енгилроқжазо билан алмаштирилиши мумкин».

Ҳамда, жазони енгилроғи билан алмаштириш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун белгиланган тартибқоида талабларини бажарган ва меҳнат ёки ўқишга ҳалол муносабатда бўлиб келаётган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин (ЖК 90моддаси 2қисми). Ҳар бир алоҳида ҳолатда суд, далилларнинг мавжудлигига ва шу билан биргалиқда маҳкумнинг тузалиш йўлига ўтганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Кўрсатилган тоифадаги шахсларга жазони енгилроғига алмаштириш институтини қўллашда қонунда ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши учун маҳкум ўташи лозим бўлган анча қисқартирилган муддатлар белгиланган. **ЖК 90моддаси 3қисмида** кўрсатилишича, «жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида бешдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлинганидан кейин қўлланилиши мумкин».

Бунда, суд вояга етмаганлар учун жазо тизимини ҳамда жазонинг бир-бирига нисбатан оғирлигини белгиловчи ЖК 81 моддаси ҳолатларидан келиб чиқиши лозим. Ушбу моддада кўрсатилган жазоларгина, шахсга жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштиришда **ЖК 90 моддасига** мувофиқ тайинланиши мумкин.

ЖК 90 моддаси қоидалари бўйича «озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқтузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади, яъни ЖК 83 моддаси 1 қисмида белгиланган ахлоқтузатиш ишларининг чекловидан мустақил равишда (бир ойдан бир йилгача) тайинланади. Бундан ташқари, бундай ҳолатларда тайинланадиган ахлоқтузатиш ишлари муддати ЖК 46 моддаси 2 қисмида шу турдаги жазо учун белгиланган умумий энг кўп чегарасидан (уч йил) ҳам ошиши мумкин. Масалан, 16 ёшида содир этган оғир жинояти учун олти йилга озодликдан маҳрум этилган шахс (ЖК 85 моддаси 2 қисми «б» банди ҳолатларини ҳисобга олиб), ЖК 90 моддаси 3 қисми «б» бандига мувофиқ, унга тайинланган жазонинг бир ярим йилини амалда ўтаганидан сўнг (олти йилнинг тўртдан бир қисми) қонуннинг қолган талабларига риоя қилган бўлса, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисмини тўрт ярим йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари кўринишидаги жазонинг енгилроқ турига алмаштириш ҳуқуқига эга бўлади».

Кўрииб турибдики, бу вазиятда ЖК 74 моддаси 4 қисми қоидалари бўйича 18 ёшга тўлган шахслар учун озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазонинг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштириш ҳолатидаги коллизия юзага келади. Шу муносабат билан, уни ўхшаш тарзда, яъни икки вариантдан бирини қўллаш билан ечиш мумкин бўлади:

— ЖК 83 моддаси 1 қисмини: «ушбу Кодекснинг 90 моддаси тўртинчи қисми ҳолатларини мустасно қилганда» сўзлари билан тўлдириб;

— ЖК 90 моддаси 4 қисмини: «аммо бир йилдан кўпга эмас» сўзлари билан тўлдириб.

(Бу ҳақда кенгроқ ушбу том V бобининг «Жазони енгилроғи билан алмаштириш» деб номланувчи 7 § га қаранг.)

ЖК 90 моддаси 5 қисмига мувофиқ, «жазо енгилроғи билан алмаштирилган шахсларга нисбатан енгилроқ жазонинг тегишли қисми ўтаб бўлинганидан кейин ушбу Кодекснинг 89 моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилиши мумкин».

Агар шахс, унга нисбатан жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланганида, жазонинг ўталмаган қисми даврида қасддан янги жиноят содир қилса, суд унга ЖК 86 моддаси ҳолатларини ҳисобга олиб, 60 моддада назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди (**ЖК 90 моддаси 6 қисми**).

Ўн саккиз ёшга тўлгунча содир этган жинояти учун, шахсга жазони енгилроғи билан алмаштирилганда назарда тутиш лозимки, ЖК 90 моддаси жазони енгилроғига алмаштиришнинг умумий асосларини белгиловчи ЖК 74 моддасининг тегишли ҳолатларини тўлдиради, шу муносабат билан ЖК 90 моддасида ечилмаган масалалар ЖК 74 моддасига мувофиқ ечилиши лозим.

(Бу ҳақда кенгроқ ушбу том V бобининг «Жазони енгилроғи билан алмаштириш» деб номланувчи 7 § га қаранг.)

«Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари» мавзуси бўйича яқуний саволлар

1. Қандай мақсадда 1994 йили Жиноят кодексига вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятларини белгиловчи бўлим киритилди?

2. Вояга етмаганлар учун жазо тизими жазонинг қандай турларини назарда тутлади?

3. Вояга етмаганларга озодликдан махрум этиш кўринишидаги жазо тайинлашнинг шартлари қандай?

4. Вояга етмагашарга жазо тайинлашнинг хусусиятлари нимадан иборат? Вояга етмаганларга нисбатан шартли ҳукм қўлланишига йўл қўйиладими?

!). Қандай ҳолларда вояга етмаганни жиноий жавобгарликдан озод қил лб материалларни вояга етмаганлар иши бўйича комиссияга кўриб чиқиш учун топширилади?

5. Қандай ҳолатларда вояга етмаганларга тарбиявий таъсир этув чи лажбурлов чоралари қўлланиб жазодан озод этилишига йўл қўйилади?

7. Содир этган қилмиши аҳамиятини тўла ўлчамда англаш хусусиятидан махрум этувчи вояга етмаганни ёши бўйича ривожланишидан сезиларли орқада қолиши.

8. Вояга етмаганларга қўлланиладиган мажбурлов чораларининг қандай турлари мавжуд?

9. Жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганда судланган шахс вояга етган тақдирда у қайси қондалар (ЖК 73 ёки 89 моддаси) бўйича озод этилади?

10. 18 ёшгача бўлган ёшда содир этган жинояти учун судланган шахсга жазони енгилроғи билан алмаштиришнинг қандай хусусиятлари мавжуд?

11. ЖК Умумий қисми XII ва XIII бобларида назарда тутилган умумий асосларда вояга етмаганни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш мумкинми?

VII БОБ. ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ

1§. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчаси ва мақсадлари

Жазодан фарқли равишда **тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари** жиноий жавобгарлик элементи ҳисобланмайди. Улар шахсларга нисбатан қўлланилганда объектив равишда, уларни жазога, уларга азият келтиришга, улар ҳуқуқдаридан маълум даражада махрум қилиш ёки чеклашни келтириб чиқармайди, уларга тузатувчи таъсир ўтказмайди ҳамда умумий ва хусусий превенцияни таъминлайди; бу шахслар томонидан содир этилган қилмишлар давлат номидан салбий баҳода ифодаланмайди ва судланганлик муддатини аниқлашда ҳисобга олинмайди. Агар жазо ҳамма вақт суд томонидан аниқ миқдорда ва конкрет аниқданган муддатга тайинланса, кўрсатилган чорани қўллаш муддати бутун ва тўла ҳолда мажбурий даволанишга жалб этилган шахс соғлиғининг ҳолатига боғлиқ бўлади.

Шу билан бирга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг жиноий жазо билан маълум ўхшаш томонлари бор. Жазолашга ўхшаб, улар давлат мажбурлов чоралари ҳисобланади, чунки давлат номидан, суд ажрими билан тайинланади ва уларнинг қўлланиши қонунга қарши содир этилган қилмишнинг ҳуқуқий оқибатларидан бири бўлиб, улар тайинланган шахснинг буйруғига ёки хошишига боғлиқ эмас.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик касаллигига йўлиққан шахсларга қўлланиладиган мажбурлов чоралари жиноят қонунчилиги вазифаларини ҳал қилиш ва жазо мақсадига эришишга ёрдам берувчи шароитларни яратади. Аммо, умуман олганда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жазо мақсадларини таъминламайди, балки асосан руҳий касалликка ҳамда алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка чалинган шахсларни даволаш учун,

саломатлигини яхшилаш учун ва бу шахслар томонидан жамиятга хавфли қилмиш содир этилишининг олдини олиш учун мўлжалланган.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари давлат номидан суд ажрими билан, ижтимоий хавфли қилмиш ёки жиноят содир этган руҳий касалларга, шунингдек, алкоголизм, гиёҳвандлик ва захарвандлик касаллигига йўлиққан шахсларга қўлланиб, бу шахсларга руҳий ва бошқа тиббий ёрдамни мажбурлов тартибида кўрсатилишидан иборатдир (бутунлай тузалиб кетгунича ёки турғун яхшиланиш келгунича ва касал жамиятга хавфлилигини йўқотгунича).

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш орқали эришиш кўзланган мақсадлар (**ЖК 91моддаси**) жиноят қонунида ҳар томонлама тартибга солинган ва кенгайтирилган тарзда шархланишига йўл қўйилмайди.

ЖК 91моддасида кўра, «тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари руҳий касаллик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан уларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли қилмишлар содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади».

Шундай қилиб, руҳий касалларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чораларининг мақсадлари сифатида, қонун чиқарувчи қуйидагиларни белгилайди:

—ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган руҳий касалларни даволаш;

—руҳий касаллар томонидан янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишининг олдини олиш.

Кимни руҳий касал деб топиш лозимлигини қонун тушунтирмайди, бу тушунчани аниқлашни, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг умумий асосларини тартибга солувчи **ЖК 92моддаси** ҳолатларининг таҳлилидан келиб чиқиб шакллантириш мумкин. Ақли норасо шахсларни, яъни ўз ҳаракатлари мазмунини англаш имкониятидан маҳрум бўлган ёки бу ҳолат пайдо бўлиш вақтидан қатъи назар, ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган руҳий касаллик билан оғриган шахсларни руҳий касал деб топиш лозим. Қуйидагилар бундай шахслар сифатида кўриб чиқилади:

—ақли норасо ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган лар;

—хукм чиқарилгунча руҳий касаллик билан оғриган, ўз ҳаракатлари мазмунини англаш имкониятидан ва уларни бошқаришдан маҳрум бўлган, яъни ақли норасо бўлиб қолган;

—жазо ўтаётган вақтда руҳий касаллик билан оғриган, ўз ҳаракатлари мазмунини англаш имкониятидан ва уларни бошқаришдан маҳрум бўлган, яъни ақли норасо бўлиб қолган шахслар.

ЖК 91моддаси 1қисмн мазмунида даволаниш деб, касалга уни ижтимоий тиклаш ва руҳий ҳолатини ижобий ўзгартириш учун аниқ таъсир қилиш жараёнини тушунмоқ лозим. Бу ҳолатда даволаниш шахсни бутунлай тузатиш мақсадини кўзламайди, бироқруҳий ҳолатининг ўзи учун ҳам, атрофдагилар учун ҳам хавф туғдирмайдиган ҳолатгача яхшиланишига таъсир кўрсатади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашдаги даволаниш услублари ва усуллари, бундай даволаш ушбу чоралар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда тайинланган: ихтиёрий тартибда ёки Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги 123Псонли «Руҳий ёрдам тўғрисидаги» Қонуни 27моддасида назарда тутилган асослар бўйича ноихтиёрий госпиталлаштирилган касалларга қўлланиладиган услуб ва

уеулардан сезиларли фарқ қилмайди. Қисман, руҳий касаллик билан оғриган шахсларга уларнинг розилигисиз ёки улар қонуний вакилларининг розилигисиз, шахсларга руҳий ёрдам кўрсатиш асосларидан мустақил равишда, руҳий касалликни даволаш учун қайтариб бўлмас оқибатларга олиб келадиган жаррохдик ва бошқа услубларни қўллаш, медицина воситалари ва услублари синовини ўтказишга йўл қўйилмайди.

Жамиятга хавфли қилмиш содир этган руҳий касал шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлашда, суд бу чоралар даволашдан ташқари, **янги, жамиятга хавфли қилмиш содир этилишининг олдини олиш** мақсадини назарда тутаётганидан келиб чиқиши лозим. Бунда, кўрсатилган мақсадларни амалга ошириш талабларига шахс тузалганидан кейин эмас, балки даволаниш жараёнида ҳам риоя қилиниши лозим. Суд шахс томонидан янги, жамиятга хавфли қилмиш содир этилишининг олдини олиш заруриятидан келиб чиқиб, руҳий касал шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг аниқтурини, бу чорани ижро этувчи соғлиқни сақлаш муассасаси уларнинг давомийлигини аниқлайди.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган руҳий касал шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг аниқ турини танлашда суд белгиланган мақсадларнинг ҳаммасига эришиш заруриятидан келиб чиқиши лозим. Ушбу чораларни ижро этувчи соғлиқни сақлаш идоралари ҳам шундай принципларга риоя қилишлари лозим. Шу билан бир вақтда, руҳий касал шахс томонидан янги жамиятга хавфли қилмиш содир этилишининг олдини олиш мақсадларига қатга аҳамият бериш лозим. Шу муносабат билан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини айрим касалликларга қарши кўрсатма мавжудлигида, натижасизлигида ёки айрим касалликларни фаол даволаш услублари ишлаб чиқилмаганлиги учун, зарурият туғилганда ўтказилаётган даволашда танаффус қилиб, тегишли даволаш ўтказмасдан туриб тайинлашга ва қўллашга йўл қўйилади. Бундан ташқари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суд томонидан, ушбу чоралар қўлланган шахсларнинг соғлиғи касалликнинг ривожланиши натижасида жуда оғирлашиб, жамият учун ҳам, ўзи учун ҳам хавф туғдирмай қўйганда бекор қилинади.

ЖК 91 моддаси 2 қисми алкоғолизм, гиёхвандлик ва заҳарвандлик билан азият чекканларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлашда қўлланаётган мақсадларни белгилайди: «Суд жазолаш билан бир қаторда алкоғолизм, гиёхвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига йўлликкан шахсларга нисбатан даволаш учун ва жазолаш мақсадига эришишга қўмаклашувчи шароит яратиш учун тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин».

Алкоғолга нисбатан оғриқли тортиш, меъёр хиссини йўқотиш, истеъмол қилаётган спиртли ичимлик миқдорини назорат қила олмаслик, руҳий ва соматик касалликлар ва ижтимоий ахлоқ меъёрларини бузиш мавжуд бўлган шахс алкоғолизм билан оғриган шахс дебтопилади.

Гиёхвандлик наркотик воситаларга психожисмоний боғлиқдиги билан шартлашилган касалликни ўзида ифодалайди.

Заҳарвандлик — бу психотроп моддаларга ҳамда руҳий фаол ҳаракати билан наркотик воситаларга ўхшаш бўлган дори бўлмаган сунъий ва табиий келиб чиққан моддаларга психофизиологик боғлиқлиги билан шартлашилган касалликдир.

Руҳий касалларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлашдаги каби, алкоғолизм, гиёхвандлик, заҳарвандлик билан оғриган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлаш уларни даволаш мақсадини назарда тутади.

Бу категориядаги шахсларни даволаш, руҳий касалларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлаш мақсадлари ЖК 91 моддаси 1 қисмида назарда тутилган мақсадлардан ҳеч ҳам фарқланмайди.

Шу билан бир вақтда қонун кўрсатилган шахслар томонидан жамиятга хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олишни мустақил мақсад

сифатида қўймайди, чунки кўриб чиқилаётган шахслар томонидан жиноят содир этилиши жиноий жазо тайинланишини ва қўлланишини истисно қилмайди. Шу муносабат билан, бундай шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси жиноий жазо билан бир вақтда тайинланиб, янги жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадини ўз ичига олади.

(Жазо тайинлаш мақсадлари тўғрисида ушбу том I бобининг «Жазолаш мақсадлари» деб номлагувчи 2§ га қаранг.)

Алкоголизм, гиёхвандлик ва захарвандлик билан оғриган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш жазога нисбатан ёрдамчи вазифага эга бўлиб, жазо мақсадига эришишга таъсир кўрсатувчи шароитлар яратади.

2§. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашнинг умумий асослари

«Ижтимоий хавfli қилмишни ақли норасолик ҳолатида ёки ҳукм чиқарилгунга қадар ёхуд жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинганлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англамаслик ва ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатида содир этган шахсга нисбатан, агар у руҳий ҳолати ва содир этган қилмишининг хусусиятига кўра жамият учун хавfli деб тоғшлса, суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинлаши мумкин» **(ЖК 92моддаси).**

ЖКда баён этилган меъёрлар шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш имконини берадиган шунга ўхшаш шартлар тизимини келтиради:

—тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган шахс томонидан, ақли норасо ҳолатда ёки ҳукм чиқарилгунча касал бўлиб қолган ёки жазони ўташ даврида ўз ҳаракатлари аҳамиятини англаш ва бошқара олиш имкониятидан маҳрум қилувчи руҳий касал ҳолатида бўлиб ижтимоий хавfli қилмиш содир этса;

—шахснинг руҳий ҳолати ва содир этган қилмиши тавсифи билан ўрнатилган жамиятдаги хавfliлиги;

—бундай шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги суд қарори.

Бунда, шуни назарда тутиш лозимки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш заруриятини билиш учун ҳал қилувчи вақт, шахсни ақди расолигидан маҳрум қилувчи касалликнинг ўткир намоён бўлган вақтидир.

Шахсда, ўз ҳаракатлари аҳамиятини англаш ва уларни бошқариш лаёқатидан маҳрум этувчи руҳий касалликнинг (ақли норасолик) мавжудлиги суд томонидан судпсихиатрия экспертизаси хулосасига мувофиқ белгиланади. Ҳибсда ушлаб турилган шахсларнинг судпсихиатрия экспертизаси суриштирув, тергов, прокуратура органининг қарори ёки суднинг ажрими, қамок жазосига ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан эса қамок уйи ёки жазони ижро этиш муассасаси бошлиғининг қарори асосида тайинланади (ЖИКнинг 183моддаси). Назарда тутиш лозимки, терговчи ёки суд айбланувчининг, судланувчининг ёхуд ишга айбланувчи, судланувчи тариқасида жалб қилинмаган шахснинг руҳий касаллиги масалалари юзасидан унинг жиноят содир этганлиги еки Жиноят кодексига назарда тутилган ижтимоий хавfli қилмиш содир этганлиги ҳақида ишонарли далиллар мавжуд бўлган тақдирда, дастлабки терговни юритиш ва суд муҳокамаси вақтида мазкур шахснинг ақди норасолиги ёки руҳий касаллиги тўғрисида асосли шубҳа туғилган бўлса, судпсихиатрия экспертизаси тайинлайди (ЖПКнинг 567моддаси).

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш, фақат ижтимоий хавfli қилмиш ёки жиноят содир этган шахсларга нисбатан йўл қўйилади. Бунда, лаёқатсиз ҳолатда жамиятга хавfli қилмиш содир этган шахсга нисбатан фақат шуларни аниқдаш етарли:

— жиноят объекти, жиноятдан етказилган зарарнинг тавсифи ва миқдори, жабрланган шахсни тавсифловчи ҳолатлар;

— вақти, жойи, усули ҳамда Жиноят кодексида кўрсатилган бошқа жиноят содир этиш ҳолатлари, қилмиш билан келиб чиққан жамиятга хавfli оқибатлар орасидаги сабабларнинг боғланиши;

— айбланаётган, судланаётган шахсни тавсифловчи ҳолатлар (ЖПК 56моддаси 2қисми 1банди).

Кўрсатилган тоифадаги шахсларнинг қилмишда айбдорлиги далиллашга қўйилмайди. Шахснинг ҳаракатида ёки ҳаракатсизлигида жиноят таркиби белгилари мавжуд бўлмаса, касалнинг хавfliлик даражасидан мустақил равишда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш мумкин эмас. Рухий ҳолати бузилган ва умумий асосда даволанишга муҳтож бўлган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритиш тугатилган тақдирда, суд бу ҳақда шахснинг турар жойидаги соғлиқни сақлаш органига дарҳол хабар қилади (ЖПК 577моддаси 6қисми). Бундай вазиятларда, бу каби шахсларнинг даволанишини ташкил этиш ва ҳуқуқий статус тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Рухий ёрдам тўғрисида»ги Қонуни билан регламент қилинади.

Агар жамиятга хавfli қилмиш шахс томонидан лаёқатсиз ҳолатда содир этилган бўлса, ҳамма масалалар учун суд томонидан жиноят таркибининг барча элементларини, ЖПК 82моддасида кўрсатилган айбни ҳам қўшганда, аниқланиши талаб этилади. Бунда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

— агар шахс, жиноятни содир этганидан сўнг, аммо суд ҳукмигача ўз ҳаракатлари аҳамиятини англаш ва бошқара олиш хусусиятидан маҳрум қилувчи руҳий касал бўлиб қолса (ЖК 67моддаси), шахснинг қилмишида жиноят таркибининг элементлари мавжудлигига алоқадор ҳамма масалалар тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги суд қарорини аниқлашда ечилиши лозим бўлади. Шахсга нисбатан уни жиноят содир этганликда айбдор деб топиб унга нисбатан ҳукм чиқарилса ва шу билан бир вақтда унга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида қарор чиқарилиши қонунчилик талабларини бузишдан иборат ва у ҳукми бекор қилишга олиб келади;

— агар шахс, ҳукм қароридан кейин тайинланган жазони ижро этиш даврида, ўз ҳаракатлари аҳамиятини англаш ва бошқара олиш хусусиятидан маҳрум қилувчи руҳий касал бўлиб қолса (ЖК 75моддаси 1қисми), унда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш тўғрисидаги ажримнинг сабабларини тушунтириш қисмида, шахс қайси ҳукмга мувофиқ, қачон содир этган жинояти учун айбдор деб топилган ва тайинланган жазо тури ва миқдори кўрсатилиши лозим. Бундай ажримнинг резолюция қисмида албатта, тегишли ҳукмга суяниб шахснинг жиноятни содир этган деб топилганлиги кўрсатилади.

Алоҳида эътибор бермоқ лозимки, шахс жиноий жавобгарликдан ёки жазодан (ЖК 67моддаси ва 75моддаси 1қисми назарга олинмайди) жазога тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги ва ҳоказолар ёки аниқланган қилмишни декриминализациялаштирувчи қонунчиликнинг ўзгариши туфайли амнистия актига мувофиқ озод этилади. Бундай вазиятларда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш тўғрисидаги масалани ечаётганда суд, жиноий жавобгарликни амалда татбиқ этишда мажбурий даволаш, содир этилган жиноятнинг ҳуқуқий яқунидан бири эканлигидан келиб чиқиши лозим. Шу муносабат билан, шахсни жиноий

жавобгарликдан озод қилиш асосининг мавжудлиги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга сўзсиз тўсқинлик қилмоғи лозим. Бундай вазиятда, агар тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишдан аввал тайинланган бўлса (масалан, содир этган қилмиши кейинчалик жамиятга хавфлилигини йўқотса ёки суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида ажрим қабул қилинганидан озроқ вақт ўтганидан кейин декриминализациялаштирилган бўлса), у ҳолда, улар бекор қилиниши билан бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг «Рухий ёрдам тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, шахснинг турар жойи бўйича соғлиқни сақдаш идораларида даволанишини ташкил этиш ва кузатиш учун хабардор этилиши лозим.

Мажбурлов чораларининг бекор қилиниши шахсни фақат жиноий жавобгарликдан озод этилишига олиб келади.

Шахснинг жиноий жавобгарликдан озод этилиши ёки жазо муддатининг қисман қисқартирилиши, жазодан озод этиш асосларидан мустақил равишда мажбурлов чораларини қўллашни бекор қилишга, тўхтатилишига ёки қисқартирилишига таъсир этмайди.

Суд фақат шахс жамият учун хавфни ифодалаган шароитдагина мажбурий даволанишни тайинлаши мумкин. Бунда шахсни жамиятга хавфлилигини баҳолашда нафақат унинг рухий ҳолатини, балки қилмишининг оғирлигини ҳисобга олиш керак. Суд томонидан шахс

нинг жамиятга хавфлилигини аниқлашда кўрсатилган кўрсаткичлар биргаликда таҳлил қилиниши лозим, бироқ асосан шахснинг рухий ҳолати эътиборга олинishi лозим, чунки худди ўшалар шахснинг хулқини, ҳатто англамаган хулқини аниқлайди.

Белгилаб қўйиш лозимки, суд томонидан рухий ҳолатни баҳолаш таҳлил этилаётганида, шахснинг суд муҳокамаси вақтидаги ҳолатигина эмас, унинг аввалги хулқи, шахс томонидан янги, жамиятга хавфли қилмишлар содир этилиши мумкинлиги ҳам кўриб чиқилиши лозим.

Шунингдек, кўрсатиб ўтиш зарурки, шахснинг жамиятга хавфлилигини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, хусусан, Ўзбекистон Республикаси «Рухий ёрдам тўғрисида»ги Қонунига таяниш керак.

Айтиб ўтилган қонунчилик актининг таҳдидидан келиб чиқиб, шахс жамият учун хавфлилигининг ошиб кетган даражасини «шахснинг рухий касаллиги оғир бўлган ҳолатларда фараз қилинади ва куйидагича шартланади:

- унинг ўзига ва атрофдагиларга бевосита хавфлилиги;
- унинг ёрдамга муҳтожлиги, яъни мустақил равишда асосий ҳаётий талабларини қондира олиш хусусиятининг йўқлиги;
- агар шахс рухий ёрдамсиз қолдирилса, рухий ҳолатининг ёмонлашуви натижасида унинг саломатлигига сезиларли зарар етади».

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларни фақат суд тайинлаши мумкин. Бу масала бўйича ажрим суд томонидан, унга нисбатан амалга оширилаётган жараёнда шахснинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайдиган ва унинг умумий ва махсус қоидаларига риоя қилиш билан чиқарилади. Бошқа ҳеч қандай идора ёки муассаса, лавозимли шахс, ички ишлар идоралари, прокуратура ва бошқалар мажбурий даволашни тайинлашлари мумкин эмас.

Шунга эътиборни қаратиш лозимки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазо чораларидан бири бўлиб ҳисобланмайди ва уларнинг тайинланиши ҳукм билан эмас, балки суднинг тегишли ажрими билан тайинланади. Бунда, суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаётиб, қабул қилинган қарорни аниқлашда, албатта, унинг сабабларини тушунтириши (ЖПК 467моддаси 3қисми), жамиятга хавфли

қилмишни содир этганлигини тасдиқловчи далилларни ва унинг мажбурий даволашга эҳтиёжи борлиги тўғрисида, шахснинг руҳий ҳолати тўғрисидаги судпсихиатрия экспертизаси хулосасини келтириб асослаб бериши лозим (ЖПК 577моддаси 3қисми).

Жамиятга хавfli қилмиш содир этган шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашда, суд бу чораларни амалга ошириш муддатини белгиламасдан, фақат тегишли мажбурий даволаш

турини танлайди ҳолос. Мажбурий даволаш қайси муассасада ўтказилиши масаласи соғлиқни сақлаш идоралари томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ мустақил ҳал этилади. Соғлиқни сақлаш идоралари касалнинг руҳий ҳолати жамиятга хавfliлик туғдирмайдиган даражада ўзгармагунча давом этадиган мажбурий даволаш муддатини мустақил белгилайди.

Бир вақтнинг ўзида лаёқатсиз руҳий касал шахсга нисбатан жиноий жазо ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ижро этилишига йўл қўйилмайди, чунки бундай вазиятда жазо ва мажбурий даволаш мақсадларига эришиш имкониятсиздир. Шу билан бир вақтда, бу қоида мажбурий даволаш уларнинг касаллик ҳолати билан боғлиқ бўлган, уларнинг ихтиёрий ва мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари билан чақирилган: алкоғолизм, гиёхвандлик ва заҳарвандликдан азият чеккан шахсларга нисбатан қўлланилмайди, чунки улардаги руҳий касаллик лаёқатлиликни истисно қилмайди.

Шахсга нисбатан бир неча жинояти учун тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаш бўйича олиб борилаётган вазиятларга суд алоҳида эътибор бериши лозим. Бундай вазиятда мажбурлов чораларини тайинлашда қуйидагилардан келиб чиқиш зарур:

—бир неча жиноятларни кўришда, уларнинг ҳеч бири учун шахс аввал жиноий жавобгарликка тортилмаган. Мажбурий даволаш ҳамма жиноятлар учун иш материалларининг ҳаммасини ўрганиш асосида, суд томонидан қилмиш лаёқатли ва лаёқатсиз ҳолатда содир этилганлигини кўрсатиш билан тайинланади. Бироқ охириги вазиятда ажримда жазо тури ва миқдори кўрсатилмайди. Шу билан бир вақтда, мажбурлов чораларини бекор қилиш умумий тартибда шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва у томонидан лаёқатли ҳолатда содир этилган жиноят учун жиноий жазо тайинлашда суд ишини янғидан бошлашга олиб келади;

—бир неча жиноятлар, улардан айримлари учун шахс жиноий жавобгарликка тортилган бўлса (бир неча ҳукмлар), бундай вазиятда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш, юқорида кўрсатилгани каби, яъни ҳамма жиноятлар учун суд ажримида лаёқатли ва лаёқатсиз бўлган ҳолатда содир этилганлигининг кўрсатилиши билан тайинланади. Шу билан бир вақтда, ажримда аввалги қилмишлари учун шахс жиноий жавобгарликка тортилгани ва жазоланган жазо турини ва миқдорини келтириш билан ҳамда аввалги қилмишлари учун шахс жиноий жавобгарликка тортилмаганлиги (бундай вазиятларда жазонинг тури ва миқдори тўғрисидаги масала ишда ҳал қилиниши лозим бўлмайди) алоҳида кўрсатилиши лозим.

Мажбурий даволашнинг бекор қилиниши охириги қилмишига нисбатан умумий тартибларда жазонинг тури ва миқдорини аниқлаш билан (ушбу қилмиш лаёқатли: ҳолатда содир этилган бўлса) суд ишининг тикланишига олиб келади. Бунда жазонинг якуний миқдори, қоида бўйича, жазо барча жиноятлар ва ҳукмлар жами бўйича тайинланади.

3§. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турлари

ЖК 93 моддасига мувофиқ, «тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига қуйидагилар киради:

а) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш;

б) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;

в) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида мажбурий даволаниш;

г) кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида мажбурий даволаниш».

Қонун чиқарувчи тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ихтиёрий тартибда эмас, балки тизим билан қатъий кетмакетликдан келиб чиқиб жойлаштиради. Бунда, ушбу кетмакетликни ташкил этиш даволанишга жалб этилган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш шартларини камроқ чекланишидан кўпроқ чекланишига қараб жойлаш принципларига асосланган. Бу билан қонун судларни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг ичидан камроқ чеклашга эга бўлганларини қўллашда ЖК 91 моддасида белгиланган мажбурий даволаш учун зарур ва етарли сонини аниқлашга йўналтиради.

ЖК 93 моддасида кўрсатилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турлари тугалланган ва кенгайтирилган талқинни тақозо этмайди. Шу муносабат билан, ушбу моддада кўрсатилмаган қайсидир чораларни тайинлаш жиноят қонунининг бузилиши бўлиб, суд ажримини бекор қилишга олиб келади. ЖПК 467 моддаси 3 қисмида назарда тутилган, касалга қараб туриш вазифасини тайинлаш тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ҳисобланмайди.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари турларининг рўйхатини **мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассисида** даволаниш очиб беради (ЖК 93 моддаси «а» банди).

Даволанишнинг бу тури шу билан тавсифланадики, у касални махсус муассасага (стационарга) ажратмасдан амалга оширилади ва касалнинг турар жойи бўйича, касал доимо бориб туриши, даволовчи шифокорнинг ҳамма талабларини бажариши лозим бўлган соғлиқни сақлаш идорасининг руҳий сабаб муассасасида амалга оширилади (ЖПК 181 моддаси 2 қисми). Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, амбулатория даволаниши маслаҳатдаволаш ёрдами ёки диспансер кузатуви кўринишида ўтказилади.

Даволашнинг бундай турини танлаш тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланган шахсга нисбатан, яқинлари билан мулоқотни, уни ўраб турган муҳитни бутунлай ўзгартирмасликни ҳамда ишни давом эттиришни ва атрофдагилар билан эркин мулоқотни сақдаб қолиш имкониятини беради.

ЖК 93 моддаси «б» банди умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволанишни назарда тутаяди.

Шифохона деб, мажбурий даволашни қўллаш маъносида алоҳида махсуслаштирилган ташкилот (шифохона) эмас, балки соғлиқни сақлаш идораларининг стационар шароитларда руҳий даволанишни амалга оширувчи ҳар қандай муассасаси (марказ, институт, клиника, диспансер ва бошқалар) тушунилади.

Умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш мажбурий даволаш тайинланган шахсга стационар шароитларда жамият учун хавфли қилмишлар содир этмаган шахслар билан бир қаторда руҳий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Бундай ҳолатда,

ушбу шахсга бошқа руҳий касалларга қўлланиладиган тартиб қўлланилади, мажбурий даволаш тайинланган шахснинг статусидан келиб чиқадиган чекловларни мустасно қилганда, яъни тайинланган даволанишни қабул қилиш мажбурияти (ЖПК 185моддаси 4қисми), шифохонадан чиқиш имконияти фақат мажбурий даволанишни бекор қилиш тўғрисидаги суд ажрими ва бошқалар билан амалга оширилади. Мажбурий даволанишнинг афзаллик томонлари шундан иборатки, касалга, унда мавжуд бўлган руҳий касалликдан, хулқининг хусусиятларидан, унинг руҳий ва жисмоний ҳолатидан, бўлим мутахассислашганлигидан, хизмат кўрсатиш ҳудуди доирасидан келиб чиқиб даволашреабилитация қилиш чораларини дифференциялаш қўлланилади.

Умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида мажбурий даволаниш (ЖК 93моддаси «в» банди) мажбурий даволашнинг яна бир тури сифатида медикаментоз терапияни қаттиқроқ чекловчи шартлар билан ўтказиш орқали фаркланади.

Мажбурий чораларнинг бу тури умумий типдаги руҳий шифохона чегарасида, аммо қатъий белгиланган чегараларда — реабилитация бўлимида ўтказилади. Бундай бўлим махсуслаштирилган тавсифга, яъни фақат суд томонидан мажбурлов чоралари тайинланган касалларни мажбурий даволаш учун мўлжалланган. Бошқа касаллар бу бўлимда сақланишига йўл қўйилмайди.

Реабилитация бўлимининг махсуслаштирилган тавсифи, миждозларнинг қочиб кетишларига тўсқинлик қилувчи махсус чораларни ҳамда даволашнинг специфик дастурларини ва у ерга тушадиган миждозлар хусусиятларини ҳисобга олган йўналишдаги касалларнинг ижтимоий реадaptациясини ўз ичига олади. Бундай бўлимда, касалга шифокорнинг таъсири, унинг онгида ноиложлик ҳиссини енгиш мақсадида, даволанишнинг фойдасизлиги тўғрисидаги тасаввурни енгиш мақсадида, даволашнинг муваффақиятли тугашига, айниқса, касалликнинг сезиларли бўлмаган силжишларида ҳам ишонч пайдо қилиш мақсадида таъсир этишига асосланган. Бундай масалаларнинг фақат шундай ечими шахс руҳий касаллигини самарали даволашга, мажбурий чоралар қўлланишининг ижобий натижасига эришишга имкон беради. Даволаш асосан руҳий коррекциялаш чоралари ва меҳнат реабилитацияси чоралари ёрдамида амалга оширилади.

Бундай турдаги мажбурлов чоралари, касалларни қатъийроқкузатиш шароитларида амалга оширилади ва бунга бўлимларда қоровулар ҳисобига ва ўтказиш тартибини яратиш ҳисобига ҳамда назорат ва кузатув мажбуриятлари юклатилган тиббий ходимлар билан яхши таъминланганлиги ҳисобига эришилади.

ЖК 93моддаси «г» бандида назарда тутилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг қатъийроқтури **кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлимсида мажбурий даволашдир.** Бунга ўхшаш шифохонада ёки бўлимда даволашни ташкил этиш, ҳар бир миждоз турли клиник ҳолатдаги ёки турли хил гераг ия босқичларига мувофиқ, амалда улардан кетмакетликда ўтиши лозим бўлган даволаш жараёнини тор махсуслаштирилиши ва профиллаштирилиши билан фарқ қилади.

Рухий касалликлар шифохонасида ёки интенсив кузатув бўлимида ҳам муассасанинг тиббий ходимларини, ҳам касалларнинг хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш мақсадида махсус воситалар ўтказилади.

Умумий тартибли руҳий касалликлар шифохоналарини қўриқдаш тиббий ходимлар томонидан, судпсихиатрия экспертизаси бўлинмалари ва кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохоналарида ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади (ЖИК 192моддаси 2қисми). Улар шифохона ёки бўлимнинг нафақат ташқи айланасини муҳофаза қилади, балки шифохона ва бўлим ичида, айлангани чиққан вақтларда, касаллар иштирокида ўтказиладиган турли тадбирларда улар хулқининг назоратини ва кузатувини амалга оширадилар.

Кўрсатиб ўтиш лозимки, суд томонидан фақат бир турдаги мажбурий даволаш тури аниқланиши мумкин, бир вақтнинг ўзида шахсга икки ёки ундан ортиқ даволаш турини тайинлаш қонуннинг бузилиши ҳисобланиб, ажримнинг бекор қилинишига олиб келади. Руҳий касалларни мажбурий даволаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган ташхис қўйиш, даволаш ва соғлиқни тиклаш усуллари қўлланган ҳолда ўтказилади (ЖИК 187моддаси).

4§. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш

ЖК 94моддаси ЖК 92моддасида кўрсатилган мажбурий даволашни қўллашнинг умумий асосларини тўлдирувчи тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг махсус масалаларини мувофиқдаштиради. Ушбу масалаларнинг махсус тавсифи, **ЖК 94моддаси** ҳолатлари билан тартибга солинган фақат қатъий чекланган шахслар доирасида қўлланилишини талаб қилувчи мажбурий даволашнинг аниқ тури хусусияти билан шартланган.

ЖК 94моддасида кўрсатилган махсус асослар суд томонидан, **ЖК 92моддасида** белгиланган умумий шартлар билан бир қаторда тиббий йўсиндаги аниқ мажбурлов чораларини танлашда ҳисобга олиниши лозим. Бунда суд биринчидан, мажбурлов даволаш тайинлашнинг шартлари мавжудлигини аниқлаши, фақат улар мавжуд бўлгандагина кўрсатилган модда ҳолатларига мувофиқдаволаш турини танлаш масаласини ечиши лозим.

ЖК 94моддаси 1қисми мажбурий амбулатория кузатуви ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш руҳий касаллиги зўрайиб кетаётганлигини кўрсатувчи аломатлар бўлмаган, шунингдек, руҳий ҳолати вақтинча бузилган руҳий касалларга нисбатан, бундай касалликнинг қайтарилмаслиги ва янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилмаслиги учун тайинланиши мумкинлигини белгилайди. Бу мажбурлов чораси касалликнинг ўткирлашув белгилари топилмаган ҳамда вақтинчалик руҳий касалликни кечирган шахсларга, касалликнинг ривожланишини ва жамиятга хавфли қилмиш содир этишни олдини олиш учун руҳий касалларга нисбатан қўлланилади.

Касалликнинг ўткирлашуви, кўриб чиқиладиган мезърлар маъносида касал соғлиғининг умумий яхшиланиш даврида хроник руҳий касаллик белгиларини сезиларли намоён бўлишидан иборатдир (ремиссия). Бунда касалликнинг ўткирлашув белгилари ҳар бир аниқ руҳий касалликка боғлиқ равишда турлича бўлиши мумкин ва судпсихиатрия экспертизаси ўрнатилишини тақозо этади.

Касалликнинг ўткирлашув белгилари топилмаган, яъни ҳозирда ва узоқ муддатли келажакка касаллик белгилари намоён бўлиши имконияти

паст бўлган шахсларга мажбурий амбулатория кузатуви ва рухий касаллик мутахассисида даволаниш қўлланади.

Рухий ҳолати вақтинча бузилган рухий касаллик — бу шундай рухий касалликки, у нисбатан тез ўтиши ва соғайиши билан тавсифланади, масалан: патологик маст бўлиш, реактив симптоматик ҳолат, яъни оғир қалб кечинмалари ва изтироблари билан чақирилган рухий касаллик. Қўпчилик вазиятларда, бу касалликлар қўққисдан пайдо бўлади ва касалнинг тўла соғайиши билан тугайди.

Назарда тутиш лозимки, мажбурий амбулатория кузатуви ва рухий касаллик мутахассисида даволанишни қўллаш тиббий йўсиндаги мажбурият чорасини қўллаш мақсадларидан ташқари, махсус мақсадни — касаллик такрорланишининг олдини олишни ҳам мақсад қилади.

Касалликнинг такрорланиши деб, унинг тавсифидан мустақил равишда касаллик белгиларининг такрорий намоён бўлишини тушунмок лозим: хроник касаллик ёки вақтинчалик рухий касаллик. Мажбурий амбулатория кузатуви ва рухий касаллик мутахассисида даволаниш, шахс ўзининг рухий ҳолатини тўғри баҳолаш хусусиятига эга бўлса, тайинланган тартибга риоя қилишга, тиббий ходимлар томонидан доимий назоратни талаб этмайдиган, етарли тартибланган ва ташкилланган ҳулққа эга бўлган вазиятда тайинланади. Даволашнинг бундай тури такрорланишига ишоғи кам бўлган, вақтинчалик рухий касалликка чалинган ҳолатда қилмиш содир этган шахсга ҳамда аввал стационар рухий терапиядан ўтган ва касаллик хуружланиши белгилари топилмаган шахсларга нисбатан қўлланганда самаралидир. Охириги вазиятда, қоидага кўра, амбулатория даволаниши, стационар шароитларда рухий терапия курсини ўтаган шахснинг ижтимоий адагтациясини енгиллаштириш мақсадларида тайинланади.

Умумий тартибли рухий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш, тиббий йўсиндаги мажбурий чоралар тури сифатида ЖК 94-моддаси 2-қисмига мувофиқ, «ижтимоий хавфлилиги рухий ҳолати билан боғлиқ бўлган, умумий асосларда даволаш талаб этиладиган рухий касалларга нисбатан тайинланиши мумкин».

Умумий асосларда даволаш талаб этиладиган ҳолат шу билан тавсифланадики, шахснинг жамиятга хавфлилиги унинг рухий кечинмалари билан бевосита шартлашилган: алаҳсираш, галлюцинация, ўзиникини маъқуллаш ҳолати, ҳушиэси жойида эмаслиги ёки енгил даражада ақли пастлик. Рухий кечинмаларидан ташқарида, бу шахсларнинг касаллик тавсифларидан мустақил равишда ахлоқларида аксижтимоий анъаналар топилмайди. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, бундай вазиятларда шахснинг жамиятга хавфлилиги, унинг ўзи учун ва атрофидагилар учун бевосита хавфлилигида намоён бўлади; унинг ёрдамсизлиги, яъни асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил қондириш хусусиятларининг йўқлиги; агар шахс рухий ёрдамсиз қолдирилса, рухий ҳолатининг ёмонлашуви оқибатида унинг соғлиғига сезиларли зарар етишида намоён бўлади.

Умумий тартибли рухий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш қуйидаги касалларга тайинланиши лозим:

— рухий касаллик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган, рухий касаллиги такрорланиши мумкин бўлган ёки ўз ҳолатига етарли бўлмаган даражада танқидий баҳо берганларга;

—келиб чиқиши турлича бўлган ақли пастликдан ва рухий камчиликлардан азият чеккан, ташқи ноқулай ҳолатлар таъсири оқибатида қилмиш содир этганларга.

Кўрсатилган тоифадаги рухий касалларга мажбурлов чораларни тайинлаш, фақат уларда тегишли соғлиқни сақлаш муассасалари тартибларини қўпол равишда бузиш ҳамда жамиятга хавfli қилмиш содир этиш анъаналари йўқбўлган шароитларда мумкин.

Кузатув кучайтирилган рухий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида мажбурий даволаниш ЖК 94моддаси 3қисми

ҳолатларидан келиб чиқиб тайинланиши мумкин, яъни «ижтимоий хавfliлиги кўпроқ саломатликни тикловчи чораларни кўришни талаб қиладиган, уларни эса ихтиёрий тартибда ўтказиш мумкин бўлмаган рухий касалларга нисбатан умумий тартибли рухий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида мажбурий даволаш тайинланиши мумкин».

Бундай мажбурлов чоралари, умумий типдаги рухий шифохоналарга жойлаштирилган шахсларга қараганда жамиятга хавfliлиги ортиқроқ бўлган шахсларга нисбатан тайинланади. Кўрсатилган шахслар жамиятга хавfli бўлган, ноагрессив қилмишларни содир этишга (инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши бўлмаган қилмишлар), умумий типдаги рухий шифохонанинг стандарт шароитларида реабилитация тадбирларининг ўтказилишини имкониятсиз қиладиган даволаш муассасасининг тартибини бузишга маълум даражада мойил бўладилар. Бунда қонун алоҳида белгилайдики, реабилитация бўлимида мажбурий даволаш, фақат соғлиғининг ҳолати реабилитация чораларини талаб этадиган шахсларгагина қўланади. Шундай вазиятда, агар рухий касал, соғлиғининг ҳолати бўйича яна мажмуали даволаш чораларини ўтказишга эҳтиёжли бўлса, бироқ бемор томонидан қилинаётган тартиб бузишлар уларни амалга оширишга имкон бермаса, унга **ЖК 94моддаси 4қисми** ҳолатларига мувофиқ кузатув кучайтирилган рухий касалликлар шифохонасида ёки бўлимда мажбурий даволаш тайинланиши зарур.

ЖК 94моддаси 4қисмига мувофиқ, «Кузатув кучайтирилган рухий касалликлар шифохонасида ёки бўлимда мажбурий даволаш ўта ижтимоий хавfli бўлган ёки ўз хулқига кўра умумий тартибли рухий касалликлар шифохонаси шароитида даволанишининг имкони бўлмаган рухий касалларга нисбатан тайинланиши мумкин. Ку

затув кучайтирилган рухий касалликлар шифохонасида ёки бўлимда рухий касаллар батамом ажратилган ҳолда сақланади ва қўриқланади». Мажбурий даволашнинг бундай турини қўллаш, касалнинг жамиятга алоҳида хавф туғдириши ёки умумий типдаги рухий шифохона шароитларида зарурий даволаш ва реабилитация тадбирларининг ўтказилишини имкониятсиз қиладиган, унинг ахлоқ бузилишлари билан шартланади ва рухий шифохонага ёки интенсив кузатув остидаги бўлимга йўлланмалар касалликнинг хусусиятлари билан эмас (тиббий кўрсаткичлар), балки рухий касалликнинг ижтимоий намоёни хусусиятлари билан — касалнинг жамиятга алоҳида хавfliлиги билан чақирилади.

Рухий касалнинг жамиятга алоҳида хавфи — касалликнинг ижтимоий кўриниши сифатида ушбу шахснинг жиноят қонуни билан оғир ва ўта оғир деб топилган қилмишларни содир этишида, унга аввал

қўлланган мажбурлов чораларининг тавсифига қарамасдан, шахс содир этган қилмишнинг тизимлилигида намоён бўлади.

Касал умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонаси тартиби талабларини унга даволашреабилитация қилиш тадбирларини ўтказишга имконият бермайдиган даражада бузганда шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларидан руҳий шифохона ёки интенсив кузатув остидаги бўлимда мажбурий даволаш тури тайинланади. Бунда у содир этган қилмишнинг оғирлиги аҳамиятга эга эмас. Шу билан бир вақтда алоҳида эътибор бериш лозимки, бундай вазиятларда қўрилайётган мажбурлов чораларини тайинлаш нафақат реабилитация қилиш, балки даволаш тадбирларини ўтказиш имкониятининг йўқлигини кўрсатади. Бошқа вазиятларда, агар тартибнинг бузилиши фақат реабилитация тавсифидаги чораларни ўтказиш имкониятини бермаса, **ЖК 94 моддаси 3 қисми** тартибда касалга фақат умумий типдаги руҳий шифохонанинг интенсив кузатув остидаги бўлимида мажбурий даволаш қўлланиши мумкин. Ушбу масаланинг бошқача ечими жиноят қонунининг бузилиши ҳисобланади ва ажримнинг бекор қилинишига олиб келади. Таъкидлаш лозимки, руҳий шифохоналарда ёки интенсив кузатув остидаги бўлимларда руҳий касаллар **қатъий ажратилган ва қўриқланган шароитларда** сақланадилар.

(Қатъий ажратилган ва қўриқданган шароитлар тўғрисида кенгроқушбу бобнинг «Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турлари» деб номланган 3 § га қаранг.)

Шахсга у ёки бу тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш зарурияти, касалликнинг тавсифи каби судпсихиатрия экспертизасининг хулосасида аниқ кўрсатилиши лозим. Бунда мажбурий даволашнинг аниқ турини қўллаш зарурати, албатта асосланиши лозим. Шу вақтнинг ўзида, экспертизанинг хулосаси суд учун ўрнатилган далил кучига эга бўлмайди ва ишнинг бошқа ҳолатлари билан биргаликда суд томонидан баҳоланиши лозим бўлади. Ишнинг бошқа ҳолатлари билан биргаликда суд жамиятга хавфсизлик тавсифини бошқача баҳолаши мумкин ва ўз хоҳиши бўйича у ёки бу мажбурлов чораларини қўллаши (ёки қўлламаслиги) мумкин. Ҳар бир ҳолатда суд қарори, албатта асосланиши лозим.

5§. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш

Қонун мажбурлов чораларини қандайдир муддат билан чегараламайди ва шу билан бир вақтда, мажбурлов чоралари қўлланилган шахсга нисбатан унинг узайтирилиши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши учун асос бўлиб, истисно тариқасида саломатлигининг ҳолати ҳисобланади. Шундай қилиб, жиноят қонуни мажбурлов чоралари тайинланган шахс ҳуқуқларига риоя қилинишига кафолат яратиб, мажбурий даволашни жазо воситасига ихтиёрий модификация қилиш имкониятини бермайди.

ЖК 95 моддаси 1 қисмига кўра, «тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш масаласини руҳий касалликлар шифокорлари комиссиясининг хулосасига асосланган ҳолда суд ҳал қилади». Бунда кодекс, кўрсатилган чораларнинг

узайтирилиши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши қайси тартибларга асосан амалга оширилишини аниқламайди.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддатини узайтириш ўзида аввал тайинланган мажбурий даволаш турини кейинчалик қўлланишини ифодалайди. Мажбурлов чоралари муддатини узайтириш аниқ мажбурий даволашнинг тайинланиши учун асос бўлган шахснинг физик ва психик ҳолати ўзгармасдан қолса ёки унинг ўзгариши сезиларсиз ўтаётган бўлса, амалга оширилади. Назарда тутиш лозимки, касал ҳолатини баҳолаш текширилаётган вақтдаги ҳолатидан келиб чиқмасдан, унинг келгусидаги ривожланишини ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоғи лозим. Эришилган хавфсиз ҳолатнинг доимийлиги тўғрисида ахборотнинг йўқлиги сабабли, тайинланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни давом эттиришни тақозо этади.

Мажбурий даволаш муддатининг узайтирилиши касал даволаш ўтастган рухий муассаса шифокорпсихиатрларидан йиғилган шифокорпсихиатрлар комиссиясининг ҳулосасида кўрсатилган тавсиялар асосида амалга оширилади. Назарда тутиш лозимки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, психиатрик стационарга жойлаб, мажбурий даволашни узайтириш мақсадларида рухий касални махсус текшириш тартиби назарда тутилган. Улар:

— шахсга мажбурий даволаш тайинланганидан кейин олти ой давомида, бироқ энг камида бир ойда бир марта шахсни госпиталлаштиришни узайтириш тўғрисидаги масалани ечиш учун шифокорпсихиатрлар комиссияси, албатта текшириши лозим. Олти ой ўтганидан сўнг, ҳулоса психиатрик стационар маъмурияти томонидан мажбурлов чорасини узайтириш учун судга юборилади;

госпиталлаштириш узайтирилган вазиятда, кейинги текширувлар олти ойдан кам бўлмаган вақтда бир марта амалга оширилади. Бунда шифокорпсихиатрлар комиссиясининг ҳулосаси ҳар йили психиатрик стационар маъмурияти томонидан мажбурлов чорасини узайтириш учун судга юборилади. Агар психиатрик муассаса, мажбурий даволашнинг узайтирилиши ёки ўзгартирилиши тўғрисидаги суд ажримидан бир йил ўтганидан сўнг ҳам мажбурий даволашни амалга оширишда давом этаётган бўлса, унинг фаолияти ноқонуний деб топилади.

Юқорида кўрсатилган вазиятларда муддатларни ҳисоблашни мажбурий даволаш учун аниқ шахсга нисбатан тайинланган, узайтирилган ёки ўзгартирилганлиги тўғрисидаги суднинг охириги ажрими кучга кирган вақтдан амалга ошириш лозим.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахс соғайган такдирда ёки соғлиғи ўзгариб, шахс рухий касал бўлсада, суд томонидан дастлаб белгиланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларидан бошқа хил даволанишга муҳтож бўлса ёхуд бу хилдаги чораларга муҳтож бўлмаса, суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилади ёки ўзгартиради (ЖПК 578моддаси).

Мажбурлов чоралари тайинланган касал соғлиғининг ўзгариши, аввал танланган даволаш турига риоя қилинганда даволашреабилитация қилиш тадбирларини ўтказишни самарали давом эттиришга имкон бермайдиган даражада сезиларли бўлиши лозим. Бунда, соғлиғининг ўзгариши яхшиланиш томонига ёки ёмонланиш томонига бўлиши мумкин, танланган даволаш тури мос равишда камроқ ёки кўпроқ чегараланган ҳолда ўзгартирилиши лозим.

Назарда тутиш лозимки, унга нисбатан мажбурий даволаш қўлланилган шахс соғлигининг ҳолати яхшиланган вазиятда, мажбурий даволаш турини ўзгартириш имкони борича босқичмабосқич даволашнинг оғир турини енгилроғи билан алмаштириб ўтказилиши лозим. Бундай вазиятда, суд даволаш турини бирданига ўзгартиришдан қочиб, имкон қадар, хатога йўл қўймаслик учун, касал ҳолатининг ўткирлашуви ва декомпенсациясининг олдини олиш учун, шахснинг барқарор ва самарали ижтимоий адаптациясига таъсир кўрсатиб, даволаш интенсивлигини кетмакет бўшаштириб бориш зарурлигини назарда тутиши лозим. Шу вақтнинг ўзида бу қоидалар суд учун мажбурий ҳисобланмайди.

Соғлиғи ҳолатининг ёмонлашуви вазиятларида, кўпроқ чегараланган шартлар билан мажбурий даволаш турини танлаш тартиби ушбу қоидаларга бўйсунмайди. Қоида бўйича, бундай вазиятларда суд, ўзгартиришнинг босқичмабосқич принципларини қўлламастан, касал ҳолатининг ёмонлашувига тез ва амалий жавоб бериб, дарҳол зарур чора тайинлаши қўлланган даволашнинг самарасига таъсир кўрсатади.

Тиббий йўсиндаги мажбурият чораларни қўллашни бекор қилиш аниқ шахсга нисбатан ҳар қандай турдаги мажбурият чораларининг тўла бекор қилиниши билан ифодаланади. Тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари қўллашни тўхтатиш учун шахснинг тузалиши асос бўлади, бунда у руҳий касал бўлиб қолиб, тиббий йўсиндаги мажбурият чораларни қўллашга эҳтиёж сезмайди.

Тузалиш — шахс руҳий саломатлиги ҳолатининг турғун яхшиланиши бўлиб, бу ҳолатда унда руҳий касаллик белгилари тўла йўқолади ва у ўз ҳаракатига ҳисоб беришга ва уни бошқаришга қодир бўлади.

Саломатлик ҳолатининг ўзгаришида шахс руҳий касал бўлиб қолиб, тиббий йўсиндаги мажбурият чораларни қўллашга эҳтиёж сезмаслиги

ўзида касаллик ривожланишининг шундай даврини ифодалайдики, бунда шахс ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдирмай қўяди. Бунда соғлиғи ҳолатининг ўзгариши, ҳам яхшиланиш томонига, ҳам ёмонланиш томонига бўлиши мумкин, бу мажбурий даволашни тўхтатишга таъсир қилмайди. Шу билан бир вақтда, соғлиқнинг ўзгариши барқарор тавсифга эга ва касалликнинг ўткирлашуви мумкинлиги даражаси, аксижтимоий аъъаналар намоён бўлиши паст эканлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Соғлиғи ҳолатининг ўзгариши шахснинг нафақат руҳий соғлиғига, балки унинг жисмоний ҳолатига ҳам таъсир этишини назарда тутиш лозим. Шу муносабат билан, мажбурий даволашни, яна руҳий касаллик ўзгармайдиган ҳолатларда, бироқ шахс томонидан жамият учун хавфли қилмиш содир этишга жисмоний имконият қолмаганида ҳам тўхтатиш мумкин (масалан, қандайдир шикастланиш пайдо бўлганида).

Шуни ҳисобга олиш лозимки, жиноят содир этган ва кейин руҳий касалликка дучор бўлиб қолганлиги туфайли тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари қўлланилган шахс соғайган тақдирда, суд ишни шахс руҳий касал бўлган босқичдан бошлаб умумий тартибда юритишни тиклаш масаласини ҳал қилиши лозим (ЖПК 579-моддаси). Бундай ҳолатда, шу шарт билан, агар шахснинг қилмишида жиноят таркиби белгилари мавжуд бўлса, қисман, жиноят содир этганда лаёқатлиги белгилари, яъни қачон шахс жиноят содир этганидан сўнг, бироқ ҳукм чиқарилгунича ёки жазони ўташ даврида руҳий касаллик билан оғриб

қолса йўл қўйилади. Акс ҳолларда шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Шахснинг мажбурий даволанишда бўлган даври, дастлабки камоқ муддатини ҳисоблаш қоидаларига мувофиқ жазони ижро этишда ҳисобга олиниши лозим (ЖК 62моддаси). Психиатрия стационарида бўлган бир кун озодликдан маҳрум этилган бир кунга тенглигидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бундай вазиятларда психиатрия стационарининг тури аҳамиятга эга эмас.

Мажбурий даволашни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги масала ҳам даволашни тайинлаш ёки уни кучайтириш масаласи каби суд томонидан шифокорпсихиатрлар комиссиясининг ҳулосасига биноан ҳал қилиниши лозим. Бунда амалдаги қонунчилик, даволашнинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши имконияти бўйича тегишли текширувлар ўтказилишига қандайдир чегараларни белгаламайди. Шу муносабат билан бундай вазиятда, охириги текширувлар муддатига боғланмаган ҳолда, текширувлар шахснинг соғлиги ҳолатида сезиларли ўзгариш содир бўлган заҳоти амалга оширилмоғи лозим.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш рад қилинган тақдирда такрорий илтимоснома рад этиш ҳақида ажрим чиққан кундан олти ой ўтгандан кейингина кўриб чиқиш учун қабул қилиниши мумкин (ЖПК 580моддаси 10қиеми).

Яна шунинг эътиборга олиш лозимки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини ижро этаётган соғлиқни сақдаш муассасаси шифокорпсихиатрлари комиссиясининг тавсиясига қарамасдан, мажбурий даволашни узайтириш, ўзгартириш ёки тўхтатиш тўғрисидаги масалани фақат суд ечиши лозим. А гар суднинг ажрими йўқ бўлса, шифокорлар унинг ҳолатини қандай дейишларидан қатъи назар, у чиқариб юборилиши ёки бошқа руҳий шифохонага ўтказилиши мумкин эмас. Мажбурий даволашни узайтириш, ўзгартириш ёки тўхтатиш тўғрисидаги масалани ечишда суд шифокорпсихиатрлар комиссияси чиқарган ҳулосанинг асослилигини текшириб чиқиши лозим. Бунинг учун суд ўтказилган даволашнинг натижаларини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси бекор қилинганидан кейин

шахс борадиган жой шароитларини ҳамда кейинчалик тиббий кузатув ва даволаш заруриятини аниқламоғи лозим. Шу мақсадларда, шахсга нисбатан мажбурий даволаш қўллашни бекор қилиш тўғрисидаги масала ечилаётган суд мажлисига тиббий муассаса вакилларини, яқин қариндошларини ёки шахснинг қонуний вакили чақирилиши лозим.

ЖК 95моддаси 2қисми агар руҳий касалга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чоралари қўллаш зарурати бўлмаса, шунингдек, бу чоралар бекор қилинган бўлса, суд уни умумий асосларда даволаш ёки ижтимоий таъминот муассасаларига юбориш масаласини ҳал этиш учун соғлиқни сақлаш органларига топшириши мумкинлигини назарда тутади.

Тушунтириш лозимки, **ЖК 92моддасида** кўрсатилган мажбурлов чоралари қўллашнинг умумий асослари мавжуд бўлмаган руҳий касал шахс, **мажбурий даволашни қўллашга эҳтиёжсиз деб топилади.** ЖК 95моддаси 2қисмида назарда тутилган тартибда, шахсни соғлиқни сақлаш идораларига топширишда, уни даволаш Ўзбекистон Республикасининг «Руҳий ёрдам тўғрисида»ги Қонуни ҳолатларига мувофиқ амалга оширилади.

6§. Алкоголизм, гиёхвандлик ва захарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш

Алкоголизм, гиёхвандлик ва захарвандликка йўлиққан шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш уларга қўлланган жиноий жавобгарлик самарадорлигини оширишга, жиноятчилик даражасининг пасайишига, фуқароларни Конституция ва қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялашга таъсир кўрсатади. Шунинг учун, ушбу шахслар томонидан содир этилган ҳар бир ҳолатда, суд, тиббий хулоса мавжуд бўлганда, унга нисбатан жазо билан бир қаторда мажбурий даволашни тайинлаш зарурияти тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилиши лозим (ЖК 96моддаси 1 қисми). Фараз қилинадикки, шу масала лаёқатлиликни истисно қилмайдиган руҳий касал бўлган шахсларга жазо тайинлашда ҳам муҳокама этилиши лозим. Бундай шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг жазони ижро этиш билан қўшиб тайинланиши Ўзбекистон Республикаси «Руҳий ёрдам тўғрисидаги» Қонунининг 15 моддаси 2 қисмида кўрсатилган.

ЖК 96 моддаси ҳолатлари мажбурий даволашни қатъий чекланган доирадаги шахсларга: алкоголизм, гиёхвандлик ва захарвандликка йўлиққан шахсларга қўлланиши масаласини мувофиқлаштиради. (Бу тоифа шахсларга қимлар кириши тўғрисида ушбу бобнинг «Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг тушунчаси ва мақсадлари» деб номланувчи 1 § қаранг.)

Шуни ҳисобга олиш лозимки, бундай шахсларга нисбатан ЖК 96 моддаси ҳолатларига мувофиқ, мажбурий даволаш чораларини қўллашга, агар шахснинг касаллиги хроник тавсифли ва у шахсни ўз ҳаракатлари аҳамиятини англаш ва уни бошқариш имкониятидан маҳрум этмаган вазиятларда йўл қўйилади. Бошқа вазиятларда мажбурий даволашни жиноий жазо билан параллел тайинлаш ноқонуний ҳисобланади. Аммо, алкоголь, гиёхванд ва психотроп моддалар истеъмол қилишга ҳамда психофаол ҳаракати бўйича гиёхванд моддаларга ўхшаш, сунъий ёки табиий дори бўлмаган моддаларга боғлиқлиги, уни ўз ҳаракатлари аҳамиятини англаш ва уларни бошқариш хусусиятидан маҳрум қилса, унга ЖК 96 моддаси тартибида эмас, балки руҳий касал сингари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш зарур бўлади.

Алкоголизм, гиёхвандлик ва захарвандликка йўлиққан шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлашда, суд ЖК 92 моддасида белгиланган мажбурий даволашни қўллашнинг умумий асосларидан келиб чиқиб ҳамда ЖК 94 моддасида кўрсатилган мажбурлов чоралари у ёки бу турини қўллашнинг хусусий шартларидан келиб чиқиши лозим. Бунда назарда тутиш лозимки, шахснинг руҳий ҳолати суднаркологик экспертиза хулосаси билан тасдиқланиб, унда, албатта, қуйидаги саволларга жавоб ифодаланган бўлиши лозим:

— шахс хроник ичкиликбоз, гиёхванд ва захарванд бўлиб ҳисобланадими;

— алкоголь, гиёхванд ва психотроп моддалар истеъмол қилиш ҳамда психофаол ҳаракати бўйича гиёхванд моддаларга ўхшаш, сунъий ёки табиий дори бўлмаган моддаларга оғриқли боғлиқлиги уни ўз ҳаракатлари аҳамиятини англаш ва уларни бошқариш хусусиятидан маҳрум қиладими;

—мажбурий даволашни қўллаш учун шахсда қандайдир қарши кўрсаткичлар мавжудми ва бор бўлса қайсилар.

Тиббий хулоса суд учун олдиндан шартлашилган далилий кучга эга эмас ва ишнинг бошқа ҳолатлари билан биргаликда баҳоланиши тақозо этилади. Аммо, суднинг суднаркологик экспертиза тавсияларига розилиги ёки норозилиги ажримда, албатта асослаб берилиши лозим.

Алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга мажбурий даволашни қўллаш судланган шахс қилмишининг тавсифи билан кузатилмайди, яъни қилмиш содир этганлиги учун судланган шахс, уни мастлик ҳолатида содир этганми ёки йўқми, унга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин. Фақат шахсда алкоголь, гиёҳванд ва психотроп моддалар истеъмол қилиш ҳамда психофаол ҳаракати бўйича гиёҳванд моддаларга ўхшаш, сунъий ёки табиий дори бўлмаган моддаларни истеъмол қилишга хроник боғлиқдиги борлигини аниқдаш муҳим. Шу билан бир вақтда, шахсни судлашда ҳар қандай мажбурлов чораларини албатта қўллаш шarti бўлиши шарт (ЖК 92моддаси).

Алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга мажбурий даволаш жиноий жазо билан бирга тайинланиши қонунда бевосита кўрсатилган. Бунда, суд мажбурий даволашни қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қила туриб, уни алоҳида ажрим билан расмийлаштириши лозим. Бундай вазиятда, суд айблов ҳукмини чиқараётиб, унда шахсга нисбатан мажбурий даволаш зарурлигини кўрсатмоғи, аммо унга тегишли масалаларни алоҳида ажрим билан ҳал қилиши лозим.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланган алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга, мажбурий даволашнинг ҳамма турлари қўлланиши мумкин — бунга нисбатан қонунда ҳеч қандай чекловлар ифодаланмаган. Шу билан бир вақтда, ушбу шахслар жиноят содир этганликда айбдор деб топилганликларини ҳамда улардаги боғлиқлик хусусияти уларнинг лаёқатлилигидан маҳрум этишини инобатга олиб, уларга қўлланилган мажбурий даволаш руҳий касаллардан ва жазо ўтаётган лаёқатли шахслардан ажратилган ҳолда ўтказилади.

Белгилаб қўйиш лозимки, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларни мажбурий даволаш уларга тайинланган жазо ижроси билан биргаликда амалга оширилгани учун, ушбу даволашни ташкил этишнинг маълум хусусиятлари ҳам мавжуд. Агар шахс озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо билан судланган бўлса, ЖК 96моддаси 2қисмига мувофиқ, у тиббий муассасаларда мажбурий даволаниши лозим. Бундай ҳолатларда, даволаш амалдаги қонунчиликка мувофиқ умумий асосларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус даволашпрофилактика муассасаларида ташкил этилади¹.

Ушбу шахслар судланган бўлиб, уларнинг даволаниши, бу муассасада даволаш курсини ўтаётган, ЖК 96моддаси тартибида бўлмаган бошқа шахслардан алоҳида амалга оширилиши лозим.

Агарда, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахслар, ЖК 96моддаси 3қисмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш ва камашга ҳукм этилган бўлса, у жазо ўташ жойларида, озод қилинганидан сўнг эса, даволашни давом эттириш лозим бўлган тақдирда, умумий

асосларда тиббий муассасаларда даволаниши лозим. Бунда, жазони ўтаганларидан кейин улар судланган сифатида кўриб чиқилмайдилар ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус даволашпрофилактика муассасаларида, ушбу даволаш кўриб чиқиладиган модда тартибида даволаш қўлланмаган шахслар билан бир қаторда даволанадилар.

Назарда тутиш лозимки, қонун суд томонидан тайинланган мажбурий даволашни узайтириш тартибларини назарда тутмайди. Алкоголизм, гиёхвандлик ва заҳарвандликдан даволаниш курси, уни ҳар йили узайтириш билан эмас, балки уни тўла ўтагунича ўтказилади.

Алкоголизм ёки гиёхвандликдан тўла мажбурий даволаш курси тугаганидан сўнг, жазони ижро этиш бўйича муассаса маъмурияти, соғлиқни сақлаш муассасаси амалдаги қоғунчиликка мувофиқ, судга судланган шахсдан мажбурий даволашни олиб ташлаш тўғрисидаги тақдимномани юборишга мажбур. Аввал тайинланган мажбурий даволаш турини ўзгартириш, ЖК 95моддаси ҳолатларига мувофиқ, умумий тартибларда амалга оширилади. Бунда, шахснинг руҳий шифохонада бўлган вақти, психиатрия стационаридаги бир кун озодликдан маҳрум этилган бир кунга тенглаштириб, жазо муддатига ҳисобланади. Бу ҳолатда психиатрия стационарининг типи аҳамиятга эга эмас.

«Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари» мавзуси бўйича яқуний саволлар

1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ўзида нимани ифодалайди?
2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазодан нима билан фарқ қилади? Ушбу жиноятҳуқуқий институтларнинг ўхшашлиги нимада?
3. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг мақсадлари қандай? Улар қайси тоифа шахсларга қўлланилади? Руҳий касал деб кимларга айтилади?
4. Мажбурий даволаш лаёқатлилиги мустасно қилинмаган руҳий касалликка чалинган шахсларга қўлланилиши мумкинми?
5. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлашнинг умумий асослари қандай?
6. Мажбурлов чораларининг қандай турлари мавжуд?
7. Мажбурий даволаш муддатлари ким томонидан ва қандай аниқланади?
8. Кимга умумий типдаги руҳий шифохонанинг махсуслаштирилган реабилитация қилиш бўлимида сақлаш билан мажбурий даволаш тайинланади?
9. Касални умумий тартибли руҳий шифохонадан кузатув кучайтирилган руҳий шифохонага ўтказишга йўл қўйиладими?
10. Қандай шароитларда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни тўхтатиш содир этилади? Қандай вазиятларда ушбу чоралар узайтирилади? Мажбурий даволашни узайтириш тартиблари қандай?
11. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўзгартириш учун нима асос бўлади?
12. Алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларига судланган шахсларни мажбурий даволаш қаерда ўтказилиши лозим?
13. Алкоголизм, гаёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахслар руҳий аҳволини тиббий экспертлар томонидан белгилашда қайси масалаларни аниқдаш лозим?

I боб. ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ МАХСУС ҚИСМИ ТУШУНЧАСИ, ВАЗИФАСИ, ПРЕДМЕТИ ВА ТИЗИМИ

1-§. Жиноят ҳуқуқи махсус қисми тушунчаси, вазифаси,
предмети ва тизими.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунда жиноий жавобгарликка тортиш ҳамда содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш учун қонун нормалари доирасида жазо тайинлаш назарда тутилган, унинг ўзига

хос хусусиятларини ифодаловчи, ҳуқуқ тизимининг мустақил тармоғи эканлигини белгиловчи ва ҳуқуқнинг бошқа турларидан ажратиб турувчи ўзига хос тамойилларга эгадир. Бу тамойиллар жиноятчиликка қарши курашда давлат сиёсатини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга хизмат қилади. Жиноят ҳуқуқининг махсус қисми ижтимоий хавфли қилмишнинг аниқ маъноси, тури ва шу қилмишлари учун бериладиган жазосини ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг нормалари системасини билдиради.

Жиноят ҳуқуқининг Умумий қисмида жавобгарликнинг принциплари, асослари ва чегаралари, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо турини ифодаловчи нормалар битилган. Аммо ундан фарқли равишда, Жиноят ҳуқуқининг Махсус қисмида аниқ бир жиноятни содир этган шахсга нисбатан суд томонидан қўлланилиши мумкин бўлган жазо чегаралари битилган.

Фан сифатида жиноят ҳуқуқининг Умумий ва Махсус қисмлари қонун билан қўриқланадиган объектларига эга, яъни давлат томонидан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларни қўриқлайди. Жиноят ҳуқуқи Умумий ва Махсус қисмларининг ўзаро боғлиқлиги шундаки, шахс айбли, деб ҳисобланаётган ижтимоий хавфли қилмиш

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳар икки қисмнинг нормалари қўлланилгандагина, аниқ мазмунга эга бўлади. Жиноят ҳуқуқи Махсус қисмининг асосий вазифаси қонун нормаларини юридик таҳлил қилиш орқали ўрганиб, жиноятчиликка қарши курашда улардан янада самаралироқ фойдаланишдан иборатдир.

Ушбу қисм нормаларисиз бундай курашни амалга ошириб бўлмас эди, чунки уларсиз ижтимоий хавфли қилмишни конкретлаштириш ва содир этилган жиноятлар таркибини белгилаш имкони йўққа чиқар эди. Махсус қисмда ҳар бир жиноятнинг тури ва белгилари, шунингдек, содир этилган қилмиш учун жазо чоралари аниқ кўрсатилган.

Жиноят ҳуқуқи Махсус қисмининг асосий вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни Республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир (ЖК 2-моддаси).

Жиноят ҳуқуқининг махсус қисми бу аниқ бир жиноят ҳақидаги фан. Ҳар бир қилмишнинг алоҳида аниқлаш қилиш, бу жиноятнинг узига қос белгиларини аниқлаш, ва давлат томонидан битилган жиноятларни тўғри

квалификациялашга ёрдам беради. Хар бир жиноятни бир бири билан таққослаш йўли билан, жиноятларни бир биридан фарқлари, жиноятни тўғри квалификациялаш учун зарур булган маслахатлар ва қонун томонидан белгиланган ҳар бир жиноятнинг аниқлиги келиб чиқади.

Махсус қисм нормаларини қўллашда ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланмиш ЎзР Конституциясига амал қилмоқ лозим.

Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми нормаларини тўғри қўллашда ЎзР судлари учун мажбурий бўлган Махсус қисмнинг тегишли нормалари шарҳланган ЎзР Олий Суди Пленумининг қарорлари муҳим аҳамиятга эгадир. ЎзР Олий суди Пленумининг қарорлари суд амалиётини умумлаштиради, жиноятларни квалификация қилишда судлар томонидан йўл қўйилган хатоларни аниқлайди ва амалда турлича изоҳланиб келинаётган қонуннинг моҳияти ва амалда татбиқ этилиши юзасидан тушунтиришлар беради. Қонундарни Олий Суд Пленумининг қарорлари билан шарқланиши қонунийдир. Жиноят ҳуқуқи Махсус қисмининг предмети жиноят қонунининг конкрет нормаларидир. Бу нормаларда жиноят сифатида қонунда мустаҳкамланган ижтимоий хавфли қилмишларнинг белгилари кўрсатилган.

Жиноят ҳуқуқининг махсус қисми суд тергов органлари, жиноятнинг статистик курсаткичларини аниқлаш ва Ўзбекистон Республикасида ва алоҳида вилоятларда содир бўлаётган барча жиноятлар статистикасини ўз ичига олади.

ЎзР жиноят қонунлари Конституция ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган Республика Жиноят кодексидан иборатдир. Шу сабабдан жиноят ҳуқуқи Махсус қисми Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси тизимига тўла мос келади. Махсус қисм нормалари илмий асосланган тизимга биноан жойлаштирилган. Бу тизим нормаларининг ўзини тўғри тушунишга, уларнинг ўрганилишини енгиллаштириш ва уларни амалда қўллашда вужудга келадиган чалкашликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Мисол учун, безорилик энг кўп содир этиладиган жиноятлардан бири бўлганлиги сабабли у ЖК Махсус қисми биринчи бўлимида жойлашган моддаларда бўлиши лозимдек туюлади. Аммо, жиноят қонунларида безорилик «Жамоат тартибига қарши жиноятлар», деб номланувчи XX бобга жойлаштирилган, чунки бу жиноятнинг объектив белгилари дўппослаш, баданга шикаст етказиш, ўзганинг мулкига зарар етказиш, ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш, ўқотар қуролларни қўллаш ва ҳоказоларни

қамраб олади.

Шундай қилиб, қонунда уни тавсифловчи, яъни бошқа моддаларда мустақил жиноят таркибини ташкил этувчи ва ўрганилган белгиларига асосан безорилик жиноятининг Кодексда жойлашган жойи тўғридир. Юқорида айтилганлар жиноят ҳуқуқи Махсус қисмининг бошқа бобларида ҳам ўрганилади.

Шундай қилиб, Жиноят ҳуқуқи махсус қисми курсининг тизими деганда, ЖКнинг бўлими, боби ва алоҳида моддаларининг жайлашиши ва уларни ўргилиши тушунилади. Тизим моддаларининг нафақан бўлим ва боб мантиқий булинишини, балки хар бир бобнинг ичида жойлашган моддаларнинг рақамланиши ва айримларини махсус рақамлар билан белгиланишини уз ичига олади.

ЖКнинг махсус қисмининг тизимланишининг асоси сифатида жиноятнинг махсус объекти олинган. Шунингдек, ЖКнинг хар бир боби жиноятнинг турли объектига қараб бўлинган. Шунга асосан, ЖК махсус қисмининг I бўлимида шахсга қарши жиноятлар жойлашган, шу бўлим эса жиноятнинг махсус объектиги кўра 7та бобдан иборат: 1) ҳаётга қарши жиноятлар; 2) соғлиққа қарши жиноятлар; 3) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар; 4) жинсий эркинликка қарши жиноятлар; 5) оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши

жиноятлар; 6) шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар; 7) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодекси Махсус қисми 1959 йилги ЖКдагига нисбатан анча такомиллаштирилган. Шу билан бирга унинг тизимига «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси», деб аталувчи VIII бўлимнинг киритилганлиги мантиқан тўғри эмас. Шубҳасиз, қонун чиқарувчи томонидан атамаларга изоҳ берилганлиги жиноят ҳуқуқи нормаларининг қўлланилишини осонлаштириш учун олға ташланган қадамдир. Аммо VIII бўлимда берилган атамалар ҳуқуқий нормалар эмас, шу сабабдан улар жиноят ҳуқуқининг қандайдир қисми бўла олмайди. Ундан ташқари, бу бўлимда берилган терминлар нафақат жиноят қонунининг Махсус қисмига, балки Умумий қисмига ҳам тааллуқлидир. Фикримизча, айтилган атамалар илова тариқасида берилса, тўғрироқ бўлур эди.

ЖК Махсус қисми 8 бўлим 24 бобдан иборат бўлиб, бундай тизимни ишлаб чиқишда турли омиллар эътиборга олинган.

Биринчи ўринга ЎзР Конституцияси ва Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларациясига мувофиқ

шахсга қарши жиноятлар қўйилди.

ЖКнинг ҳар бир бўлими ва ҳар бир бобида ижтимоий хавфлироқ жиноятлар биринчи, кейин хавфлилиги камроқ, улардан кейин эса ижтимоий хавфи унчалик катта бўлмаган жиноятлар жойлашган. Баъзан бу қоидадан истиснолар ҳам бор, масалан ЖКнинг 150-моддаси (урушни тарғиб қилиш) «Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар» бўлимида тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган хавfli жиноятлардан олдин келади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, жиноят ҳуқуқи Махсус қисми нормалари бевосита объектга қараб жойлаштирилгандир. Ўзбекистон Республикаси давлати жиноят ҳуқуқи Махсус қисми нормаларида ўзининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини акс эттириши билан қандай қилмишлар уларга зид эканлиги ва демак, жиноий жазони қўллаш таҳдиди билан ман қилинганлигини кўрсатади.

[2-§. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари.](#)

ЎзР жиноят қонунида ЖКда назарда тутилган, таркибда жиноятнинг барча белгилари мавжуд бўлган ижтимоий хавfli қилмишлар учунгина жавобгарлик белгиланган.

Жиноий жавобгарликка тортиш ва жазо тайинлаш учун

шахс ЖК махсус қисмининг айнан қайси нормасини бузганлигини аниқлаш лозим. Бунда содир этилган қилмишнинг жиноят таркиби ЖК махсус қисмида назарда тутилган ёки тутилмаганлигини аниқлаш лозим. Бу жараён жиноятларни квалификация қилиш жараёни деб аталади.

Содир этилган жиноятларни тўғри квалификация қилиш таъминлаш – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Жиноятларни квалификация қилишда қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолати, одил судловни амалга ошириш принциплари зарурий шарт бўлиб ҳисобланади.

Жиноятларни квалификация қилишда содир этилган қилмиш юридик таҳлил қилинади: тажовузнинг объекти аниқланади, унинг кокрет белгилари тавсифланади, объектив ва субъектив томонлари, субъектини характерлайдиган белгилари аниқланади. Бундай таҳлил содир этилган қилмишда қандай жиноятнинг таркиби мавжудлиги ва ушбу қилмишни содир этган шахсни ЖКнинг қайси моддаси билан жавобгарликка тортиш мумкинлаги ҳақида бир фикрга келишга ёрдам беради.

Жиноятларин квалификация қилиш тушунчаси кенг ва тор маънода ишлатилади.

Тор маънода квалификация қилиш жиноят ҳуқуқий нормаларга мувофиқ келувчи ижтимоий хавфли қилмишнинг ҳуқуқий баҳосидир.

Кенг маънода квалификация муайян мантиқий жараён бўлиб Жиноят Кодекси махсус қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг қилмишида жиноят таркиби мавжудлигини аниқлаш бўйича муайян –шахсларнинг фаолияти ҳисобланади

Жиноятларнинг квалификацияси – бу динамик жараён бўлиб, жиной иш бўйича иш юритишнинг турли хил босқичларида муайян хусусиятларга эга.

Жиноятларнинг квалификация қилиш субъектлари (махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари, вакиллари) жиноятларни квалификация қилишда “билмасликдан билимга”, “умумийдан хусусийга” қараб борадилар. Жиноят ишида фактик маълумотларнинг пайдо бўлиши билан жиноятнинг тавсифи ҳам, унда баҳо бериш ҳам ўзгариши мумкин. Жиноят ишини кўзғатиш босқичида квалификация дастлабки тавсифга эга бўлади. Дастлабки терговни тугатиш суд муҳокамаси босқичида у максимал тўлиқ ва якуний тавсифга эга. Квалификация қилиш жараёни бир қанча босқичлардан иборат бўлади. Квалификацияни биринчи босқичида ҳуқуқбузарликнинг

тури аниқланади. Бунда хатти ҳаракатнинг ижтимоий хавфсизлик даражаси қилмишнинг жиноят ёки жиноят эмаслиги ва жиноят қонунига мувофиқ жазога сазовор ёки сазовор эмаслиги аниқланади. Квалификациянинг якуний босқичида эса жиноят турининг индивидуал белгилари аниқланади ва белгилар ёрдами объекти бир хил бўлган жиноятлардан қилмиш алоҳида ажратиб олинади.

Жиноятларин квалификация қилиш 2 турга: расмий ва норасмий турларга бўлинади.

Расмий квалификация бу аниқ бир жиноий иш бўйича махсус ваколанга эга бўлган (суриштурувчи, терговчи, прокурор, судья) шахс томонидан амалга ошириладиган жиноят ҳуқуқий квалификациясидир.

Норасмий квалификация бу жиноят ҳуқуқига фуқаролар (илмий ходимлар, журналистлар ва х.к.) томонидан бериладиган ҳуқуқий баҳо бўлиб, бу фақатгина уларнинг қарашларида ифодаланади. Норасмий квалификация ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди.

Квалификация қилиш жараёнида қуйидаги 2 элемент мақжуд: бир томондан бу қонун нормалари муайян турдаги жиноят намунасини акс эттирувчи жиноят қонуни нормалар қонунчилик (абстракт) модели бўлса, иккинчи томондан, ўонунга мувофиқ баҳо берилиши лозим бўлган аниқ бир ҳаётий ходисалар (ижтимоий хавфли қилмиш)

дир.

Жиноят қонуни жиноятларни квалификация қилишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади, чунки жиноятни квалификация қилиш жараёнида жиноятни қандай илмий тушунчаси ёки тушунчалари эмас, балки фақатгина муайян жиноятнинг қонуний модели билан мост тушмоғи шарт. Жиноят қонунда белгилаб қўйилган жиноятларнинг рўйхати қатъий бўлиб, ушбу рўйхатга ҳеч ким бошқа қилмишни киритиши мумкин эмас. Қилмишнинг ижтимоий хавфли деб топилиши ва жиноят сифатида квалификация қилиниши фақатгина жиноят кодексида белгиланган ҳоллардагина мумкин. Жиноят қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш фақат қонун чиқарувчи орган томонидан амалга оширилади.

Квалификациянинг ҳқуни бўлиб, муайян жиноий қилмиш жиноят қонунинг қайси моддаси, шу модданинг қайси банд ва қисми қўлланилиша кераклиги тўғрисидаги ҳулоса ҳисобланади. Жиноятни квалификация қилиш жараёнида Жиноят Кодексини умумий қисми қиодалари ҳисобга олиниши зарур.

Айрим ҳолларда қилмишни тўғри квалификация қилиш маҳсус қисмнинг моддаси, қисми ва бандларигагина асосланмасдан, балки умумий қисм қиодаларга мурожат қилишни ҳам тақозо этади. Масалан, агар жиноят

таёргарлик ёки суйиқасд босқичида тугалланган бўлса, уни квалификация қилишда ЖК 25 моддасига хавола қилиши лозим бўлади.

Квалификациянинг мақсади ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асосларининг мавжудлигини аниқлашдан иборат.

ЖК нормалари билан квалификация қилинадиган ижтимоий хавфли қилмишнинг қонуний модели жиноятнинг таркиби хасобланади.

Жиноят таркиби бу шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур ва етарли бўлган объектив ва субъектив белгилар тизимидир. Жиноятнинг бошқа ҳолатлари (ЖК 55 ва 56 мадаларида кўрсатилган оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар) жазони индивидуаллаштириш учун зарур бўлиб, қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Жиноят таркиби, жиноят турининг қонуний модели бўлиши билан биргаликда, жиноятнинг барча энг мухим, аҳамиятли ва зарурий белгиларини ўз ичига олади. Ушбу маънода жиноят таркиби жиноий жавобгарликка тортишнинг ягона ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади, айти пайтда жиноят қонунида назарда тутилган жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун

фактик асос бўлиб ҳам хизмат қилади.

Жиноят таркиби белгилари жиноят қонунида ижобий (белгилар борлигини кўрсатиш) ёка салбий (белгилар йўқлигини кўрсатиш) тарзда намоён бўлиши мумкин. Мустаҳкамлик даражасига кўра ушбу белгилар доимий ва ўзгарувчан бўлиши мумкин. Шунингдек, қонунда бахоловчи белгилар ҳам ишлатлади, уларнинг мавжудлигини жиноятни квалификация қиладиган шахс аниқлайди.

Қилмишнинг жинойий ҳуқуқий квалификация қилиш учун жиноят таркиби элементларига кўра:

Объект;

Объектив томон;

Субъект;

Субъектив томонини тавсифловчи белгиларга ажратадилар.

Жиноятни тўғри ва аниқ квалификация қилишнинг 2та шарти мақжуд: 1чидан, содир этилган жиноятнинг барча фактик белгиларини аниқлаш лозим. 2чидан, ҳуқуқий норманинг барча таркибий белгиларини шунингдек, жиноят қонуни тизимини билиш зарур. Жиноятларнинг айрим белгилари ЖК махсус қисмида тўғридан тўғри кўрсатилмаган бўлиши мумкин. Бунинг сабаби қонун

чиқарувчи томонидан бошқа ҳуқуқ соҳалари ёки ЖК умумий қисмидаги нормаларни қайтармаслик лозим деб, топганлиги бўлиши мумкин. Ундан ташқари, айрим белгилар умумэътироф этилган ёки ҳаммага маълум бўлган ҳолатларга боғлиқ., шунинг учун жиноят қонунда улврни такрорлаш мақсадга мувофиқ эмас.

Жиноятни квалификация қилишни амалга оширувчи шахс томонидан: биринчидан, аста секинлик билан, босқичма босқич жиноятнинг фактик ҳолатлари аниқланиши, иккинчидан, унинг жиноят ҳуқуқий нормаларини таҳлил қилиниши амалга оширилади. Жиноятни квалификация қилиш жараёнида жиноят ҳуқуқий нормалар билан жиноятнинг фактик белгилари солиштирилади.

Қилмишни квалификация қилиш учун жиноят қонун нормасини аниқлаш бир неча босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда, квалификация қилиш субъектлари томонидан фактик маълумотларни тартибга солиб, улар ичидан юридик аҳамиятга эга бўлганлари ажратилади. Бу содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг фактик маълумотлари жиноят қонунда мустаҳкамлаб қўйилганлигини аниқлаш лозимлигини билдиради.

Иккинчи босқичда, йиғилган фактик материалларга жиноят қонун нормасидан қайси бири мос келиши

аниқланади.

Учинчи басқичда, жиноят ишининг фактик ҳолатларига мос келадиган ўхшаш таркибли жиноятлар гуруҳи аниқланади. Булар қаторига объектив ва субъектив белгиларга кўра мос келувчи, алоҳида ҳолатларга кўра фарқланадиган жиноятларнинг таркиби киради.

Тўртинчи босқичда, танлаб олинган жиноят таркиблари гуруҳидан содир этиглан жиноятлар мос келадиган ва унинг барча томонларини тавсифлайдиган бир ёки бир нечта жиноят қонуни танлаб олинади.

Жиноятларни квалификация қилиш жараёнида бар қилмишни баҳолаш учун бир қанча жиноят ҳуқуқий нормаларини қўллаш зарур бўлганида муммолар туғилади.

Бундай ҳолатлар бир қанча жиноятлар содир қилинганида вужудга келиши мумкин, уларни квалификация қилиш ЖКнинг умумий қисми нормаларида ўз аксини топган.

Тўғри, квалификация қилиш учун қайси турдаги бир қанча жиноятлар содир этилганлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Масалан, такроран жиноятлар жами ёки редцилив жиноят содир этилганлигини фарқлаш лозим.

Бир қанча жиноятлар содир этишдан жиноят қонуни нормаларининг рақобатлигини фарқлаш лозим, бунда бир жиноят ўзининг аломатлари билан ЖК махсус қисми бир қанча нормаларда назарда тутилган қилмишга мос келади.

Лекин, рақобатли бир қанча жиноятлар содир этишдан фарқли содир этилган қилмишга ҳар томонлама мос тушадиган битта қонунни танлаш зарур.

Жиноят ҳуқуқи назариясида умумий ва махсус нормаларнинг рақобати иккита махсус қонунларнинг ва модда билан модданинг қисми ўртасидаги рақобат ажратиб кўрсатилади. Қонунлар рақобати жараёнида тўғри квалификация қилиш рақобатда бўлган нормаларни аниқ тавсифлашдан иборит. Бунда нормаларнинг бир бири билан муносабатига боғлиқ норма бир ҳолатда умумий, бошқа ҳолатда эса махсус бўлиши мумкин. Рақобатнинг ҳар бир турига тегишли қоидалар мос тушиши керак, улар ҳам бир муайян ҳолат учун квалификация тўғрилигининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

II боб. ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

1-§. Ҳаётга қарши жиноятларнинг умумий тавсифи

Давлатнинг бош вазифаларидан бири инсон ҳақида ғамхўрлик қилишдир. Бинобарин Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон омили, унинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамлангандир. Конституция нормаларида, ҳар қандай ҳолатдан қатъи назар, шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланган ва ҳимоя қилинган. Чунончи, Конс-

титуциямизнинг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», деб қайд этилган бўлса, унинг 19-моддасида «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас», дейилади.

Конституциянинг «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар», «Сиёсий ҳуқуқлар», «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» деб номланган бўлимларида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базаси ўз аксини топган. «Давлат, – деб таъкидланади Конституциянинг 43-моддасида, – фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди». “Хар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланади”.

2008 йилда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ўзида мустаҳкамлаган 55 та халқаро ҳужжатга қўшилди. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон қонунчилигининг шаклланиши, жумладан жиноят ҳамда

инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасидаги қонунларнинг яратилиши учун ҳам асос бўлиб хизмат қилди.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 3,4,5-моддасида, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 6, 7, 9, 10, 11-моддаларида инсоннинг яшаш ҳуқуқи, кадр-қиммати, озодлиги ва хавфсизлиги, шаъни ва обрўини ҳимоя қилиш каби ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Бу халқаро ҳуқуқий меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳам асосини ташкил қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари турли ҳуқуқ соҳаларининг нормалари билан ҳимоя қилинади, лекин жиноят қонунларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги учун жиний жавобгарлик белгиланган бўлиб, ҳуқуқнинг бу соҳаси ана шу жавобгарликни қўллаш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади.

Жиноят кодексининг «Шахсга қарши жиноятлар» бўлимида ҳаётга, соғлиққа қарши, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли, жинсий эркинликка, оилага, ёшларга ва ахлоққа, шахснинг озодлиги, шаъни, кадр-қимматига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, бу жиноятлар жамият учун жиддий

хавф туғдиради. Дарҳақиқат, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи шахснинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади ва унинг бу бойликлардан маҳрум этилиши ёки уларга шикаст етказилиши шахс учун фожиа ҳисобланади. Инсон яшар экан, ҳаётдан, унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб яшашга интилади, ҳаётдан маҳрум қилинган шахснинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Инсоннинг соғлиғига зарар етказилиши унга жисмоний, ахлоқий, рухий азоблар бериб, унинг ҳаётий фаолиятини чеклаб қўяди.

Жиноятчи томонидан инсоннинг бошқа ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши шахс учун ижтимоий хавфи ҳаётдан маҳрум этишдан кам бўлмаган хавфни туғдиради.

Шахсга қарши жиноятларнинг хавфлилик даражаси юқори эканлиги сабабли, Жиноят кодексининг Махсус қисми биринчи бўлими «Шахсга қарши жиноятлар» деб номланади.

Шахсга фақат юқорида айтилган жиноятлар содир этилганида эмас, балки бошқа объектларга тажовуз қилинганида, масалан, босқинчилик, талончилик ва бошқа жиноятлар содир этилган ҳолларда ҳам зарар етади. Шахсга қарши жиноятлар таҳлил қилинганида бу қилмишни содир этган айбдорнинг ҳаракатлари айнан шахсга зарар етказишга қаратилганлигига эътибор

берилади.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг биринчи бўлимида шахсга қарши жиноятларнинг бир неча тури учун жавобгарлик кўзда тутилган бўлиб, улар бевосита объекти бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратилган:

- 1) ҳаётга қарши жиноятлар;
- 2) соғлиққа қарши жиноятлар;
- 3) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар;
- 4) жинсий эркинликка қарши жиноятлар;
- 5) оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар;
- 6) шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қиммати

қарши жиноятлар;

7) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар.

2-§. Ҳаётга қарши жиноятлар. Одам ўлдириш тушунчаси, таҳлили ва турлари.

Содир этилган жиноятга нисбатан тўғри жиноят қонунини белгидаш ўта муҳимлигини таъкидлаш зарур. Чунки содир оғирлаштирувқи ҳолларида қасдат одам олдириш учун энг оғир жазо бу умурбод озодликдан маҳрум этишдир.

Ҳаётга қарши жиноятларни шартли равишда 3 туркумга бўлиш мумкин:

- 1) одам ўлдириш;
- 2) эҳтиётсизликдан одам ўлдириш;
- 3) ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш.

Одам ўлдириш – қасдан, ҳуқуққа хилоф равишда ёки

эхтиётсизлик орқасида бошқа кишини ҳаётдан маҳрум қилишдир.

Ушбу жиноятнинг объекти бошқа кишининг ҳаёти ҳисобланади. Ўз жонига қасд қилганлик жиноят қонуни билан жазоланмайдиган қилмишдир. Масалан, турли сабабларга кўра инсон ўзининг ҳаётига чек қўйишга қарор қилади, лекин унинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ўлим рўй бермайди (ўзини осаётган вақтида арқоннинг узилиб кетиши, заҳарнинг таъсир қилмаслиги, бегона шахсларнинг аралашуви ва ҳоказо). Ўлим юз бермаганига қарамай ўз жонига қасд қилганлик жамоатчилик томонидан қораланади. Чунки бундай ҳодиса бизнинг ахлоқимизга ётдир ва у шахснинг ожизлиги, иродаси бўшлигидан далолат беради. Одам улдиришнинг объекти нафақат биологик жараён, балки ижтимоий алоқадир, яъни одам учун энг қиммат бўлган неъмат билан бемалол фойдаланиш, яъни бу ҳаётдир.

Одам ўлдиришнинг объекти бошқа кишининг ҳаёти ҳисобланади. Ёшидан, унинг соғлиғи ёки яшаш қобилиятидан қатъи назар ҳар қандай кишининг ҳаёти жиноят қонуни билан кўриқланади. Шу сабабли чақалоқ, кекса, соғлом ёки касал одамни ҳаётдан маҳрум қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат одам ўлдириш, деб тан олинади.

Кейинги вақтларда юридик адабиётларда эвтаназия, яъни шахсни ўзининг розилиги билан ҳаётидан маҳрум этганлик учун жавобгарлик масаласи бўйича мунозаралар авж олмоқда.

Бугунги кунда 40дан ошиқ дунё мамлакатларида пассив эфтазия қонун билан рухсат берилган. Масалан, Австралия 10 йил мобайнида бундай ҳолларда беморнинг ўз хохиши билан сунъий ҳаётни сақлаш аппаратларини тўхтатишмоқда. Ўзига хос йўлни Швейцария танлаган. Улар эфтазия учун жиноий жавобгарликни қонин билан тақиқлаган, аммо умидсиз қолган беморларга махсус врачлар иштирокида махсус дори қилиб беморнинг ўлимига гувоҳ бўлишадилар. Яқинда Франция ҳам эфтазияни қонунлаштиришга ўтса керак. Актив эфтазияни биринчи бўлиб Нидерландияда қонунлаштирилган. 2001 йилнинг 10 апрелида шу мамлакатнинг юқори палатаси томонидан нажодсиз қолган беморларга бу дунёни тарк этида ёрдам берган врачларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида қонун қабул қилинган, ва 2002 йил 1 апрелидан бери эфтазия шу мамлакатнинг ЖКсидан мутлоқ чиқарилган. Галландиядан сўнг 2002йил декабр ойида Бельгия ҳам бунга қўшилди. Шу йилда Англияда прецедент яратилди. “Актив эфтазияни Орегон штати

қонунлаштирди. Унга кўра эфтаназия фақат касалликнинг охирги босқичидагина қўлланилши мумкин. Аммо чет эль олимларнинг изланишига кўра бу қонун ҳеч қачон амалда иўлатилинмаган, чунки ҳаётдан кўз юммоқчи булган шахс психологик кўрикдан ўтиши шарт. Лекин Америка психологик ассоциацияси бундай кўриқда иштирок этишдан бош тортди”.

Эвтаназияни маъқулловчи ва уни қораловчилар бўлишига қарамасдан, уни қонунийлаштиришдан қочмоқ зарур, чунки инсонга ҳаёт худо томонидан ато этилади, уни қайтиб олишга фақатгина унинг ўзи ҳақлидир, деган фикрлар ҳам мавжуддир. Бундан ташқари, доришунослик ютуқларидан фойдаланиб, аста-секин инсон ҳаётига чек қўядиган воситалар яратилишидан ҳам умид қилинмоқда. Аммо, инсон табиати, унинг аъзолари фаолияти ҳали шифокорлар томонидан тўлиқ ўрганилмаганлигини эътироф этиш лозим. Баъзан тузалишига ҳеч қандай умид бўлмаган касал соғаяди ва тўла ҳаётий фаолиятни давом эттиради.

Сунъий ҳомила тушириш билан боғлиқ жиноятни тўғри квалификация қилиш учун инсон ҳаётининг бошланишини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳақиқатан ҳам бу саволга жавоб топиш мураккаб вазифадир.

Шу боис, қайси вақтдан бошлаб бола ушбу жиноятнинг объекти бўлади? Туғилган вақтиданми ёки она қорнида ҳомила пайдо бўлган вақтидами? деган савол туғилади. Сўз унинг шахс сифатида тан олиниши ва жиноят қонунида жавобгарлик белгиланган жиноятнинг объекти бўлиши мумкинлиги ҳақида бормоқда.

Юридик адабиётларда бу борада қарама-қарши қарашлар бор. Айрим муаллифлар инсон ҳаётининг бошланиш пайти деб гўдакнинг нафас ола бошлаши ёки боланинг она қорнидан тўлиқ ажралиб чиқиш вақтини ҳисоблайдилар. Бошқалар эса ҳомиланинг етарли даражада ривожланиб, она қорнида ҳомила тарзида ҳаёт учун барча зарурий сифатларга эга бўлганлигини тасдиқловчи жисмоний тўлғоқнинг бошланиши билан белгилайдилар. Бизнингча, бу қарашлар унчалик тўғри эмас, чунки жисмоний тўлғоқнинг бошланиши, туғиш жараёнининг бошланишидир. Бу вақтда ҳомиллага зарар етказишни ҳомиладор аёлнинг соғлиғига зарар етказиш, деб қарамоқ керак ва бу қилмиш Жиноят кодексидаги шахснинг соғлиғига қарши жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи бобининг тегишли моддаси билан квалификация қилиниши керак.

Ҳаётнинг бошланиши, чақалоқ танасининг бирор қисми она қорнидан ташқарида пайдо бўлиши билан боғлиқ, деб

ҳисоблаган муаллифларнинг фикри анча тўғридир.

Айнан шу вақтдан бошлаб бола атрофдагилар томонидан ҳомила эмас, балки инсон, шахс сифатида қабул қилинади. Шу муносабат билан, чақалоқ танасининг бирор қисми тўлғоқ жараёнида она қорнидан ташқарида пайдо бўлган вақтни ҳаётнинг бошланиши, деб ҳисоблаш маъқулдир.

Бу муаммо бўйича фикрларнинг хилма-хиллиги, уларнинг баҳсли эканлиги, жисмоний ва тиббий мезонларга асосланган ҳолда ҳаёт бошланишининг объектив белгиларини аниқлашга қаратилгандир. Лекин бундай белгиларни аниқлаш мумкин эмас. Ҳаёт тўхтовсиз жараёндир. Ҳомиланинг пайдо бўлиши ва секин-аста ривожланиб, чақалоқ туғилиши билан унинг кўриниши, шакли ўзгаради, холос. Шунинг учун суд-тиббиёт экспертизасининг хулосаси ҳаётнинг бошланиши ҳақидаги масалани ҳал қила олмайди ва бундай бўлиши ҳам керак эмас. Буни аниқлашда субъектнинг қасдини аниқлаш зарур, яъни қасди ҳомилага эмас, балки шахсга зиён етказишидадир.

Суд-тиббиёт экспертизаси фақатгина тажовуз вақтида ҳомила тирик бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаши зарур.

Она танасидан чақалоқнинг бирор аъзоси чиқаётган

вақтида унинг соғлигига врач, акушернинг эҳтиётсизлиги натижасида шикаст етказилса, у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 102-моддасига биноан эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдирганлик учун жиноий жавобгарликка тортилади.

Ҳомиладор аёлнинг розилиги билан ҳомила тўла шаклланмай туриб, унинг сунъий равишда туширилиши одам ўлдириш, деб ҳисобланмаслиги керак. Бундай қилмиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 114-моддасига асосан ҳомиладорлик муддатидан қатъи назар, жиноий равишда ҳомилани тушириш, деб квалификация қилиниши лозим.

Жиноят ҳуқуқи назариясида, шунингдек, тиббиётда ҳам, миянинг тузалмас ҳалокати, яъни жисмоний ўлимнинг юзага келиш билан ифодаланувчи биологик ўлим тан олинади.

Клиник ўлимнинг юзага келиши (юрakнинг тўхташи) бу ҳали, инсоннинг ўлими ҳақида ҳеч нарсани билдирмайди, чунки тиббиёт ходимлари замонавий шароитларда юракнинг ишлаш фаолиятини қайта тиклаш имкониятига эга.

Ўлган одамни тирик деб, унинг ҳаётига тажовуз қилиш, ўлдиришга суиқасд сифатида баҳоланиши керак.

Шундай қилиб, ўлдиришнинг объектлари деб бошқа

кишининг ҳаёти, яъни танасининг бирор қисми тўлғоқ жараёнида она қорнидан ташқарида пайдо бўлган вақтидан то биологик ўлимнинг мавжуд бўлиши ҳисобланади.

Объектив томондан одам ўлдириш қонунга хилоф равишда бошқа шахсни ҳаётидан маҳрум қилишда ифодаланади. Агарда бошқа шахсни ҳаётидан маҳрум қилиш қонунга хилоф бўлмаса, у одам ўлдириш деб ҳисобланиши мумкин эмас (масалан, зарурий муҳофаа ҳолатида(ЖКнинг 37моддаси), ижтимоий хавфли қилмиш этган шахсни ушлаш вақтида (ЖКнинг 39моддаси) бошқа шахсни ҳаётидан маҳрум қилиш ва х.к).

Ўлдириш фаол ҳаракатлар билан, шунингдек, ҳаракатсизлик туфайли ҳам содир этилиши мумкин. Кўпинча одам ўлдириш фаол ҳаракатлар орқали содир этилади, яъни бунда айбдор жабрланувчига ўз хусусиятига кўра шахсни ўлдириши мумкин бўлган муайян тан жароҳатларини етказишдек (ҳар қандай қурол-ашёдан фойдаланиш, бўғиш, куйдириш, захарлаш, электр токи билан таъсир кўрсатиш, ўта иссиқ ёки ўта совуқ ҳавода очик ерда қолдириш) жисмоний таъсир кўрсатади. Бу жинойт айрим ҳолларда жабрланувчига руҳий таъсир қилиш (суд-тергов амалиётида ўлимнинг кўрқувдан, кўрқитиш туфайли рўй берганлик ҳолатлари ҳам маълум)

йўли билан ҳам содир қилиниши мумкин.

Одам ўлдириш ҳаракатсизлик натижасида ҳам содир этилиши мумкин. Бундай ҳолатда шахс ўз вазифасини ёки бажариш имкони бўлган ҳаракатларни амалга оширмайди. Лекин унда ўлдириш бўлмаслиги (масалан, врач томонидан зарур дори-дармонларни беморга бермаслик, онанинг туғилган чақалоққа қарамаслиги ва ҳоказо) ҳам мумкин.

Одамнинг жонига қасд қилган айбдор шахснинг адашиши, яъни назарда тутилганидан бошқа кишининг ҳаётига ҳуқуққа хилоф равишда қасд қилса, яъни жабрланувчининг шахсига нисбатан адашса, бу ҳол жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди ва айбдорнинг қилмиши одам ўлдириш, деб квалификация қилиниши лозим.

Одам ўлдириш моддий таркибли жиноят бўлиб, уни тугалланган деб топиш учун жабрланувчининг ўлими сифатидаги оқибат рўй берган бўлиши лозим. Бундай оқибатнинг рўй бермаганлиги одам ўлдиришни тугалланмаган, одам ўлдиришга тайёргарлик ёки унга суиқасд деб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25-моддасининг тегишли қисми бўйича айбдорни жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Айбдор ўзи содир этаётган қилмиши натижасида қандай оқибат рўй

беришини билиб ҳаракат қилса-ю, аммо унинг иродасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра жабрланувчи тирик қолса, унинг ҳаракати одам ўлдиришга суйқасд, деб топилади. Бундай суйқасд назария ва амалиётда кераксиз қуроллар деб ва уларни квалификациялашда 2 турга ажратишади: кераксиз қуроллар билан суйқасд ва кериксиз объектга суйқасд. 2чи турга мисол қилиб, мурдани тирик одам билан адаштириб уни улдириш мақсадида ўқ отиш ҳолатини келтиришимиз мумкин. Бу ҳолатда айибдор шахснинг яшаш қобилиятига нисбатан адашмоқда. Бу қилмиш ижтимоий ўта хавфли қилмиш бўлиб, жиноий жавобгарликка торлиши зарурлигини билдиради.

Одим ўлдиришга суйқасд ҳақидаги ишларни кўриб чиқишда жиноий ҳарикатнинг натижаси ўлиб бўлмаганлиги сабабларини аниқлаш зарур. Негаки жиноий характери содир этувчи жиноятни вақтинча ёки мажбуран тўхтатиш эмас, балки ўз хоҳиши билан тўхтатиши мумкин. Бунда унинг уз хоҳиши ва жиноятнинг тўхтатилиши бўлиши зарур. Шунга қарамай жиноят ҳуқуқининг назарияси ва амалиёти шунини инобатга оладикки, одамни қасддан улдиришга суйқасддан сўнг бундай ҳаракатни тактотлашдан бош тортиш, қилмишнинг квалификациясига тасир қилмайди.

Шахсни одам ўлдирганлик учун жавобгарликка тортишда жиноятнинг тугалланганлиги, жиной қилмиши билан ўлим орасида сабабий боғланишнинг мавжудлигини аниқлаш зарурдир. Жабирлинувчининг ўлими айбдор томонидан содир этилган қилмиш билан боғлиқ булиши шарт, яъни ўлим содир этилган қилмишнинг натижаси бўлиши керак.

Қилмиш ва ўлим ўртасида сабабий боғланишнинг йўқлиги шахсни одам ўлдириш учун жавобгарликка тортишни истисно қилади, мазкур қилмиш жабрланувчининг соғлиғига турли даражадаги шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланган моддалардан бири билан квалификация қилинади.

Жабрланувчини унинг илтимосига кўра (тузалмас дардга йўлиққан касалнинг кимдандир ўзини захар бериб ўлдиришини илтимос қилиши ва ҳоказо) ўлдирган шахс жиной жавобгарликдан озод қилинмайди. Дуэлда одам ўлдириш бугунги кунда учрамайди, лекин шундай ҳодиса рўй берса, айбдор қасдан одам ўлдирганлик учун жавобгарликка тортилади.

Субъектив томондан одам ўлдириш қасдан ёки эҳтиётсизлик билан содир этилиши, айбнинг шакллари турлича бўлиши мумкин, аммо айб мавжуд бўлиши лозим. Ушбу қилмиш эгри қасд билан ҳам содир этилиши

мумкин.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 5-бандида: «Айбдорнинг қасди тўғрисидаги масалани ҳал қилишда судлар содир этилган жиноят ҳолатларининг барча томонлари йиғиндисини инобатга олишлари ва жумладан, жиноятни содир этиш усули ва қуролини, жароҳатларнинг сонини, характерини, жойлашишини ва бошқа етказилган шикастларни, жиноий ҳаракатларнинг тўхташ сабабларини ва ҳоказо, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг воқеагача бўлган феъл-атворини, уларнинг ўзаро муносабатини, айбдорнинг жиноят содир этилганидан кейинги ҳаракатларининг характерини эътиборга олишлари лозим»лиги кўрсатилган.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатларнинг аниқланиши айбдорнинг қасди билан ўлим ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш имконини беради. Масалан, айбдор шахсга тажовуз қилаётган вақтда ўқотар қуролдан фойдаланиб, яқин масофадан жабрланувчининг юрагини мўлжаллаб ўқузган, аммо ўлмаган бўлса, айбдорнинг қилмиши баданга шикаст етказиш, деб эмас, балки қасддан одам ўлдиришга суиқасд деб квалификация қилиниши лозим ёки айбдор пичоқ билан жабрланувчининг юрагига, бўйнига ва бошқа

ҳаёт учун муҳим аъзоларига кўпгина жароҳат етказса-ю, ўлим рўй бермаса, бу ҳолатлар ҳам айбдорнинг одам ўлдиришга қасд қилганлигидан далолат беради.

Агар айбдор ва жабрланувчи дўстона муносабатда бўлган бўлса, бир-бирини тушунса, аммо маълум бир ҳолатларда, масалан қиз болани рашк қилиш туфайли улардан бири иккинчисига пичоқ билан жароҳат етказса-ю шу вақтнинг ўзида эсини йиғиб олиб, жабрланувчига тез ёрдам кўрсатган, «тез ёрдам» ни чақирган, уни қутқариш учун қон топширган ва ҳоказо бўлса-да, жабрланувчи етказилган жароҳатлар туфайли ўлган бўлса, барча ҳолатларни эътиборга олган ҳолда айбдорнинг қилмиши ЖК 97-моддасида жавобгарлик белгиланган қасддан одам ўлдириш, деб эмас, балки ЖК 104-моддаси 3-қисми билан, яъни жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш, деб квалификация қилинади.

Назария ва амалиётга қасднинг қуйидаги турлари малум: маълум (конкретлашган) ва номаълум (конкретлашмаган). Ўлдиришни квалификациялашда маълум эгри қасднинг бўлиши унча муаммо туғдирмайди. Маълум тўғри қасднинг мавжуд бўлишида жавобгарликка, қилмишнинг тугалланганлигидан сўнг ва қилмишнинг натижаси айбдорнинг хохиши билан рўйобга чиққан ўлим

бўлганидан сўнг, тортилади. Номалум тўғри қасднинг мавжуд бўлишида квалификация реал натижанинг рўёбга чиқиши билан амалга оширилади. Агарда бундай натижалар субъектнинг ўзи билмаган ҳолатида бўлмаса, натижалар номалум тўғри қасд ичига кирмаса, айбдорга ўзи ҳохлаган энг оғир натижага кўра жазолаш керак.

Айбдорни одам ўлдирганлиги учун жавобгар қилиш учун айбнинг қасдан ёки эҳтиётсизлик орқали содир этилганлигини аниқлаш зарурдир. Ўлим айбдорнинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли рўй бермаган бўлса, у ўлим рўй берганлиги учун жавобгарликка тортилмайди.

Масалан, Д.Б.Л.лар К. нинг номусига тегадилар ва уни дарё бўйида қолдириб кетадилар. Улар кетишганидан сўнг К. ювиниб олиш мақсадида дарёнинг қирғоғига келади ва оёғи сирпаниб сувга тушиб кетиши натижасида чўкиб кетади.

Дастлаб Д.Б.Л. лар гуруҳ бўлиб номусга текканлик ва қасдан одам ўлдирганлик учун жавобгарликка тортиладилар. Уларнинг хатти-ҳаракатларида жабрланувчининг ўлими рўй беришига нисбатан қасд ва эҳтиётсизликнинг бўлмаганлиги сабабли Д.Б.Л.ларнинг одам ўлдирганлик учун ҳукм қилинганлиги нотўғридир. Шу муносабат билан юқори турувчи суд томонидан

ҳукмнинг одам ўлдирганлик учун жавобгарлик белгиланган қисми бекор қилинган.

Қасддан ўлдиришга суйиқасд фақатгина тўғри қасд билан содир этиши мумкин, яъни айбдор қилмишининг ижтимоий хавфлилигин ва қонунга хилофлигини тушунган, қилмишлари натижасида жабрланувчининг ўлимини олдинда билган ва шуни хоҳлаган, лекин бундай натижалар ўнинг хоҳишига қарамасдан объектив сабабларга кўра содир бўлмади (бошқа одамларнинг аралashiши, ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилиши ва х.з).

Ушбу жиноят субъектив томондан унинг содир этилиши мотиви ва мақсадининг аҳамияти каттадир. Мотив ва мақсад қилмишнинг квалификациясига бевосита таъсир кўрсатади. Номи юқорида айтилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида: «Содир этилган ҳаракатни тўғри баҳолаш ва жазо тайинлаш учун одам ўлдиришнинг сабаблари, мақсади ва усули муҳим аҳамиятга эга эканлигини назарга олиб, судьялар барча ҳолларда, бу ҳолатларни аниқлашлари зарурдир. Шунинг билан биргаликда ҳукмда судлар томонидан қилинган хулосаларни асословчи аниқ далиллар келтирилиши керак» деб тушунтириш берилган.

Масалан, жиноятнинг ўч олиш, рашк мотиви билан содир этилганлиги аниқланса, айбдорнинг қилмиши ЖК

97-моддаси 1-қисми билан; одам ўлдириш ғараз ниятида, безорилик оқибатидаги мотив билан содир этилган бўлса, қилмиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ЖК 97-моддаси 2-қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Ўлдириш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда айбдорнинг руҳий ҳолатини ҳам инобатга олиниши шарт. Бундай шарт айбдорнинг кучли руҳий ҳаяжон ҳолатида (ЖКнинг 98-моддаси) содир этган қилмишини квалификациялашда муҳим роль ўйнайди.

ЖК 97-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти 13 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахсдир; 97-модданинг 1-қисмида жавобгарлик белгиланган қасддан одам ўлдиришнинг субъекти 14 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахсдир. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдириш (ЖК 98-модда); онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (ЖК 99-модда); зарурий муҳофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш (ЖК 100-модда); ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш (ЖК 101-модда); эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (102-модда); ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (103-модда) жиноятларининг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахсдир.

Одам ўлдириш бўйича жиноят ишлари кўрилаётганида

айбдор шахсини, унинг шахсига оид хусусиятларини ва жабрланувчининг хулқ-атворини чуқур ўрганиш зарурдир. Бу ҳол жазо тайинлаш учун эмас, балки жиноятнинг содир этилиш шарт-шароитлари ва мотивини аниқлаш ва демакки, жиноятни тўғри квалификация қилишда ҳам аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда Олий суд Пленуми қарорида: «Судлар қасдан одам ўлдирганлик учун жазо тайинлашда айбдорни ижобий ёки салбий томондан таъриф-тавсифловчи маълумотларни аниқлаш жиддий аҳамиятга эга эканлигини назардан четда қолдирмасликлари лозим. Шу баробар, жабрланувчининг шахсига оид маълумотларни, унинг айбдор билан ўзаро муносабатини, шунингдек воқеа содир бўлган вақтдаги хатти-ҳаракатини ҳам текшириши керак.

Судланувчининг рухий соғломлигига шубҳа бўлган тақдирда суд-руҳиятшунослик экспертизаси ўтказиши, зарурият туғилганида эса шахсни тегишли тиббиёт муассасасига ётқизиб текширтириш тўғрисида экспертиза тайинлаши лозим», дейилган.

Жиноятни содир этишда бир неча киши иштирок этган бўлса, биргаликда одам ўлдиришга қаратилган ягона қасд билан ҳаракат қилган ва жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш жараёнида бевосита иштирок этган шахсларгина жиноятнинг иштирокчилари, деб топилиши лозим. Агар

ўлим бир кишининг ҳаракати натижасида рўй берган бўлса, иштирокчилик белгилари бўлмаган ҳолларда қолган кишилар одам ўлдирганлик учун жавобгар бўлмайдилар. «Бир неча шахс жавобгарликка тортилаётган қасддан одам ўлдириш тўғрисидаги ишларни кўришда судлар ҳар бир судланувчининг жиноятда иштироки характери ва даражасини текширишлари лозим. Шунинг билан биргаликда одам ўлдириш мақсади билан биргаликда ҳаракат қилган ва жабрланувчини ҳаётидан маҳрум этишда бевосита қатнашган шахслар жиноятнинг бажарувчилари деб топилиши керак. Иштирокчилар томонидан биргаликда жиноят содир этилганда судлар хавфли рецидивист, алоҳида хавфли рецидивист ёки илгари қасддан одам ўлдирган шахслар томонидан одам ўлдиришни кўрсатувчи аломатлар фақат шундай ҳолатларга тегишли бўлган жиноят иштирокчиларининг ҳаракатларини тавсифлашда эътиборга олинишини кўзда тутмоқлари даркор».

Ижтимоий хавфлилик даражасига қараб Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг бир нечта нормаларида одам ўлдирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Аммо одам ўлдиришдан одам ўлдиришнинг ҳам фарқи бор. Ғаразлик туфайли, ўта шафқатсизлик билан, ҳомиладор аёлни ўлдириш, шунингдек зарурий мудофаа, хавфли

жиноятчини ушлаш, охирги зарурат ва хоказо ҳолатларда одамнинг ҳаётига чек қўйилиши мумкин. Юқоридаги турли ҳолатларни эътиборга олиб, қонун чиқарувчи томонидан одам ўлдирганлик учун турли жиноят-ҳуқуқий моддаларда жавобгарлик белгиланган. Жиноят қонунига биноан одам ўлдиришнинг қуйидаги турлари мавжуддир:

3-§. Қасдан одам ўлдириш

(ЎзР ЖК 97-моддаси)

Жиноят кодексининг 97-моддаси икки қисмдан иборат бўлиб, ушбу модданинг 1-қисмида «оддий» одам ўлдирганлик учун жавобгарлик белгиланган. Албатта, одам ўлдириш «оддий» бўлиши мумкин эмас. Жиноятни ЖК 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиш инкор усули билан амалга оширилади. Ишда, яъни содир этилган қилмишда ЖК 97-моддаси 2-қисмида назарда тутилган одам ўлдирганлик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги ва ЖК 98-102-моддаларидаги енгиллаштирувчи ҳолатларнинг борлиги аниқланади, агарда юқорида айтилган ҳолатлар бўлмаса, айбдорнинг қилмиши ЖК 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

Ўч олиш мақсадида, рашк туфайли, тузалмайдиган

касални азобдан қутқариш мақсадида жабрланувчининг илтимосига кўра, муштлашиш вақтида ўлдириш, ҳасад, қўрқоқлик ва хоказо туфайли содир этилган одам ўлдириш ЖК 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

Ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини қасдан ўлдиришдан бошқа барча ҳолатларда ўч олиш мақсадида шахсни ўлдирганлиги учун айбдор ЖК 97-модда 1-қисми билан жавобгарликка тортилади. Дастлаб айтиб ўтилган ҳолатда одам ўлдирганлик ЖК 97-модда 2-қисми «г» банди билан квалификация қилинади, бунинг учун одам ўлдириш айнан шахсий муносабатлар туфайли ўч олиш мақсадида содир этилганлигини аниқлаш лозим бўлади.

Шахсий муносабатлар туфайли ўч олиш мақсадида одам ўлдиришдан безорилик оқибатида одам ўлдиришни фарқлаш лозим. Безорилик оқибатида одам ўлдиришга жабрланувчининг аҳамиятга эга бўлмаган ҳаракати (чекиш учун сигарета бермаслик, бирор бир корхонанинг қаерда жойлашганлигини айтмаслик ва хоказо) баҳона бўлади ёки у ҳеч бир сабабсиз ҳам амалга оширилади.

Ўч олиш мотиви жабрланувчининг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати туфайли бевосита одам ўлдирилишидан олдин ёки анча илгари вужудга келиши мумкин.

Шахсий муносабатлар туфайли бевосита ўлдириш содир бўлишдан аввал ўч олиш мотиви пайдо бўлган ҳолатларда, одам ўлдириш кучли руҳий ҳаяжонланиш ёки зарурий мудофаа чегараларидан четга чиқиш ёхуд ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш туфайли содир этилмаганлигини ҳам аниқлаш лозим.

Рашк туфайли одам ўлдириш ҳам ЖК 97-модда 1-қисми билан квалификация қилинади. Одам ўлдириш мотиви сифатида рашк ўзида ишончсизлик, эгоизм, қахр-ғазаб каби унсурларни жамлаган бўлади. Кўпинча рашк туфайли одам ўлдиришга эр ёки хотиннинг хаёлий хиёнат қилганлиги, жабрланувчининг турмушга чиқишга ёки уйланишга розилик бермаганлиги ёки жабрланувчининг никоҳсиз бирга яшаш тўғрисидаги таклифни рад этганлиги сабаб бўлади.

Агар қилмишда ЖК 97-моддаси 2-қисми назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаса, кимнинг айби билан бошланганлигидан қатъи назар уришиш ёки муштлашиш вақтида одам ўлса, айбдорнинг қилмиши ЖК 97-модда 1-қисми билан квалификация қилинади.

Уришиш ёки муштлашиш вақтида одам ўлдирилганида қилмишни кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида ёки зарурий мудофаа чегараларидан четга чиққан ҳолда ёхуд

эхтиётсизлик оқибатида қасдан одам ўлдиришдагидек жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Юқорида айтилган енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, уришиш ёки муштлашиш вақтида одам ўлдириш ЖК 98, 100, 102-моддаларининг бирортаси билан квалификация қилиниши лозим.

Қилмишни уришиш ёки муштлашиш вақтида одам ўлдириш деб квалификация қилиш учун фақат уришиш ёки муштлашиш бўлганлигини таъкидламасдан, балки жинойтнинг содир этилиш мотиви ва ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш зарурдир. Уришиш ёки муштлашиш содир этилган одам ўлдиришнинг бир жиҳати бўлиб, у муайян мотив (безорилик оқибатида, тамагирлик ниятида, рашк, ўч олиш, ҳасад ва ҳоказо туфайли) билан содир этилади. Одам ўлдирилганида муштлашиш ва уришишнинг ўзи, муайян ҳолатларни эътиборга олмаганда, қилмишни ЖК 97-модда 1-қисми билан квалификация қилиш учун зарурий белги ҳисобланмайди.

ЖК 97-модда 2-қисмида жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдирганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу нормада одам ўлдирганлик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ўн еттита ҳолат назарда тутилган бўлиб, бу рўйхат ўзгармасдир, яъни ЖК 97-модда 2-қисмида кўрсатилган оғирлаштирувчи ҳолат бўлмаса,

қилмиш ушбу норма билан квалификация қилинмайди. Аммо ЖК 97-модда 2-қисмида кўрсатилган оғирлаштирувчи ҳолатлардан бирортаси ёки бир вақтнинг ўзида бу ҳолатларнинг бир нечтаси мавжуд эканлиги қилмишни ЖК 97-модда 2-қисми билан квалификация қилиш учун асос бўлади. Жиноят ушбу норма билан квалификация қилинганида, оғирлаштирувчи ҳолатнинг ҳар бири кўрсатилмоғи ва у жазо тайинланаётганида эътиборга олинмоғи лозим.

Жиноят ҳуқуқига оид адабиётларда қасдан жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдирганликни квалификация қилиш бўйича турли қарашлар мавжуд. ЖК 97-модда 2-қисмидаги ҳолатлар жиноят таркибининг элементларига кўра таснифланган. Ушбу таснифга биноан биринчи гуруҳга жиноятнинг объектига тааллуқли бўлган ҳолатларни киритиш лозим.

Бу гуруҳга:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсни;
- б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни;
- в) ожиз аҳволда эканлиги айбдорга аён бўлган шахсни;
- г) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини ўлдирганлик киради.

Иккинчи гуруҳга кирувчи ҳолатлар одам ўлдиришнинг

объектив томонига тааллуқли бўлиб, бу гуруҳга:

а) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда;

б) оммавий тартибсизликлар жараёнида;

в) ўта шафқатсизлик билан;

г) номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда одам ўлдириш киради.

Учинчи гуруҳга одам ўлдиришнинг субъектив томони билан боғлиқ ҳолатлар:

а) тамагирлик ниятида;

б) миллий ёки ирқий адоват замирида;

в) безорилик оқибатида;

г) диний таассублар замирида;

д) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида;

е) бошқа бир жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида одам ўлдириш киради.

Тўртинчи гуруҳга жиноятнинг субъектига тааллуқли ҳолатлар жамланган бўлиб, улар:

а) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда;

- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;**
- в) ўта хавфли рецидивист томонидан қасддан одам ўлдирилиши ҳолатларини ўз ичига олади.**

**Икки ёки ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдириш
(ЖК 97-моддаси 2-қисми «а» банди)**

Бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ шахсни ҳаётдан маҳрум қилишнинг ижтимоий хавфлилиги юқоридир. Одам ўлдиришнинг бу тури ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, айбдорда икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдириш нияти бўлади. Масалан, Семёнов деган шахснинг ўйнаши бўлиб, унинг яна бошқа киши билан учрашиб туриши ҳақидаги гап-сўзлар Семёновнинг қулоғига етади. Кечки пайт Семёнов ўйнашиникига келганида, уларни тўшакда кўради ва у ҳар икки шахсни ўлдиради. Унинг қилмиши суд томонидан ЖК 97-моддаси 2-қисми «а» банди билан тўғри квалификация қилинади.

ЖК 97-модда 2-қисми «а» бандида назарда тутилган одам ўлдиришни квалификация қилаётганда жиноятчининг ҳаракатлари ягона қасд билан қамраб олинганлиги ва бир вақтда содир этилганлигига эътибор бериш лозим. Икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдиришга қасд қилинганлиги, уларни ҳаётдан маҳрум этиш мотивининг бир хил эканлиги жиноий ниятнинг ягоналигидан далолат беради.

Икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдиришга қасд қилинганлиги жиноий ниятнинг ягоналигини кўрсатувчи зарурий белгидир

Ягона жиноий ният билан қамраб олинган, турли вақтларда содир этилган одам ўлдиришни икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдириш, деб топиш учун тўғри қасднинг мавжудлигини аниқлаш лозим бўлади.

Бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ кишини ўлдириш нафақат тўғри қасд, балки эгри қасд билан ҳам содир этилиши мумкин.

Икки ёки ундан ортиқ кишини ўлимнинг рўй бериши бундай жиноят тугалланган деб ҳисобланади.

Бир кишини ўлдирганлик ва иккинчи кишининг ҳаётига суиқасд тугалланган жиноят (икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдириш) ҳисобланмайди. Чунки айбдорнинг икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдиришга қаратилган қасди унинг ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра амалга ошмай қолди. Бундай ҳолларда жиноятни ЖК 97-модда 2-қисми тегишли банди ёки ЖК 97-модда 1-қисми ва 25-модда, 97-модда 2-қисми «а» банди билан квалификация қилиш лозим.

Аmmo шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, суд амалиётида қўлланиладиган бундай йўл ЖК нинг 33 моддаси 2 бандига зид келади. Агарда жиноят мажмуийининг натижаси битта қасд билан қамраб олинган бўлса, жавобгарликка шу жиноятнинг энг оғир жазоси битилган модданинг бандига

кўра тортилади, яъни юқоридаги масалада жавобгарлик ЖК **25-модда 2 қисми ва 97-модда 2-қисми «а» банди** билан квалификацияланади, ва қўшимча ЖК 97-модда 2-қисми тегишли бандисиз.

Умумий жиноят ҳуқуқи илмида ва суд амалиётида фактик хато, яъни агар айбдор ўз қилмишини оғир жиноят деб тассавур қилган, аммо ҳақиқатда унинг қилмиши шу жиноятнинг учна оғир бўлмаган ҳолати бўлса (масалан сейфни очаётганда ёки инкоссаторнинг сумкасини ўғирлаётганда айбдор жуда кўп миқдорда талон-тарож қилмоқда деб ўйласа, лекин ҳақиқатда у кўп миқдорда ёки анча миқдорда талон-тарож қилмоқда) унинг қилмиши қасди кўра квалификация қилинади (юқорида кўрсатилган мисолга биноан, жуда кўп миқдорда талон-тарож деб ҳисобланади). Фикримча, бу қоида ҳоётга қарши жиноятларга ҳам тегишли.

Узбекистон Республикаси юқори инстанцияси шарқига биноан: “Икки ёки ундан ортиқ шахсни қасдан ўлдириш, гарчи бу жиноий ҳаракатлар бир вақтнинг ўзида содир этилган бўлсада, лекин айбдорнинг ягона қасди билан қамраб олинмаган бўлса, қилмиш такроран қасдан одам ўлдириш тариқасида ЖК 97 моддаси 2 қисмининг “р” банди билан квалификация қилинади”.

Агар айбдор бир кишини ўлдиришга қасд қилган бўлса-ю, ўзининг эҳтиётсизлиги орқасида иккинчи шахсни

хаётидан махрум этса, қилмиш жиноятларнинг жами бўйича, яъни қасдан одам ўлдириш (ЖК 97-модда 1 ёки 2-қисми) ва эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (ЖК 102-моддаси) билан квалификация қилинади. Қилмишда икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдириш ва ЖК 97-модда 2-қисмида кўзда тутилган бошқа ҳолатлар ҳам мавжуд бўлса, айбдорнинг қилмиши ўша бандларнинг барчаси билан квалификация қилинади ва бу жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

Агарда айбдорда биринчи жиноятни содир этиб бўлгандан сўнг шу жиноятни яшириш мақсадида бошқа одамни ўлдириш қасди келиб чиқса, бундай ўлдириш икки ёки ундан ортиқ одамни ўлдириш деб ЖК 97 моддаси 2 қисмининг “а” банди билан квалификация қилиниши мумкин эмас. Бундай ҳолларда ҳар бир жиноят алоҳида квалификацияни талаб қилади.

Биринчи жиноятни ўзига хос аломатларини инобатга олиб квалификация қилинади, иккинчиси эса ЖК 97 моддаси 2 қисмининг “о” ва “р”бандлари билан квалификация қилинади, яъни бошқа бир жиноятни яшириш мақсадида ўлдириш (бизнинг ҳолатимизда биринчи жиноятни) ва такроран содир этиш.

Агар айбдорнинг томонидан ЖК 98-101 моддаларида битилган жиноятлар одир этилган бўлса, унинг қилмиши

ЖК 97 моддаси 2 қисмининг “а” банди билан жиноий жовобгарликка тортилмайди.

Ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни қасддан

ўлдириш

(ЖК 97-моддаси 2-қисми «б» банди)

Жиноятни ЖК 97-моддаси 2-қисми «б» банди билан квалификация қилиш учун аёлнинг ҳомиладорлиги айбдорга аввалдан маълум бўлганлигини аниқлаш зарур.

Юқорида айтилган Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорида: «ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «б» банди ўлдирилган аёлнинг ҳомиладорлик муддати ва ҳомиланинг келажакда яшаш қобилиятидан қатъи назар қўлланилади. Бундай ҳолда жавобгарлик жабрланувчининг ҳомиладор эканлигини айбдор билган тақдирдагина юзага келади», дейилган.

Аён бўлган, деганда, айбдорнинг аёлнинг ҳомиладорлигини билганлиги тушунилади. Айбдор ҳомиладорликнинг охири ойларида аёлнинг гавда тузилишига қараб, унинг ҳомиладорлигини тўла аниқлаши мумкин. Ҳомиладорликнинг дастлабки ойларида уни билиш мураккаброқ, бироқ бу ҳақида айбдор жабрланувчининг ўзи, ота-онаси, дугоналари ва ҳоказолардан эшитган бўлиши мумкин.

Қилмишни ЖК 97-моддаси 2-қисми «б» банди билан квалификация қилишнинг зарурий шарти айбдор

томонидан аёлнинг ҳомиладорлигини била туриб ўлдирилганлиги ҳисобланади.

Жиноятни ЖК 97-моддаси 2-қисми «б» банди билан квалификация қилишда ҳомиладорлик муддати аҳамият касб этмайди.

Агар одам ўлдириш тамагирлик ниятида, безорилик оқибатида ёки бошқа мотивлар билан содир этилган бўлса, айбдор фақат ЖК 97-модда 2-қисми «б» банди билан эмас, балки ушбу модданинг тегишли бандлари билан ҳам жавобгарликка тортилиши керак.

**Ожизлиги айбдорга аён бўлган шахсни қасдан
ўлдириш**

(ЖК 97-моддаси 2-қисми «в» банди)

Айбдор ожизлиги ўзига аён бўлган шахсни қасдан ўлдирса (онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдиришдан ташқари), унинг қилмиши ЖК 97-модда 2-қисм «в» банди билан квалификация қилиниши лозим.

Ожизлик деганда – жабрланувчининг рухий ёки жисмоний томондан ночорлиги туфайли, айбдор томонидан ўзининг ҳаётига қилинаётган тажовузни қайтара олмаслиги тушунилади.

«Айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 97-моддаси 2-қисми «в» банди бўйича тавсиф қилганда жавбрланувчининг ожиз аҳволи деб унинг жисмоний ёки руҳий ҳолати (жисмоний камчилиги, балоғат ёшидалиги, руҳий жиҳатдан носоғломлиги, касал ёки ҳушсиз аҳволдалиги ва ҳоказо) туфайли унга нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг моҳияти ва мазмунини англаб етмаган ёки ўзининг хатти-ҳаракатларини бошқара олмаган ҳолатда бўлиши ва айбдор жабрланувчининг шу аҳволда эканлигини билишлиги лозим.

Жабрланувчи ўзининг атрофдаги вазиятни англаб етмайдиган даражадаги алкогольдан ёки гиёҳвандликдан мастлиги уни ожиз аҳволда бўлган деб тан олинishi мумкин, бунда жавбрланувчини ким бу аҳволга дучор этгани аҳамиятга эга эмас».

Ҳаётларига бўлган тажовузни бартараф эта олмасликларини эътиборга олиб, ёш боланинг, кекса кишининг ўлдирилганлигини, жабрланувчини ухлаб ётганида, қаттиқ маст ҳолатида ёки руҳий касал кишини била туриб ўлдирганлик ҳам ЖК 97-модда 2-қисми «в» банди билан квалификация қилиниши зарур.

Жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб содир этилган одам ўлдиришни квалификация қилишда жинойтнинг мотивларига эътибор бермоқ керак.

Шахснинг ожизлигини била туриб, уни ўлдириш, яъни тамагирлик ёки безорилик оқибатида, ўта шафқатсизлик билан ва ҳоказо мотивлар билан содир этилган бўлса, айбдорнинг қилмиши бу мотивлар кўрсатилган бошқа бандлар билан ҳам квалификация қилинади.

**Ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини қасддан ўлдириш
(ЖК 97-моддаси 2-қисми «г» банди)**

Одам ўлдиришнинг бу турида жабрланувчининг ўлими унинг хизмат ёки фуқаролик бурчини бажаришдек ижтимоий фойдали фаолияти билан боғлиқ ҳолда рўй беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг аввал зикр этилган қарорида: «Жабрланувчининг хизмат ёки фуқаролик бурчини амалга оширишдаги қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида, шунингдек, бундай фаолиятнинг бажарилиши муносабати билан ўч олиш ниятида содир этилган одам ўлдириш ҳаракатлари «г» банди билан квалификация қилиниши керак»лиги

тушунтирилган.

Жабрланувчининг хизмат ёки фуқаровий бурчини бажариши муносабати билан ундан ўч олиш мақсадида қасддан ўлдирганлик ЖК 97-модда 2-қисми «г» банди билан квалификация қилиниши керак.

Шахсинг хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан ёки унинг қонуний талабига тўсқинлик қилиш мақсадида ўлдирилишининг мотиви аниқланмаган ҳолларда ҳам жиноятчи ЎзР ЖК 97-модда 2-қисми «г» банди билан жавобгарликка тортилади. Яқин қариндошлар деганда, жабрланувчи билан қариндошлик муносабатларида бўлган шахслар, яъни ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек, эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари тушунилади.

Одам ўлдиришнинг ушбу турида мансабдор шахс, ҳокимият вакили, шунингдек ҳар қандай шахс (ишчи, қоровул ва ҳоказо) жабрланувчи бўлиши мумкин.

Хизмат вазифасини бажариш деганда, ҳар қандай муассаса, корхона ва ташкилотда хизмат бўйича юклатилган вазифани бажараётган ҳар қандай шахсинг фаолияти тушунилади.

Фуқаролик бурчини бажариш деганда, фуқаронинг ҳар

қандай қонуний фаолиятини тушунмоқ лозим. Булар ўзига юклатилган жамоат ишлари, жамият ёки айрим фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, яъни ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жиноят тўғрисида хабар бериш, гувоҳлик бериш ва ҳоказо ҳаракатлар бўлиши мумкин.

Қонунга биноан ҳаракат қилган шахсни ўлдирганлик ЖК 97-модда 2-қисми «г» банди билан квалификация қилиниши лозим. Жабрланувчининг қонунга хилоф ҳаракатлари, яъни хизмат вазифасини суиистеъмол қилиши, айбдор шахсга нисбатан ҳокимият ваколати доирасидан четга чиқиши натижасида ўлдирилган бўлса, у ҳолда айбдор шахсни ЖК 97-модда 2-қисми «г» банди билан жавобгарликка тортиб бўлмайди. Одам ўлдирганликни ЖК 97-модда 2-қисми «г» банди билан квалификация қилиш учун жиноятнинг жабрланувчи хизмат вазифасини бажараётган ёки бошқа вақтда содир этилганлигининг аҳамияти йўқ. Бунда одам ўлдириш айнан жабрланувчининг хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан содир этилганлигини аниқлаш зарурдир.

Шахсни ёки унинг яқин қариндошларини ўлдирганлик учун жавобгарлик жабрланувчи томонидан ўзининг хизмат ёки фуқаролик бурчини бажаришга қаратилган у ёки бу

ҳаракатлар қачон бажарилганидан қатъи назар, вужудга келади ва одам ўлдириш ўз хизмат бурчини бажарганлиги учун жабрланувчидан ўч олиш мақсадида содир этилганлигини аниқлаш муҳимдир.

Жабрланувчини хизмат ёки фуқаролик бурчини ўташи муносабати билан қасддан ўлдиришдан одам ўлишига сабаб бўлган терроризм (ЖК 155-модда 3-қисми «а»банди)ни фарқлаш лозим.

ЖК 97-модда 2-қисми «г» бандида жавобгарлик белгиланган одам ўлдириш жабрланувчилардан бирор нарса талаб қилинмасдан содир этилади. Терроризмда жабрланувчи террорист томонидан қўйилган талабларни бажармаганидан сўнг ўлдирилади ва айбдорнинг қилмиши ЖК 155-модда 3-қисми «а» банди билан квалификация қилинади.

**Бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли
бўлган усулда қасддан одам ўлдириш
(ЖК 97-моддаси 2-қисми «д» банди)**

Одам ўлдиришнинг ушбу тури содир этилганида айбдорнинг қасди бир кишини ҳаётдан маҳрум этишга қаратилган бўлади, аммо айбдор қилмишни содир этаётганида бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавф

туғилади. Жиноятни бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда қасдан одам ўлдириш, деб квалификация қилиш учун айбдорнинг шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш учун қўллаётган усули бошқа шахсларнинг ҳаётига хавф туғдиришини англаганини аниқлаш лозим. Кўпинча ушбу турда одам ўлдириш усули жиноят қуролининг хусусияти билан аниқланади.

Одам ўлдиришни ЖК 97-модда 2-қисми «д» банди билан квалификация қилиш учун жиноятнинг содир этиш усулини аниқлаш зарур. Бундай усулга: кўпчиликка, тураржойда, транспортда ёки одамлар тўпланиб турган жойда тартибсиз равишда ўқ узиш, портлатиш, одамлар бор бўлган уйни ёкиб юбориш натижасида одам ўлдириш, қудуқдаги сувни захарлаш ва ҳоказолар киради. Аммо одам ўлдириш усулининг хавфлилиги мавҳум (абстракт) эмас, балки содир этилган жиноятнинг аниқ ҳолатидан келиб чиққан ҳолда аниқ баҳоланмоғи лозим. Масалан, ҳеч ким бўлмаган жойда шахсни портлатиш ёки транспорт воситаси билан босиб кетиш натижасида ҳаётдан маҳрум қилганлик ЖК 97-модда 2-қисми «д» банди билан квалификация қилинмайди, чунки бу ҳолатларда айбдорнинг хатти-ҳаракати бошқа шахсларнинг ҳаёти учун реал хавф туғдирмайди.

Ҳақиқатан ҳам бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавф

мавжуд бўлганида ва шу шароитда бошқаларни ҳаётидан маҳрум қилиш мумкинлиги кўриниб турганидагина ЖК 97-моддаси 2-қисми «д» банди бўйича жавобгарлик вужудга келади.

Қасдан одам ўлдиришни бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда содир этилган, деб топиш учун айбдорнинг ўзи танлаган усул нафақат бир кишининг, балки бошқаларнинг ҳаёти учун ҳам хавфли эканлигини англаганлигини аниқлаш зарур бўлади.

Кўп шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усулда одам ўлдириш вақтида бошқа шахсларга жароҳат етказилган бўлса, қилмиш жиноятларнинг жами бўйича ЖКнинг баданга шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланган моддалари билан ҳам квалификация қилинади. Агар жиноят натижасида бошқа шахслар ҳам ўлган бўлса, айбдор эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдирганлик учун жавобгарлик белгиланган моддаларнинг жами бўйича жавобгар бўлади.

**Оммавий тартибсизликлар жараёнида одам ўлдириш
(ЖК 97-моддаси 2-қисми «е» банди**

Ушбу турдаги одам ўлдиришнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, айбдор оммавий тартибсизликлар

вақтидаги тартибсизлик, олағовурдан фойдаланиб жиноятни содир этади. Жиноятчилар оммавий тартибсизлик вақтида одам ўлдиришни содир этаётган вақтда ҳаёсизларча, сурбетларча ҳаракат қиладилар ва ўз қилмишлари тартибсизлик қилаётган тўда томонидан содир этилган деб ҳисобланади, деб ўйлайдилар. Оммавий тартибсизликлар – бебош тўданинг қирғин қилиш, ўт қўйиш, бузиш, мулкни нобуд қилиш, шахсга қарши зўрлик ишлатишга қаратилган хатти-ҳаракати. Ушбу жиноятнинг субъекти бир вақтнинг ўзида оммавий тартибсизликларнинг ҳам ташкилотчиси ёки фаол иштирокчиси бўлса, унинг қилмишлари жиноятларнинг жами – ЖК 244-моддаси ва ЖК 97-моддаси 2-қисми «е» банди билан квалификация қилиниши лозим. Одам ўлдириш айнан оммавий тартибсизликлар бўлаётган вақтда содир этилганидагина айбдорнинг қилмиши ушбу банд билан квалификация қилинади.

**Ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш
(ЖК 97-моддаси 2-қисми «ж» банди)**

Ўта шафқатсизлик шахснинг раҳмсизлиги, ахлоқсизлигидан далолат беради.

ЖК 97-модда 2-қисми «ж» бандида оддий шафқатсизлик эмас, балки ўта шафқатсизлик ҳақида гап боради. Одам ўлдириш ҳамма вақт ҳам шафқатсизликдир. Ўта шафқатсизлик нималарда намоён бўлади? У энг аввало жиноятни содир этиш усулида намоён бўлади.

Ўта шафқатсизлик деганда, жабрланувчини ўта қийнаб ҳаётдан маҳрум этиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорида: «жуда раҳмсизликнинг белгилари, жумладан жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этишдан олдин ёки одам ўлдириш жараёнида қўлланилган қийнаш, азоблаш ёки ўликни таҳқирлаш ҳолларида, шунингдек, одам ўлдириш айбдор томонидан атайлаб жабрланувчини қаттиқ азоблаш усули билан содир этилганда (жуда кўп миқдорда жароҳат етказиш, азоблайдиган захар бериш, инсонни тирикликгича ёқиб юбориш, узоқ муддат озиқ-овқат, сув бермаслик ва ҳоказолар) намоён бўлади. Шунингдек, айбдор ўзининг ҳаракатлари билан уларга азоб-уқубат бераётганини англаган ҳолда жабрланувчини жуда яқин кишиларининг

кўз олдида ўлдирганида жуда раҳмсизлик аломатлари ифода бўлиши мумкин. Жиноятни яшириш мақсадида ўликни йўқ қилиш ёки бўлакларга бўлиш одам ўлдиришни жуда раҳмсизлик билан тавсиф қилиш учун асос бўладиган ҳолатлар сифатида қаралиши мумкин эмас». Марҳумнинг жасадида бир нечта жароҳатларнинг борлиги уни шафқатсизларча азоблаб ўлдирилган деб топиш учун асос бўла олмайди, бундай ҳолда жароҳатларнинг айбдор томонидан қасдан ўлдириш вақтида ёки жабрланувчига ўлишидан аввал азоблаш, қийнаш мақсадида етказилганлигини аниқлаш зарур.

Агар «жабрланувчи томонидан қилинган ноқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат туфайли тўсатдан юз берган кучли рухий ҳаяжонланиш ёки зарурий муҳофаа чегарасидан четга чиқиб содир этилган одам ўлдиришни Жиноят кодексининг 98 ёки 100-моддаси билан тавсиф қилиниши кераклиги эътиборга олишлари лозим».

Болаларни ота-онаси ёки яқин қариндошлари олдида ўлдириш ҳам ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш, деб ҳисобланади. Ухлаб ётган кишини ўлдирганлик учун айбдор ушбу банд билан жавобгарликка тортилмайди, чунки жабрланувчи ўзининг ўлдирилаётганлиги фактини англамайди. Шафқатсизлик тиббий эмас, балки ижтимоий тушунчадир, шу сабабдан қилмишнинг ўта шафқатсизлик

билан содир этилганлиги тўғрисида эксперт хулосасига эҳтиёж йўқ.

**Номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб
ғайритабiiй усулда қондириш билан боғлиқ
ҳолда қасдан одам ўлдириш
(ЎзР ЖК 97-моддаси 2-қисми «з» банди)**

Номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда қасдан одам ўлдириш деганда, номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш жараёнидаги ўлдириш, шунингдек, жабрланувчини, номусга тегиш пайтида қаршилиқ кўрсатганлиги учун ўч олиш важдан ўлдириш тушунилади. Бунда иккита мустақил жиноят содир этилишини ҳисобга олиб, қилмишни ЎзР ЖК 97-моддаси 2-қисми «з» банди ва ЖК 118 ёки 119-моддалари бўйича квалификация қилиш керак бўлади.

Айбдор қасдан одам ўлдириш билан бир қаторда номусга тегишни содир этган (118-модда) ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондирган (119-модда) ҳолларда жиноят ЖК 97-модда 2-қисмининг «з» банди бўйича квалификация қилиниши зарур. Номусга тегиш

ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда қасддан одам ўлдириш – номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жараёнида ёш болаларнинг аъзолари ва тўқималари эзилиб-узилиб кетиши сабабли асфикция натижасида ўлиши ёки шу жиноятларни яшириш мақсадида азоблаш (захарлаш) ва бошқа шу кабилар натижасида содир этиладиган ўлдириш ёхуд аёлнинг жинсий эркинлиги ёки жинсий дахлсизлигига тажовуз қилиш пайтида қаршилик кўрсатганлик учун ўч олиш важидан ўлдиришдир.

Некрофилия (мурдаларга ҳирс қўйиш) мақсадида одам шафқатсиз равишда ўлдирилиши ҳам мумкин. Некрофилия – мурдалар билан жинсий алоқа қилиш кўринишидаги шахвоний телбалик, жинсий бузуқликдир. Бундай ҳолларда жинсий қилмиш жиноятлар жами бўйича, ўлдириш ва номусга тегиш ёхуд жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш деб квалификация қилинади.

Агар ўлдириш номусга тегишдан кейин узок вақт ўтгач содир этилса, у ЖК 97-модда 2-қисмининг «з» банди билан квалификация қилиниши мумкин эмас. Бир гуруҳ шахслар томонидан номусига тегилган жабрланувчи жиноят иштирокчиларидан бири томонидан, бироқ қолган иштирокчиларнинг розилиги билан ўлдирилган бўлса,

номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда одам ўлдирганлик учун барча иштирокчилар жавобгар бўлишлари керак.

Тамагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш деганда (ЎзР ЖК 97-модда 2-қисмининг «и» банди) – ҳар хил моддий наф (пул, мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқлар, уй-жой майдониға бўлган ҳуқуқ ва ҳоказо) олишға қаратилган ниятда ёки моддий сарф-харажатлардан, қарзни, алиментни тўлашдан қутулиш истагида ёхуд бошқа тамагирлик ниятида содир этилган ўлдиришдир, масалан, жабрланувчининг анча кўп ҳақ тўланадиган лавозимини эгаллаш учун ҳақ эвазига одам ўлдириш ва ҳоказолар тушунилади.

Жабрланувчи ким бўлишидан қатъи назар, яъни мол-мулкнинг (бошқа бойликларнинг) эгаси ёки ўзида мол-мулк турган шахс ёки мол-мулк сақлаш учун бериб қўйилган шахс бўлишидан қатъи назар, одам ўлдириш тамагирлик ниятида содир этилган деб топилади.

Ўлимидан кейин бирон-бир мулкӣ тусдаги ҳуқуқларини айбдор ўз қўлга киритиш мақсадида ўлдирилган шахс ҳам жабрланувчи бўлиши мумкин.

Ўзи ёки бошқа шахсларнинг манфаатини кўзлаб моддий наф кўриш ёки шахс бирон-бир моддий сарф-харажатлар қилишдан қутулиш мақсадида содир

этилганлигидан қатъи назар, одам ўлдириш тамагирлик ниятида содир этилган, деб ҳисобланади.

Агар одам ўлдириш, биринчидан, хужум қилиб, иккинчидан, мол-мулкни эгаллаш мақсадида, учинчидан, мол-мулкни эгаллаш ўлдиришни содир этиш пайтида ёки бевосита кейин содир этилган бўлса, бунда тамагирлик ниятидаги ўлдириш ва босқинчилик жиноятларнинг жами мавжуд бўлади (ЎзР ЖК 97-модда 2-қисмининг «и» банди ва ЖК 164-моддаси). Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорида: «Агарда босқинчилик жараёнида қасддан одам ўлдирилса, содир этилган жиноий ҳаракатни қайд этилган жиноятлар йиғиндиси била тавсиф қилмоқ даркор, чунки 97-модда 2-қисмининг «и» банди босқинчиликни ўз ичига қамраб олмайди» деб айтилган.

Тамагирлик одам ўлдиришнинг сабаби сифатида ўлдиришдан олдин пайдо бўлган бўлиши керак. Агар айбдор одам ўлдиришни бошқа сабабларга кўра, масалан ўч олиш, рашк туфайли содир этса, сўнгра жабрланувчининг мол-мулкни эгаллаб олса, унинг ҳаракатларини қасддан одам ўлдириш сифатида ЎзР ЖК 97-моддаси 1-қисми ва ЖК 169-моддаси билан квалификация қилиш зарур. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорида: «Айбдорнинг ҳаракатларини «и» банди билан тавсиф

қилишда судлар, одам ўлдириш жинояти фақат қандай бўлмасин моддий манфаатга эга бўлиш нияти айбдорда жабрланувчини ҳаётидан маҳрум этишдан олдин юзага келган ҳоллардагина ғараз мақсадда содир этилган, деб танилишини эътиборга олишлари керак. Агарда бундай ният одам ўлдирилгандан сўнг пайдо бўлган бўлса, унинг ҳаракатларини тегишлича одам ўлдириш ва ўғирлик деб тавсиф қилиш лозим бўлади», – дейилган.

Чунончи, И.Тошматов Комилов билан даҳанаки жанжал чиқарди, кейин бу муштлашувга айланди. Тошматов Комиловни у йиқилиб, ўлиб қолгунча урди. Комилов йиқилаётганида унинг ҳамёни ерга тушади, унда талайгина пул бор эди. Одам ўлдиришни содир этганидан кейин И.Тошматов ҳамённи кўриб қолади ва уни ўзиники қилиб олади. Дастлаб, И.Тошматовнинг ҳаракатлари тамагирлик ниятидаги одам ўлдириш ва босқинчилик ҳужуми сифатида нотўғри квалификацияланган эди. Кейинчалик, ЎзР Олий суди унинг ҳаракатларини муштлашиш жараёнида содир этилган одам ўлдириш (ЖК 97-моддасининг 1-қисми) ва ўғирлик содир этиш (ЖК 169-модда) деб, қайтадан тўғри квалификация қилди. Негаки, Комиловнинг ўлимига қадар Тошматовда унинг пулларини эгаллаб олиш нияти бўлмаган, пулларни эгаллаб олиш нияти жабрланувчининг ўлиmidан сўнг

пайдо бўлган.

Тамагирлик ниятида қасдан одам ўлдириш айбдор эгаллаб олишни хоҳлаган моддий қимматликлар ёки бошқа бойликларни олгани ёки олмаганидан қатъи назар ўлим юз берган пайтдан эътиборан тамом бўлган жиноят, деб топилади.

**Миллий ёки ирқий адоват замирида
содир этилган қасдан одам ўлдириш
(ЎзР ЖК 97-моддаси 2-қисми «к» банди)**

Жабрланувчининг у ёки бу миллатга, ирққа мансублиги билан боғлиқ ҳолда, у ёки бу ирқ вакилларининг ҳаёт тарзи, турмуши, оила қуриш тарзи, маданияти, урф-одатларини хуш кўрмаслик ёки улардан нафратланиш туфайли қотиллик содир этилган ҳолларда одам ўлдириш ЖК 97-модда 2-қисми билан «к» банди бўйича квалификация қилинмоғи лозим.

Бошқа важлар (тамагирлик, рашк, ўч олиш ва бошқа шу кабилар)га кўра у ёки бу миллат, ирқ вакилининг ҳаётига тажовуз қилиш ЎзР ЖК 97-модда 2-қисмининг «к» банди бўйича жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Шуни назарда тутиш керакки, одам ўлдиришда миллатчилик, ирқчилик сабабларининг мавжуд бўлиши

айни пайтда субъектда бошқа: тамагирлик, безорилик ниятларининг мавжуд бўлганлигини истисно этмайди. Бундай ҳолларда айбдорнинг қилмишларини ЎзР ЖК 97-модда 2-қисмининг «к» банди ва 97-модданинг тегишли банди билан квалификация қилиш зарур.

**Безорилик оқибатида қасдан одам ўлдириш
(ЎзР ЖК 97-моддаси 2-қисми «л» банди)**

ЎзР ЖК 97-модда 2-қисми «л» банди билан «Айбдорнинг атрофдагиларга ўзини қарши қўйиш, уларга илтифотсизлигини намойиш этиш истаги билан жамоат тартибини ошқора менсимаган ҳолда жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибини ва ахлоқ қоидаларини қўпол равишда бузиш орқасида қасдан одам ўлдириш ҳаракатларини «л» банди билан тавсиф қилиш керак. Ташқаридан қараганда безорилик туйғулари билан одам ўлдириш кўпинча сабабсиз ёки одам ўлдиришга арзимас баҳонани сабаб қилиб содир этилади».

ЖК 97-модда 2-қисми «л» бандида жавобгарлик назарда тутилган қилмишни содир этганлик учун жавобгар деб топишда жиноят содир этилган жой (масалан, жамоат жойи)нинг аҳамияти йўқ. Жиноятни квалификация қилишда безорилик ўлдиришга қасд қилишни келтириб чиқарган асосий ва бевосита сабаб

бўлганини аниқлаш муҳимдир.

Қилмишни ЎзР ЖК 97-модда 2-қисми «л» банди билан квалификация қилишнинг зарур шарти одамнинг безорилик оқибатида ўлдирилганлигидир. Безорилик оқибатида одам ўлдирган айбдор бошқа кишини ўлдиришдан ёхуд жамоат тартибини одам ўлдириши мумкин бўлган тарзда қўпол равишда бузиш ва жамиятга нисбатан ҳурматсизлик қилишдан роҳатланади.

Шахснинг қасдан жанжал пайтида, совуқ муносабатлар туфайли, муштлашиш чоғида ўлдирганлигини ҳам, ҳатто бунда жамоат тартиби бузилган бўлса ҳам, безорилик оқибатидаги одам ўлдириш деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Безорилик оқибатида одам ўлдирилганида бошқа мотивлар: рашк, ўч олиш, нафрат, ҳасад сингарилар ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ана шу мотивларни фарқлаш ва улардан қайси бири жиноятни содир этишда устунлик қилганлигини, қайси мотив устун бўлганлигини аниқлаш муҳимдир. Юқоридагиларга асосланиб айбдорнинг қайси банд билан жавобгарликка тортилиши масаласи ҳал қилинади.

«Рашк орқали, ўч олиш мақсадида ва бошқа шахсий муносабатлар замирида юзага келган қасдан одам ўлдириш, уларнинг қаерда содир этилишидан қатъи назар

«л» банди билан тавсиф қилинмаслиги керак».

Безориликни рашк ва ўч олишдан фарқлаш учун бу мотивларнинг табиати турлича эканлиги инobatга олинмоғи лозим. Чунончи, агар безорилик нияти жамоат тартибига қарши қаратилган ва айбдорнинг жабрланувчини менсимаслигида ифодаланса, рашк ва ўч олиш мотивлари айбланувчи ва жабрланувчи ўртасидаги жиноят содир этишдан аввалги шахсий муносабатлар ҳисобланади.

Агар безорилик оқибатида одам ўлдириш жараёнида айбдор жамоат тартибини бузган бўлса, унинг қилмишлари жиноятларнинг жами бўйича ЎзР ЖК 97-модда 2-қисми «л» банди ва ЖК 277-моддаси билан квалификация қилиниши керак.

**Диний таассублар замирида қасддан одам ўлдириш
(ЎзР ЖК 97-моддаси 2-қисми «м» банди)**

У ёки бу дин ёхуд диний таълимотга эътиқод қилувчи шахсларни ана шу эътиқоди учун улардан нафратланиш, ғазабланиш мотиви билан ўлдирганлик ЎзР ЖК 97-модда 2-қисми «м» банди билан квалификация қилиниши керак. Диний таассублар замирида деганда, диний мутаассибликка асосланган, диний ғояларга кўр-кўрона,

ашаддий берилиб кетиш, турмушда уларга оғишмай риоя этишга интилиш, ғайридинлар ва бошқача фикрловчиларга мурасасизлик тушунилади.

Киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида қасдан одам ўлдириш (ЎзР ЖК 97-моддаси 2-қисми «н» банди)

Одам ўлдириш одамнинг аъзоларини беморга кўчириб ўтказиш учун, илмий ёхуд бошқа мақсадлар учун ажратиб олиш мақсадида содир этилган бўлса, айбдор ЎзР ЖК 97-модда 2-қисми «н» банди билан жавобгарликка тортилади.

Шахс тириклигида унинг розилигини олмасдан туриб ёки унинг яқин қариндошларининг розилигисиз мурданинг аъзоларини ёки тана қисмларини ажратиб олиш ЎзР ЖК 133-моддаси билан квалификация қилинади.

Ҳақ эвазига (ёлланган қотиллик) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида одам ўлдирилганида айбдорнинг қилмишини ЎзР ЖК 97-модда 2-қисми «н» ва «и» банди билан квалификациялаш зарур. Жабрланувчи аъзоларидан кесиб олиб трансплантат

сифатида ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш (масалан, жабрланувчини тиббий операция ниқоби остида алдаш, наркоздан фойдаланган ҳолда куч ишлатиш ва ҳоказо) натижасида жабрланувчи ўлимнинг юз берганлиги жиноятни ЖК 97-модда 2-қисми «н» банди билан квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

**Бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида қасдан одам ўлдириш
(ЎзР ЖК 97-моддаси 2-қисми «о» банди)**

Одам ўлдиришнинг бу турини тавсифлашда у фақат тўғри қасд билан содир этилишини таъкидлаш керак. Аксарият ҳолларда, одам ўлдиришнинг бу тури мол-мулкни эгаллаб олишни енгиллаштириш, содир этилган жиноятни яшириш; гувоҳларни йўқотиш, илгари содир этилган жиноят учун жавобгарликдан қутулиш учун содир этилади.

Бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадидаги одам ўлдириш жиноятларнинг жами бўйича, яъни ЖК 97-модда 2-қисми «о» банди ва жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли бошқа моддаси билан квалификация қилиниши

лозим. «Бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида одам ўлдириш алоҳида жиноят сифатида тавсиф қилиниши лозим. Масалан, босқинчилик жиноятини содир этишни осонлаштириш ёки яшириш мақсадида содир этилган қасдан одам ўлдириш Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисмининг «о» банди ва ЖК 164-моддаси билан тавсифланиши лозим».

Агар жабрланувчи томонидан хабар берилган бўлса ва айбдор жиноятни содир этаётганида бундан хабардор бўлса, унинг қилмиши – ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ўлдириш ЎзР ЖК 97-модда 2-қисми «г» банди билан квалификация қилинади. Бундай ҳолларда айбдор янги содир этилган жиноятни яширишга уринмаслиги боис, жиноят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлиб қолади.

Бундай ҳолларда, айбдор ўз фуқаролик бурчини бажарганлиги учун ўч олиш мақсадида жабрланувчини ўлдиради.

ЎзР ЖК 97-модда 2-қисми «о» бандида назарда тутилган одам ўлдиришни тамом бўлган жиноят деб топиш учун айбдор одам ўлдириш натижасида бошқа бирор жиноятни яширганлиги ёки унинг содир этилишини осонлаштирганлиги талаб қилинмайди, шу мақсадда одам

Ўлдирилганлигининг аниқланганлиги кифоядир.

Айбдор бирор жиноятнинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида бошқа жиноятни содир этишга улгурмаган ҳолларда, у ЎзР ЖК 97-модда 2-қисми «о» банди ва бошқа жиноятни содир қилишга тайёргарлик кўрганлик учун жавобгарликка тортилади.

Бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаб, қасдан одам ўлдириш (ЎзР ЖК 97-моддаси 2-қисми «п» банди)

Одам ўлдириш икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан содир этилганида айбдорларнинг қилмиши ЎзР ЖК 97-модда 2-қисми «п» банди билан квалификация қилиниши зарур.

Одам ўлдириш тўғрисида жиноят иштирокчиларининг олдиндан келишуви жиноятни ушбу моддага биноан квалификациялаш учун аҳамият касб этмайди. Одам ўлдиришни ЖК 97-модда 2-қисми «п» банди билан тўғри квалификация қилиш учун жиноятнинг барча иштирокчилари жабрланувчини ўлдиришга қасд қилганлигини аниқлаш зарур. Одам ўлдириш учун ягона қасд билан биргаликда ҳаракат қилган ва жабрланувчини ўлдириш жараёнида бевосита иштирок этган шахсларни

жиноятнинг ижрочилари, деб эътироф этиш керак бўлади.

Агар бир гуруҳ шахслар томонидан жабрланувчининг соғлиғига шикаст етказилсаю, гуруҳ аъзоларидан бири, қолган иштирокчиларнинг хаёлига келмагани ҳолда, уни қаттиқ уриб ўлдирган бўлса, унинг бу ҳаракати ЎзР ЖК 97-модда 2-қисми «п» банди билан квалификация қилинмайди.

Бундай ҳолларда айбдорнинг қилмишини содир этилган жиноятнинг мотивини инобатга олган ҳолда, одам ўлдириш деб, жиноятнинг қолган иштирокчиларининг қилмишини эса бир гуруҳ шахслар томонидан жабрланувчининг соғлиғига шикаст етказиш деб квалификация қилиш лозим.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг қарорида: «Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисмининг «п» банди диспозициясида кўрсатилган уюшган гуруҳ деб унинг барқарорлигини, унда ташкилотчининг бўлишини, одатда, бир неча жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлигини, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлигини, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлигини, техника билан

таъминланганлигини, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлигини, умумий интизомга ва жиноий гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилиниши ва ҳоказоларни тушунмоқ лозим».

Одам ўлдириш уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган тақдирда айбдорнинг қилмиши ЎзР ЖК 97-модда 2-қисми «п» банди билан квалификация қилиниши зарур.

Одам ўлдиришни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда содир этилган, деб топиш учун содир этилган жиноят натижасида уюшган гуруҳ аъзолари бирор-бир манфаат кўрган бўлишлари лозим, бевосита одам ўлдирган шахс уюшган гуруҳнинг аъзоси бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолда жиноятчиларда уюшган гуруҳнинг манфаатларини кўзлаб жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш нияти бўлганлигини аниқлаш муҳимдир.

Одам ўлдиришнинг бу турини содир этиш мотивлари тамагирлик, жабрланувчидан ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан ўч олиш, бошқа кишилар ҳаёти учун хавфли усулда одам ўлдириш ва ҳоказо ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, асосий мотив – уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда одам ўлдирилганини аниқлаш муҳимдир. Одам ўлдиришни квалификация қилишда барча жазони оғирлаштирувчи

**ҳолатларни кўрсатиш ва жазо тайинлашда уларни
инобатга олиш зарурдир.**

Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир

этилган қасддан одам ўлдириш

(ЎзР ЖК 97-моддаси 2-қисми «р» банди)

Айбдор иккинчи марта одам ўлдирган ва илгари ҳам одам ўлдирганлиги учун судланмаган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилади.

Агар одам ўлдиришда айбдор бўлган шахс жиноятни содир этганлик учун илгари судланган бўлса, одам ўлдириш хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб квалификация қилинади.

Айбдор илгари тамом бўлган одам ўлдиришни содир этганми ёки унга суиқасд қилганми, у шу жиноятнинг ижрочиси ёки иштирокчиси бўлганми, бундан қатъи назар, одам ўлдириш такрорий ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилганлиги аломатига кўра квалификация қилиниши лозим.

Одам ўлдиришдан олдин терроризм, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳаётига тажовуз қилиш ва ҳоказо жиноятлар содир этилган бўлса, қилмиш такроран одам ўлдириш деб топилиши керак.

Агар шахс илгари содир этган одам ўлдирганлиги учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ёхуд ана шу жиноятлар учун судланганлиги муҳлати ўтган ёки қонунда

белгиланган тартибда олиб ташланган, шунингдек жиноий жавобгарликка тортиш муҳлатлари ўтган бўлса, одам ўлдириш такроран содир этилган ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб топилиши мумкин эмас.

Қуйидаги ҳолларда одам ўлдириш такроран ва хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб топилиши мумкин эмас: агар одам ўлдириш эҳтиётсизлик орқасида (ЖК 102-моддаси) ёхуд зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб (ЖК 100-моддаси) ёки кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида (ЖК 98-моддаси) содир этилган бўлса ёки онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдириши (ЖК 99-моддаси) ёхуд ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб (ЖК 101-моддаси) қасдан одам ўлдириш содир этилган бўлса.

Такроран одам ўлдиришни икки ёки ундан ортиқ шахсни қасдан ўлдиришдан фарқлаш лозим бўлади (ЎЗР ЖК 97-модда 2-қисми «а» банди). Жиноятни квалификация қилишда икки ёки ундан ортиқ шахсни қасдан ўлдириш учун айбдорнинг жиноий нияти умумий эканлиги ва у, қоида тариқасида, бир вақтда амалга оширилганлигига эътибор бериш керак.

Ўта хавфли рецидивист томонидан қасддан одам

ўлдириш

(ЎзР ЖК 97-моддаси 2-қисми «с» банди)

Ўта хавфли рецидивист тушунчаси ЎзР ЖК 34-модда 3-қисмида баён қилинган. Одам ўлдириш содир этилгунга қадар қонуний кучга кирган ҳукмга биноан қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилган шахсларгина ЖК 97-модда 2-қисми «с» банди бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ўта хавфли рецидивист томонидан одам ўлдиришнинг содир этилганлиги, агар бошқа иштирокчилар одам ўлдириш содир этилгунга қадар қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилмаган бўлсалар, одам ўлдиришнинг бошқа иштирокчилари ЎзР ЖК 97-модда 2-қисми «с» банди билан жавобгар қилинмайди.

Агар айбдор томонидан ЖК 98-101-моддаларида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш содир этилган бўлса, унинг қилмиши ЖК 97-модда 2-қисми «с» банди билан ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб квалификация қилиниши мумкин эмас.

4-§. Кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида

қасддан одам ўлдириш

(ЎзР ЖК 98-моддаси)

Кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш – физиологик аффект (кучли ҳаяжон, жазава) ҳолатидаги одам ўлдиришдир.

Объектив томондан жиноят жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли тўсатдан юз берган кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдиришдан иборатдир.

Мазкур модда шундай тузилганки, у қуйидаги иккита:

1) айбдорнинг алоҳида рухий жисмоний ҳолати;

2) одам ўлдириш жабрланувчининг айби билан содир этилишини ҳисобга олади.

Айбдорни ЎзР ЖК 98-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш учун қуйидаги учта жиҳат:

1) низо манбаи – жабрланувчининг ғайриқонуний зўрлиги ёки оғир ҳақорати ёхуд бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари;

2) низо манбаи натижасида айбдорда кучли рухий ҳаяжонланиш (физиологик аффект) ҳолатининг юзага келганлиги;

3) субъектнинг шундай ҳолатда тўсатдан

жабрланувчини ўлдириб қўйиши мавжудлигини аниқлаш зарур.

Аффект деб, ўта кучли, тез пайдо бўладиган ва кучли қисқа вақт ичида давом этадиган рухий ҳолатга аталади. Одамнинг аффект ҳолатида содир этадиган қилмишлари “портлаш” каби ўтади.

Аффектлар одамнинг рухий ҳолати каби турлихил. Ғаразлик, мушкуллик, қийинчилик, хурсандлик ва х.з. аффектлари мавжуд. У ёки бу турининг мавжуд булиши унинг шунга етаклаган ҳолатларга боғлиқ .

Физиологик аффект – қисқа муддатли, аммо жўшқин ҳис-туйғули ҳаяжонланиш, очикдан-очик, қисқа муддатга тутақиб кетиш ва айни чоғда – ниҳоятда кучли, шиддатли кечинма, қаттиқ ғазабланишга айланиб кетувчи жаҳл, ваҳимага айланиб кетувчи кўрқув, чорасизлик даражасидаги қайғу бўлиб, бунинг натижасида айбдор ўз ҳаракатларини назорат қилиш имкониятини ва уларни идора қилиш қобилиятини қисқа муддатга йўқотади.

Одам физиологик аффект ҳолатида ўз ҳаракатлари учун жавоб бера олади, нима қилаётганини тушунади, бироқ ўз ҳаракатларини идора қилиш қобилияти бўшашиб, ўзини тўла идора қила олмайди. Шахс ана шу қобилиятини тўла йўқотган ҳолларда, у патологик аффект ҳолатида бўлади, бу шахсни ақли норасо деб топиш учун шарт-

шароит вужудга келади.

Аффектнинг тўсатдан рўй бериши – жабрланувчининг ғайриқонуний зўрлиги ёки оғир ҳақорати ёхуд бошқа ҳаракатларига жавобан шахс руҳий тинч ҳолатининг жўшқин ҳис-туйғули ҳаяжонланишга, портлашга ўтиши физиологик хусусиятдир.

Тўсатдан рўй беришлик аломатини тор маънода тушунмаслик керак. Аксарият ҳолларда айбдор кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида уни дарҳол рўёбга чиқаради, яъни жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган бирор-бир ҳаракатни содир этади. Физиологик аффектнинг юзага келиши ва унинг рўёбга чиқарилиши ўртасида вақт бўйича узилиш бўлмаслиги лозим. Бироқ, шу билан бир вақтда, агар жабрланувчини ўлдириш ғайриқонуний қилмиш содир этилган пайтдан эътиборан қанчадир вақт ўтиб содир этилса, лекин бу ҳолат жабрланувчининг ўша қилмиши туфайли юзага келган бўлса, бундай ўлдиришни кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган одам ўлдириш деб ҳисоблаш керак бўлади. Масалан, айбдор аёлнинг номусига тегади ва яширинади, аёл буни эрига айтиб беради, эри жинойт содир этилган жойга югуради, аммо жинойтчини топмайди. Муайян вақт ўтиб, хотин тасодифан тажовузкорни учратиб қолади ва бу ҳақда эрига айтади, эрида кучли руҳий ҳаяжонланиш пайдо бўлади ва

тажовузкорни ўлдириб қўяди.

Аффектнинг психологлар ва психиатрлар аниқлашлари мумкин бўлган ўзига хос аломатлари мавжуд. Шу муносабат билан, психолого-психиатрик экспертиза ўтказилиши шарт. Экспертларнинг хулосаси суд томонида иш бўйича бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади.

Айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 98-моддаси билан квалификация қилиш учун кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати қуйидагилар натижасида юз берган бўлиши зарур:

1) жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат;

2) ёхуд жабрланувчининг бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли.

Зўрлик жисмоний ёки руҳий бўлиши мумкин.

Жисмоний зўрлик – жабрланувчига ҳар қандай даражада тан жароҳатлари етказиш, уриш, жисмоний куч ишлатиш, жабрланувчининг қариндошларини, яқинларини ўлдириш, номусига тегиш ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Руҳий зўрлик – жабрланувчига нисбатан жисмоний зўрлик ишлатиш, мол- мулкани нобуд қилиш ёки зарар етказиш ва жабрланувчи сир сақланишини истаган маълумотларни ошкор этиш ва ҳоказо билан қўрқитишдир.

Физиологик аффект ҳолатини юзага келтирган зўрлик ғайриқонуний бўлиши лозим. Айбдорнинг ҳаракатларини ЎзР ЖК 98-моддаси бўйича квалификация қилишда бу жиноятни ЎзР ЖК 100-моддаси (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш) дан фарқлаш лозим. Шунинг назарда тутиш керакки, кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида айбдорда зарурий мудофаа ҳолати юзага келмаган бўлиши лозим. Агар айбдор унинг манфаатларига ҳақиқатан ҳам хавф бўлса, унинг ҳаракатларида ЎзР ЖК 100-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлади, хавф бўлмаса қилмиши ЎзР ЖК 98-моддаси билан квалификация қилинади.

Қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда ва қонунда белгиланган тартибда ҳокимият ёки жамоатчилик вакили томонидан зўрлик қўлланишига жавобан ўлдириш содир этилса, бундай қилмиш ЖК 98-моддаси билан эмас, балки муайян аломатлар мавжуд бўлганида ЖК 97-моддаси бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

Оғир ҳақорат деганда, таҳлил қилинаётган модда мазмунига кўра, физиологик аффект ҳолатини юзага келтириши мумкин бўлган гап-сўзлар ёки ҳаракатлар (шахснинг кадр-қимматини, ор-номуси, миллий туйғуларини қўпол равишда таҳқирлаш ва ҳоказо)

тушунилади.

Бироқ ҳар қандай хафа қиладиган сўзлар, ҳодисалар оғир ҳақорат деб топилиши мумкин эмас. Масалан, ишқий алоқаларни тўхтатиш, албатта ачинарли ҳол, аммо бу ҳақорат эмас; турмушга чиқишни рад этиш (дўст бўлиб қоламиз дейишлик); шуни назарда тутиш керакки, фақат суд ҳар бир алоҳида ҳолда иш ҳолатларини ҳисобга олиб, қандай ҳақорат оғир эканлиги масаласини ҳал қилиши мумкин.

Суд амалиётида кўпинча эр-хотиннинг бир-бирига хиёвати оқибатида одам ўлдириш ҳоллари учрайди. Бундай ҳолларда жавобгарлик масаласини қандай ҳал этиш керак? Эр-хотинлар алоҳида яшашга, ўз квартираларига эга бўлишга ҳақлидирлар ва уларнинг ишқий ҳаёти, яъни уларнинг жинсий эркинлиги ҳеч қаерда ман этилмаган. Ўзга шахс билан ишқий алоқага киришиш қонунга хилоф эмас, жазога тортилмайди (илгари жиноят қонун ҳужжатларида эр-хотиннинг бир-бирига хиёнат қилганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи модда бўлган). Шу муносабат билан, эр-хотин вафодорлигининг бузилиши ҳодисаси оғир ҳақорат деб топилиши мумкин эмас. Бироқ эр ёки хотиннинг кўзи олдида эр-хотин вафодорлигининг бузилиши ҳолларини физиологик

аффект ҳолатини юзага келтира оладиган оғир ҳақорат деб топиш зарур.

Бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар деганда, жабрланувчининг шундай ҳаракатлари тушуниладики, улар на зўрлик деб, на ҳақорат деб топилиши мумкин эмас ва шу билан бирга айбдор ёки унинг яқинларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қўпол тарзда бузилиши (масалан, тухмат, бебошлик ёки бебошликка олиб бориш, мол-мулкни йўқ қилиш ва ҳоказо) мумкин.

Физиологик аффект ҳолати ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақоратдан ташқари, шунингдек жабрланувчининг бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли ҳам юз бериши мумкин. Тўсатдан кучли рухий ҳаяжонланиш ва шу муносабат билан одам ўлдиришга қасд қилиш нафақат ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат қаратилган шахсда, балки шу ҳодисанинг гувоҳи бўлган ҳар қандай бошқа шахсларда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бундай шахсларнинг қилмишлари ҳам ЎзР ЖК 98-моддаси билан квалификация қилиниши зарур.

ЖК 98 моддасининг диспозициясида битилган жабрланувчи томонидан айбланувчига қўлланилган ғайриқонуний зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатлардан ташқари физиологик аффект узоқ вақт мобайнидаги рухий ҳолатдан келиб чиқиши мумкин. Бошқа сўз билан айтганда, ЖК 98 моддасида битилган жавобгарликка тортилиш учун нафақат жабирланувчи томонидан бир мартада содир этилган ғайриқонуний ҳаракатлар ёки оғир ҳақоратлар юзасида келиб чиққан аффект ҳолати, балки жабирланувчи томонидан

бундай қилмишлар бир неча маротаба содир этилганлиги туфайли келиб чиққан аффект холатига ҳам жавобгарликка тортилади.

Узоқ вақт мобайнидаги йиғилган руҳий холат айибдорда, жабирланувчи томонидан узоқ вақт мобайнида ғайриқонуний ҳаракатларни қўллашдан кейин пайдо бўлиб, йиғилиб, руҳий босимни мавжудга келтиради. Шундан сўнг арзимас сабаб руҳий “портлашга” асос бўлиши мумкин.

Бу турдаги жиноятларни квалификация қилишда қонун қўлловчи орган узоқ вақт мобайнидаги йиғилган руҳий холатданти ҳисобга олмайди. Шунга биноан ЖК 98 моддасининг диспозициясига қўйидаги ўзгартиришнинг киритилиши факримча тўғри бўлади: “шунингдек” сўзидан кейин *“узоқ вақт мобайнидаги йиғилган руҳий холатлар ёки”* билан тўлдириш.

Шуни яна такидлаб ўтиш кераркки, амалда шундай ҳоллар бўладики, узоқ вақт мобайнидаги йиғилган руҳий холатида қилаётган ҳаракатлар бошқа шахсни, умуман ғайриқонуний ҳарикат қилмаган шахсни, кучли руҳий ҳаяжон холатида одам улдиришга сасаб бўлиши мумкин. Масалан, Д. хотини Н. ундан фарзанд туғмаганлиги учун доимо ҳақоратлаб, барча қариндошлар олдида шармандасини чиқаришга қўрқитган. Шундай

ҳақоратларни эшитаётган бир пайтда Н. узоқ вақт мобайнидаги йиғилган руҳий ҳолатида пичоқ билан ўзининг қизини ўлдириб қўяди.

Бундай ҳолда Н.нинг қилмишини ЖК 98 моддаси билан, кучли руҳий ҳолатда содир этилган жиноят сифатига квалификация қила олмаймиз. Чунки қонун билан белгиланган жабрланувчи томонидан содир этилган гайриқонуний ҳаракатлар мавжуд эмас. Айбдорнинг қилмиши ЖК 97 моддасининг умумий аосларига биноан квалификация қилини керак, аммо суд жазо белгилаганда айбдорнинг физиологик аффект ҳолатини инобатга олиши шарт.

Бундай турдаги ишларда сабабли боғланишни ўрнатиш зарур. Жиноятни ЖК 98 моддаси асосида квалификация қилиш учун айбдорнинг қилмиши жабрланувчи томонидан қўлландан гайриқонуний зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқа гайриқонуний ҳаракатлар оқибатида тўсатдан содир бўлган кучли руҳий ҳолати, яъни шундай ҳаракатларнинг айбдор томонидан жавоб реакцияси бўлишини аниқлаш зарур. Агар айбдорнинг қилмиши бошқа руҳий ҳаяжон туфайли содир этилган бўлса (масалан, стресс, фрустрация ва х.з), бундай жиноят ЖК 98 моддасига ососан квалификация қилинмайди. Аффект ҳолатини ёлғондан келтириш ҳам мумкин.

ЖК 98 моддасида белгиланган жиноятда таёрлов босқичи мумкин эмас, лекин суйиқчи босқичи бўлиши мумкин.

Кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдириш тўғри ёки эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Бу ерда турли хил мотив бўлиши мумкин, одатда жабрланувчининг гайриқонуний ҳаракатлари учун қасос бўлади. Албатта бу жиноятнинг субъектив томонинг махсус аломати айбланувчининг махсус рухий ҳолатидир – физиологик аффект.

Тўсатдан рўй берган кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдиришда ЎзР ЖК 97-модда 2-қисмида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатлар, масалан, ўта шафқатсизлик билан ҳаракат қилган икки ёки ундан ортиқ шахс мавжуд бўлса ҳам қилмиш ЎзР ЖК 98-моддаси билан квалификация қилинмоғи лозим.

Жиноятни ЖК 98 моддаси асосида квалификация қилишда унинг ЖК 100 моддасидан (Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш) фарқлаш муаммоси келиб чиқиши мумкин. Жиноятни кучли рухий ҳаяжон ҳолатида қасддан одам ўлдириш деб квалификация қилиш учун эгн муҳим аломат деб субъектда шундай ҳолатнинг мавжудлигидир. Аммо зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдиришда эса бундай аломан муҳим

эмас. Агарда зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш кучли рухий ҳаяжон ҳолатида келиб чиқса, бунда 2та норманинг бир биридан устунлиги кўрилади (ЖК 98 ва 100 моддалари). Бунда жиноят ЖК 100 маддасига асосланиб квалификация қилиниши керак, негаки унинг санкцияси ЖК 98 моддасига кўра анча юмшоқ .

5-§. Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (ЎзР ЖК 99-моддаси)

Бу жиноят турининг **объекти** чақалоқнинг ҳаётини сақлаш борасидаги ижтимоий алоқалардир. Шундан келиб чиқадики, жабирланувчи фақатгина чақалоқ бўлиши мумкин. Одатда, чақалоқлик деб боланинг бошланиш ва она қорнидан чиқиб ҳаётга кўники вақтидан то 4 ёшлигигача ҳисобланади. Суд – тиббий назарида, чақалоқлик жуда қисқа вақтдир; чақалоқ деб туғилгандан сўнг 1соатгача яшаган гўдак ҳисобланади.

Объектив томондан **жиноят онанинг ўз чақалоғини туғиш пайтида ёки бевосита туққан ҳамон қасддан ўлдиришидан иборатдир.**

Одам ўлдиришнинг бу тури жазони енгиллаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш жумласига киради, чунки жиноят туғаётган аёлнинг туғиш пайтидаги ёки бевосита

туғишдан кейинги алоҳида рухий-жисмоний ҳолати натижасида содир этилади. Бундай ҳолат туғиш пайтидаги оғриқлар, азият туфайли пайдо бўлиши ва бу кўзи ёриётган аёлда чақалоққа нисбатан салбий туйғуни келтириб чиқариши мумкин. Ёхуд бу исталмаган (номусга тегиш натижасида ҳомиладор бўлиш ёки уйланишга ваъда қилиб алдаб кетиш) туғиш бўлиши мумкин. Чақалоқ танасининг бирон-бир аъзоси она қорнидан чиққан пайтда ёки у тўла туғилиб бўлгандан сўнг онанинг уни ўлдирганлиги ЎзР ЖК 99-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

Ўлдириш актив ҳараклар билан (масалан, қаттак шикаст етказиш, чўктириш, буғиш) ва ҳаракатсизлик (масалан, овқат бермаслик) билан содир этиш мумкин.

Онанинг махсус рухий ҳолати енгиллаштириш ҳолат деб фақатгина маълум бир вақтда ҳисобланиши мумкин: туғиш жараёнида ёки туғиб булгандан сўнг, яъни чақалоқнинг бирор бир тана қисмининг она қорнидан чиқиш пайтида ёки бутунлай чиқиб бўлгандан сўнг. Бундай ҳолда суд-тиббий назарияси ҳисобга олинади.

Агар она ўз чақалоғини туғишдан сўнг муайян вақт ўтгач, туғиш жараёнида аёл бошдан кечирадиган алоҳида рухий-жисмоний ҳолат ўтиб кетганидан кейин ўлдирса, унинг қилмиши содир этиш мотивини ҳисобга олган ҳолда

ЎзР ЖК 97-моддаси билан одам ўлдириш, деб квалификация қилинади. Шундай қилиб, бундай қилмиш юридик баҳоланганда вақт фактори инобатга олинishi шарт.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд, ҳамда егди қасд биоан содир этилиши мумкин.

Шундай ҳолатлар бўлидики, онанинг эҳтиётсизлиги туфайли етқизган турли хил жароҳатлар гўдакнинг ўлимида сабаб бўлади. Биндай ҳолатда эҳтиётсизликдан одам ўлдириш ососида(ЖК 102 моддаси) жавобгарликка тортилиш керак.

Бу турдаги одам ўлдиришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, туғаётган аёл – она жиноят субъекти бўлиши мумкин. Болани ўлдириш жинояти иштирокчиларининг (васвасасига солувчиларнинг, кўмакчиларнинг) қилмишлари ЎзР ЖК 28 ва 97-моддалари билан квалификация қилиниши лозим.

**6-§. Зарурий мудофаа чегарасидан четга
чиқиб, қасдан одам ўлдириш
(ЎзР ЖК 100-моддаси)**

Бундай турдаги жиноятларнинг объекти деб жиноий қилмишни туҳтатиш жараёнида нотўғри ҳаракатларни танлашдан сақлаш борасидаги ижтимоий алоқалар тушунилади.

Мазкур жиноят объектив томондан зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдиришдан иборатдир.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 37-моддасида ифода қилинган зарурий мудофаа ҳуқуқи фуқароларнинг шахси, уй-жой ва мулк ҳақидаги конституциявий қоидаларни кафолатлайди, фуқароларнинг давлат мулкани, давлат ва жамоат манфаатларини қўриқлаш борасидаги Конституцияда белгиланган бурчларни амалга оширишни таъминлайди».

Айбдорни ЎзР ЖК 100-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун айбдор зарурий мудофаа ҳолатида бўлганлигини ва унинг чегарасидан чиққанлигини аниқлаш зарур.

Зарурий мудофаа тушунчаси ЎзР ЖК 37-моддасида баён қилинган. ЖК 37 моддаси 1 қисмига биноан, зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажобузчига зарар етказган ҳолда химоя қилиш чоғида қилган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

«Жиноят кодексининг махсус қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уни содир этган шахснинг

жавобгарликка тортилганлиги ёки рухий касаллик туфайли, жиний жавобгарлик ёшига тўлмаганлиги сабабли ва бошқа асосларга кўра жавобгарликдан озод қилинганлигидан қатъи назар Жиноят кодексининг 37-моддаси доирасида ҳимояланишига асос берувчи ижтимоий хавфли тажовуз деб ҳисобланади.

Зарурий мудофаа ҳолати фақатгина ижтимоий хавфли тажовуз юз берган пайтнинг ўзидагина эмас, балки тажовузнинг бошланиш хавфи мавжуд бўлган ҳолларда ҳам вужудга келади. Зарурий мудофаа ҳолати тажовуз тугагандан сўнг ҳам бўлиши мумкин, агар ҳимояланувчи иш ҳолатларига кўра тажовуз тугаган вақтни аниқ англай олмаган бўлса.

Адабиётларда бу ҳақда турлича нуқтаи назарлар мавжуд. Улардан айримларида айтилишича, фақат тажовуз амалга оширилаётган вақтдагина, яъни ўлдиришга ҳаракат қилинаётганда, соғлиққа шикаст етказилаётганда, номусга тегилаётганда ва бошқа шу сингари ҳоллардагина ҳимояланиш мумкин. Бу нуқтаи назар нотўғридир. Агар тажовузга учраш хавфи ҳақиқатда мавжуд бўлса, шахс ўз манфаатларига қарши қаратилган хавфга нисбатан зарур ҳимоя чораларини кўрмаса, кейин кеч бўлиши, ҳимоялана олмай қолиши мумкин деб

ҳисоблаш учун барча асосларга эгадир. Яъни тажовузга учраган шахс ҳужум қилувчининг биринчи зарбасини кутмасданоқ фаол ҳимояланишга ҳақлидир.

Тажовузнинг олди олинган ёки тугагандан сўнг ва ҳимоя воситаларини қўллаш зарурияти аниқ йўқолганда ҳимояланувчининг тажовуз қилувчига зарар етказганликдаги ҳаракати зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб ҳисобланмайди. Бундай ҳолатларда жавобгарлик умумий асосларда юз беради. Ҳужум вақтида ишлатилган қурол ва бошқа ашёларнинг тажовузчидан ҳимояланувчининг қўлига ўтиб қолишининг ўзи тажовуз тугаганлигидан далолат бермайди.

“Зарар келтириш мақсадида ўзи тажовузни асослантирган шахс(қасд олиш, уришни тўхтатишва х.з), зарурий мудофаа ҳолатида деб ҳисобланмайди.бундай ҳолатда қилмиш умумий асосларда квалификация қилинади”.

Республика фуқаролари ижтимоий ҳавфли тажовузлардан ҳимояланишда, улардан қочиб қутулиш ёки тажовуздан сақланишнинг бошқа усулларида фойдаланиш имконияти мавжуд бўлишидан қатъи назар, тажовузчини ўлдиришга қадар унга ҳар қандай шикаст етказиш йўли билан фаол чораларни кўриш ҳуқуқига эгадирлар. Тажовуз ёки реал қшрқитиш пайтида ўз

ҳаётини химоялаш учун турли хил қуролларни қўллаш: жисмоний куч, газли қурол ва х.з.

Жиноятни ЎзР ЖК 100-моддаси билан квалификация қилиш учун айбдор зарурий мудофаа чегарасидан четга чиққан ёки чиқмаганини аниқлаш зарур. Тажовуз номусга тегиш билан боғлиқ бўлмаган, мудофааланувчи ёки бошқа шахснинг ҳаёти учун хавfli, ёки бундай қилмишларни содир этишлигини билан қўрқитиш ҳолларда зарурий мудофаанинг тўғри келмаслиги ҳақида савол туғилади. Бунда ЖК 37 моддасининг 2 қисмига биноан тажовузнинг хусусияти ва хавfliлиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

«Тажовузнинг характери ва хавfliлик даражасига бутунлай мувофиқ бўлмаган мудофаани ва бунинг оқибатида тажовузчига ҳеч қандай заруриятсиз Жиноят кодексининг 100, 107-моддаларида назарда тутилган қасддан зарар етказилсагина зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади». Бироқ, далилларни баҳолашда мудофаа воситаларининг тажовуз воситаларига мутаносиблигига юзаки қараб бўлмайди, масалан, агар тажовуз сўйил тўқмоқдан фойдаланиб амалга ошириляётган бўлса, химояланувчи ҳам сўйил тўқмоқдан фойдаланиши мумкин.

Айрим холларда қилмишга тўғри баҳо бериш учун тажовузчи ва мудофааланувчининг ҳаракатларини солиштириш зарур. Лекин ҳолатлар турли хил бўлади, шунинг учун қилмишларни баҳолашда механик даражада ҳамма ҳолатга бир хил келиш мумкин эмас (масалан, агар тажовузчи тахта билан тажовуз қилса, мудофааланувчи фақатгина тахта билан мудофааланиши мумкин).

Жиноятни ЎзР ЖК 100-моддаси бўйича квалификация қилишда ҳимоя ва тажовуз воситаларининг мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслигини, ҳужум қилувчи ва тажовуздан ҳимояланувчининг кучлари нисбатини, ҳар иккаласининг ёшини, жисмоний қувватини, қуроли бор-йўқлигини, тажовуз жойини, тажовуз содир этилаётган вазиятни, тажовузнинг хусусиятини ҳисобга олиш зарур. Агар тажовуз бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, мудофааланувчи ҳужум қилувчиларнинг ҳар бирига нисбатан гуруҳдаги барча тажовузчилар ҳаракатининг ҳаракатининг характери ва хавфлилик даражасига қараб тегишли ҳимоя чораларини кўришга ҳақли.»

Судланувчининг бундай ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида судлар юз берган воқеанинг барча ҳолатларини ҳисобга олиб, бу ҳаракатлар улар томонидан ижтимоий хавfli тажовуз сабабли кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган-этилмаганлигини

аниқлашлари зарур.

Айрим холларда уруш пайтида содир этиглан жиноятни зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, одам улдириш деб квалификациялаш мумкин. Бу холда қилмишни баҳолашда барча умумий қоидалар қўлланилади ва тажовузчи билан мудофааланувчининг ҳаракатлари солиштирилади. Бунда бир шахс иккинчи шахс томонидан ҳақиқатдан ҳам тажовузлиниши асос булади.

Субъектив томонда қилмиш тўғри ва эгри қасдан содир этилиши мумкин. Жиноятнинг мотиви сифатида тажовузга нисбатан касос, ёқтирмаслик ва нафрат ҳисобланади.

Шахс ижтимоий хавfli тажовуздан ҳимояланиш вақтида эҳтиётсизлик орқасида тажовуз қилувчини ўлдириб қўйганлиги учун жиний жавобгарликка тортилмаслиги лозим.

Зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб содир этилган одам ўлдиришни кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатидаги одам ўлдиришдан фарқлаш зарур. Бунда шунини назарда тутиш керакки, кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдириш, ҳимояланиш мақсадида содир этилмайди, демак одам ўлдириш зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш натижасида содир этилмайди. Кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдириш содир этилганда, айнан кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолати одам ўлдиришнинг зарурий белгиси ҳисобланади, зарурий мудофаа чегарасидан четга

чиқишда кучли рухий хаяжонланиш ҳолатининг мавжуд бўлиши шарт эмас. Кучли рухий хаяжонланиш ҳолати мавжуд бўлган ҳолда зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, тажовуз қилувчи ўлдирилган айбдорнинг қилмиши мазкур Кодекснинг 100- моддаси билан квалификация қилиниши керак. Зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб одам ўлдиришда ЎзР ЖК 97-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган ҳолларда ҳам қилмиш ЎзР ЖК 100-моддаси билан квалификация қилиниши лозим. Тажовуз қилиниши мумкин, деган тахминга кўра, яъни ҳақиқатдан ҳам ижтимоий хавфли тажовуз мавжуд бўлмагани ҳолда шахс янглишиб, шундай тажовуз қилиниши мумкин, деб одам ўлдирган тақдирда, ҳимоя тажовузнинг хавфлилик даражасига бутунлай номувофиқлиги сабабли, айбдорнинг қилмиши ЖК 100-моддаси билан квалификация қилиниши лозим. Кучли рухий хаяжонланиш ёки зарурий мудофаа ҳолати ўтиб кетганидан сўнг жазони оғирлаштирувчи ҳолатларсиз одам ўлдирилганида қилмиш ЖК 98-моддаси билан эмас, балки ЖК 97-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилинади.

Агар иш ҳолатларига кўра, мудофаа чораларини қўллаган шахс ўзининг янглишганини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган бўлса, унинг ҳаракатлари

зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб ҳисобланиши керак. «Агар шахс тажовузнинг аслида йўқ ва хаёлийлигини била туриб, иш ҳолатларига кўра ҳам уни албатта билиши мумкин бўлгани ҳолда зарар етказса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг эҳтиётсизлик орқасида зарар етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан тавсифланиши лозим». Бундай одам ўлдиришда айбдор тажовузни даф қилиш эмас, балки ўч олиш ниятида ҳаракат қилади. Зарурий мудофаа ҳолати ўтиб кетганидан сўнг ва жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдирилганида қилмишни ЎзР ЖК 97-моддасининг 2-қисми билан квалификация қилиш зарур.

7-§. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш (ЎзР ЖК 101-моддаси)

Бу турдаги жиноятнинг объекти ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдиришни бартараф этадиган ижтимоий алоқалар ҳисобланади.

Мазкур жиноят объектив томондан ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдиришда

ифодаланади.

Шу нормага ососан, ушлаш воситалари ва усулларига, қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига, шунингдек, ушлаш шароитига мос келмайдиган, ушлаш зарурати тақозо этмаган ҳолда ушланаётган шахсга қасддан зарар етказиш ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш, деб топилади (ЖК 39 моддасининг 2 қисми). ЖК 39 моддасининг 3 қисмида ёзилишича, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида унга етказилган заранинг қонунийлигини баҳолашда, қилмишни содир этган шахсни ушланишдан қочиш мақсадида қилган ҳаракатлари, ушловчининг кучи ва имкониятлари, руҳий ҳолати ва ушлаш билан боғлиқ бўлган боўқа ҳолатлар ҳисобга олинади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш – содир этилган жиноят хавфлилик даражасига ёки уни ушлаш вазиятига очиқ-ойдин номутаносиб равишда одам ўлдиришдир.

Шунда, ушлаш асослари жиноят процессуал маънони англатиб ЖК 221 моддасида битилган.

Агар қилмиш хавфли ижтимоий қилмиш бўлмаса, жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланилган охириги заруратни қонуний деб ҳисоблаш мумкин эмас. Бундай ҳолда қасддан одам ўлдиришни квалификация

енгиллаштирувчи холатларчиз ЖК 97 моддасига асосланиб умумий қоида бўйича қилинади. Худди шундай қоида оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахсни ушлаш вақтида норозилик билдирмаган (ёки тўхтатган) холларида қўлланилади.

Содир этилган жиноятни ЎзР ЖК 101-моддаси билан квалификация қилиш учун жиноятчини ушлаш пайтида унинг ўлимига сабаб бўлган ушлаш воситаларини қўллаш вақтида ушловчининг ихтиёрида бошқа чора бўлмаганлигини англаб етганлигини аниқлаш лозим бўлади.

ЖК 101 моддасига кўрсатилган жиноят тўғри ёки эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Бу жиноятнинг мотиви зарурий муҳофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш мотиви билан бир хил.

Бу жиноятнинг субъекти ушлашни бажараётган шахс ҳисобланади. Ушлашни нафақат махсус тайинланган қонун ҳимоялувчи органлари тақдимотчилари, балки жиноят ва содир этувчи шахс ҳақида билган фуқаролар, ижтимоий корхона тақдимотчилари ҳам бўлиши мумкин.

8-§. Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (ЎзР ЖК 102-моддаси)

ЖКга асосан эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш

жиноят деб ҳисобланмайди, аммо ҳаётга зарар етказиш мумкин бўлган жиноят ҳисобланади.

ЖК 102 моддасида битилган жиноятнинг объекти деб одам ҳаётини сақлаш борасидаги ижтимоий алоқалар тушунилади.

Жиноятнинг объектив томони ҳаракат ва ҳаракатсизликда намоён бўлиши мумкин. Одатда бундай жиноятлар одий ҳаётини шароитда юзага келади, яъни одам ҳаётига зарар келтирмайдиган ҳолатларда. Масалан, одий жисмоний куч билан шахсни итариб юбориш, шахснинг турган жойига ва соғлиғига қараб улимига олиб келиши мумкин.

Агар эҳтиётсизлик орқасида икки ёки ундан ортиқ шахс ўлдирилган бўлса, айбдор ЖК 102-моддасининг 2-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Ушбу жиноят субъектив томондан эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришда ифодаланади.

Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш жинояткорона ўз-ўзига ишониш ёки жинояткорона бепарволик оқибатида содир этилиши мумкин.

Жинояткорона ўз-ўзига ишониш натижасида эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришда айбдор ўзи содир этган ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли бошқа шахснинг ўлдириб қўйилиши мумкинлигига кўзи етади, лекин

енгилтаклик қилиб, унинг олдини олишдан умидвор бўлади. Бундай ҳолларда, айбдор муайян эҳтиётсизлик қоидаларини онгли равишда бузади. Жумладан, бундай бузиш қуйидагиларнинг оқибати бўлиши мумкин.

а) қасддан содир этилган қилмиш;

б) қонун билан тақиқланган, бироқ жиноят ҳисобланмайдиган ҳаракат;

в) бирон-бир қоида билан тақиқланган ҳаракат (йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ва ҳоказо);

г) илмий маълумотларга ва касбий қоидаларга зид ҳаракатлар;

д) ётоқхонадаги белгиланган эҳтиёткорлик қоидаларини бузадиган ҳаракатлар;

е) мазкур шахснинг амалга ошириш ёки шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳаракатлари ёки касб билан шуғулланиши ва ҳоказо.

Жинояткорона ўз-ўзига ишониш оқибатида эҳтиётсизлик билан одам ўлдиришни эгри қасд билан содир этилган одам ўлдиришдан фарқлаш керак бўлади. Эгри қасд билан одам ўлдиришда айбдор одамни ўлдириб қўйиши мумкинлигига кўзи ета туриб, онгли равишда унга йўл қўяди. Ўз-ўзига ишонишда эса, шахс муайян ҳолатларда ўлимнинг олдини олиш мумкин, деб умидвор бўлади ва унинг олдини олишни мўлжаллаб ҳаракат

қилади.

Жиной бепарволик оқибатида эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришни шахснинг бахтсиз ходиса туфайли бошқа шахснинг ўлишини олдиндан кўра олмаган, уни кўра олиши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган (айбсиз ҳолда зарар етказиш) одам ўлдиришдан фарқлаш керак бўлади.

Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришни ЖКда белгиланган кўплаб эҳтиётсизлик айби туфайли улдириш жиноятлардан фарқлаш зарур (114модда – Жиной равишда ҳомила тушириш; 118модда – Номусга тегиш; 266 – Маъмурий назорат қоидаларини бузиш ва бошқа кўплаб жиноятлар). ЖК 102 моддасида битилган жиноятнинг ажратиб турувчи тарафи ҳеч қандай қонунда зид келадиган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликларда битилган.

Агар эҳтиётсизлик орқасида икки ёки ундан ортиқ шахс ўлдирилган бўлса, айбдор ЖК 102-моддасининг 2-қисми билан жавобгарликка тортилади.

9-§. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (ЎзР ЖК 103-моддаси)

Ушбу модда икки қисмдан иборат бўлиб, жиноятнинг объекти бошқа одамнинг ҳаётидир.

Бу жиноят объектив томондан моддий томондан ёки бошқа жихатлардан айбдорга қарам бўлмаган (ЖК 103-моддасининг 1-қисми) ёхуд моддий ёки бошқа жихатдан қарам бўлган (ЖК 103-моддасининг 2-қисми) шахсга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказишда ифодаланади.

Айбдор содир этган қилмишни ЎзР ЖК 103-моддаси билан квалификация қилиш учун ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказиш айбдорнинг жабрланувчига нистабан раҳмсиз муомала қилиши ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиши натижаси эканлигини аниқлаш зарур.

Кўпинча ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш айбланувчининг ҳаракатлари билан амалга оширилади. Жабрланувчига нисбатан баданига оғир шикаст етказиш, қийнаш, тухмат қилиш, зўрлик билан ҳаракатланиш ҳуқуқини чегаралаш ва х.з.каби ҳаракатлар қўлланилган бўлиши мумкин. Лекин бу жиноятни ҳаракатсизлик билан ҳам амалга ошириш мумкин (овқат, кийим, суд ва бошқа зарур бўлган нарсалардан маҳрум этиш).

Раҳмсиз муомала қилиш деганда, жабрланувчига жисмоний ёки руҳий азоб берадиган қўпол, бешафқат муомала қилиш (масалан, калтаклаш, уриш, уй-жойдан, иссиқликдан, овқатдан, сувдан, тирикчилик воситаларидан маҳрум қилиш, ишдан асоссиз бўшатиш) ҳоллари тушунилади.

Шахсни ЖК 103 моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортиш учун жабрланувчига нисбатан бар марта шундай қилмишнинг содир этилиши етарли. Қонун маттасилликни зарурий шарт деб белгиламайди, аммо шу бир маротабадаги ҳаракат ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишга қаратилган бўлиши керак.

Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиш деганда, жабрланувчининг шаъни ва кадр-қимматини узоқ вақт мунтазам (уч ва ундан ортиқ марта) камситиш (масалан, тухмат қилиб айтилган гаплар, ҳақорат қилиш, таъқиб (қувғин) қилиш ва ҳоказо) ҳоллари тушунилади.

Бир маротабалик камситиш факти шахсни ЖК 102 моддасига асосан жавобгарликка тортиш ҳуқуқини бермайди. Айрим ҳолларда ҳақиқий маълумотларни ҳаёсизларча, масхараомуз, ҳақоратомуз шаклда муттасил равишда тарқатиш ҳам ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш усули деб топилиши мумкин. Жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши (ўлим содир бўлиши) ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиши жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Агар бундай оқибатлар бўлмаса, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг таркиби

бўлмайди. Бироқ шахснинг ҳаракатларида бошқа жиноятлар (масалан, ҳақорат қилиш, тухмат қилиш)нинг аломатлари бўлса, у жиний жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шахснинг ўзини ўзи улидириши ёки шунда суйиқасд қилиш жараёнидан жиноят тугалланган деб ҳисобланади.

Айбдорнинг қилмишини ЎЗР ЖК 103-моддаси билан квалификация қилиш учун жабрланувчининг ўзига нисбатан раҳмсиз муомала қилиниши ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситилиши натижасида ўзини ўзи ўлдирганини ёки унга суиқасд қилганлигини аниқлаш зарур, яъни айбдорнинг муомаласи ва юз берган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш керак.

Ўзини ўзи ўлдириш ёки унга суиқасд қилиш ўйнаш бўлиш, никоҳ тузишни рад этиш, эр-хотиндан бирининг бевафолиги, ишдан ноқонуний бўшатиш, лавозимини пасайтириш кабиларнинг натижаси бўлса, шахснинг қилмиши ЎЗР ЖК 103-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас.

Агар жабрланувчи моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлмаса айбдор ЖК 103-моддаси 1-қисми билан, башарти бундай қарамлик бўлса, ЖК 103-моддаси 2-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Моддий томондан қарам деганда, жабрланувчи моддий жихатдан айбдорга боғлиқ бўлган ҳоллар (айбдордан пул, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва ҳоказо олиши) тушунилади. Бу, қоида тариқасида, ишламаётган шахснинг ишлаб турган шахсга, фарзандларнинг ота-оналарига, ишламаётган ота-онанинг моддий даромадга эга бўлган фарзандларига қарамлиги ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Бошқа жихатдан қарам деганда, хизмат юзасидан ёки бошқа қарамлик тушунилади (масалан, ходимнинг бошлиққа, ўқувчининг ўқитувчисига, аспирантнинг илмий раҳбарга тобелиги, қариндошларга қарамлик, васийлик ва ҳомийлик амалга оширилиши муносабати билан қарамлик ва ҳоказо) тушунилади.

Жабрланувчини қасддан ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказишни хоҳлаган айбдорнинг қилмиши жиноятнинг содир этилиш мотивларини ва ЎзР ЖК 97-моддаси тегишли қисмини ҳисобга олган ҳолда, қасддан одам ўлдириш сифатида квалификация қилиниши лозим.

Агар ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказиш чоғида шахс жабрланувчига ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказса, айбдорнинг қилмиши Жиноят кодексининг фуқаролар

соғлиғига шикаст етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари билан квалификация қилиниши керак.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш субъектив томондан эгри қасд ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилади.

Жиноят эгри қасд билан содир этилганда айбдор жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши мумкинлигига кўзи етади ва унинг ўзини ўзи ўлдиришга йўл қўйиб беради.

Жиноят эҳтиётсизлик орқасида содир этилганида айбдор шахс ўзини ўзи ўлдиришнинг олди олинишидан калтабинлик билан умидвор бўлади (жинояткорона ўз-ўзига ишониш) ёки бўлмаса, айбдор жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдиришга кўзи етмайди. Ваҳоланки, айбдор иш ҳолатларига кўра ўзининг ҳаракатлари жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдиришига олиб келишини олдиндан кўра билиши мумкин ва лозим эди.

Ушбу жиноятнинг субъекти ЎзР ЖК 103-модда 1-қисми бўйича 16 ёшга тўлган шахс, 2-қисми бўйича эса, моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан жабрланувчи қарам бўлган шахс ҳисобланади.

II боб. СОҒЛИҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

1-§. Баданга шикаст етказиш тушунчаси, унинг таҳлили ва турлари

Фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигини жинояткорона тажовузлардан муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқининг энг долзарб вазифаларидандир. Инсон соғлиғи ва унинг дахлсизлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, унинг барча имкониятларини ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиш республика раҳбариятининг, давлатнинг, барча ҳуқуқий институтларнинг, суд-тергов органларининг диққат марказида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларациясининг 13-моддасида давлат фуқароларни уларнинг ҳаёти, соғлиғи, шахсий эркинлиги ва хавфсизлигига бўладиган ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилади, деб белгилаб қўйилган.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 26-моддасида: «Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас»лиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқароларнинг соғлиғи ёки жисмоний дахлсизлиги ҳуқуқнинг турли соҳалари нормалари орқали, унинг ўзига хос воситалари билан, шу жумладан жиноят қонуни томонида фуқаролар соғлиғига турли хилдаги тажовузларни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган нормалар орқали қонунга хилоф ҳаракатлардан муҳофаза қилинади.

Ана шу тажовузларнинг моҳиятини очиб бериш учун уларнинг объектини, жабрланувчига хос хусусиятларни кўрсатиб берувчи барча маълумотларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу маълумотлар соғлиққа қарши жиноятларни тўғри квалификация қилишда, уни ўхшаш жиноятлардан фарқлашга, қилмишнинг хусусияти ва соғлиққа етказилган шикастга мувофиқ жазони тўғри тайинлашга кўмаклашади.

Юридик адабиётларда баданга шикаст етказишнинг ягона тушунчаси ханузгача ишлаб чиқилмаган. Баданга шикаст етказишнинг тушунчасини ёритиб беришдаги

фарқлар, биринчидан, баданга шикаст етказишларнинг объектини турлича таърифлашда (баъзилар бундай объект сифатида соғлиқни белгилаган бўлсалар, бошқалар жисмоний дахлсизликни белгилаганлар); иккинчидан, уриш, дўппослаш, қийнашларни баданга шикаст етказишлар жумласига киритиш мумкинлигидан иборат бўлган, учинчидан, булар жумласига жисмоний оғриқ берувчи, аммо бошқа оқибатларни келтириб чиқармайдиган зўрлик ишлатиб қилинган бошқа ҳаракатларни киритиш мумкинлигидан иборат бўлган.

Шу муносабат билан баданга шикаст етказиш деб топилиши мумкин бўлган соғлиққа зарар етказилишининг чегараларини аниқ белгилаш ва уни бошқа зўравонлик тажовузларидан фарқлаш (ажратиш) имконини берадиган иккита объектив мезон асос қилиб олинган таъриф, бизнингча анча аниқроқдир. Бу мезонлар қуйидагилардир:

1) одам танаси аъзолари ва тўқималарининг анатомик бус-бутунлиги ёки бир меъёрда ишлаб туришининг бузилганлиги;

2) одам соғлиғига, суд тиббий экспертизаси ёрдамида етказилган зарарнинг оғирлиги ва даражасини аниқлаш имконини берадиган зарарнинг етказилганлиги.

Баданга шикаст етказишни ўзга кишининг соғлиғига унинг хоҳишига зид равишда, ташқи муҳит омиллари

таъсири остида тўқималар ёки аъзоларнинг анатомик бус-бутунлиги ёки физиологик функциялари бузилишига сабаб бўлган ғайриқонуний зарар етказиш, деб таърифлаш мумкин.

Бундан уриш, дўппослаш, жисмоний оғриқ берувчи бошқа зўравонлик ҳаракатлари содир этилишини баданга шикаст етказишлар жумласига киритиш мумкин эмас деган фикр туғилади. Шубҳасиз, бундай ҳаракатлар натижасида одамда жисмоний оғриқ, нохуш туйғулар пайдо бўлади, лекин улар одатда, суд-тиббий экспертизасини (баданга етказилган шикастларнинг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидалари асосида) ўтказиш жараёнида объектив мезонлар асосида тасдиқланиши мумкин бўлган даражада соғлиқни ишдан чиқармайди.

Шу муносабат билан уриш, дўппослаш ва бошқа зўравонлик ҳаракатларини баданга шикаст етказишлар тоифасига киритилиши мумкин бўлмаган мустақил жиноятлар деб ҳисоблаш керак бўлади.

Баданга шикаст етказишнинг объекти

Баданга шикаст етказишнинг объекти унинг ҳолати ва

хусусий фазилатларидан қатъи назар, ўзга кишининг соғлиғидир. Жисмоний дахлсизлик шахс соғлиғига зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа зўравонлик ҳаракатларининг объекти бўла олмайди.

Соғлиққа зарар етказилганлигини аниқлашда, унинг баданга шикаст етказилган пайтдаги ҳолатига, яъни гап соғлиқнинг ёмонлашувига асосланиш керак бўлади. Суд тиббиёти ва суд амалиёти содир этилган қилмиш натижасида соғлиқ аввалгига нисбатан ёмонлашган бўлса, жабрланувчи соғлиғига зарар етказилганлигини қайд этишга амал қилади.

Фақат ўзга кишининг соғлиғигина баданга шикаст етказиш жиноятининг объекти бўлиши мумкин

Ўз соғлиғига зарар етказган шахс (ўз аъзосини майиб қилиш) фақат бошқа жиноят, масалан, ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш (ЎзР ЖК 225-модда), ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш (ЎзР ЖК 290-моддаси) содир этилган ҳоллардагина жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Бундай ҳолларда ўз соғлиғига зарар етказиш ана шу моддаларда назарда тутилган жиноятни содир этиш усули сифатида намоён бўлади ва шу боис бундай шахсларнинг ҳаракатлари қўшимча квалификацияни талаб қилмайди. Агар ижтимоий хавфли мақсадда шахс розилиги билан

бошқа шахс томонидан унинг соғлиғига зарар етказилса, етказган зарар даражасига қараб баданга шикаст етказиш ва ўз соғлиғига зарар етказилишига розилик берган шахс эса жиноятда иштирокчи сифатида жиноятлар жами бўйича жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг II бобидан бошқа бобларда ҳам инсон соғлиғига зарар етказадиган бир қанча жиноятлар учун ҳам жавобгарлик белгиланган.

Бу жиноятларнинг жиноят қонуни билан қўриқланадиган бошқа ижтимоий муносабатларга зарар етказиши туфайли қонун чиқарувчи уларни «Соғлиққа қарши жиноятлар» жумласига киритмайди. Бундай жиноятларни юридик адабиётларда икки объектли жиноятлар деб айтадилар (масалан: босқинчилик – ЎзР ЖК 164-моддаси, талончилик – ЎзР ЖК 166-моддаси ва ҳоказо). Баданга шикаст етказишда тажовуз фақат шахс соғлиғигагина қаратилган бўлади. «Соғлиққа қарши жиноятлар» бобида назарда тутилган баданга шикаст етказиш ва содир этилиши жараёнида баданга шикаст етказиладиган жиноятлар ўртасидаги асосий фарқ айнан шундан иборатдир.

Соғлиққа қарши жиноятларнинг объектив томони

Фуқаролар соғлиғига ва жисмоний дахлсизлиғига қарши жинояткорона тажовузлар объектив жихатининг элементларини аниқлаб олиш уларни тўғри квалификация қилиш ва бу жиноятларнинг моҳиятини тушуниш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Маълумки, соғлиққа ва жисмоний дахлсизликка қарши жиноятлар моддий таркибли бўлиб, ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган пайтдан эътиборан тамом бўлган жиноят деб топилади.

Соғлиққа қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида зарар етказиш мумкин. Шубҳасиз, шахс зарурий мудофаа ҳолатида унинг чегараларидан четга чиқмасдан ёхуд охирги зарурат, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосий таваккалчилик ҳолатида соғлиққа ҳар қандай даражада зарар етказса, у жиной жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Негаки бундай ҳаракатлар ижтимоий хавфли ва ғайриқонуний ҳисобланмайди.

Жиноят қонунида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан баданга оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик назарда тутилади ва зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб енгил ва ўртача оғир шикаст етказганлик учун махсус нормада жавобгарлик назарда

тутилмайди. Қонун чиқарувчининг бундай қарори, бизнингча, тўғридир. Ижтимоий хавфли тажовуздан химояланиш ҳужум қилаётган шахсга муайян зарар етказишни тақозо этади, акс ҳолда бирон-бир манфаатни химоя қилишнинг асло иложи бўлмайди.

Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи инсоннинг ана шу бойликдан фойдаланишда муайян ҳуқуқларга эга эканлигини назарда тутди. Шу муносабат билан инсон томонидан ўзининг соғлом бўлишдек субъектив ҳуқуқини амалга ошириш чегараларини жинойт ҳуқуқи томонидан муҳофаза қилиниши масаласининг қизиқарли эканлиги шубҳасиздир.

Шахснинг соғлиғига унинг розилиги билан ижтимоий фойдали мақсадларда зарар етказилгани жинойий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди. Масалан, беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун унинг бирон-бир жароҳатланган аъзосини кесиб ташлайдилар ёки тиббий аралашув оқибатида бирон-бир аъзо шаклан ўзгаради (оёқ, қўлнинг калталашиб қолиши ва ҳоказо). У ёки бу аъзони ёки тўқималарнинг бир қисмини муҳтож кишига донорнинг розилиги билан кўчириб ўтказиш учун кесиб олиш ҳоллари ҳам шулар жумласига киради.

Бундай ҳолларда шифокорнинг ҳаракатлари ижтимоий фойдали ҳаракатлар ҳисобланади. Агар бундай ҳаракатлар

шахсининг розилиги билан содир этилса, бу розилик касаллик варақасида тегишли ёзувлар билан қайд этиб қўйилиши керак.

Ижтимоий индеферент, яъни нуқсонларни йўқотиш (косметик операциялар ўтказиш ва ҳоказо, мақсадларида соғлиққа шикаст етказиш, агар у эҳтимол тутилган оқибатлар ҳақида хабардор қилинган шахсининг розилиги билан ўтказилган бўлса, жиноий жавобгарликка сабаб бўлмайди.

Фақат ижтимоий жиҳатдан хавфли мақсадда шахсининг розилиги билан зарар етказганлик учунгина жиноий жавобгарлик юзага келади. Бунга ҳарбий хизматдан бўйин товлаётган бошқа шахсининг соғлиғига шикаст етказиш мисол бўла олади.

Шифокорлик фаолиятида соғлиққа муайян шикаст етказиш баъзи ҳолларда анча йирик жароҳат пайдо бўлишининг ёки ўлимнинг олдини олиш учун зарурий шарт ҳисобланади. Бундай ҳолларда ЎзР ЖК 41-моддаси (касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик) инобатга олинмоғи лозим.

Бокс, кураш, футбол, хоккей, шарқ яккама-якка олишуви каби турли спорт тадбирларини ўтказиш чоғида ҳам баданга шикаст етказилиши мумкин. Юридик адабиётларда бу масаланинг ечими бир хилда ҳал

этилмаган.

Шу муносабат билан спорт мусобақаларини ўтказиш жараёнида мусобақа қатнашчисига шикаст етказилиши мумкин бўлган тўртта вазиятни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

биринчи вазият – спорт беллашуви пайтида ўйин қоидалари бузилмагани ҳолда соғлиққа шикаст етказилиши. Гарчи бундай ҳаракатлар натижасида зарарли оқибатлар юз берса ҳам, спортчи спорт қоидаларини бузиш ва шикаст етказишга қасд қилмайди. Шу боис унинг ҳаракатлари ижтимоий хавфли ва ғайриқонуний деб топилиши мумкин эмас;

иккинчи вазият – спортчининг эҳтиётсизлик орақасида ўйин қоидаларини бузганлиги натижасида соғлиққа шикаст етказилиши. Бундай ҳолларда ҳам спортчининг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмайди ва унга нисбатан мусобақа қоидаларида назарда тутилган жазоларгина қўлланилиши мумкин;

учинчи вазият ўйин қоидаларини қасдан бузиш натижасида соғлиққа шикаст етказилишини қамраб олади. Бундай ҳолларда масала юз берган оқибатларга қараб ҳал этилади. Агар баданга енгил шикаст етказиш тарзидаги оқибатлар юз берган бўлса, айбдор жинойий жавобгарликка тортилмаслиги лозим. Жабрланувчига ўртача оғир ёки

оғир шикаст етказилган бўлса, айбдорнинг қилмиши ЎЗР ЖК 111-моддаси (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказганлик учун) билан квалификация қилинади;

тўртинчи вазият – рақибнинг соғлиғига спорт беллашувида боғлиқ бўлмаган ҳолда шикаст етказилишидир. Бундай ҳолларда баданга у ёки бу оғирликда қасдан шикаст етказганлик учун айбдор жиний жавобгарликка тортилади.

Баданга шикаст етказадиган ҳаракатлар жуда хилма-хил бўлиб, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) жисмоний (механик, термик, электрик ва ҳоказо) таъсир кўрсатиб баданга етказиладиган шикастлар;

2) организмга кимёвий ёки биологик фаол воситалар билан таъсир кўрсатиш (турли кислоталар, захарли моддалар, газлар ва ҳоказодан фойдаланиш) йўли билан баданга етказиладиган шикастлар;

3) рухий таъсир кўрсатиш йўли билан баданга етказиладиган шикастлар.

Жисмоний таъсир кўрсатиш йўли билан баданга етказиладиган шикастлар одамнинг мускул кучидан фойдаланган ҳолда етказилиши мумкин: уриш, тепиш, калла қўйиш. Аксарият ҳолларда айбдорлар бунинг учун турли асбоблар, хўжалик-рўзғор ашёлари, ўқотар ёки совуқ

қуруллардан фойдаланадилар. Фуқароларнинг соғлиғига термик ёки электрик таъсир кўрсатиш (баданни дазмол, қиздирилган ашёлар билан куйдириш ва хоказо) орқали шикаст етказишлар ҳам ҳаётда тез-тез учрайди.

Баданга шикаст етказганликни квалификация қилиш учун на уларни етказиш усули, на у ёки бу асбобдан фойдаланганлик аҳамиятга эга эмас. Бироқ жазо тайинлаш пайтида соғлиққа шикаст етказиш усули инobatга олиниши мумкин. Негаки, бу ҳолат айбдор шахснинг ва у содир этган жиноятнинг у ёки бу даражада ижтимоий хавфлилигидан далолат беради. Одамнинг соғлиғи ёки жисмоний дахлсизлигига турли хилдаги ҳаракатлар, турлича усуллар орқали хилма-хил асбоблар ва жиноят воситалари билан зарар етказилиши мумкинлиги сабабли баданга шикаст етказиш турли даражада бўлиши мумкин.

Бу оқибатлар қонунда:

- 1) ҳаёт учун хавфнинг мавжудлигини ёки йўқлигини;
- 2) соғлиққа етказилган зарарнинг оғирлиги даражасини;
- 3) умумий меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасини ҳисобга олиб таснифланади.

Жиноят кодексида юз берган оқибатларга қараб баданга оғир (ЎзР ЖК 104-моддаси), ўртача оғир (ЎзР ЖК 105-моддаси) ва енгил (ЎзР ЖК 109-моддаси) шикаст

етказганлик учун табақалаштирилган жавобгарлик назарда тутилади.

Алоҳида нормада дўппослаганлик (калтаклаганлик) ва қийнаганлик учун (ЎзР ЖК 110-моддаси) жавобгарлик назарда тутилган. Қонунда кўрсатилган муайян оқибатларнинг юз бериши (меҳнат қобилиятининг йўқотилиши, инсон организми аъзоси ёки иш фаолиятининг йўқотилиши, ҳомиланинг тушиши ва хоказо) баданга оғир, ўртача оғир, енгил шикаст етказишни тамом бўлган жиноят деб топиш учун зарурий белги ҳисобланади. Бунда содир этилган ижтимоий хавфли ғайриқонуний қилмиш ва юз берган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш мавжуд бўлиши керак. Бундай боғланиш бўлмаган тақдирда, рўй берган оқибатларда шахсни айбдор, деб топиш мумкин эмас.

Кўпинча оқибатлар нафақат содир этилган жиноий ҳаракатларнинг, балки учинчи шахсларнинг айби билан ёхуд қандайдир бошқа ҳолатлар туфайли юзага келган ўзга омилларнинг натижаси бўлади.

Шу муносабат билан, агар шахснинг қасди билан рўй берган оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлса, юз берган у оқибатлар «тўғридан-тўғри» ёки «тасодифий» бўлганлигидан қатъи назар, жавобгар бўлади. Масалан, В. нинг жиноят ишини кўриб чиқсак. У

талабалар ётоқхонасида бўлганида О. ни жинсий яқинлик қилишга ундаган. Рад жавобини олгач, В. унинг номусига тегишга уринган. О. дераза тоқчасига чиқиб олиб, агар В. унга яқинлашса, ўзини деразадан ташқарига ташлаб юборажаги ҳақида уни огоҳлантирган. В. таҳдидга парво қилмай унга яқинлашган, О. эса деразадан сакраган ва учинчи қаватдан йиқилиб тушиб, оғир шикастланган. Бу ҳолда, бизнингча, гарчи О.нинг соғлиғига ўзининг ҳаракатлари натижасида шикаст етказилган бўлса ҳам, В.нинг ҳаракатлари ва юз берган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш муқаррар (тўғридан-тўғри) эмас, балки тасодифий хусусиятга эга бўлган бўлса-да, юз берган оқибатларда В. айбдор деб ҳисобланиши керак, чунки етказилган шикаст ва В. қилмиши ўртасида сабабий боғланиш мавжуд.

Юқорида айтилган фикрлардан юз берган оқибатлар учун жавобгарлик ҳам муқаррар, ҳам тасодифий сабабий боғланиш мавжуд бўлгани тақдирда, агар унинг ривожланиши айбдорнинг қасди билан қамраб олинган бўлса, юзага келади, деган хулоса қилиш мумкин.

**Соғлиққа ва жисмоний дахлсизликка қарши
жиноятларда айб, мотив ва мақсад**

Соғлиққа ва жисмоний дахлсизликка қарши жиноятлар ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Соғлиққа қарши жиноятлар, хусусан баданга шикаст етказишларнинг аксарияти эгри қасд билан содир этилади.

Фуқароларнинг соғлиги ва жисмоний дахлсизлигига қарши жиноятларни содир этишда тўғри қасд шундай хусусиятга эга бўладики, шикаст етказган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди, жабрланувчининг соғлиғига муайян зарар етказилиши муқаррарлиги ёки эҳтимоли борлигига кўзи етади ва айнан шундай шикаст юз беришини хоҳлайди.

Масалан, Қодировнинг жиноят ишини ўрганиш қуйидагиларни кўрсатади: у маст ҳолда бундан сал олдинроқ ўзи ҳақорат қилгани учун қайнонасиникига кетиб қолган хотинини уйига олиб келишга қарор қилган. Хотини уйга қайтишни истамаганида, Қодиров унинг ҳомиладорлигини била туриб, «Сен ҳозир туғасан» деган сўзлар билан унинг қорнига бир неча марта тепади. Зарбалар натижасида Қодированинг ҳомиласи тушган. Иш материалдан кўриниб турибдики, Қодиров ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини нафақат тушунган, балки жабрланувчи ҳомиласининг тушиши эҳтимоли борлигига кўзи етган ва унга шундай

шикаст етказишни хоҳлаган ҳам.

Буларнинг ҳаммаси Қодиров жиноятни тўғри қасд билан содир этганлигидан далолат беради.

Эгри қасдда эса юз берадиган оқибатларга гарчи айбдорнинг кўзи етган бўлса ҳам, у етказиладиган зарарнинг ҳақиқий кўламини тасаввур қилмайди ва жабрланувчининг соғлиғига ҳар қандай шикаст етишига йўл қўяди.

Масалан, айбдор жабрланувчининг бошига аямасдан урар экан ёки унга тош отар экан, бунинг натижасида жабрланувчига ҳар қандай оғирликдаги: оғир, ўртача оғир ёки енгил шикаст етказилиши мумкинлигига кўзи етади ва шундай оқибатлар юз беришига онгли равишда йўл қўяди.

Бундай ҳолларда жавобгарлик амалда етказилган шикастнинг даражасига қараб белгиланади, негаки айбдор уларнинг юз беришини бир хил даражада англаган бўлади.

Субъектив томондан қасддан шикаст етказишга нисбатан эҳтиётсизлик орқасида шикаст етказишнинг ижтимоий хавфлилиги камроқдир.

Соғлиққа қарши жиноятлар эҳтиётсизликнинг жинояткорона ўз-ўзига ишониш шакли билан ҳам содир этилиши мумкин. Бунда шахс муайян ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига кўзи етади ва шунга қарамай, онгли равишда эҳтиёт чораларига риоя

этмайди, бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид боғлайди.

Қасддан жиноят қилиш ва жинояткорона ўз-ўзига ишонишдан фарқли равишда, жинояткорона бепарволик шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигидан қандай ижтимоий хавфли оқибатлар юз бериши мумкинлигига кўзи етмайди, лекин кўзи етиши мумкин ва лозим бўлади.

Шахснинг у ёки бу оқибатлар юз беришига кўзи етиши лозим бўлгани ва муайян вазиятда уларга кўзи етиши мумкин бўлганлиги аниқлангандагина уни эҳтиётсизлик орқасида баданга шикаст етказишда айблаш тўғри бўлади.

Соғлиққа қарши жиноятларни тўғри квалификация қилиш учун жиноят субъектида айбнинг қасди ёки эҳтиётсизлик шакли мавжудлигини аниқлашнинг ўзи кифоя қилмайди.

Фуқароларнинг соғлиғига қасддан шикаст етказилган барча ҳолларда жиноятнинг мотив ва мақсадини аниқлаш зарурдир.

Аксарият ҳолларда соғлиққа ва жисмоний дахлсизликка қарши жиноятларни содир этиш мотив ва мақсади айбдор шахснинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобланади (масалан, тамагирлик нияти, безорилик туйғуси, диний таассублар замирида, трансплантат мақсадида баданга шикаст

етказиш ва ҳоказо).

Жиноят субъектининг юридик тавсифи

ЖК 17-моддасида баданга шикаст етказганлик учун жинойий жавобгар бўлиши мумкин бўлган шахснинг энг кичик ёши белгиланган. Қасддан баданга оғир шикаст етказганлик учун (ЖК 104-моддаси), қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказганлик учун (ЖК 105-моддаси), кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказганлик учун (ЖК 106-моддаси) учун жиноятни содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар жавобгар бўладилар.

Соғлиққа ва жисмоний дахлсизликка қарши бошқа жиноятларнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган шахслар ҳисобланади.

2-§. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЎзР ЖК 104-моддаси)

Жиноятнинг объекти бошқа одамнинг соғлигини таъминлар борасидаги ижтимоий алоқалар ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят ҳуқуққа хилоф равишда бошқа шахс соғлиғига зарар етказишда ифодаланади.

Бу жиноят бўйича жавобгарлик бошланишининг муқаррар шарти – содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ва бошланган жиноий оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш. Оғир ўикаст етказашнинг шартли элементлари қуйидагилардир: шикаст етказилаётган лахзада ҳаёт учун хавфли; кўриш, нутқ, эшитиш қобилиятини ёки биро бир аъзони йўқотиш ёки бажарадиган вазифаларини бутунлай бажара олмай қолиши; руҳий касалликка чалиниш; 33%дан зиёд умумий меҳнат қобилиятини бутунлай йўқотиш; баданни тузатиб бўлмайдиган даражада хунуклаштириш.

Жиноят ҳуқуқи ва суд тиббиёти фанлари томонидан баданга етказиладиган шикастларнинг оғирлик даражасини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган. Улар жумласига:

- 1) шикастларнинг ҳаёт учун хавфлилиги;**
- 2) соғлиққа етказиладиган ҳақиқий зиён;**
- 3) меҳнат қобилиятини йўқотиш даражаси;**
- 4) эстетик мезонлар киради.**

Бу мезонлар ЖК нормаларида ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган «Баданга етказилган шикастларнинг оғирлик даражасини суд-тиббий йўл билан аниқлаш қоидалари»да ўз ифодасини топган.

Ҳаёт учун хавфли шикастлар деганда содир этилаётган

пайтида жинойтчи томонидан ҳаёт учун хавф туғдирувчи шикастларни етказиш тушунилади. Бундай шикастларга тиббий ёрдам кўрсатилмаса, жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлиши мумкин бўлган шикастлар киради.

Қасдан баданга оғир шикаст етказиш шахснинг соғлиғига турлича шикаст етказиш ёки соғлиқнинг муайян муддатга издан чиқишида ифодаланади.

Меҳнат қобилиятини йўқотиш даражаси фоизларда аниқланади ва ўтказилган шикаст меҳнат қобилиятининг қисман ёки бутунлай йўқотилишига сабаб бўлади.

Баданни тузалмайдиган қилиб хунуклаштириб юбориш эстетик мезони ўзига хос хусусиятга эга. Бунда етказилган шикаст натижасида жабрланувчи баданининг хунуклашганлиги унинг руҳан эзилишига олиб келади. Шикастнинг оғирлиги оқибат-натижада, аввало, жабрланувчига унинг бадани хунуклашгани сабаб бўладиган руҳан эзилишлар билан боғлиқдир.

Баданга етказиладиган шикастларнинг оғирлиги даражасини аниқлаш учун «Қоидалар»да иккита асосий мезон: *тиббий (анатомик) ва иқтисодий мезонлар* қўлланилган.

Тиббий мезон баданга етказиладиган барча турдаги шикастларни уларнинг содир этилиш пайтида жабрланувчининг ҳаёти учун хавфлилиги нуқтаи

назаридан тавсифлайди, тўқималар ёки аъзолар функцияларининг бузилиши даражаси ва хусусиятини, етказилган шикастнинг давомлилиги ва организмга таъсирини аниқлайди.

Иқтисодий мезон жабрланувчи томонидан меҳнат қобилиятини йўқотишнинг фоизларда ифодаланган даражасини ҳисобга олган ҳолда баданга етказилган шикастни тавсифлайди.

Баданга шикаст етказиш, ЎзР ЖК 104-моддасида назарда тутилган аломатлардан лоақал биттаси мавжуд бўлса, оғир деб топилади.

Шуни такидлаш лозимки, “ЖК 104,105,109 моддаларида битилган жиноят белгилари рўйхати тўлиқдир. Хар бир белги бирор бир жиноятга тегишлилигини аниқлаш учун, улирнинг ҳеч бўлмаси биттасининг мавжудлиги етарлидир. Агар ишда оғир, уртача оғир ва енгил танага жароҳат етказиш белгилари бир нечта булса, шахсни айбдор сифатида судга чақириш ажримида кўрсатилади.

Агар айбланувчи жабрланувчига етказган оғир жароҳатлардан ташқари яна бошқа жароҳатлар етказлса, бундай ҳолда айбдор қилмишида қўшимча модда асосида квалификация қилиш талаб қилинмайди”.

Баданга ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикаст етказиш

Бу баданга шикаст етказишнинг энг кўп тарқалган турларидан биридир. Бундай шикастлар одатда ўлим билан тугайди ёки жабрланувчининг ҳаётига бевосита хавф туғдиради.

Бирор-бир оқибат юз беришидан қатъи назар, ҳаёт учун хавfli шикаст етказилган пайтдан жиноят тугалланган ҳисобланади ва жавобгарлик вужудга келади. Етказилган шикастнинг нима билан тугаши жиноятнинг квалификациясига таъсир кўрсатмайди.

«Баданга етказилган шикастларнинг оғирлик даражасини аниқлаш қоидалари»да баданга етказиладиган ҳаёт учун хавfli шикастларнинг тўла-тўқис рўйхати берилган.

Баданга етказиладиган ҳаёт учун хавfli шикастларни квалификация қилиш учун бундай жиноятлар субъектив томонининг энг муҳим белгиларини эътиборга олиш лозим. Бундай шикастлар етказилишининг ўзи (айниқса кўкрак қафаси, қорин, бош суягига ҳаёт учун хавfli жароҳат етказиш) шундан далолат берадики, жиноятчининг жабрланувчига нафақат оғир жароҳат етказилиши, балки унинг ўлиши мумкинлигига кўзи етади. Баданга ҳаёт учун хавfli бўлган шикаст етказишни одам ўлдиришга суиқасд қилишдан фарқлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

«Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида: «Судлар қасддан одам ўлдиришни қасддан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган ҳоллардан фарқлашлари шарт. Қасддан одам ўлдиришда, айбдор ўлдириш нияти билан ҳаракат қилади, қасддан баданга оғир шикаст етказиш ўлимга сабаб бўлган ҳолларда эса юзага келган ўлимга нисбатан унинг айби эҳтиётсизлик шаклида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида: «Судлар қасддан одам ўлдиришни қасддан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган ҳоллардан фарқлашлари шарт. Қасддан одам ўлдиришда, айбдор ўлдириш нияти билан ҳаракат қилади, қасддан баданга оғир шикаст етказиш ўлимга сабаб бўлган ҳолларда эса юзага келган ўлимга нисбатан унинг айби эҳтиётсизлик формасида бўлади.

Айбдорнинг қасди тўғрисидаги масалани ҳал қилишда судлар содир этилган жиноят ҳолатларини барча томонлари йиғиндисини инобатга олишлари ва жумладан, жиноят усули ва қуролини, жароҳатларнинг сонини, характерини, жойлашишини ва бошқа етказилган шикастларни, жиной ҳаракатларнинг тўхташ сабабларини ва ҳоказо, шунингдек, айбдор ва

жабрланувчининг воқеагача бўлган феъл-атворини, уларнинг ўзаро муносабатини, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари характерини эътиборга олишлари лозим».

Айбдор баданга ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикаст етказаётганида жабрланувчини ўлдириб қўйиши мумкинлигини нафақат англаган ва шундай бўлиши эҳтимоли борлигини фараз қилгандагина эмас, балки шундай оқибатлар юз беришини хоҳлаган, яъни бошқа одамни ўлдиришга қаратилган тўғри қасд билан ҳаракат қилгандагина унинг қилмиши ўлдиришга қасд қилиш деб квалификация қилиниши лозим.

Тўғри қасд одам ўлдиришга қаратилмаган бўлса, қасддан баданга ҳаёт учун хавфли бўлган шикаст етказиш ЎзР ЖК 104-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

Содир этилган қилмишни баданга ҳаёт учун хавфли шикаст етказиш деб тўғри квалификация қилиш учун жиноятнинг субъектив томонини синчиклаб таҳлил этиш, жиноят мотивининг хусусиятини ва у нимага қаратилганини аниқлаш талаб қилинади.

«Қоидалар»га биноан баданга оғир шикаст етказишлар жумласига бирор-бир аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг

фаолияти йўқолиши аломати сифатида қўл, оёқ функциялари, эшитиш, сўзлаш, насл қолдириш қобилиятининг ишдан чиқиши ёки тамоман йўқотилиши киради.

Кўриш қобилиятини йўқотиш иккала кўзнинг батамом кўрмай қолиши ёки кўриш қобилиятининг 2 метр ва бундан кам масофада бармоқ санарли даражада пасайган (кўриш ўткирлиги 0,04 ва паст) ҳолати. Битта кўзнинг кўр бўлиб қолиши ҳам меҳнат қобилиятини учдан бир ҳисса барқарор йўқотиш аломатига кўра оғир тан жароҳатлари жумласига киради. Кўрмайдиган кўзнинг шикастланиши унинг олиб ташланишини тақозо этса, қилмиш соғлиқ ёмонлашганининг муддати бўйича квалификация қилинади.

Сўзлаш қобилиятини йўқотиш – жабрланувчида ўз фикрларини атрофдагилар учун тушунарли, бириккан товушлар билан ифодалаш имконияти йўқлигини, шунингдек сўзлаш қобилияти одам организмнинг бир қисми сифатида йўқотилишини билдиради;

Эшитиш қобилиятини йўқотиш – тўла карлик ёки шундай тузалмас ҳолат, бунда жабрланувчи қулоқ чаноғидан 3-5 см масофадаги оғзаки сўзлашувни эшитмайди. Битта қулоқнинг кар бўлиб қолганлигини аъзо фаолиятининг йўқолгани деб эътироф этилмайди ва у

умумий меҳнат қобилиятининг 15 % йўқотилишига сабаб бўлиши боис, ўртача оғир тан жароҳати деб топилади;

Аъзонинг ишдан чиқиши деганда, одам организмининг ҳаёт фаолиятида фақат ўзигагина хос бўлган вазифани бажарадиган ҳар қандай, шу жумладан жуфт аъзонинг (ички, ташқи) ишдан чиқиши тушунилади. Амалдаги қонунга мувофиқ, оғир тан жароҳатларининг бу турига:

Қўл ёки оёқни йўқотиш – танадан уларнинг ажралиб кетиши ёки уларнинг ўз вазифасини бажариш қобилиятидан маҳрум бўлиши; бунда жабрланувчи шу аъзоларидан фойдаланиш имкониятини батамом йўқотади (оёқ таянч ёки ҳаракат фаолиятини йўқотади, қўл ишламай қолади). Қўл ёки оёқни тирсак ёки тизза бўғимидан паст бўлмаган даражада кесиб ташлаш уларни йўқотиш деб ҳисобланади. Қолган барча ҳоллар қўл ёки оёқнинг бир қисмини йўқотиш деб қаралади ва улар меҳнат қобилиятининг қай даражада йўқотилганлигига қараб баҳоланмоғи лозим;

Насл қолдириш қобилиятини йўқотиш – жинсий алоқа қилиш қобилиятини йўқотишдан ёки уруғланиш, ҳомиладор бўлиш ва бола туғиш қобилиятини йўқотишдан иборат. Шахснинг ташқи жинсий аъзолари шикастланиши оқибатида росмана жинсий алоқа қилиш қобилияти йўқолса ёхуд аёл бачадон, тухумдон ёки найчалар

шикастланиши оқибатида ҳомиладор бўлиш, ҳомилани нормал олиб юриш ва кўзи ёриш имкониятидан маҳрум бўлса, шикаст оғир деб топилади. Эркакларда насл қолдириш қобилиятини йўқотиш уруғлантириш қобилиятини йўқотишда намоён бўлади.

Рухий касалликка чалиниш

ЎзР ЖК 104-моддасида баданга оғир шикаст етказилганлик натижасида рухий касалга чалиниш кўрсатиб ўтилган, бунда жабрланувчи одатда ўзи қилаётган ҳаракатларнинг хусусиятини англаш қобилиятини йўқотади ва одамлар билан мулоқот қилишдан маҳрум бўлади.

Рухий (психик) касаллик – нормал рухий фаолиятнинг бузилиши бўлиб, у шахснинг атрофдаги воқеликни тўғри идрок этиш ва ўз хулқ-атворини назорат қилиш лаёқатига жиддий таъсир кўрсатади. Бу идрок , тафаккур, хотира, ҳиссиёт, диққат-эътибор, ирода, қизиқиш ва юриш-туриш издан чиқишида намоён бўлади.

Рухий касаллик ташхиси ва унинг етказилган жароҳатлар билан боғлиқлиги рухий-психиатрик экспертиза ўтказиб аниқланади. Бундай шикастланишнинг оғирлик даражаси суд-тиббиёт экспертининг иштирокида аниқланади.

Гарчи баданга етказилган шикаст ҳаёт учун хавfli

бўлмаса ёки аъзо ишдан чиқмаса-да жабрланувчи умуман соғлиқнинг бузилиши натижасида меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоиздан кам бўлмаган қисмини доимий йўқотса баданга оғир шикаст етказиш деб ҳисобланади.

ЖК 104-моддасида жабрланувчига ҳуқуққа хилоф таъсир этиш натижасида умумий меҳнат қобилиятининг йўқотилишига алоҳида эътибор берилган. Бундай ҳолатда меҳнат қобилиятининг йўқотилиши барқарор, яъни доимий ёки маълум бўлмаган узок муддатга йўқотилган бўлиши лозим.

Тан жароҳатлари натижасида барқарор йўқотилган умумий меҳнат қобилияти йўқотилган меҳнат қобилиятининг фоизларда ифодаланган жадвали орқали объектив томонларни инобатга олган ҳолда жароҳат оқибати келиб чиққандан сўнг белгиланади.

Болаларда меҳнат қобилиятининг йўқотилиши «Қоидалар»да белгилаб кўйилган умумий қоидалардан келиб чиққан ҳолда, катта ёшли шахсларники сингари, ногиронларники эса – ногиронлиги ва унинг гуруҳидан қатъи назар, амалий жиҳатдан соғлом кишиларники сингари аниқланади.

Ҳомиланинг тушиши

Ҳомиланинг тушиши оғир тан жароҳатлари жумласига киради, чунки унинг ҳатто тиббиёт муассасасида тушиши

Ҳомиладор аёлнинг соғлиги ёки ҳаёти учун хавфлидир.

Ҳомила зўрлик ишлатилиши натижасида тушганида эса бу хавф янада ошиб кетади. Бундан ташқари, ҳомиланинг тушиши натижасида аёл оналикдан маҳрум бўлади, ҳомила нобуд бўлади, ҳаёт узилади, аёл вужудига оғир зиён етади. Бундай қилмиш туфайли аёлга жиддий маънавий, руҳий зиён етказилади ва бу ҳол унинг руҳиятига салбий таъсир қилади.

Ҳомиланинг тушиши, унинг муддатидан қатъий назар, агар бу ҳолат организмнинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ бўлмасдан, етказилган зарар билан бевосита боғлиқ бўлса, оғир тан жароҳати деб топилади. Бундай ҳолатларда суд-тиббиёт экспертизаси акушер-гинеколог билан биргаликда амалга оширилади.

Ҳомиланинг тушиши, унинг муддатидан қатъий назар, агар бу ҳолат организмнинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ бўлмасдан, етказилган зарар билан бевосита боғлиқ бўлса, оғир тан жароҳати деб топилади. Бундай ҳолатларда суд-тиббиёт экспертизаси акушер-гинеколог билан биргаликда амалга оширилади.

Ҳомиланинг тушиши нафақат жисмоний, балки руҳий зўрлик ишлатиш (ҳужум туфайли қаттиқ қўрқиш, чўчиш ва ҳоказо) натижасида ҳам содир бўлиши мумкин. Ҳомиладорлик муддати жиноятни квалификация қилиш

учун аҳамиятсиздир.

Олий суднинг раҳбарий кўрсатмаларига мувофиқ, ҳомиланинг тушишига олиб келган қасддан тан жароҳати етказиш фақат айбдор жабрланувчининг ҳомиладор эканлигини билмаган ва унда аёлга тан жароҳати етказишга қасд мавжуд бўлган ҳолларда айбдорнинг қилмишини ЖК 104-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, айбдор жабрланувчининг ҳомиладорлигини билмаган ҳолда у томонидан содир этилаётган ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар (унинг жабрланувчига қилган таъсири) жабрланувчи аъзо ёки тўқималарининг анатомик бутунлигининг бузилишига ёки уларнинг физиологик функциясининг бузилишига сабаб бўлиши мумкинлигини англаган ва бунга кўзи етиши лозим. Акс ҳолда (масалан, тан жароҳати етказиш билан боғлиқ бўлмаган жабрланувчини дўппослаш ёки бошқа ҳаракатлар) Олий суд Пленуми қарорида содир этилган қилмишни ЖК 111-моддаси билан квалификация қилиш назарда тутилган.

Баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши

Аксарият ҳолларда етказилган шикаст оқибатида баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши соғлиққа жиддий зарар етказмаса-да, у одамни жуда бадбашара, хунук қилиши натижасида жабрланувчи маънавий қаттиқ азоб чекади. Бундай шикастлар

шахснинг жамоат билан алоқалари узилиб қолиши хавфини туғдиради. Жабрланувчилар ташқи қиёфасидан уялиб, дўстлари, яқинлари, қариндошлари билан алоқа қилмай қўядилар, меҳнат ва бошқа фаолиятларини кескин қикартирадилар, кўпинча ишламай қўядилар, спиртли ичимликларга, гиёвандликка бериладилар, бундан таскин топгандай бўладилар ва баъзан дайдилик, тиланчилик билан шуғулланиб, дарбадарликда кун кечира бошлайдилар. Бундай шахслар кўпинча жиноят содир этадилар.

Баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши деганда тананинг айрим қисмлари (қулоқ, бурун ва лаблар) олиб ташланиши ёки юзнинг нотекис бўлиб қолиши, мимиканинг бузилиши, юзда чуқур чандиқлар, тиртиқлар, қалтироқнинг пайдо бўлиши ва натижада шахс бадани хунук, жирканч, ёқимсиз кўриниши ҳосил қилиши тушунилади.

Суд-тиббий эксперти жароҳатнинг хунуклигини аниқламайди, чунки мазкур тушунча тиббий соҳага оиддир. У фақатгина оддий белгилардан келиб чиқиб тан жароҳатининг хусусияти ва оғирлик даражасини белгилайди ва жароҳат тузалиши мумкинлигини аниқлайди.

Шикастнинг тузалиши деганда, вақт ўтиши билан ёки

тиббий йўллар билан воситалар таъсирида йўқолиб кетадиган патологик ўзгаришлар (чандиқлар, тиртиқликлар, мимика бузилишлари ва хоказо)нинг анча камайиб бориши тушунилади. Агарда уларни йўқотиш учун тезкор аралашув (косметик операция) талаб қилинса, баданга етказилган шикаст тузалмайдиган деб ҳисобланади.

Баданга етказилган шикаст баданни хунуклаштириши ёки хунуклаштирмаслиги масаласи суд томонидан тарафлар иштирокида ва шикастларнинг хусусияти, жойлашуви, тузалмаслик даражаси ҳисобга олиниб ва умумий қабул қилинган эстетик тасаввурлар асосида суднинг фақат ички ишончигагина асосланган ҳолда ҳал этилади. Айнан суд объектив равишда, жабрланувчининг шикаст етказилмасдан олдинги ва кейинги қиёфасини таққослаш йўли билан баданнинг хунуклашганлигини аниқлаши керак.

Юз терисининг тузалмайдиган даражада хунуклашиши масаласи дастлабки тергов ва суд муҳокамасида ҳал қилинади. Агар суд муҳокамасида тан жароҳатлари кўриб чиқиладиган белги бўйича оғир деб топилмаса, кейинчалик жабрланувчи соғлиғининг муваффақиятсиз амалга оширилган жарроҳлик ва косметик операциялар натижасида ёмонлашуви, агарда оғир тан

жароҳатларининг бошқа белгилари бўлмаса қилмишни ЖК 104-моддаси бўйича квалификация қилиш учун асос бўла олмайди.

Баданга оғир шикаст етказганлик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар

ЖК 104-модда 2-қисмида қуйидаги оғирлаштирувчи ҳолатлар:

- а) хомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;**
- б) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг қариндошларига нисбатан;**
- в) ўта шафқатсизлик билан;**
- г) оммавий тартибсизликлар жараёнида;**
- д) тамагирлик ниятида;**
- е) безорилик ниятида;**
- ж) миллатлараро ёки ирқий адоват замирида;**
- з) диний таассублар замирида;**
- и) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида;**
- к) бир гуруҳ шахслар томонидан қасддан содир этилган баданга оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланган.**

Таъкидлаш жоизки, оғир тан жароҳати етказишни квалификация қилишнинг мазкур белгилари (алоҳида

квалификация қилинадиган белгилар сифатида) ўз мазмуни ва квалификацияси хусусиятларига кўра юқорида кўриб чиқилган ЖК 97-моддаси 2-қисми таҳлилининг белгиларига мувофиқ келади. Шу билан бирга уларнинг айримлари ўз хос хусусиятларга эга бўлиб, мазкур белгиларни қўллаш бўйича Олий суд Пленуми қарорларининг раҳбарий кўрсатмалари мавжуд, уларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

“Масалан, қилмишни ЖК 104-моддаси 2-қисми “а” банди билан квалификация қилишда айбдор томонидан тан жароҳатлари етказилишига қадар унга жабрланувчининг ҳомиладорлиги аён бўлиши лозим”.

Сўзсиз, агарда аёлнинг ҳомиладорлиги анча муддатни ташкил этса, ҳомиладорлик белгилари кўриниб туради, бунда қилмишни квалификация қилиш қийин бўлмайди. Лекин агар жабрланувчининг ҳомиладорлиги қисқа муддатни ташкил этса, унинг ҳомиладорлиги эса айбдорга аён бўлмаса ва унда жабрланувчига фақат тан жароҳати етказиш мақсади бўлса, бу ҳолат ЖК 104-моддаси 1-қисмининг белгиси ҳисобланади.

Бундай ҳолатда қилмишни ЖК 104-моддаси 1-қисми “а” банди билан квалификация қилишда “аёлнинг ҳомиладор эканлиги ҳолати унинг баданига шикаст етказилгунга қадар айбдорга маълум бўлган бўлиши лозим. Бунда қилмишни мазкур белги билан квалификация қилиш учун ҳомилани туширишга

нисбатан қасд мавжуд бўлиши, айбдорнинг ҳаракатлари ҳомиланинг тушишига олиб келмаган ҳолларда эса, баданга бошқа, тегишлича, оғир, ўртача оғир шикаст етказилган бўлиши шарт. Акс ҳолда, ҳаракатлар, келиб чиққан оқибатлар бўйича, Жиноят кодексининг баданга қасддан шикаст етказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддаси билан квалификация қилинади.”

Мазкур ҳолатда содир этилган қилмиш келиб чиққан оқибатни очган ҳолда айбдорнинг қасди жабрланувчининг ҳомиласи тушиши мумкинлигига кўзи етиши билан қамраб олинганлигини аниқлаш лозим (эгри қасд). Агар айбдор жабрланувчининг ҳомиласи тушишига тўғри қасд билан ҳаракат қилган бўлса, лекин бундай оқибат унга боғлиқ бўлмаган ҳолда келиб чиқмаган бўлса, жиноят охирига етказилмаган саналиб, қилмиш ЖК 25-моддаси 2-қисми ва 104-моддаси 2-қисми “а” банди билан квалификация қилиниши лозим.

Ўз хизмат вазифаси ва фуқаролик бурчини бажараётган шахсга ёки унинг яқин қариндошларига айбдор томонидан унинг ўз хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажаришга тўсқинлик қилиш мақсадида, шунингдек, бундай вазифани амалга оширгани учун ундан ўч олиш мақсадида оғир тан жароҳати етказилган бўлса, қилмиш ЖК 104-моддаси 2-қисми

“б” банди билан квалификация қилиниши лозим.

“Фуқаролик бурчини бажариш деганда, жумладан, инсоннинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган мажбуриятларни бажаришга қаратилган ҳар қандай қонуний фаолияти тушунилади.”

Оғир тан жароҳати етказилган қилмишни ЖК 104-моддаси 2-қисми “в” банди билан, яъни ўта шафқатсизлик билан содир этилган деб квалификация қилиш учун айбдорда қилмишни жабрланувчига жисмоний ва руҳий азоб берувчи усуллар орқали амалга ошириш қасди борлигини аниқлаш лозим.

Мазкур ҳолатда ўта шафқатсизлик оғир тан жароҳати етказилишига олиб келган азоблаш ва қийнашда намоён бўлиши мумкин. “Бунда азоблаш деганда, узоқ вақт овқат, сув ёки иссиқликдан маҳрум қилиш каби хўрловчи ҳаракатлар ёхуд инсонни соғлиқ учун зиён етказувчи шароитга солиш ёки унда қолдириш ва ҳоказолар тушунилиши лозим. Қийнаш деганда, кўп марта ёки узоқ вақт давомида оғриқ етказувчи, жумладан, муттасил дўппослаш, чимчилаш, кесиш, ўтмас ёки ўткир-санчилувчи (кесувчи) предметлар билан кўп сонли, бироқ чуқур бўлмаган жароҳатлар етказиш, электр ёки термик омиллар орқали таъсир кўрсатиш ва ҳоказолар билан боғлиқ ҳаракатлар тушунилиши лозим.”

Шунингдек, худди қасддан одам ўлдириш жинояти каби оғир тан жароҳатлари етказишда ҳам ўта шафқатсизлик жиноятни жабрланувчининг яқин инсонлари (яқин қариндошлари ёки жабрланувчи билан яқин дўстлик муносабатларида бўлган шахслар) олдида айбдор ўз ҳаракатлари билан уларга азоб бераётганлигини англаган ҳолда ҳам содир этилиши мумкин.

Етказилган оғир тан жароҳатининг усули ўта шафқатсизлик билан содир этилганлиги масаласини ҳал қилиш суд-тиббиёт экспертнинг эмас, балки тергов ва суд органларининг ваколатига киради.

Кўриб чиқиладиган жиноятни ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг "г" банди билан, яъни оммавий тартибсизликлар жараёнида баданга қасддан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш сифатида квалификация қилишда шуни инобатга олиш лозимки, “агар айбдор томонидан оммавий тартибсизликлар жараёнида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказишдан ташқари яқсон қилиш, бузиш, ўт қўйиш ва шу каби бошқа жиноятлар содир қилинган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича” ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг "г" банди ва 244-модда бўйича квалификация қилиниши лозим.

“Баданга қасддан таъмагирлик ниятида, айти пайтда, босқинчилик белгилари мавжуд бўлмаган ҳолда етказилган

оғир, ўртача оғир шикаст, тегишлича ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг "д" банди билан квалификация қилинади”.

Агар оғир тан жароҳати босқинчилик натижасида етказилган бўлса, қилмишни ЖК 164-моддаси 3-қисми “г” банди, оғир тан жароҳати етказилиши билан содир этилган босқинчилик сифатида квалификация қилиш лозим.

Баданга қасдан безорилик туйғусида етказилган оғир шикаст ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг "е" банди билан квалификация қилинади ва ЖК 277-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. “Агар айбдор мазкур жиноятдан ташқари яна безорилик жинояти белгилари мавжуд бошқа ҳаракатларни содир этган бўлса, қилмиш ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг "е" банди ва 277-моддасининг тегишли қисмида кўрсатилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.”

“Баданга қасдан етказилган оғир, ўртача оғир шикастни миллатлараро ёки ирқий адоват замирида етказилган (ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг "ж" банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг "ж" банди бўйича) деб квалификация қилиш учун айбдор томонидан бундай ҳаракатлар бошқа мотивларда (масалан, муайян жабрланувчига нисбатан рашк, ўч олиш, шахсий келишмовчилик муносабати туфайли) эмас, балки айнан ушбу бандда назарда тутилган мотивда содир

этилганлиги аниқланиши лозим.”

ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг "з" банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг "з" банди билан “жабрланувчига нисбатан диний таассублар замирида унинг диний эътиқоди муносабати билан, аксарият ҳолларда, муайян диний конфессия шаъни ва обрўсини камситиш, диний адоват ёки ихтилоф кўзғатиш мақсадида қасдан етказилган, тегишлича, оғир, ўртача оғир шикаст квалификация қилиниши лозим.”

“Жабрланувчи баданига унинг органлари ёки тўқималарини қонунсиз олиш пайтида етказилган оғир шикаст ҳам, трансплантация мақсадида уни ўз органлари ёки тўқималарини беришга мажбурлаш пайтида етказилган оғир шикаст ҳам ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг "и" банди билан квалификация қилиниши лозим. Бунда айбдорнинг ҳаракатлари натижасида киши органи ёки тўқимаси олинган бўлиши шарт бўлмай, унда трансплантат олиш мақсади борлиги аниқланишининг ўзи кифоя.”

Тирик инсоннинг аъзо ва тўқималарини ажратиб олиш ташқи томондан қонуний (масалан, одам буйрагидаги ўсимтани олиб ташлашни важ қилиб жарроҳлик операцияси орқали шахснинг буйрагини ажратиб олиш) ва ноқонуний (аъзо ва тўқималарини ажратиб олиш мақсадида ўғирланган шахсларнинг аъзоларини ноқонуний операция орқали ажратиб олиш) тарзида амалга оширилиши мумкин.

“Баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказган бир гуруҳ шахсларнинг ҳаракатлари, олдиндан тил бириктирилган ёки бириктирилмаганлигидан қатъи назар, тегишлича, ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг "к" банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг "и" банди билан квалификация қилиниши лозим. Бунда баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст бир гуруҳ шахслар томонидан етказилган деб топиш учун икки ва ундан ортиқ шахс бундай шикаст етказиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилиб, уни содир этишда ҳам ижрочи сифатида қатнашган бўлиши керак. Бироқ баданга шикаст улардан ҳар бири томонидан етказилган бўлиши шарт эмас (масалан, гуруҳ иштирокчиларидан бири жабрланувчининг қаршилигини бостирса, айти пайтда бошқаси унга жароҳат етказди). Баданга оғир, ўртача оғир шикаст етказишга қаратилган ҳаракатлар бир шахс томонидан содир этилиши жараёнида унга бошқа шахслар шу мақсадда келиб қўшилганда ҳам бундай жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган деб топилиши керак.”

ЎзР ЖК 104-моддаси 3-қисмида:

- 1) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;**
- 2) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу**

Кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган тарзда қасддан одам ўлдирган шахс томонидан;

- 3) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- 4) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган;
- 5) жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга шикаст етказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

“Икки ва ундан ортиқ шахс баданига қасддан етказилган оғир шикаст, башарти айбдорнинг ҳаракатлари ягона қасд билан қамраб олинган ва одатда, узлуксиз бир вақтнинг ўзида ёки жуда қисқа вақт ичида содир этилган бўлса, ЖК 104-моддаси учинчи қисмининг "а" банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг "а" банди билан квалификация қилиниши лозим.”

ЖК 104-моддаси 3-қисми “б” бандига кўра оғир тан жароҳати қасддан икки ёки ундан ортиқ марта, турли вақтларда ва ягона қасд билан қамраб олинмаган ҳолда содир этилган бўлиши лозим.

“Қасддан баданга етказилган оғир, ўртача оғир шикастни, тегишлича, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб квалификация қилиш учун айбдор жиноятнинг ижрочиси ёки бошқа турдаги иштирокчиси эканлиги аҳамият касб этмайди. Айни пайтда, шуни назарда тутиш керакки, айбдор томонидан муқаддам бошқа жиноят содир этилган бўлиб, унинг таркибий қисмини қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказиш ташкил этилганлиги (масалан,

шахс муқаддам босқинчилик, терроризм, безорилик, ҳарбий хизматчилар ўртасида ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш ва ҳоказо жиноятларни содир этган бўлса) қилмишни ЖК 104-моддаси учинчи қисмининг "б" банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг "к" банди билан такрорийлик белгиси бўйича квалификация қилиш учун асос бўлмайди.

Иштирокчиликда баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказилганда, такрорийлик сифатидаги квалификация белгиси, фақат ушбу белгига лойиқ айбдорга нисбатан қўлланилиб, бошқа иштирокчиларга нисбатан қўлланилиши истисно этилади.”

Ўта хавфли рецидивист ҳамда уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки унинг манфаатини кўзлаб етказилган оғир тан жароҳатини квалификация қилишнинг ўзига хос жиҳатларини 97-модда 2-қисмининг таҳлилида кўришингиз мумкин.

Жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан оғир тан жароҳати етказиш (ЖК 104-моддаси 3-қисми “д” банди)да авваламбор жабрланувчига оғир тан жароҳати етказилиши, яъни ЖК 104-моддаси аломатларидан бири бўлиши лозим. Жабрланувчини уриш, дўппослаш, унга енгил тан жароҳатлари етказиш, эҳтиётсизлик оқибатида унинг ўлимига олиб келган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари 102-модда (эҳтиётсизликдан одам ўлдириш) билан квалификация

қилиниши лозим.

Агар жабрланувчига унинг ўлимига сабаб бўлган ўртача оғир тан жароҳатлари етказилган бўлса, айбдор ҳаракатдарини жиноятлар жами бўйича 105-модда (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш) ва 102-модда (эҳтиётсизликдан одам ўлдириш) билан квалификация қилиниши лозим.

Қилмишни бундай квалификация қилиш учун айбдор мазкур ҳолат бўйича сабабий боғланишнинг бундай ривожланишига кўзи етиши мумкинлиги ва лозимлиги аниқланиши зарур. Акс ҳолда унинг ҳаракатлари фақат 105-модда билан квалификация қилиниши лозим.

Кўриб чиқиладиган жиноят билан қасддан одам ўлдиришни бир-биридан ажратишдаги қийинчилик шу билан боғлиқки, уларнинг объектив томони ўз моҳиятига кўра бир хил. Ҳар иккала ҳолатда ҳам жабрланувчига оғир тан жароҳатлари етказилиб, бир хил оқибат – жабрланувчининг ўлими келиб чиқади. Мазкур жиноятлар қоида тариқасида бир хил усулда ва бир хил қуролдан фойдаланган ҳолда содир этилади. Айрим ҳолларда қилмиш субъектив томонининг мотиви (рашк, безорилик ниятлари, ўч олиш ва б.) ҳам бир хил бўлиши мумкин.

Шунингдек, худди қасддан одам ўлдириш каби айбдор ҳаракатдарини ЖК 104-моддаси 3-қисми “д” банди билан

квалификация қилиш учун етказилган оғир тан жароҳати ҳамда келиб чиққан ўлим ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш лозим.

Мазкур жиноятларни бир-биридан ажратувчи асосий омил бу жабрланувчининг ўлими юзага келган вақт эмас, балки айбдорнинг келиб чиққан оқибатга бўлган рухий муносабати ҳисобланади.

ЖК 104-моддаси 3-қисми “д” бандидаги жиноятларнинг субъектив томони ўзига хослиги билан ажралиб туради ва етказилган оғир тан жароҳати билан юзага келган оқибатда айбдорнинг айбини алоҳида аниқлашни талаб этади, яъни бундай ҳолатда айбнинг мураккаб шакли вужудга келади. ЖК 104-моддаси 3-қисми “д” бандидаги жиноят мураккаб таркибли ҳисобланади. Унда бир жиноят таркибида 2 та қилмиш намоён бўлади – қасддан оғир тан жароҳати етказиш ва қасддан одам ўлдириш. Шу муносабат билан агар айбдор ҳаракатларида оғир тан жароҳати етказилишига тўғри ёки эгри қасд ва жабрланувчининг ўлимига шнисбатан эса айбнинг эҳтиётсизлик шакли мавжуд бўлса, унинг ҳаракатлари ЖК 104-моддаси 3-қисми “д” банди бўйича жабрланувчининг ўлимига олиб келган оғир тан жароҳати етказиш сифатида баҳоланиши лозим.

Шуни яна бир маротаба таъкидлаш лозимки, жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган оғир тан жароҳати

етказиш билан қасддан одама ўлдириш жиноятларининг таркибидаги фарқ айбдор қасдининг мазмуни ва унинг нимага қаратилганлигида намоён бўлади.

Агар айбдорнинг қасди жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилишга қаратилган ёки бундай оқибат келиб чиқиши унинг қасди билан қамраб олинган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг одам ўлдириш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан квалификация қилинади.

Айбдорнинг қасди таркиби масаласини ҳал қилишда судлар барча ҳолатлар бирикмасидан келиб чиқиб, хусусан жиноятнинг усуллари ва қуроллари, тан жароҳатларининг даражаси, характери ва уларни бартараф этиш мумкинлиги, масалан, ҳаётий муҳим аъзоларга етказилганлиги, жиноий ҳаракатларнинг тўхтатилиш сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг олдинги ҳаракатлари, жиноят содир этилиши олдидан улар ўртасидаги муносабатларни инобатга олиши лозим.

Судлар баданга қасддан етказилган ва жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлган оғир шикастни эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришдан фарқлашлари лозим. Бунда шунинг эътиборга олиш лозимки, эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришда айбдорда жабрланувчи баданига оғир шикаст етказишга нисбатан ҳам, уни ўлдириб қўйишга нисбатан ҳам қасд бўлмаслиги тақозо этилса, жабрланувчи баданига унинг

ўлишига сабаб бўлган оғир шикаст етказилганда эса, шахсинг қасди жабрланувчига шундай шикаст етказишга қаратилган бўлади.”

“Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорига мувофиқ “ЖК 104-моддаси иккинчи ёки учинчи қисмлари, 105-моддаси иккинчи қисмининг икки ва ундан ортиқ бандларида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлган ҳолда баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказиш ушбу бандларнинг барчаси билан квалификация қилинади. Бундай ҳолларда жазо бир неча квалификация белгиси мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолда тайинланиши лозим.

Айбдорнинг ҳаракатларида ЖК 104-моддасининг ҳам иккинчи, ҳам учинчи қисмларида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлган ҳолларда, барча қилмиш ЖК 104-моддасининг учинчи қисми бўйича квалификация қилиниши лозим бўлиб, бироқ шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш тўғрисидаги қарорда ва ҳукмда барча квалификация белгилари кўрсатилиши шарт.”

Айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 104-моддаси 1-қисмидаги бир неча белгилар бўйича квалификация қилишда қасддан баданга оғир шикаст етказиш (худди қасддан одам ўлдириш сингари) квалификация белгилари сифатида ЖК 104-моддаси

2-қисмининг 2 ёки ундан ортиқ банди билан бир-бири билан боғлиқ мотив ва мақсадларни (масалан, таъмагирлик ва безорилик ниятлари) назарда тутган.

Кўриб чиқиладиган жиноят турини квалификация қилишда шунингдек, шуни эътиборга олиш лозимки, “агар айбдор қўллаган зўрлик жабрланувчини дўппослаш, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишга сабаб бўлса, жабрланувчи баданига оғир шикаст (ёки жабрланувчининг ўлими) айбдорнинг айби билан қамраб олинмаган ҳолатлар бўйича (масалан, зарбадан сўнг йиқилиш натижасида) келиб чиққан бўлса, айбдор оқибатига кўзи етмаган, бироқ кўзи етиши шарт ва мумкин бўлган ёхуд кўзи етса-да, етарли асосларсиз унинг олдини олишни мўлжаллаб қилган ҳаракатлари натижасида келиб чиққан оқибатлар ЖК 111 ёки 102-моддалари билан квалификация қилинади. Бундай пайтда баданга қасдан етказилган шикастлар алоҳида юридик баҳоланиши лозим. Бундай ҳаракатларда жиноий жазога сазовор қилмиш белгилари мавжуд бўлса жавобгарлик жиноятлар мажмуи бўйича келиб чиқади.”

3-§. Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (ЎзР ЖК 105-моддаси)

Мазкур жиноятнинг бевосита объекти баданига ўртача оғир шикаст етказилган шахснинг соғлиғи дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Жиноятнинг объектив томони шахс соғлиғига зарар етказувчи ҳаракат ва ҳаракатсизликда ифодаланади.

Айбдорни жинойий жавобгарликка тортиш учун қилмиш ва жабрланувчи соғлиғига ўртача оғир шикаст етказиш ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш лозим. Бунда жиноят объектив томонининг зарурий белгиси жабрланувчига ўртача оғир шикаст етказилиши ҳисобланади.

Ўртача оғир шикаст оғир шикастдан шуниси билан фарқланадики, уларнинг етказилиши одатда шахс ўлимига олиб келмайди.

Бу мазкур тан жароҳатларининг биринчи асосий белгиси ҳисобланади.

Иккинчидан, ўртача оғир тан жароҳатлари шахс соғлиғига етарли зарар етказиши мумкин, лекин улар оҳир тан жароҳатдари сингари бирон бир аъзодан ажралиш ёки бошқа оқибатларни келтириб чиқармайди.

Ўртача оғир тан жароҳатларининг асосий белгилари қуйидагилар ҳисобланади:

1) етказилаётган пайтда шахс ҳаётига хавфнинг мавжуд эмаслиги.

2) жабрланувчи соғлиғининг узоқ муддатга ёмонлашуви.

3) умумий меҳнат қобилиятининг учдан бирдан кам бўлган қисмининг йўқотилиши.

Соғлиқнинг узоқ муддатга ёмонлашуви деб бевосита етказилган зиён натижасида юзага келган ва 21 кундан кўп аммо 4 ойдан кам бўлган муддат давом этган оқибатлар (касалликлар, аъзолар фаолиятининг бузилиши)га айтилади.

Амалиётда соғлиқнинг ёмонлашуви қанча давом этганлиги меҳнатга қобилиятсизлик варақаси асосида, кўпинча эса жабрланувчининг касалхонада ётиб даволаниши қанча давом этгани ҳақидаги маълумотнома асосида ҳам аниқланади. Аммо бу унчалик тўғри эмас, чунки бу ҳужжатларда баданга етказилган шикаст туфайли соғлиқнинг ёмонлашуви қанча давом этганлиги ҳамиша ҳам тўғри қайд этилмайди. Негаки, касаллик варақаси билан тасдиқланган меҳнатга қобилиятсизликнинг давом этиш муддати ҳамиша ҳам етказилган шикаст билан боғлиқ бўлавермайди ва бошқа ҳолатлар: бир вақтда қўзғалган бошқа касаллик, жабрланувчининг касбий хусусиятлари (ошпаз, қандолатчининг кўлида чақа жойлар борлиги ва ҳоказо) билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аксинча, жабрланувчининг

ўз илтимосига кўра касаллик варақаси барвақт ёпилиб, у тўла соғаймасдан ишга чиқиб кетадиган холлар ҳам бўлиши мумкин. Шу сабабдан соғлиқнинг узок вақт ёмонлашувига олиб келган айбдорнинг қилмиши ЖК 105-моддаси билан квалификация қилинганида, соғлиқнинг ёмонлашув муддати ЎзР ЖПК 173-моддасига мувофиқ суд-тиббиёт экспертизаси хулосаси асосида аниқланмоғи лозим.

Умумий меҳнат қобилиятининг учдан бир қисмидан кам қисмининг йўқотилиши деганда ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқотилиши тушунилади.

Меҳнат қобилиятининг йўқотилган прценти соғлиққа етказилган зиён натижасида келиб чиққан оқибат аниқланганда (масалан, майда суякларнинг синиши, аъзоларнинг чиқиши, қовурғаларнинг синиши, ўртача оғирликдаги мия чайқалиши ва б.) суд-тиббиёт экспертизаси томонидан аниқланади.

ЖК 105-моддасида назарда тутилган жиноят субъектив томондан тўғри ва эгри қасд билан содир этилади. Жиноят мазкур таркибларининг мазмунини очишда енгиллаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш бўйича қоидаларга риоя қилиш лозим.

ЎзР ЖК 105-моддаси 2-қисмида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда баданга ўртача оғир шикаст

етказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Мазкур квалификация белгилари ҳақида тўлиқ маълумотни ЖК 104-моддаси 2 ва 3-қисмининг таҳлилида кўришингиз мумкин.

4-§ **Енгиллаштирувчи ҳолатларда баданга шикаст
етказганлик учун жавобгарлик**

Енгиллаштирувчи ҳолатларда содир этилган баданга шикаст етказишлар жумласига кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 106-моддаси); зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан баданга шикаст етказиш (ЖК 107-моддаси); ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасдан оғир шикаст етказиш (ЖК 108-моддаси) киради.

Мазкур жиноят таркибини очишда енгиллаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш билан боғлиқ қондларга асосланиш лозим.

Олий суд Пленумининг раҳбарий қоидаларига мувофиқ қилмишни баҳолашда яна шуни эътиборга олиш лозимки, “кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида, зарурий мудофаа ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасдан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, ҳатто ЖК 104-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган айбни оғирлаштирувчи белгилар мавжуд бўлган тақдирда ҳам тегишлича ЖК 104, 105-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас. Бундай ҳаракатлар, жумладан, улар эҳтиётсизлик орқасида ўлимга

сабаб бўлган ҳолда ҳам тегишлича ЖК 106, 107, 108-моддалари билан квалификация қилиниши лозим.”

5-§. Қасддан баданга енгил шикаст етказиш (ЎзР ЖК 109-моддаси)

Мазкур жиноятнинг объекти енгил тан жароҳати етказилган шахснинг соғлиғи ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят шахс соғлиғига енгил шикаст етказувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир этилади.

Шахсни жинойий жавобгарликка тортиш учун айбдорнинг қилмиши ва етказилган енгил тан жароҳати ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш лозим.

Жиноят кодекси 109-моддасида:

1) баданга соғлиқнинг қисқа муддатли ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган енгил шикаст етказиш;

2) баданга соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган енгил шикаст етказиш учун жавобгарлик белгиланган.

Соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келган енгил тан жароҳатлари жумласига соғлиқнинг олти кундан

ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашуви киради. Меҳнат қобилиятининг унча узок бўлмаган муддатга йўқотилиши деганда эса умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизгача йўқотилиши тушунилади.

Соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узок бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган енгил тан жароҳатлари жумласига унча кўп бўлмаган, тез ўтиб кетадиган, оқибати оғир бўлмаган олти кундан узок давом этмаган шикастлар киради. Бу шикастлар лат ейиш, тирналиш, шилиниш, унча катта бўлмаган ғурра тарзида бўлиши мумкин.

Қилмишни ЖК 109-моддаси 1-қисми билан квалификация қилишда “баданга қасддан, соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узок бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлмаган даражада енгил шикаст етказганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланганлигини ва мазкур қилмиш учун жиноий жавобгарлик, фақат у шундай қилмиш учун шахсга нисбатан маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб бир йил ичида такроран содир этилган (ЖК 109-моддасининг биринчи қисми) ҳолдагина келиб чиқади.”

Соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашуви деганда соғлиқнинг 6 кундан кўп аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашуви ёки умумий меҳнат қобилиятининг

ўн фоизгача йўқотилиши тушунилади.

Кўриб чиқилаётган жиноятнинг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан характерланади. ЖК 109-моддасидаги жиноятни соғлиқнинг бузилиши ёки меҳнат қобилиятининг йўқотилишидан қатъий назар ўз таркибига енгил тан жароҳатларини қамраб олувчи безорилик (277-модда)дан ажратиш лозим. Бундай ажратиш айбдор қасдининг мазмуни ва нимага қаратилганлиги, у томондан содир этилган ҳаракатларнинг мотиви, мақсади ва шу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Хусусан, 109-моддадаги жиноятнинг мотиви рашк, ўч олиш, ёқтирмаслик ва бошқалар бўлиши мумкин. ЖК 27-моддасидаги жиноятнинг мотиви эса ўзига хос хусусиятларга эга бўлган безорилик ниятлари ҳисобланади.

ЖК 109-моддасини тўғри қўллашда енгил тан жароҳати етказишни уриш, дўппослаш, қийнашдан фарқлашни талаб этади.

«Қоидалар»да баданга етказилган шикастлар (тан жароҳатлари)нинг моҳияти таърифланар экан, унинг асосий белгиси тана аъзолари ва тўқималарнинг анатомик бус-бутунлиги ёки физиологик фаолиятининг бузилиши эканлиги кўрсатиб ўтилади. Улардан фарқли равишда уриш ва дўппослаш кўрсатиб ўтилган оқибатларга сабаб бўлмайди, жисмоний оғриқ етказди холос.

Бирок, агар дўппослаш жабрланувчининг нафақат қисқа муддатли оғриғига, балки соғлиғининг ёмонлашувига сабаб бўлган бўлса, тўқималар анатомик бус-бутунлигининг бузилмаган бўлса ҳам соғлиқнинг бузилиши ҳар қандай аъзо функциясининг бузилганлигидан далолат беради ва қилмиш баданга шикаст етказиш тариқасида квалификация қилинмоғи лозим.

ЖК 109-моддаси 1-қисмида назарда тутилган, дўппослаш, жисмоний оғриқ берувчи, аммо соғлиқнинг ёмонлашувига сабаб бўлмаган бошқа зўрлик ҳаракатларини жисмоний азоб бермайдиган, лекин шахсга маънавий зиён етказадиган ҳаракат – ҳақорат қилиш (ЖК 140-моддаси 1-қисми)дан фарқлаш керак бўлади. Булар жумласига, масалан, шахснинг кадр-қимматини камситадиган, аммо айтарли жисмоний оғриқ бермайдиган шапалоқ уриш, юзга тупуриш, аёл баданига ҳаёсизларча тегавериш, кийимни куч ишлатиб юлиб олиш кабилар киради.

6-§. Қийнаш (ЎзР ЖК 110-моддаси)

Қийнашнинг бевосита объекти жабрланувчининг соғлиғи ёки жисмоний дахлсизлиги ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят муттасил равишда

дўппослашда ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнашда ифодаланади, бунда Жиноят кодекси 104, 105-моддаларида назарда тутилган оқибатлар келиб чиқмаган бўлиши керак.

Қийнашлар – кўп маротаба ёки узоқ вақт давомида оғриқ етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар, чимчилаш, савалаш, тўмтоқ ёки ўткир учли нарсалар билан кўплаб, аммо унча катта бўлмаган шикастлар етказиш, қиздирилган буюмлар билан таъсир кўрсатиш ёки бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлардир. Қийнаш жабрланувчига оғир жисмоний ва руҳий азоб, оғриқ, азият беради.

Шахсни жинойий жавобгарликка тортиш учун айбдор ҳаракатларида ва жабрланувчига етказилган жисмоний ва руҳий азоб ўртасидаги сабабий боғланиш аниқланиши лозим.

Дўппослаш жабрланувчи баданига кўп маротаба зарбалар бериш, уни уриш билан характерланади.

Қийнаш сифатида баҳоланадиган бошқа ҳаракатларга санаб ўтилганлардан ташқари уйқудан, овқатдан, сувдан маҳрум қилиш, совуқ жойда сақлаш, боғлаш, тишлаш ва бошқаларни тушунишимиз лозим.

Қийнашда муттасиллик жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессуал ҳуқуқи каби жиноятни уч карра ва бундан ортиқ марта содир этишдан иборат бўлиб, бу ҳаракатнинг доимийлигидан, такрорийлигидан далолат беради. Шунини

таъкидлаш керакки, муттасиллик шунчаки айти битта жиний қилмиш такрорланишинигина эмас, балки унинг ҳаракатларида муайян умумий режа намоён бўлишини ёки айбдорнинг муайян жинояткорона кўникмалари мустаҳкамланиб боришини кузатиш мумкин бўлган бир қатор ҳаракатларнинг мавжуд бўлишини назарда тутди – унинг бир неча бор такрорланган жинояткорона қилмишлари бир-бири билан ички боғлиқ бўлиши керак.

“Айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 110-моддаси билан квалификация қилиш учун дўппослаш ёки қийнаш хусусиятига эга бўлган бошқа ҳаракатлар қасддан, муттасил, яъни жабрланувчига жисмоний ёки руҳий азоб бериш мақсадида ягона қасд билан қамраб олинган ва камида уч марта содир этилганлиги аниқланиши лозим.”

Бошқача қилиб айтганда қийнашда қийнашни ўзида ифодаловчи дўппослаш ва бошқа ҳаракатлар айбдорнинг ягона қасди билан қамраб олинган ва жабрланувчига муттасил жисмоний ва (ёки) руҳий, психологик азоб бериш мақсадида содир этилган бўлиши лозим. Акс ҳолад жабрланувчига етказилган зарар агар бошқа жиноят таркибини ташкил этмаса, алоҳида модда бўйича квалификация қилинади.

Шу тариқа, қасддан баданга енгил шикаст етказиш, муттасил равишда дўппослаш, бошқа зўравонлик

ҳаракатларини қилиш қийнаш усулининг мавжудлиги таҳлил қилинаётган жиноят объектив томонининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Қийнашни содир этишда айбдор айнан шундай усулни онгли равишда танлайдики, бунда у ўзи хоҳлаган оқибатларга – жабрланувчига жуда қаттиқ оғриқ етказишга ёки уни азоб-уқубатга солишга эришади. Дўппослаш ва шикаст етказишларнинг усули, воситаси муайян доирадан четга чиқмаслиги, уларнинг хусусияти – буларнинг барчаси айбдорнинг нияти ўз қурбонига ўзига хос жисмоний оғриқ етказишга ёки уни азоб-уқубатга солишга қаратилганлигидан далолат беради. Юқоридаги айтилган фикрлар қийнаш муттасил равишда ҳам, бир марталик ҳам содир этилиши мумкин деб хулоса қилиш имконини беради.

Шу тариқа «қийнаш» тушунчаси муттасил дўппослашлар, жабрланувчига қаттиқ қийноқ, жисмоний оғриқ ва азоб берадиган бир неча марталик ёки бир марталик ҳаракатлардан иборатдир. Қийнаш натижасида баданга енгил шикаст етказилиши ёки етказилмаслиги мумкин. Агар бундай шикастлар етказилган бўлса, қилмиш ЖК 110-моддаси билан қамраб олинади ва қўшимча квалификацияни талаб қилмайди. Агар қийнаш натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст

етказилган бўлса, жиноят ЖК 104-моддаси ёки 105-моддасининг тегишли банди билан квалификация қилиниши керак.

Жиноят дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш муттасил равишда содир этилган пайтдан эътиборан тамом бўлган деб топилади.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Қилмишнинг мотиви ва мақсади жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятсиздир.

Ушбу жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлади.

Кўриб чиқиладиган модданинг 2-қисмида:

1) вояга етмаган шахсга нисбатан;

2) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

3) ожиз аҳволдаги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан

содир этилган қийнаш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Айбдорнинг қилмишини ЖК 110-моддаси 2-қисми билан квалификация қилишда айбдор қийнашни содир этишидан олдин аёлнинг ҳомиладорлигини билганлигини аниқлаш зарур. Ҳомиладорлик муддатлари жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас. Ожиз аҳволдаги шахсни қийнаган шахсни жавобгар деб топиш учун айбдор жабрланувчининг ожиз аҳволдалигини аниқ

билган ёки билмаганлигини аниқлаш лозимдир.

Эҳтиётсизлик орқасидан баданга оғир

ёки ўртача оғир шикаст етказиш

(ЖКнинг 111-моддаси)

Объектив томондан жиноят эҳтиётсизлик орқасидан баданга оғир (1-қисми) ёки ўртача оғир (2-қисми) шикаст етказишда ифодаланади.

Субъектив томондан жиноят эҳтиётсизликдан, жинойий ўз-шўйига ишониш ёки бепарволик оқибатида содир этилади.

Айбдор ҳаракатлари қасддан содир этилганда ва бунинг натижасида жабрланувчига ЖК 104-моддаси 1-қисми ёки 105-моддасидаги тан жароҳатлари етказилса, айбдорнинг эса уларга кўзи етмаса лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, унинг ҳаракатлари ЖК 111-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Эҳтиётсизликдан енгил тан жароҳати етказиш жинойий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Эҳтиётсизлик орқасидан икки ёки ундан ортиқ шахс баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш 111-модданинг 3-қисмига асосан жавобгарликни келитириб чиқаради.

Агар эҳтиётсизлик орқасидан баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилса ва бу ЖКнинг тегишли моддаларида берилган махсус қоидаларини бузиш оқибатида юз берган

бўлса, қилмиш тегишли моддалар бўйича квалификация қилинади (масалан, ҳаракат хавфсизлиги қоидалари, меҳнат хавфсизлиги, тоғ-кон, қурилиш ёки ёнғинга хавфли ишларнинг хавфсизлик қоидалари, санитария-эпидемиологик нормативлар ва б.)

Жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган эҳтиётсизлик орқасида баданга шикаст етказиш ЖК 102-моддасига асосан квалификация қилинади. Шу билан бирга бир шахсга эҳтиётсизлик орқасида ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш ва шу вақтнинг ўзида эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш ЖК 102 ва 111-моддалари бўйича жиноятлар жами тариқасида жавобгарликни келтириб чиқаради.

“Соғлиққа қарши жиноятлар”

мавзуси бўйича саволлар.

1. Тан жароҳатларининг белгиларини санаб ўтинг.
2. Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини аниқлаш мезонлари қайсилар ҳисобланади?
3. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш тушунчасига таъриф беринг.
4. Баданга оғир шикаст етказишнинг ҳар бир бир белгиларини санаб ўтинг. Мазкур қилмишнинг оғирлаштирувчи ҳолатлари қайсилар ҳисобланади?

5. Ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлнинг баданига оғир шикаст етказишни квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятларига нималар киради?

6. Жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказишнинг қасддан одам ўлдириш ва эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришдан фарқи нимада?

7. Баданга ўртача оғир шикаст етказишнинг белгиларини санаб ўтинг.

8. Баданга оғир шикаст етказиш ва баданга ўртача оғир шикаст етказишнинг оғирлаштирувчи ҳолатлари учун жавобгарлик ўртасидаги умумий ўхшаш томонлари ва фарқлари нимада намоён бўлади?

9. Енгиллаштирувчи ҳолатларда тан жароҳатлари етказганлик учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари нимада намоён бўлади?

10. Қасддан баданга енгил шикаст етказишнинг турларини санаб ўтинг.

11. Енгил тан жароҳатларини квалификация қилиш белгиларининг оғир ёки ўртача оғир тан жароҳатларини квалификация қилиш белгиларидан фарқи борми?

12. Қийнашнинг асосий белгилари нималарда намоён бўлади?

13. Қийнашнинг такроран содир этилган баданга оғир ёки ўртача оғир тан жароҳатлари етказишдан фарқи нимада

намоён бўлади?

14. Айбдор ҳаракатларини ЖК 111-моддаси (Эҳтиётсизлик орқасида баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш) билан квалификация қилишнинг ўзига хос жиҳатлари нималарда намоён бўлади?

III боб. ҲАЁТ ЁКИ СОҒЛИҚ УЧУН ХАВФЛИ ЖИНОЯТЛАР

Ушбу бобдаги моддалар мазмуни билан танишиш шундай хулоса чиқариш имконини берадики, уларнинг барчасида ҳаёт ёки соғлиқ учун чинакам хавф туғдирувчи, содир этилганидан кейин зарар юз беришининг олдини олиш айбдорнинг ўзига боғлиқ бўлмаган қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилади.

1-§. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш (ЎзР ЖК 112-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти шахснинг ҳаёти ва соғлиғи дахлсизлигини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Объектив томондан ЖК 112-моддасида назарда тутилган жиноят ўлдириш ёки зўрлик ишлатишда ифодаланади. Кўриб чиқилаётган жиноятнинг объектив томонининг зарурий белгилари қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) кўрқитишни айтиш.
- 2) кўрқитишни амалга оширишдан хавфсираш учун асос бўлувчи муайян ҳолатларнинг мавжудлиги (кўрқитишнинг реал амалга оширилиши).

3) жабрланувчида қўрқитиш амалга оширилганда унинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказилиши мумкинлигидан хавфсирашнинг пайдо бўлиши (қўрқитишнинг ҳақиқийлиги).

Қўрқитишни айтиш – бу қўрқитишни жабрланувчига етказиш, яъни жабрланувчининг ҳаракатларини қўрқитаётган шахс манфаати йўлида ўзгартириш ёки ўч олиш мақсадида жабрланувчига руҳий таъсир кўрсатишнинг алоҳида шакли ҳисобланади.

Қўрқитиш деганда объектив ҳақиқатнинг шахсан жабрланувчига ёки 3-шахслар орқали (оғзаки, ёзма тарзда, куроолни кўрсатиш орқали, ва б.) жабрланувчига нисбатан ҳуқуққа хилоф ҳаракатларини содир этиш мақсади борлигини етказиш тушунилади.

Ўлдириш билан қўрқитиш деганда бошқа кишини ўлдириш нияти борлиги ҳақида хабардор қилишни тушунмоқ лозим.

ЖК 112-моддаси 1-қисмида назарда тутилган қўрқитишнинг иккинчи тури – зўрлик ишлатиш билан қўрқитишдир.

Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда, айбдорда жабрланувчининг соғлиғига шикаст етказиш нияти борлиги тушунилмоғи лозим. Модда матнида қандай зўрлик ишлатиш ҳақида гап бораётганлиги айтилмаган.

Шу сабабдан ЖК 112-моддасида ҳар қандай зўрлик

ишлатиш учун жавобгарлик белгиланган, деб ўйлаш лозим бўлади.

Қўрқитиш жисмоний ёки рухий зўрлик ишлатишдан иборат бўлиши мумкин.

Жисмоний зўрлик ишлатиш одам организмига унинг раъйига хилоф равишда ташқи муҳит омиллари билан ғайриқонуний таъсир кўрсатишдир.

Жисмоний зўрлик жумласига баданга ҳар қандай даражадаги: оғир, ўртача оғир ёки енгил шикаст етказиш киради. Аммо, умуман олганда, зўрлик билан қўрқитиш жисмоний дахлсизликка ҳар қандай зўравонлик тажовузини содир этиш юзасидан билдирилган ниятни ҳам қамраб олади, чунончи, дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш билан қўрқитишни қамраб олади (ЖК 110-моддаси).

Қўрқитиш мустақил жиноят сифатида бир қатор шартларга жавоб бериши керак: биринчидан, у ҳақиқатан мавжуд бўлиши керак, яъни умуман олганда яқин вақт ичида амалга оширилиши мумкин бўладиган бўлиши лозим.

Қўрқитишнинг ҳақиқатдан амалга оширилиши мумкинлиги барча иш ҳолатларини таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали аниқланади: айбдор шахси (ҳаёт ёки соғлиққа қарши жиноятлар учун судланганлик ҳолатининг мавжудлиги); жабрланувчи билан улар ўртасидаги муносабат; қўрқитишни

етказишнинг жойи, вақти, ҳолатлари ва усуллари; айбдорда жабрланувчини ўлдириши ёки унинг соғлиғига зиён етказиши воситаси бўлиши мумкин бўлган қуролнинг мавжудлиги.

Амалга оширилиши мумкин бўлмаган ёки рўёбга чиқарилиши фараз қилинган ҳолатлар юз беришини тақозо этадиган қўрқитишни ҳақиқий деб топиш мумкин эмас. Масалан, одамни унинг бориш ниятида бўлмаган у ёки бу шаҳарда, қишлоқда пайдо бўлса ўлдириш билан қўрқитиш. Шунингдек, ҳали умуман турмушга чиқиш ниятида бўлмаган аёлни бўлғуси эрини ўлдириш билан қўрқитиш ҳам реал эмас.

Қўрқитиш аниқ бўлиши керак, яъни жабрланувчига муайян зарар етказиш ниятини ўзида қамраган бўлиши керак. Бунда қўрқитишнинг аниқлиги даражаси турлича бўлиши мумкин: абдор жабрланувчини ўлдириш ёки унинг соғлиғига зиён етказишнинг усули, қуроли ҳақида айтмаслиги мумкин, лекин жабрланувчида кучли қўрқув ҳосил қилиш мақсадида айдбор унга ўлдиришни қандай усул ва қуроллардан фойдалаиб амалга ошириши, бўлажак қийноқлар, азоблар ва бошқалар ҳақида маълумот бериши мумкин.

«Овозингни ўчир, акс ҳолда ёмон бўлади», «афсусланасан», «кўрадиганингни кўрасан» сингари ноаниқ тусдаги қўрқитишлар жавобгарликни келтириб

чиқариши мумкин эмас, чунки улар аниқ бир зарар етказиш ниятини ўз ичига олмайди. Албатта, бу айбдор жабрланувчига қандай зарар етказмоқчи бўлганини, яъни кўзни ўйиб олиш, юзини дабдала қилиш, бичиб қўйиш каби шикаст етказмоқчилигини мутлақо аниқ айтиши кераклигини билдирмайди. Одатда, қўрқитиш унчалик аниқ маълумотларни ўз ичига олмайди. Аммо, нима бўлганда ҳам, агар сўз ўлдириш билан қўрқитиш ҳақида бораётган бўлса, одамни ўлдиришга бўлган муайян ният ифодаланган бўлиши керак.

Жиноий жазога лойиқ қўрқитиш аниқ бир шахсга қаратилган бўлиши лозим. «Хаммангни сўяман», «хаммангни ўлдираман» каби умумий тусдаги, бирон-бир кишига аниқ қаратилмаган қўрқитишлар шахсни ЖК 112-моддаси билан жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

Қўрқитишнинг зарурий белгиси унинг ҳақиқийлигидир.

ЖК 112-моддаси матнида қўрқитишнинг ҳақиқийлиги унинг амалга оширилишидан хавфсираш учун асослар мавжуд бўлиши тариқасида очиб берилади. Жабрланувчига амалга оширилишидан хавфсираш учун асослар берадиган сифатларга эга бўлган қўрқитиш ҳақиқий деб топилмоғи лозим. Жабрланувчида

қўрқитишнинг амалга оширилишидан хавфсираш учун асослар бўлган ёки йўқмиди деган масалани ҳал қилишда айбдор айтган сўзларнинг мазмунини, қўрқитишга сабаб бўлган можаронинг жиддийлигини, кескинлигини, қўрқитувчи ва қўрқитилувчи ўртасида вужудга келган муносабатлар хусусиятини ҳисобга олиш керак бўлади. Қўрқитишнинг жабрланувчи томонидан идрок этилишига вазият ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, ҳеч кимдан ёрдам олиш мумкин бўлмаган хилват жойда, субъектнинг ҳаракатлари натижасида атрофдагиларнинг очик-ойдин уни қўллаб-қувватлаши ва бошқа шу сингари ҳолатларда бўлиши мумкин.

Қўрқитиш, яъни таҳдид қилиш усуллари ҳар хил бўлиши мумкин. Кўпинча у кимга қаратилган бўлса, бевосита ўшанга оғзаки айтилади. Лекин у ёзма равишда (хат орқали), телефон, телеграф орқали, қуролни ёки унинг ўрнини босувчи нарсани кўрсатиш йўли билан, рамзий белгилар орқали, бирон-бир нарсани унга ўқталиб, баданига пичоқ тираб билдириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлда қабул қилинган «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 16-сон қарорида: «Содир этилган жиноятнинг жамият учун хавфлилигини баҳолашда муайян жинойий хатти-ҳаракатни содир

этишдаги барча ҳолатлар (айб шакли, жиноятни содир этиш усули, сабаби, вазияти ва босқичи, келиб чиққан оқибатнинг оғирлиги, жиноят иштирокчиларидан ҳар бирининг иштироки даражаси ва хусусияти ва ҳоказо) мажмуига асосланмоқ керак. Судланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар, улар жазонинг тури ва миқдорини белгилашда муҳим аҳамиятга эгаллиги туфайли, ҳар томонлама ва тўла текширилмоғи лозим»деб тушунтириш берилган.

Айбдор қўрқитиш мазмуни (моҳияти) жабрланувчига маълум бўлиши учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма нарсани қилган пайтидан эътиборан, қўрқитиш тамом бўлган жиноят деб топилиши лозим.

Субъектив томондан ўлдириш ёки куч ишлатиш билан қўрқитиш қасдан содир этилади. Айбдорнинг қўрқитаётганини, унинг мазмуини ва таҳдиди жабрланувчига маълум бўлажagini ва унинг томонидан ҳақиқий деб идрок этилишини англаган бўлиши керак. Айбдорнинг таҳдидини амалга ошириш ниятида бўлганлиги ёки жабрланувчини фақат чўчитмоқчи бўлганлиги – жиноят таркиби мавжуд бўлиш учун аҳамияти йўқ. Бу жиноятнинг мотивлари ҳар хил бўлиши мумкин. Булар тамагирлик, ўч олиш, ғазаб, жабрланувчининг муайян ҳаракатларни содир этишига

эришиш истаги, шахсан хуш кўрмаслик кабилардан иборат бўлиши мумкин. Гарчи мотив жиноят таркиби доирасидан четда турса ва жиноятнинг квалификациясига таъсир кўрсатмаса ҳам, улар қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига таъсир қилади ва бинобарин, жазо тайинлашда ҳисобга олиниши керак.

Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишнинг мақсадларини аниқлаш жуда муҳимдир. Айнан мақсадига кўра бу жиноятни бошқа ўхшаш ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлардан ажратиш мумкин бўлади. Масалан, жабрланувчини жиноятчига мулкни топшириш, мулкий манфаатлар беришга мажбур қилиш мақсадида қўрқитиш, товламачиликдан (ЖК 165-моддаси), ўзганинг мулкни талон-торож қилиш учун зўрлик ишлатиш билан қўрқитишдан фойдаланиш – мураккаб талончиликдан (ЖК 166-модда 2-қисми), аёл билан жинсий алоқа қилиш учун зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш эса номусга тегишдан (ЖК 118-моддаси) иборат бўлади.

Қўрқитиш жиноятининг субъекти жиноят содир этилганга қадар 16 ёшга тўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин.

ЖК 112-моддаси 2-қисмида ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ аъзоси ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

ЖК 112-моддаси 3-қисми ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг қариндошларига нисбатан содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Юқорида берилган квалификация белгилари жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдиришнинг таҳлилида кўриб чиқилган эди.

2-§. Таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатиш (ЎзР ЖК 113-моддаси)

Мазкур моддада 3 мустақил қилмиш учун жавобгарлик белгиланган:

1) била туриб шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш (1-қисм);

2) била туриб шахсга таносил касаллигини юқтириш; (2-қисм)

3) била туриб шахсни ОИТС касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ёки юқтириш. (4-қисм)

Жиноятнинг бевосита объекти шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Объектив томондан **ЖК 113-моддаси 1-қисмида назарда**

тутилган ҳаракатларда, яъни била туриб бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдиришда, яъни ўзида таносил касаллиги борлигини ёки касалликнинг манбаларини билган шахснинг мазкур касалликни жабрланувчига юқтириш реал хавфини вужудга келтирувчи ҳаракатларни содир этишида ифодаланади.

Била туриб деганда айбдорнинг ўзида таносил касаллиги борлигини ёки касалликнинг бошқа манбаларини билгани ҳолда жабрланувчини касалликни юқтириш хавфи остида қолдириши тушунилади.

Таносил касалликлари – захм, сўзак, перелой, триппер, юмшоқ шанкр, мояклар (жинсий) лимфогранулематози кабилардир. Таносил касаллигининг хусусияти, уни даволаш мумкинлиги ёки касаллик туфайли юз берган оқибатлар жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

Била туриб шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ўзида таносил касаллиги борлигини билган шахс томонидан жабрланувчининг шундай касалликка чалиниши мумкин бўлган турли ҳаракатлар содир этишидан иборат бўлади. Юқтириш хавфи остида қолдириш айбдор томонидан жабрланувчига тегишли шароитларда касалликни юқтириш мумкин

бўлган шундай ҳаракатлар содир этилишини назарда тутадикки, бунда касаллик фақат тасодифий ҳолатлар ёки жабрланувчи ўзига юқтирмаслик учун кўрган чоралар туфайлигина юқмаслиги мумкин.

Бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш усуллари ҳар хил. Лекин улар жиноятнинг квалификациясига таъсир кўрсатмайди.

ЖК 113-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят жабрланувчи касалликни юқтириш хавфи остида қолдирилган пайдан эътиборан белгиланган оқибатлар юз берганлигидан қатъий назар тамом бўлган деб топилади. Масалан, сифилис касали билан касалланган шахс жинсий алоқага киришса, стоматологнинг олдинги бемори таносил касаллиги билан касалланганлигини била туриб беморни даволашда стерилланмаган асбоболардан фойдаланса ва бошқалар.

Кўриб чиқиладиган субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Чунки айбдор ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб унинг жабрланувчига юқиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этади ва бундай оқибатлар келиб чиқишини хоҳлайди ва бунга йўл қўяди. Жиноят мотиви ҳеч қандай асоссиз шахснинг ўзи таносил касаллиги билан касаллангани учун қасд олиши бўлиши мумкин.

ЖК 113-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган, таносил касаллиги билан касалланганидан қатъий назар ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

ЖК 113-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони ўзида таносил касаллиги борлигини билган шахс бу касалини бошқа шахсга юқтиришида ифодаланади.

Агар жабрланувчига таносил касаллиги юқтирилган бўлса, шахс ЖК 113-моддаси 2-қисми билан жавобгарликка тортилади, агар бундай оқибатлар юз бермаган бўлса, айбдорнинг қилмишини ЖК 113-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиш зарур бўлади.

ЖК 113-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят жабрланувчига таносил касаллиги юқтирилган пайтдан тамом бўлган деб ҳисобланади. Бироқ, барча ҳолларда ҳам таносил касаллигига чалинган беморнинг ҳаракатлари билан жабрланувчига касаллик юқтирилиши ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш зарур. Агар бундай боғланиш бўлмаса, айбдорнинг қилмиши ЖК 113-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

ЖК 113-моддаси жиноят тўғри ёки эгри қасд билан содир этилади. Чунки айбдор ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб унинг жабрланувчига юқиши мумкин бўлган

ҳаракатларни содир этади ва бундай оқибатлар келиб чиқишини хоҳлайди ва бунга йўл қўяди.

Мазкур жиноятнинг субъекти матнда берилганидек, фақатгина ўзида таносил касаллиги борлигини билган шахс ҳисобланади. Бу ҳақда таносил касаллиги билан касалланган шахс тиббий муассаснинг расмий хулосаси, шунингдек, айбдорнинг касаллиги ва унинг юқиши мумкинлиги тўғрисида билши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар асосида билиб олиши мумкин.

Айбдор ўзига таносил касаллиги юққанлигини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган ҳолларда у ЖК 113-моддаси билан жавобгарликка тортилмайди.

Масалан, шифокор анализни текшириб, таносил касаллигига чалинганлиги тахмин қилинган беморга унинг соғломлигини айтади ва «бемор» соғломлигига ишониб, жинсий алоқа қилади ва натижада касалини жабрланувчига юқтиради. Бундай ҳолда ҳам ЖК 113-моддасида белгиланган жавобгарлик вужудга келмайди.

ЖК 113-моддаси 3-қисмида:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсни;

б) вояга етмаган шахсни била туриб таносил касаллигини юқтириш хавф остида қолдирганлик ёки уларга касалликни юқтирганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Агар аввал содир этилган таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдирганлик ёки юқтирганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетмаган бўлса, айбдор икки ёки ундан ортиқ шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдирган ёки уларга юқтирган бўлса, бундай ҳолда қилмиш ЖК 113-моддаси 3-қисми «а» банди билан квалификация қилиниши лозим. Бошқа ҳолларда жиноятни юқоридаги белгиларга кўра квалификация қилиш учун биринчи марта таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдирганлик ёки юқтирганлик билан кейинги содир этилган қилмиш оралиғида қанча вақт ўтганлигининг аҳамияти йўқ.

Жабрланувчи 18 ёшга тўлмаган ҳоллардагина айбдорнинг ҳаракатлари: вояга етмаган шахсни била туриб таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириши ёки унга бу касални юқтириши ЖК 133-моддаси 3-қисми «б» банди билан квалификация қилиниши керак.

Субъектив томондан ЖК 113-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноят тўғри ёки эгри қасд билан содир этилади.

ЖК 113-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳисобланади.

ЖК 113-моддаси 4-қисми бўйича шахсга ОИТС

касаллигини юқтириш хавфи остида қолдирганлик ёки юқтиранлик жавобгарлик назарда тутилган.

ОИТС – организмда иммунитет танқислиги синдроми.

Жиноят у ёки бу сабаблар туфайли ОИТС касаллиги юқмаган бўлса ҳам шахсни ОИТС касаллигини юқтириш хавфи остида қолдирган ёки юқтиран пайдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Масалан, наркоман шприц ОИТС билан касалланган шахс томонидан фойдаланилганлигини била туриб уни бошқа шахсга ишлатса; ўзида ОИТС касаллиги борлигини билган она чақалоғини эмизса ва бошқалар. Кўриниб турибдики, жиноий оқибатларнинг келиб чиққанлиги қилмишни ЖК 113-моддаси 4-қисми билан квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас. Лекин бу ҳолат жазо тайинлашда инобатга олиниши лозим.

ЖК 113-моддаси 4-қисмидаги жиноят субъекти 16 ёшга тўлган, ақли расо ҳамда ОИТС касаллиги билан касаланганидан қатъий назар (жинсий алоқага киришаётган ОИТС билан касалланган шахс, операцияда стерилланмаган асбоблардан фойдаланган ёки қуйиш учун мўлжалланган қонни тегишли равишда текширмаган тиббиёт ходими ва б.).

Шуни таъкидлаш жоизки, жабрланувчининг ўз хоҳиши билан таносил ёки ОИТС касаллигини юқтириш хавфи остида қолиши таносил ёки ОИТС касаллигини юқтириш хавфи остида қолдирган ёки юқтирган ҳамда бу касаллилар

ўзида борлигини билган шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлмайди.

3-§. Жиноий равишда ҳомила тушириш (аборт) (ЎзР ЖК 114-моддаси)

Ҳозирги вақтда республикамиз қонунларида аборт ман этилмайди. Бироқ фақат даволаш муассасаларида ва тиббий монелик бўлмасагина шундай операциянинг амалга оширилишига рухсат этилади.

Ушбу жиноятнинг объекти ҳомиладор аёлнинг (ҳомиланинг эмас) ҳаёти ёки соғлиғидир.

Объектив томондан жиноят шифокор акушер ёки гинеколог томонидан даволаш муассасаларидан ташқари жойларда ёки тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолда сунъий равишда ҳомила туширишда ифодаланади.

Агар сунъий равишда ҳомила тушириш (аборт):

1) даволаш муассасасидан ташқари жойларда амалга оширилган;

2) тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолда амалга оширилган бўлса, жиноий равишда амалга оширилган деб топилади.

Қуйидаги ҳолларда:

а) оғир ёки ўртача оғир кечадиган сўзак, жинсий

аъзоларнинг яллиғланиш жараёнлари, жойлашган жойидан қатъи назар йиринг ўчоқлари, оғир кечадиган юқумли касалликлар ва бошқа шу сингарилар мавжудлигида;

б) хомиланинг 12 ҳафталикдан катта эканлигида;

в) аввалги абортдан кейин 6 ой ўтмасдан аборт қилдириш, шунингдек абортни амалга оширишга доир йўриқномада назарда тутилган бошқа ҳолатларда тиббий нуқтаи назардан аборт мумкин эмас, деб топилишига асос бўлади.

Агар аборт тиббий муассасадан ташқарида амалга оширилган бўлса, тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолатлар борлигидан қатъий назар ноқонуний деб топилади.

Агар аборт уни амалга оширишга ваколоти бўлмаган шахс, яъни тегишли олий тиббий маълумотга эга бўлмаган шахс томонидан амалга оширилса қилмиш ЖК 114-моддаси 2-қисми билан квалификация қилиниши лозим. Бунда тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолатларнинг бор-йўқлиги, аборт амалга оширилган жой (қилмиш тиббий муассасада ёки ундан ташқарида содир этилганлиги) квалификацияга таъсир қилмайди.

Абортни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаганлар жумласига:

1) шифокор акушерлар ёки гинекологлардан ташқари,

барча тоифадаги шифокорлар, яъни олий тиббий маълумотли шахслар;

2) ўрта тиббий маълумотга эга бўлган шахслар (акушеркалар, тиббиёт ҳамширалари ва ҳоказо);

Ҳомилани сунъий равишда тушириш бошланган пайдан эътиборан аборт тамом бўлган жиноят деб топилади. Агар қилмиш ҳомилани туширишга қаратилган бўлса-ю, лекин аборт айбдорнинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилмаган бўлса, у жинойий равишда абортни амалга оширишга суиқасд қилиш сифатида ЎЗР ЖК 25 ва 114-моддалари билан квалификация қилинмоғи лозим.

Абортни амалга ошириш усуллари турли хил бўлиши (масалан, жарроҳлик, механик, токсик, термик, медикаментоз) мумкин ва улар жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмаслиги лозим. Лекин жазо тайинлашда инобатга олиниши мумкин.

Агар ҳомилани тушириш аёл соғлиғига шикаст етказган бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖК 114-моддаси билан эмас, балки қасдан баданга оғир шикаст етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖК 104-моддаси билан квалификация қилинади. Агар ҳомила аёлнинг розилигисиз туширилган бўлса ҳам қилмиш худди шундай квалификация қилинади.

ЖК 114-моддаси 1- ва 2-қисмида назарда тутилган жиноят субъектив томондан фақат тўғри қасд билан содир этилади. Жиноят мотиви таъмагирлик ниятлари, режалаштирилмаган боладан қутулишни хоҳлаган аёлга нисбатан ачиниш ҳисси ва бошқалар бўлиши мумкин. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишда инobatга олинмайди.

ЖК 114-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жинoий равишда ҳoмила туширишнинг субъекти шифокор-акушер ёки гинеколог, 114-моддаси 2-қисми субъекти эса 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Агар абoртни амалга оширган шахс oхирги зарурат ҳолатида ҳаракат қилган бўлса (масалан, ҳoмиладoр аёлнинг ҳаёти хавф oстида қолган тақдирда, даволаш муассасасидан ташқари жойда ёки тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолда ҳoмила туширилганда), жинoий равишда ҳoмилани туширганлик учун жавобгарлик вужудга келмайди.

Ҳoмиласини ўзи туширган ёки жинoий равишда ҳoмиласи туширилган аёл ЎЗР ЖК 114-моддаси билан жинoий жавобгарликка тортилмаслиги лoзим.

Агар ҳoмилани тушириш:

а) жабрланувчининг ўлимига; б) бошқа oғир oқибатларга сабаб бўлган бўлса, жинoий равишда

ҳомилани туширишда айбдор ҳаракатлари ЎзР ЖК 114-моддаси 3-қисми билан квалификация қилинмоғи лозим.

Жиноий равишда ҳомилани туширишдаги бошқа оғир оқибатлар жумласига: жабрланувчи саломатлигининг йўқолиши, унинг баданига оғир шикаст етиши (масалан, бола туғиш қобилиятини йўқотиш, бачадонни кесиб ташлаш), руҳий фаолиятнинг бузилиши кабилар киради.

Айбдорнинг қилмишини ЖК 114-моддаси 3-қисми билан квалификация қилиш учун содир этилган жиноий равишдаги аборт ва жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатларнинг юз бериши ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш лозим. Жиноят субъектининг ана шу оқибатларга нисбатан айби эҳтиётсизликда ифодаланади.

Агар жиноий равишдаги абортни содир этишда айбдор бўлган шахснинг жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар юз беришига нисбатан эгри ёки тўғри қасди бўлса, бундай ҳолларда унинг қилмиши жиноятлар жами бўйича жиноий равишда ҳомила тушириш ва қасддан одам ўлдириш ёки қасддан баданга оғир шикаст етказиш деб квалификация қилинади.

4-§. Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш

(ЎзР ЖК 115-моддаси)

Мазкур жиноятнинг бевосита объекти ҳомиладор аёлнинг ҳаёти ёки соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш, яъни ҳомиладор аёлнинг ҳомиласини тушириш мақсадида унга жисмоний, рухий ёки бошқача усулда таъсир кўрсатиш (масалан, никоҳ муносабатларини тугатиш билан кўрқитиш моддий таъминотдан маҳрум қилиш билан кўрқитиш ва б.) натижасида ҳомиланинг сунъий туширилишида намоён бўлади.

Аёлни ўз ҳомиласини туширишга мажбурлаш деганда ҳомиладор аёлга унинг ҳомиласини тушириш мақсадида унинг аҳволга солиб қўйиш (моддий таъминотдан маҳрум қилиш тўғрисида ваъда бериш, уйдан ҳайдаш ва б.) ёки ҳуқуққа хилоф таъсир кўрсатиш (жисмоний ёки рухий зўрлик ишлатиш) тушунилади.

Жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида жисмоний зўрлик ишлатиш, дўппослаш, қийнаш, боғлаш, тиббий муассасага мажбурий келтириш, енгил тан жароҳати етказиш, зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилишда намоён бўлади.

Жабрланувчига уни абортни амалга оширишга мажбурлаш усули сифатида ўртача оғир ёк оғир тан жароҳати етказиладиган бўлса, қилмишни ЖК 115-моддаси (агар ҳомила туширилган бўлса) ва тегишли равишда ЖК 104 ёки 105-моддалари билан жиноятлар бўйича квалификация қилиш лозим.

Рухий зўрлик ишлатиш агар айбдорда бкнга ҳақиқий имконият мавжуд бўлса ва жабрланувчида ундан хавфсираш учун асослар мавжуд бўлса жисмоний зўрлик ишлатиш хавфини келтириб чиқаради.

Фақат жиной бўлмаган абортни содир этишга мажбурлаш ЎзР ЖК 115-моддасига кўра квалификация қилинади.

Айбдор аёлни жиной абортни содир этишга мажбурлаётганини англаган ҳолларда, унинг қилмишини жиной равишдаги абортни содир этишга далолат қилиш тариқасида ЖК 28-114-моддалари билан квалификация қилиш керак бўлади.

Жиноят ҳомила сунъий равишда туширилган пайтдан эътиборан тамом бўлган деб топилади.

Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятнинг мотив ва мақсади жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

Ушбу жиноят субъекти аёлни ҳомиласини сунъий

равишда туширишга мажбур қилган 16 ёшга тўлган ақли расо шахс, шунингдек жабрланувчининг ҳомиласи туширилишидан манфаатдор бўлган ҳар қандай бошқа шахслар бўлиши мумкин.

**5-§. Касб юзасидан ўз вазифаларини
лозим даражада бажармаслик
(ЎзР ЖК 116-моддаси)**

ЖК 116-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноятнинг объекти – инсон ҳаёти ёки соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Объектив томондан таҳлил этилаётган жиноят шахсининг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши тufайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлишда ифодаланади.

Касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлик – шахсининг ўз касб мажбуриятлари доирасига кирувчи ҳаракатларни қилиши лозим ва мумкин бўлган ҳоллардаги ҳаракатсизлигидир.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлик деганда шахсининг ўз касб мажбуриятлари доирасидаги ҳаракатларини унинг иши, касби

манфаатлари талаб этганидек бажармаганлиги тушунилади.

Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги нафақат айрим ҳаракатсизлик ёки ҳаракатда, балки узок муддатли фаолиятсизликда ёки лозим даражада бажарилмаган бир қатор ҳаракатларда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Ушбу жиноятнинг субъекти ўзига касби билан боғлиқ муайян вазифалар юкланган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Агар айбдор қонунга ёки махсус қоидаларга мувофиқ беморга ёрдам кўрсатиши шарт бўлса-ю, узрли сабабсиз унга ёрдам кўрсатмаган бўлса, бу баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, бундай ҳолларда айбдорнинг қилмиши ЖК 116-моддаси 2-қисми билан квалификация қилиниши керак.

“Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари фуқароларга тез тиббий ёрдам кўрсатишлари шарт

Тез тиббий ёрдам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартиб асосида соғлиқни сақлаш тизимидаги махсус тез тиббий ёрдам хизмати томонидан кўрсатилади”.

Тиббий ёрдам касалга ҳар қандай вақтда ва ҳар қандай

жойда кўрсатилиши лозим.

Касалга ёрдам кўрсатмаслик уни тиббий муассасага қабул қилишдан бош тортиш, унга тиббий ёрдам кўрсатмаслик (масалан, айбдор ўзида мавжуд бўлган дори дармоналарни касалга бермаслиги, сунъий нафас беришни амалга оширмаслиги, зарурий тиббий даволаш тадбирларини амалга оширмаслиги ва б.)да ифодаланади.

Шифокорлар, акушеркалар, тиббиёт ҳамширалари ва бошқа шу кабилар шундай шахслар жиноят субъекти бўлишлари мумкин.

Махсус қоидаларга биноан, зиммасига беморларга ёрдам кўрсатиш мажбурияти юкланган бошқа шахслар (масалан, милиция, ўт ўчириш, қутқарув хизмати ходимлари ва бошқа шу сингарилар) ҳам жиноятнинг субъекти бўлишлари мумкин.

“Тиббий ёрдамгача бўлган биринчи ёрдамни воқеа жойида милиция ходимлари, ёнғин хавфсизлиги хизмати, авария ҳолатлари, транспорт ташкилотлари, шунингдек, қонунчилик томонидан шундай мажбурият юклатилган бошқа касб вакиллари ходимлари кўрсатишлари лозим”. (“Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-қисми 30-бет).

ЖК 116-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноий жавобгарлик беморга узрли сабабсиз ёрдам кўрсатилмаган

тақдирдагина вужудга келади.

Узрли сабаблар жумласига шифокорнинг ёки беморга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган бошқа шахснинг касаллиги, ёрдам кўрсатишга халақит берувчи объектив тўсиқларнинг мавжудлиги (табiiй офат, охириги зарурат ҳолати, дори-дармонлар йўқлиги ва ҳоказо)ни киритиш керак бўлади.

Суд сабаблар узрли ёки узрли эмаслигини ҳар бир муайян ҳолда ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этади.

Қилмишни ЖК 116-моддаси 1 ёки 2-қисми билан квалификация қилишнинг зарурий шарти ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилганлиги кўринишидаги оқибатниги келиб чиққанлиги ҳисобланади.

Агар касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги билан ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилганлиги кўринишидаги оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлса, шахс ЖК 116-моддаси 1 ёки 2-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Кўриб чиқиладиган жиноят субъектив томондан:

а) эгри қасд билан содир этилиши мумкин, яъни агар шахс ЖК 116-моддаси 1 ёки 2-қисмида назарда тутилган қилмишни содир этаётганлигини билса, жабрланувчига ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилиши мумкинлигига кўзи етса ва бундай оқибатлар келиб чиқишига йўл қўйса.

б) эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин, яъни агар айбдор хавфли оқибатлар келиб чиқишини англаса, асоссиз равишда уларнинг бошқа шахслар томонидан бартараф қилинишига умид қилса ва олдини олишга ҳаракат қилмаса, лекин ўз касби юзасидан ёки унга юклатилган мажбуриятлар туфайли уларнинг олдини олиши лозим ва мумкин бўлса.

Касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги натижасида одам ўлиши тарзидаги оқибатлар юз берган бўлса, айбдор ЖК 116-моддаси 3-қисми билан жавобгарликка тортилади. Бундай ҳолларда айбдорнинг қилмиши ЎзР ЖК 102-моддаси (эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш) билан қўшимча равишда квалификация қилинмайди.

Жиноят натижасида одамлар ўлган ёки бошқача оғир оқибатлар рўй берган бўлса, айбдор ЖК 116-моддаси 4-

қисми билан жавобгарликка тортилади.

Одамлар ўлими – икки ёки бундан ортиқ кишиларнинг ҳалок бўлишидир.

Бошқача оғир оқибатлар – бу икки ёки бундан ортиқ шахснинг баданига оғир шикаст етказиш тарзидаги оқибатларнинг юз беришидир.

6-§. Хавф остида қолдириш (ЎзР ЖК 117-моддаси)

Мазкур жиноятнинг объекти ўзи ҳақида ғамхўрлик қилиш имконияти бўлмаган шахснинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмасликда, башарти, айбдор бундай аҳволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлган ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйиши ва бу ҳол баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келишида ифодаланади.

Жиноят ҳаракатсизлик, яъни ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам бермасликда, уни қутқариш

учун чора-тадбирларни кўрмасликда ифодаланади.

Ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли ҳолат жабрланувчи ҳаёти ёки соғлиғига табиий офат ва бошқа ҳолатлар туфайли инсон организмида юз берадиган физиологик ва патологик жараёнлар (боланинг кичик ёшда эканлиги, қарилик, хасталик, тутқаноқ тутиши ва б.) билан изоҳланади.

Субъектнинг жабрланувчига ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлганлиги (масалан, онанинг бола ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбурияти, хизмат вазифасидан келиб чиқадиган мажбурият, қутқарувчининг мажбурияти, никоҳ ва оила муносабатларидан келиб чиқадиган мажбурият ва ҳоказолар) жиноятни Ўзбекистон Республикаси ЖК 117-моддаси билан квалификация қилишнинг зарур шарти ҳисобланади. Акс ҳолда қилмиш мазкур модда бўйича жавобгарликка тортилмайди.

Ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган шахсларга ғамхўрлик қилиш ва ёрдам бериш қонун билан белгиланган (масалан, онанинг ўз боласига ғамхўрлик қилиши) ёки шартномада мустаҳкамланган (масалан, касалга қаровчи ҳамширанинг касалга қараш бўйича мажбуриятлари), шунингдек, касб юзасидан (масалан, қутқарувчининг, мактабгача таълим муассасалари ходимларининг мажбуриятлари) бўлиши мумкин. Бундай шахсларнинг жавобгарлиги ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли

вазиятнинг келиб чиқишига уларнинг таъсиридан қтбий назар келиб чиқади. Асосийси жабрланувчига ёрдам кўрсатиш уларнинг мажбуриятига кирган ва бунга уларда имконият мавжуд бўлган бўлиши лозим.

Шахс жабрланувчи ҳақида ғамхўрлик қилиши шарт бўлмаган, аммо жабрланувчини ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли аҳволга тушириб қўйган (масалан, сузишни билмайдиган одамни сувга ташлаб юбориш, автотранспорт воситаси билан босиб кетиш натижасида ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли аҳволда қолдириш) ҳолларда ҳам мазкур жиноятнинг таркиби мавжуд бўлади.

Агар айбдор ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган жабрланувчига ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлса унинг ҳаракатлари ЖК 117-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

Айбдорнинг жабрланувчига ёрдам бериш имконияти бўлган, ёрдам бериши шарт бўлган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ЖК 117-моддасида назарда тутилган жиноят баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши тарзидаги оқибат келиб чиққанидан сўнг қилмиш тугалланган деб эътироф этилади.

Хавф остида қолдириш билан мазкур моддада қайд этилган оқибатларнинг келиб чиқиши ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш жиноятни Ўзбекистон

Республикаси ЖК 117-моддаси билан квалификация қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилиши мумкин.

Қуйидагилар:

1) ёрдамсиз қолган одам ҳақида ғамхўрлик қилиши лозим бўлган шахс ёхуд

2) жабрланувчини ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli аҳволга солиб қўйган шахснинг ўзи, агар 16 ёшга тўлган ақли расо бўлса, жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

Жиноят оқибатида ҳаёти хавfli остида қолдирилган одам ўлган бўлса, айбдорнинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 117-моддаси 2-қисми билан квалификация қилинади.

Хавfli аҳволда қолдириш одамлар ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган бўлса, айбдор Ўзбекистон Республикаси ЖК 117-моддаси 3-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Мазкур моддада қайд этилган оқибатларга нисбатан айбдор билвосита ёхуд тўғридан-тўғри ғаразли ният билан алоқадор бўлса, бундай ҳолда унинг қилмиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказганлик ёхуд қасддан одам ўлдирганлик учун жавобгарлик назарда тутилган тегишли моддалар билан квалификация қилиниши зарур.

“Ҳаёт ва соғлиққа қарши жиноятлар”

мавзуси бўйича саволлар

1. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда нима назарда тутилади?

2. Қилмишни ЖК 112-моддаси (Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш) квалификация қилишнинг зарурий белгиси нимада намоён бўлади?

3. Таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатганлик учун жавобгарликнинг асослари ва ўзига хос жиҳатлари нималарда намоён бўлади? Таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатиш хавфи остида қолдириш деганда нимани тушуниш керак?

4. Жиноий аборт тушунчасига таъриф беринг. Мазкур жиноятни квалификация қилишнинг ўзига хос жиҳатлари нималарда намоён бўлади?

5. Жиноий абортда бошқача оғир оқибатлар деганда нима назарда тутилади?

6. Жиноий абортнинг ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлнинг баданига қасддан оғир (ўртача оғир) шикаст етказишдан фарқи нимада?

7. Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш деганда нима назарда тутилади? Мазкур жиноятни квалификация қилишнинг ўзига хос жиҳатлари

нималарда намоён бўлади?

8. Аёлни ўз ҳомиласини жиноий равишда туширишга мажбурлаган шахснинг ҳаракатларини қандай квалификация қилиш лозим?

9. ЖК 116-модда (Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик)даги жиноятни квалификация қилишнинг шартлари нималарда намоён бўлади?

10. Касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик ва лозим даражада бажармаслик деганда нима назарда тутилади?

11. Хавф остида қолдирганлик учун жавобгарликнинг асослари нимада намоён бўлади?

12. Хавф остида қолдиришнинг ЖК 116-моддасида (Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик) назарда тутилган жиноятдан фарқи нимада намоён бўлади?

IV боб. ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

1-§. Номусга тегиш (ЎзР ЖК 118-моддаси)

Ушбу жиноятнинг объекти жабрланувчининг жинсий

эркинлиги, яъни алоҳида олинган ҳар бир ҳолда айрим шахсларга ўзига нисбатан жинсий эҳтиёжнинг қондирилишига рухсат бериш ёки рухсат бермаслик эркинлиги, шунингдек, 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий эркинлиги ҳисобланади. Номусга тегишнинг қўшимча объекти жабрланувчининг ҳаёти ва (ёки соғлиғи) ҳисобланади.

Суд-тергов амалиётини ўрганиш аксарият ҳолларда аёллар жабрланувчи бўлишини, аммо эркаклар ҳам жиноятдан жабр кўрганлиги ҳақида далолат беради.

Жиноятнинг объекти ҳар қандай жабрланувчининг жинсий эркинлиги ҳисобланади. Жабрланувчи аёл (эркак)нинг хоҳиш-иродасига қарши у билан жинсий алоқада бўлиш, жабрланувчи бокира қизми ёки «кўҳна» касб вакили (фоҳиша)ми бундан қатъи назар, зўрлаб номусга тегиш ҳисобланади, чунки қонун ахлоқ-одобидан қатъи назар барчанинг жинсий эркинлигини ҳимоя қилади.

Эр-хотинлардан биронтаси, ҳатто улар расмий никоҳда бўлишса ҳам, номусга тегиш натижасида жабрланувчи бўлиши мумкин, зеро никоҳ эр-хотинни жинсий эркинликдан маҳрум қилмайди.

Жиноятнинг объектив томони зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий

алоқа қилишда ифодаланади.

Номусга тегиш тарзидаги жинсий алоқа қилиш деганда, фақат табиий жинсий алоқани, яъни жинси қарама-қарши бўлган эркак жинсий аъзосининг аёл жинсий аъзосига киритиш йўли билан қовушишни тушуниш лозим. Физиологик нуқтаи назардан нормал нормал жинсий алоқа қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа зўрлик ишлатиш билан боғлиқ ҳаракатлар – бесоқолбозлик, аёлнинг жинсий эҳтиёжини аёл билан зўрлик ишлатиб қондириши ва бошқа ҳаракатлар номусга тегиш ҳисобланмайди ва ЖК 119-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини ташқил қилади.

Номусга тегиш вақтида айбдор қўллаган зўрлик жисмоний ёки руҳий бўлиши мумкин.

Номусга тегиш вақтида жисмоний зўрлик ишлатиш муштлаш, калтаклаш, жисмоний азоб бериш, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш, зўрлаб маълум бир ҳолатда туришга мажбурлаш ва ҳоказо тарзида бўлиши мумкин. Номусга тегиш вақтида жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказилган ҳолларда айбдорнинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 118-моддаси 3-қисми билан квалификация қилинади.

Одатда зўрлик ишлатиш ва қаршилик кўрсатиш бири-бири билан боғлиқ бўлади, қаршилик кучайгани сайин

зўрлик ҳам кучайиб бораверади. Лекин алоҳида олинган ҳар бир ҳолда қаршилик самимий ёки сохта, муғомбирлик ёхуд қичиқ йўсинида бўлганлиги аниқланиши зарур. Башарти жабрланувчи самимий қаршилик кўрсатмаган бўлса, айбдорнинг ҳаракати номусга тегиш таркибини ташкил этмайди.

Номусга тегиш вақтидаги қўрқитиш деганда, жабрланувчига нисбатан ёки унинг иродасини синдириш мақсадида унинг яқин кишиларига нисбатан қўлланиладиган турли хил руҳий таъсир воситаларини тушуниш лозим. Қўрқитиш ва уни амалга ошириш имконияти жабрланувчини шундай аҳволга солиб қўйиши керакки, у айбдорнинг шахвоний интилишларига қаршилик кўрсата олмай қолган бўлиши лозим. Қўрқитиш оғзаки, қўрқинчли имо-ишоралар, қурол ёки жабрланувчининг соғлиғига шикаст етказиши мумкин бўлган жисм билан қўрқитиб, мол-мулкни нобуд қилиш билан қўрқитиш, шарманда қилувчи маълумотларни ошкор этиш билан қўрқитиш ва ҳоказолар тарзида ифодаланиши мумкин.

Қўрқитиш оғзаки тарзда қўрқитувчи имо-ишоралар, жабрланувчи соғлиғига зиён етказиши мумкин бўлган қурол ёки бошқа ашёлар билан қўрқитиш, мулкни нобуд қилиш, жабрланувчини шарманда қилувчи маълумотларни тарқатиш

билан қўрқитиш, шантаж орқали амалга оширилади. Жиноят субъекти олдида бир неча шахслар бўлган тақдирда қўрқитиш жабрланувчининг айбдор билан жинсий алоқа қилишдан бош тортганда бир гуруҳ шахслар томонидан номусга тегишни амалга оширишда ифодаланиши мумкин.

Жабрланувчининг иродасини синдириш усули сифатидаги қўрқитиш ишонарли бўлиши керак. Қўрқитиш ҳам жабрланувчининг манфаатларига нисбатан, ҳам унинг яқин кишилари (болалари, ота-онаси, яқин қариндошлари ва ҳоказо)га нисбатан бўлиши мумкин. Баданга ҳар хил шикаст етказиш билан қўрқитиш учун жавобгарлик ЖК 118-моддаси 1-қисми билан қамраб олинади, шу сабабдан ЖК 112-моддаси билан қўшимча квалификация талаб қилинмайди.

Агар жабрланувчи тажовуз қилувчи билан жинсий алоқага киришмаса, унинг ўзини ўлдириш ёки соғлиғига шикаст етказиш билан қўрқитиш жабрланувчини ноилож аҳволга солиб қўймайди, унинг қаршилик кўрсатиш иродасини тўла фалаж қилмайди, шу муносабат билан бундай ҳолларда номусга тегиш ёки шунга тажовуз учун жавобгарлик бўлмайди.

Қўрқитиш жабрланувчининг эркин ҳаракатларини фалаж қилиш, унинг иродасини синдиришга қодир даражада жиддий бўлганми-йўқми, буни алоҳида олинган

ҳар бир ҳолда суд ҳал қилади.

Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш билан қўрқитиш, жабрланувчи сир сақлашни хоҳлаган уни шарманда қилувчи маълумотларни тарқатиш билан қўрқитиш номусга тегишнинг белгиси сифатида жабрланувчининг қаршилигини бартарф этиш мақсадида амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, номусга тегиш вақтида қўрқитиш ҳақиқий (яъни, фақатгина жабрланувчининг хаёлида бўлмаслиги), тўғридан-тўғри қаратилганлиги (яъни, келажакда эмас, яқин орада амалга оширилиши мумкинлиги) ва етарли даражада жиддий (жабрланувчи иродасини, қаршилигини синдира оладиган) бўлиши лозим.

Лекин айбдор ҳаракатларини ЖК 118-моддаси билан квалификация қилишда унинг қўрқитишда айтганларини амалда қўллаш мақсади бор-йўқлиги инобатга олинмайди.

Жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиш деганда, ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатнинг моҳияти ва аҳамиятини идрок қила олмайдиган ёки идрок этган тақдирда ҳам зўравонга қаршилик кўрсатиш имкониятига эга бўлмаган жабрланувчи билан жинсий алоқада бўлиш тушунилади. Ожизлик ҳолати руҳий ёки жисмоний бўлиши мумкин.

Руҳий ожизлик деганда, жабрланувчининг руҳий

хасталиги, хушсизлиги, ёшлиги натижасида ўзига нисбатан содир этилаётган жинсий алоқанинг аҳамиятини идрок этмаслиги тушунилади.

Ожиз аҳволдаги шахс деганда, шунингдек, айбдорнинг ўз мақсадига эришиш учун қилган ҳаракатлари ва номусга тегиш вақтидаги шароит натижасида жабрланувчида вужудга келган руҳий тушкунлик назарда тутилади. Бундай ҳолатда жабрланувчи айбдор иродасига бўйсунди. Бундай ҳолатни тўғри баҳолаш учун жабрланувчининг номусга тегиш олдидан қилган ҳаракатларининг психиатрия экспертизаси хулосаси талаб қилинади. Шунингдек, суд психиатрия экспертизасини жабрланувчининг у билан содир этган ҳаракатларининг моҳиятини тушунганлигини аниқлаш мақсадида жабрланувчининг руҳий ҳолати бузилганида амалга ошириши мумкин.

Жисмоний ожизлик деганда, шахс айбдорнинг ўзи билан жинсий алоқага киришаётганини тушунса ҳам зўравонга қаршилик кўрсатиш имкониятига эга бўлмаган ҳолати (жисмоний камчилиги, ногиронлиги натижасида, қариб қолганлиги, жисмоний толиққанлиги сабабли ва ҳоказо) тушунилади.

Жабрланувчининг ёшлиги, агар у ўзи билан жинсий алоқа қилишга розилик берган бўлса, унинг ожизлик ҳолатидан фойдаланиб, номусга тегиш, яъни ёшлар билан

жинсий алоқа қилиш деб квалификация қилиш учун асос бўлмайди.

Алоҳида ҳар бир ҳолда жабрланувчининг ўз ёшидан келиб чиқиб, унинг жинсий алоқанинг моҳиятини тушунган ёки тушунмаганлигини аниқлаш зарур. Башарти, кичик ёшдаги бола ўзи билан содир этилаётган жинсий алоқанинг аҳамиятини тушунган ва ўзи жинсий алоқага розилик берган бўлса, айбдорнинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 128-моддаси билан квалификация қилиниши лозим, бунинг учун жабрланувчининг вояга етмаганлигини айбланувчининг олдиндан билганлиги зарурий шарт ҳисобланади.

Ичкилик ёки гиёвандлик воситаси таъсирида маст ҳолда бўлган жабрланувчи билан зўрлик ишлатмай ва кўрқитмай жинсий алоқада бўлиш жинсий алоқани жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб содир этилган, деб эътироф этиш учун асос бўла олмайди.

Ожизлик ҳолати деганда, мастликнинг шундай даражаси тушуниладики, бунда жабрланувчи ўзи билан жинсий алоқага киришилаётганини идрок эта олмайди.

Номусга тегиш тарзидаги қилмишларни квалификация қилишда жабрланувчининг ана шундай (ожиз) ҳолатга тушишига ўзи ёки бошқа бирон киши сабаб бўлганлиги (масалан, айбдорнинг жабрланувчига спиртли ичимликлар

ичирганлиги, гиёҳвандлик воситалари ёки уйқу дориси берганлиги ва б.) ёки жабрланувчининг ўзи айбдорнинг таъсирсиз ожиз аҳволда бўлганлиги аҳамият касб этмайди.

Жинсий алоқа жабрланувчини алдаш йўли билан (масалан, уйланишга, турмушга чиқишга, ишга жойлаштиришга, ўқишга киритишга ваъда бериш, бошқа бирон имтиёз бериш) розилигини олиб содир этилган бўлса, жинсий алоқа қилган шахснинг қилмиши номусга тегиш, деб квалификация қилинмайди.

Номусга тегиш дефлорация ёки эякуляциядан қатъи назар, жинсий алоқа бошланган пайтдан эътиборан тугалланган жиноят деб эътироф этилади. Бевосита жинсий алоқани содир этишга қаратилган, аммо айбдорнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ниҳоясига етказилмаган ҳаракатлар номусга тегишга суиқасд деб топилади ва Ўзбекистон Республикаси ЖК 25-моддаси ҳамда 118-моддасининг тегишли қисми билан (масалан: жабрланувчининг иродасини букиш мақсадида унинг кийимларини ечиш, йиртиш, муштлаш, калтаклаш, азоб бериш ва ҳоказо) квалификация қилиниши керак.

Тажовуз деганда, бевосита жинсий алоқа қилиш мақсадида жисмоний зўрлик ишлатиш, кўрқитиш ёки жабрланувчининг ожизлик ҳолатидан фойдаланишга

уриниш ҳамда айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра номусга тегиш бошланмаганлиги тушунилади.

Буларсиз биронта ҳам шахвоний ҳаракат, жинсий алоқа қилишга уриниш ёки шундай алоқани таклиф этиш номусга тажовуз деб ҳисобланмайди.

Номусга тегишга тайёргарлик кўриш деганда айбдорнинг зўрлик ишлатиб номусга тегиш мақсадида мазкур ҳаракатларни амалга ошириш бўйича бирор шахс билан келиши, режа тузиши, зўрлик ишлатиш ашёларини олиши (арқон, кишан ва б.) хонани таёйрлаши ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш тушунилади.

Жабрланувчига нисбатан унинг шаъни, кадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар содир этилган бўлса-ю, айти вақтда айбланувчининг зўрлик ишлатиб жинсий алоқа қилиш нияти бўлмаган бўлса, бундай шахснинг ҳаракати номусга тажовуз сифатида эмас, шахсга қарши қаратилган жиноят (баданга шикаст етказиш, ҳақоратлаш ва ҳоказо) сифатида квалификация қилиниши керак.

Шахс зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлик ҳолатидан фойдаланиб, у билан жинсий алоқа қилишни истаган, аммо бунинг учун қулай имконият бўлишига қарамай, жинсий алоқа қилмаган ҳолларда, қилмиш номусга тегишдан ихтиёрий равишда бош тортиш деб қаралиши керак.

Шахсинг жинсий алоқа қилиш учун қулай имкониятлар борлигини била туриб, жабрланувчининг жинсий эркинлигига тажовузни ўз хошиш-иродаси билан тўхтатган ёки уни охирига етказмаган ҳоллар ҳам номусга тегишдан ихтиёрий равишда бош тортиш деб топилади.

Номусга тегишдан ихтиёрий равишда бош тортишнинг мотиви айбдорнинг жабрланувчига раҳми келганлиги, унинг номусга тегмаслигини илтимос қилиши бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 26-моддасига мувофиқ, номусга тегишдан ихтиёрий қайтганлик учун шахс жинсий жавобгарликка тортилмайди. Аммо айбдорнинг қилмишида бошқа жиноятнинг аломатлари бўлса, у ана шу жиноят учун жавобгарликка тортилиши керак. Масалан, баданга шикаст етказганлик, ҳақоратлаш, мол-мулкни нобуд қилиш каби номусга тажовуз вақтида содир этилган бошқа қилмишлар учун.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки унинг ожизлигидан фойдаланиб унинг хошиш-иродасига қарши номусига тегаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди. Жиноятнинг содир этилиш мотиви ва кўзланган мақсад квалификация учун аҳамиятга эга эмас. Жиноятнинг мотиви аксарият ҳолларда шахвоний хирс ҳисобланади. Айрим ҳооларда

жиноят мотиви жабрланувчидан ўч олиш, уни шарманда қилиш, атрофдагилар олдида камситиш ва бошқалар бўлиши мумкин. Номусга тегишда, шунингдек, диний таассублар замирида ҳам содир этилиши мумкин. Миллий ёки ирқий адолат мотивининг мавжудлиги жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

Жиноятнинг субъекти ҳар икки жинсдаги, жиноят содир этилган вақтга келиб 14 ёшга тўлган шахс бўлиши мумкин.

ЖК 118-моддаси 2-қисмида жазони оғирлаштирувчи қатор ҳолатлар назарда тутилади:

1) ЖК 118-моддаси 2-қисмининг «а» банди – икки ёки бир нечта шахснинг номусига тегиш.

Шахс зўрлик ишлатиб икки ёки ундан кўп жабрланувчилар билан жинсий алоқа қилса, айбдорнинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 118-моддаси 2-қисми «а» банди билан квалификация қилиниши зарур. Зўравон икки ёки ундан ортиқ шахснинг номусига тегиш ниятида бўлса, аммо унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноий ниятини охирига етказа олмаган ҳолларда унинг қилмиши икки ёки ундан ортиқ шахснинг номусига тажовуз қилишга суиқасд сифатида (ЎзР ЖК 25-моддаси ва 118-моддаси 2-қисми «а» банди) квалификация қилинади.

2) Айбдор хавфли рецидивист ёхуд илгари ЖКнинг 119-

моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган бўлса, у Ўзбекистон Республикаси ЖК 118-моддаси 2-қисми «б» банди билан жавобгарликка тортилади.

Такроран номусга тегиш жиноятини содир этишда айбдор аввалги қилмишини охирига етказмаганидан ва унда бевосита бажарувчи ёки бошқа иштирокчи сифатида қатнашганидан қатъий назар, агар айбдор содир этган қилмишларининг бирортаси учун жавобгарликка тортилмаган ва мазкур қилмишлар учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтмаган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖК 118-моддаси 2-қисми “б” банди билан квалификация қилинади.

Такроран содир этилган номусга тегишни 2 ёки ундан ортиқ шахс томонидан содир этилган номусга тегишдан фарқлаш лозим. 2-ҳолатда айбдорнинг ҳаракатлари ягона қасд билан қамраб олинади, 1-ҳолатда эса айбдорда ҳар бир номусга тегиш олдидан алоҳида қасд вужудга келади. Бу кўриб чиқилаётган ҳолатлар ўртасидаги асосий фарқ ҳисобланади. Шунингдек, шуни алоҳида инобатга олиш лозимки, такроран номусга тегиш 2 ёки ундан ортиқ шахс томонидан номусга тегишдан фарқли равишда айнан бир жабрланувчига нисбатан содир этилиши мумкин.

Жабрланувчи айнан бир шахс ёки бошқа шахслар бўлишидан қатъий назар қилмиш такроран жиноят содир этилган деб топилади.

Аmmo айбдор айнан бир жабрланувчига нисбатан узок бўлмаган вақт оралиғида бир неча жинсий ҳаракатларни содир этган бўлса ва содир этилган номусга тегишнинг иш ҳолатлари айбдорнинг қасди шунга йўналганлигидан далолат берса (давомли жиноят), унинг ҳаракатлари такроран номусга тегиш сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

Агар жиноят хавfli рецидивист ёхуд илгари ЖКнинг 119-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс бўлса, у Ўзбекистон Республикаси ЖК 118-моддаси 2-қисми «б» банди билан жавобгарликка тортилади. Табиийки, мазкур ҳолатда шахснинг аввалги содир этган қилмиши учун қонунда белгиланган тартибда судланганлик олиб ташланмаган ёки муддати ўтиб кетмаган бўлиши лозим.

3) ЖК 118-моддаси 2-қисми «в» бандида бир гуруҳ шахслар томонидан номусга тегиш учун жавобгарлик белгиланган.

Агар жинсий алоқа жиноятнинг барча иштирокчилари томонидан содир этилган бўлса, номусга тегиш бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган деб эътироф этилади, бунда иштирокчиларнинг олдиндан тил бириктирганлиги аҳамиятга эга эмас.

Бир гуруҳ шахслар томонидан номусга тегиш деганда, жиноятни содир этишда икки ёки ундан ортиқ ақли расо,

14 ёшга тўлган жисмоний шахсларнинг иштирок этиши тушунилади. Бунда уларнинг ҳар бири гуруҳнинг бошқа аъзолари билан келишиб ҳаракат қилган ҳамда номусга тегиш жинояти объектив томонининг ҳеч бўлмаганда битта ҳаракатини содир этган бўлиши лозим. Иштирокчилар ўртасида олдиндан тил бириктирилганлиги аҳамиятга эга эмас. Номусга тегишнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши деганда мазкур жиноят субъекти белгиларига мувофиқ келувчи шахслар томонидан жиноятни содир этиши тушунилади. Икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан жабрланувчининг номусига тегишни ташкиллаштирган, лекин жингоят содир этилишида бевосита қатнашмаган бўлса, жиноят содир қилган шахслар эса 14 ёшга тўлмаганлиги учун жиноят субъекти бўла олмаса, шахс ҳаракатлари ЖК 118-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилади. Мазкур ҳолатда номусга тегишнинг ташкилотчиси қўшимча равишда ЖК 127-моддаси 3-қисми билан, яъни вояга етмаган шахсларни жиноят содир этишга жалб қилганлик учун квалификация қилиниши керак.

Агар бир неча айбдор номусга тегиш ҳаракатларини бажаришга олдиндан тил бириктирмаган бўлса, улар омулга тегаётган шахсга объектив жиҳатдан турли хил ёрдам берган

бўлсалар ҳам жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган деб топилмайди. Чунки айбдорлар ҳаракати ўртасида ҳеч қандай субъектив боғлиқлик мавжуд бўлмайди. Турли шахслар томонидан мустақил ҳолда ҳаракат қилиб содир этилган номусга тегиш бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган деб топилиши мумкин эмас.

Номусга тегиш икки ёки ундан ортиқ бажарувчи (иштирокчи) шахс томонидан содир этилганда қилмиш ЖК 118-моддаси 2-қисми “в” банди билан квалификация қилиниши лозим. Номусга тегиш жиноятининг таркиби қонунчилик томонидан шундай тузилганки, фақатгина икки ҳаракатни: номусга тегиш ва зўрлик ишлатиш ёки номусга тегиш ва кўрқитиш ҳаракатларини содир этиш жиноий ҳисобланади. Жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб унинг номусига тегиш бундай ҳолатда истисно ҳолат ҳисобланади. Биринчи икки ҳолатда кўрқитиш ва зўрлик ишлатиш номусга тегишдан олдин содир этилса, (номусга тегиш билан турли вақтларда содир этилса) мазкур ҳолатда эса иккала ҳаракат бир-бирига қўшилиб кетади: яъни ожиз аҳволда бўлган шахснинг номусига тегиш унинг бундай ожизлигидан фойдаланиш ҳисобланади.

Икки субъект томонидан амалга ошириладиган номусга тегиш жинояти объектив томонининг мазкур жиҳатини инобатга олиб, иштирокчилар деб ўз ҳаракатлари билан

жиноят таркиби объектив томонининг белгиларини тўлиқ ёки қисман амалга оширадиган, жабрланувчи эркига қарши номусга тегишни бевосита амалга оширадиган ёки унинг қаршилигини бартараф қилиш ва бу билан бошқа шахснинг жинсий эҳтиёжини қондиришини таъминлаш мақсадида жабрланувчига жисмний зўрлик ишлатадиган ёки уни қўрқитадиган шахслар тушунилади. Бундай ҳолатда улар жиноят объектив томони бажаришда иштирок этадилар ва ёрдам берувчи, яъни гуруҳ иштирокчиси бўладилар.

Жабрланувчи билан жинсий алоқани бевосита содир этган шахсина номусга тегишнинг ижрочиси деб эътироф этилиши зарур. Аммо, номусга тегишнинг иштирокчилари (ташкilotчи, далолатчи, ёрдамчи) бевосита жинсий алоқа қилмаган, лекин бошқа шахсларнинг жабрланувчи билан зўрлик ишлатиб, жинсий алоқа қилишига кўмаклашган (алдаш орқали жабрланувчини жиноят жойига келтирган, жиноят содир этиш учун жой тайёрлаб берган, жабрланувчини ожиз аҳволга солиш учун кўмакалшган ва б.) ҳолларда уларнинг қилмиши бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган номусга тегиш, деб эътироф этилмайди. Бундай ҳолларда ана шу шахсларнинг қилмиши ЖК 28-моддаси орқали 118-модданинг тегишли қисми билан квалификация қилинади.

Агар бундай иштирокчилар номусга тегишни содир

этаётган шахсларга қасддан ёрдам берган бўлишса, улар ЖК 28-моддаси ва 118-моддаси 2-қисми “в” банди билан жавобгарликка тортиладилар.

Қилмишни квалификация қилишда бундай ёндашув шу билан изоҳланадики, ташкилотчилар, далолатчилар ёрдамчилар жиноят объектив томонида белгиланган ҳаракатларни содир этмайдилар ва мазкур ҳолатда бир гуруҳ шахслар деб эътироф этилмайдилар. Бундай ҳолатда бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган номусга тегишни ролларни тақсимлаган ҳолда иштирокчиликда содир этиладиган номусга тегишдан фарқалш лозим.

Номусга тегиш нафақат бир неча субъект томонидан бир шахсга нисбатан амалга оширилганида, балки жиноятчилар олдиндан тил бириктириб икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан зўрлик ишлатганида (бошқача қилиб айтганда ҳар бир жиноятчи жабрланувчилардан бирининг номусига текканида) ҳам бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган деб топилиши лозим.

Олдиндан тил бириктириш турли шаклда бўлиши мумкин бўлган (оғзаки тарзда, имо-ишоралар орқали), номусга тегишга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилишидан олдин икки ёки ундан ортиқ шахснинг келишуви ҳисобланади. Қилмишни ЖК 118-моддаси 2-қисми “в” банди билан квалификация қилишда айбдорларнинг олинган тил

бириктирганлиги зарурий белги ҳисобланмайди, аммо мазкур ҳолат суд томонидан жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олинishi лозим.

4) Ўлдириш билан қўрқитиб номусга тегиш (ЎзР ЖК 118-моддаси 2-қисми «г» банди)

Ўлдириш билан қўрқитиш деганда, жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилиш билан қўрқитиш тушунилиши зарур.

Аксарият ҳолларда номусга тегиш ўлдириш билан қўрқитиб (оғзаки «ўлдираман», «майиб қиламан», «осаман», «заҳарлайман» деб) содир этилади, аммо дўқ-пўписа сукут сақлаган ҳолда, ниҳоятда маъноли имо-ишоралар (қуролдан фойдаланиб, жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилиш мумкин бўлган бошқа жисмларни намойиш этиш воситасида ва ҳоказо) билан ҳам ифодаланиши мумкин. Ўлдириш билан қўрқитиш ишонарли, жабрланувчининг ўз ҳаёти учун хавотирланиши учун етарли бўлиши керак. Жабрланувчини бошқа усуллар билан қўрқитиш ЖК 118-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади. Ўлдириш билан қўрқитиб номусга тегишни 118-модда 1-қисми билан квалификация қилишда айбдорнинг ўз дўқ-пўписасини амалга ошириш ниятида бўлган ёки бўлмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

Агар ўлдириш билан қўрқитиш жабрланувчининг

қаршилигини бартараф этиш мақсадида қўлланилган бўлса, қилмиш ЖК 118-моддаси 2-қисми «г» банди билан жавобгарликка тортилади. Бундай қўрқитиш мазкур модданинг диспозицияси билан қамраб олинади ва қилмишни ЖК 112-моддаси (ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш) билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди.

Агар ўлдириш билан қўрқитиш номусга тегишдан сўнг, масалан, жабрланувчи бўлган воқеаларни ҳеч кимга айтмаслиги мақсадида амалга оширилган бўлса, агар жабрланувчида қўрқитиш амалга ошишидан хавфсираш пайдо бўлган бўлса, айбдор ҳаракатлари ЖК 118-моддаси (оғиралштирувчи ҳолатлар бўлмаган ҳолда) ва ЖК 112-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

Жабрланувчини турли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлиги билан қўрқитиш (турли даражадаги тан жароҳатлари етказилиши билан) ЖК 118-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

ЖК 118-моддаси 3-қисми бир қатор оғирлаштирувчи ҳолатларни ўз ичига олади.

1) ЖК 118-моддаси 3-қисми “а” банди – шахснинг 18 ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда номусга тегиш.

Мазкур жиноятнинг бевосита объекти вояга етмаган шахсларнинг жинсий эркинлиги ва жинсий дахлсизлиги

ҳисодланади.

14 ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш ЖК 118-моддаси 4-қисмида назарда тутилганлиги боис мазкур жиноят жабрланувчилари 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар ҳисобланади.

Қонун уларнинг ўзи рози бўлса ҳам 16 ёшга тўлмаган шахслар билан жинсий алоқа қилишни қатъиян ман этади.

16 ёшга тўлмаган шахс билан ихтиёрий равишда жинсий алоқа қилиш ЖК 118-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини ташкил этади.

Номусга тегишни ЖК 118-моддаси 3-қисми «а» банди билан баҳолаш учун айбдорнинг 18 ёшга тўлмаган шахс билан зўрлик ишлатиб жинсий алоқа қилаётганини билмаганлиги, жабрланувчининг ёшига нисбатан янглишгани аниқланган тақдирда (масалан: ташқи кўриниши, бўй-баста, жабрланувчининг хулқи ва хоказолар) унинг қилмиши ЖК 118-моддаси 3-қисми билан ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш, деб квалификация қилинмайди. Бундай ҳолларда айбдор ЖК 118-моддаси 1-қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

Қонун, уларнинг ўзи рози бўлса ҳам 16 ёшга тўлмаган шахслар билан жинсий алоқа қилишни қатъиян ман этади.

16 ёшга тўлмаган шахс билан ихтиёрий равишда алоқа

қилиш ЖК 128-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини ташкил этади.

2) Яқин қариндошнинг номусига тегиш (ЎзР ЖК 118-моддаси 3-қисми «б» банди).

Суд-тергов амалиётида яқин қариндошларининг (ўз қизлари, набиралари, опа-сингиллари, ўғай қизлар ва хоказоларнинг) номусига тегиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Шак-шубҳасиз, бундай жиноятлар жамиятимизда мавжуд бўлган ахлоқ нормаларига зид бўлиб, ғоят даражада ахлоқсизлиги, уятсизлиги билан ажралиб туради.

ЖКнинг саккизинчи бўлимидаги атамаларнинг ҳуқуқий маъносида яқин қариндошлар – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, опа-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллар – деб кўрсатилади.

Шу муносабат билан зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки ожизлик ҳолатидан фойдаланиб, қариндошлар билан жинсий алоқа қилиш шахсни ЖК 118-моддаси 3-қисми «б» банди билан жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

3) Оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томондан содир этилган номусга тегиш (ЎзР ЖК 118-моддаси 3-қисми «в» банди).

Зўрлик ишлатиб номусга тегиш оммавий тартибсизликлар вақтида унинг қатнашчилари томонидан содир этилган тақдирдагина айбдорнинг қилмиши ЖК 118-моддаси 3-қисми «в» банди билан квалификация қилинади.

Агар зўрлаб номусга тегиш оммавий тартибсизликларнинг ташкилотчиси ёки фаол қатнашчиси томонидан содир этилган бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖК 118-моддаси 3-қисми ва 244-модда (оммавий тартибсизликлар) билан жиноятларнинг жами бўйича квалификация қилиниши лозим.

4) Ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган номусга тегиш (ЎзР ЖК 118-моддаси 3-қисми «г» банди).

Қилмиш ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган, деб айбдорни ЖК 118-моддаси 3-қисми «г» банди билан жинойий жавобгарликка тортиш учун, унинг номусга тегишдан олдин ЖК 34-модда 3-қисмига мувофиқ қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилганлигини аниқлаш зарур.

5) Номусга тегиш натижасида оғир оқибатларга олиб келган ҳолатлар (ЎзР ЖК 118-моддаси 3-қисми «д» банди).

Қуйидагилар оғир оқибатлар деб эътироф этилиши мумкин:

- жабрланувчининг ўлими келиб чиқиши ёки унга оғир

тан жароҳатлари етказилиши;

- шахснинг таносил ёки ОИТС касаллиги ўзида борлигини била туриб уни жабрланувчига юқтириши;

- шахснинг ўзини ўзи ўлдириши ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиши;

- бахтсиз ҳодиса натижасида жабрланувчининг ўлими келиб чиқиши ёки унга оғир тан жароҳатлари етказилиши;

- бачадондан ташқари ҳомиланинг пайдо бўлиши ёки тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолда жабрланувчининг ҳомиладор бўлиши (масалан, унинг ёш бола эканлиги).

Мазкур ҳолатда содир этилган қилмиш ЖК 118-моддаси 3-қисми “д” билан тўлиқ қамраб олинади ва ЖК Махсус қисмининг бошқа моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди (масалан, номусга тегиш пайтида эҳтиётсизликдан жабрланувчининг ўлими келиб чиқса ЖК 102-моддаси билан, жабрланувчи ўзини ўзи ўлдирса ЖК 103-моддаси билан, жабрланувчи руҳий касалга чилинса ЖК 104-моддаси билан).

Номусга тегиш натижасида келиб чиққан оғир оқибатларга жинсий алоқа, шунингдек, айбдор томонидан жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб амалга оширган бошқача ҳаракатлари, ундан ташқари жабрланувчининг унга нисбатан ишлатилган зўрликни бартараф қилиш учун қилган

ҳаракатлари натижасида вужудга келган оқибатлар киради.

Номусга тегиш билан боғлиқ барча ҳолларда зўрланганидан сўнг юз берган барча оғир оқибатлар билан зўрлик ишлатиб жинсий алоқа қилиш ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш зарур. Шундай боғланиш мавжудлиги аниқланмаса, жиноятни ЖК 118-моддаси 3-қисми билан квалификация қилиб бўлмайди. Унда жабрланувчининг ўлимига нисбатан айбдорнинг айби фақат эҳтиётсизлик шаклида бўлади. Масалан, айбдорнинг жабрланувчининг қарўилигини енгиш мақсадида зўрлик ишлатиши натижасида жабрланувчининг ўлими келиб чиққан бўлса, айбдор жабрланувчининг ўлимига кўзи етмаган лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлган бўлади ҳамда келиб чиққан оқибат эҳтиётсизлик натижасида юз беради.

Агар номусга тегиш жабрланувчисининг ўлимига нисбатан айбдор қасддан ҳаракат қилганлиги аниқланса, жиноят ЖК 118-моддасининг тегишли банди ва 97-модда 2-қисми “з” банди билан квалификация қилиниши лозим. Тегишли равишда агар жабрланувчи номусга тегиш амалга оширилганидан сўнг ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган ҳолда ташлаб кетилиши оқибатида унинг ва фоти келиб чиқса ёки унга оғир тан жароҳатлари етказилса, қилмиш ЖК 118-моддасининг тегишли қисми ва 117-моддаси билан

жавобгарликка тортилади.

Мазкур ҳолатда ЖК 118-моддаси 3-қисми “д” бандини қўллаш ортиқча ҳисобланади, чунки қасддан одам ўлдириш ёки хавф остида қолдириш жинсий зўрлик ишлатиш билан боғлиқ ҳода содир этилган бўлишига қарамасдан номусга тегишнинг оғирлаштирувчи қисмини ташкил қилмайди ва жинойтнинг алоҳида таркибини ташкил этади ва шунинг учун бу ҳолатда икки марта жавобгарлик белгиланмайди.

Агар жабрланувчига ҳаёти учун хавфли оғир тан жароҳатлари етказилган бўлсаю, аммо бу ЖКнинг 104-моддаси 2-қисмида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаса, қилмиш ЖК 118-моддаси 1-қисми ва 104-модданинг 1-қисми билан баҳоланади.

Номусга тегиш натижасида жабрланувчининг қизлигини йўқотиши ёки ҳомиладор бўлиб қолиши оғир оқибат деб эътироф этилиши мумкин эмас.

Ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш (ЎЗР ЖК 118- моддаси 4-қисми).

Жабрланувчининг 14 ёшга тўлмаганлиги айбдорга олдиндан маълум бўлган ҳоллардагина айбдорнинг қилмиши ЖК 118-моддаси 4-қисми билан квалификация қилинади. Башарти айбдор жабрланувчининг ёшига нисбатан ҳақиқатан ҳам янглишган бўлса, унинг қилмиши ЖК 118-модда 1-қисми билан, жабрланувчининг ўн саккиз

ёшга тўлмаганлигини тахмин қилган бўлса, ЖК 118-моддаси 3-қисми билан квалификация қилиниши зарур.

Агар 14 ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш содир этилиб, кейинчалик унинг ихтиёри билан номусга тегиш ҳаракатлари содир этилган бўлса, қилмиш жиноятлар жами тариқасида ЖК 118-моддаси 4-қисми ва 128-моддаси (ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш) билан квалификация қилинади.

**2-§. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб,
ғайритабiiй усулда қондириш
(ЎзР ЖК 119-моддаси)**

Мазкур жиноятнинг бевосита объекти жабрланувчининг жинсий эркинлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек, 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг жисмоний дахлсизлиги ҳисобланади. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондиришнинг қўшимча объекти жабрланувчининг соғлиғи ёки ҳаёти бўлиши мумкин.

Объектив томондан жиноят зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришда ифодаланади.

Мазкур моддада назарда тутилган жиноят:

1) эркак кишининг жинсий эҳтиёжини аёл билан

ғайритабий усулда зўрлик ишлатиб қондиришида;

2) аёлнинг жинсий эҳтиёжини аёл билан зўрлик ишлатиб қондиришида;

3) эркак кишининг жинсий эҳтиёжини эркак билан зўрлик ишлатиб қондиришида;

4) жинсий эҳтиёжини қондиришга қаратилган бошқа шахвоний ҳаракатларни содир этишда (масалан, жабрланувчини жинсий аъзо билан муомала қилишга мажбурлашда ва ҳоказо) ифодаланиши мумкин.

“Зўрлик ишлатиш”, “Зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш”, “жабрланувчининг ожиз аҳволи” тушунчаларини ЖК 118-моддаси таҳлилида кўриб чиққан эдик.

Кўриб чиқиладиган жиноят жинсий эҳтиёжни ғайритабий усулда қондиришга қаратилган зўравонлик ҳаракати содир этилган дақиқадан эътиборан, дефлорация ва эякуляциядан қатъи назар, тугалланган деб эътироф этилади.

Жинсий эҳтиёжни ғайритабий усулда қондириш айбдорнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ниҳоясига етказилмаган бўлса, қилмиш шу жиноятга суиқасд деб топилади (масалан: кийимларини ечиш, муайян ҳолатда туришга мажбурлаш ва ҳоказо) ва ЖК 119-моддаси ҳамда 25-моддаси билан квалификация

қилинади.

Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабiiй усулда қондиришдан кўнгилли равишда воз кечиш ҳоллари ҳам учрайди.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасдан ғаразли ният билан содир этилади. Жиноятнинг мотиви – шахвоний алоқа, мақсад – жинсий эҳтиёжни қондириш.

Жиноятнинг субъекти ўн тўрт ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Мазкур жиноятнинг номусга тегишдан фарқи шундаки, номусга тегишда жинсий алоқа зўрлик ишлатиб табиий усулда содир этилади, бу жиноятларнинг бошқа барча аломатлари эса бир хилдир.

**3-§. Бесоқолбозлик (эркакнинг эркак билан
жинсий алоқа қилиши)
(ЎзР ЖК 120-моддаси)**

Таҳлил этилаётган жиноятнинг бевосита объекти жинсий алоқаларнинг қарор топган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Бесоқолбозлик объектив томондан эркакнинг эркак билан жинсий эҳтиёжини ихтиёрий қондиришидан иборатдир.

Бесоқолбозлик – эркакнинг эркак билан жинсий эҳтиёжини қондиришга қаратилган ҳар икки томоннинг ихтиёрий ҳаракатларидир.

Башарти бесоқолбозликда зўрлик ишлатиш, қўрқитиш ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиш аломатлари мавжуд бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖК 119-моддаси билан квалификация қилинади.

Жиноят жинсий алоқа бошланган дақиқадан эътиборан тугалланган, деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

Бесоқолбозликнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган, ғайритабiiй жинсий алоқа (гомосексуализм)нинг фаол ҳам пасcив қатнашчиси бўлган шахс ҳисобланади.

Бесоқолбозликнинг иштирокчиларидан бири ўн олти ёшга тўлмаган бўлса, иккинчи иштирокчининг қилмиши унинг фаол ёки пасcив роль ўйнаганидан қатъи назар, ЖК 128-моддаси (ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан ғайритабiiй усулда жинсий алоқа қилиш) билан квалификация қилинади.

**4-§. Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш
(ЎзР ЖК 121-моддаси)**

Жиноятнинг объекти ушбу аёлнинг жинсий эркинлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган аёлни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур этишда ифодаланади.

Мажбур этиш деганда, аёлнинг хоҳиш-иродасига қарши у билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш мақсадида унинг руҳиятига тазйиқ ўтказишни тушуниш зарур.

“Жинсий алоқа” тушунчасини ЖК 118-моддаси, “Жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш” тушунчасини эса 119-модданинг таҳлилида кўришингиз мумкин.

Жабрланувчига мажбурлаш пайтида ҳуқуққа хилоф руҳий таъсир кўрсатиш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

- хизмат жиҳатидан қарамлик, яъни аёлнинг уни мажбурловчи шахсга хизмат юзасидан бўйсунуши – “рахбар-бўйсунувчи ходим” кўринишида (масалан, жабрланувчини ишдан бўшатиш, кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказиш, пул мукофотларидан маҳрум қилиш, паст лавозимга ўтказиш, яшаш манбаларидан маҳрум қилиш билан кўрқитиш ва б.) бўлиши мумкин.

- моддий жиҳатдан қарамлик, яъни аёлнинг унинг жинсий эркинлигига таҳдид солаётган шахсга моддий қарамлиги ёки

яшаш учун маблағларнинг асосий қисмини шу шахсдан олиши (масалан, жабрланувчида тўлай олмайдиган қарз мажбуриятларининг мавжудлиги; аёлнинг ўз яшаш жойи бўлмай туриб айбдорнинг уйида яшаши ва б.) ҳисобланади.

- бошқача тарздаги қарамлик, яъни тегишли хизмат вазифасини эгаллаб турган шахснинг жабрланувчи учун муҳим саналган масалаларни ҳал қилиши натижасида жабрланувчининг маълум бир имтиёз, фойда, устунликка эришиши. Бундай қарамлик турли кўринишларда бўлиши мумкин: масалан, “спортчи аёл – унинг мураббийи”, “гумон қилинувчи – терговчи”, “ариза билан мурожаат қилаётган шахс – аризани қаноатлантира оладиган шахс”, “аспирант – илмий раҳбар”.

Ундан ташқари айбдор жабрланувчига ЖК 121-модда диспозициясида назарда тутилган жинсий ҳаракатларни содир этса, унинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини бузмаслиги шартини қўйиши мумкин.

Маълум имтиёзларнинг берилиши, ишлаш учун қулай шароитлар, афзалликларнинг яратилиши, совғалар тортиқ этилиши, ҳар хил қонуний ва ноқонуний хизматларнинг кўрсатилишини мажбур этиш деб эътироф қилиш мумкин эмас.

Таклифнинг ўзида, агар мажбур этиш аломати бўлмаса, таҳлил қилинаётган жиноят таркиби бўлмайди.

Жабрланувчининг ўзи қарам бўлган шахс билан, ўз розилиги билан жинсий алоқага киришиши жиноят таркибини ташкил этмайди.

Мажбурлаш аёлга нисбатан уни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондиришга кўндириш мақсадида руҳий зўрлик ишлатишнинг ўзига хос шакли бўлганлиги учун мазкур жиноят таркиби билан ЖК 118 ва 119-моддларида назарда тутилган руҳий зўрлик ишлатиш билан содир этиладиган жиноятларни бир-биридан фарқлаш масаласи юзага келади.

Аёлни мажбур этишнинг номусга тегишдаги руҳий тазйиқдан фарқи шундаки, аёл бош тортгани дўқ-пўписанинг дарҳол амалга оширилишини тахмин қилмайди. Айти вақтда етказилаётган ёки дўқ-пўписа қилинаётган зарар, биринчидан, бевосита жабрланувчининг шахсига эмас, унинг мулкӣ ва бошқа шахсий ҳуқуқларига дахлдор бўлиши; иккинчидан, ўз моҳиятига кўра бу зарар жабрланувчи хизмат ёки моддий жиҳатдан қарам бўлган шахс томонидангина етказилган бўлиши керак.

Агар шахс ўзига хизмат юзасидан, моддий жиҳатдан ёки бошқача тарзда қарам бўлган аёлга унинг номусига тегиш ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондириш мақсадида унга нисбатан руҳий зўрлик ишлатса,

айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 118 ёки 119-моддаларнинг тегишли қисми билан квалификация қилиниши лозим.

ЖК 121-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят аёлни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбурлаш фактининг ўзи, мақсадга эришилган ёки эришилмаганидан қатъи назар, тугалланган жиноят деб қаралиши керак. ЖК 121-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят эса айбдор томонидан ўз мақсадига эришганидан сўнг, яъни жинсий алоқа қилинган ёки жинсий эҳтиёж ғайритабиий усулда қондирилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Башарти шахс аёлнинг хоҳиш-иродаси бошқа шахс томонидан бўйсундирилганини била туриб, у билан жинсий алоқа қилса ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирса, унинг қилмишини ЖК 121-моддаси билан квалификация қилиш мумкин эмас. Айрим ҳолларда айбдор мажбурлашга далолат қилганлиги учун ЖК 28-моддаси орқали 121-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

Субъектив томондан мазкур жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор жабрланувчини унинг хизмат юзасидан, моддий ёки бошқача қарамлигидан фойдаланиб у билан ёки учинчи шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда

қондиришга мажбурлаётганини англайди жинсий эҳтиёжини қондириш мотиви асосида бу нарсани хоҳлайди.

Субъектив томондан мазкур жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилади.

Ушбу жиноятнинг субъекти аёл киши, хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан қарам бўлган шахс ҳисобланади.

Ўз манфаатини кўзлаб, жабрланувчининг хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан қарамлигидан фойдаланиб, уни эркак киши билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаган аёл ҳам жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

“Жинсий эркинликка қарши жиноятлар”

мавзуси бўйича саволлар

1.Номусга тегиш деганда нима тушунилади?

2.Номусга тегиш жинояти жиноятини содир этишда қандай зўрлик турлари қўлланилади?

3.Жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда номусга тегиш жинояти квалификациясининг асосий хусусиятларини сананг.

4.Ўлдириш билан қўрқитиб номусга тегиш жиноятининг ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш жиноятидан фарқи нимада кўринади?

5.Оғир оқибатларга, эҳтиётсизликдан одам ўлими келиб чиққан номусга тегишнинг номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда одам ўлдиришдан фарқи нимада кўринади?

6.Номусга тегиш жиноятини жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабiiй усулда қондириш жиноятидан фарқи нимада?

7.Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабiiй усулда қондириш жиноятининг бeсоқолбозлик жиноятидан фарқи.

8.Бeсоқолбозлик жинояти учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

9.Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этишнинг номусга тегишдаги руҳий тазйиқдан фарқи нимада? Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этганлик учун айбдор жавобгарлигининг ўзига хос жиҳатлари нимада?

10. ЖК 121-моддасида берилган хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан қарам деганда нима назарда тутилади?

10. Номусга тегиш билан аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этишниг ўхшаш ва фарқ қилувчи жиҳатлари нимада намоён бўлади?

V боб. ОИЛАГА, ЁШЛАРГА ВА АХЛОҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

**1-§. Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни
моддий таъминлашдан бўйин товлаш
(ЎзР ЖК 122-моддаси)**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради»; 65-моддасида эса: «Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», деб таъкидланган.

Никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунларга кўра ота-оналар вояга етмаган ёхуд вояга етган, аммо меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли моддий ёрдамга муҳтож бўлган

фарзандларини боқишга мажбурдирлар.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 100-моддаси 1-қисмида «Ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериши шартдир», – деб таъкидланади.

Ушбу жиноятнинг объекти вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг манфаатлари, яъни уларнинг соғлиғи, нормал жисмоний ривожланиши ва суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ маблағ олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг моддий таъминоти ҳисобланади.

Жиноятнинг объектив томони суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларни боқиш учун ундириладиган маблағларни жами уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламасликда ифодаланади.

Бўйин товлаш деганда, нафақат суднинг ҳал қилув қарори бажарилишини тўғридан-тўғри рад этиш, балки айбдорнинг оладиган маоши миқдорини, бошқа даромадларини яшириши, ижро варақаси бўйича тўловлардан қочиб қутулиш мақсадида иш ёки яшаш жойини ўзгартириши ёхуд шу мақсадда меҳнат қилишдан бўйин товлаши ва ҳоказоларни тушуниш зарур.

Қилмиш фақат қуйидаги ҳолларда ЖК 122-моддаси билан жавобгарликка тортилади:

1) Моддий ёрдамга муҳтож болаларни ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни боқиш учун маблағ қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарори мавжудлиги.

2) Вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларни боқиш учун ундириладиган маблағларни жами уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаган бўлиши.

Меҳнатга лаёқатсиз шахслар – 1 ва 2-гурух ногиронлари ёки касаллиги туфайли вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган шахслардир.

Қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарорига биноан моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни боқиш учун ундирилиши лозим бўлган маблағ жами уч ой мобайнида тўланмаган тақдирда тугалланган деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Айбдор ЖК 122-моддаси диспозициясида кўрсатилган шахсларни моддий таъминлаши лозим бўлган суд қарорининг қонуний кучга кирганлигини билади ва мазкур мажбуриятни бажаришдан бўйин товлайди.

Жиноятнинг мотив ва мақсадлари қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

Мазкур жиноятнинг субъекти суднинг ҳал қилув қарорига биноан моддий ёрдамга муҳтож вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлаш

вазифаси зиммасига юкланган 18 ёшга тўлган, ақли расо ҳар қандай шахс (ота-оналар, фарзандликка олувчилар) бўлиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш алиментларни тўлашдан озод этмайди. Мазкур жиноят субъектлари шунингдек, суд томонидан оталик белгиланган шахслар бўлиши мумкин.

Қайд этилган шахсларни боқиш вазифаси зиммасига юкланган шахс узрли сабабларга кўра (касаллиги, меҳнатга лаёқатсизлиги ва ҳоказо) уларни боқа олмаган ҳолларда уни ЖК 122-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиб бўлмайди.

2-§. Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЎзР ЖК 123-моддаси)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасида: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», деб уқтирилади. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексига мувофиқ, вояга етган фарзандлар меҳнатга лаёқатсиз, моддий ёрдамга муҳтож ўз ота-оналарини ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашга мажбурдирлар.

Ота-оналарнинг давлат ёки нодавлат муассасаларда бўлиши уларнинг вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларини уларни ғамхўрлик қилиш ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ушбу жиноятнинг объекти – ахлоқ, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг соғлиғи ва ҳаётидир.

Жиноятнинг объектив томони, суднинг ҳал қилув қарорига биноан меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлаш учун ундириладиган маблағнинг вояга етган шахслар томонидан жами уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўланмаслигида ифодаланади.

Шахсни ЖК 122-моддасидаги каби 123-моддаси билан жиний жавобгарликка тортиш учун:

1) фарзандлар зиммасига ота-оналарини ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлаш учун маблағ тўлаб туриш мажбуриятини юкловчи суднинг ҳал қилув қарори мавжудлиги.

2) мазкур шахсларни боқиш учун ундириладиган маблағларни жами уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаган бўлишини аниқлаш зарур.

Ота-оналар – 55 ёшга тўлган аёллар, 60 ёшга тўлган эркеклар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлари меҳнатга

лаёқатсиз шахслар деб ҳисобланади.

Суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағнинг камида уч ойдан ортиқ муддат тўланмаслиги тугалланган жиноят деб эътироф этилади.

Бўйин товлаш усули (масалан: яшаш жойини, иш жойини ўзгартириш, маошининг ҳақиқий миқдорини яшириш ва ҳоказо) қилмишни баҳолашда аҳамиятга эга эмас.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятнинг содир этилиш мотиви ва кўзланган мақсад уни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Жиноятнинг субъекти суднинг ҳал қилув қарорига биноан ота- оналарини ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлаш мажбурияти юкланган вояга етган туғилган фарзандлар, фарзандликка олинган ўғил ва қизлар, ўғай ўғил ва қизлар бўлиши мумкин.

3-§. Болани алмаштириб қўйиш (ЎзР ЖК 124-моддаси)

Ушбу жиноятнинг объекти болага нисбатан ота-онанинг ҳуқуқларини, шу жумладан, уни тарбиялаш билан боғлиқ ҳуқуқларни таъминлаш борасида вужудга келадиган, шунингдек, бола туғилганидан сўнг келажакда ҳам унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда вужудга

келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят тамагирлик ёки бошқа паст ниятларни кўзлаб болани алмаштириб қўйишда ифодаланади.

Болани алмаштириб қўйиш бу қонунчилик томонидан ўрнатилган ҳамда Оила Кодексида белгиланган комплекс ҳуқуқларнинг бузилиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексига мувофиқ, “ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигини олиш, улар билан бирга яшаш, истисно тариқасида бу унинг манфаатларига зад келса, ҳуқуқига эга”(65-модда).

Болани алмаштириб қўйиш янги туғилган чақалоқ ёки эмизикли болани бошқа болага (касал болани соғига, қиз болани ўғил болага ёки аксинча, бир миллатдагисини бошқа миллатга ва хоказо) алмаштириб қўйишдан иборатдир.

Мазкур жиноятнинг жабрланувчиси қонунга мувофиқ фақатгина бола бўлиши мумкин. Аммо ЖК 124-моддаси мазмунидан ҳар қандай бола эмас, балки у билан содир этилаётган ҳаракатларнинг характери ва моҳиятини тушуна олмайидган бола алмаштириш предмети бўлиши мумкинлиги келиб чиқади. Шунинг учун жиноят таркибининг мазкур белгиси (“бола”) чекланган ҳолда изоҳланиши керак.

Жабрланувчи қоида тариқасида янги туғилган чақалоқ ҳисобланади. Бундай ҳолатда болада аниқ фарқ қилувчи белгилар намоён бўлмаган ёки унинг ота-онаси уларни фарқлашга улгурмаган бўлади.

Объектив томондан жиноят болани алмаштиришда, яъни янги туғилган ёки эмизикли бир чақалоқни бошқаси билан алмаштиришда ифодаланади (касал болани соғлом болага, қиз болани ўғил болага ёки тескариси, бир миллатдагисини бошқа миллатга ва б.). Болани эгаллаш ва унинг ўрнига бошқасини бериш унинг ота-онаси ёки унга ҳуқуқи бор шахслардан яширин равишда уларнинг иродасига қарши амалга оширилади. Бунда ҳаракатлар туғруқхонада, болалар уйида, уй шароитида ёки бошқа ҳолатларда амалга оширилиши мумкин.

Қилмиш бола эгалланган ва унинг ўрнига бошқаси берилган пайдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

ЖК 137-моддаси билан квалификация қилинадиган одам (бола)ни ўғрилашдан фарқли равишда болани алмаштириш ўч олиш мақсадида амалга оширилади. Бошқача жиҳатдан эса санаб ўтилган жиночтлар ўхшаш бўлиши мумкин.

Субъектив томондан ЖК 124-моддасида назарда тутилган жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор у томондан амалга оширилаётган алмаштиришнинг ижтимоий хавфлилигини англайди, шунга кўзи етади ва жиноий

оқибатлар келиб чиқишини хоҳлайди.

Жиноятни квалификация қилишда мотив инобатга олинмайди. Таъмагирлик ёки бошқа паст ниятлар мавжуд бўлганда жиноят таркиби мавжуд бўлади.

Таъмагирлик нияtlари моддий манфаатга эришишга интилишда ифодаланади. Болани алмаштираётган шахс ўз ҳаракатларини учун моддий рағбатлантириш олиш мақсадини кўзлайди. Таъмагирлик нияtlари боланинг ота-онаси ёки бошқа манфаатдор шахслар бола касаллигини билган ва унинг даволаниши учун маълум миқдордаги харажатлар талаб қилинишини англаб, ундан алмаштириш орқали қутулмоқчи бўлганда вужудга келади.

Бошқача паст ниялар деганда ўч олиш, ҳасад назарда тутилади.

Эҳтиётсизлик орқасидан болани алмаштириш жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Мазкур жиноят субъекти 16 ёшга тўлган тегишли муассаса (туғруқхона, болалар уйи ва б.)нинг ходимлари бўлиши мумкин.

4-§. Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш (ЎЗР ЖК 125-моддаси)

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ,

фарзандликка олиш қонун ҳимоясида ҳисобланади (Оила кодексининг 153-моддаси).

Жиноятнинг бевосита объекти фарзандликка олинган болаларнинг нормал ривожланиши учун шарт-шароитларни вужудга келтиришга қаратилган ижтимоий муносабатлар, оила манфаатлари, боланинг нормал руҳий ривожланиши ҳисобланади. Давлат нафақат фарзандликка олишнинг алоҳида тартибини белгилайди, балки биринчи навбатда боланинг руҳий эзилиши, катталар билан муносабатда тўсиқ ва қийинчиликларнинг вужудга келишини олдини олиш мақсадида бошқа шахсларни фарзандликка олишни сир сақлаш мажбуриятини юклайди.

Объектив томондан жиноят фарзандликка олувчининг (мазкур шахслар вафот этган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органларининг) розилигисиз фарзанд қилиб олинган ўғил ёки қиз бола ҳақидаги маълумотларни ошкор этиши, фуқаролик ҳолатини қайд этиш ёзувлари китобидаги фарзандликка олувчилар боланинг қон-қариндоши эмаслигини англаш мумкин бўлган кўчирмаларни беришида ифодаланади.

Ўғил ёки қиз боланинг фарзандликка олингани ҳақидаги сирнинг ошкор этилиши, фарзандликка олинган болаларнинг туғишган ота-онаси эмаслиги тўғрисидаги ахборотни (оғзаки, ёзма равишда, босма усулда ва ҳоказо)

ошкор қилиш жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Бунда ахборот фарзандликка олувчиларнинг хошиш-иродасига қарши ёхуд уларнинг вафотидан сўнг васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсатисиз ошкор этилган бўлиши мумкин.

Башарти фарзандликка олиш сирининг ошкор этилиши фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ёки фарзандликка олишни бекор қилиш талаби билан боғлиқ бўлган ҳолларда, ушбу талаблар тегишли расмий органларга (суд, васийлик органи ва ҳоказоларга) қонунда кўзда тутилган тартибда маълум қилинган бўлса, бундай ҳаракат жиноят ҳисобланмайди.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

Мазкур жиноят субъекти ҳар қандай шахс, шу жумладан фарзандликка олган эр-хотиндан биронтаси ҳам бўлиши мумкин. Жиноятнинг содир этилиш мотиви ва ундан кўзланган мақсад қилмишнинг квалификацияси учун аҳамиятга эга эмас.

Фарзандликка олиш сирини ошкор этиш касбий фаолияти ёки эгаллаб турган хизмат мавқеи муносабати билан буни сир сақлаши лозим бўлган шахс томонидан содир этилган бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖК 125-моддаси 2-қисми билан квалификация қилинади.

Ўғил ёки қиз боланинг фарзандликка олингани ҳақидаги маълумотлар васийлик ва ҳомийлик, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органининг мансабдор шахси томонидан ошкор этилган ҳолларда, айбдор жиноятларнинг жами бўйича, яъни мансабдорлик жинояти учун ҳам жавобгарликка тортилади.

Фарзандликка олиш сирини айбдор тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда (ўч олиш, ҳасад ва ҳоказо) ошкор этган ҳолларда қилмиш ЖК 125-моддаси 2-қисми билан квалификация қилинади.

ЖК 125-моддаси 2-қисми моҳиятидан келиб чиқиб, оғир оқибатлар деганда, оиланинг бузилиши ва ҳоказони тушуниш зарурдир.

5-§. Кўп хотинли бўлиш (ЎзР ЖК 126-моддаси)

Ушбу жиноятнинг объекти одоб-ахлоқ ва жинсий ҳаёт кечириш қоидалари ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят умумий рўзғор юритиш асосида икки ёки ундан ортиқ аёл билан эр-хотин бўлиб яшашда ифодаланади.

Умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ аёл билан эр-хотин бўлиб яшаш мазкур жиноятнинг зарурий аломати

ҳисобланади.

Умумий рўзғор одатда умумий хонадон ёки уйдан, умумий мол-мулк, пул маблағлари ва ҳоказолардан иборат бўлади. Бунда айбдорнинг бир уй ёки хонадонда бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ аёл билан яшаши аҳамиятга эга эмас. Шунингдек, хотинларнинг бир-бири ҳақида билиши ёки уларнинг бир шахс билан умумий рўзғор асосида яшашга розилиги ҳам жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди. Асосийси, айбдор уларнинг умумий рўзғорига моддий харажат қилган бўлиши лозим (масалан, коммунал ва фойдаланиш тўловларини доимий тўлаши, озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминлаб туриши, уйни ёки хонани таъмирлаш харажатларини, болаларнинг таълим олишини тўлаши ва б.).

Никоҳда бўлган эркакнинг бошқа аёллар билан биргаликда яшаши каби айрим ҳоллар ЖК 126-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас. Шу билан бир қаторда, агарда шахс бир хотин билан никоҳни хўжакўрсинга бекор қилиб, бошқа хотини билан никоҳдан ўтса, аммо аслида иккала оилани ҳам сақлаб қолса, кўриб чиқиладиган жиноят содир этилган ҳисобланади, демак, шахсни жавобгарликка тортиш учун ҳар икки хотин билан юридик жиҳатдан никоҳда эканлиги фактини

аниқлашнинг ҳожати бўлмайди.

Умумий рўзғор юритиш асосида икки ёки ундан ортиқ аёл билан эр-хотин бўлиб яшаш бошланган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган, деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Айбдорнинг бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ аёл умумий рўзғор асосида яшаётганлигини билади. Ва буни хоҳлайди. Қилмишнинг содир этилиш мотиви ва кўзланган мақсад жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Жиноятни субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

**6-§. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий
хатти-ҳаракатларга жалб қилиш
(ЎзР ЖК 127-моддаси)**

Кўриб чиқиладиган модда уч қисмдан иборатдир: вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш (1-қисми); вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш (2-қисм); вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб

этиш (3-қисм).

Бу жиноятнинг объекти вояга етмаган шахснинг нормал, ахлоқий ривожланиши, унинг соғлиғи ҳамда жамоат хавфсизлиги ва тартиби ҳисобланади.

Жиноятнинг жабрланувчиси айбдор уни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб қилаётган пайтда вояга етмаган, яъни 18 ёшга тўлмаган шахслар ҳисобланади.

ЖК 127-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони вояга етмаган шахсни тиламчилик қилишга, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилишдан иборатдир. Мазкур модда маъмурий преюдицияга эга, яъни агар шахс айнан шу жиноят учун маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил ичида худди шу жиноятни содир этса, ЖК 127-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Мазкур моддадаги жалб қилиш деганда вояга етмаган шахснинг вояга етмаган шахсни маълум бир ҳаракатларни бажаришга кўндиришга қаратилган ҳаракатлар тушунилади. Жалб қилиш ваъда бериш, алдаш, жисмоний ёки рухий зўрлик ишлатиш ва бошқа ҳаракатлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Ваъда бериш айбдорнинг шахсининг вояга етмаган шахсга нисбатан бирор бир мажбуриятни олишини, яъни унинг манфаатлари йўлида маълум бир ҳаракатни амалга ошириши ёки амалга оширишдан ўзини тийишини айтишда ифодаланади (масалан, вояга етмаган шахсни бошқалардан ҳимоя қилишга, моддий ёрдам беришга, ўқишга киритишга ваъда бериш).

Алдаш вояга етмаган шахсни бирор бир маълумот ёки воқеани чалғитиб кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Жисмоний зўрлик ишлатиш вояга етмаган шахсни унинг иродасини синдириб, маълум бир ҳаракатларни амалга оширишга мажбурлаш мақсадида дўппослаш, турли даражадаги тан жароҳатлари етказиш ёки бошқача тарзда жисмоний азоб бериш (боғлаш, қўлини қайириш ва б.)да ифодаланади. Агар вояга етмаган шахсга нисбатан қўлланилган жисмоний зўрлик (жалб қилиш усули сифатида) ЖК Махсус қисмида назарда тутилган алоҳида жиноят таркибини ташкил қилса, содир этилган қилмиш етказилган тан жароҳатининг даражасига мувофиқ ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноятлар жами сифатида квалификация қилиниши лозим (масалан, 127 ва 105-моддалар билан).

Рухий зўрлик ишлатиш ғайриижтимоий ҳаракатларга жалб қилиш усули сифатида вояга етмаган шахсининг маълум ҳаракатларни амалга оширишни рад этганда унга нисбатан

жисмоний зўрлик (дўппослаш, қийнаш ва б.) ишлатилиш, мулкый зарара етказиш, уни шарманда қилувчи маълумотларни тарқатиш, дўстликни тугатиш ва бошқаларни айтишда ифодаланади. Қўрқитиш турли усуллар орқали амалга оширилиши мумкин ҳамда айтилган қўрқитиш алоҳида жиноят (масалан, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш) таркибини ташкил этса, жалб қилувчи шахснинг ҳаракатлари жиноятлар жами тариқасида (масалан, ЖК 112 ва 127-моддалар билан) квалификация қилиниши лозим. Бунда вояга етмаган шахс қўрқитишни жиддий қабул қилиб, унда қўрқитишнинг амалга оширилишидан қўрқиш учун реал асос мавжуд бўлган бўлиши лозим.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳаракатларга жалб қилишнинг бошқача усуллари деганда таклиф қилиш, сўраш, кўндириш, пул билан ўзига оғдириш, шунингдек, унга “катталар иши”ни қилолмаслигини ёки атрофдагилар олдида унинг обрўйи ошишини айтиш орқали унда спиртли ичимликларни истеъмол қилишга қизиқиш уйғотиш ва бошқалар тушунилади.

Тиламчилик қилиш деганда, вояга етмаган шахсни бегона шахслардан пул, озиқ-овқатларни, кийим-кечакларни ва ҳоказоларни тиламчилик қилишга жалб қилишни тушунмоқ зарур.

Вояга етмаганларни спиртли ичимликлар истеъмол

қилишга, гиёвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш деганда, вояга етган шахснинг қайд этилган ичимликларни, восита ва моддаларни қайта ва қайта истеъмол қилишга ўргатиш ёхуд қайд этилган ашёларни қайта ва қайта вояга етмаганлар учун қўлга киритилишини ва вояга етмаган шахснинг қайд этилган ашёларни алдаш, меҳмон қилиш, кўндириш ва ҳоказо йўллар билан қўлга киритишга қаратилган ҳаракатларини тушуниш зарур.

Гиёвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддалар деганда инсон миясини гангитувчи таъсир кўрсатадиган ва унга нисбатан талабни вужудга келтирадиган турли моддаларни тушуниш лозим. Уларга мисол қилиб клофелиннинг алкоголь билан ҳар қандай процентдаги аралашмаси, хлороформ, эфир, димедролнинг алкоголь билан аралашмаси, таркибида тропан гуруҳига кирувчи алкалоид бўлган ўсимликларнинг спиртли экстракти ва б., шунингдек, ацетон, бўёқлар, лаклар, елимларнинг айрим турлари ва бошқа ҳиди киши ақл-идрокига гангитувчи таъсир кўрсатувчи бошқа кимёвий моддалар тушунилади. Мазкур моддалар турмушда, ишлаб чиқаришда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда кенг қўлланилиб, улар билан муомала

қилишнинг алоҳида тартибини белгилаш мумкин эмас.

ЖК 127-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик ёки психотроп моддаси ҳисобланмаган, лекин одамнинг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат содир этилган пайтдан эътиборан, айбдор ўз мақсадига эришгани ёки эришмаганидан қатъи назар, тугалланган деб эътироф этилади.

ЖК 127-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони вояга етмаган шахсни турли усуллар билан (авраш, меҳмон қилиш, алдаш ва ҳоказо) гиёвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни истеъмол этишга жалб қилишдан иборатдир.

Гиёҳвандлик воситаларига табиий ва синтетик усулда олинган, инсоннинг марказий нерв тизимига эзувчи, қўзғатувчи, галлюциноген таъсир кўрсатувчи ва бу ҳолат уларнинг тиббий қоидаларга номувофиқ ҳолда истеъмол қилиниши ва уларга жисмоний ва руҳий мойилликнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган препарат ва ўсимликлар наркотик моддалар рўйхатига киритилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида назорат остига олинган. Уларга

ЖК 8-бўлимида берилган таърифлар билан бирга 1961-йилги Наркотик моддалар тўғрисидаги Қўшма Конвенциянинг I ва II рўйхатига 1961-йилги Наркотик моддалар тўғрисидаги Қўшма Конвенцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги 1972-йилги Баённомага мувофиқ киритилган моддалар киради.

Психотроп моддалар - бу табиий ва синтетик усулда олинган, инсонда мойиллик ҳолатини вужудга келтирувчи ва инсоннинг марказий нерв тизимида қўзғатувчи ёки депрессив таъсир кўрсатувчи галлюцинация ёки ҳаракатланиш, идрок қилиш, қабул қилиш, кайфиятнинг бузилишига олиб келувчи моддалар ҳисобланади.

Психотроп моддалар ҳам психотроп моддаларнинг алоҳида рўйхатига киритилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида назорат остига олинган. Уларга БМТнинг 1971-йилги Психотроп моддалар тўғрисидаги Конвенциясининг I, II, III ёки IV рўйхатига (ЖКнинг 8-бўлимида берилган) киритилган моддалар киради.

Мазкур жинойт айбдор томонидан вояга етмаган шахсни наркотик ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб қилишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширган пайтдан бошлаб, келиб чиққан оқибатлардан, яъни шахс гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилганлигидан қатъий назар тугалланган ҳисобланади.

Башарти шундай ҳаракатлар:

а) илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага чиқариш билан боғлиқ бирон-бир жиноятни содир этган шахс томонидан амалга оширилган бўлса;

б) шундай ҳаракатлар икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

в) жиноят ўқув юртларида, ўқувчилар ва талабалар ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган бошқа жойларда содир этилган бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖК 127-моддаси 3-қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этиш деганда, вояга етмаган шахсга нисбатан жисмоний зўрликни қўллаш ёки унга руҳий тазйиқ ўтказиш билан, қўрқитиш, пул бериб оғдириш, авраш, алдаш, ўч олиш, ҳасад, рашк туйғуларини ва бошқа паст ниятларини қўзғатиш, жиноят содир этишни таклиф қилиш, ўғирланган нарсаларни сотиб олиш ёки сотиб беришни ваъда қилиш, жиноятни содир этиш жойи ва усуллари ёки жиноят изларини яшириш ҳақида маслаҳатлар бериш йўли билан унинг бир ёки бир нечта жиноятларнинг содир этилишида иштирок этиш ниятини рағбатлантиришга қаратилган ҳаракатлар ва жиноятни содир этишга оғдириш мақсадида вояга етмаган шахслар билан спиртли ичимликлар ичилишини тушуниш

зарур.

Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш айбдорнинг вояга етмаган шахсга жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ фаол ҳаракатлари орқали амалга оширилади.

Мазкур жиноят таркиби учун айбдорнинг 18 ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсни қайси жиноятга жалб қилганлигининг аҳамияти йўқ.

Таҳлил этилаётган жиноят шахс томонидан вояга етмаганни жиноятга жалб этишга қаратилган ёхуд жиноят содир этишга далолат қилувчи ҳаракатларни содир этган пайдан эътиборан, вояга етмаган жиноятга жалб этилгани ёки этилмаганидан қатъи назар, тугалланган деб эътироф этилади.

Вояга етмаган шахсни маълум бир жиноятни содир этишга даъват қилган шахснинг қилмиши, башарти ана шу жиноят содир этилган бўлса, ЖК 127-моддаси 3-қисми ва вояга етмаган ёшни жиноятга даъват қилиш ёхуд айбдорнинг ўзи ҳам жиноятни содир этишда иштирок этган бўлса, жиноятнинг иштирокчиси сифатида жиноятлар жами бўйича квалификация қилинади.

Ўсмир жиноятга жалб қилинган, аммо у жиноятнинг субъекти бўла олмайдиган ҳолларда, уни жиноятга жалб қилган шахснинг қилмиши ЖК 127-моддаси ва вояга етмаган шахс содир этган жиноятнинг ташкилотчиси

сифатида жиноятларнинг жами бўйича баҳоланиши даркор.

Содир этилган жиноятда вояга етмаган ва вояга етган шахслар биргаликда иштирок этган ва вояга етган шахслар томонидан жиноятга жалб этиш ёки даъват этиш аломатлари бўлмаган ҳолларда уларнинг қилмишини ЖК 127-моддаси 3-қисми билан квалификация қилиб бўлмайди, жиноят ЖК 28-моддасига асосан жиноятда иштирокчилик, деб баҳоланиши лозим.

Ёш боладан фойдаланган ҳолда жиноятни содир этиш ЖК 56-модда «ж» бандига мувофиқ жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топилади ва жазо тайинлаш вақтида суд томонидан инобатга олинади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади, яъни айбдор вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб қилаётганини билиб туради ва шунини хоҳлайди. Аини пайтда айбдор ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб қилинаётган шахснинг вояга етмаганлигини билган ҳоллардагина мазкур модда бўйича жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эканлигига эътибор бермоқ керак.

Олий суд Пленумининг “Вояга етмаганлар жиноятчилиги бўйича суд амалиёти” тўғрисидаги Қарорида шундай дейилади: “Шунингдек катта ёшдаги киши ўз ҳаракатлари

билан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилаётганини билгани ҳолда ёки шундай фикрга йўл қўйганини ҳам аниқлаш лозим.

Агарда катта ёшдаги киши шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилсаю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда ЖКнинг 127-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.”

Ушбу жиноятнинг субъекти 18 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

**7-§. Ён олти ёшга тўлмаган шахс билан
жинсий алоқа қилиш
(ЎзР ЖК 128-моддаси)**

Бу жиноятнинг объекти 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлигини ҳамда уларнинг нормал рухий ва жисмоний ривожланишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят эркак ёки аёлнинг қарама-қарши жинсдаги ён олти ёшга тўлмаган шахс билан ихтиёрий равишда алоқа қилиши ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришида ифодаланади.

“Жинсий алоқа қилиш” ҳамда “жинсий эҳтиёжни

ғайритабий усулда қондириш” тушунчалари ҳақида тўлиқ маълумот ЖК 118 ва 119-моддалари таҳлилида берилган.

Шуни инобатга олиш лозимки, мазкур моддага мувофиқ жинсий алоқа қилиш ҳамда жинсий эҳтиёжни ғайритабий усулда қондириш ихтиёрий равишда амалга оширилган бўлиши лозим.

Ихтиёрий равишда жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабий усулда қондириш деганда, зўрлик ишлатмай, қўрқитмай ёки жабрланувчининг ожизлик ҳолатидан фойдаланилмаган ҳолда жинсий эҳтиёжнинг қондирилишини тушуниш зарур.

Мазкур ҳолатларда розилик 2 хил бўлиши мумкин: 1) вояга етмаган шахсни моддий ёки бошқача усулда қизиқтириш, шунингдек, унда жинсий қизиқиш ҳосил бўлганлиги. 2) жабрланувчи руҳий ожиз аҳволда бўлмаган ҳолда айбдор ҳаракатларига қаршилиқ кўрсатмаслиги.

Шахс неча ёшгача жинсий алоқа қилиш ёки ғайритабий усулда жинсий эҳтиёжни қондиришнинг аҳамиятини тушунмайди, деган саволга жавобан қонунларда маълум бир ёш белгиланган эмас. Шунинг учун жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабий усулда қондириш ихтиёрий равишда содир этилганлиги (жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб содир этилмаганлиги) ҳар бир алоҳида ҳолда, иш

ҳолатлари ҳисобга олиниб, жабрланувчининг онги қай даражада ривожланганлиги, ўзига нисбатан содир этилаётган жинсий алоқанинг моҳияти ва аҳамиятини қай даражада идрок этганлиги ҳисобга олиниб, ҳал этилиши лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги расмий никоҳнинг мавжудлиги қилмишни ЖКнинг мазкур моддаси билан квалификация қилишга таъқир қилмайди.

Жинсий алоқа қилиш бошланган, яъни эркакнинг жинсий аъзоси аёлнинг жинсий аъзосига киритилган ёхуд жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар содир этилган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган, деб эътироф этилади. Ўн олти ёшга тўлмаган шахс қайд этилган хатти-ҳаракатларни содир этишга кўндирилган, аммо айбдорга боғлиқ бўлмагани ҳолда амалга оширилмаган бўлса, қилмиш таҳлил этилаётган жиноятга суиқасд, деб квалификация қилиниши лозим.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқага киришаётганлигини билади ва буни хоҳлайди.

Жабрланувчи қиз (ўғил) боланинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги субъектга олдиндан аён бўлганлиги,

айбдорни ЖК 128-моддаси билан жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Айбдор мазкур фактни жабрланувчи билан аввалдан танишганлик туфайли, унинг ташқи жисмоний кўринишидан, хатти-ҳаракатларидан билиши мумкин. Башарти субъект жабрланувчи қиз (ўғил) боланинг ёшига нисбатан ҳақиқатан ҳам адашган бўлса, ЖК 128-моддаси билан квалификация қилинмайди.

Ушбу жиноятнинг субъекти ҳар икки жинсдаги, 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахслар бўлиши мумкин.

Кўриб чиқиладиган жиноятда айбдор ва жабрланувчи 16 ёшга тўлмаган бўлса, ўн олти ёшга тўлмаган ҳар икки шахснинг ёшидан, уларни тавсифловчи маълумотлардан, рўй берган оқибатлардан ва ишнинг бошқа аломатлари (масалан, муҳаббат туйғуси)дан келиб чиқиб, уларни жавобгарликдан ЖК 87-моддасига асосланиб мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу модданинг 1-қисмида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш такроран ёки рецидивист томонидан ёхуд илгари ЖК 118 ёки 119-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан содир этилган ҳолларда, айбдор ЖКнинг 128-моддаси 2-қисми билан жавобгарликка тортилади.

**8-§. Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан
уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш
(ЎзР ЖК 129-моддаси)**

Жиноятнинг бевосита объекти 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек, уларнинг нормал жисмоний ва руҳий ривожланиши ҳисобланади.

16 ёшга тўлмаган болалар ва қизларга нисбатан уятсиз бузуқ ҳаракатлар қилишнинг ижтимоий хавфлилиги шунда онамоён бўладики, мазкур шахсларда жинсий ҳаётга муддатдан олдин носоғлом, жисмоний ва руҳий асосланмаган қизиқиш пайдо бўлади, одамлар ўртасидаги жинсий муносабатлар ўртасида уларнинг фикри бузуқ бўлади, айрим ҳолларда бундай шахсларда ғайритабиий жинсий қарашлар шаклланади.

Жиноятнинг объектив томони шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда унга нисбатан зўрлик ишлатмай, уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этишда ифодаланади.

Уятсиз-бузуқ ҳаракатлар **жинсий характерга эга бўлиб, айбдорнинг жинсий эҳтиёжини қондиришга ёки аксинча жабрланувчида жинсий қизиқиш уйғотиш мақсадида амалга оширилади. Бундай ҳаракатлар жисмоний ёки**

рухий амалга оширилиши мумкин.

Жисмоний уятсиз-бузуқ ҳаракатлар деганда, ўн олти ёшга тўлмаган шахслар кўзи олдида жинсий органларни яланғочлаш, жинсий алоқани содир этиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, уларни жинсий алоқалар қилишга ўргатиш, беҳаё фильмларни, тасвирларни намойиш этиш, беҳаё адабиётларни ўқиш ва ҳоказоларни, яъни жинсий ҳаётга носоғлом ва эрта қизиқиш уйғотувчи ҳар қандай жинсий хатти-ҳаракатларнинг содир этилишини тушунмоқ керак. Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш ҳоллари бундан мустасно бўлиб, қилмиш ЖК 128-моддасига мувофиқ жазоланади.

Содир бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини англай олмаслиги орқали унинг ёши аниқланадиган ёш бола олдда жинсий ҳаракатлар ёки жинсий характерга эга бўлган бошқа ҳаракатларни содир этиш башарти шахс мазкур ҳаракатларни 16 ёшга тўлмаган шахснинг кузатиб туриши учун содир этмаган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Рухий уятсиз-бузуқ ҳаракатлар деганда, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга беҳаё фильмларни, тасвирларни намойиш этиш, беҳаё адабиётларни ўқиш, жинсий

мавзуларда уятсиз гаплашиш ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

ЖК 129-моддаси 1-қисми диспозициясига мувофиқ 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз бузуқ ҳаракатлар зўрлик ишлатмасдан амалга оширилади. Бунда 16 ёшга тўлмаган шахснинг айбдор билан уятсиз бузуқ ҳаракатлар қилиш ташаббуси билан чиқиши айбдорни ЖК 129-моддаси бўйича жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлмайди.

Уятсиз-бузуқ ҳаракатларни қилиш вақтида айбдор жабрланувчига зўрлик ишлатган ёки қўрқитган бўлса, у ЖК 129-моддаси 2-қисми билан жавобгарликка тортилади.

ЖК 129-моддаси 2-қисми моҳиятидан келиб чиқиб, зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчининг муштланишини, калтакланишини, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишини тушуниш зарур.

Жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказилган ҳолларда айбдорнинг қилмиши жиноятлар жами бўйича (ЖК 129-моддаси ва ЖК 104-моддаси билан) квалификация қилиниши лозим.

Уятсиз-бузуқ ҳаракатларни қилиш вақтида айбдор жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондириш мақсадида зўрлик ишлатган, қўрқитган ёки жабрланувчининг ожизлик ҳолатидан фойдаланган, аммо ўз хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра мақсадига

эриша олмаган бўлса, унинг қилмиши ўн олти ёшга тўлмаган шахснинг номусига тажовуз сифатида ЖК 25-моддаси ва 118-моддаси 3-қисми билан ёхуд жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга тажовуз сифатида ЖК 25-моддаси ва 119-моддасининг 3-қисми “а” банди билан квалификация қилинади. Агар 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз бузук ҳаракатлар қилиш унинг розилиги асосида номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан тугаса, айбдорни ЖК 128-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш лозим.

Амалиётда 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз бузук ҳаракатлар қилиш жиноятининг таркибини ЖК 119-моддаси 3-қисми “а” банди ва 128-модданинг таркибидан фарқлашда қийинчиликлар вужудга келади. Қонун чиқарувчи ЖК 119-моддаси 1-қисми ва 128-моддаси 1-қисмини ишлаб чиқаётганда “жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш” тушунчасининг мазмунини ёритиб берамган ва бу қилмишнинг уятсиз бузук ҳаракатлардан фарқларни кўрсатмаган.

Мазкур тушунчаларни бир-биридан фарқлашда, бизнинг назаримизда, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга қаратилган ҳаракатлар уятсиз бузук ҳаракатлардан фарқли равишда жинсий эҳтиёжни қондиришнинг нисбатан сексуал характер касб этишига

эътибор қаратишимиз лозим. Ундан ташқари аксарият ҳолларда уятсиз бузук ҳаракатларни амалга оширишда айбдор ўзининг ғайритабиий жинсий эҳтиёжини қондиришни эмас, балки 16 ёшга тўлмаган, онгида инсонлар ўртасидаги жинсий муносабатлар тўғрисида аниқ шаклланган тўғри тушунчалар мавжуд бўлмаган шахснинг онгини захарлаш мақсадини кўзлайди.

Жиноят уятсиз-бузук ҳаракат содир этилган пайдан эътиборан тугалланган, деб эътироф этилади. Жиноятни квалификация қилиш учун айбдорнинг ўн олти ёшга тўлмаган шахснинг ахлоқини бузиб, мақсадига эришгани ёки эриша олмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

Субъектив томондан жиноят тўғри ёки эгри қасд билан содир этилади. Кўпгина ҳолларда айбдор 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз бузук ҳаракатларни содир қилаётганлигини билади ва буни хоҳлайди (тўғри қасд). Агар айбдорлар 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз бузук ҳаракатларни содир этиб, мазкур ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англаган ва ёш боланинг бузилиши мумкинлигини билган ҳамда бундай оқибат келиб чиқишига бефарқ бўлиб, унга йўл қўйганда қилмиш эгри қасд билан содир этилган ҳисобланади. Бундай ҳолатда айбдор жабрланувчининг ташқи кўриниши, бўй-басти, жабрланувчининг хулқи ва ҳоказолар орқали унинг

ёшини билиши лозим.

Айбдорнинг қилмишини ЖК 129-моддаси билан квалификация қилиш учун жабрланувчи қиз (ўғил) боланинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга олдиндан аён бўлганлигини аниқлаш зарур. Агарда у жабрланувчининг ёшига нисбатан ҳақиқатан ҳам адашган ёки жабрланувчининг ёши ўн олтидан ошганлигига ишонган бўлса, қилмиш ЖК 129-моддаси билан квалификация қилинмайди. Аммо айбдорнинг уятсиз-бузук ҳаракатларни содир этиши натижасида, жабрланувчининг баданига шикаст етказилган, таносил ёки ОИТС касалликлари юқтирилган бўлса, қилмиш ЖК 129-моддаси ва ЖК тегишли моддалари билан жиноятларнинг жамига кўра квалификация қилинади.

Мазкур жиноятнинг субъекти ҳар икки жинсдаги, ўн олти ёшга тўлган шахслар бўлиши мумкин.

9-§. Порнографик нарсаларни тайёрлаш ва тарқатиш (ЎзР ЖК 130-моддаси)

Таҳлил этилаётган модда ЖКга халқаро Женева конвенциясининг 1923 йил 12 октябрдаги «Порнография буюмларининг тарқатилиши ва савдо-сотиғига қарши кураш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ киритилган.

Мазкур Конвенцияда жиноят сифатида куйидаги қилмишлар назарда тутилган: порнографик нарсаларни сотиш, тарқатиш ёки оммавий намоиш этиш мақсадада тайёрлаш ва сақлаш; мазкур нарсаларни олиб кириш, олиб ўтиш, олиб чиқиш ёки уларни муомалага чиқариш; порнографик нарсаларни сотиш, тарқатиш ёки оммавий намоиш этиш, прокатга топшириш; мазкур материалларни олиш мумкин бўлган йўллари ошқор қилиш ва эълон қилиш.

Ушбу жиноятнинг объекти жамоат одоб-ахлоқи, ёшларнинг нормал ахлоқий ривожланиши ҳисобланади.

Жиноят предмети – порнографик нарсалар ҳисобланади.

Порнографик нарсалар деганда, порнографик асарларни, босма буюмларни, тасвирларни, жинсий алоқаларни қўпол, натурал ҳолатда, уятсизларча, шармандали ёки бузуқ ҳолда акс эттирувчи бошқа нарсаларни тушуниш зарур. Турли кўринишдаги (босма, машинкаланган, кўлёзма ҳолидаги) асарлар, фотосуратлар, слайдлар, кино пленкалари, видеокассеталар ва бошқа нарсалар шулар жумласидандир.

Порнография нарсалари тушунчасини бундай белгилаш халқаро стандартларга жавоб беради. Предметнинг порнографик характери қоида тариқасида махсус билимга эга бўлмаган ҳар қандай шахс учун маълум бўлиши керак. Аммо

шунни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳар бир мамлакатда “порнография” тушунчаси мазкур масалага нисбатан давлатлар ва жамиятлар қонунчилик ҳокимиятининг муносабати, уларнинг миллий анъаналари, маънавий ва диний қоидалари ва бошқа омилларга мувофиқ турлича талқин қилинади.

Шу билан бир қаторда, ишқий муносабатларни намойиш этиш, уларнинг тасвири, яланғоч тананинг кўрсатилиши, башарти улар қўпол, безбетлик, натуралистик хусусиятга эга бўлмаса, порнография деб эътироф этилиши мумкин эмас. Шунингдек, бузуқ ҳолатдаги натурализм бўлмаган инсонлар ўртасидаги жинсий муносабатларни акс эттирувчи санъат асарлари ҳам порнографик нарсалар ҳисобланади (масалан, “Кама Сутра” ҳинд эпоси).

Материал ёки предметларнинг порнографик характерга эга эканлигини аниқлаш учун кинотанқид, психология, сексопатология, юриспруденция ва бошқа соҳалардаги махсус мутахассислар иштирокида комплекс экспертиза тайинланиши лозим бўлади.

Жиноятнинг объектив томони порнографик нарсаларни намойиш қилиш ёки тарқатиш мақсадида тайёрлаш, шунингдек, уларни йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида намойиш қилиш ёки тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин

содир этилишидан иборатдир.

Мазкур модда бўйича жавобгарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин вужудга келади.

Порнографик нарсаларни тайёрлаш деганда, уларнинг яратилишини; видеофильмга тушириш, фотосуратга олиш учун турли ҳолатларда туриш, асарлар яратилиши ва ҳоказоларни, шунингдек уларнинг техник жиҳатдан тайёрланиши (нусхаларнинг кўпайтирилиши, чоп этилиши, монтаж қилиниши, лентага ёзилиши, суратга олиниши ва ҳоказоларни) тушуниш зарур.

Тарқатиш деганда, порнографик нарсаларнинг ҳеч бўлмаганда бир шахсга етказиб берилишини, жўнатилишини тушуниш керак.

Намойиш қилиш деганда, порнография билан ҳеч бўлмаганда бир шахснинг ҳар қандай усуллар (масалан: видеофильм, кинофильм, фотосуратлар, слайдларни кўрсатиш, порнографик асарларни ўқиш ва ҳоказо йўллар) билан таништирилишини тушуниш лозим.

Жиноят порнографик нарсаларни намойиш қилиш ёки тарқатиш мақсадида тайёрланган пайтдан бошлаб ёхуд порнографик нарсалар йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида намойиш қилинган ёки тарқатилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Агарда порнографик нарсалар йигирма бир ёшга

тўлган шахслар ўртасида намойиш этилган ёки тарқатилган бўлса, бунда жиноят таркиби бўлмайди.

Айбдор порнографик нарсаларни намойиш этиш ёки тарқатиш мақсадини кўзлаб тайёрлаган тақдирдагина жиний жавобгарликка тортилади.

Порнографик нарсалар намойиш этиш ёки тарқатиш мақсадисиз сақланган бўлса, шахс жазога тортилмайди.

Субъектив томонидан жиноят тўғри ёки эгри қасд билан содир этилади. Айбдор порнографик нарсаларни намойиш қилиш ёки тарқатиш мақсадида тайёрлаётганлигини ёки порнографик нарсаларни йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида намойиш қилаётганлигини ёки тарқатаётганлигини билади ва бунни хоҳлайди. Порнографик нарсаларни тайёрлашдан махсус мақсад, яъни уларни намойиш қилиш ёки тарқатиш мақсади бўлиши лозим. Бунда айбдор порнографик нарсаларни намойиш қилаётганда жабрланувчининг ЖК 130-моддаси диспозициясида белгиланган ёшга тўлмаганлигини билиши лозим. Эгри қасд айбдорнинг порнографик нарсаларни намойиш қилиш ёки тарқатиш мақсадида тайёрлаётганлигини билиши ва уларнинг йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида тарқалиши мумкинлигига кўзи етиши ва бундай оқибат келиб чиқишига йўл қўйишида ифодаланади.

Унинг содир этилиш мотиви ҳар хил (ғараз, безорилик ва ҳоказо) бўлиши мумкин, аммо улар жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

Ушбу жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин. Агар жиноят мансабдор шахс томонидан ўз хизмат вазифасидан фойдаланиб содир этилган бўлса, қилмиш жиноятлар жами тариқасида ЖК 130-моддаси ва 205-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш) билан жавобгарликка тортилади.

10-§. Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (ЎзР ЖК 131-моддаси)

Жиноят объектив томондан бузуқлик уяси бўлмиш фоҳишахона очиш ёки сақлаш, шунингдек тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилишда ифодаланади.

Фоҳишахона деганда, мижозлар жинсий алоқа ёки жинсий эҳтиёжларини ғайритабiiй усулда қондириш учун фойдаланадиган ҳар қандай хонани тушуниш зарур.

Фоҳишахона деб топишнинг муҳим шарти – у ерга шахсларнинг ўз жинсий эҳтиёжларини қондириш учун мунтазам келиб туришидир.

Фоҳишахона алоҳида хонадон, уй, дала ховли, саунадаги, ёрдамчи хонадаги алоҳида бир жой ва ҳоказо

кўринишда бўлиши мумкин.

Фоҳишахона очиш ва сақлаш деганда, хона танланиши, унинг жиҳозланиши, фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратилиши, узоқ вақт хизмат қилиши учун фоҳишахонанинг сақланиши, миждозлар жалб қилиниши, унинг рекламаси ва ҳоказоларни тушуниш керак. Фоҳишахона эгаси шахвоний ёки бошқа мақсадларда одам ёллаган ҳолларда, унинг қилмиши ЖК 131 ва 135-моддалари билан жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши зарур.

Кўшмачилик – тамагирлик ёки бошқа паст ниётларни кўзлаб, маълум шахсларнинг ўзаро жинсий алоқа қилиши ёхуд жинсий эҳтиёжларини ғайритабiiй усулда қондиришига хизмат кўрсатишдан иборат.

Жиноят фоҳишахона очилган дақиқадан ёхуд уни сақлашга қаратилган хатти-ҳаракатлар содир этилган пайтдан эътиборан ёхуд миждозларнинг ўзаро ишқий ҳаракатларни амалга оширишига ёрдам беришга қаратилган хизматлар кўрсатилган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

Унинг ўзига хос зусусяитлари шундан иборатки, унда жинсий фаолиятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичлари бўлмайди. Субъект томонидан жинсий эҳтиёжларни қондириш учун шахсларни қидириши, бунинг

учун хонанинг тайёрланиши ҳамда жиноят содир этиш учун қасддан бошқа шароитларнинг тайёрланиши билан жиноят тугалланган ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Шахс фоҳишахона ташкил этиш ва сақлаш ёки бошқа шахсларнинг жинсий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилишга қаратилган ҳаракатларни бажараётганлигини англайди ва буни хоҳлайди.

Ўша қилмиш тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган ҳоллардагина айбдор ЖК 131-моддаси билан жавобгарликка тортилиши мумкин.

“Тамагирлик ниятлари” тушунчаси тўғрисида тўлиқ маълумотни ЖК 97-моддаси таҳлилида олишингиз мумкин.

Тамагирлик ёки бошқа паст ният (мансабпарастлик, ўч олиш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик ва хоказо) ўрганилаётган жиноят таркиби мавжудлигининг шартли белгиси ҳисобланади.

Ушбу жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Фоҳишахоналарга кириш жиноят деб баҳоланмайди.

Юқорида айтилган қилмиш вояга етмаган шахсни жалб қилганда ёки такроран, хавфли рецидивист ушбу ёки илгари Кодекснинг 135-моддаси (одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш) ёки 137-моддасида (одам ўғирлаш)

назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖК 131 -модда 2-қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Қилмишни ЖК 131-моддаси 2-қисми “а” банди билан квалификация қилишда айбдорнинг жиноятга 18 ёшга тўлмаган шахсни жалб қилаётганлигини англаши лозим бўлади. Бунда вояга етмаган жабрланувчи фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилишда қайси вазифани бажариши аҳамиятга эга эмас (фоҳишахона қоровули, фоҳишалик билан шуғулланувчи шахс ва б.).

“Такроран” ёки “хавфли рецидивист томонидан” тушунчалари тўғрисида тўлиқ маълумотни ЖК 97-моддаси таҳлилида олишингиз мумкин.

**11-§. Тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш,
бузиш ёки уларга шикаст етказиш
(ЎзР ЖК 132 -моддаси)**

Ўзбекистон Республикасининг «Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ мазкур қонунни бузган шахслар маъмурий ёки жинойий жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят иши давлат муҳофазасига олинган тарих ва

маданият ёдгорликларига тажовуз қилинган ҳоллардагина қўзғатилади.

Тарих ва маданият ёдгорликларининг давлат муҳофазасига олингани тахтачалар, муҳофаза лавҳалари, кўрсаткичларни осиб қўйиш, китобларда, газета ва журналларда, йўл кўрсаткичларда ахборотлар бериш ва ҳоказо йўллар билан аҳоли эътиборига етказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги Қонуни билан ЖК 132-моддаси «Етказилган моддий зарар уч бараварига тенг миқдорда қопланган ҳолларда озошликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо қўлланилмайди» деган мазмундаги 3-қисм билан тўлдирилди.

Жиноятнинг объекти жамоат одоб-ахлоқи, давлатнинг тарихий ёдгорликлар ва маданий қадриятларни муҳофаза қилиш каби манфаатлари ҳисобланади.

Давлат муҳофазасидаги ҳар хил тарих ёки маданият ёдгорликлари, табиий объектлар, табиий фавворалар, шаршаралар, аждодларимизнинг мақбаралари, қўриқхоналар ва ҳоказолар жиноятнинг предмети бўлиши мумкин, аммо мазкур объектларнинг муҳофазага олингани тўғрисида тегишли идораларнинг қарорлари чиқарилган бўлиши ва бу бирон-бир усул билан фуқаролар эътиборига етказилган бўлиши лозим.

Жиноят объектив томондан шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин, давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасддан nobуд қилиш, бузиш ёки шикаст етказишнинг содир этилишида ифодаланади.

Тарих ёки маданият ёдгорликларини nobуд қилиш деганда, уларнинг қайта тиклаш имконияти бўлмаган ҳолда, бутунлай яроқсиз ҳолга келтирилишини тушуниш лозим.

Тарих ёки маданият ёдгорликларини бузиш деганда, қайта тиклаш имкониятини қолдирган ҳолда уларга маълум даражада зарар етказилишини тушуниш керак.

Тарих ёки маданият ёдгорликларига шикаст етказиш деганда, уларга маълум даражада зарар етказилиши, унинг ўз қийматини йўқотиши тушунилади.

Жиноятнинг содир этилиш усуллари (ёдгорликларни ёндириш, вайрон қилиш, сув бостириш ва ҳоказо) жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Давлат муҳофазасига олинган тарих ва маданият ёдгорликлари nobуд қилинган ёки бузилган ёхуд шикаст етказилган пайдан бошлаб жиноят тугалланган, деб эътироф этилади.

Айбдор ўз қилмиши натижасида кўп миқдорда зарар етказган бўлса, ЖК 132 -моддаси 2-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача миқдордаги зарарни кўп миқдордаги зарар деб тушуниш лозим.

Етказилган моддий зарар уч бараварига тенг миқдорда қопланган ҳолларда, айбдорга нисбатан озошликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо қўлланилмайди (ЖК 132-модда 3-қисми).

Субъектив томондан жиноят қасдан, билвосита ёки бевосита ғаразли ният билан содир этилади.

Жиноятнинг содир этилиш мотиви жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди. Аммо, ёдгорликларни нобуд қилиш, бузиш, уларга шикаст етказиш безорилик ҳаракатлари билан биргаликда содир этилса, айбдорнинг қилмиши ЎЗР ЖК 132 ва 277-моддалари билан жиноятлар жами бўйича квалификация қилинади.

Тарих ва маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш эҳтиётсизлик натижасида рўй берган ҳолларда, айбдор ЖК 207-моддаси (мансабга совуққонлик билан қараш) ёхуд 172-моддаси (мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш) билан жавобгарликка тортилади.

Тарих ёки маданият ёдгорликларини бузиш ёки уларга шикаст етказиш ёдгорликларнинг муайян қисмларини ўғирлаш билан биргаликда содир этилган ҳолларда,

айбдорнинг қилмиши ЖК 132-моддаси ва ўзганинг мулкини ўғирлаганлик учун жавобгарлик назарда тутилган тегишли модда билан жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши зарур.

Бу жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган шахс бўлиши мумкин.

Айбдор шахснинг қилмишида мансаб ваколати билан боғлиқ жиноят аломатлари бўлган тақдирда, унинг қилмиши жиноятларнинг жами бўйича квалификация қилинади.

12-§. Инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш (ЎзР ЖК 133-моддаси)

Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра инсон аъзолари ёки тўқималари олди-сотдининг предмети бўлиши мумкин эмас.

Реципиентларга аъзоларни ва тўқималарни кўчириб ўтказиш билан боғлиқ операциялар тиббий хулосаларга асосланиб амалга оширилади.

Инсон аъзолари ва тўқималарининг ажратиб олиниши ва тайёрланишига шахс тириклигида унинг розилиги, шахс вафот этганда эса унинг яқин қариндошлари розилиги асосида фақат Давлат соғлиқни сақлаш муассасаларидагина

рухсат берилади. Шахснинг аъзо ёки тўқималарини кўчириб ўтказишга фақат махсус соғлиқни сақлаш муассасаларида рухсат берилади.

ЖК 133-моддасининг бевосита объекти жамиятнинг нормал маънавий асосларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Жиноят предмети инсон аъзолари ёки тўқималари ҳисобланади.

Бу ҳақда батафсил маълумотни ЖК 97-моддаси 2-қисми “и” бандида кўришингиз мумкин.

Объектив томондан жиноят шахс тириклигида унинг розилигини олмасдан туриб ёки ўлганидан кейин яқин қариндошларининг розилигисиз, илмий ёхуд таълим ишлари учун кўчириб ўтказиш ёки бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) мақсадида мурданинг аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишда ифодаланади.

Аъзолар ёки тўқималарни соғлиқни сақлаш муассасасида ажратиб олишга ўлган одам тириклиги вақтида ёхуд унинг яқин қариндошлари шахс ўлганидан сўнг унинг аъзолари ёки тўқималари маълум мақсадлар учун ажратиб олишга рози эмасликларини маълум қилган бўлсалар, мурданинг аъзолари ёки тўқималари ажратиб олинишига йўл қўйилмайди.

Мутахассис врачлар консилиуми томонидан қайд

этилган ўлим фактининг шубҳасиз исботлари мавжуд бўлса, кўчириб ўтказиш учун мурданинг аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш мумкин.

Мурда аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш соғлиқни сақлаш муассасаси бош врачининг рухсати билан амалга оширилади.

Суд-тиббий экспертизасини ўтказиш талаб қилинган ҳолларда мурданинг аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишга рухсат, прокурор оғоҳ этилиб, суд-тиббий эксперти томонидан берилиши лозим.

Қотилликнинг мурданинг аъзолари ёки тўқималарини кўчириб ўтказиш мақсадида содир этилганлиги аниқланса, айбдорнинг қилмиши ЖК 97-моддаси 2-қисми «н» банди ҳамда 25 ва 133- моддалар билан ёхуд агар кўчириб ўтказиш учун аъзоларни ёки тўқималарни ажратиб олиш рўй берган бўлса, ЖК 97-моддаси 2-қисми «н» банди ва 133-модда билан квалификация қилиниши лозим.

Кўчириб ўтказилгани ёки ўтказилмагани, сақлаб қўйилгани ёки сақлаб қўйилмаганидан қатъи назар, одамнинг аъзолари ёки тўқималари ажратиб олинган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган, деб ҳисобланади.

Ўша ҳаракатлар тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда; такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, ушбу модданинг 2-қисми билан

квалификация қилинади.

Таъмагирлик нияти мулкый ёки моддий мажбурияти бўлган шахсдан қутулиб, қарзларни ва алиментни тўлаш ва бошқа мақсадларда амалга оширилганда намоён бўлиши мумкин. Бошқа паст ниятлар деганда мазкур ҳолатда мансабпарастлик, лаганбардорлик, ошна-оғайнигарчиликни тушуниш мумкин.

“Такроран” ёки “хавфли рецидивист томонидан” тушунчалари тўғрисида тўлиқ маълумотни ЖК 97-моддаси таҳлилида олишингиз мумкин.

Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади.

Жиноятнинг содир этиш мотивлари айбдорни ЖК 133-модда 1-қисми билан жавобгарликка тортиш учун аҳамият қасб этмайди. Жиноятнинг трансплантация, консервация ёки илмий мақсадларда амалга оширилиши мумкин.

Мазкур жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган шахслар бўлиши мумкин, одатда улар тиббий ихтисосликка эга бўладилар.

13-§. Қабрни таҳқирлаш

(ЎзР ЖК 134-моддаси)

ЖК 134-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноятнинг объекти жамиятда мавжуд бўлган одоб-ахлоқ

асослари ҳисобланади.

Жиноят предмети вафот этган одамларнинг мурдалари, уларнинг кўмилган жойлари, қабрлари, мазорлари ҳисобланади.

Қабр – ўлган одам ётган (ҳар хил анжомлар, кийим-кечак, тобут ва ҳоказо нарсалар бўлган) жойдир.

Мазор деганда, қабрни ва унинг устидаги тепаликни, ёдгорлик, панжара, гуллар, гулчамбарларни ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

Объектив томондан жиноят қабрни ёки мурдани таҳқирлашда, шунингдек мурдадаги, қабр устида ёки ичидаги нарсаларни олишда ифодаланади.

Қабрни таҳқирлаш деганда, унинг қовлаб ташланиши, қабр устидаги тошлар, ёдгорликлар, марҳумнинг хоки сақланаётган идишлар, панжараларнинг вайрон қилиниши, яшил ниҳолларнинг босиб-янчилиши, қабр тошларига беадаб ёзувлар ёзилиши ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

Мурдани таҳқирлаш деганда, мурданинг, унинг алоҳида қисмларининг ташқарига чиқариб олиниши, мурданинг таниб бўлмас ҳолга келтирилиши, унинг хўрланиши тушунилади.

Мурдадаги, қабр устидаги ёки ичидаги нарсаларни олиш қабрни таҳқирлашнинг кўринишларидан бири

бўлиб, ана шу нарсаларнинг яширин ёки ошкора қўлга киритилишидан иборатдир.

Ушбу жиноят қабр устидаги ёки ичидаги нарсалар олинган ва айбдор уларни қўлга киритган пайдан бошлаб тугалланган деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор қабрни таҳқирлаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди. Жиноятнинг содир этилиш мотиви уни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас. Кўпгина ҳолларда қабрни таҳқирлашда айбдор безорилик ниятлари ёки диний таассублар замирида (қандайдир маросим ўтказди) ҳаракат қилади.

Мазкур жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Жамоат жойларида жамоат тартиби қоидаларига қасдан ҳурматсизлик билдириш билан бирга содир этилган ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш, қабрни ёки мурдани таҳқирлаш ЖК 134-моддаси ва 277-модда 2-қисми »п« банди билан квалификация қилинади.

“Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар”

мавзуси бўйича саволлар

1. Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш тушунчаси ва жиний жавобгарлик қандай асосларда келиб чиқади?

2. Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлаш жиноятидан ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш жиноятининг фарқи нимадан иборат?

3. Айбдор ҳаракатларини ЖК 124-моддаси (Болани алмаштириб қўйиш) билан квалификация қилишнинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

4. Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш жинояти учун жавобгарликнинг келиб чиқиш асослари нималардан иборат?

5. Кўп хотинлилик белгилари нималардан иборат?

6. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш деганда нималарни тушунасиз. Ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар тушунчасига таъриф беринг.

7. Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш учун жавобгарликнинг асослари ва ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади? Мазкур жиноятнинг номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик

ишлатиб ғайритабий усулда қондириш жиноятлари билан ўхшаш ва фарқли жаҳатлари нималарда кўринади?

8. Уятсиз-бузук ҳаракатлар деганда нимани тушунасиз?

9. Уятсиз-бузук ҳаракатларнинг қандай кўринишлари мавжуд?

10. Порнографик нарсалар деганда нимани тушунасиз? Порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш учун жинойий жавобгарликнинг юзага келишининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатинг.

11. Уятсиз-бузук ҳаракатларнинг порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатишдан фарқи нимада?

12. Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш тушунчасига таъриф беринг, уларнинг белгилари ва ўзига хос жиҳатларини сананг.

13. Фоҳишахона очиш ва сақлаш деганда нимани тушунасиз?

14. Қилмишни ЖК 131-моддаси (Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш) билан квалификация қилишнинг зарурий шартлари нималар?

15. Тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш учун жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатлари нималар? Тарих

ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш деганда нимани тушунасиз?

16. Инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш жиноятининг белгиларини сананг. Мазкур қилмиш учун жазони оғирлаштирадиган ҳолатлар қайсилар?

17. Қабрни, мурдани таҳқирлаш деганда нимани тушунасиз?

18. Мурдани таҳқирлаш жиноятининг қонунсиз инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш жиноятидан фарқи нимада?

VI боб. ШАХСНИНГ ОЗОДЛИГИ, ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

1-§. Одам савдоси (ЖК 135-моддаси)

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар (айниқса аёллар ва болаларга нисбатан) ахлқаро ҳуқуқда узоқ вақтдан бери маълум. 1949-йил 2-декабрда БМТ Одам савдоси ва учинчи шахсларнинг танфурушлигини эксплуатация қилишга қарши Конвенцияни қабул қилди. Ҳозирги кунда одам савдоси трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг ажралмас бир

бўлагига айланган бўлиб, дунёда миқёсида шундай кенг тарқалганки, БМТ ва Халқаро миграция ташкилоти экспертларининг фикрларига кўра мазкур жиноятдан жабрланганлар сони миллионларни ташкил этади.

Одам савдоси – ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Ундан келадиган даромад гиёҳванд моддалар ва курул савдосидан сўнг учинчи ўринда туради. Жиноятчиликнинг мазкур туридан келадиган даромаднинг йиллик айланмаси 7 млрд АҚШ долларини ташкил этади. Жинсий эксплуатация, мажбурий меҳнат, болалар меҳнатини эксплуатация қилиш шу даражада кенг тарқалганки, натижада ҳозирги кунда миллат генофондига, шу билан бирга миллий хавфсизликка жиддий хавф туғдирмоқда. Бундай ҳолатда ҳар қандай маданияти ривожланган мамлакат мазкур жиноий фаолият тури билан кураш бўйича барча зарур чораларни кўриши лозим. Ўзбекистон ҳам бу борада истисно эмас.

Бизнинг мамлакатимизда эксплуатация қилиш мақсадида одамларни сотиш муаммоси мустақилликнинг илк даврларидаёқ долзарб муаммога айланди. Мамлакатда юз берган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, айниқса чегараларнинг очилиши ва аҳоли халқаро миграциясининг ошиши, шунингдек, иқтисодиётда ўтиш даври муносабати билан аҳоли турмуш даражасининг сезиларли тарзда

пасайиши натижасида криминоген ҳолатнинг ёмонлашуви ва шахснинг жинсий ва бошқа турдаги эксплуатацияси билан боғлиқ ҳаракатлардан жабрланганлар сонининг ошиши кузатилди. Шу билан бирга кўпгина ҳолларда жабрланувчилар республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқилиб, ноқонуний тарзда сақлаб турилган. Айнан шунинг учун мамлакатимиз қонунчилиги томонидан собиқ Совет мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб 1994-йили жиноят қонунчилигида одамларни жинсий ёки бошқача тарзда эксплуатация қилиш учун уларни ёллаш учун жавобгарликни белгиловчи норма қабул қилинди.

2003-йилда Ўзбекистон юқорида қайд этилган БМТнинг 1949-йилги Конвенциясига кўшилди, 2008-йилда эса БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, бартараф қилиш ва бунинг учун жавобгарлик тўғрисидаги Баённомани тасдиқлаб, аҳолини огоҳлантириш, жабрланувчиларни ҳиомя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга ошириш ва уларни қўллаб-қувватлаш орқали одам савдосининг олдини олиш ва бартараф қилиш мажбуриятини олди.

ЖКнинг 135-моддаси ўзгартириш киритилгин охириги

моддалардан бири ҳисобланиб, унинг ҳозирги таҳрири ЖКга Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганидан кейин қабул қилинди. ЖК 135-моддасининг аввалги таҳрири одамларни эксплуатация қилиш учун уларни ёллаш учун жавобгарликни назарда тутган ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган одам савдоси билан боғлиқ жиноий қилмишларни қамраб олмаган, натижада унинг амалда қўлланилиши трафикнинг объектига айланган фуқароларнинг эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини тулиқ ҳимоя қилишни таъминлай олмаган. Ундан ташқари фақатгина фоҳишаликнинг эксплуатация қилиниши мақсадида одамларни сотиш назарда тутилган 1949-йилги Конвенциядан фарқли равишда Ўз. Р. ЖК 135-моддаси одамларни ҳар қандай эксплуатация қилиш мақсадида бундай ҳаракатларни амалга оширганлик учун жавобгарликни белгилади.

Одам савдосининг бевосита объекти шахснинг шахсий эркинлиги, шаъни ва кадр-қимматини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Қўшимча объект алоҳида квалификация қилинган таркибларда шахснинг ҳаёти ва соғлиғи дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

ЖК 135-моддаси тавсифловчи диспозицияга эга. Мазкур жиноят объектив томондан одам савдоси, яъни одамларни

олиш-сотиш ёки уларни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишда ифодаланади.

Агар айбдор жабрланувчининг вояга етмаганлигини била туриб, унга нисбатан модда диспозициясида санаб ўтилган юқоридаги ҳаракатлардан бирини содир этса ҳамда унинг ҳаракатларида ЖК 135-моддаси 2-қисмидаги “а, в, г, д, е, ж, з, и, к” ва 3-қисмининг “б, в, г” бандлари бўлмаса, қилмиш 135-модданинг 1-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Одам савдоси шахс эксплуатациясининг бошланишидан катъий назар айбдор ЖК 135-моддасида назарда тутилган ҳаракатлардан бирини содир қилган пайтдан бошлаб, одамларни олиш-сотиш, уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ҳаракатлари содир этилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Қонунда “одам савдоси” тушунчаси “ёллаш”, “ташиш”, “тошириш”, “яшириш”, “қабул қилиш” қилмишлари (ҳаракат шакли) ҳолда берилган.

Одам савдоси одамни олиш-сотиш, яъни уни сотувчига пул кўринишида маълум миқдордаги маблағ ёки бошқача мулкый эквивалент (кўчар ва кўчмас мулклар, мулкый характердаги даромадалр, мулкый ёки пул кўринишидаги қарздан во зкечиш ва б.) бериш эвазига сотиб олувчи

эгалигига топшириш ҳисобланади.

Одам савдоси олш-сотиш “товар”га ҳақ тўлангандан сўнг, яъни одам савдоси билан шуғулланувчи шахснинг жабрланувчини сотиб олувчи эгалигига топширган пайтдан қатъий назар, маълум миқдордаги пул ёки бошқача мулкый эквивалент олган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Агар жинойтчилар (бир томондан одамларни сотувчи, иккинчи томондан сотиб олувчи) ўртаисда одамни олиш-сотиш тўғрисида келишув тузилган бўлиб, аммо маълум сабабларга кўра режалаштирилган келишув амалга ошмаган бўлса (пул топширилмаган бўлса), уларнинг ҳаракатлари ЖК 135-моддасининг тегишли қисми ва 25-модданинг 1-қисми бўйича, яъни олиш-сотиш кўринишида одам савдосига тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши лозим.

Одам савдосининг бир кўриниши одамларни бирор бир фаолиятга, мазкур ҳолатда эксплуатацияга жалб қилишга қаратилган ҳаракатларда намоён бўлувчи одамларни ёллаш ҳисобланади (масалан, одамларни қидириш, хоҳловчиларни рўйхатга олши, улар билан дастлабки келишув тузиш ва б.). Одамни ёллаш фақат уни олиш-сотиш билан тугайди ва бу қоида тариқасида адаш орқали амалга оширилади. Айбдор жабрланувчининг ўз хоҳишига кўра маълум бир фаолият билан шуғулланишига розилигини олмоқчи бўлганда ёллаш усули сифатида кўндириш мазкур ҳолатда камдан-кам

ҳолларда қўлланилади.

Одамни ёллаш уни зўрлаш, қўрқитиш ёки мажбурлашниг бошқача турларини қўллаш орқали амалга оширилса, келиб чиққан оқибатларнинг даражасидан қатъий назар, қилмиш ЖК 135-моддаси 2 ёки 3-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Ёллаш ёлланётган шахснинг розилигини олишга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилган пайдан бошлаб, шахс розилиги олинганидан қатъий назар тугалланган ҳисобланади.

Шахсни жинсий эксплуатация қилмиш мақсадида ёллашни уни фоҳишалик билан шуғулланишга жалб қилиш мақсадида ёллашдан, яъни ЖК 131-моддасидаги қўшмачилик жиноятидан фарқлаш лозим. Улар ўртасидаги фарқни жиноятчининг мақсади, шунингдек, жиний тажовуз объектида кўриш мумкин. Авваламбор айбдорнинг ёллашга қаратилган ҳаракатларидан келиб чиқадиган оқибатга кўзи етишини аниқлаш лозим. Агар жиноят субъекти у томондан ёлланаётган шахснинг шахсий эркинлиги чкланиши, у учун ноқулай шароитга солиниб, бошқаларга қарам ҳолатда сақланиши (масалан, қул сифатида сақланиши)ни билса, ёллаш шахсни кейинчалик эксплуатация қилиш мақсадида амалга оширилаётганлигини белгилаш мумкин бўлади.

Қўшмачиликда эса айбдор фоҳишалик билан

шуғулланишга жалб қилишда фақат таъмагирлик мақсадини кўзлайди. Ундан ташқари мазкур ҳолатда ёллашда фоҳишалик билан шуғулланиш ва унинг учун тўланадиган ҳақ шахс билан олдиндан шартлашилган келишув асосида унинг розилигини олиб амалга оширилади. Бундай ҳолатда ёлланаётган шахс ўзининг шахсий эркинлиги в ундан фойдаланишда тўла мустақил бўлади.

Ташиш – одамни бир жойдан иккинчи жойга, шунингдек, бир аҳоли яшайдиган жойдан иккинчисига ҳар қандай транспорт, шунингдек, от-арава воситасида олиб ўтишда намоён бўлади. Ташиш олиш-сотиш ҳаракатлари бошланишидан олдин ёки кейин ҳам амалга оширилиши мумкин ва жабрланувчи бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтиш бошланган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Шахсни топшириш одам савдосида воситачи, ундан ташқари олиш-сотиш амалга оширилганидан сўнг сотиб олувчининг ўзи томонидан жабрланувчини эксплуатация қилиш, вақтинчалик жойлаштириш ёки унинг яшаши учун топшириш ҳаракатларида намоён бўлиши мумкин. Бунда топшириш қайтариболиш (масалан, ёлланган шахсни бериш) ёки қайтариб олмаслик (масалан, ҳадя қилиш) шарти билан, доимий ёки маълум бир муддатга, маълум бир шартларни бажаргандан сўнг ёки уларсиз амалга оширилиши мумкин ҳамда жабрланувчининг бир шахс эгалигидан бошқасига

ўтган пайтда бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Яшириш жабрланувчини олиш-сотишдан олдин ҳам кейин ҳам амалга оширилиши мумкин (масалан, шахсни уйнинг ертўласида сақлаш) ҳамда шахсни яширишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат амалга оширилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Қабул қилиш шахснинг топширилиши натижасида уни эгаллаб олиш билан боғлиқ ҳаракатлар(топширишга қарама-қарши ҳаракатлар)да намоён бўлади.

Субъектив томондан одам савдоси тўғр қасд билан содир этилади ҳамда қонунда кўрсатилганидек, одамларни эксплуатация қилиш мақсадида амалга оширилади. Айбдор шахсни эксплуатация қилиш мақсадида уни олиш-сотиш ёки уни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ҳаракатларини бажараётганлигини англайди ва бу ҳаракатларни бажаришни хоҳлайди. Бунда ЖК 135-моддаси бўйича жавобгарлик вужудга келиши учун шахс эксплуатацияси амалга ошганлиги аҳамиятга эга эмас. Асосийси айбдор жабрланувчини шахсан ўзи эксплуатация қилмоқчи ёки бошқа шахсларнинг эксплуатация қилмоқчилигини билган бўлиши керак. Масалан, шахсни жинсий эксплуатация қилиш учун сотаётган айбдор унинг бошқа шахслар томонидан жинсий эксплуатация қилинишини билади ва айнан шунинг ўзининг жиноий

қилмишларини амалга оширади. Унга қарама-қарши тарзда шахсни ўз эгаллигига олаётган шахс кейинчалик шахсан ўзи уни эксплуатация қилади (мазкур ҳолат уй қулчилигига хос).

Одамларни эксплуатация қилиш тушунчаси ЖКнинг 8-бўлимида берилган.

Одамларни эксплуатация қилиш – бошқа шахсларнинг танрфурушлигини эксплуатация қилиш ёки жинсий эксплуатациянинг бошқа турлари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қулчилик унга ўхшаш анъаналар, эрксиз ҳолат ёки инсон аъзо ёки тўқималарини ажратиб олиш ҳисобланади.

Бошқа шахсларнинг танрфурушлигини эксплуатация қилиш ёки жинсий эксплуатациянинг бошқа турлари деганда жабрланувчининг шундай бир ҳолатга солиниши тушуниладики, натижада у айбдорнинг хоҳишига кўра жинсий алоқа қилиш, кимларнингдир жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондириш ёки бошқа шахсларнинг хоҳишига кўра бошқа жинсий характерга эга бўлган ҳаракатларни бажаришга мажбурлиги тушунилади. Жинсий эксплуатациянинг бошқа турларига жумладан, шахсдан порнографик нарсаларни тайёрлашда фойдаланишни тушуниш лозим.

Мажбурий меҳнат ёки хизматлар деганда жабрланувчининг шундай бир ҳолатга солиниши тушуниладики, натижада у айбдорнинг хоҳишига кўра

қайсидир меҳнат фаолияти билан шуғулланишга ёки у ёки бу хизматларни кўрсатишга (жинсий хизматлардан ташқари) мажбурлиги тушунилади. Шунини таъкидлаш лозимки, халқаро ҳуқуқда “зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат” тушунчалари мавжуд бўлиб, улар маълум бир шахсни маълум бир жазони қўллаш билан қўрқитиб, шахс ўз бажаришга рози бўлмаган ишларни бажаришни талаб қилишни англатади”.

Мажбурий меҳнатнинг нисбатан оғир ва хавфли тури қуллик ҳисобланади. Унда “шахс шахс унга нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар ёки уларнинг айримлари амалга ошириладиган ҳолатга тушади”. Қулликнинг белгиларидан бири одам савдоси ва иқтисодиётдан ташқарида шахсни мажбурий меҳнат қилдириш ҳисобланади.

Мажбурий меҳнат (қул меҳнати) қоида тариқасида норасмӣ ва сояли иқтисодиётда яширин ишлаб чиқаришда ҳамда ноқонунӣ ҳужатсиз маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, шунингдек, уй шароитида (уй қулчилиги) қўлланилади.

Қулчиликка ўхшаш анъаналарга шахсдан уй хўжалигида, қурилиш ёки қишлоқ хўжалиги ишларида, мол боқишда, бола туғишда, касал ёки кексайган қариндошларга, болаларга қарашда фойдаланишни тушуниш лозим. Бундай анъаналар одатда оилавий ёки қариндолшлик муносабатларидан келиб чиқади.

Эркисиз ҳолат – қулликка ўхшаш ҳолат ҳисобланади. Унга

мисол қилиб, тиламчилик қилиш учун фойдаланиладиган болалар ва ногиронларни тушунишимиз мумкин.

ЖК 135-моддасига “эксплуатация” атамаси шахсни нафақат маълум бир фаолиятга жалб қилиш, балки ундан донор сифатида фойдаланиш, яъни унинг аъзо ва тўқималарини ажратиб олишни ўз ичига олган “фойдаланиш” атамаси каби кенг маънода қўлланилган. Бунда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, одам савдоси жиноятининг объектив томонидаги ҳаракатлардан бирини содир қилишда трансплантат олиш мақсади бўлса, қилмиш ЖК 135-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилинмайди ва мазкур ҳолат квалификациянинг асосий белгиси бўлган модданинг 2-қисми “к” банди билан квалификация қилинади. Макур ҳолат қонун чиқаувчи томонидан оғирлаштирувчи ҳолат сифатида тўғри ишлаб чиқилган, чунки айнан шу мақсадни кўзлаш (унинг амалга ошиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади) жинсий ёки меҳнатни эксплуатация қилиш мақсадини кўзлашга нисбатан жабрланувчига тузатиб бўлмайдиган зарар етказиш хавфини келтириб чиқаради.

Юқорида таъкидланганидек, одам савдоси жиноят объектив томонига кирувчи ҳаракатлардан бирини бажарган пайтдан бошлаб, жиноий мақсаднинг амалга ошгани ва уларнинг натижасида маълум моддий оқибатларнинг келиб чиққанлигидан қатъий назар тугалланган ҳисобланади.

Шундай экан бундай оқибатларнинг вужудга келиши ЖК Махсус қисмининг содир этилган аниқ қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддаси бўйича ҳуқуқий жиҳатдан алоҳида баҳоланиши лозим:

Одам савдоси жабрланувчилари жинсий эксплуатация қилинганда ЖК 118-моддаси (Номусга тегиш) ёки ЖК 119-моддаси (Жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда кондириш) бўйича;

Агар жинсий эксплуатациянинг фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш шакли қўлланилган бўлса ЖК 121-моддаси (Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш) билан;

Агар болалардан тиламчилик қилишда фойдаланилган бўлса ЖК 127-моддаси (Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб қилиш) билан;

Агар ЖК 135-моддаси 2-қисмида назарда тутилган трансплантат олиш мақсади амалга оширилган бўлса, ЖК 97-моддаси 2-қисми “н” банди (киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида) ёки ЖК 104-моддаси (Қасддан баданга оғир шикаст етказиш) билан;

Аmmo агар жинсий эксплуатациянинг порнографияда тасвирга туширишга мажбурлаш ёки жабрланувчини қулликка ўхшаш меҳнат қилиш (хизмат кўрсатиш)га

мажбурлаш ҳаракатлари амалга оширилган бўлса, қилмишга ҳуқуқий баҳо бериш сезиларли даражада мураккаблашади. Ундан ташқари шахсни жавобгарликка тортиш масаласи ҳам юзага келади. Бу амалдаги ЖКда мазкур қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутувчи махсус жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Бундай ҳолатларда айбдор ҳаракатларини қийнаш (агар кўзланган натижаларга эришиш учун айбдор эксплуатация қилинаётган шахсни муттасил равишда дўппослаган ёки ЖК 110-моддасидаги бошқа ҳаракатларни содир этган бўлса); зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш ёки ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (агар жабрланувчи ўзининг эрксиз ҳолатига чидай олмай ўзини ўлдирган ёки ўлдиришга суиқасд қилганлиги аниқланса) ва бошқа ҳаракатлар учун жавобгарликка тортиш мумкин.

ЖК 135-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

Агар қилмиш:

а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёхуд мажбурлашинг бошқа шакллари қўллаш орқали;

б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;

г) айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;

д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

е) бир гуруҳ шахслар тмомнидан олдиндан тил бириктириб;

ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

з) жабрланувчинин Ўзбекистон республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтиш ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда;

и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса ЖК 135-моддаси 2-қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

Агар жиноят жабрланувчини ўғирлаш, унга нисбатан жисмоний зўрлик ишлатиш, шундай зўрлик ишлатиш билан қўрвитиш, шунингдек, мажбурлашнинг бошқача шаклларини, масалан, шантаж қилиш орқали амалга оширилган бўлса, қилмиш ЖК 135-моддаси 2-қисми “а” банди билан жавобгарликка тортилади.

Шахсни ўғирлаш яширин, очикдан-очик, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш орқали эгаллаб ва ўзининг

доимий ёки вақтинчалик яшаш жойидан айбдор танлаган бошқа жойга кейинчалик олиш-сотиш ёки топшириш мақсадида сақлаш учун келтиришда ифодаланади. Бундай қилмиш ЖК 137-моддаси (одам ўғирлаш) билан жиноятлар жами сифатида квалификация қилинмайди.

Жабрланувчини олиш-сотиш ва бошқа кейинги зўрлик ишлатиш ҳаракатларини қилмишни осонлаштириш мақсадида қўллаш қоида тариқасида жабрланувчини дўппослаш, қийнаш, ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш, енгил ёки ўртача тан жароҳатлари етказиш кўринишида жисмоний таъсир кўрсатишда ифодаланади. Бундай ҳолатларда қилмиш ЖК 135-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўлиқ қамраб олиниб, ЖК Махсус қисмининг бошқа моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди. Агар жабрланувчи ўлдирилган ёки унга оғир тан жароҳатлари етказилган бўлса қилмиш тегишли равишда ЖК 97-моддаси ёки 104-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиниши лозим. Агар жабрланувчига зўрлик ишлатиш натижасида эҳтиётсизликдан унинг ўлими келиб чиққан ёки унинг соғлиғига оғир тан жароҳатлари етказилган бўлса, қилмиш жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган одам савдоси сифатида баҳоланиб, ЖК 135-моддаси 2-қисми “б” бани билан квалификация қилиниши лозим.

Шуни инобатга олиш лозимки, жабрланувчининг иродаси ёки қаршилигини синдириш мақсадида уни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга зўрлик билан жалб қилиш мумкин. Бундай ҳолатлар жинсий эксплуатация қилинувчи шахсларни эгаллашда кўп учрайди. Бундай ҳолатда айбдор ҳаракатларини ЖК 135-моддаси 2-қисми “а” банди ва иш ҳолатларига кўра ЖК 127-моддаси 2-қисми (вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш) билан ёки ЖК 274-моддаси (гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш) бўйича жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши лозим.

Одам савдосида кўрқитиш жабрланувчига агар у айбдорнинг талабларини бажаришдан бўйин товлаганда унга нисбатан ҳар қандай жисмоний зўрлик ишлатиш, яъни дўппослаш, тан жароҳатлари етказиш, ҳаётдан маҳрум қилиш, овқатсиз ёки сувсиз қолдириш мақсади борлигини айтиш орқали руҳий таъсир кўрсатишда ифодаланади. Бунда кўрқитиш ҳақиқий бўлиши керак. Лекин амалга ошиши шарт эмас ҳамда бу қилмиш ЖК 112-моддаси (Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш) билан қўшимча квалификация қилинишини талаб қилмайди. Шантаж қилиш ёки мажбурлашнинг бошқача шакллари жабрланувчини айбдорнинг у ёки бу талабларини бажаришга мажбур қилувчи

ҳолатларни яратиш, жабрланувчини унга боғлиқ бўлмаган ҳолда айбдор талабларини бажаришдан бўйин товлай олмайдиган ҳолатга туширишда ифодаланади.

Бундай ҳолатни яратиш жабрланувчининг яқин инсонларига зўрлик ишлатиш, мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш, жабрланувчи сир сақлашни хоҳлаган, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган маълумотларни ошкор қилиш (масалан, фарзандликка олинганлик сирини ошкор қилиш) билан кўрқитишда ифодаланади. Агар айбдор мазкур жиноятни ҳеч қандай тўсқинликсиз амалга ошириш мақсадида жабрланувчининг гиёҳвандликка бўлган мойиллигидан фойдаланса (масалан, жабрланувчи айбдорнинг унга гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар топиб бериши эвазига унинг барча талабларини бажарса) айбдор ҳаракатларини ЖК 273-моддаси (Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қоннуга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш) билан қўшимча квалификация қилиниши лозим.

Одам савдоси айбдорда кўриб чиқиладиган модда диспозициясида кўрсатилган ҳаракатларни ягона қасд асосида камида икки шахсга нисбатан амалга оширган бўлса, қилмиш икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан амалга

оширилган деб топилади. Бунда қоида тариқасида жиноий ҳаракатлар бир вақтда ёки узок бўлмаган вақт оралиғида содир этилади.

Агар субъектда икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан одам савдоси ҳаракатларини амалга оширишга қасд бўлиб, у бу қилмишни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказмаган бўлса (ҳатто бир жабрланувчига нисбатан ҳам), унинг ҳаракатлари ЖК 25-моддаси 2-қисми – 135-модда 2-қисми “б” банди билан икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан одам савдосни бажаришга суиқасд сифатида квалификация қилиниши лозим.

Жабрланувчининг ожиз аҳволи малумки, унинг қаршилик кўрсатиш ёки унга нисбатан қўлланилаётган ҳаракатлар моҳиятини англашга бтўсқинлик қилувчи организмнинг жисмоний ёки руҳий хусусиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

“Ожиз аҳвол” тушунчаси тўғрисида тўлиқ маълумотни ЖК 97-моддаси 2-қисми таҳлилида кўришингиз мумкин.

Агар одам савдоси ҳаракатлари айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатлардан қарам бўлган шахсга нисбатан сдир этилган бўлса, қилмиш ЖК 135-моддаси 2-қисми “г” банди билан квалификация қилинади.

“Моддий ёки бошқа жиҳатдан қарам” тушунчаси тўғрисида тўлиқ маълумотни ЖК 103-моддаси таҳлилида

кўришингиз мумкин.

Жиноятнинг “такроран ёки хавфли рецидивист томонидан” содир этилишининг ўзига хос жиҳатларини ЖК 97-моддаси 2-қисми таҳлилида кўришингиз мумкин.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб одам савдосини амалга ошириш деганда икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан кўриб чиқиладиган модданинг 1-қисми диспозициясида кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширишда биргаликда ҳаракат қилиши тушунилади. Бунда қилмишни ЖК 135-моддаси 2-қисми “е” банди билан квалификация қилишда айбдорлар ўртасидаги келишув жиноий фаолият вақтида ёки ундан бевосита олдин тузилган бўлиши керак.

ЖК 135-моддаси 2-қисми “ж” бандидаги хизмат мавқеидан фойдаланиш деганда жиноят махсус субъект, яъни мансабдор шахслар, шунингдек, мулк шаклидан қатъий назар корхона, муассаса, ташкилотларда бошқарув вазифаларини бажарувчи, тегишли хизмат ваколатлари берилган шахслар томонидан бажарилиши тушунилади.

Мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги шунда намоён бўладики, хизмат ваколатлари, айрим ҳолларда ҳокимият ваколатларига эга бўлган шахслар жиноят содир этилишини осонлаштиради. Бундай ҳолларда қилмишни қўшимча тарзда ЖК 205-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш) ёки 206-моддаси (Ҳокимият

ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш) билан квалификация қилиш талаб қилинмайди. Бунда қилмиш ЖК 135-моддаси 2-қисми “ж” банди билан квалификация қилиниши лозим.

Агар жабрланувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан олиб ўтилган, Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилган ёки Ўзбекистон чегарасидан олиб ўтилиб, республикага қайиш имкониятидан маҳрум қилинган бўлса, қилмиш ЖК 135-моддаси 2-қисми “з” банди билан квалификация қилинади.

Биринчи ва иккинчи ҳолатларда шахс Ўзбекистон чегарасидан қонуний ва ноқонуний тарзда олиб ўтилиши мумкин. Масалан, одамларни божхона хизмати ходимларидан товар вагонларида, кема юкхоналарида яшириш орқали ёки қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда (масалан, болаларни олиш-сотишни фарзандликка олиш ниқоби остида) амалга оширилиши мумкин. Белгиланган тартибни бузиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтганда қилмиш ЖК 223-моддаси (Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки ўзбекистон Республикасига кириш) билан жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши лозим.

Учинчи ҳолатда жабрланувчи чет элда ноқонуний тарзда ушлаб турилади ва унга нисбатан одам савдоси ҳаракатларини қўллаш учун чет элда ушлаб туриб, унинг

қайтиб келишига ноқонуний тўсқинлик қилишади.

Қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш деганда одам савдоси ҳаракатларини амалга оширишни осонлаштириш мақсадида уларни кўрсатиш назарда тутилади. Бунда агар айбдор расмий ҳужжатни ўзи тайёрлаган ёки қалбакилаштирган бўлса, унинг ҳаракатларини ЖК 228-моддаси (Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) тегишли қисми билан ёки агар субъект мансабдор шахс бўлса, ЖК 209-моддаси (Мансаб сохтакорлиги) билан қўшимча тарзда квалификация қилиниши лозим.

Ҳужжатларни олиб қўйиш ёки яшириш деганда жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳақиқий ҳужжатларга эгалик қилиш имкониятидан маҳрум қилиш ёки бу ҳужжатларнинг бошқа шахс эгалигида бўлиши тушунилади. Ҳужжатларни йўқ қилиб юбориш деганда эса, инсоннинг шахсини аниқлаш имкониятидан маҳрум қилинишига олиб келадиган ҳужжатларни йўқотиш назарда тутилади. Бунда шунини инобатга олиш лозимки, мазкур ҳаракат ЖКнинг 227-моддаси (Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш) билан қўшимча квалификация қилинмайди.

Трансплантат олиш мақсадида одам савдосини амалга

ошириш жабрланувчидан донор сифатида фойдаланишни англатади. Бунда қилмишни мазкур банд билан квалификация қилишда айбдор жабрланувчининг қайсидир аъзо ёки тўқималарини ажратиб олиши шарт эмас. Айбдорда бундай мақсадларнинг борлиги етарли ҳисобланади. Мазкур ҳаракатлар амалга оширилганда эса қилмиш ЖК 97-моддаси 2-қисми “н” банди билан, яъни трансплантат олиш ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида одам ўлдириш сифатида ёки ЖК 104-моддаси билан, яъни қасдан баданга оғир шикаст етказиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозим.

ЖК 135-моддаси 3-қисмида одам савдоси билан боғлиқ қуйидаги қилмишлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён ўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

в) ўта хавfli рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса.

Агар айбдор жабрланувчининг ўн саккиз ёшга тўлмаганлигини билса, унинг қилмишлари ЖК 135-моддаси 3-қисми “а” банди билан жавобгарликка тортилади. Агар

айбдор жабрланувчининг ёшига нисбатан адашса, бунинг учун эса унда етарли асослар мавжуд бўлса ва унинг ҳаракатларида мазкур модданинг оғирлаштирувчи ҳолатлари бўлмаса, қилмиш К 135-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

Ҳали туғилмаган болани олиш-сотиш тўғрисида келишув тузиш ва боланинг онаси ёки бошқа манфаатдор шахсга тегишли пул тақдим қилиш ЖК 25-моддаси 2-қисми ва ЖК 135-моддаси 3-қисми “а” банди билан, яъни ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан одам савдосини амалга оширишга суиқасд қилиш сифатида баҳоланиши лозим.

Агар жабрланувчига нисбатан одам савдоси бўйича ҳаракатларни қўллаш натижасида эҳтиётсизлик оқибатида унинг ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан бўлса, қилмиш ЖК 135-моддаси 3-қисми “б” банди билан жавобгарликка тортилади. Бошқа оғир оқибатлар тушунчаси қилмишни баҳоловчи тушунча ҳисобланади. Уларга жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш, унинг таносил ёки ОИТС касаллигига чалиниши, унинг руҳий ҳолатининг бузилиши, бошқа оғир касалликка чалиниши ва бошқаларни мисол қилишимиз мумкин. Агар мазкур оқибатлар жабрланувчига қасдан етказилган бўлса, қилмишлар ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси билан,

масалан, қасддан одам ўлдириш (97-модда), қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-модда) билан квалификация қилиниши лозим.

Жиноятнинг ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилганлигининг ўзига хос жиҳатларини ЖК 97-моддаси 2-қисми “с” банди таҳлилида кўришингиз мумкин.

Агар одам савдоси биргаликда жиноий фаолият олиб бориш мақсадида барқарор фаолият юритувчи гуруҳга бирлашган икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан содир этилган бўлса, қилмиш уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб топилади. Бунда одам савдосини амалга оширишда иштирок этган уюшган гуруҳнинг ҳар бир аъзоси бажарган вазифаларидан қатъий назар КЖК 135-моддаси 3-қисми “г” банди билан жавобгарликка тортилади.

Одам савдосини уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган деб топишда жиноят содир этилишидан уюшган гуруҳ аъзоларининг манфаатдор бўлиши лозимлигини инобатга олиш керак. Бунда жиноятни бажарувчи шахс уюшган гуруҳнинг аъзоси бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунга эътибор қаратиш лозимки, айбдорда уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб шахсни эксплуатация қилиш мақсадида олиш-сотиш, ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишга қасд бўлган бўлиши лозим.

2-§. Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки

**унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш
(ЎзР ЖК 136-моддаси)**

Мазкур жиноятнинг объекти аёл кишининг эрки ва кадр-қиммати, унинг эрга тегиш ёки эри билан бирга яшашда давом этиш масаласини мустақил ҳал қилиш эркинлиги ҳисобланади.

Жиноят объектив томондан аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғрилаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилишдан иборатдир.

Аёлни эрга тегишга ёки никоҳда бирга яшашни давом эттиришга мажбур қилиш деганда, унга нисбатан жисмоний ёки рухий зўравонлик ишлатилишини тушуниш лозим.

Кўриб чиқилаётган модда моҳиятидан келиб чиқиб жисмоний зўрлик ишлатиш деганда, аёл кишини уриш, калтаклаш, баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишини тушуниш керак.

Аёлни мажбур қилиш вақтида унинг баданига оғир шикаст етказилган ҳолларда айбдорнинг қилмиши ЖК 136 ва 104-моддалари билан жиноятлар жами бўйича жавобгарлик белгиланади.

Рухий зўрлик деганда, жисмоний зўрликни қўллаш, аёл киши сир сақлашни истаган маълумотларни ошкор қилиш, мол-мулкни нобуд қилиш билан қўрқитиш ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

Айбдор аёл кишини ўлдириш ёки зўрлик ишлатиб шикаст етказиш билан қўрқитган ҳолларда, айбдорнинг қилмиши ЖК 112-моддаси (ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш) билан қўшимча равишда квалификация қилинмайди.

Аёлни ўғирлаш аёлнинг хоҳиш-иродасига қарши, никоҳдан ўтиш учун алдаш ёки зўрлик ишлатиш йўли билан, уни бирон-бир ерда яккалаб қўйишдан (масалан, бирон-бир транспортда олиб қочиш ва ҳоказо) иборатдир.

Аёлни унинг хоҳиш иродасига қарши никоҳдан ўтиш учун ўғирлаш ҳам ЖК 137-моддаси (одам ўғирлаш) билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинмайди. Жабрланувчини у билан никоҳдан ўтиш мақсади бўлмай туриб ўғирлаш эса ЖК 137-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

Аёл киши одатга кўра никоҳдан ўтиш учун ўғирланган бўлиб, бунга ўғирланган аёлнинг ўзи розилик берган бўлса, ЖК 136-моддасида назарда тутилган жиноятнинг таркиби мавжуд бўлмайди.

Ўғирланган шахс 16 ёшга тўлмаган ва айбдор буни

била туриб унинг розилиги билан жинсий алоқа қилган ёхуд жинсий эҳтиёжини ғайритабiiй усулда қондирган ҳолларда айбдорнинг қилмиши ЖК 136 ва 128-моддалари билан жиноятлар жами бўйича квалификация қилинади.

Аёлни эрга тегишига тўсқинлик қилиш унинг ўз хоҳиш-иродасига кўра эрга тегишига йўл қўймаслик мақсадида жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш (қўрқитиш)да ифодаланади.

Аёлни эрга тегишига тўсқинлик қилишда қўлланиладиган жисмоний ёки руҳий зўрлик аёлни никоҳдан ўтишга мажбурлаш ва никоҳда яшашни давом эттиришда қўлланиладиган зўрлик билан бир хилдир. Қариндошлар ва бошқалар томонидан аёлнинг никоҳдан ўтиш истагини ўзгартириш мақсадида уни кўндириш жиноят таркибини ташкил этмайди.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Айбдор аёлни эрга тегишга мажбурлаётганлигини ёки эрга тегишига тўсқинлик қилаётганлигини англайди ва буни ўз мақсадига эришишни хоҳлайди. Мазкур жиноятнинг содир этилиш мотиви турли хил бўлиши мумкин (масалан, ўч олиш, рашк, таъмагирлик ва б.) жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Ушбу жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда аёлнинг ота-

онаси, бошқа қариндошлари, куёв бўлмиш шахс жиноятнинг субъекти бўлиб чиқади.

3-§. Одам ўғрилаш (ЎзР ЖК 137-моддаси)

Одам ўғирлашнинг бевосита объекти одамларнинг истаган ерда бўлиш эркинлигини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Мазкур жиноий қилмишнинг факультатив объекти жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги бўлиши мумкин.

Объектив томондан жиноят ЖК 245-моддаси (шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш)да назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлмаган ҳолда одам ўғрилашда ифодаланади.

Одамни ўғрилаш деганда, одамнинг яширинча, ошкора ёки алдаш ёхуд ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан шахсий эркинлиги (масалан, бир ердан иккинчи ерга бориш эркинлигидан маҳрум қилиш, бир ерда ушлаб туриш ва ҳоказо)дан маҳрум қилинишини тушуниш зарур.

Эгаллаб олиш деганда жабрланувчига эгалик қилиш, унинг тақдирини белгилаш имкониятига эга бўлиш учун уни

шахсий эркинлигидан махрум қилиш назарда тутилади.

Одам ўғрилаш усуллари жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Одамни ўғрилаш вақтида унга нисбатан жисмоний ёки руҳий зўрлик қўлланилиши мумкин.

Агар одамни ўғрилаш вақтида жабрланувчининг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилган бўлса, қилмиш жабрланувчининг соғлиғига шикаст етказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддалар бўйича қўшимча квалификацияни талаб қилмайди, жиноят ЖК 137-моддаси 1-қисми билан баҳоланади.

Айбдорлар ҳаракатларини ЖК 137-моддаси бўйича квалификация қилишда, шунингдек, ўғирланган шахс ушлаб турилган жой (турар-жой ёки турар жой бўлмаган иншоот, автотранспорт воситаси, маҳаллий ер участкаси) ва у ушлаб турилган муддат аҳамиятга эга эмас.

Агар “жабрланувчи” “ўғри” билан келишиб, ўз турар-жойини тарк этса ва ўзининг озод қилиниши учун “ўғри” билан пул сўраса қилмиш ЖК 137-моддаси билан квалификация қилинмайди. Мазкур ҳолатларда жиноятнинг объектив томони – шахсни эгаллаб олиш, зўрлик билан ушлаб туриш ва кўчириш мавжуд бўлмай, товламачилик (ЖК 165-моддаси) ва фирибгарлик (ЖК 168-моддаси) жиноятларининг таркиби мавжуд бўлади.

Шунигдек, шахснинг ўз боласи ёки фарзандликка олинган боласини бошқа ота-онаси ёки яқин қариндошлари қўл остидан уларнинг хоҳиш-иродасига қарши олиш одам ўғирлаш сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

Одам эркинлигидан маҳрум қилинган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган, деб ҳисобланади. Ўғриланган одамнинг озодликка қандай чиққанлиги: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан озод қилинганлиги ёки ўғриларнинг ўзлари томонидан қўйиб юборилганлиги қилмишнинг квалификациясига таъсир кўрсатмайди.

Шуни татаъкидлаш лозимки, ўғирланган шахсни жазосиз ва тўсиқсиз ушлаб туриш имконияти мавжуд бўлган ҳолда жиноий жавобгарликдан, жабрланувчи қариндошларининг ўч олишидан кўрқиб ва бошқа сабаблар туфайли содир этилган қилмиш учун пушаймон бўлиб, ўғрилар томонидан қўйиб юборилиши уларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлмайди, лекин бу ҳолат жазо қўллашда инобатга олиниши мумкин.

Субъектив томондан одам ўғирлаш тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ўзининг жабрланувчини ноқонуний эгалаб олиб, унинг хоҳиш-иродасига қарши бошқа жойга кўчириши, у ерда сақлашда ифодаланувчи ҳаракатларининг ҳуқуққа хилофлигини англайди ва буни хоҳлайди.

Бундай ҳолатда жиноят мотиви турлича бўлиши мумкин.

Агар айбдор одамни ўғрилаш орқали моддий жихатдан бойиш ёки моддий харажатлардан қутулишни ёхуд жиноятни содир қилишда бошқа паст ниятларда (жинсий ниятлар, жабрланувчи ёки унинг яқин қариндошларига маънақий ва моддий зарар етказиш ва б.) ҳаракат қилса, қилмиш ЖК 137-моддаис 2-қисми “б” банди билан калификация қилиниши лозим.

Ушбу жиноятнинг субъекти 14 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Одам ўғрилашда:

1) вояга етмаган шахс ўғриланган бўлса:

2) жиноят тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса;

3) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;

4) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, айбдорнинг қилмиши мазкур модданинг 2-қисми билан квалификация қилинади.

Агар айбдор болани ўғрилаб, уни алмаштириб қўйган бўлса ва бунда тамагирлик ёки бошқа паст ниятни кўзлаган бўлса, унинг қилмиши ЖК 124-моддаси ва 136-модданинг 2-қисми билан жиноятларнинг жами бўйича

квалификация қилиниши лозим.

Одам ўғрилаш:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган;

б) ёхуд оғир оқибатларга олиб келган бўлса, айбдор шахс ЖК 137-моддаси 3-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Оғир оқибатлар деганда ўғирланган шахсга қасддан оғир тан жароҳатлари етказилиши; эҳтиётсизликдан унинг ўлими келиб чиқиши; жабрланувчи ота-онаси ёки яқин қариндошларининг ўзини ўлдириши ёки юрак хасталигига чалиниши; зўрлик билан ушлаб туришга қарши жабрланувчининг ўзини ўлдириши; жабрланувчи ҳомиладор аёлларнинг ҳомиласи тушиши ёки муддатидан олдин туғилган чақалоқнинг вафот этишини тушуниш лозим.

ЖК 137-моддасида назарда тутилган жиноятни тўғри квалификация қилишда одам ўғрилашни зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 138-моддаси) ва шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш (ЖК 245-моддаси) жиноятларидан фарқлаш лозим.

Мазкур жиноятлар таркибидаги умумий ўхшашлик жабрланувчининг ўзи хоҳлаган ерда бўлиш эркинлигини чеклашда, айрим ҳолларда уни боғлаш орқали бинода сақлаш, бошқа шахслар билан эркин муомалада бўлиш имкониятидан маҳрум қилиш, агар рухсат этилса ҳам фақатгина

жиноятчилар розилиги ёки уларнинг кўрсатмасига асосан рухсат беришда намоён бўлади.

Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, жабрланувчини доимий ёки вақтинчалик яшаш жойида сақлаш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин (унинг ўз уйида, ишхонасида, автомашинасида, гаражида ва б.). Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш муддати, унга ҳеч қандай зиён етказилмаган бўлса ҳам, юқорида таъкидланганидек, пйбдор ҳаракатларини ЖК 137-моддаси бўйича квалификация қилишга таъсир этмайди.

Жабрланувчи уни эгаллаб тутқунликка олишда ҳеч қаерга кўчирилмасдан ўз жойида ушлаб турилиши мумкин. Аммо бу ҳолат шахсни гаров сифатида тутқунликка олишнинг одам ўғирлашдан асосий фарқи эмас. Улар ўртасидаги асосий фарқ жиноятларнинг объектида ҳисобланади: одам ўғирлашда жиноят объекти шахснинг шахсий эркинлигини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар бўлса, шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш жиноятининг объекти эса жамоат хавфсизлигини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Ундан ташқари одам ўғирлашда ва шахсни гаров сифатида тутқунликка олишда жиноятлар турли мақсадларни кўзлайди.

Одам ўғирлаш инсонларидан ўч олиш мақсадида уни

ўлдириш, унинг номусига тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш, жинсий ёки бошқача тарзда эксплуатация қилиш жабрланувчидан ёки унинг яқин қариндошларидан маълум талабларни бажаришга розилик олиш: қарздан воз кечиш, мулкiiй ҳуқуқларни бериш мақсадида амалга оширилиши мумкин. Бунда жабрланувчини танлаш жиноятчи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга (қарз берган шахс, тўловни тўлаш имкониятига эга бўлган қариндошлари бўлган шахс ва б.), одам ўғирлаш яширин тарзда кам гувоҳлар бўлган вазиятларда содир этилади.

Шахсни тутқунликка олишда жабрланувчининг шахси жиноятчини қизиқтирмайди. Жабрланувчи ҳар қандай шахс бўлиши мумкин, ёки мазкур жиноятга кенг ижтимоiiй эътибор бериш мақсадида жабрланувчилар таниқли жамоат ёки сиёсат арбоблари бўлиши мумкин. Бунда одам ўғирлашдан фарқли тарзда жиноятчилар тутқунликка олинган шахсларни озод қилиш шарти билан ўз талабларини очикдан-очик, қоида тариқасида давлатга ёки турли ташкилотларга эълон қилишади.

**4-§. Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда
озодликдан маҳрум қилиш
(ЎзР ЖК 138-моддаси)**

Мазкур жиноятнинг бевосита объекти жабрланган шахснинг шахсий (жисмоний) эркинлигини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда қўшимча объект сифатида шахснинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги намоён бўлади.

Жиноятнинг объектив томони зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда шахсни ҳаракат қилиш эркинлигидан маҳрум этиш, жабрланувчига нисбатан жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиб одамни унинг хоҳиш-иродасига қарши маълум бир жойда мажбуран ушлаб туриш мақсадида жабрланувчини банди қилиш, унга уйқу дорисини бериш, одамни алдаш йўли билан ўзи киришни истамаган хонага олиб кириш ва ҳоказолар унинг қаерда бўлишини эркин танлаш ҳуқуқини чеклаш каби хатти-ҳаракатларни содир этишда ифодаланади.

Жабрланувчига нисбатан жисмоний ва руҳий (жабрланувчининг қаршилигини енгиш мақсадида уни боғлаш, уйқу дориси бериш, кишан билан қўзғалмайидган жисмларга бириктириш; жабрланувчи ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан зўрлик ишлатиш билан ёки мулкни

нобуд қилиш билан қўрқитиб бинода қамаб қўйиш) қўлланилиши мумкин.

Бир бинода бўлган шахснинг бошқа шахсга маълум предметлардан, шу билан бирга алоқа хизматидан фойдаланишни тақиқлаш ЖК 138-мддасидаги жиноят таркибини ташкил этмайди. Шунингдек, шахснинг ўз розилиги асосида бирор бинода қамаш жиноят таркибини ташкил этмайди. Ундан ташқари ота-оналар томонидан ўз фарзандларини тарбиялаш мақсадида зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш мазкур жиноят таркибини ташкил этмайди.

Жабрланувчи ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилинган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган, деб ҳисобланади. Озодликдан маҳрум қилишнинг муддати айбдорларнинг ЖК 138-моддаси бўйича жавобгалигига таъсир қилмайди.

Жиноят субъектив томондан тўғри қасд билан тамагирлик ниятида содир этилиши билан ажралиб туради, айбдор жабрланувчини қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этаётганлигини билади ва шунини истайди. Жиноятнинг содир этилиш мотиви ва ундан кўзланган мақсад жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди. Жиноят жабрланувчини маълум ҳаракатларни бажаришга мажбурлаш мақсадида уни қўрқитиш учун соир этилиши мумкин. Зўрлик

ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш безорилик ниятлари ёки ўч олиш мақсадида содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Мазкур жиноятни содир этган мансабдор шахслар иш ҳолатларидан келиб чиқиб, ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суистеъмол қилганликлари учун (ЖК 205-моддаси); ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиққанлик учун (ЖК 206 -моддаси) ёки одил судловга қарши жиноятлар, масалан, қонунга хилоф равишда ушлаб турганлик ёки қамокда ушлаганлик учун (ЖК 234-моддаси) жавобгарликка тортиладилар.

Агар кўриб чиқилаётган мазкур жиноятни содир этиш жараёнида жабрланувчига нисбатан дўппослаш, қийнаш ёки тана учун ноқулай шароитда узоқ муддат ушлаб туриш (тўлиқ туриш, қўллар қўзғалмас жисмларга бириктирилганда улрани тушириш имконияти чекланган ва б.) ҳаракатлари содир этилган бўлса, айбдор ҳаракатлари ЖК 138-моддаси 2-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим. Агар айбдорнинг жабрланувчига жисмоний азоб бериш билан боғлиқ ҳаракатлари оғирлиги даражаси бўйича мазкур жиноят билан бир хил ёки ундан оғир бўлган алоҳида жиноят таркибини ташкил қилса, масалан, қасддан оғир тан

жароҳатлари етказиш, номусга тегиш, қилмиш жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиниши лозим: ЖК 138-моддаси 2-қисми “а” банди ва 104-модданинг тегишли қисми ёки 118-модда бўйича.

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли шароит деганда, одамнинг узок вақт совуқ хонада ёки аксинча жуда кўп вақт иссиқ хонада сақланиши, узок вақт сув, овқат берилмаслиги, яъни жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига жиддий зарар етказиш хавфи вужудга келган ҳолларни тушуниш лозим.

Агар жабрланувчига бундай таъсир кўрсатиш оғир оқибатларга олиб келса ва бунда ЖК 97-моддаси 2-қисми “ж” банди аломатлари бўлмаса, қилмиш ЖК 138-моддаси 2-қисми “б” банди ва 102-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

5-§. Тухмат **(ЎзР ЖК 139-моддаси)**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасига мувофиқ «ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ... ҳимояланиш ҳуқуқига эга»дир.

Тухмат қилишнинг асосий бевосита объекти шахсинг шаъни ва қдр-қиммати ҳурмат қилиниши таъминловчи ижтимоий муносабатлар ёки бошқача қилиб айтганда шахсга

ва унинг фаолиятига жамият томонидан баҳо бериш ҳисобланади. Қўшимча объект сифатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги намоён бўлиши мумкин.

Шаън ва кадр-қиммат тушунчалари бир-бири билан боғлиқ: улар ахлоқ категориясига киради, инсоннинг маънавий дунёсини кўрсатади ва мазмун жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ. Улар ўртасидаги фарқни фақат объектив ва субъектив ёндашиш орқали кўриш мумкин: шаън — инсоннинг объектив баҳоси, кадр-қиммат — инсоннинг субъектив баҳоси ҳисобланади.

Шаън — бу жамиятнинг объектив фикри, шахснинг ижтимоий баҳоси.

Кадр-қиммат — мазкур хусусиятнинг шахс онгида акс этиши, яъни жамиятнинг объектив фикри асосида унга баҳо берилиши.

Объектив томондан тухмат ёлғонлигини била туриб, бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмаларни тарқатишда ифодаланади. Бунда агар шахсга айнан шу қилмиши учун унга нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил ичида шу қилмишни содир этса, ЖК 139-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилади.

ЖК 139-моддаси 1-қисмида тухматнинг барча зарурий белгилари санаб ўтилган: тарқатилган маълумотлар

ёлғонлигини била туриб тарқатилган, яъни ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва шарманда қилувчи, яъни жабрланувчининг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бўлиши лозим.

Маълумотларниг шарманда қилувчи эканлиги масаласи жабрланувчининг субъектив баҳосидан қатъий назар суд томонидан аниқланади. Масалан, шахснинг таносил ёки руҳий касалга чалинганлиги, қиз боланинг бокира эмаслиги тўғрисидаги ёлғон маълумотлар шарманда қилувчи бўлиши мумкин.

Бундай шарманда қилувчи ёлғон маълумотлар шахс ҳаёти ва фаолиятининг турли соҳасига тегишли бўлиши мумкин: шахсий муносабатлар, менҳнат муносабатлари, ижтимоий муносабатлар ва б. ЖК 139-моддаси бўйича жавобгарлик юзага келиши учун маълумотлар фактик (конкрет), мавжуд бўлиши мумкин ва аввалги ёки ҳозирги даврга тегишли бўлиши керак.

Башарти айбдор бошқа шахс ҳақида уни шарманда қилувчи, аммо ҳақиқатга тўғри келадиган маълумотларни тарқатган бўлса, уни тухматда айблаб, жавобгарликка тортиб бўлмайди. Худди шундай агар айбдор томонидан тарқатилган маълумотлар ёлғон бўлмаса, тухмат жиноятининг таркиби мавжуд бўлмайди.

Тухмат қилувчи маълумотлар маълум бир фактлар, воқеа-ҳодисалар, ҳолатларга тегишли бўлиши керак. Масалан,

кимнидир фирибгар деб айтиш алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш фактини кўрсатган ҳолда амалга оширилиши лозим. Акс ҳолда мазкур ҳаракат тухмат сифатида баҳоланади.

Аниқ фактларни кўрсатмаган ҳолда умумий характердаги маълумотларни айтиш тухмат ҳисобланмайди.

Шунингдек, айбдор томонидан тарқатилган маълумотлар объектив жиҳатдан амалга ошиши мумкин бўлиши керак. Масалан, шахсни “ғайритабиий кучлар билан сўзлашади” деб айтиш тухмат ҳисобланмайди. Чунки мазкур ҳолат ҳақиқатда мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Тухмат қилувчи маълумотларнинг учинчи асосий белгиси унинг маълум бир вақтга тегишли эмаслиги, яъни тухмат келаси замонда эмас, балки ўтган ва ҳозирги замон тўғрисидаги маълумотларда ифодаланган бўлиши лозим. Келаси замонда бўлиши мумкин бўлган ҳаракатларни айтиш ҳақорат таркибини ташкил қилади. Масалан, шахс кимгадир унинг одам ўлдиришга қодирлигини айтиши.

Ёлғонлигини била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмаларни тарқатиш деганда, уларнинг ҳеч бўлмаганда бир шахсга маълум қилинишини тушуниш зарур. Уйдирмаларни тарқатиш усули ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, оғзаки, ёзма, бирор тасвир кўринишидаги лавҳа ва ҳоказо.

Тухмат жиноятининг таркиби мавжуд бўлиши учун тухмат маълумотлар тарқатилаётганда жабрланувчининг ўзи бўлган ёки бўлмаганлиги аҳамиятга эга эмас. Шунингдек, ёлғон маълумотларни тарқатишда маълумотларнинг муаллифи ёки учинчи шахс томонидан томонидан тарқатилганлиги аҳамиятга эга эмас.

Тухмат жинояти айбдор томонидан била туриб ёлғон маълумотларни ҳеч бўлмаганда бир шахсга етказганда тугаланган ҳисобланади.

Субъектив томондан тухмат фақат тўғри қасд билан содир эилади. Айбдор жабрланувчи тўғрисида ёлғон, шарманда қилувчи маълумотларни тарқатаётганлигини билади ва буни хоҳлайди. Жиноятни мазкур модда бўйича квалификация қилишда зарурий шарт айбдорнинг тарқатаётган маълумотларнинг ёлғонлигини билиши ҳисобланади. Маълумотларнинг ёлғонлигини билмаслик ЖК 139-моддаси бўйича жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Жиноятнинг мотив ва мақсади трлича бўлиши мумкин ва бу ҳолат қилмишнинг квалификациясига таъсир кўрсатмайди. Истисно тариқасида агар шахс таъмагирлик ёки бошқа паст ниятларда жиноят содир этган бўлса, қилмиш ЖК 139-моддасининг 3-қисми “г” банди бўйича жавобгарликка тортилади.

Бу жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли

расо шахс бўлиши мумкин.

Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнни тарқатиш ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали тухмат қилиш деганда, ёлғон маълумотларни китобларда, газета ва журналларда, варақаларда ёки бошқа асарларда радио, телевидение, видеода намойиш қилиш орқали кенг оммага тарқатишни тушуниш лозим.

Мазкур ҳолатда бошқа шахсни шарманда қилувчи мазмундаги ёзилган, тасвирланган, босма чиқарилган ҳар қандай маълумот орқали жиноят содир этилиши мумкин.

Мазкур ҳолат орқали амалга оширилган тухмат жабрланувчига оддий тухматдан кўра катта маънавий зарар етказди.

Ҳақорат қилиш (ЖК 140 модда)

Жиноятнинг бевосита объектига инсон узга инсоннинг шаъни, кадрини хурмат қилинишини уз шахсининг кадрини субъектив англашини кафолатловчи оммавий муносабатлар ҳисобланади. Факултатив объект сифатида ҳақоратланган инсоннинг соғлиги курсатилиши мумкин.

Объектив томондан ҳақорат шахсининг шаъни ва кадрини номаъқул қуринишда ерга уриш ҳисобланад. Шу билан бирга жавобгарлик ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан йил давомида ҳуди шундай ҳаракатлар учун маъмурий

огохлантиришдан кейингина кучга киради.

Хакорат – бу жабрланувчи шахсининг номаъкул куринишдаги салбий бахоси булиб, шахснинг шони ва кадр-кимматини ерга уради, унинг маънавий кифасини ҳам атрофидагилар назарида , ҳам, узининг назарида паймол килади

Хакорат турли куришинларда ва усулларда намоён булади. У факат огзаки, ёзма, бевосита тегмасдан тана харакатлари оркали (жабрланувчи тарафга караб туфлаш, хунук киликлар билан ва х.к.з) ва бевосита тегиш билан тана харакатлари оркали, лекин жабрланувчига жисмоний зарар етказмасдан (итариб юбориш, кийимларини йиртиш ва х.к.з.) Купчилик холларда хакорат бевосита руй беради, лекин, у билвосита ҳам булиши мумкин. Бундай холларда 140-модда буйича жавобгарлик факат айбдор жабрланувчига хакоратлари етиб боришига ишонган тақдирдагина кулланилиши мумкин.

Шаънини тахкирлаш деганда инсонга нисбатан салбий бахо берилиши порочение! Тушунилади ва хакоратнинг таркиби учун бу бахоларнинг ёлгон ёки ростлиги ахамиятсиздир.

Хакоратнинг таркиби, агар у хакикат булганида ҳам, лекин, уятсиз, номаъкул куринишда ифода этилган булса хисобга киради. Аксинча, тугри ифода этилган танкид хакорат турига кирмайди. Хакорат килишнинг таркибига кадр-кимматнинг тахкирланиши албатта уятсиз ва номаъкул куринишда ифода этилиши керак, яъни судда аникланадиган хар бир холат жабрланувчига нисбатан жамиятда кабул килинган одоб-ахлоқ коидаларига ва муомала маданиятига

зид тарзда муносабат килиниши шарт. Хакорат учун жавобгарлик масаласининг хал килининшида фактгини хакоратланган шахснинг реакциясидан келиб чикиб булмайдibu реакция узини юкори даражада яхши куриши сабабли вужудгуа келиши мумкин. Хама араз ва урушиш хам хакорат ва тахкирни ташкил этавермайди, факатгина унинг таркиби шаън ва кадир кимматни тахкирласа ва номаъкул куринишда ифода этилсагина хисобланиши мумкин.

Хакоратли ибораларнинг таркиби турлича булиши мумкин, бу аразчининг «Ихтрочилогига» боглик. Коида буйича, шахснинг номаъкул куринишда бахоланиши цензурага зид тарзда гапирилишдан иборат булади. шуни ёдда тутиш керакки, хакорат доимо айнан бир киши томонга каратилган булади. Манзилсиз айтилган уятсиз суз, ва сукинишлар безорилик сифатида квалификация килинади.

ЖКнинг 140- моддасига бибиноан Шахснинг шаъни ва кадр- кимматини тахкирлашга каратилган уятсиз харакатларни содир этиш вақтидан бошлаб, жабрланувчига нисбатан зарар етган ёки етмаганлиги дан катъи назар жиноят тугатилган хисобланадт.

Субъектив жихатдан хакорат факатгина тугри анланган холда содир этилиши мумкин. Айбдор жабрланувчининг шаънива кадр –кимматини ножуя усулда паймол этаётгани ни биледи ваш уни хохлайди. Хакоратнинг сабаблари трлича

булиши мумкин ва содир этилганнинг квалификациясига таъсир этмайди, безорилик бундан мустасно.

Жиноятнинг субъекти – 16ёшга тулган соғлом, жисмоний шахс.

Нашр қилиш ёки бошқача усулда қупайтирилган матнда ёки Оммавий ахборот воситалари орқали ҳақорат қилинганда ЖКнинг 140-моддаси 2- қисмига биноан жавобгарликка тортилади .

Ушбу квалификация буйича тулик маълумотга 139-модданинг 2-қисмига қаранг.

ЖКнинг 3-қисми билан жавобгарлик, агар ҳақорат қуйидаги ҳолатда содир этилса баҳоланади:

а) Жабрланувчининг уз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ бўлса;

б) Хавфли рецидивист еки тухмат қилганлиги учун илгари судланган шахс томонидан қилинган бўлса;

«Уз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажараши муносабати билан» трушунчаси буйича ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми г пунктига қаранг.

Ҳақоратни безориликдан ажратиш керак, ва бу ерда сабаб ва мақсад ҳақоратнинг содир этилишида асосий рол уйнайди .

Қасддан безорилик мақсадида нолайик қуринишда шахс шаъни ва кадр қимматини ҳақорат қилиш (койда буйича

жамиятда айбдор томонидан одоб ахлоқ коидаларининг бузилиши)зарур белгилар мавжудлигида ЖКнинг 277-моддаси (Безорилик)билан курилади ва ЖКнинг 140-маддаси буйича кушимча квалификацияни талаб этмайди.

Мавзуга оид якуний саволлар:

«Шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-кимматга карши
жиноятлар»

1. ЖКнинг 135-моддаси (Одам савдоси) моддаси буйича жинсий жавобгарликнинг бошланиши шартлари кандай? Кайси дамдан ушбу жиноят тугатилган ҳисобланади? Одам савдоси буйича содир этилган ҳаракатлар жавобгарлигини огирлаштирувчи ҳолатларни айтинг.

2. Одамлардан фойдаланиш деганда нимани тушуниш лозим? Фоҳишаликдан фойдаланишнинг жинсий фойдаланишнинг бошқа қуринишларидан фарқи нимада?

3. Одамларни жинсий фойдаланиш мақсадида алдов йули билан огдириш ёки ишонтириб ёллаш ва аёл кишини жинсий алоқага киришишга мажбурлаш орасида кандай фарқ бор?

4. Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тускинлик қилиш деганда нима тушунилади?

5. Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ва аёлни эрга тегишга мажбур қилиш орасида кандай фарқ бор?

6. ЖКнинг 136-моддасига (Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тускинлик қилиш) мувофиқ аёлга нисбатан жисмоний, рухий зурлик ишлатиш ҳамда уни угирлаш деганда нимани тушунаси? Ушбу жиноятнинг квалификацияси тартиби кандай?

7. ЖКнинг 137-моддасига биноан айбдорнинг харакатларининг квалификацияси учун кандай аломатлар булиши керак? Одам угирлашнинг огир асоратларидеганда нима тушунилади?

8. Одам угирлашнинг зурлик ишлатиб ноқонуний равишда озодликдан махрум килишдан фарки нимада?

9. Жисмоний азоб бериб, хаёт ёки соглик учун хавфли шароитда зурлик ишлатиб озодликдан махрум килиш деганда нима тушунилади?

10. ЖКнинг 139-моддаси (Тухмат) нинг кулланиладиган шароитларни айтинг. Ушбу жиноятнинг шароитларини огирлаштирадиган аломатларга тавсиф беринг.

11. Хакорат килиш учун жиноий жавобгарликнинг бошланиши учун асослар кандай булиши керак?

12. Тухмат килишнинг хакорат килишдан фарки нимада?

VIII-БОБ ФУКАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯТИТУЦИЯВИЙ ХУКУК ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

1. Фуқорларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш.

Конституциятитуциясининг 18-моддасида «Ўзбекистон

Республикасида барча фукаралар бирхил ҳуқуқ ва эркинликларга ега бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги белгиланади».

141-модда. Жиноят қонунининг шарҳланаётган моддаси халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга тула мувофиқ келади. Хусусан, фуқаролик ва сиёси ҳуқуқлар тугрисидаги 26-халқаро ҳужжатда барча кишиларнинг қонун олдида тенглиги ва ҳар бир кишининг ҳуқуқи қонун билан ҳимоя қилиниши ёзиб қуйилган. Шу муносабат билан ҳар қандай қамситиш қонун билан таъқиқланган бўлиб, қонун барча шахсларнинг ирки, танасининг рангига, жинсига, тилига, динига, сиёсий ёки бошқа эътиқодларига, миллий ёки ижтимоий келиб чиқишига мулкӣ мавқеига, тугилиши ёки бошқа вазиятларга қура қамситилишига қура қамситилишига қарши тенг ва самарали ҳимояни қаролатлаши лозим.

Жиноятнинг бевосита объекти – фуқаронинг шахсий ҳуқуқларини тарғиботи Жиноятнинг предмети бўлиб фуқаронинг нафакат Ўзбекистон Республикаси Конституциятитуцияси, балки халқаро ҳужжатда тугилган ҳуқуқлари қиради.

Объектив жихатдан жиноят фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ёки ижтимоий ҳолатидан келиб қикқан ҳолда, ҳуқуқларининг

бевосита ёки билвосита бузилиши ёки чекланишида намоён булади.

Фукарларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фукарларнинг бевосита ёки билвосита имтиёзларини бошқасидан устун қуйиш деганда дискриминацияни тушуниш лозим. Яъни муайян бир шахснинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ёки ижтимоий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда давлат, жамият, маданий ишлар ёхуд бошқа фаолиятда иштирок этиши учун тусиқ яратиш, ёки уз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишга ёрдам, имкон бермасликда намоён булади.

Масалан, ишдан бушатиш, руйхатга олишдан бош тортиш, ишга олишда, уқишга киришда ирки, жинси, миллатидан келиб чиқиб ва хоказо. Қурилайтган жиноят ҳаракат орқали ҳам, ҳаракатсизлик орқали ҳам содир этилиши мумкин.

Ҳаракат орқали содир этилган жиноятга қасддан фукарларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишга тускинлик қилиш қиради.

Ҳаракатсизлик орқали содир этилган жиноятга эса ҳуду шу ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишга қумак бермаслик қиради.

Жиноят фукарларнинг ҳуқуқларини жинси

эркинликларига зарар етиш ёки етмаслигидан катий назар бузиш ёхуд чеклашнинг бошланган вақтидан тугалланган деб топилади.

Жиноятнинг таркиби булиши учун, ирки, миллати, тили, динидан катий назар фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини ёки имтиёзларини бузиш ёки чеклаш учун ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг узи кифоядир шу сабабдан бу жиноятга нисбатан суикасд истисно килинади.

Субъектив томондан фуқароларнинг тенг ҳуқуқлийлигини бузиш анланган ҳолда содир этилган жиноятдир. Мақсад бевосита ёки билвосита булиши мумкин. Бунда қилмишнинг аниқ мақсади булмаслиги мумкин. Асосийси жиноятнинг сабабидир, яъни айбдорнинг содир этган қилмиши жабрлананувчининг ЖКнинг 141-моддаси 1-қисмида қурсатилган вазиятларга таалуқли булиши керак.

Жиноятнинг субъекти – 16ёшга тулган соғлом, жисмоний шахс.

Жиноят субъекти лавозимдаги шахс булган ҳолларда содир этилган жиноят зарур булганда (мансаб ваколатини суистеъмол қилиш (ЖК 205-модда) ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-модда) каби белгилар булганида) ЖКнинг тегишли моддаси Махсус қисми билан қушимча равишда квалификация қилиш зарур.

Айбдорнинг жинояти агар тенгҳуқуқликнинг бузилиши

тарзда уй-жойга бостириб кириш мумкин эмас, деб белгилаб куйилган.

Жиноятнинг асосий бевосита объекти булиб фукараларнинг турар жой дахилсизлиги буйича Конституциятитуцион ҳукукини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Қушимча объект сифатида, шахсий дахлсизлик, соғлик шахсий эркинликни таъминловчи ижтимоий муносабатлар кулланилади.

Объектив томон турар жойга унда яшовчилар эркига ҳилоф равишда зурлик ишлатиб гайриқонуний бостириб киришдан иборатдир.

Турар жой деб одамларнинг доимийёки ваҳтинчалик яшаши учун мулжалланган жой (шахсий уй, квартира, ховли, меҳмонхона ҳамаси ва х.к.) тушунилади. Шунингдек юкоридагиларнинг дам олиш мол-мулк саклаш, яшовчиларнинг бошка зарур эҳтиёжларини кондириш учун ишлатиладиган таркибий қисимлари (балкон, ойнаванд айвонлар ва х.к.) ҳам турар жойга киради. Омборлар, гаражлар, ёки бошка хужалик хоналари одамлар яшаши учун мулжалланмаган булса турар жой **ҳисобланмайди**.

Бостириб кириш бу турар жойга кириш деганидир. Бу ҳолл нафакат яширин равишда оширилиши, балки, очикчасига, одамларнинг қаршилигини ва тўсикларни енгиб, ва турли кулланмалар ёрдамида, ёки тосикларни енгмасдан

хам амалга оширилиши мумкин.

Уйдан ноқонуний равишда кучириш, санкциясиз уйни тинтиш, бировнинг уй жойига уз бошимчалик билан кучиб кириш жойлашиш.

Ноқонуний бостириб кириш 142 –модда. Агар турар жойга унда яшовчи ларнинг эрки хилоф равишда зурлик ишлатиб гайриқонуний бостириб кириш билан боғлиқ булган ҳолатда қилмиш ЖК 142–моддасига кура жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Маъодо гайриқонуний бостириб кириш зурлик ишлатмасдан содир этилган ҳолатда айбдорнинг ҳаракатлари жиноий жазоланмайди.

Зурлик ишлатиш деганда, жабирланувчини итариб юбориш, қулини қайириш, қалтаклаш, дуппослаш, унинг баданига енгил ва уртача оғир шикаст етказиш, яъни унинг жабирланувчига нисбатан жисмоний зурлик ишлатишни лозим

Бундай ҳолатларда айбдорнинг ҳаракатларини жиноятлар мажмуасига кура ЖК шахсига нисбатан жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутадиган моддалари буйича жазолаб булмайди. Зурлик руҳи жихатдан ҳам булиши мумкин.

142-модда 5 қисми

Бостириб қирганда жабирланувчига нисбатан ишлатилган зурлик ЖК нинг 142-моддасида назарда тутилган

жинойй илатлардан кура огирок жиноят хисобланмасагина юукоридаги холат назарда тутилади.

Жиноят зурлик ишлатиб турар жойга бостириб кириш вақтидан бошлаб вужудга келган оқибатлардан катъи назар, тамомланган деб топилади.

Агар турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зурлик ишлатиб гайриконуний равишда бостириб кириш мансабдор шахс томонидан содир этилганда, унинг ҳаракатлари ЖК 206-моддаси бўйича квалификация килинади.

Турар жой тушунчаси тоғрисида 164-модданинг шарҳига қаранг.

Бировнинг мол-мулкини угирлаш мақсадида турар жойга кириш узгалар мол-мулкини угирлаганлик учун жавобгарликни назарда тутадиган тегишли моддалар доирасига қиради ва ЖК 142-моддаси билан қушимча баҳолашни талаб қилмайди.

3. Хат ёзишмалар, телефонда сузлашув, телеграф хабарлари ёки бошка хабарларнинг сир сакланиши тартибини бузиш 143- модда.

ЖК нинг 143 моддаси фукарларнинг ушбу хукукидан фойдаланишининг жиноий-хукукий кафолати хисобланади.

Жиноятнинг бевосита объекти булиб фукарларнинг хат-ёзишмалари, телефонда сузлашув, телеграф хабарлари ёки бошка хабарларни сир саклаш хукукидан фойдаланишини таъминловчи ичтимой муносабатлар киради.

Объектив томондан ЖК нинг 143 моддасида назарда тутилган жиноят. Хат –ёзишмаларои, телефонда сузлашу, телеграф хабарлари сир саклаш тартибини бузганда худди шундай жиноят учун маъмурий жавобгарлика аввал хам тортилган булса холатда ифодаланади.

Эгасининг розилигисиз ёки бундай танишув учун хукукий асоснинг йуклиги (жиноят-кидирув ишлари муносабати билан суд карори ёки пракурор санкцияси) хам тартибни бузиш хисобланади.

ЖПК нинг 166-моддаси (почта–телеграф жунатмалари арести) ва 167–моддаси (почта-телеграф жўнатмаларини куздан кечириш ва олиш) асосида почта-телиграф жунатмаларини хибисга олиш бу жунатмаларни куздан кечириш очиш холатлари факатгина пракурор санкцияси суд

белгиларига кура амалга ошириши мумкин. Телефон сузлашувларини ёки бошка алока воситалаирда олиб борилаётган мулокатларни эшитиш хом пракурор санкцияси ёки белгилаши билан амалга оширилиши лозим 143-модда 3 кисми. Хат- ёзишмалари, телефон сузлашувлари, рухсатсиз ошкор этилиши вақтидан бошлаб жиноят тамомланган деб топилади.

143- модда 4 кисми. Агар хат-ёзишмалар, телефон сузлашувлари, телеграф ёки бошка хабарларнинг сири жиноятни очиш, жиноятни аниклаш ва жиноятчини ушлаш мақсадида конунда белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилишидоралари томонидан бузилган ҳолларда шахсларнинг ҳаракатлари жинойи жазоланмайдиган деб топилади.

Мансабдор шахсларнинг гайриконуний ҳаракатлари тегишли белгилар мавжуд бўлган ҳолатда ЖК 205 ёки 206 моддаларида назарда тутилган мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятини вужудга келтириши мумкин. Агарда бу тартибга риоя қилинмаса айбдор жинойи жавобгарликдан озод қилинмайди. Субъектив жихатдан ЖК нинг 143- моддасида назарда тутилган жиноят анланган ҳолда содир этилади. Шахс бегона хат-ёзишмалар ва бошка малумотлар билан таишёдганда, бегона телефон сузлашувларини эшитаёдганида фуқароларнинг кониститутцион ҳуқуқини поймол этаётганини билади ва

шунинчиси хилоф бўлади. Жиноятнинг квалификация килишда унинг сабаб ва мақсади аҳамият касб этмайди, лекин жазо белгиланадиган тақдирда назарда тутилиши керак. Қонунларда жиноятнинг сабаби оддий одамнинг кизикувчанликдан келиб чиқади. Қуриладиган жиноятнинг субъекти 16 ёшга тулган соғлом, жисмоний шахс бўлади.

4.Фуқароларнинг муқофотлари тугрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш 144- модда.

Ариза ва тақлифлар ёки шикоятлар уз қонунда белгиланган тартибда ва вақтида қуриб чиқилиши керак жиноят кодексининг қуриладиган моддаси фуқароларнинг уз аризалари эркинлигига, давлат бошқаруви ҳокимиятини муассасалар бошқарувини танқид қилиш эркинлигини хилоф қилувчи жиноий-ҳуқуқий асосидир. Ж.Қ нинг 144 моддасида назарда тутилган жиноятга асосий бевосита объект бўлиб фуқароларнинг аризалари тақлиф, шикоятлари билан вазоратли давлат органларига муассасалар, халқ вакилларига муқофот қилишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Содир этилган жиноят натижасида қандай зарар етказилишига қараб, фуқаронинг махсус, қадир –қиммати, шахсий мулк ҳуқуқини таъминловчи ижтимоий муносабатлар қонуниликни бузилишининг қушимча объект томони

булиб, мурожатни куриб –чикишдан сабабсиз бош тортиш, мурожатни куриб- чикиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, асоссида, конунга зид карор қабул қилиш ёхуд фуқароларнинг шахси ҳаётига доир маълумотларни имкор этиш, шунингдек фуқароларнинг мурожатлари тугрисидаги конун ҳужатларини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки фуқаролар, жамият ва конун билан муҳофаза этиладиган манфатлари жиддий зарар етказадиган ҳолда бузиш ҳисобланади.

Асосиз ҳолда мурожатларни куриб чикишдан бош тортиш берилган меъёрнинг контекстида ваколатли орган, мансабдор шахс, ёки халқ вакилларининг мурожатни қондирмаслик, куриб чикишга қабул қилмаслик ҳақидаги ёзма ёки оғзаки қурилишдаги қарори ва табиийки, бевосита ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи, ёки бевосита мурожатига таалуқли бўлган ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш, ёки уларни қулга киритиш ҳуқуқи ва талабини қондирмасликда намоён бўлади. Шу билан бирга мурожатларни куриб чикишни асоссиз равишда рад этиш унинг ноқонунийлигини мурожатларни куриб чикиш ҳақидаги меърий ҳужжатларга зид эканини билдиради.

Мурожатларни куриб чикишни асоссиз рад этиш ҳаракат (рад этиш ҳақидаги резолюция ёки ариза) ёки ҳаракатсизликда (субъектнинг уз Конституция институтиявий мажбуриятини бажармаслиги, фуқароларнинг

мурожаатларини куриб чикиш хукуklarини поймол килиш) намоён булади.

Узрли сабабларсиз мурожаатларни куриб чикишни муддатини бузишга асоссиз холда мурожаатларни куриб чикишни конун билан белгиланган муддатини бузиш, тегишли муассасага мурожаатларни куриб чикишни мақсадида уз муддатида юбормаслик киради .

Узли сабаблар сифатида фақат объектив жихатдан холатлар()ва субъектив холатлар (масалан, мурожаатларни куриб чикишга масъул шахсининг бетоблиги) намоён булиши мумкин.

Конунга хилоф қарорнинг қабул килиниши- бу мурожаатдаги масаланинг амалдаги конунчилик меъёрларини бузган холда ҳал килинишидир.

Мурожаатларни куриб чикиш жараёнида аниқланган ҳар қандай фуқаронинг шахсий ҳаётига тегишли булган маълумотларни, фуқаронинг шундай мурожаат қилган ёки қилмаганидан қатъи назар, тарқатиш, фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ошқор этиш ҳисобланади.

ЖКнинг 144-моддаси 1-қисмида қурсатилган фуқароларнинг мурожаатлари ҳақидаги конунчиликни бузиш турлари очик ҳисобланади ва фуқароларнинг мурожаатлари ҳақидаги конунчиликни бузиш холларда ҳар бир конкрет холатда , айбдор томонидан ҳуқуқий муносабатларни идора

килувчи меърий хужжатларнинг айнан кайсилари бузилганини аниклаш лозим.

Фукаролар, жамияти ва давлат ҳуқуқларига ёки уларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига жиддий зарар етказилиши вақтида ёки таъқибнинг бошланиши билан (ЖК 144-моддасининг 2-қисмига қаранг) жиноят тамомланган деб топилади (Ж К 144-моддасининг 1- қисми). Фуқаро, жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза этиладиган ҳуқуқларига етказиладиган зарарнинг жиддилиги тугрисидаги масалани ечиш жараёнида қелиб қоладиган оқибатлар хусусиятини ҳамда маънави зарарнинг аҳамиятини моддий зарар ҳажмини фуқаронинг қўлланган меҳнати, шахси ва мулкӣ бўлмаган ҳуқуқ ва манфаатлари даражаси инобатга олиниши керак.

Фукароларнинг муқожаатлар тугрисидаги қонунни бузиш ишлари бўйича ҳар бир алоҳида олинган ҳолатда айбдорнинг қилмишлари вақелиб қолган оқибатлари уртасидаги сабабий боғланишни аниқлаб олиш керак. Шубҳасиз, қўрсатилган оқибатлар яъни қонун бузилиши фукароларнинг муқожати ҳақидаги қонунчиликни бузиш натижасида эмас, балки, бошқа бир сабабларга қўра қелиб қолган, шахс Ж К нинг 144-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

ЖК нинг 144-моддаси 2-қисмида назарда тутилган

жиноятнинг юбъекти булиб, фукарони давлат органига, корхона муассаса, ташкилот ёки жамият бирлашмасига мурожат қилганлиги ёки мурожатда баён этилган танқид, шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъқиб қилиниши ҳисобланади. Таъқиб қилиш деганда, мансабдор шахснинг касддан фукароларнинг меҳнати, тураржой, мулки ва бошқа ҳуқуқларини ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини чеклашни тушуниш лозим. Фукаронинг давлат органига, корхона, муассаса мурожати ёки мурожатдаги танқид учун таъқиб қилинади. Бундай ҳолатлар масалан, ноқонуний равишда ишдан бўшатиш, асоссиз равишда қаммаошли ишга утқизиш, қонуний имтиёزلардан маҳрум қилиш ваҳоказо.

ЖК нинг 144-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жинойт, жабирланувчи учун бирор зарар етиш-етмаслигидан қатъи назар, таъқиб қилинган дамдан бошлаб тугаланган ҳисобланади. Фукароларнинг мурожатлари тугрисидаги қонунни мансаб вақолатига эга бўлган шахс томонидан бўзилиши ҳолатлари фукаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларига ёки уларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига жидди зарар етказилганда унинг ҳаракатларини Ж К 106-моддалари бўйича баҳолаш зарур. Ж К. нинг 144-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жинойтнинг

субъектив томони айбнинг бевосита ёки билвосита курилишида номоён булади. Шахс фуқароларнинг муружатлари хақидаги қонунчиликни бузаётганини, ва бу ҳолат фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказишини билди ва шуни хоҳлайди (бевосита аниқлаш) ёки шундай ҳолатларнинг рўй беришига йўл қўяди (билвосита аниқлаш. Ж Қ нинг 144-моддаси 2- қисмида назарда тутилган жиноят қатъияти бевосита аниқлаш натижасида рўй беради. Айбдор фуқаронинг давлат органига ёки бошқа муассасаларга муружаати муносабати билан, ёки муружатни ташкил этувчи танқидчун ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказиш ёки таъқиб қилиш ҳаракатини амалга ошираётганини аниқлайди ва шуни хоҳлайди. Жиноятни квалификация қилиш учун фуқароларнинг муружаати хақидаги қонунчиликни бузишни сабаби ва мақсади аҳамиятсиздир.

ЖҚнинг 144-моддаси 1-қисми буйича жиноятнинг субъекти 18-ёшга тулган, соғлом жисмони шахс, давлат муассасаларида ёки узини-узи бошқариш органларида маълум лавозим эгаси бўлиши, яъни, махсус субъект аломатларига эга бўлиши керак. Ж Қ нинг 144-моддаси 2-қисми буйича эса қатъияти мансабдор шахс субъект бўлиши мумкин.

5 Виждон эркинлигини бузиш (ЖК 145-модда).

145–модда 1-кисми. Виждон эркинлигини бузишнинг асоси бевосита объекти Конституция булиб, кафолатланган виждон ва эътикод эркинлигини, диний ташкилотларнинг конуний фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Қушимча бевосита объект булиб фуқаролар соғлиги ҳимояси буйича ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ж К. нинг 145-моддаси жинойт таркибининг учта турини назарда тутди

Объектив томонидан Ж К. нинг 145-моддаси 1-кисмида назарда тутилган жинойт диний ташкилотнинг конуний фаолиятга ёки диний маросимларни утказишга тускинлик қилишда намоён булади.

145-модда. 3-кисми объектив томондан жинойт диний ташкилотларнинг конуний фаолиятига ёки диний урф–одатларни амалга оширишга қаршилик қурсатишда ифодаланади. Қаршилик қурсатиш диний муассасаларнинг фаолиятига тускинлик қилишда (масжит ва черковларни ёпиб қуйиш) ёки диний маросимларни утказишга йул қуймасликка қаратилган ҳаракатларни содир этиш (никоҳ уқиш, суннат қилиш, жаноза уқиш ёки марҳумни дафн этиш ва хоқазолар) да ифодаланиши мумкин. Қонун чегарасида амалга оширилаётган ва фуқароларнинг ҳуқуқларини поймол

килишга йул куйилмайдиган диний маросимларни утказишга тускинлик килиш холати жиноят хисобланади.

Виждон эркинлиги диний маросимларни, факат конун чегарасида амалга оширишни назарда тутати. Агар диний фаолиятда фукароларнинг уз фукролик хукуklarини амалга ошириш ёки фукаролик мажбуриятларини адо этиш каршилик курсатиш содир булса ёки диний маросимларни утказиш акалла бирор кишининг баданига енгил ёки уртача огрик шикаст етказилишини келибчикарса, айбдорнинг килмишлари Ж К 145-моддасининг 2- кисми билан квалификация килинади. Бундай вазиятларда баданга енгил ёки уртача огир шикаст етказишни назарда тутадиган моддаларга кура жиноятлар мажмуи буйича бахолаш зарурати булмади.

Диний маросимлар деганда диний таълимот, тоат-ибодат килиш, ва бошка урф-одатлар (масалан : чукинтириш, сунат килиш, никох укитиш, дофн маросими ва хаказо) ни маълум бир тимсолий харакатларни купчилик билан амалга оширишни тушуниш лозим

Диний ташкилотларнинг конуний фаолиятига ёки диний маросимларни бажаришга каршилик курсатишга каратилган харакатнинг содир этилган ватидан бошлаб ЖКнинг 145-моддаси 1-кисмида назарда тутилган жиноят тамомланган

хисобланади.

ЖКнинг 145-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томонига вояга етмаган фуқароларни уз хошишига қарши, ота-оналари ёки уларнинг урнидаги шахслар хошишига қарши диний ташкилотларга жалб қилиш, ҳамда диний таълимотларини ургатиш қиради.

Вояга етмаган шахсларни диний ташкилотларга ноқонуний тарзда жалб қилишга турли йулар билан диний ташкилотларнинг фаолиятида иштирок этишга (алдаш, моддий рағбат ваъда қилиб, қасос, қурқитиш, қасос олиш туйғусини сингдириш, қураолмаслик ёки бошқа сабабларни қурсатиб) мажбурлаш ёки қундириш ҳолатлари қиради.

Бунда қундириш деганда айибдар вояга етмаган шахсдан турли йул билан ота-она сининг ёки уларни урнидаги шахслар хошиш-истакларига қарши бирор-бир диний ташкилот фаолиятида иштирок этиш истагини вужудга келтиришга ҳаракат қилади. Мажбурлаш деганда 18-ёшга етмаган шахсни уз хошишига қарши диний ташкилот фаолиятида иштирок этишга мажбур қилишга тушунилади.

Ноқонуний тарзда диний таълимот ургатиш бу вояга етмаган шахсларнинг уз истагига қарши, ота-онаси ёки уларнинг урнидаги шахсларнинг хошиш-истагига қарши дин ҳақидаги турли билимларни сингдиришга ҳаракат қилишдир.

ЖК нинг 145-моддаси 2-қисмида назарда тутилган

жиноят вояга етмаган шахсларни диний ташкили фаоллиятида иштирок этишга кундириш ёки ноқонуний тарзда уз истагига карши динга ургатиш холатлари содир этилган дамдан бошлаб жиноят тамомланган ҳисобланади.

ЖК нинг 145-моддаси 3-қисмида назарда тутилган виждон эркинлигини бузишнинг объектив томони диний фаолиятининг:

-Фуқароларнинг уз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишлари ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига (масалан дам олиш ҳуқуқи, касбий бурч, ота-оналар бурчи ва ҳақозо) тускинлик қилиш.

- Мажбурий бадаллар йиғиш ва диндорлар дан пул йиғиш, ёки инсон шаънини ва кадрини паймол қилувчи жазо қуллаш (масалан, диний маросимларга фақат модий ҳисса қушиш, қурбонлик қилиш шарти билан қатнашишга руҳсат бериш); у ёки бу диний қонун қоидаларни бузганларга нисбатан “Жарима санкцияларини” қуллаш ёки шахс шаъни, кадр-қимматини паймол қилиш даражасида муомала қилиш.

-Диний таълимот олиш ва фуқаро томонидан динга булган муносабати, динга эътиқод қилиши ёки қилмаслиги, диний маросимлар, ва тадбирларда иштирок этиши ёки иштирок этмаслигига мажбурлаш (бу холатда мажбурлаш қоида буйича жабрланувчига рухий таъсир утқизиш, кундириш, таҳдид қилиш ёки қурсатилган амалларни

бажаришга мажбур буладиган шароит яратиш йули билан амалга оширилади.);

-Баданга енгил ёки уртача огир шикаст етишига олиб келадиган диний маросимларни (масалан, инсоннинг бирор аъзосига озор бериш, узок вақт очлик саклаш ёки ЖКнинг 105 ёки 109 моддаларида назарда тутилган оқибатларга олиб келган кийнокни амалга ошириш) утказувчи ташкилот билан

«Енгил тан жарохатлари» ёки «Уртача огирликдаги тан жарохатлари» тушунчалари хакида ЖКнинг 105 ва 109 моддалари шархини каранг.

ЖКнинг 145-моддаси 3- кismiда назарда тутилган жиноят, шикаст етган вақтдан бошлаб тамомланган деб топиладиган енгил ёки уртача огирликдаги тан жарохатлари етишига олиб келадиган диний маросимларни ташкил этиш жиноятдан ташкари, юкорида курсатилган харакатлар келиб чиккан оқибатларидан катъи назар содир этилган дамдан бошлаб тамомланган деб топилади.

Субъектив томондан ЖКнинг 145-моддасида назарда тутилган жиноят қасддан деб тавсифланади. Айбдор уз харакатларининг ижтимоий хавфлилигини англайди ва уларни амалга оширишни хохлайди. ЖКнинг 145-моддаси 3- кismiда назарда тутилган енгил ёки уртача огирликдаги тан жарохатлари етишига олиб келадиган диний маросимларни утказишни ташкил килишда виждон эркинлигини бузиш

жинояти мустаснодир. Ушбу жиной харакат айбнинг огир формаси хисобланади (харакатни англаш ва окибатларини уйламаслик). Агар айбдор курсатилган окибатларнинг келиб чиқишини хохлаسا содир этилган харакатни ЖКнинг 105 ёки 109- моддаларига биноан квалификация килиш керак.

Жиноятни квалификация килиш учун сабаб ва мақсад ахамиятга эга эмас.

Жиноятнинг субъекти – хар бир 16 ёшга тулган ақли расо, жисмоний шахс булиши мумкин.

Мансабдор шахс томонидан турли усуллар билан фукароларнинг виждон эркинлиги ва эътикод килиш хукукини бажаришга уз лавозимидан фойдаланган холда тускинлик килса, унинг харакатларини аник шароитдан келиб чикиб ЖКнинг 205- моддаси «Хоқимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол килиш» ва 206-моддаси «Хоқимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш» буйича квалификация килиш лозим.

6. Сайловлов ёки референдум ташкил килиш, уларни утказиш хақидаги конун хужжатларини бузиш

Узбекистон Республикаси Конституциятинутциясининг 9- моддасига биноан ва ижтимоий хаётнинг энгмухим масалалари умумхалк овозига (референдумерендумга)

куйилади. Референдумерендумни утказиш тартибини «Референдум тугрисида»ги конун белгилайди .

Референдумерендум-бу давлат хаётининг энг мухим масалалари буйича умумхалк овози оркали конунларни кабул килиш ва хал килиш.

Сайловловларни утказиш тартиби сарловлар тугрисидаги конун билан белгиланади. Сайловлов процесси мураккаб жараён булиб, бир неча погоналарда амалга ошади: номзодларни курсатиш, уларни руйхатга олиш, сайлов ёки референдум натижаларини аниклаш, уларни эълон килиш.

Жиноятнинг бевосита объекти булиб фукарорларнинг хам актив, хам пассив сайловлов хукукидан, референдумда иштирок этиш хукуки хамда урнатилган тартибда сайлов ва референдум утказиш хукукидан фойдаланишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар хисобланади.

Объектив томондан ЖКнинг 146-моддасида назарда тутилган жиноят куйидаги харакатларнинг бирида ифодаланади: Овоз бериш яшринлигини бузиш; овоз бериш бюллетенлари ёки имзо варакаларига сохта ёзувларини киритиш; била туриб овозларни нотугри хисоб- китоб килиш;

Овоз бериш яширинлигини бузиш референдум ёки сайлов катнашчининг кимга овоз берганлигини бошкаларнинг билиши мумкин булган шароитда колдиришдан иборат. Бу овоз бериш хоналарининг конунга

хилоф равишда жихозланмаганлиги, уларда бегона шахсларнинг иштироки, тулдирилган бюллетенларни куриб куйиш ва хоказолар окибатида юз бериши мумкин.

Сайлов ёки референдум хужжатларига сайлов бюллетенлари, имзо варакалари, сайлов учун руйхатлари ва сайлов компаниясининг бошка материаллари киради.

Сайлов ёки Референдум хужжатларини алмаштириш деганда хужжатнинг асл нусхасини калбакисига алмаштирб куйишни тушуниш керак.

Бюллетенлар ёки имзо варакаларига сохта ёзувларни киритиш деганда асл хужжатларга бошка ёзувларни киритиш натижасида хужжатни бузиш тушунилади.

Алмаштириш ва бузиш калбакилаштиришнинг турли куринишлари хисобланади.

Била туриб овозларни нотугри хисоблаш овоз беришда катнашганларни амалда маъкуллаб ёки маъкулламай карши овоз берганликларини амалда у ёки бу номзод фойдасига онги равишда купайтириш ёки камайтиришдан иборат.

Сайлов ёки референдумни ташкил этш, утказиш тугрисидаги конунни бузишга каратилган харакатларинг бирортасини содир этиш вақтидан бошлаб, ЖКнинг 146-моддасида курсатилган жиноят тамомланган хисобланади.

Субъектив томондан бу жиноят анланган холда смодир этилади . Сайловлов ташкил кили шва утказиш тугрисидаги конунчиликни бузиб, субъект уз харакатларини ижтимоий хавфли эканлигини, сайлов ёки референдум натижаларининг бузилиши мумкинлигини англайди ва бу окибатнинг келиб чикишини хохлайди.

Берилган жиноятнинг максоди – сайловловчилар ёки референдум катнашчиларининг иродаси ва истагига хилоф равишда сайлов ёки референдум натижаларини сохталаштириб керакли натижага эришишдир.

Жиноят сабаблари ахамиятга ва квалификацияга эга эмас. Жиноят субъекти – махсус. Конунда белгиланганидек факат (18 ёшга етган) мансабдор шахслар жинят субъекти була олади, сиёсий партиялар ёки фукароларнинг уз- узини бошқариш органлари вакиллари, ташаббускор гурухлар ёки сайловлов комиссиялари ёхуд референдумерендум комиссиялари аъзолари жиноятнинг субъекти булишлари мумкин.

Курсатилган барча шахслар амалдаги сайлов конунчилигига мувофиқ ваколатларга эга булишлари керак. Факат шу холатдагина улар ЖКнинг 146-моддаси буйича жавобгар була олади .Шу билан бирга ЖКнинг 205 ва 206-моддалари буйича кушимча квалификация талаб килинмайди. Мансабни суистеъмол килиш ёки ваколат доирасидан четга чиқиш холатлари (ЖКнинг 146- моддасида курсатилган харакатлардан ташқари) бошқа қуринишларда амалага ошса ЖКнинг 146 , 205 ёки 206-моддалари билан қурилади .

Қурилайтган жиноятни содир этишда иштирокчилик килиниши мумкин. Агар жиноятнинг қурилайтган таркиби субъектлари махсус субъект булмаган бошқа шахслар билан тил бириктириб харакат килишган булса, ЖКнинг 28-моддаси ва 146-моддаси буйича ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар сифатида жавобгарликка тортилади.

7. Сайлов ҳукукининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тускинлик килиш (ЖКнинг 147-моддаси)

Шархланаётган модда фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тугрисидаги халқаро пактнинг 25- моддасига мувофиқ бўлиб, унда:

«Хар бир фукаронинг бирор бир камситишларсиз ва асоссиз чеклашларсиз қуйидаги ҳуқуқ ва имкониятга эга бўлиши керак:

а) эркин овоз беришини таъминлайдиган ёпик овоз беришда умумий тенг сайлов ҳуқуқи асосида ва сайланиш ҳуқуқига »

Жиноятнинг бевосита объектига фукароларнинг сайлаш ёки сайланиш, сайлов ва референдумда эркин иштирок этиш, саволди тарғиботларини олиб бориш, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари сифатида ўз ваколатларини эркин амалга ошириш ҳуқуқини таъминловчи ижтимоий муносабатлар қиради.

ЖКнинг 147- моддасида назарда тутилган жиноят объектив томондан зурлик ишлатиш, алдаш, қурқитиш ёки оғдириб олиш йули билан фукаронинг сайлов ҳуқуқларини эркин амалга оширишда тускинлик килишда ёки депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзод шахсларнинг ишончли шахслари ваколатларини амалга оширишга йул қўймасликда ифодаланади.

Тускинлик килиш қонунда қўрсатилган усул билан фукарога уни сайлов ҳуқуқларини амалга оширишдан маҳрум этиш учун зурлик ишлатишида ифодаланади.

Тускинлик килиш англаган ҳолда ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда фукароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш эркинлигини бузишни англаган ҳолда содир этиш ҳаракатлари бўлиши мумкин, жумладан: фукаронинг сайловда ёки референдумда иштирок этиш ёки иштирок

этмаслик хукуки, малум депутатларга карши ташвикот килиш ёки килмаслик, референдумга куйилган масала буйича овоз бериш ёки бермаслик, бирор бир депутатга карши овоз бериш, барча номзотларга карши овоз бериш ва хоказо (пассив сайла хукуки); Узбекистон республикаси Призидентлигига, давлт хокимяти урганлигига ёки махали уз-уздини бошқариш урганларига сайланиш хукуки ва бу билан боғлиқ конунчиликда курсатилган сайловда катнашиш буйича хукуклари йигиндиси (актив сайлаш хукуки);

Бу сайловолди тарғиботини амалга ошириш учун касддан сунъий тускинликларни; номзодларни руйхатга олишда конунчиликда асосланмаган турли тусиклар ва бахоналарни; сайлов участкаларига кириш учун тусикларни (масалан, харбий кисм командири харбий хизматчини сайлов хукукидан фойдаланиши учун рухсат бермаслик вужудга келтириш вхкз).

ЖК нинг 147-моддаси диспозициясида курилайтган жиноятнинг мукаррар аломати зурлик ишлатиш, куркитиш ёки огдириб олиш йули билан амалга ошадиган тускинлик килишдир.

Зурлик ишлатиш деганда, калтаклаш, дуппослаш, гайриконуний равишда озодликдан махрум этиш, баданга энгил ёки уртача огир шикаст етказишни тушуниш лозим.

Агар сайлов хукуки ёки ишончли шахслар ваколатларини амалга оширишга каршилиқ курсатиш максадида шархланаётган моддада назарда тутилганидан кура каттикрок жазоланадиган зурлик ишлатиш кулланганда килмишн окибатларга караб жиноятлар мажмуига кура квалификация килинади.

Куркитиш жабирланувчига рухий таъсир утгазишда, яъни агар у сайловда иштирок этиб уз хукукини амалга оширса, овоз берса ёки сайлов олди ташвикоти олиб борса, унинг ёки кариндошларининг конун билан курикланадиган манфаатларига (хаётига, соғлигига, мулкига, шаънига, кадр-киммати ва бошқаларга) зарар етказиш нияти билдирилган (ёзма, оғзаки, имо-ишора билан) хабарларда ифодаланади.

Шархланаётган жиноятни содир этиш усули сифатида алдаш деганда, била туриб шахсининг референдумда, Президент сайловларида, сайловолди ташвикотлар олиб бориш хукукига нисбатан нотугри ахборотлар бериб янглиштириш, овоз бериш жойи, вақти, тиртиби ва хоказолар тугрисида нотугри хабарлар бериш тушунилади.

Оғдириб олиш деганда, шахсининг сайловолди кампаниясида ёки сайловларда катнашмаслиги учун тақдирлаш ёки бирор мулкый имтиёзлар ёки неъматларни тақдим этишга ваъда бериш тушунилади.

Жиноятни ЖК 147-моддаси дидпозициясида санаб утилган бирор та харакатни содир этиш вақтидан бошлаб тамомланган деб топилади. Бунга фуқаронинг овоз беришда, сайловда ёки сайланишда сайловолди ташвикотида катнашувига амалда чинакамига тускинлик килинган-килинмаганлигининг ахамияти йук.

Баъзан огдириш конуннинг ва хатто инсонпарварлик ҳаракатлари остига яширинган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Масалан: касби тадбиркор булган номзодсайлов кампанияси утказилаётган вақтда уз ҳисобидан кам таъминланган сайловчиларга моддий ёрдам бериши, сайловчилар уй-жойларини бепул таъмирлатиб бериши мумкин ва хоказо.

Субъектив томондан ЖКнинг 147-моддасида назарда тутилган жиноят англанган ҳолда амалга оширилади. Айбдор сайлов ҳукуқини амалга оширишга ишончлий шахсларнинг ваколатларига қаршилик қилиш мақсадида жабрланувчиганисбатан зурлик, таҳдид ишлаётганини, уни алдаётганини ёки огдираётганини билади ва у ҳаракатларни амалга оширишни хоҳлайди. Содир этилган ҳаракатнинг сабаби квалификациячун аҳамиятга эга эмас.

Ун олти ёшга етган ақли расо ҳар қандай жисмоний шахс шархланаётган жиноятнинг субъекти булиши мумкин.

Мансабдор шахс томонидан мазкур жиноят содир этилган ва бошқа зарур белгилар мавжуд булганда қилмишни ЖК 205ёки 206-моддаларида курсатилган жиноятлар мажмуига қура квалификация қилиш керак.

8. Мехнат қилиш ҳуқуқини бузиш

Узбекистон

Республикасининг

Конституциятитуциясининг 37-моддасида фукароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи муҳофаза қилинади. Яъни унда ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда курсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир, деб ёзиб қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 23-моддасида «ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли ва қулай шароитларда бўлиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир», деб таъкидланади.

ЖК 8-моддасида курсатилган жиноятнинг бевосита объекти бўлиб, фукароларнинг ҳамда (Конституциятитуцион ҳомиладор аёлларнинг ёки 3 ёшгача бўлган фарзандлари бўлган аёлларнинг ишга жойлашиш, шу тоифадаги аёлларнинг меҳнат ҳуқуқини амалга оширишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар қиради.

Жиноятнинг объектив томони 148-модда Узбекистон Республикаси Конституциятитуциясининг 37-моддасида фукароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи муҳофаза қилинади. Яъни унда, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда курсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир, деб ёзиб қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддасида «хар бир шахс меҳнат килиш, эркин касб танлаш, адолатли ва қулай шароитларда булиш ва ишсизликлардан химояланиш ҳуқуқига эгади», деб таъкидланади.

Шахсни қонунга хилоф равишда била туриб ишдан бушатиш меҳнат қонунида назарда тутилган асосларнинг булмаслиги ёки ишдан бушатишни белгиланган тартибига риоя қилмасдан амалга оширилганлигидир.

Кишини суд қарори билан қайтадан ишга тиклаш тугрисидаги суд қарорини бажармаслик уни амалда ишга қуймасликда ёки ишга тиклаш тугрисидаги буйруқ чиқаришдан буйин товлашдан қонуний қучга қирган суд қарорига бошқача тусқинлик қилишдан иборатдир.

Аёлни қомиладорлиги ёки ёш бола парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан қайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бушатиш.

Жиноий жавобқарликнинг бошқаниши учун қомиладорлик муддатининг аҳамияти йук.

Ж Қ нинг 148-моддаси 2қисмида қурсатилган қаракатлар, масалан, буш иш уринларининг зарур бланқалар, ҳужатлар, тақсифномаларнинг йуклиги бақонаси билан ёки иш штатларининг қисқараётгани ёки ишлаб чиқариш самарадорлигининг қастлиги вхқз сабаб қилиб қурсатилиши билан содир этилиши мумқин.

Курилаёдган жиноятнинг объектив томони фақат ҳаракат курилишида содир этилиши мумкин ва бирор-бир ҳужжат билан юридик тасдиқланган бўлиши шарт эмас.

Бу ҳаракат оғзаки курилишда ишга қабул қилишдан бош тортишда ёки ишдан бўшатишдан, қанқюдент ҳаракат ишга қуйишни чеклаб қуйишда намоён бўлади.

ЖК 148-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят қишини гайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки уни қайтадан ишга тиклаш туғрисидаги суд қарорини бажармаслик вақтидан бошлаб тамомланган деб топилади.

Қелиб қикқан оқибатлар жазо белгиланаётган вақда инобатга олиниши мумкин субъектив томондан

Айбдор қонунда белгиланганидек, фуқаронинг меҳнат қилиш ва ишга жойлашиш ҳуқуқини асоссиз равишда бўзаётганини билади ва ҳуди шундай йул тутишни истайди.

Жиноят қвалификация қилиш учун сабаб ва мақсаднинг аҳамияти йук. Қоида бўйича бу маълум шахсларнинг жойида бўлишини хохламаслик ёки уларни ишга олмасликда ифодаланган. 16 ёшга етган ақли расо, жисмоний шахс яъни жиноят субъекти – маҳсус одатда жиноятнинг субъекти, мулкнинг курилишидан қати назар, ташқилот раҳбари бўлади. Аммо, бу ерда иштирокчилик ҳам бўлиши мумкин масалан : йирик ташқилотларда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ масалалар одатда бўлинма томонидан ҳал қилинади.

Агар рахбар, масалан, хомиладор аёлни ишга қабул қилмаслик ҳақида курсатма берса, у Ж К нинг 28-моддаси 4-қисми бўйича (далолатнинг сифатида) жавобгарликка тортилади. Агар рахбар шундай курсатмани уз остидагиларга аниқ шахсга нисбатан берса, уқилмиши учун ижрочи сифатида жавогарлика тортилади.

9. Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш. (149-модда)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан илми ва техник ижод еркинлиги қафолатланади (42-модда) ва бу еса ижоди фаолят билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни қуриклаш заруратини келтириб чиқаради.

Ушбу жинойтнинг бевосита объекти бўлиб фуқароларнинг тафаккур мулки, муаллифлик ва ихтирочилик ҳуқуқини химоя қилувчи ва Конституциянинг ҳуқуқларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Жинойтнинг маркази бу ерда, табиийки, тафаккур мулк объектларидир. Бу объектлар номоддий объекти сифатида қурикланади (Баъзан, бу объектлар моддий бўюм сифатида қурикланиши мумкин.)

Тафаккур мулки объекти деганда, акли фаолияти махсули тушунилади.

Аклий фаолият махсули-деганда илмий асарлар, бадий , санъат асарлари; ижролар, фанограммалар, ва эълон килиш ташкилотининг махсулотлари; ишлаб чиқариш мулкнинг объектлари; кишлок –хужалик соҳасидаги эришилганлар; интеграл схемалар топологияси; сир сакланган маълумотлар, шу жумладан, ишлаб чиқаришнинг сирлари (ноу-хау) вхкз.

Суз ижодий фаолияти билан асар яратган жисмоний шахс асар муаллифи ҳисобланади. Икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахснинг ижодий меҳнати билан яратилган асарга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи, асарнинг ҳар бир алоҳида мазмунга эга булган қисимларида иборат булганлигидан қатъи назар ҳам муаллифларга тегишлидир.

Саноат мулки объекти деганда ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тушунилади. Ихтиро бу исталган соҳадаги бирор нарсага нисбатан (масалан, жихоз, микроорганизмлар штамми, усимликлар ва ҳайвонлар тана қатакчалари таркиби), унинг усулига (моддий объекти устидан моддий воситалар ёрдамида саъй- ҳаракатлар содир этилиши жараёни) даҳилдор булган техник ечимдир.

Фойдали модель – бу янги, мосламаларнинг қулланилувчи, Конституциятруктив бажарилишидир саноат намунаси - бу махсулотнинг ташқи қуринишини белгиловчи, янги ва узгача бадий Конституциятруктив ечимдир.

Соноат мулки объекти муалифи этиб шу мулкни ижодий меҳнати билан бунёд қилган жисмоний шахс топилади. Агар

сонаот мулкӣй объекти бир неча жисмоний шахс томонидан биргаликдаги ижодий меҳнат маҳсули натижасида вужудга келган бўлса, ижодкорларнинг барчаси, агар улар орасида бошқача келишув бўлмаса, тенгхуқуқли ҳаммуалиф ҳисобланадилар.

Илм-фан, адабиёт, санъат асарлари ёки санат мулкӣй объекти муалифи (ҳаммуалифи) га техник, ташкили ёки модий ёрдам курсатган ёки муаллифлик ҳуқуқини олиш ва ундан фойдаланишга ёрдам берган, лекин шахсан ижодий ҳиса қўшмаган жисмоний шахслар муаллиф (ҳаммуалиф) ҳисобланмайдилар.

Объектив томонидан 149-моддада назарда тутилган жиноят таъфаккур объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини узлаштириб олиш, ҳаммуаллифлика мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тугрисидаги маълумотларни улар расман руйхатдан утказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муалифнинг розилигисиз ошқор қилиш -

Энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок билан жазоланади.

Муаллифликнинг бошқа шахс томонидан узлаштирилишига қуйидагиларни тушуниш лозим:

- 1). Асарни оммалаштириш (қитобни нашир қилиш,

компакт-диск, компютер программалари, маълумотлари манбаларини тайёрлаш ва х.к.з);

2). Асар нусхаларини таркатиш (сотиш, алмаштириш, ижарага топшириш ва х.к.з);

3). Асар нусхаларини таркатиш мақсадида импорт (Узбекистон ҳудудига олиб кириш) қилиш;

4). Асарни оммавий намойиш қилиш (асарларни кургазмада намойиш этиш ва х.к.з);

5). Асарнинг оммави ижро этиш (Қушиқни оммави ижро этиш, театрда пьесани сахналаштириш, киноасарларни киноуйида намойиш қилиш ва х.к.з);

6). Асарнинг эфирга узатиш (радио ва телевидение, шу жумладан кабель телевидениеси орқали ва х.к.з);

7). Архитектура ёки дизайнлик лойиҳаларига нисбатан – ҳудди шундай лойиҳани амалга ошириш яъни, биноларни қурилмаларни қуриш, амалийбезак санъати асарларини чоп этиш.

Шу билан бирга муаллифлик асарларидан фойдаланиш деганда Узбекистон ҳудудида муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинган ақлий фаолият маҳсули мулкидан фойдаланишгина тушунилади. Муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланмаган ҳудди шундай объектлар бунга қирмайди.

Шу муносабат билан Узбекистон Республикаси Олий Суди пленуми қуйидагиларни белгилайди: Ҳуқуқий объект

хисобланган аклий фаолият мулкидан фойдаланиш, узга шахслар томонидан факатгина ҳуқуқ эгаси булган муаллифнинг розилиги билан амалга ошириш мумкин. Шунинг учун ҳар бир аклий фаолият мулкидан ноқонуний фойдаланиш шу ҳуқуқнинг қупол равишда бузилиши хисобланади. Жумладан тадбиркорлик субъектларининг аклий фаолияти натижаларини узлаштириб олиш Ж К нинг 149-модда буйича квалификация килиниши мумкин. Агар акли фаолият мулки объектлари моддий кийматга эга булса, айибдарнинг килмиши угрилик деб бахоланади.

Шуни назарда тутиш керакки, муаллифликни узлаштириш тугридан тугри ёки билвосита амалга оширилиши .

Масалан: Уз нами билан бегона илмий ёки адабий асарни чоп этириш мусикий асарни радио оркали узатиш, санъат асарни кургазмада намойиш килиш бевосита плагиатликка киради. Билвосита плагиатлик эса, бошка муаллифнинг асридан лавҳаларни уз илмий асарига муаллифини курсатмасдан киритиш хисобланади. Гарчи бу лавҳлар “ барчага маълумки “ кабилидаги иборалар билан бошланган булсахам. Ҳар кандай ҳолатда хом плагиатликнинг берилган куринишлари Ж К нинг 149-моддаси буйича килмишни квалификация килишда ахамиятсиздир.

Муаллифлик ҳукуки гоёлар, услублар, жараёнлар, тузилмалар,

Концепциялар, тамойиллар, топилмалар, ва далилларга нисбатан қуланилмайди ва шу сабабли асарларда қулланилган тамойиллар, далиллар концепциялар ва х.к.з лардан яний қуринишда уз асарида фойдаланиш плагиатликка кирмайди ва жиной жазоланмайди.

Узга саноат мулки объектдан ноқонуний фойдаланиш деганда сакциясиз равишда таркибда патентланган ихтирони ташкил қилган махсулотни тайёрлаш, сотиш ва махсулотни бошка хужалик айланмасига кириш ҳамда патент сохибининг розилиги сиз патент билан химоя қилинган усулларни қуллаш, патентланган саноат намунасини қуллаган холда махсулот ишлаб чиқариш холларини тушуниш лозим.

Хаммуаллифликка мажбур этиш деганда, тафаккур мулки эгаси муаллифга турли йуллар билан таъсир утказиш яъни айбдорнинг узи томонидан ҳамда унинг талаби билан тафаккур мулки объектини яратишда бевосита иштрок этмаган бошка шахслар томонидан таъсир утказиш тушунилади. Хам муаллифликка мажбур этиш тафаккур мулки эгасига тафаккур мулки объектини яратиш ишига айбдорнинг талаби билан унинг узини ёки бошка

шахсларнинг муаллифлар жамоаси таркибига кушишга оид таъсир утказишдир. Жабирланувчига нисбатан ҳуқуқига қарши таъсирлар турлича бўлиши мумкин. (Муаллифнинг узи ёки унинг яқинларига нисбатан жисмоний қуч ишлатиш билан таҳдид қилиш; қонуний имтиёزلардан маҳрум этиш билан қурқитиш; айбдорни ҳаммуаллифликка киритишга мажбур қиладиган шароит яратиш йули билан талаб қуйиш) ва агар ЖК нинг 149-моддасида назарда тутилган жиноятдан қура ҳавфи жихатдан ижтимоий ҳавф тугдирмаса ЖК нинг бошқа моддалари бўйича квалификация қилиш шарт эмас. Муалифни розилигисиз тафаккур мулки объекти тугрисидаги маълумотларни ошқор этиш деганда, муаллифнинг розилигисиз тафаккур мулки тугрисида унинг расмий руйхатдан утказилгунига ёки эълон қилингунига қадар ошқор қилинган ҳар қандай ахборатни тушуниш керак. Яъни, муаллифни розилигисиз ёки суровчини (бирор-бир саноат мулккига патент олишга суров берган шахс) розилигисиз Оммави ахборот воситаларида чоп этиш, конференцияларда нутқ сузлаш ёки бошқа ошқор этиш усулларини қуллаб, ҳеч бўлмаса бир кишининг огоҳ этилиши тушунилади

ЖК нинг 149-моддасининг диспозициясида назарда тутилган ҳар қандай ҳаракатлардан бирини содир этиш вахтидан бошлаб шарҳланаёдган жиноят тамоланган деб топилади. Субъектив томондан жиноят анланган ҳолда

содир этилади. Айбдор муаллифлик ёки ихтирочилик ҳукукини бузаётганини англайди ваш уни хохлайди.

Жиноятнинг сабаби ва максоди жазо белгиланаётганда инобатга олиниши мумкин. Жиноят субъекти – 16 ёшга етган акли расо жисмоний шахс.

1. Фукарларнинг тенгхукуклийлигини бузиш нимадан иборат?

2. Фукарларнинг тенгхукуклийлигини бузишда зурлик ишлатиш нимада номоён булади?

3. Фукарларнинг уй – жой дахилсизлигини бузишнинг жиной жавобгарлиги шартлари кандай?

4. Ноконуний бостириб кириш деганда нима тушинилади?

5. Кайси холларда фукарларнинг уй-жой дахилсизлигини бузиш холларида жиной жавобгарликка тортилмайди?

6. Хат – ёзишмалар, телефонда сузлашув, телеграф хабарлари ёки бошка хабарларнинг сир сакланиши тартибини касддан бузиш нималарда номоён булади?

7. Хат – ёзишлар, телефонда сузлашув, телеграф хабарлари ёки хабарларнинг сир сакланиши тартибини бузганлик учун жавобгарликдан озод этилишининг шарти кандай?

8. Фукарларнинг муружатлари тугрисидаги конун хужжатларини бузиш окибатлари ва усуллари кандай?

9. ЖК нинг 144-моддаси 2-кисмида берилган таъкиб килиш деганда нима тушунилади ? (Фукарларнинг муружаатлари тугрисидаги конун хужжатларини бузиш).

10. Виждон эркинлиги деганда нима тушунилади?

11. Виждон эркинлигини бузиш нималарда номоён булади?

12. ЖК нинг 145-моддаси 3-кисмида назарда тутилган жинойтдан диний дунёкараш натижасида касддан урта огирликдаги тан жарохати етказиш уртасидаги тафовуд кандай?

13. Сайлов ёки референдум утказиш ёки ташкил этиш конунчилигини бузиш усуллари кандай?

14. Яширин овоз беришни бузиш, сайлов хужжатларини калбакилаштириш, овозларни нотугри хисоблаш деганда нималарни тушуниш керак?

15. Миллатчилик, иркчилик ёки диний душманликни кузгатиш нимада намоён булади?

16. Сайлов ёки референдумни ташкил қилиш, утказиш қонунчилигини бузиш билан сайлов ҳуқуқини амалга ошириш ёки ишончли шахс ваколатини бажаришга тускинлик қилиш орасида қандай фарқ бор?

IX БОБ. ТИНЧЛИК ВА ИНСОНИЯТНИНГ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

1.

Узбекистон Республикаси Конституциясида уз преамбуласида халқаро ҳуқуқни умум эътироф этилган нормалари устуворлигини таъминлаб, 17-моддада. Узбекистоннинг ташқи сиёсатида давлатларнинг суверен тенглиги, қуч ишлатмаслик ёки қуч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахилсизлиги, низоларнинг тич йул билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади, деб белгиланади.

Маскур килмиш объекти тинчликни саклаш, тинч-тотув яшаш, глобал халқаро ва регионал тукнашувларнинг олдини олишга.

Шархланаёдган жинойт субъектив томондан бир мамлакатнинг тажовуз килишини келтириб чиқарадиган қарашлар, гоёлар ёки қакирикларни тарқатишдан (яъни хар хил шакилда баён этишдан) иборат.

Урушни тарғиб қилиш ижтимоий хавфи аввало шахс бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан кузгатиш учун турли шакилдаги қарашлар, гоёлар ёки қакириклар тарқатиб дунёни ва давлатларнинг тинчилигини хавф остига қуяди.

Урушни тарғиб қилиш халқаро ҳуқуқни меъёрларига зиддир.

Уруш – бу икки ёки ундан ортиқ суверен, мустақил давлатлар ёки халқлар орасидаги ташкил қилинган қуроланган қураш қуроли зиддиятдир.

Урушни тарғиб қилиш – инсонларнинг онига ва иродасига уларнинг бошқа суверен давлатга қарши харби харакатлар олиб боришга ундаш, уриш элон қилиш заруратини тугдириш ва шундай истакни уйғатиш мақсадида

тасир килиш деганидир.

Шархланаётган жиноят субъектив томондан бир мамлакатнинг бошка мамлакатга тажавуз килишини келтириб чиқарадиган қарашлар, гоёлар ёки қақирикларни тарқатишдан (яъни ҳар хил шақилда баён этишдан) иборат.

Уришни тарғиб қилишнинг усуллари жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди, лекин жазо белгиланаётганда ҳисобга олиниши керок. Уришни таерғиб қилишнинг, қарашлар, гоёлар, қақирикларни тарқатишнинг оммавилиги ҳам ҳуди шундай квалификация учун аҳамиятга эга эмас.

Уруш оловини ёқишга қаратилган қақириклар, қарашларёки гоёларни тарқатиш вақтидан бошлаб жиноят охирига етказилган деб топилади. Тарғиб қилишнинг қимнинг онгига, ҳулқ – атворига тасир этганлиги масаласи жиноят тарқибини ҳал этиш доирасидан ташқарида булиб мазкур масаланинг жавоби айбдорга нисбатан жазо чорасини белгилашдагина инобатга олиниши мумкин.

Ҳар қандай шақилдаги урушининг тарғиб қилиш субъектив томондан онгли равишда яъни шу ҳаракатни англаган ҳолда амалга оширилади. Шунга кура бу жиноят қасдан содир этилиши мумкин. Айбдор узининг уруш оловини ёқиш ҳақида гоёлар, қарашлар, қайфиятларни тарқатганлигини билади ва мазкур қилмишни хоҳлайди.

Келиб чиккан окибатлардан катъи назар яъни, уруш, агрессия бошланган ёки бошланмаганлигидан.

Хар кандай шакилдаги урушни таргиб килиш субъектив томондан онгли равишда, яъни шу харакатни англаган холда амалга оширилади. Айбдор узининг уруш оловини ёкиш хакида гоълар, карашлар, кайфиятларни таркатганлигини билади ва мазкур килмишни хохлайди.

Жиноятни квалификация килиш учун унинг максоди ва сабаби ахамиятсиздир.

Мазкур жиноятнинг субъектини ун олти ёшга тулган Узбекистон Республикаси фукарolari, чет эл фукарolari ва фукарوليги булмаган шахслар булиши мумкин.

Урушни таргиб килишни агрессияга дололатчилик (ЖК нинг 151-моддаси) килишдан ажратиш лозим. Берилганларнинг фарки шундаки, агрессияга дололатчилик килиш хеч качон оммавий тус олмайди ва ЖК нинг 151-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти булиши мумкин булган аник бир шахснинг иродасига каратилган булади, урушни таргиб килиш эса купчиликка нисбатан амалга ошириши ва уруш очилишининг зарурлигини, мумкинлигинива ва максадга мувофиклигини омма онгида шакиллантиришни максад килади.

Агрессия (ЖК нинг 151-моддаси.)

Боскинчилик урушни режалаштириш ёки унга тайёргарликкуриш, шунингдек шу харакатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашиш халқаро ҳуқуқ меъёёрларига биноан тинчликка қарши жиноят ҳисобланади. Боскинчилик урушни режалаштириш, унга тайёргарчилик қуриш сезиларли ижтимоий хавф тугдиради, зеро бундай харакатларни содир этиш натижасида давлатлар орасидан тинчлик бузилади ва халқаро муносабатларда зиддияттугдиради, натижада бу харакатлар қурқинчли қуплаб қурбонликларга, бинолпрнинг вайрон булишига, шаха рва қишлоқларнинг йуқ булишига олиб келади.

Ҳозирги замонавий қурул – яроғ турларини ҳисобга олган ҳолда агрессив урушнинг оқибатларини олдиндан айтиш қийин.

Агрессиянинг бевосита объекти булиб, тинчлик ва тинч ҳаёт кечириш асослари ҳақида ЖК нинг 151-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони боскинчилик урушни режалаштириш ёки унга тайёргарлик қуриш, шунингдек шу харакатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашишида намоён булади.

БМТ Бош Ассамблеяси сессияси 1974 йил 14 декабрида қабул қилган қарорига агрессия атамасини «давлат томонидан қурулли қучларни бошқа давлатнинг суверенитетига, ҳудудий даҳилсизлигига ёки сиёсий

мустакиллигига карши Бирлашган Миллатлар ташкилоти Уставига хилоф тарзда куллаш » деб таърифлайди.

3-моддада санабкурсатиш руйхати усули билан таърифланадиган агрессия тушунчаси мавжуд. Зикир этилган харакатлар уруш элан килинган – килинмаганлигидан агрессия харакати деб топилади.

Хеч кандай сиёсий, иктисодий, харбий ёки бошка таснифдаги фикирлашлар агрессияни оклаш учун хизмат киаолмайди. Агрессив урушни режалаштириш деганда, уруш харакатларининг ишланмалари ва уруш олиб боришнинг стратегик ва тактик лоихаларининг параллель равишда олиб борилиши ва амалга оширилишига айтилади. Шу билан бирга харбий операцияларни амалга ошириш учун зарур булган кучлар ва имкониятларнинг хисобини олиш зарур харбий объектларни лойихалаштириш хамда, захиравий таъминотнинг хисобини килиш мобил лойихаларни тузиш, урушга тайёргарликни амалга ошириш учун иттифокдош давлатларни урушга жалб килиш буйича харакатлар ишланмаси ва лойихасини ишлаб чикиш, агрессив урушни олиб бориш ёки алохида харбий операцияларни амалга ошириш ва х.к.з.

Агрессив урушни лойихалаштириш урушга тайёргарликнинг бошлангич боскичи сифатида курилиши мумкин. Агрессив урушга тайёргарлик деганда якуний

харбий лойихаларнинг тузилиши ва уларнинг амалга ошишига йуналтирилган ҳаракатларни содир этиш тушунилади. Масалан: харбий тузилмаларни бир йуналишда жамлаш, харбий иншоотларни куриш, харбий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни купайтириш, харбий қисимларни қайта ташкил қилиш, маҳсулотлар, ёқилғи захирасини яратиш, душман ҳудудида қулланиладиган харбий ҳаракатларга мос уқув машқлари ва маневрлар утқазуш ва ҳ.к.з.

Шуни инобатга олиш керакки, давлат ҳимоя имкониятини ошириш ва ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида лойихалаш ва тайёргарлик куриш ҳаракатларини содир этиш агрессияни ташкил этмайди.

Тил бириктириш деганда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг агрессив уруш учун лойихалаш ёки тайёргарлик куриши қелишиб тайёрланиши тушунилади.

ЖКнинг 151-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жинойтнинг объектив томони агрессив урушни бошлаш ёки олиб бориш ҳисобланади.

Агрессив урушни бошлаш деганда бошқа давлат суверенитетини унинг ҳудудига агрессор давлатнинг қуролланган қучларнинг бостириб қириш йули билан бузишга қаратилган аниқ ҳаракатлар содир этишни; харбий оккупация ёки аннексияни, ҳамда қарши томоннинг бостириб қиришига мажбур этувчи шароитларни яратиш ёки харбий

кучларни куллаш ва харбий харакатларни олиб боришни бошлаш, стратегик куролланишни куллаш учун сабаб ва бахоналарни яратишни тушуниш лозим.

Бундай харакатлар ҳам харбий, ҳам сиёсий курунишда булиши мумкин.

Резалютциянинг 3-моддасида санаб курсатиш руйхати усули билан таърифланадиган агрессия тушунчаси мавжуд. Зикр этилган харакатлар уруш эълон килинган-килинмаганлигидан катъи назар, 2-моддани инобатга олиб, унинг коидаларига муносиб равишда куйидагилар агрессия харакати деб бахоланади:

1) Давлат куролли кучларининг бошка давлат худудига бостириб кириш ёки канча муддатга чузилганлиги катъи назар, хар кандай босиб олиш мазкур боскинчилик окибати сифатида ёки бошка давлатга ёки унинг бирор худудига карши куч ишлатиш билан содир этилган хар кандай агрессия;

2) Давлат куролли кучларининг бошка давлат худудини бомба билан портлатиш ёки давлатнинг хар кандай куроли бошка давлатларга карши ишлатиш;

3) Давлат портлари ёки киргокларининг бошка давлат куролли кучлари томонидан тусиб куйилиши;

4) Давлат куролли кучларининг бошка давлатга тегишли курукликдаги, сувдаги, хаводаги кучларига ёки хаво флотига

бостириб кириши;

5)Бошка давлат худудидаги бир давлатнинг куrolли кучларини мазкур давлат билан тузилган битим шартларини бузиб куллаш ёки хар кандай шаклдаги мазкур куrolли кучларнинг битими харакати тухтатилишидан сунг хам ушбу давлат худудида сакланишнинг давом этиши;

6)Давлатнинг бошка давлат ихтиёрига топшириб куйилган худудида мазкур давлат томонидан бошка чуинчи давлатга агрессия содир этишга йул куйган харакатлари;

7)давлат ёки унинг номидан куrolли бандаларни, гурухларни ва номунтазам кучлар ёки ёлланганларни юбориш (мазкур кучлар бошка давлатга карши куrol кучини ишларган холатларда, башарти бу холат жиддий тус олиб юкорида кайд этилган харакатларга тенг келса ёки унда анчагина иштироки булса;

Агрессив урушни олиб бориш деганда бошланган агрессияни давом эттиришни тушуниш лозим - харбий операцияларни куллаш, агрессор- давлат томонидан агрессиянинг бошлангич акти хисобланган бошка давлатга нисбатан кулланилган харакатларининг давоми амалга ошириш.

Уруш олиб бориш уз харакат доираси, давомийлиги, харбий ва жонли кучларнинг кулланилиши даражасибилан агрессиянинг якка курунишларидан устун туради. Илк

зарбаларни беришни таъкиб килувчи агрессив уруш бошладан фаркли уларок харбий харакатларни ривожланишига олиб келувчи бундай урушни олиб боришаник якуний мақсадга эга. Бундай мақсадда худудий дахилсизликни бузиш, давлатнинг харбий, сиёсий, иқтисодий кучини барбод килиш халкни уз белгилаш эркин ва мустакиллик ҳуқуқидан маҳрум килиш.

Агрессив урушни бошлаш ёки олиб-бориш давом этган жиноят дейилади.

Агрессив урушни лоихалаштириши, тайёргарлик куриш ва олиб бориш буйича харакатлар содир этилган дамдан агрессия тамомланган жиноят деб топилади.

Агрессиянинг субъектив томонини била туриб содир этилган айибли харакат билан тавсифланади. Ундаги ташкилотчилар ва иштирокчилар унинг ижтимоий хавфлиелигини англайдилар ва уни содир этишни хохлайдилар.

Мансабдор шахслар, шунингдек хусусий шахслар ҳам агрессиянинг субъекти булишлари мумкин. Мансабдор шахслар аксарият агрессив урушларни режалаштириш ва тайёрлашда катнашади ёки мазкур харакатни бажариш учун фитна уюштирадилар. Хусусий шахслар, асосан, воситали агрессияда (куролланган жиноий уюшмаларда иштирок этиш, бошка давлат чегарасидан утиш ва хоказоларда)

катнашадилар.

3.Уруш конунлари ва удумларини бузиш(ЖК нинг 152-моддаси)

Халқаро конунчилик, жумладан, 1907-йилдаги курукликда ҳаракат қилаётган уруш конун ва удумлари ҳақидаги Гаага конвенцияси 1949-йилдаги уруш пайтида тинч аҳолини химоя қилиш ҳақидаги Женева конвенцияси ва бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар уруш олиб боришнинг қоидаларини белгилаб беради.

Халқаро жинойй ҳуқуқ бу жинойятларни ҳарбий жинойятлар гуруҳига киритади. У нинг ижтимоий ҳавфи аввало шундан иборатки, урушнинг узи одамларнинг улиши ва қирилиб кетишига, шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон бўлишига, маданий бойликларнинг йук бўлиб кетишига, тараккиёт жараёнинг орқага сурилишига ва ш у каби оғир оқибатларга олиб келади.Шубҳасиз, уруш конунларини бузиш ҳар бир урушнинг оқибатларини қучайтиради ва оғирлаштиради.

Жинойтнинг асосий бевосита объекти бўлиб, уруш олиб боришнинг воситалари ва усулларига риоя қилиш борасидаги муносабатлар тушунилади. Қушимча бевосита объект бўлиб, ҳарбий асирлар ва тинч аҳолининг ҳавфсизлигини ва инсон

тараккиётининг ютукларига эришишни таъминлаш буйича ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Объектив томондан уруш қонунлари ва удумларини бузиш деганда, тинч аҳолини ёки ҳарбий асирларни қийнаш, жисмонан кириб юбориш, тинч аҳолини мажбурий ишларга ёки бошқа мақсадларда ҳайдаб кетиш, халқаро ҳуқуқ билан тақиқланган уруш олиб бориш воситаларини қуллаш, шаҳарлар ва аҳолини яшаш жойларини беҳуда вайрон қилиш, мулкни талон-тарож қилиш, шунингдек, бундай ҳаракатларни қилишга буйруқ беришда ифодаланган уруш қонун ва удумларини бузиш.

Берилган моддани тарқибини аниқроқ тушиниш учун юқорида қайд этилган халқаро ҳужжатларда белгиланган меъёрларга мувожаат қилиш даркор.

“Тинч аҳолини ва ҳарбий асирларни қийнаш, жисмонан кириб юбориш” тушунчаси 1949 – йилдаги Женева конвенцияларига Қушимча протокол (II-Протокол) да қайд этилган ноҳалқаро қурилишдаги Қуролли зиддиятлар қурбонларини химоя қилиш ва ҳарбий асирлар билан муомала ҳақидаги Женева конвенциясида белгиланган. «Тинч аҳоли билан тажавузқорона муомала қилиш» ва «Ҳарбий асирлар билан тажавузқорона муомала қилиш» тушунчаларидан келиб чиққан. Берилган ҳужжатлардан келиб чиқиб, фуқаровий аҳолини қийнаш тушунчасига аҳолини

кийночка солиш, жисмонан кириб ташлаш ёки жисмоний жазолашнинг бошка турли куринишлари коллектив жазолашни куллаш; инсон кадир-киммати паймол килиш, жумладан, тахкирловчи ва ҳақоратловчи муомала килиш, номусга тегиш, жинсий алоқага киришга ёки жинсий эҳтиёжни гайритабиий усулда кондиришга мажбурлаш, кулик ёки барча куринишдаги кул савдоси билан шугулланиш.

Фукаролик ахолиси бу – Узбекистонда истикомат килувчи фукаролар, фукаролиги булмаган шахслар, ҳамда давлат хухудида булган четел фукаролари ва харби харакатларда бе восита иштирок этмаётган ёки иштрок этишни тухтатган шахслардир.

Асирларни кийнаш деганда асирликда тутиб турганлар томонидан хар кандай ноқонуний харакат ёки харакатсизлик, унинг соглигини хавф остига куйувчи, асирнинг улимига олиб келувчи холатлар; асирларни жисмонан азоблаш, кандай турдаги булмасин, илмий ёки тибби тажрибага (факат, агар тажриба асирни даволаш ёки уни манфатига хизмат килиши билан оқланмаса) дучор килиш репрессияни куллаш; асирларни уларнинг соглигига салби таъсир киладиган ва эпидемия торкалишига олиб келадиган антисанитар шароитда саклаш ва х.к.з.

1949 йил 12-августдаги харбий асирлар билан муомала тугрисидаги Битимнинг 4-моддасига мувофик «душман

кулига тушган куйидаги шахслар харбий аси хисобланади:

1). Зиддиятдаги мамлакат Куролли кучларининг шахсий таркибибу жумладан, мазкур куролли кучлар таркийбига кирувчи халк лашкарлари, ва кунгиллилар отряди.

2). Юошка халк лашкарлари ва кунгиллилар отряди шахсий таркиби, шу билан бирга зиддиятда булган тарафга тегишли каршилик курсатиш харакатининг шахсий таркиби ва уз худудида харакат килаётган ёки худуддан ташкарида булган, агар бу худудоккупайия килинган булса хам бу халк лашкарлари ва кунгиллилар отряди, каршилик курсатиш харакатлари куйидаги шартларга жавоб беради.

а). Бошида уз кул остидагилари учун маъсул булган шахс булса,

б). Тайинли ва узокдан аник куринадиган фаркли белгиси булса,

в). Очик холда, эркин курол олиб борса,

г). Уз харакатларида урушнинг конун ва удумларига риоя килса.

3). Асирликда тутиб турганлар томонидан Держава деб топилмаган,

Узини давлат ёки хокимият кул остида деб хисобловчи, доимий куролли кучларнинг шахсий таркиби.

4). Куролли ортидан бораётган, лекин уларнинг таркибига бевосита кирмайдиган шахслар, масалан, харбий

самалёт экипажига кирувчи фукаролар, харбий корреспондентлар етказиб берувчи шахслар, куролли кучларни хужалик тامينлаш юклатилган командалар ёки хизмат булинмалари хизма булинмалари ишчиларининг шахсий такиби, агар, улар кузатиб бораётган куролли кучлардан бунга рухсат олишган булса, бунинг учун куролли кучлар шахсни тасдикловчи хужжат беришлпри керак;

5). Савдо флоти кемаларининг экипажи аъзолри, жумладан капитанлар, лоцмонлар ва юнгалар, хамда зиддиятда булган томонларнинг фукаролик авиацияси экипажлари, албатта, агар улар халкаро хукукниг бошка холатларини назоратда тутувчи бирор имтиёзли шароитдан фойдаланишмаса;

6). Душман якинлашганда уз-уздан уз хохишига биноан бостириб кираётганлар билан курашиш учун кулига курол оладиганлар, лекин, доимий лашкар сифатида таркиб топмаган, очик холатда курол олиб юрувчи ва урушнинг конун ва удумларига риоя киувчи оккупация килинмаган худуд ахолиси;»

Харби асирларга ёрдам курсатиш ёрдам курсатиш максадида, держава томонидан кулга олинган ва асирликда сакланаётган тиббиёт-санитар ходимлар ва диний ходимлар харбий асир хисобланмайди (харбий асирлар билан муомала

хакидаги Женева конвенцияси 33-модда).

Ахолини ёки харбий асирларни жисмоний кириш деганда уларни улдириш ёки хар кандай ноқонуний харакатнинг содир этилиши ёки душман томонидан келтирилган шахсларнинг улимига олиб келадиган хар кандай харакатсизлик тушунилади.

Тинч ахолини мажбурий ишларга ёки бошка мақсадларда хайдаб кетиш деганда ахолининг депортацияси тушунилади, яъни мажбурий хайдаш, кучириш, босиб олинган худудлардан малум жойда яшаш мақсадида ёки хаёт учун зарур шароитлар тасаввурисиз номалум йуналишда олиб чикиб кетиш. Хайдаш тинч ахолини кучириш, босиб олган держава худуди ёки бошка исталган давлат у босиб олинган ёки босиб олинмаганлигидан хамда босиб олинган давлатнинг худуди булганлигидан катъий назар, жойи депортациянинг белгиларини аниклаш учун ахамиятга эга эмас.

Тинч ахолини уруш пайитида химоя килиш хакидаги Женева конвенциясининг 49-моддасига биноан бирор-бир босиб олинган худуддан тулик ёки қисман эвакуация килиш, агар буни тинч ахолининг хавфсизлиги ёки харбий куринишдаги энг мухим сабаблар талаб килса ва ахолии босиб олинган худуднинг энг хавфсиз жойига кучирилса ва шу тахлидда кучирилганлар харбий харакатлар тугагандан сунг уз уйларига кайтадиган булсалар, бу холат депортация холатини узида ташкил килмайди. Халқаро ҳуқуқ тақиклаган уруш олиб боришнинг усулларини куллаш деганда уруш олиб бориш жараёнида 1907-йилдаги уруш қонун ва удумлари хакидаги Гаага Конвенцияси, табиатга ва атроф мухитга таъсир этувчи воситалардан душманларча харбий ёки бошкача усулларда фойдаланишни тақиклаш хакидаги Конвенцияси, ута шикаст етказувчи деб хисобланадиган оддий қурол турларни тақиклаш ёки чеклаш хакидаги Конвенция хамда бошка халқаро келишувлар томонидан тақикланган уруш олиб боришнинг усул ва воситаларини

тушуниш керак.

Уруш олиб бориш воситалари бу - уруш олиб борилаётган давлат томонидан куролларни (курол-ярог ук-дори захираси, буюмлар, кулланмалар ва хоказо,) кулланиши, моддий бойликларни йук килишига мулжалланган харбий техника (аввало харбий объектлар), хамда душманнинг трик кучи киради.

Уруш олиб боришнинг халкаро хукук билан такикланган воситаларига аввало оммавий киргин куроллари; одамларни ортикча кийнаш максатида кулланиладиган бактериологик (биологик) ва бошка токсик куролларкиради. Масалан, харбий харакатларда куллаш ва одамнинг химояланмаган куриш органларига зарар етказишга мулжалланган лазер куролларидан фойдаланиш (бехосдан курликни келтириб чикарадиган куроллар бундан мустасно); исталган куринишдаги ёкилувчи куроллар, масалан, огнемелар, фугаслар, снарядлар, гранаталар, миналар, бомбалар ва бошка таркибида ёкилувчи моддалари булган хар кандай куроллар (бехосдан ёнувчи ёки куйдирувчи куроллар бундан мустасно); ва х.к.з.Уруш олиб боришда шунингдек, зилзила, цунамининг вужудга келишига, об-хаво ва иклимнинг, бирор бир худудда экологик баланснинг узгаришига, озон катлами ва ионосфера холатининг бузилишларига олиб келувчи воситаларни куллаш такикланади.Уруш олиб боришнинг услублари узиде техникадан фойдаланиш коидалари, тартиби, тактикаси, усулларини, куролланиш ва лашкар харакатини куллаш тактикасини уз ичига олади.Халкаро хукук томонидан уруш олиб боришнинг такикланган услубларига тинч ахолига ва куролини ташлаб бошка химоя воситасига эга булмаи чекинган душман тарафга касд килиш; хеч кимнинг тирик колмаслиги хакида эълон килиш;парламент ва миллий байрокни, душман тарафнинг харбий кийимининг ва харбий белгиларининг, Женева Конвенцияси томонидан урнатилган харбий белгиларнинг ноқонуний куллаш; Харбий зарурат такозо этмаган такдирда

ёки мақсадсиз шаҳарлар ва қишлоқларни вайрон қиолиш ёки талон-тарож қилиш; ҳарбий асирларни ёки тинч аҳолидан ҳарбий операциядан маълум бир ҳудудни ҳимоя қилиш учун фойдаланиш; тиббиёт бирлашмаларига ва санитар уловларига ҳ-ужум қилиш; тинч аҳолига нисбатан очарчиликни қуллаш ҳамда шундан келиб чиққан ҳолда аҳолининг яшаши учун зарур бўлган объектларни ярқоксиз ҳолатга келтириш ёки урдан қучириш, босқинчилик, талон-тарож қилиш ва вайрон қилиш; Буйруқ бериш деганда ҳуқуқ ва масъулиятга эга бўлган шахс номидан уни ижро этиш мажбурияти бўлган шахсга нисбатан бирор бир ҳаракатни содир этиш талаби тушунилади. Уруш олиб бориш қонунлари ва удумларини бузиш жинояти ЖКнинг 152-моддаси диспозициясида берилган ҳаракатларнинг ақали биттаси содир этилганида шу дамдан бошлаб жиноят тамомланган ҳисобланади. Жиноятнинг субъектив томони айбнинг бевосита қасдан қилиниши билан тавсифланади, чунки шахс уз ҳатти-ҳаракатининг ижтимоий ҳавфлилигини ва ҳуқуққа ҳилофлигини билади, шундай бўлса-да уни содир этишни хоҳлайди. Жиноятнинг субъекти 16 ёшга етган ақли расо жисмонан соғлом шахс. Ҳар қандай ҳарбий хизматчи жиноят субъекти бўлиши мумкин. Агар ҳарбий асирларга нисбатан содир этилган ҳаракатлар ҳусусида гап кетганда мансабдор шахслар, ҳарби хизматчилар ёки уларни қуриқлаш, сақлаш, назорат қилиш ва ҳ.к.з. буйича муайян ҳуқуқ ва масъулиятга эга бўлган бошқа шахслар жиноят субъекти бўлишлари мумкин.

5. ГЕНОЦИД (ЖК 153-моддаси)

Геноцид- бу одамзодга қарши жиноятдир (Айни маънода бу «қавмни, қабилани улдиришдир»). Геноцид жиноятини олдини олиш ва уни жазолаш ҳақидаги Конвенциянинг 1-моддасида, геноцид у ҳоҳ уруш даврида бўлсин, ҳоҳ тинчлик вақтида бўлсин, халқаро ҳуқуқнинг меъёрларини бузувчи ва бунга қарши иштирокчи – давлат оғохлантириш қораларини қуриши ва содир этилган ҳаракатни қоралаши

мажбуриятини буйнига олувчи жиноят ҳисобланади.

Ушбу Конга мувофиқ, геноцид бирор бир миллий, этник, иркий ёки диний гуруҳни йук қилишга қаратилган ҳаракат сифатида белгиланади. Бу ҳаракат шу гуруҳ аъзаларининг улдирилиши; жиддий тан жароҳатлар ёки унинг аъзоларига аклий бузилиш ҳолатларининг руй бериши; бир гуруҳ шахсининг жисмонан тула ёки қисман қириб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасдан яратиш, бундай шахсларни жисмонан тула ёки қисман қириб юбориш, бола тугилишини зурлик билан қамайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб, бошқасига топшириш каби ҳаракатлар содир этишда намоён булади .

Германия, Чили, Кампучия давлатлоаридаги ваҳшиёна фашистик ҳаракатлар геноцид ҳисобланади. Геноциднинг асосий бевосита объекти – саёрамиздги истикомат қилувчи кишиларнинг миллати, этник, иркий хусусиятлари ёки динидан қатъи назар, ҳафсизлиги ва тинч – тотувлигини таъминлайдиган муносабатлар тизимидир. Шуни таъқидлаш керакки, геноциддан жабр қурганлар - бутун миллий, этник, иркий ёки диний гуруҳлар ҳисобланади, ва геноцид уларни йук қилишга қаратилган булади. Қурилаётган жиноят моддасида **гуруҳ** деганда диний ёки этник умумийлик, аҳолининг бошқалардан ирқий ёки миллати жихатидан ажралиб турувчи қата бир қисми ёхуд бутунлай миллат ёки элат тушунилади. Миллий деб қадимдан бирлашиб, тили, маданияти, одатлари, удумлари, узига ҳослиги, менталитети, ҳудудий келиб чиқиши узилигини англаши билан яшаш ҳудудидан қатъи й назар узининг бир миллатга тегишли эканлигини англаб ташкил топган гуруҳга айтилади. Этник деб, бирор бир элатга ёки қавмга мансуб бўлган кишилар гуруҳига айтилади. Иркий деб, ташқи қуриниши (терисининг, сочининг ранглари, қуз ва қовоқлар уйими, бошининг шакли, буйи ва х.к.) ва бошқа жисмоний хусусиятлари жихатидан умумийлиги бўлган одамлар гуруҳига айтилади. Ирқининг

учта тури булиб, улар европоид, негроид ва монголоид иркларига булинади.

Диний жихатдан бирлик эътикод килиш умумийлиги ёки диний оқимлар бирлиги билан тавсифланади.

Геноциднинг объектив жихати шархланаётган модданинг диспозициясида батафсил таърифланган булиб, бирор бир миллий, этник, иркий ёки диний гурухни йук килишга қаратилган ҳаракат сифатида белгиланади. Бу ҳаракат шу гуруҳ аъзаларининг улдирилиши; бир гуруҳ шахсининг жисмонан тула ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасдан яратиш, бундай шахсларни жисмонан тула ёки қисман қириб юбориш, бола тугилишини зурлик билан қамайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб, бошқасига топшириш каби ҳаракатлар содир этиш ва шу ҳаракатларни содир этишга буйруқ беришда намоён булади.

Бирор бир миллий, этник, иркий ёки диний гурухни тула ёки қисман йук килишга мулжалланган шароитларни онгли равишда яратиш, қишилар гуруҳи учун у ёки бу номаъқул шароит натижасида уларни тула ёки қисман йуқолиб кетишларига қаратилган қораларни қуллашни назарда тутати. Бу ҳол гуруҳни тириклик манбаи булган у ёки бу машғулоти билан шугулланишни таъқиқлаш, яшаш учун зарур булган объектларни қайрон қилиш ёки яроқсиз ҳолга қелтириш,

гурухнинг яшаш худудини ифлослантириш ва х.к.з

Бирор бир миллий, этник, иркий ёки диний гурухни тулик жисмоний кириш уз ичига гурух аъзоларининг бир давлат худудида ёкит алохида худудларда яшашидан катъий назар барчасини исталган курунишда ва исталган усул билан касддан йук килишни олади. Шу билан бирга бундай урух аъзоларини йук килиш усуллари турлича булиши мумкин: укотар куруллардан фойдаланиб, оммавий киргин курулларидан фойдаланиб, бундай гурухларнинг яшаш худудидаги табиатини захарлаш, одамларни бошка бирор бир худудга, яшаши учун тугри келмайдиган шароитга сургун килиш холатларини уз ичига олади.

Бирор бир миллий, этник, иркий ёки диний гурухни кисман жисмоний кириш деганда гурух аъзоларининг сонини исталган усул билан камайтириш холати тушунилади.

Бола тугилишини зурлик билан камайтириш деб мазкур гурух кишиларини мажбурий равишда бичиш ёки зурриётсизлантириш, оналик ва болалик учун онгли равишда шароит яратмаслик, онанинг розилигисиз мажбуран хомиладорлик даврини тухтатиш, ахолининг эркак ва аёлларини зурлик билан ажратиб куйиш, бола тугилишини таъкикловчи ёки чекловчи меёрий хужжатни нашр этиш ва бошка холатларга айтилади

Бирор бир миллий, этник, иркий ёки диний гурухнинг

болаларни танлаб олиб мазкур гурухдан махрум этиб бошка гурухга бериш де бота-онанинг истагига ва иродасига карши шунчаки ёки пул тулаш эвазига бошка миллат, этник, иркий ёки диний гурухнинг боланинг кариндошлари булмаган аъзоларга ноқонуний берилиши ҳолатларига айтилади.

Шуни айтиб уиш керакки-геноцид бу факатгина фаол ҳаракат орқали содир этилиши мумкин булган жиноятдир. Ҳаракатсизлик бу ҳолатда жиноятнинг шпроитига, жумладан жиноятнинг субъектига қараб ЖК нинг 207-моддаси буйича совқконлик сифатида ёки ЖК нинг 141-моддаси буйича фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш сифатида квалификация қилиниши мумкин. Шуни назарда тутиш керакки оғир тан жароҳати етказиш ва ш каби қурилайётган жиноятнинг таркиби жиноятни содир этиш усули сифатида баҳоланади ва ЖК нинг 104-моддаси буйича қушимча квалификацияни талаб қилмайди. Агар геноцид содир этилганда қасдан одам улдирилса айбдорнинг ҳаракатини ЖК нинг 97 ва 153-моддаси буйича квалификация қилиш керак.

ЖК нинг 153-моддасида назарда тутилган жиноят диспозицияда қурсатилган ҳаракатларнинг содир этилган давридан бошлаб бирор бир оқибатнинг қелиб қикишидан қатъий назар жиноят тугалланган ҳисобланади.

Шарҳланаётган модда назарда тутган жиноят таркибини

факат геноциднинг узи эмас, балки геноцид содир этиш максатида ошкора ва бевосита илво килиш, зикр этилган харакатларни содир этиш учун буйрук бериш, геноцид килишга касд кили шва унда иштирок этишда хам ифодаланади. Жиноятни тугалланган деб топиш учун окибатларнинг юз бериши талаб этилмайдию

Геноцидларнинг субъектив томони билиб туриб содир этилган айбдир. Чунки шахс ёки айрим шахслар гурухи миллий, этник, иркий ёки диний белгиларига кура бирор гурухни жисмоний киргин этишга йуналган ижтимоий хавфли килмиш содир этилаётганлиги билади ва мазкур килмишни хохлайди.

Максад – бирор бир миллий, этник, иркий ёки диний гурухни жисмоний тула ёки кисман йук килиш.

Геноциднинг сабаби турлича булиши мумкин. Одатда бу юукорида курсатилган гурухлардан бирига нисбатан касос ёки нафрат хиссиётидир. Бирок жиноятнинг квалификациясига бу холатлар таъсир килмайди.

Жиноятнинг субъекти ун олти ёшга тулган хусусий шахслар, шунингдек, маъсул вазифаларда ишлайдиган мансабдор шахслар булиши мумкин. 13 ёшдар 16 ёшгача булган ЖК нинг 153-моддасида курсатилган жиноятни содир этган шахслар факатгина аник жиноятлар содир этганида жавобгарликка тортилади: одам улдириш, огтр тан жарохати

етказиш ва х.к.з.

Геноцидни бошка турли жиноят таркибидан чеклаш керак, жумладан фукароларнинг хаёт ива соглигига касд килувчи жиноятлар. Шу билан бирга айбдорнинг харакатларининг йуналишини хисобга олиш керак, харакатининг мақсади, жиноят оқибатининг тавсифи (жабирланувчилар сони), жиноий харакатнинг шароити ва сабаблари, кулланилган усул ва услублари ва бошкалар. Масолан, бир ёки бирнеча шахснинг улдирилиши унинг сабаби ва мақсадидан келиб чикиб оғирлаштирувчи шароитдаги касддан улдириш сифатида квалификация килиш мумкин.

Уруш шароитида ёки харбий зиддиятлар вақтида шундай харакат содир этиса тинч аҳолини ёки харбий асирларни тулик ёки қисман кириш мақсадида жисмоний киришга қаратилган харакатлар содир этилса бу харакат геноцидни ва уруш қонунлари ва удумларин бузиш бирлигини ташкил қилади. (ЖК нинг 152-моддаси).

§5. ЁЛЛАНИШ

1970- йил 24-октябрдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг низомига мувофиқ давлатлар орасидаги дустлик ва ҳамкорликка тегишли халқаро ҳуқуқ тамойиллари

хакидаги деклорацияга мувофиқ ҳар бир давлат бошқа давлатнинг ҳудудига бостириб кириш мақсадидаги ташвиқотлар ва доимий кучлар ёки қуролланган тудаларни ташкил қилиш ёки уларни қуллаб-қувватлашдан воз кечишга мажбур.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош ассамблеяси 2465 (XXIII) Резолюциясида ёлланувчилардан фойдаланиш жиноят ҳисобланади, ёлланувчиларнинг узлари эса жиноятчи ҳисобланишади деб белгилаб қуйилган.

Ёлланувчи тушунчаси 1949-йил 12- августдаги Женева конвенцияларига халқаро қуролли зиддиятлар қурбонларини ҳимоя қилиш хакидаги Қушимча протокол (Протокол I) нинг 47-моддасида белгилаб берилган. Шунга қура ёлланувчи бу – қуролли ҳаракатлар булаётган ҳудуд ёки чегарадан ташқарида асосан шахсий манфаатни қузлаб ёки моддий рағбатланишга эга булиш ниятида қуролли зиддиятларда итирок этувчи шахсдир;

Низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёҳуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган шахс; Низолашаётган давлатнинг Қуролли кучлари шахсий таркибига қирмайдиган шахс; Давлат томонидан юборилмаган ҳамда унинг Қуролли кучлари таркибига қирувчи ҳарбий сифатида булмаган шахс;

Ёлланишнинг бевосита объекти халқаро ҳуқуқ томонидан урнатилган уруш олиб боришнинг воситаларини ва услубларини куллашни назорат қилувчи ижтимоий муносабатлардир.

Жқ нинг 154-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки харбий хизматчиси бўлмаган шахснинг назоратдаги ҳудудида муқим истикомат қилувчи шахс ҳам эмас, Қуролли қучлар таркибига ҳам қирмайди ва бирор давлат томонидан унинг Қуролли қучлари сафида расмий вазифаларни бажариш учун юборилмаслигидадир.

Ёлланувчининг узга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб Қуролли тукнашув ёки харбий ҳаракатлада иштирок этиши деганда ёлланувчининг рағбатлантириш ёки бошқа шахсий манфаатлари эвазига харбий сифатида барча қуринишда уз қобилиятларини ёлловчи манфаати учун намоён қилишини тушуниш қерак.

Шуни тақидлаш қеракки қурилайётган жиноятнинг объектив томонининг мажбурий шарти бу – қуролланган зиддият ёки харбий ҳаракатлар шароитидир.

Қуролланган зиддият деб икки ёки ундан ортиқ суверен давлатларнинг Қуролли қучлар билан харбий ҳаракатлар олиб бориши тушунилади. Харбий ҳаракатлар бу – бирор-бир давлатга қарши нодавлат, ноқоқимият қуролланган

тузилмалар олиб борадиган харбий харакатлардир (Масалан, террористик ташкилотлар). Моддий рағбатлантириш деганда, моддий бойлик, пул, мулкый курунишдаги маблаг олиши, карзнинг узилиши тушунилади ва хоказо. Бошка шахсий манфаат деганда яшаш учун уй-жой такдим килиниши, ноқонуний фаолиятнинг амалга оширилиши ва бошка номоддий курунишдаги бойликларни тағдим килиниши тушунилади. ЖКнинг 154-моддаси 2-қисмда назарда тутилган жиноятнинг объектив томони ёлланувчини ёллаш, уқитиб тайёрлаш, моддий рағбатлантириш ёки бошка шахсий фойдалари жихатдан таъминлаш ҳамда қуролланган зиддиятлар ёки харбий харакатларда ундан фойдаланишдир. Ёлланувчини ёллаш харакати деганда қуролланган зиддиятлар ёки харбий харакатларда иштирок этиши учун одамларни ёллаш мақсадида амалга оширилган хар қандай харакатни тушунилади. Ёллаш харакатлари ёлланувчиларни қабул килиниши ҳақидаги маълумотларнинг тарқатилиши, учрашув жойининг белгиланиши, шахснинг ёлланиши ҳақидаги оғзаки ёки ёзма келишувнинг амалга оширилиши ёланувчилар моддий таъминоти экипирока такдим килиниши йули билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Уларни мос харбий қуролар ва УҚ-дори захираси билан, ҳамда автотехника ёки бошка алоқа ва транспорт воситалари билан таъминланиши. Моддий таъминот ҳам бевосита (масалан, автомобилни тугридан – тугри бериш), ҳам билвосита (масалан, уқ дори захираларини ёланувчиларга маълум бўлган мақонларида, хуфя жойларда қолдириш ва х.к.з.) амалга оширилиши Ёлланувнинг моддий таъминоти қайси услуб ёки йул билан амалга оширилиши харакатнинг квалификацияси учун аҳамиятга эга эмас. Ёлланувчидан қурлли зиддиятлар ёки харбий харакатлардан фойдаланиш – бу ёлланувчининг шахси, жисмоний ва ақли салоҳиятидан уруш опирациялари ёки харбий тусда акцияларда, харбий харакатлар ҳудудида ҳам, ҳудуддан ташқарида ҳам қуролли тукнашувлар ёқ харбий харакатларда бевосита фойдаланиш

деганидир таъкидлаб утиш керак, берилган харакатларга хар бир фаолият хисобланади. Бу эса фаолиятнинг уз ичига турли узаро боғланган фаолиятлар комплексини олишини билдиради ва улар хам бита шахс томонидан, хам бир нечта субъектлар томонидан амалга оширилиши мумкин масалан, ёлланувчини таъминлаш учун пул маблагларини топиш билан бири шугулланса, иккинчиси, улрнинг аккумуляцияси билан, учинчиси эса пул маблагларини ёлланувчиларга етказиш билан шугулланади. Бирок, айбдорнинг у ёки бу фаолиятнинг айнан кандай элементини (ёллаш, укитиш, пул маблагларини бериш ёки бошка турдаги моддий таъминотлар) содир этганлигига караб, унинг харакатини ёллаш, укитиш, пул маблагларини бериш ёки бошка турдаги моддий таъминотлар ёхуд бу фаолиятнинг бошка элементлари айбдорнинг акли билан кулланилганлиги шарти билан курилаётган модданинг мазмуни буйича фойдаланиш сифатида квалификация килиш лозим. ЖКнинг 154-моддасида назарда тутилган жиноят ёлланувчининг курулли зиддиятлар ёки харбий харакатларда иштирок этган дамдан бошлаб ёхуд ёлланувчини ёллаш, укитиш, пул маблагларини бериш ёки бошка турдаги моддий таъминотларни амалга оширилиши ёхуд ёлланувчидан курулли зиддиятлар ёки харбий харакатларда фойдаланиш вақтидан бошлаб тамомланган хисобланади. Субъектив томондан ёллаш ва ёлланиш факат анланган холда касддан содир этилади. Айбдор курулли зиддиятлар ёки харбий харакатларда факат моддий рағбат ёки шахсий фойда олиш максатида иштирок этаётганини билади (ЖКнинг 154-моддаси 1-кисми), ёки айбдор ёлланувчини ёллаш, укитиш, пул маблагларини бериш ёки бошка турдаги моддий таъминотларни амалга ошираётганини билади (ЖКнинг 154-моддаси 2-кисми) ва бундай харакатларни содир этишни хохлайди. ЖКнинг 154-моддасида назарда тутилган жиноятнинг асосий белгиси булиб моддий рағбат ёки шахсий фойда олиш максати хизмат килади. ЖКнинг 154-моддаси 1-кисмида назарда тутилган ёлланиш жиноятининг субъекти

булиб 16- ёшга етган акли расо, жисмонан соғлом шахс ҳамда факат ёлланувчи иштирок этиши мумкин. Яъни бу ерда субъект махсусдир. ЖКнинг 154-моддаси 2-кисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти эса умумийдир. Ёлланувчи деб куйидаги белгиларга эга булган шахсларга айтилади: 1) Ёлланувчи бошка давлат худудида ёки унинг тарафини олиб куrolли зиддиятлар ёки харбий харакатларда моддий рағбат ёки шахсий фойда олиш мақсадида иштирок этади; 2) У низолашаётган давлатнинг фукароси ва харбий хизматчиси эмас; 3) У назорат килиниб турган низолашаётган давлат худудида доимий яшамайди; 4) У куrolли кучлар сафида расмий вазифаларни бажариш учун хеч кандай давлат томонидан ваколат берилмаган шахсдир; Харбий маслахатчилар вақтинча факат давлатлараро келишувга мувофик бошка армияга хизматга юборилишлари мумкин, лекин улар харбий зиддиятларда бевосита иштирок эта олмайдилар. ЖКнинг 154-моддаси 2-кисмида назарда тутилган жиноят, мансабдор шахс томонидан уз ваколатини суистеъмол килиш йули билан амалга оширилса (масалан, пул-маблаг ва моддий ресурсларни бошқариш ваколатини суистеъмол килиш) содир этилган харакатни жиноят хусусиятига кура ЖКнинг 154-моддаси ҳамда ЖКнинг 205-моддаси (Хоқимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол килиш) тегишли кисми билан квалификация килинади.

§6. Харбий хизматга, хавфсизлик органларига, полицияга, харбий адлияга ва бошка шу каби хорижий давлат ташкилотларига кириш. (ЖКнинг 154¹-моддаси)

Узбекистон Республикаси Конституциятутуциясининг 52-моддасида «Узбекистон Республикасини химоя килиш хар бир Узбекистон Республикаси фукаросининг бурчидир» деб белгилаб куйилган. Ушбу модданинг мазмунан давоми сифатида Асосий Конуннинг куйидаги таклифи ахамиятлидир, бунда «фукаролар конун билан белгиланган тартибда харбий ёки муқобил хизматни уташлари лозим»

дейилган. Харбий хизматга кираётганда хар бир фукаро «Узбекистон Республикаси халкига ва Президентига содиклиги хакида харбий касамёдни» кабул килади. Аммо, Узбекистон Республикасининг аввалги қонунчилиги Харбий касамёдни назорат қилувчи амалий тузилмага эга булмай балки унинг кабул қилиниши касамёд қилувчининг маънавий масъулияти билан бахоланар эди. Жиноят Кодексига курилаётган модданинг ткиритилиши қонунчиликда бу борадаги бушликни олиб ташлаш, фукароларнинг уз давлати олдидаги маъсулиятини оширишга каратилган. Жиноятнинг ижтимоий хавфи шундаки, унинг содир этилиши натижасида хукук-тартиботга, давлатларнинг тинч – тотув муносабатларига, Узбекистон Республикасининг мудофаа имкониятларига путур етади. Бундан ташқари, харбий хизматга, хавфсизлик органларига, полицияга, харбий адлияга ва бошка шу каби хорижий давлат ташкилотларига кириш ёки ёлланиш натижасида Узбекистон фукароларидан ёлланувчилар сифатида фойдаланиш хакида фикрлар вужудга келадик, бу холат халқаро ташкилот томонидан қатъиян тақикланади. ЖКнинг 154¹ моддасида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти давлатларнинг хавфсизлиги ва осойишта хаётини таъминловчи, уларнинг ривожланиши ва хаётини фаолияти шароитларини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир. Факултатив объект сифатида бу ерда Узбекистон Республикасининг суверенитети, ташқи хавфсизлиги, обруйи хизмат килади.

ЖКнинг 154¹ моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони Узбекистон Республикаси фуқаросининг харбий хизматга, хавфсизлик органларига, полицияга, харбий адлияга ва бошка шу каби хорижий давлат ташкилотларига киришини ташкил килади.

Берилган жиноят факат фаол харакатлар натижасида

содир этилиши мумкин.

Курилаётган жиноят контекстида **хизматга кириш** шахсинг Қуролли Кучлар таркибига, харбий хизматга, хавфсизлик органларига, полицияга, харбий адлияга ва бошка шу каби хорижий давлат ташкилотларига аъзо булиши учун амалга оширилган саъй-харакатлар тизимини билдиради. Шунини хам назарда тутиш керакки, хизматга киришда хар бир холатда шахсинг ташки иродасини англатувчи уз хошиш ва истаги асосий белгидир.

Хизматга фаолият сифатида киришиш уз ичига турли харакатларни олади: кириш учун зарур хужжатларни тайёрлаш, харбий хизмат органлари, давлат хавфсизлиги органлари булинмалари ва бошкалар билан алоқа урнатиш, мутахассисларни кабул килувчилар ва таркатувчилар билан танишиш, куриб чикиш учун хужжатларни топшириш ва бошкалар. Айбдор томонидан харбий хизматга кириш учун кулланилган услуб ва усуллар турлича булиши мумкин ва бу холат жиноятнинг квалификациясига таъсир килмайди. Шу билан бирга агар бундай услуб ва усуллар ижтимоий хавфли булиб, алохида жиноий харакатни ташкил килса (масалан, хужжатларни калбакилаштириш, пора бериш ва х.к.з.) бундай холатда содир этилган харакатни ЖКнинг 154¹моддаси 1-кисми буйича ва ЖКнинг ушбу жиноятни назарда тутувчи тегишли моддаси буйича квалификация килиш лозим.

Узбекистон фуқаросининг исталган хизматга эмас, балки фақат харбий хизматга, хавфсизлик органларига, полицияга, харбий адлияга ва бошқа шу каби хорижий давлат ташкилотларига аъзо булиши ҳамда хизматга кириши жиноят хисобланади.

Харбий хизмат – бу давлат хизматининг харбий тайёргарлик ва давлатни харбий куриклашни уз ичига олувчи махсус куринишидир. Харбий хизмат давлатнинг Куролли Кучлари ва бошқа харбий тузилмаларида амалга оширилади. Куролли Кучларнинг ва харбий тузилмаларнинг, шунингдек, харбий хизматнинг узини ҳам номи квалификация учун ахамиятга эга эмас.

Хавфсизлик органларида хизмат килиш – худди шундай давлат хизматининг махсус куриниши булиб, бунда ҳам шахс асосий фаолияти инсоннинг, жамиятнинг, давлатнинг хаётий зарур манфаатларини ички ва ташки хавфлардан химояни таъминлаш булган миллий органларда хизматни утайди. Хорижий давлатларда давлат ва жамият хавфсизлиги турли органлар оркали амалга оширилади ҳамда уларнинг тузилмалари Узбекистон хавфсизлик органлари тузилмаларидан фарк килиши мумкин, ва бу холат харакатнинг квалификациясига таъсир килмайди. Шунингдек, хавфсизлик органларининг номланиши ва ташкилий-хукукий куриниши ҳам жиноятнинг

квалификациясига таъсир килмайди.

Полицияда хизмат килиш - давлат хизматининг махсус куруниши булиб, ижтимоий тартибни куриклаш хамда жиноятга карши курашиш буйича махсус органлар тизимида утади. Барча ёки баъзи курунишдаги хукукбузарликни тафтиш килиш билан шугулланади. Узбекистонда ва баъзи бошка давлатларда милиция деб номланади. Полициянинг номланиши ва ташкилий хукукий куруниши жиноятнинг квалификациясига таъсир килмайди.

Харбий адлия органларида хизмат килиш уз ичига турли бошкарма ва хизматларни, хамда фаолияти Куролли кучлар ва давлатнинг бошка харбий тузилмаларидаги хукук тартиботни таъминлаш билан боглик булган суд тизимини олади.

Бошка шу каби хорижий давлат ташкилотлари деганда хизмати харбийлаштирилган деб хисобланадиган (хорижий давлат худудида улар доимий лашкар сифатида, шунингдек, ички армия сифатида курилиши керак) исталган муассаса, ташкилотлар, органлар ва х.к.з. ларни тушуниш лозим хамда хорижий давлатга содиклик хакида касамёднинг кабул килиниши билан тасдикланади (масалан, солик полицияси, божхона полицияси, гиёхвандликка ва коррупцияга карши курашиш махсус отрядлари ва бошкалар). Курилаётган модда буйича шахсни жавобгарликка тортиш учун мазкур

органнинг тавсифлашда харбийлик белгиси ва касамёд кабул килинганлиги шарт.

Хорижий давлат ташкилотлари органларига хизматга кириш масалан, умумий юрисдикциядаги (Куролли Кучлар ҳуқуқ муносабатларига таалукли булга ниш куртлмаганида) терговчи, прокурор ёки судья лавозимларига улар томонидан ҳам касамёд кабул килинганлигидан катъий назар жиноят ҳисобланмайди.

Давлатлараро ҳамкорлик харбийлар ва бошка мутахасислар, маслахатчилар билан алмашилиш ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятида Ўзбекистон фуқаролари маълум вақт харбий маслахатчи, мутахасис ёки бошка лавозимда хорижий давлат хизматида фаолият юритиши ҳолатлари ҳам жиноятдан мустаснодир. Бундан ташқари хорижий давлат ҳудудида маълум халқаро ташкилотлар микёсида, харбий ва махсус булинмалалар ва тузилмаларда, жумладан БМТ нинг тинчликни сақлаш тузилмалари таркибида («хаворанг каскалар») ҳамда ИНТЕРПОЛда хизмат қилиш ҳам мазкур модданинг таъсирига тушмайди.

ЖКнинг 154¹моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят айбдорнинг Куролли Кучлар таркибига харбий хизматга, хавфсизлик органларига, полицияга, харбий адлияга ва бошка шу каби хорижий давлат ташкилотларига кабул килинганлиги ҳақидаги буйруқнинг чиқарилиши,

маълумотнинг олиниши, буйруkning имзоланиши (ва бошқа курунишдаги хужжатлар) вақтидан бошлаб тамомлаган деб ҳисобланада.

ЖКнинг 154¹моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони Ўзбекистон Республикаси фуқаросини ҳарбий хизматга, ҳавфсизлик органларига, полицияга, ҳарбий адлияга ва бошқа шу каби хорижий давлат ташкилотларига ёллашда намоён бўлади.

Берилган меърининг мазмуни буйича ёллаш деганда Ўзбекистон Республикаси фуқаросини ҳарбий хизматга, ҳавфсизлик органларига, полицияга, ҳарбий адлияга ва бошқа шу каби хорижий давлат ташкилотларига ёллашга йуналтирилган ҳар қандай ҳаракатнинг содир этилишини тушуниш лозим.

Хорижий давлатлардаги шу каби хизматга номзодларни ёллаш ҳаракатлари ёлланувчиларни қабул қилиниши ҳақидаги маълумотларнинг тарқатилиши, учрашув жойининг белгиланиши, шахснинг ёлланиши ҳақидаги оғзаки ёки ёзма қелишувнинг амалга оширилиши Ўзбекистон фуқаросининг хорижий давлат ҳовфсизлик органларида полиция ва шу каби жойларда хизмат қилиши шартларини белгилаш ва бошқа одамларни ёллаш буйича барча бошқа ҳаракатлардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижий давлат ҳовфсизлик органларида полиция ва шу каби жойларда

хизмат килиши шартларини келишиш вақтидан бошлаб берилган жиноят тамомланган деб топилади.

ЖКнинг 154¹моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъектив томони доимо анланган холда касдан содир этилади. Берилган модданинг 1-қисми буйича ҳаракат содир этилганда айбдор Ўзбекистон фуқароси эканлигини ва ҳарбий хизматга, хавфсизлик органларига, полицияга, ҳарбий адлияга ва бошқа шу каби хорижий давлат ташкилотларига хизматга қилаётганини билдириши уни хоҳлайди. Худди шундай ЖКнинг 154¹моддаси 2-қисми буйича айбдор Ўзбекистон фуқаросини ҳарбий хизматга, хавфсизлик органларига, полицияга, ҳарбий адлияга ва бошқа шу каби хорижий давлат ташкилотларига хизматга қилаётганини билдириши.

Берилган ҳаракатларнинг мақсади ва сабаби турлича бўлиши мумкин, лекин жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмасда, суд томонидан жазони белгилаш вақтида инобатга олиниши лозим.

ЖКнинг 154¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти махсус. У фақат 16- ёшга етган ақли расо, жисмонан соғлом Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши мумкин. ЖКнинг 154¹-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти эса 16 ёшга тулган ҳар бир ақли расо, жисмонан соғлом шахс бўлиши мумкин. Бу

шахсларнинг фукаролиги ахамиятсиздир.

Фукаролик - бу одамнинг давлат билан катъий ҳукукий алоқаси булиб, узаро ҳуқук ва мажбуриятлар ва шахс ҳуқук ва эркинлиги, кадр киматини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланади.

Ўзбекистон фукаросининг харбий хизматга, хавфсизлик органларига, полицияга, харбий адлияга ва бошка шу каби хорижий давлат ташкилотларига Ўзбекистон ҳудудидаги ташкилотлар, органлар, муассасаларда хизматини давом эттириши билан кириши тегишли белгилар мавжуд булса хаттоки изохланаётган жинойтнинг субъектида Ўзбекистон фукаросининг паспорти сакланиб қолган булса ҳам харакатни шпионаж сифатида квалификация қилинади. Бу ерда харакатни давлатга хиёнат сифатида квалификация қилиб булмади, чунки харбий хизматга, хавфсизлик органларига, полицияга, харбий адлияга ва бошка шу каби хорижий давлат ташкилотларига кириши (шахсий таркибига қабул қилиниши) вақтидан бошлаб шахс автоматик тарзда Ўзбекистон фукаролигини йукотади.

Шунингдек харбий хизматга, хавфсизлик органларига, полицияга, харбий адлияга ва бошка шу каби хорижий давлат ташкилотларига кириш ва ёлланиш жинойтларига жавобгарлик ҳамда ЖКнинг 154-моддасида назарда тутилган

ёлланиш жиноятига жавобгарлик уртасидаги фаркини ажратиш керак. Бунинг учун биринчидан 154¹-моддаси 1-кисмида назарда тутилган жиноятнинг мажбурий белгаси Ўзбекистон Республикасининг фукаросининг расмий тарзда харбий хизматга, хавфсизлик органларига, полицияга, харбий адлияга ва бошка шу каби хорижий давлат ташкилотларига киришини ташкил килади. Нодавлат, хусусий хизматлар, булинмалар ва куrolли тузилмаларда хизматни уташ ишнинг шароитига караб, агар шахс харбий харакатларда, куrolли тукнашувларда катнашса ёки катнашиш истагада булса ёки умуман жиноий кидирувни марказида булишини истамаса (масалан йирик хусусий компания, корпорация ёки хусусий детектив куриклаш агентлигида ишлаш) унинг харакати ёлланиш сифатида квалификация килинади.

Иккинчидан берилган жиноятлар таркибининг асосий фарки жиноят субъектидадир. Ёлланишни таркиби учун шахсининг зиддиятларда ёки харбий харакатларда иштирок этаётган давлатнинг куrolли кучлари шахсий таркибига талуклиликнинг йуклиги мажбурийдир. Бундан ташкари шахсни ЖК нинг 154-моддаси буйича айбдор деб топиш учун унинг куrolли тукнашувлар ёки харбий харакатларда иштирок этганини (ЖКнинг 154-моддаси 1-кисми) ёки бошка шахсларни, ёлланувчиларни иштирок этиш учун ёллаганлиги (ЖК нинг 154-моддаси 2-кисми) аникланиши зарур.

7-§ Терроризм (ЖКнинг 155-моддаси)

Халқаро ҳуқуқда катор терроризмга қарши қурашишга йуналтирилган конвенциялар мавжуд. Масалан терроризмни йуқ қилиш ҳақда Европа конвенцияси (Страсбург 1977- йил 27-январь), Мустақил давлатлар ҳамдустлиги давлат-иштирокчиларининг терроризмга қарши қурашиш буйича ҳамкорлиги ҳақидаги шарҳномаси (Минск 1999-йил 4-июнь), бомбали терроризмга қарши қурашиш ҳақидаги халқаро конвенция, терроризм, сепаратизм ва экстремизм ҳақидаги Шанхай конвенцияси в а.қ.

Терроризм жиноий ҳаракатнинг энг оғир қуринишларидан бири бўлиб айбдор атофдагиларда қурқув, галаён уйғотишга, уларнинг меёрӣ одати ва ижтимоий фойдали фаолиятини тухтатиб қуйишга ҳоқимят ва бошқарув органларига қаршилиқ қилиб узларининг ноқонуний мақсадларига эришишга ҳаракат қилади.

Терроризмнинг асосий бевосита объектӣ халқаро ҳафсизликни тамиқлайдиган ва инсонятни ҳимоялайдиган ҳамда Узбекистоннинг ижтимоий ҳафсизлигини таъмиқлайдиган ижтимоий муносабатлардир. Терроризмда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳоқимят ва бошқарув органлари фаолиятига, ижтимоий тартибот, узгалар мол-мулкига ва бошқаларга зарар етиши мумкин шу сабабли

терроризмнинг кушимча бевосита объекти булиб одамларнинг хаёти соглиги, моддий, ёки бошка манфатларини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар хизмат килади.

Терроризм жиноятида жиноятнинг маркази булиб моддий бойлик ва бошка моддий объектлар – масалан купкаватли турар жойлар темир йул вокзаллари аэропортлар, автостанциялар, электропоезд, метрополитенлар, маданият саройлари сув ва иссиклик энегияси таъминоти тармоклари, ядерли объектлари ва х.к.з лар хизмат килади.

Объектив томондан Ж К нинг 155-моддаси 1-кисмида назарда тутилган терроризм уз ичига зурлик ишлатиш куч ишлатиш ва бошка харакатларда давлат органлари халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсларни кандайдир килмишни содир этиши ёки улардан воз кечишга мажбур килиш билан боглик фаол харакатларда ифодаланади.

Бундай зурлашнинг воситаси котиллик ёки тан жарохати етказиш билан тахдид солиш, хорижий давлат ёки халқаро ташкилотларнинг вакилларини гаровда ушлаб туриш, давлат ёки жамоат арбобига ёхуд хокимят вакилига тажовуз килиш ёки тан жарохати етказиш кабилардир.

Зурлик ва куч ишлатиш деганда айбдор томонидан терроризм харакатида хар кандай зуравонлик тавсифидаги холатларни содир этилиши тушунилади. Зурлик ишлатиш

коида буйича турли даражадаги тан жарохати етказиш, одам угирлаш, асирликка олиш, курул шу жумладан, оммавий киргин курулларини ишлатиш ва хоказоларни тушуниш лозим.

Шахсга ёки мол-мулкка хавф тугдирувчи бошка харакатлар деганда шахсга ёки мол-мулкка хавф етишини вужудга келтирадиган харакатлар тушунилади. Булар террористик тавсифдаги исталган харакатлар булиши мумкин ва куйидагиларга йуналтирилган булади: портлатиш, ёкиб юбориш харакатлари; ахоли яшаш жойларини сувга чуктириш; хосилларни барбод килиш; ерни ёки хосилни яроксиз холга келтириш; чучук сув ресурсларини захарлаш; радиоактив, кимёвий, биологик, ядровий куруллардан, бомба, захарловчи, кучли таъсир этувчи, токсик моддалардан фойдаланиш; транспорт воситалари ёки бошка объектларни зарарлаш ёки йук килиш; авария ходисалари ва техноген халокатлари учун шароит яратиш ва хоказо.

Шахснинг хавфлилиги деганда террористик актнинг содир этилишига йуналтирилган харакатлар давомида хеч булмаса бир кишининг хаётига тахдид солган булиши керак. Мол-мулк хавфлилиги деганда мол-мулкка сезиларли зарар етишига шароит булиши керак. Шу билан бирга мол-мулкнинг зарари киймати барбод булган ёки зарарланган мол-мулкнинг бахоси билан белгиланади.

Куч ишлатиш тахдиди, зурлик ишлатиш ёки шахсга, ёки мол-мулкка хавф тугдирувчи бошка харакатларни содир этиш давлат органлари, хокимиятлар ва хизматлар мансабдор шахсларига халқаро ташкилотларнинг вакиллари ва ваколатли шахсларига, умуман маълум давлатнинг, худуднинг, маҳаллий жойнинг аҳолисига ҳақаро муносабатларни кийинлаштириш, суверенитетни ва худудий яхлитликни бузиш, давлат хавфсизлигига путур етказиш, урушни, қуролли тўқнашувларни, ижтимоий-сиёсий муҳитнинг мувозанатини бузиш, аҳолини қурқитишдан иборат.

Террорчилик харакатларини содир этиш тахдиди оғзаки, ёзма, бевосита ёки турли алоқа воситалари орқали малум қилиниши мумкин. У албатта ҳаққоний бўлиши керак, ҳар ҳолда жабрланувчида айбдорнинг тахдидини амалга оширмоқчи бўлганлиги ёки бўлмаганлигидан қатъий назар унинг содир этилишидан қурқиши учун етарли сабаблари бўлиши лозим.

Террористик ташкилотларни мавжуд бўлиши, фаолият юритиши, молиявий қўллаб-қувватланишини таъминлашга йуналтирилган фаолият деганда айбдор томонидан террористик ташкилотларнинг шахсий тарқибини (асқарлар) рекрут (ёллаш, йигиш, танлаб олиш) қилиш бўйича харакатлари назарда тутилади; шундай ташкилотларни

куроллантириш яъни ёлланма аскарларни совук ёки укотар куроллар, уқдори захиралари ва портловчи воситалар, харбий ва махсус техника билан таъминлаш; ёлланма аскарларни уқитишни ташкил қилиш, террористик ташкилотларни ёки террористик-бузгунчи гуруҳларнинг фаолиятини ва харакатларини режалаштириш; террористик ташкилотларнинг кундалик хужалик ва бошка эхтиёжларини молиявий шу жумладан миллий ва хорижий валюталарда қониктириш; ва хоказо.

Террористик актларни тайёрлаш ва содир этиш уз ичига террористик актларни тайёрлаш кетма-кетлигини билдирадиган мақсадли харакатларни олади: режалаштириш (террористик актни содир этиш режасини ишлаб чиқиш, жинойтга лойик объектни танлаш), иштирокчилар орасида мажбуриятларни тақсимлаш (мутахассисларни жумладан портлатиш техникалари, экспертларни танлаш ва «шахидларни» тайёрлаш), тайёргарлик ишларини олиб бориш (худудни урганиш, орқага қайтиш йулларини уйлаш ва бошкалар) ва хоказо, ҳамда террористик харакатни амалга ошириш погоналари яъни режалаштирилган террористик актни у ёки бу қуринишда (портлатиш, ёкиб юбориш, босиб олиш, асирларни қулга олиш ва хоказо) бевосита содир этишда намоён булади.

Террористик ташкилотларга ёки террористик

фаолиятдаги катнашувчиларга ёки иштирокчиларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай воситаларни, ресурсларни ёки бошқа хизматларни тақдим этиш ёки йиғиш деганда террористик ташкилотларни молиялаштириш, моддий таъминлашга йуналтирилган ҳар қандай қурбанишдаги фаолиятни уз ичига олади, жумладан террористик ташкилотлар манфаатларига хизмат қилувчи ёки унинг курсатмалари билан очикчасига ёки яширин тарзда фаолият юритувчи турли жамғармаларни, ижтимоий ташкилотларни, бирлашмаларни ташкил қилиш; гуёки хайрия учун воситалар йиғиш йули билан; давлатлар ҳудудида ҳамда назорат қилинмайдиган ҳудудларда, террористик ташкилотларни моддий молиялаштиришда иштирок этадиган шахсларни молиялаштириш, кредит бериш, фойсиз имтиёзли тарзда қарз бериш мақсадида фаолият юритувчи турли молиявий ташкилотларни, банкларни қонуний тарзда ташкил қилиш; ва хоказо. Бундан ташқари террористик ташкилотлар фаолиятини молиялаштирувчи манбаа сифатида фойдаси террористик ташкилотларнинг фаолиятини қуллуб-қувватлашга сарфланадиган ишлаб турган заводлар, фабрикалар ва бошқалар хизмат қилиши мумкин. Шу билан бирга ташкилотлар орқали ва лоторея ҳамда казино уйинларини утқизиш орқали ҳам молиялаштириш ҳаракатлари аниқланган.

Айбдор ресурслар ва воситаларни кимга такдим этаётганини билса ҳамда бу воситаларни террористларга очикчасига амалга оширса, воситаларни такдим этиш касддан деб бахоланиши зарур. Воситаларни билвосита такдим этиш ҳолати айбдорнинг воситаларни террористларга эмас балки даллолларга масалан, бирор-бир хайрия ташкилотлари орқали берилишида намоён булади. Бевосита ва билвосита воситаларни такдим қилиш уртасидаги фарқни воситаларни такдим қилиш далилига қура ажратиш лозим: агар улар воситачига берилган бўлса демак бу воситаларни билвосита такдим этишдир, агар воситачи бўлмаган бўлса демак бу бевосита такдим этиш ҳисобланади.

Воситаларни такдим қилишдан фарқли уларок воситаларни йиғиш узида тегишли воситаларни уларни такдим этувчи шахслардан аккумуляция қилиш буйича фаолиятни мужассам этади, яъни воситаларни йигувчилар уларни такдим этувчилар ва террористик ташкилотлар ёки террористик фаолиятда иштирок этувчи шахслар орасида воситачи сифатида хизмат қилади. Воситаларни йигувчилар воситачилар каби уларнинг мукдори ҳисобланмайди, фақатгина такдим этилган воситаларга эга бўлишади. Бошқача қилиб айтганда воситаларни йигувчилар ва уларни такдим этувчилар орасидаги чегарани такдим этилган воситанинг мулкдори эканлигига қараб аниқлаш лозим.

Террористларга бошка хизматларни курсатиш уз ичига куйидагиларни олади: террористларни белгиланган жазосидан беркитиш, халкаро терроризм холатида – хорижий рахбарият билан алокани ташкил килиш, турли хил кузатишларни олиб бориш (масалан бирор-бир арбобнинг кун тартибини кузатиш) ва хоказо.

Шуни назарда тутиш керакки терроризм турли хил усуллар оркали амалга оширилиши мумкин, лекин уларнинг барчаси иккита умумий белгига эга: давлат хокимиятини агдаришга йуналтирилганлик хамда ахоли орасида террористларнинг ташкиллаштирилган ва шафкатсиз зуравонлиги натижасида куркув ва химоясизлик хиссини уйготиш.

Куп холларда терроризм одамларнинг улими хавфини тугдирувчи, мол-мулкка сезиларли зарар етказилиши, ёки бошка ижтимоий хавфли окибатлар ёки берилган харакатларни содир этиш тахдидига олиб келувчи портлатиш ёки ёкиб юбориш йули билан содир этилади.

Портлаш – бу киска вакт ичида чегараланган хажмда куп микдордаги кувватнинг иссикни ажратиши билан бушаши жараенидир.

Юкори босим натижасида ута киздирилган газ (плазма) кенгаяди ва атрофдаги буюмларга механик тасир курсатади (босим, ва вайрон килиш, парчалаш ва хоказо).

Ёкиб юборш – бу айбдор шахс томонидан у ёки бу усул оркали назорт килинмайдиган объектнинг ёниш жараёнини содир этишидир.

ЖК нинг 155-моддаси 1-кисми диспозицияси хакикатдан хам курсатилган окибатларни содир этиш ва курсатилган мақсадларга этишни назарда тутмайди. Гап шу хакида бормокда-ки, террористик ташкилотлар учун берилган мақсадларда ёки воситаларни йигишда зурлик ишлатилиш далили, агар куйилган мақсадга эришилмаганда хам одамлар улимига ёки мол-мулк зарарига олиб келиш хавфи тугилганида жиноятнинг таркиби тамомланагн хисобланади.

Субъектив томондан терроризм – касддан содир этилган жиноятдир. Касд тугри булиб, айбдор террористик ташкилотларни фаолият юритиши, молиялаштирилишини, таъминлашга йуналтирилган, содир этаётган террористик харакатлар ёки бошка фаолиятни ижтимоий хавфини ва тавсифини, халқаро хавфсизликни издан чиқаришни англайди. Шундай булсада буни хохлайди.

Берилган жиноят таркибининг субъектив томони учун мақсад-халқаро муносабатларни огирлаштириш, суверенитетни ва худудий яхлитликни бузиш, давлат хавфсизлигини бузиш, урушни, Куролли тукнашувларни таргиб килиш, ижтимоий сиёсий шароитни издан чиқариш, аҳолини куркитиш холатлари булиши шарт. Бундай мақсад

булмаганида содир этилган харакатни ЖК нинг 155-моддаси 1-кисми билан квалификация килиб булмайди.

Курилаётган жинойтни содир этиш сабаблари турлича булиши мумкин – касос, касд, давлатда олиб борилаётган сиёсатни гоъвий кабул килмаслик ва бошкалар, хамда жинойтнинг квалификациясига таъсир килмайди, биров хар бир холатда суд томонидан жазо белгиланаётганда инобатга олиниши лозим.

ЖК нинг 155-моддаси 2-кисмида назарда тутилган терроризмнинг объектив томони давлат ёки ижтимоий вакил ёки хокимият вакилларига уларнинг давлат ёки ижтимоий фаолияти билан боглик холда тан жарохатлари етказши, хаётига касд килиш холатларида намоён булади.

Хаётга касд килиш деганда айбдор томонидан давлат ёки ижтимоий вакилнинг айбдорнинг иродасидан келиб чикмаган холда шароитлар натижасида улимига олиб келадиган холатлар тушунилади. Касд килиш транспорт воситаларининг тукнашувини сахналаштириш, совук курул билан инсоннинг хаётий зарур органларига уриш, захарлаш харакати ва бошкаларда намоён булади. Касд килишнинг усули албатта, харкатнинг квалификациясига таъсир килмайди, лекин суд томонидан жазони белгилашда инобатга олиниши мумкин.

Терроризмни содир этишда тан жарохатини етказиш давлат ёки ижтимоий вакил ёки хокимият вакилларига

уларнинг давлат ёки ижтимоий фаолияти билан боғлиқ ҳолда ҳар қандай оғирликдаги (енгил, уртача оғир ёки оғир) тан жароҳатини етказишда намоён бўлади.

Оғир, уртача оғир ва енгил тан жароҳатларини етказиш тушунчалари ҳақида ЖК нинг 104,105 ва 109-моддалари шарҳини қаранг.

Шу билан бирга тан жароҳати ижтимоий вакил ёки ҳокимият вакилларига уларнинг айнан давлат ёки ижтимоий фаолияти билан боғлиқ ҳолда етказилган бўлиши шарт. Агар курсатилган шахсларнинг соғлиғига зарар уларнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда етказилмай балки, бошқа шароитлар сабабли бўлса, у ҳолда қурилатган терроризмнинг таркиби тури истисно қилинади ва айбдорни шахсга қарши жиноят бўйича тергов қилинади.

Агар тан жароҳати етказиш қасд қилиш мақсадига эга бўлса содир этилган ҳаракатни қуч ишлатиш белгисига қура ЖК нинг 155-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

ЖК нинг 155-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ижтимоий ёки ҳокимият арбоблари ҳаётига суиқасд қилиш ёки соғлиғига зарар етказиш ҳолати содир этилганида тамомланган деб топилади.

ЖК нинг 155-моддаси 2-қисмида назарда тутилган терроризм субъектив томондан қасдан содир этилади.

Айбдор узи томондан содир этилаётган ҳаракатларнинг ижтимоий хавфли тавсифини англайди ва шуни хоҳлайди, шу билан бирга конунда курсатилган аниқ мақсад билан – давлат органлари томонидан қарорларни қабул қилинишига таъсир этиш ёки шароитни издан чиқариш ёхуд сиёсий ва бошқа ижтимоий фаолиятга тускинлик қилишга ҳаракат қилади.

ЖК нинг 155-моддаси 3-қисмида назарда тутилган терроризм берилган модданинг 1-ёки 2-қисмида назарда тутилган ва қуйидаги оқибатларни олиб келган ҳаракатларни содир этишда намоён бўлади:

- а) одам қилиши;
- б) бошқа оғир оқибатлар;

ЖК нинг 155-моддаси 3-қисми «а» банди бўйича одам қилиши оқибатларини келтириб чиқарган террористик актларни ва террористик характердаги бошқа ҳаракатларни содир этилишини квалификация қилиш лозим. Терроризмни содир этиш ҳолатида қасдан одам қўлириш (асирни олиб ташлаш, бирор бир объектга бостириб қираётганда қўриқчини қўлириш ва шу қабилар.) ҳаракати содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракати ЖК нинг 97-моддаси бўйича қўшимча квалификацияни талаб қилади. Террористик ҳаракатни содир этишда одамни қўлириш эҳтиётсизлик натижасида етказилган бўлса ҳаракат қўрилаётган модда бўйича баҳоланади ва ЖК нинг 102-моддаси бўйича қўшимча

квалификацияни талаб килмайди.

Терроризмнинг бошка оғир оқибатлари деганда купчилик одамларга оғир тан жарохати етказиш ёки улдириш; биноларни, курилмаларни ута катта миқдордаги зарар олиб келиш даражасида вайрон қилиш ёки йук қилиш; давлатлар орасидаги муносабатларни қийинлаштириш ёки тухтатиб қуйиш; муҳим сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган қелишувларни барбод қилиш; давлатдаги ижтимоий-сиёсий шароитни издан чиқариш; аҳоли яшаш жойларидаги ҳаётий зарур объектларни вайрон қилиш, уларни радиоактив, кимёвий, бактериологик ёки бошка турда захарлаш ва бошкалар.

Ўзбекистон Республикасининг ун олти ёшга тулган фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар терроризм субъекти бўлиши мумкин. Агар террористик ҳаракатда 13 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар иштирок этган бўлса улар факатгина узлари содир этган маълум жиноятлари, масалан, одам улдириш, оғир тан жарохати етказиш, қасддан узганинг мол-мулкини йук қилиш ва бошка ҳаракатлари учун жавобгарликка тортиладилар. Тергов ва суд идоралари бундай шахсларнинг рухий ҳолатини текширишга эътибор бериб, жиноий ҳулқ-атвор сабабларини белгилаб олишлари лозим.

Терроризмни олдини олиш учун ЖК нинг 155-моддаси

4-кисмида назарда тутилган рағбатлантириш меёри муҳим аҳамият касб этади. ЖК нинг 155-моддаси берилган қисмига мувофиқ террористик актнинг содир этишга тайёргарлик қуришда қатнашган шахс уз вақтида давлат органларини огохлантириш ёки бошқа йул билан террорчилик ҳаракатини содир этилишини тухтатишга ёрдам берган бўлса ва бу шахснинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиблари бўлмаса у жиний жавобгарликка тортилмайди.

Айбдор жиний жавобгарликдан қуйидаги ҳолатларда озод қилиниши мумкин:

1. Агар у фақатгина терактни тайёрлашда иштирок этган бўлса;

2. Уз вақтида яъни объектив томоннинг жиноят содир этишидан аввал ҳокимият органларига террорчиларнинг мақсадларини амалга оширишларини ва оғир оқибатларни қелиб чиқишини олдини олиш учун чоралар қуришга имкон яратган ҳолда маълум қилган бўлса;

3. Бошқа усуллар билан террорчиларнинг мақсадларини амалга оширишларини ва оғир оқибатларни қелиб чиқишини олдини олишга фаол ҳаракат қилган бўлса, яъни террорчилик ҳаракатини тухтатиш учун ҳар қандай ҳаракатни амалга оширган бўлса – ҳуқуқ тартибот органларига ёки террористик акт содир этилиши қузланган ташкилот маъмуриятига шахсан бориб огохлантириш; давлат

органларини аноним тарзда огохлантириш; ижтимоий хавли харакатларни олдини олиш буйича субъектнинг бошка фаол харакатлари; зарарли окибатларни тухтатиш ва кучсизлантириш учун бошка фукароларни жалб этиш ва хоказо.

4. Агар унинг харакатларида бошка жиноят таркиблари булмаса (курол ёки портловчи моддаларни сотиб олиш, саклаш ёки уларни угирлаш, шахсан тайёрлаш ва хоказ).

8§.Миллий, иркий, этник ёки диний адоват қузғатиш (ЖК 156-моддаси)

Барча одамлар диний эътиқодидан, милатидан иркидан ва бошка узига хослигидан катъи назар тенглиги хакида халкаро хукукнинг умумэътироф этилган замонавий меъёрида белгиланган. Бу коида БМТ кабул килган 1948-йилдаги инсон хукуклари умумжахон декларацияси (2-модда) иктисодий ижтимоий ва сиёсий хукуклар тугрисидаги битим (2-модда) ва бошка халкаро битимларда уз аксини топган.

Узбекистон Республикаси Конституциясида халкаро хукукнинг умумэътироф этилган меъёрларининг урни хакида таъкидлаб шу билан бирга берилган коидаларни бир катор моддаларда жумладан, 4, 8, 31, моддаларда мустахкамлаган.

Конституциянинг 18-моддасида «Узбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида бир хил ҳуқуқ ва эркинликка эгадирлар» дейилган. Миллий иркий ёки диний адоват қузғатишга жавобгарликни урнатувчи ЖК нинг 156-моддаси ушбу ҳолатларнинг ҳуқуқий қафолати ҳисобланади.

Қурилайётган жиноятнинг ижтимоий ҳавфи шундан иборатки, миллий, иркий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи маълумотлардан қонуний фойдаланиш, давлат ижтимоий ҳавфсизлигини бузишга жумладан адоватни амалда қузғалишига миллатчилик ва иркчилик асносида қелишмовчилик ва бошқаларни қелиб чиқишига сабаб бўлади. Бу эса уз навбатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳавф остига қуювчи ва давлатнинг прогрессив ривожланишига тусқинлик қилувчи экстремистик фаолиятнинг ривожланишига, жиноятчиликнинг қупайишига олиб қелади.

Қурилайётган жиноятнинг илк объекти бўлиб инсониятни тинчлиги ва ҳавфсизлигини назорат қилиш ва таъминлаш бўйича муносабатлар хизмат қилади.

Жиноятнинг бевосита объекти бўлиб миллий, иркий, этник ёки диний белгиларига қура нафратни ёки адоватни

кузгатиш куринишидаги экстремистик ҳаракатларга йул куймаслик буйича Конституцион тамойилни кафолатловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Қушимча объект сифатида бу ерда жамиятда меъёрий муҳитни, фуқароларнинг соғлиги ва ҳаёти, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар хизмат қилади.

ЖКнинг 156-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жинойтнинг ашёси миллий, ирқий ёки диний адоватни кузгатувчи ёки уни тарғиб қилувчи материаллардир.

Материаллар деганда қурилатган меъёрнинг контекстида турли қуринишдаги босма нашрлар (қитоблар, журналлар, брошюралар ва бошқа) варақалар, плакатлар, босма нашрларнинг нусхалари, кино-, фото-, аудио-, видео маҳсулотлар, интернет саҳифалари ва бошқа экстремистик руҳдаги материаллар назарда тутилади.

Адоват – бу ҳуш қурмаслик, нафрат билан сингдирилган муносабат ва ҳаракатдир. Афсуски психологияда адоват тушунчаси очиб берилмаган, лекин нафрат тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Нафрат – бу шахснинг уз эҳтиёжлари, қарашлари, қадриятларига зид қелувчи ҳамма нарсага фаол инқор этувчи ҳиссиётидир. Нафратни нафакат таалукли ашёга нисбатан қузгатиш мумкин, балки унга қарши булган фаол ҳаракатни ҳам вужудга қелтиради. Нафратнинг шаклланишига одатда қодисаларнинг исталмаган қолдаги

ривожланиши натижасида кучли коникмаслик ёки салбий хис хаяжонларнинг манбаасини тармокли равишда аста секинлик билан йигилиб бориши, бундай холларда нафратнинг марказида бу воқеаларнинг ҳаётий ёки ҳаёлий сабаблари булади».

Миллийлик, этник гуруҳлар, иркий, диний гуруҳлар тушунчалари ҳақида ЖК нинг 153-моддаси шарҳига қаранг.

Миллий, иркий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материаллар деганда уз ичига аниқ бир ирк, миллат ёки этник гуруҳ ёхуд диний ташкилотларга нисбатан ишончли ва ҳуматли поймол қилувчи ҳамда маълум бир ирк ёки миллат аҳолисининг ҳаёт тарзи, маданияти, диний удумларини ҳуш қурмасликни тарғиб қилувчи гоёлар, қарашлар ва фикрлардан ташкил топган материалларни тушуниш лозим. Шу билан бирга таъкидлаш керакки, бундай гоёлар ва қарашлар аниқ тавсифда эмас балки умумий қуринишда бўлиши керак, яъни аниқ бир шахсга қаратилган бўлмаслиги керак. Одатда булар миллий ёки диний экстремизм ёки сепаратизм қарашлари ёки гоёларини ташкил қилувчи материаллардир.

ЖК нинг 156-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят тарқибининг объектив томони, миллий, иркий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш ёки тарқатиш мақсадида материалларни тайёрлаш ва сақлаш.

Шу билан бирга ЖК нинг 156-моддаси 1-кисми тузилмаси мамурий преюдицияга эга булиб бу буйича жавобгарлик худди шундай харакатлар учун мамурий огохлантиришдан сунг бир йил давомида бошланиши мумкин.

Тайёрлаш деганда кейинчалик таркатиш мақсадида исталган курунишда ва исталган усул билан шундай материалларни тайёрлашга йуналтирилган касддан содир этилган харакатларни тушуниш лозим. Миллий, иркий этник ва диний адоватни таргиб этувчи материалнинг хеч булмаганда бир нусхасини тайёрлаш вақтидан бошлаб унинг таркатишдан катъий назар, лекин таркатиш мақсади аниқланган ҳолатида тайёрлаш тамомланган ҳисобланади.

Саклаш деганда миллий, иркий, этник ва диний адоватни таргиб килувчи материалларни топиш билан боғлиқ ҳолатлар, айбдорнинг материалларни таркатиш мақсадида саклаш ҳолати аниқланиши (узи билан бирга, бирор бир жойда, ертулада ва бошка жойлар), харакатларига айтилади.

Миллий, иркий, этник ва диний адоватни таргиб килувчи материалларни саклаш давом этувчи жиноят ҳисобланади. Унинг хусусияти шундаки, бу харакат ноқонуний жиноий ҳуқуқий объектларга узок вақт давомида касд килувчи катор харакатлардан ташкил топади ва жиноят содир этилган дамдан бошлаб ёки айбдорнинг айбига иқроп булиши ва жиноятнинг курсатилган ашёларини таркатиш

максадида саклаганини аниклаш вақтидан бошлаб тамомланган ҳисобланади. Агар айбдор узида сакланган миллий, иркий, этник ва диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни учинчи шахс фойдасига узидан соқит қилиш ҳолатини содир этса у ҳолда саклаш қуриладиган жиноятнинг объектив томонини бошқа қуринишига - тарқатишга айланади.

Қурсатилган жиноят ашёларни саклаганлик учун жавобгарлик саклашнинг давомийлигидан қатъий назар бошланади.

Миллий, иркий, этник ва диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш деганда учинчи шахс фойдасига узидан соқит қилишнинг ҳар қандай (соқит, совға қилиш, қучаларда тарқатиш ва шу қабилар) қуриниши ёки тарқиб билан шахсларни таништириш (варақаларни осити, оммавий ахборот воситаларида намойиш этиш, аудитория олдида чиқиш қилиш, электрон алоқа воситалари ва интернет тармогининг бошқа имкониятларидан фойдаланиш ва бошқалар) усулларини тушуниш лозим.

Миллий, иркий, этник ва диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш берилган материалларнинг тарқибини, малумотини ёки хабарини ҳеч бўлмаганда бир қишига етқизиш вақтидан бошлаб тамомланган жиноят ҳисобланади.

ЖК нинг 156-моддаси 2-кисмида назарда тутилган жинойтнинг объектив томони миллий шаън ва кадр-кимматини ерга уриш, фукароларнинг диний ёки атеистик карашлари билан боглик хис туйгуларини хакоратлаш ҳамда фукароларнинг миллий, иркий, этник мансублигига ёки динга муносабатига караб бевосита ёки билвосита хукукларни чеклаб куйиш, бевосита ёки билвосита имтиёзларни белгилаш холатларидир.

Миллий шаън ва кадр-кимматини ерга уриш, фукароларнинг диний ёки атеистик карашлари билан боглик хис туйгуларини хакоратлаш деганда турли миллат, ирк, этник гурух ёки конфессияларга таалукли фукаролар орасида адоват, нафрат кузгатиш, зиддиятларни вужудга келтиришга йуналтирилган хар кандай харакатни тушуниш лозим. Бундай харакатлар у ёки бу миллат, ирк вакилларини куркокликда соткинликда ва бошка уларга лойик булмаган хусусиятларда айблаш, хакорат килиш билан тавсифланади.

Фукароларнинг миллий, иркий, этник мансублигига ёки динга муносабатига караб бевосита ёки билвосита хукукларни чеклаб куйиш, бевосита ёки билвосита имтиёзларни белгилаш Узбекистон Республикаси фукароси эга булган хар кандай хукукларга тегишлидир. Булар укишга, ишга кабул килишни рад этиш, шахснинг у ёки бу миллат, ирк ёки динга мансублигидан келиб чикиб имтиёзлардан

чеклаш ва бошқалар.

ЖК нинг 156-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят фуқароларнинг миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни қузғатишга йўналтирилган ҳаракатларнинг бирортаси содир этилган ҳамдан бошлаб тамомланган ҳисобланади, яъни жиноят таркибининг тамомланиши учун миллий, ирқий, этник ёки диний адоват шундай ҳаракатлар натижасида ҳақиқатдан ҳам вужудга келиши талаб қилинмайди.

Жиноят кодексини 156- моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъектив томони айбнинг қасддан анъланган ҳолда содир этилиши билан тафсифланади. Айбдор миллий, ирқий ва диний адоватни қузғатаётганини жумладан миллий, ирқий, этник ва диний адоватни тарғиб қилувчи материаллани тарқатаётгани ёки тарқатиш мақсадида таёрлаётгани, сақлаётганини билади ва шуни хоҳлайди. Ж.Книнг 156-модда 1 – қисмида назарда тутилган жиноят таркибининг субъектив томонининг мажбурий белгиси миллий, ирқий, этник ва диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш ёки тарқатиш мақсадида таёрлаш ёки сақлаш жиноятининг мақсади – берилган материалларни тарқатишдир.

Айбдорда бундай мақсаднинг мавжудлигини бир неча далиллар жумладан, тайёрланаётган ва сақланаётган

материалларнинг сони ва турлари ёки шундай мазмундаги материалларни тайёрлаш ва ёки саклаш, олиб кириш усуллари. Масалан, шахснинг диний сепаратизм гоёларини уз ичига олган материални куп сонли нусхада кадокланган шаклда саклаши унинг ушбу адабиётни таркатиш ниятида булганини англатади. Агар шахсда шундай гаяларни таргиб килувчи материалларни таркатиш максади булмаса у ЖКнинг 156-моддаси 1-кисми буйича уларни тайёрлагани ва саклагани учун жиноий жавобгарликка тортилмайди. Айбдор томонидан жабрланувчи миллий шаън ва кадр-кимматини ерга уриш, фукароларнинг диний ёки атеистик карашлари билан боглик хис туйгуларини хакоратлаш харакатлари содир этилганда махсус махсаднинг мавжудлигини – ахолининг миллий, иркий, этник ёки диний белгиларига кура гурухлар орасида адоватни, нафратни ёки келишмовчиликни кузгатишни аниклаш зарур.

Харакатнинг сабаблари турлича булиши мумкин. Одатда бу миллатчилик сабаби, диний дунёкараш бундан ташкари кураолмаслик ва бошка ниятлардир. Булар жиноятнинг квалификациясига таъсир килмайди, лекин жазо белгиланаётганда инобатга олиниши зарур.

ЖКнинг 156-моддасида назарда туюлгани жиноятнинг субъекти 16 ёшга тулган акли расо жисмонан соглом шахс.

Уз мансаб ваколатларидан фойдаланган холда миллий,

иркий, этник ёки диний адоватни таргиб килувчи материалларни таркатиш, таркатиш мақсадида тайёрлаш, саклаш билан шугулланувчи мансабдор шахс жиноят таркибига кура ЖК нинг 156-моддаси ҳамда 205-моддаси (хокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол килиш) ёки 206-моддаси (хокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш) буйича ишнинг аниқ шароитидан келиб чиқиб жавобгарликка тортилади.

Мансабдор шахс фуқароларнинг миллати, ирки ёки диний мансубликларига караб фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш ёки имтиёзларини белгилаш харакати субъекти сифатида хизмат килса унинг харакатларини ишнинг аниқ шароитидан келиб чиқиб ЖК нинг 156-моддаси 2-қисми билан ҳамда 205-моддаси (хокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол килиш) ёки 206-моддаси (хокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш) буйича жиноятни квалификация килиш керак.

ЖК нинг 156-моддаси 3-қисми бир катор квалификация клинувчи белгиларни назарда тутди. Курилайтган модданинг 1 ёки 2-қисмида назарда тугилган миллий, иркий, этник ёки диний адоватни кузгатиш ҳолатларни содир этиш:

- а) бошка шахсларнинг ҳаётига ҳавфли усуллар билан;
- б) огир тан жарохати йули билан;
- в) аҳолини доимий яшаш жойидан мажбурий кучириш;

г) масъул булган мансабдор шахс томонидан;

д) аввалдан келишиб олинган холда ёки бир гурух шахс томонидан.

Бошка шахслар хаёти учун зарарли усуллар деганда курилаётган моддада айбдор томонидан жиноятни содир этишнинг шундай усулларидан фойдаланиш назарда тутилади, яъни аник холатда нафакат жабрланувчилар балки бошка шахслар хаётига хам зарар етказиш хавфини тугдирадиган жиноятни содир этишнинг усуллари ва услублари назарда тутилади.

Агар айбдор миллий, иркий, этник ва диний адоватни кузгашга йуналтирилган харакатларни содир этиши жараёнида жабрланувчига огир тан жарохатини етказса, унинг харакатини ЖКнинг 156-моддаси 3-кисми «б» банди билан квалификация килинади ва ЖКнинг 104-моддаси буйича кушимча квалификацияни талаб килмайди.

«Огир тан жарохати» тушунчаси хакида ЖКнинг 104-моддаси шархини каранг.

ЖКнинг 156-моддаси 3-кисми «в» бандида келтирилган фукарорларни уз доимий яшаш жойларидан зурлик ишлатиб кучириш деганда шахсларни уз хохиш иродасига карши доимий яшаш жойини ташлаб кетишига мажбурлаш холатларини тушуниш зарур. Бундай холатларда жабрланувчиларга нисбатан калтаклаш, енгил ёки урта огир

шикаст, тан жарохатлари етказиш куринишида зурлик ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари, фуқароларни уз доимий яшаш жойларидан зурлик ишлатиб кучириш деганда фуқароларни узига ёки унинг яқинларига нисбатан зурлик ишлатишга, мол-мулкани йук қилишга, яшаш шароитини огирлаштиришга тахдид қилиш, фуқароларни доимий яшаш жойидан мажбурий тарзда кучириш ҳолатлари қиради.

ЖКнинг 156-моддаси 3-қисми «г» бандида эслатиб утилган, ЖКнинг сакқизинчи бўлими ҳолатига мувофиқ, маъсулиятли мансабдор шахсларга қуйидагилар қиради:

1) Ҳокимият вакиллари

2) Доимий ёки вақтинча, сайланган ёки тайинланган, давлат ташкилотларида, муассасаларида ёки бирлашмаларида ташкилий - тақсимлаш ёки маъмурий - хужалик мажбуриятларни бажарувчи ҳамда юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколатланган лавозимга эга бўлган шахслар;

3) Мулкдорликнинг бошқа қуринишидаги ташкилотлар, муассасалар ёки бирлашмаларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви бўйича урнатилган тартибда ҳокимият ваколатига эга бўлган жамиятнинг вакиллари;

4) Иккинчи бандда қурсатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган, фуқароларнинг уз-узини бошқариш органларида лавозимга эга бўлган шахслар;

ЖКнинг 156-моддаси 3-қисми «д» банди бўйича жиноятни квалификация қилиш учун миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни қузгатиш ҳолатларни содир этишда бевосита иштирок этган икки ёки ундан ортиқ шахларнинг ҳаракатлари биргаликда содир этилганлиги ҳамда бир мақсадга йўналтирилганлигини аниқлаш зарур.

Мавзуга оид яқуний саволлар:

«ТИНЧЛИК ВА ИНСОНИЯТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР»

1. Урушни тарғиб қилиш деганда нима тушунилади?
2. ЖКнинг 150-моддаси бўйича айбдорнинг ҳаракатларини квалификация қилишнинг хусусиятлари нимада?
3. Агрессия дегани нима, унинг намоён бўлиш турлари ва усуллари қандай?
4. Агрессив урушни режалаштириш ва тайёрлаш нимадан ташкил топади?
5. Агрессиянинг урушни тарғиб қилишдан фарқи нимадан иборат?
6. Уруш қонунлари ва удумлари нимадан иборат? Уларни бузиш нимада намоён бўлади? Уруш қонунлари ва удумларини бузишнинг объекти қандай?

7. Геноциднинг максоди кандай?
8. Жисмоний, ижтимоий-иқтисодий ва биологик геноцид нимадан ташкил топади?
9. Ёлганиш тушунчасини ва унинг белгиларига таъриф беринг. Берилган жиноят субъектининг хусусиятлари кандай?
10. Харбий хизматга, хавфсизлик органларига, полицияга, харбий адлияга ва бошка шу каби хорижий давлат ташкилотларига кириш нимада намоён булади? Берилган жиноятнинг квалификацияси хусусиятлари кандай? Берилган жиноят таркиби ёлганишдан нимаси билан фаркланади?
11. Терроризм нимада намоён булади ва унинг турлари кандай? Терроризмнинг асрликка олиш, таъмагирлик килиш ва одам угирлаш жиноятларидан кайси белгиларига кура чегаралаш лозим?
12. Миллий, иркий, этник ва диний адоватни кузгатиш нимада намоён булади? Берилган жиноятнинг квалификацияси хусусиятлари кандай?
- 13 ЖКнинг 156-моддасида (миллий, иркий, этник ва диний адоватни кузгатиш) назарда тутилган жиноятнинг виждон эркинлигини ёки фукароларнинг тенгхукуклилигини бузишдан фарки нимада?

Х БОБ УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КАРШИ ЖИНОЯТЛАР.

1. Давлатга хоинлик килиш.(ЖКнинг 157-моддаси)

Давлатга хоинлик килиш—ута огир жиноятлардан биридир. Мантукан бу харакат – уз халкига нисбатан соткинлик килишдир

Давлатга хоинлик килишнинг бевосита объекти Узбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини ташкил килувчи ва суверенитетдан, худудий дахлсизликдан, хавфсизликдан, узини химоя кила олишликдан ва давлатнинг иктисодидан ташкил топувчи ташки хавфсизлиги хисобланади.

Узбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги бу Узбекистон Республикасидаги суверенитетни англатувчи ва хокимиятнинг ягона купмиллатли халкининг хавфсизлигидир.

Суверенитет деганда давлат ичидаги давлат хокимиятининг устунлиги ва унинг ташки сиёсий фаолиятда мустакиллигини билдиради. Ўзбекистон Республикасининг суверенитети унинг бутун худуди буйлаб таркалади.

Худудий дахлсизлик деганда Ўзбекистон Республикасининг худуди ва чегарасининг бутунлиги ва булинмаслиги тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларигача булган куруклик, сув, ер каъри ва хаво бушликларининг барчаси унинг худуди хисобланади.

Давлатнинг хавфсизлиги унинг манфаатларини уз вақтида ва тулик амалга оширилишида намоён булади. Уз навбатида, давлат манфаатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцион тизими, суверенитети ва худудий яхлитлигининг бирлигидан, сиёсий, иктисодий ва ижтимоий тенглик конунчилиқни таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни куллаб-қувватлаш, тенг ҳуқуқли ҳамда узаро манфаатли ҳақаро муносабатлардан ташкил топади.

Химояланиш имкони узида иктисодий, харбий, ижтимоий, ҳуқуқий ва давлатнинг бошка имкониятлари тизимининг давлатга хавфдан келиб чиқиб харбий ёрдамини мужассам этади.

Иктисодиёт-меҳнатни куллаган холда одамлар томонидан ҳаётни таъминлаш, эҳтиёжларни кондириш учун ҳаётий зарур имкониятларни, шароитларни ва воситаларни

яратувчи давлатнинг халк хужалиги ёки унинг кисми, объектлар, жараёнлар тушунилади. Иктисодиёт узида моддий ишлаб чиқариш тармоқларини – кишлок хужалиги транспорт, савдо сотик, огир ва енгил саноат ва бошкалар ҳамда номоддий тармоқлар – маданият, согликни саклаш, маънавият ва бошкаларни мужассам этади.

Давлатга хоинлик қилишнинг асоси булиб 1993 йил 7 майдаги № 848-ХП сонли «давлат сирларини химоя қилиш хақида» ги Узбекистон Республикасининг қонунида берилган давлат сирларини ташкил қилувчи маълумотлар хизмат қилади.

Давлат сирлари деганда ута муҳимликдаги маълумотлар, ута сирли ва сирли харбий сиёсий, иктисодий, имий техникавий ва бошка давлат томонидан қурикланадиган ва махсус тартиб билан чекланадиган хар қандай малумотлар тушунилади.

Давлат сирини – бу фош қилинганида давлатнинг харбий-иктисодий салохиятининг сифатли ҳолатига салбий таъсир қурсатиши мумкин булган ёки Узбекистон Республикасининг мудофаа қудрати, давлат хавфсизлиги иктисодий ва сиёсий манфаатлари учун огир оқибатларни олиб қелиши мумкин булган маълумотлардир.

Харбий сир – бу фош қилинганида давлатнинг мудофаа қудрати, давлат хавфсизлиги ва Узбекистон

Республикасининг Куролли Кучлари учун огир окибатларни олиб келиши мумкин булган харбий тавсифдаги малумотлардир.

Мехнат сири – бу илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ёки бошқариш соҳасидаги маълумотлар булиб уларни фожаликиши Узбекистон Республикаси манфаатларига зарар етказиши мумкин.

Давлатга хоинлик қилишнинг объектив томони Узбекистон Республикасининг суверенитетига ҳудудий дахлсизлигига, ҳавфсизлигига, муҳофаза қудратига, иқтисодийётига зиён етказадиган душман томонга утиш, жосуслик қилиш, чет давлатга, чет эл ташкилотлари ёки уларнинг вакилларига Узбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти олиб боришида ёрдам бериш ва чет давлатга бошқа ёрдамларни қуратишда намоён булади.

Давлатга хоинлик қилиш ҳаракатларининг мақсуд руйхати тула булиб, уни шарҳлашнинг ҳожати йук.

Жосуслик қилиш деганда чет давлатга, чет эл ташкилотлари ёки уларнинг вакилларига етказиш мақсадида давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни йиғиш, угирлаш ва хабардор қилиш ҳаракатлари тушунилади.

Таъкидлаб утиш керакки, давлатга хоинлик қилиш қуранишидаги жосуслик қилиш жинояти учун фақат Узбекистон Республикаси фуқаролари жавобгарликка

тортиладилар.

Агар жосуслик харакати чэт эл фукароси ёки фукаролиги булмаган шахс томонидан содир этилса, айбдор шахснинг жиноятини ЖКнинг 160- моддаси (Жосуслик) буйича квалификация килиш лозим.

Жосусликнинг туликрок шархи ЖКнинг 160-моддасини куриб чикишда берилади.

Хорижий давлат деганда, хар кандай (Узбекистон Республикасидан ташкари) халкаро бирлашма томонидан тегишли бошкарув тури (Республика, монархия) га эга булган БМТ га аъзолигидан катъий назар, хамда Узбекистон Республикаси билан дипломатик муносабатларнинг мавжуд ёки эмаслигидан катъий назар аник жамиятли, сиёсий ташкилот. Шу билан бирга давлат хоини сифатида давлатнинг хамда унинг органларидан бирида (одатда бу махсус хизмат ёки хукукни химоя килиш органлари) хизмат килиши мумкин.

Хорижий ташкилот – (Узбекистон фукароларидан ташкари) биргаликда маълум махсад ёки дастурни амалга оширишга ва малум коидалар асосида харакат килувчи хар кандай одамлар бирлашмасидир. Унинг турли куринишлари сифатида халкаро ташкилот яъни давлатлараро бошкарувлараро ташкилотлар хизмат килади.

Хорижий давлат ёки хорижий ташкилотнинг вакили бу

ушбу давлат (ташкilot) топширигига (буйругига) биноан унинг номидан ва унинг манфаатлари йулида карор кабул килувчи ва (ёки) харакатлар содир этувчи шахсдир. Бу шахс хорижий махсус хизматнинг разведкачиси, хорижий ташкilotнинг эмиссари булиши мумкин.

Хорижий давлат ёки хорижий ташкilotга ёки унинг вакилига давлат сирини фoш килиш куринишидаги давлатга хоинлик килиш жинояти Узбекистон Республикаси фукароси томонидан касддан давлат сирларини узида акс эттирувчи малумотлар (буюмлар) ни етказиш ёки малум килишдан ташкил топади.

Давлат сирларини ошкор килиш турли шаклларда амалга оширилиши мумкин (огзаки ёки ёзма, кургазма шаклида ва бошкалар): уз хохишига кура (одатда хоинлик шундай руй беради) хам, зурлик ишлатилиши натижасида хам – тахдид, зуравонлик, таъмагирлик тасири остида.

Давлат сирларни фoш этиш усуллар жиноятнинг квалификациясига таъсир килмайди.

Давлат сирларини ошкор этиш, жосуслик куринишида содир этилган давлатга хиёнат килишдан фаркланади. Биринчи холатда шахс давлат сирларига уз фаолияти муносабати билан эга ёки маълумотларни бошка бир йул билан билади, жосуслик холатида эса шахс хорижий давлатга етказиш учун давлат сирларини йигади ёки угирлайди.

Жосуслик куринишидаги давлатга хиёнат килиш ҳамда давлат сирларини ошкор этиш, давлат сирларидан ташкил топган малумотлар кузланган ва конунда курсатилган эгасига етказилган ва унинг мулкига айланган дамдан бошлаб жиноят тамомланган ҳисобланади.

Давлатга хиёнат килишнинг сунги куриниши - Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолиятини душманлик фаолиятини амалга оширишда хорижий давлат — хорижий ташкилот ёки унинг вакилларига бошқа куринишдаги ёрдам курсатишдир.

Булар ҳар қандай куринишдаги ҳаракатлар бўлиши мумкин фақат юқорида курсатилган жосуслик килиш ва давлат сирларини фош этиш фаолиятлари хорижий давлатга ёрдам курсатиш ҳолати бўлсада шунга қарамай жиноятнинг алоҳида куриниши сифатида шакилангани сабабли бундан мустаснодир

Бу ҳолат айнан, масалан Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан хорижий агентларнинг учрашувлари учун жой тақдим этиши; хорижий агентлик учун зарур мутахассисларни топиш ва ёллаш; хорижий махсус хизмат агентига яшаш жойини тақдим этиш, уни ҳужжатлар билан, озиқ - овқат маҳсулотлари, транспорт воситалари билан таъминлаш, махсус ташкилотларга органлар ва хизматларга хорижий давлатлар манфаатларига хизмат қилувчи ва

Узбекистон Республикасига карши душманлик фаолятини олиб боровчи хорижий ташкилотлар ёки уларнинг вакиларига, хорижий агентларга, куроли гурухларга, сепаратист харакатларга турли курунишдаги иштрокчиликни амалга ошириш максадида ишга жойлаш; уруш пайтида душман томонга утиш, фронт чизигидан утишда ҳамда душман билан унинг босиб олган худудида ҳамкорлик килишга розилик беришида ва бошкаларда номоён булади

Бундай курунишдаги ёрдамни амалга ошириш холати ҳам Узбекистон Республикаси худудида, ҳам ундан ташкарида содир этилиши мумкин.

Таъкидлаш керакки давлатга хиёнат килишнинг курилаётган тури асосан икки актдан ташкил топади; айбдор ва хорижий давлат хорижий ташкилот ёки уларнинг вакиллари уртасида алока урнатиш ва уларнинг буйруги буйича аник харакатларни амалга ошириш.

Шу билан бирга агар айбдор хорижий давлат, хорижий тошкилот ёки уларнинг вакиллари буйругига биноан бирор бир жиноятнинг Конституцион тизим ва давлат хафсизлигига (давлатга хоинлик килишдан ташкари) карши содир этса унинг харакатларини жиноятнинг хусусиятига кура квалификация килиш лозим. Масалан, агар айбдор томонидан купорувчилик харакати содир этилган булса у холда айбдор ЖК нинг 157-моддаси ва 161-моддаси (купорувчилик) буйича

жавобгарликка тортилади.

Узбекистон Республикасига карши душманлик фаолиятини олиб боришда хорижий давлатга ёрдам бериш курунишидаги давлатга хоинлик килиш ёрдам беришга йуналтирилган хар кандай харакатни содир этиш вақтидан бошлаб тугалланган жиноят хисобланади.

Шахсининг адресат билан алоқа урнатиш учун, ёрдам бериш режасини ишлаб чиқиш учун шароит яратиш харакати ва хоказони амалга ошириш хорижий давлат, хорижий ташкилотлар ёки уларнинг вакиллари томонидан Узбекистон Республикасига карши душманлик фаолиятини амалга оширишга ёрдам бериш йули оркали давлатга хоинлик килишга тайёрланишни ташкил килади.

Хорижий давлат билан алоқа урнатишга харакат килишнинг барбод булиши суикасд деб топилади.

Хорижий давлат томонидан душманлик харакатини амалга ошириш бу – уруш ёки курулли (харбий) зиддиятларни мавжуд булиши «кучли босим» душманлик сиёсатини олиб бориш, Узбекистон манфаатларига зид келувчи иктисодий, сиёсий ва харбий фаолият жумладан сиёсий ва иктисодий санкцияларни, эмбарголارни киритиш, урушни ёки харбий харакатларни режалаштириш ёки тайёрлаш дипломатик муносабатларни тухтатиш ёки узиш.

Субъектив томондан давлатга хиёнат килиш онгли

равишда фаолиятни такозо этади. Бу мазкур жиноят таркиби белгиларини тавсифлашда махсус кайд этилади. Агар давлатга хоинлик килиш Узбекистон Республикаси ташки хавфсизлигига зиён етказишдан иборат бевосита гараз билан содир этилса, бахолаш шубха тугдирмайди. Шахсга давлатга хоинлик килишдек айбни ва мазкур жиноятни унга ташки жиноятга ухшаш жиноятлардан ажратишда айбдорнинг шахси ва унинг хулк-атворидаги сабаблар мухим урин эгаллайди. Уларни урганиш содир этилган килмишнинг ижтимоий-сиёсий маносини аниклашга ёрдам беради.

Давлатга хоинлик килиш сабаби ва максоди турлича булиши мумкин, (сепаратистик дунёкараш, кура олмаслик ва бошкалар) хамда курилаётган жиноятнинг квалификациясига таъсир килмайди.

ЖКнинг 157-моддасида назарда тугтилган жиноятнинг субъекти факат 16 ёшга тулган Узбекистон Республикаси фукароси булиши мумкин.

Давлат сирларини фош этиш куринишида содир этилган давлатга хоинлик килиш жинояти субъекти факатгина бу сирлар хизмат юзасидан унга топширилган булса ёки хизмати юзасидан маълум булиб колган булса, ёки бошка йул билан унинг мукига айланган шахс булиши мумкин. Давлат сирларини йигиш ёки угирлаш холатлари бундан мустаснодир.

Агар шахс давлат сирларига «тасодифан» эга булса (масалан давлат сирларини ташкил этувчи буюмлар топилмасининг эгаси булса) ва уларнинг сирлигини билиб туриб шунда хам хорижий давлатга фoш этса бу харакат хам ЖК нинг 157-моддаси буйича жиноий жавобгарликка лойикдир.

ЖК нинг 157- моддаси 2 ва 3-кисмларида давлатга хоинлик килиш учун жалб килинган шахс учун рагбатлантириш меъёри булган сунгги имкон, бошкача килиб айтганда «олтин куприк» яъни давлат манфаатларига етадиган зарарни хамда жиноий жавобгарликка тортилишни олдини олишнинг имкони мавжуд.

ЖК нинг 157-моддаси 2-кисмида белгилаб куйилган «чет эл давлат ёки ташкилоти томонидан Узбекистон Республикасига карши каратилган давлатга зарар етказувчи фаолиятни амалга оширишда хамкорлик килиш учун жалб килинган Узбекистон Республикасининг фукароси узининг бундай хамкорлиги тугрисида хокимият органларига ихтиёрий равишда арз килса унинг фаолияти эса Республика манфаатларига зарар етказмаган булса жавобгарликдан озод этилади». Яъни хоиннинг жавобгарликдан озод этилиши учун иккита шарти зарур:

1. Хорижий давлат билан хамкорлиги хакида ихтиёрий равишда

хокимият органларига арз килиши. Шу билан бирга бундай арз килиш фикри айбдорнинг кариндошлари томонидан ҳамда Узбекистон Республикасининг махсус хизмати ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига ҳамкорлик қилувчи шахслар томонидан тарғиб қилиниши мумкин. Шунга қарамай содир этилган жиноят ҳақида хоқимият органларига арз қилиш қарорини айнан уни содир этган шахс қабул қилиши керак.

Бу ҳолатда ихтиёрийлик – айбдорнинг хорижий давлат билан ҳамкорлиги ҳақида ихтиёрий равишда хоқимият органларига арз қилиши ҳаракати, тегишли органларга унинг алоқаси маълум бўлишидан аввал руй бериши керак, бундан ташқари бундай арз айбдор томонидан бирор қишининг таъсирсиз уз хоҳиши билан амалга оширилиши керак.

2. Шахсининг хорижий разведка билан ҳамкорлиги Узбекистон Республикаси манфаатларига зарар еказмаслиги лозим.

Берилган шартга риоя қилиш учун, айбдор содир этилган жиноят ҳақида хоқимият органларига арз қилиши уз вақтида бўлиши керак яни арз хоқимият органларининг Узбекистон Республикаси манфаатларига етадиган зарарнинг

окибатларини олдини олиш учун етарли вақт булиши зарур. Объектив жихатдан бундай арз айбдорнинг етадиган зарарнинг олдини олишга онгли равишда харакат килишини билдиради.

Хокимят органлари деганда берилган холатда конун чиқарувчи ижро этувчи ёки суд хокимиятларидан бирини тушуниш лозим. Ижро этувчи хокимятнинг давлатга хоинлик килишни аниқлайдиган ва олдини оладиган асосий давлат органи - Ўзбекистон Республикаси МХХ дир.

ЖК нинг 157-модда 3-қисмида белгиланганидек Ўзбекистон Республикаси фуқароси агар у уз қилмиши тугрисида хокимият органларига ихтёрий равишда хабар бериб жиноятни очишга фаол ёрдам берган ва бунинг натижасида давлат учун келиб чиқиши мумкин булган оғир оқибатларнинг олди олинган булса жавобгарликдан озод қилинади.

Жиноятнинг очилишига фаол сабабчи булиб масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги махсус хизматга махфий кумак бериши ҳақида розилик берса жиноятларни очиш ва йулини тусиш, хорижий махсус хизмат томонидан олинган вазифаларни бажариш йулида, хорижий разведка вакиллари фойдаланадиган вақтинчалик ёки доимий яшаш жойларини, жиноятни содир этган шахсларни аниқлаш ва бошқалар.

2§. Узбекистон Республикаси Президентига тажовуз

килиш

Ушбу жиноят ЖКнинг «Узбекистон Республикасига карши жиноятлар» булимидан бежиз жой олмаган. Зеро, Узбекистон Республикаси Президенти фукароларнинг хукук ва эркинликларига риоя килишнинг, Конституция ва Узбекистон Республикаси конунларининг кафолати булиб хизмат килади ҳамда Узбекистон Республикасининг суверенитети хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини химоя килиш буйича, миллий - давлат масалалари буйича карорларни амалга ошириш буйича зарур чораларни кабул килади. Конституцияда такдим килинган бошка ваколатларни амалга оширади. Конституциянинг 91-моддасида «...Президентнинг шахси дахлсиз ва конун билан химоя килинади» дейилган.

Курилаётган жиноятнинг бошлангич объекти булиб Узбекистон Республикасининг хафсизлиги мудофаа кудрати иктисодиёти ва давлат суверенитетининг асосларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар хисобланади.

Узбекистон Республикасининг сиёсий тизими асосий бевосита объектдир. Кушимча бевосита объект булиб Узбекистон Республикасининг Президентининг хаёти хавфсизлиги соглиги, шани, ва кадр - кимматини таъминловчи

ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ҳокимиятнинг нуфузи ва обриси, Президент фаолияти, унинг ҳаёти, соғ – саломатлиги, шаъни ва кадр – киммати, таҳлил этилаётган жиноят объектидир. Агар унинг хавфсизлигини таъминлашга ваколатли давлат идоралари уз вазифаларини уддалай олмасалар, Президентнинг юксак лавозили мансабдор шахс сифатидаги тулакони фаолияти хавф остида қолади.

Жиноят объектив томондан айбдорнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳаётига бевосита содир этган тажовузни ифодалайди. «Тажовуз» тушунчасига касддан одам улдириш ёки ундан котилликка касд қилиш тушунилиб, амалда мазкур касд вақтида қайси огирликдаги тан жароҳати етказилганлиги бунинг учун ахамиятсиздир.

ЖК нинг 158-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноий ҳаракатнинг объектив томони Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳаётига тажовуз қилиш ҳаракати намоён бўлади.

Ҳаётга тажовуз қилиш жабрланувчининг улдирилишини ёки унинг улимига касд қилишини англатади яъни, айбдор томонидан жабрланувчини ҳаётдан жудо қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракати тушунилади.

«Касддан одам улдириш» тушунчаси ҳақида батафсил

ЖКнинг 97-моддаси шарҳини қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳаётига тажовуз қилиш, келиб чиққан оқибатлардан қатъий назар тамомланган жиноят деб топилади. Президентнинг ҳаёти тухтатиладими ёки йўқми жиноятнинг квалификацияси учун аҳамиятсиздир. Одам улдириш ва тажовуз қилиш онгли равишда амалга оширилса айбдор ЖКнинг 158-моддаси 1- қисми билан жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг улими ҳамда унинг ҳаётига тажовуз қилишнинг узи ҳам қурилайдиган жиноятнинг таркиби белгиларини ташкил қилади ва ЖКнинг 97- моддаси бўйича қўшимча квалификацияни талаб қилмайди.

ЖКнинг 158- моддаси 2-қисмда назарда тутилган жиноятнинг объектив томони Ўзбекистон Республикаси Президентига тан жароҳатини етказишда намоён бўлади.

Айбдорнинг ҳаракатларини, Ўзбекистон Республикаси Президентига қандай турдаги тан жароҳати етказилганидан қатъий назар (огир, уртача огир ёки енгил) ЖКнинг 158-моддаси 2-қисм билан квалификация қилиш лозим.

«Огир тан жароҳатлари», «Уртача огир тан жароҳатлари», «Енгил тан жароҳатлари» тушунчалари ҳақида ЖКнинг 104, 105 ҳамда 109-моддалари шарҳини қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентига қандай турдаги

булса ҳам тан жарохати етказилганидан дамдан бошлаб ЖКнинг 158-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят тамомланган ҳисобланади.

Агар айбдорнинг нияти Президентга тан жарохати етказиш булса ва унинг иродасига зид ҳолда баъзи шарт-шароитларга кура зарар етказилмаган булса, у ҳолда айбдор Ўзбекистон Республикаси Президентига тан жарохатини етказишга суиқасд қилиш бўйича ЖКнинг 25-моддаси 2-қисми билан ҳамда 158-моддаси 2-қисми билан жавобгарликка тортилади.

ЖКнинг 158-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони Ўзбекистон Республикаси Президентига нисбатан нашрни ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларини қўллаган ҳолда, ошқора ҳақорат қилиш ёки тухмат қилишдан иборатдир.

Оммавий ҳақорат деганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шаъни ва кадр қимматини аҳоли орасида, масалан, митингларда, йиғилишларда, лекцияларда, конференцияларда, семинарларда ва бошқа аҳоли тупланадиган жамоат жойларида, Интернет тармогида ҳақорат қилиш ва бошқалар тушунилади. Бу ҳолатда ҳақорат Президент номига ахлоқсиз суқишлар қуринишида, номақбул сузларни ёзиш ёки уларни барчага айтиш қуринишида намоён бўлади.

Тухмат килиш деганда Узбекистон Республикаси Президентини хакорат килувчи аслида хакикатда ёлгон булган ёки айбдор томонидан била туриб бухтон шаклига айлантилган маълумотларни таркатиш тушунилади.

Нашрни ёки бошка оммавий ахборот воситалардан фойдаланиш деганда бу холатда Президентни тахкирловчи ёки ёлгон маълумотларни китобларда, журналларда, рузномалар ёки варакалар ва бошкаларда чоп эттириш ёки радио, телевидение, видео кассеталар, интернет тармоги оркали маълум килиш ва х.к.

Президентга нисбатан оммавий хакорат килиш ёки тухмат килиш жинояти айбдор томонидан хакорат ёки тухматни англатувчи хар кандай харакатларни содир этган вақтидан бошлаб тамомлаган хисобланади.

ЖКнинг 158-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъектив томони Узбекистон Республикаси Президентига тажовуз килиш айбининг тугри касд билан содир этилганлигида намоён булади. Айбдор Узбекистон Республикаси Президентига тажовуз килишнинг ижтимоий хавфини англайди ва уни содир этишни истайди. Жиноятнинг максоди ва сабаби квалификация учун ахамиятга эга эмас. Коида буйича айбдор берилган жиноятни содир этишда Президентнинг давлат фаолиятини тухтатишни максад килади ёки берилган фаолият учун касос олиш сабабини курсатади.

Узбекистон Республикаси Президентига тажовуз килишнинг субъекти ҳар қандай жисмоний, ақли расо 16 ёшга тулган шахс бўлиши мумкин. Агар Узбекистон Республикаси Президентига тажовуз курсатилган ёшга, яъни 16 ёшга етмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, у шахсга қарши тегишли жиноят (одам улдириш, оғир тан жароҳати етказиш ва шу қабилар) бўйича жавобгарликка тортилади.

**3§. Узбекистон Республикаси Конституция тузумига
тажовуз қилиш
(ЖКнинг 159-моддаси)**

Узбекистон Республикаси Конституциянинг 7-моддасида «Халқ ҳокимиятнинг ягона манбаидир» дейилган.

«Узбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир» дейилади Конституциянинг 3-моддасида.

Жиноятнинг бевосита объекти Конституция томонидан урнатилган Узбекистон Республикасининг ҳаётининг муҳим манфаатлари – республиканинг Конституция тизими асоси, давлат ҳокимияти тузилиши ва фаолиятининг тартиби ҳисобланади. Асосий бевосита зарар бу ерда халқ манфаатларига ҳамда давлатда ҳокимиятни ифодаловчи жисмоний ва юридик шахсларнинг Конституция манфаатларига етказилади. Қушимча бевосита объект бўлиб, жабрланувчиларнинг соғлиги, жисмоний дахлсизлиги, шаъни ва кадр-қимматини таъминловчи ижтимоий муносабатлар

хизмат килади.

ЖКнинг 159-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жинойтнинг объектив томони амалдаги давлат тизимини ноқонституциявий узгартиришга оммавий чақириш, хоқимиятни қулга олиш ёки қонуний сайланган ёки тайинланган вакилларни хоқимиятдан четлатиш ёхуд, Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини ноқонституциявий тарзда бузиш, шунингдек худди шундай маълумотларни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки уларни тарқатишдан иборат.

Чақириклар айбдорнинг одамларнинг онгига, иродаси ва ҳаракатларига ўзи истаган маълум ҳаракатларни содир истагини шакллантириш учун мақсадга йуналтирилган ҳаракатларининг ташқи ифодасидир. Шу билан бирга чақириклар умумий тавсифга эга бўлиб алоҳида шахсларга аниқ йуналтирилмаслиги, аниқ жой, вақт ёки жинойтни содир этиш усулини ташкил этмаслиги керак. Акс ҳолда айбдорнинг ҳаракатини гиж-гижлаш сифатида квалификация қилиш лозим.

Қурилаётган модда бўйича шахсни жавобгарликка тортиш учун, унинг чақириклари оммавий тавсифда бўлиши лозим, яъни очикчасига, тушуниш оссон бўлган қуринишда ҳамда қоида бўйича қупчилик одамлар томонидан қабул қилинишига имқон яратадиган шароитда тарқатилиши лозим.

Оммавий чакириклар ноаник сондаги одамлар олдида («омма») огзаки, ёзма (варакалар ёрдамида) ёки кургазмали-намойишкорона тарзда (плакатлар, шиорлар ёрдамида ва бошкалар) чикиш килишдан ташкил топади. Шу билан бирга бу чикишлар зуравонлик усулларига ундашни ва амалга оширишни (амалдаги давлат тизимини ноконституциявий узгартириш, хокимиятни кулга олиш ва шу кабилар) ташкил килиши лозим. Харакатларнинг зуравонлик усуллари чакирикнинг таркибида аник номоён булиши керак, хатто тугридан-тугри жиноятга ундаши мумкин.

Амалдаги давлат тизимини ноконституциявий узгартиришга оммавий чакириш конунга карши амалдагисига нисбатан янги, Узбекистон Республикасининг Конституциявий тизимини узгартириш йули билан давлат хокимияти тизимини ташкил килишга ундашлардан иборат булиши керак.

Хокимиятни кулга олиш ёки конуний сайланган ёки тайинланган вакилларни хокимиятдан четлатиш ёхуд, Узбекистон Республикаси худудий яхлитлигини ноконституциявий тарзда бузишга чакириш шахсинг унга тегишли булмаган хокимиятга ноконституциявий тарзда келишини ёки хокимиятнинг конуний вакилини унинг иродасига карши, унинг бажараётган вазифаларидан четлатиш ва бу вазифаларни Узбекистон Республикаси

Конституциявий тизимини узгартирмаган холда узбошимча бошка шахс ёки гурухларга юклаш.

Хокимият вакилларига давлат хокимияти органларини ифода этувчи доимий ёки вақтинча малум вазифалдарни бажарувчи ва уз фаолиятидан келиб чикиб харакатларни содир этиш ва мажбуриятларни таксимлаш хукукидан фойдаланиб купчилик ёки барча фукаролар олдида ёки мансабдор шахслар олдида мажбуриятли шахслар киради. Буларга: Узбекистон Республикаси Президенти; вазирлар маҳкамаси; барча хокмлар ва уларнинг уринбосарлари; Узбекистон Республикасиси Олий Мажлиси сенаторлари ва депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарги Кенеси, вилоятлар, туманлар депутатлари; судьялар, прокуратура ходимлари, МХХ ва ИИВ органлари ходимлари ва бошкалар.

Узбекистон Республикасиси худудий яхлитлигини ноконституциявий бузишга оммавий чакириш Узбекистон Республикаси давлат чегарасини ноқонуний зурлик ишлатиб яхлитлигини бузишни, унинг бирор бир вилоятини ёки Қорақалпоғистон Республикисини ажратишга ундашни ташкил қилиши керак.

Конституцияга қарши материалларни тайёрлаш деганда амалдаги давлат тизимини ноконституциявий узгартириш, хокимиятни қулга олиш ёки қонуний сайланган ёки

тайинланган вакилларни хокимиятдан четлатиш ёхуд, Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини ноқонституциявий тарзда бузишга йўналтирилган, ҳар қандай қуринишда кейинчалик тарқатиш мақсадида шундай гоёлардан, чакириқлардан ташкил топган материалларни тайёрлаш мақсадида ҳаракатларни содир этишни тушуниш лозим.

Шу қабил маълумотлардан ташкил топган материалларни сақлаш деганда, тарқатиш мақсадида айбдорда ҳақиқатда уларнинг мавжуд бўлиши (узи билан бирга, бирор бир хонада, ертулада ва бошқа жойларда) учун содир этилган ҳар қандай ҳаракатлар тушунилади.

Қонституцияга қарши мазмунидаги материалларни тарқатиш деганда, уларни ёпиштириш, интернет тармоғига жойлаштириш, варақаларни, рўзномаларни, журналларни ёки бошқа фуқароларни амалдаги давлат тизимини ноқонституциявий узгартиришга чакирувчи адабиётларни ёхуд материалларни тарқатиш тушунилади.

ЖҚ нинг 159-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жинойт ҳаракатлар содир этилган вақтидан бошлаб унинг натижасида бирор бир оқибатнинг қилиб чиқишидан қатъий назар яъни амалдаги давлат тизимини ноқонституциявий узгартириш чакириқларини оммага етказиш ва шу қабилар, Қонституцияга қарши материалларнинг ҳеч бўлмаса бир

нусхасини тайёрлаш, ёки шундай материални саклаш ва айбдорда кейинчалик уларни таркатиш мақсадини аниклаш ёки шундай материални ҳеч бўлмаса бир нусхасини амалда таркатиш вақтидан бошлаб тамомланган ҳисобланади.

ЖК нинг 159-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракат субъектив томонда тугри қасд билан англанган ҳолда содир этилади. Айбдор узи томонидан амалга оширилаётган Конституцияга қарши оммавий чакирикларнинг ҳавфини, ҳамда Конституцияга қарши мазмундаги материалларни тайёрлаш, саклаш ёки таркатиш буйича ҳаракатларни ижтимоий ҳавфини билади ва уларни амалга оширишни хоҳлайди. Қоида буйича айбдор жинойтни содир этишда амлдаги Конституцион тизимни узгартириш мақсадини кузлайди.

Тақидлаш керак-ки айбдорни Конституцияга қарши мазмундаги материалларни тайёрлагани ёки саклаганлиги сабабли жавобгарликка тортиш учун айбдорда бу нарсаларни кейинчалик таркатиш мақсади борлигини аниклаш зарур. Айбдорда бундай мақсадни мавжудлигини уз навбатида тайёрланаётган ёки сакланаётган материалнинг миқдори далолат беради.

Жинойтнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин: амалдаги Конституцион тизимга, қонуний сайланган давлат вакилларига нисбатан нафрат, ич қоралик ва шу қабилар,

хамда жинойтнинг квалификациясига тасир килмайди.

ЖК нинг 159-моддаси 2-кисмида назарда тутилган жинойтнинг объектив томони Конституциявий хокимият органларининг конуний фаолиятига каршилиқ килишга ёки Конституцияда назарда тутилмаган хокимиятнинг карама-карши тузилмаси билан алмаштиришга йуналтирилган зуравонлик харакатини содир этиш, бундан ташкари Узбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган тартибга карши ташкил этилган хокимият тузилмасини таркатиш хакидаги ваколатга эга давлат хокимияти органлари қарорларини уз вақтида ижро этмасликдан иборат.

Конституцион давлат хокимиятларининг конуний фаолиятига каршилиқ қурсатишга йуналтирилган зуравонлик харакатлари Конституцион хокимият органларини ифодаловчи шахсларни камаб қуйиш, озодликдан махрум этиш, тан жарохатлари етказиш ва шу кабиларда намоён булади.

Шуни инобатга олиш керакки юкорида қурсатилган шахсларга тан жарохатлари етказиш, хатто огирларини хам содир этиш ЖК нинг 159-моддаси 2-кисми буйича камраб олинади, хамда ЖК нинг махсус кисмида согликка карши жинойтларга жавобгарликни назарда тутадиган тегишли моддалари буйича қушимча квалификацияни талаб килмайди.

Конституциявий хокимият органларининг конуний

фаолиятига каршилик килишга ёки Конституцияда назарда тутилмаган хокимиятнинг карама-карши тузилмаси билан алмаштиришга йуналтирилган зуравонлик харакати Узбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилмаган янги хар кандай хокимият органларини ташкил килиш ва давлат масалаларини шу ноконуний ташкил килинган хокимият тузилмалари ёрдамида хал килишга харакат килиш.

Узбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган тартибга карши ташкил этилган хокимият тузилмасини таркатиш хакидаги ваколатга эга давлат хокимияти органлари карорларини уз вактида ижро этмаслик, ноконуний ташкил этилган тузилмалар лидерлари томонидан шу ноконуний ташкил этилган тузилмани таркатиш ва фаолиятини тухтатиш хакидаги суд карорини ижро этмасликдан иборат.

ЖК нинг 159-моддаси 2-кисмида назарда тутилган жиноий харакатлар айбдорнинг жиноий натижага эришган ёки эришмаганлигидан катъий назар содир этилган вактидан бошлаб тамомланган хисобланади.

ЖК нинг 159-моддаси 2-кисмида назарда тутилган Узбекистон Республикаси Конституцион тизимида тажовуз килишнинг субъектив томони айбнинг анланган холда касддан содир этилганлиги билан тавсифланади. Айбдор узи

содир этаётган харакатларнинг ижтимоий хавфини англайди ва уни содир этишни хохлайди. Содир этилган харакатнинг сабаби ва максоди турлича булиши мумкин ва квалификация учун ахамиятга эга эмас.

ЖК нинг 159-моддаси 1 ёки 2- кисмида назарда тутилган харакатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан

б) уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кузлаган холда содир этилган харакат учун жавобгалик ЖК нинг 159-моддаси 3-кисмида назарда тугилади.

«Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан» жиноятини содир этиш тушунчаси хакида ЖК нинг 97-моддаси 2-кисми «р» банди шархига каранг, «уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кузлаган холда» жиноятини содир этиш тушунчаси хакида ЖК нинг 97-моддаси 2-кисми «п» банди шархига каранг.

ЖК нинг 159-моддаси 4-кисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони Узбекистон Республикаси Конституцион тизимини агдариш ёки кулга олиш максодида тил бириктиришдан иборат.

Курилаётган меъёр маъносида тил бириктириш - Узбекистон Республикаси Конституцион тизимини агдариш ёки кулга олишга каратилган жиноий харакатларни амалга ошириш учун уз кучларини бирлаштирувчи 2 ёки ундан

ортик шахснинг жиноий келишувидир.

Келишув Узбекистон Республикаси Конституцион тизимини ағдариш ёки кулга олиш мақсадида жиноий гуруҳни ташкил этиш вақтидан бошлаб, жиноий мақсадга эришишга йуналтирилган бирор-бир ҳаракатни содир этганидан қатъий назар тамомланган жиноят ҳисобланади. ЖК нинг 159-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноят субъектив томондан тугри қасд билан содир этилади. Айбдор Узбекистон Республикаси Конституцион тизимини ағдариш ёки кулга олишга йуналтирилган жиноий фаолиятни амалга ошириш учун келишувга қиришаётганини аңғлайди, бу ҳаракатнинг ижтимоий ҳавфлилигини аңғлайди ва уни содир этишни хоҳлайди. Шу билан-бирга айбдор махсус мақсад-Конституцион тизимини ағдариш ёки кулга олишни кузлайди. Жиноятни содир этишнинг сабаблари квалификация учун аҳамиятга эга эмас.

Узбекистон Республикаси Конституцион тизимига тажовуз қилиш субъекти ҳар қандай жисмоний, ақли расо 16 ёшга етган шахс бўлиши мумкин.

ЖК нинг 159-моддасида назарда тутилган жиноятлар Узбекистон Республикаси фуқароси томонидан хорижий давлат топширигига биноан содир этилса у жиноят хусусиятига қура ЖК нинг 159-моддаси ва 157-моддаси тегишли қисмлари билан жавобгарликка тортилади.

ЖК нинг 159-моддаси 5-кисмида тил бириктиришда катнашган шахсларнинг жазодан озод этилиш шарти назарда тутилган. Унда «уз хохишига кура хокимият органларига тил бириктируви хакида малум килган ва бунинг окибатида жинойтнинг амалга ошиши курилган чоралар натижасида тухтатилган булса, бу шахс жавобгарликдан озод этилади».

«Ихтиёрий равишда хабар бериш» ёки «ихтиёрий равишда арз килиш» тушунчалари хакида ЖК нинг 157-моддаси шархига каранг.

Бундай рагбатлантириш меъёрларининг мавжудлиги давлат учун хавфли окибатларни келиб чикишини олдини олишга имкон беради.

ЖОСУСЛИК (ЖКнинг160-моддаси.)

Жосусликни бевосита объекти булиб Узбекистон Республикаси суверентети, худудий дахлсизлиги, хафсизлиги мудофаа салохияти, иктисодиёти асослари хизмат килади. Жосусликнинг асоси давлат сирларини ташкил килувчи маълумотлар ёки Узбекистон Республикаси ташки хавфсизлигига зарар етказиш учун кулланилиши мумкин булган давлат сирларини ташкил килувчи маълумотлардан ташкари бошка маълумотлар хисобланади.

«Давлат сирлари » тушунчаси хакида ЖК нинг 157-моддаси шархига каранг.

Бошка маълумолар деганда хорижий давлат разведкасини кизиктирувчи лекин давлат сирини ташкил килмайдиган (масалан маълумотлар йуллари булинмаларининг чизмалари (фото суратлари); аник бир шахсни тавсифловчи маълумотлар; маълум худуднинг тупроги, сувидан намуналар ва шу каби малумотлар;

Махфий маълумотларни етказиш турли йуллар билан амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун махсус таёрланган, шифрланган ёзувлар, махфий ёзувлар ва бошкалардан фойдаланишади. Маълумотлар бевосита чет давлат вакиллари, унинг разведкаси ва воситачиларига етказилиши мумкин. Маълумотлар давлат сирини ташкил этиши зарурдир. Чет эл разведкаси топшириги билан тупланадиган барча бошка маълумотлар жосуслик учун буладиган жавобгарликни истисно этади.

Жосуслик объектив томондан турли йуллар: уз хизматига кура махфий маълумотларга эга шахсдан мазкур маълумотларни угирлаш, хужжатлар ёки буюмлардан фотография йули билан нусха олиш, уни угирлаш (андазалар, кисмлар, мурувватлар, асбоблар ва х.к.з), махфий маълумотларни биладиган кишилар билан уларнинг маълумотларини олиш учун мулокотда булиш, лакмалиги, жорий матбуотдаги маълумотдан фойдаланиш ва бошкалар билан етказилиши мумкин.

«хорижий давлат », «хорижий ташкилот», «агентлик» (ёки ««хорижий давлат ёки хорижий ташкилотларнинг вакиллари») тушунчалари хакида ЖК нинг 157-моддаси шархига каранг.

Жосусликнинг иккинчи куриниши булиб хорижий разведка хисобланади яъни хорижий давлат махсус хизматининг куринишлари — текширувчилик(жосуслик)фаолятини амалга оширишга давлат — хокимият ваколатига эга булган давлат органлари (органлар тизими) ёки давлат органларини алохида булинмалари хизмат килади.

Куриллаётган модда маъносида етказиш давлат сирларини маълум килиш ёки Узбекистон Республикасига зарар етказиши мумкин булган бошка маълумотларни конунда курсатилган хорижий воситачиларга етказилиши тушунилади. Бундай хабар (малум килиш) огзаки, ёзма ёки кургазмали - намойишкорона тарзда ва исталган усул билан (кулдан кулга, воситачи оркали, ёзма маълумот, компьютер тармоги, видеокассета, телефон, радиоалока, яшириш жойи оркали) амалга оширилади.

Етказишнинг усуллари ва куринишлари жиноятнинг квалификациясига тасир кимайди.

«хорижий давлат, хорижий ташкилот, агентликларга давлат сирларини ташкил килувчи ёки хорижий давлат

разведкаси топширигига биноан Узбекистон Республикасига карши куллаш учун бошка малумотларни етказиш курунишидаги жосуслик тегишли малумотларни эгасига етказиш вақтидан бошлаб тамомланган жиноят хисобланади.

Давлат сирларини угирлаш узида миллий конунчилик билан ундан хабардор булиш чекланган маълумотларни туплашнинг махсус, узига хос курунишини ташкил килади маълумотларни йигишнинг бундай усули муасасалар, ташкилотлар корхоналардан ёки маълумотларга эга бошка шахслардан малум хужжатларни(хисобатлар режалар, чизмалар, технологик хариталарни ва бошкалар), буюмлар намуналари, махсус адабиётларнинг нусхалари ва бошкаларни угирлаб олишни ташкил килади.

Давлат сирларини угирлаш яширин ёки очикчасига, зурлик ишлатиб ёки ишлатмасдан содир этилиши мумкин. Давлат сирларини зурлик ишлатган холда угирлаш айбдор харакатларини ишнинг шароитидан келиб чикиб ва кулланилган зуравонликнинг тавсифига кура жиноятнинг хусуияти буйича квалификация килиш лозим.

Давлат сирларини угирлаш курунишидаги жосуслик, конунда курсатилган эгасига йетказиш максади билан содир етилган жосуслик айбдор томонидан хакикатда давлат сирларига эга булган вақтидан бошлаб тамомланган жиноят хисобланади.

Давлат сирларини ёки Ўзбекистон Республикасига зарар етказиши мумкин булган бошқа маълумотларни йиғиш жосусликнинг аввалги икта қуриниши каби угирлашдан ташқари, ҳар қандай усул билан маълумотларни топишдан ташкил топади. Йиғишнинг бошқа усуллари турлича бўлиши мумкин: шахсан маълумотларни йиғиш (визуал қузатиш суратга олиш яширинча эшитиш ҳужатлардан нусха олиш ва ш у қабилар); пулга сотиб олиш; бошқа шахснинг хизматларидан «яширинча» фойдаланиш; маълумотни техник тармоқлар орқали олиш; ва бошқалар давлат сирларини йиғиш усуллари жосусликнинг квалификациясига тасир этмайди.

Давлат сирларини, Ўзбекистон Республикасига қарши қуллаш учун бошқа маълумотларни йиғиш қуринишидаги жосуслик, айбдор томонидан ҳақиқатдан йиғилганлиги ва кейинчалик уларни хорижий давлат, хорижий ташкилотлар ва уларнинг агентликларга етказиш мақсадини аниқланган вақтидан бошлаб таъминланган жиноят ҳисобланади.

Давлат сирларини ташкил қилувчи маълумотларни сақлаш – бу аниқ бир жисмоний ёки юридик шахсга тегишли булган бирор бир маконда ёки ҳудудда, ҳамда уларнинг сақланишини таъминловчи бошқа жойларда жойлашган маълумотларни узида сақлаган моддий буюмга (етказувчи) эгаллик қилиш тушунилади. Шу билан бирга бу буюмни уша

жойга сакловчининг узи жойлаштирганлиги ёки унинг розилиги билан бошка шахс томонидан олиб келинганлиги ахамиятсиздир. Бирок, белгиланган буюмни саклаш учун жой ёки худудни такдим этган шахс аввалдан, яъни улар етказилишидан олдин уларнинг давлат сирларини ташкил килишини билса, бу шахс хам жосуслик учун жавобгарликка иштирокчилик белгиси буйича тортилиши лозим.

Бизнинг нуктаи назаримиздан, саклаш каби шунингдек, жосусликнинг бошка куринишлари мавжудлигида содир этилган давлат сирларини ташкил килувчи маълумотларни олиб утиш (олиб бориш)ни хам квалификация килиш лозим.

Олиб утиш (Олиб бориш)- бу давлат сирларини ташкил килувчи маълумотларни модди й сакловчисини бир жойдан иккинчи жойга шахсан одам оркали хар кандай транспорт ёрдамида, олиб утилаётган буюмнинг утказилиш усули ва саклаш жойидан катъий назар кучирилишидир.

Юборилиш – бу маълумотларни бир жойдан иккинчи жойга почта ёки юк оркали атайлаб хамда хайвонларни ёки кушларни куллаган холда (итлар, дельфинлар ёки мактубчи кабутарлар ва бошкалар) жунатишдир. Олиб утишдан фаркли уларок жунатиш айбдорнинг бевосита иштрокисиз амалга оширилади.

Давлат сирларини, Узбекистон Республикасига карши куллаш учун бошка малумотларни саклаш куринишидаги

жосуслик, айбдор томонидан хакикатдан саклаганлиги ва кейинчалик уларни хорижий давлат, хорижий ташкилотлар ва уларнинг агентликларга етказиш максadini аникланган вақтидан бошлаб тамомланган жиноят хисобланади.

Субъектив томондан жосуслик хамиша касдни такозо килади. Давлат сирларидан иборат булган маълумотларни чет давлат ташкилотига ёки уларнинг вакилларига эхтиётсизлик билан етказиш факат давлат сирларини ошкор этиш жиноят таркибини ташкил этиш мумкин (ЖК 162-моддаси). Жосуслик хамиша тугри касд билан содир этилади. Бундай айбдор чет давлатига, чет эл ташкилотига ёки уларнинг вакилларига давлат сирларини етказганлигини билади ва мазкур килмишни истайди.

Жосусликнинг субъекти 16-ёшга тулган, хорижий давлат фукароси ёки фукароси булмаган шахс.

Жосуслик жиноятига, шахснинг тегишли шартларга риоя килганида жиний жавобгарликдан ёки жазодан озод килиниши хам кулланилади.

ЖК нинг 160-моддаси 2 – кисмида белгиланганидек: «чет эл разведкаси билан хамкорлик килишга жалб килинган шахс, башарти узига юклатилган топширикни бажариш юзасидан хеч кандай харакат содир этмасдан, бу хақда уз ихтиёри билан хокимят органларига хабар берса, жавобгарликдан озод килинади».

ЖК нинг 160 – моддаси 3 – кисмига биноан: «узининг жиноий фаолятини ихтиёрий равишда тухтатган ва килмиши тугрисида хокимият органларига маълум килиб, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган шахс, башарти, давлат учун келиб чиқиши мумкин булган огир окибатларнинг олди олинган булса, жазодан озод килинади.»

Давлат учун келиб чиқиши мумкин булган огир окибатлар деганда Узбекистон Республикаси суверенитетига, худудий дахлсизлигига, хавфсизлигига, мудофаа салохиятига, иктисодётига зарарнинг етказилишини тушуниш лозим.

Рагбатлантирувчи меъёрлар хакида туликрок ЖК нинг 157моддаси 2 хамда 3 – кисимлари шархига каранг.

5§.Купорувчилик

Купорувчиликнинг бевосита объекти булиб Узбекистон Республикасининг ижтимоий, сиёсий шароитини ёки иктисодий хавфсизлигини ёхуд давлат органлари фаолятининг мувозанатини таъминловчи ижтимоий муносабатлар хизмат килади. Купгина холларда купорувчилик содир этилганида одамлар улимига олиб келади, уларнинг соглигига оммавий зарар етказилади, заводлар, турли курилмалар (ер ости йуллари, метрополитенлар, куприклар, гидроэлектростанциялар, темир

йуллари, сув таъминоти ва газ таъминоти тизимлари) вайрон этилади ёки йук килинади. Шу муносабат билан купорувчиликнинг асоси булиб купрок корхоналар, курилмалар, маълумот йуллари ва усуллари, алока воситалари ҳамда ахолининг хаётий таъминот объектлари (шахарлар ва ахоли пунктларининг яхши хаётини таъминловчи коммунал хизмат объектлари; сув таъминоти ва коммунал кувурлар марказлашган тизими; газ таъминоти объектлари; ва бошкалар.)

Купорувчиликнинг объектив томони куйдаги; 1) кишиларни нобуд килишга, уларнинг соглигига зарар етказишга йуналган харакатлар; 2) мол – мулкка зиён етказишга ёки уни йук килишга йуналган харакатларни содир этишдан ташкил топади.

Одамларни йук килиш деганда икки ёки ундан ортик шахсларнинг улимини тушуниш лозим.

Одамларнинг соглигига зарар етказиш деганда икки ёки ундан ортик шахсга уртача огир ёки огир тан жарохатини етказишни тушуниш лозим.

Мол-мулкка зиён етказиш – бу иктисодий жихатдан кайта тиклаш имконияти мавжуд булган моддий объектларни кисман ёки вақтинчалик яроксиз холга келтиришдир.

Мол-мукни йук килиш – бу моддий обектларни шундай холатга келтириш-ки, уларни кайта тиклаш имкони

булмаслиги ёки кайта тиклаш иктисодий жихатдан бефойда булгани холатидир.

Купорувчилик коида буйича ижтимоий хавфли усул билан, портлатиш, чуқтириш, ёкиб юбориш, оммавий захарлаш, эпидемия касалликларини таркатиш, эпизоотия (хайвонларга касаллик юктириш) ва бошка усуллар билан содир этилади. Купорувчиликни содир этиш усуллари жиноят квалификациясига таъсир этмайди.

Кишиларни нобуд килишга, уларнинг соглигига зарар етказишга, мол – мулкка зиён етказишга ёки уни йук килишга каратилган харакатларни содир этишдан бошлаб, давлат органлари фаолиятининг ёки ижтимоий-сиёсий шароитнинг мувозанати бузилганлиги ёки Узбекистон Республикаси иктисодиётининг кулашидан катъий назар купорувчилик жинояти тамомланган хисобланади. Одамлар улими, уларнинг соглигига зарар етиши мол-мулкларини вайрон килиш ёки йук килиш харакатлари куринишидаги окибатлар хам худди шундай купорувчиликни тамомланган жиноят деб топиш учун ахамият касб этмайди, лекин бу окибатлар жазони белгилашда суд томонидан инобатга олиниши мумкин.

Купорувчиликнинг субъектив томони айбнинг касд шакли билан тавсифланиб, давлат идоралари фаолиятини ёки ижтимоий – сиёсий вазиятни издан чиқариш ёки Узбекистон

Республикаси иктисодига путур етказиш максадидан иборат. Айбдор уз килмишларининг ижтимоий хавфли томонларини яхши тушунади ва уларни содир этишни истайди.

Агар айбдор шахс одамларни йук килиб ёки уларнинг соглигига зарар етказиб ёки мол-мукини вайрон килиб ёки йук килиб давлат идоралари фаолиятини ёки ижтимоий – сиёсий вазиятни издан чиқаришга, мамлакатнинг иктисодига путур этказишга харакат килмаса у холда айбдор шахсга карши ёхуд мол-мулкка карши жиноят буйича тегишли моддалар билан жавобгарликка тортилади.

Купорувчиликнинг сабаблари турлича булиши мумкин (касос, амалдаги Конституцион тизимга нафрат, гараз ва бошкалар) лекин содир этилган харакатнинг квалификациясига таъсир килмайди.

Ун олти ёшга тулган Узбекистон Республикаси фукарolari, чет эл фукарolari ёки фукаролиги булмаган шахслар купорувчилик субъекти булиши мумкин. Агар чет эл разведкаси ёллаган Узбекистон Республикаси фукароси купорувчиликни содир этганда, унинг харакатларини жиноятлар мажмуи: давлатга хоинлик килиш ва купорувчилик билан, яъни ЖК 157 – ва 161 – моддалари буйича квалификация килиш лозим.

Давлат сирларини ошкор килиш 162 – модда.

Жиноятнинг бевосита объекти Республиканинг харбий,

иктисодий, ташки сиёсий ва бошқа фаолиятидаги ҳаётий муҳим манфаатлари ҳисобланади.

Давлат сирларини ошкор қилишнинг асоси бўлиб давлат сирлари яъни давлат ҳарбий ёки хизмат сирларини ташкил қилувчи маълумотлар ҳисобланади.

«Давлат сирлари», «ҳарбий сирлар» ёки «хизмат сирларини» тушунчалари ҳақида ЖК нинг 157-моддаси шарҳига қаранг.

Давлат сирини ошкор қилиш деганда, шахсга унинг хизмати ва касбий фаолиятига қура ишониб топширилган ва маълум бўлган давлат сиридан иборат маълумотларни ҳуқуққа ҳилоф равишда ошкор этиш, бунинг оқибатида ушбу маълумотларнинг бошқалар мулкига айланиб қолишини тушуниш лозим.

Ошкор этиш ҳар қандай усулда содир этилиши мумкин: давлат сирларига унинг таркибига ваколатли бўлмаган шахсларга оғзаки ёки ёзма маълумот бериш. Бегона шахслар руйхати ҳам турлича бўлиши мумкин булар, қариндошлар, дустлар ёки давлат сирларига эга бўла олмайдиган бошқа шахслар бўлиши мумкин.

Давлат сирларини бировларга етказиш давлат сирини бўлган маълумотларни бегона кишига оғзаки ёки ёзма равишда билдириш, унга давлат сирлари мавжуд бўлган ҳужжатлар, материаллар ёки нашрларни топшириш, ҳар хил

максадларда ишлатиш учун ваколатли булмаган шахсга бериш ниятида бундай маълумотларни ёзув машинасида кайта чоп этиш ва х.к.з дан иборат.

Давлат сирларини ошкор этиш фаол ҳаракатлар йули билан содир этилиши мумкин (масалан махфий ҳужжатни намойиш қилиш, қуролланиш намуналарини уларнинг тактик-техник маълумотларини бегона шахслар олдида намойиш қилиш давлат сирларини лекцияларда, телевидение ёки радио орқали чиқишларда маълум қилиш ва бошқалар.)

Давлат сирини ошкор этиш ҳаракатсизлик шаклида давлат сирларини сақлаш қоидаларини бузиш, уларнинг сақланиши учун чора қурмасликда содир этилиши мумкин. Масалан, мансабдор шахс, уз ишхонасидан чиқа туриб, стол устида давлат сиридан иборат ҳужжатларни қолдириши ва булар оқибатида бу маълумотларни билишга рұхсати булмаган кишига маълум бўлиши мумкин ёки у бегона кишилар қулига тушиши мумкин бўлган давлат сирини мавжуд бўлган нусха олиш қозонидаги матнни йўқ қилиш учун зарур чораларни қурмаслиги мумкин.

Қурилатган жиноятнинг таркиби учун давлат сирлари бегона шахсларнинг нечтасига маълум бўлгани аҳамиятсиздир. Бирок жазо белгиланаётганда бу нарса суд томонидан инобатга олиниши лозим. Давлат сирлари билан бунга ҳуқуқи булмаган шахсларни қўпчилигини танишиши

Узбекистон Республикаси манфаатлари учун юкори даражада хавф тугдириши мумкин.

Давлат сирларини етказиш тушунчаси курилаётган модда мазмунида бизнинг фикримизча давлат сирларини фош килиш тушунчасига ухшаш булиб тегишли маълумотларни бегона шахсга хар кандай усулда маълум килишдан иборатдир.

Давлат сирини ошкор килиш мазкур сирнинг бошкаларга ошкор этилиши билан тамомланган деб топилади. Давлат сирларини ошкор этиш тахдиди вужудга келганида ушбу жиноятнинг таркиби йукка чикади. Масалан шахс давлат сирлари билан ишлаш коидаларини бузган холда иш тугуагандан сунг махфий хужжатларни сейфга солмасдан, иш столининг устида колдиради ва фаррош хам хонани тозалаётганида буларга эътибор бермайди. Бундай холларда шахснинг давлат сирлари билан ишлаш тартиб-коидаларини бузишда айбдорга нисбатан иш фаолияти масъулияти буйича жавобгарликка тортиш лозим.

Давлат сирини била туриб ошкор килиш айбдорнинг давлат сирдан иборат маълумотларни онгли равишда ошкор этишни ва унинг мазкур маълумотларни бошкаларга маълум булишини истагани (тугри касд) ни таказо килади. Бундай жиноятнинг турли касд шаклидаги мисоли учун мудофаа корхонасининг мансабдор шахси уз таниши олдида давлат

сирини билиши билан мактаниши учун унга мазкур сирларни ошкор килишидир.

Давлат сирини ошкор килиш эгри касд билан хам содир этилиши мумкин. Бундай холларда шахс давлат сирини булган маълумотларни бошкаларга ошкор этишни хохламасдан, мазкур хатоликка йул куюди. Чунончи, муассаса ходими унинг хонасига келувчиларни кабул килатуриб уз столи устидаги сирли хужжатлардаги маълумотлар бошкаларга хам ошкор булишини англайди, лекин у бунга эътиборсизлик билан карайди.

Жиноятнинг сабаби ва мақсади турлича булиши мумкин. Масалан мактаниш, узининг хабардорлигини, мухим шахслигини курсатиш истаги ва бошкалар. Жиноятнинг квалификациясга булар тасир килмайди

ЖК 162 – моддаси диспозициясида курсатилганидек, шархланаётган жиноятнинг субъекти узларини хизмат ёки касбий фаолият – сохасига кура давлат сирлари ишониб топширилган ёки хабардор шахслар булиши мумкин, яъни жиноятни субъекти – махсус.

Агар давлат сирларини иш фаолияти билан боглик булмаган холда маълум булган шахс ошкор этса бу шахс берилган жиноятнинг субъекти була олмайди.

ЖК нинг 162 – моддаси 2 – кисмида давлат сирларини ошкор этиш натижасида огир окибатлар келиб чикканлиги

учун жавобгарлик назарда тутилган.

Давлат сирларини ошкор этиш натижасида огир окибатлар келиб чиқиши деганда тегишли маълумот хорижий давлат, хорижий ташкилот ёки уларнинг агентлиги мулкига айланса ёхуд Ўзбекистон Республикаси суверенитетига худудий мустақиллигига, хафсизлигига, мудофаа қобилиятига, иқтисодётига зарар етишини тушуниш лозим.

Давлат сирларини ошкор этишни давлат сирларини сотишдан фарқлаш лозим. Давлат сирларини ошкор этишда айбдор давлатга хоинлик қилишга асосланган махсус мақсадни кузламайди ва Ўзбекистон Республикаси суверенитетига худудий мустақиллигига, хафсизлигига, мудофаа қобилиятига, иқтисодётига зарар етказишни қасд қилмайди.

§7 Давлат сирини ёки харбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йуқотиш (ЖКнинг 163-моддаси).

Давлат сирини ёки харбий сирга эга бўлган ҳужжатлар, буюмлар ва моддалар билан ишлаш ва сақлаш қоидаларига қатъий риоя қилиш барча ишониб топширилганлар учун асосий қонун бўлиши зарур. Ҳужжатлар, буюмлар, моддаларни сақлаш, қупайтириш ва жунатишда озгина тартиббузарликнинг узиёқ уларни йуқолишига олиб қелиши

мумкин. Кайд этилган давлат ёки харбий сирларнинг хар бири бегоналарнинг кулига тушиб, Узбекистон Республикаси мудофаа салохиятига ва ташки хавфсизлигига зарар келтириши учун ишлатилиши мумкин.

ЖКнинг 163-моддасида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти булиб Узбекистон Республикасининг харбий, иктисодий , ташкисий ва бошка фаолиятлардаги хаётий зарур манфаатлари хизмат килади.

Берилган жиноятнинг асоси факатгина давлат ёки харбий сирни ташкил этувчи хужжатлар, буюмлар ёки ашёлар, маълумотлар булиши мумкин.

Хужжат узида моддада мухрланган, идентификация килиш мумкин булган реквизитлар билан маълумотларни ташкил килади.

Давлат ёки харбий сирни ташкил килувчи хужжат бу тегишли маълумотни ташкил килувчи модда булиб, сирлилик белгисига ва маълум реквизитларга эга булади. Бундай хужжатларга турли усул билан ишланган (кулёзма, ёзув машинасида, нашриётда, ЭВМ мосламасида) давлат ёки харбий сирларни ташкил килувчи матнли, ёки чизма материаллар (маълумотномалар, режалар, буйруклар, хисоботлар, нашриёт хариталари, чизмалар, фото ва кино пленкада мухрланган маълумотлар ва бошкалар) киради.

Давлат ёки харбий сирни ташкил этувчи

маълумотларнинг асосини турли буюмлар, намуналар ёки материаллар, яъни нафақат сирли маълумотни моддий манбааси, балки давлат ёки харбий сиринг моддий куриниши булиб хизмат килувчи моддий дунёнинг буюмлари ташкил килади. Бундай буюмларга масалан, куролланишнинг ҳамда техниканинг алохида ёпик моделлари ёки намуналари, шифрлар ва кодлар кириши мумкин.

Давлат ёки харбий сирларни ташкил килувчи маълумотлар, ашёлар турли куринишдаги буюмлар, давлат ёки харбий сирларни ташкил килувчи маълумотлар асоси булган материяни сифатли намоён булиши тушунилади. Булар ҳам турли хилдаги портлатиш моддалари, ҳам бошка органик ашёлар булиши мумкин.

ЖКнинг 163-моддаси 1-кисмида назарда тугилган жинойт объектив томондан давлат ёки харбий сирларни ташкил килувчи хужжатларни, буюмларни ёки ашёларни йукотиш холатлар, агар йукотиш курсатилган хужжатлар, буюмлар ёки ашёлар билан муносабат коидаларини бузиш натижасида руй берган булса ташкил килади.

Йукотиш деб давлат ёки харбий сирларни ташкил килувчи хужжатларни, буюмларни ёки ашёларни конуний эгасидан яни бу сирларни олиб юрувчисидан хужжатлар, буюмлар ёки ашёлар билан муносабат коидаларини бузиш натижасида ташкарига чикиши тушунилади.

Курилаётган жиноятнинг объектив томони учун зарурий белги булиб, хужжатлар, буюмлар ёки ашёлар билан муносабат коидаларини бузиш ва бегона шахсларни улар билан танишиши хавфининг тугилиши хисобланади.

Буюмлар хужжатлар ёки ашёлар билан муносабат коидаларини бузиш муомала тартиби (кабул килиш ишлаш, саклаш, етказиш ва шу кабилар) хакидаги меъёрий - ҳукукий актга риоя қилмасликда намоён булади. Булар хужжатлар сакланадиган сейфни ёпмаслик, бундай хужжат, буюм ёки ашё билан уйда ёки бошқа белгиланмаган жойда ишлашдир.

Хужжатлар (буюмлар ёки ашёлар) доимий сакланиш жойидан топилмаганида ёки конунан топширилган шахсда ҳам булмаганида эгаликдан чиққан деб хисобланади.

Агар курсатилган буюмлар билан муомала коидалари бузилмаган бўлса, лекин шундай бўлса ҳам хужжатнинг йуқолиши руй берган бўлса жиноятнинг таркиби бундан мустаснодир. Масалан ишдан сунг давлат сирлари билан ишлайдиган масъул шахс хужжатлар билан муносабатни бузмаган холда хужжатларни сейфга солиб, ёпиб, саклашга топширган бўлса ҳам уларнинг йуқолиши содир этилган бўлса у холда жиноятни таркиби мустаснодир.

Давлат сирларини йуқотиш холати жиноий жазоланиш учун, йуқотиш натижасида давлат ёки харбий сирлардан бегона шахсларнинг хабардор булиши хавфи тугилиши

лозим. Шу муносабат билан давлат ёки харбий сирни ташкил килувчи хужжатни йук килиш (масалан ёкиб юбориш) холати бегона шахсларнинг ундан хабардор була олмаслиги сабабли йукотиш холатини ташкил килмайди. Агар тегишли хужжатни, буюмни, ашёни йук килиниши эхтётсизлик натижасида содр этилган булса (масалан ахлат билан бирга ёкиб юборилган булса) у холда агар айбдор лавозимли шахс булган булса мансабга совукконлик (ЖК 207-моддаси) буйича курилиши мумкин.

Давлат ёки харбий сирларни ташкил килувчи хужжатларни йукотиш бу давлат сирларини кайтарилмайдиган холда йукатишдир худди шундай бегона шахсларнинг улар билан танишиш хавфи булган холатда давлат сирларига ваколоти булган шахснинг хукукий эгалигидан озгина булса хам вақтга чикишидир.

ЖК нинг 163-моддаси 1-кисмида назарда тугилган жиноят модданинг диспозициясида курсатилган хужжатлар буюмлар ёки ашёларни хизмат ёки касбий фаолият тақозоси билан ишониб топширилган шахснинг конуний эгалигидан чиккани ва у билан бегона шахсларнинг танишиш хавфи вужудга келган вақтидан бошлаб томонланган хисобланади.

ЖК нинг 163-моддаси 1-кисмида назарда тугилган жиноятнинг субъектив томони эхтётсизлик, жиной

бепарволик ёки жиноий узбошимчалик билан тавсифланади. Албатта, давлат ёки харбий сирга эга хужжатлар. Буюмлар ёки моддалар ишониб топширилган шахс тасарруфидан касддан содир этилган фаолият натижасида чикиб колиши мумкин. Бу, масалан, била туриб, бегона шахсга давлат сирига эга хужжатни ёки буюмни топширишдир. Бирок, бундай холатлар хужжатларни йукотиш эмас, балки давлат сирини ошкор килиш сифатида бахоланади.

Хар кандай акли расо, жисмоний соғлом, 16 ёшга етган, давлат сирини ёки харбий сирга эга хужжатлар, буюмлар ёки моддалар ишониб топширилган шахс, яъни махсус субъект жиноят субъекти булиши мумкин. Агар шахс бундай материаллар учун жавобгар булса-ю, уларни белгиланган коидаларга хилоф равишда бегона кишига вақтинча саклаш учун топширса, натижада бегона шахс уни йукотса, ушбу материалларни ҳуқуққа хилоф равишда бериб куйган шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

ЖК нинг 163 – моддаси 2 – қисмида давлат ёки харбий сирини йуқолиши оғир оқибатларни келиб чиқишига сабаб булган холга жавобгарлик назарда тутилган.

Кандай оқибатларни оғир оқибат деб топиш масаласи барча холатларни инобатга олган холда алоҳида хал этилган. Тергов ва суд амалиёти бундай оғир оқибатлар сифатида ута муҳим материалларнинг тасарруфидан чиқиш, уларни бегона

шахслар ёки чет эл махсус хизматлари кулига тушиши, давлат ёки харбий сирга эга хужжатлар, буюмлар ёки моддалардан Ўзбекистон Республикасига зиён етказиш мақсадида фойдаланиш кабиларни тан олади.

ЖК нинг 163-моддаси 2-кисмида назарда тутилган жинойт давлат ёки харбий сирларни ташкил килувчи хужжатлар ёки маълумотларни йуколиши натижасида огир окибатлар келиб чиккан вақтидан бошлаб тамомланган хисобланади.

Мавзуга оид якуний саволлар

«Ўзбекистон Республикасига карши жинойтлар»

1. Давлатга хоинлик нимадан иборат? Ушбу жинойтни содир этганда жавобгарликдан ва жазодан озод этиш шартлари кандай?

2. Жосусликни давлатга хоинлик сифатида квалификация килишнинг хусусиятларини айтинг ва тушунча беринг?

3. ЖК да давлатга хиёнатнинг кандай куринишлари назарда тутилган?

4. Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз килиш нимада намоён булади?

5. Ўзбекистон Республикаси Конституцион тизимига тажовуз килиш нимадан иборат? Ушбу жиноятни содир этганда жавобгарликдан ва жазодан озод этиш шартлари қандай?

6. Жосуликка тушунча беринг ва унинг зарурий белгиларини айтинг?

7. Жосуликни содир этганда жавобгарликдан ва жазодан озод этиш шартлари қандай?

8. Қайси белгиларга кура жосулик давлатга хоинлик килишдан фаркланади?

9. Купорувчилик қуринишлари ва тушунчасини айтинг? Берилган жиноят квалификациясининг хусусиятларини курсатинг?

10. Давлат сирларини ошкор этиш ва давлатга килиш нимаси билан фаркланади?

11. Давлат сирларининг қандай қуринишлари мавжуд?

12. Давлат сирларини ошкор этишнинг усуллари қандай?

13. Давлат сирларини ошкор этганлик учун жиноий жавобгарликнинг хусусиятларини очиб беринг.

14. Давлат сирларини фош этишнинг давлат ёки харбий сирларни ташкил этувчи хужжатларни йукотишдан фарқи нимада?

15. Давлат ёки харбий сирларни ташкил этувчи хужжатларни йукотганлик учун жиноий жавобгарликнинг шартларини айтинг?

16. ЖК нинг 163 – моддаси 2 – қисми (Давлат ёки харбий сирларни ташкил этувчи хужжатларни йукотиш)га кура оғир оқибатларни келиб чиқиши деганда нимани тушунаси?

I БОБ. Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш

1-§. Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш тушунчаси ва турлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади.

Мулк дахлсиздир ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади, унга қилинган ҳар қандай тажовуз қонунга хилоф деб ҳисобланади.

Талон-торож қилиш ўзгалар мулкини ўз фойдаси, бошқа шахслар фойдасига қонунга хилоф тарзда ва бепул ўзига қаратиб олишдир.

Талон-торож қилиш тушунчаси босқинчилик, талончилик, ўғрилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик каби мулкка қарши жиноятлар гуруҳига тааллуқлидир.

Талон-торож қилишнинг объекти ўзгалар мулкидир.

Мулк – мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича мулк эгаси ва жамиятнинг бошқа аъзолари (мулкдор бўлмаганлар) ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатдир.

ЎзР Фуқаролик кодексининг 167-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида мулкнинг хусусий ва оммавий шакллари мавжуд. Фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва бошқа нодавлат шахслар хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланадилар.

Ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар, республика давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин захираси, давлатнинг валюта ва бошқа фондлари республика мулкидир, шунингдек корхоналар ва бошқа моддий бойликка эга бўлган комплекслар, ўқув,

илмий, илмий тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, давлатнинг бюджет маблағлари ва бошқа маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган интеллектуал фаолият натижалари, бошқа мол-мулклар ҳам республика мулки бўлиши мумкин (ЎЗР ФК 214-моддаси).

Моддий ёки маънавий қимматга эга бўлган ашёлар, яъни инсон меҳнати сарфланган ашёлар талон-торожнинг предмети бўлиши мумкин.

Республика мулки ва маъмурий ҳудудий тузилмалар мулки (муниципал мулк)дан иборат бўлган давлат мулки оммавий мулкдир.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фондлари ва коммунал хўжалик корхоналари ва бошқа мулкрий комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек бошқа мол-мулклар муниципал мулк ҳисобланади

ЖКнинг X бобида назарда тутилган «Ўзгалар мулкини талон-торож қилишнинг» махсус объекти фуқаролик ҳуқуқининг мулк ҳуқуқи институти доирасига кирувчи шахснинг ўз мулкига эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф этиши билан боғлиқ мулкрий муносабатлар ҳисобланади. мулкрий муносабатлар доирасига шунингдек, мол-мулкни қонунга мувофиқ қўлга киритиш ҳуқуқини ҳам киритиш лозим.

Талон-торож қилишнинг предмети, инсон меҳнати сингмаган бўлса ҳам, моддий ва маънавий қимматга эга, яъни истеъмол қийматига эга предметлар, кўчар ва кўчмас мулклар шунингдек, уй ҳайвонлари бўлиши мумкин.

Талон-торож қилиш предмети моддий борлиқ предмети сингари аниқ хусусиятларга, белгиларга (оғирлиги, сифати, ҳажми ва ҳоказоларга) эга бўлиши керак. Шу муносабат билан электр иссиқлик энергияси, газ, сув, қувирлари талон-торож қилиш жинойтларининг предмети бўлиши мумкин эмас. Бироқ бундай ҳаракатлар бошқа жинойт таркибини:

Алдаш ёки ишончли суиистеъмом қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш (ЖК 170-моддаси) ёки Электр, иссиқлик энергияси, газ, сув қуврлардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (1852-моддаси) жиноятларида айбли бўлиши мумкин. Шунингдек, интеллектуал меҳнатни ўзлаштириш (плагиат) талон-торож қилишнинг предмети бўла олмайди, бундай ҳаракатлар муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш (ЖК 149-моддаси) жинояти таркибини ташкил қилади.

Талон-торож қилишнинг предмети бўлиб фақатгина инсон меҳнати синган ва маълум иқтисодий қийматга эга бўлган мол-мулк, нарсалар бўлиши мумкин.

Мол-мулкнинг қиймати деганда одатда унинг пул билан ўлчанган нархи тушунилади. Шунинг учун, пул, пул бирликлари, муомала алмашинуви эквиваленти бўлган қимматли қоғозлар талон-торожнинг предмети бўлиши мумкин.

Маълум бир қийматга эга бўлмаган нарсалар, масалан, шахсий ёзишмалар, шахсий кундалик, кимнидир фотографияси талон-торож предмети бўлиши мумкин эмас. Бу ерда аукцион савдосига қўйилган ва олди сотди қилиш мумкин бўлган машҳур шахсларнинг расмлари (айниқса автограф қўйилган), шахсий кундалиги, хат ёзишмалари истисно этувчи ҳолатлардан бири саналади.

Ўз хўжалик қийматини йўқотган нарса буюмлар ёки инсон меҳнати синмаган табиат объектлари талон-торож қилиш предмети ҳисобланмайди. Иккинчи ҳолат ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан экология соҳасидаги жиноятларни фарқлаш имкониятини яратади.

Давлат мулкнинг объектлари бўлган – ер, ер ости бойликлари, ўрмонлар талон-торожнинг предмети бўлиши мумкин эмас. Бироқ, ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш қоидалари бузилганда, айбдор ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш учун жавобгарлик белгиланган ЖК 197-моддасига кўра жазоланади.

Агар ўрмонга шикаст етказилган бўлса, айбдорнинг қилмиши – экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказганлик, уларни нобуд қилганлик учун жавобгарлик белгиланган ЖКнинг 198-моддаси билан квалификация қилинади. Ов қилиш, балиқ тутиш қоидаларини ёки ҳайвонларнинг бошқа турларини ушлаш қоидаларини бузиш, ноёб ҳайвонларни тутиш ёхуд дори-дармон, озиқ-овқат ва манзарали ўсимлик турларини йиғиш ёки тайёрлаш тўғрисидаги белгиланган тартиб ёки шартлар бузилганда, айбдор шахснинг ҳаракатлари ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш, деб топилади ЎзР ЖК 202-моддасига кўра жавобгарликни вужудга келтиради.

Шу объектларга тажовуз қилиш талон-торож қилишдан фарқланади, чунки фақат инсон меҳнати сарфланган, алмашув қийматига, яъни моддий қимматига эга бўлган мол-мулккина талон-торожнинг предмети бўлиши мумкин. Масалан, тайёрлаб қўйилган ёғочни ўғрилаш, қўриқхонада ўстирилган ҳайвонларни талон-торож қилиш, махсус мослаштирилган ҳовузларда етиштирилган балиқларни тутиш, балиқчилик хўжаликлари овлаган балиқларни эгаллаб олиш талон-торож қилиш тариқасида квалификация қилинади.

Яна бошқа бир мисол олиб кўрайлик. Қимматбаҳо металллар ёки тошларни ўзбошимчалик билан қазиб олиш талон-торож қилиш ҳисобланмайди, балки қимматбаҳо металллар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш (ЎзР ЖК 185-моддасида) назарда тутилган мустақил жиноят ҳисобланади. Агар қимматбаҳо металллар ёки тошлар уларни қазиб олувчи корхоналарнинг ҳудудидан топиб олинган бўлса, бундай ҳаракатлар ҳам талон-торож сифатида квалификация қилиниши лозим. Бундай корхоналарнинг ҳудуди, қазилган ишлари олиб борилаётган майдон, тайёрланган майдончалар, хандақлар, яъни қимматбаҳо металллар ёки тошларни қазиб олиш, улар бор

жойларда қидирув ишларини олиб бориш учун тайёрланган жойлар корхоналарнинг худуди деб қаралади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, талон-тарожнинг предмети кўчар ва кўчмас мулклар бўлиши мумкин. Уй, квартира, ер участкаси ва бошқалар ўз объектив хусусиятларига кўра яширин равишда ўғирлаб кетиш мумкин бўлмаган мол-мулклар саналсада, улар алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан (фирибгарлик) ёхуд зўрлик ишлатиш билан тахдид қилиш орқали (товламачилик) талон-тарож қилиниши мумкин.

Пул бирлиги талон-тарожнинг предмети бўлиб қимматли қоғозлар ҳам ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 96-моддасига мувофиқ, мулкӣ ҳуқуқлар белгиланган шаклда ва зарурий реквизитларга расмийлаштирилган ва мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар қимматли қоғозлар ҳисобланади ва улар тақдим этилган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин.

Облигациялар, векселлар, чеклар, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, акциялар ва қонунда қимматли қоғозлар, деб белгиланган қоғозлар қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Тақдим қилувчига пул бериладиган қимматли қоғозларгина талон-торожнинг предмети бўлиши мумкин. Тақдим қилувчига пул берилмайдиган қимматли қоғозлар талон-торож предмети бўла олмайди, чунки улар айбдорга қимматли қоғозда мавжуд бўлган мулкӣ ҳуқуқни олиш имкониятини бермайди.

Лотерея билетлари, почта маркалари, открыткалар, конвертлар, ёнилғи-мойлаш материаллари учун талонлар, метрода юриш жетонлари ҳам талон-тарожнинг предмети бўлиши мумкин. Бироқ поезд, самолёт чипталари талон-торож қилиш предмети бўла олмайди. Чунки улар ўзича

моддий бойлик ҳисобланмайди, қўшимча ҳужжатлар (масалан, паспорт) тақдим этилгандагина моддий бойликка айланиши мумкин.

Шунга ўхшаш ашёларни эгаллаб олиш, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яширганлик ЖК 227-моддаси билан квалификация қилинади. Агар шахс шу ҳужжатлардан фойдаланишга қасд қилган бўлса, унинг қилмиши жиноятлар жамига кўра алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказишга (ЎзР ЖК 170-моддаси) тайёргарлик кўриш, деб ҳисобланади.

Талон-тарожнинг предмети бўлиб, фақатгина муомаладаги эгасидан махсус рухсатнома талб қилмайдиган мол-мулклар ва нарсалар бўлиши мумкин. Агар жиноят предмети алоҳида турдаги муомаладан чиқарилган мулк (масалан: наркотик моддалар, ўқ отар қуроллар, портловчи моддалар, кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддалар ва ҳо-казолар) бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари талон-торож қилиш эмас, балки махсус жиноятлар таркиби (ЖКнинг, “Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар” (XVII) боби таркибидаги махсус моддалар) билан квалификация қилиниши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкинки, талон-тарожнинг предмети фақатгина эгалланаётган мулкка нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқи бўлмаган айбдор шахс томонидан ўзганинг мулки эгалланишидир.

Шахс мол-мулкка эгалик ҳуқуқига эга бўла туриб, белгиланган тартибни бузиб уни қўлга киритган ҳолларда, талон-торожнинг таркиби мавжуд бўлмайди. Унинг ҳаракатлари бошқа жиноят – ўзбошимчалик (ЎзР ЖК 229-моддаси) деб ҳисобланиши мумкин. Шунингдек, умумий улушдаги шахснинг шерикчилик асосидаги мулкни ноқонуний эгаллашида ҳам талон-торож қилиш белгилари мавжуд бўлмайди.

Тасодифий равишда топиб олинган мол-мулк

(топилма) талон-торожнинг предмети бўлиши мумкин эмас. ФК 192-моддасига мувофиқ, йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган ёки эгалик ҳуқуқига эга бўлган, ўзига маълум шахсларган дарҳол хабар бериши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт.

Агар ашё бино ичида ёки транспортда топилган бўлса, у шу бинонинг ёки транспорт воситасининг эгасига топширилиши лозим. Топилма топширилган шахс уни топиб олган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили маълум бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт.

Ашёни топиб олган шахс уни ўзида сақлаб туришга ёки сақлаш учун милиция ёки тегишли давлат органи ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ё улар кўрсатган шахсга топширишга ҳақлидир.

Хазина ҳам талон-торож қилиш жиноятининг предмети бўлиши мумкин эмас.

Хазина – ерга кўмилган ёки бошқа усулларда яширилган пул ёки қимматбаҳо нарсалар. Уларнинг эгасини аниқлаш мавжуд бўлмади ёки у қонунга мувофиқ равишда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини йўқотган бўлади ва бу мулк хазина яширилган жой (ер майдони, уй-жой ва ҳ.к.) эгасининг эгалигига ўтади.

Хазинага бўлган мулк ҳуқуқини тартибга солишга оид масалалар фуқаролик ҳуқуқий нормаларга асосланиб ҳал қилинади. Хазина, ушбу хазина топилган жой (ер участкаси, қурилиш ва шу кабилар) эгаси бўлган шахс ёки уни топган шахс мулкига, агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тенг улушларда ўтади.

Объектив томондан талон-торож ўзганинг мол-

мулкини ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига гайриқонуний равишда, бепул тортиб олишда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида талон-торож қандай усулда содир этилганига қараб унинг учун жавобгарлик дифференциация қилинган.

Жиноят кодексида талон-торожнинг қуйидаги шакллари назарда тутилган:

- 1) босқинчилик (ЎЗР ЖК 164-моддаси);
- 2) товламачилик (ЎЗР ЖК 165-моддаси);
- 3) талончилик (ЎЗР ЖК 166-моддаси);
- 4) ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЎЗР 167-моддаси);
- 5) фирибгарлик (ЎЗР ЖК 168-моддаси);
- 6) ўғрилик (ЎЗР ЖК 169-моддаси).

Қонунга хилофлик ҳар қандай талон-торожнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Қонунга хилофлик деганда, айбдор шахс томонидан бунга ҳеч қандай ҳуқуқи бўлмай туриб, ўзганинг мол-мулкини тортиб олиш тушунилади.

Талон тарожнинг мазкур белгиси нафақат қонун билан тақиқланган жиноят содир этишнингусулини (объектив ҳуқуққа хилофликни), шу билан бирга айбдорнинг мазкур мол-мулкка нисбатан мулкый ҳуқуқларини (субъектив ҳуқуққа хилофлиликни) ҳам мавжуд эмаслигини англатади. Шахс мол-мулкка эгалик ҳуқуқига эга бўла туриб, белгиланган тартибни бузиб, талон – тарожнинг бирор бир усули асосида уни қўлга киритган ҳолларда ҳам талон-торожнинг таркиби мавжуд бўлмайди. Юқорида айтиб ўтилгандек, унинг ҳаракатлари бошқа жиноят – ўзбошимчалик (ЎЗР ЖК 229-моддаси) деб ҳисобланиши мумкин.

Талон-тарожнинг иккинчи зарурий белгиси ҳақини тўламасдан (текинга олиш) олинганлиги.

Мулк, ашёнинг ҳақини тўламаслик (текинга олиш) талон-торож қилинган мол-мулк эвазига муайян эквивалент

бермасдан ўзганинг мол-мулкининг тортиб олинишини билдиради.

Агар шахс талон-торож қилиш вақтида талон-торож қилинган мулк ўрнига талон-торож қилинган мулк қийматини, нархини тўлиқ қоплаган бўлса, жиноят таркиби мавжуд бўлмайди. Бу ҳаракатлар натижасида мулкий зарар етказилмайди.

Шуни назарда тутиш лозимки, шахсни ўзганинг мулкини талон-торож қилишда айбдор деб топиш учун, ушбу мулкни айбдор ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига ўтганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи муайян далилларни аниқлаш лозим бўлади. Шунинг учун моддий қимматликлар камомади фактининг ўзи, агар унинг сабаблари тергов ва суд томонидан аниқланмаган бўлса, шахсни талон-торож қилишда айблагга асос бўла олмайди.

Ўзганинг мулкини талон-торож қилишнинг тугалланган вақти талон-торож қилишнинг шаклига боғлиқ бўлади. Кўп ҳолларда талон-торож қилиш айбдор ўзганинг мулкини эгаллаган ва ушбу талон-торож қилинган мулкни ўзининг хоҳишича ҳақиқий тасарруф этиш (сотиш, алмаштириш, яшириш ва ҳоказо) имконияти пайдо бўлган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Шунинг учун, агар айбдор ўзганинг мол-мулкини қўлга киритган бўлса-ю, бироқ ҳали уни ўз мулки сифатида тасарруф этиш имкониятига эга бўлмаса, қилмиш талон-торож қилишга суиқасд тариқасида квалификация қилиниши лозим. Босқинчилик ва товламачилик ҳоллари бундан мустасно бўлиб, бу жиноятларнинг тугалланиш вақти бошқа тартибда ҳал қилиниб, бу ҳақда қуйида маълумот бериб ўтамиз.

Субъектив томондан **талон-торож ғараз мақсадларда тўғри қасд билан содир этилади.**

Жиноятнинг субъекти ўз ҳаракатларини ноқонунийлигини англайди, ўзгалар мулкини текинга қўлга киритишни хоҳлайди ва истайди. Бу ҳолатда жиноят содир этган шахснинг талон-торож қилинаётган мулкни эгаси ҳақидаги

нотуғри тасаввури квалификацияга таъсир қилмайди.

Ғаразғўйлик талон-торож қилишнинг зарурий белгиси ҳисобланиб, бу айбдорнинг ўзи учун ёки бошқа шахслар учун моддий манфаат ундиришга бўлган уруниши.

Бу ҳолатда беғаразғўйлик мақсадида масалан, ўзганинг мулкини келгусида қайтариб бериш мақсадида вақтинча фойдаланиш ёки фараз қилинган ҳуқуқлар доирасида ўзганинг мол-мулкини эгаллашга қаратилган ижтимоий хавфли қилмишлар ўғрилиқ ёки талончилик жинояти таркибини ташкил этмайди. Бундай ҳаракатлар иш ҳолатларига кўра ўзбошимчалиқ (ЖК 229-модда) ёки бошқа ЖКнинг Махсус қисм моддалари билан квалификация қилиниши мумкин.

Жиноятнинг субъекти ЖКнинг 17-моддасида белгиланган ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо шахс ҳисобланади. Жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган жиноят содир этишнинг ёши турли шаклдаги талон-торож жиноятлари учун бир хил эмас.

§ 2. Босқинчилик (ЖК 164 –модда)

Босқинчилик ўзганинг мол-мулкига қарши қаратилган энг хавфли жиноятлардан бири бўлиб, уни содир этганлик учун жавобгарлик ЖК 164-моддасида назарда тутилган.

Босқинчиликнинг ўта ижтимоий хавфлилиги, аввало, шу билан боғлиқки, бу жиноят содир этилганида жабрланувчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғига ҳам зиён етказилади ёхуд бундай зиён етказилиши учун реал хавф вужудга келади ва ўзганинг мол-мулки эгаллаб олинади.

Босқинчиликнинг бевосита объекти ўзганинг мол-мулкини муҳофаза қилишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар. Бевосита кўшимча объекти сифатида эса фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар намоён бўлади.

Объектив томондан **босқинчилик ўзганинг мол-мулкини**

талон-торож қилиш мақсадида шу мулкнинг эгалланишига қаршилик кўрсатган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган жисмоний зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб ҳужум қилишда ифодаланади.

Босқинчилик содир этишдаги ҳужум қонунга хилоф равишда очикдан – очик ёки яширин равишда тўсатдан жабрланувчининг шахсан ўзига, мулкдорга, мол-мулкга қонуний равишда эгаллик қилувчи мулк эгасига, шунингдек, талон-торож қилишга қаршилик кўрсатаётган бошқа учинчи шахсларга қаратилган бўлиши унинг иродасига зўрлик ишлатиб ғайриқонуний таъсир кўрсатишда ифодаланади.

Аксарият ҳолларда, босқинчилик вақтида шахсга очикдан-очик ҳужум қилинади, баъзан эса жабрланувчига сездирмасдан яширинча (масалан, орқадан ўқ узиб, панадан пичоқ уриб) содир этилиши ҳам мумкин. Ҳужум жабрланувчига нисбатан захарловчи ёки нерв-паларилиж қилишга қаратилган воситалар ва моддалар орқали очикдан очик ёки яширин равишда содир этилиши мумкин.

Босқинчиликда ишлатиладиган зўрлик жисмоний ёки рухий бўлиши мумкин. Одатда, босқинчиликда зўрлик ишлатиш ҳужум билан айна бир вақтда содир бўлади, аммо бевосита ҳужумдан кейин куч ишлатилиши ҳоллари ҳам учрайди. Ҳужумга бир шахс дучор этилиб, мол-мулкни эгаллашга тўсқинлик қилмоқчи бўлган бошқа шахсга нисбатан зўрлик ишлатилган ҳоллар ҳам учрайди.

Ҳаёт учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш деганда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорига кўра “унинг ишлатилиши жабрланувчининг ҳаёти учун аниқ бўлган хавфни вужудга келтирувчи ҳолатни тушуниш лозим” (масалан, жабрланувчини бўғиш, бошини сув остида ушлаб туриш ва ҳоказо) тушунилади. (Ҳаёт учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш- М.Ҳ.Рустамбоев)

Соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчига соғлиғининг бузилишига сабаб бўлган тан жароҳати етказиш ёки шундай тан жароҳатини етказиш

хавфини туғдирувчи ҳаракатлар (чаккага, қуёш ўралмасига (солнечное сплетение) уриш ва ҳоказолар) тушунилади”.

ЖК 164-модда 1-қисми ўзганинг мол-мулкани талон-торож қилиш мақсадида шу мулкнинг эгалланишига қаршилик кўрсатган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган ҳужум учун жавобгарлик ўрнатган.

Қонун зўрлик ишлатишни босқинчиликнинг белгиси сифатида уни умумий ҳолда “ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли” деб белгилайди. Бироқ жабрланувчининг унга зўрлик ишлатиши натижасида ўлими келиб чиқса, босқинчилик жиноятининг таркибига кирмайди, шунинг учун ҳам бу белги фақатгина қасддан баданга шикаст етказишнигина қамраб олади. Босқинчилик жараёнида баданга оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик ЖК 164-моддаси 3-қисмида назарда тутилган. Шунингдек, содир этилган жиноят ЖК 164-моддасининг 1-қисми, жабрланувчи соғлиғига ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 105-моддаси) ёки енгил шикаст етказиш (ЖК 109-моддаси 2-қисми) оқибатларини ҳам қамраб олади.

Алдаш йўли билан танасига кучли таъсир кўрсатувчи, захарли, ухлатадиган ёки бошқа қарахт қиладиган моддалар жабрланувчига берилганида, қилмиш қандай квалификация қилинади, деган савол туғилиши табиий. Албатта, агар бундай моддаларнинг берилиши жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирган бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини ЎЗР ЖК 164-моддаси билан квалификация қилиш зарур.

Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирувчи кучли таъсир қилувчи, захарли, ухлатадиган (масалан, кучли спиртли ичимликлар билан бирга клофелинни қўшиб бериш) ва бошқа қарахт қиладиган воситаларни бериш орқали уни хушсиз аҳволга келтириб мулкани талон-торож қилиш ҳам босқинчилик деб ҳисобланиши лозим.

Агар қонунга хилоф равишда ўзганинг мол-мулкни эгаллаш жараёнида жабрланувчи қонунга хилоф равишда зўрлик ҳаракатлари натижасида озодликдан маҳрум қилинса, бу ҳаракатларни босқинчилик ёки талончилик сифатида баҳолашда амалга оширилган зўрлик ҳаракатларининг шахс ҳаёти ва соғлиғига етказиши мумкин бўлган зарари, шунингдек бу каби ҳаракатлар натижасида юз берган ёки юз бериши мумкин бўлган оқибатларнинг хавфлилик даражаси ва хусусиятлари инобатга олиниши лозим.

Босқинчилик ишлатиладиган зўрлик жабрланувчидан тортиб олинган мол-мулкни эгаллаш ёки ўзида сақлаб қолиш усули ҳисобланади.

Босқинчиликни квалификация қилиш учун айбдор томонидан зўрликнинг мол-мулк эгаси ёки уни қўриқлаётган шахс ёхуд мулк тасарруфида бўлган шахс ёхуд ўзганинг мулкни эгаллашга тўсқинлик қилган шахсларга нисбатан ишлатилганлигининг аҳамияти йўқ.

Ўзганинг мол-мулкни эгаллаш ёки сақлаб қолиш мақсадида зўрликнинг ишлатилиши жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Агар зўрлик бошқа мақсадда, масалан, содир этилган ўғирликдан кейин қўлга тушишдан қутулиб қолиш мақсадида ишлатилган бўлса, бундай қилмишни босқинчилик деб ҳисоблаш мумкин эмас, айбдорнинг ҳаракатлари ўғрилик (ЖК 169-модда) ва шахсга ёки бошқарув тартибига қарши жиноят, деб ҳисобланади.

Айбдор қачонки шахс ҳаёти ёки соғлиғига зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилган тақдирдагина ҳужумни босқинчилик деб квалификация қилиш мумкин.

Бундай зўрлик ишлатиш таҳдиди жабрланувчига рухий зўрлик орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Зўрликнинг хусусиятини оғзаки, қуролни кўрсатиш, имо-ишора (масалан, «ўлдираман», «майиб қиламан», «кўзингни ўйиб оламан» дейиш) қилиш, жабрланувчининг ҳаётига ёки соғлиғига оғир тан жароҳати етказиши

мумкин қурол, тўппончани, пичокни ёхуд шу мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган бошқа предметларни жабрланувчига кўрсатиш, шунингдек ҳужум ҳаракатларини амалга ошириш (оғир предмет билан бошига урушга ҳаракат қилиш, ўқ отар қурол ёки пичокни ўқталиш ва ҳ.к.) орқали ҳам ифодалаш мумкин.

Зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилишни амалга ошириш усули: оғзаки, қўл ҳаракатлари ва бошқалар ЖК 164-модда билан квалификация қилишга таъсир қилмайди.

Босқинчилик ҳужуми вақтдаги таҳдид:

1) жисмоний зўрлик дарҳол қўлланилиши мумкинлиги хавфини ўз ичига олган, яъни реал бўлиши;

2) келгусида эмас, айнан ҳужум пайтида мавжуд бўлиши;

3) ҳақиқатда мавжуд бўлиши каби белгиларга эга бўлиши лозим.

Босқинчилик амалга оширилаётган пайтдаги кўрқитиш аниқ ёки ноаниқ бўлиши мумкин.

Аниқ кўрқитишга қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган нарсалар билан кўрқитиш, шахсни ўлдириш ёки унинг соғлиғига зарар етказиш ниятини оғзаки айтиш, шундай нияти борлигини имо-ишоралар билан ифодалаш киради.

Ноаниқ хусусиятдаги кўрқитиш ниқобланган шаклда ифодаланади. Масалан, жабрланувчига кўринмайдиган нарсалар, муайян имо-ишоралар (қуролни қўлдан қўлга олиш) билан кўрқитиш ва ҳ.к. кўринишда бўлиши мумкин.

Босқинчилик воситаси сифатида таҳдиднинг мақсади мулкнинг талон-тороғ қилинишини енгиллаштириш учун жабрланувчининг иродасини сусайтиришдан иборатдир. Таҳдиднинг жиноят таркиби белгиси бўлиши мумкинлиги масаласини ҳал этиш учун судлар босқинчилик ва ўғрилик воситаси сифатида муайян иш ҳолатларини, биринчи навбатда, босқинчилик содир этилган жой ва вақтни, жиноятчилар сони, шакли бўйича ноаниқ бўлган таҳдидни

мустаҳкамлаш мақсадида ишлатилган ашёлар ва воситаларни инобатга олган ҳолда, таҳдиднинг мазмуни ва йўналтирилганлигини ўрганишлари лозим.

Фақат суд ҳар бир алоҳида ҳолда, содир этилган жиноят ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, таҳдиднинг реаллиги ва ҳақиқатда мавжуд бўлганлигига баҳо беради. Бундай ҳолларда суд жабрланувчининг реал таҳдид мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги субъектив фикрига эмас, балки аниқ фактларга таяниши керак.

Масалан, жиноятчи ярим тунда жабрланувчининг орқасидан келиб: «қимирлама, акс ҳолда ёмон бўлади» деган сўзлар билан орқасига бармоғини тиради. Судда жабрланувчи ўз ҳаёти хавф остида қолганлигини даъво қилган, бироқ суд бундай ҳолатларда жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун реал хавф бўлмаган, деб ҳисоблашни лозим топган.

Шу билан бирга, ўғрилик, талончилик (шунингдек, зўрлик ишлатилган талончилик) жиноятлари сифатида бошланган, аммо кейинчалик содир этиш жараёнида ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш йўли билан содир этилган талон-торожга айланган жиноятлар ЖК 164-моддасида назарда тутилган тажовуз сифатида кўрилади.

Босқинчилик ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрликни ишлатиш билан қўрқитиб хужум қилинган пайтдан эътиборан, айбдор ўзганинг мол-мулкни эгалланган ёки эгалламаганидан қатъи назар тамом бўлган жиноят деб ҳисобланади.

Кўриниб турганидек, нафақат мол-мулкни олганлик факти, балки шахс ҳаётига етказилган зарарнинг реал ҳолати ҳам жиноят тугалланишининг зарурий белгиси эмас.

Шунинг учун, қоида тариқасида босқинчиликка суиқасд қилиш ҳолати юз бермайди. Хужум ҳаракатларигача бўлган ҳолатларда фақатгина босқинчиликка тайёргарлик кўриш ҳақида сўз юритиш мумкин. Биринчи хужум ҳаракатлари амалга оширилган вақтдан бошлаб жиноят тугаллаган

ҳисобланади.

Босқинчилик субъектив томондан тўғри қасд ва ғаразли мақсадларда ифодаланади.

Айбдор жиноят содир этишда унинг томонидан содир этилаётган зўрликнинг жабрланувчи ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфлилигини ва ушбу зўрлик ўзганинг мулкани ўзи ва ўзга шахслар фойдасига эгаллаш воситаси сифатида ишлатилаётганлигини тушунади ва шунни хоҳлайди.

Жиноятнинг субъекти – 14 ёшга тўлган, ақли расо шахсдир.

ЎзР ЖК 164-модда 2-қисмида жазони оғирлаштирувчи бир нечта ҳолатларда содир этиладиган босқинчилик учун жавобгарлик белгиланган жумладан:

а) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) анча миқдордаги мулкни талон-тороғ қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилиши.

Босқинчилик ҳужумида қурол ёки қурол сифатида ишлатиш мумкин бўлган бошқа нарсалардан фойдаланиш жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини оширади. Чунки бу жабрланувчининг қаршилигини синдириш, жиноят қурбонининг айбдорнинг жиноий режасини амалга оширишига қаршилик кўрсатиши имкониятидан маҳрум қилиш; ҳужум қилувчига кўп куч сарфламасдан жабрланувчининг қаршилигини тийиб қўйиш имконини беради. Бундай босқинчилик ҳужуми ўта дағаллик ва беҳаёлик билан амалга оширилади.

Босқинчилик пайтида айбдор томонидан ишлатиладиган қурол барча турдаги портловчи мосламалар – граната, динамит патрони, шашка ва бошқаларни ўз ичига олган ҳолда ўқотар ёки совуқ қурол бўлиши мумкин. ЖК 164-модда, 2-қисм «а» банди билан квалификация қилишга босқинчилик жиноятида қуролнинг махсус рухсатнома билан олиб юриладиган қуроллар ёки рухсат этилган қуроллар (масалан, ов қуроли)

турига кириши аҳамиятга эга эмас.

Ўқотар қуроллар деганда, хўжалик-маиший мақсадларда ишлатилмайдиган ва фақат жонли нишонни уриш ёки спорт тадбирларини ўтказиш учун мўлжалланган, снарядни, ўқни отишда порох газлари кучидан фойдаланиладиган барча турдаги қуроллар тушунилиши керак.

Портлатиш қурилмалари деганда, портловчи моддалар билан тўлдирилган ва портлашни амалга ошириш учун мўлжалланган йиғилган ҳолдаги қурилмалар тушунилиши лозим.

Бунда портловчи моддалар деганда, порох, динамит, тротил, нитроглицерин ва кислородли ҳаво етишмаган вазиятда портлаш хусусиятига эга бўлган кимёвий моддалар ва аралашмалар тушунилади.

Жабрланувчининг бевосита баданига одам мушак кучи ёрдамида тегиши натижасида жонли нишонни жароҳатлаш учун махсус мўлжалланган буюмлар совуқ қурол ҳисобланиши лозим.

Ўтмишда зарба беришнинг усули ва хусусиятига қараб совуқ қуролларнинг ҳар хил турлари ясалган ва улар муайян шаклга эга бўлган. Уларнинг санчувчи (стиллет – кичкина энсиз ханжарча, кортик – денгиз ва ҳаво флоти офицерларининг қисқа ханжари, санчувчи турдаги найзалар ва ҳоказо), санчиб кесувчи (узун ва оғир қилич ва ҳоказо), кесувчи (шамшир, қилич ва ҳоказо), майдаловчи (кастет, гурзи, чўқмор ва ҳоказо) ҳамда урувчи турлари мавжуддир. Шунингдек, маълум масофадан инсон мускул кучи ёрдамида объектга зарар етказиш мумкин бўлган қуроллар (болта, найзалар) ҳамда механик воситалар (камон ва бошқалар) ҳам киради.

Буюмни совуқ қурол деб топишнинг асосий мезони унинг жонли нишонни жароҳатлаш учун мўлжалланганлигидир.

Қатор ҳолларда, мазкур буюмлардан фақат жанговар қурол, ханжар, милтиқ найзалари, қиличлар, шамширлар, чўқморлар, гурзилар ва ҳ.к. сифатида фойдаланилади. Мазкур буюмлар ўз табиатига кўра фақат фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказиш учун мўлжалланган бўлади.

Ўтмишда зарба уришнинг усули ва хусусиятига қараб совуқ қуролларнинг ҳар хил турлари ясалган ва улар муайян шаклга эга бўлган. Уларнинг тиғли ва уриб парчаловчи турлари мавжуд.

Совуқ қуроллар турли хил криминалистик белгиларга кўра турли хил тоифаларда классификация қилинади:

Мўлжалланган мақсадига кўра совуқ қуроллар жанговор (ҳарбий, полиция, махсус), фуқаровий (спорт, овчилик), жиноий совуқ қуролларга бўлинади.

Тайёрланиш усулига кўра совуқ қуроллар заводда тайёрланган, ҳунармандчилик совуқ қуроллари ва қўлбола турларига ажратилади. Алоҳида гуруҳ сифатида ҳам заводда тайёрланган ҳам ҳунармандчилик асосида тайёрланиш белгиларини ўз чичига олган ўзлаштирилган қуроллар ажратиб кўрсатилади.

Совуқ қуролларнинг тайёрланиш жойига қараб маҳаллий ва хорижда тайёрланган совуқ қуроллар гуруҳлари ажратиб кўрсатилади.

Аниқ бир қуролни совуқ қурол жумласига кириш ёки кирмаслиги масаласини ҳал қилиш учун суд экспертизаси тайинланиши лозим.

Қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсалар – бу ишлатилганда жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига объектив зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ашёлар (отвёртка, занжир, скальпель, катта тош, арматура бўлаги, тўқмоқ ва бошқалар), шунингдек жабрланувчига вақтинчалик шикаст етказишга йўналтирилган ашёлар (ёш келтирувчи воситалар, вақтинчалик ҳушсизлантирувчи воситалар ва бошқалар

) Курол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган нарсаларнинг олдиндан тайёрлаб қўйилганлиги ёки жиноят содир этилган жойдан олинганлигининг босқинчиликни квалификация қилишда аҳамияти йўқ

Ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган ит ёки бошқа ҳайвонлардан фойдаланиш ёки фойдаланиш таҳдидини ЖКнинг 164-моддаси, 2-қисми, “а” бандининг курол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсалардан фойдаланган ҳолда босқинчилик содир этиш сифатида баҳолаш лозим. Босқинчиликда курол ёки курол сифатида **фойдаланиш** мумкин бўлган бошқа буюмларни ишлатиш деганда, амалда улардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши тушунилмоғи лозим.

Босқинчиликни содир этишда ишлатишга яроқсиз курол ёки куролга ўхшатиб ясалган буюмларнинг қўлланилганлиги босқинчиликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми юқорида қайд этилган қарорида: «Била туриб яроқсиз куролдан ёки ёлғондакам куролдан (масалан, тўппонча ёки старт тўппончаси макетларидан) баданга шикаст етказишни ният қилмаган ҳолда фойдаланилганда, ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаганда куролли босқинчилик сифатида баҳолаш мумкин эмас» Бундай ҳаракатлар ЖК 164-моддаси 1-қисми бўйича оддий босқинчилик сифатида квалификация қилинмоғи лозим. Бироқ, агар куролга ўхшатиб ясалган нарсалардан курол сифатида фойдаланилган ва улар билан жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига хавфли зиён етказилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини курол сифатида ишлатиш мумкин бўлган бошқа буюмлардан фойдаланиб жиноят содир этиш деб ҳисоблаш мумкин.

Босқинчиликда газ куролларининг қўлланилиши масаласи ҳам муҳим масалалардандир Газ тўппончалари, газ баллончалари, кўздан ёш оқизувчи, безовта қилувчи ёки захарли моддалар тўлдирилган пуркагич ва бошқа ҳар қандай қурилмалар **газли куроллар сирасига киритилиши** лозим.

Фикримизча, шахс босқинчиликни содир этишда ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган модда тўлдирилган газли

қуролни ишлатса, айбдорнинг қилмиши қуролли босқинчилик деб ҳисобланиши керак. Агар газли қуролдаги модда шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлмаса, унинг ишлатилиши айбдорнинг ҳаракатларини қуролли босқинчилик деб квалификация қилиш учун асос бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 1996 йил 27 февралдаги 3-сонли қарорига мувофиқ, «Пневматик милтиқ, сигнал, старт, газ пистолетлари ёки газ баллонлари, ракетницалар ва бошқа имитация-пиротехник ва ёритгич воситалари қурол жумласига кирмайди».

Қуролли босқинчилик ҳужуми содир этилганида ҳаракатлар жиноятлар жами, яъни босқинчилик 164-модда, 2-қисм, “а” банди ва қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш (ЎЗР ЖК 248-моддаси) билан квалификация қилиниши лозим. Босқинчилик ҳужумида қурол сифатида портловчи, захарли моддалар ва ҳ.к.лар ишлатилган тақдирда, айбдорнинг қилмишлари жиноятлар жами бўйича квалификация қилинади.

Босқинчиликни юқоридаги белгиларига кўра квалификация қилиш учун, босқинчилик ҳужумида бу ҳақида олдиндан келишиб олган икки ёки ундан ортиқ шахслар иштирок этган бўлишлари лозим. Айбдор шахслар босқинчиликни содир этишда қандай зўрлик ишлатиш ҳақида аниқ келишиб олмаган бўлишлари ҳам мумкин.

Олдиндан тил бириктирган шахслар гуруҳи таркибига босқинчиликни содир этишга маслаҳатлари, йўл-йўриқлари, жиноятни содир этиш қуроллари ва воситаларини бериб туриш билан кўмаклашган шахслар эмас, балки ҳужумда бевосита иштирок этган бажарувчиларгина кирадилар. Бундай шахслар ЎЗР ЖК 28-моддасига кўра босқинчиликнинг иштирокчилари деб

ҳисобланиши мумкин.

Босқинчиликни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган деб квалификация қилиш учун ҳар бир иштирокчининг 14 ёшга тўлганлиги ва ақли расолигини ва бу жиноятни содир этиш учун олдиндан тил бириктирганликларини аниқлаш лозим.

Агар бир гуруҳ шахслар таркибидаги бир шахс жиноят субъекти ҳисобланиб, қолганлари муомалага лаёқатсиз ёки жиноят содир этиш ёшига етмаган бўлса, улар фактик жиҳатдан босқинчиликда бевосита иштирок этган бўлсаларда, юридик жиҳатдан, яъни жиноят қонунчилиги талаблари нуктаи назаридан гуруҳ таркибига кирмайдилар. Бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, ёши катта жиноятчи ЖК 164-моддаси 1-қисми билан ва қўшимча жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 127-моддаси 3-қисми бўйича жавобгарликка тортилади. Бу ҳолатда шунини унутмаслик лозимки, агар вояга етган шахс босқинчилик жиноятини содир этишда ўз бевосита қатнашмасдан, вояга етмаган ёки ақли норасо шахсдан жиноятни содир этишда фойдаланган бўлса, вояга етган шахсни вояга етмаган шахс ёки ақли норасо шахсдан жиноят қуроли сифатида фойдалан билвосита жиноятни бажарувчиси сифатида жавобгарликка тортиш лозим.

Агар бир гуруҳ шахслар ўғрилик ёки талончилик содир этиш ҳақида келишиб олган бўлсалар ва шу жиноятларни содир этиш жараёнида иштирокчилардан бири бошқа жиноятчилар билан келишиб олмасдан мол-мулкни эгаллаш мақсадида жабрланувчиларга нисбатан ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрликни ишлатса, қилмиш бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган босқинчилик (ЖК 164-модда, 2-қисм, “б”) сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас. Бунда ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрликни ишлатган шахс босқинчилик (164-модда 1-қисм) учун жавобгар бўлади, жиноятнинг

қолган иштирокчилари эса ўғрилик (169-модда) ёки талончилик (166-модда) учун жавобгар бўладилар.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган босқинчилик қатнашчисининг ҳаракатлари жиноятнинг қолган иштирокчилари қонунда назарда тутилган асосларга кўра жиноий жавобгарликка (вафот этиши ва ҳ.к. муносабати билан) тортилмаганликларидан қатъи назар, гуруҳ бўлиб содир этилган жиноят, деб квалификация қилиниши керак.

Талон-торож қилинган мол-мулкнинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлса, анча миқдорда содир этилган босқинчилик деб ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат томонидан қатъий нарх белгилаш имконияти йўқлиги сабабли талон-торож қилинган нарсаларнинг қийматини аниқлашда муайян қийинчиликлар юзага келади. Шунинг назарда тутиш керакки, ўзганинг талон-торож қилинган мол-мулкнинг қиймати шу қилмиш содир этилган пайтда мазкур минтақадаги ўртача бозор нархлари бўйича белгиланиши лозим. Талон-торож қилинган нарсаларнинг қийматини белгилашда уларнинг ҳолатини, ишлаб чиқарилган вақтини, эскирганлигини, товар кўринишини, шу нарсалардан фойдаланиш имкониятлари даражаси ва ҳ.к.ларни эътиборга олиш тўғри ва зарурдир. Яъни товаршунослик экспертизасини тайинлаш ва ваколатли экспертлар хулосаси асосида талон-торож қилинган мол-мулкнинг қиймати масаласини ҳал этиш зарур.

“Агар шахснинг ҳаракатлари давомли жиноят хусусиятига эга бўлмасдан бир неча мустақил эпизодлардан... иборат бўлса, бу ҳаракатлар талон-торож қилинган умумий суммадан келиб чиққан ҳолда квалификация қилиниши мумкин эмас”. Бундай ҳолларда жиноят, ЖК 164-моддаси диспозициясининг такрорийлик белгиси бўйича квалификация қилиниши керак. Бунда, белгиловчи бўлиб,

талон-торож қилинган мулкнинг барча эпизодлар бўйича умумий суммаси эмас, балки зарар миқдори энг кўп бўлган эпизод бўйича талон-торож суммаси асос қилиб олинади

ЖК 164-модда 3-қисмида:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖК 242-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда;

г) баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилган босқинчилик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Такроран босқинчилик содир этиш деганда, шахснинг икки ёки ундан кўп марта босқинчиликни содир этганлиги, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланмаганлиги тушунилади. Биринчи босқинчилик ҳужуми тамом бўлган ёхуд жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган ёки иштирокчиликда содир этилган бўлса, босқинчилик такроран содир этилган деб ҳисобланади.

Агар илгари содир этилган босқинчилик учун шахс қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилинган бўлса, босқинчилик такроран содир этилган деб ҳисобланмайди. Агар янги босқинчилик содир этилган пайтгача айбдордан судланганлиги қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган ёки бекор бўлган айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтган ёки илгари содир этилган босқинчилик учун жавобгарлик амнистия акти ёки авф этиш асосида билан олиб ташланган бўлса, такрорийлик бўлмайди.

Агар босқинчиликни содир этган шахс илгари босқинчилик содир этганлиги учун судланган бўлса, қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб ҳисобланади.

Босқинчилик ҳужумини содир этган шахс илгари ЎЗР

ЖК 242-моддаси (жиной уюшма ташкил этиш)да жавобгарлик назарда тутилган жиноятни содир этган бўлса, унинг қилмиши ЎЗР ЖК 164-модда 3-қисми «а» банди билан квалификация қилиниши керак.

Талон-торож қилинган мол-мулк миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробаридан уч юз баробаригача бўлса, кўп миқдорда (ЖК 164-модда, 3-қисм, “б”) босқинчилик содир этилган деб ҳисобланади.

ЖК 164-моддаси 3-қисмининг “в” бандида “уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кириш” орқали содир этилган босқинчилик жи учун жавобгарликни ўрнатади.

Айбдорнинг қилмишларида уй-жойга, омборхонага ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кириш квалификация белгиси мавжуд деб ҳисоблаш учун қуйидаги белгиларга эга бўлиши керак: 1) қонунга хилофлилик; 2) ғайриқонуний кириш; 3) **уй-жойга, омборхона ёки бошқа бинолар**. Буларнинг барчаси қонунни тўғри қўлланилиши учун таҳлил қилишни талаб қилади.

«**Уй-жой** деганда, кишиларнинг доимий ёки вақтинчалик туришига мўлжалланган (шахсий уй, хонадон, меҳмонхонадаги, санаториядаги хона, дала ҳовли, боғ ҳовли ва бошқалар) бино, шунингдек унинг таркибига кирувчи дам олиш, мулкни сақлаш учун ёхуд инсоннинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун (балконлар, ойнабанд айвонлар, омборлар ва бошқалар) тушунилади.»

Одамларнинг доимий ёки вақтинча яшаши учун мўлжалланмаган ва мослаштирилмаган бинолар (масалан, уй-жой иморатларидан алоҳида турган ертўлалар, омборлар, гаражлар ва бошқа хўжалик бинолари)нинг уй-жой деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Поезд транспорт воситаси бўлса ҳам, поезд купеси вақтинчалик уй-жой деб ҳисобланиши мумкин. Чунки у одамларнинг вақтинча яшаши учун мўлжалланган. Палаткалар, вагончалар, кема каюталарини ҳам

вақтинчалик уй-жой деб ҳисоблаш зарур.

Шунингдек турар-жой биносига бевосита туташ қурилган, у билан яхлит бирликни ташкил этувчи балконлар ва пешайвонлар, чордоқлар, ертўлалар ҳам «уй-жой» деб тушунилади. Кўп қаватли уйларнинг ертўлалари, чордоқлари, транспорт воситалари уй-жой ҳисобланмайди.

Омборхона деганда, товар-моддий бойликларни талон-торож қилиниши, бузилиши ёки йўқ қилинишидан, табиат ходисалари ва бошқа шу кабилардан эҳтиёт қилиб доимий ёки, вақтинча сақлаш учун махсус жиҳозланган, мослаштирилган ёки мўлжалланган алоҳида қурилма ёки жой (масалан, сейфлар, темир шкафлар, контейнерлар, авторефрижераторлар, совуткичлар, қўриқланадиган платформалар, молхоналар, атрофи ўралган дон омборлари, автофургонларнинг усти ёпиқ кузовлари ва бошқа шу каби)лар тушунилади

Шунингдек, суд-тергов амалиётида товар моддий бойликларни доимий ёки вақтинчалик сақлаш учун мўлжалланган ҳудудлар ҳам “омборхона” деб қабул қилинади. Масалан, темир йўл станцияларининг, дарё ва денгиз портларининг, аэропортларнинг қўриқланадиган ховлилари, элеватор, мол учун ўраб олинган молхоналар ва бошқалар. Бино деганда, одамларни жойлаштириш ёки моддий бойликларни вақтинча қўйиш учун мўлжалланган иморат, иншоот тушунилади.

У доимий, вақтинчалик, кўчмас ва кўчма бўлиши мумкин. Товар-моддий бойликларни сақлаш учун қурилган ҳар қандай иншоот ёки бундай мақсадлар учун мўлжалланмаган, аммо зарурат туфайли, товар-моддий бойликлар сақланадиган иншоотлар (омборлар, дўконлар, цехлар, дўкончалар ва ҳ.к.лар)га айлантирилган «бинолар» шулар жумласига киради. Бинога кириб олиш – ишлаб чиқариш, хизмат, савдо, омбор хоналарига ёки бошқа бинога шахсининг қонунга хилоф равишда, бунга ҳуқуқи бўлмаган ҳолда, у ерда қонуний асосда ишлаётган ёки турган шахсларнинг (ходимлар, сотувчилар, қоровул ва ҳ.к.нинг)

ижозатисиз ёки хохишисиз ёхуд сохта хужжатлардан фойдаланиш йўли билан ғайриқонуний равишда бостириб кириши ёки кириб олиши ҳисобланади.

Уй-жой, омборхона ёки бошқа бинога кириб олиш усуллари турлича бўлиб, қандай усулдан фойдаланиб кирилганлиги (масалан, айбдорнинг эшик, деразаларни бузиши, девор, шифтдан туйнуклар очиш, ясама калитлардан фойдаланиш йўли билан бинога кириб олиши) босқинчиликнинг квалификациясига таъсир кўрсатмайди.

Кириш уй-жой, омборхона ёки бошқа бинога яширин ёки ошкора бостириб кириш, мол-мулкни талон-торож қилиш ниятида ғайриқонуний бинонинг ичида пайдо бўлишдир. Бундай кириш тўсиқларни ёки одамлар қаршилигини енгиб ўтиб ёки буларсиз ҳам содир этилиши мумкин.

Агар шахс белгиланган вақтда бинода бўлиш ҳуқуқига эга бўлса (мисол учун, цехда иш вақтида бўлиш ҳуқуқи, савдо маркази ичида – савдо қилиш вақтида ва ҳ.к.з), бундан бошқа вақтда бинога киришни қонунга хилоф кириш сифатида баҳолаш лозим.

Мисол учун, агар шахс банкнинг иш вақтида ёки савдо маркази иш олиб бориш вақтида яшириниб олиб, иш вақти тугаганидан сўнг қўриқчиларга хужум қилиш орқали пул ёки бошқа моддий бойликларни қўлга киритишини ЖКнинг 164-моддаси, 3-қисми, “в” банди билан квалификация қилиш лозим. Акс ҳолда, бинонинг иш вақтида содир этилган босқинчилик ҳаракатларини қонунга хилоф равишда кириб содир этилган босқинчилик сифатида тавсифлаш мумкин эмас.

Айбдорнинг қилмишини ЖК 164-моддаси 3-қисми «в» банди билан квалификация қилиш учун унинг бинога кириб олганлигининг ўзи етарли бўлмай, балки ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилишга қасд қилган ёки қилмаганини ҳам аниқлаш зарур. Бунда қасд бинога кириб олгунга қадар

юзага келган бўлиши керак. Айбдор талон-торож содир этиш ниятисиз уй-жойга, омборхонага ёки бошқа бинога кирган ва моддий бойликларни кўрганидан сўнг ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли зўрлик ишлатса, бундай ҳаракатларда кириб олиш белгилари мавжуд бўлмайди ва қилмишни ЎЗР ЖК 164-модда 3-қисми «в» банди билан квалификация қилиш мумкин эмас, айбдорнинг қилмишида бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаса, у ЎЗР ЖК 164-моддаси 1-қисми бўйича жавобгар бўлади.

Бинога кириб олишда уй-жой, омборхона ёки бошқа бинога кириш ҳуқуқига эга бўлган ёки шу объектларни қўриқловчи, аммо кириб олиш пайтида кириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар иштирок этган бўлса, бу ҳам кириб олиш деб ҳисобланади.

Киришнинг усуллари турли хил бўлиши мумкин (бино эшиги, ойнаси, деворини бузиш орқали, тайёрланган калитлардан фойдаланган ҳолда ва бошқа тарзда), лекин бу жинойтни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Бу ҳолатда кириш тўсиқларни бартараф этиш ёки шахслар қаршилигини енгиш тарзда содир этилиши мумкин.

Тегишли уй-жой, омборхона ёки бошқа бинога кирмасдан, мосламалар (илмоқлар, магнитлар, шланглар) ёрдамида ўзганинг мол-мулкани талон-торож қилиш, уй-жойга, омборхонага кириб талон-торож содир этиш, деб квалификация қилиниши мумкин эмас.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, айбдор босқинчилик жинойтини содир қилиш мақсади билан уй-жой, омборхона ёки бинога кирганда, ушбу иншоотнинг бутунлигига путур етказса ва шу билан бирга жинойт предмети бўлмаган жабрланувчининг бошқа мол-мулкларига етказса анча миқдорда моддий зарар келтирса, унинг ҳаракатлари жинойтлар мажмуи бўйича кириб олиш билан содир этилган босқинчилик ва ЖК 173-моддаси 1-қисми – ўзганинг мулкани қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

ЖК 164-моддаси 3-қисмининг “г” банди “баданга оғир шикаст етказган ҳолда” босқинчилик содир этишнинг квалификация қилиш белгиси жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Баданга қасддан оғир шикаст етказиш белгилари ЖК 104-моддаси ва ушбу моддага шарҳларда берилган. Босқинчилик вақтида баданга оғир шикаст етказиш ЖК 164-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан қамраб олинади ва ЖК 104-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

Агар босқинчилик вақтида баданга оғир шикаст етказиш натижасида жабрланувчининг ўлими келиб чиққан бўлса, у ҳолда босқинчилик билан қасддан одам ўлдиришни ўзаро фарқлаш зарурати юзага келади. Одам ўлдиришда одам ўлдиришга тўғри ёки эгри қасднинг мавжуд бўлиши зарур, баданга оғир шикаст етказиш натижасида одам ўлдиришда эса, айбдорнинг жабрланувчи ўлимига муносабати айбнинг эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади. Босқинчилик жиноятида одам ўлдирилиши ЖК 164-моддаси 3-қисмининг “г” банди чегарасидан чиқиб кетади, шунинг учун квалификация қилишда айб шаклидан келиб чиққан ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш талаб қилинади. Бунда босқинчилик жинояти содир этишда эҳтиётсизликдан одам ўлдириш жинояти, жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 102-моддаси 1-қисми ва ЖК 164-моддаси 3-қисми “г” банди билан квалификация қилиниши керак. Босқинчилик жараёнида оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган ҳолда қасддан одам ўлдириш жинояти эса, ЖК 97-моддаси 2-қисмининг “и” банди –тамагирлик ниятида одам ўлдириш ва ЖК 164-моддасининг 1-қисми бўйича квалификация қилиниши керак.

ЎзР ЖК 164-моддасининг 4- қисмида:

- а) жуда кўп микдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган босқинчилик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Агар талон-торож қилинган мол-мулк миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан ортиқ бўлса, жуда кўп миқдорда содир этилган деб ҳисобланади. Ушбу ҳолатда етказилган зарар миқдорини аниқлаш қоидалари кўп миқдорда талон-торож қилиш миқдорини аниқлаш қоидалари билан бир хил, яъни зарар миқдори товаршунослик экспертизаси ёрдамида аниқланиши керак.

Қилмишни ЖК 164-моддаси 4-қисмининг “б” банди бўйича квалификация қилиш учун қуйидаги белгилар бўлиши зарур:

А) босқинчилик жиноятини содир этишдан олдин шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисида суд ҳукми;

Б) ушбу ҳукмнинг қонуний кучга кирганлиги.

Юқоридаги белгилардан бирининг мавжуд эмаслиги шахснинг қилмишини ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб квалификация қилиш имконини бермайди.

Уюшган гуруҳ бу жиноятдаги иштирокчиликнинг энг хавфли шаклларида бири. Уюшган гуруҳ тушунчасининг умумий мазмуни ЖК 29-моддасида ўз аксини топган. ЖК 30-моддасида эса уюшган гуруҳ ташкил этган ёки унга раҳбарлик қилган, шунингдек, бундай гуруҳ аъзоларининг мазкур иштирокчилик шаклида содир этган жинояти учун жавобгарлик асослари, шартлари ва ҳажми аниқ ифодаланган. Шу билан бирга қонунда белгиланишича, Жиноят кодексига назарда тутилган асосларда ва чегарада уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноят оғирроқ жазога сазовордир. Босқинчилик жиноятига нисбатан бундай асос ва чегаралар ЖК 164-моддаси 4-қисмининг “в” банди диспозициясида ва оғирлаштирилган жазосида ифодаланган.

Босқинчилик жиноятини содир этишда уюшган гуруҳ-

нинг барқарорлик белгиси кўпинча гуруҳ жинойий фаолиятининг давомийлигида, уни жинойий ихтисослаштирилганлигида, фаолият соҳасининг бошқа шу каби гуруҳлар билан тақсимланишида, ҳар бир аъзосининг вазифалари аниқ бўлинганлигида (ташкilotчи, бошлиқ), қаттиқ ички интизом, жинойий фаолиятни маълум бир вақт доирасида режалаштиришда ифодаланеди. Ушбу санаб ўтилган хусусиятлар ҳар бир уюшган гуруҳ томонидан босқинчилик жинойяти содир этилганда у ёки бу маънода мавжуд бўлади. Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган жинойятга кўра, уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жинойятда ички ташкиллаштирилганлик даражаси юқорирок бўлади. Шунинг учун ҳам ЖК 29-моддаси қоидаларига кўра, уюшган гуруҳ аъзолари томонидан ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилганлик учун жавобгарлик масаласида асос, шартлар ва жинойий жавобгарлик даражасига талаблар қаттиқроқдир. Хусусан, уюшган гуруҳ ташкilotчисиси ёки бошлиғи, агар гуруҳ томонидан содир этилган барча жинойятлар унинг қасди билан қамраб олинган бўлса, барча босқинчилик жинойятлари учун бажарувчи сифатида жавобгарликка тортилади. Бунда унинг бевосита жинойятларни содир этишда қатнашганлиги масаласи аҳамият касб этмайди. Уюшган гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилишда иштирок этган ёки тайёрлаган бўлсалар, худди шундай даражада жавобгарликка тортиладилар. Уюшган гуруҳнинг оддий аъзоси бевосита мулкни талон-торож қилишда иштирок этмаган бўлса, унинг уюшган гуруҳнинг ушбу ҳаракатларидан хабардор бўлиши уни айблаш учун етарли бўлмайди. Босқинчилик жинойятини содир этишда уюшган гуруҳнинг барча аъзолари қатнашган ёки иштирок этишган бўлсагина, у уюшган гуруҳ томонидан содир этилган босқинчилик деб ҳисобланиши мумкин. Акс ҳолда, қилмишни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир

этилган деб квалификация қилиш керак.

Уюшган гуруҳни у ёки бу ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш ёхуд уларнинг амалга ошиши учун қулай шароит яратувчи ҳолатларни уюшган гуруҳ манфаатлари белгиси сифатида тушуниш лозим. Гуруҳ манфатлари, масалан, товар-моддий бойликлар сақланаётган жой ҳақида маълумот, у ёки бу одамни йўқ қилиш, ёки босқинчилик жиноятини содир этиш кабилар бўлиши мумкин.

Қилмишни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган деб топиш учун суд-тергов органлари қуйидаги иккита белгининг мавжудлигига аҳамият бериши зарур:

А) айбдор ўзи томонидан содир этилаётган жиноятлар гуруҳ манфаатларини, сўнг айбдорнинг субъектив манфаатларини кўзлаб амалга ошириш учун содир этилаётганлигини тушуниши лозим;

Б) уюшган гуруҳ аъзолари ёки унинг ташкилотчиси айбдорнинг ҳаракатлари гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилаётганлигини тушуниши лозим.

Юқоридаги белгилардан бирининг мавжуд бўлмаслиги босқинчилик жиноятини уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган деб квалификация қилишга имкон бермайди.

Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган босқинчилик шундай гуруҳ аъзоси томонидан, шунингдек, унга кирмаган шахс томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Аммо бу ҳол қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди. Шу билан бирга, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, гуруҳ аъзоси бўлмаган шахс томонидан уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб босқинчилик жиноятини содир этишда ғаразли мақсад мавжуд бўлиши шарт эмас. Чунки бунда жиноятчи бошқа мақсадларни кўзлаган, масалан, ўзининг жиноят содир этиши мумкинлигини кўрсатиб гуруҳга кириши ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорига мувофиқ ўзганинг мулкани талон-торож қилишдан иборат

бўлган айбдорнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришда унинг содир этилиш усулидан (ўғрилиқ, талончилик, товламачилик ва ҳоказо) қатъи назар жиноят Жиноят кодекси тегишли моддасининг оғирроқ жазони кўзда тутувчи қисми билан квалификация қилиниши ва ушбу модданинг бошқа қисмлари билан қўшимча квалификация қилиниши талаб этилмаслиги судларга тушунтирилсин. Масалан, жиноят жуда кўп миқдорда талон-торож қилиш белгиси бўйича ЖК 167-моддасининг 4-қисми билан квалификация қилинганда ЖК ушбу моддаси 1, 2 ва 3-қисмлари билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди.

Худди шундай қоида ЖКнинг 33-модда, 2-қисмида қуйидагича назарда тутилади:

“Агар шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекс Махсус қисми айти бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади.”

§ 3. Товламачилик (ЖК 165 -модда)

Товламачиликнинг бевосита асосий объекти талон-торож қилинаётган мол-мулкни тартибга солишга қаратилган ижтимоий муносабатлар. Бевосита қўшимча объекти товламачилик натижасида тажовуз қаратилган жабрланувчининг қонун билан кўриқланадиган шахсий ҳуқуқлари ҳисобланади.

Товламачиликнинг қўшимча объекти айбдор томонидан қўлланиладиган руҳий зўрликнинг характери билан тавсифланади.

Масалан, зўрлик ишлатишда қўлланиладиган таҳдидда фуқаронинг соғлиғини таъминлашга қаратилган, жабрланувчи сир сақланишини хоҳлайдиган шахсий дахлсизлиги, шаъни қадр-қимматини таҳқирлайдиган маълумотларни ошкор этиш билан боғлиқ ижтимоий

муносабатлар намоён бўлиши мумкин.

Товламачиликнинг предмети бўлиб, нафақат мол-мулклар, балки унга бўлган мулкый ҳуқуқлар, бошқа турдаги мулкый ҳаракатлар ва мулкый кўринишдаги фойдалар ҳам бўлиши мумкин.

Айбдор товламачиликни содир этаётиб мулкка бўлган ҳуқуқни талаб қилмай, ўзганинг мол-мулкидан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини талаб қилиши ҳам мумкин.

Имущество – это предметы материального мира, которые обладают определенной физической формой и потому осязаемы.

Мол-мулкка бўлган ҳуқуқ – шахснинг ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан ўз хоҳишига кўра ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, шунингдек, ўзининг мулкый ҳуқуқи ким томонидан бузилишидан қатъи назар, ўз мулкый ҳуқуқлари бузилишини бартараф этилишини талаб қилиш ҳуқуқидир. Товламачиликнинг предмети бўлиб кўчар ва кўчмас мулклар намоён бўлади.

Мулкый йўсиндаги ҳаракатлар деганда, ҳақиқатланиши лозим бўлган ҳар қандай ишларни текинга бажариш ёки хизматлар кўрсатиш (иморатлар қуриш, уларни таъмирлаш, автомобилларни таъмирлаш, товар-моддий бойликларни ташиб бериш ва ҳ.к.) тушунилади.

Бундан ташқари мулкый йўсиндаги ҳаракатлар жумласига айбдорга мулкый манфаатлар келтириши мумкин бошқа ҳаракатларни (умумий улүш, меросдан воз кечиш ва бошқа) ҳам киритиш мумкин. Товламачиликнинг пердемети бўлиб фақатгина ўзганинг мулки ёки мулкый ҳуқуқий намоён бўлади.

Жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиб, унинг мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи сир сақланишини хоҳлаган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб ёхуд

жабрланувчининг манфаатларига хавф соладиган шароитни яратиш йўли билан жабрланувчи шахсни унда турган (масалан, қарзга, кредитга олган, жиноят содир этиши натижасида вақтинча сақланиб турган ва ҳоказо) ўзининг мол-мулкни беришга мажбур этганида, у ўзганинг мулкни товламачилик йўли билан талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бундай қилмиш, қонунда назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлса, ўзбошимчалик деб ҳисобланади. Қарздордан қарзни талаб қилиш Жиноят кодексининг 165-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас, лекин айрим ҳолларда ўзбошимчалик (ЖКнинг 229-моддаси) тариқасида баҳоланиши лозим.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленум, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади, «...қарздордан қарзни талаб қилиш Жиноят кодексининг 165-моддаси билан тавсифланиши мумкин эмас, лекин айрим ҳолларда ўзбошимчалик (ЖКнинг 229-моддаси) тариқасида баҳоланиши лозим. Қарздор ва қарз берувчи ўртасида фоизлар тўлаш буйича олдиндан келишув бўлмаган бўлса берилган қарз учун фоиз талаб қилиш товламачилик жинояти таркибини ташкил қилади».

Объектив томондан товламачилик жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкрий ҳуқуқни топширишни, мулкрий манфаатлар беришни ёхуд мулкрий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйишда ифодаланади.

165-модда, 1-қисмида кўриб ўтилганидек, таовламачилик мураккаб таркибли жиноят бўлиб, бир томондан айбдор мулкдордан била туриб, ғайриқонуний равишда ўзига ёки у кўрсатган шахсларга муайян мулкни,

мулкка бўлган ҳуқуқни топширишни, мулкый манфаатлар беришни ёхуд улар фойдасига муайян мулкый йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилса, бошқа томондан таҳдидга асосланган руҳий зўрлик ишлатади.

Талаб товламачининг жабрланувчидан кўча ва кўчмас мулкни ёки мулкдан ўз мулкидек фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни тақдим этишини таклиф қилишни англатади. Талаб рад этилса, ўч олиш билан кўрқитишда ифодаланган бўлиши керак. Кўрқитиш билан мустаҳкамланмаган талаблар товламачиликни ҳосил қилмайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, фуқаролик муомаласидан чиқарилган мол-мулкларни (предмет) товламачилик йўли билан талаб қилиш, махсус жиноят таркиби бўлган ЖК 247-модда (Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш), 251-модда (Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш), 271-модда (Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш) билан квалификация қилишга олиб келади.

Товламачининг талаби, албатта, жабрланувчининг мулкига зарар етказиш ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш ёхуд улар учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш тарзидаги кўрқитиш билан биргаликда содир қилиниши лозим. Кўрқитиш билан амалга оширилмаган талаблар жиноятнинг товламачилик таркибини вужудга келтирмайди.

Мулк ҳуқуқини талаб қилишда айбдор мазкур мулкни унга мулк сифатида бутунлигича беришни талаб қилмасдан бир вақтни ўзида унга бир ёки бир нечта мулк ҳуқуқи ваколатларини (эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш) беришни талаб қилиши мумкин.

Мулкый йўсиндаги ҳаракатлар қилиш ёки мулкый манфаатлар беришни талаб қилиш деганда айбдор фойдасига ёки у кўрсатган шахс фойдасига мулкый

йўсиндаги моддий манфаатлар бериш ёки аниқ моддий хизматлар қилиш “таклифи” назарда тутилади.

Барча ҳолатларда талаб тўғридан –тўғри айбдор томонидан амалга оширилиши билан бирга, ўртакаш орқали, шунингдек оғзаки, телефон, факс, хат орқали ва бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Товламачи томонидан қўйиладиган талаблар рухий зўрлик – таҳдид билан доимо боғлиқ бўлиши керак. Таҳдид билан амалга оширилмаган талаб товламачилик жинояти таркибини ташкил этмайди.

Товламачиликдаги қўрқитишга қуйидаги белгилар хос: биринчидан, ўз мазмунига кўра унда жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд улар сир сақлаш лозим деб топган маълумотларни ошкор қилиш нияти билдирилган бўлиши керак; иккинчидан, таҳдид реал, яъни агар жабрланувчи товламачининг талабларини бажармаса, таҳдид амалга оширилиши мумкинлигидан хавотир бўлиши лозим. Жиноят таркибининг мавжудлигини аниқлаш учун қўрқитишни ким амалга ошириши мумкинлиги: бевосита товламачининг ўзими ёки унинг иштирокчиларими, бу аҳамият касб этмайди. Қўрқитиш келажақда (дарҳол ёки талабни бажаришдан бош тортганлик учун) амалга оширилади деб қабул қилинади. Шунинг учун ҳам ушбу жиноятнинг таркиби учун айбдорнинг ҳақиқатдан ҳам ўз ниятини амалга оширмақчи бўлган-бўлмаганлиги аҳамият касб этмайди.

Товламачиликни квалификация қилишга таҳдиднинг бевосита мол-мулк эгасига йўналтирилганлиги ёки унинг яқин қариндошларига қаратилганлигининг аҳамияти йўқ.

Жабрланувчи томонидан қўрқитишнинг хусусияти ва жадаллиги қандай қабул қилинганлиги жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмаслиги лозим. Жадаллиги бир хил бўлган таҳдид, жабрланувчиларнинг рухий ҳолати, тарбияси, феъл-атвори, жисмоний

хусусиятларидаги фарқлар туфайли, улар томонидан турлича қабул қилинади. Жабрланувчи қандай қабул қилганлигидан қатъи назар, таҳдиднинг кучи ошмайди ва камаймайди, унинг ўзи қандай бўлса, шундайлигича қолаверади. Агар айбдорнинг айтганлари объектив томондан таҳдидни ўз ичига олмаган бўлса, қилмиш товламачилик деб баҳоланиши мумкин эмас.

ЖК 165-моддаси товламачиликни содир этишда ўлдириш билан қўрқитишни ҳам ўз ичига қамраб олади ва ЖК 112-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Суд-тергов амалиётида товламачиликни босқинчилик ва ўғрилиқдан фарқлашда кўп муаммолар мавжуд. Шунинг назарда тутиш керакки, босқинчилик ва талончиликда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш мулкни эгаллаб олиш ёки талон-торож қилинганидан сўнг уни ушлаб қолиш воситаси бўлиб хизмат қилса, товламачиликда ушбу қўрқитиш жабрланувчининг иродасини сўндириш ва уни товламачининг талабларини бажаришга мажбур этиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шунинг ҳам назарда тутиш керакки, босқинчилик ва талончиликда ўзганинг мулкни эгаллаб олиш қўрқитиш билан бир вақтда содир бўлади, товламачиликда эса, айбдор жабрланувчининг мулкни келажакда қўлга киритади.

Агар товламачиликни содир этишда қўрқитиш жабрланувчига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаган бўлиб, товламачи ўша вақтдаёқ ўзганинг мулкни талон-торож қилган бўлса, унинг ҳаракатлари ўзганинг мулкни товламачилик қилиш ва қўрқитишга қараб, босқинчилик ёки талончилик сифатида жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак.

Товламачиликни содир этишда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда уриш, зарба бериш, баданга енгил, ўртача оғир ва оғир шикаст етказиш таҳдиди билан

қўрқитиш агар айбдорнинг талаби бажарилмаса, шундай зўрлик ишлатиш хавфи мавжуд бўлиши тушунилиши, керак. ЖК 165-моддасининг диспозициясида уларнинг ҳаммаси кўрсатилган ва бундай қилмиш содир этилганида шахсга қарши жиноятлар бўйича қўшимча квалификация талаб қилинмайди. Товламачиликни содир этишда ўлдириш билан қўрқитишни ҳам ЎзР ЖК 165-моддаси ўз ичига олади.

Мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ҳаракатлари моддий қийматликларга зарар етказишга қаратилгандир.

Мулкка шикаст етказиш деганда, мулкка зарар етказилиши туфайли, ашёнинг ўз сифатини шунчалик йўқотиши, яъни ундан ўз вазифасига кўра фойдаланиш учун вақтинча ёки қисман яроқсиз бўлиб қолиши ва уни тиклашга муайян меҳнат ёки маблағ сарфланганидан кейин аввалги қимматига эга бўлиши тушунилади.

Мулкни нобуд қилиш деганда, уни қайта тиклаб бўлмайдиган ва ундан вазифасига кўра фойдаланиб бўлмайдиган ҳолатга келтирилганлиги тушунилади.

Шахс ёки унинг яқин қариндошлари сир сақлашни хоҳлаётган маълумотларни ошкор этиш билан қўрқитиш шантаж сўзи орқали ишлатилади.

Шахс учун сир сақланиши лозим бўлган (шахс сир сақланишини хоҳлаётган) маълумотлар деганда, ўзининг шахсий ҳаёти, иш фаолияти, яқин кишилари, қариндош-уруғлари ҳақидаги ва шу каби ҳар қандай ахборотлар тушунилиши керак.

Шахснинг маълумотларни сир сақлашни хоҳлаган ёки хоҳламаганлиги ҳар бир алоҳида ҳолда суд томонидан аниқланади. Одатда, Суд бундай шантаж жабрланувчининг иродасига таъсир қилган ёки қилмаганлигига қараб, жабрланувчининг маълумотларини сир сақланишини хоҳлаган ёки хоҳламаганлигини аниқлайди.

Агар жабрланувчи маълумотлар ошкор қилинишидан кўрқиб товламачининг талабларини бажарган бўлса, демак жабрланувчи ушбу маълумотларнинг сир сақланишини хоҳлаган бўлади. Маълумотларни ошкор қилиш деганда, жабрланувчининг фикрича, ошкор қилиниши номаъқул бўлган (масалан, фарзандликка олиш, касаллик, судланганлик тўғрисидаги ва ҳ.к.) ахборотларни бошқа шахсларга маълум қилиш тушунилади. Айбдор шахс маълумотларни оғзаки, хат, телефон, факс орқали ва бошқа тарзда ошкор қилиши мумкин. Маълумотларни ошкор қилиш усули товламачиликнинг квалификациясига таъсир қилмайди.

Жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш деганда айбдорнинг жабрланувчини ноиложлик туфайли, ўз хоҳишига қарши товламачининг талабларини бажариш (масалан, электр энергиясини узиб қўйиш, газни ўчириб қўйиш, транспорт воситасини бермаслик, нефть маҳсулотлари билан таъминламаслик ва ҳ.к.)га мажбур қиладиган ҳар қандай ҳаракатларни содир этиши тушунилиши лозим.

Товламачилик ўзганинг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини топшириш, мулккий манфаатлар бериш ёхуд мулккий йўсиндаги ҳаракатларни содир этиш талаб қилинган пайтдан эътиборан тамом бўлган жиноят, деб ҳисобланади.

Товламачиликни босқинчилик ва талончиликдан фарқлашда товламачиликда зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш мулкни зўрлик ишлатаётган вақтда эмас, балки келажакда қўлга киритишга қаратилишига эътибор бериш лозим. Агар кўрқитиш амалга оширилса, қилмиш ЖКнинг товламачилик учун жавобгарлик белгиланган моддаси ва асослар бўлганда, кўрқитиш амалга оширилаётганда содир этилган ҳаракат учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан ҳам тавсифланиши лозим.

Товламачиликни тугалланган деб топиш учун айбдорга мулк ёки мулкка бўлган ҳуқуқни топширилганлиги аҳамиятга эга эмас.

Товламачилик ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган ҳуқуқни топшириш, мулкый манфаатлар бериш ёхуд мулкый йўсиндаги ҳаракатларни содир этишни талаб қилинган пайдан эътиборан тугалланган ҳисобланади. Бунда ушбу талабларнинг бажарилганлиги аҳамият касб этмайди.

Аммо, товламачига мулк ёки мулкый ҳуқуқни берган жабрланувчи мулкга нисбатан тўла мулкый ҳуқуқий эгалик қила олмаса, яъни унга мазкур мулк ишониб топширилган (сотувчи, кассир) ёки унинг муҳофазасида (қоровул, махсус кўриқлов хизмати) бўлган бўлса, бу ҳолда товламачи талабини қондириш қонунга хилоф равишда ўзганинг мулкани эгаллаш билан боғлиқ жиноят ҳисобланади. Бу ҳолда жабрланувчининг ҳаракатларида ҳам жиноят аломатлари бўлиши мумкин. Аммо, шахс охириги зарурият ҳолатида ҳаракат қилган бўлса (товламачи жисмоний зўрлик ишлатган бўлса), мулк ишониб топширилган шахс жавобгарликка тортилмайди.

Субъектив томондан товламачилик тўғри қасд билан содир этилади. Бунда айбдор жабрланувчидан мол-мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни ўзига ёки бошқа шахсга беришни кўрқитиш билан талаб қилиши асосланмаганлигини ва ноқонунийлигини билади. Айбдор ғаразли мотивларга амал қилади ва ашёни ноқонуний равишда қўлга киритиш мақсадини кўзлайди. Жиноятни содир этишдан мақсад – ғараз (тамагирлик)дир.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо шахсдир.

Оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган товламачилик ЖК 165-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ва қуйидаги квалификация қилиш белгиларини қамраб олади:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан

товламачилик содир этилиши;

б) жиноят кўп миқдорда содир этилиши;

в) қилмишнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши.

Ушбу белгилар ЖК 164-моддасининг шарҳида кўриб чиқилган бўлиб, товламачилик бошқа ҳеч қандай алоҳида хусусиятларга эга эмас.

Қилмишни такроран содир этилганлик белгиси бўйича квалификация қилишнинг маълум хусусиятлари бор – агар талаблар ягона қасд билан қамраб олинган ва бир мулкни эгаллашга қаратилган бўлса, шунингдек, бир ёки бир неча шахсларга қаратилган бўлса, тажовуз предметини талаб қилиш такроран деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Агар товламачилик айбдорнинг бир жабрланувчига нисбатан ягона қасди билан бир неча бор содир этилган бўлса ва умумий қилиб олганда, кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда зарар етказган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 165-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ёки талон-торож қилинган мулкнинг миқдорига қараб, ЖК 165-моддаси 3-қисмининг “а” банди бўйича квалификация қилиниши керак.

Товламачиликнинг махсус квалификация қилинган тури, ЖК 165-моддаси 3-қисмида ўз аксини топган ва қуйидаги белгилардан лоақал биттасининг мавжуд бўлиши билан тавсифланади:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган жиноят.

Кўрсатилган белгилар босқинчилик жиноятининг таркиби таҳлил қилинганда кўриб чиқилган эди ва товламачиликка нисбатан ортиқча фарқларга эга эмас.

§ 4. Талончилик (ЖК 166 -модда)

Талончиликнинг бевосита объекти ўзганинг мол-мулкани муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар ва шу мулкка бўлган мулк ҳуқуқи.

Аммо, қончиликда белгиланишича, талончилик ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик билан ёки шундай зўрликни ишлатиш билан кўрқитиш ёрдамида амалга оширилиши мумкин бўлиб, алоҳида жиноий-ҳуқуқий муҳофаза ҳолларда факультатив объект жабрланувчининг соғлиғи ва дахлсизлиги ҳам бўлиши мумкин.

Талончиликнинг предмети бўлиб айбдор ҳақиқий ва фараз қилинган ҳуқуқлар асосида ҳам эгалик қилиши мумкин бўлмаган ўзганинг мулки ҳисобланади.

Объектив томондан талончилик ўзганинг мулкани ошқора талон-торож қилишда ифодаланади.

Объектив томондан талончилик ўзганинг мол-мулкани очикдан-очик талон-торож қилишда ифодаланади. Мулкни очикдан-очик талон-торож қилиш усули иккита: объектив ва субъектив хусусиятларга эга.

Очикдан-очик талон-торож қилишнинг объектив хусусияти айбдор томонидан ўзганинг мулкани мол-мулк эгаси ёки мол-мулк ихтиёрида ёхуд муҳофазасида бўлган шахсларнинг, ўзганинг мулки талон-торож қилинаётганлиги англаб турган бегона кишиларнинг кўзи олдида талон-торож қилишда намоён бўлади.

Очикдан-очик талон-торож қилишнинг субъектив хусусияти шундаки, талончи ўзганинг мулкани очик-ойдин талон-торож қилаётган вақтида ўзининг хатти-ҳаракатлари мулк эгаси томонидан ёхуд мол-мулк тасарруфида бўлган ёки бегона шахслар томонидан кузатиб турилганлигини англайди.

Бу ҳолатда объектив белгилар шароитга қараб ўзгарувчанлик хусусиятини ўзида касб этади. Агар айбдор томонидан ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мол-мулк эгаси ёки бегона шахслар томонидан

билиб қилинган бўлса, аммо шунга қарамай, жинойтчи ўзганинг мулкани тортиб олиш ёки қўлдан бермаслик учун ҳаёт ёки соғлиқ мақсадида хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш билан кўрқитса ёхуд шундай зўрлик ишлатса, айбдорнинг ўғрилик сифатида бошланган ҳаракатлари талончиликка айланади ва қилмиш ЎзР ЖК 166-моддаси бўйича квалификация қилинади. Бироқ, айбдор қўлга тушиб қолишдан кўрқиб, талон-торож қилинган нарсани ташлаб, ҳодиса жойидан қочиб яширинса, унинг ҳаракатлари ўзганинг мулкани ўғирлашга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиниши керак.

Агар очикдан очик ўзганинг мулкани талон тарож қилиш ҳаракатлари бошқа жинойт ҳаракатлар, номусга тегиш, безорилик ва бошқа жинойтлар содир этиш билан боғлиқ равишда содир этилган бўлса, бу ҳолда ҳаракатларни жинойтларни жами тариқасида тегишли жинойтлар билан тавсифлаш лозим.

ЎзР ЖК 166-моддасига мувофиқ талончиликнинг:

1) зўрлик ишлатмасдан содир этилган;

2) зўрлик ишлатиб содир этилган; турлари мавжуд.

Зўрлик ишлатмасдан содир этилган талончилик учун жавобгарлик ЎзР ЖК 166-модда 1-қисмида назарда тутилган. Шахс мулкни «юлиб» олиб кетса, унинг ҳаракатлари ЎзР ЖК 166-моддасининг 1-қисми бўйича квалификация қилинади. Масалан, ашёлар солинган сумкани жабрланувчининг қўлидан тортиб олиш, бўйнидан занжирни узиб қочиш, бошидан телпакни юлиб олиш, пештахтадан товарни чангаллаб олиб қочиш ва ҳк. Бунда айбдор томонидан мол-мулкни талон-торож қилиш учун ҳеч қандай зўрлик ишлатилмайди.

Ўзганинг мол-мулки талон-торож қилинган ва айбдорда талон-торож қилинган мол-мулкни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш имконияти пайдо бўлган пайтдан эътиборан талончилик тамом бўлган жинойт, деб ҳисобланади.

Субъектив томондан талончилик тўғри қасд билан

тамагирлик мақсадида содир этилади.

ЎзР ЖК 166-моддасининг 2-қисмида;

а) жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб;

б) анча миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган талончилик учун жавобгарлик назарда тутилади.

Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик деганда баданга енгил шикаст етказиш тушунилиши лозим.. Бундай зўрлик жабрланувчига жисмоний оғриқ етказиш ёки унинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Жабрланувчини зўрлик ишлатиб хонага қамаб, боғлаб кўйиш, оғзига латта тикиб кўйиш ва ҳ.к. шулар жумласидандир.

Ўзганинг мулки талон-торож қилинаётган вақтда зўрлик ишлатиб, шахс эркинликдан маҳрум қилинган бўлса, айбдорнинг қилмиши зўрлик ишлатиб содир қилинган талончилик ҳисобланади (ЎзР ЖК 166-модда 2-қисми). Айбдор жабрланувчи билан тўқнашмаслик, унинг мол-мулкни тортиб олинишига тўсқинлик қилишининг олдини олиш мақсадида зўрлик ишлатмасдан эркинликдан маҳрум этса (айбдор турган хона эшигини қулфлаб кўйса), айбдорнинг ҳаракатлари зўрлик ишлатмасдан содир этилган талончиликни вужудга келтиради (ЖК 166-модда 1-қисми).

Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш жабрланувчини мол-мулкни беришга ёки унинг талон-торож қилинишига тўсқинлик қилмасликка мажбур қилиш мақсадида унга руҳий таъсир кўрсатишдан иборатдир. Кўрқитиш мол-мулк эгасига ёхуд мол-мулк ихтиёрида ёки муҳофазасида бўлган шахсга нисбатан ёхуд мол-мулкни талон-торож қилиш бегона

шахслар кўзи олдида содир этилаётган бўлса, ўша шахсларга қаратилган бўлиши мумкин. Талончиликда қўрқитиш ҳақиқатда мавжуд ва реал бўлиши керак.

ЖК 166-моддаси 2-қисмида белгиланган квалификация қилиш белгилари босқинчилик жинояти таркибида ўрганилган эди ва ўрганилган жиноятда ишлатилиши бўйича ҳеч қандай ўзига хос хусусиятларга эга эмас.

ЎзР ЖК 166-модда 3-қисмида:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) уй-жойга, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб;

в) кўп миқдорда содир этилган талончилик учун жавобгарлик назарда тутилган.

ЎзР ЖК 166-модда 4-қисмида:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган талончилик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ушбу жазони оғирлаштирувчи барча ҳолатлар босқинчилик (ЖК 164-модда) жиноятида таҳлил этилганлиги сабабли уларга тўхташ лозим топилмади.

§ 5. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-модда)

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг бевосита объекти айбдор томонидан эгалланган ёки унинг тасарруфида ёхуд унга ишониб топширилган мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳисобланади.

Ҳар қандай мулк, шунингдек, қимматли қоғозлар ҳам ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти **предмети** ҳисобланади ва айбдор мулкка нисбатан алоҳида ҳуқуқий муносабатда бўлиб, мулк унга ишониб

топширилади. Ушбу ҳуқуқий алоқа тажовуз предметининг иқтисодий ва юридик табиатини қамраб олмайди, ўзганинг мулкани моддий ташувчиси бўлиб қолади.

Айбдорга ишониб топшириб қўйилган ёки унинг ихтиёрида турган мулк – мансаб вазифалари ёки шартномавий муносабатларга кўра ёхуд махсус топшириқ муносабати билан ўзганинг мулкани тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга оширувчи шахснинг (масалан, омбор мудири, экспедитор, таъминотчи, сотувчи, кассир ва бошқа шахслар) эгалигида бўлган мулк.

Объектив томондан жиноят айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар буйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги қарорида белгилаб ўтилганидек, «Мансаб вазифалари ёхуд шартномавий муносабатларга кўра, ўзганинг мулкани тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга оширувчи шахснинг мазкур мулкни қонунга хилоф равишда текинга ўзининг мулкига ёки бошқа шахснинг мулкига айлантириши айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш деб (ЖКнинг 167-моддаси) тавсифланиши лозим.

Юқорида кўрсатилган қонуний ваколатларга эга бўлмаган, аммо топширилган ишни ёхуд хизмат вазифаларини бажариши туфайли мулк сақланадиган жойга кириш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан ўзгалар мулкнинг талон-торож қилиниши ўғрилиқ деб тавсифланиши керак».

Ўзлаштириш деганда, айбдор шахснинг ўзига ишониб

топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган мулкни ғайриқонуний равишда ушлаб туриб, кейин уни ўз фойдасига олишини тушуниш лозим.

Мулкни ўзида ушлаб туриш уни қонуний эгасига қайтариш тўғрисида талабларни бажармасликда, шу мулкни тафтиш вақтида тақдим этмасликда ифодаланади. Шахс бундай ҳолларда ундан ўз мулкидан фойдалангандай фойдаланади.

Талон-торожнинг ўзлаштириш шакли мулк ушлаб қолинган пайтдан эътиборан, яъни ўзганинг мулкига ғайриқонуний равишда ўзиникидек эгалик қилинган пайтдан эътиборан тамом бўлган жиноят, деб ҳисобланади.

Растрата деганда, қонунга хилоф равишда ўзганинг мулкни сотиш, сарфлаш, истеъмол қилиш, ҳадя қилиш ва ҳ.к. йўллар билан бегоналаштириш тушунилади.

Растрата айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида турган мол-мулк бегоналаштирилган (масалан, сарфлаб юборилган, сотилган, ҳадя қилинган, истеъмол қилинган ва ҳ.к.) пайтдан эътиборан тамом бўлган жиноят деб ҳисобланади.

Талон-торожнинг растрата шакли ўзлаштиришдан шу билан фарқ қиладики, ўзлаштиришда талон-торож қилинган мулк қонуний эгасига қайтарилиши мумкин, растратада талон-торож қилинган мулк айбдорда бўлмайди, у сотилган, ҳадя қилинган, истеъмол қилинган бўлиши мумкин, яъни мулк эгасига талон-торож қилинган мулкнинг фақат қийматини қайтариш имконияти мавжуд бўлади.

Ўзлаштириш мулк ихтиёрида бўлган ёки ўзига ишониб топширилган шахс мулкни тафтиш чоғида ёки мулк эгасининг талабига биноан текшириш чоғида уни тақдим эта олмаган пайтдан эътиборан тамом бўлган жиноят деб ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасд билан со-

дир этилиши мумкин, яъни айбдор ўзининг ҳаракатлари ноқонунийлигини англайди ва улар амалга оширилишини хоҳлайди. Айбдорнинг ушбу жиноятни содир этишдаги ғаразли мақсади субъектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Жиноятнинг субъекти – 16 ёшга тўлган, ақли расо шахслардир.

Мулк ишониб топшириб қўйилган ёки ихтиёрида мулк турган шахсина, яъни хизмат бурчи, шартнома муносабатлари ёки махсус топшириқ муносабати билан шу мулкни тасарруф этиш, бошқариш, элтиб қўйиш, сақлаш бўйича ваколатларини амалга ошираётган шахс (масалан, омборчи, экспедитор, таъминловчи, сотувчи, кассир ва бошқа шахслар) ўзлаштириш ёки растрата жиноятининг субъекти бўлиши мумкин.

Қоидага кўра мулк ишониб топширилган ёхуд ихтиёрида мулк турган шахслар моддий жавобгар шахслар ҳисобланадилар, аммо бундай бўлмаслиги ҳам мумкин.

Мулк ҳар қандай шахсга ишониб топширилиши мумкин бўлиб, унга турли битимлар асосида (масалан, ижара, кира, сақлаш, ташиш шартномалари ва ҳ.к. асосида) шу мулкни тасарруф этиш, бошқариш, элтиб қўйиш ёки сақлаш бўйича ҳуқуқлар, ваколатлар берилиши мумкин. Шу сабабли, айбдор шахслар ўзларига ишониб топширилган мулкни ўзлаштирадилар ёки растрата қилсалар, уларнинг ҳаракатлари ЎзР ЖК 167-моддаси бўйича квалификация қилиниши зарур.

Суд-тергов амалиётида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишни ўзганинг мол-мулкни ўғирлашдан фарқлашда муайян қийинчиликлар мавжуд. Бу жиноятларни фарқлашда жиноят субъектининг талон-торож қилган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқий ваколатини тўғри аниқлаш зарур.

Шуни назарда тутиш керакки, ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож

қилишда, мулк айбдорга ишониб топширилган бўлиб, унинг ихтиёрида туради ва айбдор шахс мол-мулкни тарқатиш, бошқариш, элтиб қўйиш ёки сақлаш бўйича ҳуқуқий ваколатларга эга бўлади.

Ўғрилиқ йўли билан талон-торожни содир этишда эса, шахснинг талон-торож қилинган мол-мулкка ҳеч қандай алоқаси бўлмайди ёхуд ишлаб чиқариш зарурати, топширилган иш муносабати билан ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади холос (масалан, буғдой ўраётган комбайнчи, корхоналардаги юкчилар, хайдовчилар ва ҳ.к.)

Шунга эътибор бериш лозимки, ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш орқали талон-торож қилишда, мулк шахсга қонуний асосларда ишониб топширилган ёки айбдор шахсга бошқариш, етказиб бериш ёхуд сақлаш ваколатлари билан берилган бўлади. “Юқорида кўрсатилган қонуний ваколатларга эга бўлмаган, аммо топширилган ишни ёхуд хизмат вазифаларини бажариши туфайли мулк сақланадиган кириш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан ўзгалар мулкнинг талон-торож қилиниши ўғрилиқ деб квалификация қилиниши керак”.

Шартнома бўйича ўз вақтида қайтариш шарти билан кимдандир муайян миқдорда пул суммаси олган қарздоргина ўзлаштириш ёки растрата қилиш жиноятининг субъекти бўлмайди. Қарздорда кимдандир қарзга олинган пулларни талон-торож қилиш ва эгасига қайтариб бермаслик ниятининг мавжуд эмаслиги кредитор ва қарздор ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаради. Бу муносабатлар кредиторлар томонидан судларга даъво киритиш орқали ҳал этилади. Шу билан бирга, қайсидир фуқаро пул “қарз” ола туриб, уни бошидан эгасига қайтармаслик ва қопламаслик ниятида ўзининг фойдасига қасдан айлантirmoқчи бўлганлиги исботланса, унинг ҳаракатларини фирибгарлик сифатида квалификация қилиш лозим

ЎзР ЖК 167-модда 2-қисмида:

а) анча миқдорда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдин тил бириктириб;

г) мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан содир этилган ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

Бу белгилар билан квалификация қилиш тартиби ва хусусиятлари ҳақида ЖК 164-модда таҳлилига қаранг.

Суд-тергов амалиётида ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш орқали талон-торож қилишни такроран содир этишни квалификация қилишда баъзи бир қийинчиликлар вужудга келади.

Такрорийликни ягона жиноят ҳисобланувчи давомли талон-торож қилишдан фарқлаш лозим.

Умумий мақсадга эга бўлган ва талон-торож қилаётган шахснинг ягона қасди билан қамраб олинган, бир-бирига ўхшаш жинойи қилмишлардан иборат бўлган ўзганинг мулкани бир неча ҳаракат билан олиниши давомли талон-торож қилиш деб топилади. Шундай қилиб, қуйидагилар: айбдор шахс қасдининг ягоналиги, талон-торож қилинаётган манбанинг ягоналиги, талон-торож усулининг бир хил эканлиги давомли талон-торож қилишнинг аломатлари ҳисобланади.

Айбдор шахсларни ЖК 167-моддаси 2-қисми бўйича квалификация қилиш учун, жиноятнинг барча иштирокчилари мулк ишониб топширилган ёки бошқарувига берилган шахслар бўлиши лозим. Агар талон-торож қилишнинг иштирокчиларидан биттаси мулк ишониб топширилган ёки унинг бошқарувида бўлган шахс бўлиб, қолганлари бундай ваколатларга эга бўлмаган шахслар бўлса, унда жиноятчиларнинг ҳаракатлари ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в” банди бўйича квалификация

қилинади. Бундай ҳолатларда мулк ишониб топширилган ёки уни бошқарувчи шахс қилмиши ЖК 167-моддаси 1-қисми бўйича, қолган иштирокчиларнинг жиноий ҳаракатлари эса ЖК 28-моддасининг тегишли қисмига ҳавола қилган ҳолда ЖК 167-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштириш ёки растрата қилиш деганда, мансабдор шахс ёки жавобгар мансабдор шахс томонидан ўзганинг мулкани қўлга киритишда ўз мансаб ваколатларидан фойдаланишини тушуниш керак.

Шундай қилиб 167-модда, 2-қисм, “г” банди жиноятининг субъекти мансабдор шахс ҳисобланади.

“Мансабдор шахс” тушунчасига ЖК 205 – модда таҳлилига қаранг.

Ўзбекистан Республикаси Олий суд Пленуми қарорига кўра: «Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани талон-торож қилиш ЖК 167-моддасининг 2-қисм диспозициясида алоҳида квалификация қилиш белгиси сифатида назарда тутилганлиги сабабли, мансабдор шахснинг бундай ҳаракатлари, агар айбдорнинг қасди ўзганинг мулкани эгаллашга қаратилган бўлса, ЖК 205-моддаси билан қўшимча квалификация қилинмайди. Бироқ мансабдор шахснинг қилмишида алоҳида, ўзганинг мулкани талон-торож қилиш қасди билан боғлиқ бўлмаган ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш тарзидаги жиноят таркиби мавжуд бўлса, бундай қилмиш ЖК 167 ва 205-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак.

Бу ўринда шуни назарда тутиш лозимки, “агар ўзгалар мулканинг ғайриқонуний равишда текинга айбдорнинг мулкига айлантириш мақсади билан олиб қўйилганлиги аниқланмаган бўлиб, лекин бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар мавжуд бўлган тақдирда бундай ҳаракатлар (масалан, товар-

моддий бойликларининг камомади ёки уни яшириш ҳолатининг ўзигина; ўзганинг мулкидан ўзиникига айлантириб олиш мақсадисиз вақтинча фойдаланиш, ўзганинг мулкни қарзга бериб юбориш ва ҳоказо) талон-торож қилиш деб квалификация қилиниши мумкин эмас. Етарли асослар мавжуд бўлганда, кўрсатилган ҳаракатлар ЖК 205-моддасида назарда тутилган мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш деб квалификация қилиниши керак.

Суд-тергов амалиётида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатини суиистеъмол қилиш орқали содир этиладиган талон-торож қилишнинг бир неча турлари мавжуд.

Уларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) мансабдор шахсга ишониб топширилган мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш; 2) бўйсунувчи шахсларга ишониб топширилган ёки уларнинг бошқарувида бўлган мулкни эгаллаш ёки учинчи шахсларга топшириб юбориш; 3) мансабдор шахсга ишониб топширилмаган ва унинг бошқарувида бўлмаган мулкни эгаллаб олиш.

Юқорида кўрсатилган талон-торож турларидан иккитаси ўзлаштириш ёки растрата йўли билан содир этилади, шунинг учун ЖК 167-моддаси билан квалификация қилинади. Учинчи тури эса ўзганинг мулкни олиш усулига боғлиқ равишда талон-торож қилишнинг бошқа шакллари учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар бўйича квалификация қилинади.

Мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда ўзлаштириш ёки растрата тариқасида талон-торож қилиш жиноятининг тугалланган қисми суиистеъмолликни амалга ошириш вақти эмас, балки жинойий йўл билан талон-торож қилинган мулкни эгаллаган ёки уни бошқа шахсларга қасд мақсадларида ўтказган вақти ҳисобланади.

Мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда ўзлаштириш ёки растрата турларидан яна бири қилинган ишларнинг ҳажмини ошириб кўрсатиш орқали улар

томонидан қўшимча олинган пул маблағларини ишчилардан олиш. Бундай ҳаракатлар ЖК 167-моддаси 2 қисмининг “г” бандида назарда тутилган жиноятлар таркибини тўлиқ қамраб олади ва ЖК 205-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

Агар мансабдор шахс ўзи содир этган талон-торож жиноятини енгиллаштириш ёки яшириш мақсадида расмий ҳужжатларга била туриб ёлғон маълумотлар ва ёзувлар киритган бўлса, унинг қилмиши ЖК 167 ва 209-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак.

Мансаб мавқеини суистеъмол қилган ҳолда ўзлаштириш ёки растрата турларидан яна бири қилинган ишларнинг ҳажмини ошириб кўрсатиш орқали улар томонидан қўшимча олинган пул маблағларини ишчилардан олиш. Бундай ҳаракатлар ЖК 167-моддаси 2 қисмининг “г” бандида назарда тутилган жиноятлар таркибини тўлиқ қамраб олади ва ЖК 205-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

Ўзганинг мулкини мансаб ваколатини суистеъмол қилган ҳолда ўзлаштирган ёки растрата қилган шахснинг ҳаракатларини хом ашё харажатлари нормаларини бузиб кўрсатиш орқали, ишлаб чиқариш технологияларини бузиш ва табиий харажат нормаларини ошириб кўрсатиш орқали тўплаган мулкни ўзининг фойдасига ўзлаштиришга қаратилган жиноят сифатида квалификация қилмоқ лозим. Шу ўринда, агар мансаб ҳолатини суистеъмол қилиш ўч мотивларида содир этилса ҳам, ўзганинг мол-мулкини қопламасдан олиш билан боғлиқ бўлмаса, мансабдор шахснинг ҳаракатларини ушбу модда бўйича квалификация қилиш мумкин эмас.

Мансабдор шахснинг солиқни тўлашдан бўйин товлаш, ишчи кучидан ёки давлат ёхуд жамоат транспортдан фойдаланиш ҳаракатлари орқали моддий фойда тўплаши,

агар мансабдор шахс ҳаракатлари ўзганинг мулкини ўзининг фойдасига айлантириш билан боғлиқ бўлмаса, ўзлаштириш ёки растрата сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас. Давлат ёки жамоат маблағлари ўзининг жамоаси учун турли хил “тадбирлар” ўтказиш ёки турли хил комиссия, “меҳмон”ларни кутиб олиш учун ғайриқонуний равишда сарфланганлиги ҳолатлар ҳам юқоридагидек ҳал этилади. Бундай ҳаракатларни жиноятларни содир этиш ҳолатига қараб ЖК 206 ёки 206-моддалари билан квалификация қилиш лозим.

ЎзР ЖК 167-модда 3-қисмида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг қуйидаги:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;
- г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик кўзда тутилади.

Оғирлаштирувчи ҳолатларда жиноятни квалификация қилишнинг ЖК 167-модда, 3-қисм, “а”, “б”, “в” белгилари ҳақида 164-модда таҳлилига қаранг.

ЖК 167-моддаси 3-қисмидаги талон-торож қилишни компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этиш ўзлаштириш ёки растрата орқали содир этишнинг квалификация қилиш туридир.

Компьютер воситалари инсоният томонидан эришилган энг улкан ютуқлардан бири бўлиб, ҳозир ҳеч қайси ташкилот, муассаса ва корхоналар уларсиз фаолият юритмайди. Компьютер воситалари ҳозирги вақтда илмий-техник жараёнда энг кенг ривожланаётган соҳадир. ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “г” бандида барча компьютер воситалари эмас, балки улардан фойдаланиш жиноятчига ўзининг қасд мақсадларига эришишига ёрдам берадиган

қисмигина назарда тутилган.

Компьютер техникаси воситаларини иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1. аппарат воситалари;**
- 2. дастур воситалари.**

Аппарат воситалари – бу маълумотларни қайта ишлаш учун фойдаланиладиган техник воситалар. Уларга: шахсий компьютер (санок ва ахборот масалаларини ечиш жараёнида маълумотларни автоматик равишда қайта ишлаш учун мўлжалланган техник воситаларнинг йиғиндиси), периферия ускуналари (марказий процессорни бевосита бошқарувига кирмайдиган, ЭХМнинг ташқи воситалари йиғиндисидир) ва машина ахборотларининг моддий ташувчилари (дискетлар, кассеталар, лазер дисклар ва бошқалар) киради.

Дастур воситалари – бу муайян натижага эришиш мақсадида, компьютер ва аппарат воситаларини бошқаришга мўлжалланган маълумотлар ҳамда буйруқлар йиғиндисини ифода этувчи объектив шакл, шунингдек, уларни қайта ишлаш ва улар ёрдамида шакллантириладиган аудио-визуал тасвирларни қайд этган моддий ташувчи материаллардир.

Уларга қуйидагилар киради:

1) система дастурларидан иборат (операцион система ва техник хизмат кўрсатиш дастурлари) дастурий таъминотлар (бошқарувчи ва қайта ишловчи дастурлар йиғиндиси), қўшимча дастурлар (муайян турдаги масалаларни ечишга мўлжалланган дастурлар, масалан, матн муҳаррирлари, антивирус дастурлари ва ҳоказо), шунингдек, жихоз дастурлари (дастурлаш тилларидан иборат дастурлаш системалари: Turbo C, Microsoft Basic ва бошқалар) ҳамда таржимонлар – (алгоритмик ва белгили тиллардан машина кодларига автоматик таржимани таъминлайдиган дастурлар йиғиндиси);

2) фойдаланувчи ва компьютер эгасининг машина маълумотлари.

Компьютер техникасининг ўзига хос хусусияти шундаки,

улар бир вақтда фойдаланилади ва алоҳида ишлатилиб бўлмайди, чунки улар махсус яратилган ва бир-бирини тўлдириб туради.

Компьютер техника воситаларидан фойдаланиш, мулкни ўзлаштириш учун зарур бўлган (масалан, товар-транспорт юк хати) қалбаки ҳужжатларни тайёрлаш, ташкилот ҳисоб-рақамидан айбдорнинг ҳисобига пул ўтказиш учун тармоқ компьютер воситаларидан фойдаланиш шаклида ифодаланади.

Компьютер техникаси воситаларидан қалбаки ҳужжатларни ёки бошқа ижтимоий хавфли қилмишларни содир этишда фойдаланилса, унда бу ҳаракатлар ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “г” банди таркибини тўлиқ қамраб олмайди ва жиноятларнинг мажмуи қондаси бўйича Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан қўшимча квалификация қилинади.

Агар мансабдор шахс ўзи содир этган ўзлаштириш ёки растратани енгиллаштириш ёки яшириш мақсадида компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб расмий ҳужжатларга ёлғон маълумотлар киритган бўлса, унда қилмиш, бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, ЖК 209-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

Шуни қайд этиш лозимки, гуруҳ томонидан содир этилган талон-торож қилишларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Чунки ушбу жиноят махсус субъект (мансабдор шахс ёки масъул мансабдор шахс) томонидан содир этилиши мумкин, мансабдор ҳисобланмайдиган, шунингдек, мулк ишониб топширилмаган ёки бошқарувига берилмаган, лекин талон-торож қилишда иштирок этган шахслар ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “г” банди (жиноят мансабдор шахс томонидан содир этилган ёки этилмаганлигига боғлиқ равишда) ЖК 28-моддасига ҳавола этиш орқали квалификация қилинади. Бироқ, мансабдор шахс (масъул

мансабдор шахс) томонидан жиноят уюшган гуруҳ таркибида ёки унинг манфаатлари йўлида содир этилган бўлса, мансабдор шахс (масъул мансабдор шахс) билан бирга бундай гуруҳнинг барча иштирокчилари Жиноят кодексининг анча оғирроқ жавобгарликни назарда тутувчи 167-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан жавобгарликка тортилиши лозим. Хукмнинг баён қисмида ҳар бир айбланувчига нисбатан барча моддалар ва барча белгилар бўйича қилмиш тўлиқ квалификация қилиниши лозим.

Агар жиноят туфайли келтирилган моддий зарар тўлиқ равишда қопланса, айбдорга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жавобгарлик қўлланилмайди (ЖК 167-модда 4-қисми).

§ 6. Фирибгарлик (ЖК 168-модда)

Жиноятнинг бевосита объекти ўзганинг мулки ёки мулкый ҳуқуқлари ни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар.

Тажовуз предмети мулкдан ташқари юридик категория сифатида ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқ, мулкка бўлган алоҳида ваколатлар (масалан, айбдор уйда яшаш ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин) ҳисобланади.

Бу ҳуқуқлар турли хил ҳужжатларда, масалан, васиятнома, суғурта полиси, муайян бойликларни олиш учун ишончнома, турли хил қимматли қоғозларда мустаҳкамланган бўлиши мумкин. Номи ёзилган қимматли қоғозларда тасдиқланган мулкый ҳуқуқлар талаб қилинганда, талаблар (цессия)ни қондиришнинг белгиланган тартиби асосида берилади. Ордер бўйича ҳуқуқ, яъни шахсга ёки унинг топшириғига кўра ушбу ҳужжат бўйича ўзга шахсга берилган ҳуқуқ хусусидаги ўтказиш ёзуви – индоссамент киритилиб, ижро амалга оширилиши мумкин. Қимматли қоғозда амалга

оширилаётган индоссамент ушбу ҳужжат ўтказилаётган шахсга унга эгалик қилишга бўлган барча ҳуқуқларни ўтказди.

Талон –тарожнинг предмети ва қимматли қоғозлар хусусида батафсил юқорида таҳлил қилинди.

Объектив томондан фирибгарлик алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкый ҳуқуқини қўлга киритишдан иборат.

Ушбу жиноятнинг ўзига хослиги шундаки, ташқи тарафдан мулкдор томонидан мулкни “ихтиёрий” равишда бегоналаштириш ва жиноятчига ўтказиш кузатилади. Айнан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш мулкдорда ёки мулкнинг бошқа қонуний эгасида мулкни ёхуд мулкый ҳуқуқларни жиноятчига ўтказиш фикрини туғдиради. Шу усулда жабрланувчининг онги ва ихтиёрига таъсир этиш ёки унинг ишончини суиистеъмол қилиш орқали фирибгар мулкни ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига ўтказиш мақсадига эришади. Бу ерда алдов ёки ишончни суиистеъмол қилиш талон-торож қилишнинг зарурий усули сифатида гавдаланади. Алдаш деганда, мол-мулк эгаси ёки мол-мулк ишониб топширилган шахснинг ўзи уни фирибгарга ихтиёрий равишда, ўз хоҳиши билан бериши, жабрланувчини чалғитиш учун айбдор шахс томонидан ҳар қандай фактни бузиб кўрсатиш ёки ҳақиқатни яшириш ёхуд била туриб ёлғон маълумотларни хабар қилиш тушунилади.

Алдаш биринчи навбатда шахсни онгли равишда ўзгага нотўғри маълумотларни тарқатишида ифодаланади.

Алдаш фирибгарлик билан талон-торож қилиш усули сифатида айбдорни ҳақиқий мақсадларига (масалан, мулкни қайтариб бермаслик мақсадида қарзга олиш); предметга унинг нархи, миқдори ва сифатига (рангли металлдан фойдаланган ҳолда тилла буюмлар сифатида ҳар хил нарсалар ишлаб чиқариш, тўлиқ бўлмаган товарни тўлиқ нархида сотиш) тааллуқли бўлиши мумкин. Алдаш, шунингдек, фирибгарнинг шахси, унинг мансаби ва ижтимоий мавқеи, касбига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин

(масалан, шахс ўзини солиқ инспекцияси ходими сифатида таништиради ва солиқ тўловлари сифатида пул маблағларини олади).

Алдаш таркибига, шунингдек, бевосита мулкни топшириш учун асос ҳисобланмайдиган, лекин жабрланувчи томонидан мулкни топшираётган вақтда ҳисобга олинадиган бошқа ҳолатлар ҳам кириши мумкин. Бундай ҳолатлар сифатида қалбаки гувоҳномани тақдим этиш, “квитанция” ёзиш, қалбаки сертификат кўрсатиш бўлиши мумкин.

Айбдор фирибгарликни содир этишда сохта ҳужжатлардан фойдаланса, унинг қилмиши фирибгарлик таркиби билан қамраб олинади ва у ЎЗР ЖК 209-модда (Мансаб сохаткорлиги) ва 228-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди. Бироқ, фирибгарлик ҳаракатларини содир этиш мақсадида айбдор шахснинг ўзи ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланклар тайёрласа, уларни қалбакилаштиради, унинг қилмишлари жиноятлар жами бўйича ЎЗР ЖК 168- ва 228-моддалари (ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланклар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) билан квалификация қилиниши лозим. Шунга эътибор бериш лозимки, агар сохта ҳужжат (касаллик варақаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, маълумотнома ва ҳоказо) фирибгар томонидан тайёрланмаган бўлиб, у бошқа шахс томонидан тайёрланиб, ушбу шахс ҳужжатдан талон-тороғ қилишда фойдаланишини билган бўлса, унда бу шахс нафақат ҳужжатларни қалбакилаштирганлик учун, балки фирибгарлик орқали талон-тороғ қилишда ёрдамчи сифатида жавобгарликка тортилади.

Фирибгарлик ҳаракатларини содир этишда айбдор ўзини бошқа шахс сифатида (давлат ҳокимият органи расмий вакили кийимини кийиш ёки ҳокимият вакилининг гувоҳномасини қалбакилаштириш) намоён қилиш орқали

ўзгани мулкини қўлга киритиши мумкин.

Амалиётда фирибгарликни иқтисодиёт асосларига қарши қаратилган алдов йўли билан содир этиладиган сохта тадбиркорлик (ЖКнинг 179-модда) ва сохта банкротлик (ЖКнинг 180-модда) каби жиноятлар билан фарқлаш зарурияти юзага келади. Бу каби чегар ва фарқларни жиноятларни объектлари орқали аниқлаш мумкин. Демак, фирибгарлик фақатгина ўзганинг мулкига қарши қаратилган бир объектли жиноят ҳисобланса, иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар бир вақтни ўзида иккита объект, яъни ўзганинг мулки билан бир қаторда хўжалик юритувчи субъектларнинг нормал фаолият олиб бориш билан боғлиқ ижимоий муносабатларга ҳам зарар етказишга қаратилган бўлади. **Ишончни суистеъмол қилиш деганда**, айбдор шахс томонидан ўзганинг мулкини қонунга хилоф равишда ўз фойдасига олиш учун ўзи ва мулк эгаси ёхуд мулк эгаллиги ихтиёрида турган шахс ўртасидаги алоҳида, ўзаро ишончга асосланган муносабатлардан қонунга хилоф равишда мулкни ўз фойдасига олиш учун фойдаланилиши тушунилиши лозим

Ишончга асосланган муносабатлар фирибгар ва жабрланувчи шахс ўртасида прокат, ижара, олди-сотди, топшириқ шартномаси ва ҳ.к.ларда вужудга келиши мумкин.

Фирибгар ниятига эришиш учун қариндошчилик, дўстлик муносабатларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Суд-тергов амалиётини ўрганиш фирибгарлик кўпроқ ижара шартномасини тузиш орқали содир этилишини кўрсатади. Шахсда ижара шартномасини тегишлича расмийлаштиргани ҳолда ижара олинган нарсани қайтариш нияти бўлмайди; заём шартномасини расмийлаштиришда айбдор олдиндан заём нарсасини қайтармаслик ниятида бўлиб шартнома тузади; олди-сотди шартномаси тузиш ва олдиндан тўланадиган ҳақни олишда айбдор шартномада кўрсатилган товарни бериш ниятида бўлмайди; қайтариб бериш ниятисиз нарсаларни олиш энг кўп тарқалган усуллардан ҳисобланади.

Фирибгарлик ўзганинг мулки қўлга киритилган ва айбдорда ўз ихтиёрига кўра талон-торож қилинган мулкни тасарруф этиш имконияти пайдо бўлган пайтдан бошлаб тамом бўлган жиноят ҳисобланади.

Агар шахс алдаш ёки ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан ақли норасо шахснинг ёхуд ўзига нисбатан содир этилган ҳаракатларнинг хусусиятини тушунмайдиган ёш боланинг мулкни қўлга киритиб олса, айбдор фирибгарлик учун эмас, балки ўғрилик учун жинойий жавобгарликка тортилиши керак.

ЎЗР Олий суди Пленумининг «Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-торож қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорида айбдор томонидан содир этилаётган воқеани тушуниб етиш қобилиятига эга бўлмаган (масалан, ёши жуда кичиклар, рухий жиҳатдан ақли норасолар, алкоғолдан ёки наркотик моддалардан кучли мастлик даражасида бўлган ёки ухлаб қолган) шахсларнинг мулкни ўғрилаш ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш деб тавсифланиши керак.

Субъектив томондан фирибгарлик тўғри қасдан ғараз мақсадда содир этилади, тамагирлик мақсаднинг мавжудлиги фирибгарликнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Айбдор ўзганинг мулкни қўлга киритиш мақсадида жабрланувчини чалғитаётганлигини ёки била туриб ишончини суиистеъмом қилаётганлигини англаб етади ва бунинг содир этилишини хоҳлайди. Шунингдек, ушбу жинойий қилмишни айбдор мулкий фойда олиш ва бойиб кетиш мақсадида содир этади. Ғараз мақсаднинг мавжудлиги фирибгарликнинг зарурий аломати ҳисобланади, шу билан бирга, агар мулкни алдаш йўли билан ғаразли мақсадларсиз эгаллаган бўлса (масалан, бошқа шахснинг номидан ойлик иш ҳақини унга бериб

қўйиш мақсадида олиш), қилмишни фирибгарлик сифатида квалификация қилиб бўлмайди.

«Бу ўринда ўзганинг мулкни қўлга киритиш мақсади нафақат мулкый битимларни амалга оширишдан олдин, балки уларни бажариш жараёнида ҳам пайдо бўлиши мумкинлиги эътиборга олиниши лозим. Баён қилинганлардан келиб чиқиб, узрли сабабларга кўра қарзни ўз вақтида қайтармаган ва ўзганинг мулкни текинга қўлга киритиш мақсади бўлмаган шахснинг ҳаракатини фирибгарлик деб баҳолаб бўлмайди».

Фирибгарлик жиноятининг субъекти 16 ёшга тўлган, ақли расо ҳар қандай шахс бўла олади.

Суд-тергов амалиётида фирибгарликни ўғриликдан фарқлашда айрим қийинчиликлар мавжуд. Фирибгарликни содир этишда алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш ўзганинг мулкни қўлга киритиш усули бўлиб хизмат қилади, ўғрилик содир этишда алдашни қўллаш ўғирланадиган нарсани қўлга туширишни енгиллаштириш воситаси ҳисобланади. Фирибгарлик содир этилганда жабрланувчи шахс мулкни ёки мулкый ҳуқуқни фирибгарга ўз, ихтиёри билан топширади, ўғриликда эса айбдор шахс уни мулк эгасининг ёки мулк кимнинг ихтиёрида турган бўлса, ўша шахснинг рухсатсиз яширин равишда талон-торож қилади. Фақат ўзганинг мулкигина ўғрилик предмети бўлиши мумкин, фирибгарлик предмети эса ўзганинг мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқи ҳам бўлиши мумкин.

ЎзР ЖК 168-моддаси 2-қисмида:

- а) кўп миқдорда;**
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томондан;**
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;**
- г) компьютер техника воситаларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик учун жавобгарликни назарда тутди.**

ЎзР ЖК 168-моддаси 3-қисмида:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган фирибгарлик учун жавобгарликни назарда тутилади.

Юқорида санаб ўтилган жазони оғирлаштирувчи барча ҳолатлар аввалги параграфларда таҳлил қилинганлиги учун уларга тўхталишини лозим топмадик.

ЖК 168-моддаси 4-қисмида рағбатлантирувчи норма назарда тутилган бўлиб, унга кўра агар айбланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. Жиноят кодексида моддий зарар қанча миқдорда қопланиши лозимлиги кўрсатилмаган, бироқ моҳиятидан моддий зарар тўла ҳажмда қопланиши келиб чиқади.

§ 7. Ўғрилик (ЖК 169 -модда)

Ўғрилик талон-торожнинг энг кўп тарқалган шаклидир. Бунга сабаб аввало, тергов амалиётида ўғриликни очиш фоизларининг унчалик катта эмаслиги бўлса керак, чунки ўғрилик яширин равишда содир этилади, бу эса жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини анча оширади, унинг очилишини қийинлаштиради.

Жиноятнинг бевосита объекти ўзганинг мол-мулкани муҳофаза қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Объектив томондан ўғрилик ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланади. Талон-торож қилишнинг яширин усули деганда, мулк эгаси ёки мулк ишониб топширилган ёки ихтиёрида турган шахсга сездирмасдан, улар йўқ вақтда ёхуд мулкдор ёки бошқа шахслар мулкнинг талон-торож қилинаётганини тушунмаган вақтда содир этишлиши тушунилади.

Агар мулк эгаси ёки мулк ихтиёрида бўлган ёки у ишониб топширилган шахс талон-торож қилиш чоғида ҳозир бўлса-ю, аммо талон-торож содир бўлаётганини тушуниб етмаса, шахснинг қилмиши (масалан, мулк эгаси, қоровул ухлаётган бўлади ёхуд алкоголь ёки наркотик мастлик ҳолатида бўлиб, мулк талон-торож қилинаётганини англаб етмайди) ўғрилик деб квалификация қилинади.

Мулкни очикдан-очик талон-торож қилиш атрофдаги шахсларнинг кўзи олдида содир этилган бўлса-ю, атрофдагилар бунга англамаса (масалан, айбдор ўзганинг жомадонини эгаси йўқлигидан фойдаланиб, атрофдагиларнинг кўзи олдида ўғирлайди, бунда жиноятчи атрофдагилар у ўз жомадонини олиб кетаяпти деб ўйлашга ишонади ва ҳ.к.) ҳолларда ҳам қилмиш ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш деб ҳисобланмоғи лозим. Шахс ўзганинг мулкани эгаллашга қаратилган ҳаракатлари бошқаларга маълум бўлганлигини билиб, ўз

хатти-ҳаракатини тўхтатса ва жинойт жойидан қочиб, яширинса, унинг қилмиши ўғирликка суиқасд бўлади.

Бироқ барча ҳолатларда талон-торож қилишни яширин деб ҳисоблаш учун, ўзаро боғлиқ бўлган иккита: объектив ва субъектив мезонни таҳлил қилиш ва баҳолаш лозим.

Талон-торож қилиш усулини баҳолашнинг объектив мезони шундан иборатки, мол-мулкни очикдан-очик талон-торож қилиш атрофдаги шахсларнинг кўзи олдида содир этилган бўлса-ю, атрофдагилар буни англамаса (масалан, айбдор бировнинг чамадонини эгаси йўқлигидан фойдаланиб атрофдагиларнинг кўзи олдида ўғирлайди, бунда жинойтчи атрофдагилар у ўз чамадонини олиб кетяпти, деб ўйлашларига ишонади ва хоказо), бу ҳолда қилмиш ўзганинг мулкни яширин равишда талон-торож қилиш деб ҳисобланиши лозим. Агар мулк эгаси ёки мол-мулк ихтиёрида бўлган ёхуд у ишониб топширилган шахс талон-торож қилиш чоғида ҳозир бўлса-ю, аммо талон-торож содир бўлаётганини тушуниб етмаса, шахснинг қилмиши (масалан, мол-мулк эгаси, қоровул ухлаётган бўлади ёхуд алкоголь ёки наркотик мастлик ҳолатида бўлиб, мол-мулк талон-торож қилинаётганини англаб етмайди) ўғрилик деб квалификация қилинади. Жинойтни содир этиш объектив мезонлари баҳосига асосланиб, бу ерда талон-торожликни яширин деб топишнинг бир неча усуллари мавжуддир. Улардан биринчиси, амалиётда кўпроқ учрайдиган шакли, яъни умуман гувоҳлар мавжуд бўлмаганда, масалан, қўриқланмаётган товар-моддий қимматликлари улгуржи базаси омборидан кечаси ёки эгаси уйда бўлмаганда ўғрининг қулфни бузиб ўғирлашидир. Иккинчиси, эгаси ёки бошқа шахслар бўлса ҳам, уларга билдирмасдан, яширин равишда мол-мулкни талон-торож қилиш, масалан, чўнтак ўғриликлари ва хоказо. Бундай ҳолатларда ўғрилик камдан-кам ҳолатларда адашиб мулкни ошкора талон-торож қилиш, талончилик деб топилиши мумкин.

Яширинлик белгиси ўғрилик жиноятининг муҳим белгиси бўлиб, бу жиноятни зўрлик ишлатмай содир этиладиган жиноятлар тоифасига киришини англатади. Бу белгилар ўғрилик жиноятини босқинчилик ва талончилик жиноятларидан фарқлаш имкониятини беради.

«Ўзганинг мулкни яширин равишда талон-торож қилиш билан бошланган, лекин жабрланувчи ёки бошқа шахслар томонидан сезиб қолинганига қарамасдан, айбдор томонидан мулкка эгалик қилиш мақсадида уларни ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, қилинган ҳаракатлар талончилик деб, ҳужум қилиб ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатганда ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитганда эса босқинчилик деб тавсифланади».

Ушбу қилмишни квалификация қилишда ката аҳамият касб этадиган белгилардан бири унинг талон-торож қилишининг зўрлик ишлатмайдиган усули эканлигидир. Бундан яширин равишда мулкни олиш зўрлик ишлатиш билан амалга оширилса ёки зўрлик мулкни олишга сабаб бўлган бўлса, қилмишни ўғрилик тариқасида квалификация қилиш мумкин эмас деган хулоса келиб чиқади. Шунингдек, ушбу ҳолатга, мулкни яширин равишда олиш, зўрлик ишлатиш йўли билан жабрланувчини айбдорнинг жиной ҳаракатларини кузатишдан маҳрум қилиши (қамаб қўйиш, бошқа жойга олиб бориш) ҳам киради. Ушбу ҳаракатларни зўравонлик ишлатиш характериға қараб ЖК 164 ёки 166-моддалари билан квалификация қилиш лозим.

Ўзганинг мулки олиб қўйилган ва айбдор шахсда ўғриланган мулкни ўз хоҳишиға кўра тасарруф этишининг реал имконияти, яъни айбдорда ўзи ўғирлаган мулкни яшириш, сотиш, бериш, ҳадя қилиш, белгиланган мақсадда фойдаланиш имконияти пайдо бўлган пайтдан эътиборан ўғрилик тамом бўлган жиноят деб ҳисобланади.

Агар айбдор ўғирланган мулкни тасарруф этиш ёки ундан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган бўлса, унинг ҳаракатлари ўғриликка суиқасд ҳисобланади. Масалан, шахс заводнинг кириш-чиқиш жойида ўғриланган нарсалар билан ушланди, дейлик, бу ҳолда айбдор шахс мулкни қўлга киритган, аммо ҳали уни ўз ихтиёрича тасарруф этиш имкониятига эга бўлмайди. Бироқ, агар айбдор шахс тайёр маҳсулот цехидан товарни ўғрилаган бўлса ва завод ҳудудидан чиқмасдан шу маҳсулотдан ўз мақсадида фойдаланган (истеъмол қилган) бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари тамом бўлган ўғриликнинг таркибини ташкил қилади.

Башарти қўриқлаш ходими била туриб, ўғриликни содир этаётган шахсга мулкни ўзи қўриқланаётган ҳудуддан олиб чиқишга кўмаклашса ёки ўғриликнинг содир этилишига халақит берувчи тўсиқларни бартараф этса, у ўзганинг мулкни талон-торож қилишда иштирок этганлик учун жавобгар бўлади.

Субъектив томондан ўғрилик тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор олинган ўзганинг мулкнинг нафақат ноқонунийлигини ва қайтариб берилмаслигини, балки ўз ҳаракатларининг яширин усулларини ҳам тушуниб етади.

Ушбу жинойтнинг субъекти 14 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, мулкни яширин талон-торож қилиш ўғирланаётган мулкка нисбатан уни тасарруф этиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича муайян ваколатларга эга бўлган шахс томонидан содир этилган бўлса, унда қилмишни ЖК 167-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

ЎзР ЖК 169-модда 2-қисмида:

- а) жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан (киссавурлик);**
- б) анча миқдорда;**
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил**

бириктириб;

г) уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган ўғрилик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан содир этилган ўғрилик (киссавурлик) республикамизнинг жиноят қонунига янги киритилган оғирлаштирувчи ҳолатдир. Киссавурликнинг ижтимоий хавфлилиги: биринчидан, унинг анча кўп тарқалганлиги билан; иккинчидан, айбдор бевосита жабрланувчининг ўзида турган мулкни тортиб олиши, бу эса жабрланувчи ўз мулкига суиқасд қилинаётганини пайқаб қолса, жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатилиши хавфи туғилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Қўл юки деганда, жабрланувчи шахсан олиб ўтувчи, шакли ва тузилишидан қатъи назар, енгил олиб ўтилувчи буюм ва ашёлар тушунилади.

Ушбу буюмлар, одатда, жабрланувчининг ўзида бўлади, яъни унинг қўлида, елкасида, ёнбошида ёки устида жойлашган ёхуд судраб, итариб кетаётган бўлади. Шу ўринда ушбу буюмларни жабрланувчи жисмоний куч ишлатиб бевосита ўзи олиб юришига алоҳида эътибор бериш лозим. Шунинг учун турли хил транспорт воситаларида (уларнинг миқдори ва шаклидан қатъи назар) олиб ўтиладиган буюм ва ашёлар қўл юки ашёси сифатида таҳлил этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзганинг мулкани ўғирлаш, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-торож қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорида: «Жабрланувчининг эғнида бўлган кийим-кечаги, қўлидаги ёки бевосита ёнида бўлган сумка, чамадон ва бошқа анжомларидан содир этилган яширин талон-торож қилиш киссавурлик деб ҳисобланади ва ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми «а» банди

билан тавсифланади, деб кўрсатилган.

Ҳар бир алоҳида ишда суд барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, сумка ёки бошқа қўл юкининг жабрланувчининг ёнида бўлганлиги фактини аниқлаши керак.

Қўл юки тушунчасига кирувчи буюм ва ашёлар жиноят содир этилган шахснинг тасарруфида бўлгандагина қўл юки ашёсини жабрланувчининг бевосита ўзида жойлашган деб ҳисоблаш мумкин. Бошқача айтганда, жабрланувчи бу ашёларга нисбатан махсус техник назорат воситаларидан фойдаланмасдан, уларни кузатиш ёки бошқа усулларда субъектив назоратни амалга оширади. Қўл юки воситаларининг бевосита жабрланувчи ёнидалигини қуйидаги ҳолатлар кўрсатиб туради: жабрланувчи ёнида аёллар сумкачасининг ётиши; ўғрилиқ содир этилганда катмоннинг шахс чўнтагида бўлиши ва бошқалар. Агар қўл юки буюм ва ашёлари жабрланувчининг субъектив назорат доирасидан (масалан, катмонни қулфланмайдиган шкафда сақлаш) ташқарида ёки қандайдир жойга яшириб қўйилган бўлса, талон-торож қилишни қиссавурлик сифатида баҳолаш мумкин эмас. Бундай ҳолатда айбланувчининг ҳаракатлари бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, ЖК 169-моддасининг 1-қисми бўйича квалификация қилинади.

ЖК 169-модда, 2-қисмида назарда тутилган ўғрилиқни бошқа оғирлаштирувчи ҳолатларда квалификация қилиш белгилари билан ЖК 164-модда (Босқинчилик) ёки 166-моддалари (Талончилик) таҳлилида батафсил баён этиб ўтганмиз.

Таҳлил қилинаётган модданинг 3-қисмида ўзганинг мулкани яширин талон-торож этишнинг қуйидаги квалификация қилиш белгилари назарда тутилган:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) компьютер тизимига рухсатсиз кириб;
- в) кўп миқдорда содир этилган ўғрилиқ.

Айбдор компьютер тизимидан фойдаланиш ҳуқуқига

эга бўлмагани ҳолда унга кирган ва ўзганинг ҳисобидан ўзининг ҳисобига пул ўтказган ҳолларда ўғрилик ЎзР ЖК 169-модда 3-қисмининг «б» банди бўйича квалификация қилиниши лозим. Бундай ўғрилик компьютер орқали айбдор шахснинг ҳисобига пул маблағи ёзилган пайтдан эътиборан тамом бўлган жиноят деб ҳисобланади.

ЎзР ЖК 169-модда 4-қисмида қуйидаги ҳолатларда содир этилган ўғрилик учун жавобгарлик ўрнатилган:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган ўғрилик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Мазкур оғирлаштирувчи ҳолатларда ўғрилик содир этганлик учун жавобгарлик ҳолатларини юқорида таҳлил қилиб ўтганмиз.

**«Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш»
мавзуси бўйича якуний назорат саволлари**

1. Талон-торожнинг барча шаклларига хос бўлган хусусиятлар ва оғирлаштирувчи белгиларини тавсифлаб беринг. Талон-торож қилишнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларини тушунтиринг.

2. Босқинчилик тушунчасини, унинг зарурий белгиларини ва жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларини тушинтириб беринг.

3. Баданга оғир шикаст етказиб содир этилган босқинчиликни тамагирлик ниятда баданга оғир шикаст етказишдан фарқини кўрсатиб беринг.

4. Товламачиликнинг таркибигатавсиф беринг. Товламачиликда зўрликнинг қандай шакллари ишлатилиши мумкин?

5. Товламачиликнинг талончиликдан қандай фарқи бор? Талончиликда қўлланиладиган зўрликнинг хусусиятлари қандай?

6. Талончиликнинг босқинчиликдан қандай фарқи бор?

7. Ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш ҳаракатларини квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Растрата ва ўзлаштиришнинг фарқлари.

8. Мансабдор шахслар томонидан ўз мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилишнинг қандай турлари мавжуд? Уларнинг юридик таҳлили ва ўзига хос хусусиятлари.

9. Фирибгарлик тушунчаси, унинг белгилари ва фирибгарликнинг ўғрилик ва талончиликдан фарқи. Фирибгарликни содир этиш усуллари деганда нима тушунилади?

10. Талон-торож қилишнинг шакли сифатида ўғрилик тушунчаси.

11. Анча миқдор, кўп миқдор ва жуда кўп миқдор деганда нима тушунилади?

12. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси бўйича айбланувчининг ҳаракатларини квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?

II БОБ. Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар

§ 1. Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш (ЎЗР ЖК 170-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти ўзганинг мулки, яъни ҳар хил шартномавий ва бошқа мажбуриятлардан келиб чиқувчи мулкий муносабатлар ҳисобланади. Мулк шаклидан қатъи назар ҳар қандай мулк жиноятнинг объекти бўлиши мумкин.

Жиноятнинг предмети мулк шаклидан қатъий назар ҳар қандай мулк бўлиши мумкин.

Объектив томондан **жиноят, талон-торож аломатлари бўлмагани ҳолда, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкдорга анча миқдорда зарар етказишдан иборат.**

Бу моддада кўзда тутилган «алдаш» ва «ишончни суиистеъмол қилиш» тушунчалари ҳақида ЖК 168-модда (фирибгарлик) таҳлилига қаранг.

Ушбу моддада кўрсатилган жиноят бир қатор белгилари бўйича фибрибгарлик билан ўхшашдир. Айбдор таҳлил қилинаётган жиноятни содир этишда ўз мақсадига эришиш учун, фибрибгарлик жиноятидаги каби, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилишдан фойдаланади, бироқ фибрибгарликдан айбдорнинг мулкий фойдани ноқонуний равишда қўлга киритиш механизми билан ажралиб туради. Агар фибрибгарликда талон-торож қилишнинг бошқа шакллари каби мулкдордан мулкни қўлга киритиш ва уни айбдорнинг ёки бошқа шахсларнинг фойдасига ноқонуний ўтказиш содир этилса, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказишда мулк қўлга киритилмайди. Ушбу жиноятда талон-торож қилишнинг у ёки бу мулкдорнинг мулкани шахсий фондидан қўлга киритиш каби белгиси

мавжуд эмас, яъни мулкдорга тегишли ёки бошқа қонуний эгаси қўлида бўлган мулкнинг мавжуд массаси камайиши содир бўлмайди. Одатда айбдор мулккий фойдани ўзганинг мулкани эгаллаб олиш орқали эмас, балки лозим бўлган суммани тўламаслик орқали қўлга киритади.

Талон – тарож қилишнинг ўзига хослигини белгиловчи хусусият мол-мулкни қонуний эгаликдан айбдорнинг эгалигига ўтиш жараёнидир. Ўзганинг мулкани ишончни суиътемол қилиш йўли билан мулккий зарар етказиш жиноятида мулк эгаси ёки қонуний мулкка эгалик қилаётган шахсинг мол-мулки ҳисобининг камайиши орқали айбдор ёхуд мулккий манфаатлар кўриши мумкин бўлган шахсинг мулккий ҳолати ошиб боради.

Суд тергов амалиётида ушбу жиноятни содир этишнинг турли шакллари учрайди. Масалан, электр ҳисоблагични тармоқдан узиб қўйиш ва электр энергиясидан бепул фойдаланиш, кассир ёки проводникнинг чиптасиз юрганлиги учун йўловчилардан пул олиши; бажарилган иш учун мижозлар тўлаган пулнинг турли хизмат кўрсатиш ходимлари томонидан ўзлаштирилиши ва ҳ.к. шаклларда содир этиш мумкин.

Алдаш ёки ишончни суиътемол қилиш йўли билан мулккий зарар етказиш шакллари турли хил бўлиши мумкин. Масалан, қонунда белгиланган тартибда хизмат ёки топшириқ асосида фойдаланиш учун берилган транспорт воситасидан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш шаклида алдов ёки ишончни суиътемол қилиш ишониб топширилган мулкни белгиланмаган тартибда эксплуатация қилишда кўринади. Ушбу ҳолатда шунга эътибор бериш лозимки, корхонага тегишли бўлган материаллар, моддий, қурилиш молларидан ўзининг манфаатлари йўлида ишлатиш шарҳланаётган жиноят таркибига кирмайди ва тегишли шаклда ўзганинг мулкани талон-тарож қилиш (растрата ёки ўғрилиқ) сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозим.

Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш республика ёки маҳаллий бюджетларга бож ёки бошқа мажбурий тўловларни тўламасликда (ёки уларнинг ҳажмини камайтиришда) ифодаланиши мумкин. Масалан, олди-сотди шартномасини яшириш мақсадида мулкдан ҳақини тўламасдан фойдаланиб туриш тўғрисида шартнома тузиш орқали; ер участкаси ёки кўчмас мулкни сотиб олишда шартнома тузаётганда унинг ҳақиқий нархини камайтириб кўрсатиш орқали; солиқ юқини камайтириш мақсадида қалбаки ҳужжатларни тақдим этиш ва даромад солиғи ҳажмини камайтириш орқали, агар бунда ЖК 184-моддасида назарда тутилган жиноят белгилари мавжуд бўлмаса ва бошқалар. Шунинг назарда тутиш лозимки, таҳлил қилинаётган жиноятни содир этишда фақат сохта ҳужжат (унинг қалбакилаштирилгани эмас) тақдим этилган бўлиши лозим (у алдаш воситаси ва ушбу жиноятнинг белгиси ҳисобланади), шунинг учун айбдорнинг ўзи томонидан тайёрланган қалбаки ҳужжатларни тақдим этиш орқали алдаса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 170-моддаси ва 228-моддаси биринчи қисмлари билан квалификация қилиниши лозим.

Таҳлил этилаётган жиноят моддий таркибли ҳисобланади ва мулкдорга ёки мулк эгасига анча миқдорда зарар етказилган пайтдан эътиборан тамом бўлган деб ҳисобланади.

Бу ҳолатда шунинг таъкидлаш лозимки, «моддий зарар етказиш»- баҳоловчи тушунча ҳисобланади. Терговчи, суриштирувчи, шунингдек судья ҳар бир аниқ ҳолатда зарар миқдори ва ҳажмини ҳал қилиши лозим.

Анча миқдордаги зарар деганда, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз баробаридан юз баробаригача бўлган миқдордаги зарар тушунилади.

Агар энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз баробаридан кам бўлган миқдорда зарар етказилса, ЖК 170-моддасида

жавобгарлик назарда тутилган жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

Субъектив томондан жиноят била туриб, тўғри қасд билан тамагирлик мақсадида содир этилади.

Айбдор ёлғон хабар бераётиб ёки мавжуд далилларни яшираётиб мулкдорни ёхуд мулкнинг қонуний эгасини алдаётганлигини тушуниб етади ва ушбу ҳаракати орқали жабрланувчига мулкий зарар етказилишини кўра билади ҳамда ушбу зарарни етказишни хоҳлайди.

ЖК 170-моддаси 1-қисми бўйича жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ва мансабдор шахс ёки моддий жавобгар ҳисобланмаган шахслар бўлади.

Мансабдор шахснинг мазкур жиноятнинг содир этганлиги учун бошқарув тартибига қарши жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилади. Мансабдор шахслар ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб жиноий ҳаракатлар содир этганларида, уларнинг қилмишлари хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ёки пора олиш, деб квалификация қилинади.

ЎзР ЖК 170-моддаси 2-қисмида:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) моддий жавобгар шахс томонидан;

в) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказганлик учун жавобгарлик белгиланган.

ЖК 170-моддаси 2 қисмида назарда тутилган квалификация қилиш белгилари юқорида кўриб чиқилган.

ЖК 170-моддаси 2 қисми, “б” банди билан квалификация қилиш учун махсус субъект – моддий жавобгар шахснинг мавжудлиги зарурий белгидир.

Мулк ишониб топширилган ёки шартнома, битим, топшириққа мувофиқ ёки фаолияти турига кўра мулкдорнинг жамғармаси учун пул маблағларини йиғиш топширилган шахс **моддий жавобгар шахс** дейилади.

Кўп миқдордаги зарар деганда, энг кам ойлик иш

ҳақининг юз баробаридан уч юз баробаригача бўлган миқдордаги зарар тушунилади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда қамоқ тариқасидаги жазо қўлланилмайди. (ЖК 170-модда, 3-қисм).

**§ 2. Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки
ўтказиш
(ЎзР ЖК 171-моддаси)**

Жиноятнинг бевосита объекти эгалик ҳуқуқи ва бошқа мулкӣ ҳуқуқлар, шунингдек, жамиятда шаклланган ва қонунчиликда акс эттирилган мулкни тасарруф этиш бўйича муносабатлар ҳисобланади.

Фақат жиноий йўл билан, яъни жиноий фаолият натижасида топилган, масалан, ҳар қандай шаклдаги талон-торож қилиш натижасида топилган, пора, божхона қонун ҳужжатларини бузиш натижасида ва ҳ.к. тарзида олинган мулк жиноятнинг предмети бўлиши мумкин. **Фуқаролардан тортиб олинган ўқотар қуроллар, гиёвандлик воситалари жиноятнинг предмети бўлиши мумкин эмас.** Бундай қилмиш учун айбдор **Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан жавобгарликка тортилади.**

Жиноий жавобгарлик субъекти бўлолмайдиган ёш болалар ёки бошқа шахслар томонидан жабрланувчидан яширин равишда қўлга киритилган мулклар жиноий йўл билан топилган деб ҳисобланмайди. Шундай қилиб, мазкур жиноят предметининг зарурий белгиси олишнинг жиноий характери ҳисобланади (масалан, маъмурий жавобгарликка тортиладиган майда талон-торож қилиш содир этиш натижасида қўлга киритилладиган мулк жиноят предмети ҳисобланмайди).

Шу билан бирга, уни ишлаб чиқариш жиноят ҳисобланса ҳам, ишлаб чиқарилаётган мулкни қўлга киритиш жиноий йўл билан қўлга киритилган мулк сифатида тан олиниши мумкин эмас (масалан, қалбаки ҳужжатлар, пуллар). Бирок,

ушбу ашёлар ўғрилик, талончилик хужуми орқали қўлга киритилган бўлса ёки ўзгача талон-торож қилиш, ёхуд бошқа ғайриқонуний жиноий йўл билан қўлга киритилса ва қўлга киритилиши ишлаб чиқариш натижаси ҳисобланмаса, уларни жиноий йўл билан топилган деб тан олиш лозим.

Бундай мулкни сотиб олиш ёки ўтказишда айбдор ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ва ўтказиш сифатида квалификация қилинади. Шунингдек, уни тарқатиш ижтимоий хавфли ҳисоблангани ҳолда, бундай мулкни тарқатиш ушбу модда билан квалификация қилинади (масалан, квалификация қилишга ўғирланган порнографик материалларни олиш ва кейинчалик тарқатиш тегишлидир).

Шунингдек, жиноий йўл билан топилган маблағларга сотиб олинган мулклар ушбу жиноят предмети сифатида тан олинishi мумкин эмас.

Объектив томондан жиноятнинг: жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки сотишдан ифодаланади.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш деганда мулкни жиноий йўл билан топган шахс ўша мулкни ўз эгалигига ва тасарруфига ўтказишга қаратилган ҳар қандай (ҳақ эвазига ёки бепул) битим тузилиши тушинилади.

Жиноий йўл билан топилган мулкни била туриб олиш турли усулларда (арзон нархда сотиб олиш, бошқа буюмга айирбошлаш, ҳадя тариқасида олиш, қарзга олиш ёки бериш ва ҳ.к.) амалга оширилиши мумкин.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олган шахс унинг эгаси бўла олмайди.

Жиноий йўл билан топилган мулкни ўтказиш деганда мазкур мулкни бошқа шахсга ўтказишнинг барча усуллари (сотиш, ҳадя қилиш, қиморда ютқазиш, айирбошлаш ва ҳ.к.) тушунилмоғи лозим.

Ушбу қилмиш жиноий йўл билан топилган мулк олинган ёки ўтказилган пайтдан тамом бўлган деб ҳисобланади.

Бу жиноят **субъектив томондан** қасддан содир этилади. Айбдор била туриб жиноий йўл билан топилган мулкни олаётганлигини ёки ўтказаетганлигини англайди ёки ишнинг объектив ҳолатларига кўра англаши лозим бўлади ва бундай ҳаракатлар содир этилишини хоҳлайди ёки имконият яратиб беради.

Шу билан бирга мазкур мулк қайси жиноий йўл билан топилганлиги, ким, қачон ва қайси ҳолатларда ушбу жиноятни содир этганлигини аниқлаш мажбурий аҳамият касб этмайди. Агар мулк бундай муайян жиноятни содир этиш орқали қўлга киритилганлигини шахс билганлиги аниқланадиган бўлса, унда унинг ҳаракатлари жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш сифатида, шунингдек, айбдорнинг ҳаракатларида ЖК 241-моддасида назарда тутилган жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш каби белгилар мавжуд бўлганда, жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши лозим.

Одатда, жиноят мотивлари ғаразли, шунингдек, ўзгача ҳам бўлиши мумкин, бироқ улар жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Масалан, шахсий характердаги мотивларга таяниб, шахс била туриб жиноий йўл билан топилган мулкни ўтказиши мумкин.

Мулкни жиноий йўл билан топган шахсга уни аввалдан сотиб олиш ёки ўтказишга ваъда берилмаганлиги ҳам жиноятни квалификация қилишда зарурий шарт ҳисобланади.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олдиндан ваъда бермаган ҳолда олиш ёки ўтказиш деганда, агар субъект бундай ҳаракатларни содир этишга, жиноят содир этиш йўли билан мулк топувчи шахсларга ваъда (розилик) бермаган бўлса, шунингдек, улар томонидан содир этилаётган жиноятлардан олдин ёки ўша вақтда ваъда бермаган (масалан, доимий равишда била туриб айнан бир шахслардан жиноий йўл билан топилган мулкларни олиш)

хамда уларга унинг ёрдамига ишонишига имконият берадиган ҳаракат қилмаган ҳолатлар тушуниланади.

Агар айбдор жиноий йўл билан топилган мулкни олишни аввалдан, яъни талон-торож ёки бошқа жиноят содир этилишидан илгари ваъда қилган бўлса, айбдор шахс содир этган жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарликка тортилиши керак. Шунингдек, шахс ўғриланган нарсаларни мунтазам равишда сотиб олган ва ўғрини жиноий йўл билан топилган ҳар қандай мулкни олишга ишонтирган бўлса, бундай шахс ўзганинг мулкни талон-торож қилишнинг иштирокчиси деб ҳисобланади.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятининг субъекти 16 ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда жиноий йўл билан топилган мулкни олса ёки ўтказса, унинг қилмиши жиноятлар жами бўйича ЎЗР ЖК 171- ва Жиноят кодексига ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилганлик учун жавобгарлик белгиланган 205-модда билан квалификация қилинади.

ЎЗР ЖК 171-моддаси 2-қисмида қуйидаги:

а) такроран ёки жиноятни хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда содир этилган жиноят йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар учун жазо белгиланган.

ЎЗР ЖК 171-моддаси 3-қисмида:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган қилмишлар учун янада оғирроқ жазо назарда тутилган.

Мазкур ҳолатларни биз юқорида кўриб чиққанлигимиз сабабли уларга тўхталмаймиз.

§ 3. Мулкни кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш (ЎзР ЖК 172-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти мансабдор бўлмаган шахсга ишониб топширилган ёки унинг муҳофазасида турган ўзганинг мулкидир.

С объективной стороны преступление выражается в Бу қилмиш объектив томондан: шахснинг мулкни кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиши натижасида мулкнинг талон-торож қилиниши, унга шикаст етказилишида ёки унинг нобуд бўлиши сабабли мулк эгасига кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлишида ва бу қилмишда мансабдорлик жиноятларининг аломатлари йўқлигида ифодаланади.

Виждонсизларча муносабатда бўлиш - бу мулкни кўриқлаш бўйича функцияларни бажармаслик (масалан, қоровулнинг ўз кўриқлаш навбатига келмаслиги, ёки кўриқланаётган мулкни ташлаб кетиши) ёки мулкни кўриқлаш бўйича тегишли бўлмаган мажбуриятларни бажаришдир.

Шахснинг ҳаракатларини таҳлил қилинаётган модда бўйича квалификация қилиш учун шахснинг мулкни кўриқлаш юзасидан ўз мажбуриятларини бажаришга виждонсиз муносабатда бўлиши ва унинг талон-торож қилиниши, кўп миқдорда зарар етказилиши натижасида унга шикаст етказилиши ёки унинг нобуд қилиниши ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш зарур. Агар сабабий боғланиш бўлмаса, шахсни ЖК 173-моддаси бўйича жавобгар қилиб бўлмайди.

Ишониб топширилган мулкни талон-торож қилиш деганда, уларнинг элементларини ташкил этувчи алоҳида предметлар (масалан, эҳтиёт қисм ва мотор) ёки муҳофазада турган мулкни ташкил этувчи предметларнинг бутун мажмуаси талон-торож қилинганлигини тушуниш лозим.

Йўқ қилиш моддий предметга ташқи таъсирнинг шундай усулики, бунинг натижасида мулк ўзининг жисмоний мавжудлигини йўқотади ёки тўлиқ равишда мақсадли

йўналтирилганлиги бўйича ишлатиб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолади. Йўқ қилиш – ёқиб юбориш, кислотада эритиб юбориш, бузиш каби мулкни тўлиқ йўқ қилишда ифодаланади ёки мулкни шундай ҳолатга келтириш тушуниладики, бунинг натижасида у ўзининг сифат ва фойдалилик хусусиятларини тўлиқ йўқотади. Йўқ қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, мулк тиклаш ёки таъмирлаш орқали қайта тикланмайди ва хўжалик муомаласидан тўлиқ чиқиб кетади.

Агар мулкни кўриқлаш мажбуриятини бажараётган вақтда енгиб бўлмас куч (масалан, тўсатдан оғир касал бўлиш, ёнғин, сув тошқини, zilзила) мавжуд бўлиб, бунинг натижасида шахс мулкни талон-торож қилинишига, зарар етказилишига ва йўқ қилинишига тўсқинлик қилиш имкониятидан маҳрум бўлса, айбдор ЖК 172-моддаси бўйича жавобгарликка тортилмайди.

Субъектив томондан жиноят: жиноятий бепарволик ёки жиний ўз-ўзига ишониш тарзидаги эҳтиётсизликдан содир этилади.

Айбдор ўз мажбуриятларига виждонсизларча муносабатда бўлиши натижасида мулк талон-торож қилиниши, зарар етказилиши ёки йўқ қилиниши каби оқибат келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билади ва била туриб ўз мажбуриятларини бажармайди ёки бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига ишониб, тўлиқ равишда бажармайди ёхуд оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини кўра билмайди.

Жиноятнинг мотив ва мақсади квалификацияга таъсир қилмайди.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган, мулкни кўриқлаш вазифаларини бажараётган шахс ҳисобланади.

Мансабдор шахс мулкни муҳофаза қилиш бўйича ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиб, уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги натижасида кўп миқдорда зарар етказилган бўлса, иш ҳолатларига қараб унинг қилмиши ЎЗР ЖК 207-

моддаси (мансабга совуққонлик билан қараш) ёки ЖК 208-моддаси (хокимият ҳаракатсизлиги) деб квалификация қилинади.

**§ 4. Мулкни қасдан nobуд қилиш ёки унга зарар
етказиш
(ЎЗР ЖК 173-моддаси)**

Жиноятнинг бевосита объекти ўзганинг мулкни муҳофаза қилиш ва дахлсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ушбу жиноят предмети кўпинча бу кўчмас мулк (бинолар, иншоотлар) бўлиши мумкин.

Объектив томондан жиноят ўзганинг мулкни қасдан nobуд қилиш ёки унга анча миқдорда зарар етказишда ифодаланади.

“Ўзганинг мулкни nobуд қилиш”, “мулкка зарар етказиш” тушунчалари ҳақида ЖК 172-модда таҳлиliga қаранг.

Мулкни қасдан nobуд қилганлиги ёки унга зарар етказганлиги учун шахсни жиной жавобгарликка тортишда содир этилган ҳаракат ва кўрилган зарар ўртасидаги сабабий боғлиқликнинг мавжудлигини аниқлаш зарур.

Мулкни қасдан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш мулк nobуд қилинган ёки унга зарар етказилган пайтдан эътиборан тамом бўлган жиноят деб ҳисобланади.

Анча миқдордаги зарар деганда, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар тушунилади

Субъектив томондан жиноят: тўғри қасд билан содир этилади. Уни квалификация қилиш учун жиноятни содир этиш мотиви ва мақсадининг аҳамияти йўқ лекин, ўхшаш жиноятлардан (терроризм, кўпорувчилик, безорилик ва бошқалар) фарқлаш имкониятини беради.

Жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо бўлади. ЖК 173-моддаси 2, 3-қисмларида кўрсатилган

жиноятнинг квалификация қилинган таркиби бўйича жиной жавобгарлик ўн тўрт ёшдан келиб чиқади.

Агар мулкни қасдан нобуд қилиш ёки зарар етказиш мансабдор шахс томонидан амалга оширилган бўлса, унда унинг ҳаракатлари жинойтлар мажмуи тариқасида ЖК 173-моддаси ва 205-моддалари бўйича квалификация қилиниши лозим.

Агар мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш:

а) миллатлараро ёки ирқий адоват ёхуд диний таассублар замирида;

б) атрофдагилар учун хавfli усулда;

в) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, айбдорнинг қилмишлари ЖК 173-моддаси 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

Шуни таъкидлаш зарурки, миллатлараро ёки ирқий адоватни нафақат шахснинг муайян миллат ёки ирққа тегишлилиги билан, шунингдек, инсоният фаолиятининг турли соҳаларида акс этувчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлган турли хил маданият, ижтимоий ва бошқа гуруҳларга (қабилла, уруғ) тегишлилиги билан ҳам ифодалаш мумкин.

Диний таассублар – бу шахснинг муайян гуруҳ, диний йўналиш, конфессия вакилларининг норасолиги, чекланганлиги, зарарлилиги тўғрисидаги объектив асосга эга бўлмаган ички тасавву-ри. Одатда, ушбу тасаввурлар диний фанатизм, диний ғояларни но-тўғри тушуниш, зарур диний маданиятнинг мавжуд эмаслиги билан асосланади.

Атрофдагилар учун хавfli усулда деганда, мол-мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказишга қаратилган ҳаракатларни содир этишда катта табиий офат ва вайроналик юз бериши хавфлини келтириб чиқариш ва инсонларнинг қурбон бўлиши, инсон соғлиғи учун хавfli ҳолатнинг вужудга келишига сабаб бўлувчи усуллардан фойдаланиш тушунилади. Масалан, жинойтчи овлоқ

жойда жабрланувчининг машинасини ёндириб юборади ва бунда атрофдагилар учун хавфни вужудга келтирмайди. Уларга мулкка ўт қўйиш, уни портлатиш, чўктириб юбориш, ҳайвонларни заҳарлаш, транспорт ҳалокатларини уюштириш ва ҳоказо усулларни қўллаш киради.

Агар айбдорнинг қасдан ўзганинг мулкини нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш билан боғлиқ ҳаракатлари натижасида фуқароларнинг соғлиғи ёки ҳаётига зарар етказиладиган бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини 173-модда, 2-қисм, “б” банди ва ЖКнинг Махсус қисми алоҳида моддалари билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиш лозим.

ЎзР ЖК 173-моддаси 3-қисмида:

а) хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахснинг ёки унинг яқин қариндошларининг мулкига нисбатан;

б) уюшган гуруҳ ва унинг манфаатларини кўзлаб мулкни нобуд қилганлик ёки зарар етказганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

Бу квалификация қилиш белгиларини биз юқорида кўриб чиққанмиз.

Агар ўзганинг мулкини нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш талон-тарож қилиш жараёнида содир этилган бўлса, мазкур ҳаракатларни талон –тарож учун ўрнатилган махсус жавобгарлик нормаси билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинади.

Мазкур модданинг 4-қисмида рағбатлантирувчи норма назарда тутилган бўлиб, унга мувофиқ “етказилган моддий зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди”.

“Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар” мавзусига оид якуний назорат саволлар:

1. Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш нималарда ифодаланади? Бу жиноят учун жавобгарлик асослари.

2. Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказишнинг фирибгарликдан фарқини айтиб беринг.

3. Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш деганда нима тушунилади? Мулк деганда нимани тушуниш керак? Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 171-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъектив томонининг ўзига хос хусусиятлари.

4. Мулкни кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш деганда нима тушунилади? Бу жиноятнинг объектив ва субъектив томонининг ўзига хос хусусиятлари.

5. Мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш деганда нима тушунилади?

6. Мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказганлик учун жиноий жавобгарликка тортишнинг зарурий шартлари.

III БОБ. ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

§ 1. Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш

(ЖК 175-модда)

Жиноятнинг бевосита объекти Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асослари, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий тизимини бир маромда фаолият олиб боришини таъминловчи ижтимоий муносабатлар.

Объектив томондан жиноят республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлган, наф келтирмаслиги аён бўлган битимнинг тузилишида ифодаланади.

Битим деб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади.

Тузилган битимнинг шакли қилмишнинг квалификациясига таъсир этмайди, аммо айбдорга жазо тайинлашда суд томонидан инобатга олиниши лозим.

Битим тузиш – бу битимнинг барча шартлари бўйича шахс (тараф)нинг ўз эркини қонунда назарда тутилган тарзда ифодалашидир.

Қуйидаги икки шартга риоя қилгандагина битим тузилган ҳисобланади:

- 1) битимнинг барча шартлари бўйича эрк-ирода ифодаланган бўлиши керак;
- 2) эркнинг ифода этилиш шакли битимларга қўйилган барча талабларга жавоб бериши керак.

Қўйилган талабларга риоя қилинганда битим тузилган ҳисобланади, акс ҳолда битим ҳақида гапиришга ҳожат ҳам йўқ.

Агар эрк қонунда назарда тутилганидан бошқача шаклда ифодаланса ва битимни рўйхатдан ўтказиш (масалан, кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ шартномалар)

талабига риоя этилмаган бўлса, уни тузилган деб бўлмайди, чунки у ҳақиқий ҳисобланмайди, яъни фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтирмайди, ўзгартирмайди ва тугашига олиб келмайди. Бундай ҳолда айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 25-модда 2-қисми ва 175-модда 1-қисми (жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаганда) бўйича ЖК 175-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишга суиқасд қилиш деб квалификация қилинади.

Наф келтирмайдиган битим деганда, шартлари давлат манфаатларига зид келувчи битимни тушуниш зарур (масалан, маҳсулот етказиб бериш баҳосининг аниқ пасайтирилганлиги ёки маҳсулотни олиш, уни транспортда ташиш нархларини аниқ ошириб кўрсатиш; давлат мулкани тасарруф қилишда паст нархлаш, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий санкция қўллаган резидентлар билан савдо операцияларини амалга ошириш ва ҳоказолар)

Ўзбекистон Республикаси манфаатлари деганда самарали бозор иқтисодиётини яратиш, мулкӣ ва ашёвий муносабатларни, умуммиллий қадриятларни ҳимоя қилиш, товар мустақиллигига эришиш шу кабилар ҳисобланади. Кўрсатиб ўтилган манфаатлар битимларни тузишга алоҳида талаблар белгиланган қонунчиликда акс эттирилган ва мустаҳкамланган, шу жумладан бу савдо операцияларини ўтказиш ва тузиладиган ташқи иқтисодий битимларга ҳам тааллуқли.

Жиноят объектив томонининг зарурий белгиси **Ўзбекистон Республикаси манфаатларига ҳилоф равишда битим тузилиши натижасида кўп миқдорда зарар етказилиши ҳисобланади.**

Кўп миқдордаги зарарни аниқлашда «зарар» тушунчаси жиноий қилмишдан кўрилган зарарнигина ўз ичига олишини назарда тутиш лозим.

Зарар миқдорини аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига ҳилоф равишда битим тузиш сабабли бой берилган наф эътиборга олинмайди.

Агар битим тузилиши натижасида республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилган бўлса, жиноят тамом бўлган деб ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилади. Мансабдор шахс битим тузилгунга қадар унинг Республика манфаатлари учун наф келтирмаслигини билиши керак.

Битимнинг Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зид тузилганлиги ишга тегишли мутахассислар жалб қилиниб аниқланиши лозим.

Агар мансабдор шахс ўзининг хизмат вазифасига совуққонлиги натижасида шундай битим тузса, унинг хатти-ҳаракати ЖК 207-моддасига биноан (мансабга совуққонлик билан қараш) квалификация қилинади..

Жиноятнинг мотив ва мақсади ҳар хил бўлиши мумкин, аммо у квалификацияга таъсир қилмайди. Агар жиноят содир этилишига айбдорда ғараз ёки бошқа паст ниятлар бўлганлиги аниқланса, бундай жиноятни квалификация қилишда Жиноят кодексининг ҳокимият ва мансаб мавқеидан фойдаланиб содир этиладиган тегишли жиноятлар учун жавобгарликни белгилловчи моддалари билан квалификация қилинади. Масалан, агар шарҳланаётган жиноят пора олиш эвазига содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 175 ва 210-моддалари бўйича квалификация қилиниши керак.

Агар айбдор битим тузиши билан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигига путур етказмоқчи эканлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари ЖК 157-моддаси билан давлатга хоинлик қилиш сифатида кўшимча квалификация қилинади

Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** ЖК 175-моддасида кўрсатилган давлат органи, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ёки жамоат бирлашмасининг фақат мансабдор шахслари бўлиши мумкин.

«Мансабдор шахс» тушунчаси учун ЖК 205-модда тахлилига қаранг.

Давлат органи деганда, давлатнинг жамият устидан раҳбарлик қилишида вужудга келган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳокимият ваколатлари ва воситалари билан таъминланган давлат механизмининг ташкиллашган қисмини тушуниш зарур. Давлат органи сифатида битта мансабдор шахс ёки мансабдор шахсларнинг ташкиллашган гуруҳи бўлиши мумкин.

Корхона – юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, мулкчиликнинг барча шаклларида тенг ҳуқуқлилиқ асосида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

Муассаса - бошқарув, ижтимоий-маданий ёки бошқа но-тижорат вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот ҳисобланади.

Ташкилот деганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчили-гига мувофиқ ташкил қилинган ҳар қандай тижорат юридик шахси, шунингдек, хорижий юридик шахслар, компаниялар ҳамда фу-қаролик ҳуқуқ лаёқатига эга ва хорижий давлатлар қонунчилигига мувофиқ тузилган бошқа корпоратив уюшмалар тушунилади.

Жамоат бирлашмалари маънавий ёки ўзга номоддий эҳ-тиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалари ҳисобланади. Бунга ўсмирлар, ёшлар, болалар, ногиронлар, илмий, техникавий, маданий, спорт ва бошқа фуқаролар бирлашмалари мисол бўла олади. Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ўсмирлар ва

болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Шахсга битимларни тузиш бўйича қонунда белгиланган тартибда ваколат берилгандагина уни жавобгарликка тортиш мумкин. Акс ҳолда унинг ҳаракатларини ЖК 175-моддаси бўйича квалификация қилиш мумкин эмас. Агар керакли далиллар бўлса, шахс манфаатдор бўлса унинг ҳаракатлари фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши мумкин.

ЖК 175-моддаси 2-қисмида Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битим тузишда айбдор бўлган мансабдор шахс қилмишни:

- а) такроран;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этганлиги учун жавобгарлик назарда тутилади.

Ушбу модданинг 2-қисми “а” ва “б” бандларида кўрсатилган алоҳида квалификация қилинадиган белгилар олдин шарҳланган босқинчилик белгиларини сўзма-сўз такрорлайди ва ушбу жинойтга нисбатан ҳеч қандай махсус ўзига хос хусусиятларга эга эмас.

ЖК 175-моддаси 3-қисмига мувофиқ, етказилган моддий зарарни уч барабар қоплаган ҳолларда айбдорга нисбатан озодлиқдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазо қўлланилмайди.

§ 2. Қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш (ЎзР ЖК 176-моддаси)

Қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказишнинг ижтимоий хавфлилиги қоғоз пул ёки қимматли қоғозлар кўпайиб кетишига, яъни пул ва товар массасининг ўзаро мутаносиблигининг бузилишига сабаб

бўлади. Муомалада товар билан таъминланмаган қоғоз пуллар пайдо бўлади, бу эса пулнинг қадрсизланишига, иқтисодий беқарорликка сабаб бўлади, давлат иқтисодиётининг асосларига путур етказди.

Жинойтнинг бевосита объекти давлатнинг пул ва кредит тизими ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг нормал фаолият олиб боришини таъминловчи муносабатлар.

Жинойтнинг предмети банк билетлари (банкнотлар), яъни пулдир. Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги сўм, шунингдек металл тангадир.

Жинойтнинг предмети Ўзбекистон республикаси Марказий банкининг банк билетлари (банкнотлар), шунингдек металл тангалар, акциз маркалар, Ўзбекистон республикаси валютасидаги қимматли қоғозлар, чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги № 154-І сонли “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонунинг 32-моддасига кўра банк билети ҳисобланган сўм пуллар (сўмлар) – 1 сўмдан 1000 сўмгача бўлган шаклда муомалага киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай металл тангалари, шу жумладан олтин, кумуш ва платина тангалар (бу тангалар сони чекланганлиги туфайли, асосан, тўлов воситасидан кўра кўпроқ, коллекция буюми сифатида фойдаланилади).

Банк билетлари (банкнотлар) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тоомнидан эмиссияга қилинади.

Акциз маркалар маркировкаланиши шарт бўлган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг талабномалари бўйича акциз маркалари учун ҳақ тўланиб, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органларида рўйхатдан ўтилганидан кейин «Пахтабанк»нинг минтақавий

бўлимлари томонидан берилади. Акциз маркаси акциз солиғи тўланганига далилдир. Акциз маркалари қатъий ҳисобда турадиган бланклар ҳисобланади.

ЎЗР ФК 96-моддасига мувофиқ «мулкӣ ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар қимматли қоғозлар ҳисобланиб, улар тақдим этилган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади».

Қимматли қоғозлар жумласига: облигациялар, векселлар, чеклар, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент, акция ҳамда қонун ҳужжатлари билан қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар киради.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, чет эл валютаси жумласига тегишли хорижий давлатда муомалада бўлган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнот кўринишдаги чет эл пуллари, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки муомиладаги, аммо Ўзбекистон Республикаси пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пуллари; счётларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ва халқаро ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлар киради.

чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар – чет эл валютасидаги фонд бойликлари (акциялар, облигациялар ва бошқалар), чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари (чеклар, векселлар, аккредетивлар ва бошқалар), шу жумладан йўл чекларидир.

Объектив томондан жиноят ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясашда ва уларни ўтказишда ифодаланади.

Қалбаки билетлар ёки қимматли қоғозлар ясаш (сохта пул ясаш) деганда, мазкур нарсаларни тўла ясаш ёхуд ҳақиқий қоғоз пуллар ёки қимматли қоғозларга қисман ўзгартиришлар киритиш (шу нарсаларнинг рақамларини ёки бошқа зарурий қисмларини ўзгартириш) тушунилади.

Қалбаки билетлар ёки қимматли қоғозларни ясаш усуллари ҳар хил бўлиши мумкин. Бу фотосуратлар, компьютер техникасидан фойдаланиш, чизиш, матбаа йўли билан пул ёки қимматли қоғозларни босма усулда чиқариш ва ҳ.к. усуллари бўлиши мумкин. Жиноятнинг квалификацияси учун уни содир этиш усулларининг аҳамияти йўқ.

Бироқ, қалбаки пул ёки қимматли қоғозларнинг барча ўлчамлари, зарурий белгилари, яъни реквизитлари ҳақиқийсига чиндан ҳам ўхшаш бўлиши жиноятни квалификация қилишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Акс ҳолда, айбдорнинг ҳаракатларини кўриб чиқиладиган модда бўйича квалификация қилиш мумкин эмас. Масалан, шахснинг журналдан янги пулнинг намуна нусхаларини қирқиб олиб, уларни ёпиштириб сотишга уринишини қалбаки пул ясаш ёки уларни ўтказиш, деб бўлмайди.

Бундай қилмиш муайян шароитда фирибгарлик деб баҳоланиши мумкин. Чунки бундай пуллар муомалада бўла олмайди ва давлатнинг пул кредит тизими асосларига путур етказмайди.

Пул бирликлари, акциз маркалари, қимматли қоғозларни тўла ёки қисман қалбакилаштириш (номиналини ўзгартириш, акциз марка ва қимматли қоғозларнинг реквизитларини ўзгартириш) мумкин. Қалбакилаштириш шакли ва миқдори квалификацияга таъсир этмайди, аммо жазо тайинлашда суд томонидан инобатга олиниши мумкин.

Қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар ясаш, агар уларни ўтказиш мақсади борлиги аниқланса, лоақал бир нусха ясалган пайтдан эътиборан тугалланган жиноят

ҳисобланади.

Ўтказиш деганда, уларни муомалага киритиш, яъни улардан тўлов, айирбошлаш, ҳадя қилиш воситаси сифатида фойдаланиш ва шу нарсаларнинг муомалада бўлишига имкон берадиган бошқа ҳаракатларни содир этиш тушунилади.

Айбдорнинг қалбаки пуллар ёки қимматли қоғозларга жисмоний, юридик шахслар ёки давлатга тегишли бўлган мулкни сотиб олишини жиноятнинг қалбаки предметларини ўтказиш деб ҳисоблаш лозим.

Жиноятнинг қалбакилаштирилганлиги олдиндан маълум бўлган предметларни кейинчалик ҳақиқатда ўтказиш учун олиш ЖК 176-моддасида кўзда тутилган жиноятни содир этишга жиноий жазоланадиган тайёргарлик кўришни вужудга келтиради (ЖК 25-моддаси 2-қисми). Бир дона бўлса-да, қалбаки предмет қабул қилинган ёки ҳақиқий пул белгиси, акциз марка ёки қимматли қоғоз сифатида фойдаланилган вақтдан бошлаб жиноят **туғалланган** ҳисобланади. Ўтказилган пайтида қалбакилаштирувчи шахснинг алдови фош этилиши (башарти бу шахс уни тайёрлаш билан шуғулланмаган бўлса) жиноят содир этишга суиикасдни ташкил этади.

Қалбаки пул бирликларини муомалага киритилши натижасида нафақат давлатнинг пул кредит тизимига салбий таъсир кўрсатилади, балки ўзгаларнинг мулкига (берилган товар ва кўрсатилган хизмат учун ҳақ сифатида, айирбошлашда, қарз беришда, олди-сотдида ва бошқа) ҳам зарар етказилади. Бундай ҳолларда, жиноятни фақатгина 176-модда билан жавобгар қилиш етарли, ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш учун жавобгарлик белгиланган моддалар бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Агар қалбакилиги айбдорга аён бўлган валюта қимматликлари кўринишидаги, пул муомаласида қўлланишини истисно қиладиган даражада ҳақиқийсига рўй-рост ўхшамайдиган купюралар ўтказилган бўлса, шунингдек, айбдорда

жабрланувчини қўпол равишда алдаш нияти бўлганлигидан гувоҳлик берувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса бундай қилмиш Жиноят кодекси 176-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилиниб, Жиноят кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик) билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди. Пул-буюм лотерея билетлари ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқариш, қалбакилаштириш ёки уларни ўтказиш ЖК 176-моддаси билан жавобгарликни юзага келтирмайди. Пул-буюм лотерея билетлари ва бошқа ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки уларни ўтказганлик учун ЖК 168-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши керак.

Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилади. Ўтказиш мақсадининг борлиги қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар яшашнинг зарурий белгисидир.

Айбдор шахс қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни ўтказаетганини олдиндан билган бўлиши керак, агар у сохта пул ёки қимматли қоғозларни ўтказаетганлигини билмаган бўлса, унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмайди.

Ўтказиш мақсадининг борлиги қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар яшашнинг зарурий белгисидир. Шахс қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни ўтказиш мақсадида эмас, айтайлик, ўзи учун, масалан, ўз қобилияти маҳоратини кўрсатиш ва ҳ.к. учун ясалган ҳолларда унинг ҳаракатлари жиноий қилмиш ҳисобланмайди.

Қалбаки пуллар ёки қимматли қоғозларни ўтказиш фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Айбдор шахс қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни ўтказаетганини олдиндан билган бўлиши керак, агар у сохта пул ёки қимматли қоғозларни ўтказаетганлигини билмаган бўлса, унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмайди.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

ЖК 176-моддаси 2-қисмида:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) кўп миқдорда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган, ўтказиш мақсадида қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар ясаганлик ёки уларни ўтказганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

ЖК 176-моддаси 3-қисмида:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган жиноят учун жавобгарлик назарда тутилган.

§ 3. Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш (ЎЗР ЖК 177-моддаси)

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг **ижтимоий хавфлилиги** шундаки, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш билан айбдор миллий валютанинг барқарорлигига таъсир қилиб, инфляция жараёнининг кескинлашуви учун шарт-шароит яратади. Бундан ташқари, “валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг валюта якка ҳукмронлигига путур етказди, улар кўпинча талон-торож қилиш, порахўрлик, божхона қонунчилигини бузиш каби жиноятлар билан боғлиқ бўлади”.

Жиноятнинг бевосита объекти давлатнинг иқтисодиёт асосларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлардир.

Жиноятнинг предмети «валюта қимматлигидир». Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 3-моддасига биноан қуйидагилар **валюта қимматликларига киритилади:**

чет эл валютаси – муомалада бўлган ҳамда хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнотлар, хазина

билетлари ва тангалар кўринишидаги чет эл пул белгилари, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган ҳамда худди шу хорижий давлатнинг пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари, шунингдек, ҳисобварақларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул birlikларидаги ҳамда халқаро пул ёки ҳисоб-китоб birlikларидаги маблағлардир;

чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар – қиймати чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатларидир (акциялар, облигациялар ва ҳоказолар);

чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари – (чек, вексель, аккредитив ва бошқалар), шунингдек, уларга йўл чеклари ҳам киради.

соф қуйма олтин – саноат усулида тозаланган ва ишлов берилган, таркибида бошқа элементлар аралашмаси бўлмаган ёки қабул қилинган меъёрларга мувофиқ кам миқдорда бўлишига йўл қўйиладиган олтиндир. Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари ёки хорижий давлат стандартларига мувофиқ қуйма шакл берилган тозаланган олтингина жинойт предмети бўла олади.

Олтиндан ясалган заргарлик ва маиший буюмлар, шу билан бирга олтин лом ва уларнинг парчаси жинойт предмети бўла олмайди. Шунингдек, кўриниши ва ҳолатидан қатъи назар, бошқа қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар (шу жумладан сунъий тошлар ҳам) шарҳланаётган қилмиш предмети бўла олмайди.

Олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳига кирувчи металллардан (палладий, иридий, родий, рутений ва осмийдан) ясалган, асиллик даражасига эга бўлган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тамғаланиши лозим бўлган буюмлар **қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик буюмлари** ҳисобланади.

Қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари – олмос, лаъл, сапфир, зумрад, александрит ва дур ишлатиб ясалган безак предмети ҳисобланади. Қимматбаҳо тошлардан

ясалган заргарлик буюмлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ тамғаланиши шарт эмас.

Қимматбаҳо метал (тош)лардан ясалган рўзғор буюмлари – бу кундалик фаолиятда учрайдиган металл (тош)дан ясалган ва доимий ишлатиладиган буюмлар. Буларга соат, портсигар, ёзув қуроллари ва бошқалар киради.

Давлат тамғаси бор ёки йўқлигидан қатъи назар саноат ёки хунармандчилик услуби билан қимматбаҳо металллардан ва табиий қимматбаҳо тошлардан тайёрланган буюмларни қимматбаҳо металллардан ва табиий тошлардан ясалган заргарлик ва бошқа рўзғор буюмлари қаторига киритиш лозим.

“Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун таҳлили шуни кўрсатиб турибдики, ишлаб чиқариш ва лабораторияларга мўлжалланган ҳар қандай ашёлар, яримфабрикатлар ва шунга ўхшаш қисмлар, ишлаб чиқариш чиқиндилари (апилкалар, қириндилар, шламлар ва бошқалар), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлган қимматли металллардан танга шаклида ишланган “сўм” пул бирлигидан ташқари қимматли металллардан тайёрланган тангалар, валюта қимматликларига киради.

Ишлаб чиқаришга мўлжалланган буюмлар деб, тегишли қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган ёки улардан фойдаланилган ҳолда тайёрланган буюмларга, масалан, айрим заргарлик асбобларига айтилади.

Лабораторияга мўлжалланган ашёларга тегишли металллар ёки тошлардан ясалган ва фақат лаборатория тадқиқотларида ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва бошқа буюмлар киради.

Қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган буюмларнинг яримфабрикатлари – бу кейинчалик юқоридаги буюмларни ясаш учун керак бўлган қимматбаҳо металллар ва тошлардан иборат материаллар ҳисобланади. Хом ашёдан фарқли ўлароқ, яримфабрикатга бир марта ишлов берилган бўлади, яъни алоҳида ишлаб чиқариш операциялари амалга

оширилган бўлади. Яримфабрикатларни тўйинтирилган хом ашёдан фарқлаш лозим. Тўйинтирилган хом ашё ишлаб чиқариш операцияларига тегишли бўлмай, рудани қимматбаҳо металл ёки тошлардан тозалаш имкониятини берувчи технология маҳсулдир. Яримфабрикатларга, масалан, жиҳозлар ишлаб чиқарилишида сарф бўладиган элементлар киради.

Юқорида санаб ўтилган буюмлар учун деталлар ўша буюмлардан самарали фойдаланишга ёрдам беради. Шунини таъкидлаш керакки, деталлар ишлов берилган яримфабрикат сифатида ўтмайди.

Ишлаб чиқариш чиқиндилари (апилкалар, қириндилар, шламлар ва бошқалар) - бу ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш жараёнида қимматбаҳо металллар ва тошлардан олинган чиқиндилар бўлиб, кейинчалик ишлов бермасдан улардан фойдаланиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлган қимматли металллардан танга шаклида ишланган “сўм” пул бирлиги валюта қимматлиги саналмайди. Шунингдек, пуркалган олтин ва кумуш, тиш протезларини ясашда ишлатиладиган қолиплар валюта қимматликларига кирмайди. Қимматбаҳо металл ва тошлардан ясалган қурол, ордон, нишонлар мазкур жинойт предмети деб баҳоланмайди.

Илмий-техникавий ривожланиш натижасида алоҳида турдаги сунъий қимматбаҳо тошларни кўп миқдорда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкони юзага келади. **Сунъий қимматбаҳо тош** – бу бирорта қимматбаҳо тошга яқин, унга ўхшайдиган минераллардан инсон ишлов бериши натижасида (“ўстирилган”, “эритмадан тортиб олинган” ёки бошқа усулда) яратилган тошдир. Бундай тошлар сифат жиҳатдан ҳақиқий тошдан ҳам чиройли кўриниб, жуда кўп миқдорда ишлаб чиқарилади.

Объектив томондан жинойт шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин фуқароларнинг қонунга хилоф равишда анча миқдорда валюта

қимматликларини олиши ёки ўтказишида ифодаланади.

Қонунга хилоф равишда олиш деганда, валюта қимматликларини банкларни четлаб (масалан, чет эл валютасини чайқов бозоридан) сотиб олишни тушуниш лозим.

Бундай қимматликларни вақтинчалик сақлаш, совға қилиш ёки бошқа беғараз усуллар орқали валюта қимматликларини олиш (масалан, мерос олиш натижасида) мазкур модда мазмунини ташкил қилмайди.

Агар айбдор валюта қимматликларни товламачилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата, фирибгарлик, ўғрилиқ, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан, пора олиш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, пора эвазига оғдириш, қимматбаҳо валюта билан рағбатлантиришдан қўлга киритган бўлса, тергов ва суд органлари уларнинг хатти-ҳаракатларини Жиноят кодексининг ана шундай жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддаси бўйича квалификация қилиши лозим ва ЖК 177-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, валюта қимматликларини банк муассасаларидан четда сотишни тушуниш керак.

Валюта қимматликларини сотиш, алмаштириш, у орқали хизматлар учун ҳақ тўлаш, меҳнат шартномаси бўйича ҳақ тўлаш ҳам ўтказиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Валюта қимматликлари билан боғлиқ бошқа битимлар (мерос қолдириш, омонат сақлаш, қарзга, қарз ўрнига бериш) ЖК 177-моддаси назарда тутувчи жавобгарликни вужудга келтирмайди. Агар юқоридаги ҳаракатлар валюта қимматликларини олиш учун амалга оширилган бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖК 177-моддаси бўйича квалификация қилинади. Валюта қимматликларни пора сифатида бериш уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деб топилмайди.

Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш деганда, Ўзбекистон Республикаси

худудида ушбу ҳаракатлар содир этилган вақтда валюта қимматликларини ўрнатилган талабларни бузган ҳолда сотиб олиш, сотиш ёки алмаштириш тушунилади.

Агар айбдор валюта қимматликларни товламачилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата, фирибгарлик, ўғрилиқ, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан, пора олиш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, пора эвазига оғдириш, қимматбаҳо валюта билан рағбатлантиришдан қўлга киритган бўлса, тергов ва суд органлари уларнинг хатти-ҳаракатларини Жиноят кодексининг ана шундай жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддаси бўйича квалификация қилиши лозим ва ЖК 177-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нақд сўмларга нақд хорижий валютани сотиб олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг валюта операцияларини ўтказиш бўйича Бош лицензиясига эга бўлган тижорат банкларининг пул алмаштириш шохобчалари орқали амалга оширадilar. Шу билан бирга, қонунчилик томонидан чет эл валюта қимматликларини сотиб олишга чеклов берилмаган, буни бузиш эса, ўз навбатида, валюта қимматликларини ноқонуний олиш деб баҳоланиши мумкин.

Барча мулк шаклидаги юридик шахсларнинг валюта алмаштириш операциялари уларнинг ваколатли банклари орқали амалга оширилади, банklar хўжалиқ юритувчи субъектлар номидан биржадан ташқари бозорда хорижий валютани сотиб олиш бўйича операциялар ўтказиш ваколатига эга. Юридик шахс манфаати учун чет эл валютасини харид қилиш ва сотишда белгиланган тартибга риоя қилмаслик валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш деб баҳоланиб, қилмиш ЖК 177-моддаси ва мансабдорлик жинояти бўйича қўшимча квалификация қилинади.

Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш

ёки ўтказиш сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган ҳаракатлар, яъни товарлар, хизматлар, ишлар учун чет эл валютасида ҳақ тўлаш жавобгарликни вужудга келтиради. Бундай тўловларни фақат қонунда белгиланган жойларда амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиши тақиқланган қимматли қоғозларни олиш ёки ўтказиш, ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тегишли валюта қимматликларини қонун талабларини бузиган ҳолда жойлаштириш қимматли қоғозларни қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республика сарҳадларидан ташқаридаги эмитентлар чиқарган қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага киритишнинг умумий қоидалари, ҳар йилги меъёрлари ва тартибини белгилаб қўяди. Бундай ҳолда эмитент Ҳукуматнинг Умумиқтисодий бўлимига тегишли ҳужжатларни йўллаши даркор.

Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар Вазирлар Маҳкамасининг квотаси билан муайян суммада жойлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эмитентлар чиқарган қимматли қоғозларни инвестицион институтлар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки уларнинг ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтган ва лицензияга эга филиаллари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қошидаги қимматбаҳо қоғозлар бозори Координация ва назорат маркази орқали жойлаштиради. Қимматбаҳо қоғозларни жойлаштиришда қимматбаҳо қоғозларнинг ягона давлат реестридан рўйхатдан ўтказиш лозим.

Пуркаладиган олтинни қазиб олиш ва уни қуйма шаклга келтириш (қазиб олинган рудадан ажратиш, олтин моддаси бор бошқа металллардан ажратиш, чиқиндилардан ажратиш) ишлари давлат рўйхатидан ўтмасдан ва тегишли рухсатномасиз амалга оширилса, жиноят ҳисобланади.

Бўйсунуви, мулкчилик шакли, илмий, ҳарбий, ижтимоий-маданий, ўқув мақсадидан, кўрсатадиган фаолият туридан қатъи назар, олтин қазиб чиқарувчи, қайта ишловчи, барча корхона, ташкилот, муассаса, ҳарбий куруллардан қимматбаҳо металллар, тошларни ажратиб олувчи Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлигиги қарашли ҳарбий қисмлар ва ҳарбий-техникавий утилизация (чиқиндиларни қайта ишлаш) ишлари билан шуғулланувчи бошқа вазирлик ва қўмиталар давлат рўйхатидан ўтиши шарт. Қимматбаҳо металллар ва тошлар билан операцияларни якка тартибда меҳнат ва якка тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам албатта давлат рўйхатидан ўтиши шарт.

Анализлар учун керак бўладиган азоткислотали кумуш, таркибида кумуш бўлган ёруғлик сезувчи материаллар (киноносуха қилувчи ташкилот ва киностудиялардан ташқари), электр техникаси жиҳозлари, автоматика, йиғувчи маҳсулотлар ёки деталлар таркибида мавжуд қимматбаҳо металллар билан шуғулланувчи корхона ва жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

Қимматбаҳо металллар ва тошларни сотиш, сотиб олиш билан бир марталик фуқаролик ҳуқуқий муносабатга кирувчи шахслар давлат рўйхатидан ўтмайди. Агар рўйхатдан ўтмасдан ва рухсатнома олмай туриб қимматбаҳо металллар ва тошлар олди-сотдиси билан шуғулланилса, айбдорнинг хатти-ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 177-моддаси ва фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлиги учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи ЖК 190-моддаси бўйича квалификация қилинади.

Валюта қимматликларини, хусусан, соф олтинни қуйма ҳолда, қонунга хилоф равишда хазина ва топилмаларни ўзлаштириш натижасида олиш ноқонуний ҳисобланиши лозим.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, қуйидаги тартибга риоя қилмасдан ўзлаштирилган ашё ноқонуний ўзлаштирилган ҳисобланади, яъни йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзга маълум шахслардан биронтасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт. Башарти, ашё бинода ёки транспортда топилган бўлса, у шу бинонинг ёки транспорт воситасининг эгаси бўлмиш шахсга топширилмоғи лозим. Топилма топширилган шахс ашёни топиб олган шахснинг ҳуқуқларини қўлга киритади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Башарти, топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили маълум бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт. Ашёни топиб олган шахс уни ўзида сақлаб туришга ёки сақлаш учун милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёхуд улар кўрсатган шахсга топширишга ҳақлидир. Топилма тўғрисида милицияга ёки тегишли давлат органига хабар қилинган пайдан эътиборан олти ой мобайнида йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс аниқланмаса ҳамда ашёни топган шахсга ёхуд милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ана шу ашёга бўлган ўз ҳуқуқи тўғрисида арз қилмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини олади.

Хазина борасида фикр юритилганда, хазина у яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгасининг розилигисиз қазилма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу хазина жойлашган ердаги мол-мулкни ўзлаштириш ғайриқонуний бўлади.

Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига кирадиган, валюта қимматликлари ҳисобланадиган ашёлардан иборат

хазина топилган тақдирда, улар давлат мулкига топширилиши керак. Бунда хазина яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулкнинг эгаси ва хазинани топган шахс биргаликда хазина қийматининг эллик фоизи миқдорида мукофот олиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар улар ўртасидаги келишувда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, мукофот бу шахслар ўртасида тенг улушларда тақсимланади.

Валюта қимматликларни сақлаш ёки жўнатиш қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш деб ҳисобланмайди.

Тайёрловчи ёки буюртмачига қонуний равишда тегишли бўлган, валюта қимматлиги ҳисобланувчи қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмларининг, ясама тишлар ва бошқа маиший буюртмаларнинг тайёрланиши, шу жумладан бундай нарсаларнинг қимматбаҳо металллар ва тошлардан ҳамда уларнинг резгиларидан иборат бошқа заргарлик ва бошқа маиший буюмлардан тайёрланиши валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш сифатида баҳоланиши мумкин эмас

Қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин фуқаролар қонунга хилоф равишда анча миқдорда валюта қимматликларини олган ёки ўтказган пайтдан эътиборан жиноят содир этилган деб топилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, чет эл валютасининг анча, кўп ва жуда кўп миқдорда эканлигини белгилаш масаласини ҳал этиш тергов ва суд органлари ваколатига киради. Улар бу масалани битимлар амалга оширилган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси сўм бирлигига нисбатан курсидан келиб чиқиб ҳал этадилар.

Биринчи маротаба содир этилган анча миқдордан ошмайдиган миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 170-моддасида белгиланган маъмурий жавобгарликка асос бўлувчи

маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Аммо бундай ҳолда тергов ва суд органи айбдорнинг мақсадига эътибор бериши керак, чунки у валюта қимматликларини қисмлаб олишни ўзига мақсад қилиши мумкин ва қилмиш квалификацияси мақсадга боғлиқлиги сабаб айбдор Жиноят кодексининг 177-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

Агар қалбакилиги айбдорга аён бўлган валюта қимматликлари кўринишидаги, пул муомаласида қўлланишини истисно қиладиган даражада ҳақиқийсига рўй-рост ўхшамайдиган купюралар ўтказилган бўлса, шунингдек айбдорда жабрланувчини кўпол равишда алдаш нияти бўлганлигидан гувоҳлик берувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса бундай қилмиш Жиноят кодекси 176-моддасининг тегишли қисми бўйича тавсифланиб Жиноят кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик) билан кўшимча тавсифлаш талаб қилинмайди. Қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни олган шахснинг қилмиши эса валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олишга суиқасд сифатида тавсифланиши лозим.

Қалбакилигини билмагани ҳолда қалбаки валюта қимматликларини олган ва кейинчалик уларни ўтказган шахснинг қилмиши валюта қимматликлардан қонунга хилоф равишда ўтказиш сифатида тавсифланиши лозим.

Бу ҳолтада Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленуми қарорида берилган жиноятни квалификация қилиш тартиби нотўғри.

Биринчидан, агар қалбакилиги айбдорга аён бўлган валюта қимматликлари кўринишидаги, пул муомаласида қўлланишини истисно қиладиган даражада ҳақиқийсига рўй-рост ўхшамайдиган купюралар ўтказилган тақдирда айбдор айнан фирибгарлик (ЖК 168-моддаси) жинояти учун жавобгарликка тортилиши лозим. Бу ҳолатда ҳақиқийсига рўй-рост ўхшамайдиган купюраларни кенг кўламда муомалага кириб кетилмайди ва давлатнинг молия-кредит тизимига зарар етказилмайди.

Иккинчидан, қалбакилигини билмагани ҳолда қалбаки валюта қимматликларини олган ва кейинчалик уларни ўтказган шахснинг қилмиши валюта қимматликлардан қонунга хилоф равишда ўтказиш сифатида тавсифланиши мумкин эмас. Чунки, бу ҳолатда шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг субъектив томони мавжуд эмас ҳамда бу ҳаракатларни ЎзР ЖК 177-моддаси билан тавсифлаб бўлмайди.

Айбдорнинг қилмишини ЎзР ЖК 177-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилиш учун қонунга хилоф равишда олинган ёки ўтказилган валюта қимматликларининг миқдорини ва илгари шундай ҳаракатлар содир этгани учун айбдорга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланганлигини аниқлаш зарур. Худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин фуқароларнинг қонунга хилоф равишда анча миқдорда валюта қимматликларини олган ёки ўтказган вақтдан эътиборан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланади.

Валюта қимматликларини сақлаш ёки ташиш ҳаракатлари валюта қимматликларини олган ёки ўтказганлик ҳаракатлари таркибига кирмайди.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд асосида амалга оширилган бўлади. Бунда айбдор валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олаётганлигини ёки ўтказётганлигига ҳамда бу хатти-ҳаракатларни амалга оширишни хоҳлаганлигига иқроп бўлади. Қоидага кўра, бундай жиноят ғаразгўйлик мақсадида амалга оширилган ҳисобланади.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

ЖК 177- моддасининг 2-қисмида:

- 1) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- 2) кўп миқдорда;
- 3) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб

қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олганлик ёки ўтказганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Мазкур квалификация қилиш белгилар юқорида таҳлил қилиб ўтилган.

177-модданинг 3-қисмида:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олганлик ёки ўтказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Бу жиноятларнинг квалификация қилиш белгалари тушунчаси ва ўзига хослиги юқорида таҳлил қилиб ўтилган.

“Қилмишни Жиноят кодекснинг 177-моддаси иккинчи ва учинчи қисми билан тавсифлашда жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, айблов хулосаси ва ҳукмда айбдорнинг қилмиши айнан қандай белгисига кўра жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қаралаётганлиги албатта, ифодаланган бўлиши лозим. Бу ўринда шуни инобатга олиш керакки, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишнинг такроран ёки хавфли рецидивист томонидан кўп миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан, олдиндан тил бириктириб, жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги жинойий жавобгарликка, яъни қилмишни Жиноят кодексининг 177-моддаси тегашли қисми билан тавсифлашга асос бўлади ва шундай ҳаракатлар учун муқаддам маъмурий жазо қўлланилган бўлиши талаб этилмайди”.

«Валюта қимматликларини босқинчилик, товламачилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, шунингдек, валюта қимматликларида пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, хизматчини пора эвазига оғдириш, товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш Жиноят кодексининг фақат ана шундай жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддаси билан квалификация қилиниши лозим ва Жиноят кодексининг 177-

моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди» дейилган

Божхона назоратини четлаб ёки божхонадан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ва воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кўп миқдорда, жуда кўп миқдорда, хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда, чегарани бузиб ўтиш йўли билан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб валюта қимматликларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, кейинчалик улар билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида битимлар тузиш (сотиш, алмаштириш) амалга оширилганда божхона қонунларини бузиш ва валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда ўтказиш сифатида баҳоланиши ва шу жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

§ 4. Чет эл валютасини яшириш (ЎзР ЖК 178-моддаси)

Жиноятнинг бевосита **объекти** иқтисодий ресурсларни шакллантиришнинг республикада белгилаб қўйилган тартибидир.

Жиноятнинг бевосита объекти Ўзбекистон Республикасида ваколатли банклар ҳисобварақларидан рўйхатдан ўтиши керак бўлган чет эл валютасини белгиланган субъектлар томонидан ўтказиш билан боғлиқ ижтмоий муносабатлар ва иқтисодий ресурсларни шакллантиришнинг республикада белгилаб қўйилган тартиби, дир.

Жиноят **предмети** Ўзбекистон Республикасида ваколатли банклар ҳисобварақларидан рўйхатдан ўтиши керак бўлган чет эл валютаси:

- 1) чет эл давлатида эркин муомалада бўлган ва тўлов воситаси сифатида қабул қилинадиган банкнот шаклидаги чет эл валютаси;
- 2) чет элдаги ҳисоб рақамида турган чет эл валютаси ёки халқаро пул бирликлари ҳисобланади.

Ваколатли банклар деганда, чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун белгиланган тартиб асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бош, ички лицензиясини олган ҳолда банк фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар, хорижий банклар ваколатхоналари ёки филиаллари тушунилади

Валюта қимматликларини ушбу жиноят предмети деб топиш учун яна бир асос - бу уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварағига Ўзбекистон Республикаси ваколатли банклари томонидан ўтказилиши шартлигидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунинг 16-моддасига мувофиқ, “Резидент юридик шахслар томонидан олинадиган чет эл валютаси, шу жумладан, товарлар (ишлар, хизматлар) экспортдан олинган валюта тушуми, агар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқача қоида белгилаган бўлмаса, уларнинг

ваколатли банклардаги ҳисобварақларига ўтказилиши шарт.

Резидент юридик шахслар Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги банкларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда миллий валютада ва чет эл валютасида ҳисобварақлар очишга ҳамда улардан фойдаланишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг резидент жисмоний шахслари, дипломатия ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг чет элдаги, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳисобварақлар очишига ҳамда бу ҳисобварақлардан фойдаланишига уларнинг фақат хорижда бўлиши ва фаолият кўрсатиши даврида йўл қўйилади. Уларнинг чет элда бўлиши ёки фаолият кўрсатиши тугагач, ҳисобварақлар ёпилиши лозим, ҳисобварақлардаги маблағларнинг қолдиқлари эса Ўзбекистон Республикасига ўтказилади.”

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, **корхона, муассаса, ташкилотларнинг валюта ҳисобварақларига ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютаси** деганда, қуйидагиларни тушуниш керак:

1) Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги норезидентлар товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақига ўтказган пуллар, шунингдек, уларнинг устав фондидаги улушлари;

2) ҳисобварақлар эгалари томонидан Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида сотиб олинган маблағ;

3) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсат этган ҳолларда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақига олинган нақд хорижий валюта;

4) чет эл валютасидаги фоизлар ва дивидендлар;

5) қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда – нақд чет эл валютаси;

6) ҳисобварақ эгасига Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида очилган ўз ҳисобварақларидан ўтказилган

пуллар, шунингдек, амалдаги қонунларда кўзда тутилган бошқа маблағ тушумлари.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар (кейинги ўринларда корхоналар деб аталади) чет эл валютасидаги тушумни мажбурий тартибда сотадилар. Корхоналар мажбурий сотишни товарлар ва хизматлар экспортидан олинган чет эл валютасидаги тушумдан амалга оширади.

Бунда **экспорт қилинган товарлар ва хизматлар учун чет эл валютасидаги тушум** деганда, корхоналарнинг ваколатли банклардаги ҳисоб рақамларига ва кассаларига товарлар ва хизматларни экспорт қилишдан тушган чет эл валютасидаги пул маблағлари (кейинги ўринларда тушум деб аталади) тушунилади. Бунда:

1) воситачилик фаолиятидан даромад олувчи корхоналар учун мажбурий сотиш мақсадлари учун чет эл валютасидаги тушум деганда, бажарилган битишувлар бўйича олинган воситачилик ҳақи (фоизлар) миқдори тушунилади;

2) банклар бўйича чет эл валютасидаги тушум деганда, воситачилик ҳақи кўринишида олинган маблағлар, ваколатли банкларнинг хорижий банклардаги ҳисоб рақамлари бўйича қўшилган фоизлар, шунингдек, банклар томонидан норезидентлардан олинган хорижий валютадаги бошқа даромадлар (маслаҳат хизматлари кўрсатишдан олинган даромадлар, олинган жарималар, пеня ва ҳоказолар) тушунилади;

3) чет элда лойиҳа-қидирув, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш ва оталиқ-монтаж ишларини, шунингдек, қурилган объектларни мукамал тузатиш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва техник текшириш ишларини амалга оширувчи, қурилган объектлардан фойдаланиш ва кадрлар тайёрлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи корхоналар бўйича чет эл валютасида ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш лойиҳа қиймати миқдорининг мазкур контрактлар бўйича валюта харажатларидан ортиқ бўлиши тушунилади.

Бунда чет эл валютасидаги тушумни мажбурий сотиш бўйича ҳисоб-китоблар контрактлар бўйича ишлар (ишларнинг босқичлари) тамом бўлгандан кейин амалга оширилади, бу тегишли ҳужжатлар ва тўлов ҳужжатлари билан тасдиқланади;

4)суғурталовчилар бўйича чет эл валютасидаги тушум деганда, суғурта (қайта суғурта) муддати тамом бўлгандан кейин суғурта товони тўлови, воситачилик ва агентлик тўловлари чиқариб ташланган ҳолда ҳисоблаб чиқилган суғурталанувчилар (қайта суғурталанувчилар)нинг тўловларини суғурта қилиш сифатида олинган маблағлар, шунингдек, фаолиятнинг бошқа турларидан олинган хорижий валютадаги бошқа тушумлар тушунилади. Хорижий суғурта компаниялари билан операциялар амалга оширилган тақдирда чет эл валютасидаги тушум деганда, суғурта (қайта суғурта) муддати тамом бўлгандан кейин хорижий қайта суғурталовчига ўтказилиши керак бўлган маблағ; суғурта товони тўлови; воситачилик ва агентлик тўловлари чиқариб ташланган ҳолда ҳисоблаб чиқилган суғурталанувчиларнинг суғурта тўловлари сифатида олинган маблағлар тушунилади;

5)Ўзбекистон Республикаси божхонаси ҳудудида олиб келинадиган хом ашёни қайта ишлаш, ёхуд божхона назорати остида қайта ишлаш юзасидан контрактлар бўйича хорижий валютадаги тушум деганда, резидентлар томонидан хом ашёни қайта ишлаш бўйича норезидентларга кўрсатиладиган хизматлар қиймати тушунилади.

Ички валюта бозорида сотиб олинган чет эл валютаси – бу Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида сотиб олинган чет эл валютасидаги пул маблағларидир. Қонунчиликка мувофиқ, сотиб олинган валюта ушбу маблағларни сотиб олган шахснинг вакил банкидаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши керак. Ушбу маблағлар чет эл валютасини сотиб олишда кўрсатилган мақсадларга ишлатилади.

Биржадан ташқари валюта бозорида операциялар

Ўтказиш учун кафолатли банклар ўз миждозларига махсус валюта ҳисоб рақамлари очади, ушбу ҳисоб рақамларига валюта бозорида сотиб олинган хорижий валюта ўтказилади. Махсус валюта ҳисоб рақами очмасдан банк миждози томонидан чет эл валютаси харид қилинишига йўл қўйилмайди. Махсус валюта ҳисоб рақамига, шунингдек, мазкур ҳисоб рақамидан илгари чиқарилган ва фойдаланилмаган ёки қайтарилган валюта ҳам ўтказилади. Махсус валюта ҳисоб рақамларига қўшиб қўйилган маблағлар корхоналар ва ташкилотлар томонидан тузилган шартномаларга мувофиқ қатъиян мақсадли равишда сарфланади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, қуйидаги ҳолларда нақд чет эл валютаси ваколатли банклардаги ҳисобварақаларга олинади:

нақд валюта маблағи товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишдан тушган бўлса, кичик ва ўрта бизнес корхоналари – ҳисоб рақами;

хизмат сафарига жўнаётган шахсга йўл харажатлари, уй-жой ижараси, иш ва кўзда тутилмаган харажатлари учун берилган чет эл валютаси тўлиқ ёки қисман сарфланмаган бўлса – қолдиқ қисми бўйича;

бутун операцион кун давомида келиб тушган чет эл валютасидаги пул маблағлари ўша иш кунининг ўзидаёқ тегишли ҳисобварақага киритилиши керак;

хўжалик судининг қарори билан нақд чет эл валютаси олиб қўйилган бўлса – ўша куннинг ўзидаёқ хўжалик судининг депозит ҳисоб рақамига ўтказилиши, бунинг иложи бўлмаса – ҳаракат энг яқин банк иш кунида амалга оширилиши керак;

корхона, муассаса, ташкилот кассасидаги нақд пул қолдиғи лимитининг кўпайиши вужудга келса – лимитнинг кўпайган суммаси корхона, муассаса, ташкилотнинг ҳисоб рақамига ўтказилиши учун банкка топширилиши керак..

Жиноят **объектив томондан** республиканинг ваколатли банкларидаги ҳисобварақаларга ўтказилиши лозим бўлган чет

эл валютасини яшириб қолишга қаратилган фаол ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланади.

Чет эл валютасини яшириш – бу чет эл валютасидаги маблағларни Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкида, ёки бошқа ваколатли субъектида сақлаш мажбуриятини бажармасликдан иборат бўлиб, оддий ҳаракатсизлик, чет эл валютасини хориждан Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкига ўтказиш тўғрисида кўрсатма бермаслик, банк ҳужжатларини имзоламаслик, хориж валютасини хорижий банкдаги ҳисоб рақамида сақлаш каби йўллар билан содир этилади. Шунингдек, хорижий валютани яшириш фаол ҳаракатлар, масалан, уни бошқага ўтказиш, келиб тушган фойдани пасайтириб кўрсатиш, маблағларни бошқа ҳисоб рақамга ўтказиш, яшириш кабилар орқали содир этилиши мумкин. Нақд чет эл валютасини яшириш деганда, олинган нақд маблағларни белгиланган муддатда хизмат кўрсатувчи банкка топширмаслик, товар ва маҳсулот сотиш жойларида тегишли тарзда бухгалтерлик ва бошқа ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган маблағлар мавжудлиги тушунилади.

Хорижий валютани яшириш маблағларни банкдаги ҳисоб рақамига ўз вақтида ўтказмаслик, ёки тўлиқ ўтказмасликда ифодаланиши мумкин.

Банкдаги ҳисоб рақамига ўз вақтида ўтказмаслик деганда, амалга оширилган операциялар натижасида олинган чет эл валютасини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларга риоя қилмаган ҳолда ўтказилиши тушунилади.

Банкдаги ҳисоб рақамига тўлиқ ўтказмаслик деганда, амалга оширилган хўжалик фаолияти ва бошқа операциялар натижасида келиб тушган хорижий валютанинг фоизлар, дивидендлар ва бошқа даромад кўринишида амалда олинган валюта маблағларига мувофиқ бўлмаган ҳажмда ўтказилиши тушунилади.

Жиноятни баҳолаш учун айбдор валюта маблағларини

ваколатли банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини қайси йўл билан бажармаганлиги аҳамиятга эга.

Чет эл валютасини яшириш жинояти солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бош тортиш билан амалга оширилса, шахсинг хатти-ҳаракатлари Жиноят кодексининг 177 ва 184-моддалари билан квалификация қилинади.

Жиноят чет эл валютаси яшириб қолинган пайтдан, яъни уни ваколат берилган банклардаги ҳисоб варақларга ўтказиш учун белгиланган муддат тугаган пайтдан ёхуд чет эл валютаси қисман ўтказилган ва қолган сумма яшириб қолинган пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Агар корхона, муассаса ёки ташкилотда валюта операцияларини амалга оширувчи шахс ўз вазифасини лозим даражада бажармаганлиги туфайли чет эл валютаси яшириб қолинган бўлса, у муайян ҳолатларда мансабига совуққонлик билан қараганлиги учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ҳисобга ўтказиш, уни тўла ўтказмаслик, инсон эркига боғлиқ бўлмаган ҳолларда – ҳисоб-китоб техникасининг ишламай қолиши, шахсинг алдаши ва бошқалар **чет эл валютасини яшириш ҳисобланмайди**, чунки бундай вазиятда айб шакли мавжуд эмас. Бироқ ҳар бир ҳолат бўйича шахсинг иродасига боғлиқ бўлган-бўлмаган фактлар аниқланиши керак.

Валютани банк ҳисобига ўтказиш муддатларини эҳтиётсизлик оқибатида ўтказиб юборган шахсни ҳам жавобгарликка тортиб бўлмайди. Эҳтиётсизлик валютани ўтказиш муддатини жуда қисқа муддатга бузганлиги, валюта билан аҳамияти кам операцияларни бажарганлиги билан ифодаланади. Бундай ҳолларда қилмишни мансабга совуққонлик билан қараш сифатида тавсифлаш мумкин.

Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди, лекин жазо тайинлашда инобатга олиниши мумкин.

Жиноят **субъекти** ўн олти ёшга тўлган, қонунчилик ва

шартнома билан ташкилот, корхона ва муассасаларда валюта операцияларини амалга ошириш вазифаси юклатилган ҳар қандай шахс ҳисобланади.

ЖК 178-моддаси 2-қисмида чет эл валютасини яширишни қуйидаги квалификация қилиш белгилари кўрсатилган:

- а) ғаразгўйлик билан;
- б) такроран;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганда.

Ғаразгўйлик билан деганда, шахсинг чет эл валютасини яшириш натижасида бирон-бир моддий наф чиқариб олишга интилиши (масалан, валютани даромадга айлантириш, қарзини тўлаш ва ҳоказолар) тушунилади. Чет эл валютасини яшириш фактини ғаразгўйлик туфайли содир этилган деб квалификация қилиш учун айбдорда ғаразли интилиш ЖК 178-моддасида кўзда тутилган жиноят содир этилишидан олдин юзага келганлигини аниқлаш зарур. Башарти айбдор валютани яширгач, уни ноқонуний ўзлаштирган бўлса, унинг ҳаракатини чет эл валютасини яшириш сифатида (бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаса) жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 178-моддасининг 1-қисми ҳамда ЖК 167-моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) бўйича квалификация қилиш зарур.

Агар чет эл валютасини яшириш уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, жиноятчи ЖК 178-моддасининг 3-қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

Кўрсатилган оғирлаштирувчи ва алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатларда жиноятни квалификация қилиш белгилари юқорида таҳлил қилинган ва улардан алоҳида хусусиятларга эга эмас.

§ 5. Сохта тадбиркорлик (ЎзР ЖК 179-моддаси)

Жиноятнинг объекти корхоналар ёки бошқа тадбиркорлик билан шуғулланувчи тузилмаларнинг

қонунда, ўз Низомида белгиланган фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек давлат жамият ва фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги иқтисодий манфаатлари ҳисобланади.

Жиноятнинг объектив томони Уставда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, қарз, кредит олиш, фойда (даромад)ни солиқлардан озод қилиш ёки бошқа мулкӣ манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотларни тузишда ифодаланади.

ЎзР ФК 40-моддасига мувофиқ, фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни шундай мақсад қилиб олмаган (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

Ўз ФК 41-моддасида юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаровий ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Юридик шахсининг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг низоми ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бўлади.

Тижоратчи ташкилотни тузиш деганда, тузиладиган тижоратчи ташкилотнинг керакли таъсис ҳужжати ва уни ваколатли органлардан рўйхатдан ўтказиш учун керак бўлган ҳужжатларни йиғиш билан боғлиқ бўлган ташкилотчилик жараёни (масалан, бозор ташкил этиш учун ҳокимиятнинг розилиги талаб этилади) тушунилади. Тижоратчи ташкилот

давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Агар ташкилот айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолда давлат рўйхатидан ўтмаган бўлса, унинг ҳаракатларини ЖК 25-моддаси 2-банди ва ЖК 179-моддаси билан уставда кўрсатилган фаолиятни амалга оширмаслик мақсадида ташкилот тузиш (сохта тадбиркорлик) жиноятига суиқасд деб квалификация қилинади. Бироқ бунда айбдорнинг устав фаолиятини амалга оширмаслик қасдини аниқлаш зарур, акс ҳолда унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг ушбу моддаси билан квалификация қилинмайди.

Устав фаолияти деганда, фаолиятнинг шундай тури тушуниладики, тадбиркорлик ташкилоти томонидан уни амалга ошириш учун барпо этилади ва бу унинг таъсис ҳужжатларида қайд этилади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, таъсис ҳужжатининг тури ва шаклидан қатъи назар, унда қайд этилган фаолият турлари уставга оид ҳисобланади. Ният йўқлигини, содир этилган ҳаракатлар ҳақиқий эмаслигини аниқлашнинг ўзига хослиги ва мураккаблиги фуқаролик-ҳуқуқий битимнинг ҳақиқий эмаслигини баҳолашда юзага келадиган шу каби тегишли масалаларга монанд бўлиб, устав фаолиятини амалга оширишни кўзламай юридик шахсни ташкил этишни ҳам амалда худди шундай деб аташ мумкин. Бу каби ният мавжудлигидан юридик шахснинг таъсис ҳужжатларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни Ўзбекистон Республикаси ФК 6-моддасида тартибга солинган иш муомаласи одатларига мувофиқ, зарур ва етарли бўлган вақт мобайнида бажармаслик ҳам далолат беради.

Сохта тадбиркорлик билан шуғулланувчи ташкилот давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади. Мулкий зарар келтириш ёки мулкий фойда кўрганлик жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланмайди.

Субъектив томондан жиноят бевосита тўғри қасд шаклидаги айб билан тавсифланади. Айбдор устав

фаолиятини амалга оширмайдиган тадбиркорлик ташкилотини тузаётганлигини англайди ва ана шундай ташкилот тузишни истайди.

Жиноятни содир этишдаги мотив жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Қоида тариқасида жиноят субъектлари бу вақтда тамагирлик ниятида ҳаракат қилади.

Сохта тадбиркорликнинг зарурий белгиси унинг мақсади-таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга оширмай туриб ноқонуний кредитлар олиш, солиқлардан озод бўлиш, эгаллашга ҳуқуқи бўлмаган бошқа мулкӣ фойда кўриш мақсадини кўзлаганлиги ҳисобланади.

Жиноятнинг биринчи мақсади- ноқонуний кредитлар, ссудалар олиш жуда содда тарзда амалга оширилиши мумкин. Бу мисол учун, банкдан муддатли, қайтариб бериш ва фоиз шарлари асосида кредитлар олиниши мумкин.

Фойда (даромад)ни солиқлардан озод қилиш ёки камайтириш деганда, қонунга мувофиқ тузилган вақтдан бошлаб маълум муддат ёки бутунлай айрим солиқлардан озод қилинган ёки имтиёзли тарзда солиқ олиниши мумкин бўлган тижорат ташкилотини (масалан, ногиронлар жамияти, турли хил шакллардаги нотижорат ташкилотлари) тузиш сифатида тушуниш керак.

Бошқа мулкӣ фойда кўриш мақсади деганда, белгиланган ташкилий –ҳуқуқӣ шакллардаги тижорат ташкилотини тузиш ва у орқали имтиёзли кредитлар олиш, солиқ имтиёзларини қўлга киритиш, имтиёли тарзда пул маблағларини фаолиятига жалб қилиш каби операцияларни амалга оширишини тушиниш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қуйидагича тушунтириш беради: “Сохта тадбиркорлик тўғрисидаги ишларни кўришда шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга оширмай туриб ноқонуний кредитлар олиш, солиқлардан озод бўлиш, эгаллашга ҳуқуқи бўлмаган бошқа мулкӣ фойда кўриш мақсадини кўзлаганлиги ҳисобга олиниши лозим. Бундай мақсаднинг

аниқланиши шахсининг хатти-ҳаракатларини Жиноят кодексининг 179-моддаси ҳамда талон-торож этишга суиқасд қилиш ва солиқ тўловлари тўлашдан бўйин товлаш ва ҳоказолар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддалари мажмуи билан квалификация қилишга асос бўлиши мумкин”.

Агар сохта тадбиркорлик жамиятини тузишдан мақсад таъқиқланган фаолиятни (диний таълимотлар бериш, орден ва медаль, муҳр ва штамплар, гиёҳванд, қаттиқ таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни тайёрлаш ва бошқаларни) амалга ошириш бўлса, айбдор шахс жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 179-моддаси ва тегишли жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар билан жавобгарликка тортилади.

Сохта тадбиркорлик ташкилоти айбдор фойдасига ғайриқонуний мол-мулкни эгаллаш, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мол-мулкни тортиб олиш ҳаракатларини амалга ошириш учун тузилган бўлса, айбдор ЖК 168-моддаси билан жавобгарликка тортилади, чунки бу фирибгарлик ҳисобланади.

Сохта тадбиркорликнинг **субъекти** ўн олти ёшга тўлган сохта ташкилот таъсисчиси ёки таъсисчилари ҳисобланади

§ 6. Сохта банкротлик (ЖКнинг 180-моддаси)

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига кўра, **банкрот** деб, “хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги” тушунилади.

Қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан

бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади. (“Банкротлик тўғрисида”ги қонунинг 4-моддаси)

Жиноятнинг объекти тадбиркорлик тузилмаларининг нормал фаолият кўрсатишини, хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

Объектив томондан жиноят хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши натижасида кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишида намоён бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект ҳақиқатда кредиторлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлгани ҳолда, уларни бажаришдан атайлаб бўйин товлаб, ўзини банкрот деб эълон бериши, атайлаб ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериш ҳисобланади.

Хўжалик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс ёки юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, банкротликни эълон қилиш қонунчилиқда белгиланган доирада қуйидаги ҳаракатлардан бирини содир этгандан сўнггина амалга оширилиши мумкин:

Банкротлик аломатлари юзага келган тақдирда, қарздор юридик шахснинг раҳбари, якка тартибдаги тадбиркор қарздори бу ҳақда қарздорнинг муассисларига (иштирокчиларига), бошқарув органларига ёки қарздорнинг мол-мулки эгасига судгача санация ўтказиш мақсадида банкротлик белгилари ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт;

Лозим даражада хабардор этиш деганда, кредиторга, ва-

колатли органга, шунингдек, ушбу Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ кредиторлар йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бошқа шахсга кредиторлар йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги хабарни кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин почта алоқаси орқали ёки бундай хабар кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида беш кун олдин олинисини таъминловчи бошқа усул билан юбориш тушунилади;

Хўжалик судида ишни кўриб чиқиш натижасида чиқарилган суд ҳужжатидан қатъи назар, хўжалик судида банкротлик тўғрисида ишни кўзғатиш.

Хўжалик юритувчи субъект қонунда белгиланган тартибни бузиб ўзининг иқтисодий ночорлигини эълон қилган ҳолларда, айбдорнинг қилмиши муайян ҳолатлар мавжуд бўлганида фирибгарликни вужудга келтиради.

Жиноят кредиторларга кўп миқдордаги зарар етказиш тарзидаги ижтимоий хавфли оқибат келиб чиққан пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

“Кўп миқдордаги” зарар тушунчасига ЖКнинг 8 бўлимига қаранг. Мазкур модда таҳлилида назарда тутилаётган кўп миқдордаги зарар етказилган ҳақиқий (реал) зарар билан бирга, бой берилган фойдани ҳам ўз ичига олади. Кўп миқдорда зарар етказилмаган тақдирда айбдор фуқаровий тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин.

Агар айбдорнинг ҳаракатлари кредиторга кўп миқдорда зарар етказишга қаратилган бўлсада, айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолларда зарар келиб чиқмаган тақдирда, айбдорнинг ҳаракатини 180-моддага суиқасд сифатида квалификация қилиш керак.

Агар мансабдор шахс сохта ҳужжатлар тақдим этиб, банкротлик тўғрисида эълон берса, унинг қилмишлари жиноятларнинг жами бўйича ЖК 209-моддаси (мансаб сохтакорлиги) билан ҳам квалификация қилинади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ўзини ёки тижорат ташкилотини била туриб

ёлгон равишда банкрот деб эълон қилаётганлигини англаб етади, кредиторларнинг манфаатларига кўп миқдорда зарар етказаётганлигини билади ва шунини хоҳлайди ёки била туриб шунга йўл қўяди.

Қоида бўйича, шарҳланаётган ушбу жиноят ғаразли мотив бўйича содир этилади, лекин бошқа мақсадлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи, хўжалик субъекти номидан ҳаракат қила оладиган, яъни хўжалик судига банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин бўлган шахс ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳар бир алоҳида ҳолатда, шахсни жиноят субъекти сифатида жавобгарликка тортишда унинг ваколатли давлат органларига ёки реал ва потенциал контрагентларга маълумотларни топшириш учун масъуллигини аниқлаш лозим. акс ҳолда, ҳаракатларни 180-модда билан тавсифлаш мумкин эмас.

Жиноят кодексининг 180-моддаси 2-қисмига кўра: «Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди».

§ 7. Банкротликни яшириш (ЎзР ЖК 181-моддаси)

Таҳлил этилаётган жиноятнинг объекти бозор иқтисодиёти шароитида банкротликни амалга оширишнинг белгилаб қўйилган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ва кредиторларнинг манфаатларидир. “Банкротлик” тушунчаси учун ЖК 180-моддаси таҳлиliga қаранг.

Объектив томондан жиноят хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ёки ҳужжатларни тақдим этиши, бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодир эмаслигини ёки иқтисодий ночорлигини

бошқача тарзда қасдан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлишда ифодаланади.

Иқтисодий ночорликни яшириш – бу бир марталик ҳаракатларни содир этиш, шунингдек, чоралар мажмуаси бўлиб, ваколатли давлат органига, реал ёки потенциал контрагентга узайтирилган қарздорлик мажбуриятларини амалга оширишнинг имконияти йўқлиги билан боғлиқ маълумотларни ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш билан боғлиқ фаолият. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, яшириш фақатгина фактик вужудга келган ҳолатлар бўйича юзага келган муносабатларга хосдир. Шунинг учун хўжалик субъектининг келажакда бўлиши мумкин бўлган қарзларини тўлай олмаслиги билан боғлиқ маълумотларни тақдим этмаслиги банкротликнинг яширилиши деб қаралиши мумкин эмас.

Бу ўринда шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, хўжалик субъектини тўловга қобилиятсизлиги фактини белгилашда фақатгина узайтирилган қарздорлик мажбуриятлари инобатга олиниши лозим, чунки тўлаш муддати етиб келмаган мажбуриятлар бўйича хўжалик юритувчи субъект қарздор деб топилмайди. Шунингдек, тўловга қобилиятсизликни белгилашда алоҳида эътиборни хўжалик субъектида мавжуд (балансида рўйхатда бўлган) мулкнинг таҳлилига қаратмоқ лозим, чунки банкротлик нақд пул ёки нақд пулсиз шаклдаги юқори ликвидли активларгина эмас, балки фақатгина қарздорлик бўйича тўловга бутун мол-мулки етмаганда юзага келади.

Маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш – **почта орқали жўнатиш билан, бевосита ваколатли шахс томонидан ёки хўжалик субъектининг бошқа вакили орқали тақдим этиш орқали тақдим этиш мумкин** – ушбу ҳолатлар қилмишнинг квалификациясига таъсир этмайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш улар

шундай маълумотларни тақдим этишга ваколатли ёки жавобгар шахс томонидан расмий равишда тақдим этилгандагина ижтимоий хавфли қилмишни вужудга келтиради. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар норасмий равишда тақдим этилганда банкротликни яшириш деб қаралмаслиги лозим.

Банкротликни яшириш бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисоботи деганда, ташкилотнинг мулкӣ ва молиявий ҳолати ҳамда унинг ҳисобот даври (ой, квартал, йил) мобайнида бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида белгиланган шаклда тузиладиган маълумотларнинг ягона тизими тушунилади.

Бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатиш деганда, хўжалик субъекти молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайдиган ҳар қандай ҳаракатлар натижасида келиб чиқадиган ушбу оқибатларни тушунмоқ лозим. Ушбу ҳаракатлар маълумотларни тўлиқ ёки қисман тақдим этмаслик, балансни шакллантиришда айрим усуллардан фойдаланиш ва ҳоказо - бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатишнинг аниқ усуллари жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

Хўжалик субъектининг иқтисодий ночорлигини бошқача яшириш белгиси бўйича тадбиркорлик субъекти фаолиятининг банкротлик белгиларини аниқлаш имконини берадиган маълумотларни давлатнинг ваколатли органлари томонидан етарлича олинмаслигига қаратилган ҳаракатлари натижаларини квалификация қилиш лозим. Бу усуллар қаторига, масалан, банк ҳисоб рақамини ёпмаслиги ва бу ҳақда ваколатли давлат органларига хабар бермаганлиги учун ҳисоб рақамида кам аҳамиятли операцияларни амалга ошириб қўйиш, бухгалтерия ҳисоботларини ва бошқа ҳужжат ва маълумотларни турли баҳоналар билан тақдим этмасликни киритиш мумкин.

Шуни эътиборга олиш лозимки, банкротликни яшириш ҳам, иқтисодий ночорликни яшириш каби, давлат ваколатли органларига маълумотларни топширмаслик, яъни хўжалик субъекти томонидан ҳисобот бериши лозим бўлган ва ушбу органларнинг Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмига керакли маълумотларни тақдим эта олмаслигидир, бундан ташқари, хўжалик субъектининг банкротликни реал ва потенциал контрагентларидан яширишидир.

Жиноят кўп миқдордаги зарар етказиш тарзидаги ижтимоий хавfli оқибат келиб чиққан пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади. Зарар кредиторларга, шунингдек, давлатга мажбурий тўловларни ва йиғимларни тўлаш бўйича етказилади. Шуни алоҳида эътиборга олиш лозимки, қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун мулкий жавобгар бўлса, айти шу фуқаро, шунингдек, ўз иштирокидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича қарздор юридик шахсинг муассислари (иштирокчилари) кредиторлар ҳисобланишмайди.

Субъектив томондан жиноят тўғри ёки эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Шахс қарздор ташкилот ёки якка тартибдаги тадбиркор банкрот ҳолатидалигини ва унинг содир этган ҳаракатлари ҳуқуққа хилофлигини англаб етади, кўп миқдорда зарар етказиши мумкинлигини кўра билади ва бунини хоҳлайди ёки англаган ҳолда содир этилишига йўл қўяди ёхуд унинг оқибатига бефарқ қарайди.

Жиноят мотивлари ғаразли, баъзида бошқача бўлиши мумкин, лекин жиноий қилмиш квалификациясига таъсир этмайди. Банкротликни яширганлиги учун мансабдор шахс мукофотланган бўлса, унинг қилмиши жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 181 ва 210-моддалари бўйича квалификация қилиниши керак.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган, ақли расо ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Жиноят кодексининг 181-моддаси 2-қисмига кўра:

«Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди».

§ 8 Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЎзР ЖК 182-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказишнинг белгилаб қўйилган тартиби ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асослари ҳисобланади.

Жиноятнинг предмети ҳар қандай фуқаролик муомаласидаги товарлар (масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, мебель, ҳайвонлар ва ҳоказо) ёки моддий қимматликлар бўлиши мумкин.

Товарлар – “ҳар қандай кўчар мол-мулк, шу жумладан, валюта ва валюта бойликлари, электр, иссиқлик энергиялари ва энергиянинг бошқа турлари, транспорт воситалари, интеллектуал мулк объектлари” бўлиши мумкин. Товар сифатида, шунингдек, уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳам ҳисобланади. Санаб ўтилганлардан қуйидагилар товар ҳисобланмайди: йўловчилар ва товарларни ташиш учун фойдаланиладиган воситалар, шу жумладан контейнерлар ва бошқа транспорт ускуналари.

Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, кўрсатилган ашёлар ушбу жиноятнинг предмети бўлиши учун эркин суратда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибида ёхуд бошқа усул билан, агар улар муомаладан чиқарилмаган ёки уларнинг муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишини ва муайян муомала иштирокчиларигагина қаршли бўла оладиган ёки муомалада бўлишига махсус рухсатнома билан йўл қўйиладиган фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг (чет эл валютаси, дори-дармон) турлари қонунда кўрсатилган тартибда белгиланади. Муайян ашёнинг муомала муносабатларида мавжуд эмаслиги ушбу ашё мазкур жиноят предмети бўла олмаслигидан далолат беради (масалан, божхона қонунчилигини бузишга лицензия, штамп, муҳрга

оид муносабатларни киритиб бўлмайди).

Бошқа қимматликларга шундай ашё ва буюмлар кирадик, улар ўзининг тури, ҳолати ва қийматидан қатъи назар, алоҳида тарихий, бадиий, илмий ёки маданий аҳамият касб этади.

Бундай қимматликларга нумизматика, қадимий буюмлар, санъат асарлари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқалар киреди. Ушбу ашё ва буюмлар муомала воситаси бўла олади, лекин уларнинг фарқли жиҳати алоҳида тарихий, бадиий, илмий ёки маданий аҳамиятидир. Қимматликларнинг ушбу жиҳатларини белгилаш учун тергов органлари ва судлар тегишли экспертизаларни тайинлашлари лозим.

Ушбу модда доирасида ашё ва буюмларнинг товар ёки қимматликлар эканлигини белгилашда айбдор томонидан улардан қандай мақсадларда фойдаланилиши аҳамият касб этмайди. Улар тадбиркорлик ёки шахсий истеъмол мақсадларида фойдаланилиши мумкин. Қуйидагилар ушбу жиноятнинг предмети бўла олмайди: кучли таъсир қилувчи, захарли, захарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қуроллар, ўқдорилар, гихёвандлик воситалари, психотроп моддалар, диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализмни тарғиб қилувчи материаллар, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турлари, оммавий қирғин қуролларини яратишда фойдаланилиши мумкин бўлган материал ва мосламалар. Чунки шарҳланаётган ижтимоий хавфли қилмишни ушбу предметлар билан содир этиш ЖКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган ижтимоий хавфли фаолият назарда тутилга жавобгарликни келтириб чиқаради.

Божхона қонунчилигини бузишнинг **объектив томонини** юқорида кўриб ўтилган предметларни (товарлар ёки бошқа қимматликларни) Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтиш ташкил этади.

Олиб ўтиш деганда, товарларни ёки транспорт

воситаларини ҳар қандай усулдан фойдаланиб, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини юбориш, қувурлар орқали ҳамда электр узатиш линияларидан фойдаланиш йўли билан божхона ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиб кетиш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш тушунилади.

Божхона ҳудуди сарҳадлари, шунингдек эркин божхона зоналари ва эркин омборларнинг тегралари Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси ҳисобланади. (Божхона кодекси 3-модда)

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси мамлакатнинг давлат чегарасига мос келмайди, чунки у нафақат Ўзбекистон Республикаси чегараси билан (Ўзбекистон Республикасининг қуруқликдаги ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво бўшлиғи божхона ҳудудини ташкил этади), балки Ўзбекистон ҳудудидаги эркин божхона зоналари ва эркин омборлар билан ҳам белгиланади. Юқоридаги ҳудудлар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади, божхона ҳудуди сарҳадлари, шунингдек, эркин божхона зоналари ва эркин омборларнинг тегралари божхона чегараси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг қуруқликдаги ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво бўшлиғи божхона ҳудудини ташкил этади.

Божхона назоратидан яшириш деганда, шахснинг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларнинг ёки бошқа қимматликларни хуфия жойларда ва топишни қийинлаштирадиган усуллардан фойдаланиб ёхуд бир

тусдаги ашёга бошқа иккинчисининг кўринишини бериб ўтказишни тушуниш лозим. Мулкни махсус сақлаш жойларига яшириб олиб ўтиш усулига алоҳида эътибор бериш керак, бундай жойларга хуфия жойларни, шунингдек, контрабанда мақсадларида транспорт воситаларига олдиндан қайта ишланиб, йиғилиб ва шунга ўхшаш йўллар билан жиҳозланган ва мослаштирилган конструктив сиғимли идишларни ва бошқа ашёларни киритиш мумкин.

Божхона чегарасидан олиб ўтиш-товарлар ёки транспорт воситаларини ҳар қандай усулда, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини юбориш, қувур транспортидан ҳамда электр узатиш линияларидан фойдаланиш йўли билан божхона ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳаракатларини амалга ошириш. Шундай ҳаракатлар жумласига қуйидагилар киради:

товарлар ёки транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кирилганда, шу жумладан эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудидан олиб кирилганда-божхона чегарасидан амалда ўтиш;

товарлар ёки транспорт воситалари божхона ҳудудидан олиб чиқилганда, шу жумладан эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудига олиб чиқилганда-божхона декларациясини тақдим этиш ёки товар ёхуд транспорт воситаларини олиб чиқиш мақсадини амалга оширишга бевосита қаратилган ўзга ҳаракатни бажариш;

Товарларни ёки бошқа қимматликларни божхона назоратини четлаб олиб ўтиш, уларни божхона органлари мавжуд бўлмаган жойдан ёки божхона расмийлаштирилиши ва назорати амалга ошириладиган вақтдан ташқари олиб ўтказишни англатади.

Божхона назорати – иқтисодий хавфсизликни, қонун ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар мажмуидир.

Божхона расмийлаштируви-товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини таъминлаш мақсадида божхона органларининг мансабдор шахслари амалга оширадиган операциялар мажмуи.

Божхона назоратидан яшириш деганда, шахснинг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг ёки бошқа қимматликларни хуфий жойларда ва топишни қийинлаштирадиган усуллардан фойдаланиб ёхуд бир тусдаги ашёга бошқа иккинчисининг кўринишини бериб ўтказишни тушуниш лозим.

Мулкни махсус сақлаш жойларига яшириб олиб ўтиш усулига алоҳида эътибор бериш керак, **бундай жойларга хуфий жойларни, шунингдек, контрабанда мақсадларида транспорт воситаларига олдиндан қайта ишланиб, йиғилиб ва шунга ўхшаш йўллар билан жиҳозланган ва мослаштирилган конструктив сиғимли идишларни ва бошқа ашёларни киритиш мумкин.**

Ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш деганда, ашёларни, товар ва бошқа қимматликларни божхона чегарасидан олиб ўтиш учун асос тариқасида қалбаки ҳужжатларни, қонунга хилоф йўллар билан олинган ҳужжатларни ёхуд ёлғон маълумотлар ёзилган ҳужжатларни божхона назоратига тақдим этишни тушуниш лозим. Қонунга хилоф йўллар билан олинган ҳужжат деганда, айбдор тасарруфига ўрнатилган тартибни бузган ҳолда ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш орқали ёхуд қандайдир қонунга хилоф ҳаракатни (масалан, пора олиш натижасида) содир этиши натижасида келиб тушган ҳужжат тушунилади.

Иными словами, обманное использование документов в смысле рассматриваемой статьи представляет собой совершаемое с целью введения в заблуждение должностных лиц таможенных органов для принятия ими неправомерных решений по выпуску товаров и иных предметов предоставление для таможенного контроля таможенных

документов, которые заведомо являются недействительными, а именно:

1) поддельных документов, т.е. полностью фиктивных – изготовленных со значительным сходством с оригиналом, или подлинных, но содержащих в себе искаженные сведения, внесенные путем исправления или уничтожения части текста либо внесения в него дополнительных данных, или подлинных документов с проставленным оттиском поддельного штампа или печати и т.п.;

2) документов, полученных или составленных незаконным путем (например, в результате взятки, подлога и т.п.), либо полученных в результате предоставления в качестве оснований для их выдачи заведомо ложных сведений или других поддельных (подложных) документов, или в результате неправомерных действий других лиц;

3) документов, которые фактически являются подлинными и оформленными надлежащим образом, но содержат ложные сведения;

4) документов, отвечающих установленным требованиям, но являющихся основанием для перемещения через таможенную границу Республики Узбекистан других товаров и иных ценностей, составленных для прикрытия такого перемещения товаров.

Ушбу ҳолатни қўллаш учун божхона органига такдим этилаётган ҳужжатнинг ёлғонлигини айбдор билганлигини ва билмаслиги мумкин эмаслигини исботлаш лозим. Акс ҳолда, шарҳланаётган моддани унга қўллаш мумкин эмас, чунки уни содир этишдан мақсад мавжуд эмас.. Агар қалбаки ҳужжат божхона қонунчилигини бузган ҳолда тайёрланган бўлса, унинг қилмишини жинойтлар мажмуи бўйича ЖК 182 ва 209 ёки 228-моддалари билан квалификация қилиш лозим.

Божхона қонунчилигига кўра, божхона идентификация воситалари деганда, сўрғичлаш, муҳрлаш, рақамли, ҳарфли ва бошқача тамғалар, идентификация

белгиларини кўйиш, штамплаш, намуна ва нусхалар олиш, товарларни, бошқа қимматликларни хатлаш, чизмалар тузиш, миқёсини тасвирлаш, фотосуратлар, расмлар тайёрлаш, товарлар билан бирга юбориладиган ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш ва ҳоказолар тушунилади.

Идентификация воситалари, агар мавжуд товарлар ёки транспорт воситалари йўқолишига ёхуд қайта тиклаб бўлмас даражага келишига реал хавф мавжуд бўлган ҳолатлардан ташқари, барча ҳолларда божхона органлари томонидан ёки уларнинг рухсати билан ўзгартирилиши, бекор қилиниши ёки йўқотилиши мумкин.

Божхона идентификация воситаларидан алдаш йўли билан фойдаланиш деганда, шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ёки бошқа давлат божхона органлари томонидан татбиқ этилган идентификация воситаларини ўзгартириши, йўқ қилиши, бузиши ёхуд йўқотиши билан боғлиқ ҳаракатлари тушунилиши лозим.

Декларациялаш деганда товарлар ёки транспорт воситалари тўғрисидаги, улар жойлаштириладиган божхона режимлари ҳақидаги аниқ маълумотларни, божхона мақсадлари учун зарур бўлган бошқа маълумотларни белгиланган шаклда баён этиш орқали амалга ошириш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилувчи товар ва қимматликлар ёки ўзининг божхона режимини янгилаётганлар (масалан, божхона омборлари режимидан эркин омборлар режимига ўтаётганлар) декларацияланади. Бироқ, таҳлил қилинаётган моддани моҳиятидан келиб чиқиб, кўрсатилган усулларни божхона қонунчилигини бузиш деб ҳисоблаш учун божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товар ёки қимматликларни декларация қилмаслик ёки бошқа номда декларация қилиниши қайд этилади.

Декларациялаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган тартиб ва шаклларда ариза бериш орқали амалга оширилади. Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, Божхона

декларацияси қабул қилинганлиги расмийлаштирилган пайтдан бошлаб у юридик аҳамиятга молик фактлардан далолат берувчи ҳужжатга айланади.

Декларациялаш юритилмайдиган ва товарларни олиб ўтишнинг ҳуқуқий режимига боғлиқ предметларнинг алоҳида турларига нисбатан қонун билан махсус қоидалар ўрнатилган.

Товарларни ёки бошқа қимматликларни декларацияга киритмаслик ёхуд ўзгача ном билан декларацияга киритиш деганда, шахсларнинг чегарадан ўтказилиши лозим бўлган контрабанда ашёларини ёхуд товар ёки бошқа қимматликларни декларация қилиш тартибини бузиши билан боғлиқ ҳаракатлари, яъни божхона қонунлари томонидан ўрнатилган декларация қилиш шакли ва жойи тўғрисидаги, уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, декларация ва бошқа қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги талабларга риоя этмаслик, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган ёки унинг ҳудудидан олиб чиқилаётган контрабанда ашёлари, товар ёки бошқа қимматликларнинг тури, сони хусусида декларацияга сохта маълумотлар киритиш тушунилади”.

Товарлар ғайриқонуний равишда Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали амалда олиб ўтилган вақтдан эътиборан, бу товарлар ўзга МДҲ мамлакатларига ёки МДҲ мамлакатларига кирмайдиган бошқа давлатларга ўтказилганлигидан қатъи назар, **жиноят тугалланган** ҳисобланади.

Ана шундай олиб ўтишга тайёргарлик кўришга қаратилган ҳаракатлар жиноятга суиқасд деб квалификация қилиниши лозим.

Товарларни ёки бошқа қимматликларни божхона чегарасидан ғайриқонуний олиб ўтганлик учун жиноий жавобгарлик, товар ёки бошқа қимматликларни олиб ўтиш усулидан қатъи назар, кўп миқдорда содир этилган бўлса ва айбдор шахсга нисбатан шундай ҳаракатлари учун маъмурий

чоралар қўлланилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилгандан сўнг қўлланилади.

«Хуқуқбузарлик предмети бўлган товарларнинг қиймати 1998 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Божхона тарифи ҳақида"ги Қонунидан келиб чиққан ҳолда аникланади.

«Товарларни ғайриқонуний равишда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиш ғайриқонуний равишда чегарадан ташқарига чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш ёки белгиланган тартибларни бузиб, чегарадан ўтиш билан боғлиқ бўлса, бундай ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182 ва 223-моддаларида кўзда тутилган жиноятларнинг йиғиндиси сифатида тавсифланиши лозим».

Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Айбдор шахс товар ёки қимматликларни божхона чегарасидан ғайриқонуний олиб ўтаётганлигини англаб етади ва ўзининг жиноий мақсадини амалга оширишни хоҳлайди. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

Жиноят **субъекти** ўн олти ёшга тўлган, фуқаролиги мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Таҳлил қилинаётган жиноятни **ЖК 182-моддаси 2-қисмига** мувофиқ квалификация қилиш белгилари қуйидагилар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очикдан-очик ўтказиш йўли билан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

г) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилганлиги ҳисобланади.

Бузиб ўтиш деганда, товар ёки бошқа қимматликларни божхона хизматининг розилигини олмасдан очикчасига олиб ўтиш тушунилади.

Ушбу модда бўйича **божхона хизмати** деганда, Ўзбекистон Республикаси божхона органлари ва божхона органларининг мансабдор шахсларини тушунмоқ лозим.

Бузиб ўтишни қуйидаги ҳолатлар йиғиндиси ташкил этади: а) товар ва қимматликларни очикча олиб ўтиш; б) божхона хизмати ваколатли шахсининг рухсатсиз олиб ўтиш. Кўрсатилган ҳолатлардан бирортасининг мавжуд бўлмаслиги шахсининг ҳаракатида шарҳланаётган ЖК 182-моддасидаги квалификация белгилари мавжуд деб топилишига йўл қўймайди.

Очикчасига олиб ўтиш деганда, божхона хизмати ходимларининг товарлар олиб ўтилиши ҳақида хабардорлиги тушунилади. Божхона хизматининг хабардорлиги, қонунчилик қоидаларига зид содир этилаётган маълумотлар тақдим этилишидан ва божхона органининг олиб ўтишни бевосита назорат қилишидан келиб чиқади. Жиноятчи субъектга квалификация қилинаётган ушбу белгилар бўйича айбни қўллаш учун шахсга товар ёки қимматликларни ғайриқонуний олиб ўтишаётганлиги ҳақида божхона органлари хабардорлигини билганлигини ва билмаслиги мумкин эмаслигини аниқлаш лозим. Агар айбдор товар ёки қимматликларни ноқонуний олиб ўтаётганлигидан божхона хизматининг хабардорлигини (масалан, божхона чегарасидан товарларни олиб ўтаётган шахсининг ҳаракатлари видеокамерага олинади) билмаса, шарҳланаётган квалификация белгилари мавжудлигини аниқлаш мумкин эмас.

Товарларни очикча олиб ўтиш ҳам божхона хизматининг рухсатини олмасдан туриб амалга оширилиши керак, яъни бундай ҳаракатни амалга оширишга расмий рухсатнома бўлмаслиги лозим. Товарларни олиб ўтишга рухсатноманинг мавжуд эмаслиги тўғрисида, шунингдек, бундай

ҳаракатларни санкциялаш ваколати мавжуд бўлган мансабдор шахсинг тўғридан-тўғри таъқиқ қўйиши ҳам далолат беради.

Товарларни очикча олиб ўтиш, зўрлик ишлатмасдан, шунингдек зўрлик ҳаракатлари орқали ёки мол-мулкка зарар етказиш тарзида амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолатда жиноятни ЖКнинг Махсус қисми шахсга қарши жиноятлар ёки ўзгалар мулкига қарши қаратилган жиноятлар учун белгиланган жавобгарлик моддалари билан жиноятлар жами тариқасида тавсифлаш лозим.

Божхона қонунчилигини бузишга доир муносабатларда шарҳланаётган белгилар шундан иборатки, ЖК 182-моддаси бўйича жавобгарликка нафақат божхона чегарасидан товар ёки бошқа қимматликларни бевосита олиб ўтаётган шахслар, балки уюшган гуруҳнинг барча иштирокчилари (масалан, божхона чегарасидан ғайриқонуний олиб ўтиш мақсадида харид қилганлар ёки олиб ўтилгандан сўнг қонунга хилоф равишда олиб ўтилганлигини олдиндан била туриб харид қилганлар, бунда уларга божхона назорат пунктида ёки ундан ташқарида ноқонуний олиб ўтишга ёрдам берганлар) киради.

Уюшган гуруҳ аъзоси бўлмаган шахс томонидан чет элдан олиб келинган товар ёки қимматликни олдиндан ваъда бериб харид қилиш шарҳланаётган белгининг иккинчи қисмини – жиноят уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилишини ташкил этади.

Божхона қоидаларини бузиш орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган мол-мулкларни жиноий йўл билан топилганини била туриб, олдиндан ваъда қилмаган ҳолда олиш ёки ўтказиш ҳаракатларига нисбатан ЖКнинг 171-моддаси билан жавобгарлик келиб чиқади.

ЖК 182-модда, 2-қисмида етказилган зарарнинг миқдоридан қатъий назар Хизмат ваколатидан фойдаланган ҳолда божхона қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик ўрнатилган. Хизмат ваколатидан фойдаланган ҳолда божхона қонунчилигини бузиш – божхона органларининг мансабдор шахси, яъни ваколат доирасига назорат функцияси ва божхона

қонунчилигида белгиланган бошқа мажбуриятлар юклатилган шахс томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда товар ва бошқа қимматликларни божхона чегарасидан олиб ўтишидир. Ушбу жинойтни содир этишда мансаб ваколатидан фойдаланиш деганда, шунингдек, божхона қонунчилигини бузиш бошқа давлат органлари мансабдор шахсларининг ўз ваколатини суиис-теъмол қилиши орқали содир этилишини ҳам тушуниш лозим.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 182-моддаси 2-қисмининг "г" бандида назарда тутилган жиноятнинг субъекти чегарада назорат функциясини амалга ошираётган мансабдор ва бошқа шахслар, шунингдек товар ва бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикаси чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадаида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилган шахслар ҳисобланади»

Хизмат ваколатидан фойдаланиш божхона қонунчилигини бевосита бузишда, яъни тегишли мансабдор шахс товар ёки бошқа қимматликларни мустақил равишда божхона чегарасини бузган ҳолда олиб ўтишида ҳам ифодаланади. Бундай ҳолатда у шарҳланаётган жиноятнинг ижрочиси ёки бажарувчиси ҳисобланади. Мансабдор шахснинг ҳаракатлари ЖК 205 ёки 206-моддалари бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди, чунки улар ЖК 182-моддаси 2-қисмида назарда тутилган таркибни тўлиқ қамраб олади.

Хизмат ваколатидан фойдаланиш божхона қонунчилигини бевосита бузишда, яъни тегишли мансабдор шахс товар ёки бошқа қимматликларни мустақил равишда божхона чегарасини бузган ҳолда олиб ўтишида ҳам ифодаланади. Бундай ҳолатда у шарҳланаётган жиноятнинг ижрочиси ёки бажарувчиси ҳисобланади. Мансабдор шахснинг ҳаракатлари ЖК 205 ёки 206-моддалари бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди, чунки улар ЖК 182-моддаси 2-қисмида назарда тутилган таркибни тўлиқ қамраб олади. Агар товар ва бошқа қимматликларни олиб ўтиш мансаб

ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан, мансабдор шахс ёрдамида содир этилса, унда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 28-моддаси ва 182-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятлар билан, шунингдек, содир этилган жиноятнинг аниқ ҳолатларига боғлиқ равишда ЖК 205 ёки 206-моддалари билан квалификация қилинади.

§ 9 Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш (ЎЗР ЖК 183-моддаси)

1996 йил 27 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги қонуни товар бозорларида монополистик фаолият ва инсофсиз рақобатнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини белгилаб беради, рақобат муносабатларининг шаклланиши ва самарали амал қилиши учун шароитлар таъминлашга қаратилган

Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузишнинг **ижтимоий хавфлилиги** шундаки, ушбу жиноятни содир этиш натижасида алоҳида хўжалик субъектларига монополистик фаолиятни амалга ошириш учун реал имконият вужудга келади.

Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш жиноятининг объекти ўрнатилган тартиб ва бозорни самарали бошқариш қоидалари шаклидаги Ўзбекистон иқтисодиётининг асослари, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз ҳуқуқ ва имкониятларини амалга оширишларига тўсқинлик қилувчи монополистик фаолиятни амалга оширишнинг олдини олувчи муносабатлар ҳисобланади. Факультатив объекти хўжалик субъекти сифатида фаолият кўрсатмайдиган алоҳида фуқаролар ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатлари бўлиши мумкин.

Рақобат - хўжалик юритувчи субъектларнинг мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг муваққил ҳаракатлари ҳар бир субъект томонидан тегишли товар бозоридаги товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир кўрсатиш имкониятини чеклайди.

Монополистик фаолият - хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг монополияга қарши кураш ҳақидаги қонун ҳужжатларига хилоф бўлган, рақобатга йўл қўймасликка, уни чеклаш ёки бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги;

Объектив томондан ЖК 183-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколат доирасига кирувчи органга ахборот бермасликдан ёки била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим қилишдан иборат бўлади.

Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига кўра, “Товар бозорларида рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг монополистик фаолиятини ва инсофсиз рақобатини чеклаш ҳамда тўхтатиб қўйиш соҳасида давлат сиёсатини монополияга қарши давлат органи олиб боради”. Буларга Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, шунингдек, унинг ҳудудий органлари киради. Айнан қўмита бўлинмалари ва қўмитанинг ўзи бир бутунликда монополияга қарши фаолият олиб боришга ваколатли орган сифатида қабул қилинади. Шу сабабли ахборот бермаслик ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, била туриб, бошқа давлат органларига тақдим қилиш монополияга қарши қонунчиликни бузиш сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги амалдаги Қонунига асосан, давлат монополияга қарши орган сўров асосида унинг тури ва сифат хусусияти ҳамда хўжалик субъекти учун аҳамиятлилигидан қатъи назар исталган ахборотни олиш ҳуқуқига эга.

Масъул шахслар давлат қўмитасига ҳар қандай ахборотни, яъни:

1)хўжалик юритувчи субъектнинг устав жамғармасидаги акцияларнинг ўттиз бешдан ортиғини, улушини ҳар қандай усулда (харид қилиш, алмаштириш, ҳадяга олиш, ишончли бошқарув ва ҳоказо) олиши тўғрисида;

2)хўжалик юритувчи субъектнинг тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш ёхуд унинг ижроия органи вазифаларини амалга ошириш шартларини белгилаш имконини берувчи ҳуқуқларни ҳар қандай усулда (сайлаш, келишув, топшириқ ва бошқалар орқали) олиши тўғрисида;

3)битимлар тўғрисида, яъни унинг натижасида табиий монополия субъекти товар ишлаб чиқариш (реализация) учун мўлжалланмаган, давлат томонидан тартибга солинадиган, асосий воситаларга мулк ҳуқуқини қўлга киритиши ёки асосий воситалардан фойдаланиш ҳуқуқини олиши, агар ушбу асосий воситаларнинг баланс қиймати табиий монополия субъекти маблағини ўн фоизидан ортиғини ташкил этса;

4)табиий монополия субъекти бошқа хўжалик субъектига эгалик ҳуқуқини ёки табиий монополия тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинадиган асосий воситаларнинг бир қисмидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган битимлар тўғрисида, агар ушбу асосий воситаларнинг баланс қиймати табиий монополия субъекти маблағининг ўн фоизидан ортиғини ташкил этса;

5)холдинг ташкил этиш, яъни активлари қаторига бошқа ташкилотларнинг назорат пакети акциялари кирадиган очик турдаги акциядорлик жамиятларини тузиш тўғрисида;

6) муайян хўжалик субъектининг товар бозоридаги, савдо-сотик ҳажми ва бозордаги улуши чегарасини белгиловчи маълумотларни. Бундай маълумотлар қаторига, масалан, товарларни реализация қилиш, уларни муайян ҳудудларга олиб кириш ва улардан олиб чиқиш ҳажми тўғрисидаги маълумотларни киритиш мумкин;

7) Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Комиссияси ёки уларнинг ҳудудий органлари томонидан монополияга қарши қонунчиликни бузганлик тўғрисидаги ишларни тайёрлаш ва кўриш учун талаб этиладиган, шунингдек, унинг қарор ва йўриқномаларини ижро этиш учун зарур бўладиган маълумотлар. Жавобгар шахслар нафақат керакли ҳужжатларни тақдим этиши, балки зарур ҳолларда ўзлари суҳбатларга келиб, ёзма тушунтириш беришлари лозим.

8) монопол маҳсулотга қатъий ва тартибга солувчи нархларни (тарифларни) шакллантириш, асослаш ва қўллашга доир;

9) табиий монополия субъектлари томонидан истеъмолчиларга реализация қилинадиган товарлар ҳажми бўйича шартномаларига риоя қилинишига доир;

10) табиий монополия субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатишга доир;

11) қонунчиликда белгиланган ҳолатларда молиявий-ишлаб чиқариш гуруҳларини ташкил этишга доир маълумотларни беришлари шарт.

Маъмурий органларнинг талаби билан ёки талабсиз тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати юқоридагилар билан чегараланмасдан, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси талаби билан жавобгар шахслар бошқа маълумотларни ҳам тақдим этишлари лозим. Шу ўринда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарурки, монополияга қарши органлар томонидан талаб қилинадиган ҳужжатлар

фақат монополия фаолиятини амалга ошириш ёки монополия фаолиятини амалга ошириш эҳтимоли мавжудлиги билан боғлиқ масалаларга тегишли бўлади, бундай масалаларга тегишли бўлмаган ҳужжатларни ушбу органлар талаб қилиши мумкин эмас. Акс ҳолда ҳокимият ваколатларини очикчасига суиистеъмол қилиш сифатида айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш лозим бўлади.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда масъул шахснинг мустақил равишда ёки монополияга қарши курашувчи органнинг талаби билан тақдим этиши лозим бўлган ҳужжатларни монополияга қарши курашувчи органларга тақдим этмаслиги **маълумотларни тақдим этмаслик деб тан олинishi** лозим.

Маълумотларни тақдим этмаслик монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли органга беришдан бош тортишда ёки турли хил баҳоналар билан белгиланган муддатда топширмасликда намоён бўлиши мумкин. Маълумотларни тақдим этмаслик, шунингдек, юклатилган мажбуриятларга масъулиятсизларча муносабатда бўлиш ёки эсдан чиқариб юборишда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Давлат монополияга қарши органига маълумотларни тақдим этмаслик формал таркибли жиноят ҳисобланади, яъни муайян бир оқибат келиб чиқишидан қатъи назар, мажбурият юклатилган шахс ушбу маълумотларни тақдим этиши лозим бўлган вақтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

Жиноятни қачондан бошлаб тугалланган деб топиш вақти, ҳар бир алоҳида ҳолатда уни тақдим этишга масъул шахс ва маълумотнинг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланиши лозим. Масалан, хўжалик субъектининг 35 фоиздан кўпроқ акцияси сотиб олинганда, бундай шартнома ҳақидаги маълумот қуйидагилар томонидан тақдим этилади:

- 1) акцияларни сотиб олган шахс томонидан шартнома тузилгунча. Шунинг учун бундай маълумот шартнома тузилгандан сўнг тақдим этилиши монополияга қарши қонунчиликни бузиш сифатида кўрилади;

2) инвестиция институтлари (масъул шахс) ва қимматли қозғалар олди-сотди шартномаларини рўйхатдан ўтказувчи бошқа шахслар томонидан бундай шартномалар (масалан, давлат моно-полияга қарши кураш органининг рухсати бўлмаганда) тузилиши-да қоидабузарликлар мавжудлиги аниқланганда – 3 кун ичида.

Маълумотларни **тақдим этиш** деганда, уларнинг монополияга қарши курашувчи органларнинг ваколатли шахсларига расмий равишда хабар беришлари тушунилади. **Расмий равишда хабар бериш** бу ваколатига монополияга қарши органга маълумотни тақдим этиш юклатилган шахс ёки ушбу органнинг бевосита сўрови юборилган мансабдор шахс ҳисобланиб, ушбу хабарда ким томонидан (қайси юридик шахс, давлат органи, ваколатли шахс) юборилаётганлиги тўла-тўқис ақс эттирилган бўлади. Агар монополияга қарши органга ушбу талабларга риоя қилмаган ҳолда маълумот, хабар берилган бўлса, у расмий хабар бериш деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Ушбу модда доирасидаги **маълумотларга** бевосита монополистик фаолиятни амалга ошириш ёки амалга ошириш эҳтимолини назарда тутувчи ахборотлар киради. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ваколатларига кирмайдиган масалаларни қамраб олган маълумотлар ЖК 183-моддаси бўйича маълумот бўла олмайди.

Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар монополистик фаолиятни белгиловчи муҳим далилларни тўлиқ ёки қисман бузиб кўрсатадиган хужжатдир.

Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларга, шунингдек, далилларни бузиб кўрсатмаса-да, уларни ўзида ифодаламайдиган ёки яшириб кўрсатадиган ахборотлар киради. Бунда вужудга келган ҳолатни нотўғри баҳолаш учун реал хавф туғилади. Масалан, била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, уларнинг бир қисмини яшириб кўрсатиш монополияга қарши органга ташкилотнинг устав

фондининг 5 фоизи миқдоридаги акциясини сотиб олганлиги тўғрисидаги маълумот билан бирга, сотиб олувчида бошқа шартномалар асосида олдиндан 32 фоиз акциялар мавжудлиги ҳақида хабар берилмаслигидир.

Хўжалик субъектининг бир қисми иқтисодиётнинг маълум соҳаларида монополистлигини кўрсатувчи маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмайдиган деб ҳисобланиши мумкин эмас. Хабар муайян субъектга ёки аниқ белгиланган субъектлар гуруҳига тааллуқли бўлиши керак. Масалан, муайян бозор субъекти бошқа тадбиркорларнинг бозорга киришига тўсқинлик қилаётганлиги тўғрисида хабар ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. Бундай хабарлар етарли шартлар мавжуд бўлганда, ЖК 139-моддаси ёки 192-моддаси бўйича жинойт иши қўзғатиш учун асос бўлиши мумкин.

Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни хабар бериш орқали монополияга қарши қонунчиликни бузишнинг зарурий белгиси айбдор томонидан била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тақдим этилишидир.

Била туриб деганда, монополияга қарши органга маълумотни хабар қилган жавобгар шахс, ишнинг объектив ҳолатларидан келиб чиқиб, ушбу маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаслигини, улар ёлғонлигини билган бўлишидир. Агар жавобгар шахс ишни объектив ҳолатлардан келиб чиқиб билмаган ёки билиши лозим бўлмаган бўлса, монополияга қарши қонунчиликни бузиш деб квалификация қилиниши мумкин эмас.

Била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотни монополияга қарши органга тақдим этиш, ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ваколатли шахси томонидан олинган вақтдан бошлаб жинойт тугалланган деб ҳисобланади.

Субъектив томондан ЖК 183-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жинойт қасддан ёки эҳтиётсизлик

орқасидан содир этилиши мумкин. Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотни тақдим этиш фақатгина тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Ушбу жиноятни содир этиш мақсад ва мотивлари турли хил бўлиши мумкин. Бу нафақат бозорда монополистик ҳолатни ўрнатиш, балки шахсий бойишга қаратилган қасд манфаатлари ҳам бўлиши мумкин. Бироқ қилмишни содир этиш мақсад ва мотивлари жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин жазо тайинлашда суд томонидан инобатга олинishi лозим.

ЖК 183-моддаси 2-қисмида монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни белгилаб:

- 1) қонунбузарликни тўхтатиш тўғрисидаги;**
- 2) дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисидаги;**
- 3) шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги;**
- 4) ёхуд бошқа қонуний кўрсатмаларини бажариш ҳақидаги монополияга қарши курашувчи органнинг талабларини бажармаслик ёки бўйин товлашда ифодаланади.**

ЖК 183-моддаси 2-қисмининг объектив томони монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органнинг талабларини ёхуд бошқа қонуний кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки уларни ўз вақтида бажармаслик, худди шундай қилмиш учун маъмурий жавобгарлик қўлланилганидан сўнг содир этилиши билан тавсифланади.

Агар текшириш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишлари бар-тараф этилмаганлиги ёки бартараф этиш чора-тадбирлари кўрил-маганлиги аниқланса, **кўрсатма бажарилмаган** ҳисобланади.

Кўрсатма қуйидаги ҳолларда **қисман бажарилмаган** ҳисобланади:

- 1) кўрсатмага мувофиқ бартараф этилиши керак бўлган барча қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф этилмаганда;**

2) кўрсатмада назарда тутилган барча хўжалик юритувчи субъектлар ва органларга нисбатан қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф этилмаганда.

Кўрсатмалар ўз вақтида бажарилмаган деганда, кўрсатманинг унда кўрсатилган муддатни бузган ҳолда бажарилиши тушунилади.

Кўрсатмаларни бажаришдан бош тортиш деганда, кўрсатманинг субъект томонидан бажарилмаганлиги ёки қисман бажарилмаганлиги тушунилади. Кўрсатмаларни бажармаслик кўрсатмаларни бажаришдан бош тортишдан қуйидагилар билан фарқ қилади. Биринчиси, фақат эҳтиётсизлик орқасидан содир этилади, иккинчиси эса, тўғри қасд билан содир этишда ифодаланадиган ҳаракатсизликдир. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, агар қонун билан белгиланган ижро этиш муддати ўтиб кетган бўлса-да, кўрсатилган талаблардан бирортаси ҳам бажарилмаётган тақдирда кўрсатмаларни бажаришдан бош тортиш деб топиши лозим.

Монополияга қарши курашувчи органнинг талаблари ва бошқа қонуний кўрсатмаларини бажармаслик ёки бажаришдан бош тортиш актив шакл (кўрсатмани қабул қилмаслик, адресини ўзгартириш ва ҳоказо)да ёхуд пассив шакл (кўрсатмада кўрсатилган қонунбузарликларни бартараф этиш чораларини кўрмаслик)да ифодаланиши мумкин. Бироқ бажармаслик ва бажаришдан бош тортиш шакллари қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди.

ЖК 183-модда, 2-қисми субъект томонидан қарор (кўрсатма)нинг муддатида бажарилмаслиги жиноятни тугалланган деб топишга олиб келади. Бу муддатга, шунингдек, субъектнинг аризаси бўйича унга берилган қўшимча муддатлар ҳам киради.

Монополияга қарши қонун ҳужжатларини монополияга қарши органнинг қарор (кўрсатма)ларини бажармаслик

ёки бажаришдан бўйин товлаш шаклида бузиш ҳаракатлари маъмурий преюдиция мавжуд бўлганда ижтимоий хавфли ҳисобланади.

Субъектив томондан ЖК 183-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ҳам қасдан (бўйин товлаш), ҳам эҳтиётсизликдан (бажармаслик) содир этилиши мумкин. Ушбу қилмишнинг мақсад ва мотивлари турлича бўлса ҳам, унинг квалификация қилинишига таъсир этмайди.

Жиноятнинг субъекти Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига тегишли маълумотларни тақдим этиш мажбурияти юклатилган ўн олти ёшга тўлган шахс ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тижорат ва нотижорат ташкилотларининг раҳбарлари, якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, хўжалик субъектлари билан келишиб ёки мустақил равишда ҳаракат қила оладиган ижро ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари субъект бўлиши мумкин.

Агар монополияга қарши қонунчиликни бузиш давлат органининг мансабдор шахси томонидан содир этилган бўлса (масалан, устав фондининг 35 фоиз акциясини (улушини) сотиб олганлиги ҳақидаги маълумотни тақдим этмаслик), ишнинг мавжуд ҳолатларидан келиб чиқиб унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 183-моддаси ва 205, 207-моддалари ёки ЖК 208-моддаси бўйича квалификация қилинади.

§ 10. Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (ЎзР ЖК 184-моддаси)

2007 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими, солиқ тўловчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қолиқ солишнинг тартиби, шунингдек солиқ мажбуриятини

ижро этиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган янги Солиқ кодекси қабул қилинди.

Жиноятнинг бевосита объекти ҳар бир жисмой ва юридик шахс томонидан қонун билан белгиланган солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдек конституциявий бурчларни бажариш бўйича давлатнинг молиявий соҳадаги ижтимоий муносабатларидир.

ЖК 184-моддасида жавобгарликни назарда тутувчи жиноятнинг предмети – солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловлар ҳисобланади.

Бу тушунчаларнинг мазмунини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига, шунингдек, амалдаги солиқ қонунчилигида қўлланилган таърифларга мурожаат этиш лозим.

Солиқ кодексининг 12-моддасига кўра солиқ деганда, Солиқ кодексига белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Бошқа мажбурий тўловлар деганда ушбу Кодексда белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади.

Солиқ кодексининг 23-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлар амал қилади.

Умумдавлат солиқларига юридик шахслар даромад (фойда) солиғи; жисмоний шахслар даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи; акциз солиғи; ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ; экология солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар киради.

Бошқа мажбурий тўловларга ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар (ягона ижтимоий тўлов; фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари; бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;), Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар (Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар; Республика йўл жамғармасига йиғимлар;), давлат божи, божхона тўловлари, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимлар киради.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради: мол-мулк солиғи; ер солиғи; ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи; жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ; савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари; юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғимлар киради.

Давлат умуммиллий дастурларини амалга ошириш даврида тегишли жамғармалар ташкил этилиши мумкин бўлиб, уларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўловлар белгиланади. (Солиқ кодексининг 23-моддаси)

Шу билан боғлиқ равишда ҳар бир алоҳида ҳолатларда айбдор аниқ қайси солиқни тўлашдан бўйин товлаётганини аниқлаш лозим.

Объектив томондан солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш даромад ёхуд бошқа тўловларни ёки солиқ солишнинг бошқа объектларини яшириш, камайтириб кўрсатиш, анча миқдордаги солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун маъмурий чоралар кўрилгандан сўнг анча миқдорда содир

этилиши билан тавсифланади.

Солиқ кодексининг 25-моддасига кўра солиқ солиш объекти солиқ тўловчида солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов ҳисоблаб чиқарилиши ва (ёки) тўланиши юзасидан мажбурият келтириб чиқарувчи мол-мулк, ҳаракат, ҳаракат натижаси бўлиши мумкин.

Фойда (даромад) – мазкур модда маъносида – жами даромад билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган чегирмалар ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

Жами даромадга – жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киради.

Чегирмалар – бу қонунда назарда тутилган ҳолларда солиқ солинадиган базанинг камайишига олиб келувчи солиқ тўловчининг харажатлари ҳисобланади.

Солиқ солишнинг бошқа объектлари деганда, мазкур модда доирасида шундай предмет ва ҳуқуқларни (даромаддан ташқари) тушуниш жоизки, улар мавжуд бўлганда солиқ мажбурияти пайдо бўлади ва уларнинг сифати солиқ миқдорини белгилайди.

Амалдаги Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солишнинг бошқа объектларига қуйидагилар киради: товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти ва товарлар импорти, акциз тўланидиган товарлар, товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннари, жисмоний ва юридик шахслар эгалигидаги мулк, ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми.

Фойдани, даромадни ёхуд солиқ солинадиган бошқа объектларни яшириш – бу солиқ органларига тақдим этиладиган тегишли ҳисобот ҳужжатларида уларни олганлик тўғрисида ҳақиқий маълумотларни қасдан кўрсатмаслик, шунингдек, уларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни яшириб қолиш мақсадида уларнинг келиб тушишини ҳисобга

олиш тартибини бузганлик. Масалан, тақдим этилган маҳсулотларга тўловни учинчи шахсга бериш, хўжалик оборотидаги векселлардан фойдаланиш, бартер асосида контрактлар тузиш – даромадларни яшириш ҳисобланади.

Фойдани, даромадни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларини камайтириб кўрсатиш солиқ органларига тақдим қилинадиган ҳисобот ҳужжатларига била туриб солиқнинг миқдори тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган, балки уни пасайтириш ва камайтириш томонига маълумотлар киритишда ифодаланади.

Шуни назарда тутиш лозимки, даромад (фойда) ёки солиқ солишнинг бошқа объектларини яшириш ёхуд камайтириб кўрсатиш – солиқ ёки бошқа тўловлардан бўйин товлаш услубидир. Бошқача айтганда, солиқ тўлашдан бўйин товлаш турли услубларни ўз ичига олган кенгроқ тушунчадир, уни давлат ёхуд маҳаллий бюджет ҳисобига мажбурий тўловларнинг олинадиган ҳажмини пасайтириш мақсадида солиқ органларини алдаш деб тушуниш лозим.

Солиқ тўлашдан бошқача усулда бўйин товлаш деганда, нарсалар ҳақиқий ҳолатини қасддан ўзгартириш, солиқ органларига била туриб нотўғри ахборот беришнинг турли услубларини қўллаш, тўланадиган солиқ ҳажмини камайтириш мақсадида маълум факт, ҳолат, ҳодисалар борасида янглиштириш тушунилади. Солиқ ёхуд бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш услублари турлича ва аксарият ҳолларда тўланаётган солиқ турига боғлиқ, хусусан, буларга солиқ органларига солиқ тўлаш объектлари ҳақида ҳисобот ҳужжатларини бермаслик, имконият мавжудлигида мажбурий тўловларни тўламаслик, солиқ органларига рўйхатга қўймаслик каби ҳолатлар киради. Мазкур жинойтни содир этиш услублари уни квалификация қилишга таъсир қилмайди. Бироқ шуни назарда тутиш лозимки, изоҳланаётган жинойтнинг содир этилишининг алоҳида услублари мустақил қилмиш деб тан олинishi ва мустақил квалификация қилишни талаб қилиши мумкин. Масалан,

акцизсиз савдо фаолиятини амалга оширишда, устав фаолиятини амалга оширмасликда, рўйхатдан ўтмасдан савдо қилишда ёхуд воситачилик фаолияти билан шуғулланишда ва бошқа ҳолатларда қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим.

Жиноят солиқ қонунчилигида ўрнатилган солиқ солиш тўлашнинг тегишли муддатида солиқ тўланмаган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Шунинг учун аввалги ҳаракатлар (бухгалтерия ҳисоботи хужжатларига ўзгартиришлар киритиш, солиқ органларига ёлғон ҳисобот бериш ва ҳоказолар)нинг ҳаммаси жиноят содир этишга тайёргарлик кўришдир. Агар тўлов ҳақиқатда кам тўланган бўлмаса, айбдор ҳаракатида ҳақиқий жиноят таркиби мавжудлигини тасдиқлаш мумкин эмас.

Солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш қуйидаги мажбурий шартлар мавжуд бўлгандагина жиноят деб тан олинади: тўланмаган тўловнинг анча миқдордалиги ва маъмурий преюдиция.

Тўланмаган солиқ солиқнинг аввал тўланган қисми билан қўшимча тўланиши керак бўлган солиқ ўртасидаги фарқдир. Агар солиқ мажбурий тартибда ундирилса, тўланмаган деб топилади, солиқ тўлаш ихтиёрий равишда жиноят содир этишга қаратилган ҳаракатсизликни тўхтатади ва жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб тан олинаши лозим.

Тўланмаган солиқнинг миқдорини аниқлашда шуни назарда тутиш лозимки, бунда солиқ солиш объектининг яширилган ёки камайтириб кўрсатилган миқдори эмас, балки айбдор томонидан яширилган ёки камайтирилган солиқ объектидан тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси тушунилади. Солиқ тўлашдан бўйин товлаш, фойдани, даромадни ва солиқ тўланадиган бошқа объектларни яшириш, камайтириб кўрсатиш давомли жиноят ҳисобланади. Шу сабабли зарар миқдори солиқ тўланмаган барча муддат учун кам тўланган суммалар йиғиндиси билан белгиланиши керак. Тергов органлари ва судлар тўланмаган

солиқ, даромад ва солиқ тўланадиган бошқа объектларнинг миқдорини аниқлашда Солиқ кодексининг олтинчи боби (чегирмалар ва зарарлар) талабларини ҳисобга олишга мажбурдирлар, яъни бунга биноан фойдани (даромадни) аниқлашда, масалан, ходимларнинг иш ҳақи, асосий фондларни таъмирлаш, ижара тўлови бўйича ва бошқа харажатлар чегирилиб ташланади.

Солиқ ёки бошқа тўловлардан бўйин товлаш оқибатида етказилган зарар миқдорини аниқлашда жиноят тугалланган даврдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиш лозим.

Жиноят кодексининг 184-моддаси диспозициясига биноан солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳаракатда, худди шунингдек, ҳаракатсизликда ҳам ифодаланиши мумкинлигидан, аммо фақат қасддан содир этилишидан келиб чиқиб тергов органлари ва судлар ҳар бир иш бўйича солиқ тўлашдан бўйин товлаётган шахснинг мақсадини ва ҳақиқий ниятини аниқлашга мажбурдирлар. Хизмат вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлиш оқибатида ҳисобни ёки ҳисоботни чалкаштириб юбориш, фойдани ҳисоблашда хатога йўл қўйиш ҳолатларининг ўзинигина Жиноят кодексининг 184-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас, лекин тегишли асослар бўлган тақдирда Жиноят кодексининг 207-моддасида кўзда тутилган мансаб совуққонлиги жиноятининг таркибини ташкил этади

“Агарда ҳисобот кичик ва ўрта корхоналар, микрофирмалар томонидан солиқ органларига ҳар чоракда тақдим этилиши лозим бўлса, ойлик солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашда бўйин товлаш, мисол учун мансабга совуққонлик билан қараш оқибатида, ҳисобот даври келгуна қадар молиявий санкцияни ҳисобга олган ҳолда кейинчалик уларни тўлган тақдирда ҳам Жиноят кодексининг 184-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас”.

Субъектив томондан жиноят айбнинг қасд шакли билан

содир этилади. Айбдор ўз ҳаракатлари ижтимоий хавфлилигини англайди ва солиқлар ёхуд бошқа тўловларни йирик ҳажмда тўламаслик оқибатини келтириб чиқаришни хоҳлайди ёхуд бунга онгли равишда йўл қўяди. Ижтимоий хавфли оқибатларнинг вужудга келиши имкониятларини билмаслик жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди. Мазкур жиноят эҳтиётсизлик юзасидан содир этилиши назарда тутилмаган.

Мотив ва мақсад қоида тариқасида ғаразли бўлади.

Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган шахс ҳисобланади. Бундай субъект деб қонунга мувофиқ даромад, фойда ва солиқ солишнинг бошқа объектлари ҳақида тўлиқ ахборот бериш ҳамда давлат фойдасига белгиланган тўловларни киритиш вазифаси юклатилган шахслар тан олинishi мумкин. Булар қаторига, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоботини олиб бориш, ҳужжатлар тақдим қилиш зиммасига юклатилган мансабдор шахслар (корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, бош ҳисобчилари ва ҳисобхонанинг мансабдор шахслари) киради.

Қонунга биноан белгиланган ҳисобот шаклида ҳужжатлар тақдим этишга ва солиқ тўлашга мажбур бўлган жисмоний шахслар (солиқ тўловчилар) ҳам ушбу жиноятнинг субъектлари бўлиши мумкин. ЖК 184-моддасида назарда тутилган жиноятнинг содир этилишини ташкил қилган ёки унга раҳбарлик қилган ёхуд ўзларининг ҳаракатлари билан фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг камайтирилишида иштирок этишга раҳбар, бош ҳисобчи, солиқ тўловчини даъват этган, ёхуд бу жиноятни содир этилишига маслаҳат, кўрсатма билан кўмаклашган бошқа шахслар ЖК 30-моддасига мувофиқ ва ЖК 184-моддасининг тегишли қисми бўйича жиноятнинг иштирокчилари (ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилар) сифатида жавобгарликка тортиладилар.

Агарда мазкур жиноятни содир этишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг иштироки бўлса ва улар таҳлил қилинаётган қилмишнинг содир этилишига қасддан ёрдам беришса, уларнинг ҳаракатини тегишли белгилар мавжуд бўлганда жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 205, 209, 210-моддалари бўйича квалификация қилиш лозим.

ЖК 184-моддаси 2-қисми содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш учун жиноят таркибининг квалификация қилинган қуйидаги белгилари мавжуд бўлганда жавобгарликни назарда тутати:

- а) такроран;
- б) кўп миқдорда.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, мазкур жиноятнинг такроран содир этилиши солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик учун ЖК 184-моддасининг қайси қисми билан жавобгарлик назарда тутилишидан қатъи назар, қайд этилиши лозим. Агар шахснинг ҳаракатлари давомли жиноят хусусиятига эга бўлмасдан бир неча мустақил эпизодлардан иборат бўлса, бу ҳаракатларнинг такрорийлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш кўринишидаги ҳар бир тугалланган жиноят мустақил квалификация қилиниши лозим, бунда жавобгарлик шу модданинг оғирроқ жазо назарда тутилган қисм бўйича юзага келади.

“Агар фойда ва даромад тугрисида куриниб турган ёлгон маълумотли тегишли ҳисобот ҳужжатларини солиқ органига такдим қилиш ҳамда солиқларни куп ёки жуда куп миқдорда (битта, бир нечта ёки барча солиқлар бўйича) ҳақиқатдан кам тулаганлик ҳолати мавжуд бўлса, солиқ ва бошқа туловларни куп ёки жуда куп миқдорда тулашдан бўйин товлаш тугалланган жиноят ҳисобланади.

Судлар моддий зарарнинг миқдори айбдор томонидан яширилган ёки камайтирилган солиқ туланадиган объектнинг бутун миқдоридан эмас, балки унинг мазкур солиқ

туланадиган объектдан тулаши лозим булган солик суммасидан келиб чшкиб белгиланишини инобатга олган холда синчиклаб аниклашга мажбурдирлар.

Солик тулашдан буйин товлаш, фойдани, даромадни ва солик туланадиган бошка объектларни яшириш, камайтириб курсатиш давомли жиноят хисобланади. Шу сабабли зарар микдори солик туланмаган барча муддат учун кам туланган суммалар йигиндиси билан белгиланиши керак.”.

ЖК 184-моддаси 3-қисмида жуда кўп микдорда солик ва бошка тўловлардан бўйин товлаш жинояти содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилади.

ЖК 184-моддасининг 4-қисмида рағбатлантирувчи норма мустаҳкамланган, унга мувофиқ, “қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва бошка тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди”, дейилади.

§ 11. Бюджет интизомини бузиш (ЎзР. ЖК 184¹ -моддаси)

Бюджет интизомини бузишнинг ижтимоий хавфи мазкур жиноят содир этилиши натижасида бюджетда асоссиз тақчиллик пайдо бўлишини, ёрдамга муҳтож муассаса ва ташкилотларни талаб қилинган воситалар, маблағлар билан таъминламаслик учун ҳақиқий асос пайдо бўлади. Шарҳланаётган жиноятнинг содир этилиши давлат маблағларини самарали, тўлиқ натижа билан ва ўз ўрнида ишлатишга йўл бермайди. Бунинг натижасида аҳолининг алоҳида қатламлари орасида боқимандалик, норозилик кайфияти шаклланади, бу эса Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотларнинг жамият томонидан идрок қилинишига салбий таъсир ўтказди, уларни обрўсизлантиради.

Жиноятнинг бевосита объекти чиқим лимитига риоя қилиш, бюджет маблағларини қонуний ва мақсадли сарф этишнинг ўрнатилган тартибига риоя қилиш соҳасидаги

ижтимоий муносабатлардир.

Бюджет интизомини бузиш предмети деб, бюджет маблағлари, яъни давлат бюджетига кирган ва қонунда ўрнатилган тартибда бу маблағларни олувчига ажратилган моддий ва пул маблағлари тан олиними лозим.

Бюджет маблағларини ажратиш деганда, олувчига моддий ва пул маблағларини бевосита йўналтириш ҳамда унга тегишли бўлган воситаларни мақсадли ишлатиш шарти билан бюджетга ўтказишга рухсат тушунилади.

Давлат бюджети ёки унинг қисми таркибига кирмайдиган бошқа воситалар бюджет сифатида тан олинмаслиги лозим, хусусан, қуйидагилар ҳисобига шаклланадиган Бюджет ташкилоти ривожланиш фонди маблағлари бунга кирмайди:

бюджет томонидан режали молиялаштириш ҳисобидан тежалган маблағлар ва ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида бюджет ташкилоти ҳисобида қолган (капитал қўйилмаларни молиялаштириш назарда тутилган воситалардан ташқари);

бюджет ташкилоти фаолият соҳаси бўйича товар ишлаб чиқариш (иш, хизматни бажариш) ва сотишдан олинган даромад;

вақтинча фойдаланилмаётган бино ва бошқа давлат мулкани чет ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи. Қолган 50 фоизини бюджет ташкилоти маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказди;

юримдик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотига кўрсатилган ҳомийлик кўмаги.

Жиноят кодекси 184¹-моддасининг 1-қисмида содир этилган жиноят учун назарда тутилган жавобгарлик жинояти объектив томондан қуйидаги ҳаракатлардан бири содир этилганидан иборат:

бюджетда назарда тутилмаган ёхуд бюджетдан молиялаштириладиган муассаса ва ташкилотлар бюджети ва сметасида назарда тутилмаган чиқимларга бюджет воситаларини йўналтириш;

чиқимлар бўйича бюджет маблағлари лимитида олиб кетиш;

бюджет муассаса ва ташкилотларда штат-смета тартибини бузиш.

Бюджетда ёки бюджетдан молиялаштириладиган муассаса ёки ташкилотлар сметасида назарда тутилмаган чиқимларга маблағларни йўналтириш деб, бюджет маблағларини сарфлаш навбатининг ўрнатилган тартибини бузиш ёхуд уларни мақсадга мувофиқ бўлмаган тарзда истеъмол қилиш (масалан, паст нархли ва маиший предметларни ишлаб чиқариш учун ажратилган машинасозлик асбоб-ускуналарини ишлатиш, ёхуд қуйи ташкилотлар эҳтиёжи учун ажратилган оргтехникани бошқарув ташкилотлари учун йўналтириш) ҳисобланади.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда қонунчилик томонидан харажатларнинг қуйидаги тўрт гуруҳи давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўлов (болалик оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар).

II. Иш ҳақига қўшимчалар.

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофиқ).

IV. Бошқа харажатлар.

Харажатларнинг I ва II гуруҳларига киритилган бюджет ташкилотлари биринчи навбатда маблағ билан таъминланади. Харажатларнинг III гуруҳи бюджет ташкилотлари томонидан Республика инвестиция дастурида жорий молия йили учун белгиланган лимитлар доирасида маблағ билан таъминланади.

“Бошқа харажатлар” IV гуруҳи бўйича маблағлар белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги навбатга риоя қилган ҳолда сарфланади: овқатлантириш, дори-дармонлар; коммунал хизматлар, бошқа харажатлар.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги ёки унинг ҳудудий молия органлари билан келишган ҳолда мавсумий ёки шошилишч тадбирлар (биринчи синф ўқувчилари учун мактаб анжомлари, кам таъминланган оилалар болалари учун қишки кийимлар харид қилиш, эпидемияга қарши, юқумли касалликларга қарши тадбирлар ва бошқа тадбирлар)ни маблағ билан таъминлаш учун маблағларни IV гуруҳ маблағлари ҳисобига тезкорлик билан харажат қилишлари мумкин.

IV гуруҳ ҳисобига автомобиллар ва бошқа автотранспорт воситаларини (махсус автотранспорт бундан мустасно), уяли телефонлар ва ортиқча дабдабали буюмлар (импорт офис мебелли, аудио-видео техника (ўқув, илмий ва тиббий жараёнларда фойдаланиладиганлардан ташқари) офислар учун гиламлар ва бошқалар) харид қилишга фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда йўл қўйилади.

Нафақат пул маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, балки бюджетнинг бошқа маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш (масалан, хизматда фойдаланиладиган турар-жой биносидан савдо нуқтаси сифатида фойдаланиш; қуйи ташкилот учун бюджетдан ажратилган мулкни юқори турувчи ташкилот учун ажратиш ва ҳоказо) ҳам бюджет маблағларини назарда тутилмаган харажатларга йўналтириш деб квалификация қилиш зарур. Фойдаланиш деганда, бу маблағларни ҳар қандай усулда истеъмол қилиш тушунилади (мулкни эксплуатация қилиш, ундан келган фойда ва даромадни олиш).

Бюджет маблағларидан шахсий бойлик орттириш ёхуд бошқа ғаразли мақсадлардан келиб чиқиб, бюджетда ёки сметада назарда тутилмаган харажатларга йўналтирилганда, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 184¹-моддасининг 1-қисми ва тегишли модда (масалан, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) билан квалификация қилиниши лозим.

Бюджет маблағлари бюджетда ёки бюджетдан молиялана-

диган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўлланганда ва тезкор тадбирлар сабабли юзага келмаган йўналишда сарфланса, бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш деб тан олинади.

Бюджет – давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Бюджет республика бюджетига ва маҳаллий бюджетга бўлинади.

Смета – бу ташкилотларни таъминлаш ҳамда хўжалик ва маданий қурилиш бўйича марказлаштирилган тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан бериладиган маблағларнинг миқдори, мақсадли йўналиши ва чораклар бўйича тақсимланишини белгилаб берувчи асосий режа хужжати.

Бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш амалда мақсадсиз фойдаланилган ёки харажат қилинган пайтдан бошлаб тугалланган жиноят деб тан олиниши лозим. Бу маблағларни кейинчалик мақсадсиз фойдаланиш ёки йўналтириш мақсадида тақсимлаш эса, ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб, шарҳланаётган жиноятга тайёргарлик кўриш ёхуд уни амалга оширишга суиқасд қилиш деб квалификация қилиниши лозим.

Жиноят предмети сифатида бюджет маблағларининг алоҳида турлари – бюджетдан маблағ ажратиш ҳисобланиб, уларнинг тушунчаси қонунчиликда берилади. Хусусан, “қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда Давлат бюджетидан ташкилотларига ҳамда бошқа бюджет маблағлари олувчиларга ажратиладиган пул маблағлари” бюджетдан маблағ ажратиш деб топилади.

Чиқим моддалари бўйича бюджетдан маблағ ажратиш

лимитдан ошиб кетиши жинойт субъектининг фаол ҳаракатларида ифодаланади, улар ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишда, яъни улардан белгиланган навбат доирасида фойдаланади, лекин харажатларнинг бир гуруҳи доирасида режалаштирилган (лимит) ва амалда қилинган харажатлар ўртасидаги манфий фарқни шаклантиришда ифодаланади.

Бюджетдан маблағ ажратиш харажатлари лимити деганда, тегишли бюджет ёки сметада назарда тутилган бюджетдан ажратилган маблағларнинг бир тури, объекти ва объектости харажатлар бўйича фойдаланиш миқдори тушунилади. Режалаштирган ва амалда қилинган харажатлар ўртасидаги манфий фарқ бюджет муассасаси ёки ташкилоти ички ҳисоблари, масалан, Бюджет ташкилоти ривожланиш фонди маблағлари ҳисобидан қопланганда ҳам бюджетдан маблағ ажратиш лимитларини ошириш деб топилади. Агар харажатларнинг бутун тегишли гуруҳи доирасида лимитдан ошириш бўлмаса, яъни битта тур, объект ва объектости харажатлар бўйича бюджет пул маблағларини сарфлашда сметада назарда тутилган ҳажмлар бошқа турдаги объект ва объектости харажатларга ажратилган режали пул маблағлари ҳисобидан қопланганда ҳам харажатларнинг ўша гуруҳи бўйича кредиторлик қарзи ҳамда харажатлар лимити оширилган деб ҳисобланмайди.

Бюджетдан маблағ ажратиш харажатлари лимитини оширишни тугалланган жинойт деб тегишли гуруҳда режалаштирилган ва амалда қилинган харажатлар ўртасида манфий фарқ пайдо бўлган пайтдан ҳисобланади.

Бюджет маблағларини бюджет ёки сметада назарда тутилмаган харажатларга йўналтиришни бюджетдан маблағ ажратиш лимитини оширишдан фарқлаш лозим. Бюджет маблағларини йўналтириш – бу тегишли бюджет ёки сметада назарда тутилмаган харажатларни маблағ билан таъминлашдир, бюджет маблағларини ошириш эса, тегишли бюджет ёки сметада назарда тутилган режалаштирилган ва

амалда қилинган харажатлар ўртасида манфий фарқ пайдо бўлишини назарда тутди. Бундан ташқари, бюджет маблағларини йўналтиришда мазкур маблағлар нафақат пул маблағларида, балки моддий қадриятларда ҳам ифодаланиши мумкин, бироқ бюджетдан маблағ ажратишни амалга оширишда жиноят предмети фақат пул маблағлари бўлиши мумкин.

Штат-смета интизоми – бу Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан ўрнатилган сметаларни ҳамда бюджет ташкилот ва муассасаларининг ходимлари штат жадвали ва тарификация рўйхатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, ўзгартириш ва рўйхатга олиш тартибидир.

Штат жадвали – мулк эгаси, ташкилот раҳбари ёхуд юқори орган тасдиқлайдиган доимий ходимлар мансаблари номи рўйхатидир, бунда бир номли мансаблар (бош ўринлар) сони ҳамда мансаб маошлари миқдори кўрсатилади.

Тарификация рўйхати – бу бюджет ташкилот штатида маълум мансабларни эгалловчи муайян шахсларнинг тарификациясини кўрсатиб, яъни ушбу ходимларда аттестация натижаларига кўра, уларнинг иш вақти асл ҳажмига кўра берилган тегишли малакавий категорияси мавжудлигини ҳамда уларнинг мансаб маоши миқдорини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхат.

Штат-смета интизоми бузилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан белгиланган сметаларни ҳамда бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларининг штат жадвали ва тарификация рўйхатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, ўзгартириш ва рўйхатга олиш тартибига риоя қилмасликдир.

Ҳар бир ҳолатларда штат-смета интизоми бузилишида айнан қайси қонун ҳужжати бузилганлигини ҳар бир аниқ ҳолатларда аниқлаш лозим.

Айбдор ҳаракатини бюджет интизомини бузиш субъектини маъмурий жавобгарликка тортгандан сўнг, ЖК 184¹-моддасининг 1-қисми бўйича квалификация қилиш лозим, яъни ЖК

184¹-моддаси 1-қисми бўйича шахсни жавобгарликка тортиш учун маъмурий преюдиция талаб қилинади.

Бюджет интизомини бузиш қонунда формал таркибли қилмиш сифатида ифодаланган, яъни бюджет интизомини бузиш ижтимоий хавfli қилмиш деб тан олиниши учун мажбурий белги сифатида оқибатнинг мавжудлиги талаб қилинмайди. Бироқ бу оқибатлар суд томонидан ҳар бир алоҳида ҳолатда жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

ЖК 184¹-моддаси 1-қисми диспозициясида назарда тутилган қилмишлардан бири содир этилган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган деб ҳисобланади.

Субъектив томондан таҳлил шарҳланаётган жиноят тўғри қасд шаклидаги айб билан тавсифланади. Айбдор ўз қилмишларининг ижтимоий хавfliлигини англайди ва уни содир этишни хоҳлайди.

Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ва бюджет маблағларини тақсимлаш ҳамда сарфлаш, шунингдек, штат-смета интизомига риоя этилиши учун масъул бўлган шахсдир. Қонунчиликка мувофиқ бундай шахслар – бюджет ташкилотларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимининг ваколатли ходимлари, шу жумладан Молия вазирлиги раҳбарлари ва марказий аппарати ходимлари ҳисобланади.

Бюджет ташкилоти деганда, зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат кўмитаси, идора, давлат ташкилотини тушуниш лозим.

Агарда бюджет интизомини бузиш ўзганинг мулкани ўзлаштириш билан боғлиқ бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 167 ва 184¹-моддалари бўйича квалификация қилиш лозим.

Жавобгарлик ЖК 184¹-моддаси 2-қисмида назарда тутилган бюджет интизомини бузишнинг квалификация қи-

линган таркиби уни кўп миқдорда содир этилганлиги ҳисобланади.

Етказилган зарар ҳажмини баҳолаш бюджет ташкилотининг бюджети ёхуд сметасида назарда тутилмаган харажатларга йўналтирган бюджет маблағларини, бюджетдан маблағ ажратишни оширишни ёки бир молиявий йил чегарасида штат-смета интизомини бузиш натижасида олинган умумий сумма асосида амалга оширилади. Миқдорни аниқлашда бошқа молиявий йил даврида асоссиз сарфланган маблағлар ҳисобига олинмаслиги лозим (масалан, икки йил ичида асоссиз сарфланган воситаларнинг умумий суммасини кўп миқдор сифатида тан олиш мумкин эмас – ҳар бир молиявий йил учун аввалги ёки кейинги йил билан қўшилмайдиган ўз миқдори белгиланиши лозим). Молиявий йил деганда, 1 январдан 31 декабрь куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи даврни тушуниш лозим. Шунини ҳам қайд этиш лозимки, ташкилот бюджети ёки сметасида назарда тутилмаган харажатларга йўналтирилган ва пул маблағларида эмас, балки мулк шаклида ифодаланган бюджет маблағлари миқдорини аниқлашда тегишли смета ёхуд бюджетда кўрсатилган мулкнинг нархидан келиб чиқиш лозим.

Бюджет интизомини бузишнинг алоҳида квалификация белгиси – жинойтнинг жуда кўп миқдорда содир этилиши ҳисобланади (ЖК 184¹-моддаси 3-қисми).

Қонунда бюджет интизомини бузишнинг алоҳида шакли сифатида бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатлар тўлови учун пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктирилганлиги ҳисобланади.

Бюджет интизомини бузишнинг бу шакли предмети сифатида бюджет ташкилотларининг қонунда кўрсатилган харажатларнинг фақат иш ҳақи, нафақа, стипендия ва уларга тенглаштирилган бошқа тўловлар каби моддалари

ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, иш ҳақи деганда, молиялаш манбаидан қатъи назар, пул ёки натура шаклларида ҳисоб ёзилган, иш ҳақларининг барча турларини (шунингдек, турли мукофотлар, қўшимча тўловлар, қўшимча ҳақлар ва ижтимоий тўловларни) қамраб олади, бунга ходимларга ишланмаган вақт (ҳар йилги ёзги таътил, байрам кунлари ва ҳоказолар) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб ёзилган пул суммалари ҳам киради. Шарҳланаётган модда маъносида иш ҳақи фақат пул шаклида ифодаланади, чунки банклар уни натурал шаклда беришни амалга оширмайди. Шунга боғлиқ ҳолда мазкур модда доирасида иш ҳақини белгилашда тергов ва суд органлари қонунчиликда белгиланган пул шаклидаги иш ҳақи сирасига киритилган тўловларнинг турлари рўйхатига мурожаат этишлари лозим.

Нафақа – ижтимоий таъминлашнинг шакли, у ижтимоий суғурта ёхуд давлат бюджети маблағларидан доимий ёки бир маротабали тўловдир. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ишсизлик бўйича нафақа, икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши учун нафақа, вақтинчалик ишга лаёқатсизлик бўйича нафақа кабилар тўлови назарда тутилади.

Стипендия – Олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича ва пулли – контракт асосда кундузи ўқийдиган, давомати яхши бўлган талабаларига (бундан чет эллик талабалар мустасно), Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, тўланадиган ойлик пул таъминоти (нафақа). Стипендия чуқур касбий билимларни эгаллаш ва давоматни оширишда талабаларни рағбатлантириш, мутахассисларни тайёрлаш сифатини янада ошириш учун зарур шароитлар барпо этиш мақсадида тўланади.

Иш ҳақи, нафақа ва стипендияларга тенглаштирилган бошқа тўловлар деганда, амалга ошириш биринчи навбатдаги ҳамма харажатларни қоплашнинг бир хил даражасини (пропорционал тартибни) таъминловчи шароитларда биринчи

навбатда амалга ошириладиган қонунчиликда белгиланган тўлов турини тушуниш лозим. Қонунларда тўловларнинг бундай турига ҳарбийларга пул маблағларини бериш, моддий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тўловлар, алимент мажбуриятлари бўйича тўловлар, соғлиққа зиён келтиришни қоплаш, муаллифлик битимлари бўйича рағбатлантириш, хизмат сафари чиқимлари киритилади.

Пул маблағлари беришнинг асоссиз кечиктирилиши бюджет интизомини бузиш деб тан олинувчи харажат турлари рўйхати қонунда тўлиқ белгиланган ва бошқача талқин қилиниши мумкин эмас. Шу муносабат билан банк раҳбари ёхуд бошқа мансабдор шахслари томонидан бошқа маблағлар, зарур эҳтиёжларга навбатдан ташқари амалга ошириладиган ҳамда капитал таъмир харажатлари учун тўловлар тўхтатилса (агарда улар юқорида қайд этилган чиқимлар туридан бири бўлмаса), айбдорлар ҳаракати мазкур модданинг 4-қисми билан квалификация қилинмайди.

Содир этганлик учун жавобгарлик шарҳланаётган модданинг 4-қисмида назарда тутилган қилмиш объектив томондан худди шундай ҳаракати учун маъмурий чора қўлланилгандан сўнг, банкнинг бюджетдан молиялаштириладиган муассаса ва ташкилотларга маош, нафақа, стипендия ва уларга тенглаштирилган бошқа тўловларни асоссиз кечиктирганлиги тарзидаги ҳаракатсизлигида ифодаланади.

Пул маблағлари беришни кечиктириш деганда, бюджет ташкилоти ва муассасалари каби олувчиларга пул маблағлари муддатида тўлиқ ёки қисман ўтказиб берилмаслигини тушуниш лозим. Бунда шуни қайд этиш лозимки, иш ҳақи, нафақа, стипендия ва уларга тенглаштирилган бошқа тўловлар бўйича пул маблағларини бериш муддати жамоа келишувлари, Ҳукумат қарорлари, вазирликлар буйруқлари, Марказий банк йўриқномалари билан белгиланади. Шу муносабат билан ҳар бир алоҳида ҳолатда маблағлар тўланиши шарт бўлган муддат аниқланади.

Шуни қайд этиш лозимки, пул маблағларини муддатида

ўтказиб бериш тўлиқ ёки қисман бўлиши мумкин, яъни бу банк бюджет ташкилоти ёхуд муассасасига бериладиган маблағларнинг қисми дастлаб берилган-берилмаганлиги билан боғлиқдир. Хусусан, агар пул маблағларининг бир қисми берилган бўлса, муддатидан қисман ўтказиб бериш деб ҳисобланади, агар муддатидан ўтказиб бериш тўлиқ суммага тенг бўлса, унда тўлиқ муддатидан ўтказиб бериш ҳисобланади. Муддатидан ўтказиб бериш хусусияти қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди, бироқ суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим.

Пул маблағлари деганда, Ўзбекистон Республикасининг фақат банкнот ва танга шаклидаги нақд пул маблағлари тушунилади. Нақд пулсиз операцияни амалга оширишда, яъни нақд пулсиз маблағларни ўтказишда, уларни бюджет ташкилоти ҳисобига ўтказиш муддатининг ўтиб кетганлиги кодекснинг мазкур моддаси бўйича квалификация қилинмайди.

Пул маблағлари бериш кечиктирилишининг асосизлиги деганда, банк раҳбари ёхуд мансабдор шахс иродасига боғлиқ бўлмаган, у уларни олдиндан кўра олмаган ва кўра ололмайдиган ва нақд пул маблағларини беришга жиддий таъсир қилган қандайдир объектив ҳолатларни тушуниш лозим. Масалан, банкда нақд пул мавжудлигида, техник воситалар ишлаб турганда, фавқулодда вазиятлар бўлмаганда бюджет ташкилотлари ва муассасаларига пул маблағларини кечиктириб берилишини асосиз деб тушуниш лозим.

Бюджет ташкилотлари ва муассасаларига пул маблағларини асосиз равишда кечиктириб бериш деб, у айбдорлар иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда, бироқ улар бу шахсларга аввалдан маълум бўлган доимий ёхуд вақти-вақти билан ёки қандайдир сабабларга кўра юз берадиган ҳолатларнигина ҳисоблаш лозим. Масалан, маълум даврда нақд пуллар йўқ бўлишини билиб, айнан шу даврга пул маблағлари тўлови муддатини белгилаш шундай ҳолат бўлади. Тергов-суд органлари томонидан айбдор иродасига

боғлиқ бўлмаган, бироқ унинг ўзи вужудга келтирган ҳолатларни ҳам пул маблағларини асоссиз равишда кечиктириб бериш деб квалификация қилиниши лозим – бунга айрим ташкилотларга пул маблағларини бериш муддатини бошқа ташкилотларга зарар етказган ҳолда ўзгартириш мисол бўла олади.

Пул маблағларини беришни асоссиз кечиктириб берилишининг сабаби ҳар бир муайян ҳолатда тергов-суд органлари томонидан кўрсатилиши керак, тўловга тўсқинлик қиладиган объектив оқибатлар айбдор ҳаракати натижасида вужудга келган бўлса, унинг ҳаракати ва бу оқибатлар пайдо бўлиши ўртасидаги сабабий боғланишни, шунингдек, қасд йўналишини аниқлаш лозим.

Пул маблағлари беришни асоссиз кечиктиришни ижтимоий хавfli қилмиш деб тан олиш учун айбдор дастлаб маъмурий жазога тортилган бўлиши, яъни маъмурий преюдиция мавжуд бўлиши шарт.

Иш ҳақи, нафақа, стипендия ва шу каби тўловлар учун бюджет ташкилоти ёки муассасаларга пул маблағлари тўлиқ тўланадиган муддат тугаганидан сўнг жиноят тугалланган ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд шаклидаги айб билан тавсифланади. Айбдор ўзининг ҳаракатлари натижасида бюджет ташкилоти ва муассасасига пул маблағлари беришни асоссиз кечиктираётганлигини англайди ва шундай ҳаракатлар амалга ошишини хоҳлайди.

Шарҳланаётган модданинг 4-қисмида назарда тутилган жавобгарликни келтириб чиқарган қилмишни содир этиш мақсад ва мотивлари турлича бўлиши мумкин ҳамда квалификация қилишга таъсир этмайди, бироқ жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинади.

Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ва махсус белгиларга эга бўлган: банк раҳбари ёки бюджет ташкилотларининг мансабдор шахсларидир.

**§ 12. Қимматбаҳо металл ёки тошларни топшириш
қоидаларини бузиш
(ЎзР ЖК 185-моддаси)**

Жиноятнинг бевосита объекти – қимматбаҳо металл ёки қимматбаҳо тошларни давлатга топширишнинг белгиланган тартибидир.

Ер остидан қазиб олинadиган қимматбаҳо металллар (олтин, кумуш, платина, радий, иридий, осмий, палладий ва ҳ.к.) ёки қимматбаҳо тошлар (олмос, зумрад, марварид, аметист, феруза ва ҳ.к.) жиноятнинг предмети ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят ер остидан қазиб олинadиган қимматбаҳо металл ёки тошларни давлатга топшириш қоидаларини бузиш натижасида кўп миқдорда зарар келтиришда ифодаланади. Ер остидан қазиб олинган қимматбаҳо металл ёки қимматбаҳо тошлар давлатга топширилиши шарт.

Қимматбаҳо металл ёки қимматбаҳо тошларни топшириш қоидаларини бузиш, асосан, шахс томонидан аффинажга мажбурий топшириш ёки ер остидан қазиб олинган ёхуд иккиламчи хом ашёдан олинган қимматбаҳо тошларни давлатга мажбурий сотишдан ҳамда топилган ва кўтарилган қимматбаҳо металл ёки қимматбаҳо тошларни топширишдан ҳар қандай йўллар билан бўйин товлашда ёхуд бу предметларни қисман топширишда ифодаланиши мумкин. Таҳлил қилинаётган модда диспозицияси бланкет характерга эга.

Аффинаж – бу қимматбаҳо металлларни мавжуд аралашмалардан тозалаш, бунинг натижасида олий сифатли (юқори пробали) металл пайдо бўлади.

Қимматбаҳо металллар аффинажини амалга ошириш

хукукига эга корхоналар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгиланади.

Аффинажга мажбурий топширишдан бўйин товлаш айбдор шахс қимматбаҳо металллар аффинажи бўйича ҳаракатни мустақил амалга ошираётганлигини англатади.

Мажбурий сотишдан бўйин товлаш ваколатли органларга қимматбаҳо металллар ёки қимматбаҳо тошларни сотиш бўйича ҳаракатларнинг амалга оширилмаганлигидадир.

Ер ости бойликларидан фойдаланувчи олтин ёки кумуш қуймасини қабул қилиб олувчи нафақат давлат химояси, балки ЎзР Марказий Банкнинг фаолиятини хавф остига оладилар.

Қимматбаҳо металл ва тошларнинг чиқиндилари ва парчалари бундай парчалар юзага келадиган барча ташкилотлар, шунингдек, ҳарбий қисм ва ҳарбий тузилмалар томонидан тўпланиши зарур. Йиғилган чиқинди ва парчалар уларни тўплаган ташкилотлар, шунингдек, ҳарбий қисм ва тузилмалар томонидан мажбурий тартибда ҳисобга қуйилиши ва қайта ишланиши, шунингдек, қайта фойдаланиш ёки реализация учун тегишли қонун ҳужжатлари асосида кейинчалик ишлаб чиқариш, қимматбаҳо металллар аффинажи ва қимматбаҳо тошлар рекуперацияси амалга оширилади.

Қимматбаҳо тошларнинг рекуперацияси – қайта ишланган ёки бази бир сабабларга кўра эксплуатациядан чиқарилган инструмент ва техник мақсадлар учун мўлжалланган маҳсулотдан қимматбаҳо тошларни ажратиш, шунингдек, олмос классификатори ёки белгиланган техник шартлар асосида қимматбаҳо тошларнинг қолдиқлари бўлган чиқиндиларни қайта ишлаб сифат даражасигача кўтариш.

Табиий қимматбаҳо тошларни давлатга мажбурий сотиш бўйича мажбуриятлар ЎзР Хукумати томонидан белгиланади.

Қазиб олувчи ташкилотлар табиий қимматбаҳо тошларни саралаш ва бахосини белгилаш, шунингдек, давлат хазинасини давлат органлари белгиланган хажмда тўлдириш мақсадида табиий тошларни давлатга сотишнинг қоидаларига риоя этишга мажбурдирлар.

Аффинажга топшириш ёки кўрсатилган предметларни мажбурий сотиш мажбуриятдан бош тортиш жинояти кейинчалик мустақил равишда қимматбаҳо металлларни аффинаж ёки қимматбаҳо металлларни қўшимча қайта ишлаш, ёхуд қимматбаҳо металллар ёки тошлар билан бошқа ишларни бажариш, ёхуд қимматбаҳо металл ва тошларни топширишни олдиндан яшириш каби қилмишларни юзага келтириш мумкин.

Агар қимматбаҳо металлларни ёхуд қимматбаҳо тошларни топшириш қоидаси бузилиши натижасида давлатга кўп миқдорда зарар етказилса, бу жиноят таркибини ҳосил қилади. Кўп миқдордаги зарар жиноятнинг шартли белгисидир.

Моддий таркибли шарҳланаётган жиноят давлатга кўп миқдорда зарар етказилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан амалга оширилади. Мотив ва мақсад қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Мазкур жиноят субъекти – ўн олти ёшга тўлган, қимматбаҳо металллар ёки қимматбаҳо тошлар топшириш қоидаларини бузган ақли расо шахсдир.

§ 13. Рангли металллар, уларнинг парча ва резгичикитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш (ЎзР ЖК 185¹-моддаси)

Жиноятнинг бевосита **объекти** – қонунчиликда белгиланган рангли металллар, уларнинг парча, резги-

чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда ўтказиш қоидалари.

Жиноят **предмети** – рангли металллар, уларнинг парчаси ва резги-чиқитлари.

Жиноятнинг **объектив томони** маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг содир этилган, қимматбаҳо металлларга мансуб бўлмаган рангли металлларни, уларнинг парча, резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда ўтказиш қоидаларини бузишдан иборатдир.

Рангли металлларни ноқонуний тайёрлаш – бу амалдаги қонуни бузиб рангли металллар, унинг парча, резги-чиқитларини олишга қаратилган ҳаракатлардир.

Масалан, ахлатхонадан, аҳолидан йиғиш, сотиб олиш, бошқа товарларга алмаштириш.

Жиноят мазкур модда диспозициясида айтиб ўтилган ҳаракатлардан (тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда ўтказиш) биронтаси содир этилган пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади. Агар айбдор олдин шундай ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, жинорий жавобгарлик келиб чиқади.

Қимматбаҳо металлларга мансуб бўлмаган рангли металллар, унинг парча, резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда ўтказиш ўзга мулкка зарар етказиш ёки хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасдан содир этилади. Жиноятнинг мотив ва мақсадлари қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Жиноят **субъекти** – ўн олти ёшга тўлган ақли расо ҳар қандай шахс бўлиши мумкин

Қимматбаҳо металлларга мансуб бўлмаган рангли металллар,

уларнинг парча, резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда ўтказиш қодаларини мансабдор шахс содир этса, унинг ҳаракатларини тегишли ҳолатлар мавжуд бўлганда жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 205-моддаси ёки 206-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

185¹ - модда 2-қисми:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганлиги учун жавобгарликни ўрнатади.

Алоҳида квалификация қилиш белгиларига эга бўлган 185¹ - модда 3-қисми:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган қилмиш учун жавобгарликни ўрнатади.

Бу квалификация қилиш белгилари юқорида таҳлил қилинган моддаларда баён қилинган ва ўхшашдир.

§ 14. Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қодаларини бузиш. (ЎзР ЖК 185²-моддаси)

Жиноят кодексига ушбу модданинг киритилиши миллий қонунчилигимизнинг ривожланиш маҳсули бўлиб, давлатнинг энергия ташувчи қурилмаларига эҳтиёткорона муносабатда бўлишини ўзида ифода этади.

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг объекти - энергия ташувчи қурилмалардан рационал фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар бўлиб, у стратегик аҳамиятга молик моддий-техник ресурслари ҳисобланади. Қўшимча объект сифатида ҳисоблаш қурилмаларига эга бўлиш, шахс, давлат ва жамият хавфсизлиги кириши мумкин.

Ушбу жиноят объектив томондан қуйидагича содир этилиши мумкин: а) ўзбошимчалик билан газ ва сув қувурларига уланиш; б) электр, иссиқлик энергияси, табиий

газ, иссиқ ёки совуқ сувни ҳисобловчи қурилмаларни бузиш;
в) ушбу ҳисоблаш асбобларига уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида таъсир кўрсатиш.

Сув ва газ қурилмалари тармоғи деганда – газ ёки сувни ишлаб чиқарувчидан (сотувчидан) истеъмолчига (сотиб олувчига) етказиш ва унинг узлуксизлиги ҳамда технологик бирлиги (масалан, компрессор қурилмалари, уловли трубалар) тушунилади. Ушбу ҳолатда газ ва сув қурилмалари тармоғидаги мавжуд техник узилишлар (яъни, мазкур тармоққа мос келадиган шартли лойиҳалар, масалан, труба ўрнига автомобиль транспортдан фойдаланиш) мазкур моддадаги назарда тутилган тармоқ мазмунига мос келмайди. Газ ва сув тармоқларига ўзбошимчалик билан, яъни қонунда ўрнатилган тартиб асосида ваколатли орган рухсатсиз уланиш ижтимоий хавфли ҳsobланади.

Айниқса, коммунал тизимда сув таъминотининг Янги объектларига уланиш ва унинг миқдорини оширишда буюртмачи (абонент) СХК ташкилотидан рухсат олиниши керак. Сув қувурлари ва уларга уланишга рухсат бериш ва техник шартлар идоравий тегишлигидан қатъий назар барча учун мажбурийдир. Газ қувурларга уланиш тегишли лицензияга эга бўлган, махсус қурилиш –монтаж ташкилоти томонидан ташиш, алмаштириш, қўшимча воситаларни ўрнатиш (иккитагача қурилма ўрнатиш) таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ваколатига эга бўлган газ хўжалиги ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Ўрнатилган тартибни бузиб, газ ёки сув тармоқларига уланиш, газ ёки сув ресурсларидан назоратсиз фойдаланиш мақсадида амалга оширилган тақдирдагина, ушбу модда билан квалификация қилиниши мумкин.

Назорат қилинмайдиган ҳолда фойдаланиш деганда, айбдор ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг газ ёки сув тармоқларига ҳисоблагич қурилмаларини четлаб ўтиб уланиши тушунилади. Шунинг учу нагар ўзбошимчалик билан тармоқнинг бир қисмига уланилаган бўлса, бундай

қилмиш ЖК 229-моддасига кўра, ўзбошимчалик деб квалификация қилиниши зарур. Бундай ҳолларда қилмиш ЖК нинг 185(2)- моддаси билан квалификация қилинмайди.

Газ ва сув тармоғига уланиш газ ёки сувни амалда сарфланган-сарфланмаганлигидан қатъий назар тармоққа уланган вақтдан бошлаб тугалланган деб ҳисобланади.

Ҳисоблаш асбоблари деганда, бевосита сув, иссиқлик ёки электроэнергиянинг ҳақиқий ҳажмини миқдорий ҳисобловчи, икала тараф (истеъмолчи ва етказиб берувчи)ни аниқ қаноатлантирувчи барқарор ўлчаш – ҳисоблагич қурилмалари тушунилади.

Ҳисоблаш асбоблари Ўзбекистонда қабул қилинган ўлчов бирликларида ифодаланади, улар турли оқимларни ўлчаш учун зарур ва етарли бўлган градациялар бўйича ишлаб чиқилади ва техника, фойдаланиш хавфсизлиги талабларига жавоб бериши, таъмирга яроқли бўлиши, бир-бирини алмаштира олиши, индикатор қурилмаларига осон кириш каби шартларга жавоб бериши лозим.

Ҳисоблаш асбобларини бузиш деганда-ҳисоблаш асбобларни қисман ёки тўлиқ бузилиши тушунилади ва асбобнинг тўлиқ ёки қисман ҳисоблаш хусусиятлари йўқотилади, шунингдек, унинг хужалик қийматининг пасайиши, ҳисоблаш асбобидан бутунлай мақсадига мувофиқ равишда фойдаланиш имкониятининг йўқотилишига сабаб бўлади.

Ҳисоблаш асбобларидаги кўрсаткичларга таъсир кўрсатиш, аралашуш деганда- асбобнинг бутунлигига путур етказмасдан унинг ишлаш қобилияти ва кўрсаткичлари тўғрилигининг бузилишини тушуниш керак. Таъсир кўрсатиш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин: электрон магнит қурилмаларидан, иссиқлик ёки ёруғлик ва ҳ.к. фойдаланиш; таъсир кўрсатиш усуллари қилмишини квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Мазкур моддага кўра, ҳисоблаш асбобларига таъсир кўрсатиш деб тавсифланадиган жинойтнинг мақсади-

ҳисоблаш асбоблари кўрсаткичларини ўзгартиришдир. Ююқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, агар бундай таъсир бошқа мақсадларда амалга оширилган бўлса, (қизиқувчанлик, таъмирлаш ва б.) шахс ушбу модда бўйича жавобгарликка тортилмайди.

Ўзбошимчалик билан газ ёки сув тармоғига уланиш, ҳисоблаш асбобларини бузиш ёки уларга таъсир кўрсатиш жиноят деб топилади ва қуйидаги шартлар бўлганда ЖКнинг шарҳланаётган моддасининг 1-қисми билан жавобгарликка тортилади: а) ушбу ҳаракатлар натижасида анча миқдорда зарар етказилган бўлса; б) маъмурий преюдициянинг мавжудлиги;

(Анча миқдор тушунчасини аниқлаш учун ЖК нинг 8-бўлимига қаранг). Бу ерда шунга алоҳда эътибор бериш керакки, ушбу моддада кўрсатилаган жавобгарлик белгиланган жиноят моддий таркибли ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, анча миқдордаги зарарнинг келиб чиқмаганлиги ушбу жиноят бўйича жавобгарликка тортиш имкониятини истисно этади.

Жиноят субъектив томондан ҳамма вақт қасддан содир этилади, айбдор ўзи қонунга хилоф ҳаракат эканлигини англайди, жинойий оқибатларнинг келиб чиқишини хоҳлайди ва бунга онгли равишда йўл қўяди.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Айбдорнинг шарҳланаётган модданинг 2- ва 3-қисмлари бўйича жавобгарлиги ўша ҳаракатлар туфайли кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказилганидан вужудга келади.

Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 30 сентябрдаги қонунига мувофиқ, 207-модданинг 3-қисми янги тахрирда баён этилди, яъни мазкур қисм “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг кўп миқдорда Ўзбекистон Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига сабаб бўлса”, деган “б” банд билан тўлдирилди. Кўп миқдор тушунчаси ЖКнинг 8-

бўлимида берилган.

**Итоговые вопросы к теме:
«Преступления против основ экономики»**

1. Наф келтирмайдиган битим тузиш деганда нима тушунилади? «Ўзбекистон Республикаси манфаатлари»га тушунча беринг.
2. Қалбаки пул, акциз маркалар ёки қимматли қоғозлар ясаш ёки ўтказганлик учун жавобгарликнинг келиб чиқиш шартлари қандай? ЖКнинг 176-моддасида назарда тутилган жиноятнинг шакллари қандай?
3. Қалбаки пул ёки қимматли қоғоз ясаш ёки уларни ўтказиш ва қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олиш ёки ўтказишнинг қандай умумий томонлари ва фарқлари мавжуд?
4. Валюта қимматликларини ғайриқонуний олиш ва ўтказиш деганда нима тушунилади?
5. Валюта қимматликларини ғайриқонуний олиш ёки сотганлик учун жавобгарлик шартлари қандай?
6. Чет эл валютасини қасдан яшириш мулкни нималарда ифодаланади?
7. Чет эл валюталарини яшириш ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишдан қандай фарқ қилади?
8. Сохта тадбиркорлик деганда нима тушунилади?
9. Сохта тадбиркорлик ўзгалар мулкни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан эгаллаб олишдан қандай фарқ қилади?
10. Сохта банкротлик деганда нима тушунилади?
11. Сохта банкротлик учун жавобгарлик шартлари қандай? Бу жиноят ўзлаштириш ёки фирибгарлик жиноятларидан қандай фарқ қилади?
12. Сохта банкротлик ва банкротликни яширишнинг қандай умумийлиги мавжуд?
13. Банкротликни яшириш деганда нима тушунилади? Бу жиноятнинг талон-торождан қандай фарқи мавжуд?
14. Божхона тўғрисидаги қонунларни бузиш қандай ҳаракатларда ифодаланиши мумкин?
15. Божхона тўғрисидаги қонунларни бузиш жиноятининг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлари нималарда намоён бўлади?

16. Божхона тўғрисидаги қонунларни бузишнинг жиноий жавобгарлик шартлари сифатида нималар асос бўлади?

17. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш қандай ҳаракатларда ифодаланади?

18. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузишнинг ижтимоий хавфлилиги нималарда ифодаланади?

19. Солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бош тортишнинг белгиларини айтиб беринг.

20. Фойдани (даромадни) ва солиқ тўлаш объектларини яшириш, камайтириб кўрсатиш белгиларини тушунтириб беринг.

21. Қимматбаҳо металллар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш нималарда ифодаланади?

22. Бюджет интизомини бузишнинг белгилари.

23. Қимматбаҳо металллар ва тошларни топшириш қоидаларини бузишнинг валюта қонунчилигини бузиш ва ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятларидан фарқларини кўрсатиб беринг.

24. Ер ости бойликлари, қимматбаҳо металл ва тошларни ўзлаштириб олишнинг талон-торож қилишдан фарқини аниқлаб беринг.

25. Рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чиқиндиларини тайёрлаш, олиш ишлатиш ва ўтказиш қоидаларини бузиш деганда нималар тушунилади?

26. Давлат проба тамғаларини тайёрлаш ва фойдаланиш қоидаларини бузишни юридик таҳлил қилиб беринг.

ГЛАВА IV. ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

§ 1. Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш (ЎзР.ЖК 186 -моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти қонун билан маҳсулотларни сертификатлаштиришнинг белгиланган тартиби, шунингдек хўжалик фаолияти соҳасидаги истеъмолчиларнинг манфаатлари, уларнинг хавфсиз товар, иш ва хизматларни

олишга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиаришга қаратилган ижтимоий муносабатлар.

Қўшимча бевосита объекти эса, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминлага қаратилган ижтимоий муносабатлар. (ЖКнинг **186-модда, 2, 3 ва 4 -қисмлари**).

Товарларни (иш, хизмат) истеъмол қилиш, шунингдек уларнинг шахсинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмаслигини назорат қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкӣ ҳуқуқлари ва атроф табиий муҳит билан боғлиқ масалалар 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган № 221-I “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги, шунингдек 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган № 1006-XII “Маҳсулот ва хизматларни сертифицикакатлаштириш тўғрисида”ги қонун ва 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Стандартлаштириш тўғрисида”ги № 1002- XII қонун билан тартига солинади.

Жиноятнинг **предмети** истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарлар, (ишлар, хизмат) ҳисобланади.

Товар, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунинг 1-моддасига кўра, ишлаб чиқарувчи фаолиятининг истеъмолчига шартнома бўйича сотиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан импорт маҳсулоти ҳисобланади.

Иш – бир бир нарсани қайта ишлаш ёки ишлаб чиқаришга қаратилган фаолиятни назарда тутати.

Хизмат – бу бирор бир шахсга ёрдам кўрсатишга қаратилган фаолият.

Иш ва хизматлар истеъмолчи билан тузилган маиший, уй-жой, қурилиш-таъмирлаш, транспорт ва хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларидаги шартномаларга асосан амалга оширилиши мумкин.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарлар, ишлар, хизматлар деганда, одатдаги шароитларда истеъмол қилиш, фойдаланиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказилиш, утилизация

қилиш, шунингдек иш ёки хизматлар натижасидан фойдаланиш натижасида истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган товар, иш ёки хизмат тушунилади.

Товарларнинг (иш, хизмат) сифати ва хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талаблар қуйидаги норматив ҳужжатларда белгиланди: стандарлар ва шунга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар (қурилиш нормалари ва қоидалари, фармакопея ва дори-дармон воситалари учун белгиланган вақтинчалик фармакопикмоддалар), техник шартлар, техник тавсифлар, рецептура ва бошқа ҳужжатлар.

Маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун товарлар (иш, хизматлар)ни сертификатлаштиришдан ўтказилади. Ўтказилган сифат бўйича сертификатлаштиришдан сўнг тегишли органлар томонидан **"мувофиқлик сертификати"** берилади.

"Мувофиқлик сертификати" - сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат;

Сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий тусда бўлади.

Мажбурий сертификатлаштириш ишлаб чиқаришни текширишни, маҳсулот хусусияти норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш учун уни синашни, назорат йўсинидаги текширувни ва сертификатланган маҳсулот устидан назоратни ўз ичига олади. («Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддаси). Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди. («Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддаси.).

“Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш

тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасига кўра “Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар қуйидаги ҳолларда:

сертификатлаштиришга тақдим этилмаган бўлса;

сертификатлаштириш талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли сертификатлаштиришдан ўтмаган бўлса;

агар сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки унинг амал қилиши тўхтатиб қўйилган (бекор қилинган) бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиниши мумкин эмас.

Қонунга хилоф тарзда мувофиқлик белгиси босилган маҳсулотларни реализация қилиш ман этилади».

“Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига кўра, ҳар қандай маҳсулот норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ эканлигини тасдиқлаш учун у юридик ва жисмоний шахснинг ташаббуси билан ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказилиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, товарларга қонунга мувофиқ мажбурий равишда яроқлилиқ муддати ўрнатилади. Яроқлилиқ (сақлаш) муддати-муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) товар (иш, хизмат)нинг хизмат муддати ёки яроқлилиқ муддати мобайнида, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, товар истеъмолчига сотилган (иш бажарилган) кундан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасига кўра: «Агар товар (иш, хизмат)дан хавфсиз фойдаланиш ёки уни шу тарзда ташиш ва сақлаш учун маҳсул қоидаларга риоя этиш зарур бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай қоидаларни ишлаб чиқиши, сотувчи (ижрочи) эса, уларни истеъмолчилар эътиборига етказиши шарт.

Агар товардан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш, иш (хизмат) натижалари истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига ёки атроф муҳитга зарар етказётганлиги ёхуд зарар етказиши мумкинлиги аниқланса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) зарар келтирувчи сабаблар бартараф этилгунга қадар уларни ишлаб чиқаришни (бажаришни, уни реализация қилишни) дарҳол тўхтатиши, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш чораларини кўриши шарт.

Зарар етказилишининг сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) бундай товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаши, ишни бажариш ва хизмат кўрсатишни тугатиши шарт, бунда даволашга, озиқ-овқатга мўлжалланган товарлар ва маиший кимё товарлари сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан утилизация қилиниши шарт. Бу мажбуриятлар сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бажарилмаган тақдирда, товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, ишни бажариш ва хизмат кўрсатишни тўхтатиш, уларни муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари кўрсатмасига биноан амалга оширилади».

ЖКнинг 186 –моддасида назарда тутилган жиноятнинг жабрланувчиси истеъмолчи ҳисобланади, «истеъмолчи-фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс)» (**“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунинг 1-моддаси, 2-қисми**»).

Жиноят объектив томондан истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишда намоён бўлади.

Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар ишлаб чиқариш келгусида истеъмолга чиқариш учун бевосита ишлаб чиқариш-тайёрлаш фаолиятини амалга оширишда намоён қилади.

Таҳлил қилинаётган нормада **товарларни сақлаш** деганда – келгусида реализация қилишга мўлжалланган истеъмолчилар хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларни вақтинчалик махсус сақлаш учун мўлжаллаган жойларига жойлаштиришдан иборат.

Товарларни ташиш деганда- истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи ва реализация қилишга тайёр бўлган маҳсулотларни ҳар қандай усуллар билан транспортировка қилишни тушуниш лозим.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш – ушбу товарларни бозорга чиқариш ёки бевосита истеъмолчиларга сотишда намоён бўлади.

Бунда товарларни **бозорга чиқариш деганда** - ишлаб чиқарувчи-тайёрловчи томонидан буютмачи (истеъмолчи)га тайёр товарларни жўнатиш (ўтказиш)ни, **истеъмолчиларга сотиш деганда эса** – ушбу товарларни чакана ва улгуржи савдо ташкилотлари ходимлари томонидан сотилишини тушуниш лозим.

Ишларни бажариш – ўзида у ёки бу нарсани ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ёки ишлов беришдаги ижро фаолиятини намоён қилади.

Хизматлар кўрсатиш – бу натижаси моддий ҳаёт нарса - буюмлари бўлмаган (тиббий, коммунал ва бошқа хизматлар) аниқ бир ишни бажаришга қаратилган ижро фаолиятидир.

ЖКнинг 186-моддаси, 1-қисмида назрада тугилган жиноят айбдор томонидан қандай ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишидан қатъий назар, мазкур норма диспозициясида камраб олинган ҳаракатларнинг атиги биттасини содир этилиши билан **туғалланган** ҳисобланади.

Жиноят субъектив томондан тўғри қасддан содир этилади.

Айбдор истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ишлаб чиқарётганлиги, сақлаётганлиги, ташиётганлиги ёхуд ўтказаетганлигини англайди, шунга ўхшаш характердаги ишларни бажаради ёки шунга ўхшаш характердаги хизматларни кўрсатади ҳамда бу ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

Бундай ҳолларда таҳлил қилинаётган модда бўйича жавобгарлик келиб чиқиши учун истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш **ўтказиш мақсадида** (товарларни буюртмага асосан бозорга чиқариш ёки бевосита истеъмолчиларга сотишда намоён бўлади) **содир этилган бўлиши лозим**. Мазкур мақсадни мавжуд эмаслиги ЖКнинг 186-моддаси билан жавобгарликни истисно қилади.

Жиноятнинг **мотиви** турли бўлиши мумкин, лекин у жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

Жиноятнинг субъекти истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, шунингдек ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишга жавобгар бўлган 16 ёшга тўлган шахслар, яъни сотувчи, тайёрловчи ёки иш (хизмат)ни бажарувчи бўлиши мумкин. Истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат)ларни норматив ҳужжатларини тасдиқловчи ёки унга мувофиқлик сертификатини берган шахс мазкур жиноятга иштирокчиси ва иш ҳолатларига кўра ЖКнинг 205-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш) ёхуд ЖКнинг 206-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш) ёки ЖКнинг 207-моддаси (Мансабга совуққонлик билан қараш) билан жавобгар қилиши мумкин.

ЖКнинг 186-моддаси, 2-қисми билан жавобгарлик истеъморчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш натижасида баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган ҳолларда юзага келади.

Бу ҳолатда қилмишни ЖКнинг 104-моддаси ва 105-моддалари билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиш талаб қилинмайди.

ЖКнинг 186-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноят қонунда белгиланган оқибатлар юзага келган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Агар бу оқибатлар келиб чиқмаса ЖКнинг 186-моддаси, 2-қисми билан жавобгарлик истисно қилади.

ЖКнинг 186-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноятда жиноий қилмиш (ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва бошқалар)га нисбатан субъектив муносабат тўғри қасд шаклида, қонунда кўрсатилган оқибатларга нисбатан субъектив муносабат эса ўз-ўзга ишониш ёки бепарволик кўринишидаги эҳтиётсизлик шаклида намоён бўлади.

Бошқа сўз билан айтганда, мазкур жиноят таркиби ўзида айбнинг мураккаб шаклини намоён қилади.

Агар сифатсиз, истеъмор талабларига жавоб бермайдиган товарларни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш инсон ўлимига олиб келса, қилмишни ЖКнинг 186-моддаси, 3-қисми билан квалификация қилиш лозим.

Таҳлил қилинаётган модданинг алоҳида квалификация қилиш белгилари ЖКнинг 186-моддаси, 4-қисмида назарда тутилган бўлиб, унда истеъморчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш натижасида:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган қилмиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

ЖКнинг 186-моддаси, 4-қисми, “а” бандида назарда тутилган инсонлар ўлими деганда, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ўлимига олиб келган ижтимоий хавфли оқибатни тушуниш лозим.

Бошқа оғир оқибатлар деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилиши, инсонларнинг оммавий касалланиши ва бошқа оқибатларни тушуниш лозим.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунинг 20-моддасига кўра «Товар (иш, хизмат)нинг тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ва бошқа нуқсонлари, шунингдек истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганидан қатъи назар, ҳар қандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуқсони туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар у норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса, қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки фойдаланиш, сақлаш ёхуд ташишнинг белгиланган қоидалари истеъмолчи томонидан бузилиши туфайли етказилганлигини исботласа, у жавобгарликдан озод қилинади».

§ 2. Этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш (ЎзР ЖК 186¹-моддаси)

Жиноятнинг бевосита **объекти** хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятдаги манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Жиноятнинг факультатив объекти сифатида бу ерда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар намоён бўлади.

Жиноят **предмети** этил спирти, алкогольли ва тамаки маҳсулотлари ҳисобланади.

Этил спирти ва алкоголь маҳсулотлар деганда таркибида вино, вино моддалари, ароқ, ликёр-ароқ маҳсулотлари, коньяк, бальзам, коньяк спирти, озиқ –овқат спирти, хамир спирти кабилар бўлган спиртли ичимликлар назарда тутилади.

Тамаки маҳсулотлари ўз ичига ҳар қандай тамаки маҳсулотларини, яъни сигарет, папирос, сигара ва бошқаларни қамраб олади.

Объектив томондан жиноят этил спирти, алкогольли ёки тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишда ифодаланади.

Қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш – бу этил спирти, алкогольли ёки тамаки маҳсулотларини қонунда белгиланган тартибда рухсат олмасдан ишлаб чиқаришдир.

Қонунга хилоф равишда муомалага киритиш деганда, этил спирти, алкогольли ёки тамаки маҳсулотини қонунда белгиланган тартибда рухсат олмасдан сотиш, алмаштириш, қарзга тўлаш, қарзга бериш ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва муомалага киритишга нисбатан давлат монополияси ўрнатилган.

Қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш деганда, хусусан:

– ихтисослашмаган корхоналар (маиший ёки кичик цехлар шароитида) томонидан қонунда белгиланган тартибда тегишли равишда рўйхатдан ўтмасдан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бериладиган тегишли лицензиясиз алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш тушунилади.

Мисол учун, «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳуқуқи ишлаб чиқариладиган маҳсулот турига Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилган махсус рухсатномага ва уни ишлаб чиқариш учун зарур шартларга эга бўлган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарга берилади.

Ихтисослашувига мувофиқ ва стандартлар, шунингдек Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилган, "Ўзвиносаноат-холдинг" компанияси томонидан тасдиқланган ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ "Ўзстандарт" агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилади».

Қуйидаги алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш лозим:

«а) озик-овқат спирти, тозаланган спирт, шу жумладан, узум ва мева-резавор мевадан тайёрланган спирт;

б) узум ва мева-резавор мевадан тайёрланган спирт хом ашёси;

в) коньяк ва кальвадос спирти;

г) узум ва мева-резавор мевадан тайёрланган виноматериаллар (тозаланган ва тозаланмаган), шунингдек ғалладан тайёрланган ярим тайёр спиртли маҳсулотлар;

д) узум, мева-резавор мевадан ва ярим тайёр спиртли маҳсулотлардан тайёрланган винолар;

е) ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотлари, бальзамлар;

ж) коньяклар (брендилар), коньяк ичимликлари ва кальвадослар;

з) шампан виноси, кўпикланадиган ва газли винолар;
и) даражаси паст (пиводан ташқари) ва ўткир спиртли ичимликлар, дамламалар ва ликёрлар;

к) вино ичимликлари: ўткирлиги 4 ҳажмли фоиздан 8 ҳажмли фоизгача бўлган паст даражали ичимликлар, ўткирлиги 9 ҳажмли фоиздан 28 ҳажмли фоизгача бўлган ўткир ичимликларни саноат асосида ишлаб чиқариш фаолияти лицензияланади».

Этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Шу билан боғлиқ равишда, махсус рухсатнома (лицензия)да кўрсатилмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, маҳсулотни лицензиясиз ишлаб чиқариш билан тенглаштирилади. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланишнинг кўринишлари ҳақида батафсил ЖКнинг 190-моддаси таҳлилига қаранг;

– «Ўзспиртсаноат» акционерлик компанияси таркибига кирмаган корхоналар томонидан дон маҳсулотларидан олинган этил спиртини ишлаб чиқариш;

– алкоголь ва тамаки маҳсулотларини мувофиқлик белгисиз, акциз маркасиз ва идентификация рақамсиз (худудий давлат солиқ инспекциялари томонидан бериладиган) сотиш, ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний равишда ишлаб чиқарилганлиги тасдиқлаш мақсадида қоида тариқасида махсус акциз маркалари билан маркаланади.

Акциз – товарнинг баҳоси таркибига киритиладиган ва сотуб олувчи томонидан тўланадиган эгри солиқ. Акциз солиғи билан талаб кўп бўлган товарлар, хусусан этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қопланади.

«Ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган акциз товарларни мажбурий маркалашни таъминлашлари шарт».

Акциз товарлари ва маҳсулотларини маркалаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар амалдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилаётган ҳамда унинг ҳудудига киритилаётган мажбурий акциз маркаларини қўллаш лозим бўлган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини қўллашни назорат қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги № 285 сонли **«Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида»** қарори асосида ишлаб чиқилган **“Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида”** тўғрисидаги Йўриқнома билан белгиланади.

Ушбу Йўриқномага мувофиқ, «1996 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни, пиводан ташқари (кейинги ўринларда акциз товарлар деб юритилади), белгиланган намунадаги акциз маркалари билан мажбурий маркалаш жорий этилди ва уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, акциз маркаларини ёпиштирмаган ҳолда ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш тақиқлаб қўйилди».

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ маҳсулотларнинг аниқ турлари учун белгиланган стандартларга мувофиқ барча алкоголь ва тамаки маҳсулотларини мажбурий равишда сертификатлаштириш ва маркалаштириш лозим.

Шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш, қалбакилаштиришдан муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида мувофиқлик белгиси билан маркаланади.

Мувофиқлик белгиси – қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини аниқ стандартларга мувофиқлигига кўрсатувчи белги.

Акциз маркалар ва мувофиқлик белгилари билан маркаланиш амалдаги стандартлар талаблари ва «Ўзстандарт» томонидан мақуullanган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган алкоголь маҳсулотларини Мувофиқлик белгиси билан маркаланиш Тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Акциз маркалари ва мувофиқлик белгиси маркаланган алкогольли маҳсулотга (давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари томонидан бериладиган) идентификациялаш номери мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Мувофиқлик белгисини қўйиш жойлари, унинг шакли, ҳажми ва бошқа параметрлари стандартлар билан белгиланади.

Хусусан, алкоголь маҳсулотининг ташқи этикетка белгисида: тегишли рақамланган мувофиқлик белгиси, «Ўзстандарт»нинг Давлат реестридан рўйхатдан олинганлик белгиси ва корхонанинг коди, акциз маркага мос келувчи код, шунингдек амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мос келувчи бошқа маълумотлар.

Маҳсулотни идишларга қўйиш, тиқинлаш, ёрлиқлаш ва акциз маркалари ҳамда мувофиқлик белгиси билан маркаланиш амалдаги Стандарт талабларига мувофиқ ва "Ўзстандарт" агентлиги томонидан тасдиқланган Алкоголли маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан маркаланиш тартибига мувофиқ амалга оширилади. Ишлаб чиқариш ташкилотлари, импорт қилувчилар, савдо ташкилотлар ва яқка тадбиркорлик субъектлари товарлар ва маҳсулотларнинг мувофиқлик белгилари билан маркалаништириш бўйича жавобгар ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи ташкилотлар агар товар ва маҳсулотларга уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида маркалаништирилган бўлса, қўшимча равишда маркаланишга ҳақли эмаслар;

– чет эл озиқ –овқат ва тамаки маҳсулотларидан ишлаб

чиқарилган алкоголь ва тамаки маҳсулотларини Вазирлар Маҳкамасининг рухсатисиз олиб кириш;

– Ҳисобга олинмаган маҳсулотлар. «Вино-ароқ маҳсулотлари ва бошқа алкогольли маҳсулотни идишларга қуйиш цехларида ҳар ойнинг биринчи кунда алкогольли маҳсулотлар қоддиқларини чиқариб олиш, идишларнинг, акциз маркаларининг, ёрлиқларнинг, тиқинларнинг ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни тайёрлашга тааллуқли бошқа моддий бойликларнинг ҳолатини аниқлаш йўли билан ҳисобга олиш амалга оширилади. Ушбу моддий ресурсларнинг тезкор ҳисоби ҳар куни олиб борилади».

– амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолда ишлаб чиқарилган этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ёки тамаки маҳсулотлари.

Агар этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ёки тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона белгиланган техник талабларга риоя этмаса ва истеъмомчиларининг хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарган тақдирда, қилмишни ЖКнинг 186-моддаси билан квалификация қилиш лозим. Агар бу ҳолатда ишлаб чиқаришни ўзи ҳам ноқонуний бўлган тақдирда қилмишни ЖКнинг 186-модадаси ва 186¹– моддалари билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиш лозим.

“Сақлаш”, “ташиш”, “ўтказиш” тушунчалари ҳақида батафсил ЖКнинг 186-моддаси таҳлилига қаранг.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акцизланиши лозим бўлган товарларни акциз маркаларсиз муомаласи тақиқланган.

Шу билан боғлиқ равишда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг муомаласи қуйидаги ҳолатларда ноқонуний деб эътироф этилиши мумкин:

–Алкогол ичимликлар ёки тамаки маҳсулотларини акциз маркасиз сақланиши ёки транспорт воситаларида ташиш. (ишлаб чиқарувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш мақсадида алкоголь ёки тамаки

маҳсулотларини техник жараёнларга мувофиқ равишда сақлаш ёки жўнатиш бундан мустасно)

«Савдо тармоғида сотиш учун тайёрлаб қўйилган алкоғолли маҳсулот стандартлар талабларига жавоб бериши, маркировка, акциз маркалари, мувофиқлик белгисига эга бўлиши ва норматив талабларга жавоб берадиган хоналарда сақланиши керак. Маҳсулот корхона лабораторияси хулосаси билан чиқарилади ва мувофиқлик сертификати билан жўнатилади»;

– Акциз маркалар билан маркаланмаган алкоғол ёки тамаки маҳсулотларини товар бозорларига чиқариш ёки савдо тармоғига реализация қилиш;

– Юридик шахслар ёки ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қонунда белгиланган тартибда ушбу фаолият учун лицензияга эга бўлмаган ҳолда алкоғол ёки тамаки маҳсулотлари улгуржи савдосини амалга ошириши;

– Жисмоний ёки юридик шахслар томонидан импорт қилинган спиртли ичимликлар ёки тамаки маҳсулотларини мазкур турдаги маҳсулотларга нисбатан махсус рухсатномаларсиз ёки махсус кўчмас савдо шаҳобчаларидан ташқарида, назорат касса машиналарсиз чакана савдо тарқасида сотилиши.

– Алкоғол маҳсулотларни майда чакана савдо шаҳобчаларида (газета дўконлари, кўчар содирлар, савдо залига эга бўлмаган бошқа жойлар) сотилиши. Алкоғолли маҳсулотлар фақат юридик шахслар томонидан турғун савдо тармоғи орқали сотилади;

– Алкоғол маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган алкоғоль маҳсулотларини Мувофиқлик белгиси билан маркалаш Тартибига риоя қилинмаган ҳолда мувофиқлик белгиларисиз ишлаб чиқариш ва реализация қилиш.

– Ҳисобга олинмаган маҳсулотларни реализация қилиш;

– Мазкур соҳада мавжуд бўлган амалдаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш.

Агар алкоголь ёки тамаки маҳсулотларини ўрнатилган стандартларга риоя қилмаган ҳолда ва истеъмолчилар ҳаёти ва соғлиғи талабларига жавоб бермайдиган тарзда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритилса, бу ҳаракатларни ЖКнинг 186-моддаси билан квалификация қилиш лозим.

Агар бу жиноий ҳаракатларни аниқлаш вақтида у ёки бу фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлиги аниқланса, бу қилмишни ЖКнинг 186¹ -моддаси ва 190-моддалари (Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш) билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиш лозим.

Жиноят этил спирти, алкоғолли маҳсулот ёки тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ёки муомалага киритилиши пайтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Жиноят мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Субъект ўн олти ёшга тўлган ва этил спирти, алкоғолли маҳсулот ёки тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш билан шуғулланадиган ақли расо шахс бўлади.

Айбдорнинг ҳаракатлари: а) кўп миқдорда; б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; г) хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, **ЖК 186¹-моддаси 2-қисми бўйича квалификация қилинади.**

Этил спирти, алкоғолли ёки тамаки маҳсулотнинг қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ёки муомалага киритилиши: а) жуда кўп миқдорда; б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, **ЖК 186¹-моддаси 3-қисми бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.**

Мазкур жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларда квалификация қилиш ва алоҳида квалификация қилиш белгилари бошқа жиноятларни таҳлил қилишда батафсил кўриб чиқилган ва такрорлашга хожат йўқ. (Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд муомалага киритишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш)

ЖКнинг 186¹ –моддаси, 4-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд

муомалага киритишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилишда намоён бўлади.

Кўрсатилган қонунга хилоф фаолиятга **ҳомийлик қилиш** яшириш ваколатли органларнинг уларни бартараф этиш, қўллаб-қувватлаш ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда уларнинг фаолият юритиши учун етарли шарт-шароит яратишда каби ҳаракатларда ифодаланади.

Ҳомийлик қилишга мисол сифатида бу ҳолатда кўрсатиб ўтилган маҳсулотларни ноқонуний равишда ишлаб чиқарётган ёки муомала қилаётган хусусий корхоналар, фирмалар, корхоналарни назорат қилувчи органлар (солик инспекцияси) томонидан текширишга йўл қўймаслиги; спирт маҳсулотларини Республика чегарасидан тўсқинликларсиз кириб келиши ва бошқалар.

Бу ҳолатда қилмишни ЖКнинг 205-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш) билан қўшимча равишда квалификация қилиш талаб қилинмайди. Жиноятларнинг реал жами (агар ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш нафақат бевосита ҳомийлик қилишда, балки субъектнинг бошқа турдаги ҳаракатлари орқали ҳам юзага келганда) бундан мустасно.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳақида батафсил ЖКнинг 205-моддаси таҳлилига қаранг.

Мазкур жиноят этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд муомалага киритишга ҳомийлик қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни содир этиш билан **туғалланган** ҳисобланади.

Кўрсатилган фаолиятга ҳомийлик қилиш **субъектив томондан тўғри қасдан** содир этилади.

Айбдор ҳокимият ёки мансаб ваколатидан фойдаланиши этил спирти, алкоғол ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва муомалага киритишга яхши шарт-шароит яратишини англайди ва бу ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

Мотив ва мақсад қоида тариқасида ғараздир. Аммо, жиноятни квалификация қилишга тасъир қилмайди.

186¹–модданинг **4-қисмида** назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** фақатгина ўз ҳокимият ёки мансаб ваколатлари орқали этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини қонуний ишлаб чиқарилиши ёки муомалага киритилши устидан назорат қилувчи органлар фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки бу назоратларни олдини олиш имкониятига эга бўлган мансабдор шахс бўлиши мумкин.

“Мансабдор шахс” тушунчаси ва белгилари ҳақида батафсил ЖКнинг 205-моддаси таҳлилига қаранг.

§ 3. Чигитдан олинadиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш (ЎзР ЖК 186²-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятларидаги манфаатлари, хусусан товар ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарларини сохталашини олдини олиш ва истеъмолчиларнинг сифатли маҳсулотларга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар.

Факуьтатив объект сифатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар намоён бўлади.

Жиноятнинг предмети чигитдан оладиган маҳсулотлар, хусусан пахта-чигит маҳсулотларини қайта ишлаш ва техник ишловдан ўтказиш натижасида олинган чигит ёғи, кунжара ва шелуха ва бошқалар.

Чигитдан маҳсулот олиш таъкидалаганимиздек, ёғ-мой ишлаб чиқариш алоҳида маҳорат талаб қиладиган ўта маъсулиятли соҳа ҳисобланади. Юқорида тўхталиб ўтганимиздек, жувоз орқали чигитдан маҳсулот олиш жамият ҳаёти учун хавф солади. Зеро, бундай шароитда ишлаб чиқарилган маҳсулот, биринчидан, ёғ-мой маҳсулоти инсон

ҳаёти ва саломатлиги учун тўғридан-тўғри хавfli бўлса; иккинчидан, бундай шароитда чорвачиликда кенг қўлланиладиган шелуха ва кунжара маҳсулотларининг олинishi ва муомалага киритилиши бундай жиноятларнинг ижтимоий хавфини янада ошириб юборади. Сабаби бу ҳолатда ёғ-мой маҳсулотининг таркибида захарли моддаларнинг сақланиб қолиши билан бир қаторда шелуха ва кунжаранинг таркибида ҳам қорамоллар учун хавfli бўлган моддалар сақланиб қолади, бундай қорамол гўштини, унинг сут маҳсулотларини истеъмол қилиш инсон ҳаёти ва соғлиғига жиддий хавф солади.

ЖКнинг 186²–моддасида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритилишида намоён бўлади.

Таҳлил қилинаётган модда бланкет характериға эға бўлиб, чигитдан олинадиган маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритилиши қонунға хилофлиғини аниқлашда ҳар бир ҳолатларда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларға мурожаат қилиш лозим.

Юқоридагилар асосида **чигитдан олинадиган маҳсулотларни қонунға хилоф равишда ишлаб чиқариш деганда** бундай маҳсулотларни ўтказиш ёки муомалага киритиш мақсадида қонунда белгиланган тартибда рухсатнома олмасдан ишлаб чиқариш тушунилади; чигитдан олинадиган маҳсулотларни қонунға хилоф равишда муомалага киритиш деганда эса, чигитдан олинадиган маҳсулотларни сотиш, айирбошлаш, қарз учун тўлаш, гаровға бериш ва ҳ.к. шаклларда фуқаролик муомалага киритиш тушунилади.

Чигитдан олинадиган маҳсулотларни қонунға хилоф равишда ўтказиш деганда уларнинг ҳар хил усулда тарқатиш (ўзғаға бериш, ҳадя этиш ва ҳ.к.лар)ни тушуниш лозим.

Бунда ушбу жиноят объектив томонини содир этилиш

усулларидан бири чигитдан олинадиган маҳсулотларни қонунга хилоф равишда муомалага киритишнинг таркибига тўхталиб ўтсак. Хусусан, бунда **қонунга хилоф равишда олинган чигит маҳсулотларини сотиш деганда**, ушбу маҳсулотларни муайян ҳақ эвазига бошқа шахсга ўтказиш тушунилади; айирбошлаш эса чигитдан ноқонуний олинадиган маҳсулотларни нақд пул воситасисиз бошқа моддий қимматликка эга бўлган товар билан алмаштириш тушунилади. Бунда нақд пул воситаси деярли ишлатилмайди, башарти ишлатилган тақдирда ҳам ёрдамчи-факультатив аҳамият касб этади яъни, алмаштирилаётган маҳсулотларнинг қийматидаги фарқларни қоплаш учун хизмат қилади.

Таҳлил қилинаётган моддада чигитдан олинадиган маҳсулотларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш деганда пахта-чигитини техник қайта ишлаш ва ёғ маҳсулотларини қонунда белгиланган тартибларни бузган ҳолда ишлаб чиқаришни назарда тутлади. **Хусусан:**

– пахта ёғини маиший шароитларда ва белгиланган талабларга мос шароитларга эга бўлмаган кичик цехларда ишлаб чиқариш. «Техник чигит Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ҳар йили тасдиқланадиган ёғ-мой заводлари ва пахта тозалаш заводларининг жойлашиши асосида, фақат ёғнинг нормативга мувофиқ чиқишини таъминлаётган ёғ-экстракция корхоналарига ажратилади»;

– пахта ёғини сертификатланмаган чигит маҳсулотларидан ишлаб чиқариш. Пахта тозалаш корхонасида пахта чигити туркумидан намуна олиш ёғ-мой корхоналари томонидан, маҳсулот қабул қилиб олинган кунда, ишончнома асосида биркитилган пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналари вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Синаш учун олинган техник чигитни "Сифат" маркази вакили қопқоғи зич ёпилган банкага ёхуд қалин полиэтилен пакетга жойлайди ва унга намунани идентификация қилувчи махсус этикетка қўяди. Намуна олувчи имзолаган этикеткада

пахта заводининг, пахта чигити туркумининг тартиб рақами, намуна олинган сана, намуна олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади.

Намуна "Сифат" марказининг уруғлик лабораториясига берилади, бу ерда ундан 2 кг миқдорида ўртача намуна ажратилади. Ўртача намуна тахминан тенг бўлган икки қисмга - синаш учун ва назорат намунасига ажратилади. Олинган намуна синовдан ўтказилади.

Намунанинг назорат қисми идишга жойланади, унга барча намуна олувчилар вакилларининг фамилиялари ва имзолари билан ёзилган ёрлиқча жойланади, сўнгра у идишнинг очилгани билинмайдиган расмий тартиб рақамли пломба ёки ёрлиқ билан бекитилади.

Намунанинг назорат қисми "Сифат" марказининг уруғлик лабораториясида 15 кун мобайнида сақланади.

Техник чигитнинг ҳар қайси туркумини синаш "Сифат" маркази мутахассислари томонидан, пахта тозалаш корхоналари ҳудудларида жойлашган ва "Сифат" марказининг аккредитация қилинган минтақавий лабораториялари филиаллари ҳисобланадиган уруғлик лабораторияларида O`z DSt 596 "Техник пахта чигити. Техник шартлар" талабларига мувофиқ ўтказилади.

"Сифат" марказининг уруғлик лабораторияларида пахтанинг техник чигити синовларини ўтказишда пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналари вакиллари иштирок этадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, пахта ёғини ёки кунжара ишлаб чиқариш фаолияти Лицензия талаб қилинадиган фаолиятлар турига кирмайди;

– пахта ёғи, кунжара ва шелухани ҳисобга олинмаган чигитдан ишлаб чиқариш;

– Чигитдан олинадиган маҳсулотларнинг амалдаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда ишлаб чиқариш.

Агар чигит маҳсулотларини қайта ишлаш ёғ ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ўрнатилган техник ва санитар нормаларни бузган ҳолда амалга оширилиши натижасида

истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилса, қилмишни ЖКнинг 186-моддасининг тегишли қисмлари билан квалификация қилиш лозим.

Таҳлил қилинаётган модда мазмунида келтирилган **ноқонуний муомалада бўлиш деганда** – чигитдан олинган маҳсулотларни сақлаш, ўтказиш ва сотиш (реализация, импорт-экспорт операциялари)нинг норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибини бузишни тушуниш лозим.

“Сақлаш”, “ўтказиш” ва “сотиш” тушунчалари ҳақида батафсил ЖКнинг 186-моддаси таҳлилига қаранг.

Чигитдан олинадиган маҳсулотларни қонуний тартиби куйидагилардан четга чиқлган ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бузилган ҳисобланади:

Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги очик, биржа савдолари орқали - савдо ташкилотларига ҳамда саноатда қайта ишлашга;

тўғридан-тўғри шартномалар ва тартибга солинадиган нархлар бўйича - бюджет ташкилотлари ҳамда махсус истеъмолчиларга сотилади;

биржа савдолари орқали ва республиканинг ташқи савдо компаниялари билан тузилган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича экспорт қилинади.

Белгилансинки, аҳолига ўсимлик ёғини сотиш фақат юридик шахс мақомига эга чакана савдо ташкилотлари томонидан назорат-касса аппаратлари билан жиҳозланган муқим савдо шохобчалари орқали амалга оширилади.

Кунжара ва чигитдан олиган шелуха куйидаги тартибларда реализация қилиши мумкин:

— пахта етиштирувчи хўжаликларга шрот ва пахта шелухаси фақат ёғ-мой саноати корхоналари томонидан қишлоқ жойларда ташкил этиладиган шрот ва шелуха сотиш бўйича ихтисослаштирилган пунктлар орқали улгуржи савдо нархларида сотилади;

—улгуржи савдо нархларига мазкур маҳсулотларни ихтисослаштирилган пунктларгача етказиб бериш харажатлари, шунингдек ушбу пунктларнинг моддий таъминотиغا сарфланадиган харажатлар киритилмайди, бу сарф-харажатлар ёғ-мой корхоналари томонидан биржа савдолари орқали ўсимлик ёғини сотишдан олинadиган кўшимча даромадлар ҳисобига қопланади;

— шрот ва шелуха ресурслари биржа савдолари орқали чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланадиган пахтачилик қишлоқ хўжалиги корхоналарига эмас, балки шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва мол етиштириш билан банд бўлган аҳолига қишлоқ ҳудудларида ташкил этиладиган шрот ва шелуха сотишга ихтисослаштирилган пунктлар орқали 2-иловадаги* схемага мувофиқ сотилади.

ЖКнинг 186²—моддасида назарда тутилган жинойт чигитдан олинadиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритилиши билан тугалланган ҳисобланади.

Жинойт **субъектив томондан тўғри қасдан** содир этилади. Айбдор ўз ҳаракатларини ижтимоий хавфлилигининг англайди ва уни содир этишни истайди.

Мотив ва мақсад жинойтни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

Жинойтни субъекти чигитдан олинadиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш билан шуғулланувчи ҳар қанадай 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Айбдорнинг чигитдан олинadиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш билан боғлиқ ҳаракатлари қуйидаги ҳолатларда ЖКнинг 186²—моддаси, 2-қисмига кўра квалификация қилинади:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- г) мансаб мавқеини суиистеъмом қилиш йўли билан содир этилган бўлса.

Айбдорнинг чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш билан боғлиқ ҳаракатлари қуйидаги ҳолатларда ЖКнинг 186²–моддаси, 3-қисмига кўра квалификация қилинади:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилса.

Мазкур квалификация қилиш белгилари юқорида таҳлил қилинган жиноятлар таҳлили билан бир хил.

§ 4. Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш (ЎзР ЖК 188-моддаси)

Жиноят **объекти** – бир маромда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар. **Бевосита объект** – савдо ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахсларни рўйхатга олишнинг белгиланган тартиби. **Факультатив объектлар** солиқ тўлаш, савдо қоидаларига риоя қилиш тартиби, ижтимоий ахлоқ, мамлакат мудофааси, давлат хавфсизлиги ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Объектив томондан жиноят белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга оширишда ифодаланади.

Савдо фаолияти – нақд пулга, нақд пулсиз товар, иш, хизматларни сотиш билан боғлиқ фаолият.

Фаолият савдо фаолияти сифатида тан олинishi учун қуйидаги белгилар мавжуд бўлиши лозим:

- а) субъект сотиладиган товарлар, ишлар, хизматларга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлиш лозим;
- б) товарни реализация қилиш ҳақ эвазига амалга

оширилиши лозим, яъни товарлар, ишлар, хизматлар учун маълум моддий қийматга эга ашё олиниши лозим.

Юқорида қайд этилган белгиларнинг биронтаси бўлмаса, фаолият савдо фаолияти сифатида тан олиниши, масалан, субъект мулк ҳуқуқига эга бўлмаган (масалан, мулк унга ижара битими асосида берилган бўлса) мулкни текинга бериши ёки сотиши мумкин эмас. Савдо фаолияти сифатида товар, иш, хизматни ҳар қандай эвазли тўлов бериш, шу жумладан нафақат пул маблағлари, балки бошқа мулк билан бериш, яъни бартер битими тушунилади. Товарнинг (экспорт ва импорт битимлар асосида) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасини босиб ўтиши ҳам фаолиятни савдо сифатида квалификация қилишга таъсир қилмайди.

Воситачилик фаолияти муассаса, корхона, ташкилот ва фуқаролар учун товар ёхуд бошқа предметларни сотиб олишга ёки реализация қилишга кўмаклашиш ёки бундай мажбуриятларни ўз зиммасига олиш ҳамда томонлар ўртасида битимлар тузишда кўмаклашиш ёхуд бошқа воситачилик ҳаракатларидан иборат. Бошқача айтганда, воситачилик фаолияти битим асосида, пул ва натура шаклида ифодаланадиган ҳақ эвазига бошқалар фойдасига воситачилик хизматларини кўрсатиш деб тан олинади. Шарҳланаётган модда маъносида воситачилик фаолиятини ҳақ эвазига амалга ошириш зарурий шарт бўлиши лозим ва пул шаклида ҳам, натура шаклида ҳам ифодаланиши мумкин (масалан, реализация қилинган товар миқдоридан келиб чиқиб муайян фоизларни олиш). Агарда бошқа томон воситачи амалга оширган ҳаракатларни очик ёки кўзланган (масалан, воситачи кўрсатган хизматлар натижасини қабул қилиш) шаклда ифодаланган қўллаб-қувватлаш бўлмаса, воситачилик фаолияти ҳам бўлмайди.

Мазкур жинойт савдо ёхуд воситачилик фаолиятини амалга оширувчи субъектнинг қонун талаб қилган рўйхатдан ўтишдан бўйин товлашга йўналтирилган фаол ҳаракатларида ифодаланadi.

Мазкур модда маъносида **бўйин товлаш** – бу амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, вакиллик органига фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ёки уни тиклаш ёхуд ўзгартиришни сўраб мурожаат этишга мажбур бўлса-да, лекин қасддан буни бажармайди, ёинки била туриб ўзининг мурожаатини кўриб чиқишни имконсиз қилиб қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, тадбиркорлик доирасида амалга оширилаётган савдо ёки воситачилик фаолияти мажбурий давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Қонун фуқаролик ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган бир маротабали битимларни тузиш учун тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтишни талаб қилмайди. Меҳнат битимига (контракт) мувофиқ, мажбуриятларни бажариш савдо ёки воситачилик фаолияти ҳисобланмайди. Қонунчилик ёки ҳуқуқий анъаналарга мувофиқ, касбий (хусусий) амалиётнинг баъзи бир турлари махсус рўйхатдан ўтишни талаб қилмайдиган деб тан олинади. Масалан, хусусий амалиётга эга нотариус, адвокат ва ҳоказолардан қўшимча рўйхатдан ўтиш талаб қилинмайди. Шу билан бирга, баъзи товарлар, ишлар ва хизматларга нисбатан (масалан, таълим бўйича, тиббиёт бўйича хизматлар) амалга ошириладиган савдо ёки воситачилик фаолияти рўйхатдан ўтказилиши шарт. Ўз мазмуни бўйича ғайриқонуний бўлган фаолият, масалан, фоҳишалик, наркотик моддалар савдоси рўйхатга олинмайди ва савдо ёки воситачилик фаолияти ҳисобланмайди. Уларнинг амалга оширилганлиги учун Жиноят кодексида бошқа моддалар бўйича жавобгарлик назарда тутилган.

Савдо ва воситачилик фаолияти билан шуғулланадиган шахсларни қонунчиликка мувофиқ рўйхатга олишга ваколатли орган ҳамда суд рўйхатга олинганликни тўхтатиб қўйиши ёки умуман бекор қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда савдо ёки воситачилик фаолиятини давом эттириш ғайриқонуний савдо ёки воситачилик фаолиятини

амалга ошириш деб топилиши лозим. Рўйхатга олинган шахс учун ёхуд савдо ва воситачилик фаолиятларидан бошқа фаолият турларини амалга ошириш учун рўйхатдан ўтиб, савдо ёки бошқа воситачилик фаолиятини амалга ошираётган шахсларнинг ҳаракатларини ЖК 188-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

Рўйхатдан ўтганликни тиклаш – рўйхатдан ўтиш мақсадларини ўзгартирмасдан рўйхатга олиш ҳужжатини узайтириш ёки алмаштиришга йўналтирилган ҳаракатлар мажмуи, яъни қайта тиклашда шахс ҳозир қайта рўйхатга олинаётган фаолият соҳаси бўйича аввал рўйхатдан ўтган бўлиши лозим. Хусусан, рўйхатдан ўтишни тиклаш чакана савдо ҳуқуқи учун рухсатнома муддати тугаганда амалга оширилиши мумкин.

Агар субъект қуйидаги шартларга мос келса, рўйхатдан ўтганликни тиклаш мумкин:

- а) у аввал рўйхатдан ўтган бўлиши лозим;
- б) аввалги рўйхатдан ўтганлиги ҳақиқий бўлиши керак;
- в) субъектнинг янгидан рўйхатдан ўтиши аввалги рўйхатдан ўтиши учун асос бўлган ҳолатларни ўзгартирмаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Рўйхатдан ўтишни тиклаш кўрсатилган элементлар бирлигини намоён этади ва улардан бирининг мавжуд эмаслиги уни тан олиш мумкин эмаслигини билдиради.

Рўйхатдан ўтишни ўзгартириш деганда, аввалги рўйхатдан ўтиш асослари (масалан, субъект манзили, фаолияти соҳаси ва ҳоказолар) ўзгариши билан боғлиқ бўлган янги рўйхатдан ўтиш жараёнини тушуниш лозим.

Рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаш – субъектнинг рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқишни имконсиз қилиб қўядиган ҳаракатларни амалга оширишида ифодаланиши мумкин. Бу субъект шундай ҳаракатларни амалга оширадими, натижада мурожаатни кўриб чиқиш мумкин бўлмай қолади.

Мурожаатни кўриб чиқишнинг имконсизлиги деганда,

келиб тушган ариза бўйича ваколатли органнинг тегишли қарорни қабул қила олмаганлигига сабаб бўлган объектив мавжуд вазиятни тушуниш лозим. Кўриб чиқишнинг имконсизлиги мурожаатни йўқотиш, унда нотўғри маълумотлар бериш, белгиланган давлат божини тўламаслик, мурожаатни тушуниш қийин бўлган шаклда баён этиш ва ҳоказо ҳаракатлар бўлиши мумкин. Шунинг назарда тутиш лозимки, мурожаатни кўриб чиқишнинг имконсизлиги фақат айбдор онгида мавжудлиги билан эмас, балки объектив ҳолатлар билан ҳам тавсифланган бўлиши лозим.

Рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаш айбдор савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга оширишни бошлаган пайтдан **тугалланган** ҳисобланади.

Шу билан бирга, қилмиш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда содир этилса, жиноий жазоланиши тақозо этилади. Бунда шунинг қайд этиш лозимки, миқдорни субъект рўйхатдан ўтмасдан савдо ёки воситачилик фаолияти натижасида олган фойданинг ҳақиқий суммасига асосан белгилаш зарур, бироқ бунда унинг мазкур фаолиятни амалга оширишида қилган харажатларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Субъектив томондан жиноят тўғри ёки эгри қасд билан тавсифланади. Айбдор савдо ёки воситачилик фаолияти билан рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, бундай ҳолатда рўйхатдан ўтиш мажбурий эканлигини билгани ҳолда шуғулланаётганлигини биледи ва шундай ҳаракат қилишни хоҳлайди.

Субъектив томоннинг зарурий белгиси жиноятни амалга ошириш мақсади – анча миқдорда назорат қилинмайдиган даромад олиш ҳисобланади. Бунда назорат қилинмайдиган даромад деганда, миқдоридан қатъи назар, ғайриқонуний фаолиятдан олинмайдиган даромад тушунилади.

Олинган даромад миқдори фақат ЖК 188-моддаси 2 ва 3-қисмларининг квалификация қилиш белгилари сифатида аҳамиятга эга.

Шунинг таъкидлаш лозимки, айбдор истаган мақсад (маълум

миқдорда даромад олиш) унга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра амалга ошмаса, бу ЖК 25-моддаси 2-қисм ва 188-модданинг тегишли қисми бўйича жиноят содир этишга суиқасд қилиш деб квалификация қилиниши талаб этилади.

Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тўлган шахс. Мазкур жиноят субъектининг махсус белгиси – у савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга оширувчи шахслигидир.

Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланишнинг квалификация қилиш белгилари бундай жиноятни:

188-модда 2-қисми билан

- а) хавfli рецидивист томонидан;
- б) кўп миқдорда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилиши ҳисобланади.

ЖК 188-моддасининг 3-қисми қуйидаги квалификация қилиш белгиларини:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилишини назарда тутди.

ЖК 188 моддасининг 2 ёки 3-қисми бўйича тегишли белгилар мавжуд бўлганда айбдор ҳаракатларини квалификация қилиш учун маъмурий преюдиция талаб қилинмайди.

Тегишли тартибда рўйхатдан ўтмасдан ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошираётган шахснинг ҳаракатларини шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилиш мумкин эмас. Бундай ҳолатда шахс ҳаракатлари тегишли белгилар мавжуд бўлганда бошқа моддалар бўйича квалификация қилиниши шарт.

Агар, шахс савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш жараёнида савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузса, қилмишни ЖКнинг 188-моддаси ва 189-моддалар билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиш лозим.

§ 5. Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (ЎЗР ЖК 189-моддаси)

Жиноятнинг бевосита **объекти** фуқаро манфаатлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари, умумий овқатланиш корхоналарининг меъёрий фаолияти ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўллангандан сўнг савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдордаги қийматда бузишда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 1996 йил 15 мартдаги № 9 сонли қарорида қуйидагича тушунтириш беради, “Жиноят кодексининг 189-моддаси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164 ва 168-моддаларида жавобгарлик назарда тутилган **савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш** деганда, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг бузилиши тушунилмоғи лозим. Бунда суд айбдор томонидан айнан қайси савдо қоидаси бузилганлигини кўрсатиши шарт”.

Жиноятни квалификация қилишда ҳар бир алоҳида вазиятда айбдор савдонинг қайси қоидасини, ушбу қоидаларнинг қайси бандини бузганлигини аниқлаш лозим. Масалан, Аҳоли билан пул ҳисоб-китобини амалга оширишда назорат-касса машиналарининг мажбурий қўлланиши тартиби ҳақидаги 1995 йил 15 февралдаги Низомга мувофиқ, ҳар бир савдо нуқтасида касса аппарати ўрнатилиши лозим, унинг йўқлиги савдо қоидаларининг бузилиши ҳисобланади.

2000 йил 15 декабрдаги қонун орқали Жиноят кодексига ўзгартиришлар киритилганлиги ва аввал мазкур моддада назарда тутилган ЖК 187-моддасининг чиқарилганлиги туфайли, бундай қилмишларни ҳозирда ЖК 189-моддасига мувофиқ квалификация қилиш лозим. Шундай қилиб, ЖК 189-моддаси аҳолига товар сотиш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида, шунингдек, савдо ёки аҳолига хизмат

кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шахслар томонидан кам ўлчаш, кам тортиш, ҳақдан уриб қолиш ёхуд харидор ва буюртмачиларни бошқача тарзда алдаш каби ҳаракатларнинг анча миқдорда содир этилишини ҳам ўз ичига олади.

Кам ўлчаш – бу сотиб олувчи ёки буюртмачига товарларни уларга билдирмай тўлиқ бўлмаган миқдорда ёки ўлчовда бериш.

Кам тортиш – бу товарларни ҳар қандай усулда тарозидан уриб қолиш.

Ҳақдан уриб қолиш – бу сотиб олувчи ёки буюртмачига билдирмай товарлар ёки хизматлар учун тўланиши лозим бўлган пул маблағларини била туриб нотўғри ҳисоблаш.

Харидор ёки буюртмачиларни **бошқа тарзда алдаш** деганда, харидор ёки буюртмачиларни амалга оширилаётган битимга нисбатан янглиштиришнинг ҳар қандай усули тушунилади (товарни бир навдан иккинчи навга ўтказиш, уларни бошқа номда сотиш, товарнинг навида, миқдорида алдаш ва ҳоказолар).

Кам ўлчаш, кам тортиш, ҳақдан уриб қолиш ёхуд харидор ва буюртмачиларни бошқача тарзда алдаш мулкчилик шаклидан қатъи назар, аҳолига товар сотиш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарини, шунингдек, савдо ёки аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шахсларни ЖК 189-моддаси бўйича жавобгарликка тортишни келтириб чиқаради.

ЖК 189-моддаси 1-қисми маъмурий преюдицияга эга, яъни ЖК 189-моддаси 1-қисми бўйича жиноий жавобгарлик шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин келиб чиқади.

ЖК 189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят анча миқдордаги қийматда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларининг бирон-бир банди бузилган пайтдан бошлаб

тугалланган ҳисобланади.

Субъектив томондан савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш қасддан содир этилади. Жиноятни квалификация қилишда мотив ва мақсад аҳамиятга эга эмас. Жиноят **субъекти** савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётган ва ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

ЖКнинг 189- модданинг 2-қисмида савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп миқдордаги қийматда ҳамда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини:

а) хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ЖК 188 ёхуд 190-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

ЖК 189-моддаси 3-қисмида савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Агарда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш (ЖК 214-моддаси) билан боғлиқ бўлса, айбдор ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

§ 6. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш (ЎзР ЖК 190-моддаси)

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 41-моддаси 4-қисмига мувофиқ, юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги жисмоний шахслардан ҳам фаолиятнинг баъзи турларини амалга оширишда лицензия олишни талаб қилади. Амалга оширилиши махсус рухсатнома (лицензия) талаб қиладиган фаолиятлар тури рўйхатини ва лицензиялаш тартибини

белгилловчи асосий меъёрий ҳужжат – “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳисобланади. Бироқ шуни назарда тутиш лозимки, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш зарурати ва тартиби қонунчиликнинг бошқа ҳужжатлари билан ҳам белгиланиши мумкин (масалан, наркотик моддалар айланиши, транспорт соҳасидаги фаолият ва ҳоказоларга тегишли).

Лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи, агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, у олинган пайтдан бошлаб вужудга келади. Шунинг назарда тутиш лозимки, лицензия фаолиятнинг лицензияланадиган ҳар бир турига олиниши лозим. Бунда фаолиятнинг бир нечта турини амалга оширишга рухсат битта ёхуд бир нечта ҳужжатда ифодаланганлиги муҳим эмас. Фаолият хусусиятларига қараб уни амалга оширишнинг турли шартлари белгиланиши мумкин.

Жинойят **объекти** иқтисодиётнинг нормал ривожланишини таъминловчи хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг ўрнатилган тартиби ва хусусий тадбиркорлик ҳамда юридик шахслардан олинадиган солиқлар, шунингдек, лицензияни кўриб чиқиш ва бериш учун тўловни, рўйхат божини олмайётган давлатнинг молиявий манфаатлари ҳисобланади. Бундан ташқари, фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш уни тегишли назорат остидан чиқаради ва фуқаро ҳамда ташкилотларга зиён, фуқаролар соғлиғига, ижтимоий ахлоқ манфаатларига зарар, мамлакат муҳофазаси ва давлат хавфсизлигига путур етказиши мумкин.

Объектив томондан жинойят лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланишда ифодаланади. Бунда мазкур рухсатнома (лицензия) ҳақиқий бўлиши, яъни амал қилиш муддати ўтмаган, тегишли шахсга берилган ва ҳоказолар бўлиши лозим. Қонунга мувофиқ, қандайдир асосларга кўра

тўхтатилган, бекор қилинган ёки вақтинча тўхтатиб қўйилган лицензия ҳақиқий ҳисобланмайди. Бундай ҳолатларда фаолиятни амалга оширишни давом эттириш махсус рухсатномасиз фаолият билан шуғулланиш деб топилади. Бошқа шахсларга берилган лицензия билан фаолиятнинг муайян турини амалга ошириш ёки фаолиятнинг бир турига берилган лицензия бўйича бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиш ҳам жиноят ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори шундай тушунтириш берган, «Тушунтирилсинки, амалдаги қонунларга мувофиқ савдо фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинади. Бундай рухсатноманинг йуқлиги, айбдор муқаддам шундай ҳаракатлар учун бир йил мобайнида Маъмурий жавобгарлик туғрисидаги кодекснинг 176-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, Жиноят кодексининг 190-моддаси бўйича жавобгарликни юзага келтиради.

Агар бунда айбдорнинг савдо фаолиятини фақат рухсатнома (лицензия) сиз амалга оширибгина қолмай, балки руйхатдан ўтишдан ҳам бўйин товлаганлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари жиноят кодексининг 188 ва 190-моддалари мажмуи билан квалификация қилинмоғи лозим».

Агар бу ҳолатда айбдор нафақат лицензиясиз фаолият олиб борганлиги, балки руйхатдан ўтишдан бўйин товлаганлик ҳаракатлари аниқланса бу қилмишни ЖКнинг 188-моддаси ва 190-моддалар билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиш лозим.

Фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари киради.

Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган

фаолият турлари қонунлар билан белгиланади.

Лицензиялар намунавий (оддий) ва якка тартибдаги бўлиши мумкин.

Намунавий (оддий) лицензиялар жумласига чекланмаган доирадаги юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган лицензиялар киради, агар ушбу шахслар тегишли фаолият турини амалга оширишга нисбатан қўйиладиган ягона шартлар ва талабларга жавоб берсалар.

Якка тартибдаги лицензиялар жумласига юридик ва жисмоний шахсларга алоҳида талаблар ва шартлар асосида бериладиган, лицензиатларга фаолиятнинг мазкур турини амалга оширишда мутлақ ҳуқуқлар берувчи, миқдорий чекланган лицензиялар киради. Якка тартибдаги лицензиялар амал қилиш ҳудуди, фаолият объекти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган бошқа асосларга кўра миқдорий чекланади.

Якка тартибдаги лицензияларни бериш, қоида тариқасида, танлов (тендер) асосида амалга оширилади.

Якка тартибдаги лицензияларни бериш тартиби ва шартлари, шу жумладан танловларни (тендерларни) ўтказиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Лицензиянинг амал қилиш муддати, қоида тариқасида, чекланмайди.

Лицензия қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда лицензия даъвогарининг аризасида кўрсатилган муддатга бериледи. Қонун ҳужжатларида лицензиянинг чекланган амал қилиш муддати белгиланиши мумкин, лекин бу муддат беш йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Лицензия - лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (ҳуқуқ);

Тузилиши бўйича жиноят формал таркибли ҳисобланади. Жиноят давлат органлари рухсатномасиз (лицензиясиз) иқтисодий фаолият бошланган пайтдан **тугалланган** ҳисобланади.

ЖК 190-моддасининг 1-қисми бўйича жиноий жавобгарлик шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил мобайнида содир этилган бўлса, вужудга келади, яъни айбдорни жиноий жавобгарликка тортишнинг зарурий белгиси – маъмурий преюдициянинг мавжудлиги ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят айбнинг ҳам тўғри, ҳам эгри қасд шаклида ифодаланиши мумкин. Шахс фаолият билан ғайриқонуний шуғулланаётганлигини ҳамда у билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома олиниши талаб қилинишини билади ва буни хоҳлайди. Шахс бундай ҳаракат тақиқланганлигини билиши тўғрисида унинг аввал бундай ҳаракати учун маъмурий жавобгарликка тортилгани далолат беради.

Жиноят **субъекти** ўн олти ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

Жиноятнинг квалификация қилинган тури ЖК 190-моддаси 2-қисмида назарда тутилган:

- а) хавфли рецидивист томонидан содир этилиши;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши.

Савдо ёки воситачилик фаолиятининг айрим турлари ҳам лицензияланиши лозим бўлганлиги туфайли, ЖК 188 ва 190-моддаларида назарда тутилган жиноятларни фарқлаш зарурати юзага келади. Хусусан, амалдаги қонунларга мувофиқ савдо фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинади. Бундай рухсатноманинг йўқлиги, айбдор муқаддам шундай ҳаракатлар учун бир йил мобайнида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, Жиноят кодексининг 190-моддаси бўйича жавобгарликни юзага

келтиради. Агар бунда айбдорнинг савдо фаолиятини фақат рухсатнома (лицензия)сиз амалга оширибгина қолмай, балки рўйхатдан ўтишдан ҳам бўйин товлаганлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 188 ва 190-моддалари мажмуи билан квалификация қилинмоғи лозим.

Агар фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш натижасида айбдор камида бюджетга анча миқдорда солиқ тўлаш ёки бошқа тўловлардан бўйин товласа, содир этилган қилмишларни ЖК 190-моддасидаги лицензиясиз фаолият билан шуғулланиш ва ЖК 184-моддасидаги солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш жиноятларининг мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим.

§ 7. Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш (ЎзР ЖК 191-моддаси)

Жиноят **объекти** – тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг давлат томонидан белгиланган шартлари ва тартибини, хусусан, уларга турли шахсларнинг ғайриқонуний таъсир қилиши, биринчи навбатда, жиноятлар содир этиш учун қонуний фаолиятга қонунга хилоф равишда киришдан муҳофаза қилиш бўйича ижтимоий муносабатлардир. Жиноятнинг бевосита объекти сир тутиладиган ахборотни муҳофаза қилиш йўли билан тадбиркорлар ўртасида нормал рақобат курашини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Жиноят **предмети** сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотдир.

Сир тутиладиган ахборот деганда, эгасининг рухсатсиз ошкор қилиниши мумкин бўлмаган турли хусусиятдаги ахборотлар тушунилади.

Агар ахборот учинчи шахсларга маълум бўлмаганлиги сабабли ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга бўлса, қонуний асосда ундан эркин фойдалана олиш мумкин бўлмаса ҳамда ахборотнинг эгаси унинг махфийлигини муҳофаза қилиш чораларини кўрган бўлса, унинг кўриниши, шаклидан қатъи назар, **сир тутиладиган ахборот** деб тан олинади лозим. Бунда ахборот, агар у ижтимоий ривожланишнинг мавжуд босқичида даромад олиш учун ишлатилса, ёки ишлатилиши мумкин бўлса (потенциал кадр), ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга деб тан олинади. Очiq олиш мумкин бўлган ахборот, яъни қонунда ўрнатилган ҳар қандай шахс олиши мумкин бўлган ахборот сир тутиладиган ахборот бўлмайди, масалан, тарихий манба мазмуни ҳақидаги ахборот архивга мурожаат қилинганда олинади ва ҳоказо.

Ҳаммага маълум бўлган ахборот ҳам сир тутилаётган ахборот ҳисобланмайди, яъни бундай ахборотни олиш қандайдир шартларни бажариш билан боғлиқ эмас, масалан, оммавий ахборот воситаларидан, қонун ҳужжатларидан (махфийларидан ташқари) олинадиган маълумотлар.

Баён этилганлардан ташқари, қонунга мувофиқ, хизмат ёки тижорат сирини бўла олмайдиган маълумотлар жумласига (давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган юридик шахслар тўғрисидаги, мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар ҳамда мол-мулк хусусида тузилган битимлар ҳақидаги маълумотлар, давлат статистика ҳисоботи тарихида тақдим этилиши керак бўлган маълумотлар ва бошқа маълумотлар) киради. Давлат сирини тегишли ахборотлар ҳам сир тутиладиган ҳисобланмайди – уларга нисбатан махсус ҳуқуқий тартиб белгиланган, уларнинг бузилиши, ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб, ЖК 160, 162, 163-моддалари бўйича жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ахборотни сир тутиладиган деб тан олиш учун унинг эгаси муҳофаза қилиш чораларини кўраётганлигини аниқлаш лозим, акс ҳолда мазкур ахборотларни сир тутиладиган деб

тан олиш мумкин эмас. Маълумотларни муҳофаза қилиш турли чоралар билан амалга оширилади: ундан фақат маълум шахслар фойдаланади, уни маълум ҳудуддан олиб чиқиш мумкин эмас, бундай ахборотдан фойдаланадиган шахсларнинг уни тарқатиш ҳуқуқи чегараланади ва ҳоказо. Одатда, ахборотни муҳофаза қилиш учун ахборотни ҳимоялашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилади.

Сир тутиладиган ахборот турли хусусиятларга эга:

фан-техника – технологик, муҳандислик, ижтимоий, гуманитар ва бошқа муаммоларни ҳал қиладиган, фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг ягона тизим сифатида фаолият юритишини таъминлайдиган билимлар;

ишлаб чиқариш – бир турдаги технологияларни ишлатиб, керакли натижаларга эришиш учун зарур бўлган муайян технологиялар фаолияти учун ишлатилиши лозим бўлган маълумотлар. Бундай маълумотларга қадимги Шарқ тиббиётининг турли дори-дармонларни тайёрлаш рецепти мисол бўла олади. Фан-техника маълумотларидан фарқли равишда, ишлаб чиқариш маълумотлари янгилик хусусиятига эга эмас, улар маҳсулотни ишлаб чиқариш учун муайян вақт давомида қўлланиб келинмоқда;

иқтисодий – корхона фаолиятини самарали бошқаришни ташкил қилиш учун, унумдорлигини ошириш учун фойдаланиладиган ахборот;

савдо – кўпроқ турли товарлар, ишлар, хизматлар олди-сотдиси, уларни етказиб бериш соҳасида ишлатиладиган маълумотлар. Бу маълумотлар етказиб бериладиган товарлар, ўтказиш бозорлари, ўтказишни қўллаётган технологияларга тегишли бўлиши мумкин.

Жиноят кодексида сир тутиладиган ахборот сифатида тан олинадиган ахборотларнинг тўлиқ рўйхати мавжуд эмас, уларни белгилашни ҳар бир муайян ҳолатда ҳуқуқни татбиқ этувчи шахслар зиммасига юклайди. Бунда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд сир тутиладиган ахборотнинг

бошқа ҳар қандай маълумотлардан принципиал фарқларига асосланиши лозим – ахборот потенциал ёки ҳақиқий тижорат қийматига эга бўлиши лозим. Бу сабаб бўйича адвокатлик ёхуд журналистлик сирига тегишли бўлган ахборотни қонунга хилоф равишда тўплаш ва ундан фойдаланишда ифодаланган шахсларнинг ҳаракати бу модда бўйича квалификация қилиниши мумкин эмас, чунки бундай ахборотнинг асосий мақсади фойда олиш ҳисобланмайди.

Тўплаш деганда, эркин, қонуний йўл билан олиш мумкин бўлмаган ахборотни қўлга киритишга, эгаллаб олишга қаратилган ҳар қандай ғайриқонуний (масалан, талон-торож қилиш, пора бериш, қўрқитиш, ксеронусха олиш ва ҳ.к.) ҳаракатлар тушунилади.

Бундай маълумотларни тўплаш эркин олиш мумкин бўлмаган ва сир тутишни таъминлашнинг махсус тартиби белгиланган маълумотларни топиш ва уларга эгалик қилишга маълум ҳаракатларни ҳар қандай усулда амалга оширишдир. Бу усулларга ҳужжат ва ахборотнинг бошқа моддий манбаларини ўғирлаш, сир тутилаётган ахборотга эга шахслар ёхуд уларнинг қариндошларига пора бериб, уларга турли таҳдид ва қўрқитиш билан эга бўлиш (ёки эга бўлишга ҳаракат қилиш), алоқанинг турли воситаларидан ахборот олиш, ҳужжатлар билан қонунга хилоф равишда танишиш ёки ундан бошқа усуллар билан нусха олиш, тинглаш приборларини ва бошқа махсус воситаларни ишлатиш ва ҳоказолар киради. Хусусан, ахборот тўплашни ахборот тармоғига кириш йўли билан амалга ошириш мумкин, бунда айбдор ҳаракатини ЖК 174 ва 191-моддасида келтирилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим.

Агар сир тутилаётган ахборотни тўплаш усули пора бўлса, содир этилган қилмишлар учун жавобгарлик ЖК 191-моддаси 1-қисми ҳамда ЖК 211 ёхуд 213-моддаси бўйича келиб чиқади.

ЖК 191-моддаси 1-қисми диспозициясида назарда

тутилган ахборот ҳар қандай усулда тўпланган пайтдан эътиборан жиноят тамом бўлган, деб топилади.

Жиноят таркиби формал: қандайдир оқибатлар пайдо бўлишидан қатъи назар, сир тутиладиган ахборотни тўплаш бўйича ҳаракатларнинг ўзи жазога сазовор.

Субъектив томондан сир тутиладиган ахборотларни тўплаш – бу тўғри қасддан содир этиладиган жиноятдир. Айбдор у тўплайдиган ахборот учинчи шахсларга маълум бўлмаганлиги сабабли ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эгаллигини, қонуний асосда ундан эркин фойдалана олиш мумкин эмаслигини ҳамда ахборотнинг эгаси унинг махфийлигини муҳофаза қилиш чораларини кўрганлигини билади.

Субъектив томоннинг зарурий элементи мазкур жиноятни содир этиш мақсади – сир тутиладиган ахборотни ошкор этиш ёхуд мазкур ахборотдан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ҳисобланади.

Жиноят мотивлари турличадир. Бу ахборот эгасига зарар етказиш истаги билан боғлиқ бўлган ғараз, ҳасад ёки ўч олиш бўлиши мумкин.

Жиноят **субъекти** – ўн олти ёшга тўлган, сир тутиладиган ахборот эгаси бўлмаган ва уни касбий ёки хизмат фаолияти бўйича тарқатиш ёхуд ундан фойдаланиши мумкин бўлмаган ҳар қандай ақли расо шахс.

Таҳлил қилинаётган модданинг 2-қисми қонунга хилоф равишда сир тутиладиган ахборотни эгасининг розилигисиз қасддан ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш натижасида кўп миқдорда зарар етказганлик учун жавобгарликни белгилайди.

Сир тутиладиган ахборотни ошкор этиш деганда, маълумотларнинг эълон қилиниши натижасида ўзга шахсларга маълум бўлиши ёхуд сир тутиладиган ахборотни ташкил қилувчи маълумотлар билан танишиш ҳуқуқи бўлмаган шахсга берилиши тушунилади.

Мазкур ахборотлардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш деганда, ахборот бевосита ва яқин алоқадор бўлган фаолиятни амалга ошириш учун ахборотни қўллаш тушунилади. Шунинг учун, масалан, илмий ишни иллюстрация қилганда алоҳида корхона менежментининг янги тузилмасини ишлатишни сир тутиладиган ахборотни қўллаш деб бўлмайди, бундай ҳолатда тегишли белгилар мавжуд бўлганда, муаллифлик ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарликка тортиш мумкин.

Қонунга хилоф равишда фойдаланиш айбдорнинг ўзга шахсларга маълумотларни ҳақ эвазига ёки бошқа мақсадни кўзлаб маълумотларни бериш йўли билан ёхуд ўзи тўплаган ахборот асосида турли қарорларни қабул қилиш ва ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ёки бошқа мақсадда амалга оширилиши мумкин.

ЖК 191-моддаси 1-қисмида назарда тутилган қилмишдан фарқли ўлароқ, шарҳланаётган жиноят зарурий белгига эга – ўзгаларнинг сир тутиладиган ахборотини эълон қилиш ёхуд ундан фойдаланиш билан боғлиқ равишда кўп миқдорда зарар етказиш. Бу ишлаб чиқаришнинг пасайиши, унинг қайта йўналтирилиши, мижозлари камайиши туфайли рақобат курашида хўжалик субъекти кўрган йирик моддий зарарнинг юзага келгани бўлиши мумкин.

Жиноят кўп миқдорда зарар етказилган пайдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

Субъектив томондан ЖК 191-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят фақат қасддан содир этилади. Айбдор шахс сир тутилаётган ахборотни ошкора қилиши ёки ундан фойдаланиши натижасида, сир тутиладиган ахборот эгасига кўп миқдорда зарар етказишини билади, шуни ҳоҳлайди ёхуд онгли равишда йўл қўяди.

Сир тутиладиган ахборотни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланишнинг мотив ва мақсадлари ғаразли бўлиши, бундан моддий фойда олишга интилиш билан боғлиқ бўлиши

ёхуд айбдорнинг бу ҳаракатларни амалга оширишида ва кўп миқдорда зарар етказишида шахсий манфаатлари борлигидан гувоҳлик бериши мумкин: ўч олиш, хасад, хафалик, қариндошлик ва дўстлик ҳисси, яқин инсонга ёқиш истаги ва ҳоказолар.

Жиноят субъекти – сир тутиладиган ахборотга қонуний (касбий ёки хизмат фаолияти билан боғлиқ) ёхуд қонунга хилоф равишда эгалик қилаётган ўн олти ёшга тўлган шахслар ҳисобланади. Сўнгги ҳолатда тергов органлари ва суд айбдор бу ахборотни олишга қандай эришганини аниқлаши лозим ва тегишли белгилар мавжуд бўлганда айбдорнинг ҳаракатини ЖК 191-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилиш лозим.

Агар сир тутиладиган ахборотни мансабдор шахс ёхуд бу маълумотларни бажараётган вазифаси туфайли оладиган масъул мансабдор шахс ошкор қилса ёхуд ундан фойдаланса, содир этилган қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича Ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш аломатлари мавжуд бўлгани холда ЖКнинг 209 ва 191-моддаси 2-қисмидаги белгилар билан квалификация қилиниши лозим.

§ 8. Рақобатчини обрўсизлантириш (ЎзР ЖК 192-моддаси)

Жиноятнинг бевосита **объекти** товар бозорида хўжалик субъектларининг қонуний рақобатини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлардир.

Объектив томондан жиноят босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатишда ифодаланади.

Била туриб ёлғон маълумотларни тарқатиш деганда, оммавий босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда

ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни ошкор қилишни тушуниш лозим.

Агар маълумотлар ҳақиқатга тўлиқ мос келмаса, **ёлғон** маълумотлар ҳисобланади.

Ноаниқлик маълумотларнинг ҳақиқатга қисман мувофиқлигини билдиради.

Бузиб кўрсатилган маълумотлар – амалдаги маълумотларга мос бўлмаган маълумотлар бўлиши мумкин.

Босма усулда кўпайтириш деганда, босмаҳона усули билан кўпайтирилган маълумотларни тушуниш лозим.

Бошқача усулда кўпайтириш деганда, маълумотларни бошқача ҳар қандай усулда кўпайтиришни (ксерокопия орқали, фотосуратга олиш орқали, турли матн ёзиш машиналаридан, компьютерлардан фойдаланиш орқали, қўл билан ёзиш орқали ва ҳоказоларни) тушуниш лозим.

Жиноят била туриб ёлғон, ноаниқ, бузиб кўрсатилган маълумотларни босма ёки бошқача услубда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали ошкор қилинган пайдан, яъни ўзга шахсларга маълум бўлган пайдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Айбдор ёлғон, ноаниқ, бузиб кўрсатилган ахборотни тарқатаётганини олдиндан билиши лозим.

Субъектив томоннинг зарурий белгиси жиноятни содир этиш мақсади – хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш ҳисобланади. Бундай маълумотларни тарқатган шахсда хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсади бўлмаса, унинг ҳаракатида мазкур жиноят таркиби бўлмайди.

Агар шахс хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказувчи ҳақиқий маълумотларни ошкор этса, унинг ҳаракатида жиноят таркиби бўлмайди.

Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс ҳисобланади.

Агар жиноят рақобатчининг шахсий ҳаёти билан боғлиқ ёлғон маълумотлар асосида содир этилса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 192-модда билан эмас, балки Жиноят кодекси 140-модда талаблари билан жиноий жавобгарликка тортилиши лозим (Масалан: тадбиркорнинг ўйнашлари кўплигининг айтилиши).

”Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар” мавзусидан назорат саволлари

1. Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар, ишлар ва хизматлар деганда нимани тушуниш лозим ?
2. Истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жинояти қандай белгиларга эга ва уни бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқ қилувчи хусусиятларини айтиб беринг?
3. Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш деганда нимани тушунасиш?
4. Харидор ёки буюртмачиларни алдашнинг қандай усуллари мавжуд?
5. Харидор ёки буюртмачиларни алдаш жинояти (ЖК 187-модда) билан фирибгарлик жинояти ўртасида қандай фарқ бор?
6. Харидор ёки буюртмачини алдаш жиноятдан ҳоқимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятининг қандай фарқи бор?
7. Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш деганда нимани тушунасиш? Ушбу жиноят учун жавобгарлик шартлари нималардан иборат?
8. Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф тарзда шуғулланиш жинояти билан савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш жинояти ўртасидаги фарқ ва ўхшаш томонларини айтинг.
9. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш жинояти қачон тамом бўлган жиноят ҳисобланади?
10. Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш жинояти билан фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш жинояти ўртасида қандай фарқ бор?
11. Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш деганда нимани тушунасиш?
12. Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш жинояти билан ахборот олиш ва бериш қоидаларини бузиш ўртасида қандай фарқлар бор?

13. Рақобатчини обрўсизлантириш жинояти нимада ифодаланади?
14. Рақобатчини обрўсизлантириш билан тухмат жиноятлари ўртасида қандай ўхшашлик ва фарқли томонлари бор?

V БОБ. АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

1. Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш (ЎзР ЖК 193-моддаси)

Таҳлил қилинаётган модданинг бевосита объекти табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш йўли билан хўжалик ва бошқа фаолият соҳасидаги экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича юзага келадиган ижтимоий муносабатлардир. Атроф муҳитнинг салбий ўзгариши, экологик хавфсизлик норма ва қоидалари бузилишидан келиб чиққан инсон соғлиғи ва ҳаётига етказилган зарар қўшимча объект бўлиши мумкин.

Атроф-табiiй муҳит – ўзаро алоқадорликда бўлган табiiй объектлар (ҳаво, суд, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва ҳ. к.) йиғилдиси

Объектив томондан жиноят **саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан объектлари ёки бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланиш нормалари ва қоидаларнинг бузилишида; давлат комиссияларининг аъзолари томонидан бу объектларнинг норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларни бузиб қабул қилиниши инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий**

равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлишида ифодаланади.

Лойиҳалаш деганда, ваколатли шахснинг махсус қарорига асосан амалга оширилувчи ва ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи технологик жараёнлар мажмуи тушунилади. Объектларни лойиҳалаш якка (ижодий) таклифни илгари суриш орқали амалга оширилганда, агар атроф муҳитни муҳофаза қилиш қоидалари бузилган бўлса ҳам, бу жиноят таркибининг объектив томонини ҳосил қилмайди.

Объектларни жойлаштириш – лойиҳаланаётган иншоот, транспорт инфратузилмаси, аҳоли пунктлари, ишлаб чиқариш комплексларининг муайян майдонда жойлашувини белгилаш бўйича фаолият.

Қуриш – янги объектларни қуриш, реконструкция қилиш, қайта жиҳозлаш ва бошқача барпо этиш ёки мавжуд объектларни қайта ташкил этиш.

Ишга тушириш – қурилган (реконструкция, модернизация қилинган) объектларнинг бажарувчи томонидан қатъий белгиланган юридик шаклда топширилиши ва ваколатли шахслар томондан қабул қилиниши, ҳужжатларни ва объектнинг фактик ҳолатини текшириш жараёни, ҳаракатга келтириш, фойдаланиш, қўллаш.

Объектлардан фойдаланиш – объектлардан маҳсулот олиш, аҳолининг яшашини таъминлаш учун бирор муайян мақсадга мувофиқ фойдаланиш.

Атроф муҳит ҳолатига бирон-бир тарзда таъсир кўрсатувчи, саноат, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илмий ва бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга туширишда муайян экологик хавфсизлик нормалари ва талабларига риоя этилиши керак. Масалан, атроф муҳит ҳолатига бўладиган таъсирлар албатта ҳисобга олиниши шарт, атроф

муҳитнинг ана шу корхоналарнинг чиқиндилари билан ифлосланишига йўл қўймаслик учун барча зарур чоралар кўрилмоғи керак; табиий ресурсларнинг қайта ишланиши ҳисобга олиниши зарур; объектларни барча лойиҳалаш ишлари ва кейинчалик уларни қуриш давлат экологик экспертизаси билан келишилган ҳолда ва уларнинг рухсати олинганидан кейингина амалдаги норма ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилмоғи лозим. Барча объектлар лойиҳаларида назарда тутилган жами иқтисодий талаблар бажарилган тақдирдагина улар ишга тушиши мумкин.

Қурилишида ва реконструкция қилинишида экологик хавфсизлик норма ва қоидаларига риоя қилинмаган **саноат, илм-фан ва бошқа объектларнинг давлат комиссияси аъзолари томонидан фойдаланишга қабул қилиниши**, таҳлил этилаётган модда диспозициясида кўрсатилган оғир оқибатлар келиб чиқсагина, жиноий қилмишни ҳосил қилади.

Қабул қилиш қоидалари объектларни қуриш, улардан фойдаланиш, реконструкция қилиш билан шуғулланувчи тузилма бошқаруви томонидан белгиланади. Экологик хавфсизлик норма ва талаблари ушбу қоидалар ва идоравий норматив ҳужжатларда ўз аксини топган.

ЖКнинг 193 –моддасида назарда тутилган жиноят фаол ҳаракат орқали, шунингдек ҳаракатсизлик орқали ҳам содир этилиши мумкин.

Экологик хавфсизлик нормалари ва қоидаларининг бузилиши –амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган кўрсатмалардан фарқ қилувчи хатти-ҳаракат вариантини танлаш.

Бузиш тақиқланган технологик жараёнлардан, қоидаларда назарда тутилмаган ҳисоб-китоб методикасидан фойдаланиш, иш бажаришни рад этиш ёки рухсатнома ва лицензия шартларига тўғри келмайдиган фаолият билан шуғулланиш, тозалаш иншоотларига йўл қўйилиши мумкин бўлган юкламани ошириш, экологик хавфсизлик нормалари ва

қоидаларида кўрсатилган вазифаларни бажармаслик (тегишли хўжалик ва бошқа қарорлар қабул қилинаётганда уни ҳисобга олиш керак бўладиган маълумотларни қабул қилмаслик ёки менсимаслик, давлат экологик экспертизаси ўтказилишини рад этиш, тегишли тозалаш иншоотлари қурилишини рад этиш, назорат ўлчовларини бажармаганлик)дан иборат;

Ҳаракатсизлик экологик хавфсизлик талаблари ва нормаларида тўғридан – тўғри кўрсатилган мажбуриятларни бажармасликдан иборат. Масалан, давлат экологик экспертиза хулосаларини бажармаслик, давлат стандарларида қурилиш ва лойҳалаш учун ўрнатилган талабларни бажармаслик ва бошқалар.

Экологик хавфсизлик нормалари ва талабларни бузиш моддий таркибли жиноят ҳисобланади. Инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқиши тариқасидаги оқибатлар объектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Одамларнинг оммавий равишда касалланиши деганда, муайян ҳудудда қисқа вақт оралиғида кўплаб кишиларнинг касалликка чалиниши тушунилади.

Бошқача оғир оқибатлар деганда, атроф муҳит сифатининг ёки унинг объекти ҳолатининг экоцид, эпидемия таҳдидини юзага келтирадиган даражада ёмонлашуви, яқин вақтда бартараф этиб бўлмайдиган ёки катта моддий харажат билан бартараф этиладиган авариялар; алоҳида объектларнинг нобуд бўлиши; ер деградацияси ва атроф муҳитнинг бошқа салбий ўзгаришлари тушунилади.

Шарҳланаётган жиноят-ҳуқуқий норманинг қўлланилиши тўғрисидаги масалани ечишда жиноятнинг оқибати ва

экологик муҳитда ижтимоий кадриятларнинг камайиш даражасини ифодаловчи миқдор кўрсаткичлари ҳисобга олиниши керак. Шундай оқибатлар бўлган тақдирдагина шахсни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи кўрилади.

Жиноят объектив томонинг зарурий белгиси ҳаракат билан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлигидир.

Диспозицияда санаб ўтилган қилмишлар ва келиб чиққан оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш экология хавфсизлиги нормалари ва талаблари бузилишида акс этган қилмиш ҳамда келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги қонуниятли зарурий боғлиқлик мавжудлигини аниқлаш қоидалари бўйича бегиланиши лозим.

Ҳаракат билан оқибат ўртасида сабабий боғланиш бўлиши мажбурийдир ва зарарли оқибатлар атроф муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини бузишдан келиб чиққанлигини (бошқа ёки қўшимча омиллар орқали келиб чиқмаганлигини) билдиради. Кўрсатиб ўтилган оқибатлар билан ҳаракат ўртасидаги сабабий боғланиш эксперт ёки табиий фанлар (геология, гидрометеорология, атмосфера физикаси ва бошқа) соҳадаги мутахассислар ҳулосаси бўйича белгиланади.

Экспертлар томонидан фойдаланиладиган нормативлар мавжуд. Масалан, сувнинг ифлосланиш даражасини аниқлаш унда зарарли моддаларнинг рухсат этилган концентрацияси нормативлари бўйича ўрнатилади. Соғлиқни сақлаш қонунчилиги оқова сувларни самарали тозалаш, зарарли чиқиндиларни йўқ қилишни таъминламайдиган янги ва реконструкция қилинган корхона, цех ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари куришни тақиқлайди

Жиноят экологик хавфсизлик норма ва қоидаларини бузишдан юзага келган оқибат келиб чиққан вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Шахс экологик хавфсизлик норма ва қоидаларини

бузаётганлигини англайди, ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига унинг кўзи етади, уларнинг юз беришига онгли равишда йўл кўяди ва келиб чиққан оқибатларга бепарво муносабатда бўлади.

Экологик хавфсизлик норма ва қоидаларини бузишнинг **субъекти** ўн саккиз ёшга тўлган, ўзининг хизмат ҳолати бўйича атроф табиий муҳит қоидалари ва экологик хавфсизлик нормасига риоя этилишига масъул мансабдор шахслар ҳисобланади. Уларга атроф муҳитга нисбатан фойдаланувчи ёки табиий ресурслардан фойдаланувчи ёхуд табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан назорат қилиш функциясини бажарувчи мансабдор шахслар киради.

Бундан ташқари, объектларни қабул қилиш бўйича давлат комиссияси таркибига кирувчи архитектура-лойиҳа бошқармаси, илм-фан, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, коммунал хизмат органлари ва маҳаллий ҳокимиятнинг мансабдор шахслари ҳам **жиноят субъекти** бўлиши мумкин.

Асосий ўринни давлат, жамоат муассасалари, ташкилотлар ва корхоналар ишчиларининг хизмат ваколатлари кўрсатилган идоравий норматив ҳужжатлар: устав, йўриқнома ва буйруқлар эгаллайди. Субъектнинг жавобгарлиги ҳал қилинаётганда бу норматив ҳужжатлардан фойдаланиш керак.

§ 2. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (ЎзР ЖК 194-моддаси)

Кимёвий, металлургия ва шу турдаги ишлаб чиқариш корхоналари бошқа ишлаб чиқариш корхоналарига қараганда атроф табиий муҳитни кўп даражада ифлослантиради. Мазкур корхоналарнинг масъул мансабдор шахслари

инсонлар ҳаёти ва соғлиғи ёки тирик табиат зарар етказиши мумкин бўлган радиациявий, кимёвий, бактериологик ва бошқа хавфлар ҳақида Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Вазирлар Маҳкамасига маълумотларни тақдим этиб борадилар.

Таҳлил қилинаётган модданинг **мақсади** атроф муҳитнинг нормал ҳолатини сақлаш ва тегишли мансабдор шахслар томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида атроф табиий муҳитни доим назорат қилиш орқали инсон ҳаёти ҳамда соғлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, шунингдек, табиатнинг бошқа объектлари учун келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олишдан иборат.

Жиноятнинг **бевосита объекти** – хўжалик юритувчи комплексларнинг тегишли тармоқларида экологик хавфсизликни таъминлашдан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ҳамда атроф муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидир. Факультатив бевосита объект – инсон ҳаёти ва соғлиғи ҳисобланади.

Жиноятнинг **объектив томони** зарарли экологик оқибатларни келтириб чиқарган авариялар ва атроф табиий муҳитнинг бошқача тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги маълумотларнинг қасдан яширилиши ва бузиб тақдим этилиши натижасида атроф муҳитга, инсон соғлиғи ва ҳаётига ҳамда ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига зарар ва шикаст етказишда ифодаланади. Бундай қилмишлар ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида содир этилиши мумкин.

Қасдан маълумотларни яшириш деганда, инсон ҳаёти ва соғлиғи ёки атроф муҳитга хавф туғдирадиган ҳолатлар ҳақида хабар берилиши шарт бўлган маълумотларни, бундай маълумотларни қабул қилишга ҳуқуқи бор ёки қабул қилишга муҳтож бўлган тегишли шахсларга етказмаслик тушунилади. Яшириш бундай маълумотларни тақдим этишга мажбур бўлган шахс томонидан бузиб кўрсатиш ёки яшириш орқали ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Қасдан яшириш

жавобгар шахснинг атроф муҳит, инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган ҳамда зарар етказадиган авария ва ифлосланганлик ҳақида тегишли орган ёки мансабдор шахсларга ўз вақтида хабар бериш бўйича чора кўрмаганлик кўринишидаги пассив ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин.

Бузиб кўрсатилган маълумотлар деганда, атроф муҳит инсон ҳаёти ёки соғлиғи ёхуд бошқа объектларга зарар ва шикаст етказган ёки етказиш хавфини туғдирадиган факт ва ҳолатларга тегишли бўлган тўлиқ бўлмаган ёки ишончсиз, яъни ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тушуниш керак. Маълумотларни бузиб кўрсатиш актив ҳаракатда ифода этилиши мумкин.

Экологик оқибатлар таъсиридаги авария деганда, хўжалик ва бошқа фаолиятда юзага келган, атроф табиий муҳитдаги доимий салбий ўзгаришлар, инсонларнинг соғлиғига хавф соладиган, экологиянинг табиий тизимига, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондига бўлган таъсирни тушуниш лозим.

Атроф муҳитнинг ифлосланиши деганда, хўжалик ва бошқа фаолият, табиий кучнинг ҳалокатли таъсири, фалокат ёки офат оқибатида инсон соғлиғига, табиий экологик тизимга, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондлари ҳолатига таҳдид солувчи атроф табиий муҳитнинг доимий салбий ўзгариши содир бўладиган ҳудудни, шунингдек, сув ва ҳаво бўшлиқларининг радиациявий, кимёвий, бактериологик ёки бошқача ифлосланиши тушунилади..

Атроф муҳитнинг ифлосланиш ҳудуди – ҳаво, сув, ҳудудий бўшлиқнинг муайян қисми, шунингдек, табиий мувозанатнинг бузилиши, табиий экологик тизимнинг ишдан чиқиши билан боғлиқ бўлган атроф муҳитнинг доимий ёки қайтариб бўлмайдиган ўзгариши содир бўлган ёки бўлаётган ер қабри участкасидир.

Атроф муҳитнинг радиациявий ифлосланиши деганда,

тупроқда, сувда, атмосфера ҳавосида, ўсимликларда радионуклидларнинг табиий микдорига нисбатан ёмонлашувида, аҳолининг нурланиш эквивалент дозасининг, атроф муҳитда радионуклидлар концентрациясининг белгиланган нормадан ошишида ва ионлаштирувчи нурланишнинг кучида ифодаланувчи радиациявий фоннинг ўзгариши тушунилади.

Табиий радиациявий фон – космик нурланиш орқали ҳамда ерда, сувда, ҳавода, биосферанинг бошқа элементларида, озиқ-овқат маҳсулотларида ва инсон организмда табиий равишда тақсимланган табиий радионуклидларнинг нурланиши орқали ҳосил бўладиган нурланиш дозаси.

Техноген равишда ўзгарган радиациявий фон – инсон фаолияти натижасида ўзгарган табиий радиациявий фон. Агар радиациявий фоннинг ўзгариши атроф муҳитнинг ифлосланишига олиб келса, у ижтимоий хавфли деб топилади.

Атроф муҳитнинг кимёвий ифлосланиши – атроф табиий муҳитнинг инсон соғлиғига, табиий экологик тизимга, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондлари ҳолатига таҳдид солувчи кимёвий моддалар, чиқиндилар ва бошқа турдаги кимёвий ифлосланишни чиқариб ташлаш оқибатида келиб чиққан доимий салбий ўзгаришидир.

Атроф муҳитнинг бактериологик ифлосланиши – бундай ифлосланишда, табиий муҳитда, атмосферада, сув ёки тупроқда ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот оламида табиий экологик тизим, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондлари ҳамда инсонларнинг ҳолати ўзгаришига потенциал ёрдам берувчи бактериологик моддалар билан боғлиқ доимий салбий ўзгаришлар рўй берган ёки бериши мумкин бўлади.

Атроф муҳитнинг инсон ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд табиатга хавфли бўлган бошқача ифлосланиши деганда, радиациявий, кимёвий ёки бактериологик моддалар билан боғлиқ бўлмаган, токсик ва бошқа моддаларни ташлаш ёки

чиқариш оқибатида атроф муҳит жиддий ўзгарадиган ифлосланиш тушунилади (масалан, нефть, газ, экинзор майдонларига назорат қилиб бўлмайдиган тарзда ўт кетиши ва ҳоказолар).

Таҳлил қилинаётган модда диспозициясига мувофиқ, **аҳоли соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни** яшириш ёки бузиб кўрсатиш ҳам жиноят ҳисобланади.

Бунда **аҳоли соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар** деганда, инсонларнинг эпидемиологик хусусиятга эга ва соғлом кишиларда касалликни келтириб чиқариши мумкин бўлган касалликлар тўғрисидаги маълумотлар тушунилиши даркор.

Жиноятни **тугалланган** деб топиш учун, маълумотларни яшириш ёки бузиб тақдим этиш натижасида шарҳланаётган модданинг диспозициясида кўрсатилган оқибатлар – аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар келиб чиққан бўлиши керак. Бошқа ҳолларда маъмурий жавобгарлик юзага келади.

Аҳолининг оммавий касалланиши деганда, икки ёки ундан ортиқ шахсда организмнинг биологик хусусиятларида патологик ўзгаришлар рўй бериши, соғлиқнинг жисмоний, рухий ёки бошқача бузилиши тушунилади.

Ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг оммавий қирилиб кетиши деганда, бир вақтнинг ўзида ҳайвонлар, паррандалар, ёки балиқларнинг бир ёки бир нечта турлари, муайян ҳудудда, бир ёки бир нечта объектларда кўп миқдорда нобуд бўлиши тушунилади. Бунда нобуд бўлишнинг оммавийлиги ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг турлари, уларни қайта тиклаш даражасига қараб, ҳар бир муайян ҳодисадан келиб чиқиб аниқланади.

Бошқа оғир оқибатлар деганда, кўп ва жуда кўп миқдорда моддий зарар етказиш, аҳолини кўчириш, бино ва бошқа хўжалик объектларини бузиш зарурияти, улардан тўғри мақсадга мувофиқ фойдаланишнинг иложи йўқлиги,

бирор-бир ҳайвон ёки ўсимлик турининг йўқ бўлиши тушунилади.

. Келиб чиққан оқибат билан экологик оқибатли фалокат ёки атроф муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериологик ва инсонлар ҳаёти ёки соғлиғи учун ёхуд тирик табиат учун хавfli бўлган бошқа ифлосланишга олиб келган аҳоли соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этиш мажбуриятини бузиш ўртасидаги сабабий боғланиш жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри ёки эгри қасддан содир этилади. Айбдор шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини англайди, унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етади ва уларнинг юз беришини истайди ва онгли равишда уларнинг юз беришига йўл қўяди. Бундай маълумотларни эҳтиётсизликдан тақдим этмаслик ёки уларни бузиб тақдим этиш жиноят таркибини ҳосил қилмайди.

Жиноятнинг субъекти ўн саккиз ёшга тўлган, юқорида кўрсатилган маълумотларни тақдим этишга махсус ваколатли бўлган шахс бўлиши мумкин. Бундай шахсларга раҳбарлар, уларнинг ўринбосарлари, бош муҳандислар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспекторлари ҳамда атроф муҳитнинг эҳтимол тутилган ифлосланиши билан боғлиқ бўлган ишлар хавфсизлигига масъул бўлган, бундай маълумотларни мустақил равишда тақдим этиш ҳуқуқига эга корхона ходимлари киради. Тегишли маълумотларни тақдим этиш давлат, идора, жамоат муассасаси ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, ташкилот ва муассаса ишчиларининг у ёки бу хизмат ваколатларини белгилаб берувчи қонун, устав (таъсис ҳужжатлари ва ички низом), кўрсатма, буйруқларга кўра уларнинг мажбурияти ҳисобланади. Шарҳланаётган ҳаракатни содир қилганлик учун муайян шахснинг жавобгарлиги тўғрисидаги масала кўрилаётганда экологик оқибатли фалокат ёки атроф муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериологик ва инсонлар ҳаёти ёки соғлиғи ёхуд тирик табиат учун хавfli бўлган бошқа ифлосланиш, аҳоли

соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича мажбуриятни белгилаш мақсадида локал норматив ҳужжатлардан ҳам фойдаланиш зарур.

“Мансабдор шахс тушунчаси”га ЖКнинг 205 –модда таҳлилига қаранг.

Махсус ваколатга эга мансабдор шахс – бу фаолияти атроф табиий муҳит ҳолати ёмонлашишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган давлат органларининг ҳамда корхона, муассаса, ташкилотларнинг мансабдор шахслари.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, давлат бошқаруви маҳаллий органлари амалга оширади.

Агар ЖК 194-моддаси 1-қисми диспозициясида кўрсатилган ҳаракатлар натижасида битта одам ўлса ҳам, **шарҳланаётган модданинг 2-қисми** бўйича жавобгарлик юзага келади.

§ 3. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик (ЎзР ЖК 195-моддаси)

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, унда атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик натижасида атмосфера, сув ресурслари, ўсимлик дунёси ифлосланади, ҳайвонот дунёси захарланади, рухсат этилган зарарли моддаларнинг санитария гигиена нормативига риоя қилинмайди, бу эса, ўз навбатида, инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солади.

Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланишидан мақсад қилиб қонунчилик республикада экологик вазият ҳолати устидан доимий тегишли назорат ўрнатиш вазифасини кўяди. Атроф табиий муҳитнинг йўл қўйилган ифлосланиш фактлари ўз вақтида

қайд қилинибгина қолмай, балки бундай ифлосланишнинг зарарли оқибатларини бартараф этишга масъул шахслар қонун билан уларга юклатилган вазифаларни ўз вақтида бажаришлари шарт.

Жиноят **объекти** Ўзбекистон Республикасида экологик барқарорликни таъминлаш соҳасида юзага келадиган ва шаклландиган ижтимоий муносабатлардир. Бевосита объекти атроф табиий муҳит, экологик хавфсизлик ҳисобланади. Инсон ҳаёти ёки соғлиғи, давлатимизнинг иқтисодий манфаатлари факультатив объект бўлиши мумкин.

Объектив томондан экологияси ифлосланган жойларни дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлаш ёхуд бундай ишларни етарли даражада бажармаслик одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлган жинойий ҳаракатларда ифодаланади.

Таҳлил қилинаётган жиноят фаол ҳаракат ва ҳаракатсизлик орқали содир этилиши мумкин.

Ҳаракатсизлик – мансабдор шасх томонидан экологик ифлосланишга учраган ҳудудларни дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлашида ифодаланади.

Фаол ҳаракатлар эса дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини тўла амалга оширилмаганлиги ёки қайта тиклаш чоралари кўриш зарурияти бўлмаган ҳудудларда қайта тиклаш чораларини ўтказилишида ифодаланади.

Дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлаш ёхуд бундай ишларни етарли даражада бажармаслик жиноятининг оқибати одамларнинг оммавий касалланиши ёки атроф табиий муҳитга бошқача оғир оқибатлар етказилиши билан боғлиқдир.

Ҳаракат билан келиб чиққан оқибат ўртасида бевосита

сабабий боғланиш белгиланган бўлиши керак. Жиноят оқибат (одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар) юзага келган пайдан эътиборан **туғалланган** деб топилади.

Субъектив томондан жиноят қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин (масалан, қасдан хизмат вазифасини бажаришдан бўйин товлаш, ўзининг мажбуриятига бепарво ёки ўзига ўзи ишонган ҳолда муносабатда бўлиш, ёхуд ҳаракатга нисбатан қасдан, келиб чиққан оқибатга нисбатан эса эҳтиётсизликдан – айбнинг мураккаб шакли).

Жиноятнинг субъекти махсус бўлиб – ўн саккиз ёшга тўлган, хизмат, профессионал ёки бошқа функцияларни бажариш муносабати билан экологияси ифлосланган жойларни дезактивация қилиш ёхуд бошқача тарзда тиклаш чораларини кўриш вазифаси юклатилган шахс. Уларга корхона, муассаса раҳбарлари, бош муҳандислар, уларнинг ўринбосарлари ва ҳоказолар киради.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида бир ёки ундан ортиқ шахснинг ўлими келиб чиққанлиги учун жавобгарлик белгиланади.

§ 4. Атроф табиий муҳитни ифлослантириш (ЎзР ЖК 196-моддаси)

Атроф муҳитнинг ифлосланиши деганда, хўжалик ва бошқа фаолият, табиий кучнинг ҳалокатли таъсири, фалокат ёки офат оқибатида инсон соғлиғига, табиий экологик тизимга, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондлари ҳолатига таҳдид солувчи атроф табиий муҳитнинг доимий салбий ўзгариши содир бўладиган ҳудудни, шунингдек, сув ва ҳаво бўшлиқларининг радиациявий, кимёвий, бактериологик ёки бошқача ифлосланиши тушунилади..

Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши натижасида

эпидемиялар, эпизоотиялар, табиий мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлувчи биологик захарли моддалар пайдо бўлади.

Жинойтнинг бевосита **объекти** – ер, сув ва атмосфера ҳавосини ифлосланишдан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар. Жиноятнинг қўшимча бевосита **объекти** инсон ҳаёти ва соғлиғини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар.

Таҳлил қилинаётган модданинг предмети, ер, сув ва атмосфера ҳавоси бўлиши мумкин. (ер – Ўзбекистон Республикасининг ягона ер фондига кирувчи ер участкасининг ҳар қандай тури; ер усти (дарё, кўл, сув омборлари) ёки ер ости сувлари, музлик ҳамда ичимлик суви таъминоти манбалари; атмосфера, ҳаво, унинг табиий хоссалари.)

Ер деганда, ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган, Ўзбекистон Республикасининг ягона ер фондига кирувчи қуруқликнинг устки қисми, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди, кенглик, участка ҳамда ер қаъри, тупроқ тушунилади.

Сув объектлари деганда, сақлаш ва сув алоқаси учун фойдаланиладиган ҳамда атроф табиий муҳитнинг ажралмас қисми ҳисобланган табиий ва сунъий объектлар тушунилади.

Сувнинг устки қатлами бу доимий ёки вақтинчалик сувнинг устки қатламидаги объектлар бўлиб, унинг мазмунинида рельефи шаклидаги қуруқликнинг устки қатламида чегара, ҳажм ва сув режимининг хусусиятларига эга сувнинг тўпланиши тушунилади. Юза қисмидаги сув объектлар (дарё, канал, ҳовуз, сув омбори ва б.қ.) юзадаги сув, туб ва соҳилдан ташкил топган.

Ер ости сувларига сувлар, шунингдек, ер остида сув объектларида жойлашган минераллар киради. Ер ости сув объектлари тоғлардаги маълум чегара, ҳажм ва сув режими хусусиятлари эга гидравлик боғлиқликдаги сувнинг тўпланиши.

Ичимлик суви таъминотининг манбаи ифлосланмаган ва булғаланмаган, истеъмол қилиш учун мўлжалланган ер ости ва ер усти сув объектлари бўлиб ҳисобланади. Ер ости ва ер усти сувларидан тоза ичимлик суви сифатида фойдаланиш давлат санитар-эпидемиологик назорат органлари томонидан белгиланади.

Атмосфера ҳавоси – атмосферанинг турар жой, ижтимоий ва ишлаб чиқариш биноси ҳамда ишлаб чиқариш ҳудудидан ташқарида бўлган, ернинг эволюцияси давомида шаклланган ерга яқин қавати газларининг табиий аралашмаси. Уларнинг ифлосланиши меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқаришдаги хавфсизлик қоидаларини бузиш каби жиноят таркибини келтириб чиқариши мумкин.

Жиноятнинг **объектив томондан жиноят** ер, сув ёки атмосфера ҳавосининг бузилиши, ифлосланиши ва табиий хусусиятларининг бошқача тарзда ўзгаришидан иборат ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, жиноий оқибат, ҳаракат билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишда ифодаланади.

Ер, сув, атмосферанинг ифлосланиши ва бузилиши деганда, ўзини ўзи тозалашга бўлган табиий қобилиятини пасайтирадиган физик, кимёвий, биологик хусусиятларга таъсир тушунилади.

Ернинг бузилиши – унинг унумдор қаватининг бузилишига ва қирилиб кетишига олиб келувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Ифлослантириш – ерга характерли бўлмаган физик, кимёвий, биологик модда, организмларни киритиш.

Сувнинг ифлосланиши деганда, сув таркибининг (физик, кимёвий ва бошқа) ўзгаришлари тушунилиб, бунинг оқибатида сув тозалиги белгиланган нормативлардагидан кўра кўпроқ ифлосланади. Одатда, сувнинг ифлосланиши сувга саноат ишлаб чиқариши чиқиндилари оқизилиши, захарли биологик моддалар, захарли кимёвий дориларни сақлаш қоидалари бузилиши ва ҳ.к.лар натижасида содир

бўлади. Оқибатда сувнинг ифлосланганлик даражаси ортиб, инсонга салбий таъсир кўрсатади.

Хавонинг ифлосланиши – табиий миқдор даражаси ёки сифати нормативидан ошиб кетган концентрациясида зарарли моддаларнинг ҳавода юзага келиши ёки унинг таркибига киритиш.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши деганда, атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариб юбориш қоидаларининг бузилиши, бунинг натижасида ҳавода захарли моддаларнинг йўл қўйиладиган энг юқори миқдори ошиб кетиши тушунилади.

Ифлосланиш даражасини белгилаётганда ер, сув ва атмосфера ҳавосида зарарли моддалар йўл қўйиладиган концентрацияни ўрнатадиган нормативларга амал қилиш керак. Соғлиқни сақлаш қонунчилиги оқова сувларни тозалаш зарарли чиқиндиларни йўқ қилишни таъминламайдиган янги ва реконструкция қилинган корхона, цех ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини қуришни таъқиқлайди.

Таҳлил қилинаётган модда доирасида ҳаракат билан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш шундан иборатки, ҳаракат атроф муҳитнинг табиий хусусиятлари ўзгаришига олиб келиши керак. Бу ўзгаришлар ўзининг янги хусусиятлари билан, масалан, механик аралашма миқдорининг зарарли моддалар билан кўпайиши ёки табиий объектлардан бирининг физик ҳажми камайиши билан бошқа муҳофаза қилинадиган объектлар ҳолати ўзгаришини (одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар, шунингдек, инсон ўлими ва ҳоказоларни) келтириб чиқаради. Бироқ, агар табиий муҳит ёки унинг объектларидан бири ифлосланиши билан бирга ҳайвон, парранда ёки балиқ захирасининг популяцияси бошқа сабабдан юзага келган эпизоотия натижасида қирилиб кетса, у ҳолда сабабий боғланиш бўлмайди.

Жиноят кўрсатилган ҳар қандай оқибат (инсон соғлигига зарар етказиш, шунингдек, инсон ўлими, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар) юзага келган вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади ва шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди, уларнинг юз беришига йўл қўяди ва бунга бепарво ҳолатда муносабатда бўлади. Келиб чиққан оқибатларга қараб айбдор шахс ҳаракатларида эҳтиётсизлик бўлиши мумкин.

Жиноят **субъекти** ўн олти ёшга тўлган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан атроф муҳитга зарарли моддаларни ташлаш ёки стационар ва кўчма манбалар, иншоотлар ва бошқа объектлардан, шу жумладан транспорт воситаларидан фойдаланиш устидан назорат қилиш вазифаси юклатилган шахс ҳисобланади.

Корхона, ташкилотларнинг мансабдор шахслари қўл остидаги шахсларга хизмат ваколатлари доирасидан четга чиққан ҳолда табиий объектларга зарар етишига олиб келадиган буйруқларни берган ҳолларда, бошқа тегишли белгилар мавжуд бўлганда, уларни ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиққанлик учун ЖК 206-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш лозим.

Таҳлил қилинаётган модданинг 2-қисми инсон ўлими кўринишидаги ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини назарда тутди.

§ 5. Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш (ЎЗР ЖК 197-моддаси)

Жиноятнинг **бевосита объекти** ер ва ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

Жиноятнинг предмети ер бағри ва ер қаъри.

«Ер» тушунчаси ЖКнинг 196-моддасида батафсил таҳлил қилинган.

“Ер давлат мулки – умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди предмети ҳисобланмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустаснодир”. (Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 16-моддаси).

Ер қаъри – ер қобиғининг тупроқ қатламидан қуйида жойлашган, тупроқ қатлами бўлмаганда эса ер юзасидан ёки сув объектлари тубидан қуйида жойлашган, геологик жиҳатдан ўрганиш ва ўзлаштириш мумкин бўлган чуқурликкача ястанган қисми.

Ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ер ва экология қонунчилигининг кўплаб умумий ва махсус норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади: Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Ер кодекси, 2002 йил 13 декабрдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар.

Объектив томондан жиноят ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш натижасида оғир оқибатлар келиб чиқишида намоён бўлади.

Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш ҳаракатлари ҳаракат ва ҳаракатсизлик кўринишларида содир этилиши мумкин.

Ер ва ер ости бойликларидан фойдаланиш шартлари ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузишдан иборат ҳаракатлар тупроқнинг ифлосланиши, ахлат босиши, шўрланиши, захланиши, қақраб кетиши, қайта зангланишида, эрозияда, тупроқнинг унумдор қатлами бузилиши, яроқсиз ҳолатга келишида, тупроқнинг бактериологик, паразитар ва юқумли касалликлар билан касалланишида, ер сифатини,

унумдорлигини пасайтирувчи ернинг сув босиши, сувга тўлиши, ёнғинларда ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларини жойлаштириш, оқава сувларини чиқариб ташлашда, фойдали қазилмаларни кавлаб оладиган корхона ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини консервация ва йўқ қилиш тартибини бузишда, ичимлик ва саноат сувлари билан таъминлаш учун ер ости сувлари тўпланадиган жойларда саноат чиқиндилари тўпланишида ифодаланади.

Харакатсизлик ер ва ер остидан фойдали табиий хоссаларни, асосий ва улар билан чиқадиган фойдали қазилмалар ҳамда компонентлар захирасини, агар бунга реал имконият бўлса, тўла-тўқис чиқариб олишни таъминлаш бўйича чораларни кўрмасликда, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш лицензияси шартларига риоя этмасликда, ер қаърини тўла-тўқис ва етарли даражада ўрганишни ўтказмасликда ифодаланади.

Жиноят таҳлил қилинаётган модда диспозициясида кўрсатилган қилмишларни содир этиш натижасида оғир оқибатлар келиб чиққан вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш натижасида келиб чиққан **оғир оқибатларга** одамларнинг касалланиши, ҳайвонот ва ўсимликларнинг қирилиб кетиши, қишлоқ хўжалик экинлари унумдорлиги пасайиши ҳамда хизмат соҳасининг емирилиши, ернинг устки қисмида бўшлиқлар ҳосил бўлиши, фойдали қазилмалар ўз қимматли хусусиятини йўқотганлиги учун уларни кавлаб олиш тўхтатилишига олиб келган атроф табиий муҳитга зарарли таъсирини киритиш мумкин.

Субъектив томондан жиноят ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Шахс ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузишнинг ижтимоий

хавфлилигини англайди, унинг ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келишига кўзи етади ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўяди ёки бунга бепарво муносабатда бўлади. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли – ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузган шахс оғир оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда, бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилганликда ёки оғир оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлганлигида ифодаланади.

Жинойт **субъекти** – ўн олти ёшга тўлган, ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш бўйича хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи шахс.

§ 6. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни nobуд қилиш (ЎзР ЖК 198-моддаси)

Жинойтнинг **бевосита асосий объекти** ўрмон, экинзор ва бошқа дов-дарахтларни атроф табиий муҳитнинг табиий қисми ва бойлиги сифатида улардан тегишли даражада фойдаланиш йўли билан сақлашни таъминлаш соҳасида юзага келадиган ва шаклланадиган ижтимоий муносабатлардир.

Жинойт содир этилиши натижасида nobуд бўлган мева, маҳсулотларга бўлган мулк ҳуқуқи кўшимча бевосита объект бўлиши мумкин.

Жинойтнинг **предмети** ўрмонлардаги дарахт, бутазорларнинг ҳар хил турлари ҳамда ўрмон фондига кирмайдиган ёки кесиш тақиқланган дарахтлар, бутазор, экинзор ва бошқа дов-дарахтлардир.

Экин деганда, дарахт кўчатлари, бута ўсимлик ва бошқа ўсимликлар, сунъий ўтқазилган дарахт кўчатлари ҳамда униб чиқмаган уруғлар тушунилади.

Ўрмон – ер, дарахт, бута ва бошқа ўсимликлар, ҳайвонлар,

паррандалар, микроорганизмлар ва бошқа табиат унсурларининг жамидир.

Объектив томондан ЖК 198-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноят олов билан эҳтиёткорона муносабатда бўлмаслик натижасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёхуд уларни нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлишида ифодаланади.

Экинзор, ўрмон ва бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш – бу экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга қисман зарар етказиш, яъни муайян сарф-харажатлар ва куч ишлатиб уларнинг дастлабки ҳолатини тиклаш имконияти бўлган ҳоллар.

Экинзор, ўрмон ва бошқа дов-дарахтларни нобуд қилиш – бу экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларнинг батамом ёниб кетиши тушунилади.

Олов билан эҳтиёткорона муносабатда бўлмаслик - ўрмон ичида ёки ўрмон яқинида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ёки ўрмонда бўлиш, унда хўжалик фаолияти ёки бошқа фаолият билан шуғулланиш қоидаларига риоя қилмасликдан иборат ҳаракатларда намоён бўлади.

ЖК 198-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят, агар олов билан эҳтиёткорона муносабатда бўлмаслик натижасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга кўп миқдордаги зарар етказилса ёки улар нобуд қилинса ёхуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиқса, **тугалланган** жиноят деб топилади.

Етказилган зарар миқдорини баҳолашда ўрмон хўжалиги мутахассислари хизматига мурожаат этиш зарур, улар ёнғинга дучор бўлган майдонни, дарахтлар майдонини, навларини ва ҳоказоларни ҳисобга олишлари керак.

Етказилган зарар миқдорини баҳолашда суд ёнғин майдони, ёнғинда нобуд бўлган дарахтлар (етилган, етилиб келаётган) миқдори, ёнғинда нобуд бўлган ёки шикаст етган ўрмон массивларидаги ўрмон категорияси, дарахтларнинг

нави ва уларнинг хўжалик, махсус, илмий ва бошқа қимматини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир муайян ҳолатдан келиб чиқиши керак. Ундан ташқари, масалан, сувни тартибга солувчи ва табиатни муҳофаза қилиш хусусиятига эга бўлган, сунъий ўстирилиши қийин бўлган тоғ арчали ўрмон массивига шикаст етиши ёки уларнинг nobуд бўлиши, ёхуд кўриқхоналарда ўсувчи, республикада мевачиликни ўрганиш ва ривожлантириш учун селекция-генетика фондини ташкил этувчи субтропик ва бошқа қимматли ёввойи ўсимликларнинг nobуд бўлиши кўп миқдордаги зарар сифатида квалификация қилиниши керак

Ўрмонга шикаст етказиш ва уни nobуд қилиш билан етказилган зарар миқдори уларнинг ҳар хил турлари салбий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Зарар миқдорига дарахтларнинг амалдаги нархи бўйича ҳисобланган талафот баҳоси, nobуд бўлган ўрмон ўрнига янги ўрмон экини ва ёш ўрмонни ўстириш, ҳудудни тозалаш учун кетадиган харажатлар киради. Зарар суммасига ёнғинни ўчиришга кетган барча харажатларни ҳам киритиш мумкин.

Таҳлил этилаётган жиноят бўйича оғир оқибатлар деганда экинзорни тиклаб бўлмайдиган даражада nobуд қилиниши; ўрмон ва бошқа дов-дарахтларни ўзининг бош экологик функциясини бажара олмайдиган даражада шикастлантириш; экологик мувозанатнинг бузилиши; яшил дов-дарахтларнинг фойдаланишга яроқсизлиги; дарахтларнинг қимматли навларининг nobуд бўлиши ва бошқалар тушунилади.

Субъектив томондан таҳлил этилаётган модданинг 1-қисми айбнинг эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади.

ЖК 198-моддасининг 2-қисми объектив томон сифатида шахсининг ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиши натижасида кўп миқдорда зарар келиб чиқишида ифодаланган ҳуқуққа хилоф ҳаракатини назарда тутди.

Ўрмон ва бошқа дов-дарахтларни қонунга хилоф

равишда кесиш деганда, уларни кесишга рухсат берадиган билетни (ордерни) тегишли равишда расмийлаштирмасдан ёки билетда (ордерда) кўрсатилганидан бошқа майдонда, миқдорда ёхуд бошқа навини илдизидан кесиш тушунилади.

Ўрмон ва бошқа дов-дарахтларни қонунга хилоф равишда кесганлик учун жавобгарлик дарахт танасини илдизидан ажратишнинг ҳар қандай кўриниши (кесиш, арралаш, илдизи билан кўпориш), яъни ўсиб турган дарахт ёки буталарнинг нобуд бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ҳаракат учун юзага келади. Бунда айбдор шахс қонунга хилоф равишда кесилган дарахтдан фойдаланган ёки уни ўша жойда қолдириб кетганлиги муҳим эмас.

Жиноят қонунга хилоф равишда дарахт, бута ва бошқа дов-дарахтларни кесиш натижасида кўп миқдордаги зарар етказилган вақтдан бошлаб **жиноят тугалланган** ҳисобланади.

ЖК 198-моддаси 2-қисмининг субъектив томони тўғри қасддан содир этилади, чунки шахс қонунга хилоф равишда дарахт, бута ва бошқа дов-дарахтларни кесишни амалга ошира туриб, махсус рухсатномасиз ёки унда кўрсатилганидан бошқа майдонда, кўп миқдорда ёхуд дарахтнинг бошқа навини кесаётганини англаган, бундай ҳаракатлар натижасида кўп миқдордаги зарар келиб чиқишига кўзи етган ва буни хоҳлаган, бундай оқибатлар юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлади.

ЖК 198-моддаси 3-қисмининг объектив томони: экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга қасддан шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, нобуд қилиш; оқибат – кўп миқдорда зарар етказиш, шунингдек, ҳаракат билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишдан иборат.

Пайҳон қилиш деганда, экинзорни босиб ташлаш, ҳайдаш, сув ва бошқа суюқлик билан бостириш тушунилади. Экинзорни пайҳон қилишга кўп миқдорда зарар келтирадиган сигирларни ўтлатиш ва у ердан ҳайдаб ўтиш ҳам киради.

Жиноятнинг **субъектив томони** – қасд, шахс ўз

қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаган ва унинг ижтимоий хавfli оқибатлар – экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, нобуд қилишнинг юз беришини истаган ва онгли равишда йўл қўйган ва бунга бепарво муносабатда бўлади.

Жиноят **субъекти** ушбу моддадаги барча ҳолларда ўн олти ёшга тўлган шахс ҳисобланади. Ўрмонда ва унга яқин жойда ишлаганда ёнғинга қарши хавфсизлик чораларига риоя қилмаган, ёки хизмат ваколатидан ўрмонни кесиш учун ёхуд бошқа йўл билан кўп миқдорда зарар, оғир оқибатлар келтириб чиқариш учун фойдаланган мансабдор шахслар ЖК 205, 206, 207-моддалари билан жиноятлар мажмуи бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Таҳлил қилинаётган модданинг 4-қисмига мувофиқ, «етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди».

§ 7. Ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш (ЎзР ЖК 199-моддаси)

Жиноят **бевосита объекти** экологик ҳуқуқий тартибот ва экологик хавфсизлик таъминланишига қаратилган ўсимликлар касалликлари ва зараркунандалари билан курашиш бўйича ўрнатилган қоидалар ва талабларни тартибга солиш борасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Жиноятнинг **предмети** маданий кўчатлар, табиий ўрмонлар ва бошқа ўсимликлар бўлиши мумкин.

Объектив томондан жиноят ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандаларига қарши кураш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлишида ифодаланади.

Мазкур модда диспозицияси бланкет (ҳаволаки)дир. Шу

муносабат билан, кўриб чиқилаётган жиноятни квалификация қилишда ҳар бир алоҳида ишда ўсимлик касалликлари ёки зараркунандаларига қарши курашнинг қайси талаби бузилганлигини аниқлаш зарур. Булар касалликлар, турли зараркунандалар тарқалишининг олдини олиш ва уларни тугатишга қаратилган агротехник, кимёвий, механик тадбирларни ўтказиш бўйича талаблардир.

Ушбу муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, 1996 йил 29 августдаги “Уруғчилик тўғрисида”ги, 1996 йил 30 августдаги “Селекция ютуқлари тўғрисида,”ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 1997 йил 18 декабрда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида экишга тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестри тўғрисида”ги Низом, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 февралдаги “Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини экспертиза қилиш ва рўйхатдан ўтказиш чоралари тўғрисида”ги Қарори ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўсимликлар касалликлари ва зараркунандалари билан курашиш талабларига риоя қилмаслик ўсимликшунослик, сабзаётшунослик, боғдорчилик, ўрмон хўжалиги каби қишлоқ хўжалиги соҳаларига катта зарар етказиши мумкин.

Ўсимлик касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш қишлоқ хўжалигининг ўсимлик, сабзаёт соҳаларига, шунингдек, ўрмон хўжалигига катта зарар келтиради.

Ўсимлик касалликлари ёки зараркунандалари, қишлоқ хўжалигида бегона ўтларга қарши қўллаш учун кимёвий ва биологик воситаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг кимё комиссияси томонидан 2000 йил 31 августдаги “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга асосан ҳар беш

йилда тасдиқланади. Мазкур рўйхатдан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳам фойдаланади. Шунингдек, унда қишлоқ хўжалигида пестицидларни (заҳарли кимёвий моддаларни) сақлаш, ташиш ва қўллашнинг санитар қоидалари мавжуд.

Юқоридаги қоидалар ва талабларни ҳаракатлар кўринишида бузиш масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бир тўп касалланган дон, сабзавот, бошқа ўсимликларни олиб кириш; экинларнинг касалланган уруғларини экиш (масалан, карантин касалликлари билан заҳарланган дон экинларини экиш); сифатсиз кимёвий ёки бошқа ўсимлик зараркунандаларига қарши курашиш воситаларини қўллаш; ўсимлик зараркунандалари пайдо бўлганлиги тўғрисидаги маълумотларни яшириш ва ҳоказолар орқали содир этилади.

Ҳаракатсизлик шахснинг ўсимлик касалликларига ва зараркунандаларига қарши кураш тадбирлари кўрсатмаларини бажармаслигида намоён бўлади: агротехник чораларни кўрмаслик, ўсимлик касалликларига қарши кураш чораларини ёки ўсимлик касалликларини кўзғатувчилар билан заҳарланган муайян участка жойлашуви бўйича, заҳарланган уруғликларни йўқ қилиш бўйича чораларни кўрмаслик ва ҳоказолар.

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари ёки энг ёмон бегона ўтларни ва ўсимлик дунёси зараркунандаларини йўқотиш учун белгиланган қоидаларни бузиб қўллаш натижасида одамлар ва ҳайвонларнинг заҳарли кимёвий моддалар билан заҳарланиши, ўсимлик касалликларининг ёки зараркунандаларнинг оммавий равишда тарқалиши натижасида тоқларнинг ёки мевали дарахтларнинг кесиб ташланиши, сара уруғ фондининг зарар топиши, картошка экинининг катта майдонларда барбод бўлиши ҳам **шарҳланаётган жиноятнинг оғир оқибатлари қаторига киради.**

Оғир оқибатларнинг бошланиши вақтидан жиноят

тугалланган ҳисобланади жиноятнинг қай даражада оғирлиги суд томонидан белгиланади.

Ўсимлик касалликлари ва зараркунандалари билан курашиш талабларини бузишнинг **субъектив томони**: эгри қасд бўлиб – шахс ўз қилмишларининг қонунга хилофлигини англайди, ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини кўра олади ва онгли равишда йўл қўяди ёки бунга бефарқ муносабатда бўлади, ёхуд эҳтиётсизликдан – шахс бундай жиноятнинг оғир оқибатлари келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра олади ва бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига ассосиз ишониб, онгли равишда эҳтиёт чораларни кўрмайди ёки ўз ҳаракатларининг бундай оқибатларини кўриши лозим ва мумкин бўлган вазиятда, уларни олдиндан кўра олмайди.

Жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда, агрономлар, бригадирлар ва шу каби мутахассислар таҳлил қилинаётган жиноятнинг субъекти бўладилар. Ўсимлик касалликлари ёки зараркунандаларига қарши кураш талабларини ўз мансаб ваколатидан фойдаланган ҳолда бузган мансабдор шахслар мансабдорлик жинояти учун жиной жавобгарликка тортилишлари керак.

§ 8. Ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш (ЎзР ЖК 200-моддаси)

Жиноятнинг **бевосита объекти** чорвачилик соҳасидаги экологик ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш мақсадида белгиланган ветеринария ва зоотехник қоидаларни тартибга солувчи ҳамда экологик хавфсизлик, инсонлар ҳаёти ва соғлиғи, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлардир.

Жиноятнинг предмети ёввойи ва уй ҳайвонларидир.

Объектив томондан ҳайвон ёки паррандалар эпидемияси (эпизоотия) тарқалишига, уларнинг ялпи қирилиб кетишига ёки бошқача оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган

ветеринария қоидаларини бузиш ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлик билан содир этилиши мумкин (масалан, профилактик тадбирлар ўтказиш бўйича белгиланган талабларга риоя қилмаслик, юқумли касалликларга чалинган ҳайвонлар ва уларнинг маҳсулотларини, чорвадан олинган хом ашёни сотиш, касал молни сўйишдан бўйин товлаш ва ҳоказолар шулар жумласидандир).

Мазкур модда диспозицияси бланкет (ҳаволаки)дир. Қилмишни квалификация қилишда айбдор шахс томонидан ветеринария ёки зоотехника қоидаларининг айнан қайси банди бузилганлиги аниқланиши зарур.

Ветеринария қоидалари ва талаблари 1993 йил 3 сентябрдаги “Ветеринария тўғрисида”ги Қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан, турли вазирликлар ва идораларнинг кўп сонли идоравий йўриқномалари орқали, шунингдек, ҳайвонларни, уларнинг озуқасини чорвачилик маҳсулотларини ва ҳоказоларни олиб кириш, олиб чиқиш ҳамда уларнинг транзит ташиш қоидаларини белгиловчи халқаро келишувларда белгиланади.

Ветеринария қоидалари ҳайвонларни касалликлардан ҳимоя қилиш ва даволашга оид давлат, жамоат, хўжалик ва ижтимоий тадбирлар мажмуи бўлиб, ишлаб чиқариш ва аҳолини яхши сифатли чорва маҳсулотлари билан таъминлаш, одамларнинг ҳайвонлар оғрийдиган касалликка чалинишининг олдини олиш, шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза этишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал қилишни ўз ичига олади.

Ветеринария (шу жумладан, зоотехника) қоидалари ҳайвонларнинг (уй ҳайвонларининг ҳам, ёввойи ҳайвонлар муҳитидан белгиланган тартибда ажратилган ҳайвонларнинг ҳам) эпизотиялари, юқумли ва юқумли бўлмаган оммавий касалликларига қарши курашиш мақсадида белгиланган, шунингдек, ветеринария-санитария, даволаш, ветеринария-профилактика тадбирларини ўтказиш қоидалари, карантин

қоидалари, касаллик ўчоғларини йўқ қилиш тартиби ҳисобланади.

Ветеринария соҳасидаги норматив-ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар ҳайвонлар ва паррандаларнинг юқумли эпизоотик ва эпидемик касалликларга чалинишининг олдини олишни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини қўшни мамлакатлардан ташиб келтириладиган ҳайвон ва паррандаларнинг юқумли касалликларидан муҳофаза қилишни таъминлайдиган эпизоотияларга қарши, ветеринария-санитария ва даволаш тадбирларини ўтказишга оид кўрсатма ва талабларни назарда тутади.

Ветеринария қоидалари ва талаблари бузиш ҳаракат ва ҳаракатсизлик кўринишларида содир этилиши мумкин.

Биринчи кўринишда бузишда субъектнинг уй жониворларини боқиш, ташиш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ қонунда тақиқланган тартиб-қоидалар ва муолажалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига касал жониворлар ёки юқумли касалликлар тарқалган номақбул ҳудудлардан жониворлар сотиб олиш ҳамда олиб келиш ва ҳоказолар, шу билан бирга зоотехник нуқтаи назардан ярамайдиган, жониворлар касалланиши ва касаллик тарқалишига сабаб бўлган ем ҳамда озуқалар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳаракатларни содир этишдан иборат.

Ветеринария ва зоотехника қоидаларини ҳаракатсизлик кўринишида бузиш олдини олиш (профилактика) мақсадидаги эмлашни амалга оширмаслик, карантин муддатларига риоя қилмаслик, жониворларнинг касалликка учрагани тўғрисида ветеринария назорати идораларига хабар бермаслик, жониворлар юқумли касалликлари ўчоғларини йўқотиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширмаслик ва ҳоказолардан иборат. Қора мол сўйиш ҳам ветеринария қоидаларига риоя қилмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин, масалан, қора молни дастлабки назоратдан ўтказишдан бош тортиш ёки ундан бўйин товлаш,

сўйишда санитария (тозалик) меъёрларига риоя қилмаслик ва ҳоказолар.

Ҳайвонлар ёки паррандалар орасида эпидемик касалликлар (эпизоотия) тарқалиши, шунингдек, шу каби бошқа оғир оқибатлар мазкур жиноятнинг оқибатлари ҳисобланади.

Эпизоотия тез тарқаладиган ва ҳайвонларнинг кенг кўламда қирилиб кетишига олиб келадиган, уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг оммавий юқумли касалланиши ҳисобланади (масалан, туман ҳудудида ҳайвон ва паррандаларнинг оқсим ёки ўлат касаллигига чалиниши).

Ҳайвон ёки паррандаларнинг оммавий қирилиб кетиши деганда, ҳайвонлар тўдаси, уюри, паррандалар тўла ёки қисман қирилиб кетиши назарда тутилади.

Бошқа оғир оқибатлар ҳайвон ёки паррандаларнинг айрим ҳолатларда қирилиб кетиши (кўплаб ҳайвонларнинг касалликка чалинмаган ёки эпизоотик ҳолати юз бермаган)да, одамлар ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликка ақалли бир кишининг чалинишида, ҳайвонлар ва паррандалар маҳсулдорлиги пасайишида, чорва маҳсулотлари ва хом ашёси таннархи ошишида, касалликни тугатишга ва олдини олишга оид харажатлар ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин.

Жиноят шарҳланаётган модда диспозициясида кўрсатилган оқибатлардан бири келиб чиққан пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳисобланади.

Субъектив томондан ветеринария қоидаларини бузиш эгри қасддан ҳам, ўзига ўзи ишониш ёки бепарволик шаклидаги эҳтиётсизлик билан ҳам содир этилиши мумкин.

Жиноятнинг мотиви квалификацияга таъсир кўрсатмайди.

Жиноят **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлади. Мансабдор шахслар ҳам – чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари, ветеринария-санитария назорати раҳбарлари, шунингдек, алоҳида фуқаролар ҳам (чорва ва парранда эгалари, карантин кордон ўрнатилган

худуддаги чекловларни бузиб ўтувчи транспорт воситалари ҳайдовчилари ва бошқалар) ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш субъекти бўлиши мумкин.

§ 9. Зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш (ЎЗР ЖК 201-моддаси)

Жиноят бевосита объекти инсон ҳаёти ва соғлиғини химоя қилишни, фаровон табиий муҳитни таъминлашни ўз ичига олувчи экологик хавфсизлик муҳофазаси манфаатлари ҳисобланади.

Кимёвий ва биологик моддалар, минерал ўғитлар ва препаратлар жиноят предмети бўлиши мумкин.

Кимёвий моддаларга (шу жумладан ўсимликларнинг кимёвий химоя воситалар, кимёвий препаратларга) атроф муҳит, инсон ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган, инсонларнинг турли фаолият соҳаларида ишлатиладиган ҳамда зарарли ва захарли хусусиятларга эга бўлган моддалар киради.

Минерал ўғитлар, ўсимликларнинг ўсиш биостимуляторлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ёки ёрдамчи, ўсимликларни нотижорат мақсадларда етиштиришда қўлланиладиган махсус моддалардан ташкил топади. Улар хавфли кимёвий ва биологик моддалар қаторига киради. Ушбу моддада кўрсатиб ўтилмаган ва минерал ўғит, ўсимликларнинг ўсиш биостимуляторлари ҳисобланмайдиган моддалардан фойдаланиш (уларни сақлаш ва ташиш) хўжалик ва бошқа мақсадлардан келиб чиққан оқибатлардан қатъи назар уларни қўлланишни истисно қилмайди.

Объектив томондан жиноят ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситалари, минерал ўғит, ўсиш биостимулятори ёки бошқа кимёвий дориларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш одамларнинг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб

кетиши ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишида ифодаланади.

Ушбу модда диспозицияси бланкетли бўлиб, қонуннинг ҳар бир алоҳида бузилган ҳолларида зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлишнинг қайси қондаси бузилганлигини аниқлаш зарур бўлади.

Кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш қоидаларини бузишга оид ҳаракатлар ушбу қоидаларнинг бузилиши, технология жараёни ёки технология жараёнлари мажмуи хавфсизлиги талабларига риоя қилмаслик, ё ишлаб чиқариш тусидаги бошқа ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш қоидаларининг бузилиши технология жараёнининг номақбул тарзда ташкил этилиши, яъни ваколатли шахс(лар) томонидан уни бошлаш, технология танлаш, кимёвий моддалар ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлайдиган бошқа чора-тадбирларни амалга оширишга оид ноқонуний, бевақт ҳамда бошқа ноўрин кўрсатмалар берилиши, шунингдек, бевосита технология амалиётлари тизимини амалга оширишнинг бузилиши ҳамда уни назорат қилиш бажарилмаслигидан иборат бўлиши мумкин.

Кимёвий моддалар билан ишлаш (сақлаш, ташиш ва ҳоказо) қоидаларининг бузилишига оид ҳаракатлар уларни белгиланган стандарт ва хавфсизлик қоидаларига мувофиқ талаб даражасида сақлаш, силжитиш ва ташишни таъминлаш талабларига риоя қилмаслик, шунингдек, кимёвий моддаларни бошқа мақсадда ёки уларни қўллаш шартларига риоя қилмаган ҳолда фойдаланиш кабилардан иборат бўлади.

Сақлаш деганда, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини, минерал ўғитларни, ўсиш биостимуляторлари ёки бошқа кимёвий дориларни муайян жойда асраш тушунилади.

Кўрсатилган дориларни сақлаш учун мўлжалланмаган жойларда, очиқ жойда, тўкилган ҳолда сақлаш юқорида айтилган қоидаларни бузиш ҳисобланади.

Ташиш деганда, кўрсатилган дориларни ҳар қандай

усулда бир жойдан иккинчи жойга олиб юриш назарда тутилади. Ташиш қоидаларини бузиш, масалан, кўрсатилган дориларни махсус мослаштирилмаган транспортда, махсус таралар мавжуд бўлмаган транспортда ташишда ва ҳоказоларда ифодаланади.

Фойдаланиш деганда, препаратларнинг мақсадга мувофиқ қўлланилиши тушунилади.

Фойдаланиш қоидаларини бузиш, масалан, дориларни тупрокқа солишда одамлар соғлиғи, хавфсизлигини таъминламаслик; ишлов берилаётган ерда одамлар бўлгани ҳолда дориларни сочиш ва ҳоказо ҳаракатларда намоён бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модда 1-қисми диспозициясига мувофиқ, **экологик нормаларни бузиш** одамларнинг оммавий касалланиши, ҳайвонларнинг оммавий ўлиши, паррандалар ёки балиқларнинг оммавий қирилиб кетиши ёхуд бошқача оғир оммавий оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган тақдирда, мазкур жиноятнинг таркиби юзага келади.

Одамларнинг оммавий касалланиши кўп сонли аҳолида заҳарланиш, сурункали хасталикнинг пайдо бўлиши, танадаги бирор аъзонинг ишдан чиқиши (кўриш қувватининг, ички секреция безлари фаоллигининг пасайиши ва ҳоказолар)да ифодаланади.

Бошқа оғир оқибатлар деганда, қайд этилган моддаларни атмосферага, сувга, ерга ташлаш, экинзорлар ва ҳосилнинг нобуд бўлиши, узоқ муддат давомида экиладиган майдонлар, ичимлик сувининг зарарланиши ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

ЖК 201-моддаси 1-қисмининг диспозициясида санаб ўтилган оқибатлардан лоақал биттаси рўй берган пайтдан эътиборан жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

Жиноятнинг **субъектив томони** айбнинг эгри қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида содир этилади. Шахс, зарарли кимёвий моддалар билан ишлаш қоидаларини бузиб, ижтимоий хавfli қилмиш содир этаётганлигини англайди, инсонлар

ҳаёти ва соғлиғи учун ёки атроф муҳит учун хавfli оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра олади ёхуд уларнинг юзага келишига онгли равишда йўл кўяди ёки уларга бефарқ муносабатда бўлади. Бунда келиб чиққан оқибатларга нисбатан айбнинг эҳтиётсизлик шакли мавжуд бўлади. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли ўзига ўзи ишониш ёки бепарволикда ифодаланади.

Жиноят **субъекти** ҳар қандай ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс, шу жумладан зарарли кимёвий моддалар билан ишлаш учун масъул мансабдор шахслар (корхона, лаборатория, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича раҳбарлар ва ҳоказолар) бўлиши мумкин.

ЖК 201-моддасининг 2-қисми одам ўлиши тарзидаги оғир оқибатни назарда тутаяди, шу сабабли оғирроқ жавобгарликни келтириб чиқаради.

§ 10. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш (ЎЗР ЖК 202-моддаси)

Жиноят **бевосита объекти** Ўзбекистон ҳудудида тарқалган ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси муҳофазасини, улар яшайдиган нормал экологик муҳитни таъминлаш ҳамда биоресурслар ва ўсимликлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича, шунингдек, атроф табиий муҳитнинг ажралмас қисми сифатида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ирсий фондини сақлаш шароитларини яратиш бўйича муносабатлар ҳисобланади.

Жиноят **предмети** ёввойи, уй ҳайвонлари, паррандалар, ҳар қандай балиқлар ва бошқа турдаги ҳайвонлар, шунингдек, доривор, истеъмолбоп, манзарали ўсимликлар ёввойи турларининг ҳар қандай хиллари ҳисобланади.

Жиноятнинг объектив томони:

1) овчилик қоидаларини; 2) балиқчилик ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини ушлаш қоидаларини; 3) ноёб

хайвонларни тутишнинг белгиланган тартиби ёки шартларини; 4) ўсимликларнинг дори-дармон, истеъмолбоп ва манзарали (декоратив) турларини йиғиш ёки тайёрлашнинг белгиланган тартибини; 5) махсус қўриқланадиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ва ўсимлик олаmidан фойдаланиш тартибини бузиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлишида ифодаланади.

Ушбу модда ҳам бланкет диспозицияли бўлиб, унда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш содир этилган ёки этилмаганлигини аниқлаш учун бошқа норматив ҳужжатларга мурожаат қилиш лозим бўлади.

Овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот ёхуд ўсимлик дунёсининг бошқа турларидан фойдаланиш қоидалари ҳамда нодир ҳайвонларни овлаш тартиби, шартлари ёки махсус қўриқланадиган табиий ҳудудларда ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш қоидалари қуйидаги норматив–ҳуқуқий ҳужжатларда баён этилган, булар: Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги “Ўсимлик дунёсини асраш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги “Ўсимлик дунёсини асраш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги “Қимматбаҳо ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ва ҳайвонлар турларини муҳофаза қилишни кучайтириш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги 937-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза қилишни кучайтиришга оид чоралар ва улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги 600-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрда тасдиқланган “Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг

ташқарисига олиб чиқиш ҳамда овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом, шунингдек, 1993 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш бош давлат нозирини тасдиқлаган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида овчилик ва балиқчилик қоидалари” ҳамда бошқа қонун ва қонуности ҳужжатлардир.

Ов – ёввойи ҳайвонларни қўлга киритиш мақсадида излаб топиш, таъқиб қилиш ва қўлга киритиш ҳисобланади.

Ов қилиш жойларида милтиқ, ов итлари ва ов қуроллари билан бўлиш овга тенглаштирилади

Ов қилиш, балиқ овлаш ва ҳайвонот турларини овлаш ҳуқуқидан Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган ўн саккиз ёшга тўлган, ўқотар милтиғига эга бўлган, Овчи ва балиқчилар жамиятининг аъзоси бўлган, овчилик минимуми бўйича синовларни топширган ва давлат божини тўлаб қўйган барча шахслар фойдаланадилар. Спорт, ишқибозлар учун ва саноат мақсадларида, илмий мақсадларда балиқ тутиш ҳам барча фуқароларга кўриқхоналар, балиқ боқиш жойлари, ҳовуз ҳамда бошқа балиқчилик хўжаликларидан ташқари, барча сув ҳавзаларида, бироқ балиқ тутиш ва сувдан фойдаланишга оид белгиланган қоидаларига албатта риоя қилган ҳолда, рухсат этилади.

Спорт, хаваскор ва тайёрлов ов қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни бериш ва ўрнатиш тартиби 2004 йил 28 октябрдаги №508 сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан қарори билан ўрнатилган.

“Овчилик мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланмаган ерлардан овчилик, илмий, тиббий, маънавий – маърифий ва бошқа мақсадларда фойдаланиш қонунчилиқда белгиланган тартибда табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан берилган рухсат асосида амалга

оширилади. Овчилик хўжалиги, овчилик фаолияти учун зарар келтирувчи хайвонларни овлаш белгиланган Низом асосида амалга оширилади»

Спорт, хаваскорлик, овчилик ва илмий мақсадлар учун балиқ овлаш белгиланган тартибга риоя этган ҳолда, табиий сув хавзаларида барча фуқаролар учун рухсат берилган, фақатгина кўриқхона, балиқ овлаш ҳудудлари, ховузлари ва бошқа балиқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ҳудудлар бундан мустасно

Незаконная охота (браконьерство) – охота, добыча или уничтожение диких животных с нарушениями правил охоты и рыболовства.

Овчилик (балиқ овлаш) қуйидаги ҳолларда ноқонуний амалга оширилган деб ҳисобланади:

- тегишли рухсатномасиз (лицензиясиз);
- махсус таъқиқга қарши (масалан, бир турга оид балиқларни бошқа ном билан ёки номи кўрсатилмасдан қабул қилиш (топшириш));
- овчилик қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан (масалан, вояга етмаган, овчилик жамиятининг аъзоси бўлмаган ва бошқа шартларга жавоб бермаган);
- овчилик мақсадлари учун ажратилмаган, таъқиқланган вақтда, рухсат этилмаган восита ва усуллар билан (масалан, балиқни тутишга мўлжалланган восита ва қўндоқли камон, хайвонларни шикастлантирувчи, тузоқ, тўр ва шунингдек, хайвонларини оммавий тутишга мўлжалланган, тузоқ ўралари, йиртқич хайвонлар ва қушларнинг овозларини акс эттирувчи элетрон воситалар ва б.қ. ишлатиш).

Квалификация белгиларисиз ноқонуний овчилик (яъни анча миқдорни ташкил этмаган зарар) жиноий жавобгарликни истисно этади.

Ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини бузиш деганда, **овни тегишли рухсатномасиз ёхуд ёввойи қушлар ёки балиқларни рухсатномада кўрсатилган миқдордан ортиқ**

овлаш, шунингдек, овни тақиқланган вақтда ёки рухсат берилмаган жойларда ёхуд рухсат этилмаган қурол, восита ва усуллар билан амалга ошириш тушунилиши лозим.

Қўлга киритиш деганда, тутиш, жонсизлантириш, хайвон ҳамда ўсимликларни, ҳажмидан қатъи назар, ўлжага эга бўлиш билан яқунланадиган табиий муҳитдан бошқача йўл билан олиш тушунилади.

Ўлжани қўлга киритишнинг **ноқонунийлиги** уни тутишда шахс қўлга киритишга белгиланган таъқиқни ҳар қанча миқдорда бузган, ёки талаб этилган ҳолларда махсус рухсатнома (лицензия) олмаган, ёхуд рухсатнома (лицензия)нинг мажбурий бўлган ва ўлжани овлаш ё тутиш ҳажми, жойи, вақти ва усулларини белгилайдиган шартларини бузганида рўй беради. Сув хайвонлари ва ўсимликларини тутиш ҳамда йиғиш учун рухсат ваколатли идоралар томонидан берилиб, рухсатнома олган шахсга турли ваколатлар ва ҳар қандай шароитда ҳаракат қилиш учун рухсат берилади.

Табиий ўсимликлар жамоаларида доривор, озиқ-овқат ҳамда манзарали ўсимликларнинг ёввойи турларини тайёрлаш (йиғиш) деганда, юқорида номи келтирилган ўсимликларни муҳитидан, тайёрлаш (йиғиш) предметидан, йиғилган ўлжа миқдоридан қатъи назар, амалда эга бўлиш билан яқунланадиган ажратиш ёки бошқача олиш жараёни тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги “Ўсимлик дунёсини асраш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни 6-моддасига биноан, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш (йиғиш, тайёрлаш) умумий ёки махсус бўлиши мумкин.

Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни

кондириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ва тартибда бепул амалга оширилади.

Ўсимлик дунёси объектлари махсус фойдаланишга ишлаб чиқариш фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун ҳақ эвазига юридик ва жисмоний шахсларга рухсатномалар асосида бериб қўйилади. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш учун объектни, турни, ҳажмни ва муайян ҳудуд доирасида фойдаланиш муддатини белгилайдиган рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, ваколатли давлат органлари томонидан берилади. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Шундай қилиб, **қонунга хилоф йиғиш (тайёрлаш)**, у тегишли рухсатномасиз ёки меъёрда белгиланганидан ташқари ҳажмда, шунингдек, йиғиш (тайёрлаш) тақиқланган ҳудудда амалга оширилганида, юз беради деб ҳисобланади.

Ернинг ва (ёки) сув кенгликларининг (акваторияларнинг) устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик бўлган, хўжалик мақсадидаги доимий ёки вақтинча фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман чиқарилган участкалари **муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар** ҳисобланади. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар биологик, ландшафт ранг-баранглигини таъминлаш ва экологик мувозанатни сақлаб туриш учун мўлжалланган яхлит экологик тизимни ташкил этади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва объектларга давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор қўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, шунингдек, Халқаро Қизил китобга ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвон ва ўсимликлар киради.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш деганда, уларда зарур рухсатсиз қурилиш ишларини олиб бориш; ўсимликларни тўплаш, паррандалар ва ҳайвонларни лицензиясиз тутиш ва отиш ва ҳоказолар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Муҳоза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунининг 7-моддасига кўра “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари ва акватория участкаларида мазкур ҳудудлардан фойдаланишнинг белгиланган мақсадига зид ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган ёки кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятни чеклаш ёки тақиқлаш учун ер участкаларини сақлаш вазифаси белгиланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этишда юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини чеклаш ёки тугатиш туфайли уларга етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади”.

ЖК 202-моддасининг 1-қисмидаги жиноят, анча миқдордаги зарар етказилган пайтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларни бузиш билан боғлиқ бўлган жиноят ишлари бўйича етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги даъволарни кўришда судлар қонун зарарни тўлиқ ҳажмда ундиришни кўзда тутишидан келиб чиқишлари шарт. Зарарни ундириш миқдорини камайтиришга фақат алоҳида ҳолларда суд томонидан аниқланган ҳуқуқбузарнинг мулкӣ аҳволига қараб, жиноят ғараз ниятда содир этилмаган тақдирда, йўл қўйилади ва бу ҳолат қабул қилинган қарорда асослантирилган бўлиши шарт.

Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш ҳақидаги жиноят ишлари бўйича судланувчига

тегишли жиноят қуроллари, шу жумладан автомашина, мотоцикл ва қайиқлар, агар жиноий ҳаракат улар ёрдамида амалга оширилса ёки содир этилиши осонлаштирилса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига мувофиқ мушаррафлик қилиниши лозим.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан ҳам, эгри қасддан ҳам содир этилади. Шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини ва оқибатларининг келиб чиқиши аниқлигини англайди ва шундай бўлишини хоҳлайди. Зарар етказилганда, шахс буни келиб чиқишини хоҳламаган бўлиши мумкин, лекин бундай оқибатларга онгли равишда йўл қўяди ва уларга бефарқ муносабатда бўлади.

Жиноят **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

ЖК 202-моддасига мувофиқ табиатни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари ва мансабдор шахслари жавобгарликка тортиладилар. Агар мансабдор шахс браконьерлар билан жиноий битим тузса, жиноят содир этилишига ёрдам берса ёки ўзи ҳам шундай жиноятни содир этса, у табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги ва тегишли мансаб жинояти учун жавобгарликка тортилади.

ЖК 202-моддаси 2-қисми қуйидаги квалификация қилиш белгиларини мустаҳкамлаган:

а) ҳайвонлар, паррандалар, балиқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг Қизил китобига киритилган бошқа турларини нобуд қилиш билан;

2) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

3) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган жиноят.

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига ва Халқаро Қизил китобга киритилган ноёб ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларга ов қилиш, қўлга киритиш, йиғиш ва тайёрлаш ман қилинган ҳайвонлар ва ўсимликларнинг барча зотлари, популяцияси ва турлари (масалан: қор қоплони, Тяньшань

кўнғир айиғи, оққуш, қоравой, бургут, фламинго, кулранг эчкиэмар, кобра, бурама шоҳли эчки, Орол сазан балиғи ҳамда бошқа ҳайвонлар ва ўсимликлар) киради.

ЖК 202-моддаси 2-қисмининг “а” банди бўйича жавобгарлик ҳам Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига, ҳам Халқаро Қизил китобга киритилган ҳайвонлар, паррандалар, балиқлар, ҳайвонот дунёси ёки ўсимликларнинг бошқа турлари йўқ қилинган ҳолларда вужудга келади. Бунда етказилган зарарнинг ҳажми аҳамиятга эга эмас.

Кўп миқдордаги зарар Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига ва Халқаро Қизил китобга киритилган ёввойи ҳайвонлар турининг бирортасини овлаш, амалдаги нархлар бўйича аниқланадиган ҳайвонлар ёки паррандалар қиймати пулдаги баҳосининг ҳисобга олинган миқдоридан иборатдир. ЖК Махсус қисмининг VIII бўлимидаги кўп миқдордаги зарарга берилган таърифдан ҳам фойдаланиш зарур.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш қилмишини ягона жиноий мақсадга кўра бирлашган икки ёки бир неча кишининг илгаридан келишиб содир этиши сифатида баҳолаш зарур. Суд жазони ҳар бир иштирокчининг қилмишдаги ўрнига қараб тайинлаши керак.

Табиатни асрашга оид қонунчиликнинг бузилиши билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда судлар жиноий йўл билан қўлга киритилганлиги маълум бўлган ўлжани (балиқ, ёввойи ҳайвонлар, қушлар, ёғоч ва ҳоказоларни) сотиб олган ёки сотган шахсларни аниқлаш чораларини кўриши, шу билан бирга муайян шарт-шароитдан келиб чиқиб ЖК 171-моддасида кўзда тутилган жиноят белгиларига кўра жиноий иш қўзғатиш масаласини ҳал қилиши керак.

ЖК 202-моддаси 3-қисми қуйидаги махсус квалификация қилиш белгиларини мустаҳкамлаган:

- а) хавфли рецедивист томонидан;
- б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) ер, сув ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан фойдаланиб;

г) портлаш қурилмалар, захарли кимёвий моддалар ёки бошқа ялпи қириб юборадиган ёки нобуд қиладиган усулларни қўллаган ҳолда;

д) уюшган гуруҳ томонидан;

е) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган жиноят.

Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузишда ўз хизмат мавқеидан фойдаланаётган шахсларга мансабдор шахслар (корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари), шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти билан шуғулланувчилар (профессинал овчилар, ўрмон қоровуллари, табиатни муҳофаза қилиш идораларининг нозирлари, штатдан ташқари ходимлари) мансубдир.

Мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка ЖК 202-моддаси 3-қисми “б” банди билан тортиладилар ва ЖК 205-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди. Агар бунда жуда кўп миқдорда зарар етказилган бўлса, мансабдор шахсинг хатти-ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 202-моддаси 3-қисмининг “б” ва “е” бандлари билан квалификация қилинади.

Ёввойи ҳайвонларни овлашда ер устидаги, сувдаги ва ҳаводаги механизациялашган воситалардан фойдаланишга ов қилишда вертолётлардан, автомобиллардан, мотоцикллардан, мопедлардан, қайиқлардан, моторли катерлардан, самолётлардан фойдаланиш киради.

Портлаш қурилмалари, захарли кимёвий моддалар ёки бошқа ялпи қириб юборадиган ёки нобуд қиладиган усулларни қўллаш деганда, милтиқ, камон, ўзи отар қуролларни, ов хандақларини, пастак жойларни тўғрилаб қўйиш, сиртмоқ, қармоқ, пичоқ, қопқонларни ўрнатиш, портловчи, кимёвий ва биологик моддалар, электр токи,

тўрлар ва ҳоказоларни қўллашни тушуниш лозим.

Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибининг бузилиши уюшган гуруҳ томонидан содир этилганда, қилмиш ЖК 202-моддаси 3-қисмининг “д” банди бўйича квалификация қилиниши зарур.

Жуда кўп миқдордаги зарарга ўрнини тўлдириб бўлмайдиган, йўқолиб бораётган ёввойи ҳайвонларни, балиқларни, қушларни овлаш, шунингдек, ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш тааллуқлидир. Уларнинг миқдори овланган ҳайвонлар ва йиғилган ўсимликларнинг фактик нархи ҳамда ўрнатилган тарифлар бўйича аниқланади ҳамда ЖК Махсус қисми VIII бўлими билан тартибга солинади.

Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузганлик натижасида қўлга киритилган маҳсулотлар (гўшт, шохлар, балиқлар, терилар, тухумлар, мевалар) тортиб олинади ва реализация қилинади. Маҳсулотни реализация қилишдан тушган пул маблағи етказилган зарар ўрнини қоплашга ишлатилмайди. Етказилган зарар табиатни муҳофаза қилувчи органлар фойдасига ундирилади, улар эса олинган пул маблағларининг бир қисмини белгиланган тартибда давлат бюджетига ўтказилади.

ЖК 202-моддаси 4-қисмига мувофиқ, агар етказилган зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

§ 11. Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш (ЎзР ЖК 203-моддаси)

Жинойтнинг бевосита **объекти** сув объектларини муҳофаза қилишни тегишлича таъминлаш, нормал экологик муҳит, сув ресурслари ва бошқа ичимлик суви манбаларидан оқилона фойдаланиш бўйича нормал фаолиятни таъминлаш, шунингдек, сув ва сув омборларидан атроф табиий муҳитнинг табиий ва ажралмас қисми сифатида самарали ва тартибли фойдаланиш бўйича муносабатлар ҳисобланади.

Шарҳланаётган модда вазифаси – сув иншоотлари қурилиши ва улардан фойдаланиш, корхоналар ва фуқароларнинг сув ресурсларидан фойдаланишлари соҳасида ҳуқуқ-тартиботни жиноят-ҳуқуқий воситалар билан мустаҳкамлаш, сув сифатини сақлаб қолиш, ер ости сувлари жойлашган қатламлар майдонини ифлосланиш ҳамда ноқонуний ишлатилишидан жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, шунингдек, оғир оқибатларнинг олдини олишдан иборат.

Сувдан фойдаланиш тартибига бўлган юқори талаблар ва уларни жиноят-ҳуқуқий жихатдан муҳофаза қилиш инсон ҳаётий фаолиятида сувнинг умумий ва муҳим аҳамияти билан боғлиқ бўлиб, унинг ёмонлашуви атроф муҳитнинг бошқа томонларига, жумладан, ҳайвонот олами, ўрмонлар, тупроқ қатлами, ер остига ҳам таъсир кўрсатиши мумкинлиги, шунингдек, хавfli тажовузлар оқибатининг олдини олиш ёки уларни йўқотиш имкони йўқлиги ё мураккаблиги, қайта тиклаш ишлари қийматининг юқорилигидан келиб чиқади.

Ер усти ёки ер ости сувлари ва сув ҳавзалари, шунингдек, ичимлик суви манбалари жиноят **предмети** ҳисобланади. «Ер усти сувлари», «ер ости сувлари», «ягона давлат сув фонди» тушунчалари ҳақида ЖК 196-модда таҳлилига қаранг.

Объектив томондан **жиноят сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳаракатларни содир қилишда ифодаланади.**

Таҳлил қилинаётган модда диспозицияси бланкет хусусиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шарт-шароитларини мувофиқлаштирадиган расмий ҳужжатларнинг яхлит тизими вужудга келди. Булар: 1993 йил 6 майдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун; Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги 385-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувдан чекланган миқдорда фойдаланиш бўйича вақтинчалик тартиб” ҳамда вазифаси сув муносабатларини мувофиқлаштириш, аҳоли эҳтиёжлари учун сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, сувларни ифлосланиш, ахлат тушиши ва қуриб қолишдан асраш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бунинг оқибатларини йўқотиш, сув объектлари ҳолатини яхшилаш, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг сув муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат бўлган бошқа меъёрий ҳужжатлар дир.

Давлатнинг ягона сув фонди дарёлар, кўллар, сув омборлари, ер устидаги бошқа сув ҳавзалари, каналлар ва ҳовуз сувлари, ер ости сувлари ва музликларни ўз ичига олади.

Сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шароитлари “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниб, сув объектларидан оқилона фойдаланиш, сувни тежаб сарфлаш, сув сифатини тиклаш ва яхшилаш, сув сарфининг белгиланган лимитларига риоя қилиш, таркибида ифлослантувчи моддалар бўлган оқава сувларнинг сув объектларига ташланишини тўхтатиш чораларини кўриш, сувдан бошқа фойдаланувчиларга берилган ҳуқуқларнинг бузилишига йўл қўймаслик, шунингдек, хўжалик ва табиат объектларига (ерлар, ўрмонлар, ҳайвонот олами, фойдали қазилмалар ва ҳоказоларга) зарар етказмасликдан иборат. Сув

ресурсларидан фойдаланиш шарт-шароитларига, шу жумладан сувни асрайдиган ва бошқа сув хўжалик иншоотлари ва техник мосламаларни соз ҳолда сақлаш, уларнинг фойдаланиш жиҳатларини яхшилаш, шу билан бирга сув ресурсларидан фойдаланганлик тўловларини ўз вақтида тўлаш ҳам киради.

Мазкур жинойт таркиби – моддий таркибли бўлиб, оғир оқибатларнинг келиб чиқишини кўзда тутаяди. Жинойт сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартлари бузилиши натижасида оғир оқибат келиб чиққан вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

Экология соҳасидаги **оғир оқибатлар** тушунчаси кўриб чиқилган аввалги моддалар, ўзаро ўхшашдир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан сув объектларига тўкилиши таъқиқланган ё тўкилишига алоҳида чеклашлар (миқдори, сифат таркиби, вақти кабиларга) ўрнатилган ва ер усти ҳамда ер ости сувларининг сифатини бузиб, ёки сув объектларининг туби ва қирғоқлари ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган зарарли моддалар тўкиш ёхуд бошқа усул билан ташлашдан иборат бўлган ҳаракатларга **сув объектларини ифлослантириш** дейилади.

Сувни ифлослантириш деб, сув объектларига уларнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ва улардан фойдаланишни оғирлаштирадиган буюмлар ёки эрмаган моддалар тўкилиши ва ташланиши билан боғлиқ ҳаракатларга айтилади.

Сув тугаши деб, сув захираларининг барқарор камайиб бориши ҳамда ер усти ва ер ости сувлари сифатининг sanoat, қишлоқ хўжалиги, коммунал ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун сув ишлатиш лимитини ошириш орқали улардан нормал фойдаланишга ҳалал берадиган ёмонлашуви, сув захирасини сақлашга қаратилган гидротехника тадбирларини бажармаслик каби табиий йўл билан тиклаб бўлмайдиган ҳамда улар сифати ёмонлашуви, ўзини ўзи тозалаш имконияти йўқолиб боришидан иборат ҳаракатларга

айтилади.

Сувлар табиий хоссаларининг ўзгача ўзгариши деб, сувнинг биологик ранг-баранглиги, уларнинг физик хоссалари (шу жумладан электромагнит, шифобахш, радиациявий хусусиятлари)нинг бевосита сув объектларида ёки улар яқинида портлатиш, қуриш ва бошқа ишларни амалга ошириш туфайли салбий ўзгаришидан иборат ҳаракатларга айтилади.

Сув ҳавзасининг ахлатга тўлиб қолиши, сувдан ичиш учун фойдаланиб бўлмай қолиш, аҳолини сув билан таъминлашда узилишлар рўй бериши оғир оқибатлар жумласига киритилади.

Субъектив томондан жиноят айбнинг эгри қасд шаклида намоён бўлганда, шахс сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланишга оид тегишли қодаларни бузаётганлигини англайди, оғир оқибатлар келиб чиқишини олдиндан кўра олади ва уларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўяди, ёхуд эҳтиётсизлик шаклида намоён бўлганда, шахс оғир оқибатларнинг келиб чиқишини олдиндан кўра олади ва онгли равишда эҳтиёт чораларини кўрмасдан, бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига ҳеч бир асосиз ишонади, ёки бундай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлган ҳолатда, уларни олдиндан кўра олмайди.

Жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин. Ушбу жиноят учун мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича мансабга совуққонлик билан қараш (ЖК 207-моддаси) ёхуд ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖК 205-моддаси) билан квалификация қилинади.

§ 12. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш (ЎЗР ЖК 204-моддаси)

Жиноятнинг бевосита **объекти** – алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар – алоҳида ҳуқуқий кўриқлаш режимига эга ер, сув, ўрмон участкалари ва ер остининг бутлиги ҳамда тажовуздан сақланишини таъминлашга оид ижтимоий муносабатлардир.

Табиий мажмуалар ва табиатни кўриқлаш мақсадида, илмий, маданий, эстетик, рекреацион ва соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлган, алоҳида кўриқланадиган, давлат ҳокимияти идоралари қарори билан хўжалик мақсадида фойдаланишдан бутунлай ёки қисман чиқариб олинган, умуммиллий бойлик объектлари ҳисобига киритилган табиий ҳудудлар, яъни ер участкалари, сув юзаси ва улар устидаги ҳаво бўшлиғи жиноят **предмети** ҳисобланади.

«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида: «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат мулкидир ва унинг муҳофазасидадир. Ботаника, дендрология ва ҳайвонот боғлари бошқа шакллардаги мулк асосида ҳам ташкил этилиши мумкин», – деб белгилаб қўйилган.

Қонунчилик томонидан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сифатида: сув муҳофазаси минтақалари (зоналари), рекреация ва санитария-соғломлаштириш минтақалари, юза ва ер ости сувлари пайдо бўладиган минтақалар (дарё водийлари, кўтариш каналлари, тоғолди этаклари), нодир ва қимматбаҳо минерал конлари, махсус муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг кўриқланадиган (буфер – олд) зоналари, балиқ хўжалиги минтақалари, тақиқланган ўрмон минтақалари, давлат табиат ёдгорликлари ва табиат боғлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар кўрсатилган. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг қарорлари билан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг бошқа

тоифалари ҳам назарда тутилиши мумкин.

“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат мулкидир ва унинг муҳофазасидадир.

Ер участкалари ва бошқа табиий объектлар хусусий буюртма қўриқхоналар ҳамда табиий питомниклар ташкил этиш учун юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланишга берилиши мумкин.” (“Алоҳида муҳофаза этилидаиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунинг 6-моддаси)

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва объектларга давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, шунингдек, Халқаро Қизил китобга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвон ва ўсимликлар киради («Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўғрисида”ги қонунинг 5-моддаси).

Давлат қўриқхоналарининг ҳудудида ҳар қандай фаолият тақиқланади, илмий-тадқиқот фаолияти ва атроф табиий муҳит мониторингини юритиш бундан мустасно. Давлат қўриқхоналарида ёнғинга қарши тадбирлар ўтказилишига йўл қўйилади.

Давлат қўриқхоналари ҳудудида ҳамда уларнинг қўриқланма зоналарида тирик организмларнинг янги ва кенжа турларини иқлимлаштириш мақсадида жойлаштириш тақиқланади.

Давлат қўриқхоналарининг ёки улар қайси давлат органларининг тасарруфида бўлса, шу давлат органларининг ходими ҳисобланмайдиган фуқароларнинг давлат қўриқхоналари ҳудудида бўлишига уларда ана шу органлар ёки давлат қўриқхонаси маъмурияти берган рухсатнома бўлган тақдирда йўл қўйилади. (“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунинг 19-моддаси)

ЖК 204-моддаси 1-қисмининг объектив томони алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини катта зарар ёки бошқа оғир оқибатларни келтириб чиқарган бузиш билан ифодаланади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини бузишга қуйидагилар киритилади:

– табиий-қўриқхона фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш;

– алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни барпо қилиш ва ташкиллаштириш лойиҳалари талабларига риоя қилмаслик;

– алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланадиган чегараси ичида тақиқланган хўжалик фаолиятини амалга ошириш;

– алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланадиган чегараси ичида олдиндан экология экспертизасини амалга оширмай туриб ёки унинг хулосаларини бузган ҳолда хўжалик фаолияти юритиш;

– фалокатларнинг экологик оқибатлари ҳамда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга бошқача зарарли таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ва уни бартараф қилиш чораларини кўрмаслик;

– алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш талабларини бузиш;

– рухсат этилган кимёвий, физик, биологик ва бошқа таъсир меъёрини ошириб юбориш, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш учун берилган рухсатнома талабларига риоя қилмаслик;

– алоҳида муҳофаза этиладиган табиий объектлардаги ҳамда улар таркибига киритиш учун захирага киритилган табиат мажмуаларига зарар етказиш, бузиш ва уларни йўқ қилиб юбориш;

– алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар чегараларини бошқа мақсадлар учун ўзбошимчалик билан ўзгартириш, ажратиш олиш.

ЖК 204-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган жиноят айбдор шахс томонидан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини ҳар қандай тарзда бузиш кўп миқдорда зарар ёки бошқача оғир оқибатларни келтириб чиқарган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Бошқа оғир оқибатлар қаторига алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан кўзланган мақсадда фойдалана олмаслик, давлат кўриқхонаси ёки мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналарнинг узок муддатга ёпилиши, қиммат тиклаш ишларини амалга ошириш, ўсимликларни қайта кўчириб экиш, ҳайвон, қушларни тутиб, бошқа ҳудудларга кўчириш зарурати кабилар киради.

Зарар етказилиши ва ҳаракат (ҳаракатсизлик) ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлиги аниқланиши шарт.

ЖК 204-моддаси 2-қисмининг объектив томони алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар объектларини қасддан нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдордаги зарар етказилиши ёхуд бошқа оғир оқибатларга олиб келишида ифодаланади. ЖК 204-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган жиноят алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар объектларини қасддан нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш оқибатида кўп миқдордаги зарар ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

«Нобуд қилиш», «шикаст етказиш» тушунчалари юқорида бошқа ўхшаш жиноятларнинг таҳлилида баён қилинган.

Субъектив томондан жиноят айбнинг эгри қасд шаклида намоён бўлганда, шахс сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланишга оид тегишли қодаларни бузаётганлигини англайди, оғир оқибатлар келиб чиқишини олдиндан кўра олади ва уларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўяди, ёхуд эҳтиётсизлик шаклида намоён бўлганда, шахс оғир оқибатларнинг келиб чиқишини олдиндан кўра олади ва онгли равишда эҳтиёт чораларини кўрмасдан, бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига ҳеч бир асосиз ишонади, ёки

бундай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлган ҳолатда, уларни олдиндан кўра олмайди.

Жиноятнинг мақсади ва мотиви квалификацияга таъсир қилмайди.

Жиноят **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

Улар жумласига хусусий ва мансабдор шахслар, шу жумладан ерларида мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ва табиат ёдгорликлари жойлашган корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарлари, ушбу ҳудудларни муҳофаза қилиш ходимлари киради.

«Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар» мавзуси бўйича якуний саволлар

1. Экология хавфсизлиги талаблари ва нормалари бузилиши турларини кўрсатинг. Ушбу жиноят субъектининг ўзиги хос хусусиятлари.

2. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш нималарда намоён бўлади?

3. Атроф табиий муҳит ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни яшириш ёки бузиб кўрсатишнинг атроф муҳитни ифлослантиришнинг олдини олиш чораларини кўрмасликдан фарқи. Уларнинг ўхшашлиги нимада?

4. Атроф табиий муҳит зарарланишининг олдини олмаганлик қандай жиноий оқибатларни вужудга келтиради?

5. Атроф муҳитнинг зарарланиши деганда нима тушунилади? Ушбу ифлосланишнинг сабаблари қандай бўлиши мумкин?

6. Атроф муҳитни зарарлантирганлик учун жиноий жавобгарликнинг шартларини кўрсатинг.

7. Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартлари ёки уларни муҳофаза қилиш талабларининг бузилиши нималарда намоён бўлади?

8. Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларининг ёки уларни муҳофаза қилиш талабларининг бузилганлиги учун ким жавобгар бўлади?

9. Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузганликнинг ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан жиноятидан фарқи.

10. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш деганда нима тушунилади? Ушбу жиноят учун жиноий жавобгарликнинг келиб чиқиш шартлари.

11. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш деганда нимани тушунаси?

Ушбу қилмишни содир этганлик учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари.

12. Ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандаларига қарши кураш талабларини бузишнинг ўзига хос хусусиятлари.

13. Ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш нималарда ифодаланади? Ушбу қилмишнинг жиноий оқибатлари қандай?

14. Зарарли киёмвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарликнинг шартларини кўрсатинг.

15. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузишга қандай қилмишлар киради? Ушбу қилмиш учун жазони оғирлаштирувчи қандан белгилари мавжуд?

16. Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузганлик учун жиноий жавобгарликка тортишнинг шартлари.

17. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибларини бузишга нималар киради?

18. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузганлик учун жиноий жавобгарликка тортилишнинг шартларини кўрсатинг.



VI БОБ. БОШҚАРУВ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

§ 1. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЎзР ЖК 205-моддаси)

Жиноят объекти давлат ҳокимияти, бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳисобланади.

Қўшимча бевосита объект сифатида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар.

Объектив томондан жиноят ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, яъни мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан турли ниятларда фойдаланиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишида ифодаланади.

Ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилиш деганда **мансабдор шахснинг ўз мансаб мавқеидан фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига қарши қасддан фойдаланишини тушуниш лозим.**

Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш деганда, мансабдор шахснинг мансаб мавқеидан келиб чиққан ва бу шахс эгаллаган лавозими ваколатига берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш билан боғлиқ, бироқ ўз мазмуни бўйича тегишли органнинг фаолият олиб боришидан кўзланган мақсад ва вазифаларга зид келувчи ҳаракатларини

тушуниш лозим.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш: давлат ҳокимияти ва бошқаруви, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари мавқеига путур етказиш; ўзганинг мулкани талон-торож қилишни яшириш; турли молиявий талон-торожларни амалга ошириш; давлат, жамоат ёки бошқа ўзга мулк ҳисобидан, уни тортиб олмасдан ғаразли фойда олиш; алоҳида фуқароларга тегишли мулк ҳисобига ғайриқонуний бойиш ва бошқалардан иборат.

Ҳокимият деганда, маълум бир воситалар – ирода, нуфуз, ҳуқуқ, мажбурият, сиёсий ҳукмронлик, давлат органлари тизими орқали инсонлар фаолиятига, хулқ-атвориға таъсир этиш қобилияти ва имконияти тушунилади.

Мансабдор шахс томонидан ўз хизмат ваколатини суиистеъмол қилишга лавозимни эгаллаб турган вақт давомида ваколатларни суиистеъмол қилиш киритилади. Мансабдор шахс ўзига керакли бўлган қарорға эришиш мақсадида ўз хизмат ваколатларидан эмас, балки хизмат ёки шахсий алоқалари, эгаллаб турган лавозимнинг обрўсидан фойдаланса, жиноят таркиби бўлмайди.

Тергов органлари ва суд томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказилганлиги масаласи муайян ишнинг барча ҳолатларини эътиборға олган ҳолда ҳал этилади.

Мансабдор шахс ваколати муайян мансабни ёки вақтинчалик ёхуд махсус ваколат билан ушбу мансаб бўйича вазифани бажарувчи шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибға солинган тегишли қонунлар, низом ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган унинг компетенцияси билан белгиланади.

Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш шакллари (мансабдор шахсларнинг фаолияти соҳаси) турлича бўлиши мумкин. Улар ҳаракат ва ҳаракатсизлик орқали (мансабдор шахснинг хизмат юзасидан мажбуриятларини қасддан

базармаслиги) амалга оширилиши мумкин. Бу бўйсунувчиларнинг меҳнатидан шахсий манфаатлар йўлида ғайриқонуний фойдаланиш (масалан, ишчиларнинг шахсий дала ховлилар қурилишида, уйларни таъмир қилишда); қўл остидаги ходимларнинг меҳнاتини ўзлаштириб олиш; турар жой тақсимотида суиистеъмол қилиш; корхоналарни хусусийлаштириш жараёнида мансаб мавқеидан фойдаланиб, хусусий мулк сифатида сотиб олиш мақсадида ёки амалдор томонидан акцияларнинг анча қисмини эгаллаб олинишида мансабдор шахс ўзининг, унга яқин кишининг ёки бошқа хусусий шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб мансаб ваколатидан фойдаланиши; умумдавлат эҳтиёжларига мўлжалланган молия ва кредитни ғаразли ёки бошқа паст ниятда тижорат ташкилотларига ғайриқонуний бериб юбориш; бюджет маблағларини беҳуда сарфлаш, шу жумладан бу маблағларнинг тижорат банкларида айлантирилиши; кредит, ссуда, қимматбаҳо қоғозларни, кўчмас ва бошқа мулкни олишда ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилмаган имтиёзлардан фойдаланиш; шахсий ёки гуруҳ мақсадларида хизмат фаолияти учун тақдим этилган хоналар, транспорт ва алоқа, электрон-ҳисоблаш техникаси, пул маблағлари ва бошқа мулкдан фойдаланиш; кўра-била туриб жинойтларга йўл қўйиб бериш ҳамда уларни яшириш ва бошқалар.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ўз хусусиятларига кўра қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни фаол ҳулқ атворга орқали амалга оширишга қаратилган ҳаракатда намоён бўлади.

Ҳаракатсизлик орқали амалга ошириладиган Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ЖКнинг 208-моддасида (Ҳокимият ҳаракатсизлиги) назарда тутилган жинойтни ташкил этади.

Мансабдор шахс томонидан ўз хизмат ваколатини суиистеъмол қилишга лавозимни эгаллаб турган вақт давомида ваколатларни суиистеъмол қилиш киритилади.

Мансабдор шахс ўзига керакли бўлган қарорга эришиш мақсадида ўз хизмат ваколатларидан эмас, балки хизмат ёки шахсий алоқалари, эгаллаб турган лавозимнинг обрўсидан фойдаланса, жиноят таркиби бўлмайди.

Шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилишнинг зарурий белгиси ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказиш ҳисобланади.

Жиноят кўп миқдорда зарар ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказилган пайтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига етказилган зарар миқдорини эътироф этиш тўғрисидаги масала муайян иш ҳолатлари бўйича тергов органлари ва суд томонидан ҳал қилинади.

“Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказиш моддий зарар тарзида ҳам, бой берилган фойда тарзида ҳам, шунингдек, турли хил манфаатларга бошқача зарар етказишда, ҳокимият органларининг обрўсига путур етказишда, оғир жиноятларни яширишда ва ҳоказода ифодаланиши мумкин”.

Жиддий зиён – баҳоланадиган тушунчадир, шу боис уни расмийлаштирилган миқдорий кўрсаткичларда ифодалаш мушкул ва у фақат моддий зиёндан иборат деб қаралмаслиги лозим. Айни пайтда аксарият ҳолларда мансабни суистеъмол қилишнинг оқибати мулкий зиён етказиш бўлиб, уни аниқлашда моддий зиённинг ҳажми, моддий объектларнинг қиймати, мулкий фойда олишнинг имкони, шунга ўхшаш бошқа кўпгина омилларни инобатга олиш зарур, чунки уларнинг йиғиндиси фуқароларнинг ҳуқуқлари

ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига етказилган зарарнинг жиддийлигидан гувоҳлик беради. Зарарнинг жиддийлиги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилиш ҳамда давлат ҳокимияти тегишли идораларининг нуфузи ва ишончининг пасайиш даражаси билан аниқланиши мумкин. Етказилган зарарнинг жиддийлиги давлат ташкилотлари, муассасалари, корхоналари, жамоат бирлашмалари ва ҳоказолар фаолиятидаги бошбошдоқликда ҳам намоён бўлиши мумкин. Мансабдор шахс томонидан инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишини ҳам жиддий зиён деб ҳисоблаш зарур.

Жисмоний зиён, агар у саломатликка зарар етказишда ифодаланса, шахс ҳуқуқларининг жиддий бузилиши деб топилади.

Якка тадбиркор ёхуд ташкилотнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашув, тадбиркорлик эркинлигининг ва қонун билан тақиқланмаган бошқа фаолият тури билан шуғулланишнинг чекланиши, агар улар рақобатининг чекланиши, монополистик фаолиятга эрк бериш ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Қонун билан муҳофаза қилинаётган давлат ва жамоат манфаатларининг бузилиши давлат органлари ишида жиддий хатоликларга, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари обрўсига путур етказишда, оғир жиноятларни яширишда намоён бўлиши мумкин.

Етказилган зиён жиддий бўлмаса, мансабдор шахснинг ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиисътемом қилганлик учун жиноий жавобгарлиги истисно қилиниб, унга нисбатан интизомий ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан ўрнатилган бошқа жавобгарлик белгиланади. Келиб чиққан оқибатнинг жиддий ёки жиддий эмас деб баҳоланиши мансаб жиноятларини (ҳокимият ёки мансаб

ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансабга совуққонлик билан қарашни) фарқлашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш – моддий таркибли жиноят бўлганлиги учун, яъни шарҳланаётган моддага кўра мансабдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун модда диспозициясида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқиши зарур бўлганлиги учун улар ўртасидаги сабабий боғланиш муҳим аҳамият касб этади ва объектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланади. Ҳокимиятни ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва кўп миқдорда зарар ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказилиши ўртасидаги сабабий боғланиш аниқлангандан кейингина бу оқибатларни мансабдор шахс зиммасига юклаш мумкин.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишнинг **субъектив томони** қасддан содир этилиши билан тавсифланади. Айбдор мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб ҳаракат (ҳаракатсизлик) қилаётганлигини, қилмишининг ижтимоий хавфлилигини ва бунинг натижасида шарҳланаётган модда диспозициясида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини англайди ҳамда уларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўяди.

Жиноят **мотивлари** турлича бўлиши мумкин. Бироқ кўпинча бу ғаразли манфаатдорлик, шуҳратпарастлик, ўч олиш, ҳасад, оилапарварлик ишнинг ҳақиқий ҳолатини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилиш ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Ғаразли манфаатдорлик жиноят субъектининг ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш воситасида қандайдир фойдага эришишга интилишида намоён бўлади.

ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми бўйича ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти **субъекти**

умумий белгиларга эга бўлган субъектлардан ташқари қатор махсус белгиларга эга махсус субъект (мансабдор шахс)лар бўлиши мумкин.

Мансабдор шахс тушунчаси юридик адабиётларда анча баҳсли ҳисобланади. ЎзР ЖК VII бўлимида мансабдор шахс ва масъул мансабдор шахс тушунчалари берилган.

Мансабдор шахс – ташкилий бошқарув ёки маъмурий хўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахсдир.

Ташкилий бошқарув ваколатлари деганда, муайян фаолият участкасига, айрим ходимларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига раҳбарлик қилиш вазифалари тушунилади. Масалан, вазирликлар, идоралар, бошқармаларнинг раҳбарлари (директорлар, уларнинг ўринбосарлари, таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари ва ҳ.к.). Ушбу мансабдор шахсларнинг фаолияти кадрларни танлаш ва уларга раҳбарлик қилиш, уларни жой-жойига қўйиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилишдан иборат бўлиши мумкин.

Маъмурий хўжалик ваколатлари деганда, мол-мулкни бошқариш ва тасарруф этиш, уни сақлаш шартлари ва тартибини белгилаш, мол-мулкнинг асралишини, сотилишини таъминлаш сингари вазифалар тушунилади. Масалан, маъмурий-хўжалик қисми, таъминот, сотув раҳбари, омбор, бухгалтерия мудирлари сингарилар шундай ваколатларга эга бўлган шахслар ҳисобланади.

Мансабдор шахс ташкилий бошқарув ёки маъмурий хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимга доимий ёки вақтинча сайланганлиги ёки тайинланганлигидан қатъи назар, у мансабдор шахс деб ҳисобланаверади.

Масъул мансабдор шахс деганда:

- 1) ҳокимият вакиллари;
- 2) давлат корхонаси, муассасаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёки

вақтинча ташкилий-бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар;

3) мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколоти берилган жамоатчилик вакиллари;

4) ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар тушинилади.

Ҳокимият вакиллари жумласига ўз ваколатлари доирасида номуайян доирадаги шахсларга ёхуд ҳар қандай таркибий бўлинмаларнинг (корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг) раҳбарларига, бундай фуқаролар ёхуд корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари, уларга хизмат юзасидан бўйсунувидан қатъи назар, улар бажариши учун мажбурий қонуний талаблар қўйиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар тоифаси киради.

Ҳокимият вакиллари жумласига, Олий Мажлис депутатлари, шунингдек вилоят, шаҳар ва бошқа даражалардаги ҳокимият органларининг депутатлари; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари (прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари ва ҳ.к.); судьялар, суд ижрочилари; милиция ходимлари; барча даражадаги ҳокимлар, божхона ва солиқ хизмати ходимлари, давлатнинг турли назорат органлари ходимлари ва бошқа шу сингарилар кирадилар.

Ҳар қандай ҳокимият органида ишловчи, аммо ҳокимият ваколатлари (маъмурий ваколатлар) берилмаган шахслар ҳокимият вакиллари, деб эътироф этилмасликлари лозим.

Юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни бажариш

деганда, шахс томонидан бирон-бир ҳуқуқий муносабатни юзага келтириши, ўзгартириши ёки тугатиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг бажарилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунинг 12-моддасида: «Йиғин раиси (оқсоқоли) ва у тайинлайдиган котиб йиғин қарорлари бажарилишини, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий фаолиятини ташкил этади ва амалга оширади» дейилган, демак оқсоқол ва котиб фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ҳисобланадилар.

Қонун мазмунидан кўришиб турибдики, оқсоқол ва котиблар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ҳисобланади.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар, шунингдек шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида жойлашган юридик шахслар (уларнинг мансабдор шахслари) томонидан ижро этилиши шарт.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари уларни қабул қилган органлар ва мансабдор шахслар томонидан бекор қилиниши ёки суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.” (Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунинг 16-моддаси)

ЖК 205-моддаси 2-қисмида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилишнинг қуйидаги: а) жуда кўп миқдорда зарар етказган холда; б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб; в) масъул мансабдор шахс

томонидан содир этилганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилган.

Ушбу моддада жавобгарлик назарда тутилган жиноятни квалификация қилишда ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш айрим мансабга оид жиноятлар (масалан, мансаб сохтакорлиги (ЖК 209-моддаси); пора олишга (ЖК 210-моддаси) нисбатан умумий норма ҳисобланишини эътиборга олиш лозим.

Бундай ҳолларда, айбдорнинг қилмишини махсус норма бўйича квалификация қилиниши лозим бўлади.

“Якка тартибда иш олиб боровчи тадбиркор ёки ташкилотнинг раҳбари томонидан банкка ёки бошқа кредит ташкилотига тадбиркорнинг ёки ташкилотнинг хўжалик аҳволи ёки молиявий ҳолати тўғрисида била туриб ёлғон маълумотларни тақдим қилиш йўли билан кредит ёхуд кредит олиш учун имтиёзларнинг олиншини, кредит маблағларини ўзлаштириш ёки текинга олиш мақсади бўлмаган тақдирда Жиноят кодексининг 205 ёки 170-моддалари билан квалификация қилиш керак.

Мансабдор шахснинг кредитни ўз вақтида қайтаришдан қасддан бош тортишини ҳам, талон-торож қилиш аломатлари бўлмаган тақдирда, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш деб, агар бу хил ҳаракатлар жисмоний шахслар томонидан содир этилса, Жиноят кодексининг 170-моддаси билан квалификация қилиш керак.

Талон-торож қилиш аломатлари бўлмай туриб ноқонуний пул-кредитлар бериш ҳам Жиноят кодексининг 205-моддаси билан квалификация қилиниши зарур.

Агар иш бўйича қимматли қоғозлар чиқариш ва улар билан муомала қилишни тартибга солувчи амалдаги қонунларни бузганлик аниқланиб, Жиноят кодексининг 205-моддаси диспозициясида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлганда, бундай ҳаракатлар ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш бўйича квалификация қилиниши лозим. Бундай қонун бузишлар жумласига,

масалан, фуқароларга ва чет эллик инвесторларга эркин сотиш учун мўлжалланган акция пакетларини сотишга тўсқинлик қилиш киритилиши мумкин”.

**§ 2. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга
чиқиш
(ЎзР ЖК 206-моддаси)**

Жиноят бевосита объекти давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фаолият юритиши доирасида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Қўшимча бевосита объект сифатида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар.

Объектив томондан **жиноят ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш**, яъни мансабдор шахснинг қонунда белгиланган ваколатлари доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида ифодаланади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг объектив томонининг зарурий белгиси фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига путур етказиш кўринишидаги ижтимоий хавfli оқибатларнинг келиб чиқиши, шунингдек, қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш бўлиши мумкин.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш фақат ҳаракатлар орқали амалга оширилади.

Мансабдор шахснинг қонун белгилаб берган ваколат доирасидан четга чиққан ҳаракатлари деганда, мансабдор шахснинг ваколатини тартибга соладиган норматив ҳужжатлар ёки идоравий кўрсатмаларда белгиланмаган, яъни унинг ҳуқуқ ва ваколатларига кирмайдиган ҳаракатларни содир этиши тушунилади.

Бу ўз навбатида мансаб ваколатларидан чет чиқиш жиноятини фақатгина ҳаракат орқали содир этилишини

англариб, бу жинойт қонун мазмунидан кўриниб турибдики ҳаракатсизликдан содир этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми суд амалиётида энг кўп учрайдиган ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг бир қанча кўринишлари белгилаб ўтган бўлиб, улар қаторига кўра мансабдор шахснинг бошқа мансабдор шахс ваколатига тааллуқли ҳаракатларни амалга ошириши; қонун ва қонуности ҳужжатларида кўрсатилган, унинг ўзи томонидан фақат ўта зарур ҳолларда амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг содир этиши (масалан юқори турувчи раҳбар розилиги билан); ҳеч ким, ҳеч қандай ҳолатда бажариш ҳуқуқига эга бўла олмайдиган қилмишларни содир этишдан иборат (масалан, муайян мансабдор шахс олдига қабулга келган фуқарога нисбатан зўрлик ишлатилиши). Бундан ташқари, коллегиял амалга ошириладиган ҳаракатларни мансабдор шахснинг яқка ўзи амалга оширишини ҳам ваколат доирасидан четга чиқиш деб ҳисоблаш лозим.

Мансабдор шахс ваколати муайян мансабни ёки вақтинчалик ёхуд махсус ваколат билан ушбу мансаб бўйича вазифани бажарувчи шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинган тегишли қонунлар, низом ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган унинг компетенцияси билан белгиланади.

Мансабдор шахснинг ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиши масаласини ҳал этаётиб, унинг ваколат доирасини, уларни белгиловчи норматив ҳужжатлар ёки идоравий йўриқномаларни аниқ белгилаб олиш ва ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш аниқ ифодаланганлигини аниқлаш лозим.

Ушбу модда бўйича квалификация қилинишнинг зарурий белгиси мансабдор шахс содир этган ғайриқонуний ҳаракатларнинг унинг мансаб ваколатлари билан алоқаси ҳисобланади. Мансабдор шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари ва унинг ҳокимият ҳамда мансаб ваколати

ўртасидаги алоқанинг йўқлиги ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти таркибини ҳосил қилмайди.

«Жиддий зиён» тушунчаси ҳақида ЖКнинг 205-моддаси таҳлилига қаранг.

Агар ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жабрланувчига қасддан оғир тан жароҳати етказиш билан ўзаро боғлиқ бўлса, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 206 ва 104-моддаси билан квалификация қилиниши лозим. Қалтаклаш, баданга енгил ва ўртача оғир шикаст етказиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш қилмиши таркибига киритилиб, тегишли моддаларга кўра қўшимча квалификация қилиниши талаб қилинмайди.

Шарҳланаётган жиноят таркибининг сабабий боғланиши мансабдор шахснинг ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш ҳаракатлари ва вужудга келган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишда намоён бўлади. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиққанлик учун жавобгарлик мансабдор шахснинг ҳаракатлари ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказилган жабрланувчи (жисмоний ёки юридик шахс)га нисбатан у ёки бу ваколатларга эга бўлганидагина вужудга келади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколат доирасидан четга чиқишнинг **субъектив томони** айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Айбдор ўз қилмишининг ўзига берилган ҳокимият ва мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англайди, натижада фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиши мумкинлигини олдиндан кўра олади, шундай бўлса-да, онгли равишда унга йўл қўяди.

Жиноят содир этишнинг мотивлари турлича бўлиши мумкин (иш манфаатларини нотўғри тушуниш,

мансабпарастлик, ҳасад, ўч олиш ва бошқа шахсий адоватлар), лекин улар жиноий жавобгарликка ва жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш мотиви ва мақсади жиноят таркибининг зарурий белгилари қаторига кирмайди ва жиноий жавобгарлик келиб чиқишига таъсир кўрсатмайди. Бироқ жазо тайинланишида ҳисобга олиниши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг 1-қисми **субъекти** фақат ўн саккиз ёшга тўлган, ташкилий-фармойишли ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари берилган, масъул мансабдор шахс белгиларига эга бўлмаган шахс бўлиши мумкин (ЖК 205-моддаси).

Масъул мансабдор шахс шарҳланаётган модданинг 2-қисмида кўриб чиқиладиган жиноят таркибининг субъекти бўла олади.

Ушбу модданинг 2-қисмида **ҳокимият ёки мансаб ваколатидан четга чиқишни қуйидаги жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда:**

- а) жуда кўп миқдорда зарар етказилган ҳолда;**
- б) жиноятни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;**
- в) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.**

§ 3. Мансабга совуққонлик билан қараш (ЎзР ЖК 207-моддаси)

Жиноят бевосита объекти давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг нормал фаолият юритиши доирасида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Қўшимча бевосита объект сифатида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар.

Объектив томондан **жиноят мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида ифодаланади.**

Мансабдор шахс томонидан ўз вазифаларини бажармаслик деганда, мансабдор шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, содир этиши лозим бўлган аниқ вазифаларини бажармаслик тушунилади.

Мансабдор шахс томонидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик деганда, мансабдор шахс томонидан ўз вазифаларини ярим-ёрти, сифатсиз, кечиктириб бажариш, номигагина бажариш, муайян ишни хўжакўрсинга, кўзбўямачилик учун бажариши ва ҳ.к. тушунилади.

Мансабга совуққонлик билан қараш ҳаракат (ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик) ёки ҳаракатсизлик (ўз вазифаларини бажармаслик) билан содир этилиши мумкин.

Шуни назарда тутиш керакки, мансабдор шахснинг ҳаракати унинг томонидан ўз вазифаларини лозим даражада бажариш учун реал имкониятга эга бўлган, аммо унга лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиш оқибатида бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳоллардагина мансабга совуққонлик билан қараш, деб

квалификация қилиниши мумкин.

Ўз вазифаларини лозим даражада бажариши учун мансабдор шахсда реал имконият бўлмаганлиги, унинг ҳаракатларини мансабга совуққонлик билан қараш, деб квалификациялашни истисно этади.

Мансабга совуққонлик билан қараш учун ЖК 207-моддаси 1-қисмига кўра фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилган ҳоллардагина жиноий жавобгарлик ўрнатилади.

Шарҳланаётган жиноятга нисбатан **кўп миқдорда зарар** етказилиши деб, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдордаги зарарни эътироф этиш лозим.

«Жиддий зиён» тушунчаси учун Жкнинг 205-моддаси таҳлилига қаранг.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш билан мансабдор шахс йўлга қўйган мансабга совуққонлик билан қараш бир-бирига сабабий боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай сабабий боғланишнинг йўқлиги жиноий жавобгарликни истисно қилади.

Мансабга совуққонлик билан қарашнинг таркиби тузилишига кўра моддийдир. Жиноят объектив томонининг зарурий белгиси фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш кўринишидаги ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишидир. Жиноят кўрсатилган оқибатлардан бирининг келиб чиқиши натижасида **туғалланган** ҳисобланади.

Мансабдор шахснинг ўз мансаб вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳолларини касбий (профессионал) вазифаларини бажармаслик ёки маълум даражада бажармасликдан фарқлаш зарур. Шунинг учун масалан соғлиқни сақлаш муассасаларининг

хизматчилари (кардиолог, хирург, терапевт ва хок.) мансабдор шахс (бўлим мудир, мудир ўринбосари) сифатида хизмат қилсада, касалликни даволаш пайтида, операция жараёнида бепарволикка йўл қўйган тақдирда, бунинг оқибатида фақат тегишли ҳаёт ва соғлиқка қарши эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятлари учун жавобгар бўлишлари мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, мансабдор шахснинг малакасизлиги, тажрибасизлиги, ўз вазифаларини яхши билмаслиги туфайли ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги мансабга совуққонлик билан қараш жиноятининг таркибини ташкил этмайди.

Субъектив томондан мансабга совуққонлик билан қараш эҳтиётсизлик билан тавсифланади. Мансабга совуққонлик билан қараш – эҳтиётсизликдан содир этиладиган давлат ҳокимиятига қарши ягона жиноятдир.

Қонунда мансабга совуққонлик билан қараш мансаб ваколатларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик мансабдор шахс (масъул мансабдор шахс)нинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши эканлиги белгиланганлиги туфайли, ушбу шахсда уларни лозим даражада бажаришга реал имконияти (объектив ва субъектив) бор-йўқлигини аниқлаш тақозо этилади.

Мансабга совуққонлик билан қарашдан касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик натижасида шахсга ўртача ёки оғир тан жароҳатлари етказиш ёхуд инсоннинг вафот этиши ҳолатларини фарқлаш лозим (ЖК 116-моддаси). Шу боис шахс мансаб ваколатига тегишли бўлмаган касб юзасидан вазифаларини тўла бажармаса, у ҳолда қилмишни ЖК 116-моддаси бўйича квалификация қилиш керак. Шахснинг касб юзасидан вазифалари мансаб ваколатига тўғри келса, қилмиш ушбу модданинг тегишли қисмлари бўйича квалификация қилинади.

Жиноятнинг субъектив томони қонуннинг ўзида очиб

берилган ва мансабдор шахс (масъул мансабдор шахс)нинг мансаб ваколатларини бажаришга лоқайд ва виждонсизларча муносабати билан тавсифланади. Мансабга совуққонлик билан қараш эҳтиётсизликнинг жиноий бепарволик ёки ўзига ўзи ишониш шаклларида намоён бўлиши мумкин.

Шахсга юклатилган мажбуриятларни лозим даражада бажариш ёки бажармасликнинг объектив имконияти, биринчи навбатда, ташқи шароитлар билан боғлиқ, яъни уларни вужудга келтириш мазкур шахсга боғлиқ бўлмайди.

Мансабга совуққонлик билан қараш **субъекти** белгиланган тартибда доимий ёки вақтинча юклатилган мансаб ваколатини бажармаган ёхуд лозим даражада бажармаган мансабдор шахслар ва масъул мансабдор шахслар бўлиши мумкин

«Мансабдор шахс» тушунчаси ҳақида ЖКнинг 205-моддаси таҳлилига қаранг.

Ўрганилаётган модданинг 2-қисмида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган мансабга совуққонлик билан қараш учун жавобгарлик назарда тутилган.

ЖК 207-модданинг 3-қисмида мансабдор шахс томонидан ўз вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик:

а) одам ўлимига;

б) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларининг кўп миқдорда Ўзбекисто Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига сабаб бўлганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

“Ўзбекисто Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтиш” тушунчаси учун ЖК 182-модда таҳлилига қаранг.

§ 4. Ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЎЗР ЖК 208-моддаси)

Жиноят бевосита объекти давлат ҳокимияти ва бошқарув

органларининг нормал фаолият юритиши доирасида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Қўшимча бевосита объект сифатида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар.

Объектив томондан жиноят мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифасига кўра бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни бажармаслиги натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида, шунингдек бундай ҳаракатсизлик туфайли жиноятга йўл очилишида ифодаланади.

Жиноятни мазкур норма билан жиноятни квалификация қилиш учун мансабдор шахснинг ўз хизмат ваколатлари доирасига кирувчи ва шу ҳаракатларни бажаришининг реал имконияти мавжуд бўлгани ҳолда, бу ҳаракатларни бажармаганлигига эътибор бериш керак.

Жиноятнинг зарурий белгиси 208-моддасининг диспозициясига мувофиқ ҳокимият ҳаракатсизлиги яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажарилиши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасдан бажармаслиги фуқароларнинг манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши ҳисобланади

Йўл қўйиш деганда, жиноят содир этилишига тўсқинлик қилиши лозим ва мумкин бўлган мансабдор шахснинг жиноятнинг содир этилишига тўсқинлик қилмаслиги тушунилади.

Мансабдор шахснинг ҳаракатини ҳокимият ҳаракатсизлиги сифатида квалификация қилиш учун бу ҳаракат, қонунга кўра, унинг мансаб ёки хизмат мажбурияти ҳисобланиши керак. Йўл қўйиб бериш мансабдор шахснинг тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини

олиш имкониятига эга бўла туриб ҳеч қандай чора кўрмаслиги шаклида намоён бўлади.

Мансабдор шахс йўл қўйиб беришга олдиндан ваъда берган ҳолларда, унинг ҳаракатлари иштирокчиликда ёрдамчи, деб квалификация қилинмоғи лозим.

Мансабдор шахснинг мансаб ёки хизмат мавқеига кўра жиноят содир этишга йўл қўйиши қонунга биноан ҳокимият ҳаракатсизлиги, деб баҳоланиши керак. Йўл қўйишдаги ҳаракатсизлик тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг пайини қирқиш учун бирон-бир чора кўрмасликда ёхуд тайёрланаётган жиноятнинг, бошқа шахслар содир этган жиноят оқибатларининг олдини олиш учун чора кўрмасликда ифодаланиши мумкин.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги моддий таркибли жиноятдир. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши тарзидаги оқибатларнинг рўй берганлиги жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги жиноятга йўл қўйиш билан алоқадор бўлган ҳолларда, у жиноят содир этишга йўл қўйилган пайдан эътиборан тамом бўлган жиноят, деб топилади.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги мансабга совуққонлик билан қарашдан қасддан содир этилиши билан фарқланади. Қасддан содир этилган ҳокимият ҳаракатсизлиги жинояти ҳам тўғри, ҳам эгри қасддан содир этилиши мумкин.

Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

Шарҳланаётган модданинг **субъекти** 18 ёшга тўлган махсус – мансабдор шахс (*ЖК 205-моддаси таҳлилига қаранг*) ҳисобланади.

§ 5. Мансаб сохтакорлиги (ЎзР ЖК 209-моддаси)

Жиноят бевосита объекти давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг нормал фаолият юритиши доирасида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Қўшимча бевосита объект сифатида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар. Мансаб сохтакорлигининг предмети расмий ҳужжатлардир.

Ҳужжат юридик аҳамиятга эга бўлган факт, воқеа, ҳодисани, бирон-бир муайян ҳаракатларни гувоҳлантирувчи ёзма актдир.

Аниқ фактлар ёки ҳодисаларни тасдиқловчи, юридик аҳамиятга эга расмий ҳужжатлар умумий қоида бўйича тегишли шакл ва реквизитларга эга (бланк, штамп, печать, кириш ёки чиқиш рақами, сана, мансаб номи ва тегишли мансабдор шахснинг имзоси).

Объектив томондан **жиноят мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ёки ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштиришида, била туриб ҳужжатлар тузишида ва тақдим этишида ифодаланади.**

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилиши тарзидаги оқибатларнинг рўй берганлиги жиноятнинг зарурий белгисидир.

Мансаб сохтакорлиги ижро этилиш усулига кўра моддий ва интеллектуал кўринишларда содир этилиши мумкин.

Бу ҳолда расмий ҳужжатни сохталаштириш усули моддий бўлиши, яъни унга турли тузатишларни киритиш, ўчириш, бошқа сана билан белгилаш, асл мазмунини ўчириш ва бошқаси билан алмаштириш ва ҳоказолар ҳамда интеллектуал, яъни воқеликка ёки ишнинг ҳақиқий аҳволига тўғри келмайдиган, ёлғон, қалбакилаштирилган ҳужжат тайёрлашдан иборат бўлиши мумкин.

Ёлғон маълумотлар киритиш асл ҳужжатга ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёзувларни киритиш билан таърифланади.

Мансаб сохтакорлигининг бир тури бўлган олдиндан ёлғон ҳужжатларни тайёрлаш ва бериш, нафақат ҳужжатларни сохталаштиришдан, балки уни манфаатдор шахсга бериш орқали реализация қилишдан ҳам иборат бўлади. Мазкур қалбакилаштириш шакли бошқалардан шу жиҳати билан ҳам фарқланади, чунки унинг учун икки ҳаракат: ҳужжатни тайёрлаш ва бериш талаб этилади.

Ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳужжатнинг шакли ҳамда мазмунини тўлиқ сохталаштиришдан ҳам, асл ҳужжатларга қисман нотўғри ўзгартиришлар киритишдан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Жиноят объектив томонининг зарурий элементи фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига зарар етказиш ҳисобланади.

Ўзининг қонунчилик тузилишига кўра, мансаб сохтакорлиги моддий таркибга эга. Модда диспозициясида кўрсатилган ҳужжатга олдиндан ёлғон маълумот ёки тузатишлар киритиш орқали оқибат келиб чиққан вақтдан жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

Мансаб сохтакорлиги бошқа жиноятларни содир этиш усули ҳисобланган ҳолларда қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади. Масалан, мансаб сохтакорлиги натижасида алдов йўли билан ўзгалар мулкани талон-торож қилишни жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 209 ва 168-моддалари билан квалификация қилиш лозим. “Амалдаги қонунчиликка кўра тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг раҳбарлари ҳам мансабдор шахслар тоифасига кирадилар. Шунинг учун, мазкур мансабдор шахслар томонидан банкка ёки бошқа

кредит муассасига хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик аҳволи тўғрисида била туриб ёлгон маълумотларни тақдим қилиш йўли билан кредит ёхуд кредит олиш учун имтиёзларнинг олиниши, кредит маблағларини ўзлаштириш ёки текинга олиш мақсади бўлмаган тақдирда, агар бу хатти-ҳаракатлар оқибатида давлат ёки жамият манфаатларига жиддий зиён етказилган бўлса, Жиноят кодексининг 209-моддаси (мансаб сохтакорлиги) билан тавсифланиши керак”.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Субъектив томоннинг зарурий белгиси сохтакорликни амалга оширувчи мансабдор шахснинг ғаразли ёки бошқа манфаати ҳисобланади.

Мансаб сохтакорлиги ёлгон ҳужжатлардан фойдаланиб, бошқа жиноят содир этиш учун амалга оширилган ҳолатларда, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича, яъни мансаб сохтакорлиги ва бошқа жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш сифатида квалификация қилиниши керак.

Бошқа манфаатларни кўзлаш деганда, амалпарастлик, ошна-оғайнигарчилик, ҳақиқий аҳволни бўяб кўрсатиш истаги, ишдаги камчиликларни яшириш ва ҳ.к. тушунилади.

Мансаб сохтакорлиги негизда ғаразли манфаат субъектнинг расмий ҳужжатларга олдиндан ёлгон маълумотлар ва ёзувлар киритиш, қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш ёки тузиш ва бериш орқали моддий манфаатдорлиги ётади.

Мансаб сохтакорлиги мотиви каби, бошқа шахсий манфаатдорлик субъект ўз ҳаракатлари орқали номоддий характерга эга фойда олишидан иборат.

Жиноят **субъекти** – ўн саккиз ёшга тўлган мансабдор шахс ҳисобланади.

“Амалдаги қонунчиликка кўра тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг раҳбарлари ҳам мансабдор шахслар тоифасига кирадилар. Шунинг учун, мазкур мансабдор шахслар томонидан банкка ёки бошқа

кредит муассасига хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик аҳволи тўғрисида била туриб ёлгон маълумотларни тақдим қилиш йўли билан кредит ёхуд кредит олиш учун имтиёзларнинг олиниши, кредит маблағларини ўзлаштириш ёки текинга олиш мақсади бўлмаган тақдирда, агар бу хатти-ҳаракатлар оқибатида давлат ёки жамият манфаатларига жиддий зиён етказилган бўлса, Жиноят кодексининг 209-моддаси (мансаб сохтакорлиги) билан тавсифланиши керак”.

Мансабдор бўлмаган шахс томонидан расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар ёки ёзувлар киритилган ҳолларда қилмиш ЖК 228-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

ЖК 209-моддаси 2-қисмида шарҳланаётган жиноятнинг қуйидаги оғирлаштирувчи ҳолатлари кўрсатиб ўтилган:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги.

§ 6. Пора олиш (ЎзР ЖК 210-моддаси)

Порахўрлик – бошқарув органлари фаолияти тартибига қарши қаратилган уч мустақил мансаб жиноятлари – пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишни ўз ичига оладиган атама. Санаб ўтилган ҳар бир тажовуз ЖК 210-212-моддаларида назарда тутилган жиноятлар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда содир этилиши мумкин эмас. Улар бир-бири билан шу даражада боғлиқ бўладики, пора олиш фактининг мавжуд эмаслиги пора бериш фактини ҳам истисно этади.

Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шу билан изоҳланадики, пора олиш мансабдор шахслар томонидан ўзларининг мансаб ваколатларини ижро этишнинг ўрнатилган тартибини кескин ўзгартиради ва бу билан давлат хизмати манфаатларини қўпол бузади. Пора коррупция – ҳокимият ва бошқарув асосларини емирадиган, унинг аҳоли

олдидаги обрўсига путур етказадиган, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қиладиган хавfli жиноий ҳодисанинг нисбатан кўп тарқалган ва ўзига хос ҳодисаси ҳисобланади.

Пора олиш жиноятининг объекти ҳокимият ёки бошқарув органларининг обрўси, нормал фаолият юритиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларидир.

Пул, валюта, қимматликлари қимматбаҳо буюмлар, автомобиллар ва бошқа ҳар қандай мол-мулк, озиқ-овқат маҳсулотлари, спиртли ичимликлар, антиқа буюмлар ва ҳ.к., яъни моддий қимматга эга бўлган ҳар қандай нарсалар ёхуд мулкий хусусиятдаги наф кўриш (санаторийга йўлланма, туристик йўлланма, бирон-бир пулли хизматни кўрсатиш кабилар) поранинг предмети бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, мулкий характерга эга бўлмаган фойдалар пора предмети бўлиши мумкин эмас. Масалан, мансабдор шахс томонидан бошқа шахс манфаатларига қаратилган ўз ҳаракатлари учун номоддий характердаги хизматлар олиш: ижобий тавсифнома, тавсиянома, мақолага тақриз ва бошқалар. Муайян шартлар мавжуд бўлган ҳолда мазкур ҳаракатлар мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ёки мансаб ваколатидан четга чиқиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Мансабдор шахс томонидан бирор ҳаракат содир этилганлиги учун у билан жинсий алоқага киришиш ҳам пора предмети ҳисобланмайди, муайян шартлар бўлган ҳолларда эса мазкур ҳаракат ЖК 121-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин.

Ҳар қандай моддий қимматликлар: пул, хорижий валюта, қимматбаҳо буюмлар, қимматбаҳо қоғозлар, озиқ-овқат ёки саноат маҳсулотлари ва бошқалар **пора предмети** бўлиши мумкин. Пора предметига, шунингдек, пора берувчи томонидан текинга ёки паст нархларда амалга ошириладиган мулкий характердаги турли хилдаги хизматлар ҳам

киритилади (масалан, таъмирлаш ишларини амалга ошириш).

Шу билан бирга, мулкый характерга эга бўлмаган фойдалар пора предмети бўлиши мумкин эмас. Масалан, мансабдор шахс томонидан бошқа шахс манфаатларига қаратилган ўз ҳаракатлари учун номоддий характердаги хизматлар олиш: ижобий тавсифнома, тавсиянома, мақолага тақриз ва бошқалар. Муайян шартлар мавжуд бўлган ҳолда мазкур ҳаракатлар мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ёки мансаб ваколатидан четга чиқиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Мансабдор шахс томонидан бирор ҳаракат содир этилганлиги учун у билан жинсий алоқага киришиш ҳам пора предмети ҳисобланмайди, муайян шартлар бўлган ҳолларда эса мазкур ҳаракат ЖК 121-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин.

Объектив томондан пора олиш мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкый наф кўришида ифодаланади. Гарчи кўп ҳолларда пора бевосита ёки воситачи орқали пул бериш шаклида берилишига қарамай, шарҳланаётган жиноят предметининг серқирралиги пора олиш ва беришнинг худди шундай серқирра усулларини келтириб чиқаради. Амалиётда пора беришнинг қимматли буюмни арзон сотиш, карта ўйинида олдиндан тил бириктирган ҳолда ютқизиб қўйиш, сохта мансаб бериш ва пора олувчи, унинг қариндошлари ёки бошқа ишончли шахсларга мунтазам равишда иш ҳақи тўлаб туриш каби бошқа “ниқобланган” усуллари ҳам мавжуд.

Амалиётда шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, моддий қимматликларни олаётган мансабдор шахс моддий қимматликлар муассаса томонидан кўрсатилган хизмат эвазига олинаётганлигига ишонтириш орқали мазкур қилмишларнинг қонунийлигини кўрсатиш учун, уларни бераётган шахсларни

чалғитишга ҳаракат қилади. Пора предметлари пора олувчига – мансабдор шахсга бевосита ва воситачи – оила аъзолари, танишлар ва ҳоказолар орқали берилиши, шунингдек, пора олувчининг банкдаги ҳисоб рақамига кўчирилиши ҳам мумкин. Пора олиш усули ва шакли қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга бўлмайди.

Мансабдор шахс томонидан унинг шахсий ва ижтимоий ҳаётидаги бирор-бир воқеа муносабати билан қиймати жиҳатидан унча қиммат бўлмаган совғалар олиниши пора ҳисобланмайди. Масалан, юбилей муносабати билан унча қиммат бўлмаган қўл соати, диссертация ҳимояси муносабати билан гулдаста, конфет, фахрий унвонлар олиниши.

Олдиндан тил бириктирмаган ҳолда пора олишда айбдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал этиш вақтида пора берувчининг мотиви ва поранинг предметига эътибор қаратиш лозим. Шунинг учун, агар олинган предмет қиймати унча катта бўлмаса ва пора берувчи уни миннатдорчилик сифатида берган бўлса, у ҳолда қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятига эга бўлмаган қилмиш деб квалификация қилиниши лозим.

Мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиши деганда, нафақат мансабдор шахснинг ўз хизмат ваколатлари доирасига кирадиган ҳаракатларни содир этиши, балки бошқа мансабдор шахсларга таъсир кўрсатиши ва уларнинг ваколатларидан фойдаланган ҳолда пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши тушунилади.

Мансабдор шахс томонидан ўзининг шахсий алоқаларидан фойдаланиш хизмат мавқеидан фойдаланиш сифатида баҳоланмаслиги керак.

Мансабдор шахснинг нафақат хизмат мавқеига кирувчи ҳаракатларни балки бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатлари ўртасида пора олувчининг мансаб мавқеи билан боғлиқ бўлган ушбу шахслар муайян томонидан ҳаракатларнинг содир этилишига таъсир кўрсатиши ва

уларнинг ваколатларидан фойдаланиши жиноятни мазкур модда бўйича квалификация қилишнинг зарурий шартидир.

Пора олиш пора берувчининг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этганлик учун ғайриқонуний ҳақ олишдир.

Пора берувчининг манфаатлари деганда, нафақат унинг шахсий манфаатлари, балки учинчи шахслар, яқин қариндошлар, яқин шахслар ва бошқа шу кабиларнинг ҳам ҳар қандай манфаатлари тушунилади.

Мансабдор шахс томонидан ўз бўйсунувидаги шахслардан уларнинг манфаатлари йўлида бирор ҳаракат қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликларнинг олиниши пора олиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Бунда суд ҳукмида пора берувчи манфаатларида қайси ҳаракатни содир этиш ёки этмаслик учун пора олинганлиги кўрсатилиши лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мансабдор шахс қилмишини пора олиш деб квалификация қилиш учун пора предметини олиш вақти ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

Пора мансабдор шахс томонидан пора берувчи манфаатида муайян ҳаракатни содир этишгача бўлган вақтда (сотиб олиш пораси) ёки пора предмети мансабдор шахс томонидан пора берувчи манфаатида муайян ҳаракат содир этилгандан кейин олиниши мумкин (пора-мукофот). Бунда қилмишни квалификация қилиш чоғида поранинг олдиндан шартлашилганлиги аҳамиятга эга бўлмайди

Мансабдор шахснинг бирор-бир муқий манфаатларни кўриш ёки моддий қийматликлар олиш мақсадида ўз хизмат ёки мансаб ваколатларига кирмайдиган ҳаракатларни содир этишга қаратилган ҳаракатларини фирибгарлик (Жкнинг 168-модда) йўли билан ўзгани мулкини олишга қаратилган ҳаракат сифатида тавсифлаш лозим.

Пора олиш моддий таркибли жиноят бўлиб, у пора олувчи томонидан пора берувчининг манфаатлари кўзлаб, аниқ ҳаракатлар содир этилган ёки этилмаганлигидан

қатыи назар, пора предметининг лоақал бир қисми олинган пайтдан эътиборан тамом бўлган, деб топилади.

Олдиндан келишилган пора олувчи иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра олинмай қолган ҳолларда (масалан, пора берилаётган вақтда жинойт қидирув бўлими ходимлари томонидан жинойтнинг тўхтатилиши) қилмиш ЖК 25-моддаси 2-қисми ва 210-моддаси бўйича пора олишга суиқасд қилиш тарзида квалификация қилиниши лозим.

Қилмишни квалификация қилишда айбдор олиш ниятида бўлган пора миқдори эътиборга олиниши лозим.

Жинойтни мазкур модда бўйича квалификация қилиш учун пора предметининг мансабдор шахснинг ўзи томонидан ёхуд унинг розилиги ва ижозати билан бошқа ҳар қандай шахс томонидан олинганлиги аҳамиятга эга эмас.

Агар пора предмети фуқаролик муомаласидан чиқарилган нарсалар, масалан гиёҳванд воситалари ёки психотроп моддалар, ўқ отар қурооллар бўлса бундай ҳаракатларни ЖКнинг 210-моддаси ва ЖКнинг 271-моддаси ёхуд 247-моддалари билан жинойтлар жами тариқасида квалификация қилиш лозим.

Мансабдор пора берувчи манфаатларида ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлмаган, лекин ўзининг мансаб мавқеи туфайли мазкур ҳаракатларнинг бошқа шахслар томонидан содир этилиши бўйича чоралар кўрган ҳолларда ҳам қилмиш пора олиш сифатида квалификация қилинади.

Пора олишнинг **субъектив томони** – тўғри қасд: айбдор (пора олувчи) моддий қимматликлар ёки мулкый фойда унга ўзининг хизмат мавқеидан келиб чиқиб пора берувчи манфаатида бирор-бир ҳаракатни содир этиш ёки этмаслик учун пора сифатида берилаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди. Гарчи кўпгина ҳолларда пора олиш ғаразли мақсадда содир этилса-да, бироқ жинойтнинг мақсади ва мотиви бу қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Фақат махсус субъект – давлат, кооператив, жамоат ёки бошқа корхона, муассаса ва ташкилотларда доимий ёки вақтинчалик асосда маъмурий-хўжалик ва ташкилий вазифани бажараётган мансабдор шахс пора олишнинг **субъекти** ҳисобланади.

Пора берувчи манфаатларида ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлмаса-да, ўзларининг мансаб мавқеидан келиб чиққан ҳолда мазкур ҳаракатларнинг бошқа мансабдор шахслар томонидан содир этилиши учун чоралар кўрган мансабдор шахслар ҳам мазкур жиноятларнинг субъекти ҳисобланади.

Юридик адабиётлар ва суд-тергов амалиётида профессор-ўқитувчилар таркиби ва тиббиёт ходимларини шарҳланаётган модда бўйича жавобгарликка тортиш масаласи аниқ ҳал этилмаган. Ўқитувчи доимий равишда бирор-бир маъмурий лавозимни (ректор, проректор, декан, директор ва бошқа лавозимларни) эгаллаб турган вақтда ёки вақтинчалик ташкилий вазифаларни (қабул комиссиясининг аъзоси лавозимини) бажараётган вақтда мансабдор шахс деб топилиши мумкин.

Шифокор, агар у соғлиқни сақлаш тизимида маъмурий-хўжалик ёки ташкилий фаолият билан боғлиқ мансабда (бош шифокор, бош шифокор ўринбосари, бўлим бошлиғи ва ҳоказо мансабда) бўлсагина, мансабдор шахс ҳисобланади. Бошқа барча ҳолларда ўқитувчи ва шифокорлар ҳам ўзларининг касбий бурчларини бажарганликлари сабабли мансабдор шахс деб топилишлари мумкин эмас.

ЖК 210-моддасининг 2-қисми пора олишнинг қуйидаги квалификация қилиш таркиблари:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖК 211 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) таъмагирлик йўли билан;

г) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганлиги учун жавобгарликни назарда

тутади.

Пора олишнинг квалификация қилиш белгиси сифатида **такрорийлик** ушбу жиноятлардан бирортасини жавобгарликка тортиш муддати ўтмаган ҳолда камида икки марта содир этишни талаб этади. Агар мансабдор шахс биттаси тугатилмаган бўлган пора олишнинг икки факти бўйича жавобгарликка тортилаётган бўлса, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича пора олишга суиқасд қилиш ва такрорий пора олиш тарзида квалификация қилинади. Бунда шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қилмишларнинг турли вақтларда содир этилишида айбдорда мазкур қилмишларга нисбатан умумий эмас, балки алоҳида қасд мавжуд бўлади.

Шу билан бирга, мансабдор шахс томонидан бир неча шахслардан бир нечта пора олиш, агар уларнинг ҳар бирига алоҳида ҳаракатлар содир этилиши назарда тутилса, мазкур қилмиш такроран содир этилган жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим. Бунда ҳар бир пора берувчи манфаатида амалга ошириладиган алоҳида ҳаракатлар ўзининг мазмуни бўйича бир хил ёки ҳар хил бўлиши мумкин. Поранинг олдиндан келишилган суммаси миқдорининг мансабдор шахс томонидан оширилиши, агар бу пора берувчи манфаатларида олдинги натижани кўзлаб ҳаракат содир этилса, такрорийлик белгисини келтириб чиқармайди.

Турли усулларда пора олиш ягона давом этувчи жиноятни шакллантиради ва такрорийлик белгиси билан квалификация қилиниши мумкин эмас

Хавфли рецидивист томонидан пора олиниши ЖК 210-моддаси 2-қисми “а” банди бўйича квалификация қилиниши лозим

Таҳлил қилинаётган модда 2-қисмининг “а” бандида хавфли рецидивист ёки илгари ЖК 211 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан пора олиниши назарда тутилган

Пора олувчи томонидан порани бир неча марта «бўлиб-бўлиб» олиш, такрорий пора олишни ҳосил қилмайди.

Мансабдор шахс томонидан қонуний манфаатларининг бузилиши таҳдиди билан шахсдан пора талаб қилиши ёхуд ўзининг қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш мақсадида пора беришга мажбур бўлган аҳволга солиб қўйилиши товламачилик йўли билан пора олиш жиноятининг таркибини ҳосил қилади.

Пора берувчининг манфаатларини кўзлаб унинг қонунга хилоф талабларини бажарганлик учун пора талаб қилиш товламачилик йўли билан пора олишнинг таркибини ҳосил қилмайди.

Мансабдор шахс товламачилик йўли билан пора олишда, пора предметини ололмаган бўлса, қилмиш жиноятни содир этишга суиқасд, деб топилади.

Жиноятни содир этишда уни амалга ошириш ҳақида олдиндан келишиб олган икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахс иштирок этган бўлса, мансабдор шахснинг ҳаракатлари бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган пора олиш, деб квалификация қилинмоғи лозим. Бундай ҳолларда, жиноят мансабдор шахслардан биттаси поранинг лоақал бир қисмини олган пайтдан эътиборан тамом бўлган, деб топилади.

ЖК 210-моддаси 3-қисмида:

а) жуда кўп миқдорда;

б) масъул мансабдор шахс томонидан;

пора олганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

§ 7. Пора бериш (ЎзР ЖК 211-моддаси)

Жиноятнинг **объекти** ва предмети пора олиш жинояти таркиби белгилари билан бир хил. Бу ҳақда батафсил ЖК 210 моддаси таҳлилига қаранг.

Объектив томондан пора бериш, мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этишда ифодаланади.

Пора бериш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этишда намоён бўладиган ҳаракатларда кўринади.

Агар пора берувчи шахс мансабдор шахсни хизмат бўйича ноқонуний ҳаракатларни содир этишга жалб қилса, унинг ҳаракати нафақат пора бериш, балки мансабдор шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш билан ҳам квалификация қилинади.

Агар пора бериш бир неча ҳаракатларда содир этилса, жиноят пора олувчига поранинг ҳеч бўлмаганда бир қисми берилган пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳисобланади. Конвертга солинган пулни мансабдор шахснинг столи ёки кабинетидаги бошқа жойга қўйиш, агар бу пул олинмаган бўлса, пора беришга суиқасд қилиш ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Пора берувчи мансабдор шахсга пора предметини муқофот сифатида, ўзининг мансаб мавқеидан келиб чиқиб

унинг манфаати йўлида бирон-бир ҳаракатни содир этиши ёки этмаслиги учун берилаётганлигини англайди ва шуни хоҳлайди.

Пора беришнинг мотиви ва мақсади квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Жиноят субъекти – ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс.

Пора бериш орқали ҳаракат ёки ҳаракатсизликка эришиш учун бошқа шахсга пора таклиф этган шахс, пора берувчи сифатида жавобгарликка тортилади. Пора эвазига маълум ҳаракатларни бажаришга келишган шахс ва порани топширган шахс пора беришда иштирокчилар сифатида жавобгарликка тортилади.

Агар шахс таклиф мазмунини билиб, порани фақат топширса, унинг ҳаракатлари пора беришда воситачи сифатида квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 211-моддаси 2-қисмида:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари Жиноят кодексининг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда содир этилган проа бериш учун жавобгарлик белгиланган;

Қилмишни такроран пора бериш, деб квалификация қилиш учун пора предметининг бўлиб-бўлиб берилиши давомли жиноят эканлигини эътиборга олиш лозим, бунда айбдорнинг қасди ҳам ҳисобга олиниши керак.

Пора бериш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

в) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, қилмиш Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-моддаси 3-қисми билан квалификация қилинади.

Ушбу 211-модданинг 4-қисмида пора берувчини жиноий жавобгарликдан озод этиш шартлари кўрсатилган.

Биринчи шарт шундан иборатки, мансабдор шахснинг товламачилиги туфайли шахс пора беришга мажбур бўлган ҳолларда, у жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Иккинчидан, башарти пора берувчи жиноят содир этилганидан сўнг, бу ҳақда ўз ихтиёри билан тегишли органларга маълум қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Пора берувчи ўз ихтиёри билан арз қилиб, жиноят тўғрисида исталган ҳокимият органи (МХХ, прокуратура, суд, милиция, ҳокимиятга, маҳалла қўмитаси)га ҳар қандай кўринишда оғзаки (ёзма) мурожаат этиши мумкин. Ўз ихтиёри билан арз қилишнинг мотиви ва ундан кузатилган мақсад – фош бўлишдан қўрқиш, жазоланишдан қўрқиш, виждон даъвати ва ҳ.к. шахсни жавобгарликдан озод қилишда аҳамиятга эга эмас.

Аммо, пора берган шахснинг жавобгарликдан озод қилиниши унинг хатти-ҳаракатида жиноят таркибининг йўқлигини англатмайди, шу сабабдан бундай шахслар жабрланувчи сифатида эътироф этилмайди, уларнинг пора олувчига берган пора предметлари қайтариб берилмайди.

Пора берувчи жиноят содир этилганидан сўнг исталган вақтда, аммо бу ҳақда ҳуқуқ-тартибот органлари хабар топишидан олдин, пора берилгани тўғрисида ўз ихтиёри билан арз қилиши мумкин.

Пора берувчини жавобгарликдан озод этиш учун пора бергани ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилиш билан бир қаторда унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги ва ўз хатти-ҳаракати билан жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлиши лозим.

§ 8. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш (ЎзР ЖК 212-моддаси)

Жиноятнинг объекти ва предмети – пора бериш ва пора

олиш жинояти таркиби белгилари билан бир хил. Бу ҳақда батафсил ЖКнинг 210-211 моддалари таҳлилига қаранг.

Объектив томондан пора олиш-беришда воситачилик қилиш пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғига биноан порани бевосита беришда ифодаланади.

Воситачи пора берувчидан фарқлаш лозим. Ушбу ҳаракатлардан манфаатдор бўлган бора берувчидан фарқли равишда воситача пора берувчининг топшириғини бажараётган воситача мансабдор шахснинг у ёки бу ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслигидан бирор бир моддий мукофот ёки моддий манфаатларни қўлга киритиш кўзламайди.

Воситачи ўзганинг манфаатларини намоён қилиб, ўз номидан ҳаракат қилмайди. Пора бериш масаласини пора берувчи ўзи мустақил ҳал қилади, воситачи уни амалга оширади холос.

Пора олиш ёки бериш ҳақидаги битимга эришишга қаратилган фаолият деганда, айбдор томонидан содир этилган ёки содир этилиши пора берилишига ёки унинг мансабдор шахс томонидан олинишига хизмат қилувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатни тушуниш лозим. Масалан, воситачи пора берувчининг манфаатларини кўзлаб мансабдор шахс содир этиши лозим ёки мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни, пора миқдорини, пора бериладиган жойни ва ҳ.к.ларни келишади.

Воситачиликнинг иккинчи кўриниши пора предметининг пора берувчидан олиб, пора олувчига бевосита топширилишида ифодаланади.

Корхона, муассаса, ташкилот ёки уларнинг бўлимлари раҳбар кўрсатмаси билан била туриб унга хизмат жиҳатидан бўйсунган шахснинг воситачилик қилиши ЖК 212-моддаси билан квалификация қилиш учун асосдир.

Жиноят пора олувчи поранинг ҳатто бир қисмини олган

пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади. Агарда пора мансабдор шахс томонидан олинмаган бўлса, бундай ҳаракат пора олиш-беришда воситачилик қилишга суиқасд, деб топилади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор унинг ҳаракатлари пора олиш-бериш ҳақидаги келишувга эришиш ҳамда пора олувчи ва берувчининг топшириғи билан пора беришга йўналтирилганлигини билади ҳамда буни хоҳлайди.

Агар айбдор пора предметини пора берувчидан олиб, пора олувчига бераётганини англамаса, унинг хатти-ҳаракати мазкур моддада назарда тутилган жавобгарликни вужудга келтирмайди.

Жиноят субъекти – ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс ҳисобланади.

ЖК 212-моддаси 2-қисмида воситачилик:

а) такроран, хавфли рецедивист томонидан ёки илгари ЖК 210 ёки 211-моддаларида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;

в) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

ЖК 212-моддаси 3-қисмида пора олиш-беришда воситачилик қилиш:

а) ҳақ эвазига;

б) жуда кўп миқдорда пора олиш ёки беришда;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

г) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Хизмати эвазига ҳақ олиш тарзидаги жиноят субъектив томонининг факультатив белгиси ҳисобланувчи ғаразли манфаат мавжудлиги, қилмишни ЖК 212-модда 3-қисми “а” банди бўйича квалификация қилишни тақозо этади. Бунда ҳақ воситачилик ҳаракатлари амалга

оширилишидан олдин ёки кейин олинганлиги аҳамиятга эга эмас. Олинган ҳақ суммаси квалификацияга таъсир этмайди. Қилмишни ҳақ эвазига воситачилик содир этилган, деб квалификациялашда хизмат ҳақининг миқдори; айбдорнинг у қачон олгани, ҳақнинг воситачилик ҳаракатини содир этишдан илгари ёки кейин олинганлиги аҳамиятга эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 212-моддаси 4-қисмида пора олиш-беришда воситачилик содир этган шахсни жавобгарликдан озод қилиш шартлари кўрсатилган.

Унда пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс, жиний ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади дейилади. Бу шарт пора берганлиги ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган шахсни жиний жавобгарликдан озод қилишнинг шартига ўхшаб кетади.

§ 9. Хизматчини пора эвазига оғдириш (ЎЗР ЖК 213-моддаси)

Мазкур жиноятнинг бевосита объекти бошқарув органлари, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг обрўйи ва нормал иш фаолияти ҳамда фуқароларнинг манфаатларидир.

Жиноятнинг предмети пора олиш-беришнинг предметига ўхшашдир.

Объектив томондан ЖК 213-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган жиноят хизматчини пора эвазига оғдиришда, яъни давлат органининг, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органининг мансабдор шахс бўлмаган хизматчисига ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига, қонунга хилоф эканлигини била туриб, анча миқдорда моддий ҳақ бериш ёки уни мулкий манфаатдор этишда ифодаланади.

Моҳиятига кўра, ЖК 213-моддасининг 1-қисмида кўзда тутилган қилмиш ЖК 212-моддасида жавобгарлик белгиланган қилмиш (пора бериш)га ўхшайди, ягона фарқ шундаки, мазкур қилмишда мансабдор шахсга эмас, пора эвазига оғдиришни амалга ошираётган шахснинг манфаатларини кўзлаб, ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда хизматчи бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракат учун пора хизматчига берилади.

Моддий ҳақ бериш ёки мулкий манфаатдор этиш деганда, хизматчига уни ўзига оғдираётган шахс манфаатини кўзлаб хизмат вазифасига кирадиган ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслиги учун унга мулкий характердаги қимматликлар ёки қонуний мулкий баҳода бериладиган фойдани бериш тушунилади.

Шахс манфаатини кўзлаб, хизматчини пора эвазига оғдириш ҳаракатлари:

- ушбу ҳаракатлар ҳақ эвазига оғдирувчи, шунингдек, унинг топшириғи билан бошқа шахсларга фойда, имтиёзлар келтирса, уларнинг эҳтиёжларини қондирса;
- ҳақ эвазига оғдирилаётган шахс фаолият олиб бораётган хизмат манфаатларига зид келса, жиноят ҳисобланади.

Ушбу қилмишни жинойий жазоланадиган деб топишнинг мажбурий шарти моддий ҳақ ёки мулкий фойдани анча миқдорда беришдир

Анча миқдор тушунчаси ҳақида Жиноят кодексининг Махсус қисмининг VIII бўлимига қаранг

Қонунга хилоф эканлигини била туриб ҳақ бериш деганда, ушбу ҳаракат (ҳаракатсизлик) норматив-ҳуқуқий

ҳужжатлар ёки таъсис ҳужжатлари билан тақиқланганлиги, шунингдек, қонунга мувофиқ хизматчининг фаолият хусусиятидан келиб чиқмаслиги тушунилади.

Хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик ҳуқуқий ва фактик имкониятлардан фойдаланишда ифодаланиб, хизматчи ваколатига кирадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шунингдек, хизмат обрўи, информация олишга ушбу шахснинг ҳуқуқига асосланган, лекин ваколатига кирмайдиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни ўз ичига олади. Ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик ўз хусусияти бўйича ғайриқонуний бўлиши ёки хизматчи ишлаётган корхона, ташкилот, муассаса ва органлар қонуний манфаатига зид бўлиши лозим.

Ҳақ эвазига оғдириш шакли ва усули аҳамиятга эга эмас. Хизматчи ғайриқонуний моддий ҳақни ёки мулкӣ манфаатдорликни шахсан ўзи ёки воситачи орқали олиши мумкин.

Қонун муайян ҳаракатларни бажаришдан олдин ҳақ эвазига оғдириш билан муайян ҳаракатларни бажаришдан кейин ҳақ эвазига оғдириш ўртасидаги фарқни белгиламаган, шунинг учун улар икки ҳолатда ҳам жинойӣ қилмиш ҳисобланади.

Хизматчи уни пора эвазига оғдираётган шахс манфаатини кўзлаб жинойӣ ҳаракатларни содир этса, унинг ҳаракатини жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш керак (масалан, хизматчи ҳақ эвазига ҳужжатларни сохталаштирса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 213-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси – ҳужжат, муҳр, штамп, бланкаларни тайёрлаш, қалбакилаштириш, сотиш, фойдаланиш бўйича квалификация қилинади).

Хизматчини пора эвазига оғдириш хизматчи ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб амалга оширганлиги эвазига мулкӣ манфаатнинг бир қисмини кўлга киритган

пайтдан эътиборан тугалланган жиноят ҳисобланади.

Хизматчи олган ҳақ қонунда белгиланган кўп миқдорда кам бўлган ҳолларда унинг хатти-ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 213-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади. Агар хизматчи анча миқдордан кам миқдорда ҳақ (пора) олса, унинг ҳаракатлари ЖК 213-моддаси бўйича квалификация қилинмайди.

ЖК 213-моддаси 2-қисмида назарда тутилган қилмиш объектив томондан давлат органи, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ёки ташкилот, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаган хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ўзига оғдираётган шахс манфаатларини кўзлаб амалга оширганлиги эвазига моддий ҳақ олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлишида ифодаланади.

Моҳиятига кўра, ЖК 213-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган жиноятнинг аломатлари пора олиш аломатларидан фарқ қилмайди. Мазкур жиноятда ҳақни қонунга хилоф равишда мансабдор шахс эмас, балки хизматчи ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни бажарганлиги учун олади.

Жиноятни квалификация қилиш учун хизматчининг моддий ҳақни қачон олгани, яъни – пора эвазига уни ўзига оғдираётган шахс манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатни содир этишидан олдин ёки кейин олганлиги аҳамиятга эга эмас.

Мансабдор шахс бўлмаган хизматчининг қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий ҳақ олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши, қонунга зид бўлган ҳақнинг бир қисмини олган пайтдан эътиборан, тугалланган жиноят деб ҳисобланади.

. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир

этилади. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас. Айбдор ноқонуний тарзда хизматчига моддий бойликлар бераётганлиги ёки мулкий манфаат келтираётганлигини билади ва шуни хоҳлайди. Хизматчи томонидан пора олишда эса хизматчи моддий бойлик ва бошқа мулкий манфаатлар унга пора эвазига оғдираётган шахс манфаатини кўзлаб бирор-бир ҳаракатни содир этиш ёки бажаришдан сақланиш учун берилаётганини тушунади ва шуни хоҳлайди.

Ҳақ олаётган шахснинг мотиви ғаразлидир. Моддий бойлик ва бошқа мулкий манфаат бераётган шахснинг мотиви эса турлича бўлиши мумкин. Булар, ғаразли ният, қонунни четлаб ўтиш, жавобгарликдан озод бўлиш, хизматчи кўрсатган хизмат учун ташаккур билдириш, айбдор манфаатларини қондириш ва ҳоказо. Пора эвазига оғдириш айбдор шахс (ҳақ эвазига оғдирувчи) меҳнат қилаётган корхона, ташкилот, муассаса манфаати йўлида ҳам амалга оширилиши мумкин.

ЖК 213-моддаси 1-қисми субъекти ўн олти ёшга тўлган, ўз манфаати ёки бошқа шахслар манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган, ҳар қандай ақли расо шахсдир.

ЖК 213-моддаси 2-қисми субъекти ўн олти ёшга тўлган давлат органи, жамоат бирлашмаси, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси бўлмаган хизматчидир.

Хизматчи томонидан ғайриқонуний равишда моддий қимматликлар ёки мулкий фойда олиниши ёки уни пора эвазига оғдириш:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖК 210-212-моддаларида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, **ЖК 213-моддаси 3-қисми** бўйича жавобгарлик келиб

чиқади.

§ 10. Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш
(ЎзР ЖК 214- моддаси)

Жиноят **объекти** – давлат органининг, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг нормал фаолияти, нуфузи, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари.

Жиноят предмети моддий қимматликлар ёки мулкый йўсиндаги манфаат бўлиши мумкин.

Объектив томондан **жиноят, биринчидан, давлат органи, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмасининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахс бўлмаган хизматчисининг хизмат вазифаси доирасига кирадиган муайян ишни бажариши ёки хизмат кўрсатиши эвазига ҳақ беришни ёки мулкый йўсиндаги манфаатни талаб қилишида; иккинчидан, фуқарони қасдан ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишининг олдини олиш учун ҳақ беришга мажбур этадиган аҳволга солиб қўйишда ифодаланади.**

Товламачилик – бу хизматчининг моддий ҳақ ёки мулкый йўсиндаги манфаатдорлик олишга қаратилган ҳаракати бўлиб, унинг у ёки бу ҳаракат содир этиш борасидаги мажбурияти ва хизмат вазифаси билан боғлиқ. Лекин хизматчи уларни қасдан содир этмайди, балки ҳаракат бажарилишини пайсалга солади ёки бошқа усулда шахсни қасдан фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишининг олдини олиш учун ҳақ беришга мажбур этадиган аҳволга солиб қўяди.

Аксарият ҳолларда, бундай жиноят савдо-сотик,

маиший хизмат, фуқароларга транспорт хизмати кўрсатиш тизимида, умумий овқатланиш, турли ательелар, устахоналар тизимида, тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида содир этилади.

Қилмишни ушбу модда билан квалификация қилиш учун шахнинг ҳақ эвазига бажараётган муайян иши ёки кўрсатаётган қандайдир хизмати ана шу ходимнинг хизмат вазифалари доирасига киришини аниқлаш лозим. Масалан, умумий овқатланиш жойларида хизмат кўрсатиш, транспортнинг барча турларига чипталар сотиш, транспортда юк ташиш, тиббий хизмат кўрсатиш ва ҳ.к. шулар жумласидандир. Башарти шахс хизмат вазифаси доирасига кирмайдиган қандайдир бошқа хизматларни бажарганлиги ёки хизматлар ҳақидаги низомда кўзда тутилмаган бошқа қўшимча хизматларни бажарганлиги учун ҳақ талаб қилганида, унинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 214-моддаси билан квалификация қилинмайди.

Қонунга хилоф равишда ҳақ бериш деганда, белгиланган нарх, тарифларга қўшимча равишда маълум миқдордаги маблағни ёки беғараз бажарилиши лозим бўлган иш учун тўланган ҳақни тушуниш лозим.

Ҳақ (манфаат) беришни талаб қилиш деганда, хизматчининг ўз хизмат мажбуриятлари доирасига кирадиган маълум иш ёки хизматни бажариш эвазига моддий бойлик, пул, даромад, мулкӣ фойда беришни очикдан-очик талаб қилиши тушунилади. Ноқонуний ҳақ талаб қилиш шунда кўринадики, хизматчи бажарган иш ёки кўрсатган хизмати учун иш берувчидан аниқ белгиланган ҳақ олади ва айни маҳалда манфаатдор шахсдан мукофот (музд) талаб қилади, бу норматив-ҳуқуқӣй ҳужжатларни бузиш орқали содир этилади. Масалан, бозор маъмурияти ишчиларнинг (мансабдор шахс бўлмаган) хўжалик юритувчи субъектдан белгиланган бир марталик ва бошқа йиғимлар миқдоридан

кўп миқдорда пул беришни талаб қилиши.

Фуқарони қасддан ҳақ беришга мажбур этадиган аҳволга солиб қўйиш деганда, хизматчининг хизмат мажбуриятларини бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳолатда ҳаракатсизлик қилиши, ўз хизмат мажбуриятларини бажаришдан асоссиз бош тортиши, иш (хизмат) бажаришни пайсалга солиши тушунилади. Бу шаклга, шунингдек, белгиланган муддатда ва тегишли сифатли иш бажарилиши ёки хизмат кўрсатилишига тўсқинлик қилишга йўналтирилган ҳаракатлар киради. Хизматчи вақт йўқлиги, қўшимча ҳаракатсиз ишни бажариши мумкин эмаслиги, қўшимча қисм ва механизмларнинг етишмаслигини баҳона қилиб иш бажариш, хизмат кўрсатишдан асоссиз бош тортиши ёки пайсалга солиши мумкин.

Шахсни фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қасддан бузилишининг олдини олиш учун ҳақ беришга мажбур этадиган аҳволга солиб қўйишни квалификация қилишда субъектив томон ва хизматчининг бундай пассив ҳаракатларини амалга ошириш мақсадини инобатга олиш лозим. Акс ҳолда хизматчининг ҳеч қандай мулкӣ манфаатсиз иш (хизмат) бажаришни пайсалга солиш борасидаги пассив ҳаракатини хизмат вазифаларига виждонсизларча муносабатда бўлиш бўйича квалификация қилиш лозим бўлади.

Фуқаро бирор шахсга унинг хизмат вазифаси доирасига кирадиган муайян ишни бажарганлиги учун ўз хоҳиши билан қўшимча ҳақ тўлаган ҳолларда, ҳақ олган шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди. Масалан, яхши хизмат кўрсатгани учун шифокорга бериладиган миннатдорчилик ва ҳоказо. Жиноий жавобгарликнинг юзага келиши учун қонунга хилоф равишда талаб қилинган ҳақнинг қачон олинганлиги, яъни ҳақ талаб қилаётган шахснинг маълум ҳаракатни бажаришдан олдин ёки кейин ҳақ олиши аҳамиятга эга эмас.

Жиноятни квалификация қилишда қонунга хилоф

ҳақнинг олинган вақти, яъни унинг қонунга хилоф ҳақни талаб қилувчи шахс маълум ҳаракатни бажаришидан олдин ёки кейин олганлиги аҳамиятга эга эмас.

Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш айбдор қонунга хилоф бўлган ҳақнинг бир қисмини олган пайдан эътиборан тугалланган жиноят, деб эътироф этилади.

Агар товламачилик қилаётган шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ҳақни олиш амалга ошмаган бўлса, агар жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, унинг ҳаракатлари ЖК 25-моддаси 2-қисми ва ЖК 214-моддаси 1-қисми бўйича товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилишга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилинади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Айбдор шахс ижтимоий хавфли ҳаракат содир қилаётганлигини англайди, ўзинин ҳаракати фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузишини билади (тушунади) ва шуни хоҳлайди.

Жиноятнинг мотиви— ғаразли.

Жиноят **субъекти** ўн олти ёшга тўлган, давлат органи, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, ташкилот, муассаса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ишлаётган шахс бўлиши мумкин.

ЖК 214-моддаси 2-қисмида:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) кўп миқдорда ҳақ беришни талаб қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

§ 11. Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш.

(ЎЗР ЖК 215-моддаси)

Жиноят **объекти** — республика шаъни ва обрўйи, шунингдек, суверен давлатнинг рамзларидан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир.

Жиноятнинг предмети Ўзбекистон Республикаси ёки

Қорақалпоғистон Республикасининг давлат байроғи, давлат герби, давлат мадҳиясидир.

Давлат рамзларидан фойдаланиш тартибини белгиловчи масалалар, давлат рамзлари ва уларнинг намуналарининг мувофиқлигини назорат қилишни амалга ошириш масалалари ва бошқа масалалар 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат герби тўғрисида”ги Қонуни ва 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

Давлат байроғи, герби, мадҳияси республиканинг суверен, мустақил давлат эканлиги тимсоли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат герби давлатнинг суверен республика рамзини ифодалайди. Қонунга мувофиқ, давлат герби давлатнинг расмий эмблемаси ҳисобланади ва қуйидагиларда акс этади:

Президент девони, Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари биноси устида ва бошқаларда; давлат органлари муҳрларида, бланкаларида, пул белгилари, қимматли қоғозлар, Ўзбекистон Республикаси фуқаро паспорти, расмий ҳужжатлар ва бошқаларда.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Республика давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонда: Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қуйидаги ҳолларда кўтарилади:

1. доимий суратда: Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи

- Кенгеси ва Ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, судлар, Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг биноларида;
2. халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган бинолар ва уйларда – бутун сессия давомида;
 3. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган байрам кунларида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, бошқа давлат ва жамоат идоралари биноларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, шунингдек, турар жой биноларида;
 4. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари сайлови ёки референдуми кунларида – овоз бериш ўтказилаётган бинолар ва хоналарда;
 5. Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия, савдо ваколатхоналари ва консуллик муассасалари биноларида ва ҳаракатланиш воситаларида – дипломатия протоколининг халқаро қонун-қоидаларига мувофиқ;
 6. чет элдаги республикага қарашли бўлган, расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазири, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа вазири, Ўзбекистон Республикаси дипломатия консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари тушган денгиз кемаларида ва дарё кемаларида ва бошқа ҳаракатланиш воситаларида;

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фармойишига мувофиқ;
8. республиканинг давлат ва жамоат идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган маросимларда, тантанали тадбирларда;
9. спорт майдонларида – Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва биринчиликларини, миллий терма командалар иштирокидаги халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш чоғида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг спорт терма командаларидан вакил бўлган халқаро мусобақа ғолибларини мукофотлаш муносабати билан маросимлар ўтказиш вақтида кўтарилади.

Давлат мадҳияси давлат ва унинг суверенитетининг расмий тимсоли ҳисобланади.

Барча давлат аҳамиятига молик бўлган тадбирлар жойлардаги ҳокимият органлари томонидан байроқни кўтариш ва мадҳия садолари остида очик ва ёпик деб эълон қилинади. Давлат мадҳияси бўлмиш кўшиқ матни ва мусиқий композицияси давлат рамзи ҳисобланиб, барча расмий тадбирлар очилишида давлат номидан янграйди.

Жиноят **объектив томондан** айбдорнинг давлат рамзларига ҳурматсизлик қилишда ифодаланадиган фаол ҳаракатлари билан содир этилади.

Ҳурматсизлик қилиш қонунга хилоф, ижтимоий хавфли ҳаракатда ифодаланиб, масалан: байроқ ёки гербни йиртиш, йўқ қилиш, шикаст етказиш, шунингдек, уларни булғовчи белги, расмлар ёки ёзувлар киритиш, мадҳияни ижро этишда мусиқа ва сўзларни қасдан бузиб айтиш ва ҳоказолар билан содир этилади. Бундай ҳаракатлар ошқора ёки яширин тарзда содир этилиши мумкин.

Айбдор шахсни жавобгарликка тортиш учун бирор-бир оқибат юзага келиши шарт эмас.

Агар давлат мулкани йўқотиш ёки зарар етказишда ифодаланадиган муайян оқибатлар юзага келса, бу қилмишни

квалификация қилишда эътиборга олиниши лозим. Давлат герби ёки Давлат байроғини йўқ қилиш ёки шикаст етказиш давлат мулкига зарар етказган ҳолда содир этилса, ЖК 173-моддаси 1-қисми бўйича, агар кўпчилик учун хавфли усулда ёки кўп миқдорда зарар етказилиб содир этилса, ЖК 173-моддасининг 2-қисми бўйича қўшимча квалификация қилиниши керак.

Жамиятдаги хулқ-атвор қоидаларини бузиб, баданга шикаст етказиш ёки ўзгалар мулкига зарар етказиш ёки уни нобуд қилиш, оммавий жойларда давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 215-моддаси ва ЖК 277-моддаси (безорилик) бўйича квалификация қилинади.

Давлатнинг конституцион тузимини зўрлик билан ўзгартиришга қаратилган шаклда ифодаланган Давлат байроғи, Давлат герби ёки Давлат мадҳиясига нисбатан ҳурматсизлик қилиш ҳаракатларини қўшимча равишда ЖКнинг 159-моддаси билан квалификация қилиш талаб қилинади.

Ҳурматсизлик содир этилган вақтдан бошлаб, яъни давлат рамзларининг моҳияти ва аҳамиятини бузиб талқин этиш, ноқонуний мақсадларда улардан фойдаланиш ва бошқа шу каби бирор-бир ҳаракатларни амалга оширган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган деб эътироф этилади. Жиноятни тугалланган деб топиш учун бирор бир жиноий оқибатнинг юзага келиши талаб қилинмайди.

Субъектив томондан давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш жинояти айбнинг тўғри қасд шакли билан содир этилади. Жиноят мотивлари турли хил бўлиши мумкин, лекин улар айбдорнинг жавобгарлигига таъсир қилмайди.

Жиноят **субъекти** ўн олти ёшга тўлган шахс бўлиши мумкин. ЖК 215-моддаси бўйича нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

14 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар фақатгина кўпчилик учун хавfli усулда ёки кўп миқдорда зарар етказиб, давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш билан боғлиқ ҳаракатлари учун ЖК 173-моддаси 2-қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

§ 12. Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш (ЎЗР ЖК 216-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти жамоат бирлашмаларини тузиш ёки фаолиятнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

Жиноятнинг факультатив объекти жамиятнинг ахлоқий негизлари, жамият хавфсизлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”, – дейилади.

Конституциянинг 34-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас”, – деб таъкидланади.

Жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолияти ва уларни ташкил этиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, 1998 йил 1 майдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 14 апрелдаги “Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунлари билан

тартибга солинади.

“Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади”, – дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасида.

Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ: “Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма **жамоат бирлашмасидир**”.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, фондлар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Жамоат бирлашмаларининг турлари, улар фаолиятининг тартиби ва шартлари, аъзолик, таъсис ҳамда фаолият ва ташкил этиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар, шунингдек, бошқа масалалар ечими ушбу қонун билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари,

масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) **диний ташкилотлар** деб эътироф этилади.

Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади.

Диний ташкилотлар фаолияти, тартиб-шартларини, ҳужжатларни мувофиқлаштириш, рўйхатга олиш шарт-шароитлари ва бошқа масалалар ушбу қонунга мувофиқ ҳал этилади.

“Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади”, – деб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида таъкидланади. Ушбу моддага кўра, махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

“Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек, конституциявий тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан синфий, шунингдек, ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўйилмайди.

Ҳарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуролли тузилмалар, шунингдек, диний характерга эга бўлган

партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа тузилмавий бўлинмалар ташкил этиш тақиқланади.

Аҳолининг саломатлиги ва ахлоқига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларига тажовуз қиладиган жамоат бирлашмаларини тузиш ман этилади.

Жиноят объектив томондан тақиқланган жамоат бирлашмаларини тузиш ёки улар фаолиятини қайта тиклашда, бундай бирлашмалар фаолиятида фаол иштирок этишда ифодаланади.

Тақиқланган жамоат бирлашмасини ёки диний ташкилотни тузиш деганда, тақиқланган жамоат бирлашмасини ёки диний ташкилотни ташкил этиш мақсадида содир этилган ҳар қандай хатти-ҳаракатни тушуниш керак. Масалан, фаолияти тақиқланган бирлашмаларга одамларни жалб қилиш, уларнинг низом ва дастурларини ишлаб чиқиш, бундай бирлашмалар учун жой излаб топиш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Қилмишни квалификация қилиш учун жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни тузиш ғайриқонуний, яъни рўйхатга олиш тартибини бузиш, бутун фаолияти ҳуқуққа қарши, зид бўлган ҳаракатлар бўлиши зарур.

Қонунчиликка мувофиқ, жамоат ёки диний ташкилотлар тузиш учун қуйидагилар талаб қилинади:

- биринчидан, жамоат бирлашмалари (диний ташкилотлар) ҳаракатлари ва тузиш мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив актлари ва республика кўшилган халқаро конвенциялар ва келишувларга қарши руҳда бўлмаслиги керак;
- иккинчидан, адлия муассасаларида рўйхатдан ўтиш каби талабларга оид ўрнатилган тартибга риоя қилиш зарур;

—учинчидан, бундай ташкилотларга аъзоликка доир бир қатор иш юритиш қоидаларига риоя қилиш, таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси, низом)га мувофиқ шакл ва мазмунда бўлиш, шунингдек, бошқа қоидалар, яъни жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотлар тузиш ва фаолиятини амалга оширишни белгиловчи қоидаларга риоя қилиши лозим.

Ушбу қонунчилик ҳолатларини бузиш ғайриқонуний ташкилот деб квалификация қилиш учун асос бўлади.

Тақиқланган жамоат бирлашмалари ва (ёки) диний ташкилотлар фаолиятини қайта тиклаш деганда, суд тартибида тақиқланган жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотлар фаолиятини давом эттириш ҳаракатларини содир этиш тушунилади. Бу ҳаракатлар бирлашма фаолиятини молиялашни давом эттириш, унинг аъзоларини йиғиш, шунингдек, бошқа ҳар қандай фаолият: унинг фаолиятини тарғиб, ташвиқ қилиш, маблағларни йиғиш ва янги дастурлар ишлаб чиқиш, тугатилган жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотлар номидан тақиқланган фаолиятларни давом эттиришга ташвиқ қилиш ва шу кабилар тушунилади.

Тақиқланган жамоат бирлашмаси ёки диний ташкилот фаолиятини қайта тиклаш фақатгина суднинг тугатилган ва тақиқланган фаолиятни тиклаш тўғрисидаги қарори ва ушбу ҳужжатнинг қонуний кучга кириши асосида содир бўлади.

бирлашма) таркибида қандайдир фаолиятни бажариш тушунилади. Яъни бирлашма (ташкилот) мақсадини тан олиш ҳамда шу мақсад йўлида турли хил ишларни бажариш, ғайриқонуний бирлашма (ташкилот) фаолиятини таъминлаш ва шу кабиларда ифодаланади. Оддий қатнашувнинг ўзи қонуннинг моҳияти бўйича алоҳида жиноят ва жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди, балки фақат фаол қатнашувгина жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ғайриқонуний ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиш деганда, ғайриқонуний ташкилотлар фаолиятида ҳар қандай хатти-ҳаракатлар билан қатнашиш,

жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тугатилганлиги ҳақидаги қарор бўлишига қарамай, унинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган, шунингдек, бошқа фаолият, бу ташкилотларнинг ноқонуний фаолиятларини амалга оширишга ёрдам берувчи хатти-ҳаракатлар тушунилади. Фаол иштирок этиш сифатида бундай бирлашма (ташкилот)ларнинг турли хил фаолиятларини бажарувчи, унинг мақсадидан келиб чиқувчи ва эришиш воситалари ўлароқ, турли ҳаракатларни бажариш: вазифаларни тақсимлаш, ички бошқарувни амалга ошириш ва бошқаларга раҳбарлик қилиш муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари, фуқароларни фуқаролик бурчларини бажармасликка чақирувчи, бундай ташкилотлар таркибида доимий вазифаларни бажарувчи ва шу каби бошқа ҳаракатларини амалга оширишини фаол иштирок этиш деб этироф этиш лозим.

Жиноят тақиқланган жамоат бирлашмаси ёки диний ташкилот тузиш ёки фаолиятини қайта тиклаш, уларнинг фаолиятида фаол қатнашиш ҳаракатлари содир этилган вақтдан бошлаб **туғалланган** деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор шахс ўзининг тақиқланган жамоат бирлашмаси (диний ташкилот) тузиш ёки фаолиятини қайта тиклаш каби қилмишининг ижтимоий хавфли эканлигини англайди ва ушбу фаолиятни амалга оширишни истайди. Тақиқланган жамоат бирлашмаси (диний ташкилот) фаолиятида фаол иштирок этувчи шахс ўзининг унга мансублигини, унинг таркибидаги амалий ҳаракатларнинг аҳамияти ва ўрнини ва шу кабиларни англаб етади ва унда иштирок этишни истайди. Жиноятнинг мотив ва мақсади квалификация қилишга таъсир қилмайди.

Жиноят **субъекти** ўн олти ёшга тўлган тақиқланган жамоат бирлашмасининг фақат ташкилотчилари ёхуд фаол қатнашчилари бўла олди.

§ 13. Файриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш (ЎзР ЖК 216¹-моддаси)

Жиноятнинг бевосита **объекти** – суд томонидан тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиб ва фаолиятини амалга ошириб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг нормал фаолиятини бузиш. Жиноятнинг факультатив объекти – диний тенг ҳуқуқлилиқ, диний бағрикенглиқ, фуқароларнинг иродасини эркин билдириши, бирлашмаларга бирлашиш конституциявий ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалардан келиб чиқувчи жамоат хавфсизлиги.

Объектив томондан жиноят Ўзбекистон Республикасида тақиқланган жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотлар, оқимлар, сеткалар фаолиятида иштирок этишга ундашда ифодаланади.

Жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар тушунчалари ҳақида ЖК 216-моддаси таҳлилига қаранг

Диний оқим бу диний конфессиянинг бир йўналиши, фуқароларни белгиланган оқимга диний белгилар орқали, лекин диний маросим ва удумларни амалга оширишда фарқ қиладиган бирлашмаси (масалан, католик, православ ва бошқалар).

Диний секта – турли диний оқимларга мансуб кишиларнинг диний, конфессионал аломатларга кўра бирлашган гуруҳи, жамоаси (масалан, ваҳҳобийлик ва бошқалар).

Жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш ҳар хил усуллар ва воситалар билан амалга оширилиши мумкин. Бу инсонни ёки унинг яқинларини бундай ташкилот фаолиятида қатнашиш учун жисмоний мажбурлаш бўлиши мумкин. Ундашни кишининг жамоат бирлашмасида, кўпроқ диний ташкилот фаолиятида қатнашгандан сўнг, унинг гуноҳлари ва бошқалар кечирилишини ваъда қилиб алдов йўли билан амалга ошириш

мумкин. Кўп ҳолатларда жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш моддий рағбатлантириш (пул, нарса, мулк ва бошқа қимматбаҳо нарсалар) воситасида амалга оширилади. Ундан ташқари, ундаш тарғибот, ташвиқот йўли билан ва шу сингари ташкилотлар фаолиятида қатнашишга чақириш орқали амалга оширилади.

Бундан ташқари жамоат бирлашмалари фаолиятида қатнашишга ундаш агитации, тарғибот, чақирувлар шаклида амалга оширилиши мумкин.

Агитация кўпинча тақиқланган ёки ғайриқонуний диний ташкилотлар ёхуд жамоат бирлашмаларининг асосий ғоялари ҳамда улар фаолиятида иштирок этишга чақирувчи оғзаки ва ёзма шаклда чоп этган ҳолда кенг кўламдаги аҳоли қатлами орасида олиб борилади.

Пропаганда (лот. propaganda – тарғиб қилиш) – бирор ғоя, фикр, таълимот ва билимларни чуқур тушунтириш ва тарғиб қилиш; кенг оммага ғоявий таъсир кўрсатишдир

Чақирувлар деганда, маълум ёки номаълум доирадаги шахслар орасида маълум бир жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш мақсадида ташқи томондан инсонларда бу ҳақда илиқ туйғулар уйғотишга қаратилган ҳаракатлар тушунилади.

Ушбу таҳлил қилинаётган моддани квалификация қилишда жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларнинг ғайриқонуний хатги-ҳаракатлари муҳим омил ҳисобланади. У ушбу жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотлар суд қарори билан тугатилган ёки улар ўрнатилган қонунларга риоя қилмаганлиги сабабли тегишли органлар томонидан рўйхатга олинмаган бўлади. Жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларнинг қонунийлиги ҳақида ЖК 216-моддаси таҳлиliga қаранг

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунида асосий умумий принцип сифатида белгиланишича: “Жамоат бирлашмалари ўз аъзолари

(қатнашчилари)нинг ихтиёрийлиги, тенгҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошқоралик асосида тузилади ва ҳаракат қилади”. Ушбу принципга асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ихтиёрий равишда ҳар хил жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиши мумкин ва уларни жамоат бирлашмаларига мажбурлаш йўли билан киритишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қонунчилик диний ташкилотларнинг ҳам фаолиятини шу тартибда қатъий белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси – дунёвий давлат. Давлат динни ва одамларнинг эътиқодини ҳурмат қилиб ва тушуниб, инсоннинг виждон эркинлигини тан олади, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка, диний удумларда, расм-русумларда қатнашиш-қатнашмаслик ҳуқуқини беради. Лекин, шу билан бирга, одамларнинг эътиқодни танлашда, диний ташкилотларда қатнашганда таъсир қиладиган ҳар қандай ноқонуний таъсирлардан ҳимоялайди. Шу сабабли, ҳар қандай ноқонуний диний ташкилотларга ундаш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги инсоннинг бирлашиш ва виждон эркинлиги ҳуқуқларини тан олиб ҳамда бундай бирлашма бўлиши кераклигини ўрнатиб, жамоат бирлашмаларига қатнашишга ундашни тақиқлайди.

Ушбу шарҳланаётган моддада айбдор шахснинг қилмишини квалификация қилишда ушбу айбдор шахсга нисбатан бир йил давомида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 202¹-моддаси бўйича маъмурий жавобгарлик қўлланганини аниқлаш зарур. Фақат маъмурий преюдиция бўлган тақдирда, яъни айбдор шахсга нисбатан шунга ўхшаш қилмиши учун маъмурий жазо қўлланган бўлса ҳамда ушбу қилмишни маъмурий жазо қўллангандан сўнг бир йил давомида содир этса, у ЖК 216¹-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга жиноий ундаш формал

таркибли жиноятдир. Ушбу жиноятни тугалланган деб ҳисоблаш учун ғайриқонуний жамоат бирлашмалари фаолиятида қатнашишга ундаш ҳаракатларини содир этишнинг ўзи кифоя, шарҳланаётган модда учун қилмишнинг оқибати аҳамиятга эга эмас. Агар ундаш усулларида бирида жисмоний куч ишлатилса, айбдор шахснинг қилмиши жиноятлар мажмуи тариқасида шарҳланаётган модда ва жавобгарликни талаб қилувчи соғлиққа қарши жиноят бўйича квалификация қилинади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасдан содир этилади. Айбдор шахс бошқа шахсни ғайриқонуний жамоат бирлашмаси, диний ташкилот, оқим ёки секта фаолиятида қатнашишга ундаётганлигини англайди ва бошқа шахсларни ҳам ундашни хоҳлайди. Жиноятнинг мотив ва мақсади квалификация қилишга таъсир қилмайди.

Ушбу жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

§ 14. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунлар ҳужжатларини бузиш (ЎзР ЖК 216²-моддаси)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 61-моддасида “диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”, деб белгиланган.

Ушбу жиноятнинг бевосита объекти диний ёки бошқа ташкилотлар, йиғинларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятининг белгиланган тартиби ҳисобланади.

Объектив томондан, ЖК 216²-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят, биринчидан, яширин равишда диний фаолиятни амалга оширишда; иккинчидан, диний ташкилот раҳбарларининг ташкилот низомини рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлашида; учинчидан, дин арбоблари ва диний ташкилотларнинг аъзолари томонидан махсус

болалар ва ўсмирлар йиғинларининг ташкил этилиши ва ўтказилишида; диний маросимларга алоқаси бўлмаган адабиётларни тарқатиш ва бошқа тўғараклар, гуруҳларнинг ташкил этилишида ифодаланади.

Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш деганда, қонун билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ва диний фаолиятни тегишли рухсат олмасдан амалга оширувчи турли диний ташкилотлар оқимлар, конфессиялар ва ҳоказоларнинг ташкил этилиши ёхуд ташкилотнинг таъсис ҳужжатлари ёки диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган мақсад, вазифалар ва фаолият билан шуғулланишни тушуниш лозим. Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний ташкилотларни рўйхатга олиш эса тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Диний ташкилотларни рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

—диний ташкилот тузиш ташаббускорлари бўлган, юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси имзолаган ариза;

—диний ташкилотнинг устави;

—таъсис йиғилишининг баёни;

—тузилаётган диний ташкилот жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;

—рўйхатга олиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органини рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

—таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг раиси ва котиби имзо қўйган ариза;

- диний ташкилотлар марказий бошқарув органининг устави;
- таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг баёни;
- таъсисчилар ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- раҳбар орган жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;
- рўйхатга олиш йиғими тўлангани тўғрисидаги ҳужжат.

Диний ташкилотлар ҳамда уларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади.

Адлия органлари қўшимча материаллар талаб қилиб олишга ҳамда тегишли органларнинг (эксперт) хулосасини олишга ҳақли. Бундай ҳолда қарор рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан уч ойлик муддатда қабул қилинади.

Диний ташкилотнинг уставига киритилган қўшимчалар ва ўзгартишлар диний ташкилотни рўйхатга олиш каби тартиб ва муддатларда рўйхатга олиниши лозим.

Ушбу жиноят яширин диний фаолият билан шуғулланилган пайтдан эътиборан тугалланган, деб топилади.

Диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши деганда, юқорида келтириб ўтилган қоидалар, ҳаракатлар, талабларни бажармаслик, яъни диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни (устав, фуқаролар имзолаган ариза, таъсис йиғилиши баёни ва бошқаларни) тақдим қилмаслик тушунилади.

Мазкур жиноят ташкилот рўйхатдан ўтказилишдан бўйин товланган пайтдан эътиборан тугалланган деб эътироф этилади.

Диний маросимларга алоқаси бўлмаган болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғинлари, меҳнат, адабиёт ва бошқа тўғараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш

деганда, ана шундай йиғинлар учун зарур иш ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилиши, зарур адабиётлар танланиши ва ҳ.к.ларни тушуниш лозим.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар таъмин этилади.

Шу сабабдан, руҳонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан қандайдир тадбир, болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, таълим аҳамиятига эга бўлган тадбирларни тегишли халқ таълими органлари ва ота-оналар розилигисиз ташкил қилиш ва ўтказиш ман этилади. Бундан ташқари, қонунчиликда: “Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди”, – деб белгиланган.

Маълум бир диний амални эгаллаган, шу лавозимга тайинланган ва муайян диний маълумотга эга бўлган шахс **руҳоний** деб эътироф этилади.

Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жинояти ЖК 216²-моддаси диспозициясида кўрсатиб ўтилган ҳаракатлардан бирининг содир этилиши билан, яъни нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, руҳонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек, диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш каби ҳаракатлар содир этилган вақтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади. Қилмишни жиноий деб топиш учун жиноий оқибатларнинг келиб чиқиши талаб қилинмайди. ЖКнинг 216² - модда

маъмурий преюдицияга эга.

ЖК 216²-моддасининг 2-қисмида бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган ҳаракатлар (прозелитизм) ёки бошқа ҳар қандай миссионерлик ҳаракатлари учун жавобгарлик белгиланган.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар тарғибот-ташвиқот қилиш, эътиқод қилувчининг виждон эркинлигига қарши мажбуран бошқа конфессияга киритиш, ҳақ бериш, мулкӣ манфаатдор қилиш воситасида ва ҳоказоларда ифодаланади.

Бошқа миссионерлик фаолияти деганда, диний ташкилотлар, руҳонийлар, конфессия аъзоларининг ўз конфессияларига тарғиб қилувчи тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиши, турли хил ёрдамлар кўрсатиш орқали тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, диний ва ибодат маросимларини ўтказиш йўли билан бир конфессиядан бошқасига киритишга йўналтирилган хатти-ҳаракатлар тушунилади.

ЖК 216²-моддаси 2-қисми билан, яъни бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти билан шуғулланган шахсни жавобгарликка тортиш учун, ушбу қилмиш учун маъмурий жавобгарликка тортилган айбдор шахс бу қилмишни бир йил мобайнида содир этган бўлиши лозим.

Субъектив томондан ЖК 216²-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят тўғри қасддан содир этилади.

Жиноятнинг мотив ва мақсади квалификация қилишга таъсир қилмайди. Жиноят **субъекти** нолегал диний фаолият билан шуғулланувчи диний ташкилотларнинг раҳбарлари ёхуд дин арбоблари ва диний ташкилотларнинг аъзолари, диний маросимга алоқаси бўлмаган болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғинларини, меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғаракларни ҳамда гуруҳларни ташкил этувчи ва ўтказувчи

ўн олти ёшга тўлган шахслар бўлиши мумкин.

§ 15. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш (ЎзР ЖК 217-моддаси)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида: “фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намоёишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар, ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга”, эканлигини белгиланган.

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар ўтказишнинг ўрнатилган тартибини ўз ичига олувчи ижтимоий муносабатлар жиноятнинг бевосита объекти ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бир меъёردа фаолият юритиши, жамият хавфсизлиги шарҳланаётган жиноятнинг факультатив объекти ҳисобланади.

Объектив томондан ЖК 217-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган жиноят, биринчидан, йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартибини уларнинг ташкилотчиси томонидан бузишда ифодаланади.

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар уюштириш деганда, қонунда белгиланмаган тартибда ўтказиладиган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар ўтказиладиган жой, ўтказиш шакли, жойи ва вақтини, ҳаракатланиш йўналишини, иштирокчиларни жалб этиш тартибини, сўзга чиқувчиларни танлаш ва бошқа ҳаракатларни белгилаб олиш тушунилади.

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишларини ғайриқонуний уюштириш турли ҳаракатлар, масалан, бундай тадбирларни ўтказишга давлат ҳокимият

органининг розилиги талаб этилса, бу ҳақда уларни хабардор этмасдан ўтказиш; бундай тадбирларни ташкил этиш жараёнини, фуқароларни жалб этиш тартибини бузиш; йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишларни ташкил этиш учун моддий-техник воситалар ажратиш ва бошқалар орқали ифодаланади.

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар ўтказиш деганда, шундай тадбирларни ўтказиш мақсадида ташкилий масалаларни фактик жиҳатдан бажариш ва ҳоказолар тушунилади.

Рухсат берилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишларини уюштириш – бу фуқароларнинг бирлашиши ва муайян шахслар, ташкилотлар, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги воқеаларга нисбатан ўз муносабатларини оммавий намойиш этишлари, кўча бўйлаб оммавий ташкил этилган ҳаракатда фуқароларнинг ўз ижтимоий-сиёсий кайфиятини турли кўргазмали воситалар ёрдамида ифодалашини ўз ичига олувчи тегишли тадбир ташкилотчисининг ғайриқонуний ҳаракатлари. Бу муайян ёпиқ биноларда ғайриқонуний йиғилишлар ва митинглар ўтказиш, бундай тадбирлар ўтказилиши ҳақида мурожаатномада белгиланган мақсадлар, унинг бошланиши ва тўхтатилиши вақтига риоя этмаслик, ғайриқонуний тадбирни тўхтатиш тўғрисидаги ҳокимият органларининг қонуний талабларига бўйсунмаслик ҳамда бошқа тартибларга риоя этмасликда намоён бўлади.

Йиғилиш деганда, фуқароларнинг олдиндан белгиланган вақт ва жойда (бино ёки очик ҳавода) биргаликда бевосита иштирок этиш ва бирор-бир муаммо юзасидан биргаликда қарор чиқариш шакли тушунилади.

Митинг деганда, фуқароларнинг жамият ҳаётидаги бирор нарса юзасидан ташкилот ёки мансабдор шахсларга нисбатан ўзларининг муносабатини оммавий равишда билдириш мақсадида кўпинча очик ҳавода ўтказиладиган оммавий йиғилиш тушунилади.

Кўча юришлари – бирор-бир муаммо юзасидан ҳокимият органлари ва жамоатчиликнинг эътиборини тортиш мақсадида шахсларнинг кўчада, даҳада ташкилий ёки оммавий ҳаракатланиши.

Намойиш – бирор-бир муаммо юзасидан бир гуруҳ шахслар томонидан ўзларининг ижтимоий-сиёсий кайфиятлари ва муносабатларини плакатлар, транспарантлар ва кўргазмали материаллардан фойдаланган ҳолда оммавий ифода этиши.

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар ўтказиш тўғрисида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ва бошқарув органига ёзма равишда мурожаат этилади. Мазкур мурожаатда тадбирни ўтказиш мақсади, шакли, жойи, бошланиш ва тугаш вақти, ҳаракатланиш йўналиши, назарда тутилаётган иштирокчилар сони, ташкилотлар ва жамоат тартибини сақлаш учун масъул бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар, ариза топшириш санаси кабилар кўрсатилади. Тадбирни ўтказиш жараёнида иштирокчилар ва ташкилотчилар жамоат тартибини сақлашга мажбурдирлар. Уларга транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланишига тўсқинлик қилиш, аҳоли пунктининг узлуксиз фаолият юритишига тажовуз қилиш, палаткалар қуриш, яшил майдонлар, бино ва иншоотларга зарар етказиш, қурол ёки инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш мақсадида қурол сифатида ишлатилиши мумкин бўлган махсус тайёрланган буюмларда бўлиш, фуқаролар ва юридик шахсларга моддий зарар етказиш, тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақловчи давлат органлари вакиллари фаолиятига ҳар қандай шаклда араланиш тақиқланади. Қилмишни ЖК 217-моддаси бўйича квалификация қилиш учун ташкилотчига нисбатан олдин айнан шундай қилмиши учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 201-моддасида назарда тутилган маъмурий жазо чоралари қўлланилганлиги факти аниқланиши лозим. Маъмурий жазо қўлланилган ва у

тугатилмаган ҳолдагина шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шарҳланаётган жиноят формал таркибли жиноят ҳисобланади. Уни квалификация қилиш ва тугалланган деб топиш учун белгиланган тартибни бузган ҳолда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар ўтказиш бўйича ҳаракатлар қилиш етарли ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар ўтказишнинг белгиланган тартибини бузаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди.

Жиноятни содир этиш мотивлари ва мақсадлари турли хил бўлиши мумкин ва улар қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга бўлмайди.

Жиноят **субъекти** махсус субъект ҳисобланади. Қонун мазмуни бўйича йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишларнинг фақат ташкилотчилари жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Меҳнат ёки жамоат бирлашмаси жамоаси, ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг алоҳида гуруҳлари томонидан ваколат берилган ва ташкиллаштирилаётган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар ҳақида ҳокимият органларини хабардор қилган ҳолда улар номидан жамоатчиликка мурожаат қиладиган шахслар ташкилотчилар сифатида тан олинадилар.

Шунингдек, ҳокимият вакиллари билан расмий алоқага киришмаган ҳолда тадбирларни ўтказиш ва уларга тайёргарлик кўриш юзасидан ҳаракатлар қиладиган ёки моддий-техник воситалар ажратадиган шахслар ҳам ташкилотчилар деб тан олинади.

Ташкилотчи хабардор қилинмаган ҳолда алоҳида иштирокчилар томонидан йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар ўтказишнинг белгиланган тартиблари бузилган ҳолларда, у ЖК 217-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг 2-қисми диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш учун жавобгарликни назарда тутади.

ЖК 217-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноят **объектив томондан Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”**ги 1998 йил 1 майда қабул қилинган Қонунида белгиланган диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш орқали содир этилади.

Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний маросимларни ўтказиш учун барча келиши мумкин бўлган жойларни ташкил этиш ва уларни таъминлаш ҳуқуқига эга. Ибодат, диний маросим ва тадбирлар диний ташкилотлар жойлашган жой ва уларга тегишли ҳудудларда, маданият ёки ибодат биноларида, ибодат қилиш масканларида, қабристонларда, одат юзасидан зарур бўлган ҳолларда – фуқаролар розилигига кўра – уларнинг уйларида ўтказилиши мумкин.

Касалхона, госпиталь, қариялар ва ногиронлар уйлари, дастлабки тергов ва жазони ижро этиш жойларида ўтказиладиган ибодатлар ва диний маросимлар мазкур жойлардаги фуқароларнинг илтимосига кўра ўтказилиши мумкин.

Ибодат биноларидан ташқарида ўтказиладиган оммавий тарздаги ибодат ва диний маросимлар жойлардаги маҳаллий бошқарув ва ҳокимият органларининг рухсати билан амалга оширилади.

ЖК 217-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноят диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидалари бузилган вақтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади. ЖК 217-моддасининг 2-қисми ҳам маъмурий преюдицияга эга.

Субъектив томондан мазкур жиноят тўғри қасддан содир этилади.

ЖК 217-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят субъекти – ўн олти ёшга тўлган, илгари шундай қилмиш учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс.

§ 16. Тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш (ЎЗР ЖК 218-моддаси)

Фуқаролар ёки Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига реал хавф туғдирувчи, фавқулодда ҳолат жорий этмасдан олдини олиб бўлмайдиган муайян ҳолларда республиканинг бутун ҳудуди ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этилади.

Фавқулодда ҳолат фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий этилади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги Президент Фармони уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритилади.

Фавқулодда ҳолат жорий этишнинг икки шарти фарқланади:

1. фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид бўлган, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга ҳаракат қилинган, оммавий тартибсизликлар ва миллатлараро тўқнашувлар, алоҳида жойларни қуршаб олиш, қўшни давлатлар ҳудудидан давлат чегарасини бузиб оммавий ўтиш хавфи бўлган ҳолларда;

2. фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган қутқарув ишларини талаб этадиган табиий офат ва оғир экологик ҳолатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва йирик ҳалокатлар юз берганда.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бир меъёردа фаолият юритиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, фуқаролар ва жамият хавфсизлиги таҳлил қилинаётган модданинг бевосита **объекти** ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят қуйидаги йўллар билан содир этилиши мумкин:

1. тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш;
2. корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш.

Иш ташлаш – жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш мақсадида ходимларнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришдан (тўлиқ ёки қисман) вақтинчалик бош тортишлари. Иш ташлаш илгари сурилаётган ижтимоий, иқтисодий ёки сиёсий характердаги талабларни қондириш мақсадида оммавий равишда иш тўхтатиш ҳисобланади.

Тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш иш ташлашни ташкил этиш билан боғлиқ ҳаракатларни, яъни иш ташлашнинг мақсадларини ишлаб чиқиш ва асослаш, иш ташлашда иштирок этиш учун шахсларни қидириш ва жалб этиш, мажбуриятларни тақсимлаш, вазифаларни топшириш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш, маслаҳат ва кўрсатмалар бериш йўли билан иш жараёнларини тўхтатиш, иш ташлаш муддатларини қўллаб-қувватлаш, иш ташловчиларнинг хатти-ҳаракатини ташкиллаштиришдир. Бошқача айтганда, бу – иш ташлаш жараёни ва иш ташловчиларни бошқаришга йўналтирилган ҳаракатдир.

Корхона, муассаса, ташкилот ишига тўсқинлик қилиш, бу – бинога, иш жойларига кириш йўлини тўсиб қўйиш, зарур технологик, электр ва сув тармоқларини узиб қўйиш каби шаклларда намоён бўладиган ҳамда иш жараёнини издан чиқариш учун ҳар қандай тўсқинликларни яратишга йўналтирилган фаолиятдир.

Тўсқинлик қилиш деганда, корхона, муассаса ёхуд ташкилотларда бир меъёردаги иш тартибини сақлаб турувчи шахсларни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш тушунилади.

Руҳий мажбурлаш деганда, фавқулодда ҳолат шароитида мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар томонидан корхона, муассаса ёки ташкилотнинг фаолиятини бузиш мақсадида уларга жисмоний жазо қўллаш, моддий зарар етказиш, бошқа ноқулай оқибатлар (ишдан бўшатиш, мансабини пасайтириш) билан таҳдид қилиш тушунилади. Агар айбдор ўлдириш ёки бошқа турдаги мажбурловни қўллаш билан корхона, муассаса ёки ташкилот фаолиятига тўсқинлик қилган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида (масалан, ЖК 218-моддаси ва 112-моддаси бўйича) квалификация қилиниши лозим.

Жисмоний мажбурлаш деганда, шахсни мажбурий равишда бирон-бир бинога қамаб қўйиш, унга турли оғирлик даражасидаги тан жароҳатлари етказиш, уни ҳаётдан маҳрум қилиш, ишга киришишига ва уни бажаришига жисмоний қаршилик кўрсатиш кабилар тушунилади. Шарҳланаётган жиноят содир этилаётган вақтда айбдор соғлиққа зарар етказган ёки шахсга қарши бошқа жиноят содир этган бўлса, у ҳолда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

Шарҳланаётган жиноят объектив томонининг зарурий белгиси уни содир этиш шароити – фавқулодда ҳолат шароити ҳисобланади.

Фавқулодда ҳолат – махсус қонунларда белгиланган тартибда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, юридик шахсларнинг ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйиладиган, шунингдек, уларга қўшимча мажбуриятлар юклайдиган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг ўзига хос режими.

Оқибат келиб чиққан-чиқмаганлигидан қатъи назар, диспозицияда назарда тутилган қилмишлардан бирининг содир этилиши билан жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор фавқулодда вазият ҳолатида тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилишнинг ижтимоий хавфлилигини

англайди, бундай ҳолларда корхона, муассаса, ташкилот ишига тўсқинлик қилишнинг ҳуқуққа хилофлигини билади ва мазкур ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

Иш ташлашнинг раҳбарлари, шунингдек, фавқулодда ҳолат шароитларида корхона, муассаса, ташкилот ишига тўсқинлик қилган ҳар қандай ақли расо шахслар жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

Оммавий равишда ишни тўхтатишга чақирувчи ва бундай тадбирларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўрувчи шахслар, ташкилотчилар ва фаол иштирокчилар **иш ташлашнинг раҳбарлари** деб топиладилар. Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ва ташкилот ишини тўхтатишнинг субъекти бўлиши мумкин.

§ 17. Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш (ЎЗР ЖК 219-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти жамият ва давлат манфаатлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, жамоат бирлашмаларининг бир меъёردа фаолият юритиши, ҳокимият вакили ёки ўзининг фуқаровий бурчини бажараётган шахсий дахлсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабаталар ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш орқали содир этилади. Қаршилик кўрсатиш фаол ёки пассив шаклларда бўлиши мумкин. Қонун мазмунига кўра, фақатгина фаол қаршилик кўрсатиш жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Фаол қаршилик кўрсатиш деганда, **айбдор томонидан ҳокимият вакили ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахснинг ўз вазифаларини адо этишига тўсқинлик қилишга қаратилган ҳаракатлари масалан, жиноятчини**

ушлашга, жиноят қуролларини тортиб олишига, тинтув ўтказилишига тўсқинлик қилиши, эркинликларни чеклаши ва ҳ.к. содир этилишини тушуниш зарур.

Жисмоний қаршилик кўрсатиш шаклида амалга ошириладиган фаол қаршилик кўрсатиш – ўзининг хизмат ёки фуқаролик мажбуриятларини бажараётган шахсларнинг баданига қасддан шикаст етказиш, уриш, дўппослаш, боғлаш, қамаб қўйиш ёки уларнинг эркинлигини бошқача усулда чеклаб қўйиш.

Ҳокимият вакили – давлатнинг бирон-бир ҳокимият органининг номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс.

Ҳокимият вакили тушунчасига батафсил ЖК 205-модда таҳлилига қаранг.

219-модда мазмуни бўйича ҳокимият вакиллари қаторига ижро этилиши мажбурий бўлган қонуний кўрсатмалар бериш ҳуқуқи берилган масъул мансабдор шахслар киритилади. Булар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи органлар ходимлари: прокурорлар, ички ишлар ходимлари, МХХ, солиқ хизмати ходимлари ва ҳоказо, шунингдек, қонунга асосан, ҳуқуқ-тартиботни кўриқлаш бўйича асосий ёки қўшимча вазифаларни амалга оширувчи шахслардан иборат. Бу сабабга кўра, ҳокимият вакили ҳисобланмайдиган масъул мансабдор шахсга қаршилик кўрсатиш, агар у ўз фуқаровий бурчини бажармаётган бўлса, шарҳланаётган жиноят таркибини ташкил этмайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими – бу қонунда белгиланган тартибда қуйидаги вазифани бажарувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси: прокурор; терговчи; суриштирувни амалга оширувчи шахслар; тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи шахслар; жамоат тартибини

муҳофаза қилишни ва ижтимоий хавфсизликни, суд (судьялар)нинг ҳукмлари, ажримлари, қарорлари, тергов органлари ва прокурор қарорларининг ижросини таъминлашни амалга оширувчи ички ишлар органи ходими; Миллий хавфсизлик хизмати органи ходими; солиқ ҳуқуқбузарликлари бўйича департамент ходими; суд ижрочиси; божхона хизмати ходими, шунингдек, қонун бўйича ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш асосий ёки асосий вазифалардан бири ҳисобланувчи органларда хизмат вазифасини бажарувчи бошқа шахслар.

Ҳокимият вакиллари функцияларини бажараётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жазони ижро этиш муассасалари ходимларига қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ қилмиш тегишли белгилар бўлган ҳолларда ЖК 220-моддаси ёки 221-моддаси бўйича квалификация қилинади.

Фуқаровий бурчини бажараётган шахс деганда, давлат ҳокимияти ёки бошқарув органлари, жамиятга ёрдам бераётган, ўзининг конституциявий ёки бошқа қонуний мажбуриятларини бажараётган ҳар қандай шахс тушунилади. Бошқача айтганда, фуқаролик бурчини бажариш, бу – фуқаролар томонидан қонун ва жамият, давлат ва бошқа шахсларнинг манфаатлари доирасида ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш. Кўп ҳолларда ўзининг фуқаролик бурчини бажараётган шахслар жабрланувчи бўлиб қолади ва қонунга асосан шундай шахс деб тан олинади.

Ҳокимият вакили ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахснинг хизмат мажбуриятлари ҳуқуқий тартибот ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилганлиги сабабли, ҳокимият вакилининг кўрсатмаси ёки фуқаронинг ҳаракати қонун ва ҳуқуқ доирасида бўлиши лозим. Мазкур хизмат мажбуриятлари ҳокимият вакиллариغا тегишли қонун ҳужжатларининг алоҳида тоифасидан келиб чиқади.

Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш, хизмат вазифасини

бажараётган ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш тарзида содир этилса, айбдор мазкур модда бўйича жиноий жавобгарликка тортилади. Қаршилик кўрсатиш ўз хизмат вазифаларини бажармаётган вақтда ҳокимият вакилига ёхуд фуқаролик бурчини бажармаётган шахсга нисбатан содир этилган ҳолларда, айбдорнинг қилмиши ЖК 219-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас.

Башарти шахс ҳокимият вакилининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига қаршилик кўрсатган бўлса, у ана шундай хатти-ҳаракати учун ҳам ЖК 219-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Жиноят хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш бошланган вақтдан бошлаб, оқибат келиб чиқишидан қатъи назар, **тугалланган** ҳисобланади. Бунда қаршилик кўрсатиш натижасида хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахс ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилган ёки бошқа ижтимоий хавfli оқибатлар келиб чиққан ҳолларда, айбдорнинг қилмиши жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилинади.

Жиноятнинг **субъектив томони** айбнинг тўғри қасд шакли билан тавсифланади. Қаршилик кўрсатиш, яъни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш фақат тўғри қасд шаклида содир этилиши мумкин.

Айбдор шахс хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди.

Хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатаётганлигини англамаган шахс

томонидан бундай қаршилик кўрсатишнинг содир этилишида мазкур жинойт таркиби мавжуд бўлмайди.

ЖК 219-моддаси 2-қисми хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсларни қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек, қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилганлик учун жавобгарликни назарда тутди.

Мажбурлаш – бу ҳокимият вакили ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахсга нисбатан уларни ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш ёки мажбурловчи шахс фойдасига ноқонуний ҳаракатлар содир этишга эришиш мақсадида жисмоний ёки рухий таъсир этиш. Қаршилик кўрсатишда қўлланиладиган жисмоний мажбурлашдан фарқли равишда мажбурлаш вақтида қўлланиладиган куч ишлатиш бошқа мақсадни кўзлайди.

Мажбурлаш вақтида қўлланиладиган жисмоний зўрлик ишлатиш деганда, жисмоний азоб берадиган ҳамда жабрланувчининг иродасига хилоф равишда унинг жисмоний эркинлигини чеклайдиган ҳаракатлар содир этиш, шунингдек, уриш, дўппослаш ва бошқа ҳаракатлар орқали шахс баданига ўртача оғирликдаги шикаст етказиш тушунилади.

Рухий мажбурлаш деганда, айбдор томонидан сўз ёки ўзининг ниятини бошқача шаклда ифодалаш орқали ҳокимият вакили ёки ўзининг фуқаролик бурчини бажараётган шахсга маънавий зарар етказиш, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиш тушунилади. Агар ҳокимият вакили ёки ўзининг фуқаролик бурчини бажараётган шахсга нисбатан куч ишлатиш натижасида уларга оғир тан жароҳати етказилса, айбдорнинг ҳаракатлари жинойтлар жами билан квалификацияланиши лозим. Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш мажбурлаш тушунчаси доирасига кирганлиги

сабабли айбдорнинг қилмиши ЖК 112-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилинмаслиги лозим.

Мажбурлашнинг мақсади хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахслар томонидан мажбурловчи фойдасига ноқонуний ҳаракатлар содир этилишига эришиш мақсадида уларга таъсир ўтказиш ҳисобланади.

Хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсларнинг мажбурловчи фойдасига ноқонуний ҳаракатлар содир этишлари ва бевосита қонуний ваколати доирасига кирувчи мажбуриятларни бажармаслиги **ҳокимият вакилининг хизмат вазифасини бажариш ёки шахснинг фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечиши** ҳисобланади.

Ҳокимият вакили ва шахсга нисбатан куч ишлатиш билан мазкур шахслар томонидан ўзининг хизмат вазифаларини бажариш ўртасида сабабий боғлиқланишнинг мавжудлиги ЖК 219-моддаси 2-қисмида назарда тутилган қилмиш объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсларни қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек, қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилишга йўналтирилган мажбурлов ҳаракатлари содир этилган вақтдан бошлаб, оқибат келиб чиқишидан қатъи назар, жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

Субъектив томондан ЖК 219-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Бунда хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсларни қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек, қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилишга йўналтирилган махсус мақсаднинг

мавжудлиги жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс жиноят **субъекти** бўлиши мумкин.

§ 18. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар (ЎзР ЖК 220-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг бир меъёردа фаолият юритиши, яъни мазкур муассасаларда ўрнатилган режим билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Мазкур муассасалар ходимлари ва унда жазони ўтаётган шахсларнинг шахсий хавфсизлиги қўшимча объект бўлиши мумкин.

Қонун чиқарувчи жабрланувчи сифатида тан олинадиган шахслар тоифасига озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасалари маъмуриятининг вакиллари ҳамда озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган маҳкумлар ва судланганларни киритади. **Маҳкум** – айблов ҳукми чиқарилган айбланувчи.

Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасалари маъмуриятининг вакиллари қаторига: раҳбарлик таркибидаги шахслар; кўриқлаш ва конвой вазифаларини бажарувчи ички қўшинларнинг ҳарбий хизматчилари; шартнома асосида ишловчи шахслар; озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларида умумий ва касбий-техник таълимни амалга оширувчи ва тиббий хизмат кўрсатувчи шахслар; маъмурий ва муҳандис-техник ходимлар киради.

ЎзР Жиноят ижроия кодексининг 45-моддасига мувофиқ жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, қамоқхоналар озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасалари сирасига киради. Тергов изоляторлари озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, хўжалик ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан жазони ўтиш муассасалари вазифасини бажаради.

Объектив томондан шарҳланаётган жиноят озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахснинг:

1. маҳкумларни террор қилиш;

2. маъмурият вакилларига ҳужум қилиш;

3. жиноий гуруҳлар ташкил қилиш ёки шундай гуруҳлар фаолиятида фаол қатнашишда ифодаланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар содир этиш орқали ифодаланади.

Террор қилиш деганда, маҳкум шахсларга нисбатан жисмоний ёки руҳий жабр-зулм қилинишини, уларнинг хўрланишини, таҳқирланишини тушуниш зарур.

Жисмоний жабр-зулм қилиш деганда, жабрланувчининг баданига енгил, ўртача оғир ва оғир шикаст етказиш тушунилади. Башарти, жабрланувчининг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган тақдирда, айбдорнинг қилмиши жиноятларнинг жами бўйича квалификация қилиниши лозим.

Террор қилиш вақтидаги руҳий зўрлик, оғзаки дўқ-пўписада, қурол-яроғ ёки унинг ўрнини босувчи предметларни намоёниш этишда ифодаланиши мумкин. Аммо ҳар бир дўқ-пўписа ҳақиқатга яқин бўлиши, жабрланувчида унинг амалга оширилишидан кўрқиш учун жиддий асослар бўлиши керак.

Озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқариш мақсадида содир этилган кўрқитиш натижасида маҳкумга оғир тан жароҳати етказилса, ёки бу қилмиш унинг ўлимига олиб келса, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим. (ЖК 220-моддаси ва 104-модда ёки 105-модда ёхуд 97 – моддалар билан жиноятлар жами).

Шарҳланаётган модданинг мазмунига кўрқитиш деб тан олинадиган, маҳкумларга нисбатан амалга ошириладиган мажбурлов ҳаракатлари улар озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқаришга қаратилган ҳоллардагина мазкур модда билан квалификация қилинади. Айнан шундай мақсад қилмишни шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилишнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Айбдор ва жабрланувчи

ўртасидаги шахсий муносабатлар (низо, ўч олиш) туфайли амалга оширилаётган куч ишлатиш шахсга қарши жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим. Шунинг учун, кўрқитиш деб тан олинган қилмишни тўғри квалификация қилиш учун айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатларни, айбдорнинг ўзини бундай тутишининг сабабларини аниқлаш лозим.

Озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этиш муассасаси маъмурияти вакилларига ҳужум қилиш маъмурият вакилларига нисбатан жисмоний ёки руҳий куч ишлатиш орқали содир этилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқариш мақсадида содир этилган кўрқитиш натижасида маъмурият вакилларига оғир тан жароҳати етказилган ёки унинг ҳаётига суиқасд қилинган ҳолларда қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

Маъмурият вакилларига ҳужум қилиш маъмурият вакилларининг қонуний ҳаракатлари туфайли келиб чиққан бўлиши лозим. Агар ҳужум қилиш маъмурият вакилларининг қонуний ҳаракатлари туфайли келиб чиқмаган бўлса, айбдорнинг қилмиши шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилинмасдан, балки шахсга қарши жиноятлар бўйича квалификация қилинади, чунки бундай ҳолларда ЖК 220-моддасида назарда тутилган тажовуз объекти мавжуд бўлмайди.

Жиноий гуруҳ ташкил қилиш деганда, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар содир этиш мақсадида ташкил этилган турли фаолият тушунилади. Ташкил этиш олдиндан тил бириктириш, мазкур ғайриқонуний ҳаракатларни содир этишга келишиб олиш, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўртасида вазифаларни тақсимлаш кабиларни ўз ичига олади.

Қуролланганлик жиноий гуруҳнинг зарурий белгиси ҳисобланмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жазони ижро этиш муассасаларида турли мезонлар асосида тузилган маҳкумларнинг жамоат бирлашмалари, шу жумладан маҳаллийчилик, ўзаро манфаатдорлик, жиноий ихтисослашиш тамойиллари асосида тузилган салбий йўналтирилган гуруҳлар жиноий гуруҳ сифатида баҳоланмаслиги керак, чунки улар ўз олдига озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар содир этиш мақсадини қўймайди.

Жиноий гуруҳ иштирокчилари орасидан фақат ташкилотчи ва фаол иштирокчиларгина ЖК 220-моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Ташкилотчи – бу жиноий гуруҳни ташкил этиб, унга бошқа иштирокчиларни жалб этадиган, жиноий фаолият режаларини ишлаб чиқадиган, гуруҳга бевосита раҳбарлик қиладиган ва ишлаб чиқилган жиноий режани амалга оширадиган шахс.

Фаол иштирокчилар – бу жиноий гуруҳ фаолиятида фаол иштирок этадиган, унга бошқа иштирокчиларни жалб этадиган, жиноий фаолият режаларини ишлаб чиқишда ва озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқариш мақсадида маҳкумларни террор қилиш ёки маъмурият вакилларига ҳужум қилиш бўйича муайян ҳаракатларни содир этишда ташкилотчига ёрдам берадиган шахслар

Шарҳланаётган жиноят формал таркибли жиноят бўлиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахснинг маҳкумларни террор қилиш ёки маъмурият вакилларига ҳужум қилишда, шунингдек, бундай мақсадларда жиноий гуруҳлар ташкил қилиш ёки шундай гуруҳлар фаолиятида фаол қатнашишда ифодаланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлари содир этилган вақтдан бошлаб, келиб чиққан оқибатдан қатъи назар, **тугалланган**

ҳисобланади.

Шарҳланаётган модданинг **субъектив томони** тўғри қасд билан ифодаланади.

Айбдор содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англайди ва уни содир этишни хоҳлайди.

Жиноятнинг мақсди – озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасалари фаолиятини издан чиқариш.

Ўн олти ёшга тўлган ва муассаса туридан қатъи назар, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаётган шахс ЖК 220-моддасида назарда тутилган қилмишнинг **субъекти** ҳисобланади.

Шунингдек, хўжалик ишларини бажариш учун тергов ҳибсхонасида қолдирилган маҳкумлар ҳам субъект бўлиши мумкин.

Эҳтиёт чораси сифатида тергов изолятори ёки вақтинчалик сақлаш изоляторида сақланаётган тергов остидагилар ва маҳкумлар, шунингдек, озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар мазкур жиноятнинг субъектлари бўла олмайдилар. Тегишли белгилар мавжуд бўлган тақдирда, санаб ўтилган шахсларнинг ҳаракатлари ЖК 219-моддасида назарда тутилган жиноятни, ёки шахсга қарши жиноятни келтириб чиқариши мумкин.

ЖК 220-моддасининг 2-қисми жазони ижро этиш муассасаси ишини издан чиқариш жиноятининг қуйидаги квалификация қилиш белгиларини қайд этади:

- а) ўта хавфли рецидивист;
- б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиш.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар киради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим

жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Қилмиш бир гуруҳ маҳкум шахслар томонидан содир этилган ҳолларда, айбдор шахс ташкилотчи, фаол иштирокчи ёки оддий иштирокчи бўлганлигидан қатъи назар, айбдорнинг қилмишлари ЖК 220-моддаси 2-қисми “в” банди бўйича квалификация қилинади. Қилмишни мазкур белгига кўра квалификация қилишда гуруҳ аъзоларининг олдиндан тил бириктирган ёки бириктирмаганлиги аҳамиятга эга бўлмайди.

§ 19. Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик (ЎзР ЖК 221-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг бир меъёрдаги фаолият кўрсатиши билан боғлиқ ижтимоий муносабаталар ҳисобланади.

Маҳкумга нисбатан бир йил мобайнида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги учун жазони ижро этиш колониясининг карцери ёки турмага ўтказилганидан кейин, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасида жазони ўтаётган шахс томонидан маъмуриятнинг қонуний талабларига бўйсунмаслик жиноятнинг **объектив томони** ҳисобланади.

Бўйсунмаслик – бу озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасида жазони ўтаётган шахс томонидан маъмурият вакилининг қонуний фармойиши ёки талабини ошкора рад этиш. Масалан, бўйсунмаслик тузум талабларига риоя этмаслик, меҳнат мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаш каби кўринишларда бўлиши мумкин.

Маҳкумга жазони ўташ тартиби қоидаларини бузилганлиги учун жазони ижро этиш колонияси карцерга ўтказиш тариқасидаги жазо қўлланилгандан ёки турмага ўтказиш қўлланилгандан кейин бир йил ичида, у жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний

талабларига бўйсунмаса, жазони озодликдан маҳрум қилиш муассасасида ўтаётган шахснинг қилмиши ЎЗР ЖК 221-моддаси билан квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексининг 109-моддасига кўра жазони ўташ тартибини ашаддий бузувчи маҳкумлар умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларнинг қарцерларига олти ойгача, аёллар сақланадиган колонияларда эса – уч ойгача бўлган муддатга ўтказиб қўйилади.

Изоляторга ўтказилган маҳкумларга қариндош-уруғлари билан кўришиш, телефон орқали гаплашиш, озиқ-овқат маҳсулотларини ва кундалик эҳтиёжи учун зарур бўладиган предметларни харид қилиш, мактуб ва бошқа хат-хабарларни олиш ва жўнатиш тақиқланади. Уларнинг чекишига, столда ўйналадиган ўйинлардан ва кўрпа-ёстикдан фойдаланишларига рухсат берилмайди. Озиқ-овқат камайтирилган меъёрда берилади. Маҳкумлар ҳар куни бир соат сайр қилиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Қарцерлардаги маҳкумларга қариндош-уруғлари билан кўришиш, телефон орқали гаплашиш, посылкалар, передачалар ва бандеролларни қабул қилиш ва жўнатиш, стол ўйинларини ўйнаш тақиқланади.

Жиноий жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятнинг қонуний талабларига бўйсунмаслик содир этилган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган, деб ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Жиноятни содир этиш мотивлари уни квалификация қилишда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

ЖК 221-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти бўлиб, бир йил мобайнида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги учун жазони ижро этиш колониясининг қарцерига ўтказиш тариқасидаги жазо қўлланилган ёки турмага ўтказилган озодликдан маҳрум қилиш жойида жазони ўтаётган шахс, ЖК 221-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти эса ўта

хавфли рецидивист ёхуд оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс ҳисобланади.

ЖК 221-моддасининг 2-қисмида:

а) ўта хавфли рецидивист;

б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс томонидан содир этилган жиноят учун жавобгарлик назарда тутилган.

**§ 20. Қамокдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш
(ЖКнинг 222-моддаси)**

Жиноятнинг асосий бевосита объекти дастлабки тергов олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг бир меъёрдаги фаолияти ҳисобланди. Қўшимча бевосита объекти эса гумон қилинувчи, айбланувчи ёки маҳкумларни қўриқловчи шахсларнинг соғлиғи ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят дастлабки тергов олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларидаги қамок ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочишда ифодаланади.

Қочиш, яъни жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган, қамок тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар, шунингдек, айбдор деб топилган ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган шахслар томонидан шахсларни қўриқлашга мўлжалланган маҳсус, изоляция қилинган жойларни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш учун жавобгарликни белгилайди. Қочиш турли усулларда амалга оширилиши мумкин: қўриқчиларга нисбатан куч ишлатиш; сохта хужжатлардан фойдаланиб қочиш; пора бериш, алдаш ва бошқалар.

Қамоққа олиш – жиноят содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган қоидалар асосида тайинланадиган эҳтиёт чораси.

Тергов ҳибсхонаси – дастлабки тергов ўтказилаётган вақтда жиноят содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчига ёки суд муҳокамаси жараёнида судланувчиларга ёхуд айблов ҳукми қонуний кучга киргунга қадар озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан қўлланиладиган қамоқ тариқасидаги эҳтиёт чорасини ижро этиш учун мўлжалланган махсус жой.

Тергов ҳибсхоналари умумий ва бир кишилик бўлади.

Тергов ҳаракати ўтказилаётган ёки суд иш кўраётган жойни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, суд залидан чиқиб кетиш қамоқ ёки кўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш деб квалификация қилиниши лозим. Бошқа эҳтиёт чораси, масалан, муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олинган шахснинг қочиши шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилинмайди.

Жазони ижро этиш ёки кўриқлов остида сақлаш жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетган шахс ушланган ёки ўз айбини бўйнига олиб келган вақтдан бошлаб жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

Айбдор қочган вақтда уни қамоққа олиш тўғрисидаги қарордан хабардор бўлган ҳолларда, яъни бундай эҳтиёт чораси танланганлиги тўғрисидаги қарор, суд ажрими эълон қилингандан сўнг ёки суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига кўра уни озодликдан маҳрум этишга, қамоққа ёки интизомий қисмга жўнатишга ҳукм қилинганлиги эълон қилинганидан сўнг қочиб кетган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖК 222-моддаси бўйича квалификация қилинади.

Субъектив томондан жиноят қасдан, тўғри қасд билан содир этилади.

Ўн тўрт ёшга тўлган, қамоқ тариқасидаги эҳтиёт чораси

қўлланилган шахс ёки озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган шахслар жиноят **субъекти** бўлиши мумкин.

Қўрилаётган жиноятнинг субъекти сифатида маъмурий жавобгарлик доирасида қамоққа олинган шахслар тан олинмайди.

Таҳлил этилаётган модданинг 2-қисмида:

а) баданга енгил ёки ўртача оғир тан жароҳати етказиш йўли билан;

б) ўта хавфли рецелист томнидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган қочиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Агар қочиш енгил ёки ўртача оғир тан- жароҳатларини етказиш йўли билан амалга оширилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши талаб этилмайди.

Қочиш енгил ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказишга олиб келган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинмайди. Лекин қочиш оғир тан жароҳати етказиш ёки ўлимга олиб келган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим (ЖК 220-моддаси ва ЖК 97-моддаси ёки ЖК 104-моддаси).

§ 21. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш (ЎзР ЖК 223-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига киришнинг қонунда белгиланган тартиби билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси – Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасини (қуруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизиқдан ва бу

чизик бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат. Давлат чегараси давлат суверенитети амал қиладиган ҳудуд доирасини белгилайди.

Чегара тузуми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган қоидалар мажмуидан иборат бўлиб, у чегара ҳудудига кириш (ўтиш), унда бўлиш (яшаш), ҳаракатланиш ва чегара ҳудудида ишлаб чиқариш ишларини амалга ошириш тартибини ўз ичига олади.

Чегара ҳудудларида чегара тузумига риоя этиш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ва ўз ваколатлари доирасида ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасига кириш, чиқиш ва давлат чегараларидан ўтиш билан боғлиқ муносабатлар 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни, 1996 йил 21 ноябрда қабул қилинган “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш ва чиқиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасига кириш, чиқиш ва давлат чегараларидан ўтиш билан боғлиқ муносабатларни жиноят-ҳуқуқий қўриқлашдан мақсад фуқароларнинг кўчиб юриш эркинлиги билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишларини тартибга солиш ва етарли шароитлар яратишдан иборат. Шу билан бирга, қонун чиқарувчи давлат ва жамият суверенитети ҳамда хавфсизлигини таъминлаш учун республикадан чиқиш ва унга кириш, давлат чегараларидан ўтиш тартибини белгилаб берган. Шундан келиб чиқиб, давлат чегарасига тажовуз қилиш – бу, аввало, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг бир меъёردаги тартибига тажовуз қилиш деб топилади.

Жиноят объектив томондан қонунда белгиланган тартибни бузиб, чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига

киришда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ва унга кириш деганда, транспорт воситаси (автомашина, кема, самолёт, велосипед, от ва бошқа механик ва транспортнинг бошқа турлари) ёрдамида давлат чегарасини кесиб ўтиш тушунилади.

Давлат чегарасидан ўтиш деганда, уни пиёда кесиб ўтиш тушунилади.

Давлат чегарасини белгиланган тартибни бузган ҳолда кесиб ўтиш деганда, қуйидаги ҳаракатлардан бирини содир этиш орқали ўтиш тушунилади: тартибни бузиш орқали (масалан, рухсат берилган чегара пунктларни айланиб ўтиш) ёки тегишли рухсати бўлмағи туриб кесиб ўтиш (масалан, чегарадан ўтиш ҳуқуқини берувчи ҳақиқий ҳужжатлар бўлмаган ҳолларда чегарани кесиб ўтиш).

Давлат чегарасини фақат ғайриқонуний кесиб ўтиш ижтимоий хавфли деб топилади ва шарҳланаётган модданинг таркибини ташкил этади.

Давлат чегарасини рухсат пунктларини айланиб ўтиб ёки рухсат пунктларидан ёхуд чегара ташқарисига (Ўзбекистондан) ёки Ўзбекистонга кириб келаётган, туридан қатъи назар (яъни ҳаво, сув, ерда юрадиган транспорт ва ҳоказо), транспорт воситасида белгиланган қоидаларни бузиб кесиб ўтиш **давлат чегарасидан ўтиш тартибини бузиш** деб ҳисоблаш лозим.

Сохта, муддати ўтган, бошқа шахс номига расмийлаштирилган, нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда давлат чегарасини кесиб ўтиш **тегишли рухсатномасиз давлат чегарасини кесиб ўтиш** деб топилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан унга чегарадан ўтишга рухсат берилганлиги ҳақида унинг паспортига тегишли ёзув киритилмаган ёки сохта ёзувдан фойдаланган ҳолда чегарадан ўтиш шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилиниши лозим. Бунда айбдорнинг Ўзбекистон

Республикасида чикиши ёки унга кираётганлиги аҳамиятга эга бўлмайди. Бошқача айтганда, агар Ўзбекистон Республикаси фуқароси белгиланган тартибни бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасида чикқан бўлса, унинг Ўзбекистон Республикасига қайтиб кириши ҳам гайриқонуний деб топилиши лозим.

Бунда шуни ҳам назарда тутиш лозимки, агар ноқонуний кириш ёки чикиш, шунингдек, чегарани кесиб ўтиш сохта ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган бўлса, у ҳолда бу қилмиш жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 223 ва 228-моддалари бўйича квалификация қилинади.

Айбдорнинг ҳаракатлари агар у охириги зарурият ҳолатида содир этилган бўлса жиноят сифатида эътироф этилмайди.

Жиноят давлат чегараси кесиб ўтилаётган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Қуйидагилар давлат чегарасини кесиб ўтиш вақти деб топилади:

а) айбдор фактик жиҳатдан давлат чегарасини кесиб ўтиши ёки ўтмаслигидан қатъи назар, давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари назоратидан муваффақиятли ўтиш. Масалан, самолёт учишига қадар шахс томонидан аэропорт чегара назоратидан ўтиш тугалланган жиноят деб топилади. Худди шундай ҳолатда шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра чегара назоратидан ўта олмаган ҳолларда, унинг ҳаракатлари Ўзбекистон ҳудудига гайриқонуний кириш ёки ундан чикишга суиқасд қилиш деб квалификация қилиниши лозим;

б) давлат чегараси орқали ўтказишнинг белгиланган пунктларидан ташқарида давлат чегараси чизиғи (тегишли юза)ни фактик жиҳатдан кесиб ўтиш.

Жиноят **субъектив томондан** тўғри қасд орқали содир этилади. Шахс ўз ҳаракатларининг ноқонунийлигини биледи, яъни Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ҳужжатсиз, сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда ёхуд тегишли

рухсатномасиз кесиб ўтаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди.

Субъектив томоннинг қўшимча элементлари – мотив ва мақсад турлича бўлиши мумкин. Агар айбдор шахс давлат чегарасидан ўтиш қоидаларини Ўзбекистон Республикасига қарши жиноят содир этиш (масалан, жосуслик, қўпоровчилик, терроризм ва бошқалар) мақсадида кесиб ўтса, у ҳолда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

Мазкур жиноят эҳтиётсизлик орқасида (масалан, мўлжални йўқотиш туфайли чегарани кесиб ўтиш) содир этилганда жиний жавобгарлик келиб чиқмайди. Давлат чегараси мажбурий равишда кесиб ўтилган (масалан, табиий офат, ҳалокат ва бошқа) ҳолларда ҳам қилмишда шарҳланаётган жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

Ўн олти ёшга тўлган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс ёки чет эл фуқароси мазкур жиноят **субъекти** бўлиши мумкин.

Сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келган фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки чет эл фуқаролари, уларнинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиблари мавжуд бўлмаса, мазкур жиноятнинг субъекти ҳисобланмайдилар.

Чет элга чиқиш ёки ғайриқонуний равишда Ўзбекистон Республикасига кириш:

- а) чегарани ёриб ўтиш йўли билан;**
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;**
- в) чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахс томонидан содир этилганида, айбдорнинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 2-қисми билан квалификация қилинади.**

“Чегарани ёриб ўтиш орқали шарҳланаётган жиноятни содир этишни квалификация қилиш белгиси ЖК 182-моддаси таҳлилида батафсил берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 6 январдаги қарорига 4-иловада чет элга чиқиши учун махсус рухсат талаб қилинадиган шахсларнинг рўйхати берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари, вилоят ҳокимлари, Президент девони, ЎзР Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашининг масъул ходимлари, вазирлар, давлат кўмиталари, қатор маҳкама ва идораларнинг раҳбарлари ана шундай шахслар ҳисобланадилар.

ЖК 223-моддаси 3-қисмига кўра, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун кириш ҳужжатларини тегишли даражада расмийлаштирмасдан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жавобгарликдан озод қилинадилар”.

Конституциянинг 93-моддаси, 1-қисми, 22-бандига асосан, фуқаролик ва сиёсий бошпана бериш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги қоидага биноан, чиқиш ҳужжатларини тегишли тартибда расмийлаштирмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан шарҳаланаётган модда қўлланилмайди.

Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана берилмайди: агар шахс Ўзбекистон Республикасида жиноят деб топилувчи қилмишни содир этгани учун хорижда қидирилаётган бўлса ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мақсад ва принципларига қарши ҳаракатлар содир этганликда айбдор бўлса; жиноят иши бўйича айбланувчи сифатида жалб этилган ёки унга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми мавжуд бўлса; у таъқиб этилмайдиган учинчи давлатдан келган бўлса; била туриб ёлғон маълумотлар берган бўлса; у таъқиб этилмайдиган учинчи давлатнинг фуқаролигига эга

бўлса.

**§ 22. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини
бузиш
(ЎзР ЖК 224-моддаси)**

Жиноятнинг бевосита объекти чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтишининг қонунда белгиланган тартиби ҳисобланади.

Объективная сторона ч.1 ст. 224 УК выражается в ЖК 224-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят объектив томондан Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаш, вақтинча рўйхатдан ўтиш ёки доимий пропискадан ўтиш, кўчиш ёки турар жой танлаш бўйича белгиланган тартибга риоя этмаслик, республикада бўлиш муддати тугагач, чиқиб кетишдан бўйин товлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмасликда ифодаланади.

ЖК 224 –модда диспозицияси бланкет норма ҳисобланди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда бўлиш қоидалари қуйидаги ҳужжатлар билан тартибга солинади: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 мартдаги 134-сонли “Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлишларини тартибга солиш тўғрисида”ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида”ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарорига 2-илова – “Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидалари”; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 28

январдаги 38-Ф-сонли “Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар раҳбарларининг паспорт режими ҳамда хорижий фуқароларнинг туриш қоидаларига риоя қилиш юзасидан масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикасида бўлган чет эл фуқаролари ўзлари билан паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни олиб юришлари ва ваколатли орган вакилларининг талабига кўра тақдим этишлари лозим. Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўладиган чет эл фуқаролари вақтинчалик рўйхатдан ўтган ҳолда яшашади. Миллий паспорт чет эл фуқароси келган кундан бошлаб уч кун ичида (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) вақтинчалик рўйхатга қўйиш учун тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш чет эл фуқароси меҳмонхонага келган вақтдан бошлаб 48 соат ичида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари умумий асосларга кўра меҳмонхоналарда жойлашади ва ҳисобга олинади. Ўзбекистон Республикасига кирган кундан бошлаб уч кун ўтган (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) чет эл фуқароларининг ҳужжатларини расмийлаштириш тақиқланади.

Ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар деганда, тегишли штамп, муҳр, имзоси бўлмаган, шунингдек, сохта ҳужжатлар, ҳужжатларнинг тасдиқланмаган нусхалари кабилар тушунилади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қуйидаги муайян тоифалари ўз паспортларини вақтинчалик рўйхатдан ўтказишдан озод этиладилар: дипломатик корпус ходимлари, ҳаво кемалари экипажлари, халқаро ва бошқа ташкилотларнинг аъзолари ва ҳоказолар.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар

Ўзбекистон Республикасида вақтинчалик ёки доимий бўладилар. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муддати кириш визасида ва паспортда вақтинча яшаш жойи манзилини кўрсатган ҳолда белгиланадиган вақтинча бўлишда республика ҳудудида туриш ҳамда унинг ҳимоясидан ва кўплаб бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бироқ кўрсатилаган муддатлар тугагач, улар республика ҳудудини тарк этишлари бу ерда бўлиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза беришлари шарт. Меҳмонхоналарда жойлашган чет эл фуқароларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш ва муддатини узайтириш қабул қилувчи ташкилотлар ёзма тавсияномаларида кўрсатилган муддатга, бироқ визанинг амал қилиш муддати доирасида (туристлар учун саёҳат муддатига) амалга оширилади.

Бу ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарорига 2-илова – “Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидалари” билан батафсил тартибга солинади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро шартномаларида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, уларнинг паспортлари ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан берилган транзит визалари мавжуд бўлган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит тарзда ўтишга рухсат берилади.

Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан белгиланган мамлакатга ҳаво, темир йўл ёки сув транспорти орқали транзит тарзда ўтишларига бундай ўтиш учун тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган ҳолларда рухсат берилади.

Халқаро транзит автоташишларни амалга ошираётган чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади

Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси орқали визасиз транзит ўтишга рухсат этилади:

- 1) ҳаво транспорти пассажирлари томонидан бошқа самолётга ўтмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш;
- 2) Ўзбекистон Республикасида бўлиш 24 соатдан ошадиган ҳолларда халқаро ҳаво йўллари самолётларида келиб, бошқа самолётга ўтиши керак бўлган ҳамда аэропортдан чиққан санаси кўрсатилган белгиланган мамлакатга кириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат мавжуд бўлган пассажирлар;
- 3) Ўзбекистон Республикаси тегишли равишда ҳукуматлараро келишувларга эга бўлган давлатлар фуқаролари.

ЖК 224-моддасининг 1-қисми диспозициясида кўрсатилган ҳаракатларнинг бирортаси содир этилган пайтдан эътиборан жинойт тугалланган деб ҳисобланади. Ушбу рўйхат қаятий бўлиб, қонунда Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бошқа бирон тарзда бузилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилмайди.

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини биринчи марта бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилаганидан кейин шахс бир йил ичида ЖК 224-моддаси 1-қисмида назарда тутилган қилмишини содир этса, унга нисбатан жиноий жавобгарлик қўлланилади.

Шарҳланаётган модда биринчи қисмида назарда тутилган жинойт субъектив томондан тўғри қасд орқали содир этилади. Айбдор чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бажармаётганлигини билади, унга нисбатан жиноий жавобгарлик қўлланилиш мумкинлиги олдиндан кўра олади, чунки олдинроқ маъмурий жавобгарликка тортилган

бўлади ва давом эттираверади, яъни ушбу қоидаларни бузишни хоҳлайди.

Ўн олти ёшга тўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларгина шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** бўлиб ҳисобланади.

ЖК 224-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят объектив томондан мансабдор шахс томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларида назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибининг бузилишида намоён бўлади.

1992 йил 7 сентябрда қабул қилинган “Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистонда вақтинча бўлишлари қоидалари”га кўра, чет эл фуқароларини қабул қилган ташкилотларнинг мансабдор шахслари уларга чет эл фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилишини, уларнинг ҳисоби юритилишини, уларнинг республикада бўлиш ҳужжатлари ўз вақтида расмийлаштирилишини, уларнинг белгиланган муддатда чиқиб кетишини таъминлаши лозим.

Таҳлил қилинаётган модданинг 2-қисми ҳам маъмурий преюдицияга эга ҳисобланади.

ЖК 224-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят мансабдор шахс томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибининг бузилиши биланок **тугалланган** ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Жиноятнинг содир этилиш мотиви ва ундан кўзланган мақсад қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Агар шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан содир этилса, иккинчи қисмида назарда

тутилган жиноят **субъекти** эса фақатгина уларни қабул қилувчи ташкилотнинг мансабдор шахслари ҳисобланади. Махсус субъектлар – мансабдор шахслар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибини ижро этишга бевосита дахлдор бўлишлари лозим. Буларга ички ишлар органлари, ташқи ишлар вазирлиги ходимлари ва чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлишларини назорат қилувчи бошқа органлар мансабдор шахслари киради.

ЖК 224-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноят объектив томони қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) биринчидан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий иш билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган фуқаро томонидан мазкур фуқароларнинг вақтинча пропискадан ўтишларини, шунингдек, улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач, чиқиб кетишларини таъминлашга доир чоралар кўрилмаслиги;

2) иккинчидан, уй-жой, транспорт воситалари бериб қўйилиши ёхуд бошқа хизматлар кўрсатилиши, агар бу Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келса;

ЖК 224-моддаси 3-қисми диспозициясида белгиланган ҳаракатлардан бирининг содир этилиши, агар бу ҳаракат ана шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жинойий жавобгарликка олиб келади.

ЖК 224-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноят унинг диспозициясида белгиланган ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

ЖК 224-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноят объектив томондан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан муайян чоратадбирларни кўрмаслик орқали, яъни ҳаракатсизликдан содир этилиши билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарорига 2-илоvasи “Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидалари”га мувофиқ, хорижий фуқароларни хусусий ишлар бўйича Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган ва уларга турар жой берган шахслар бу фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички ишлар бошқармасининг тегишли бўлимларида ўз вақтида рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш чора-тадбирлари кўришга ва уларга белгиланган бўлиш муддатлари тугаши билан Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишларида кўмаклашишга мажбурдирлар.

Қонун чиқарувчи хорижий фуқароларга турар жой, транспорт воситалари берилишига ёки уларга бошқа хил хизматлар кўрсатилишига, агар бу Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур қоидаларнинг бузилишига олиб келиши аниқ бўлса, йўл қўйилмаслигини аниқ белгилайди.

ЖК 224-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноят формал таркибли жиноят бўлганлиги учун Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Жиноятнинг содир этилиш мотиви ва ундан кўзланган мақсад қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий ишлар бўйича таклиф этган ҳамда Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш орқали уларни турар жой билан таъминлаган 16 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари таҳлил қилинаётган модданинг 3-қисми бўйича жиноят **субъекти** ҳисобланадилар.

§ 23. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш

(ЎзР ЖК 225-моддаси)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида: «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар», деб ёзилган.

Ушбу жиноятнинг бевосита объекти ҳарбий хизматга чақирув, сафарбарлик чақирув резервига олиниш, ҳарбий хизматни ўташнинг ва резервдаги хизматни ўташнинг белгиланган тартиби ҳисобланади. Ушбу объект умумий объект – давлат бошқарув органларининг нормал тартибдаги фаолиятининг ажралмас қисмидир.

Объектив томондан ЖК 225-модда 1-қисмида кўзда тутилган жиноят ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирувдан, сафарбарлик чақирув резерви сафига олинишдан ёки Қуролли Кучлар резервида хизматни ўташдан узрли сабабсиз бўйин товлашда ифодаланади.

Бўйин товлаш деганда, чақирув ёшидаги шахс томонидан Конституцияда назарда тутилган ўз фуқаролик бурчини бажармаслик учун фойдаланган ҳар қандай усулни тушуниш зарур.

Таҳлил қилинаётган модда диспозицияси бланкет характерига эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни ҳарбий хизматга чақирув ва ҳарбий хизматни ўташ тартибини белгилайди.

Ўзбекистоннинг суверенитетини ҳимоя қилиш бўйича конституциявий бурчнинг бажарилиши тартибини белгилаш, ҳарбий хизматни ўташ, хизматдан озод этилиш ҳамда ҳарбий хизматга алоқадор бошқа масалалар юқорида келтирилган Қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майдаги “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга

олиш Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги 119-сонли қарори, ушбу норматив ҳужжат асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш Низоми, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 2003 йил 15 июлдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш ишларини ташкиллаштириш ва тартибини белгилаш йўриқномасини тасдиқловчи 457-сонли Буйруғида ёритилади.

Ҳарбий хизмат – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоҳида туридир. Ҳарбий хизмат расмий давлат хизматлари турларидан бири бўлиб, умумий ҳарбий мажбуриятни адо этишга турлича ёндашув имкониятларини назарда тутди. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, қонун чиқарувчи ҳарбий хизмат турларини белгилаб, шуларга биноан умумий ҳарбий мажбуриятни ўташнинг алоҳида тартиби ҳамда Конституцияга биноан мамлакатни мудофаа этиш мажбуриятларини бажариши шарт бўлган шахсларнинг хизматни ўташ муддати ва бошқа ҳолатларни белгилаган.

Таҳлил қилинаётган модда муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати ҳамда муқобил хизматдан бўйин товлаш учун жавобгарликни белгилайди.

Муддатли ҳарбий хизмат – чақирилиш ёшидаги фуқароларнинг оддий аскар ва сержантлар таркиби лавозимларида, шунингдек, муқаддам ҳарбий хизматни ўтамаган офицерларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида Қуролли Кучлар сафидаги мажбурий хизматидир.

Муддатли ҳарбий хизмат муддатлари календарь ҳисобида:

- 1) муддатли ҳарбий хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун ўн икки ой (олий маълумотли шахслар учун – тўққиз ой);

2) муддатли ҳарбий хизматни чақирув бўйича офицерлар таркиби лавозимларида ўтаётган офицерлар учун – тўққиз ой қилиб белгиланади.

Муқобил хизмат – фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришининг чақирув бўйича ҳарбий хизмат ўрнига иқтисодиёт, ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида кам малака талаб этиладиган (ёрдамчи) ишларни, шунингдек, фалокатлар, ҳалокатлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган алоҳида туридир.

Ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, ҳарбий рўйхатда турувчи ва хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар, агар улар диний таълимоти қурол-яроғдан фойдаланиш ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турсалар, муқобил хизмат ҳуқуқига эга.

Муқобил хизматнинг муддати йигирма тўрт ойни, олий маълумотли фуқаролар учун эса ўн саккиз ойни ташкил этади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат деганда, муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олиниши тушунилади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилади ҳамда чақирилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисобварағига пул бадаллари киритилишини назарда тутлади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига шахслар йигирма етти ёшга тўлгунга қадар олинадилар ва ҳар йилги ҳарбий йиғинларга жалб этилишлари мумкин, фавқулодда вазиятлар ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда эса ҳақиқий

ҳарбий хизматга чақириладилар.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган фуқаролар йигирма етти ёшга тўлганларидан кейин Қуролли Кучлар резерви таркибига ўтказиладилар.

Резервдаги хизматни ўташ ёки резервчилар хизмати – бу ҳақиқий ҳарбий хизматни, шунингдек, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар жумласидан бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар учун Қуролли Кучларнинг қўшилмалари, қисмлари ва бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириш, шунингдек, уруш даври тақозо этадиган тузилмаларни кучайтириш мақсадида умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этиладиган ҳарбий хизмат туридир.

Резервчилар сифатида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматга мажбурлар тинчлик даврида, қоида тариқасида, қўшинларнинг жанговор тайёргарлигини сақлаб туриш, резервчиларнинг ҳарбий ҳисобдаги ихтисослик бўйича мажбурятларни тинчлик ва уруш даврида бажарилиши учун зарур бўлган кўникмаларни сақлаб қолиш ва такомиллаштириш мақсадида ҳарбий қисмлар базасида ҳудудий принцип асосида ташкил этиладиган ҳарбий тайёргарлик бўйича ҳарбий йиғинларни ўташга жалб этилишлари мумкин.

Резервчилардан уруш давридан ҳам, тинчлик даврида ҳам Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз таҳдиди ва мамлакат хавфсизлигига таҳдид туғилганида, табиий офатлар ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон Республикасининг Президенти фармонида биноан қўшилмалар ва қисмлар таркибида жанговор мақсадлар бўйича фойдаланилиши мумкин.

Қуролли Кучлар резервчиларининг хизматни ўташ тартиби ва муддатлари “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат

тўғрисида”ги Қонуннинг 5- бобида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади.

Бўйин товлаш деганда, чақирув ёшидаги шахс томонидан Конституцияда назарда тутилган ўз фуқаролик бурчини бажармаслик учун фойдаланган ҳар қандай усулни тушуниш зарур.

Бўйин товлаш узрли сабабларсиз, ҳужжатларни қалбакилаштириш, алдаш ва бошқа йўллар билан чақириш пунктига белгиланган вақтда етиб келмасликда ифодаланиши мумкин. Ана шу усулларнинг ҳаммаси ҳарбий хизматни ўтамасликка қаратилган бўлади.

Сафарбарлик чақирув резерви **сафига олинишдан бўйин товлаш** ҳам турли хил усуллар орқали амалга оширилиши мумкин ва сафарбарлик чақирув резерви хизматига олинишдан қочишга мўлжалланган актив ва пассив ҳаракатларда ўз ифодасини топади.

Резервда хизматни **ўташдан бўйин товлаш** Ўзбекистон Республикасининг нормал фаолиятига хавfli табиий офатлар ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш учун мўлжалланган ҳарбий йиғинлардан бош тортишни назарда тутди.

Чақирилувчининг меҳнат лаёқатини йўқотиш билан боғлиқ касаллиги ёки майиблиги; чақирилувчининг яқин туғишганининг вафот этгани ёки оғир бетоблиги; табиий йўсиндаги тўсиқлар ёки чақирилувчининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган, унинг чақирув комиссиясига ёки сафга олиниш жойига, сафарбарлик ёки резерв хизматини ўташ учун етиб келишга тўсқинлик қилган шарт-шароитлар (ёнғин, сув тошқини, транспорт фалокати ва ҳокозолар) **узрли сабаблар** ҳисобланади.

Касаллиги муносабати билан чақирув пунктига келиш имкониятининг бўлмаганлиги шифокор томонидан берилган ҳужжатлар билан, табиий шарт-шароитлар муносабати билан етиб келиш имкониятининг бўлмаганлиги давлат ҳокимияти органларининг тегишли ҳужжатлари билан тасдиқланган

бўлиши керак.

Чақирилувчини ЖК 225-модда 1-қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масала, фақатгина унга илгари йил давомида узрли сабабларсиз ҳарбий ёки муқобил хизматдан, сафарбарлик чақируви резерви сафига олинишдан ҳамда Қуролли Кучлар резервида хизматни ўташдан бўйин товлагани учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 237-моддаси ёки 239-моддаси асосида маъмурий жазо чоралари қўлланилган бўлса, қўзғатилади.

Ҳарбий ёки муқобил хизматдан, сафарбарлик чақируви резерви сафига олинишдан, Қуролли Кучлар резерви хизматни ўташдан бўйин товлаш чақирув муддати тайинланган пайт тамом бўлгандан эътиборан **тугалланган** жиноят ҳисобланади.

Ҳарбий ёки муқобил хизматдан, сафарбарлик чақируви резерви сафига олинишдан, Қуролли Кучлар резервида хизматни ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товланишнинг **субъектив томони** айбнинг тўғри қасд шаклида ифодаланишидир. Айбдор чақирув сафига олиниш ёки ҳарбий муқобил хизматни ўташ билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаётганини англайди, узрли сабабларсиз ва ғайриқонуний равишда чақирув пунктларига бормаслигини билади ва бундай ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товланишнинг **субъекти** сифатида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, чақирув кунига қадар ўн саккиз ёшга тўлган ҳарбий хизматга чақирувдан озод этилиш ёки уни кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган эркак жинсига мансуб шахс тан олиниши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида ҳарбий резерв сафига олинишдан, Қуролли Кучлар резервида хизматни ўташдан бўйин товлаш:

- а) ўз баданига шикаст етказиш;
- б) ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан содир этилганда белгиланадиган жиноий

жавобгарлик кўзда тутилади.

Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш мақсадида ўз баданига шикаст етказишни ЖК 225-моддаси 2-қисми “а” банди бўйича квалификация қилиш керак. Ўз баданига жароҳат етказиш деб, баданнинг бирон-бир аъзо ёки тўқималарини қасдан жароҳатлаш, уларнинг функцияларини турли усуллар билан бузиб, ҳарбий чақирувдан ёки хизматдан бўйин товлашга айтилади. Соғлиққа зарар (шикаст) айбдорнинг ўзи томонидан ҳамда унинг илтимоси билан бошқа шахс томонидан ҳам етказилиши мумкин.

Шикаст бошқа шахс томонидан етказилган бўлса, шахс баданга тегишли даражада шикаст етказиш ва шарҳланаётган жиноятни содир этишга ёрдам берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилади. Бунда шахс шикаст етказаётганда ўзининг ҳаракатларини идрок этгани ва баданга шикаст етказишни ҳарбий ёки муқобил хизматдан, сафарбарлик чақируви резерви сафига олинишдан, Қуролли Кучлар резервидан бўйин товлашда ёрдам бераётганлигини билганини аниқлаш лозим.

Қонун соғлиққа зарар қандай даражада бўлишини кўрсатмайди. Лекин ЖК 225-моддаси 2-қисмининг мазмунига кўра, бу ҳарбий хизматни ўташдан озод этилиши учун етарли асос бўлиши керак.

ЖК 225-моддаси 2-қисми “а” бандида белгиланган жиноят баданга шикаст етказиш пайтдан эътиборан тугалланган деб ҳисобланади.

Ҳарбий ёки муқобил хизматдан, сафарбарлик чақируви резерви сафига олинишдан ёки резервда хизматни ўташдан ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан бўйин товлашни ЖК 225-моддаси 2-қисми “б” банди бўйича квалификация қилиш керак.

Ҳужжатларни қалбакилаштириш деганда, ҳарбий ёки муқобил хизмат, сафарбарлик чақируви резерви, резервда хизматни ўташдан бўйин товлаш мақсадида ҳарбий

хизматдан озод этилишга асос бўла оладиган сохта ҳужжатларни тақдим этиш тушунилади. Қалбакилаштиришнинг мақсади – навбатдаги ҳарбий чакирув, хизмат ёки сафга олинишдан бўйин товлаш бўлиб, бунда чакирув комиссиясига шахснинг соғлиғи, ёши, оиласининг таркиби сингари бирон-бир фактлар ёки муддатли ҳарбий хизматга чакирувга, сафга олинишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай бошқа маълумотлар борлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

Ҳарбий ёки муқобил хизматдан сафарбарлик чакируви резерви сафига олинишдан ёки резервда хизматни ўташдан ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали бўйин товлаш ЖК 228-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

Бошқача алдаш деганда, шахснинг ҳарбий ёки муқобил хизмат, сафарбарлик чакируви резерви сафида, резерв хизматидан бўйин товлаш мақсадида амалга ошириладиган ҳамда унинг ёрдамида мудофаа ва муқобил хизмат органларини чакирувдан озод этиш ҳақида қонуний асос борлигини ишонтиришга, уларни янглиштиришга имкон берадиган ҳар қандай усулни тушуниш лозим. Масалан, комиссияга ўзининг ўрнига бошқа, олдиндан ҳарбий хизматга яроқсиз шахсни юбориш, чакирув комиссиясига ҳарбий хизматга чакириш масаласига таъсир этадиган ёлғон маълумотларни бериш ва ҳоказо.

Жиноят кодекси 225-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноят эса айбдорга ҳарбий ёки муқобил хизматдан, сафарбарлик чакируви резерви сафига олинишдан, резервда хизматни ўташдан озод бўлиш имконини берадиган қалбаки ҳужжат тақдим этилган ёки бошқача алдаш содир этилган пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

ЖК 225-моддаси 3-қисмининг объектив томони Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига сафарбарлик бўйича чакирилишдан бўйин товлашда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунининг 46-моддаси уруш вақтида сафарбарлик бўйича ҳарбий хизматга чақириш тартиби ва шартларини белгилайди.

Фуқароларнинг сафарбарлик бўйича ва уруш даврида ҳарбий хизматга чақирилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари асосида ўтказилади.

Сафарбарлик эълон қилинган тақдирда, бу вақтда ҳарбий хизматда ва ҳарбий йиғинларда бўлган барча фуқаролар алоҳида фармойиш берилгунга қадар хизматни давом эттириб туради, ҳарбий хизматга мажбурлар эса ҳарбий хизматга чақирилади. Ҳарбий хизматчиларнинг таътиллари бекор қилинади. Ҳарбий хизматга мажбурлар ўзлари қайд этилган жойдаги туман (шаҳар) мудофаа ишлари органида, ҳарбий хизматчилар эса хизматни ўтаётган жойда ҳозир бўлиши шарт. Сафарбарлик эълон қилиниши билан туман (шаҳар) комиссияларининг чақирилиш ёшдаги фуқароларнинг чақирилиш муддатини кечиктириш ва уларни чақирилишдан озод этиш тўғрисидаги қарорлари бекор қилинади. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳамда чақирилишдан озод этиш бундан кейин фақат саломатлиги ҳолатига кўра ва махсус ҳисобда турганлигига қараб қўлланиши мумкин.

Сафарбарлик эълон қилинганида ва уруш даврида ҳарбий хизматга ўн саккиз ёшдан бошлаб “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунда белгиланган резерв ва захирада бўлиш ёши чегарасига қадар ёшдаги ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳамда ҳарбий рўйхатда турмаган ўн саккиз ёшдан қирқ беш ёшгача бўлган аёллар (ўн олти ёшгача бўлган болалари бор аёллар бундан мустасно) чақирилишлари мумкин.

Сафарбарлик бўйича ва уруш даврида ҳарбий хизматга чақирилиш фақат мудофаа ишлари органлари томонидан амалга оширилади.

Сафарбарлик бўйича чақирувдан бўйин товлаш

шахсининг узрли сабабларсиз сафарбарлик кўрсатмасида қайд этилган муддатда чақирилиш пунктига етиб келмаслиги ёхуд ғайриқонуний равишда сафарбарликдан озод бўлишда (қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб, ёлғондакам касал бўлиб ва ҳоказоларда) ифодаланади.

Жиноят сафарбарликдан бўйин товланган пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Мотив ва мақсаднинг жиноятни квалификация қилиш учун аҳамияти йўқ.

Жиноятнинг **субъекти** муддатли ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилмаган, сафарбарлик чақируви резерви сафига олинган ҳамда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўтагандан кейин резерв ёки захирага ўтказилган шахс ҳисобланади. Резервда ва захирадаги хизматнинг ёш чегараси қонун билан белгиланади.

§ 24. Маъмурий назорат қоидаларини бузиш (ЎзР ЖК 226-моддаси)

1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, унга кўра маъмурий назорат тарбиявий ва жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган таъсир чораларининг йиғиндиси бўлиб, назорат остидаги шахсларга маъмурий чеклашларни татбиқ этишдан иборатдир.

Жиноятнинг бевосита объекти **маъмурий назоратни амалга оширишнинг белгиланган тартиби, маъмурий назоратни амалга оширувчи ички ишлар идораларининг нормал фаолияти** ҳисобланади.

Жиноят объектив томондан **маъмурий назорат қўлланилган шахслар томонидан маъмурий назоратнинг у ёки бу қоидасининг бузилишида** ифодаланади.

“Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган

шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига асосан, маъмурий назорат вояга етган қўйидаги шахсларга нисбатан:

1. оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар уларнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атвори тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганликларидан далолат берса;

2. оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар улар жазо муддатини ўтаб бўлганларидан сўнг ички ишлар идораларининг жамият учун зарарли кун кечиришни тўхтатиш тўғрисидаги огоҳлантиришига қарамай, жамоат тартибини мунтазам бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётган бўлсалар;

3. ўта оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан ўрнатилади.

4. Ушбу қонуннинг 5-моддасида белгиланишича, **маъмурий назорат остига олинган шахсларга нисбатан қўйидаги чеклашлар қўлланилиши мумкин:**

5. куннинг ички ишлар идоралари белгилаб қўйган вақтида уй (квартира)дан чиқиб кетишини тақиқлаш;

6. туман (шаҳар)нинг муайян жойларида бўлишини тақиқлаш;

7. ички ишлар идоралари (милиция)нинг рухсатсиз туман (шаҳар)дан ташқарига чиқиб кетишни тақиқлаш;

8. рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача милицияга келиб учрашиш.

Маъмурий назорат остида турган шахс ҳалол меҳнат қилиб кун кечириши, жамоат тартибини бузмаслиги, бошқа фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, қўйидаги қоидаларга риоя этиши шарт:

1. милициянинг чақирувига биноан кўрсатилган

муддатда бориш ҳамда маъмурий назорат қоидаларини ижро этиш билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш;

2. ишлаш ёки яшаш жойи ўзгарганлиги тўғрисида, шунингдек, туман (шаҳар)дан ташқарига кетаётгани тўғрисида маъмурий назоратни амалга ошираётган милиция ходимларини бир кеча-кундузда хабардор қилиш;

3. бошқа аҳоли манзилгоҳига борганида ва у ерда бир кеча-кундуздан кўпроқ вақт туриб қолганида маҳаллий ички ишлар (милиция) бўлимида рўйхатдан ўтиш;

4. “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган, унга нисбатан қўлланилган чеклашларга риоя этиш.

Чеклашлар рўйхати қатъий ҳисобланади, бу рўйхатни кенгайтириш мумкин эмас.

Судьянинг қарори **маъмурий назорат ўрнатилиши учун асос** ҳисобланади. Судья озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш ҳудудидаги ёки шахс яшаётган ички ишлар органи бошлиғининг жазога ҳукм қилинган шахснинг тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганлигидан далолат берувчи тақдимнома олинган пайтдан бошлаб ўн кундан кечиктирмай қарор чиқаради.

Судья маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорда назорат белгиланишига нималар сабаб бўлганлиги, назорат муддатини, назорат остидаги шахсга нисбатан қўлланиладиган чеклашларни, агар маъмурий назорат жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишда белгиланган бўлса, унинг танланган яшаш жойига етиб келиш муддати кўрсатилади.

Маъмурий назорат олти ойдан бир йилгача муддатга белгиланади. Назоратни амалга ошириш муддати оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган

ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар уларнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атвори тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганликларидан далолат берса ёки ўта оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан яшаш жойига етиб келган пайтдан бошлаб, шунингдек, оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган, жазо муддатини ўтаб бўлганларидан сўнг ички ишлар идораларининг жамият учун зарарли кун кечиришни тўхтатиш тўғрисидаги огоҳлантиришига қарамай, жамоат тартибини мунтазам бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётган шахсларга нисбатан судья маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида қарор чиқарган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Маъмурий назорат муддати ички ишлар идораларининг тақдимномасига биноан ҳар сафар яна олти ойга узайтирилиши мумкин, лекин узайтирилган назорат муддати мазкур жиноят учун белгиланган судланганлик муҳлатининг тугаши ёки судланганликни олиб ташланиши учун қонунда назарда тутилган муддатлардан ошмаслиги лозим.

Маъмурий назорат қуйидаги ҳолларда, яъни:

1. маъмурий назорат олиб бориш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин, агар уни узайтиришга асос бўлмаса;
2. муддатидан илгари, башарти назорат остида бўлган шахс тузалиш йўлига қатъиян ўтганлиги, ишда ва турмушда ўзини яхши томондан кўрсатганлиги аниқланган бўлса;
3. судланганлик муҳлати тугаган ёки судланганлиги олиб ташланган ҳолларда **тўхтатилади**.

Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги Қонуннинг бирон-бир банди бузилган пайтдан эътиборан жиноят **тугалланган** ҳисобланади. Башарти

маъмурий назорат қоидалари худди шундай қилмиши учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс томонидан содир этилган бўлса, у ЖК 226-моддаси 1-қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Уни квалификация қилишда жиноятни содир этиш мотиви ва кўзланган мақсад аҳамиятга эга эмас.

Жиноят **субъекти** фақат нисбатан маъмурий назорат кўлланилган шахс ҳисобланади.

ЖК 226-моддаси 2-қисмида:

а) маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида ўз истиқомат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш;

б) маъмурий назорат озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилиш вақтида шахсга нисбатан ўрнатилган бўлиб, у ўзи танлаган яшаш жойига узрли сабабларсиз муайян муддатда етиб келмаганлиги туфайли маъмурий назорат қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Истиқомат жойидан ўзбошимчалик билан кетиб қолиш деганда, устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахснинг маъмурий назоратни амалга ошираётган ички ишлар идораларининг расмий ижозатсиз истиқомат жойидан кетиб қолишини тушуниш лозим.

Айбдорнинг қилмишини ЖК 226-моддасининг 2-қисми бўйича квалификация қилиш учун унинг маъмурий назоратдан қандай мақсадни кўзлаб бўйин товлаганини аниқлаш зарур, акс ҳолда айбдорнинг хатти-ҳаракатини ЖК 226-моддаси 2-қисми “а” банди бўйича квалификация қилиб бўлмайди.

§ 25. Хужжатлар, штамплар, мухрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш (ЎзР ЖК 227-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти сифатида қонунчилик ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларининг талабларига биноан ўрнатилган расмий ҳужжатларни қайд этиш, юритиш ва сақлаш тартиби бўйича муносабатлар ҳамда фуқаро ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари тушунилади.

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг предмети ҳужжат, штамп, муҳр ва бланкалар ҳисобланади. Қонунда кўрсатилган предметлардан асосийси “ҳужжат” тушунчасидир, чунки штамплар, муҳр ва бланкалар айна ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳужжат, расмий ҳужжат тушунчалари ҳақида ЖК 209-моддаси таҳлиliga қаранг.

Штамп – уларга нисбатан тайёрлаш, сақлаш ва фойдаланишнинг алоҳида тартиби белгиланган ахборотни тасдиқлаш ёки ҳужжатларни рўйхатга олиш воситаси. Штамплар бурчак, рўйхатга олиш (ҳисоб), ахборот, шунингдек, шахсий штампларга бўлинади.

Мухр – юридик ёки жисмоний шахснинг тўлиқ номи ёзилмаган матннинг рельефи ёки ўйма тасвирдан иборат ва қоғозда, сақичда, пластилинда ёки бошқа материалларда ўзидан нусха қолдириш учун хизмат қилувчи босма қолипдир.

Штампнинг босмасидан фарқли ўлароқ, муҳрнинг босмасига тузатиш ва қўшимчалар киритиш мумкин эмас. Мухрларнинг алоҳида турини давлат герби туширилган доира шаклига эга бўлган гербли муҳрлар ташкил этади.

Мухрлар турли хил жисмлар (резина, каучук, пластмасса)дан тайёрланади, турли конфигурацияга ва бошқа ўзига хос

белгиларга эга. Мухрлар жумласига, шунингдек, хоналар, омборхоналар, ўрамлар ва ҳоказоларни хатлаш мақсадида сақичда, пластилинда муҳр ўрнида босиладиган босма қолиплар ҳам киради.

Бланка – бу бурчак ёки марказда штамп босмаси туширилган ёки исталган усулда штамп матни босилган ёки бошқа матнли (матнли расм) бўлган ҳамда хужжатни тайёрлаш учун фойдаланиладиган қоғоз варағи (лицензия, паспорт, гувоҳнома, сўровнома, ариза ва бошқалар бланкаси). Булар орасида қатъий ҳисобдаги бланкалар ажралиб туради, улар алоҳида тартиб рақами (серияси), махсус фойдаланиш режимига эга.

Шарҳланаётган жиноят предметига фақат қатъий ҳисобдаги бланкалар киради.

Қатъий ҳисобдаги бланкалар деганда, тартиб рақами, серияси бўлган, махсус фойдаланиш режимига эга бўлган бланкалар тушунилади.

ЖК 227-моддаси 1-қисмида жавобгарлик кўзда тутилган жиноятнинг **объектив томони** хужжат, штамп, муҳр ва бланк билан шарҳланаётган модданинг диспозициясида берилган қуйидаги альтернатив ҳаракатларни содир этиш билан тавсифланади: эгаллаш, нобуд қилиш, шикаст етказиш, яшириш. Бу ҳаракатлардан бирон-бири модданинг диспозициясидаги предметлардан бирига нисбатан содир этилиши жинойий жазога лойиқ топилиб, қонун бўйича таъқиб этилади.

Хужжатни (штамп, муҳр ва ҳоказоларни) эгаллаш деганда, кўрсатилган предметларни расмий хужжат айланишидан ёки эгаликдан исталган усул орқали ғайриқонуний чиқариш ва уларни тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда ўзининг ёхуд бошқа шахснинг фойдасига ўзлаштириш тушунилади. Хужжатларни, муҳрларни ва бошқа қонунда кўрсатилган предметларни эгаллаш пайтида зўрлик ишлатилган ҳолларда қилмишни шахсга қарши жиноятнинг тегишли моддаси билан жиноятлар мажмуи тариқасида

квалификация қилиш зарур.

Жиноят ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар ҳақиқатда ҳам айбдор ихтиёрига ўтган пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳисобланади.

Ҳужжатни (штамп, муҳр ва ҳоказоларни) нобуд қилиш – бу айтиб ўтилган предметларни идентификация қилиш ва улардан хизмат мақсадида фойдаланиш имкониятининг қолдирилмаганлигидир. Нобуд қилиш деб натижада жиноят предметлари моддий, жисмонан мутлақо йўқолиб кетишига сабаб бўлган ҳар қандай ҳаракатларни тан олиш керак.

Ҳужжатга (штамп, муҳр ва ҳоказоларга) шикаст етказиш – бу айтиб ўтилган предметларни идентификация қилиш мумкин бўлган, аммо уларни қайта тикламай туриб, хизмат мақсадларида фойдаланиш анча қийин ёки мумкин бўлмайдиган ҳолатга келтирган зарар етказишдир.

Кўрсатиб ўтилган предметларни айбдор шундай ҳолатга келтирган пайтдан эътиборан жиноят **тугалланган** ҳисобланади.

Ҳужжатни (штамп, муҳр ва ҳоказоларни) яшириш – айтиб ўтилган предметларнинг улардан адресатга, эгасига, ижрочига хизмат мақсадларида фойдаланиш имконини бермайдиган даражда яшириб қўйилишидир.

Жиноят яшириб қўйилган пайтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

Ушбу модданинг 2-қисмида:

- 1) ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларга нисбатан содир этилган;
- 2) оғир оқибатларга олиб келган худди шундай қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ўта муҳим ҳужжатлар деб, жумладан, давлат сири, ҳарбий сир, тадбиркорлик ёки банк сирларини ўз ичига олган ҳужжатларни, жиноят ишида мавжуд бўлган процессуал ҳужжатларни тан олиш керак.

Паспорт – бу шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва хорижий мамлакатларда фуқаролиги ва шахсини тасдиқлайдиган универсал расмий ҳужжатдир.

Ўта муҳим бланкаларга олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органининг бланкалари, масалан, хусусийлаштириш ордери, савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар бланкалари киради.

Оғир оқибатларга давлат сирларининг ошкор этилиши, корхона, муассаса, ташкилотлар фаолиятидаги тўхташлар, уларга жуда кўп зарарлар келтириш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказишларни киритиш мумкин.

Жиноятнинг **субъектив томони** айб тўғри қасд шаклида тавсифланади.

Мотив – таҳлил қилинаётган жиноятнинг зарурий белгиси бўлиб, у ғаразли ёки бошқа паст ниятларда (қасос, рашк ва ғаразгўйлик, мулкий мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаш ва бошқалар) намоён бўлади.

Жабрланувчининг мулкани эгаллаш вақтида хато туфайли қонунга хилоф равишда ҳужжатни қўлга киритилиши, ўзгани мулкани эгаллашга суиқасд сифатида квалификация қилинади.

Талон-тарож қилинган буюмлар ичида шахсий ҳужжатлар ёки муҳим ҳужжатларни мавжуд бўлсада, агар айбдорнинг шахсий ёки муҳим ҳужжатларни эгаллашга қасдини мавжуд бўлмаслиги, жиноятни ЖКнинг 227-модда, 2-қисм, “а” банди билан квалификация қилиш заруриятини келтириб чиқармайди.

Субъект ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

**§ 26. Хужжатлар, штамплар, мухрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш
(ЎзР ЖК 228-моддаси)**

Жиноятнинг бевосита объекти хужжатлар, штамп, мухр, бланкаларни, яъни бирон-бир фактни тасдиқловчи, бирон ҳуқуқ ёки мажбуриятларни ўрнатувчи ёки улардан озод этувчи моддий жисмларнинг айланиши билан боғлиқ бўлган муносабатлар ҳисобланади.

ЖК 228-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноятнинг предмети ЖК 227-модда назарда тутилган жиноятнинг предмети билан ўхшаш.

ЖК 228-моддаси 1-қисмида жавобгарлик белгиланган қилмишнинг объектив томони муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий хужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штамп, мухри, бланкасини) тайёрлаш, расмий хужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штамп, мухри, бланкасини) қалбакилаштириш, тайёрланган, қалбакилаштирилган расмий хужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штамп, мухри, бланкасини) сотишда ифодаланади.

Расмий хужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штамп, мухри, бланкасини) тайёрлаш – бу асл хужжатнинг (корхона, муассаса, ташкилот штамп, мухри, бланкаси) нусхаларини ғайриқонуний тайёрлаш ёки уларни аслида мавжуд бўлмаган юридик шахс ёки фуқаролар номидан норматив хужжатларда ўрнатилган талабларни бузган ҳолда тайёрлаш, шунингдек, айтиб ўтилган хужжатларнинг шакли ва мазмунига уларнинг ҳуқуқий мақомини ўзгартирувчи тузатишлар, ўзгартиришлар, қўшимчалар ва ҳоказоларни киритиш.

Расмий хужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штамп, мухри, бланкасини) қалбакилаштириш – бу асл хужжатнинг (корхона, муассаса, ташкилот штамп, мухри, бланкаси) мазмуни ёки шаклини тўлиқ ёки қисман ғайриқонуний модификация қилиш (ўзгартириш). Қалбакилаштириш

усуллари жиноятни квалификация қилиш учун аҳамият касб этмайди. Қалбакилаштириш ўчириш, қўшиб ёзиш, тузатишлар киритиш ҳамда мазмуни (матни)нинг бир қисмини йўқ қилиш, қўшимча маълумотларни киритиш йўли билан содир этилиши мумкин (масалан, паспортга хорижга чиқиш рухсатини берадиган стикернинг қалбақисини ёпиштириш).

Қалбақи ҳужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штампи, муҳри, бланкасини) **соттиш** – бу бегоналаштириш шаклидан қатъи назар, уни бегоналаштириш учун қилинган ҳар қандай ҳаракат. Соттиш ҳар қандай усулда: сотув, алмаштириш, ҳадя этиш ва ҳоказо усуллар орқали амалга оширилиши мумкин. Соттиш қалбакилаштирувчининг ўзи томонидан ёки бошқа, қалбакилаштириш учун жавобгар бўлмаган, лекин ҳужжатнинг (корхона, муассаса, ташкилот штампи, муҳр бланкасининг) қалбақилигини англамаган шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Агар шахс ҳужжатнинг қалбақилигини англамаган ёки англаши мумкин ҳам бўлмаган бўлса, у ЖК 228-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Айтилган предметлар тайёрланган, қалбакилаштирилган ёки сотилган пайтдан бошлаб жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

Субъектив томондан шарҳланаётган жиноят айбдорда тўғри қасд мавжудлиги билан тавсифланади. Айбдор расмий ҳужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штампи, муҳри, бланкасини) тайёрлаётгани, қалбакилаштираётганини англайди ва буни хоҳлайди.

Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш жиноят таркибининг зарурий элементи мақсад – қалбакилаштирувчи ёки бошқа шахс томонидан ундан фойдаланиш бўлиши лозим. Агар айбдорда бундай мақсад бўлмаган бўлса, унга ЖК 228-моддаси қўлланиши мумкин эмас. Қалбақи ҳужжат, штамп, муҳр,

бланкаларни сотиш учун жавобгарлик сотиш мақсадидан қатъи назар келиб чиқади.

Жиноят **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

ЖК 228-модда, 2-қисми:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирилиб содир этилганлиги учун жавобгарлик белгилайди.

Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш ЖК 228-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни ташкил этади.

Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш – бу айбдорнинг ушбу ҳужжатдан келиб чиққан ҳуқуқларга эга бўлиш ёки мажбуриятлардан озод бўлиш учун қилган ҳаракатларидир. Фойдаланиш сиртдан қалбаки ҳужжатни намойиш этиш (кўрсатиш) ёки уни ташкилот ва алоҳида шахсларга ҳақиқийдек тақдим этиш (узатиш, юбориш) орқали ифода этилиши мумкин. Ҳужжатни тайёрлаган ёки қалбакилаштирган шахс ўзи ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланса, айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 228-модда 3-қисми бўйича квалификация этиш зарур, чунки шахс томонидан айтилган бир модданинг турли қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар содир этилганлик учун жиноятлар мажмуини белгилашда жавобгарлик шу модданинг оғирроқ жазо назарда тутилган қисми бўйича юзага келади.

ЖК 228-моддаси 3-қисмида кўзда тутилган жиноят муайян ҳуқуққа эга бўлиш ёки муайян мажбуриятлардан озод бўлиш пайтидан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади. Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланишнинг **субъектив томони** тўғри қасдда ифодаланади. Айбдор ҳужжатнинг мазмуни ҳақиқатга тўғри келмаслигини, ўзига қандайдир ҳуқуқларни таъминловчи ёки бирор мажбуриятдан озод этувчи ҳужжат қалбаки эканлигини

била туриб фойдаланаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди ҳам.

**§ 27. Давлат проба тамғаларини тайёрлаш ва улардан
фойдаланиш қоидаларини бузиш
(ЎзР ЖК 228¹-моддаси)**

Жиноятнинг бевосита **объекти** – проба назорати инспекциялари томонидан тамғаланиши шарт бўлган ва қимматбаҳо металллардан ясалган буюмлар билан муомала қилиш тартиби.

Жиноят **предмети** – давлат проба тамғаси, яъни заргарлик буюмларида ва бошқа предметларда заргарлик буюмлари ишлаб чиқариладиган олтин, кумуш ва платинанинг миқдорини аниқловчи тамға ёки белги, Давлат проба тамғаси тасдиқлаш белгиси ва проба белгисидан ташкил топиб, улар бирга ёки алоҳида тушунилиши мумкин. Ушбу белги заргарлик буюми ёки бошқа предметлар проба назорати инспекциясида текширилган ва тамғада кўрсатилган пробадан кам бўлмаган пробага эгаллигини билдиради.

Объектив томондан жиноят тамагирлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб давлат проба тамғасини қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ўтказиш ёки ундан фойдаланиш, шунингдек, уни қалбакилаштиришда ифодаланади.

Таҳлил қилинаётган модда диспозицияси бланкет характерга эга.

2001 йил 7 декабрдаги “Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди, унинг мақсади реализация қилишга мўлжалланган қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражасини (пробасини) аниқлаш ва тамғалаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир.

Тамғалаш – таркибида қимматбаҳо металллар миқдори бўлган, белгиланган усулда олдиндан текширилган заргарлик ва бошқа маиший буюмларга давлат проба тамғасининг нусхасини тушириш билан боғлиқ технология жараёнидир.

Қонунга хилоф равишда тайёрлаш деганда, давлат проба тамғаларини расмий рухсатсиз тайёрлашни тушуниш лозим.

Қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, давлат проба тамғаларини ва қонунга хилоф равишда тайёрланган проба тамғаларини сотиш, совға қилиш, алмашиш ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар орқали бегона шахслар ихтиёрига ўтказишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш тушунилади.

Давлат проба тамғасидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш деганда, давлат проба тамғасидан фойдаланган ҳолда белгиланган тартибга хилоф равишда ёки ғайриқонуний тайёрланган проба тамғаларидан фойдаланиб қимматбаҳо металллардан тайёрланган буюмларга тамға туширишни тушуниш лозим.

Давлат проба тамғасини қалбакилаштириш деганда, давлат проба тамғасининг ҳар қандай белгисига қандайдир ўзгартиришлар киритишни тушуниш лозим.

Ушбу модда диспозициясида назарда тутилган ҳар қандай хатти-ҳаракат (тайёрлаш, ўтказиш, фойдаланиш, қалбакилаштириш) содир этилган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган, деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади.

Ғаразли ёки бошқа шахсий манфаатдорлик жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида давлат проба тамғаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш коидаларининг бузилиши:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил

бириктириб содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

§ 28. Ўзбошимчалик (ЎзР ЖК 229-моддаси)

Жиноятнинг асосий бевосита **объекти** давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бир меъёردа фаолият олиб бориши ва ўрнатилган ҳуқуқий тартибот. Қўшимча бевосита объект сифатида шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳамда давлат ва жамиятнинг қонунда белгиланган тартибда, виждонан ва ақл-идрок билан амалга оширилиши лозим бўлган ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар соҳасидаги манфаатлари ҳисобланади.

Жиноят объектив томондан фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўрикланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлувчи ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга оширишда ифодаланади.

Ўзбошимчалик фақат фаол ҳаракатлар билан содир этилади, ҳаракатсизлик билан ўзбошимчаликни содир этиб бўлмайди.

Ўзбошимчаликни содир этиш вақтида айбдор ўзича, яъни тегишли юридик ёхуд жисмоний шахсларнинг рухсатсиз ҳаракат қилади.

Ўзбошимчалик асосида айбдор белгиланган тартибга зид равишда ҳаракат қилиб, ўзининг ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқи (масалан, квартирага кўчириб киритиш ёхуд ундан кўчириб чиқариш, жабрланувчини олган қарзни қайтаришга мажбур қилиш мақсадида ўзбошимчалик билан ўзганинг мулкини олиб қўйиш ва х.к.лар)ни амалга оширади.

Ўзбошимчаликни содир этиш вақтида айбдор ўзича, яъни қонун томонидан берилган бирон-бир ваколатсиз ҳаракат қилади.

Ўзбошимчалик деганда, бирор-бир ҳаракатни содир этиш (йўлда тўсиқлар қуриш, ҳисоб рақамидан пул олиш ва ҳоказо) ёки айбдор ҳуқуқий ҳужжат ёки шартномага биноан ҳаракат қилиши шарт бўлганда, қонуний ҳужжат билан ўрнатилган бирор ҳуқуққа эга бўлиш ёки уни амалга ошириш тартибини бузган ҳоллардаги хавфсизлиги (пул ўтказишдан, бошқа бир буюмни келтириб беришдан, қайтаришдан қочиш, бўйин товлаш ва ҳоказолар) тушунилади.

Бундай тартиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ҳамда умумий амал қиладиган бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қарорлари ва ҳоказолар) орқали ўрнатилган бўлиши мумкин.

Айтиш жоизки, айрим ҳолларда ҳуқуққа эга бўлиш ёки ундан фойдаланишнинг ўрнатилган тартибини бузиш бошқа бир мустақил жиноятлар таркибини юзага келтириши мумкин: фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш (ЖК 142-моддаси), фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 144-моддаси), муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш (ЖК 149-моддаси) ва ҳоказолар. Бу ҳолда айбдор шахсларнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича квалификация қилиш зарур.

Ўзбошимчалик объектив томоннинг муҳим белгиси бўлиб, шахс томонидан айтишнинг ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган ҳаракатларни бажариш тушунилади.

Ҳақиқий ҳуқуқ – шахсга қонун ёки бошқа норматив ҳужжатга асосан тегишли, лекин белгиланган тартибга риоя қилмаган ҳолда амалга оширилган ҳуқуқ. Масалан, жабрланувчини қарзини қайтариб беришга мажбур этиш мақсадида бировнинг мулкни ўзбошимчалик билан тортиб олиш.

Айрим ҳолларда судлар айбдорнинг қонуний ҳуқуқи бўлган ва жабрланувчи томонидан ғайриқонуний равишда ушлаб турилган мулкни зўрлик ишлатиб тортиб олиш ҳолларини хато тарзда босқинчилик, талончилик ва товламачилик деб квалификация қилишади. Бундай ҳаракатлар ўзбошимчалик деб квалификация қилиниши зарур. Ўзбошимчалик содир этилганда жисмоний ёки руҳий куч ишлатишни эса шахсга қарши жиноят ва ўзбошимчалик жиноятлари мажмуи тариқасида квалификация қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига биноан: “...Қонунга биноан (ЖКнинг 165-моддаси) товламачилик ўзганинг мулкни ёки мулкӣ ҳуқуқни топширишни, мулкӣ манфаатлар беришни ёхуд мулкӣ йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни тақозо қилишини судлар эътиборга олишлари керак. Шу сабабли, қарздордан қарзни талаб қилиш Жиноят кодексининг 165-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас, лекин айрим ҳолларда ўзбошимчалик (ЖКнинг 229-моддаси) тариқасида баҳоланиши лозим. Қарздор ва қарз берувчи ўртасида фоизлар тўлаш бўйича олдиндан келишув бўлмаган бўлса, берилган қарз учун фоиз талаб қилиш товламачилик жинояти таркибини ташкил қилади”.

Фараз қилинган ҳуқуқ – бу шахс томонидан хато тарзда ўзига қонуний равишда тегишли деб ҳисобланадиган, лекин қонунга мувофиқ унга тегишли бўлмаган ҳуқуқ (масалан, бировнинг квартирасига кўчиб келиш ва ҳоказо).

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш ўзбошимчалик объектив томонининг зарурий белгисидир.

Етказилган зиённинг жиддийлиги ҳар бир ҳолда содир этилган жиноятнинг алоҳида ҳолатларини назарда тутиб аниқланади. Масалан, жиддий зиён деб фуқароларнинг

конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши тан олиними мумкин.

Кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказмаган ўзбошимчалик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 200-моддасига мувофиқ, маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ўзбошимчалик содир этилганда жисмоний ёки руҳий куч ишлатишни эса шахсга қарши жиноят ва ўзбошимчалик жиноятлари мажмуи тариқасида квалификация қилиш лозим.

Объектив томоннинг зарурий элементи – фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат мафаатларига кўп миқдорда зарар ёки зиён етказилиши мавжуд бўлиши юқорида санаб ўтилган оқибатлар келиб чиққандан кейин ўзбошимчалик тугалланган деб тан олиними билдиради.

Ўзбошимчаликнинг субъектив томони ўзбошимча ҳаракатларга нисбатан тўғри қасд ва фуқаролар, давлат ҳамда жамият ҳуқуқ ва манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён келтирган оқибатларга нисбатан қасд ёки эҳтиётсизлик билан тавсифланади. Жиноят содир этишнинг мотиви ва мақсади квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Ўзбошимча ҳаракатлар содир этиб, ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган тартибни бузган мансабдор шахс, қонунда кўрсатилган тегишли белгилар мавжуд бўлганда, ЖК 205 ёки 206-моддалари бўйича мансаб ваколатларини суиистеъмол қилганлик ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиққанлик учун жавобгарликка тортилади.

§ 29. Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш

(ЎзР ЖК 229¹-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти ер участкаларини бошқариш ёки тақсимланишининг белгиланган тартиби ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишда ифодаланади.

Ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш деганда, тегишли ваколатга эга бўлган давлат бошқарув идораларининг рухсатсиз ернинг ўзлаштирилиши ёхуд унда иншоотлар қуришга қаратилган ҳаракатлар тушунилади.

Ерни ўзлаштиришга, унда иншоотлар қуришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар содир этилган пайдан эътиборан жиноят **тугалланган** деб топилади.

Шуни назарда тутиш керакки, модда маъмурий преюдицияга эга, яъни ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, айбдор жиноий жавобгарликка тортилади.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Уни квалификация қилишда жиноятни содир этиш мотивлари ва ундан кўзланган мақсад аҳамиятга эга эмас.

Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Мансабдор шахс ўз мансабидан фойдаланиб, ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган бўлса, унинг қилмиши, иш ҳолатларидан келиб чиқиб, ЖК 205-моддаси ёки ЖК 206-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

**§ 30. Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини
бузиш
(ЎзР ЖК 229²-моддаси)**

Жиноятнинг бевосита объекти диний таълимотлардан сабоқ беришнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят махсус диний маълумоти бўлмайд туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатсиз диний таълимотдан сабоқ бериш ва хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш каби ҳаракатларда ифодаланади.

Мазкур модда маъмурий преюдицияга эга, яъни шахсни ЖК 229²-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун айбдор махсус диний маълумоти бўлмайд туриб, айтилган вақтда диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатини олмай, диний таълимотдан сабоқ берганлиги учун илгари маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши шарт.

Башарти шахс диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатини олган, аммо махсус диний маълумоти бўлмайд туриб, диний таълимотлардан сабоқ бераётган бўлса, бундай ҳолда уни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Диний таълимотлардан сабоқ бериш хусусий тартибда олиб борилганда, яъни бундай фаолият айбдор шахс томонидан диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатсиз амалга оширилганда ҳам ЖК 229²-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқади.

Башарти айбдор шахс диний таълимотлардан сабоқ бериш вақтида миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, муросасизлик ёки кадр-қимматни камситувчи, диний эътиқодига ёки эътиқод қилмаслигига қараб фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ифодаловчи ҳаракатларни содир этаётган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 229²-моддаси ва ЖК 156-моддаси бўйича квалификация қилиниши зарур.

Махсус диний маълумоти бўлмайд туриб ва диний

ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ берила бошланган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган ҳисобланади.

Субъектив томондан диний таълимотдан сабоқ бериш тартибининг бузилиши қасддан содир этилади. Жиноят мотиви ва ундан кўзланган мақсад квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Жиноят **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин.

**«Бошқарув тартибига қарши жиноятлар»
мавзусидан якуний назорат саволлари**

- 1. Мансабдор шахснинг ўзининг ваколатларидан қонунга хилоф тарзда фойдаланиши қандай ҳаракатларда ифодаланади?**
- 2. Мансабдорлик жиноятлари туфайли кўп миқдорда зарар етказиш, жиддий зиён деганда нимани тушунасиз?**
- 3. Мансабдор шахс ва масъул мансабдор шахс тушунчаларини тушунтириб беринг.**
- 4. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш билан мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти ўртасида қандай фарқлар бор?**
- 5. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишнинг ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишдан фарқлари.**
- 6. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг қандай турлари мавжуд?**
- 7. Мансабга совуққонлик билан қараш тушунчаси. У нимада ифодаланади?**
- 8. Мансабга совуққонлик билан қараш жинояти учун шахсни жавобгарликка тортишнинг шартлари.**
- 9. Мансабга совуққонлик билан қарашнинг мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиш оқибатида уларни бажармасликдан қандай фарқи мавжуд?**
- 10. Ҳокимият ҳаракатсизлиги белгиларини кўрсатинг. Ушбу жиноят учун жавобгарликнинг вужудга келишида қандай шартлар мавжуд?**
- 11. Мансаб сохтакорлиги нимада ифодаланади? Унинг қандай турлари бор?**
- 12. Товламачилик йўли билан пора олишнинг товламачиликдан фарқи.**
- 13. Пора бериш ва пора олишнинг қандай умумий томонлари мавжуд?**
- 14. Қандай ҳолларда пора берган шахс жавобгарликдан озод қилинади?**
- 15. Пора олиш ва беришдаги воситачилик тушунчаси. У қандай шаклда ифодаланади, шахсни ушбу жиноят учун жавобгарликдан озод қилишнинг шартлари.**
- 16. Пора беришнинг хизматчини пора эвазига оғдиришдан фарқи нимада?**

17. Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилишнинг аломатларини кўрсатинг.

18. Давлат рамзларига хурматсизлик қилиш нимада ифодаланади?

19. Фаолияти Ўзбекистон Республикасида тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш учун жавобгарликка тортиш шартлари.

20. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар ўтказиш деганда нимани тушунасиз? Ўтказиш тартибini бузганлик учун жиноий жавобгарлик вужудга келиши шартлари.

21. Тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш жинояти учун жиноий жавобгарлик вужудга келиши шартлари.

22. Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш нимада ифодаланади?

23. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатларни тавсифлаб беринг. Ушбу жиноятдан жабрланувчини аниқланг.

24. Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик учун жиноий жавобгарликка тортишнинг ўзига хос хусусиятлари.

25. Озодликдан маҳрум қилиш жойлари, дастлабки қамоқ, қамоқ жойларига нималар киради? Озодликдан маҳрум қилиш жойлари, дастлабки қамоқ ва қамоқдан қочиш деганда нимани тушунасиз?

26. Қонунга хилоф тарзда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш деганда нимани тушуниш лозим?

27. Қайси ҳолларда шахс қонунга хилоф тарзда чет элга чиққанлиги ёки Ўзбекистон Республикасига кирганлиги учун жиноий жавобгарликдан озод қилинади?

28. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш қандай усулларда ифодаланиши мумкин?

29. ЎзР ЖК 224-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноят субъектининг қандай хусусиятлари мавжуд бўлиши лозим?

30. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлашнинг қандай усуллари мавжуд?

31. Маъмурий назорат қоидаларини бузиш нималарда ифодаланади? ЎзР ЖК 226-моддасида кўрсатилган жиноятнинг субъектларини айтинг.

VII. ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

§ 1. Айбсиз кишини жавобгарликка тортиш (ЎзР ЖК 230-моддаси)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига мувофиқ, “жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади”.

Жиноятнинг бевосита **объекти** суриштирув, дастлабки тергов босқичларида одил судловнинг манфаатларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳисобланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, жиноятнинг **объекти сифатида бундан ташқари суриштирув, дастлабки тергов ёки прокуратура идораларининг нормал фаолияти, обрўйи билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳам киритиш мумкин.**

Жиноят процессуал қонунчиликка мувофиқ суриштирувчи шахсни жиноят процессида айбланувчи сифатида жалб қилишга ҳақли эмас ва бу унинг ваколат доирасига кирмайди. Бу суриштирувчининг вазифаси доирасига таалуқли эмас. (Жиноят процессуал кодексининг 39-моддаси)

Жиноят процессуал кодексининг 342-моддаси 2 - қисми, 2 -бандига кўра суриштирувчи гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса, қонунда белгиланган муддатларга қарамасдан дарҳол иш ҳужжатларини терговчига жўнатиши лозим.

Объектив томондан жиноят айбсизлиги аён бўлган шахсни ижтимоий хавфли қилмишни содир этганликда

айблаб жиной жавобгарликка тортишда ифодаланади.

Айбсизлиги аён бўлган шахс деганда, айбини етарли даражада аниқ исбот этадиган ишончли далиллар тўпланмаган шахслар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига шахс қонун билан белгиланган асосларда ва тартибда жиной жавобгарликка тортилиши мумкин, деб уқтирилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 16-моддаси 2-қисмига мувофиқ «Жиноят кодексига назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади».

Айбсиз деганда, ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаган шахсни ёхуд қилмишнинг жинойлигини истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ёхуд жиноят содир этганлиги далиллар билан етарлича исботланмаган шахсни тушуниш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига кўра жиной жавобгарликка тортиш деганда, шахснинг ижтимоий хавфли қилмишни содир этганлигидан далолат берувчи етарли асослар бўлгани ҳолда уни айбланувчи сифатида жалб этиш ҳақида суриштирувчи терговчи томонидан чиқарилган қарорни тушуниш зарур.

Аксарият ҳолларда, айбсизлиги олдиндан аён бўлган шахсни жиной жавобгарликка тортиш айбловчи далилларни сунъий равишда ясаш йўли билан ҳам содир этилади. Сўроқ қайдномасини қалбакилаштириш, гувоҳнинг ёлғон кўрсатмаларидан фойдаланиш, далилларни мослаштириш ва ҳ.к.лар шулар жумласидандир.

Агар била туриб айбсиз шахс жавобгарликка тортишдан олдин уни айбсизлигини билган ҳолда қонунга хилоф равишда қамоққа олинган бўлса, бу ҳаракатларни ЖКнинг 230-моддаси ва 234-моддаси (қонунга хилоф равишда ушлаб

туриш ёки ҳибсга олиш) билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиш лозим.

Ушбу қилмиш формал таркибли бўлиб, айбсизлиги олдиндан аён бўлган шахс жиноий жавобгарликка тортилган пайтдан, яъни тегишли ваколатга эга бўлган шахс унга нисбатан айбланувчи сифатида ишга жалб этиш ҳақида қарор чиқарган ва уни тақдим этган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

ЖПК 361-моддасига мувофиқ, шахсни айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортиш иккита бир-бирига боғлиқ бўлган процессуал актлардан ташкил топади: шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб этиш тўғрисида унга қўйилаётган айбни асослаб ва қилмишни ҳуқуқий квалификация қилиб қарор чиқариш ҳамда шахсга бу қарорни тақдим этиб, айбловнинг моҳиятини, айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш. Агар шахсга жавобгарликка тортилаётганлиги тўғрисидаги қарор у ёки бу сабабдан тақдим этилмаган бўлса, шахсни жавобгарликка тортиш амалга ошмаган деб тан олиш керак. Кейинги қарорнинг бекор қилиниши, ишнинг тўхтатилиши, айбсизлик ҳақида ҳукм чиқарилиши ва ҳоказолар шарҳланаётган жиноятнинг таркиби мавжудлигига таъсир этмайди, бироқ жиноят оқибатлари даражаси модданинг санкцияси чегараларида жазони тайинлашда ҳисобга олиниши мумкин.

Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин, бу тўғрисида суриштирувчи, терговчи ва прокурор ўз ҳаракатлари бошидан ғайриқонунийлигини билиши, яъни жиноий жавобгарликка тортилаётган шахснинг айби йўқлигини билган бўлиши керак. Шахснинг жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлган ҳодисанинг йўқлиги ёки қилмишда жиноят таркиби мавжуд эмаслиги, жиноят бошқа шахс томонидан содир этилганлиги, жавобгарликка тортилган шахснинг айби исботланмаганлиги бу ерда аҳамият касб этмайди.

Жиноятнинг содир этиш мотивлари турлича бўлиши

мумкин: шуҳратпарастлик ниятида, бунда шахс ўзининг лаёқати пастлиги, ишнинг объекти мураккаблиги ёки ҳақиқий айбдорни топишга ҳаракат қилиш билан ўзини қийнашни хоҳламаганлиги учун айбсизлигини билган шахсни жавобгарликка тортади; шахсий мотивлар ёки ўч олиш мотиви, бунда шахс жабрланувчи билан ёмон муносабатларда бўлгани учун, у билан ҳисоб-китоб қилади; ғаразли ниятда, масалан, жавобгарликка тортилган шахснинг мулкига эгалик қилиш, квартирасига эга бўлиш, жиноят ишини тугатганлиги учун келажакда шахсдан пора олиш ва ҳоказолар. Ушбу жиноят таркиби, шунингдек, хизмат манфаатларини нотўғри тушунган ҳолда айбсиз кишини жавобгарликка тортганда ҳам мавжуддир. Жиноят мотивлари квалификация учун аҳамиятга эга эмас.

Жиноятнинг **субъекти** фақат қонун билан шахсни айбланувчи сифатида жавобгарликка тортиш ҳуқуқи берилган шахслар – тааллуқлилигидан қатъи назар (прокуратура, МХХ, ИИБ) суриштирувчи, терговчи ёки прокурор бўлиши мумкин.

ЖКнинг 230-моддасида назарда тутилган жиноятни дастлабки тергов қилиш вақтида барча шу жиноий қилмишларда иштирок этган шахслар жавобгарликка тортилаётганлигига аҳамият бериш керак.

ЖК 230-моддаси 2-қисмида **айбсиз шахсни оғир ёки ўта оғир ижтимоий хавфли қилмишни содир этганликда айблаб, жиноий жавобгарликка тортганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.**

Айбсиз кишини жавобгарликка тортиш бошқа оғирроқ жиноятни содир этиш билан, масалан, пора олиш (ЖК 210-моддаси), қийноқлар ва бошқа даҳшатли, ғайриинсоний, кадр-қимматни камситувчи ҳаракатлар ва жазоларни қўллаш (ЖК 235-моддаси) ва ҳоказолар билан бирга содир этилганда, жавобгарлик жиноятлар мажмуи бўйича белгиланади.

Бундай жиноятнинг хавфи юқорироқ эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди, чунки у жабрланувчига қамоққа олиниш,

узокроқ вақтга озодликдан маҳрум қилиниш, каттиқроқ режимли колонияга юборилиш каби нисбатан оғирроқ оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар киради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради. (ЖК 15-моддаси)

§ 2. Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш (ЎЗР ЖК 231-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти одил судлов органларининг нормал фаолияти, суд ҳокимиятининг обрўйи, фуқароларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг манфаатлари ҳисобланади.

Жиноятнинг предмети судья томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатлар: ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор ҳисобланади.

Ҳукм – судланувчининг айбдор ёки айбдор эмаслиги масаласи бўйича ва унга жиной жазони қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисидаги суд томонидан чиқарилган ҳужжатиدير.

Ўзбекистон Республикасида ҳукм Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади ва у қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт (ЖПК 454-455-моддаларига қаранг). Суд оқлов (судланувчининг айбсизлигини белгиловчи) ёки айблов (судланувчининг айбдорлигини белгиловчи) ҳукми чиқариши мумкин.

Ҳал қилув қарори – биринчи инстанция фуқаролик ва хўжалик судининг фуқаролик ишини ёки хўжалик низосини бевосита ҳал қиладиган ҳужжатидир. Ҳал қилув қарори ҳам Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилиб, қонуний ва асосланган бўлиши керак.

Процессуал қонунчиликка биноан (жиноят, фуқаролик, хўжалик) **ажрим** деганда, биринчи инстанция суди томонидан ҳукм ёки ҳал қилув қароридан ташқари чиқарилган исталган суд акти тушунилади.

Масалан, эҳтиёт чорасини қўллаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги ажрим, ишни тугатиш тўғрисидаги ажрим, ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисида ажрим, ишни кўриб чиқиш учун бошқа судга юбориш тўғрисидаги ажрим, ишни қўшимча терговга юбориш тўғрисидаги ажрим, хусусий ажрим ва ҳоказолар.

Ажримларга, шунингдек, иккинчи инстанция судларининг барча қарорлари ҳамда юқори поғона (судлар раёсатидан ташқари) судлар томонидан қонуний кучга кирмаган (апелляция инстанциясида иш кўришда) ёхуд қонуний кучга кирган (кассация, назорат ёки янгидан очилган ҳолатлар муносабати билан айтиб ўтилган суд ҳужжатларини қайта кўриш) ҳукм, ажрим ва қарорларни қайта кўриш пайтида қабул қилинган қарорлар киради.

Қарор – бу қонуний кучга кирган суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини қайта кўриб чиқиш натижасида суд раёсатининг қабул қилган қарори ҳамда суд ҳукмидан ташқари судьянинг якка тартибда қабул қилган ҳар қандай қарори (масалан, иш юритишни тўхтатиш тўғрисидаги қарор).

Бундан ташқари, маъмурий ҳуқуқбузарлик масаласи юзасидан қабул қилинган суд қарори ҳам қарорлар тоифасига киради.

Жиноят объектив томонининг зарурий белгиси – ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорнинг (суд ҳужжатининг) адолатсизлиги.

Ҳукм ёки бошқа суд ҳужжатлари **адолатли** ёки қонуний деб, агар у қонунда белгиланган тартиб ва шартларга асосланиб қабул қилинганда ҳамда унинг барча қисмлари қонуннинг барча талабларига жавоб берганда топилади.

Суд хулосаси – бу содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини, айбдор шахси, жиноятни тавсифи ва адолатли жазо тайинлашни белгилаб берувчи жиноят ишида мавжуд бўлган далилларга судья томонидан берилган субъектив баҳолар натижасидир.

Шунинг учун, суд ҳужжатлари қонунийлик ва асосланганлик белгиларини талаб қилади. Ҳукм, қарор ёки бошқа суд ҳужжатлари қонунийлик, адолат ва асосланганлик талабларига жавоб берса адолатли ҳисобланади. ушбу белгилардан лоақал биттасига мос келмайдиган суд ҳужжати адолатсиз деб топилади.

Адолатсиз деб, ишнинг аниқланган ҳолатларига зид равишда ёки моддий ёхуд процессуал қонунни жиддий бузган ҳолда қабул қилинган суд ҳужжати тушунилади. Адолатсиз суд ҳужжати жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал ҳамда хўжалик-процессуал қонунга асосан бекор қилиниши лозим.

Жиноят ишлари бўйича қабул қилинган адолатсиз ҳукмларнинг энг кўп учрайдиган турларига қуйидагилар киради: айбловнинг исбот этилмаганлиги (айбсиз шахснинг судланганлиги); айбдорнинг айби исбот этилганда уни оқлаб чиқариш; жиноятни оғирлаштириш ёки енгиллаштириш тарафига олдиндан нотўғри квалификация қилиш; жиноятни нотўғри квалификация қилиш оқибатида ёки мустақил тарзда асоссиз жуда оғир ёки жуда енгил жазо тайинлаш ва ҳоказо.

Санаб ўтилган адолатсиз ҳукм турлари моддий қонуннинг жиддий бузилиши билан тавсифланади.

Шунингдек, жинойт-процессуал қонун-қоидаларининг жиддий бузилиши (судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқининг бузилиши, ҳимоячи билан таъминламаслик, охириги сўз берилмаслиги ва бошқа ҳолатлар) оқибатида ҳам **ҳукм адолатсиз ҳисобланади.**

Фуқаролик иши ёки хўжалик низоси бўйича суднинг ҳал қилув қарори даъво асоссиз қаноатлантирғанда, фуқаролик ёхуд хўжалик иши бошқача тарзда нотўғри ҳал этилғанда, шунингдек, фуқаролик-процессуал қонунчилик жиддий равишда бузилғанда (масалан, томонларнинг тенг ҳуқуқлилиқ принципи бузилғанда) **адолатсиз деб топилади.**

Иш кўриш жараёнида юзага келувчи турли хил масалалар бўйича биринчи инстанция судининг ажрими ҳам адолатсиз бўлиши мумкин, масалан, эҳтиёт чорасини ўзгартириш, ишни тўхтатиш, квалификацияни ўзгартириш, далилларни таъминлаш чораларини ўзгартириш ҳақида ва ҳоказо.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларининг ажрими ва қарорлари, масалан, улар томонидан қонуний ҳукм ва қарорлар асоссиз бекор қилинса ёки ўзгартирилса ёхуд, аксинча, ноқонуний суд ҳужжатлари кучида қолдирилғанда адолатсиздир. Маъмурий ишлар бўйича суд қарори, масалан, суд ваколатлари доирасидан ташқари йўсинда чиқарилса, ёки иш юритиш тили ҳақидаги қоидалар бузилган тақдирда, адолатсиз деб топилади.

Суд ҳужжатларининг адолатсизлиги ишнинг моҳиятига кўра ҳал қилишга таъсир этувчи моддий ёки процессуал қонуннинг миқдорий бузилиши билан изоҳланади. Ишни мазмунан тўғри ҳал қилишга таъсир этмайдиган ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ва жамият манфаатларини бузмайдиган кам аҳамиятли (расмий) бузилишлар жинойий қилмиш деб тан олинishi мумкин эмас.

Жиноят актив ҳаракатлар орқали содир этилади. Санаб ўтилган ҳуқуқни қўллашга дахлдор бўлган ҳужжатлар судья (судьялар, шу жумладан уларнинг тоифасига кирадиган маслаҳатчилари) томонидан тайёрланади. Бундай актнинг судья (судьялар) томонидан имзоланиши пайтида жиноят **тугалланган** ҳисобланади. Улар имзолангунга қадар фақат ана шу жиноятни содир этишга суиқасд қилиш ҳақида гапириш мумкин. Жиноятнинг тугалланганлигини аниқлашда адолатсиз ҳужжат қонуний кучга кирганлиги факти аҳамиятга эга эмас.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд, яъни айбдор адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қабул қилаётганида, ана шу қарорнинг адолатсиз эканлигини олдиндан англаганлиги ва буни хоҳлаганлиги билан тавсифланади.

ЖК 231-моддаси бўйича жавобгарлик фақат **адолатсизлиги олдиндан аён бўлган** суд ҳужжатларини чиқарганлик учун белгиланади. Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорнинг эҳтиётсизлик оқибатида қабул қилиниши ушбу модда бўйича жавобгарликни истисно этади, лекин тегишли ҳолатлар мавжудлигида қилмиш ЖК 207-моддаси бўйича мансабга совуққонлик билан қараш деб квалификация қилиниши мумкин. Кўриб чиқиладиган жиноятни “олдиндан аён бўлиши” белгиси бўйича интизомий қоида бузишдан фарқламоқ лозим.

Жиноятни содир этиш мотивлари (ғаразли, шахсий адоват ёки дўстона муносабатлар, нотўғри тушунилган хизмат манфаатлари, шухратпарастлик ва ҳоказолар) жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин жавобгарликни индивидуаллаштиришда ҳисобга олиниши шарт.

Адолатсиз ҳукм чиқарганлик учун пора олиш ушбу жиноят таркибига кирмайди ва пора олганлик учун

жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак (ЖК 210-моддаси ва ЖК 231-моддаси).

Жиноятнинг **субъекти** муайян иш юзасидан судьянинг одил судловни амалга ошириш ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган шахслардир. Судьялар, шунингдек, жиноят процессидаги халқ маслаҳатчилари бу шахслар сифатида гавдаланилади.

Жиноятнинг махсус субъекти ёш чегараларига эга. Жиноят субъектлари 18 ёшга тўлган (ҳарбий судлар халқ маслаҳатчилари учун) ва 25 ёшга тўлган (умумий юрисдикция судлари халқ маслаҳатчилари, шунингдек, барча судларнинг судьялари учун) шахслар бўлиши мумкин.

Адолатсиз ҳукм актининг чиқарилиши одам ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган ҳоллар билан боғлиқ ҳаракатлар **ЖК 231-моддаси 2-қисми** билан квалификация қилинади. Одам ўлими адолатсиз суд ҳужжатининг чиқарилиши билан бевосита (масалан, айбсиз судланганга ўлим жазоси тайинлаш) ёхуд ушбу ҳолат билан билвосита боғлиқ бўлиши мумкин (масалан, ўзини ўзи ўлдириш натижасида).

Бошқа оғир оқибатларга: шахсни оғир, ўта оғир жиноятларни содир этишда айблаш, руҳий касалликларни келтириб чиқариш, бир неча шахснинг ноқонуний ҳукм қилиниши, айбсиз судланган шахснинг оиласи учун оғир оқибатларга олиб келиш, кўп миқдорда зарар етказиш ва айтиб ўтилганлар билан тенг оғирликдаги бошқа оқибатларни киритиш мумкин.

§ 3. Суд қарорини бажармаслик (ЎзР ЖК 232-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти суд идораларининг нормал фаолияти, суд ҳокимиятининг обрўйи, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят мансабдор шахснинг суд

ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорини бажармаслиги ёхуд уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилишида ифодаланади.

Ҳукми, ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни бажармаслик деганда, ижро этиш учун олинган суд ҳужжатининг амалга оширилиши хизмат доирасига кирувчи шахс томонидан уларни қонунда белгиланган муддатларда бажариш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмаслигини тушуниш зарур. Масалан, айбдорни лавозимидан бўшатиш ҳақида ҳукм бўлишига қарамай, унинг у ёки бу лавозимни эгаллаб тураверишига рухсат бериш.

Мазкур жиноятнинг объектив томони белгилари суд қарорининг процессуал шакли (ҳукм, қарор, ажрим, ҳал қилув қарори) ва унинг мазмуни, предмети, ижро этилиш муддатларидан келиб чиқади. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарори натижасида юборилган ижро варақасида асосида жавобгарнинг иш ҳақидан ундирилиши лозим бўлган пул маблағини бухгалтер томонидан ундирилмаслиги.

ЖКнинг мазкур моддаси таҳлилида айнан қасддан суд ҳужжатини бажармаслик назарда тутилган.

Суд ҳужжатини бажармаслик деганда, қонуний кучга кирган ҳукм, суднинг ҳал қилув қарори ёки бошқа суд ҳужжатини суд ижрочиларининг жиноий жавобгарлик ҳақидаги огоҳлантирувлари ва бу қилмишлар учун илгари маъмурий жавобгарликка тортилганлигига қарамасдан бажармасликдир.

Қилмишни ЖКнинг 232-моддасига кўра квалификация қилишда суд ҳужжатини қонунийлик, асосланганлик ва адолатлилик тамойилларига жавоб бериши, мазмуни, аниқ, тушунарлилиги ва тайинланиш мақсадига алоҳида эътибор бериш керак. Агар мазкур талабларга жавоб бермайдиган суд қарорини суд томонидан такроран талаб қилинган тақдирда ҳам бажармаслик билан боғлиқ ҳаракатларни қасддан суд

ҳужжатини бажармаслик деб топиб бўлмайди.

Суд ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими, қарорини бажаришга тўсқинлик қилиш деганда, шахсинг кўрсатилган суд ҳужжатлари бажарилмай қолишига қаратилган хатти-ҳаракатини тушуниш лозим (масалан, муассасага ижро учун келиб тушган ҳукм нусхаси ёки бошқа суд ҳужжатини яшириб қўйиш).

Агар суд ҳужжатини бажаришга тўсқинлик қилиш суд ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими, қарорини бажараётган шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш орқали ифодаланган ҳаракатларда намоён бўлса, бундай ҳолларда тегишли жиноят таркиблари билан жиноятлар жами тариқасида қилмишни квалификация қилиш лозим.

Суд ҳал қилув қарорини бажармаслик Жиноят кодексида формал таркибли жиноят сифатида шакллантирилган.

Суднинг тегишли ҳужжатини бажариш учун қонунда кўрсатилган муддат тугаган ёхуд унинг бажарилишига тўсқинлик қилишга қаратилган ҳаракат содир этилган пайтдан эътиборан шахрланаётган жиноят **тугалланган** деб ҳисобланади. Бунда қандайдир оқибатларнинг келиб чиқиши талаб этилмайди, бироқ булар суд томонидан эътиборга олиниши мумкин.

ЖК 232-моддасида кўрсатилган жиноят **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор суд ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими, қарорини бажармаётганлигини ёхуд бажаришга тўсқинлик қилаётганлигини англайди ва бу ҳаракатларни амалга оширишни хоҳлайди. Бу ҳолатда мотив аҳамиятга эга бўлмайди, бу ғаразли ният, шахсий мафаатдорлик, нотўғри тушунилган хизмат манфаатлари, биродарлик туйғуси ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Жиноят **субъекти** фақат мансабдор шахслар – юборилган суд ҳужжатларини бажариш ваколати доирасига кирувчи ташкилот, корхона, муассасаларнинг раҳбарлари бўлиши

мумкин.

ЖКнинг 232-моддаси, 1-қисми суд ҳужжати мансабдор шахс томонидан бажарилмаслиги учун жавобгарлик ўрнатган.

Банд солинган мулк билан боғлиқ бўлган суд ҳужжати мансабдор шахс томонидан қасдан бажарилмаслиги ёки бажарилишига тўсқинлик қилиш ҳаракатлари ЖКнинг 233-моддаси билан қамраб олинади ва бу ҳаракатларни қўшимча равишда ЖКнинг 232-моддаси билан тавсифлаш талаб қилинмайди.

§ 4. Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш (ЎзР ЖК 233-моддаси)

Бегона мол-мулкка нисбатан жиноят содир этилганда ёки мулкий зарар етказилганда, шунингдек, жазони ижро этишни ёки фуқаровий даъвони таъминлаш тартибида жарима кўринишидаги жазони модданинг санкцияси ўз ичига олган барча ҳолларда жиноий йўл билан топилган мулкни давлат даромадига ўтказиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 290-моддасига мувофиқ, ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг ёхуд жиноий йўл билан топилган мулки бўлган шахсларнинг мол-мулкларини хатлаши шарт.

ФПК 248 ва 249-моддаларига (ХПК 76,77-моддаларига) мувофиқ, суд ёки судья ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси билан ёхуд жавобгарга тегишли бўлган ва унинг ўзида ёки бошқа шахсда турган мол-мулк ёхуд пул маблағларини хатлаш, жавобгарнинг муайян ҳаракатларни амалга оширишини тақиқлаш тарзидаги даъвони таъминлаш чораларини кўриши мумкин.

Банд солинган мол-мулк процессуал қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда хатланади. Бунда, хатланган

мол-мулк жинойт иши юзасидан ваколатли шахс кўрсатмасига мувофиқ, сақлаш учун ўзини ўзи бошқариш органи ёки бошқа органга ёхуд шу мол-мулкнинг эгасига ёки оила аъзоларидан вояга етган шахсга топширилади. Ушбу мол-мулкнинг сақланиши учун қонунда назарда тутилган жавобгарлик тушунтирилади ва тилхат олинади. Пул қўйилмаларини хатлаш тўғрисида қарор банкнинг тегишли бўлимига юборилади, қарор олингандан сўнг бу қўйилма бўйича банк операциялари тўхтатилади. Даъвони таъминлаш тартибидаги фуқаролик иши билан боғлиқ мулкни хатлаш ёки рўйхатга олишда шунга ўхшаш оқибатлар келиб чиқади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгар оиласининг нормал турмушини таъминлаш учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмлар хатланмайди

Хатлаш мулкдорга ёки мол-мулкнинг эгасига мол-мулкни тасарруф қилиш, зарур ҳолларда эса ундан фойдаланиш ман этилганлигини эълон қилишдан ёхуд мол-мулкни тортиб олишдан ва уни сақлаб туриш учун бошқа шахсларга топширишдан иборат.

Агар шахс томонидан қамоққа олиш кўринишидаги эҳтиёт чорасини қўллаш мумкин бўлмаган жинойт содир этилса, тергов органи унга нисбатан енгилроқ чора қўллаши мумкин, улардан бири гаров ҳисобланади.

Гаров айбланувчи, судланувчи, уларнинг қариндошлари, бошқа фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан дастлабки тергов органи ёки суд депозит ҳисоб варағига топшириладиган пул маблағи ёки қимматбаҳо буюмлардан иборат. Гаров тариқасида кўчмас мол-мулк ҳам қабул қилиниши мумкин. Шахс томонидан ЖПК 46-моддасида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаган ҳолда, гаров суд ажрими билан давлат мулкига айлантирилади.

Жинойтнинг бевосита объекти суд идораларининг нормал фаолияти ҳисобланади. Бу жинойтнинг кўшимча объекти айбдордан хатланган мол-мулк ҳисобидан қопланиши мумкин

бўлган у ёки бу сумма фойдасига ундирилган давлат (агар сўз давлат даромади ёки мулкига айлантириш тўғрисида борса) ёки бошқа мулкдорлар ҳуқуқлари бўлади. Қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, сарф қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказишда объект сифатида суд ва тергов органларининг нуфузи ҳам эътироф этилиши лозим.

Мазкур жиноятнинг предмети банд солинган ва гаровга қолдирилган мол-мулкдир.

Хатланган мол-мулк – тасарруф қилиниши жорий процессуал қонунчилик асосида тақиқлаб қўйилган мулк.

Хатлаш мулкдорга ёки мол-мулкнинг эгасига мол-мулкни тасарруф қилиш, зарур ҳолларда эса ундан фойдаланиш ман этилганлигини эълон қилишдан ёхуд мол-мулкни тортиб олишдан ва уни сақлаб туриш учун бошқа шахсларга топширишдан иборат.

Гаровга қўйилган мол-мулк – бу суриштирув ва тергов органларига айбланувчи ёки судланувчи томонидан ўзига қўйилган мажбуриятларни бажаришнинг моддий кафолати сифатида бериладиган мол-мулк. Фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларни бажариш усули сифатидаги гаров гаровга қўйилган мол-мулкка киритилмайди.

ЖПКнинг 249-моддасига кўра гаров деганда, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қариндошлари, бошқа фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисоб варағига топшириладиган пул маблағи ёки қимматбаҳо буюмлардан иборатдир. Гаров тариқасида кўчмас мулк ҳам қабул қилиниши мумкин.

Объектив томондан жиноят рўйхатга олинган ёки хатланган ёхуд гаров предмети бўлган мол-мулкни ўзлаштириш, сарф қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказишда

ифодаланади.

Ўзлаштириш деганда, мол-мулк сақлашга топширилган шахс томонидан хатланган ёхуд гаровга қўйилган мол-мулкнинг айбдор ёки учинчи шахс фойдасига ўзлаштирилишини тушуниш лозим.

Растрата қилиш деганда, мол-мулкнинг уни сақлашга топширилган шахс томонидан бегоналаштирилиши тушунилади.

Рўйхатга олинган ёки хатланган мол-мулкни яшириш деганда, мол-мулкнинг сақлаш учун бошқа шахсларга ёхуд бошқа жойга жойлаштирилиши, бу ҳақдаги хабарни ваколатли органлар (терговчи ёки судья)дан яширилиши тушунилади.

Нобуд қилиш деганда, мулкнинг тўлиқ яроқсиз, ундан асл мақсадда фойдаланиш имконини бермайдиган, шунингдек, уни таъмирлаш ёрдамида ҳам олдинги ҳолатига келтиришнинг иложи бўлмаган ҳолга келтирилишини тушуниш лозим.

Мол-мулкка шикаст етказиш деганда, мол-мулкни қисман яроқсиз ҳолга келтириш тушунилади.

Кўп миқдорда зарар етказилиши шарҳланаётган ижтимоий хавfli қилмиш объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Хатланган ёки гаровга қўйилган мол-мулкка кўп миқдорда зарар етказишга сабаб бўлган ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш ҳаракати содир этилган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри касд билан содир этилади. Айбдор мол-мулкни ўзлаштириш, сарф қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг ноқонунийлигини англайди ва уларни амалга оширишни хоҳлайди. Мол-мулк эҳтиётсизлик оқибатида нобуд қилинган ҳолатда, айбдорни ЖК 172-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш масаласини қўйиш мумкин.

Бу жиноятнинг мотиви ғаразгўйлик, шахсий ёки бошқа манфаатдорлик ва бошқа бўлиши мумкин, аммо бу қилмишни

квалификация қилишга таъсир этмайди.

Жиноят субъекти мол-мулк сақлашга топширилган ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс, шунингдек, унинг мулкдори, эгаси ёки оила аъзолари ва бошқалар бўлиши мумкин.

ЖК 233-моддаси 2-қисми айбдор етказилган моддий зарарни уч барабар миқдорда қоплаган ҳолда, озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллашни ман қилувчи рағбатлантирувчи нормани белгилаб беради.

§ 5. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш (ЎзР ЖК 234-моддаси)

Конституциянинг 25-моддасига мувофиқ, “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмас”. Конституциянинг ана шу моддасига кўра шахсни ушлаб туриш тарзида озодликдан маҳрум қилиш, ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш асослари бўлганида ва қонунда кўзда тутилган ҳоллардагина мумкин бўлади.

Шунинг учун ҳибсга олиш фақат қонунда белгиланган асосларга мувофиқ амалга оширилиб, қолган вазиятларда бу қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш деб топилади.

Жиноятнинг бевосита объекти суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд идораларининг нормал фаолияти ва обрўйи, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳисобланади.

ЖК 234-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони қонунга хилоф равишда ушлаб туришда, яъни шахс эркинлигини қисқа муддатга чеклашда ифодаланади.

Жиноятнинг объектив томони фаол ҳаракат орқали содир этиладиган қилмиш сифатида баҳоланади.

Мазкур жиноят объектив томонида назарда тутилган ушлаб туриш деганда жиноят – процессуал мажбурлов чораси назарда

тутилади.

ЖПКнинг 220-моддасига мувофиқ, **ушлаб туриш** жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир.

Мазкур ҳолатда ушлаб туриш деганда, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни жиноятга алоқадорлигини ва (зарур ҳолларда) уни қамоққа олиш масаласини ҳал этишда шахсга нисбатан қўлланиладиган қисқа муддатли жиноят-процессуал мажбурлов чораси ҳисобланади. Маъмурий қамоқ тарзидаги ушлаб туриш чораси қонунга хилоф равишда деб квалификация қилиниши мумкин эмас, чунки бундай ушлаб туриш айнан суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан амалга оширилиши лозим. Юқорида назарда тутилган шартлар мавжуд бўлганда, қилмиш ЖК 205 ва 206-моддалари бўйича квалификация қилиниши талаб этилади.

Ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам, иш қўзғатилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Сўнгги ҳолда ушлаб туришга фақат терговчи, суриштирувчи, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига мувофиқ йўл қўйилади.

ЖПК 221-моддасига мувофиқ жиноятни содир этишда гумон қилинган шахс қуйидаги асослар мавжуд бўлганда ушлаб турилиши мумкин:

1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;

2) жиноят гувоҳлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса

ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам, иш қўзғатилгандан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин бўлиб, ўз навбатида, охириги ҳолатда ушлаб туриш фақат суриштирувчи, терговчи, прокурор қарорига ва суднинг ажримига мувофиқ амалга оширилади.

Ушлаб туриш ушлаб турилган шахс милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошлаб етмиш икки соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас, мустасно ҳолат сифатида қидирувда бўлган шахсни тергов ўтказиладиган жойга етказишни ҳисобга олиб, прокурор ушлаб туриш муддатини ўн кунгача узайтириши мумкин. Ушлаб туриш муддати тугагунга қадар ва асослар мавжуд бўлганда, шахс айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши, унга айб эълон қилиниши, ЖПК 109-112-моддалари қоидаларига мувофиқ, сўроқ қилиниши ва ЖПК 236-240-моддалари қоидаларига амал қилган ҳолда эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги масала ҳал қилиниши зарур.

Ҳар қандай ҳолатда жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш учун олиб борилган жойда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ушлаб туриш баённомасини тузиб, унда қуйидагиларни баён қилиши керак: ким томонидан, қачон, қандай ҳолатда, қонунда белгиланган қандай асосларда ушланган; ушлаб турилган шахс қандай жиноятни содир этишда гумон қилинмоқда; қандай вақтда у милиция ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга олиб келинган. Баённомани ушлаб туриш учун асос бўлган ҳолатларни текширувчи милиция ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаган ваколатли шахс ёки фуқаро, холислар ва ушлаб турилган шахс имзолайди.

Ушлаб турилган шахс қуйидаги ҳолларда озод қилиниши мумкин, агар:

жиноят содир этилганлиги ҳақидаги гумон тасдиқланмаса;

ушлаб турилган шахсга нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш зарурати бўлмаса;
ушлаб туришнинг белгиланган муддати ўтганда.

Ушлаб турилган шахсни озод қилиш суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ва суднинг ажримига асосан ушлаб турилганлар сақланаётган жойнинг бошлиғи томонидан амалга оширилади. Озод қилиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ушлаб турилганлар сақланадиган жойга келиб тушиши билан дарҳол ижро этилади.

Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш деганда, ЖПК 221-моддасида назарда тутилган қонуний асослар мавжуд бўлмаган ва қонун шартларини бузган ҳолда қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилишни тушуниш лозим.

Қонуний асослар мавжуд бўлмаганлиги нафақат ушлаб туриш учун асосларнинг мавжуд бўлмаслиги, балки уни давом эттириш билан боғлиқ асослар йўқлиги билан ҳам изоҳланади, масалан, жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги гумон ўз тасдиғини топмаганда. Қўзғатилган жиноят иши доирасида тегишли қарор чиқармасдан ушлаб туришни амалга ошириш ҳам қонуний асосларсиз ушлаб туриш деб баҳоланади.

Бундан ташқари, ЖПК муайян доирага кирувчи шахсларни ушлаб туришга нисбатан иммунитет белгилайди, хусусан, депутатлар, судьялар, прокурорлар жиноят устида ёки уни содир қилиб бўлган заҳоти қўлга олинганларида ушлаб турилишлари мумкин. Мазкур шахсларнинг бошқа асосларга кўра ушлаб турилишини ҳам қонуний асосларсиз ушлаб туриш сифатида баҳолаш лозим. Шунингдек, дипломатик иммунитетдан фойдаланаётган шахсларни ҳам ушлаб туриш ноқонуний ушлаб туриш сифатида баҳоланиши лозим. Бунда депутат, судья ёки прокурорнинг иммунитетидан фарқли ўлароқ, дипломатик иммунитетга эга шахс ҳар қандай асос мавжуд бўлган тақдирда ҳам ушлаб турилиши мумкин эмас.

Таҳлил қилинаётган жиноятда ушлаб туриш ҳақидаги баённома тузилган ва бу ҳақда ушлаб турилган шахсга эълон қилинган пайтдан эътиборан, ушлаб туриш ҳақидаги баённома

тузишга доир қонун талаблари бузилган ҳолда эса – шахс ҳақиқатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган ҳисобланади.

Агар жиноят қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш тарзида давом этиб, келгусида юқорида келтирилган процессуал мажбурлов чораси қўллаш учун асослар мавжуд бўлмаса, жиноят тегишли асослар мавжуд бўлмаган ҳолат аниқланган вақтда тугалланган, деб ҳисобланиши лозим. Бу тергов ҳаракатлари, тезкор қидирув фаолияти ва бошқалар акс этган иш материалларида баён этилади ёки аниқланади.

Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилиб, айбдор ўзи амалга ошираётган ушлаб туриш ноқонуний эканлигини англайди, бироқ шунга қарамасдан ёки бошқа мотивлар билан ушлаб туришни амалга оширишни хоҳлайди, ёхуд ушлаб турилган шахсни белгиланган жойда тегишли муддатдан ортиқ муддатга ушлаб туради. Агар ноқонуний ушлаб туриш эҳтиётсизлик орқасида амалга оширилган бўлса (масалан, айбдор шахсига нисбатан хатоликка йўл қўйилганда), унда айбдор шахсни мансабга совуққонлик билан қараганлик учун жиноий жавобгарликка (ЖК 207-моддаси) ёки англашилмовчиликка йўл қўйганлик учун интизомий жавобгарликка тортиш масаласини қўйиш мумкин.

Жиноятнинг мотиви шахсий манфаатдорлик, ўч олиш, ғаразли мақсадлар ва бошқалар бўлиши мумкин, улар қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди, бироқ жазо тайинлашда улар ҳисобга олиниши мумкин.

Жиноят субъекти фақат махсус шахслар, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор бўлиши мумкин. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш мазкур ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлмаган мансабдор шахслар томонидан содир этилганда, уларнинг ҳаракати ЖК 206-моддаси билан ҳокимият ёки мансаб ваколатидан четга чиқиш деб квалификация қилинади.

Бундан ташқари, ушлаб туриш мансабдор шахс ёки масъул

мансабдор шахс бўлмаган фуқаро томонидан амалга оширилган бўлиб, тегишли белгилар мавжуд бўлган тақдирда, шахснинг ҳаракатлари ЖК 229-моддаси бўйича ўзбошимчалик ёки ЖК 138-моддаси бўйича зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш сифатида квалификация қилиниши мумкин.

Таҳлил қилинаётган модданинг 2-қисмида қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш учун жавобгарлик белгиланган.

ЖК 234-моддаси 2-қисмининг объектив томони айбланувчи ёки гумонланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қонунга хилоф равишда танлашда ифодаланади, шунингдек, қонунда белгиланган муддатлардан ортиқ муддат ушлаб туриш учун тегишли асослар бўлмагани ҳолда шахсни қонунга хилоф равишда ҳибсда муддатидан ортиқ ушлаб туришда ифодаланади.

Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексида қасддан содир этилиб, уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган ҳамда эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб, Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзида жазо назарда тутилган жиноятлар учун эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш назарда тутилган. Алоҳида ҳолларда мазкур эҳтиёт чораси қасддан содир этилган жиноятларда уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган, шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин.

Эҳтиёт чораси сифатида ҳибсга олиш чораси фақат айбланувчи тариқасида ишга жалб қилган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин. Гумон қилинувчига нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашга фақат истисноли ҳоллардагина йўл қўйилиши мумкин.

Эҳтиёт чораси сифатида камокқа олиш фақат прокурор санкциясига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Қамок тарзида ушлаб туриш чорасини қўллашга санкция бериш вақтида прокурор иш билан пухта танишиб чиқиши ва зарур бўлган ҳолларда айбланувчи ёки гумон қилинувчиларни шахсан сўроқ қилиши, бунда вояга етмаганларни шахсан ўзи сўроқ қилиши зарур.

Бундан ташқари, жиноят-процессуал қонунчилиги алоҳида мазкур эҳтиёт чорасини шахслар учун қўллашнинг қўшимча шартларини белгилайди, хусусан:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, вилоят кенгаш депутатлари, шаҳар ва туман халқ кенгаши депутатларига нисбатан – қоида тариқасида тегишли вакиллик органи розилиги билан;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьясига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилиги билан;
- Ўзбекистон Республикасининг бошқа судлари судьяларига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленуми розилиги билан;
- Прокуратура органлари прокурорлари ва терговчиларига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан.

Агар ҳибсга олиш жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қўлланган бўлса, бу ҳолда унга ўн кун ичида айб эълон қилиниши керак. Ушбу вақт мобайнида айб эълон қилинмаса, шахсга нисбатан қўлланган эҳтиёт чораси бекор қилинади (ЖПК 226-моддаси). Айбланувчига нисбатан ҳибсга олиш шаклидаги эҳтиёт чораси уч ойдан ошиб кетмаслиги лозим. Бу муддат Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 245- моддасидаги ҳолатларга кўра узайтирилиши мумкин.

Агар айбланувчи ёки гумон қилинувчи шахсга нисбатан

қонунда кўрсатилган асослар, шунингдек, алоҳида шахсларга нисбатан қўшимча шартларга амал қилмаган ҳолда ва қонунда белгиланган процессуал шаклга риоя этмаган тарзда танланса, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш деб топилади.

Жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган алоҳида ҳоллардан ташқари ҳибсда сақлаш учун белгиланмаган жойларда ҳибсда сақлаш ҳам қонунга хилоф равишда ҳибсда сақлаш деб ҳисобланади. Бундан ташқари, дипломатик иммунитетга эга бўлган шахсларни қамоққа олиш ёки ҳибсда ушлаб туриш ҳар қандай ҳолатда ҳам ноқонуний ҳибсда сақлаш ҳисобланади.

Жиноят шахс қонунга хилоф равишда қамоққа жойлаштирилгандан ёки бу эҳтиёт чорасини унинг қонуний муддатлари ўтиб кетгандан кейин ҳам айбдорга айб эълон қилмасдан ёки тегишли муддатлар узайтирилмасдан ўз кучида қолдирган вақтдан тугалланган деб ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят ҳисбга олишнинг ёки ҳибсда сақлашнинг ноқонунийлигини олдиндан билган ҳолда тўғри қасд билан содир этилади. Агар қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлса (масалан, ҳибсга олинган шахснинг сақланаётган муддати “унутилган” бўлса), бундай ҳолда бу масала мансабга совуққонлик билан қараганлик (ЖК 207-моддаси) учун жавобгарлик ёки мазкур хизматчини тегишли равишда интизомий жавобгарликка тортиш масаласи қўйилиши мумкин. Жиноятнинг мотиви шахсий ёки бошқача хусусиятга эга манфаат бўлиши мумкин.

Била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш” жиноятининг субъекти фақат прокурор, терговчи ёки суриштирувчи бўлиши мумкин.

ЖПК 315-моддасига мувофиқ, “била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсда сақлаш” жиноятининг субъекти, агар бундай сақлаш ЖПКнинг тегишли тартиби билан узайтирилмаган бўлса, белгиланган эҳтиёт чораси муддати тугаши билан ҳибсда турган шахсларни дарҳол озод қилиш бўйича ўзига

юклатилган мажбуриятни у ёки бу мотивларга биноан бажармаган ҳибсда ушлаб турилган жой бошлиғи ҳам бўлиши мумкин.

Агар қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки қонунга хилоф равишда ҳибсда сақлаш мазкур ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига кирмаган мансабдор шахс ёки ҳокимият вакили томонидан амалга оширилса, бу ҳолатда мазкур шахснинг ҳаракатлари ЖК 206-моддаси бўйича ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

**§ 6. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайри
инсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда
жазо турларини қўллаш
(ЖКнинг 235 моддаси)**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас”, – деб мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг ушбу 26-моддаси 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 5-моддасига мос келади.

Конституция қийноққа солиш, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи ҳисобланган муомала ҳамда жазо турларини қўллашни тақиқлашни талаб қилувчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида амалга оширилишига замин яратади. Қийноққа солиш, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турлари халқаро ҳамжамият томонидан ғайриинсоний ва йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат сифатида тан олинади. Амалда қийноққа солиш, масалан, 1949 йил 12 августдаги Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисидаги Конвенция, 1966 йил 19 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, 1995 йил 26 майдаги Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги

МДХ Конвенцияси, 1984 йил 10 декабрдаги Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция ва бошқа қатор ҳужжатларда тақиқланган. Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларини қўллашни ҳеч бир мансабдор шахснинг буйруғи, ҳеч қандай фавқулодда ҳолат, уруш ҳолати ёки уруш хавфи, миллий хавфсизликка таҳдиди, ички сиёсий беқарорлик ёки бошқа ҳар қандай тасодиф билан оқлаб бўлмайди.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларини қўллаш жиноий жавобгарликни келтириб чиқарувчи ҳаракат ҳисобланади. Қийноққа солиш фактининг ўзи халқаро ҳамжамият томонидан халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ва нормаларини бузувчи оғир ҳуқуқбузарлик, инсонга қарши жиноят сифатида тан олинади.

Мустақил Ўзбекистоннинг Жиноят кодекси қийноқ сифатида тан олинган ҳаракатни амалга оширгани учун жавобгарликни аввалбошданок халқаро ҳуқуқ талабларига асосан белгилаган. Лекин халқаро ҳуқуқнинг амалда қийноқни тақиқлаш ва айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортишни талаб қилувчи нормаларининг имплементацияси тарқоқ ва тизимга солинмаган эди. Хусусан, “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турлари” тушунчаси бўлмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни жиноят қонунчилигидаги мазкур камчиликни бартараф этди ҳамда унга изчиллик ва тизимлилик бахш этди.

Жиноятнинг **объекти** одил судлов манфаати, адолатли суд муҳокамасининг таъминланиши, шу билан бирга “жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги,

ҳукм қилинмаслиги” ҳисобланади. Факультатив объект қийноққа солинган шахсининг ҳаёти ёки соғлиғи, унинг шаъни ва қадр-қимматидир.

Мазкур жиноят содир этиш натижасида **жабрланувчи** сифатида фақатгина гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчилари ёхуд маҳкум сифатида жазо ўтаётган шахслар, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари бўлиши мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига асосан шахс:

гумон қилинувчи – жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради (ЖПК 47-моддаси);

айбланувчи – ЖПКда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсдир. Айбланувчи судда судланувчи деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса, маҳкум ёки оқланган деб аталади (ЖПК 45-моддаси);

гувоҳ – жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин (ЖПК 65-моддаси). Гувоҳлик кўрсатмалари беришга жалб қилинмаган шахслар гувоҳ бўла олмайди (ЖПК 115-моддаси). Гумон қилинувчи ва айбланувчининг яқин қариндошлари гувоҳ тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилиниши мумкин;

жабрланувчи – жиноят натижасида маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган шахс. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради (ЖПК 54-модда);

жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар – ЖПК 6-бобида кўрсатилган шахслардан бири: эксперт мутахассис, таржимон, холислар. Бошқа шахслар жиноят ишига алоқадорликларидан қатъи назар жиноят процессининг бошқа иштирокчилари деб тан олинмайди;

судланган – суд муҳокамасидан сўнг унга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган ва шу асосда муайян жазо тури ва миқдори белгиланган шахс. Ҳукм ижроси бошланган пайтдан шахс жазо ўтаётган ҳисобланади, бу ҳақда ҳукм чиқарган суднинг тегишли фармойиши чиқарилади. Шахсни шарҳланаётган модда мазмуни бўйича жазони ўтаётган деб тан олиш унга тайинланган жазонинг тури ва миқдори билан боғлиқ эмас, бу шу каби тоифадаги жиноий ишларни кўриб чиқишда суд-тергов органлари томонидан ҳисобга олиниши керак.

Яқин қариндошлар тушунчаси тўғрисида Жиноят кодекси Махсус қисмининг VIII бўлимига қаранг.

Объектив томондан жиноят бевосита қийноққа солиш, шафқатсиз, ғайриинсоний муомала ва жазо турларини қўллаш, шахснинг кадр-қимматини камситувчи муомала ва жазо турларини қўллаш ҳаракатлардан бирини содир этиш орқали амалга оширилади.

Шарҳланаётган модда матнидаги **қийноқ** сифатида жабрланувчи шахсга нисбатан қасддан етказилган кучли оғриқ, жисмоний ёки маънавий азоб бериш тарзидаги ҳар қандай ҳаракат тушунилади. Бунда шуни инобатга олиш керакки, “шафқатсиз, инсонийликка зид муомала ва жазо”дан фарқли ўлароқ, қийноқ анчагина кучли ва шафқатсиз азоб бериш билан тавсифланади. “Қийноқ” тушунчаси билан “инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи муомала” тушунчаси ўртасидаги фарқ азоб бериш интенсивлиги ҳар хиллигида ифодаланади. Қийноқ шафқатсиз муомаланинг нисбатан оғир тури ҳисобланади. Бундан ташқари, қийноқ ҳар доим кадр-қимматни камситувчи муомала бўлган.

Систематик тарзда инсонийликка зид ёки шафқатсиз

муомаланинг қўлланилиши, у оддий қийноқдагига хос бўлган жиддий оқибатларни келтириб чиқармаса ҳам, қийноқ сифатида тан олиниши керак.

Ғайриинсоний муомала ёки жазо деганда, интенсивлик нуқтаи назаридан қийноқ пайтида етказилаган азобга нисбатан заиф бўлган кучли жисмоний ёхуд руҳий азоб беришни тушуниш керак. Шафқатсиз ёки ғайриинсоний муомала турлари жабрланувчининг узлуксиз вақт мобайнида ёмон санитария шароитида бўлиши ва унга тиббий ёрдам зарур бўлган шароитда тиббий ёрдамсиз қолиши, узок вақт мобайнида озиқ-овқат, сув ва бошқалардан маҳрум этиш орқали жиддий маънавий азоб беришдан иборат бўлиши мумкин.

Қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо – бу жабрланувчини ҳақоратлаш, камситиш ёки жисмоний ва маънавий қаршилигини синдириш учун кўрқув, тушкунлик ва номукамаллик ҳиссини уйғотишга қаратилган муомала. Қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларига мисол тариқасида жабрланувчининг қонуний ҳаракатини таъминлаш учун зарур ҳисобланмаган жисмоний куч ёки руҳий таъсир ўтказишни кўрсатиш мумкин.

Муомала ва жазолашнинг қийноқ ҳамда инсонийликка зид, шафқатсиз ёхуд қадр-қимматни камситувчи турлари ҳам жисмоний, ҳам руҳий таъсир ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Мазкур ҳолатда таъсир этиш деганда, жабрланувчига унинг хоҳишига қарши амалга ошириладиган ва унга аниқ жисмоний ёхуд руҳий азоб берадиган, яъни зўравонлик ҳисобланадиган таъсир этишни тушуниш керак.

Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддаси тахминан жисмоний ёки руҳий зўрликни амалга ошириш усуллари кўрсатади: кўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ва бошқалар. Мазкур рўйхат мукамал ҳисобланмайди ва бошқа ҳаракатлар ҳам жисмоний ёхуд руҳий таъсирлар тушунчасига мос тушиши мумкин, уларнинг ноқонуний

характерда эканлиги белгиларидан аниқланади. Масалан, шарҳланаётган моддага асосан таъқиб қилинадиган хатти-ҳаракат деб, шунингдек, озиқ-овқат ва сувдан маҳрум қилиш, шовқин орқали таъсир ўтказиш, уйқудан маҳрум қилиш, девор олдида туришдан тортиб ва тергов ҳаракатини олиб бориш тартиби ҳамда шартларини бузиш ва бошқалар ҳисобланади.

Жисмоний ёхуд руҳий зўрлик ҳамда муомала ҳақида батафсилроқ ЖК 164-моддаси таҳлилига қаранг.

Шуни назарда тутиш лозимки, жабрланувчига фақат қонуний санкция орқали юзага келувчи, ушбу санкциялардан ажратиб бўлмайдиган ёки улар орқали тасодифан етказилган оғриқ ва азоблар қийноқ, ғайриинсоний, шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо ҳисобланмайди.

Шахснинг хатти-ҳаракатларини қийноқ сифатида, шунингдек, ғайриинсоний, шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини тан олиш учун, жисмоний ёки руҳий таъсирнинг йўналтирилишини аниқлаш зарур. Қонунда тўғри кўрсатилганидек, жисмоний ёки руҳий таъсирни шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилинадиган жиноят сифатида квалификация қилиш учун у бир гуруҳ шахсларга, яъни, гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчиси ёхуд жазони ўтаётган маҳкум ёки уларнинг яқин қариндошларига қарши қаратилган бўлиши лозим. Мазкур шахсларнинг рўйхати тугал ва кенгайтириб талқин этиш мумкин эмас. Мазкур шахслар барча жиноят процесси фаолиятининг субъекти ҳисобланади ва уларнинг қонуний мақоми амалдаги қонунчилик орқали тартибга солинган.

Кўрсатилган шахсларга нисбатан жисмоний ёки руҳий таъсир ўтказиш ҳам бевосита, ҳам унга яқин кишиларга нисбатан амалга оширилиши мумкин. Мисол учун, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг жабрланувчи, гумон қилинувчи ёхуд айбланувчининг қонуний вакилларига, ҳимоячига ёки бошқа шахсларга таъсири қийноқ сифатида тан

олинади. Бунда таъсирни жабрланувчига нисбатан қийноқ сифатида, таъсирнинг бевосита объекти ҳисобланган бошқа шахсга нисбатан эса шахсга нисбатан тегишли жиноят сифатида квалификация қилиш керак. Масалан, айбланувчини ўзига қарши кўрсатув беришга мажбур қилиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими томонидан унинг ҳомийси соғлиғига зарар етказилган, натижада айбланувчи ўзига қарши кўрсатув беришга мажбур бўлган. Ходимнинг ҳаракати амалдаги ЖК 235-моддаси бўйича айбланувчига нисбатан қийноқ ва ҳомийнинг соғлиғига қарши жиноят сифатида Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича квалификация қилиниши керак.

Субъектив томондан шарҳланаётган жиноят тўғри қасднинг ва таркибнинг субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланган махсус мақсаднинг мавжудлиги билан тавсифланади. Бунда шуни назарда тутиш керакки, қонун томонидан жиноятни содир этиш мақсади муқобил тартибда аниқланади, яъни ҳаракатни ЖК 235-моддаси бўйича жиноят деб тан олиш учун субъект қуйидаги мақсадларга эришишга ҳаракат қилиши лозим:

- а) бирор-бир ахборот олиш;
- б) жиноят содир этганликка иқрор бўлиш;
- с) содир қилинган жиноят учун ўзбошимчалик билан жазолаш;
- д) жабрланувчини муайян ҳаракатларни содир этишга мажбурлаш.

Мақсаднинг конкрет йўналтирилганлиги жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин суд томонидан жазони индивидуаллаштириш пайтида инобатга олиниши мумкин. Қилмишнинг мотиви ҳам жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин жазони индивидуаллаштиришда инобатга олиниши мумкин. Қоида тариқасида ғаразгўйлик, моддий манфаатдорлик, мансабпарастлик, нотўғри тушунилган адолат ҳисси, ўзини намоён қилишга интилиш ва бошқалар мотив бўлиши

мумкин.

Жиноят фақат махсус субъект:

а) суриштирувчи;

б) терговчи;

с) прокурор ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жазони ижро этиш муассасалари ходимлари томонидан содир этилиши мумкин.

Суриштирувчи – суриштирув органининг бошлиғи ёки шундай органларнинг мансабдор шахсига суриштирув органи бошлиғининг топшириғига биноан: жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик; далилларни тўplash ва сақлаш; жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш; жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритувчи шахс. Суриштирув органларининг рўйхати ЖПК 38-моддасида кўрсатилган ва бу рўйхат тўлиқ ҳисобланади.

Терговчи – вазифаси дастлабки терговни олиб бориш бўлган, қонунда белгиланган тартибда прокурор, ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати органларидан тайинланган шахс.

Прокурор – бу прокуратура органларининг суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс.

Шуни назарда тутиш керакки, шарҳланаётган модданинг матнидаги шахсни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор сифатида, фақат иш бўйича шахсларга нисбатан жиноят субъекти томонидан жисмоний ёки рухий акт ҳисобланган қийноқ ёки шафқатсиз, инсонийликка зид, унинг қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар содир этилаётган жиноят иши бўйича масъул бўлсаларгина, тан олиниши мумкин. Акс ҳолда, шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатида тан олиниши керак.

Масалан, қийноққа солиш:

- терговчи томонидан содир этилган деб – агар айбдор мансабдор шахс бўлиб, дастлабки тергов юритилаётгани маълум бир аниқ иш бўйича масъул бўлсагина;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа шахслари томонидан содир этилган деб – гарчи у штат жадвалида терговчи лавозимида туриб, жиноят ишларини тергов қилаётган бўлса-да, муайян бир иш бўйича дастлабки терговни юритишда масъул ҳисобланмаса, топилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бошқа ходимлари деб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг штат ходими ҳисобланган, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи, лекин юритилаётган жиноий иш учун масъул бўлмаган шахслар тушунилиши мумкин. Бундай ходимлар жумласига оддий милиция ходимлари, солиқ хизмати, Миллий хавфсизлик хизмати ва техник функцияларни амалга оширувчи бошқа: гумон қилинувчи ёки айбланувчини кўриқлаш, назорат қилиш ва бошқа ишларни бажарувчи шахслар киради.

Жазони ижро этиш муассасасининг ходими деб, мансаб ваколатидан қатъи назар, мазкур муассасанинг штат жадвали бўйича ходим ҳисобланган мансабдор шахсларни, агар улар қийноқдан жабрланганга боғлиқ бўлган жиноий иш бўйича суриштирувчи бўлмасалар, ҳисоблаш лозим. Акс ҳолда, мазкур шахс суриштирувчи ҳисобланиши керак. Масалан, жазони озодликдан маҳрум этиш тарзида ўташ колонияси раҳбари жазони ижро этиш муассасаси ходими сифатида тан олиниши лозим, лекин колонияда жиноят содир этилса, у бу иш билан боғлиқ бўлган шахсга (жабрланувчи, гумонланувчи, гувоҳга) нисбатан суриштирувчи мақомига эга бўлади.

Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига биноан қуйидагилар жазони ижро этиш бўйича муассасалардир:

- суд (ижрочилари)– жарима тарзидаги жазога нисбатан;

– ички ишлар органлари – муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш ва ўлим каби жазоларни ижро этиш бўйича. Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тарзидаги ҳукм талаблари судланганнинг иш жойи маъмурияти томонидан, шунингдек, муайян иш фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан бажарилади;

– ҳарбий қисм бошлиқлари – хизмат бўйича чеклаш тарзидаги жазони ижро этиш бўйича ҳарбий хизматчиларга нисбатан;

– гарнизон гауптвахталари – ҳарбий хизматчиларга нисбатан қамоқ жазосини ижро этиш ҳолатида;

– махсус ташкил этилган ҳарбий қисмлар – интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазога нисбатан;

– унвон берган орган – ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш кўринишидаги жазога нисбатан, муассасалар ҳисобланади.

Агар таҳлил қилинаётган жиноят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходими бўлмаган шахс томонидан, (масалан, терговчининг жамоатчи ёрдамчиси, суриштирувчи ёхуд унинг қариндошлари ва бошқалар), лекин суриштирувчи, терговчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бошқа ходимининг фитнаси, иғвоси, рухсати ёки номига розилиги билан содир этилган бўлса, унинг ҳаракати ЖК 28-моддаси 5-қисми, 235-моддаси бўйича жиноят содир этишда воситаларни етказиб берганлик белгисига кўра қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларини қўллашда ёрдамчилик қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Суриштирувчини, терговчини ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бошқа ходимини, ўз навбатида, жиноят содир этишда бошқа воситалардан фойдаланиш белгисига кўра, ЖК 235-моддаси бўйича иштирокчи сифатида жавобгарликка тортиш керак (ЖК 28-моддаси 2-қисми).

Таҳлил қилинаётган жиноят формал таркибли қилмиш

сифатида шаклланган, яъни уни тугалланган жиноят сифатида тан олиш учун қонунга хилоф бирор-бир оқибат келиб чиқиши талаб этилмайди.

Жиноят жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатилган пайтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисми шарҳланаётган жиноятнинг квалификация қилинган турларини содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутади.

Квалификация қилиш белгилари сифатида қуйидагилар намоён бўлади:

а) ҳаёт ёки соғлиқ учун ҳафли бўлган зўрликни қўллаган холда ёки шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан;

б) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;

с) бир гуруҳ шахслар томонидан;

д) такроран;

е) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан содир этилганда.

Мазкур белгилар ҳақида ЖК 56, 104, 141, 164-моддалари таҳлилига қаранг.

ЖК 235-моддаси 3-қисмида қийноқни ва бошқа ғайриинсоний ёки шафқатсиз, кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини оддий ёки квалификация қилинган турларини қўллаганлик оқибатида баданга оғир шикаст етказилишига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган ҳаракатлар учун жавобгарлик назарда тутилган.

Баданга оғир шикаст етказилиши тушунчаси тўғрисида ЖК 104-моддаси, бошқа оғир оқибатлар тушунчаси тўғрисида ЖК 231-моддаси шарҳига қаранг.

Қийноқ, азоб бериш, таҳдид, алдов, бошқа шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомала, бошқа ғайриқонуний чоралар, шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини бузиш билан қўлга киритилган далилларни айбловга асос қилиб олиб бўлмайди.

Оғир оқибатлар деганда, сўроқ қилинувчининг ўзини – ўзи

ўлдириши ёки бошқача кўринишдаги ноқонуний сўроқ қилиш методларига нисбатан норозилигини тушуниш лозим.

§ 7. Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш

(ЎзР ЖК 236-моддаси)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасида «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади», 112-моддасида эса «Судлар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади» дейилган. Шу муносабат билан одил судловни амалга ошириш борасидаги суд фаолиятига ҳеч кимнинг у ёки бу кўринишда аралашишга ҳаққи йўқ.

Жиноятнинг **объекти** суд органларининг мустақиллиги ва обрўи, суриштирув, тергов, прокуратура органларининг жиноий ишларни тергов қилиш ва (ёки) судларнинг жиноий, фуқаролик, хўжалик ёки маъмурий ишларни ҳал қилиш каби нормал фаолияти ҳисобланади.

Тергов – бу жиноят процессининг бир босқичи бўлиб, прокурор назорати остида жиноят ходисаси юз берган-бермаганлиги, жиноят содир этишда айбдор шахсларни, жиноятда уларнинг айб даражаси, жиноят оқибатида келиб чиққан зарарнинг хусусияти ва миқдори, жиноятнинг сабаблари ҳамда иш учун аҳамиятга эга бошқа ҳолатларни аниқлаш учун суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат фаолият. Тергов жиноят ишини бекор қилиш ёки ишни судга юбориш билан тамомланади (тиббий йўсиндаги

мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юборишни ҳам ўз ичига олади).

Суд ишларини ҳал этиш – бу махсус ваколатли давлат органи – суд томонидан суд мажлисида тўплаган ёки тарафлар тақдим этган далиллар асосида ўтказиладиган текшириш жараёни. Суд ишларини ҳал этиш махсус ҳужжат: ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор қабул қилиш билан тамомланади.

Суд ишлари деганда, нафақат биринчи инстанция судида кўриладиган ишлар, балки апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритиш, шунингдек, янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритиш ҳам тушунилиши керак.

Объектив томондан **жиноят ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказишда ифодаланади.**

Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш – бу жисмоний шахслар томонидан суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья (шунингдек, судьялар ҳайъати ва халқ маслаҳатчиси)нинг фаолиятига таъсир этиш.

Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш тергов органи, прокуратура ёки суд биниси ёнида шиор ёзилган плакатлар билан терговнинг барча қисми ёки бир қисмини ёхуд иш ташлаш билан боғлиқ намоёниш, митинг ёки намоёниш ўтказиш, тергов, прокуратура ёки суд органлари биниси ёнида очлик эълон қилиш, оммавий ахборот воситаларида кампаниялар ташкил этиш ва бошқаларда намоён бўлиши мумкин.

Аралаштириш турли шаклда бўлиши мумкин: терговни бошқа йўналишда олиб бориш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурордан илтимос ёки талаб қилиш; судья ёки

халқ маслаҳатчисидан ваъда берилган фойда ёхуд манфаат эвазига ишни муайян йўналишда олиб боришни талаб қилиш; таҳдид қилиш билан кўрқитиш; ўзи яхши танийдиган суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ёки халқ маслаҳатчиси орқали тергов ёки суд ишини ўзининг фойдасига ҳал этишга уриниш; маслаҳат бериш ёки давлат ҳокимияти мансабдор шахси орқали йўл-йўриқ бериш ва бошқалар.

Айбдорнинг ҳаракатини квалификация қилишда аралашининг аниқ шакли – ишни тугатишни илтимос қилиш, оқлаш, айбни енгиллаштириш ёки, аксинча, оғирлаштириш, бошқа шахсларни жавобгарликка жалб қилиш, ишни даъвогар ёки жавобгар фойдасига ҳал этиш ва ҳоказолар аҳамиятга эга эмас. Аралашини ёки таъсир кўрсатиш дастлабки терговнинг барча босқичига, тўпланган ёки жиноят, фуқаролик, маъмурий ёхуд хўжалик ишига кўшилган далилларга тегишли бўлиши мумкин.

Аралашини ёки таъсир этиш, улар аниқ бир ишга тааллуқли бўлса, жиноят таркибини ташкил этади. Жазо чорасини кучайтириш ёки камайитиришга, умуман ёки бирон-бир жиноят турини аниқлашга қаратилган аралашини тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралашини деб топилмайди.

Фуқаролар ёки корхона, муассаса ва ташкилотлар бошлиқларининг тергов ёхуд суд органларига меҳнат жамоаси аъзосига нисбатан бошқа эҳтиёт чорасини қўллаш, шартли ҳукм қилиш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони қўллаш ёки, уларнинг фикрича, ишга дахлдор бошқа ҳужжатларни тақдим этиш билан боғлиқ муурожаатномалари ёхуд илтимосномалари тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралашини деб топилмайди.

Бундан ташқари, тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят тўғрисида хабар бериш, ишга дахлдор янги далилларни келтириш, мансабдор шахслар устидан шикоят бериш тергов, прокурор, суд органларининг фаолиятига

аралашини деб топилмайди.

Илтимос қилиш, маслаҳат ёки таклиф қилиш умумий кўринишга эга бўлса (мисол учун, бирон-бир суднинг жиноий сиёсат соҳасидаги ишларини нашр қилиш ёки мажлисда танқидий фикр билдириш), тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралашини деб ҳисобланмайди. Агар айбдор, унинг яқин қариндошлари, ҳимоячининг иш ҳолатлари бўйича дастлабки тергов органлари ёки прокурор ёхуд суд мажлисида судга шикоят, норозилик шаклидаги илтимосларни билдиришини аралашини деб ҳисоблаб бўлмайди.

Агар суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ишларига аралаш ёки қаршилиқ кўрсатиш билан боғлиқ таъсир кўрсатиш ҳаракатлари ўлдириш билан кўрқитиш ёки зўрлик ишлатиш таҳдиди асосида акс эттирилса бу ҳаракатларни ЖКнинг 112-модда ва 236-модда жиноятлар жами тариқасида тавсифлаш лозим.

Шуни айтиш лозимки, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья фаолиятига моддий манфаат кўрсатишни таклиф қилиб аралашини жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 211-моддаси 1-қисми ва ЖК 236-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилишга олиб келади.

Шарҳланаётган жиноят суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья фаолиятига қонунсиз аралашини ҳаракати бевосита бошланиши ҳамон **тугалланган** деб топилади. Айбдорнинг ҳаракатларини квалификация қилишда жиноятни тугалланган деб топиш юқоридаги шахслар фаолиятига ёки айбдорнинг ҳаракатлари тегишли қарор қабул қилинишига таъсир этиши талаб қилинмайди.

Субъектив томондан тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралашини фақат тўғри қасддан содир этилади, яъни шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини билади, қонунга зид ва адолатсиз қарор чиқарилишини хоҳлайди. Ушбу жиноятнинг мотиви шахсий манфаатдорлик, ғаразли ният ва бошқалар бўлиши мумкин.

Субъектив томоннинг зарурий белгиси аралашини қандай мақсадда содир этилганлиги ҳисобланади. Агар аралашини жиноят ишини тергов қилишда амалга оширилса, мақсад терговни тўлиқ ва ҳар томонлама олиб борилишига тўсқинлик қилиш ҳисобланади. Суд ишларини ҳал этишга аралашининг мақсади адолат қарор топишига тўсқинлик қилиш: иш бўйича судьялар (ёки судья) томонидан қонуний ва адолатли қарор қабул қилиш (ҳукм, ажрим, қарор ва ҳал қилув қарори) қабул қилиш ҳисобланади.

Жиноят **субъекти** - ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс.

ЖК 236-модда 2-қисмида тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралашини мансабдор шахс томонидан содир этилса, оғирроқ жавобгарликни келтириб чиқариши кўрсатилган.

Мансабдор шахс деганда, ишни тергов қилиш ёки ҳал этишга аралашини бевосита ваколати бўлган шахсни тушуниш лозим. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья ҳам қоида бўйича мансабдор шахс ҳисобланади. Энг аввало, давлат мансабини эгаллаган шахслар мансабдор шахслардир. Бундан ташқари, судья мансаб ваколати билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, у билан алоқадор шахслар, масалан, судья, прокурор ёки терговчининг фарзандлари таълим олаётган мактаб директори, судья ёки унинг қариндоши яшаётган уйнинг, маҳалланинг оқсоқоли ва бошқалар ҳам мансабдор шахс деб топилади.

Прокурорнинг терговчи, суриштирувчига кўрсатмалари, шунингдек, юқори турувчи прокурорнинг қуйи турувчи прокурорга тергов қилинаётган иш бўйича кўрсатмалари жиноят-процессуал қонуни бўйича ишни тергов қилишга аралашини деб топилмайди. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 37-моддаси доирасида тергов бўлими бошлиғининг кўрсатмалари ушбу жиноят таркибини ташкил қилмайди.

§ 8. Ёлғон хабар бериш (ЎЗР ЖК 237-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти одил судлов органларининг нормал фаолияти, фуқароларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатлари ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят била туриб, жиноят содир этилгани ҳақида ёлғон хабар беришда ифодаланади.

Ёлғон хабар бериш деганда, ёзма ёки оғзаки равишда бевосита айбдор ёки бошқа шахс томонидан содир этилган, тамом бўлган жиноят ҳақидаги ёки жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги ёхуд тажовуз ҳақидаги ҳақиқатга тўғри келмайдиган хабар беришни тушуниш зарур. Одатда, бундай хабарлар жиноий иш кўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган идораларга келиб тушади. Прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, солиқ органлари, давлат ҳокимияти органлари ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Ёлғон хабарда айбдор томонидан жиноятни содир этган шахс кўрсатилиши ёхуд жиноят содир этилганлиги ҳақидаги факт маълум қилиниши мумкин.

Била туриб ёлғон хабар бериш оқибатлари (жиноий иш кўзғатилгани ёки кўзғатилмагани)дан қатъи назар, бу қилмиш тегишли органларга хабар қилинган пайтдан эътиборан тугалланган деб ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Ёлғон хабар берган шахс ўзи маълум қилган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини яхши билиши лозим. Айбдор хабар қилинган ахборотни баҳолашда ҳақиқатдан ҳам адашган бўлса, уни шарҳланаётган модда бўйича жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Ёлғон хабар берилишининг мотивлари хар хил: бир-бирини кўра олмаслик, ўч олиш, ҳасад, ғаразгўйлик бўлиши мумкин.

Била туриб ёлғон хабар беришдан кўзланган мақсад, аксарият ҳолларда, жиноятни содир этишда айбланаётган

шахсга нисбатан жиноят иши кўзғатиш хоҳишидир.

Жиноятнинг субъекти **16 ёшга тўлган, ақли расо ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.**

ЖК 237-моддаси 2-қисмида била туриб ёлғон хабар берганлик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи қуйидаги ҳолатлар:

1) айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтирган ҳолда,

2) ғаразгўйлик ниятларида,

3) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

Айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтириш деганда, жиноятга алоқаси бўлган далилларнинг сохталаштирилишини (сохта гувоҳлар, қандайдир ҳужжатлар, ёзувлар, фотосуратлар келтирилиши ва ҳ.к.ларни) тушуниш зарур.

Мазкур модданинг 3-қисмида оғир оқибатларга сабаб бўлган ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

Оғир оқибатлар деганда, ёлғон хабар бериш натижасида айбланган шахснинг оғир тан жароҳати олишини, ўзини ўзи ўлдиришини тушуниш зарур.

§ 9. Ёлғон гувоҳлик бериш (ЎзР ЖК 238-моддаси)

Жиноятнинг объекти суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суднинг нормал фаолияти юритиши ҳисобланади. Жиноятнинг факультатив объекти жиноят процесси иштирокчилари, шунингдек бошқа манфаатдор шахсларнинг қонуний манфаатлари, хавфсизлиги ва ҳуқуқлари ҳисобланади.

ЖК 238-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят объектив томондан гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб, ёлғон кўрсатув беришида, экспертнинг била туриб нотўғри хулоса беришида, таржимоннинг бир тилдан

иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилишида ифодаланади.

Кўрсатув бериш деганда, жиноят ёхуд фуқаролик иши юзасидан аниқланиши керак бўлган ҳолатлар ҳақида ахборот беришни тушуниш зарур.

Ишнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёхуд бузилган ҳолатлари ҳақидаги кўрсатув ёлғон кўрсатув ҳисобланади. Масалан, исботлаш аҳамиятига молик маълум далилларни хабар қилмаслик ёхуд ўйлаб топилган далилларни маълум қилиш.

«Гувоҳ» ва «жабрланувчи» тушунчалари ҳақида ЖК 235 – моддаси таҳлилига қаранг.

Гувоҳ ёки жабрланувчи томонидан иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ҳақида атайин айтмаслик, гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш ҳуқуқига эга бўлган суд ва бошқа иштирокчиларнинг, берган бирон-бир саволларига жавоб бермаслиги ҳақида айтмаган тақдирдагина, ЖК 238-моддаси бўйича жавобгарликка тортишга асос бўлиши мумкин. Гувоҳ ёки жабрланувчи ёхуд экспертнинг иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисида кўрсатув беришдан бош тортиши, ЖК 240-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим

Гувоҳлар ёки жабрланувчининг бир иш юзасидан такрор равишда (яъни, бир неча маротаба) дастлабки тергов босқичлари ва суд мажлисида берган ёлғон кўрсатмаларини алоҳида – алоҳида мустақил жиноятлар сифатида эътироф этиб бўлмайди. Бу давомли жиноят сифатида эътироф этилади.

Жиноят норма диспозициясида кўрсатиб ўтилган қилмишлар содир этилиши билан **тугалланган** ҳисобланади. Агар кўрсатма, хулоса ёки таржима оғзаки қилинадиган бўлса, жиноят кўрсатма, хулоса бериш ва таржиманинг охирига етиши билан тугалланган ҳисобланади. Агар улар ёзма равишда бериладиган бўлса, сўроқ баённомасига имзо қўйгандан, таржима ёки хулосани имзолаш ва уни суд

органига бериш билан жиноят тугалланган ҳисобланади.

Жиноятни тугалланган деб топиш учун ҳеч қандай оқибат келиб чиқиши, масалан, судланувчининг маҳкум бўлиши ёки оқланиши, таржима, хулосалар далил сифатида олиниб, айбдорга нисбатан жавобгарлик вужудга келиши ва бошқалар талаб қилинмайди.

Эксперт – жинорий, маъмурий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича вужудга келадиган фан, техник ва бошқа махсус масалалар бўйича хулоса бериш учун зарур билимга эга бўлган ҳар қандай шахс. У махсус билимларини ишлатган ҳолда, объектив ва ҳар томонлама текширув асосида ўз номидан хулоса тузади ва тақдим этган хулосасига жавобгардир (ЖПК 67-моддаси).

Эксперт хулосаси – ваколатга эга бўлган шахс томонидан текширувга тақдим этилган ҳолатнинг бирон-бир томони ҳақида махсус билимлар асосида тақдим этилган хулоса. Хулосани фақат ваколатга эга бўлган шахс тақдим қилиши мумкин.

Нотўғри эксперт хулосаси – экспертнинг иш материалларига (ҳужжатлар, далилий ашёларга) нотўғри баҳо бериши. Шунингдек, экспертиза даврида аниқланган ҳолатлар бўйича фактларни бузиб кўрсатиш, ушбу фактларни хулосада кўрсатмаслик нотўғри тушунтириш бериш ҳам нотўғри хулоса деб топилади. Хулоса берилган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

Таржима – бир тилдаги бирон-бир маълумотлар, ахборотларни бошқа тилда баён этишга қаратилган фаолият. Тил деганда, нафақат сўзлашув (“товушли”) тили, балки махсус билимларни талаб қилмайдиган кенг тарқалган ва қўлланадиган белгилар тили (мисол учун, кар-соқовлар тили) ҳам тушунилиши мумкин (жумладан, қадимги Миср тили, қандайдир шифр).

Таржима бир тилдан бошқасига ёзма ва оғзаки, битта ёки бир неча таржимонлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Шунини таъкидлаш зарурки, била туриб нотўғри

таржима қилганлик учун фақат муайян ишда таржимонлар сифатида жалб қилинган шахсларни жавобгарликка тортиш мумкин.

Нотўғри таржима қилиш ёзма ёки оғзаки нутқнинг мазмунини бир тилдан иккинчи тилга бузиб, нотўғри таржима қилишда ифодаланади. Нотўғри таржимага иш ҳолатлари бўйича маълум бир ҳолатлар бўйича сукут сақлаш ҳам киритилади. Нотўғри таржима қилиш билан боғлиқ бирор-бир ҳаракатлар содир этилган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

Жиноятнинг субъектив томони тўғри қасда ифодаланади. Санаб ўтилган шахслар ўзлари бераётган кўрсатма, хулоса ёки таржима ҳақиқатга мос келмаслигини англайди ва уларни нотўғри маълумот сифатида суд ёхуд одил судловни амалга оширувчи бошқа органларга беришга ҳаракат қилади.

Олдиндан билиш белгиси шарҳланаётган жазога лойиқ ҳулқ-атворни жазо белгиланмайдиган эҳтиётсиз қилмишдан ажратади. Бу, масалан, жабрланувчи ёки гувоҳнинг эсан чикқани, чалғигани туфайли ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатма бериши ёхуд билимсиз эксперт ёки таржимоннинг нотўғри хулоса ёхуд таржимаси бўлиши мумкин. Жиноятнинг мотиви (ғаразли, ўч олиш, шахсий салбий муносабатлар) қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

Жиноят **субъекти** махсус бўлиб, ўн олти ёшга тўлган, қонун бўйича ишда гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ёки таржимон сифатида қатнашиши мумкин бўлган шахс ҳисобланади. Ўн олти ёшга тўлмаганлар ва ишга гувоҳ ва жабрланувчи сифатида жалб қилинган шахслар мазкур жиноят субъекти ҳисобланмайди. Мазкур шахсларни шарҳланаётган жиноятнинг субъекти сифатида тан олишда, уларни ёлғон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилганлик факти аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳолат маъмурий, фуқаролик ва хўжалик тартибидаги

ишларни ҳал қилишда тўлалигича аҳамиятга эга.

ЖК 238-моддаси 2-қисмининг объектив томони:

1) суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов, ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг ёлғон кўрсатув бериши ёки экспертнинг ёлғон хулоса бериши ёхуд таржимонни нотўғри таржима қилиши учун пора эвазига оғдириб олишдан;

2) уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига рухий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш орқали ёлғон гувоҳлик беришга мажбурлашдан иборатдир.

Пора эвазига оғдириб олиш – бу ёлғон гувоҳлик бериш эвазига айбдорларнинг шахсан ўзига ёки воситачилари орқали кўрсатилган шахсларга пул, қимматли қоғоз, бошқа мулк бериш ёки мулкый характерда бўлган хизматларни, ишни дастлабки терговда ёки суд мажлисида кўриш вақтида, ёлғон гувоҳлик бериш учун бажаришда ифодаланади.

Жинсий алоқага киришишга таклиф қилиш поранинг предмети бўла олмайди. Мулкый характерда бўлмаган манфаат ва фойдали хизматларни бажариш (ишга жойлаштириш ва бошқалар) мазкур жиноят таркибини ташкил қилмайди. Моддий йўсиндаги хизматлар сирасига қарздан воз кечиш, қандайдир имтиёزلарни бериш ва ҳ.к.ларни киритиш мумкин. Пора миқдори жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

Гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, таржимонни пора эвазига оғдириш айтиб ўтилган шахсларга муайян моддий мукофот берилган пайдан эътиборан тугалланган жиноят ҳисобланади.

Ушбу модда мазмунига кўра, мажбурлаш деганда, гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, таржимонга ёхуд уларнинг яқин қариндошларига рухий ёки жисмоний тазйиқ ўтказилишини тушуниш зарур.

Рухий тазйиқ айбдор томонидан жабрланувчига таҳдид қилиш, соғлиғига шикаст етказиш, мол-мулкани нобуд қилиш билан кўрқитиш воситасида талабларни ўртага

қўйишда ифодаланади.

Руҳий тазйиқ ўтказиш йўли билан ёлғон гувоҳликка мажбурлаш пўписа қилинган пайтдан бошлаб, айбдор истаган натижасига эришганми ёки йўқми, бундан қатъи назар, жиноят ҳисобланади.

Жисмоний тазйиқ ўтказиш жабрланувчини уриш орқали унга енгил тан жароҳат етказишда ифодаланади. Жабрланувчига ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилганда, айбдорнинг қилмиши соғлиққа зарар етказганлик учун жинойий жавобгарлик белгиланган моддаларга асосан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак (ЖК 104, 105-моддалари). Ўлдириш билан қўрқитиш ёлғон гувоҳлик бериш билан бирга жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак (ЖК 112 ва 238-моддалари).

Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Жиноятнинг содир этилиш мотивлари жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас. Жиноятни содир этишдан кўзланган мақсад – гувоҳ, жабрланувчи, экспертни ёлғон кўрсатув ёки хулоса беришга, таржимонни нотўғри таржима қилишга оғдиришдан иборатдир.

16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс ЎзР ЖК 238-моддасининг 2-қисмида жавобгарлик белгиланган жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

ЖК 238-моддасининг 3-қисмида уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган ёлғон гувоҳлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

§ 10. Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш (ЎзР ЖК 239-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объектини дастлабки тергов ва суриштирув органларининг нормал фаолият юритишини

таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилади.

Объектив томондан дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш кўрилаётган иш шарт-шароитларини жабрланувчи, гувоҳ, ҳимоячи ёки бошқа терговчи, суриштирувчи ёки прокурор томонидан бундай маълумотни унинг рухсатисиз ошкор қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида огоҳлантирилган бошқа шахс томонидан учинчи шахсларга оғзаки ёки ёзма равишда узатилишида ифодаланади.

Ошкор этиш деганда, ишдаги маълумотларнинг ошкор қилинишига йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида терговчи томонидан огоҳлантирилган жабрланувчи, гувоҳ, ҳимоячи ёхуд бошқа шахсларнинг ана шундай ахборотни учинчи шахсларга ҳар қандай кўринишда ошкор қилишини тушуниш зарур.

Аксарият ҳолларда, суриштирув, дастлабки терговнинг ошкор қилиб бўлмайдиган маълумотларига муайян ишдаги жиддий аҳамиятга молик ахборотлар (гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосаси ва ҳ.к.лар) ҳам киради.

Суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш жараёнида олинган маълумотлар жиноят **предмети** ҳисобланади.

Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотлари деб, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида олинган, сўроқ, юзлаштириш, тинтув, тергов экспериментлари баённомаларида, экспертиза материаллари ва бошқа ҳужжатларда мавжуд маълумотларга айтилади. Бироқ шарҳланаётган модда нуктаи назаридан **маълумотлар** деганда, фақат суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида олиниб, уларга нисбатан терговчи, суриштирувчи ёки прокурор уларни овоза қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирган ҳамда бу ҳақда тегишли тилхат олинган маълумотлар тушунилади.

Агар шахс маълумотларни овоза қилганлиги учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмаган бўлса, уни

шарҳланаётган модда бўйича жавобгарликка жалб қилиш мумкин эмас.

Маълумотларни суриштирув ва дастлабки терговга оид маълумот деб эътироф этиш учун улар айбдор томонидан иш материаллари ҳамда суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ўзидан олинган бўлиши шарт эмас.

Бу маълумотлар, шунингдек, бошқа йўл билан (масалан, шохид, гувоҳ, бошқа шахслар билан суҳбатлашув натижасида) олинган бўлиши мумкин. Бироқ суриштирув ва дастлабки терговга оид маълумот сифатида эътироф этилиши учун уларга нисбатан айбдордан ЖПК 353-моддасига биноан тилхат олинган бўлиши шарт. Бунда бу маълумотлар кимга ёки нимага тааллуқлилиги аҳамиятга эга бўлмайди. Масалан, эксперт ўзи ўтказган экспертиза маълумотларини, гувоҳ – ўз кўрсатмаларини овоза қилиш ҳуқуқига эга эмас. ЖПК 353-моддаси 1-қисми таҳлилидан келиб чиққан бўлиб, унга кўра, “терговчи жиноят ишидаги барча маълумотларни ёки унинг муайян қисмидаги маълумотларни ошкор қилинмайдиган деб эътироф этишга ҳақли. Ана шу асосда у тергов ҳаракатларида иштирок этаётган ёки тергов ҳаракатларини бажаришда ҳозир бўлган ёхуд тергов материаллари билан танишаётган шахслардан уларнинг зиммасига ишда мавжуд бўлган маълумотларни унинг рухсатисиз ошкор қилмаслик тўғрисида мажбурият юклатилгани ҳақида тилхат олиши мумкин”.

Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотлари ошкор қилинган, ана шу ахборотлар бегона шахслар мулкига айланган пайдан эътиборан жиноят тугалланган деб эътироф этилади.

Қилмишни тамомланган жиноят сифатида баҳолаш учун бу берилган маълумот бундай маълумотга қизиққан шахслар кўлига кирган бўлиши шарт эмас. Бу маълумотни учинчи шахс ишлатгани ёки ишлата олмагани қилмишни тугалланган сифатида тан олиншига таъсир қилмайди. Қандайдир

зарарли оқибатлар бўлиши (масалан, айбланувчининг жавобгарликдан бош тортиши, ашёвий далиллар йўқ қилиниши ва ҳоказолар) жазони индивидуаллаштириш учунгина аҳамиятли.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан ёки эгри қасддан содир этилиши мумкин. Бу жиноят асоси – ўзининг хабардорлиги билан мақтаниш, ғаразли ёки бошқа шахсий манфаатлар бўлиши мумкин, улар квалификация қилишга таъсир этмайди.

Жиноятнинг субъекти **16 ёшга тўлган, суриштирув, дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилса, жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан огоҳлантирилган, ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.**

Шунингдек, гувоҳ, жабрланувчи, фуқаролик даъвогари ёки жавобгари, адвокат, эксперт, мутахассис ва ҳ.к.лар ҳам жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

§ 11. Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши (ЎзР ЖК 240-моддаси)

Мазкур жиноятнинг бевосита объекти суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суднинг нормал фаолияти, фуқароларнинг қонуний манфаати ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят гувоҳ ёки жабрланувчининг суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ёки судда гувоҳлик беришдан, ё бўлмаса экспертнинг хулоса беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлашидан иборат бўлади.

Жиноят-процессуал қонунчилигига (ЖПК 117-моддасига) мувофиқ, гувоҳ ёки жабрланувчининг шахси аниқлангандан ва унга процессуал ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилгандан кейин у кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиб, бу ҳақда сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб

кўйилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар.

“Суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан аниқланаётган ҳолатлар ўзида давлат сирларини ёки касб сирини ёхуд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёхуд бошқа шахслар ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирганлигини баҳона қилиб, гувоҳ ва жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортишга ҳақли эмас” (ЖПК 118-моддаси).

Кўрсатув беришдан бош тортиш – бу гувоҳнинг ёки жабрланувчига маълум бўлган суд ишини тўғри ҳал қилишда аҳамиятга эга бўлган ишга таалукли фактлар ва ҳолатлар ҳақида маълумотларни айтмасликда намоён бўлади.

Отказ от дачи показаний выражается в несообщении свидетелем или потерпевшим известных им сведений о фактах и обстоятельствах, имеющих значение для правильного разрешения дела.

Гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатма беришдан бош тортиши оғзаки ёки ёзма тарзда бевосита ариза бериш билан амалга оширилиши мумкин.

Гувоҳ ёки жабрланувчи кўрсатма бера туриб, ишнинг баъзи жиҳатлари юзасидан ёлғон гувоҳлик берсалар, уларнинг ҳаракатлари, шунингдек, қисман ёлғон хулоса берган эксперт ҳаракатлари ёлғон гувоҳлик бериш сифатида ЖК 238-моддасига бўйича квалификация қилинади.

Гувоҳ, жабрланувчининг кўрсатма беришдан бўйин товлаши деганда, кўрсатма беришдан бош тортиш мақсадида бирон-бир узрсиз сабабларни излаб топиш тушунилади (ўзини касал қилиб кўрсатиш, оғир оилавий аҳволини важ қилиш ва ҳоказо).

Экспертнинг хулоса беришдан бўйин товлаши деганда, ўз малакаси пастлиги, ўзини ёмон сезаётганлиги, ачиниш ҳиссини келтириб чиқариш истаги кабилар тушунилади.

Узрли сабабларсиз кўрсатув бериш ёхуд хулоса чиқаришдан бош тортиш ёки бўйин товлаш маълум қилинган пайдан эътиборан ушбу жиноят тугалланган, деб ҳисобланади.

Суриштирув, дастлабки тергов органи ёки судга гувоҳ, жабрланувчи ёки эксперт сифатида чақирилган ўн олти ёшга тўлган шахслар жиноят **субъекти** бўлиши мумкин.

«Гувоҳ», «жабрланувчи» ва «эксперт» тушунчалари ҳақида ЖКнинг 235 ва 238-моддалари таҳлилига қаранг.

Жиноят кодекси 240-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари гувоҳлик кўрсатуви беришни рад этганлиги ёки бундан бўйин товланганлиги учун жавобгарликка тортилмайдилар.

§ 12. Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш (ЎЗР ЖК 241-моддаси)

Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг бевосита **объекти** – мазмуни одил судловни амалга оширадиган суд, прокуратура, дастлабки тергов ёки суриштирув идораларининг бир меъёрга фаолиятдан иборат бўлган ижтимоий муносабатлар.

Объектив томондан **ЖК 241-моддаси 1-қисмида** назарда тутилган жиноят тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани холда хабар бермасликдан иборатдир.

Хабар бермаслик деганда, ўз фаолияти муносабати билан ёхуд бошқа сабабларга кўра қандайдир шахслар оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этишга тайёргарликлик кўрилаётганлиги ёхуд тамом бўлган жиноятдан хабар топган шахснинг шу ҳақдаги ахборотни давлат ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига етказмаслигини тушуниш зарур.

Тайёрланаётган жиноят – бу ижтимоий хавфли бўлган

қилмишни содир этишни тайёрлашга қаратилган ҳаракатлар. Жиноятга тайёргарлик кўриш зарур қурол, портловчи моддалар, вазиятни ўрганиш, иштирокчиларни қидириш ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин.

Содир этилган жиноят – жиноятнинг тугалланган таркибини ташкил қилувчи ҳаракатлар. Содир этилган жиноят каби, жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам шарҳланаётган модда доирасида кўриб чиқиш керак.

Тайёрланаётгани аниқ маълум бўлган ёки содир этилган жиноят ҳақида айбланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва судга хабар бермаган ҳолдагина хабар бермасликни тан олиш мумкин. Бундай органларга хабар бериш ёзма ёки оғзаки; шахсан ёки воситачи орқали; аноним ёки очик тарзда амалга оширилиши мумкин, хабар беришнинг шакли ва тури аҳамиятга эга эмас.

Мазкур модда бўйича жавобгарлик юзага келишининг муҳим шarti – маълумотлар айбдорга аниқ маълум бўлиши лозимлиги.

Аниқ маълумотлар деб, шахсда уларнинг ҳақиқийлигига ишонч туғдирадиган характерли манбалардан олинган маълумотлар ҳисобланади.

Қонунда шахс унга маълум бўлган, тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида маълумот бериши муддати кўрсатилмаган. Бундай муддат деб шахсга жиноят ҳақида маълум бўлганидан кейинги энг қисқа муддат тан олинади. Шу муддат мобайнида шахс тегишли органларга бу ҳақда маълумот бериш имкониятига эга бўлиши лозим.

“Оғир” ёки “ўта оғир” жиноятлари тушунчалари ҳақида Жкнинг 230-моддаси таҳлилига қаранг.

Аниқ билгани ҳолда тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида хабар бермаслик шахс ана шу фактларни маълум қилиш ҳаракатини кўрмаган пайдан эътиборан тугалланган жиноят деб ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор унга қонун томонидан юклатилган бурчини – аниқ маълум бўлган, тайёрланаётган, содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида хабар беришни – бажармаётганлигини билади ва шуни хоҳлайди. Ушбу жиноятнинг содир этилиш сабаблари турли бўлиши мумкин: бошқаларнинг ишига “аралашини” хоҳламаслик; тахмин қилинган тажовуздан қўрқиш, ғаразгўйлик ва ҳоказо. Аммо улар қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди, бироқ суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олиниши мумкин.

Жиноятнинг содир этилиш мотиви ҳар хил (жиноятни содир этган шахсни яшириб қолиш, гувоҳ сифатида иштирок этишни истамаслик ва ҳ.к.) бўлиши мумкин.

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин. Ўз хизмат вазифаларига кўра ўзларига маълум бўлган, тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятлар ҳақида хабар беришга мажбур бўлган ва улар ҳақида хабар бермаётган мансабдор шахслар мансаб совуққонлиги ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги учун жавобгарликка тортилади.

ЖК 241-моддаси 2-қисми оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яшириш учун жавобгарликни назарда тутди.

Яшириш деганда, жиноятчи, жиноят излари, содир этилган жиноят қуроллари ва воситалари, жиноий йўл билан қўлга киритилган предметларнинг яширилишини тушуниш зарур. Яшириш уй-жойни, қиёфасини ўзгартириш учун кийим-кечак беришдан, шахсни бирон-бир ҳужжат билан таъминлашдан, қон изларини, бармоқ изларини йўқотишдан ва ҳ.к.лардан иборат бўлиши ҳам мумкин.

Яшириш **объектив томондан** айбланувчи жиноятчини, унинг жинояти изларини, оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этишдаги восита ва қурол-яроғини ёхуд оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этиш натижасида олинган буюм ва

қимматбаҳо нарсаларни беркитишда ифодаланиши мумкин.

Жиноятчини яшириш – бу унга бошпана, транспорт воситалари бериш, қалбаки хужжатлар билан таъминлаш, ташқи қиёфасини ўзгартиришда ёрдам бериш.

Жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини яшириш – жиноят содир этилган қурол ва бошқа нарсаларни яшириш, беркитиш ёки уларни йўқ қилиш ёки ўзгартириш.

Жиноят изларини ёки жиноят йўли билан олинган нарсаларни яшириш, уларни беркитиш, бошқа жойга олиб бориш, йўқ қилиш ташқи кўринишини ўзгартириш, завод тамғаси детал номерини қалбакилаштириш йўли билан амалга оширилади.

Жиноят предметларини яшириш ҳаракатлари натижасида жиноят қонуни билан кўриқланадиган бошқа объектларга ҳам зарар етказилган тақдирда қилмиш тегишли моддалар билан жиноятлар жами тариқасида тавсифланади. масалан, жиноят предмети бўлган ўқ отар қуролни яшириш ҳаракатларини ЖКнинг 241-моддаси ва 248-моддалари (Қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга ҳилоф равишда эгаллик қилиш)билан жиноятлар жами тариқасида тавсифлаш лозим.

Мазкур жиноят фақатгина ҳаракат орқали содир этилиши мумкин.

Ёрдамчи тарзидаги иштирокчиликдан фарқли равишда, мазкур модда маъносида яшириш оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилгандан сўнг айбдор томонидан амалга оширилади, шунинг учун у содир этилган жиноят ва унинг оқибатлари билан сабабий боғланишда эмас. Бундан ташқари, оғир жиноят ёки ўта оғир жиноят содир этилгунча айбдор у ҳақида билмайди ва жиноят изларини олдиндан йўқ қилишга ваъда бермайди.

Агар яшириш доимий хусусиятга эга бўлса, бу бажарувчига жиноятни содир этишда ёрдамлашишни ҳисобга олиши учун асос бўлади ва унинг ҳаракатларини иштирокчилик сифатида квалификация қилиш лозим.

Шахс жиноятчини жиноят содир этиш куроли ва воситаларини, оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этиш натижасида олинган нарса ва қимматбаҳо буюмларни яширишга йўналтирилган ҳаракатларни амалга оширганда жиноят тугалланган деб топилади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан тавсифланади. Шахс оғир ёки ўта оғир жиноятни яшираётганини билади ва буни хоҳлайди.

Жиноятнинг мотиви турлича (ғаразгўйлик, жиноятчидан кўрқиш, одил судлов органларидан ўч олиш, яширилаётган шахс билан қариндошлик, яқин дўстлик муносабатлари ва хоказолар) бўлиши мумкин. Аммо бу мотивлар жиноятни квалификация қилишда таъсир этмайди.

Яшириш мақсади ва мотиви жиноят таркиби чегарасидан ташқарида бўлади ва суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс яшириш субъекти бўлиши мумкин.

ЎЗР ЖК 31-моддаси 3-қисмига кўра “Олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди.”

“Яқин қариндошлар» тушунчаси ҳақида ЖК VIII бўлимига қаранг.

Агар олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноятларнинг яшириш мансабдор шахс томонидан ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этилса жиноятни ЖКнинг 241-моддаси ва 205-моддалари жами тариқасида квалификация қилиш лозим.

§ 13. Жиноятларни рўйхатга олишдан қасддан бўйин товлаш (ЖК 241¹-модда)

Жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлувчи аризалар, хабарлар ва бошқа жиноят ҳақидаги маълумотларни тақдим этилиши ҳуқуқни муофоза қилувчи органларнинг бу маълумотларни синчиклаб ўрганиб чиқиш ва бу иш бўйича жиноят ишини қўзғатиш борасидаги масалани кўриб чиқишга йўналтиради.

Жиноятларни рўйхатга олишни қасддан яшириш энг аввало, жиноятни очишда тўсиқ бўлади, фуқароларни одил судлов ишида қатнашиш имкониятини чеклайди, унга бўлган ишончи сўнлиради, шу билан бирга жиноят содир этган шахсларни жазоланмай қолишига олиб келади.

Шу билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи органи ЖКга жиноятларни рўйхатга олишни қасддан яширганлик учун жавобгарликни ўрнатувчи янги норма - **241¹** –**моддани** қўшиш тўғрисида қонун қабул қилди.

Жиноятнинг бевосита объекти- жиноят ҳақидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш ва кўриб чиқишни белгилаб берувчи жиноят процессуал қонунчилиги билан ўрнатилган тартибни белгилаб берувчи ижтимоий муносабатлар.

Жиноят – ҳуқуқий муҳофазанинг **факультатив объекти** сифатида бу ерда жинойий тажовузлардан муҳофазаланишга бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўз ичига олувчи ижтимоий муносабатлар намоён бўлади.

Жиноятнинг предмети бўлиб ариза (айбдорнинг аризаси ёки шахс аризаси), хабар (корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг хабарлари, шунингдек ОАВларининг хабарлари), жиноят ишини қўзғатишга ваколатли бўлган давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан бевосита аниқланган бошқа жиноят ҳақидаги маълумотлар ҳисобланади.

Шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Ёзма ариза арз қилувчи шахс

томонидан имзоланган бўлиши лозим. Оғзаки ариза баённомада қайд этилади. (ЖПК 324-моддаси)

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар жиноят тўғрисида берган хабарлар хизмат хати ёки тасдиқланган телефонограмма, телеграмма ёхуд радиogramма шаклида бўлиши лозим. Хабар юборувчи содир этилган жиноятга оид ҳолатларни тасдиқловчи ўз ихтиёридаги ҳужжатларни хабарга илова қилиб юбориши мумкин. (ЖПК 326-моддаси)

Муайян жиноят тўғрисида матбуот, радио ва телевидение, ҳужжатли кинофильмлардаги, шунингдек оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги хабарлар жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади.

Жиноят тўғрисидаги хабарни эълон қилган ёки тегишли жойларга юборган оммавий ахборот воситалари, шунингдек бу хабар муаллифлари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг талабига асосан ўз ихтиёрларида бўлган ҳужжатларни ва хабарни тасдиқловчи бошқа материалларни тақдим қилишлари шарт. (ЖПК 327-моддаси)

Жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотларнинг бевосита аниқланиши қуйидаги ҳолларда жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлиши мумкин:

1) суриштирувчи маъмурий вазифани амалга ошираётганида ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича суриштирув ўтказиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

2) терговчи бошқа жиноятга доир иш бўйича дастлабки тергов юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

3) прокурор қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш пайтида ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича дастлабки тергов олиб бориш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

4) судья маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишни юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

5) суд фуқаровий ишни ёки бошқа жиноятга доир ишни юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида. (ЖПК 328-моддаси)

ЖКнинг 241¹ – модданинг **объектив томони** жиноятни рўйхатга олишни яшириш, яъни тегишли мансабдор шахс ҳеч қандай асосларсиз аризани (хабарни) қабул қилишдан бош тортиш ёки рўйхатга олишни рад этишга қаратилган жиноий ҳаракатсизлигида намоён бўлади; жиноят ҳақидаги аниқланган маълумотларни йўқ қилиш; ариза, хабар ёки маълумотларни ўрганиб чиқмаслик, жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли бўлган ва ўрганиб чиқиш зарур бўлган маълумотларни ўрганиб чиқмаслик ёки ушбу маълумотларни ўрганиб чиқиш натижалари бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги асосланмаган қарор чиқаришдан иборат ҳаракатдан иборат.

ЖПКнинг 329-моддаси, 1-қисмига кўра “Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол ёки уч суткадан кечиктирмасдан, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёки суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда, ўн суткадан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши лозим. Ушбу муддатлар жиноятга оид хабар олинган пайтдан бошлаб то ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.”

Мазкур жиноят айбдорнинг жиноят ҳақидаги аризани (хабар) қабул қилишни рад этган ёки жиноят ҳақида олинган (бевосита аниқланган) маълумотларни йўқ қилган ёхуд юқорида кўрсатилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ёки рўйхатга олиш учун ўрнатилган қонуний муддатларни ўтиши билан **жиноят тугалланган** ҳисобланади.

Жиноятни рўйхатга олишни қасддан яшириш жинояти субъектив томондан тўғри қасд билан тавсифланади. Айбдор ўз ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни жиноийлиги олдиндан

билади ва жиноятни рўйхатга олишдан яширишни хоҳлайди. Бу ҳолатда субъект ғаразгўйлик ниятларда бирон бир шахсдан ўч олиш ёки манфаатдор шахсларнинг бевосита ёки билвосита кўрсатмаларини бажариш орқали жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликдан олиб қолиш мақсадаларида ҳаракат қилиши мумкин.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди, фақатгина уни таъминлайди.

Агар жиноят эҳтиётсизлик орқали содир этилса, бу ҳолатда айбдор мансабдор шахсни ЖКнинг 207-моддасига кўра (Мансаб совуққонлиги) жавобгарликка тортиш лозим.

Қонунда тўғридан тўғри кўрсатиб ўтилгандек, мазкур жиноятнинг субъекти махсус бўлиб, унга айнан жиноят ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш хизмат мажбуриятига кирувчи мансабдор шахслар киради. Иш ҳолатларига қараб, у суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ЖКнинг 241¹ – моддасида кўрсатилган жиноят ўз мазмун моҳиятига кўра мансаб ёки ҳокимият ваколатларини суистеъмол (ЖКнинг 205-моддаси) қилиши жиноятининг бир кўриниши сифатида намоён бўлиши мумкин. Бу икки жиноят таркиби бир бири билан умумий ва махсус ўхшашликларга эга бўлсада, жиноятни рўйхатга олишни қасддан яшириш жиноятини кўшимча равишда ЖКнинг 205-моддаси билан квалификация қилиш мумкин эмас. Агар жиноятни рўйхатга олишни қасддан яшириш билан бир вақтда айбдор мансаб ёки ҳокимият ваколатларини суистеъмол қилишга қаратилган бирор-бир ҳаракатларни содир этадиган бўлса у ҳолда жиноятлар жами тариқасида қилмишни тавсифлаш мумкин.

Худди шунингдек, агар айбдор бирор бир моддий манфаатлар остида жиноятни қасддан яширадиган бўлса у ҳолда қилмишни жиноятлар жами тариқасида тегишли ЖКнинг нормалари билан квалификация қилинади.

**«Одил судловга қарши жиноятлар»
мавзуси бўйича якуний назорат саволлари**

1. Одил судловга қарши жиноятларнинг турлари.
2. Объектив томондан айбсиз кишини жавобгарликка тортиш қандай ҳаракатларда ифодаланади?
3. Айбсиз киши деганда нима тушунилади?
4. Адолатсиз ҳукм чиқариш деганда нима тушунилади?
5. Қандай қарорлар адолатсиз чиқарилган ҳисобланади?
6. Суд қарорларини бажармаслик субъектив томондан қандай содир этилади?
7. Кимлар қонунга мувофиқ ушлаб турилиши мумкин?
8. Кўрсатув беришга мажбур этиш жинояти объектив томондан қандай ҳаракатларда ифодаланади?
9. Қандай ҳаракатлар тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиб деб квалификация қилинади?
10. Ёлғон хабар бериш ёки ёлғон гувоҳлик бериш жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?
11. Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш ҳаракатлари нимада ифодаланади?
12. Жиноят ҳақида хабар бермаслик қачон тугалланган ҳисобланади?
13. Жиноятни яшириш қачон тамом бўлган ҳисобланади?
14. Каковы условия наступления уголовной ответственности за разглашение данных дознания или предварительного следствия?
15. В чем проявляется уклонение участников уголовного процесса от исполнения возложенных на них обязанностей?
16. Назовите условия освобождения от ответственности по ст. 240 УК (Уклонение участников уголовного процесса от исполнения возложенных обязанностей).
17. Раскройте признаки несообщения о преступлении. Что понимается под укрывательством преступления?
18. В чем состоит умышленное укрытие преступления от учета? Кто может быть его субъектом?
19. Какими мотивами может руководствоваться виновный, укрывая преступление от учета, и каким образом эти мотивы влияют

I БОБ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

схема

1-§. Жиноий уюшма ташкил этиш (ЎзР ЖК 242-моддаси)

Жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, тартиби, ҳокимият органларининг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи бўлиши мумкин.

Жамоат хавфсизлиги деганда, жамият ҳаётининг хавфсиз шароитларини, шунингдек фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи дахлсизлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларини, барча давлат ёки жамоат тузилмаларининг нормал фаолиятини таъминлайдиган ижтимоий муносабатларни тушуниш зарур.

ЖК 242-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят объектив томондан:

1) жиноий уюшма ёки унинг бўлинмаларини тузиш ёки уларга раҳбарлик қилишда;

2) уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолиятда ифодаланади.

ЎзР ЖК 29-моддаси 5-қисмига кўра икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан

шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади.

Жиноий уюшма икки ёки бир нечта уюшган гуруҳлардан иборат бўлади. Жиноий уюшма гуруҳлари ўртасида жиноий фаолият вазифаларининг тақсимланганлиги жиноий уюшманинг асосий, ўзига хос белгисидир, бундан фарқли ўлароқ, жиноий гуруҳда роллар унинг аъзолари ўртасида тақсимланган бўлади.

Жиноий уюшмани тузиш деганда, икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳларнинг ягона раҳбарлик остида бирлашишини, уюшманинг жиноий фаолияти режаси тузилишини, вазифаларнинг уюшган гуруҳлар ёки уларнинг таркибий бўлинмалари ўртасида тақсимланишини, муайян жиноят тайёрланиб амалга оширилишини ва ҳоказоларни тушуниш зарур.

Жиноий уюшманинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият жиноий уюшма аъзоларини моддий таъминлашда, жиноий уюшмани ҳар қандай йўл билан қўллаб-қувватлашда, масалан, транспорт воситаларини, қалбаки ҳужжатларни бериш, техника воситалари билан таъминлаш, жиноий фаолият натижасида қўлга киритилган пулларни ошкоралаштириш ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин.

ЖК 242-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят

жиной уюшма ёхуд унинг бўлинмалари тузилган ёки уларга раҳбарлик қилинган пайтдан эътиборан тугалланган деб ҳисобланади.

ЖК 242-моддаси 2-қисмининг объектив томони уюшган куролли жиной гуруҳни тузишда, шунингдек гуруҳга раҳбарлик қилишда ёки унда иштирок этишда ифодаланади.

ЎзР ЖК 242-моддаси 2-қисмида икки ёки ундан ортиқ шахсинг биргаликда жиной фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.

Уюшган жиной гуруҳнинг ўзига хос белгиларидан бири ана шундай гуруҳларнинг барқарорлигидир.

Гуруҳнинг барқарорлиги деганда, гуруҳ аъзолари ўртасида мустаҳкам, доимий алоқалар мавжудлигини, гуруҳ аъзолари зиммасига муайян вазифалар юкланганлигини, улар ўртасида ролларнинг тақсимланганлигини тушуниш зарур.

Таркибининг доимийлигини, аъзолари ўртасида мустаҳкам алоқанинг мавжудлигини, ҳаракатларининг келишилганлиги, жиной фаолият кўриниши ва усулларнинг бир хиллиги, узоқ вақт иш кўриши, содир этилган жиноятлар сони каби белгилар гуруҳнинг турғунлигидан далолат беради.

Жиной гуруҳнинг барқарорлиги, шак-шубҳасиз, унинг юқори даражада уюшганлигидан далолат беради. Бундай жиҳат барча жиной ишларнинг режалаштирилишида, мустаҳкам интизомда, мартаба даражасига мувофиқ мутлақ тобеликда ва ҳоказоларда намоён бўлади.

Жиной фаолият гуруҳ томонидан қатор жинойтларнинг содир этилишини тахмин қилади.

Гуруҳнинг қуролланганлиги деганда, гуруҳ ихтиёрида қуролларнинг мавжудлигини тушуниш зарур.

Қурол ўқотар ёки совуқ қурол бўлиши мумкин. Гуруҳ жанговар аслаҳалар, портловчи моддалар билан жиҳозланган бўлса ҳам уни қуролланган гуруҳ деб эътироф этиш зарур. Жиной гуруҳнинг қуролланганлик аломатини белгилаш учун гуруҳ аъзоларидан бирида ҳеч бўлмаганда бир дона қурол мавжудлигини, бундан гуруҳнинг бошқа аъзолари хабардор эканлигини аниқлаш зарур.

Уюшган қуролли гуруҳни тузиш деганда, уюшган қуролли гуруҳни тузиш, унга раҳбарлик қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат (босқинчи гуруҳ аъзоларини танлаш, улар ўртасида ролларни тақсимлаш, жиной фаолият режаларини тузиш, жиной гуруҳни қуроллантириш ва ҳоказолар)ни тушуниш зарур.

Гуруҳга раҳбарлик қилиш деганда, мавжуд уюшган

қуролли гуруҳ фаолиятига бошчилик қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатни тушуниш зарур.

Уюшган қуролли гуруҳ тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, гуруҳ томонидан жиноят содир этилгани ёки содир этилмаганидан қатъи назар, уюшган қуролли гуруҳ тузилган ёхуд уюшган қуролли гуруҳга киришга розилик билдирилган пайтдан эътиборан тугалланган жиноят деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Жиноятнинг содир этилиш мотиви ва мақсади ҳар хил бўлиши мумкин, аммо улар жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин. Жинойий уюшма таркибида жиноят содир этган (қотиллик, баданга шикаст етказиш, ўғирлик ва ҳоказолар) 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган айбдор шахслар ана шу жиноятлари учун содир этилгани учун 14 ёшдан жавобгарлик назарда тутилган моддалар бўйича жавобгар бўлади.

**2-§. Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни
ошкорлаштириш (легаллаштириш)
(ЎзР ЖК 243-моддаси)**

Мазкур жиноятнинг объекти республика иқтисодий фаолиятининг манфаатлари, жамоат хавфсизлиги ҳисобланади.

Жиноий фаолият натижасида айбдор қўлга киритган пул маблағлари ёхуд бошқа мулк кўриб чиқиладиган жиноятнинг предмети ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят қуйидаги ҳаракатларда содир этилиши мумкин: жиноий фаолият натижасида олинган мулкни

- 1) ўтказиш;**
- 2) айлантириш;**
- 3) алмаштириш;**

4) мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, ташилиш усулини, мулкка нисбатан ҳақиқий эгаллик ҳуқуқининг ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёки сир сақлаш, башарти бундай мулк жиноий фаолият натижасида олинган бўлса.

Жиноий фаолиятдан олинган даромад деганда, шахснинг бунга ҳуқуқий асослари бўлмайд туриб, қонунга хилоф равишда тадбиркорлик билан шуғулланиш фаолияти натижасида олинган даромади тушунилади.

Ўтказиш деганда, жиноий фаолиятдан олинган даромадлар билан банкларда банк омонати шартномаси бўйича бирон-бир молия операциясини ўтказиш

тушунилади.

Айлантириш деганда, ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқий битимлари: олди-сотди, алмашиш, совға қилиш шартномаларининг тузилиши ва ҳоказолар ёхуд жиноий фаолият натижасида олинган даромадларнинг қонуний тадбиркорлик ёки ишлаб чиқариш тузилмасини ташкил этиш ёхуд фаолиятини таъминлашга сарфланишини тушуниш керак.

Алмаштириш деганда, сўмларнинг бошқа чет эл валютасига конвертация қилиш тушунилади.

Кўриб чиқиляётган модда диспозициясида санаб ўтилган ҳаракатлардан биронтаси содир этилган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Содир этилиш мотиви ва кўзланган мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди. Аксарият ҳолларда, жиноят жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш мақсадларида содир этилади.

Ушбу жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ва жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни ошкорлаштиришда иштирок этган шахс ҳисобланади.

3-§. Оммавий тартибсизликлар

(ЎзР ЖК 244-моддаси)

Мазкур жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби, кишилар ҳаёти, соғлиғи, ўзганинг мулки ҳисобланади.

Жиноят объектив томондан қуйидагилардан иборат:

1) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш орқали содир этилган оммавий тартибсизликлардан;

2) оммавий тартибсизликларда фаол қатнашишдан.

Оммавий тартибсизликларни уюштириш деганда, шахснинг оммавий тартибсизликларни тайёрлашга қаратилган ҳар қандай ҳаракатини, масалан, оммавий тартибсизликларнинг фаолларини тайёрлаш, раҳбарият ядросини ташкил этиш, режа тузиш, оммавий тартибсизликлар уюштириладиган жойни ва вақтини танлаш, плакатлар, шиорлар, варақалар тайёрлаш ва ҳоказоларни тушуниш зарур.

Кўриб чиқиладиган модда диспозициясига мувофиқ оммавий тартибсизликлар шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст

етказиш ёки уни нобуд қилиш, қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб, ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш билан биргаликда содир этилиши лозим.

Шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш деганда, жабрланган шахсларга нисбатан ҳам рухий, ҳам жисмоний тазйиқ ўтказилганлигини тушуниш зарур.

Рухий зўрлик ишлатиш ўлдириш, соғлиғига шикаст етказиш билан мулкани нобуд қилиш ёки шикаст етказиш билан қўрқитишда ифодаланиши мумкин. Оммавий тартибсизликларни содир этиш вақтида рухий зўрлик ишлатишда айбдор бўлган шахсларнинг ҳаракати фақат кўриб чиқилаётган модда бўйича квалификация қилинади, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитганлик учун жавобгарлик назарда тутилган модда бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Жисмоний зўрлик ишлатиш деганда, калтаклаш, муштлаш, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишни тушуниш зарур.

Оммавий тартибсизликларни содир этиш вақтидаги одам ўлдириш, жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши зарур.

Қирғин солиш деганда, фуқароларга нисбатан зўрлик ишлатилишини, моддий бойликлар (транспорт, уйлар,

иншоотлар ва ҳоказо) яксон қилинишини тушуниш зарур.

Ўт қўйиш – бирон-бир мулкнинг, иншоотнинг, транспортнинг ёки бошқа нарсаларнинг ёқиб юборилишидир.

Мулкка шикаст етказиш деганда, уни батамом яроқсиз ҳолга, яъни мулкнинг кўзланган мақсадда фойдаланиб бўлмайдиган ҳолга келтирилишини тушуниш зарур.

Қуролдан фойдаланиш деганда, қуролдан бевосита вазифасидан келиб чиқиб (жонли нишонни нобуд қилиш мақсадида ўқ отиш, иншоотлар, уйлар, транспортни яксон қилиш) фойдаланилишини тушуниш зарур.

Қуроллар ўқ отувчи ёки совуқ қурол бўлиши мумкин.

Қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсалар деганда, физикавий хусусиятларига кўра улардан фойдаланилганда шахсга зиён етказиши мумкин бўлган ҳар қандай жисмни тушуниш керак.

Оммавий тартибсизликларда фаол қатнашиш деганда, айбдор шахсларнинг шахсга нисбатан зўрлик ишлатиши, қирғин солиши, ўт қўйиши, мулкка шикаст етказиши ёки уни нобуд қилиши, қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатишда бевосита иштирокини тушуниш зарур.

Жиноят таҳлил этилаётган модда диспозицияда назарда

тутилган ҳаракат содир этилган пайтдан эътиборан тугалланган деб ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади, содир этилиш мотиви ва кўзланган мақсади жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди. Жиноятнинг мотиви миллатчилик, ҳокимиятни эгаллашга интилиш, ғараз, безорилик ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган оммавий тартибсизликларнинг ташкилотчилари ва фаол қатнашчиларигина ҳисобланади.

Оммавий тартибсизликларнинг бошқа қатнашчилари оммавий тартибсизликлар вақтида ўзлари содир этган жиноятлар учунгина жавоб берадилар.

Агар оммавий тартибсизликларнинг ташкилотчилари ёки фаол қатнашчилари 16 ёшга тўлмаган бўлса, бу ҳолда улар оммавий тартибсизликлар вақтида ўзлари содир этган муайян жиноятлари учун, масалан, одам ўлдириш, ўзгалар мулкини нобуд қилиш, зўрлаб номусга текканлик учун жавоб беришлари керак.

4-§. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш

(ЎзР ЖК 244¹-моддаси)

Ушбу модда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги қонунига биноан киритилган эди.

Жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби ҳисобланади.

Объектив томондан ЖК 244¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят икки хил кўринишда содир этилиши мумкин:

1) диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари асосида қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима туғдиришга қаратилган материалларни тайёрлаш;

2) ёки шу хилдаги материалларни тарқатиш мақсадида сақлаш.

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш деганда, шу хилдаги материалларнинг ҳар қандай кўринишда яратилиши тушунилади.

Жамоат хавфсизлигига ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш шу хилдаги материалларнинг бир нусхаси тайёрланган пайтдан

эйтиборан, бу материал тарқатилгани ёхуд тарқатиш мақсадида сақланганидан қатъи назар, тугалланган жинойт деб эътироф этилади.

Материаллар деганда, варақалар, плакатлар, китоблар, видеокассеталар ва ҳоказоларни тушуниш зарур.

ЖК 244¹-моддасининг 1-қисми маъмурий юрисдикцияга эга, яъни шундай ҳаракати учун олдин маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жинойт жавобгарлик вужудга келади.

Объектив томондан шу модданинг 2-қисми диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари асосида қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима туғдиришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, шунингдек, фуқаролар тотувлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштирувчи тухматона уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган ахлоқ қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланишдан иборатдир.

Айтиб ўтилган материалларни тарқатиш деганда, уларнинг осиб қўйиш, оммавий ахборат воситаларида эълон қилиш, кўпчилик олдида, телевидение, радио ва

хоказо орқали айтиш, яъни шу материалларнинг оғзаки ёки ёзма шаклда ҳеч бўлмаганда бир шахсга ошкор этилишини тушуниш зарур.

Тухматона уйдирмалар деганда, ёлғонлиги олдиндан маълум бўлган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг тарқатилишини тушуниш зарур.

Вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар деганда, жамоат тартибининг бузилишига, корхона, муассаса, ташкилотлар фаолиятининг вақтинча тўхтаб қолишига, кўрқув, ваҳима, ишончсизлик ва хоказоларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ёлғон далиллар, ахборотларни тушуниш зарур.

ЖК 244¹-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят кўрсатиб ўтилган маълумотлар ёки материаллар тарқатилган пайтдан эътиборан, оқибатидан қатъи назар, тугалланган деб ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Кўзланган мақсад - диний экстремизм, сепаратизм, ақидапарастлик ғоялари мужассамлашган материалларни тарқатиш, қирғин солиш, фуқароларни зўрлик билан кўчириш, аҳоли орасида ваҳима туғдириш, фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар, тухмат тарқатиш жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

ЖК 244¹-моддаси 3-қисмида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар:

1) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;

2) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

3) диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб содир этилган жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланган.

**5-§. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш
(ЎзР ЖК 244²-моддаси)**

Таҳлил этилаётган модда ЖКга Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги Қонуни билан киритилган эди.

Жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби ҳисобланади.

Жиноят объектив томондан қуйидагиларда:

- 1) **диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузишда;**
- 2) **уларга раҳбарлик қилишда;**
- 3) **уларда иштирок этишда ифодаланади.**

Диний экстремистик, сепаратистик, фундаметалистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш деганда, ана шундай ташкилотлар аъзоларининг танланиши ва жой-жойига қўйилиб чиқилиши ва ҳоказоларни тушуниш зарур.

Шундай ташкилотларга раҳбарлик қилиш деганда, шу ташкилотлар фаолиятини таъминлашга, ташкилот аъзолари ўртасида хизмат вазифаларининг тақсимланиши, уларга тавсияномалар, кўрсатмалар бериш, ҳисобот талаб қилиш ва ҳоказога қаратилган ҳар қандай ҳаракатнинг бажарилишини тушуниш зарур.

Иштирок этиш деганда, бундай ташкилотларниг мавжудлиги қонунга хилоф эканлигини онгли равишда англаган ҳолда, бундай ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилиш ҳақида ҳар қандай кўринишда (ёзма ёки оғзаки) розилик берилишини тушуниш зарур.

«Экстремизм» лотин тилидан олинган бўлиб «кескин

фикр ва чораларни ёқлаш, кескин чораларга тарафдорлик» маъносини англатади. Диний экстремизм – кенг маънони англатади. Экстремистлар барча динларда, масалан, буддизм, христианлик, исломдаги турли оқимларда учраб туради.

«Сепаратизм» – лотинча «сепаратус» сўзидан олинган бўлиб, алоҳида, алоҳидаликка, ажралиб чиқишга интилиш, давлатнинг бир қисми алоҳида ажралиб чиқиши ва янги давлат тузилишини ёки мамлакатнинг бир қисмига автономия берилишини кўзловчи ҳаракат маъносини англатади.

«Фундаментализм» – ўта тор диний оқим ҳисобланади. Бу атама аслида христиан дини билан боғлиқдир. Унинг биринчи бор расмий қўлланиши 1908 йили АҚШнинг Калифорния штати протестантлари томонидан ишлатилган.

Диний экстремизм кескин чораларни қўллашга, баъзан зўравонлик ҳаракатларини содир этишга мойиллиги билан ажралиб туради. Бунда муайян шахс ҳам, бошқа динга мансуб ижтимоий гуруҳ ҳам ёки шу диннинг ўз вакиллари томонидан рад этилаётган мазҳабга мансуб вакиллар ҳам таъсир кўрсатиш объекти сифатида танлаб олиниши мумкин.

Жиноят диний экстремистик, сепаратистик,

фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот тузилган ёки уларга раҳбарлик қилинган ёхуд уларда иштирок этилган пайдан эътиборан тугалланган деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Жиноятнинг содир этилиш мотивлари ва мақсади уни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиқиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. (ЖК 242²-моддаси 2-қисми).

Одамларнинг қурбон бўлиши, кўп сонли кишиларнинг баданига оғир шикаст етказилиши оғир оқибатлар деб ҳисобланиши мумкин.

Таҳлил этилаётган модданинг 3-қисмида мазкур жиноятни содир этганлик учун жавобгарликдан озод қилиш шартлари назарда тутилган. Бундай шартлар:

1) башарти шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилган бўлса;

2) жиноятни очишга ёрдам берган бўлса, шахсни жинойий жавобгарликдан озод этишни кўзда тутди.

Айбдор шахснинг ҳар икки шартни бир йўла бажариши

жавобгарликдан озод қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

7-§. Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш (ЎзР ЖК 245-моддаси)

Ушбу жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби, фуқароларнинг ҳаракат қилиш эркинлиги, уларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят икки хил кўринишда:

1) терроризм ёки товламачилик аломатлари бўлмагани ҳолда шахсни гаров сифатида тутқунликка олишда;

2) гаров сифатида тутқунликка олинган шахсни озод қилиш шарти билан давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсдан бирон-бир ҳаракат содир этиш ёки бирон-бир ҳаракат содир этишдан ўзини тийиб туришни талаб қилиш мақсадида шахсни гаров тариқасида тутқунликда ушлаб туришда ифодаланади.

Гаровга олинган шахс – ўз хоҳиш-иродасига зид равишда ҳаракат қилиш эркинлигидан маҳрум этилган шахсдир.

Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш деганда, гайриқонуний равишда зўрлик ишлатиб, шахсни ҳаракат

қилиш эркинлигидан маҳрум қилишни тушуниш зарур. Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш ошкора ёки яширин амалга оширилиши мумкин.

Шахсни тутқунликда ушлаб туриш деганда, шахснинг ғайриқонуний равишда турган жойидан кетиш имкониятидан маҳрум қилинишини тушуниш зарур.

Аксарият ҳолларда, шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш вақтида айбдорлар жисмоний ёки рухий зўрлик ишлатадилар.

Рухий зўрлик деганда, жабрланувчини ўлдириш, соғлиғига зарар етказиш, мол-мулкни нобуд қилиш билан қўрқитишни тушуниш зарур.

Жисмоний зўрлик деганда, тутқуннинг калтакланиши, баданига шикаст етказилишини тушуниш зарур. Тутқунликка олиш вақтида гаровга олинаётган шахснинг баданига енгил, ўртача оғир шикаст етказилганида айбдорнинг қилмиши ЖК 245-моддаси 1-қисми билан қамраб олинади ва қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди.

Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш – муайян мақсадга эришиш йўлидаги, яъни давлат, халқаро ташкилотлар, жисмоний ёки юридик шахсларни бирор-бир ҳаракатни содир этишга ёки содир этишдан тийиб туришга қаратилган жиноятчилар ҳаракатининг оралиқ

босқичидир.

Гаровга олинган шахсларни озод қилиш шартлари турлича бўлиши мумкин. Жаҳондаги гаровга олинганлар билан боғлиқ суд тергов амалиётини ўрганиш шундан далолат берадики, айбдор шахсларнинг талаблари кўпинча: ҳозир турган мамлакатдан чиқиб кетиш имконини бериш; ҳукумат қарорининг бекор қилинишига эришиш, маҳкумларни озод қилиш, пул, қурол, гиёвандлик моддаларининг берилишини талаб қилиш ва хоказодан иборат бўлган. Мазкур талаблар ҳар қандай давлат (жиноятчи фуқароси бўлган ёхуд бошқа ҳар қандай давлат) олдида қўйилиши мумкин.

Жиноят шахс гаровга олинган пайтдан эътиборан, унинг озод этилиш шартлари қандай бўлганлиги ва қанча вақт ушлаб турилганидан қатъи назар, тугалланган деб ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Содир этилиш мотивлари турлича бўлиши мумкин. Кўзланган мақсад давлат, халқаро ташкилотлар, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатни содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбурлашдан иборатдир.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

16 ёшга тўлмаган жиноятчилар шахсни гаров сифатида тутқунликка олган ҳолларда уларнинг қилмиши бошқа моддалар бўйича квалификация қилинади. Масалан, жиноят таркибининг белгиларидан келиб чиқиб, соғлиққа зарар етказиш деб, одам ўғрилаш ва ҳоказо деб баҳоланиши мумкин.

Шу модданинг 2-қисмида:

- 1) вояга етмаган шахсга нисбатан;**
- 2) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган;**
- 3) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган шахсни гаров сифатида тутқунликка олганлик учун жинойий жавобгарлик белгиланган.**

Гаровга олинганларнинг баданига оғир шикаст етказилиши, уларнинг ўз жонига қасд қилиши, гаровга олинган кўпчиликка азоб берилиши, уларнинг қийноққа солиниши гаровга олиш ёки тутқунликда сақлашнинг оғир оқибатлари ҳисобланади.

Гаровга олинган шахс ўлдирилса, айбдорнинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 97 ва 245-моддалари билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинади.

8-§. Контрабанда

(ЎзР ЖК 246-моддаси)

Таҳлил қилинаётган ушбу моддага Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 август ва 1996 йил 1 майдаги Қонунлари билан айрим ўзгартишлар киритилган.

Мазкур жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

Қаттиқ таъсир қилувчи, захарли, захарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар, диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализмни тарғиб қилувчи материаллар, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турлари, оммавий қирғин қуролларини яратишда фойдаланилиши мумкин бўлган материал ва мосламалар контрабанда жиноятининг предмети бўлиши мумкин.

Объектив томондан ЖК 246-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят қаттиқ таъсир қилувчи, захарли, захарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қуроллар ёки ўқ-дориларни ҳамда гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёхуд диний экстремизм, сепаратизм,

фундаментализмни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали:

- 1) божхона назоратини четлаб;**
- 2) божхона назоратидан яшириб;**
- 3) божхона ҳужжатлари ёки воситаларга ўхшатиб ясалган ҳужжат ва воситалардан алдаш йўли билан фойдаланиб;**
- 4) декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб олиб ўтилишида ифодаланadi.**

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси божхоналари ҳудудининг сарҳадлари божхона чегараси ҳисобланади.

Республика божхона ҳудудини унинг қуруқликдан ташкил топган ҳудуди, ҳудудий ва ички сув хавзалари ҳамда уларнинг устидаги ҳаво чегаралари ташкил этади.

Республика ҳудудида эркин божхона зоналари ва эркин омборхоналар жойлашган бўлиши мумкин, уларнинг ҳудуди агар қонунларда бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган, деб ҳисобланади.

Божхона ҳудудининг сарҳадлари, шунингдек эркин божхона зоналари ва эркин омборхоналар чегаралари Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси

ҳисобланади.

Божхона кодексининг 7-моддасига мувофиқ, божхона чегарасидан олиб ўтиш деганда, товар ёки транспорт воситаларини ҳар қандай усул билан божхона ҳудудига олиб кириш ёхуд олиб чиқиш, шу жумладан халқаро почта йўлланмалари орқали жўнатиш, қувур ўтказгич транспорти ёки электр узатиш линияларидан фойдаланишга қаратилган ҳаракатларнинг содир этилиши тушунилади.

Бу ҳаракатлар жумласига:

товарлар ёки транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кирилганда, шу жумладан эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудидан олиб кирилганда – божхона чегарасидан амалда ўтиш;

товарлар ёки транспорт воситалари божхона ҳудудидан олиб чиқилганда, шу жумладан эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудидан олиб чиқилганда – божхона декларациясини тақдим этиш ёки товар ёхуд транспорт воситаларини олиб чиқиш мақсадини амалга оширишга бевосита қаратилган ўзга ҳаракатни бажариш киради.

Божхона назорати деганда, қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи тушунилади.

Контрабанда предметларини божхона назоратини четлаб ўтказиш контрабанда предметлари уларнинг ўтказилиши учун зарур бўлган тегишли ҳужжатларни божхона органлари ходимларига текширтмасдан ёхуд божхона органлари белгиламаган бошқа жойлардан ўтказилишини англатади.

Божхона назоратидан яшириш деганда, контрабанда предметларини ўтказишда турли хуфий жойлардан, топилишини қийинлаштирадиган бошқа усуллардан фойдаланилиши ва ҳоказоларни тушуниш зарур.

Ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш деганда, контрабанда предметларини божхона чегараси орқали ўтказиш мақсадида божхона назоратига қалбаки ҳужжатларнинг тақдим этилишини тушуниш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Контрабанда ва божхона қонунларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 2-сонли қарорининг 3-д бандида: «Била туриб қалбаки ҳужжат тузган ёки ҳужжатга ёхуд била туриб олган қалбаки ҳужжатига сохта маълумотлар киритган ва уни божхона органларига ҳақиқий ҳужжат сифатида тақдим этган шахс жиноятлар мажмуи бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 209 ёки 228-моддаси билан жиний жавобгарликка тортилади» деб кўрсатилган.

Божхона қиёслаш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланиш деганда, пломбалар, мухрлар, рақамли, ҳарфли ва бошқа маркировкалар, қиёслаш белгиларини қалбакилаштириш ва ҳоказолар тушунилади.

Контрабанда предметларини декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб ўтказиш деганда, контрабанда предметлари ҳақида белгиланган шаклдаги тўғри ахборотнинг берилмаслигини ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборотнинг берилишини тушуниш зарур.

Диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализмни тарғиб қилувчи материаллар деганда, шу хилдаги ахборот мавжуд бўлган китоблар, видеоёзувлар, варақалар, ташвиқот варақалари, плакатлар, шиорлар ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

Контрабанда предметлари Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали ҳақиқатда қонунга хилоф равишда ўтказилган пайтдан эътиборан контрабанда тугалланган жиноят, деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Жиноятни квалификация қилишда унинг содир этилиш мотиви ва кўзланган мақсади аҳамиятга эга эмас.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорининг 7-бандида: «Контрабанда қилишда ёхуд товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикаси чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказишда айбдор бўлган шахсларга жазо тайинлашда, судлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 45-моддасига мувофиқ, бу шахсларни жиноятни содир этишда фойдаланган муайян ҳуқуқларидан маҳрум этиш масаласини ҳал қилиши лозим» деб таъкидланади.

Ушбу модданинг 2-қисмида ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролини яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, шунингдек гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни контрабанда қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Контрабанда қилинган гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдори ҳар бир алоҳида ҳолда тегишли давлат органининг ҳулосаси билан аниқланади.

9-§. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф

равишда эгаллаш

(ЎзР ЖК 247-моддаси)

Мазкур жиноятнинг объекти жамият хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари эса жиноятнинг предмети ҳисобланади.

Ўқотар қуроллар деганда, хўжалик-маиший мақсадларда қўлланилмайдиган снаряд ёки ўқни отиш учун мўлжалланган, фақат жонли нишонни маҳв этиш ёхуд спорт тадбирларини ўтказишда порох газидан фойдаланиладиган қуролларнинг барча турларини тушуниш лозим.

Айни вақтда, порох ёки бошқа портловчи модданинг аланга олиши воситасида ўқ отишни амалга оширадиган яна бир қанча турли мосламалар мавжуддир. Масалан, сигнал ракетницалари, мусобақаларда ва қурилишда қўлланиладиган пистолетлар ва ҳоказолар шулар жумласидан бўлиб, уларни ўқотар қуроллар сирасига киритиб бўлмайди.

Юқорида тилга олинган предметлар хўжалик-маиший ёхуд ишлаб чиқариш мақсадлари учун мўлжалланган.

Снаряд (ўқ)нинг порох вази энергияси воситасида отилиши, яъни ўқ узилиши ўқотар қуролнинг жузъий белгиларидан бири ҳисобланади. Мазкур белги серқирра

бўлиб, мавжуд ўқотар қуролларнинг барча турлари ва тизимларини қамраб олади. Қурол деб ҳисобланмайдиган бошқа отувчи мосламаларда (қурилиш, старт, газ пистолетлари, баллончалар, пневматик қуроллар) айнан мана шу белги мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 3-сонли Қарори 2-бандида: «пневматик милтик, сигнал, старт, газ пистолетлари ёки газ балонлари, ракетницалар ва бошқа имитация-пиротехник ва ёритгич воситалари қурол жумласига кирмайди», деб таъкидланади.

Предметни ўқотар қурол деб эътироф этиш учун унинг қандай усулда (заводда ёки кўлда) ясалганлиги аҳамиятга эга эмас. Ўқотар қуроллар ўзининг вазифаси, хусусиятлари, тузилиши, калибри ва бошқа сифатларига кўра ниҳоятда ранг-барангдир.

Ўқотар қуролнинг эътироф этилган белгилари ўқотар қурол мавжуд бўлган ёки унинг қўлланилиши зарурий белги ҳисобланган ёхуд жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида кўрсатилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи қонунлар бир хил бўлиши лозим. Юқоридаги Олий суд Пленуми қарорини 5-бандида:

«Судлар Жиноят кодекси 247, 248-моддалари бўйича жавобгарлик ишлатишга яроқли бўлган ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни ёки портлатиш қурилмаларини ёхуд айбдор яроқли ҳолатга келтириш учун аниқ имкониятларга эга бўлса, бузук қуролни ёки ўқув қуролини қонунга хилоф равишда эгаллаганда, олганда, олиб юрганда, сақлаганда ёки ўтказганда юзага келишини эътиборга олишлари шарт» деб таъкидланди.

Ўқ-дорилар – барча турдаги артиллерия замбаракларидан ва ўқотар қуроллардан отиш учун, бомба ташлаш учун мўлжалланган ашёлардир.

Умуман олганда, ўқ-дориларда ўқотар қуролларга хос бўлган белгилар йиғиндиси мавжуддир. Бу, биринчидан, уларнинг фақат жонли нишонни маҳв этиш, вайрон қилиш ва ҳоказолар учун мўлжалланганлиги бўлса, иккинчидан, рухсатнома олиш зарурлиги тўғрисидаги қоидаларининг уларга ҳам тааллуқли эканлигидир.

Ўқ-дориларнинг: артиллерия замбараклари ва ўқотар қуроллар учун ўқ-дорилар (снарядлар, ўқлар); кичик калибрли, ўйма ва силлиқ стволли ов қуроллари, қўлда ясалган қуроллар учун ўқлар; портлаш хусусиятига эга ўқ-дорилар (миналар, бомбалар, гранаталар ва ҳоказолар) каби турлари мавжуддир.

Портловчи моддаси йўқлиги, жонли нишонни маҳв этиш ва вайрон қилиш учун эмас, фақат ўқув мақсадлари учун мўлжалланганлиги сабабли уларга эгалик қилиш жамоат хавфсизлигига хавф туғдирмаслиги муносабати билан машқ гранаталари, миналари, безарар ўқлар ўқ-дори ашёси сифатида кўриб чиқиши мумкин эмас.

Олий суд Пленуми ўз қарорида: «Ўқ-дорининг бўлаги (масалан, гранатанинг запали), агар унинг ўзи ўқ-дорининг барча хусусиятларига эга бўлса, мустақил равишда ўқ-дори деб тан олиниши мумкин» деб қайд этди.

Портловчи моддалар – тезда, ўзидан ўзи рўй берувчи кимёвий ўзгариш (портлаш)га қодир бирикмалар ёки аралашмалардир. Ташқи муҳит омиллари таъсири остида портлаш хусусиятига эга бўлган ва рухсатнома олиниши зарур бўлган табиий ва сунъий моддалар портловчи моддалар ҳисобланади. Ёндириш, зарба, детонация, қизиш, ҳаво билан бирикиш ва ҳоказолар натижасида портлаш хусусиятига эга бўлган табиий ва сунъий бирикмалар, аралашмалар ҳам шулар жумласидандир.

Кимё саноати жуда ривожланаётганлиги муносабати билан портловчи моддаларнинг минглаб турлари мавжуддир. Масалан, порох, тротил, пироксилин, натриглицоль, нитроглицерин, динамит, аммонал,

аммонит ва ҳоказолар шулар жумласига киради.

Қонун чиқарувчи ана шу моддаларнинг ўта хавфли хусусиятга эга эканлигини инобатга олиб, уларни қўлга киритиш, сақлаш, улардан фойдаланиш, ташишнинг махсус тартибини жорий этиб, рухсатнома олиниши зарур бўлган воситалар қаторига киритган.

Портлатиш қурилмалари, яъни портловчи модда ва конструкциясига кўра портлашни амалга ошириш учун мўлжалланган (запал, портлатгич, детонатор ва ҳоказолар) махсус мосламадан иборат бўлади.

Объектив томондан ушбу модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмаларини ўғрилик ва фирибгарлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллашдан иборатдир.

Мазкур модданинг 2-қисмида:

- 1) такроран;**
- 2) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;**
- 3) ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан;**
- 4) айтиб ўтилган ашёларнинг талончилик йўли билан;**
- 5) айтиб ўтилган ашёларнинг товламачилик йўли билан қўлга киритилган ҳолатлари учун жавобгарлик назарда тутилган.**

247-модданинг 3-қисмида ана шу ашёлар 1) босқинчилик йўли билан; 2) ўта хавфли рецидивист томонидан; 3) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг

манфаатларини кўзлаб содир этилган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлари учун жазо белгиланган.

Субъектив томондан мазкур жиноят қасдан содир қилинади. Шахс ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни ўз тасарруфига ноқонуний киритаётганлигини англайди ва ушбу қилмишни хоҳлайди.

Олий суд Пленуми қарорининг 6-банди иккинчи хатбошисида: «Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда ҳар қандай усулда эгаллаш, айбдорнинг улардан ўз хоҳиши бўйича фойдаланиш ёки тасарруф этиш имкониятлари бор-йўқлигидан қатъи назар, улар олинган вақтдан бошлаб тугалланган жиноят ҳисобланиши керак», деб қайд этилади.

Агар айбдор ишлатишга яроқсиз бўлган ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаган ва бунда уларнинг сифатига нисбатан янглишиб, яроқли деб ҳисоблаган бўлса, содир этилган қилмиш жиноятга суиқасд тариқасида квалификация қилиниши лозим. Ўқотар қуролнинг таркибий бўлаклари ва қисмлари ишлатишга яроқли бўлган қуролни йиғиш учун бут бўлган ҳолларда, содир этилган қилмиш Жиноят кодекси 247 ёки 248-моддаси билан квалификация қилиниши керак.

Ўқотар қуролнинг таркибий бўлаклари ва айрим қисмларини қонунга хилоф равишда эгаллаш, кейинчалик отишга яроқли бўлган қуролни йиғиш учун зарур бўлган етишмайдиган қисмларини ясаш билан боғлиқ бўлган тақдирда, қилмиш ўзганинг мулкани талон-торож этиш ва ўқотар қуролни ясаш учун жавобгарлик белгиланган моддаларнинг жами билан квалификация қилиниши зарур.

Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини эгаллаганлик учун жавобгарлик улар қонунга хилоф равишда корхона, ташкилот, муассасалардан, шунингдек қонуний ёки қонунсиз тарзда эгаллаб турган фуқаролардан олинган ҳолларда ҳам вужудга келади.

Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, талончилик, товламачилик, босқинчилик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш Жиноят кодексининг 247-моддаси ва ЖК тегишли моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг жамига кўра фақат бу моддалар (модда қисмлари) санкцияси Жиноят кодексининг 247-моддасидагидан оғирроқ жазони кўзда тутган ҳоллардагина (масалан, Жиноят кодекси 247-

моддаси 3-қисмининг «в» банди ва 164-моддаси 4-қисмининг «в» банди билан) квалификация қилиниши лозим.

Жиноятнинг субъекти – 14 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

10-§. Қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш (ЎЗР ЖК 248-моддаси)

Ушбу жиноятнинг объекти қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини сақлаш ва улар билан муомала қилиш хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Таҳлил этилаётган жиноятнинг объектив томони тегишли рухсатномасиз ўқотар қурол, шунингдек ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини тайёрлаш, олиш, олиб юриш, сақлаш ёхуд ўтказишдан иборатдир.

«Жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини тайёрлаш деганда, – деб уқтирилади, Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги қарорида, – уларни ясаш ёки шикаст етказиш хусусиятларини тиклаш, шунингдек, қандайдир ашё (масалан, ракетница, старт ва қурилиш пистолетлари)ни қайта ишлаш натижасида уларда ўқотар қурол хусусиятини вужудга келтириш тушунилиши лозим. Ашёга шикаст етказиш хусусиятларини беришга қаратилган ҳаракатлар айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охиригача етказилмаган бўлса, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда тайёрлаш суиқасд қилиш тариқасида квалификация қилинмоғи лозим».

Қурол вазифаси бўйича бевосита фойдаланиш имконини берадиган даражада тайёр ҳолга келган пайтдан эътиборан тугалланган жиноят, деб ҳисобланади.

Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини эгаллаш деганда, уларнинг ҳар қандай усул билан эгалланишини тушунмоқ лозим. ЎЗР ЖК 247-моддасида кўзда тутилган усуллар бундан мустаснодир.

Эгаллаш сотиб олиш, ҳадяга олиш, бошқа нарсаларга алмаштириб олиш, қарз эвазига олиш, вақтинча фойдаланишга олиш, топиб олиш йўли билан содир этилиши мумкин. Қуролга эгалик бошланган пайтдан

эйтиборан жиноят тугалланган, деб эйтироф этилади.

Айтиб ўтилган ашёларни олиб юриш деганда, айбдорнинг ана шу ашёларниг соҳиби эканлиги ва бу ашёларнинг унинг ёнида бўлишини тушунмоқ лозим. Айбдор ана шу ашёларни ўзи билан ёки бирор нарсанинг ичида (чемоданда, қутида, портфелда, халтада, автомашина салони ёки унинг юкхонасида) яшириб олиб юрганми ёки уларни яшириш чораларини кўрмай олиб юрганми аҳамиятга эга эмас, муҳими ана шу ашёлар хар қандай вазиятда айбдорнинг «қўл остида» бўлганлигидир.

Сақлаш деганда, айтиб ўтилган ашёлар, айбдорнинг бевосита ёнида эмас, балки унинг квартирасида, ҳовлисида, омборида ёки бошқа жойда сақланганлигини тушуниш лозим. Суд амалиётида айтиб ўтилган ашёлар айбдорнинг уйида ёки унга маълум бўлган бошқа ерда сақланган, яшириб қўйилган ёки ошкора сақланган, улардан хўжалик-рўзғор буюми сифатида фойдаланилганлигидан қатъи назар, улар қонунга хилоф равишда сақланган деб ҳисобланади.

Субъектнинг мазкур ашёларни танишлариникида сақлагани сақлаганлик учун жавобгарликни истисно қилмайди, чунки айбдор сақлаш жойи ва усулини танлайди холос, аммо қурол унга маълум, ўзи танлаган ерда сақланаверади ва унинг ихтиёрида қолаверади.

Қайд қилинган ашёлар шахс томонидан тегишли рухсатнома бўлгани ҳолда, аммо бу рухсатноманинг муддати ўтган ёки ўқотар қуролни ҳисобга қўйиш қоидалари бузилган вазиятда сақланаётган бўлса, айбдор маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши лозим.

Олиб ўтиш деганда, қандай транспортда ташилишидан қатъи назар, айтиб ўтилган ашёларнинг бир ердан бошқа ерга олиб ўтилишини ва ҳамيشа айбдорнинг ёнида бўлишини тушуниш лозим.

Қайд этилган ашёларни олиб ўтиш ва ўтказиш шундай ҳаракат содир этилган пайтдан эътиборан тугалланган жиноят деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасдан ва ғаразли ният билан содир этилади. Айтилган вақтда айбдор ўзи олиб юрган, сақлаётган, қўлга киритаётган, олиб ўтаётган, ўтказаётган ашёлари ўқотар қурол, ўқ-дори, портловчи модда ва портлатиш қурилмаси, айтиб ўтилган ҳаракатларни бунга рухсатномаси бўлмагани ҳолда содир этилаётганини идрок этиши лозим. Айбдорнинг ғаразли нияти тегишли ашёларнинг соз, қўллаш учун яроқли ҳолатда эканлигини ёки фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш мумкин бўлган даражадалигини қамраб олиши керак.

Жиноятнинг субъекти жиноят содир этилган вақтда 16 ёшга тўлган шахслар бўлиши мумкин.

Мазкур модданинг 2-қисмида ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини тайёрлаш, олиш, олиб юриш, олиб ўтиш ёки ўтказиш; жавобгарликни оғирлаштирувчи: такроран ёки ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган ҳолатлар учун жавобгарлик назарда тутилади.

248-модданинг 3-қисмида ўқотар қурол, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни ёки портлатиш қурилмаларини тарқатганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

Қайд этилган ашёларни тарқатиш ҳар қандай кўринишда, уларни доимий эгалик қилиш учун бошқа шахсларга тарқалиши, масалан, сотилиши, совға қилиниши, алмашилини, қарз эвазига берилиши, қарзга бериб турилиши ва ҳоказоларни англатади.

Қайд этилган ашёларни тарқатиш, қўлга киритувчининг тегишли ашёларни ўз эгалигига қабул қилиб олган пайтдан эътиборан, уларга қанча вақт эгалик қилганидан қатъи назар, тугалланган деб эътироф этилади.

ЖК 248-моддаси 4-қисмида «ушбу моддада назарда тутилган ашёларни ўз ихтиёри билан топширган шахс жавобгарликдан озод қилинади» деб белгилаб қўйилган.

Шахс: 1) қурол топширилгунга қадар ундан жиноят

содир этишда фойдаланилмаганлиги; 2) қонунга хилоф равишда сақланаётган ҳамма ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари топширилиши керак; 3) қонунга хилоф равишда сақланаётган ашёларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бирон-бир талабисиз кўнгилли равишда, сақловчининг ўз хоҳиш-иродаси билан топшириши уни жинойий жавобгарликдан озод қилиш шартлари ҳисобланади.

Шу муносабат билан Олий суд Пленуми қарорида «Шахс Жиноят кодекси 248-моддасида қайд этилган ашёларни эркин тарзда ўз ихтиёри билан топшириш тўғрисида қарорга келса ва унинг ўзи бу ашёларни топшириш ҳақида тегишли органларга ёзма ёки оғзаки равишда мурожаат қилса, у ашёларни ўз ихтиёри билан топширган ҳисобланади» деб тушунтириш берилган.

Шахс тинтув жараёнида ёки унда қурол борлиги ҳақида далиллар келтирилиши натижасида қуролни топшириш тўғрисидаги қарорга келса, у қуролни ўз ихтиёри билан топширган ҳисобланмайди.

**11-§. Ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни
бепарволик билан сақлаш
(ЎзР ЖК 249-моддаси)**

Мазкур жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳисобланади.

Кўриб чиқиладиган жиноятнинг объектив томони ўқотар қурол ёки унга мўлжалланган ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келишида ифодаланади.

Ўқотар қурол ёки унга мўлжалланган ўқ-дориларга эгалик қилиш ҳуқуқи шахсни ЖК 249-моддаси бўйича жавобгарликка тортишнинг зарур белгиси ҳисобланади.

Қайд этилган ашёлар ғайриҳуқуқий равишда айбдор ихтиёрида бўлган ва уларни сақлаш қоидаларининг бузилиши одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган ҳолларда айбдорнинг қилмиши ЖК 247 ёки 248-моддаси ёхуд ЖК 249-моддаси билан квалификация қилиниши зарур.

Қайд этилган ашёларни бепарволик билан сақлаш деганда, бегона шахсларга ҳеч қандай тўсиқсиз қайд этилган ашёларни қўлга киритиш имконини берадиган сақлаш шароитларининг яратилишини тушуниш зарур. Масалан, ўқланган қуролни бошқа шахслар учун очик бўлган умумий фойдаланиш жойларида, сақлаш учун мўлжалланган жойларда сақлаш ва ҳоказо.

Ўқотар қурол ва ўқ-дориларни бепарволик билан

сақлаш кўпинча ана шу ашёлар бутлигини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўрмаган айбдорларнинг жинояткорона лоқайдлигида ифодаланади. Аммо баъзан бундай қилмиш фаол ҳаракат қилиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкин. Айбдорлар ана шу ашёларни сақлаш учун зарур шартларни таъминлаш мақсадида маълум чора-тадбирларни кўрган, аммо бу чора-тадбирлар етарли бўлмаганлиги сабабли қурол ёки ўқ-дориларни бегона шахслар эгаллаб олган ва бу одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган ҳоллар шулар жумласидандир.

Жиноятнинг таҳлил қилинаётган таркиби моддий таркибли жиноятлар сирасига киради.

Жиноят қонунида кўзда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар: одам ўлиши ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан пайдан эътиборан тугалланган деб ҳисобланади.

Олий суд Пленумининг қарорида: «Бошқа оғир оқибатлар аломати ҳар бир муайян ҳолатда ишнинг тафсилотлари мажмуидан (иморатнинг портлаши, катта миқдордаги зарарли моддаларнинг атмосферага тарқалиши ва шу кабилар) келиб чиққан ҳолда, тергов ва суд томонидан ҳал қилинади», деб қайд этилди. Бир неча кишига ўртача оғир ва оғир шикаст етказилиши, ўз жонига қасд қилишни ва ҳоказоларни ҳам бошқа оғир оқибатлар сирасига киритиш лозим.

Субъектив томондан жиноят эҳтиётсизлик оқибатида, бепарволик натижасида содир этилади.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ва қонуний асосларда ўқотар қурол ёки ўқ-дориларга эгалик қилувчи шахс ҳисобланади.

Айбдорнинг эгалигида бўлган ўқотар қурол ва унга мўлжалланган ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш натижасида ундан ўзга шахс фойдаланса ва одам ўлса ёхуд бошқа оғир оқибатлар рўй берса, қилмиш 249-модда билан квалификация қилиниб, Жиноят кодексининг бошқа моддаларини қўллаш талаб этилмайди.

**12-§. Портлаш хавфи бўлган моддалар ёки
пиротехника буюмларидан фойдаланиш қоидаларини
бузиш
(ЎзР ЖК 250-моддаси)**

Бу жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ёки соғлиғи ҳисобланади.

Портловчи, тез алангаланувчи, ўювчи моддалар, пиротехника буюмлари жиноят предмети ҳисобланади.

Портловчи моддалар деганда, кислород, хаво бўлмаса ҳам тезда ва ўз-ўзидан парчаланиб ўзгариш (портлаш)

хусусиятига эга бўлган ва рухсатнома тизими таъсир доирасига кирадиган табиий ёки сунъий моддалар, кимёвий бирикмалар ва аралашмалар тушунилиши лозим. Масалан, порох, динамит, тротил, нитроглицерин, водород ва кислород аралашмаси, пироксилин ва ҳоказолар.

Қонун чиқарувчи портловчи моддаларнинг хавфли хусусиятларини инобатга олиб, қўлга киритиш, сақлаш, фойдаланиш, ташиш ва ҳоказоларнинг махсус тартибини жорий этган, бошқача қилиб айтганда, улар рухсатнома олиниши зарур бўлган фаолият доирасига киради.

Ўювчи моддалар деганда, емирувчи таъсир кўрсатадиган кимёвий моддаларни тушуниш лозим. Масалан, карбол, олтингугурт, азот, сирка кислоталари, нашатир спирти, формалин, ишқорлар, ўювчи натрий ва ҳоказолар.

Тез алангаланувчи моддалар – қурол сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган ёки шу мақсадга мослаштирилган, табиий ёхуд сунъий, синтез қилинган, қаттиқ, суюқ, газсимон материаллар ва ёнувчи аралашмалардир. Уларнинг таркибида ёнувчи ёки тез алангаланувчи моддалар бўлиб, улардан жонли нишонни маҳв этиш, у ёки бу объектни вайрон қилиш, шикаст етказиш мақсадларида фойдаланиш мумкин. Масалан,

нефть битуми, нефть гудрони, алюминий қипиғи ва чанги, органик кислоталар шулар жумласидандир. Шунин назарда тутиш керакки, тергов ёки суд муҳокамаси вақтида у ёки бу модданинг тез алангаланувчи моддалар сирасига киришига шубҳа туғилса, иш бўйича суд, ёнғин-техника экспертизасини ўтказиш зарур.

Пиротехника буюмлари деганда, жанговар ва тинч мақсадлар учун мўлжалланган, таркибида портловчи ва тез ёнувчи моддалар бўлган ёритиш, тутун чиқариш, аланга олдириш воситаларини тушуниш зарур. Масалан, сигнал мосламалари, мушакбозлик, турли иллюминациялар ва ҳоказо.

Объектив томондан жиноят портловчи, тез алангаланувчи, ўювчи моддаларни ёхуд пиротехника буюмларини:

1) сақлаш; 2) ҳисобга олиш; 3) фойдаланиш; 4) ташиш; 5) жўнатиш қоидаларини бузиш натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишидан иборатдир.

Кўриб чиқилаётган жиноят моддий таркибли ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят қасдан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилади.

Жиноятни квалификация қилишда унинг содир

этилиш мотивлари ва кўзланган мақсади аҳамият касб этмайди.

Шахсни ЖК 250-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш учун портловчи моддалар ёки пиротехника буюмлари билан муомала қилиш қоидаларининг қайси банди бузилганлигини аниқлаш зарур.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Мазкур модданинг 2-қисмида портловчи моддалар ёки пиротехника буюмлари билан муомала қилиш қоидаларининг бузилиши одам ўлишига, бошқа оғир оқибатларга олиб келганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Бошқа оғир оқибатлар деганда, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишини, экологик ҳалокат рўй бериши ва ҳоказоларни тушуниш зарур.

**13-§. Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни
қонунга хилоф равишда эгаллаш
(ЎзР ЖК 251-моддаси)**

Жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳисобланади.

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар жиноятнинг предмети ҳисобланади.

Кўпроқ дозаларда қабул қилинганида одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавfli таъсир кўрсатадиган, истеъмор қилинганида салбий оқибатлар келтириб чиқариши эҳтимоли бор моддалар кучли таъсир қилувчи моддалар ҳисобланади.

Одам организмига токсикологик (заҳарловчи) таъсир ўтказадиган моддалар заҳарли моддалар ҳисобланади.

Модданинг кучли таъсир этувчи ёки заҳарли эканлигини аниқлаш учун эксперт хулосаси талаб қилинади.

Объектив томондан ушбу модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноят кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўғрилиқ ёки фирибгарлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллашдан иборатдир.

Мазкур модданинг 2-қисмида кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддани қонунга хилоф равишда эгаллаш:

- а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;**
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;**
- в) ўзлаштириш, растрата қилиш ёки мансаб мавқеини суиистеъмор қилиш йўли билан;**

г) талончилик йўли билан;

д) тамагирлик йўли билан содир этилгани учун жавобгарлик назарда тутилган.

ЖКнинг 251-модда 3-қисмида кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш:

а) босқинчилик йўли билан;

б) кўп миқдорда;

в) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилгани учун жавобгарлик назарда тутилган.

Юқорида айтиб ўтилган оғирлаштирувчи ҳолатларнинг барчасини ЎзР ЖК 237-моддаси таҳлил қилинганда кўриб чиққан эдик.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади.

Жиноятнинг содир этилиш мотивлари ва кўзланган мақсад ҳар хил бўлиши мумкин, аммо улар жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

**15-§. Радиоактив моддаларни қонунга
хилоф равишда эгаллаш
(ЎзР ЖК 252-моддаси)**

Жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, одамларнинг

ҳаёти ва соғлиғи ҳисобланади.

Радиоактив материаллар, яъни радиоактив манбалар, ядро материаллари, радиоактив моддалар, радиоактив чиқиндилар жиноятнинг предмети ҳисобланади.

Радиоактив манбалар – ядро қурилмаларига алоқаси бўлмаган, таркибида радиоактив моддалар бўлган ёки ион нурларини ҳосил қиладиган комплекслар, қурилмалар, аппаратлар, ускуналар ва буюмлардир.

Ядро материаллари – таркибида бўлинувчи (парчаланувчи) ядро моддалари бўлган ёки шундай моддаларни ҳосил қилиш хусусиятига эга материаллардир. Масалан, йод – 131, уран – 233, уран – 235, плутоний – 238 ва ҳоказо.

Радиоактив моддалар – ядро материалларига алоқаси бўлмаган, ион нурларини тарқатувчи моддалардир (радий – 226, полоний – 210 ва ҳоказо).

Радиоактив чиқиндилар – кейинчалик фойдаланиб бўлмайдиган, бир мартаба ишлатилган материаллар ва радиоактив моддалардир.

Объектив томондан ЎзР ЖК 252-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан иборатдир.

Эгаллаш деганда, ҳар қандай кўринишдаги радиоактив материалларнинг ҳар қандай усул билан қўлга

киритилишини тушуниш зарур.

Радиоактив материаллар босқинчилик, товламачилик ва хоказо йўллар билан эгалланган ҳамда ана шу жиноятлар учун ЖК 252-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жазода оғирроқ бўлган жазо назарда тутилган бўлса, айбдорнинг қилмиши жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши зарур.

Жиноят эгаллаш усулидан қатъи назар, радиоактив материаллар қўлга киритилган пайдан эътиборан тугалланган деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Жиноятнинг содир этилиш мотиви ва кўзланган мақсади уни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Таҳлил қилинаётган модданинг 2-қисмида радиоактив материалларни:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда эгаллаганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Мазкур модданинг 3-қисмида радиоактив материалларни эгаллаш жазони оғирлаштирувчи

ҳолатларда:

а) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилиши учун жавобгарлик белгиланган.

**16-§. Радиоактив материаллардан фойдаланиш
қоидаларини бузиш
(ЎзР ЖК 253-моддаси)**

Жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳисобланади.

Жиноятнинг предмети радиоактив материаллар ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят радиоактив материалларни:

1) сақлаш; 2) ҳисобга олиш; 3) фойдаланиш; 4) ташиш; 5) жўнатиш ва улар билан муомалада бўлишнинг бошқа қоидаларини бузиш натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишидан иборатдир.

Ушбу модда бланкет диспозицияли бўлиб, ҳар бир алоҳида ҳолда радиоактив материаллар билан муомалада бўлиш қоидаларининг қайси банди бузилганлигини аниқлаш зарур.

Сақлаш деганда, радиоактив материалларга бут ҳолда

эгалик қилишни тушуниш лозим.

Радиоактив моддаларни ҳисобга олиш деганда, радиоактив материалларнинг миқдор ва сифат таркибининг ҳисоб-китоби олиб борилишини тушуниш лозим.

Радиоактив материаллардан фойдаланиш деганда, қандай мақсадга мўлжалланганлиги (ион нурларининг манбаи сифатидаги)ни инобатга олиб, уларнинг қўлланилишини тушуниш зарур.

Радиоактив материалларни ташиш деганда, уларнинг ҳар қандай транспорт воситасида бир жойдан иккинчи жойга ўтказилиши тушунилади.

Жўнатиш деганда, радиоактив материалларнинг қандайдир алоқа каналлари (посилкалар, бандероллар, контейнерлар ва хоказо) воситасида бир жойдан жойга ўтказилишини тушуниш керак.

Мазкур жиноят моддий таркибли бўлиб, баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган пайдан эътиборан тугалланган деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят қасдан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилади.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

ЖК 253-моддаси 2-қисмида радиоактив моддалар билан

муомалада бўлиш қоидаларининг бузилиши:

1) одам ўлимига; 2) бошқа оғир оқибатларга олиб келганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

15-§. Радиоактив материаллардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш (ЎзР ЖК 254-моддаси)

Жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғидир.

Радиоактив моддалар, ион нурлари тарқатувчи манбалар, ядро материаллари жиноятнинг предмети ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят радиоактив материаллар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш, яъни радиоактив материаллар (қурилмада ёки буюм таркибида ҳар қандай физик ҳолатда ёинки бошқа кўринишда турган ион нурлари тарқатувчи манбалар)га, радиоактив модда ёки ядро материалларига қонунга хилоф равишда:

1) эга бўлиш; 2) уларни сақлаш; 3) улардан фойдаланиш; 4) уларни бировга ўтказиш; 5) уларни бузиш натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишида ифодаланади.

Эга бўлиш деганда, эгаллаш учун қўлланилган ҳар қандай усулни (ЎзР ЖК 252-моддасида назарда тутилган

қонунга хилоф равишда эгаллаш бундан истисно) тушуниш зарур, бу – сотиб олиш, алмашиш, қарз эвазига ҳисоб-китоб қилиш, тортиқ этиш ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Ўтказиш деганда, радиоактив материалларнинг бошқа шахсга сотилишини, совға қилинишини ва ҳоказо ўтказишни тушуниш зарур.

Радиоактив материалларни бузиш деганда, уларнинг нобуд қилиниши (таркибида радиоактив материаллар бўлган дастгоҳларга, асбоб-ускуналарга, мосламаларга шикаст етказиш)ни тушуниш зарур.

Радиоактив материаллар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлишнинг бошқа кўринишлари (қонунга хилоф равишда сақлаш, фойдаланиш) радиоактив материаллар билан муомала қилиш қоидаларининг бузилишлари ЎзР ЖК 252-моддаси таҳлил этилганида кўриб чиқилган эди.

Ушбу қилмиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш тарзидаги оқибатлар келиб чиққан пайтдан эътиборан тугалланган, деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Жиноятнинг содир этилиш мотиви ва ундан кўзланган мақсади қилмишни квалификация қилишда аҳамият касб этмайди.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Мазкур модданинг 2-қисмида радиоактив моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш:

1) одам ўлишига; 2) бошқа оғир оқибатларга олиб келганлиги учун жавобарлик назарда тутилган.

Бошқа оғир оқибатлар деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши, атроф муҳитга зарар етказилиши, экологик фалокатни ва ҳоказоларни тушуниш зарур.

Алоҳида олинган ҳар бир ҳолда суд содир этилган жиноятдаги иш ҳолатларини инобатга олиб, баданга етказилган бошқа оғир шикастлар таърифини беради.

18-§. Ядро қурилмаларидан фойдаланишқоидаларини бузиш

(ЎзР ЖК 255-моддаси)

Жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғидир.

Ядро энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ объектлар сирасига ядро реактори жойлашган иншоотлар ва мажмуалар, шу жумладан атом станциялари, атом кемалари, космик кемалар ва учувчи аппаратлар ҳамда ядро материаллари ва радиоактив моддалар сақланадиган

пунктлар, омборлар ва хоказолар киради.

Объектив томондан жиноят ядро энергияси билан боғлиқ объектлардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишида ифодаланади.

Ушбу модда ҳам бланкет диспозицияли бўлиб, ҳар бир алоҳида ҳолда ядро энергияси билан боғлиқ объектлардан фойдаланиш қоидаларининг айнан қайси банди бузилганлигини аниқлаш зарурдир.

Баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши кўринишидаги оқибатнинг келиб чиққанлиги мазкур жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят қасдан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилади. Жиноятнинг содир этилиш мотив ва мақсадлари қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

255-модданинг 2-қисмида ядро қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларининг бузганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган:

1) одам ўлишига; 2) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган.

17-§. Бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш (ЎзР ЖК 255¹-моддаси)

Жиноятнинг объекти инсоният хавфсизлиги ҳисобланади.

Ялпи қирғин қуроллари жиноятнинг предмети ҳисобланади.

Объектив томондан кўриб чиқиладиган жиноят бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этишдан иборатдир.

Ишлаб чиқиш деганда, ялпи қирғин қуролларини яратишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг содир этилишини тушуниш лозим.

Ишлаб чиқариш деганда, ялпи қирғин қуролларининг ясалиши ёки ишлаб чиқарилиши тушунилади.

Тўплаш – маълум бир ҳудудда ҳар қандай ялпи қирғин қуролларининг жамланишини англатади.

Ялпи қирғин қуролини олиш деганда, уларнинг сотиб олиниши, алмашиш йўли билан қўлга киритилиши ва бошқа хатти-ҳаракатлар тушунилади.

Бировга ўтказиш деганда, ялпи қирғин қуrolининг бошқа шахс ихтиёрига ўтказилиши тушунилади.

Ялпи қирғин қуролини сақлаш – ялпи қирғин қуrolларининг махсус хоналарда, хилват жойларда ҳамда уларнинг бутлигини таъминловчи бошқа жойларда сақланишидан иборатдир.

Қонунга хилоф равишда эгаллаш – ўғрилаш, ўзлаштириш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш каби йўллар билан ялпи қирғин қуролини эгаллашнинг ҳар қандай усулини англатади.

Қонунга хилоф равишда қўлга киритишда талон-торож усулларидан бирини қўллаб содир этилганлиги қилмиши таҳлил этилаётган модда билан квалификация қилиш учун етарлидир.

Мазкур модданинг диспозициясида назарда тутилган ҳар қандай ҳаракат содир этилган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган, деб ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Уни квалификация қилишда жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва ундан кўзланган мақсад аҳамиятга эга эмас.

16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс жиноятнинг

субъекти бўлиши мумкин.

Мазкур модданинг 2-қисмида шу модданинг 1-қисмида айтиб ўтилган хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши одам ўлишига, бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган оғирлаштирувчи ҳолатлар учун жавобгарлик назарда тутилган.

**20-§. Тадқиқот фаолиятини амалга
оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш
(ЎЗР ЖК 256-моддаси)**

Ушбу жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғидир.

Жиноятнинг объектив томони илмий тадқиқот ёки синов тажриба фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларини бузиш натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишида ифодаланади.

Ушбу қилмиш моддий таркибли жиноят бўлиб, баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш тарзидаги оқибат юз берган пайтдан пайтдан эътиборан тугалланган деб ҳисобланади.

ЖК 256-моддаси бланкет диспозицияли бўлиб, шахсни мазкур модда бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун айбдор шахс илмий тадқиқот ёки синов тажриба фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик

қоидаларининг қайси бандини бузганлигини, бунинг оқибагида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган ёки етказилмаганлиги аниқланиши лозим.

Илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларининг бузилиши билан рўй берган ва оқибат ва баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлиги жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят қасдан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилади.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Мазкур модданинг 2-қисмида илмий тадқиқот олиб борилаётган вақтида хавфсизлик қоидаларининг бузилиши: 1) хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши учун масъул шахс томонидан содир этилган; 2) кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлган бўлиши керак.

Эгаллаб турган лавозим; мавқеига кўра (хавфсизлик бўйича муҳандис) ёхуд буйруққа мувофиқ илмий тадқиқот ёки синов тажрибаларини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши учун жавобгарлик зиммасига юкланган шахс хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши учун масъул шахс, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдордаги зарар кўп миқдордаги зарар деб топилади.

Шу модданинг 2-қисмида жавобгарлик белгиланган жиноятнинг субъекти синов тажриба фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш вазифаси юкланган шахс бўлиши мумкин.

ЖК 256-моддасининг 3-қисмида илмий тадқиқот фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларининг бузилиши:

1) одам ўлишига;

2) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлганлиги жавобгарликнинг оғирлаштирувчи ҳолати деб кўрсатилган ва уларни содир этганлик учун жазо белгиланган.

21-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш

(ЎзР ЖК 257-моддаси)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида; «ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва

қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир»», деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Ушбу жиноятнинг объекти мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасасалар, ташкилотларда ишлаётган шахсларнинг меҳнат шароитларини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Корхоналар, муассасалар, ташкилотларда нафақат доимий ишлаётган шахслар, балки вақтинча ишлаётган шахслар ҳам жабрланувчи бўлишлари мумкин.

Объектив томондан ЖК 257-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлган: 1) техника хавфсизлиги қоидаларининг; 2) саноат санитарияси қоидаларининг; 3) меҳнатни муҳофаза қилувчи бошқа қоидаларнинг бузилишидан иборатдир.

Ушбу модда бланкет диспозицияли бўлиб, шахсни жинойий жавобгарликка тортиш учун айбдор шахс томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг қайси банди бузилганлигини аниқлаш зарур.

Содир этилган қилмишнинг оқибати сифатида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилади. Жиноятнинг содир этилиш мотиви ва кўзланган мақсади жиноятнинг

квалификациясига таъсир этмайди.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ва зиммасига хизмат мавқеига кўра техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши бўйича ёхуд махсус фармойиш билан маълум иш участкасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши ёки шу қоидаларнинг ижроси бўйича масъулият юкланган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари мазкур жиноят субъекти бўлмаган шахс томонидан бузилган ва ушбу модда диспозициясида кўрсатиб ўтилган оқибатлар келиб чиққан ҳолларда айбдорнинг қилмиши соғлиққа зарар етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан квалификация қилиниши лозим.

Мазкур модданинг 2-қисмида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилиши: 1) одам ўлишига; 2) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар учун жавобгарлик назарда тутилади.

22-§. Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш

(ЎзР ЖК 257¹-моддаси)

Ушбу модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги Қонуни билан Жиноят кодексига киритилган.

Жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғидир.

Объектив томондан жиноят одамларнинг оммавий касалланишига ёки захарланишига олиб келган: 1) санитарияга оид қонун ҳужжатларининг; 2) эпидемияга қарши кураш қоидаларининг бузилишида ифодаланади.

ЖК 257¹-моддаси бланкет диспозицияли бўлиб, ҳар бир ҳолда санитарияга оид қонун ҳужжатлари ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларининг қайси банди бузилганлиги алоҳида аниқланиши лозим.

Оммавий касалланиш деганда, маълум бир ҳудуддаги кўп сонли кишиларнинг бир вақтнинг ўзида ёхуд оралиғи унча катта бўлмаган вақт ичида касалланишини тушуниш зарур.

Субъектив томондан жиноят қасдан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилади. Айбдор одамларнинг оммавий касалланишига ёки захарланишига олиб келувчи ҳаракатларни давлат идоралари фаолиятини ёки ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш ёхуд Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини издан чиқариш мақсадида содир этган ҳолларда, у ЎзР ЖК 161-моддаси (кўпоровчилик) бўйича жавобгарликка тортилади.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахслар бўлиши мумкин.

Санитарияга оид қонун ҳужжатларининг ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларининг бузилиши одам ўлишига сабаб бўлган ҳолларда, айбдорнинг ҳаракатлари кўриб чиқиладиган модданинг иккинчи қисми билан квалификация қилинади.

Худди шундай қилмишлар одамларнинг ўлимига сабаб бўлса, айбдор ЎзР ЖК 257¹-моддаси 3-қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

23-§. Тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш (ЎзР ЖК 258-моддаси)

Жиноятнинг асосий бевосита объекти жамоат хавфсизлиги, тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш хавфсизлиги қоидаларини ўрнатиш орқали муҳофаза қилинадиган жамоат хавфсизлигидир. Одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи, ўзганинг мулки жиноятнинг қўшимча бевосита объекти ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишларида хавфсизлик қоидаларининг бузилишидан иборат.

Ушбу модданинг диспозицияси бланкет диспозицияси бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун тоғ-

кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари олиб бориш қоидаларининг қайси банди бузилганлигини аниқлаш зарур.

Тоғ-кон ишлари деганда, кон бойитиш саноатида олиб бориладиган ишлар тушунилади.

Қурилиш ишлари деганда, саноат корхоналари, маъмурий турар жой ва бошқа биноларни бунёд этиш ёхуд таъмирлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларни тушуниш зарур.

Хавфли портлатиш ишлари деганда, портлатиш жараёнида ёнувчи газ ёки буғларнинг ҳаво ёхуд кислород билан ва бошқа моддалар билан аралашмаларининг ҳосил бўлишини тушуниш зарур.

Баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши тарзидаги оқибатларнинг келиб чиқиши мазкур жиноят объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят қасдан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилади.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Ушбу модданинг 2-қисмида тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши: 1) одам ўлишига; 2) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳоллар учун жавобгарлик

назарда тутилган.

24-§. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш (ЎзР ЖК 259-моддаси)

Жиноятнинг объекти ёнғин хавфсизлиги, яъни одамларнинг, жамият ва давлат мулкининг ёнғинларидан муҳофаза қилинганлик ҳолати ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг шу қоидалар бажарилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келишида ифодаланади.

Ёнғин хавфсизлиги қоидалари – ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган талаблар, меъёрлар ва стандартларга риоя қилиш тартибини белгиловчи муайян қоидаларнинг мажмуидир.

Таҳлил қилинаётган модда ҳам бланкет диспозицияли бўлиб, шахсни жиной жавобгарликка тортиш учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг қайси банди бузилганлигини, бунинг натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилганлигини аниқлаш зарур.

Субъектив томондан жиноят қасдан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилади.

Жиноятнинг субъекти эгаллаб турган лавозимида кўра

ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажаралиши учун масъул бўлган ёхуд ана шу қоидаларининг бажаралиши учун масъул этиб тайинланган шахслар бўлиши мумкин.

259-модданинг 2-қисмида ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши: 1) одам ўлишига; 2) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳоллар учун жавобгарлик назарда тутилган.

Бошқа оғир оқибаталар деганда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ўлимига сабаб бўлиш, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг баданига оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, жуда кўп миқдорда зиён етказиш ва шу кабилар тан олиниши мумкин.

МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

- 1. Жиноий уюшма нима?**
- 2. Қуролланган жиноий уюшма белгиларини айтинг.**

3. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш нимада ифодаланади? Бундай жиноятларни квалификация қилиш учун қандай шартлар мавжуд бўлиши лозим?

4. Оммавий тартибсизликлар деганда нимани тушуниш лозим?

5. Оммавий тартибсизликларни уюштириш ва уларда фаол иштирок этиш нимада ифодаланади?

6. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материаллар деганда нимани тушуниш лозим?

7. Диний, фундаментал ёки Ўзбекистон Республикасида фаолияти тақиқланган ташкилотларни тузиш, уларга бошчилик қилиш ва аъзолик қилиш учун жиноий жавобгарлик вужудга келиш шартларининг ўзига хос хусусияти нимада?

8. Шахсни гаров сифатида тутқунликка олишнинг аломатлари нимада?

9. Шахсни гаров сифатида тутқунликка олишни одам ўғрилаш ёки шахсни ғайриқонуний озодликдан маҳрум қилишдан фарқи нимада?

10. Контрабанда аломатларини аниқланг. Унинг усуллари ва жиноий жавобгарлик вужудга келишининг ўзига хос хусусияти қандай?

11. Қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга ҳилоф тарзда эгаллик қилиш учун жавобгарликнинг шартлари нималарда ифодаланади?

12. Ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни бепарволик билан аниқлаш деганда нимани тушунасиз?

13. Портлаш ҳавфи бўлган моддалар ёки пиротехника буюмларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш нимада ифодаланади? Портловчи моддаларга нималар киради?

14. Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга ҳилоф тарзда эгаллаш қандай йўллар билан амалга оширилиши мумкин? Бундай буюмларга нималар киради?

15. Радиоактив материаллар нима?

16. Радиоактив материаллардан фойдаланиш қоидаларини бузиш нимада ифодаланади? Ушбу жиноят учун жиноий жавобгарликнинг вужудга келиш зарурий шартини айтинг.

17. Ядро қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш жинояти квалификациясининг ўзига хос хусусияти нимада? ЎзР ЖКнинг 255-моддасига асосан ушбу жиноят учун жиноий жавобгарлик вужудга келишининг зарурий шартини аниқланг.

18. Оммавий қириш қуролига нималар киради? Унинг қандай турлари мавжуд?

19. Тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш жинояти учун жиной жавобгарлик вужудга келишининг зарурий шартини аниқланг.

20. ЎзР ЖКнинг 256-моддасида назарда тутилган жиноятнинг махсус субъектини аниқланг.

21. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш нимада ифодаланади? Ушбу жиноятнинг субъектини аниқланг.

22. Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш жиноятига жиной жавобгарлик юзага келишининг шартини аниқланг.

23. Тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари деганда нимани тушунмоқ лозим? Қайси ҳолларда ушбу ишларни ўтказишда қоидалар бузилган ҳолда жиной жавобгарлик юзага келади?

24. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш нималарда ифодаланади?

**II БОБ. ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ВА УНДАН
ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ
ЖИНОЯТЛАР**

**1-§. Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг
ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги
қоидаларини бузиш
(ЎзР ЖК 260-моддаси)**

**Ушбу жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги,
одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи, ўзганинг мулкидир.**

**Жиноятнинг предмети темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво
транспорти ҳисобланади.**

**Темир йўл транспорти – пўлат излар бўйлаб қатнайдиған
транспорт (трамвай бундан мустасно) бўлиб, улардан
магистрал темир йўлларда, кириш йўлларида ва
метрополитенда фойдаланилади.**

**Агар кириш йўллари умумий темир йўллар тармоғи
билан боғланмаған бўлса, улар темир йўл транспорти
ихтиёрида бўлмай, маҳкамаларга қарашли бўлади.**

**Денгиз ва дарё транспортига, кимнинг ихтиёрида
бўлишидан қатъи назар, барча кемалар (йўловчиларни
ташийдиған кема, транспорт кемалари, қазиб олувчи,
қайта ишловчи, спорт кемалари ва ҳоказо) киради.**

**Ҳаво транспорти деганда, фуқаролар авиацияси, парвоз
воситалари (самолётлар, вертолётлар, планерлар,**

аэростатлар ва ҳоказо) тушунилади.

Ҳаракат ёки темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бирон-бир банди бузилиши, бунинг оқибатида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши жиноят таркибининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Ҳаракат ёки фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши: темир йўл транспортда – сигнал бермаслик, тезликни ошириш, светофорнинг қизил чироғи ёниб турганда ўтиш, перегонни ўзбошимчалик билан эгаллаш ва ҳоказоларда; ҳаво транспортда - парвоз баландлигини бажармаслик, парвоз йўлагига роя қилмаслик ва ҳоказоларда; сув транспортда – тезликка роя қилмаслик, нотўғри қувиб ўтиш ва ҳоказоларда ифодаланади.

Фойдаланиш қоидаларини бузиш деганда, бевосита транспорт воситасининг ўзидан ҳамда унинг нормал фаолият кўрсатишини таъминловчи агрегатлар, тизимлардан фойдаланиш хавфсизлигининг бузилишини тушуниш зарур.

Субъектив томондан жиноят қасдан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилади.

ЖК 260-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ва хизмат юзасидан

зиммасига ҳаракат ёки темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспортдан фойдаланиш (башарти фаолияти транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, транспорт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш) хавфсизлигига риоя қилиш вазифаси юкланган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Мазкур модданинг 2-қисмида одам ўлишига сабаб бўлгани ҳаракат ёки темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

Шу модданинг 3-қисмида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар: 1) одамлар ўлимига; 2) ҳалокатга; 3) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

2-§. Маст ҳолдаги шахснинг транспортвоситасини бошқаришига йўл қўйиш (ЎзР ЖК 261-моддаси)

Мазкур жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғидир.

Объектив томондан жиноят транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахснинг маст ҳолдаги ёки гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг

ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган шахсни темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобиль транспорти ёки бошқа транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиши натижасида баданга оғир шикаст етказилиши ёхуд одам ўлишига сабаб бўлишида ифодаланади.

Жиноят кодексининг 261-моддасига мувофиқ, айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун қуйидаги аломатларнинг жами мавжуд бўлиши лозим: 1) гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки одамнинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган шахснинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш; 2) баданга оғир шикаст етказилиши ёхуд одамнинг ўлиши; 3) транспорт воситаларини бошқаришга йўл қўйиш билан баданга оғир шикаст етказилиши ёхуд одам ўлиши ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлиги.

Йўл қўйиш деганда, алкоголь таъсири остида маст ҳолда бўлган ёки гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки одамнинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган шахснинг темир йўл, денгиз дарё, ҳаво, автомобиль транспорти ёки бошқа транспорт воситаларини бошқаришига рухсат берилишини тушуниш зарур.

Йўл қўйиш ҳайдовчига модданинг диспозициясида кўрсатиб ўтилган транспорт воситаларини бошқариш билан боғлиқ бўлган бирон-бир ҳаракатни бажариш ҳақида кўрсатма беришдан (одамларни элтиб қўйиш, юк ташиш ва ҳоказо), шунингдек, ҳайдовчининг вазифасини бажаришга тўсқинлик қилмаслик (масалан, йўлга чиқишига қаршилик кўрсатмаслик ва ҳоказо)дан иборат бўлиши мумкин.

Ушбу қилмиш моддий таркибли жиноят бўлиб, баданга оғир шикаст етказилиши, одам ўлиши тарзидаги оқибат келиб чиққан пайтдан эътиборан тугалланган деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Жиноятнинг содир этилиш мотиви ва кўзланган мақсади қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Айбдор ҳайдовчининг алкоголь таъсири остида маст ҳолда эканлигини ёки гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида эканлигини билиши жиноятни таҳлил қилинаётган модда бўйича квалификация қилишнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Жиноятнинг субъекти транспорт воситаларидан фойдаланиш учун масъул шахс бўлиши мумкин. Корхона, муассаса, ташкилотларнинг хизмат мавқеига кўра вазифа

юкланган мансабдор шахслари шулар жумласидандир. Масалан, автоколонналарнинг бош механиклари, механиклари, техник жиҳатдан соз транспорт воситаларининг йўлга чиқарилишига жавоб берувчи навбатчи механиклар, фойдаланиш бўлими бошлиғи, фойдаланиш бўйича муҳандис, навбатчи диспетчер ва ҳоказо.

3-§. Транспортни таъмирлаш ёки уни фойдаланишга чиқариш қоидаларини бузиш (ЎзР ЖК 262-моддаси)

Жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи, ўзгалар мулки ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят:

1) таъмирлаш ишларини бажараётган ёки транспорт воситасининг техник ҳолати ва ундан фойдаланиши учун масъул бўлган шахснинг темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобиль ёки бошқа транспорт воситасини, алоқа йўллари, сигнализация, алоқа воситалари ёки бошқа транспорт ускуналарини сифатсиз таъмирлашида; 2) транспорт воситасининг техник жиҳатдан бузуқлигини била туриб, уни йўлга чиқарилиши натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишида ифодаланади.

Сифатсиз таъмирлаш деганда, кўрсатиб ўтилган

транспорт воситалари ва улардан фойдаланиш техник тизими қисмларининг иш хавфсизлигига кафолат бермайдиган даражада таъмирланишини тушуниш зарур.

Транспорт воситаларининг техник жиҳатдан бузуклигини била туриб, уларни фойдаланишга чиқариш деганда, муайян носозликлари бўлган транспорт воситаларидан фойдаланишга рухсат берилиши тушунилади.

Ҳаракат хавфсизлигига ва транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлигига хавф туғдирувчи транспорт воситалари техник жиҳатдан бузук деб эътироф этилади.

Баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши тарзидаги оқибатларнинг келиб чиқиши ушбу жиноят объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади. Юқоридаги белгилар бўлмаган айбдор интизомий ёхуд маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Сифатсиз таъмирланганлиги ёки техник жиҳатдан бузуклиги олдиндан маълум бўлган транспорт воситасининг фойдаланишга чиқарилиши билан рўй берган баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши тарзидаги оқибат ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлиги жиноят объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Субъектив томондан темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво,

автомобиль ёки бошқа транспорт воситаси, алоқа йўллари, сигнализация, алоқа воситалари ёки бошқа транспорт ускуналарининг сифатсиз таъмирланиши қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилади.

Техник жиҳатдан бузуқлигини била туриб, транспорт воситасини фойдаланишга чиқариш тўғри қасд билан содир этилади.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган, таъмирлаш ишларини бажарувчи ёхуд транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиши учун жавобгар шахсларгина бўлиши мумкин.

Таҳлил этилаётган модданинг 2-қисмида одам ўлишига сабаб бўлган таъмирлаш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши учун жавобгарлик назарда тутилган таъмирлаш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши:

1) одамлар ўлимига; 2) ҳалокатга; 3) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, ЖК 262-моддаси 3-қисми билан квалификация қилинади.

4-§. Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспортивоситаси ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолатга келтириш (ЎзР ЖК 263-моддаси)

Жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи, ўзгалар мулкидир.

Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситалари, алоқа йўллари, улардаги иншоотлар, сигнализация, алоқа қурилмалари, бошқа транспорт ускуналари жиноятнинг предмети ҳисобланади.

Алоқа йўллари – излар, шпаллар ва уюмли асоси бўлган темир йўллар, учиш-қўниш йўлкалари, хавфсизлик йўлкалари ва ҳоказолардир.

Сигнализация воситалари – сигнал, маълумот, хабар бериш учун мослаштирилган ҳар хил воситалар (масалан, семафорлар, маёқлар, бакенлар ва ҳоказо).

Алоқа воситалари – ҳар хил хабарларни (масалан телефон, телеграф, компьютер, телевидение ва ҳоказо) қабул қилиш ва узатиш учун мўлжалланган қурилма ва ҳоказолар йиғиндисидир.

Транспорт ускуналари темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаларидан хавфсиз фойдаланиш учун зарур бўлган механизмлар, қурилмалар ва ҳоказолар мажмуидан иборат.

Барча предметларнинг темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаларининг хавфсиз фаолиятини таъминлаш учун мўлжалланганлиги жиноятнинг зарурий белгилари ҳисобланади. Ана шундай белгига эга бўлмаган

қурилмалар мазкур жиноятнинг предмети бўла олмайди.

Жиноятнинг яна бир зарурий белгиси қайд этиб ўтилган предметларнинг фойдаланиш учун яроқлилиги ҳисобланади. Фойдаланишга яроқсиз қурилмалар мазкур жиноятнинг предмети бўла олмайди.

Объектив томондан жиноят темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаларини, алоқа йўллари, улардаги иншоотлар, сигнализация қурилмалари, алоқа ёки бошқа транспорт ускуналарини: 1) қасдан бузиш; 2) уларга шикаст етказиш; 3) уларни кўзланган мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлмаган, яъни таъмирлаб бўлмайдиган даражада яроқсиз ҳолга келтиришда ифодаланади.

Шикаст етказиш деганда, қайд этилган предметларнинг қисман бузилиши тушунилади, яъни уларни қайта таъмирлаш мумкин.

Бошқа усулда яроқсиз ҳолатга келтириш деганда, шундай усуллар назарда тутиладики, бунда қайд этилган предметлардан хизмат мақсадларида фойдаланиш имконияти қолдирилмайди (масалан, алоқа йўлларида ҳар хил предметлардан тўсиқлар ташкил этиш, сигнализация воситаларини алмаштириш, сигнал белгиларини бошқа ерларга кўчириш ва ҳоказо).

Бу қилмиш моддий таркибли жиноят бўлиб, баданга

ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган пайтдан эътиборан тугалланган, деб ҳисобланади.

Темир йўл, денгиз, ҳаво транспорти воситалари, алоқа йўллари, улардаги иншоотлар, сигнализация қурилмалари, алоқа ёки бошқа транспорт ускуналарини бузиш, уларга шикаст етказиш ёхуд уларни фойдаланиб бўлмайдиган даражада яроқсиз ҳолатга келтириш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилмаган ҳолда содир этилганида қилмиш (мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш) учун жавобгарлик белгиланган ЖК 173-моддаси билан квалификация қилинади.

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Жиноятнинг содир этилиш мотиви ва кўзланган мақсад уни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Мазкур модданинг 2-қисмида ўшандай ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлгани учун жавобгарлик назарда тутилган.

Таҳлил этилаётган модданинг 3-қисмида ўша ҳаракатлар: 1) одамлар ўлимига; 2) ҳалокатга; 3) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

5-§. Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш (ЎзР ЖК 264-моддаси)

Жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркиби, ҳаво, денгиз, дарё кемаларидан фойдаланишнинг белгиланган тартиби, одамларнинг соғлиғи, мол-мулкидир.

Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркиби, ҳаво, денгиз ёки дарё кемалари жиноятнинг предмети ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини: 1) олиб қочишда; 2) эгаллаб олишда ифодаланади.

Олиб қочиш деганда, темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркиби, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасининг бунга ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан, транспортнинг ана шу турлари учун масъул шахсларнинг рухсатсиз, ҳар хил усуллар билан бир ердан иккинчи ерга ўтказилиши тушунилади.

Жиноятнинг қайд этилган предметлари ҳар хил усуллар билан бир ердан иккинчи ерга рухсатсиз ўтказила бошланган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган, деб ҳисобланади.

Қайд этилган предметларни эгаллаб олиш деганда, ана шу предметларни бир жойдан иккинчи жойга ўтказишни кўзлаб, уларнинг устидан амалда назорат ўрнатилиши

тушунилади.

Эгаллаб олиш зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатилмасдан содир этилиши мумкин.

Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини эгаллаб олиш қайд этилган воситаларга амалда эга бўлиш, айбдор уларни ўз билигича идора қилиш бошланган пайдан тугалланган, деб ҳисобланади.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс жиноят **субъекти** бўлиши мумкин.

ЖК 264-моддасининг 2-қисмида:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган жиноятни квалификация қилиш қоидалари ҳақида ЖК 247-моддаси таҳлилига қаранг.

Транспортни зўрлик ишлатган ҳолда ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб олиб қочиш ёхуд эгаллаб олиш

транспорт воситасини бошқараётган ёки транспорт воситасида бўлган йўловчиларга нисбатан транспорт воситасини олиб қочиш ёки эгаллаб олишга қарши реал ҳамда юз бериши мумкин бўлган қаршиликни синдириш мақсадида жисмоний ё руҳий таъсир ўтказишнинг ҳар хил турларини қамраб олади.

Зўрлик азоб етказиши ва оқибатлар келтириб чиқармаслиги, лекин зўрлик ишлатиш натижасида баданга оғир, ўртача оғир ёки енгил шикаст етказилиши мумкин. Шундай оқибатлар мавжуд бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари **ЖК 264-моддаси 2-қисмининг “б” банди** билан қамраб олинади.

Агар зўрлик ишлатиш оқибатида ўлим юз берган бўлса, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

Зўрлик ишлатиш олиб қочиш воситаси бўлиб хизмат қилган тақдирдагина айбдорнинг ҳаракатлари **ЖК 264-моддаси 2-қисмининг “б” банди** бўйича квалификация қилинади. Жиноятчилар томонидан зўрлик ишлатилмаган ҳолда самолётни эгаллаб олиш ҳамда олиб қочиш ҳоллари юз бериши, сўнгра улар йўловчиларни ўлдириши ёки уларнинг соғлиғига шикаст етказиши ёхуд уларга қарши бошқа жиноий ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Бундай ҳаракатлар жиноятлар мажмуини: **ЖК 264-моддасининг 1-қисмида**

назарда тутилган ҳаво кемасини олиб қочиш ва шахсга қарши тегишли жиноятни ташкил этади.

Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш олиб қочишга қарши чиққан шахсларга руҳий таъсир ўтказиш, уларни зўрлик ишлатиш, самолётни йўқ қилиб юбориш билан, қурол ёки бошқа зарар етказувчи мосламалар билан қўрқитишни назарда тутди. Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш нафақат олиб қочиш ёки эгаллаб олишга тўсқинлик қилаётганларга, балки бошқа шахслар, масалан, йўловчиларга ҳам тегишли бўлиши мумкин.

Қўрқитиш жиноятчи талабларини қондиришдан бош тортилганида, уни шу заҳоти амалга ошириш билан боғлиқ бўлиши керак. Келажакда “ҳисоб-китоб қилиш” билан қўрқитиш **ЖК 264-моддаси 2-қисмининг “б” бандида** назарда тутилган жиноят сифатида эътироф этилиши мумкин эмас. Агар айбдор ўлдириш билан қўрқитган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича **ЖК 112-моддаси (Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш)** ва **ЖК 264-моддаси 2-қисмининг “б” бандига** биноан квалификация қилиниши лозим, чунки **ЖК 264-моддаси 2-қисмининг “б” бандида** ўлдириш билан қўрқитиш назарда тутилмаган.

Масалан, жиноятчининг гаровга олинганларни ўлдириш билан қўрқитиб транспорт воситаси беришга оид талаби транспорт воситасини эгаллаб олиш усули бўлиб келиши

мумкин. Ана шундай йўл билан олинган транспорт воситаси зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб эгаллаб олинган деб эътироф этилади ва ушбу ҳаракатлар **ЖК 264-моддаси 2-қисмининг “б” банди** бўйича квалификация қилинади. Кейинчалик уни олиб қочиш мақсадида транспорт воситаси беришларини талаб этиб, одамларни гаровга олиш ЖК 25-моддасининг 1-қисми, **264-моддаси** ва 245-моддаси (Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш)да назарда тутилган жиноятларга тайёргарлик кўришни ташкил этади.

Зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш транспорт воситасини олиб қочиш ёхуд уни эгаллаб олиш билан яқунланган бўлиши керак, акс ҳолда қилмиш кўриб чиқиладиган ижтимоий хавфли қилмишни содир этишга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши лозим.

Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини ёки кемани олиб қочиш мақсади билан боғлиқ бўлмаган зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш тегишли белгилар мавжуд бўлган тақдирда ЖК 112-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини ташкил этади.

6-§. Халқаро учиш қоидаларини бузиш (ЖК 265-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти – ҳаво ҳаракати, шу жумладан халқаро учиш хавфсизлиги.

Халқаро парвоз – бу ҳаво кемасининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлат билан ҳаво чегарасини кесиб ўтадиган парвози. Халқаро парвозлар: 1) мунтазам (жадвал бўйича), қўшимча; 2) махсус; 3) чартер (буюртма); 4) эпизодик бўлади.

Объектив томондан жиноят рухсатномада кўрсатилган учиш йўналишига, қўниш жойларига, ҳаво дарвозаларига, учиш баландлигига риоя қилмаслик ёки халқаро учиш қоидаларини бошқача тарзда бузишда ифодаланади.

Халқаро парвозларни амалга ошириш қоидалари – бу давлатнинг самовий ҳудудидан фойдаланиш қоидалари. Улар халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади ва ҳаво транспорти ҳаракатининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Жиноят қонунида халқаро парвозларни амалга ошириш қоидаларини бузишнинг айниқса кўп учрайдиган усулларининг тахминий рўйхатигина берилади.

Учиш йўналиши – бу давлатлар ўртасида келишилган ва тегишли орган томонидан белгиланган ҳаво кемаси ҳаракатининг траекторияси бўлиб, унга учун кема ҳаракати траекториясига хос бўлган силжиш йўналиши, кема тезлиги ва бошқа элементлар хосдир.

Қўниш жойи – бу Ўзбекистон Республикаси

худудининг (бунга Ўзбекистоннинг самовий ҳудудидан ташқари барча ҳудудлари киради) муайян белгиланган қисми бўлиб, унда Ўзбекистоннинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳаво кемалари қўнишига рухсат этилади. Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига биноан халқаро парвозларда миллий ва хорижий ҳаво кемаларининг қўниши халқаро парвозлар учун очик аэродромларда амалга оширилади.

Ҳаво дарвозаси деганда ваколатли органлар томонидан, шунингдек мансабдор шахслар томонидан белгиланган ҳаво кемаси кўтарилиши ҳамда келиб қўниши рухсат этиладиган муайян даврни тушуниш лозим.

Шундай қилиб, халқаро учиш қоидаларини бузиш муддати ўтган рухсатнома билан учишдан; Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини Ўзбекистон томонга ҳам, хорижий давлат томонга ҳам қонунга хилоф кесиб ўтишдан; парвоз йўлакларига риоя этмасликдан; узоқ билан боғловчи алоқа воситаларини узиб қўйишдан; таниб олиш сигналларини бермасликдан; халқаро парвозлар учун очик бўлмаган аэропортларда қўниш ёки бундай аэропортлардан парвоз қилиш ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлардан иборат.

Қоидабузарнинг ҳаракатларида **ЖК 265-моддасида** назарда тутилган жиноят таркиби мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун халқаро учиш қоидаларни белги-

ловчи норматив ҳужжатларга назар ташлаш керак.

Халқаро парвозларни амалга ошириш қоидалари қуйидаги ҳужжатларда белгиланган:

1) Ҳаво кодексига асосланган ҳаво кемаларидан фойдаланиш ва парвозларни бажаришни тартибга солувчи умумий қоидаларда;

2) Самовий ҳудуддан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда;

3) Парвозни амалга оширишга оид махсус рухсатнома ёки халқаро шартномада.

Халқаро парвозларни амалга ошириш қоидалари Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) томонидан тасдиқланган бундай парвозларни амалга оширишнинг халқаро стандартларида белгиланади.

Кўрсатилган қоидалар ҳаво орқали алоқа хавфсизлиги ва давлат чегараларининг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган. Уларнинг бузилиши муайян шароитда кўриб чиқиладиган жиноятнинг “халқаро учиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш” белгиси бўйича таркибини ҳосил қилиши мумкин.

Халқаро учиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: муддати ўтиб кетган рухсатнома билан Ўзбекистон ҳудудидан учиб кетиш ёки Ўзбекистон ҳудудига кириб келишдан; рухсатномада назарда

тутилгандан бошқача турдаги кемада учиш кетиш ёки кириш келишдан; ерга юк ва парашютчиларни ташлашдан; Ўзбекистон худудида халқаро шартнома ва махсус рухсатномада назарда тутилмаган йўловчилар, юк, багаж ва почтани қабул қилишдан; давлат чегарасини радиоалоқасиз кесиб ўтишдан ва ҳ.к.

Бошқа қоидалар (йўловчиларни халқаро ташиш тарифлари, чипта сотиш, юк хатларини бериш қоидалари ва ш.к.)га риоя қилмаслик мазкур жиноят белгиларига мос келмайди. Муайян шароитда улар маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

Юқорида номи зикр этилган ҳужжатлардан келиб чиқадиган халқаро парвозларни амалга ошириш қоидалари ва шартларини парвозни амалга ошираётган шахслар билишлари шарт. Ушбу қоида ва шартларнинг бузилиши хусусида тергов ва судга ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотлар топширилиши лозим; зарур ҳолда экспертиза ўтказилади.

Мазкур жиноят таркибини квалификация қилиш учун халқаро учиш қоидаларини бузган ҳаво кемасининг тури аҳамиятга эга эмас, бу самолёт, вертолёт, дирижабль ва бошқа учиш воситалари бўлиши мумкин.

Кўриб чиқилаётган жиноят халқаро учиш қоидалари бузилган вақтдан бошлаб **туғалланган** деб эътироф этилади.

Халқаро учиш қоидалари мажбуран, масалан, мўлжалдан адашиш, техник носозлик, яхши кўра олмаслик, турли тўсиқлар таъсири, ярадорлар ва касалларни етказиш оқибатида бузилган бўлса, бу ҳаракатда жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

Субъектив томондан кўриб чиқиладиган жиноят қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин.

Қилмишни квалификация қилиш учун унинг **мотиви** ва **мақсади** аҳамиятга эга эмас.

Ўн олти ёшга тўлган, ҳаво кемаси экипажи аъзоси бўлган ва халқаро парвозлар қоидаларига риоя қилиниши учун масъул Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс ёки хорижий фуқаро кўриб чиқиладиган жиноят **субъекти** бўлиши мумкин. Бироқ, агар мазкур субъект мажбуран ҳаракат қилган (масалан, кема олиб қочилиши ёки эгаллаб олиниши оқибатида) бўлса, у жавобгарликка тортилмайди.

Халқаро учиш қоидаларини бузган ҳаво кемасининг бортида бўлган йўловчилар бу жиноят учун жавобгар бўлишлари мумкин эмас. Муайян шароитда улар ЖК 223-моддаси (Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш)га биноан айбланиши мумкин.

Халқаро учиш қоидалари бузилган ва Ўзбекистон

Республикасига қонунга хилоф равишда кирилган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

Агар халқаро учиш қоидаларини бузиш ҳаво кемасини олиб қочиш билан боғлиқ бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 264-моддаси ва **ЖК 265-моддасига** биноан квалификация қилиниши лозим.

7-§. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш (ЖК 266-моддаси)

Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлигидир. **Қўшимча бевосита объект** – фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи.

Йўл ҳаракати деганда одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуини тушуниш лозим. У ҳаракати муайян қоидаларга бўйсунадиган пиёдалар, ҳайдовчилар, йўловчилар ва транспорт воситаларини ўз ичига олувчи ижтимоий-техник тизимдир. Ҳаракат асосан йўлларда ва баъзан йўлсизлик шароитида (кўчада, темир йўлларни кесиб ўтиш жойларида,

курилиш майдончаларида, корхоналарнинг ишлаб чиқариш зоналарида, ҳовлиларда, далада ва ш.к.) амалга оширилади.

Ҳаракат хавфсизлиги деганда фақат йўл ҳаракати хавфсизлиги, яъни йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати тушунилади.

Фойдаланиш хавфсизлиги – транспорт воситаларидан йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлигини таъминлайдиган тарзда фойдаланиш.

Жиноят **предмети** ҳар қандай транспорт воситалари – ҳар қандай автомобиллар (юк, йўловчи ташийдиган, енгил автомобиллар, спорт автомобиллари ва ҳ.к.), трамвайлар, троллейбуслар, тракторлар ва бошқа механик транспорт воситалари бўлиши мумкин.

Мазкур предмет ҳақида батафсилроқ ЖК 261-моддаси таҳлилига қаранг.

Механик транспорт воситалари ўзинюрар бўлиши, яъни мустақил двигателга эга бўлиши лозим. Агар машина двигатели ишдан чиққан бўлса ва у қўл ёрдамида (итариб) силжитилса, кўриб чиқиладиган жиноят предмети мавжуд эмас, амалда содир этилган қилмиш муайян шароитда транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир

қоидаларни бузиш (ЖК 268-моддаси) сифатида баҳоланиши мумкин. Бироқ, ана шундай машина бошқа транспорт воситаси томонидан тортиб кетилаётган бўлса, тортиб кетилаётган транспорт воситаси ҳайдовчисининг белгиланган қоидаларни бузиши **ЖК 266-моддасида** назарда тутилган жиноят таркиби белгиларига мос келади.

Айбдор ҳаракатларини квалификация қилиш учун транспорт воситаси фойдаланишдаги ёки ўқув машинаси эканлиги аҳамиятга эга эмас, чунки ҳар қандай ҳолда у ошиқча хавф манбаи бўлиб қолади.

ЖК 266-моддасида назарда тутилган жиноят **объектив томондан** транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузилиши ва бунинг оқибатида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришига кўра, “транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузиш деганда бундай ҳаракатларни бевосита ҳаракатланаётган транспорт воситасида йўлларда, кўчаларда, темир йўлларни кесиб ўтиш жойларида содир этиш тушунилади”. Агар транспорт воситаси ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнида, жумладан, транспортни юклаш-юк

тушириш, транспорт воситаларини таъмирлаш, қурилиш, кишлоқ хўжалик ва бошқа турдаги ишларни бажариш чоғида хавфсизлик техникаси қоидалари ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари бузилиши натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш, одам ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар юз берган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 257-моддаси бўйича квалификация қилинади, агар шахснинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига тажовуз қилинган бўлса, бундай ҳаракатлар тегишли равишда инсон ҳаёти ва соғлиғига ёки унинг мол-мулкига қарши жиноятлар сифатида тавсифланади”.

ЖК 266-моддасининг диспозицияси бланкет (ҳаволаки)дир. Йўл хавфсизлиги талаблари Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида” 1999 йил 19 августдаги 818-І-сон Қонуни ҳамда ҳаракат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи асосий норматив ҳужжат – Йўл ҳаракати қоидалари билан белгиланган.

Шахсни кўриб чиқилаётган модда бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳар бир муайян ҳолда у томонидан ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқарган қоиданинг у ёки бу банди бузилганлиги аниқланиши лозим. Тергов органлари шахсни ишда айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, айблов

хулосасида, судлар эса ўз ҳукмида Йўл ҳаракати қоидаларининг бандлари бузилганига ишора қилиш билангина чекланмасликлари, балки бундай қоидабузарликлар нимадан иборат эканлигини аниқ кўрсатишлари лозим (масалан, транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш, тезликни ошириш ва ш.к.).

Фойдаланиш қоидаларини бузиш, масалан, қўпол юкларни ташиш, автомашинани лозим бўлмаган жойга қўйиш, транспорт воситасини бошқаришни бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахсга топшириш, машинани бўш тросда шатакка олиш, жиҳозланмаган транспорт машинасида йўловчи ташишда ифодаланиши мумкин.

Умумий эҳтиёт чораларининг бузилиши натижасида юзага келган, зарарли оқибатлар келтириб чиқарган ҳайдовчининг нотўғри ҳаракатлари фойдаланиш қоидаларини бузиш деб эътироф этилмайди. Бундай ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари муайян ишларни амалга ошириш, хавфсизлик техникаси, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш сифатида ёки ҳаёт ва соғлиққа қарши жиноят сифатида квалификация қилинади. Масалан, машинага бензин қуйишда ҳайдовчининг эҳтиётсизлиги туфайли бензин двигатель устига тўкилади ва бошқарув вақтида, электр ўт олдириш тизими бузуклиги натижасида учқундан автомашина аланга ичида қолади ва йўловчи ҳалок бўлади. Бу ҳолда қилмиш ЖК

102-моддасига биноан эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш сифатида квалификация қилиниши мумкин.

Агар шахс ихтисослашган транспорт воситаси (автокран, экскаватор ва ҳ.к.)да ишлай туриб, машинадан ўзга, транспортга хос бўлмаган мақсадда фойдаланганида зарар етказган, масалан, автокранда электр линияси остида юк тушириш ишларини белгиланганидан яқинроқ масофада амалга ошириб, натижада ишчилардан бири электр токидан ҳалок бўлган ҳолда ҳам **ЖК 266-моддасида** назарда тутилган жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

Бундай хавфсизлик техникасини бузиш ҳоллари машина юриб кетаётганида ҳам юз бериши мумкин, масалан, автокран ҳайдовчиси илгакка илинган юкни бир жойдан бошқа жойга кўчираётганда уни силкитиб юборади ва ишчининг баданига оғир шикаст етказди. Бунда ҳаракат хавфсизлиги ва фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари бузилмагани сабабли **ЖК 266-моддаси** бўйича жавобгарлик истисно этилади, айбдорнинг ҳаракатлари эса ЖК 257-моддаси (Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш)га биноан квалификация қилинади.

Агар транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш содир этилмаган, лекин баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш сифатидаги оқибатлар юз берган бўлса, бу бахтсиз

ходиса деб эътироф этилиши лозим.

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш қонунда кўрсатилган баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш сифатидаги оқибатлар юз берган вақтдан эътиборан **туғалланган** деб эътироф этилади (1-қисм).

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузган шахс етказилган зарарли оқибатлар учун қоидабузарлик билан оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлган ҳолдагина жавобгар бўлади. Қоида умуман бузилмаган тақдирда бундай боғланиш истисно этилади (масалан, пиёда ўз эҳтиётсизлиги туфайли автомашинанинг орқа ғилдираги остига тушиб қолади ёки ўзини ўзи ўлдириш мақсадида атайлаб ўзини машина тагига ташлайди). Ҳаракатланаётган транспорт билан жабрланган шахс ўртасида жисмоний боғлиқлик мавжудлиги ҳали кўриб чиқиляётган тоифадаги жиноятларда норматив хусусият касб этувчи сабабий боғланиш мавжудлигидан далолат бермайди.

Нормативлик туфайли сабабий боғланиш жисмоний боғлиқлик умуман рўй бермаган ҳолларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Ҳайдовчи ўз нотўғри ҳаракатлари билан тўғри ҳаракатланишга халақит бериши натижасида ҳаракатнинг бошқа иштирокчилари учинчи шахсларга зарар

етказишга мажбур бўлган ҳолда ҳам етказилган зарар учун жавобгар бўлади. Масалан, қарама-қарши йўналиш қаторига чиқиб олган ҳайдовчи рўпарадан келаётган транспорт ҳайдовчиси учун тўсиқ пайдо қилади, у тўқнашишнинг олдини олиш ёки тўхташ имкониятига эга бўлмай, йўл четидаги пиёда ни уриб юборади. Бунда биринчи ҳайдовчи оқибатлар учун жавоб бериши лозим. Бу ҳолда иккинчи ҳайдовчининг ҳаракатлари охириги зарурат қоидаларига кўра ёки айбсиз ҳолда зарар етказиш (казус) сифатида баҳоланади.

Баъзан ҳайдовчининг зарарли оқибатлар билан бевосита боғлиқ бўлган ҳаракатлари ҳаракат бошқа иштирокчиларининг қоидабузарлиги билан белгиланган бўлишига қарамай, ушбу оқибатларнинг сабаби сифатида амал қилиши мумкин. Йўл ҳаракати қоидаларида, хусусан, қоидабузарликларнинг олдини олиш талаблари мавжуд. Масалан, уларда ҳайдовчи бошқа шахслар томонидан йўл қўйилган ўзга қоидабузарликларга нисбатан қандай иш тутиши кераклиги кўрсатилган. Бу талаблар бузилган бўлса, айбдор етказилган зарар учун жавобган бўлиши лозим. Хусусан, қарама-қарши транспорт воситаси чироғидан кўзи камшиб, пиёда ни уриб юборган ҳайдовчи **ЖК 266-моддаси** бўйича жавобгар бўлиши керак.

Сабабий боғланиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда ҳайдовчида зарарли оқибатнинг олдини олиш техник

имконияти мавжуд бўлгани ёки бўлмагани ҳисобга олинади. Бундай имконият бўлмаган ва хавфли вазиятни у эмас, балки ҳаракатнинг бошқа иштирокчилари келтириб чиқаргани аниқланган бўлса, ЖК 266-моддаси бўйича жавобгарлик истисно этилади. Ҳайдовчи кўзи қамашиб пиёда ни уриб юборган ҳолда унинг ҳаракатлари, агар у машинани тўхтатиш ёки четга буриб юбориш техник имкониятига эга бўлмаган бўлса, юз берган оқибатларнинг сабаби ҳисобланмайди. Агар хавфли вазиятни унинг ўзи келтириб чиқарган (ошиқча тезлик билан, тақиқловчи белгига қарамай ҳаракатланган) бўлса, зарарли оқибатларнинг олдини олиш учун техник имконият мавжуд бўлмагани юридик аҳамиятга эга эмас.

Кўриб чиқиладиган жиноят **субъектив томондан** юз берган оқибатларга нисбатан айбнинг **эҳтиётсизлик** шакли билан тавсифланади. Шахс транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузатириб, бу инсон соғлиғига оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиши мумкинлигини англайди, бироқ уларнинг олдини олишига асоссиз равишда ишонади (**ўз-ўзига ишониш**); транспорт воситасини бошқараётган шахс транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузар экан, қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига кўзи етмаган, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлган (**жиноий**

бепарволик). Бунда транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг ўзи қасддан ёки эҳтиётсизлик орақасида бузилиши мумкин.

Қасддан зарар етказиш (масалан, ўч олиш мақсадида пиёдани уриб юбориш) шахсга қарши жиноятни ташкил этади. Агар айбдор транспорт воситасидан фойдаланиб жамоат тартибини бузган бўлса, қилмиш қўшимча тарзда безорилик сифатида квалификация қилиниши мумкин.

Жиноятнинг **мотиви ва мақсади** қилмишни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

Транспорт воситасини бошқараётган ва ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс жиноят **субъекти** бўлиши мумкин. Бунда у транспорт воситасини ўзбошимчалик билан ёки бировнинг рухсати билан бошқаргани, унда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома бор-йўқлиги аҳамиятга эга эмас. Аммо бу ҳолда транспортни бошқариш бошқа шахсларга берилишига йўл қўйган автомашина эгалари жавобгарликка тортилиши керак.

Жиноят субъекти сифатида ҳарбий хизматчилар ҳам эътироф этилиши лозим, башарти, улар ноҳарбий транспорт воситаси ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузган бўлсалар, акс ҳолда уларнинг ҳаракатлари ЖК 298-моддаси (Машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) бўйича квалификация

қилиниши лозим.

Суд-тергов амалиётида транспорт воситаси ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари ҳайдовчи-инструктор ва шогирд томонидан бузилиши натижасида зарарли оқибатлар келиб чиққан ҳолларни квалификация қилишда муайян қийинчиликлар туғилади. Умумий қоидага биноан амалиёт чоғида икки томонлама бошқариладиган автомобилда шогирд томонидан содир этилган авария учун инструктор жавобгар бўлади. Агар жиноят шогирд томонидан у инструктор кўрсатмаларини онгли тарзда бажармагани ва махсус қоидаларни қўпол равишда бузгани натижасида содир этилгани аниқланса, **ЖК 266-моддасига** биноан шогирд жавобгар бўлади.

Жабрланувчига йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ҳаёт учун хавfli бўлмаган енгил тан жароҳати етказилган ёки у бевосита йўл-транспорт ҳодисаси вақтида ҳалок бўлган ёки айбдор унга ёрдам бериши шарт бўлгани ҳолда, унинг ўзининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғилган бўлса, яъни у ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлган бўлмаса, **ЖК 117-моддасида** назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқмайди.

Транспорт воситаси ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, агар у одам ўлимига олиб келган бўлса, **ЖК 266-моддасининг 2-қисмига** биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

Транспорт воситаси ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолларда жинойт **ЖК 266-моддаси 3-қисмига** биноан квалификация қилинади.

ЖК 266-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган **ҳалокат** деганда атроф муҳит, одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган, одамлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, шунингдек жамоат транспорти (автобус, троллейбус ва ҳ.к.) аварияси тушунилади.

“Бошқа оғир оқибатлар” деганда йўл-транспорт ҳодисаси натижасида одам ўлиши билан бирга яна бир қанча кишининг оғир тан жароҳатлари олиши, поезд, кема ёки самолётлар узоқ муддатга ишдан чиқиши, ташилаётган юкларга жуда кўп миқдорда зиён етказилиши, атрофдаги турар жой бинолари ва бошқа иншоотларнинг бузилиши (портлаши, ёниб кетиши, қулаши), шунингдек улар билан боғлиқ бўлган жуда кўп миқдорда зиён етказиш ҳоллари тушунилади. (Судлар муайян иш ҳолатларидан келиб чиқиб, жинойий натижага оғир оқибатларга олиб келган деб ҳуқуқий баҳо бериши мумкин, бунда ўз хулосаларини ҳукмда

асослантириш талаб этилади).

Шуни эътиборга олиш лозимки, ЖК бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, транспорт воситаси ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши натижасида содир этилган жиноят белгилари мавжуд бўлган тақдирда, айбдорнинг қилмиши ЖК 33-моддасининг оғирроқ жазони белгиловчи қисми талабларига мувофиқ квалификация қилиниши лозим.

Шу билан бир вақтда, жиноят диспозицияда кўрсатилган оқибатлар мавжуд бўлган ҳолда тугалланган деб эътироф этилишини ҳисобга олиб, турли вақтда содир этилган транспорт ҳодисалари алоҳида-алоҳида квалификация қилиниши лозим.

Транспорт воситаси ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузган, бу ҳодиса натижасида ҳаёти хавф остида қолган ва ўзини ўзи асраш чораларини кўриш имкониятидан маҳрум бўлган жабрланувчига ёрдам кўрсатмаган шахснинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 117-моддасининг тегишли қисмига биноан квалификация қилиниши лозим.

Агар шахс транспорт воситаси ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузмаган, лекин жабрланувчининг ҳаётини хавф остида қолдирган, ўзининг ҳайдовчилик вазифаларини бажармаган ва ҳодиса юз берган

жойни тарк этган ёки ҳодиса юз берган жойда бўлган бошқа шахслар ҳаёти хавф остида қолган ва ўзини ўзи асраш чораларини кўриш имкониятидан маҳрум бўлган жабрланувчига ёрдам кўрсатишига умид қилиб, унга ёрдам кўрсатмасдан жўнаб кетган бўлса, бу ҳолатлар уни ЖК 117-моддаси (Хавф остида қолдириш)да назарда тутилган жавобгарлик ва жазодан озод қилиш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди.

Транспорт воситаси ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишни ҳарбий машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузишдан фарқлаш лозим.

Ҳарбий-маиший, махсус ёки транспорт машинасини бошқариш ёки ундан фойдаланиш қоидалари ҳарбий хизматчи томонидан бузилган тақдирда, қилмиш ЖК 298-моддасига биноан квалификация қилиниши лозим. Агар ҳарбий хизматчи ноҳарбий транспорт воситаси ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузган бўлса ёки йўл-транспорт ҳодисаси ноҳарбий шахс ҳарбий машинани бошқариш чоғида йўл ҳаракати қоидаларини бузиши натижасида юз берган бўлса, бу қилмиш **ЖК 266-моддасига** биноан квалификация қилиниши лозим.

8-§. Транспорт воситасини олиб қочиш (ЖК 267-моддаси)

Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** йўл ҳаракати соҳасидаги механик транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигидир. **Қўшимча бевосита объект** сифатида ўзганинг мулки хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар, шунингдек транспорт воситасини олиб қочиш чоғида зўрлик ишлатилган ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитилган ҳолда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар амал қилиши мумкин.

ЖК 264-моддасида кўзда тутилган транспорт воситаларидан ташқари, барча транспорт воситалари жиноят **предмети** ҳисобланади.

Мазкур жиноятнинг предмети ҳақида батафсилроқ ЖК 261-моддасининг таҳлилига қаранг.

ЖК 267-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** транспорт воситасини олиб қочишдан иборат.

Олиб қочиш транспорт воситасини қонунга хилоф равишда эгаллаш, яъни ўғирлаш мақсадисиз қўлга киритиш ва бошқа жойга етказишдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми транспорт воситаларини ҳайдаб қочиш деганда ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини ўзлаштириш мақсадисиз уни

турган жойидан бошқа жойга олиб қочишни тушуниш кераклигини қайд этади.

Қонунга хилофлик шахснинг транспорт воситасидан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва уни тасарруф этишга оид ҳеч қандай ваколати йўқлигидан далолат беради. Олиб қочишга транспорт воситасига қонунга хилоф равишда эга бўлиб олиш хос бўлиб, бунда ундан масъул бўлмаган субъектларнинг фойдаланишига имконият туғилади.

Эгаллаб олиш ҳам яширин, ҳам очикдан-очик бўлиши мумкин. Жиноятни квалификация қилишда эгаллаб олиш усули аҳамиятга эга эмас. Олиб қочиш тушунчаси хусусияти ва энергия манбаидан қатъи назар транспортда юришни, уни бир жойдан бошқа жойга кўчиришни ҳам қамраб олади.

Транспорт воситаларини олиб қочиш транспорт воситаси ҳар қандай усулда (автомобилни бевосита бошқариш, итариш, шатакка олиш йўли билан ва ш.к.) ҳаракатга келтирилган пайтдан эътиборан **тугалланган** жиноят деб эътироф этилади. Бунда автомобилни бир жойдан бошқа жойга кўчириш учун сарфланган вақт ҳамда айбдор транспорт воситасини кўчириб улгурган масофа жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

Айрим ҳаракатлар, масалан, шахс транспорт воситасининг кабинасига кириши, двигателни юрғизишга ҳаракат қилиш транспорт воситасини олиб қочишга қасд

қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

Субъектив томондан жиноят **тўғри қасд** билан амалга оширилади. Айбдор автомобиль ёки бошқа транспорт воситасини қонунга хилоф равишда эгаллаб олаётганини англайди, бунинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етади ва унинг юз беришини истайди.

Транспорт воситаларини олиб қочиш билан боғлиқ қилмишларни тўғри квалификация қилиш учун жиноят мотивлари ва мақсадларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Судлар бундай жиноятларга доир ишларни кўраётиб, ҳар бир муайян ҳолда олиб қочиш нима мақсадда амалга оширилганини аниқлашлари лозим. Агар транспорт воситасини ўғирлаш мақсади бўлгани исботланган бўлса, айбдор шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг ўзгалар мулкини талон-торож қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган тегишли моддалари бўйича квалификация қилинади. Бундай ҳолларда қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича **ЖК 267-моддаси** билан бирга квалификация қилиш талаб этилмайди, чунки бунда олиб қочиш ўғирлаш усули (воситаси) ҳисобланади.

Транспорт воситасини олиб қочишни уни ўғирлашдан фарқлашда бир қанча ҳолатларни ҳисобга олиш лозим.

Жумладан, транспорт воситаси олиб қочилганда, ундан фойдаланиш имконияти бўла туриб, транспорт воситаси

ташлаб кетилгани ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар уни ўғирлаш мақсади мавжуд бўлмаганидан далолат берувчи ҳолатлар деб эътироф этилиши лозим.

Транспорт воситасини ўғирлаш мақсади мавжуд бўлганидан қуйидаги ҳолатлар дарак бериши мумкин: транспорт воситасининг ташқи кўринишини ўзгартириш (устидан бўяш, рақамини ўзгартириш, қайтадан кузов қилдириш ва бошқа ўзгартиришлар), фойдаланишга оид қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш; транспорт воситасини сотиб юбориш; баъзи қисмларини сотиш, узоқ вақт фойдаланиш ва ҳ.к.

Ўн тўрт ёшга тўлган, транспорт воситасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ваколатларига эга бўлмаган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс транспорт воситасини олиб қочишнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

ЖК 267-моддасининг 2-қисмида:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган транспорт воситасини олиб қочиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Мазкур тавсифловчи белгиларга эга бўлган жиноятларни квалификация қилиш хусусиятларини биз юқорида ЖК 247 ва 248-моддаларининг таҳлилида кўриб чиқдик.

ЖК 267-моддасининг 3-қисмида:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан;

в) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган транспорт воситасини олиб қочиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноят ҳақида ЖК 247-моддасининг таҳлилига қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг шарҳига кўра, “**уюшган гуруҳ** деганда транспорт воситаларини олиб қочиш ёки бошқа жиноятларни содир этиш мақсадида икки ёки ундан кўп шахсларнинг барқарор бирлашмаси тушинилиши керак.

Жумладан, жиноий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жиноий қасдни амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини таъминлаш, гуруҳда ўрнатилган интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсунушлик жиноий гуруҳнинг уюшганлигидан далолат беради.

Айбланиш фикрида ва суд ҳукмида айнан қандай асосларга кўра жиноий гуруҳ уюшган деб топилганлиги кўрсатилган бўлиши шарт.

Уюшган гуруҳ таркибида транспорт воситасини олиб кочишда қатнашган шахсларнинг ҳаракатлари, уларнинг ҳар бирининг ролидан қатъи назар, иштирокчилик деб топилиши лозим”.

ЖК 267-моддаси 3-қисмининг “в” банди маъносида **зўрлик ишлатиш** деганда жабрланувчига ҳар қандай оғирликда тан жароҳати етказишни тушуниш лозим. Бунда айбдор шахснинг ҳаракатлари шахсга қарши тегишли жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган моддаларга биноан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда жабрланувчига ҳар қандай оғирликда тан жароҳати етказиш билан қўрқитишни тушуниш лозим. Бунда ҳам қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 112-моддаси (Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш)га биноан квалификация қилиш талаб этилмайди.

9-§. Транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш (ЖК 268-моддаси)

Жиноятнинг асосий бевосита объекти темир йўл, сув, ҳаво транспорти, автотранспорт ва шаҳар

электротранспорти хавфсиз ишлашени таъминловчи ижтимоий муносабатлардир. Мазкур жиноятнинг **қўшимча бевосита объекти** – фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, уларнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар.

ЖК 268-моддасида назарда тутилган жиноят **объектив томондан** ЖК 261-263, 265 ва 266-моддаларида белгиланган шахслардан ташқари йўловчилар, пиёдалар, велосипед ҳайдовчилари, от-улов транспорти ҳайдовчилари ёки бошқа турдаги ҳаракат қатнашчилари томонидан барча турдаги транспорт воситалари ҳаракати ёки фойдаланиш хавфсизлигининг бузилиши натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир тан жароҳатлари етказишдан иборат.

Транспортнинг хавфсиз ишлашени таъминлашга доир қоидаларга транспорт воситаларини бошқарувчи шахсларгина эмас, балки йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилари ҳам риоя қилишлари лозим.

ЖК 268-моддаси диспозицияси бланкет (ҳаволаки) бўлиб, жиноят белгиларини аниқлаш учун транспорт воситалари ҳаракати ёки шу транспорт воситаларидан фойдаланиш жойларида (261-263, 265 ва 266-моддаларида белгиланган шахслардан ташқари) йўловчилар, пиёдалар, ҳаракатнинг бошқа қатнашчилари ҳаракати қоидаларини белгиловчи махсус қоидаларга мувофиқ қилиш зарур. Ушбу

қоидалар темир йўл, сув, автомобиль ёки бошқа турдаги транспорт воситаларининг (қувур йўли транспортдан ташқари) идоравий норматив ҳужжатларида берилган.

Ҳаракат хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ҳаракат қатнашчиларига тақдим этиладиган транспорт воситаларининг ҳаракати ва фойдаланиш хавфсизлигини таъминловчи талаблар бажарилмаганидан далолат беради.

ЖК 268-моддаси маъносида **ҳаракат хавфсизлиги ёки барча турдаги транспортдан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши** темир йўл ёки бошқа йўллари белгиланмаган жойларда кесиб ўтиш, тақиқловчи сигналлар остида йўловчининг ўзбошимчалик билан аэродромнинг учув-қўнув майдонига чиқиши, стоп-кранни юлиб олиш ва шу тариқа темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини тўхтатиш, транспортда ўзгалар учун кириш тақиқланган жойларга (масалан, пилот кабинасига) киришда ифодаланиши мумкин.

Кўриб чиқилаётган жиноятнинг аниқ кўринишлари турлича бўлиши мумкин, шу туфайли уларнинг тўлиқ рўйхатини беришнинг иложи йўқ. Қонунда белгиланган қоидалар кўпинча йўллари белгиланмаган жойларда кесиб ўтувчи, ҳаракатланаётган транспортга яқин бўлган жойларда бирданига пайдо бўлувчи пиёдалар томонидан бузилади.

Транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузишга доир жиноят ишларини кўриб чиқиш ва

тергов қилишда айбдор томонидан айнан қандай қоидалар бузилганини ва бу нимада ифодаланганини аниқлаш лозим.

ЖК 268-моддасида назарда тутилган жиноят қонунда кўрсатилган баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш сифатидаги оқибатлар юз берган вақтдан эътиборан **туғалланган** деб эътироф этилади (1-қисм).

Йўловчи, пиёда, велосипедчи, аравани бошқарувчи шахс томонидан ҳар қандай турдаги транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигининг бузилиши билан ижтимоий хавфли оқибатларнинг юз бериши ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги жиноят объектив томонининг муқаррар белгисидир.

Субъектив томондан жиноят эҳтиётсизлик орқасида содир этилади ёки **айбнинг мураккаб шакли** билан тавсифланади. Шахс транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши натижасида ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини англайди, бироқ уларнинг олдини олишига асоссиз равишда ишонади (**ўз-ўзига ишониш**) ёки ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлади (**жиноий бепарволик**).

Транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларнинг ўзи **қасдан** ёки **эҳтиётсизлик орқасида**

бузилиши мумкин.

Транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш **субъекти**, модда диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилганидек, махсус субъектдир. Булар жавобгарлиги ЖК 261-263, 265, 266-моддаларида назарда тутилган шахслардан ташқари, пиёдалар, арава ҳайдовчилари, велосипедчилар, тиркамали аравачалар, чана, болалар ва ногиронлар кажаваларини олиб юрган, ўн олти ёшга тўлган шахслардир.

Арава ҳайдовчиларининг ҳаракатлари кўриб чиқиладиган модда бўйича фақат улар томонидан ҳаракат хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши механик транспорт воситаси билан йўл-транспорт ҳодисаси юз беришига олиб келгандагина квалификация қилиниши мумкин. Бошқа барча ҳолларда (масалан, пиёдани уриб кетиш) уларнинг **ЖК 268-моддаси** бўйича жавобгарлиги истисно этилади.

Агар транспорт воситалари ҳаракати ва фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши бир неча транспорт воситалари ҳайдовчилари ёки йўл ҳаракати бошқа қатнашчиларининг жиноий ҳаракатлари билан сабабий боғланишда бўлса, уларнинг барчаси ЖКнинг тегишли моддаларига биноан жавобгарликка тортилиши лозим.

“Ҳаракат қатнашчиси” атамасини кенг талқин қилиш мумкин эмас. Уларга ҳаракатни назорат қилувчи милиция

ходимларини, “назорат қилувчи” тушунчасини ўз ичига олувчи бошқа шахсларни, йўл қурилиши (ўтиш қисмини таъмирлаш, белгилар қўйиш, қор тозалаш ва ҳ.к.) билан боғлиқ бўлган шахсларни киритиш мумкин эмас. Бу шахсларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари тегишли идоравий йўриқномалар билан белгиланади. Мазкур йўриқномаларнинг талаблари Йўл ҳаракати қоидаларига асосланган бўлиб, уларга зид келиши мумкин бўлмаса-да, лекин мустақил хусусият касб этади.

ЖК 268-моддасининг 2-қисмида одам ўлишига сабаб бўлган транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

ЖК 268-моддасининг 3-қисмида:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Мазкур жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилар биз юқорида транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши бошқа жиноятларнинг таҳлили чоғида кўриб чиққан жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилар билан айнийдир.

10-§. Автомобиль йўлларида фойдаланиш ва уларни

кўриқлаш қоидаларини бузиш (ЖК 269-моддаси)

Жиноятнинг асосий бевосита объекти – автомобилотранспорт ва шаҳар электротранспортининг хавфсиз ишлашини таъминловчи ижтимоий муносабатлар. **Жиноятнинг қўшимча бевосита объекти** – фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, уларнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар.

Кўриб чиқилаётган моддада назарда тутилган жиноятнинг **предмети** автомобиль йўллари дир.

Автомобиль йўли – транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган, уларнинг белгиланган тезликда, оғирликда, ўлчамларда муттасил ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган муҳандислик иншоотлари мажмуаси, шунингдек ушбу мажмуани жойлаштириш учун берилган ер участкалари ва мажмуа устидаги белгиланган доирадаги бўшлиқ.

Жиноят **объектив томондан** автомобиль йўллари дан фойдаланиш ва уларни кўриқлаш қоидаларини бузишда ифодаланади, яъни ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келган автомобиль йўллари да ва шу йўллар учун ажратилган минтақада ер ости ва ер усти коммуникацияларини тегишли рухсатсиз таъмирлаш, бу ишларни бажаришнинг белгиланган шартлари ва

муддатларига риоя қилмаслик, ўзбошимчалик билан арқлар, тўсиқлар, шлагбаумлар ёки бошқа иншоотларни ўрнатиш, йўлларга материал ва бошқа нарсаларни уйиб қўйиш, йўл устини бузиш билан тавсифланади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, ЖК 269-моддаси 1-қисмида келтирилган автомобиль йўлларидадан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузишлар рўйхати узил-кесил ҳисобланади.

ЖК 269-моддасида назарда тутилган жиноят қонунда кўрсатилган баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш сифатидаги оқибатлар юз берган вақтдан эътиборан **тугалланган** деб эътироф этилади (1-қисм).

Кўриб чиқиладиган модда диспозициясида назарда тутилган бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш билан ижтимоий хавfli оқибатларнинг юз бериши ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги жиноятнинг муқаррар белгисидир.

Субъектив томондан жиноят эҳтиётсизлик орқасида содир этилади ёки **айбнинг мураккаб шакли** билан тавсифланади. Автомобиль йўлларидадан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузиш **қасдан** ёки **эҳтиётсизлик орқасида** бузилиши мумкин. Бунинг натижасида юз берган ижтимоий хавfli оқибатларга айбдорнинг руҳий муносабати фақат жиноий **бепарволик** ёки

Ўз-ўзига ишонишда ифодаланиши мумкин.

Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс жиноят **субъекти** бўлиши мумкин.

ЖК 269-моддасининг 2-қисмида одам ўлишига сабаб бўлган автомобиль йўлларида фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

ЖК 268-моддасининг 3-қисмида:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган автомобиль йўлларида фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Кўрсатилган жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилар биз юқорида ушбу бобга кирувчи бошқа жиноятларнинг таҳлили чоғида кўриб чиққан жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилар билан айнийдир.

**“Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш
хавфсизлигига қарши жиноятлар” мавзусига яқуний
саволлар**

1. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш сифатида тавсифланадиган жиноий қилмишнинг объектив томони

қайси белгилардан таркиб топади? Мазкур жиноят содир этилиши натижасида юз берган оғир оқибатларга нималар киради?

2. ЖК 261-моддаси (Маст ҳолдаги шахснинг транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиш)да назарда тутилган жиноят субъекти ким бўлиши мумкин?

3. Транспортни таъмирлаш ёки уни фойдаланишга чиқариш қоидаларини бузиш нимада акс этади? Мазкур жиноят субъекти махсус субъект ҳисобланадими?

4. Транспорт воситаси ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолатга келтириш усуллари қандай?

5. Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш деганда нима тушунилади? Мазкур жиноят қандай оғир оқибатларга сабаб бўлади?

6. Халқаро учиш қоидаларини бузишнинг объектив томони қандай қилмишлар билан белгиланади?

7. Қандай ҳолларда транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноят қонунида назарда тутилган жазога лойиқ қилмиш ҳисобланади? Ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш нимада намоён бўлади?

8. Транспорт воситасини олиб қочиш учун ким жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас?

9. Ким ЖК 268-моддаси (Транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш)да назарда тутилган жиноят субъекти бўлиши мумкин?

10. Автомобиль йўлларида фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузиш нимадан иборат? Мазкур жиноят учун жиноий жавобгарликнинг келиб чиқиш шартлари қандай?

III БОБ. ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШДАН ИБОРАТ ЖИНОЯТЛАР

ЖКнинг бу бобига киритилган жиноятлар гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан муомала қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни қўриқлашга қаратилган. Бу нормаларнинг мақсади улар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши ҳаракат қилиш, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва давлат хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Шунини қайд этиш

лозимки, Ўзбекистон Республикасида 1999 йил 19 августда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” 813-И-сон Қонун қабул қилинган. Бу Қонун мазкур қўриқланувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Агар бу муносабатларни бузиш жиноят-ҳуқуқий қонунбузарлик (жиноят) даражасига етган бўлса, айбдор шахс ЖК нормаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилади.

1-§. Тақиқланган экинларни етиштириш (ЖК 270-моддаси)

Жиноятнинг **бевосита объекти** сифатида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг асосий турларига ва аввало Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (I рўйхат)га киритилган таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштиришга бўлган давлат монополиясини таъминловчи ижтимоий муносабатлар амал қилади. Жиноятнинг **қўшимча объекти** сифатида аҳоли саломатлиги хавфсизлиги амал қилиши мумкин.

Кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар

бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш ЖК 270-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **предмети** ҳисобланади.

Кўкнорнинг икки шакли: уруғларида осон қурийдиган мой мавжудлиги билан тавсифланадиган **мойлик кўкнор** ва гиёҳвандлик воситалари бозорига маҳсулот берадиган **кўкнор** фарқланади.

Каннабис – нашанинг гашиш олинадиган нави (жумладан, нашанинг Ҳиндистон, Жанубий Чуй, Краснодар ва бошқа турлари)га мансуб экин. Ботаника соҳасидаги мутахассислар кўкнор ўсимликлари оиласида кўкнорнинг уч тури: оддий ёки экма кўкнор, ҳинд кўкнори ёки гашиш ва ёввойи кўкнор мавжуд деб ҳисоблайдилар. Бунда гиёҳвандлик воситаси хоссаларига кўп миқдорда тетрагидроканнабинол (ТГК)дан иборат бўлган охириги икки тури эга.

Таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган бошқа ўсимликлар қаторига кока бутаси; кока барглари; кактус оиласига мансуб бўлган, мескалин қабилидаги изохинолин алкалоидлардан иборат ўсимликлар; эрголин гуруҳига кирувчи алкалоидлардан иборат вьюнк оиласига мансуб ўсимликлар; хом ашёси эфедрин олиш учун ишлатиладиган эфедр оиласига мансуб ўсимликлар, шунингдек таркибида псилоцибин ва (ёки) псилоцин мавжуд

бўлган ҳар қандай турдаги замбуруғлар киради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, наркоген фаоллик билан тавсифланувчи ўсимликларнинг жами икки юздан ортиқ тури бор.

(ундан кокаин олинади) ва таркибида гиёҳванд ёки психотроп моддалари бўлган бошқа экинларни киритиш мумкин. Бу экинлар гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар концентрацияси кўплиги билан фарқланиб, шу сабабли экинлар ёки уларнинг қисмлари Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш давлат комиссияси белгилаган ҳолда гиёҳванд восита деб топилади. Бу экинларни етиштириш фақат фармацевтика саноатида ёхуд илмий мақсадларда амалга оширилиши мумкин.

Ҳар бир муайян ҳолда экинларнинг таркибида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар бўлган экинларга тегишлилигини аниқлашда судлар бу тоифадаги ишларни кўришда Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар рўйхатига амал қилишлари, зарур ҳолда Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш давлат комиссияси томонидан тасдиқланган услубларга мувофиқ олинган экспертиза хулосасига асосланишлари керак.

“...гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишни назарда тутган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд-химиявий

экспертизаларни ўтказиш айбдорликни исботловчи муҳим мезонлардан бири ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кодексининг 173-моддасига мувофиқ, восита ёки моддани наркотик ёхуд психотроп деб эътироф этиш учун бундай экспертизалар қайд этилган туркумдаги барча ишлар бўйича ўтказилиши зарур.

Бу турдаги экспертизаларни ҳал этиши учун қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

олинган модда наркотик ҳисобланадими ва қайси турга киради, зарур ҳолларда эса унинг ушбу моддадаги таркиби неча фоизни ташкил қилади ва вазни қанча;

нарсада (қандай нарса эканлиги кўрсатилади) гиёҳвандлик воситаларининг излари (микроскоп орқали кўринадиган нишонлари) борми;

ер майдонида (олинган жой кўрсатилади) ўсаётган ўсимликлар қайси турга мансуб ва у таркибида наркотик бўлган ўсимлик ҳисобланадими;

олинган моддалар бир бутунни (бир массани) ташкил этганми;

олинган моддалар тайёрлаш усули (технологияси), сақлаш шароити, фойдаланилган бошланғич хом ашёси, ўсимлик хом ашёсининг кўкариб турган жойи бўйича келиб чиқиши жиҳатидан умумий манбага эгами”.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга

нисбатан муомала қилишнинг махсус ҳуқуқий режими белгиланган. Бундай режим уч мезон: тиббий, ижтимоий ва норматив мезонлар йиғиндиси билан тавсифланувчи воситалар ва моддаларга нисбатан амал қилиши лозим.

Тиббий мезон нуқтаи назаридан гиёҳвандлик воситалари қаторига келиб чиқиши синтетик ёки табиий бўлган, марказий нерв системаси (МНС)га таъсирлантирувчи ёки галлюциноген таъсир кўрсатувчи, шу туфайли нотиббий мақсадларда истеъмол қилинувчи ва руҳий ва (ёки) жисмоний қарамлик вужудга келишига сабаб бўлувчи воситалар киритилади.

Муайян воситани гиёҳвандлик воситалари қаторига киритишда ижтимоий мезонни ҳам ҳисобга олиш лозим. Бу мазкур воситалар қаторига нотиббий мақсадда истеъмол қилиш ҳажмлари кўпайиб ва янада кенг тус олиб бораётган ва бу соғлиқ учун хавфлилиги туфайли у билан муомала қилишнинг алоҳида ҳуқуқий режимини белгилашни тақозо этадиган восита киритилиши лозимлигини англатади. Тиббий ва ижтимоий мезонлар жамулжам ҳолда воситани гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар қаторига киритиш ва буни махсус норматив ҳужжатда мустаҳкамлаш учун асос берадики, бу норматив мезонни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” Қонуни ана шундай

хужжат ҳисобланади. Бу Қонуннинг 3-моддасида “гиёҳвандлик (наркотик) воситалари”, “психотроп моддалар”, шунингдек “прекурсорлар”, “гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари”, “препарат” каби тушунчаларга таъриф берилган.

Гиёҳвандлик (наркотик) воситалари – гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар.

ЖК Махсус қисми VIII бўлими қоидаларига кўра, уларнинг қаторига БМТнинг 1961 йилда қабул қилинган Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги Ягона Конвенцияси (унга “1961 йилги Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги Ягона Конвенцияга тузатишлар киритиш тўғрисида” 1972 йил Протоколига мувофиқ тузатишлар киритилган) I ва II рўйхатларига киритилган моддалар киради.

Психотроп моддалар – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар.

Психотроп моддалар патологик кўникиш уйғотиш ва одамнинг марказий нерв системасига рағбатлантирувчи ёки тушкунликка туширувчи таъсир кўрсатиб, галлюцинациялар уйғотиш ёки мотор функцияси, фикрлаш қобилияти, хулқ-

атвор, идрок ёки кайфиятнинг бузилишига сабаб бўлиш қобилиятига эга. Уларга 1971 йилги Психотроп моддалар тўғрисидаги БМТ Конвенциясининг I, II, III ёки IV рўйхатига киритилган моддалар мансубдир.

Прекурсорлар – прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар.

Уларга 1988 йилги БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлишга қарши кураш тўғрисидаги Вена Конвенциясининг I ва II жадвалига киритилган моддалар мансубдир.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари – кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар.

Препарат – моддаларнинг ҳар қандай физик ҳолатдаги, таркибида битта ёки бир нечта гиёҳвандлик воситалари ёхуд психотроп моддалар бўлган аралашмаси.

Кўрсатилган Қонуннинг 4-моддасига биноан, “Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва

прекурсорлар қуйидаги рўйхатларга киритилади:

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (бундан буён матнда I рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (бундан буён матнда II рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган психотроп моддалар рўйхати (бундан буён матнда III рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган прекурсорлар рўйхати (бундан буён матнда IV рўйхат деб юритилади).

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади ва матбуотда эълон қилинади”.

Мазкур рўйхатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида” 2000 йил 31 июлдаги 293-сон Қарорига 2-5-иловаларда эълон қилинган.

Хусусан, I рўйхатга муомалада бўлиши Ўзбекистон

Республикасида тақиқланган 159 номдаги гиёҳвандлик воситалари киритилган (2-илова). 3-иловада эълон қилинган II рўйхат муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган 61 номдаги гиёҳвандлик воситаларини ўз ичига олади. III рўйхатдан муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган 82 номдаги психотроп моддалар ўрин олган (4-илова). IV рўйхатга (5-илова) муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган 26 прекурсор киритилган бўлиб, шулардан 23 таси – 1988 йилги БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлишга қарши кураш тўғрисидаги Вена Конвенциясининг I ва II жадвалига киритилган кимёвий моддалар, қолган 3 модда (қизил фосфор, пропион ангидрид, таркибида эфедрин бўлган эфедр ўти) мазкур Рўйхатга 1988 йилги БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси 12-моддаси 10-бадининг қоидаларига мувофиқ қўшимча тарзда киритилган.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси эълон қилган мазкур рўйхатлардан ташқари, 1995 йил 1 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш давлат комиссиясининг 13-4-1-сон Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “1961, 1971, 1988 йилги БМТ конвенциялари тавсияларига мувофиқ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар таснифи (рўйхатлари)” (Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш давлат комиссиясининг қарорига 2-илова) маъқулланди. Бу таснифга қуйидагилар киритилган: халқаро рўйхатдан ўтказилмаган номлари ёки амалдаги халқаро конвенцияларда фойдаланилувчи номлари остидаги моддалар; уларнинг изомерлари, башарти улар барча ҳолларда аниқ чиқарилган бўлмаса, бундай изомерлар мазкур моддаларнинг кимёвий формуласи доирасида мавжуд бўлиши мумкин бўлса; бу моддаларнинг мураккаб ва содда эфирлари, улар мавжуд бўлиши мумкин бўлган барча ҳолларда; бу моддаларнинг тузлари, шу жумладан мураккаб эфирлар, содда эфирлар ва изомерларнинг тузлари, бундай тузлар мавжуд бўлиши мумкин бўлган барча ҳолларда; бу моддаларнинг препаратлари, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тасниф I, II, III ва IV жадваллардан иборат.

I жадвал ўта хавфли бўлган ва тиббий мақсадларда фойдаланилмайдиган (гиёҳвандлик ва психотроп) ўсимликлар ва моддаларни, масалан, героин, каннабис, ЛСД ва фақат гиёҳвандлар ишлатадиган бошқа моддаларни ўз

ичига олади. Моддаларнинг бу гуруҳи ўта хавфлилиги, ошиқча дозаланишга сабаб бўлиши ва қарамликни ривожлантириши билан тавсифланади.

II жадвал ўта хавфли бўлган, лекин тиббий мақсадларда қўлланиладиган (гиёҳвандлик ва психотроп) ўсимликлар ва моддаларни, масалан, рақ касаллигига йўлиққанларда оғриқни қолдириш учун қўлланиладиган оғриқ қолдирувчи жуда кучли воситалар (морфин, фортал, долозал, пальфиум ва ҳ.к.)ни ўз ичига олади. Уларнинг қаторига амфетаминлар ва айрим барбитуратлар ҳам киради. Улар кучли қарамликни вужудга келтиргани боис жуда хавфли ҳисобланади.

III жадвалга маълум даражада хавфли бўлган ва тиббий мақсадларда қўлланиладиган (фақат психотроп) ўсимликлар ва моддалар киритилган. Булар транквилизаторлар, антидепрессантлар, тез таъсир кўрсатадиган барбитуратлар ва қарамликнинг вужудга келиши нуқтаи назаридан хавфлилик даражаси ўртача бўлган бошқа кенг қўлланиладиган доривор моддалардир.

IV жадвалга прекурсорлар, яъни гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни тайёрлаш учун ишлатиладиган, 1988 йилги БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенциясида ёки шу Конвенцияга мувофиқ таснифланган

барча моддалар ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш жараёнида ишлатиладиган қолган барча кимёвий моддалар киради. Масалан: героин, кокаин ва ЛСДни тайёрлаш учун зарур бўлган ацетон ва турли кислоталар киради.

ЖК 270-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томонини** тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш ташкил этади.

Етиштириш – таркибида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар бўлган ўсимликларни экиш ва ўстириш.

Етиштиришнинг **қонунга хилофлиги** мазкур турдаги фаолият билан лицензиясиз шуғулланишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” Қонунига мувофиқ таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш давлат монополияси ҳисобланади (6-модда) ва бунга рухсат махсус ваколатли орган белгилаган тартибда, давлат корхоналарига илмий мақсадларда мазкур фаолият тури учун лицензияси бўлган тақдирда берилади (21-модда).

Агар тақиқланган экинларни экиш ёки етиштириш махсус рухсатнома (лицензия)га биноан амалга ошириладиган

бўлса, тақиқланган экинларни етиштириш учун жиноий жавобгарлик истисно этилади. Мазкур фаолият билан шуғулланиш учун лицензияни Ички ишлар вазирлиги беради. Бунда лицензиатга фаолиятни лицензия талаблари ва шартларига қатъий мувофиқ равишда амалга ошириш мажбурияти юкланади (“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” Қонуннинг 21-моддаси).

Етиштирилиши тақиқланган ўсимликларни **экиш** деганда тегишли рухсатсиз ҳар қандай ер майдонида, шу жумладан бўш ётган ерга ман этилган экин уруғини сепиш ва кўчатини ўтказишни англамоқ лозим. Ушбу жиноят ўсимлик униб чиққан-чиқмаганлиги ёки ўсган-ўсмаганлигидан қатъи назар, экин экилган пайтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

Уруғлар сотиб олиш, уларни етилиш босқичигача ўсмайдиган даражада тупроқдан ташқарида ёки кам миқдордаги тупроқда ундириш (кўчат етиштириш) тақиқланган экинларни етиштиришга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши лозим.

Тақиқланган экинларни **етиштириш** деганда экилган вақтдан бошлаб пишиш босқичигача бўлган давр ичида уларни парвариш қилиш (суғориш, чопиқ қилиш, ўғитлаш ва ҳ.к.)ни тушуниш керак. Бу ҳаракатлар ҳам экинлар пишиш босқичига етган-етмаганлиги, ҳосил ўриб олинган-

олинмаганлигидан қатъи назар, **тугалланган** жиноят таркибини ташкил этади.

Тақиқланган экинларни экиш ва етиштириш деганда таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган экинларни етиштириш технологиясини такомиллаштириш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамлилигини кучайтириш, янги навларни яратиш, ёввойи ўсимларни парвариш қилиш (суғориш, чопиқ қилиш) каби ҳаракатларни ҳам тушуниш лозим.

Шахс мазкур модда бўйича жавобгарликка тортилиши учун тақиқланган экин экилган жой (томорқа, корхона, ташкилот ери, эгасиз ерлар), айбдор бундай экинларни ўзи учун ёки ўзга шахслар учун етиштиргани, шунингдек экинларнинг кейинги тақдири (улардан истеъмол қилишга тайёр гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар тайёрлангани, тола, мой, хўжалик эҳтиёжлари учун уруғлар олингани ва ш.к.) аҳамиятга эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўзининг “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарорида шундай кўрсатма берган: “Айбдорнинг ҳаракатлари экин майдони ўлчамидан келиб чиққан ҳолда ЖК 270-моддасининг тегишли қисмлари билан квалификация қилинади, бунда ушбу

модданинг 1-қисми билан квалификация қилиш учун экин майдонининг ўлчами 250 квадрат метргача бўлиши кўзда тутилади.

...Шахс етиштирилиши тақиқланган ўсимликларни турли майдонларда ўстираётган бўлса, унинг ҳаракатларини квалификация қилишда жами экин майдонидан келиб чиқмоқ лозим.

Агар етиштирилиши тақиқланган ўсимликларни экиш ва етиштириш келгусида наркотик моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, шунингдек ўтказиш ёки сотиш билан боғлиқ бўлса, бундай ҳаракатлар ЖК 270-моддаси ва тегишли моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилинмоғи даркор”.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган экин ёки психотроп экинлар ёки ўсимликларни қонунга хилоф равишда етиштираётганлигини англайди ва мазкур ҳаракатларни амалга оширишни хоҳлайди.

Жиноятни содир этиш **мақсади** айбдорнинг ҳаракатларини квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас. Жиноятнинг **мотивлари** ҳам ҳар хил бўлиши мумкин ва қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний

шахс **ЖК 270-моддасида** назарда тутилган жиноят **субъекти** бўлиши мумкин. Бу хусусий шахс бўлиши ҳам, мансабдор шахс бўлиши ҳам (масалан, қишлоқ хўжалик ташкилотлари, корхоналарнинг раҳбарлари) мумкин.

ЖК 270-моддасининг 2-қисмида:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўртача катталиқдаги экин майдонида содир этилган тақиқланган экинларни етиштириш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Тақиқланган экинларни етиштирган шахс илгари ЖК 127-моддаси (Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш) 2-қисмида ёки 3-қисми “а”, “б”, “в” бандларида, ЖК 270-276-моддаларда белгиланган жиноятлардан бирини содир этган бўлса, унинг бу қилмиши судланганлик факти, илгари содир этилган жиноят муддатининг ўтиш вақти тугамаганлиги, қонунда белгиланган тартибда судланганлик бекор қилинмаган ва олиб ташланмаганлигидан қатъи назар, шарҳланаётган модданинг 2-қисми “а” банди бўйича квалификация қилиниши лозим.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил

бириктириш таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштиришда икки ёки ундан ортиқ шахс қасддан иштирок этишини англатади, бунда тил бириктириш жиноий фаолиятга киришишдан олдин амалга оширилган бўлиши лозим.

Ўртача катталиқдаги майдонда тақиқланган экинларни етиштириш деганда 250 квадрат метрдан 1000 квадрат метргача майдонда мазкур экинларни экиш ёки уларни ўстириш тушунилади. Бунда ер майдони ҳажми амалда фойдаланилган майдондан, яъни етиштирилиши тақиқланган экинлар амалда ўсаётган ёки уруғи экилган майдоннинг ўзидан келиб чиқиб аниқланиши керак. Экинлар етиштирилаётган ер майдонига гиёҳванд ўсимликлар ёки уларнинг уруғлари мавжуд бўлмаган майдонларни қўшиш мумкин эмас, бу қонунга зиддир. Бундай ҳолда тақиқланган экин етиштирилаётган умумий ер майдонини аниқлашда амалда экилган жами экин майдонидан келиб чиқиш лозим.

Агар айбланувчи тақиқланган экинларни турли майдонларда етиштирган бўлса, тергов ва суд органлари таркибида наркотик модда бўлган ўсимликларни етиштириш мақсадини аниқлаши керак. Агар айбланувчи камида икки марта шу ўсимликларни турли вақт, турли майдонларда эккан ёки етиштирган бўлиб, яна жиноят содир этишга қасд қилган

бўлса, унинг қилмиши **ЖК 270-моддаси 2-қисми “а”** банди билан ёки экин майдонига қараб шу модданинг тегишли банди ва қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Экин майдони ҳажмини аниқлашда нафақат охириги экин майдони ҳажми, балки бундан олдинги майдон ҳажмларини ҳам эътиборга олиш керак. Агар жиноят субъекти бир вақтда икки ёки ундан ортиқ майдонларда тақиқланган экинларни экиб, булар учун умумий қасдга эга бўлса, унинг қилмиши **ЖК 270-моддаси 2-қисмининг “а”** билан қўшимча квалификация қилинмайди, чунки у ягона давомий жиноятни ташкил этади ва унинг қилмиши экин майдони ўлчамидан келиб чиқиб квалификация қилиниши лозим.

Агар экин майдонининг умумий катталиги 250 квадрат метрдан кам бўлса, айбланувчининг қилмиши таҳлил қилиланаётган модданинг биринчи қисми бўйича квалификация қилинади.

ЖК 270-моддасининг 3-қисмида:

- а) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб;
- в) катта экин майдонида содир этилган тақиқланган экинларни етиштириш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Уюшган гуруҳ томонидан тақиқланган экинларни етиштириш жамият учун жиддий хавф туғдиради, чунки

режалаштирилган қилмишни самарали амалга ошириш ва айна вақтда шахс, жамият ва давлатга зарар етказиш имкониятини оширади.

“Жиноий гуруҳни уюшган деб квалификация қилиш учун асосий мезон тариқасида, масалан, гуруҳнинг барқарорлигини, унда ташкилотчининг бўлишини, одатда, бир неча жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлигини, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлигини, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлигини, техника билан таъминланганлигини, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлигини, умумий интизомга ва жиноий гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилинишини ва шу кабиларни ҳисобга олиш лозим.

Ҳукмда жиноий гуруҳ қайси белгисига кўра уюшган деб топилиши кўрсатилган бўлиши керак”.

Уюшган гуруҳ иштирокчилари вазифаларини тақсимлашлари ва тақиқланган экинларни етиштириш билан ҳар қайсиси бевосита шуғулланмаслиги, балки бу фаолият бошқа шахслар томонидан бажарилишини таъминлаши мумкин (масалан, ер майдонини кўриқлаш).

Катта экин майдонида содир этилган тақиқланган экинларни етиштириш, ЖКнинг VIII бўлими тавсифига мувофиқ, экин майдони 1000 квадрат метр ва ундан ортиқ

эканлигини англатади.

2-§. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (ЖК 171-моддаси)

Айни ҳолда жиноятнинг **бевосита асосий объект**ини гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ташкил этади. **Бевосита қўшимча объект** сифатида мулкӣ манфаатлар, мазкур жиноят талончилик ёки босқинчилик йўли билан содир этилган тақдирда эса – жабрланувчининг жисмоний дахлсизлиги, унинг соғлиғи амал қилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар жиноятнинг **предмети** сифатида эътироф этилади. Мазкур воситалар ва моддалар қонуний муомалада бўлиши ҳам (таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган дори препаратлари), қўлбола усулда тайёрланган ва нархи белгиланмаган бўлиши ҳам мумкин.

“Гиёҳвандлик воситалари” ва “психотроп моддалар” тушунчаларининг мазмуни ҳақида батафсилроқ ЖК 270-моддаси таҳлилига қаранг.

ЖК 271-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томонини гиёҳвандлик воситалари ёки

психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда, ўғрилиқ ёки фирибгарлик йўли билан эгаллаш ташкил этади.

Қонунга хилоф равишда эгаллаш жиноятнинг кўрсатилган предметларини қасддан текинга ғайриқонуний қўлга киритиш ёки уларни шахсий истеъмол ёки ўзгача тарзда ғайриқонуний фойдаланиш мақсадида олиб қўйишдир.

Жиноят **ЖК 271-моддаси** бўйича квалификация қилиниши учун гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар айнан кимга – давлат ёки хусусий корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ёки уларга қонуний ёки қонунга хилоф равишда эгаллик қилувчи айрим фуқароларга қарашли бўлгани аҳамиятга эга эмас.

Таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни ёки бундай ўсимликларнинг қисмлари (кўкнор чаноғи ва пояси, наша ўсимлиги пояси ва ш.к.)ни қишлоқ хўжалиқ корхоналарининг далаларида ёки фуқароларнинг ер майдонларида экинларнинг ҳақиқий эгаси розилигисиз териш, ҳатто бундай ўсимликлар қонунга хилоф равишда етиштирилган бўлса ҳам, ғайриқонуний деб эътироф этилиши лозим.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни **ўғрилиқ** йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда қўлга киритилган ва айбдор уларни тасарруф этиш ёки улардан ўз ихтиёрига

кўра фойдаланиш имкониятига эга бўлган пайтдан эътиборан **тугалланган** деб топилади.

Кўрсатилган воситалар ва моддаларни **фирибгарлик** билан қонунга хилоф равишда эгаллаш айбдор алдов ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўз тасарруфига олган пайтдан эътиборан **тугалланган** жиноят ҳисобланади.

Субъектив томондан кўриб чиқиляётган жиноят **тўғри қасд** билан содир этилади. Айбдор гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни эгаллашни қонунга хилоф равишда амалга ошираётганини англайди ва шу тарзда иш кўришни истайди.

Ўн тўрт ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс жиноят **субъекти** бўлиши мумкин.

ЖК 271-моддаси 2-қисмида:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан;

г) талончилик йўли билан;

д) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб;

е) тамагирлик йўли билан;

ж) кўп миқдорда содир этилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Шахс гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни сўнгги эгаллашидан аввал психотроп модда ёки гиёҳвандлик воситаларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишини ташкил қилувчи жиҳатлардан бирини содир этган бўлса, бунинг учун илгари судланган-судланмаганлигидан қатъи назар, айбдорнинг ҳаракатлари **ЖК 271-моддаси 2-қисми “а” банди** бўйича квалификация қилиниши лозим. Муҳими илгари содир этилган жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати ўтмаган ёки судланганлик олиб ташланмаган ёки тугалланмаган бўлса, бас.

ЖК 271-моддаси 2-қисми “б” банди билан бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш ҳоллари квалификация қилинади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни **ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан** қонунга хилоф равишда эгаллаш айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган жиноят предметларини айбдор уларни ўз фойдасига айлантириш мақсадида ўзлаштирган (қонунга хилоф равишда ўзида олиб қолган) пайтдан

этиборан ёки айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар растрата қилинган (сотилган, истеъмол қилинган, ўзга шахс фойдасига бошқа ҳар қандай тарзда ўтказилган) пайдан этиборан **тугалланган** жиноят деб эътироф этилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни **талончилик йўли билан** қонунга хилоф равишда эгаллаш жиноят предметларини очикдан-очик, шу жумладан ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб талон-торож қилиш билан тавсифланади ва айбдор гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни эгаллаган ва унда мазкур жиноят предметларини ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш имконияти амалда пайдо бўлган пайдан этиборан тугалланган жиноят деб эътироф этилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни **мансаб мавқеини сууистеъмол қилиш йўли билан** қонунга хилоф равишда эгаллаш ўз хизмат лавозимидан фойдаланиб, ўз мулкига ёхуд бошқалар мулкига айлангиришни билдиради.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни **товламачилик йўли билан** қонунга хилоф равишда эгаллаш жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд

жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб ўзгадан бу воситаларни (моддаларни) топширишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини бу воситаларни (моддаларни) беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш амалга оширилган пайдан эътиборан **туғалланган** жиноят деб эътироф этилади.

Қонунга хилоф сақлашдан ёки муомаладан олинган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларининг кўп бўлмаган, озгинадан кўпроқ ва кўп миқдорларга мансублиги рўйхати Ўзбекистон Республикаси Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш давлат комиссиясининг 1998 йил 22 майдаги 3-сон Қарори билан тасдиқланган. Бу рўйхатга мувофиқ **кўп миқдорга**, масалан, қуйидагилар киради: қуритилган марихуана – 5,0 г ва ундан ортиқ; қуритилмаган марихуана – 50,0 г ва ундан ортиқ; каннабис мойи (ҳар қандай) тўлдиргичлар мавжудлигидан қатъи назар – 0,5 г ва ундан ортиқ; гашиш мойи (ҳар қандай) тўлдиргичлар мавжудлигидан қатъи назар – 0,5 г ва ундан ортиқ; тетрагидроканнабиноллар (барча изомерлари) – 0,5 г ва ундан ортиқ; афъюн (шу жумладан тиббий афъюн) – 1,0 г ва ундан ортиқ ёки 0,01 граммдан 100 та таблетка (ҳар қандай) тўлдиргичлар мавжудлигидан қатъи назар; экстракт кўринишидаги афъюн – 1,0 г ва ундан ортиқ; қуритилган

кўкнор (ҳар қандай) тўлдиргичлар мавжудлигидан қатъи назар – 10,0 г ва ундан ортиқ, қуритилмаган кўкнор – 50,0 г ва ундан ортиқ; героин – 0,005 г ва ундан ортиқ, йўлдош моддалар ва (ҳар қандай) тўлдиргичлар мавжудлигидан қатъи назар; кодеин (асоси ва тузи) – 1,0 г ва ундан ортиқ (0,015 граммдан 66 та таблетка); кокаин (асоси ва тузи йўлдош моддалар ва (ҳар қандай) тўлдиргичлар мавжудлигидан қатъи назар) – 0,1 г ва ундан ортиқ; ва ҳ.к.

ЖК 271-моддаси 3-қисмида:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;
б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб;
в) босқинчилик йўли билан содир этилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилардан дастлабки иккитасининг мазмуни юқорида ёритилган шундай белгилар билан айнийдир.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни **босқинчилик йўли билан** қонунга хилоф равишда эгаллаш ўзганинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиш, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш амалга оширилган пайтдан эътиборан тугалланган жиноят деб эътироф этилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, талончилик, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, товламачилик, босқинчилик йўли билан эгаллаш (Жиноят кодексининг 271-моддаси) ва ўзгалар мулкини талон-тарож этишни назарда тутган тегишли моддаларида кўрсатилган жиноятлар мажмуи билан, фақат бу моддалар (моддалар қисмлари) санкцияси Жиноят кодексининг 271-моддасидагидан оғирроқ жазони кўзда тутган ҳоллардагина квалификация қилиниши лозим.

Тергов органлари ва судлар гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан мақсад нима эканлигини аниқлашлари зарур. Эгаллаш келгусида ўтказиш ёки сотиш учун амалга оширилганлиги аниқланган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш деб ҳам квалификация қилиниши керак”.

3-§. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (ЖК 273-моддаси)

Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** сифатида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги ижтимоий муносабатлар амал қилади. **Қўшимча объект** – аҳолининг соғлиғи.

Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасининг 7-қисмига биноан, **гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши** деганда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш тушунилади.

Гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши – халқаро-ҳуқуқий даражада ва давлат доирасида назорат остига олинган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан амалга ошириладиган ижтимоий хавfli ва ғайриқонуний қилмишлар мажмуи.

Жиноятнинг **предмети** гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар, шунингдек прекурсорлардир. Мазкур

жиноятнинг предмети ҳақида батафсилроқ ЖК 270-моддасининг таҳлилига қаранг.

ЖК 273-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказишда акс этади.

Тайёрлаш деганда пировард натажада гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ҳосил қилинган ҳар қандай ҳаракат, шунингдек тегишли рухсат бўлмаган ҳолда наркотикларни тўйинтириш ва наркотик таъсир кучини ошириш мақсадида уларни қайта ишлаш ва тозалаш (бегона аралашмалардан холи қилиш) тушунилиши лозим. Фойдаланиш учун тайёр ҳолатдаги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни серияли олишга қаратилган ҳаракатлар уларни ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Тайёрлаш гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг фойдаланиш учун тайёр бўлган ҳеч бўлмаса битта дозаси яратилган пайтдан эътиборан **тугалланган** деб эътироф этилади.

ЖК 273-моддаси 1-қисми маъносида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни **олиш** деб сотиб

олишни, бошқа нарса ва буюмларга алмаштиришни, қарзга ёки ҳадяга олишни, қарзи эвазига олишни, топиб олинган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўзлаштиришни, айбдор олган моддалари наркотик эканлигини билган бўлса, ёввойи ҳолда ўсаёгган наша ва кўкнор ўсимликларини ёки уларнинг бўлакларини, шунингдек таркибда наркотик бўлган ўсимлик экинларининг кўриқланмаётган қолдиқларини йиғиб-териб олишни ҳисобламоқ керак.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар айбдорнинг ихтиёрига амалда ўтган пайтдан эътиборан олиш **тугалланган** жиноят деб ҳисобланиши лозим.

Сақлаш деганда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни айбдорнинг эгалигида: ёнида, бинода, махфий ерда ва бошқа жойларда бўлиши билан боғлиқ ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда сақлаш давомли жиноят бўлгани ва қилмиш жиноят-ҳуқуқий кўриқлаш объектига узоқ вақт мобайнида узлуксиз тажовуз қилувчи бир нечта айний ғайриқонуний ҳаракатлардан таркиб топгани боис, у жиноий қилмиш тўхтатилган ёки айбдор айбига иқроп бўлиб арз қилган пайтдан эътиборан **тугалланган** жиноят деб эътироф этилади.

Ташиш деганда, ташиш усулидан катъи назар, гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтиш билан боғлиқ ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ташишни уларни сафар чоғида қонунга хилоф равишда сақлашдан фарқлаш учун айбдор қасдининг мўлжалини, транспорт воситасидан фойдаланиш мақсадларини, гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар миқдори, ҳажми ва жойланган ерини ҳисобга олиш лозим. Жумладан, шахсий истеъмол учун мўлжалланган гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни сафар чоғида сақлаш қонунга хилоф равишда ташиш деб топилиши мумкин эмас.

Ташиш гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бир жойдан бошқа жойга кўчирилган пайтдан эътиборан **тугалланган** жиноят деб эътироф этилади.

Жўнатиш деганда гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ташиш жараёнида жўнатувчи иштирок этмаган вазиятда, алоқа бўлими жўнатмаси, багаж тариқасида ёки бошқа усулларда бир жойдан иккинчи жойга қонунга хилоф равишда юбориш тушунилиши лозим.

Жўнатиш гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ҳар қандай усулда бир жойдан иккинчи жойга

юборилган пайтдан эътиборан **тугалланган** жиноят деб эътироф этилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни **қонунга хилоф равишда ўтказиш** деганда уларни ҳар хил усулда тарқатиш (ўзгага бериш, ҳадя этиш, бошқа шахсга укол қилиш, алмаштириш, қарз ва қарзи эвазига бериш ҳамда сотиш ва ҳоказолар) тушунилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга қасд қилинганидан миждоз билан тегишли аҳдлашувнинг мавжудлиги; восита ёки модданинг анчагина миқдори ва ўтказиш учун қулай бўлган тарзда қадоклангани; гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар уларни ўзи истеъмол қилмайдиган шахс олгани, тайёрлагани ва ҳоказолар далолат бериши мумкин.

Ўтказиш гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ўзга шахс ихтиёрига амалда ўтган пайтдан эътиборан **тугалланган** жиноят деб эътироф этилади. Бунда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўзга шахсга топшириш шакли қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ниқоби остида айбдорга аён бўлган ҳолда бирон-бир ўзга моддалар ўтказилган бўлса, бундай ҳаракатлар фирибгарлик сифатида ЖК 168-моддаси билан, олувчининг ҳаракатлари

эса – гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда олишга суиқасд қилиш сифатида (ЖК 25-моддаси 2-қисми ва **273-моддаси**) квалификация қилиниши лозим.

Агар шахс ўтказилаётган воситалар ёки моддалар гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар эканлигини англамаган бўлса, унинг ҳаракатлари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказишга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Бу ҳолда харидорлар қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда олишга суиқасд қилиш учун жавобгар бўлишлари мумкин.

ЖК 273-моддасининг 1-қисми бўйича шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг муқаррар шарти кўрсатилган ҳаракатлар **кўп бўлмаган миқдорда** содир этилганидир. Жумладан, гашишнинг шу жумладан 0,1 г гача бўлган миқдори, кўкнорининг 1,0 дан 5,0 г гача бўлган миқдори, кокаиннинг 0,01 гача бўлган миқдори кўп бўлмаган миқдор деб эътироф этилади.

“Айбдор томонидан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг фақат бир қисми сотилиб, қолгани топилган ва олинган ҳолларда, бундай восита ёки моддаларнинг ўлчами уларнинг умумий миқдоридан келиб

чиққан ҳолда белгиланади”.

ЖК 273-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят **субъектив томондан тўғри қасд** билан содир этилади. Айбдор гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаётгани, олаётгани, сақлаётгани ва бошқа ҳаракатлар қилаётгани ёки уларни қонунга хилоф равишда ўтказиётганини англайди ва шундай қилишни истайди.

Ўтказиш мақсади жиноят таркибининг конструктив белгиси сифатида амал қилади ва унинг исботланмаганлиги қилмиш ЖК 276-моддаси (Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар) билан квалификация қилиниши лозимлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1995 йил 27 октябрь Қарорида шундай деб кўрсатилган: “Айбдорда қонунга хилоф равишда тайёрланган, олинган, сақланаётган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсади борлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда (Жиноят кодекси 273-моддаси), судлар, бу восита ёки моддалар ҳақиқатдан ҳам ўтказиш учун тайёрланганлигини намоён этувчи далиллар мажмуига асосланмоқлари лозим. Масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки

психотроп моддаларни фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, наркотиклар ёки психотроп моддаларни маълум ўлчамда қадоқланганлиги, ташиш ёки жўнатишда уларни махсус махфий жойга яширилганлиги, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, айбдорнинг ўзи банги эмаслиги тўғрисида экспертиза хулоса берганлиги ва ҳоказолар. Ишнинг аниқланган ҳақиқий ҳолатларига қараб айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25, 273-моддасининг 5-қисми билан квалификация қилиниши керак”.

Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс жиноят **субъекти** бўлиши мумкин.

ЖК 273-моддаси 2-қисмида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб **озгинадан кўпроқ миқдорда** қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиш учун жавобгарлик белгиланган.

ЖК 273-моддаси 3-қисмида ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил

бириктириб;

в) озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ жойларида;

г) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, студентлар ўқув, спорт ва жамоат тадбирларини ўтказадиган бошқа жойларда содир этилгани учун жавобгарлик назарда тутилган.

Мазкур жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларнинг хусусиятлари ҳақида ЖК 247, 270 ва 271-моддаларининг таҳлилига қаранг.

ЖК 273-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони:

1) гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда тайёрлаш ёки қайта ишлашда;

2) бундай воситаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангихоналар ташкил қилиш ёки сақлашда;

3) ушбу модданинг иккинчи ёки учинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганида акс этади.

Биринчи ҳолда махсус махфий лабораторияларда,

илмий-текшириш институтларининг лабораторияларида, бошқа муассасаларда воситалар, асбоб-ускуналар, прекурсорлардан фойдаланган ҳолда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш ёки қайта ишлаш тушунилади.

Қайта ишлаш деганда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тозалаш, яъни уларни бегона аралашмалардан ҳоли қилиш тушунилиши лозим. Айбдорнинг фойдаланиш учун тайёр бўлган бир ёки бир нечта гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни олиш мақсадида қаттиқ ёки суюқ қоришмадаги гиёҳвандлик воситасининг миқдорини камайтиришга қаратилган ҳаракатлари ҳам қайта ишлаш сифатида баҳоланиши даркор.

Амалиёт қайта ишлаш аксарият ҳолларда ўсимлик хом ашёси, хусусан кўкнор ва нашага нисбатан амалга оширилишини кўрсатади. Бундай хом ашёни қайта ишлаш элаш, қуритиш, майдалаш, пресслаш, экстрактлаш, дамлаш каби манипуляцияларни ўз ичига олиши мумкин.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда тайёрлаш ёки қайта ишлашдан иборат бўлган жиноят гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг фойдаланиш учун

тайёр бўлган ҳеч бўлмаса битта дозаси яратилган пайтдан эътиборан **тугалланган** деб эътироф этилади.

ЖК 273-моддаси 4-қисми маъносида **бангихона** деганда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун фойдаланилувчи турар жой ёки нотурар жой биноси ёки хонаси тушунилиши лозим.

Бангихоналар ташкил қилиш – бино ёки хонани гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун мослаштириш, бу ерга гиёҳвандларни чорлаш ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатларни ўз ичига олган фаолият.

Шахсинг бангихонани мослаштиришга ва унинг фаолиятини таъминлашга қаратилган ҳаракатлари (таъмирлаш, тозалаш, мебель билан жиҳозлаш ва ш.к.), агар улар бангихона ташкил қилинганидан кейин амалга оширилган бўлса, бангихонани ташкил қилиш белгилари ҳисобланмайди.

Мазкур жиноят бангихонани ташкил қилишга бевосита қаратилган ҳаракатлар бошланган пайтдан эътиборан, у фаолият кўрсата бошлаган-бошламаганидан қатъи назар, **тугалланган** деб эътироф этилади.

Бангихонани сақлаш гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш учун махсус шароит яратилган хоналарни учинчи шахсларга бундай воситалар

(моддалар)ни истеъмом қилиш ёки тарқатиш учун мунтазам равишда бериб туришда намоён бўлади. Масалан, гиёҳвандларни қабул қилиш, уларни шприцлар ҳамда гиёҳвандлик воситаларини истеъмом қилиш учун бошқа мосламалар билан таъминлаш ва ш.к.

Айбдорнинг ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бинолар ёки хоналар (ташландик уй, кўп қаватли уй ертўласи ёки чордоғи ва ш.к.)да жойларни мослаштириш бангихонани сақлаш сифатида қаралиши мумкин эмас.

Бангихонани сақлаш айбдор бангихонани сақлашга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширган пайтдан эътиборан **туғалланган** деб эътироф этилади.

Ўта хавфли рецидивист томонидан ёки уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш каби жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилар юқорида, хусусан ЖК 270-моддасида назарда тутилган жиноят таркибининг таҳлилида ёритилган белгилар билан айнийдир.

ЖК 273-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноят **субъектив томондан тўғри қасд** билан содир этилади. Айбдор гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда тайёрлаётгани ёки қайта ишлаётганини ёинки бундай воситаларни истеъмом қилиш

ёки тарқатиш учун бангхоналар ташкил қилаётгани ёки сақлаётганини англайди ва бундай қилишни истайди.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангхоналар ташкил қилиш ёки сақлаш субъектив томонининг муқаррар белгиси **мақсад** – гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш учун хоналарни бериб туришдир. Бунда айбдор ўзининг қонунга хилоф фаолиятдан моддий наф кўриш мақсадини кўзлаганлиги ёки кўзламаганлиги аҳамиятга эга эмас.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотишдан иборат ҳаракатлар **ЖК 273-моддаси 5-қисми** билан квалификация қилинади.

Сотиш деганда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ҳақ эвазига реализация қилиш тушунилади. **ЖК 273-моддаси 5-қисмида** назарда тутилган жиноятнинг таркиби гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар қонунга хилоф равишда сотиш кшп миқдорда амалга оширилган ҳолдагина вужудга келади (жиноят **туғалланган** деб эътироф этилади).

Субъектив томондан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш ҳам тўғри қасд билан содир этилади.

ЖК 273-моддаси 6-қисмида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишлар учун жазодан озод қилиш шарти белгиланган: агар уни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади.

Кўрсатилган воситалар ва моддаларни **ўз ихтиёри билан топшириш** деганда уларни шахс ўз ихтиёрига кўра ўзгача усулда тасарруф этиш (истеъмол қилиш, яшириш, ўтказиш ва ш.к.) имкониятига амалда эга бўла туриб, уларни ихтиёрий равишда ҳокимият органларига топшириши тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси олий суд инстанциясининг раҳбар кўрсатмаларига биноан: “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўз ихтиёри билан топширган шахс топширилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаганлиги, олганлиги, шунингдек уларни сақлаганлиги, ташиганлиги ва жўнатганлиги учун жиноий жавобгарликдан озод қилинади. Шахснинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиши муносабати билан тиббий ёрдам кўрсатишни сўраб тиббиёт муассасаларига ўз ихтиёри билан мурожаат қилганлиги, уни илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаганлиги, сақлаганлиги, ташиганлиги ва жўнатганлиги, истеъмол қилганлиги учун

жинойй жавобгарликдан озод қилишга фақат бундай муурожаат шахснинг бангиликдан тузалиш нияти билан қилинган ва уни фoш этилиши билан боғлиқ бўлмаган ҳоллардагина асос бўлиши мумкин”.

4-§. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш (ЖК 274-моддаси)

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақли-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этиш жамоат учун айниқса хавфлидир, чунки бундай воситалар ва моддаларни тарқатишнинг бир тури ҳисобланади, кўрсатилган воситалар ва моддаларни нотиббий истеъмол қилишга ружу қўювчи шахслар доираси кенгайишига, гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишидан иборат қилмишлар сони кўпайишига сабаб бўлади.

Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** сифатида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақли-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар билан муомалада бўлишнинг белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар амал қилади. **Қўшимча объект** – жамоат хавфсизлиги, аҳолининг соғлиғи соҳасидаги муносабатлар.

Кўриб чиқилаётган жиноятда **предмет** мавжуд эмас,

чунки жиноят объекти сифатида амал қилувчи ижтимоий муносабатлар таркибига гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар кирмайди. Гиёҳвандлик воситалари ва қонунда айтилган бошқа моддалар шундай бир воситалар сифатида амал қиладики, шахс улардан фойдаланиб муайян натижага эришишга – уларни истеъмол қилишга ўзга шахсларни жалб этишга ва шу тариқа уларга қарамликни ривожлантиришга ҳаракат қилади.

ЖК 274-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этишда намоён бўлади.

Мазкур жиноятнинг объектив томони жинойий натижа – ўзга шахсни гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этишга эришишга қаратилган фаол хулқ-атвор (ҳаракат) билан тавсифланади.

Ҳаракат **оғдиришда**, яъни субъектнинг ўзга шахсда кўрсатилган воситалар ёки моддаларни истеъмол қилиш майлини уйғотишга қаратилган ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар (унатиш, таклиф қилиш, маслаҳат бериш ва ш.к.)да, шунингдек таъсир ўтказилаётган шахсни

гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилдириш мақсадида алдаш, руҳий ёки жисмоний зўрлик ишлатиш, озодлигини чеклаш ва ҳоказоларда акс этади.

Оғдириш икки асосий кўриниш: ишонтириш ва мажбурлашда намоён бўлади. Оғдиришнинг кўриниши саналган ишонтириш ва мажбурлаш шундай бир усуллар, методлар ва ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, жиноий қилмиш субъекти уларнинг ёрдамида ўз нияти – ўзга шахсни гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб этишни рўёбга чиқаради ёки рўёбга чиқаришга ҳаракат қилади.

Ишонтириш йўли билан амалга ошириладиган оғдириш ўзга шахсда гиёҳвандлик воситалари ёки бошқа моддаларни истеъмол қилиш майлини унатиш, таклиф қилиш, маслаҳат бериш, қизиқтириш, ҳақ беришни ваъда қилиш ва ҳоказолар воситасида уйғотишга қаратилган ҳар қандай таъсир кўрсатишдан иборат.

Мажбурлаш йўли билан амалга ошириладиган оғдириш ўзга шахсни унинг хоҳиш-ихтиёрига зид равишда гиёҳвандлик воситаларини ёки қонунда кўрсатилган моддаларни истеъмол қилишга кўрқитиш, алдаш, шантаж қилиш, озодликни чеклаш, уриб-дўппослаш, қийнаш, азоб бериш, баданга ҳар хил оғирликда шикаст етказиш ёки

зўрлик ишлатишнинг бошқа усуллари воситасида мажбур қилиш мақсадида жабрланувчини жалб қилувчининг хоҳиш-иродасига бўйсундиришга қаратилган руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказишдан иборат.

Агар жабрланувчига жисмоний зўрлик ишлатиш йўли билан жалб қилиш чоғида унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари **ЖК 274-моддаси 1-қисми** билан квалификация қилиниши лозим. Аммо жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказилган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 104-моддаси (Қасддан баданга оғир шикаст етказиш) ва **274-моддаси** билан квалификация қилинмоғи даркор.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақли-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга ўзга шахсни ишонтириш ёки мажбурлаш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳаракатлар (масалан, мазкур воситалар ёки моддаларни ўзга шахсларнинг ҳозирлигида тайёрлаш, уларни истеъмол қилиш, намойиш этиш ва ш.к.) оғдириш сифатида қаралиши ва тегишли равишда жалб этиш сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас.

Жиноий оғдиришнинг вақтда давом этиши турли омилларга, чунончи: жалб этувчи қўллаган оғдириш шакллари, усуллари; оғдириш з берган шароитга; жиноий қилмиш субъекти билан жабрланувчининг ўртасидаги

муносабатларга; гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва бошқа моддаларни истеъмол қилишга жабрланувчининг мойиллик даражасига ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади. Шу сабабли оғдириш бир марталик ҳаракат бўлиши ҳам, нисбатан давомли жараён бўлиши ҳам мумкин. Аммо, ҳуқуқий баҳо бериш учун ўзга шахсни гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки бошқа моддаларни истеъмол қилишга ишонтириш ёки мажбурлашга бевосита қаратилган дастлабки ҳаракатлар муҳим эканлигини ҳисобга олиб, шуни қайд этиш лозимки, уларнинг мавжудлиги шахсни жалб этиш учун жинойий жавобгарликка тортиш учун етарли асос ҳисобланади.

Мазкур жиноят шахсда гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга майл уйғотишга ёки шахсни бундай воситалар ёки моддаларни истеъмол қилишга мажбурлашга қаратилган ҳаракатлар бошланган пайтдан эътиборан **тугалланган** деб эътироф этилади. Жалб этиш учун жинойий жавобгарлик ҳатто бундай ҳаракатлар бир қарра амалга оширилган ҳолда ҳам келиб чиқади ва жабрланувчи гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни илгари тиббий кўрсатмага биноан ёки шифокор кўрсатмасисиз истеъмол қилгани қилмишни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

Агар кўрсатилган воситалар ёки моддаларни истеъмом қилишга жалб этган шахс айна вақтда уларни қонунга хилоф равишда ўтказган ёки уларни қонунга хилоф равишда эгаллаш ёки тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатишга кўмаклашган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича: **ЖК 274-моддаси** ва ишнинг ҳолатларига қараб 271-модда ёки 273-модда билан квалификация қилиниши лозим. Бунда шахснинг гиёҳвандга унинг илтимосига биноан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни олишда ёрдам кўрсатиш борасидаги ҳаракатлари жалб этиш учун қўшимча квалификация қилиниши мумкин эмас.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар айна ҳолда жиноятни содир этиш **воситаси** сифатида амал қилади.

“Гиёҳвандлик воситалари” ва “психотроп моддалар” тушунчаларининг мазмуни ҳақида батафсилроқ ЖК 270-моддаси таҳлилига қаранг.

Ақл-идрокка таъсир қилувчи бошқа моддалар каторига онгни захарлайдиган, маиший ҳаётда, ишлаб чиқаришда, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда кенг қўлланиладиган, онгни захарлайдиган бир қанча препаратлар (масалан, буғларидан нафас олиш гангитадиган локлар, бўёқлар, айрим навдаги елимлар) кирадики, уларнинг аксарияти билан муомалада бўлишнинг алоҳида тартиби

белгилаш мумкин эмас. Воситалар ва моддаларнинг бу гуруҳи учун норматив белги йўқлиги туфайли тергов-суд амалиётида қуйидаги методга амал қилиниши лозим: агар экспертиза хулосасига мувофиқ истеъмол қилинганда онгни захарлайдиган ва бошқа ножўя таъсирларга сабаб бўладиган дори препаратлари ёки бошқа моддалар халқаро конвенциялар ва давлат доирасида қабул қилинган нормаларга мувофиқ гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларга мансуб деб топилмаган бўлса, улар ақл-идроққа таъсир этувчи бошқа моддалар сифатида қаралиши лозим.

Субъектив томондан ЖК 274-моддасида назарда тутилган жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ўзга шахсни гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идроқига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга унатиш, алдаш, руҳий ёки жисмоний зўрлик ишлатиш йўли билан ёки бошқача усулда жалб этаётганини англайди ва кўрсатилган шахс бундай воситалар ёки моддаларни истеъмол қилишини истайди.

Мақсад ва мотивлар жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

Ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс жиноят **субъекти** бўлиши мумкин.

Вояга етган шахс гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идроқига таъсир этувчи бошқа моддаларни

истеъмол қилишга вояга етмаган шахсни жалб этган тақдирда қилмиш ЖК 127-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

Ўн олти ёшга тўлмаган бир вояга етмаган шахс бошқа вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки ақл-идрокка таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб этгани **ЖК 274-моддаси** бўйича квалификация қилинмоғи даркор.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этишни ЖК 273-моддасида назарда тутилган бундай моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишдан фарқлаш лозим. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тарқатиш шакли ҳисобланган ўтказиш, яъни ўзга шахслар ихтиёрига ва тасарруфига бериш кўрсатилган воситалар ёки моддаларни пулга ёки текинга реализация қилишнинг ҳар қандай усулларини назарда тутади. Гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддани ўзга шахсга ўтказишнинг оддий усули, яъни уларни сотиш, ҳадя қилиш, қарз эвазига бериш, қарзга бериш, айирбошлаш ва ҳоказолар ўз мазмунига кўра жалб этувчи мазкур қилмишга ўзга шахсни оғдираётганда қўллайдиган усуллар билан мос келмайди, чунки бу доим гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш мақсадида руҳий таъсир ўтказишни назарда тутади, бу эса

ўтказишга хос эмас. Бинобарин, агар ўтказиш жабрланувчида унга ўтказилаётган гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилишга майл уйғотиш мақсадида унга рухий таъсир ўтказиш билан бирга амалга оширилган бўлмаса, у фақат ЖК 273-моддасида назарда тутилган жиноятни ташкил қилади.

Жалб этишда жалб этувчининг дастлабки ташаббусини мазкур жиноятнинг муқаррар шарти деб ҳисоблаш лозим. Ўтказиш доим гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддани реализация қилиш чоғида юз беради ва бунда ким ташаббус кўрсатгани аҳамиятга эга бўлмайди. Агар гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда уни олишни истаган шахснинг илтимосига, ташаббусига биноан ўтказилаётган бўлса, бу моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш таркиби мавжуд бўлмайди, қилмиш ўтказувчи учун ЖК 273-моддаси билан, олувчи учун эса, мақсадга қараб, ЖК 273-моддаси ёки 276-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

Гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда ҳақ эвазига ўтказилган ҳолда ҳам кўриб чиқиляётган жиноятларнинг мажмуи мавжуд бўлмайди. Бундай ўтказиш ҳаракатлари, одатда, жалб этиш билан уйғун боғлана олмайди, чунки уларни содир этишга тамагирлик нияти туртки беради, бундай наф кўриш мақсади кўзланади.

Мотив ва мақсад айбнинг мазмунини белгилайди, яъни ўтказувчи гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп

моддаларни ўтказар экан, шу тариқа уларни истеъмор қилишга ўзга шахсни жалб этишни эмас, балки кўрсатилган воситалар ёки моддаларни реализация қилишни ва бундан моддий фойда олишни кўзлайди. Аммо жалб этиш ҳақ эвазига ўтказиш билан бирга амалга оширилган тақдирда жиноятлар мажмуи мавжуд бўлади. Гиёҳвандлик воситаларини ўзга шахсга меҳмон қилиш тариқасида текинга бериш (ўтказиш) юз берган ва бу вақт жиҳатидан уларни истеъмор қилишга ишонтириш ёки мажбурлаш (жалб этиш) билан мос келган тақдирда ҳам қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

ЖК 274-моддаси 2-қисмида:

а) илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида;

в) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахсинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмор қилишга жалб этиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жиноят субъекти сифатида илгари ЖК Махсус қисмининг XIX бобида кўрсатилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда

муомала қилишдан иборат жиноятлардан бирини ёки ЖК 127-моддаси (Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш) 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган ҳолларда, у мазкур жиноят учун ҳукм қилинган ёки қилинмаганлигидан қатъи назар, унинг ҳаракатлари **ЖК 274-моддаси 2-қисмининг “а” банди** билан квалификация қилиниши лозим.

Агар гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш озодлиқдан маҳрум қилиш сифатидаги жазони ижро этиш жойларида (барча турдаги колониялар ва турмада) амалга оширилган бўлса, қилмиш **ЖК 274-моддаси 2-қисмининг “б” банди** билан квалификация қилиниши лозим.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга икки ёки ундан ортиқ шахсни жалб этиш, бу бир вақтда ёки олдинма-кетин амалга оширилганлигидан қатъи назар, **ЖК 274-моддаси 2-қисмининг “в” банди** билан квалификация қилиниши лозим. “Айбдорнинг икки ёки ундан ортиқ шахсларда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш майлини уйғотишга қаратилган ҳаракатлари, бу ҳаракатлар бир неча шахсларга нисбатан бир вақтнинг ўзида ёки уларнинг ҳар бирига нисбатан турли

вақтда содир этилганлигидан қатъи назар, **ЖК 274-моддасининг 2-қисми “в” банди** билан квалификация қилиниши керак”.

5-§. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЖК 275-моддаси)

Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** сифатида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш билан шуғулланувчи давлат корхоналари, ташкилотлар, муассасаларнинг нормал фаолиятини таъминлаш соҳасидаги муносабатлар амал қилади. **Қўшимча объект** – аҳоли соғлиғи хавфсизлиги.

Жиноятнинг **предмети** гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалардир.

Мазкур тушунчалар мазмуни ҳақида батафсилроқ ЖК 270-моддаси таҳлилига қаранг.

ЖК 275-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузиш билан тавсифланади.

Кўриб чиқиладиган норманинг диспозицияси бланкет (ҳаволаки) бўлиб, айти ҳол жавобгарлик тўғрисидаги масалани ҳал қилиш чоғида норматив ҳужжатларда ифодаланган, кўрсатилган воситалар ёки моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишга тааллуқли бўлган қайси махсус қоидалар айбдор томонидан бузилганини ва унинг қайси конкрет қилмишида бу қоидабузарлик намоён бўлганини аниқлаш заруриятини белгилайди. Кўрсатилган қоидаларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида” 2003 йил 16 июндаги 315-сон Қарори; Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан экспертлик фаолиятида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 июндаги 288-сон Қарорига илова); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартибини белгилаб берувчи низомларни тасдиқлаш тўғрисида” 2003 йил 29 октябрдаги 472-сон Қарори; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг

“Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлашга доир техник талаблар тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2001 йил 17 июндаги 2/2-сон Қарори (Адлия вазирлиги 2001 йил 11 июлда 1048-сон билан рўйхатдан ўтказган); Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан тиббий мақсадларда фойдаланиш тартиби (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2001 йил 19 январдаги 29-сон Буйруғига 1-илова); Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, ҳисобга олиш шартлари тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2001 йил 28 ноябрдаги 527-сон Буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 29 декабрда 1090-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва бошқа ҳужжатлар киради.

“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ янги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқиш фақат давлат эҳтиёжлари учун буюртмага мувофиқ амалга оширилади ва бу иш давлат илмий-тадқиқот муассасаларига мазкур фаолият тури учун лицензияси бўлган тақдирда топширилади. Тиббий мақсадларда фойдаланиладиган янги гиёҳвандлик воситалари ва

психотроп моддаларни давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Шу Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ II рўйхатга киритилган гиёҳвандлик воситаларини Қонунда белгиланган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари доирасида давлат корхоналари ва муассасалари томонидан, муайян гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун лицензиялари бўлган тақдирда амалга оширилади. III рўйхатга киритилган психотроп моддаларни Қонунда белгиланган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш махсус ваколатли орган қарорига мувофиқ юридик шахслар томонидан, муайян психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун лицензиялари бўлган тақдирда амалга оширилади. IV рўйхатга киритилган прекурсорларни Қонунда белгиланган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари доирасида давлат корхоналари ва муассасалари томонидан, муайян прекурсорларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун лицензиялари бўлган тақдирда амалга оширилади. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқариш ва тайёрлашни амалга оширувчи юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилади.

Кўрсатилган Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ

гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни **сақлаш** махсус ажратилган ва жиҳозланган жойларда, махсус ваколатли орган белгилаган тартибда, юридик шахслар томонидан, мазкур фаолият тури учун лицензияси бўлган тақдирда амалга оширилади.

Ҳисобга олиш қоидаларини бузиш гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ операцияларни рўйхатдан ўтказиш махсус журналларини юритиш ва сақлаш тартибининг бузилишида акс этиши мумкин. Белгиланган қоидалар гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсларга рўйхатдан ўтказиш журналларини юритиш мажбуриятини юклайди. Журналда гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдори ва ҳолати ўзгаришига сабаб бўлувчи фаолиятни амалга ошириш чоғидаги ҳар қандай операциялар акс эттирилиши лозим.

Кўрсатилган Қонуннинг 14-моддасида гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни **бериш**, реализация қилиш ва тақсимлаш махсус ваколатли орган белгилаган тартибда, юридик шахслар томонидан, мазкур фаолият турлари учун лицензиялари бўлган тақдирда амалга оширилиши белгиланган.

Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ гиёхвандлик

воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни **олиб киришга (олиб чиқишга)** лицензия, шунингдек, олиб кириш (олиб чиқиш) ҳуқуқи тўғрисида махсус ваколатли орган томонидан бериладиган сертификат бўлган тақдирда йўл қўйилади. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни махсус ваколатли орган рухсатсиз Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказиш тақиқланади.

Шу Қонуннинг 16-17-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни **ташиш** махсус ваколатли орган белгилаган тартибда, юридик шахслар томонидан, мазкур фаолият тури учун лицензияси бўлган тақдирда амалга оширилади. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни почта жўнатмаларида, шу жумладан, халқаро почта жўнатмаларида **жўнатиш** тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Белгиланган қоидаларнинг бузиш юқорида кўрсатилган нормалар ва қоидаларга риоя этмасликда, шунингдек гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалардан фойдаланиш ва уларни реализация қилиш тартиби устидан назоратни лозим даражада амалга оширмасликда акс этиши мумкин.

Жиноят гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп

моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидалари бузилган пайдан эътиборан, ижтимоий хавфли оқибатлар юз бергани ёки юз бериш хавфи яратилгани (масалан, бу моддалар қонунга хилоф муомалага киритилгани)дан қатъи назар, тугалланган деб эътироф этилади.

Субъектив томондан бу жиноят **қасдан** ёки **эҳтиётсизлик орқасида** содир этилиши мумкин. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузган шахс фақат у мавжуд Қоидалар билан таниш бўлган тақдирдагина жавобгарликка тортилади.

Ўзига топширилган иш юзасидан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларига риоя этишга мажбур бўлган, ўн олти ёшга тўлган мансабдор ва ўзга шахслар кўриб чиқиладиган жиноят **субъекти** бўлиши мумкин.

6-§. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (ЖК 276-моддаси)

Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** сифатида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги ижтимоий муносабатлар амал қилади. **Қўшимча объект** – аҳоли соғлиғи хавфсизлиги.

Жиноятнинг **предмети** гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалардир.

Мазкур тушунчалар мазмуни ҳақида батафсилроқ ЖК 270-моддаси таҳлилига қаранг.

ЖК 276-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томонини** гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш ташкил этади.

Бу қилмишлар тушунчасининг мазмуни ЖК 273-моддасида назарда тутилган жиноят таркибининг таҳлилида ёритилган.

Субъектив томондан мазкур жиноят тўғри қасд билан

содир этилади. Шахс ўзи гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатишни амалга ошираётганини англайди ва бундай қилишни истайди.

Шахс гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан муайян операцияларни амалга оширар экан, уларни ўтказиш мақсадини кўзламагани аниқланганлиги мазкур модданинг қўлланилиши учун асос ҳисобланади. Одатда, бу нормага биноан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни шахсий истеъмол учун қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш ҳоллари квалификация қилиниши лозим.

Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

ЖК 276-моддаси 2-қисмида:

а) кўп миқдорда;

б) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

“Кўп миқдор” (ЖК 276-моддаси 2-қисми “а” банди) ва

“илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс (**ЖК 276-моддаси 2-қисми “б” банди**) тушунчаларининг мазмуни юқорида ЖК 270-моддаси ва 271-моддасида назарда тутилган жиноят таркибларининг таҳлилида ёритилган.

ЖК 276-моддаси 3-қисмида қуйидаги мазмундаги рағбатлантирувчи норма мустаҳкамланган: “Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади”.

“Итиёрий топшириш” тушунчасининг мазмуни ҳақида ЖК 273-моддаси таҳлилига қаранг.

“Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар” мавзусига яқуний саволлар

1. Тақиқланган экинларни етиштириш нимадан иборат? Бундай экинлар қаторига нималар киради? ЖК 270-моддаси (Тақиқланган экинларни етиштириш) маъносида ўртача катталиқдаги ва катта экин майдони деганда нима

тушунилади?

2. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш қандай усуллар билан амалга оширилиши мумкин? Мазкур жиноят қачондан бошлаб тугалланган деб эътироф этилади?

3. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар қаторига нималар киради? Прекурсор нима?

4. Шахсинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар қаторига нималар киради?

5. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш деганда нима тушунилади? Бу тушунча қандай қилмишларни қамраб олади?

6. ЖК 273-моддаси (Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш) бўйича шахсни жиноий жавобгарликка тортиш нима билан тавсифланади?

7. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш нима?

8. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангихоналар ташкил қилиш ёки сақлаш нимадан иборат?

9. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахсинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш деганда нима тушунилади? Унинг қандай турлари, амалга ошириш усуллари бор?

10. ЖК 274-моддаси (Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш) бўйича жиноий жавобгарликка тортишнинг муқаррар шартлари қандай?

11. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш нимада акс этади?

12. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар нимадан иборат?

IV БОБ. ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

1-§. Безорилик (ЖК 277-моддаси)

Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** жамоат тартибини таъминловчи муносабатлардир. **Қўшимча бевосита объект** – шахснинг, унинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги, шаъни, кадр-қимматининг, шунингдек ўзганинг мулкининг хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар.

Жамоат тартиби – одамлар ўртасидаги муносабатларни, хавфсизлик ва фуқаролар тинчлигини таъминловчи, ўзгалар мулкани сақлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, жамоат ва давлат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг бир меъёردа ишлашини таъминлашга қаратилган ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларига асосланувчи тартиб.

Объектив томондан безорилик жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш натижасида анча миқдорда зарар етказишда акс этади.

“Жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик деганда қонунларга, ахлоқ-одоб нормаларига, жамиятда мавжуд бўлган урф-одат ва анъаналарга ҳурматсизлик тушунилади”.

Жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик мўлжалланмаган жойларда алкоғолли ичимликларни ичиш, фуқароларга ҳақоратомуз муомала ва шилқимлик қилиш, уят сўзлар билан сўқиниш, жамоат жойларида очикчасига ҳожат чиқариш, яланғоч ҳолда бўлиш, ҳайвонлар билан шафқатсиз муносабатда бўлиш, ўсимликларга зарар етказиш ва ҳоказоларда ифодаланади.

“Қонун мазмунига кўра айбдор ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини англаши лозим. Бунда мазкур хатти-ҳаракатлар билан жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шарт. Сабабий боғланиш аниқланмаган ҳолда қилмиш шахсга ёки мулкка қарши қаратилган жиноят деб баҳоланиши лозим”.

Жамиятдаги юриш-туриш қоидаларининг бузилиш факти ўз-ўзидан жиноят қонунига мувофиқ жазога лойиқ бўлган безорилик таркибини ташкил этмайди, балки маъмурий ҳуқуқбузарликни ташкил этади.

Судлар безорилик жинояти билан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланмиш майда безориликни бир-биридан фарқлашлари зарур. Майда безорилик тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддасида берилган бўлиб, унинг мазмунига кўра, ушбу ҳуқуқбузарлик жамоат жойларида уятли сўзлар айтиш ёки шундай сўзлар билан

сўқиниш, беҳаё қилиқлар кўрсатиш ёхуд одамларга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталигини бузиш каби жамиятда юриш-туриш қоидаларини очикдан-очик менсимаслик ҳаракатларида ифодаланади. Бунда **ЖК 277-моддасининг 1-қисмида** назарда тутилган жиноий оқибатлар мавжуд бўлмаслиги керак. Гуруҳ томонидан содир этилган майда безориликни, башарти, уларнинг ҳаракатида **ЖК 277-моддасининг 1-қисми** аломатлари бўлмаса, **ЖК 277-моддаси 2-қисмининг "б" банди** билан квалификация қилиш мумкин эмас.

Шунингдек, хавfli рецидивист томонидан содир этилган майда безорилик ҳам ўз-ўзидан жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Агарда майда безорилик ҳаракатлари давом этиб, айбдорнинг кейинги ҳаракатлари шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки мулкка анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш билан содир этилган бўлса, шахс маъмурий жавобгарликка тортилмасдан, фақат **ЖК 277-моддаси** бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

Жамиятда юриш-туриш қоидаларини бузиш билан уриш-дўппослаш ёки баданга енгил шикаст етказиш ёхуд ўзганинг мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш ўртасидаги алоқа безорилик **объектив томонининг** муқаррар

белгиси ҳисобланади.

Кўриб чиқилаётган модда маъносида **уриш-дўппослаш** деганда айбдор томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузиб, шахснинг баданига шикаст етказмаган ҳолда бир неча зарба бериш тушунилади.

Безориликни содир этиш чоғида баданга енгил шикаст етказиш соғлиқнинг бузилишига олиб келиши ҳам, олиб келмаслиги ҳам мумкин.

“Мулкни нобуд қилиш”, “мулкка шикаст етказиш” тушунчаларининг мазмуни ҳақида ЖК 244-моддаси таҳлилига қаранг.

ЖК 277-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ва уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш билан боғлиқ бўлган безорилик уриш-дўппослаш ёки баданга енгил шикаст етказиш амалга оширилган пайтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади. Ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш билан боғлиқ бўлган жамиятда юриш-туриш қоидаларини бузиш анча миқдорда зарар етказиш тарзидаги оқибатлар юз берган пайтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

Субъектив томондан безорилик **тўғри қасд** билан содир этилади. Айбдор жамоат тартибини бузаётгани, уриб-дўппослаётгани, баданга шикаст етказаётгани ёки ўзганинг мулкани нобуд қилаётгани ёки унга шикаст етказаётганини

англайди ва бу ҳаракатларни амалга оширишни истайди.

Мазкур жиноятнинг **мотиви** безорилик, яъни жамиятга очикдан-очик ҳурматсизлик мотиви бўлиб, у ўзини атрофдагиларга ғайриқонуний қарши қўйишда, ўзининг алоҳида шахсиятини намоён қилишда, дағал кучни намойиш этишда акс этади. Бунда жиноий ҳаракат қандай предметга қаратилганлиги ва у қайси ижтимоий муносабатлар тизимида амалга оширилаётганлиги аҳамиятга эга эмас.

Жамиятга очикдан-очик ҳурматсизлик деганда умум эътироф этилган, ахлоқ, ҳукмрон одатлар, анъаналар билан мустаҳкамланган хулқ-атвор қоидалари ва меъёрларини намойишкорона менсимасликни тушуниш лозим.

Безорилик нияти жиноий қилмишнинг ўзи, жамоат тартибини бузиш субъектга лаззат бахш этишини англатади.

Безориликнинг **мақсади** – дағал зўрлик ишлатиш йўли билан жабрланувчини эсанкиратиб қўйиш, унинг иродасини синдириш, уни ўз ҳукмига бўйсундириш.

Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс **ЖК 277-моддаси 1-қисмида** назарда тутилган безориликнинг субъекти ҳисобланади, кўриб чиқиладиган модданинг **2 ва 3-қисмлари** бўйича эса ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ҳам шундай субъект сифатида эътироф этилиши мумкин.

ЖК 277-моддаси 2-қисмида:

а) баданга ўртача оғир шикаст етказиб:

б) бир гуруҳ шахслар томонидан;

в) совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намойиш қилиб, уларни қўллаш билан кўрқитиб ёхуд қўллаб;

г) ўз мазмунига кўра умум эътироф этган ахлоқ қоидаларини намойишқорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан;

д) ёш бола, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсларни хўрлаб;

е) кўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкани нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиб содир этилган безорилик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган безорилик бирга ҳаракат қилаётган шахслар кўриб чиқиладиган жиноятнинг объектив томонини бевосита содир этаётган иштирокчилигини ташкил этади, лекин иштирокчилик олдиндан тил бириктирмаган ҳолда содир этилади. Бундай ҳолларда иштирокчиларнинг безорилик содир этаётган бажарувчига кўшилиши кўзда тутилади.

Агар безориликни содир этиш чоғида совуқ қурол ёки шахснинг соғлиғига амалда шикаст етказиши мумкин бўлган бошқа нарсалар намойиш қилинган (кўрсатилган), уларни

ишлатиш билан қўрқитилган ёки улар амалда ишлатилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари **ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “в” банди** бўйича квалификация қилиниши лозим.

Совуқ қурол ёки шахснинг соғлиғига амалда шикаст етказиши мумкин бўлган бошқа нарсаларни қўллаш деганда, айбдорнинг улар воситасида безорилик ҳаракатлари давомида жабрланувчига нисбатан тан жароҳати етказган ёки етказишга ҳаракат қилган ҳоллар тушунилиши лозим.

Совуқ қурол деганда, ўз моҳиятига кўра инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ишлатиш учун мўлжалланган, суд-криминалистик экспертизаси хулосасига мувофиқ совуқ қурол деб топилган нарсалар тушунилади.

“Совуқ қурол” тушунчасининг мазмуни ҳақида батафсилроқ ЖК 242-моддаси таҳлилига қаранг.

“Шахснинг соғлиғига амалда шикаст етказиши мумкин бўлган бошқа нарсалар туркумига айбдор томонидан ўша мақсадларда безорилик ҳаракатлари давомида фойдаланилган ҳар қандай нарсалар киради”.

Совуқ қурол ёки ишлатилиши соғлиққа амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсани **намойиш этиш** деганда безорининг ўз ихтиёрида мавжуд бўлган нарсаларни уларни ишлатиш билан қўрқитмасдан кўрсатишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларини тушуниш лозим.

Совуқ қурол ёки ишлатилиши соғлиққа амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни **ишлатиш** ёки **ишлатиш билан кўрқитиш** деганда айбдорнинг шахсга шикаст етказиши ёки шикаст етказишга ҳаракат қилишидан иборат бўлган ҳаракатларни, шунингдек мазкур нарсаларнинг ишлатилиши шахс соғлиғи ёки ҳаётига амалда таҳдид уйғотувчи ҳаракатларни тушунмоқ даркор.

Ўтакетган беҳаёлик – жамиятда қабул қилинган ахлоқ қоидаларини, умум эътироф этилган ҳурмат, одоб қоидаларини менсимаслик, жамоат жойларида шахвоний табиатга эга бўлган ҳаракатларни намойишкорона бажариш, жамоат жойида қип яланғоч ҳолда пайдо бўлиш, қариялар, ногиронлар, ожиз одамлар, аёлларни, тарихий обидаларни таҳқирлаш ва ҳ.к.

Безорилик ҳаракатларини **ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “г” банди** билан квалификация қилишда суд айбдорнинг айнан қайси ҳаракатлари ўтакетган беҳаёлик деб баҳоланаётганлигини ҳукмда кўрсатиши шарт.

“Безорилик ҳаракатлари ўтакетган беҳаёлик билан содир этилган деб топиш масаласини ҳал этиш чоғида суд ишнинг муайян ҳолатлари мажмуидан келиб чиқиши ҳамда содир этилган жиноятнинг хусусияти, вақти, жойи ва шарт-шароитларини инобатга олиши лозим”.

Айбдорнинг қилмишини **ЖК 277-моддаси 2-қисмининг**

“д” банди билан квалификация қилиш учун безорилик ҳаракатлари ёш болани, қарияни, ногирон ёки ожиз аҳволдаги бошқа шахсларни хўрлаш шаклида содир этилган бўлиши керак.

Хўрлаш – бу жабрланувчининг шаъни ва кадр-қимматини камситишга, унга маънавий, жисмоний азоб беришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар.

Қонун мазмунига кўра, **ёш бола** деганда 14 ёшга тўлмаган шахс, **қария** деганда 55 ёшдан ошган аёл ва 60 ёшдан ошган эркек, **ногирон** деганда эса, белгиланган тартибда I, II, III гуруҳ ногирони ёки болалиқдан ногирон сифатида тан олинган шахс тушунилади.

Ожизлик жабрланувчининг жисмоний ёки руҳий носоғломлиги туфайли жиноятчига қаршилик кўрсата олмаслигида, ўз ҳуқуқлари, манфаатлари ва кадр-қимматини ҳимоя эта олмаслигида, шунингдек кутилаётган хавфдан сақлана олмаслигида намоён бўлади.

Жиноий ҳаракатни **ЖК 277-моддаси 2-қисми “д” банди** билан квалификация қилиш учун айбдор шахс жабрланувчининг ёш болалиги, қариялиги, ногиронлиги ёки ожиз аҳволда эканлигини англаб етган бўлиши талаб этилади.

Кўп миқдорда зарар етказиш, бировнинг мулкини нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган безорилик **ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “е” банди**

билан қамраб олинади ва шунинг учун ҳам ушбу ҳолатни ЖК 173-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди. Худди шунингдек, безорилик оқибатида ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, қилмишни **ЖК 277-моддасининг 1-қисми** билан квалификация қилинишининг ўзи кифоядир.

ЖК 277-моддаси 3-қисмида:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) ўқотар қуролни намойиш қилиб, уни қўллаш билан кўрқитиб ёки қўллаб;
- в) оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда;
- г) жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилган безорилик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этилиши ҳақида ЖК 247-моддаси ва 248-моддаси таҳлилига қаранг.

Айбдорнинг ҳаракатини **ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “б” банди** билан квалификация қилиш учун унинг безорилик ҳаракатлари давомида ўқотар қуролни намойиш қилганлиги фактининг ўзи етарлидир. Иш бўйича айбдор томонидан

Ўқотар қуролни қўллашга таҳдид қилинганлиги ёки қўлланилганлиги ҳолатлари жазо тайинлашда эътиборга олиниши лозим.

“Ўқотар қурол” тушунчасининг мазмуни ҳақида ЖК 247-моддаси таҳлилига қаранг.

Бунда судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, айбдорнинг ҳаракатини **ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “б”** банди билан квалификация қилиш учун қурол жиноят содир этиш пайтида отишга яроқли деб топилган бўлиши шарт. Башарти, яроқсиз бўлса, безорилик **ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “в” банди** билан квалификация қилиниши лозим.

Агар безорилик жиноятини содир этишда ишлатилган ёки намоёиш этилган ўқотар қурол тегишли рухсатномасиз айбдорнинг эгаллигида бўлган бўлса, қилмиш ЖК 248-моддаси билан ҳамқеўшимча квалификация қилинади.

Оммавий тадбирлар пайтидаги безорилик оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариш таҳдиди билан хавфлидир.

“**Оммавий тадбир** деганда, белгиланган тартибда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ташкил этилган расмий тадбир (байрам сайллари, намоёишлар, митинглар, мажлислар, сайловлар, халқ ҳашарлари ва ҳоказо)лар тушунилади”.

Ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш – итариш, кийимни йиртиш, уриш-дўппослаш, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш, транспорт воситаларидан итариб тушириб юбориш, безорилик ҳаракатларини тўхтатиш талабига жавобан уриб-дўппослаш билан кўрқитиш ва ҳоказоларда акс этувчи фаол ҳаракатлар.

Безорилик ҳаракатлари давомида айбдор жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш (тўхтатиш) чорасини кўрган бошқа фуқароларга фаол қаршилик кўрсатса, шу жумладан уларга нисбатан ўртача оғир шикаст етказиш даражасида зўрлик ишлатса, бундай қилмиш **ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди** билан тўлиқ қамраб олинади ва ЖКнинг бошқа моддалари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми бу хусусда шундай тушунтириш беради: “Агар безорилик ҳаракатларини тўхтатиш чорасини кўраётган шахсга қаршилик кўрсатиш пайтида ишлатилган зўрлик натижасида айбдор томонидан яна бошқа оғир жиноят содир этилган бўлса, бу ҳол безорилик жинояти таркиби билан қамраб олинмайди.

Безорилик ҳаракатлари тугагандан кейин, шу жумладан айбдор ушлангандан сўнг кўрсатилган қаршилик безорилик

жиноятининг аломатларига хос ҳолат деб ҳисобланмаслиги ва бундай ҳолда қилмиш жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

Маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган майда безорилик давомида жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият ёки жамоатчилик вакилига ёхуд бундай ҳаракатларни тўхтатиш чорасини кўрган фуқарога нисбатан қаршилик кўрсатилса, бундай қилмиш **ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди** билан квалификация қилиниши мумкин эмас. Бу ҳолда айбдорнинг ҳаракатлари, кўрсатилган қаршиликнинг хусусиятига қараб, ЖК Махсус қисмининг тегишли моддалари билан квалификация қилинади”.

Агар жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ безориликни амалга ошириш жараёнида баданга оғир шикаст етказилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 104-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

“Тергов органлари шахсни айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорида, айблов хулосасида, суд эса ҳукмда қайси

аломатларга кўра айбдорнинг қилмиши Жиноят кодекси **277-моддасининг** тегишли қисми ва бандлари билан квалификация қилинганлигини аниқ кўрсатиши шарт.

Агар суд, айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловни оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий ҳолатга кўра айблов хулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асослар мавжуд деган фикрга келса, жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтаради”.

Бу ўринда шуни назарда тутиш керакки, суд айбдорнинг ҳаракатини мазкур модданинг муайян қисмидаги бир банддан ўша қисмдаги бошқа бандга қайта квалификация қилишга ҳақли эмас.

Агар ЖК Махсус қисмининг муайян моддаларида (**ЖК 277-моддасидан** бошқа) безорилик ўша жиноятни квалификация қилувчи алоҳида белги сифатида назарда тутилган бўлса, бу ҳолат қилмишни **ЖК 277-моддаси** билан қўшимча квалификация қилишни истисно этади (масалан, ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “е” банди, 97-моддаси 2-қисмининг “л” банди).

“Судлар айбдор қасдининг моҳияти ва у нимага қаратилганлигидан, содир этилган ҳаракатнинг мотиви, мақсади ва муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда

безориликни бошқа жиноятлардан фарқлай олишлари керак. Жумладан, оилада, уйда қариндош-уруғ, таниш-билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар, агар улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққан бўлса ёхуд жабрланувчининг ножоиз хатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса, шахсга қарши жиноят деб баҳоланиши ва ЖК Махсус қисми тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозим. Башарти, шахс ўз хатти-ҳаракатлари билан айна вақтда жамоат тартибини бузаётганлигини ва жамиятга нисбатан очиқдан-очиқ ҳурматсизлик қилаётганлигини ҳам яққол англаган бўлса, қилмиш безорилик сифатида квалификация қилинади ва шахсга қарши жиноятларни назарда тутувчи моддалар билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

...Безорилик жинояти аксарият ҳолларда мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида содир қилинишини инобатга олган ҳолда, судлар, алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан, бу ҳақда ишда тегишли тиббий хулоса мавжуд бўлганда, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларни қўллаш масаласини ҳукмда муҳокама қилишлари лозим”.

2-§. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш (ЖК 278- моддаси)

“Кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, миллий урф-одатларимиз ва аҳолининг менталитетига ёт бўлган қимор ўйинларини ноқонуний равишда ташкил этиш ҳолатларининг учраши давом этмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўсмирлар ва ёшларни жалб этувчи яширин қиморхоналарни ташкил этиш фактлари аниқланмоқда”.

Бу жиноятнинг **ижтимоий хавфлилиги** шундан иборатки, қимор ўйинларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ бўлган қонунга хилоф фаолият нақд пулларнинг банкдан ташқари муомаласи кўпайишига, солиқлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товланишига кўмаклашади ва шу тариқа мамлакатнинг иқтисодий асосларига путур етказади. Бундан ташқари, қимор ўйинларига жалб этиш фуқаролар, айниқса ёшларнинг онгига салбий таъсир кўрсатади, шунингдек жамоат тартибининг бузилишига, спиртли ичимликлар меъёрдан ортиқ истеъмол қилинишига ва ижтимоий хавфли қилмишлар (одатда, шахсга қарши жиноятлар ва турли ўғирликлар), шунингдек суицидлар содир этилишига замин

яратади.

ЖК 278-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **асосий бевосита объекти** жамоат тартибини, яъни социал жиҳатдан муҳим ижтимоий муносабатлар нормал фаолият кўрсатишини, аниқроқ айтганда, одамларнинг нормал ишлаш, ўқиш, дам олиш имкониятини таъминловчи муносабатлар, шунингдек қимор ўйинларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш, қимор бизнеси ривожланиши салбий оқибатларининг олдини олиш борасидаги фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир. **Қўшимча объект** сифатида бу ерда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий асослари, шунингдек жамиятнинг ахлоқий негизлари амал қилиши мумкин.

ЖК 278-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят **объектив томондан** Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлашда акс этади.

ЖК саккизинчи бўлимида баён этилган қонун чиқарувчининг тушунтиришларига биноан, **қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин** – бу “ўйин ташкилотчиси (ўйин муассасаси) томонидан бир ёки ундан ортиқ иштирокчилар билан тасодифга (воқеага) ва (ёки) ўйин

иштирокчисининг қобилияти, эпчиллиги ва бошқа сифатларига боғлиқ ютуқ тўғрисида тузилган, таваккалчиликка асосланган битимга мувофиқ ўйин ташкилотчилари ва иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари мажмуини назарда тутувчи ўйин, шу жумладан тотализаторлар, казино, шунингдек ўйин автоматларидан фойдаланиладиган ўйин”дир.

Бундай ўйинларни **ташқил этиш** бир ёки бир нечта шахсларнинг уларни ўтказиш учун зарур бўлган шароитларни яратишга қаратилган изчил ҳаракатлари (бўлғуси қиморхона ходимларини танлаш, унинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, қиморхонани белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш нияти мавжуд бўлган ҳолда устав ҳужжатларини тайёрлаш, молиявий масалаларни ҳал қилиш, қиморхонани ўйинлар ўтказиш учун махсус жиҳозлар билан таъминлаш, ходимларга махсус кўникмаларни ўргатиш ва ҳ.к.) мажмуидир.

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни **ўтказиш** яширин ўйинхона ёки қиморхонадан бевосита уларнинг функционал вазифасига кўра фойдаланиш ёки ўйинчиларнинг эҳтиёжларини ўзга шароитда (масалан, Интернетда, телекоммуникация тармоқларида) қондиришдан иборат. Қимор ўйинларини ўтказиш чипталарни тарқатиш, довлар қабул қилиш, ютуқлар ўтказиш, ютуқ фондини таркиб

топтириш ва тақсимлаш, ютуқни тўлаш каби тадбирлар мажмуини ўз ичига олиши мумкин.

Қилмиш **ЖК 278-моддаси 1-қисми** билан квалификация қилиниши учун қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки уларни ўтказиш қонунга хилоф бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 28-март Қарорига мувофиқ, шунингдек шунингдек қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш, ноқонуний қимор ўйинларини ташкил этишга ҳамда уларга ўсмирлар ва ёшларни жалб этишга кўмаклашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш, қимор бизнесининг ривожланиши салбий оқибатларининг олдини олиш, ноқонуний қимор ўйинлари ташкилотчилари ва қатнашчиларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди ва унинг қоидаларига биноан 2007 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни (шу жумладан

тотализаторлар) ташкил этиш ва ўтказиш (тиражли, бир лаҳзали ва рақамли лотереялардан ташқари) тақиқланди.

Яъни кўриб чиқиладиган турдаги ўйинни ташкил этиш ёки ўтказишнинг ўзи қонунга хилофдир, лотереялар бундан мустасно. Лотереяларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш улар лицензиялаш тартибини бузиш билан боғлиқ бўлган ҳолдагина ноқонуний бўлади. Қонун ҳужжатларига биноан рухсат олиш тартибига риоя қилиниши лозим бўлиб, бунда биринчи навбатда лотереялар ташкил этишга лицензия олиш талаб қилинади. Иккинчидан, ўйинлар ўтказишнинг лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган шартларига риоя қилиниши лозим.

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар учун қиморхона пул ёки бошқа ҳар қандай бойликлар ёхуд мулкӣ ва бошқа неъматлар тикиб ўйналадиган ҳар қандай ўйинларни ўтказиш учун мослаштирилган ҳар қандай хонадир.

Қиморхонанинг муқаррар белгиси унга номуайян доирадаги шахслар ташриф буюриши, шунингдек учун қиморхона мунтазам фаолият кўрсатишидир.

Қиморхонани **ташкил этиш** ва уни **сақлаш** деганда хонани топиш, уни молиялаштириш, таъминлаш ёки зарур инвентарь билан жиҳозлаш, у узоқ вақт фаолият кўрсатиши учун маиший шароитларни қувватлаш, ходимларни танлаш

ва жой-жойига қўйиш, сиртдан ниқоблаш ва қўриқлашни таъминлаш, қиморхонага ўйинчиларни жалб этиш, уни реклама қилиш ва ҳоказолар тушунилади.

ЖК 278-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш борасидаги ҳар қандай ҳаракатлар амалга оширилган пайтдан ёки ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этилган ёки уларни сақлашга қаратилган ҳаракатлар бажарилган пайтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят **тўғри қасд** билан содир этилади. Айбдор қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлашга қаратилган ҳаракатларни амалга ошираётганини англайди ва буни истайди.

Жиноятни содир этиш **мотиви** ва **мақсади** аксарият ҳолларда тамагирлик билан тавсифланади, лекин қилмишни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

Ўн олти ёшга тўлган ўйинхоналарнинг ташкилотчилари, қимор ўйинларини ўтказиш учун масъул шахслар, шунингдек қиморхоналарнинг ташкилотчилари ёки уларни сақловчилар жиноят **субъекти** бўлиши мумкин. Ўйинчиларнинг ўзи ёки

бошқа ташриф буюрувчилар, ўйинхоналар, киморхоналарнинг ходимлари бу жиноят субъекти бўлиши мумкин эмас.

ЖК 278-моддаси 2-қисмида:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан ана шундай ўйинлар учун киморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш учун жавобгарлик белгиланган.

ЖК 278-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** вояга етмаган шахсни кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган айти шундай ҳаракатлар билан тавсифланади.

Айти ҳолда фақат вояга етмаган шахс, яъни айбдор кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилган пайтгача ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсина жиноятдан **жабрланувчи** бўлиши мумкин.

ЖК 278-моддаси 3-қисми маъносида **жалб қилиш** деганда айбдорнинг вояга етмаган шахсни кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этишга бевосита ўйинчи сифатида жалб қилиш борасидаги

изчил фаол ҳаракатлари тушунилиши лозим. Бундай вазиятда жалб қилиш одатда ўсмирда ўйнашга майл, кейинчалик эса – ўйинга руҳий қарамлик уйғотишга қаратилган ишонтириш йўли билан амалга оширилади.

Жалб қилиш тушунчасининг мазмуни ва жалб қилиш усуллари ҳақида батафсилроқ ЖК 274-моддаси таҳлилига қаранг.

Жалб қилиш вояга етмаган шахсда ўйнашга майл уйғотишга ёки уни бундай ҳаракатларни ўз хоҳиш-иродасига зид равишда бажаришга мажбурлашга қаратилган ҳаракатлар бошланган пайтдан эътиборан **туғалланган** жиноят деб эътироф этилади. Қилмиш **ЖК 278-моддаси 3-қисми** билан квалификация қилиниши учун жабрланувчи қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда илгари иштирок этгани аҳамиятга эга эмас.

Яна шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, кўриб чиқилаётган норма маъмурий преюдицияга эга, яъни шахс **ЖК 278-моддаси 3-қисми** бўйича жавобгарликка тортилиши учун у йил давомида шундай ҳаракатлар учун ЎзМЖтК 191-моддаси (Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар) бўйича жавобгарликка тортилган бўлиши лозим.

Субъектив томондан вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш **тўғри қасд** билан содир этилади. Айбдор жабрланувчини

ўйинга жалб қилаётганини англайди ва буни истайди. Жиноятни содир этиш **мотиви** ва **мақсади** қилмишни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

Жиноят **субъекти** – вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилаётган ўн олти ёшга тўлган шахс.

ЖК 278-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, уни кўпайтириш, тарқатиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган айни шундай ҳаракатларда акс этади.

Телекоммуникациялар тармоғи алоқа линиялари орқали ахборотни узатиш учун мўлжалланган технологик тизим бўлиб, унга кириш ҳисоблаш техникаси воситалари ёрдамида амалга оширилади.

ЖК 278-моддаси 4-қисми маъносида **телекоммуникация тармоқларида хизматлар кўрсатиш** қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ҳақида ахборотни фойдаланувчига етказиш борасидаги информацион фаолиятни (ахборот хизматлари), шунингдек почта

жўнатмалари ёки электроалоқа хабарларини қабул қилиш, қайта ишлаш, узатиш ва етказиш борасидаги фаолиятни (алоқа хизматлари) амалга оширишдан иборат бўлиши мумкин.

Интернет тармоғи глобал ахборот тармоғи бўлиб, унинг қисмлари бир-бири билан ягона адрес майдони воситасида мантиқий боғланган. Интернет бир-бири билан боғланган кўп сонли компьютер тармоқларидан иборат ва компьютерлар, электрон почта, эълонлар тахталари, маълумотлар базалари ва мунозара гуруҳларига масофадан туриб уланишни таъминлайди.

Провайдер – ахборот технологиялари соҳасида хизматлар (масалан, телекоммуникация тармоқларига улаш) кўрсатувчи шахс (фирма).

Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи провайдерлари деб фойдаланувчиларга Интернет тармоғига кириш хизматларини шу жумладан тижорат асосида телекоммуникация операторлари тармоқлари орқали ҳамда серверларни яратиш ва қувватлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар эътироф этилади.

Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатилиши тармоқ абонентларига амалий протоколлар: электрон почта, файлларни қабул қилиш ва узатиш, тармоқда хужжатларни

сақлаш ва қидириш ва ҳоказолар ёрдамида тақдим этиладиган функционал имкониятлар мажмуидан иборат.

Дастурий таъминот – ахборотни қайта ишлаш тизими дастурлари ҳамда бу дастурлардан фойдаланиш учун зарур бўлган дастурий ҳужжатлар мажмуи.

Дастурий таъминот ҳақида батафсилроқ ЖК 278³-моддаси таҳлилига қаранг.

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш деганда дастлаб маълумотлар блокининг бир нусхасида бажарилган ўзгаришларни бошқа нусхаларга татбиқ этиш технологиясини тушуниш лозим. Бунда базанинг барча қисмларидаги маълумотлар деярли бир вақтда ўзгаришини назарда тутувчи синхрон нусха кўпайтириш ва маълумотлар навбатма-навбат ўзгаришини назарда тутувчи асинхрон нусха кўпайтириш фарқланади.

Нусха кўпайтириш қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун дастурий таъминотнинг ҳеч бўлмаса битта нусхаси ўзгартирилган пайдан эътиборан тугалланган деб эътироф этилади.

Мазкур дастурий таъминотни **кўпайтириш** унинг нусхалари сонини кўпайтиришни назарда тутуди.

Кўпайтириш тегишли дастурий таъминотнинг ҳеч бўлмаса битта янги нусхаси яратилган пайдан эътиборан тугалланган деб эътироф этилади.

ЖК 278-моддаси 4-қисми маъносида тарқатиш ҳар қандай моддий шаклда гавдалантирилган дастурий таъминотдан фойдаланиш имкониятини номуайян доирадаги шахсларга беришга қаратилган ҳаракатлар содир этилишини англатади. Бунда тарқатиш усуллари турли-туман (тармоқ усули, сотиш, ҳадя қилиш, ижарага бериш, қарзга бериш ва б.) бўлади ва қилмишни квалификация қилишда иккинчи даражали аҳамият касб этади.

Дастурий таъминотни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун тарқатиш мазкур ахборотни ҳеч бўлмаса битта шахс олган вақтдан эътиборан тугалланган жиноят деб эътироф этилади.

ЖК 278-моддаси 4-қисми конструкцияси ҳам маъмурий преюдицияга эга.

ЖК 278-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноят субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилади. **Мотив** ва **мақсад** жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

Ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс мазкур жиноят субъекти бўлиши мумкин.

**“Жамоат тартибига қарши жиноятлар” мавзусига яқуний
саволлар**

1. Безорилик нима? Жиноят қонунида назарда тутилган жазога лойиқ бўлган безориликнинг майда безориликдан фарқи нимада?

2. Жамоат тартиби деганда нима тушунилади?

3. Қандай ҳолатлар безорилик учун жавобгарликнинг оғирлашишини белгилайди?

4. Совуқ ва ўқотар қуроллар қаторига нималар киради?

5. Қимор, шунингдек таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин нимани англатади? Уларни қонунга ҳилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш нимадан иборат?

6. Қиморхона тушунчасига тавсиф беринг. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш деганда нима тушунилади? Бундай қиморхонани сақлаш деганда нима тушунилади?

7. Шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш деганда нима тушунилади? Бундай жалб қилиш усуллари қандай?

8. **ЖК 278-моддаси** (Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш) **4-қисми** маъносида телекоммуникация тармоқларида хизматлар кўрсатиш, шунингдек тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, уни кўпайтириш, тарқатиш нимадан иборат?

V БОБ. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

Илмий-техника тараққиётининг ривожланиши, хўжалик ва

бошқарув фаолияти кенг миқёсда компьютерлаштирилиши компьютер ахборотининг мавжудлиги ва амал қилиши, шунингдек ЭҲМдан фойдаланиш соҳасида турли суиистеъмоллар вужудга келиши билан бирга юз бердики, бу жисмоний ва юридик шахслар, жамият ва давлатнинг маълумотларни автоматлаштирилган усулда қайта ишлаш борасидаги қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларининг бузилишига олиб келди. Айти ҳол ахборот технологиялари соҳасида юз бераётган жараёнларни жиноят-ҳуқуқий тартибга солишни талаб қилди. Бунинг натижаси ўлароқ ЖКга компьютер жиноятлари учун жавобгарликни белгиловчи бутунлай янги боб киритилди.

1-§. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш (ЖК 278¹- моддаси)

Ахборотлаштириш – юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни.

Ахборотлаштириш қоидаларини бузишнинг **асосий бевосита объекти** компьютер хавфсизлигини (компьютер

ахборотининг дахлсизлигини), шунингдек маълумотларни қайта ишлаш автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш тартибини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлардир. **Қўшимча бевосита объект** сифатида бу ерда фуқароларнинг шахсий ёки мулкӣ манфаатларини ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларини қўриқлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар амал қилади.

Компьютер ахбороти – бу машина манба, ЭХМ, ЭХМ системаси ёки уларнинг тармоғида мавжуд бўлган ва ЭХМ ёрдамида қайта ишланиши мумкин бўлган у ёки бу фактлар, шахслар, воқеалар, жараёнлар ҳақида ахборот.

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунда мазкур атама билан айний бўлган бошқа тушунча – **ахборот ресурси** қўлланилади. У ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базасини англатади.

Ахборот (маълумотлар) хавфсизлиги деганда қуйидагилар тушунилади:

“1. Ахборот (маълумотлар)нинг ахборот эгасига зиён етказувчи тасодифий ёки қасддан содир этилган таъсирларга (тахдидларга) қаршилик кўрсатиш интеграл хоссаси. Ахборот (маълумотлар) хавфсизлиги махфийлик, яхлитлик ва очиқлик даражаси билан тавсифланади.

2. Ахборот (маълумотлар)нинг ахборот (маълумотлар) чиқиб кетиши, сохталаштирилиши, нусха кўчирилиши, модификациялаштирилиши, ошкор этилиши, бузилиши, тўсилишига олиб келувчи рухсатсиз тасодифий ёки қасддан содир этиладиган ҳаракатлардан ҳимояланганлиги”.

Компьютер аъбороти ўз идентификация атрибутларига эга бўлган алоҳида файл, дастур ёки маълумотлар базасида жамланади ва ЭҲМда, ундан алоҳида машина манбаларда, компьютер тизимлари ёки тармоқлар қурилмаларининг хотираларида сақланиши мумкин.

Ахборот машина манбалари – ахборотни электрон-ҳисоблаш техникаси воситалари билан акс эттириш, сақлаш ва ўқиш имконини берувчи физик хоссаларга (шу жумладан физик майдонларга) эга бўлган нарсалар ва қурилмалар (ё ЭҲМ таркибий қисми, ё унинг периферия қурилмаси элементи ҳисобланган магнит дисклар, магнит тасмаси, жамғарувчи юмшоқ магнит диск (дискета), компакт-диск ва б.).

ЭҲМ (электрон-ҳисоблаш машинаси) – бу “символли ва образли ахборот устида дастур ва (ёки) фойдаланувчи буюрган операцияларни (ахборотни қайта ишлаш ва қурилмаларни бошқариш борасидаги ҳаракатлар кетма-кетлиги) бажариш, шу жумладан уни киритиш-чиқариш, йўқ қилиш, нусха кўчириш,

модификациялаштириш, ЭҲМ тармоғида ахборотни узатиш ва бошқа информацион жараёнларни амалга ошириш имконини берувчи электрон қурилмалар мажмуи”.

ЭҲМ қаторига интеграциялаштирилган тизимлар (ноанъанавий мазмундаги компьютерлар – уяли телефон аппаратлари, пейжерлар, электрон назорат-касса машиналари, электрон банкоматлар ва пластик ҳисоб-китоб карточкалари билан ишловчи терминаллар)ни ҳам киритиш лозим.

Жумладан, уяли телефон тармоғи компьютер тармоғи сифатида қаралиши мумкин бўлиб, унинг таркибий қисмлари сифатида уяли телефон аппаратлари, базавий станциялар, коммутатор ва контролер амал қилади. Бунда микропроцессорли қурилма ҳисобланган уяли телефон аппаратининг симсиз тармоқнинг узокдаги иш жойи сифатида, марказий контролер – файл ва коммуникацион сервер сифатида амал қилади. Бундай тармоқнинг иш тизими компьютер техникасига ва марказий компьютер (контролер, коммутатор) билан периферия қурилмалари (уяли телефон аппаратлари) ўртасида ахборот алмашинувиға асосланади.

Пейжинг тизими ҳам айнан шундай тармоқ сифатида қаралиши мумкин, шу фарқ биланки, пейжер узокдаги терминал ҳисобланади. Шу сабабли уяли алоқа ва пейжинг

тармоқларидаги ахборотга ЖКнинг “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” деб номланган ХХ¹ боби моддалари татбиқ этилади.

ЭҲМ тизими (ҳисоблаш тизими, ахборот-ҳисоблаш тизими, компьютер тизими) – “ўзаро боғланган ва ўзаро таъсирга киришувчи процессорлар ёки ЭҲМ, периферия қурилмалари ва дастурий таъминотнинг предмет ёки функционал белгига кўра ҳосил бўладиган, ахборотни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва бериш жараёнларини автоматлаштириш учун мўлжалланган ва конкрет амалий (тор ихтисослаштирилган) вазифаларни ёки вазифалар спектрини мазкур тизим учун умумий бўлган ахборот ресурсларида ечиш мақсадида юксак даражада самарадорликка эришишга ёки ҳисоблаш техникаси воситаларининг ишончлилиқ даражаси, қуввати ва тез ишлаш қобилиятини оширишга қаратилган мажмуи”.

ЭҲМ тармоғи (ҳисоблаш тармоғи, ахборот-ҳисоблаш тармоғи, компьютер тармоғи) қуйидагиларни англатади:

“1. Маълумотларни узатиш тармоғи, у билан боғланган ЭҲМ ва бу боғланишни амалга ошириш учун зарур бўлган дастурий таъминот ва (ёки) техника воситаларининг ахборотни тақсимланган усулда қайта ишлашни ташкил этиш учун

мўлжалланган мажмуи.

2. Худудий тақсимланган маълумотларни қайта ишлаш тизимлари, телекоммуникация ва маълумотларни узатиш воситалари ва (ёки) тизимларининг фойдаланувчиларга ўз ресурсларига узоқда туриб киришни ва бу ресурслардан коллектив фойдаланишни таъминловчи ўзаро боғланган мажмуи”.

Ахборотлаштириш қоидаларини бузишнинг **предмети** ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимлари, белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимларига рухсат билан кирилганда эса – алоҳида файл, дастур, маълумотлар базасида жамланган, интеллектуал мулк объекти сифатида қонун билан кўриқланадиган компьютер ахбороти.

Ахборот тизими – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари.

Маълумотлар базаси – “объектив шаклда ифодаланган ҳамда электрон ҳисоблаш машиналари (ЭХМ) ёрдамида топиш ва ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган

маълумотлар (масалан: мақолалар, ҳисоб-китоблар) мажмуи”. Масалан, аҳоли учун маълумотлар базалари, қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларнинг маълумотлар базалари, архивлар, музейлар, ўқув юртларининг маълумотлар базалари ва ҳ.к.

Маълумотлар банки – маълумотлар марказлаштирилган тартибда сақланадиган ва улардан коллектив тарзда фойдаланиладиган автоматлаштирилган ахборот тизими. Маълумотлар банки таркибига бир ёки бир нечта маълумотлар базалари, маълумотлар базалари маълумотномаси, маълумотлар базаларини бошқариш тизими, шунингдек сўровлар ва амалий дастурлар кутубхоналари киради. Мисол тариқасида вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот муассасалари, кутубхоналарнинг маълумотлар банкларини келтириш мумкин.

Ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизими – компьютер ахборотига ишлов бериш ҳамда уни узатишни таъминловчи бир ёки бир нечта компьютерлар, периферия қурилмаси ва дастурий воситалардан таркиб топган тизим.

Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш **объектив томондан** белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот

тизимларидан рухсат билан фойдаланиш натижасида фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишида ақс этади.

Ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини **яратиш** ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимлари яратувчи назарда тутган мақсадда фаолият кўрсатиши учун дастурий таъминотни ёзиш, аппарат воситаларини танлаш ва ўрнатишни аниглайди.

Кўриб чиқилаётган модда мазмунида **жорий этиш** деганда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларидан уларнинг функционал вазифасига кўра амалда фойдаланилишига эришишни аниглайди.

Ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларидан **фойдаланиш** деганда улардан амалда фойдаланиш жараёни тушунилиши лозим.

Ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш деганда шахс ЭҲМ қурилмалари билан ўзаро алоқага киришиши

тушунилади. Бундай ўзаро алоқага киришиш аксарият ҳолларда компьютер ахборотига кириш мақсадида амалга оширилади. Бунинг натижасида шахс бу ахборотни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш (фойдаланиш, ўзгартириш, тўсиб қўйиш, нусха кўчириш, йўқ қилиш ва ш.к.) имкониятини қўлга киритади. Айни вақтда ахборот тизимларидан (ЭҲМдан) рухсат билан фойдаланишни компьютер ахборотидан рухсат билан фойдаланишдан фарқлаш лозим. Ахборот тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган шахсининг унда сақланаётган муайян компьютер ахборотини олишга рухсати бўлмаслиги мумкин.

Компьютер ахборотидан рухсат билан фойдаланиш ҳақида батафсилроқ 278²-модда таҳлилига қаранг.

ЭҲМ ёки ахборот машина манбаини буюм сифатида эгаллаш, шунингдек компьютер ахбороти билан машина манбаларига турли нурланишлар, механик таъсирлар, электромагнит тўлқинлар ва бошқа шунга ўхшаш усуллар ёрдамида сирtdан таъсир кўрсатиш йўли билан манипуляция қилиш ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш, худди шунингдек компьютер ахборотидан рухсат билан фойдаланиш сифатида эътироф этилиши мумкин эмас.

Ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш –

ахборот тизими мулкдори ёки қонуний эгаси томонидан рухсат этилган (маъқулланган) шахснинг ЭҲМ қурилмалари билан ўзаро алоқаси.

Ўз навбатида ахборот тизимларидан рухсатсиз фойдаланиш фойдаланувчи бундай ҳаракатларни бажариш ҳуқуқига эга эмаслигини аниқлатадики, бу фойдаланишнинг қонунга хилофлигидан далолат беради.

Жумладан, ахборот тизимларидан фойдаланиш учун рухсат (фойдаланиш ҳуқуқи)га қуйидагилар эга:

- маълумотлар базаларидан фойдаланиш ёки уларга ишлов бериш режимида бевосита ишлайдиган, компьютер тизими ёки тармоғи қурилмалари билан ўзаро алоқаси ваколатли шахс томонидан тартибга солинган ахборотдан фойдаланувчилар (ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фойдаланувчи ўзи ишлашни мўлжаллаётган ахборот майдони доирасида албатта рўйхатдан ўтишини назарда тутди);

- ўз фаолият турига кўра компьютер қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш билан мунтазам равишда шуғулланадиган шахслар (қурилмаларни соловчилар, маълумотларни киритиш операторлари, тармоқ маъмурлари, дастурчилар, системачи-муҳандислар, периферия қурилмаси ва алоқа воситалари мутахассислари ва ш.к.).

Кўрсатилган шахслар ахборот тизимларидан фойдаланиши рухсатсиз (ғайриқонуний, қонунга хилоф) деб фақат улар ўз ваколатлари ёки вазифалари доирасидан четга чиққан ва фойдаланиш ўзларига рухсат этилмаган ЭХМ қурилмалари билан ўзаро алоқага киришиш имкониятини қўлга киритганда эътироф этилиши мумкин.

Қоровуллар, фаррошлар, электриклар, курьерлар ва ЭХМ билан бевосита алоқага киришмайдиган, лекин у ўрнатилган хонага кириши рухсат этилган бошқа шахслар ЭХМ, ЭХМ тизими ва тармоғидан фойдаланиш ҳуқуқига эга деб ҳисобланмайди.

Ахборот тизимларидан ва компьютер ахборотидан рухсат билан фойдаланиш фойдаланиш уни муҳофаза этиш чораларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади.

“Ахборотлаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига биноан: “Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан ғайриқонуний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорларига, эгаларига ёхуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат

сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан мустақил белгиланади.

Давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади”.

Ахборот (маълумотлар)ни муҳофаза қилиш ахборот (маълумотлар) мулкдорининг манфаатларига зарар етказилишининг олдини олиш ёки қийинлаштиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий ва техник (дастурий-аппарат) тадбирлар мажмуидан иборат.

Муҳофаза қилинувчи ҳар қандай турдаги ахборотни муҳофаза этишнинг энг умумий белгилари:

- ахборотни муҳофаза қилишни ахборот мулкдори ёки у ваколат берган шахслар ташкил этади ва ўтказди;

- ахборотни муҳофаза қилиш орқали унинг мулкдори (эгаси) ўзининг ахборотга эгалик қилиш ва уни тасарруф этишга

бўлган ҳуқуқларини муҳофаза қилади, уни қонунга хилоф қўлга киритиш ва ундан ўз манфаатларига зид равишда фойдаланилишига кўл қўймасликка ҳаракат қилади;

- ахборотни муҳофаза қилиш муҳофаза қилинаётган ахборотдан рухсат билан фойдаланиш имкониятини чеклаш бўйича унинг тарқатилишини чекловчи ва махфийлаштирилган ахборот ва унинг манбаларидан қонунга хилоф (рухсатсиз) фойдаланишни истисно этувчи ёки сезиларли даражада қийинлаштирувчи тадбирлар мажмуини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситалари мажмуи (ахборотни муҳофаза қилиш воситалари) қуйидагиларни ўз ичига олади: ахборотни муҳофаза қилишнинг аппарат, дастурий, техник (аппарат-дастурий), қонун йўли билан, ташкилий, физик воситаларини; ахборотдан рухсатсиз фойдаланилишидан муҳофаза қилиш воситаларини ва ш.к. Ахборотни муҳофаза қилиш усуллари ҳам ҳар хил бўлиши мумкин: криптографик усул, тўсиш, ниқоблаш, тартибга солиш, мажбурлаш, кўп даражали муҳофаза, рухсатсиз киришдан муҳофаза қилиш, шифрлаш, имитомуҳофаза, рухсат билан фойдаланишни бошқариш ва ҳ.к.

Ахборот (маълумотлар)ни муҳофаза қилиш тизими –

“ахборот (маълумотлар)ни тасодифий ёки қасддан бузиш, бузиб кўрсатиш ёки фойдаланишдан муҳофаза қилишни таъминловчи аппарат, дастурий ва криптографик воситалар ҳамда тадбирлар мажмуи”.

Ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш чоғида **белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаслик** фойдаланувчи компьютер ахбороти, ЭҲМ, ЭҲМ тизими ёки тармоғининг муҳофазаси (хавфсизлиги)ни таъминловчи муайян қоидаларга риоя этмаслиги ёки уларни тўғридан-тўғри четлаб ўтишидан иборат. Жумладан, бу ходим сертификатланмаган дастурий воситалардан фойдаланиши; фойдаланилаётган ахборот машина манбаларида зарар келтирадиган дастурлар бор-йўқлигини текшириш вазифаларини бажармагани; ахборот тизимидан рухсатсиз фойдаланилишидан муҳофаза этиш тизимини тўсиб қўйиши; ҳисоблаш техникасининг муайян воситаси билан ишлов беришни амалга ошириш техник имконияти мавжуд бўлмаган маълумотларни киритиши; дастурий воситалар билан диалог қоидаларини, техник хизмат кўрсатиш муддатларини бузиши; пароллар ўрнатмаслик ва ҳоказоларда акс этиши мумкин.

Бунда ҳар бир муайян ҳолда айнан қандай зарурий муҳофаза чоралари чоралари кўрилмагани, ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс айнан қайси хавфсизлик қоидаларини бузгани, шунингдек бу қоидабузарликлар билан кўриб чиқиладиган модда биринчи қисмининг диспозициясида баён этилган оқибатлар келиб чиқиши, яъни фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги аниқланиши лозим. Мазкур жиноий оқибатлар юз берган вақтдан эътиборан ахборотлаштириш қоидаларини бузиш **туғалланган** жиноят деб эътироф этилади.

ЖК Махсус қисми саккизинчи бўлими қоидаларига биноан **кўп миқдордаги зарар** деганда “энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар” тушунилиши лозим. Бундай зарар, хусусан, ЭҲМ воситаларини қимматга таъмирлаш зарурияти вужудга келишида намоён бўлиши мумкин.

Ахборотлаштириш қоидаларининг бузилиши натижасида етказилган зарар миқдорини аниқлашда ахборот ресурсининг қийматигина эмас, балки шахснинг жиноий ҳаракатлари

оқибатларини тугатишга тўғридан-тўғри харажатлар ҳам ҳисобга олиниши лозим. Нима бўлганда ҳам зарар тури ва миқдори бундай вазиятларда ахборотлаштириш, иқтисод ва бошқа соҳалардаги махсус билимлар ёрдамида ўтказиладиган комплекс экспертиза воситасида аниқланмоғи даркор.

Агар ахборотлаштириш қоидаларини бузиш компьютер техникаси жиддий шикастланишига олиб келган ва шу тариқа унинг мулкдори ёки эгаси кўп миқдорда зарар кўришига сабаб бўлган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари фақат **ЖК 278¹-моддаси** билан квалификация қилинади ва ЖК 173-моддаси (Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш) билан қўшимча тавсифлаш талаб этилмайди.

Ахборотлаштириш қоидаларининг бузилиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига **жиддий зиён** етказилганлиги ёки етказилмаганлиги ҳар бир муайян ҳолда тергов ва суд органлари томонидан аниқланади. Мазкур тушунча нисбий хусусият касб этади, компьютер ахборотининг муҳимлик даражасига боғлиқ бўлади ва ахборотлаштириш қоидаларининг бузилиши натижасида ахборот тизимининг мулкдори (эгаси)га етказилган зиён ҳажмини аниқлаш олинган барча маълумотлар йиғиндисини ҳисобга олиб амалга

оширилиши лозим. Мазкур вазиятда муҳим ахборотнинг йўқолиши, корхона, ташкилот иши, ишлаб чиқариш фаолияти тўхтаб қолиши ёки издан чиқиши, технологик жараёнларнинг бузилиши, шахсий, шифокор, адвокатлик сирига мансуб бўлган махфий маълумотларни ошкор этиш йўли билан шахсга маънавий зиён етказилиши жиддий зиён деб эътироф этилиши мумкин.

Шахснинг ахборотлаштириш қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлса-да, лекин қонунда кўрсатилган оқибатларга олиб келмаган ҳаракатлари муайян ҳолатларда тамом бўлмаган жиноятни ташкил этиши ва ЖК 25-моддасига ҳавола билан квалификация қилиниши мумкин.

ЖК 278¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъектив томони** қуйидагилар билан тавсифланади:

- **қасд** билан, башарти шахс ахборотлаштириш қоидаларини бузаётганини англаган, бунинг натижасида фойдаланувчига кўп миқдорда зарар етказилиши мумкинлиги ёки муқаррарлигига кўзи етган, бу оқибатларнинг юз беришини истаган (**тўғри қасд**) ёки уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган (**эгри қасд**) бўлса;

- **эҳтиётсизлик** билан, башарти шахс ахборотлаштириш қоидаларини бузаётганини англаган, ўз хулқ-атвори қонунда

назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етган, лекин эҳтиёткорлик чоратадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган (**ўз-ўзига ишониш**) ёки ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлган (**жиноий бепарволик**) бўлса;

- **мураккаб айб** билан, башарти жиноий қилмиш, яъни ахборотлаштириш қоидаларини бузишга нисбатан қасд, қонунда назарда тутилган кўнгилсиз оқибатларга нисбатан эса – эҳтиётсизлик мавжуд бўлса.

Мотив ва **мақсад** кўриб чиқиладиган жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

Ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс **ЖК 278¹-моддаси 1-қисмида** назарда тутилган жиноят **субъекти** бўлиши мумкин. Қонун бу шахс компьютер технологиялари соҳасида мутахассис бўлиши ёки муайян фаолият билан шуғулланишини талаб қилмайди, муҳими у ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланаётган бўлса, бас.

Агар ахборотлаштириш қоидаларини бузиш жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, айбдорнинг

ҳаракатлари **ЖК 278¹-моддаси 2-қисми** билан квалификация қилинади.

ЖК Махсус қисмининг саккизинчи бўлими қоидаларига биноан **жуда кўп миқдордаги зарар** деганда “энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдордаги зарар” тушунилади.

2-§. Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш (ЖК 278²-моддаси)

Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишнинг **бевосита объекти** компьютер ахбороти хавфсизлигини ва ЭҲМ, уларнинг тизимлари ёки тармоғи нормал ишлашини таъминлашга доир муносабатлардир. **Қўшимча объект** сифатида бу ерда фуқароларнинг шахсий ёки мулкӣ манфаатлари ёхуд давлат ёки жамоат манфаатлари амал қилиши мумкин.

ЖК 278²-моддаси 1-қисмида тўғридан-тўғри кўрсатилганидек, жиноятнинг **предмети** компьютер ахбороти, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардир.

“Компьютер ахбороти”, “ахборот-ҳисоблаш тизими”,

“ахборот-ҳисоблаш тармоғи” тушунчаларининг мазмуни ҳақида ЖК 278¹-моддаси таҳлилига қаранг.

Ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлар – бу ички ва ташқи жамғаргичлар, компьютер хотираси, периферия қурилмалари хотирасидаги ахборот ҳамда алоқа каналлари орқали ўтувчи ахборотлардир.

ЖК 278²-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлган компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш билан тавсифланади.

Компьютер ахборотидан фойдаланиш деганда унга киришнинг ҳар қандай шакли, тармоқдаги, тизимдаги ёки машина манбаларидаги маълумотлар билан шахснинг танишиши тушунилади.

Компьютер ахборотидан қонуний (рухсат билан) фойдаланиш ахборот тизими мулкдори ёки қонуний эгаси томонидан рухсат этилган (маъқулланган) фойдаланувчининг

машина манбаи, ЭҶМ, ЭҶМ тизими ёки тармоғидаги ахборот билан танишишидир.

Кўриб чиқилаётган жиноят-ҳуқуқий нормага биноан айбдор шахсни жавобгарликка тортиш учун зарурий асослардан бири унинг ҳаракатлари қонунга хилоф эканлиги аниқланганидир.

Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш деб машина манбаларидаги ёки ЭҶМдаги маълумотлар билан шахснинг тегишли ҳуқуқсиз, яъни ахборот мулкдори (эгаси)нинг рухсатсиз ёки бундай рухсат мавжуд бўлганда, тизимда белгиланган рухсатни тартибга солиш қоидаларини бузиб танишиши эътироф этилиши лозим.

Бошқача айтганда, ахборотдан фойдаланиш қонунга хилоф (рухсатсиз) деб қаралади, агар шахс:

- муайян ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаса;
- бундай ҳуқуққа эга бўлса-да, лекин ундан белгиланган тартибга зид равишда фойдаланса.

Компьютер ахбороти мулкдори (эгаси) фойдаланувчининг ахборот олиш тартибини белгилаши (жойи, вақтини, масъул мансабдор шахслар, зарур тартиб-таомиллар ва ҳоказоларни кўрсатиши) ҳамда фойдаланувчилар ахборот олиши учун шароитларни таъминлаши шарт.

Рухсатни тартибга солиш қоидалари “рухсат

субъектларининг рухсат объектларидан фойдаланиш ҳуқуқларини тартибга солувчи қоидалар мажмуи”дир.

“Бирон-бир ахборотдан рухсат билан фойдаланишни назорат қилишнинг ҳар қандай механизми, бу ерда гап жараёнлар таъсири устидан назорат ҳақида борадими ёки жисмоний шахсларнинг ҳаракатлари устидан назорат ҳақида борадими – бундан қатъи назар, бир қанча вазифаларни ечишни назарда тутати:

- кўриб чиқиладиган тизим, ахборот ёки ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига ким эга;

- мазкур шахс ресурсларнинг айнан қайси элементларига муносабат этиши мумкин;

- мазкур шахс ўзи фойдаланиши мумкин бўлган объектга нисбатан қандай ҳаракатларни бажариши мумкин;

- шахс зарурий амалларни бажариши қай тарзда рухсат этилади;

- қандай ҳолатларда фойдаланишга рухсат берилиши мумкин”.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни 11-моддасига биноан: “Ахборот ресурслари улардан эркин фойдаланиш тоифалари бўйича ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларига ва

эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига бўлинади.

Чекланмаган доирадаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган ахборот ресурслари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларидир.

Давлат сирлари тўғрисидаги ахборотни ва махфий ахборотни ёки эркин фойдаланилиши ахборот ресурсларининг мулкдорлари томонидан чеклаб қўйилган ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари **эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига** киради”.

Ахборот ресурсларидан ахборот олиш тартибини ахборот ресурсларининг мулкдори ёки эгаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда аниқлайди (Қонун 12-моддаси 5-қисми). Бунда эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурслари учун ахборотни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, тарқатиш ва ундан фойдаланишнинг махсус тартиби белгиланади.

Юридик ва жисмоний шахслар қонуний асосларда ахборот ресурсларидан ўзлари олган ахборотдан ахборот манбаини албатта ҳавола этган ҳолда ҳосила ахборот яратиш учун фойдаланишлари мумкин (Қонун 12-моддаси 4-қисми).

Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда

(рухсатсиз) фойдаланиш доим айбдорнинг фаол хатти-ҳаракатлари тарзида намоён бўлади. Бу жинойт ҳаракатсизлик йўли билан содир этилиши мумкин эмас. Бунда компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш усуллари ҳар хил бўлиши мумкин (бировнинг паролидан фойдаланиш, техника воситаларининг физик адресларини ўзгартириш, ўзини қонуний фойдаланувчи қилиб кўрсатиш, системани муҳофаза қилишнинг заиф бўғинларини топиш ва унга “бузиб” кириш, бировнинг ахборот тизимига “кодни тусмоллаб аниқлаш” йўли билан кириш, дастурий ва ахборот таъминотини модификациялаштириш ва ҳ.к.), лекин улар қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

Мазкур жинойтни содир этиш воситаси сифатида компьютер техникаси, яъни ҳар хил турдаги ЭҲМ, аппарат воситалари, периферия қурилмалари, шунингдек ҳисоблаш техникасини ахборот тармоқларига бирлаштиришда фойдаланиладиган алоқа линиялари амал қилади.

Шуни қайд этиш лозимки, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш натижасида шахс аввало бу ахборот билан танишиш имкониятини қўлга киритади. Бундай танишиш одатда уни амалда чақириш ёки кўздан кечириш йўли билан амалга оширилади. Бунда машина манбада

сақланаётган компьютер ахборотини қонунга хилоф равишда чақириш ёки кўздан кечириш ўз-ўзидан кўриб чиқиладиган жиноят таркибини ташкил этмайди, лекин ўзга қасддан жиноятни, масалан, жосуслик (ЖК 160-моддаси), товламачилик (ЖК 165-моддаси)ни содир этишга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш сифатида амал қилиши мумкин. Бундай ҳолларда қилмишни **ЖК 278²-моддаси** бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

ЖК 278²-моддасида назарда тутилган жиноятнинг иккинчи муқаррар белгиси – ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилиши, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилиши тарзидаги ижтимоий хавfli оқибатлар. Кўрсатилган оқибатларнинг ҳеч бўлмаса биттаси юз берган пайтдан эътиборан кўриб чиқиладиган жиноят тугалланган деб эътироф этилади. Бунда **ЖК 278²-моддаси 1-қисми** диспозициясида санаб ўтилган оқибатларнинг юз бериши ва компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишни амалга ошириш ўртасида тўғридан-тўғри сабабий боғланиш аниқланиши шарт.

Ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши деганда ахборотнинг

машина манбаларидан тўлиқ ёки қисман чиқариб (ўчириб) ташланиши тушунилади. Бунда мазкур ахборот ўзининг асосий сифат белгилари йўқолиши натижасида бутунлай йўқ бўлиб кетади, у тикланиши ва вазифасига кўра қўлланилиши мумкин бўлмайди. Бунда қилмиш кўриб чиқиладиган норма билан квалификация қилиниши учун жабрланувчида айбдор йўқ қилиб юборган ахборотнинг нусхаси борлиги ёки йўқлиги аҳамиятга эга эмас. Ахборотни бошқа ЭҲМ ёки машина манбасига рухсатсиз ўтказиш ҳам, агар бу ҳаракатлар натижасида ахборот ресурси мулкдорнинг ёки ўзга қонуний фойдаланувчининг ихтиёридан чиққан бўлса, юқорида баён этилган тарзда квалификация қилиниши лозим.

Ахборотнинг тўсиб қўйилиши мазкур ахборот сақланиб қолгани ҳолда мулкдор (ахборот эгаси) ёки қонуний фойдаланувчи ундан бевосита вазифасига кўра вақтинчалик ёки доимий равишда фойдалана олмаслиги (компьютер ахбороти билан бирон-бир амални бажара олмаслиги)дир. **Ахборот (маълумотлар) узатишнинг тўсиб қўйилиши** тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, у ахборот хавфсизлиги соҳасидаги қоидабузарликлардан бири ҳисобланади ва ахборотни узатишнинг тўхтатилишида ёки шундай бир вақтга кечиктирилишида акс этадики, бу муддат мобайнида мазкур

ахборот фойдаланувчи учун ўз қимматини йўқотади.

Ахборотнинг **модификациялаштирилиши** техника воситалари билан ишлов бериш чоғида унинг дастлабки мазмуни ёки манбалардаги ҳажми рухсатсиз ўзгартирилишида акс этади (маълумотлар базасининг адаптацияси билан боғлиқ ўзгаришлар бундан мустасно). Масалан, маълумотлар базаси файлларидаги ёзувларнинг ўчириб ташланиши ёки уларга ёзувларнинг қўшилиши, компьютер ахборотининг бир тилдан бошқа тилга ўгирилиши, маълумотлар базасининг қайта ташкил этилиши ва ш.к.

Ахборотни модификациялаштириш ҳақида батафсилроқ ЖК 278⁴-моддаси таҳлилига қаранг.

Кўриб чиқиладиган модда мазмунида **нусха кўчириш** тегишли ахборотни ёки унинг бир қисмини бир моддий жисмдан бошқа моддий жисмга аслиятга шикаст етказмасдан ва ундан кейинчалик бевосита вазифасига кўра фойдаланиш имкониятини сақлаган ҳолда ўтказишни англатади.

Ахборотни **қўлга киритиш** – кенг тарқатиш учун мўлжалланмаган ахборотни қасддан рухсатсиз эгаллаб олиш бўлиб, у техника воситалари ёрдамида бевосита компьютер тизимидан ёки ундан ташқарида, бундай ахборот акс эттирилган электромагнит нурланишларни олиш ҳисобига амалга

оширилади.

Замонавий техника воситалари ахборотни компьютер тизимига бевосита уланмасдан олиш имконини беради: уни қўлга киритиш марказий процессор, дисплей, коммуникация каналлари, принтер ва ҳоказоларнинг нурланиши ҳисобига амалга оширилади. Буларнинг барчасини қўлга киритилаётган объектдан анча узоқда туриб амалга ошириш мумкин. Қўлга киритиш усуллари ҳар хил бўлиши мумкин: бевосита (фаол) қўлга киритиш; жадал қўлга киритиш; символларни қўлга киритиш; хабарларни қўлга киритиш; электромагнит (пассив) қўлга киритиш; аудио қўлга киритиш (ахборотни виброакустик каналлар орқали олиш); видео қўлга киритиш ва ҳ.к. Ахборотни қўлга киритиш ё тизимнинг ташқи коммуникация каналлари орқали тўғридан-тўғри, ё периферия қурилмалари линияларига бевосита уланиш йўли билан амалга оширилади. Бунда бевосита “эшитиб туриш” объектлари кабелли ва симли системалар, ер устидаги микротўлқинли системалар, йўлдош алоқа системалари, шунингдек ҳукумат алоқаси махсус системалари ҳисобланади.

Электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилиши ЭҲМ ёки унинг қурилмалари билан ностандарт

вазият юзага келишидан иборат бўлиб, бунда уларнинг нормал фаолият кўрсатишига вақтинчалик ёки турғун ҳалақитлар (ишнинг секинлашуви ёки ишдан чиқариш) яратилади, лекин ЭҲМ, ЭҲМ тизими ёки уларнинг тармоқларининг моддий яхлитлигига дахл этилмайди. Масалан, ахборот қурилмасининг ишидаги носозликлар, ахборотни беришни рад этиш, бузиб кўрсатилган ахборотни бериш ва ш.к. Агар зикр этилган носозликлар билан бир қаторда компьютер қурилмасининг моддий буюм сифатидаги яхлитлигининг бузилиши ҳам юз берган бўлса, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 173-моддаси (Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш) билан квалификация қилинади.

ЖК 278²-моддаси диспозициясида кўрсатилган оқибатларнинг муқобилли хусусияти шу билан белгиланадики, шахс компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишга доир айна бир ҳаракатларни содир этиши баъзан турли жиноий натижаларга олиб келади. Одатда, бу компьютер ахборотининг муҳофаза қилинишига, ҳисоблаш тизимининг ишончлилиқ даражасига, ҳисоблаш тизимининг бошқа тизимлар билан алоқасига ва бошқа шунга ўхшаш омилларга боғлиқ бўлади. Занжир реакция юз бериши, яъни бир жиноий натижа бошқа жиноий натижа келиб чиқишига сабаб

бўлиши ҳам мумкин.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш бошқа қасддан жиноятни содир этиш усули сифатида амал қилган, ЭХМдан эса жиноий ниятни амалга ошириш куроли сифатида фойдаланилган ҳолда қилмиш ЖКнинг тегишли моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим. Масалан, кўриб чиқилган оқибатлар компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишдан кейин амалга оширилган мазкур ахборотга ўзгача усулда қасддан таъсир кўрсатиш натижасида юз берган бўлса, қилмиш қонунда кўрсатилган белгилар мавжуд бўлган тақдирда ЖК 278⁴-моддаси (Компьютер ахборотини модификациялаштириш) ёки 278⁵-моддаси (Компьютер саботажи) бўйича квалификация қилиниши лозим.

ЖК 278²-моддасида назарда тутилган жиноят объектив томондан **қасддан, тўғри ёки эгри** қасд билан содир этилади. Айбдор компьютер ахборотидан бу ахборот мулкдори (эгаси)нинг рухсатсиз ёки рухсат билан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бузиб фойдаланаётганини англайди, ўз ҳаракатлари натижасида қонунда белгиланган ижтимоий хавфли оқибатлар юз беришига кўзи етади ва уларнинг юз беришини истайди ёки уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўяди.

Эҳтиётсизлик айти ҳолда шахс компьютер тизимида сақланаётган ахборотдан фойдаланишнинг қонунийлигига берган баҳосида, шунингдек унинг мазкур ҳаракатлар натижасида юз берган ижтимоий хавфли оқибатларга бўлган муносабатидан намоён бўлиши мумкин.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш ниятсиз компьютер ахборотидан рухсатсиз фойдаланиш жиноят таркибини ташкил этмайди. Масалан, бевосита фойдаланувчининг хатоси туфайли ахборотдан беихтиёр фойдаланиш ва ш.к.

Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишнинг **мотивлари** ва **мақсадлари** кўриб чиқиладиган жиноят таркибининг муқаррар белгилари ҳисобланмайди ва, бинобарин, жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди, лекин айбдорга одилона жазо тайинлаш чоғида ҳисобга олиниши мумкин.

Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс **ЖК 278²-моддасида** назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин. Бу бутунлай бегона шахс бўлиши ҳам, муайян тоифадаги ахборот билан ишлаш ҳуқуқига эга бўлмаган қонуний фойдаланувчининг ўзи бўлиши ҳам мумкин.

ЖК 278²-моддаси 2-қисмида компьютер ахборотидан

қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар назарда тутилган.

Бундай ҳолатларга қуйидагилар киради:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;
- г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш.

Жиноят **ЖК 278²-моддаси 2-қисмининг “а” банди** бўйича квалификация қилиниши учун жиноятда уни биргалашиб содир этиш ҳақида олдиндан келишган шахслар иштирок этган бўлиши лозим. Мисол учун, жиний гуруҳнинг бир иштирокчиси муҳофаза системасини бузиб кириши ва шу тариқа компьютер ахборотидан фойдаланиш учун бевосита имконият яратиши, гуруҳнинг бошқа иштирокчиси эса бу ахборот билан қонунда кўрсатилган ижтимоий хавфли оқибатлар юз беришига сабаб бўлган тегишли манипуляцияларни бажариши мумкин.

ЖК 278²-моддаси 2-қисмининг “в” банди мазмунидаги **хизмат мавқеидан фойдаланиш** деганда меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномасига биноан бажарувчи ишига кўра компьютер ахборотидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган

шахсининг компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишини ёки ўз хизмат мавқеига кўра бундай фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсларга таъсир ўтказишини тушуниш лозим.

Шахс ўз хизмат мавқеидан фойдаланар экан, хизмат бўйича ўзига берилган ҳуқуқлар ва бурчлардан амалда фойдаланади, лекин бу ҳуқуқлар ва бурчларни амалга ошириш тартибини бузади, яъни ўзининг хизмат ваколатлари доирасидан четга чиқади ва ўз ҳуқуқлари ва бурчлари татбиқ этилмайдиган ёки фойдаланиш учун ўзида рухсат бўлмаган компьютер ахборотини тасарруф этиш имкониятини қўлга киритади.

Электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳақида батафсилроқ ЖК 278¹-моддаси таҳлилига қаранг.

Компьютер тизимидан фойдаланувчи ташкилотларнинг ходимлари ҳам, назорат қилувчи ташкилотларнинг ходимлари ҳам **ЖК 278²-моддаси 2-қисмининг “в” бандида** назарда тутилган жиноят **субъекти** бўлиши мумкин. Агар жиноят субъекти мансабдор шахс бўлса, ишнинг ҳолатларини ҳисобга олиб қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича **ЖК ЖК 278²-моддаси** ва 205-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини сууистеъмол

қилиш) ёки 206-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш) билан квалификация қилиниши мумкин.

Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, шунингдек уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишни квалификация қилиш хусусиятлари биз юқорида бошқа жиноят таркибларининг таҳлилида кўриб чиққан жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилар билан айнийдир.

3-§. Компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш (ЖК 278³-моддаси)

Мазкур жиноятнинг бевосита объекти компьютер ахборотининг хавфсизлигини ва электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари нормал ишлашини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлардир. **Қўшимча объект** сифатида бу ерда фуқароларнинг шахсий ёки мулкый манфаатлари ёхуд

давлат ёки жамоат манфаатлари амал қилиши мумкин.

Жиноятнинг предмети – ҳимояланган компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситалари.

Дастурий ва аппарат воситалари компьютер техникаси воситаларига киради.

Дастурий восита – бу “ахборотга ишлов бериш тизимининг фаолият кўрсатишига тааллуқли бўлган дастурлар, таомиллар, қоидалардан, шунингдек, агар назарда тутилган бўлса, уларга йўлдош ҳужжатлар ва маълумотлардан таркиб топган объект”.

Дастурий воситаларга қуйидагилар киради:

- **дастурий таъминот** – бошқарувчи ва ишлов берувчи дастурларнинг қуйидагилардан иборат мажмуи: система дастурлари (операцион системалар, техник хизматлар кўрсатиш дастурлари), амалий дастурлар (муайян типдаги вазифаларни ечиш учун мўлжалланган дастурлар, масалан матн муҳаррирлари, вирусга қарши дастурлар, маълумотлар базаларини бошқариш тизимлари ва ш.к.), шунингдек инструментал дастурлар (дастурлаштириш тиллари – Turbo C, Microsoft Basic ва ҳоказолар ҳамда трансляторлар – алгоритмик ва символик тиллардан машина кодларига ўз-ўзидан ўгиришни

таъминловчи дастурлар мажмуи)дан;

- **ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчининг машинадаги ахбороти.**

Дастурий воситалар ўзлари қандай жисмга ёзилганлигидан қатъи назар интеллектуал маҳсулот ҳисобланади.

Ҳимояланган компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий воситалар асосан ахборотдан рухсатсиз фойдаланиш, нусха кўчириш, уни ўғирлаш ёки модификациялаштиришдан муҳофаза қилувчи тизимни бузиб кириш учун мўлжалланган дастурлардан иборат.

Аппарат воситалари – маълумотларга ишлов бериш учун қўлланиладиган техника воситалари. Уларга маълумотларга автоматлаштирилган усулда ишлов бериш учун мўлжалланган барча механик, электр ва электрон қурилмалар (шахсий компьютер, периферия қурилмаси ва машина ахборотининг моддий манбалари) киради.

ЖК 278³-моддаси мазмунидаги **махсус аппарат воситалари** деганда ахборотдан рухсатсиз фойдаланиш, нусха кўчириш, уни ўғирлаш ёки модификациялаштиришдан муҳофаза қилувчи тизимни бузиб кириш учун мўлжалланган механик, электромеханик, электрон, оптик, лазер, радио, радиотехник,

радиолокацион ва бошқа қурилмалар, тизимлар ва иншоотлар тушунилади.

“Қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш” тушунчаси ҳақида ЖК 278²-моддаси таҳлилига қаранг. “Компьютер тизими” тушунчасининг мазмуни ЖК 278¹-моддаси таҳлилида ёритилган.

Ҳимояланган компьютер тизими – бу муомалада бўлиш тартибини мулкдори (эгаси) ўрнатган ахборотдан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланилишига қаршилик туришга қодир бўлган компьютер тизими.

Компьютер тизимини ҳимоялаш аввало ундаги ахборотни муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилади.

Ахборотни муҳофаза қилиш ҳақида батафсилроқ ЖК 278¹-моддаси таҳлилига қаранг.

ЖК 278³-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** ҳимояланган компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатишда акс этади.

Ҳимояланган компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни **тайёрлаш** шахс томонидан бу воситаларни яратишга қаратилган

ҳар қандай ҳаракатларнинг амалга оширилишини англатади. Хусусан, махсус дастурий воситаларни тайёрлаш ҳимояланган компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш учун мўлжалланган компьютер дастурларини яратишда ифодаланади. Махсус аппарат воситаларини тайёрлаш эса компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш учун имконият яратадиган турли техник тизимлар, асбоблар, қурилмаларни яратишдан иборат.

Шуни қайд этиш лозимки, компьютер номенклатурасидан келиб чиқиб, “тайёрлаш” атамасини фақат аппарат воситаларига нисбатан қўллаш ўринли бўлади, дастурий воситаларга нисбатан “яратиш” атамаси ишлатилса, тўғри бўлади.

Ҳимояланган компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини тайёрлаш (яратиш) кўриб чиқиладиган жинойт таркибини фақат айбдор уларни ўтказиш мақсадини кўзлаган ҳоллардагина ташкил этади.

Қонуннинг мазкур қондаси ҳам аниқлик киритишни талаб этади. “Ўтказиш” атамасини дастурий воситаларга нисбатан қўллаш мумкин эмас, уларни фақат тарқатиш мумкин.

Шу туфайли ҳам **ЖК 278³-моддаси** мазмунидаги **ўтказиш** деганда махсус аппарат воситаларини номуайян доирадаги

шахслар фойдасига (жумладан, сотиш, ҳадя қилиш, ижарага бериш, қарзга бериш йўли билан) бегоналаштиришнинг ҳар қандай шакли тушунилиши лозим.

Айни ҳолда **тарқатиш** деганда номуайян доирадаги шахслар кўриб чиқиладиган норманинг диспозициясида тавсифланган махсус дастурий воситалардан фойдаланиш имкониятини қўлга киритиши учун шароит яратиш тушунилиши лозим. Дастурий воситаларни тарқатиш усуллари ҳар хил (электрон почта орқали узатиш, компьютер тармоғи воситасида алоқа линияси орқали узатиш ва ш.к.) бўлиши мумкин ва қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

Кўриб чиқиладиган моддада қўлланилган атамалар хусусида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, **ЖК 278³-моддаси 1-қисмининг** диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилса, ўринли бўлар эди: *“Ҳимояланган компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини тарқатиш ёки ўтказиш мақсадини кўзлаб яратиш ёки тайёрлаш, шунингдек тарқатиш ёки ўтказиш”*. Шунга мос равишда модданинг номи ҳам ўзгартирилиши лозим.

Кўриб чиқиладиган жиноят қонунда кўрсатилган, вазифасига кўра фойдаланиш учун тайёр бўлган махсус

воситанинг ҳеч бўлмаса битта нусхаси тайёрланган (яратилган) пайтдан ёки бундай воситалардан ҳеч бўлмаса биттаси ўтказилган ёки тарқатилган пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳисобланади.

ЖК 278³-моддасида назарда тутилган жиноят **объектив** томондан фақат **тўғри қасд** билан содир этилиши мумкин. Айбдор ўзи махсус воситаларни компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун уларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаётганини англайди ёки мазкур воситаларни ўтказаетгани ёки тарқатаётганини англайди ва бундай қилишни истайди. Ҳимояланган компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситалари тайёрланганда махсус **мақсад** – кўрсатилган дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш ҳам аниқланиши лозим.

Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс мазкур жиноят субъекти бўлиши мумкин.

ЖК 278³-моддаси 2-қисмида:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;
- г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини

кўзлаб содир этилган ҳимояланган компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Мазкур белгиларнинг мазмуни ҳақида ЖК 278²-моддаси таҳлилига қаранг.

4-§. Компьютер ахборотини модификациялаштириш (ЖК 278⁴-моддаси)

Компьютер ахборотини модификациялаштиришнинг **асосий бевосита объекти** компьютер ахборотининг хавфсизлигини ва электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари нормал ишлашини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлардир. **Қўшимча бевосита объект** – фуқароларнинг шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқлари ва манфаатларини, шунингдек давлат ва жамоат манфаатларини амалга оширишни кафолатловчи

ижтимоий муносабатлар.

“Компьютер ахбороти”, “электрон ҳисоблаш машиналари”, “электрон ҳисоблаш машиналари тизими”, “ЭҲМ тармоқлари” тушунчаларининг мазмуни ҳақида ЖК 278¹-моддаси таҳлилига қаранг.

Жиноятнинг **объектив томони** фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб унга ёлғон ахборотни киритишдан иборат.

Компьютер ахборотини **модификациялаштириш** – мазкур ахборотни қайта ишлаш, яъни компьютер тизимида сақланаётган ахборотга адаптация ҳисобланмаган ҳар қандай ўзгаришларни киритиш.

Кўриб чиқиладиган модда бўйича жиноий жавобгарлик келиб чиқиши учун компьютер ахборотини модификациялаштириш, яъни компьютер тизимида сақланаётган ахборотни ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш **қонунга хилоф равишда**, яъни шахс томонидан қонунда

белгиланган ҳуқуқсиз ёки бу ахборотнинг мулкдори ёки қонуний эгасининг рухсатсиз амалга оширилган бўлиши лозим. Компьютер ахборотини қонуний модификациялаштириш, тегишли равишда, фақат бу ахборотга қонуний эгалик қилувчи шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Жумладан, шахс дастурлар ва маълумотлар базаларини қонуний модификациялаштиришни:

- очик-ойдин хатоларни тузатиш;
- дастурлар, маълумотлар базаларига улар фойдаланувчининг техника воситаларида фаолият кўрсатиши учун тузатишлар киритиш;
- бошқа дастурлар билан ўзаро алоқа қилиш қобилиятига эришиш учун дастурни қисман декомпиляция қилиш тарзида амалга ошириши мумкин.

Ҳар қандай ҳолда амалга оширилган модификациялаштиришнинг қонунийлиги тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқ ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” 2006 йил 20 июлдаги ЎРҚ-42-сон Қонуни қоидаларини ҳисоб олиб ҳал қилиниши лозим.

Ўзгартириш деганда компьютер ахборотининг дастлабки ҳолатига унинг мазмунини ўзгартирмайдиган ҳар хил тузатишларнинг киритилиши (масалан, маълумотлар базасини

реструктуризация қилиш ёки қайта ташкил этиш, унинг файлларидаги ёзувларни қўшиш, ЭҲМ ёки маълумотлар базаси учун дастурни бир тилдан бошқа тилга ўгириш) тушунилиши лозим.

Ахборотга **шикаст етказиш** деб уни техника воситалари билан ишлов бериш чоғида яроқсиз ҳолатга келтирилиши (агар уни тиклаш имконияти мавжуд бўлса) тушунилиши лозим.

Компьютер тизимида сақланаётган ахборотни **ўчириш** амалда уни йўқ қилиб юбориш ҳисобланади ва файлни ёки унинг бир қисмини мантиқий ва моддий жиҳатдан фойдаланиб бўлмайдиган ҳолатга келтирувчи операциядан иборат.

Кўриб чиқилаётган норма мазмунидаги **била туриб ёлғон ахборотни киритиш** компьютер тизимида сақланаётган ахборотга ҳақиқатга мос келмайдиган маълумотларни қўшиб қўйишдан иборат.

Компьютер ахборотини модификациялаштиришнинг кўрсатилган объектив белгиларини синчиклаб таҳлил қилиш бизга кўриб чиқилаётган жиноят-ҳуқуқий норма диспозициясининг қонундаги тузилишида айрим жиддий зиддиятларни аниқлаш имконини берди ва уларга ўқувчи эътиборини қаратмоқчимиз.

Биринчидан, компьютер ахборотини

модификациялаштириш унга шикаст етказиш (ахборотни яроқсиз ҳолатга келтириш) ва уни ўчириш (ахборотни йўқ қилиб юбориш) билан боғлиқ бўлиши мумкин эмас. Модификациялаштириш ахборотни қайта ишлашни, яъни уни ўзгартириш, бузиб кўрсатиш, сохталаштиришни англатади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни 1-моддаси (Асосий тушунчалар) 7-қисмида **ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялаш (қайта ишлаш)** тушунчаси белгиланган бўлиб, у кўрсатилган дастурлар ва маълумотлар базаларини адаптация деб ҳисобланмайдиган ва бошланғич матн ўзгаришига олиб келадиган ҳар қандай тарзда ўзгартиришни англатади.

Тармоқ стандартида ахборотни модификациялаштириш “ахборот мазмуни ёки ҳажмини унинг манбаларида техника воситалари билан ишлов бериш чоғида рухсатсиз ўзгартириш” сифатида тавсифланади (2.7-банд). Шунингдек стандартда “ахборотни бузиб кўрсатиш” ва “ахборотни сохталаштириш” тушунчаларига ҳам таъриф берилган бўлиб, улар айнан ахборотни рухсатсиз *модификациялаштириш* сифатида талқин қилинади:

“Ахборотни бузиб кўрсатиш – ахборот унга техника воситалари билан ишлов бериш (узатиш) чоғида сиртдан таъсирлар (шовқинлар), аппаратура ишидаги носозликлар ёки хизмат кўрсатувчи ходимларнинг янглиш ҳаракатлари натижасида тасодифий ёки қасддан рухсатсиз модификациялаштириш” (2.6-банд)”.

“Ахборотни сохталаштириш – ахборотни унга техника воситалари билан ишлов бериш чоғида рақиб олдида муайян қулайлик (устунлик)ларга эришиш ёки унга зарар етказиш мақсадида қасддан рухсатсиз модификациялаштириш” (2.8-банд).

Иккинчидан, “ахборотга шикаст етказиш” ва “ахборотни ўчириш” каби тушунчалар компьютер соҳасидаги норасмий терминологияга киради, чунки улар стандартлаштирилмаган ва ахборотлаштириш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларда мавжуд эмас.

“Ахборотни ўчириш” тушунчасига Тармоқ стандартида “ахборотни йўқ қилиб юбориш” тушунчасига берилган таърифда дуч келиш мумкин:

“Ахборотни йўқ қилиб юбориш – ахборотни унинг манбаларида техника воситалари билан ишлов бериш чоғида

тасодифий ёки қасддан *ўчириш*” (2.9-банд)¹. Бу таърифдан кўриниб турганидек, ахборотни ўзгартириш, унга шикаст етказиш ва уни сохталаштиришдан фарқли ўлароқ, ахборот йўқ қилиб юбориш (худди шунингдек уни ўчириш) ахборотни модификациялаштириш ҳисобланмайди.

Худди шу гапни ахборотга шикаст етказиш ҳақида ҳам айтиш мумкин. Мазкур тушунчага расмий таъриф берилмагани боис, уни этимологик мазмунидан келиб чиқиб, хусусан, ахборотни бузиш, уни фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш сифатида талқин қилишга тўғри келадик, булар ҳам компьютер ахборотини модификациялаштиришнинг маъно ва мазмунига мос келмайди.

Мазкур тушунчалар ўз табиатига кўра кўпроқ компьютер саботажига тааллуқлидир.

Бундан ташқари, қонун чиқарувчининг ўзи ЖК 278²-моддаси (Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш) ва 278⁶-моддаси (Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш)ни тузишда йўқ қилиб юбориш ва модификациялаштиришни турли жинсли тушунчалар сифатида ишлатган, кўриб чиқилаётган модда диспозициясида эса, “йўқ қилиб юбориш” атамасининг ўрнига у

¹ Ўша ерда.

билан айний бўлган “ўчириш” атамасини ишлатиб, ахборотни йўқ қилиб юборишга уни модификациялаштиришнинг тур хили сифатида ёндашган. Яъни **ЖК 278⁴-моддасида** ахборотни модификациялаштириш амалда ахборотни йўқ қилиб юбориш (ўчириш)га нисбатан жинс билдирувчи тушунча сифатида намоён бўлади. Бизнингча, бу ёндашув мантиққа зид ва компьютер терминологиясини қўллашда ноизчилликни намоёйиш этади.

Учинчидан, ЖК 278⁴-моддаси 1-қисмидаги “била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш” иборасини ҳам ўз ўрнида ишлатилган деб айтиш мушкул. Бу ерда муайян такрорийлик кузатилади: била туриб унга (яъни *ахборотга*) ёлғон *ахборотни* киритиш. Бундан ташқари, компьютер ахборотига ёлғон, яъни ҳақиқатга мос келмайдиган маълумотларни киритиш уни бузиб кўрсатиш ёки сохталаштиришни англатади.

Шуни эътиборга олиб кўриб чиқилаётган модда биринчи қисмининг мазмуни қуйидагича таърифланса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлар эди: *“Компьютер ахборотини модификациялаштириши, яъни компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириши, бузиб кўрсатиши, худди шунингдек уни сохталаштириши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган*

манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса...”.

Бу фикр-мулоҳазалар миллий жиноят қонунчилигимизни янада такомиллаштириш чоғида эътиборга олинади деб умид қиламиз.

Компьютер ахборотини қонунга хилоф равишда модификациялаштириш **ЖК 278⁴-моддаси 1-қисмида** кўрсатилган ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган, яъни фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилган вақтдан эътиборан **туғалланган** жиноят деб эътироф этилади.

Мазкур жиноят содир этилиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига **жиддий зиён** етказилиши муҳим ёки ҳатто ўта ноёб ахборотнинг йўқолишидан; муҳим техника воситалари ишдан чиқишидан (жумладан, авария, ҳалокат ва одамлар ўлимига сабаб бўлиши мумкин бўлган авианавигация техникаси ишдан чиқишидан); компьютер тармоғига бирлаштирилган ЭҲМ ўртасида алоқанинг қайта созлаш ёки узоқ вақт таъмирлашни талаб этувчи узилишидан ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин.

Кўрсатилган ижтимоий хавфли оқибатларнинг тавсифи ва уларни квалификация қилиш хусусиятлари ҳақида батафсилроқ ЖК 278¹-моддаси таҳлилига қаранг.

ЖК 278⁴-моддасида назарда тутилган жиноят **субъектив** томондан қасдан (тўғри ёки эгри қасд билан), **эҳтиётсизлик** орқасида ёки **мураккаб айбли жиноят** тарзида содир этилиши мумкин.

Мазкур айб шаклларида ақл ва идрок омиллари мазмуни ҳақида ЖК 278¹-моддаси таҳлилида айтиб ўтилган.

Қилмишни квалификация қилишда унинг **мотиви** ва **мақсади** иккинчи даражали аҳамият касб этади.

ЖК 278⁴-моддаси 2-қисмида:

- а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган компьютер ахборотини қонунга хилоф равишда модификациялаштириш учун жавобгарлик белгиланган.

Мазкур жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни квалификация қилиш хусусиятлари ҳақида ЖК 278¹-моддаси ва ЖК 278²-моддаси таҳлилига қаранг.

5-§. Компьютер саботаж (ЖК 278⁵-моддаси)

Мазкур жиноятнинг **бевосита объектини** компьютер ахбороти ёки дастурларнинг, шунингдек компьютер ускунасининг бутлигини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Бу ерда **қўшимча объект** сифатида фуқароларнинг шахсий ёки мулкый манфаатларини ёхуд давлат ва жамоат манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар амал қилиши мумкин.

С.И.Ожегов изоҳли луғатига кўра, **саботаж** ўзини худди ишни лозим даражада бажараётгандек қилиб кўрсатиб уни қасддан издан чиқариш ёки барбод қилишни, бирон-бир нарсани бажариш, амалга оширишга зимдан қарши ҳаракат қилишни англатади.

Шундан ҳамда кўриб чиқилаётган модда диспозициясининг таҳриридан келиб чиқиб, **компьютер саботаж**и деб компьютер ускунаси ёки компьютер тизимининг ишига улар нормал фаолият кўрсатишига халақит бериш ниятида аралашини эътироф этиш мумкин.

Ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунаси, шунингдек компьютер тизими жиноят **предмети** ҳисобланади.

Компьютер ускунаси – ахборотни ўзгартириш ва сақлаш

учун мўлжалланган ускуна. Бу турдаги ускунага алоқа тизимлари ва воситалари ускунаси, ўлчаш ва бошқариш воситалари, ҳисоблаш техникаси воситалари (маълумотларга автоматлаштирилган усулда ишлов бериш учун аналогли ва аналогли-рақамли машиналар, ҳисоблаш электрон, электромеханик ва механик комплекслари ва машиналари, маълумотларни сақлаш, қидириш ва уларга ишлов бериш учун мўлжалланган, турли вазифаларни ечиш билан боғлиқ бўлган қурилмалар) ва ташкилий техника воситалари, ахборотни визуал ва акустик акс эттириш воситалари, ахборотни сақлаш воситалари, театр-саҳна ускунаси ва ш.к.

“Компьютер тизими” тушунчаси ҳақида ЖК 278¹-моддаси таҳлилига қаранг.

Компьютер саботажининг **объектив томони** ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини ишдан чиқариш, шунингдек компьютер тизимини бузишдан иборат.

Компьютер ускунасини ишдан чиқариш компьютер тизими, тармоғи, ЭҲМ таркибидаги айрим элементларни уларнинг вазифасига мувофиқ фаолият кўрсатишини жиддий қийинлаштирувчи тарзда ярқисиз ҳолатга келтиришни англатади.

Компьютер тизимини бузиш деганда тизимнинг барча аппарат (техник) компонентлари ёки уларнинг айримлари йўқ қилиб юборилиши натижасида бу тизим ўз фаолиятини тўхтатиши тушунилиши лозим. Бунда қилмишни ЖК 173-моддаси (Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш) билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Компьютер саботажини амалга ошириш усули моддий (блокларни йўқ қилиб юбориш, дискеталар, магнит барабанлари, дисклар, тасмалар ва шу кабиларни яроқсиз ҳолга келтириш) ёки аппарат-дастурий (қурилмаларни мазкур ЭҲМ, унинг тизими ёки тармоғига мос келмайдиган бошқа қурилмалар билан алмаштириш; маълумотлар базаси устидан ўйин дастурларини ёзиш; файлларнинг номларини ўзгартириш ва ш.к.) бўлиши мумкин, лекин бу айбдорнинг ҳаракатларига юридик баҳо беришга таъсир кўрсатмайди.

Компьютер саботажи шахс кўриб чиқиладиган модда диспозициясида кўрсатилган ҳаракатларни бажарган, яъни ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқарган ёхуд компьютер тизимини бузган вақтдан эътиборан тугалланган жиноят деб эътироф этилади.

Субъектив томондан мазкур жиноят тўғри қасд билан

содир этилиши мумкин. Айбдор компьютер ускунасини ишдан чиқариш ёхуд компьютер тизимини бузишга қаратилган ҳаракатларни бажараётганини англайди ва буни истайди.

Бизнингча, кўриб чиқилаётган модда биринчи қисмининг диспозицияси ҳам такомиллаштиришни талаб этади. Уни қуйидаги таҳрирда баён этиш ўринли бўлади деб ўйлаймиз: *“Компьютер саботажу, яъни электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишини бузиш мақсадида компьютер ахборотини қасддан йўқ қилиб юбориш, унга шикаст етказиш ёки уни тўсиб қўйиш ёхуд ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш”*.

Жиноий қилмишнинг махсус мақсади – электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишини бузишни кўрсатиш аввало компьютер саботажининг моҳиятини, унинг қилмишни тўғри квалификация қилиш учун зарур бўлган муқаррар элементларини тўлиқ акс эттириш ва уни турдош жиноят таркиби – мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш (ЖК 173-моддаси)дан фарқлаш имконини беради.

Масалан, компьютер ускунасини ишдан чиқариш уни

шундай бир ҳолатга келтиришни англатадики, бунда мазкур ускунадан унинг ўз функционал вазифасига кўра фойдаланиш мумкин бўлмасин. Бу, юқорида қайд этиб ўтилганидек, моддий буюм сифатидаги компьютер ускунасининг яхлитлигини бузиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бундай вазиятларда айнан айбдор ғайриқонуний хулқ-атворининг махсус мақсади қилмишга тўғри юридик баҳо бериш имконини беради.

Компьютер ахборотини йўқ қилиб юбориш, унга шикаст етказиш (худди шунингдек уни тўсиб қўйиш)га келсак, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, мазкур ҳаракатлар қасддан (ва айниқса махсус мақсад билан) содир этилганда айнан компьютер саботажига киритилиши лозим.

Бу ҳақда батафсилроқ ЖК 278⁴-моддаси таҳлилига қаранг.

ЖК 278⁵-моддаси 2-қисмида:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган компьютер саботажига учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жавобгарликни оғирлаштирувчи мазкур белгиларнинг мазмуни ва уларни квалификация қилиш хусусиятлари ҳақида ЖК 278²-моддаси таҳлилига қаранг.

6-§. Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш (ЖК 278^б-моддаси)

Ушбу жиноятнинг **бевосита объекти** компьютер ахбороти хавфсизлигини ва электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари нормал ишлашини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлардир. Бу ерда **қўшимча объект** сифатида фуқароларнинг шахсий ёки мулкӣ манфаатлари ёхуд давлат ва жамоат манфаатлари ҳам амал қилиши мумкин.

Жиноятнинг **предмети** – зарар келтирувчи компьютер дастурлари, шунингдек махсус вирус дастурлари.

Компьютер дастурлари (ЭХМ учун дастур) – бу “муайян натижа олиш мақсадида ЭХМ, ЭХМ шохобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи”. Компьютер дастури деб уни ишлаб чиқиш чоғида олинган тайёргарлик ҳужжатлари ҳамда у билан яратиладиган аудиовизуал тасвирлар ҳам эътироф этилади.

Шуни қайд этиш муҳимки, **ЖК 278^б-моддаси** диспозициясида гап айнан **зарар келтирувчи** компьютер дастури (ЭХМ дастури) ҳақида боради.

Зарар келтирувчи компьютер дастурлари – фойдаланувчи рухсат бермаган ҳаракатларни бажаришга ва шу тариқа компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборот мулкдори (эгаси)га уни йўқ қилиб ташлаш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш тарзида зиён етказишга, шунингдек ўзга кўнгилсиз оқибатлар (ЭҲМ, ЭҲМ тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилиши)га сабаб бўлишга қодир бўлган, махсус яратилган дастурлар.

Дастурнинг зарарлилигини аниқлаш учун у компьютер тизимларида сақланаётган маълумотлар ёки дастурлар рухсатсиз тўсиб қўйилиши, улардан нусха кўчирилиши, уларнинг модификациялаштирилиши, йўқ қилиб юборилишига олиб келишга қодирлиги ёки қодир эмаслиги, яъни бу дастур ишининг хусусияти ҳақида ахборот мулкдори (эгаси) ёки ўзга ваколатли фойдаланувчини олдиндан хабардор этиш назарда тутилганлиги ёки назарда тутилмаганлиги, шунингдек дастур ўз функцияларини бажаришига унинг рухсатини олиш назарда тутилганилиги ёки назарда тутилмаганлиги аниқланиши лозим. Агар бу талабларнинг ҳеч бўлмаса биттаси бузилса ҳам дастур ноқонуний (зарар келтирувчи) деб топилиши лозим.

Зарар келтирувчи дастурлар тоифасига қуйидагилар

киради: вирус дастурлари; электрон калитларнинг дастур-эмуляторлари; паролли муҳофазани бузувчи дастурлар; “мантикий бомбалар”; “троя оти”, “қурт” қабалидаги ва бошқа дастурлар.

Ўз вақтида (2001 йил) компьютер ахборотини қўлга киритиш ва ўзганинг ЭҲМ устидан назорат ўрнатишга мўлжалланган “троя оти” дастури барча зарур келтирувчи дастурлар орасида айниқса кенг тарқалган эди. Мазкур дастур дастурий таъминот муаллифи томонидан назарда тутилмаган кўрсатмалар блокидан иборат бўлиб, улар ўз вазифасини бажариб бўлганидан сўнг ўз-ўзидан йўқ бўлади. Шундан сўнг мазкур дастурий модулларни топиш деярли мумкин эмас. Троя дастурларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар компьютер тизимига чуқур киради, яхшилаб ниқобланади, шу боис уларни аниқлаш ва ўчириб ташлаш жуда қийин.

“Мантикий бомбалар” ҳам анча кенг тарқалган зарар келтирувчи вируслардир. Улар қасддан дастур кодини ўзгартиришдан иборат бўлиб, бунинг натижасида ЭҲМ дастури ёки тизими олдиндан белгиланган шароитда, масалан, муайян вақтда тўлиқ ёки қисман ишдан чиқади.

“Мантикий бомбалар”нинг компьютер вирусларидан фарқи шундаки, улар аввал-бошдан дастурнинг бир қисми ҳисобланади

ва бошқа дастурларга ўтмайди, компьютер вируслари эса ҳаракатчан дастурлар бўлиб, ҳатто компьютер тармоқлари бўйлаб тарқалиши ҳам мумкин.

Вирус дастури – бошқа дастурларга ўз-ўзидан кўшилишга (яъни уларни “зарарлаш”га) ва улар ишга туширилганда ваколатли фойдаланувчи учун номақбул бўлган турли амалларни бажариш, чунончи: файллар ва каталогларга шикаст етказиш йўли билан улардаги ахборотни йўқ қилиб юбориш, модификациялаштириш, тўсиб қўйиш; компьютер хотирасини кераксиз маълумотлар билан тўлдириш ёки ўчириш, унинг иши секинлашувига олиб келиш ва ҳоказоларга қодир бўлган зарар келтирувчи махсус дастур.

Вирус дастурлар одатда улар ўз-ўзидан нусха кўчириши ва ниқобланишини таъминловчи кўрсатмаларни ўз ичига олади. Муайян давр мобайнида вирус ўзини намоён этмаслиги мумкин, лекин кейинчалик компьютер “касалланади” ва сиртдан сабабсиз ишдан чиқади. Аксарият ҳолларда компьютер ишидаги носозликлар ахборот тўлиқ ёки қисман йўқ бўлиб кетиши билан бирга юз беради.

Расмий даражада рўйхатда ўтказилган, компьютерни бутунлай яроқсиз ҳолатга келтиришга қодир бўлган компьютер вируслари орасида “Покистон вирусини”, “Рождество арчасини”,

“Моррис вируси”, “I love you”, “666” вирусларини қайд этиш мумкин. Ҳозирги вақтда ЭҲМ учун вируслар сони бир неча ўн мингтага етади ва уларнинг сони тинимсиз ўсиб бораётир.

ЖК 278^б-моддасида назарда тутилган жинойтнинг **объектив томони** компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатишда акс этади.

Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш дастурий алгоритмни ёзишни, яъни мантиқий кўрсатмалар кетма-кетлигини ва кейинчалик уни ЭҲМ машина тилига ўтказишни назарда тутди.

Умуман олганда ҳар қандай компьютер дастурини яратиш алгоритмни ёзиш тилини танлаш, кейинчалик ЭҲМ машина тилига ўтказиш, дастурни ростлаш ва сақлаб қўйишни ўз ичига олувчи изчил фаолиятдир. Зарар келтирувчи дастурларни яратиш вазифаси қўйилганда бу ҳаракатлар жинойт қонунига биноан жазога лойиқ деб топилиши мумкин.

Мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш – бу нозарар бўлган дастурни унга вирус киритиш орқали (унинг алгоритмини ўзгартириш, унинг айрим қисмларини олиб ташлаш ёки тўлдириш, уларни бошқа қисмлар билан алмаштириш йўли билан) модификациялаштириш бўлиб, бунинг натижасида дастур янги функцияларни орттиради ва компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборот рухсатсиз йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёки у қўлга киритилишига олиб келишга қодир бўлади.

“Ахборотни йўқ қилиб юбориш”, “ахборотни тўсиб қўйиш”, “ахборотни модификациялаштириш”, “ахборотдан нусха кўчириш” ва “ахборотни қўлга киритиш” тушунчаларининг мазмуни ҳақида ушбу бобда кўриб чиқилган олдинги моддалар таҳлилига қаранг.

Зарар келтирувчи дастур ёки махсус вирус дастуридан фойдаланиш деганда, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни 1-моддасининг қоидаларини ҳисобга олганда, қуйидагилар тушунилиши лозим:

- тегишли дастурни босиб чиқариш, яъни унинг

нусхаларини номуайян доирадаги шахсларга бериш (шу жумладан ЭХМ хотирасида ёзиб қўйиш ва босма матнни чиқариш йўли билан);

- ундан нусха олиш, яъни дастурнинг бир ёки бир нечта нусхаларини ҳар қандай моддий шаклда тайёрлаш, шунингдек уларни ЭХМ хотирасида ёзиб қўйиш;

- тарқатиш;

- дастурни хўжалик муомаласига (жумладан, модификациялаштирилган шаклда) киритиш юзасидан бошқа ҳаракатларни амалга ошириш. Бунда босиб чиқарилган тегишли дастур ҳақидаги хабарларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш зарур келтирувчи ёки махсус вирус дастуридан фойдаланиш деб эътироф этилмайди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, айрим ҳолларда зарар келтирувчи дастурлардан рухсат билан фойдаланилади, яъни бунда тегишли зарур келтирувчи дастурнинг қўлланилишини ахборот ресурсининг мулкдори ёки бошқа қонуний эгаси маъқуллайди (янги дастурий таъминотни ишлаб чиқишда, вирусга қарши воситаларни яратиш борасидаги тадқиқот ишларини ўтказишда ва ш.к.).

Зарар келтирувчи дастур ёки махсус вирус дастурини тарқатиш деганда зарар келтирувчи дастурнинг ҳар қандай

моддий шаклда, шу жумладан тармоқлар воситасида ва бошқа усуллар ёрдамида, шунингдек сотиш, прокатга бериш, ижарага топшириш, қарзга бериб туриш, жумладан ушбу мақсадларнинг исталгани учун импорт қилиш йўли билан олинган нусхаларидан фойдаланишни таъминлаш тушунилади. Кўриб чиқиладиган турдаги дастурларни тарқатиш бевосита улардан жабрланувчининг компютерида, масалан, дискетадан ёки бошқа манбадан нусха кўчириш йўли билан, шунингдек билвосита, қонуний фойдаланувчининг алоқа линияси бўйлаб компютер тармоғи орқали ёки электрон почта орқали узатиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

ЖК 278^б-моддасида назарда тутилган жиноят мазкур норманинг диспозициясида белгиланган ҳаракатларнинг исталган бири амалга оширилган пайтдан эътиборан, компютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш тарзидаги оқибатлар юз берганлиги ёки бермаганлигидан қатъи назар, **туғалланган** деб эътироф этилади. Хусусан, вирус дастурлари бирламчи матнлари мавжудлигининг ўзиёқ кўриб чиқиладиган модда бўйича жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Шуни қайд этиш лозимки, зарар келтирувчи дастурларни

яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритишда акс этган қилмиш у амалда ахборотнинг рухсатсиз йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёки унинг қўлга киритилиши хавфини вужудга келтирган ҳолдагина жиноят ҳисобланади. Акс ҳолда шахснинг зарар келтирувчи дастурларни яратиш, улардан фойдаланиш ёки уларни тарқатиш борасидаги ҳаракатлари жиноят сифатида қаралиши мумкин эмас. Масалан, монитор экранда штрих ҳосил қилиб, дарҳол ғойиб бўладиган анча зарарсиз дастур-вирусни яратган шахснинг ҳаракатлари жиноий бўлмайди.

Шу сабабли яратилган, тарқатилган ёки ишлатилган зарар келтирувчи дастур амалда ахборотнинг тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёки унинг қўлга киритилишига олиб келиши ва шу тариқа унинг эгасига хавф туғдириши мумкин бўлмаган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 36-моддасига биноан кам аҳамиятли деб баҳоланиши лозим.

Субъектив томондан мазкур жиноят фақат **тўғри қасд** билан содир этилиши мумкин. Шахс ўзи яратаётган дастурнинг зарар келтирувчи хоссаларини олдиндан билади, мавжуд дастурларга бундай ўзгартиришларни онгли равишда киритади,

махсус вирус дастурларини ишлаб чиқади, улардан фойдаланади ёки тарқатади ва буни истайди. Кўрсатилган ҳаракатларни айбдор **ЖК 278⁶-моддаси** диспозициясида белгиланган **мақсад** – компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритишни кўзлаб амалга оширади. Бу жиноятнинг **мотиви** қилмишни квалификация қилиш учун иккинчи даражали аҳамият касб этади.

Субъект – ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс. Одатда, бу кибернетика ва ахборот технологиялари соҳасида махсус билимларга эга бўлган шахс.

ЖК 278⁶-моддаси 2-қисмида:

- а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жавобгарликни оғирлаштирувчи бу белгиларнинг мазмуни ва уларни квалификация қилиш хусусиятлари ҳақида ЖК 278¹-моддаси ва 278²-моддаси таҳлилига қаранг.

“Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” мавзусига якуний саволлар

1. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш нимада акс этади?
2. Ахборотлаштириш қоидаларининг бузилиши натижасида жиддий зиён етказиш нимадан иборат?
3. Компьютер ахбороти деганда нима тушунилади?
4. Компьютер ахборотидан рухсатсиз фойдаланишдан компьютер ахборотидан рухсат билан фойдаланишнинг фарқи нимада? Компьютер ахборотидан фойдаланиш билан компьютер тизимидан фойдаланиш ўртасида фарқ борми?
5. Ахборотдан нусха кўчириш, уни тўсиб қўйиш, йўқ қилиб юбориш ва қўлга киритиш нимани англатади?
6. Электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилиши нимада акс этиши мумкин?
7. ЖК 278³-моддаси (Компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш)да назарда тутилган жиноятнинг предмети нима билан

белгиланади?

8. Компьютер ахборотини модификациялаштириш деганда нима тушунилади? Модификациялаштириш ахборотни йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, ундан нусха кўчириш ва уни қўлга киритишдан нима билан фарқ қилади?

9. Компьютер саботажи нимадан иборат?

10. Зарар келтирувчи компьютер дастури нима?

11. Зарар келтирувчи компьютер дастурини яратиш, ишлатиш ва тарқатиш деганда нима тушунилади?

VI БОБ. БЎЙСУНИШ ВА ҲАРБИЙ ШАЪНГА РИОЯ ЭТИШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

Ўзбекистон Республикаси қуrolли кучлари, бошқа ҳарбий тузилмалар давлат суверенитети ва мамлакат ҳудуди бутунлиги, аҳолининг тинч осуда ҳаёти ва хавфсизлигини сақлаш учун ташкил этилган.

Қуrolли кучлар ва бошқа ҳарбий тузилмаларнинг асосий фаолияти, шунингдек, улар томонидан ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажариш кафолати бўлиб ҳарбий хизматни уташга аниқ ва шартсиз риюя этилиши саналади.

Ҳарбий судлар, ҳарбий жиноятларнинг жамоат учун хавфи, ҳарбий интизом ҳамда қўшиннинг ҳарбий тайёргарлигини сусайтириб, мамлакатнинг мудофаа қобилиятига зарар етказишида эканлигига эътибор қаратмоқлари лозим.

Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда низом қоидаларининг бузилиши, ўз ваколатларини суистеъмол қилиш ёки уни ошириб юбориш ва х.к.лар ҳарбий хизматчилар орасида анча кенг тарқалган жиноятлардан ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчилар томонидан умумжиноят характеридаги бошқа бир қатор жиноятлар ҳам содир этиладики, оғир ва ўта оғир жиноятлар шулар жумласидандир.

Ҳарбий хизматни уташ тартибига қарши жиноятлар (ҳарбий жиноятлар) деганда, ЖКнинг еттинчи бўлимида келтирилган, чақирув бўйича (муддатли ҳарбий хизмат, мобиллашган чақирув резервидаги ёки альтернатив хизмат) ёки шартнома асосида ўзбекистон Республикаси Қуrolли кучларида, Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳарбий тузилмаларида ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбийлар томонидан, шунингдек, захирадаги ҳарбий хизматга мажбур кишилар томонидан улар ҳарбий йиғимларда иштирок этаётган чоғларида ўрнатилган тартибдаги ҳарбий хизматни ўташга қарши жиноятлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги 436-П-сонли «Умумий харбий мажбурият ва харбий хизмат тўғрисидаги» Қонуннинг моддасида харбий хизматнинг кўйидаги турлари кўрсатилган:

- Муддатли харбий хизмат;
- Мобиллашган чақирув захирасидаги харбий хизмат;
- Шартнома бўйича харбий хизмат;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари таркибида харбий хизматни ўтаётган захирачилар хизмати.

Муддатли харбий хизмат - Қуролли Кучларда сафдор (рядовой) ва сержантлар таркибларидаги чақирув ёшидаги фуқаролар, шунингдек, илгари қонунчиликда белгиланган муддат ичида (1-бўлим, 5-модда) ҳарбий хизматни утаган офицерлар учун мажбурий хизмат.

Муддатли харбий хизматга лаёқатли ва уни кечиктириш ҳамда ундан озод бўлиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли кучларга навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар, мобиллашган чақирув захираси таркибига киритиладилар.

Мобиллашган чақирув захирасидаги хизмат худудий принцип бўйича, ойлик йиғимлар кўринишида ташкил этилади ва чақирилувчилар томонидан пул кўйилмаларини (взнос) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилишини назарда тутди (6-модданинг 1 ва 2-бандлари).

Шартнома асосидаги харбий хизмат деганда - ўз хоҳшига кўра, харбий хизмат кўзда тутилган, давлат томонидан вазирликлар, давлат кумиталари ва муассасалари ўртасида имзоланган шартнома асосида Қуролли кучлар сафида ҳарбий хизматни уташга киришган фуқаролар томонидан уталувчи харбий хизматнинг бир тури тушунилади (5-модда, 1-қисм).

Захирачилар хизмати – сафдор, сержант и офицерлар каби

ҳақиқий, шунингдек, Қуролли Кучлар тузилмалари, қисмлари ва таркибий қисмларини ҳарбий вақт сонигача тулдириш (коспектация), шунингдек, ҳарбий вақт ташкил этилишини кенгайтириш мақсадида мобиллашган чақирув захирасида хизмат утаган ҳарбий хизматга мажбурлар учун умумҳарбий мажбуриятлар асосида белгиланадиган ҳарбий хизмат тури.

Захирачилар сифатида ҳарбий хизматни утаган, ҳарбий хизматга мажбур шахслар, қушиннинг ҳарбий тайёргарлигини ушлаб туриш, захирачиларнинг тинч ва уруш пайтидаги ҳарбий-ҳисоб мутахассисликлари бўйича мажбуриятларини бажаришлари учун лозим бўлган билим ва куникмаларини сақлаш ва такомиллаштириш мақсадида, тинч вақтда ҳудудий принципга кўра қушин қисмлари базасида ташкил этиладиган ҳарбий тайёргарлик бўйича ўтказилувчи ҳарбий йиғимлар уташга сафарбар этилишлари мумкин (8-модда, 1-2-қисм).

Ҳарбий хизмат уташнинг ўрнатилган тартибини таъминловчи жамоат (умумий) муносабатлари, яъни, шахсларнинг ҳарбий хизмат уташ чоғидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қонунчилик, умумҳарбий низомлар, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда амалга ошириш бўйича ҳарбий-хизматдаги ҳуқуқий муносабатларни ташкил этишни тартибга солиш, ҳарбий жиноятларининг **бевосита объекти** ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми таъкидлагандек, «ҳарбий хизмат уташ тартиби, қушин ҳаёти ва ҳарбий фаолияти жараёнида юзага келувчи, қонун, ҳарбий қасамёд ва ҳарбий низомларда белгиланган, ҳарбий ташкилот принциплари ўз аксини топган: ҳарбий хизмат фуқаронинг конституцион мажбурияти, яқкабошланиш ва унга асосланган қул остидагиларнинг бошлиқларга буйинсуниши, ушбу муносабатлар субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аниқ белгиланишида намоён бўлади».

Қушин ҳуқуқий муносабатлари умумий ва махсус турга бўлинади. Биринчи турдаги ҳуқуқий муносабатлар, категориясидан қатъий назар (масалан, ҳарбий хизматчиларнинг ўзларини тутиш қоидалари) барча ҳарбий хизматчиларга таълуқлидир. Махсус қушин (ҳарбий) ҳуқуқий муносабатлари ҳарбий хизматчиларнинг алоҳида категориялари ўртасида, ҳарбий фаолиятнинг алоҳида соҳаларида, аниқ вазифаларни ҳал этиш бўйича (масалан, қоровул таркибидаги ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари) юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучилари, Давлат чегарасини қуриқлаш Қумитаси, Ички ишлар вазирлиги қошидаги ички ва қоровул қушинлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулотда вазиятлари вазирлиги, ҳарбий қисм ва муассасаларнинг ҳарбий хизматчилари, қушин (ҳарбий) жиноятларнинг **субъекти** бўлишлари мумкин.

Юқорида таъкидланган Қонуннинг 3-моддасига кўра, **ҳарбий хизматчилар** – ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслардир.

Ҳақиқий ҳарбий хизмат - Қуролли Кучилар таркибидаги чақирув ёки шартнома бўйича уталадиган, сафдор лавозими (унвони), сержантлик ва офицерлик таркибидаги ҳарбий хизматдир.

Ҳарбий хизматнинг бошланиши фуқаронинг ҳарбий қисм шахсий таркиби рўйхатига киритилган кундан бошлаб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучилари, Давлат чегарасини қуриқлаш Қумитаси, Ички ишлар вазирлиги қошидаги ички ва қоровул қушинлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулотда вазиятлари вазирлиги, ҳарбий қисм ва муассасалари таркибидаги сафдор ва бошланғич шахслар, шунингдек, уларда ҳарбий йиғимлар ўтаётган шахслар - ҳарбий хизматчилар ҳисобланадилар.

Ҳарбий хизматга мажбур шахслар - Қуролли Кучилар резерв ива захирасидаги шахслардир. Бу шахслар даврий равишда қонунда белгиланган ёшгача, ҳарбий хизматга

тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун, 2 ой муддатгача харбий йиғимларга чақириладилар. Йиғимлар даврида улар харбий хизмат утайдилар, куниш (харбий) низомлари ва харбий хизматга қарши жиноятлар юзасидаги жиноий жавобгарлик уларга ҳам тааллуқлидир. Йиғимларнинг биринчи куни улар хизмат уташларининг бошланиши, ҳамда охириги кун – хизматнинг охириги куни ҳисобланади.

Бошқа фуқаролар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучиларининг фуқаролик ходимлари ҳам харбий хизмат уташ тартибига Қарши жиноятларнинг субъектлари бўлмайдилар ҳамда ЖКнинг V-бўлимида белгиланган қоидалар бўйича жиноий жавобгарликка тортилмайдилар (жавобгар эмаслар). Харбий жиноятлар объектив томонига ўхшаш жиноятлар содир этилган тақдирда ҳам, айбдор шахслар, агар уларнинг ҳатти-ҳаракатлари уларнинг аломатлари билан бир хил бўлганда, ЖКнинг бошқа моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ушбу қоида харбий хизматга қарши ҳар қандай жиноятлар содир этишда шериклик қилган ҳар қандай фуқароларга ҳам тааллуқлидир. Қонуний асосда харбий хизматда бўлган шахсларгина бундай кўринишдаги жиноятларнинг ижрочиси ва бошқа шериклари сифатида тан олинишлари мумкин.

Харбий судлар «Судлов» ишлари харбий судлар фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисидаги Низомда белгилаб қўйилган.

Хусусан, истисно ҳолатларда умумий судлар бўлмаган жойлардаги барча жиноий ишлар, давлат сир ахамиятига молик бўлган ишлар, шунингдек, харбий хизматчилар томонидан улар харбий хизматни уташ чоғларида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларна нисбатан харбий судлар томонидан судлов амалга оширилади.

Шу муносабат билан, судлар «ишларни судлаш» қонуни талабларига қатъий риоя этишлари лозим.

1-§. Бўйсинмаслик (ЖКнинг 279-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўрнатилган тартибга бўйсиниш жиноятнинг асосий бевосита объекти ҳисобланади. Қушимча бевосита объект бўлиб эса, инсонлар ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлиги, ўзгалар мол-мулкининг сақланишини таъминловчи жамоат муносабатлари хизмат қилади (ЖК, 2370-модда, 2-қисм).

Бўйсиниш тартиби харбий низомлар билан тартибга солинади. Харбий хизматда бошлиқ ва унга бўйсинувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар асоси «яккабошлиқлик» принципи ҳисобланиб, у командир (бошлиқ)нинг ўз қул остидагиларни бошқаришда ягона масъуллигини ва бўйсинувчиларнинг командирнинг буйруғини сузсиз бажарилиши тушунилади.

Объектив томондан бўйсинмаслик, буйруқни бажаришдан очикдан очик бош тортиш демакдир, бу эса, буйруқни қасддан бажармаслик билан баробар.

Буйруқ – қонун талабларига мувофиқ, бажарилиши мажбурий бўлган, командир (бошлиқ)нинг қул остидагиларга қаратилган фармойиши.

Бошлиқ – қул остида бошқа харбий хизматчилар бўлган, охирги бўлиб буйруқ фармойиш бериш ва унинг ижросини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган харбий хизматчи.

Харбий хизматчи лавозими ёки харбий унвони бўйича бошлиқ бўлиши мумкин. Харбий лавозимлар харбий низомлар ва бошқа ҳужжатларда белгиланган. Бу, бўлимлар, взводлар, роталар, батальон ва бошқа саф бўлинмалар командирлари, бўлимлар ва хизматлар, суткали наряднинг алоҳида турлари (қоровул, назорат-ўтказиш шахобчалари ва б.) бошлиқларининг штат лавозимларидир.

Бошлиқ лавозими штатдан ташқари бўлиши ҳам мумкин, у маълум бир вақтга, маълум вазифани бажариш учун (масалан,

отиш машқлари, хўжалик ишлари, ўқув машғулотлари ва бошқалар) ташкил этилиши мумкин. Харбий хизматчи бошлиқ лавозимини доимий равишда ёки вақтинчалик эгаллаши мумкин. Бошлиқнинг вазифаларини, шунингдек, унинг ўринбосари ёки махсус кўрсатма бўйича бошқа харбий хизматчи бажариши мумкин.

Харбий хизматчининг унвон бўйича бўйсиниши Қуролли Кучлар ички хизмат Низоми билан белгиланади. Унга мувофиқ, мисол учун офицер, рядовой ва сержантлик таркибидаги барча шахслар учун бошлиқ ҳисобланади, сержант – ўзи билан бир харбий қисмдаги рядовойлар учун бошлиқ ҳисобланади ва х.к.

Буйсинувчи – саф харбий қисм, бўлим, хазмат, наряд таркибига кирувчи, ўз бошлиқининг буйруқларини сузсиз бажаришга мажбур бўлган харбий хизматчи; ёки тегишли бошлиқ харбий унвонига эга бўлган бошқа харбий хизматчининг талабларини бажаришга мажбур бўлган, харбий унвони бор харбий хизматчи.

Буйруқ оғзаки ёки ёзма шаклда ёки техник воситалар орқали, алоҳида бир ёки бир неча харбий хизматчига берилиши мумкин.

У буйсинувчи томонидан сузсиз, аниқ ва ўз вақтида бажарилиши керак. Бунда буйруқ канда шаклда ва ваколатга эга бўлган бошлиқ томонидан берилганлигина, бу буйруқ низом меъёрларига мувофиқ, мувофиқ эмаслигига, буйсинувчи ҳақиқатда уни бажариш имконига эга бўлгани ва нима сабабдан уни бажармаганлигига эътибор қаратиш лозим.

Шундай экан, хусусан, буйруқ фақатгина ижро этиш тартибида, мансабдор вазифалар командирлари (бошлиқлари) томонидан берилиши мумкин.

Буйсинувчига хизматдан ташқари масала бўйича берилган фармойиш (харбий манфаатлардан ташқари, шахсий манфаатларни кузлаб) буйруқ деб қабул қилиниши мумкин эмас. Худи шунинг ўзи бошлиқнинг хизмат бўйича, Низомдан ташқари шаклда, буйсинувчининг инсонийлик гурурини

камситувчи талабларига ҳам тааллуқлидир.

Бошлиқнинг ноқонуний талабини бажармаган буйсинувчи жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Буйруқни бажаришни очикдан очик рад этиш харбий хизматчи бўйруқни бажармаслигини очикдан очик айтган вақтда, очикдан очик буйруқни бажаришдан бош тортишни англатади. Бу суз, кул ҳаракатлари, хатти-ҳаракатлар, беҳурмат қилиш кўринишида, бўйсинувчининг бошлиқ бўйруғини бажариш нияти йўқлигидан далолат берувчи ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

Бошқа, буйруқни қасдан бажармаслик, яъни буйсинувчи томонидан аввалига бошлиқ бўйруғига очикдан очик буйсунмасликни билдирмай, гуё буйруқни қабул қилиб, сўнгра эса, атайлаб ёки билан туриб уни бажармаслик кўринишидан амалга оширилиши мумкин.

Бундай ҳолатда, айбдор шахс олинган бўйруқда ман этилган хатти-ҳаракатларни бажариши, ёки буйруқда айтилган ҳаракатларни бажармаслиги ёки бўлмаса ўз иродасини бошлиқ иродасига қарши қўйиб, буйруқда кўрсатилган ҳаракат вақти, жойи ва мажмун моҳиятини ўзбошимчалик билан ўзгартириши, ортга чекиниши (қатъий белгиланган ҳаракатланиш йўналишини, кучлар ёки топшириқни бажариш учун керакли воситалар ҳисоб-китобини ўзгартириши, ёки бошқа йўл билан буйруқни бажаришдан чекинади).

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг бу борада таъкидлашича, «харбий хизматни бажаришдан бош тортиш - харбий хизматчи томонидан очикдан очик, ҳеч қандай ёлғонсиз, оғзаки, ёзма ёки бошқа тарзда харбий хизмат уташни ёки унинг алоҳида вазифаларини ҳамда уларни бажаришни фактик равишда тухтатишни истамаслик билан характерланади».

Буйсинувчининг командир (бошлиқ)нинг аниқ талабларини бажаришдан бош тортиши (масалан, сафарга жунатиш, суткалик

нарядга кириш ва х.к.) харбий хизматни уташдан буйин товлаш деб қаралиши мумкин эмас. Бундай хатти-харакатлар буйсинмаслик таркибини келтириб чиқариши мумкин, чунки бундай ҳолатда командирнинг талаблари буйруқ характерини касб этади, хатти-харакатларнинг ўзи эса, харбий хизматни уташдан бош тортишда эмас, балки буйруқни очикдан очик бажармасликдан иборат бўлади».

Жиноятни квалификация қилиш учун буйруқни бажармаслик сабаблари ахамиятга эга эмас, бироқ, буйсинувчи ҳақиқатдан ҳам, унга берилган буйруқни бажариш имкониятига эга бўлиши керак.

Харбий низомлар, кўрсатмалар, қоидаларда кўрсатилган, барча харбий хизматчилар учун мажбурий, лекин умумий талабларни бажармаслик, кўрсатмалар бериш ва машғулотлар чоғида барча тингловчиларга берилган умумий кўрсатмаларни бажармаслик билан баробардир, лекин уларга буйруқни бажармаслик сифатида қараш мумкин эмас. Маълум шароитларда бундай умумий буйруқларни бажармаслик бир қатор бошқа жиноятларни, хусусан, қоровул хизмати уташ қоидаларнинг бузилиши (ЖК, 291-модда)ни келтириб чиқариши мумкин.

Агар харбий хизматчи бирон бир ҳаракатни бажариш учун буйруқ олиб, бошлиқ бошқа харбий хизматчига эмас, айнан унга мурожаат қилганлигидан норозилик билдирса, ёки кўрсатмани муҳокама қилса, бирон бир боҳона билан уни бажаришдан қутулишга ҳаракат қилса, лекин буйруқ таъкидланганда уни бажарса, бундай ГАП талашини буйсинмаслик саналмайди. Улар харбий хизматчининг интизомий хатти-харакати деб қабул қилиниши мумкин.

Буйсинувчи, бажарилиши натижасида хизмат манфаатларига зарар етиш етмаслигидан қатъий назар, белгиланган муддатда унга берилган буйруқни бажариш бўйича ҳеч қандай ҳаракатлар бажармаган вақтдан бошлаб, буйсинмаслик тугал жиноят

ҳисобланади.

Жиноятнинг ЖКнинг 279-моддасида белгиланган **субъектив томони**, тўғридан тўғри характерланади. Бунда айбдор қонуний, бажариши мажбурий бўлган командир буйруғини бажармаётганлигини ва буни истамаётганлигини англайди.

Кўрилаётган жиноятни содир этишнинг **далил ва мақсади** турлича бўлиши мумкин ва бу квалификацияга таъсир этмайди.

Фақатгина 18 ёшга тулган харбий хизматчи ёки харбий йиғимларга чқирилган харбий хизматга мажбур, буйруқ берган командирга (бошлиққа) буйсинувчи шахсларларгина жиноят **субъекти** бўлишлари мумкин.

ЖКнинг 279-моддаси, 2-қисмида, буйсинмаслик кўйидагича регламентланади:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган;
- б) оғир оқибатларга олиб келган.

Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган буйсинмаслик деганда, икки ёки ундан ортиқ харбий хизматчилар томонидан бошлиқнинг берган буйруғига буйсинмаслик тушунилади. Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган буйсинмасликни тан олиш учун, гуруҳнинг барча иштирокчилари ушбу жиноятни объектив томондан бажармасликда иштирок этишлари, яъни унинг шериклари бўлишлари лозим. Гуруҳнинг айрим иштирокчилари алоҳида жиноий сахналарда иштирок этишлари унчалик зарур бўлмаганда гуруҳий буйсинмаслик, ЖКнинг 279-моддаси 2-қисми билан «а» бандига мувофиқ шериклик квалификациясига таъсир кўрсатмайди, лекин жазо тайинлашда судлар томондан назарда тутилиши лозим.

Оғир, яъни ЖКнинг 279-моддаси, 2-қисм «б» бандида назарда тутилган жиноят остида, бажарилмаган талаблар ахамиятидан келиб чиқувчи **оқибатлар** тушунилади. Бу харбий операцияни бажаришнинг тухтатилиши, харбий қисм ёки алоҳида бўлинманинг курашиш қобилиятининг пасайиши, ўрта

оғирликдаги ёки ўта оғир тан жарохати етказиш, булинма шахсий таркиби ҳаёти ёки саломатлигига ҳақиқий зарар етказиш хавфининг юзага келиши, йирик ҳажмдаги моддий зарар етказиш, бошқа буйсинувчиларга таъсир кўрсатиш (оғир оқибат деганда, масалан, буйруқни бажаришдан бош тортиш, бошлиқнинг бошқа ҳарбий хизматчиларга ҳам тегишли бўлган буйруғини бажармаслик, агар бундай чақирик амалга оширилган бўлса) ва бошқалар бўлиши мумкин. Ҳар бир алоҳида ҳолатда, айбдор хатти-ҳаракатлари билан боғлиқликдаги оқибатлар оғирлиги, суд томонидан уларнинг қандай характер касб этишига қараб баҳоланиши керак.

ЖКнинг 279-модда 3-қисмида, ҳарбий ҳолатда содир этилган буйсинмаслик учун жавобгарликка тортиш масъулияти белгилаб қўйилган.

Ҳарбий ҳолат деганда, қуролли туқнашув ёки ҳарбий булинманинг душман билан шундай туқнашуви хавфи билан характерланувчи тезкор вазият тушунилади. У, уруш вақтида ҳам, тинчлик вақтида ҳам юзага келиши мумкин. Тинч вақтдаги ҳарбий вазият, Ўзбекистон Републикаси ҳудудининг бутунлиги ва бўлинмаслигига қарши йўналтиришган нодавлат ҳарбий ташкилотларининг қуролли ҳаракатлари чоғида юзага келиши мумкин.

Масалан бу, чет давлат томондан, ушбу давлатга тегишли бўлмаган бегона қуролланган бўлинмаларнинг, ҳудуднинг бирон бир қисмида назорат ўрнатиш ёки сепаратизмга кумаклашиш мақсадида давлатга кириб келиши кўринишида бўлиши мумкин.

Ҳарбий ҳолатда буйсинмасликда, **ЖКнинг 279-модда, 3-қисми** юзага келган оқибатлардан қатъий назар четлаб ўтилади, инкриминаллаштирилади.

2. Буйруқни бажармаслик (ЖК 280-модда)

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўрнатилган

буйсиниш тартибини таъминловчи жамоат муносабатлари жиноятнинг **асосий бевосита объекти** бўлиб хизмат қилади. инсонлар ҳаёти, саломатлиги, ўзгалар мол-мулки хавфсиздигини таъминловчи муносабатлар - **қўшимча бевосита объект** бўлиб хизмат қилади.

Объектив томондан **ЖКнинг 280-моддасида** белгиланган жиноят, ўз ортидан йирик зарар ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган буйруқни бажармаслик кўринишида намоён бўлади.

«Буйруқ», «буйруқни бажариш» тушунчаси **ЖКнинг 279-моддасини** таҳлил қилиш чоғида ёритиб берилди.

Ушбу жиноят, йирик ҳажмдаги зарар ёки оғир оқибатлар келиб чиққан пайтдан бошлаб **тугал** ҳисобланади.

Йирик зарар деганда, энг кам иш ҳақининг 100 баробаридан 300 баробаригача бўлган зарар тушунилади.

ЖКнинг 280-моддаси 1-қисмида назарда тутилган **оғир оқибатлар** ЖКнинг 279-модда 2-қисмида назарда тутилганлар билан бир хилдир.

Буйруқнинг бажарилмаслиги **субъектив томондан** эҳтиётсизлик ёки хизматга совуққонлик билан ёндошиш натижасида содир этилади. Шундай экан, жиноий эҳтиётсизлик натижасида жиноят содир этилганда, айбдор буйруқни бажармаётганлигини англамайди, гарчи керакли даражада зийраклик ва юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни олдиндан кўра билганда, бунинг олдини олиши мумкин ва олдини олиши керак эди. **Жиноий ўзига ишониш** натижасида буйруқни бажармаслик, айбдор буйруқда айтилганни бажармайди ва буни била туриб, бунга етарли далилларсиз, ўзига ишонган ҳолда буйруқ бажарилишига ишониб ҳаракат қилган тақдирда юзага келади. Бундай ҳолатда шуни ёдда тутиш лозимки, буйсинувчи томонидан ғараз билан ноқонуний буйруқнинг бажарилмаганда, унинг жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Жиноят содир этилишининг **сабаби ва мақсади** уни

квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

Ҳар қандай 18 ёшга тўлган ҳарбий хизматчи ёки ҳарбий йиғимларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбур бўлган шахс буйруқни бажармасликнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

ЖКнинг 280-моддаси 2-қисмида ҳарбий ҳолатларда буйруқни бажармаслик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган.

«Ҳарбий ҳолат» тушунчасига ЖКнинг 279-моддаси тахлили жараёнида тухталиб ўтган эдик.

3. Бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур этиш (ЖКнинг 281-моддаси)

Ўрнатилган буйсиниш тартибларини, айнан, командир (бошлиқлар)нинг нормал хизмат фаолиятини, ягона бошлиқлик принципи ва уларга юклатилган хизмат вазифаларини бажараётган ҳарбий хизматчилар обрусини таъминловчи жамоат муносабатлари - **жиноятнинг асосий бевосита объекти** ҳисобланади.

Бундай жиноятда, унга ҳарбий хизмат бўйича юклатилган вазифаларни бажараётган бошлиқ, унвони бўйича катта бўлган ҳарбий хизматчи, ёки бошқа шахс – **жабрланувчи** ҳисобланади.

Олинган буйруқ ёки низом қоидаларига (қоровул, куриқчи, патрулчи, кундузги куриқловчи ва х.к.) мувофиқ равишда хизмат вазифаларини бажараётган ҳар қандай ҳарбий хизматчи (айбдорга нисбатан бошлиқ бўлиши шарт эмас) - **ҳарбий хизмат бўйича узига юклатилган вазифаларни бажараётган шахс** ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят бошлиққа, шунингдек, ҳарбий хизмат бўйича ўзига юклатилган вазифани бажараётган бошқа шахсга қаршилик кўрсатиш, ёки уни ушбу вазифаларни бузишга мажбурлаш кўринишида намоён бўлади.

Қаршилик кўрсатиш деганда, бошлиқ ёки ҳарбий хизмат бўйича унга юклатилган хизмат вазифаларини бажараётган бошқа шахсга очикдан очик актив равишда қаршилик кўрсатиш

тушунилади. Айбдор қаршилик кўрсатиш чоғида ўзининг актив ҳатти-ҳаракатлари билан ҳарбий хизматчилар томонидан кўрсатилган ҳарбий вазифаларни бажаришга монелик қилади ва уларни низом қоидалари ёки мавжуд буйруқ, кўрсатма ва фармойишларда талаб этиладиган вазифаларни бажариш имкониятидан махрум этишга ҳаракат қилади.

Ҳарбий хизмат бўйича вазифалар деганда, нафақат ўрнатилган хизмат вақти куни давомида ҳарбий қисм ҳудудида бўлишнинг ўзигина эмас, балки ушбу ҳарбий хизматчи ҳарбий низомлар талаблари ёки бошлиқнинг тегишли буйруғига мувофиқ, хизмат манфаатларида бажарувчи аниқ конкрет хизмат вазифалари тушунилади.

Бундай ҳолатда, Ўзбекистон Републикаси Қуролли Кучлари буйсиниш тартибида белгиланган, демонстратив характерга эга булади, ҳарбий хизмат манфаатларига қарши равишда (вопреки) амалга оширилади ҳамда жабрланувчининг шахсияти устидан зуравонлик қилиш ёки шунга ўхшаш зуравонлик ишлатиш хавфи кўринишида амалга ошиши мумкин.

Бу ерда **зуравонлик** деганда, жабрланувчига етказилган енгил, ўрта оғирликдаги тан жароҳатларини тушуниш лозим.

Қаршилик кўрсатиш бошлиқ ёки бошқа шахс томонидан ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чоғида амалга оширилиши мумкин.

Бошлиқ, ўз хизмат ваколатларини амалга ошираётган чоғида (ўз қул остидагиларнинг ҳатти-ҳаракатларини бошқаради, ўқув машғулотлари ўтказди, унга буйсинувчилар билан сўхбатлашади, уларни нарядга киришга тайёрлайди ва б.) ҳарбий хизмат вазифаларини бажараётган деб ҳисобланади. Алоҳида ҳолларда у кутилмаганда хизмат бўйича вазифаларни бажаришни бошлаши мумкин. Масалан, бошлиқ шаҳарда жамоат тартибини бузаётган ўз қул остидаги буйсинувчини учратиб қолиб, бундай ҳуқуқбузарликни бас қилишини талаб қилади.

Бошқа ҳарбий хизматчиларга (бошқа шахсларга) масалан, қоровул, патрул ёки ички наряд таркибида бирон-бир махсус вазифани бажараётган пайтда ҳарбий хизматчиларга қаршилик кўрсатиш ҳоллари ҳам учрайди.

Одатда қаршилик кўрсатиш - бошлиқ ёки унга юклатилган ҳарбий вазифаларни бажараётган шахснинг йўқ қўйилган ҳарбий интизомни (ваколатли командирнинг буйруғи билан патрул наряд томонидан жамоат жойида содир этилган ҳуқуқбузарлик содир этишни қулга олишга ёки интизомий тартибда камоққа олиш учун гаупвахтага келтириш, комендатурага олиб келишга монелик қилиш) бузиш бўйича тенг ҳаракатларига жавоб реакцияси ҳисобланади.

Мажбурлаш деганда, бошлиқнинг ёки хизмат вазифалари юклатилган ҳар қандай бошқа шахсни хизмат манфаатларига қарши чиққан ҳолда, ушбу вазифаларни бажаришни бузиш тушунилиши лозим. Мажбурлаш чоғида айбдор ўз манфаатларида, юқорида таъкидланган ҳарбий хизматчиларни ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар қилишга мажбурлашга (масалан, ноқонуний равишда қисқа муддатли таътил бериш, хизмат бўйича у ёки бу вазифаларни бажаришдан озод этиш ва х.к.) ҳаракат қилади. Хусусан, айрим ҳарбий хизматчилар, масалан, хизматнинг охириги ойларида сержантларга нисбатан зуравонлик ёки таҳдид қилиб, ёш солдатларга нисбатан хизмат шароитларини ўзларига енгиллаштирадилар.

Қаршилик кўрсатишдан фарқли улароқ, айбдор ўз кучи билан бошлиққа ёки бошқа ҳарбий хизматчига хизмат вазифаларини бажаришга тусқинлик қилганда, мажбурлаш ушбу шахсларнинг ўзлари қоидаларга қарши чиқишлари учун уларнинг идроки ва иродасига таъсир ўтказди.

Мажбурлаш бошлиққа ва ўзига юклатилган ҳарбий вазифаларни бажарувчи шахсга нисбатан, шу билан бирга, келажакдаги хизмат ҳаракатларига (масалан, бошлиқни буйсинувчини кузда тутилаётган янги хизмат жойига

ўтказишдан озод этишга мажбурлаш) нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, жабрланувчига у ёки бу ишни қилишга аниқ конкрет талаб қўйилиши ёки маълум бир ҳаракатни бажаришдан бош тортиш - мажбурлашнинг характерли қирраси ҳисобланади.

Қаршилик кўрсатиш ёки мажбурлаш жисмоний ёки рухий зуравонликни қуллаш ёки қулламаслик орқали содир этилиши мумкин (масалан, ҳарбий хизматчининг патрулдан қочиши ёки айбдорнинг талабларини бажармаган ҳолда, бошлиқ нафсониятига тегадиган маълумотларни ошкор этиш). Агар қаршилик кўрсатиш чоғида енгил, ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари етказилган бўлса, айбдорнинг ҳатти-ҳаракатлари жиноятнинг бирлиги бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Оғир тан жароҳатлари етказилишини ЖКнинг 281 ва 283-моддалари (Оғир тан жароҳатлари етказиш) бўйича жиноятлар сифатида қараш лозим.

Жиноят таркиби учун, қаршилик кўрсатиш натижасида бошлиқ (бошқа шахс) хизмат бўйича ўзига юклатилган вазифаларни бажариш имкониятидан махрум бўлиши, мажбур қилинганда эса, ушбу вазифа (мажбурият) ларни бузиши керак. Ҳарбий хизмат бўйича вазифаларни бажаришга монелик қилишга қаратилган ҳатти-ҳаракатларни бажаришнинг ўзи ёки уларни бузишга мажбурлаш **тугал** жиноят ҳисобланади.

Субъектив томондан, ЖКнинг 281-моддасида назарда тутилган жиноят, тўғридан тўғри гараз билан билан содир этилади. Айбдор унинг қаршилик кўрсатиш ва мажбурлаш бўйича ҳатти-ҳаракатлари айнан бошлиқ ёки хизмат вазифаси юклатилган бошқа шахсга қарши қаратилганлигини англайди ва ушбу ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишни истайди. Бунда, вазиятга кўра агар айбдор жабрланувчининг ҳуқуқий мақомини англай олмаган бўлса, у содир этган жиноят кўрилатган моддага асосан квалификация қилинади, асослар мавжуд бўлган тақдирда эса, ЖКнинг бошқа меъёрлари бўйича квалификация

этилиши лозим.

Жиноятни квалификация қилишда унинг **сабаби ва мақсади** ахамият касб этмайди.

Ҳар қандай ҳарбий хизматчи, жумладан, жабрланувчига буйсунмайдиган ҳарбий хизматчи ҳам жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

ЖКнинг 281-модда, 2-қисмида, бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни қўйидаги хизмат вазифаларни бажармасликка мажбурлаш учун жавобгарлик белгилаб қўйилган:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган;
- б) қурол ишлатиш орқали содир этилган;
- в) оғир оқибатларга олиб келган.

ЖКнинг 281-моддаси, 2-қисм «б» бандида назарда тутилган **қурол** тушунчаси остида штат армия қуроли (автомат, туппонча, штык-нож) ёки бошқа уқотар ёки совуқ қурол (ов қуроли, финн пичоғи ва х.к.), яъни тирик нишонни яралашда махсус фойдаланилувчи предметлар тушунилади. Уқотар ёки совуқ қурол бўлмаган, қурол сифатида ишлатилувчи предметлар (ош пичоқ, болта, уқлов ва б.) айбдорни ЖКнинг 281-моддаси «б» банди бўйича квалификация қилиш учун насос бўла олмайди. Шунингдек, бузилган қурол ёки сохтаси қурол деб ҳисобланмайди.

Қурол ишлатиш, ундан ўз мақсадида фойдаланишдир (уқ отиш, пичоқ отиш ва х.к.). «Агар қурол зарар етказиш мақсадида эмас, балки зарба бериш предмети сифатидагина ишлатилса, у қурол ишлатиш деб ҳисобланмайди».

«Оғир оқибатлар» тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси тахлилига қаранг. Ушбу аломат кўриляётган моддага нисбатан ажралиб турувчи хусусиятларга эга эмас.

ЖКнинг 281-моддаси, 3-қисмида, ҳарбий ҳолатда содир этилган бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни ўз хизмат вазифаларини бажармасликка мажбурлаш учун жавобгарлик белгилаб қўйилган.

«Ҳарбий ҳолат» тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси тахлилига қаранг.

Баъзан, бошлиқ ёки бошқа ҳарбий хизматчига қаршилик кўрсатиш ҳарбий хизматчи томонидан зуравонлик ишлатиб жамоат тартиб-қоидаларининг бузилиши, ёки мол-мулкни йўқ қилиш ва шу каби тартибсизлик кўринишидаги ҳатти-ҳаракатларда намаён бўлиши мумкин, қаршилик кўрсатиш эса, тартибсизлик ҳатти-ҳаракатларини тухтатиш бўйича қурилувчи чора-тадбирларга нисбатан реакциядир. Бундай ҳолатларда, **ЖКнинг 281** ва **277-моддаларида** кузда тутилган икки жиноят, яъни ҳарбий ва умумжиноий жиноятларга ишора аниқ кўриниб туради.

4. Бошлиққа таҳдид қилиш (ЖКнинг 282-моддаси)

Бошлиқнинг ҳаёти, саломатлиги, тан хавфсизлигини таъминловчи жамоат муносабатлари - **жиноятнинг бевосита объекти** бўлиб хизмат қилади.

Ушбу жиноятда жабрланувчи деб унвони бўйича катта турувчи бошлиқ ҳисобланади.

«Бошлиқ» тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси тахлилига қаранг.

ЖКнинг 282-моддасида кўрсатилган жиноят **объектив томондан**, бошлиққа уни улдириш ёки зуравонлик ишлатишга таҳдид қилиш, етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда эса, ушбу таҳдидини амалга оширишдан хавфсираш кўринишида намоён бўлади.

Улдириш ёки куч ишлатиш таҳдиди деганда, объектив ҳақиқатдаги (оғзаки, ёзма, қурол кўрсатиш ва б.) шахсан бошлиққа ёки учинчи шахслар орқали уни ҳаётдан махрум қилиш ёки саломатлигига зарар етказиш (ҳар қандай оғирликдаги тан жароҳатлари етказиш йўли билан), ёки унинг тан дахлсизлигига куч ишлатиш (уриш, калтаклаш) тушунилиши

ЛОЗИМ.

“Ҳарбий (жанговар) шароит” тушунчаси ҳақида ЖК.нинг 279-модданинг таҳлилини кўринг.

Айбдор томоннинг бошлиққа қаратилган таҳдид ҳаракатларига нисбатан ЖК.нинг 112-моддаси бўйича (Ўлдирмоқ таҳдиди ёки зўравонлик қўлланиши) қўшимча моддалар қўлланилмайди.

Бошлиқнинг ўлдирмоқ таҳдиди ёки зўравонлик кўрсатилган холлари юз берса, ушбу таҳдиднинг амалга оширилиши учун етарли даражадиги асослар мавжуд бўлган холда, жанг шароитида амалга оширилмаган бўлса, бизнинг фикримизча, ЖК.нинг 112-қўлланиши лозим.

Субъектив томонидан назар соладиган бўлса, жиноят тўғри ният билан амалга оширилади. Айбланувчи жанг шароитида бошлиққа ўлдириш ёки зўравонлик қўлланиши таҳдидига солаётганини англайди ва ушбу ҳаракатларини амалга оширишни хоҳлайди.

Жиноятнинг сабаби ва мақсади ҳар хил бўлиши мумкин ва улар моддаларни қўлланишига таъсир этмайди.

Жиноятнинг субъекти - бу унвони ёки лавозими бўйича бўйсунувчи вазиятида бўлган ҳарбий хизматчидир.

§5. Тан жароҳатларини етказиш (ЖК.нинг 283 -моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти сифатида саломатлик ҳавфсизлиги, бошлиқнинг тан жароҳатлари учун даҳлсизлиги, унинг обрўйини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Жиноятнинг объектив томони этиб, ЖК.нинг 283-моддаси 1-қисмида кўрсатилган, бошлиқни калтаҳланиши, унинг ҳарбий хизмати бўйича ўз вазифаларини бажарилиши билан боғлиқ ёки шу вазифаларини бажариш вақтида унга нисбатан содир этилган енгил ёки ўрта оғирликдаги тан жароҳати кўзда тутилган.

Кўрилаётган модда бўйича қилмишларнинг квалификациялашнинг зарурий шарти этиб, айтиб ўтилган зўравонлик ҳаракатларни ҳарбий хизматдаги ўз вазифаларини бажараётган бошлиққа нисбатан ёки уни ўз вазифаларни бажариш вақтида айбдор томоннинг қаршилик кўрсатмаган ҳолда ёки уни ўз хизмат вазифаларини бузишга мажбурлаган куч ишлатган ҳолатлар тушунилади.

Агарда бошлиққа нисбатан кўрсатилган зўравонлик унга қаршилик билан бирга амалга оширилса, ёки уни ҳарбий хизмат вазифаларини бузишга мажбурлаган бўлса, бу ҳолда айбланувчининг ҳаракатлари ЖК.нинг 281-моддаси қамраб олади ва унга қўшимча ЖК.нинг 283-моддаси қўлланилиши талаб этилмайди.

“Ҳарбий хизмат мажбуриятлари” тушунчаси ҳақида ЖК.нинг 281-моддасини таҳлилини кўринг.

Калтахланиш – бу жабрланувчига нисбатан тан оғриғини етказиш билан боғлиқ ва тан жароҳатлари аломатлари йўқлигида икки ёки ундан ортиқ зарба кўрсатишдир.

ЖК.нинг 109-моддасига асосан енгил тан жароҳати ўз ортидан соғлиқнинг қисқа муддатли ёмонлашишини келтирган ҳам келтирмаган ҳоллари, ёки меҳнатга лаёқатини муҳим бўлмаган мустаҳкам миқдорда йўқотиш йўли орқали амалга оширилган бўлиши мумкин.

ЖК.нинг 105-моддасига асосан ўрта тан жароҳати - бу шундай жароҳат-ки, уни етказиш вақтида инсон ҳаёти учун ҳафв туғдирмайдиган ва ўз ортидан ЖК.нинг 104 моддасида кўрсатилган (Қасддан кўрсатилган тан жароҳатини) келтириб чиқармаган ҳаракатлар, лекин соғлиқни 21 кундан ортиқ аммо тўрт ойдан ошмаган вақт давомида ёмонлашишини келтириб чиқарган, ёки умумий меҳнатга лаёқатини ўндан ўттиз фоиз миқдорида йўқотишига олиб келган жароҳатлардир.

ЖК.нинг 283 –моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортиш бошлиққа нисбатан зўравонликни кўрсатиш ҳоллари унинг

ҳарбий хизмати бўйича вазифаларини бажариши билан боғлиқ бевосита шу вақтда рўй берган (масалан унинг хизмат юзасидан қилган танбеҳига жавобан уни калтахлаш), ёки унинг олдинги хизмат фаолияти билан боғлиқ (масалан жаримага тортгани учун , бўйсунадиганларга нисбатан умумий талабчанлик ва хоказолар учун калтахланиши) холларда амалга оширилади. Шундай қилиб, айбланувчининг ҳаракатлари жабрланувчининг айнан хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлиши керак.

6-§. Буйсинувчи томонидан бошлиқни ёки бошлиқнинг буйсинувчи ходимни ҳақоратлаши (ЖКнинг 284-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти – бошлиқ ва буйсинувчининг обру ва ғурурини ҳурмат қилишни таъминловчи жамоат муносабатлари.

Бошлиқ ёки унга буйсинувчи ушбу жиноятнинг **жабрланувчиси** ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят, шундай ҳатти-ҳаракатлар учун интизомий чора кўрилишидан сўнг, бошлиқнинг буйсинувчини ёки буйсинувчининг бошлиқни ҳақоратлашидир.

Биринчи бўлиб ҳақорат қилган шахс Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари интизомий низомига мувофиқ равишда интизомий жазога тортилади.

Ҳақоратлаш деганда, ҳарбий хизматчининг обру ва ғурурини номуносиб равишда ерга уриш тушунилади.

Ҳақоратлаш куч ишлатиш кўринишида амалга оширилгани каби, куч ишлатмаслик ҳатти-ҳаракатлари кўринишида бўлиши ҳам мумкин. Куч ишлатиш орқали ҳақоратлаш жисмоний оғрик ёки соғлиқка зарар етказиш эмас, балки ҳарбий хизматчининг обру ва ҳурматини ерга уриш орқали (масалан: жабрланувчидаги форма мундирларини яроқсиз ҳолга келтириш, поғонларни узиб олиш, тарсаки уриш, кул билан туртиш ва шу

к.) айнан маънавий (рухий) зарар етказиш. Агар куч ишлатиш орқали ҳақоратлаш оқибатида енгил тан жароҳатлари етказилса, агар етарли асослар мавжуд бўлса, бундай ҳолатни ЖКнинг 284, 283 ёки 285 моддаларига мувофиқ (Ҳарбий хизматчилар ўртасида ўзаро буйсиниш муносабатлари бўлмаганда, улар орасидаги ўзаро муносабатлар низом қоидаларининг бузилиши) равишда квалификация қилиш лозим.

Куч ишлатмай қилинган ҳақорат жабрланувчига актив жисмоний таъсир ўтказиш (масалан, сўзлар билан ҳақоратлаш, туфуриш, номуносиб тана ҳаракатлари ва х.к.) билан боғлиқ эмас.

Агар айбдорнинг хатти-ҳаракатлари жабрланувчига маънавий зарар етказишга эмас, балки жисмоний зарар келтирига қаратилган бўлса, бу ҳолатни керакли асослар бўлган тақдирда ЖКнинг 283 ёки 285-моддалари бўйича квалификация қилиш лозим.

Содир этилиш усулидан қатъий назар ҳақоратлаш, жабрланувчининг шахсиятига салбий шаклда намоён бўлиши, унга нисбатан ҳурматсизликни ўзида акс эттириши ҳамда айнан ҳақоратлаш характериға эға бўлиши керак. У ёки бу хатти-ҳаракатлар ҳақоратлашға кириш кирмаслиги баҳоланади ва ҳар бир алоҳида ҳолатда, ишнинг мазмун моҳиятиға қараб суд томонидан ҳал этилади, жумладан, бундай хатти-ҳаракатлар қандай шаклда бўлганлиги ва жабрланувчи томонидан қандай қабул қилинганлигидир.

ЖКнинг 284-моддасида кўрсатилган жиноят таркиби бўлиши учун, юзма-юз ёки учинчи шахслар иштирокида ҳақорат қилинган ёки қилинмаганлиги аҳамиятға эға эмас. Ҳарбий хизматчи хатто сиртдан – хатлар, мазмуниға мос келувчи расмлар тарқатиш йўли ҳам ҳақоратланиши мумкин, лекин бундай ҳолларда, айбдорнинг айбини тан олиши, уларнинг мазмуни жабрланувчига маълум бўлиши юридик асосға эға бўлиши мумкин. Ушбу шарт мавжуд бўлган тақдирда

жинойй жазога тортилувчи ҳақоратлаш ҳамкасблар билан ўзаро сўхбатда, жамоатчилик олдида сўзлаганда, жараёнда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳақорат қилинган бўлиши мумкин.

ЖКнинг 284-моддасида кузда тутилган жиноят бошлиқнинг буйсинувчи томонидан ёки буйсинувчининг бошлиқ томонидан ҳақоратланган вақтдан бошлаб тугал ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят, тўғридан тўғри ғараз билан амалга оширилади. Айбдор ўз ҳатти-ҳаракатлари билан конкрет ҳарбий хизматчининг обру ва ғурурини ерга ўраётганлиги, камситаётганлигини англайди ва шу ишни қилишни истайди. Буни англамаган ҳолда эса уни ҳарбий жиноят учун жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Агар ҳақоратлаш сабаблари ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро шахсий муносабатларида бўлса, жабрланувчи томонидан ҳарбий вазифаларни бажариши билан боғлиқ бўлмаса ҳамда айбдор ҳам ўз вазифаларини уташ вақтида бўлмаган бўлса, у ҳолда бу ҳарбий жиноят деб қаралиши мумкин эмас. Бундай ҳақоратлаш ЖКнинг 140-моддасига асосан квалификация қилиниши лозим.

Жиноятнинг субъекти бўлиб, хизмат ёки ҳарбий унвони бўйича бошлиқ ёки буйсинувчи бўлиши мумкин.

Бир ҳарбий хизматчининг бошқа ҳарбий хизматчи билан ўзаро буйсиниш муносабатларида бўлмаганда бир-бирини ҳақоратлаши ЖКнинг 140-моддаси бўйича юзага келиши мумкин. Агар бундай ҳолатда жабрланувчи калтакланган бўлса ёки унга нисбатан бошқа куч ишлатиш ҳоллари бўлган бўлса, айбдорнинг ҳатти-ҳаракатлари ЖКнинг 285-моддасига биноан, ёки шахсий адоват сифатида квалификация қилиниши мумкин.

7-§. Ҳарбий хизматчилар орасида ўзаро буйсиниш муносабатлари бўлмаганда, улар томонидан ўзаро муносабатлар низом қоидаларининг бузилиши (ЖКнинг 285-моддаси)

Жиноятнинг бевосита объекти – ҳарбий хизматчилар учун ўзаро муносабатлар қоидаларини тартибга солувчи умумҳарбий низомлар талабларига риоя этилишини таъминловчи жамоат муносабатлари. Қушимча бевосита объект – ҳарбий хизматчининг саломатлиги, тан дахлсизлиги хавфсизлиги, унинг обриси, ҳурмат-эътиборини ҳурмат қилиш.

ЖКнинг 285-моддасида кўзда тутилган жиноят объектив томондан, ҳарбий хизматчилар орасида ўзаро буйсиниш муносабатлари бўлмаганда, улар томонидан ўзаро муносабатлар низом қоидаларининг бузилиши, такрорий равишда устидан қўлиш, тан жароҳатлари етказиб соғлиққа зарар келтириш ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари етказиш, ноқонуний равишда озодликдан маҳрум қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси олий суд идораларининг бошқарув тушунтиришларига мувофиқ, «ўзаро буйсиниш узаро муносабатлар низом қоидаларининг бузилиши» деганда, бир ҳарбий хизматчи томонидан хизматдошларини ўзига буйсиндириш, ўзи учун имтиёзли шароитлар яратиш мақсадида, бошқа ҳарбий хизматчини обрўсизлантириш, ғурурини ерга уриш тушунилади.

Ушбу қоидалар хизмат мавқеи ва зарбий унвони бўйича бир поғонада турувчи шахслар томонидан бузилган, шунингдек, кичик ёки катта, ўзаро буйсинишда бўлмаган ҳолларда, жиноят ЖКнинг 285-моддасига кўра юзага келади.

Айбдор ва жабрланувчи тааллуқли бўлган аниқ ҳарбий хизматчилар категорияси уларни квалификация қилиш чоғида аҳамият касб этмайди, шунингдек улар, чақирув бўйича ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилгани каби шартнома асосида хизмат қилувчи, ўзаро буйсиниш муносабатларида бўлмаган ҳарбий хизматчилар томонидан ҳам содир этилиши мумкин.

Таҳқирламоқ – жабрланган шахсга нисбатан унинг номусини ва ғурурини шахсни таҳқирлаш йули орқали ерга уриши билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ҳисобланади.

Бу хусусда, таҳқирлаш зўрлик қилиш ва уни қўллаш таҳдиди орқали, ҳамкасабанинг хоналарни йиғиштиришга, бошқаларни ухлаш ўринларини йиғиштиришга, бошқаларни кирини ювишга, ашула ижро этишга мажбурлаш, ундан паёкдаги озиқ-овқатини, обмундирование буюмларини, пул маблағларини олиб қўйишда ва хоқазоларда намоён бўлади.

Агарда муносабатларнинг устав қоидалари бузилишлари жарбланувчидан шахсий мулкани олиб қўйиш билан биргаликда амалга оширилса, бу холда ҳаракатлар ЖК.га мувофиқ, бегонани мулкани ўзлаштириш билан боғлиқ моддаси кўшимча тарзда қўлланилади. Худди шу тарзда жинсий ҳарактердаги зўрлик ҳаракатлари ёки бундай ҳаракатларнинг қилишига мажбурлаш кўрилаётган модданинг доирасидан четга чиқиб кўшимча ЖК.нинг 119-модасини (Зўрлик кўрсатиш орқали жинсий эътиёжини нотабий тарзда қондириш) ёки ЖК.нинг 120-модасини (Бесоқолбозлик) қўлланилишини талаб этади. Доимий равишдаги таҳқирлаш деганда ушбу ҳаракатларнинг уч ёки ундан ортиқ маротаба қилинганлигини тушунилиши лозим. Қийнаш ҳаракатлари жисмоний азобларни етказиш йўли орқали, ёки узоқ муддатли ва изтиробли оғриқ етказиш орқали амалга оширилади. Қийнаш, уриш, чимчилаш, тишлаш, кўп миқдорда тирланаш, кўп миқдордаги аммо лекин катта ҳажмдаги эмас ўтмас ёки ўткир санчиқли нарса орқали жароҳат етказиш, термик, қимёвий ва бошқа моддалар билан таъсир ўтказиш ва хоқазолар.

Соғлиқни ёмонлашишига олиб келган енгил тан жароҳати – деб шундай жароҳат аталади, у ўз ортидан қисқа муддатли соғлиқни ёмонлашишини ёки муҳим бўлмаган турғунли меҳнатга лаёқатини йўқотишга олиб келади. Бунда соғлиқнинг қисқа муддатли ёмонлашиши намоён этиб, бевосита жароҳат билан боғлиқ, давомийлиги 6 лекин 21 кундан ортиқ бўлмаган соғлиқни ёмонлашишини тушуниш лозим. Муҳим бўлмаган турғунли меҳнатга лаёқатини йўқотиш эса умумий меҳнатга

лаёқатини 10 фоизигача йўқотилиши тушунилади.

Эркинликни ноқонуний маҳрум этиш жабрланувчининг ҳаракат эркинлигига, унинг ўз ўрнини танлаш эркинлигига, бошқа шахслар билан мулоқот қилишига ўзига маъқул бўлган вақтда ва усулда тўсқинлик қилиш, жабрланувчининг ўз ҳошии билан бўлган доимий ва вақтинчалик жойлашиш ўрнида яккалаш (изоляция), жабрланувчининг томонидан уни бошқа жойга ўтказмаслик йўли орқали (ЖК.нинг 138-моддаси) ҳаракатларни амалга оширишдан иборат .

Кўриб чиқиладиган жиноятни амалга ошириш вақтида жабрланувчининг ҳаракатлари шахсга қарши жиноятлар ЖК.нинг мувофиқ моддаларида кўзда тутилган бўлиб, уларни қўлланилишини талаб этмайди.

Шуни назарда тутиш керак-ки, кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар **ЖК.нинг 285-моддаси** билан квалификацияланади, агарда улар ҳарбий хизматчининг (жабрланувчи ёки айбланувчи) ўз хизмат вазифаларини ўташ ёки уларни ўташ билан боғлиқ, ва бу дегани агарда улар ушбу вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда, ҳарбий жамоага очик ҳурматсизлик, бўлинмада ички тартибни бузиш, шахсий составнинг одатдаги уйқу ёки дам олишини бузиш билан биргаликда амалга оширилса.

Ҳар қайси санаб ўтилган аломатлар ҳаракатларда ўрин олса, улар кўриб чиқиладиган моддаси билан квалификациялашнинг мажбурий шарти этиб ҳисобланади, жиноятнинг содир этилган жойи эса ҳар хил бўлиши мумкин. Жиноят бевосида ҳарбий қисм жойлашган ўрнида бўлиши ёки унинг чегарасидан ташқари, казармада, даволаш муассасида, хўжалик ишларини бажариш жойида, бўшаган вақтида, бўлинманинг таркибидаги хизмат сафаридан ва х. амалга оширилиши мумкин.

ЖК.нинг 285-моддасида кўзда тутилган жиноят, таҳқирлаш ҳаракатлари , соғлиққа зарар етказиш ёки эркинликдан ноқонуний маҳрум этиш ҳаракатлари амалга оширилган

вақтидан **яқунланган** ҳисобланади.

Субъектив томонидан жиноят тўғри ният билан амалга оширилади. Жабрланувчи ўз ҳаракатлари билан умумий ҳарбий низоми билан ўрнатилган муносабатлар тартибини бузаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди.

Кўриб чиқиладиган жиноятнинг **сабаблари** ҳар хил бўлиши мумкин. Кўпинча, бу безорилик истаклари, унда айбланувчи ўзининг хаёлий устунлигини жабрланувчи устидан ўрнатишга қаратилган, унинг инсоний ғурурини таҳқирлаш, ўзининг ўрнига ишларни бажаришга, камситадиган хизматларни кўрсатишга мажбурлаш ҳаракатларини амалга оширади. Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги низом қоидаларидаги муносабатларни бузилиши миллатчилик ва диний қарама-қаршилик асосида бўлиши мумкин, унда жабрланувчининг унинг миллий ёки диний ҳиссиётларини англаган ҳолда камситиш ҳаракатлари билан бирга амалга оширилади.

Агарда **ЖК.нинг 285-моддасининг** диспозициясида кўрсатилган ҳаракатлар чуқур шахсий муносабатлар асосида амалга оширилса (масалан рашқ, шахсий хуш кўрмаслик, тортишув асосида, агар ҳарбий хизматчиларда кариндошлик ёки никоҳ муносабатлари мавжуд бўлса) хизматдан ташқари вақтда ва бошқа ҳарбий хизматчилар йўқлиги пайтида, **ЖК.нинг 285-моддаси** бўйича квалификация қилинмайди, чунки бундай ҳаракатлар ҳарбий ҳуқуқ-тартиботига таъсир ўтказмайди.

Субъект сифатида ҳар қайси ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин агарда унда жабрланувчи билан бўйсунуш муносабатлари бўлмаган тақдирда.

ЖК.нинг 285-модданинг 2-қисмида ҳарбий хизматчилар ўртасида низом қоидалари муносабатларни бузиши учун, улар орасида бўйсунуш муносабатлари йуқ тақдирда жавобгарлик кўзда тутилган:

А) бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилса:

Б) қурол ёрдамида амалга оширилса;

В) ўз ортидан оғир тан жарохатини келтириб чиқарса.

“Низомдан ташқари гуруҳ таркибида зўрлик ҳаракатлари”

икки ёки ундан ортиқ ҳарбий хизматчи томонидан амалга оширилади, умумий ният билан бирлашган ҳолда, ҳар бириси жиноятнинг субъекти бўлиб, Жиноят Кодексининг 285-моддасида кўзда тутилган, ва ижрочи сифатида чиққан.

Гуруҳ томонидан амалга оширилган жиноят олдиндан тузилган сирли битим орқали, ва битимсиз билан амалга оширилади.

Айбланувчиларнинг ҳаракатларини квалификациялашнинг зарурий шарти этиб Жиноят Кодексининг 285-моддаси 2-қисми оҳирги “а” пункти бўйича уларнинг ҳар бири низомдан ташқаридаги ҳаракатлари гуруҳ таркибида амалга оширилганини англагани ҳисобланади.

Низомдан ташқари ҳаракатларнинг эпизодлари, гуруҳ таркибида ва яққа ҳолда амалга оширилган бўлса, жиноятларнинг реал йиғиндиси этиб ҳисобланиши керак ва мустақил ҳуқуқий баҳоланиши керак.

“Квалификациялаш учун, биргаликда амалга оширилган ва бир бирига бўйсунмиш ва бўйсунмаслик муносабатида бўлган шахсларнинг зўрлик ҳаракатлари маълум бир қийинчиликни намоён этиди.

Масалан, аскар томонидан амалга оширилган низомдан ташқари ҳаракатларига сержант ҳам қўшилади, у айбланувчининг ва жабрланувчининг бошлиғи бўлган, ёки бошлиқнинг зўрлик кўрсатиш ҳаракатларига унга бўсунадиган шахс ҳам қўшилади. Бу ҳолларда бошлиқнинг ҳаракатлари, унга бўйсунадиган шахслар томонидан амалга оширилган низомдан ташқари зўрлик ҳаракатларида иштирок этганини, Жиноят Кодексининг 301-моддаси билан ҳарбий лавозимли жиноят этиб квалификациялаш лозим.

Ушбу ҳолатда ижрочининг ҳаракатлари Жиноят Кодексининг 285-моддаси билан квалификациялаш лозим, чунки бошлиқ бу

холда мазкур жиноятнинг субъекти ҳисобланмайди ва у ҳамижрочи этиб тан олиниши мумкин эмас.

Агарда бошлиқнинг низомдан ташқари унинг хизмат мавқеига тенг ҳарбий хизматчиларига нисбатан қилинган ҳаракатларига, ҳам айбланувчига, ҳам жарбралувчига бўйсунадиган шахс қўшилса, бошлиқнинг ҳаракатларини Жиноят Кодексининг 285-моддаси билан квалификацияланади, бўйсинаувси шахснинг ҳаракатлари эса, ушбу жиноятнинг ҳасижрочиси сифатида Жиноят Кодексининг 28, 285-моддалари бўйича квалификацияланади”.

“**Қурол** тан жароҳатларни етказиш учун ҳамда бошқа зўрлаш ҳолларида психик таъсир этувчи восита сифатида, айбланувчи қурол таҳдиди йўли билан жабрланувчини ўзи учун ҳарбий хизмати бўйича алоҳида вазифаларини бажаришини мажбурлайди, унга ҳар хил хизматларни кўрсатишни, ва инсоний ғурур ҳиссиётини камситиш ҳаракатларини амалга оширилилганда қўлланилиши мумкин.

Қуролни зарба етказиш учун, унинг тузилиши ва қўлланилиши белгиланган ва яралашга мулжалланмаган қисмлари ишлатилган ҳолатлари қуролни қўллаш сифатида кўрилмайди.

ЖК.нинг 285-моддаси 3-қисмида ҳарбий хизматчилар ўртасида уларнинг орасида бўйсунуш муносабатлари йўқлигида, низомдаги қоидалари муносабатларини бузиш инсоннинг вафотига олиб келган ҳолатларда жавобгарлик кўзда тутилган.

“Инсоннинг вафотига олиб келган” ибораси эҳтиётсизлик туфайли ёки уни ўзини ўзи ўлдиришга обрган ҳаракатлар тушунилади. Бунда ЖК.нинг 102-моддаси (Эҳтиёркорсизлик туфайли ўлимга обориш) ёки 103-моддаси (Ўзини ўзи ўлдириш) қўлланилиши этилмайди. Агарда ҳарбий хизматчилар орасида бўйсунуш йўқлиги низом қоидаларининг муносабатларини бузиш ҳолларида айбланувчи қасддан жабрланувчини ўлдирса, унинг қилмиши ЖК.нинг 97-моддаси ва **285-модданинг 3-қисми “а” пункти** бўйича квалификациялаш талаб этилади.

Амалиётда кўп ҳолларда жабрланувчининг вафоти юракнинг рефлектор тўхтаб қолиши ёки механик асфиксияси натижасида, юрак қафаси қисмига кўл билан зарба етказишда содир бўлади. Бундай ҳаракатлар, айбланувчининг жабрланувчи ўлимига ниятларини тасдиқловчи ишонарли тасдиқлар йўқ бўлган ҳолларда, буни ҳарбий хизматчилар ўртасида низом қоидалари муносабатларини бузиш ва улар инсон ўлимига олиб келиш ҳолати этиб квалификацияланади.

ЖК.нинг 285-моддаси 4-қисмига асосан, агарда жиноятнинг амалга оширилиши натижасида қуйидагилар келиб чиқса, жавобгарликка тортилади :

А) кўрбон бўлган инсонлар;

Б) бошқа оғир натижалар

Кўрбон бўлган инсонлар деб, икки ёки ундан ортиқ инсонни вафоти тушунилади.

Бошқа оғир оқибатлари деб, **ЖК.нинг 285-моддаси 4-қисмининг “б” пунктида** кўрсатилган, айбланувчининг низомдан ташқари ҳаракатлари билан сабабли муносабатда бўлган ҳаракати тушунилади, уларнинг оғирлиги суд томонидан характериға қараб баҳоланиши керак.

“Ҳарбий хизматчилар орасидаги муносабатларини низом қоидаларини бузишлари гоҳи ҳолларда нафақат инсонлар ичида кўрбонларни келтириши мумкин, балки жанговор вазифани бузилишиға, ҳарбий техникани бузилишиға ва бошва натижаларға олиб келиши мумкин. Бу натижалар, агарда улар суд томонидан оғир деб баҳоланса, жабрланувчининг ҳаракатларини Жиноят Кодексининг 285-моддаси 4-қисми “б” пункти бўйича квалификациялашға асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Агарда бир неча жабрланувчига нисбатан низомдан ташқари зўрлаш ҳаракатлари натижасида ЖК.нинг 285-моддасининг ҳар хил қисмларида кўзда тутилган зарар етказилса, унда бу ҳаракат ЖК.нинг 33-моддаси бўйича квалификацияланади.

Ҳарбий хизматчилар орасидаги муносабатларини низом қоидаларини бузишлари жабрланувчи томонидан ҳарбий хизматнинг махсус турларини ўташ (қоровул, ички, ғарбий навбатчилик ва хоказолар) вазифаларини бажариш вақтида содир этилиши мумкин, агара айбланувчи томонидан ушбу хизматларнинг қоидалари бузилса, бундай ҳаракатлар Жиноят Кодексининг 285-моддаси бўйича ва у ёки бошқа хизмат турини бузиш билан боғлиқ жавобгарликни кўзда тутган ЖК.нинг моддалари қисмлари бўйича квалификацияланади. Хизматнинг махсус турлари қоидаларини бузиш мустақил ҳуқуқий баҳоланишни олиши мумкин, агарда муносабатларнинг низом қоидаларини бузиш бир вақтни ўзида хизматнинг муайян тури ўташ қоидалари бузилиши (масалан, ҳарбий қисмнинг икки наряди, бўлинманинг таркибидаги шахс томонидан амалга оширилган бўлса) бўлган.

§8. Кафандўзлик (ЖК.нинг 286-моддаси)

Кафандўзликнинг бевосита объекти этиб Ўзбекистон Республикасининг Қуролли кучларининг ахлоқий мейёрлари тушунилади.

Бу жиноятнинг **предмети** этиб яраланган ёки вафот этган шахсларнинг мулки ҳисобланади.

Объектив томонидан қараганда, кафандўзлик ҳарбий шароитда, вафот этган ва яраланганлар устидаги буюмларни ўзлаштиришда намоён бўлади.

Буюмларни ўзлаштириш деганда уларни тўлиқ ўз эҳтиёрига ўтказиш деб тушунилади. **ЖК.нинг 286-моддаси** маъносида ўзлаштириш ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин, у махфий ўзлаштириш (ўғирлик) ёки зўрлаш билан биргаликдаги ўзлаштириш (босқинчилик, талон-тарож). Бу ҳолатларда яраланганларнинг ёки вафот этганларнинг буюмларини ўзлаштиришнинг зарурий аломати этиб, жиноятни ҳарбий

шароитда содир этилиши ҳисобланади.

“Ҳарбий шароит” тушунчаси ҳақида ЖК.нинг 279-моддасининг таҳлилини кўринг.

Кафандўзлик вафот этганлар ёки яраланган шасхларнинг буюмларини ўзлаштириш вақтидан буён **яқунланган** жиноят этиб ҳисобланади.

Ушбу жиноятнинг **субъектив томони** тўғри ният билан характерланади. Айбланувчи ҳарбий шароитда вафот этган ёки яраланганларинг буюмларини ноқонуний тарзда ўзлаштирганини англайди ва буни амалга оширишни хоҳлайди. Жиноятнинг **сабаб ва мақсади**, ҳар доимгидек, ғаразли, лекин улар жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

Кафандўзликнинг **субъекти** этиб фақат ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин. Фуқаролар бундай вазиятларда “умумий” жиноятлар учун жавобгарликка тортилади.

“Бўйсунуш ва ҳарбий номусни сақлаш тартибларига қарши жиноятлар” мавзуси бўйича яқуний саволлар:

1. Буйруқ деганда сиз нимани тушунасиз? Бўйсунмаслик нима дегани? Унинг намоён этилиш шакллари қандай? Мазкур жиноятнинг содир этилишида қонунда қандай оғирлаштирувчи шароитлар белгиланган?
2. Буйруқнинг бажарилмаслиги ва унга бўйсунмаслиги ўртасидаги фарқи нимада? Буйруқни бажарилмаганлиги учун жиноят жавобгарликнинг зарурий шарти қандай?
3. Бошлиққа бўйсунмаслик ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбурлаш нимада намоён бўлади? Бошиқни мажбурлаш билан унга қаршилиқ кўрсатишни фарқи нимада?
4. Бошиқни ўлдириш ёки зўрлашни қўлланиши таҳдиди деганда нималар тушунилади? Қайси ҳолларда бундай таҳдид жиноят деб ҳисобланади?
5. ЖК.нинг 282-моддаси (Бошлиққа таҳдид қилиш) бўйича

жиной жавобгарликни кўлланилиши зарурий шарти қандай?
6. ЖК.нинг 283-моддаси (Тан жароҳатларини етказиш) бўйича нималар тушунилади?

7. Бошлиқни кўл остидагилар томонидан ва бошлиқ томонидан кўл остидагиларни ҳақоратлаш учун жиной жавобгарлик кўлланилиши зарурий шартларини айтинг.

8. Ўзаро муносабатлар низом қоидаларини бузиш деганда нимани тушунилади? У нима билан ифодаланади ва бундай жиноятлар учун жиной жавобгарлик келиб чиқишининг мажбурий шартлари қанақа?

9. **Мародерлик** деб нимага айтилади? қандай вазиятларда улганларнинг ёки ярадорларнинг буюмларига эгалик қилиш **мародерлик** деб ҳисобланмайди?

V11 БОБ. ҲАРБИЙ ХИЗМАТ УТАШ ТАРТИБЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР.

9 чизма

Ҳарбий хизмат уташ тартибларига қарши жиноятлар

Хизмат жойини ёки ҳалок бўлаётган аъзоларга зарар етказиш

Ҳарбий қисмни ўз хохиши билан бўйин товлаш ЖК 287м.
Дизертирлик ЖК 288м.

Халокатга учраётган ҳарбий кораблни ташлаб кетиш
ЖК 289м

ҳарбий хизматдан бадан аъзоларига зарар етказиш ёки бошқа усул билан бўйин товлаш ЖК 290м

қоровул хизматини уташ қоидаларини бузиш ЖК 291м.

Ички хизмат ёки горнизонда патрул уташ қоидаларини бузиш

ЖК 292м.

жанг навбатчилиқни ўташ қоидаларини бузиш ЖК 293м.

чегара хизматини уташ қоидаларини бузиш ЖК 294м.

§ 1. Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалиқ билан ташлаб кетиш (ЖК 287м).

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг ҳимоялаш – ҳар бир фуқаронинг бурчидир деб белгиланган. Фуқаролар қонунда кузда тутилган тартибда ҳарбий ёки альтернатив хизматни уташга мажбурлар.

Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий ҳарбий ёки альтернатив хизматни уташ тартиблари Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат туғрисидаги» қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа туғрисидаги» қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий низомлари асосида ўрнатилган.

Жиноятнинг бевосита объекти бўлиб, Ҳарбий Кучларда ҳарбий хизматни уташнинг қонунчиликда ўрнатилган тартибларини регламентлаштирувчи, ҳар бир ҳарбий хизматчи белгиланган жойда хизматни ўташи ва ҳарбий хизмат давом этаётган вақт давомида хизмат мажбуриятларини тўла ҳажмда бажариши лозимлигидан таркиб топган жамият муносабатларидан иборат.

ЖК 287м. 1 қисмида кузда тутилган жиноятнинг **объектив томонлари** муддатли ҳарбий хизматдагилар томонидан худди шундай қилмиш учун тартибга чақириш чоралари қўлланилганидан сўнг ўз хошишига биноан қисми ёки хизмат жойини ташлаб кетишида, шу билан баравар эркинлик берилганда, бошқа жойга тайинланганда ёки ўтказилганда, сафардан, таътилдан ёки даволаниш муассасасидан бир кундан ортиқ, бироқ ун кундан кўп бўлмаган муддатда қайтиб келмасликда ифодаланади.

Чақирув бўйича ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисм ҳудудида жойлашган казармаларга ўрнашадилар. Ҳарбий хизматни уташ бошқа жойларда бўлиши ҳам мумкин.

Ҳарбий қисм ҳудуди қоровул, наряд ёки бошқа усул билан қуриқланадиган, шу ҳарбий қисм ёки алоҳида ост бўлим учун қисм командири ёки юқори кумондон буйруғи билан ўрнатилган алоҳида чегараланган жойда жойлашган казарма, лагер ёки кучма ҳудуд ҳисобланади. Чегара қушинларида ҳарбий қисм ҳудудига на фақат чегара отряди жойлашган ҳудуд, балки чегара заставаси жойланмаси ҳам ушбу отряднинг алоҳида жойлашган ост бўлими сифатида киради.

Хизматни ўташ жойи деб тегишли кумондонлик фармойиши ёки рухсати билан ҳар қандай хизмат мажбуриятларини амалда бажариш жойларини тушуниш лозим. Бу хўжалик ишларини бажариш жойи ёки қоровулда, нарядда; ҳарбий-тиббий муассасада стационар даволаниш даврида;

вақтинча сафарга юборилган вақт қисмида; транспортда шахсий таркибни кучиришда транспорт воситаларида (поездда, автомобил эшелонларида, кемаларда) мажбуриятларни бажариш бўлиши мумкин;

Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини фақат тегишли ҳарбий ост бўлим командирининг (бошлиғининг) рухсати билан тарк этиш мумкин. Командирнинг рухсатисиз ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ёки хизмат жойлашган жойини тарк этиш ҳарбий низом билан таъқиқланади – ақс ҳолларда бу **ўз хохишига кўра қисмни ёки хизмат жойини тарк этиш** бўлади.

Агар эркинлик бериш ҳуқуқига эга бўлмаган (масалан, взвод командирининг рухсати билан) бошлиқнинг рухсати билан қисмдан кетиш ҳолатларида, ҳарбий хизматчининг олинган рухсатномасининг ваколатлилиги тўғрисида виждонан адашганлилиги шароитларида кўриб чиқиладиган жиноят пайдо бўлмайди. Бундай ҳолларда ўз хизмат ваколатларини оширган бошлиқ жавобгар бўлади.

Муддатли хизмат ҳарбий хизматчисининг ўз хохишига биноан қисмни ёки хизмат жойини тарк этишнинг зарурий белгиси бўлиб, бир суткадан ортиқ, аммо ун суткадан кўп бўлмаган вақтда унинг йуқлигидир. Бу муддатни қисмни ёки хизмат жойини тарк этган вақтдан то шу шахсининг қисмга қайтиши ёки унинг ушланиш вақтигача ҳисоблаш лозим.

Қисмдан эркинликка чиққанда, бошқа жойга тайинланганда ёки ўтказилганда, сафардан, таътилдан ёки даволаш муассасасидан узрли сабабларсиз ўз муддатида **хизматга келмаслик** деб, ҳарбий хизматчи қисмдан ёки хизмат жойидан қонунга асосланган ҳолда чиқиб кетиб, ҳарбий хизматчига берилган чақирув қоғози, сафар гувоҳномаси, таътил чиптаси, эркинлик ёзуви бўйича кўрсатилган қумондон томонидан белгиланган муддатдан ортиқ вақт қисмдан ёки хизмат жойидан ташқарида бўлишига айтилади.

Қайтиб келмаслик учун узрли сабаблар бўлиб ҳарбий

хизматчининг касал бўлиши, яқин қариндошларининг улими, табиий офатлар ва улар билан боғлиқ бўлган ахоли пунктлари билан транспорт алоқаларини узилиб қолиши, ҳарбий ҳолат ва бошқа ҳарбий хизматчини унинг хизмат жойига уз вақтида қайтишига объектив тусқинлик қилувчи бошқа вазиятлар ҳисобланади.

Ўз хохиши бўйича тарк этиш каби қайтиб келмаслик ҳам ҳарбий хизматчи қисмда 1 суткадан ортиқ, аммо 10 суткадан кўп бўлмаган вақтда йўқ бўлган бўлса жиноий жавобгарликка олиб келади.

Ушбу модданинг биринчи қисми маъмурий преюдицияга эга. Муддатли ҳарбий хизматчига ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўз хохишига биноан тарк эткани учун тартибга чақирув чораси қўлланганидан сўнггина, унга нисбатан худди шундай қилмиш учун жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

ЖК 287м. 1 қисмида назарда тутилган жиноятлар, агар ҳарбий хизматчи ноқонунан ҳарбий қисмдан ёки хизмат жойидан ташқарида бўлиб, 10 кун давомида хизматни уташ жойига келмаса **тугалланган** деб тан олинади.

Қисмни ўз хохишига биноан тарк этишнинг давомийлиги, қисмни (хизмат жойини) ўз хохишига биноан тарк этган вақтдан ёки қисмга келиш вақти тугагидан сўнг ва унинг қисмга (хизмат жойига) қайтган ёки ушланган вақтигача ҳисобланади. Бунда вақтни ҳисоблаш ЖПКнинг 314м. да урнатилган муддатларни ҳисоблаш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Субъектив томондан жиноятлар қасддан ёки эҳтиётсизлик бўйича содир этилади. Қисмни ёки хизмат жойини ўз хохишига биноан тарк этиш **бевосита қасддан** қилинган деб тавсифланади. Айбдор, қисмни ёки хизмат жойини командирнинг рухсатсиз тарк этаётганини ёки қисм худудига белгиланган муддатда қайтмаслигини англайди ва ушбу қилмишни содир этишни истайди. Хизматга муддатида

қайтмаслик ҳам қасдан, ҳам эҳтиётсизлик билан содир этилиши мумкин.

Жиноят сабаблари квалификациялаштириш учун ахамиятга эга эмас. «қисмни ўз хохишига биноан тарк этиш учун қариндошларни ёки танишларникига ташриф буюриш истаги, хизматдан дам олиш, оилавий ва шахсий ишларни тўғрилаш, вақтинчалик тавсифли муаммоларни ечиш ва бошқа шу каби сабаблар тавсифлидир».

Агар қисмни ёки хизмат жойини ўз хохишига биноан тарк этиш ҳарбий хизматдан буйин товлаш мақсадида содир этилса қилмиш ЖК 288м. бўйича жавобгарликка олиб келади (Дизертирлик).

ЖК 287м. 1 қисмида назарда тутилган жиноят субъекти бўлиб, қонуннинг бевосита кучига биноан муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар, яъни аскарлар, матрослар, сержантлар ва муддатли хизмат старциналари ҳисобланадилар.

ЖК 287м. 1 қисми ҳаракатлари захирадаги ва ҳарбий

ийғинларга чақирилган фуқароларга ҳам тарқалади.

ЖК 287м. 2 қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томонлари қисмни ёки хизмат жойини ўз хохишига биноан тарк этиши ёки ун суткадан кўпроқ, аммо бир ойдан ошмаган вақт давомида муддатли хизмат ҳарбий хизматчи, зобитлар таркибидаги шахс, прапоршик, мичман ёки контракт бўйича ҳарбий хизмат ўтаётган томонидан узрли сабабларсиз содир этилган хизматга келмаслигидан **иборатдир.**

Зобитлар таркибидаги шахслар, прапоршиклар, мичманлар, контракт бўйича ҳарбий хизматчилар бундай хизматни ўтаётганда ҳарбий қисмда ёки хизмат жойида бўлишлари мумкин. Ҳарбий хизматни уташдан буш вақтларида

бу тоифадаги ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисм ва ҳизмат жойидан ташқарида бўлишлари мумкин. Шу сабабли бу тоифадаги ҳарбий хизматчилар учун **қисмни ва хизмат жойини ўз хохишига биноан тарк этиш** деб, ҳарбий хизмат уташи лозим бўлганда узрли сабабларсиз хизматга чиқмаслигини тушуниш лозим. Бундай вазиятларда, кўрсатилган тоифадаги ҳарбий хизматчиларга нисбатан бошлиқ томонидан казармада жойлашув ўрнатилганда, қисм ва хизмат жойи чегарасидан махсус рухсатномасиз кетиш ўз хохиши билан қисмни тарк этиш каби кўриб чиқилиши лозим.

Зобит таркибидаги шахс, прапоршик, мичман ёки контракт бўйича ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчи ҳарбий қисм жойидан ташқарида яшаб туриб, узрли сабабларсиз хизматга чиқмаса ва бу билан хизмат мажбуриятларини ўташдан буйин товласа, бу ҳолатларни хизматга муддатида келмаганлик сифатида кўриб чиқилиши лозим.

Айбдорнинг қилмиши, бу шахс аввал шу каби қилмиши учун тартибга чақириш чорасига жалб этилганлигидан қатъий назар ЖК 287м. 2 қисми бўйича квалификация қилинади.

ЖК 287м. 2 қисмида назарда тутилган жиноятчилик субъектлари муддатли хизмат ҳарбий хизматчиси, зобит таркибидаги шахслар, прапоршиклар, мичманлар, контракт бўйича ҳарбий хизматчилар бўлишлари мумкин.

Зобит таркибидаги шахслар деб ҳақиқий ҳарбий хизматда турган кичик, катта ва олий зобит таркибига айтилади.

Контракт бўйича хизмат қилувчилар деб амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳарбий хизмат қилиш истагини билдирган ҳарбий хизматчиларга айтилади.

ЖК 287м. 2 қисмида кўрсатилган субъектлар: муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари томонидан, зобит таркибидаги шахслар томонидан, прапоршиклар, мичманлар, контракт бўйича ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган қисмни ёки хизмат жойини ўз хохишига биноан

тарк этиш, ҳамда узрли сабабларсиз бир ойдан ортиқ муддат хизматга келмаслик учун ЖК 287м. 3 қисмида жавобгарлик кузда тутилган.

Бунда қисмда ёки хизмат жойида ноқонуний йўқ булишликнинг максимал давомийлиги квалификациялаш учун аҳамиятга эга эмас, бироқ жазо чораларини аниқлашда ҳисобга олинади.

Агар жиноят субъекти ўз хохишига биноан қисмни ёки хизмат жойини ҳарбий хизматдан буйин товлаш мақсадида бир, ун суткадан ортиқ ёки умуман мақсадсиз хизматдан буйин товлаш мақсадида бир ойдан ортиқ давомийликда тарк этса, аммо бу муддатлар утмасидан олдин ушланган бўлса, унинг ҳаракатларини **ЖК 287м. 1, 2 ва 3 қисмларида** кўзда тутилган жиноят қилишга тажоввуз деб айтиш лозим.

ЖК 287м. 4 қисми жанг ҳолатида содир этилган қисмни ёки хизмат жойини ўз хохишига кўра тарк этгани учун, давомийлигидан қатъий назар жавобгарликни назарда тутди.

«Жанг ҳолати» тушунчаси туғрисида ЖК 279м. тахлилини

кўринг.

ЖК 287м. 4 қисмида кўзда тутилган жиноятнинг субъекти ҳарбий унвонидан, хизмат асосларидан (контракт ёки чақирув бўйича) қатъий назар ҳар қайси ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин.

§ 2. Дезертирлик (ЖК 288м.)

Ҳарбий хизмат ўташнинг ўрнатилган тартиби жиноятнинг **бевосита объекти** бўлади.

Дезертирликнинг **объектив томони** ўз хохишига биноан қисмни ёки хизмат жойини ҳарбий хизматдан буйин товлаш

мақсадида тарк этиш, ҳамда шу мақсадда хизматга келмасликда ифодаланади.

«Ўз хохишига биноан қисмни ёки хизмат жойини тарк этиш»

ва «хизматга келмаслик» тушунчалари туғрисида ЖК 287м.

тахлилга қаранг.

Дезертирлик содир этиб ҳарбий хизматчи қонунга қарши ҳарбий хизмат уташни тухтатиб, ҳарбий - хизмат муносабатлари соҳасидан ўзини учирлишга ҳаракат қилади.

Дезертирликда ҳарбий хизматчини йўқлигининг ҳақиқий давомийлиги содир этилган жиноятнинг жамиятга хавфлилиги даражасини баҳолашда ва айбдорга жазони аниқлашда аҳамиятга эга эмас. Агар дезертирлик содир этилганда хизмат жойидан ташқарида ўз хохишига биноан амалда бўлган вақти узок давом этмаса (чақирув бўйича ҳарбий хизматчилар учун – икки суткадан камроқ, контракт бўйича ҳарбий хизматчилар учун – ун суткадан камроқ), бундай ҳаракатлар хизматга ыз шочиши билан айтган шароитларда ёки иккита енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлигида **ЖК 288м.** белгиларини формал таркибини ифодаловчи сифатида баҳоланиши ва ЖК 36м. кучи билан жиноят эмас деб тан олинishi мумкин.

Дезертирлик давом этувчи жиноят ҳисобланади. У шунгача давом этиши мумкин, қачон айбдорнинг ўз ҳаракатлари натижасида тухтаб қолиши (масалан, унинг айбини буйнига олиб қисмга ёки ҳукумат идораларига келиши), ёки унинг давом этишига тусқинлик қилувчи воқеаларнинг вужудга келиши (масалан, айбдорни ушланиши ва ш.к.).

Дезертирликнинг **туғалланган** жинояти деб ҳарбий қисм ёки хизмат жойини тарк этиб муддатида хизматга келмаган

вақтдан тан олинади. Бунда шуни кузда тутиш лозимки, дезертирликдан ўз хохиши бўйича қайтиши фақат ҳарбий қисмни ёки хизмат жойини тарк этгунича ёки хизматга келиш муддати тугагунича мумкин бўлади. Дезертирлик содир этган ҳарбий хизматчини айбини бўйнига олиб келиши, жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрилмоғи лозим (ЖК 55м. «а» банди). Бундай вазиятларда ЖК 66 ва 71моддаларида кўрсатилган маълум шароитларнинг мавжудлигида ҳарбий хизматчи жавобгарликдан ёки жазодан озод этилиши мумкин.

Субъектив томондан жиноятлар бевосита қасдан содир этилади. Субъектив томондан жиноятнинг мажбурий белгиси бўлиб, қисмни ёки хизмат жойини ўз хохишига биноан тарк этишнинг мақсади ҳисобланади. Айбдор, қисмни ёки хизмат жойини ўз хохишига биноан тарк этишини ёки хизмат уташ жойига ҳарбий хизмат қилишдан умуман буйин товлаш мақсадида қайтмаётганлигини англайди ва бу ҳаракатларни содир этишни истайди.

Ҳарбий хизматдан буйин товлаш мақсадлари айбдорнинг ниятларида намоён бўлади, яъни қонун томондан ўрнатилган ҳарбий хизмат давомида ҳарбий хизмат мажбуриятларини уташдан бош тортишида ифодаланади. Ҳарбий хизматчида ҳарбий хизматдан буйин товлаш бевосита қисмни ёки хизмат жойини тарк этишдан олдин, ёки хизматга келмаганида, ва ўз хохишига биноан қисмни ёки хизмат жойини тарк этиш жараёни содир бўлганида пайдо бўлиши мумкин.

ЖК 287м кузда тутилган дезертирлик ва жиноятнинг объектив томонларини ўхшашликларида, бу жиноятлар таркибларини чегаралашни фақат содир этилган жиноятнинг охирги мақсади билан аниқланадиган айбдорнинг мақсад йўналиши бўйича – ҳарбий хизмат ўташдан бутунлай ёки маълум вақтга бош тортганлигидан ўтказиш лозим.

Ҳарбий хизмат ўташдан бутунлай буйин товлаш ниятлари тўғрисида қисмни ёки хизмат жойини ташлаб кетганидан сўнг

ўтган вақтнинг давомийлиги, ёки унга келмаганлиги гувоҳлик беради. Бундан ташқари, ҳарбий хизмат уташдан бутунлай буйин товлаш мақсадлари тығрисида «айбдор томонидан ёлғон ҳужжатларни сотиб олиш, фуқаролик кийимини кийиб олиши, ҳарбий кийимни йўқ қилиши, ишга киришга ҳаракат қилиши ёки яшаш учун доимий даромат манбаини олиши ва ш.к.» ҳолатлар ҳам гувоҳлик беради.

«Дезертирлик сабаблари, ҳарбий хизмат оғирликлари ва маҳрумликларини кечиришни истамаслиги, доимий тавсифдаги шахсий ва оилавий муаммоларни ечишга интилиши, ҳарбий хизмат уташ вақтида содир этган жинояти учун жавобгарликдан қочиш ва ш.к.» бўлиши мумкин. Айбдор ахлоқини квалификациялашда дезертирлик сабаблари таъсир кўрсатмайди.

ЖК 288м. 1 қисмида назарда тутилган жиноят **субъекти** бўлиб, муддатли хизматдаги оддий ҳарбий хизматчилар, яъни аскарлар, матрослар, сержантлар ва муддатли хизмат старшиналари ҳисобланадилар.

ЖК 288м. 1 қисми ҳаракатлари захирадаги ва ҳарбий

йиғинларга чақирилган фуқароларга ҳам тарқалади.

Тартибга чақирув тартибида қамоққа олинган, тартибга

чақириш ҳарбий қисмида сақлашга судланган ёки қамоқ

қуринишидаги жазони утаётган (48м. қаранг) ҳарбий

хизматчини қочиши ҳарбий қонунбузарчилик ҳисобланади ва

айрим ҳолатлардан келиб чиқиб ЖК 287 ва 288м. бўйича
квалификация қилинади.

Унга нисбатан прокурор санкцияси ёки суд қарори бўйича
қуриқлов остида сақлаш кўринишидаги чора танланган ҳарбий
хизматчи томонидан тергов изоляторидан қочишни ЖК 222м.
бўйича квалификациялаш лозим (қуриқчидан ёки қоровулдан
қочиш).

ЖК 288м. 2 қисмида зобит таркибидаги шахс томонидан,
прапоршик, мичман, контракт бўйича хизмат ўтаётган ҳарбий
хизматчи томонидан содир этилган дезертирлик учун
жавобгарлик белгиланган.

Контракт бўйича ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий
хизматчиларга нисбатан дезертирлик ҳарбий хизматчи
томонидан бир томонлама контрактни бузиш билан
ифодаланади. Бу шундан келиб чиқадики, амал қилинаётган
қонунчилик «контрактчини муддати тугамагунча ўз

ташаббуси билан бузиши ҳуқуқини назарда тутмайди. Бундай бузиш фақат янги контракт тузилгандагина мумкин. Масалан, биринчи контракт уч йилга тузилган, у эса, уни бузиб, янги курунишдаги контракт тузади – беш ёки ун йилга.

Бундан ташқари, контракт бўйича ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун, давом этаётган жиноят сифатидаги дезертирлик контракт муддати тугаган вақтдан бошлаб тугалланган деб (тухтатилган) тан олинади.

§ 3. Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ташлаб кетиш (ЖК 289м.)

Жиноятнинг **бевосита объекти** бўлиб катастрофа ёки аварияларда, ҳарбий кема «ҳалокатида» ҳарбий муносабатларнинг ўрнатилган тартиби ҳисобланади.

Жиноят **объектив томондан** ҳалок бўлаётган ҳарбий кеманинг командири охиригача ўз хизмат мажбуриятларини бажармасдан, ёки кема командаси таркибидаги шахс томонидан командирнинг тегишли фармойишисиз тарк этишида ифодаланади.

Ҳарбий кема деб, ҳарбий хизмат ўрнатилган вазирликка (идорага) тегишли ҳарбий қўмондон жавобгарлигида бўлган ҳар қандай ўзи юрар сув суцдноси тушунилади.

Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани тарк этиш ҳам қирғоққа чиқиш йўли билан, ҳам бошқа суднога ўтиш ёки қутқарувчи сузувчи воситага ўтиш билан амалга оширилади. Ҳарбий хизматчининг ихтиёридан ташқари кема ҳалокатининг ташқи таъсирлари натижасида иложсиз борт ортида қолиши ушбу жиноят таркибини пайдо қилмайди.

Ҳарбий кема командирининг ва команда аъзоларининг хизмат мажбуриятлари низомда регламент қилинган, ундан келиб

чиқиб, кема командири ва команда аъзолари катастрофаларда, аварияларда ҳарбий кемани қутқариш учун барча имкониятларни қабул қилишилари зарур.

Командирда одамларни, мол-мулкни қутқаришни ташкил этиш бўйича бевосита мажбурият ётади. қисман олганда, судна ҳалокати хавфи шароитларида кема командири одамларни қутқариш учун уларни ташкилий эвакуация қилишни, биринчи навбатда, касалларни ва ярадорларни, болаларни, аёлларни, фуқаро шахсларни ва фақат улардан сўнг – ҳарбий хизматчиларни ва экипаж аъзоларини таъминлашга мажбур.

Мажбурий тадбирлар саноғига, сирли хужжатларни, вахта ва навигация журналларини, хариталарни, пул маблағларини ва бошқа бойликларни сақлашни таъминлаш ҳам киради. Жанг ҳолатида хужжатларни, қуролларни ва моддий бойликларни қутқариш имконияти йўқ бўлганида, улар душман қулига

тушмаслиги учун кема билан йўқ қилинишини таъминлаши лозим.

Командир ҳарбий кемани қутқариш учун барча имкониятларни ишлатган вазиятларда, аммо уни қутқариш имконияти йўқлигида ҳарбий кемани тарк этиш лозим деган ягона қарорга келса, у уни тарк этиш учун қарор қабул қилади. Командир ҳарбий кемани энг охирида тарк этади.

Ўз хизмат мажбуриятларини охиригача бажармаганлик остида ёки Низомга мувофиқ тўла бажармаганлик ёки ўз мажбуриятларини тўла бўлмаган ҳажмда бажарганлик тушунилади.

Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани тарк этиш учун команда аъзоларининг жавобгарлиги кемани, мол-мулкни, ҳужжатларни қутқариш бўйича ҳарбий кема командирининг бўйруқ ва фармойишларини бажармаган вазиятларда юзага келади. Кема командирининг командасисиз команда

абзоларидан ҳеч ким кемани тарк этиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Бундай команда (рухсат) шахсан, техник алоқа воситалари билан ёки бошқа ҳарбий хизматчилар орқали берилиши мумкин. Агар кема командири ҳалок бўлса ёки ўз қул остидагиларга тегишли рухсат бериш имкониятидан маҳрум бўлса, команда томонидан ҳалок бўлаётган кемани тарк этиш жиноят таркибини пайдо қилмайди.

ЖК 289 моддасининг мажбурий белгиси ҳарбий кема ҳаётига хавф солаётган ҳолатни мавжудлигидан иборатдир. Бундай ҳолатнинг пайдо бўлишининг сабаблари турлича (бортдаги ёнғин, минадаги портлаш, бошқа судна билан тукнашув, табиий офат ва ҳ.к.) бўлиши мумкин ва кўриб чиқиляётган жиноятни квалификациялашга таъсир қилмайди. Ҳамда охир оқибатда кема ҳалок бўлдими ёки йўқми, бу далил ҳам жиноятни квалификациялашга таъсир этмайди.

Агар ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани командири ўз хизмат вазифаларини охиригача бажармай амалда тарк этган вақтдан бошлаб ёки командирнинг рухсатисиз команда аъзолари томонидан кемани тарк этган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган деб тан олинади.

Субъектив томондан ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани тарк этиш **бевосита қасдан** содир этилади. Командир ўз вазифаларини бажармасдан ёки тула ҳажмда бажармасдан кемани ташлаб кетаётганини англайди ва кемани ташлаб кетишни истайди. Агар айбнинг эҳтиётсизлиги аниқланса жинойий жавобгарлик мустасно этилади.

Ҳарбий кемани команда аъзолари томонидан ташлаб кетилиши ҳам **бевосита қасдан** содир этилади. Айбдор, ҳарбий кема командирнинг командаси йўқ бўлишига қарамасдан кемани ташлаб кетаётганини англайди ва шуни

истайди. Эҳтиётсизлик шаклидаги айблар ҳам жиноий жавобгарликни мустасно этади.

Жиноят **субъекти**-командир ёки ҳарбий кема командаси аъзоси. Ҳарбий кема командаси ҳарбий хизматчилардан шаклланади, аммо унинг таркибига ўқув йиғинлари ўтаётган даврдаги ҳарбий мажбуриятчилар ҳам киришлари мумкин.

ЖК 289м. 2 қисмида жанговор ҳолатда содир этилган ҳарбий кемани ташлаб кетганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

§4. Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан буйин товлаш (ЖК 290м.)

Жиноятнинг **бевосита объекти** ҳарбий хизмат ўташнинг урнатилган тартибларини таъминловчи жамият муносабатларидан иборатдир.

ЖК 290м. да назарда тутилган жиноятнинг **объектив** томонлари ўзининг **бирон** аъзосини майиб қилишда, яъни ҳарбий хизматчини ҳарбий хизматни ўташдан ўзига қандайдир шикаст етказиш йўли билан, шу билан баравар ўзини ёлғондан касалликка солиш йўли билан, ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан, ёки ҳарбий хизмат мажбуриятларини ўташдан бош тортиш билан буйин товлашда ифодаланади.

Ўзининг **бирон** аъзосини майиб қилиш йўли билан, яъни ҳарбий хизматчини ҳарбий хизматни ўташдан ўзининг **бирон** аъзосига қандайдир шикаст етказиш йўли билан буйин товлаши, ҳарбий хизматчи томонидан аъзоларига, танаси туқималарига шикаст етказиш билан соғлиғига зарар

етказиши, шу билан баравар даволаш даврида ёки ҳамма вақт ҳарбий хизмат ўтишига тусқинлик қилувчи касалликни пайдо бўлиши ва уткирлашуви учун шароит яратишдан иборатдир. Ўзига қандайдир шикаст етказиш усуллари турлича бўлиши мумкин, аммо бу жиноятни квалификациялаш учун аҳамиятга эга эмас. Бу ҳар қандай қуролдан танага жароҳат етказиш (туқималарга ўқ отар қуролдан отиш, бармоқларни болта билан чопиш ва х.к.), ҳақиқатда мавжуд касални медикаментлардан нотўғри фойдаланиш йўли билан чақиритиш, сунъий равишда ўзини касаллик ҳолатига келтириш (метал нарсаларни ютиш, тери остига заҳарли нарсаларни киритиш ва х.к.) бўлиши мумкин. Буйин товлаш таркиби учун аъзоларга шикаст етказиш қандай тарзда содир этилишининг аҳамияти йўқ. Белгилаб қўйиш лозимки, аъзоларга шикаст етказишда айбдорнинг соғлиғига зарар етади. Бунда, ҳарбий

хизматчининг соғлиғига зарар ўзи томонидан ёки унинг илтимосига кўра бошқа шахс томонидан етказилиши ҳолатни квалификациялашга таъсир кўрсатмайди.

Агар ҳарбий хизматчига шикаст етказиш ўзи томонидан эмас, унинг илтимосига кўра бошқа шахс томонидан етказилган бўлса, унда бу шахс жиноятга шерик сифатида жиноий жавобгарликка тортилиши лозим, жиноятнинг ижрочиси деб бундай илтимос билан мурожат қилган ҳарбий хизматчи ҳисобланади, чунки у ҳарбий хизмат бўйича вазифаларини бажаришдан буйин товлаган.

Аъзоларига шикаст етказиш шикаст тавсифини аниқлаш учун мажбурий суд-тиббий экспертизани ва ҳарбий-табиб комиссиясини ҳарбий хизматга лаёқатлилиги тығрисидаги хулосасини талаб этади.

Агар соғлиққа зарар етказиш айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларда содир бўлмаган, масалан, айбдор яроқсиз

воситаларни қўллаши муносабати билан, ёки соғлиққа
етказилган зарар ўз тавсифи билан ҳарбий хизмат бўйича у ёки
бу вазифаларни бажаришдан озод этиш учун асос бермаса,
айбдорнинг ҳаракати ушбу жиноятни содир этиш учун
тажоввуз деб тан олинishi мумкин.

Касалликни симуляция қилиш остида алдовни, ҳамда тиббий
комиссияни ҳарбий хизмат уташга мажбур бўлган шахсда,
ҳарбий хизмат уташига тусқинлик қилувчи қанақадир
касалликнинг борлиги тўғрисида (кур, кар, рухий касал ва х.к.
деб кўрсатиш), бошқа ҳар қандай усуллар билан адаштириш,
ёки мавжуд бўлган касалликни симптомларини онгли
равишда ошириб кўрсатиш («касалликни аггравацияси» деб
аталувчи) ётади. Бунда ҳам соматик, ҳам психик, неврологик
касалликлар симуляция қилиниши мумкин.

Виждонан, хизмат вазифаларини бажаришдан буйин товлаш мақсадларисиз, мавжуд ёки тахмин этилаётган касалликка нисбатан адашиш жиноят таркибини пайдо қилмайди.

Хужжатларни қалбакилаштириш ҳарбий хизматдан буйин товлаш усули сифатида ҳарбий хизмат бўйича вазифаларни бажаришдан ноқонуний озод бўлиш учун мазмунан қалбаки хужжатларни қумондонликка тақдим этишда ифодаланади.

Бундай хужжатлар туғилганлик туғрисидаги гувоҳнома қалбаки туғилган санаси билан муддатидан аввал захирага бушаш мақсадида, иккинчи фарзанд туғилганлиги туғрисидаги қалбаки гувоҳнома, соғлиги туғрисидаги қалбаки тиббий маълумотнома, ҳуқуқни сақлаш идораларига ёлғон чақирув, оиладаги уйлаб топилган бахтсизлик туғрисидаги телеграмма ва ҳарбий хизматдан озод бўлиш учун асос бўладиган бошқа фабрикалаштирилган ҳар қандай хужжат бўлиши мумкин.

«Барча вазиятларда қалбакилаштириш, уларга суяниб ҳарбий хизматчи вақтинча ёки доимо ҳарбий мажбуриятларни уташдан озод қиладиган хужжатда кўрсатилган воқеалар ва ҳолатларни ҳақиқатга тўғри келмаслигидан иборат».

Қалбаки хужжат айбдор томонидан ёки унинг илтимосига кўра бошқа шахс томонидан тайёрланиши мумкин. Бунда охиригисини ҳаракати зарур белгилар мавжудлиги ЖК 288м. бўйича (тайёрлаш, хужжатларни, штампларни, муҳрларни, бланкларни қалбакилаштириш, уларни сотиш ва фойдаланиш), ҳамда ЖК 28м. тегишли қисмига суяниб 290м. билан биргаликда квалификацияланиши лозим.

Агар қалбаки хужжат ҳарбий хизматчи ёки ҳарбийга мажбур томонидан тайёрланса, унда унинг ҳаракатлари ЖК 228м. бўйича қўшимча квалификацияни талаб этмайди, чунки улар буйин товлашнинг ушбу усули билан тула қамраб олинади.

Бошқа алдовлар кўриб чиқилаётган модда мазмунида шундай ифодаланадики, ҳарбий хизматчи атайлаб воқеалар ва ҳолатлар тўғрисида ҳарбий хизмат уташдан озод бўлиш мақсадида ёлғон маълумотлар беради ёки шу мақсадларда хабар бериши лозим бўлган ҳолатлар тўғрисида онгли равишда гапирмайди (масалан, захирага эртароқ бушаш мақсадида олий маълумоти борлиги тўғрисида ёлғон маълумот бериш, худди шу мақсадда ўзини ўрнига бошқа шахсни тиббий куриқка юбориши).

Ҳарбий хизматдан буйин товлаш мақсадида лавозимли шахсни сотиб олиш ҳолатлари бошқа алдов сифатида кўриб чиқилади. Агар бунда пора бериш (олиш) мавжуд бўлса, у ҳолда жавобгарлик жами содир этилган жиноятлар йиғиндиси бўйича юзага келади.

«Ҳарбий хизмат вазифаларини ўташдан **бош тортиш** шу билан тавсифланадики, ҳарбий хизматчи очикчасига, ёлғонни

аралаштирмай, оғзаки ёки ёзма ёки бошқа усулда ҳарбий
хизмат уташни ёки унинг айрим мажбуриятларини
бажаришни истамаслигини ифодалайди ва амалда уларни
бажаришни тухтатади».

Бош тортиш икки шаклда намоён бўлиши мумкин:

биринчи-дан, у очик аризада, уларни бажаришни кейинчалик
амалда тухтатиш билан, ҳарбий хизмат мажбуриятларини
уташни истамаслигини ифодалаш мумкин. Агар ҳарбий
хизматни уташни истамаслигим тўғрисидаги очик ариза
уларни амалдаги бажарилмаслиги билан кузатилмаса, бундай
щаракатлар кыриб чиқилаётган жиноят таркибини пайдо
қилмайди.

иккинчи-дан, бош тортиш бу тўғрисида очик аризада
кузатилмасдан, ҳарбий хизмат мажбуриятларини амалда
тухтатиш билан ифодаланиши мумкин.

Командирнинг аниқ талабини бажаришни истамаслик ёки амалда бажармаслик ҳарбий хизмат вазифаларини уташдан бош тортиб бўлмайди (масалан, сафарга кетиш, суткалик нарядга кириш ва х.к.). «Бундай ҳаракатлар буйсунмаслик таркибини келтириши мумкин, чунки бу ҳолатда командирнинг талаби буйруқ тавсифига эга, ҳаракатнинг ўзи эса ҳарбий хизмат уташдан бош тортишда эмас, очиқчасига буйруқни бажармасликдадир».

Агар ҳарбий хизматни уташдан бош тортиш айбдор томонидан, унга қонунчиликка ва қуролли Кучларнинг Умумҳарбий Низомига мувофиқ махсус вазифалар юкланган даврда содир этилса (жанговор навбатчилик, суткалик ёки гарнизон нарядида ва х.к.), тегишли жиноятларнинг белгилари мавжуд бўлганда жавобгарлик ЖК 291-294 моддалари йиғиндисидан юзага келади.

Ҳарбий хизматчини ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ўзига қандайдир шикаст етказиши, касалликни симуляцияси, қалбаки хужжатларни тақдим этилиши ёки бошқа ёлғон далиллар жиноятни пайдо қилмайди, бу йўл билан ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришдан буйин товлаш, яъни у ёки бу ҳарбий вазифаларни бажаришни амалда тухтатишини пайдо қилади.

Ҳарбий хизмат уташдан буйин товлаш аъзоларига шикаст етказиш, ёки касалликни симуляция қилиш, ҳарбий хизмат уташдан буйин товлаш мақсадида хужжатларни қалбакилаштириш, ҳарбий хизмат уташдан бош тортиш вақтидан бошлаб **тугалланган** деб тан олинади.

Жиноятнинг **субъектив томонлари бевосита қасдан** содир этилади. Айбдор ҳарбий хизматдан ноқонуний усулда озод этилишга етишмоқчилигини англайди ва шуни истайди.

Жиноят мақсади – ҳарбий хизмат вазифаларини уташдан буйин товлаш.

Жиноят субъекти бўлиб ҳарбий хизматда турган шахс ҳисобланади. Бу чақириқ бўйича ҳарбий хизмат утаётган оддий аскар ва сержант (старшина) таркибидаги шахслар, ҳамда ҳарбий унвонидан ва қушин туридан қатъий назар ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчилар бўлишлари мумкин. Кўриб чиқиладиган жиноят субъектлари, ҳарбий йиғинга чақирилган захирадаги фуқаролар ҳам бўлишлари мумкин.

ЖК 290м. назарда тутилган жиноятлар, бу жиноят иштирокчилари деб тан олинган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматчи бўлмаган шахслар иштирокида содир этилиши мумкин.

ЖК 290м. 2 қисмида жанговор ҳолатда содир этилган ҳарбий хизмат ўташдан буйин товлаш учун оширилган жавобгарлик назарда тутилган.

«Жанговор ҳолат» тушунчаси тўғрисида ЖК 279м. тахлилида айтилган эди.

§ 5. Қоровул хизматини уташ қоидаларини бузиш (ЖК 291м.)

Ушбу жиноятнинг **асосий бевосита объекти** умумий тартибда ҳарбий хизмат уташнинг таркибий қисми каби қоровул хизмати уташнинг урнатилган тартибини таъминловчи жамият муносабатларидан иборатдир. Бу тартибга қатъий риоя этиш қуриқлашга ишонилган объектнинг хавфсизлигини ва сақланишини, ҳарбий хизматчилар орасида юқори ҳарбий тартибни ушлашни таъминлайди. Бундай тартиблар учун

қоровул (вахта) хизматини шахслар алохида ҳуқуқий ҳолатига,
уларга махсус функцияларни юкланиши, улар билан боғлиқ
ҳолда улар маълум бўлган махсус ҳуқуқ ва мажбуриятларга,
қоровул (вахта) хизматини уташнинг низом асосида
чиқарилган ва ривожлантирилган тегишли буйруқлар,
фармойишлар билан аниқ регламентларига эгаликлари билан
тавсифлидир.

Қоровул хизмати уташ қоидаларини бузишнинг **қушимча**
бевосита объекти деб, қоровулга қуриқлашга
топшириладиган маълум объектларнинг хавфсизлиги, жамият
хавфсизлиги ва тартибларини (масалан, гаупвахтада
сақланаётган шахсларни қуриқлаш) тушуниш лозим.

Жиноят **объектив томондан** уларни олдини олиш учун
қоровул тайинланган, қоровул таркибига кирган шахс
томонидан содир этилган зарарли оқибатларга олиб келган

қоровул (вахта) хизматини уташнинг низом қоидаларини бузишда ифодаланади.

Қоровул хизмати узида қонунчилик ва қуролли Кучлар

Умумҳарбий Низомлари билан регламентлаштирилган ҳарбий

ва давлат объектларини, ҳамда гаупвахтада ва ҳарбий

интизомий қисмида сақланаётган шахсларни қуриқлаш бўйича

махсус хизматни ифодалайди. қоровул хизматини уташ

жанговар вазифани бажариш ҳисобланади ва шахсий

таркибдан барча Низом қоидаларига аниқ риоя этишни, юқори

огохликни, аниқ ечимни, ҳамда ташаббусни талаб этади.

Қоровул хизмати қуриқ остида сақланаётган ва жиноий-

тузатиш муассасаларида жазо утаётган қамокқа олинганларни

қуриқлаш ва конвой қилиш бўйича хизмат ҳисобланиб,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ички қушин ҳарбий

хизматчилари томонидан амалга оширилади.

Ҳарбий кемалардаги **вахта хизмати** қоровул хизматига тенглаштирилади. У кемадаги навбатчиликнинг алоҳида тури бўлиб ҳисобланади ва жанговор техникани ва кемани ўзини қуриқлаш, ҳамда унинг доимий жанговор ҳолатини таъминлаш вазифасига эгадир. Вахталар кема бўйича (бутун кема бўйича) ва махсус (кеманинг жанговор қисмлари ва хизматлари бўйича) фарқланади.

Қоровул (вахта) хизматини уташ қоидалари қонунчиликда, Қурулли Кучлар Низомида, ИИВ меъёрий актларида ва уларнинг бажарилиши бўйича чиқарилган турли буйруқлар, фармойишлар ва х.к. да регламентланади. Шу муносабат билан жиноят таркиби белгиларини аниқлаш шу вазиятда бузилган қоровул хизмати қоидаларининг мазмунига боғлиқ бўлади. Модданинг диспозицияси бланкктли бўлади. Жиноий жавобгарлик юзага келиши учун, Низомнинг қайси конкрет қоидалари, ёзма фармойишларнинг талаблари ва постлар

табелларида ва инструкцияларда кўрсатилган қоровул шахсинг алохида вазифалари бузилганлигини ҳар томонлама аниқлаш лозим.

Қоровул (вахта) хизматини уташ низом қоидаларини бузилиши ҳам ҳаракатда, ҳам ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин: постдан ўзбошимчалик билан кетиш, постдаги уйқу, эътиборсизлик, постга бегоналарни қўйиш, қуриқланаётган объектдан мулкни уғирлаш ва х.к. Гаупвахтада ва интизомий ҳарбий қисмда сақланаётган шахсларни қуриқлаш бўйича ҳамда қуриқ остида сақланаётган ёки жиноий-тузатиш муассасаларида жазо ўтаётган қамоқдагиларни қуриқлаш ва конвой қилиш қоровул таркибидаги ҳарбий хизматчилар томонидан қоровул хизмати низом қоидаларини бузилиши қамоқдагиларга зурлик ишлатиш, уларни инсонийлик шарафини камситиш, улар ҳуқуқларини ва қонуний

манфаатларини камситиш ва х.к. йўллар билан содир этилиши мумкин.

ЖК 291м. бўйича жиноятларни тығри квалификациялаш учун қоровул хизмати уташнинг бош ва охирги вақтини аниқ белгилаш зарур бўлади.

Қоровул таркибидаги шахснинг қоровул хизмати бўйича вазифадларини бажаришга киришиш вақти бўлиб развод вақтида қоровул бўйича (қисм бўйича навбатчи) навбатчини кутиб олиш учун «йиғил» командаси берилган вақт ҳисобланади. Шу вақтдан бошлаб қоровуллар қоровул бўйича (қисм бўйича навбатчи) навбатчининг ҳукми остига ўтади.

Қоровул таркибидаги хизмат ўташнинг охирги вақти бўлиб қоровул алмашган команда бошлиғи томонидан сменадан сўнг қисмга кетиш учун команда берилган вақт ҳисобланади.

Шу вақтда қоровулнинг кўрсатилган шахс ҳукми остидан чиқиши аниқланади.

Агар қоровул хизмати ўташ қоидалари развод боғланиши олдидан ёки қоровул алмашганидан сўнг бузилса, унда ҳарбий хизматчи **ЖК 291м. бўйича** жавоб бериши лозим эмас.

Масалан, разводга боришдан бош тортиш ва қоровулга киришгани учун ҳарбий хизматчи ЖК 279м. бўйича буйруққа бўйсинмаганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Кўриб чиқиладиган жиноят таркибининг зарур белгиси бўлиб қоровул хизматини уташ қоидаларини бузилиши ва келиб чиққан зарарли оқибатлар орасидаги боғловчи сабаблар ҳисобланади.

Кўриб чиқиладиган модданинг мазмунидаги **зарарли оқибатлар** – булар қоровул таркибида турган шахслар огохлантириши лозим бўлган вазифаларга кирган оқибатлардир. Бу, масалан, куриқланаётган объектдан ҳарбий мулкни уғирлаш, қамокқа олинганни конвой қилинаётган вақтда кочиб кетиши, патрул нарядининг ҳаракатсизлиги

оқибатида ҳарбий хизматчи томонидан жамият тартибларини қўпол бузилиши ва х.к. қоровул қўриқлаётган объектларга зарар сифатида, қамоқ остида сақланаётган шахсларга куч ишлатиш ёки бошқа ноқонуний чоралар билан таъсир этиш, ҳамда қуриқдан ноқонуний қисқа вақтга озод этиш ҳолатлари кўриб чиқилиши лозим.

Зарарли оқибатларнинг келиб чиқиши кўринишидаги белгилар қоровул таркибига кирган ҳар бир шахсга нисбатан кўрилмоғи лозим. Агар, зарарли оқибатлар олдини олишга қоровул эмас, балки қайсидир қуриқчи ёки қоровул бошлиғининг мажбуриятига кирса, у томонидан қоровул хизматини ўташ низом қоидаларини бузганлиги мавжуд бўлса ЖК 291м. 1 қисми бўйича у жавобгарликни буйнига олиши лозим.

Агар далил этилаётган жиноятни содир этилиши натижасида уларни олдини олиш қоровулни вазифасига кирмаган бошқа зарарли оқибатларга сабаб бўлган бўлса, унда қилмиш қоровул

хизмати ўташ қоидаларининг бузилиши таркибини пайдо қилмайди. Масалан, қуриқчи, постга яқинлашаётган бегона одамни сезиб, огохлантиришсиз қурол ишлатади ва тажовузкорни улдиради. У қоровул хизмати уташ қоидаларининг бузилишига йўл қўйган бўлсада, ЖК 291м. назарда тутилган жиноят таркиби унинг ҳаракатларида бўлмайди, чунки зарар қоровул қуриқламаётган объектга етказилди.

ЖК 291м. 1 қисми белгилари остига тушаётган, муҳр ёки пломбани бузиш, қуриқланаётган объектдаги запор ва =улфларни синдириш, =ыри=ланайтган объектга реал зарар етказмдан уларга қуриқчини ёки бошқа шахсни киришини зарарли оқибатлар деб топилиши лозим эмас.

Бироқ, айрим вазиятларда қуриқчи олдини олиши лозим бўлган қуриқланаётган объектга бегона шахснинг киришини ўзи зарарли оқибат деб кўриб чиқилиши лозим. Масалан,

қоровул олдини олиши лозим бўлган қуриқланаётган сирли объектга бегона шахснинг киришини ўзи зарарли оқибат деб кўриб чиқилиши лозим.

Қоровул (вахта) хизматини ўташ низом қоидаларини бузилиши фақат бир шароитда, агар бу қилмиш ушбу қоровул уларни олдини олиш учун тайинланган бўлса ва зарарли оқибатларни юзага келтирса **тугалланган** жиноят таркибини пайдо қилади.

Агар қоровул хизматини уташ низом қоидаларини бузилишидан зарарли оқибатлар келиб чиқмаса, унда **ЖК 291м.** бўйича жавобгарлик мустасно этилади. Қоровул (вахта) таркибидаги харбий хизматчилар бундай бузилишлар учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизомий низоми бўйича интизомий жавобгарлигига тортилишлари мумкин.

Субъектив томондан жиноятлар қасддан ёки эҳтиётсизлик билан содир этилиши мумкин. Айрим бузилишлар фақат қасддан содир этилиши мумкин (постдан кетиш, қуриқланаётган объектдан қуриқлаш ва х.к.). Бошқа бузилишлар эҳтиётсизлик оқибатида содир этилади (қурол билан эҳтиётсиз муносабатда бўлиш, постда хизмат ўтаётганда етарли даражада оғох бўлмаслик ва х.к.). Аммо ҳам қасддан ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган бузилишлар бор (постдаги уйқу, патрул қилиш йўли билан хизмат уташда қуриқчи йыналишини бузилши ва х.к.). Оғир оқибатларга нисбатан айб кўпинча эҳтиётсизлик қуринишида ифодаланади, аммо қасддан ҳам бўлиши мумкин.

Жиноятнинг **сабаб** ва **мақсади** турлича бўлади ва қилмишни квалификациялашга таъсир ўтказмайди.

ЖК 291м. да назарда тутилган жиноят субъекти, фақат қоровул ёки вахта (қоровул бошлиғи, разводчи, қуриқчи,

қоровул ва бошқалар) таркибидаги шахслар бўлишлари мумкин. қоровул (вахта) хизматини (масалан, горнизон коменданти, горнизон гшаупвахтаси бошлиғи) ташкил эитшга ва ҳолатига жавобгар бўлган, аммо қоровул (вахта) таркибига кирмайдиган лавозимли шахслар кўриб чиқиладиган жиноятнинг субъектлари бўла олмайдилар. Бу шахслар томонидан қоровул (вахта) хизматини низом қоидаларини бузилиши тегишли белгилари етарли бўлганида ҳарбий лавозим жинояти сифатида квалификация қилиниши мумкин.

Шунинг учун, қонунчилик ва қуролли Кучларнинг Умумҳарбий Низоми ҳарбий қасам қабул қилмаганларни ҳарбий хизмат қоровулига тайинлашни таъқиқлайди, қасамёд қабул қилиш – шахсни кўриб чиқиладиган жиноят субъекти деб топилиши учун зарурий шартдир.

Жиноятнинг бажарувчиси бўлиб қоровул хизмати низом қоидаларини бузилишида ифодаланаётган, қоровул хизмати

утаётган шахс бўлади, уларни иштирокчилари эса қоровул таркибига кирмаган ҳам ҳарбий хизматчилар, ҳам фуқаро шахслар бўлишлари мумкин.

Қоровул таркибига кирувчи шахслар, кўриб чиқилаётган жиноят қамраб олмайдиган бошқа жиноятларни содир этишлари мумкин, улардан бири қоровул хизмати уташнинг қоидаларини бузиш билан биргаликда квалификацияланади, бошқаси эса қушимча квалификациялашни талаб этади.

Қоровул томонидан қоровулга қуриқлашга топширилган мулкни қуриқлаш бегонанинг мулкни ўғирлаш ва қоровул хизмати уташнинг қоидаларини бузишдан ташкил топган жиноятлар йиғиндиси бўйича квалификацияланади.

Шу билан бир вақтда, қоровул томонидан аτροφдагилар учун орттирилган хавф туғдирувчи қурол, моддалар ва нарсалар билан муносабат қоидаларини бузилиши фақат ЖК 297м.

бўйича квалификацияланади (атрофдагилар учун орттирилган

хавф туғдирувчи қурол, моддалар ва нарсалар билан муносабат қоидаларини бузилиши), агар бунда қуриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминловчи қоровул хизматини уташ қоидалари амалда бузилмаган бўлса (масалан, қуриқчи қурол билан уйнаб, ундан ўқ узиб, унга қуриқлаш учун топширилган ёқилғи-мойлаш материаллари омборини йўққа чиқарса). Агар бу қоидалар бузилган бўлса, бунда қилмиш бир вақтнинг ўзида қоровул хизматини уташ қоидаларини бузилишига олиб келади, қилмишнинг тегишли белгилари мавжуд бўлганда ЖК 296м. бўйича квалификацияланади (ҳарбий мулкни қасдан йўқотиш ёки бузиш).

қуриқчи (қоровул) томонидан қуриқланаётган объектнигина эмас, балки жойлашган ҳарбий қисмни ташлаб кетиш жиноятлар йиғиндиси бўйича квалификацияланиши лозим: ҳарбий хизматдан буйин товланинг тегишли тури (масалан,

дезертирлик) ва қоровуллик хизмати қоидаларини бузилиши, агар бунда тегишли зарар етказилган бўлса.

ЖК 291м. 2 қисмида қуйидаги оқибатларга олиб келган қоровуллик хизмати уташ қоидаларини бузилиши учун жавобгарлик назарда тутилган:

А) баданга оғир шикаст етказилиши;

Б) одам улиши;

В) бошқа оғир оқибатлар.

Оғир оқибатлар мавжудлиги тўғрисидаги масала (ЖК 291м. 1 қисми «в» банди) баҳолаш тавсифига эга бўлиб, оқибатларни оғир деб топилиши ҳуқуқбузарликнинг аниқ ҳолатларига боғлиқ ва махсус хизмат уташга қарши бошқа жиноятлардаги каби кўрсаткичлар билан амалга оширилади.

Қоровул (вахта) хизматини уташнинг низом қоидалари бузилишининг **бошқа оғир оқибатларига:** бир неча шахсларга ўрта ва оғир тан жароҳатлари етказиш, бир неча кишининг ҳалокати, қуриқланаётган объектга катта ва жуда катта зарар етказиш, объектнинг жанговор тайёргарлигини бузиш ёки эълон қилинганида уни таъминламаслик, тайинланган жойга қушинни ўз вақтида ҳаракатлантирмаслик, қисмлар бошқарувини ташкил этилишини бузиш, қуриқланаётган объектдан қурол, уқ дори ва бошқа ҳарбий мулкни ўғирлаш, жанговор техникани ишдан чиқариш, ҳарбий қисм Байроғини йўқотиш, қамалганни қамоқдан қочиши ва х.к. киради.

Қоровул (вахта) таркибидаги шахс томонидан қуриқланаётган объектдан қурол, ўқ дори, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ўғирлаш содир этилиши ЖК 291м. 2 қисм «в»

банди ва 247м. йиғиндиси бўйича квалификацияланиши лозим.

Қоровул (вахта) хизматининг низом қоидалари бузилиши ноқонуний бактериологик, кимёвий ва бошқа оммавий қирғин қурол турларини эгаллаб олиш билан кузатилса, бундай ҳолларда, жинойтлар ЖК 291м. 2 қисми «в» банди ва 255 моддаси йиғиндиси бўйича квалификация қилиниши лозим (яратиш, ишлаб чиқариш, йиғиш, топшириш, сақлаш, ноқонуний эгаллаш ва бактериологик, кимёвий ва бошқа оммавий қирғин қурол турлари билан бошқа ҳаракатлар).

Бактериологик, кимёвий ва бошқа оммавий қирғин қурол турлари тўғрисида кенгроқ ЖК 255м. тахлилига қаранг.

ЖК 291м. 3 =исмида жанговор ҳолатда содир этилган қоровул хизмати уташ қоидаларини бузилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

§6. Ички хизматни уташ ёки гарнизонда патруллик қилиш қоидаларини бузиш (ЖК 292м.)

Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** – Ўзбекистон

Республикаси Қурулли Кучлари ички хизмат Низоми билан

ўрнатилган ички хизмат уташнинг ва гарнизонда патруллик

қилишнинг тартибларини таъминловчи жамият

муносабатларидир. Ўрнатилган қоидаларни бузиш ҳарбий

хизматчилар орасида ёки улар иштирокида тартибсизликлар

пайдо бўлиши, ҳарбий қисмлар ва ост бўлимларнинг жанговор

қобилиятини пасайтириб, қурул ва ўқ дориларни ўғирланиши

содир этилишига шароит яратади, ҳарбий хизматчилар

орасида низомсиз ўзаро муносабаиларни ва х.к. пайдо бўлиши

хавфини туғдиради. Шу муносабат билан кўриб чиқиладиган

жиноятнинг қушимча бевосита объекти жамият тартибларини,

ҳарбий мулкни сақланишини ва х.к. таъминловчи жамият муносабатларидир.

ЖК 292 м. назарда тутилган жиноят **объектив томондан** ички хизмат уташ низом қоидаларини, шу билан баравар тегишли хизмат уларни олдини олиши учун тайинланган зарарли оқибатларни келтириб чиқарувчи гарнизонда патрулик қилиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

Ички хизмат уташнинг низом қоидалари Ўзбекистон

Республикаси қуролли Кучлари ички хизмати Низоми билан аниқланади, унга мувофиқ ички тартибни, бино ва қисм (ост бўлим) мулкни қуриқлашни тутиб туриш учун, ҳамда бошқа ички хизмат вазифаларини бажариш учун ҳарбий хизматчилардан суткали наряд тайинланади (қоровул ва вахтадан ташқари). қисм бўйича навбатчидан, унинг ёрдамчисидан, ост бўлим бўйича навбатчидан, кунли навбатчидан ва бошқа ҳарбий хизматчилардан таркиб топган

бу наряд, ички тартиб қоидаларини бажарилишини таъминлайди, қисмнинг назорат-утказув пунктини бошқаради, шахсий таркибни, қуролни, ўқ дориларни, ҳарбий қисм биноси ва мулкни қуриқлайди, ҳамда ички хизмат бўйича бошқа вазифаларни бажаради.

Ички хизмат уташнинг низом қоидаларини бузиш рота бўйича навбатчи томонидан казармадаги уришишга тўсқинлик қилмаганида, кундалик навбатчини ўз постида ўзбошимчалик билан кетишида, ост бўлимда содир этилган жиноят тўғрисидаги ахборотни қисм командиридан яширишда ва шунга ўхшаш бузишларда, хизмат биносидаги ёнғинни учиришни ташкил этишда қисм бўйича навбатчининг ҳаракатсизлигида ва бошқаларда ифодаланади.

Қоровул (вахта) таркибидаги ҳарбий хизматчи хизмат уташ низом қоидаларини бузишини ЖК 291м. бўйича квалификациялаш лозим.

Моддани диспозициялаш бланкетли хисобланади. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун, ички хизмат Низомининг қайси моддаси бузилганлигини, зарарли оқибатлар юзага келганлигини ва улар орасида сабаблар алоқасини аниқлаш лозим.

Ички хизмат қоидаларини бузилиши **тугалланган** жиноятни ташкил этади, агар бунинг натижасида уларни огохлантириш айбдорнинг вазифасига кирган бўлиб зарарли оқибатларга олиб келган бўлса.

Бундай зарарли оқибатлар сонига киритиш мумкин: кун тартибини ёки ҳарбий тадбирларни бузиш; ҳарбий хизматчилар орасида низом бўйича ўзаро муносабатлар қоидаларини бузиш; ост бўлимдаги ҳарбий хизматчига оғир ёки ўрта оғирликдаги тан жароҳати етказиш; ост бўлим шахсий таркиби кимдир ҳарбий хизмат уташдан буйин

товлаши ёки уқ дориларни, қуролларни ёки катта миқдордаги бошқа ҳарбий мулкни уғирлаш ва х.к.

Ички хизмат уташ қоидаларини бузиш далил бўлса, аммо зарарли оқибатлар келмасас, айбдор ички хизмат Низомига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортилади.

Патруллик қилиш ҳар бир гарнизонда гарнизон

бошлиғининг буйруғи билан ҳарбий хизматчилар томонидан кучаларда ва бошқа жамият жойларида, вокзалларда, бекатларда ва х.к. ларда ҳарбий интизомга риоя қилиш тартибини сақлаш ва назорат қилиш учун ташкил этилади.

Гарнизонда патруллик қилишнинг низом қоидалари

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизон ва қоровул хизмати Низомида белгиланган ва патрул бошлиғи ва бир неча патрулчидан таркиб топган патруллик қилиш наряди таркибидаги ҳарбий хизматчилар учун мажбурий ҳисобланади. Гарнизон патрулларида ташқари аҳоли

пунктида патруллик қилиш учун ҳарбий комендатурада транспорт воситасига эга бўлган захира патрули бўлмоғи лозим.

Гарнизонда патруллик қилиш қоидаларини бузиш аҳоли пунктларида хулиганлик намоёнларини олдини олиш бўйича чоралар кўрмасликда, шахсларни асоссиз ушлашда, қуролни ноқонуний қуллашда, спиртли ичимликлар ичишда, патруллик қилиш жадвалини бажармасликда ва х.к. ларда ифодаланиши мумкин.

Патруллик қилишнинг низом қоидаларини бузиш **тугалланган** жиноий жазолаш қилмишини пайдо қилади, агар натижада патрул уларни олдини олиш учун ҳаракат қилаётган оқибат келиб чиқса.

Бундай зарарли оқибатларга қуйидагилар киради: ҳарбий хизматчилар орасидаги уруш, ҳарбий хизматчилар ва фуқаровий аҳоли ўртасидаги низолар, улар томонидан содир

этилган уғирликлар ва бошқа жиноятлар, ушланган шахс соғлиғига асоссиз оғир ва ўрта оғир зарар етказиш ва х.к.

Соғлиққа зарар етказиш шахсга қарши жиноятлар

тўғрисидаги моддалар бўйича қушимча квалификациялашни талаб этади. Келиб чиққан оқибат ва йўл қўйилган бузилишлар орасидаги сабаб алоқаларини аниқлаш мажбурий. Бу алоқа патруллик қилаётганда олдини олишнинг объектив имконияти мавжудлигини ва бошқа оқибатларни фараз қилади.

Жиноятлар йиғиндиси бўйича ички хизмат уташ ва гарнизонда патруллик қилиш низом қоидаларини бузиб ҳарбий мулкни ўғирлашни содир этган ва ҳарбий хизмат уташдан буйин товлаган, ёки бошқа жиноятлар содир этган шахснинг қилмиши квалификация қилиниши лозим

ЖК 292м. да назарда тутилган жиноят **субъектив томондан** тўғридан тўғри ва **бевосита** қасддан содир этилади, аммо

айбдорнинг қилмиши оқибатларига муносабати

эҳтиётсизликдан ҳам бўлиши мумкин.

Квалификация учун сабаб ва мақсад ахамиятга эга эмас.

Кўриб чиқиладиган жиноятнинг **субъекти** қисмининг суткалик

наряд таркибига кирувчи ёки патрул наряди таркибига

кирувчи харбий хизматчи ҳисобланади. Бу қисм бўйича

навбатчи ва унинг ёрдамчиси, навбатчи ва ост бўлим бўйича

кундалик навбатчи, назорат-ўтказиш ва назорат-техник

пунктлари бўйича навбатчилар, ошхонадаги навбатчи ва

ишчилар ва х.к.

Қоровул (вахта) таркибига кирувчи шахслар ушбу жиноятнинг

субъектлари бўлмайдилар, чунки қоровул хизматини уташ

низом қоидаларини бузганлик учун улар ЖК 291м. махсус

моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Ҳамда ишга нарядга тайинланган харбий хизматчилар ушбу

жиноятнинг субъектлари деб тан олинмайдилар.

**§7. Жанговор навбатчиликни уташ қоидаларини бузиш
(ЖК 293м.)**

Жиноятнинг асосий бевосита объекти – Республика

Қуролли Кучлари ички хизмат Низоми билан ва ҳар бир

қушин учун қулланадиган қумондонлик меъёрий актлари

билан ўрнатилган жанговор навбатчилик уташ тартибларини

таъминловчи жамият муносабатларидир. Ушбу жиноятнинг

қушимча бевосита объекти Ўзбекистон Республикаси

хавфсизлигини, чегаралари дахлсизлигини, суверенитетини ва

манфаатларини, ҳамда одамлар ҳаёти, соғлиғи ва х.к. ларни

таъминловчи, жамият муносабатлари бўлиши мумкин.

ЖК 293м. 1 қисмида назарда тутилган жиноятларнинг

объектив томонлари қўриқланаётган объектга зарар

келтирувчи ёки жанговор вазофани бажармасликка олиб

келувчи жанговор навбатчиликни (жанговор хизматни) ўташ қоидаларини бузишда ифодаланади.

Жанговор навбатчилик (жанговор хизмат) таркибига жанговор ҳисоб, кема экипажлари ва учувчи аппаратлар, бошқарув пунктларининг навбатчи сменалари, жанговор таъминлаш ва хизмат кўрсатиш кучлари ва воситалари кирадиган навбатчи кучлар ва воситалар билан бажарилади. Жанговор навбатчиликни бевосита ташкил этиш учун ҳарбий қисм командири жавобгардир.

Жанговор навбатчилик стратегик мулжалдаги ракета қушинларида, ҳаво мудофасига қарши қушинларда, бошқа турдаги қушинларда ташкил этилади. Турли қушинлардаги жанговор навбатчилик (жанговор хизмат) уташ тартиблари Ўзбекистон Республикаси тегишли турдаги Қуролли Кучларининг Бош қумондонларининг буйруқлари билан ўрнатилади.

Жанговор навбатчилик (жанговор хизмат) уташ
қоидаларининг бузилиши Ўзбекистон Республикаси Қуролли
Кучларининг ички хизмат Низомида баён этилган меъёрларни,
ҳамда тегишли буйруқлар, инструкциялар билан ўрнатилган
тартибда аниқланган махсус функцияланиш вазифаларини,
навбатчи кучлар ва воситалар таркибидаги ҳарбий
хизматчилар учун бошқа меъерий идоравий актлар билан
аниқланган вазифаларни бажармасликдан ёки етарли бўлмаган
даражада бажарганликдан ташкил топган. Бундай бузилиш
жанговор постдан кетиш билан, постдаги уйқу билан,
навбатчиликда спиртли ичимликлар ичиш билан, жанговор
навбатчилик утаётган жойга бегоналарни қуйиш билан, техник
воситаларни бузиш, махсус апаратурадан фойдаланиш
қоидаларини бажармаслик, асбоблар кўрсатгичларини назорат
қилмаслик, олинган командаларни бажармаслик ва бошқалар
билан ифодаланиши мумкин. Бунда бузиш жанговор
навбатчилик ўтаётган вақтда содир бўлиши лозим, айбдор

жанговор постда бўлганми ёки дам олаётган сменадами,
квалификациялаш учун бунинг аҳамияти йўқ.

Кўриб чиқиляётган моддани диспозицияси бланкетли. Ҳар бир
аниқ ҳолатни ЖК 293м. 1 қисми бўйича квалификациялашда
жанговор навбатчилик (жанговор хизмат) уташнинг қайси
қоидаси бузилганлигини, қуриқланаётган объектга етказилган
зарар далилини ёки жанговор вазифани бажармаганлигини ва
улар орасида сабабли алоқани аниқламоқ зарур.

Кўрсатилган зарар етказилиши тўғрисидаги масала баҳолаш
тавсифига эга ва ҳар бир алохида вазиятда харбий хизматчи
жанговор навбатчилик (жанговор хизмат) ўтаётганда

Ўзбекистон Республикасига тўсатдан хужумни ўз вақтида
пайқаш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш учун
мулжалланган вазифалар хусусиятларини ҳисобга олиб
ечилади

Қуриқланаётган объектларга зарар етказиш ёки жанговор вазифани бажармаслик навбатчилик кучлари ва воситалари бошқаруви пункти билан алоқани йўқотишда, чет эл учувчи аппарати ёки сув кемаси билан давлат чегаралари кесиб ўтилганлиги тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида бермаслик, ост бўлим томонидан олдиға қўйилган вазифаларни тула ҳажмда бажариш қобилиятини реал пасайиши ва х.к.да ифодаланади.

Агар жанговор навбатчилик (жанговор хизмат) уташ қоидаларининг бузилиш ёки жанговор вазифани бажармаслик қуриқланаётган объектга зарар келтирмаса, айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилади.

Жанговор навбатчилик (жанговор хизмат) уташ қоидаларининг бузилишда ҳарбий хизматга нисбатан бошқа мустақил жиноят содир этилса, қилмиш бу жиноятлар йиғиндиси бўйича квалификацияни талаб этади. Масалан, агар навбатчи смена таркибидаги ҳарбий хизматчи ўғирлаш

мақсадида радиоаппаратурадан айрим деталларни ечиб олса қилмиш ЖК 293 ва 296 моддалари бўйича квалификация қилиниши лозим (ҳарбий мулкни йўқ қилиш ёки зарар етказиш).

ЖК 293м. 2 қисмида жанговор навбатчилик (жанговор хизмат) уташ қоидаларини бузиш учун жавобгарлик, Ўзбекистон Республикасига тусатдан қилинган хужумни ўз вақтида пайқамаслик ёки даф этмаслик, оғир оқибатлар келтиришида ифодаланган.

ЖК 293м. 2 қисми мазмунидаги **оғир оқибатлар** бевосита давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича жанговор навбатчилик вазифалари билан боғлиқ бўлмоғи лозим.

Уларнинг мавжудлиги тўғрисидаги масала содир этилган жинойтнинг аниқ ҳолатларини ҳисобга олиш билан ечилади.

Бундай оқибатлар остида республика хавфсизлигига сезиларли етказилган зарарни тушуниш лозим: ҳудуд бўйича республика

объектлари бўйича оловли зарбалар бериш, давлат худудига чет эл жанговор самолётларини ва кемаларини кириб бориши, жанговор техникани йўқотилиши, навбатчи кучлар ва воситалар таркибидан одамларни ҳалок бўлишини тушуниш лозим.

Қонунда кўрсатилган жанговор навбатчилик уташ қоидалари бузилиши натижасидаги оқибатлар келиб чиққан вақтдан жиноятлар **туғалланган** деб топилади.

ЖК 293м. да назарда тутилган жиноятнинг **субъектив томонлари** жанговор навбатчилик уташ қоидалари бузилишининг далилига нисбатан тўғридан тўғри ёки бевосита қасднинг мавжудлиги билан тавсифланади, йўл қўйилган бузилишлар оқибатларига нисбатан айб эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади.

Сабаб ва мақсад ҳар хил бўлиши мумкин, аммо жиноят квалификациясига таъсир қилмайди.

Жиноятнинг **субъкти** навбатчи кучлар таркибидаги ҳарбий хизматчи бўлади.

Агар ҳарбий хизматчи ноқонуний ҳарбий хизматга чақирилган бўлса ёки зарур шартларни бузган ҳолда навбатчи кучлар таркибига тайинланган бўлса (ҳарбий қасамёд қабул қилишдан олдин, касаллик вақтида, ушбу ҳарбий хизматчи содир этган жиноят бўйича тергов ўтказилаётган вақтда ва х.к.), бундай вазиятларда, қилмиш учун жавобгарликни, бундай ҳарбий хизматчини жанговор навбатчилик (жанговор хизмат) уташга жалб этиш тўғрисида ноқонуний қарор қабул қилган бошлиқ (командир) буйнига олади.

§8. Чегара хизматини уташ қоидаларини бузиш (ЖК 294м.)

Ўзбекистон Республикасининг 1999 й. 20 августдаги 820-1-сонли «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегаралари

тўғрисидаги» қонунига мувофиқ Давлат чегарасини куриқлаш

ўзига:

- ҳар қандай жой бўйича утган чегарани ноқонуний

ўзгартиришга уринишни йўқотиш, Ўзбекистон ҳудудига

қушин гурухлари ва бандаларини қуролли бостириб киришини

даф этиш;

- чегарада қуролли ва бошқа провокацияни йўққа чиқариш;

- кырсатилган тажовуздан ащолини, барча турдаги мол-мулкни щимоя этиш;

- чегарани кесиб ытишни олдини олиш ва унга йўл қўймаслик;

- чегара орқали портловчи, захарловчи, радиоактив, наркотик воситаларни, қуролларни, ўқ дориларни ва Ўзбекистонга олиб кирилиши ва олиб чиқилиши таъқиқланган бошқа нарсаларни, ҳамда контрабанда предметларини олиб утилишини олдини олиш;

- чегара орқали мамлакатимизнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатларига, давлат хавфсизлигига, жамият тартибларига, аҳоли саломатлигига ва ахлоқига ва х.к. ларга зарар етказувчи маълумотларга эга бўлган таъқиқланган нашрларни, видео ва товуш ёзиш аппаратларини олиб ўтишни олдини олиш.

Жиноятнинг **бевосита объекти** ўрнатилган чегара хизматини уташ тартибларини таъминловчи жамият муносабатларидан иборат.

Жиноятнинг **объектив томони** чегаранинг дахлсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган, чегара наряди таркибига кирадиган шахс томонидан чегара хизматини уташ тартибларини бузилишида ифодаланади.

Чегара хизматини уташнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат чегаралари тўғрисидаги» қонунда, ҳамда давлат чегараларини куриқлаш инструкцияларида бириктирилган қоида ва тартибларида ва Миллий хавфсизлик хизмати чегара қушинлари бошқармаси қумондонининг айрим буйруқларида чегара наряди шахсларининг конкрет вазифалари аниқланган.

Модданинг диспозицияси бланкетли, шар бир конкрет вазиятда чегара хизматини уташнинг қайси қоидалари бузилганлигини ва улар Ўзбекистон Республикаси

чегараларининг дахлсизлигига зарар етказилишига олиб келиши мумкинлигини аниқлаш лозим.

Чегара хизматини уташ қоидаларини бузилиши давлат манфаатларига зарар олиб келиши ва етказиши мумкин бўлган, қонун билан ва бошқа кўрсатилган меъёрий ҳужжатлар билан ўрнатилган чегара хизматини ўташ қоидаларини бажармасликда ёки етарли даражада бажармаганликда ифодаланади.

Кўрсатилган қоидаларнинг бузилиши шундай шаклларда, постдан ўзбошимчалик билан кетиш, постдаги уйқу, чегара наряди таркибидалиги вақтида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, давлат чегара бузилиши белгиларини ўз вақтида пайқамаслик, бегона шахсларни чегаранинг қуриқланаётган майдони орқали ўтказиб юбориш ва бошқаларда ифодаланади.

Жиноят чегара дахлсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган, чегара хизматини уташ қоидалари бузилган вақтдан бошлаб **тугалланган** деб топилади.

ЖК 294м. да назарда тутилган жиноят субъектив томондан,

ЖК 293м. да назарда тутилган жиноятнинг **субъектив**

томонлари жанговор навбатчилик уташ қоидалари

бузилишининг далилига нисбатан **тўғридан тўғри** ёки

бевосита қасднинг мавжудлиги билан тавсифланади, йўл

қўйилган бузилишлар оқибатларига нисбатан айб

эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади. **Сабаб ва мақсад** ҳар

хил бўлиши мумкин, аммо жиноят квалификациясига таъсир

қилмайди.

Жиноятнинг **субъекти** фақат чегара наряди таркибига кирган

ёки чегара хизматида бошқа вазифаларни бажарадиган ҳарбий

хизматчи бўлиши мумкин, бунда чегара қушинларини

Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини қуриқлаш

бўйича хизмат вазифаларини ўрнатилган тегишли меъёрий
актлар билан бажараётган ҳар қандай ҳарбий хизматчиси
бўлиши мумкин.

ЖК 294м. 2 қисмида чегара хизматини уташ қоидаларини
бузиш учун жавобгарлик назарда тутилган:

А) қонунга хилоф равишда чегарадан утиш;

Б) бошқа оғир оқибатларга олиб келувчи.

Қонунга хилоф равишда чегарадан утиш – бу Ўзбекистон
Республикаси чегарасини ҳар қандай йўналишда қонунда
ўрнатилган тартибни бузиш билан утиш (ваколатли ҳукумат
идораларининг рухсатисиз, нотўғри расмийлаштирилган
ҳужжатлар билан ва х.к.).

ЖК 294м. 2 қисми «б» пунктида **бошқа оғир оқибатлар**

мазмунини остида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига

қуролланган босқинчи банда шаклланишларини,

диверсантларни кириб келиши ёки давлат чегаралари орқали

қуроллар, наркотиклар, бошқа контрабанда предметларини
утиши, одамларни халокати, чегара бузувчилар томонидан
чегара ҳудуди аҳолисига ҳужум қилиш ва бошқаларни
тушуниш лозим.

Мавзуга яқуний саволлар:

«Ҳарбий хизмат уташ тартибларига қарши жиноятлар»

1. Офицер таркибидаги шахслар, прапоршиқлар, мичманлар ва
ҳарбий хизматни контракт бўйича утаётган ҳарбий
хизматчилар жинойий жавобгар деб топилиши шартларини,
муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчининг ўзбошимчалик
билан қисмни ёки хизмат жойини ташлаб кетгани учун ва
дерертирлик учун жавобгарликка тортилиши шартларидан
фарқи нимадан иборат?

2. Дезертирлик ўзида нимани ифодалайди? Ўзбошимчалик билан қисмни ёки хизмат жойини ташлаб кетишдан фарқи нимада?
3. Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ташлаб кетиш учун жавобгарлик келишининг хусусиятлари қанақа?
4. Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ҳарбий хизматдан буйин товлаш шакли ўзида нимани ифодалайди? Унинг амалга оширишнинг усуллари қанақа?
5. ЖК 290м. мазмунида ҳарбий хизматдан буйин товлашнинг бошқа усулларига нима киради (ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан буйин товлаш)?
6. Жанговор ҳолат деганда нимани тушуниш лозим?
7. Қоровул хизматини уташнинг қоидаларини бузиш нимада ифодаланади? Ушбу жиноятни тўғри квалификация қилиш учун зарур шартлар қанақа?

8. ЖК 291м. мазмунида оғир оқибатлар деганда нима тушунилади (қоровул хизматини уташ қоидаларини бузиш)?
9. Ички хизмат ёки гарнизонда патрул қилиш қоидаларини бузишнинг усуллари қандай? ЖК 292м. мазмунида зарарли оқибатлар деганда нима тушунилади (ички хизматни уташ ёки гарнизонда патрул қилиш қоидаларини бузиш)?
10. Жанговор навбатчиликни уташ қоидаларини бузиш нимада ифода этилиши мумкин? Бундай жиноий қилмиш учун оширилган жавобгарлик қандай вазиятларда кузда тутилади?
11. Чегара хизматини уташ қоидаларини бузиш нимада ифодаланади? Бундай бузилишлар қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин?

**VII БОБ. ХАРБИЙ МУЛКНИ САҚЛАШ ЁКИ УНДАН
ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБЛАРИГА ҚАРШИ
ЖИНОЯТЛАР.**

10 чизма

**Харбий мулкни сақлаш ва ундан фойдаланиш
тартибларига қарши жиноятлар**

Харбий мулкни беҳудага сарфлаш ёки ишдан чиқариш ЖК

295м

Харбий мулкни nobуд қилиш ёки шикас етказиш ЖК 296м

Атрофдагилар учун катта хаф манбаи бўлган қурол модда ва предметлар билан муомилада бўлиш қоидаларини бузиш ЖК 297м

Машиналарни бошқаруви ёки ундан фойдаланиш қоидаларини бузиш ЖК 298м

Учиш ва унга таёрланиш қоидаларини бузиш ЖК 299м

Кемани бошқариш қоидаларини бузиш

§1. Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, йўққотиш ёки ишдан чиқариш (ЖК 295м)

Жиноятнинг бевосита объекти деб ҳарбий низомлар, инструкциялар, буйруқлар билан урнатилган ҳарбий мулкдан фойдаланиш ва сақлаш тартибларини мувофиқлаштириш соҳасидаги жамият муносабатлари тан олинади. Бу тартибга риоя қилиш қуроллардан, жанговор ва бошқа техникадан, таъминот воситалардан, кийимбошлардан ва бошқа мулкдан тўғри фойдаланиш ва эҳтиёт қилишни таъминлайди.

Ҳарбий мулк ҳарбий хизматчига шахсий ёки хизматда фойдаланиши учун берилади. Шахсий фойдаланишга кийимбош ва аслаҳа анжомлар, хизмат учун - қуроллар, ўқ дорилар, ҳаракатланиш воситаси ва х.к. берилади.

Кўриб чиқилаётган жиноят предметига ҳарбий хизматчига шахсий фойдаланиши учун берилган ҳарбий аслаҳа-анжомлар (**ЖК 295м. 1 қисми**), ҳамда унга хизматда фойдаланиш учун ишонилган қурол, ўқ дорилар, ҳаракатланиш воситалари, техник таъминот предметлари (**ЖК 295м. 2 қисми**) киради.

Ҳарбий хизматчига шахсий фойдаланиш учун берилган экипировка (бронжилет, противогаз ва х.к.), асбоблар (сапёр кураги, дозиметр ва х.к.) ва бошқалар ҳарбий **аслаҳа анжомлар** тан олинади.

Кийимбош предметлари ва анжом аслаҳа офицерлар таркибидаги шахсларга, прапоршикларга, мичманларга ва ҳарбий хизматни контракт бўйича утаётган ҳарбий хизматчиларга шахсий мулк қилиб берилади, бу эса бундай предметларни кимгадир бериши, йўқотиши ёки бузиб қўйиши жавобгарликни мустасно қилади.

Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар, ҳамда офицерларга, мичманларга ва ҳарбий хизматни контракт бўйича утаётган ҳарбий хизматчиларга ҳарбий қисмининг мулки бўлган инвентар буюмлар ҳам берилиши мумкин.

Уларни тасарруф этиш беҳудага сарф этиш каби кўрилиши

мумкин бўлмай, давлат мулкини ўғирлаш таркибини пайдо қилади.

Қурол деганда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмида (ҳарбий муассасада) қуролланишда, сақлашда ёки ҳарбий қисмда фойдаланишда турган, ўқ дориларни қўллаш йўли билан жонли ёки бошқа нишонни нобуд этишга мулжалланган жанговор техник қурилмани тушуниш лозим.

Бу винтовка, пистолет, карабин, автомат, бошқа стрелка қуроли, миномет, огнемёт, гранатамет, артиллерия тизими, ракета учириш қурилмаси ва х.к.

Ҳатто қуролланишда турган совуқ қурол, ўзи ясаган ўқ отиш қуроли ёки жанговор мулжалга эга бўлмаган қурол (сигнал ёки қурилиш пистолети, силли стволли ов қуроли) ушбу жиноят предметларига кирмайди.

Айрим турдаги қуроллар фақат маълум техник қурилмаларга ўрнатиш учун махсус мулжалланган бўлиши мумкин

(самолётлар, вертолетлар, танклар). Уларга авиация пушкалари, танк пулеметлари ва х.к., қатор вазиятларда бундай турдаги қуроллар фақат ёрдамчи қурилмалардан фойдаланиб ҳаракатга келтирилишлари мумкин, улар ўз ҳолича қурол ҳисобланмайди (авиация пушкалари учун электрик ва пневматик приводлар).

«Қурол» тушунчаси тўғрисида кенгроқ ЖК 247м. тахлилига қаранг.

Ўқ дорилар деганда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари харбий қисмларида (харбий муассасаларда) қуролланишда, сақлашда ва фойдаланишда бўлган жангга мулжалланган техник буюмлар, жонли нишонни йўқотиш учун бевосита контакт учун мулжалланган портловчи моддалар аслахалари ёки ўқ дориларни ҳаракатга келтирувчи стрелкали, артиллерия, ракетали, тегишли турдаги ўқ отиш қуроли ёки бошқа қурилмалар. Булар жанговар патронлар,

артиллерия ва реактив снарядлар, минометларга миналар, гранатаметларга гранаталар ва бошқалар. Ўқ дорилар бир марталик ҳаракати билан тавсифланади, чунки бир марта фойдаланганда (тўла ёки қисман) парчланади.

ЖК 295м. 2 қисми мазмунида ўқ қуролларини тан олиниши учун техник созлиги эмас, буюмнинг конструктив мулжалланганлиги ва йўқотиш таъсирининг амалдаги хусусиятлари аҳамиятга эга. Жонли ёки бошқа нишонни йўқотишга мулжалланмаган сигнал ва имитация воситалари ўқ дориларга кирмайди.

Ҳаракатланиш воситалари кўриб чиқиладиган модда мазмунида – бу ҳарбий қисм (ҳарбий муассаса) балансида турган ҳарбий техникага кирмайдиган транспорт воситалари (автомобил, дарё транспорти ва х.к.)

Техник таъминот предметларига ҳар хил турдаги ёриткичлар, техник эҳтиёж учун мулжалланган жихозлар

(транспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлари, ёқилқи мойлаш материаллари, электрон-хисоблаш техникаси учун деталлар ва х.к.) киради.

ЖК 295м. 1 қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томонлари** беҳудага сарфлаш, яъни сотиш, бошқа шахсларга фойдаланиш учун топшириш ёки муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига шахсий фойдаланишга берилган ҳарбий аслаҳа анжомни гаровга қўйишдан иборат.

Беҳудага сарфлашнинг мажбурий белгиси-муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига шахсий фойдаланишга берилган ҳарбий аслаҳа анжомни предметларини бошқа шахсга қуққусиз эгалик қилишига утишидадир. Бунда, қонунда кўрсатилганидек, беҳудага сарфлаш сотиш, фойдаланишга топшириш ёки бошқа шахсга гаровга бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Ҳарбий аслаха анжомни **сотиш** уни бошқа шахсларга текинга топширишда, яъни қандайдир моддий мукофот эвазига ёки бошқа предметларга алмаштиришда ифодаланади.

Ҳарбий аслаха анжомни сотиш ҳарбий аслаха анжомни бошқа шахсга амалда ўтган вақтидан бошлаб **тугалланган** деб тан олинади.

Ҳарбий аслаха анжомни фойдаланишга топшириш уни бошқа шахсларга текинга (ҳадя қилиш, бериш) **топшириш** асосида ифодаланади. Бунда жиноят предмети топширилган вақт аҳамиятга эга бўлмайди (доимий ёки вақтинча фойдаланиш).

Ҳарбий аслаха анжомни сотиш ҳарбий аслаха анжомни бошқа шахсга амалда ўтган вақтидан бошлаб **тугалланган** деб тан олинади.

Ҳарбий аслаха анжомни гаровга қўйиш – бу пул ёки мулкый заётни таъминлаш учун вақтинчалик топшириш. Ҳарбий

аслаха анжомни бехудага сарфлашнинг бу усули гаровни расмийлаштирган вақтдан бошлаб **тугалланган** хисобланади.

Бехудага сарфлашда ҳарбий мулк ҳамма вақт давлат мулки бўлиб қолади, ва шунинг учун у ҳар қандай вазиятда ноқонуний эгаликдан олиб қўйилиши лозим, агар қайтариш имконияти бўлмаган ҳолларда айбдордан унинг икки баравар қиймати ундирилади.

ЖК 295м. 1 қисми бўйича жиноятнинг **субъектив томони**, **тўғридан тўғри қасд** шаклидаги айбни фараз қилади. Айбдор унга шахсан фойдаланиш учун берилган мулкни сотаётганини, гаровга топшираётганини ёки бошқа шахсга фойдаланиш учун бераётганлигини англайди.

Жиноятнинг сабаби ва мақсади қоидага биноан ғаразли, аммо квалификация учун ащамиятга эга эмас.

Ушбу жиноятнинг **субъекти** фақат муддатли хизмат ҳарбий хизматчиси бўлади.

ЖК 295м. 2 қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган қурол, ўқ дорилар, ҳаракатланиш воситалари, уларни эҳтиётлаш қоидаларини бузилиши оқибагида техник таъминот предметларини ифодалайди.

Ишониб топширилган деб ҳарбий хизматчига хизматда фойдаланиш учун ўрнатилган тартибда топширилган ҳарбий мулк тушунилади.

Ишониб топширилган қуролни, ўқ дориларни, ҳаракатланиш воситаларини, уларни эҳтиётлаш қоидаларини бузилиши оқибагида техник таъминот предметларни ҳарбий хизматчи эгалигидан чиқиб кетишини **йўқотиш** деб тушуниш зарур ва бундай қилиб ҳарбий қисмни (ҳарбий муассасани) вақтинча ёки бутунлай йўқолган ҳарбий мулкдан фойдаланиш ва фармойиш этиш имкониятидан маҳрум этилади.

Бу предметларни йўқотганлиги учун ҳарбий хизматчини жалб этиш учун ҳарбий мулкни сақлашнинг қайси қоидаси бузилганлигини аниқлаш зарур. Бу қоидалар умумқўшин низомлари, буйруқлари, инструкциялари, уқтирмалари, раҳбарномалари ва бошқа сақлаш, куриқлаш, фойдаланиш, ушбу турдаги ҳарбий мулкни сақланишини таъминловчи ва турган жойи бўйича ҳарбий қисм (ҳарбий муассаса) худудидан чиқиб кетиш имкониятини олдини олиб транспортировка қилиш идоравий меъёрий актлар билан регламент қилинган.

Йўқотиш ҳарбий хизматчининг ихтиёридан ташқарида содир бўлади- предмет йўқотилган, унутиб қолдирилган, ҳарбий хизматчи томонидан қаровсиз қолдирилганда бегонала томонидан ўғирланган ва х.к. бўлиши мумкин.

Кўрсатилган предметлар ҳарбий хизматчининг эгалигидан чиқиб кетган вақтдан бошлаб йўқотиш **тугалланган** деб тан олинади.

ЖК 295м 2 қисми мазмунида **ишдан чиқариш** остида

қуролни, ўқ дориларни, ҳаракатланиш воситаларини, техник таъминот предметларини уларни мақсадли фойдаланиш бўйича қисман ёки тўда яроқсизликка келтириш тушунилади.

Кўрсатилган предметларнинг ишдан чиқариш уларни қисман ёки тўда яроқсизликка келтирган вақтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

ЖК 295м. 2 қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъектив томонлари қасддан ёки эҳтиётсизликдан** содир этилади.

Кўрсатилган предметларни ишдан чиқариш қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилади. Йўқотиш – фақат эҳтиётсизликдандир.

Жиноятнинг сабаби ва мақсади турлича бўлиши мумкин ва қилмишни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

Ушбу жиноятнинг **субъекти** қурол, ўқ дорилар, ҳаракатланиш воситалари, техник таъминот предметлари хизматда

фойдаланиш учун ишониб топширилган ҳарбий хизматчи бўлади.

ЖК 295м. 3 қисмида хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган қурол, ўқ дорилар, ҳаракатланиш воситалари, техник таъминот предметларини беҳуда сарфлаш, йўқотиш ёки ишдан чиқариш уларни эҳтиётлаш қоидаларини бузилиши оқибатида жанговор ҳолатда содир этилган жавобгарлик назарда тутилган.

§2. Ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш (ЖК 296м.)

Жиноятнинг бевосита субъекти Ўзбекистон Республикаси Қуроллик Кучларида ўрнатилган ҳарбий мулкни сақлаш қоидалари бўлади.

ЖК 295м. дан фарқли **296м.да** на фақат шахсий ва хизматда фойдаланиш учун берилган предметларни, балки ҳар қандай ҳарбий мулкни асраш назарда тутилади. Қурол, ўқ дорилар, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа ҳарбий мулк давлат мулки ҳисобланади, шунинг учун уларни қасддан нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш билан бир вақтда айбдор давлат мулкига тажовуз қилган бўлади.

Жиноятнинг **предмети** ҳар қандай жанговор мулк бўлиши мумкин: қурол, ўқ дорилар, ҳаракатланиш воситалари, ҳарбий техника ва бошқа ҳарбий мулклар.

«қурол», «ўқ дорилар», «ҳаракатланиш воситалари» тушунчалари тыўғрисида ЖК 295м. тахлилига қаранг.

Ҳарбий техника ўз ичига жанговор ҳаракатлар олиб бориш учун, шахсий таркибни уларни бошқаришга ўргатиш учун, қўшинни кундалик фаолиятини таъминлаш учун турли техник воситаларини киритади. Жумладан, ҳарбий техника

предметларига: жанговор техника (самолетлар, вертолетлар, танклар, бронетранспортерлар, артиллерия қуроллари, ракета комплекслари, жанговор воситаларни бошқариш тизимлари ва х.к.), ҳарбий қисмнинг муҳандислик воситалари, тренажерлар ва бошқа ўқитиш техник воситалари, алоқа аппаратуралари, тунги кўриш асбоблари ва х.к. киради. Кўрсатилган мулжалга эга бўлмаган ҳарбий қисмнинг бошқа мулклари (ост бўлим казармаларидаги телевизор ва х.к.) ҳарбий техника предметлари сифатида кўриб чиқилиши мумкин эмас.

Жиноят **объектив томондан** қурол, ўқ дорилар, ҳаракатланиш воситалари, ҳарбий техника ва бошқа ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказишда ифодаланади.

Кўрсатилган мулкни **нобуд қилиш** деб, уни ҳам жанговор, ҳам техник ёки хўжалик муносабатда яроқсиз ҳолга келтириш тушунилади, қачонки у оддий созлаш воситалари билан тикланиши ва ыз мулжалига мувофиқ ишлатилиши мумкин

бўлмаган ҳолатни тушунмоқ зарур. Бу на фақат уни жисмоний йўқотишда (портлатиш, ёқиб юбориш ва х.к.), балки предметни тўғридан тўғри ўз мулжали бўйича ишлатиш имкониятидан маҳрум этишга йўналтирилган ҳаракатларни содир этишда (масалан, предметни куруқликка чиқаришга техник имкониятлар йўқлиги ёки иқтисодий мақсадга мувофиқ эмаслигида уни сувга чуқтириб юбориш) ифодаланади.

Шикаст етказиш мулкни шундай ҳолатга келтиришда ифодаланадики, қачон уни тиклашга ва мулжалга мувофиқ фойдаланиш имконияти мавжуд бўлади. Шикаст етказилганда предметлар ўзининг жанговор, техник ва хўжалик қийматини қисман йўқотади.

Нобуд қилиш ва шикаст етказиш усуллари жиноятни квалификациялашга таъсир қилмайди.

Жиноят ҳарбий мулкни амалда нобуд қилинган ёки шикаст етказилган вақтидан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади. Агар

айбдор бу мулкни нобуд этишга шайланган бўлса, аммо унга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича, фақат унга шикаст етказса, қилмишни. Нобуд қилишга тажовуз каби эмас, амалдаги оқибатлари бўйича ҳарбий мулкка шикаст етказилган каби квалификациялаш лозим, чунки кўрилаётган модданинг диспозицияси икки қилмишни бир тенг сифатида бирлаштиради.

Ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш умумхавфли усулда содир этилса (ёқиб юбориш, чуқтириб юбориш ва х.к.) ЖК 296м. билан қамраб олинади ва ЖК 173м бўйича қўшимча квалификацияни талаб этмайди (Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш).

Қасддан ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш баъзан шикаст етказилган мулкнинг қандайдир қисмини ўғирлаш билан кузатилади. Бундай қилмишлар бегонанинг мулкни ўғирлаш ва бу мулкни нобуд қилиш ёки

унга шикаст етказиш каби жиноятлар йиғиндиси бўйича квалификацияланиши лозим.

ЖК 296м. 2 қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъектив томонлари туридан тўғри ёки бевосита шаклда** содир этилади. Бунда ёки мулкни nobуд қилиш ёки унга шикаст етказиш мақсади қўйилади, ёки онгли равишда бундай оқибатларга йўл қўйилади.

Агар айбдор ҳарбий мулкни nobуд қилаётганини фараз қилсаю, аммо амалда у бундай бўлмаса, қилмиш ҳарбий мулкни nobуд қилишга тажовуз каби баҳоланиши лозим.

Жиноятнинг сабабларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Агар ҳарбий мулкни nobуд қилиш ёки унга шикаст етказиш

Ўзбекистон Республикасини кучсизлантириш мақсадида содир этилса, қилмиш давлат жиноятини - диверсияни пайдо қилади (ЖК 161м.).

Кўриб чиқиладиган жиноятнинг **субъекти** ҳар қайси ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин.

ЖК 296м. 2 қисмида ҳарбий мулкни nobуд қилиш ёки унга шикаст етказиш оғир оқибатларга олиб келгандаги жавобгарлик назарда тутилган.

Оғир оқибатлар деганда эҳтиётсизлик билан оғир тана жароҳатлари етказиш, улим ёки инсоний халокатлар, бир неча дона қурол ёки жанговор техникани nobуд қилиш ёки унга шикаст етказиш, мухим аҳамиятга эга хизмат вазифаси бажарилишига тусқинлик қилиш, катта моддий зарар етказиш ва х.к.

ЖК 296м. 3 қисмида жанговор ҳолатда содир этилган ҳарбий мулкни nobуд қилиш ёки унга шикаст етказиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

**§3. Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-
яроғ, шунингдек модда ва буюмлар билан муомалада
бўлиш қоидаларини бузиш**

(ЖК 297м.)

Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** атрофдагилар учун катта хавф туғдирувчи қурол ва бошқа предметлар билан муомала қилишда қонун билан ўрнатилган тартибни таъминловчи жамият муносабатларидир. **Кўшимча бевосита объект** – фуқаролар соғлиги, ҳаётини хавфсизлигини таъминловчи жамият муносабатларидир.

Жиноятнинг **предметлари** деб атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган қуроллар, ўқ дорилар, портловчи, радиоактив ва бошқа моддалар ва предметлар ҳисобланади.

Назарда тутиш лозимки, ҳамма кўрсатилган қурилмалар ва предметлар заводда тайёрланган, ҳарбийга мулжалланган ва

қуrolланишда, сақлашда ёки ҳарбий қисмда (ҳарбий муассасада) Ўзбекистон Республикаси қуrolли Кучлари ёки бундай шаклланмалар мавжудлиги назарда тутилган ҳарбийлаштирилган вазирликлар, идораларда фойдаланишда турган бўлиши лозим. Турли хил қўлда ясалган қурилма ёки буюмлар, ҳамда хўжалик, спортча, имитацияга мўлжалланган қурилма ва буюмлар бундай жиноятнинг предметлари бўлмайдилар, ҳатто улар ҳалок этиш хусусиятларига эга бўлсада ва атрофдагиларга хавф солсада «қуrolлар», «ўқдорилар» тушунчаси тўғрисида ЖК 295м. тахлилига қаранг. ЖК 297м. диспозицияси фақат олов отиш қуrolларини (пистолет, автомат, артиллерия ва ракета қуrolлари ва х.к.) қамраб олади, совуқ қуrolлар бу урушдан мустасно қилинади».

Портловчи моддалар – моддалар ёки қоришмалар, улар билан жанговор аслахалар ва бошқа ҳарбийда қулланиладиган

техник буюмлар тулдирилиб, уларнинг катта миқдордаги иссиқлик ва қиздирилган газ пайдо қилиш ва ажратиш билан кузатиладиган тез кимёвий ўзгариш хусусиятларидан фойдаланиб ташқи таъсир остида (зарба, ёндириш) отиш ёки емириш ишларини бажаради.

Портловчи моддаларга порох, тротил ва унинг қоришмаси, пластид, ҳамда иницировкachi моддалар деб аталувчи, асосий портловчи моддани ҳаракатга келтириш учун хизмат қиладиган моддалар (тетразен, гумбурловчи симоб ва бошқалар) киради. Жанговор ва йўқотишга мулжалланмаган пиротехник таркиблар, улар билан, масалан, сигнал ва ёритувчи ракеталар тулдирилади, портловчи моддаларга кирмайди.

Радиоактив моддалар – моддалар, уларнинг қоришмаси ва аралашмаси, ўз-ўзидан парчалани ва электромагнит ёки корпускуляр нурланиш хусусиятига эга, тирик организмларга

зарар етказиш хусусиятига эга, улар ядро қуролини, ҳам турли техник назорат ва тадқиқотга мулжалланган воситаларини тулдириш учун фойдаланилади. Бундай моддаларга қурол учун плутоний, стронций, кобальт, туйдирилган уран, радий ва бошқалар киради.

Атрофдагилар учун катта хавф манбаи былган бошқа модда ва предметларга физик, кимёвий ёки биологик кўрсаткичлари бўйича инсон организмига зарарли таъсир кўрсатувчи ҳар қандай моддалар, предметлар ва техник қурилмаларни емириш хусусиятларига кўра қуроллар, ўқ дорилар, портловчилар ёки радиоактив моддалар билан тенглаштирилади. Булар юқори заҳарли моддалар сақланадиган сифимлар, биологик препаратлар, радиоактив ёки заҳарловчи моддалардан бўшаган идишлар, юқори ўтказкичли электр чизимлари ва х.к.

ЖК 297м да назарда тутилган жиноят субъектив томондан атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган, ўрта оғир тана жароҳатларини келтириб чиқарувчи қурол билан, ҳамда ўқ дори, портловчи, радиоактив ёки бошқа моддалар ва предметлар муомалада бўлиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

Модданинг диспозицияси бланкет тавсифга эга. Ушбу модда бўйича шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳар бир алоҳида вазиятда кўрсатилган предмет билан муомала қилиш қайси қоидаси ва бу қоиданинг қайси пункти бузилганлигини аниқлаш лозим. Кўрсатилган қоидалар ички хизмат Низомида, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизон ва қоровул хизмати Низомида, ҳамда бошқа махсус меъёрий актларда (уқтирмаларда, инструкцияларда, идоравий буйруқларда ва бошқаларда) баён этилиб, уларда қурол билан тегишди модда ва предметлар билан муомала қилишнинг

хавфсиз шартларини таъминловчи қоидалар рўйхати
ифодаланган.

Қурол билан муомала қилиш қоидалари - бу қуролдан
фойдаланиш жараёнида аτροφдагиларни хавфсизлигини
таъминловчи усул ва ҳаракатларнинг кетма-кетлигини
йиғиндисидир. Масалан, олдиндан сақлаш механизмидан
фойдаланиш қоидалари, нишонга олиш, ўқлаш ва ўқни
чиқариш ва х.к.

Аτροφдагилар учун катта хавф манбаи бўлган моддалар ва
предметлар билан муомала қилиш қоидалари ҳам уларда
фойдаланиш тартибларини ичига олади. Яъни миналарни
ўрнатишда, портлатиш ишларини амалга оширишда, электр
қурилмалари билан ишлашда ва х.к. хавфсизлик қоидалари
мавжуд. Шу билан бирга аτροφдагилар учун катта хавф
манбаи бўлган моддалар ва предметлар билан муомала қилиш

тартиби, улардан фойдаланиш қоидаларинигина эмас, балки уларни сақлаш ва транспортировка қилиш қоидаларини ҳам ичига олади.

Атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган қуроллар, ўқдорилар, портловчи, радиоактив ва бошқа моддалар ва предметлар билан муомала қоидаларини бузиш шу билан тавсифланадики, улар билан муомала қилишда ҳарбий хизматчи мажбурий усулларни бажармайди ёки кўрсатилган предметлар билан муомала қилишда ўрнатилган кетма кетликка риоя қилмайди, ҳамда уларни сақлаш хавфсизлиги қоидаларини бузади, бу эса ўз навбатида одамларни халок бўлишига ва жароҳатланишига, ҳарбий техникани нобуд бўлишига, ҳарбий тадбирларни тухташига ва бошқа оғир оқибатларга олиб келади.

Муомала қоидаларини бузиш деб тан олиш мумкин:

портловчи моддалар омборида температура режимига риоя

қилмаслик, газ ёки ёқилғи мой материаллари сиғимлари
яқинида олов ёқиш, радиоактив ва захарли моддалар билан
ишлаганда ҳимояни йўқлиги ва х.к.

Атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган қуроллар,
моддалар ва предметлар билан муомала қоидаларини бузишни
ва бу предметлардан мулжалланмаган жойда фойдаланиш
фарқлаш зарур – охириги ўзида таҳлил қилинаётган жиноят
таркиби белгиларини ифодаламайди. Кўрсатилган
предметлардан мулжалланмаган жойда фойдаланиш,
атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган бу қуроллар,
моддалар ва предметлардан жонли кучларни нишонга олиш
мақсадида эмас, балки бошқа мақсадларда, масалан қовлаш
учун, ишни енгиллаштирувчи сифатида ва х.к.да фойдаланиш
фараз қилинади. Зарур белгилар мавжудлигида бу қилмишлар,
қуролни бепарво сақлаганлик ёки шахсга қарши жиноят учун

жавобгарликни назарда тутган ЖК тегишли моддалари бўйича квалификацияланиши мумкин.

Агар қоровул қоровул хизмати вазифаларини уташдан чалғиб қурол билан муомала қилиш қоидаларини бузса ва натижада уларни олдини олиш учун қоровул тайинланган зарарли оқибатлар келиб чиқса, унда қилмиш ЖК 297 ва 291 моддалари бўйича квалификацияланади.

Кўриб чиқиладиган жиноят қонунда кўрсатилаган оқибатлар, жумладан, ўрта оғирликдаги тана жароҳатлари келиб чиққан вақтдан бошлаб тугалланган деб тан олинади (ЖК 297м 1 қисми).

Назарда тутиш лозимки, ўрта оғирликдаги тан жароҳати етказиш бу жиноят таркиби билан қамраб олинади ва шахсга қарши жиноят учун жавобгарликни назарда тутган моддалар бўйича қўшимча квалификацияни талаб этмайди.

Жиноятнинг мажбурий белгиси бўлиб атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган қуроллар, моддалар ва предметлар билан муомала қоидаларини бузиш ва бу қоидаларнинг бузилиши билан келиб чиққан жамиятга хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабнинг боғлиқлигидир.

Субъектив томондан қурол билан ва бошқа моддалар, предметлар билан муомала қоидаларини бузиш **қасддан** ҳам **эҳтиётсизлик** билан ҳам содир этилади. Ҳамма вазиятларда келиб чиққан оқибатларга айбдор фақат жиноий ўзига ишонганлик ва маъсулиятсизлик кўринишидаги эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлади. Агар ҳарбий хизматчи ушбу жиноятни содир этишда зарарли оқибатларига қасддан муносабатда бўлса, унда қилмишни шахсга қарши ва мулкка қарши жиноятлар тўғрисидаги тегишли моддалар бўйича келиб чиққан оқибатларига кўра қўшимча квалификациялаш

лозим бўлади (мулкка зарар етказиш «бошқа оғир оқибатлар» белгиси билан қамраб олинади – ЖК 297м. 3 қисми «б» банди.

Жиноятнинг **сабаби** ва **мақсади** квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

ЖК 297 моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган қурол, моддалар ва предметлардан ўз хизмат фаолияти бўйича фойдаланувчи, ёки уларни сақлашни, ташишни ёки етказиб беришни таъминловчи, ёки улар ёнига киришга ва улар билан муомала қоидаларини бузадиган ҳарбий хизматчи бўлади. Бу ҳарбий хизматчи оддий аскар ва сержант, шу билан баравар старшина таркиби, офицерлар, прапоршиклар, мичманлар, ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий ҳизматчилар, ҳамда ҳарбийга мажбурлар, ўқув ва текширув йиғинларига чақирилганлар бўлиши мумкин.

Агар кўриб чиқилаётган жиноят атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган моддалар ва предметларга эгалик қилиш учун қонуний асослари бўлмаган шахслар томонидан содир этилса, улар ЖК бошқа моддалари бўйича жавобгарликка тортилишлари лозим.

Агар қумондонлик таркибидаги лавозимли ҳарбий хизматчи шахс атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган кўрсатилган модда ва предметлар билан муомала қилишнинг етарли хавфсизлигини таъминламаса ёки улар билан муомала қилишнинг ўрнатилган қоидаларига риоя қилишни назорат қилиш бўйича вазифаларини етарли даражада бажармаса, улар хизматга совуққонлик билан муносабатда бўлганликлари учун жавобгарликка тортилмоқлари лозим (ЖК 302м.).

ЖК 297м бўйича квалификация қилинадиган қилмишлардан, қоровул, чегара ва бошқа махсус хизмат ўтаётган шахслар томонидан тегишли низомларнинг талабларини бузиш билан

инсон қурбонларига ва бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ўқ отар қуролларни қўллаш ҳолатлари фаркланиши лозим. Бундай ҳолатлар ўзида қоровул ёки бошқа махсус хизмат ўтаётганда қурол қўллаш низом қоидаларини бузишни ифодалайди ва алоҳида қисмнинг тегишли моддалари бўйича квалификация қилиниши лозим.

ЖК 297 моддасида гап ўз холича атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган қуроллар, портловчи, радиоактив ва бошқа моддалар ва предметлар билан муомала қоидаларини бузиш ҳақида кетаяпти.

ЖК 297м 2 қисмида қўйидагиларга олиб келган атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган қуроллар, ҳамда моддалар ва предметлар билан муомала қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган:

А) икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғирликдаги шикаст етказилишига;

Б) танага оғир шикаст етказилишига;

В) одам улимига.

ЖК 297м 3 қисмида қўйидагиларга олиб келган уша

қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилган:

А) одамлар улимига;

Бошқа оғир оқибатларга.

«Одамлар улими» белгилари ўзида атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган қуроллар, тенг бараварликда моддалар ва предметлар билан муомала қоидаларини бузиш натижасида содир этилган икки ёки ундан ортиқ одамлар улимини қамраб олади.

Бошқа оғир оқибатлар деганда экологик катастрофаларни, одамларни оммавий касалланишини, бир неча шахслар баданига оғир шикаст етказилиши, ката миқдорларда моддий ва моддий бўлмаган зарар етказишнинг турли шакллари ва х.к. ларни тушуниш лозим.

Моддий зарар ҳарбий мулкни, муҳандислик иншоотларини, фуқаролар қурилишларини ва х.к. ларни nobud қилиш ва унга шикаст етказишда ифодаланиши мумкин. Моддий бўлмаган тавсифдаги зарар муҳим ҳарбий вазифани, жанговор, ўқув-жанговор вазифаларини ёки бошқа тадбирларни бузиш билан ифодаланади.

§4. Машиналарни бошқариш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЖК 298м.)

Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** қонун томонидан ўрнатилган жанговор техникани, махсус ва транспорт машиналарини бошқариш ва фойдаланиш тартибларини таъминлаб берувчи жамият муносабатларидан иборат.

қўшимча бевосита объект – одамларнинг ҳаёти ва саломатлиги.

Жиноятнинг **предмети** жанговор, махсус ва транспорт машиналари, улар остида ҳар қандай автоном двигателга эга бўлган ва одам бошқарадиган қурукликда ғилдиракда ёки гусеницада ўзи ҳаракатланадиган ҳарбий-транспорт воситаси тушунилади.

Жанговор машиналар – бу машиналар, жанговор важифани бажариш учун мулжалланган ва жонли кучларни, душман ҳарбий техникасини ва бошқа объектларни (танклар, бронотранспортерлар, ўзи юрар артиллерия ва ракета қурилмалари, артиллерия тизимларини буксир қилишга мулжалланган машиналар ва утти бошқариш аппаратураси ўрнатилган тиркагич ва бошқа шундай ҳарбий-техник воситалар) нишонга олиш учун жиҳозланган.

Махсус машиналар – бу машиналар жанговорликка кирмайдиган ҳарбий қисмларни ва ост бўлимларни муҳандислик-техник таъминлаш учун махсуслаштирилган функцияларни бажариш учун. Турли муҳандислик машиналари (траншея қазувчилар, бульдозерлар, ковлагичлар ва х.к.), санитар транспорти, ҳаракатланувчи таъмирлаш устахоналари, лабораториялар ва х.к. махсус ҳисобланади.

Транспорт машиналари – бу машиналар шахсий таркибни, қурулларни, ўқ дориларни, ҳарбий техник мулкни ташиш учун мулжалланган, ҳамда кундалик хўжалик, маданий-маиший, тиббий ва ҳарбий қисмга бошқа хизмат кўрсатувчи (енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, санитар транспорти ва бошқалар). Бундай машиналарга Ўзбекистон Республикаси Қуруллик Кучларининг рельсли транспорти – тепловоз, темир йўл дрезиналари ва бошқалар киради.

Жиноят **объектив томондан** баданга ўрта оғир ва оғир шикаст етишига олиб келган жанговор, махсус ва транспорт машинасини бошқариш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

«Жанговор, махсус ва транспорт машиналардан уларни мулжалланганига мувофиқ фойдаланиш ички хизмат Низоми, Йўл ҳаракати қоидалари ва бошқа ҳуқуқий актлар билан аниқланган тартибларга қатъий риоя этилишини тақазо этади».

Модданинг диспозицияси бланкетли. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун, машиналарни бошқариш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг қайси пункти бузилганлигини ва бу бузилишлар ва улар оқибатида келиб чиққан баданга ўрта оғир ва оғир шикаст етказилиши орасида сабаб боғлиқлигини аниқлаш лозим.

Бошқариш деганда ҳаракатланувчи машинани бевосита бошқариш жараёни тушунилади. Бошқаришнинг бошлани

вақти машинанинг юриш қисми (ғилдирак, гусеница) ҳаракатланаётган вақтдан бошланади, тугаган вақти – ҳаракатни тухтатилишдир. Ҳаракатнинг бошидан то охиригача ҳайдовчи ўрнатилган бошқарув қоидаларига риоя этиши лозим.

Бошқарув қоидаларини бузиш деб ҳарбий хизматчилар учун мажбурий бўлган ҳаракат қилиш ёки ҳаракат қилмаслик йўли билан ҳарбий-транспорт воситаларини ҳаракатини хавфсизлигини таъминлаш меъёрларини бажармасликда тан олинади: ҳаракат тезлигини ошириш, ошиб ўтиш қоидаларини бузиш, узоқни кўриш чироғини яқинига алмаштирмаслик ва х.к. тан олинади.

Ҳарбий машиналардан фойдаланиш деб улардан мулжалига мувофиқ фойдаланиш ва зарур техник хизматни кўрсатиш тушунилади. Машиналардан фойдаланиш агрегатларни, тизим ва механизмларни нормал ишлашини таъминловчи

техника меъёрларига ва қоидаларига риоя этган ҳолда ишлатиш, ҳамда ҳар қандай шароитларда хавфсизлик талабларини бажариш тушунилади.

Фойдаланиш қоидаларини бузиш у мулжалланганига ва техник имкониятларига, ҳамда техник хизматига мувофиқ машинани ишлатиш қоидаларини бузиш: рейсга техник носоз машинани чиқариш, ҳуқуқи бўлмаган шахсни бошқарувга қўйиш, ҳайдовчини нотўғри ҳаракатларини олдини олмаслик (масалан, машинани каттаси вазифасини бажараётган шахс томонидан) ва х.к. ни ифодалайди.

«Жиноий кодекснинг 298м. да назарда тутилган жиноятнинг мажбурий белгиси йўл қўйилган бузишлар натижасида маълум зарарнинг келиб чиқиши: одамларнинг улими ёки баданга етказилган оғир ёки ўрта оғир шикастлар ҳисобланади. Ҳаётга ва саломатликка етказилган зарар ушбу жиноятнинг таркиби билан қамраб олинади ва шахсга қарши жиноятлар учун

жавобгарликни назарда тутадиган моддалар бўйича қушимча квалификацияни талаб этмайди.

Жиноят қонунда кўрсатилган оқибатлар, жумладан баданга етказилган оғир ёки ўрта оғир шикастлар кўринишидан келиб чиққан вақтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади (ЖК 298м. 1 қисми).

Кўриб чиқиладиган жиноят субъектив томондан қасддан ёки эҳтиётсизлик бўйича содир этилади. Келиб чиққан оқибатларга айбдор фақат эҳтиётсизлик бўйича муносабатда бўлади. Айбдор ўз қилмишини жамиятга хавфли оқибатлари келиб чиқиши мумкинлигини кыра билади, аммо унга етарлича асосланмасдан, ызининг енгилмаглиги бўйича, улар ҳақиқатдан ҳам келиб чиқмаслигига ёки олдини олинишига ҳисоб қилади (**жиной уmidворлик**). Айбдор бундай оқибатларнинг келиб чиқиш имкониятини кўра олмайди, аммо

иш ҳолатлари бўйича у уларни олдиндан кўриши лозим эди (жиноий эҳтиётсизлик).

Агар ҳарбий хизматчи ушбу жиноятни содир этганда зарарли оқибатларига қасдан муносабатда бўлса, унда қилмишни оқибатларидан келиб чиқиб шахсга қарши ва мулкка қарши жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган ЖК тегишли моддалари бўйича квалификация қилиш лозим.

Жиноятни содир этиш мотивлари ва мақсади уни малакалаш учун аҳамиятга эга бўлмайди.

Жиноятнинг субъекти жанговар, махсус ёки транспорт машинасидан фойдаланиш учун масъул бўлган ёки уни бевосита бошқарадиган ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин.

«Машинани бошқариш қоидаларини бузиш учун жавобгарликка тортиш учун бузувчи штатдаги ҳайдовчи бўлиш-бўлмаслиги ва унинг машинани ҳайдай олиш-олмаслиги аҳамиятга эга эмас».

Ҳарбий машиналардан фойдаланиш қоидаларини бузиш субъекти фақат ушбу қоидаларни риоя қилиш мажбурияти махсус юклатилган ҳарбий хизматчигина бўлиши мумкин: ҳайдовчилар хизмати бўйича бўйсунадиган бошлиқлар, машина бўйича катталар, КТП бўйича навбатчилар ва ҳоказо. У шунингдек маълум фойдаланиш қоидаларига риоя қилишга мажбур бўлган машина ҳайдовчиси ҳам бўлиши мумкин.

Машина бўйича каттанинг ушбу катта вазифаларини бузиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари бошқа жиноят таркибларини ҳам юзага келтириши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

«Жиноий Кодекснинг 298-моддасида кўзда тутилган қилмишлар учун ўқув машинасида инструкторнинг назорати остида юришга ўрганаётган ҳарбий хизматчи жавобгарликка тортилмайди. Бу ҳолда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мажбурияти инструкторга юклатилади, у машина ҳайдаш қоидаларининг бузилиши учун жавобгар бўлади».

Машинанинг техник ҳолатини назорат қилиш мажбуриятлари юклатилмаган ҳарбий хизматчилар ҳам ушбу жиноятнинг субъектлари бўлмайди. Улар, масалан, суткалик наряд шахслари, хусусан, фақат ҳайдовчида ҳарбий қисмдан ташқарига чиқиш учун тегишли ҳужжатнинг бор-йўқлигини текширишга мажбур бўлган назорат-ўтиш пунктининг навбатчилари бўла олмайди.

ЖК нинг 298-моддасида кўрсатилган жиноят ҳарбий хизматчи томонидан жанговар, махсус ёки транспорт машинасида содир этилади. Ҳарбий хизматчи томонидан жанговар, махсус ёки транспорт машинаси бўлмаган машинада бошқариш қоидаларини бузиш, худди фуқаровий шахс томонидан жанговар, махсус ёки транспорт машинасида бошқариш қоидаларини бузиш каби, ЖК нинг 266-моддасининг аломатларига мос келади (Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш).

ЖК 298-моддасининг 2-қисмида

а) икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига;

б) одам ўлишига сабаб бўлган машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш

қоидаларини бузиш учун жавобгарлик кўзда тутилган.

ЖК 298-моддасининг 2-қисмининг қаралаётган модданинг биринчи қисмидаги кўрсатилган тегишли аломатларидан ягона фарқи шуки, улар икки ёки ундан ортиқ шахсга етказилган бўлади, қолган жиҳатдан эса улар айнан ўхшаш бўлиб, қўшимча қараб чиқишни талаб этмайди.

Ҳарбий машинани бошқариш қоидаларини бузишни ҳамда кейинги ушбу ҳодисанинг натижасида ҳаёти хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмасликни биргаликда содир этган шахснинг ҳаракатларини ЖК нинг 298-моддаси билан биргаликда ЖК нинг 117-моддасининг тегишли қисми бўйича малакаланиши лозим.

Агар айбдор шахс томонидан бошқариш қоидалари бузилмаган бўлса, лекин жабрланувчининг ҳаёти хавф остида қолдириган бўлса, ҳайдовчилик вазифлараи бажарилмаган бўлса ва воқеа жойидан кетган бўлса ёки воқеа жойидаги бошқа шахслар ҳаёти хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган жабрланган шахсга ёрдам кўрсатади, деган фикрда жабрланувчига ёрдам кўрсатилмаган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖК нинг 117-моддаси бўйича малакаланиши лозим.

Агар жабрланувчига машинани бошқариш қоидаларини бузиш оқибатида ҳаёт учун хавфли бўлмаган енгил тан жароҳатлари етказилган бўлса, ёки унинг ўлими бевосита воқеа пайтида юз бергани очиқ-ойдин бўлса, ёки айбдор шахснинг жабрланувчига ёрдам кўрсатиши мажбурий бўлса-да, унинг ўз ҳаёти ёки соғлиғи учун очиқ хавф юзага келган бўлса, яъни унинг ёрдам кўрсатиш имконияти бўлмаса, шахс ЖК 117-моддаси бўйича жавобгарликдан озод этилади.

ЖК 298-моддасининг 3-қисмида

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлган ўша қилмишлар учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Бошқача оғир оқибатларга «катта миқдордаги моддий ва номоддий зарарнинг турли шакллари киради. Моддий зарар автомашиналар, муҳандислик иншоотлари ва бошқа қурилмаларнинг йўқ қилиниши ёки шикастланиши, чорваларнинг нобуд бўлиши ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин. Номоддий турдаги зарар муҳим ҳарбий топшириқлар,

жанговар, ўқув-жанговар вазифалар ёки бошқа тадбирларнинг бузилишида ифодаланиши мумкин».

Жанговар, махсус ёки транспорт машиналарини бошқариш ёхуд улардан фойдаланиш қоидаларини бузишни унга ўхшаш бошқа жиноятлардан фарқлаш лозим.

ЖК нинг 266-моддасида кўзда тутилган жиноятлардан қаралаётган жиноят объекти билан, объектив томонининг баъзи аломатлари билан ёки субъекти билан фарқланиб туради. ЖК 298-моддаси бўйича жиноятнинг объекти Қуролли Кучларда ўрнатилган жанговар, махсус ёки транспорт машиналаридан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳарбий хизматни ўташ тартиби бўлади, ЖК нинг 266-моддасида кўзда тутилган жиноят эса ҳаракат хавфсизлиги ва транспортдан фойдаланишга тажовуз қилади. ЖК нинг 298-моддасида кўрсатилган жиноят ҳарбий хизматчи томонидан жанговар, махсус ёки транспорт машинасида содир этилади. Ҳарбий хизматчи томонидан жанговар, махсус ёки транспорт машинаси бўлмаган машинада бошқариш қоидаларини бузиш, худди фуқаровий шахс томонидан жанговар, махсус ёки транспорт машинасида бошқариш қоидаларини бузиш каби, ЖК нинг 266-моддаси таркибининг аломатларига мос келади.

Транспорт воситаларининг техник ҳолати ёки фойдаланилиши учун масъул бўлган шахс томонидан техник носоз ҳолдаги жанговар, махсус ёки транспорт машиналарининг фойдаланишга чиқарилиши, агар бу ЖК нинг 262-моддасида кўрсатилган оқибатларга олиб келган бўлса (Транспортни таъмирлаш ёки уни фойдаланишга чиқариш қоидаларини бузиш), ЖК нинг 262-моддаси бўйича малакалашни талаб этмайди, чунки содир этилган қилмиш ЖК нинг 298-моддасининг диспозицияси билан қамраб олинади.

ЖК нинг 298-моддаси ҳарбий машиналарни бошқариш ёхуд улардан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг барча эҳтимолий оқибатларини, жумладан бир неча шахсларнинг ўлимини кўзда

тутади. Шунинг учун бир неча шахсларнинг ўлими каби аломатнинг мавжудлиги содир этилган қилмишни ЖК нинг 262-моддаси бўйича малакалашга асос бермайди.

§ 5. Учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузиш (ЖК нинг 299-моддаси)

Жиноятнинг асосий бевосита объекти Қуролли Кучларда ўрнатилган учиш ёки учишга тайёргарлик кўришнинг тартибини ҳамда ҳарбий учиш аппаратларидан фойдаланиш қоидаларини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар бўлади. **Қўшимча бевосита объект** – фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, Қуролли Кучлар мулкининг хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

Ушбу жиноятнинг **предмети** деб учиш аппаратлари тан олинади.

Учиш аппаратларига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига тегишли бўлган самолётлар, вертолётлар, планерлар ва уларнинг мақсадидан қатъи назар бошқа инсон томонидан бошқариладиган учиш аппаратлари (жанговар, разведка, транспорт учиш аппаратлари), шунингдек пилотсиз бошқариладиган самолётлар ва планерлар киради.

Объектив жиҳатдан ЖК нинг 299-моддасида кўзда тутилган жиноят ҳалокат юз беришига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини, шунингдек, учиш аппаратларидан фойдаланиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

Ушбу модданинг диспозицияси бланкет ҳолда бўлади. Ҳар бир алоҳидаги ҳолатда учиш қоидаларининг, шунингдек, учиш аппаратларидан фойдаланиш қоидаларининг қайси банди бузилганлиги, ҳамда ушбу бузиш ва ҳалокат ёки бошқа оғир оқибатлар шаклидаги юз берган оқибатлар ўртасида сабаб боғланишини аниқлаш лозим бўлади.

Учишларни бажариш тартиби, шунингдек ҳарбий учиш аппаратларидан фойдаланишнинг қоидалари ҳам умумфуқаровий, ҳам махсус ҳарбий қўлланувчи турли меъёрий ҳужжатлар (бошқариш техникаси, ҳарбий авиация хизматларининг муҳандислик-авиация, штурманлик, навигация, метеорологик ва бошқа турлари масалалари бўйича буйруқлар, қўлланмалар, йўриқномалар) билан батафсил белгилаб берилган. Учиш деб двигателларни учиб кетиш учун ишга туширишдан бошлаб, қўнишдан кейин двигателларни тўхтатиш билан тугалланадиган вақт даври ҳисобланади.

«Шунинг учун ушбу жиноят учун жавабгарлик масаласи фақат учиш аппаратини ҳавода ёки учиш ёхуд қўниш пайтида двигателни тўхтатишгача учиш-қўниш йўли бўйлаб ҳаракатланишда бошқариш қоидаларини, шунингдек машиналар ва экипажнинг учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузишда юзага келади. Машинанинг ҳавога кўтарилиши ёки унинг қўниши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда юз берган жиноятлар ЖК нинг 299-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш учун асос бермайди, улар бошқа жиноят таркибини ҳосил қилиши мумкин».

Учиш қоидаларини бузиш пилот томонидан учиш аппаратининг учиб кетиши, учиши ва қўниши пайтида учишни бошқаришнинг белгиланган қоидаларини бажармаслик ёки тегишлича бажармаслигидир. Учиш қоидаларини бузиш учишни бошқариш техникасида, ориентирларни ёки йўл бошқарувини йўқотиб қўйишда, пикедан чиқишнинг кечикишида, жойига етмай ёки ундан ошиб кетиб ерга қўнишда, охиригача чиқарилмаган шасси билан ерга қўнишда, қўниш учун пасайиш тезлигидан ортиқ тезлик билан ҳаракатланишда ва ҳоказолардаги хатолар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузиш экипаж аъзоларининг учишга тайёргарлик кўриш ва учишга қўйилиши қоидаларини бажармаслик ёки машинанинг ўзини учишга

тайёрлашнинг қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлади (касал пилотнинг учиши, тиббий кўрикдан ўтмаслик, учиш аппаратиغا ишлатишга яроқсиз бўлган ёнилғи ёки фойдаланиш суюқликларини қуйиш, учиш аппаратиغا тегишлича бўлмаган техник хизмат кўрсатилиши, айрим тугунлар ва агрегатларни сифатсиз таъмирлаш ва ҳоказо).

Учиш аппаратидан фойдаланиш деб ундан мақсадига кўра фойдаланиш тушунилади. Фойдаланиш тушунчаси билан шунингдек учиш аппаратларининг авариясиз ишлашини таъминлайдиган тизимлар ва агрегатлардан мақсадига кўра фойдаланиш ҳам қамраб олинади.

Учиш аппаратидан фойдаланиш – унинг учиши ёки учишга тайёргарлик тушунчасига қараганда кенгроқ тушунчадир. Агар учиш жараёни ундан фойдаланишдан ажралмас бўлса, у ҳолда ундан фойдаланиш ҳам учиш даврида, ҳам ундан ташқарида содир бўлиши мумкин (масалан, самолётнинг ангарда туриш даврида, вертолётнинг учишдан кейинги хизмат кўрсатиш даврида ва ҳоказо).

Фойдаланиш қоидаларини бузиш, масалан, керакли қўшимча тайёргарликдан ўтмаган шахсларнинг бошқаришга қўйилишини, учиш аппаратидан мақсадсиз фойдаланишни, самолётда юкни нотўғри жойлаштириш, учиш хавфсизлигини таъминлайдиган тугунлар ва механизмларга техник хизмат кўрсатиш талабларидан чекиниш, ва учиш аппаратларидан фойдаланишнинг хавфсиз шароитларини таъминлайдиган ундан фойдаланиш тартибининг бошқа бузилишларини ўз ичига олади. Жиноят ҳалокат ёки бошқа оғир оқибатлар шаклидаги оқибатлар юзага келган пайтидан бошлаб тугалланган деб ҳисобланади.

Ҳалокат деб қаралаётган модда ифодасида экипаж аъзолари, ташилаётган таркибий бўлинмалар шахсий таркибидан бирортасининг ёки ҳаво кемасида бўлган бошқа шахсларнинг ўлимига олиб келган ҳаракатланаётган учиш аппаратининг

парчаланиши ёки бузилиши ҳисобланади.

Бошқа оғир оқибатларга қуйидагилар киритилиши мумкин: ҳаво кемасида бўлган шахсларга етказилган оғир тан жароҳатлари; ерда бўлган кишиларнинг ўлими ёки шундай шахсларга оғир тан жароҳатларини етказиш, агар бу, масалан, учиш аппаратининг тушиб кетиши ёки аварияли қўнишида юз берган бўлса; учиш аппаратининг аварияси, яъни тўла яроқсизлик даражасигача бузилиши; таъмирланиши жиддий моддий харажатларни талаб этувчи машинанинг бузилишлари; машинанинг тушиб кетиши ёки мажбуран қўнишида, турли ҳодисаларда йирик миқдордаги давлат, жумладан ҳарбий ёки шахсий мулкнинг нобуд қилиниши ёки бузилиши.

Тергов ва суд органлари ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу воқеа ва юз берган оқибатлар ўртасидаги сабаб-оқибат боғланиши мавжудлигини аниқлаши лозим, акс ҳолда содир этилган қилмишда ушбу жиноят таркибининг борлигини таъкидлаш мумкин эмас.

Жиноятнинг **субъектив томони** эҳтиётсизлик шаклидаги айби билан ифодаланади. Учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузишга йўл қўйган шахс оғир оқибатлар юз бериши мумкинлигини одиндан кўра олади, лекин асоссиз ҳолда ушбу оқибатлар юз бермайди, деб ҳисоблайди, ёки уларни олдиндан кўра олиши лозим ва мумкин эди.

Содир этилган қилмишни ЖК нинг ушбу моддаси бўйича малакалаш учун жиноятни содир этиш мотиви аҳамиятга эга эмас.

Жиноятнинг **субъекти** «учишларни ва уларга тайёргарликни таъминлаш махсус юклатилган ҳарбий хизматчилар бўлиши мумкин. Шунингдек учишлар раҳбари, кеманинг раҳбари, пилот, борт муҳандиси, штурман ва бошқалар жавобгарликка тортилиши мумкин.

Учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузиш учун самолётлар техниклари, механиклар, учишларни таъминлаш

хизматларининг бошқа шахслари жавобгар бўлиши мумкин».

§ 6. Кемани бошқариш қоидаларини бузиш (ЖК нинг 300-моддаси)

Жиноятнинг асосий бевосита объекти Қуролли Кучларда ўрнатилган кемани бошқаришнинг тартибини ҳамда ҳарбий кемалардан фойдаланиш қоидаларини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар бўлади. **Қўшимча бевосита объект** – фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, Қуролли Кучлар мулкининг хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

Ушбу жиноятнинг предмети фақат ҳарбий кемалар, яъни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Денгиз флотининг кема таркибининг кемалари бўлиши мумкин. Булар жанговар ва қоровул кемалари, махсус мақсадли сузиш воситалари, катерлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Объектив жиҳатдан ЖК нинг 300-моддасида кўзда тутилган жиноят кеманинг нобуд бўлиши ёки жиддий бузилишларига, инсон қурбонларига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган кемани бошқариш қоидаларини бузишда ифодаланади.

Ушбу модданинг диспозицияси бланкет ҳолда бўлади. Жиноий жавобгарлик юз бериши учун кемани бошқариш қоидаларининг бузилишини, ҳамда ушбу бузиш ва кеманинг нобуд бўлиши ёки жиддий бузилишлари, инсон қурбонлари ёки бошқа оғир оқибатлар шаклидаги юз берган оқибатлар ўртасида сабаб боғланишини аниқлаш лозим бўлади.

Кемани бошқариш кемани сузиш пайтида бевосита бошқаришни, кеманинг курси ва тезлигини аниқлаш, унинг манзилини аниқлаш, маневрларни амалга ошириш, буксирга олиш, тўкнашишнинг олдини олиш чораларини кўриш, об-ҳаво ўзгариши ҳолатида хавфсизлик чораларини кўриш ва ҳоказо, яъни Кема устави, махсус қўлланмалар, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган сув кемасини

бошқаришнинг маълум қоидаларини ўз ичига олади.

Кема бошқаришнинг қоидаларини бузиш, масалан, кеманинг бошлиғи чуқурликларни мунтазам ўлчаб бориш ёхуд дарёнинг тор жойида ёки қирғоққа яқин жойда сузиш тезлигини камайтириш чораларини кўрмасликда ифодаланиши мумкин.

Фақат қонунда белгиланган оғир оқибатларга, яъни кеманинг нобуд бўлиши, унинг жиддий шикастланиши, инсон қурбонлари ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган кема бошқариш қоидаларининг бузилишлари жиноий жавобгарликка тортилади.

Кеманинг нобуд бўлиши деб унинг тўлиқ парчаланши ёки чўктирилиши тушунилади. Кемани тиклаш мумкин бўлмаган ҳолда у нобуд бўлган деб тан олинади.

Кеманинг жиддий шикастланиши деб кемага капитал таъмирлашни талаб этувчи шикастлар етказилиши тушунилади.

Инсон қурбонлари деб кема командасининг икки ва ундан ортиқ аъзосининг ўлими тушунилади.

Бошқа оғир оқибатларга қуйидагилар киради: икки ёки ундан ортиқ команда аъзоларига, ёки кема йўловчиларига оғир ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳатларининг етказилиши, ҳарбий топшириқнинг бузилиши, экологик ҳалокат, ўсимликлар, ҳайвонларнинг оммавий вафоти, ва бошқалар.

Кемани бошқариш қоидаларининг бузилиши кеманинг нобуд бўлиши ёки жиддий бузилишлари, инсон қурбонлари ёки бошқа оғир оқибатлар шаклидаги оқибатлар юзага келган пайтидан бошлаб тугалланган деб ҳисобланади.

Тергов ва суд органлари ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу воқеа ва юз берган оқибатлар ўртасидаги сабаб-оқибат боғланиши мавжудлигини аниқлаши лозим, акс ҳолда содир этилган қилмишда ушбу жиноят таркибининг борлигини таъкидлаш мумкин эмас.

Субъектив томонидан кемани бошқариш қоидаларини бузиш ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик билан бўлиши мумкин. Лекин юз берган оқибатларга нисбатан жиноят субъектининг айби

доимо эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади (жиноий ўз-ўзига ишониш ёки жиноий бепарволик). Акс ҳолда айбдор шахснинг ЖК нинг бошқа моддалари билан жавобгарлиги (давлатга хоинлик қилиш, мулкнинг қасддан nobуд этилиши ёки шикастланиши ва бошқалар) масаласи қўйилиши мумкин.

Қаралаётган жиноятнинг **субъекти** «кемани бошқариш қоидаларини бузган ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин. Бу кеманинг раҳбари, кема раҳбарининг ёрдамчиси, кемани бошқариш, жумладан маневр қилиш вазифаларини бажараётган штурман ва вахтадаги зобит бўлиши мумкин.

«Ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар» мавзуси бўйича якуний саволлар

1. Ҳарбий мулк деганда нималар тушунилади? Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, йўқотиш ёки ишдан чиқариш нимадан иборат? Ушбу ҳуқуққа қарши ҳаракатлар нимада ифодаланиши мумкин?
2. Ҳарбий мулкни, ҳарбий техникани қасддан nobуд қилиш ёки унга шикаст етказиш деганда нималар тушунилади? Ушбу жиноий қилмишларни амалга ошириш усуллари қандай?
3. Ҳарбий мулкни, ҳарбий техникани қасддан nobуд қилиш ёки унга шикаст етказишнинг уни йўқотиш ёки ишдан чиқаришдан фарқи нимада?
4. Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-яроғ, шунингдек модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш учун жиноий жавобгарлик юз беришнинг шартларини айтиб беринг.
5. Ҳарбий машиналарга ва махсус машиналарга нималар киради? Жанговар машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш нимадан иборат?
6. ЖК нинг 298-моддасида кўзда тутилган жиноятнинг (Машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) малакаловчи аломатлари қайсилар? Унинг

субъекти ким бўлиши мумкин?

7. Учиш аппаратларига нималар киради? Учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузиш нимада ифодаланиши мумкин?

8. Учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузиш учун учун жиноий жавобгарлик юз беришнинг шартлари қандай? Уни содир этиш учун ким жавобгарликка тортилади?

9. Кемани бошқариш деганда нима тушунилади? Кемани бошқариш қоидаларини бузишнинг усуллари қандай? ЖК нинг 300-моддаси (Кемани бошқариш қоидаларини бузиш) бўйича жиноий жавобгарлик юз беришнинг шартлари қандай?

IX БОБ. ҲАРБИЙ МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ

§ 1. Ҳокимиятни суистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК нинг 301 моддаси)

Жиноятнинг асосий бевосита объекти Қуролли Кучларда ўрнатилган ҳарбий бошқарув органларининг нормал фаолиятини, уларнинг обрўйини, ҳарбий бошлиқлар ва мансабдор шахсларнинг хизмат ваколатларини амалга оширишнинг белгиланган тартибини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар бўлади. **Қўшимча бевосита объект** — фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ўзгалар мулкининг хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

Объектив жиҳатдан қаралаётган жиноят Қуролли Кучларнинг манфаатларига, ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз ҳокимият ёки хизмат

мавқеини суиистеъмол қилиши, ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиши, шунингдек, ҳокимият ҳаракатсизлигида ифодаланади.

«Ҳокимият ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиши бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан ҳарбий хизмат манфаатларига зид ҳолда қасддан фойдаланишидан иборат.

Ҳокимият ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилишда мансабдор шахс томонидан амалга оширилган ҳаракатлар унинг ўз ваколатларини бузишида ифодаланиши мумкин, ёки айбдор шахсга хизмат юзасидан юклатилган у ёки бу муайян ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин лекин исталган шароитларда улар ушбу шахс фақат ўзи эгаллаб турган хизмат мавқеи туфайлигина амалга ошириши мумкин бўлган, ва ўз мазмунига кўра хизмат бурчига зид бўлган қилмишлардан иборат бўлиши лозим.

Хизмат манфаатларида зид ҳолда содир этилган деб хизмат зарурати билан белгиланмаган, хизмат бурчини ва хизмат вазифаларини бузган, қонунлар, ҳарбий уставлар, қўмондонлик буйруқларига зид бўлган ҳаракатлар ҳисобланиши лозим. Бунда мансабдор шахс томонидан унга хизмат юзасидан юклатилган вазифаларни бузиш, унга берилган ҳуқуқларни суиистеъмол қилиши, ўз фаолиятида қонун талабларидан чекиниши мақсадга мувофиқлиги ёки хизмат зарурати билан асослаб берилши мумкин эмас.

Ҳокимият ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилишидан фарқли равишда ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиши бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахс унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари доирасидан очик-ойдин чиқиб турган ҳаракатларни қасддан содир этган ҳолда мавжуд бўлади. Ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиши деб мансабдор шахс фақат ушбу ҳолатда мавжуд бўлмаган маълум ҳолатлар бўлгандагина амалга оширишга ҳақли бўлган хизмат

ҳаракатлари, ёки ундан юқори турган ёхуд махсус ваколатланган шахсгина амалга оширишига ваколатли бўлган хизмат ҳаракатлари қаралиши мумкин.

Шахснинг ҳокимият ёки хизмат ваколоти доирасидан четга чиқишида айбдорлиги масаласини ҳал қилганда доимо унинг ваколатларни аниқлаш муҳим бўлади. Ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари қонунлар, уставлар, низомлар, қўмондонликнинг буйруқлари билан белгиланган бўлади. Бунда мансабдор шахс томонидан қурол қўлланиши ва бошқа жисмоний зўрлик ишлатилиши ҳокимият ёки хизмат ваколоти доирасидан четга чиқиши деб ушбу ҳаракатлар унинг ўз хизмат ваколатларини бажариши билан боғлиқ бўлганда ва у хизмат юзасидан жабрланувчига нисбатан эга бўлган ваколатларидан четга чиқишда ифодаланган ҳолдагина малакаланиши мумкин. Маълум ваколатлар жабрланувчи айбдор шахсга бўйсунувчи ёки айбдор шахс ҳокимият вакили бўлгани учун унга бўйсунган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин. Акс ҳолда у шахсга қарши жиноятларни кўзда тутадиган ЖК нинг тегишли моддалари бўйича жавобгарлика тортилиши мумкин.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги – бу бошлиқ томонидан у ҳарбий хизмат вазифалари бўйича бажариши керак бўлган ҳаракатларнинг қасддан бажарилмаслигидир.

Ҳарбий уставлар ҳар бир бошлиқ унга берилган ҳокимиятидан ҳарбий хизмат, унга ишониб топширилган ҳарбий қисм (бўлинма)нинг жанговар қобилиятини ошириш, интизом ва тартибга қатъий амал қилиш манфаатларида тўлақонли фойдаланишини талаб этади. Бошлиқнинг жиноий ҳаракатсизлиги, у мазкур вазиятда ижтимоий хавfli оқибатларнинг олдини олиш учун кўриши лозим бўлган чораларни амалга оширмаслиги ҳарбий хизматга катта зарар етказиши мумкин.

Масалан, бўлинма бошлиғи унга бўйсунувчи шахс бўлинманинг мулкани ташиш пайтида жанговар патронларни ўғирлаб, уларни

бегона шахсга сотаётганлигини кўриб, бунга чек қўймаган бўлса, бошлиқ жиноий ҳаракатсизлиги учун жавобгарликка тортилиши лозим.

Бошлиқнинг бўйсунувчиларга нисбатан уставдан ташқари ҳаракатларга чек қўйиш чораларини кўрмаслиги ҳам ҳокимият ҳаракатсизлиги деб қаралиши лозим.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги қасдан содир этилган қилмиш бўлганлиги учун у шуниси билан бепарволикдан фарқ қилади. Ҳокимият ҳаракатсизлиги ҳокимиятни суиистеъмол қилишдан у фақат бошлиқнинг ҳокимият вазифалари доирасида мавжуд бўлиши ва фақат у ўзининг хизмат вазифалари юзасидан содир этиши лозим бўлган ҳаракатларни амалга оширмаслик шаклида содир этилиши мумкинлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳар бир алоҳида ҳолатда ушбу мансабдор шахснинг ваколатларига бажарилмай қолган ҳаракатларни амалга ошириш кирганми, ва унда бунинг учун жисмоний имконияти бўлганми, аниқлаш лозим бўлади».

Қаралаётган жиноят таркиби Қуроли Кучларнинг манфаатларига, ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши шаклидаги жиноий оқибатлар юз берган пайтида бошлаб тугалланган деб ҳисобланади. Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги ҳамда юз берган оқибатлар ўртасидаги сабаб боғланиши жиноятнинг объектив томонининг мажбурий белгиси бўлади.

«Мансаб жиноятининг жиноий натижасига хос бўлган жиддий зиён – бу ўз характери ва миқдorigа кўра йирик зарардир. У Қуроли Кучларга, айрим ҳарбий хизматчиларга ва бошқа шахсларга етказилиши, ҳам моддий, ҳам номоддий турдаги турли-туман шаклида намоён бўлиши мумкин. Бунда жиноятни тугалланган деб тан олиш учун зиённи ҳақиқий етказилиши лозим бўлади.

Масалан, содир этилган жиноят билан боғлиқ ҳолда бўлинмада (ҳарбий қисмда) ҳарбий интизомнинг бузилиши, топшириқлар, ўқ отишлар, ишларнинг бажарилмаслиги, ҳарбий мулкнинг шикастланиши ёки нобуд этилиши, йирик моддий зарар етказилиши, ҳарбий хизматчилар ва бошқа шахсларнинг шахсий ёки мулкий ҳуқуқларининг бузилишида ифодаланадиган зарар жиддий зиён деб тан олинади. Жиддий зиён тушунчаси шунингдек жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ҳам ўз ичига олади, бу асосан ҳокимият ёки хизмат ваколатларидан четга чиқиш учун хос бўлади. Бунда қасддан одам ўлдириш ёки қасддан оғир тан жароҳатини етказиш ҳокимият ёки хизмат ваколатларидан четга чиқишнинг аломати бўлган зиёндан ташқарига чиқиб, оғир оқибат деб ҳисобланади ва мустақил малакалашни талаб этади».

Субъектив томонидан ҳокимият ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиши, ҳокимият ёки хизмат ваколоти доирасидан четга чиқиши, шунингдек, ҳокимият ҳаракатсизлиги – қасддан содир этиладиган жиноятлардир. Айбдор шахс унинг хизмат ваколатларидан фойдаланиб содир этган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳарбий хизмат манфаатларига зид келишини англаб этади, ва айнан шундай иш тутишни истайди ёки ўз ҳаракатларининг шундай турда эканлигига бепарво қарайди.

Айбдор шахснинг жиноят оқибатларига – қонунга кўра жиноят таркибининг мажбурий белгиларидан бири бўлган жиддий зиёнга муносабати ҳам қасд қилиши, ҳам эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши мумкин.

Жиноятни содир этиш мотивлари ва мақсади уни малакалаш учун аҳамиятга эга бўлмайди.

ЖК нинг 301-моддасида кўзда тутилган жиноятнинг субъекти мансабдор шахс бўлган ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин.

«Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари ҳарбий бошқарув органларининг тўғри, Қуролли Кучларнинг манфаатларига жавоб берувчи фаолиятига, ҳарбий бошлиқлар ва мансабдор

шахсларнинг ўз хизмат вазифларини амалга оширишининг белгиланган тартибига тажовуз қилади.

Ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг субъекти ҳарбий бошлиқлар ва бошқа мансабдор шахслар бўлиши мумкин. Ички хизмат Уставига биноан бошлиқлар хизмат лавозимига ва ҳарбий унвонига кўра бошлиқ бўлиши мумкин. Ҳарбий мансабдор шахсларнинг намунавий рўйхатлари Ички хизмат уставида, Интизхомий уставда, Гарнизон ва қоровул хизматининг уставида, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд бўлади.

Мансабдор шахслар шунингдек бошлиқ бўлмаган ҳолда доимий ёки вақтинча равишда маълум ташкилий-буйруқ ёки маъмурий-ҳўжалик вазифаарини бажариш билан боғлиқ бўлган лавозимларни эгаллаган ёки қўмондонликнинг махсус топшириғи билан бундай вазифаларни бажарадиган бошқа ҳарбий хизматчилар ҳам бўлиши мумкин. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ҳарбий хизматчиларга юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга ошириш имкнияти билан боғлиқ бўлган маълум ваколатлар берилади.

Ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг ижрочилари фақат бошлиқлар ва мансабдор шахслар, жиний шериклари эса бошқа шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг хусусияти шундаки, уларни содир этишда ижтимоий хавfli оқибатлар баъзида айбдор шахс томонидан бевосита равишда эмас, балки унга хизмат юзасидан бўйсунувчи шахслардан фойдаланиб, уларга ноқонуний буйруқ бериш орқали етказилади. Бундай буйруқни қасддан берган мансабдор шахс уни ижро этиш билан боғлиқ оқибатлар учун жавобгар бўлади. Бу ҳолда содир этилган қилмиш худди унинг томонидан шахсан содир этилганлар каби мансаб жинояти деб малакаланиши лозим, оқибатларининг ўзи мустақил жиноятни ҳосил қилган ҳолда эса жами содир этилган қилмишлар бўйича малакаланиши лозим.

Мансабдор шахснинг нотўғри ҳаракатлари ҳамда унинг содир этган жиноятининг оқибатлари ўртасида сабаб боғланиши аниқланиши лозим».

Агар ҳокимият ёки хизмат мавқеини суиистеъмом қилиши, ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиши, шунингдек, ҳокимият ҳаракатсизлиги ўртача оғирликдаги ёки оғир тан жароҳатларини етказиш билан бирга содир этилган бўлса, айбдор шахснинг ҳаракатлари ЖК 301-моддасининг 2-қисми бўйича малакаланади.

ЖК нинг 301-моддасининг 3-қисмида

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ўша қилмишлар учун жавобгарлик кўзда тутилган.

ЖК нинг 301-моддаси 3-қисмининг «б» банди маъносидаги бошқа оғир оқибатлар деганда икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши, инсон қурбонлари, ҳалокатлар ва бошқалар тушунилиши лозим.

Ҳокимият ёки хизмат мавқеини суиистеъмом қилиши, жанговар вазиятда содир этилган ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиши, шунингдек, ҳокимият ҳаракатсизлиги мансабдор шахс бўлган ҳарбий хизматчининг ЖК нинг 301-моддаси 4-қисми бўйича жавобгарликка тортилишига олиб келади.

§ 2. Хизматга совуққонлик билан қараш (ЖК нинг 302-моддаси)

Жиноятнинг асосий бевосита объекти мансабдор шахс бўлган ҳарбий хизматчининг ўз функционал вазифаларини бажаришининг белгиланган тартибини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар бўлади. **Қўшимча бевосита объект** бу ерда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ўзгалар мулкининг хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар билан

ифодаланган.

ЖК нинг 302-моддасида кўзда тутилган жиноятнинг **объектив томони** кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигида ифодаланади.

Эслатма!

Хизматга совуққонлик билан қараш мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигидан иборат.

«Вазифаларини тегишлича бажармаганиги шунда намоён бўладиги, улар расман, совуққон ҳолда, тегишлича эътибор, пухталиқ ва тиришқоқликсиз, керакли тезкорлик ва ташаббускорликсиз бажарилади. Бепарволикнинг ушбу шакли ҳарбий мансабдор шахснинг хизмат юзасидан ишониб топширилган мулкига эҳтиётсиз муносабатида ва унинг шикастланиши ёки бузилишига сабаб бўлишида, моддий бойликлар сарфланишининг тегишлича бўлмаган ҳисоби ва назоратида, агар бунинг оқибати ўғирлик ёки камомад бўлса, бошлиқнинг бўлинмада ҳарбий тартибга келтиришнинг тегишли чоралари кўрилмаганлигида, бўйсунувчилар томонидан интизомнинг қўпол бузилишига ёки қўмондонликнинг топшириғи бузилишига сабаб бўлса, ва ҳоказоларда ифодаланади.

Бепарволик мансабдорлик жинояти сифатида мансабдор шахс томонидан унинг хизмат ваколатларига кирувчи, унга эгаллаган лавозими туфайли юклатилган мажбуриятлар доирасига кирувчи хизмат юзасидан ҳаракатларини бажармаганлиги ёки тегишлича

бажармаганлигини кўзда тутади.

Мансабдор шахс фақат ўз хизмат бурчи юзасидан у ёки бу вазифаларини бажариши лозим бўлган, балки уларни тегишлича тарзда бажаришнинг ҳақиқий имкониятига эга бўлган ҳолдагина бепарволиги учун жавобгар бўлиши мумкин. Агар мансабдор шахс ўзининг хизмат вазифаларини тегишлича амалга оширишнинг ҳақиқий имкониятига эга бўлмаган шароитларда бўлса, у ҳолда бепарволиги учун жавобгарлик истисно этилади». Қаралаётган жиноят йирик зарар ёки бошқа оғир оқибатлар юз берган пайтида бошлаб тугалланган деб ҳисобланади. Хизматга совуққонлик билан қараш ҳамда юз берган оқибатлар ўртасидаги сабаб боғланиши жиноятнинг объектив томонининг мажбурий белгиси бўлади.

Фуқароларнинг соғлиғига зарар етказилиши шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутадиган тегишли ЖК моддалари бўйича жами жавобгарликка тортилади.

Субъектив томонидан жиноят эҳтиётсизлик билан, жиноий ўз-ўзига ишониш ёки жиноий бепарволик шаклида содир этилади. Жиноятнинг **субъекти** мансабдор шахс бўлган ҳарбий хизматчи бўлади.

«Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари» мавзуси бўйича яқуний саволлар

1. Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари қайси турларига бўлнади? Бу турлардан ҳар бири нимада ифодаланади?
2. Ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг хусусиятлари нимадан иборат?
3. Ҳокимиятни суистеъмол қилиш ҳокимият ҳаракатсизлигидан нималар билан ажралиб туради? Ушбу жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларга нималар киради?
4. Хизмат вазифаларини бажаришга жиноий совуққонлик билан қараш нимада ифодаланиши мумкин? Ушбу жиноят учун

жинойй жавобгарликни истисно этувчи шароитлар қандай?